

Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy

AL-JOMI' AS-SAHIH (1-jild)

Arabchadan **Zokirjon Ismoil** tarjimasi

Qomuslar Bosh tahririyati
Toshkent
1991

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Shayx, imom va hofiz (Qur'on va hadisni yod biluvchi) Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil ibn Ibrohim ibn al-Mug'iyra al-Buhoriyni Alloh taolo rahmat qilsin, omin!

1-bob. Rasululloh sallolohu alayhi va sallamga nechuk vahiy kela boshlagani hamda Ollah taoloning "Biz senga Nuh va undan keyingi payg'ambarlarga nechuk vahiy yuborgan ersak,shunday vahiy yubordik" degan qavli hususida.

Yahyo inb Sa'id rivoyat qiladilar: "Umar ibn al-Xattob minbarda turganlarida: " Rasululloh sallolohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitganman", -dedilar: "Darhaqiqat, barcha amallar niyatga yarasha bo'lg'usidir. Kimki hijratdan niyati dunyo topmoq ersa, dunyoga erishg'usi, kimki hijratdan niyati xotin olmoq ersa, xotinga nikohlang'usidir. Demak ne niyatda hijrat qilganlig'i etiborga oling'usidir"

Urva ibn Zubayr rivoyat qiladilar,u kishi ersa, Oisha onamizdan eshitgan erkanlar: "Horis ibn Hoshim (r.a) Rasulullohi alayhi va sallamdan: "Yo Rasululloh, sizga vahiy nechuk kelg'usidir", - deb so'radi. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam "Menga vahiy, ba'zan qo'ng'iroq ovozi yanlig' kelg'usidir. Kuchli vahiy kelganda shunday bo'lg'ay. Shunda men butun borliqni unutm'um va vahiy so'zlarini uqib olg'umdir. Ba'zan esa, menga inson qiyofasidagi farishta vahiy keltirg'ay, men uning aytganlarini yodlab olg'ayman",-deb javob qildilar"

Oisha (r.a) : "Qattiq sovuq kunlardan birida ul kishiga vahiy kelganining guvohi bo'lgan erdim. Shunda ul zot butun borliqni unutmagan holatda bo'lib, peshonalari qattiq terlab ketgan erdi", - deb aytdilar.

Urva ibn Zubayr Oisha onamizdan bunday deb naql qiladilar: "Dastlabki vahiy Rasululloh sallolohu alayhi va sallamga uyqularida sof tush tarzida nozil bo'lgan erdi. Keyin, tong shafag'i yanglig' nurdan o'zgasi tushlariga kirmay qo'ydi. Shundan so'ng, Rasululloh yolg'izlikni xushlaydigan bo'lib qoldilar. Oilalarini tark etib, yolg'iz o'zlari Hiro' tog'idagi g'orda qatorasiga bir necha tun toat-ibodat qilib chiqar erdilar. Shu boisdan ham o'zlari birlan yegulik olib chiqib ketar erdilar. Yeguliklari tugagach, Xadichaning huzurlariga

kelib, yana taom olib, yana toqqa qaytar erdilar.

Haqiqatga yetishgunlariga qadar shunday qilaverdilar. Bir kuni odatdagidek Hiro'dagi g'orda ibodat birlan mashg'ul bo'lib o'ltirganlarida xuzurlariga bir farishta kelib: "Iqra'(o'qi)!", - deb aytdi. "O'qiy olmasman, dedim, - deydilar Rasululloh sallolohu alayhi va sallam, -shu payt ul zot meni bo'g'a boshladi, hatto men hirillab qoldim. Keyin meni qo'yib yubordi-da, yana: "O'qi!" -dedi. Men "O'qiy olmasman", - deb erdim, ul meni ikkinchi bor bo'g'ishga tutindi, so'ng yana qo'yib yubordi-da: "O'qi!" - dedi. Men ersam: "O'qiy olmasman", - deb javob qildim. Ul uchinchi marta bo'g'a boshladi, men tag'in hirillab qoldim. Keyin, qo'yib yubordi-da: "Seni yaratgan Rabbingning, insonni alaq(lahta qon)dan yaratgan Parvardigoringning ismi ila o'qi, o'qi! Rabbing eng sahovatlidir!" - dedi". Shundan so'ng Rasululloh sallolohu alayhi va sallam qo'rquvdan a'zoyi-badanlari titrab-qaqshab Xadicha binti Huvaylidning huzuriga keldilar-da: "Meni o'rab(yashirib) qo'yinglar, meni o'rab qo'yinglar!" - dedilar. Ular Janob Rasulullohni qo'rquvlari tarqalgunga qadar o'rab qo'yishdi. So'ng, Xadishaga bo'lgan voqeani aytib berdilar-da: "Men o'zimdanda xavotir oldim (ya'ni,"Menga biron narsa bo'lib qolmasaydi" - deb qo'rqdim)", - dedilar. Xadicha (r.a.) bunday dedilar: "Yo'q, mutlaqo unday emas. Xudo haqqi, Olloh taolo sizni hech vaqt sharmanda qilmag'ay, siz qarindosh-urug'chilik munosabatlarini yo'lga qo'yg'aysiz, og'irni yengil qilg'aysiz, yo'qsillarni to'ydirg'aysiz, mehmon kutg'aysiz va haqiqiy ezguliklarning ro'yobga chiqishiga sa'yu imdod aylag'aysiz".

So'ng, Xadicha onamiz Janob Rasululloh o'zlarining amakivachchalari bo'lmish Varaqa ibn Navfal inb Asad ibn Abdulluzo huzuriga olib bordilar. Ul kishi johiliya davrida nasroniy dinini qabul qilgan erdilar. Ibroniycha xat-savodlari bo'lib, Injildan Olloh taolo istagancha ibroniycha matnlarni ko'chirib yozar erdilar. O'zlari kekxa va ko'zlari ojiz erdi. Xadicha (r.a) Varaqaga: "Ey amakimning o'g'li, birodaringizning gaplariga quloq osingiz!" - dedilar. Varaqa: "Ey birodarimning o'g'li, nimalarni ko'rdingiz, aytingiz!" - dedi. Janob Rasululloh nimaiki ko'rgan bo'lsalar, birma-bir ayon ayladilar. Varaqa Janob Rasulullohga qarata: "Bu, Olloh taolo Muso alayhissalomga yuborgan o'sha Hazrat Jabroilning o'zginasidir. Koshki erdi, men yosh bo'lsamu, (islom) diniga da'vat qilmoqda ishirok etsam, sizni qavmingiz o'z orasidan quvib chiqargan vaqtda men hayot bo'lsam!" - deb aytdi.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam hayrotomuz: "Mening qavmim o'z orasidan haydag'aymi?" - dedilar. Varaqa: "Ha, shunday. Bu vaqtga qadar biror kimsa menga siz kabi habar keltirmagan erdi, garchi keltirgan ersada, men uni qaytarib yuborgan erdim. Sizga Olloh taolo muyassar etg'usi kunlar menga ham nasib etsa, sizga amaliy madad berg'umdir!" - dedi. Lekin Varaqa ko'p o'tmay dor ul-baqoga rihlat etdi. Janob Rasulullohga bir muncha vaqt vahiy kelmay qo'ydi.

Ibn Shihob (r.a) rivoyat qiladilarki, Jobir ibn Abdulloh al-Ansoriy Rasulullohga vahiy kelgan vaqt haqida bunday degan erkanlar: "Men (ya'ni, Janob Rasululloh) yo'lda ketayotgan erdim, nogahon osmondin kelayotgan bir ovoz qulog'imga chalindi. Nigohimni yuqoriga qaratgan erdim, Hiro' g'orida huzurimga kelgan o'shal farishta osmon ila yer oralig'inda kursi uzra o'ltiribdir. Men undan qo'rqib (uyga) qaytib keldim-da: "Meni (bir narsa birlan) o'rab qo'yingiz, o'rab qo'yingiz!" - dedim. Shu asnoda Olloh taolo oyat nozil qildi ("Ey burkanib olgan banda, o'rningdan turg'il, ogah bo'lg'il.. "dan "... azob" degan so'zigacha)".

Ushbu hadisni Abdulloh ibn Yusuf va Abu Solih ham rivoyat qilishgan. Hilol ibn Raddod uni Zuhriydan eshitib davom ettirgan. Yunus va Ma'mar ersa, uning kamchiliklarini to'ldirgandir.

Sa'id ibn Jubayr aytdilarki, Ibn Abbos Olloh taoloning "(Jabroil) Qur'on o'iganida sen takrorlashga oshiqma!" degan oyati haqida bunday deb rivoyat qilgan erkan: "Nabiysallolohu alayhi va sallam nozil bo'lgan oyatning mazmunini tezda tushunib olishga harakat qilardilar. Shu sababdan lablarini qimirlatar erdilar". Ibn Abbos yana bunday dedilar: "Men lablarimni, Janob Rasululloh qanday qimirlatgan bo'lsalar, shunday qimirlatib ko'rsatyapman", - dedi. Olloh taolo: "(Jabroil) Qur'on o'qiganda sen shoshib takror qilma! Qur'onni qalbingga va xotirangga jo qilmoq, istagan vaqtingda uni o'qishga seni qodir etmoq bizning bo'ynimizdadir" va "Agar biz uni (Jabroil qiroat orqali) o'qisak, sen unga quloq sol!" degan oyat nozil qildi. Shundan so'ng, Janob Rasululloh agar Jabroil vahiy keltirsa, avval unga quloq solib, ketganidan keyin ersa, u o'qigandek takrorlab o'qir erdilar".

Ibn Abbos bunday deb rivoyat qiladilar: " Rasululloh sallolohu alayhi va sallam barcha insonlar ichida eng sahovatli zot erdilar. Ramazonda Hazrat Jabroil birlan uchrashganlarida sahovatlari yanada ortar edi. Hazrat Jabroil Janob Rasululloh birlan har kecha uchrashib, Qur'onni muzokara qilar erdilar. Hazrat Rasululloh xayrli ishda kuchli shamoldan ham tez erdilar ".

Abdulloh ibn Utba ibn Mas'ud rivoyat qiladilar: "Abu Sufyon ibn Harb habar qiladilarki, Xiraql Quraysh karvoni Shomda savdo qilib turganida, uning xuzuriga odam yubordi. Bu vaqt Janob Rasululloh (Abu Sufyon va) Quraysh kofirlarini poylab turgan erdilar. Ular(Quraysh kofirlari) Iliya (Baytulmuqaddas)da ekanliklarida Xiraql xuzuriga bordilar. Xiraql ularni o'z majlisiga chaqirdi, uning atrofida Rum zodogonlari o'ltirgan erdi.

Ular birlan birga tarjiminni ham chorladi-da: "O'zini payg'ambar deb gumon qiloyatgan kishiga qaysi biringiz nasab jixatdan yaqinroqsiz?" - dedi. Abu Sufyon: "Men unga nasab jixatdan yaqinroqdurmen" - dedi. Xiraql: "Uni (Abu Sufyonni) va uning ashoblarini menga yaqinroq olib kelinglar!" - dedi. Ularni Xiraqlning yelkasiga yaqin joyga olib kelib, turg'azib qo'yidilar. Xiraql tarjimonga: "Unga (Abu Sufyonga) ayt, men o'sha payg'ambar haqida so'ramoqchiman, menga yolg'on gapirsalar, unga yolg'on gapirgan bo'ladilar " - dedi. Abu Sufyon bunday dedi: "Olloh haqqi, agar mendan yolg'on talab qilishdan hayo qilmasalar erdi, shu onda men yolg'on gapirgan bo'lur erdim. U Xiraql dastlab mendan Janob Rasulullohning oramizdagi nasablari qanday ekanligi haqida so'radi. Men: "U bizning oramizda baland nasab egasidir" - dedim. Xiraql: "Undan ilgari shu qavl ni (ya'ni, payg'ambarlikni) sizlardan xech kim aytganmidi?" - deb so'radi. Men: "Yo'q" - dedim. U: "Unga zodogonlar ergashyaptimi yo zaiflarmi?"-dedi. Men: "Zaiflar ergashyapti" - dedim. U: "Ularning soni ko'payyaptimi yo ozayyaptimi?" - dedi. Men: "Ko'payyapti" - dedim. U: "Uning diniga kirganlardan biror kishi uning dinidan g'azablanib dinidan qaytayaptimi?" - dedi. Men: "Yo'q" - dedim. U: "U dinga da'vat qilmasidan ilgariuni yolg'onchilikda ayblar edingizmi?" - dedi. Men: "Yo'q" - dedim. U: "Xiyonat qilarmidi?" - dedi. Men: "Yo'q, bir qancha mudatdan beri uning qanday ishlar birlan bandligini bilmaymiz" - deb ham edimki, Xiraql gapimni bo'lib: "Unga qarshi jang qildingizmi?" - dedi. Men: "Jang qildik" - dedim. U: "qanday qilib jang qildingiz" - dedi. Men: "O'rtacha, goh ular bizga, goh biz ularga shikast yetkazardik, ba'zan ular, ba'zan

biz g'alaba qilardik" - dedim. Xiraql: "U sizlarni nimaga buyuradi?" - dedi. Men: "Yolg'iz Ollohga ibodat qilishni, unga shirk keltirmaslikni, hatto otalarimiz shirkka da'vat etsa, ularga quloq solmaslikni, namoz o'qishni, rostgo'ylikni, pokiza va iffatli, oqibatli, rahmshafqatli bo'lmoqni buyuradi" - dedim.

Xiraql tilmoch orqali menga bunday dedi: "Uni nasabini so'rasam, sen nasabi baland, deb aytding, payg'ambarlar aynan shunday bo'ladi. Sizlardan hech kim bundan ilgari mazkur qavl(payg'ambarlik qavli) ila chiqqanmi, desam, sen: "Yo'q", - deding Undan ilgari ham biror kishi shu da'voni qilib chiqqan bo'lsa, bu odam ilgari aytilgan qavlg taqlid qilyapti, degan bo'lur erdim. Men sendan: "Uning ota-bobolari ichida podshoh bo'lganlar bormi?" - deb so'rasam, sen: "Yo'q" - deding. Agar ota-bobolari ichida podshoh o'tgan biror kishi bo'lganida edi, men: "U o'shaning mulkini talab qilyapti " - degan bo'lur erdim. Men: "Uni dinga da'vat qilmasdan ilgari, yolg'onchilikda ayblarmidingiz?" - deb so'raganimda, sen: "Yo'q"-deding. Men bildimki, u ilgari ham odamlarga yolg'on gapirmagan, bunday odam Olloh haqida yolg'on so'zlamaydi. Men sendan: "Unga zodogonlar ergashyaptimi yo zaiflarmi?" - deganimda, sen: "Zaiflar" - deb aytding. Payg'ambarlarga doimo zaiflar ergashgan. Men sendan: "Ergashayotganlarning soni ko'payyaptimi yo ozayyaptimi?" - deb so'rasam, sen: "Ular ko'payayaptilar" - deding. Iymonning ishi ham shunday barkamol bo'ladi. Men senga: "Uning diniga kirganlar undan g'azab qilib dindan qaytyaptimi?" - desam, sen: "Yo'q" - deb aytding. Iymon, ko'rkamligi dillarga yoqib qolsa, xuddi shunday doimo barkamol bo'ladi. Men sendan: "U xiyonat qiladimi?" - desam, sen: "Yo'q" - deding. Payg'ambarlar hiyonat qilmaydi. Keyin sendan: "U sizlarni nimaga buyuradi?" - deb so'radim. Sen: "Ollohga ibodat qilishga, but(sanam)larga sig'inmaslikka, namoz o'qishga, rostg'o'y va iffatli bo'lishga buyuradi" - deb aytding.

Sening aytganlaring rost bo'lsa, u kelib, men hozir mana shu turgan joyni oladi. Men yana payg'ambar chiqishini bilar erdim, lekin sizlarning orangizdan chiqishidan behabar erdim. Agar unga ixlos qilolsam, u birlan uchrashish uchun mashaqqat chekishga rozi erdim. Agar uning huzuriga borsam, uning oyoqlarini yuvib qo'ygan bo'lar erdim".

Keyin, Xiraql Dih'ya (sahoba) orqali Rasululloh Busro boshlig'iga berib yuborgan xatni olib kelishni amr qildi. Uni Xiraqlga uzatdilar. U xatni o'qib ko'rди, unda "Bismillohir rahmonir rahiyumi. Muhammad ibn Abdulloh-Ollohning Rasulu- Xiraql Rum boshlig'iga. Hidoyat yo'liga yurganlarni Olloh hidoyat qilsin! Ammo ba'd: seni islomga da'vat etaman, islomni qabul qil, tinch bo'lursan. Olloh buning uchun senga ikki barobar ajr va savob berg'usidir. Agar undan yuz o'girsang, erisdek(bid'atchidek) gunohkor bo'lg'aysen. Ey ahli kitoblar, o'zaro tenglik kalimasini qabul qilaylik, Ollohdan boshqaga ibodat qilmaylik, unga shirk keltirmaylik, bir-birimizmi Ollohdan o'zga tangri deb bilmaylik(ya'ni, insonni Olloh darajasiga ko'tarmaylik) agar yuz o'girsalar, guvoh bo'linglarki, biz musulmonmiz". Abu Sufyon bunday dedi: "Xiraql so'zini tugatgachva Janob Rasulullohning nomalarini o'qib bergach, uning xuzuridagilar shovqin-suron ko'tarishib, bizni tashqariga haydab chiqarishdi. Men hamrohlarimga: "Ibn Abu Kabshaning aytgani rost chiqdi, u: "Baniy al-Asfar(rumliklar) podshohi payg'ambarda qo'rqadi", - deb aytgandi. Men islomga kirmasimdan avval payg'ambar chiqishiga ishonar edim", - dedim".

Iliya hokimi Ibn an-notur va Shom xristianlarining usqufi(yepiskopi) Xiraql bunday deyishar erdi: "(Hukmdor) Xiraql Iliyaga kelganida badxulq bo'lib qoldi. Unga bitriqlari

(patriarxlari): "Sening turqingni yoqtirmayapmiz", - deyishdi. Ibn an-Notur bunday deydi: "Xiraql yulduzlarga e'tiqod qilar va ularni kuzatar erdi. Undan bu borada so'rashganda u: "Men bu kecha yulduzlarni kuzatganimda xatna podshohi zuhur qilganini ko'rdim, bu xalq orasida ham xatna qiluvchilar paydo bo'ldi", - dedi. "Parvo qilma, yahudiylardan boshqalar xatna qilmaydi. Shaharlarga xat yoz, u yerlardagi yahudiylarni o'ldirsinlar, deb maslahat berishdi. Shu payt G'asson podshohiga Janob Rasululloh haqlarida xabar olib kelgan kishini Xiraql huzuriga olib kirdilar. Xiraql: "Borib bilinglarchu u xatna qilinganmi, yo'qmi?" - dedi. Payg'ambar xatna qilingan ekan, deb xabar keltirishdi. Arablardan so'rab erdi, ular ham buni tasdiqladilar. Shunda Xiraql: "Bu o'sha, (yulduzlarni kuzatganimda) zuhur qilgan mana bu ummat (ya'ni arablarning) podshohi" - dedi. Keyin, Xiraql Rumiya'dagi o'zi kabi bilimdon sohibiga xat yozdi-da, Xumsga jo'nadi, u yerga yetib ulgurmay sohibidan javob maktubi oldi. Unda Xiraqlning Payg'ambar sallolohu alayhi va sallamning zuhurlari haqidagi fikri qo'llab-quvvatlangan va ul zotning haqiqiy payg'ambar ekanliklari aytilgan edi.

Xiraql Rum zodogonlaridan Xumsda qolishga ijozat so'radi. Xumsning darvozalari yopilgach, u shahr ahliga: "Ey Rum ahli, sizlar najot va to'g'ri yo'l topmoqchi bo'lsangiz, davlatingizning ustuvor bo'lishini istasangiz, o'sha payg'ambarga ergashinglar!" - dedi. Shunda ular yovvoyi eshakdek vahimaga tushib, o'zlarini darvozalar tomon urdilar, ammo darvozalarning yopiqligini ko'rdilar. Xiraql ularning vahimaga tushganini ko'rib, iymon keltirishlaridan noumid bo'ldi-da: "Ularni qaytaringlar!"-deb amr qildi. Keyin: "Men sizlarning o'z dinigingizga bo'lgan ixlosingizni sinab ko'rish uchun shunday degan edim. Men bunga amin bo'ldim", - dedi. Shahr ahli unga sajda qildilar va undan mamnun bo'ldilar".

Bu, Xiraql bilan sodir bo'lgan so'nggi voqea edi. Mazkur voqeani Solih ibn Kayson, Yunus va Ma'mar Az-Zuhriydan naql qildilar.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

IYMON KITOBI

1-bob. Iymon kitobi.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bunday deganlar: "Islom 5 dalil asosiga qurilgan. (Islomdan murod iymon demakdir). Iymon so'zda ham ,amalda ham bo'lmog'i kerak. Iymon kuchaygaydir va susaygaydir".

Dalili: Oллоh taolo Qur'oni Karimda: "Iymonlarini yanada ziyoda qilsinlar, deb ularga hidoyatimizni ziyoda qildik" va "Oллоh taolo hidoyat topgan kishilarning hidoyatini ziyoda qildi va ularga taqvo ato etdi", -deb aytgan. Rasululloh sallolohu alayhi va sallamning "Oллоhni deb yaxshi ko'rish va Oллоhni deb yomon ko'rish iymondandir." Degan so'zlari ham iymonning mustahkamlanishi yoki susayishini anglatadi.

Halifa Umar ibn Abdulaziz Adiy ibn Adiyga bunday deb yozgan: "Albatta, iymonning ham o'z farz va amallari, muayyan chegaralari, bajarilishi lozim bo'lgan sunnatlari mavjuddir. Demak, kimki bularga to'liq amal qilsa, iymoni mukammal bo'lgaydir, kimki yetarli rioya qilmasa, iymoni sust bo'lgaydir. Agar umrim uzoq bo'lsa, sizlarga bilib olishlaringiz uchun bular haqida birma-bir bayon qilarkan, basharti vafot etsam, suhbatingizga mushtoqligim yo'q".

Sahoba Maoz: "Kel, biz bilan biroz o'tir, oymon haqida suhbatlashaylik!" -deganlar.

Ibn Umar aytganlar: "Banda ko'ngliga kelgan har bir gunoh xavfi bor narsani tark etmaguncha taqvo haqiqatiga yeta olmaydir. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam: "Islom 5 dalildan iborat", -deganlar:

1. Kalimai shahodat (aytmoq);
2. Namoz o'qimoq;
3. Zakot bermoq;
4. Haj qilmoq (imkoni bo'lsa);
5. Ramazon ro'zasini tutmoq".

2-bob. Iymon shartlari.

Oллоh taolo aytadi: "Yaxshi kishilar, ibodat vaqtida yuzlarini Sharqqa va G'arbga qaratgan kishilar emas, balki Oллоh taologa, uning farishtalriga, oxirat kuniga, kitoblariga, payg'ambarlariga ishongan, yaxshi ko'rgan mol-mulkini qarindoshlarga, musofiru tilamchilarga, qulini ozod qilishga sarflagan hamda 5 vaqt namozni vaqtida o'qigan va zakot bergan, Oллоh bilan o'zi o'rtasidagi va bandalar o'rtasidagi ahdiga vafo qilgan, yetishmovchiliklarga qanoat qilgan va boshiga kulfat tushganda bardosh bergan kishilardir. Mana shunday sifatga ega bo'lganlar diniga sodiq odamlar bo'lib, kufr hamda yaramas xulqlardan o'zlarini ehtiyotlagaydirlar va o'zlariga yetuk insoniy fazilatlarini mujassam qilgaydirlar". Iymonning mukammal bo'lmog'ining uch sharti:

- to'g'ri e'tiqodli bo'lmoq;
- kishilar bilan yaxshi munosabatda bo'lmoq;
- kishi o'z ustida ishlamoq va o'zini ibodat va itoatga chiniqtirmog'i. Kimki bularni to'la o'zlashtirsa, iymonni mukammal bo'lgaydir. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam iymon to'g'risida so'ralganda, yuqoridagi oyati karimani o'qigan edilar.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bunday deganlar: Iymon daraxt yanlig' 60dan ortiq shohga egadir. Gunoh qilmoqqa Olloh va bandalardan uyalmak o'sha shohlardan bittasidir".

3-bob. Birovga zarari tegmagan kishi musulmondir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Qo'li bilan va tili bilan o'zgalarga ozor bermagan kishi musulmondir. Olloh taola man etgan narsalardan qaytgan kishi Xudo yo'lida jihod qilgan kishidir".

4-bob. Islomda eng afzal amal qaysi?

Rasululloh sallolohu alayhi va sallamdan so'radilar: "Yo Rasululloh, musulmonlarning afzali qaysi kishidir?". "Qo'lidan va tilidan boshqa musulmonlar ozor topmagan kishidir", - deb javob berdilar.

5-bob. Ochlarni to'yg'azish islomdandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallamdan so'radilar: "Qaysi xislatlar islomda eng yaxshidir?". Aytдилar: "Ochlarga taom bermog'ing va tanigan tanimaganingga salom bermog'ing"

6-bob. O'zi yaxshi ko'rgan narsani birodariga ravo ko'rmoqlik iymondandir.

"O'zingiz yaxshi ko'rgan narsani birodaringizga ravo ko'rmaguningizcha hech biringiz chinakam mo'min bo'la olmaysiz"

7-bob. Sevishlik iymondandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Toki meni otangizdan ham , bolangizdan ham, barcha odamlardan ham yaxshiroq ko'rmas ekansiz, birortangiz mo'min bo'la olmaysiz"

8-bob. Iymon halovatiga erishmoq.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Kimda quidagi uch xislat bo'lsa, unga iymon huzur-halovat baxsh etgaydir:

- Olloh va Rasulini hammadan ko'ra yaxshi ko'rmoq;
- Yaxshi ko'rgan kishisini faqat Ollohmi deb (Olloh yaxshi ko'rgani uchun) yaxshi ko'rmoq;
- Yomon ko'rgan kishisini faqat Ollohni deb (Olloh yomon ko'rgani uchun) yomon ko'rmoq".

9-bob. Ansorlarni yaxshi ko'rish kishi iymonining mukammalligi alomatidir

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Ansorlarni yaxshi ko'rmoq iymon alomatidir, yomon ko'rmoq munofiqlik belgisidir."

10-bob. Rasululloh maslahatlari.

Bir qancha sahobalar o'rtasida Rasululloh aytdilar: "Olohni bir deb bilgaymiz, unga shirk keltirmagaymiz, o'g'rilik qilmagaymiz, zino qilmagaymiz, farzandlarimizni o'ldirmagaymiz, tuhmat qilmagaymiz (zino va boshqa narsalar hususida), shariat amriga itoat qilgaymiz, deb menga so'z beringiz. Kimki ushbu so'zlarga vafo qilsa, Oloh yarlaqaydir, ammo kimki ushbu og'ir gunohlardan birortasini qilib qo'ysa va u bu dunyoda jazolansa, o'sha jazo unga kafforatdir (oxiratda qayta jazolanmaydi). Kimki shu gunohlardan birortasini qilsa-yu, Oloh yashirgan bo'lsa, bu o'ziga xavoladir, xohlasa kechgaydir, xohlasa azoblagaydir". Sahobalar: "Shunga so'z berdik", -deb aytdilar

11-bob. Fitnadan hazar qilmoq dindandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytdilar: "Shunday davrlar kelgaydirki, musulmon o'z dinini fitnalardan asramoq maqsadida tog'u-toshlarga qo'y haydab chiqib ketishni afzal ko'rsa, ajab ermas."

12-bob.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytdilar: "Men hammalaringizdan ko'ra Olohni yaxshiroq bilgayman" (Kishining diyonati, iymoni mustahkamlangani sari Olohni yaxshiroq taniyveradi)

13-bob.

Olohni dil ko'zi bilan ko'rmoq, tanimoq kerak (ya'ni, iymon kalima keltirish bilangina bo'lmaydir, balki Olohga qalbdan e'tiqod qilmoq lozim). Oyati karimada: "(Oloh taolo) og'zingizdan beixtiyor chiqib ketgan qasam uchun gunohkor qilmagaydir, lekin dilingizga tugilgan yomonliklaringiz uchun gunohkor qilgaydir" deyilgan.

Oisha onamiz aytganlar: "Rasululloh sallolohu alayhi va sallam sahobalariga qudrati yetadigan ishni buyurgan edilar, sahobalar: "Biz siz singari emasmiz-ku, Oloh sizning ilgarigi va kelgusi gunohlaringizni kechirgan (shuning uchun ham bizga ko'proq ish buyuravering, biz ko'proq riyozat chekmog'imiz lozim)", -dedilar. Rasulullohning g'azablari kelgani yuzlaridan bilindi: "Oralaringizda eng taqvoliroq va Olohni tanidiganroq kishi menman", -deb javob qildilar".

14-bob. Qayta kofir bo'lmoqni o'tda kuymoqni rad qilgandek rad etmoq iymondandir

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytdilar: "Quidagi 3 narsa kimda bo'lsa, u iymondan halovat topgusidir:

- kimki Oloh va uning Rasulini boshqalardan yaxshiroq ko'rsa;
- yaxshi ko'rgan kishisini faqat Oloh yaxshi ko'rgani uchun yaxshi ko'rsa;
- kofirlikka qaytishlikni xuddi o'tga tushgandek yomon ko'rsa".

15-bob. Iymon ahlining hayotlarida qilgan ishlariga ko'ra bir-birlaridan afzalliklari.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam deganlar: "Ahli jannat jannatga kirgaydir, ahli do'zax

do'zaxga kirgaydir, keyin Olloh taolo maloikalriga: "Qalbida zarracha iymoni bor odamni do'zaxdan chiqaringiz!", -deb aytadir. Ular shundan so'ng, kuyib, qorayib ketgan holda do'zaxdan chiqqaydirlar, hayot daryosida cho'milgaydirlar, yomg'irdan keyin giyohlar ungandek badankari ko'rkam bo'lg'usidir".

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytdilar: "Tushimda ko'rsam, odmlarning ko'ylaklari etagi ko'kraklari barobarida, ba'zi birlariniki esa undan ham kalta. Ularning oralarida Umar ham bor, uning ko'ylagi uzun, hatto yerda sudralib yuribdir". Sahobalar so'radilar: "Nimaga yo'ydingiz?". "Dinga yo'ydim", -dedilar Rasululloh sallolohu alayhi va sallam.

16-bob. Hayo iymondandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam birodariga iymondan o'git berayotgan ansorlardan birining yonodan o'ta turib, unga bunday dedilar: "Qo'yavergil uni, hayo iymondandir!".

17-bob. Amal qilmoq iymondandir.

Ollloh taolo oyati karimasida: "Mushriklar (Olllohning birligini inkor qiluvchilar), agar tavba qilib, iymonga kelsalar, namoz o'qisalar va zakot bersalar, ularni tinch qo'yingiz!", -deb aytgan.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bu xususda bunady deganlar: "(Ollloh) menga: "Odamlar kalimai shahodit aytib, namoz o'qiydirgan, zakot beradirgan bo'lgunlariga qadar kurashgil!", -deb buyurgan. Agar bunga amal qilsalar, mollari-yu jonlari mendan omon qolgaydir. Uxraviy hisoz-kitobi (oxirat xisob-kitobi) Olllohning o'ziga havola, zero islomda gunoh deb hisoblangan ishlarni qilsalar, albatta jazosiz qolmaslar".

18-bob. Iymon-islom amriga amal qilmoq

Ollloh taolo oyati karimasida: "Jannat-qilgan amali solihlaringiz evaziga berilgandir", -deydi. Boshqa bir oyatda esa: "Rabbing, muqarrarkim, barchadan "Lo iloha illalloh" ga qanday amal qilganlarini so'ramay qo'ymas", -deyiladi. Yana bir boshqa oyatda: "Najot istaganlar amal qilsinlar!", -deyilgan.

Janob Rasululloh sallolohu alayhi va sallamdan so'radilar: "Qaysi mal afzaldir?". "Ollloh va uning Rasuliga ishonmoq", -deb javob berdilar. "Undan keyin qaysi?", -dedilar. "Ollloh yo'llida jihod qilmoq", -deb aytdilar. "Undan keyin-chi?", -deb so'radilar. "Qabul bo'lguchi hajdir", -deb javob qildilar.

19-bob. Islomni o'limdan qo'rqqanidan yoki itoatkorlik yuzasidan qabul qilgan kishining iymoni iymon emas!

Ollloh taolo oyati karimasida: "Badaviylar: "Iymon keltirdik", -deb ayturlar, siz ularga: "Iymon keltirmadingiz, balki, taslim bo'ldik, deb aytingiz! -deng", -deyilgan. Islomning haqiatdan qabul qilingani iymon keltirmoq bilan isbotlangaydir. Ollloh taolo boshqa bir oyatida: "Ollloh uchun maqbul yo'l faqat islom yo'lidir", yana bir oyatida esa: "Kimki islomdan boshqa yo'lni istasa, zinhor qabul qilinmaydir", -deyilgan.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam 5-10 odamga sadaqa ulasha boshladilar. Men ham shu yerda o'tirgan edim. Rasululloh bir kishiga sadaqa bermadilar, u esa men yoqtirgan (solih) kishi edi. Men: "Yo Rasululloh, falonchiga nega bermaysiz? Uni men mo'min deb bilurman", -dedim. "Musulmon deb emasmi?", -dedilar. Ozgina jim

qoldim,so'ngra u odam haqida ba'zi bir bilgan narsalarimni aytib, yana so'radim:"Nega falonchiga bermaysiz? Uni men mo'min deb bilurman". Rasululloh dedilar:"Musulmon deb emasmi?". Biroz jim turib,yana so'radim. Rasululloh aytdilar:"Ey Sa'd, u kishiga berar edim-u, lekin undan ko'ra boshqalarga berganim ma'qulroqdir, chunki Oллоh ularni do'zaxga tushirishidan qo'rqgayman".

20-bob. Salom berish islom amallaridandir.

Sahoba Ammor aytganlar:"Uchta hislatni o'zida mujassam qilgan kishining iymoni mukammal bo'lgaydir:

- insofli va adolatli bo'lmoq;
- barchaga salom bermoq;
- kambag'alligida ham sadaqa berib turmoq.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallamdan bir kishi so'radi:"Islomda eng yaxshi hislatlar qaysidir?".Dedilar:"Ochlarga taom bermoqlik,tanigan va tanimaganga salom bermoqlik".

21-bob. Erning qadriga yetmaslik kufrga yaqin narsadir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytdilar:"Menga do'zax ko'rsatildi,qarasam,undagi odamlarning ko'pi inkor qiluvchi xotinlar ekan".Sahobalar:"Oллоhni inkor qilganmi?",-deb so'radilar."Erning yaxshiligini inkor qilganlar,erning qadriga yetmaganlar. Agar ularning bittasiga bir umr yaxshilik qilsang-u, keyin sendan bir kichik yomonlik ko'rsa:"Sendan nima ko'rdim,xech yaxshilik ko'rmadim",-deb aytadir",-deb javob berdilar.

22-bob. Gunohlar jaholat qilmishidir.

Gunoh qilguchi kishi kofir bo'lmaydir,illo shirk keltirgan kishigina kofir bo'ladir.

Rasululloh bir gunoh qilgan kishiga:"Senda jaholatdan bor ekan",-deganlar. Oллоh oyati karimasida:"Oллоh shirkni kechirmaydir,qolgan hamma narsani, xohlasa kechirishi mumkin",-degan

Sahoba Ma'ruf rivoyat qiladilar:"Rabza degan joyda Abu Zarni o'zi ham,quli ham chopon kiyib kelayotgan holatda ko'rdim. Nechun bir xil kiyinib oldingizlar?",-deb so'radim. Abu Zarr:"Men bir kishini(Bilolni),ey qora xotinning bolasi!-deb haqorat qildim.Rasululloh menga:"Ey Abu Zarr,onasini haqorat qilibsan,senda jaholatdan bor ekan",-dedilar va yana : "Birodarlaringiz xizmatkoringizdir. Oллоh taolo ularni sizlarning qo'llaringizga topshirib qo'yibdi. Kimniki birodari qo'lida bo'lsa, yeganidan yedirsin,kieganidan kiydirsin. Kuchi yetmaydigan ishga buyurmangiz,mobodo,buyursangiz,yonlarida yordamlashib ishlengiz",-deb qo'shib qo'yidilar",-dedi".

23-bob. Ikki guruh mo'mionlar bir-birlari bilan urishsalar,o'rtalariga tushib,yarashtirib qo'yingiz,zero Oллоh ularni ham mo'minlar deb atagan

Sahoba Ahnaf rivoyat qiladi:"Mana bu kishini himoya qilgani yo'l oldim.Yo'lda Abu Bakr yo'liqdi. "Qayoqqa ketyapsan?",-dedi."Mana bu kishiga yordamlashgani ketyapman",- dedim."Qayt,men Rasululloh sallolohu alayhi va sallamdan eshitganman,agar ikki musulmon qilich yalong'ochlab bir-biriga hamla qilsa,o'ldirgan ham, o'lgan ham, do'zaxga tushgaydir."Yo Rasululloh,o'ldirgan-ku mayli-ya,o'lgan nega tushgaydir?",- deganimda,"U ham sherigini o'ldirmoqqa jazm qilgandir",-deb aytganlar",-dedi".

25-bob. Munofiqning alomati.

Janob Rasululloh sallolohu alayhi va sallam: Munofiqning uchta alomati bor: so'zlasa yolg'on so'zlar; va'da qilsa, bajarmas; omonatga xiyonat qilur, - deganlar.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: Quidagi to'rtta xislat kimda bo'lsa, aniq munofiq bo'lgaydir, kimdagi ulardan bittasi bo'lsa, unit ark etmaguncha munofiqlikdan bir xislati bor ekan, deyiladi:

- omonatga xiyonat qilgaydir;
- so'zlasa, yolg'on so'zlagaydir;
- shartnoma tuzsa, shartida turmagaydir;
- urishib qolsa, kek saqlagaydir va nohaqlik qilgaydir.

26-bob. Laylat ul-Qadr kechasida ibodat qilib chiqmoq iymondandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytdilar: "Kimki Laylat ul-Qadr kechasining xaqligiga ishonib, Oллоhdan savob umidida ibodat qilib chiqsa, qilgan gunohlarining hammasi kechirilgusidir".

27-bob. Oллоh yo'lida jihod qilish iymondandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam: "Oллоh taolo o'z yo'lida jihodga chiqqan odamni qadrlab: "Menga bo'lgan iymoni va payg'ambarlarimga bo'lgan ishonch tufayli jihodga chiqqan bo'lsa, uni ajr yoki o'ljalar bilan qaytarg'umdir, halok bo'lsa, jannatimga kirgizg'umdir", -deydi", -deganlar. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam yana bunday deganlar: "Agar ummatimni qiyin ahvolda qoldirishdan qo'rqmasam edim, birorta jangdan qolmagan bo'lur erdim, men Oллоh yo'lida jon nisor etib, keyin tirilsam, yana o'lib, yana tirilsam va yana o'lib yana tirilsam va yana o'lsam, der erdim".

28-bob. Ramazonda kechalari ibodat qilib chiqmoqlik iymondandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam dedilar : "Kimki Ramazon kechalarini, Oллоhga iymon keltirib, undan savob umid etib, ibodat bilan o'tkazg'usidir, uning qilgan gunohlari mag'firat qiling'usidir".

29-bob. Oллоhdan savob umid qilib, Ramazon ro'zasini tutish iymondandir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Kimki Oллоhga ishonib, undan savob umid qilib, Ramazon ro'zasini tutgaydir, sobiq gunohlari kechirilgaydir".

30-bob. Dini islom huzurbaxsh dindir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Oллоh taologa islom dini eng sevimli dindir".

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Din o'ng'aydir, hech kim uni qiyinlashtirib yubormag'ay, mobodo, qiyinlashtirib yuborsa, din uni yengib qo'yg'usidir (ya'ni, amali solihlarni haddan ziyod zimmasiga olishi natijasida ularni eplay olmay, hammasini tark etishiga sabab bo'lg'usidir). Demak, amali solihlarni o'rtacha bajaringiz, ibodatlarni mukammal ado etishga qodir bo'lmasangiz, shunga yaqinroq qilingiz. Amali solihlardan tegadigan savobdan sevingiz. Bu dunyodan oxiratga

qilinadigan umr safarida erta tongdan, kechki paytdan va kechning ba'zi bir qismidan unumli foydalaningiz!".

31-bob. Namoz o'qimoq iymondandir.

Oyati karimada: "Ollloh taolo sizlarning iymonlaringizni, ya'ni Bayt ul-Muqaddas (Quddus, Iyerusalim) ga qarab o'qigan namozlaringizni zoye ketkazmag'ay", - deyilgan.

Sahoba Barro bunday deydilar: "Payg'ambarimiz sallolohu alayhi va sallam Madinaga keliboq qarindoshlarinikiga tushdilar va Bayt ul-Muqaddasga qarab 16 yoki 17 oy namoz o'qidilar. Aslida Rasululloh sallolohu alayhi va sallam Makkadagi Xonai Ka'bani qibla qilib namoz o'qishni yaxshi ko'rardilar. Xonai Ka'baga qarab birinchi o'qigan namozlari asr namozi edi. Rasululloh bilan birga bir qavm jamoasi ham namoz o'qidi. Birga namoz o'qiganlardan biri boshqa masjidida namoz o'qiyotgan odamlar yonidan o'tayotib, ruku'da turgan vaqtlarida ularga: "Olllohga qasam ichib aytamankim, biz hozir Makkai Mukarramaga qarab namoz o'qidik", - dedi. Shunda ular namozda turgan hollaricha Makkai Mukarramaga o'girilib, namozni o'qib tugatdilar. Rasululloh sallolohu alayhi va sallamning Bayt ul-Muqaddasga qarab namoz o'qiyotganlari yahudiy va nasorolarga yoqardi, (Bayt ul-Muqaddas ularning qiblasi edi). Ammo Makkai Mukarramadagi Baytullohga qarab namoz o'qiganlari esa ularga yoqmasdi".

Sahoba Barro yana shunday daganlar: "Qibla Xonai Ka'baga qarab o'zgartirilmasdan ilgari ba'zi bir kishilar vafot etib ketganlar va ba'zi birlari shahid bo'lib ketganlar. Biz ular to'g'risida nima deyishni bilmaymiz, deb turganlarida yuqoridagi oyati karima nozil bo'ldi".

32-bob. Kishi islomga kirib, uni yaxshilasa, qilgan yomonliklarini Ollloh kechirgadir.

Abu Sa'id Xudriy: "Rasululloh sallolohu alayhi va sallam: "Agar banda islomga kirib, uni ixlos bilan yaxshilashni davom etdirsa, Ollloh taolo uni qilgan xatolarini kechirgadir. Bundan keyingi xatolarigina hisob-kitob qilingaydir. Yaxshilik 10 barobardan 700 barobargacha ko'paytirib yozilur. Yomonlik bitta bo'lsa, bittaligicha yozilur, illo yozilmasdan Ollloh kechirib yuborishi ham mumkindir", - deganlar", - deydi.

33-bob. Ollloh taolo eng hushlaydigan toat-ibodat uzoqroq qilinadigan toat-ibodatdir.

Hishom bunday deganlar: "Oisha onamizning yonlarida bir ayol o'tirgan edi. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Kim bu ayol?", - deb so'radilar. Oisha onamiz: "Bu falonchi, ko'p namoz o'qiydirgan ayol", - deb javob berdilar. Rasululloh: "Qo'yingizlar, amali solihlardan qurbingiz yetadiganini zimmaga olingizlar, Olllohga qasam ichib ayturmenkim, sizlarga amallaringiz malol kelmasa, Olllohga savob berish malol kelmagaydir (ya'ni, qilayotgan toat-ibodatingiz malol kelsa, savobi ketur)", - deb aytdilar. Janob Rasululloh sallolohu alayhi va sallam ham uzoqroq qilinadigan toat-ibodatni hushlar edilar".

34-bob. Iymonning ziyoda bo'lmog'i va susaymog'i

Haq taolo oyati karimalaridan birida: " ", - deydi. Agar dinni mukammal qilib turgan biror

narsa tushirib qoldirilsa, unda iymon mukammal bo'lmag'aydir. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bunday deganlar : "Kimki yurakdan "Lo ilaha illalloh" degan ersa va uning yuragida bug'doy donasicha yaxshilik(iymon) bor ersa, do'zahdan chiqqusidir". Rasululloh sallolohu alayhi va sallam deganlar: "Iymon uchun yaxshi joy ato qilinmishdir(ya'ni, iymonning o'rni do'zaxda emas,jannatdadir)" Umar ibn Xattobdan: "Yahudiylardan bir kishi menga: "Ey Amir al-Mo'minin, Kitobingizda bir oyat bordir,sizlar uni o'qiysizlar, agar shu oyat bizga nozil bo'lganda erdi, o'sha kunni biz bayram qilib olur erdik",-dedi. Men: "Qaysi oyat?",-deb so'radim. U: " " degan oyat",-deb aytdi. "Ha, biz o'sha oyati karima tushgan kunni va tushgan joyni bilurmiz.Jum'a kuni Rasululloh sallolohu alayhi va sallam Arafotda turganlarida nozil bo'lgandir",-deidm.(O'sha oyati karima tushgan kun sharafiga bizda bir emas, ikki marta bayram qilinur; har jum'a va Qurbon hayitida).

35-bob. Zakot berish islomdir.

Oyati karimada: "Ahli kitoblarga yolg'iz Ollohning o'ziga ixlos birlan ibodat qilmoq va noto'g'ri e'tiqodlarni tark etib, haq e'tiqodni tanlab, namoz o'qimoq va zakot bermoq buyurilgan erdi",-deyilgan.

Talha ibn Ubaydullohdan: " Rasululloh sallolohu alayhi va sallam xuzurlariga Najd qabilasidan bir kishi keldi. Sochlari to'zgi'gan. Uning g'udurlagan ovozi eshitamiz-u,nima deyayotganini tushunmaymiz.Yaqin kelganda tinglab quloq solsak, islom asoslarini so'rayotgan ekan. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam unga javoban: "Islom asoslaridan birinchisi-bir kechayu-kunduzda 5 vaqt namoz o'qimoqlikdir",-dedilar. "Shu 5 vaqt namozdan tashqari yana zimmaga tushadigan vojib namoz bormi?",-deb so'radi." Yo'q, illo o'zing xohlab naflo'qishing mumkin",-deb javob berdilar."Islom asoslaridan ikkinchisi-Ramazon ro'zasini tutmoqlikdir",-dedilar Rasululloh. "Ramazondan tashqari ham zimmaga tushadigan vojib bormi?",-deb so'radi. "Yo'q, illo nafl ro'za tutishing mumkin",-dedilar.U kishi qaytib ketayotib: "Ollohga qasam ichurmenkim, bunga xech narsani qo'shmasman ham, bundan xech narsani kamaytirmasman ham ",-dedi. Rasululloh aytdilar: "Agar so'zida sodiq ersa, shu odam najot topg'usidir".

36-bob. Janozada qatnashish iymondandir.

Janob Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Kimki bir musulmon odamning janozasida Ollohga ishonib, uni savob berishidan umid qilib qatnashsa va janoza o'qilib, mayyit dafn qilingunga qadar birga bo'lsa, albatta u odam 2 kiyrot ajr(savob) olib qaytgaydir. Har bir qiyrot Uhud tog'idekdur. Kimki janozani o'qib,mayyit dafn qilinmasdan avval qaytsa, u kishi 1 qiyrot ajr olib qaytgaydir".

37-bob. Mo'min o'z amalining o'zi bilmagani holda habata bo'lmog'idan qo'rqishi.

Ibrohim at_taymiy aytganlar : "So'zimni qiladigan amali solihimga nomuvofiq(zid keladigan) qilib gapirmadim,mobodo, o'zim amal qilmagan narsani aytsam, yolg'onchi hisobiga kirib qolmoqdan juda qo'rqdim".

Ibn Ali Mulayka aytganlar : "Rasulullohning 30dan ortiq sahobalarini bilur erdim.Ularning har biri amali solihiga nifoq aralashmog'idan qo'rqur erdi".

Hasan Basriy aytganlar: "Nifoq aralashmog'idan faqat mo'min odam qo'rqmishdir, munofiq odam qo'rqmagandir, munofiq odam Ollohga tavba qilmasdan, itoatsizlikda,

osiylikda, birodarlari bilan urishaverishda davom etmoqning gunohidan qo'rqmagaydir. Oллоh taolo oyati karimasida: "Ular(munofiqlar) bila turib gunoh ishlardan qaytmaslar",- degan. Janob Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytganlar: "Musulmonning so'kmog'i fosiqlik erur va qotilligi kofir erur".

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam Laylat ul-Qadrning qaysi kuni kelishini aytmoqchi bo'lib chiqqanlarida ikki musulmon janjallashib turgan ekan. Rasululloh debdilar: "Laylat ul-Qadrning habarini aytmoqchi erdim, falonchi bilan pistonchi urishib turganiga ko'zim tushib, yodimdan ko'tarilib ketibdir. Shoyadki, omadingiz kelsa, Laylat ul-Qadrni 27-29-25 kechalarda Oллоhdan so'rangiz!".

38-bob. Jabroil alayhissalomning iymon, islom, ehson va qiyomat vaqti to'g'risida Rasululloh-dan so'raganlari va Rasulullohning javoblari, "Jabroil alayhissalom sizlarga diningizni o'rgatgani keldi, mazkur so'zlarning barchasi din demakdir",- deganlari, Abulqays qabilasidan kelgan kishilarga iymonni bayon qilganlari.

Oллоh taolo oyati karimasida: "KImki islomdan boshqa dinni ixtiyor etg'ay, toati qabul qilinmag'ay".

Bir kuni Rasululloh sallolohu alayhi va sallam ko'pchilik bilan suhbatlashib turgan edilar. Bir kishi qoshlariga kelib, salom bergach: "Iymon nadur?",-deb so'radi. "Iymon Oллоhga, uning maloikalariga, payg'ambarlarining haq ekanligiga, Oллоhni qiyomat kunida ko'rishga, o'lgandan keyin tirilishiga ishonmog'ingdur",-dedilar. "Islom nadur?",-dedi. "Islom Oллоhga(shirk keltirmasdan) ibodat qilmog'ing, besh vaqt namoz o'qimog'ing, farz zakotni bermog'ing va Ramazon ro'zasini tutmog'ingdur",-deb javob qildilar. "Ehson nadur?",-dedi. "Oллоhgan uni ko'rib turganingdek ibodat qilmog'ingdir. Agar sen ko'rmayotgan bo'lsang, u seni ko'rib turibdir",-dedilar. "Qiyomat qachondur",-deb so'radi. "So'ralayotgan kishi so'raguchidan ortiq bilmaydir, biroq alomatlarini aytib beray, ular quidagichadur: xotinlar o'z egalarini tug'adigan bo'lganda(bolalar ota-onalariga ho'jayin bo'lib, ularning dilini og'rita boshlaganda), tuyaboqar cho'ponlar baland-blaland imorat sola boshlaganda. 5 ta g'oyibiy(sir) narsa bor, uni faqat Oллоh bilur, ulardan bittasi-qiyomatning qachon bo'lmog'idur",-deb osha mazmundagi oyati karimani o'qidilar. Keyin haligi kishi qaytib ketdi. Rasululloh dedilar: "Qaytaringlar haligi kishini(sahobalar tushunsinlar deb shunday qildilar)!". Orqasidan chiqib, topmadilar. Rasululloh dedilar: "Bu Jabroildur, sizlarga diningizni o'rgatgani kelgandir". Imom Buxoriy aytadilar: " Rasululloh sallolohu alayhi va sallam yuqoridagi hamma narsani iymondan deb hisobladilar".

39-bob.

Vizantiya podshosi Xiraql Abu Sufyonga: "Bu dinga kirguchilar ko'paymoqdami yo ozaymoqdami?"-deb so'rasam , sen: "Ko'pamoqda, iymon ham shunaqadir, to mukammal bi'lguncha ko'payavergaydir"-deding. "Bu dinga kirganlardan biror kishi yoqtirmay chiqib ketayotirmi?"-desam, sen: "Yo'q, iymon xususida ham shundaydir. Iymon nuridillarga kirgandan so'ng uni xech kim yomon ko'rmag'ay"-deding", deb aytgan ekan.

40-bob. Din tufayli gunohlardan forig' bo'lmoqning fazilati.

Rasululloh bunday deganlar: "Halol bilan harom bir narsadir. Ammo ikkalasini bir-biridan farqlashda noaniqliklar mavjud. Odamlarning ko'pi ularni bilmaslar(halol yo harom

ekanini).Shuning uchun kimki shubhali narsalardan o'zini tigaydir, dinini kamchiliklardan, obro'yini ta'nadan saqlag'aydir va kimki shubhali narsalardan tiyilmaydir, u birovning ekini chekkasida qo'y boqayotgan cho'ponga o'xhsaydir. Uning qo'ylarni ekinga tushirish ehtimoli bordir.Ogoh bo'lingizkim, har bir podshohning o'z chegarasi bordur.Ollohning yerdagi chegarasi harom qilingan narsalardir.Kishi badanida bir parcha go'sht bor, agar u tuzalsa, a'zolarinig barchasi tuzalgaydir,agar u buzilsa, a'zolarining barchasi buzilgaydir. U qalbdir!"

41-bob. O'ljaning(mehnatsiz topilgan molning) beshdan birini (Bayt ul-Molga) berishlik iymondandir

Abu Jamra aytadilar:"Ibn Abbos bilan birga uning so'richasida o'tirar erdim. Menga dedi:"Mening huzurimda qolgin, qisman molimdan ham bo'lib beray". Xo'p, deb u kishi huzurida ikki oy yashadim(men forscha bilar erdim,u kishining forslar bilan muomalasida tarjimonlik qilib turdim). Bir xotin kishi kelib so'radi:"Ko'zada qilingan nabis(shirin musallas)dan ichsak maylimi?".Ibn Abbaos uni ichishdan qaytardilar va dedilar:"JAnob Rasululloh huzurlariga Abd ul-Qays qabilasidan bir jamoa keldi. Sallolohu alayhi va sallam:"Bu qaysi jamoa?",-deb so'radilar.Mehmonlar:"Biz Rabiya qavmidanmiz",-deb aytishdi."Xush kelibsizlar,marhamat,hijolatsiz kelaveringiz!",-dedilar Rasululloh."Yo Rasululloh, biz sizning oldingizga rajab oyidagina kela olurmiz(arablarda rajab oyida qabilalararo urishmoq man qilingan).Siz bilan bining o'rtamizda kofirlar qabilasi bordir.Shuning uchun bizga ajrim bir narsa buyursangiz. Biz bu to'g'rida kela olmaganlarga ham aytsak va unga amal qilib, jannartga kirsak",-deyishdi.SHundan so'ng ichimliklar to'g'risida ham so'rashdi. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam ularga to'rt narsa buyurib va to'rt narsadan qaytardilar.Yolg'iz Ollohga iymon keltirishni buyurib,bunday dedilar:"Bilurmisiz,Ollohning yolg'iz o'ziga qanday iymon keltirilu?".O'zingiz aytib bering",-dedilar. Rasululloh Kalimai Tayyibani aytdilar, so'ng ularga namoz o'qishni, zakot berishni, Ramazon ro'zasini tutishni, o'ljadan 1/5 qismini berishni buyurdilar hamda hintam, dibo, naqir, muzaffat(o'sha davrda musallas qilinadigan idishlar nomi)dan qaytarib,"Bu so'zlarni yodlab olingiz, eshitmaganlarga yetkazingiz!",-dedilar",-dedi".

42-bob. Amallar niyat va ixlosga qarab qabul qilinishing bayoni.

Har kimning niyatidagi bo'lgaydir. Imom Buhoriy aytadilar:"Bu so'zga iymon ham, tahorat ham, namoz ham, zakot ham, haj ham, muomalotmi, nikohmi,umuman barcha hukmlar kirur. Olloh taolo oyati karimasida:"Har bir kishi niyatiga va o'ziga yarasha amal qilg'aydir,degil!",-degan.Kishining savod umid etib, o'z oila a'zolariga sarflagan nafaqasi ham sadaqadir. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam:"Makka fath qilingandan keyin hijrat(ko'chish) yo'q, lekin jihad qilib yoki yaxshi niyatda ko'chish mumkindir",-deganlar".

Janob Rasululloh sallolohu alayhi va sallam : "Amallar niyatga qarab qabul qilinur,kim qanday niyat qilg'aydir, shunga erishgusidir. Kimki Olloh va uning Rasuli uchun hijrat qilga ersa, Olloh va Rasul uchun ko'chganlik savobini olur. Kimki mol-dunyoga erishmoq yoki biror xotin olmoq niyatida hijrat qilgan ersa, o'sha niyatigagina erishmog'i mumkin(ammo savob bo'lmaydir)".

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam : "Agar kishi savod umid etib, o'z oila a'zolariga mol sarflag'aydir, unga sadaqa qilgan savobi yozilur",-deganlar.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bunday deganlar : "Olloh yo'lida sadaqa qilsang,

albatta buning uchun Ollodan ajr olursen, hatto xotiningning og'ziga solib qo'ygan bir luqma taoming uchun ham".

43-bob. Din nasihatdir.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam : "Din Ollod va uning Rasuli, musulmonlarning imomlari va barcha musulmonlar yo'lida qilinadigan nasihatdur", -deganlar. "Agar Ollod va uning Rasulini deb nasihat qilg'aylar, yaxshilik hosil bo'lg'usidir", -deyilgan oyatda. Jarir ibn Abdulloh aytadilar: "Besh vaqt namoz o'qurmen, zakot berurmen va har bir musulmonga yaxshilik qilg'aymen, deb Rasulullohga bay'at(qasam) qildim". Ziyod ibn Abdulloh aytadilar: "Mug'ira ibn Shu'ba o'lgan kuni Jarir ibn Abdulloh o'rnidab turib hamdu sano aytdi, so'ng dedi: "Ollodning yolg'iz o'zidan qo'rqing, Ollodning sherigi yo'qdir. O'lgan amiringiz o'rniga yangi amir kelguncha, og'ir, bosiq bo'ling. Marhum amiringizning ham fuqarolarining xatosini kechirmog'ini yaxshi ko'rar erdi". Keyin, Jarir so'zda davom etib dedi: "Men rasululloh huzurlariga kirib, sizga yaxshi musulmon bo'lishga bay'at(qasam) qilmoqchiman", -dedim. Rasululloh menga: "Har bir musulmonning foydasiga ish tutg'aysen", -deb shart qo'ydilar, men shunga bay'at qildim. Shu xonai Ka'ba egasiga qasamyod etib ayturmenkim, men barchangizning foydangizga ish tutg'aymen". Jarir sozining oxirida istig'for aytib, minbardan tushdi. Ollod taolo nomi zikr qilingan hamma ulug' zotlarni mag'firat aylasin!".

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ILM KITOBI

1-bob. Ilm fazilati to'g'risida.

Oллоh taolo oyati karimasida: " **Oллоh taolo sizlarning orangizdagi iymon keltirganlarni va ilmni yuksaltirganlarni bu dunyoda yarlaqab, martabasini ulug' qilg'aydir, oxiratda jannatga kirmoqlikni nasib etgusidir, Oллоh taolo qilayotgan ishlaringizdan xabardordir** ", -deyilgan. Yana boshqa oyati karimada esa: " **Yo rabbiy, ilmimni ziyoda qilg'aysen, deb ayt!** " -deyilgan.

2-bob. So'zga mashg'ul bo'lib turgan odamdan ilm(bilim) so'ralganda, uning so'zni tamomlab, keyin javob berishi to'g'risida.

Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: " Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bir majlisda o'z qavmlariga so'z so'zlab turgan edilar. Bir a'robiiy(badaviy) kelib: "Qiyomat qachon?", -deb so'radi. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam so'zlarida davom etaverdilar. Ba'zi sahobalar: "Resululloh uning so'zini eshitdilar-ku, lekin yoqtirmadilar shekilli", -deb o'yladilar. Ayrimlari esa: "So'zini eshitmadilar", -deb o'yladilar. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam so'zlarini tugatgach: "Qiyomat to'g'risida so'ragan odam qani?", -dedilar. A'robiiy: "Mana men, yo Rasululloh", -dedi. "Omonat(halollik) o'rtadan ko'tarilganda qiyomatni kutaverg'il", -dedilar. "Buni qanday bilsa bo'lur?" -dedi a'robiiy. "Ishing(kuning) nopok odamlarga qolganda qiyomatni kutaverg'il", -dedilar".

3-bob. Biror ilmni(bilimni) baland ovoz bilan aytmoqning mumkinligi haqida.

Sahoba Abdulloh ibn Amr aytdilar: " Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bir safar vaqtida bizdan orqada qoldilar. Asr namozi o'qiydigan vaqtda bizga yetib oldilar. Biz tahorat olayotgan edik. Oyoqlarimizni suv bilan artayotganimizda(suzni kam ishlatish maqsadida) Rasululloh baland ovoz bilan: "O't azobidan oyoq kaftlarning holiga voy!" -deb uch marta nido qildilar".

4-bob. Hadis aytgan odamni(muhaddisni) "bizga hadis aytdi, habar berdi, habar qildi", -degan so'zlar bilan ifodalash to'g'risida.

Sahobalar va tobeunlar(sahobalarning zamondoshlari) hadislarni rivoyat qilishda "bizga habar qildi, aytdi, falonchidan eshitib gapirib berdi, eshitdim-ki", degan so'zlar bilan ifodalaganlar. Masalan: Sahoba Ibn Mas'ud hadis aytmoqchi bo'lsalar: " Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bizga so'zlab berdilar" yoki "Resulullohdan eshitganman", -deb gap boshlaganlar va hokazo

5-bob. Imomning kishilar ilmni sinash uchun biror masalani o'rtaga tashlashi.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam aytdilar: "Daraxtlar orasida bir daraxt bordir, bargini tashlamaydir, u musulmonga o'xshaydir(ya'ni, musulmonlik daraxtning bargi-iymondur). Aytingizchi, bu qaysi daraxtdir?" Odamlar o'z qishloqlaridagi barcha

daraxtlarning nomlarini ayta ketdilar. Abdulloh ibn Umar atadilar: "Ko'nglimga, bu xurmo daraxti bo'lsa kerak, degan fikr keldi (uyalib aytmadim, aytishga uyaldim)". Odamlar: "O'zingiz aytib bering, yo Rasululloh", -deyishdi. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam: "U xurmo daraxtidir", -dedilar.

6-bob. Ollahning ilm to'g'risida nozil qilgan kalomi.

Ollah taolo oyati karimasida: "Yo rabbiy, ilmimni ziyoda qilg'aysen, deb so'ra!", -deydi.

7-bob. Qur'on qiroatini muhaddis ko'rigidan o'tkazib olish lozimligi to'g'risida.

Hasan Basriy, Sufyon as-Savriy va Imom Molik: "Bu joizdir", -deganlar.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam huzurlariga Zimom ibn Sa'laba degan sahoba kelib aytdi: "Ollah sizga besht vaqt namoz o'qimoqni buyurdimi?" "Ha", -dedilar Rasululloh sallolohu alayhi va sallam. Ushbu so'zni Zimom o'z qavmiga borib, Rasulullohdsn deb rivoyat qildi. Odamlar uni Rasulullohdan deb qabul qildilar. Ba'zi kishilar Qur'on muallimiga o'zlari bilgan oyatlarni o'qib berib, tasdiqdan o'tgach, falonchidan Qur'on o'rgandim, deb unga nisbat beradir (quidagi hadis bining dalilidir).

Anas ibn Molik aytadilar: "Majlisda Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bilan o'tirgan erdik. Bir kishi tuya minib keldi-da, tuyasini masjidga cho'ktirib, tushovladi. Keyin dedi: "Qaysi biringiz Muhammad alayhissalomsiz?" Rasululloh sahobalar o'rtasida suyanib o'tirgan erdilar. "Mana bu suyanib o'tirgan oq yuzli kishi", -deb ko'rsatdik. Rasulullohga qarab: "Mutallibning o'g'limisiz?" -deb so'radi. "Ha", -dedilar. Shunda u Rasulullohga qarab: "Men sizdan ba'zi bir narsalarni jiddiy so'raydirmen, mendan hafa bo'lmangiz", -dedi. "So'rayvering", -dedilar Rasululloh. "Sizning va sizdan avvalgilarning rabbinic o'rtaga qo'yib so'raydirmen, sizni Ollah odamlarning barchasiga payg'ambar qilib yubordimi?" -deb so'radi. "Ha", -dedilar Rasululloh. "Ollohga qasamyod etib sizdan so'raydirmen, 5 vaqt namoz o'qimog'imizni Ollah buyurdimi?" -dedi. "Ha", -dedilar Payg'ambarimiz. "Ollahni o'rtaga qo'yib so'raydirmen, boylardan zakot olib, faqirlarga bo'lib bermoqni sizga Ollah buyurdimi?" -dedi. "Ha", -dedilar. "Ollahni o'rtaga qo'yib so'raydirmen, yilda biro y ro'za tutmoqni Ollah buyurdimi?" -deb so'radi. "Ha", -dedilar. Shundan so'ng u kishi dedi: "Men siz olib kelgan narsalarga iymon keltirdim. Men o'z qavmim yuborgan vakildirmen, ismim Zimom ibn Sa'laba, Sa'd ibn Bakr qabilasidanmen".

8-bob. Qur'on va hadislarni boshqa mamlakatlarga tarqatish joizligi to'g'risida.

Sahoba Anas ayutadilar: "Usmon raziallohu anhu Mushaf (Qur'on)ni ko'paytirib, atrofdagi mamlakatlarga yubordilar". Abdulloh ibn Umar, Yahyo ibn Sa'id va Imom Molik: "Shundoq qilmoq joiz", -dedilar. Bir necha Hijoz ulamolari Rasululloh sallolohu alayhi va sallamning hadislarini maktubga qo'shib, maxfiy ishlar boshlig'iga berdilar va "Falon joyga yetib borganingdan keyin o'qirsen", -dedilar. Tayinlangan joyga borgach, u maktubni odamlarga o'qib berdi va ularni payg'ambarimizning amrlaridan boxabar qildi. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bir xat yozib, uni Bahrayn boshlig'I orqali fors boshlig'iga yetkazmoqni buyurdilar. Fors boshlig'I xatni o'qib yirtib tashladi.

9-bob. Davraga kelgan odamning bo'sh joyga yoki davranning bir chekkasiga borib o'tirmog'i zarurligi to'g'risida.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam majlisda o'tirgan erdilar. Uch kishi kirib keldi.

Ulardan ikkitasi Rasulullohga yuzlanib, to'xtab qoldi, bittasi esa, qaytib ketdi. Qolgan ikki kishidan biri davradagi bo'sh o'rinni ko'rib, o'sha yerga borib o'tirdi. Ikkinchisi esa, davraning chekkasiga asta kelib o'tirdi. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam so'zlab bo'lgach, dedilar: "Uch kishi to'g'risida sizlarga xabar aytaymi? Birinchisi Oллоh Rasuluning majlisidan joy oldi. Oллоh taolo unga oxiratda (Arsh soyasidan) o'rin bergaydir, ikkinchisi esa (qaytib ketishdan uyaldi), Oллоh taolo ham (uni azoblashdan) uyalgaydir. Ammo uchinchisi majlisidan yuz o'girdi. Oллоh taolo ham undan yuz o'girdi".

10-bob. Rasululloh sallolohu alayhi va sallamning "Shoyad, mendan eshitgan odamdan ko'ra, keyin eshitgan odam yodida tutguvchiroq bo'lsa",-degan so'zlari to'g'risida.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam jilovini bir kishi ushlab turgan tuya ustida o'tirgan xolda va'z aytdilar: "Bugun qaysi kundir?"-dedilar. Hammamiz jim qoldik va bugunning boshqa nomini aytsalar kerak, deb o'yladik. "Qurbon hayiti kuni emasmi?"-dedilar. "Ha, shunday",-dedik. "Bu oy qaysi oydir?"-deb so'radilar. Hammamiz jim qoldik. Biz bu oyning boshqa ismini aytsalar kerak, deb o'yladik. "Zulhijja oyi emasmi?"-dedilar. "Ha, shunday"-dedik. Rasululloh dedilar: "O'zaro qon to'kishingiz, talon-taroj qilishingiz, obro'ingizni to'kishingiz, xuddi shu kun va shu oyda va shu joyda yomonlik qilish qanday harom bo'lsa, shunday haromdir. Eshitganlar, eshitmaganlarga shu xususda yetkazsinlar! Chunki shu yerda bor kishi o'zidan ko'rqa hadisni yodda saqlovchiroq kishiga yetkazsa, ajab ermas".

11-bob. Bir ishni qilishdan ham, so'zlashdan ham avval ilm darkorligi to'g'risida.

Oллоh taolo oyati karimasida: "Bilgil, Oллоh yakkayu yagonadir",-degan so'zini ham "bil" degan so'z bilan boshlagan. Olimlar—payg'ambarlarning merosho'rlari, ilmi payg'ambarlardan o'rganishadi. "Kimki ilm olgan bo'lsa, payg'ambar alayhissalomdan to'liq meros olibdir",-degan hadisda ham ilm olish kerakligi uqtirilgandir. "Kimki ilm istab qadam qo'ysa, Oллоh taolo unga jannat yo'lini oson qilg'aydir",-deyiladi boshqa hadisda. Oллоh taolo oyati karimasida: "Oллоhdan uning olim bandalari haqiqatdan ham qo'rqqaydirlar",-deyilgan. Ikkinchi bir oyatda: "Bu so'zlarni faqat olimlar tushingaydir",-deyilgan bo'lsa, boshqalarida "Do'zaxiyalar: "Agar tinglab, fikr yuritganimizda erdi, do'zax ahlidan bo'lmagan bo'lur erdik",-deyishadi", "Bilganlar birlan bilmaganlar tengmi?"-deyilgan.

Rasululloh sallolohu alayhi va sallam: "Kimgaki Oллоh taolo yaxshilikni ravo ko'rgaydir, uni din ilmidan bahramand qilg'aydir, ilmga ilm olmoq yo'li birlan erishilg'aydir",-deganlar.

Sahoba Abu Zarr: "Agar qilichni mana bunga (bo'yinga) qo'ysangizu bo'ynimni uzib yubormasingizdan avval men Rasulullohdan eshitgan so'zlarimdan birortasini aytib ulgurmog'imni bilsam, ayitb olar erdim",-degan ekanlar.

Ibn Abbos: "Kunu rabboniyna!", ya'ni "Rabboniy bo'lingiz!",-degan Oллоh buyrug'ini "Halim va faqih bo'lingiz!",-deb tarjima qildilar. Imom Buxoriy: "Rabboniy degani odamlarni katta ilmlardan avval kichik ilmlar birlan tarbiyalagan kishidir",-deganlar.

12-bob. Rasululloh sallolohu alayhi va sallamning odamlarga malol kelmasin deb, muayyan kunlarni ilm va va'z aytish uchun belgilab qo'yganlari

Ibn Mas'ud raziallohu anhu aytganlar: "Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bizga malol kelmasin deb, va'z aytmoq uchun ma'lum kunlarni belgilab qo'ygan edilar. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam: "Osonlashtiringiz, qiyinlashtirmangiz! Xushxabar aytingiz, qiziqtingiz, nafratlantirmangiz(o'zingizdan bezdirmangiz)!"-deganlar"

13-bob. Ilm o'rganuvchilar uchun ma'lum kunlarni belgilagan kishi to'g'risida.

Abdulloh ibn Mas'ud odamlarga payshanba kuni va'z aytar edilar. Bir kishi ularga dedi: "Ey Abdulloh, har kuni va'z aytishingizni juda ham istardim". Abdulloh dedilar: "Sizlarga malol kelib qolishini istamasligim kunda va'z aytishdan meni qaytaradir. Rasululloh sallolohu alayhi va sallam bizlarga vaqti-vaqti bilan va'z aytganlaridek, men ham sizlarga vaqti-vaqti bilan va'z ayturmen".

14-bob. Alloh taolo kimga yaxshilikni ravo ko'rsa, uni faqih qilgay

Muoviya raziyallohu anhu xutbada turib ushbu so'zni Rasulullohdan eshitganman, deb aytdilar: «Alloh taolo kimga yaxshilikni ravo ko'rsa, uni faqih (din olimi) qilgay, qasamyod qilib aytamanki, Alloh buni menga nasib aylaydi. Islom ummati Haq dini yo'lida sobit bo'lsa, toki Alloh taoloning o'zi istamas ekan, ularga dushmanlik qilayotganlarning zarari tegmaydi».

15-bob. Ilmni fahmlash (teran tushunish)

Mujohid bunday deganlar: «Ibn Umar bilan Madinaga birga ketdim. Yo'lda u Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hadislaridan bittasini aytib berdi. U bunday dedi: «Rasululloh yonlarida edik, xurmo yog'i keltirib qoldilar. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Daraxtlar orasida bir daraxt bordir, u musulmonga o'xshaydi»,— dedilar. Men: «Xurmo»,— deb aytmoqchi bo'ldim-u, lekin hammadan yosh bo'lganim uchun indamadim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning o'zlari: «Bu xurmo daraxtidir»,— deb aytdilar».

16-bob. Ilmu hikmatni orzu qilmoq

Hazrat Umar raziyallohu anhu bunday deganlar: «Boshliq bo'lmasingizdan avval ilmni chuqur o'rganing! Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sahobalari yoshlari ulg'ayganda ham ilm o'rganganlar».

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Ikki narsadan o'zgasiga hasad qilmoq joiz emas, biri — kishiga Alloh taolo halol mol-dunyo bersa-yu, uni Haq yo'lida sarflayotgan bo'lsa, ikkinchisi :— kishiga Alloh taolo ilmu hikmat ato etsa-yu, u shu tufayli oliy maqomga erishib, odamlarga bilganini o'rgatayotgan bo'lsa»,— deganlar.

17-bob. Muso alayhissalomning dengiz bo'ylab Xizr huzurlariga borganlari

Muso alayhissalomning Xizr bilan uchrashganlari xususida Alloh taoloning oyati karimasida bunday deyilgan: «Alloh bergan ilmdan menga o'rgatmog'ingiz uchun sizga ergashsam maylimi?»

Ibn Abbas bilan al-Harr ibn Qays Muso alayhissalom bilan uchrashgan kishiga (ya'ni, Xizrga) qiziqib qoldilar. Ibi Abbas: «Xizr bilan uchrashganlar»,— dedi. Shu payt ularning yonidan Ubay Ibn Ka'b o'tib qoldi. Ibn Abbas uni chaqirib: «Biz Harr bilan ikkimiz Muso alayhissalomga yo'liqqan kishi to'g'risida tortishib qoldik. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan shu to'g'rida eshitganmisiz?» — dedi. «Ha, eshitganman,— dedi Ubay,— Muso alayhissalom Baniy Isroil qavmlaridan bir to'dasining ichida turgan ekanlar, bir kishi kelib: «O'zingizdan olimroq biror kishi borligini bilasizmi?»,— deb so'rabdi. Muso alayhissalom: «Yo'q» deb javob berdilar. Alloh taolo Musoga: «Ha, Xizr degan bandam bor»,— deb vahiy qildi. Muso alayhissalom Xizr bilan uchrashmoq yo'lini so'radilar. Alloh taolo hut uchrashuv alomati bo'lajagiii bildirdi. «Hut ko'zingdan g'oyib bo'lgach, orqangga qayt, Xizr bilan uchrashgaysan»,— deyildi. Muso alayhissalom dengiz bo'ylab hut ortidan keta bashladilar. Bir vaqt Muso alayhissalomga g'ulomlari: «Qoyatosh oldiga borib to'xtaganimizda, meni shayton adashtirib, hutni yo'qotdim»,— dedi. Muso alayhissalom: «Bizga xuddi shu kerak edi»,— dedilar. Xizrni izlab orqaga, qoyatosh tomonga qarab yurdilar. U yerda Xizrni topdilar va Qur'oni Karimda Alloh aytib bergan Muso va Xizr voqeasi sodir bo'ldi».

18-bob. Rasululloh sollalloqu alayhi va sallamning «Ilohi, bu yigitga Qur'oni Karimni yod olmoqni va uni (teran) tushunmoqni nasib aylagaysan!»—deb duo qilganlari

Abdulloh ibn Abbas aytganlar: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam meni quchoqlab turib: «Ilohi, bunga Qur'oni Karimni yod olmoqni va tushunmoqni muyassar aylagaysan!» —deb duo qildilar».

19-bob. Qay hollarda yosh bolaga tanbeh berish to'g'ri bo'ladi?

Abdulloh ibn Abbas aytganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Minoda (Makkada qurbonlik keltiriladigan joyda) namoz o'qib turgan edilar, qibla tomon to'sib qo'yilmagan edi. Men balog'atga yetay deb qolgan yigitcha edim. Bir urg'ochi eshak minib, namoz o'qiyotganlar oldidan o'tdim, keyin eshakni o'tlatgani qo'yib yubordim-da, namoz o'qidim. Shu qilmishim uchun hech kim menga tanbeh bermadi».

Sahoba Mahmud ibn Rabi' aytganlar: «5 yoshimda Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning paqirdan bir xo'plam suv olib, yuzimga purkab yuborganlarini eslayman».

20-bob. Ilm olmoq niyatida safar qilish

Bu xususda Muso va Xizr alayhissalomlar qissasi Qur'oni Karimda bayon qilingan.

21-bob. Ilm o'rganmoq va ilm o'rgatmoqning fazilati

Abu Muso al-Ash'ariy raziyallohu anhu rivoyat qiladi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytganlar: «Alloh taolo menga yuborgan hidoyat (Alloh taolo bandalariga ko'rsatgan to'g'ri yo'l, yo'llanma) singari ilm ham ko'p yoqqan yomg'irga o'xshaydi. Ba'zi yer sof, unumdor bo'lib, yomg'irni o'ziga singdiradi-da, har xil o'simliklar va ko'katlarni o'stiradi. Ba'zi yer qurg'oq, qattiq bo'lib, suvni emmasdan o'zida to'playdi, undan Alloh taolo bandalarini foydalantiradi: odamlar suvdan ichadilar, hayvonlarini va ekinlarini sug'oradilar. Ba'zi yer esa tekis bo'lib, suvni o'zida tutib qolmaydi, ko'katni ham

ko'kartirmaydi.

Bularni quyidagicha muqoyasa qilish mumkin: Bir kishi Alloh ilmini (islomni) teran o'rganadi, teran tushunadi va undan manfaatlanadi va Alloh yuborgan hidoyatni o'zi o'rganib, o'zgalarga ham o'rgatadi. Ikkinchi bir kishi ilm o'rganib, odamlarga o'rgatadi. Ammo o'zi amal qilmaydi. Uchinchi bir kishi mutakabbirlik qilib, o'zi ham o'rganmaydi, o'zgalarga ham o'rgatmaydi. Bulardan birinchisi mo`min, ikkinchisi fosiq, uchinchisi kofirdir».

22-bob. Ilmga e'tiborsizlik va nodonlik (jaholat)ning avj olishi

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytganlar: «Ilmga e'tiborsizlik, johillik, araqxo'rlik va zinokorlikning ommaviy tus olmog'i qiyomat alomatlaridandir».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladi: «Men sizlarga bir hadis aytib beray. Mendan keyin buni sizga hech kim aytib bermaydi. Rasululloh quyidagilar qiyomat alomatlaridir, deganlar»,— dedilar:

- ilmning susaymog'i;
- jaholatning kuchaymog'i;
- zinoning avj olmog'i;
- xotinlarning ko'paymog'i;
- erkaklarning ozaymog'i. Hatto 50 nafar xotinga 1 nafar erkakning boshchilik (erlik) qilmog'i».

23-bob. Ilm fazilatleri haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladi: Rasululloh aytganlar: «Tushimda menga bir idishda sut keltirildi, qongunimcha ichdim, hatto tirnoqlarim ostidan sut chiqqanini ko'rdim, so'ng qolganini Umar ibn Xattobga berdim». Sahobalar so'radilar: «Yo Rasulalloh, sutni nimaga yo'ydingiz?» «Ilmga»,— dedilar Rasululloh sollallohu alayhi va sallam.

24-bob. Biror ulov minib yoki boshqa narsa ustida turib fatvo aytmoq

Abdulloh ibn Amr raziyallohu anhu rivoyat qiladi: Rasululloh sollallohu alayhi va sallam odamlarning savollariga javob bermoq uchun Minodagi (qurbonlik qilinadigan joydagi) Hajjat ul-Vido' oldiga kelib to'xtadilar. Bir kishi kelib dedi: «Yo Rasulalloh, qurbonlik qilmoqdan oldin bilmay sochimni oldirib qo'yibman». Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Endi so'yaver, zarari yo'q»,— dedilar. Boshqa bir kishi kelib dedi: «Shaytonga tosh otmasdan avval bilmasdan qurbonlik qilib qo'yibman». «Endi otaver, zarari yo'q»,— dedilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam odamlarning «bunday qilib qo'yibman, unday qilib qo'yibman» degan savollariga javob berdilar.

25-bob. Fatvo so'ragan odamga bosh yoki qo'l bilan ishora qilib javob berishning mumkinligi

Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan Hajjat ul-Vido'da turganlarida so'radilar: «Shaytonga tosh otmasdan avval qurbonlikka atalgan ko'yimni so'yib qo'yibman!»

Rasululloh «zarari yo`q» ma`nosida qo`llari bilan ishora qildilar. Birov so`radi: «Qurbonlik qo`yni so`ymasdan avval soch oldiribman?» Rasululloh «zarari yo`q» deb qo`llari bilan ishora qildilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladi: Rasululloh: «Ilm yo`qoladi, nodonlik kuchayadi, fitnalar sodir bo`ladi, harj ko`payadi» dedilar. «Yo Rasulalloh, xarj nima?»— deb so`radilar. Rasululloh «Qotillik» degan ma`noda qo`llarini bo`g`izlari ustidan yurgizdilar.

Asmo (Abu Bakr qizi) bunday deganlar: «Oisha singlimnikiga bordim. Namoz o`qiyotgan ekan. Odamlarga nima bo`ldi, desam, osmonga ishora qildi (odamlar kun tutilganda namoz o`qishayotgan ekan). «Bu (qiyomat) belgisimi?»—dedim. «Ha»,— deb boshini qimirlatib qo`ydi. Men ham ko`zim tinib ketguncha namoz o`qidim, so`ng (o`zimga kelishim uchun) boshimga suv quya boshladim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hamdu sano aytib dedilar: «Birorta ko`rmagan narsam qolmadi, illo mana shu tik turgan joyimda hamma narsani, hatto jannat va do`zaxni ham ko`rdim. Menga: «Sizlar qabrlaringizda Dajjol fitnasidek yoki shunga o`xshash bir sinovdan o`tasizlar»,— degan vahiy keldi. Sinov vaqtida: «Bu kishini taniysanmi?» — deb so`raladi. So`roq qilinayotgan odam chin iymonli bo`lsa, «Bu kishi Muhammad sollallohu alayhi va sallam, bizga Allohning hidoyatini olib kelgandir, mo`jizalar ko`rsatgandir, biz qabul qilganmiz»,— deydi va yana uch marta «Muhammad alayhissalomdir»,— deb qaytaradi. «Qilgan yaxshiliklaring rohatini ko`rib uxlayver, biz chin iymonli ekaningni bildik»,— deyiladi. Ammo so`roq berguvchi munofiq bo`lsa, «Bilmayman, odamlardan nimadir eshituvdim, shuni aytdim-da (ya`ni, bu kishi payg`ambar, deb aniq ayta olmaydi)»,— deydi».

26-bob. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning Abdul-Qays qabilasidan kelgan mehmonlarga iymon va ilmni ehtiyot qilish kerakligini aytganlari va bu to`g`rida «kelgusi avlodni ham xabardor qilingiz!»—deganlari

Sahoba Molik: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Boringiz endi, uyingizga kaytib, oila a`zolaringizni ham o`rgatingiz!» — deb bizga aytdilar»,— degan.

Abd ul-Qays qabilasidan kelgan mehmonlar: «Biz Rajab oyidagina kela olamiz, jannatga kirgizadigan bir amalga buyuring!» — deganlarida, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam to`rt narsaga amal qilmoqni va to`rt narsani qilmaslikni buyurganlari to`g`risidagi hadis shu o`rinda takroran keltirilgandir.

27-bob. Vujudga kelgan masalani so`rab, bilib olish uchun safar qilish va qaytgach, oila a`zolariga ham o`rgatish haqida

Uqba ibn Hars raziyallohu anhu sahoba Abu Ihobning qiziga uylandi. Shunda bir xotin kelib, Uqbaga: «Men seni ham, sen uylanayotgan qizni ham emizganman»,— dedi. «Men sizning meni emizganingizni bilmayman, menga aytgan ham emassiz»,— dedi Uqba. Shundan so`ng, Uqba Madinaga, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning huzurlariga borib, bu to`g`rida so`radi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Qanday xotin qilasan, razoi emikdosh singling deb senga aytibdi-ku axir!?» — dedilar. Ajratib qo`ydilar, qiz boshqa erga tegib ketdi.

28-bob. Navbat bilan ilm olmoq

Umar ibn Xattob aytdilar: «Men va Baniy Umayya ibn Zayd qabilasidan bir ansoriy qo`shnim Rasululloh huzurlariga galma-gal qatnar edik. Bir kun men borardim, bir kun u

borardi. Men borsam, qaytib kelgach, qo'shningma o'sha kuni payg'ambarimizga kelgan vahiy va boshqa xabarlarini aytib berar edim. U borsa, qaytib kelgach, menga aytib berar edi. Bir kuni (shu kun qo'shningning navbati edi) qo'shning eishgimni qattiq taqillatib, «Umar bormi?» — dedi. Men qo'rqib ketdim, shoshib oldiga chiqdim. «Juda qiziq voqea sodir bo'ldi— dedi u — Madinaga borib, qizim Hafsani ko'rgani kirdim. Hafsa yig'lab o'tirgan ekan. «Rasululloh sizlarni taloq qildilarmi?»—dedim. «Bilmayman»,— dedi. Rasululloh huzurlariga kirdim, tik turib: «Xotinlaringizni taloq qildingizmi?» — dedim. Rasululloh: «Yo'q»,— dedilar. «Allohu akbar»—dedim (ansorlar haqida bilmay nomaqbul gap aytib qo'ygani uchun Rasululloh xotinlariga: «Bir oy aloqa qilmayman»,—degan edilar).

29-bob. Va'z aytayotgan va ilm o'rganayotgan kishining yoqtirmagan narsani payqaganda g'azablanishi joiz ekanligi haqida

Abu Mas'ud (Ansoriy) raziyallohu anhu aytdilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga bir kishi: Yo Rasulalloh, falonchi namozni cho'zib yuborganidan namozimni buzib qo'yishimga oz qoladi»,— dedi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning va'z aytayotganlaridagi shu kungidan ko'ra g'azabliroq holatlarini ko'rmaganman. O'shanda dedilar: «Ey odamlar, ba'zi biringiz xalqni bezdirmoqdasizlar (qochirib yubormoqdasizlar), endi kimki odamlarga imom bo'lib (namoz) o'qiydigan bo'lsa, yengil qilib o'qisin, chunki ular ichida kasal, zaif va hojatli kishilar bordir».

Zayd ibn Xolid al-Juhaniy raziyallohu anhu aytdilar: Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan bir kishi topib olingan narsa to'g'rida so'radi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam dedilar: «Bir yilgacha pul topib olganingni e'lon qilasan. Egasi kelsa, berasan. Agar kelmasa, o'zing foydalansver». U kishi aytdi: «Yo'qolgan tuyani-chi?» Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam shunchalik g'azablandilarki, hatto yuzlari qizarib ketdi: «Tuyaga tegma, u suvsiz ham uzoq yura oladi, oyog'i bor, suvini topib ichgadi, o'tini topib yeydi, egasi uni topib olguncha tegma!» Boyagi kishi dedi: «Yo'qolgan qo'yni-chi?» Rasululloh dedilar: «U seniki yoki birodaringniki va yohud bo'rinikidir».

Abu Muso raziyallohu anhu dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan yomon ko'rgan narsalari to'g'risida ezmalanib so'radilar. Savol ko'payib ketgach, g'azablari keldi va dedilar: «Og'zingizga kelgan narsani so'rayveringlar!» Bir kishi dedi: «Mening otam kim, yo Rasulalloh?» «Otang — Huzofadir»,— dedilar. Ikkinchi bir kishi turib so'radi: «Mening otam-chi?» «Otang — Salim, ozod qul»,— dedilar. Hazrat Umar raziyallohu anhu Rasulullohning yuzlaridagi g'azabni ko'rgach: «Biz Alloh azza va jallaga tavba qilamiz (sizni xafa qilib qo'yganimiz uchun)»,— dedilar».

30-bob. Imom yoki muhaddisning huzurida tiz cho'kib o'tirishning afzalligi

Anas ibn Molikdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam (jamoat) oldiga chiqdilar (odamlar ezmalanib savol beraverdilar). Abdulloh ibi Huzofa turib: «Mening otam kimdir?» — dedi. «Otang — Huzofa»,— dedilar. Keyin, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «So'rayveringlar, so'rayveringlar!»—dedilar. Shunda Umar ibn Xattob raziyallohu anhu tiz cho'kib o'tirdilar-da: «Allohnin rabbimiz deb bildik, islomni dinimiz deb tan oldik, Muhammad sollallohu alayhi va sallamni payg'ambarimiz deb tanidik»,— dedilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam g'azablaridan tushdilar».

31-bob. Tushunarli bo'lsin uchun har bir gapni uch bor qaytarishning afzalligi

Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Gunohi azimlardan bittasi — yolg'ondan guvohlik bermoqdir»,— deb takror-takror aytaverardilar. Ibn Umar bunday deganlar: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Alloh topshiriqlarini sizga yetkazdimmi, deb uch karra qaytarib aytdilar».

Anas ibn Molik aytadilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam biror so'z aytsalar, tushunarli bo'lsin uchun uch bor qaytarardilar. Salom bersalar, uch marta salom berardilar».

Abdulloh ibn Amr raziyallohu anhu dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam safarga chiqqanimizda orqada qoldilar. Namozni asr vaqti edi, biz tahorat olayotgan edik. Shu payt yetib keldilar, oyoqlarimizni suv bilan artayotganimizni ko'rib, baland ovoz bilan: «O't azobidan oyoq kaftlarining holiga voy!» —deb uch bor nido qildilar».

32-bob. Kishi o'z oila a'zolari va qo'l ostidagilarga (cho'risiga) ta'lim bermog'ining afzalligi

Abu Burda otasi Abu Musodan eshitib, bunday degan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytdilar: «Alloh taolo uch kishiga ikki barobar ko'p savob bergay: - kimki ahli kitob (o'z samoviy kitobiga ega bo'lgan dinlardan biriga e'tiqod qiluvchilar) bo'la turib, ham o'z payg'ambariga, ham Rasulullohga iymon keltirgan bo'lsa; - qul bo'lsa-yu, Alloh va xo'jayini oldidagi burchini ado etgan bo'lsa; - kishi o'z cho'risiga yaxshi odob-axloq o'rgatib, odobli va ilimli qilsa, keyin ozod qilib, unga uylansa».

Omir ash-Sha'biy Solih nomli kishiga aytdi: «Biz senga bu hadisni sendan hech narsa talab qilmay beryapmiz, arzimagan masalani hal qilish uchun ham Madinaga tuya minib (ya'ni, aziyat chekib) borilar edi».

33-bob. Imomning ayollarga va'z aytmog'i va ularga dindan ta'lim bermog'i (mustahabligi)

Ibn Abbosdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Bilol bilan birga ayollar qoshiga chiqdilar. Bilol: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ayollar gapini eshitmay qoldilar»,—deb o'ylovdilar. Lekin Rasululloh ayollarga va'z aytdilar, so'ng ularni sadaqa berishga da'vat qildilar. Ayollar sirg'a va uzuklarini yechib, Bilolning etagiga tashlay boshladi».

34-bob. Hadis ilmini o'rganishga ishtiyoqmand bo'lishning afzalligi

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan: «Yo Rasulalloh, qiyomat kunida shafotingizga loyiqroq odam kim?»—deb so'radim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Ey Abu Hurayra, hadisga ishtiyoqmandligingni ko'rib, sendan oldin hech kim bu to'g'rida so'ramasa kerak, deb o'ylovdim. Chin dildan, ixlos bilan «Lo iloha illallohu Muhammadun rasululloh» degan odam qiyomat kunida shafotinga muvassar bo'lguvchidir»,— dedilar».

35-bob. Ilm qanday yo`qoladi? (kishilar dilidan ilmning ko`tarilib ketishi to`g`risida)

Umar ibn Abdulaziz Abu Bakr ibn Hazmga bunday deb yozgan edi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytgan so`zlardan nimaiki bo`lsa, hammasini ko`rib chiqib, yozib yuborin, chunki men ulamolarning vafotidan so`ng ilmning yo`q bo`lib ketishidan qo`rqayapman. Faqat Rasululloh hadisleri qabul qilinsin! Ulamolar ilm o`rgatishga, ilm tarqatishga kirishsinlar, bilmaganlarga o`rgatsinlar, zero ilm sir tutilmas ekan, halokatga uchramaydi!»

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os rivoyat qiladi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning «Alloh taolo ilmni bandalardan tortib olmaydi, uni ulamolarni vafot topdirish bilan tortib oladi. Odamlar birorta ham ulamo qolmaganidan so`ng dinni tushunmaydiganlarni o`zlariga boshliq qilib oladilar. So`ng, ulardan so`raydilar. Ular bilmasdan fatvo aytadilar. O`zlari ham adashadilar, o`zgalarni ham adashtiradilar» deganlarini eshitganman»,—deb aytgan.

36-bob. Ayollarga ilm o`rgatmoq uchun alohida kun tayinlasa bo`ladimi?

Abu Said Xudriydan rivoyat qilinadi: «Ayollar Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga: «Erkaklar sizdan har kuni ilm o`rganishadi, bizga ham bir kun ajrating»,— deyishdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bir kunni tayinlab, o`sha kun kelgach, ularga va`z-nasihat aytdilar, ba`zi diniy ishlarni buyurdilar: «Ey xotinlar, orangizda uchta bolasi o`lgan birorta ham xotin bo`lmasa kerak, mobodo bo`lsa, uni o`sha bolalari parda bo`lib do`zax o`tidan asraydi»,— dedilar. Shunda bir xotin: «ikkita bo`lsa-chi?» — dedi. Rasululloh: «ikkita bo`lsa ham (parda bo`lgay)»,— dedilar (bu gap otaga ham taalluqlidir)».

Shu mazmundagi hadisni Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Balog`atga yetmagan uchta farzand»,— deb rivoyat qiladilar.

37-bob. Eshitganini yaxshilab bilib olmoq uchun qaytadan so`rashning joizligi

Ibn Abu Mulayka raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning jufti halollari — Oisha onamiz Rasulullohdan bir narsani eshitsalar, yaxshi tushunib olish uchun yana qayta so`rar edilar. (Bir kuni) Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Kim oxiratta hisob-kitob qilinsa, azob tortadi»,— dedilar. Shunda Oisha onamiz: «Alloh taolo oyati karimasida «Keyin hisobi yasir (engil hisob) qilgaymiz» degan emasmidi?» — dedilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Bu bandalarga bir eslatib qo`yishdir. Ammo kimki hisob-kitobga ro`baro` qilinsa, halokatga uchragay»,— dedilar».

38 bob. Hadis eshitganlar eshitmaganlarga yetkazishi lozimligi

Sahoba Abu Shurayhdan: «Abu Shurayh Amr ibn Sa`idga, u Makkaga vakillar yuborayotganda, bunday dedi: «Gapirishga izn ber, ey Amr! Makka fath (zabt) qilingan kunning ertasiga Rasululloh aytgan so`zlarni senga aytib beray, bu so`zlarni aytayotganlarida ikki ko`zim ko`rib, ikki qulog`im eshitib, qalbim o`z ongiga jo qilgan. Rasululloh Allohga hamdu sano aytganlaridan so`ng,» dedilar: «Makkai Mukarramani Alloh taolo muqaddas qilgandir, bu yerda odamlar jinoyat (gunoh) qilgan emaslar, shu

boisdan Allohga va oxiratga ishongan kishining bu yerda qon to'kmog'i va daraxtlarini sindirmog'i gunohdir. Agar biror kishi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga Alloh urush qilishga izn bergan-ku?!»—desa, unga: «Alloh taolo o'zining Rasuliga izn bergan, bizga ruxsat bermagan»,— deb aytingiz! Alloh menga ham bu yerda kunduzi bir soatgina urush qilmoqqa izn berdi, keyin Makkaning kechagi hurmati o'z o'rniga qaytdi. Buni eshitganlar eshitmaganlarga yetkazingiz!»

Abu Shurayxdan «O'shanda Amr senga ne dedi?»—deb so'lashdi. «Ey Abu Shurayh, men sendan yaxshi bilaman. Makka gunohkorni qutqarmaydi, qasosdan qochganni qutultirmaydi, o'g'rini ham jazodan asramaydi, deb aytdi»,— dedi. Amr, Makkada Abdulloh ibn Zubaydning Yazid xalifaligini tan olmasdan bosh ko'targanini osiylik deb hisoblab, unga qarshi qo'shin yubormoqchi bo'ldi».

Abu Bakra raziyallohu anhu Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni eslab, Rasululloh bunday deganlar dedi: «Ushbu kun va oy hurmati, bir-biringizning mol-mulkingizni talamangiz, qoningiz va obro'yingizni to'kmangiz. Gapimni eshitganlar eshitmaganlarga yetkazsinlar!»

39-bob. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam to'g'rilarida yolg'on gap to'qigan odamnig gunohi to'g'risida

Hazrat Ali raziyallohu anhu: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Mening to'g'rimda yolg'on so'z ayt mangiz, kimki aytsa, do'zaxga tushsin!» deganlar»,— deb aytganlar.

Abdulloh ibn Zubayr otasiga: «Siz Rasululloh sollallohu alayhi va sallam to'g'rilarida falonchi va pistonchi kabi so'zlamayapsiz»,— dedi. Zubayr: «Ammo men haqiqatan Rasulullohdan ajralmaganman, birga bo'lganman, o'zlaridan eshitganman»,— dedi. «Kimki mening to'g'rimda yolg'on so'zlasa, do'zax o'tidan o'ziga joy tayyorlayversin!» deganlar»,— dedi Abdulloh.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Men sizlarga ko'p hadis aytib berardim-ku, lekin Rasululloh aytgan bir so'zlari meni shashtimdan qaytaradi, u kishi: «Kimki mening to'g'rimda yolg'on so'z to'qisa, do'zax o'tidan o'ziga joy tayyorlayversin!» deganlar»,— deb aytganlar.

Salama ibn Akva' raziyallohu anhu deganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Kim mening nomimdan aytmaganimni aytsa, do'zax o'tidan o'ziga joy tayyorlayversin!» deganlar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu deydilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Farzandlaringizga ismimni qo'yingizlar, Abulqosim deb kunyamni qo'ymangizlar! Kimki meni tushida ko'rsa, o'zimni ko'ribdi, chunki shayton mening suratimga kira olmaydi, kimki mening nomimdan yolg'on so'zlasa, do'zax o'tidan o'ziga joy tayyorlayversin!» deganlar».

40-bob. (Din) ilmini (kitob qilib) yozmoq

Abu Juhayfadan: «Hazrat Ali raziyallohu anhuga aytdilar: «Sizda Allohning Kitobidan boshqa kitob bormi?» Ali: «Yo'q, faqat Allohning Kitobi, musulmon kishiga beriladigan

«Fahm risolasi» va mana bu sahifadagi narsa bordir»,— dedilar. Abu Juhayfa dedi: «Bu varaqdagi nima?» Ali dedilar: «Xun hukmi, asirni ozod qilmoq va kofir uchun musulmondan qasos olmoqning haromligi (to`g`risida)».

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Makka fath qilingan yili Xuzo`a qabilasi Bani Lays qabilasidan bir kishini o`ldirdi (johiliyat davrida qabiladoshlaridan bir kishini o`ldirishgani uchun qasos olishdi). Bu xabar Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga yetkazildi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tuyalariga minib va`z aytdilar: «Alloh taolo Makkayu Mukarramadan o`limni bartaraf qildi (yoki fil askarlarini), Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning hamda mo`minlarning qo`lini baland aylab, ularni mag`lub etdi. Ogoh bo`lingiz! Makkada urush qilmoq va o`ldirmoq mendan avval ham biror kishiga ruxsat etilmagandir (halol bo`lmagandir) va mendan keyin ham biror kishiga ruxsat qilinmaydi (halol bo`lmaydi). Kunduzi bir soatgagina (halol bo`ldi) izn berildi, urush qilmoq va o`ldirmoq shu soatdan e`tiboran haromdir (man` etiladi). Makkaning tikani ham yulinmaydi, daraxti ham kesilmaydi, tushib qolgan (yo`qotilgan) narsasi ham olinmaydi, faqat odamlarga ma`lum qilmoq uchun olinadi. Kim o`ldirilgan bo`lsa, uning qarindoshi ikki yo`ldan birini tanlaydi, "yo xunini oladi, yo qasosini oladi». Yamanliklardan biri kelib: «Yo Rasulalloh, menga yozib bering!»—dedi. Rasululloh: «Falonchiga yozib beringiz!»—dedilar. Quraysh qabilasidan bir kishi dedi: «Yo Rasulalloh, tikanlari yulinmaydi, daraxtlari kesilmaydi dedingiz, biroq izxir (xushbo`y o`simlik) o`rilsa, mayli deng! Yo Rasulalloh, biz izxirni o`rib, uylarimizga olib boramiz va qabrlarimizga qo`yamiz». Rasululloh: «Izxir o`rilsa, mayli»,— dedilar».

Abu Hurayra aytadilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sahobalari orasida hadislarni mendan ko`ra ko`proq biladigan kishi yo`qdir. Yolg`iz Abdulloh ibn Amrgina ko`proq bilar edi, chunki u yozishni bilardi, men esa bilmas edim».

Ibn Abbos bunday dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam (og`riq) kasallari zo`raygach: «Qog`oz keltiringiz (daftar-qalam), sizlarga biror narsa yozib beraman, keyin adashmaysizlar»,— dedilar. Hazrat Umar (yonidagi sahobalarga): «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni (og`riq) dard yengib qo`ydi, bizda Allohning Kitobi bor-ku, bizga shu kifoya qiladi»,— dedilar. Shunda sahobalar o`rtasida g`ovur-g`uvur boshlanib, gap ko`payib ketdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Meni xoli qo`yingiz (oldimdan chiqingiz), mening qoshimda janjal qilmangiz!» dedilar. Ibn Abbos tashqariga chiqib: «Bu zo`r baxtsizlikdir, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning yozib beramen, degan narsalariga to`sinqinlik qilmoq — zo`r baxtsizlikdir!» — deb aytdilar.

41-bob. Tunda ilm (ta`lim) berish va va`z aytish xususida

Ummu Salamadan: «Kunlardan bir kuni kechasi Rasululloh sollallohu alayhi va sallam uyg`onib dedilar: «Subhonalloh, bu kecha qanchadan-qancha fitnalar nozil qildiykin va qanchadan-qancha rahmat xazinasi eshiklarini ochdiykin. Hujralarda uxlab yotganlarni (ibodatga) uyg`otingiz, bu dunyoda kiyimlik — oxiratda yalang`ochdir!»— dedilar».

42-bob. Tunda ilmdan suhbatlashish

Abdulloh ibn Umardan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hayotlarida so`nggi marta biz bilan xufton namozini o`qidilar. Ikki taraflariga salom berganlaridan so`ng, o`rinlaridan turib: «Bilasizmi, bu kechani? Shu kechadan boshlab to`liq 100 yil o`tgach,

yer yuzida (hozir tirik) kishilardan birontasi qolmaydi»,— dedilar».

Ibn Abbosdan: «Rasulullohning jufti halollari bo'lmish xolam Maymunaning uylarida yotib qoldim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning ham xolamnikida bo'ladigan kechalari ekan. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam biz bilan xuftonni o'qib bo'lgach, uylariga kirib, to'rt rak'at namoz o'qidilar, keyin uyquga yotdilar, keyin turib: «Bola uxlab qoldimi?»—dedilar yoki shunga o'xshash bir so'z aytdilar. Keyin namoz o'qishga turdilar, men chap yonlariga kelib turdim. Meni o'ng tomonlariga o'tkazib qo'ydilar. Avval 5 rak'at, keyin 2 rak'at namoz o'qidilar, keyin mizg'idilar, hatto men pishillaganlarini eshitdim. Keyin turib namozga chiqib ketdilar».

43-bob. Ilmni (xadisni) yod olish

Al-A'raj bu xususda bunday deydilar: «Abu Hurayra hadisni ko'p aytadi», deyishadi. «Agar Allohning Kitobi (Qur'on)da ikki oyat bo'lmaganda edi, bitta ham hadis aytmas edim»,— degan edilar Abu Hurayra, keyin oyatning «Biz nozil qilgan yo'l-yo'riqlar va hidoyatni yashirganlar»... degan joyidan to «ar-Rahim» degan so'zigacha o'qigandilar (mazkur oyatda ilmni berkitgan odamlarni Alloh taolo mazammat qiladi — qoralaydi). Muhojir birodarlarimiz bozorlarda bor-baraka qilish bilan ovora edi, ansoriy birodarlarimiz esa, o'z xo'jaliklaridagi ishlar bilan band edi. Abu Hurayra esa Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning ortlaridan qolmas edi. Qornini bir to'yg'azib olib, ular (muhojirlar, ansoriylar) hozir bo'lmagan joylarda Abu Hurayra hozir bo'lar edi. Ular yodlamagan narsalarni (hadislarni) Abu Hurayra yodlar edi».

Abu Hurayra bunday deganlar: «Men Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasulalloh, men sizdan ko'p hadis tinglayman-u, ammo unutib qo'yaman»,— dedim. Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam muborak qo'llari bilan (suv hovuchlagandek) Allohning fayzu barakatidan (choponimga) hovuchlab soldilar, keyin: «Bag'ringga bos!»— dedilar. Men bag'rimga bosdim, shundan keyin hech narsani (hadisni) esimdan chiqarmaydigan bo'ldim».

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan «ikki idish» (narsa) yod oldim, bittasini sochdim (odamlarga aytdim), ammo ikkinchisini agar sohadigan bo'lsam (aytsam), mana bu halqum kesiladi»,— dedilar (birinchisi hadislar edi, ikkinchisi esa, kelajakda bo'ladigan fitnalar to'g'risidagi xabarlar edi).

44-bob. Ulamolarga jim turib quloq solishning ma'qulligi

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Haj-jat ul-Vido'da turganlarida Jarir ibn Abdullohga: «Odamlarni jim qilg'il, tinglasinlar!»— dedilar. So'ngra: «Mendan keyin bir-biringizni o'ldiradigan kofirlar bo'lib ketmangiz!»—deb qo'shib qo'ydilar.

45-bob. «Odamlarning eng olimi qaysi?»,— deb so'ralganda, «Olim kishini Alloh bilgaydir»,— deb javob qilishning ma'qulligi

Sa'id ibn Jubayr Abdulloh ibn Abbosga: «Navfal Bakoliy: «(Xizr bilan uchrashgan) Muso — Baniy Isroil payg'ambari emas, balki boshqa Muso bo'lgan, deb da'vo qilayotir»,— deganda, Abdulloh ibn Abbos: «Yolg'on aytibdi, u Allohning dushmani ekan»,— dedilar.

Ubay ibn Ka' b Rasululloh xususlarida bunday rivoyat qilganlar: «Musu alayhissalom Baniy Isroil qavmiga va' z aytib turgan edilar, «Odamlarning eng olimi kim?»—deb so' rashdi. Musu alayhissalom: «Men hammadan olimroqman»,— dedilar. «Alloh biladi»,—demaganlari uchun Alloh taolo u kishiga tanbeh berib, «Ikki dengizning bir-biriga qo' shiladigan yerida bir bandam bor, u sendan olimroqdir»,—degan vahiy yubordi. «Yo rabbiy, qanday qilib u kishi bilan uchrashaman»,— dedilar. «Bir savatga baliq solib ol, so' ng o' sha tomonga qarab yur, agar baliqni yo' qotsang, Xizr o' sha yerda bo' ladi»,— deyildi. Musu alayhissalom Yusha' degan g' ulomlari bilan savatga baliq solib olib, yo' lga chiqdilar. Katta qoyatosh oldiga borganlarida, savatni qo' yib, uyquga ketdilar. Baliq savatdan chiqib, dengizga tushib, suzib ketdi. Musu alayhissalomning g' ulomlari taajjubda qoldi (chunki o' sha baliq o' lik edi). Kechaning qolgan qismida va kun bo' yi yo' l yurdilar. Ertasiga tong otgach, Musu alayhissalom yigitga: «Nonushtani keltirg' il, bu safarimizda mashaqqat tortdik»,—dedilar. Musu alayhissalom tayinlangan joyga yetib borgunga qadar boshqa mashaqqat chekmadilar. Yigit dedi: «Ko' rdingizmi, qoyatosh oldida dam olganimizda baliqni yodimdan chiqaribman (yo' qolibdi)». «Biz istagan narsa ham xuddi shu edi»,— dedilar Musu alayhissalom va g' ulomlari orqaga, qoyatosh tomonga yo' l olishdi. U yerga yetib kelishganda, kiyimini yopinib yotgan kishini ko' rdilar. Musu alayhissalom salom berdilar. Xizr: «Salom bermog' ingning o' rni emas»,— dedilar. Musu dedilar: «Men Musoman». Xizr dedilar: «Baniy Isroil Musosimi?» «Ha, Alloh bildirgan ilmingizdan menga o' rgatmog' ingiz uchun sizga ergashsam maylimi?»—dedilar Musu. «Menga ergashmoqqa sabringiz chidamaydi, ey Musu»—dedilar Xizr. «Alloh taolo sizga bir ilm o' rgatganki, uni men bilmasman. Menga bir ilm o' rgatganki, uni siz bilmassiz. Inshoalloh, men sabrli bo' lgayman, ko' rasiz, sizga osiylik qilmasman»,— dedilar Musu alayhissalom. So' ng daryo sohili bo' ylab yurib ketishdi. Kemalari yo' q edi, bir kema o' tdi, kemadagilardan (o' zlarini) olib ketishni so' radilar. Ular Xizrni tanib, haq olmasdan olib ketdilar. Kema chetiga bir chumchuq kelib qo' ndi, bir-ikki cho' qib, suv ichdi. Xizr Musoga dedilar: «Sen bilan men bilgan ilm chumchuq dengizdagi suvni cho' qilab ozaytirolmagani kabi, Alloh ilmini ham hech kamaytirolmagay». Xizr kema taxtasidan biriga tiralib, sindirib qo' ydilar. Shunda Musu dedilar: «Haq olmasdan bizlarni olib ketayotganlarning kemasini teshib, odamlarni g' arq qilmoqchimisiz?» Xizr dedilar: «Aytmadimmi, sabr qilmassiz». Bu Musu alayhissalomning (Xizr so' zlarini) birinchi bor unutilshari edi. So' ng jo' nab ketishdi. Bir joyda Xizr o' ynab turgan bolalardan birining boshini qo' llari bilan uzib tashladilar. Musu dedilar: «Begunoh odamni nahaq o' ldirdingiz». Xizr dedilar: «Aytmadimmi sizga, men bilan yurmoqqa sabr qilolmassiz deb!» Abu Sufyon: «Xizr shunday deb ta' kidladilar, keyin jo' nab ketishdi»,— deydi. Bir qishloq ahli mehmon qilmoqdan bosh tortdi. Qishloqda ular yiqilayozgan bir devorni ko' rdilar. Xizr «tuzatib qo' yaman» degan ma' noda qo' llari bilan ishora qildilar. Devorni to' g' irlab qo' ydilar. Musu dedilar: «Agar xohlasangiz, shunga haq olingiz» Xizr dedilar: «Mana bu (so' zingiz) siz bilan mening ajralmog' imizga sababdir».

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Alloh taolo Musoni rahmat qilsin! Juda ham yaxshi ko' rar edik u kishini, agar sabr qilganda (juda ajoyib narsalarni ko' rar edi), ikkalalari o' rtasida bo' lgan ishlarni bizga hikoya qilib berishar edi»,— deb aytdilar».

46-bob. O' tiringan olimdan tik turgan holda masala so' rashning mumkinligi

Abu Muso al-Ash' ariy raziyallohu anhudan: «Bir kishi Rasululloh sollallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib, dedi: «Yo Rasulalloh, qaysi jang Alloh yo' lida qilingan jang hisoblanadi? Bittamiz g' azabdan urushamiz, bittamiz qarindoshlarimizni himoya qilib

urushamiz». Janob Rasululloh so'rovchiga boshlarini ko'tarib qaradilar. So'rovchi tik turganligi uchun Rasululloh sollallohu alayhi va sallam boshlarini ko'tarib dedilar: «Kimki Allohning so'zini yuqori (ustun) bo'lsin deb jang qilsa, u jang Alloh yo'lida qilingan jangdir!»

47-bob. Ramy ul-Jummorda (shaytonga tosh otadigan joyda) savol va fatvo so'rash

Abdulloh ibn Amrdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni Jamrat ul-aqabada (shaytonga tosh otadigan yerda) ko'rdim, bir kishi: «Yo Rasulalloh tosh otmasimdan avval qurbonlik qilib qo'yibman? — deb so'rayotgan edi. «Otaver, zarari yo'q»,— dedilar. Boshqasi dedi: «Yo Rasulalloh, qurbonlik so'ymasdan avval sochimni oldirib qo'yibman?» «So'yaver, zarari yo'q»,— dedilar. Avval yo keyin qilingan haj amallaridan nimaiki so'ralsa, «Qilaver, zarari yo'q»,— deb javob berdilar».

48-bob. Alloh taoloning «Sizlarga juda ham oz ilm berildi» (Isro:85) degan oyati karimasi xususida

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan Madinaning xarobaroq yerida ketayotgan edik. Rasululloh qo'llarida xurmo yog'ochidan qilingan xassa tutib olgan edilar. Bir to'da yahudiylar yonidan o'tayotganimizda ulardan ayrimlari: «U kishidan ruh to'g'risida so'ranglar»,— deb aytishdi. Ba'zilar esa: «So'ramanglar, sizlar inkor qilgan narsa haqida javob aytmaydi»,— deyishdi. Yana ba'zilar: «Albatta so'raymiz»,— deyishdi. Shulardan biri turib: «Yo Abulqosim, ruh nima?» — dedi. Janob Rasululloh jim qoldilar. Men o'zimcha: «U kishiga vahiy nozil bo'layapti»,— dedim. Rasulullohni yahudiylardan pana qilib (o'rtada) turdim. O'zlariga kelgach: «Sendan ruh to'g'risida so'rashmoqdalar, ruh rabbimning ishi (o'zi biladi), bu to'g'rida (odamlarga) juda oz bilim berilgan, deb ayt!»,— dedilar.

Al-A'mash: «Bizdagi (nuxxada) shunday o'qiladi»,— degan.

49-bob. Ba'zilar noto'g'ri tushunmasin, deb o'zi ixtiyor qilgan narsalardan voz kechish

Asvad an-Nahildan: «Abdulloh ibn Zubayr menga: «Oisha onamiz senga ko'p sir aytadilar, Ka'ba to'g'risida senga qanday hadis aytdilar?» — dedi. Men unga Oisha onamiz bunday deganlar, dedim: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Ey Oisha, agar qavm kufrdan yangi chiqqan (endigina musulmon) bo'lmaganda edi, Ka'bani teshib, eshigini ikkita qilar edim. Biridan kirib, ikkinchisidan chiqadigan qilar edim».

Keyinchalik Abdulloh ibn Zubayr Rasulullohning niyatlarini amalga oshirgan (bu Ka'baning 4-ta'miri edi. 5- ta'mir Hajjoj davrida bo'lgan).

50-bob. Tushunishni istamagan qavm o'rniga tushunadigan qavmga ilm o'rgatish xaqida

Hazrat Ali raziyallohu anhu: «Odamlarga aqli yetadigan narsani gapiringiz. Alloh va uning Rasulini yolg'onga chiqarishlarini istarmisiz?»—degan ekanlar.

Anas ibn Molikdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Muoz ibn Jabalni ulovlariga mingashtirib ketayotganlarida bunday dedilar: «Ey Muoz!» «Labbayka, yo rasulalloh va sa'dayka (men shu yerdaman, xizimatingizga tayyorman)»,— debdi Muoz. «Ey Muoz!» — dedilar yana. «Labbayka yo rasulalloh va sa'dayka»,— deb javob beribdi Muoz. (Shu gapni uch bor qaytarganlaridan) keyin, «Ashhadu alla iloha illallohu vashhadu anna Muhammadan abduhu va rasuluhu» ni chin qalbdan aytgan, odamgagina Alloh taolo do'zax o'tini harom qilg'ay», dedilar. Muoz dedi: «Yo Rasulalloh, umidvor bo'lsinlar, deb odamlarga buni xabar qilaymi?» Rasululloh: «Agar umidvor bo'lsalar...»,— deb gaplarini oxirigacha aytmadilar. Muoz bu gapni o'limi oldidan (hadisni yashirib gunohkor bo'lib qolishdan qo'rqib) to'la-to'kis aytib bergan.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Muozga: «Kimki Alloh taologa shirk keltirmay ro'baro' bo'lsa, jannatga kirgay»,— degan ekanlar. Shunda Muoz: «Odamlarga bu . xushxabarni aytaymi?» — degan edi, «Yo'q, qattiq umid bog'lashlaridan qo'rqaman»,— dedilar Rasululloh (ya'ni, odamlar: «Allohgga shirk keltirmasak bas, jannatga kirar ekanmiz»,— deb noto'g'ri o'ylamasinlar»,— degan ma'noda bo'lsa kerak).

51-bob. Ilm o'rganishdan uyalmoq

Mujohid aytganlar: «Uyalgan kishi ilm. ololmaydi. Uyalgan kishi va mutakabbir kishi ilm ololmaydi».

Oisha onamiz aytganlar: «Ayollarning yaxshisi ansoriya ayollar. Dinni teran o'rganmoqlari uchun ularga hayo mone'lik qilmadi».

Ummu Salama bunday deydi: «Ummu Sulaym Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, Alloh taolo haqiqatni aytmoqdan uyalmaydi (shuningdek, men ham uyalmasman). Ayol kishi agar ihtilom bo'lib (bulg'anib) qolsa, g'usl vojib bo'ladimi?»—deb so'radi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar nam (maniy) chiqqanini ko'rsa»,— dedilar. Ayol yuzini (uyalib) berkitdi-da: «Yo Rasulalloh, ayol kishi ham ihtilom bo'ladimi?»—dedi. Rasululloh: «Xa, bo'ladi (ayolda ham maniy bor), nechun bola onasiga o'xshaydi!» — dedilar».

Abdulloh ibn Umardan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Daraxtlar orasida bir daraxt bordir, bargini tashlamaydi, u musulmonga o'xshaydi, aytingiz-chi, bu qaysi daraxt?» —dedilar. Odamlar qishloqlaridagi bor daraxtlarni sanab chiqdilar. Mening ko'nglimdan «xurmo daraxti» degan fikr o'tdi. Lekin (aytishga) uyaldim. Odamlar: «Yo Rasulalloh, o'zingiz aytib bering!»—dedilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «U xurmo daraxtidir»,— dedilar. Men ko'nglimga kelgan boyagi fikrni otam Umarga aytdim. Shunda otam (Umar): «O'shanda aytganingda-ku, menga falondaqa-pistondaqa ishlar nasib bo'lib, yaxshi bo'lar edi»,— dedilar».

52-bob. So'rashdan o'zi uyalsa, birov orqali so'rashning joizligi to'g'risida

Hazrat Ali raziyallohu anhu bunday rivoyat qiladilar: «Men maniyi ko'p (shahvati tez) odam edim. Al-Miqdodga: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan shahvati tezlikning hukmini so'ragin»,— deb buyurdim. U kirib so'radi. Rasululloh: «Maniy kelganda tahorat olmoq lozim bo'ladi»,— deb aytdilar».

53-bob. Masjidda ilmdan soʻzlashmoq va fatvo aytmoqning joizligi

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi masjidida tik turgan holda: «Yo Rasulalloh, tahlilni («lo iloha illallohu» deb aytishni) qaerdan boshlab aytaylik?» — dedi. Rasululloh: «Madina ahli Zul-hulayfadan boshlab, Shom (Suriya) ahli Juhfadan boshlab, Najd (Iroq) ahli Qarn degan joydan boshlab aytadilar»,— dedilar».

Ibn Umar: «Ayrim kishilar, Rasululloh Yaman ahli Yalamlamdan boshlab tahlil aytadi, deganlar, deb taʼkidlashadi. Men Rasulullohning bunday deganlarini sira eslay olmayman»,— der edi.

54-bob. Masala soʻragan odamga soʻraganidan koʻproq javob qaytarishning joizligi

Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan bir kishi soʻradi: «Ehromga kiruvchi odam (haj vaqtida) nima kiyadi?» «Koʻylak kiymaydi, salla oʻramaydi, shim kiymaydi, burnus (choponga oʻxshash) kiymaydi, vars va zaʼfaron ila boʻyalgan kiyim ham kiymaydi (oq en mato bilan tanasini oʻraydi). Agar shippak, yaʼni, oyoq oshigʻidan past oyoq kiyimi topmasa, mahsini oshiqdan yuqorisini kesib tashlasin, toki oyoq kiyimi oshigʻidan pastda boʻlsin!»—dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

TAHORAT KITOBI

1-bob. Olloh taoloning quidagi oyati karimasi mazmuni haqida

Olloh taolo oyati karimasida: "Ey mo'minlar, agar namozga tursangiz, yuzingizni, qo'lingizni (tirsakkacha) yuvib, boshingizga" mash tortingiz, oyog'ingizni to'piqqacha (to'pq bilan qo'shib) yuvingiz, -deydi.

Abu ABdulloh (Imom Buxoriy) bunday deydilar: "Janob Rasululloh sallolohu alayhi vasallam tahoratning farzi-bir martadan yuvish, deb tushuntirganlar, o'zlari tahorat olganlarida ikki va uch marta ham yuvganlar, lekin bundan oshirmaganlar. Ulamolarga suvni isrof qilmaslikni buyurganlar (ya'ni, uch martadan ortiq yuvishni man qilganlar)".

2-bob. Namoz tahoratsiz qabul qilinmag'ay.

Rasululloh sallolohu alayhi vasallam: "Tahorati singan kishining, tahorat olmaguncha namozi qabul qilinmag'aydir", -dedilar. Hazramavtlik bir kishi dedi: "EY Abu Hurayra, tahorat sinish degani, nima degani?" Abu Hurayra: "Ovozsiz yoki ovozli yel", -dedilar.

3-bob. Tahorat fazilati va (qiyomat kuni) tahorat ta'siridan yuvilgan a'zolarining yarqirashi (al-g'urr ul-muhajjalun)

Mujmir raziallohu anhu dedilar: "Abu Hurayra raziallohu nahu bilan birga masjidning orqasiga o'tdik. Abu Hurayra tahorat oldilar, keyin u mishi bunday dedilar: "Rasululloh sallolohu alayhi vasallam: "Ummatlarimni qiyomat kuni tahoratning ta'siridan g'urran muhajjalin holda chaqirgaydirlar. Qay birovkim o'z yarqirog'ini ko'paytirishga qodir ersa, ko'paytirsin!" - dedilar (bu dunyoda tahorat qilib yurganlarning badanlari qiyomat kuni yarqiraydi)".

4-bob. Tahorati singanini abiq bilmaguncha qayta tahorat olmaslik haqida

Ibod ibn Tamimning amakisi Rasululloh sallolohu alayhi vasallamga bir kishi ustidan shikoyat qilib: "Namoz vaqtida uning orqasidan yel chiqqandek bo'ldi", -dedi. Rasululloh sallolohu alayhi vasallam: "Bunday holda yelning ovozi eshitmaguncha yoki hidini sezmaguncha namozni buzmaslik kerak", -dedilar.

5-bob. Tahorat olishni osonlashtirish to'g'risida.

Ibn Abbos raziallohu anhu bunday dedilar: "Rasululloh sallolohu alayhi vasallam uxladilar, hattoki pishilladilar ham, keyin turib namoz o'qidilar. Balkim, Sufyon: "Rasululloh yonboshladilar, hattoki pishilladilar ham", -deb aytgan edi shekilli. Keyinchalik Sufyon shu hadisni bizga bir necha marta rivoyat qilib bergandi". Ibn Abbos r.a. yana shunday dedilar: "Holam maymunanikida bir kecha tunab qoldim. Janob Rasululloh sallolohu alayhi vasallam kechasi namozga turdilar. Tunnong bir qismi

o'tgan edi. Devorga osig'liq bir meshdan suv olib, yengil tahorat oldilar. Keyin turib namoz o'qiy boshladilar. Ulardan keyin men ham tahorat olib, chap tomonlariga kelib turdim. Meni o'ng tomonlariga o'tkazib qo'yidilar, keyin Olloh xohlagancha namoz o'qidilar, keyin yonboshladilar, hatto pishillagan ovozlari ham eshitildi. Keyin muazzin kelib, azon aytdi va birgalikda namoz o'qishdi. Janob Rasululloh (bu gal) tahorat olmadilar. Amr ibn Dinor : "Odamlar Janob Rasulullohning ko'zlari uxlaydi-yu, lekin dillari uxlamaydi, deyishadi", -deb bizga aytgandilar. Amr shunday deydilar: "Ubayd ibn Umar: "Payg'ambarlarning tushlari ham vahiydir", -dedi-da, "Tushimda men seni qurbonlik qilayotgan ekanman (Ibrohim alayhissalom o'g'illari Ismoil alayhissalomga shunday deganlar)" degan oyatni o'qidi".

6-bob. Tahoratni mukammal olmoq

Ibn Umar: «Tahoratni mukammal olmoq degani, toza yuvmoq deganidir»,— deganlar.

Ibn Abbos Usoma ibn Zayddan bunday deb eshitgan ekanlar: Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Arafotdan qaytayotib Sha'b degan joyga kelganlarida (tuyalaridan) tushib, tahorat ushatdilar, keyin tahorat oldilar, lekin mukammal olmadilar. «Namozgami, yo Rasulalloh?»—dedim. «Namoz oldingdadir (ya'ni, hali namozga vaqt bor)»,— dedilar, so'ng tuyalariga mindilar. Muzdalifa degan joyga kelganda (tuyalaridan) tushdilar, so'ng tahorat oldilar, bu gal mukammal oldilar. Keyin namozga chaqirildi. Shom o'qidilar. Keyin har bir kishi tuyasini o'z joyiga cho'ktirdi. Keyin xuftonga chaqirildi, xufton o'qidilar. Shom bilan xufton o'rtasida boshqa namoz o'qimadilar».

7-bob. Bir hovuch suv bilan ikki qo'llab yuz yuvmoq

Ato ibn Yasor bunday deydilar: «Ibn Abbos tahorat oldi, yuzlarini yuvdi. Bir hovuch suv olib, og'iz va burun chayqadi. Keyin bir hovuch suv olib, mana bunday qilib ikkinchi hovuchiga ham qo'yib, ikki qo'llab yuzini yuvdi. Keyin bir hovuch suv oldi, u bilan o'ng qo'lini yuvdi, keyin bir hovuch suv oldi, u bilan chap qo'lini yuvdi, keyin (suv olib) mash tortdi, keyin bir hovuch suv oldi, o'ng oyoqlarini yuvdi, keyin bir hovuch suv olib, chap oyoqlarini yuvdi. Keyin: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning shunday tahorat olayotganlarini ko'rganman»,— dedi».

8-bob. Har qanday holatda va jimo' (jinsiy aloqa) oldida ham bismilloh aytmoqning sunnatligi

Ibn Abbos raziyallohu anhu deydi: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar birortangiz xotiningizga yaqinlik qilmoqchi bo'lsangiz, «Bismillohi, Allohmma jannibnash-shaytona va jannibish-shaytona ma rozaqtana (Allohning ismi bilan boshlayman. Ilohi, bizdan shaytonni yiroq qilgin va shaytonni bizga berajaging farzandan yiroq qilgin!)» — deng! Shundan so'ng sizga farzand taqdir etilsa (bola bo'lsa), unga shayton zarar yetkazmaydi» — deganlar».

9-bob. Hojatxonaga kirayotganda nima deyiladi?

Abdulaziz ibn Suhayb Anas bunday degan edi, deb rivoyat qiladilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hojatxonaga kirsalar: «Allohmma inni a'uzu bika min al-xubsi va l-xobaais (Ilohi, men sendan erkak va urg'ochi shaytonlarning yomonligidan

asramog`ingni so`rayman)», — derdilar». (Ba`zi bir nusxalarda «Ilohi» so`zidan avval «Bismilloh» so`zi ham bor).

10-bob. Hojatxona oldiga mustahab uchun suv tayyorlab qo`yish

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hojatxonaga kirdilar, men u kishiga tahorat uchun suv keltirib qo`ydim. Janob Rasululloh (chiqib): «Kim qo`ydi buni?» — dedilar. Rasulullohga (ibn Abbos, deb) aytishdi. Rasululloh: «Ilohi, uni din bilimdoni qilgaysan!»—deb duo qildilar.

11-bob. Qiblaga qarab hojatga o`tirib bo`lmaydi, biror binoning ichida devor yoki shu kabi narsaga qarab o`tirish mumkin

Abu Ayyub al-Ansoriydan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar birortangiz qazoi hojatga borsangiz, qiblaga qarab yoki qiblaga orqa qilib o`tirmangiz, kun chiqar va kun botarga qarab yoki orqa qilib o`tiringiz!» — deganlar». (O`rta Osiyoda shimol yoki janubga qarab).

12-bob. Ikki g`isht ustiga chiqib, qazoi hojat qilmoq

Vosi' ibn Habbondan: «Abdulloh ibn Umar: «Odamlar, qazoi hojatga o`tirsang, qiblaga ham, Bayt ul-Muqaddasga ham qarab o`tirma!» deyishadi»,— der edi. Abdulloh ibn Umar: «Bir kuni tomga chiqdim, uyimizning orqasida Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning ikkita g`isht ustida Bayt ul-Muqaddasga qarab (oldilarida uy bor) hojat qilayotganlarini ko`rdim»,— dedi-da, menga (Vosi'ga): («Agar shu masalani ham bilmasang) qorinlari bilan sajda qilguvchilardan ekansan-da!»—dedi. Men: «Alloh haqqi, bilmayman»,— dedim».

(Imom Molik aytadilar: «Ibn Umar, qorni bilan sajda qiluvchi, deb yerga yotib olib, yerdan ko`tarila olmasdan sajda qiladiganlarni aytgan»).

13-bob. Xotinlarning (qazoi qojat uchun) hovlidan tashqariga chiqishi

Oisha raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning xotinlari tunda qazoi hojat uchun Manosi' degan joyga chiqar edilar. U yer keng, sayhon joy edi. Hazrat Umar Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga: «Xotinlaringizni to`sing (chiqarmang)!» — der edilar. Rasululloh bunday qilmas edilar. Bir kuni xufton paytida Savda binti Zam`a (Rasulullohning xotinlaridan biri) tashqariga chiqdilar. Bo`ylari uzun xotin edilar. Shunda Hazrat Umar ko`rib: «Hoy Savda, biz seni tanidik»,— deb xitob qildilar. Bu gapni, xotinlarni parda ichiga olish to`g`risida oyat nozil bo`lsaydi, deb aytdilar. So`ng Alloh taolo «Hijob oyati»ni nozil qildi».

Oisha raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam («Hijob oyati» tushgandan keyin): «Alloh taolo ba`zi bir hojatlaringiz uchun tashqariga chiqishingizga ruxsat berdi»,— dedilar.

Oisha onamiz: «Hojatlaringiz» deganda qazoi hojatni nazarda tutadilar»,— deb aytganlar. Shihobuddin Qastaloni aytdilar: «Xonadon ichida tahoratxona bo`lmagan

vaqtda zarurat uchun tashqariga chiqishga ruxsat berilgan». Shuning uchun ham Imom Buxoriy keyingi bobni «Xonadonda tahorat sindirish bobi» deb atadilar.

14-bob. Xonadonlarda tahorat sindirish

Abdulloh ibn Umardan: «(Opam) Hafsa (Rasulullohning xotinlari) uyining tomiga ba'zi bir hojat uchun chiqdim. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning (pastda) qiblaga orqalarini, Shomga oldilarini kilib, qazoi hojat qilayotganlariga ko'zim tushdi».

15-bob. Suv bilan mustahab qilish (ostini yuvish)

Anas ibn Molik: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hojatga chiqsalar, men va bir bola mustahab qilishlari uchun ortlaridan idishda suv olib borar edik»,— deydilar.

16-bob. Tahorat uchun o'zi bilan birga suv olib yurish.

Abudardo aytadilar: "Alqaqma ibn Qays iroqliklardan: "Sizning orangizda Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning mahsilarini, tahorat suvlarini, yostiqlarini ko'tarib yuradigan zoti sharif bormilar? "-deb so'rganida, Abdulloh ibn Mas'ud: "Nega mening o'zimdan so'raysizlar?"-degan ekanlar".

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qazoi hojatga chiqsalar, men va ansoriy bir bola orqalaridan idishda suv olib ergashib borar edik",deb aytgandi Anas:,-deydilar Ato ibn Maymuna.

17-bob. Tahorat paytida anza (temir uchli hassa) , va idishda suv hozirlab turmoq

Anas aytadilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hojatxonaga kirar edilar, so'ng men bilan bir bola idishda suv va anzalarini (hassalarini) hozirlab turardik. Suv bilan Rasululloh mustahab qilar edilar»,— deganlar.

18-bob. O'ng qo'l bilan tahorat qilishdan qaytarish

Abdulloh ibn Abu Qatoda rivoyati: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar birortangiz idishdan suv ichsangiz, ichiga puflamangiz. Agar hojatxonaga kirsangiz, o'lingizni o'ng qo'l bilan ushlamangiz va o'ng qo'l bilan artmangiz!»—degan ekanlar».

19-bob. Olatni o'ng qo'l bilan ushlab tahorat ushatilmaydi

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otasidan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Birortangiz kichik hojatga boradigan bo'lsangiz, o'ng qo'l bilan olatni ushlamangiz va o'ng qo'l bilan artmangiz, suv ichayotgan idishga puflamangiz!» — degan ekanlar».

20-bob. Tosh va kesak bilan poklanmoq

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hojatga chiqqanlarida ergashdim. U yoq-bu yoqqa qaramay borar edilar. U kishiga yaqin borganimda, «Menga tosh keltir, istinjo (poklanish) qilaman»,— dedilar yoki shunga

o'xshash bir gap aytdilar. Keyin: «Suyak yoki tezak olib kelmagin!» —dedilar. Kiyimimning etagida tosh terib keldim. Yonlariga to'kib, u kishidan o'girilib turdim, qazoi hojatdan keyin toshlar bilan istinjo qildilar».

21-bob. Musulmon kishi tezak bilan artmaydi

Abdurrahmon ibn Asvadning otasidan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam (tahorat ushatish uchun) xoliroq joyga borganlarida menga uchta tosh topib kelishni buyurdilar. Ikkita tosh topdim, uchinchisini topmadim, (o'rniga) bir tezakni oldim, ularni Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga keltirdim. Ikki toshni oldilar, tezakni tashladilar va «Bu makruh narsadir (ba'zi bir nusxada jinlar taomidir)»,— dedilar».

22-bob. Tahoratda a'zolarni bir martadan yuvmoq

Abdulloh ibn Abbosdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tahorat olayotib, a'zolarini bir martadan yuvdilar».

23-bob. Tahoratda a'zolarni ikki martadan yuvmoq

Abdulloh ibn Zohiddan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tahorat olayotib, a'zolarini ikki martadan yuvdilar».

24-bob. Tahoratda a'zolarni uch martadan yuvmoq

Himron Mavlo Usmondan: «Usmon raziallohu anhu «Idishda suv keltiringiz!» — dedilar. So'ng idishni marta egib, qo'llarini yuvdilar. Keyin o'ng qo'l ni idishga tiqib, (suv olib) uch marta og'iz chayqadilar, keyin uch marta yuzlarini yuvdilar, keyin ikki qo'llarini tirsagigacha uch marta yuvdilar, keyin boshga mash tortdilar, keyin oyoqlarini uch marta tovongacha yuvib, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Kimki shu tahoratim kabi tahorat olsa va ko'ngliga dunyoviy ishlarni keltirmasdan, keyin ikki rak'at namoz o'qisa, o'tgan gunohlari mag'firat qilingay», deb aytdilar»,—dedilar».

Himron: «Usmon tahoratdan bo'shagach: «Men sizlarga bir hadis aytaman, (Qur'oni Karimda) bir oyat bo'lmaganda edi, uni sizlarga aytmas edim, uni Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan eshitganman. «Kishi yaxshilab tahorat olib, namoz o'qisa, uning u namoz bilan bu namoz o'rtasidagi gunohlari namozni o'qib bo'lguncha kechirilgay», dedilar»,—deydi.

Urva ibn Zubayr: «Haligi Usmon eslatgan oyat «Alloh nozil qilgan ilmni berkitguvchilarga...» degan oyat edi»,— deydilar.

25-bob. Tahorat qilayotganda burunga suv olib qoqmoq

Abu Hurayra raziallohu anudan: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Kimki tahorat olsa, burniga suv olib qoqsin. Kimki, tahorat ushatgach, kesak ishlatsa, toq ishlatsin!»—deganlar.

26-bob. Kesakni toq ishlatmoq

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam «Agar birortangiz tahorat olsangiz, burniigizga suv olib qoqingiz. Kimki, tahorat ushatgach, kesak ishlatsa, toq ishlatsin (3, 5, 7 ta). Agar qaysi biringiz uyqudan uyg'onsangiz, idishdagi suvga qo'lni solmasdan avval (uni qiyshaytirib) qo'lingizni uch marta yuvingiz. Chunki birortangiz uyquda qo'lingizning qaerlarga tekkanini bilmaysiz»,—deganlar».

27-bob. Oyoqni yuvmoq

Abdulloh ibn Amrdan: «Bir safarda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bizdan keyinda goldilar, asr vaqtida bizga yetib oldilar. Biz tahorat olayotgan edik, oyoqlarni nomigagina yuvar edik. Rasululloh baland ovoz bilan «Do'zax otashidan oyoq kaftlarining holiga voy!» deb ikki yoki uch bor xitob qildilar».

28-bob. Tahorat olayotganda og'iz chayqamoq

Himron Mavlo Usmondan: «Usmon raziyallohu anhu tahorat uchun suv keltirishni buyurdilar. Keyin idishni egib, qo'llariga suv quyib uch marta yuvdilar, o'ng qo'lni idishga tiqib suv olib, uch marta og'iz chayqadilar va burun koqdilar, yuzlarini uch marta yuvdilar, ikki qo'lni tirsakkacha qo'shib uch marta yuvdilar, boshga mash tortdilar, har bir oyoqni uch martadan yuvdilar. So'ng: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning shu tahoratim kabi tahorat olganlarini ko'rdim. «Kimki shu tahoratim kabi tahorat olsa va ko'ngliga dunyoviy ishlarni keltirmasdan namoz o'qisa, Alloh taolo o'tgan gunohlarini kechirgay», deb aytganlar», dedilar».

29-bob. Tovonlarni yaxshilab yuvmoq

Muhammad ibn Ziyoddan: «Abu Hurayra va biz obdastadan tahorat olayotgan odamlar yonidan o'tib ketayotganimizda, Abu Hurayra ularga: «Tahoratni mukammal olingiz, yuvadigan a'zolari to'liq yuvingiz, chunki Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Yuvilmay qolgan tovonlar do'zax o'tida qoladi» deb aytganlar»,— dedilar».

30-bob. Na'lga (poyabzalga) mash tortmay, uni yechib oyoqlarni yuvish

Ubayd ibn Jurayj Abdulloh ibn Umarga qarab: «Ey Abu Abdurrahmon, sizda to'rtta xislatni ko'rdim, bularni sheriklaringizdan birortasida ham ko'rmaganman»,— dedi. «Nima ekan ular, ey Ibn Jurayj?» —dedi Abu Abdurrahmon. «Birinchi, Ka'baning faqat ikki yamaniy devorinigina silab qo'yasiz (qolgan ikki tomonini silamaysiz). Ikkinchi, xirom poyabzal kiyasiz (sahobalar xirom qilinmagan, yungli poyabzal kiyishgan, xirom qilingan poyabzalni mol-dunyoga berilgan odamlar kiyadi, deyishgan). Uchinchi, siz sariq bo'yoq ishlatasiz, to'rtinchidan, Makkada turgan vaqtingizda Zulhijja oyi kirgan kuni odamlar talbiya (labbayk-allohumma labbayk) aytishdi, siz aytmadingiz, siz 8-nchi Zulhijja kuni aytdingiz»,— dedi Ibn Jurayj.

Abdulloh raziyallohu anhu bunday deb javob qildilar: «Ka'ba devori masalasiga kelsak, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning shu ikki yamaniy deb nomlangan devordan boshqasini silaganlarini ko'rmadim. Xirom poyabzalga kelsak, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning ham tuki yo'q poyabzal kiyib olganlarini ko'rdim, o'shanda uni yechib

oyoqlarini yuvgandilar, o'shanday payabzal kiyishni yaxshi ko'raman. Sariq rangga kelsak, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sariq buyoq ishlatganlarini ko'rdim. Men ham sariq bo'yoq ishlatishni yaxshi ko'raman. Ammo talbiya masalasiga kelsak Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning tuyalariga minib, Mino yo'lga chiqib olgunlaricha (8-nchi kunigacha) talbiya aytib borganlarini ko'rmadim».

31-bob. Tahoratni va g'uslni o'ng tomondan boshlamoq

Ummu Atiyya raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Ummu Atiyya va uning yonidagi ayollarga qizlari Zaynabning jasadini yuvishni «O'ng tomondan va tahoratda yuviladigan joylardan boshlangiz!» — deganlar».

Oisha raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam har narsani o'ngdan boshlashni yaxshi ko'rardilar: poyabzal kiyishni ham, soch-soqol tarashni ham, tahorat olishni ham va boshqa barcha ishlarni ham».

32-bob. Namoz vaqti yaqinlashganda tahoratga suv so'ramoq

Oisha raziyallohu anhodan: «(Safarda) bomdod namozini o'qiydigan vaqt kelganda tahorat uchun suv qidirildi, topilmadi, shundan so'ng tayammum qilmoqlikka oyat nozil bo'ldi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam namozi asr vaqti yaqinlashganda odamlardan tahorat uchun suv so'radilar. Suv keltirishgach, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qo'llarini idish og'ziga qo'yib, engashtirdilar-da, odamlarga tahorat olmoqni buyurdilar. Anas: «Janob Rasulullohning panjalari ostidan suv silqib tushayotganini ko'rdim, o'sha suvdan hatto oxirgi odamgacha tahorat oldi»,— deydilar.

33-bob. Inson sochi yuvilgan suvning hukmi (halol yo haromligi)

Ato ibn Abu Raboh: «Sochdan arqon yoki ip qilmoqning zarari yo'q»,— der edilar. Itdan qolgan sarqitning (it tekkan narsaning) hukmi va itning masjididan o'tishining hukmi: Az-Zuhriy: «Agar idishdagi suvga it tegsa-yu, tahorat olmoq uchun undan boshqa suv bo'lmasa, o'sha suv bilan tahorat olsa bo'ladi»,— deydilar. Sufyon as-Savriy: «Mana bu hukm Qur'oni Karimdan olingan bo'lib, Alloh taolo aytgan: «Suv topmasangiz, tayammum qilingiz, bu suvdir va (itning) nafasida bir (zararli) narsa bordir»,— deydilar.

Ibn Osimdan: «Ubaydaga dedim: «Bizda Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sochlari bor. Uni Anas yoki u kishining uyidagilari orqali olishga muyassar bo'ldik. Menda Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning bir tola sochlarining borligi dunyo va undagi bor narsalar meniki bo'lib qolganidan ham sevinchliroqdir».

Anas raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam (Hajjat ul-Vido'da) sochlarini oldirayotganlarida birinchi bo'lib sochlaridan olgan kishi Abu Talha edilar».

34-bob. Agar birontangizning idishingizni it yalasa, yetti marta yuvingiz!

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar

birortangizning idishingizdan it ichsa, yetti marta yuvingiz!»—deganlar».

Abu Hurayra raziyallohu anhuga Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytib bergan ekanlar: «Bani Isroil qavmidan bir kishi bir itning chanqoqdan tuproq yalayotganini ko'rib, mahsisida suv olib, itga ichirdi. Alloh taolo u bandani mukofotlab, jannatga kirgizgay».

Abdulloh ibn Umarning o'g'li Hamza: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam zamonlarida itlar masjidimizga kirib-chiqib yurar edi, suv bilan biror joyni yuvmas edilar»,— degan ekanlar.

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan it bilan ov qilmoqlik to'g'risida so'radi. «Agar itingni o'zing ovga olib borsang-u, o'ljani o'ldirib (tutib) bersa, yeyaverg'il, agar iting o'zicha tutib yeyayotgan bo'lsa, yemagin, zero u o'zi uchun tutgandir»,— dedilar. «O'rgatgan itimni o'ljaga yuborsam-u, o'lja ustida itim bilan boshqa itni ham ko'rsam-chi?» — dedim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «U o'ljani yemagin, chunki sen o'z itingga tasmiya ("Bismilloh Allohu akbar") aytgansan, begona itga tasmiya aytmagansan»,— dedilar.

35-bob. Katta va kichik hojatdan boshqasi tahoratni sindirmaydi, deb hisoblovchilar

Alloh taolo oyati karimasida: «Qaysi biringiz tahorat ushatsangiz (qazoi hojat qilsangiz) tahorat vojib bo'ladi»,— degan. Ato ibn Abu Raboh: «Orqasidan qurt yoki peshobidan burgaga o'xshash hashorat chiqqan kishilar qayta tahorat qiladilar»,— degan. Jobir ibn Abdulloh bunday deganlar: «Kimki namozda kulsa, tahoratini yangilamay namozini qaytarib o'qiydi». Hasan Basriy: «Agar kishi soch oldirsa yoki tirnog'ini olsa yo mahsisini yechsa, tahorat olmoq lozim bo'lmaydi (oyog'ining o'zini yuvib oladi)»,— deganlar. Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Tahorat yel chiqmasa, sinmaydi». Jobir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bir g'azotda qatnashdilar. Bir kishiga kamon o'qi tegdi. U kishi qon oqib turishiga qaramay, ruku', sajda qilib, namoz o'qiyverdi». Hasan Basriy aytadilar: «Musulmonlar jarohatlari bilan ham namoz o'qiyverar edilar». Tovus, Muhammad ibn Ali, Ato ibn Abu Raboh va Hijoz, Makka va Madina ahli: «Qon oqsa, tahorat sinmaydi»,—deydilar. Ibn Umar yuzidagi husnbuzarni siqdi, qon chiqdi, lekin tahoratini yangilamadi.

Ibn Ubay qon tupurib, namozini o'qishda davom etaverdi. Ibn Umar va Hasan Basriy: «Qon oldirgan odam tahorat yangilamaydi, balki qon olingan joyini yuvadi, xolos»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Masjidda namozni kutib turgan kishi, agar u hadas qilmagan esa, namozda turgan hisoblanadi»,— dedilar. Shunda bir ajamiy (arab emas) kishi: «Hadas nima?» — dedi. Abu Hurayra: «Orqadan yel chiqmog'i»,— dedilar.

Ibod ibn Tamimning amakisidan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «To kishi yel ovozini eshitib, hidini sezmaguncha, namozini buzmasin!» — dedilar.

Muhammad ibn Hanafiyadan: «Hazrat Ali raziyallohu anhu: «Shahvati ko'p odam edim,

Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan so'rashga uyaldim, Miqdodga: «Sen so'ragin!— dedim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Maniy (suyuq suv) kelganda, tahorat olmoq lozim bo'ladi»,— deb javob qildilar».

Zayd ibn Xolid Hazrat Usmondan: «Agar kishi xotini bilan aloqa qilgan bo'lsa-yu, maniy to'kmagan bo'lsa, nima qiladi?»—deb so'radilar. Hazrat Usmon: «Namozga tahorat olgandek tahorat oladi, olatini yuvadi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan ham shunday deb eshitganman. Ali, Zubayr, Talha va Ali ibn Ka'bdan so'raganimda ham shunday deyishgan»,— deb aytdilar».

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ansoriylardan biriga odam yubordilar. Ansoriy sochidan suv tomib keldi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Biz sizni shoshirib qo'yibmiz-da (jimo' qilib ulgurmbabsiz)?!»—dedilar. Ansoriy: «Ha, Yo Rasululloh»,— dedi. «Agar shoshib qolsangiz (oxiriga yetmasangiz) yoki maniy to'kmasangiz, tahorat olsangiz, basdir»,— dedilar».

36-bob. Hamrohi tahorat olayotganda suv quyib turmoq

Usoma ibn Zayddan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Arafot tog'idan oshib, Sha'b degan joyga kelganlarida, qazoi hojat qildilar. Men Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga suv quyib berib turdim, u kishi tahorat oldilar. So'ng: «Yo Rasulalloh, namoz o'qiysizmi?»—dedim. «Namoz oldingdadir (hali vaqt bor)»,— dedilar».

Urva ibn al-Mug'ira ibn Shu'badan: «Mug'ira ibn Shu'ba Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga safarda bo'lar edi. Bir kuni Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qazoi hojat qilganlaridan keyin suv quyib berib turdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tahorat oldilar, yuzlarini, qo'llarini yuvdilar, boshlariga va mahsilariga mash tortdilar».

37-bob. Tahoratsiz Qur'on o'qimoq va undan boshqa narsalarning joizligi

Ibrohim an-Naqashdan: «Hammomda qiroat qilmoqning va tahoratsiz xat yozmoqning zarari yo'qdir. Hammomdagilarning lungisi bor bo'lsa, salom bergin, lungisi yo'q bo'lsa, salom bermagin!»

Abdulloh ibn Abbosdan: «Bir kecha Janob Rasulullohning xotinlari xolam Maymunanikida yotib qoldim. Men yostiqning yon tomoniga, Rasululloh va xotinlari uzun tomoniga bosh qo'yib yotdilar. Rasululloh yarim kechagacha uxladilar, keyin uyg'onib o'tirdilar. Uyquni qochirmok uchun yuzlarini ishqaladilar. Keyin, Oli Imron surasining oxirgi o'n oyatini o'qidilar. Keyin, o'rinlaridan turib, osig'liq meshchani olib, tahorat oldilar. Tahoratni yaxshilab oldilar. Keyin, turib namoz o'qidilar. Men ham o'rnimdan turib, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qilganlarini qildim va chap yonlariga borib namozga turdim. O'ng qo'llarini boshimga qo'yidilar, keyin o'ng qulog'imni cho'zdilar (o'ng tomonga turg'il, degan ma'noda). So'ng 2 rak'at, so'ng 2 rak'at, so'ng 2 rak'at, so'ng 2 rak'at, 2 rak'at, so'ng 2 rak'at namoz, keyin vitr o'qidilar, keyin to muazzin kelguncha yonboshladilar, keyin turib yengilgina 2 rak'at namoz o'qidilar. Keyin chiqib, bomdod namozini o'qidilar».

38-bob. Ko'zi qattiq tinib ketganligi uchungina (boshdan) suv quyimoq

Asmo binti Abu Bakrdan rivoyat: «Janob Rasulullohning xotinlari singlim Oishanikiga

bordim. Quyosh tutilgan bo'lib, odamlar namoz o'qishayotgan edilar, singlim ham namoz o'qir edi. Men: «Odamlarga ne bo'ldi?» — desam, Oisha qo'llari bilan osmonga ishora qilib, «Subhonalloh»,— dedi. «(Qiyomat) alomatimi, bu?»—dedim. U: «Ha» — degan ma'noda bosh irg'adi. Men ham ko'zim tinib ketguniga qadar namoz o'qiyverdim, so'ng (o'zimga kelmoq uchun) boshimdan suv quya boshladim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam namozdan qaytgach, Allohga hamdu sano aytdilar-da: «Ko'rmagan biror narsam qolmadi, hammasini, hatto jannatu do'zaxni ham shu yerda turib ko'rdim. Menga (quyidagi) vahiy keldi: «Bu kishini («bu mo'minni» yoki «bu muqinni» dedilarmi, aniq bilmayman, deydi Asmo) bilasanmi»,— deb so'rashadi. Shunda: «Bu Muhammad Rasulullohdir, bizga dalolat va hidoyat olib kelganlar, biz qabul qilganmiz, iymon keltirganmiz va ergashganmiz»,— deydi. «Orom olib uxlayver, biz sening muqin (sodiq) ekanligingni bildik»,— deyishadi. Ammo munofiq yoki ikkilanuvchi («munofiq yoki «ikkilanuvchi» dedilarmi, aniq aytolmayman, deydi Asmo) bo'lsa, yo'q bilmayman, odamlar nimadir deganini eshitganman, men ham (o'shalardan eshitganimni) aytganman deydi».

39-bob. Boshning qammasiga mash tortmoq

Alloh taolo oyati karimasida: «Boshingizga mash tortingiz!» — degan. Ibn Musayyab aytadilar: «Ayol kishi ham erkak kishi kabi boshining hammasiga mash tortadi». Imom Molikdan: «Boshning bir qismiga mash tortilsa, kifoya qiladimi?»—deb so'rashdi. Imom Molik kifoya qilmasligiga Abdulloh ibn Zaydning hadisini dalil qilib ko'rsatdilar.

Amr ibn Yahyoning otasi bunday rivoyat qiladilar: «Bir kishi Abdulloh ibn Zaydga: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning qanday tahorat olganlarini ko'rsatib bera olasizmi?»—dedi. Abdulloh: «Ha, suv keltiringiz»,— dedi. So'ng qo'lga suv quyib, 2 marta yuvdi, keyin 3 marta og'iz va burun chayqadi, 3 marta yuzini yuvdi, 2 marta ikki qo'lining tirsagigacha yuvdi, keyin boshiga mash tortdi, ikki qo'lining kaftlarini peshonasidan to ensasigacha yurgizdi. Keyin boshlagan joyigacha qaytarib keldi. Keyin ikki oyog'ini (oshig'igacha) yuvdi».

40-bob. Oyoqni tovonigacha yuvmoq

Amr ibn Yahyo rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Zayddan Amr ibn Abu Hasan Rasulullohning qanday tahorat olishlari to'g'risida so'radi. U: «Idishda suv keltiringiz!»— dedi. So'ng idishdan qo'lga suv quyib, 3 marta yuvdi, keyin idishga qo'lini tiqib suv oldida, 3 marta og'iz va burun chayqadi, 3 marta yuzini yuvdi, ikki marta ikki qo'lini tirsagigacha yuvdi. Keyin suv olib, mash tortdi, qo'lini peshonasidan ensasigacha, ensasidan peshonasigacha bir marta yurgizdi».

41-bob. Odamlarning tahorat qilingan suvni ishlatmog'ining joizligi

Jarir ibn Abdulloh misvok (tish tozalagich) bilan og'iz tozalaganlaridan keyin qolgan suvni oilalariga (tabarruk qilib berganlaridan keyin): «Tahoratga ishlattingiz!» — deb buyurdilar.

Hakim ibn Utaybaga Abu Juhayfa rivoyati: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bizning oldimizga kun qizigan vaqtda chiqdilar, tahorat suvi keltirildi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tahorat oldilar. Odamlar Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning

tahoratlaridan tushayotgan suvni tabarruk qilib badanlariga surta boshladilar. Rasululloh hassalarini qibla tomonga sanchib qo'yib, ikki rak'at (qasr, ya'ni qisqa qilib) peshin va ikki rak'at (bu ham qasr) asr namozi o'qidilar».

Abu Muso Ash'ariy bunday deydilar: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam idishda suv olib kelmoqni buyurdilar, so'ng yuz-qo'llarini o'sha suvga yuvdilar va og'izlariga bir ho'plam suv olib, idishdagi suvga purkadilar (tabarruk qilib berdilar), keyin Bilol va Abu Musoga: «Shu suvni ichingiz, u bilan yuzingiz va ko'kraklaringizni yuvingiz!»—dedilar».

Mahmud ibn ar-Rabi' (Rasululloh sollallohu alayhi va sallam yoshligida yuziga suv purkagan yigit) bunday rivoyat qiladi (uning rivoyatini Misvar va Marvon ibn Hakam ham tasdiqladilar): «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tahorat olsalar, odamlar badanlaridan tushayotgan suvni olmoqqa talashib, urishib ketay derdilar».

42-bob. Payg'ambarning tahorat suvi

Soib ibn Yazid rivoyat qiladilar: «Xolam meni Rasululloh huzurlariga olib borib: «Yo Rasulalloh, singlimning o'g'lining oyog'i og'rib qoldi»,— dedilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam boshimni siladilar va meni «baraka topg'il» deb duo qildilar, keyin tahorat oldilar. Tahoratdan tushgan suvdan ichdim, keyin Rasulullohning orqa tomonlariga o'tib turdim, shunda ikki kuraklari o'rtasida olmadek keladigan Payg'ambarlik muhrini ko'rdim».

43-bob. Bir hovuch suv bilan og'iz va burun chayqash

Amr ibn Yahyoning otasi bunday rivoyat qiladi: «Abdulloh ibn Zayd idishdan qo'lga suv quyib, qo'lini yuvdi, keyin bir hovuch suv bilan og'iz ham burun chayqadi, shu ishni 3 marta qildi, so'ng yuzini va ikki qo'lini tirsagi bilan qo'shib 2 marta yuvdi. Boshiga mash tortdi. Oyog'ini tovon bilan qo'shib yuvdi, keyin: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam shunday tahorat olar edilar»,— dedi».

44-bob. Boshga bir marta mash tortmoq

Amr ibn Hasan rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning qanday tahorat qilishlarini Abdulloh ibn Zayddan so'radim. Shunda u: «Idishda suv keltiringiz!»—dedi. So'ng tahorat qila boshladi. Idishni qiyshaytirib, qo'lga suv quyib, 3 marta yuvdi, keyin qo'lini idishga tiqib, suv olib, burun chayqadi (3 hovuch suv bilan), so'ng suv olib, 3 marta yuzini yuvdi, keyin suv olib, ikki qo'lini tirsagi bilan qo'shib 2 marta yuvdi, boshiga mash tortdi (peshonasidan ensasigacha, ensasidan peshonasigacha qo'lini yurgizdi), Keyin idishga qo'lini tiqib suv olib, ikki oyog'ini yuvdi». Vuhayb: «O'shanda boshga bir marta mash tortdilar»,— deb aytgan.

45-bob. Erkak kishining o'z xotini bilan bir idishdan tahorat olmog'ining afzalligi va xotin kishining (uyidan olingan) suv hukmi

Umar ibn Xattob isitilgan suvga va nasroniy ayol uyidan olingan suvga tahorat qildilar.

Abdulloh ibn Umardan: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning zamonlarida xotinlar bilan erkaklar (galma-galdan) bir idishdan tahorat olar edilar»,— deydilar.

46-bob. Janob Rasululloh sollallohu alayhi sallam tahorat qilgan suvlarini hushidak ketgan odam ustidan quyganlari

Muhammad ibn al-Munqadirga Jobir bunday degan ekan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam, betob boʻlib oʻzimni bilmay yotganimda, meni koʻrgani kelib, tahorat oldilar va tahorat suvini ustimdan quydilar. Oʻzimga keldim. Keyin: «Yo Rasulalloh, uzoq qarindoshlarimdan boshqa merosxoʻrim yoʻqdir, merosimni kimga qoldiraman?»—dedim. Shunda meros oyati (faroiz oyati) nozil boʻldi».

47-bob. Tosh yoki yogʻochdan qilingan idishlardagi suvga tahorat va gʻusl qilmoq

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Namoz (asr) vaqti boʻldi. Hovlisi yaqinlar tahorat olgani turdilar, qolgan kishilar Janob Rasululloh huzurlarida qoldilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga bir tosh idishda suv keltirdilar. Idishning kichikligidan unga qoʻl sigʻmasdi, qavmning hammasi shu idishdan tahorat oldi». Abdulloh ibn Munir «Necha kishi edingiz?» deb Anasdan soʻraganida, sakson nafardan ortiq, deb aytgan.

Abu Muso raziyallohu anhudan: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam suv keltirishni buyurdilar, soʻng qoʻllari va yuzlarini yuvib, ogʻiz chayqadilar».

Abdulloh ibn Zayddan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam biznikiga keldilar. Idishda suv olib chiqdik. Tahorat oldilar. Yuzlarini 3 marta, qoʻllarini 2 marta yuvdilar, ikki kaftlarini peshonalaridan ensalari tomon va ensalaridan peshonalari tomon bir marta yurgizib, mash tortdilar, keyin oyoqlarini yuvdilar».

Oisha onamiz aytdilar: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam dardlari ogʻirlashganda, to tuzalgunlaricha mening uyimda yotajaklari toʻgʻrisida boshqa xotinlaridan ijozat soʻradilar, xotinlar ijozat berishdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Ibn Abbos bilan yana bir kishi yordamida oyoqlarini arang bosib, mening uyimga chiqdilar». Ubaydulloh bunday dedi: «Bu xususda Abdulloh ibn Abbosga aytuvdim, u: «Oʻsha ikki kishidan birining kim ekanligini bilasanmi?» — dedi. Men: «Yoʻq», — dedim. U: «Ali raziyallohu anhu edilar»,— dedi. Oisha onamiz bunday der edilar: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam mening uyimga kirganlaridan keyin kasalliklari yanada yanada ogʻirlashdi. Shunda: «Ustimdan 7 ta qopqoqliq idishda suv quyungiz, shoyadki, odamlar oldiga chiqib vasiyat qilsam!» dedilar. Xotinlari Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni Hafsaning mis togʻorasiga oʻtqazdilar. Keyin, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam «boʻldi» deb ishora qilmaganlaricha ustilaridan suv quya boshladik. Keyin, «bajardingiz» deb odamlar oldiga chiqdilar».

48-bob. Togʻoradan tahorat olmoq

Amr ibn Yahyo bunday rivoyat qiladilar: «Amakim koʻp tahorat olar edilar. Bir kuni Abdulloh ibn Zayddan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning tahorat olayotganlarini koʻrganmisiz?» — deb soʻradilar. Abdulloh ibn Zayd suv keltirmoqlarini buyurdilar. Togʻorada suv keltirishdi. Keyin ikki qoʻllariga suv quyib, 3 marta yuvdilar, 3

marta bir hovuchdan suv olib, ogʻiz va burunlarini chayqadilar, 3 marta yuzlarini yuvdilar, 2 marta qoʻllarini tirsaklari bilan qoʻshib yuvdilar, keyin suv olib, boshga mash tortdilar, oyoqlarini yuvdilar. Soʻng: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning shunday tahorat qilganlarini koʻrganman»,— dedilar».

Anas raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam suv keltirmoqni buyurdilar. Idishda ozroq suv keltirildi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam idishning ogʻziga panjalarini qoʻydilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning panjalari orasidan sizib tushayotgan suvga taxminan 70 yoki 80 nafar odam tahorat oldi».

49-bob. Bir mud (taxminan bir litr) suv bilam tahorat olmoq

Ibn Jabrga Anas bunday degan ekanlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam gʻuslga bir soʻdan (taxminan 4 litrdan) 5 mudgacha (taxminan 5 litrgacha) suv ishlatar edilar, 1 mud suv bilan tahorat olar edilar».

50-bob. Mahsiga mash tortmoq

Saʼd ibn Abu Vaqqos: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam mahsilariga mash tortadilar»,— dedi. Abdulloh ibn Umar otasidan: «Shu toʻgʻrimi?»—deb soʻradi. «Ha, toʻgʻri, agar Saʼd senga Rasululloh sollallohu alayhi va sallam xususlarida biror narga soʻzlasa, bu toʻgʻrida boshqalardan soʻramagin!»

Urva ibn al-Mugʻira rivoyat qiladilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam (qazoi hojatga) tashqariga chiqdilar. Otam Mugʻira ibn Shuba obdastada suv olib, u kishiga ergashdilar, Janob Rasululloh hojatlaridan boʻshagach, suv quyib berdilar. Rasululloh tahorat olib, mahsilariga mash tortdilar».

Jaʼfar ibn Amr: «Otam Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning mahsiga mash tortganlarini koʻrganlar»,— deb rivoyat qiladilar.

Jaʼfar ibn Amr yana bunday deganlar: «Otam Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sallalariga va mahsilariga mash tortganlarini koʻrgan ekanlar».

51-bob. Mahsini tahoratli oyoqqa kiyganda...

Urva ibn al-Mugʻiraning otalari bunday degan ekanlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga safarda edim. Mahsilarini yechmoqqa qoʻl choʻzdim, shunda: «Qoʻyaver, men mahsini tahoratli oyoqqa kiyganman»,— dedilar, soʻng mahsilariga mash tortdilar».

52-bob. Qoʻy goʻshti va talqon yegandan keyin tahorat olmaslik xususida Abu Bakr, Umar va Usmon (qoʻy goʻshti va talqon) yedilar va tahorat olmadilar.

Abdulloh ibn Abbos aytdilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qoʻyning qoʻlini yedilar, keyin tahorat olmay, namoz oʻqidilar».

Jaʼfar ibn Amr: «Otam Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning qoʻyning qoʻlidan kesib

yeganlarini, namozga chaqirilgach esa, pichoqni qo'yib, tahorat olmay namoz o'qiganlarini ko'rganlar»,— deganlar.

53-bob. Talqon yegandan keyin og'iz chayqashlik va tahorat olmaslik xususida

Bashir ibn Yasorga Suvayt ibn Nu'mon bunday degan ekanlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga safarga chiqdim. Xaybar jangi ketayotgan yil edi. Sahbo' (Xaybarga yaqin joy) degan yerga borganimizda Rasululloh asr o'qidilar. Keyin ovqat keltirmoqni buyurdilar. Ovqatga talqon keltirildi, uni ho'llashni buyurdilar, ho'llashgach, yedilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga biz ham yedik. Keyin shomga hozirlik ko'ra boshladilar. Og'iz chayqadilar, biz ham og'iz chayqadik. Keyin tahorat olmay, namoz o'qidilar».

Maymuna raziyallohu anho: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam mening yonimda o'tirib qo'yning qo'lini yedilar. Keyin tahorat olmay, namoz o'qidilar»,— deganlar.

54-bob. Sut ichganda og'iz chayqash lozimmi?

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam sut ichdilar. So'ng, «sutda yog' bor» deb, og'iz chayqadilar»,—deganlar.

55-bob. Uxlab turgandan keyingi tahorat masalasi va «bir oz mudrasa yoki mizg'isa lozim emas», — deb hisoblovchilar xususida

Oisha onamiz aytganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar namoz o'qiyotgan holda birortangiz uyqusirasangiz, to uyqusirash bosilguncha yonboshlangiz, chunki birortangiz uyqusirab namoz o'qisangiz, istig'for aytaman deb, o'zingizni so'kib qo'ymog'ingiz mumkindir» deganlar».

Anas raziyallohu anhu aytganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Kimki namozda uyqusirasa, nima deb o'qiyotganini o'zi biladigan bo'lguncha, yotib uxlasin!» deganlar».

56-bob. Tahorat ushatmasa ham tahorat olmoq

Amr ibn Omir bunday deganlar: "Rasululloh salolohu alayhi vasallam har bir namozga alohida tahorat qilur edilar",- dedi Anas. Men: "Sizlarchi?"-dedim, "Agar tahoratimiz sinmagan bo'lsa, bir tahorat bilan hamma namozni o'qiyverardik"m-dedi Anas". Suvayt ibn an-Nu'mon bunday deganlar: " Rasululloh salolohu alayhi vasallam bilan birga Xaybar jangi yo'lida safarga chiqdik. Sahbo' degan joydga borganimizda, Rasululloh salolohu alayhi vasallam imomatga o'tib , asr o'qidilar, so'ng ovqat buyurdilar, ovqatga faqat talqon keltirildi, yedik , ichdik. Keyin Rasululloh salolohu alayhi vasallam shom o'qimoq uchun og'iz chayqadilar. Tahorat olmay, imomatga o'tib , shom namozini o'qidilar

57-bob. Siydigidan saqlanmaslik gunohi azimlardandir!

Ibn Abbos raziallohu anhu bunday deganlar: " Rasululloh salolohu alayhi vasallam Madina(yoki Makka) qo'rg'onlaridan birining yonidan o'tayotib, ikkita qabrda yotgan

insonning azobidan qilayotgan dod-faryodini eshitib qoldilar. Rasululloh salolohu alayhi vasallam: "Ikkovi ham azoblanayotir, lekin ikkovlon ham katta gunoh sababidan azoblanayotgano yo'qdir", -dedilar, keyin "Ha, albatta (ya'ni, siydikdan ehtiyot bo'lmaslik ham katta gunohdir), bittasi siydogidan saqlanmas erdi, ikkinchisi ersa, chaqimchlik qilur erdi", -deb qo'shib qo'ydilar". So'ng, xurmo cho'pidan keltirmoqni buyurdilar. Cho'pni sindirib, har bir qabrga bittadan sanchib qo'ydilar. Shunda: "Yo Rasululloh, nechun bunday qildingiz?" -dedilar. Shunda Rasululloh: "Shoyadki, shi cho'paklar quriguncha, alarning azobi yengillashg'ay", -deb javob qildilar".

58-bob. Siydikni yuvish to'g'risidagi hadislar.

Rasululloh salolohu alayhi vasallam: "Qabrda yotgan kishi siydididan saqlanmas erdi", -dedilar. Odam siydididan boshqasi haqida xech narsa demadilar. Anas ibn Molik: "Rasululloh salolohu alayhi vasallam qazoi hojatga borsalar, ortlaridan suv olib borur erdim, yuvar erdilar", -deb aytganlar.

59-bob.

Ibn Abbos raziallohu anhu bunday deganlar: "Rasululloh salolohu alayhi vasallam ikki qabrning yonidan o'tdilar, shunda: "Ikkovlari ham azoblanmoqda, katta gunohdam azoblanayotgani yo'qdir. Lekin bittasi siydikdan saqlanmas erdi, ikkinchi ersa, chaqimchilik qilib, gap tashib yurur erdi", -dedilar. Keyin, xurmoning ho'l novdasini olib, ikkiga bo'ldilar-da, har bir qabrga bittadan sanchib qo'ydilar. "Yo Rasululloh, nechun bunday qildingiz?" -deb so'rashdi. "Shoyadki, shu cho'paklar quriguncha alarning azobi yengillashg'ay", -deb javob qildilar. "Mujohiddan ham shunga o'xshash hadis eshitgandirmen", -degan ekanlar Vaki".

60-bob. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam va boshqa kishilarning bir a'robiy (badaviy) masjidda siyib bo'lgunicha indamay turganlari

Anas raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam masjidda siyayotgan bir a'robiyni (badaviyni) ko'rib: «Qo'yingizlar, bo'lgunicha indamangizlar! » — dedilar. Keyin, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam suv keltirmoqni buyurdilar. Siydikni yuvib tashlashdi».

61-bob. Masjidga siyilgan siydikni yuvib tashlash xususida

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «A'robiy o'rnidan turib, masjidga siydi, odamlar unga tanbeh berishdi. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Qo'yinglar, indamangizlar, siydigi ustidan bir paqir suv quyingizlar! » — dedilar-da, «Darhaqiqat, sizlar osonlashtiruvchi qilib yuborilgansizlar, qiyinlashtiruvchi qilib yuborilmagansizlar», — deb qo'shib qo'ydilar».

62-bob. Siydik ustiga suv quymoq

Anas ibn Molik raziyallohu anhudan: «A'robiy kelib masjidning chekkasiga siydi. Odamlar unga: «Nima qilyapsan?» — deb hayqirishdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ularga: «Qo'yinglar!» — dedilar. A'robiy bo'shagandan so'ng Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bir paqir suv keltirib, siyilgan joyni yuvib tashlamoqni buyurdilar».

63-bob. Yosh bolalarning siydigi to'grisida

Oisha Umm ul-Mu'minin raziyallohu anho dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga bir emizikli bolani keltirdilar. Bola Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning kiyimlariga siyib qo'ydi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam suv keltirib, siydik tekkan joyga quydilar.

Ummu Qays binti Muhsin emizikli o'g'ilchasini Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning qo'llariga berdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bolani qo'ynilariga o'tqazdilar. Bola Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning kiyimlariga siyib qo'ydi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam suv oldirib keltirib, siydik tekkan joyga quydilar, yuvmadilar (qiz bola bo'lsa, yuvmoq lozimdir)».

64-bob. Tik turib va o'tirib siymoqniig hukmi

Huzayfa raziyallohu anhu bunday rivoyat qilganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bir qavmning chiqindilar (axlat) tashlaydigan joyiga kelganlarida tik turib peshob qildilar (o'tirishga joy topilmagan chog'da joizdir). Keyin: «Suv keltirgin!» — dedilar. Suv olib keldim, tahorat oldilar».

65-bob. Hamrohining yonida peshob qilmoq va hamroxi uni pana qilib turmog'i

Huzayfa raziyallohu anhu bunday deganlar: «Esimda, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga aylanib yurganimizda bir qavmning devor orqasida joylashgan axlatxonasi oldiga kelib qoldik. Rasululloh, har biringiz tik turib peshob qilganingizdek tik turib peshob qildilar. Men shunda u kishidan chetlangan edim, menga ishora qildilar, men u kishini bo'shagunlaricha pana qilib turdim».

66-bob. Qavmning axlatxonasiga peshob qilish to'g'risida

Abu Muso al-Ash'ariy: «Siydikdan o'zingizni ehtiyot qilingiz! » — deb qattiq tayinlab, «Baniy Isroil qavmlaridan birontasining kiyimiga siydik tegsa, o'sha joyni kesib tashlar edi», — dedilar. Shunda Huzayfa (shoyad, Abu Muso bu to'g'rida hadeb so'zlamogdan to'xtasa, degan maqsadda): «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bir qavmning axlatxonasiga tik turib peshob qilganlar-ku?!» — dedilar».

67-bob. Qonni yuvmoq xukmi

Asmo binti Abu Bakrdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam huzurlariga bir xotin kelib: «Birontamiz hayz ko'rsa, qon teggan kiyimimizni nima qiladi?» — deb so'radi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Ishqalab tashlaydi, keyin suv bilan mijib yuvib, ustidan suv quyadi, so'ng kiyib namoz o'qiyveradi», — dedilar».

Oisha onamiz dedilar: «Fotima binti Abu Hubaysh Rasululloh sollallohu alayhi va sallam xuzurlariga kelib so'radi: «Yo Rasulalloh, men istihozaga ko'radigan xotinman (qon to'xtamaydi), tozalanmasman, namozni tark etgaymanmi?» Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Yo'q, u tomirdan keladigan qondir, hayz emas, agar hayz kelsa, namozni

tark etgin, hayz tugashi bilan g'usl qilib, keyin namoz o'qigin!»—dedilar». (To hayz vaqti kelguncha har bir namoz uchun alohida tahorat olmoq lozim)».

68-bob. Maniyni yuvmoq va ishqalab tashlamoq, jinsiy aloqa vaqtida xotin kishidan chiqadigan namni yuvmoq

Oisha onamiz bunday deganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning kiyimlariga jinsiy aloqa vaqtida tegib qolgan namni yuvar edim, kiyimlari namligicha (boshqa kiyimning yo'qligidan) namozga chiqib ketar edilar».

Sulaymon ibn Yasordan: «Oisha onamizdan kiyimga tegib qolgan maniy hukmi to'g'risida so'radim. «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning kiyimlariga tekkan namni yuvar edim, u kishi kiyimlarining namligicha namozga chiqar edilar»,— dedilar».

69-bob. Jinsiy aloqadan tekkan namni va boshqa narsalarni yuvsa-yu, dog'i ketmasa (bo'laveradi)

Amr ibn Maymuna bunday dedilar: «Men Sulaymon ibn Yasordan: «Jinsiy aloqada maniy tekkan joyni nima qilish kerak? » — deb so'radim. «Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning kiyimlariga tekkan namni yuvar edim, kiyimlari qurib ulgurmay namozga chiqar edilar,— deganlar»,— deb aytdilar».

Sulaymon ibn Yasor: «Oisha raziyallohu anho Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning kiyimlaridagi maniyni yuvar edi. Men u kishining kiyimlaridagi dog'larni ko'rganman»,— dedilar.

70-bob. Tuya, yilqi va qo'y siydiklarining hamda ular saqlanadigan joylarning (qo'ra, molxonaning) hukmi

Abu Muso Dorulbaridda (karvonsaroyda), shundaygina yonlarida sayhon yer bo'la turib, tezaklar ustida namoz o'qidilar. Keyin: «U yer ham, bu yer ham bari bir»,— dedilar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ukul yoki Arina degan joydan (Madinaga) odamlar kelishdi. Madinada ular qorin og'riq kasaliga muhtalo bo'ldilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ularga shahar tashqarisida o'tlab yurgan sog'in tuyalar sutidan va siydigidan ichmoqni buyurdilar. Ular shunday qilishdi. Sog'ayganlaridan keyin Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning tuyaboqarlarini o'ldirib, tuyalarni haydab ketishdi. Erta tongda bu to'g'rida xabar qildilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ularning izidan askar yubordilar, kun yoyilgan vaqtda ularni asir qilib olib kelishdi. Qo'l va oyoqlarini kesib, ko'zlariga mil tortib, toshloq joyga tashlab qo'ydilar. «Suv-suv» deyishardi, lekin suv berishmas edi. Abu Qiloba bunday dedilar: «Ular o'g'rilik qildilar, odam o'ldirdilar va iymon keltirganlaridan keyin yana qayta kofir bo'ldilar, dindan chiqdilar, Alloh va uning Rasuliga dushmanlik qildilar».

Anas raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam masjid qurilishidan avval qo'yxonalarda namoz o'qir edilar».

Zuhriy bu xususda bunday deganlar: «Suvning ta'mi, hidi yoki rangi o'zgarmasa, ishlatsa bo'ladi». Hammod: «O'limtikning pati suvga tushsa, zarari yo'qdir»,— deganlar.

Fil va boshqa go'shti yeyilmaydigan hayvonlar suyagi to'g'risida Zuhriy bunday deganlar: «O'tmish olimlarining ko'pini ko'rdim, o'lgan hayvonlarning suyagidan yasalgan taroq bilan sochlarini tarashar edi, xushbo'ylik solinadigan idishlari ham o'sha suyaklardan tayyorlangan edi. Ular buning zarari yo'q, deb bilishar edilar».

Ibn Sirin va Ibrohim: «Fil suyagi bilan savdo-sotiq qilmoqning zarari yo'q»,— der edilar.

Maymuna raziyallohu anho aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan quyuq yog'g'a tushib, o'lib qolgan sichqon hukmi to'g'risida so'radilar. Shunda Rasululloh: «Sichqonni va uning atrofidagi yog'ni olib tashlab, qolganini yeyaveringiz»,— deb javob qildilar».

Maymuna onamiz yana bunday deganlar: «Shu hadisning o'zini Muin sal boshqacharoq qilib aytib berdi, keyin men eslab qololmaydigan darajada yana juda ko'p hadis rivoyat qildi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu quyidagi hadisni keltiradilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Musulmon odam Alloh yo'lida qancha so'z aytgan bo'lsa, qiyomat kuni o'shancha jarohati bor shahid qiyofasida namoyon bo'ladi, badanining rangi tig' urilganda oqib turgan qon rangida, hidi mushk hidi kabi bo'ladi»,— deganlar. (Bu o'rinda ushbu hadis keltirilishining boisi quyidagicha: mushk aslida hayvonlar bezidan olinadi va haromdir, lekin ishlov berilgach, xushbo'y moddaga aylanib, haromlik hukmidan chiqadi. Shuningdek shahidlar qoni ham Alloh yo'lida to'kilgani uchun haromlik hukmidan chiqib, poklik - halollik hukmiga o'tadi).

72-bob. Ko'lmak suv to'g'risida

Abu Hurayra raziyallohu anhu Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning: «Biz bu dunyoda oxirgilarimiz, u dunyoda esa, birinchilarimiz»,—deganlarini eshitgan ekanlar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu Payg'ambarimizning ana shu hadislariga tayanib aytganlar: «Birortangiz ko'lmak suvga siymangiz, sizdan keyin birov tahorat olgay».

73-bob. Agar namozxonning ustiga nopok narsa tashlansa yoki o'limtik tashlansa, namozi buzilmaydi

Ibn Umar namoz o'qiyotib, kiyimlariga qon tekkanini ko'rib qolsalar, uni yechib tashlar edilar-da, namozni davom ettiraverar edilar.

Ibn al-Musayyab va ash-Sha'biy: «Agar biror kishi namoz o'qiyotganida kiyimiga qon yoki maniy tekkanini yohud qiblani yanglishtirganini yoki tayammum qilgan holda ekanligini bilib qolsa-yu, suv axtarmoq vaqtida namoz qazo bo'lmog'ini anglasa, namozni qaytarib o'qimaydi»,— deganlar.

Abdulloh ibn Mas'uddan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Ka'batulloh yonida namoz o'qiyotgan edilar Abu Jahl (Islom dushmani) va uning sheriklari o'sha yerda o'tirishgan edi. O'zaro bir-birlariga: «Qaysi biringiz falonchi so'ygani tuyaning ichak-chavog'ini keltirib, Muhammad sajda qilayotganda ustiga tashlay olasiz?»—deyishdi. Shunda qavmning eng badbaxti ichak-chavog'ni olib kelgani ketdi, keltirgach, Muhammad alayhis-salomning sajdaga bosh qo'yishlarini poylab turib, ikki kuraklari

o'rtasiga tashladi. Abdulloh ibn Mas'ud: «Men qarab turibman-u, hech narsa qila olmayman, agar kuch-quvvatim bo'lganda edi... deymen»,— deydilar. Ular qotib-qotib kula boshladilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qizlari Fotima kelib, olib tashlamaguncha sajdadan boshlarini ko'tarmadilar. Qizlari ichak-chavog'ni yelkalaridan olib tashlagach, boshlarini ko'tarib: «Ilohi, Qurayshni (qabilani) halok qil!»— deb uch marta duoi bad qildilar. Duoi bad qilganlari ularga og'ir botdi. «Ular bu shaharda qilingan duo mustajob bo'lmog'ini bilishar edi», — deydilar Ibn Mas'ud. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam boshqatdan: «Ilohi, Abu Jahlni, Utba ibn Rabi'ani, Shayba ibn Rabi'ani, Valid ibn Utbani, Umayya ibn Xalafni, Uqba ibn Abu Mu'itni halok qilg'il!» —deb nomma-nom duoi bad qildilar. Yettinchi nomni ham aytdilar, lekin biz eslab qololmadik. Jonim qo'lida bo'lgan zotga qasamki, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam nomlarini sanagan kishilarning barchasi Badr urushida o'ldirilib, quduqqa tashlanganini aniq ko'rdim»,— deydilar Ibn Mas'ud.

74-bob. Kiyimga tekkan tupuk, manqa va shunga o'xshash narsalar hukmi

Marvon bunday rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Hudaybiyaga qilingan safar chog'ida yo'lda ketayotib burun qoqsalar, sahobalarning kaftlariga tushar edi (ular yerga tushmog'iga qo'yishmas edilar), ular darrov tabarruk qilib yuzlari va badanlariga surtib olishar edilar».

Anas raziyallohu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam kiyimlarining etagiga tufladilar (namozda)». Anas bu hadisni «uzoq hikoya qilgan (bu haqda keyinroq batafsil aytiladi).

75-bob. Nabiz (xurmo sharbati) yoki mast qiluvchi ichimliklar bilan tahorat olmoq joiz emas

Hasan Basriy nabiz bilan tahorat olmoqni makruh deganlar.

Ato ibn Abu Raboh: «Menga nabiz yoki sut bilan tahorat qilgandan, tayammum qilmoq afzalroq»,— deb aytganlar.

Oisha raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Mast qiladigan ichimliklarning barchasi haromdir!» — deb aytganlar».

76-bob. Ayol kishi otasining yuzidagi qonni yuvib qo'yishining joizligi

Abulamid: «Oyog'imga mash tortib qo'yingiz, oyog'im og'riyapti»,— deganlar.

Abu Hozim bunday deganlar: «Odamlar Sahl ibn Sa'd as-So'idiydan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning jarohatlari nima bilan davolandi?» — deb so'rganlarida, yonginasida turgan edim. «Bu to'g'rida mendan ko'ra yaxshiroq biladigan odam qolmadi. Ali qalqonida suv keltirar edi, Fotima esa Rasulullohning muborak yuzlaridagi qonni yuvar edi, so'ng, bo'yрани kuydirib, kulni jarohatga bosar edi», — dedi Sahl.

77-bob. Misvok bilan tish tozalamoq

Ibn Abbos rivoyati: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning uylarida yotib qoldim.

Misvok bilan tish tozaladilar». Abu Muso quyidagi hadisni o'g'illari Abu Burdaga aytib bergan ekanlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning oldilariga borsam, misvok bilan o'xchib-o'xchib tishlarini yuvayotgan ekanlar. Misvok og'zilarida-yu, qayt qilayotgan odamning ovozigina o'xshash ovoz qilyaptilar».

Huzayfa raziyalloxu anhudan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam kechasi tursalar, misvok bilan tishlarini tozalar edilar».

78-bob. Misvokni (ikki kishi turgan bo'lsa) yoshi kattasiga bermiq

Ibn Umar raziyalloxu anhuga Rasulullox sollallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Tushimda men 2 misvok bilan tish tozalayotgan emishman. Yonimga ikki kishi keldi, biri ikkinchisidan (yoshi) kattaroqdir. Misvokni kichkinasiga uzatdim, shunda menga: «Kattasiga bering!» — deb aytili. Misvokni kattasiga berdim». «Ushbu hadisni Naim ibn Hammod ham qisqaroq qilib aytib bergan»,— deydilar Imom Buxoriy.

79-bob. Tahorat olib yotmoqning fazilati

Barro ibn Ozib dedilar: «Menga Rasululloh sollallohu alayhi va sallam aytdilar: «O'ringa yotadigan bo'lsang, namozga tahorat olganingdek tahorat olgin. Keyin o'ng yoning bilan yotgin, so'ngra («Allohumma aslamtu vajhiy ilayka va favvaztu amriy ilayka vaalja'tu zahriy ilayka rag'batan va rahbatan ilayka, lo malja'a va lo manjo minka illo ilayka. Allohumma omantu bi kitabika-llaziy anzalta va binabiyyika-llaziy arsalta» degin! Agar shu kechada vofot etsang, dini islomda, Ibrohim millatida vafot etgan bo'lasan. Bu so'zlarni eng so'nggida aytgin!» Men Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga bir boshdan qaytarib aytib berayotib, «Allohumma omantu bi kitabika-llaziy anzalta» degan joyiga kelganimda «rasulika-llaziy» deb yubordim. Shunda Rasululloh: «Bunday emas, «nabiyyika-llaziy» deb aytilgin!» — dedilar». Duoning mazmuni: «Ilohi, o'zimni ham, kori-borimni ham o'zingga topshirdim, savobingdan umid qilib va azobingdan qo'rqib, senga suyardim, sening najotingdan o'zga najot yo'qdir, sening panohingdan o'zga panoh yo'qdir. Ilohi, nozil qilgan Kitobingga ishondim va yuborgan payg'ambaringga iymon keltirdim».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

G'USL KITOBI

Alloh taolo bunday deydi: «**Agar yaqinlik (aloqa) etsangiz, g'usl qilingiz! Agar betob bo'lsangiz, yoki safarda bo'lsangiz, yoki qazoi hojat etsangiz yoki ayolga yaqinlashsangiz-u suv topmasangiz, toza tuproqqa tayammum qilingiz, yuzingizga surtingiz va ikki qo'lingizga surtingiz. Alloh taolo sizni qiynab qo'yishni istamaydi, ammo sizning gunohdan va nopoklikdan forig' bo'lishingizni istaydi. Sizga mo'l-ko'l ne'mat ato qilgayman, shoyadki siz shukr etsangiz!**»

Alloh taolo yana bir oyati karimasida aytadi: «**Ey mo`minlar, mast holda nima deb aytayotganingizni biladigan bo'lguningizcha namozga kirmangiz va nopok holda tahorat olmaguningizcha masjidga yaqin bormangiz, yo'lovchi bo'lsangiz, o'tib ketsangiz, mayli. Agar betob bo'lsangiz yoki safarda bo'lsangiz yoki tahorat ushatsangiz yoki xotinga yaqinlik qilsangiz-u, suv topmasangiz, toza tuproqqa tayammum qilingiz ikki kaftingizni tuproqqa tekkizib yuzingizga surtingiz va qo'llaringizga surtingiz. Darhaqiqat, Alloh taolo (gunohlarni) avf qilguvchi va kechirguvchidir**».

1-bob. G'usldan avval tahorat olmoq

Rasulullohning xotinlari Oisha raziyallohu anho dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jimo'dan keyingi g'usl ni avval qo'llarini yuvishdan boshlar edilar. Keyin namozga tahorat olgandek tahorat olar edilar, so'ng qo'llarini suvga tiqib ho'llab, sochlarining oralariga panjalarini kirgizib, ishqar edilar, keyin boshlariga 3 hovuch suv quyur edilar. Shundan so'ng butun badanlarini suv quyur edilar».

Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning xotinlari Maymuna raziyalloxu anxo dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam namozga tahorat olgandek tahorat oldilar, lekin oyoqlarini yuvmadilar (mustahab qildilar). So'ng maniy tekkan joyni yuvib tashladilar, keyin ustlariga suv quyur, butun badanlarini yuvdilar-da, chetga chiqib turib, ikki oyoqlarini yuvdilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning jimo'dan keyingi g'usllari mana shudir».

2-bob. Eru-xotinning birga g'usl qilmog'i

Oisha raziyallohu anho dedilar: «Men va Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bir idishdan g'usl qilar edik. Idishning nomi farq (7-5 litrga yaqin suv sig'adigan tog'ora) deb atalar edi».

3-bob. Bir so' (3-6 litr) yoki shunga yaqin suv bilan g'usl qilmoq

Abu Bakr ibn Hafs Abu Salamaning mana bunday deganini eshitgan ekanlar: «Men va Oishaning ukasi ikkalamiz Oisha raziyallohu anhoning huzurlariga kirdik. Ukasi Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning qanday g'usl qilmoqlari to'g'risida so'radi.

Shunda Oisha raziyallohu anho bir so' suv sig'g'udek idishda suv keltirmakni buyurdilar. Suv keltirilgach, g'usl qildilar. Suvni boshlaridan quydilar. Ular bilan bizning oramizda parda bor edi.

Abu Ja'far aytadilar: «Jobir huzurida bir jamoa kishilar bor edi, ulardan biri g'usl to'g'risida so'radi. «Senga bir so' suv kifoya qiladi»,— dedi Jobir. «Menga kifoya qilmaydi»,— dedi u. Shunda Jobir: «Sendan ko'ra sochi ko'proq, o'zi yaxshiroq kishiga (Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga, demoqchi) ham kifoya qilgan edi»,— dedi. Keyin yupun kiyingan holda imomatga o'tdi».

Ibn Abbosdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam va Maymuna onamiz bir idishdagi suvga g'usl qilar edilar». Imom Buxoriy aytadilar: «Ibn Abbos Maymunadan hadis tinglab, boshqalarga aytib berar edi».

4-bob. Boshga uch hovuch suv quymoq

Jubayr ibn Mut'imdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Ammo men g'usl qilar bo'lsam boshimga 3 hovuch suv quyaman»,— deb ikki qo'llariga ishora qildilar».

Jobir ibn Abdullohdan: «Rasululloh sollallohu Rasululloh sollallohu alayhi va sallam g'usl qilsalar, boshlariga uch hovuch suv quyur edilar».

Abu Ja'farga Jobir raziyallohu anhu bunday degan ekanlar: «Yonimga amakivachchang (Hasan ibn Muhammad, Hazrat Alining Fotimadan boshqa xotinlaridan tug'ilgan bola) keldi. «Jimo'dan so'ng qanday g'usl qilinadi?»—deb so'radi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam 3 hovuch suv olib, boshlaridan quyur edilar, so'ng badanlarini yuvar edilar»,— dedim. «Mening sochim ko'p»,— dedi Hasan. «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sochlari senikidan ham ko'p edi»,— dedim unga».

5-bob. Bir marta yuvmoq

Maymuna raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga g'usl qilmoq uchun suv quydim. Ikki qo'llarini bo'g'inigacha 2-3 marta yuvdilar. Keyin chap qo'lda suv olib, mustahab qildilar, so'ng o'sha qo'llarini yerga surtdilar-da, yuvib tashladilar. Shundan so'ng og'iz va burun chayqadilar, yuzlarini, ikki qo'llarini tirsagigacha yuvdilar. Keyin badanlariga suv quydilar. So'ng chetga chiqib oyoqlarini yuvdilar».

6 -bob. G'uslni xushbo'yliklar ishlatishdan boshlamoq

Oisha raziyallohu anho bunday deganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jimo'dan keyin g'usl qilsalar, hilob (muattar suyuqlik)ga o'xshash biror xushbo'ylik olib kelmoqni buyurur edilar. Uni kaftlariga quyib, avval boshlarining o'ng qismiga, so'ng chap qismiga surtar edilar» (bir yo'la ikki kaftlari bilan ham surtar edilar, deyishadi).

7-bob. Jimo'dan keyin g'usl qilish vaqtida og'iz va burunni chayqamoq hukmi

Ibn Abbosga Maymuna raziyallohu anho bunday rivoyat qilgan ekanlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga g'usl uchun suv quyib berdim. Qo'llarini yuvdilar, keyin olatlarini yuvdilar, so'ng qo'llarini yerga ishqab, yuvib tashladilar. So'ng og'iz va burun

chayqadilar, yuzlarini yuvdilar, boshlaridan suv quydilar, keyin chetga chiqib oyoqlarini yuvdilar. Sochiq uzatishgan edi, artinmadilar».

8-bob. Qo'lni poklash uchun yerga ishqamoq

Maymuna raziyallohu anho quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jimo'dan keyin g'usl qildilar. Avval olatlarini yuvdilar, keyin qo'llarini devorga ishqab, yuvib tashladilar, so'ng namozga tahorat olgandek tahorat oldilar. Tahorat qilib bo'lgach, oyoqlarini yuvdilar».

9-bob. Jimo' qilgan kishi agar qo'lga iflos tegmagan bo'lsa, qo'lini yuvmay turib suvga tiqishi mumkinmi?

Ibn Umar va Barro ibn Ozib raziyallohu anhumo , qo'llarini yuvmasdan turib suvga tiqdilar, keyin tahorat oldilar. Ibn Umar va Ibi Abbos g'usl qilayotganda badandan tushayotgan suvning qisman toza suvga sachrashining zarari yo'q, deb hisoblashgan.

Oisha raziyallohu anho bunday deganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan men bir idishdan suv olib yuvinar edik, qo'llarimizni idishga galma-gal tiqar edik».

Oisha raziyallohu anho yana bunday deganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jimo'dan so'ng g'usl qilsalar, avval qo'llarini yuvar edilar».

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam va men jimo'dan so'ng bir idishdan suv olib, yuvinar edik»,— deb ham aytganlar.

Abdulloh ibn Abdulloh ibn Jubayr: «Men Anas ibn Molikning «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam va xotinlari birgalikda bir idishdan suv olib g'usl qilishar edi»,— deganini eshitdim. Shunda Muslim: «Jimo'dan so'ng» degan so'zni qo'shib qo'ydi».

10-bob. G'usl bilan tahoratni alohida-alohida qilmoq joizmi?

Ibn Umar xususlarida «U kishi tahorat qilganlarida badanlaridagi suv qurib bo'lgandan keyingina oyoqlarini yuvdilar»,— deb rivoyat qilishadi.

Maymuna raziyallohu anho bunday degan ekanlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga g'usl qilish uchun suv quydim. Shunda qo'llarini 2 yoki 3 marta yuvdilar, keyin o'ng kaftlariga quyilgan suvni chapiga olib, mustahab qildilar, so'ng chap qo'llarini yerga ishqab, yuvib tashladilar. Shundan keyin og'iz va burun chayqadilar, yuzlarini va qo'llarini yuvdilar, boshlarini 3 marta yuvdilar, keyin butun badanlariga suv quydilar. Keyin o'rinlaridan turib, chetga chiqib oyoqlarini yuvdilar».

11-bob. G'uslda avval o'ng kaftiga suv olib, keyin chap kaftiga quyish to'g'risida

Maymuna raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni g'usl qilayotganlarida begona ko'zdan pana qilib, suv quyib turdim. Bir-ikki marta qo'llarini yuvdilar» (Sulaymon: «O'shanda uch marta dedilarmi, yo'qmi, bilmayman», deydi). Keyin Rasululloh sollallohu alayhi va sallam o'ng qo'llariga quyilgan suvni chapiga olib,

olatlarini yuvdilar. So'ngra qo'llarini yerga yoki devorga ishqab, yuvib tashladilar. Shundan keyin og'iz va burun chayqadilar, yuz-qo'llarini, boshlarini yuvdilar. Keyin butun badanlariga suv quydilar. Oxiri chetga chiqib, oyoqlarini yuvdilar. Artingani sochiq uzatsam, qo'llari bilan «kerakmas», deb ishora qildilar, artinmakni xoxlamadilar».

12-bob. Kishi xotini bilan bir marta aloqa qilib, keyin (g'usl qilmasdan) yana aloqa qilishi yoki (hamma) xotinlarini aylanib chiqqach, bir marta g'usl qilishi mumkinmi?

Ibrohim ibn Muhammadning otasi Oisha raziyallohu anhoga: «Ibn Umar xushbo'yliklar sepib ehromga kirmakni yoqtirmas edi»,— dedi. Shunda Oisha raziyallohu anho: «Alloh taolo Abu Abdurrahmon ibn Umarni rahmat qilsin! Men Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga xushbo'yliklar separ edim, keyin xotinlarini (jimo' qilmak uchun) kirib chiqar edilar, chiqqanlaridan so'ng, xushbo'y hid anqib turgan holda ehromga kirar edilar»,— deganlar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam kechasimi, kunduzimi, bir vaqtning o'zida hamma xotinlarini aylanib chiqar edilar, vaholanki, ular 11 ta edi»,— debdilar. Shunda Qatoda Anasdan: «Bir vaqtning o'zida shunchaga kuchlari yetarmidi?» — deb so'radilar. Anas: «Biz sahobalar, Rasulullohga 30 kishining quvvati berilgan, deb so'zlab yurar edik»,— dedilar. «Anas bizga, Rasulullohning 9 ta xotinlari bor, deb aytdi»,— deydilar Sa'id (demak 11 xotindan 2tasi cho'ri bo'lgan).

13-bob. Maziy (olat uchiga maniydan oldin keladigan nam) kelsa, tahorat joizmi?

Ali raziyallohu anhudan: «Shahvatim ko'p odam edim, bu haqda Rasulullohdan so'ra, deb bir kishiga buyurdim. Rasulullohning qizlari menga xotin bo'lgani uchun o'zim so'rayolmadim. Rasululloh: «Oldingni yuvib, tahorat olgin!» — debdilar».

14 -bob. O'ziga xushbo'y narsalar sepib, keyin g'usl qilsa-yu, lekin badanida hidi qolsa, joizmi?

Ibrohim ibn Muhammadning otasi Oisha raziyallohu anhodan bir masala xususida so'rab, Ibn Umarning «Badanimdan xushbo'y hid anqib turgan holda ehromga kirmakni yoqtirmayman» degan so'zlarini eslatdilar. «Men Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga xushbo'y narsalar surtdim, keyin xotinlarini aylanib chiqdilar, so'ng ehromga kirdilar»,— dedilar Oisha.

Oisha raziyallohu anhodan: «Men Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ehromda ekanliklarida peshonalarining yarqirab turganini ko'rgandek bo'lar edim» (ya'ni, badanga surtilgan xushbo'y yog' yaltirab turgan).

15-bob. Badanning hammasini yuvib bo'ldim, deb hisoblagandan keyin ham soch orasiga panjani tiqib yuvmoq

Oisha raziyallohu anho bunday deganlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jimo'dan so'ng g'usl qilganlarida, avval qo'llarini yuvib, keyin namozga tahorat olgandek tahorat olar edilar. Shundan keyingina g'usl qilmoqqa kirishar edilar. Hatto hamma

yog'imni yuvib bo'ldim, deb o'ylaganlarida ham sochlarining orasiga panjalarini tiqib, ustidan 3 marta suv quyib yuvar edilar. So'ng badanlarining qolgan qismini yuvar edilar. Men va Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ikkalamiz bir idishdan suv olib yuvinar edik».

16-bob. Bir kishi jimo'dan so'ng tahorat olsa, keyin qolgan a'zolarini yuvsa, tahoratda yuvgan joylarini qaytadan yuvmasa, joizmi?

Maymuna raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga jimo'dan so'ng g'usl qilmoq uchun suv quydin. O'ng qo'llariga quyilgan suvni chapiga olib, 2 yoki 3 marta mustahab qildilar. Keyin qo'llarini yerga yoki devorga ishqaladilar, 2 yoki 3 marta yuvib tashladilar, keyin og'iz va burun chayqadilar, yuzlarini yuvdilar, ikki bilaklarini tirsagigacha yuvdilar, so'ng boshlariga suv quydilar, keyin butun a'zolarini yuvdilar (avval tahorat qilgan a'zolaridan tashqari), so'ngra chetga chiqib oyoqlarini yuvdilar. Sochiq olib keldim, xohlamadilar. Qo'llari bilan suvni sidira boshladilar».

17-bob. Agar kishi masjidida turgan vaqtda jimo'dan keyin yuvinmaganligi esiga tushib qolsa, shu ahvolda masjiddan chiqib ketadimm yoki tayammum qiladimi?

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Namozga takbir aytili, saflar to'g'rilandi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jamoat oldiga chiqdilar. Musallolariga (namozgohlariga) kelganlarida junub ekanlari eslariga tushib qoldi. Shunda bizga: «Joyingizda tura turingiz!»—deb qaytib kirib ketdilar. Bir ozdan so'ng sochlaridan suv tomganicha chiqib keldilar. Keyin takbiri tahrira aytdilar, biz u kishi bilan birga namoz o'qidik».

18-bob. Jimo'dan so'ng g'usl qilganda qo'lda qolgan suvni silkitmoq

Maymuna raziyallohu anho dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni (begona ko'z tushmasligi uchun) kiyim bilan to'sib turib, g'uslga suv quyib berdim. Avval qo'llarini yuvdilar, so'ng o'ng kaftlaridagi suvni chap kaftlariga qo'yib, mustahab qildilar. Keyin qo'llarini yerga ishqalab, yuvib tashladilar, og'iz va burun chayqadilar, yuzlarini yuvdilar, ikki qo'llarini tirsagigacha yuvdilar, boshlari va butun badanlariga suv quydilar. Keyin o'rinlaridan turib, chetga chiqdilar—da, oyoqlarini yuvdilar. Sochiq uzatdim, olmadilar, qo'llarini suvini silkitib chiqib ketdilar» (Qo'lning suvini silkitishning halolligiga bu hadis dalildir. «Lekin zarurat bo'lmasa, silqitmaslik kerak»,— deytilar Qastaloniy).

19-bob. G'uslni o'ng tomondan boshlamoq

Oisha raziyallohu anho dedilar: Birontamizga g'usl lozim bo'lib qolsa, qo'lga suv olib, boshga 1 marta quyay edik. Keyin qo'lga suv olib, avval o'ng yelkaga, so'ng chap yelkaga quyay edik».

20-bob. Xilvatda yalang'och cho'milmoq mumkinmi? Xilvatda panada cho'milmoq afzaldir!

Bahz ibn Hakimning bobosiga Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bunday degan ekanlar: «Alloh taolo kishining odamlardan ko'ra, o'zidan hayo qilishlariga haqliroqdir» (ya'ni, odamlardan ko'ra, Allohdan uyaling, odamlardan o'zni pana qilish mumkin-u,

lekin Allohdan o'zni pana qilib bo'lmaydi, u baribir ko'rib turadi).

Abu Hurayra raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytganlar, deydilar: «Bani Isroil qavmi bir-biriga qarab yalang'och yuvinaverardi. Muso alayhissalom yolg'iz o'zlari yuvinar edilar. Shuning uchun ham: «Musoning biz bilan birga yuvinmog'iga faqat uning dabbaligi mone'lik qiladi»,— deyishdi. Bir kuni Muso alayhissalom yuvingani borib, kiyimlarini bir tosh ustiga yechib qo'ygan edilar, tosh kiyimlarini (Allohning amri bilan) olib qochdi. Muso alayhissalom: «Ey tosh, kiyimimni ber, kiyimimni ber!»—deganlaricha ketidan quvib ketdilar. Shu fursatda Muso alayhissalomning yalang'och badanlariga ko'zi tushgan Bani Isroil qavmi: «Allohga qasamki, Musoda hech ayb (jismoniy ayb) yo'q ekan»,— dedi. Muso alayhissalom kiyimlarini olib, toshni do'pposlay ketdilar». «Allohga qasamki, o'shanda u kishining zarblaridan toshda 6 yoki 7 ta darz paydo bo'lgandi»,— deydilar Abu Hurayra.

Abu Hurayra raziyallohu anhuga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytib bergan ekanlar: «Ayyub alayhissalom yalang'och yuvinayotgan edilar, ustlariga tilla chigirtka qo'ndi. Ayyub alayhissalom (chigirtkani) kiyimlariga yashira boshladilar. Shunda Alloh taolo nido qilib: «Ey Ayyub, seni ko'rib turganingga (tilla chigirtkaga, ya'ni boylikka) ehtiyojsiz qilmaganmidim?!» —dedi. «Izzating haqqi, ha, ehtiyojsiz qilgansan, ammo men sening barakotingdan benasib emasman»,— dedilar Ayyub alayhissalom». (Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bu rivoyatni aytganlari bejiz emas. Bu yerda yalang'och cho'milishdan uyalgandan ko'ra, boylikka ruju' qilishdan uyalmok kerak degan ma'no yotadi).

21-bob. Odamlar bor joyda o'zini panaga olib g'usl qilmoq

Abu Tolibning qizi Ummu Honi' bunday degan ekan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning uylariga Makka fath bo'lgan yili bordim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam g'usl qilayotgan ekanlar. Qizlari Fotima pana qilib turgan ekanlar. Shunda Rasululloh: «Kim bu?»—dedilar. Men: «Ummu Honi'man»,— dedim».

Maymuna raziyallohu anhodan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni jimo'dan so'ng g'usl qilayotganlarida to'sib turdim. Avval qo'llarini yuvdilar, so'ng o'ng kaftlaridagi suvni chapiga olib, olatlarini yuvdilar, keyin qo'llarini yerga yoki devorga ishqab yuvib tashladilar, keyin namozga tahorat olgandek tahorat oldilar, oyoqlarini yuvmadilar. Shundan so'ng butun badanga suv quyib yuvindilar-da, chetga chiqib oyoqlarini yuvdilar». Abu Uvona va Ibn Fazil ham g'usl qilayotganda o'zni panaga olmoq xususida shu hadisni zikr qilgan.

22-bob. Xotin kishi ihtilom bo'lib (bulg'anib) qolsa...

Ummu Salama bunday degan ekanlar: «Abu Talhaning xotini Ummu Sulaym Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, Alloh taolo haq narsadan uyalmoqni buyurmaydi. Agar xotin kishi ihtilom bo'lib qolsa, g'usl lozimmi?»— deb so'rabdi. Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Ha, agar nam kelganini ko'rsa (lozimi nam bo'lib qolganini sezsa)»,— dedilar».

23-bob. Junub kishining (uyatdan) terlagani va mo`min kishining yuvuqsiz yurmasligi xususida

Abu Rofi' bunday rivoyat qiladilar: «Abu Hurayra Madina ko`chalaridan birida Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga junub holda yo`liqib qoldi. U Rasulullohdan o`zini chetga olib, sekingina g`oyib bo`ldi. Bir ozdan so`ng g`usl qilib, qaytib kelganida: «Qaerda eding, ey Abu Hurayra?»—dedilar. «Junub edim, siz bilan nopok holda o`tirmoqni lozim ko`rmadim»,— dedi Abu Hurayra. Shunda: «Subhonalloh, mo`min kishi, hech vaqt nopok bo`lmaydi»,— dedilar».

24-bob. Yuvuqsiz holda uydan chiqib, bozor va boshqa joylarda yurish mumkinmi?

Ato raziyallohu anhu: «Yuvuqsiz kishi tahoratsiz qon va soch oldirsa, tirnoq olsa, bo`ladi»,— deydilar.

Anas ibn Molikdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bir kechada hamma xotinlariga aylanib chiqar edilar, o`sha vaqtda 9 ta xotinlari bor edi».

Abu Hurayra bunday deydilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga yuvuqsiz holda yo`liqib qoldim, qo`limdan ushladilar. U kishi bir joyga borib o`tirgunlaricha birga bordim, keyin sekin g`oyib bo`ldim. G`usl qilib, qaytib keldim. U kishi hali ham o`tirgan ekanlar. «Qaerda eding, ey Abu Hurayra?» —dedilar. Men nima qilganimni aytib berdim. «Subhonalloh, ey Abu Hurayra, mo`min odam nopok bo`lmaydi»,— dedilar».

25-bob. Junub odam tahorat olib (g`usl qilmay) yotaverishi mumkinmi?

Abu Salama bunday deydilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam yuvuqsiz holda yotarmidilar?» — deb Oisha onamizdan so`radim. «Ha, tahorat olib yotar edilar»,— deb javob qildilar».

Umar ibn al-Xattob: «G`usl qilmay yotsak bo`ladimi?» — deb Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan so`radilar. «Ha, birontangiz junub bo`lsangiz, tahorat olib yotsangiz bo`ladi»,— dedilar Janob Rasululloh.

26-bob. Yuvuqsiz odam tahorat olib, keyin uxlaydi

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jimo`dan so`ng uxlamochi bo`lsalar, namozga tahorat olgandek tahorat olib, so`ng yotardilar».

Abdulloh ibn Umardan: «Umar al-Xattob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan: «Yuvuqsiz holda uxlasak joizmi?»—deb so`radilar. «Ha, agar tahorat olsa»,— dedilar Janob Rasululloh».

Abdulloh ibn Umardan: «Umar al-Xattob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga kechalari bulg`anib qolishini aytdi. Shunda Janob Rasululloh: «Olatningni yuvg`il, tahorat olg`il, keyin uxlagil!»—dedilar».

27-bob. Eru xotinning olatlari bir-biriga tegsa...

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar erkak xotining ikki oyog'i orasiga kirib, harakat qilsa, g'usl vojib bo'ladi»,— deganlar».

28-bob. Ayol kishining olatidan tekkan rutubatni yuvish

Usmon ibn Affondan: Zayd ibn Xolid: «Er xotinini jimo' qilsa-yu, to'kmasa, nima qilmog'i kerak?»—deb so'radi. «Olatini yuvib, namozga tahorat olgandek tahorat oladi. Men buni Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan eshitganman»,— dedilar Usmon ibn Affon. Zayd ibn Xolid: «Men Ali, Zubayr ibn Avvom, Talha ibn Ubaydulloh va Ubay ibn Ka'b raziyallohu anhulardan so'radim, ular ham shunday deyishdi»,— deydilar. Abu Ayyub ham xuddi shu gapni Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan eshitibdi»,— deydilar Urva ibn Zubayr.

Ubay ibn Ka'b: «Yo Rasulalloh, agar kishi xotinini jimo' qilsa-yu, to'kmasa, nima qilmog'i lozim?»—deb so'radilar. «Xotinidan tekkan rutubatni yuvib tashlab, tahorat oladi, keyin namoz o'qiyveradi»,— dedilar Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam. Imom Buxoriy aytadilar: «G'usl qilmoq bexavotirroqdir, eng yaxshisi shudir. Yuqoridagi hadislarni esa, ushbu masalada sahobalar o'rtasidagi ixtiloflarni ko'rsatmoq uchun bayon qildik».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

HAYZ KITOBI

Alloh taolo oyati karimasida: «**Sendan hayz to'g'risida so'raydilar, aytgin: "Hayz ozor berguvchi narsadir, hayzdan pok bo'lgunicha xotinlarga yaqinlik qilmangiz, qachon hayzdan pok bo'lsalar, Alloh taolo buyurgan tomonidan aloqa qilingiz. Darhaqiqat, Alloh taolo tavba qilgan va pokiza kishilarni yaxshi ko'radi»**,— deydi.

Yahudiylar hayz ko'rgan xotinini uyidan chiqarib, alohida qilib qo'yar edi. Sahobalar: «Xotinimiz hayz ko'rsa, biz nima qilamiz?»—deb Rasululloxdan so'rashdi. Shunda yuqoridagi oyat nozil bo'ldi.

1-bob. Ayollar qachondan boshlab hayz ko'ra boshlagan?

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Bu Odam alayhissalom qizlarining peshonasiga azaldan yozilmishdir»,— deganlar. Ba'zi sahobalar: «Hayz avval Baniy Isroilga yuborilgan edi»,— deganlar. Imom Buxoriy: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning aytganlari kengroq (eng to'g'risi)»,— deganlar.

2-bob. Hayz ko'rgan xotinlarga buyruq

Oisha onamiz raziyallohu anho dedilar: «Faqat hajni niyat qilib yo'lga chiqdik. Saraf (Makka yaqinidagi qishloq) degan joyga borganimizda, hayz ko'rdim. Yig'lab o'tirganim ustiga Rasululloh kirib keldilar. «Senga nima bo'ldi, hayz ko'rdingmi?»—dedilar. «Ha»,— dedim. «Hayz ko'rish Alloh taolo Odam qizlari peshonasiga yozgan narsadir, haj amallarining barchasini qilaver, biroq Ka'batullohni tavof etmagil!» — dedilar». So'ng: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam xotinlari nomidan bir sigirni qurbonlik qildilar»,— deb aytgandilar o'shanda Oisha raziyallohu anho.

3-bob. Hayz ko'rgan xotin erining boshini yuvib, sochlarini tarab qo'yimgo'i mumkin

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sochlarini hayz ko'rgan holimda ham tarab qo'yar edim»,— deganlar.

Urvadan: «Hayz ko'rgan yoki junub xotin menga xizmat qilmog'i mumkinmi?»—deb so'rashdi. Urva: «Bularga men unchalik ahamiyat bermayman. Hayz ko'rgan holda yuvuqsiz ham menga xizmat qilishar edi. Mendan boshqa sahobalar ham bu to'g'rida bir xil fikrda. Menga Oisha onamiz Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning sochlarini hayz ko'rgan holatda ham tarab qo'yishlarini aytganlar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam masjidida e'tikof o'tirganlarida, boshlarini darchadan chiqarar ekanlar, Oisha onamiz hujralarida turib, hayz ko'rgan bo'lsalar ham, sochlarini tarab qo'yar ekanlar».

4-bob. Hayz koʻrgan xotinning quchogʻida turib qiroat qilmoq

Abu Voil oʻz choʻrisini, hayz koʻrgan boʻlsa ham, Abu Raziynga xizmat qilmoq uchun yuborar edi. Choʻri Qurʻoni Karimni gʻilofining ipidan ushlab, olib borib berar edi.

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam, men hayz koʻrgan boʻlsam ham, quchogʻimga suyanib oʻtirgan holda qiroat qilar edilar»,— deganlar.

5-bob. «Hayz koʻrmoq» iborasi oʻrniga «oy koʻrmoq» iborasini qoʻllash

Ummu Salama: «Men va Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ikkalamiz yonboshlab yotgan edik, birdan hayz koʻrib qoldim. Sekingina bagʻrilaridan sugʻurilib chiqdim-da, hayz kiyimlarimni oldim. «Oy koʻrdingmi?» — dedilar. «Ha»,— dedim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam meni yonlariga chaqirdilar. Men hayz kiyimida u kishining yonlarida yotdim».

6-bob. Hayz koʻrgan xotinni eri quchoqlasa boʻladimi?

Oisha raziyallohu anho dedilar: «Men va Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ikkalamiz yuvuqsiz boʻlganimizda bir idishdan gʻusl qilar edik. Hayz koʻrganimda esa, menga hayz kiyimimni kiyib olmoqni buyurar edilar, kiyinib olardim, keyin quchoqlardilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam masjidida eʼtikofda boʻlganlarida boshlarini darchadan chiqarar edilar, men hayz holimda boshlarini yuvib qoʻyar edim».

Oisha raziyallohu anho: «Birontamiz hayz koʻrgan boʻlsagu, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam quchoqlamoqchi boʻlsalar, hayz kiyimni kiyishni buyurar edilar, keyin quchoqlar edilar. Qaysi biringiz Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdek shahvatingizni tiyib tura olasiz!»—dedilar.

Abdulloh ibn Shaddod bunday deb rivoyat qiladilar: «Maymuna onamizdan eshitdimki, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam xotinlaridan birortasini hayz holida quchoqlamoqchi boʻlsalar, hayz kiyimini kiyib olmoqni buyurar edilar».

7-bob. Hayz koʻrgan xotin roʻza tutmasligi lozim

Abu Saʼid al-Xudriy bunday rivoyat qiladilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam, Qurbon hayiti yoki Ramazon hayiti edi, namozgohga chiqdilar. Xotinlarning yonidan oʻtayotib: «Ey xotinlar jamoasi, sadaqa qilingiz! Doʻzax ahlining koʻprogʻi ayollardir, deb menga ayon qilindi»,— dedilar. Shunda xotinlar: «Ne sababdan, yo Rasulalloh?» — dedilar. «Koʻp qargʻaysizlar va erning yaxshiligini bilmaysizlar. Erning yaxshiligini kamsitasizlar, qadrlamaysizlar (noshukrlik qilasizlar), sizlardan koʻra kaltafahm va eʼtiqodi sustroq, har qanday iymonli kishini ham yoʻldan ozdiruvchiroq toifani koʻrmasiz»,— dedilar. Xotinlar: «Eʼtiqod va aqlimizning qanday nuqsoni bor ekan, yo Rasulalloh?» — deyishdi. «Bir xotin kishining guvohligi yarimta erkakning guvohligiga teng emasmi?»—dedilar Janob Rasululloh. «Ha, shunday»,— deyishdi xotinlar. «Axir mana shu aqlingizning nuqsoni emasmi? Hayz koʻrganingizda namoz oʻqimasligingiz, roʻza tutmasligingiz ham sizning (erkaklarga nisbatan) nuqsoningiz emasmi?» — dedilar. «Ha, toʻgʻri aytdingiz»,— deyishdi ayollar. «Mana shular ayollar dinining nuqsonli ekanini anglatadi»,— dedilar Rasululloh».

8-bob. Hayz koʻrgan xotin haj amallarining barchasini qiladi, ammo Kaʻbatullohni tavof qilmaydi

Ibrohim an-Nahoiy aytadilar: «Hayz koʻrgan xotinning Qurʻon oyatlarini oʻqishi zararsizdir». Ibn Abbos ham yuvuqsiz odamning qiroat qilmogʻini zararsiz, deb hisoblaganlar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hamma vaqt Allohni zikr qilar edilar. Ummu Atiyya: «Biz - xotinlarga, hayz koʻrgan boʻlsak ham, iyd (hayit) namoziga chiqmoq buyurilar edi. Erkaklar aytadigan takbir va duolarni oʻqir edik, namoz oʻqimas edik»,— deydilar.

Abu Sufyon aytadilar: «Hiraql (Rum podshosi) Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning maktublarini olib kelmoqni buyurdi, soʻng oʻqib qarasa, «Bismillohir Rahmonir Rahiym, yo ahlal-kitob, taʻoluu ila kalimatin sava... (al-oyat)» (Bismillohir Rahmonir Rahiymi, ey ahlal-kitob, sizlar va bizlar uchun barobar soʻzga kelinglar!)» deb boshlanuvchi oyat) deb yozilgan ekan».

Jobir raziyallohu anhu bunday rivoyat qiladilar: «Oisha onamiz hayz koʻrdilar, soʻng haj amallarining barchasini qilaverdilar, biroq Kaʻbatullohni tavof qilmadilar va namoz oʻqimadilar». Hakam aytadi: «Men yuvuqsiz holda ham «Bismilloh, Allohu akbar» deb hayvon soʻyaverar edim». «Allohning ismi aytib soʻyilmasan hayvon goʻshtini yemangiz!» — degan Alloh taolo.

Oisha onamiz dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga hajni niyat qilib yoʻlga chiqdik. Saraf degan joyga kelganimizda hayz koʻrib qoldim. Yigʻlab oʻtirganimda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam kelib: «Nega yigʻlayapsan?»—dedilar. «Xudo haqqi, bu yil hajga chiqqanimdan afsuslanaman»,— dedim. Rasululloh: «Ehtimol, hayz koʻrib qolgandirsan?»—dedilar. «Ha»,— dedim. «Alloh taolo buni Odam qizlarining barchasining peshonasiga yozgandir, endi hajda qiladigan barcha amallarni qilaver, lekin to poklanguningcha Kaʻbatullohni tavof etmagin!» — dedilar Janob Rasululloh».

9-bob. Istihoza (betoʻxtov qon ketishi)

Oisha raziyallohu anho bunday deganlar: «Fotima binti Abu Hubaysh Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasulalloh, men poklanmasman (betoʻxtov qon kelib turadi), namoz oʻqimaymi?»—deb aytdi. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Bu tomir kasalligidir, hayz emas, agar hayz kelsa, namozni tark etgin, hayz tugasa, gʻusl qilib, namoz oʻqiyvergin!» — dedilar».

10-bob. Hayz qonini yuvmoq

Asmo binti Abu Bakr bunday deydilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga bir xotin: «Yo Rasulalloh, birontamizning kiyimimizga hayz qoni tegib qolsa, nima qilamiz?» — dedi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar birontangizning kiyimingizga hayz qoni tegib qolsa, qotib qolgan qonni ishqab tashlab, soʻng suv bilan yuvingiz, keyin oʻsha kiyimda namoz oʻqiyveringiz!» — dedilar».

Oisha raziyallohu anho: «Birontamiz hayz koʻrsak qotib qolgan qonni ishqalab tashlar

edik, so'ng o'sha joyni yuvar edik va kiyimning qon tegmagan qismini ham yuvib, o'sha kiyimda namoz o'qiyverar edik»,— deganlar.

11-bob. Istihoza bo'lgan xotinning masjidga e'tikof qilib o'tirishi

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam masjidga e'tikofga kirsalar, xotinlaridan ba'zisi ham istihoza bo'lganligiga qaramay, birga kirar edi»,— dedilar. «Ehtimol u tagiga idish qo'yib o'tirgandir, deb aytgandilar»,— deydi Akrama. Akrama bunday deb ta'kidlaydi: «Oisha onamiz (tosdagi) sarg'ish suyuqlikni ko'rib: «Bu falonchi ayoldan tushgan istihoza qoni bo'lsa kerak»,— deb o'ylaganlar».

Oisha onamiz dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning xotinlaridan biri u kishi bilan birga e'tikof qilmoqqa o'tirdi. U xotin hayz va sarg'ish qon ham ko'rar edi, shuning uchun namoz o'qiyotganida tagiga tos qo'yib olgan edi».

Oisha onamiz raziyallohu anho: «Janob Rasulullohning xotinlaridan biri istihoza ko'rgan hoida e'tikof qilmoqqa o'tirdi»,— dedilar (xotin kishi istihoza bo'lsa ham masjidga kirib ibodat qilmog'i mumkin bo'lgan).

12-bob. Xotin kishi hayz ko'rgan kiyimida namoz o'qiydimi?

Oisha onamiz raziyallohu anho dedilar: «Birontamizda bitta kiyimdan boshqa kiyim yo'q edi. O'sha kiyimda hayz ko'rar edik. Agar unga qon tegib ketsa, ishqalab tashlab, keyin yuvib, namoz o'qir edik».

13-bob. Ayol hayzdan keyin g'usl qilgach, o'ziga xushbo'y narsa sepadi

Ummu Atiyya dedilar: «O'likka 3 kundan ortiq aza tutmasdik, er o'lsagina 4 oyu 10 kun aza tutilar edi. Ko'zga surma qo'ymasdik, o'zimizga xushbo'ylik sepmasdik. Bo'yoqlik (guldor) kiyim kiymasdik. Odmu kiyim kiyar edik. Hayzdan poklanib, g'usl qilganimizdan keyingina qisman xushbo'ylik ishlatmakka izn berilgan edi, janozaga ergashmog'imizga yo'l qo'yilmas edi».

14-bob. Ayolning hayzdan poklanganda badanini ishqalab yuvmog'i hamda qanday qilib g'usl qilmog'i, atirlangan lattani oldiga qo'yib, qonning hidini ketkazmog'i xususida

Oisha onamiz bunday deganlar: «Bir xotin Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan hayzdan nechuk tozalanmak to'g'risida so'radi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qanday g'usl qilishni aytib, so'ng: «Atirlangan latta bilan tozalangin!» — dedilar. «U bilan qanday tozalanaman?» — dedi xotin. «Subhonalloh, tozalangin!» — deb aytdilar Rasululloh. Xotinni o'zimga tortdim-da, unga: «Qonning hidini ketkazmak uchun lattani o'sha joyingga qo'ygin! — dedim».

15-bob. Hayz kelgan joyni yuvmoq

Oisha onamizdan: «Ansoriylardan bir xotin Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga: «Hayzdan keyin qanday g'usl qilaman?»—dedi. «G'usl qilganingdan keyin atirlangan lattani olib, tozalangin!» — deb 3 marta qaytardilar Rasululloh. Keyin, Rasululloh

sallallohu alayhi va sallam muborak yuzlarini uyalib o'girdilar-da: «U bilan artgin!» — dedilar. Shunda men u xotinni o'zimga tortdim-da, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam nima demoqchi bo'layotganlarini aytib berdim».

16-bob. Ayolning hayzdan keyin g'usl qilayotganda sochini tarashi

Oisha onamiz Urva ibn Zubayrga bunday deb aytgan ekanlar: «Men va Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hajjat ul-Vido'da ehrom bog'ladik. Men umraga niyat aylab, ehrom bog'laganlardan edim, qurbonlik uchun qo'y olmagan edim. Hayz ko'rib qoldim. Arafa kechasi bo'lgan esa hamki, hanuz hayzdan forig' bo'lmaganligimdan: «Yo Rasulalloh, shu arafa kechasi umraga ehrom bog'lagandim»,— dedim. Janob Rasululloh: «Sochingni yoygin, taragin (g'usl qilgin), umrani qo'ya turgin, hajga talbiya aytgin!» — deb buyurdilar. Men shunday qildim. Hajni (katta hajni) tugatganimda Rasululloh (ukam) Abdurrahmon ibn Abu Bakrga buyurdilar, Hasba (haj tugagan) kechasi men bilan Tan'imga (joy nomi) bordi, men boshqa umraga talbiya aytdim».

17-bob. Hayz ko'rgan ayolning g'usl qilishdan oldin sochini yoymog'i to'g'risida

Urva ibn Zubayrga Oisha onamiz bunday deb aytgan ekanlar: «Zulhijja oyi kelishi bilan Madinadan (hajga) chiqdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kim umraga (kichik hajga) niyat qilmoqchi bo'lsa, niyat qilsin, agar men qurbonlik olib kelmasam edi, umraga niyat qilar edim»,— dedilar. Shunda ba'zilar umraga, ba'zilar esa hajga (katta hajga) niyat qildi. Men umraga niyat qilganlardan edim. Arafa kuni keldi hamki, men hayzdan forig' bo'lmadim. Rasulullohga ahvolimni aytdim. «Umrani qo'ya turgin, sochingni yozib, taragin (g'usl qilgin) va hajga niyat qilgin!»—dedilar. Men shunday qildim. Hasba (haj tugagan kecha) ham keldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ukam Abdurrahmonni menga qo'shib yubordilar. Tan'im degan joyga borib, qaytadan umraga niyat qildim». Hoshim ibn Urva: «Oisha onamiz qurbonlik ham qilmadilar, ro'za ham tutmadilar, sadaqa ham bermadilar»,— deydilar.

18-bob. Oy-kuni yetib tug'ilgan bola va chala tug'ilgan bola

Anas ibn Molikka Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bunday deganlar: «Alloh taolo bachadonga bir farishtani vakil etadi. Farishta aytadi: «Yo rabbiy, bu nutfaga aylandi, yo rabbiy, bu quyuq qonga aylandi, yo rabbiy, bu bir parcha etga aylandi». Alloh taolo: «Bola oy-kuni yetib dunyoga kelsin!» deydi, farishta: «O'g'ilmi-qizmi, baxtlimi-baxtsizmi, rizqi qancha, yashash muddati qancha?» deb so'raydi. Bularning barchasi bola onaning qornida ekanligida manglayiga yoziladi».

19-bob. Hayz ko'rgan xotin haj va umraga qanday ehrom bog'laydi?

Oisha onamiz dedilar: «Hajjat ul-Vido'dan Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan birga yo'lga chiqdik, ba'zi birimiz umraga ehrom bog'ladik, ba'zimiz hajga ehrom bog'ladik. So'ngra Makkaga keldik. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kim umraga ehrom bog'lagan bo'lsa, va lekin qurbonliq yetaklab kelmagan bo'lsa, ehromini yechsin, kimki umraga ehrom bog'lagan bo'lsa-yu, qurbonliq yetaklab kelgan bo'lsa, to qurbonligini so'ymagunicha ehromini yechmasin! Kimki hajga ehrom bog'lagan bo'lsa, hajini oxiriga yetkazsin (ehromini yechmasin)!» dedilar. Men Saraf degan joyda hayz ko'rdim, to Arafa kunigacha hayzdan forig' bo'lmadim. Arafa kuni umraga ehrom

bogʻlagan edim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga sochimni yozib, tarashimni (gʻusl qilishni) va umrani qoldirib, hajga ehrom bogʻlashimni buyurdilar. Shunday qildim. Hajimni tugatganimda, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam menga ukam Abdurrahmon bilan birga Tanʻim degan joyga borib, qaytadan umraga ehrom bogʻlamogʻimni buyurdilar».

20-bob. Hayz kelmogʻi va hayz tugamogʻi

Xotinlar hayz qoni tekkan paxtani lattaga oʻrab yuborishar edi. Oisha onamiz: «To oqlikni koʻrmagunlaricha, hayzdan tamoman tozalanmagunlaricha shoshilmasinlar!» der edilar. Zayd ibn Sobit qizi Ummu Kulsumga «Xotinlar kechasi chiroq yoqib, hayz lattasini tekshirib koʻrmoqdalar (tozalandimmi deb)», degan xabarni aytishdi. Ummu Kulsum: «Ilgari xotinlar bunday qilishmas edi», deb, kechasi lattasini tekshirib koʻrgan xotinlarni aybladilar (yaʼni, kunduzi bilinmasa, kechasi chiroq yoqib bilib boʻlmaydi).

Oisha onamizdan: «Fotima binti Abu Hubaysh istihozaga koʻrar edi. U bu toʻgʻrida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan soʻradi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu tomir kasalligidir, hayz emas, agar hayz vaqting kelsa, namozni tark etasan, hayzing tugasa, gʻusl qilib, namoz oʻqiysan!» dedilar».

21-bob. Hayz koʻrgan xotin namozining qazosini oʻqimaydi

Jobir ibn Abdulloh va Abu Saʼid al-Xudriy Rasululloh sallallohu alayhi va sallam haqlarida rivoyat qila turib: «Hayz koʻrgan xotin namoz oʻqimaydi», dedilar.

Muoz raziyallohu anhudan: «Bir xotin Oisha onamizdan: «Birontamiz hayzdan tozalansak namoz qazosini oʻqiymizmi?» deb soʻradi. Oisha onamiz: «Xavorijlardanmisan?» dedilar (yaʼni, ahli-sunnaga zid ravishda: «Hayz koʻrgan xotinlar namoz qazosini oʻqiydi», degan toifa). Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayotliklarida bizga hayz vaqtida namoz qazosini oʻqimakni buyurmas edilar yoki qazosini oʻqimas edik», deb aytgandilar, shekilli», deyilar Muoz.

22-bob. Hayz koʻrgan xotin bilan, agar u hayz kiyimida boʻlsa, birga yotmoqning joizligi

Zaynab binti Abu Salamaga Ummu Salama bunday deb aytgan ekanlar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga chaylada yotganimda hayz koʻrib qoldim, shunda yonlaridan sekin sirgʻalib chiqdim, chayladan chiqib, hayz kiyimimni kiyib oldim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam menga: «Hayz koʻrib qoldingmi?» dedilar. «Ha», dedim. Meni chaylaga chaqirdilar». Zaynabga Ummu Salama yana bunday dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi sallam roʻzador boʻla turib, meni oʻpar edilar, (kechasi) jimoʻdan soʻng u kishi bilan bir idishdan gʻusl qilar edik».

24-bob. Hayz koʻrgan xotinning ikkala xayitda musulmonlarning duoi iltijolarida (masalan, jamoat boʻlib yomgʻir soʻrash) namozgohdan nariroqda turib qatnashuvi

Hafsa binti Sirindan: «Boʻyi yetgan qizlarimizning ikkala hayitga chiqmoqlarini manʼ qilar edik. Bir xotin Basradagi Baniy Xalaf qasriga kelib tushdi, soʻngra opasi haqida soʻzlab

berdi. Opasining eri Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan 12 marta g'azotda qatnashgan ekan. Shundan 6 tasida opasi ham birga bo'lgan ekan. Opasi: «Biz yaradorlarni davolar edik, kasallarga qarar edik», degan ekan. Bir kuni opasi Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan: «Birontamizning yopinchi'imiz bo'lmasa-yu, (hayit namoziga) chiqmasak zarari bormi?» deb so'rabdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Kimning yopinchi'i bo'lmasa, dugonasining yopinchi'larida» birini olib tursin, yaxshilik majlislarida qatnashsin, musulmonlarning duoi iltijolarida qatnashsin!» dedilar. Ummu Atiyya kelganda, undan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan bu xususda eshitganmisiz?» deb so'radim», deydilar Hafsa. «Rasulullohga otam fido bo'lsin! Ha, eshitganman (u qachon Rasululloh sollallohu alayhi va sallam xususlarida so'zlasa, «otam fido bo'lsin!» deb qo'shib so'zlar edi), bo'yiga yetgan qizlar ham, chimildiqdagi kelinchaklar ham (chimildiqdagi qizlar ham, deb aytdilarmi, bilmayman), hayz ko'rganlar ham chiqsinlar, yaxshilik majlislarida, musulmonlarning duoi iltijolarida qatnashsinlar, hayz ko'rganlari joynamozdan chetda tursinlar!» deb aytgan edilar», dedilar Ummu Atiyya. «Hayz ko'rgan xotinlar hammi?» deb so'radim, shunda u: «Hayz ko'rgan xotin Arafotda qaynashadi-ku, axir!» deb ayollar qatnashadigan marosimlar nomini sanay ketdi», deydilar Hafsa.

25-bob. Bir oyda uch marta hayz ko'rsa... ayollarning hayz ko'rish va homiladorlik muddatini tasdiqlovchi dalillar to'g'risida

Hayz ko'rish to'g'risida Alloh taolo: «Xotinlarning o'z bachadonlaridagi Alloh yaratgan narsani yashirmoqlari gunohdir», deydi. Ali va Shurayh: «Agar ayolning bir oyda 3 marta hayz ko'rganiga ishonchli va taqvodor kishilar guvohlik bersalar, tasdiqlanadi», deb aytgan ekanlar. Ato raziyallohu anhu: «Ayolning (bir oyda 3 marta hayz ko'radigan ayolning) haqiqiy hayz ko'radigan kunlari uning dastlabki hayz ko'rgan kunlari hisoblanadi», deb aytganlar (taloq iddasini saqlayotgan ayol boshqacharoq aytsa, qabul qilinmaydi). Ibrohim va Ato: «Hayz kamida bir kecha-yu bir kunduz, ko'pi bilan 15 kun davom etadi», deganlar. Mu'tamirning otalari, hayzidan poklangandan keyin 5 kun o'tgach, yana qon ko'rgan xotin to'g'risida so'raganlarida, Ibn Sirin: «Bu bobda xotinlar bizdan ko'ra yaxshiroq biladilar», dedilar.

Oisha onamizdan: «Fotima binti Abu Hubaysh: «Men istihoza ko'raman, hech poklanmasman, namozni tark etaymi?» deb Rasulullohdan so'radilar. «Yo'q, tark etmaysan, bu tomir qonidir. Va lekin hayz ko'radigan kunlaring namozni tark etgin, hayzdan poklangach, g'usl qilgin, namozingni o'qiyvergin», deb javob qildilar Rasululloh».

26-bob. Hayz ko'radigan kunlardan tashqari vaqtda keladigan sarg'ish va xira rang suyuqlik

Ummu Atiyya: «Xira rang va sarg'ish suyuqlikni hayz hisoblamas edik», deganlar.

27-bob. Istihoza keladigan tomir

Oisha onamizdan: «Ummu Habiba 7 yil istihoza ko'rdi. u Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan istihoza to'g'risida so'raganida, Rasululloh sollallohu alayxi va sallam unga (hayz tugagach) g'usl qilmoqni buyurib: «Bu tomirdan keladigan qondir», dedilar. Ummu Habiba har bir namozga alohida g'usl qilar edi».

(Hayzdan keyin bir marta g'usl qilmoq — farz, lekin qolganiga tahorat qilsa, kifoya qilar edi. Imom Shofi'iy ham istihoza ko'rgan xotinning har bir namozga g'usl qilmog'i mustahabdir, deganlar).

28-bob. Hajda Arafot tog'idan tushgandan keyin hayz ko'rib qolgan xotin haqida

Oisha onamiz Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasulalloh, Safiyya binti Huyay hayz ko'rib qoldi», dedilar. Rasululloh: «Hali u bizga Madinaga bormog'imizg'a xalal bermasa edi! Sizlar bilan birga tavof qilmaganmidi?» dedilar. «Ha, (tavof) qilgan edi», deyishdi. «Yo'lga chiqaversin, aytingiz!» dedilar Rasululloh.

Ibn Abbos: «Xotin kishi hayz ko'rib qolsa, (xayrlashuv tavofini qilmasdan) vataniga qaytmoqqa ruxsat berildi», dedilar.

Ibn Umar, ilgarilari: «Hayz ko'rib qolgan ayol (xayrlashuv tavofini qilmasdan) qaytmagay», der edilar, endi bo'lsa: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ularga ruxsat beribdilar, (xayrlashuv tavofini qilmasdan) qaytaverar ekan», dedilar.

29-bob. Istihoza ko'radigan xotin tozalansa...

Ibn Abbos: «(Bunday ayol) g'usl qiladi, namoz o'qiydi, keyin eri ham yaqinlik qilavergay. Namoz ulug'dir», deganlar.

Oisha onamizdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Agar hayz ko'rsang, namoz o'qimoqni to'xtatgin, hayz tugasa, g'usl qilgin, tekkan qonni yuvib tashlagin, so'ngra namoz o'qiyvergin!» deganlar.

30-bob. Tug'olmay o'lgan xotinga janoza o'qish va uning sunnati

Samura ibn Jundubdan: «Bir xotin tug'olmay o'ldi, Rasululloh sollallohu alayhi va sallam janozani o'likning beli to'g'risida turib o'qidilar (xotin o'lsa, belining to'g'risida, erkak o'lsa, ko'kragi qarshisida turib janoza o'qiladi)».

31-bob. Hayz ko'rgan xotin makruh hisoblanmaydi

Abdulloh ibn Shaddodan: «Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning xotinlari Maymuna xolam hayz ko'rganlarida, namoz o'qimas edilar. Xolam Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning joynamozlari qarshisida cho'zilib yotsalar ham, u kishi namoz o'qiyverar edilar. Maymuna onamizning o'zlari bunday deganlar: «Rasululloh sajda qilganlarida kiyimlari qisman menga tegar edi».

(Imom Buxoriy shu hadisga tayanib, hayz ko'rgan xotin makruh hisoblanmay, unga tekkan narsa ham harom bo'lmas ekan, degan ma'noni tushuntiradilar).

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

TAYAMMUM KITOBI

Alloh taolo Qur'oni Karimda: «**Suv topmasangiz, toza tuproqqa tayammum qilingiz, yuz-qo'llaringizga surtingiz**», deydi (Hanafiyya ulamolari: «Agar tayammum qilguvchi kishi taqir toshg'a shapalog'ini urib, yuzig'a ishqasa va yana urib qo'llarig'a ishqasa, kifoyadir», deyishadi).

Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning xotinlari Oisha onamizdan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga bir safarga (hijriy 6-nchi yil) chiqdik. Baydo' yoki Zotul-Jaysh degan joyga borganimizda marjonim uzilib ketdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam uni qidira boshladilar. Odamlar ham to'xtashdi. To'xtagan joylarida suv yo'q edi. Shunda odamlar Abu Bakr Siddiqqa kelib: «Ko'rmaysizmi Oishaning qilgan ishini, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni, ham shuncha odamni to'xtatib qoldi, vaholanki, odamlar suvi bor joyda ham emaslar, o'zlarida ham suv yo'q», dedilar. Abu Bakr Siddiq (yonimizga) keldilar Rasululloh sollallohu alayhi va sallam boshlarini tizzamga qo'yib, uxlab qolgan edilar. Otam Abu Bakr Siddiq menga: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamni va odamlarni to'xtatib qolding, ular suv bor joyda ham emaslar, o'zlarida ham suv yo'q», deb qattiq urishdilar Alloh xohlaganicha nima desalar, dedilar va belimga nuqiy boshladilar. Rasululloh boshlarini tizzamga qo'yib yotganlari uchun men qimirlamaslikka intilar edim. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tong saharda turdilar. Atrofda suv yo'q edi, odamlar: «Tahoratsiz qanday bomdod o'qiyimiz?» deb tortishdilar. Shunda Alloh taolo: «Tayammum qilingiz!» deb «Tayammum oyati»ni nozil qildi. Usayd ibn Huzayr (taajjubdan): «Ey Abu Bakr avlodi, bu sizning birinchi barakotingiz emas (ya'ni, bundan avval ham siz tufayli Alloh taolo bizni barakotidan darig' tutmagan)», dedilar. Men mingan tuyani turg'izgan edim, tagidan marjonim chiqdi»

Jobir ibn Abdulloh Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bunday deganlar, deb aytadi: «Alloh taolo tomonidan menga ilgarigi payg'ambarlarning birortasiga ham ato qilinmagan 5 ta imtiyoz berilgan:

1. Dushmanlarim qalbiga (men) bir oylik masofada turganimdayoq, Alloh tomonidan qo'rqinch solinib, g'olib etilaman.
2. Yer yuzi menga namozgoh qilingan va suv yo'q bo'lganda tahorat vositasi qilingandir. Ummatimning qaysi biriga namoz vaqti qaerda to'g'ri kelib qolsa, o'sha yerda o'qiyversin!
3. O'ljalar menga halol qilingandir. Mendan avvalgi hech bir payg'ambarga halol qilinmagan edi.
4. Menga shafolat qilmoqlik (qalbida zarracha iymoni bor ummatni do'zaxdan olib chiqmoqlik) huquqi berilgandir.
5. Ilgarigi har bir payg'ambar faqat o'z qavmiga payg'ambar qilib yuborilgan edi. Men esam (Yer yuzidagi) odamlarning hammasiga payg'ambar qilib yuborilganman».

1-bob. Agar kishi tahoratga suv ham, tayammum qilmoqqa (toza) tuproq ham topmasa, nima qiladi?

Hishom ibi Urvaning otalaridan: «Oisha onamiz marjon shodasini opalari Asmodan

omonatga olgan edilar. Uni yo'qotib qo'ydilar. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam qidirgani odam yubordilar, keyin u topib keldi. Shu asnoda namoz vaqti bo'ldi, odamlar atrofda va o'zlarida suv bo'lmaganligidan tahoratsiz namoz o'qidilar. Buni ko'rib, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga shikoyat qildilar. Shunda Alloh taolo: «Tayammum oyati»ni nozil qildi. Usayd ibn Huzayr Oisha onamizga: «Alloh sizga yaxshilik ato etsin, Allohga qasamki, siz xushlamagan narsa nozil qilingani yo'q, zero buni Alloh taolo sizni va barcha musulmonlarni deb qildi, bundan faqat yaxshilik ko'zlangandir», dedilar».

2-bob. Bir joyda o'tirib qolgan odam suv topmay namozi qazo bo'lishidan qo'rqa, tayammum qiladi

Ato raziyallohu anhu ham bu haqda shu fikrni bildirganlar: «Kasal kishi suvi bo'la turib, uni quyib beradigan yordamchi topmasa, tayammum qiladi. Bir kuni Ibn Umar Jurf degan joydagi yeridan kelayotib, bir qo'yxona yoniga kelganda asr vaqti kirdi. Tayammum bilan asr o'qidi. Keyin Madinaga kirib keldi, quyosh botmagan edi, asrni qaytarib o'qimadi», deganlar Hasan Basriy.

Al-A'rajga Ibn Abbosning ozod qilingan quli Umayr bunday degan ekan: «Men va Maymuna onamizning ozod qilingan quli Abdulloh ibn Yasor Abu Juhaym ibn al-Hars ibn as-Simmanikiga bordik. Abu Juhaym bizga quyidagini aytib berdi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Bi'ru Jamal tomondan keldilar. Shunda u kishiga bir odam yo'liqib salom berdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam alik qaytarmasdan devorga borib tayammum qildilar, yuzlariga va ikki qo'llariga surtdilar, shundan so'ng u kishiga alik oldilar».

3-bob. Tayammum qiluvchi kishi qo'lini tuproqqa urgandan so'ng, puflab tashlaydimi?

Sa'id ibn Abdurrahmon Abziyning otalari quyidagi hadisni aytib bergan ekanlar: «Umar ibn al-Xattob huzurlariga bir kishi kelib: «Men jimo' qildim-u, suv topmadim» dedi. Shunda Ammor ibn Yosir Umar ibn al-Xattobga qarab: «Eslaysizmi, ikkovimiz safarda edik. O'shanda siz namoz o'qimadingiz, men esa tuproqqa yumalab olib, keyin namoz o'qidim. Buni Janob Rasulullohga aytdim. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ikki kaftlarini yerga urib, puflab tashladilar, so'ng ikki kaftlarini avval yuzlariga, keyin ikki qo'llariga surtdilar-da: «Mana shunday qilsang, kifoya edi, dedilar», dedi».

4-bob. Tayammum yuz va ikki qo'lga qilingay

Sa'id ibn Abdurrahmon ibn Abziydan: «Ammor xam yuqoridagi hadisni aytib berdi-da, qo'lini yerga urdi, keyin og'ziga yaqinlashtirib, puflab tashladi. So'ng yuzi va ikki qo'lga surtdi».

Ammor raziyallohu anhu: «Toza tuproq musulmon kishi uchun (suv yo'g'ida) suv o'rniga o'tadigan tahorat vositasidir», deb aytgan ekanlar.

Ammor raziyallohu anhu Umar al-Xattobga: «Sariyyada ekanligimizda jimo' qildik», deb quyidagi hadisni aytib bergan ekanlar: «Men tuproqqa yumaladim, keyin buni Rasululloh

sollallohu alayhi va sallamga aytdim. Shunda u zot: «Yuz bilan ikki qo'lingga surtmoq senga kifoya qilar edi», dedilar».

5-bob. Toza tuproq musulmon kishi uchun (suv yo'g'ida) suv o'rniga o'tadigan tahorat vositasidir

Hasan Basriy: «Tahorati sinmagan kishi tayammum qilsa, kifoya. Ibn Abbos tayammum qilgan holda imomlikka o'tdi», deganlar.

Yahyo ibn Sa'id: «Sho'r yerda namoz o'qimoqning zarari yo'q, shuningdek o'sha yerdagi tuproqqa tayammum qilmoqning ham zarari yo'q», deganlar.

Imron dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga safarda edik. Kechasi yo'l yuridik, tunning oxiriga borganda, bizni uyqu bosdi. Musofir kishi uchun bundan halovatliroq uyqu bo'lmaydi. Bizni quyoshning harorati uyg'otdi. Birinchi bo'lib falonchi, undan keyin falonchi, undan keyin falonchi (hikoya qilguvchi Abu Rajo' ularning ismlarini aytgandi, lekin Avf degan hikoyachi yodidan chiqarib qo'ygan), keyin to'rtinchi bo'lib Umar al-Xattob uyg'ondi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam uxlasalar, birov uyg'otmas edi. U kishi o'zlari uyg'onar edilar. U kishi uxlab yotganlarida nimalar bo'lganidan biz bexabar edik. Umar uyg'ongach, odamlarni nima tashvishga solayotganini fahmlab (o'zi g'ayratli odam edi), Rasululloh sollallohu alayhi va sallam uyg'ongunlaricha baland ovoz bilan takbir aytaverdi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam uyg'ongach, u kishiga ro'y bergan hodisani shikoyat qildilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Zarari yo'q, yo'lga tushingiz!» dedilar va o'zlari ham yo'lga tushdilar. Bir oz yurilgach (tuyadan) tushib, tahoratga suv so'radilar, keyin tahorat oldilar. Namozga azon aytili. Odamlar bilan birga namoz o'qidilar. Namozni o'qib bo'lib yonlariga o'girildilar, shunda bir chetda odamlarga qo'shilmay, namoz ham o'qimay turgan bir kishiga ko'zlari tushdi. «Jamoat bilan namoz o'qimog'ingga nima to'sqinlik qildi, ey falonchi?» dedilar Janob Rasululloh. «Yo Rasulalloh, men yuvuqsizman (junubman), g'uslga suv yo'q», dedi boyagi kishi. «Senga tuproq ham bo'laveradi, tuproqqa tayammum qilmog'ing lozim», dedilar Rasululloh, so'ng yo'lga tushdilar. Odamlar u kishiga chanqaganliklarini aytib shikoyat qildilar, shunda Rasululloh bir joyga kelganda to'xtab, (tuyalaridan) tushdilar, falonchini chaqirdilar (o'shanda uni Abu Rajo', deb chaqirgandilar, Avf degan kishi rivoyat qila turib, uning ismini eslay olmagan), keyin Alini chaqirib: «Boring, suv qidiring!» dedilar. Ikkovlari suv axtarib ketdilar. Yo'lda tuyay ustidagi ikki mesh o'rtasida o'tirib ketayotgan bir xotinga yo'liqdilar. Xotindan: «Qaerda suv bor?» deb so'radilar. «Bu suvni kecha shu vaqtda yo'ldan olganman. Erkaklarimiz bizni qoldirib (suv axtarib) ketishgan», dedi xotin. «Suv bunchalik uzoqda bo'lsa, unda biz bilan yura qoling!» deyishdi (Ali bilan Abu Rajo'). «Qaerga?» deb so'radi xotin. «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam oldilariga», deyishdi (Ali bilan Abu Rajo'). «Anavi eski dindan chiqib, yangi din olib kelgan odam oldigami?» dedi xotin. «Ha, o'sha siz aytgan odam oldiga, yuring biz bilan!» deb xotinni Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning oldilariga boshlab ketishdi, yetib borgach, bo'lgan gapni u kishiga aytib berishdi. «Xotinni tuyasidan tushirdilar», deydi Imron. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam tuyadagi ikkala meshni olib kelmoqni buyurdilar. Olib kelishgach, meshlarning tepa qismidagi kichik og'zini yechib, hovuchlab suv oldilar-da, yana qayta quyib bog'lab qo'ydilar, keyin pastidagi katta og'zini yechib, odamlarni suv ichishga chaqirdilar. «Suv ichingiz va (tuyalarni) sug'oringiz!» dedilar Rasululloh. Odamlar xohlaganlaricha suv ichishdi, xohlaganlaricha (tuyalarini) sug'orishdi. Nihoyat, boyagi yuvuqsiz kishiga bir

idishda suv berib: «Bor, cho`milib ol!» dedilar Rasululloh. Xotin tepada tik turib, odamlar suvni nima qilayotganiga qarab turar edi. «Allohgaga qasam ichib aytamanki, odamlar suv olib bo`lishgach, meshlarning og`zini bog`lashganda, meshlardagi suv bizga ilgarigidan ham ko`proq ko`rindi», deytilar Imron. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Xotinga bir nima yig`ib beringiz!» dedilar. Odamlar xotinga xurmomi, unmi, talqonmi, qo`yingki, birmuncha rizq yig`ib, bir narsaga tugib, tuyasiga ortib berdilar. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam xotinga: «Bildingmi, suvingni hech kamaytirmadik, ammo bizga Alloh taoloning o`zi suv ato etdi», dedilar. Xotin o`z odamlari oldiga ravona bo`ldi, yetib borgach, «Ey falonchi, qaerda eding?» deyishdi. «Ajoyib bir voqeaning shohidi bo`ldim, men yo`lda ikki kishini uchratdim, ular meni anavi yangi din olib kelgan kishining oldiga olib borishdi. U unday qildi va bunday qildi», deb bor gapni aytib berdi xotin. Keyin bunday deb qo`shib qo`ydi: «Allohgaga qasamki, u kishi manavi bilan ana u (o`rta barmog`i bilan yer va osmonga ishora qildi) o`rtasidagi barcha odamlarning eng sehgargrog`i yoki haqiqatan ham Alloh taoloning payg`ambari bo`lishi kerak». Musulmonlar o`sha voqeadan keyin atrofdagi mushriklar (Allohni bir deb bilmaydiganlar) yashaydigan qishloqlarni ishg`ol qila boshladilar. Lekin haligi xotin yashayotgan joyga tegishmadi. Buni ko`rgan xotin hamqishloqlariga: «Anavi musulmonlar sizni bizga ataylab tegishmayapti, deb o`ylayman. Islomga kirsak-chi, nima deysizlar?» dedi. Xotinning gapiga ko`ndilar va islomga kirdilar».

6-bob. Yuvuqsiz (junub) odam, agar g`usl qilsam kasal bo`laman yoki o`lib qolaman deb qo`rqsa, yohud (suvni ishlatib qo`yib) suvsiz qolaman, deb cho`chisa, tayammum qiladi

Amr ibn al-Os qattiq sovuq kechalardan birida (g`azot vaqti edi) nahs (junub) bo`lib qoldilar. Shunda tayammum qilib, namoz o`qidilar. Keyin «O`zingizni halok qilmang, Alloh sizga mahribondir» degan oyatni o`qidilar, deb zikr qilinadi (ya`ni, kishi ilojsiz qolib, sovuq suvga cho`milsa, halok bo`lishi mumkinligiga ishora qilinadi). Amr ibn al-Osning (sovuq suv bo`la, turib) tayammum qilganini Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga aytishganda, u kishi koyimadilar.

Abu Muso: «Nahs odam suv topolmasa, namoz o`qimaydimi?» deb Abdulloh ibn Mas`uddan so`radilar. «Agar odamlarga tayammum qilmoqqa ruxsat bersang, ulardan birortasi sal seskansa ham, Abu Muso shunaqa degan edi, deb tayammum qilib namoz o`qiyveradi», dedilar Abdulloh. «Ammorning Umarga aytgan so`zi qaerda qoldi, unda?» dedilar Abu Muso. «Ammorning so`zidan Umar qoniqqan emas, deb o`ylayman», dedilar Abdulloh.

Al-A`mash quyidagi hadisni Shaqiq ibn Salamadan eshitgan ekanlar: «Abu Muso va Abdulloh ibn Mas`udning yonlarida edim. Abu Muso: «Ey Abu Abdurrahmon, agar yuvuqsiz odam suv topmasa, nima qiladi?» deb Abdullohdan so`radilar. Abdulloh: «Suv topguncha namoz o`qimaydi», dedilar. «Ammorning aytgan gapi nima bo`ladi? Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning unga: «Senga tayammum qilmoq kifoya qilgay» deganlari-chi?» dedilar Abu Muso. «Umar bundan qanoatlanmaganligini sezmadingmi? dedilar Abdulloh. «Xo`p mayli, Ammorning gapini qo`ya turing, mana bu «Agar suv topmasangiz, tayammum qilingiz» degan oyatga nima deysiz?» dedilar Abu Muso, Abdulloh ibn Mas`ud nima deyishlarini bilmay qoldilar.

(Hazrat Umar va Abdulloh ibn Mas`ud mazkur oyati karima tahorati singan odamga taalluqli, deb tushungan edilar. Ammo g`usl vojib bo`lgan odam esa, albatta g`usl qilmog`i shart, unga tayammum kifoya qilmaydi, deyishar edi. Imom Buxoriy esa yuqoridagi hadislarga tayanib, tayammum kifoya qilgay, deb ta`kidlaydilar).

So'ng «Agar biz ularga tayammum qilmoqqa ruxsat bersak birortasiga suv sovuqlik qilsa, suvni qo'yib, tayammum qilaveradi» deb boyagi gaplarni qaytardilar. «Abdulloh ibn Mas'ud shuning uchungina tayammumga ruxsat bermaslik kerak deganmidilar?» deb so'radilar al-A'mash suhbatdoshlari Shaqiqdan».

7-bob. Tayammum bir zarbdir (qo'lni tuproqqa bir urmoqdir)

Shaqiq raziyallohu anhu bunday deydilar: «Abu Muso va Abdulloh ibn Mas'ud bilan birga o'tirgan edim. Abu Muso: «Agar odam nahslansa-yu, bir oygacha suv topmasa, tayammum qilib namoz o'qiyvermaydimi? Surai «Moida»dagi mana bu «Suv topmasangiz, toza tuproqqa tayammum qilingiz!» degan oyati karimaga nima deysiz?» dedilar Abdullohga. Abdulloh: «Ularga tayammumga ruxsat berilsa, birontasiga suv sovuqroq tuyulsa, bo'ldi, tuproqqa tayammum qilaveradi», dedilar. Men: «Siz shu boisdangina tayammumga ruxsat berishni istamadingizmi?» deb so'rasam, «Ha», dedilar. «Ammorning Umarga: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam meni bir yumushni bajarib kelish uchun bir joyga yubordilar. Shunda men nahslanib qoldim. Xuddi hayvon yumalagandek tuproqqa yumaladim. Keyin, Janob Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga shu haqda aytib berganimda, u kishi menga: «Mana bunday qilsang ham yetarli bo'lar edi, deb qo'llarini yerga bir urdilar, keyin qoqib tashladilar, so'ng o'ng qo'llarining kaftini chap qo'llariga, chap qo'llarining kaftini o'ng qo'llariga surdilar. Undan keyin esa ikkala kaftlarini yuzlariga surtdilar» deganini eshitmaganmisiz?» dedilar Abu Muso Abdulloh ibn Mas'udga. «Umarning Ammor aytgan gapdan qanoat hosil qilmaganini sezmadimgi?» dedilar Abdulloh».

Shaqiq al-A'mashga bunday degan ekan: «Abdulloh va Abu Muso bilan birga edim. Shunda Abu Muso Abdullohga, Ammorning Umarga aytgan mana bu rivoyatini eshitmaganmidig? dedilar: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam meni va seni bir yumushga yubordilar. Shunda men, nahslanib qoldim-da, tuproqqa yumaladim. Qaytib kelganimizdan keyin Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga yumalaganimni aytdim. Rasululloh: «Senga mana bunday qilsang ham yetarli bo'lar edi», deb yuzlari va qo'llariga bir marta mash tortib qo'ydilar».

8-bob.

Imron ibn Husayndan: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallam jamoat bilan namoz o'qimasdan bir chekkaga chiqib turgan odamni ko'rdilar. Shunda unga: «Ey falonchi, senga jamoat bilan namoz o'qimog'ingga nima mone'lik qildi?» dedilar. «Yo Rasulalloh, men nahslanib qoldim, suv yo'q», dedi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: «Tuproqqa tayammum qilmog'ing lozim, shu senga kifoyadir», dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

SALOT (NAMOZ) KITOBI

1-bob. Me'roj kechasida namoz qanday farz qilingan?

(Me'roj Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Madinaga hijratlaridan bir yil avval, Imom Navaviyning aytishlaricha, Rabi' ul-avval oyida bo'lgan erdi). Abu Sufyon Hiraqlga: «Payg'ambar alayhissalom bizga namoz o'qimakni, halol va pok bo'lmakni buyuradilar»,— deb aytgan ekanlar.

Abu Zarrga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday degan ekanlar: «Makkada ekanlig'imda uyimning shipi ochilib, Jabroil alayhissalom tushdilar. Ko'kragimni yorib, ichini zam-zam suvi birlan yuvdilar, keyin iymonu hikmat to'la tilla jom keltirdilar-da, uni ko'kragimga qo'ydilar, so'ng ko'kragimni yopdilar. Shundan keyin Jabroil alayhissalom qo'limdan ushlab meni eng yaqin birinchi osmonga olib chiqdilar. Birinchi osmonga chiqqanimda Jabroil alayhissalom osmonbonga: «Eshikni ochg'il!» — deb aytdilar. U: «Kim bu?»— dedi. «Jabroilman»,— dedilar, Osmonbon: «Sen bilan birga biron kishi bormi?» — dedi. «Ha, men bilan Muhammad alayhissalom bor»,— dedilar Hazrat Jabroil. Osmonbon: «Muhammad alayhissalomning osmonga chiqmog'iga ruxsat bo'ldimi?» — dedi. Jabroil alayhissalom: «Ha»,— dedilar. Eshik ochilgach, birinchi osmon ichkarisiga ko'tarildik. U yerda bir kishi o'tiribdi. Uning o'ng tomonida ham, chap tomonida ham odam gavjum. O'ng tomoniga qarasa, kuladi, chap tomoniga qarasa, yig'laydi. O'sha kishi menga qarab: «Xush kelibsiz, payg'ambar, yaxshi o'g'il!»-dedi. «Bu kishi kim?» — deb so'radim Hazrat Jabroildan. «Bu —Odam alayhissalom va mana bu o'ng va chap tomonlarida turganlar Odam bolalarining ruhlaridir. Bulardan o'ng tomondagilari jannat ahli va chap tomondagilari do'zax ahlidir. (Shuning uchun ham) Odam alayhissalom o'ng tomonlariga qaraganlarida kuladilar, chap tomonlariga qaraganlarida yig'laydilar»,— dedilar Jabroil alayhissalom. Keyin, meni ikkinchi osmonga olib chiqib, osmonbonga: «Ochg'il!» — dedilar. Ikkinchi osmonbon ham birinchi osmonbon aytgan so'zlarni aytdi, so'ng darvozani ochdi».

Abu Zarr bizga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam osmon qavatlarida Odam alayhissalomni, Idris, Muso, Iso va Ibrohim salavotullohi alayhimlarni ko'rdilar»,— deb aytdi. Lekin ularni qaysi osmonda ko'rganlarini aniq aytmadi. Faqat Odam alayhissalomni birinchi osmonda va Ibrohim alayhissalomni oltinchi osmonda ko'rganlarinigina zikr qildi, xolos»,— Deydilar Anas raziyallohu anhu va hikoyani davom etdiradilar: «Xazrat Jabroil payg'ambarimiz sallallohu alayhi va sallamni Idris alayhissalomning yonlaridan olib o'tayotganlarida, Idris alayhissalom: «Xush kelibsiz, yaxshi payg'ambar, yaxshi birodar!» — debdilar. Shunda Rasululloh: «Bu kim?» — deb so'rabdilar. «Bu Idris»,— debdilar Hazrat Jabroil. Keyin, Muso alayhissalomning yonlaridan olib o'tibdilar, u kishi: «Xush kelibsiz, yaxshi payg'ambar, yaxshi birodar!»— debdilar. Rasululloh: «Bu kim?» — debdilar. «Bu Muso»,— debdilar Hazrat Jabroil. Keyin, Iso alayhissalomning yonlaridan olib o'tibdilar. Shunda u kishi: «Xush kelibsiz, yaxshi birodar, yaxshi payg'ambar!» — debdilar. Rasululloh: «Bu kim?»—deb so'rabdilar. «Bu Iso alayhissalom»,— debdilar Hazrat Jabroil. Keyin, Ibrohim alayhissalomning yonlaridan olib o'tibdilar. U kishi: «Xush kelibsiz, yaxshi payg'ambar,

yaxshi o'g'il!» —debdilar. «Bu kim?» deb so'rabdilar Janob Rasululloh. «Bu Ibrohim alayhissalom»,— debdilar Hazrat Jabroil».

Ibn Abbos va Abu Hayya al-Ansoriy: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday degandilar»,— deyishadi: «Keyin meni shunchalik balandga olib chiqdiki, hatto o'sha joyda (yozuv-chizuv qilayotgan) qalam sharpalarini eshitdim». Ibn Hazm va Anas ibn Molik: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mana bunday deb aytgan edilar»,— deyishadi: «Oллоh taolo ummatinga 50 vaqt namoz farz qildi, men shuni olib qaytdim. Muso alayhissalomning yonlariga kelganimda: «Ummatingizga Oллоh taolo nimani farz qildi?» — dedilar. «50 vaqt namozni»,— dedim. «Qayting rabbingiz huzuriga, chunki ummatingiz bunga chidamaydir»,— dedilar Muso alayhissalom. Men qaytdim, rabbim yarmini kechdi. So'ng, Muso alayhissalomning oldilariga kelib: «Yarmini kechdi»,— dedim. «Qayting rabbingizning oldiga, chunki ummatingiz bunga ham toqat qilmaydir»,— dedilar Muso alayhissalom. Qaytdim, rabbim yana yarmini kechdi. Muso alayhissalomning yonlariga qaytib kelib, yana yarmini kechganligini aytdim. «Qayting rabbingizning oldiga, ummatingizning bunga ham toqati kelmaydir»,— dedilar Muso alayhissalom, Rabbim oldiga qaytib bordim. Shunda rabbim: «Besh vaqt namoz farz qildim, lekin savobi ellik vaqt namoz savobiga tengdir, endigi so'zim qat'iydir, boshqa o'zgartirilmaydir»,— dedi. Muso alayhissalomning yonlariga qaytib keldim. «Qayting rabbingizning oldiga»,— deb edilar, «Rabbimdan uyalaman»,— dedim. Keyin, Hazrat Jabroil meni Sidrat ul-Muntaho degan joygacha olib chiqdilar. Sidrat ul-Muntahoni turli-tuman ranglar shunchalik chulg'ab olg'ankim, uning ne ekanlig'in bilolmadim. Keyin, jannatga kiritildim. Uning so'qmoqlari durru gavharlar birlan qoplangan, tufrog'i ersa mushk erkan».

Oisha ummulmu'minin: «Oллоh taolo namozni farz qilgan paytida ikki-ikki rak'atdan farz qildi; musofir uchun ikki rak'at, muqim yashovchi uchun ikki rak'at. Safarda o'qiladigan namoz o'sha ikki rak'atligicha qoldi. Lekin muqim kishilar namozi (3—4 rak'atga) ko'paytirildi»,— deganlar.

2-bob. Kiyim kiyib namoz o'qimacking yujibliqi, Oллоh taoloning «Har bir namoz o'qiganingizda va tanof qilganingizda kiyimda bo'lingiz!» degan oyati karimasi va birgina lungiga (matoga) o'ralib namoz o'qimaslik haqida

Salama ibn al-Akva' bunday deb aytgan ekanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agarchi bir tikan birlan bo'lsa ham (avrat ko'rinmasligi uchun) uni (matoni) qadab oling'aydir»,— deganlar. Mazkur hadisda aslida «Xotini birlan jinsiy aloqa qiladigan kiyimda (agar unga bir narsa tegmagan ersa) namoz o'qisa, bo'lur» degan fikr bor. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'batullohni yalang'och tavof qilmaslikni buyurganlar».

Ummu Atiyya mana bu hadisni keltiradilar: «Ikkala hayitda, hayz ko'rganlar ham, balog'atga yetgan paranjidagi qizlar ham namozga chiqishga buyurildi. Ular (erkak) musulmonlarning yig'inida va ularning taot-ibodatlarida qatnashishdi, hayz ko'rganlari esa namozgohga yaqin bormay, bir chekkada turishdi. Bir xotin: «Yo Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, ba'zi birimizning paranjimiz bo'lmasa, (qatnashmay qo'yaveraylikmi)?»—dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Dugonasining paranjilaridan birini olib kiyib tursin»,— dedilar». Abdulloh ibn Abu Rajo' Ummu Atiyya aytib bergan ushbu hadisni boshqacharoq qilib rivoyat qilgan.

3-bob. Namoz o`qishdan avval avratpo`shni belga (orqaga) bog`lab olish

Sahl raziyallohu anhu quyidagicha rivoyat qiladilar: «Sahobalar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga avratpo`shlari orqalariga tug`ilgan holda namoz o`qiganlar».

Muhammad ibn al-Munkadir dedilar: «Jobir raziyallohu anhu kiyimlarini qoziqqa ilib qo`yib, avratpo`shini orqasiga tugib oldi-da, namoz o`qidi. Bir kishi unga: «Birgina avratpo`shda namoz o`qiysizmi?»—dedi. «Senga o`xshagan nodon ko`rsin deb, ataylab shunday qildim. Qaysi biringizning Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida ikkita kiyimingiz bo`lgan?» — dedilar Jobir raziyallohu anhu».

Muhammad ibn al-Munkadir: «Jobir ibn Abdulloh va Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ham bir kiyimda namoz o`qiganlarini ko`rganman»,— deganlar.

4-bob. Bir kiyimga (matoga) o`ralib namoz o`qimoqning hukmi

Az-Zuhriy: «Bir kiyimga o`ralib, degani ikki yelkaga bo`yin aralash tashlangan matoning o`ng uchini chap tomonga o`rashdir»,— deydilar. Ummu Honi' aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kiyimga o`raldilar. Kiyimning bu chekkasini yelkadan aylantirib, u tomondan bu tomonga va bu tomondan u tomonga o`radilar».

Umar ibn Ummu Salama dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kiyimda namoz o`qir edilar, kiyimlarining bir tarafini u tomonga, u tomonini bu tomonga aylantirib namoz o`qidilar».

Umar ibn Salama aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Ummu Salama uyida bir kiyimda namoz o`qiyotganlarini ko`rdim. Kiyimlarining ikki tarafini ikki yelkaga tashlab olgandilar».

Urva ibn Zubayr dedi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bir kiyimga o`ralib namoz o`qiyotganlarini ko`rdim, kiyimlarining ikki tarafini yelkalaridan o`tkazib olgandilar».

Ummu Honi' bunday degan ekanlar: «Makka fath qilingan yili Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga bordim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam g`usl qilayotgan va qizlari Fotima esa bir narsa bilan pana qilib turgan ekanlar. Rasulullohga salom berdim. «Bu kim?» — dedilar. «Men Ummu Honi`man, Abu Tolib qiziman»,—dedim. «Xush kelibsan Ummu Honi'!» — dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam g`usl qilib bo`lganlaridan keyin turib bir kiyimga o`ralgan holda 8 rak`at namoz o`qidilar. Namoz o`qib bo`lib o`girildilar. Shunda men: «Yo Rasululloh, ukam men panohimga olganim falonchi ibn Hubayrni o`ldirurmen, deydir»,— dedim. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Ummu Honi', sen kimni panohingga olgan ersang, biz ham o`shani panohimizga oldik»,— dedilar. Shu gapni aytganlarida choshgoh edi».

Abu Hurayra aytdilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan bir kiyimda namoz o`qimoq to`g`risida so`radi. «Hammangizning ham ikkitadan kiyimingiz bormi?» — dedilar Janob Rasululloh».

5-bob. Agar bir kiyimda namoz o'qisa, ikki yelkasidan oshirib o'rab olsin!

Abu Hurayradan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Birontangiz bir kiyimda, ikki yelkangiz ochiq holda namoz o'qimangiz!»—deganlar».

Ikrima raziyallohu anhudan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki bir kiyimda namoz o'qisa, ikki yog'ini yopib olsin!» — deganlar».

6-bob. Agar kiyimlik ensiz bo'lsa, ne qilg'aydir?

Sa'id ibn Hars bunday dedilar: «Jobir ibn Abdullohdan bir kiyimlikka o'ralib namoz o'qimoq to'g'risida so'radim. U kishi quyidagicha javob qildilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan birga bir safarga chikdim. Kechasi bir masala xususida Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga bordim, namoz o'qiyotgan ekanlar. Men tanamni mato bilan o'rab olgandim xolos. Yonlarida turib namoz o'qidim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozni tugatib: «Kelmog'ingning boisi nedir, ey Jobir?» — dedilar. Hojatimni aytdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga qarab: «Bu nechuk o'ramoqdir?» — dedilar. «Ilgari tuppa-tuzuk kiyim erdi»,— dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar mato keng ersa, yaxshilab o'rab olg'il, agar tor ersa, (biror narsa birlan) uni qadab olg'il!» — dedilar».

Sahl as-Sa'id raziyallohu anhu ushbu hadisni aytdilar: «Odamlar kiyimlarini yosh bolalar singari qadab olib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o'qir erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (erkaklar ortida) namoz o'qiyotgan xotirlarga: «Erkaklar to'liq o'tirib olgunlaricha boshingizni ko'tarmang!» — deb aytdilar».

7-bob. Shomiy (majusiy to'qigan) to'nda namoz o'qimoq

Hasan Basriy: «Majusiy to'qigan kiyimda namoz o'qimoqning zarari yo'q»—deydilar. Ma'mar esa: «Go'shti yeyiladigan hayvon siydidigiga bo'kkan yamaniy kiyimni Az-Zuhriy kiyganini va Hazrat Alining uzun kiyimda namoz o'qiganlarini ko'rganman»,— deydilar.

Mug'ira ibn Shu'ba bunday deydilar: «Safarda Rasululloh bilan birga erdim. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Mug'ira, obdastani olg'il!» — dedilar. Men obdastani oldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tashqariga chiqib ketdilar, hatto uzoqlashib, ko'zimdan g'oyib bo'ldilar, qazoi hojat qildilar. Ustilarida shomiy choponlari bor erdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (tahorat olmak uchun) qo'llarini choponlarining yengidan chiqaraman dedilar, torlik qildi, shunda qo'llarini yeng ichidan tortib chiqardilar. Suv quyib berib turdim, u kishi namozga mo'l tahorat oldilar va mahsilariga mash tortdilar. Keyin namoz o'qidilar».

8-bob. Namoz vaqtida (va muqaddas joylarda) yalang'och bo'lmakning makruhligi

Jobir ibn Abdulloh ushbu hadisni aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quraysh ahli birlan birga Ka'bani ta'mirlamak vaqtida tosh tashiyotgan erdilar. Ustilarida izorlari bor erdi. Shunda amakilari Abbas: «Ey jiyan, izoringni yechib, toshning tagidan yelkangga qo'yib olsang-chi»,— dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam izorlarini

yechib yelkalariga qo'ydilar hamki, hushlaridan ketib yiqildilar (o'shanda 25 yosh atrofida erdilar). Shundan beri hech ham yalang'och yurmadilar».

9-bob. Ko'ylak-ishton yoki kalta ishton va chopon kiyib namoz o'qimoq

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi turib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan bir kiyimda namoz o'qimoq to'g'risida so'radi. Jaiob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Birortangizning ikkitadan kiyimingiz bormi o'zi?» — dedilar. Keyin, bir kishi turib bir kiyimda namoz o'qish haqida Hazrat Umardan so'radi. «Ollloh taolo yengillik bergandan keyin, yengillashtiringiz-da! (kiyimi bitta bo'lgach, . o'sha bitta kiyimda namoz o'qiyveradi, bordiyu ikkita bo'lsa, almashtirib kiyib olib o'qisa, afzalroq) Kiyimi ko'p bo'lsa, izar va ridoda, izar va ko'ylakda, izar va choponda, shim yu ridoda, shim va ko'ylakda, shim va choponda, kalta ishton va choponda o'qisin!» — dedilar».

«Umar talta ishton va ridoda o'qisin, deb aytganligiga shubham bor»,— deydilar Abu Hurayra. Shihobuddin Qastaloniyy: «Agar rido uzun bo'lib, tizzani yopib tursa, kalta ishtonda namoz o'qisa bo'lur»,— deydilar.

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Hajga ehrom bog'lagan kishi ne qilg'aydir?» — deb so'radi. «Ko'ylak-ishton ham, burnus ham kiymag'aydir. za'faron va sariq rangli mato ham kiymag'aydir (o'ramag'aydir). Kimki kovush singari to'pig'dan past oyoq kiyim topmasa, mahsisining qo'njini to'pig'idan past qilib qirqib tashlasin!» — dedilar».

Ushbu hadisni Nofi' (Ibn Umardan eshitib) sal boshkdcharoq riyuyat qilib bergan.

10-bob. Avratni yopg'uvchi kiyimlar bayoni

Abu Sa'id al-Xudriydan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yengi yo'q va tor kiyim kiymoqni, tizzani quchoqlab, oldini ochib o'tirmoqni qattiq qoraladilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhudan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki xil savdo-sotiqdan qaytardilar: 1) Aytganiga bor-baraka kilmoqdan (savdolashmay olmoqdan); 2) Bo'lgani shu, deb narxini tushirmay turib olmoqdan. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yengi yo'q va tor kiyim kiymoqdan, tizzani quchoqlab, avratini ochib o'tirmoqdan ham qaytarganlar».

«Abu Bakr raziyallohu anhu meni o'sha haj vaqtida «Bu yildan keyin birorta ham mushrik hajga kelmasin va Ka'batullohni yalang'och tavof qilmasin!» deb odamlarga hayit kuni Minoda jar solishi lozim bo'lgan kishilar qoshiga jo'natdilar»,— debdilar Abu Hurayra raziyallohu anhu Humayd ibn Abdurrahmonga. «O'shanda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Aliga «Baroat surasi» ni odamlarga e'lon qilmakni topshirib, uning ketidan yuborgan erdilar»,— deydilar Humayd. Hayit kuni Minoda biz birlan birga Hazrat Ali «Bu yildan keyin birorta ham mushrik hajga kelmasin va Ka'bani yalang'och tavof qilmasin!»—deb e'lon qildilar»,— deydilar Abu Hurayra.

11-bob. Ridosiz namoz o'qimoq

Muhammad ibn Munkadirdan: «Jobir ibn Abdullohning huzurlariga kirdik, u kishi birgina

kiyimga (matoga) o'ranib olgan holda namoz o'qiyotgan erkanlar. Ridolari ersa, yerda yotibdir. Namozni o'qib bo'lib o'girilganlaridan keyin: «Ey Abu Abdulloh, ridoyingizni yerga tashlab qo'yib, namoz o'qimakdamisiz?»— dedik. «Ha, sizga o'xshagan johillarga bir ko'rsatib qo'yayin dedim-da! Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shu ahvolda namoz o'qiganlarini ko'rganman»,— dedilar».

12-bob. Sonning avrat ekanligi haqida

Jarhad raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Son avratdir, deganlar»,— deydilar. Anas: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning (izorlarini tizzadan yuqori tortib o'tirganlarida) sonlari ochilib qoldi»,— deydilar. Anas aytgan hidis to'g'riroq, ammo Jarhad bo'lsa, ulamolar o'rtasida ixtilof chiqmasliga uchun ushbu hadisni ehtiyotkorlik birlan aytgan. Abu Muso: «Usmon, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kirganida u kishi tizzalarini yopdilar»,— deydilar. Abu Zarr: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga, u kishining sonlari mening sonimni bosib turganda (ko'pchilikning ichida tiqilishib o'tirganda), oyat nazil bo'ldi. Shunda u kishining sonlari shu qadar og'irlashdiki, hatto oyogim sinib ketadi deb qo'rqdim»,— deganlar».

Anas raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hijrat qildilar. Haybar tashqarisida g'ira-shirada bomdod namozini o'qidik. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ulovlarini mindilar, Abu Talha ham mindi, men ersam unga mingashdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Haybar ko'chalarida ulovda ketib borayotganlarida tizzam u kishining sonlariga tegib turar erdi (ko'cha tor zrdi). Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (ulovni niqtamoq uchun) izorlarini yuqori tordilar. Men hatto Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sonlarining oqligini ko'rdim. Haybarga kirgan vaqtlarida: «Ollahu akbar, Haybar xarob bo'ldi. Biz biror qavm yashayotgan joyga kelib tushsak, bu haqda xabar yetkazg'uvchilarning holiga voy!» deb uch bor aytdilar. Anas: «Qavm o'z ishiga chiqdi»,— dedi. Buni Muhammad alayhissalomga aytishdi».

Abdulaziz roviy: «Bizga ushbu hadisni aytib bergan ba'zi kishilar: «O'shanda askar bilan borgan erdilar, deyishgandi»,— deydilar. Anas aytdilar: «Haybarni kuch bilan qo'lga kiritdik, anchagina asir ham oldik. Shunda Dihya kelib: «Yo Rasululloh, ayol asirlardan birini menga cho'rilikka bering!» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Borg'il, bittasini olg'il!»—dedilar. U Safiyya binti Huyayni oldi. Bir kishi Rasulullohga: «Yo Rasululloh, Dihyaga Baniy Nazir va Baniy Qurayza qabilalarining sayyidasi Safiyya binti Huyayni berdingiz, Safiyya faqat sizga munosibdir!» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Dihyani chaqiringiz!» — dedilar. Dihya Safiyya birlan birga keldi. Janob Rasululloh Safiyyaga qaragach, Dihyaga: «Asirlardan boshqa birini olg'il!» — dedilar. Keyin, Safiyyani ozod qilib, unga uylandilar. Sobit: «Men bunga ishonmayman»,— dedi Anasga. Anas dedilar: «O'zlari uni ozod qildilar, hatto yo'lda bo'lsalar ham, unga uylandilar. Ummu Sulaym uni Rasulullohga tunlardan birida hadya qildilar. Shunday qilib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kuyov bo'ldilar. Rasululloh: «Har kim topganini olib kelsin!» — dedilar, keyin yerga charm palos yozdilar. Odamlarning biri xurmo, biri yog' ko'tarib kela boshladi, Rasululloh: «Hisobga olib qo'yg'aymen». — dedilar. As-Suvayq: «To'yguningizcha yebichinglar!» — degandilar, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o'shanda to'ylari bo'lgandi»,— deb eslaydilar.

13-bob. Ayol necha kiyimda namoz o`qimog`i lozim

Ikrima: «Ayol kalta kiyimda namoz o`qimog`i mumkin (agar boshqasi bo`lmasa)»,— deyilar.

Oisha onamiz aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozini o`qirdilar. U kishiga iqtido qilib mu`mina ayollar ham ro`mollariga (paranjilariga) o`ralgan holda namoz o`qishar erdi. Keyin uylariga qaytib ketishar erdi, hech kim ularni tanimas erdi».

14-bob. Agar guldor ko`ylak kiygan bo`lsa-yu, ko`ylagining gullariga ko`zi tushib, xayoli qochadigan bo`lsa, o`sha kiyimda namoz o`qisa joizmi?

Oisha raziyallohu anho aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam gulli qamisa kiyib namoz o`qirdilar. Nogahon qamisaning guliga bir nazar tashladilar, namozni o`qib bo`lgach, o`girilib: «Bu qamisamni Abu Jahmga olib borib beringiz, o`rniga uning anbijoniyasidan (gulsiz matosidan) olib kelingiz, chunki bu qamisa hali meni namozdan alaxsitdi»,— dedilar».

«Oisha onamizga Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: Namoz o`qiyotganimda qamisamning guliga qarab qoldim. Meni namozdan chalg`itadi, deb qo`rqamay, degan ekanlar»,— deyilar Hishom ibn Urva.

15-bob. Agar xoch yoki suratlar solingan kiyimda namoz o`qisa, namozi buzilgaydirmi va bu xususda nimalar man` qilingaydir?

Anas raziyallohu anhu dedilar: «Oisha onamizning gulli jun pardalari bo`lardi. U bilan uylarining bir tomonini to`sib qo`ygandilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu pardangni bizning ro`paramizdan olib tashlag`il, chunki undagi suratlar men namoz o`qiyotganimda doim ko`rinib turg`aydir (xayolimni bo`lg`aydir)»,— dedilar».

16-bob. Rasulullohning ipak choponda namoz o`qib, keyin uni schib tashlaganlari to`g`risida

Uqba ibn Omirdan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ipak chopon hadya qilishdi. Rasululloh uni kiyib (Ollah taolo ipak kiyimni erkaklarga harom qilishidan avval), namoz o`qidilar. Keyin, namozdan turiboq xazar qilgandek shosha-pisha uni yechib tashladilar. «Bu (ipak kiyim) taqvodor kishilarga yaramaydir»,— dedilar».

17-bob. Qizil kiyimda namoz o`qimoqning hukmi

Avn ibn Abu Juhayfa otalaridan eshitganlarini bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni charmdan qilingan qizil chodirda ko`rdim. Bilol u kishiga tahorat uchun suv quyib berayotgan erdi. Odamlar ersalar Rasulullohning tahoratlaridan tushayotgan suvni talashib olishar erdilar. Kimga nasib qilsa, badaniga surtar erdi, nasib qilmagan birodarining qo`lida qolgan namni o`ziga surtib olar erdi. Keyin Bilolning anzani (temir uchlik hassani) olib, yerga sanchib qo`ygapini ko`rdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizil hulla (izor, rido-lungi va yelkaga tashlaydigan mato) kiyib chiqdilar, izorlarini bir oz shimarib olgandilar. Rasululloh hassalarini pana

qilib odamlar birlan ikki rak'at namoz o'qidilar. Odamlar va hayyunlar hassalarini chetlab o'tayotganini ko'rdim».

18-bob. Tom, minbar va taxta ustida namoz o'qimoq hukmi

Imom Buxoriy aytdilar: «Hasan Basriy muz va ko'priklar ustida, garchi uning tagidan yoki ustidan yohud oldidan najosat oqib turgan ersa-da, namoz o'qimoqning zarari yo'qdir, fakat namozxon birlan najosat o'rtasini biror narsa to'sib turgan ersa, bas»,— deydilar. Abu Hurayra masjidning tomida imom bo'lib namoz o'qidilar (Shofi'iy va Hanafiy mazhablarida imom va namozxonlarning namoz o'qigan joylari biri ikkinchisidan baland bo'lmog'i makruhdur, zarurat tug'ilgandagina mumkin). Ibn Umar qor ustida namoz o'qidilar.

Abu Hazm aytganlar: «Odamlar Sahl ibn Sa'ddan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning minbarlari nimadan qilingan?» — deb so'radilar. Sahl: «Odamlar orasida buni mendan yaxshiroq biladigan odam qolmadi. U «yulg'un» degan o'rmon daraxtidan qilingandir, uni falonchining ozod qilingan quli falonchi yasagandir. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (usta) minbarni yasab olib kelib qo'ygach, unga chiqdilar-da, qiblaga qarab: «Ollohu akbar»,— dedilar, odamlar u kishiga iqtido qildilar. Janob Rasululloh qiroat qildilar va ruku' qildilar. Odamlar ham ketlaridan ruku' qildilar. Keyin, Rasululloh boshlarini (qadlarini) ko'tardilar, minbardan tisarilib tushib, yerda sajda qildilar. Keyin, yana minbarga qaytib chiqdilar-da, qiroat qildilar, so'ng ruku'. qildilar. Keyin, boshlarini (qadlarini) ko'tardilar, minbardan tisarilib tushib, yana yerda sajda qildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qilgan ishlari mana shu». Imom Buxoriyga Ali ibn Abdulloh: «Ahmad ibn Hanbal rahimahullohu mendan shu hadis to'g'risida, so'radi»,— deb aytibdir. Ahmad ibn Hanbal: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlardan balandda turganlar va shu hadisga ko'ra, imom odamlardan balandda tursa, zarari yo'qdir, demoqchimisiz?» — debdi Ali ibn Abdulloh: «Sufyon ibn Uyaynadan shu hadis to'g'risida ko'p so'rashar erdi, siz hech eshitmaganmisiz?» — debdilar Ahmad ibn Hanbalga. Ahmad: «Yo'q,— deb javob beribdilar.

Anas ibn Molik aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (hijratning 5-nchi yili, zulhijja oyi) otdan yiqilib, o'shanda boldirlari yoki kuraklari shilinib ketgandi. Bir oy xotinlari oldiga kirmaslikka ahd qilgandilar. Yog'och ustunli hujralarida o'tirganlarida sahobalar u kishini ko'rgani keldilar. Rasululloh o'tirgan hollarida imomatga o'tdilar, sahobalari ersa tik turgan hollarida namoz o'qidilar. Rasululloh salom bergach: «Imomga iqtido qilmoq lozimdir. Shuning uchun imom «Ollohu akbar» deganda siz ham takbir aytingiz, ruku' qilsa, siz ham ruku' qilingiz, sajda qilsa, siz ham sajda qilingiz. Agar tik turib namoz o'qisa, tik turib o'qingiz!»—dedilar (Rasululloh kasal bo'lganlari uchun ham butun namoz davomida o'tirgan hollarida imomlik qilganlar. Sahobalar ersa tik turib o'qiyvermasdan o'zlari bilib iqtido qilavermoqlari kerak erdi). Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam 29 kun deganda oilalari oldiga chiqdilar. Shunda ular: «Siz bir oyga ahd qilgan erdingiz-ku?» — deyishdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu oy 29 kun (dan iborat)»,— dedilar».

19-bob. Namozxon sajda qilgan vaqtida kiyimi xotiniga tegib ketsa, namozi buziladirmi?

Maymuna onamiz aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qir

erdilar, men ersam hayz holimda u kishining ro`paralarida o`tirgan erdim, sajda qilganlarida ba`zan kiyimlari menga tegib ketar erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xumra (xurmo bargidan to`qilgan joynamoz) ustida namoz o`qir erdilar».

20-bob. Bo`yra ustida namoz o`qimoq hukmi

Jobir va Abu Sa`id kemada tik turib namoz o`qidilar. Hasan Basriy: «Kemada ketayotganingda sheriklaringga malol kelmasa, tikka turib namoz o`qiyverasan va kema birlan birga aylanavyorasan (qibla qayoqda, deb o`tirmaysan). Agar sheriklaringga malol kelsa, o`tirib, o`qiysan»,— deganlar.

Anas ibn Molik aytib berganlar: «Buvim Mulayka taom tayyorlab Rasulullohni chaqirdilar. Janob Rasululloh taomdan yedilar, so`ng: «Turingiz, namoz o`qiyimiz, men imomlik qilurmen»,— dedilar. Men turib, eskiligidan qorayib ketgan bo`yraga suv sochdim (tozalamak uchun). So`ng, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bo`yra ustiga chiqdilar. Men birlan bir yetim bola orqalarida turdik. Buvim ersalar bizning orqamizda turdilar. Janob Rasululloh ikki rak`at namoz o`qidilar, so`ng namozni tugatib turdilar».

21-bob. Xumra ustida namoz o`qimoq

Maymuna onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xumrada namoz o`qir erdilar»,— deb aytganlar.

22-bob. O`rin-to`shak ustida namoz o`qimoqning hukmi

Anas raziyallohu anhu o`rin-to`shak ustida namoz o`qidilar. Anas: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o`qir erdik. Shunda ba`zi birimiz kiyimimiz ustida namoz o`qir erdik»,— deyilar.

Oisha onamiz aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ro`paralarida yotar erdim, oyoqlarim ersa u kishining qibla tomonlariga uzatib erdi, sajda qilgan vaqtlarida turtar erdilar, men oyoqlarimni yig`ishtirib olar erdim. Qomatlarini rostlaganlarida yana uzatar erdim. O`sha vaqtlarda uylar chiroqsiz bo`lur erdi».

Urva raziyallohu anhu aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ayollarining ko`rmasida namoz o`qir erdilar. Oisha onamiz esa Rasululloh birlan qibla o`rtasida janozada tobut qo`yilgandek uzanib yotar erdilar».

Arrok raziyallohu anhu menga Urva bunday degandi, deyilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o`qir erdilar. Oisha onamiz esa (ikkalalari yotadigan) ko`rpa ustida Rasululloh birlan qibla o`rtasida ko`ndalang bo`lib yotar erdilar».

23-bob. Jazirama issiqda kiyim ustiga sajda qilmoq

Hasan Basriy aytib berganlar: «Sahobalar sajdaga bosh qo`yadirgan joyning nihoyatda issiqlig`idan qo`llarini kiyimlarining yengidan chiqarmay, salla va qalansuvalarini oldilariga qo`yib, ustiga sajda qilur erdilar».

Anas ibn Molik aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga

namoz o'qir erdik. Shunda ba'zi birimiz sajdagohning qattiq issiqlig'idan kiyimimizning bir chetiga (etagi yoki yengini tortib qo'yib) sajdaga bosh qo'yar erdik».

24-bob. Poyabzalda namoz o'qimoq hukmi

Sa'id ibn Yazid aytib berganlar: «Anas ibn Molikdan Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam poyabzal kiyib namoz o'qirmidilar?» — deb so'radim, «Ha»,— dedi (poyabzalning tagi quruq bo'lsa, unda namoz o'qimoq mumkin, ammo tagi ho'l bo'lsa, najosat tekkanligi ehtimoli bor, uni yuvmoq lozimdir»,— deydilar Imom Hanifa)».

25-bob. Mahsida namoz o'qimoq

Hamom ibn Hars aytib berganlar: «Jarir ibn Abdullohni ko'rdim, u kishi peshob qildilar, keyin tahorat oldilar, mahsilariga mash tortib, so'ng turib namoz o'qidilar. Mash tortmoq to'g'risida u kishidan so'ralganda: «Janob Rasulullohning shunday qilganlarini ko'rdim»,— dedilar. Ibrohim raziyallohu anhu: «Jarir ibn Adullohning bu gapi qavmga juda ma'qul keldi, chunki u eng keyingi sahobalardan erdi»,— deydilar».

Mug'iyra ibn Shu'ba aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga tahorat uchun suv berdim (u kishi tahorat oldilar). Mahsilariga mash tortib, keyin namoz o'qidilar».

26-bob. Namozxon qiyomiga yetkazib sajda qilmasa (namozi qabul bo'lmaydi)

Abu Voil raziyallohu anhu aytib berganlar: «Huzayfa bir kishining ruqu' va sajdani qiyomiga yetkazmay namoz o'qiganini ko'rib, u namozini tugatgach: «Namoz o'qimading»,—dedi. Keyin, nazarimda, boyagi odamga: «O'lsang, Muhammad sallallohu alayhi va sallamning sunnatlarini bajarmay o'lgan bo'lursan»,— dedi ham shekilli».

27-bob. Ikki bilakni yerga tekkizmay (bilaklar yengidan chiqib ko'rinadigan darajada) o'zidan nariroqqa sajda qilmoq

Abdulloh ibn Molik: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qisalar sajdada qo'lni o'zlaridan uzoqroqqa tashlar erdilar, hatto qo'ltiqlarining oppoqligi ko'rinar erdi»,— deydilar. Lays ibn Sa'd esa: «Ja'far ibn Rabi'a ham shu hadisga o'xshash hadisni rivoyat qilib bergan erdi»,— deydilar.

28-bob. (Joynamozda) oyoq panjalari uchini qiblaga to'g'rilashning afzalligi

Anas ibn Molik aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki bizning namozni o'qig'aydir, bizning qiblamizni qibla qilg'aydir, biz so'ygan mol-hol go'shtidan yegaydir, u Olloh va uning Rasuli himoyasidagi musulmondur. Ollohning himoyasiga ko'rnamaklik qilmangiz!» — deganlar».

Anas ibn Molik: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mana bunday deb aytganlar»,— deydilar: «Odamlar lo iloha illallohu» deydigan bo'lgunlaricha jang qilmoqqa buyurildim. Agar ular kalimai tayyibani aytg'aydirlar, bizning namozni o'qig'aydirlar, qiblamizni qibla qilg'aydirlar va biz so'ygandek (mol, qo'y va boshqalar) so'yg'aydirlar, ularning qonini to'kmoq va molini olmoq bizga haromdir. Zero ularning molu jonlari ham, oxirat hisobi

ham Ollohning ixtiyoridadir».

Anas ibn Molikdan Maymun ibn Siyoh: «Ey Abu Hamza, (mo`min bandalarga) qanday bandaning molini talamoq va qonini to`kmoq haromdir?»—deb so`radilar. Anas: «Kimki lo iloha illalloxu degaydir, qiblamizni qibla qilg`aydir, namozimizni o`qig`aydiru biz so`ygan mol-hol go`shtini yegaydir, u musulmondur. Musulmonga ne huquq berilg`aydir, unga ham o`sha huquq berilg`usidir va musulmonga qanday vazifa yuklang`aydir, unga ham o`sha vazifa yuklang`usidir»,— dedilar.

29-bob. Madina, Shom va Mashriq ahlining qiblasini; qibla na mashriqda va na mag`ribda

Abu Ayyub raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qazoi hojatga borsangiz, qiblaga yuzlanib yoki qiblaga orqa qilib o`tirmangiz, balki mashriqqa qarab o`tiringiz yokim mag`ribga qarab o`tiringiz! deb aytganlar»,— deyдилar. Abu Ayyub yana bunday deyдилar: «Shomga keldik, tahoratxona qiblaga qaratib qurilgan erkan. Sal burilib o`tirdik-da, Ollohga istig`for aytdik».

30-bob. Olloh taolo: «Maqomi Ibroximda namoz o`qingiz!»—deydir

Amr ibn Dinor aytganlar: «Ibn Umardan kishi Baytullohni tavof qilsa-yu, Safo va Marva oralig`ida yugurmasa, xotinini jimo` qilmog`i joizmi?» — deb so`radik. Ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelib yetti marta Ka`bani tavof qildilar. Maqomi Ibrohim orqasida ikki rak`at namoz o`qidilar, Safo va Maryu oralig`ida yugurdilar. Bu borada siz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan yaxshi ibrat olmog`ingiz kerak erdi»,— dedilar. Jobir ibn Abdullohdan (shu haqda) so`rasak: «Safo va Marva o`rtasini tavof qilmaguncha, xotinga yaqinlashilmaydir»,— dedilar».

Sayf raziyallohu anhu quyidagi hadisni Mujohiddan eshitdim dedilar: «Ibn Umar huzurlariga kelib, «Ana, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka`baga kirib ketdilar»,— deyishdi. Men borsam, Janob Rasululloh Ka`badan chiqqan erkanlar, Bilol ersa Ka`ba eshiklari oralig`ida turgan erkan. Biloldan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka`ba ichida namoz o`qidilarmi?» — deb so`radim. Bilol: «Ha, kiraverishdagi ikki ustunning o`ng tomonida ikki rak`at namoz o`qidilar, so`ng turib Ka`baga qarab yana ikki rak`at namoz o`qidilar»,— dedi».

31-bob. Qayerda bo`lsa ham qiblaga qarab namoz o`qimoq kerak

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi yu sallam: «Qaerda bo`lsang ham, qiblaga qarab takbir aytg`il! — deganlar»,— deyдилar.

Al-Barro ibn Ozib aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Bayt ul-Muqaddasga qarab 16 yoki 17 oy namoz o`qigan erdilar. Aslida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka`baga qarab namoz o`qimoqni yaxshi ko`rar erdilar. Olloh taolo Rasulullohga «Yuzingni bir Ka`baga, bir osmonga qaratayotganingni ko`rib turibmiz» degan oyatini nozil qildi va: «Odamlarning eng aqlsizi yaxudiydirlar. Ularni ilgarigi qiblani o`zgartirmoqqa ne majbur qilmishdir? Sen: «Mag`ribu Mashriq ham Ollohnikidir, u o`zi xohlagan bandasiga to`g`ri yo`l ko`rsatg`usidir, deb aytgil!» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan birga bir kishi namoz o`qidi, keyin u asr namozini Bayt ul-Muqaddasga qarab o`qiyotgan bir

ansoriy qavm oldiga borib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Ka'bage qarab namoz o'qiganini aytdi. Shunda qavmning barchasi Ka'bage o'girildi».

Jobir raziyallohu anhudan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tuya minib ketayotganlarida, u qayoqqa qarab ketayotgan bo'lsa, o'sha tomonga qarab namoz o'qiyverardilar. Lekin namoz farzini o'qimoqchi bo'lsalar, tuyadan tushib, qiblaga qarab o'qirdilar».

Abdulloh ibn Mas'ud: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin yoki asr namozini o'qidilar»,— dedi. «O'shanda ko'paytirib o'qidilarmi yo kamaytirib o'qidilarmi, aniq aytolmayman»,— dedi Ibrohim. Rasululloh (ikki yelkalariga) salom berganlaridan keyin: «Yo Rasululloh, namozga biror yangilik kiritildimi?» — deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Nega bunday deysizlar?»—dedilar. «Siz bunday o'qidingiz», deb ko'rsatishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam cho'kkalab o'tirdilar-da, qiblaga qarab ikki bor sajda qilib, so'ng salom berdilar. Keyin, bizlarga o'girilib: «Namozda biror yangilik bo'lg'aydir, albatta men sizlarga xabar qilg'aydirman, lekin (albatta) men ham siz kabi odamdirman, siz unutganingizdek men ham unutg'ayman. Agar unutsam, eslatingiz, agar birortangaz namoz o'qiyotib necha rak'at o'qiganingizni unutsangaz, o'z taxminingiz bo'yicha namozni nihoyasiga yetkazingiz, so'ng salom beringiz, undan keyin ikki rak'at namoz o'qingiz!» — dedilar.

32-bob. Qibla to'g'risida aytilgan hadislar, yanglishib qibladan boshqa tomonga qarab namoz o'qigan kishi namozini qaytarib o'qimasligi haqida

Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki rak'at namoz o'qib, qiblani yanglishtirganlarini sezib, odamlarga o'girildilar, keyin, qolgan ikki rak'atni qiblaga qarab o'qib, namozni tugalladilar.

Hazrat Umar dedilar: «Rabbim mening uch niyatimni ro'yobga chiqardi. «Yo Rasululloh, Maqomi Ibrohimda namoz o'qimoqni odat qilsak erdi!» — deganimda, «Maqomi Ibrohimda namoz o'qingiz!» degan oyat nozil bo'ldi, «Yo Rasululloh, xotinlaringizga yopinmakni buyursangiz erdi! Chunki ularga yaxshi odam ham, yomon odam ham gapirg'aydir» — deganimda, «Hijob oyati» nozil bo'ldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotinlari bunga qarshilik qilishdi, shunda men: «Agar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sizlarni qo'yib yuborsalar, Oloh taolo o'rningizga sizdan ko'ra yaxshiroq xotinlarni ato qilmog'i mumkindir» — deganimda, aynan shu mazmunda oyat nozil bo'ldi». Humayd: «Yuqoridagi hadisni Anasdan men ham eshitgandirman»,— deyidilar.

Abdulloh ibn Umar aytib berganlar: «Qubo masjidida odamlar bomdod namozini o'qishayotgan vaqtda, bir kishi kelib: «Shu kecha Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga Qur'on oyati nozil bo'ldi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga Ka'ba tarafga qarab namoz o'qimoq buyurildi», — dedi. Odamlar yuzlarini Ka'bage qaratdilar. Ular avval yuzlarini Shom tomonga qaratib namoz o'qiyotgan erdilar».

Abdulloh ibn Mas'ud dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshinda 5 rak'at farz o'qidilar, Shunda sahobalar: «Namozning rak'ati ko'paytirildimi?» — deb so'radilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Nechun bunday deb so'raydirlar?» — dedilar. «Besh rak'at farz o'qidingiz», — deyishdi: Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oyoqlarini tashahhudda o'tirgandek qilib bukdilar-da, yana ikki marta sajda qildilar».

33-bob. Masjiddagi tupukni qo'l bilan ko'chirib tashlash

Anas aytadilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidning qibla tomonidagi devorida (qotib qolgan) balg'amni ko'rdilar. Bu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga juda og'ir botdi, hatto yuzlarida xafa bo'lganlari ko'rinib turardi. Rasululloh o'rinlaridan turib, balg'amni qo'l bilan ko'chirib tashladilar, so'ng: «Qaysi biringiz namoz o'qig'aydirsiz, rabbingiz birlan so'zlashg'aydirsiz, rabbingiz oldingizda, qiblada bo'lg'aydir. Shuning uchun birortangiz qibla tomonga tupurmangiz, agar zarur bo'lg'aydir, chap tomonga yoki oyoq tagiga tupuringiz!» — dedilar. Keyin, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ridolarining bir tarafini ushlab, unga tupurib buklab qo'ydilar: «Yokim mana shunday qilingiz!» — dedilar».

Abdulloh ibn Umar dedilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidning qibla tomoni deyuridagi tupukni ko'rib, qirib tashladilar, keyin odamlarga qarab: «Agar birortangiz namoz o'qiyotgan ersangiz, qibla tomonga tupurmangiz. Chunki, Oloh taolo kishi namoz o'qiyotganida qibla tomonda bo'lg'aydir», — dedilar».

Oisha onamiz dedilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qibla tomon devordagi manqani (yoki balg'amni) ko'rib, qirib tashladilar».

34-bob Masjiddagi manqani mayda tosh birlan ko'chirib tashlamoq

Ibn Abbos: «Agar ho'l axlatni bosib olsang, uni suv birlan yuvg'il, agar quruq bo'lsa, yuqmasa, yuvmag'il!» — deganlar.

Abu Hurayra va Abu Sa'id raziyallohu anhumo aytib berishgan hadis: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjid deyuridagi manqani ko'rib, uni tosh birlan ko'chirib tashladilar, keyin: «Birortangiz burningizni qoqmoqchi ersangiz, old va o'ng tomoningizga qoqmangiz, chap tomonga yokim chap oyog'ingiz ostiga qoqingiz», — dedilar».

35-bob. Namozxon o'ng tomoniga tupurmasin!

Abu Hurayra va Abu Sa'id raziyallohu anhumo aytib berishgan hadis: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjid devoridagi manqani ko'rib, uni mayda tosh birlan ko'chirdilar, keyin: «Birortangiz burun qoqsangiz, old va o'ng tomonga qoqmangiz, chap tomoningizga yokim chap oyog'ingiz ostiga qoqingiz!»—dedilar».

Qatoda raziyallohu anhu Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Birortangiz old tomoningizga ham, o'ng tomoningizga ham tupurmangiz, ammo chap tomoningizga yokim oyog'ingiz ostiga tupursangiz bo'lur» deganlarini «Menga Anas aytib bergan», — deydilar.

36-bob. Chap tomoniga yoki chap oyog'ining ostiga tupursin!

Qatodadan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mo`min kishi namoz o'qiyotganida rabbi bilan so'zlashg'aydir, (shu boisdan) old va o'ng tomoniga zinhor tupurmasin, chap tomoniga yokim chap oyog'ining ostig'a tupursin!» — deganlar».

Abu Sa'id al-Xudriydan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidning qibla tarafi devoridagi manqani ko'rib, uni tosh birlan ko'chirib tashladilar. Keyin, odamlarni old va o'ng tomonga tupurmaslikka da'vat qildilar. Lekin chap tomonga va chap oyoq ostiga tupurishdan qaytarmadilar. Az-Zuhriy Abu Sa'id aytib bergan ushbu hadisga o'xshash hadisni Hamiddan eshitgan erkan».

37-bob. Masjidda tupurgan kishi aybini qanday yuvg'aydir?

Qatodadan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Masjidda tupurmoqlik gunohdir, bu gunoh tupukni ko'mmoq ila yuvilg'usidir»,—deb aytdilar».

38-bob. Masjiddagi tupukni ko'mish

Hamomdan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qaysi biringiz namozda tursangiz, old tomonga tupurmangiz, chunkim siz Olloh birlan so'zlashayotgan bo'lursiz. Modomiki, namozda turgan erkansiz, o'ng tomonga ham tupurmangiz, chunkim o'ng tomoningizda farishta bordir. Chap tomoningizga yokim chap oyog'ingiz ostiga tupuringiz, so'ng uni ko'mib qo'yingiz!»—deganlar».

39-bob. Agar tupugini qaytarolmasa, kiyimining bir chekkasiga (yokim ro'molchasiga) tupursin!

Anas dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qibla tomon devordagi manqani ko'rib, uni o'z qo'llari birlan artib tashladilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bundan xafa bo'lganlari sezildi, bu u kishiga juda og'ir botganidan: «Qaysi biringiz namoz o'qig'aydirlasiz, rabbingiz birlan so'zlashayotgan bo'lursiz yokim rabbingiz oldingizda va qibla tomonda bo'lg'aydir. Shu boisdan zinhor qibla tarafga tupurmangiz, ammo chap tarafingizga yokim chap oyog'ingiz ostiga tupursangiz bo'lur»,— dedilar. Keyin, ridolarining bir tarafini olib, unga tupirdilar-da, buklab qo'ydilar (iloji bo'lmaganda shunday qilingiz, degan ma'noda)».

40-bob. Imomning namozni mukammal o'qish va qiblani yoddan chiqarmaslik to'g'risida odamlarga va'z aytmog'i

Abu Hurayra aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qiblani ko'rib turibsizlarmi? Ollohga qasamyod qilib ayturmankim, sizning sajdangiz ham, ruku'ingiz ham menga maxfiy ermasdir, men sizni orqamda tursangiz ham ko'rib turg'ayman»,— dedilar».

Anas raziyallohu anhu aytib berganlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz birlan birga namoz o'qidilar, so'ng minbarga ko'tarilib, namoz va uning ruku'lari (arkonlari) to'g'risida gapirib: «Men sizni oldimdan ko'rgandek, orqamdan ham ko'rg'ayman»,— dedilar».

41-bob. Falon qavmning masjidi, deyish joizmi?

Abdulloh ibn Umar aytib berganlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sovutilgan otlar (mingan chavandozlar) o'rtasida Xafyo' degan joydan Saniyyat ul-Vido'

degan joygacha, sovutilmagan otlar (mingan chavandozlar) o'rtasida esa Saniyyat ul-Vido'dan to Baniy Zurayx, masjidigacha poyga uyushtirdilar». Poygachilar orasida Abdulloh ham bor edilar.

42-bob. Masjidda mol taqsimlash va masjidga xurmo shingilini osish

Anas raziyallohu anhudan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga Bahrayndan mol keltirishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Masjidga to'kib qo'yingiz»,— dedilar. Bu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ilgari keltirilgan mollardan ham ko'p erdi. So'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozga chiqdilar, lekin molga qayrilib ham boqmadilar. Namozni tugatganlaridan keyingina molni taqsimlashga kirishdilar, ko'zlari tushgan odamga ulashdilar, hech kim qolmadi, hammasiga berdilar. Shu payt amakilari Abbas kelib qoldilar va: «Yo Rasululloh, shu moldan menga ham beringiz, chunki men (Badr urushida) o'zim va ukam Uqayl uchun fidya berdim (jon to'lovi to'ladim)»,— dedilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oling!»— dedilar. Abbas ridolariga hovuchlab soldilar, keyin ko'tarishga urindilar, ko'tara olmadilar. So'ng: «Yo Rasululloh, birontasiga aytingiz, ko'tartirib yuborsin!»— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yo'q!»— dedilar. «(Bo'lmasa) o'zingiz ko'targ'izib yuboringiz!»— dedilar Abbas. Rasululloh yana «Yo'q!» — dedilar. Amakilari bir oz to'kib, so'ng ko'tarishga urindilar, yana ko'tara olmadilar. So'ng: «Rasululloh, buyuringiz, birontasi ko'tartirib yuborsin!»— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana: «Yo'q!»— dedilar. Amakilari: «O'zingiz ko'tartirib yuboringiz!»— dedilar. Rasululloh bu gal ham: «Yo'q!»— dedilar. Abbas yana ozgina to'kib tashladilar, keyin yelkalariga ko'tarib chiqib ketdilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abbas amakilari ko'zga ko'rinmay ketgunlaricha orqalaridan tikilib qoldilar, u kishining molga nisbatan bo'lgan xirsiga ajablandilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'sha yerda moldan biron dirham qolmaguncha o'rinlaridan turmadilar».

43-bob. Masjidga borib ovqatga taklif qilgan va unga «xo'p» deb javob qilgan kishilar

Abdulloh ibn Umar aytib berganlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sovutilgan otlar (mingan chavandozlar) o'rtasida Hafyo' degan joydan Saniyyat ul-Vido' degan joygacha, sovutilmagan otlar (mingan chavandozlar) o'rtasida esa Saniyyat ul-Vido'dan to Baniy Zurayh masjidigacha poyga uyushtirdilar». Poygachilar orasida Abdulloh ham bor edilar.

Ishoq ibn Abdullohga Anas aytib bergan ekanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni masjidga bir jamoa odamlar orasidan topdim, yonlariga bordim. Shunda menga: «Abu Talha yubordimi seni?» — dedilar. «Ha»,— dedim. «Ovqatgami?»— dedilar. «Ha»,— dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yonlaridagi kishilarga: «Turingiz, ketdik!» — deb o'rinlaridan qo'zg'aldilar. Men ham ular bilan birga yo'l oldim».

44-bob. Masjidda qozilik va li'on qilmoq

Sahl ibn Sa'd aytib berganlar: «Bir kishi: «Yo Rasululloh, nima deysiz, kimki xotini birlan yot zrkakning yotganini ko'rsa, o'ldiradimi?»— deb so'radi. O'sha kishi birlan xotini masjidga bizga li'on qildi (ya'ni, har biri o'z davosini aytib, «Agar yolg'on so'zlasam, menga Ollohning la'nati bo'lsin!» — deyishdi), men buning shohidiman».

45-bob. Agar kishi taklifga binoan birovning uyiga kirsa, pok yoki iflosligini tekshirmay namozini o'zi xohlagan joyda o'qiyveradimi yoki xonadon sohibi ko'rsatgan joyda o'qiydimi?

Utbon ibn Molik aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mening hovlimga keldilar va: «Uyingning qaerida namoz o'qimog'imni istaydursen?» — dedilar. Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bir joyni ko'rsatdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam takbir aytib, namoz o'qiy boshladilar. Biz orqalarida saf turib iqtido qildik. Ikki rak'at namoz o'qidilar».

46-bob. Uylarda (masjid) maxsus namoz o'qiydirgan joy qilib olish

Barro ibn Ozib o'z hoshtasidagi masjidida jamoat bilan namoz o'qidi. Mahmud ibn ar-Rabi' rivoyat qiladilar: «Utbon — Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning, Badr urushida birga qatnashgan ansoriy sahobalaridandir. U Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga kelib: «Yo Rasululloh, ko'zim xiralashib qoldi. Men o'z qavmimning imomiman. Yomg'ir yog'ganda mening uyim birlan qavmim o'rtasidagi vodiya suv to'planib, ularning masjidiga borib namoz o'qib bera olmayotirman. Yo Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, sizdan iltijo qilg'ayman, menikiga borib, uyimda namoz o'qisangiz, men o'sha joyni o'zimga namozgoh qilib olsam!» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga: «Inshoolloh, shunday qilg'aydurman», — dedilar. Utbon aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam va Abu Bakr Siddiq erta bilan quyosh bir oz ko'tarilgach, keldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kirishga ruxsat so'radilar. Ularni hovliga taklif qildim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uyga kirgach, o'tirmasdan: «Uyingning qay yerida namoz o'qib bermog'imni istaydursen?» — dedilar. Men uyimning bir tomonini Rasulullohga ko'rsatdim. Ul zot o'sha yerda namozga takbiri tahrima aytdilar. Biz orqalarida saf turib, u kishiga iqtido qildik, ikki rak'at namoz o'qib, keyin salom berdilar. Biz Rasulullohni, u kishi uchun tayyorlangan «xazira» degan taomni yeb keting, deb qo'ymadik. Mahallamdagilar (Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelibdilar, deb) ketma-ket uyimga kirib kelishdi. Ulardan biri: «Molik ibn Duxshin qani?» — dedi. Kimdir: «U munofiq, Olloh va uning Rasulini yaxshi ko'rmaydir», — dedi. Shunda Rasululloh: «Undoq demangiz, u Ollohning rizolig'ini tilab, «Lo iloha illallohu Muhammadun Rasululloh», — deganku, bilmaydursizmi?» — dedilar. Kimdir: «Olloh va uning Rasuli yaxshiroq bilg'aydir», — dedi. Yana kimdir: «Biz uning munofiqlarga yondoshayotganini, ularning yonini olayotganini ko'rayotirmiz», — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollohning rizolig'ini istab, «Lo iloha illallohu Muhammadun Rasululloh», — degan kishiga Olloh do'zax o'tini harom ayladi», — dedilar. Ibn Shihob az-Zuhriy: «Keyin ushbu hadisni al-Husayn ibn Muhammaddan so'radim. U Baniy Solim qabilasining nufuzli kishilaridan biri bo'lib, mazkur hadisni tasdiqlaydir», — deydilar».

47-bob. Masjid va boshqa joylarga o'ng oyoq birlan kirmoq

Ibn Umar (masjidga) o'ng oyoq birlan kirib, chap oyoq birlan chiqar edilar.

Oisha onamiz aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hamma ishni iloji boricha o'ngidan boshlamoqni yaxshi ko'rar edilar (tahoratni ham, soch taramoqni ham, poyabzal kiymoqni ham)».

48-bob. Johiliya davridagi (islomdan ilgarigi davrdagi) mushriklar qabrini ko'chirib, o'rniga masjid qursa, bo'lg'aymi?

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Yahudiylarga Oллоh la'nat yuborsin! Ular o'z payg'ambarlarining qabrlarini masjidlarga aylantirib oldilar»,— deganlariga doir hamda qabrlar usti va atrofida namoz o'qimacking makruhligi xususida

Hazrat Umar Anas ibn Molikning qabr oldida namoz o'qiyotganini ko'rib: «E, yaxshimas, bu qabr, qabr-ku!» — dedilar-u, lekin namozni qaytarib o'qimackni buyurmadilar.

Oisha onamiz aytib berganlar: «Ummu Habiba va Ummu Salama Habashistonda o'zlari ko'rgan kanisalar va uning ichidagi suratlarni eslab, so'zlashib o'tirdilar, so'ng, bular to'g'risida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ham aytdilar. Rasululloh: «Ular, agar oralarida biror taqvodor kishi vafot etg'aydir, uning qabri ustiga masjid qurib, o'sha suratlarni solg'aydirlar. Ular qiyomat kuni Oллоh dargohida eng yomon xalqdir»,— dedilar».

Anas ibn Molik aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinaga keldilar. Madinaning yuqori qismidagi Banu Amr mahallasiga kelib tushdilar. U yerda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam 14 kecha turib qoldilar. Keyin, Banu Najjorga odam yubordilar. Ular qilichlarini taqib, tayyor bo'lib kelishdi. hozir ham ko'z oldimda turibdi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tuyalarida o'tiribdilar. Abu Bakr esa orqalariga mingashib olgan, Banu Najjor chor atroflarida, hatto Abu Ayyub maydoniga sig'may ketishgan. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz vaqti qaerda to'g'ri kelib qolsa, o'sha yerda namoz o'qimackni yaxshi ko'rar edilar va (hatto) qo'y qo'ralarida ham namoz o'qiyverardilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjid qurmackni buyurib, Banu Najjor qabilasining bir jamoasiga odam yubordilar. Ular kelgach, «Ey Baniy Najjor, menga mana bu bog` hovlilaringizni sotingiz!»—dedilar. Ular: «Yo'q, Oллоhga qasam ichib aytg'aymizkim, pul olmag'aymiz, fi sabililloh beramiz»,— deyishdi. Anas aytadir: «O'sha bog`-hovli ichida boya men sizlarga aytganim mushriklar qabrlari, xarobalar bo'lib, xurmozor ham bor erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mushriklarning qabrlarini ko'chirmackni buyurdilar, keyin xarobalar ham tekislandi. Xurmolarni kesishga buyurdilar, kesishdi. Xurmo yog'ochlari (bo'lajak) masjidning qibla tomoniga taxlab qo'yildi. Odamlar poydevorga tosh tera boshladilar, ular bayt aytib tosh tashyhardi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham ular birlan birga ishlar erdilar va nuqul: «Ilohi, oxirat xayriyatidan boshqa xayriyat yo'qdir, muhojiru ansoriylarni mag'firat qilg'aysen!» — der erdilar».

49-bob. Qo'yxonalarda namoz o'qimacking hukmi

Abu at-Tayyohdan: «Anas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'y qo'ralarida namoz o'qir erdilar»,— degandi. Keyinchalik uning «Rasululloh, sallallohu alayhi va sallam masjid bino bo'lmasdan avval qo'yxonalarda namoz o'qir erdilar»,— deganini ham eshitganman».

50-bob. Tuyaxonalarda namoz o'qimacking hukmi

Nofi' raziyallohu anhu: «Ibn Umar tuyasiga qarab namoz o'qiyotganini ko'rdim,

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ham shunday qilganlarini ko'rganman»,— deganlar (tuya qibla tarafda to'siq bo'lib turgan)».

51-bob. Oldida tandir yokim o't (alanga) yohud qandaydir sig'inish manbai turgani holda faqat Olloh taoloni nazarda tutib namoz o'qigan kishi xususida

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men namoz o'qiyotganimda ko'zimga do'zax otashi namoyon qilindi, deb aytganlar»,— deyдилar Anas.

Abdulloh ibn Abbas dedilar: «Quyosh tutildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qidilar, keyin: «Namoz o'qiyogganimda menga do'zax o'ti ko'rsatildi. Bugungacha bundan dahshatliroq manzarani ko'rmagandurmen»,— dedilar».

52-bob. Qabristonda namoz o'qimaslik to'g'risida

Ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uyingizda ham namoz o'qingiz. Uyingizni mozorga o'xshatib qo'ymangiz!— deganlar»,— deyдилar.

53-bob. Odam yutgan yerlarda va azob yuborilgan joylarda namoz o'qimaslik haqida

«Hazrat Ali Bobildagi odam yutgan yerda namoz o'qimoqni rad etdilar»,— deyiladi.

Abdulloh ibn Umar naql qiladilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Anavi boshiga azob yuborilgan qavmning yeriga kirmangiz. Mobodo kirsangiz, yig'lab kiringiz. Agar yig'lay olmasangiz, kirmangiz. Tag'in ularning boshiga tushgan musibat sizning ham boshingizga tushmasin!»—deganlar».

54-bob. Kanisada (cherkovda) namoz o'qimoqning hukmi

Umar raziyallohu anhu: «Biz kanisalarigizga ulardagi suratlar sababli kirmag'aymiz»,— deganlar. Ibn Abbas surati yo'q kanisada namoz o'qir erdi, surati bo'lsa, o'qimas erdi.

Oisha onamiz naql qiladilar: «Ummu Salama Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga Habashistonda ko'rgan Mariya kanisasi, uning ichidagi suratlar to'g'risida so'zlab berdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ular shunday qavmdurkim, agar oralarida biror solih banda yokim solih kishi o'lg'aydir, uning qabri ustiga masjid qurib, unga o'sha suratlarini solg'aydirlar. Ular Olloh taolo dargohidagi eng yomon xalqdir»,— dedilar».

55-bob.

Oisha onamiz va Abdulloh ibn Abbas quyidagicha naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Olloh taolo dargohiga rihlat etmak muddati yaqinlashgach, muborak yuzlarini guldor bir mato birlan yopdilar, isib ketganlaridan keyin ochib tashladilar. Shu holatda bo'la turib: «Yahudiy va nasorolarg'a Ollohning la'nati bo'lsin! Ular payg'ambarlarining qabrlarini masjid qilib olmishlar»,— dedilar» (Bu bilan Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'z ummatlarini yahudiy va nasorolar qilmishidan hazar qilmoqqa da'vat etdilar, deydi muhaddis).

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oloho taolo yahudiylarni o'ldirsin! Ular payg'ambarlarining qabrlarini masjid qilib olmishlar, deb aytganlar»,— deydilar Abu Hurayra raziyallohu anhu.

56-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Yer menga sajdagoh ham tahorat vositasi qilib berildi»,— deganlari xususida

Jobir ibn Abdullohning naql qilishlaricha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday degan ekanlar: «Oloho taolo tomonidan menga ilgarigi payg'ambarlarning birortasiga ham ato etilmagan beshta imtiyoz berilmishdir: 1) Bir oylik yo'lda to'rganimdayoq dushmanlarim yuragiga qo'rquv solinib, g'olib qilinmishmen 2) Butun yer yuzi menga sajdagoh qilib berilmishdir. Qaysi bir ummatimga namoz vaqti qaerda to'g'ri kelsa, o'sha yerda namoz o'qiyversin! 3) Jangda olingan o'lja menga halol qilinmishdir 4) Har bir payg'ambar o'z qavmigagina payg'ambar qilib yuborilur erdi. Men ersam, hamma odamlarga payg'ambar qilib yuborilmishmen 5) Menga shafolat qilmoq imkoniyati ham berilmishdur».

57-bob. Masjidda ayol kishining (agar uning boshqa boshpanasi bo'lmasa) yashamog'i va uxlamog'i to'g'risida

Oisha onamiz quyidagicha naql qiladilar: «Arab qavmlaridan birining yosh zanjিয়া (negr qiz) joriyasini ozod qildilar. U ozod qilganlar birlan birga qoldi. O'sha zanjিয়া qiz: «Bir kuni men qabiladagi yosh kelinchaklardan biri birlan o'ynagani chiqdim. Kelinchakning qizil taqinchog'i bor erdi», — debdi. Oisha onamiz aytadilar: «Kelinchak taqinchog'ini bir joyga qo'yibdir, shu payt bir kush uchib kelib, taqinchoqni go'sht deb o'ylab olyb qochibdir». «Taqinchoqni qidirishdi, hech topa olmadilar, keyin menga sen olding, deb tuhmat qildilar-da, hamma yog'imni tinta boshladilar (Oisha onamiz aytadilar: Hatto uning oldini ham qarab ko'ribdilar»). Olohga qasam ichib ayturmenkim, men ular birlan birga turibman-u, birdan qush uchib o'tib, munchoqni yerga tashladi. Munchoq shundoqqina ularning oldiga tushdi. «Mana o'sha sizlar menga olding, deb tuhmat qilayotgan narsa, (vaholanki) men bu gunohdan uzoqdirman, dedim» — debdi zanjিয়া qiz. Oisha onamiz aytadilar: «Zanjিয়া qiz Rasululloh huzurlariga kelib, islomga kirdi. Uning masjidida chodiri (yoki bir boshpanasi) bo'lib, mening oldimga kelib turar erdi. Men u birlan suhbatlashib o'tirar erdim. «Taqinchoq voqeasi sodir bo'lgan kun rabbimizning ajoyibotlaridandir. U meni kufr olamidanda qutqardi», — deb qo'yardi. Bir, kuni men: «Senga ne bo'lgan o'zi, qachon qarasa, men birlan o'tirganingda taqinchoq to'g'risida bayt aytasan?» — deganimda, u mazkur qissani aytib bergan erdi».

58-bob. Masjidda kishilarning uxlamog'i to'g'risida

Anas raziyallohu anhu quyidagi hadisni keltiradilar: «Aql qabilasidan bir jamoa kishilar Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga keldi, ular Masjid un-Nabi supasida yashab turgandi. Abdurrahmon ibn Abu Bakr: «Supada yashovchi kishilar faqirlar erdi», — deydi».

«Abdulloh ibn Umar bo'ydoqlik vaqtlarida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning masjidlarida yotib qolar erdi», — deydilar Nofi' raziyallohu anhu.

Sahl ibn Sa'd naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlari Fotimaning uyiga keldilar. (Kuyovlari) Alini uydan topmadilar. Shunda Fotimaga: «Amakivachchang (ya'ni, ering) qaerdadir?» — dedilar. «O'rtamizdan bir narsa o'tgan erdi, mendan g'azablanib, chiqib ketdi, namozdan keyin qaylula ham qilgani yo'q (kunduzi mizg'igani ham yo'q)»,— dedi Fotima. Shunda Rasululloh yonlaridagi kishiga: «Qaragal, u qaerda erkan»,— dedilar. Kishi kelib: «Yo Rasululloh, u masjidga yotibdir»,— dedi. Rasululloh masjidga keldilar. Ali esa masjidga ridolari yelkadan tushib ketgan, yelkalariga tufroq tekkan holda yotgan erkanlar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Alining yelkalaridagi tufroqni qoqib turib: «Turg'il yigit, turg'il tufroq yigit!» — dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu riyuyat qiladilar: «Ahli supalardan (masjidga yotib yuruvchilardan) biror yetmish nafarini ko'rdim, birortasining ridosi yo'q, yo bir parcha lungi yokim ko'ylakni (kichikligidan) bo'yniga osib olgan, ba'zisiniki boldirgacha, ayrimlariniki to'piqqacha ham yetmaydir. «Avratim ko'rinib qolmasin»,— deb doim qo'li birlan kiyimini ushlab yuradir».

59-bob. Safardan qaytgach, o'qiladigan namoz

Ka'b ibn Molik aytadilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safardan kelsalar, eng avvalo masjidga kirib namoz o'qir edilar».

Jobir ibn Abdulloh naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xuzurlariga keldim, u kishi masjidga erkanlar. Nazarimda choshgoh vaqti erdi. Shunda Misvar: «Rasululloh menga: «Safardan qaytibdursen (shukronasiga) ikki rak'at namoz o'qib olg'il!» — dedilar. Keyin, menda qarzlari bor edi, qarzlarimni ham berdilar, yana unga qo'shib hadya pul ham berdilar»,— dedi».

60-bob. Kimki masjidga kirsa, ikki rak'at namoz o'qisin!

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qaysi biringiz masjidga kirg'aydirlar, ikki rak'at namoz o'qimay, o'tirmangiz!—deganlar»,— deydilar Abu Qatoda.

61-bob. Masjidga tahorat sindirish to'g'risida

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qaysi biringiz namoz o'qisangiz, farishtalar siz uchun istig'for aytib turg'aydirlar, shundoq erkan (namoz vaqtida masjidga) tahoratingizni sindirmangiz! Farishtalar: «Bu kishining gunohlarini kechirg'il, ilohi, bu kishiga rahm qilg'il! — deb turg'aydirlar»,— deganlar».

62-bob. Masjid un-Nabiyning binosi

Abu Sa'd naql qiladilar: «Rasulullohning masjidlari shipi xurmo shoxidan erdi. Hazrat Umar (xalifalik davrida) masjid binosini tuzatmakni buyurdilar. Ustaga: «Odamlarni yomg'irdan asrag'il, lekin masjidni qizartirib. sargaytirib bo'yamag'il, odamlarning xayolini buzmasin!»— dedilar. Anas: «(Keyinchalik) odamlar masjid binosi birlan faxrlanib yurg'aydirlar-u, lekin kam ta'mir qilg'aydirlar»,— dedilar. Ibn Abbos esa: «Ollohga qasamyod qilib ayturmankim, yahudiy va nasorolar ibodatxonalarini bezaganidek, sizlar ham masjidlarni bezaydirlar»,— dedilar».

Ibn Abdulloh bunday deb aytgan ekanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida Masjid un-Nabiyning devori xom g'ishtdan, shipi xurmo shoxidan, ustunlari ersa xurmo yog'ochidan erdi. Abu Bakr xalifalik qilgan vaqtida masjidga biror o'zgarish kiritmadi. Xalifa Umar esa masjidning bo'yiga ham eniga ham qo'shdi. Asosiy binoni o'zgartirmadi. Devori xom g'ishtligicha, shipi xurmo shoxidan qilinganicha qoldi, ammo ustunlarini o'zgartirdi. Chunki ular chirigan erdi. Keyin, Usmon raziyallohu anhu masjid binosiga ko'p o'zgarishlar kiritdi. Masjidning devorlarini naqshli toshlar va ganch birlan bezattirdi, ustunlarini ham naqshli toshlardan qurdirdi, shipini ersa soj daraxti yog'ochidan yasattirdi».

63-bob. Masjid qurilishiga hashar qilish

Oллоh taolo bunday deydi: «Mushriklarning, o'zlarini kofir erkanliklarini bila turib, Oллоh taoloning masjidlarini obod qilmoqlari foydasizdir. Ularning barcha qilgan ishlari bekor ketgandir (savobi yo'qdir), ular do'zaxda (otashda) abadiy yong'aydirlar, Oллоh taoloning masjidlarini, Oллоhning birligiga, oxirat kunining haqligiga ishongan, namoz o'qiydirgan, zakot bergan va Oллоhdan boshqa hech kimdan qo'rqmagan kishilargina obod qilg'aydir. Shoyad o'shalar hidoyat topgan (eng to'g'ri yo'lda yashag'an) ersalar!».

Ikrima bunday deb rivoyat qiladilar: «Ibn Abbos men va o'g'illari Aliga: «Boringiz, Abu Sa'iddan hadis eshitingiz!» — dedilar. Biz bordik, u kishi bog'da ishlayotgan ekanlar, ridolarini olib, unga o'randilar-da, bizga hadis ayta boshladilar, to Masjid un-Nabiy binosi qurilishigacha gapirib berdilar, so'ng: «Biz g'ishtni bitta-bittadan ko'tarar erdik, Ammor esa ikkita-ikkitanidan ko'tarar erdi. Shu payt Rasululloh uni ko'rib qoldilar-u, ustidagi changni qoqib: «Ammorning holiga yuy! Ammor ularni jannatga da'vat qilur, ular ersa Ammorni do'zaxga da'vat qilmoqdalar»,— dedilar. Shunda Ammor: «Fitnalar balosidan Oллоhning o'zi asrasin meni!—deb qo'ydi»,— dedilar.

64-bob. Usta va hunarmandlardan masjid va minbarlarni tuzatishda yordam so'ramoq

Sahl ibn Sa'id naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Duradgor g'ulomig'a buyursin, menga o'rindiq yasab bersin!»—deb bir ansoriy ayolga odam yubordilar».

Jobir raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytib berdilar: «Bir xotin Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, sizga bir o'rindiq yasatib beraymi, chunki mening duradgor g'ulomim bor»,— dedi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar istasang, mayli»,— dedilar. So'ngra u xotin o'rindiq yasatib berdi».

65-bob. Masjid qurgan kishi fazilati xususida

Usmon Zunnurayn bunday degan ekanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning masjidlarini ta'mirlamak paytida odamlar turli g'iybat gaplarni ayta boshladilar. Usmon raziyallohu anhu ularga: «Sizlar gapni ko'paytirib yubordingiz, men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Kimki (shu suhbatda bo'lgan Bakir. «Oллоhning rizoligini istab, degan edi shekilli»,— deydilar) masjid qurg'aydir, Oллоh taolo jannatda unga shunga o'xshash qasr barpo qilg'usidir, deganlarini eshitganman»,— dedilar».

66-bob. Masjidda o`q-yoyning uchidan ushlab yurilg`aydir

Sufyon raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytib berdilar: «Men Amrga: «Sen Jobir ibn Abdullohning «Bir kishi masjidda o`q-yoy birlan yurgan erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga: «Yoyning uchidan (tig`idan) ushlab yurg`il!» — deb aytgan erdilar» deganini eshitganmisan? » — dedim. Amr: «Ha, eshitganman»,— dedi».

67-bob. Masjidda yurish tartibi

Abu Muso naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki bizning masjidlarimizda yokim bozorlarimizda yoyga o`xshash tig`li narsa birlan yurading`on ersa, uning tig`idan ushlab yursin, tokim biror musulmong`a jarohat yetkazmagaydir!» — deganlar».

68-bob. Masjidda she`r aytmoq to`g`risida

Abu Salama ibn Abdurrahmon ibn Avf quyidagi hadisni aytib berganlar: «Hasson ibn Sobit (shoir), Abu Hurayraning guvoh bo`lmoqlarini so`rab: «Ollah haqqi-hurmati, aytingiz-chi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Ey Hasson, ilohi, Rasulullohga Ruh ul-Quddusni (Jabroilni) madadkor aylag`il, deb (she`r) ayt!» deganlarini eshitganmisiz?» — dedi. Abu Hurayra: «Ha, eshitganman»,— dedilar».

69-bob. Nayzabardorlarning masjidga kirmog`i joiz

Oisha onamiz bunday degan erdilar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning hujram eshigi oldida turganlarini va habash jangchilar harbiy mashq qilayotganini ko`rdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meni, ularning o`yiniga qarayotganimda, ridolari birlan to`sar erdilar». Ushbu hadisni Ibrohim ibn Munzar: «Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko`rdim, habash jangchilar (u yerda) nayzabozlik qilishayotgan erkan»—deganlar», deb bir oz o`zgartirib aytib berdi.

70-bob. Masjid minbaridan turib oldi-sotdi to`g`risida so`zlash

Oisha onamiz huzurlariga Burayra ismli ayol kelib, o`zining qullikdan ozod bo`lmog`iga to`lanadigan pulga yordam qilmaklarini so`radi. Oisha onamiz: «Agar istasang, men zimmangdagi mablag`ni egangga berg`aydirman, lekin unda sen mening panohimga o`tg`aydiansan»,— dedilar. Uning egalari: «Agar shuni xohlasangiz, zimmasida qolgan qarzini siz bera qolingiz»,— deyishdi. Sufyon: «Agar xohlasangiz, uni ozod qilingiz, lekin u bizning panohimizda qolg`aydir, deyishgandi»,—degandilar. Rasululloh kelganlaridan keyin Oisha onamiz haligi gapni aytdilar. Shunda Rasululloh: «Uni sotib olg`il va ozod qilg`il, kimki ozod qilgan ersa, u o`shaning panohiga o`tg`aydir»,—dedilar. So`ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbarga chiqib: «Ne bo`ldi odamlarga, Ollah taoloning Kitobida yo`q narsalarni shart qilib qo`ygaydir, garchi ul yuz karra shart qilib qo`ysa ham, mutlaqo hisobga o`tmagaydir» deb aytdilar»,— deydilar Sufyon. Imom Molik Oisha onamiz haqlarida rivoyat qilgan hadisda «Minbarga chiqdilar» degan joyi yo`q.

71-bob. Masjidda qarzdordan pulini qistamoq va berasan, deb turib olmoqning hukmi

Ka'b ibn Molik Ibn Abu Hidraddan qarzini qistadi. Ikkovlari janjallashib baqir-chaqir qilishganini Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uylarida turib eshitdilar. Hujralarining pardasini ochib: «Ey, Ka'b!» — dedilar. «Labbayka, yo Rasululloh!» — dedi. «Qarzingning yarmini kechg'il!» — dedilar yoki shu ma'noda ishora qildilar. Ka'b: «Xo'p, kechdim»,— dedi. Rasululloh sallallohu alayhi»va sallam Ibn Abu Hidradga: «Turg'il, qarzingni to'lag'il!»—dedilar.

72-bob. Masjidga tushgan latta-putta, xas-cho'p va boshqa tashlandiq narsalarni yig'ishtirmoq hamda masjidni supurmoq

Abu Hurayra raziyallohu anhu naql qiladilar: «Bir qop-qora kishi (yoki qop-qora xotin) masjidni supurib yurar erdi. Bir kuni u vafot etib qoldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uni so'rganlarida, «Vafot etdi»,— deyishdi. Rasululloh: «Meni chaqirmabsizlarda, unga janoza o'qig'ay erdim. Qabrini ko'rsatingiz»,— debdilar. So'ng, qabriga borib, janoza o'qibdilar».

73-bob. Kayf qiladirgan ichimliklar sotishni masjidda taqiqlash

Oisha onamiz quyidagi hadisni aytdilar: «Sudxo'rlik harom, deb aytilgan surai Baqara oyatlari nozil bo'lganda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidga chiqib ularni o'qib berdilar, so'ng ichimlik sotmakni man' qildilar».

74-bob. Masjidga xizmat qilish

Ibn Abbos bu xususda Bibi Maryamning «Surai oli Imron» dagi «Ilohi, qornimdagi homilamni senga nazr etdim, u faqat masjidga xizmat qilg'usidir» degan so'zlarini keltiradilar.

Sobit raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Xotinmi yoki erkakmi, bir odam masjidda xizmat qilib yurar erdi»,— dedilar Abu Hurayra. Abu Rofi': «Nazarimda, o'sha xotin kishi erdi»,— dedilar. So'ngra, Abu Hurayra o'sha masjidga xizmat qilg'uvchi odam vafot etgandan keyin Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uning xususida nimalar deganlarini va uning qabriga borib janoza o'qiganlarini aytdilar».

75-bob. Asir va dushmani masjidga bog'lab qo'ymoq

Abu Hurayra: «Janob Rasululloh bunday dedilar»,— deb rivoyat qiladilar: «Ifrit degan jin kecha kechqurun ro'paramga kelib qolmishdir, (oldimga o'tib) namozimni buzmoqchi bo'lmishdir. Olloh taolo menga uni ushlamakka imkoniyat berdi. Tong otgach, hammangiz ko'ringiz deb masjid ustunlaridan biriga bog'lab qo'ymoqchi bo'ldim. Shunda birodarim Sulaymon alayhissalomning «Ilohi, meni kechirg'il va menga shunday bir qudrat berg'ilki, u mendan keyingilarda bo'lmasin!» degan duosini esladim». «Janob Rasululloh Ifrit degan jinni keyin haydab yubordilar»,— deydilar Ravh raziyallohu anhu.

76-bob. Kofirning musulmon bo'lganidan keyin g'usl qilmog'i lozimligi va (yana) masjidga asirni bog'lab qo'ymoqlik haqida

Shurayh qarzdorlarni masjid ustunlariga bog'lab qo'ymoqni buyurar erdilar.

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Najd tomonga askar yubordilar. Ular Baniy Hanifa qabilasidan bir kishini tutib kelishdi. Uning ismi Sumoma ibn Asol erdi. Asirni masjid ustunlaridan biriga bog'ladilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ichkaridan chiqib: «Sumomani qo'yib yuboringiz!» — dedilar. Sumoma masjid yaqinidagi xurmozorga kirib g'usl qildi, so'ng masjidga kirib: «Ashhadu allo iloha illalloh va ashhadu anna Muhammadan rasululloh deb iymon keltirdi».

77-bob. Masjidda kasallar va boshqalar uchun chodir qurishning joizliga

Oisha onamiz dedilar: «Xandaq urushida Sa'd qo'lining yo'g'on tomiridan yaralandi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uning uchun masjidga chodir tiklab berdilar. Yaqin kishilari uni tez-tez ko'rib turmoqlari uchun shunday qildilar. Kasalning masjidda yotmog'i sahobalarni xafa qilmadi. Masjidda Baniy Rifor qabilasiga tegishli yana bir chodir ham bor erdi. Ular ham bundan ranjimadilar, faqat Sa'dning chodiridan oqib chiqayotgan qon ularni tashvishga soldi. Ular: «Ey, chodirdagilar, ne bo'ldi? Sizning chodiringizdan qon oqib chiqayotir», — deyishdi. Borib qarasalar, Sa'dning jarohatidan qon oqayotgan erkan. Shu jarohatdan Sa'd vafot etdi».

78-bob. Biror zarurat sababli masjidga tuya birlan kirish haqida

Ibn Abbos: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'batullohni tuyada tavof qildilar», — dedilar.

Ummu Salama quyidagi hadisni aytib berdilar: «Men Rasulullohga tobim yo'qlig'idan shikoyat qildim. Rasululloh: «Odamlarga ergashib tuyada tavof qilaverg'il!» — dedilar. Men tuyada tavof qildim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam esa, Ka'batulloh yonida «At-Tur» surasini zam qilib namoz o'qir edilar».

79-bob.

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sahobalaridan ikki kishi Janob Rasulullohning huzurlaridan qorong'i kechada chiqdilar. Ularning yo'lini bir nur chiroq kabi yoritib borar erdi. O'sha chiroqqa o'xshagan nur to ikkalalarining yo'llari ajralmaguncha birga bordi, keyin ikkiga bo'linib, ularning har birini uylarigacha kuzatib qo'ydi».

80-bob. Masjidga uyidan darcha va yo'l ochmoq

Abu Sa'id rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xutbada va'z aytib: «Olloh taolo bandasiga bu dunyoni yokim o'zining huzuridagi oxiratni tanlamak imkonini berdi, bandasi Olloh huzuridagisini tanladi», — dedilar. Shunda Abu Bakr yig'ladilar. Men o'zimga o'zim: «Bu mo'ysafid nega yig'layotir erkan, Olloh bandasiga: «Bu dunyoni yokim oxiratni tanlag'il!» — desa, bandasi Olloh huzuridagi oxiratni tanlasa, shunga ham yig'laydirmi?» — dedim. Keyin bilsam, o'sha banda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam

ekanlar. Buni bizga Abu Bakr aytdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey, Abu Bakr, yig'lamangiz! Siz molini ham, ezgu so'zini ham mendan ayamagan eng yaxshi odamdirez! Agar Oллоhdan boshqa yana ummatlarimdan biror kishini ham o'zinga xalil (eng yaqin do'st) tutmog'imga ijozat bo'lg'ay erdi, Abu Bakrni do'st tutar erdim. Ammo bu mumkin emasdir. Islom birodarligi va islom do'stlig'igina mumkindir. Uydan masjidga qaratib ochilgan darchalarning birortasi ham qoldirilmay, urib tashlansin! Faqat Abu Bakrning darchasigina qolsa, basdir!»—dedilar».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafotlaridan oldingi kasallik paytlarida boshlarini mato birlan boglab chiqdilar, Minbarga o'tirib, Oллоhga hamdu sano aytdilar. So'ng: «Abu Bakrdan ko'ra ko'proq molu jonini menga fido qilgan inson yo'q! Agar odamlar orasidan o'zinga xalil (eng yaqin do'st)tutadig'an bo'lsam, Abu Bakrni tutar erdim. Lekin Oллоhnigina eng yaqin do'st tutmoq mumkindir. Shu boisdan insonlarga islom do'stligi afzalroqdir. Masjid ichidagi Abu Bakrning darchasidan boshqa barcha darchalarni urib tashlangiz!» — dedilar».

81-bob. Ka'batulloh va masjidlar eshigini ochmoq va ularni berkitmoq to'g'risida

«Ey, Abdumalik, Ibn Abbos masjidlarini va uning eshiklarini bir ko'rganingda erdi!» deb aytdi menga Ibn Abu Mulayka», — deydilar Ibn Jurayj.

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga keldilar. Usmon ibn Talha: «Eshikni ochingiz!» — deb oyuz qildi. Eshikni ochishgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (Ka'baga) kirdilar. U kishi birlan birga Bilol, Usoma ibn Zayd va Usmon ibn Talhalar ham kirdi. So'ng, eshikni yopib qo'ydilar. Bir ozdan keyin hammalari qaytib chiqdilar. Men shosha-pisha: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qidilarmi, yo'qmi?» — dedim Bilolga.

— Ha, o'qidilar, — dedi.

— Qaysi joyda? — dedim.

— Ikki ustun oralig'ida, — dedi.

Qarangkim, o'shanda «necha rak'at» deb so'rash xayolimdan ko'tarilibdir».

82-bob. Masjidga mushriklarning kirmog'i xususida

Sa'id ibn Abu Sa'id: «Quyidagi o'adisni Abu Hurayradan eshitdim», — deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Najd tomonga askar yubordilar. Askarlar Baniy Hanifa qabilasidan bir kishini tutib kelishdi. Uni Sumoma ibn Asol deyishardi. Sumomani masjid ustunlaridan biriga bog'lab qo'ydilar» (bu hadis yuqorida aytilgan).

83-bob. Masjidlarda baland ovoz birlan gaplashmoqning noo'rinligi

Soib ibn Yazid rivoyat qiladirlar: «Masjidda turgan erdim, bir kishi mayda tosh otib meni chaqirdi, qarasam, Hazrat Umar erkanlar. «Anavi ikki kishini olib kelg'il!» — dedilar. Ikkovini boshlab keldim. «Kimsizlar? Qaerdansizlar?» — dedilar Hazrat Umar. «Toiflikmiz»,— deyishdi. «Agar Madina ahlidan bo'lganingizda, darra urdirardim, (bu qanaqasi?) Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidlarida ovozlaringizni ko'targ'aysizlar?»—dedilar Hazrat Umar.

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida Ka' b ibn Molik Ibn Abu Hidraddan masjidida qarzini qistadi. Ular ovozlarini ko'tarib janjallasha boshladilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uylarida turib ularning ovozini eshitdilar. Keyin, hujralarining pardasini ochib: «Ey, Ka' b ibn Molik!» — dedilar. «Labbay, yo Rasululloh?» — dedi Ka' b. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muborak qo'llari birlan «qarzingning yarmini kechgil!» deb ishora qildilar. «Kechdim, yo Rasululloh sallallohu alayhi va sallam!»—dedi Ka' b. Rasululloh: «Turg'il, qarzingni to'lag'il!» — dedilar Hidradga».

84-bob. Masjidida davra olib o'tirmaknikg joizligi

Ibn Umar quyidagi hadisni aytdilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan minbarda turganlarida: «Kechasi o'qiladigan namoz to'g'risida ne deysiz?» — deb so'radi. Janob Rasululloh: «Ikki rak'atdan-ikki rak'atdan o'qiydir, tong otib qolmog'idan xavfsiraganda, bir rak'at o'qiydir, o'qiganlari vitr o'rnig'a o'tg'aydir»,— dedilar. Hazrat Umar: «Tungi namozingizni toq o'qingiz, chunkim Rasululloh shunday deb buyurganlar»,— deganlar».

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbarda va'z aytib turganlarida bir kishi kelib: «Tungi namoz qanday o'qiladir?» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ikki rak'atdan-ikki rak'atdan, tong otib qolmog'idan qo'rqsang, bir rak'at o'qiydiansan, o'qiganlaringning hammasi vitr o'rniga o'tg'aydir»,— dedilar». Ibn Umarning boshqa bir rivoyatlari «Rasululloh masjidida turganlarida bir kishi dedi» deb boshlangan.

Abu Voqid al-Laysiy quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidida (jamoat birlan birga) o'tirganlarida uch kishi keldi. Shundan ikkitasi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning yonlariga keldi, bittasi ersa qaytib ketdi. Boyagi ikki kishining biri davradan bo'sh joy topib o'tirdi, ikkinchisi ersa davrada o'tirganlarning orqa tomoniga kelib o'tirdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam suhbatni tamomlagach: «Sizga uch kishi to'g'risida bashorat aytaymi? Birinchisi Ollohga o'zini topshirdi (dilida Ollohdan joy so'radi), Olloh unga joy berdi, ikkinchisi ersa (davrani tashlab ketmoqqa) Ollohdan uyaldi, Olloh ham (unga azob bermoqdan) uyalg'aydir. Ammo uchinchisi (Rasululloh majlisidan) yuz o'girdi, Olloh ham undan yuz o'girdi»,— dedilar».

85-bob. Masjidida cho'zilib va oyoqni uzatib yotmoq haqida

Ibod ibn Tamim amakilari Abdullohdan eshitib, rivoyat qiladilar: «Abdulloh Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning masjidida bir oyoqlarini ikkinchi oyoqlari ustiga qo'yib chalqancha yotganlarini ko'rdilar. Sa'id ibn Musayyab: «Hazrat Umar va Usmon ibn Affonlar ham shunday qilishar erdi»,— deytilar».

86-bob. Masjidni yo'l chekkasiga, odamlarga xalal bermaydigan qilib qurmoq

Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotinlari Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Aqlimni tanibmankim, ota-onamning dindor, taqvodor ekanliklarini bilurman, o'sha kezlari Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning biznikiga kelmagan kunlari bo'lmas erdi, ertayu-kech biznikida erdilar».

«Abu Bakr hovlilari sahniga masjid qurmoqni ko'pdan niyat qilib yurar edilar, oxiri qurdilar ham. Keyin, unda namoz va Qur'on o'qiy boshladilar,— deydilar Urva ibn Zubayr,— yo'ldan o'tib ketayotgan mushrik xotinlar va ularning bolalari u kishining qarshilarida to'xtab, qiziqib qarashar erdi. Abu Bakr Qur'on o'qiyotganda ko'z yoshlarini to'xtata olmaydirgan yig'loq kishi erdilar. Bu Quraysh qabilasiga mansub mushrik a'yonlarni xavotirga sola boshlabdi» (chunki ular bola-chaqalarining islom diniga kirib ketishidan cho'chishardi).

87-bob. Bozordagi masjidda namoz o'qimoq

Ibn Avn darvozasi berkitib qo'yiladigan hovlidagi Masjidda namoz o'qidi.

Abu Xurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar»,— deb rivoyat qiladilar: «Jamoat birlan o'qilgan namozning savobi uyda o'qilgan namozning savobidan 25 marta ortiqdir, chunkim qaysi biringiz bo'lmangiz, yaxshilab tahorat olib namoz o'qiydirman, degan niyatda masjidg'a ravona bo'lsan-giz, masjidga yetib kelguningizcha bosgan har bir qadamin-giz uchun Olloh taolo mavqeingizni bir daraja ko'targ'ai-dir va bir gunohingizni kechirg'aydir. Kishi masjidga kirgach, unga namoz o'qiyotgan kishiga tegadirgan savob tekkusidir. Namoz o'qib turganida, agar tahoratini sindi-rib ozor bermag'aydir, maloikalar tepasida turib: «Ilohi, bu bandangni kechirg'il, unga rahm qilg'il!» deb salavot aytib turishg'aydir».

88-bob. Masjid va boshqa joylarda (biror zaruratga ko'ra) ikki panja barmoqlarini bir-biriga chalishtirmoq

Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam barmoqlarini chalishtirdilar»,— deydilar. Osim ibn Muhammad bunday deydilar: «Quyidagi hadisni otamdan eshitgan erdim, lekin yodimda qolmabdir. Ukam Voqid otamdan eshitib, uni menga qayta aytib berdi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdulloh ibn Amrga: «Ey Abdulloh ibn Amr, odamlar birlan mana shunday muomala qilaversang, bo'lmaydirmi?» deb barmoqlarini bir-biriga chalishtirgan erkanlar».

Abu Muso rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Binoni to'rtta devori ushlab turgandek mo'minlar ham bir-birlarini qo'llab-quvvatlab turg'aydirlar» deb barmoqlarini bir-biriga chalishtirib ko'rsatdilar».

Ibn Sirin Abu Hurayradan eshitib, quyidagi hadisni aytib berganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam imomatga o'tib, biz birlan peshin yoki asr namozini o'qidilar»,— deb aytgan erdi Abu Hurayra, lekin mening yodimdan ko'tarilibdir. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki rak'at namoz o'qib salom berdilar. So'ng, o'rinlaridan turib, masjid chekkasidagi yog'ochga borib suyandilar, bir narsadan g'azablangedek o'ng qo'llarining barmoqlarini chap qo'llarining barmoqlari orasiga kirgizib chalishtirdilar-da, chap kaftlarining orqasiga o'ng yuzlarini qo'yidilar. Shoshilibroq turgan kishilar masjid eshigidan chiqishdi. Ularning orasida Abu Bakr va Umar ham bor erdilar. Ular Rasulullohga bir narsa degani cho'chishdilar. Shunda Zulyadayn degan qo'li uzun bir kishi: «Yo Rasululloh, yodingizdan chiqardingizmi yokim namoz qisqardimi?» — dedi. Rasululloh: «Unutganim ham yo'q, qisqarmadi ham»,— dedilar-da, «Zulyadayn aytgandek bo'ldimi?»—deb qo'shib qo'yidilar "Ha, shunday bo'ldi»,— deyishdi. So'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oldinga o'tib, qolgan rak'atlarni o'qidilar, keyin

salom berdilar va takbir aytib, odatdagidek yoki undan uzoqroq sajdai sahv qildilar. Keyyn, boshlarini ko'tarib takbir aytib, sajda qildilar, yana takbir aytib, odatdagidek yoki undan uzoqroq sajdai qildilar».

Ehtimol, Ibn Sirindan: «Salom berdilarmi?» — deb so'rashgandir. U: «Imron ibn Husayn menga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam keyin salom berganlar» deb aytgan»,— deydi.

89-bob. Madinaga boradigan yo'llar yoqasidagi masjidlar va Rasululloh sallallohu alayhi va sallam to'xtab namoz o'qigan joylar

Muso ibn Uqba quyidagicha naql qiladilar: «Solim ibn Abdullohning Madinaga boradigan yo'lining ayrim joylarida ataylab to'xtab namoz o'qiyotganini ko'rdim. Uning aytishicha, otasi Abdulloh ibn Umar ham shu joylarda namoz o'qir erkan, u Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning aynan shu joylarda namoz o'qiganlarini ko'rgan erkan».

Muso ibn Uqba rivoyat qiladirlar: «Nofi': «Ibn Umar raziyallohu anhu o'sha joylarda namoz o'qir erdilar»,— dedi. Men Solimdan: «Shu to'g'rimi?» — deb so'radim. U Nofi'ning «Rasululloh o'sha joylarning hammasida namoz o'qiganlar»,— degan fikriga qo'shildi. Lekin, Nofi' birlan Solim Rasulullohning Ravho' tepaligidagi namoz o'qiganliklari to'g'risida aniq bir gap aytisha olmadi».

Nofi': «Menga Abdulloh bunday degandi»,— deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam umra (kichik haj) va haj (katta haj) qilgani yo'lga chiqqanlarida Zulhulayfa degan joydagi masjidda to'xtab, samra daraxtining tagida dam olardilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam haj yoki umradan qaytishda (shu yo'ldan yursalar) Batni Vodiyning sharqiy chekkasidagi Batho degan joyda tushar erdilar. Keyin, tong otguncha shu yerda qolar erdilar. Katta, qoyatosh yonidagi masjidda ham, ustiga masjid qurilgan tepalikda ham qolmas erdilar. Rasulullohning tanlagan joylari vodiyning chuqur yerida erdi. Abdulloh bu joyda namoz o'qimoqni odat qilgandi. Ilgari Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham Abdulloh namoz o'qigan joyda namoz o'qigan erkanlar, keyinchalik, o'sha joyni sel olib, ko'mib yuborgan erkan. Abdulloh ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ravho tepaligidagi katta masjid o'rnida ermas, balkim kichik masjid o'rnida namoz o'qiganlar»,— dedilar. Keyin menga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qigan joylarini tushuntirayotib: «Yamandan Makkaga olib boradigan yo'lining chekkasidagi masjidda namoz o'qib turganingda o'ng tomoningda bo'ladir, masjid birlan o'sha joy oralig'i bir tosh otimdan ko'p ermas yokim shunga yaqin keladir»,— deb ham aytdilar.

Ibn Umar Ravhodan chiqaverishdagi Irq degan joyga qarab namoz o'qir erdilar. Madinaga ketayotganingda Irq birlan Ravho tepaligi oralig'ida masjid bor. Abdulloh o'sha masjidda namoz o'qimas erdilar. Masjidni orqaroqda qoldirib, Irqqa qarab namoz o'qir erdilar. Abdulloh o'sha joyda namoz o'qimoq uchun Ravhodan peshinni o'qimay qaytar erdilar. Agar Makkadan kelayotgan bo'lsalar-u, shu joyga tongdan biror soat ilgari yoki saharning oxirrog'ida kelib qolsalar, bomdod namozini o'qimoq uchun ataylab to'xtar erdilar. Abdulloh bunday degandilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yo'lining o'ng tomonidagi Ruvaysa degan qishloq yaqinidagi katta daraxtning tagiga kelib tushar erdilar. Keng va tekis joydagi bu daraxt tepalikka yaqinroq, Ruvaysadan ikki mil narida. Tepalik usti bino singari tekis bo'lib, sal qiyshiqroq, pastda ersa ko'plab qum uyumlari

mavjud. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Arj qishlog'ining orqasidagi qum tepalikning chekkasida namoz o'qir erdilar». Hadaba degan tepalik tomonga ketayotganingdagi masjid yonida 2 yoki 3 ta qabr bor. Qabrlar ustiga katta-katta toshlar o'rnatilgan. Abdulloh kun ko'tarilgandan keyin yo'ning o'ng tomonidagi salamazor (salama — daraxt turi) oralab Arjdan yo'lga chiqar erdilar. Peshinni o'sha masjidga borib o'qir erdilar. Abdulloh bunday degandilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Harsha tog'i etagidagi pastlikka, yo'ning chap tomonidagi daraxtlar tagiga kelib tushar erdilar. O'sha pastlik Harsha tog'ining bir yoniga tutash erdi. U bilan yo'l o'rtasidagi masofa bir kamon o'qi yetgulik erdi». Abdulloh yo'l yoqasiga yaqinroq eng uzun daraxtning tagida namoz o'qir erdilar. Abdulloh bunday degandilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madina tmondan kelayotganlarida Marrizahron degan joyga yaqinroq joylashgan bir pastlikda dam olardilar. Makkadan kelayotganlarida esa yo'ning chap tomonida joylashgan Safravot degan joy orqali yana o'sha pastlikka tushar erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelib tushadigan jrylari birlan yo'l o'rtasidagi masofa tosh otganda yetgulik edi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zu Tuvan degan joyda tong otguncha qolar erdilar. Makkadan kelayotganlarida esa u yerda bomdod vaqtigacha qolib, bomdod namozini o'qib ketar erdilar».

NAMOZ O'QILADIGAN JOYNING QIBLA TOMONINI TO'SIB QO'YISH HAQIDAGI BOBLAR

90-bob. Imom oldidagi to'siq orqadagi namozxonlarga ham kifoya qiladir

Abdulloh ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Minoda (qurbonlik qiladigan joyda) odamlar birlan namoz o'qiyotgan edilar. Men balog'at yoshiga yotay deb qolgandim. Janob Rasululloh oldilariga to'siq qo'ymay namoz o'qiyotgan edilar. Tasodifan men bir urg'ochi eshak minib kelib qoldim, bir necha namozxonlarning oldidan o'tdim-da, eshakdan tushib, uni o'tlagani haydab yubordim, keyin o'zim namozxonlar safiga kelib turdim. O'shanda menga hech.kim tanbeh bermadi».

Ibn Umar quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayit namozi o'qigani chiqsalar, g'ulomlariga uchi nayza hassalarini olib kelmoqni buyurar erdilar. Keyin, hassani ro'paralariga sanchib qo'yib, o'shanga qarab namoz o'qir zrdilar. Odamlar ersa u kishining orqalarida (to'siq qo'ymay) namoz o'qishardi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarga chiqqanlarida ham shunday qilar erdilar. O'sha sababdan amirlar ham namozgohga chiqqanlarida o'zlari birlan hassa oladigan bo'lishdi».

Avn ibn Abu Juhayfa quyidagi hadispi otamdan eshitgandim, deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Batho degan joyda ro'paralariga uchi nayza hassalarini sanchib qo'yib, biz birlan namoz o'qidilar. Peshinni 2 rak'at, asrni 2 rak'at o'qidilar. Oldilaridan bir ayol va eshak o'tib ketsa ham, parvo qilmadilar».

91-bob. Namozxon birlan to'siq oralig'i qancha bo'lmoqligi bayonida

Sahl ibn Sa'd naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qiyotgan joylari birlan devor orasida bir qo'y o'tgudek masofa bor erdi».

Salama ibn Abu Ka'b dedilar: «Minbar birlan masjid devori oralig'i qo'y o'tgudek erdi».

92-bob. Ro'parasiga sanchib qo'yilgan nayzaga qarab namoz o'qimoq

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ro'paralariga nayza sanchib qo'yishar erdi, o'shanga qarab namoz o'qir erdilar».

93-bob. Uchi nayza hassaga qarab namoz o'qimoq

Avn ibn Abu Juhayfa quyidagini otam aytib bergandilar, dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kun qizigan paytda bizning oldimizga chiqdilar, tahorat oldilar, so'ng biz birlan peshin va asrni o'qidilar. Ro'paralariga uchi nayza hassalari sanchib qo'yilgan bo'lib, ayollar va eshaklar uning narigi tomonidan o'taverardi».

Ato ibn Abu Maymuna quyidagini Anas ibn Molikdan eshitdim, dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, agar hojatga chiqsalar, men va bir xizmatkor bola nayza yoki hassa yohud uchi nayza hassa (namozda ro'paraga sanchib qo'ymoq uchun) hamda suv olib, orqalaridan ergashar erdik. Hojatlariidan bo'shaganlarida idishdagi suvni berar erdik».

94-bob. Makkai Mukarrama va boshqa joylarda namozxon oldiga sutra (to'siq) qo'yish

Abu Juhayfa naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, tush paytida yo'lga chiqib, Batho degan joyda ro'paralariga uchi nayza hassani sutra (to'siq) qilib sanchib qo'yidilar-da, peshin va asrni ikki rak'atdan (sunnat va farzini) o'qidilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tahorat olganlarida tushgan suvni odamlar olib, badanlariga surta boshladilar».

95-bob. Ustunga qarab namoz o'qimoq

«Masjiddagi ustunlar, ularga suyanib gaplashib o'tirgan bekorchilardan ko'ra, namozxonlarga kerak!» — deganlar Hazrat Umar, Hazrat Umar ikki ustun oralig'ida namoz o'qiyotgan bir kishini ko'rib: «Ustunga yaqinroq borib namoz o'qig'il!» — dedilar.

Yazid ibn Abu Ubayd dedilar: «Salama ibn al-Akva' birlan birga (masjidga) kelgan erdim, (Abu Muslim) Usmon Mushafi yonidagi ustun oldida namoz o'qiyotgan erkan. Men: «Ey, Abo Muslim, siz doim shu ustun ro'parasida namoz o'qimoqni yaxshi ko'rasiz-a?» — dedim. «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning doim shu ustun ro'parasida namoz o'qiganlarini ko'rganman»,—dedilar».

Anas raziyallohu anhu dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalarining kiborlari mag'rib tomondagi ustunlar tagidan joy olmoqqa shoshilayotganlarini ko'rdim». Shu'ba raziyallohu anhu ushbu hadisga «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (masjidga) chiqqunlaricha», deb qo'shib qo'yidilar».

96-bob. Jamoatsiz, yolg'iz o'zi ustunlar orasida namoz o'qimoq

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'batullohga kirdilar, Usoma ibn Zayd, Usmon ibn Talha va Bilol ham birga erdilar. U yerda bir oz bo'lgach, qaytib chiqdilar. Men birinchi bo'lib ichkariga kirdim-da, «Qaerda namoz o'qidilar?» — deb Biloldan so'radim. «Oldindagi ikki ustun oralig'ida»,— deb aytdi».

Abdulloh ibn Umar quyidagi hadisni aytib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'batullohga kirdilar. Usoma ibn Zayd, Bilol va Usmon ibn Talha ham birga erdilar. Eshiklarni yopib olishdi. Qaytib chiqishgach, «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ne qildilar?» —deb Biloldan so'radim. «Bir ustunni o'ng tomonlarida, ikkinchi ustunni chap tomonlarida, uchinchi ustunni esa orqalarida qoldirib (o'sha paytda Ka'batullohda 6 ta ustun bo'lgandi) namoz o'qidilar»,— dedi. «Nofi' menga: «Ikki ustun o'ng tomonlarida bo'lgandi, deb aytdi»,— deydilar Ismoil raziyallohu anhu.

97-bob.

Nofi' raziyallohu anhu dedilar: «Abdulloh ibn Umar Ka'bage kirsalar, eshikni orqada qoldirib, ro'paradagi devorga 3 gaz qolguncha yaqin borar erdilar. Bilol «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qigan joylari» deb ko'rsatgan joyda namoz o'qir erdilar. Ibn Umar: «Ka'baning ichiga kirgach, istagan tomonga qarab namoz o'qisa bo'laveradi»,— deganlar».

98-bob. Cho'ktirib qo'yilgan tuya hamda daraxt va egarga qarab namoz o'qimoq

Ibn Umar raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytib berganlar: «Bir kuni Ubaydulloh menga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tuyalarini o'zlariga nisbatan ko'ndalang cho'ktirib qo'yib, unga qarab namoz o'qir erdilar»,— dedi. «Agar tuyalari o'rnidan turib ketsa, ne qilur erdilar»,— dedim. Egarini ro'paralariga ko'ndalangiga qo'yib olib, namoz o'qiyverardilar»,— dedi».

Ibn Umarning o'zlari ham shunday qilar ekanlar.

99-bob. Chorpoyaga qarab namoz o'qimoq

Oisha onamizga kimdir: «Namozxonning oldidan it, eshak yokim ayol o'tsa, namozi buzilg'aydir» — deganda, «Hali bizni it yokim eshakka teng qildilaringmi?»—dedilar. «Men chorpoyada yotardim,— deydilar Oisha onamiz,—Rasululloh sallallohu alayhi va sallam chorpoyaning qoq o'rtasiga qarab namoz o'qir erdilar. Men u kishining qibla tomonlariga to'g'ri kelib qolganimdan xijolat tortib, oyog'imni ko'rpa ichiga yig'ishtirib oldim».

100-bob. Namoz o'quvchi odam oldidan o'tayotgan odamni orqasiga qaytaradi

Ibn Umar tashahhudda (Kalimai shahodat aytmoqda) o'tirganlarida ham, Ka'batullohda ham oldilaridan o'tayotgan kishini qaytardilar. «Agar qaytmasa, qo'ling birlan itarib qaytarg'il!» —dedilar.

Abu Solih rivoyat qiladilar: «Jum'a kuni men Abu Sa'idning ro'parasiga sutra (to'siq) qo'yib olib namoz o'qiyotganini ko'rdim (boshqa bir hadisda, bu voqeani Janob Rasululloh aytib bergandilar, deyiladi). Abu Mu'it qabilasiga mansub bir bola uning oldidan o'tmoqchi bo'ldi. Abu Sa'id bolani ko'krigidan itarib qaytardi. Bola boshqa o'tadigan joy topmasdan uning oldidan o'tgani yana qaytib keldi. Abu Sa'id bolani qattiqroq itardi. Bolaning jahli chiqib Abu Sa'idni haqorat qildi-da, Marvon huzuriga shikoyat qilgani kirib ketdi. Abu Sa'id ham uning ketidan kirdi. Marvon: «Ey, Abu Sa'id, jiyaningiz (bu bola) birlan sizning orangizda ne o'tdi?»—dedi. Abu Sa'id: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Agar birortangiz sutraga (to'siqqa) qarab namoz o'qiyotganingizda biror kishi sutra birlan sizning orangizdan o'tmoqchi bo'lg'aydir, uni qaytaringiz, agar unamag'aydir, urib qaytaringiz, chunkim u shaytondir!» — deganlarini eshitganman»,— dedi».

101-bob. Namoz o'qiyotgan odamning oldidan o'tuvchi kishining gunohi

Abdulloh ibn Yusuf quyidagi hadisni aytib berdilar: «Zayd ibn Xolid Umar ibn Ubaydullohning quli Abunnazrni «Namoz o'quvchilar oldidan o'tuvchilar to'g'risida Abu Juhaym Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan nimalar eshitgan erkan, bilib kelg'il!» — deb yubordi. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namoz o'qiyotgan odam oldidan o'tg'uvchilar nechuk gunoh qilayotganlarini bilganlarida erdi, namozxonning oldidan kesib o'tmay, yaxshisi qirq (kun, oy, yil?) to'xtab, kutib turgan bo'lur erdilar» — debdi Abu Juhaym.

Abunnazr: «O'shanda, qirq qun, deb edilarmi, qirq oy yokim qirq yil, deb edilarmi, esimda yo'q»,— deydir».

102-bob. Namoz o'qiyotgan kishining ro'parasiga kelib turmoq

Usmon Zunnurayn namoz o'qiyotgan kishining ro'parasiga kelib turmoqni makruh hisobladilar. Darhaqiqat, bu namozxonning ko'nglini buzsa yokim fikrini bo'lsa, makruhdur, ammo aksincha bo'lsa, zarari yo'qdir.

Zayd ibn Sobit: «Men bunga parvo qilmaydirman, namoz o'qiyotgan erkak kishining ro'parasiga erkak kishining kelib turmog'i, namozni buzmaydir» — deydilar.

Oisha onamiz haqlarida rivoyat qiladilar: «Oisha onamizning huzurlarida namozni buzadigan narsalar haqida suhbat borardi. Sahobalar: «Namozni namozxonning oldidan it, eshak va ayolning o'tmog'i buzg'aydir» deyishdi. Oisha onamiz: «Bizni itga tenglashtiringizmi?! Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, men qibla tomonda o'rindiqa yonboshlab yotganimda kelib, namoz o'qiy boshlar erdilar. U kishining qibla taraflarida uzala tushib yotmoqni o'zimga ep ko'rmay, sekingina o'rnimdan sug'urilib chiqib ketar erdim»,— dedilar».

103-bob. Uxlayotgan odamning orqa tomonida namoz o'qimoq

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qir erdilar, men u kishining o'rinlarida qiblaga ko'ndalang holda yotardim. Vitr o'qimoqchi bo'lganlarida meni uyg'otar erdilar. U kishi birlan vitr o'qir erdim».

104-bob. Ayolning orqa tarafida nafl namozi o'qimoq

Oisha onamiz bunday degan edilar: «Oyog'imni uzatib yotgan erdim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelib oyoq tomonimda namoz o'qiy boshladilar. U kishi sajda qilayotganlarida meni turtib qo'yardilar, men oyog'imni yig'ishtirib olardim, qiyomga tursalar, uzatib yuborardim. O'sha paytlarda uylarda chiroq bo'lmas erdi».

105-bob. Namozxon oldidan har qanday narsa o'tsa ham, namoz buzilmaydir, deydiganning dalili

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Ollohga qasam ichib ayturmankim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qiyotganlarida o'rin-to'shakda u kishining qibla tomonlarida yonboshlab yotgan erdim. O'rnimdan turib ketay desam, u kishiga qibla bo'lib qolib, ozor berib qo'yg'ayman. Shunda sekingina o'rnimdan sug'urilib chiqdim-da, oyoqlari yonidan o'tib ketdim».

Ya'qub ibn Ibrohimdan akasining o'g'li Ibn Shihob namozni buzadigan narsalar to'g'risida so'rabdir. Shunda Ya'qub ibn Ibrohim: «Namozni hech narsa buzmaydir», — deb javob beribdir.

Oisha onamiz bunday deganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi turib namoz o'qir erdilar, men esam u kishining qibla tomonlarida o'rin-to'shakda uzala tushib yotar erdim».

106-bob. Namozxon namoz o'qiyotib yelkasiga qizchasini mindirib olsa...

Abu Qatoda naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlari Zaynabning qizchasini (nabiralarini) bo'yinlariga mindirib olib namoz o'qir erdilar. Sajda qilsalar, tushirib qo'yar erdilar, qiyomga tursalar, ko'tarib olar erdilar» (bu — shofi'iy, hanafiy va hanbaliy mazhablarida farzda ham, naflida ham joiz, ammo molikiy mazhabida faqat nafl namozdagina mumkin hisoblanadir).

107-bob. Kishi hayz ko'rgan ayol yotgan ko'rpaga qarab namoz o'qisa, karohiyati bormi?

Maymuna onamiz rivoyat qiladilar: «Mening o'rin-to'shagim Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qiydirgan joylari ro'parasida erdi. Ehtimol, men o'rnimda yotganimda kiyimlari menga tegib ketgandir».

Yana Maymuna onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qir erdilar, men ersam hayz ko'rgan holimda yonginalarida uxlab yotar erdim. Sajdaga borsalar, kiyimlari menga tegar erdi».

108-bob. Kishi sajdaga bosh qo'yayotib: «Menga xalal beryapsan, sal yig'ishtirinibroq yotg'il!» — deb xotini turtib qo'yishi mumkinmi?

Umar ibn Ali naql qiladilar: «Oisha onamiz «Namozxonning oldidan it, eshak va xotin kishi o'tsa, namoz buzilg'aydir, degan kishilarga qarata: «Juda ham yomon o'xshatish qildingiz, bizni it va eshakka teng qildingiz! Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz

o'qiyotganlarida u kishining qibla tomonlarida yonboshlab yotganim esimda. Sajda qilmoqchi bo'lsalar, oyog'imga turtib qo'yar erdilar, men oyog'imni yig'ib olar erdim»,— dedilar».

109-bob. Ayol kishining namozxon ustidagi biror ozor berib turgan narsani olib tashlashi

Abdulloh ibn Mas'ud dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'batulloh yonida namoz o'qiyotgan erdilar. Quraysh mushriklaridan bir to'dasi o'zlarining har doim yig'ilishadigan joylarida gaplashib o'tirishardi. Nogahon, ulardan biri: «Manavining ibodatni ko'z-ko'z qilmog'ini ko'ringiz! Qaysi biringiz falonchilarning qushxonasidan ichak-chavoq olib kelib, u sajdaga borganda, ikki kuragingning o'rtasiga tashlay olursiz?» — dedi. Shunda ularning eng badbaxti turib ichak-chavoq olib kelgani ketdi. Olib kelgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sajdada qilmoqlarini poylab turib, ikki kuraklari o'rtasiga tashladi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sajdada turib qoldilar. Mushriklar bir-birlariga qarab qotib-qotib kulishdi. Bir kishi buni payg'ambarimizning qizlari Fotimaga borib aytdi. Qizaloqlari yugurib kelganda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sajdada turar erdilar. Fotima ichak-chavoqlarni u kishining yelkalaridan olib tashladi-da, mushriklarni qarg'adi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozni tugatganlaridan so'ng: «Ilohi, Qurayshni halokatga uchratg'il!»—deb uch marta duoi bad qildilar. Keyin (bir oz o'ylab turgach): «Ilohi, Amr ibn Hishomni, Uqba ibn Rabi'ani, Shayba ibn Rabi'ani, Valid ibn Utbani, Umayya ibn Xalafni, Uqba ibn Abu Mu'itni, Ammora ibn Validni halok qilg'il»,— deb nomma-nom aytdilar. Ollohga qasam ichib ayturmenki, ularning hammasini Badr jangida o'lib yotganini ko'rdim, ularni sudrab olib borib suvsiz quduqqa tashladilar». «Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quduqqa tashlanganlarni oxiratda la'natlag'aysan!» deb Ollohga iltijo qildilar»,— deydi Abdulloh raziyallohu anhu.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

NAMOZ VAQTLARI HAQIDA KITOB

Oллоh taolo bu xususda: «Namoz vaqtlari mo`min bandalarga Kitobda belgilab berilmishdir» — deydi.

Abdulloh ibn Muslima rivoyat qiladilar: «Bir kuni Umar ibn Abdulaziz namozni kechiktirib o`qidi (asr namozi bo`lsa kerak). Shunda uning huzuriga Urva ibn Zubayr kirib: «Bir kuni Mug`ira ibn Shu`ba Iroqdalik kezida namozni kechiktirib o`qiganida Abu Mas`ud al-Ansoriy: «Bu nesidir, ey Mug`ira! Men senga Jabroil alayhissalom osmondan tushib, namoz o`qidilar, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham namoz o`qidilar; Jabroil alayhissalom yana namoz o`qidilar, Janob Rasululloh ham namoz o`qidilar; Jabroil alayhissalom yana namoz o`qidilar, Janob Rasululloh ham namoz o`qidilar; Jabroil alayhissalom yana namoz o`qidilar, Janob Rasululloh ham namoz o`qidilar; Jabroil alayhissalom yana namoz o`qidilar, Janob Rasululloh ham namoz o`qidilar. Keyin: «Menga shundoq qilmoq (ya`ni, besh vaqt namoz o`qimoq) amr qilinmishdir»,— dedilar, deb o`rgatmaganmidim?!» — dedi. Umar ibn Abdulaziz Urvaga: «Neni nazarda tutib so`zlayotganingizni bilurmen, Jabroil alayhissalom Janob Rasulullohga namoz vaqtlarini belgilab bergandirlar»,— dedi. Urva: «Bashiy Ibn Abu Mas`ud ham otasi Abu Mas`ud xususida shundoq deb hikoya qilib bergan erdi. Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asrni hujralariga Quyosh tushmasdan ilgari o`qib olar erdilar» — deganlar»,— dedi».

1-bob. Oллоh taoloning «(Oллоhga) tavba qilib, undan qo`rqingiz va namoz o`qingiz, mushrik bo`lib ketmangiz!» — degan kalomi sharifi xususida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga Abd ul-Qays qabilasidan vakillar kelib, «Anavi Rabiya qavmi bizga xalal bermoqda, huzuringizga haj oyidan boshqa vaqt kelmakka imkonimiz yo`qdir. Bizga biror narsa buyursangiz, biz uni sizdan o`rganib, uyimizdagilarga borib o`rgatsak!» — deyishdi. Janob Rasululloh: «Sizlarga to`rt narsani buyurib, to`rt narsani, man` qilg`aymen: Oллоhga iymon keltirmoq (ya`ni, Lo iloha illa-l-lohu, demoq), mening Oллоhning Rasuli ekanlig`imni tan olmoq, namoz o`qimoq va o`ljangizning beshdan berini zakot qilmoqni buyurg`aymen hamda dubbo`, hantam, muqayyar va naqiyrni man` qilg`aydirmen»,— dedilar».

2-bob. Namoz o`qimoqqa bay`at qilmoq xususida

Jarir ibn Abdulloh: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga namoz o`qimoq, zakot bermoq va (bu haqda) har bir musulmonga nasihat qilmoqqa bay`at qildim»,— dedilar.

3-bob. Namozning (gunohlar uchun) kafforat ekanligi haqida

Shaqiq raziyallohu anhu Huzayfa raziyallohu anhudan naql qiladilar: «Umar raziyallohu anhuning huzurlarida o`tirgan erdik. «Qaysi biringiz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning fitna to`g`risida aytgan so`zlarini eslab qolgandirsiz?» — dedilar. «Men,

qandoq aytgan bo'lsalar, shundoqligicha eslab qolgandirman»,— dedim. «Qani, aytg'ilchi!» — dedilar. Men: «Odamning o'z ayoli, mol-dunyosi, bolalari va qo'shnisidan sodir bo'ladirg'an fitnalarga namoz, ro'za, sadaqa hamda amr va ta'qiqqa rioya qilmoq kafforat erur»,— dedim. U kishi: «Yo'q, men buni ermas, balkim, dengiz to'lqinlari yanglig' bosib keladigan fitnani nazarda tutgan erdim»,— dedilar. «Yo Amir al-mo`minin, siz bundan qo'rqmasangiz ham bo'lur, chunkim siz birlan o'sha fitna o'rtasinda bir yopiq eshik g'ov bo'lib turibdir»,— dedim. Hazrat Umar: «O'shal eshik sindirilg'aymidir yokim ochilg'aymidir?» — dedilar. «Sindirilg'aydir», — dedim. Hazrat Umar: «Demak, keyin mutlaqo yopilmas erkan»,— dedilar. Biz: «Hazrat Umar qaysi eshik nazarda tutilganini angladilarmi?» — deb Huzayfadan so'radik. Ul kishi: «Ha, ertangi kundan oldin tun bo'lmog'ini bilganlaridek yaxshi bilg'aydirlar, men ul kishiga Janob Rasulullohning hadislarini to'la-to'kis (bexato) aytib bergandirman» — dedilar. Keyin, biz Huzayfadan boshqa so'ramakka botinmay, Masruqqa: «Sen so'rag'il-chi!»— dedik. Masruq so'ragan erdi, ul kishi: «O'shal eshik Hazrat Umarning o'zlaridir»,— dedilar».

Ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi bir xotindan qiblaning qaysi tomonda erkanlig'ini surishtirib turgan erdi, Nabiy sallallohu alayhi va sallam kelib, unga qiblani ko'rsatib qo'ydilar. Shunda Olloh taolo: «Ertadan kechgacha va tunning bir qismida namoz o'qig'il, darhaqiqat yaxshilig' yomonlig'ni mahv etg'usidir!»— degan oyati karimasini nozil qildi. Boyagi kishi: «Yo Rasululloh, bu menga taalluqlimidir?»—dedi. Janob Rasululloh «Barcha ummatlaring'a taalluqlidir»,—dedilar».

4-bob. Namozning fazilati uning o'z vaqtida ekanlig'idadir

Abu Umar va Shayboniy raziyallohu anhumo rivoyat qiladirlar: «Abdulloh raziyallohu anhu Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan: «Bandalarning qaysi amali Olloh taologa xush kelg'aydir?»—deb so'radi. Janob Rasululloh: «O'z vaqtida o'qilg'an namoz»,— dedilar. Abdulloh: «Undan keyin-chi?» — dedi. Janob Rasululloh: «Ota-onaga itoatli bo'lmoqlig'»,— dedilar. «Yana qaysi?» — dedi Abdulloh. «Olloh yo'lida jihod qilmoqlig'»,— dedilar Janob Rasululloh. «Bularni menga Janob Rasululloh aytganlar, agar unga zarracha qo'shib-chatigan bo'lsam, xudo ursin!» — degandi Abdulloh».

5-bob. Besh vaqt namoz gunohlarga kafforatdir

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga: «Birortangiz uyingizning oldidan oqib o'tadiring'an daryoda (yokim soyda) har kuni besh mahal yuvinsangiz, badanimda kir qolmish, deb ayturmisiz?» — dedilar. Odamlar: «Sira ham kir qolmag'aydir»,— deyishdi. Janob Rasululloh: «Besh vaqt namoz ham shunga o'xshash bo'lib, Olloh taolo ular tufayli gunohlarni kechirg'aydir»,— deb aytdilar».

6-bob. Namoz vaqtini boy bermoq haqida

Raylon raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Anas raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam davrlaridagidan ko'ra yaxshiroq narsani bilmasman, ul namoz deb atalg'aydir»,— dedilar. Keyin: «Namozni boy bermoq birlan undan tegadiringan savobni ham boy berib qo'ymadingizmi!?» — deb qo'shib qo'ydilar».

Zuhriy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Damashqda Anas ibn Molikning huzurlariga kirsam, yig'lab o'tirgan erkanlar. «Nechun yig'laydirlar?»—dedim. Ul kishi: «O'zim bilgan narsalar ichinda namozdan ko'ra yaxshiroq narsani bilmasman, bul namoz ersa, boy berilmishdir»,— deb aytdilar».

7-bob. Namozxon rabbi — Olloh taologa munojot qilg'aydir

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki namoz o'qig'aydir, rabbig'a munojot etg'aydir (ya'ni, Olloh birlan suhbat qilg'aydir), shu boisdan o'ng tomoniga tupurmasin, ammo chap oyogi ostig'a tupursa bo'lur»,— deb aytdilar».

Qatoda raziyallohu anhu: «Namozxon ro'parasiga yokim old tomoniga tupurmaydir, ammo chap tomoniga yokim ikki oyog'i ostiga tupursa bo'lur»,— deydilar.

Shu'ba raziyallohu anhu: «Namozxon old tomonita ham, o'ng tomoniga ham tupurmaydir, ammo chap tomoniga yokim oyog'i ostiga tupursa bo'lur»,— deydilar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Qomatingizni tekis tutib sajda qilingiz, bilaklaringizni it yanglig' (erga) tashlab olmangiz, agar tupurmak lozim ersa, ro'parangizga ham, o'ng tomoningizga ham tupurmangiz, chunkim siz rabbingizg'a munojot qilursiz (ya'ni, qalbingiz tili ila rabbingiz birlan suhbatlashursiz)»,— deb aytdilar».

8-bob. Jazirama kunlarda salqin tushmog'ini kutib peshin o'qimoq haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kun qattiq isib ketsa, namozni salqin tushganda o'qingiz, jazirama issiq jahannam nafasi yanglig'dir», — dedilar».

Abu Zarr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning muazzinlari peshinga azon aytdi. Shunda Janob Rasululloh: «Salqinlatg'il, salqinlatg'il (yokim salqin tushmog'ini kutg'il, salqin tushmog'ini kutg'il)! Jazirama issiq jahannam nafasi yanglig'dir. Kun qattiq isib ketsa, tepaliklar yonida soya paydo bo'lganini ko'rmagunimizcha, namoz o'qimay turingiz!», — dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kun qattiq isib ketsa, peshinni, salqin tushganda o'qingiz, jazirama issiq jahannam nafasi yanglig'dir! O't (olov) rabbiga shikoyat qilib: «Yo rabbiy, o'zimni-o'zim yeb qo'ydim (bir-birimni yeb qo'ydim)», — der. Demak, o'tning o'zi ikkitadir, biri — qishda, ikkinchisi — yozda bo'lg'aydir. Haddan ziyod isib ketganingizda yozdagisini, haddan ziyod sovuq qotg'aningizda ersa, qishdagisini his qilg'aydirlar», — dedilar».

Abu Sa'id raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kun qattiq isib ketsa, peshinni salqin tushganda o'qingiz, jazirama issiq jahannam nafasi yanglig'dir! » — dedilar».

9-bob. Safar chog'ida peshinni salqin tushganda o'qimoq haqida

Abu Zarr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga safarda erdik. Muazzin peshinga azon aytmoqchi bo'ldi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Salqin tushmog'ini kutg'il!» — dedilar. Keyin, yana aytmoqchi bo'luvdi: «Tepaliklar yonida soya paydo bo'lganini ko'rmagukimizcha, kutib turg'il!»— dedilar-da, «Jazirama issiq jahannam nafasi yanglig'dir, agar kun qattiq isib ketsa, namozni salqin tushganda o'qingiz!» — deb qo'shib qo'ydilar».

10-bob. Kun oqqanda peshin o'qimoq haqida

Jobir raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam kun qattiq qizigan paytda namoz o'qir erdilar»,— deydilar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kun oqqanda chiqib, peshin o'qidilar. So'ng minbarga chiqib, qiyomat haqida va o'shal kuni bo'ladirgan buyuk ishlar to'g'risida eslab, so'zladilar. Keyin: «Kimki biror narsa to'g'risida so'ramoqchi ersa, so'rasin, ko'zim ochiqligida ilgari men sialarga aytib bermaganim narsalar xususida so'rab qolingiz!» — dedilar. Shunda odamlar yig'idan o'zlarini tiya olmadilar, Janob Rasululloh bo'lsalar, nuqul: «So'rab qolingiz!» — der edilar.

Ittifoqo, Abdulloh ibn Huzofa as-Sahmiy o'rnidan turib: «Mening otam kimdir?» — dedi. Janob Rasululloh: «Otang Huzofadir»,— dedilar, keyin: «Yana so'rangiz!» — deb takrorlayverdilar. Shunda Umar tiz cho'kib turib: «Biz Ollohni rabbimiz deb, islomni dinimiz deb, Muhammadni payg'ambarimiz deb tan oldik»,— dedi-da, jim qoldi. Janob Rasululloh: «Hrzirgina menga mana shul devor tomonda jannat birlan do'zax ko'rsatildi, men bunchalik yaxshilig' va yomonlig'ni ko'rmagan erdim»,— dedilar».

Abu Barza raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bomdodni har birimiz yonimizdagi namozxonni taniydirgan darajada havo yorishganda o'qir erdilar va oltmishtadan yuztagacha oyat tilovat qilur erdilar. Peshinni kun oqqanda, asrni ersa, birortamiz shaharning eng chekxasiga borib qaytganimizda ham kunning tafti hali o'lmagan paytda o'qir erdilar».

Shu'ba raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Abu Barza shom haqida ne deganin bilmasman, yodimdan chiqibdir, lekin u «Janob Rasululloh xuftonni tunning uchdan bir qismini o'tkazib o'qiyverar erdilar»,— degandi, keyin yana: «Tun yarim bo'lganda»,— deb qo'shib ham qo'ygandi».

Anas ibn Molik: «Jazirama issiq kunlari Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib peshin o'qisak, peshonamiz yer taftidan kuyib qolmog'idan qo'rqib, kiyimimizga sajda qilur erdik»,— deydilar.

11-bob. Asr vaqti to'g'risida

Abu Usoma raziyallohu anhu Hishomdan naql qilib: «Janob Rasululloh asr o'qiganlarida Oisha onamizning hujralaridan quyosh hali chiqib ketmagan erdi»,— deydilar.

Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asrni quyosh hali hujramdan chiqib ketmay turib, o`qir erdilar»,— dedilar.

Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam quyosh hali hujramdan chiqib ketmay turib va hujramg`a soya tushmay turib, asr o`qidilar»,— dedilar.

Oisha onamiz: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam quyosh hali hujramga tushib turganda, hujramda soyadan asar ham yo`q paytda asr o`qir erdilar»,— dedilar.

Sayyor ibn Saloma rivoyat qiladilar: «Men va otam Abu Barzaning huzurlariga kirdik. Otam u kishidan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam besh vaqt namozni qandoq o`qir erdilar?» — deb so`radilar. Ul kishi: «Sizlar uvlo deb ataydirgan peshinni kun oqqan paytda, asrni ersa birortamiz shaharning eng chekkasiga borib qaytganimizda ham kunning tafti hali o`lmagan paytda o`qir erdilar (shom haqida aytgan gaplarini esimdan chiqarib qo`yibdirman), sizlar atama deb ataydirgan xuftonni ersa kechiktirib o`qimoqni afzal ko`rar erdilar hamda xuftondan oldin uxlamakni va undan keyin so`zlashib o`ltirmakni yomon ko`rar erdilar. Bomdodni kishi yonida o`tirgan namozxonni taniydirgan darajada havo yorishganda o`qib bo`lar erdilar va oltmishtadan yuztagacha oyat tilovat qilur erdilar»,— dedilar».

Anas ibn Molik: «Biz asr o`qiyotgan erdik, keyin bir kishi Baniy Amr ibn Avf qavmi oldiga borib qarasa, ular ham asr o`qishayotgan erkan, — dedilar.

Sahl ibn Hunayf raziyallohu anhu Abu Umomadan naql qiladilar: «Biz Umar ibn Abdulaziz birlan birga peshin o`qidik, so`ng chiqib, Anas ibn Molikning huzurlariga kirdik, Ul kishi asr o`qiyotgan erkanlar Men: «Ey amaki, hozir siz qay namozni o`qidingiz? — dedim. Ul kishi: «Asr o`qidim, Janob Rasululloh biz birlan shundrq namoz o`qir erdilar»,— deb javob qildilar».

12-bob. (Yana) asr vaqti qaqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam quyosh balanddaligida, hali uning tafti so`nmagan paytda asr o`qir erdilar. Keyin, yo`lovchi (shaharning) eng chekkasiga borib, qaytsa ham hanuz quyosh balandda turgan bo`lur erdi. Shaharning ayrim chekka joylari birlan masjid oralig`i to`rt mil yokim shunga yaqin kelur erdi»,— dedilar.

Ibn Shihob raziyallohu anhu Anas ibn Molikdan naql qilib: «Biz asr o`qir erdik. Keyin, birortamiz Masjid ul-Qabo`ga borib qaytganimizda ham Quyosh hanuz balandda turgan bo`lar erdi»,— deydilar.

13-bob. Asrni qazo qilib qo`ygan kishining gunohi haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Asrni qazo qilib qo`ygan odam bola-chaqasiyu, mol-dunyosidan ajragan kishi yanglig`dir»,— deb aytganlar».

Abu Abdulloh: «Asrni qazo qilib qo`ysangiz, biror kishingiz o`ldirilgan yokim mol-dunyoingiz o`g`irlangan yanglig` katta yo`qotish qilgaydirez»,—deydilar.

14-bob. Kimki asr o`qimasa...

Abu Mulayh raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Burayda birlan birga Zu-G`aym kuni gazotda bo`ldik, o`shanda ul kishi: «Asrni ertaroq o`qingiz, Janob Rasululloh: «Asr o`qimagan kishi biror ishi barbod bo`lgan kishi yanglig`dir, deb aytganlar»,— dedilar».

15-bob. Asr namozining fazilati haqida

Jarir raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga erdik. Tunda Oyga (ya`ni, to`lin Oyga) qarab: «Keyinchalik, sizlar mana shul Oyni ko`rib turganingizdek rabbingizni ko`rgaydirlar, uni ko`rurmen desangiz, bir-biringizni ranjitmangiz! Agar kun chiqmog`i va kun botmog`idan oldingi namozlarni shaytonga boy bermaslik qo`lingizdan kelg`aydir, ularni doim o`qingiz!»—dedilar-da, «Quyosh chiqmog`idan burun ham, Quyosh botmog`idan burun ham, rabbingni maqtab tasbih aytg`il!»—deb qiroat qildilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Sizlarni maloikalar kechayu-kunduz kuzatib yurg`aydirlar. Bomdod va asrda kelib to`planishg`aydir, so`ng sizlar birlan birga bo`lgan maloikalar Arshi A`loga chiqadirlar, Olloh taolo maloikalardan ko`ra yaxshiroq bilsa ham: «Bandalarimni nechuk holatda tashlab keldingiz?» — deb ulardan so`rag`aydir. Maloikalar: «Kelayotganimizda ham, borganimizda ham namoz o`qiyotgan erdilar»,— deb aytg`aydirlar».

16-bob. Kun potishidan oldin asr o`qiyotgan kishi qolgan bir rak`atini o`qib ulgurmasligini fahmlab qolsa, namozini o`qib tugatadi

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh botmog`idan oldin asr namozining bir sajdasi o`qib ulgurmasligini fahmlab qolgan odam namozini nihoyasiga yetkazg`aydir. Quyosh chiqmog`idan oldin bomdod namozining bir sajdasi o`qib ulgurmasligiga aqli yetgan odam ham namozini tugallag`aydir»,— deb aytdilar».

17-bob. Shom namozi o`qiladigan vaqt haqida

Ato raziyallohu anhu: «Kasal odam shom birlan xuftonni qo`shib o`qiydi»,— deydi.

Rofi` ibn Xadij: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga shomni o`tirgan yerimizdan yoy otsak, o`qimiz tekkan joyni ko`ra oladigan paytda o`qir erdik»,— deydi.

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam peshinni kun qizigan paytda, asrni quyosh tiniq paytda, shomni quyosh botganda o`qir erdilar. Ba`zida xuftonni, namozxonlarning to`planganini ko`rsalar, tezlashtirar erdilar, ularning kechikayotganini ko`rganlarida esa, kechiktirar erdilar. Bomdodni qorong`u paytda o`qir erdilar»,— deydi.

Salama raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga shomni kun yuziga parda tortganda o`qir erdik»,— deydi.

18-bob. Shomni xufton deb atashlarini makruh qilgan kishi haqida

Abdulloh al-Maziniy rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Badaviylarning shom deb atalmish namozingizni boshqa nom bilan atamoqlariga yo'l qo'ymangiz. Badaviylar shomni xufton deb atamoqdalar», — deb aytdilar».

19-bob. Asho' va atama bayoni hamda ikkalasini «Bemalol ishlatsa bo'lg'aydir» degan kishi haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Asho' (xufton) va fajr (bomdod) namozlari munofiqlarga og'ir kelib qoldi. Shunda Janob Rasululloh: «Atama (xufton) va fajr (bomdod) namozlarida nechuk savob borlig'ini bilishsa erdi!»—dedilar.

Abu Abdulloh: «Asho' (xufton) deb ataydirmi, atama (xufton) deb ataydirmi, kishining o'z ixtiyoridadir, masalan, Oloh taolo: «Kimki ashod'in (xuftondin) keyin...» deb aytadir»,— deydilar. Abu Muso: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam bilan navbatma-navbat ashoga imomlik qilur erdik. Bu safar ham bizning navbatimiz erdi, ittifoqo, u kishi ashoga imomlik qilg'aymen, deb salla o'rab chiqdilar»,— deydilar. Ibn Abbas va Oisha onamiz: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ashoga salla o'rab chiqdilar»,— deydilar. Ba'zilar Oisha onamizdan naql qilib: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam atamaga (xuftonga) salla o'rab chiqdilar»,— deyishadi. Jobir raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ashoni o'qir erdilar»,— deydilar. Abu Barza: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ashoni kechiktirib o'qir erdilar»,— deydilar. Anas: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ashoni juda kech o'qidilar»,— deydilar. Ibn Umar, Abu Ayyub va Ibn Abbas: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam shom va ashoni o'qidilar»,— deyishadi.

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Tunlardan birida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlar atama deb ataydirgan ashoni (xufton) namozini biz bilan birga o'qidilar. Keyin, Janob Rasululloh bizga yuzlanib: «Bilib qo'yingiz, mana shul kechadan roppa-rosa yuz yil o'tgach, yer yuzida hozir mavjud bo'lgan odamlardan birortasi ham qolmag'aydir»,— dedilar».

20-bob. Namozxonlar vaqtida yig'ilganda yokim kech qolganda xufton qachon o'qiladir?

Muhammad ibn Amr rivoyat qiladirlar: «Jobirdan Nabiy sallallohu alayhi va sallamning nechuk namoz o'qimoqlarini so'radik, ul kishi: «Janob Rasululloh peshinni kun qattiq qizigan paytda, asrni Quyoshning tafti o'lmagan paytda, shomni Quyosh botganda, xuftonni ersa, masjidga odam ko'p yig'ilganda tezdin o'qiyverar erdilar. Masjidga odam kam yig'ilganda xuftonni kechiktirar erdilar. Bomdodni qorong'uda o'qir erdilar — dedi».

21-bob. Xuftonning fazilati

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Tunlardan birida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xuftonga imomlik qilmoqlari lozim erdi. Bu voqea islom tarqalmasidan oldin bo'lgan erdi. O'shanda Janob Rasululloh hadeganda masjidga chiqavermadilar, hatto Hazrat Umar: «Xotinlar va bolalar uxlab qoldilar»,— deb ovoz qildilar. Shundan keyin Janob Rasululloh masjidga yig'ilgan namozxonlarga qarab: «Bul namozni (xuftonni)

sizlardan bo'lak yer yuzida hech kim o'qiydirmen, deb muntazir bo'lib o'tirgani yo'qdir»,— dedilar».

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men va men birlan kemada birga kelgan sheriklarim Bathon degan joyga kelib tushgan erdik, Nabi sallallohu alayhi va sallam ersalar Madinada erdilar. Ul kishi har kecha bizlardan bittamizga (navbatma-navbat) xuftonga imomlik qilmakni tayinlar erdilar. Men va mening sheriklarim ul kishi birlan kelishib oldik, ul kishi ba'zi bir yumushlari bo'lganligi sababli tunning yarmigacha imomlik qildilar. Keyin, Janob Rasululloh chiqib biz birlan namoz o'qidilar. Namozni o'qib bo'lgach, o'sha yerda hozir bo'lganlarga qarab: «O'lo'loh taolo sizlarga ato etgan ne'matdan o'zgalarni ham sekingina xabardor qilingiz, shu soatda sizlardan boshqa hech kim namoz o'qiyotgani yo'q!»— dedilar».

22-bob. Xuftondan oldin uxlamak makruxdir

Abu Barza raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xuftondan oldin uxlamakni va xuftondan keyin so'zlashib o'ltirmakni makruh der erdilar»,— deydilar.

23-bob. Xuftondan oldin charchab uxlab qolgan kishi xususida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xuftonga imomlik qilmaqlari lozim erdi, (uxlab qolib) hadeganda chiqavermadilar. Shunda Hazrat Umar: «Xotinlaru bolalar uxlab qoldi»,— deb ovoz qilib u kishini chaqirdilar. Janob Rasululloh chiqib: «Yer yuzida sizlardan boshqa hech kim xufton o'qiydirmen, deb muntazir bo'lib o'ltirgani yo'qdir»,— dedilar. O'sha vaqtlarda Madinadan boshqa hech qaerda namoz o'qilmas erdi. Xuftonni shafaq yo'qolgandan boshlab, tunning birinchi qismining uchdan biri oralig'ida o'qishar erdi».

Abdulloh ibn Umar raziyalohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tunlardan birida xufton vaqtida band bo'lib qolib, unga bir oz kechikdilar, hatto biz u kishini kutib masjidga uxlab qoldik, bir uyg'onib, keyin yana uxlab qoldik va yana uyg'ondik, shundan keyingina Janob Rasululloh bizning oldimizga chiqdilar, so'ng bizga qarab: «Yer yuzida hech kim xufton o'qiydirmen, deb muntazir bo'lib o'tirgani yo'qdir»,— dedilar». Ibn Umarning o'zlari, uyqu g'oliblik qilib, xuftonni qazo qilib qo'ymakdan qo'rqmasalar, undan oldin yokim undan keyin mizg'ib olaverar erdilar.

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tunlardan birida xuftonga kechikdilar, hatto odamlar uxlab qoldilar, uyg'onib, yana bir uxlab turdilar. Shunda Umar ibn Xattob turib, «Namoz!» deb ovoz qildilar. Ato va ibn Abbos: «Shundan keyin Janob Rasululloh ikki qo'llari boshlarida, sochlaridan suv tomganicha chiqib keldilar-da, «Agar ummatimga mashaqqat bo'lmog'ini xohlaganimda, xuftonni shu tariqa o'qimoqni buyurar erdim, dedilar»,— deb aytishdi».

24-bob. Xuftonni yarim kechagacha o'qisa bo'lg'aydir

Abu Barza raziyallohu anhuning aytishlaricha, Nabi sallallohu alayhi va sallam xuftonni kechiktirib o'qimoqni afzal ko'rar erkanlar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabi sallallohu alayhi va sallam xuftonni

yarim kechaga borib o'qidilar. Keyin, yana namoz o'qidilar. So'ng: «Odamlar allaqachon namozlarini o'qib uxladilar, ammo sizlar o'qiymiz, deb kutgan namozingizni (ya'ni, xuftonni) o'qimakdasizlar»,— dedilar.

25-bob. Bomdod namozining fazilati

Jarir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida erdik, to'lin oyga qarab, «Sizlar mana shu oyni ko'rib turganingizdek rabbingizni ko'rg'aydirlarsizlar. Uni ko'raman desangiz, bir-birlaringizni ranjitmangiz! Quyosh chiqmog'idan va botmog'idan ilgarigi namozlarni shaytonga boy bermaslik qo'lingizdan kelsa, ularni muttasil o'qingiz!» — dedilar. So'ng: «Quyosh chiqmog'idan va botmog'idan burun rabbingni maqtab tasbih aytg'il!» — deb qo'shib qo'ydilar».

26-bob. Bomdod o'qiladigan vaqt haqida

Zayd ibn Sobit rivoyat qiladilar: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga saharlik qildik, keyin turib bomdod o'qidik. Men: «Saharlik birlan bomdod oralig'ida qancha vaqt bordir?» — deb so'radim. Janob Rasululloh: «Ellik yokim oltmish oyat o'qig'ulik fursat bordir», — dedilar».

Anas ibn Molik: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam va Zayd ibn Sobit ikkalalari saharlik qildilar. Saharlik qilib bo'lishgach, Nabiy sallallohu alayhi va sallam bomdod o'qidilar»,— dedi. Qatoda raziyallohu anhu: «Men Anasdan, saharlik qilib bo'lishgandan to namozga kirishgunlariga qadar qancha vaqt o'tdi? — deb so'radim»,— deydilar. Shunda Anas: «Kishi allikta oyat o'qig'anchalik»,— deb jayub bergan erkan.

Sahl ibn Sa'd: «Bola-chaqam birlan saharlik qilayotgan erdim, birdan, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan bomdod namozi o'qimak lozimligi esimga tushib qoldi»,— deydilar.

Oisha raziyallohu anho: «Biz musulmon ayollar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga bomdod namozi o'qimak uchun chodiramizga o'ralib (masjidga) borar erdik. So'ngra, namozni o'qib bo'lib, uyimizga qaytayotganimizda qorong'uda bizni hech kim tanimas erdi (ya'ni, bomdod namozi o'qib bo'linganda hali kun yorishmagan bo'lardi)»,— deydilar.

27-bob. Bomdod o'qiyotgan odam qolgan bir rak'atini quyosh chiqquncha o'qib ulgurmasligini anglasa...

Abu Xurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki bom-dodning bir rak'atini quyosh chiqquncha o'qib ulgurmasligini fahmlab qolsa, qolganini o'qib tugatsin, kimki asrning bir rak'atini quyosh botguncha o'qib ulgurmasligini fahmlab qolsa, uni ham o'qib tugatsin!» — dedilar».

28-bob. Namoz o'qiyotgan odam qolgan bir rak'atini o'qib ulgurmasligini fahmlab qolsa...

Abu Xurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam:

«Kimki namozining bir rak'atini o'qib ulgurmasligini fahmlab qolsa, uni o'qib tugatsin!»— dedilar».

29-bob. Tong otgandan keyin quyosh chiqib bo'lguncha namoz o'qilmaydir

Hazrat Umar raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam tong otgandan keyin quyosh chiqib bo'lguncha va asrdan keyin quyosh botib bo'lguncha namoz o'qimakni man' qildilar»,— deydilar.

Ibn Umar raziyallohu anhuning aytishlaricha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh chiqayotgan va botayotgan vaqtda o'qigan namozingizdan savob umid qilmangiz!» — deb aytgan erkanlar,

Ibn Umar raziyallohu anhuning yana bir boshqa rivoyatlariga ko'ra, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar quyosh yuzidan pardasini olayotgan ersa, butkul olib bo'lg'uncha yokim parda tortayotgan ersa, butkul tortib bo'lg'uncha namozingizni kechiktiringiz!» — deb aytgan erkanlar.

Abu Hurayra raziyallohu anhuning aytishlaricha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki xil kelishuvni, ikki xil kiyim kiyimakni va ikki namozni o'qimakni man' qilgan erkanlar: tong otgandan keyin quyosh chiqib bo'lguncha va asrdan keyin quyosh botib bo'lguncha namoz o'qimak; badanga yopishib turadigan va badani ko'rinib turadigan kiyimlarni kiyimak; birov birlan til biriktirib, dushmanlik hamda aloqa qilmak.

30-bob. Quyosh botmay turib o'qilgan namoz savobsizdir

Ibn Umar raziyallohu anhuning aytishlaricha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Birortangiz quyosh chiqayotgan va batayotgan paytda namoz o'qisangiz, savobdan mahrum bo'lg'aydirez!»—deb aytgan erkanlar.

Abu Sa'id Xudriyning aytishlaricha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Tong otgandan keyin quyosh chiqib bo'lguncha ham, asrdan keyin quyosh botib bo'lguncha ham namoz o'qilmag'aydir»,—deb aytgan erkanlar.

Himron ibn Abbon quyidagi hadisni rivoyat qiladilar: «Muoviya bir kuni: «Sizlar o'qiyotgan namozni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga yurib ham biror marta o'qiganlarini ko'rmaganmiz, u kishi asrdan keyin ikki rak'at namoz o'qimakni man' qilgan erdilar»,— deb aytdilar».

Hafs ibn Osimning Abu Hurayradan naql qilishlaricha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tong otgandan keyin quyosh chiqquncha va asrdan keyin quyosh botguncha namoz o'qimakni makruh qilgan erkanlar.

31-bob. Asr va tong otgandan keyingi namozlardan boshqasini man' qilmagan kishi xususida

Ibn Umar raziyallohu anhu «Men birodarlarim nechuk namoz o'qiyotganlarini ko'rgan ersam, shundok, namoz o'qiydirmen. Men biror kipjning kechasi va kunduzi, istagan

paytda namoz o'qimog'iga qarshi ermasmen, quyosh chiqayotgan! va quyosh batayotgan paytda o'qimasa, basdir»,— deydilar.

32-bob. Asrdan keyin o'qiladigan qo'shimcha va shunga o'xshash namozlar haqida

Ummu Salama rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam asrdan keyin ikki rak'at namoz o'qidilar-da, «Hali Abd ul-Quddus qabilasidan kelgan kishilar mening peshindan keyin ikki rak'at namoz o'qimog'imga xalal berdilar»,— dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Xudo haqqi, Janob Rasululloh Ollohga ro'para bo'lgunlariga (vafot etgunlariga) qadar peshin va asrdan keyin o'qiydigan ikki rak'at namozlarini sira tark etmadilar. U kishi keksayib qolib, o'sha namozlarni ko'pincha o'tirib o'qiydirgan bo'lib qolganlarida Ollohga ro'para bo'ldilar (vafot etdilar). Janob Rasululloh qo'shimcha ikki rak'at namozni ummatlarim ham o'rganib olib, qiynalib qolmasinlar deb, masjidida o'qimas erdilar, aksincha ummatlariga yengillik yaratmoqqa intilar erdilar».

Hishomning otalari rivoyat qiladirlar: «Oisha raziyallohu anho: «Ey, singlimning «o'g'li (jiyanim)! Nabiy sallallohu alayhi va sallam asrdan keyingi ikki rak'at namozni mening huzurimda o'qimagan kunlari bo'lmagandir»,— dedilar».

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdoddan oldingi va asrdan keyingi o'qiydirgan ikki rak'at namozlarini yashirmas ham erdilar, e'lon ham qilmas erdilar»,— deydilar.

Asvad va Masruq raziyallohu anhumoning aytishlaricha, Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kunda asrdan keyingi ikki rak'at namozni o'qimay mening huzurimga kelmas erdilar»,— degan ekanlar.

33-bob. Havo bulut bo'lgan kuni namozni ertaroq o'qimoq haqida

Abu Mulayh rivoyat qiladirlar: «Havo bulut bo'lgan kuni Burayda birlan birga erdik. Ul: «Namozni ertaroq o'qingiz! Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Asr namozini o'qimagan kishi go'yokim biror ishi barbod bo'lg'an kishi yanglig'dir!»—deganlar»,— deb aytdi».

34-bob. Azon vaqti o'tgan bo'lsa ham azon aytilgani to'g'risida

Abu Qatoda otalaridan naql qiladirlar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga kechasi yo'lga chiqdik. Yo'lda uchragan qavmlardan biri: «Yo Rasululloh, bizga bir mehmon bo'lib ketsangiz!» — deyishdi. Janob Rasululloh: «Uxlab qolib, namozga turolmay qolg'aysizlarmi, deb qo'rqg'aymen»,— dedilar. Shunda Bilol: «Men sizlarni uyg'otib qo'yurmen»,—dedi. Mehmondorchilikdan keyin uyquga yotishdi, Bilol tuyasiga yastanib uxlab qoldi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam uyg'otganlarida oftob yuzidan niqobini olgan erdi. Janob Rasululloh: «Ey Bilol! Qani aytganingni qilganing?» — dedilar. Bilol: «Uyqu meni yengib qo'yibdir»,— dedi. Janob Rasululloh: «Olloh taolo istagan vaqtida joningizni olib, istagan vaqtida sizga jon ato etg'aydir, ey Bilol, turg'il, azon aytib, odamlarni namozga chaqirg'il!»—dedilar. Keyin, turib tahorat qildilar. Quyosh ko'tarilib, kun yorishib ketganda namoz o'qidilar».

35-bob. Vaqt o'tgan bo'lishiga qaramasdan odamlar birlan jamoat bo'lib namoz o'qimoq xususida

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Xandaq kuni quyosh botgach, Umar ibn Xattob kelib, Quraysh kofirlarini so'ka boshladilar, so'ng: «Yo Rasululloh, quyosh botay deb turganda zo'rg'a asr o'qib ulgurdim»,— dedilar. Janob Rasululloh: «Xudo haqqi, namoz o'qimabsen»,— dedilar. Keyin, Bathonga jo'nadik, yetib boruach, tahorat oldilar, biz ham tahorat oldik. So'ng, quyosh botgach, asr o'qidilar, undan keyin shom o'qidilar».

36-bob. Biror namozni esidan chiqarib o'qimagan odam esiga tushganda o'sha namoznigina ioda qilgaydir (qayta o'qig'aydir)

Ibrohim raziyallohu anhu: «Kimki yigirma yil davomida namozlardan birini o'qimagan ersa, o'sha o'qimagan namoznigina ioda qilg'aydir».— deydilar.

Anas raziyallohu anhuning aytishlaricha, Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kimki biror namozni unutilib o'qimagan ersa, esiga tushganda o'qig'aydir, o'qilmay qolgan namoz uchun o'sha namozning o'zini ioda qilmakdan boshqa kafforat yo'qdir, (Ollohni) xotirlab namoz o'qigil!» —degan ekanlar.

37-bob. Avval qazo bo'lgan namoz o'qilg'aydir

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Xandaq kuni Umar ibn Xattob Quraysh kofirlarini so'kib: «Yo Rasululloh, quyosh botay deb turganda zo'rg'a asr o'qib ulgurdim»,— dedilar. Keyin, Bathonga bordik. Quyosh botgandan so'ng asr, keyin shom o'qidilar».

38-bob. Xuftondan keyin gplashib o'tirmoqni yoqtirmaganliklari haqida

Abu Minholl rivoyat qiladilar: «Otam birlan birga Abu Barzaning huzurlariga bordik. Otam ul kishiga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam besh vaqt namozni nechuk o'qir erdilar, bizga aytib bering!»— dedilar. Abu Barza: «Sizlar uvlo deb ataydirgan peshinni kun oqqan paytda, asrni birortamiz shaharning eng chekkasiga borib uyimizga qaytganimizda ham kunning tafti hali o'lmagan paytda o'qir erdilar (Shom haqida aytgan so'zlarini esimdan chiqarib qo'yibdirman), xuftonni ersa, kechiktirib o'qimakni afzal ko'rar erdilar, xuftondan oldin uxlamakni ham, undan keyin so'zlashib o'ltirmakni ham yoqtirmas erdilar. Bomdodni kishi yonida o'ltirgan namozxonni taniydirgan darajada havo yorishganda o'qib bo'lur erdilar va oltmishtadan yuztagacha oyat tilovat qilur erdilar»,— deb aytdilar».

39-bob. Xuftondan keyin fiqq va savob haqida so'zlashib o'tirmoq

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kuni yarim kechaga yaqinlashib qolgan paytda Nabiy sallallohu alayhi va sallam kelyb biz birlan namoz o'qidilar, so'ng: «Odamlar namoz o'qib bo'lib, allaqachon uxladilar, shundoq emasmidir? Sizlar ersangiz, hanuz joynamozni tark etganingiz yo'qdir, savob umid aylab ibodat qilmakdasiz, savob umid aylayveringiz!» — deb xutba aytdilar»,

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam hayotlarida

so'nggi bor xufton o'qidilar. Ikki yelkalariga salom berganlaridan, so'ng. turib: «Mana shu ko'rib turgan kechangizdan boshlab yuz yil o'tgach, Yer yuzida hozir mavjud bo'lgan kishilardan birortasi ham qolmag'aydir»,— dedilar. Odamlar Janob Rasulullohning so'zlarini yuz yil ichida hech kim qolmas erkan, deb noto'g'ri tushunishib, vahimaga tushdilar. Aslida ersa, Janob Rasululloh bugun mana shu yerda o'tirgan tengkurlardan birortasi ham qolmaslig'ini nazarda tutgan erdilar.

40-bob. Xuftondan keyin bola-chaqalari va mehmonlar birlan so'zlashib o'tirmoq haqida

Abdurrahmon ibn Abu Bakr rivoyat qiladilar: «Ashob us-suffa, ya'ni masjidning hovlisidagi supada yashaydirgan uysiz kishilar nihoyatda kambag'al erdilar. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kimning uyida ikki kishiga yetg'ulik ovqat bo'lsa, uch kishini, to'rt kishiga yetg'ulik ovqat bulsa, besh-olti kishini olib ketib, to'yg'azzin!» — dedilar. Abu Bakr uch kishini olib keldilar. Janob Rasululloh ersa o'n kipshni olib ketdilar (Ularning ichida men, otam, onam, bilmayman, yana xotinim, Abu Bakr birlan payg'ambarimizning xonadonlari o'rtasidagi yugurdak ham bor erdi shekilli). Abu Bakr payg'ambarimizning ovqatlanib olmoqlarini kutib turdilar. Tunning xudo xohlagancha qismi o'tgandan keyin uylariga qaytdilar. Shunda xotinlari: «Mehmonlarni tashlab qay yerlarda yuribsiz?» — dedi. Abu Bakr: «Ularni ovqatlantirmadingmi?» — dedilar. Xotinlari: «Sizni kelasiz deb unamadilar, ketib qoldilar»,— dedi. Abu Bakr so'kindilar-da: «O'z'laringiz yeyaveringiz, xudo xaqqi, men sira yemasmen!»— dedilar. Oyalohga qasam ichib ayturmenkim, ovqatni qancha yesak ham, kamaymak o'rniga ko'payib borar erdi. Biz to'yg'unimizcha yedik, lekin ovqat ilgarigidan ham ko'payib ketdi. Abu Bakr buni ko'rib, xotinlariga: «Ey Baniy Firosning singlisi, nega bunday bo'ldi?»—dedilar. Xotinlari: «Ko'zlarimg'a ishongim kelmas, ovqat ilgarigidan uch barobar ko'payib ketdi»,— dedi. Abu Bakr ovqatdan yedilarda: «Bu shaytonning ishidir»,— dedilar. Ya'ni, ovqat yemasmen, deb ichgan qasamlarini nazarda tutdilar. Keyin, yana bir luqma yeb, qolganini Nabiy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga olib ketdilar. Men o'sha yerda qolib tong ottirdim. Biz birlan bir qavm o'rtasida ittifoq tuzilgan bo'lib, uning vaqti o'tgan erdi. Biz o'n ikki kishi bo'lib ajralib chikdik. Ularning har biri birlan qancha odam kelganini bilar erdim, barchalari birgalikda o'sha ovqatdan yedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

AZON (AYTISH) KITOBİ

1-bob. Azon aytishning boshlanishi (tarixi) va Olloh taoloning: «Agar namozga azon aytgaydirsiz, mushriklar masxara qilg`aydirlar, chunkim alar Ollohga qilinadig`on ibodatga aqli yetmaydirg`on qavmdir» hamda «namozg`a azon aytilsa, jum`a kunidan boshlab aytilsin!» — degan kalomi sharifi

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «(Janob Rasululloh) odamlarni namozga chaqirmoq uchun (avval) o`t yoqmoq, zang chalmoq lozimligini aytdilar, so`ng yahudiy va nasorolarning ibodatga qanday da`vat qilganliklari eslariga tushib, Bilolga azon jummlarini ikki martadan, takbir jummlarini ersa bir martadan aytmakni buyurdilar».

Ibn Umar aytar erdilar: «Musulmonlar Madinaga kelganlarida bir yerga to`planishib, namoz vaqtini belgilab olishur erdilar. Namozga azon aytishmas erdilar. Bir kuni namozga chaqirmoq to`g`risida so`zlashib qoldilar. Ba`zilar: «Nasorolar zang chalgani kabi zang chalingiz!» — desa, ba`zilar: «Yahudiylar shubbur (karnay) chalgani singari bir narsa chalaylik!» — deyishdi. Shunda Hazrat Umar: «Namozga chaqirmoqqa bir kishini yubormaysizlarmi?» — dedilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Bilol, turg`il o`rningdan, namozga chaqirg`il!» — deb aytdilar».

2-bob. Azon jummlari ikki marta-ikki martadan aytiladir

Anas raziyallohu anhu: «Bilolga azonning jummlarini juft-juft qilib, takbirni toq qilib, «Qad qomat-is-salot» ni ersa ikki marta aytmak buyurildi»,— deyilar.

Anas raziyallohu anhu: «Odamlar to`plangach, namoz vaqti bo`lganligini biror narsa birlan ma`lum qilmak kerakligi haqida so`zlashdilar. Avval, o`t yoqmak yokim zang chalmak kerak, deyishdi. Shunda Bilolga azonni juft kilib, takbirni ersa toq qilib aytmak buyurildi»,— deyilar.

3-bob. Takbir toq, «Qad qomat-is-salot» juftdir

Anas raziyallohu anhu: «Bilolga azon so`zlarini juft-juft qilib, takbir so`zlarini ersa toq aytmak buyurildi»,— deyilar. Ismoil: «Ushbuni Ayyubga aytgan erdim, «Lekin, Qad qomat-is-salot» juft aytiladir» — dedi»,— deyilar.

4-bob. Azon aytmakning fazilati

Abu Hurayra raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namozga azon aytilgan kezda shayton orqasidan yel chiqarib, to azon eshitilmaydirgan yergacha qochg`aydir. Azon aytib bo`lingach, tag`in qaytib kelg`aydir. Takbir aytilmog`i birlan yana orqasiga qochg`aydir. Muazzin takbir aytmakni tugatgach, namozxonlarning diliga g`ulg`ula solmak uchun tag`in qaytib kelg`aydir. Shayton: «Falon narsani eslag`il, piston narsani eslag`il»,— deb namozxonning namozdan oldin esiga

kelmagan narsalarni eslatg'aydir, hatto namozxon necha rak'at o'qiganini bilmay qolgaydir»,— deganlar».

5-bob. Baland ovoz birlan azon aytmoq

Umar ibn Abdulaziz: «Azonni aniq, baland ovoz birlan, ohangga solmasdan aytg'il, agar shundoq qilmassen, bizga muazzinlik qilmoqqa yaramassen!» — deganlar.

Abdurrahmon ibn Abdullohga bobolari quyidagi hadisni aytib bergan erkanlar: «Abu Sa'id al-Xudriy menga: «Nazarimda, sen qo'yni va dalani yaxshi ko'radirgan ko'ring'aysen, agar qo'y boqayotgan ersang yokim shunchaki dalada ersang-u, namozga azon aytsang, azonni baland ovoz birlan aytg'il, chunkim past ovoz birlan aytsang, uzoqdagi xoh jin, xoh inson, xoh jonli va xoh jonsiz narsa bo'lsin, tovushingni eshitmay qolg'aydir. Ular qiyomatda sening azon aytganingga guvohlik berg'aydir»,— degandilar. Abu Sa'id al-Xudriy: «Buni men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan eshitgandim»,— deydilar».

6-bob. Azon ovozini eshitishi birlan qon to'kmoqni to'xtatg'aydir

Anas ibn Molik quyidagi hadisni aytib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, agar biz birlan biror qavm urush qilayotgan ersa, tong otguncha urushgani qo'ymas erdilar. Tongda azon ovozini eshitib urushni to'xtatar erdilar, azon ovozini eshitmasalar, urushni davom ettiraverardilar. Bir kuni Xaybarga qarab yo'lga chiqib, tunda yetib bordik. Tong otgach, hali azon aytilmagan paytda, ota, m Abu Talha ulovlarini mindilar, men orqalariga mingashib oldim, oyog'im Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ayoqlariga tegib borar erdi. Xaybarliklar savat va ketmonlarini ko'tarib, qarshimizga chiqdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rib: «Bu Muhammaddir, xudo haqqi, bu Muhammaddir! —deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularni ko'rib: «Ollahu akbar, Ollahu akbar, Xaybar xarob bo'ldi, biz biror qavmning hovlisig'a kelib tushsak, bizni chaqimchilik qilg'anlarning holiga voydir!» — dedilar».

7-bob. Azon ovozini eshitgan kishi ne deydir?

Abu Sa'id al-Xudriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Azon ovozini eshitganingizda muazzin aytayotgan so'zlarni takrorlab turingiz!» — deganlar».

Iso ibn Talha: «Bir kuni men Muoviyaning muazzin aytayotgan so'zlarni «Ashhadu anna Muhammadan Rasululloh» degan joyigacha takroran aytib turganini ko'rdim», — deydilar.

Yahyo ibn Abu Kasiyr yuqoridagi hadisga o'xshash hadisni rivoyat qila turib, dedilar: «Ba'zi birodarlarimiz menga aytdilarki, Muoviya, muazzin «Hayya alas-salot» deganda, «Lo havla va lo quvvata illo billohi» deb aytibdi-da: «Payg'ambarimiz sallallohu alayhi va sallamning ham shundoq deganlarini eshitgandirman», — debdi».

8-bob. Azonni eshitib bo'lgach, duo aytmoq

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki azonni eshitgach, «Ilohi, ushbu mukammal da'vat hamda abadiy namoz sohibi bo'lmish

Muhammad alayhissalomning martabasini ulug` qilib, ne`matlaringni anga bisyor qilg`aysan, ul zotga o`zing va`da qilg`an maqomi mahmudni (eng sharafli o`rinni) ato etg`aysan!» desa, qiyomatda men uni shafolat qilg`aydirman», — deganlar.

9-bob. «Men azon aytaman» deb talashmoq

Bir kuni qavmlar azon aytakni talashib qoldilar. Shunda Sa`d ibn Vaqqos chek tashladilar, chekiga tushgan kishi azon aytdi.

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Odamlar azon aytakning hamda birinchi safda turib namoz o`qimakning qanchalik savobi borlig`ini bilganlarida erdi, hech bo`lmaganda chek tashlab, o`z niyatlariga erishgan bo`lur erdilar. Agar odamlar jamoat birlan namoz o`qimakning savobini bilg`ay erdilar, kim o`zarga masjidg`a rgurib ketgan bo`lur erdilar. Agar odamlar bomdod birlan xufton namozini jamoat birlan birga o`qimakda ne savob borlig`ini bilsalar erdi, emaklab bo`lsa ham borishg`ay erdilar», — deganlar».

10-bob. Azon aytayotib boshqa so`zlarni aytib yuborish

Sulaymon ibn Surd azon aytayotib boshqa so`zlarni ham gapirib yubordilar.

Hasan Basriy: «Azon yokim takbir aytayotib kulmoqning zarari yo`qdir», — deydilar.

Abdulloh ibn Hars rivoyat qiladilar: «Yog`ingarchilik bo`lib turgan kunlardan birida Ibn Abbos bizga va`z aytdilar. Muazzin «Hayya ala-s-salot» deb aytayotganda Ibn Abbos uni to`xtatib, «Namozni har kim o`z joyida o`qisin!» — deb qichqirmakni buyurdilar. Kishilar ajablanib bir-birlariga qaradilar. Shunda Ibn Abbos: «Ibn Abbosdan yaxshiroq kishi (ya`ni, Rasululloh) ham shunday qilgandirlar. Bugun jum`a, shunday qilsa bo`lg`aydir», — dedilar».

11-bob. Ko`zi ojiz odam, agar unga namoz vaqti bo`lganligi xabar qilinsa, azon aytish mumkin

Solim ibn Abdullohping otalari Abdulloh ibn Umar quyidagi hadisni aytib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bilol (bomdod namozi uchun) juda erta azon aytg`aydir. Sizlar Ibn Ummi Maktum azon aytguncha yeb-ichib o`tiraveringiz», — dedilar. Ibn Ummi Maktum ko`zi ojiz odam erdi. Biror kishi unga: «Tong otdi, tong otdi» deb aytmaguncha, azon aytmaz erdi».

12-bob. Tong otgandan keyin azon aytmoq

Abdulloh ibn Umar naql qiladilar: «Umm ul-mu`minin (mo`minlar onasi) Hafsa (Rasulullohning xotinlari): «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muazzin bomdodga azon aytakdan kechikib qolsa-yu, tong otib qolsa, (masjidda) namoz boshlanmagidan avval yengilgina ikki rak`at namoz o`qib olar erdilar», — deb aytganlar».

Oisha raziyallohu anho naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozi uchun aytiladigan azon birlan takbir o`rtasida yengilgina ikki rak`at namoz o`qib olar erdilar».

Abdulloh ibn Umar quyidagi hadisni aytib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bilol kechasi (juda erta) azon aytg'aydir, sizlar Ibn Ummi Maktum azon aytg'uncha yeb-ichaveringiz»,— deganlar».

13-bob. Bomdoddan avval azon aytmoq

Abdulloh ibn Mas'ud bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bilol azon aytganda birortangiz saharlik qilmoqdan to'xtamangiz, chunkim muazzin uxlab yotganlarni uyg'otmoq uchun, uyg'oqlarni namozga chorlamoq uchun qorong'uda azon aytg'aydir»,— dedilar. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam barmoqlarini osmonga ko'tarib pastga tushirdilar-da, «Bu hali tong otganini anglatmag'aydir, mana bundoq bo'lsa, tong otgan bo'lur»,— deb barmoqlarini endi ufq bo'ylab yurgizdilar» (ya'ni, quyosh nurlari avval tikkasiga taralg'aydir, bu tong otdi, degani ermas, nur ko'ndalangiga taralsagina tong otgan hisoblang'ay).

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Oisha onamiz bundoq degandilar»,— deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va. sallam: «Bilol kechasi azon aytg'aydir. Sizlar Ibn Ummi Maktum azon aytguncha, yeb-ichaveringiz»,—deganlar».

14-bob. Azon bilan takbir orasida qancha vaqt bor? Namoz o'qishning boshlanmog'ini kutib o'tirgan kishi

Abdulloh ibn Mag'fal al-Muzaniy rivoyatlari: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Har bir azon birlan takbir o'rtasidagi vaqtda istagan kishi bir karra namoz o'qib olsa bo'lur»,— deb uch bor qaytarib aytdilar».

Anas ibn Molik quyidagini aytib berdilar: «Muazzin azon aytsa, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sahobalari o'rinlaridan turib, o'zlari namoz o'qiydirgan ustunlar qarshisiga shoshilishar erdi, hatto Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uylaridan chiqqanlarida ular azon birlan takbir oralig'ida o'qiydirgan namozni o'qiyotgan bo'lishardi. Shom namozidan avval ular ham ikki rak'at namoz o'qib olishardi. Azon birlan takbir o'rtasidagi vaqt unchalik ko'p bo'lmas erdi».

Imom Buxoriy: «Shom namozining azoni birlan takbiri orasinda hech qancha vaqt yo'q erdi»,— deydilar. Imom Navaviy: «Shomning azoni birlan takbiri o'rtasinda ikki rak'at namoz o'qimak mustahabdir»,— deydilar. Imom Molik: «Shomda azon birlan takbir orasinda namoz o'qimoq joizdir»,— deydilar. Hanafiylar ersa: «Shomning azoni birlan takbiri o'rtasinda uch qadam yurgudek fursat bordir»,— deyishadi.

15-bob. Takbir aytilmog'ini kutib turgan kishi

Oisha onamiz bunday deganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muazzin bomdod namoziga azon aytib bo'lgach, o'rinlaridan turib, tong otgunicha yengilgina ikki rak'at namoz o'qib olar erdilar, so'ng muazzin takbir aytgunicha o'ng tomonlarini bosib yonboshlar erdilar».

16-bob. Xohlagan kishi har bir azon birlan takbir o`rtasida namoz o`qib olmog`i mumkin

Abdulloh ibn Mag`fal bunday deganlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Har bir azon birlan takbir o`rtasida namoz bordir, har biz azon birlan takbir o`rtasida namoz bordir. uchinchisi xohlagan kishiga»,— dedilar».

17-bob. «Bittangiz azon aytingiz», degan kishi xususida

Molik ibn al-Huvayris rivoyat qiladirlar: «Qavmimga tegishli bir necha kishi birlan Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning uylariga keldim. Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlarida 20 kun turdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam juda ham rahmdil va mehribon erkanlar. Ahlimizni sog`inganimizni ko`rgach, «Ahlingizga qaytingiz, ular birlan birga bo`lingiz, ularga o`rgatingiz, namoz o`qingiz, namoz taqti bo`lsa, bir kishi azon aytsin, ichingizda kattarogingiz ersa imomlik qilsin»,— dedilar».

18-bob. Musofirlar uchun azon va takbir aytmoq. shuningdek Muzdalifada azon va takbir aytmoq; muazzinning sovuq kechada yokim yomg`irli kechada «namozni joy-joylaringizda o`qingiz», deb azon chaqirmog`i

Abu Zarr rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga erdik. Muazzin azon aytmoqchi bo`lganda, Rasululloh unga: «Salqinlatg`il (shoshmay turg`il)»,— dedilar. Keyin u yana azon aytmoqchi erdi, Rasululloh yana: «Salqinlatg`il»,— dedilar. Keyin yana azon aytmoqchi bo`lganida, Rasululloh yana: «Salqinlatg`il»,— dedilar, hatto tepaliklarning soyasi o`zi barobarligiga keldi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kunning harorati jahannamdan kelayotgandek»,— dedilar».

Molik ibn al-Huvayris naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga safarga ketayotgan ikki kishi kirib keldi. Rasululloh ularga: «Safarga chiqqanlaringizda avval azon aytingiz, so`ng takbir aytingiz, keyin kattangiz imomatga o`tsin»,— dedilar».

Molik ibn al-Huvayris naql qiladirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning uylariga yosh yigitlik vaqtimizda borib, 20 kun turdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam rahmdil va mehribon erdilar. Janob Rasululloh ahlimizni sog`inganimizni bilib, uyimizda kimlarni tashlab kelganligimizni so`radilar, Biz aytdik» Shunda Rasululloh: «Ahlingiz oldiga qaytingiz. Ular birlan birga bo`lingiz, ularga shari`at hukmlarini o`rgatingiz. Men sizlarga buyurganlarimni ularga ham buyuringiz»,— deb ancha nasihat qildilar (ularning ba`zisi yodimdan chiqqan), keyin, «Men nechuk namoz o`qigan ersam, shundok, namoz o`qingiz. Namoz vaqti bo`lsa, bittangiz azon aytingiz, kattangiz imomatga o`tsin»,— dedilar».

Nofi` rivoyat qiladilar: «Ibn Umar sovuq kechalardan birida Dajnonda (tepalik nomi) azon aytdilar, keyin bizga: «Joy-joylaringizga borib namoz o`qingiz, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam azon aytgandan keyin muazzinga: «Safardalig` kezingizda sovuq kecha yokim loygarchilik bo`lsa, joy-joylaringizda namoz o`qingiz» deb aytmoqni buyurdilar»,— dedilar».

Avn ibn Abu Juhayfa otalaridan eshitganlarini rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni Abtaxda (joyning nomi) ko`rdim. Bilol kelib azon aytdilar. Keyin, uchi

nayza hassalarini olib chiqib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ro'paralariga sanchib qo'ydilar, so'ng takbir aytdilar».

19-bob. Muazzin azon aytayotganda boshini u yoq, bu yoqqa qaratadirmi yo gavdasini u yoq, bu yoqqa o'giradirmi?

«Bilol azon aytayotganda ikki barmog'ini ikki qulog'iga tiqdi, Ibn Umar ersa ikki barmog'ini qulog'iga tiqmas erdi», deb zikr qilinadir. Ibrohim: «Tahoratsiz azon aytmoqning zarari yo'qdir»,— deydilar. Ato: «Azon aytmoq uchun tahorat olmoq ham farz, ham sunnatdir»,— deganlar. Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hamma vaqt ham Ollohning zikrini qilaverar erdilar»,— deydilar,

Avn ibn Abu Juhayfa rivoyat qiladirlar: «Mening otam bir kuni Bilolning azon aytayotib boshini u yoqdan bu yoqqa burayotganini ko'rgan erkanlar».

20-bob. Kishi: «Namoz vaqti o'tib ketibdir»,— desa bo'ladirmi?

Ibn Sirin: «Namoz vaqti o'tib ketibdir»,— demoqni makruh sanab, «Buning o'rniga, namozga yetolmay qolibmiz, desin»,— deydilar. Imom Buxoriy ersa Ibn Sirikning so'zini rad qilib, «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning so'zlari («Namoz o'tib ketibdir») to'g'ri»,—deydilar.

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari bunday degan janlar: «Bir vaqt biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan namoz o'qiyotgan erdik, birdan odamlarning shovqin-suroni eshitildi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qib bo'lganlaridan so'ng: «Sizlarga ne bo'ldi?» — dedilar. «Namozga shoshildik»,—deyishdi. Rasululloh: «Namozga kelganda undoq qilmangiz, tinchlikka rioya qilingiz. Namozning qay yeriga yetib kelsangiz, o'sha joyidan qo'shilib o'qiyveringiz, qanchasi o'tib ketgan ersa, keyin o'zingiz to'ldirib o'qib olingiz!» — dedilar».

21-bob. Kishi namozga hovliqmay, viqor birlan kelsin!

Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namozga qachon yetib kelsangiz, kelgan joyidan davom ettiraveringiz, qolganini keyin to'ldirib o'qib olingiz!»—deganlar»,— deydilar Qatoda raziyallohu anhu.

Abu Hurayra naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar takbir aytilganini eshitsangiz, hovliqmay, viqor birlan namozga kelingiz. Namozga qachon yetib kelsangiz, kelgan joyidan jamoatga qo'shilib o'qiyveringiz, qolganini to'ldirib o'qib olg'aysizlar»,— deganlar».

22-bob. Kishi, imom takbir aytayotganini ko'rsa, qachon safga turadir?

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Takbir aytilayotgan paytda, to meni ko'rmaguningizcha, safga turmangiz!» — deganlar».

23-bob. Kishi namozxonlar safiga shoshilib kelib turmasin, tinchlik saqlab, ohistalik birlan tursin!

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Takbir aytilayotganda safga turmangiz, tinchlikka rioya qilingiz!»— deganlar».

24-bob. Takbir aytilgandan so'ng kishi biror sabab birlan masjididan chiqsa bo'lg'aymi?

Abu Hurayra naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hujralaridan chiqdilar. Namozga takbir aytildi, saflar tiklandi, Janob Rasululloh mehrob qarshisiga kelib turdilar. Namozga takbiri tahrima aytilmog'ini kutib turgan erdik, «O'rinlaringizdan qimirlamangiz!»— deb hujralariga kirib ketdilar, shu holatimizda turib qoldik. Bir ozdan so'ng sochlari ho'lg boshlaridan suv tomib turgan holda qaytib chiqdilar, g'usl qilibdirlar».

25-bob. Agar imom: «O'ringizdan qimirlamangiz!»— deb chiqib ketsa, qaytib kelgunicha kutib turilg'aydir

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Namozga takbir aytildi, odamlar saflarini to'g'rilashdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hujralaridan chiqib, oldinga o'tdilar. U kishi jimo'dan keyingi holatda erkanlar. «O'ringizdan qimirlamangiz!» — deb qaytib kirib ketdilar. So'ng, g'usl qilib chiqdilar, sochlaridan suv tomib turardi. Keyin, odamlar birlan namoz o'qidilar».

26-bob. Kishining «Hali namoz o'qimadik»,— demog'i

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Xandaq voqeasi kuni Hazrat Umar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib: «Yo Rasululloh, Oллоh haqqi-hurmati, kun botib ketdi hamki, namozi asrni o'qiyolmay qoldim»,— dedilar. Bu gapni aytganlarida iftor qilib bo'lingandi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oллоhga qasam ichib ayturmenkim, men ham hali namozi asrni o'qimabman»,— dedilar. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Bathon degan joyga bordilar, men ham u kishi birlan birga bordim, tahorat oldilar, so'ng (kun botgandan keyin) namozi asrni o'qidilar, undan keyin shomni o'qidilar».

27-bob. Takbir aytilgandan keyin imom biror zarurat bilan band bo'lmog'i mumkinmi?

Anas raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Namozga takbir aytildi hamki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidning yonida bir kishi birlan gaplashib turaverdilar, hatto (ayrim) namozxonlar uxlab qoldilar».

28-bob. Namozga takbir aytilgandan so'ng (birov bilan) so'zlashmoq

Humayd raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Sobit al-Bunonyydan namozga takbir aytilgandan keyin (birov bilan) gallashgan kishi to'g'risida so'radim. Shunda u: «Namozga takbir aytilgandan keyin bir kishi kelib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni gapga tutib qolgandi, deb Anas menga aytgandi»,— dedi».

29-bob. Jamoat birlan namoz o`qishning vojibliigi

Hasan Basriyni onalari mehribonchilik qilib, xufton namozini jamoat birlan o`qimak uchun masjidga borishdan qaytaribdirilar, shunda ul kishi itoat qilmabdirilar.

Abu Hurayra naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taolo haqqi-hurmati, odamlarga «O`tin yig`ingiz!» deb buyursamu o`tin yig`salar, keyin, «Namoz o`qingiz!» desamu bir kishi azon aytsa, ikkinchisi imomlik qilsa, so`ngra namozga kelmagan kishilarning uylariga borib, ustilaridan o`t yoqib yuborsam! Ollohga qasamyod qilib ayturmenkim, jamoat birlan namoz o`qimoqqa kelmagan o`sha kishilarning birontasi bu yerga (masjidga) kelganda pishirilgan yog`li go`sht yokim kalla-pocha yemoqni bilsa erdi, albatta xuftonga kelgan bo`lur erdi»,— dedilar».

30-bob. Jamoat birlan namoz o`qimoqning fazilati

Asvad ibn Yazid o`z jamoatlari birlan namoz o`qimoqqa ulgurmay qolsalar, boshqa masjidga borar erdilar. Anas namoz o`qib bo`linganda masjidga keldilar, so`ng azon va takbir aytib, (boshqa) jamoat birlan namoz o`qidilar.

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jamoat birlan o`qilgan namoz savobi yolg`iz o`qilgan namoz savobidan 27 marta ortiqdir»,— dedilar».

Abu Sa`id al-Xudriy Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Jamoat birlan o`qilgan namoz savobi yolg`iz o`qilgan namoz savobidan 25 marta ortiqdir»,— deganlarini eshitgan erkanlar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar»,— deb rivoyat qiladilar: «Kishining jamoat birlan o`qigan namozining savobi uyida yolg`iz o`qigan namozi va bozorda o`qigan namozining savobidan 25 barobar ortiq bo`lg`aydir. Bunga kishi yaxshilab tahorat olib, uyidan masjidga faqat namoz o`qiydirman, degan niyatda chiqsagina erishmog`i mumkindir. Shu niyatda bosgan har bir qadamini ko`tarib ulgurmasidan Olloh taolo uning martabasini bir daraja ko`targ`aydir va bitta gunohidan kechg`aydir. Namoz o`qiyotganida ersa maloikalar uning tepasida: «Ilohi, bul bandangni yar`laqag`aysen, bul bandangga rahm qilg`aysen!» — deb iltijo qilib turishg`aydir. Qaysi biringiz namoz o`qiydirman, deb kutib turgan ersangiz, namoz o`qiyotgan hisobida bo`lg`aydirdirsiz!»

31-bob. Namozni bomdodni jamoat birlan o`qimoqning fazilati

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan quyidagi hadisni eshitganman»,— deydilar: «Har biringizning jamoat birlan o`qigan namozingizning savobi yolgaz o`qigan namozingiz savobidan 25 marta ortiq bo`lg`aydir. Tungi farishtalar birlan kunduzgi farishtalarning barchasi namozi bomdodga kelib jamuljam bo`lishg`aydir». Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Agar xohlasangiz, «Inna qur`on-al-fajri kona mashxudan (namozi bomdodda qilingan qiroat farushtalar ham qatnashsa arziydirgan qiroat bo`ldi)» — degan oyati karimani o`qingiz»,— deydilar.

Abdulloh ibn Umar: «Jamoat namozi 27 marta ortiqdir»,— deganlar.

Ummu Dardo' rivoyat qiladirlar: «Abu Dardo' oldimga g'azablanib kirib keldilar. «Nechun g'azablanmakdasiz?» — dedim. «Olohga qasamyod qilib ayturmenkim, Muhammad ummatining jamoat birlan namoz o'qimogidan bo'lak biror savoblik ishi qolmadi»,— dedilar».

Abu Muso naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namozdan eng ko'p savob oladigan odam masjidan eng uzoqda turadigan odamdir, chunki ul ko'p yurib, ko'proq aziyat chekib kelg'aydir. Jamoat birlan namoz o'qimakni kutayotgan kishiga tegadigan savob, o'zi namozini o'qib, yotib olgan odamga tegadigan savobdan behad ortiqdir»,— deganlar».

32-bob. Peshin namoziga ertaroq bormoqning fazilati

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday degan edilar»,— deb rivoyat qiladirlar: «Bir kuni bir kishi ko'chada ketayotgan erdi. Yo'lda yotgan tikanni ko'rib, chetga olib tashladi. Oloh taolo uning qilmishidan rozi bo'ldi va uning gunohlarinr} kechirdi.

Beshta sababdin o'lgan kishilar shahid bo'ladirlar: vabodan o'lganlar, qorin og'rigi birlan o'lganlar, g'arq bo'lib o'lganlar, biror narsaning tagida qolib o'lganlar va Oloh taolo yo'lida jihod qilib o'lganlar.

Odamlar azon aytmoq va namozda birinchi safda turmoqning nechog'liq savobli erkanini bilganlarida, hech ilojini topmasalar, chek tashlab o'z niyatlariga erishgan bo'lur edilar.

Namozga ertaroq bormakning qandoq savobi borlig'ini bilganlarida, masjidga qarab kim o'zarga yugurgan bo'lur edilar, xufton birlan bomdod namozining sayubini bilganlarida, masjidga emaklab bo'lsa ham borur edilar».

33-bob. Masjid tomon bosgan qadamlarni hisoblamoq

Anas raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Baniy Salama, izlaringizni hisoblab yurmaydirmisiz?»»,—dedilar. Mujohid «Qilg'an ishlarini va izlarini yozib qo'yg'aydirmiz» degan oyati karimadagi «izlarini» so'zini «qadamlarini» deb tafsir qildi».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Baniy salamaliklar o'z joylarini tashlab, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yaqinroq yerga ko'chib kelmoqchi bo'ldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinaning xuvillab qolmog'ini istamay: «Izlaringizni (qadamlaringizni) hisoblab yurmaydirmisiz?»— dedilar (ya'ni, masjidga qancha uzoq yo'l bosib kelsangiz, shuncha sayub bo'lg'aydir, degan ma'noda). Mujohid: «Izlaringizni» degani — «erda yayov qadam bosib kelmoq demakdir»,— deydi».

34-bob. Xufton namozini jamoat birlan o'qimoqning fazilati

Abu Hurayra: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar»—deydilar: «Munofiq'larga namozi bomdod birlan namozi xuftondan ko'ra og'irroq namoz yo'qdir. Ikkala namozda qancha savob borlig'ini bilganlarida masjidga emaklab bo'lsa ham

kelg'ay erdilar. Muazzinga buyursam, azon aytsa, keyin bir kishyga buyursam, odamlarga imomlik qilsa, keyin azonni eshitib, namozga chiqmaganlarning ustidan o't qo'ysam!»

35-bob. Ikki kishi va undan ortig'i jamoatdir

Molik ibn al-Huvayris rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi yu sallam (safarga ketayotgan ikki kishiga): «Namoz vaqti kelsa, biringiz azon va takbir aytingiz, kattangiz imom bo'lsin»,— deganlar».

36-bob. Masjidda namoz vaqti bo'lmog'ini kutib o'tirgan kishining hamda masjidlarning fazilati bayoni

Abu Hurayra naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Tahoratini sindirmay joynamozda namoz vaqti bo'lmog'ini kutib o'tirgan har bir kishini maloikalar: «Ilohi, bul kishining gunohlarini mag'firat qilg'aysen, bul kishiga rahmatingni darig' tutmag'aysen!» — deb duo qilg'aydilar. Namoz o'qiydirman degan niyatdagine uyiga ketmay masjidga o'tirgan kishi namoz o'qiyotgan barobarida bo'lg'aydir»,— deganlar».

Abu Hurayra quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olohd taolo yetti toifa mo'minlarga, oxirat kuni hech soya qolmaganda, Arshining soyasidan joy berg'usidir: odil boshliqqa; rabbiga taqvo birlan ibodat qilib ulg'aygan yigitga; masjidlardan ko'nglini uzolmaydirg'an kishiga; Olohni deb birov birlan do'stlashgan va Oloxni deb do'stidan uzoqlashgan (voz kechgan) kishiga; martabali, kelishgan bir ayol zinoga taklif qilsa, «Men Olohdan qo'rqrurmen»,— degan kishiga; o'ng qo'li qilganini chap qo'li bilmaydirgan qilib xufyona sadaqa bergan kishiga; xilvatda Oloh taoloni eslab ho'ng-ho'ng yig'lag'an kishiga»,— deganlar».

Humayd rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uzuk taqqanmilar?» — deb Anasdek so'rashdi. «Ha, taqqanlar. Bir kuni Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xufton namozini yarim kechagacha kechiktirdilar, biz birlan namoz o'qigani chiqdilar. Namozdan keyin: «Odamlar allaqachon namoz o'qib yotdilar, sizlar ersangiz hanuz namoz o'qimakdasiz»,— dedilar. O'shanda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning uzuklari yarqirashiga qarab turganim halishdek ko'z o'ngimdadir»,— dedi Anas».

37-bob. Masjidga erta borib, kech qaytmoqning fazilati

Abu Hurayra naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki masjidg'a erta borib, kech qaytg'aydir, Oloh taolo unga har bir kech qaytgani uchun jannatda ziyofat tayyorlab qo'yg'usidir»,— deganlar».

38-bob. Namozga takbir aytilsa, farz namozdan boshqa namozlar to'xtatilg'aydir

Abdulloh ibn Molik: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kishining yonidan o'tdilar» deb boshlanadigan bir hadisni aytib bergan erkanlar. Imom Buxoriy : «Ushbu hadisni Azudlik Molik ibn Buqayna ismliq' bir kishi Hafs ibn Osimga quyidagicha rivoyat qilgan erkan»,— deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoega takbir aytilgandan

keyin ham ikki rak'at namoz o'qigan bir kishini ko'rib, ul tomonga o'girildilar, uni odamlar o'rab oldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bomdod sunnatini to'rt rak'at o'qiydirmisan? Bomdod sunnatini to'rt rak'at o'qiydirmisan?» — deb uni koyidilar (chunkim imomga iqtido qilmog'i lozim erdi)».

39-bob. Kasal kishining jamoat oldiga chiqmoqqa haddi bormi? (imomatga o'ta oladirmi?)

Asvad raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Oisha onamizning huzurlarida erdik. Jamoat birlan namoz o'qimoq va uning afzalliklari to'g'risida so'zlashib o'tirdik. Shunda Oisha onamiz quyidagilarni aytib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning vafotlaridan oldingi kasallyk kunlaridan birida azon aytili. Janob Rasululloh: «Abu Vakrga buyuringiz, imomatga o'tsin!»— dedilar. «Abu Bakr ko'ngli bo'sh, yig'loq odam. Sizning o'rningizda imomlik qila olmag'ay», — deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam boyagi so'zlarini takrorladilar (Oisha onamiz birlan boshqalar yana rad qildilar). Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uchinchi marta: «Siz xotinlar Yusuf alayhissalomning qissasidagi Zulayho va uning dugonalariga o'xshagan xotinlardirsiz (dilingizdagi gapning aksini aytursiz), Abu Bakrga buyuringiz, jamoat oldiga o'tib imomlik qilsin!» — dedilar. Abu Bakr chiqib imomatga o'tdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlarini bir oz yengil hys qildilar. So'ng, ikki kishi yonlariga kkrib, qo'ltiqlab namozga olib chiqdi. Betoblikdan oyoqlarini zo'rg'a sudrab bosayotganlari hozirgidek ko'z o'ngimda. Abu Bakr Janob Rasulullohning chiqib kelayotganlarini ko'rib joy bo'shatmoqchi bo'ldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «O'ringda turg'il!» — deb ishora qildilar. So'ng, Abu Bakrning yonlariga kelib o'tirdilar».

A'mashdan «Abu Bakr Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga, odamlar ersa Abu Bakrga iqtido qilganmilar?» — deb so'rashdi. A'mash «ha» degan ma'noda bosh irg'ab qo'yidilar. Abu Muoviya bunga qo'shimcha qilib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakrning chap yonida o'tirib o'qidilar, Abu Bakr ersa tik turib o'qidilar»,— dedilar.

Ubaydulloh ibn Abdulloh Oisha onamizdan quyidagi hadisni eshitgon erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, og'irlashib qolgan paytlarida, tuzalgunlaricha mening uyimda yotmoqchi ekanliklarini aytib hamma xotinlaridan ijizat so'radilar. Ular rozi bo'lishdi. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki kishi yordamida oyoqlarini zo'r-bazo'r bosib mening uyimga chiqdilar. Bir qo'ltiqlaridan Abbas va ikkinchi qo'ltiqlaridan bir kishi ushlab olib chiqishdi». «Oisha onamiz aytib bergan hadisni Ibn Abbasga hikoya qilib berdim,— deydilar Ubaydulloh, u mendan: «Oisha onamiz tilga olmagan o'sha kishining kim ekanligini bilurmisen?» — dyob so'radi. Men: «Yo'q»,— dedim. «Bul — Ali ibn Abu Tolib erdilar»,— dedi».

40-bob. Yomg'ir yoki kasallik tufayli masjidga bormay o'z uyida namoz o'qimoqqa ruxsat berilgani haqida

Nofi' rivoyat qiladilar: «Ibn Umar sovuq va shamol bo'lib turgan tunda namozga azon aytdilar. Keyin: «Namozni joy-joylaringizda o'qiyveringiz, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muazzinga: «Yomg'irli, sovuq kechada namozni joy-joylaringizda o'qiyveringiz, deb aytmakni buyurar erdilar»,— dedklar».

Mahmud ibn ar-Rabi' naql qiladilar: «Atbon ibn Molik ko'zi ojiz holda qavmiga imomlik

qilur erdi. Bir ko'ni u Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, (goh) kecha qorong'i bo'lg'aydir, (goh) sel bo'lg'aydir, men ersam ko'zi ojiz odamdirimen, mening uyimga borib bir joyda namoz o'qib beringiz, o'shal yerni namozgoh qilib olayin»,—dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uning uyiga kelib: «Qaerda o'qib bermog'imni istaydinsen?» — dedilar. Ul bir joyni ko'rsatdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'shal joyda namoz o'qib berdilar».

41-bob. Imom jum'a kuni, yomg'ir yog'ib turgan bo'lsa, hozir bo'lganlar bilan namoz o'qib, xutba aytadirmi?

Abdulloh ibn Hars rivoyat qiladirlar: «Ibn Abbas yomg'ir yog'ib, loygarchilik bo'lgan kuni bizga xutba aytdilar, so'ng muazzinga azonning «Hayya alas-salot» degan joyiga kelganda «namozni joy-joyingizda o'qiyveringiz», deb aytmakni buyurdilar. Hozir bo'lganlar bu gap yoqmagandek bir-birlariga qarab qo'yishdi. Shunda Ibn Abbas: «Sizlar bu gapni yoqtirmadingiz shekilli. Bu gapni mendan yaxshiroq kishi, ya'ni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam aytgandirlar. Ul kishi shundoq qilmoqni buyurgandirlar. Men sizlarni mashaqqatga qo'ymoqni xohlamadim»,— dedilar». Boshqa bir hadisda Ibn Abbas: «Men sizlarni gunohkor qilmakni xohlamadim, sizlar tizzangizdan loy kechib kelgan bo'lur erdingiz, deb aytgandi»,— deyiladi.

Abu Salamadan naql qiladirlar: «Abu Sa'id al-Xudriydan Laylat ul-Qadr to'g'risida so'radim. Ul kishi: «Bir bulut kelib, masjidning ustiga yomg'ir yogdi. Masjidning tomiga xurmo shoxlari yopilgan erdi, yomg'ir shipdan o'tib ketdi. Namozga takbir aytili. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning jiqqa loy ustida sajda qilayotganlarini, hatto peshonalariga loy ham tekkanini ko'rdim»,— dedilar».

Anas ibn Sirin rivoyat qiladirlar: «Ansoriylardan bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, men siz birlan birga namoz o'qiy olmasmen»,— dedi. Ul semiz, yo'g'on kishi erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ovqat tayyorlab, uyiga chaqirdi. Suv sepib, tozalab bir bo'yрани taglariga solib berdi. Bo'yra ustida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki rak'at namoz o'qidilar».

Oluljorudlik bir kishi Anasga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam choshgoh namozini o'qir erdilarimi?» — dedi. Anas: «O'qiganlarini faqat o'shal kuni ko'rdim»,— dedilar.

42-bob. Ovqat tayyor bo'lsa-yu, namozga takbir aytilsa...

Ibn Umar ovqatlanib olgach, namoz o'qir erdilar. «Dili xotirjamlik birlan namoz o'qimoq uchun avval hojatini chiqarib olmoqlik kishining faqihligidandir»,— deydilar Abu Dardo' raziyallohu anhu.

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar olingizga kechki ovqat olib kelingan bo'lg'aydir-u, namozga takbir aytilg'aydir, avval ovqatni yeb olingiz»,— deb aytganlar».

Anas ibn Molik naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kechki ovqatingiz tayyor bo'lsa, shomni o'qimoqdan avval, ovqatni yeb olingiz, ovqatni shoshmasdan yengizlar»,— deganlar».

Ibn Umar quyidagi hadisni aytdi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar (kechki) ovqatingizni oldingizga olib kelib qo'yg'aydirlar-u, namoz vaqti bo'lib qolg'aydir, avval ovqatni yeb olingiz, shoshmasdan, to'yib yeb olingiz»,— deganlar». Ibn Umar oldilariga ovqat qo'yilsa-yu, namozga takbir aytilsa, ovqatni to'yib yeb olmaganlaricha namozga kelmas erdilar. Imomning qiroatini eshitib tursalar ham ovqatlanishda davom etardilar.

Ibn Umar naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qaysi biringiz ovqat ustida bo'lg'aydirlar-u, namozga takbir aytilg'aydir, nafsingiz ovqatga qonguncha namozga shoshilmangiz»,— deganlar».

43-bob. Imomning qo'lida yegulik narsa bo'lsa-yu, namozga chaqirilsa...

Ja'far ibn Amr otalari Amr ibn Umayyadan eshitganlarini rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'yning qo'l go'shtini kesib yeyayotganlarini ko'rdim. Shunda namozga chaqirildi. O'rinlaridan turdilar, pichoqni tashlab, tahorat olmay namoz o'qidilar».

44-bob. Kimki uyida bir zarur ish qilib turgan bo'lsa-yu, namozga takbir aytilsa, ishini tashlab, namozga chiqadir

Asvad raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Oisha onamizdan «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uylarida ne qilur erdilar?» — deb so'radim. «Uy yumushlari birlan band bo'lur erdilar (Janob Rasululloh xotinlariga yordam bermoqlarini nazarda tutadilar), namozga chaqirilgan kezda qilayotgan ishlarini tashlab chiqar erdilar»,— dedilar».

45-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qanday namoz o'qiganlarini hamda ul zotning buyurgan sunnaglarini o'rgatish niyatidagina odamlarga namoz o'qib bergan kishi

Ayyub raziyallohu anhu: «Abu Qiloba bunday degandi»,— deydilar: «Bizning mana shu masjidimizga Molik ibn Huvayris kelib: «Men o'zi namoz o'qimoqchi bo'lmasam-da, sizlarga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning nechuk namoz o'qiganlarini ko'rgan bo'lsam, o'shandoq namoz o'qib berayin»,— dedilar. Men Abu Qilobadan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam nechuk namoz o'qir erkanlar?» — deb so'radim. «Mana bu shayximiz singari»,— dedi. Shayximiz (keksa odam erdilar), birinchi rak'atda sajdadan bosh ko'targanlaridan keyin, ozgina o'tirib olar erdilar».

46-bob. Olim va fozil kishilar imomlik qilishga haqliroqdirlar

Abu Muso rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob bo'lib qoldilar. Kasallari kuchaygach: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoat oldiga chiqib imomlik qilsin!» — dedilar. Oisha onamiz: «Abu Bakr ko'ngli yumshoq kishidirlar, sizning o'rningizda turib imomlik qila olmag'aylar»,— dedilar. Janob Rasululloh: «Odamlarga buyuringiz, Abu Bakr jamoat oldiga chiqib imomlik qilsin!» — deb qaytarib aytdilar. Oisha onamiz yana rad qildilar. Janob Rasululloh: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoat oldiga chiqib imomlik qilsin! Siz xotinlar Yusuf alayhissalomning qissasidagi xotinlar singaridirlar»,— deb yana qaytarib aytdilar. Janob Rasulullohning buyruqlarini Abu Bakrga yetkazishdi. Abu Bakr Janob Rasulullohning hayotliklarida jamoat oldiga chiqib imomlik qildilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob yotganlarida: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoat oldiga chiqib imomlik qilsin!» — dedilar. Men: «Abu Bakr o'ringizga imomlik qilsalar, yig'lab yuborg'aydirlar, odamlar qiroatlarini eshitolmay qolg'aydir, Umarga buyuringiz, imomlik qilsin!» — dedim. Keyin: «Abu Bakr sizning o'ringizda tursalar, yig'ilaridan qiroatlari eshitilmay qolg'aydir, imomlikni Umarga buyura qolingiz, deb Rasulullohga aytg'il!» — dedim Hafsaga. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Tek turg'il, sizlar Yusuf alayhissalomning qissasidagi xotinlar singaridirsizlar, Abu Bakrga buyuringiz, imomlik qilsin!» — dedilar Hafsaga».

Shunda Hafsa: «Sendan hech yaxshilig' ko'rmadim-da!» — degan erkanlar Oisha onamizga.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga o'n yil ergashib yurdim, ul kishining xizmatlarini qilib, suhbatlarida birga bo'ldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafotlaridan oldin betob yotganlarida Abu Bakr jamoatga imomlik qilardi. Dushanba kuni biz sahobalar namozda saf tortib turgan erdik, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xujralarining pardasini ochib, bizga qaradilar. Janob Rasululloh oyoqlarida tik turar erdilar, yuzlari xuddi kitob varag'idek oppoq, ozgin va chiroylig' erdi. Keyin, bizga tabassum qilib jilmaydilar. Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rib, suyunganimizdan safdan chiqmoqchi bo'ldik. Abu Bakr Siddiq ersa birinchi safga kirib olmoq uchun orqasiga tisarila boshladi. Ul, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozga chiqmoqchilar, deb o'yladi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, namozni davom ettiraveringiz, degan ma'noda bizga ishora qildilar-da, pardani yopib qo'ydilar. Ul zot shu kuni vafot etdilar».

Anas raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uch kun namozga chiqa olmadilar. Namozga takbir aytili, Abu Bakr oldinga (imomlikka) o'tdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hujralarining pardasini ko'tardilar. Hech qachon Janob Rasulullohning chehralarini ko'rgan kezimizdagidek suyunmagan erdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakrga «Oldinga (imomlikka) o'tg'il!» deb ishora qildilar-da, pardani yopdilar. Keyin, vafot etgunlaricha pardani ochmoqqa darmonlari yetmadi».

Hamza ibn Abdullohning otalari Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh og'ir yotganlarida, «Namozga chiqa olasizmi?»—deyishdi. Shunda Janob Rasululloh: «Abu Bakrga aytingiz, jamoatga imomlik qilsin!»—dedilar. Oisha onamiz: «Abu Bakr ko'ngli bo'sh odamdirlar, qiroat qilsalar, yig'idan to'xtay olmag'aylar»,— dedilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Buyuringiz unga, jamoatga imomlik qilsin!» — dedilar. Oisha onamiz yana boyagi so'zlarini takrorladilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana: «Buyuringiz unga, jamoatga imomlik qilsin! Sizlar Yusuf alayhissalom qissasidagi xotinlar singaridirsiz»,— dedilar».

47-bob. Biror sababga ko'ra, namozxonlardan birining imomning yonida turmog'i

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob yotganlarida Abu Bakrga jamoatga imomlik qilmoqni buyurdilar. Abu Bakr (o'shanda) imomlik qilgan erdilar». Urva raziyallohu anhu ushbu hadisni quyidagicha davom ettiradirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlarini yengil his etib, namozga

chiqdilar. Abu Bakr jamoatga imomlik qilayotgan erdi. Rasulullohni ko'rgach, (o'rin bo'shatmak maqsadida) orqasiga tisarila boshladi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga: «O'ringdan jilmag'il!» — deb ishora qildilar. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakrning yoniga kelib yonma-yon o'tirdilar. Abu Bakr Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib tik turib namoz o'qidilar. Odamlar ersa Abu Bakrga iqtido qilib namoz o'qishdi».

48-bob. Kech qolayotgan imomning o'rniga o'tib imomlik qilayotgan odam, imom kelib qolsa, tisarilib o'rnini bo'shatsa ham, bo'shatmasa ham, namoz joiz bo'ladi

Sahl ibn Sa'd naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Amr qabilasi nizosini tinchitmoq uchun ketgan erdilar. Namoz vaqti bo'lib qolgach, muazzin Abu Bakrga kelib: «Takbir aytayinmi?» — dedi. Abu Vokr: «Mayli»,— dedilar. Abu Bakr jamoatga imomlik qilib turganlarida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelib qoldilar. Odamlar safdan joy berdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birinchi safga kelib turdilar. Odamlar Abu Bakrni ogohlantirmoq uchun chapak chaldilar. Abu Bakr payqamadilar. Odamlar qattiqroq chapak ura boshladilar. Shundagina Abu Bakr Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning kelganlarini ko'rdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «O'ringda turg'il!» — deb ishora qildilar. Abu Bakr raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning (ishonch bildirib) «Joyingda turaverg'il!» — deb buyurganlaridan xursand bo'lib, Ollohga hamd aytib, ikki qo'llarini tepaga ko'tardilar-da, orqalariga tisarilib, birinchi safga turib oldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam joylariga o'tib jamoatga imomlik qildilar. Namoz tugagach, Abu Bakrga: «Buyurganimdan so'ng nechun joyingizda turavermadingiz?» — dedilar. Abu Bakr: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilarida namoz o'qimoqqa Abu Bakrning haqqi yo'qdir!» — deb javob berdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ne bo'ldi sizlarga, ko'p qarsak chaldingiz? Kimki namozda biror narsani ko'rg'aydir, tasbih (subhonalloh) aytsin, tisbih aytsa, unga qaraydilar. Chapak chalmoq ersa xotinlarning ishidir»,— dedilar».

49-bob. Agar namozxonlarning qiroati bir xil bo'lsa, oralarida yoshi ulug'i imomlik qiladi

Molik ibn Huvayris naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga keldik. Hammamiz tengqur, yosh yigitlar erdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida 20 kuncha turib qoldik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam juda mehribon erdilar, (yurtimizni sog'inganimizni bilib): «Yurtingizga qaytsangiz, u yerdagilarga dinni o'rgatingiz, falon vaqtda falon namozni, falon vaqtda falon namozni o'qiydirez, deb ularga buyuringiz, namoz vaqti bo'lganda biringiz azon aytingiz, orangizda kattangiz imomlikka o'tsin!» — dedilar».

50-bob. Imom biror qavmning ziyofatiga borsa, namoz vaqtida ularga imomlik qiladi

Atbon ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni uyimga taklif etgan erdim. Ul kishi kelib, kirishga ijizat so'radilar. Keyin: «Uyingning qay yerida namoz o'qib bermog'imni istaydirez?» — dedilar. Men bir joyni ko'rsatdim. Ras ululloh

sallallohu alayhi va sallam namozga turdilar. Biz u kishiga iqtido qildik. Namozdan keyin salom berdilar. Biz ham salom berdik».

51-bob. Imomga iqtido qilmoq kerak, ul shuning uchun imom qilingandir!

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, vafotlaridan oldingi betoblik paytlarida, o'tirib imomlik qilar erdilar. Ibn Mas'ud: «Namozxon boshini imomdan avval ko'tarsa, qaytarib tushirg'aydir-da, imom boshini ikkinchi bor ko'tarmaguncha kutib turg'aydir, keyin imomga ergashg'aydir»,— deganlar. Hasan Basriy: «Imom birlan birga ikki rak'at o'qib, sajda etolmagan odam oxirgi rak'atda ikki marta sajda qilg'aydir, keyin bir rak'atini qayta o'qig'aydir, sajda qilmoqni esdan chiqarib, o'rnidan turib ketgan odam qayta o'tirib sajda qilg'aydir»,— deyilar.

Ubaydulloh ibn Abdulloh naql qiladirlar: «Oisha onamizning huzurlariga kirdim. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning betob yotgan paytlari to'g'risida menga so'zlab bersangiz!» — deb iltimos qildim. Oisha onamiz: «Mayli»,— deb hikoya qila ketdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam og'irlashib qolganlarida: «Odamlar namoz o'qidilarmi?»—deb so'radilar. Biz: «Yo'q, sizni kutishmoqda»,— dedik. «Tog'oraga o'tqazib, ustimdan suv quyingiz!» — dedilar. Biz aytganlarini qildik. O'rinlaridan tura boshlaganlarida hushlaridan ketdilar. Hushlariga kelgach: «Odamlar namoz o'qidilarmi?»—dedilar. Biz: «Yo'q, sizni kutishmoqda»,— dedik. Janob Rasululloh: «Tog'oraga o'tqazib, ustimdan suv quyingiz!» —dedilar. Biz aytganlarini qildik. O'rinlaridan turmoqchi erdilar, yana hushlaridan ketdilar. Hushlariga kelgach: «Odamlar namoz o'qidilarmi?» — dedilar. Biz: «Yo'q, sizni kutishmoqda»,— dedik. Masjidda odam liq to'la. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xufton iamoziga chiqishlarini kutishmoqda. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakrga imomlik qilmakni buyurdilar. Bir kishi borib, Abu Bakrga: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sizni jamoatga imomlik qilsin, deb buyurdilar»,— dedi. Abu Bakr ko'ngli yumshoq odam erdilar. Shuning uchun ham Umarga: «Siz imomlik qilingiz!» — dedilar. Umar: «O'zingiz bunga mendan ko'ra qaqliroqdirsiz!» — dedilar. Abu Bakr o'sha kuni imomlik qildilar., Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlarini bir oz yengil his etib, ikki kishining yordamida namozga chiqdilar, ulardan biri Abbos edi. Abu Bakr Janob Rasulullohni ko'rib joy bo'shatmoqchi bo'ldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Orqangizga tisarilmangiz, joyingizdan jilmangiz!» — deb ishora qildilar. Keyin Abbosga: «Meni yonlariga o'tqazingiz!» — dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni Abu Bakrning yoniga o'tqazdilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'tirib namoz o'qidilar. Abu Bakr tik turib Rasulullohga iqtido qildilar. Odamlar ersa Abu Bakrga iqtido qilishdi».

Ubaydulloh raziyallohu anhu bunday rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Abbos huzuriga kirib, «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning betobliklari haqida Oisha onamiz menga aytib berganlarini sizga aytayinmi?» — dedim. «Aytg'il!»— dedilar. Men aytdim. Biror so'zimni inkor qilmadilar, lekin: «Ogam Abbos birlan birga bo'lgan ikkinchi kishining nomini senga aytdilarmi?» — deb so'radilar. Men: «Yo'q»,— dedim. «Ul Ali erdi!» — dedilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob bo'lganlaridan uyda o'tirgan holda namoz o'qidilar. Iqtido qilayotganlar ersa tik turib o'qishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «o'tiringiz!» deb ishora qildilar. Namozdan keyin Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom iqtido qilmoqlari uchun

tayinlangandir, agar ul ruku' qilg'aydir, ruku' qilingiz, ruku'dan bosh ko'targ'aydir, bosh ko'taringiz, o'tirib namoz o'qig'aydir, o'tirib namoz o'qingiz!»— dedilar».

Anas ibn Molik naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ot minib yiqildilar, o'ng tomonlari shilini ketdi. Namozni o'tirgan holda o'qidilar. Shunda biz ham o'tirib o'qidik. Namozni tugatgach, bizga o'girilib: «Gap shulkim, imom iqtido qilmoqlari uchun imom qilingandir, agar ul tik turib o'qig'aydir, tik turib o'qingiz, ruku' qilg'aydir, ruku' qilingiz, ruku'dan bosh ko'targ'aydir, bosh ko'taringiz, «Sami'allohu liman hamidahu» desa, «Rabbano va lakalhamd» deb aytingiz. Agar tik turib o'qig'aydir, tik turib o'qingiz!» — dedilar». Imom Buxoriy aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Imom o'tirib o'qig'aydir, o'tirib o'qingiz!» degan so'zlarini bundan ilgari betoblik paytlarida aytganlar, so'nggi kasal bo'lganlarida ersa Janob Rasululloh o'tirib namoz o'qiganlar. Odamlar tik turib o'qishgan, ularga o'tirmoqni buyurmaganlar. Oxirgisi hisobga oling'aydir, zero oxirgisi Janob Rasulullohning tabiatlariga mosdir».

52-bob. Imomga iqtido etib namoz o'qiyotgan odam qachon sajda qiladir?

Anas raziyallohu anhu: «Imom sajda qilsa, sajda qilingiz!» — deydilar.

Abdulloh ibn Yazid: «Quyidagini menga Barro aytib bergan erdi, ul hech yolg'on so'zlamaydir»,— deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Sami'allohu liman hamidahu» deb sajdaga bormagunlaricha, birontamiz sajdaga bormas erdik, keyin sajda qilar erdik».

53-bob. Imomdan avval boshini ko'targan odamning gunohi

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oralaringizda kimdir imomdan avval boshini ko'targaydir, uning boshini Oллоh taolo eshakning boshiga yokim ko'rinishini eshakning ko'rinishiga aylantirib qo'ymog'idan qo'rqmag'aymi (qo'rqmag'aydirmi)?» — dedilar».

54-bob. Qul yoki ozod qilingan qulning imomlikka o'tmog'i haqida

Oisha onamizga Zakvon degan qullari imomlik qilur erdi, Qur'onga ko'ra, haromi bola ham, badaviy ham, balog'atga yetmagan bola ham imom bo'lmog'i joizdir. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imomlikka Qur'oni Karimni mukammal bilgan kishi o'tg'aydir»,—deganlari uchun ham Imom Buxoriy: «Qul, biror aybi bo'lmasa, jamoatga qatnashmakdan mahrum qilinmag'aydir»,— deydilar».

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Qubodagi Asaba degan joyga kelgan dastlabki muhojirlarga (Rasulullohning kelishlaridan avval) Abu Huzayfaning ozod qilingan quli Solim imomlik qilur erdi. U Qur'onni hammadan yaxshiroq bilur erdi».

Anas raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Garchi sizlarga boshi mayizdek qop-qora qul boshliq qilib tayinlansa ham, unga quloq solib, itoat etingiz!» — deganlar».

55-bob. Imom yomon imomlik qilsa, gunohi o'ziga

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imomlar sizlarga imomlik qilib namoz o'qiydirlar. Agar to'g'ri, to'liq o'qig'aydirlar, sizlarga ham, o'zlariga ham savob, bo'lg'aydir. Xato qilsalar, sizlarga savob-u, gunohi o'zlariga bo'lg'aydir»,— deganlar».

56-bob. Yo'ldan ozgan va bid'atchi odamning imomligi xususida

Hasan Basriy: «Bid'atchining orqasida ham namoz o'qiyverg'il, bid'atining zarari o'zigadir»,— deganlar. Imom Buxoriy: «(Ushbu hadisni) bizga Muhammad ibn Yusuf aytib berdilar»,— deydilar.

Ubaydulloh ibn Adiy ibn Xiyor Usmon ibn Affonning huzurlariga kirdi. Hazrat Usmon siqilib o'tirgan erkanlar. Usmonga: «Siz jamoat imomidirsiz, boshingizga nechuk ishlar tushdi, ko'rib turibsiz. Bizga ersa fitnachi kishilar imom bo'lib olmishlar, biz ularga iqtido qilib, gunohkor bo'lmakdan qo'rqadirmiz»,— dedi. Shunda Usmon: «Namoz odamlar qilayotgan ishlarning eng yaxshisidir. Agar kishilar xayrlik ish qilayotgan bo'lsalar, sen ham ularning xayrlik ishlariga bosh qo'shg'il, agar yomon ishga qo'l urgan bo'lsalar, ularning yomonligidan chetlang'il!»—dedilar. Zuhriy: «Juda zarur bo'lmasa, xotinchalish (xunasa) odamga iqtido qilinmaydir»,— deydilar.

Anas ibn Molik naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Zarrga: «Agar boshi mayizdek qop-qora habash imom ersa ham, unga quloq solg'il va itoat etg'il!»— degan ekanlar».

57-bob. Agar namoz o'qiyotganlar ikki kishi bo'lsa, biri imom bo'lib, ikkinchisi uning o'ng tomoniga o'tib iqtido qiladir

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Maymuna xolamnikida tunab qoldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xuftonni masjidida o'qidilar. Keyin, uylariga kelib to'rt rak'at namoz o'qidilar. So'ng, uxladilar, keyin o'rinlaridan turib, tahorat olib namoz boshladilar. Men chap yonlariga borib turdim. Meni o'ng yonlariga o'tkazib qo'ydilar. Avval besh rak'at, keyin ikki rak'at namoz o'qidilar, so'ng uxladilar, hatto pishillaganlarini eshitdim. Keyin, namozi bomdodni o'qigani chiqib ketdilar».

58-bob. Agar iqtido qilg'uvchi birgina bo'lsa-yu, imomning chap tomonida tursa, imom uni o'ng tomoniga o'tkazib qo'ysa, namozlari buzilmaydir

Ibn Abbos naql qiladirlar: «Maymuna xolamnikida tunab qoldim. O'sha kechasy Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xolamning uylarida erkanlar. Tahorat olib namozga turdilar. Men chap tomonlarida turib iqtido qildim, meni o'ng tomonlariga o'tkazib qo'ydilar. Shunda o'n uch rak'at namoz o'qidilar. Keyin, uxladilar, hatto pishilladilar ham. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uxlasalar, pishillar edilar. Keyin, ul kishini muazzin kelib chaqirdi. Chiqib jamoatga imomlik qildilar, tahorat olmadilar (yonboshlab dam olganlarida, qalblari uyg'oq bo'lgani uchun tahoratlari sinmas erdi)».

59-bob. Kishining imomlik qilaman degan niyati bo'lsa-yu, odamlar kelib unga iqtido qilinsa...

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Maymuna xolamnikida tunab qoldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi turib namoz o'qidilar. Men ham turib u kishi birlan o'qidim. Chap tomonlarida turgan erdim, belimdan ushlab o'ng tomonlariga o'tkazib qo'ydilar»

60-bob. Agar imom namozni cho'zib yuborsa-yu, iqtido qilg'uvchining biror hojati bo'lsa, u safdan chiqib, o'zi o'qib olsa...

Jobir ibn Abdulloh naql qiladirlar: «Muoz ibn Jabal Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga xuftonni o'qib, so'ng borib qavmiga imomlik qilur erdi. (Bir kuni) xuftonda qavmiga imomlik qilayotib Surai Baqarani zam qildi. Shunda bir kishi safdan ajralib chiqdi-da, o'zi alohida namoz o'qib, ketdi. Muoz u kishini yomonlagandek bo'ldi. Buni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yetkazdilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Muozga: «Sen fitnachidirsan, fitnachidirsan, fitnachidirsan!» yoki «Bunaqa holda fitnachi bo'lib qolg'aysan, fitnachi bo'lib qolg'aysan, fitnachi bo'lib qolg'aysan!»— deb uch marta aytdilar-da, bundan keyin (o'lchami) o'rtacharoq ikkita surani zam qilmakni buyurdilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam buyurgan o'sha suraning qaysi ekanligini eslay olmayotirman»,— deyдилar Amr raziyallohu anhu».

61-bob. Imomning qiyomni yengilroq, ruku' va sujudni to'laroq qilmog'i xususida

Abu Mas'ud rivoyat qiladirlar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Men, falonchi imom namozni cho'zib yuborayotgani uchun namozi bomdodga bormayotirman»,— dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning va'z aytayotganlarida o'sha kundagidan ko'ra g'azablanganroq holatlarini ko'rmaganman. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'shanda: «Sizlarning oralaringizda odamlarni jamoat namozidan bezdirayotganlar bordir. Qay biringiz jamoatga imomlik qilgaydirlarsiz, namozni osonlashtiringiz, chunkim namozxonlar orasida zaif, kasalmand, keksa va ishi zarur odamlar bordir!» — dedilar».

62-bob. Agar kishi namozni yolg'iz o'zi o'qisa, xohlaganicha cho'zaversin!

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar birortangiz jamoatga imomlik qilg'aydirlarsiz, namozni osonlashtirib o'qingiz, chunkim namozxonlar orasida zaif, kasal va keksalar bordir. Agar qaysi biringiz namozni yolg'iz o'zingiz o'qig'aydirlarsiz, istaganicha cho'zaveringiz!» — dedilar».

63-bob. Imom namozni cho'zib yuborganda ustidan shikoyat qilgan kishi

Abu Usayd: «Namozimizni juda ham cho'zib yubording, ey bolam!» — degan ekanlar.

Abu Mas'ud rivoyat qiladirlar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, imom namozni cho'zib yuborayotganidan bomdod namoziga bormayotirman»,— dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam g'azablandilar. O'sha kundagidan ko'ra qattiqroq g'azablanganlarini ko'rmagan erdim. Janob Rasululloh: «Ey odamlar, sizlarning oralaringizda namozdan bezdirg'uvchilar bordir. Kimki imom

bo'lib (namoz) o'qig'aydir, yengil o'qisin, chunki uning orqasinda zaif, keksa va ishi zarur kishilar bordir!»—dedilar».

Jobir ibn Abdulloh naql qiladirlar: «Qorong'i kecha erdi. Muoz jamoatga imomlik qilib xufton o'qiyotgan paytda bir kishi ikki tuyani yetaklab kelib qoldi. Tuyalarini ko'yib, Muozga iqtido qildi. Muoz «Surai Baqarani» yoki «Surai Nisoni» zam qilib o'qiy boshlaganda boyagi kishi oradan chiqib ketdi. Muoz uning orqasidan yomonlab qoldi. Buni ul kishiga yetkazishgan erdi, borib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga shikoyat qildi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Muozga: «Ey Muoz, sen fitnachidirmisan yokim g'aybatchidirmisan?» — deb uch marta qaytarib aytdilar, keyin: «Sabbih-isma rabbika-l-a'lo...» va «Va-sh-shamsi va zuhoho...» hamda «Va-l-layli izo yag'sho...» deb boshlanadigan suralarni zam qilib o'qisang bo'lmag'aymidir?! Axir sening orqangda keksa, zaif va hojatmand kishilar ham borku!» — dedilar».

64-bob. Namozni qisqa va mukammal o'qimoq to'g'risida

Anas ibn Molik: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozni qisqa qilib ham, mukammal qilib ham o'qir erdilar» — deyдилar.

65-bob. Chaqaloq yig'lab qolganda namozni qisqaroq o'qimoq xususida

Abu Qatoda rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men namozni uzunroq qilib o'qimoqchi bo'lganimda, chaqaloq yig'lab qolsa, onasiga og'ir tushmasin deb, qisqaroq o'qiydirmen»,— degan ekanlar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan ko'ra namozni qisqaroq va mukammalroq o'qiydirgan birorta odamni uchratmadim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam chaqaloq yig'isini eshitib, onasiga qiyin bo'lmasin deb, namozni qisqaroq o'qir erdilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men namozni uzunroq o'qimoqchi bo'lib boshlaydirman-u, ammo chaqaloqning yig'isini eshitib, onasiga og'ir bo'lmasin deb, qisqartirg'ayman»,— degan ekanlar».

Anas raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men, namozni uzunroq o'qiydirman, deganimda chaqaloqning yig'isini eshitib qolg'ayman. Shunda o'ning onasiga og'ir tushmoqligini fahmlab, namozni yengillatg'ayman»,— degan ekanlar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men namozni uzunroq o'qimoqchi bo'lib boshlaydirman-u, ammo bola yig'isini eshitib qolib, uning onasi aziyat chekmog'ini o'ylab, yengillatg'ayman»,— degan ekanlar».

bb-bob. Bir kishi imomga iqtido qilib namoz o'qisa-yu, so'ng o'z qavmiga borib imomlik qilsa...

66-bob. Bir kishi imomga iqtido qilib namoz o'qisa-yu, so'ng o'z qavmiga borib imomlik qilsa...

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Muoz raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu

alayhi va sallamga iqtido qilib namoz o'qidilar, so'ng o'z qavmlariga borib imomlik qildilar».

67-bob. Imomning takbirini odamlarga eshittirib turgan kishi

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam og'ir yotganlarida Bilol namozga chaqirib keldi. Shunda Rasululloh: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoatga imomlik qilsin!» — dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, Abu Bakr ko'ngli bo'sh odamdirlar, ul kishi sizning o'ringizda imomlik qilsalar, odamlar yig'ilaridan qiroatlarini eshitolmay qolg'aydir, yaxshisi Umarga buyuringiz!» — dedim. Janob Rasululloh: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoatga imomlik qilsin!»— deb qaytarib aytdilar. Men Hafsaga: «Abu Bakr ko'ngli bo'sh odamdirlar, o'ringizda tursalar, yig'ilaridan odamlar Qiroatlarini eshitmay qolg'aydirlar, Umarga buyura qolingiz, deb Rasulullohga aytg'il!»— dedim. Rasululloh: «Sizlar Yusuf alayhissalom qissasidagi xotinlar singaridirsizlar. Buyuringiz Abu Bakrga, jamoatga imomlik qilsin!»—dedilar. Abu Bakr namozni boshlagach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yengil tortdilar. Keyin, ikki kishi yordamida oyoqlarini zo'rg'a bosib masjidga chiqdilar. Abu Bakr Rasulullohning sharpalarini sezib joy bo'shatmoq uchun orqaga tisarila boshladilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «O'ringdan qimirlamag'il!» — deb ishora qildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakrning chap yonlariga kelib o'tirdilar. Abu Bakr tik turib o'qidilar. Janob Rasululloh o'tirgan hollarida o'qidilar. Abu Bakr Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning aytayotgan takbirlarini odamlarga eshittirib turdilar».

68-bob. Bir kishi imomga, odamlar ersa unga iqtido qilmog'i xususida

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning: «Siz menga iqtido qilingiz, sizga orqangizdagilar iqtido qilsinlar!»— deganlari xususida quyidagi hadis zikr qilinadi:

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam og'ir yotganlarida Bilol ul kishini namozga chaqirib keldi. Janob Rasululloh: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoat oldiga o'tib imomlik qilsin!» — dedilar. Men: «Yo Rasululloh, Abu Bakr ko'ngli bo'sh odamdirlar, ul kishi sizning o'ringizda imomlik qilsalar, yig'ilaridan odamlar qiroatlarini eshitolmay qolg'aydirlar, yaxshisi Umarga buyura qolingiz!»—dedim. Janob Rasululloh: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoatga imomlik qilsin!»—dedilar. Shunda men Hafsaga: «Abu Bakr ko'ngli bo'sh odamdirlar, o'ringizga imomlik qilsalar, yig'lab yuboradilar, odamlar qiroatlarini eshitolmag'aydirlar, Umarga buyura qolingiz, deb Rasulullohga aytg'yl!» — dedim. Rasululloh: «Sizlar Yusuf alayhissalom qissasidagi xotinlarga o'xshaydirlar, buyuringiz, Abu Bakr jamoatga imomlik qilsin!»—dedilar.

Abu Bakr imomlik qilmoqqa kirishgach, Rasululloh yengil tortdilar, so'ng ikki kishi ko'magida oyoqlarini sudrab bosib masjidga chiqdilar. Abu Bakr Janob Rasulullohning kelayotganlarini sezib, joy bo'shatmoqchi bo'ldilar. Rasululloh: «Urningda turaverg'il!»— deb ishora qildilar. Rasulullohni Abu Bakrning chap yonlariga olib borib o'tqazishdi. Rasululloh o'tirgan hollarida imomlik qildilar, Abu Bakr ul kishiga, odamlar ersa Abu Bakrga iqtido kildilar».

69-bob. Imom ikkilansa, odamlarning so'ziga ishonadirmi?

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam

ikki rak'at o'qib, namozni tugatdilar, salom berib odamlarga o'girildilar. Shunda Zalyadayn: «Yo Rasululloh, namoz qisqardimi yo esingizdan chiqardingizmi?» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Zulyadayn to'g'ri aytma dami?» — dedilar. ,

Odamlar Zulyadaynning so'zini tasdiqlashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana ikki rak'at o'qidilar, odamlar ul kishiga iqtido qildilar, so'ng salom berdilar. Keyin, takbir aytib, avvaldagidek yokim undan ham uzunroq sajdai sahiv qildilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam . peshin namozini ikki rak'at o'qidilar. Shunda Janob Rasulullohga: «Ikki rak'at o'qidingiz»,— deyishdi. Janob Rasululloh yana ikki rak'at, namoz o'qib, salom berdilar, keyin sajdai sahiv qildilar».

70-bob. Imom namozda yig'lasa...

Abdulloh ibn Shaddod rivoyat qiladirlar: «Hazrat Umarning «Innamo ashku bassiy va huzniy ila-l-lohi» (Dardu g'amimdan faqat Ollohning o'zigagina shikoyat qilg'aydurmen) degan oyatni o'qiyotib yig'layotganlarini men oxirgi safda turib ham eshitdim».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kasal bo'lib yotganlarida: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoatga imomlik qilsin!»—dedilar. Men: «Abu Bakr sizning o'rningizga tursalar, yig'ilaridan odamlar qiroatlarini eshita olmag'aydirlar, Umarga buyuringiz, jamoatga imomlik qilsinlar!» — dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Abu Bakrga buyuringiz, jamoatga imomlik qilsin!»—deb qaytarib aytdilar. Shunda men Hafsa: «Abu Bakr sizning o'rningizga tursalar, odamlar yig'ilaridan qiroatlarini eshita olmag'aydirlar, Umarga buyuringiz, imomlik qilsin, deb Rasulullohga aytg'il!» — dedim. U shunday dedi. Shunda Rasululloh: «Tek turg'il, sizlar Yusuf alayhissalom qissasidagi xotinlar kabisizlar. Dilingizdagining aksini aytg'aysizlar. Abu Bakrga buyuringiz, jamoatga imomlik qilsin!» — dedilar.

Hafsa menga: «Sendan hech yaxshilig' ko'rmadim!»—dedi xafa bulib».

71-bob. Takbir aytayotganda va undan keyin saflarni to'g'rilash

No'mon ibn Bashir naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollohga qasamyod qilib ayturmenkim, saflaringizni to'g'rilamasangiz, Olloh taolo dillaringizni bir-biriga qarama-qarshi qilib qo'yg'aydir!» — deb aytdilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Saflarni to'g'rilangiz, men sizlarni teskari turib ham ko'rg'aydurmen!» — dedilar».

72-bob. Saflar to'g'rilanayotganda imomning odamlarga o'girilib qaramogi

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Namozga takbir aytili. Rasululloh yuzlarini bizga o'girib qaradilar-da: «Saflarni to'g'rilangiz, jiplashib turingiz, men sizlarni teskari turib ham ko'rg'aydurmen!»— dedilar».

73-bob. Birinchi saf

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday degandilar»,— deydilar: «Suvda g'arq bo'lganlar, qorin og'rig'i va vabodan o'lganlar yokim biror narsa bosib qolib o'lganlar shahid o'lgan hisoblanur. Kishilar namozga erta kelmog'ning nechuk savobi borligini bilsalar erdi, (masjidga kim oldin bormakka) musobaqa qilishur erdi. Namozni xufton birlan namozni bomdodda nechuk savob borligini bilganlarida, sudralib (emaklab) bo'lsa ham (masjidga) kelishur erdi. Birinchi safda nechuk savob borligini bilishsa erdi, qur'a (chek) tashlashar erdi».

74-bob. Safni to'g'rilamoq namozning mukammal bo'lmog'i shartlaridandir!

Abu Hurayra quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom iqtido qilmoqlari uchun imom qilingandir, bunga rioya qilingiz. Agar ruku' qilg'aydir, ruku' qilingiz, agar «Sami'allohu liman hamidah» degaydir, «Rabbano va laka-l-hamd» deb aytingiz! Agar sajda qilg'aydir, sajda qilingiz, agar o'tirib o'kig'aydir, hammangiz o'tirib o'qingiz! Namozda safni to'g'rilangiz, chunkim safning to'g'ri bo'lmog'i namoz ko'rkidir!» — dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Saflaringizni to'g'rilangiz, chunkim saflarni to'g'ri qilmoq namozning mukammal bo'lmog'idir!» — dedilar».

75-bob. Safni to'g'rilamagan (to'ldirmagan) kishining gunohi

Bashir ibn Yasor rivoyat qiladirlar: «Anas raziyallohu anhu Basradan Madinaga keldi. Anasga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlaridan keyin bizdan qanday kamchilik topdingiz?»— deyishdi. Anas: «Sizlar safni to'g'rilab, to'ldirmas ekansizlar, bundan bo'lak xato topmadim»,— dedi. (Imom Buxoriy safni to'g'rilamoqni — vojib, mujtahid ulamolar ersa — sunnat deb hisoblag'aylar. Chunki Anas ularga namozni qaytarib o'qimadni buyurmadilar)».

76-bob. Safda oyoqni oyoqqa, yelkani yelkaga tegizib turmoq

Nu'mon ibn Bashir: «(Safda) har birimizning tavonimiz yonimizdagining tavoniga tegib turganining shohidi bo'lganman»,— deydilar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Safingizni to'g'rilab turingiz, men sizlarni teskari turib .ham ko'rg'aydirmen»,— degan erdilar. Biz, Rasulullohning davrlarida safda turganimizda har birimizning yelkamiz yonimizdagining yelkasiga, oyog'imiz oyog'iga tegib turar erdi».

77-bob. Agar iqtido qiluvchi kishi imomning chap yoniga kelib tursa, imom uni orqa tomonidan aylantirib, o'ng yoniga turg'izib qo'ysa, namoz buzilmaydir

Ibn Abbos quyidagi hadisni aytdilar: «Bir kuni tunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o'qidim. O'shanda chap tomonlariga kelib turgan erdim. Janob Rasululloh meni boshimdan ushlab, orqa tomonlaridan aylantirib, o'ng yonlariga

turgʻazib qoʻydilar. Namozdan keyin yonboshladilar, soʻng muazzin keldi, oʻrinlaridan turib namoz oʻqidilar, (qayta) tahorat olmadilar».

78-bob. Ayolning yakka oʻzi bir saf boʻladi

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men va oir yetim bola biznikida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamgʻa iqtido qilib namoz oʻqidik, onam Ummu Sulaym ersa orqamizda turib iqtido qildilar».

79-bob. Imom va masjidning oʻng tomoni afzal

Ibn Abbos quyidagi hadisni aytdilar: «Bir kuni kechasi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning chap tomonlarida turib iqtido qildim. Shunda Rasululloh qoʻlimdan ushlab, «Orqamdan aylangʻil!»— deb ishora qildilar-da, oʻng tomonlariga oʻtkazib qoʻydilar».

80-bob. Agar imom bilan qavm (namozxonlar) oʻrtasida devor yokim qandaydir toʻsiq boʻlsa...

Hasan Basriy: «Sen birlan imom oʻrtasida daryo boʻlsa ham unga iqtido qilib namoz oʻqimogʻingning zarari yoʻqdir»,— deydilar. Abu Mijlaz: «Garchi namozxon birlan imom orasidan yoʻl oʻtgan boʻlsa-da, takbir ovozi, eshitilib tursa, iqtido qilib namoz oʻqilavergʻaydir»,—deydilar.

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi bir toʻsiq ortida namoz oʻqiy boshladilar, toʻsiqning boʻyi past erdi. Odamlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni koʻrib, oʻrtalarida toʻsiq boʻlsa-da, ul kishiga iqtido qilib namoz oʻqidilar. Tong otguncha namoz oʻqidilar, keyin oʻrtada toʻsiq boʻlganda namoz oʻqimoq haqida suhbatlashdilar. Ertasi kechasi ham Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozga turdilar, odamlar ul kishiga iqtido qilishdi. Bu narsa 2 yoki 3 kecha qaytarilgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oʻsha joyga namoz oʻqimoqqa chiqmadilar. Tong otgach, odamlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan bu kecha namozga chiqmaganliklarining sababini soʻrashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men kechasi turib namoz oʻqimoq sizlarga farz boʻlib qolmogʻidan qoʻrqdim»,— dedilar».

81-bob. Kechasi (turib) namoz oʻqimoq

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bir boʻyralari boʻlardi. Kunduzi (ustida) oʻtirar erdilar, kechasi esa (namoz oʻqiyotganlarida oʻsha birlan qibla tomonni) toʻsib qoʻyar erdilar. Odamlar ul kishiga iqtido qilib namoz oʻqishar erdi».

Zayd ibn Sobit quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oʻzlariga toʻsiq qilib oldilar (nazarimda, Busur ibn Saʻid menga: «Ramazonda boʻyradan toʻsik qilib oldilar»,— degandi). Ramazonda bir necha kecha namoz oʻqidilar, baʻzi sahobalar toʻsiq ortida turib ul kishiga iqtido qilib namoz oʻqidilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam buni bilib qolib, tashqariga chiqmay, uylarida namoz oʻqidilar. Keyin chiqib: «Ey odamlar, men sizlarning qilayotgan ishlaringizdan boxabarmen, (naflni)

uylaringizda o'qingiz. Chunkim (nafli) namozini uyda, farz namozini ersa masjidida o'qimoq afzaldir»,— dedilar».

82-bob. Namozni «Ollohu akbar» deb takbiri tahrима aytish bilan boshlamoqning fazilati

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam otdan yiqilib, o'ng yonlari shikastlandi. Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qaysi bir namozda o'tirgan hollarida imomatga o'tdilar. Biz ham o'tirib iqtido qildik. Namozdan keyin Janob Rasululloh bizga: «Imom iqtido qilmoqlari uchun imom qilingandir. Agar ul tik turib o'qigaydir, tik turib o'qingiz. Agar ruku' qilg'aydir, ruku' qilingiz. Agar «Sami'allohu liman hamidah» degaydir, «Rabbano va laka-l-hamd» deb aytingiz!» — dedilar».

Anas raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam otdan yiqilib, oyoqlari shilinib keldilar. Shunda biz bilan o'tirib namoz o'qidilar, biz ham o'tirgan holda iqtido qildik. Namoz tugagach, bizga o'girilib: «Imom iqtido qilmoqlari uchundir. Ul takbiri tahrима aytsa, takbiri tahrима aytingiz. Ruku' qilsa, ruku' qilingiz, ruku'dan tursa, turingiz. Agar «Sami'allohu liman hamidah» desa, «Rabbano va laka-l-hamd» deb aytingiz. Sajda qilsa, sajda qilingiz!»—dedilar».

Abu Hurayra quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom iqtido qilmoqlari uchun imom qiling'aydir, agar imom takbiri tahrима aytg'aydir, takbiri tahrима aytingiz, ruku' qilg'aydir, ruku' qilingiz, «Sami'allohu liman hamidah» degaydir, «Rabbano va laka-l-hamd» deb aytingiz, sajda qilg'aydir, sajda qilingiz. O'tirib o'qig'aydir, o'tirib o'qingiz!» — dedilar».

83-bob. Takbiri tahrима aytmoq ayni paytda qo'lni ko'tarmoq birlan boshlanur

Solim ibn Abdullohning otalari Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qishni boshlayotganlarida qo'llarini yelka barobar ko'tarar erdilar, takbir aytib ruku' qilayotganlarida ham, ruku'dan bosh ko'tarayotganlarida ham qo'llarini yelka barobar ko'tarar erdilar va «Sami'allohu liman hamidah», «Rabbano va laka-l-hamd»,— der erdilar. Lekin sajda qilayotganda bunday qilmas erdilar».

Abdulloh ibn Umar naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qiyotib qo'llarini yelka barobarida ko'targanlarini ko'rdim. Takbir aytib ruku' qilayotganlarida ham, ruku'dan boshlarini ko'tarayotganlarida ham shunday qilar erdilar».

84-bob. Takbiri tahrима aytayotganda qo'lni qaergacha ko'tarmoq lozim?

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalar birlan namoz o'qiyotib qo'llarini yelka barobarida ko'tardilar»,— deydilar Abu Humayd.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning takbiri tahrима aytayotganlarida qo'llarini yelka barobarida ko'targanlarini ko'rdim, ruku'da takbir aytayotganlarida ham, «Sami'allohu liman hamidah» deganlarida ham shunday qildilar. Sajda qilayotganlarida «Rabbano va laka-

I-hamd» dedilar, lekin qo'llarini ko'tarmadilar, sajdadan boshlarini ko'tarayotganlarida ham bunday qilmadilar».

85-bob. Ikkinchi rak'atdan turganda qo'lni ko'tarmoq

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu takbiri tahrима aytib namozni boshlayotganlarida qo'llarini yelka barobarida ko'tarar erdilar. Ruku' qilganlarida ham, «Sami'allohu liman hamidahu» deganlarida ham, ikkinchi rak'atdan turganlarida ham shunday qilar erdilar (Ibn Umar raziyallohu anhu buni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga nisbat berg'aydirlar)».

86-bob. Namozda (qiyomda) o'ng qo'lni chap qo'lining ustiga qo'ymoq

Sahl ibn Sa'd naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga namozda (qiyomda)turganda o'ng qo'lni chap bilak ustiga qo'ymoqni buyurar erdilar (Ibn Hazm: «Bunday qilmoqni kim buyurganligini aniq ayta "olmasmen, amma Sahl ibn Sa'd buni Janob Rasulullohga nisbat berg'aydir»,— deydilar. Imom Buxoriy: «Nisbat berilg'aydir»,—deydilar-u, biroq kimga nisbat. berilmog'ini aytmaydilar)».

87-bob. Namozda (Ollohga) bo'yin egib turmoq

Abu Hurayra quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Meni sizlar faqat qarshisidagini ko'rg'aydir, deb o'ylaydirmisiz? Ollohga qasam ichib ayturmenkim, menga sizlarning ruku'laringiz ham, xushu'laringiz (xudoga bo'yin egib turishlaringiz) ham maxfiy ermasdir, men sizlarni orqamni o'girib turganimda ham ko'rg'aymen»,— dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ruku' va sajdalarni to'la-to'kis bajaringiz, men sizlarning ruku' va sajdalaringizni orqamni o'girib turib ham ko'rg'aymen (yokim «ketimdan ham ko'rib turg'aymen»)»,—degan edilar shekilli».

88-bob. Namozxon takbiri tahrimadan keyin nimani o'qiydir?

Anas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Abu Bakr va Umar namozni «Alhamdu lillohi rabb il-olamiyn» ni o'qimoq birlan boshlar erdilar»,— deydilar.

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam takbiri tahrима birlan namoz qiroati o'rtasida jim qolar erdilar»,— deb aytgan erkanlar Abu Hurayra.

«O'shanda Abu Hurayra: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oz jim qolar erdilar»,— deb aytgan erdi shekilli. Men bir kuni Janob Rasulullohga: «Yo Rasulalloh, ota-onam haqqi-hurmati, takbiri tahrима birlan namoz qiroati o'rtasida jim qolganingizda ichingizda nelarni o'qiydirlarsiz? deb aytdim»,— deydilar Abu Zarr. Janob Rasululloh: «Ilohi, men birlan xatolarim orasini Mag'rib birlan Mashriq oralig'idek uzoq qilg'il, oppoq matoga tekkan dog'ni suv, qor va muz birlan yuvib ketgazgandek, meni gunohlarimdan forig' etgil! deyman»,— dedilar».

Asmo binti Abu Bakr rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh

tutilganda o'qiladigan namoz (salot ul-kusuf) o'qidilar. Qiyomda uzoq turib qoldilar. Keyin, ruku' qildilar, ruku'da ham uzoq turib qoldilar. Keyin, yana ruku' qildilar, bu gal ham uzoq turib qoldilar. So'ng, qadlarini tiklab undan ham uzoq turib qoldilar, so'ngra uzoq ruku' qildilar, keyin sajda qildilar, sajdada ham uzoq turib qoldilar. Sajdadan boshlarini ko'tarib, yana sajda qildilar. Bu safar ham uzoq turib qoldilar. So'ngra, qiyomga turib uzoq jim qoldilar, keyin uzoq ruku'da turdilar, so'ng turib, qiyomda uzoq turdilar, keyin yana ruku' qildilar, ruku'da uzoq turdilar, so'ng ruku'dan turib, qiyomda uzoq turdilar, keyin yana ruku' qildilar, ruku'da uzoq turdilar(so'ngra ruku'dan turib, yana sajda qildilar, sajdada uzoq turdilar, keyin sajdadan bosh ko'tarib, yana sajda qildilar, sajdada uzoq turdilar. So'ng, namozni (tugatib) o'girildilar-da: «Hozirgina jannat menga juda yaqin keldi, hatto jur'at qilib qo'l uzatsam, mevalaridan sizlarga olib chiqqan bo'lur erdim. Do'zax ham menga shundoqqina yaqin keldi, hatto: «Yo rabbiy, men shular birlan birgamanmi (ular birlan birga meni ham azoblag'aydirsanmi)?»—deb yubordim. Nogahon, mushuk tirnab azoblayotgan bir xotinga ko'zim tushdi: «Buning ne gunohi bordir?» — dedim. «Mushukni qamab qo'yib, unga ovqat bermagan, o'zi yemak topib yesin, deb ham qo'yib yubormagan. Natijada mushukni ochlikdan o'ldirgan»,— dedilar».

Nofi': «O'shanda, Janob Rasululloh: «O'zi hasharot topib yesin deb ham qo'yib yubormagan» degandilar shekilli»,— deydilar.

89-bob. Namoz o'qiyotib imomga qaramoq

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Kun tutilganda o'qiladigan namoz haqida gapirayotib: «Men do'zaxning parchalanib ayqash-uyqash bo'lib ketganini ko'rib, vahmdan orqamga tisarildim»,— dedilar».

Abu Ma'mar raziyallohu anhu naql qiladilar: «Biz Xabbobdan «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshinda va asrda zam sura o'qirmi erdilar?»—deb so'radik. «Ha»,— dedi. «Buni qanday» qilib bilur erdingiz?»—dedik. «Soqollarining qimirlashidan»,— dedi (demak, ul kishi namoz vaqtida imomga qaraganlar)».

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Sahobalar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib namoz o'qiyotganlarida Janob Rasulullohning sajdaga borganlarini ko'rmaganlaricha sajda qilishmas erdi».

Abdulloh ibn Abbos naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida Kun tutildi. Janob Rasululloh Kun tutilganda o'qiladigan namozni o'qidilar. Namozdan keyin: «Yo Rasululloh, qiyomda turganingizda nimanidir ushlamoqchi bo'lib qo'l uzatganingizni va orqangizga tisarilganingizni ko'rdik»,— deyishdi. Janob Rasululloh: «Men jannatni ko'rib, uning mevasidan olmoqchi bo'ldim. Agar olganimda, uni qiyomatga qadar tanovul qilib yurgan bo'lur erdingizlar»,— dedilar».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz birlan namoz o'qib, so'ng minbarga ko'tarildilar. Qo'llari birlan masjidning qibla tomoniga ishora qilib: «Hozirgina, siz birlan namoz o'qiyotganimda ana shu devor tomonda jannat va do'zaxni ko'rdim, xuddi surati tushirilgandek juda aniq ko'rdim, yaxshilik birlan yomonlikning farqini bugungidek aniq ko'rmagan erdim»,— deb uch marta aytdilar».

90-bob. Namoz o'qiyotib osmonga nazar tashlamoq

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Odamlarga ne bo'libdir o'zi? Namoz o'qiyotib nuqul osmonga qaraydirlar?» — dedilar. Keyin, bu haqda: «Odamlar namoz o'qiyotib osmonga qaramoqni bas qilsalar, qilg'aylar, bo'lmasa ko'zlari ko'r qiling'aydir»,— deb qattiqroq gap aytdilar».

91-bob. Namoz o'qiyotib u yoq, bu yoqqa alanglashning makruhligi

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Namoz o'qiyotib u yoq, bu yoqqa alanglamoq to'g'risida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan so'radim. Janob Rasululloh: «Bu — shaytonning bandaning namozidan bir changal (o'g'irlab) olmog'idir!»—dedilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam guldor qamisa kiyib namoz o'qidilar. So'ng: «Bu kiyimning gullari dilimni mashgul qildi (meni alaxsitdi). Buni Abu Jahmga olib borib beringiz, o'rniga anbijoniyya (ko'ylak) olib kelingiz!»— dedilar».

92-bob. Namozxon namoz vaqtida sodir bo'lgan biror ishga e'tibor beradimi yoki naq qibla tomondagi biror narsaga qaraydimi?

«Abu Bakr o'girilib qaragan erdilar, yonlarida Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rdilar»,— deydilar Sahl raziyallohu anhu.

Ibn Umar naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jamoat oldida namoz o'qiyotib, masjidning qibla tomoni devoridagi tupukka ko'zlari tushdi. Darrov uni qirib tashladilar. Namoz tugagach: «Qaysi biringiz namoz o'qiyotgan ersangiz, Olloh taolo old tomoningizda bo'lg'aydir. Shuning uchun hech biringiz old tomonga tupurmangiz!» — dedilar».

Anas ibn Molik naql qiladirlar: «Sahobalar namozi bomdod o'qishayotganda Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Oisha onamizning hujralari pardasini ochib, ularga tabassum qilib qarab qo'yganlari sahobalarni taajjubga soldi. Abu Bakr, Janob Rasulullohni namozga chiqmoqchilar, deb o'ylab joy bo'shatmoqchi bo'ldilar. Janob Rasululloh sahobalar namozni to'xtatmoqchi bo'layotganlarini payqab, «Namozni davom ettiringiz!» — deb ishora qildilar-da, pardani yopib qo'ydilar. Shu kunning oxiriga borib Janob Rasululloh vafot etdilar».

93-bob. Imom va unga iqtido qilg'uvchilarning barcha namozlarda — safarda va safarda bo'lmagan paytda o'qiladigan namozlarda ham, ovoz chiqarib va ichida o'qiladigan namozlarda ham qiroat qilmogining vojibligi

Jobir ibn Sumra rivoyat qiladirlar: «Kufa ahli Sa'd ustidan xalifa Umarga shiyoyat qilgakda Hazrat Umar uni amirlikdan bo'shatib, o'rniga Ammorni tayinlagan erdilar. O'shanda Kufa ahli Sa'dning har bir ishidan kir qidirib shiqoyat qilishgan erdi, hatto «Sa'd namozni yaxshi o'qimaydir»,— deb ham aytishgan erdy. Hazrat Umar Sa'dga odam yubordilar. Kelgach, unga: «Ey Abu Ishoq, Kufa ahli seni, namozni yaxshi o'qimaydir, deyishmoqda»,— dedilar. Abu Ishoq: «Ular ne desalar, deyaversinlar, ammo men Oyalohga qasam ichib ayturmenkim, ularga imomlik qilganimda Rasululloh

sallallohu alayhi va sallam nechuk namoz o'qigan bo'lsalar, o'shandoq namoz o'qiyotirman, biror narsani tushirib qoldirayotganim yo'q, ovoz chiqarib o'qiydirgan joyini ovoz chiqarib, ichida o'qiydirgan joyini ichimda qiroat qilayotirman, xufton namozining dastlabki ikki rak'atida uzoqroq turg'ayman, keyingi ikki rak'atida ersa ozroq turg'ayman»,—dedi. Hazrat Umar: «Bu sening fikringdir»,— deb u birlan birga bir kishini (yoki bir necha kishini) Kufaga yubordilar. Sa'd birlan birga borgan kishi Kufaning har bir masjidiga kirib, ahlidan Sa'd xususida so'radi, hamma Sa'dni maqtadi. Lekin, Baniy Abas masjidiga kirganlarida bir kishi (ismi — Usoma ibn Qatoda, kunyasi — Abu Sa'da) o'rnidan turib: «Ammo, Ollohni o'rtaga qo'yib bizdan so'rar erkansan, to'g'risini aytmoq kerak. Sa'd kichik harbiy qism birlan urushga bormaydir, faqat yirik qismlar birlan boradir. O'ljalarni teng bo'lishmaydir, adolatli hukm chiqarmaydir»,— deb aytdi. Bunga javoban Sa'd: «Ollohga qasam ichib ayturmenkim, seni uch marta duoi bad qilg'ayman. Ilohi, agar shu bandang yolg'on so'zlayotgan bo'lsa-yu, shuhrat uchun riyo yo'lga kirgan bo'lsa, uning umrini uzun qilib, faqirligini (muhtojligini) ziyoda etg'il, boshi sira fitnalardan chiqmasin!» — dedi. Keyinchalik Ibn Qatodani ko'rib, undan hol-ahvol so'rasam: «Men baloga giriftor bo'lgan bir keksa cholman. Menga Sa'dning duoi badi urdi»,—deb aytdi. Abdumalik menga: «Keyinchalik men ham uni ko'rdim. Keksaligidan qoshlari o'sib ketgan, hatto ko'zlarini ham yopib turibdir, o'zi ersa yo'lda uchragan qiz-juvonlarga ko'z qisadir»,— dedi».

Uboda ibn Somit raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Alhamduni (Fotiha surasini) o'qimagan kishining namozi namoz ermas! deganlar»,— deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidga kirdilar. Ketlaridan bir kishi ham masjidga kirib namoz o'qidi. Namozdan so'ng Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga salom berdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam salomiga alik olib: «Qayta namoz o'qig'il, chunkim sen namoz o'qimading!»— dedilar. U joyiga qaytib borib avvalgidek namoz o'qidi. So'ng kelib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga salom berdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana: «Qaytg'il, qayta boshdan namoz o'qig'il, chunkim sen namoz o'qimading!»— dedilar. Uch marta shunday qildilar. U kishi oxiri: «Sizni haq payg'ambar qilib yuborgan Ollohga qasam ichib ayturmenkim, bundan yaxshiroq o'qiy olmasmen. Menga o'rgating»,— dedi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Avval takbiri tahrima aytg'il, so'ng Qur'ondan bilganlaringni o'qig'il, keyin shoshmasdan ruku' qilg'il. Ruku'da bir oz tin olg'il, keyin qaddingni yaxshilab tiklag'il, so'ng sajda etg'il, bir oz tin olg'il, so'ngra sajdadan turib o'tirg'il, yana bir oz tin olg'il. Namozingning qolganini ham xuddi shundoq qilib o'qig'il!»— deb aytdilar».

94-bob. Peshin namozida qiroat qilmoq

Jobir ibn Sumra raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Sa'd raziyallohu anhu Hazrat O'marg.a: «Ularga imomlik qilganimda peshin va asr namozini Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'qiganlaridek qilib o'qiyotgan erdim. Hech narsani unutayotganim yo'q erdi. Avvalgi ikki rak'atni cho'zib, keyingi ikki rak'atni ersa qisqa qiroat qilayotgan erdim»,— dedi. Shunda Hazrat Umar: «Bu sening fikringdir»,— degan erdilar».

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin namozining dastlabki ikki rak'atida Surai «Fotiha» birlan yana bitta sura o'qir erdilar. Birinchi rak'atni uzunroq, ikkinchi rak'atni ersa qisqaroq o'qir erdilar, goho

ba'zi oyatni eshittirib qiroat qilar erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asr namozida ham, bomdod namozida ham Surai «Fotiha» birlan yana bitta sura o'qir erdilar, birinchi rak'atni uzoqroq, ikkinchi rak'atni ersa qisqaroq o'qir erdilar».

Abu Ma'mar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin va asr namozlarida qiroat qilarmidilar?»—deb Xabbondan so'radik. «Ha»,— dedi. «Buni qanday bilardingiz?» — dedik. «Soqollarining qimirlashidan»,— dedi».

95-bob. Asr namozida qiroat qilmoq

Abu Ma'mar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asr va peshin namozlarida qiroat qilarmidilar?»—deb Xabbondan so'radik. «Ha»,— dedi. «Buni qanday bilardingiz?»—dedik. «Soqollarining qimirlashidan»,— dedi».

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari Abu Qatoda naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin va asrning dastlabki ikki rak'atida Surai «Fotiha» birlan yana bitta sura o'qir erdilar, goho ba'zi oyatni eshittirib qiroat qilur erdilar».

96-bob. Shomda qiroat qilmoq

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Onam Umm ul-Fazl mening «Va-l-mursalotu urfan» surasini o'qiyotganimni eshitib: «Ey bolam, Ollohga qasamyod qilib ayturmenkim, shu surani o'qishing birlan bir narsani esimga tushirding. Bu sura men Raso'lulloh sallallohu alayhi va sallamdan eshitgan oxirgi suradir, uni shom namozida o'qigan erdilar»,— dedilar».

Marvon ibn Hakam naql qiladirlar: «Zayd ibn Sobit menga: «Ne bo'ldi seyga, shom namozida qisqa suralarni o'qiyotirsan? Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning eng uzun suralarni o'qiyotganlarini eshitganman»,— dedi».

97-bob. Shom namozida ovoz chiqarib qiroat qilmoq

Muhammad ibn Jubayrning otalari: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shom namozida «At-Tur» surasini o'qiyotganlarini eshitdim»,—dedilar.

98-bob. Xufton namozida ovoz chiqarib qiroat qilmoq

Abu Rofi' rivoyat qiladirlar: «Men Abu Hurayra birlan xufton namozini o'qidim. Abu Hurayra xufton namozida «Iza-s-samounshaqqat» surasini qiroat qilib sajda qildilar. Shunda buning sababini so'radim. Abu Hurayra: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xuftonda imomlik qilganlarida shu surani o'qib sajda qilgandirlar, men ham iqtido qilib sajda etgandirman, endi ul kishi birlan qiyomatda uchrashgunimcha shu surani o'qib sajda qilaverg'ayman»,— dedilar».

Adiy raziyallohu anhu: «Men Barroning «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarda erkanliklarida xufton namozining ikki rak'atidan birida «Va-t-tiyn va-z-zaytun» surasini o'qidilar» deganini eshitganman»,— deydilar.

99-bob. Xufton namozida (sura) qiroat qilib sajda qilmoq

Abu Rofi' rivoyat qiladirlar: «Abu Hurayra birlan birga xufton namozini o'qidim. Ul xufton namozida «Iza-s-samounshaqqat» surasini o'qidi, so'ng sajda qildi. Shunda unga: «Bu nesidur?» — dedim. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xuftonda imomlik qilganlarida shu surani o'qib sajda qilgan erdilar, men iqtido qilib sajda etgan erdim. Endi qiyomatda ul kishi birlan uchrashgunimizcha shu surani o'qib sajda qilaverg'ayman»,— dedilar».

100-bob. Xufton namozida qiroat qilmoq

Adiyga Barro bunday debdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xufton namozida «Va-t-tiyn va-z-zaytun» surasini o'qiganlarini eshitdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan ko'ra ovozi yokim qiroati yaxshiroq kishini ko'rmaganman».

101-bob. Namozxon xuftonning dastlabki ikki rak'atida uzunroq, keyingi ikki rak'atida esa qisqaroq qiroat qiladir

Abu Avnga Jobir ibn Sumra bunday deb aytgan ekanlar: «Hazrat Umar: «Sa'd, sening ustingdan har bir narsa to'g'risida, hatto namoz to'g'risida ham shikoyat qildilar»,— dedilar. Sa'd: «Ammo men dastlabki ikki rak'atda uzunroq, keyingi ikki rak'atda ersa qisqaroq qiroat qilg'ayman. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib o'qiganimdek o'qiyotirman»,— dedi. «To'g'ri aytding, bu o'zing haqqingdagi fikringdir» yokim «Bu mening sen to'g'ringdagi fikrimdir»,— dedilar Hazrat Umar».

102-bob. Bomdod namozida qiroat qilmoq

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «At-Tur» surasini qiroat qildilar»,— deydilar Ummu Salama raziyallohu anho.

Yasor ibn Saloma rivoyat qiladirlar: «Men va otam ikkimiz Abu Barza Aslamiy huzurlariga kirib namoz vaqtlari to'g'risida so'radik. Ul kishi bunday dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin namozini kun oqqanda o'qir erdilar. Asrni o'qib bo'lganlaridan keyin, agar kishi shaharning eng chekkasiga borsa, hali Quyoshning harorati pasaymagan bo'lur erdi (Abu Barza shom to'g'risida ne deganlarini bilmasman, yodimdan ko'tarilibdir). Tunning uchdan bir qismi o'tguncha kutib o'tirmay xuftonni o'qib olar erdilar. Xuftondan avval uxlamakni va xuftondan keyin so'zlashib o'tirmakni yoqtirmas erdilar. Namozni bomdodni o'qib bo'lganlarida kishi yonidagi sherigini taniydirgan darajada yorug' bo'lur erdi. Bomdodning ikkala rak'atida yokim bir rak'atining o'zida 60 dan 100 tagacha oyat o'qir erdilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Har bir namozda Qur'on o'qilg'aydir. Janob Rasululloh bizga nelar degan bo'lsalar, hammasini sizlarga yetkazdik, neni bizga aytmagan bo'lsalar, o'shani biz ham sizlarga aytmadik. Surai «Fotiha» ga boshqa surani zam qilmasangiz ham bo'lg'aydir, biroq zam qilsangiz, nur ustiga a'lo nur!».

103-bob. Bomdod namozini ovoz chiqarib qiroat qilmoq

Ummu Salama aytadirlar: «Odamlarga ergashib Ka'batullohni tavof qildim. Rasululloh

sallallohu alayhi va sallam ersalar bomdod namozini o`qiyotib, «At-Tur» surasini qiroat qilayotgan erdilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir jamoa sahobalar birlan birga Ukoz bozoriga bormakni niyat qilib chiqdilar. (Shu payt) shaytonlar bilan osmondan keladigan xabar yo`li oralig`i to`sildi, osmonga quloq solmoqchi bo`lgan shaytonlarga o`t otildi. Shaytonlar bir-birlariga: «Osmondan keladigan xabar yo`lining to`silib qolganiga faqat yerda biror hodisa ro`y berganligi sabab bo`lmog`i mumkin. Yerni Mag`ribdan Mashriqqacha aylanib ko`ringlar-chi, nega osmondan keladigan xabar yo`li bizga to`sib qo`yilgan erkan?» — deyishdi. Tuhoma tog`i tomon yo`llangan shaytonlar u yerdan qaytayotib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni Nahla degan joyda sahobalar birlan bomdod namozini o`qiyotganlarida uchratib qolishdi. Shaytonlar Qur`onni eshitib: «Xudo haqqi, osmondan keladigan xabar yo`lini bizdan to`sib turgan narsa xuddi mana shuldir»,— deb o`z qavmlari oldiga qaytib ketishdi. Yetib borishgach: «Ey qavmimiz, biz to`g`ri yo`lga chorlovchi ajoyib Qur`on eshitdik, unga iymon keltirdik, rabbimizga hech bir shirk keltirmaymiz»,— dedilar. Shunda Olloh taolo Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga «Qul uhiya ilayya» deb boshlanadigan «Jin surasini» nozil qildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga jinlar aytgan gaplar ham vahiy qilindi».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozning ovoz chiqarib o`qish buyurilgan joyini ovoz chiqarib o`qidilar, buyurilmagan joyini ichlarida o`qidilar. Olloh taoloning «Va mo kona rabbuka nasiyyan»—«Rabbingiz unutmang`uvchi ermasdir» (ushbu oyatda Olloh taolo namozning qaerini ovoz chiqarib va qaerini ovoz chiqarmay o`qimoq, kerakligini Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ayon qildi) hamda «Laqad kona lakum fi rasulillohi usvatan hasanatan» —«Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sizlarga yaxshi ibratlari bordir» (ushbu oyatda Olloh taolo Dini islomni faqatgina Qur`on birlan ermas, balkim Rasulullohning qilmishlari birlan ham mukammal qilajagini aytadir) degan oyatlari mana shu xususdadir».

104-bob. Bir rak`atda ikki surani jam qilib o`qimoq; suraning oxirgi oyatlarini o`qimoq; suraning kattasidan avval kichigini o`qimoq hamda suraning dastlabki oyatlarini o`qimoq

Abdulloh ibn Soib rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozida «Mu`minun» surasini o`qidilar. Muso va Horun yokim Iso to`g`risidagi oyatga kelgan vaqtlarida ul kishini yo`tal tutgan erdi, ruku` qildilar (bu — suraning ba`zi bir qismini zam qilmoq mumkinligini bildiradir). Umar raziyallohu anhu birinchi rak`atda «Baqara» dan 120 oyat o`qidilar, ikkinchi rak`atda ersa (7 ta katta suradan tashqari) bitta sura (100 oyatga yaqin) o`qidilar. Ahnaf ibn Qays raziyallohu anhu birinchi rak`atda «Kahf» surasini, ikkinchi rak`atda ersa «Yusuf» yokim «Yunus» surasini o`qidilar.

Ahnaf Hazrat Umar birlan birga bomdod namozida shu ikki surani o`qiganini aytdi. Ibn Mas`ud raziyallohu anhu birinchi rak`atda «Anfol» surasidan 40 oyat, ikkinchi rak`atda ersa «Tivolk mufassal» dan bir sura o`qidilar. «Bir surani ikki rak`atga bo`lib yokim bir surani ikki rak`atda takroran o`qimoq joizdir, zero bularninS har biri Ollohning kitobidir»,— deyidilar.

Anas raziyallohu anhu naql qiladilar: «Ansoriylardan bir kishi Qubo masjidida imomlik

qilur erdi. Ul har safar namozda bir sura qo'shib o'qiydirgan bo'lsa, «Qul huvallohu ahad» ni o'qir erdi. Agar undan keyin yana bir sura o'qiydirgan bo'lsa, unga ham «Qul huvallohu ahad» ni qo'shib o'qir erdi. Har bir rak'atda shunday qilur erdi. Shunda uning qavmi: «Siz namozni doimo «Ixlos» surasi birlan boshlaysiz. Shuning o'zi kifoya qilmag'aydir, deb o'ylaysizmi? Nechun unga yana bir sura qo'shg'aysiz? «Ixlos» surasining o'zinigina yokim uning o'rniga boshqa bir surani o'qisangiz bo'lmag'aymi?» — deyishdi. Ul kishi: «Men bunday qila olmasman. Agar meni yaxshi ko'rsangiz, shunga ko'ng'aysiz, aks holda men sizlarga imomlik qilmasman»,— dedi.

Qavmi uni juda yaxshi ko'rar va ul kishidan bo'lak kishining imom bo'lmog'ini istamas erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'sha qavmning qishlog'iga borganlarida bu haqda ma'lum qilishdi. Janob Rasululloh: «Ey falonchi, qavming buyurgan ishni qilmog'ingga ne monelik qilur, ne sababdin har rak'atda shul surani o'qig'aysen?» — dedilar. «Men shul surani yaxshi ko'rg'aymen»,— deb aytdi imom. «Bul suraga nisbatan bo'lsan muhabbating seni jannatga kiritg'usidir»,— dedilar Janob Rasululloh».

Abu Voil rivoyat qiladirlar: «Bir kishi, Ibn Mas'udning huzurlariga kelib: «Kechki namozning bir rak'atida «Mufassal» dagi suralarning hammasini o'qidim»,— dedi. Shunda Ibn Mas'ud unga: «Bu qilganing yaxshi ermas, unda, she'rni sharillatib o'qigandek o'qibdirsandan! Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir-biriga qo'shib o'qiydirgan o'xshash suralarni bilur erding-ku?!» deb, «Mufassal» dagi har rak'atda 2 tasi o'qiladigan 20 ta surani eslatdilar».

105-bob. Farz namozining oxirgi ikki rak'atida surai «Fotiha» ni o'qimoq

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshinning avvalgi ikki rak'atida Surai «Fotiha» birlan yana ikki surani va keyingi ikki rak'atida Surai «Fotiha» ning o'zini o'qir erdilar. (Ba'zi bir) oyatni bizga eshittirib o'qir erdilar. Birinchi rak'atni cho'zib, ykkinchi rak'atni ersa qisqaroq. o'qir erdilar. Namozni asrda ham bomdodda ham shunday qilur erdilar».

106-bob. Peshin va asrni ovoz chiqarmay o'qish

Abu Ma'mar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin va asr namozlarida ham qiroat qilarmidilar?» — dedim Xabbobga. «Ha»,— dedi. «Qandoq bilur erding?»—dedik. «Soqollarining qimirlaganidan»,— dedi Xabbob».

107-bob. Imom (ba'zi) oyatni eshittirib o'qisa...

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin va asr namozlarining avvalgi ikki rak'atida Surai «Fotiha» birlan yana bitta sura o'qir erdilar, goho oyatni bizga eshittirib o'qir erdilar. Birinchi rak'atda uzunroq o'qir erdilar».

108-bob. Namozxon birinchi rak'atda uzunroq qiroat qilg'aydir

Abu Qatodaning otalari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin namozining birinchi rak'atida uzunroq, ikkinchi rak'atida ersa qisqaroq qiroat qilur erdilar. Bomdod namozida ham shundoq qilur erdilar».

109-bob. Imomning «Omin» deb eshittirib aytmog'i

Ato raziyallohu anhu: «Omin — duodir»,— deganlar. Abdulloh ibn Zubayr: «Omin»,— dedilar va orqalaridagilar ham: «Omin»,— deyishdi, hatto masjid jannatdek gurkirab ketdi. Abu Hurayra raziyallohu anhu imomga: «Ominni shoshilib aytmingiz!» — derdilar. «Ibn Umar «Omin»da yaxshilik (savob, fazilat) bor, deb aytur erdi»,— deydilar Nofi'.

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom «omin» desa, sizlar ham «omin» deb aytingiz, chunkim kimning «omin» degani maloikalarning «omin» deganiga to'g'ri kelg'aydir, qilgan gunohlari kechirilg'aydir»,— deganlar. Ibn Zuhriy: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «omin» der erdilar»,— deydilar».

110-bob. «Omin» demoqning fazilati

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sizlar «omin» desangiz-u, osmonda maloikalar ham siz birlan barobar «omin» desalar, qilgan gunohlaringiz mag'firat etilg'aydir»,— deganlar».

111-bob. Namozxonlarning ovoz chiqarib «omin» demog'i

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom «G'ayril magzubi alayhim valazzollin» desa, «omin» deb aytingiz! Chunkim kimning «omin»i farishtalarning «omin»iga to'g'ri kelib qolg'aydir, qilgan gunohlari kechirilg'aydir»,— deganlar».

112-bob. Namozxon safga kirmasdan avval ruku' qilsa, joizmi?

Muso ibn Ismoil rivoyat qiladirlar: «Abu Bakr, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku' qilib turganlarida, masjidga yetib keldi, so'ng safga yetmasdan avval ruku' qildi, keyin bu qilmishini Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga aytdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollah taolo namozga ixlosmandligingizni ziyoda qilsin, boshqa bunday qilmangiz!»—dedilar (boshqa bir rivoyatda «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga: «Namozga kelsangiz, safga kirib, so'ng ruku' qilingiz! deganlar»,— deyiladi).

113-bob. Ruku'da takbirni to'liq aytmoq

Imron ibn Husayn rivoyat qiladirlar: «Hazrat Ali birlan birga Basrada namoz o'qidik. Hazrat Ali Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga o'qib yurgan namozimizni eslatib, «Ul kishi har gal sajdadan bosh ko'targanlarida va har gal sajda qilganlarida takbir aytar erdilar»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallam to'g'rilarida gapirayotib: «Ul zot namozda sahobalarga imomlik qilsalar, har sajdaga borganlarida va har sajdadan bosh ko'targanlarida takbir aytar erdilar, men hammangizdan ko'ra ko'proq Janob Rasulullohga o'xshatib namoz o'qiydirman»,— dedilar.

114-bob. Sajdaga ketayotganda va sajdadan qaytayotganda takbirni to'liq aytmoq

Mutarraf ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Men va Imron ibn Husayn Hazrat Aliga iqtido qilib namoz o'qidik. Hazrat Ali sajdaga borayotganlarida ham, sajdadan bosh ko'tarayotganlarida ham, ikkala rak'atdan turayotganlarida ham takbir aytar erdilar. Namoz tugagach, Imron ibn Husayn mening qo'limni ushlab turib: «Mana bu kishining (ya'ni, Hazrat Alining) hozir o'qigan namozi menga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namozlarini eslatdi (Bizga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namozlarini o'qib berdi)»,— dedi».

Ikrima raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishining (Abu Hurayraning) Makkai Mukarramadagi Maqomi Ibrohimda namoz o'qiyotib, sajdaga bosh qo'yganda ham, sajdadan bosh ko'targanda ham takbir aytganini ko'rdim. Buni Ibn Abbosga aytib bergan erdim, ul: «Axir bu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namozlari-ku, ey yetimcha!» — dedilar».

115-bob. Sajdadan turayotganda takbir aytmoq

Ikrima raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Makkada bir cholga (Abu Hurayraga) iqtido qilib namoz o'qidim. 22 marta takbir aytdi. Shunda Ibn Abbosga: «Bu kishining aqli joyidami o'zi?» — dedim. «He, onang voy bolam, deb qolgur, bu Abulqosim — Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sunnatlari-ku!» — dedilar».

Abu Bakr ibn Abdurrahmonga Abu Hurayra raziyallohu anhu quyidagini aytib bergan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qisalar, avval tik turib takbiri tahrira aytar erdilar, keyir ruku' qilayotganda va ruku'dan turayotganda «Sami'allohu liman hamidah» der edilar. Qiyomda ersa «Rabbano laka-l-hamd» der erdilar.

Abdulloh ersa bunday deydilar: «(Janob Rasululloh) «Va laka-l-hamd»,— der erdilar, keyin birinchi sajdaga borayotib ham, undan bosh ko'tarayotib ham, shuningdek ikkinchi sajdaga borayotib ham, undan bosh ko'tarayotib ham takbir aytar erdilar. Namozning hamma rak'atlarida shunday qilur erdilar. Ikkinchi rak'atga turayotganda va o'tirayotganda ham takbir aytar erdilar».

116-bob. Ruku'da kaftlarni tizzaga qo'ymoq (tizzaga ko'zini changallamoq)

Abu Humayd: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalar oldida ruku' qilayotib, tizzalarini changalladilar»,— deydilar.

Mus'ab ibn Sa'd bunday dedilar: «Otam Sa'd ibn Abu Vaqqos yonlarida namoz o'qidim. (Ruku'da) qo'llarimni musht qilib sonimga qo'ydim. Otam meni koyib: «Biz ham ilgari shunday qilar erdik, hozir bu makruh qilingandir, endi qo'llarimizni tizza ko'ziga qo'yish buyurilgan»,— dedilar».

117-bob. Namozxon chala ruku' qilsa...

Zayd ibn Vahb rivoyat qiladilar: «Huzayfa raziyallohu anhu ruku' birlan sajdani to'liq qilmayotgan bir kishini ko'rib: «Namoz o'qiganing yo'q. Agar o'lsang, Olloh taolo

Muhammad alayhissalomga. hidoyat qilgan maslakdan boshqa maslakda ketasan»,— dedilar».

118-bob. Ruku'da belni tekis bukmoq

Abu Humayd: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir jamoa birodarlari huzurida ruku' qilganlarida byollarini tekis qilib bukdilar»,— debdilar.

119-bob. Ruku'ning mukammallik va tekislik chegarasi hamda uning to'g'riligidan qanoat hosil qilmoq

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku'lari, sajdalari, ikki sajda orasidagi o'tirishlari, ruku'dan bosh ko'tarib, qomatni rostdashlariga (qiyomga) deyarli bir xil vaqt sarflar erdilar».

120-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku'ni mukammal qilmagan odamga namozni qaytarib o'qishni buyurdilar

Abu Hurayra naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidga kirdilar, ketlaridan bir kishi ham kirib namoz o'qidi. Keyin kelib Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga salom berdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam salomiga alik olib: «Borg'il, qaytadan o'qig'il, chunkim namoz o'qimading!»— dedilar. Boyagi kishi 3 marta qaytadan namoz o'qidi, so'ng kelib: «Sizni haq din birlan yuborgan Ollohga qasam ichib ayturmenkim, bundan yaxshi qilolmayman. Menga o'rgatingiz!» — dedi. Janob Rasululloh: «Namoz o'qisang, avval takbiri tahrima aytg'il, keyin Qur'ondan bilganlaringni o'qig'il, so'ng shoshilmasdan astoydil ruku' qilg'il, keyin turib astoydil qaddingni rostlag'il, undan so'ng astoydil sajda qilg'il, keyin astoydil sajdadan bosh ko'targ'il, so'ng astoydil o'tirg'il, so'ng astoydil sajda qilg'il, keyin namozingning qolgan qismini ham shunday davom ettirg'il!»—dedilar».

121-bob. Ruku' qilayotganda duo aytmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku' va sajda qilayotganlarida «Subhonaka ollohumma rabbano va bihamdika ollohumma-g'firli»,—der erdilar».

122-bob. Imom ruku'dan bosh ko'targanda nima deydi va orqasidagi namozxonlar nima deydi?

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (ruku'dan ko'tarilayotganlarida) «Sami'allohu liman hamidahu» desalar, (qomatlarini rostlagach), «Ollohumma rabbano va lakal-hamd» der erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku' qilganlarida va sajdadan bosh ko'targanlarida «Ollohu akbar» deb takbir aytar erdilar. Ikkinchi sajdadan turganlarida ham «Ollohu akbar» deb takbir aytar erdilar».

123-bob. «Ollohumma rabbano va lakal-hamd»ning fazilati

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom «Sami'allohu liman hamidahu» desa, «Ollohumma rabbano lakal-hamd» deb aytingiz.

Chunkim kimning aytganlari maloikalarning aytganlariga to'g'ri kelib qolg'aydir, qilgan gunohlari kechirilg'aydir»,— deganlar».

124-bob.

Abu Hurayra: «Men albatta sizlarga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qishlariga yaqin namoz o'qib berg'ayman»,— deganlar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu peshin, xufton va bomdod namozlarining oxirgi rak'atlarida «Sami'allohu liman hamidahu» degandan so'ng, «Qunut» duosini o'qib, mo'minlarni duo qilar erdilar, kofirlarga la'nat aytur erdilar.

Anas raziyallohu anhu: «Qunut» duosi shom va bomdod namozlarida o'qilar erdi»,— deganlar.

Rifoat ibn Rofi' rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib namoz o'qiyotgan erdik, ruku'dan bosh ko'tarayotib, «Sa-mi'allohu liman hamidahu» deganlarida bir kishi: «Rabbano va lakal-hamd hamdan kasiran tayyiban muborakan fiyhi»,— dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozni tugatib orqalariga o'girilgach: «So'zlagan kimdir?»—dedilar. Ul: «Men»,— dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «30 nechta ham farishtaning birinchi bo'lib yozib olmoqqa shoshilayotganlarini ko'rdim»,— dedilar».

125-bob. Namozxonning ruku'dan bosh ko'targanda bir zum nafas rostlab olmog'i

Abu Humayd: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku'dan bosh ko'targach, umurtqalarining har bir bo'g'inini joy-joyiga tushirib, bir zum nafaslarini rostlab oldilar»,— deydilar.

Sobit raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Anas raziyallohu anhu bizga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qanday namoz o'qishlarini ta'riflab, ham ko'rsatib (o'qib) berdilar. Shunda, ruku'dan bosh ko'targanda, bir zum tik turib qolar erdilar, hatto biz sajda qilmoq eslaridan chiqib qoldimikin?» — der erdik».

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ruku', sajda va qiyomlariga hamda ikkala sajda orasida o'tirmoqlariga deyarli bir xil vaqt sarflanar erdi».

Abu Qiloba rivoyat qiladirlar: «Molik ibn Huvayris bizga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning nechuk namoz o'qishlarini ko'rsatib berar erdilar. Bu — namozdan tashqari vaqtda bo'lur erdi. Qadlarini rostladilar-da, bir zum tin oldilar, keyin ruku' qildilar, yana bir oz tin oldilar, so'ng boshlarini ko'tarib bir 6z jim turdilar. Molik ibn Huvayris bizga mana shu shayximiz Abu Buraydning namoziga o'xshash namoz o'qib berdi. Abu Burayd oxirgi sajdadan bosh ko'tarsa, bir oz o'tirib olib, keyin turar erdi».

126-bob. Takbir aytib sajda qiling'aydir

Nofi': «Ibn Umar (sajdaga borganda) tizzasini (erga) qo'yishdan avval qo'lini qo'yar

erdi»,— deydilar (bu Molikiylar mazhabida, ammo qolgan uch mazhabda avval tizza, keyin qo'l qo'yilg'aydir).

Zuhriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Hurayra raziyallohu anhu barcha namozda, buyurilgan va buyurilmagan namozlarda ham takbir aytur erdilar. Farzda ham, sunnatda ham, Ramazonda ham, qiyomda ham, ruku'da ham takbir aytar erdilar. Keyin, «Sami'allohu liman hamidahu» deb boshlarini ko'tarar erdilar, so'ng sajdaga ketishdan avval, «Rabbano va lakal-hamd» der erdilar. Keyin, «Olluhu akbar» deb sajdaga ketar erdilar, so'ng sajdadan bosh ko'tarayotganda takbir aytar erdilar. Keyin, ikkinchi sajdaga borayotganda takbir aytar erdilar, so'ng ikkinchi sajdadan bosh ko'tarayotganda takbir aytar erdilar hamda tashahhuddan turayotganda takbir aytar erdilar. Yuqorida ko'rsatilganlarni har bir rak'atda, to namoz tugaguncha qilar erdilar. Namozdan qaytayotib: «Jonim qo'lida bo'lgan zotga qasamyod qilib ayturmenkim, hammangizning namoz o'qishingizdan ko'ra, mening namoz o'qishim ko'proq Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qishlariga o'xshaydir. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam to dunyodan oxiratga o'tib ketgunlaricha ana shunday namoz o'qiganlar»,— dedilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu Abu Bakr va Abu Salamaga bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku'dan bosh ko'tarayotib, «Sami'allohu liman hamidahu»,— qiyomda ersa «Rabbano va lakal-hamd» der erdilar. Keyin: «Ilohi, Valid ibn Validga najot berg'il, Salama ibn Hishomga ham najot berg'il, Iyosh ibn Abu Rabi'aga ham najot berg'il, shuningdek zaif, ezilgan mo'minlarga najot berg'il. Ilohi, Muzar kofirlariga qattiq azob berg'il va ularga Yusuf alayhissalom davridagi qahatchilikdek qahatchilik yuborg'il!» — der erdilar. O'sha kunlarda Muzar qabilasidan bo'lmish Mashriq ahli Rasulullohga dushman kishilar erdi».

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ot ustidan yiqilib tushdilar (Abu Sufyon: «Otdan yiqildilar»,—deb erdi shekilli). Shunda o'ng tomonlari shilinib ketdi. Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rgani kirdik. Namoz vaqti bo'ldi. Bizga o'tirgan holda imomlik qildilar, biz ham o'tirib o'qidik (Sufyon: «Bir marta o'tirgan holimizda uqidik»,— degandi). Namozdan keyin Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom iqtido qilmoqlari uchun imom qilingan. Agar ul takbir aytg'aydir, takbir aytingiz, agar ruku' qilg'aydir, ruku' qilingiz, ruku'dan bosh ko'targ'aydir, bosh ko'taringiz, «Sami'allohu liman hami-dahu» desa, «Rabbano va lakal-hamd» deb aytingiz. Sajda qilg'aydir, sajda qilingiz!» — dedilar. Ali ibn Abdulloh: «Ma'mar ham shu hadisni rivoyat qilganmidi? — deb so'radilar. «Ha»,— dedim. Sufyon: «Ma'mar, Zuhriy qanday aytib bergan bo'lsa, shundayicha eslab qolibdir»,— dedilar. Ma'mar: «Ilohi, o'zingga shukur! Zuhriyning «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'ng yonlari birlan otdan yiqildilar» deganini yaxshi eslab qolganman. Zuhriyning huzuridan chiqqanimizda Ibn Jurayh: «O'shanda men ham Janob Rasulullohning huzurlarida edim. O'ng oyoqlari (boldirlari) shikastlangan erdi»,— dedi».

127-bob. Sajdaning fazilati

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Odamlar: «Yo Rasululloh, qiyomat kuni rabbimizni ko'rg'aymizmi?» — deb so'rashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Havo ochiq kechada 14 kunlik Oyni ko'rmoqqa shubha qilmag'aymisiz?»—dedilar. «Yo'q, yo Rasululloh!»—deyishdi. «Bulutsiz kunda Quyoshni ko'rmoqqa shubha qilmag'aymisiz?»

— dedilar. «Yo`q»,— deyishdi. Janob Rasululloh: «Olloh taoloni ham shuningdek shaksiz ko`rg`aydirlar. Qiyomat kuni odamlar to`plang`aydir. Shunda Olloh taolo: «Kim nega sig`ingan ersa, o`shanga ergashsin!»—degaydir. Ayrim kishilar Quyoshga, ba`zilar Oyga ergashg`aydir, kimlardir shaytonlarga ergashg`aydir. Mahsharda faqat islom ummati qolg`aydir, ularning ichida munofiqdari ham bo`lg`aydir. So`ng, Olloh taolo kelib (ko`rinmasdan): «Men sizning rabbingizdirman»,— deydir. «Rabbimiz kelguncha turadigan joyimiz shu yermi? Rabbimiz kelsa, biz uni taniymiz»,— deyishg`aydir odamlar (Ollohga shirk keltirib qo`ymoqdan qo`rqib shunday deyishg`aydir). Shunda Olloh taolo kelib (ko`rinib): «Men rabbingizdirman»,— deydir. «Sen rabbimizsan!»— deyishg`aydir mo`minlar. Ularni rabbi (Olloh) da`vat qilg`aydir. Jahannam ustiga Sirot ko`prigi qurilg`aydir. Men payg`ambarlar ichida birinchi bo`lib ummatim birlan (Puli Sirotidan) o`tg`aydirman. O`sha kuni payg`ambarlardan boshqa hech kim so`zlamag`ay. O`sha kuni payg`ambarlar: «Ilohi, salomat qilg`il, Ilohi, salomat qilg`il!»—deb butun ummatlariga mehru shafqat tilag`aydirlar. Jahannamda qiyof tikanlari. yanglig` tikanlar bordir. Qiyof tikanini ko`rganmisiz?» — dedilar. Sahobalar: «Ha»,— deyishdi. Janob Rasululloh yana so`zlarini davom ettirdilar: «Qiyof tikanlariga o`xshaydir-u, ammo uning kattaligini Ollohdan boshqa hech kim bilmaydir. Gunohlariga qarab, ba`zilar o`tga, ba`zilar tikanga tashlab yuborilg`aydirlar. So`ng, do`zaxga tushgan kishilardan qaysi biriga Olloh taolo rahmat qilmoqni istag`aydir, ul najot topg`usidir. Olloh taolo farishtalariga Ollohning o`zigagina ibodat qilgan kishilarni do`zaxdan chiqarmoqni buyurg`aydir, so`ng ularni do`zaxdan chiqarg`aydirlar. Yolg`iz Ollohga ibodat qilgan bandalarni badanlarida qolgan sajda izlaridan tanishg`aydir. Olloh taolo o`tga bandalarning sajda izlari qolgan a`zolarini kuydirmoqni man` qilg`aydir. Odam bolasi butun a`zosi kuygan-u, ammo sajda qilgan a`zolarigina kuymagan holda do`zaxdan chiqarilg`aydir. Do`zax otashidan chiqqan bandalar ustidan hayot suvi quyilg`aydir. Badanlari xuddi sel loyqasiga tushgan urug` ungan yanglig` yosharib, ko`rkam bo`lg`usidir. Olloh taolo butun bandalari o`rtasida adolat tarozisi orqali qozilik hukmini nihoyasiga yetkazg`ach, bir kishi jannat birlan do`zax o`rtasida qolg`aydir. Ahli do`zaxlardan bo`lmish bul kishi jannatga eng keyin kirg`aydir. Ul yuzi do`zax o`tiga qaragan holda: «Yo rabbiy, yuzimni do`zax o`tidan boshqa yoqqa burg`il, do`zaxning zaharli tutuni meni zaharlab, uning alangasi meni kuydirmoqda»,— deydir. Olloh taolo: «Agar aytganing qiling`aydir, undan keyin boshqa narsani so`ramasmisen?» — deydir. Banda: «Yo rabbiy, so`ramasmen»,— deb ont ichgaydir. Olloh taolo bandasining va`dasini olgandan so`ng, uning yuzini do`zax tomondan jannat tomonga burgaydir. Banda jannatning so`lim va ko`rkamligini ko`rib, Olloh xohlaganicha vaqt jim qolg`aydir. So`ng, «Yo rabbiy, meni jannat eshigining yoniga yetkazg`il!»— deydir. Olloh taolo unga: «Hali so`ragan narsangdan boshqa hech narsa so`ramasmen, deb va`da qilmag`anmi erding?» — deydir. «Yo rabbiy, va`da berdim-u, biroq sening lutfu karamingdan umidvormen»,—deydir. Olloh taolo: «Agar so`raganingni bersam, boshqa hech narsa so`ramasmisen?»—deydir. Banda rabbiga qasamyod aytib: «Boshqasini so`ramasmen»,— deydir. Uni jannat eshigiga keltirg`aydirlar. Jannat eshigiga yetganda undagi go`zallik, so`limlik va xursandchiliklarni ko`rib hayratga tushg`aydir va Olloh taolo xohlaganicha vaqt jim qolg`aydir. So`ng: «Yo rabbiy, meni jannatga kirgizg`il!» — deydir. Olloh: «Voh, seni qarag`il-a! Nechog`liq va`dangga vafosizdirlsen. Ey oday bolasi, bundan boshqa narsa so`ramasmen, deb va`da bermaganmi erding?» — deydir. Banda: «Ey rabbim, meni eng baxtsiz banda qilib qo`ymag`il!» —deydir. Haq taolo kulg`aydir va bandasiga jannatga kirmoqqa ijozat berib: «Xohlaganingcha tilayverg`il, bandam!» — deydir. Banda ko`nglida borini tilag`aydir. Shunda Olloh taolo unga: «Falon, falon va falon narsalarni ham qo`shib so`rag`il!»—deb aytadir. Banda Olloh taolo aytganlarining

hammasini tilag'aydir. Oллоh taolo unga: «Bu ham sengadir, u ham sengadir»,— deb yana qancha narsalarni aytg'aydir».

128-bob. Namozxon sajdada bilagining ich tarafini ko'rsatib, qornini sonidan uzoqlashtirib turadir

Abdulloh ibn Molik: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qisalar, (sajdada) tirsaklarini biqinlaridan uzoqroq tutar erdilar, hattoki qo'ltiqlarining oppoqligi ham ko'rinib turar erdi»,— deydilar.

129-bob. Namozxon oyoq panjalari uchini qiblaga qaratg'aydir

Abu Humayd: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam shunday deb aytganlar»,— deydilar.

130-bob. Namozxon sajdani to'liq qilmasa...

Huzayfa bir kishining chala ruku' va sajdada qilayotganini ko'rib, namozni tugatgach: «Namoz o'qimading!—dedi. Abu Voil: «Nazarimda, «Agar o'lsang, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam maslagidan boshqa yo'lda o'lgan bo'lursen, deb ham aytgandi»,— deydilar.

131-bob. Tananing yettita a'zosi bilan sajdada qilmoq

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tananing yettita a'zosi birlan sajdada qilmoqni buyurib, sochni orqaga taramoqni hamda kiyimni (etagi, yengi, pochasi va boshqani) buklamoqni man' qildilar. O'sha yettita a'zo: peshona, 2 qo'l, 2 tizza va 2 oyoqdir».

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sochni orqaga taramay va kiyimni orqaga qaytarmay, yetti a'zo birlan sajdada qilmoqqa buyurildik»,— deydilar».

Barro ibn Ozib (u yolg'on so'zlamaydir) rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib namoz o'qir erdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Sami'allohu liman hamidah» deganlarida to sajdaga boshlarini qo'ymagunlaricha birontamiz belni gmas erdik».

132-bob. Burni bilan sajdada qilmoq

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «7 a'zo birlan — peshona (qo'llari birlan burunlarini ko'rsatdilar), 2 qo'l, 2 tizza va 2 oyoq uchi birlan sajdada qilmoqqa hamda sochni orqaga taramaslikka va kiyimni orqaga qaytarmaslikki buyurildim»,— dedilar».

133-bob. Yer loy bo'lgan vaqtda burun birlan sajdada qilmoq

Abu Salama rivoyat qiladirlar: «Abu Sa'id al-Xudriyning huzuriga kirdim-da: «Biz birlan suhbatlashgani xurmo bog'iga chiqmasmisiz?» — dedim. «Xo'p»,— deb chiqdilar. «Bizga

Laylatulqadr to'g'risida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan eshitganingizni aytib beringiz»,— dedim. Abu Sa'id: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazonning dastlabki 10 kunida masjidan chiqmasdan ibodat qilmoqqa niyat qildilar, biz ham niyat qildik. Rasululloh sallallohu alayhi yu sallam qoshlariga Jabroil Alayhissalom kelib: «Siz so'rayotgan narsaga hali vaqt ertadir»,— debdilar. Janob Rasululloh ikkinchi 10 kunlikda ham e'tikof qildilar. Biz ham u kishi birlan birga e'tikof qildik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qoshlariga Jabroil alayhissalom kelib: «Siz so'rayotgan narsaga hali vaqt bordir»,— debdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazonning 20-kunida bomdodda xutbaga chiqib: «Kimki Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga e'tikof qilgan ersa, yana e'tikof qilsin, chunkim menga Laylatulqadr kechasining muddati aytilgan erdi, men uni unutdim. Ul oxirgi 10 kunlikning toq kechalaridan birida bo'lmog'i lozim. Men tushimda ko'rsam, go'yokim loyga sajda qilayotgan erkanman»,— dedilar. Masjidning tomiga xurmo shoxlari yopilgan erdi, osmonda bitta ham bulutni ko'rmas erdik. Birdan osmonda bir kichik bulut paydo bo'lib, ustimizga yomg'ir yog'di. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qidilar, biz u kishiga iqtido qildik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning peshonalari va burunlarining uchiga loy va suv tekkanini ko'rdik. Bu birlan Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ko'rgan tushlari isbot bo'ldi».

134-bob. Kiyimni bog'lab va orqaga qaytarib olmoq

Namozxon avrati ochilib qolmog'idan qo'rqsa, namozdan avval bog'lab olg'aydir.

Sahl ibn Sahl: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan namoz o'qiyotgan odamlar izorlari kichikligidan yelkalariga bog'lab olar erdilar, ayollarga erkarlar to'liq o'tirib olmaguncha, sajdadan boshlarini ko'tarmaslik buyurilgan erdi».

135-bob. Namozxon (namozda) sochini orqaga qaytarmaydir

Ibn Abbos: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tananing yetti a'zosi birlan sajda qilmoqqa hamda kiyim va sochni orqaga qaytarmaslikka buyurildilar»,— deydilar».

136-bob. Namozxon (namozda) kiyimini orqaga qaytarmaydir

Ibn Abbos: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yetti a'zo birlan sajda qilmoqqa hamda sochim birlan kiyimimni orqaga qaytarmaslikka buyurildim, deb aytganlar»,— deydilar.

137-bob. Sajdada duo va tasbih aytmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ruku' va sajda qilganlarida «Subhonakalohumma, rabbano va bihamdika, Ollohummag'-firli» degan duoni ko'p o'qir erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qur'ondagi («Fasabbih bihamdi rabbika vastag'firhu») oyatni talqin qilib shunday der erdilar».

138-bob. Ikki sajda o'rtasida bir zum tin olmoq

Molik ibn Huvayris sheriklariga: «Ey, sizlarga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qandoq namoz, o'qiganlarini aytib berayinmi yo ko'rsatib berayinmi?» — dedi. «Bu

namozdan tashqari vaqtda bo'lgan erdi»,— deydilar Abu Qiloba. Molik o'rnidan turib, takbir aytib namoz o'qimoqqa kirishdi, keyin ruku' qildi, so'ng takbir aytib ruku'dan boshini ko'tardi, keyin bir oz tin olib, sajda qildi, so'ng sajdadan bosh ko'tarib, bir oz tin oldi. Abu Qiloba: «Ul shayximiz Amr ibn Salamaga o'xshab namoz o'qidi»,— deydilar. «O'sha shayx namozda boshqalar qilmaydigan narsalarni qilar erdi, 3-nchi rak'atning oxiri v 4-nchi rak'atning boshlanishida bir oz tin olur erdi»,— deydilar Ayyub raziyallohu anhu. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida bir oy turdik,— deydilar Molik,— shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga: «Ahlingizga qaytsangiz, falon namozni falon vaqtda va falon namozni falon vaqtda o'qingiz. Namoz vaqti bo'lsa, oralaringizdan bir kishi azon aytsin, yoshi kattasi imom bo'lsin!» — dedilar».

Barro ibn Ozib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sajda, ruku' va ikki sajda o'rtasidagi o'tirishga deyarli bir xil vaqt sarflar erdilar»,— deydilar.

Anas raziyallohu anhu: «Men, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz birlan nechuk namoz o'qigan bo'lsalar, sizlar birlan ham xuddi shundoq namoz o'qig'aydirman»,— dedilar. «Anas namozda boshqalar qilmaydirgan harakatlarni qilar erdi, men sizlarning bundoq qilganingizni ko'rmaganman. Ul ruku'dan bosh ko'targanda va ikki sajda o'rtasida bir oz tin olar erdi, hatto biz (sajdaga borish) esidan chiqib qoldimikin, deb o'ylar erdik»,— deydilar Sobit raziyallohu anhu.

139-bob. Namozxon sajdada bilaklarini yerga tekkizmaydir

Abu Humayd: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilaklarini yerga tekkizmay va biqinlariga siqib olmay sajda qilar erdilar»,— deydilar.

Anas ibn Molik: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga: «Urta miyona sajda qilingiz, bilaklaringizni haddan ziyod cho'zib, it yotish qilmangiz! deb aytganlar»,— deydilar.

140-bob. Namozxonning, toq rak'at qilganda, avval bir oz o'tirib olib, keyin turmog'i

Molik ibn Huvayris Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qiyotganlarini ko'rdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam toq rak'at qilganlarida ham avval bir oz nafasni rostlab olib keyin turdilar.

141-bob. Namozxon rak'atdan turayotganda yerga qanday turaladi?

Abu Qiloba raziyallohu anhu Ayyub raziyallohu anhuga bunday debdilar: «Molik ibn Huvayris mana shu masjidimizga kelib biz birlan namoz o'qidilar. Ul kishi bizga: «O'zim namoz o'qimoqchi bo'lmasam-da, sizlarga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning nechuk namoz o'qiganlarini ko'rsatib berayin»,— dedilar. «Janob Rasululloh qanday namoz o'qir erkanlar? deb so'radim»,— deydilar Ayyub. «Mana shu shayximiz singari o'qir erkanlar»,— debdilar Abu Qiloba.

«Usha shayx (ruku'dan ruku'ga o'tishda) to'liq takbir aytar erdi. Ikkinchi sajdadan bosh ko'targach, bir oz o'tirib, keyin yerga tiranib turar erdi»,— deydilar Ayyub.

142-bob. Namozxon 2-nchi rak'atdan turayotib takbir aytadir

Ibn Zubayr (rak'atdan) turayotib takbir aytar erdi.

Sa'id ibn Hars rivoyat qiladirlar: «Abu Sa'id bizga namoz o'qib berdi, takbirni ovoz chiqarib aytdi. Sajdaga borayotganda ham va undan bosh ko'tarayotganda ham, ikkala rak'atdan turayotganda ham takbir aytdi. Keyin: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shunday namoz o'qiyotganlarini ko'rganman»,— dedi».

Mutarraf ibn Abdulloh naql qiladirlar: «Imron birlan men Hazrat Aliga iqtido qilib namoz o'qidik. Hazrat Ali sajda qilsalar ham, sajdadan bosh ko'tarsalar ham, ikkala rak'atdan turayotganlarida ham takbir aytar erdilar. Salom bergandan so'ng Imron mening qo'limni ushlab turib: «Mana bu kishi biz birlan Rasululloh sallallohu alayhi va sallam singari namoz o'qidi» yoki «Mana bu odamning namoz o'qishi menga Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qishlarini eslatdi»,— dedi».

143-bob. Tashahhudda o'tirishning sunnati (qonun-qoidasi)

Ummu Dardo' namozda erkak kishi singari o'tirar erdi. U fiqh olimasi erdi.

Abdulloh ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Umarning chordana qurib tashahhudda o'tirganlarini ko'rdim. Yoshlik qilib men ham shunday qildim. Shunda Abdulloh ibn Umar menga: «Bunday qilmag'il, namozning sunnatiga ko'ra, o'ng oyog'ingni tiklab, chap oyog'ingni bukib o'tirmog'ing lozim»,— dedilar. Men: «Siz chordana qurib o'tiribsiz-ku!» — dedim. «Mening oyoqlarim yaramaydir»,— dedilar».

Muhammad ibn Amr ibn Ato rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bir jamoa sahobalari birlan birga o'tirgan erdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning nechuk namoz o'qiganlarini esladik. Shunda Abu Humayd As-So'idiy: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qanday namoz o'qiganlarini hammangizdan ko'ra ko'proq bilurmen. Janob Rasululloh takbiri tahrifa aytganlarida qo'llarini yelka barobarida ko'tardilar, ruku'ga borganlarida tizzalarini ushladilar, keyin qomatlarini rostladilar. Ruku'dan bosh ko'targanlarida umurtqalarining har bir bo'g'ini joy-joyiga kelguncha qadlarini rostladilar. Keyin, bilaklarini yerga tekkizmay va biqinlariga siqib olmay hamda oyoq panjalarining uchlarini qiblaga qaratib sajda qildilar. Ikkinchi rak'atda o'ng oyoqlarini tiklab, chap oyoqlarining ustiga o'tirdilar. Oxirgi rak'atda ersa chap oyoqlarini oldinroqqa uzatib, o'ng oyoqlarini tiklab, dumbalarini yerga qo'yib o'tirdilar».

144-bob. Dastlabki tashahhudga o'tirish farz ermas

Chunkim Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkinchi rak'atdan keyin o'tirmasdan turib ketganlarida (sahobalar tasbih aytib eslatishganda) qaytib o'tirmadilar.

Zuhriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Menga Abdurrahmon ibn Hurmuz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ular birlan peshin namozini o'qiganlarini aytdi. Janob Rasululloh ikkinchi rak'atdan keyin o'tirmasdan turib ketibdilar, odamlar ham u kishi birlan birga o'rinaridan turishibdi. Namoz tugagach, odamlar payg'ambarimizning salom bermoqlarini kutishibdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa o'tirgan

hollarida salom bermasdan takbir aytib, ikki marta sajda (sajdai sahv) qilibdilar, so'ng salom beribdilar».

145-bob. Dastlabki tashahhudga o'tirmoq

Abdulloh ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz bilan peshin namozini o'qidilar. (Ikkinchi rak'atdan keyin) tashahhudga o'tirishlari lozim bo'la turib, turib ketdilar. Namoz tugagach, o'tirgan hollarida ikki marta sajda qildilar».

146-bob. Oxirgi tashahhudga o'tirmoqning vojibli

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib namoz o'qiganimizda: «Jabroil va Mikoilga salom, falonchi va pistonchiga salom»,— deb aytardik. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga: «Olloh taoloning ismlaridan biri — salomdir. Qaysi biringiz namoz o'qig'aydirsiz, «Barcha madhu olqishlarimiz, toat-ibodatu ezgu amallarimiz Olloh taologa munosibdir, ey payg'ambar alayhissalom, sizga Olloh taoloning salomi, rahmati va barakoti bo'lsin, bizga hamda hamma solih bandalarga ersa Olloh taoloning salomi bo'lsin!»—deb aytingiz. Agar shundoq (hamma solih bandalarga) desangiz, yeru ko'kdagi hamma solih bandalarga savobi tekkeydir»,— der erdilar. (Duoning davomi): «Ollohdan boshqa iloh yo'q, deb guvohlik berg'aydirmen, shuningdek Muhammad Ollohning bandasi hamda bizga yuborgan elchisidir, deb ham guvohlik berg'aydirmen».

147-bob. Namozda salom berishdan avval duo o'qimoq

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozda «Ollohumma inniy a'uzu bika min azobi qabrin va a'uzu bika min fitnat-il-Masihi-d-Dajjoli va a'uzu bika min fitnat-il-mahyo va fitnat-il-mamoti, Ollohumma inniy a'uzu bika min-al-ma'sami va-l-mag'rami» degan duoni o'qir erdilar (Duoning ma'nosi: «Ilohi, meni qabr azobidan, Dajjol fitnasidan saqlag'il, tiriklikdayu o'lim oldida bo'ladigan fitnalardan asrag'il! Ilohi, meni gunohkor va kishilardan qarzdor bo'lmoqdan o'zing asrag'il!»). Shunda bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Nechun muncha, qarzdor qilib qo'ymag'il, deb iltijo qilursiz?» — dedi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar kishi to'layolmaydigan darajada qarzdor bo'lib qolg'aydir, doimo yolg'on gapirg'aydir, va'da qilsa, ustidan chiqmagaydir»,— dedilar».

Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz oxirida Dajjol fitnasidan asramoqni Ollohdan iltijo qilganlarini eshitdim»,— deydilar.

Abu Bakr Siddiq Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: Namozda o'qiydirgan bir duo o'rgating»,— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: . «Ilohi, men o'z jonimga ko'p zulm qildim, (bunday) gunohlarni sendan boshqa hech kim kechira olmag'aydir, faqat o'zing kechira olg'aydirsan. Ilohi, fazlu marhamatingni darig' tutmay, meni mag'firat qilg'aysen, mendan rahmatingni ayamagaysen, Sen gunohlarni kechirg'uvchi va bandalarni mag'firat qiluvchi zotdirsan! degan duoni o'qig'il!» — dedilar. Mazkur duoning arabchasi: «Ollohumma inniy zalamtu nafsiy zulman kasiro va lo yag'firu-z-zunuba illo anta, fag'firliy mag'firatan min indika varhamniy, innaka ant-al-g'afurur-rahiym».

148-bob. Tashahhuddan keyin o'qishga duo tanlamoq

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o'qiganimizda «Assalomu alallohi min ibodihi. Assalomu alo fulonin va fulonin» der erdik. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Assalomu alallohi» demangiz, chunkim salom — Ollohning ismlaridan, At-Tahiyotu lillohi vas-salavotu vat-tayyibot, assalomu alayka ayyu-han-nabiyyu va rahmatullohi va barakotuh. Assalomu alayno va alo ibodillohis-solihiyn» deb aytingiz. Agar siz shunday deb aytsangiz, osmondagi (yokim yeru osmon o'rtasidagi) har bir solih bandaga savobi te'kkaydir (Duoning davomi: «Ashhadu alla iloha illallohu vashhadu anna Muhammadan abduhu va rasuluhu»), undan keyin duolardan o'zingizga yoqqanini tanlab olib o'qiyveringiz»,— dedilar».

149-bob. Peshona va burniga tekkan loyni namozni o'qib bo'lmaguncha artmagan kishi

Imom Buxoriy: «Humaydning namoz vaqtida peshonaga tekkan narsani (loy, changni) artib bo'lmasligiga quyidagi hadisni dalil qilayotganining shohidi bo'ldim»,— deydilar:

Abu Salama: «Abu Sa'id al-Xudriydan shul tug'rida so'radim»,—deydilar. Abu Sa'id al-Xudriy: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning loy joyda sajda qilayotganlarini, hatto peshonalariga tekkan loyni namoz tamom bo'lmaguncha artmaganlarini ko'rdim»,— deb javob beribdilar».

150-bob. Namoz o'qib bo'lgach, salom bermoq

Ummu Salama onamiz Hind binti al-Harsga: «Rasululloh.sallallohu alayhi va sallam namozda salom berganlaridan keyin ham ayollar ketmay turishardi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham darrov ketib qolmas erdilar»,— deb aytgan erkanlar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, ayollarning erkaklar birlan aralash ketmasliklari, erkaklar ketib bo'lgach, bemalol o'zlari ketmoqlari uchun shunday qilgan bo'lsalar kerak»,— deydilar Abu Shihob.

151-bob. Iqtido qilg'uvchi imom salom berganda salom beradir

Ibn Umar raziyallohu anhu imom salom bergandan so'ng orqadagilar ham salom bermog'ini ma'qullar erdilar.

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o'qidik, salom berganlarida salom berdik»,— deydilar Atbon raziyallohu anhu.

152-bob. «Imomning salomiga alik qaytarmasa ham bo'ladir, namozda berilgan salom kifoya qiladir»,— degan kishi

Mahmud ibn Rabi' rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni yaxshi eslarmen, ul kishi uyimizga kelganlarida men yosh bola erdim, paqirdan bir xo'plam suv olib, hazillashib yuzimga purkab yuborganlarini ham yaxshi eslarmen, Menga Mahmud Atbon ibn Molik quyidagi hadisni aytib bergan zrdilar: «Men o'z qavmim bo'lmish Baniy Solimga imomlik qilur erdim. Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib: «Mening ko'zim xira bo'lib qoldi, yog'ingarchilik bo'lsa, masjidga borolmayotirman.

Biznikiga borib, namoz o`qib bersangiz, men siz namoz o`qigan joyni o`zimga namozgoh qilib olg`ay erdim»,— dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Inshoolloh, shundoq qilurmen»,— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan Abu Bakr Siddiq kun qizigan vaqtda menikiga keldilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kirishga ruxsat so`radilar, men uyga taklif qilib, o`tirishga joy ko`rsatdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o`tirmasdan: «Qaerda namoz o`qib bermog`imni istag`aysen?»—dedilar. Men o`zimga yoqqan joyni ko`rsatdim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o`qishga kirishdilar, biz ul kishiga iqtido qildik. Janrb Rasululloh sallallohu alayhi va sallam salom berganlarida, biz ham salom berdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozda qanday salom bersalar, shunday salom berdik, alik olmadik».

153-bob. Namozdan keyin zikr aytmoq

Ibn Abbosning ozod qilingan quli Abu Ma`bad: «Menga Ibn Abbos bunday degan erdilar»,— deydi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida odamlar farz namozidan so`ng baland ovoz birlan zikr aytishur erdi, men buni yaxshi eslab qolganman».

Ibn Abbos: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namozni tugatganlarini takbir aytganlaridan bilur erdim»,— deydilar (Namozdan so`ng «Subhonalloh, Alhamdu lilloh, Olluhu akbar» deb zikr aytmoq).

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Faqirlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga kelib: «Jannatning eng yaxshi joylari ham, dunyoning eng yaxshi ne`matlari ham boylarga tekkaydir. Biz qanday namoz o`qisak va ro`za tutsak, ular ham shunday namoz o`qib, ro`za tutishg`aydir. Buning ustiga ular mol-dunyoga ham egadirlar. Mol-dunyolari bo`lgach, haj qilishg`aydir va sadaqalar berishg`aydir»,— deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularga javoban: «Sizga boylar erishgan martabadan ham yuksakroq martabaga sazovor etadiringan bir narsani o`rgatayinmi? Agar (mening aytganlarimni qilsangiz), sizdan yaxshiroq odam bo`lmag`aydir, siz erishgan martabaga hech kim erisha olmag`aydir. Quloq solingiz, har bir farz namozidan so`ng «Subhonalloh», «Alhamdu lilloh» va «Olluhu akbar» deb 33 martadan aytg`aysiz»,— dedilar. Shu onda biz «Subhonalloh — 33 marta, Alhamdu lilloh — 33 marta, Olluhu akbar — 34 marta» deb o`zaro tortishib qoldik. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kirdik. Janob Rasululloh: «Subhonalloh, Alhamdu lilloh va Olluhu akbarning har birini 33 martadan aytg`aysen, deb aytdilar»,— deydilar Abu Hurayra».

Mug`ira Ibn Sho`baning kotibi — Varrod raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Mug`ira Muoviyaga atab bunday deb xat yozdirdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har bir farz namozidan so`ng «Lo iloha illallohu vahdahu, lo shariyka lahu, lahu-l-mulku va lahu-l-hamdu va huva alo kulli shay`in qadiyr. Ollhumma lo moni`a limo a`tayta va lo mu`tiya limo mana`ta va lo yanfa`u zo-l-jaddi minka-l-jaddu» deb aytar erdilar».

154-bob. Imom (namozdan so`ng) salom bergach, odamlarga qarab o`girilib o`tiradir

Sumra Ibn Jundub naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o`qib bo`lsalar, bizga qarab o`girilib o`ltirar erdilar».

Zayd ibn Xolid al-Juhaniy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hudaybiya degan joyda kechqurun yoqqan yomg'ir nomi ustida biz birlan bomdod namozini o'qidilar. Namozdan so'ng Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga o'girilib: «Rabbingiz ne deydir, bilurmisiz?» — dedilar. Odamlar: «Olloh va uning Rasuli biladir»,— deyishdi, «Olloh: «Bandalarimdan ba'zilari menga ishonib mo'min bo'ldilar, ba'zilari ersa, menga ishonmay, kofir bo'ldilar. Ammo, kimki bizning yomg'irimizni Ollohning fazlu rahmatidan sodir bo'ldi, desa, ul myonga iymon keltirib, sayyoralarni inkor qilgan bo'lg'aydir. Ammo, kimki falon sayyoraning undoq bo'lmog'i va piston sayyoraning mundoq bo'lmog'idan yomg'ir yog'di, desa, ul kofir bo'lib, sayyoralarga sig'ingan bo'lur»,— deydi»,— dedilar Janob Rasululloh».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kuni xufton namozini o'qishni yarim kechagacha kechiktirdilar. Namozdan so'ng bizlarga o'girilib: «Odamlar allaqachon namozlarini o'qib bo'lib yotdilar, ammo sizlar ersangiz hanuz joynamoz ustidasizlar»,— dedilar».

155-bob. Imomning, salom bergandan keyin ham joynamoz ustida qolmog'i

Nofi' raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Ibn Umar, farz o'qib bo'lgandan keyin ham, joynamozdan jilmasdan nafl o'qiyverar erdilar. Hazrat Abu Bakrning nevarasi Qosim ham shunday qilur erdi».

Abu Hurayra: «Imom farz o'qigan joyda nafl o'qimaydir, degan hadisni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga noto'g'ri nisbat berishadi»,— deyilar.

Ummu Salama rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz tugab, salom berganlaridan so'ng, xotinlar masjiddan chiqib ketar erdilar. Ular Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjiddan chiqqunlarigacha uylariga yetib olar erdilar».

156-bob. Imom (namoz tugab, salom bergach) biror zarur narsani eslab namozxonlarni tark etishi mumkinmi?

Uqba raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Madinada Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga namozda imomlik qildilar. Namoz tugab, salom berganlaridan so'ng, odamlarni oralab o'tib, xotinlaridan birining hujrasiga kirib ketdilar. Janob Rasulullohning shoshib turib ketganlari odamlarni xavotirga soldi. Bir ozdan keyin ul zot hujradan chiqib keldilar va shoshib turib ketganlarining boisini aytdilar: «Bizda bir oz tilla bor erdi, shu yodimga tushib qoldi. Fikrimni chalg'itmasin, deb odamlarga ulashib bermoqni buyurdim».

157-bob. Chap yokim o'ng tomoni birlai namozxonlarga o'girilib qaramoq

Anas raziyallohu anhu o'ng tomonlari birlan ham, chap tomonlari birlan ham nomozxonlarga o'girilib qarayverar erdilar. Faqat bir tomoni birlan o'girilib qaraydiganlarni qoralar erdilar.

Asvad raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Abdulloh ibn Mas'ud: «Hech qaysingiz o'zingizcha, faqat o'ng tomon birlan o'girilmoq lozim, deb aytib, shaytonga

namozingizdan nasiba ulashmangiz! Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning chap tomonlari birlan ham o'g'irilganlarini ko'p ko'rganman»,— deydilar».

158-bob. Xom sarimsoq, xonaki va yovvoyi piyoz yeyish to'g'risida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Kimki ochilikdanmi yokim boshqa sababdanmi, sarimsoq va xom piyoz yegan ersa, bizning masjidimizga kelmasin!» — deganlari to'g'risida

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar urushi ketayotgan kunlardan birida: «Kimki mana bu ko'katdan, ya'ni sarimsoqdan yegan ersa, bizning namozgohimizga yaqinlashmasin!» — deb aytganlar».

Jobir ibn Abdulloh naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki mana bu ko'katdan yegan ersa (sarimsoqni ko'rsatdilar), bizning masjidlarimizga kelmasin!»— deb aytganlar. Ato raziyallohu anhu: «Janob Rasululloh xom sarimsoqni aytdilarmi yokim pishganinimi?»— deb mendan so'radilar. «Nazarimda, faqatgina xomini aytdilar»,— deb javob berdim».

Ato raziyallohu anhu Jobir ibn Abdullohdap eshitganlarini Ibn Shihobga bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki sarimsoq yokim piyoz yegaydir, bizdan ham, masjidimizdan ham nariroq yursin, uyida o'tirsin!» — deydilar. Bir payt Janob Rasulullohga ko'katlardan tayyorlangan taom keltirildi. Unda qanaqadir hid borligini sezib, nimalaridan tayyorlanganligini so'radilar. Uning ichidagi bor ko'katlarni birma-bir aytib berishdi. So'ng, Janob Rasululloh sahobalarni ovqatga taklif qildilar, lekin ular ul kishining o'zlari yemaganlari uchun tortinishdi. Shunda Rasululloh: «Sizlar yeyaveringiz, menga bo'lmaydir, chunkim men farishtalar birlan so'zlashurmen, ular bu hidni yomon ko'rishg'aydir»,— dedilar».

Abdulaziz rivoyat qiladilar: «Bir kishi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sarimsoq to'g'risida ne deganlar?»—deb Anasdan so'radi. Anas: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki mana bu ko'katni (sarimsoqni) yegaydir, bizga yaqinlashmasin va biz birlan birga namoz o'qimasin!» deb aytganlar»,— dedi.

159-bob. Qachon bolalarga g'usl va tahorat vojib bo'ladi? Qachon ular jamoat yig'inlari, hayitlar va janozalarda qatnashadilar, kattalar safida turib namoz o'qiydilar?

Sha'biy quyidagi hadisni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga tashlandiq bolaning qabriga borib janoza o'qigan kishidan eshitibdir: «Janob Rasululloh janozada imomlik qildilar. Odamlar Janob Rasulullohga iqtido qilishdi (yosh bolalar ham qatnashishdi). Sulaymon mendan: «Bu hadisni kim aytib bergan erdi?»—deb so'radi. Men: «Ibn Abbos»,— dedim».

Abu Sa'id al-Xudriy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jum'a ko'ni g'usl qilmoqlik har bir balog'atga yetgan insonga vojibdir»,— deganlar».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Xolam Maymunanikida bir kecha tunab qoldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham uyquga yotdilar. Kechaning bir qismi o'tgach, Janob Rasululloh turib devorga osig'liq meshchani oldilar, so'ng yengil-elpi tahorat olib namoz

o'qiy boshladilar. Men ham ul kishi, singari tahorat olib, chap tomonlariga kelib turgan erdim, o'ng tomonlariga o'tkazib qo'ydilar. So'ng, Oloh xohlagancha namoz o'qidilar, keyin yonboshladilar, hatto pishillaganlari ham eshitildi. Bir ozdan keyin muazzin kelib namozga chaqirdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qayta tahorat olmay muazzin birlan birga namozga chiqib ketdilar. Sufyon raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ko'zlari uxlaydi-yu, qalblari uxlamaydir»,— deydi. Amr: «Payg'ambarlarning ko'rgan tushlari Olohning ularga yuborgan vahiyidir»,— deb, «Men tushimda ko'rsam, seni Oloh yo'lida qurbon qilayotgan erkanman» degan oyati karimani o'qidi».

Anas ibn Molik naql qiladirlar: «Katta buvim Mulayka taom tayyorlab, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni mehmonga chaqirdilar. Rasululloh taomni yeb bo'lgach: «Turingiz, birga namoz o'qiyimiz»,— dedilar. Men turib, eskiligidan qorayib ketgan bo'yramizga suv sepdim, so'ng Rasululloh namozni boshladilar. Men birlan bir yetim bola orqalarida safga turdik, buvim bo'lsalar, bizning orqamizda turdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam 2 rak'at namoz o'qidilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir urg'ochi eshak minib Minoga keldim. Balog'atga yetib qolgan erdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Minoda sutrasiz (qibla tomonni to'smay) odamlar birlan namoz o'qiyotgan erkanlar. Ba'zi bir saflarni oralab o'tdimda, eshakdan tushib, uni o'tlagani qo'yib yubordim, keyin safga kelib turdim. Bu qilmishim uchun menga hech kim tanbeh bermadi».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xuftonga kech qoldilar, hatto Hazrat Umar: «Yosh bolalar, xotinlar uxlab qoldilar»,— deb ovoz qildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam chiqib: «Darhaqiqat, Yer yuzidagi aholining birortasi ham hozir xufton o'qiyotgani yo'q»,— dedilar. Usha kunlarda Madina ahli boshqa hech kim namoz o'qimas erdi».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Menga bir kishi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga hayit namozida qatnashganmisiz?»,— dedi. Men: «Ha, qatnashganman, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yaqinligim bo'lmaganda, yoshim qichikligi sababli qatnasha olmagan bo'lar erdim»,— dedim-da, quyidagilarni hikoya qilib berdim: «Janob Rasululloh Kusayr ibn Salt hovlisi yonida menga tug'ni tutqizdilar, so'ng avval erkaklarga, keyin ayollarga va'z aytdilar, oxiratni eslatib, sadaqa qilmoqqa buyurdilar. Ayollar uzuk va sirg'alarini olib Bilolning etagiga tashlay boshladilar. Shundan keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Abdulloh va Bilol uylariga ketdilar».

160-bob. Ayollarning kechasi va g'ira-shirada masjidlarga chiqmoqlari

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xufton namoziga kech qoldilar, hatto Hazrat Umar: «Xotinlar va bolalar uxlab qoldilar»,— deb ovoz qildilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam chiqib: «Yer yuzida sizdan bo'lak biror kishi bu namozni o'qiyman, deb turgani yo'q»,—: dedilar. O'sha kunlarda Madinadan boshqa joyda namoz o'qilmas erdi. Madina ahli xufton namozini Quyosh botayotgandagi shafaqning yo'qolishidan boshlab, to tunning 3/1 bo'lagi tugaguncha bo'lgan vaqt ichida o'qir erdi».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar xotinlaringiz kechasi namoz o`qimoq uchun masjidga chiqmoqqa ijozat so`rasalar, ijozat beringiz»,— deganlar».

Hind binti al-Harsga Ummu Salama quyidagi hadisni aytib bergan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida ayollar farz namozini o`qib bo`lib, salom berishgach, o`rinlaridan turib uylariga ketishar erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan erkaklar ersa, ayollar ketib olsin, deb birmuncha vaqt kutib turishar erdi».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozini o`qir erdilar, namozdan so`ng xotinlar chimmatlariga o`ralib g`ira-shirada uylariga qaytishar erdi, qorong`ida ularni hech kim tanimas erdi».

Abdulloh ibn Abu Qatodaning otalari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men, cho`zibroq namoz o`qiyman, deganimda go`daklarning yig`isini eshitib, onasiga og`ir tushmasin, degayman-da, namozni yengillatgayman»,— deganlar».

Oisha onamiz: «Agar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayot bo`lib, ayollarda paydo bo`lgan ushbu zebu ziynatlarni ko`rganlarida erdi, Baniy Isroil kabi ularning masjidlarga bormaklarini albatta man` qilgan bo`lur zrdilar»,— degan erkanlar.

Yahyo shu haqda gapira turib, «Baniy Isroil xotin-qizlarining masjidlarga borishi man` qilingan erdimi?»—deb so`rabdi Umradan. Shunda Umra: «Ha»,— degan erkan.

161-bob. Ayollarning erkaklar orqasida safga turmog`i

Ummu Salama quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o`qib bo`lib salom berganlarida ayollar o`rinlaridan turib uylariga ketishar erdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o`zlari ersalar, o`rinlaridan turmay bir oz o`ltirar erdilar. Zuhriy bu haqda: «Ul zot, erkaklardan avval xotinlar uylariga yetib olsinlar, deb shunday qilgan bo`lsalar kerak, yana Olloh bilg`aydir»,— deydilar. Anas raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ummu Sulaymnikida namoz o`qidilar. Men va bir yetim bola Rasulullohning orqalarida iqtido qilib safga turdik, Ummu Sulaym ersa, bizning orqamizda turdilar».

162-bob. Ayollar bomdod namozidan keyin uylariga qaytmog`lari hamda masjidida kamroq ushlanib turmog`lari lozim

Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozini o`qib bo`lganlaridan keyin ayollar uylariga qaytishar erdi. G`ira-shirada ularni hech kim tanimas erdi»,— deydilar.

163-bob. Ayol kishining masjidga chiqmoq uchun eridan ijozat so`ramog`i

Solim ibn Abdullohning otalari Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar birortangizning xotiningiz masjidga chiqmoqqa ijozat so`rag`aydir, ruxsat beringiz»,— deganlar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

JUM'A KITOBI

1-bob. Jum'aning farz ekanligi

Olloh taolo: «Agar jum'a kuni jum'a namoziga azon aytib chaqirilg'aydir, oldi-sotdini qo'yib, Olohni zikr etmoqqa shoshilingiz. Agar bilsangiz, Olohni zikr etmoqqa shoshilmoq sizlar uchun xayrlidir!»-deydir.

Abu Hurayra: «Bu xususda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar», - dedilar: «Biz bu dunyoda eng oxirgilarmiz, qiyomat kunida ersa, hurmat-ehtirom jihatdan eng birinchilarmiz. Ammo, Ahli kitoblarga bizdan avval kitob nozil qilingan hamda ularga shu jum'a kuni haftalik bayram sifatida farz qilingan erdi. Ammo, ular jum'a kunini bayram qilmoq to'g'risida kelisha olmadilar. Bu kunni bayram qilmoqni Oloh bizga muyassar etdi. Barcha bizdan keyin bayram qilg'aydir, yahudiylar ertaga, nasorolar ersa, indinga bayram qilishg'aydir».

2-bob. Jum'a kuni g'usl qilmoqning afzalligi; balog'atga yetmagan bolalarning yokim ayollarning jum'aga qatnashmoqlari lozimmi?

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qaysi biringiz bo'lmangiz, jum'aga kelsangiz, g'usl qilib kelingiz!»-deganlar».

Ibn Umar naql qiladirlar: «Umar ibn al-Xattob jum'a kuni minbarda tikka turib xutba aytayotgan erdilar, nogahon Rasulullohning sahobalaridan bir kishi (masjidga) kirib keldi. Shunda Hazrat Umar baland ovoz birlan: «Hozir qay vaqt bo'ldi? (nechun kech golding?)» - dedilar. «Men bir ish birlan band erdim, uyimga ham borolganim yo'q, azonni eshitdimu, tahorat olib yugurdim», - dedi boyagi kishi. «G'usl qilmasdan tahorat qilganini qarangiz! Vaholanki, sen Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning jum'aga g'usl qilib kelmoqni buyurganlarini bilursen», - dedilar Hazrat Umar».

Abu Sa'id al-Xudriy: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jum'a kuni g'usl qilmoq har bir balog'atga yetgan inson uchun vojibdur!» - deganlar», - deydir.

3-bob. Jum'aga xushbo'y narsalar sepib bormoq

Abu Sa'id rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jum'a kuni g'usl qilmoq, shuningdek tish tozalamoq va topilsa, xushbo'y narsalar sepmoq har bir balog'atga yetgan odam uchun vojibdir!» - deganlar. «G'usl qilmoq - vojib ekanligiga guvohman, lekin tish tozalamoq va xushbo'y narsalar sepmoq vojibmidir yo yo'qmidir, buni Oloh bilg'aydir. Hadisda ersa, vojib deb aytilgan», - deydir Amr raziyallohu anhu».

4-bob. Jum'aning afzalliklari

Abu Hurayra: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar», — deydir: «Kimki, jum'a kuni nahs bo'lganida g'usl qilganidek g'usl qilib masjidga birinchi bo'lib

borg'aydir, go'yokim bir tuya qurbonlik qilgandek savob olg'aydir va kimki ikkinchi bo'lib borg'aydir, go'yokim bir sigir so'yib qurbonlik qilgandek savob olg'aydir va kimki uchinchi bo'lib borg'aydir, bir qo'y so'yib qurbonlik qilgandek savob olg'aydir va kimki to'rtinchi bo'lib borg'aydir, bir tovuq sadaqa qilgandek savob olg'aydir va kimki beshinchi bo'lib borg'aydir, bir tuxum sadaqa qilgandek savob olg'aydir. Imom xutba aytgani chiqsa, maloikalar ham xutba eshitmoq uchun hozir bo'lishgaydir, ammo maloikalar bundan keyin kelgaylar uchun savob daftarlarini yopib qo'yg'aydirlar».

5-bob.

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Hazrat Umar raziyallohu anhu jum'a kuni xutba aytib turgan erdilar, masjidga bir kishi kirib keldi. Shunda Umar unga: «Nega namozga kech qoldingiz?»-dedilar. Ul kishi: «Azonni eshitdim-u, tahorat olib kelaverdim»,- dedi. Umar: Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Har biringiz jum'aga g'usl qilib boringiz!» deganlarini eshitmaganmisiz?» -dedilar».

6-bob. Jum'aga gul yog'i surtib bormoq

Salmon al-Forsiy naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kishikim jum'a kuni g'usl qilib, qo'ldan kelgancha poklanib, xushbo'y yog'lar birlan soch-soqollarini moylab yokim uyida bor bo'lgan xushbo'y narsalardan o'ziga sepib, so'ng masjidga kelsa va ikki kishi orasidan ularga ozor bermay o'tib, Olloh taolo nasib qilgancha namoz o'qisa, imom gapirganda jim turib quloq, solsa, o'sha jum'a birlan o'tgan jum'a o'rtasidagi gunohlarining hammasi kechirilg'aydir»,-deganlar».

Tovus raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jum'a kuni nahs bo'lmasangiz ham g'usl qilingiz va boshlaringizni yuvingiz, o'zingizga xushbo'y narsalar sepingiz! deganlar»,- deyishadi, shunga siz ne dersiz? dyob Ibn Abbosga aytdim. Ibn Abbas: «Ha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam g'usl haqida shundoq deb aytganlar, ammo xushbo'y narsalar to'g'risida nelar deganlarini bilmasmen» ,— dedi».

«Ibn Abbas Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning jum'a kuni g'usl qilmoq to'g'risida aytgan gaplarini so'zlab berdi. Shunda men: Xushbo'y narsalar sepadirmi yokim bor bo'lsa, xushbo'y yog'lar surtadirmi? deb Ibn Abbosdan so'radim» ,— deyдилar Tovus raziyallohu anhu, Ibn Abbas: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qaysinisini nazarda tutganlarini aniq bilmasmen»,- debdi.

7-bob. Jum'a namoziga eng yaxshi kiyimlarni kiyib bormoq

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu masjid eshigi oldida ipak matodan tikilgan chopon sotishayotganini ko'rib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, shu choponni sotib olsangiz, jum'a kuni va mehmonlar kelganda kiyar erdingiz»,- dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu choponni oxiratdan umidini uzgan odam kiyg'aydir»,- dedilar. Keyinchalik, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga o'sha ipak chopondan bir nechasinu hadya qilib yuborishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam choponlardan birini Hazrat Umarga berdilar. Hazrat Umar: «Yo Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, ipak choponni menga kiydirdingiz, vaholanki bu to'g'rida boshqa narsa degan erdingiz?!» - dedilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men senga choponni o'zing kiyg'il, deb berganim yo'q»,-

dedilar. Umar ibn al-Xattob choponni Makkadagi mushrik (Olohga shirk keltirgan) ukalariga kiydirib yubordilar».

8-bob. Jum'a kuny misvok birlan tish tozalamoq

Abu Sa'id al-Xudriy: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tishlarini misvok birlan tozalar erdilar», - deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ummatimga qiyin qilib qo'yg'aymen demaganimda, har bir namoz o'qishdan oldin misvok birlan tish tozalamoqni buyurar erdim», - deganlar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sizlarga misvok birlan tish tozalamoq to'g'risida juda ham ko'p aytdim», - deganlar».

Huzayfa raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi tashahhudga turganlarida ogizlarini misvok birlan tozalar erdilar».

9-bob. Birovning misvoki birlan tish tozalagan kishi

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Abdurrahmon ibn Abu Bakr qo'lida misvok birlan hujramga kirib keldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga qaradilar. Men Abdurrahmonga: «Shu misvokni menga bering», — dedim. Menga berdilar. Misvokning ishlatilgan qismini sindirib tashladim, so'ng uchini tishlab yumshatdim-da, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga berdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (betob bo'lib yotgandilar) ko'kraginga suyanib turib, tishlarini tozaladilar»

10-bob. Jum'a kuni bomdodda o'qiladigan zam sura

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jum'a kuni bomdod namozining birinchi rak'atida «Alif, lom, mim tanzil» surasini, ikkinchi rak'atida ersa, «Hal ato ala-l-inson» surasini o'qir erdilar».

11-bob. Qishloq va shaharlarda jum'a o'qimoq

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning masjidlarida o'qilgan jum'adan keyingi birinchi jum'a Bahrayn qishloqlaridan biridagi Abd ul-Qays masjidida o'qildi».

Ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Har biringiz vasiydirsiz» deganlarini eshitganman», — dedi. Lays ibn Sa'id ersa: «Menga Yunus bundoq degandi» deb quyidagini qo'shimcha qildilar: «Bir kuni Raziyy ibn Hakim Vodiy ul-Quroda turganida Ibn Shihobga masala so'rab: «Ey Ibn Shihob, qo'l ostimdakilarni jum'a namoziga to'playinmi yokim yo'qmi?» deb xat yozdi, men ham o'sha yerda erdim. Raziyy o'sha vaqtlarda dalada ish boshqaruvchi bo'lib, qo'l ostida sudanlik bir jamoa xizmatchilar va boshqalar ishlashar erdi. Raziyy Ayla degan shaharga amirlik qilib turgan kunlardan birida Ibn Shihob unga javob yo'lladi. Raziyy xatni o'qiyotganida men eshitib turgan erdim, unda Ibn Shihob Raziyyga qo'l ostidakilarni jum'aga yig'moqni buyurib, bunday degandi: «Rasululloh sallallohu alayhi

va sallamning «Har biringiz oʻz qoʻl ostingizdagilarga vasiy va masʼuldir. Imom oʻz qoʻl ostidagilarga vasiy va masʼuldir. Erkaklar oʻz oila aʼzolariga vasiy va masʼuldirlar, ayollar oʻz erining uyidagi bor narsalarga masʼuldir. Xizmatkor oʻz xoʻjayinining moliga masʼul boʻlib, ularni ehtiyotlamogʻi lozim» deganlarini Abdulloh ibn Umardan eshitganman». Nazarimda, Ibn Shihob: «Bola oʻz otasining moliga masʼul boʻlib, uni ehtiyotlamogʻi lozim, har biringiz oʻz qoʻl ostingizdagilarga vasiy va masʼuldir» deb ham yozgandi shekilli».

12-bob. Jumʼada qatnashmaydirgan ayollar, bolalar va boshqalarga jumʼa kuni gʻusl lozimmi yoki yoʻqmi?

Ibn Umar: «Jumʼa kuni gʻusl qilmoqlik jumʼa oʻqishi farz boʻlgan kishilargagina lozimdir,— deyilar.

Solim ibn Abdullohning otalari - Abdulloh ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki jumʼaga kelsa, gʻusl qilib kelsin!» deb aytganlar» ,— deyilar.

Abu Saʼid al-Xudriy raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jumʼa kuni gʻusl qilmoq har bir balogʻatga yetgan insonga lozimdir!» deb aytganlar» ,— deyilar.

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Biz bu dunyoda oxirgilarimiz, Qiyomat kuni ersa, izzat-hurmat jihatidan birinchilardirmiz. Avval ularga, keyin bizga Kitob nozil boʻldi. Ular oʻzaro tortishib jumʼa kunini bayram kuni deb belgilay olmadilar. Bu kunni bayram qilmoqni Oллоh bizga muyassar etdi. Yahudiylar ertaga, nasorolar ersa, indinga bayram qilishgʻaydir», - deb bir oz jim qoldilar, keyin yana: «Har bir musulmon 7 kunda bir marta boshdan-oyoq yuvinib gʻusl qilmogʻi lozimdir!» - deb qoʻshib qoʻydilar».

Abu Hurayra: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oллоh haqqi-hurmati, har bir musulmon 7 kunning birida gʻusl qilmogʻi lozimdir!»-deganlar», -deydilar.

Ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ayollarga kechasi masjidlarga borib namoz oʻqimoqqa ruxsat beringiz!» deganlar», - deydilar.

«Umarning bir xotini bor erdi. Bomdod va xufton namozlarini masjidda jamrat birlan oʻqir erdi. Unga: «Nega jamoat oldiga chiqqʻaysen? Bu Umarga yoqmasligini, odamlardan seni rashk qilmogʻini bilursen-ku, axir! - deyishdi. Xotin: «Meni bundan qaytarmogʻi uchun ne moneʻlik qilgʻaydir?»-dedi. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Oллоh bandalarining Oллоh masjidlariga bormoqlariga moneʻlik qilmangiz!» degan soʻzoi moneʻlik qilgʻaydir», - deyishdi.

13-bob. Yomgʻirli kunda jumʼaga kelmaslikka ruxsat

Ibn Abbos yomgʻir yogʻayotgan kuni muazzinga: «Ashhadu anna Muhammadan Rasululloh» deganingdan keyin «Hayya alassalot» demoq oʻrniga «Salluu fi buyutikum» (Uylaringizda oʻqingiz) deb aytgin!» - dedilar.

Shunda odamlarga bu gap yoqmagandek boʻldi. Ibn Abbos: «Mendan yaxshiroq kishi (Rasululloh sallallohu alayhi va sallam) ham shundoq qilganlar. Bugun jumʼaga kelmoq

og'ir, men sizlarga qiyin bo'lmasin, loyu suv kechib kelmangiz, deb shundoq qildim», - dedilar.

14-bob. Qanchalik uzoq joydan jum'aga kelinadir va kimga (jum'aga) kelmoq vojib?

Oloh taolo: «Jum'a kuni jum'aga azon aytilg'aydir, oldi-sotdingizni qo'yib, Olohni zikr etmoqqa oshiqingiz!»-deydi. Ato raziyallohu anhu: «Agar jum'a namozi o'qiladigan qishloqda bo'lsang-u, jum'a namoziga azon aytilsa, azonni eshitsang ham, eshitmasang ham jum'aga kelmoq'ing lozim va farzdir!»-deydilar. Anas raziyallohu anhu jum'ani goho o'z qasrida, goho masjidida o'qir erdi. Qasri Basradan 2 farsax (taxm. 15-16 km) narida erdi.

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Odamlar navbati birlan uzoq qishloqlardan, shahar chekkalaridan changu tuproqqa botib, terlab-pishib jum'aga kelishar erdi. Bir kuni bir kishi Rasulullohni menikida ekanliklarida ko'rgani keldi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qani endi, mana shu kuningizni (jum'ani) deb yaxshiroq poklansangiz!» -dedilar».

15-bob. Quyosh qiyomdan oqqanda jum'a vaqti boshlanadir

Yahyo ibn Sa'id rivoyat qiladilar: «Amra degan ayoldan jum'a kuni g'usl qilmoq haqida so'raganimda, ul Oisha onamizning shu xususda aytib bergan so'zlarini aytdi: «Mehnatkash odamlar kun qiyomdan oqqach, o'sha ahvolda jum'aga kelaverar erdilar. Shunda ularga, g'usl qilib kelsangiz erdi, ter hidi ko'tarilib ketar erdi, deyilardi».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasulullox, sallallohu alayhi va sallam jum'a namozini quyosh qiyomdan oqqan paytda o'qir erdilar».

Anas raziyallohu anhu: «Jum'a namozini ertaroq o'qib, keyin bir oz uxlab olar erdik», - deydilar.

16-bob. Jum'a kuni kun qattiq isib ketsa...

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sovuq kunlari jo'm'a namozini ertaroq, kun qattiq isib ketganda ersa, kechroq o'qir erdilar».

Abu Xulda: «Amirimiz biz birlan jum'a o'qidilar», - dedi, so'ng Anasdan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshinni nechuk o'qir erdilar?» - deb so'radi (Bayhaqiy: «Qishda .ertaroq, yozda ersa, kechroq o'qir erdilar», - deydilar).

17-bob. Jum'a namoziga (piyoda) bormoq; Oloh taoloning «Jum'a namoziga azon aytilsa, Olohni zikr etmakka shoshilingiz!» degan oyati karimasi; «shoshilingiz» degan so'z «jum'aga tezroq tayyorgarlik ko'rib, masjidga oshiqmay borishni anglatadir» degan kishilar haqida

Ibn Abbos: «Jum'aga azon aytilgandan so'ng oldi-sotdi qilish man' (harom) qiling'aydir», - deydilar. Ato ersa: «(Umuman) har qanday tirikchilik bilan shug'ullanmak man' (harom) qiling'aydir», - deydilar. Zuhriy raziyallohu anhu: «Jum'a kuni muazzin

azon aytsa, musofir bo'lsang ham jum'aga bormog'ing lozim», -deydilar.

Aboya ibn Rifo'a raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Jum'aga ketayotgan erdim. yo'lda Abu Abs menga duch kelib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Kimning oyog'i Oллоh yo'lida yurib chang bo'lg'aydir, Oллоh taolo uni do'zax o'tida kuydirmag'aydir» deb aytganlarini eshitdim», — dedi».

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namozga takbir aytilsa, safga turmoqqa shoshilmangiz, tinchgina, osoyishtalik birlan kelib turingiz. Namozning qaeriga kelishgan bo'lsa, o'sha joyidan boshlab birgalashib o'qiyveringiz, qolganini keyin o'zingiz o'qib olingiz!» -deganlar».

Abdulloh ibn Abu Qatoda rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Meni ko'rmaguningizcha safga turmangiz, tinchlikka rioya qilingiz!» -deganlar».

18-bob. Jum'a kuni namozda safda turgan kishilarning orasidan yorib o'tilmasin!

Salmon Forsiy naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki jum'a kuni g'usl qilib, o'ziga xushbo'y narsalar sepib, namozga kelsa va. safda turganlar orasiga qo'pollik bilan suqilib kirmasa, nasib etganча namoz o'qisa, imom minbarga chiqib, xutba aytayotganda jim turib quloq solsa, uning shu jum'a birlan o'tgan jum'a orasidagi gunohlari kechirilg'aydir», - deganlar».

19-bob. Jum'a kuni birodarini turgizib yuborib, o'rniga o'tirib olinmaydir

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men Ibn Jurayjga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozda birodarini turg'izib yuborib, o'rniga o'tirib olishni qoralabdilar, buni menga Ibn Umar aytdi», - dedim. Shunda Ibn Jurayj: «Jum'a namozidami?» - dedi. Men: «Jum'ada ham, boshqa namozlarda ham», -dedim».

20-bob. Jum'a kuni azon aytmoq

Soib Ibn Yazid bunday deydilar: «Jum'a kunidagi birinchi azon,' Rasululloh, Abu Bakr va Umarning davrlarida, imom minbarga borib o'tirganda aytilgan. Usmon xalifalik qilgan davrlarida Madinai Munavvarada odam ko'payib, Zavro' (masjid yonidagi joy)da uchinchi azon aytiladigan bo'ldi».

21-bob. Jum'a kuni bir kishi muazzinlik qiladir

Soib ibn Yazid: «Jum'a kunidagi uchinchi azonni Usmon ibn Affon joriy qilganlar, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning muazzinlari bittadan ortiq bo'lmagan va jum'a kuni azon imom minbarga borib o'tirganda aytilgan», -deydilar.

22-bob. Imom azonni eshitsa, minbarda o'tirib, so'zlarini takrorlab turadi

Abu Umoma rivoyat qiladirlar: «M uoviya ibn Abu Sufyonning minbarda o'tirib azon kalimalarini qaytarib aytayotganini eshitdim. Muazzin: «Oллоhu akbar, ollohu akbar», — deganda, u ham: «Oллоhu akbar, ollohu akbar», - dedi. Muazzin: «Ashhadu alla iloha

illalloh»,- deganda, Muoviya: «Men ham guvohlik bergaymen»,- dedi. Muazzin: «Ashhadu anna Muhammadan rasululloh»,- deganda, Muoviya: «Men ham guvohlik bergaymen»,- dedi. Muazzin azonni aytib bo'lgach, Muoviya: «Ey odamlar, men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning muazzin azon aytayotganda mana shu joyda o'tirib hozir men aytgan so'zlarni aytganlarini eshitganman»,- dedi».

23-bob. Azon aytilayotganda xatibning minbarda o'tirmog'i - sunnat

Soib ibn Yazid quyidagicha rivoyat qiladirlar: «Jum'a kuni masjidida odam ko'payib ketganda Usmon raziyallohu anhu. ikkinchi marta azon chaqirmoqni buyurdilar. Jum'a kuni azon imom minbarda o'tirganda aytilar erdi».

24-bob. Xutba vaqtida azon aytmoq

Zuhriyga Soib ibn Yazid bunday debdirlar: «Jum'a kunidagi birinchi azon Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Abu Bakr va Umar davrlarida, imom minbarda o'tirgan vaqtda aytilar erdi. Usmon raziyallohu anhu xalifalik qilgan vaqtga kelib, odam ko'paydi. U jum'a kuni Zavro' degan joyda uchinchi azon aytmoqni buyurdi. Shu-shu, bu odat bo'lib qoldi».

25-bob. Minbarda xutba aytmoq

Anas: «Rasululloh sallallohu alayhm va sallam minbarga chiqib xutba aytdilar»,- deydilar.

Abu Hazm ibn Dinor rivoyat qiladirlar: «Bir necha odam minbarning nimadan yasalganligi to'g'risida tortishib qoldilar, so'ng Sahl ibn Sa'd as-So'idiy huzuriga kelib, shu haqda undan so'radilar. Sahl ibn Sa'd as-So'idiy bunday dedi: «Qasamyod qilurmenkim, men uning nimadan yasalganini juda yaxshi bilurman. Uni olib kelib qo'yishgan kunyaing o'zidayoq ko'rganman, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'sha kuni unga birinchi marta o'tirib ko'rganlarini ham ko'rganman. Minbarning yasalish tarixiga kelsak, Janob Rasululloh falonchi xotinga odam yubordilar (Sahl xotinning otini aytgan erdi), kelgach, unga: «Duradgor g'ulomingga buyursang, odamlarga gapirganimda ustiga chiqib o'tiradigan bir minbar yasab bersa»,-dedilar. Xotin g'ulomiga buyurdi. G'ulom tarfo degan daraxt yog'ochidan minbar yasadi, xotin uni Rasulullohga yubordi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbarni shu yerga qo'ymakni buyurdilar. So'ng, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning minbar ustida namoz o'qiganlarini ko'rdim. Minbar ustida takbiri tahrima aytdilar! so'ng (minbar ustida) ruku' qildilar, keyin (minbardan) tisarilib tushib, yerda sajda qildilar. Keyin, yana (minbarga) qaytib chiqdilar. Namoz o'qib bo'lganlaridan so'ng odamlarga qarab: «Ey odamlar, mening namoz o'qishimni o'rganib olingiz va sizlar ham men kabi namoz o'qingiz, deb shunday qildim»,- dedilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Bir xurmo to'nkasi bo'lib, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uning ustiga chiqib xutba aytar erdilar. Janob Rasulullohga minbar qo'yib berishgach, to'nka yangi tuqqan tuya bo'zlagandek yig'laganini eshitdik, hatto Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbardan tushib, muborak qo'llarini uning ustiga qo'ydilar. Shundan keyingina to'nka jimib qoldi,

Solimning otalari Ibn Umar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning minbar ustida turib: «Kim jum'aga kelsa, g'usl qilib kelsin!» - deganlarini eshitgan erkanlar».

26-bob. Tik turib xutba qilmoq

Anas raziyallohu anhu: «Bir vaqt qaragam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tikka turib xutba qilayaptilar», - deb aytdilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hozir siz qilayotganingizdek tik turib xutba aytar erdilar, so'ng o'tirar erdilar, keyin yana turar erdilar», - dedilar.

27-bob. Imom odamlarga qarab xutba aytadir, odamlar ersa, imomga qarab tinglashg'aydir

Ibn Umar va Anas ibn Molik imomga tikilib turdilar.

Abu Sa'id al-Xudriy: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbarga o'tirdilar, biz esa u kishining atroflarida o'tirib tingladik», - deydi.

28-bob. Xutbada Ollohga sano aytgandan so'ng «Ammo ba'd» («Andin so'ng ersa») degan kishi haqida

Hishom raziyallohu anhu quyidagi hadisni Fotimadan eshitgan erkanlar, unga Asmo aytib bergan erkan: «Oisha onamizning huzurlariga kirsam, odamlar namoz o'qishayotgan erkan. «Odamlarga ne bo'ldi?» - dedim. Oisha onamiz boshlari birlan osmonga ishora qildilar. «Bu (oxirat) alomatimi?» - dedim. «Ha» degandek bosh qimirlatib qo'ydi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozni juda ham uzoq o'qidilar, hatto mening ko'zim tinib ketdi. Yonimda meshchada suv bor erdi.

Ozini ochib boshimga suv quya boshladim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qib bo'ldilar hamki, quyosh tutilishi to'xtab, kun yorishib ketdi. Janob Rasululloh Olloh taolaga hamdu sanolar aytdilar, so'ng «Ammo ba'd» («Andin so'ng ersa») deb odamlarga xutba qildilar. (Olloh taolaga aytilgan hamdu sano birlan odamlarga aytmoqchi bo'lgan xutbalarini bir-biriga qo'shib yubormaslik uchun «Ammo ba'd» dedilar). Shu payt bir to'da ansoriy ayollar g'ovur-g'uvur qilib qolishdi. Men ularni tinchitib, keyin (eshitmay qolganim uchun); «Rasululloh ne dedilar?» - deb Oisha onamizdan so'radim. Oisha onamiz Rasulullohning hamma aytganlarini menga quyidagicha gapirib berdilar: «Menga ko'rsatilmagan narsa qolmadi, hatto mana shu joyda turib jannatni ham, do'zaxni ham ko'rdim. Menga vahiy qilindi, sizlar qabrda Masih Dajjol fitnasi kabi yoki shunga yaqin bir sinovdan o'tgaysizlar. Oldingizga kelib: «Mana bu kishini (Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni) taniysanmi?» - deb so'ragaylar. So'ralguvchi mo'min (shu yerda Hishom: «yokim taqvodor», - deb ikkilangaydir) bo'lsa, «Bu kishi Rasululloh, Muhammad sallallohu alayhi va sallamdirlar. Bizga mo'jizalar va hidoyat yo'lini olib kelganlar, biz u kishiga ishonib, aytganlarini qabul qilganmiz, u kishiga ergashganmiz, hamma aytganlarini tasdiqlaganmiz», - deydi. Unga: «Rohatlanib uxlayver. Biz sening mo'min ekanligingni bilur erdik», - deyishadi. Ammo, so'ralguvchi munofiq (shu yerda Hishom: «yoki shubhalanuvchi», - deb ikkilangaydir). bo'lsa, «Bu kishini taniysanmi?» - deyishganda, «Yo'q, bilmasman, odamlar bu kishi xususlarida nelardir deyishar erdi, men ham o'shalardan eshitganlarimni aytar erdim», - deydi

(Hishom: «O'sha munofiqqa aytishadigan ogir gaplarni Fotima menga aytgan erdi, lekin yodimdan ko'tarilibdir», - deydi)».

Amr ibn Tag'lib rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga o'lja mollar va asirlar keltirildi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'ljalarni taqsimladilar. Ba'zi kishilarga berdilar, ba'zilariga bermadilar. Shunda o'lja tegmagan kishilar norozi bo'layotganini aytishdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hamdu sano aytib, so'ng «Ammo ba'd («Andin so'ng ersa») deb qo'ydilar-da, «Olloh haqqi-hurmati, men ba'zi bir kishiga o'lja bergayman, ba'zisiga ersa, bermagayman. Lekin, o'lja olmagan kishi menga o'lja olgan kishidan ko'ra mahbubroqdir. Qalbida qanoatsizlik, mol-dunyoga hirs borligini sezgan kishimga o'lja bergayman. Olloh qalblariga ko'zi to'qlik va qanoat jo qilgan kishilarni ersa, yanada nazari to'q va qanoatli bo'lmoqqa undagayman, Amr ibn Tag'lib o'sha sabrlilar toifasidandir», - dedilar. Xudo haqqi, Janob Rasulullohning bu gaplari menga har qancha molu dunyodan ortiq erdi».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kuni yarim kechada masjidga chiqib namoz o'qidilar, odamlar ham ularga iqtido qilib, nafl o'qishdi. Tong otgach, odamlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yarim kechada masjidga chiqib namoz o'qidilar», - deb o'zaro gaplashishdi. Ertasiga kechqurun undan ham ko'p odam yig'ilib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o'qidilar. Tong otgach, yana shu haqda o'zaro so'zlashdilar.

Uchinchi kechada masjid ahli juda ham ko'payib ketdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidga chiqib namoz o'qydilar, odamlar ham o'qishdi. To'rtinchi kecha Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidga chiqmadilar, faqat tong otganda bomdod namoziga chiqdilar. Namozni o'qib bo'lgach, Ollohga hamdu sano aytganlaridan so'ng «Ammo ba'd» deb so'z boshladilar: «Sizlarning bu sa'yu kushishlaringiz, albatta, yaxshi, biroq kechasi namoz o'qimoq farz bo'lib qolib, keyin qiynalib qolmangiz, dedim».

AbuHumayd as-So'idiy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozdan keyin o'rinlaridan turib Ollohga munosib hamdu sano va tahlil aytganlaridan so'ng, «Ammo ba'd» deb so'z boshladilar».

Misvar ibn Maxrama rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turib hamdu sano aytayotganlarida «Ammo ba'd» deganlarini eshitdim».

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam enlariga izor kiyib, boshlariga katta salla o'rab, so'nggi marta minbarga chiqdilar, Ollohga hamdu sano aytganlaridan so'ng: «Ey odamlar, menga yaqinroq kelingiz!» - dedilar. Odamlar Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga to'plandi. Rasululloh «Ammo ba'd» deb so'z boshladilar: «Mana bu ansoriylar qabilasi kelajakda ozayg'aydir, (boshqa) odamlar ersa, ko'payg'usidir. Muhammad sallallohu alayhi va sallam ummatiga mansub mansabdor odamning biror kishiga zarari yokim foydasi tegsa, yaxshiligini qabul qilib, yomonligini afv etsinlar!»

29-bob. Jum'a kuni imomning ikki xutba o'rtasida o'tirib dam olmog'i

Abdullohibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (jum'ada) ikki marta xutba aytar erdilar. Ikkinchi xutbani boshlashdan oldin o'tirib dam olar erdilar», - deydilar.

30-bob. Jum'a kuni xutba tinglamoq

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytganlar»,— dedilar: «Jum'a kuni maloikalar masjid eshigi oldida birinchi bo'lib kelganlarni birinchi deb, ikkinchi bo'lib kelganlarni ikkinchi deb yozib turishg'aydir. Jazirama issiqda birinchi bo'lib kelganlar bitta tuya, ikkinchi bo'lib kelganlar bitta sigir, undan keyingilari bitta qo'chqor, undan keyingilari bitta tovuq, undan ham keyingilari ersa, bitta tuxum sadaqa qilganchalik savob olg'aydir. So'ng, imom so'zga chiqsa, maloikalar daftarlarini yopib, uning suhbatiga quloq solishg'aydir».

31-bob. Imom xutba aytib turganida bir kishining kirib kelganini ko'rsa, unga ikki rak'at namoz o'qimoqni buyuradi

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Jum'a kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga xutba aytib turgan erdilar, bir kishi kirib keldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga: «Ey falonchi, namoz o'qidingmi?» -dedilar. U «Yo'q», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Turg'il, ikki rak'at namoz o'qig'il!»-dedilar».

32-bob. Imom xutba aytayotganda kelib, ikki rak'at yengil namoz o'qigan kishi

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jum'a kuni xutba aytib turganlarida bir kishi masjidga kirib keldi. Rasululloh unga: «Namoz o'qidingmi?» - dedilar. «Yo'q», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Turg'il, ikki rak'at o'qig'il!» - dedilar».

33-bob. Imomning xutba aytayotib qo'llarini ko'tarib duo qilmog'i

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Jum'a kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xutba aytib turgan erdilar, birdan bir kishi o'rnidan turib: «Yo Rasululloh, yilqilar halok bo'ldi, qo'ylar halok bo'ldi. Oллоh taolodan bizga yomg'ir so'rab beringiz!»- dedi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ko'tarib duo qildilar».

34-bob. Jum'a kuni xutbada yomg'ir so'ramoq

Anas raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida qurg'oqchilik bo'ldi. Jum'a kuni Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xutba aytib turgan erdilar, bir badaviy o'rnidan turib: «Yo Rasululloh, mol-hollar halok bo'ldi, bola-chaqalar och qoldi. Oллоh taolodan bizga yomgir so'rab beringiz!» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ko'tarib duo qila boshladilar, osmonda esa bir parcha ham bulut ko'rinmasdi. Jonim qo'lida bo'lgan zotga qasamyod etib ayturmenkim, qo'llarini duodan tushirmasdan oq osmonni tog'dek-tog'dek bulut bosdi. Keyin, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning minbardan tushib ulgurmaslaridan soqollaridan yomg'ir tomchilari tomayotganini ko'rdim. O'sha kuni, uning ertasi va indiniga ham yomg'ir yog'ib, hatto keyingi jum'agacha davom etdi. Keyingi jum'ada o'sha yoki boshqa bir badaviy: «Yo Rasululloh, binolar bosib qolyapti, mol-hollar g'arq bo'layotir, Oллоh taolodan bizga yomg'irni to'xtatmakni so'rab beringiz!» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam duoga qo'llarini ko'tarib: «Ilohi, ustimizga ermas, atrofimizga yomg'ir yog'dirg'il!» - dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llari birlan qaysi tomonga ishora qilsalar, o'sha tomonning bulutlari tarqab ketar erdi. Nihoyat, Madinai Munavvara

osmoni doira shaklida ochildi. Yomg'ir ersa, vodiya bir oy yog'di. O'sha tomondan kim kelmasin, ko'p yomg'ir yog'ayotgani haqida gapirar erdi».

35-bob. Jum'a kuni imom xutba aytayotganda o'zaro so'zlashayotganlarni tinchitish haqida

Agar kishi yonidagi birodariga «Jim turg'il!» desa ham noo'rin gap qilgan bo'lur. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Imom so'zlayotganda odamlar jim turib tinglamog'i lozim» deganlar»,— deydilar Salmon, Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jum'a kuni imom gapirib turganda yoningdagi birodaringga «Jim turg'il!» desang, noo'ring gap qilibsan»,— deganlar»

36-bob. Jum'a kuni duo ijobat bo'ladigan vaqt to'g'risida

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jum'a kuni haqida gapira turib: «Jum'a kunida bir muayyan vaqt bordir. Musulmon bandaning o'qiyotgan namozi o'sha vaqtga to'g'ri kelib qolmog'i qiyindir, bordiyu to'g'ri kelib qolg'aydir, o'sha banda Oллоh taolodan biror narsa so'rag'aydir, so'raganini berg'aydir»,— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muborak qo'llari birlan o'sha vaqtning qisqa ekanligiga ishora qildilar».

37-bob. Jum'a kuni odamlar imomni tashlab namozdan chiqib ketib qolishsa, imom va u bilan qolgan kishilarning namozi joizdir

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Bir kuni payg'ambarimiz Muhammad sallallohu alayhi va sallam birlan birga jum'a namozini o'qiyotgan erdik, birdan Shom tomondan don ortilgan karvon kelib qoldi. Odamlar (namozni tashlab) karvon tomonga qarab ketishdi, hatto Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga 12 kishi qoldi, xolos. Shunda: «Agar odamlar biror oldi-sotdini yokim o'yin-kulgini ko'rib qolishg'aydir, seni namozda tik turganingcha qoldirib ketishg'aydir»,— degan oyati karima nozil bo'ldi».

38-bob. Jum'adan keyin va jum'adan avval namoz o'qimoq

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uylarida peshindan avval 2 rak'at, peshindan keyin 2 rak'at, shomdan keyin 2 rak'at va xuftondan keyin 2 rak'at namoz o'qir erdilar. Jum'adan keyin ham uylariga qaytib kelganlaridan keyin 2 rak'at namoz o'qir erdilar».

39-bob. Oллоh taoloning «Jum'a namozi o'qib bo'lingach, tirikchiligintizni qilinsiz va Oллоh taolodan halol rizq tilangiz!» degan oyati karimasi

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladirlar: «Biz tomonda bir xotin bor erdi, dalasiga qand lavlagi ekar erdi. Jum'a kuni bo'lsa, qand lavlagini yulib, bir hovuch arpa birlan qaynatib qo'yar erdi. Qand lavlagi iligdek bo'lar erdi. Namozni jum'adan qaytayotib ayolga salom berib o'tar erdik, u bizga o'sha taomdan keltirar erdi. Undan yalar erdik. Keyin, yana qachon jum'a kuni kelar erkan, deb orzu qilar erdik. Jum'a kuni namozdan keyingina qaylula qilar erdik, tushlikni ham faqat jum'adan so'ng yer erdik».

40-bob. Jum'a namozidan so'ng qaylula qilmoq

«Jum'aga ertaroq borib kelib, qaylula qilar erdik», - deydilar Anas raziyallohu anhu. «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga jum'a namozini o'qib, so'ng dam olar erdik», - deydilar Sahl raziyallohu anhu.

41-bob. Salot ul-xavf (xavf tugilganda o'qiladigan namoz)

Oллоh taolo o'z oyati karimasida bunday deydir: «Agar safarda bo'lg'aydirlar-u, kofirlarning fitna qilib hujum etib qolmaklaridan cho'chigaydirlar, namozni qisqaroq o'qimog'ingizning zarari yo'qdir, zero kofirlarning sizlarga dushmanlik qilmog'i turgan gapdir. (Ey payg'ambar), agar sen sahobalaring birlan birga bo'lg'aydirlar-u, imomlik qilib namoz o'qimoqchi bo'lg'aydirlar, ularning bir qismi sen birlan namoz o'qisin, ikkinchi qismi ersa, sizlarni qurol tutib orqangizdan qo'riqlab tursin! Birinchi rak'at tugagach, namoz o'qimagan qo'riqchi qism kelib sen birlan birga ikkinchi rak'atni o'qisin! Birinchi qism ersa, ehtiyot choralarni ko'rib tursin! (Chunkim) qurol-aslahalaringizni tashlab namoz o'qiyotganingizda kofirlar sizlarni g'afatda qoldirib birdan hujum qilib qolmoqlari mumkindir. Lekin, yomg'ir yog'ib loygarchilik bo'lsa yokim kasal ersangiz, qurol aslahalaringizni qo'yib, namoz o'qisangiz bo'lg'aydir. Ogoh bo'lingiz, Oллоh taolo kofirlarni tahqirlovchi azob tayyorlabqo'ygandir!»

Shu'ayb rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam salot ul-xavf o'qiganmilar?» -deb Zuhriydan so'radim. Ul: «Menga otam Abulloh ibn Umar bu xususda bunday degan erdilar», - deb quyidagilarni aytib berdi:

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga g'azotga chiqdim. Najd tomonda dushmanning to'g'risiga kelib saf tortdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qimakka turdilar, bir guruh odamlar ul kishiga iqtido qildi, ikkinchi guruh ersa, dushmanni kuzatib turdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido etib namoz o'qiyotgan kishilar bir marta ruku' aylab, ikki marta sajda qildi, so'ng, ular namozgohni tark etdilar, o'rinlariga qo'riqlab turgan ikkinchi guruh borib turdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ular birlan birga ham bir marta ruku' va ikki marta sajda qildilar, so'ng salom berdilar. Ikkinchi guruhdagi kishilarning har biri o'zlari mustaqil ravishda yana bir marta ruku' va ikki marta sajda qilib oldi».

42-bob. Tik turib va ot mingan holda salot ul-xavf o'qimoq

Ibn Umar: «Aralashib ketgan vaqtda (ya'ni, dushmanlar har tomondan hujum qilib turganda) tik turib namoz o'qilg'aydir, chunkim Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Dushman xavfi yana ham kuchayib ketsa, tik turib va ot mingan holda namoz o'qiyveringiz!» deb aytganlar», - deydilar.

43-bob. Salot ul-xavf o'qilayotganda namozxonlar bir-birlarini qo'riqlaydilar

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga bir guruh kishilar namoz o'qimakka turdilar. Rasululloh takbiri tahrima aytdilar, qolganlar ham aytishdi. Rasululloh ruku' qildilar, qolganlar ham ruku' qilishdi, Rasululloh sajda qildilar, qolganlar ham sajda qilishdi. So'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkinchi rak'atni o'qimakka turdilar. Birga namoz o'qigan guruh ikkinchi guruhga joy bo'shatib,

ularni qo'riqlab turdi. Ikkinchi guruh Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga ruku' va sajda qildi. Shu tariqa galma-galdan bir-birini qo'riqlab turib, hamma namoz o'qib oldi».

44-bob. Qal'ani zabt etish va dushmanga hujum boshlash oldidan o'qiladigan namoz

Al-Avzo'iy bunday deydilar: «Agar qal'ani fath qilishga kirishilsa-yu, namoz o'qishga imkon bo'lmasa, har bir kishi imo-ishora birlan o'zi alohida namoz o'qib olg'aydir. Agar imo-ishora birlan ham namoz o'qish imkoni bo'lmasa, urush susayguncha namozni kechiktirg'aydir. Urush susaygach, ikki rak'at namoz o'qiydir. Agar bunga ham imkoni bo'lmasa, bir rak'at va ikki sajda qilib namoz o'qiydir. Mobodo buni ham qilolmasa, unda quruq takbirning o'zi namoz o'rniga o'tmaydir. Namozni dushman xavfi yo'qolguncha kechiktirg'aydir».

Anas raziyallohu anhu bu xususda vunday deydilar: «Tastur qal'asini olishda qatnashdim. Tong otar paytida jang avjiga chiqib, sahobalar to kun yoyilguncha namoz o'qiy olmadilar. Kun yoyilgandan so'ng namoz o'qidik. Biz bilan birga Abu Muso al-Ash'ariy ham bor erdilar. So'ng, qal'a fath qilinib, aho,lisi islomga kirgizildi. O'sha qazo bo'lgan namoz o'rniga butun dunyoni va undagi bor narsalarni bersalar ham men xursand bo'lmas erdim!».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Xandaq qazilgan kuni (hijratning 4-nchi yili) Hazrat Umar kelib Quraysh kofirlarini (mo'minlarni namozdan qoldirgani uchun) so'ka boshladilar. So'ng: «Yo Rasululloh, Quyosh botib ketayozdi, men hali asrni o'qiganim yo'q»,- dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollohni o'rtaqa qo'yib ayturmenkim, men ham haligacha o'qiganim yo'q»,- dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Bathon degan joyda (tuyadan) tushib, tahorat oldilar va kun botgandan keyin namozni (asrni), undan so'ng namozi shomni o'qidilar».

45-bob. Dushmanni quvib ketayotgan va orqasidan dushman quvib kelayotgan odamning ot ustida namoz o'qimog'i

Valiyd Al-Avzo'iyga: «Men Sharhabiyl ibn as-Samt va uning sheriklarini ot ustida namoz o'qib ketayotganlarini ko'rdim» ,— dedi. Al-Avzo'iy: «Ha, namoz qazo bo'lmog'idan cho'chisak, ot ustida imo-ishora birlan namoz o'qib ketaverar erdik»,-dedi. Valiyd Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning: «Hech kim Baniy Qurayzadan boshqa joyda namozi asr o'qimasin!» degan so'zlarini dalil qilib keltirdi.

46-bob.

Ibn Umar naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xandaq g'azotidan qaytganlaridan so'ng: «Biror kishi Baniy Qurayzaga yetib olmaguncha asr namozini o'qimasin!»-dedilar. Ba'zi birovlar asrni yo'lda o'qidi, ba'zilar: «Bormaguncha o'qimaymiz»,-deyishdi, yana ayrimlar: «O'qiyvergaymiz, «Namoz o'qimangiz!» deganlaridan maqsad, manzilga tezroq yetib olmoqdir»,- deyishdi. Keyin, bu gapni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yetkazishdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularning birortasini ham koyimadilar».

47-bob. Namozni bomdodni tong otmasdan barvaqtroq o'qimoq; hujum va urush oldidan namoz o'qib olmoq

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (Xaybarni ishgol qilish oldidan) g'ira-shira paytda namozni bomdodni o'qib oldilar. So'ng, otga minib yo'lga tushdilar. Xaybar ko'ringan vaqtda: «Ollahu akbar, Xaybar xarob bo'ldi, biz biror qavmning yeriga kelib to'shsak, ularning holiga voydir!» -dedilar. Xaybar ahli shoshib ko'chalarga chiqishdi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rib: «Muhammad katta qo'shin birlan kelibdir», - deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va. sallam ularning qarshilik ko'rsatganlarini o'ldirib, qolganlarini asir oldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asira Safiyyani Dixya al-Kalbiyga berdilar, lekin sahobalar tavsiyasi birlan shu zahoti Dixyani rozi qilib, uni qaytarib oldilar. Keyin, uni ozod etib, (unga) uylandilar. Abdulaziz Sobitga: «Siz mahriga ne berganlarini Anasdan so'radingizmi?» - deganda, mahriga ozodlik berganlar», - deb kulib qo'ydi».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

IKKI HAYIT HAQIDA KITOB

1-bob. Ikki hayit va ularda yasanish to'g'risida

Solim ibn Abdullohga Abdulloh ibn Umar bunday degan ekanlar: «Hazrat Umar raziyallohu anhu bozordan bitta ipak chopon sotib oldilar-da, Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasululloh, mana bu choponni sotib olingiz, uni hayitda va mehmon kutganingizda kiyg'aydirez», - dedilar». Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu kiyim oxiratdan nasibasi yo'q odamning kiyimidir!» - dedilar. Olloh iroda qilgan vaqt o'tib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam X,azrat Umarga bitta ipak chopon tortiq qilib yubordilar. X,azrat Umar ipak choponni olib Rasululloh sallallohu. alayhi va sallamning huzurlariga keldilar-da: «Yo Rasululloh, siz: «Bu chopon oxiratdan nasibasi yo'q odamning choponidir! - deb aytgan erdingiz-ku! Endi buni menga yuboribsiz?!»-dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Choponni sotib, biror hojatingizga yaratg'aydirez», - dedilar».

2-bob. Hayit kuni qilichbozlik, nayzabozlik o'yinlarining joizligi

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mening hujramga kirganlarida ikki cho'ri qiz yonimda o'ltirib «Buos» degan mashhur ashulani aytayotgan erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlariga yonboshlab, yuzlarini o'girib oldilar. Shunda Hazrat Abu Bakr Siddiq (Oishaning otalari) kirib, meni va ashulachi qizlarni qattiq koyidilar-da: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida shayton surnayi chaling'aydirmi?» - dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakr Siddiqqa qarab: «Qo'yaveringiz ularni!» - dedilar. Abu Bakr Siddiq biz tomonga qaramay turganlarida cho'ri qizlarga ishora qildym, chiqib ketishdi. Bu voqea hayit kuni bo'lgan erdi. O'sha kuni sudanlyaklar nayzabozlik, qilichbozlik o'yinlari ko'rsatishgandi. O'shanda, yoki men o'zim Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Ko'rsam maylimi?» - deb so'ragandim, yohud Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o'zlari menga: «Tomosha qilasanmi?» - degandilar. Shunda men: «Ha», - degandim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning orqalarida» turib tomosha qilgandim, yuzim yuzlariga shundoqqina tegib turgandi. Janob Rasululloh: «Ey Baniy Arfada, bo'sh kelmangyz!» - deb xitob qilgan erdilar. Keyin, mening zerikkanimni bilib: «Bo'ldimi?» - degandilar. Men: «Ha», - deb aytgandim. «Borg'il bo'lmasa, ketaqol!» - degandilar».

3-bob. Hayit kuni duo aytmoq

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xutba aytib turib: «Albatta bugun (hayit kuni) birinchy bo'lib qiladigan ishimiz - namoz o'qimoq, keyin ersa, borib qurbonlik qilmoqdir. Kimki shunday qilsa, bizning sunnatimizni bajo keltiribdir!» - dedilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Huzurimga (otam) Abu Bakr kirdilar. Oldimda ikkita ansoriy cho'ri qiz ansoriylarning «Buos» kuniga bag'ishlangan baytlarini ashula qilib aytayotgan erdi. Lekin, ikkala cho'ri qiz ham ashulachi ermas erdi. Shunda Abu Bakr

Siddiq: «Shaytonning surnaylari (kelib-kelib) Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning uylarida chaling`aydirmi?» - deb koyidilar. Bu voqea hayit kuni bo`lgan erdi, O`shanda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Abu Bakr, har bir qavmning o`z bayrami bordir, bu kun bizning bayramimiz!» -degandilar».

4-bob. Ramazon hayiti kuni hayit namoziga chiqishdan oldin ovqatlanmoq

Anas raziyallohu anhu naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir necha xurmo yeb olmasdan hayit namoziga chiqmas erdilar».

Anas raziyallohu anhu naql qiladilar: «Rasululloh. sallallohu alayhi va sallam xurmoni toqlab (1, 3, 5) yer erdilar».

5-bob. Qurbon hayiti kuni hayit namozidan so`ng ovqatlanmoq

Anas raziyallohu anhu naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki Hayit namozidan avval qurbonlik qilgan ersa, qayta qurbonlik qilsin!» - dedilar. Shunda bir kishi: «Bu kun ishtaha birlan go`sht yeydirgan kun!» deb qo`shnilari to`g`risida gapirdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uning o`z qo`shnilari to`g`risidagi so`zini ma`qullagandek bo`ldilar. Keyin, boyagi kishi: «Menda ikki yashar bo`lay deb qolgan bir echki bordir, u myonga ikkita qo`ydan ham afzaldir», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o`sha echkini qurbonlik qilmoqqa ruxsat berdilar. Echkini qurbonlik qilmakka faqat o`sha kishiga ruxsat berdilarmi yokim hammagami, bilmayman».

Barro ibn Ozib rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qurbon hayiti kuni hayit namozidan so`ng xutba ayta turib: «Kimki biz singari namoz o`qib, qurbonlik qilgaydir, qurbonligi qabul bo`lg`aydir, ammo kimki hayit namozidan avval qurbonlik qilg`aydir, hisobga o`tmag`aydir», - dedilar, Abu Burda ibn Nayyor (Barroning tog`asi): «Men qo`yimni hayit namozidan ilgari so`ydim. Bugun yeb~ichadirgan kun erkanligini bilganim uchun, qo`yimni qurbonlik qilinadirgan qo`ylar ichida birinchi bo`lsin, deb uyimda so`ymoqni afzal ko`rdim, shul sababdan qurbonlik qo`yimni hayit namoziga kelishdan avval so`yib, go`shtidan pishirib, ovqatlanib keldim», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qo`ying qurbonlik ermas, go`shtga so`yilgan qo`y bulibdir», - dedilar. Ibn Nayyor: «Yo Rasululloh, bizda ikki yashar bo`lay deb qolgan bir echki bordir, u menga ikkita qo`ydan ham afzalroqdir, o`shani qurbonlik qilsam, kifoya qilg`aydirmi?» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ha, senga kifoya qilg`aydir. Sendan boshqa hech kimga ikki yashar bo`lay deb qolgan echki qurbonlikka o`tmag`aydir», -dedilar (Ikki yoshga to`lgan echki qurbonlikka yaraydir, lekin ikki yoshga to`lmagani 1-yaramaydir)».

6-bob. Minbar bo`lmagan namozgohda va`z aytmoq

Abu Sa`id al-Xudriy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ro`za hayiti va Qurbon hayitida namozgohga chiqar erdilar. Dastlab namoz o`qir erdilar, so`ng o`rinlaridan turib odamlarga yuzlanar erdilar. Odamlar ersa, saf tortib o`tirishar erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularga va`z aytar erdilar, vasiyat qilar erdilar hamda halollikka da`vat etib, haromdan hazar aylamakni buyurar erdilar. Agar biror tomonga askar yubormoqchi bo`lsalar, buyurar erdilar. So`ng, Madinaga qaytar erdilar. Odamlar shu tartibga ko`nikib qoldilar. Bu tartib Madina amiri Marvon davrigacha davom etdi. Bir kuni men va Marvon, Qurbon hayitimidi, Ramazon hayitimidi, namozgohga

chiqdik. Namozgohga yetganimizda Kasir ibn Salt yasab bergan minbarga nazarim tushdi. Shu vaqt Marvon namoz o'qimasdan avval minbarga chiqmoqchi bo'ldi. Men uning etagidan tortdim, ul esa etagini mendan tortib olib, minbarga ko'tarildi-da, namozdan avval xutba aytdi. So'ng. men unga: «Xudo haqqi, o'zgartirib yubordingiz!» - dedim. Marvon: «Ey Abu Sa'id, bilgan narsalarimiz unut bo'ldi!»-dedi. Men unga: «Bilgan narsalarim, xudo haqqi, bilmagan narsalarimdan afzalroqdir!» - dedim. Marvon: «Odamlar namozdan keyin xutbaga quloq solib o'tirmay qo'ydilar, shuning uchun xutbani namozdan avval aytdim», - dedi».

7-bob. Hayit namoziga piyoda va ulovda bormoq hamda xutbadan avval azon ham, takbir ham aytmay, namoz o'qimoq

Abdulloh ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qurbon hayiti va Ro'za hayitida namoz o'qib, so'ng xutba aytar erdilar», - deydilar.

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ro'za hayiti kuni namozgohga chiqdilar. Avval namoz o'qidilar, so'ng xutba aytdilar. Abdulloh ibn Zubayr xalifalikni qabul qilib, bay'at (qasam) qilgan kuni Ibn Abbos yuborgan odam kelib, unga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning zamonlarida hayit namozida azon o'qilmas erdi.va xutba namozdan keyin aytilar erdi», - deb aytgan ekan». Jobir ibn Abdulloh va Ibn Abbos: «Ro'za va Qurbon hayitlarida azon aytilmas erdi», - deydilar.

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayit kuni o'rinaridan turib, avval namoz o'qidilar, keyin erkaklarga xutba aytdilar. Xutbadan so'ng, xotinlar yoniga borib Bilolning qo'lga tayangan holda va'z aytdilar. Bilol ersa, etagini tutib turar erdi, xotinlar unga iona tashlar erdilar. Ibn Jurayj: «Hozirgi kunda ham imomning xotinlarga va'z aytmog'i lozimmi?» - deb Atoga murojaat qildi. Ato: «Ha albatta, ular shunday qilmoqlari lozim. Lekin, nechun bunday qilmag'aylar, bilmaskan», - dedi».

8-bob. Hayit namozini o'qigandan keyin xutba aytmoq

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Abu Bakr va Usmon raziyallohu anhular birlan birga hayit namozini o'qidim. Ularning hammalari ham hayit namozini xutbadan avval o'qidilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham, Abu Bakr va Umar ham ikkkala hayit namozini xutbadan avval o'qidilar», - deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ro'za hayiti kuni ikki rak'at hayit namozi o'qidilar, hayit namozidan avval ham, keyin ham namoz o'qimadilar. So'ng, xotinlar jamoasi oldiga bordilar, ul kishi birlan birga Bilol ham bor erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xotinlarni sadaqa bermakka da'vat qildilar. Xotinlar Bilolning etagiga sadaqa tashlay boshladilar. Birov sirg'asini, birov bilaguzugini tashladi».

Barro deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bugun (hayit kuni) eng avvalo hayit namozini o'qig'aymiz, keyin borib, qurbonlik qilg'aydirmiz. Kim shunday qilg'aydir, bizning sunnatimizni bajargan bo'lur. Kim namozdan avval qo'y so'ygan bo'lsa, bola-

chaqasiga go'sht g'amlab beribdir, qurbonlik qilmabdir», - dedilar. Shunda ansoriylardan Abu Burda degan sahoba: «Yo Rasululloh, namozga kelishimdan avval qo'y so'yib erdim. Menda yana ikki yoshga yetmagan bir echkicha bordir, ikki yashardan ham ko'rkamroq, shuni qurbonlik qilsam bo'lg'aydirmi?» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «O'rniga o'shani qurbonlik qila qolg'il, lekin sendan boshqa hech kimga bu ruxsat ztilmaydir!» - dedilar».

9-bob. Hayitda va haramda qurol ko'tarib yurmoqning makruhligi

Hasan Basriy: «Hayit kuni sahobai kiromlarga qurol taqib (yokim olib) yurmoq man' qilingan bo'lib, dushman xavfi bo'lgandagina ruxsat qilingandir», - deydilar.

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar birlan birga ot minib ketayotganimizda ul kishining oyoqlarining kaftiga nayzaning uchi kirib qadalib qoldi. Men otdan tushib sug'urib tashladim. Bu voqea Minoda bo'lgan erdi. Bundan xabar topgan Hajjoj ko'rgani kelib: «Nayzani sizga kim tiqqanini bilganimizda erdi!» - dedi. Shunda Ibn Umar: «Siz tiqdingiz!» - dedilar (Hajjoj suiqasd qilmoqqa buyurgan erdi). Hajjoj: «Qanday qilib?» - dedi. Ibn Umar: «Qurol olib yurmoq mumkin bo'lmagan kunda qurol olib yurmoqqa ijozat berdingiz. Haramga qurol birlan kirmoq mumkqn ermas erdi, bunga ham ruxsat berdingiz!» - dedilar».

Sa'id ibn al-Osim: «Otam bunday deb aytgan erdilar», - deydilar: «Hajjoj Ibn Umar huzurlariga kirganda men ham o'sha yerda erdim. «Ahvolingiz nechuk?» - dedi Hajjoj. «Yaxshi», - dedilar Ibn Umar. «Kim nayza urdi sizga?» - dyob so'radi Hajjoj. Ibn Umar: «Qurol ko'tarmoq mumkin bo'lmagan kunda qurol ko'tarmrqqa ruxsat bergan kishi urdi», - dedilar»,

10-bob. Hayit namoziga ertaroq bormoq

Abdulloh ibn Busur: «Biz xuddi shu vaqtda hayit namozini o'qib bo'lgan bo'lur erdik, bu nafl namoz o'qimoq mumkin bo'lgan vaqtga to'g'ri kelg'aydir», - dedi.

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qurbon hayiti kuni bizga xutba ayta turib: «Albatta, mana shu kunimizda eng birinchi qiladiringan ishimiz - namoz o'qig'aymiz, so'ng qaytib borib qurbonlik qilg'aydirmiz. Kimki shunday qilg'aydir, shubhasiz bizning sunnatimizni ado etgan bo'lur. Ammo, kimki hayit namozidan avval qo'y so'ysa, oilasiga go'sht tayyorlab bergan bo'lib, qurbonlik qilgan hisobiga o'tmag'aydir», - dedilar. Shunda tog'am Abu Burda o'rinlaridan turib: «Yo Rasululloh, men hayit namozidan avval qo'yni so'yib qo'yibman. Menda ikki yoshga yetmagan bir echkicha bordir», - dedilar.

Rasululloh: «O'rniga o'sha echki bolasini qurbonlik qila qolg'il, lekin bu sendan keyin hech kimga ruxsat qilinmaydir!» - dedilar».

11-bob. (Tashriq kunlarida) 1-4-hayit kunlarida qilinadiringan amali solihlarning fazilati

Oллоh taolo: «Muayyan kunlarda Oллоhni zikr qilingiz!» - deganda, Zulhijja oyining birinchi o'n kunligini, «... va sanoqli kunlarda» - deganda, hayitning 1-4-kunlarini tushunmoq kerak», - deydilar Ibn Abbos. Ibn Umar va Abu Hurayra Zulhijja oyining 1-

10-kunlari bozorga chiqib takbir aytishar erdi, odamlar ham ularga qo'shilib takbir aytishar erdi. Muhammad ibn Ali nafl namozidan keyin ham takbiri tashriq aytdilar».

Ibn Abbos quyidagi hadisni aytdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Zulhijja oyining birinchi 10 kunida qilinadigan amallardan afzalroq amali solih yo'qdir!» - dedilar. «Yo Rasululloh, jihoddan ham afzaldirmi?» - deyishdi sahobalar. «Ha, jihoddan ham!»-dedilar Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam - o'z jonu molini xatarga qo'yib, Olloh yo'lga tikib chiqqan va molidan hech narsani qaytarib olib kelmagan kishi afzaldir!»

12-bob. Arafotga chiqayotganda va Mino kunlarida takbiri tashriq aytmoq

Umar raziyallohu anhu Minodagi chodirlarida takbiri tashriq aytar erdilar, uni eshitgan masjid va bozor ahli ham qo'shilib aytar erdi, hatto Mino bundan larzaga kelur erdi. Ibn Umar o'sha kunlari Minoda beto'xtov takbiri tashriq aytur erdilar, besh vaqt namozdan keyin ham, chodir ichida ham, o'rin-to'shak ustida ham, o'tirgan o'rinlarida va yurgan yo'llarida ham takbiri tashriq aytur erdilar. Maymuna onamiz va boshqa ayollar ham tashriq kunlari masjidda Abbon ibn Usmon va Umar ibn Abdulaziz boshliq erkaklar orqasida o'tirib takbiri tashriq aytishdi».

Muhammad ibn Abu Bakr rivoyat qiladirlar: «Minodan Arafotga ketayotib Anasdan talbiya (labbayka Ollohumma, labbayka, demoq) haqida so'radim: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga qanday talbiya aytar erdingizlar?» Anas: «Xohlagan kishi - talbiya, xohlamagan - takbiri tashrik, aytur erdi, unga hech kim hech narsa demas erdi», - dedi».

Ummu Atiyya rivoyat qiladirlar: «Hayit kuni bizga hayit namoziga chiqmoqni buyurishar erdi, hatto bokira qizlaru hayz ko'rgan xotinlar ham hayit namoziga chiqishar erdi. Erkaklar orqasida turib, ular takbir aytishsa, takbir aytur erdik, duo aytishsa, duo aytur erdik, O'sha kunning barakatini tilab, gunohlarimizdan forig' bo'lmoqni niyat qilur erdik».

13-bob. Yerga sanchib qo'yilgan nayzaga qarab namoz o'qimoq

Ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkala hayitda ham ro'paralariga nayzani sanchib qo'yib (qibla tomonni to'sib qo'yib), namoz o'qidilar», - deydilar.

14-bob. Hayit kuni imom huzurida anaza (uchida temiri bor hassa) yoki harba (kalta nayza) ko'tarib yurmoq

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozga chiqsalar, ketlaridan anaza ko'tarib yurishar erdi. Namozdan oldin uni ro'paralariga sanchib qo'yishar erdi. Janob Rasululloh o'shanga qarab namoz o'qir erdilar».

15-bob. Hayz ko'rmagan va hayz ko'rgan xotinlarning namozga chiqishi

Ummu Atiyya: «Paranji yopinadigan qizlarimizga ham (hayit) namoziga chiqmoqni buyurishar erdi», — deydilar.

Hafsa onamiz mazkur hadisga qo'shimcha qilib: «Endigina bo'yiga yetgan (hali

turmushga chiqmagan) qizlarga ham, paranji yopinadigan qizlarga ham hayit namozida qatnashmakni buyurishar erdi. Hayz ko'rgan ayollar namozgohdan chetroqda turar erdilar», - deydilar.

16-bob. Yosh bolalarning namozgohga chiqmog'i

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Ro'za hayiti yokim Qurbon hayiti kuni namozgohga chiqdim (men yosh bola erdim). Hayit namozini o'qib bo'lib, (erkaklarga) xutba aytdilar, so'ng xotinlar oldiga borib, ularga ham va'z aytib, nasihat qildilar hamda ularni sadaqa bermakka da'vat qildilar».

17-bob. Hayit namozi o'qilgandan keyin imomning odamlarga qarab xutba aytmog'i

Abu Sa'id: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga qarab xutba aytdilar», - deydilar.

Barro raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qurbon hayitida ikki rak'at hayit namozi o'qigach, bizga qarab: «Bizning bugun qiladigan birinchi qurbonlig'imiz - eng avvalo namoz o'qimoqdir, keyin ersa, qo'y so'yib qurbonlik qilg'aymiz. Kimki shunday qilg'aydir, bizning sunnatimizni ado etgan bo'lur, ammo kimki hayit namozidan avval qo'y so'ysa, o'z oilasiga go'sht tayyorlab bergan bo'lur. Qurbonlikka buning hech aloqasi yo'qdir!»-dedilar. Shunda bir kishi turib: «Yo Rasululloh, men hayit namozidan avval qo'y so'yib qo'yibdirman. Menda yana ikki yashardan yoshroq bir echki bolasi bordir», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «O'shani so'ya qolg'il, lekin bu sendan keyin biror kishiga ruxsat etilmag'aydir! - dedilar.

18-bob. Namozgohga o'rnatilgan bayroq

Ibn Abbosdan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga hayit namoziga borganmisiz?» - deb so'rashdi. «Ha, borganman, lekin Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yaqin odam bo'lmaganimda namozga borolmagan bo'lur erdim, chunkim men hali yosh bola erdim-da!» - dedilar Ibn Abbos, keyin yana davom etib, quyidagilarni aytib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Kasir ibn Salt hovlisi yonida o'rnatilgan bayroq yoniga kelib hayit namozini o'qidilar, so'ng erkaklarga xutba aytdilar. Keyin, xotinlar oldiga borib (yonlarida Bilol ham bor erdi), ularga ham va'z aytib, nasihat qildilar, ularni sadaqa bermakka da'vat etdilar. Xotinlarning qo'llarini cho'zib, Bilolning etagiga taqinchoqlarini sadaqa qilib tashlayotganlarini ko'rdim. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Bilol birlan birga uylariga qaytdilar».

19-bob. Imomning hayit namozida xotinlarga va'z-nasihat aytmog'i

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ro'za hayitida o'rinlaridan turib hayit namozini o'qidilar, so'ng xutba aytdilar. Xutba aytib bo'lib, minbardan tushdilar va xotinlar oldiga bordilar. Bilolning qo'lga suyanib turib, ularga va'z-nasihat qildilar. Xotinlar Bilolning etagiga sadaqa tashlay boshladilar. Men: «Fitri ro'za berishganmidi, o'shanda?»-deb Atodan so'radim. Ato: «Yo'q, fitri ro'za ermas erdi, lekin o'shanda xotinlar sirga va bilaguzuklarini sadaqa qilishgandi», - dedi. «Ne deb

o'ylaydirlar, imom hozir ham o'sha paytdagidek xotinlarga sadaqa bermakni buyurmog'i va ularga va'z-nasihah qilmog'i mumkinmi?» - deb so'radim. «Ha, albatta, shunday qilmoqlari kerak, lekin imomlar nega bunday qilishmag'aydir, bilmasman»,- dedi Ato».

Ibn Abbos naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Abu Bakr, Umar va Usmon birlan birga ham Ro'za hayitlarida namoz o'qiganman. Ularning hammalari ham hayit namozini xutbadan avval o'qir erdilar, so'ng xutba qilar erdilar. Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayit namoziga chiqdilar. O'sha kungi voqea haligacha ko'z o'ngimda. O'shanda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam erkaklarga qo'llari birlan «O'tiringiz!» deb ishora qilgandilar, erkaklar safini oralab o'tib, xotinlar oldiga borgandilar. Ul kishi birlan birga Bilol ham bor erdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Ey payg'ambar alayhissalom, agar mo'min xotinlar senga bay'at (qasam) qilmakka kelsalar...» degan oyati karimani o'qib: «Ey xotinlar, sizlar o'sha va'dada turibsizlarmi?»-degandilar. Xotinlardan biri: «Ha, biz o'sha so'zda turibmiz»,- deb javob bergandi. Boshqa xotinlar ersa indamagandi. Rasululloh sallallohu alayhd va sallam: «Shunday erkan, unda sadaqa qilingiz!»- degandilar. Bilol ersa etagini ochib: «Ota-onam sizlarga fido bo'lsin, marhamat qilingiz!» - degandi. Shunda xotinlar sirg'alari bormi, uzuklari, bormi, hammasini Bilolning etagiga tashlagandi».

Abdurrazzoq: «Johiliya davrida uzuk va sirg'alar katta-katta bo'lar erdi»,-deydi.

20-bob. Xotin kishining hayit namoziga yopinib chiqishga paranjisi bo'lmasa...

Hafsa binti Sirin rivoyat qiladirlar: «Hayit kuni ayollarimizning hayit namoziga chiqishlarini man' qilar erdik. Bir vaqt bir ayol (Ummu Atiyya) kelib Baniy Xalaf qasriga tushdi. Men borib u bilan gaplashdim. Opasining eri Rasululloh sallalloxu alayhi va sallam birlan birga 12 marta g'azot qilgan erkan. Opasi ham eri birlan birga 6 ta g'azotda qatnashgan erkan. O'sha rpasi: «Biz kasallarga qarar erdik, yaradorlarni davolar erdik. Bir kuni: «Yo Rasululloh, birontamizning yopinchig'imiz bo'lmasa, hayit kuni namozga chiqmasak, gunoh bo'lmagaymi?» - debdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Dugonasining yopinchig'laridan birini olib tursin, yaxshilikka (hayit namoziga) qatnashsin va mo'minlar birlan duo o'qisin!»-debдилar. Ummu Atiyyadan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam falon narsalar haqida ne deganlar, eshitganmisiz?» -deb so'radim, «Ha, otam. haqqi-hurmati, eshitganman (ul, Janob Rasulullohning nomlarini tilga olganda, ko'pincha «otam haqqi-hurmati»,- deb qo'yardi). Rasululloh sallallohu alayhi va sallam endigina bo'yiga yetgan qizlarga ham, paranji yopinadiringan ayollarga ham, hayz ko'rgan xotinlarga ham namozga chiqmoqni buyurar erdilar»,- dedi. «Xayz ko'rgan xotinlarga hammi?» - deb so'radim. Shunda u: «Ha, hayz ko'rgan xotin Arafotga chiqmaydirmi? Yokim falon qilmaydirmi, yo piston qilmaydirmi? deya haj marosimlarini sanay ketdi».

21-bob. Hayz ko'rgan xotinlarning namozgohdan narida turmog'i

Ummu Atiyya: «Bizga namozgohga chiqmakni buyurishar erdi, hayz ko'rganlar ham, endigina bo'yiga yetgan qizlar ham, paranji yopinadiringan ayollar ham, xammamiz chiqardik. Ammo, hayz ko'rgan xotinlar namozgohdan chetda turib ishtirok etishdi»,- deyдилar.

22-bob. Hayit kuni namozgohda qurbonlik qilmoq

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qurbon hayiti kuni namozgohda (tuya, sigir yokim qo'y) so'yib qurbonlik qilur erdilar».

23-bob. Hayit namozi xutbasida imom va odamlarning gapirmog'i; Imomdan biror narsa to'g'risida so'ralsa, javob beradirmi?

Barro ibn Ozib rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qurbon hayiti kuni namozdan so'ng xutbaga chiqib: «Kimki biz singari namoz o'qib, qurbonlik qilg'aydir, ul shubhasiz to'g'ri qurbonlik qilibdir. Kimki qurbonlikka atalgan qo'yni hayit namozidan avval so'ygan ersa, ul qurbonlik ermas, go'shtdir!» -dedilar. Shunda Abu Burda o'rnidan turib: «Yo Rasululloh, Ollohga qasamyod etib ayturmenkim, hayit namoziga chiqishdan oldin qurbonlikka atalgan qo'yni, bugun yeb-ichadiringan kun deb tushunib, shoshib so'yib qo'yibman. Go'shtidan o'zim ham yedim, qo'shnilarim va bola-chaqalarimga ham yedirdim», - dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ul go'shtga so'yilgan qo'ydir!»-dedilar. Abu Burda: «Menda bir yashar echki bor, ikki yashar qo'ydan ham yaxshiroq, o'shani so'ysam, qurbonlikka o'tg'aydirmi?» - dedi. Janob Rasululloh: «Ha, bo'lur, lekin bu sendan keyin biror kishiga ham ruxsat etilmag'aydir!» -dedilar. Keyin, yana bunday deb qo'shib qo'yidilar: «Kimki hayit namozidan avval qurbonlik so'ygan bo'lsa, namozdan keyin o'rniga boshqasini so'ysin! Kimki so'ymagan bo'lsa, namozdan keyin «Bismilloh» deb so'ysin!»

24-bob. Hayit namozidan qaytayotganda borgan yo'l qolib, boshqa yo'ldan yurganlari

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qurbon hayiti kuni hayit namozini o'qib, keyin xutbaga chiqdilar. Kim namozdan avval qurbonlikni so'yib qo'ygan bo'lsa, qaytadan so'ymoqni buyurdilar. Shunda ansoriylardan bir kishi turib: «Yo Rasulalloh, mening qo'shnilarim bor («ular muhtojroq yokim faqirroq», - dedi), . shuning uchun men namozdan avval qurbonlikni so'ydim. Menda yana bir yashar echkicha bor, u menga ikkita qo'zidan ham afzal,- dedi. Rasululloh unga o'sha echkini qurbonlik qilmoqni buyurdilar».

Jundub raziyallohu anhu naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayit kuni namoz o'qib, xutba qildilar, so'ng qurbonlik so'yidilar».

Jobir raziyallohu anhu naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayit kuni namozga borgan yo'l qolib, boshqa yo'ldan qaytar erdilar».

25-bob. Hayit namoziga ulgurmay qolgan erkaklar ham, namozgohga kela olmagan xotinlar ham, uyda va qishloqda qolganlar ham ikki rak'at namoz o'qiydir

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu kun (ya'ni, hayit) biz ahli islomlarning bayramimizdir!» - deb aytganlar.

Anas ibn Molik shahardan chetda yashovchi Ibn Abu Utba degan mavlosiga (ozod qilingan quliga) bola-chaqalarini yig'moqni buyurdi, Ibn Abu Utba bola-chaqalarini

chaqirib kelgach, Anas shaharliklar qanday namoz o`qib, takbir aytishsa, o`shanday namoz o`qib, takbir aytdi. «Qora xalq hayitda to`planib,- deydi Ikrima,-mamlakat boshlig`i o`qigandek ikki rak`at namoz o`qiydir». «Hayit namoziga ulgurmay qolgan odam ikki rak`at namoz o`qiydir», - deydi Ato.

Urva raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Bakr Oisha onamizning huzurlariga kirdilar. Oisha onamiz oldilarida ikki cho`ri qiz, Mino kunlari bo`lishiga qaramay, doira chalib o`ynashar erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kiyimlariga burkanib yotar erdilar. Abu Bakr Siddiq cho`rilarni koyib berdilar. Shunda Janob Rasululloh yuzlarini ochib: «Qo`yabering ularni, ey Abu Bakr! Bu kunlar bayram kunlari, Minoga chiqadigan kunlar» - dedilar. Oisha onamiz: «Masjid hovlisida harbiy o`yin o`ynayotgan habashlarni tomosha qilayotganimda Janob Rasululloh meni pana qilib turganlarini eslayman. O`shanda (Umar) o`yinni to`xtatgan erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam esa Umarga: «Qo`yabering, biz ularga ruxsat berdik, o`ynaveringlar, ey Baniy Arfada!» degan erdilar», - deydilar».

26-bob. Hayit namozidan avval va undan keyin namoz o`qish mumkinmi?

Abulmu`allo: «Ibn Abbas, hayit namozidan avval namoz o`qish makruh, deb aytibdirlar, buni menga Sa`id aytdi», - deydilar.

Ibn Abbas rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ro`za hayitida namozgohga chiqdilar va ikki rak`at hayit namozi o`qidilar. Hayit namozidan avval ham, keyin ham boshqa namoz o`qimadilar. O`shanda Janob Rasululloh birlan birga Bilol ham bor erdi».

27-bob. Vitr haqidagi hadislar

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Bir kishi Rasululloh' sallallohu alayhi va sallamdan tunda o`qiladigan namoz haqida so`radi. Shunda Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Tungi namoz ikki rak`at-ikki rak`atdan o`qilg`aydir. Qaysi biringiz namozi bomdodning qazo bo`lib qolishidan cho`chisangiz, bir, rak`at o`qingiz, shu o`qiganingiz vitr bo`lg`aydir» ,— dedilar».

Nofi` raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Umar vitr namozining birinchi rak`ati birlan ikkinchi rak`ati o`rtasida ham salom berar, hatto biror hojatlari bo`lsa, bajarib kelmakni buyurar erdilar».

Kurayb raziyallohu anhuga Ibn Abbas quyidagi hadisni aytib bergan erkaplari: «Bir kuni Maymuna xolamnikida tunab qoldim. Yostiqning ensiz tomoniga men, enli tomoniga ersa Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan xotinlari -Maymuna xolam bosh qo`yib yotdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yarim kechagacha uxladilar. So`ng, o`rinlaridan turib uyquni ketkazish uchun yuzlarini qo`llari birlan ishqadilar. Keyin, «Oli Imrbn» dan 10 oyat o`qidilar, so`ng o`rinlaridan turib, osiqliq meshchani olib yaxshilab tahorat qildilar. Keyin, namozga turdilar. Men ham tahorat olib yonlariga borib turdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o`ng qo`llari birlan qulog`imni (erkalatib) ishqab qo`ydilar, so`ng ikki rak`at, keyin ikki rak`at, keyin ikki rak`at, keyin ikki rak`at, keyin ikki rak`at, keyin yana ikki rak`at namoz o`qidilar. Keyin, bir rak`at vitr o`qidilar, so`ng muazzin kelguncha yonboshladilar. Muazzin kelgandan keyin o`rinlaridan turib ikki rak`at

namoz o'qidilar, keyin hujralaridan chiqib odamlar birlan ikki rak'at bomdod o'qidilar ».

Abdulloh ibn Umar naql qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kechasigi namoz ikki rak'at-ikki rak'atdan o'qilg'aydir. Namozdan uyingga qaytging kelganda bir rak'at o'qigil. O'sha yuqorida o'qigan namozlaringning hammasi vitr bo'lg'aydir», - dedilar. Qosim: «Balog'atga yetganimizdan (ya'ni, masjidga chiqadigan bo'lganimizdan) boshlab, odamlarning uch rak'atdan vitr o'qiyotganini ko'rdik. Bir rak'at o'qishning ham, uch rak'at o'qishning ham, menimcha hech bir zarari bo'lmasa kerak», - deydi».

Urva ibn Zubayrga Oisha onamiz bunday debdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'n bir rak'at vitr o'qir erdilar (tunda o'qiydirgan namoz nazarda tutilayotir). Sajda qilganlarida, siz 50 oyat o'qimakka qancha vaqt sarf qilsangiz, o'shancha muddat bosh ko'tarmay turardilar. Namozni bomdodni o'qishdan avval ikki rak'at sunnat o'qir erdilar. So'ng, muazzin kelib namozga chaqirguncha o'ng qo'llarini bosib yonboshlab yotar erdilar».

28-bob. Vitr o'qiladigan vaqtlar

Abu Hurayra: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uyquga yotishdan avval vitr o'qimakni tavsiya qildilar», - dedilar.

Anas ibn Sirin: «Ayting-chi, namozni bomdoddan avval o'qiladigan ikki rak'at sunnatni uzunroq qiroat qilayinmi?» - deb Ibn Umardan so'rabdilar. Ibn Umar bunday deb javob beribdirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi ikki rak'at-ikki rak'at namoz va bir rak'at vitr o'qir erdilar. Namozni bomdoddan avval ,ersa, tezlik birlan ikki rak'at namoz o'qib olar erdilar».

Oisha onamiz: «Har kecha Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tong otargacha vitr o'qir erdilar», - dedilar.

29-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotinlarini vitrga uyg'otganlari

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi namoz o'qir erdilar. Men ersam, ul kishining ro'paralarida ko'ndalang bo'lib to'shakda yotar erdim. Qachon vitr o'qiydirgan bo'lsalar, meni uyg'otar erdilar, men ham vitr o'qir erdim».

30-bob. Namozxon kechaoigi namozning oxirini vitr qilsin!

Abdulloh ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kechasigi namozingizning oxirini vitr qilingiz!» deb aytganlar», - dedilar.

31-bob. Ot-ulov ustida vitr o'qimoq

Sa'id ibn Yasor rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Umar birlan birga Makka ko'chalaridan birida ketayotgan erdim. Shunda tong otib qolmog'idan qo'rqib, otdan tushdim-da, vitr o'qib oldim. Keyin, Abdullohga yetib oldim. Abdulloh menga: «Qaerda qolib ketding?» - dedi. Tong otib qolmog'idan qo'rqib, vitr o'qib oldim, dedim. Abdulloh: «Bu borada

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan ibrat olsang bo'lmaydirmi?!» - dedi. «Oллоh haqqi, albatta shundoq», - dedim. Abdulloh: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tuya ustida ham vitr o'qir erdilar», - dedi».

32-bob. Safarda vitr o'qimoq

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarda qayoqqa qarab ketayotgan bo'lsalar, o'sha tomonga qarab ulov ustida imo-ishora birlan, kechasigi nafl namozlarini o'qib ketaverar erdilar. Lekin, farz va vitr namozlarini ulov ustida o'qimas erdilar».

33-bob. Ruku'dan avval va ruku'dan keyin Qunut duosini o'qimoq

Muhammad ibn Sirin rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozida Duoi Qunutni o'qirmidilar?» - deb Anasdan so'rashdi. «Ha, o'qir erdilar», - dedilar. «Ruku'dan avval o'qiganmilar?» - deyishdi yana. «Ruku'dan bir oz keyinroq», - dedilar».

Osim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Anas ibn Molikdan Duoi Qunut to'g'risida so'radim. «Qunut - shar'iy, bor narsa», — dedilar. «Ruku'dan avvalmi yokim keyinmi?» - dedim. «Ruku'dan avval», — dedilar. «Menga falonchi aytdikim, siz «Ruku'dan keyin» degan emishsiz?!» - dedim. «Yolg'on aytibdir! - dedilar Anas ibn Molik, - gap shundakim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oygina ruku'dan keyin Qunut o'qiganlar. O'shanda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yetmishga yaqin qorilarni mushrik qavmlardan biriga (islomga da'vat qilgani) yuborgan erdilar. Har ikki tomon o'rtasida sulh tuzilganligiga qaramay, mushriklar qorilarni o'ldirishgan erdi. Shu boisdan Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oy mobaynida besh vaqt namozning oxirgi rak'atlarida o'ldirganlarni duoi bad qilib Qunut duosini o'qigandilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oy davomida besh vaqt namozning oxirgi rak'atlarida Ra'l va Zakvon qabilalarini duoi bad qilib, Qunut duosini o'qidilar».

Anas raziyallohu anhu: «Qunut shom va bomdod namozlarida o'qilar erdi», - deydilar.

34-bob. Oллоh taolodan yomg'ir so'ramoq; Janob Rasulullohning yomg'ir so'rab iltijo qilganlari

Ibod ibn Tamimning amakilari bunday degan ekanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oллоh taolodan yomg'ir so'ramoq uchun (namozgohga) chiqdilar, so'ng ridolarini tanalariga yaxshilab o'rab olib, iltijo qila boshladilar».

35-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Ilohi, ularga Yusuf alayhissalom davrlaridagidek qurg'oqchilik (yillarini) yuborgil!» deb duoi bad qilganlari haqida

Abu Lurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har doim oxirgi rak'atdan bosh ko'targanlarida: «Ilohi, Iyosh ibn Abu Rabi'aga najot bergil! Ilohi, Salama ibn Hishomga najot berg'il! Ilohi, Valid ibn Validga najot berg'il! Ilohi, zaif mo'minlarga najot berg'il! Ilohi, Muzar qabilasiga nisbatan azobingni kuchaytirib, ularga Yusuf

alayhissalom davrlaridagidek qurg'oqchilik (yillarini) yuborg'il!» - deb iltijo qilar erdilar. Keyin, yana: «Olohd taolo G'ifor (qabilasinyng) gunohlarini mag'firat qilsin! Olohd taolo Aslam (qabilasiga) omonliq bersin!» - deb qo'yar erdilar».

Ibn Abu az-Zinod: «Janob Rasulullohd bu duolarning hammasini bomdod namozida aytar erdilar, deb otam aytgandilar», - deydi.

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abdullohd ibn Mas'udning huzurida o'tirgan erdik. Shunda ul: «Rasulullohd sallallohu alayhi va sallam Quraysh ahlining islomdan yuz o'girganini ko'rib, «Ilohd, Qurayshga yetti yil davomida Yusuf alayhissalom davrlaridagidek qahatchilik yuborg'il!» deb duoi bad qilgandilar», - dedi. Keyin, shundan so'ng bo'lgan voqealarni birma-bir hikoya qilib berdi: «Quraysh boshiga qahatchilik tushdi, o'simliklarning barcha turi qurib, qovjirab ketdi. Qurayshliklar harom o'lgan hayvonlarning hatto terisigacha yeb bitirishdi. Ochlikdan sillalari qurib, osmonga qarasar, ko'zlari tinib, boshlari aylanadiringan bo'lib qoldi. Shunda Abu Sufyon Janob Rasulullohd huzurlariga kelib: «Ey Muhammad sallallohu alayhi va sallam, siz bizga Olohga itoat qilmakni va qarindoshchilikka rioya qilmakni buyurg'aysiz-ku! Qarindoshlaringiz bo'lmish Quraysh ahli qahatchilik va ochlikdan halok bo'lmoqda, ularning haqqiga Olohd taolodan najot tilab, duo qilingiz!» - dedilar. Shunda Janob Rasulullohd Olohd taolo oyati karimasining «Osmonni tutun qoplaydirg'an kunni kutg'il!» degan joyidan, «... Biz qattiq jazolab (urib), qasos oladiring'an kunni kutg'il!» degan joyigacha o'qidilar. (Mana, o'zingiz bilursiz) osmonni tutun qoplaydirgan kun ham, qattiq jazolab (urib), o'ch oladiring'an kun ham bo'lib o'tdi. Ushanda Janob Rasulullohd o'qigan oyatlari—«Rum» surasining dastlabki oyatidir».

36-bob. Qahatchilik bo'lganda odamlarning «Olohd taolodan yomg'ir tilab bering!» deb imomga aytmog'i

Abdullohd ibn Dinorga otalari quyidagicha rivoyat qilgan erkanlar: «Ibn Umarning «Ey Tangrim, beva-bechoralar va yetim-esirlar haqqi, yomg'ir, yogdirg'il!» degan mazmundagi Abu Tolib yozgan she'rni o'qib iltijo qilayotganini eshitdim».

Solimga otasi Abdullohd ibn Umar bunday deb aytgan erkanlar: «Rasulullohd sallallohu alayhi va sallamning minbarda turib yomg'ir so'rashlari bilanoq yuzlariga yomg'ir tomchilay boshlaganini ko'rganimda shoir Abu Tolibning «Ey Tangrim, beva-bechoralar va yetim-esirlar haqqi, yomg'ir yog'dirg'il!» degan mazmundagi she'ri yodimga tushgan erdi shekilli».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Hazrat Umar, qurg'oqchilik bo'lganda, Abbas ibn Abd ul-Mutallibni o'rtaga qo'yib Olohdan yomg'ir so'rar erdilar. «Ilohd, biz sendan payg'ambarimiz sallallohu alayhi va sallamni o'rtaga qo'yib yomg'ir so'rar erdik, yomg'ir berar erding. Endi biz Rasulullohdning amakilarini o'rtaga qo'yib sendan yomg'ir so'raymiz, yomg'ir berg'il bizga!» deb iltijo qilur erdilar. So'ng, Olohd taolo yomg'ir yuborar erdi».

37-bob. Yomgir so'rayotganda ridoni tanaga yaxshilab o'rab olmoq

Abdullohd ibn Zayd rivoyat qiladirlar: «Rasulullohd sallallohu alayhi va sallam ridolarini yaxshilab o'rab olib, keyin Olohd taolodan yomgir so'radilar».

Abdulloh ibn Zayd rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozgohga chiqib, yomg'ir so'radilar. So'ng, qiblaga qarab turib ridolarini tanalariga yaxshilab o'rab oldilar, ikki rak'at namoz o'qidilar».

38-bob. Jome' masjidida yomg'ir so'ramoq

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Bir kishi jum'a kuni masjidga minbar to'g'risidagi eshikdan kirdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tik turib xutba aytayotgan erdilar. Voyagi kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yuzlanib, tik turgan holda: «Yo Rasululloh, chorva qirilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi, Oллоh taolodan so'rangiz, bizga yomg'ir bersin!»- dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ko'tarib: «Ilohi, bizga yomg'ir berg'il! Ilohi, bizga yomg'ir berg'il! Ilohi, bizga yomg'ir berg'il!» - deb uch marta duo qildilar. Oллоhga qasam ichib ayturmenkim, o'shanda havo mutlaqo ochiq bo'lib, osmonda bir parcha ham bulut ko'rinmas erdi, xullas, havoning yomg'ir yog'adigan siyog'i yo'q erdi. Biz turgan joy birlan Sal' (Madinai Munavvaradagi tog') oralig'ida birorta uy ham, hovli ham yo'q erdi. To'satdaya tog' ortidan qalqonsimon bir bulut paydo bo'lib, tobora kattalasha boshladi va nihoyat butun osmonni qoplab oldi. So'ng, yomg'ir yog'di. Olti kun Quyoshni ko'rmadik. Keyingi jum'ada ham Rasululloh tik turib xutba aytayotgan erdilar. Birdan o'sha eshikdan bir kishi kirib kelib: «Yo Rasululloh, yomg'ir ko'pligidan chorva qirilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi, Oллоh taolodan so'rang, yomg'irni to'xtatsin!» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ko'tarib: «Ilohi, atrofimizga yog'dirg'il, ustimizga yog'dirmagil! Ilohi, tepaliklarga, tog'larga, vodiylarga, o'tloqlarga yog'dirg'il!»-deb duo qildilar. Dam o'tmay yomg'ir to'xtadi, masjiddan chiqib ketayotganimizda Quyosh charaqlab turardi». Keyinchalik, Shariyk raziyallohu anhu: «Janob Rasulullohning oldilariga keyingi kelgan odam, o'sha yomg'ir so'rab kelgan odamning o'zimidiz?» - deb so'raganda, Anas: «Yodimda yo'q», - degan ekanlar.

39-bob. Jum'a xutbasida qiblaga qaramay yomg'ir so'ramoq

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Jum'a kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tik turib xutba aytayotganlarida qozixona tomondagi eshikdan bir kishi kirib kelib: «Yo Rasululloh, chorva qirilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi, Oллоhdan so'rab beringiz, bizga yomg'ir bersin!» - dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ko'tarib: «Ilohi, yomg'ir berg'il bizga! Ilohi, yomg'ir berg'il bizga! Ilohi, yomg'ir berg'il bizga!» - deb uch bor duo qildilar. Oллоhga qasamyod etib ayturmenkim, havo ochiq bo'lib, osmonda bir parcha ham bulut yo'q erdi. Biz birlan Sal' (Madinai Munavvaradagi tog') oralig'ida na birorta bino va na hovli bor erdi. Nogahon tog' ortidan qalqondek bulut ko'rinib, biz tomonga kela boshladi, sekin-asta kattalashib, butun osmonni qoplab oldi. Keyin, yomg'ir yog'di. Oллоhga qasam ichib ayturmenkim, olti kungacha Quyosh yuzini ko'rmadik. Keyingi jum'a kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xutba aytib turganlarida o'sha eshikdan bir kishi kirib kelib: «Yo Rasulalloh, chorva qirilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi, Oллоhdan so'rangiz, yomg'irni to'xtatsin!» -dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ko'tarib: «Ilohi, atrofimizga yog'dirg'il, ustimizga yog'dirmag'il! Ilohi; tepaliklarga, vodiylarga, bog'u rog'larga, o'tloqlarga yog'dirgil!» - deb duo qildilar. Bir oz o'tmay yomg'ir to'xtadi. Masjiddan chiqqanimizda Quyosh charaqlab turgan erdi». Keyinchalik, Shariyk raziyallohu anhu: «Janob

Rasulullohning oldilariga keyingi kelgan odam, o'sha yomg'ir so'rab kelgan odamning o'zimidiz?» - deb so'raganda, Anas: «Yodimda yo'q», - deb aytgan ekanlar.

40-bob. Minbarda turib yomgir so'ramoq

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Jum'a kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xutba aytib turgan erdilar, birdan bir kishi kirib kelib: «Yo Rasululloh, yomg'ir yog'may qo'ydi, Ollodan so'rab beringiz, bizga yomg'ir bersin!» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam duo qildilar, Ollod taolo bizga yomg'ir yubordi. Shunchalik ko'p yog'diki, hatto uylarimizga yetolmay qolayozdik. Yomg'ir kelasi jum'agacha tinmay yog'di. Shunda yomg'ir so'rab kelgan (yoki boshqa bir) odam: «Yo Rasululloh, Ollod taolodan so'rab beringiz, yomg'irni bizdan boshqa yoqqa yuborsin!» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilohi, atrofimizga yog'dirg'il, ustimizga yog'dirmag'il!» - dedilar. Buni qarangi, bulutlarning o'sha damdayoq har tomonga (o'ngga-chapga) tarqab ketayotganini ko'rdim. Madinaning o'ng va so'l tomonlariga yomg'ir yog'di-yu, lekin Madina ahli ustiga yog'madi».

41-bob. Yomg'ir so'rashda jum'a namozning o'zi bilangina kifoyalanmoq

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib: «Yo Rasululloh, chorva qirilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi», - dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam duo qilib edilar, jum'adan jum'agacha yomg'ir yog'di. Boyagi kishi yana kelib: «Yo Rasululloh, uylar bosib qoldi, ko'chalar huvillab qoldi, chorva qirilib ketdi, Ollod taolodan so'rangiz, yomg'irni to'xtatsin!» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilohi, adirlarga, past-tekisliklarga, vodiylarga, ekinzor va o'tloqlarga yog'dirg'il!» - deb duo qildilar. Yechilgan kiyim badanni qandoq tark 'etsa, bulut ham Madina osmonini shundoq tark etdi».

42-bob. Yomg'ir ko'p yog'ib, ko'chalar huvillab qolganda duo aytmoq

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib: «Yo Rasululloh, (qurg'oqchilikdan) chorva qirilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi, Ollod taolodan yomg'ir so'rab beringiz!» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam duo qildilar, jum'adan jum'agacha yomg'ir yog'di. So'ng, bir kishi kelib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh. uylar buzildi, ko'chalar huvillab qoldi, chorva qirildi», - dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam duoga qo'l ochib: «Ilohi, tog' cho'qqilariga, adirlaru vodiylarga, ekinzoru o'tloqlarga yog'dirg'il!» - dedilar. Bulut Madinadan «echilgan kiyimdek» chiqib ketdi».

43-bob. Jum'a kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yomg'ir so'rganlarida ridolarini yaxshilab o'rab olmaganlari to'g'risida aytilgan gaplar

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga chorvasi halok bo'lganiyu ahli ayolining qiynalib qolgani to'g'risida shikoyat qildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yomg'ir so'rab duo qildilar».

Mazkur hadisda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ridolarini yaxshilab o'rab olganlari haqida ham, qiblaga qarab duo qilganlari to'g'risida ham hech narsa deyilmagan.

44-bob. Odamlar «Yomg'ir so'rab beringiz!» deb iltimos qilsa, imom rad qilmasligi lozim

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga bir kishi kelib: «Yo Rasululloh, chorva halok bo'ldi, ko'chalar huvillab qoldi, Oллоhdan so'rab beringiz, bizga yomg'ir bersin!» - dedi. Janob Rasululloh duo qilib edilar, jum'adan jum'agacha yomg'ir yog'di. So'ng, bir kishi kelib: «Yo Rasululloh, uylar buzilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi, chorva qirilib ketdi»,-dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilohi, tog' ustiga, tepaliklar va vodiylarga, ekinzor va o'tloqlarga yog'dirg'il!»-dedilar. Bulut «echilgan kiyimdek» Madinani tark etdi».

45-bob. Mushriklar qahatchilikda musulmonlardan shafqat qilishni so'raganda...

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Mas'udning huzurlariga borgan erdim, menga quyidagi hadisni aytib berdilar: «Quraysh ahli islomga kirmoqni paysalga soldi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularni duoi bad qilib, Oллоh taolodan qahatchilik va qurg'oqchilik yuborishini so'radilar. Quraysh ahli o'sha yillarda halokatga uchrab, hatto o'limtik va suyaklargacha yedi. So'ng, Abu Sufyon kelib: «Ey Muhammad sallallohu alayhi va sallam, bizga doimo rahm-shafqatli bo'lmoqni buyurdingiz, Quraysh ersa, sizning qavmingiz, ular qurg'oqchilik va qahatchilikdan halokatga uchrayapti. Oллоh taolodan ularga najot tilangiz!» - dedilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Osmonni tutun qoplaydirgan kunni kutg'il!...» degan oyatni o'qidilar. Mazkur kunlar o'tib ketgach, mushriklar yana kofirlik qilaverdilar., Bunga nisbatan Oллоh taolo: «Kofirlarni qattiq jazolab, qasos oladiringan kun kelg'aydir, kutg'il!»-dedi. Badr urushi bo'lgan kun - o'sha kun erdi».

Mansur raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oллоh taolodan yomg'ir so'rab duo qildilar, Oллоh taolo yetti kun yomg'ir yog'dirdi. Odamlar yomg'ir ko'p yog'ayotganidan shikoyat qilishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilohi, atrofimizga yog'dirg'il, ustimizga yog'dirmag'il!» - deb iltijo qildilar. Bulut Madina ustidan tarqab ketib, faqat shahar atrofiga yomg'ir yog'di».

46-bob. Haddan ziyod yomg'ir yoqqanda «atrofimizga yog'dirg'il, ustimizga yog'dirmag'il!» - deb iltijo qilmoq

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jum'ada xutba aytib turganlarida odamlar ul kishiga baland ovoz birlan: «Yomg'ir yog'may qo'ydi, dov-daraxtlar quridi, Oллоhdan so'rab beringiz, bizga yomg'ir yuborsin!» - deyishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilohi, bizga yomgir berg'il!» - deb ikki marta duo qildilar. Oллоhga qasamyod etib ayturmenkim, havo ochiq erdi, hatto osmonda biror parcha bulut ham ko'rinmas erdi. Birdan qaerdandir bulut paydo bo'lib, yomg'ir yog'di. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbardan tushib, jum'a namozini o'qidilar. Namoz o'qib bo'lganlarida ham yog'ayotgan yomg'ir kelasi jum'agacha tinmadi. Kelasi jum'a kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turib xutba aytayotganlarida odamlar qichqirib: «Yo Rasululloh, uylar buzilib ketdi, ko'chalar huvillab qoldi, Oллоhdan so'rangiz, yomg'irni to'xtatsin!» - deyishdi. Shunda Rasululloh tabassum qilib: «Ilohi, atrofimizga yog'dirg'il, ustimizga yog'dirmag'il!» - deb duo qildilar.

Madinada havo ochilib, yomg'ir shahar atrofiga yog'a boshladi. Madina ustiga bir tomchi ham yog'madi. Madinaga qaragam, toj singari tovlanib turardi».

47-bob. Tik turgan holda yomg'ir so'rab duo aytmoq

Abu Ishoq raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Abdulloh ibn Yazid va ul kishi birlan birga Barro ibn Ozib hamda Zayd ibn Arqam (Olloh taolo ulardan rozi bo'lsin) Ollohdan yomg'ir so'rab sahroga chiqdilar. Abdulloh ibn Yazid va ul birlan birga chiqqan odamlar oyoq yalang tik turishdi. Abdulloh ibn Yazid Olloh taologa istig'for aytib yomg'ir so'radi (minbarga chiqmadi, chunkim minbar yo'q erdi). So'ng, azon ham, takbir ham aytmay, eshittirib qiroat qilib, ikki rak'at namoz o'qidi. Abdulloh ibn Yazid Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rgan sahobalardan erdi».

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sahobalari bo'lmish Ibod ibn Tamimning amakilari bunday deb rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Olloh taolodan odamlarga yomg'ir so'rab bermoq uchun ular birlan namozgohga chiqdilar. Shunda minbarga chiqmay, tik turgan holda Olloh taolodan yomg'ir so'rab duo qildilar. So'ng, qibla tomon yuzlanib, ridolarini yaxshilab o'rab oldilar-da, namoz o'qidilar, keyin yomg'ir yog'di».

48-bob. Yomg'ir so'rab namoz o'qiganda ovoz chiqarib qiroat qilmoq

Ibod ibn Tamim rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Olloh taolodan odamlarga yomg'ir so'rab bermoq uchun namozgohga chiqdilar, qiblaga yuzlanib duo qildilar. Keyin ridolarini yaxshilab tuzatib oldilar-da, ovoz chiqarib qiroat birlan namoz o'qidilar».

49-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (yomg'ir so'rayotganda) odamlarga qanday qilib orqa o'girib turdilar?

Ibod ibn Tamimning amakilari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni Ollohdan odamlarga yomg'ir so'rab namozgohga chiqqan kunlari ko'rdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga orqalarini o'girdilar-da, qiblaga qarab duo qildilar. So'ng, ridolarini yaxshilab tuzatib olib, ikki rak'at namoz o'qidilar. Qiroatlari bizga aniq eshilib turdi».

50-bob. Yomg'ir so'rab o'qiladigan namoz ikki rak'atdir

Ibod ibn Tamimning amakilari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ollohdan yomg'ir so'rab, ikki rak'at namoz o'qidilar. Namozdan avval ridolarini yaxshilab tuzatib olgandilar».

51-bob. Namozgohga chiqib yomg'ir so'ramoq

Ibod ibn Tamimning amakilari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozgohga chiqib yomg'ir so'radilar. Ridolarini yaxshilab tuzatib olib, ikki rak'at namoz o'qidilar. Abu Sufyonga Al-Mas'udiy, unga esa Abu Bakr bunday degan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ridolarini o'ngdan chapga o'rab, tuzatib oldilar».

52-bob. Yomg'ir so'rayotganda qiblaga qarab turmoq

Ibod ibn Tamimning amakilari rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Olloh taolodan yomg'ir so'rab namoz o'qigani odamlar birlan namozgohga chiqdilar. Ridolarini tuzatib oldilar-da, qiblaga qarab duo qildilar».

53-bob. Imom yomg'ir so'rayotganda odamlarning ham u birlan baravar duoga qo'l ochmoqlari

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Jum'a kuni bir badaviy Rasululloh huzurlariga kelib: «Yo Rasululloh, chorva qirilib ketdi, bola-chaqalar, odamlar halok bo'ldi», - dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi. va sallam qo'llarini ochib duo qildilar, odamlar ham baravar duoga qo'l ochishdi. Buni qarangkim, masjiddan chiqib ulgurmasimizdan ustimizga yomg'ir yog'a boshladi. Yomg'ir kelasi jum'agacha tinmadi. Haliga kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga yana kelib: «Yo Rasululloh, yo'llarda yurib bo'lmay qolganidan musofirlar, ketolmay qoldilar», - dedi».

Yahyo ibn Sa'id va uning sheriklariga Anas: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini duoga ko'tardilar hatto men qo'ltiqlarining oppoqligini ko'rdim», - deb aytgan erkanlar.

54-bob. Imomning yomg'ir so'rayotganda do'oga qo'l ochmogi

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar; «Rasululloh sallallohu alayhi' va sallam hech qachon qo'llarini ochib duo qilmas erdilar. Ammo, Olloh taolodan yomg'ir so'rayotganlaridz qo'llarini baland ko'tarib duo qilar erdilar, hatto qo'ltiqlarining oppoqligi ko'rinar erdi».

55-bob. Yomg'ir yoqqanda nima deyiladi?

Ibn Abbos: «Qur'oni Kariymdagi «Av ka-sayyibin» iborasidagi «sayyib» so'zi yomg'ir demakdir», — deydilar.

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yomg'ir yog'ayotganini ko'rib: «Ollohumma sayyiban nafi'an (Ilohi, nafi tegadirgan yomg'ir berg'il!)» ,— deb aytar erdilar».

56-bob. Soqolidan suv tomguncha yomg'irda turgan kishi haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida qurg'oqchilik yili bo'ldi. Jum'a kunlaridan birida Janob Rasululloh xutba aytib turgan erdilar, bir badaviy o'rnidan turib: «Yo Rasululloh, chorva qirilib, ketdi, bola-chaqa och qoldi, Ollohdan bizga yomg'ir so'rab beringiz!» - dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ochib duo qildilar, osmonda bir parcha ham bulut yo'q erdi. Nogahon, qaerdandir tog'dek-tog'dek bulut paydo bo'ldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbardan tushmaslaridan soqollaridan yomg'ir tomchilarining yumalab tushayotganini ko'rdim. Yomg'ir o'sha kuni ham, ertasiga ham, indiniga ham yog'ib, kelasi jum'agacha tinmadi. Kelasi jum'ada boyagi badaviy (yokim boshqasi) o'rnidan turib: «Yo Rasululloh, uylar bosib qoldi, mollar g'arq bo'ldi; Ollohdan so'rab beringiz,

yomg'irni to'xtatsin!»-dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llarini ochib: «Ilohi, atrofimizga yog'dirg'il, ustimizga yog'dirmag'il!» - deb duo qildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam osmonning qaysi tomoniga ishora qilib ko'rsatsalar, o'sha tomondagi bulutlar tarqab ketar erdi. Hattoki, Madinai Munavvara tepasi doira shaklida ochilib qoldi. Vodiylarda ersa, bir oy davomida yomg'ir yog'ib anhor-anhor sel oqdi. O'sha kunlari kimki vodiya biz tomonga kelsa, nuqul mo'l yomg'ir yog'ayotganidan gapirar erdi».

57-bob. Qattiq shamol esganda...

Humayd raziyallohu anhu Anasdan bunday deb eshitgan erkanlar: «Qattiq shamol tursa, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning yuzlarida xavotir alomati sezilar erdi».

58-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Olloh taolo tonggi shamol ila menga zafar yo'lladi»,- deganlari

Ibn Abbas rivoyatqiladirlar: «Janob Rasululloh: «Olloltaolo menga tonggi shamol ila zafar yo'lladi, Od qavmini ersa, Dabur shamoli (kun botar tomondan esadirgan kechki shamol) ila halokatga uchratdi»,- dedilar».

59-bob. Zilzila va har xil ofatlar to'g'risida aytilgan hadislar

AbuHurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilm (islom ilmi) butunlay yo'q bo'lmago'ncha, zilzila ko'paymaguncha, vaqt (umr) tez o'tadigan bo'lmaguncha, fitna va gunohlar oshkora qilinadigan bo'lmaguncha qiyomat bo'lmag'aydir. Qiyomatga yaqin shunchalik boyib ketg'aydirsizkim, hatto mol-dunyoingiz (uyingizga) sig'may ketg'aydir»,- dedilar».

Ibn Umar: «Ilohi, bizning o'ngu so'limizdagi mamlakatlarga barakot ato etg'il!» - dedilar. «Bizning Najdga ham barakot ato etg'il, deng!»- deyishdi sahobalar. Ibn Umar: «Ul yerda zilzilalar, fitnalar bo'lajakdir hamda shayton jamoasi yuzaga kelajakdir»,- dedilar.

60-bob. Olloh taoloning «Rizqni yolgonga chiqarmangiz!» degan oyati karimasi; Ibn Abbasning «rizq» so'zini «shukr» deb talqin qilgani

Zayd ibn Xolid rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tunlardan birida Xudaybiyada yomg'irdan namiqqan yerda (bizga imomlik qilib) bomdod namozini o'qidilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozdan so'ng odamlarga o'girilib: «Bilurmisiz, rabbingiz ne deydir?»- deb aytdilar. Sahobalar: «Olloh va uning Rasuli bilg'aydir»,- deyishdi. «Olloh taolo: «Bandalarimning ba'zilari menga iymon keltirdi, ba'zilari ersa, meni inkor qilib, kofir bo'ldi. Kimki yomg'irni Ollohning bandalariga yuborgan marhamati, degaydir, ul mo'min bo'lib, sayyoralarni iloh sifatida inkor etgan bo'lur, ammo kimki yomg'ir sayyoralarning undoq yokim bundoq bo'lmog'idan, degaydir, ul kofir bo'lib, sayyoralarga sig'ingan bo'lur, deb aytdi»,- dedilar Janob Rasululloh».

61-bob. Yomg'ir qachon yog'mog'ini Ollohdan o'zgasi bilmag'aydir!

AbuHurayra: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Beshta narsani Olloh taolodan o'zgasi bilmag'aydir, deganlar»,- deytilar.

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Royib (inson bilolmaydigan) narsalar beshta bo'lib, ularni Ollohning o'zigina bilur, xolos. Ular quyidagilar: 1. Ertaga ne bo'lmog'ini bilmas; 2. Homilaning o'g'il yokim qiz erkanini bilmas; 3. Ertaga qay yerdan rizqini topib yemog'ini bilmas; 4. Qay yerda o'lmog'ini bilmas; 5. Yomg'ir qachon yog'mog'ini bilmas»,- dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

KUN TUTILISHI TO'G'RISIDAGI KITOB

1-bob. Quyosh tutilganda namoz o'qimoq

Abu Bakr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasulullohsallallohu alayhi va sallamning huzurlarida (suhbatlashib o'tirgan) erdik, Quyosh tutilib qoldi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turdilar-da, ridolarini sudrab masjidga kirib ketdilar. Ortlaridan biz ham kirdik. To Quyosh tutilib bo'lguncha biz birlan birga ikki rak'at namoz o'qidilar (namozni cho'zib o'qidilar), so'ng: «Quyosh va Oy biror kishining o'lgani uchun tutilmagaydir. Qachonkim Quyosh yoki Oy tutilganini ko'rg'aydirsiz, tutilib bo'lguncha namoz o'qib va duo aytib Oloh taologa iltijo qilingiz!» - dedilar».

Qays raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh va Oy biror kishining o'lgani uchun tutilmag'aydir, albatta. Lekin, ular Oloh taoloning cheksiz qudratga ega erkanligini isbotlovchi ikkita dalildir. Qachonkim ularning tutilganini ko'rg'aydirsiz, tezda o'rningizdan turib namoz o'qingiz!»- degan erkanlar. Buni menga Abu Mas'ud aytdi».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh birlan Oy biror kishining vafot etgani yokim tug'ilgani uchun tutilmashydir. Lekin, Quyosh birlan Oy Oloh taoloning qudratini isbotlovchi ikkita dalildir. Qachonkim, ularning tutilganini ko'rg'aydirsiz, namoz o'qingiz!»-deganlar».

Mug'ira ibn Shu'ba raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning davrlarida Rasulullohning o'g'illari Ibrohim vafot etgan kuni Quyosh tutildi. Shunda odamlar: «Ibrohim vafot etgani uchun Quyosh tutildi», - deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh birlan Oy biror kishining vafot etgani yokim tug'ilgani uchun tutilmag'aydir, qachonkim ularning tutilganini ko'rg'aydirsiz, namoz o'qib va duo aytib, Olohga sig'iningiz!» - deb aytdilar».

2-bob. Quyosh tutilganda sadaqa qilmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu* alayhi va sallamning davrlarida Quyosh to'tildi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jamoat birlan namoz o'qidilar. Qiyomda uzoq turdilar, so'ng ruku' qilib, ruku'da ham uzoq turdilar. Keyin, qadlarini rostlab, qiyomda uzoq turdilar, lekin ruku'dan avvalgi qiyomga ko'ra kamroq turdilar. So'ng, yana ruku' qildilar, ruku'da uzoq turdilar, lekin birinchi ruku'ga nisbatan kamroq turdilar. Keyin, sajda qildilar, sajdada ham uzoq turdilar. So'nggi rak'atda ham shundoq qildilar. Namoz tugaganda Quyosh tutilib bo'lgandi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga xutba aytdilar. Keyin, Olohga hamdu sanolar aytib: «Quyosh birlan Oy Oloh taolo qudratini isbotlovchi ikkita dalildir. Qachonkim ularning tutilganini ko'rg'aydirsiz, Olohga sig'inib duo qilingiz, takbir aytingiz va namoz o'qingiz hamda sadaqa beringiz!»- dedilar. So'ng, bir oz sukut saqlab turgach: «Ey Muhammad ummati, Olohga qasamyod qilib ayturmenkim, xoh ayol va xoh erkak banda bo'lsin, zino qilsa, Olohdan ko'ra ko'proq g'azablanib, rashk qilg'uvchi zot bo'lmasa kerak! Agar men bilgan

narsani bilganingizda erdi, ko'proq yig'lab, kamroq kular erdingiz!» - deb qo'shib qo'ydilar».

3-bob. Quyosh tutilganda jamoat bo'lib namoz o'qish uchun odamlarni namozga chaqirmoq

Abdulloh ibn Amr rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida Quyosh tutilganda jamoat bo'lib namoz o'qimoq uchun odamlar chaqirildi»,

4-bob. Quyosh tutilganda imomning xutba aytmog'i

Oisha onamiz va ularning opalari: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh tutilganda odamlarga xutba aytdilar», - deyishadi.

Urva raziyallohu anhu Oisha onamizdan eshitib rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayot davrlarida Quyosh tutildi. Buni ko'rib masjidga chiqdilar. Odamlar Janob Rasulullohning orqalarida saf tortishdi. Rasululloh takbiri tahrima aytib namozni boshladilar. So'ng, uzoq qiroat qildilar, keyin takbir aytib ruku' qildilar, ruku'da uzoq turdilar. So'ng, «Sami'allohu liman hamidah» deb ruku'dan turdilar. Sajdaga bormasdan avval oldingiga nisbatan qisqaroq qiroat qildilar. So'ng, takbir aytib ruku' qildilar, ruku'da avvalgiga ko'ra kamroq turdilar, keyin «Sami'allohu liman hamidah, rabbano va laka-l-hamd» deb sajda qildilar. So'ng, ikkinchi rak'atda ham shundoq qildilar. Undan keyin, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam to'rt ruku' va to'rt sajda qilib ikki rak'at namoz o'qidilar. Quyosh tutilib bo'lganda hali namoz tugamagan erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qib bo'lgach, o'rinlaridan turib Ollohga munosib hamdu sanolar aytdilar, so'ng: «Quyosh birlan Oy Ollohning qudratini isbotlovchi ikkita dalildir. Ular biror kishining o'lgani yokim tug'ilgani uchun tutilmag'aydir. Agar (kim) ularning tutilganini ko'rg'aydirez, namoz o'qingiz!» - dedilar».

Urva raziyallohu anhu Oisha onamizdan eshitib rivoyat qilib bergan mazkur hadisga monand boshqa bir hadisni Abbos ham hikoya qilib bergan erkanlar: «Zuhriy raziyallohu anhu: «Akang - Abdulloh ibn Zubayr Quyosh tutilganda Madinada namozi bomdodga o'xshash ikki rak'at namoz o'qidi, ortiqcha hech narsa o'qimadi-ku!»-deganlarida, Urva: «Ha, to'g'ri, akam namozning sunnatida yanglishdilar», - deb aytgan erkan».

5-bob. «Quyosh tutildi» deb aytiladirmi yokim «Quyosh kuydi» deb aytiladirmi?

Olloh taolo: «Va xasafa-l-Qamar (Oy tutildi)», - deydir.

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh tutilgan kuni namoz o'qidilar. O'rinlaridan turib, avval takbiri tahrima aytdilar, so'ng Surai «Fotiha»ni o'qib, unga uzun bir surani zam qildilar. Keyin, uzoq ruku' etdilar, so'ng «Sami'allohu liman hamidah» deb qadlarini rostladilar, keyin avvalgidan ko'ra qisqaroq qiroat qildilar, so'ng uzoq sajda ayladilar. Ikkinchi rak'atda ham shundoq qildilar, so'ng salom berdilar. Quyosh tutilib bo'lgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga xutba aytdilar. Jumladan, Quyosh va Oyniing tutilishi to'g'risida shundoq dedilar: «Quyosh birlan Oy Ollohning qudratini ko'rsatuvchi ikkita dalildir. Ular biror kishining

hayoti yokim vafoti tufayli tutilmag'aydir. Agar kim ularning tutilganini ko'rg'aydirez, namoz o'qingiz!»

6-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Olloh taolo bandalarini Kun kuyishi birlan qo'rqitgaydir» degan so'zlari to'g'risida

Abu Bakr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kun birlan Oy Olloh taolo qudratini namoyon qilg'uvchi ikki dalildir. Ular biror kishining o'lgani sababli kuymag'aydir, biroq Olloh taolo bu birlan bandalarini qo'rqitg'aydir»- dedilar.

7-bob. Quyosh tutilganda namoz o'qiyotib, Ollohdan go'r azobidan asrashini so'ramoq

Umra binti Abdurrahmondan: «Bir yahudiy xotin Oisha onamizdan xayr-sadaqa so'rab kelib: «Olloh taolo seni go'r azobidan asrasin!» - dedi. Oisha onamiz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Odamlar qabrda azoblang'aydirmi?» - deb so'radilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ollohdan go'r azobidan panoh tilab: «Ha, qabr azobi haqdir!»-dedilar. Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam saharlab ulov minib chiqib ketdilar. Shu kuny Quyosh tutildi. Janob Rasululloh ertalab qaytdilar-da, hujralarining orqasiga o'tib namoz o'qimoqqa tutindilar, odamlar ham Rasulullohning orqalarida turib namoz o'qishdi. Janob Rasululloh qiyomda uzoq turdilar so'ng uzoq ruku' qildilar, keyin ruku'dan turib, qiyomda avvalgidan ko'ra kamroq turdilar. So'ng, avvalgi ruku'dan qisqaroq ruku' qilib, keyin qadlarini ko'tardilar-da, sajda etdilar. Qadlarini rostlagach, qiyomda avvalgidan ko'ra kamroq turdilar, keyin qisqaroq ruku' qilib, so'ng qadlarini ko'tardilar-da, sajdaga bosh qo'ydilar. Namozni tugatib o'girilgach, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Olloh xoxlagancha va'z-nasihati ayladilar, So'ng, odamlarga Olloh taolodan go'r azobidan najot tilamoqni buyurdilar».

8-bob. Quyosh tutilganda o'qiladigan namoz sajdasi haqida

Abdulloh ibn Amr rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida Quyosh tutilganda odamlar jamoat birlan namoz o'qimoq uchun chaqirildilar. Shunda Rasululloh sallallohu ayaayhi va sallam ikki marta ruku' qilib, bir marta sajda etdilar. Keyin, turib yana ikki marta ruku' va bir marta sajda qildilar., So'ng, o'tirdilar. Quyosh ham tutilib bo'ldi. O'shanda Oisha onamiz: «Bu namozdan ko'ra uzunroq namoz o'qimagan erdim»,- degan erdilar».

9-bob. Quyosh tutilganda o'qiladigan namozni jamoat bo'lib o'qimoq

Ibn Abbos Zam-zam supasida jamoat birlan namoz o'qidilar, uning o'g'li Ali ersa, odamlarni namozga to'pladi, Ibn Umar ham jamoat birlan namoz o'qidilar.

Abdulloh ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh davrlarida Quyosh tutildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qimakka tutindilar. Surai «Baqara» qiroatiga ketgan vaqtcha qiyomda turdilar, keyin yuz oyat o'qimakka ketgan vaqtcha ruku' qildilar, so'ng qadlarini rostlab, «Oli Imron» surasini o'qimakka ketgan vaqtcha qiyomda turdilar. Bu gal oldingi qiyomda turganlaridan ko'ra kamroq vaqt sarf ayladilar. Keyin, uzoq ruku' qildilar, bunga ham oldingisiga nisbatan kamroq vaqt sarf etdilar,

keyin sajda qildilar. So'ng, uzoq qiyomda turdilar, bunisi avvalgisidan qisqaroq bo'ldi, keyin uzoq ruku' qildilar, bunisi ham avvalgisidan qisqaroq bo'ldi, keyin uzoq qiyomda turdilar, bunisi ham avvalgisidan qisqaroq bo'ldi, keyin uzoq ruku' etdilar, bunisi ham avvalgisidan qisqaroq bo'ldi, keyin sajda ayladilar. Namozni o'qib bo'ldilar hamki, Quyosh tutilib bo'ldi. Janob Rasululloh odamlarga o'girilib bunday dedilar: «Quyosh birlan Oy Olloh taolo qudratining ikki dalilidir. Ularning tutilmog'i biror kishining hayoti yokim mamoti birlan bog'liq ermas. Agar ularning tutilganini ko'rsangiz, Ollohn zikr qilingiz!» - dedilar. Shunda sahobalar: «Yo Rasululloh, biz sizning turgan o'rningizda bir narsaga qo'l uzatib olmoqchi bo'lganingizni, keyin orqaga tisarilganingizni ko'rdik», - deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men jannatni ko'rdim va bir shingilga qo'l uzatdim. Agar ololg'ay erdim, dunyo turguncha yeb ado qilolmagan bo'lur erdingiz. Keyin, do'zaxni ham ko'rdim, bugungidek qo'rqinchliroq manzarani ko'rmaganmen. Qarasam, do'zax ahlining ko'pchiligi xotinlar erkan»- dedilar. Sahobalar: «Ne uchun ko'pchiligi xotinlar, yo Rasululloh?»- deyishdi. «Ollohga noshukurchiliklari, erlarining qadriga yetmaganliklari va erlarining yaxshilig'larini bilmaganliklari uchundir. Agar xotinlarning birontasiga bir umr yaxshilig' qilg'aydirden-u, so'ng sendan bir yomonlik ko'rg'aydir, sendan hech yaxshilig' ko'rmadim, deydir», - dedilar Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam».

10-bob. Quyosh tutilganda erkaklar birlan birga ayollarning ham namoz o'qimog'i

Asmo rivoyat qiladirlar: «Quyosh tutilgan kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotynlari - Oisha singlimnikiga bordim. Qarasam, odamlar namoz o'qishayotgan erkan. Oisha qiyomda turgan vaqtida: «Odamlarga ne bo'ldi?»-deb so'radim. U qo'llari birlan osmonga ishora qilib: «Subhonalloh», - dedi. «Azob (qiyomat) alomatimi?»-dedim. «Ha» degan ma'noda bosh irg'ab qo'ydi. Keyin, men ham ular birlan birga namoz o'qishga tutindim, hatto ko'p o'qiganimdan boshim aylanib ketdi. Keyin, o'zimga kelay deb boshimdan suv quya boshladim. Janob Rasululloh namoz o'qib bo'lgach, Olloh taologa hamdu sanolar aytdilar, so'ng: «Men ko'rmagan narsa qolmadi, hatto shu yerda turib jannatni ham, do'zaxni ham ko'rdim. «Sizlar qabrda yotganingizda Dajjol fitnasi yanglig bir imtihondan o'tg'aydirdizlar» deb menga vahiy qilindi», - dedilar. O'shanda «Dajjol fitnasi yanglig'» dedilarmi yokim «Dajjol fitnasiga yaqin», dedilarmi, aniq esimda yo'q. Keyin, Janob Rasululloh bunday deb davom etdilar: «Har biringiz qabrda yotganingizda bir farishta kelib: «Bu kishini (Rasulullohni) taniysanmi?» - deb so'raydir. Agar qabrda yotgan banda iymonli (yokim «taqvodor», - dedilar shekilli) ersa: «Bu kishi Muhammad Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdirlar, bizga mo'jizalar va hidoyat olib kelganlar. Biz ishonib qabul qilganmiz, ergashganmiz», - deydir. Unga: «Biz sening mo'min ekanligingni bilur erdik, orom olib uxlayverg'il!»- deyishadi. Ammo, munofiq (yokim «ikkilanuvchi», - dedilar shekilli) ersa: «Bilmadim, odamlar (bu kishi to'g'rilarida) nimalardir deyishar erdi, men ham o'shalar aytganini aytar erdim», - deydir».

11-bob. Quyosh tutilganda qulni ozod qilmakni yaxshi ko'radirgan kishi haqida

Asmo: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh tutilganda qul ozod qilmakni buyurdilar», - dedilar.

12-bob. Quyosh tutilganda o'qiladigan namozni masjidga o'qimoq

Umra binti Abdurrahmondan: «Bir yahudiy xotin tilamchilik qilib keldi. Maqsadi hosil bo'lgandan so'ng, Oisha onamizga: «Olloh taolo seni qabr azobidan saqlasin!» - dedi. Oisha onamiz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Odamlar qabrda azoblanadirmi?» - deb so'radilar. Janob Rasululloh (javob o'rniga): «Ilohi, qabr azobidan o'zing asrag'il!» - deb qo'ydilar. Bir kuni saharda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ulov minib chiqib ketdilar. Saldan keyin Quyosh tutildi. Rasululloh ertalab qaytib keldilar. Hujralarining orqasiga (ya'ni, masjidga) o'tib namozga tutindilar, odamlar ham ul kishining orqalarida turib namoz o'qidilar. Janob Rasululloh qiyomda uzoq turdilar, so'ng uzoq ruku' qildilar, keyin qadlarini rostlab, qiyomda avvalgidan kamroq turdilar. So'ng avvalgi ruku'dan qisqaroq ruku' qilib, keyin qadlarini ko'tardilar-da, sajda etdilar, sajdada uzoq turdilar. Qadlarini rostlagach, qiyomda avvalgidan ko'ra kamroq turdilar, keyin avvalgidan qisqaroq ruku' aylab, qiyomga turdilar. Qiyomda avvalgidan kamroq turdilar, so'ng avvalgisidan qisqaroq ruku' qilib, sajdaga bosh qo'ydilar. Namozni o'qib bo'lib, Olloh istaganicha va'z-nasihati etdilar. So'ng, odamlarga Olloh taolodan qabr azobidan najot tilamoqni buyurdilar».

13-bob. Quyosh biror kishining dunyoga kelgani yokim vafot qilgani tufayli tutilmaydir

Abu Mas'ud rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh va Oy kimningdir o'lgani yokim tug'ilgani uchun tutilmag'aydir, biroq ular Olloh taolo qudratining ikki dalilidir. Agar ularning tutilganini ko'rg'aydirlarsiz, ikki rak'at namoz o'qingiz!» - dedilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida Quyosh tutildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turib jamoat birlan namoz o'qimakka kirishdilar. Qiyomda turib uzoq qiroat ayladilar, so'ng ruku' qildilar, ruku'da uzoq turdilar, keyin boshlarini ko'tarib uzoq qiroat etdilar, bu gal qisqaroq qiroat ayladilar. So'ng ruku' qildilar, bu galgi ruku'da kamroq turdilar, keyin boshlarini ko'tarib, ikki marta sajda qildilar. Ikkinchi rak'atni ham shunday o'qidilar. Namozdan keyin, odamlarga xutba aytgani o'rinlaridan turdilar. Hamdu sanodan so'ng: «Quyosh birlan Oy biror kishining tug'ilgani yokim o'lgani uchun tutilmag'aydir, biroq ikkalasi Olloh taolo qudratining ikki dalilidir. Olloh taolo ularni bandalariga ko'rsatib, o'z qudratini namoyish qiladir. Agar Quyosh va Oy tutilganini ko'rsangiz, darhol namoz o'qingiz!»-dedilar.

14-bob. Quyosh tutilganda zikr aytmoq

Abu Muso rivoyat qiladilar: «Quyosh tutildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Qiyomat bo'lib qoldimi?» deb qo'rqib o'rinlaridan turdilar-da, masjidga chiqib namoz o'qidilar. Qiyom, ruku' va sajdalarda uzoq turib qiroat qildilar. Men ul kishining shunday namoz o'qiganlarini boshqa ko'rmadim. Namozdan so'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taolo namoyon qilayotgan bul narsalar (Quyosh va Oy tutilishi) kimningdir tug'ilgani yoki o'lgani uchun sodir bo'lmag'aydir, balkim Olloh taolo bul birlan bandalarini qo'rqitg'aydir. Agar ulardan birontasining tutilganini ko'rsangiz, darhol namoz o'qingiz!»- dedilar».

15-bob. Quyosh tutilganda duo o`qimoq

Mug`iyra ibn Shu`ba rivoyat qiladirlar: «Janob Rasulullohning o`g`illari vafot etgan kuni Quyosh tutilgan erdi. Odamlar: «Quyosh Ibrohim vafot etgani uchun tutildi», - deyishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh birlan Oy Olloh qudratining ikki dalilidir. Ular biror kishining tug`ilgani yokim o`lgani uchun tutilmag`aydir. Agar ularning tutilganini ko`rsangiz, tokim tutilib bo`lmagunicha Ollohga iltijo qilib, duo va namoz o`qingiz!» - dedilar».

16-bob. Imomning Quyosh tutilganda xutba aytayotib, «ammo ba`d» demog`i

Asmo rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o`qib bo`lganlarida Quyosh tutilib bo`lgan erdi. So`ng, xutba qildilar. Xutbaning so`nggida Ollohga munosib hamdu sano aytgach? «Ammo ba`d» ,— deb qo`ydilar».

17-bob. Quyosh yokim Oy tutilganda namoz o`qimoq

Abu Bakr rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam zamonlarida Quyosh tutildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki rak`at namoz o`qidilar».

Abu Bakr rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida Quyosh tutildi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ridolarini sudrab masjidga chiqdilar. Yonlariga odam to`plangach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ular birlan ikki rak`at namoz o`qidilar. Shu payt Quyosh ham tutilib bo`ldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Quyosh va Oy Olloh taolo qudratining ikki dalilidir. Ular biror kishi vafot etgani uchun tutilmag`aydir. Agar (Quyosh yokim Oy) tutilg`aydir, tokim tutilib bo`lmagunicha namoz o`qingiz, duo aytib Ollohga iltijo qilingiz!» - dedilar. Rasulullohning bunday demoqlarining sababi bor erdi. Chunkim Rasulullohning Ibrohim degan o`g`illari o`sha kuni vafot etgan bo`lib, odamlar Quyosh tutilmog`ini shunga bog`lashgan erdi».

18-bob. Quyosh tutilganda o`qiladigan namozning birinchi rak`ati - eng uzun rak`at

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh tutilganda to`rt ruku` va ikki sajda qilib namoz o`qidilar. Birinchi rak`at ikkinchisiga qaraganda uzoqroq davom etdi».

19-bob. Quyosh tutilganda o`qiladigan namozda ovoz chiqarib qiroat qilmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh tutilgan kezdagi namozda ovoz chiqarib qiroat qildilar. Qiroat aylab bo`lgach, takbir aytib ruku` etdilar. Ruku`dan bosh ko`tarayotganda: «Sami`allohu liman hamidahu, rabbano va laka-l-hamd», - dedilar. Keyin, Quyosh tutilganda o`qiladigan namozni ikki rak`at, to`rt ruku` va to`rt sajda qilib o`qiydirgan bo`ldilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam zamonlarida Quyosh tutildi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jamoat birlan namoz o`qimoq uchun odamlarni to`plag`il!» - deb jarchi yubordilar. Odamlar to`plangach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam imomlikka o`tib, ikki rak`at, to`rt ruku` va to`rt

sajda qilib namoz o`qidilar».

Zuhriy raziyallohu anhu: «Akang Abdulloh ibn Zubayr Quyosh tutilganda Madinada bomdod namoziga o`xshash ikki rak`at namoz o`qidi, ortiqcha hech narsa o`qimadiku?!» - deganlarida, Urva: «Ha, to`g`ri, akam namozning sunnatida yanglishdilar», - deb javob bergan erkan».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

QUR'ON TILOVAT QILGANDA SAJDA QILMOQ VA UNING SUNNAT EKANLIGI HAQIDAGI BOBLAR

Ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkada «An-Najm» surasini tilovat aylab sajda etdilar, bir mo'ysafiddan tashqari hamma ul kishi birlan birga sajda qildi. Mo'ysafid bir siqim tufroqni (yokim qumni) olib peshonasiga surtdida, shu menga kifoya qilg'aydir»,— dedi. Keyinchalik, men o'shal mo'ysafidning kofirigicha o'ldirib yuborilganining shohidi bo'ldim».

1-bob. «Tanziyl us-sajda» surasini tilovat qilib sajda etmoq

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jum'a kuni bomdod namozida «Alif, lom, mim tanziyl us-sajda» surasini hamda «Va hal ato ala-l-insoni» suralarini o'qir erdilar».

2-bob. «Sod» surasini tilovat qilib sajda etmoq

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Sod» surasini tilovat qilib sajda etmoq buyurilgan bo'lmasa-da, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shul surani o'qib sajda aylaganlarini ko'rdim».

3-bob. «An-Najm» surasini tilovat qilib sajda etmoq

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «An-Najm» surasini o'qib sajda qildilar. Qavmning Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga sajda etmagan birorta ham a'zosi qolmadi, faqat bir kishigina bir siqim tufroq (yokim qum) olib yuziga surtdi-da: «Menga shul ham kifoya qilg'aydir»,— dedi. Keyinchalik, uning kofirigicha o'ldirilganini ko'rdim».

4-bob. Musulmonlarning mushriklar birlan birga sajda qilmog'i

Darhaqiqat, mushrik — najasdir! Ul tahorat neligini bilmaydir. Ibn Umar raziyallohu anhu tahoratsiz ham sajda qilur erdi.

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «An-Najm» surasini o'qib sajda aylaganlarida, musulmonlar va mushriklar ham, jinlar va inslar ham sajda etdilar».

5-bob. Sura tilovat qilib sajda etmagan kishi haqida

Ato ibn Yasor Zayd ibn Sobitdan «An-Najm» surasini o'qib bo'lib sajda qilmoq haqida so'radi. Zayd o'zining Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlarida «An-Najm» surasini o'qib sajda etmaganini ta'kidladi.

6-bob. «Iza-s-samou-n-shaqqat» surasini tilovat qilib sajda etmoq

Abu Salama rivoyat qiladirlar: «Abu Hurayraning «Iza-s-samou-n-shaqqat» surasini o'qib sajda etganlarini ko'rdim. Shunda men: «Ey Abu Hurayra, sizning sajda qilayotganingizni ko'rib qoldim-ku!» - dedim. Abu Hurayra: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning (shu surani o'qib) sajda aylayotganlarini ko'rmaganimda erdim, sajda qilmas erdim!»-dedilar».

7-bob. Qoriga (sajdasiga) qo'shilib sajda qilmoq

Tamim ibn Hazlamning bolalik chog'lari erdi. Bir kuni ul sajda etiladigan oyatni qiroat qilib berganida, Ibn Mas'ud: «Sajda qilg'il, sen bizning imomimizdiansan!» - degan edilar.

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sajda qilinadigan surani o'qir erdilar-da, sajda etar erdilar, biz ham birgalikda sajda aylar erdik. Ba'zan (odam ko'pligidan) bir peshona siqqudek joy topolmay qolar erdik».

8-bob. Imom sajda qilinadigan oyatni o'qiganida odamlarning to'planmog'i

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sajda qilinadigan oyatni o'qiganlarida biz ham ul kishining oldilarida bo'lar erdik, o'l kishi sajda qilar erdilar, biz ham ul kishi birlan birga sajda etar erdik. Odam ko'pligidan ba'zi birimiz peshona siqqudek joy topolmay qolar erdik».

9-bob. «Olloh taolo sajda etiladigan oyat tilovat qilingandan keyin sajda etmoqni vojib aylamagan»,-degan fikrga borgan kishilar

Imron ibn Husaynga: «Bir kishi sajda qilinadigan oyatni eshitsa ham, to'xtamay o'tib ketaverdi»,- deyishdi. Imron: «To'xtamagan ersa, ne bo'libdir?» -dedilar. Imom Buxoriy: «Imron buni vojib deb hisoblamadi, shekilli»,-deydilar. Sajda qilinadigan oyat o'qilgandan keyin boshqalar sajda aylab, Salmon Forsiy sajda etmay o'tib ketaverganlarida ul kishiga odamlar: «Nega siz sajda qilmadingiz!»-deyishdi. Shunda Salmon Forsiy: «Biz bul oyatni eshitmoq niyatida chiqqanimiz yo'q erdik, biz uni tasodifan eshitib qoldik»,- degan ekanlar. Hazrat Usmon: «Bul - sajda qilinadigan oyatni eshitmoqni ataylab niyat etgan kishilargagina vojibdir!»-deydilar. Zuhriy: «Tahoratli kishigina sajda qilg'aydir. Agar sajda etmoqchi bo'lsangiz, qiblaga qarab sajda etingiz. Ot minib safarga ketayotganingizda, ketayotgan tomoningizga qarab sajda qilaveringiz, buning zarari yo'qdir»,- deydilar. Soib ibn Yazid razyyallohu anhu ersa, qisqa tilovat qilganlarida sajda etmas erdilar.

Abu Bakr ibn Abu Mulayka rivoyat qiladirlar: «Rabiy'a odamlarning mumtozi erdi. Ul menga Hazrat Umar huzurida bo'lgani haqida gapirib, bunday degandi: «Hazrat Umar jum'a kuni minbarda turib «An-Nahl» surasini o'qidilar, sajda qilinadigan oyatga kelganda, minbardan tushib sajda etdilar, odamlar ham sajda etishdi. Keyingi jum'ada yana «An-Nahl» surasini o'qidilar, sajda qilinadigan oyatga kelganda: «Ey odamlar, biz sajda qilinadigan oyatga keldik, kimki sajda etgaydir, sunnatga amal qilgan bo'lur. Kimki sajda qilmasa, gunohi yo'qdir»,- deb o'zlari sajda qilmadilar».

Nofi' raziyallohu anhu Hazrat Umar haqlaridagi rivoyatga qo'shimcha qilib: «O'shanda

Hazrat Umar, «Olloh taolo sajda qilinadigan oyat uqilgach, sajda etmoqni farz qilgani yo`q, xohlasak sajda qilg`aymiz» deb aytgan erdilar», -deydilar.

10-bob. Namoz o`qiyotib sajda oyatiga kelganda sajda qilgan kishi

Abu Rofi' rivoyat qiladirlar: «Abu Hurayra birlan birga xufton namozini o`qidim. Shunda ul kishi «Iza-s-sa-mou-n-shaqqat» surasini o`qiyotib sajda qilinadigan oyatga kelganda sajda etdilar. Namoz tugagach, men: «Bu nechuk sajda bo`ldi?» - dedim. Abu Hurayra: «Shul oyatga kelganda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga iqtido qilib sajda qilganman. Shul sababdan Rasulullohni qiyomatda uchratmagunimcha (to o`lgunimcha) sajda qilaverg`umdir!» - dedilar».

11-bob. Tiqilinchda sajda qilmoqqa joy topmagan kishi

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sajda qilinadigan oyati bor surani o`qib, sajda etar erdilar, biz ham ul kishi birlan birga sajda aylar erdik. Odam ko`pligidan ba`zi birimiz peshonamizni qo`ygudek joy topolmay qolar erdik».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

NAMOZNI QASR (QISQARTIRIB) O'QISH HAQIDAGI BOBLAR

1-bob. Qasr o'qish va uning muddati haqidagi hadislar to'g'risida

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam 19 kun Makkada turib qasr o'qidilar (Makka fath qilinganda). Shuning uchun biz ham safarda 19 kun qasr o'qiydirmiz».

Anas raziyallohu anhu Yahyo ibn Abu Ishoqqa bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Madinadan Makkaga yo'l oldik. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinaga qaytib kelgunimizcha farz nomozini ikki rak'at-ikki rak'atdan o'qidilar». Yahyo ibn Abu Ishoq: «Makkada ko'p turmagandirsizlar?» - deb Anasdan so'rabdilar. Anas: «Makkada o'n kun turdik»,- deb javob beribdirlar.

2-bob. Minoda namoz o'qimoq

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Minoda ikki rak'at qasr o'qidim. Abu Bakr Siddiq birlan ham, Umar va endigina amirlik qilayotgan Usmon birlan ham ikki rak'at qasr o'qiganman. Keyin, Usmon to'liq o'qiydirgan bo'ldilar».

Horisa ibn Vahb: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz birlan birga Minoda to'rt rak'at o'rniga ikki rak'at namoz o'qidilar»,- deydilar.

Abdurrahmon ibn Yazid rivoyat qiladirlar: «Usmon ibn Affon biz birlan birga Minoda to'rt rak'at kamozi o'qidi. Buni Abdulloh ibn Mas'udga yetkazishdi. Shunda Abdulloh ibn Mas'ud shul xususdagi bir voqeani eslab, bunday dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Minoda farzni to'rt rak'at o'rniga ikki rak'atdan o'qidik, Abu Bakr birlan ham, Umar birlan ham Minoda ikki rak'atdan o'qidik. Koshki erdi, farz to'rt rak'at o'rniga ikki rak'at deb qabul qilingan bo'lsa erdi!»

3-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hajda necha kun turdilar?

Ibn Abbos rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam va ul kishining sahobai kiromlari Makkai Mukarramaga Zulhijja oyining 4-nchi kuni tongda yetib keldilar. 4-nchi kunning peshinidan boshlab 8-nchi kunning asrigacha haj uchun talbiya aytdilar. Janob Rasululloh 8-nchi kuni Minoga chikdilar. Makkada 21 ta farz namozi o'qidilar. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qurbonlik olib kelmagan sahobalarga umra (kichik haj) qilib ehromni yechmoqni, qurbonlik olib kelganlarga ersa, ehromni yechmay hajni (katta hajni) davom ettirmoqni buyurdilar».

4-bob. Necha kunlik safarda qasr o'qiladir?

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kecha-yu bir kunduzlik yo'lni «safari» deb

atadilar. Ibn Umar va Ibn Abbas 4 burudlik (16 farsah - 36 km) yo'lga chiqsalar, namozni qasr qilib, ro'zani ochar erdilar.

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Xotin kishi 3 kecha-yu kunduzlik yo'lga yolg'iz o'zi safar qilmag'aydir, balkim mahrami birlan birga safar qilg'aydir», - deganlar».

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollah taologa va oxirat kuniga ishongan xotinning mahramsiz yolg'iz o'zi bir kecha-yu kunduzlik yo'lga safar qilmog'i joiz ermas», - deydilar».

5-bob. Uyidan safarga chiqishi bilanoq namozni qasr o'qiyveradir

Hazrat Ali safarga chiqdilar. Yo'lda ketayotib, hali uylari ko'rinib turgan bo'lsa ham, namozni qasr o'qidilar. Safardan qaytishda hamrohlari Hazrat Aliga: «Mana, Kufa ham ko'rinib qoldi, endi namozni to'liq o'qiyimizmi?» - deyishdi. Hazrat Ali: «Yo'q, to shaharga kirmaguncha to'liq o'qimasmiz», - deb javob qildilar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga peshinni Madinai Munavvarada o'qidik. Zul-Hulayfa degan yerga borganda ersa, ikki rak'at asr o'qidik (Makkaga 6 mil) qolgandi».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Dastlab, namoz ikki rak'at, deb farz qilingan erdi. Safarda shul ikki rak'atligicha qoldi. Lekin, muqimlikda to'rt rak'at qilib to'ldirildi. Zuhriy: «Oisha onamiz «to'ldirildi» deganlarida nimani nazarda tutgan erdilar», - deb Urvadan so'radi. Urva: «Usmon raziyallohu anhu bu xususda (ya'ni, namozni to'rt rak'at o'qymoq to'g'risida) ne degan bo'lsalar, o'shani nazarda tutdilar», - dedi».

6-bob. Shom safarda uch rak'at o'qiladir

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarda shoshilib turganlarida shomni kechiktirib, xuftonga qo'shib o'qiganlarini ko'rdim. Solim: «Mening otam Abdulloh ham safarda shoshilib turgan bo'lsalar, shunday qilar erdilar», - deydi».

Ibn Shihob Zuhriyga Solim bunday deb rivoyat qilgan erkan: «Ibn Umar Muzdalifa degan yerda xufton vaqti bo'ldi hamki, shom o'qimadilar. Bir payt Ibn Umar xotinlari Safiya binti Abu Ubaydga baqirib gapirib turgan erdilar, men: «Namozga!» - dedim. «Yuraverg'il, hali», - dedilar. Men yana: «Namozga!» - dedim. «Yuraverg'il, hali», - dedilar. Men yana: «Namozga!» - dedim, ul kishi tag'in: «Yuraverg'il», - dedilar. Shu tariqa 2-3 mil yurdik, so'ng tushib namoz o'qidik. Namozdan keyin: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning safarda shoshilib turganlarida shunday namoz o'qiganlarini ko'rganman. Ul kishi shomni uch rak'at o'qib, salom bergan erdilar, bir ozdan keyin ersa, takbir aytib, ikki rak'at xufton o'qigan erdilar, keyin salom bergan erdilar. Xuftondan keyin tonggacha nafl o'qimagan erdilar», - dedilar».

7-bob. Ulov ustida nafl o'qimoq

Abdulloh ibn Amrning otalari rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va

sallamning tuyada ketayotgan tomonlariga qarab namoz o'qiyotganlarini ko'rganman».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ulov mingan holda qibladan boshqa tomonga qarab ham namoz o'qiyverar erdilar».

Nofi' rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu safarda ulov ustida ham nafl va vitr o'qiyverar erdilar Keyin: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam shunday qilar erdilar», - deb aytar erdilar».

8-bob. Ulov ustida imo-ishora birlan nafl o'qimoq

Abdulloh ibn Dinor rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Umar safarda ulov minib ketayotgan tomonlariga qarab nafl o'qiyverar erdilar. Imo-ishora birlan ruku' va sajda qilar erdilar, ya'ni go'yo ruku' va sajda qilayotgandek harakat qilib qo'yar erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham xuddi shundoq qilar erdilar».

9-bob. Farz namozi ulovdan tushib o'qiladir

Omir ibn Rabiya rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ulov (ketayotgan tomonga qarab) ustida imo-ishora birlan ruqu' va sajda qilib, nafl o'qib ketayotganlarini ko'rganman. Lekin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam farz namozini bunday o'qimas erdilar (ulovdan tushib o'qir erdilar)».

Ibn Shihob rivoyat qiladirlar (ul kishiga Zuhriy, Zuhriyga ersa, Solim aytib bergan erkan): «Abdulloh ibn Umar safarda yurganlarida kechasi ulov ustida namoz o'qir erdilar. Qaysi tomonga qarab ketayotganlariga sira parvo qilmas erdilar. Ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ulov ustida qaysi tomonga qarab bo'lsa ham, nafl va vitr o'qiyverar erdilar. Biroq farz namozini ulov ustida o'qimas erdilar»,—deydilar», '

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ulov minib sharq tomonga ketayotgan bo'lsalar ham, nafl o'qiyverar erdilar. Lekin, qachon farz namozi o'qimoqchi bo'lsalar, ulovdan tushib, qiblaga qarab o'qir erdilar».

10-bob. Eshak minib ketayotib nafl o'qimoq

Anas ibn Sirin rivoyat qiladirlar: «Anas ibn Molik Shom shahridan kelayotganlarida biz kutgani chiqdik. «Ayn ut-Tamr» degan yerda uchrashdik. Shunda ul kishining eshak ustida nafl o'qib kelayotganlarini ko'rdim. Yuzlari qiblaning chap tomoniga qaragan holda erdi. Men ul kishiga; «Sizning qibladan boshqa yoqqa qarab namoz o'qiyotganingizni ko'rdim»,— dedim. Anas ibn Molik: «Agar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shundoq qilganlarini ko'rmaganimda erdim, bundoq qilmagan bo'lar erdim»,— dedilar».

11-bob. Safarda farz namozidan keyin nafl o'qimagan kishi

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga safarga chiqdim. Janob Rasulullohning safar vaqtida farz namozidan keyin nafl o'qiganlarini ko'rmadim. Oллоh taolo: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamda sizlarga yaxshi ibrat bo'lg'ulik narsalar ko'pdir!»— deydir».

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safar qilganlarida yonlarida birga yurdim. Janob Rasululloh farz namozini ikki rak'atdan ortiq o'qimas erdilar (ya'ni, sunnatini o'qimas erdilar). Abu Bakr birlan ham, Umar va Usmon birlan ham safarda birga yurdim, ular ham shundoq qilishar erdi».

12-bob. Safarda farz namozidan avval va keyin o'qiladigan sunnat namozlaridan tashqari nafl qam o'qigan kishi

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozining ikki rak'at sunnatini o'qidilar.

Ibn Abu Laylo rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning choshgohda namoz o'qiganlarini bir kishi ko'rib aytib berdi. Ummu Honi' ersa bundoq dedi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makka fath bo'lgan kuni mening uyimga kirib g'usl qildilar, 8 rak'at nafl o'qidilar. Bundan keyin ul kishining bunchalik qisqa (engil) namoz o'qiganlarini ko'rmaganman. Biroq qisqa (engil) o'qigan bo'lsalar ham, maromiga yetkazib ruku' va sajda qilganlar».

Abdulloh ibn Omirning otalari rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning kechasi safarda ulov minib ketayotib nafl o'qiganlarini ko'rdim».

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarda tuya minib ketayotib (tuya ketayotgan tomonga qarab) imo-ishora birlan ruku'-sajda qilib nafl o'qiyverar erdilar».

Ibn Umar ham shundoq qilar erdilar.

13-bob. Safarda shom va xufton namozlarini qo'shib o'qimoq

Solimning otalari Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safar og'ir bo'lsa, shom birlan xuftonni qo'shib o'qir erdilar».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, agar safarda ulov minib ketayotgan bo'lsalar, peshin birlan asrni hamda shom birlan xuftonni qo'shib o'qir erdilar».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam shom birlan xuftonni qo'shib o'qir erdilar».

14-bob. Safarda namozxon shom birlan xuftonni qo'shib o'qiganda, azon va takbir aytadirmi, yo'qmi?

Abdulloh ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shoshilinch safar vaqtida shom namozini kechiktirib, xuftonga qo'shib o'qiganlarini ko'rganman», - deydilar. «Abdullohning o'zlari ham shundoq qilar erdilar, - deydilar Solim raziyallohu anhu, - agar safarda shoshilib turgan bo'lsalar, takbir aytib, uch rak'at shom o'qir erdilar. Keyin, salom berib, bir oz turar erdilar, xuftonga takbir aytar erdilar, so'ng ikki rak'at o'qib salom berar erdilar. Shom birlan xufton o'rtasida ham, xuftondan keyin ham biror rak'at qo'shimcha sunnat namoz o'qimas erdilar. Faqat yarim kechada tahajjud o'qir erdilar».

Anas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarda mana bu ikki namozni, ya'ni shom birlan xuftonni qo'shib o'qir erdilar», - deyдилar.

15-bob. Kun og'masdan ilgari safarga chiqsa, peshinni asrga qo'shib o'qiydir

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh og'masdan ilgari safarga chiqsalar, peshinni asr vaqtigacha kechiktirib, keyin ikkala namozni qo'shib o'qir erdilar. Quyosh og'gan bo'lsa, peshinni o'qib, keyin yo'lga chiqar erdilar».

16-bob. Kun oggandan keyin safarga chiqadigan bo'lsa, peshinni o'qib, keyin yo'lga chiqadir

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kun og'masdan ilgari yo'lga chiqsalar, peshinni asrgacha kechiktirib, keyin ulovdan tushar erdilar, ikkala namozni qo'shib o'qir erdilar. Agar kun og'gandan keyin safarga chiqadigan bo'lsalar, peshinni o'qib keyin yo'lga chiqar erdilar».

17-bob. O'tirib o'qiydirgan namoz

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob bo'lib qolganlarida uyda o'tirgan holda namoz o'qidilar. Odamlar ersa, tikka turgan holda iqtido qilishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularga: «O'tirib o'qingiz!» - deb ishora qildilar. Namoz tugagach: «Imom iqtido qilmoqlari uchun imom qilingandir, agar ul ruku' qilg'aydir, sizlar ham ruku' qilingiz, ruku'dan bosh ko'targ'aydir, sizlar ham bosh ko'taringiz!» - dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam otdan yiqilib, o'ng oyoqlari shilindi. Shunda ul kishini ko'rgani kirdik, bir ozdan keyin namoz vaqti bo'ldi. Bizga o'tirgan holda imomlik qildilar, biz ham o'tirib o'qidik. Namozdan keyin bizga: «Imom iqtido qilmoqlari uchun imom qilingandir. Imom takbir aytsa, takbir aytingiz, ruku' qilsa, ruku' qilingiz, ruku'dan bosh ko'tarsa, bosh ko'taringiz. Agar «Sami'allohu liman hamidah» desa, «Rabbano va laka-l-hamd» deb aytingiz!» - dedilar».

Imron ibn Husayn rivoyat qiladirlar: «Mening bavoim kasalim bor erdi. Janob Rasulullohdan o'tirgan holda namoz o'qimoq haqida so'radim. Shunda bunday dedilar: «Tik turib o'qigan namoz o'tirib o'qigan namozdan afzalroqdir, chunkim o'tirib namoz o'qigan kishiga, tik turib namoz o'qigan kishiga tegadigan savobning yarmisi tekkaydir. Kimki yonboshlab o'qig'aydir, o'tirib o'qigan kishiga tegadigan savobning yarmisini olg'aydir».

18-bob. O'tirgan holda imo-ishora birlan namoz o'qimoq

Imron raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan o'tirgan holda namoz o'qimoq to'g'risida so'radim. Shunda bunday dedilar: «Kim tik turib o'qig'aydir, o'tirib o'qigandan afzaldir, kim o'tirib o'qig'aydir, unga tik turib o'qiganing yarim savobi berilg'aydir, kim yonboshlab o'qig'aydir, unga o'tirib o'qiganing yarim savobi tekkusidir».

19-bob. Agar kishi o'tirib o'qishga yaramasa, yonboshlab o'qiydir. agar qiblaga o'girilishga qodir bo'lmasa, to'g'ri kelgan tomonga qarab o'qiydir

Imron ibn Husayn raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Mening bavosir kasalim bor edi. Shul boisdan ham men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan betob odamning namoz o'qimog'i to'g'risida so'radim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Avvalo tik turib o'qig'il, agar bunga qodir bo'lmasang, o'tirib o'qig'il, unga ham qodir bo'lmasang, yonboshlab o'qig'il!» - dedilar».

20-bob. Agar o'tirgan holda namoz o'qiyotgan kishi namoz davomida sog'ayib qolsa yokim o'zini yengil his qilsa, namozini oxiriga yetkazadir, qaytarib o'qimaydir

Hasan Basriy: «Kasal odam, xohlasa, namozning ikki rak'atini tik turib keyingi ikki rak'atini ersa o'tirib o'qiydir», - deydlar.

Abdullohibn Yusuf rivoyat qiladirlar: «Oisha onamiz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning to keksaygunlaricha kechasi o'tirgan holda namoz o'qiganlarini sira ham ko'rmagan erkanlar. Janob Rasululloh ruku' qilmoqchi bo'lsalar, avval o'rinlaridan turib 30 yokim 40 oyat o'qib, keyin ruku' qilar erdilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'tirgan holda namoz o'qib, qiroat qilar erdilar. Qiroat qilishga 30 yokim 40 oyat qolganda o'rinlaridan turib qiroat qilar erdilar, so'ng ruku' qilar erdilar, keyin sajda qilar erdilar. Ikkinchi rak'atda ham aynan shundoq qilar erdilar. Namozni tugatgach, menga qarar erdilar, agar uyg'oq bo'lsam, men birlan so'zlashib o'tirar erdilar, uxlayotgan bo'lsam, o'zlari ham yonboshlar erdilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

KECHASI TAHAJJUD O'QIMOQ VA OLLOH TAOLONING «O'ZINGGA QO'SHIMCHA VAZIFA (NAFL) TARIQASIDA KECHASI TAHAJJUD O'QIG'IL!» DEGAN KALOMI SHARIFI XUSUSIDA

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi tahajjudda quyidagi duoni o'qir erdilar: «Ollohumma laka-l-hamdu, anta qayyimu-s-samavoti va-l-arzi va man fiyhinna, va la-ka-l-hamdu, laka mulku-s-samavoti va-l-arzi va man fiyhin-na, va laka-l-hamdu, nuru-s-samavoti va-l-arzi, va la-ka-l-hamdu, anta maliku-s-samavoti va-l-arzi, va la-ka-l-hamdu, anta-l-haqqu va va'duka-l-haqqu va liqouka haqqun va qavluka haqqun va-l-jannatu haqqun va-n-noru haqqun va-n-nabiyyuuna haqqun va Muhammadun sallallohu alayhi va sallam haqqun va-s-so'atu haqqun, Ollohumma laka aslamtu va bika omantu va alayka tavakkaltu va ilayka anabtu va bika xosamtu va ilayka hokamtu, fag'firliy mo qaddamtu va mo axxartu va mo asrartuva mo a'lantu, anta-l-muqaddamo` va anta-l-muaxxaru, lo iloha illo anta av lo iloha g'ayruka». Sufyon raziyallohu anhu: «Abd ul-Kariym Abu Umayya yuqoridagi duoga «Va lo havla va lo quvvata illo bi-l-loh» ni qo'shimcha qilgan», - deydilar.

Duoning tarjimasi: «Ilohi, jamiki maqtovlar senga xosdir! Sen yeru osmonlarning va undagi borliqning yaratuvchisi va boshqarib turuvchisidirsen, jamiki maqtovlar senga xosdir! Sen yeru osmonlar va undagi barcha narsalarning egasidirsen, jamiki maqtovlar senga xosdir! Yeru osmonlar yorug'ligi sendandir, jamiki maqtovlar senga xosdir! Sen haqdinsen va va'dang ham haqdir, oxiratda seni ko'rmoq ham haqdir. So'zing haqdir, jannat ham haq, do'zax haqdir. Jamiki payg'ambarlar ham haqdir, Muhammad sallallohu alayhi va sallam ham haq va qiyomat ham haqdir. Ilohi, senga bo'yinsundim va senga iymon keltirdim hamda o'zingga tavakkal qildim, dildan senga tavba qildim, seni deb (dushmanlaring birlan) kurashdim, ularga o'zing jazo berg'aysen, o'tgan va kelgusi gunohlarimni, xufyona va oshkora xatolarimni o'zing kechirg'il, sen yakka-yu yagonadirsan, sendan boshqa iloh yo'qdir!».

1-bob. Tunda turib namoz o'qishning fazilati

Solimning otalari Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hayotliklarida biror kishi tush ko'rsa, (Rasulullohga) aytib berar erdi. Men ham bir tush ko'rsam-u, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga aytib bersam, deb orzu qilar erdim. Yosh yigitcha edim. Bir kuni masjidida uxlab yotganimda tush ko'rdim. Tushimda ikki farishta kelib meni ushlab do'zaxga olib borishdi. Qarasam, do'zax quduq singari atrofi o'ralgan bo'lib, uning ikki minorasi bor erkan. Do'zaxda odamlar yuribdir, ularni men tanidim. So'ng, «Meni do'zax o'tidan asrag'il!» deb Ollohga iltijo qila boshladim. Shu payt yonimizga yana bir boshqa farishta kelib menga: «Qo'rqmag'il!» - dedi (keyin uyg'onib ketdim). Ko'rgan tushimni Hafsa opamga aytib berdim, ul esa Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga aytib beribdir. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Abdulloh o'zi yaxshi yigit-u, lekin koshki erdi kechasi turib namoz o'qimoqni odat qilsa erdi!- debdilar».

Shundan keyin Abdulloh kechalari uxlamay namoz o'qib chiqadigan bo'lgan erkan.

2-bob. Tungi namozda uzoqroq sajda qilmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi 11 rak'at namoz o'qir erdilar. Har bir sajdada sizlar 50 oyat o'qiganingizda ketgancha fursat bosh ko'tarmay turar erdilar. Vomdod namozidan avval ersa, ikki rak'at sunnat o'qib olar erdilar. Keyin, muazzin namozga chaqirguncha yonboshlar erdilar».

3-bob. Kasal odam tungi namozni o'rnidan turmay, o'tirib o'qiydir

Asvad raziyallohu anhuga Jundub raziyallohu anhu quyidagi hadisni rivoyat qilgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob bo'ldilar. Shunda kechasi o'qiydirgan namozni o'rinlaridan turmay, (o'tirib) o'qidilar».

Jundub ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Jabroil alayhissalom Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga birmuncha vaqt kelmay qo'yidilar. Quraysh qabilasidan bir xotin: «Shaytoni uning oldiga kelmay qo'ydi» - deb gap tarqatdi. Shunda, «Va-z-zu-ho va-l-layli izo sajo mo vadda'aka rabbuka va mo qalo» degan oyat nozil bo'ldi. Tarjimasi: «Yorug' kun va qorong'u kecha haqqi, rabbing sendan o'z aloqasini uzgani ham yo'qdir va seni yomon ko'rib qolgani ham yo'qdir».

4-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tungi namoz va nafl o'qishga majbur qilmay undaganlari; Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning (qizlari) Fotimani va (kuyovlari) Hazrat Alini (ikkalalaridan ham Oллоh rozi bo'lsin!) eshikni taqillatib, tungi namozga uyg'otganlari

Ummu Salama raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kuni kechasi uyg'onib: «Subhonalloh, bul kecha nechuk fitnalar va nechuk xazinalar nozil bo'ldi erkan?! (ya'ni, kimlarga azob va kimlarga rahmat nozil bo'ldi erkan?!). Kim hujralarda yotganlarni uyg'otg'aydir! Yo rab, bu dunyoda kiyimliklar u dunyoda yalang'ochdirlar!» — dedilar».

Hazrat Ali ibn Abu Tolib rivoyat qiladilar: «Bir kuni kechasi Rasululloh sallallohu alayhi va sallam men birlan qizlari Fotimani eshikni taqillatib uyg'otdilar-da, «Namoz o'qisalarigiz bo'lmaydirmi?» — dedilar. Shunda men: «Yo Rasululloh, jonimiz Oллоh taoloning qo'lidadir, egar bizni uyg'otmoqni xohlasa, o'zi uyg'otg'aydir»,— degan erdim, menga bir so'z ham aytmadilar. Biroq qaytib ketayotganlarida qo'llarini sonlariga urib: «Inson o'zi azaldan shundoq aytishqoq erdi»,— deganlarini eshitdim».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga farz bo'lib qolmog'ini qo'rqib o'zlariga yoqqan ba'zi bir amallarni qilmas erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Zuho» namozini o'qiganlarida, albatta men ham birga o'qiydirman».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kuni kechasi masjidga namoz o'qidilar, ularga ergashib, bir qancha kishilar ham o'qishdi. Ertasi kuni kechasi odam ancha ko'paydi. Uchinchi va to'rtinchi kechaga borib ersa, nihoyatda ko'payib ketdi. Kelasi kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidga chiqmadilar. Tong otgach, bomdod namozidan so'ng: «Tarovih namozi o'qiydirman, deb qilgan sa'yu kushishingizni ko'rib xursand bo'ldim. Oldingizga chiqmog'imga hech narsa mone'lik

qilgani yo`qdir. Ammo, kechasi namoz o`qimoq sizlarga farz bo`lib qolmog`idan qo`rqg`aymen»,— dedilar. Bu voqea Ramazon oyida bo`lgan erdi».

5-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oyoqlari shishib ketguncha nafl o`qiganlari

Oisha onamiz: «Hatto oyoqlari yorilib ketar erdi»,— degandilar.

Mug`iyra ibn Shu`ba raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi turib namoz o`qir erdilar, hatto (ruku`, sajda qilaverib), oyoqlari (yokim boldirlari) shishib ketar erdi. Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Axir, sizning butun gunohlaringizni Ollah afv qilgan-ku!» - deyishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Shukr qilguvchi banda bo`lmayinmi?»-dedilar».

6-bob. Saharda (turmay) uxlagan kishi haqida

Abdulloh ibn Amr rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi' va sallam (bir kuni menga) bunday degandilar: «Ollah taologa ko`proq Dovud alayhissalomning namoz o`qimaklari va ro`za tutmaklari yoqar erdi, Dovud alayhissalom yarim kechagacha uxlar erdilar. Kechaning 1/3 qismida ibodat qilar erdilar va 1/6 qismida uxlar erdilar. Kunora ro`za tutar erdilar».

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam nima qilmoqni yaxshi ko`rar erdilar?» -deb Oisha onamizdan so`radim. «Doimiy ibodatni», - dedilar. «Qachon turib namoz o`qir erdilar?»-dedim. «Xo`roz qichqirganda», - dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xo`rozning birinchi qichqirig`ini eshitiboq turib namoz o`qir erdilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mening hujramda yotib qolgan kunlari biror marta ham turib saharni qarshi olgan ermaslar».

Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kecha Rasululloh birlan birga namoz o`qidim. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qiyomda uzoq turib qolganlaridan hatto niyatim buzildi», - dedim Abu Voilga. «Ne qilmoqchi bo`ldingiz?» - deb so`radi Abu Voil. «Rasulullohni qiyomda qoldirib, o`zim o`tirib olsammikin, degan xayolga bordim, dedim».

Huzayfa raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi tahajjud namoziga tursalar, og`izlarini misvok birlan tozalar erdilar».

7-bob. Rasululloh sallallohu alayqi va sallam tungi namozni qanday o`qir erdilar? Rasululloh sallallohu alayqi va sallamning tungi namozlari necha rak`at bo`lardi?

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi: «Yo Rasululloh, tungi namoz nechuk o`qilur? - dedi. «Ikki-ikki rak`atdan bo`lg`aydir, tong otib qoldimikin, deganingda ersa, bir rak`at o`qib, vitr qilg`aysen», -dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasulullohsallallohu alayhi va sallamning tungi namozlari 13 rak'at bo'lur erdi. Har 2 rak'atdan so'ng salom berar erdilar».

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Oisha onamizdan Rasulullohning tungi namozlari haqida so'radim. Oisha onamiz: «Gohida 7 rak'at, gohida 9 rak'at va ba'zan 11 rak'at bo'lar erdi, bomdod namozining 2 rak'at sunnati bunga kirmaydir», - dedilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi 13 rak'at namoz o'qir erdilar, bunga vitr va bomdodning 2 rak'at sunnati ham kirg'aydir».

8-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tungi namozlari va uyqulari to'g'risida qamda kechasi namoz o'qishning farz ekanligini bekor qilmoq to'g'risida

Olooh taolo tungi namoz to'g'risida bunday deydir: «Ey burkanib yotgan Payg'ambar alayhissalom, kechasi turib namoz o'qig'il, tunning ozroq qismida (yokim yarmida yokim undan ham ozrog'ida yokim sal ko'prog'ida) uxlag'il! Qur'oni Kariymni shoshilmasdan, tartib birlan o'qig'il, Biz senga bul dunyoda amal qilmoq og'ir, biroq oxiratda tarozi bosadigan oyati kariymalar nozil qilg'aydirmiz. Kechasi turib namoz o'qimoq qiyin bo'lsa ham, matni zehnga mustahkam o'rnashg'aydir. Sening kunduzi ko'p toat-ibodat qilmog'ingni bilurmen». Olooh taolo yana bunday deydir: «Olooh taolo tuni birlan ibodat qilib chiqmoqqa qurbingiz yetmaslig'in bilur, shuning uchun ham sizlarni kechirg'aydir. Kechasi qo'lingizdan kelganicha namoz o'qingiz! Olooh taolo ba'zi biringizning bemor ekanlig'ingizni, ba'zi biringizning rizq istab, dunyo kezib yurganingizni va ba'zi biringizning Olooh yo'lida g'azot qilayotganingizni bilg'aydir. Shuning uchun qo'lingizdan kelganicha Qur'on tilovat qilingiz, namoz o'qingiz, zakot beringiz va Olooh yo'lida xayr-sadaqalar qilingiz! Bu dunyoda neki yaxshilig' qilg'aydirsiz, oxiratda Olooh huzurida buning evaziga o'ylaganingizdan ko'ra ko'proq savob topg'aydirsiz!» Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Oyatdagi «Noshiat al-layli» degan ibora habashchasiga kechasi turib tahajjud namoz o'qimoqni bildirg'aydir», - deydir. Imom Buxoriy: «Ashaddu vat'an» degan ibora Qur'on oyatlarining kishi qulog'i, 'ko'zi va qalbiga yaxshi o'rnashuvchan erkanlig'ini anglatg'aydir», - deydir.

Anas raziyallohu anhu Humaydga bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon oyining ayrim kunlari ro'za tutmay yurar erdilar, hatto butunlay ro'za tutmasalar kerak, deb o'ylar erdik, ba'zi kunlari ersa, qatorasiga ro'za tutar erdilar, hatto endi og'iz ochmasalar kerak, deb o'ylar erdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning kechasi qachon namoz o'qimklarini bilmoqchi bo'lib, qay vaqt bormang, o'shal vaqtda namoz o'qiyotganlarini ko'rar erdingiz, shuningdek qachon uxlamklarini bilmoqchi bo'lib, qay vaqt bormang, o'shal vaqtda uxlayotganlarini ko'rar erdingiz».

9-bob. Agar inson kechasi turib namoz o'qimasa, shayton uning orqa miyasini tugib qo'yadir

AbuHurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar birontangiz kechasi turib namoz o'qimay yotaversangiz, shayton orqa miyangizga uchta tugun tugkaydir, har bir tuguncha: «Kecha hali uzoq, uxlayverg'il!» - deb dam urg'aydir (kuf-suf qilg'aydir). Kishi, agar uyqusidan uyg'onib Oloohning zikrini qilsa, tugunning bittasi

yechilg'aydir, agar turib tahorat olsa, ikkinchisi yechilg'aydir, agar namoz o'qisa, uchinchi tugun ham yechilib, toat-ibodatga g'ayratli, dili xush bo'lib qolg'aydir. Agar kechasi uyg'onib shunday qilmasa, ertasi dili g'ash va yalqov bo'lib yurg'aydir»,- deb aytdilar».

Sumra ibn Jundub raziyallohu anhu tush to'g'risida rivoyat qila turib: «Kimki tushida boshini tosh birlan yorayotganlarini ko'rsa, demak ul Qur'oni Kariymni yodlamak ta unga amal qilmakni tark etgan va farz namozini o'qimay uxlagan odamdir!» - dedilar.

10-bob. Kimki namoz o'qimay uxlasa, shayton uning qulog'iga siyib qo'yadir

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlaridagi bir suhbatda «Bir kishi tong otguncha uxlab, kechasi namozga turmadi»,- deb aytishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ul kishining qulog'iga shayton siyib qo'yibdir»,- dedilar.

11-bob. Tun oxirlab qolganda turib duo va namoz o'qimoq

Olloh taolo: «Yaxshi mo'minlar kechasi oz uxlab, saharlari Ollohga istigfor aytg'aydirlar»,- deydi.

AbuHurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Rabbimiz - Olloh taolo Hazratlari har kechaning 1/3 qismi qolganda osmonning yerga eng yaqin qavatiga tushib: «Kim meni da'vat qilg'aydir, men unga labbay degaymen, kimki mendan tilak tilag'aydir, tilagiga yetkazg'aymek, kim mendan kechirim so'rag'aydir, uni kechirg'aydirmen»,- deydi».

12-bob. Tunning birinchi qismida uxlab, uning oxirgi qismini bedor o'tkazgan kishi

Salmon Forsiy Abu Dardo' raziyallohu anhuga: «Tunning birinchi qismida uxlab, uning oxirgi qismida uyg'oq bo'lg'il! Rasululloh shunday deganlar»,- deb aytdilar.

Asvad raziyalloku anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi nechuk namoz o'qir erdilar?» - deb Oisha onamizdan so'radim. Oisha onamiz: «Kechaning birinchi qismida uxlab, oxirgy qismida namoz o'qir erdilar. Keyin, jimo' qilgilari kelsa, to'shakka kelib yotar erdilar. Muazzin kelib azon aytganda, agar lozim bo'lsa, g'usl qilar erdilar, lozim bo'lmasa, tahorat olib namozga chiqar erdilar».

13-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Ramazon va boshqa kunlari kechasi turib namoz o'qiganlari haqida

Abu Salama raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon kechalari nechuk namoz o'qir erdilar?» - deb Oisha onamizdan so'radilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Ramazon oyida ham, boshqa oylarda ham kechasi turib o'qiydirgan namozlari 11 rak'atdan oshmas erdi,- dedilar Oisha onamiz,- avval 4 rak'at o'qir erdilar. Har bir rak'atni naqadar uzoq va maromiga yetkazib ado etmaklarini so'ramasang ham bo'lur. Keyin, yana to'rt rak'at o'qir erdilar, buni ham shu qadar uzoq va maromiga yetkazib ado etar erdilarki, asti qo'yavergil! Undan so'ng, yana uch rak'at namoz o'qir

erdilar. Bir kuni Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, vitr o'qimay uxlaydirmisiz?» - desam, Ey Oisha, ko'zim uxlaydir-u, qalbim uxlamaydir», - deb javob qildilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tungi namozning har bir rak'atida o'tirib qiroat qilganlarini ko'rmadim. Faqat, keksayib qolganlaridagina kechasi nafl namozini o'tirib o'qir erdilar, shunda ham 30-40 oyat qolganda o'rinlaridan turib o'qir erdilar, keyin ruku' qilar erdilar».

14-bob. Kecha-yu kunduz tahoratli yurmoqning fazilati

AbuHurayra rivoyat qiladilar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozi oldidan Bilolga: «Ey Bilol, qani aytg'il-chi menga, islom yo'lida qilgan eng savobli ishing qaysidir? Chunkim men jannatda yonginamda sening oyoq tovushlaringni eshitdim», - dedilar. Bilol: «Men kechasimi, kunduzimi, doimo tahorat olib yurg'aydirmen va shul tahoratim birlan menga buyurilgan hamma namozlarni o'qig'aydirmen», - dedilar».

15-bob. Ibodatni qiyinlashtirib yuborishning makruhligi to'g'risida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidga kirsalar, masjidning ikki ustuniga arqon bog'lab qo'yilgan erkan. Shunda, «Bu nechuk arqondir?» - deb so'radilar. «Bu - Zaynab onamizning arqonlari. Namoz o'qiyotganlarida shunga osilib qiyomga turg'aydirlar», - deyishdi sahobalar. Rasululloh: «Bunday qilmangiz, har kim quvvatiga qarab namoz o'qisin, qiyomga turolmasa, o'tirib o'qisin!» - dedilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Baniy Asad qabilasiga mansub bir ayol huzurimda o'tirgan erdi. Shul payt Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uyga kirib kelib: «Bu ayol kimdir?» - deb so'radilar. «Bu - o'shal, kechasi uxlamay namoz o'qib chiqadyrgan ayol», - dedim. So'ng, mazkur ayolning nechuk namoz o'qimoga to'g'risida so'zlashdik. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bunday qilmangiz, amali solihlarni qurbingyaz yetgancha ado etingiz, qancha ibodat qilsangiz ham, Olloh taologa malol kelmaydi-yu, biroq o'zingizga malol kelib qolmasin!» - dedilar».

16-bob. Kechalari ibodat qiladigan odamning tarki odat qilmog'i makruh

Abdulloh ibn Amr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Ey Abdulloh, falonchi qabilida ish tutmag'il! Ul kechalari turib ibodat qilur erdi, endi ersa, tarki odat qildi», - dedilar».

17-bob.

Abdulloh ibn Amr rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Sening to'g'ringda menga aytgan so'zlari to'g'rimi? Sen kechalari turib ibodat qilur erkansan, kunduzi ersa, ro'za tutar erkansan?» - dedilar. Men: «Ha, shundoq qilurmen», - dedim. «Agar shundoq qilur ersang, ko'zing kirtayg'aydir, sillang qurig'aydir, axir, badaningning ham, bola-chaqangning ham senda haqqi bordir-ku! Ba'zi kunlari

ro'za tutg'il, ba'zi kunlari tutmag'il, kechani ayrim soatlarida ibodat qilgil va ayrim soatlarida uxlab dam olg'il!» - dedilar Janob Rasululloh».

18-bob. Kechasi uygonib namoz o'qigan odamning fazilati haqida

Uboda ibn Somit: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bu xususda bunday deganlar»,— deb rivoyat qiladirlar: «Kimki kechasi uyg'onib: «Lo iloha illa-l-lohu vahdahu, lo shariyka lahu, lahu-l-mulku va lahu-l-hamdu va huva alo kulli shay'in qadiyr. Al-hamdu li-l-lohi va subhona-l-lohi va lo iloha illa-l-lohu va-l-lohu akbar va lo havla va lo quvvata illo billoh» (tarjimasi: «Ollodan boshqa tangri yo'qdir, uning yolg'iz o'zigina mavjuddir, uning sherigi yo'qdir, jamiki mulk unikidir, barcha maqtovlar unga xosdir va u har bir narsaga qodirdir! Ollodan madhu maqtovlar bo'lsin! Ollodan o'zga tangri yo'qdir, Ollod eng buyukdir! Ollod irodasisiz hech narsa bo'lmag'aydir») degan duoni o'qib, so'ng «Ilohi, meni kechirg'il!» desa, duosi mustajob bo'lg'aydir, keyin tahorat olib namoz o'qisa, namozi qabul bo'lg'usidir».

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Abdulloh'ibn Ravoha, albatta, 'yomon (noto'g'ri) so'z aytmag'aydir»,— deb quyidagi qissani (she'rni) aytib berdilar: «Doimo Ollod Kitobin o'qir Hazrat Rasululloh, Qop-qaro tun bag'rini yuz pora qilgan tong guvoh. Ko'rsatib bizga hidoyat, haq yo'lig'a boshladi, Bihamdilloh, so'qir ko'zlar ochildi, bo'lmadik gumroh. Mushrikiylar jismiga parqu to'shak ham botganida, Rasululloh ostlari qotdi to'shaksiz tun bo'yi, e voh!»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida tush ko'rsam, qo'limda bir parcha «istabraq» degan mato bor ermish. Men o'shal mato parchasi Jannatning qay yeriga uchib borsa, o'sha joyga bormakni istar emishman. Bir payt, ikki kishi keldiyu, meni ushlab do'zaxga olib bormoqchi bo'ldi. Yo'lda bir farishta yo'liqib menga: «Qo'rqmag'il!» - dedi. Keyin, ularga qarab: «Qo'yib yuboringiz!» - deb aytdi. Men tushimni Hafsa opamga aytgan erdim, ul Rasulullohga aytib beribdir. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Abdulloh o'zi qandoq yaxshi yigitdir, biroq kechasi turib namoz o'qisa erdi!»—deb dilar. «Shu-shu Abdulloh kechasi turib namoz o'qiydirgan bo'ldi,— dey dilar Nofi',—Bir kuni sahobai kiromlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ko'rgan tushlarini aytib, ta'birini so'rashdi. Ramazonning oxirgi 10 kunligining 7- nchi kechasi (Qadr kechasi) erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Nazarimda, barchangizning tushingiz Ramazonning oxirgi 10 kunligiga to'g'ri kelib qolibdir. Kimki Qadr kechasini kutib olmoqchi ersa, Ramazonning oxirgi 10 kunligida kutsin!» - dedilar».

19-bob. Bomdodda ikki rak'at qo'shimcha namoz o'qish haqida

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xufton o'qidilar, keyin yana 8 rak'at namoz o'qidilar, so'ng o'tirgan holda ikki rak'at namoz o'qidilar. Bomdodning azoni birlan takbiri o'rtasida ersa, ikki rak'at (qo'shimcha) namoz o'qib oldilar. Bu odatni sira ham tark etmas erdilar».

20-bob. Bomdodning ikki rak'at sunnatini o'qigandan so'ng o'ng qo'lini bosib yonboshlamoq

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod

namozining ikki rak'at sunnatini o'qiganlaridan so'ng o'ng qo'llarini bosib yonboshlar erdilar».

21-bob. Bomdod namozining ikki rak'at sunnatini o'qib bo'lgandan keyin yonboshlash o'rniga so'zlashib o'tirmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdod namozining sunnatini o'qib bo'lganlaridan keyin, agar uyg'oq bo'lsam, men birlan so'zlashib o'tirar erdilar, agar uyg'oq bo'lmasam, muazzin azon aytguncha yonboshlar erdilar».

22-bob. Nafl namozlarini ikki-ikki rak'atdan o'qish to'g'risidagi hadislar

Ammor, Abu Zarr, Anas, Jobir ibn Zayd, Ikrima va Zuhriy (Oллоh ulardan rozi bo'lsin!) ham nafl namozlarining ikki-ikki rak'atdan o'qilmog'ini eslatib o'tganlar. Yahyo ibn Sa'id: «Kunduzi o'qiladigan naflning har ikki rak'atidan keyin salom bermagan birorta ham ulamoni (faqihni) bilmasmen».- deyдилar.

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga Qur'oni Kariym suralarini o'rgatganlaridek har bir ishda istixora (Oллоhdan tilak tilamoq) aytishni o'rgatar erdilar. Bir kuni Janob Rasululloh: «Agar biror ishga bel bog'lasangiz, avval ikki rak'at farzsiz namoz o'qingiz, so'ng mana bu duoni aytingiz, dedilar: «Oллоhumma astaxiyruka bi-ilmika va astaqdiruka bi-qudratika va as'aluka min fazlik-al-aziyim, fa-innaka taqdiru va lo aqdiru va ta'lamu va lo a'lamu va anta allomu-l-g'uyub, Oллоhumma in kunta ta'lamu anna hoza-l-amr xayrun liy fiy diydiy va ma'oshiy va oqibati amriy (av qola ojili amriy) va ojilihi fa-qdirhu liy va yassirhu liy, summa borik liy fiyhi va in kunta ta'lamu hoza-l-amr sharrun liy fiy diydiy va ma'oshiy va oqibati amriy (av qola fiy ojili amriy) va ojilihi fa-srifhu anniy va-srifniy anhu va-qdir liyi-l-xayr haysu kona, summa arziy bihi». «Mazkur duoni aytib bo'lgach,- dedilar Janob Rasululloh,- Oллоhga o'z tilagingizni aytg'aysiz». Duoning tarjimasi: «Ilohi, meni ilmingdan ogoh qilg'il! Qudrating ila meni bardam qilg'il! Cheksiz fazlu karamingdan meni bahramand etg'il! Ilohi, men bel bog'lagan ish dinimga, hayotimga hamda kasbu korimga yaxshilig' keltiradimi, yo'qmi, o'zing bilg'aydirden. Agar yaxshilig' keltiradigan bo'lsa, uni menga nasib aylab, oson qilg'il va unga baraka ato etg'il! Ilohi, men bel bog'lagan ish dinimga, hayotimga va kasbu korimga yomonlig' keltiradimi, yo'qmi, o'zing bilg'aydirden. Agar yomonlig' keltiradigan bo'lsa, uni mendan, meni undan yiroq aylag'il! Menga yaxshilig' keltiradigan ishni ravo ko'rib, rozi qilg'il!»

Abu Qatoda raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qaysi biringiz (namozdan tashqari vaqtda) masjidga kirsangiz o'tirmasdan avval ikki rak'at namoz o'qingiz!»- deganlar».

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga imomlik qilib, ikki rak'at namoz o'qidilar, so'ng: «Mehmondorchilikdan qaytishda duo o'rniga namoz o'qingiz!»-dedilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alaygqi va sallam birlan birga peshindan avval ikki rak'at, peshindan keyin ham ikki rak'at namoz o'qidim, so'ngra jum'adan keyin ham, shomdan keyin ham, xuftondan keyin ham ikki

rak'at namoz o'qidim».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jum'ada xutba qilaturib: «Birortangiz imom xutbada turgan paytda yokim xutba aytgani chiqayotgan vaqtda masjidga kelsangiz, ikki rak'at namoz o'qingiz!» -dedilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Uyga kelganimda menga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Ka'batullohga kirib ketganlarini aytishdi. Janob Rasulullohni Ka'badan chiqib kelayotganlarida uchratdim. Ka'ba eshigi oldida Bilol turgan erkan, «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'badan namoz o'qidilarmi?» - deb so'radim. «Ha, namoz o'qidilar»,- dedi Bilol. «Ka'baning qay yerida?» - dedim. «Anavi ikki ustun oralig'ida namoz o'qidilar, so'ng tashqariga chiqib, Ka'baga yuzlanib yana ikki rak'at namoz o'qidilar»,- dedi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Payg'ambarimiz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga ikki rak'at Zuho namozini o'qimakni tayinladilar»,- deydilar.

Atbon raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan Abu Bakr Siddiq kun yoyilganda menikiga keldilar, biz Rasulullohning orqalarida saf tortdik, ul kishi bizga imomlik qilib, namoz o'qidilar,- deydilar.

23-bob. Bomdod namozining ikki rak'at sunnatini o'qigandan keyin so'zlashib o'tirmoq

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki rak'at namoz o'qib, menga qarar erdilar, agar men uyg'oq bo'lsam, men birlan so'zlashib o'tirar erdilar, agar uyg'oq bo'lmasam, yonboshlar erdilar»,-deydilar.

Ali ibn Abdulloh «Bomdodning ikki rak'at sunnatida shundoq qilganlar, deyishadi, deb Sufyonga aytganimda, ul: «Ha, bomdodning ikki rak'at sunnatida, deb tasdiqladi»,- deydilar.

24-bob. Bomdodda ikki rak'at sunnat o'qishni odat qilmoq va bomdodning ikki rak'at sunnatini «nafli» degan kishi haqida

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam nafli namozlarining birortasiga ham bomdodning farzidan avval o'qiladigan ikki rak'at namozga odatlangandek, qattiq odatlangan ermaslar».

25-bob. Bomdod namozining ikki rak'at sunnatida nimalar o'qiladir?

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi 13 rak'at namoz o'qir erdilar, so'ng bomdodga azon aytilganini eshitib, ikki rak'at sunnat o'qir erdilar, sunnatda «Qo'l yo ayyuha-l-kofirun» birlan «Qul huva-l-lohu ahad»ni qiroat qilur erdilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdodning ikki rak'at sunnatini juda qisqa o'qir erdilar, hatto men o'zimga-o'zim: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Fotiha» surasini o'qidilarmikan?»-deb qo'yordim».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

NAFL NAMOZLAR HAQIDAGI BOBLAR

1-bob. Farz namozlardan keyin o'qiladigan nafl namozlar

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga peshin namozidan avval ikki rak'at namoz o'qidim, peshin namozidan keyin ham, shom namozidan keyin ham, xuftondan so'ng ham ikki rak'at namoz o'qidim. Jum'aning farzlaridan keyin ham ikki rak'at namoz o'qidim. Ammo, Janob Rasululloh shom va xuftonning sunnatlarini uylarida o'qidilar. Opam Hafsa: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tong otgach, qisqagina ikki rak'at namoz o'qir erdilar», - derdilar. O'sha paytlarda men Janob Rasulullohning huzurlariga kirmas erdim».

2-bob. Farz namozidan so'ng nafl o'qimagan kishi haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga birdaniga 8 rak'at, keyin 7 rak'at namoz o'qidik», - dedim. Shunda Amr ibn Dinor: «Ey Abu Muso, nazarimda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshinning qazosini asrga, shomning qazosini xuftonga qo'shib o'qidilarmi, deyman», - dedi. «Men ham shundoq bo'lsa kerak, deb o'ylayman», - dedim».

3-bob. Safarda zuho namozi o'qimoq haqida

Muvarriq raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Umarga: «Zuho namozini o'qiydizsizmi?» - dedim. «Yo'q», - dedi. «Usmon-chi?» - dedim. «Yo'q», - dedi. «Abu Bakr Siddiq-chi?» - dedim. «Yo'q», - dedi. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam-chi?» - dedim. «Yo'q, deb o'ylayman», - dedi».

Abdurrahmon ibn Abu Laylo rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning zuho namozini o'qiganlari haqida Ummu Honi'dan boshqa biror kishi bizga hadis aytmedi. Ummu Honi' bunday degandi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makka fath qilingan kuni mening uyimga kirib, g'usl qildilar va 8 rak'at namoz o'qidilar. Hanuzgacha men bunchalik tez namoz o'qigan kishini ko'rmaganman. Biroq, tez o'qigan bo'lsalar-da, ruku' va sajdalarni me'yoriga yetkazib ado etdilar».

4-bob. Zuho namozini ixtiyoriy deb o'qimagan kishi haqida

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning zuho namozini o'qiganlarini ko'rmaganman, biroq o'zim o'qiganman».

5-bob. Muqimlikda zuho namozi o'qimoq

Atbon ibn Molik raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mening uyimda zuho namozi o'qidilar, biz ul kishiga iqtido qildik», — deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Do'stim Rasululloh sallallohu alayhi va

sallam menga to o'lgunimcha uch narsaga amal qilmoqni - har oyda uch kun ro'za tutmoqni, zuho namozini o'qimoqni va vitr namozidan keyin uxlamoqni vasiyat qildilar».

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Bir baqaloq ansoriy Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, men masjidga kelib siz birlan birga namoz o'qimoqqa qodir ermasman», - deb uzrini aytdi. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uchun bir taom tayyorlab, uyiga chaqirdi. Bir bo'yрани tozalab, yerga solib berdi, Janob Rasululloh bo'yra ustida ikki rak'at namoz o'qidilar». Falon ibn Falon ibn al-Jorud: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam zuho namozi o'qirmi erdilar?» - deb Anasdan so'radi. Anas: «O'shal kunlardan boshqa kuni o'qiganlarini ko'rmaganman», - dedi.

6-bob. Peshinning farzidan avval ikki rak'at namoz o'qimoq

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan 10 rak'at sunnat namozini yodlab (o'rganib) oldim: peshinning farzidan avval ikki rak'at, farzidan keyin ikki rak'at, shomning farzidan so'ng ikki rak'at (uylarida o'qidilar) va xuftonning farzidan keyin ikki rak'at (uylarida o'qidilar), bomdodning farzidan avval ikki rak'at (bu vaqtda Rasululloh huzurlariga biron kirmas erdi). Menga Hafsa opam: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muazzin azon aytganda (tong otganda) ikki rak'at namoz o'qir erdilar», - deb aytdilar».

Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshinning farzidan avvalgi to'rt rak'at, farzidan keyingi ikki rak'at hamda bomdodning farzidan avvalgi ikki rak'at namozni kanda qilmas erdilar», - deydilar.

7-bob. Shom namozidan avval namoz o'qimoq

Abdulloh al-Moziniy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Shom namozidan avval ikki rak'at namoz o'qingiz!» - deb uch marta aytganlaridan keyin, «Odamlar buni sunnat deb tushunmasinlar, tag'in!» degan o'y birlan: «Xohlagan kishi o'qisin!» - deb qo'yдилar».

Marsad ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Uqba ibn Omir al-Juhaniy huzuriga borib: «Abu Tamiym haqida bir so'z aytib, sizni ajablantirayinmi? Ul shom namozidan avval ikki rak'at namoz o'qiydir», - dedim. Shunda Uqba: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida shundoq qilur erdik», - dedi. «Hozir shundoq qilmog'ingizga ne mone'lik qilur?» - dedim. «Ishimning ko'pligi», - dedi Uqba».

8-bob. Nafil namozlarni jamoat bo'lib o'qimoq haqida

Anas ibn Molik va Oisha onamiz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning nafil namozlarni jamoat bo'lib o'qimoq lozimligi haqida so'zlaganlarini rivoyat qilishg'aydir.

Mahmud ibn ar-Rabiy' al-Ansoriy Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ularning hovlisidagi quduqdan suv olib yuziga purkaganlarini hamda Rasululloh birlan birga Badr jangida qatnashgan Atbon ibn Molikdan eshitganlarini eslab, «Atbon menga bundoq degandi», - dedilar: «Men o'z qavmim bo'lmish Baniy Solimga imomlik qilur erdim. Qavmim yashaydirgan qishloq birlan mening o'yim oralig'ida bir vodiy bor erdi va yomg'ir yoqqanda o'tib bo'lmaydirgan bo'lib qolar erdi. Bir kuni Rasululloh sallallohu

alayhi va sallam huzurlariga borib: «Mening ko'zim xiralashib qoldi, yomg'ir yoqqanda qavmim birlan o'zimning o'rtamdagi vodiyni kesib o'tmoq mening uchun juda og'irdir, uyimga borib bir tayinli joyda namoz o'qib bersangiz-u, men o'shal yerni o'zimga namozgoh qilib olsam!» - dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Xo'p, shundoq qilg'aydirmen», - dedilar. Nihoyat, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uyimga kyolib, eshigimni taqillatdilar. Men chiqib, ichkariga taklif etdim. Janob Rasululloh o'tirmasdan: «Uyingning qay yerida namoz o'qib berayin?» - dedilar. Men o'zim xohlagan joyimni ko'rsatdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam takbiri tahrima aytib namoz boshladilar, biz ul kishining orqalarida saf tortib, iqtido qildik. Ikki rak'at namoz o'qib, so'ng salom berdilar. Biz ham salom berdik. Keyin, ketmoqchi bo'lgan erdilar, «Siz uchun ataylab xazir (taom) tayyorlatib qo'yganman, yeb ketingiz!» - deb qo'ymadim. Mahalla ahli Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning menikiga kelganlarini eshitib, ul zotni ziyorat qilgani kirishdi. Hovlimga odam to'lib ketdi. Qo'shnilarymdan biri: «Molik nega ko'rinmaydir?» - dedi. Shunda bir kishi: «Ul munofiq odam, Oллоh va uning Rasulini yaxshi ko'rmaydir», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam buni eshitib: «Undoq demag'il, Oллоhni yuz-xotir qilib, Lo iloha illa-l-lohu deganini bilursen-ku!» - dedilar. «Oллоh va uning Rasuli bilguvchiroqdir, ammo biz Oллоhga qasamyod qilib ayturmizkim, ul faqat munofiqlar bilaygina do'stlashib, faqat o'shalar birlan hamsuhbat bo'lg'aydir», - dedi boyagi kishi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oллоh taoloni yuz-xotir qilib, Lo iloha illa-l-lohu degan kishini Oллоh taolo do'zax o'tida kuydirmag'aydir», - dedilar. «Bu voqeani ko'pchilik orasida aytib berdim, - deb hikoya qiladir Mahmud ibn ar-Rabiy', - ular orasida o'shanda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning g'azotda shahid bo'lgan sahobalari Abu Ayyub hamda Rum mamlakatiga amir qilib tayinlangan Yaziyd ibn Mu'oviya ham bor erdi. Abu Ayyub mening aytganlarimni rad qilib: «Qasamyod qilib ayturmenkim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sen aytgan so'zlarni hech qachon aytmagan bo'lsalar kerak», - dedi. Abu Ayyubning bul gapi menga juda og'ir botdi. Agar g'azotdan Oллоh taolo meni salomat qaytarsa, agar Atbon ibn Molikni tirik topsam, mahallasining masjidida albatta undan bu haqda so'rag'aydirmen, deb qasamyod qildim. G'azotdan salomat qaytdim, keyin hajga (yokim umraga) ehrom bog'lab, yo'lga tushdim-da, Madinai Munavvaraga keldim. Baniy Solim mahallasiga bordim. Qarasam, ko'zi ojiz, mo'ysafid Atbon ibn Molik o'z qavmiga imomlik qilib, namoz o'qib turgan erkan. Namoz tugab, salom bergach, oldiga borib salom berdim. So'ng, haligi hadisni so'radim, Atbon ibn Molik oldin qandoq aytib bergan bo'lsa, xuddi o'shandoq qilib rivoyat qilib berdi».

9-bob. Uyda nafil namozi o'qimoq

Ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uyingizda ham nafil namoz o'qib turingiz, uyingizni qabriston qilib qo'ymangiz», - dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

1-bob. Makkai Mukarrama va Madinai Munavvara masjidlarida o'qilgan namozning fazilatlarini to'g'risida

Qaz'a raziyallohu anhuga Abu Sa'id (Janob Rasululloh birlan birga 12 ta g'azotda qatnashgan): «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan quyidagi to'rt nasihatni eshitganman» ,— debdir: «Xotin kishi ikki kunlik yo'lga faqat mahrami yo'ldoshlig'ida chiqmog'i lozim; ikkala hayitda ro'za tutmaslik kerak; bomdoddan keyin kun chiqquncha va asrdan keyin kun botguncha namoz o'qimoq yaramaydir; ko'proq savob olurmen degan odam Al-Masjid al-Haromga (Ka'batullohda), Masjid ur-Rasul sallallohu alayhi va sallamga (Madinada) va Masjid ul-Aqsoga (Quddusda) chiqmog'i lozimdir».

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ko'proq savob olurmen degan odam boshqa masjidlarga izg'imay, faqat Al-Masjid al-Harom, Masjid ur-Rasul sallallohu alayhi va sallam. va Masjid ul-Aqsoga chiqsin!» - deganlar».

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mening masjidimda o'qilgan bitta namoz mingta namozdan savobliroq bo'lib, unga faqat Al-Masjid al-Haromda o'qilgan namozgina tenglasha olg'aydir», - deganlar».

2-bob. Qubo masjidi haqida

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu faqat ikki kun - Makkaga va Qubo masjidiga kelgan kunlari zuho namozi o'qir erdilar. Makkaga aynan zuho namozi o'qiladigan vaqtda yetib kelar erdilar-da, Baytullohni tavof aylab, so'ng Maqomi Ibrohimda ikki rak'at namoz o'qir erdilar. Qubo masjidiga ersa, har shanba kuni kelib, namoz o'qimasdan ketmas erdilar. Ibn Umar menga bunday degan erdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham ba'zan otliq, ba'zan piyoda Masjid ul-Quboni ziyorat qilur erdilar, sahobai kiromlar ham shundoq qilishg'aydir, men ham ulardan o'rnak olib shundoq qilmoqdamen. Men hech kimning, xoh kunduzi va xoh kechasi bo'lsin, istagan vaqtda namoz o'qimog'iga mone'lik qilmasmen, faqat kun chiqayotgan yokim botayotgan vaqtda o'qimasa, bo'ldi!»

3-bob. Qubo masjidiga har shanba kelgan kishi haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har shanba kuni Qubo masjidiga goh piyoda, goh ot.minib kelar erdilar». (Buni ko'rib Abdulloh ibn Umar ham shundoq qilar erdilar).

4-bob. Qubo masjidiga ot minib yokim piyoda kelmoq

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qubo masjidiga goh otda, goh piyoda kelar erdilar». Ibn Numayr yuqoridagi hadisga qo'shimcha qilib: «Ibn Umar Qubo masjidiga kelgan zahoti ikki rak'at namoz o'qib, so'ng o'tirar erdi», - deyдилar.

5-bob. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qabrlari bilan minbarlari orasida namoz o`qimoqning fazilati

Abdulloh ibn Zayd al-Moziniy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uyim bilan minbarim oralig`idagi joy jannat bog`laridan biridir!» - deganlar».

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uyim bilan minbarim oralig`idagi joy jannat bog`laridan biridir! (Oxiratda) minbarim Havzi Kavsarim qirg`og`ida bo`lg`aydir», - deb aytganlar».

6-bob. Bayt ul-Muqaddas masjid haqida

Ziyodning ozod qilingan quli Qaz`a rivoyat qiladirlar: «Abu Sa`id al-Xudriy Janob Rasulullohdan eshitgan to`rt vasiyatni aytib, meni taajjubga soldilar, xursand qildilar. Ular quyidagilar: «Ayol kishi ikki kunlik yo`lga yolg`iz o`zi safar qilmag`aydir, balkim eri yokim bir mahrami bilan safar qilg`aydir; ikki hayit kuni ro`za tutilmag`aydir; bomdoddan keyin kun chiqquncha, asrdan so`ng kun botguncha namoz o`qilmag`aydir; faqat uchta masjid - Al-Masjid al-Harom, Masjid ul-Aqso va mening masjidimdan ko`proq savob topg`aydirlar!»

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

NAMOZDA QILINADIRGAN HARAKATLAR TO'G'RISIDAGI BOBLAR

1-bob. Namozda (agar buyurilgan bo'lsa) qo'ldan foydalanish haqida

Ibn Abbas rivoyat qiladirlar: «Namozxon namoz o'qiyotib o'z tana a'zolaridan istagancha foydalanmog'i mumkin. Masalan, Abu Ishoq namoz o'qiyotib qo'li birlan kulohini olib qo'ydi, keyin yana kiyib oldi. Hazrat Ali raziyallohu anhu ersa, o'ng kaftlarini chap qo'llarining bo'g'ini ustiga qo'yib, qo'l bog'lar erdilar, agar biror joylarini qashimoqchi yokim kiyimlarini tuzatib olmoqchi bo'lsalar, qo'l bog'lamini yechib, qo'llarini bemalol harakat qildiraverar erdilar».

Abdulloh ibn Abbas rivoyat qiladirlar: «Bir kuni kechasi Maymuna xolamnikida yotib qoldim. Men yostiqning ensiz tomoniga, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam va xolam ersa, enli tomoniga bosh qo'yib yotdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yarim kechagacha yokim undan sal kamroq yokim ko'proq vaqt uxladilar. Keyin, uyg'onib, o'rinlaridan turib o'tirdilar-da, uyquni qochirmoq uchun qo'llari birlan ko'zlarini ishqadilar. So'ng, Surai «Oli Imron»ning oxiridan o'n oyat o'qidilar. Keyin, o'rinlaridan turib, devorga osig'liq meshchani oldilar-da, yaxshilab tahorat qildilar, so'ng namoz o'qimoqqa tutindilar. Men ham Rasululloh sallallohu alayhi va sallam singari tahorat oldim-da, yonlariga borib turdim. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'ng qo'llari birlan (o'ng tomonimda turishing kerak erdi, degan ma'noda) o'ng qulog'imni ishqab qo'yidilar (boshqa hadisda: «Qulog'imdan ushlab, meni o'ng tomonlariga o'tkazib qo'yidilar»,— deyilgan). Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki rak'at, so'ng ikki rak'at, keyin ikki rak'at, so'ngra ikki rak'at, keyin ikki rak'at, so'ngra ikki rak'at namoz o'qidilar. So'ng, vitr o'qib bo'lgach, muazzin kelib azon aytguncha yonboshladilar. Keyin, qisqagina qilib ikki rak'at namoz o'qib oldilar. So'ng, bomdod o'qigani masjidga chiqib ketdilar».

2-bob. Namoz vaqtida so'zlashmoq man' qilinadir

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qiyotganlarida salom berar erdik, bizga alik olar erdilar. Ammo, Habashistondagi An-Najoiy degan joydan qaytganimizda namoz o'qiyotgan erkanlar, salom bersak, alik olmadilar. Namozdan keyin: «Namoz ulug' mashg'ulotdir! Unda boshqa narsalar birlan mashg'ul bo'lmoq yaramag'aydir»,— dedilar».

Abu Amr ash-Shayboniy: «Menga Zayd ibn Akram raziyallohu anhu bundoq degandi»,— deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va salam davrlarida, islom endigina tarqalayotgan vaqtda Olloh taoloning «Namozlarda tartib saqlangiz!...» degan oyati kariymasi nozil bo'lmaguncha bir-birimiz birlan dunyoviy ishlarimiz haqida so'zlashaverar erdik».

3-bob. Namozxonning namozda tasbih va hamd aytmogi joiz

Sahl raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Baniy Amr ibn Avfni kelishtirib qo'ymoq uchun chiqqan edilar hamki, namoz vaqti bo'ldi.

Shunda Bilol Abu Bakrning oldiga kelib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ushlanib qoldilar, siz oʻrnilariga imomlik qilmagʻaymisiz?»— dedi. Abu Bakr: «Mayli, agar istasangiz»,— deb rzi boʻldilar. Keyin, Bilol azon aytdi. Abu Bakr ersa, mehrobgga oʻtib namoz boshladilar. Shu payt Rasululloh sallallohu alayhi va sallam keldilar-da, odamlarni oralab oʻtib, birinchi safga turdilar. Odamlar (Abu Bakrga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelganlarini bildirmoq uchun) chapak chala boshladilar. Abu Bakr shunda ham sezmadilar. Odamlar qattiqroq chapak chalganlaridan keyingina atrofga alanglab Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning birinchi safda turganlarini koʻrib qoldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Oʻrningda turavyorgʻil!» deb ishora qildilar. Shunda Abu Bakr qoʻllarini koʻtarib Ollohga hamd aytdilar-da, orqaga tisarildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oldinga oʻtib, namozni davom ettirdilar».

4-bob. Namozda aytish mumkin emasligini bilmagan holda biror qavmning nomini tilga olmoq yokim bir-biriga salom bermoq haqida

Abdulloh ibn Masʻud rivoyat qiladilar: «Biz ilgarilari namoz oʻqiyotib ham bir-birimizga salom beraverar erdik va marhumlarning ismlarini birma-bir aytib duo qilar erdik. Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam buni eshitib qolib: «At-Tahiyotu li-l-loxi va-s-salavotu va-t-tayyibotu, as-salomu alayka ayyuha-n-na-biyyu va rahmat-ul-lohi va barakatuh, as-salomu alayno va alo ibodi-l-lohi-s-solihiyina, ashhadu allo iloha il-la-l-lohu va-shhadu anna Muhammadan abduhu va rasuluh» desangiz, Olloh taoloning yeru koʻkdagi barcha solih bandalarini duo qilgan boʻlursiz», - dedilar». Duoning tarjimasi: «Barcha olqishu maqtovlar, besh vaqt namozu ezguliklar Ollohga boʻlsin! Ey Ollohning elchisi (paygʻambari) Muhammad sallallohu alayhi va sallam! Olloh taolo sizga salom, barakat va rahmat yoʻllasin! Bizga hamda Ollohning jamiki solih bandalariga ham Olloh salom yoʻllasin! Ollohdan boshqa iloh yoʻqligining shohidiman, Muhammad sallallohu alayhi va sallamning ham Ollohning bandasi va elchisi (paygʻamb.ari) ekanligining shohididirman».

5-bob. Qarsak chalmoq xotinlarga hos qiliq ekanligi haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Tasbih aytmoq erkaklarga, qarsak chalmoqersa, xotinlarga xos odatdir! » - deganlar (bu yerda imomni ogohlantirmoq uchun chapak chalib ovoz chiqarmoq nazarda tutilgan)».

Sahl ibn Saʻd rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Tasbih aytib (imomni) ogohlantirmoq erkaklarga, kaftni kaftga urib odaz chiqarib (imomni) ogohlantirmoq xotinlarga xos odatdir», - deganlar».

6-bob. Namoz oʻqiyotib orqaga tisarilgan yokim biror sababga koʻra oldinga (namozxonlarning oldingi safiga) oʻtib olgan kishilar haqida

Sahl ibn Saʻd bu haqda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam toʻgʻrilaridagi hadislarda rivoyat qilganlar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Seshanba kuni musulmonlar Abu Bakr Siddiq imomligida (Rasululloh betob erdilar) bomdod namozini oʻqishayotgan erdi. Shu layt Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oisha onamizning hujralaridagi pardani

ochib, ularga jilmayib qarab qo'ydilar. Abu Bakr Siddiq, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozga chiqmoqchilar, deb o'ylab, joy bo'shatmoq maqsadida orqalariga tisarildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rib xursand bo'lib ketgan musulmonlar namozni buzib qo'yay deyishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozni davom ettiringiz, degan ma'noda ishora qildilar-da, pardani yopib qo'ydilar. Ul zot shul kuni vafot etdilar».

7-bob. Namoz o'qiyotgan bolani onasi chaqirib qolsa...

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Menga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam quyidagi voqeani rivoyat qilib bergan erdilar», - deyдилar. «Bir bola o'z hujrasida (namoz o'qib) turgan erdi. Shu payt onasi: «Ey Jurayj», - deb chaqirib qoldi. Bola (onasining ovozini eshitgach): «Ilohi, chiqayin desam, namoz o'qimog'im kerak, chiqmayin desam, onam chaqirmoqdalar, ne qilsam erkan?» - dedi. Onasi: «Ey Jurayj», - deb ikkinchi marta chaqirdi. Bola yana: «Ilohi, chiqayin desam, namoz o'qimog'im kerak, chiqmayin desam, onam chaqirmakdalar, ne qilsam erkan?» - dedi. Onasi: «Ey Jurayj», - deb uchinchi marta chaqirdi. Bola yana: «Ilohi, chiqayin desam, namoz o'qimog'im kerak, chiqmayin desam, onam chaqirmakdalar, ne qilsam erkan?» - dedi. Onasi: «Ilohi, Jurayj fohisha xotinlar yuziga nazari tushmay o'lmasin!» - deb qarg'adi.

Jurayjning hujrasiga bir cho'pon xotin kirib-chiqib yurar erdi. Bir kuni shu xotin tug'ib qo'ydi. Xotindan: «Bolani kimdan tug'ding?» - deb so'rashdi. Xotin: «Jurayjdan», - dedi. Buni eshitgan Jurayj hujrasidan chiqib kelib: «Bolani mendan tuqqanman, deyayotgan xotin qani?» - dedi, so'ng bolaga qarab: «Ey go'dak, otang kim?» - deb so'radi. «Otam qo'yboqar cho'pon», - dedi chaqaloq (Jurayj namozni onasidan ham ustun qo'ygani uchun Oллоh taolo unga ana shundoq karomat ato qildi)».

8-bob. Namoz o'qiyotib sajda qilinadigan yerni mayda toshlardan tozalab tashlamoq

Mu'ayyiqib raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sajdaga bosh qo'yiladigan yerni mayda toshlardan tozalab tashlayotgan kishiga: «(Namoz davomida) bir marta shundoq qilmog'ing mumkin», - dedilar».

9-bob. Sajdaga bosh qo'yiladigan yerga kiyimini yozib qo'ymoq

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga jazirama issiqda namoz o'qiyotib, yerning nihoyatda qizib ketganligidan birortamiz ham sajdada peshonamizni yerga tekkizolmay qoldik. Shunda kiyimimizni sajdagohga yozib qo'yib, o'shaning ustiga sajda qildik».

10-bob. Namozda qanday harakatlar qilmoq joiz bo'ladir?

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qiyotganlarida qibla tomonlarida oyog'imni uzatib yotgan bo'lardim. Sajda qilayotganlarida oyog'imni yig'ishtirib olardim, sajdadan bosh ko'targanlarida ersa, yana uzatib yuborar edim (qorong'uda)».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam

namoz o'qib bo'lib, bunday dedilar: «Namoz o'qiyotganimda shayton paydo bo'lib, namozimni buzmoq niyatida menga hamla qildi. Oллоh taolo madadi bilan uni daf qilmakka muassar bo'ldim. Ertalab sizlar ko'ringiz, deb uni tutib masjidning ustuniga bog'lab qo'ymoqchi bo'lganimda, Sulaymon alayhissalomning «Ilohi, meni shundoq bir narsaga ega qilgilkim, toki mendan keyin unga hech kim muassar bo'lolmasin!»- degan gaplari yodimga tushdi. Shunda Oллоh taolo shaytonning umidini puchga chiqarib quvib yubordi».

11-bob. Namoz o'qiyotgan odamning uloni bo'shab (echilib) ketsa...

Qatoda raziyallohu anhu: «Namozxon kiyimini o'g'ri olib qochsa, namozni qo'yib, o'g'rini quvlag'aydir», - dedilar.

Al-Azraq ibn Qays rivoyat qiladilar: «Ahvoz degan yerda xavorijlar bilan urushayotgan erdik. Men daryo bo'yida turgan erdim, Bir vaqt, bir kishining oti yuganini ushlab turgan holda namoz o'qiyotganiki ko'rib qoldim. Oti kuchlilik qilib uni joynamozdan nariga sudrab keta boshladi». Mazkur rivoyatni Shu'ba raziyallohu anhu bunday deb davom ettiradilar: «O'sha namozxon Abu Barza. al-Aslamiy bo'lib, uni xavorijlardan bir kishi: «Ilohi, bu cholni baloga giriftor qilg'il!» - deb duoibad qildi. Abu Barza namozini tugatgach: «Men sizlarning gapingizni eshitdim. Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan birga olti (yokim yetti, yokim sakkiz) yil g'azot qildim, ummatlariga namoz xususida bir qancha yengillik berganlarini ko'rdim. Otim sudrab ketayotgan bo'lsa ham, namoz o'qiganim afzal, chunkim uni o'z holiga qo'yib yuborsam, o'tlab uzoqlarga ketib qolg'aydir», - dedi».

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Quyosh tutildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turib uzun sura o'qidilar, so'ng ruku' qildilar, ruku'da uzoq turdilar, keyin ruku'dan bosh ko'tarib, boshqa bir surani o'qiy boshladilar. So'ng ruku' qilib, sajda qildilar-da, birinchi rak'atni yakunladilar. Ikkinchi rak'atni ham shu tariqa o'qidilar. Keyin, bizga qarab: «Quyosh bilan Oy Oллоh taolo qudratining ikki dalilidir. Ularning tutilganini ko'rsangiz, tutilib bo'lguncha namoz o'qingiz! Mana shu yerda turib menga va'da qilingan hamma narsani ko'rdim. Qo'limni uzatib oldinga intilayotganimni ko'rgan vaqtlaringizda men jannatdan bir meva uzib olmoqchi bo'lgan erdim, orqamga (cho'chib) tisarilganimda ersa, ja~ hannam o'tining gurillab yonayotganini ko'rgan erdim. Jahannamda Amr ibn Luhoni ko'rdim, ul (hayotligida uy) hayvonlarini o'z holiga tashlab qo'ygan odam erdi», - dedilar».

12-bob. Namozda tupurish va uf tortish haqida

Abdulloh ibn Amr: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh tutilganda namoz o'qiyotib uf tortdilar», - dedilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidning qiblaga qaragan deyuridagi tupukni ko'rib, masjid ahlidan xafa bo'lganlaridan: «Namoz o'qiyotganingizda Oллоh taolo har biringizning ro'parangizda bo'lg'aydir, shuning uchun qiblaga qarab tupura ko'rmangiz! » - dedilar-da, muborak qo'llariga bir tosh olib devordagi tupukni qirib tashladilar».

«Qaysi biringiz tupurmoqchi bo'lsangiz, chap yoningizga tupuringiz!»- dedilar Ibn Umar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namoz o`qiyotgan har bir mo`min o`z rabbi birlan suhbatlashg`aydir. Shuning uchun old tomoniga va o`ng yoniga tupurmasin, chap yoniga yokim oyog`ining ostiga tupursin!» - dedilar».

13-bob. Erkak kishi, mumkin emasligini bilmasdan imomni biror narsadan ogohlantirmoq uchun kaftini kaftiga urib ovoz qilsa, namozi buzilmaydir

Yuqorida Sahl ibn Sa`dning shunga doir hadisi keltirib o`tilgan.

14-bob. Agar namozxonga «oldinga o`tg`il yokim kutib turg`il!» deyilsa, kutib turgani ma`qul

Sahl ibn Sa`d rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o`qiyotgan odamlar izorlarini kichikligidan bo`yinlariga tang`ib olishar erdi. Shunda xotinlarga: «Erkaklar batamom o`tirib olgunlaricha boshlaringizni sajdadan ko`garmangiz!»-deb buyurishar erdi (chunkim erkaklar sajda qilganda avratlari ko`rinib qolardi)».

15-bob. Namozda salomga alik olinmaydir

Abdulloh ibn Mas`ud rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga namoz o`qiyotganlarida ham salom berar zrdim. Menga alik olar erdilar. Lekin, bir kuni Habashistondan qaytib kelganimizda Janob Rasulullohga namoz o`qiyotganlarida salom bersam, alik olmadilar. Namozdan keyin: «Namoz o`qiyotib boshqa narsalarga chalg`imaslik kerak»,- dedilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meni o`zlarining bir hojatlarini bajarib kelmakka yubordilar. Men topshiriqni bajargach, qaytib kelib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga salom berdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam salomimga alik olmadilar. Birgina Ollohga ayon, o`shanda ancha ko`nglim ranjidi. O`zimga-o`zim: «Ehtimol, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechikib qolganim uchun mendan xafa bo`lib yurgandirlar?» - dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga qayta salom bersam, yana alik olmadilar, dilim avvalgidan ham ko`proq ranjidi, keyin yana salom berdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bu gal salomimga alik olib: «Salomingga alik olmog`imga namoz mone`lik qildi, men namoz o`qiyotgan erdim»,-dedilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ulov ustida qibladan boshqa yoqqa qaragan holda namoz o`qiyotgan erdilar».

16-bob. Namoz o`qiyotib biror zarurat bilan qo`lini tepaga ko`tarmoq haqida

Sahl ibn Sa`d raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning quloqlariga «Baniy Amr ibn Avf qabylassi Qubo masjidida janjallashib qolishibdi» degan xabar yetdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir qancha sahobalarini olib, ularni yarashtirmoqqa chiqdilar. Muhokama cho`zilib ketib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oz ushlanib qoldilar. Namoz vaqti ham bo`ldi. Bilol kelib Abu Bakr Siddiqqa: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ushlanib qoldilar. Namoz vaqti bo`ldi, jamoatga imomlik qilmaydirmisiz? » - dedilar. «Istasangiz, mayli»,- dedilar

Abu Bakr. Bilol azon aytdilar, Abu Bakr Siddiq ersa, mehrobgga o'tib takbiri tahrima aytdilar. Shu payt Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelib birinchi safga turdilar. Odamlar Abu Bakrni ogohlantirmoq uchun chapak chala boshlashdi. Abu'Bakr shunda ham sezmadilar. Odamlar qattiqroq qarsak chalishgandan keyingina atrofga alanglab Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rib qoldilar. Janob Rasululloh ul kishiga «Namozni davom ettiraverg'il» degan ma'noda qo'llari birlan ishora qildilar. Abu Bakr qo'llarini tepaga ko'tarib Ollohga hamd aytdilar-da, orqaga tisarildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ul kishining birinchi safga kelib turganlarini ko'rib oldinga o'tib imomlik qildilar. Namozdan keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga qarab: «Ey, odamlar, sizlarga ne bo'ldi o'zi? Xuddi bir narsa bo'lgandek namozda qarsak chaldingiz. Qarsak chalmoq xotinlarning ishidir, namoz vaqtida biror kishiga bir nima bo'lib qolsa, (imomni ogohlantirmoq uchun) «Subhonalloh» desin!»-dedilar. So'ng, Abu Bakrga: «Ey Abu Bakr, namozni davom ettiraveringiz» deb ishora qilganimda, nega joyingizda qolavermadingiz?» - dedilar. Abu Bakr: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga o'tib, namoz o'qimog'im o'rinli emasdir»,- deb javob qildilar».

17-bob. Namozda qo'lni belga qo'yib turmoq joiz ermas

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qiyotib belni ushlamakni man' qilganlar»,- deytilar.

Umar ibn Ali: «Menga Abu Hurayra aytdilarkim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozda belga qo'lni qo'yib turmoqni makruh qilgan ermishlar»,-deytilar.

18-bob. Namoz o'qiyotib boshqa bir narsa haqida fikr yuritmoq

Hazrat Umar: «Men namoz o'qiyotib askarlarimni jihodga tayyorlag'ayman»,-degan ekanlar.

Uqba ibn Hafsa rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga asr o'qidim. Janob Rasululloh salom berdilar-da, tezda o'rinlaridan turib, xrtinlarining hujrasiga kirib ketdilar. Bir ozdan keyin chiqib, qavmlarining yuzlaridagi taajjub alomatini ko'rib: «Namoz o'qiyotganimda uyimizda tilla borligi yodimga tushib qoldi, men uning tuni birlan uyimizda turib qolmog'ini istamay, odamlarga ulashib bermakni buyurdim»,- dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namozga azon aytilsa, shayton azon ovozi eshitilmaydirgan yergacha orqasidan yel chiqarib qochg'aydir. Muazzin to'xtasa, yana kelg'aydir va namozxonga «Uni eslag'il, buni eslag'il» deb tokim ul necha rak'at o'qiganini esidan chiqarguncha chalg'itg'aydir»,- dedilar».

Abu Salama ibn Abdurrahman: «Qaysi biringiz namozda shu ahvolga tushsangiz, tashahhudga o'tirgandan keyin yana ikki marta sajda qilingiz! » - deganlar. Bu so'zni ul kishi Abu Hurayradan eshitibdirilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Odamlar: «Abu Hurayra Rasululloh hususlarida juda ko'p hadis rivoyat qilg'aydir!» - deyishadi. Men bir kishini uchratib, unga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kecha tunda qaysi surani o'qidilar?» -

dedim. «Bilmasman»,- dedi. «Unda, namozda bo`lmabsan-da?!» - dedim.

«Nega, qatnashganman»,- dedi boyagi kishi. «Falon va falon suralarni o`qiganlarini men bilaman-ku!» - dedim (demak, Abu Hurayra raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sunnatlarini yodlab qolmoq uchun butun vujudlari birlan quloq solganlar)».

19-bob. Sajdai sahv haqida (namozning ikkinchi rak'atida o'tirmasdan turib ketgandagi xatoni tuzatmoq uchun kilinadigan sajda)

Abdulloh ibn Buhayna raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Besh vaqt namozlardan birida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga imomlik qildilar. Shunda ikkinchi rak'atdan keyin, o'tirmasdan turib ketdilar. Ketlaridan odamlar ham turishdi. Namozni tugatib, salom bermoqlarini kutib turdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam salom bermoqdan avval, o'tirgan hollarida takbir aytib ikki marta sajda qildilar-da, so`ng salom berdilar».

Abdulloh ibn Buhayna rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin namozining ikkinchi rak'atidan so`ng, o'tirmasdan turib ketdilar. Shunda namozni tugatgach, ikki marta sajda qilib, keyin salom berdilar».

20-bob. Agar namozxon to`rt rak'atli namozni besh rak'at qilib o`qib qo`ysa...

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin namozini besh rak'at o`qib yubordilar. Salomdan so`ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Namozning rak'ati ko`paytirildimi?» - deb so`rashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Nega bundoq dersizlar?»-dedilar. «Besh rak'at o`qidingiz»,- deyishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahv uchun (xatoni yuvmoq uchun) yana ikki marta sajda qildilar».

21-bob. Namozxon ikkinchi yoki uchinchi rak'atda bilmay salom berib qo`ysa, odatdagi sajda kabi yoki undan uzoqroq yana ikki marta sajda qiladir

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga imomlik qilib peshin yokim asr namozini o`qidilar. Ikkinchi rak'atga kelganda salom berdilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga Zulyadayn degan kishi: «Yo Rasululloh, namoz qisqardimi?» - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalariga qarab: «Zulyadayn to`g`ri aytayotirmi?» - dedilar. Sahobalar: «Ha»,- deb javob berishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahv uchun yana ikki rak'at namoz o`qib, so`ng ikki marta sajda qildilar».

Sa'd rivoyat qiladilar: «Ursh ibn Zubayr bizga imom bo`lib shom o`qiganida ikkinchi rak'atdan keyin salom berdi. So`ng, (biz birlan) bir oz so`zlashgach, namozning qolganini o`qib, sajdai sahv qildi-da: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam shundoq qilganlar»,- dedi».

22-bob. Sajdai sahv qilgandan so`ng «At-Tahiyot» ni o`qimay salom bergan kishi xususida

Anas raziyallohu anhu va Hasan Basriy sajdai sahvdan so`ng «At-Tahiyot»ni

o'qimadilar. Qatoda: «Sajdai sahvdan so'ng «At-Tahiyyot» o'qilmaydir», -deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki rak'at o'qib, namozni tugatdilar. Shunda ul kishiga Zulyadayn: «Yo Rasululloh, namoz qisqardimi yoki yodingizdan chiqardingizmi?» -dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Zulyadayn to'g'ri aytayotirmi?» -dedilar. Odamlar: «Ha», -deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana ikki rak'at namoz o'qib, salom berdilar, so'ng takbir aytib, odatdagidek yokim undan uzoqroq sajda qildilar. Keyin, sajdadan boshlarini ko'tarib («At-Tahiyyot» ni o'qimay) salom berdilar-da, o'rinlaridan turdilar».

Salama ibn Alqama rivoyat qiladilar: «Muhammad ibn Sirindan: «Sajdai sahvdan so'ng «At-Tahiyyot» o'qilg'aydirmi?» -deb so'radim. «Abu Hurayraning hadisida yo'q-ku!» -dedilar».

23-bob. Namozda yanglishgan odam har ikkala sajdai sahva takbir aytadir

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin yokim asr namozida (Muhammad ibn Sirin: «Asr namozida bo'lsa kerak, deb o'ylayman», -deydilar) ikki rak'at o'qib, salom berdilar, keyin o'rinlaridan turdilar-da, masjidga kira-verishdagi yog'ochga borib suyandilar. Namozxonlar orasida Abu Bakr va Umar ham bor edilar, lekin bu to'g'rida Janob Rasulullohga gapirmoqqa istihola qilishdi. Odamlar bir-birlariga «Namoz qisqardimi, namoz qisqardimi?» -deya shoshib masjididan chiqib kela boshladilar. Ularning orasida bir kishi bor erdi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uni «Zulyadayn» der edilar. O'sha kishi: «Yo Rasululloh, yodingizdan chiqardingizmi yokim namoz qisqardimi?» -deb so'radi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Esimdan chiqarganim ham yo'q, namoz qisqargani ham yo'qdir», -dedilar. Zulyadayn: «Yo'q, yodingizdan chiqardingiz», -dedi. Shundan keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana ikki rak'at namoz o'qib, salom berdilar, so'ng takbir aytib, odatdagidek yokim undan uzunroq sajda qildilar. so'ng boshlarini ko'tarib takbir aytdilar, Sajdaga boshlarini qo'yayotib ham odatdagidek yokim undan uzokroqtakbir aytdilar».

Abdulloh ibn Buhayna raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshin namozida qiyomda turgan erdilar, faqat oxirgi o'ltirmoq qolgan erdi. Namozni tugatganlarydan so'ng, salom bermay turib, ikki marta sajdai sahva qildilar. Har bir sajdadan keyin, o'tirgan hollarida takbir aytdilar, odamlar ham Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga sahva bo'lgan oxirgi o'tirish evaziga sajda qilishdi».

24-bob. Uch yoki to'rt rak'at o'qiganini unutsa, sajdai sahva qiladir.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namozga azon aytilsa, shayton azon eshitilmaydirgan yergacha orqasidan yel chiqarib qochg'aydyr. Azon tugasa, qaytib kelg'aydir. Namozga takbir aytilsa, yana qochg'aydir, takbir tugasa, yana qaytib kelib, namozxonni vasvasa qilmoq uchun: «Uni eslag'il, buni eslag'il», -deb yodiga kelmagan narsalarni eslatg'aydir. Pirovardida namozxoy necha rak'at namoz o'qiganini bilmay qolur. Agar birortangiz shu kuyga tushg'aydirez, o'tirgan holda sajdai sahva qilingiz!» -deganlar,

25-bob. Farz va nafl namozlarida sajdai sahv qilmoq

Ibn Abbos raziyallohu anhu vitr namozidan so'ng sajdai sahv qildilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Birortangiz (nafl yokim farz) namozi o'qiyotgan ersangiz, shayton kelib fikringizni chalg'ita boshlag'aydir, hatto necha rak'at o'qiganingizni bilmay qolursiz. Agar shundoq ahvolga tushgaydirlarsiz, o'tirgan holda sahv uchun ikki marta sajda qilingiz!»-deb aytganlar».

26-bob. Birov namoz o'qiyotgan kishiga gapirsa-yu, u: «nari turg'il!»-deb ishora qilganda quloq solib, nari ketsa

Yahyo ibn Sulaymon rivoyat qiladirlar: «Ibn Abbos,' Misvar ibn Maxrama va Abdurrahmon ibn Azharlar Kuraybga Oisha onamiz xuzurlariga borib, avvalo hammalaridan salom aytmakni, keyin asr namozidan so'ng o'qiladigan ikki rak'at namoz to'g'risida so'rab, bilib kelmakni topshirishdi. Keyin: «Biz sizning asr namozidan keyin ikki rak'at namoz o'qimog'ingizdan xabardormiz, biroq Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asrdan keyin namoz o'qimakni man' qilganlar, deb ham eshitdik. Ibn Abbos: «Ogam Umar ibn Xattob asrdan keyin namoz o'qigan odamlarni urar erdilar»,- deydilar, siz ne deydirlarsiz? deb aytg'il!» - deyishibdi. «Oisha onamiz huzurlariga kirib, menga tayinlangan gaplarni aytdim,- deydi Kurayb,-Oisha onamiz Ummu Salamadan so'rag'il!» - dedilar. Men Ummu Salama onamizga bor gapni aytgan erdim, ul kishi bundoq dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning asrdan so'ng namoz o'qimakni man' qilganlari to'g'risida eshitdim-u, biroq o'zlarining asrdan keyin mening hujramga kirib ikki rak'at namoz o'qiganlarini ko'rdim. O'shanda ansoriy qabilalardan biri bo'lmish Baniy Harom qabilasiga maisub bir guruh xotinlar menikida o'tirishgan erdi. Men cho'rimga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oldilariga borg'ilda, «Yo Rasululloh, asrdan keyin namoz o'qimakni man' qilgandirlarsiz, deb eshitgan erdik, o'zingiz bo'lsangiz, o'qiyotirlarsiz!»- degil, agar qo'llari birlan «Nari turg'il!» deb ishora qilsalar, nari turg'il!» - dedim. Cho'ri shundoq qildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llari birlan ishora qildilar, cho'ri nari turdi. Namozdan keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Abu Umayyaning qizi, asrdan keyin o'qiladigan ikki rak'at namoz to'g'risida so'rading. Men senga bir gap aytayin. Abd ul-Qays qabilasidan huzurimga odamlar kelishgan erdi. O'shalar birlan band bo'lib qolib, peshinning ikki rak'atini o'qiyolmay qolgan erdim, hozir o'shal qazo bo'lgan ikki rak'atni o'kidim»,- dedilar».

27-bob. Namozda ishora qilmoq haqida

Sahl raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni Baniy Amr qabilastada bo'lgan jaijaldan xabardor qilishdi. Shunda Janob Rasululloh ularni kelishtirib qo'ymak uchun chiqib, bir oz ushlanib qoldilar. Namoz vaqti bo'ldi. Bilol raziyallohu anhu Abu Bakr raziyallohu anhu: «Ey Abu Bakr, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ushlanib qoldilar, namoz vaqti bo'ldi. Odamlarga imomlik qilmaydirlarsizmi?» - dedilar. Abu Bakr «Mayli, agar istasangiz»,- dedilar. Kyoyin, Bilol azon aytdilar, Abu Bakr ersa takbiri tahrima aytib, imomlik qildilar. Shu payt Rasululloh sallallohu alayhi va sallam saflarni oralab o'tib, birinchi safga kelib turdilar. Odamlar ul kishining kelganlarini bildirmoq maqsadida chapak chala boshlashdi. Lekin, Abu Bakr z'tibor qilmadilar. Odamlar qattiqroq chapak chaldilar. Shundagina Abu Bakr atrofga

alanglab Rasulullohning kelganlarink ko`rdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakrga ishora qilib, namozni davom ettirmakni buyurdilar. Abu Bakr qo'llarini tepaga ko'tarib, Ollohga hamd aytdilar-da, orqalariga tisarilib birinchi safga kelib turdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oldinga o'tib imrmlykni davom etirdilar. Namoz tugagach: «Ey odamlar, sizlarga ne bo'ldi, namoz vaqtida bir narsa bo'lgandek chapak chaldingiz? Qarsak chalmoq ayollarga hos qiliqdir. Kimda-kim namozda biror narsa bo'lganini sezg'aydir, «Subhonalloh» desin! «Subho-nalloh» deganda ko'pchilikning diqqatini tortmag'aydir, imomning o'zigina sezib, qarag'aydir. «Ey Abu Bakr, imomlikni davom ettiraveringiz! » deb ishora qilganimda nega quloq solmadingiz?»-dedilar. Shunda Abu Bakr: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga o'tib namoz o'qimakni Abu Bakr o'ziga ep ko'rmag'aydir», - dedilar».

Asmo binti Abu Bakr rivoyat qiladirlar: «Men Oisha raziyallohu anho huzurlariga kirsam, ular ham, odamlar ham qiyomda turib namoz o'qishayotgan erkan. Men: «Odamlarga ne bo'ldi?» - dedim, Ular boshlarini irg'ab osmonga ishora qildilar. Men: «Nima, bu oxirat alomatkm?» - de; dim. Ular «ha»degan ma'noda yana bosh irg'ab ko'ydilar».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob bo'lib qolganlarida uyda o'tirgan hollarida namoz o'qiyotgan erdilar, odamlar ul kishiga iqtido qilib tik turib namoz o'qishayotgan erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llari birlan ularga «O'tirib o'qingiz!» deb ishora qildilar. Namoz tugagach, odamlarga qarab: «Imom iqtido qilmoqlari uchun imom qilingandir. Ul ruku' qilg'aydir, ruku' qilingiz, ruku'dan bosh ko'targ'aydir, bosh ko'taringiz!» -dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

1-bob. Janoza va kimning oxirgi aytgan so'zi «Lo iloha illalloh» bo'lsa, o'shalar (ya'ni, o'liklar) haqidagi boblar

Vahb ibn Munabbahga: «Lo iloha illalloh» jannatning kaliti ermasmi?» -deyishdi. Vahb: «Ha shundoq, biroq tishsiz kalit kalit ermas. Kalitingning tishi bo'lsagina senga jannatning eshigi ochilg'aydir, bordi-yu, kaliting tishsiz ersa, jannatning eshigi senga ochilmag'aydir», - dedilar.

Abu Zarr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Rabbim huzuridan mening oldimga bir kishi (Jabroil alayhissalom) kelib, xushxabar aytdi. Mening ummatimdan kimki Olohga shirk keltirmay jon taslim qilg'aydir, jannatga kirg'ay erkan», - dedilar. «Zino va o'g'irlik qilsa hammi?»-dedim. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Zino qilsa ham, o'g'irlik qilsa ham», - dedilar».

Abdulloh ibn Molud rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki Olohga shirk keltirib o'lg'aydir, do'zaxga kirg'aydir», - dedilar. Men: «Kimki shirk keltirmay o'lsa, jannatga kirg'aydir», - dedim».

2-bob. Janozada qatnashmoq to'g'risida berilgan buyruq

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam 7 narsaga odat qilib, 7 narsadan hazar qilmakni buyurdilar. «Quyidagilarni odat qilingiz!» - dedilar:

1. Janozagaqatnashmakni;
2. Kasalni borib ko'rmakni;
3. Chaqirilgan joyga bormakni;
4. Mazlumga yordam bermakni;
5. Qasam ichsa, qasamida turmakni;
6. Salomga alik olmakni;
7. Aksa urgan kishi «Alhamdu lilloh» desa, unga «Yarhamuka-l-loh» demakni. Quyidagilardan hazar qilingiz!» - dedilar:

- 1 Kumush idish tutmoqdan;
- 2 Tilla uzuk taqmoqdan;
3. Ipakli kiyim kiymoqdan (erkaklar nazarda tutilgan);
4. Deboj (guldor ipakli kiyim) kiymoqdan;
5. Qasiy (dag'al matodan tikilgan kiyim) kiymoqdan;
6. Istabraq (atlasga o'xshagan mato) kiymoqdan;
7. (bu rivoyatda 7-nchisi tushirib qoldirilgan)».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Har bir musulmonning ikkinchi bir musulmonda 5 ta haqqi bordir», - deganlar. Bular quyidagilar:

- 1 Salomiga alik olmoq;
2. Kasal bo'lganda borib ko'rmoq;

3. Vafot etsa, janozasiga qatnashmoq;
4. Da'vatiga javob bermoq;
5. Aksa urib «Alhamdu li-l-loh» desa, «Yarhamuka-l-loh» demoq».

3-bob. Kafanlab qo'yilgan o'lik yotgan uyga kirmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu Sunuh degan joydagi hovllilaridan ot minib keldilar. Otdan tushib masjidga kirdilar-da, odamlarga gapirmasdan to'ppa-to'g'ri Oisha onamizning hujralariga Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rgani kirdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (vafot etgan erdilar) yamaniy ko'k to'nlariga o'rab qo'yilgan holda yotar edilar. Abu Bakr Siddiq Janob Rasulullohning muborak yuzlarini ochib, quchoqlab o'pdilar. So'ng, yig'lab turib: «Ota-onam sizga fido bo'lsin, yo Rasululloh! Olloh taolo sizga ikki o'lim bermag'aydir (Kimlardir: «Janob Rasululloh yana tirilg'aydirlar»,- degani uchun shunday dedilar). Ammo, Olloh taolo peshonangizga yozgan o'limni ado etdingiz»,- dedilar».

Abu Salama mazkur rivoyatning davomini Ibn Abbas raziyallohu anhudan eshitgan erkanlar, ul kishi bundoq deydilar: «Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu hujradan qaytib chiqqanlarida Umar raziyallohu anhu odamlar birlan so'zlashib turgan erdilar. Abu Bakr Siddiqqa: «O'tiringiz!» - dedilar. Abu Bakr qattiq xafa bo'lganlaridan o'tirgilari kelmadi. Shunda ul kishi yana: «O'tiringiz!» - dedilar. Abu Bakr baribir o'tirmadilar. So'ng, Abu Bakr Siddiq Kalimai Shahodat aytdilar, odamlar ul kishiga o'girilib qarashdi. Shunda Abu Bakr: «Ammo ba'd, kimki (shul kungacha) Muhammad sallallohu alayhi va sallamga ibodat qilib kelgan ersa, Muhammad sallallohu alayhi va sallam vafot etdilar. Kimki (shul kungacha) Olloh taologa ibodat qilib kelgan ersa, Olloh taolo hamisha tirikdir, ul hech qachon o'lmag'aydir! Olloh taolo Kalomi Sharifida: «Muhammad sallallohu alayhi va sallam hammangizga o'xshagan insondir, sizlardan farqi shuldirkim, ul Ollohning bandalariga yuborgan elchisidir» degan»,- dedilar (Surai «Oli Imron» ning «ash-Shokiriyn» degan joyigacha o'qidilar). Ollohga qasamyod qilib ayturmenkim, odamlar Olloh taolo ushbu oyati kariymani nozil qilganini bilishmagandek, Abu Bakr Siddiq o'qiganlarida o'rganib oldilar. Ushbu oyatni Abu Bakrdan boshqa biror kishining o'qiganini hech kim eshitmagan erdi».

Xorija ibn Zayd ibn Sobit rivoyat qiladilar: «Ansoriylardan Umm ul-Alo degan bir xotin Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning nomlarini o'rtaga qo'yib, bay'at qilib (ont ichib) bunday dedi: «Muhojirlardan kim kimning uyida qolmog'ini aniqlamoq uchun o'zaro chek tashlashdik. Shunda Usmon ibn Maz'un bizning chekimizga tushdilar. Biz ul kishini uyimizga joylashtirdik. Keyin birdan betob bo'lib qolib vafot etdilar. Mayyitni yuvib, o'z kiyimiga kafanlashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mayyitni (Usmonni) ko'rgani kirgan erdilar, «Olloh rahmat qilsin sizni, ey Usmon! Sizni Olloh taolo mukarram qilganining shohidi bo'lib turibdirmen»,-dedim. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taolo uni mukarram qilganini qayoqdan bildingiz?» - dedilar. «Otam fido bo'lsin sizga, yo Radulalloh! Olloh taolo shul odamni mukarram qilmasa, kimni mukarram qilg'aydir?!» - dedim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Afsuski, Usmon vafot etdi. Ollohga qasamyod etib ayturmenkim, men uning oxirati baxayr bo'lmogini juda ham istag'aydirman. Ollohga qasamyod etib ayturmenkim, o'zim Ollohning rasuli bo'laturib oxiratda nechuk muomala bo'lmog'ini bilmasman» ,— dedilar. Ollohga qasamyod etib ayturmenkim, o'shandan keyin biror mayyitni oldindan jannati deb aytmoqqa jazm qilmadim».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Otam (jangda) o'ldirilgach, yuzlariga yopib qo'yilgan kiyimni yig'lab-siqtab ocha boshladim. Sahobalar meni yig'idan tiymoqqa intilishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa, meni yig'idan tiymadilar. Ammo, Fotima ham yig'lay boshladilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yig'lasang ham, yig'lamasang ham, maloikalar to qabrga olib borgunlaricha qanotlari birlan soya solib turg'aydilar», - dedilar».

4-bob. Vafot etgan odamning tepasida bo'lgan kishi uning oilasiga shaxsan o'zi xabar yetkazmog'i joiz

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasulullohsallallohu alayhi va sallam Najoshiy vafot etgan kuni sahobai kiromlariga shaxsan o'zlari xabar berdilar, keyin sahobalari birlan namozgohga chiqib, saf tortib, to'rt marta takbir aytib (g'oyibona) janoza o'qidilar».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ko'zlari jiqqa yoshga to'lib: «(Jangda) bayroqni Zayd qo'lida tutib borar erdi, shahid bo'ldi, so'ng bayroqni Ja'far qo'lga oldi, ul ham shahid bo'ldi, keyin bayroqni Abdulloh ibn Ruvoha oldi, ul ham shahid bo'ldi. Bayroqni Xolid ibn Valid qo'lga oldi, zafar bizga yor bo'ldi», - dedilar bir necha qayta».

5-bob. Janozaga chaqirmoq

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (masjidda xizmat qilib yurguvchi bir kishining janozasini o'qib, ko'mib yuborishganda): «Meni chaqirsangiz bo'lmasmidi?» - dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir odamni kasalligida borib ko'rib kelib turardilar. O'sha kishi kechasi vafot etib qoldi. Sahobalar uni o'sha kechasiyoq dafn qildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ersa, tongda xabar berishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Menga uning vafot etgani to'g'risida o'z vaqtida xabar qilmog'ingizga ne mone'lik qildi?» - dedilar. «Kechasi bo'lgani uchun sizni qiynab qo'ymoqni istamadik», - deyishdi. Keyin, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'sha kishining qabriga borib janoza o'qidilar».

6-bob. Bolasi o'lgan odamning Ollohning irodasiga rozi bo'lib, sabr-toqat qilmog'ining afzallig'i

Olloh taolo azza va jalla: «Sabr qilganlarga (Ollohning rahmati haqida) xushxabar aytingiz!» - deydir.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Odamlar orasida uchta bolasi o'lgan musulmon bo'lsa, Olloh taolo uni o'sha bolalariga nisbatan qiladigan rahmati tufayli jannatga kirgizgaydir», - dedilar».

Abu Sa'id roziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir to'da ayollar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: Muayyan bir kunni belgilab, bizga va'z qilsangiz», - deyishdi.

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kunni belgilab, xotinlarga va'z aytdilar: «Qaysi bir xotinning uch bolasi o'lsa, o'shal bolalari uni parda bo'lib do'zax o'tidan to'sib turishg'aydir», - dedilar. Bir xotin: «Ikkita bolasi o'lgan bo'lsa-chi?» - deb so'radi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ikkita bo'lsa, ham», - dedilar. Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Agar norasida bolalari o'lgan bo'lsa, deganlar», - deydilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilohi, birorta musulmonning uchta bolasi o'lmasin! Mobodo, uchta bolasi o'lgan musulmon do'zaxga tushsa ham birrov kirib chiqg'aydir, xolos (Oллоh taoloning: «Orangizda do'zaxga kirmaydiganingiz bo'lmag'aydir» degan so'ziga binoan)», - dedilar».

7-bob. Qabr ustida yig'lab o'tirgan ayolga «Sabr qilingiz!» degan kishi haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qabr ustida yig'lab o'tirgan bir ayolning yonidan o'tayotib: «Oллоhdan qo'rqingiz (dod-voy qilmangiz), sabr qilingiz!» - dedilar».

8-bob. O'likni suv va sidr (xushbo'y ishqor) birlan yuvib, tahorat qildirib qo'ymoq

Ibn Umar raziyallohu anhu Sa'id ibn Zayd o'g'li (Oллоh undan rozi bo'lsin!) o'lganida, uning jasadiga xushbo'y hanut sepdilar, so'ng uni tashqariga ko'tarib chiqib, janoza o'qidilar. Ibn Umar raziyallohu anhu: «Musulmonning tirigi ham, o'ligi ham pok bo'lg'aydir», - deydilar. Sa'id ibn Abu Vaqqos: «Agar pok bo'lmaganida qo'limni tekkizmas erdim», - deydilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa: «Mo'min nopok bo'lmag'aydir», - deydilar.

Ummu Atiyya raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlari Zaynab vafot etganda bizning oldimizga kirib: «Uch marta yokim besh marta yuvingiz, agar lozim topsangiz, undan ham ko'proq yuvingiz, suv va sidr (xushbo'y- ishqor) birlan yuvingiz! Eng oxirida kofurdan (kamfaradan) ham bir oz qo'shingiz, yuvib bo'lganingizdan so'ng meni chaqiringiz!» - dedilar. Yuvib bo'lgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni chaqirdik, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga o'z haqqlarini (belga o'raydirgan katta matoni) berib: «Mana shunga o'rangiz!» - dedilar (Ummu Atiyya «haqv» deganlarida izorni nazarda tutdilar, shekilli)».

9-bob. O'likni toq marta yuvmoqning mustahabligi

Ummu Atiyya raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlari Zaynabning jasadini yuvayotganimizda bizning oldimizga kirib: «Uch marta yokim besh marta, balkim undan ham ko'proq sidr va suv birlan yuvingiz! Oxirgi marta yuvayotganimizda kofur (kamfara) qo'shingiz, yuvib bo'lganingizdan so'ng, menga xabar qilingiz!» - dedilar. Yuvib bo'lganimizdan so'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga xabar qildik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga o'z haqqlarini (izorlarini) uzatib: «Qizimni avval shunga o'rangyz!» - dedilar. Ayyub raziyallohu anhu aytadilar: «Hafsa menga Muxammad ibn Sirin aytgan hadisga o'xshash boshqa bir hadisni aytib berdi. Hafsa aytgan hadisda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyitni toq yuvingiz, uch marta yokim besh marta yokim yetti marta, avval o'ng

tomonidan, tahorat qilinadigan joylaridan boshlangiz!» - deganlar», - deyilgan. Ummu Atiyya ersa: «Sochini uch o'rim qilmo o'rib qo'ydik», - deb aytandilar».

10-bob. Mayyitni o'ng a'zolaridan boshlab yuviladi

Ummu Atiyya rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlari Zaynabning jasadini yuvayotganimizda bizga: «Avval o'ng a'zolaridan va tahoratda yuviladigan joylaridan boshlab yuvingiz!» - deganlar».

11-bob. Erkak kishining izoriga ayol kishini kafanlab bo'ladirmi?

Ummu Atiyya rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlari vafot etganda bizga: «Uni uch marta yokim besh marta yokim lozim topsangiz, undan ham ko'proq yuvingiz, yuvib bo'lganingizda menga xabar qilingiz!» - dedilar. Biz mayyitni yuvib bo'lib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga xabar qildik, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam izorlarini bizga uzatib: «Uni (Zaynabni) avval shunga o'rangiz!» - dedilar»,

12-bob. Eng oxirida suvga kofur qo'shib yuviladi

Ummu Atiyya rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qizlaridan biri vafot etdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oldimizga kirib: «Uni suvga sidr qo'shib uch marta yokim besh marta yokim yetti marta, zarur bo'lsa, undan ham ko'proq yuvingiz, eng oxiri kofur qo'shib yuvingiz! Yuvi bo'lganingizdan keyin menga xabar qilingiz!» - dedilar. Yuvi bo'lgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni chaqirdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam izorlarini bizga uzatib: «Avval shunga o'rangiz!» - dedilar».

Hafsa raziyallohu anho Ummu Atiyyaning mazkur rivoyatini eslab: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uch marta yokim besh marta yokim yetti marta, zarur deb hisoblasangiz, undan ham ko'proq yuvingiz!» - deganlar. Ummu Atiyya ersa: «Sochini uch o'rim qilib qo'ydik, deb aytgandi», - deyilar.

13-bob. Vafot etgan xotinning sochini tarab qo'ymoq

Ibn Sirin: «O'likning sochini tarab qo'ymoqning zarari yo'qdir», - deyilar.

Ummu Atiyya raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Yuvg'uchi ayollar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlarining sochini tarab, uch o'rim qildilar, so'ng yuvdilar, so'ng yana tarab uch o'rim qildilar».

14-bob. O'lik ichki kafan birlan qanday o'raladi?

Hasan Basriy: «Kafanning 1/5 bo'lagi birlan ayol mayyitning ikki soni va dumbalari o'ralgadir, keyin bular (yangi) ko'ylak ostida qolg'aydir», - deyilar.

Muhammad ibn Sirin rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bay'at qilgan bir ansoriya ayol o'g'lini ko'rgani Basraga kelib, uni topolmagach, Ummu Atiyyaning huzurlariga kirdi. Shunda Ummu Atiyya bizga quyidagi hadisni aytib berdilar:

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlarining jasadini yuvayotganimizda oldimizga kirib bizga: «Uch marta yokim besh marta, agar zarur bo'lsa, undan ham ortiq yuvingiz, suvga sidr qo'shingiz. Eng oxirida kofur ham qo'shingiz! Yuvib bo'lgach, menga xabar qilingiz!»-dedilar. Yuvib bo'lgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga xabar qildik, ul kishi bizga izorlarini uzatib: «Avval shunga o'rangiz!» - dedilar». (Ibn Sirin hadisning davomini aytmadi). Ayyub raziyallohu anhu: «Rasulullohning qaysi qizlari to'g'risida so'zlaganini bilolmay qoldim»,- deydilar. Ul kishi: «Ish'or» (ichki kafan o'rash) deganda, tashqi kafan (butun badanni yalpisiga o'raydigan kafan) o'ramakni tushungayman»,- deydilar. Shuningdek, Ibn Sirin ham ayol jasadining avval beldan pastini ermas, balki birato'la butun badanini kafanlamoqni buyurar erdilar.

15-bob. Ayol mayyitning sochini uch o'rim qilinadir

Ummu Atiyya: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o'lgan qizlarining sochini uch o'rim qildik»,- deydilar. Sufyon: «Peshona ustidagi sochni bir o'rim, ikki chakkadagi sochni ikki o'rim qildilar»,- deydilar.

16-bob Ayol mayyitning sochi orqasiga tashlab qo'yiladi

Ummu Atiyya rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qizlaridan biri vafot etdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oldimizga kelib: «Suvga sidr qo'shib toq marta - uch, besh yokim yetti marta, zarur bo'lsa, undan ham ko'proq yuvingiz, eng oxirgi yuvishda kofurdan bir oz qo'shingiz, yuvib bo'lganingizdan so'ng menga aytingiz!»- dedilar. Yuvib bo'lganimizni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga aytgan erdik, bizga izorlarini uzatdilar. Vafot etgan qizning sochini uch o'rim qilib, orqasiga tashlab qo'ydik».

17-bob. Oq matodan kafanlik qilmoq

Oisha onamiz rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu' alayhi va sallamning muborak jasadlarini uch en yamaniy oq surp bilan kafanlashdi. Kafan ostida na ko'ylak va na salla bor erdi».

18-bob. Ikki qavat qilib kafanlashning joizligi

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi Arafot tog'ida tuya minib turgan erdi, birdan tuyadin yyqilib ketib, bo'yni sinib o'ldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyitni suv va sidr birlan yuvib, ikki qavat qilib kafanlangiz, hanut (xushbo'y modda) sepmangiz va boshini o'ramangiz! Chunkim, ul qiyomat kuni talbiya (Labbayka Ollohumma. labbayka) aytib turgan hoida tiriltirilg'aydir»,— dedilar».

19-bob. O'likni hanutlamoq (xushbo'y moddalar sepmoq)

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Bir vaqt bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Arafotda turgan erdi. Birdan tuyadan yiqilib, o'sha zahotiy o'ldi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyitni suv va sidr birlan yuvib, ikki qavat qilib kafanlangiz, hanutlamangiz, boshini ham o'ramangiz! Chunki Olloh taolo bul kishini qiyomat kuni talbiya aytib turgan hoida tiriltirg'aydir»,— dedilar».

20-bob. Mayyitning egnida exromi bo'lsa, qanday kafanlanadir?

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir kishini tuyasi yiqitib yubordi. Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga o'sha yerda erdik. Boyagi odamning egnida ehromi (haj kiyimi) bor erdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bul kishini suv va sidr birlan yuvib, ikki qavat qilib kafanlangiz, unga xushbo'y narsalar sepmangiz, boshini ham o'ramangiz! Chunkim Oллоh taolo qiyomat kuni uni talbiya aytib turgan holida tiriltirg'aydir»,— dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Arafotda turgan erdik, bir kishi «tuyasidan yiqilib tushdi (Ayyub: «Bo'yni uzilib ketdi»,— deydilar. Amr: «Bo'yni sinib ketganidan, til tortmay o'ldi»,— deydilar). Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uni suv va sidr birlan yuvib, ikki qavat qilib kafanlangiz, xushbo'y narsalar sepmangiz, boshini ham o'ramangiz! Chunki ul qiyomat kunida... (Ayyub: «Talbiya aytib turib tirilg'aydir»,—deydilar. Amr ersa: «Talbiya aytib turgan holida tiriltirilg'aydir», deydilar)».

21-bob. Etagi bukilgan yoki bukilmagan ko'ylakka kafanlamoq

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Ubay vafot etganda o'g'li Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga kelib: «Yo Rasululloh. otamni kafanlamak uchun menga ko'ylagingizni bersangiz, otamga janoza o'qib, Oллоh taolodan unga talabi mag'firat qilsangiz!» — dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ko'ylaklarini berib: «Menga xabar qilg'il, janoza o'qig'aydirman»,— dedilar. U Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga xabar qildi. Janob Rasululloh janoza o'qimoq uchun jamoat oldiga o'tmoqchi bo'lganlarida Hazrat Umar kiyimlaridan tortib: «Oллоh taolo sizga munofiqlarga janoza o'qimoqni man' etmaganmi?» - dedilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Menga ikki yaxshilikdan birini tanlamak ixtiyori berilgandir. Oллоh taolo: «Ular haqqiga ista, talabi mag'firat qilg'il, ista, talabi mag'firat qilmag'il! Agar ularga yetmish karra talabi mag'firat qilsang ham, Oллоh taolo ularni mag'firat qilmag'aydir, degan»,- dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdulloh ibn Ubayga janoza o'qidilar. Shunda: «Bulardan biror kishi o'lsa, sira ham janoza o'qimag'il!» - degan oyat nozil.bo'ldi»,

Amr ibn Dinor rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdulloh ibn Ubay dafn qilingandan keyin keldilar. Shunda qabrdan ul kishini chiqarmakni buyurdilar. Mayyit qabrdan chiqarilgandan so'ng, Janob Rasululloh uning badaniga tupuklarini surtib, egniga o'zlarining ko'ylaklarini kiydirib qo'ydilar».

22-bob. Ko'ylak kiydirmay kafanlamoq

Oisha onamiz: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni sallasiz va ko'ylaksiz holda uch qavat qilib kafanladilar»,- deydilar.

23-bob. Salla kiydirmay kafanlamoq

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni uch qavat yamaniy surp birlan kafanladilar. Kafan ichida salla ham, ko'ylak ham yo'q erdi».

24-bob. Kafanlik haqi mayyitdan qolgan molu mablag`dan chegirib qoling`aydir

Ato, Zuhriy, Amr ibn Dinor va Qatoda ham shundoq fikrdadirlar. Amr ibn Dinor: «Mayyitga ishlatiladigan xushbo`y narsalar, garchi undan qolgan molu mablag`ning hammasi ketsa ham, xarid qiling`aydir», - deydilar. Ibrohim an-Nakasiy: «Mayyitdan qolgan molu mablag` avval kafan xarid qilmoq uchun, so`ng qarzini uzmoq uchun, undan keyin ersa, meros uchun taqsimlang`aydir» - deydilar. Sufyon: «Go`rkov va g`assol haqi ham kafanga ajratilgan mablag`dan to`lang`aydir», - deydilar.

Sa`d ibn Ibrohim rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Abdurrahmon ibn Avf raziyallohu anhuga taom keltirishdi. Ul kishi (ovqatlana turib): «Mus`ab ibn Umayr shahid bo`ldi. Ul mendan ko`ra yaxshi erdi. Uyidan kafanlikka yaroqli biror narsa topilmadi. Uning birgina choponi bor erdi, xolos. Keyin, Amir Hamza o`ldirildi. Ul ham mendan yaxshi erdi. Uning uyidan ham kafanlik uchun biror narsa topilmadi. Uning ham bitta choponi bor erdi, xolos. Oxiratda ko`rsatiladigan yaxshilig`lar bizga bu dunyoda ko`rsatilyaptimikan, deb qo`rqg`aymen», - deya xo`ngrab yig`lay boshladilar (chunkim, ul kishi o`zlariga to`q odam erdilar)».

25-bob. Mayyitni kafanlash uchun kiyimidan boshqa narsa topilmasa...

Sa`d ibn Ibrohim rivoyat qiladirlar: «Abdurrahman ibn Avfga (ro`zada) ogiz ochmoq uchun taom keltirishdi. Shunda Abdurrahmon: «Mus`ab ibn Umayr shahid bo`ldi. Vaholanki, ul mendan yaxshiroq erdi. (Kafanlik topilmay) birgina choponiga o`rab ko`mdilar. Chopon kaltalig`idan oyog`ini yopsa, boshi ochilib qolar erdi, boshini yopsa, oyog`i ochilib qolar erdi. Amir Hamza ham o`ldirildi, vaholanki, ul ham mendan yaxshiroq erdi. Uni ham birgina choponiga o`rab dafn qildilar, Bizga ersa, bisyor mol-dunyo berildi. Varcha yaxshilig`larni shu dunyoda ko`rib, oxiratda hech narsa qolmasa erdi, deb qo`rqg`aymiz», - deya yig`lay boshladilar, hatto iftor vaqtida ovqatham yemadilar».

26-bob. Mayyitga boshini yopsa, oyog`i, oyogini yopsa, boshi ochilib qoladigan narsadan bo`lak kafanlik topilmasa, bosh tomonini o`raydir

Xabbob raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Olloh rizolig`ini istab Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga hijrat qildik. Olloh taolo bu dunyoda bizga ato etmog`i lozim bo`lgan mukofotlarini oxiratga mo`l olib qoldi, chunkim oramizdan ul dunyoga rihlat qilganlardan birortasi ham o`shal mukofotlardan zarracha bahramand bo`lgani yo`qdir. Ulardan biri - Mus`ab ibn Umayr. Biroq oramizda bul dunyoda mukofotini olib, ayshini surib yurganlar ham bordir. Mus`ab ersa, Uhud jangida o`ldirildi, uni kafanlamoqqa (uyidan) hech narsa topolmadik. Boshini yopsa, oyog`i, oyog`ini yopsa, boshi ochilib qoladigan birgina choponi bor erkan, xolos. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam choponi birlan bosh tomonini o`ramoqni, ochilib qolgan oyog`ini ersa, izxir (o`simlik) birlan yopmoqni buyurdilar».

27-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam zamonlarida o`ziga kafan tayyorlab qo`ygan kishini koyishmagani haqida

Sahl raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir xotin Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga chetiga popuk tikilgan burda (ustki uzun ko`ylak) olib kelib, hadya qildi: Shunda: «Bilurmisiz, burda qandoq kiyimdir?» - deb so`radim. Sahobalar: «Bu -

shamladir (butun badanni qamrab turadigan kiyimdir)», -deyishdi. Men: «Ha, topdingiz!» - dedim. Boyagi ayol Janob Rasulullohga: «Buni ataylab sizga o'z qo'lim birlan to'qib, keltirdim», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uni o'zlariga kerak bo'lgani uchun oldilar, keyin ichkariga kirib (izor o'rniga) beldan pastlariga o'rab chiqdilar. Shunda falonchi (Abdurrahmon ibn Avf): «Qandoq yaxshi erkan, menga kiydira qolingiz!»-dedi. Sahobalar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlariga kerak bo'lgani uchun kiyib erdilar, yaxshi qilmading, so'ragan narSangni yo'q demay bermaklarini bilursen-ku!» - deyishdi. Abdurrahmon: «Ollohga qasamyod qilib ayturmenkim, ko'ylakni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan kiyimoq uchun so'raganim yo'q, uni o'zimga kafanlik qilib olib qo'ymoqchiman», - dedi. O'shal ko'ylak (keyinchalik) unga kafanlik bo'ldi».

28-bob. Ayollarning janozada ishtirok etmog'i haqida

Ummu Atiyya raziyallohu anho: «Bizga janozada qatnashmoq man' qilindi, ammo qat'iy an ermas», - deydilar.

29-bob. Ayol kishining eridan boshqa yaqinlari vafot qilganidagi azadorlik muddati haqida

Muhammad ibn Sirin rivoyat qiladirlar: «Ummu Atiyya raziyallohu anhoning o'g'illari o'ldi. Uchinchi kuni safra (surtiladigan rangli xushbo'y modda) keltirmakni buyurdilar, olib kelingach, uni o'zlariga surtdilar: «Ayollarga eridan boshqa yaqinlariga uch kundan ortiq aza tutmoq makruh qilingandir», - dedilar».

Zaynab binti Abu Salama rivoyat qiladirlar: «Shomdan Abu Sufyonning vafot etganligi haqidagi xabar yetib kelganda, uchinchi kuni Abu Sufyonning qizlari Ummu Habiba (Rasulullohning xotinlari) safra keltirmakni buyurdilar. Olib kelishgach, uni yonoqlari, manglaylari, quloqlarining tagi va bilaklariga surtdilar-da: «Agar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Ollohga va oxirat kuniga ishongan ayolning o'likka uch kundan ortiq aza tutmog'i makruhdur, eri o'lsagina to'rt oyu o'n kun motamda bo'lg'aydir» demaganlarida, men bundoq qilmas erdim», - dedilar».

Zaynab binti Abu Salama rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotinlari Ummu Habibaning huzurlariga kirdim. Ul kishi menga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Ollohga va oxiratga ishonadigan ayolning uch kundan ortiq o'likka aza tutmog'i makruhdur, eri o'lsagina to'rt oyu o'n kun aza tutg'aydir» deganlarini eshitganman» - dedilar. So'ng, Zaynab binti Jahshning huzurlariga akalari o'lganda kirdim. Shunda ular xushbo'y narsalar olib kelmakni buyurdilar, xushbo'ylikni o'zlariga surtib, so'ng: «Mening xushbo'y narsalar surtmakka hushim yo'g'-u, lekin men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning minbarda turib, «Ollohga va oxiratga ishongan ayolning o'likka uch kundan ortiq aza tutmog'i makruhdur, eri o'lsagina to'rt oyu o'n kun aza tutg'aydir» deganlarini eshitganman», - dedilar».

30-bob. Qabrlarni ziyorat qilmoq haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qabr tepasida yig'lab o'tirgan bir ayolning yonidan o'tayotib unga: «Ollohdan qo'rqingiz, sabr qilingiz!»- dedilar. Xotin: «Yo'lingizdan qolmangiz, sizning boshingizga bundoq musibat

tushmagan-da!» -dedi. U Rasulullohni tanimas erdi. Odamlar xotinga: «Ul kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallam erdilar», -deyishdi. Shunda xotin Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning eshiklari oldiga keldi. Qarasa, eshik oldida (podshoh saroylarida bo'ladirgan) darvozabon yo'q. Xotin (ichkariga kirib) Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Sizni tanimabmen», -dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Odam boshiga musibat tushgan dastlabki kunlarda sabr-toqat qilmog'i kerak!» - dedilar».

31-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Agar mayyit hayotligida o'z ahlini o'likka aza tutganda (ortiqcha) yig'i-sig'i qilmakka o'rgatib qo'ygan bo'lsayu, o'zi o'lganda ahli unga aza tutib, oh-voh qilib yig'lasa, qabrida unga azob berilgaydir», - deganlari

Olloh taolo: «Ey mo'minlar, o'zingizni va ahlingizni jahannam o'tidan saqlangiz!» - degan.

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Har biringiz boshliqdirsiz va har biringiz o'z qo'l ostingizdagi kishilarga mas'uldursiz. Agar mayyit hayotligida o'z ahlini o'likka aza tutganda, dod-voy qilib yig'lamakka o'rgatib qo'ygan bo'lmasa, (qabrida azob chekmag'aydir)», - deganlar. Oisha onamiz aytganlaridek, birov birovning gunohi uchun gunohkor bo'lmag'aydir. Mana bul oyatning mazmuni ham xuddi shu xususda: «Agar birov o'zi qilgan gunohlarining ko'plig'idan alarni ko'tarolmay qolsa-yu, boshqa bir odamni chaqirib, unga: «Bir qismini o'zingga olg'il!» - desa, ul zarrachasini ham olmog'aydir.

Ovoz chiqarmay yig'lashga ruxsat berilganligi haqida

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Birov birovni nohaq o'ldirmog'aydir, mabodo nohaq o'ldirsa, Odam alayhissalomning to'ng'ich o'g'illari Qobil kenja o'g'illari Xobilni o'ldirgani sababli, uning gunohiga sherik bo'lg'aydir, chunkim, dunyoda ul birinchi bo'lib odam o'ldirmakni, nohaq qon to'kmakni odat qilgan shaxsdir!» - deganlar».

Usoma ibn Zayd raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasulullohning qizlari (Zaynab): «O'g'lim jon taslim qilay deyapti, ota, tezroq kelingiz!» - deb Janob Rasulullohga odam yubordilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa, bunga javoban salom aytib: «Farzand beradigan ham Olloh, uni qaytib oladigan ham Olloh. Ollohning dargohida ularning umri aniq belgilab qo'yilgandir. O'ziga Ollohdan sabru qanoat tilab, uning irodasiga bo'yinsunsin!» -deb aytib yubordilar. Qizlari: «Otam albatta kelsinlar!» -deb yana odam yubordilar. Bu gapni eshitib Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turdilar, ul kishi birlan birga Sa'd ibn Uboda, Muoz ibn Jabal, Ubay ibn Ka'b, Zayd ibn Sobit va bir qancha kishilar ham turib, yo'lga tushdilar. Yetib borishgach, Rasululloh sallallohu, alayhi va sallamga bolani uzatishdi, bola mahmasa holatida (jon berish vaqtidagi holatda) erdi. Nazarimda, bola suvi yo'q meshdek qurigan-u, jon tanasidan chiqib ketayin, deb turgandek erdi. Buni ko'rib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning muborak ikki ko'zlaridan duvullab yosh oqdi. Shunda Sa'd: «Yo Rasululloh, bu nesidir?!» -dedilar. Janob Rasululloh: «Bu ko'z yoshi - Ollohning bandalari qalbiga solgan rahmatidir! Olloh taolo rahmdil bandalariga rahm qilg'aydir (ya'ni, bu dod-voy solib yig'lagandagi ko'z yoshi ermasdir)», - dedilar».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qizlarining (Ummu Gulsumning) janozasida erdik. Qarasam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qabr yonida o'tiribdilar-u, ko'zlaridan duv-duv yosh oqayotir. Nogahon, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Orangizda bu kecha xotiniga yaqinlik qilmagan biror kishi bordirmi?»-deb so'radilar. Shunda Talha: «Men»,-dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Undoq bo'lsa, qabrga tushg'il!»-dedilar. Talha (mayyitni qo'ygani) qabrga tushdilar».

Abdulloh ibn Ubaydulloh ibn Abu Mulayka raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Makkada Usmon raziyallohu anhuning qizlari vafot etdi, janozasiga qatnashgani bordik. Janozaga Ibn Umar va Ibn Abbos raziyallohu anhular ham kelishdi. Ikkinchilari mening yonimga kelib o'tirdilar. Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu Usmonning o'g'li Amrga: «Xotinlarni yig'idan to'xtatsangiz-chi! Axir, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyit o'z ahlining yig'isidan (qabrda) azoblang'aydir, deganlar-ku!» - dedilar. Shu yerda o'tirib Ibn Abbos menga bir voqeani aytib berdilar:

«Hazrat Umar birlan birga Makkai Mukarramadan (Madinaga) qaytib kelayotib Baydo' degan yerga yetganimizda, nogahon samura daraxtining soyasida turgan bkr jamoaga Hazrat Umarning ko'zlari tushdi. Hazrat Umar menga: «Borib qarag'ilchi, anavi jamoa kimlar erkan?» - dedilar. Borib qarasam, Suhayb (jamoasi) erkan. Hazrat Umarga kelib buni aytdim. «Menga chaqirib berg'il uni!» - dedilar, Men Suhaybning oldiga borib: «Turingiz, Amir ul-mo`mininga yetib olingiz!» - dedim. Hazrat Umar Madinaga borganlaridan so'ng, musibat sodir bo'lib (Hazrat Umarga bir odam pichoq urgan erdi) Suhayb «voy birodarim, voy do'stim»lab yig'lab kirdi. Shunda Hazrat Umar raziyallohu anhu: «Ey Suhayb, sen meni deb (dod solib) yig'layotirmisen? Vaholanki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyit o'z ahlining (ba'zi bir) yig'isi sababli azoblang'aydir, deb aytganlar»,- dedilar.

«Hazrat Umar raziyallohu anhuning vafotlaridan so'ng, bu so'zni Oisha onamizga aytdim,- dedilar Ibn abbos raziyallohu anhu,- shunda Oisha onamiz: «Hazrat Umarri Ollah rahmat qilsin! Ollah taologa qasamyod qilib ayturmenkim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mo`min odam o'lganda, ahli yig'lasa, Ollah taolo uni azoblag'aydir» - demaganlar. Lekin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kofir odam o'lganda, ahli yig'lasa, uni Ollah qattiq azoblag'aydir»-deganlar. Sizlarga Qur'onning o'zi dalildir, birov birovning gunohi uchun azoblanmag'aydir»,- deb aytdilar. «Kuldirgan ham, yig'latgan ham Ollahning o'zidir!» - dedim. Ollahga qasamyod qilib ayturmenkim, Ibn Umar raziyallohu anhu (Ibn Abbosning ushbu rivoyatini eshitib) hech narsa demadilar».

Amra binti Abdurrahmon Oisha onamizdan bundoq deb eshitgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir yahudiy xotinning qabri yonidan o'tayotib, o'shal yerda uning qarindoshlari yig'lab o'tirganini ko'rdilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bular xotonga aza tutib yig'lashmakda, xotin ersa, qabrda azoblanmakdadir»,- dedilar».

Abu Burdaning otalari bunday degan erkanlar: «Umar raziyallohu anhuga musibat (pichoq urilgan erdi) yetganda Suhayb raziyallohu anhu «voy birodarim» lab yig'lay boshladi. Shunda Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Mayyit tirikning yig'isi sababli azoblang'aydir, deganlarini bilmasmisen?» — dedilar».

32-bob. Mayyitga (aza tutib) dod solib yig'lashning makruhligi

Hazrat Umar raziyallohu anhu: «Qo'yaverg'il ularni, Abu Sulaymonga aza tutib yig'lashaversin, boshlariga tufroq sochib va dod solib yig'lashmasa, bo'lgani!» — dedilar. Imom Buxoriy: «Naq' — boshga tufroq sochmoq, laqlaqa — dod-voy solmoq deganidir»,— deyilar.

Mug'iyra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitganman»,— deyilar: «Albatta, mening nomimdan yolg'on so'z aytmoq, boshqa biror kishining nomidan yolg'on so'z aytmoq kabi ermasdir. Kimki mening nomimdan qasddan yolg'on so'z to'qig'aydir, do'zaxdan o'ziga joy shaylayversin! Qaysi mayyitga kim aza tutib, dod solib yig'lag'aydir, o'shal mayyit dod solib yig'langani tufayli azobga qolg'usidir».

Ibn Umar raziyallohu anhuning otalari rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam; «O'lik, unga aza tutguvchilarning dod solib yig'lagani sababli, qabrda azoblang'aydir»,— deganlar».

Shu'ba raziyallohu anhu: «O'lik, unga aza tutguvchi tirikning yig'isi sababli, azoblang'aydir»,— deganlar.

33-bob.

Ibn ul-Munkadirga Jobir ibn Abdulloh bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Uhud jangi kuni otamning o'ligini kiyimlariga o'ralgan holda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga keltirib qo'yishdi-da, ul kishining quloq va burunlari kesib tashlanganini aytishdi. Men borib yuzlarini ochmoqchi erdim, qarindoshlarim qo'yishmadi, so'ng yana borib ochmoqchi bo'lganimda, qarindoshlarim yana qo'yishmadi, so'ng yana ochmoqchi bo'lib bordim, qarindoshlarim bu gal ham ruxsat berishmadi. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o'zlari «Ochingiz!» deb buyurdilar, yuzlarini ochishdi. Shunda bir xotinning dodlagan ovozi eshitildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimdir ul?» — dedilar. «Amrning qizi yokim Amrning singlisi»,— deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yig'lamasin!» — dedilar. Keyin, tobutni ko'tarishguncha farishtalar qanotlari birlan otamning tepalarida soya solib turishdi».

34-bob. Azada yoqasini yirtib dod solgan kishi bizdan ermas (musulmon ermas)!

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: "«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki (musibat yetganda) o'zi o'zining yuziga urib, yoqa yirtib, islomdan oldingi johiliya davridagi odamlarning nojoiz, noo'rin so'zlarini aytib yig'lag'aydir, ul bizdan ermasdir!» - deganlar».

35-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Sa'd ibn Xavlaga marsiya aytganlari

Amr ibn Sa'dga otalari Sa'd ibn Xavla bunday degan erkanlar: «Hajjat"ul-Vido' yilida men qattiq kasal bo'luvdim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meni ko'rgani keldilar. Shunda men: «Kasalim kuchayib ketdi, ahvolim og'ir. Men badavlat kishidirman, bir

qizimdan boshqa meros oladiringan odamim yo'qdir. Molimning 1/3 qismini ehson qilayinmi?» - dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yo'q»,- dedilar. «Yarmini sadaqa qilayinmi?»-dedim. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana: «Yo'q»,- dedilar. So'ng: «1/3... 1/3 qismi ham ancha ko'p narsadir, albatta sen bolalaringni odamlardan tilanadiringan faqir qilib qoldirganingdan ko'ra, boyroq qilib qoldirganing yaxshiroqdir. Agar sen xayru sadaqa uchun molingni sarflaydiringan bo'lsang, albatta buning evaziga Olohndan savob olg'aysan, hatto xotiningning og'ziga solib qo'ygan luqmang. uchun ham»,- deb qo'shib qo'ydilar. «Yo Rasululloh, men sahoba birodarlarimning orqasida qolarmikanman (ya'ni, tuzalib ketarmikanman)?» - dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sen bordiyu, (sahoba birodarlaringdan) keyin qolib, amali solih qilsang, buning evaziga Oloh dargohida daraja va martabang ziyoda bo'lg'aydir, shoyadki, keyin qolsang-u, sendan bir qancha mo'minlar foydalansalar va bir qancha mushriklar zarar topsalar! Ilohi, sahobalarimning hijratini bexatar qilg'il, ularni (Madinadan) orqaga qaytarmagil!» - dedilar». Lekin, bechora Sa'd ibn Xavla Makkada shfot etganda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga marsiya aytdilar.

36-bob. Musibat yetganda sochini yulmoqni man' qilganlari haqida

Abu Burda ibn Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Muso (otam) qattiq betob bo'lib qolib, hushlaridan ketdilar, boshlari xotinlaridan birining quchog'ida bo'lib, birorta ham so'z ayta olmas erdilar. Hushlariga kelganlaridan keyin: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kimdan nafratlangan bo'lsalar, men ham o'shandan nafratlang'ayman. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Boshiga musibat tushganda dod-voy solgan, sochini yulgan va yoqasini yirtgan xotirlardan nafratlang'ayman! der erdilar»,- deb aytdilar»,

37-bob. Boshiga musibat tushganda yuziga shapaloqlab urib, dod-voy solganlar bizdan ermasdir (musulmon ermasdir)!

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki o'zi o'zining yuziga urib, yoqa yirtib, dod-voy solib, islomdan avvalgi odamlarning shariatga nomuvofiq qiliqlarini qilg'aydir, ul bizdan ermasdir!»- deganlar».

38-bob. Boshiga musibat yetganda johiliya davridagidek dod solib, shariatga nomuvofiq so'zlarni aytib yig'lamoqni man' qilganlari

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Boshiga musibat yetganda johiliya davridagidek shariatga nomuvofiq so'zlarni aytib, yoqa yirtib, yuziga urib yig'lagan odam bizdan ermasdir!» -deganlar».

39-bob. Boshiga musibat tushgan odamning xafaligi yuzidan bilinib tursa...

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Ibn Horisa, Ja'far va Ibn Ruvohalarning o'ldirilganligi to'g'risidagiy xabar kelgan kuni Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjidida o'tirganlarida xafaliklari yuzlaridan bylinib turdi. Shunda men eshikning tirqishidan qarab turgan erdim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga bir kishi kelib, Ja'farning xotinlari yig'lashayotganini aytdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularni yig'idan to'xtatmakni buyurdilar. Xotinlarni yupatmoqqa ketgan odam qaytib kelib: «Itoat qilishmayotir»,- dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yana: «Turg'il, borib

ularni yig'idan to'xtatitil!» - dedilar. U kishi yana qaytib kelib: «Yo Rasululloh, Ollohga qasamyod qilib ayturmenkim, xotinlar bizga bo'yinsunmayotirlar», - dedi. Shunda men: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam boyagi kishiga «Borib xotinlarning yuziga tufroq sochg'il!» dedilar, deb o'ylab, «Voy, Olloh burningni yerga ishqagur! Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning aytganlarini qilmay, ul kishini qiynab qo'yding-ku!» - dedim».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Najd qabilasiga yuborilgan qorilar o'ldirilganda bir oy davomida «Qunut» duosini o'qidilar. Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o'sha paytdagidan ko'ra qattiqroq xafa bo'lganlarini ko'rmaganman».

40-bob. Boshiga musibat yetganda xafaligani bildirmagan kishi

Muhammad ibn Ka'b: «Jaza' so'zi - yomon so'z aytish va yomon xayolga borish hamda Olloh taolo oxiratda beradigan yaxshilig'lardan noumid bo'lish, demakdir», - deganlar. Ya'qub alayhissalom: «Men o'z dardu qayg'umni yolg'iz Ollohning o'ziga izhor qilg'aydirman», - deganlar.

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Abu Talhaning o'g'li kasal bo'lib, vafot etgandi. Ushanda Abu Talha tashqarida yurgan erdi. Xotini o'g'lining o'lganini ko'rib, mayyitga kerak bo'ladirgan ayrim narsalarni tayyorlab, uying bir chekkasiga olib borib qo'ydi. Abu Talha uyga kirib: «Bolaning ahvoli nechuk?» - deb so'radi. Xotini: «Bir oz tinchib qoldi, orom olib uxlayotgan bo'lsa kerak», - dedi. Abu Talha xotini rost aytayapti, deb o'yladi. O'sha kecha yotib, erta bilan turib g'usl qildi. Keyin, uydan chiqib ketmoqchi bo'lganida, xotini bolasining vafot etganini aytdi.

Abu Talha Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga namoz o'qib bo'lgach, xotini birlan o'zi o'rtasida bo'lgan voqeani aytib berdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Shoyadki, Olloh taolo ikkalangizning ham tuningizga barakot bersa (ya'ni, Olloh farzand bersa)!» - dedilar. Sufyon raziyallohu anhu: «Ansoriylardan bir kishi Abu Talhaning xotini to'qqizta bola ko'rganini, ularning hammasi Qur'on tilovat qilmakka mohir bo'lganini menga aytdi», - deydilar».

41-bob. Boshiga musibat tushgan dastlabki vaqtlarda sabru toqat qilmoq haqida

Hazrat Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Adolat ham yaxshi, buning evaziga olinadigan savob ham yaxshidir! Shundoq odamlar bordirki, boshlariga musibat tushganda: «Inno li-l-lohi va inno ilayhi roji'un» (Biz Ollohning bandalaridirmiz va hammamiz uning dargohiga qaytib borg'aymiz) deb aytishadi. Ana shundoq deydigan insonlarni Olloh taolo yarlaqaydir va ulardan rahmatini darig' tutmaydir, ana shundoq insonlar hidoyatga erishgan bandalardir! Olloh taolo bu xususda bundoq deydi: «Vasta'ynuu bi-s-sabri va-s-saloti va innaho la-kabiyratun illo ala-l-xoshi'iyin» (sabru toqat qilsangiz, namoz o'qisangiz, dardu alamingiz yozilg'aydir, darhaqiqat, sabru toqat qilmoq hamda namoz o'qimoq Ollohdan qo'rquvchilardan o'zgalargagina amri maholdir!).

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Boshiga musibat tushgan dastlabki vaqtlarda sabru toqat qilmoq ko'proq savoblidir», - deganlar».

42-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Biz sendan ajrab qolayotganimizdan xafamiz»,- deganlari

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «(Musibat yetganda) ko'zdan yosh oqg'aydir, ko'ngil g'am chekkaydir»,-deganlar».

43-bob. Kasal huzurida yig'lamoq haqida

Abdullohibn Umar rivoyat qiladirlar: «Sa'd ibn Uboda betob bo'lib qoldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdurrahmon ibn Avf, Sa'd ibn Abu Vaqqos va Abdulloh ibn Mas'ud birlan birga ko'rgani kirganlarida, bola-chaqalari uning tevaragida turishgan erkan. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Vafot etdimi?» - dedilar. «Yo'q, yo Rasululloh»,-deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yig'ladilar. Ul kishining yig'laganlarini ko'rib, boshqalar ham yig'ladi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Eshitmakdamisiz, Oloh taolo ko'z yoshi va dil qaygusi uchun azob bermag'aydir. Lekin, mana buning uchun azob berg'aydir yoki rahm qilg'aydir»,-deb tillariga ishora qildilar».

Mayyit o'z ahlining unga motam tutib (dod solib) yig'lashi sababli (qabrda) azob chekkaydir. Hazrat Umar raziyallohu anhu dod solib yig'laganlarni aso birlan urur erdilar, tosh otib, tufroq sochib haydar erdilar.

44-bob. Janob Rasulullohning dod solib yig'lamoqni man' qilganlari va uni qattiq qoralaganlari

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Zayd ibn Horisa, Ja'far va Abdulloh ibn Ruvohaning o'ldirilgani to'g'risidagi xabar yetib kelganda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning yuzlaridan xafaliklari shundoqqina bilinib turar erdi. Men eshikning tirqishidan qarab turgandim. Shunda Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bir kishi kelib: «Yo Rasululloh, Ja'farning xotinlari yig'lashayotir»,- deb aytdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularni yig'idan to'xtatmakni buyurib, odam yubordilar. U kishi qaytib kelib: «Ular menga itoat qilishmayotir»,- dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkinchi marta xotinlarni yig'idan to'xtatmakni buyurdilar. Boyagi kishi ketdi, keyin yana qaytib kelib: «Olohga qasamyod qilib ayturmenkim, ular menga bo'yinsunmayotirlar»,- dedi. Men bo'lsam: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam u.kishiga: «Yig'layotgan xotinlarning og'ziga tufroq sochg'il!»-dedilar, deb o'ylab, «Oloh burningni yerga ishqagur! Yo buyruqni bajarmading va yo Rasulullohni ovora qilmakdan to'xtamading!» - dedim».

Ummu Atiyya raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Boshimizga musibat tushganda dod solib yig'lamoslikka Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bay'at qildik (qasam ichdik). Lekin, quyidagi beshta ayoldan boshqasi o'z ontiga vafo qilmadi: Ummu Sulaym, Umm ul-Alo, Muozning xotini - Binti Abu Sabra va yana ikki xotin» (yoki «Binti Abu Sabra, Muozning; xotini va boshqa xotinlar»,- dedilar).

45-bob. Janozani ko'rganda o'rnidan turmoq

Omir ibn Rabi'a rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Janoza kelayotganini ko'rsangiz, o'ringizdan turib, o'tib ketguncha kutib turingiz!» -deganlar,

Humaydiy raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (janoza) o'tib ketguncha yoki mayyit (elkadan) yerga qo'yilguncha, deganlar», - deb qo'shimcha qiladirlar.

46-bob. Janozani hurmat qilib o'rnqdan turgan odam qachon o'tiradir?

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar birortangiz janoza kelayotganini ko'rsangiz-u, janoza birlan birga (masjidga yokim mozorga) bormak niyatingiz bo'lmasa, uni o'tkazib yuborguningizcha yokim u o'tib ketgunicha yokim mayyit (elkadan) yerga qo'yilguncha o'rningizdan turib, kutib turintiz!» - deganlar».

Sa'id al-Maqyuriy rivoyat qiladirlar: «Bir janozada erdik, Abu Hurayra Marvonni qo'lidan ushlab, «o'tiraylik» deb imladi, ikkalalari mayyit yerga qo'yilmasdan burun o'tirib olishdi. Shunda Abu Sa'id raziyallohu anhu kelib, Marvonni qo'lidan ushlab: «Turg'il o'rningdan! Ollohga qasam ichib ayturmenkim, (Abu Hurayra) Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning mayyit (elkadan) qo'yilmasidan burun o'tirmoqni man' qilganlarini (yaxshi) bilg'aydir», - dedilar. Shunda Abu Hurayra: «To'g'ri aytadilar», - dedi».

47-bob. Tobutni ko'tarishib borgan kishi, uni odamlar yelkalaridan tushirib, yerga qo'ymagunlaricha o'tirmaydir, mabodo o'tirsa, turish buyuriladir

Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar janoza kelayotganini ko'rsangiz, o'rningizdan turingiz, basharti ko'tarishib borsangiz, yelkalardan tushirilib, yerga qo'yilmaguncha o'tirib olmangiz!» - deganlar».

48-bob. Yahudiy mayyitning tobutini ko'rib, o'rnidan turgan kishi haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Yonimizdan bir mayyitning tobutini ko'tarib o'tishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turdilar, biz ham turdik. So'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Yo Rasululloh, bu mayyit yahudiy-ku?!» - dedik. Rasululloh: «Mayyitni ko'rganingizda o'rningizdan turingiz!»-dedilar».

Abdurrahmon Abu Laylo rivoyat qiladirlar: «Sahl ibn Hanif va Qays ibn Sa'd Qodisiyada o'tirishgan erdi, yonlaridan bir mayyitning tobutini ko'tarib o'tdilar. Shunda ikkovlari o'rinlaridan turishdi. Buni ko'rganlar ulardan: «Bu mayyit zimmiylardan-ku?!»-deyishdi. Shunda ular bunday deb javob qildilar: «Bir kuni Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning yonlaridan bir mayyitning tobutini ko'taryb o'tib qoldilar. Shunda ul zot o'rinlaridan turdilar. Keyin, uning yahudiy mayyiti ekanini aytishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «U ruh emasdirmi?!» - dedilar».

49-bob. Mayyitni (tobutni) xotinlar ermas, erkaklar ko'taradir

Sa'id al-Maqyuriy otasidan, u ersa Abu Sa'id al-Xudriydan bunday deb eshitgan erkan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyit tobutga solingach, uni erkaklar yelkalariga ko'targanda, agar ul solih banda bo'lsa, «Meni tezroq olib boringiz!»-deydir, agar solih banda bo'lmasa, «Voy sho'rim, meni qayoqqa olib ketmoqdasizlar?»- deydir.

Uning ovozini insondan boshqa hamma narsa eshitgʻaydir, agar inson eshitsa erdi, hushidan ketib yiqilgʻay erdi!»-deganlar».

50-bob. Janozani (tobutni) tez olib bormoq

Anas raziyallohu anhu: «Janozani (mayyitni) kuzatib borayotganingizda tobutning oldida ham, orqasida ham, oʻngida ham, chapida ham yuraveringizlar!» -degan erkanlar. Boshqa bir kishi ersa: «Janozagʻa (tobutga) yaqin yuringizlar!» -degan erkan.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyitni tezroq olib boringizlar! Agar ul solih banda boʻlsa, unga yaxshiligʻ qilib, tezroq manzilga yetkazgan boʻlursiz, agar aksincha boʻlsa (yaʼni, solih banda boʻlmasa), yomonni yelkangizdan tezroq tushirib, undan tezroq qutulgan boʻlursiz»,- dedilar».

51-bob. Tobutda yotgan mayyitning «Meni tezroq olib boringiz!» deb aytishi haqida

Abu Saʼid al-Xudriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyitni tobutga solib, uni kishilar yelkalariga koʻtarishganda, agar ul solih banda boʻlsa, «Meni tezroq olib boringiz!» - deydir, basharti solih boʻlmasa, «Voy shoʻrim, meni qayoqqa olib ketmoqdasizlar?»-deydir. Uning ovozini insondan boshqa hamma narsa eshitgʻaydir, agar inson eshitsa erdi, hushidan ketib yiqilgʻay erdi»,- deganlar».

52-bob. Janozada imomning orqasida ikki yoki uch saf boʻlib turmoq

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (habash podshohi) Najoshiyga (gʻoyibona) janoza oʻqidilar, men ikkinchi yoki uchinchi safda turdim».

53-bob. Janozadagi saflar bayoni

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Najoshiyning vafot etganini sahobalarga aytib, soʻng oldinga - imomlikka oʻtdilar. Sahobalar ul zotning orqalarida saf tortdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam toʻrt bor takbir aytdilar».

Shaʼbiy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni koʻrgan zotlardan biri menga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir moʻminning janozasiga borib, sahobalarni saf qildilarda, toʻrt marta takbir aytib janoza oʻqidilar»,- deb erdi». Shayboniy: «Ey Abu Amr, sizga buni kim aytdi?»-deb Shaʼbiydan soʻraganda, u: «Ibn Abbos raziyallohu anhu aytdi»,-degan erkan.

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bugun Habashistonda bir solih odam vafot etdi, kelingiz, shul yerda turib unga (gʻoyibona) janoza oʻqiydirmiz!»-dedilar. Biz saf tortdik, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oldinga oʻtib, unga janoza oʻqidilar, biz ul kishiga iqtido qildik». Abu Zubayrga Jobir: «Men oʻshanda ikkinchi safda turgan erdim», -degan erkanlar.

54-bob. Janoza namozida bolalarning kattalar birlan birga safda turishi

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam notanish bir mayyitning qabri yonidan o'tayotib: «Bu mayyit qachon dafn qilindi?» - dedilar. «Kecha kechasi», - dedik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Meni chaqirsangiz bo'lmasmidi?» - dedilar. Sahobalar: «Qorong'i kechada ko'ndik, sizni bezovta qilmakni xohlamadik», - deyishdi. So'ng Rasululloh sallallohu alayhi va sallam janoza o'qimoqqa kirishdilar. Biz orqalarida saf tortdik. Men ersam o'sha paytda yosh bola erdim». .

55-bob. Mayyitga janoza o'qishning sunnat ekanligi to'g'risida

Imom Buxoriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki mayyitga janoza o'qig'aydir, unga bir qiyrot savob tekkaydir», - deganlar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Do'stu birodarlaringizga o'zingiz janoza o'qingizlar!» - deganlar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Najoshiyga janoza o'qingizlar!» - deganlarida, janozani «namoz» deb atab: «Uning ruku' va sajdalari bo'lmag'aydir, uni o'qiyotganda (dunyoviy so'zlar) so'zlanmaydi, faqat takbiri tahrima aytilib, salom berilg'aydir», - deganlar. Ibn Umar janozadan avval albatta tahorat olar erdilar hamda kun chiqayotgan va botayotganda janoza o'qimas erdilar. Ibn Umar raziyallohu anhu qo'llarini ko'tarib takbir aytar erdilar. «Sahobalar va ularning avlodlari orasida shundoq kishilarni uchratdimki, - deyilar Hasan Basriy, - ulardan janoza va farz namozlarini o'qimoqqa haqlilari, janoza vaqtida yokim hayit namozida tahoratlari sinib qolsa, tayammum qilmay, suv qidirib topib, albatta qayta tahorat olg'ay erdilar. Agar janoza o'qilayotgan vaqtda kelib qolishsa, o'zlari takbiri tahrima aytishib, boshqalarga qo'shilib janoza o'qiyverar erdilar».

Ibn Musayyab: «Kishi janoza namozida xoh kechasi bo'lsin, xoh kunduzi bo'lsin, xoh muqimlikda va xoh musofirlikda bo'lsin, baribir to'rt marta takbir aytg'aydir», - deyilar. Anas raziyallohu anhu: «Birinchi takbir - namozni boshlashda aytiladigan takbiri tahrinidir, Oллоh taolo: «Munofiqlardan birortasi o'lsa, unga zinhor janoza o'qimangiz!» - deydir. Janoza namozida odamlar saf tortg'aydir, imom ersa, oldinga o'tib janoza o'qig'aydir», - deganlar.

Sha'biy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga bir mo'minning janozasiga borgan kishi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam janozada bizga imomlik qildilar, biz orqalarida saf tortdik», - deb aytdi». «Ey Abu Amr, bu hadisni sizga kim aytdi?» - deb Sha'biydan so'rashganda, u: «Ibn Abbos aytdi», - deb javob bergan erkan.

56-bob. Janozaga borishning fazilati

Zayd ibn Sobit raziyallohu anhu: «Janoza o'qisang, zimmangdagi vazifani bajaribsang», - deyilar. Humayd ibn Hilol: «Janoza o'qib bo'lgandan so'ng, janoza egalaridan uyga qaytmoqqa ijozat so'rashning sunnat ekanligini bilmasmiz-u, biroq kimki janoza o'qib uyiga qaytsa, unga bir qiyrot savob tegmog'ini yaxshi bilurmiz», - deyilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Hurayra: «Kimki janoza namoziga qatnashg'aydir, unga bir qiyrot savob tekkaydir», - dedilar. Keyin u kishi bizga yana juda

ko'p hadislar ham aytib berdilar. Shunda Oisha onamiz Abu Hurayraning so'zini tasdiqlab: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shundoq deganlarini men ham eshitgandirmen», - dedilar. Men: «Unda, juda ko'p qiyrot savoblarni boy beribmiz-da!» - dedim».

57-bob. Mayyit dafn qilinguncha kutib turgan kishi haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki janozada qatnashib, janaza namozini o'qig'aydir, unga bir qiyrot savob tekkaydir, kimki janaza namozini o'qib, mayyit dafn etilguncha ketmay tursa, unga ikki qiyrot savob tekkaydir?» - dedilar. Shunda odamlar: «Yo Rasululloh, ikki qiyrot qanchadir?» - deb so'rashdi. Janob Rasululloh: «Ikkita katta tog'dek kelur», - dedilar».

58-bob. Kattalar birlan birga yosh bolalarning ham janaza namozi o'qimogi haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir qabrning oldiga kelganlarida, sahobalar: «Bu qabrdagi kishi o'tgan kuni dafn qilingan», - deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning orqalarida saf tortdik, ul kishi qabrdagi mayyitga janaza o'qidilar (Ibn Abbos o'sha paytda yosh bola bo'lganlar)».

59-bob. Namozgoxda va masjidida janaza namozi o'qimoq

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Habashiston podshohi Najoshiyning vafot etganligini bizga aytib: «Birodaringiz haqqiga talabi mag'firat qilingizlar!» - dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobai kiromlarini namozga safladilar, so'ng to'rt marta takbir aytib, marhum Najoshiyga janaza namozi o'qidilar».

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladirlar: «Yahudiylar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga zino qilgan bir erkak birlan bir xotinni tutib olib kelishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam buyurdilar, ularni masjid oldidagi janaza o'qiydirgan joyga olib borishib, toshbo'ron qilishdi».

60-bob. Qabrlarni sajdagoh qilib olmoqning makruhligi haqida

Hazrat Alining o'g'illari Hasan vafot etganda xotinlari Fotima qabr ustiga chodir qurdilar. Chodir bir yilgacha o'sha yerda turdi, so'ng buzib yig'ishtirishdi. Shunda hotifdan: «Ayo, yo'qotgan kishilarini topishdimi?» - degan ovoz keldi. Unga ikkinchi bir ovoz: «Aksincha, umidsiz bo'lib qaytib ketdilar», - deb javob qaytardi».

Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafot etmaslaridan oldin betob bo'lib yotganlarida: «Olloh taolo yahudiy va nasorolarga la'nat yuborsin! Ular sobiq payg'ambarlar qabrlarini sajdagoh qilib oldilar», — degan edilar».

Oisha onamiz shu so'zni eslab: «Agar qabrlarni sajdagohga aylantirib olmoq xavfi bo'lmaganda erdi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qabrlari atrofini ochiq holda

qoldirishar erdi. Afsuski, Janob Rasulullohning qabrlarini mahkamlashga to'g'ri keldi. Lekin, men hali ham Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yotgan hujrani masjid qilib olmoqlaridan qo'rqg'ayman»,- dedilar.

61-bob. Tug'olmay o'lgan xotinlarga janoza o'qimoq haqida

Sumra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning orqalarida turib (ya'ni, iqtido qilib), tug'olmay vafot etgan xotinga janoza o'qidim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa, mayyit belining to'g'risida turib janoza o'qidilar».

62-bob. Imom xotin kishining janozasida qaerda turadi-yu erkak kishining janozasida qaerda turadi?

Sumra ibn Jundub raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning orqalarida turib, tug'olmay o'lgan bir xotinning janozasini o'qidim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa, mayyitning beli qarshisida turdilar».

63-bob. Janoza namozida to'rt marta takbir aytmoq

Humayd rivoyat qiladirlar: «Anas raziyallohu anhu bizga imomlik qilib janoza namozi o'qidilar. Shunda ul kishiga: «Uch marta takbir aytdingiz»,-deyishdi. Anas yana bir marta takbir aytib, so'ng salom berdilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Najoshiy vafot etgan kuniyoq bu haqda xabar berdilar. So'ng, sahobai kiromlar bilan namozgohga chiqdilar. Ularni saflab, to'rt marta takbir aytib, Najoshiyga janoza namozi o'qidilar».

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Habashiston podshohi Najoshiyga to'rt marta takbir aytib, janoza namozi o'qidilar».

64-bob. Janoza namozida surai «Fotiha» ni o'qimoq

Hasan Basriy rivoyat qiladirlar: «Go'dak bolaning janozasida surai «Fotiha» o'qilg'aydir, keyin «Ollohum-ma-j'alhu lano salafan va fartan va ajran (Ilohi, bu go'dakni, jannatga bizdan avval borib, joy tayyorlab turguvchi va erta vafot etganligiga sabr qilmog'imiz evaziga bizlarga savobu mukofotlar ato etmog'ingga sababchi qilg'aysen!)»,- deyiladir».

Talha raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Abbos raziyallohu anhuga iqtido qilib namoz o'qidim. O'shanda u kishi surai «Fotiha» ni o'qib, so'ng: «Surai «Fotiha» ni janozada o'qimoq sunnat ekanligini bilishsin, deb ataylab o'qidim»,-dedilar».

65-bob. Mayyit dafn qilingandan so'ng qabr snida janoza namozi o'qimoqning joizligi

Sha'biy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan birga bir mo'min bandaning janozasiga borgan kishi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qabr tepasida janoza namozi o'qidilar, sahobalar ul kishiga iqtido qildilar»,-

dedi».

Shayboniy: «Bu hadisni sizga kim aytdi?»-deb Sha'biydan so'raganimda, u menga: «Ibn Abbos raziyallohu anhu aytdi» deb javob qildi»,- deyдилar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Masjidni supurib yuradigan bir qora odam vafot etdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bundan bexabar erdilar. Bir kuni o'shal odam yodlariga tushib: «Anavi odamga ne bo'ldi?» - dedilar. Sahobalar: «Yo Rasululloh, u vafot etgan»,- deyishdi. «Menga bildirmabsizlar-da!»-dedilar Rasululloh. Sahobalar: «U undoq edi, bundoq edi»,- deb uni kamsitishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Menga qabrini ko'rsatingiz!»-dedilar. Sahobalar uning qabrini ko'rsatishgan erdi, Janob Rasululloh unga janoza namozi o'qidilar».

66-bob. Mayyit oyoq tovushlarini eshitg'aydir

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mayyit qabrga qo'yilgach, barcha birodarlarining qaytib ketayotgandagi oyoq tovushlarini eshitib turg'aydir. Qabrga ikkita farishta kirib, mayyitni o'tirg'izib qo'yg'aydir. Shunda ikkala farishta mayyitga: «Mana bul kishi, ya'ni Muhammad alayhissalom to'g'rilarida ne der erding?»-deydir. Mayyit: «Bul kishining Ollohning bandasi va elchisi ekanligiga guvohlik bergaymen»,- deydir. Shunda unga: «Do'zaxdagi o'rningga qarag'il, Olloh taolo senga uning o'rniga jannatdan joy almashtirib berdi»,- deyishadir. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam so'zlarida davom etib, yana bunday dedilar: «Banda (mayyit) o'zining do'zaxdagi va jannatdagi o'rnini ham ko'rg'aydir. Ammo, ul kofir yokim munofiq ersa: «Bul kishi kim?» - deyilganda, «Odamlar bir narsa der erdi, men ham ular ne deyishgan bo'lsa, shundoq der erdim»,- deydir. Shunda Munkar-Nakir: «Ul kishini ham tanimagandirsən (bilmagandirsən), Qur'oni Kariymni ham tilovat qilmagandirsən»,- deb olov-gurzi birlan qulog'ining tagiga urg'aydir. Mayyit qattiq qichqirg'aydir, uning ovozini atrofdagi barcha narsalar eshitg'aydir, faqat insonlar va jinlar eshitmag'aydir».

67-bob. Bayt ul-Muqaddasga yoki shu kabi (muqaddas) joylarga dafn etilmog'ini istagan shaxs haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Olloh taolo Malak ul-mavtni (O'lim farishtasini) Muso alayhissalomning huzurlariga yubordi. Muso alayhissalom (uyga ijozatsiz kirgan odam, deb o'ylab) bir musht urib, uning ko'zini chiqardilar. Malak ul-mavt Olloh taoloning dargohiga qaytib borib: «Meni o'lmoqni istamagan kishining oldiga yuboribdirsən»,- dedi. Olloh taolo farishtaning ko'zini qaytarib berib (joyiga keltirib): «Musoning oldiga qaytib borib aytg'il, qo'lini ho'kizning ustig'a qo'ysin, qo'li yopib turgan tuklarning har biri uchun unga bir yildan umr berg'aydirmen!»-dedi. Muso: «Yo Rabbiy, andin keyin-chi?»-dedilar. Olloh taolo: «Andin so'ng - o'lim!»-dedi. Muso alayhissalom: «Undoq bo'lsa, hozir (jonimni ola qolsin)!»-dedilar-da, Olloh taolodan: «Mening qabrim «Bayt ul-Muqaddasga bir tosh o'tim masofada yaqin bo'lsa!» - deb iltimos qildilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar o'shal yerda bo'lganlaringizda erdi, men sizlarga Musoning yo'l yoqasidagi qizil qum tepaligi ustida o'rnashgan qabrini ko'rsatg'ay erdim»,- dedilar».

68-bob. Kechasi dafn qilmoq

Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu kechasi dafn qilinganlar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi dafn qilingan bir kishiga janoza namozi o`qidilar. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o`rinlaridan turdilar, orqalaridan sahobalar ham turishdi. So`ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qabrdagi kimdir?» - deb so`ragan erdilar, sahobalar: «Falonchi, kecha kechasi dafn qilindi», - deyishdi».

69-bob. Qabr ustiga masjid qurmoq

Oisha onamiz raziyallohu anxo rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam betob bo`lib yotganlarida, xotinlari (Ummu Salama va Ummu Habiba) ul kishiga Habashistonda o`zlari ko`rgan kanisa to`g`risida so`zlab berishdi. O`sha kanisa «Mariya» deb atalar erdi. Uni Ummu Salama birlan Ummu Habiba raziyallohu anhumo Habashistonga borishganda ko`rgan bo`lib, ularni kanisaning chiroyi va uning ichidagi suratlar jalb etgan erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam boshlarini ko`tarib: «Ular, agar oralaridan bir solih kishi vafot etg`aydir, uning qabri ustiga kanisa qurg`aydirlar, so`ng ichiga suratlar chizg`aydirlar. Ular Ollah taolo dargohida eng yomon otlig` insonlardir!»-dedilar».

70-bob. Xotin kishini qabrga kim qo`yadir?

Anas raziyallohu anxo rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qizlari - Ummu Gulsumning dafn marosimida qatnashdik. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga qararak, qabr yonida turibdilar-u, ko`zlaridan duv-duv yosh oqayotir. Nogahon: «Orangizda bul kecha ayoliga yaqinlik qilmagan kishi bormidir?»-deb so`radilar. «Men», — dedilar Abu Talha. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Tushg`il qabrga!»-dedilar. Abu Talha qabrga tushib, mayyitni lahadga qo`ydilar». Fulayh raziyallohu anhu: «Nazarimda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Bul kecha gunoh qilmagan kim bordir?» -deb aytdilar shekilli», - deyidilar.

71-bob. Shahidga janoza o`qimoq to`g`risida

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhud jangida shahid bo`lganlarning har ikkitasini bir qabrga qo`ydirar erdilar. Qabrga qo`yilmog`idan avval: «Bulardan qaysi biri Qur`onni ko`proq yodlagandir?»-deb so`rar erdilar. «Mana bunisi» deb ko`rsatishgan mayyitni oldin lahadga qo`ydirar erdilar. So`ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bul kishilarga (Ollah yo`lida jonini qurbon qilganlarga) qiyomat kuni men guvohdirmen!»-deb, ularning qonlarini yuvdirmay va janoza ham o`qitmay dafn qildirar erdilar».

Uqba ibn Omir rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Uhud jangida shahid bo`lganlarga o`z ajali birlan o`lgan mayyitga o`qigandek janoza o`qidilar. So`ng, minbarga chiqib: «Men sizlardan avval borib (jannatdan joy) tayyorlab turg`uvchimen va men sizning (qilgan yaxshi amallaringizga) guvohdirmen. Ollohga qasam ichib ayturmenkim, hozir men Havzi Kavsa ko`rib turibdirmen, menga Yer xazinalarining kalitlari (yokim «Yer kalitlari», - dedilar shekilli) berildi. Ollah haqqi-

hurmati, men o'lganimdan keyin sizlardan xotirjamdirmen, faqat, mol-dunyo ketidan quvmasangizlar, deb qo'rqg'aymen, xolos»,- dedilar».

72-bob. Ikki yoki uch mayyitni bir qilib dafn etmoq haqida

Jobir ibn Abdullox rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhud jangida shahid bo'lgan kishilarning har ikkitasini bir qilib qabrga qo'ydirar erdilar».

73-bob. «Shahidlarni yuvmoq lozim ermas»,- degan kishilar haqida

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Shahidlarni (yuvmay) qonlari birlan dafn qilaveringizlar!» - dedilar. O'shal kuni shahidlarni hech kim yuvmadi».

74-bob. Lahadga (birdaniga bir necha o'lik qo'yiladigan bo'lsa) kim avval qo'yilg'aydir?

Imom Buxoriy «lahad» so'zining ma'nosi haqida bunday deydilar: «Lahad qabrga nisbatan nishabroq bo'lgani uchun ham lahad deyilg'aydir, har bir jabr qilg'uvchi odam ersa, mulhid deyilg'aydir. Qur'oni Kariymdagi «multahidan» so'zi ham «bir tekis nishab» degan ma'noni anglatg'aydir. Agar lahad (qabr) nishab bo'lmaganda erdi, zarih (sog'ona) bo'lgan bo'lar erdi».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhud jangida halok bo'lganlarning har ikkitasini bir qabrga qo'ydirar erdilar. Qabrga qo'yishdan avval: «Qaysi biri Qur'onni ko'p yodlagandir?» - deb so'rar erdilar. «Qur'onni ko'p yodlagan mana shudir»,- deb ko'rsatishgan mayyitni oldin lahadga qo'ydirar erdilar. So'ng: «Men bularning (Ollah yo'lida shahid bo'lganlig'iga) guvohdirman!»-deb ularning jarohatlaridagi qonni yuvdirmay va janoza ham o'qitmay dafn qildirar erdilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhud jangida halok bo'lgan har ikki shahiddan birini ko'rsatib: «Bularning qaysi biri Qur'onni ko'p yodlagandir?»-deb so'rar erdilar. So'ng, qaysi birini ko'rsatishsa, o'shani sherigidan avval qabrga qo'ydirar erdilar. Mening otam birlan amakim ham bir jangda halok bo'lib, ikkalalari bitta kafanga kafanlangandirlar»(?).

75-bob. Qabrni (lahadni) berkitishda nzxir va boshqa o't-o'lanlardan foydalanmoq

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollah taolo Makkai Mukarramani muhtaram qildi. Unda qon to'kmoq mendan avval ham biror kishiga ruxsat etilmagan, mendan keyin ham biror kishiga ruxsat etilmag'aydir. Menga ersa, fath kuni (Makka zabt etilgan kuni) bir soatgagina urush qilmoqqa ijozat berildi. Makkaning hatto ko'katlarini yulmoq, daraxtlarini sindirmoq ham makruhdir! Unda ov qilinmag'aydir, tushib qolgan narsaga tegilmag'aydir. Tushib qolgan narsani odamlarga ma'lum qilmoq uchungina qo'lga olmoq mumkindir»,- dedilar. Shunda men: «Izxirningina yulmoqqa ruxsat beringiz, chunkim biz undan bo'yoq olg'aymiz va uni qabrni (lahadni) yopishda ishlatg'aydirmiz»,- dedim. Janob Rasululloh sallallohu alayhi

va sallam: «Izxirni bo'lsa, mayli!» - dedilar. Abu Hurayra: «Rasululloh o'shanda «Qabrlarimiz va uylarimiz uchud bo'lsa, mayli!» deb aytdilar», - deydilar».

76-bob. Mayyit, biror sababga ko'ra, qabrdan yoki lahaddan qayta kavlab olinadirmi?

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdulloh ibn Ubay qabrga qo'yilgandan so'ng kelib, uni qayta kavlab olmoqni buyurdilar. Abdullohni qabrdan chiqarib olishdi. So'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdullohning boshini tizzalariga qo'yib, dam soldilar-da, unga o'zlarining ko'ylaklarini kiydirdilar (buning sababini Olloh bilg'aydir). Abdulloh, hayotligida, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning amakilariga bir ko'ylak kiydirgan erdi. Sufyon birlan Abu Hurayra bundoq deyishadir: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ikkita ko'ylaklari bo'lib, bir kuni Abdullohning o'g'li: «Yo Rasululloh, ustingizdagi ko'ylagingizni otamga kiydiringiz!» - deb aytdi». «Sahobalar, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdullohning amakilariga qilgan yaxshilig'i evaziga o'z ko'ylaklarini berdilar, deb o'ylashdi», - deydilar Sufyon. Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Uhud jangi ketayotgan kunlardan birida, kechasi meni otam chaqirib: «Nazarimda, Rasulullohning sahobalaridan birinchi bo'lib men shahid bo'ladinganga o'xshayman. Mening qarzim bor, uni uzg'il, opa-singillaringga yaxshilik qilg'il!» - dedilar. Tong otdi, Otam rahmatlik birinchi bo'lib shahid bo'ldilar. Otamga qo'shib yana bir kishini qabrga qo'yishdi. Otamni boshqa bir kishi birlan birga qabrda qoldirmoqqa ko'nglim bo'lmadi. Olti oydan so'ng otamni qabrdan qayta kavlab oldim. Bundoq qaragam, ul kishi xuddi shu bugun, endigina qabrga qo'yilgandek yotibdilar. Faqat quloqlarining bittasi sal o'zgargan». Jobir raziyallohu onhu rivoyat qiladilar: «Otamga qo'shib yana bir kishini qabrga qo'yishdi. Otamni begona kishi birlan birga qabrda qoldirmoqqa ko'nglim bo'lmadi. So'ng, otamni qabrdan qayta kavlab olib, alohida dafn qildim».

77-bob. Qabrga lahad va yorma qilmoq

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhud jangida o'lganlarning ikkitasini bir qilib qabrga qo'ydirar erdilar. Qabrga qo'yishdan avval: «Qaysi biri Qur'onni ko'proq bilg'aydir», - deb so'rar erdilar. Qaysi birini ko'rsatishsa, o'shanisini oldin lahadga qo'ydirar erdyalar. So'ng: «Men bularga qiyomat kuni guvohdirmen!» - der erdilar. Janob Rasululloh shahidlarning jarohatlaridagi qonni yuvdirmay va g'usl qildirmay, dafn qildirar erdilar».

78-bob. Agar bola islomga kirishi bilan o'lsa, unga janoza namozi o'qiladirmi?

Hasan Basriy, Shurayh, Ibrohim va Qatodalar bunday deyishgan erkan: «Agar biror oiladagi ota-onadan bittasi islomga kirsa, bolasi ham u birlan birga islomga kirgan hisoblanur. Masalan, Ibn Abbos raziyallohu anhu ham o'z qavmining dinida qolgan otasi birlan birga ermas, balki islom hali zaif bo'lgan vaqtda musulmon bo'lgan onasi birlan birga erdi. Islom yuksalg'aydir, undan o'zga dinlar yuksalmag'aydir!»
Solim ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Hazrat Umar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga bir to'da odamlar yo'ldoshligida Ibn Sayyod yashaydirgan tomonga bordilar. Ibn Sayyodni Baniy Mug'ola qal'asi yonida bolalar birlan o'ynab turganda uchratishdi. Ibn Sayyod balog'atga yetib qolayozgan erdi. U, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muborak qo'llari birlan yelkasiga qoqmaganlaricha, kelganlarini sezmadi. Janob

Rasululloh: «Mening Ollohning elchisi erkanlig`imga guvohlik berg`il!» - dedilar. Ibn Sayyod Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga qarab: «Guvohlik berg`aymen, siz, darhaqiqat, ummiylarning (savodsizlarning) payg`ambaridirsiz, lekin siz o`zingiz ham mening Ollohning elchisi erkanlig`imga guvohlik berg`aymisiz?» - dedi shakkoklik qilib. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uning gapini rad qilib: «Men Olloh va uning payg`ambarlariga ishong`aymen, sen ne demoqchidirsan o`zi?»-dedilar. Ibn Sayyod: «Menga (miyamga) gohi chin, gohi yolg`on gaplar kelg`aydir», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Seni shayton vasvasa qilg`aydir, men senga ko`nglimdagi bir gapni aytayin!» - dedilar. Ibn Sayyod «Dux... » deganicha qoldi. Rasululloh: «Jim bo`lg`il, hech qachon sen payg`ambarlarga keladiringan vahiydan boxabar bo`lolmassen!» - dedilar. Darhaqiqat, Janob Rasululloh «Fa-rtaqib yavma ta`tiyu-s-samo`u bi-duxonin mubiynin» degan oyatni o`qimoqchi bo`lgan erdilar. Ibn Sayyod ana shu oyatdagi «duxon» (tutun) so`ziga ishora qilg`an erdi (oyatning mazmuni: «Osmonni tutun qoplaydirgan kunni kutg`il!»). Shunda Hazrat Umar: «Uni menga qo`yib beringiz, kallasini olib tashlaydirmen!» - dedilar. Janob Radululloh sallallohu alayhi va. sallam: «Agar u Dajjol bo`lsa, unga siz hukmingizni o`tkaza olmassiz, bordi-yu, Dajjol bo`lmasa, o`ldirmog`ingizdan sizga ne naf?» - dedilar». «Keyinchalik,- deydilar Ibn Umar,- Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ubay ibn Ka`b birlan birga Ibn Sayyod birlan uchrashishgan o`shal xurmo daraxti ostiga borishdi. Ular Ibn Sayyodga yo`liqmasdan ilgari uning to`g`risida biror narsa bilib olmoqchi bo`lishgan erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qarasalar, Ibn Sayyod bir baxmal mato ustida yonboshlab yotibdir. Matoda qandaydir bir sirli alomat (yokim ovoz) borligi sezilib turar erdi. Shunda Ibn Sayyodning onasi Janob Rasulullohning xurmo daraxti panasidan kuzatib turganlarini ko`rib qolib, «Ey Sof (onasi uni shundoq derdi), qarag`il, ana Muhammad!» - dedi. Ibn Sayyod o`rnidan sapchib turdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar onasi indamay turganida, Ibn Sayyodning sirini bilib olgan bo`lur erdik», - dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir yahudiy bola Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xizmatlarini qilib yurar erdi. Bir kuni u kasal bo`lib qoldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uni ko`rgani bordilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uning bosh tomoniga o`tirib: «Islomga kirg`il!» - dedilar. Bola yonida o`tirgan otasiga qaradi. Otasi bolaga: «Abulqosim sallallohu alayhi va sallamga (ya`ni, Rasulullohga) itoat etg`il!» - dedi. Bola islomga kirdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bolani do`zax o`tidan qutqargan Ollohga shukr!» - deb tashqari chiqdilar».

Ubaydullohga Ibn Abbas bunday degan erkanlar: «Men va onam (Makkadan Madinaga hijrat qila olmay, Makkada qolgan) zaif va nochor musulmonlardan erdik. Men bolalarning, onam ersa ayollarning orasinda eng nochori erdi».

Ibn Shihob rivoyat qiladirlar: «Har bir vafot etgan bolaga, garchi uni kofir yokim buzuq xotin tuqqan bo`lsa ham, janoza o`qilg`aydir. Islom millatida tug`ilgan, ota-onasi musulmonlikni da`vo qilayotgan yokim onasi musulmon bo`lmasa ham, otasi o`zini «musulmonman» deyayotgan har bir tirik tug`ilgan bolaga janoza o`qilgaydir. Chirqirab tug`ilmagan bolaga, tushib qolganligi sababli, janoza o`qilmaydir.

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Aslida har bir bola tabiatan (sog`lom) musulmon tug`ilg`aydir. Keyin, ota-onasi uni, kamchiliksiz tug`ilgan hayvon bolasining dumi, qulog`i yokim shoxini qirqishgandek, istasa — yahudiy qilg`aydir, istasa — nasoro qilg`aydir, istasa — majusiy qilg`aydir. Birorta buzoqning qulog`i yokim dumi kesilgan holda

tug'ilganini ko'rganmisizlar?» — der erdilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Oллоh taolo insonga ato etgan tabiat — islomga moyil tabiatdir, bunga Oллоh taoloning oyati kariyasi dalildir!» deyilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Islomga qalbi moyil bo'lib tug'ilmagan birorta ham bola bo'lmag'aydir, barcha bolalarning qalbi islomga moyil bo'lib tug'ilg'aydir, keyin ota-onasi uni, hamma a'zosi benuqson tug'ilgan hayvon bolasining dumi, qulog'i yokim shoxini kesishgandek, yo yahudiy, yokim nasoro, yohud majusiy qilg'aydir. Yokim birortangiz hayvon bolasining qulog'i yo burni kesik holda tug'ilganini ko'rganmisiz?» — der erdilar. Oллоh taolo inson bolasiga azaldan ato etgan tabiatni o'zgartirmoq yaramaydir, bunga «Oллоhning maxluqini (Oллоh yaratgan jonzodni) o'zgartirish mumkin ermas!» degan oyati kariya dalildir!»

79-bob. Agar mushrik o'limi oldidan «Lo iloha illalloh» desa....

Sa'id ibn Musayyabning otalari rivoyat qiladirlar: «Abu Tolib vafot etayotganlarida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam u kishining huzurlariga keldilar. U yerda Abu Jahl ibn Hishom va Abdulloh ibn Abu Umayya ibn al-Mug'iyrani ko'rdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Tolibga: «Ey amaki, «Lo iloha illalloh» deb kalima keltiringiz! Men bunga Oллоh taolo huzurida guvoh bo'layin!» — dedilar. Shunda Abu Jahl va Abdulloh ibn Abu Umayya: «Ey Abu Tolib, Abd ul-Mutallib dinidan qaytg'aymisen?» — deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kalima keltiringiz!» — deb qayta-qayta aytaverdilar. Boyagilar bo'lsa, o'zlarining gaplaridan qolishmadi. Nihoyat, Abu Tolib o'zining Abd ul-Mutallib dinida ekanligini aytib, jon taslim qildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qasamyod etib ayturmenkim, agar Oллоh taolo rad etmasa, undan sizni kechirmog'ini so'rag'aymen!»—dedilar. Oллоh taolo: «Payg'ambarning haqqi yo'q...» — degan oyatni nozil qildi».

80-bob. Qabrga ho'l cho'p (novda) sanchib qo'ymoq

Burayda al-Aslamiy o'zining qabriga ikkita ho'l cho'p (novda) sanchib qo'ymaklarini vasiyat qildi. Ibn Umar, Abdurrahmonning qabri ustidagi chodirni ko'rib: «Olib tashlag'il, ey bola! Abdurrahmonga uning qilgan yaxshi amallari soya berg'aydir!»—dedilar. Xorija ibn Zayd: «Usmon ibn Affonning zamonida biz yosh yigitcha erdik. Ichimizda eng sakrovchanimiz Usmon ibn Maz'unning qabridan bir sakrab o'tib ketgan erdi»,— dedilar (demak, qabr ustida sag'ana bo'lib, undan qabrda yotgan mayyitga na foyda va na zarar bordir, foyda — mayyitning hayotligida qilgan solih amallaridir!).

Usmon ibn Hakim: «Xorija meni qo'limdan ushlab qabr ustiga o'tqazib qo'ydi-da, amakisi Yazid ibn Sobitning qabr ustida qazoi hojat qilmoqni qoralaganini aytdi»,— deyilar. Nofi raziyallohu anhu: «Ibn Umar raziyallohu anhu qabr ustiga o'ltirib ham dam olaverar erdilar»,— deyilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki qabr yonidan o'tayotib: «Bu ikki qabrdagi mayyitlar azoblanmoqdalar, ammo katta gunohlari uchun azoblanayotganlari yo'q. Ulardan biri siydigidan ehtiyot bo'lmas erdi, ikkinchisi ersa, chaqimchilik qilur erdi»,— dedilar. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va

sallam bir ho'l novdani olib, ikkiga bo'ldilar-da, har bir qabrga bittadan sanchib qo'ydilar. Shunda sahobalar: «Yo Rasululloh, nega bundoq qildingiz?»—deb so'rashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Shoyad, shu ikki novda quriguncha azob ham barham topsa!»—dedilar».

81-bob. Muhaddisning qabr oldida va'z aytmog'i va tinglovchilarning uning atrofida to'planib o'tirmog'i

Hazrat Ali rivoyat qiladirlar: «Baqi' ul-G'arqad degan joyda janozada bo'ldik. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizning oldimizga kelib o'tirdilar, biz esa atroflarida o'tirdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qo'llarida hassalari bor erdi. Janob Rasululloh boshlarini quyi solib fikr qildilar, so'ng hassalari birlan yerni to'qillatib: «Orangizda jannatdagi hamda do'zaxdagi o'rni oldindan belgilab qo'yilmagan va baxtli yokim baxtsizligi peshonasiga yozilmagan birorta ham kishi yo'qdir»,— dedilar. Shunda bir kishi turib: «Yo Rasululloh, undoq bo'lsa, taqdirga tan berib, yaxshi ishlarga qo'limiz bormay qolmag'aydirmi? Oramizda kimki azaldan baxtli qilib yaratilgan bo'lsa, u turgan gapki, baxtli kishilarga xos ishlarni qilgaydir, ammo peshonasiga azaldan baxtsizlik bitilgan kishi ersa, ma'lumki, baxtsiz kishilarga xos ishlarni qilgaydir»,— dedi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Baxtli kishilarga baxt keltirguvchi ishlar, baxtsizlarga ersa, baxtsizlik keltirguvchi ishlar muyassar bo'lg'aydir»,— dedilar. So'ng: «Fa ammo man a'to va-t-ta'qo» degan oyatni o'qidilar.

82-bob. O'zini-o'zi o'ldiruvchilar xaqidagi hadislar

Sobit ibn az-Zahhok raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki islom dinidan boshqa dinni o'rtaqa qo'yib, ataylab yolg'ondan qasam ichg'aydir, o'sha o'zi aytgan dinga mansub bo'lib qolg'aydir. Kimki o'zini temir birlan o'ldirg'aydir, o'shal temir birlan unga jahannamda azob berilg'aydir»,— deganlar».

Hasan raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Jundub raziyallohu anhu bizga mana shu masjidda hadis aytib bergan erdilar, biz uni hali unutmaganimizcha yo'q. Biz, Jundub raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallam haqlarida yolg'on gap aytadirlar, deb ham qo'rqmag'aymiz. U kishining aytishlaricha, Janob Rasululloh bunday deb aytgan erkanlar: «Bir kishi o'zini-o'zi jarohatlab o'ldirdi. Shunda Olloh taolo: «Bandam mendan ilgari o'z jonini o'zi oldi, uni men jannatdan mahrum qildim!»—dedi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «O'zini-o'zi bo'g'ib o'ldirgan odamni do'zaxda bo'g'ishg'aydir va o'ziga-o'zi pichoq urib o'ldirgan odamni do'zaxda pichoqlashg'aydir»,— dedilar».

83-bob. Munofiqlarga janoza o'qishning va mushriklarning gunohlarini tilab istig'for aytishning makruhligi haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deb rivoyat qiladirlar: Abdulloh ibn Ubay ibn Salul vafot etganda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni unga janoza, o'qimoq uchun chaqirishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam janoza o'qimoqqa shaylanganlarida, men: «Yo Rasululloh, Ibn Ubayga janoza o'qiydirmisiz? Axir, u falon va falon kunlari undoq degandi va bundoq degandi, deb uning illatlarini sanay ketdim. Men ko'p so'zlab yubordim shekilli, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga tabassum qilib: «Ey

Umar, qani nariroq turg'il-chi! Menga Olloh taolo tomonidan tanlamak ixtiyori berilgan, men tanladim. Agar men yetmishdan ortiq istig'for aytganimda Olloh taolo uning gunohlarini mag'firat qilmog'ini bilsam, yetmishdan ortiq istig'for aytgan bo'lur erdim», - dedilar. Shundan keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga janoza o'qib, uylariga qaytdilar. Bir oz o'tmay «Baroat» surasining ikki oyati nozil bo'ldi («Ulardan kimki o'lg'aydir, sira ham janoza o'qimag'il!» degan joyidan to «Ular fosiqlardir!» degan yerigacha). Men keyinchalik, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga jur'at qilib so'zlaganimdan taajjublanib yurdim. Olloh va uning Rasuli eng ko'p bilguvchidir! '

84-bob. Odamlarning mayyitni madh etishlari haqida

Abdulloh ibn Suhayb: «Anas ibn Molik raziyallohu anhudan bunday deb eshitdim»,— deydi: «Bir kishini tobutda olib o'tdilar. Odamlar uni maqtab, yaxshi so'zlar aytishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Vojib bo'ldi»,— dedilar. Keyin, boshqa bir mayyitni olib o'tishdi. Odamlar uning sha'niga yomon so'zlar aytdilar. Janob Rasululloh bu gal ham: «Vojib bo'ldi»,— dedilar. Umar ibn Xattob ajablanib: «Ne vojib bo'ldi?» —dedilar. Janob Rasululloh: «Bu bandaga yaxshilig'ni ravo ko'rib, maqtadingizlar, demak unga jannat vojib bo'ldi, keyingisiga ersa, yomonlig'ni ravo ko'rib, yomonladingizlar, demak unga do'zax vojib bo'ldi. Sizlar Olloh taoloning yer yuzidagi guvohlaridirsiz!»— dedilar».

Abu ul-Asvad rivoyat qiladilar: «Men Madinaga kelsam, shahar ahli bir kasallikka muhtalo bo'lgan erkan. Shunda Umar ibn Xattobning yonlarida o'tirgan erdim. Nogahon, bir mayyitni tobutda ko'tarib o'tib qoldilar, odamlar uning sha'niga yaxshi so'zlar aytishdi. Hazrat Umar raziyallohu anhu: «Vojib bo'ldi»,— dedilar. Keyin, yana bir mayyitni olib o'tdilar, odamlar uning sha'niga ham yaxshi so'zlar aytishdi. Hazrat Umar tag'in: «Vojib bo'ldi»,— dedilar. Undan so'ng, uchinchi bir mayyitni olib o'tdilar, odamlar bu gal uning sha'niga yomon so'zlar aytishdi. Hazrat Umar yana: «Vojib bo'ldi»,— dedilar. Men ajablanib: «Yo Amir al-mu'miniyn, ne vojib bo'ldi?» — deb so'radim.

Hazrat Umar bunday dedilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning aytgan so'zlarini qaytardim, xolos. Janob Rasululloh bizga: «Qaysi bir musulmonga to'rt kishi yaxshi deb guvohlik bersa, uni Olloh taolo jannatga kiritg'aydir»,— deganlar. Biz ul kishidan: «Agar guvoh uchta bo'lsa-chi?»—deb so'radik. «Uchta bo'lsa ham, bo'lur»,— dedilar. «Ikkita bo'lsa-chi?» —dedik, «Ikkita bo'lsa ham, bo'lur»,— dedilar. Keyin, bizning ul kishidan: «Guvoh bitta bo'lsa-chi?» — deb so'ragimiz kelmadi».

85-bob. Qabr azobi haqidagi hadis va oyatlar

Barro ibn Ozib raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mo`min bandani qabriga kelib, o'tqazib qo'yishg'aydir! So'ng, mo`min banda: «Olloh taolodan boshqa iloh yo'qdir, Muhammad Olloh taoloning elchisidir»,— deb guvohlik berur. Bu xususda Olloh taolo bunday deydi: «Bandalar qat'iy so'zlari birlan (ya'ni, kalimai shahodat aytib) Olloh taologa bo'lgan ishonchlarini isbotlag'aydirlar»,— dedilar».

Gundar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Shu'ba raziyallohu anhu bizga (yuqoridagi hadisni) rivoyat qila turib, «Qabr azobi to'g'risida «Bandalar Olloh taologa bo'lgan ishonchlarini isbrtag'aydirlar» degan oyat nozil bo'lgan» deb qo'shimcha qildilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu Nofi'ga bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Quraysh qabilasiga mansub kishilarning o'liklari yotgan chuqur tepasiga kelib: «Rabbingizning va'dasi haq erkanin byldingizmi?»—deb xitob qildilar. Shunda odamlar: «O'liklarni chaqirmakdamisiz?» — deb so'rashdi. Janob Rasululloh: «Sizlar ulardan ko'ra ko'proq eshitib turganingiz yo'q, ular so'zlay olmaydilar, xolos»,— dedilar».

Oisha oiamiz rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ular (o'liklar) mening aytganlarim haq erkanligini juda yaxshi bilishg'aydir»,— dedilar». Oллоh taolo: «Sen o'liklarga so'zingni o'tkaza olmag'aydiren (ya'ni, iymoni yo'q shaxslarga, garchi ular tirik bo'lsalar ham, so'zing o'tmag'aydir)»,— deydi».

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir yahudiy ayol Oisha onamizning huzurlariga kirib, qabr azobi haqida gapira turib: «Sizni Oллоh taolo qabr azobidan saqlasin!» —debdir. Shunda Oisha onamiz Janob Rasulullohdan qabr azobi to'g'risida so'rabdilar. Janob Rasululloh: «Ha, qabr azobi haq!»—debdilar. Oisha raziyallohu anho: «Shundan beri men, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qiganlarida, Oллоh taolodan o'zlarini qabr azobidan saqlamakni so'ramay qo'yganlarini sira ko'rmadim»,— deydi».

Urva ibn Zubayrning xolasi Asmo Abu Bakr qizi bunday degan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xutbada bandaga beriladigan qabr azobini eslatib o'tdilar. Shunda xutba tinglab o'tirgan musulmonlar (qo'rquvdan) baqirib yuborishdi».

Anas ibn Molik rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar: «Qabrga qo'yilgan banda janozaga kelganlarning qaytib ketayotgandagi oyoq tovushlarini eshitib yotg'aydir. Keyin, ikki farishta kelib, mayyitni o'tirg'izib qo'yg'aydir-da, «Bul kishi, ya'ni Muhammad sallallohu alayhi va sallam haqlarida ne der erding?» — deb so'rashg'aydir, Agar, banda mo'min-musulmon bo'lsa, «Bul kishining Oллоhning bandasi va uning elchisi erkanlig'iga guvohlik berurmen»,— deydi. Shunda farishtalar: «Qarag'il, Oллоh taolo senga do'zax o'rniga jannatdan joy ato etdi!» — deyishg'aydir, bandaga birvarakayiga do'zax ham, jannat ham ko'rsatilg'aydir». Ushbu hadisni Anasdan eshitgan Qatoda: «Keyin, banda qabrida siqilmay, bemalol yotg'usidir»,— deb qo'shimcha qildilar-da, Anasning rivoyatini bunday deb davom ettirdilar: «Ammo, banda munofiq va kofir ersa, «Bul kishi haqlarida ne der erding?»—deb so'rashganda, «Ko'pchilik ne degan ersa, men ham shundoq deganman»,— deb javob berg'aydir. Farishtalar unga: «(Ul kishini) bilmagandirsan ham, (Qur'on) tilovat qilmagandirsan ham»,— deb temir gurzi birlan urishg'aydir. Shunda banda shunchalik qattiq qichqirg'aydirkim, buni inson va jinlardan boshqa, atrofdagi barcha mayyitlar eshitg'aydir».

86-bob. «Qabr azobidan saqlag'il!» deb Oллоh taologa iltijo qilmoq haqida

Abu Ayyub Ansoriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh botgan paytda tashqariga chiqdilar. Shunda (hotifdan) bir ovozni eshitib, «Yahudiylar qabrlarida azob tortmoqdalar»,- dedilar».

Xolid ibn Sa'id ibn al-Osiyning qizi: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Oллоh taologa sig'inib, qabr azobidan panoh so'rayotganlarini eshitganman» deb aytdi»,- deydi» Muso ibn Uqba.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey parvardigor, meni qabr va o't azobidan, hayotu mamot hamda Masih Dajjol fitnasidan saqlag'il, deb senga iltijo qilg'aymen!»-der erdilar».

87-bob. G'iybatchilikdan va siydikdan hazar qilmaganlik uchun qabrda beriladigan azob to'g'risida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki qabr yonidan o'tayotib, «Bu qabrdagi mayyitlar azob chekmoqda, biroq katta gunoh uchun azoblanayotganlari yo'qdir. Bulardan biri chaqimchilik qilar erdi, ikkinchisi ersa, siydigidan ehtiyot bo'lmas erdi»,-dedilar. Keyin, bir ho'l nordani olib, ikkiga bo'ldilar-da, har bir qabrga bittadan sanchib qo'yib: «Shoyad, shul cho'plar quriguncha azoblari yengillashg'aydir!»-dedilar».

88-bob. Mayyitga ertami-kechmi boradigan joyini ko'rsatib qo'ymoq haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar birortangiz o'lsangiz, sizga qabrda ertami-kechmi boradigan joyingizni ko'rsatishg'aydir. Agar jannatga loyiq ersangiz, jannatga; agar do'zaxga munosib ersangiz, do'zaxga tayin qiling'aydirlar. Keyin, sizga: «Olloh taolo seni qiyomat kuni qayta tiriltirguncha, boradigan joying qay yer erkanlig'in bilib qo'yg'il!»-deyishg'aydir».

89-bob. Janozada mayyitning so'zlashi to'g'risida

Abu Sa'id al-Xudriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar: «Mayyit tobutga qo'yilib, odamlar uni yelkalariga ko'tarishganda, agar ul hayotligida solih banda bo'lgan ersa, «Meni tezroq olib boringiz!»-deydir, basharti solih banda ermasa, «Voy sho'rim, meni qayoqqa olib ketmoqdasizlar?»-deb aytg'aydir. Uning ovozini odamlardan boshqa hamma narsa eshitg'aydir, agar odamlar ham eshitsa erdi, hushidan ketib, yiqilg'ay erdi».

90-bob. Musulmonlarning bolalari to'g'risida nimalar deyilgan?

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kimning norasida uchta bolasi o'lsa, ular ota-onasini do'zax o'tidan parda bo'lib to'sib turg'aydir, yokim ushbu ota-ona o'lgan norasida bolalar tufayli jannatga kiring'aydir»,-deganlar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Birorta ham musulmonning norasida uchta bolasi o'lmasin! Mabodo, o'lsa, Olloh taolo uni o'shal bolalari tufayli jannatga kiritg'aydir»,-deganlar».

Barro' raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va' sallamning (o'g'illari) Ibrohim alayhissalom vafot qilganlarida, «Jannatda uning rizo'iy onasi bordir» deb aytganlarini eshitgan erkanlar.

91-bob. Mushriklarning bolalari haqida nimalar deyilgan?

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan mushriklarning bolalari to'g'risida so'rashganda, ul kishi: «Oллоh taolo ularni yaratgan vaqtda ne qilmoqlari lozimligini aytgan»,- dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan mushriklarning o'lgan norasida bolalari xususida so'rashganda, ul kishi: «Oллоh taolo ularning ne qilmoqlarini aytgan erdi»,- dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Har bir bola tabiatan musulmon bo'lib tug'ilg'aydir, biroq ota-onasi uni, hayvon o'z bolasini hayvon qilib tarbiyalagandek, yahudiy yokim nasoro yohud majusiy qilib tarbiyalag'aydir. Aytingiz-chi, sizlar hayvon bolasining biror a'zosi (shoxi, burni, qulog'i) kesik holda dunyoga kelganini ko'rganmisizlar?» -dedilar».

92-bob.

Sumra ibn Jundub raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qib bo'lgach, bizga yuzlanib: «Bul kecha kim tush ko'rди?»-deb so'rar erdilar. Odamlar ko'rgan tushlarini aytib berishar erdi, Janob Rasululloh ersa, «Oллоh taolo ne xohlasa, o'sha bo'lg'aydir!»-deb ta'bir aytar erdilar. Bir kuni bizdan: «Birortangiz tush ko'rdingizmi?» - deb so'radilar. Biz: «Yo'q»,- dedik. Shunda Janob Rasululloh: «Ammo, men bul kecha tush ko'rdim, tushimda ikki kishi qo'limdan yetaklab, meni Bayt ul-Muqaddasga olib borishdi. Qarasam, u yerda bir kishi o'tiribdir va bir kishi tik turibdir. Tik turgan kishi qo'lidagi (rivoyatning davomini Muso ibn Ismoildan eshitganmiz, deyishadi ayrim sahobalar) temir changakni o'tirgan kishining bu lunjiga tiqib, ikkinchi lunjidan chiqarmakdadir, keyin ikkinchi lunjiga tiqib, bu lunjidan chiqarmakdadir. Changakni sug'urib oldi deguncha, lunji tuzalib qolayotir. Tik turgan kishi o'tirgan kishining lunjiga temir changakni shu tariqa to'xtovsiz tiqib, sug'urar erdi. Buni ko'rib, «Bu ne qilganlaringdir?»-dedim. Ular: «Qani, yurg'il, ketdik!» - deyishdi. Bir joyga borsak, bir kishi chalqancha yotibdir, yana bir kishi boshida tik turibdir. Uning qo'lida mushtdek tosh bo'lib, chalqancha yotgan kishining boshiga urmakdadir, tosh sapchib ketib, nariga borib tushmakdadir. U toshni tag'in olib kelguncha chalqancha yotgan kishining boshi tuzalib qolayotir. Shu tariqa tik turgan kishi chalqancha yotgan kishining boshini qayta-qayta majaqlamoqdadir. Men: «Bu kimdir?»-deb so'radim. Ular: «Yurg'il, ketdik!»- deyishdi. Bir joyga borsak, tandirga o'xshash og'zi tor, tubi keng bir chuqurlik bor erkan, uning ichidagi alanga kuchayganda odamlar alanga birlan birga chuqurdan uchib chiqib ketay deyishayotir, alanga pasayganda ersa, alanga birlan birga yana chuqur tubiga tushib ketishmakdadir. O'tda kuyayotganlar orasinda qip-yalang'och erkaklar ham, ayollar ham bordir. «Bular kimlardir?» - deb so'radim. Ular: «Yurg'il, ketdik!»-deyishdi. Yura-yura qon daryosi bo'yidan chiqib qoldik. Daryoning qirg'og'ida bir odam, o'rtasida ersa, boshqa bir odam turibdir. Daryodagi odam qirg'oqqa chiqq'aymen desa, qirg'oqdagisi uning lunjiga tosh birlan urib, daryoga qaytarib tushirib yubormakdadir. U yana chiqq'aymen desa, tag'in urib tushirib yubormakdadir. «Bu nedir?»-dedim. Ular: «Yurg'il, ketdik!» - deyishdi. Biz bu gal yam-yashil bog' oldidan chiqib qoldik. Bog'da bir azim daraxt bor erkan, uning tagida bir chol va bir to'da bolalar o'tirishibdir. Daraxtga yaqin joyda bir kishi o't yoqmakdadir. Sheriklarim meni ko'tarib daraxtning ustidagi bir uyga olib kirdilar. Men shul choqqacha bundoq muhtasham uyni

ko'rmagandirmen, uning ichida (kishilar) chollar, yigitlar, bolalar va ayollar bor erkan. Keyin, meni daraxtning yuqorirog'idagi boshqa bir uyga olib chiqdilar, bunisi avvalgisidan ham muhtashamroq va fayzliroq erdi. Unda chollar va yigitlar o'tirishgan erkan. Men sheriklarimga qarab: «Bul kecha meni rosa sayr qildirdingizlar, endi ko'rganlarimni tushuntirib beringiz!» - dedim. Ular: «Bo'pti!»-deb menga tushuntira ketdilar: «Lunjiga temir changak tiqilayotgan odam kazzob (yolg'onchi) bo'lib, uning gaplari hatto ufqqa qadar yetib borgandir. Unga, o'zing ko'rganingdek, qiyomatgacha azob berilg'aydir. Boshi majaqlanayotgan odam ersa, Olloh taolo Qur'ondan bexabar qilgan odam bo'lib, u kechalari g'aflat uyqusida yotgan, kunduzi ham tilovat qilmagan. Unga qiyomatgacha boshini majaqlab, azob berilg'aydir. Chuqurda ko'rganlaring - zino qilgan odamlardir, daryoda ko'rganlaring ersa, sudxo'rlardir. Daraxt tagida o'tirgan chol ersa, Ibrohim alayhissalom, tegrasidagi bolalar - odamlarning norasida yoshda vafot etgan bolalaridir. O't yondirayotgan shaxs o't yoquvchilar noziridir. Sen kirgan birinchi uy, umum mo'minlar uyidir, ammo keyingi uy ersa, shahidlar uyidir. Men bo'lsam, Jabroildirmen, bul esa Mikoildir». Shundan so'ng, Jabroil va Mikoil menga: «Boshingni ko'targ'il!» -dedilar. Men boshimni ko'tarsam, tepamda bulutga o'xshash bir joy ko'rindi. Ular: «Bu sening maskaningdir!» - deyishdi. Men: «Qo'yib yuboringiz, o'shal maskanimga kirayin!» desam, ular: «Hali umring tugagani yo'qdir, tugasa, o'shal manzilingga kelg'aydiansan»,- deyishdi».

93-bob. Dushanba kungi o'lim haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Abu Bakr raziyallohu anhuning huzurlariga kirganimda ul kishi mendan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni necha qavat qilib kafanladingizlar?»-deb so'radilar. Men: «Uch qavat oq suhuliyya birlan kafanladik, kafan ostida na salla va na ko'ylak bor erdi»,-dedim. «Janob Rasululloh qaysi kuni vafot etgan erdilar?»-deb so'radilar. «Dushanba kuni»,- dedim. «Bugun qaysi kundir?»- dedilar. «Dushanba kunidir»,-dedim. «Shu soniyadan to tungacha vafot etsam, degan umiddadirmen!»-dedilar. So'ng, egnilaridagi betob bo'lib yotgan kezlarida kiydirilgan kiyimlariga qarab qo'ydilar. Unda za'faronning dog'i bor erdi. «Mana shul kiyimimni yuvib, unga tag'in ikki en kafanlik qo'shib, kafanlangizlar!»-dedilar. «Bul eski-ku!» - degan erdim, «O'likdan ko'ra, tirik yangi kiyim kiyimakka haqliroqdir! Kafan badandan oqadigan har xil narsalar uchun kerakdir»,- dedilar. Abu Bakr seshanba kechasygacha vafot etmadilar. Dafn qilinganlarida hali tong otmagan erdi».

94-bob. Bexos o'lim

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Onamning joni birdaniga chiqib ketdi, so'zlashga ulgurganlarida erdi, sadaqa qilmakka buyurar erdilar. Agar men onamning nomlaridan sadaqa qilsam, ul kishiga savobi tekkaymidir?» - deb so'radi. «Ha»,-dedilar Janob Rasululloh».

95-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallam, Abu Bakr va Umar raziyallohu anhumo qabrlari haqidagi rivoyatlar

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Agar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam og'ir betob bo'lib qolsalar, «Bugun qay yerdadirmen-u, ertaga qay yerda bo'lg'aymen?» deb mening huzurimda bo'ladirgan kunlarini orziqib kutar erdilar. Buni qarankim, Janob Rasululloh xuddi mening navbatim kelgan kuni quchog'imda Olloh taologa jon taslim

qildilar va mening xonamga dafn etildilar!».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam so'nggi bor betob bo'lib yotganlarida (shu kasallikdan so'ng vafot etganlar); «Ollah taolo yahudiy va nasorolarni la'natladi, chunkim ular sobiq payg'ambarlarning qabrlarini masjid qilib oldilar», - degan erdilar. Ana shu xavf (masjid qilib olmoq xavfi) bo'lmaganida, Janob Rasulullohning qabrlari ochiq qoldirilar erdi».

Sufyon at-Tammor: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qabrlari do'ppayib turganini ko'rgandirmen», - degan erkanlar.

Hishom ibn Urva otalaridan eshitganlarini rivoyat qiladirlar: «Valid ibn Abd ul-Malik zamonasida Hujrayi Sa'odatning (Rasululloh dafn etilgan hujraning) devori yiqilganida, uni qayta tiklamoqqa kirishdilar. Shunda (devor kesaklari orasidan) oyoq ko'rinib qoldi. Odamlar dahshatga tushib, uni Nabiy sallallohu alayhi va sallamning oyoqlari, deb gumon qildilar. Bul kimning oyog'i erkanligini biladiringan hech kim yo'q erdi. Shunda otam

Urva: «Xudo haqqi, bu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oyoqlari ermas, balki Umar raziyallohu anhuning oyoqlaridir», - degan erkanlar».

Hishom ibn Urva otalaridan eshitganlarini rivoyat qiladirlar: «Oisha onamiz Abdulloh ibn az-Zubayrga: «Meni |glarning yoniga dafn etmag'il, Baqi'dagi dugonalarim (Rasulullohning boshqa ayollari) yoniga dafn etg'il, men u joyga mutlaqo loyiq ermasdirman!»-deb vasiyat qilgan erkanlar» (ularning yoniga deganda Rasululloh, Abu Bakr, Umar nazarda tutilgan).

Amr ibn Maymun raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Umar ibn Xattob raziyallohu anhuni ko'rdim. «Ey Abdulloh ibn Umar, mo'minlarning onasi Oisha raziyallohu anhoga borib, mendan salom aytg'il, so'ng mening ikki do'stimning yoniga dafn etilmog'imga ijizat so'ragil!» - dedilar. Oisha onamiz: «Ilgari men o'zim o'shal yerga dafn qilinmog'imni istar erdim, endi bo'lsa, buni o'zimga ep ko'rmayotirman», - dedilar. Abdulloh qaytib kelib, Hazrat Umarga uchrashganlarida, ul kishi: «Nechuk xabar keltirding?» :—deb so'radilar. Abdulloh: «Ey Amir al-mo'minin, sizga ruxsat berdilar», - deb aytdilar. Shunda Hazrat Umar: «Mening uchun o'shal joydan tabarrukroq joy bo'lmagandir, agar o'lsam, meni o'shal yerga eltib, salom aytingiz! Keyin sen: «Umar ibn Xattob ruxsat so'rayotir», - degil. Agar ruxsat bersalar, meni o'shal yerga dafn qilingizlar, ruxsat bermasalar, unda meni musulmonlar mozoriga olib borib, dafn qilaveringiz!

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam rizo bo'lgan o'shal vafot etib*ketgan kishilardan ko'ra, xalifalikka loyiqroq boshqa birorta odamni bilmasmen. Mendan keyin kimni xalifa qilsangizlar, unga itoat etib, quloq solingizlar!»-dedilar. So'ng, Usmon, Ali, Talha, Zubayr, Abdurrahmon ibn Avf va Sa'd ibn Abu Vaqqosning ismlarini tilga oldilar.

Shu payt, bir ansoriy yigit kirib kelib: «Ey Amir al-mo'minin, Ollah taoloning sizga ko'rsatgan bashoratidan xursand bo'lingiz! Islomda o'z o'rningiz bordir, buni bilursiz, keyin adolat birlan xalifalik qildingiz, tag'in buning ustiga shahid ham bo'ldingiz!» - dedi. Hazrat Umar: «Ey birodar, koshki erdi, shular yetarlik bo'lsa erdi! Uzimdan so'ng bo'ladingiz xalifa muhojirlarga yaxshilig' qilsin, ularning haqini tan olsin, hurmatlarini

o`rniga qo`ysin, deb vasiyat qilg`aymen. O`zimdand keyingi xalifaga yana bunday deb vasiyat qilg`aymen: «Madina va iymonni (qalblariga) jo aylagan ansorlarga yaxshilig` qilsin, yaxshi ishlarini maqbul ko`rib, kamchiliklarini afv etsin! Unga tag`in bundoq deb vasiyat qilg`aymen: «Ollloh va uning Rasuli o`z zimmasiga olgan aholiga (Ahlu-z-zimmaga; musulmon xalifalig`ida jiz`ya - jon solig`i to`lab yashagan g`ayridinlarga) berilgan va`daga vafo aylasin, ularni qirg`in qilmasin, ularning yelkalariga qurblari yetmaydirgan yukni qo`ymasin!»

96-bob. Mayyitlarni haqorat qilmoqning makruhligi to`g`risida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Mayyitlarni haqorat qilmangizlar, chunkim ular keladigan joylariga kelib bo`ldilar!» -deganlar». Bu hadisni Abdulloh ibn Abd ul-Quddus va Muhammad ibn Anas ham A`mashdan eshitib rivoyat qilib berishgan, Ali ibn Ja`d ersa, uni davom ettirgan.

97-bob. Mayyitlarning hayotliklarida qilgan yomonliklarini eslash

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Lahab alayhi la`natu-l-lohi (unga Olllohning la`nati bo`lsin) Nabiy sallallohu alayhi va sallamga: «Kelgusi hayoting qurib ketsin!»-dedi. Shunda, «Abu Lahabning ikki qo`li qurisin!»-degan oyat nozil bo`ldi».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

98-bob. Zakot bermoqning vojiblgi to'g'risida

Oллоh taolo bu xususda: «Namoz o'qingiz va zakot beringiz!» - deb aytadir.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Sufyon raziyallohu anhu menga hadis ayta turib, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning bir so'zlarini esladi. Keyin u: «Janob Rasululloh bizga namoz o'qimoqni, zakot bermoqni, qarindoshlik aloqalarini uzmaslikni va pok bo'lmoqni buyurganlar», - dedi».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Maoz raziyallohu anhuri Yamanga yubora turib: «Ularni (Yaman ahlini) Oллоhdan boshqa iloh yo'qlig'iga va mening Oллоhning Rasuli ekanlig'imga guvohlik bermoqqa da'vat etg'il! Agar da'vatingni qabul aylasalar, unda Oллоh taolo har kecha-kunduzda besh vaqt namoz o'qimoqni farz qilganini ham aytgil! Agar buni ham qabul etsalar, unda Oллоh taolo boy kishilarning mol-dunyosidan sadaqalar (zakotlar) olib, faqirlarga qaytarib bermoqni ham farz qilganini ma'lum aylag'il!» - deb aytdilar».

Abu Aiyub raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bir kishi: «Ne qilsam, jannatga kirg'ayman, menga o'rgatingiz!»-dedi. Odamlar: «Ne ishi bor erkan, ne ishi bor erkan?»-deb so'rashdi. Janob Rasululloh: «Bir ish birlan kelibdir», - deb javob berdylar. Keyin, boyagi odamga qarab: «Oллоh taologa ibodat aylag'aysen, unga hech narsani shirk keltirmag'aysen, namoz o'qib, zakot berg'aysen va qarindoshlaringga oqibatli bo'lg'aysen!» - dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir a'robiy (badaviy) Nabiy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Menga bir ishni o'rgatingizkim, uni bajarib men jannatga kirayin!» - dedi. Janob Rasululloh: «Oллоhga ibodat aylab, unga hech narsani shirk keltirmag'aysen, buyurilgan besh vaqt namozni o'qig'aysen, farz qilingan zakotni ado etg'aysen va ramazonda ro'za tutg'aysen!»-dedilar. A'robiy: «Jonu tanim qo'lida bo'lgan Oллоhga qasam ichib ayturmenkim, shu aytganlaringizdan oshirib yubormag'aymen!»-dedi. U kishi qaytib ketgach, Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kim jannati odamni ko'rib, xursand bo'lmoqni istasa, shul kishiga qarasin!» - dedilar».

Abu Hayyon: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam xususlaridagi mazkur hadisni menga Abu Zur'a aytib bergan erdi», - deydilar.

Abu Jamraga Ibn Abbos bunday deb aytgan erkanlar: «Abd ul-Qaysning (qabilaning) vakillari Nabiy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib, «Yo Rasululloh, anavi Rabiya qavmi - zararkunanda kofirlar siz birlan bizning o'rtamizda rahna bo'lib turishibdir, biz muharram oyidagina sizning oldingizga kela olurmiz. xolos. Bizga buyuringiz, aytganlaringizni o'rganib, o'zimiz ham bajaraylik, uyimizga qaytib borgach, qavmu qarindoshlarimizga ham o'rgataylik!»-dedi. Shunda Janob Rasululloh bunday deb amr qildilar: «Sizlarga to'rt narsani buyurib, to'rt narsani man' qilg'aymen. Kalimai shahodat (lo iloha illa-l-loh) aytib, Oллоhga iymon keltiringiz (qo'llarini musht etib, ko'rsatkich barmoqlari birlan mana bunday qilib ishora ayladilar), namoz o'qingiz, zakot

beringiz va qo'lga kiritgan o'ljangizning beshdan bir qismini ulashingiz! Sizlarga dubbo, hantam, naqiyr va zaftni man' qilg'aydirmen!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafot etib, Abu Bakr raziyallohu anhu xalifa bo'lganlarida ayrim arab qavmlari islomdan tondilar. Shunda Umar raziyallohu anhu bunday degan erdilar: «Odamlar (kofirlarga qarshi) nechuk urushmoqdalar? Axir, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Menga Oллоh taolo tomonidan odamlar «Lo iloha illa-l-loh» demagunlaricha urush qilmoq buyurildi, kimki shundoq desa, molu jonini mendan omon saqlab qolg'aydir, boshqa gunohlari uchun ersa, Oллоh taolo dargohida javob berg'aydir», - deganlar-ku!»

Abu Bakr: «Oллоhga qasam ichurmenkim, namoz birlan zakotni farqlagan (ya'ni, birining ikkinchisidan ahamiyati ortiqroq yokim kamroq degan) kishiga qarshi jang qilg'aymen, chunkim zakot islom yo'lida qilinadigan xayr-ehsondir. Agar Janob Rasulullohga (beva-bechoralarga tarqatmoq uchun) olib kelinayotgan echkildan bittasi kam bo'lsa ham, xudo haqqi, jang qilg'aydirmen!» - deydilar. Hazrat Umar: «Oллоh taolo Abu Bakrning qalbiga qanchalar shijoat ato etgandir! Men uning haq ekanligini tushung'aydirmen», - deydilar.

99-bob. Zakot beraman, deb bay'at qilmoq

Oллоh taolo bu xususda: «Agar tavba qilib, namoz o'qisalar va zakot bersalar, sizning dindosh birodarlaringizdirlar», - deydir.

Jarir ibn Abdulloh raziyallohu anhu: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga, namoz o'qig'aydirmen, zakot berg'aydirmen va har bir musulmonga (bu haqda) nasihat qilg'aydirmen, deb bay'at (qasam) qildim», - deydilar.

100-bob. Zakot bermaydirgan (odam) ning gunohi

Oллоh taolo bu xususda bunday deydir: «Xazina-xazina tilla va kumushlar jamlab, Oллоh yo'lida sarf qilmaydirganlarni qiyomat kuni beriladigan qattiq azobdan ogoh qilingizlar! O'shal kuni butun jamlagan xazinalari jahannam o'tida qizdirilib, u birlan xazina sohibining peshonasi, ikki biqini va orqasi dazmol qiling'aydir. Jamlagan mol-dunyoingizning sizga ko'rsatadigan oqibati mana shul bo'lur. Qiyomat kuni jamlagan xazinalaringizning mazasini bir tatib ko'ringiz-chi!»

Abu Hurayra rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kimki tuyasi ko'p bo'laturib, zakot bermagan ersa, qiyomat kuni eng semiz tuyasi kelib, uni tepkilag'aydir, agar qo'yi ko'p bo'la turib, zakot bermagan ersa, eng semiz (baquvvat) qo'yi kelib, uni tuyoqlari birlan tepkilab, shoxlari birlan suzg'aydir», - dedilar («Ularni suv bo'yiga olib borib sug'ormoq ham zakotdir», - deydilar Imom Buxoriy). Janob Rasululloh yana bunday dedilar: «Qiyomat kuni qaysi biringizdir yelkangizda ma'rab turgan qo'y ko'tarib kelib: «Ey, Muhammad!» - dersiz. Shunda men: «Sen uchun hech narsa qilolmasman, men ilgari aytgandim», - derman. Keyin, bittangiz yelkangizda bo'kirib turgan tuya ko'tarib kelib: «Ey Muhammad!» - dersiz. Shunda men: «Sen uchun hech narsa qilolmasman, men ilgari aytgandim», - derman».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam:

«Kimga Oллоh taolo mol-dunyo bergan bo'lsa-yu, u zakot bermagan bo'lsa, jamg'argan boyligi qiyomat kuni ilon shakliga kirib, egasining tanasiga o'ralib olib chaqq'aydir, so'ng: «Men mol-dunyoingdirman, men xazinangdirman» — deb aytg'aydir»,— dedilar. Keyin, «Xasislik qilg'uvchilar o'ylamasinlarkim...» degan oyatni o'qidilar».

101-bob. Zakoti berilgan boylik xazina emas!

Nabiy sallallohu alayhi va sallam bu xususda: «Molingiz besh uqqadan (6,240 kg dan) kam bo'lsa, sadaqa lozim ermas»,— deganlar.

Xolid ibn Aslam rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu birlan birga (ko'chaga) chiqdik. Shunda bir a'robiy (badaviy): «Oллоh taoloning «Tilla va kumushlarni to'plab, xazina qilib, Oллоh yo'lida sarf qilmaydirgan shaxslar...» degan oyatini menga tushuntirib beringiz!»— dedi. Ibn Umar raziyallohu anhu: «Kim boylik (mol-dunyo) to'plab, zakot bermasa, uning holiga voydir! Oллоh taolo zakotni farz deb buyurib, uni boylikni halollovchi vosita qildi»,— dedilar».

Abu Sa'id raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar: «Og'irligi besh uqqadan (6,240 kg dan) kam (sochiluvchan bo'lmagan) narsalar uchun, soni beshtadan oz qo'y, echki, mol, ot, tuya kabi hayvonlar uchun hamda besh avsaqdan (taxm. 720 kg dan) yengil (sochiluvchan) narsalar uchun sadaqa (zakot) berilmag'aydir».

Zayd ibn Vahb rivoyat qiladirlar: «Rabza degan yerdan o'tib ketayotgan erdim, Abu Zarrni uchratib qolib, unga: «Ne sababdin uyingizni tark etib, bu yerlarda yuribdirsiz?» — dedim. Abu Zarr menga bunday dedilar: «Shomga borgan erdim, Oллоh taoloning, «Tilla va kumushlarni to'plab, xazina qilib, Oллоh yo'lida sarf qilmaydirgan shaxslar...» degan oyati haqida Muoviya birlan tortishib qoldim. Muoviya: «Bu oyat ahli kitoblar uchun nozil bo'lgan»,— dedi. Men: «Bu oyat barchamizga, biz uchun ham, ular uchun ham nozil bo'lgan»,— dedim. Keyin, shu tariqa tortishib qoldik. U kishi mendan shikoyat qilib, Usmon raziyallohu anhuga maktub yubordi. Usmon menga: «Madinaga kelg'il!» — deb xat yozuvdi, men bordim. Shunda odamlar go'yo meni ilgari ko'rmagandek qurshab olishib, nega kelganlig'imning boisini surishtira ketdilar. Men bu hodisani Usmonga aytdim. U kishi: «Agar siz ravo ko'rsangiz, shahar chekkasidan joy bersamu o'shal yerda tursangiz, bizning ko'nglimizni xushnud etgan bo'lardingiz!»— dedi. Mana shu sababli men shu yerdaman, agar menga habash qulni rahbar qilib qo'ysalar, men unga quloq solib, itoat qilgan bo'lur erdim».

Ahnaf ibn Qays rivoyat qiladirlar: «Quraysh qabilasiga mansub bir guruh odamlar birlan o'tirgan erdim. Shunda sochlari to'zg'igan, kiyimlari yirtiq, jussasi qo'pol bir odam kelib o'tirganlarga salom berdi-da: «Mol-dunyo yig'uvchilarga aytib qo'yingiz, ularning badanlariga jahannam o'tida qizdirilgan tosh bosilg'aydir! Qizdirilgan tosh avval emchagi uchiga qo'yib bosilg'aydir, kuragidan teshib chiqq'aydir, keyin kuragiga qo'yib bosilg'aydir, emchagi uchidan teshib chiqq'aydir. Shunda tosh titrab, qaltirab turar»,— dedi. Keyin, bir ustunning tagiga borib o'tirdi, men ham unga ergashib, yoniga borib o'tirdim, lekin kim ekanini bilmayman. Men unga: «Sizning aytgan so'zlaringiz, nazarimda, odamlarga yoqmadi»,— dedim. Boyagi kishi: «Ularning hech narsaga aqli yetmag'aydir, buni menga do'stim aytgan erdi»,— dedi. «Do'stingiz kim?» - deb so'radim men. Boyagi odam: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam!» - deb javob berdi-da, keyin

bo'lgan voqeani hikoya qila ketdi: «Bir kuni Janob Rasululloh menga: «Ey Abu Zarr, Uhudni (tog'ni) ko'rib turibdirsanmi?» - dedilar. Shunda men, bir yoqqa ish birlan yubormoqchilar shekilli, deb o'ylab, Quyoshga qarab kunning qolgan qismini chamaladim-da, «Ha»,-dedim. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mening Uhud tog'idek tillam bo'lsa, bir kunlik hojatimga uch dinor olib qolib, qolganini Olloh yo'lida sarf qilur erdim!» - dedilar». Abu Zarr hikoyasini shu yerda to'xtatib, menga: «Anavilar o'ylamay-netmay mol-dunyo to'plab yotibdirlar, xudo haqqi, men Olloh taoloning dargohiga borgunimcha ham ulardan boylik talab qilmasman va maslahat ham so'ramasman!» - dedi».

102-bob. Boylikni to'g'ri sarf qilmoq haqida

Ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning bir kishiga bundoq deganlarini eshitgan erdim: «Faqat ikki narsaga hasad (havas) qilmoq mumkin: biri - Olloh taolo bir kishiga mol-dunyo bersa-yu, u o'z boyligini ezgu yo'lda sarflab tugatsa, ikkinchisi - Olloh taolo bir kishiga ilmu hikmat ato etsa-yu, u bilimidan to'g'ri foydalanib, boshqalarga ham o'rgatsa».

103-bob. Sadaqani minnat qilmoq haqida

Olloh taolo bu xususda quyidagi oyatni nozil qilgan: «Ey imon keltirgan bandalar, bergan sadaqalaringizni (odamlarga) minnat qilib va ozor berib, yo'qqa chiqarmangiz...» («al-kofiriyn» degan joyigacha o'qingiz).

104-bob. Harom yo'l birlan topilgan boylikdan qilingan sadaqani Olloh taolo qabul qilmaydir, halol kasb tufayli topilgan boylikdan qilingan sadaqanigina qabul qiladir

Olloh taolo bu xususda: «Ketidan ozor ergashtirib keladiringan sadaqadan ko'ra, ko'ngilni ko'taradiringan va mag'firatli so'z afzaldir. Olloh boy va ko'ngilchandir!» - deydir.

105-bob. Halol yo'l birlan topilgan boylikdan qilinadiringan sadaqa haqida

Olloh taolo bu xususda bunday deydir: «...(Olloh taolo) sadaqalarni boqib katta qilg'aydir (berilgan sadaqaga barakot ato etib, ko'paytirib, egasiga qaytarg'aydir), Olloh taolo har bir osiy kofirni yomon ko'rg'aydir, ammo imon keltirgan, yaxshiliklar qilgan, namoz o'qigan va zakot bergan bandalarga Olloh taolo mukofotlar in'om qilg'aydir, alarga hech qandayin xavfu xatar yo'qdir, alar g'am chekmag'aydirlar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki halol kasb qilib, bir dona xurmochalik sadaqa qilg'aydir, Olloh taolo uni bajonudil qabul etg'aydir, so'ng sizlar toychoqni qandoq boqib ulg'aytirsangiz, Olloh taolo ham bergan sadaqangizni tog' barobarinda qilib, o'zingizga qaytarg'aydir», - dedilar».

106-bob. Sadaqani rad qiladiringan davrlar kelmasidan oldin sadaqa berib qolmoq to'g'risida

Horisa ibn Vahb: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitgandirman»,— deydir: «Sadaqa qilib qolingiz, chunkim sadaqangizni oladiringan

odam topilmaydirgan davrlar kelg'aydir, o'shanda biror kishiga sadaqa olib borsangiz, «Kecha kelganingda so'zsiz qabul qilg'ay erdim, ammo bugun unga mening hech qandoq hojatim yo'qdir», - deydir».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Mol-dunyongiz to'lib-toshib ketmaguncha qiyomat bo'lmag'aydir. Shundoq davrlar kelg'aydir, hatto badavlat odam kimga sadaqa bermog'in bilmay qolib, duch kelgan odamga sadaqa tutaverg'aydir, biroq «Mening muhtojligim yo'qdir» deb hech kim olmag'aydir», - dedilar».

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida erdim, ikki kishi kirib keldi. Ulardan biri qashshoqligidan, ikkinchisi ersa, qaroqchilardan shikoyat qildi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday 'dedilar: «Yo'lto'sarlar masalasiga kelsak, hatto karvon Makkaga soqchilarsiz yo'l olganda ham, senga ularning zarari kamroq tekkeydir, ammo qashshoqlik masalasiga kelsak, sizlar sadaqa bergayman deganingizda b'irortangiz ham sadaqa olg'uvchi odamni qidirib topolmaydirgan davr kelmaguncha qiyomat bo'lmag'aydir. So'ng, qay biringizdir Olloh taoloning qarshisida tik turib javob berursiz, o'rtangizda parda ham, so'zingizni tarjima qilib turadigan tilmoch ham bo'lmag'aydir. Shunda Olloh taolo: «Senga mol-dunyo ato qilmag'anvdi erdim?!» - deydir. Banda: «Ha», - deb javob berur. So'ng, Olloh taolo: «Senga payg'ambar yubormag'anmi erdim?!» - deydir. Banda: «Ha», - deb javob berur. Keyin, banda o'ng tomoniga qaraydir, do'zaxdan boshqa narsani ko'rmag'aydir, so'ng chap tomoniga qaraydir, tag'in do'zaxdan o'zga narsani ko'rmag'aydir. (Shuning uchun) har biringiz loaqal yarimta xurmo sadaqa qilib, u ham bo'lmasa, loaqal bitta yaxshi so'z aytib, o'zingizni do'zax o'tidan asrangiz!»

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Shunday zamonlar keladirki, o'shanda kishi tillani sadaqa qilg'aymen desa ham, sadaqa olg'uvchini qidirib topolmag'aydir, ayollarning ko'pligi va erkaklarning ozligidan qirq ayol bitta erkakning ketidan yalinib yurg'aydir».

107-bob. Yarimta xurmo sadaqa qilib bo'lsa ham o'zingizni do'zax o'tidan asrangiz! Ozingina sadaqa ham sadaqadir!

Bu xususda Olloh taolo quyidagi oyatni nozil qilgan: «Mol-dunyasini Olloh taoloni rizo qilmoq yo'lida va unga nisbatan bo'lgan o'z sadoqatini isbot etmoq uchun sarf qilg'uvchilar...» («har bir mevalardan» degan so'zigacha)».

Abu Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Sadaqa oyati» nozil bo'lgach, biz hammollik qilib, topgan pulimizdan sadaqa qilur edik. Bir kuni bir kishi kelib, ko'p narsa sadaqa qildi. Shunda munofiqlar: «O'zini ko'rsatmoq uchun shundoq qilayotir», - deyishdi. Keyin, boshqa bir kishi kelib, bir so' (taxminan 2,5 kg) xurmo sadaqa qildi. Munofiqlar uni ham ig'vo qilib: «Uning bir so' sadaqasiga Olloh taolo muhtoj ermas», - deyishdi. Shunda: «Ko'ngildan chiqarib sadaqa qilg'uvchi mo'minlar ustidan kulg'uvchilar va peshona teri birlan ishlab topg'uvchilar...» degan oyat nozil bo'ldi».

Abu Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga sadaqa qilmoqni buyursalar, ba'zi birimiz bozorga borib hammollik qilur erdik,

keyin shundan tushgan pulga bir mud (600 misqol) ovqat yoki xurmo sotib olib, birovga sadaqa qilur erdik. Hozir ersa, ayrimlarimizda 100 ming dirhamgacha pul bordir».

Abdulloh ibn Ma'qil rivoyat qiladirlar: «Adiy ibn Hotim raziyallohu anhuning «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yarimta xurmo sadaqa qilib bo'lsa ham o'zingizni do'zax o'tidan saqlangiz!»-deb aytganlar» deganini eshitganman».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Bir ayol ikki qizchasini yetaklab sadaqa so'rab kirdi. Menda bir dona xurmodan bo'lak hech narsa bo'lmagani uchun o'sha xurmoni berdim. Uni ikki qizalog'iga bo'lib berdi, o'zi yemadi, keyin o'rnidan turib chiqib ketdy. O'sha kuni Nabiy sallallohu alayhi va sallam mening hujramga kirdilar, men bo'lgan voqeani aytib berdim. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar qizchalardan birortasi biror dardga chalinib, vafot etsa, oxiratda onasini do'zax o'tidan parda bo'lib to'sib turg'aydir», -dedilar».

108-bob. Qanday sadaqa afzal ekanligi va sog'lom, xasis odamning sadaqasi haqida

Ollah taolo bunday deydir: «Ey mo'min bandalar, o'lmasingizdan burun biz sizlarga ato etgan rizqdan boshqalarga ham ulashingiz!» va «Ey iymon keltirgan bandalar, savdo-sotiq qilinmaydirgan kun kelmasidan burun biz sizlarga ato etgan rizqdan boshqalarga ham ulashingiz!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bir kishi kelib: «Yo Rasululloh, qanday sadaqaning savobi ulug'roqdir?» - deb aytdi. Janob Rasululloh: «Sen o'zing sog'lom va xasis ersang-u, kambag'al bo'lib qolmoqdan qo'rqib hamda boy bo'lmoqni orzu qilib sadaqa qilsang, ana shu sadaqangning savobi ulug'roqdir! Joning halqumingga kelmasidan burun sadaqa qilib qolg'il! Keyin, «falonchiga buncha, pistonchiga muncha bermog'im kerak erdi», - dersan, biroq, barcha mol-dunyong merosxo'rga qolib ketg'usidir», -dedilar».

109-bob.

Oisha onamiz raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan xotinlaridan ayrimlari: «Qay birimiz sizga tezroq yetishg'aydirmiz?» - deb so'rashdi. Janob Rasululloh: «Qay biringizning qo'lingiz uzunroq bo'lsa», - dedilar. Shunda o'zlari ekadirgan shakarqamish poyasidan keltirishib, bir-birlarining qo'llarini o'lchashdi, Savdaning qo'li boshqa xotinlarining qo'lidan uzunroq bo'lib chiqdi. Keyin, bilsak, Janob Rasululloh «Eng qo'li uzun», - deganlarida, eng ko'p sadaqa qilg'uvchi ayolni nazarda tutgan erkanlar. Haqiqatan ham, Savda Rasulullohga tyozroq yetishdi, o'zi ham bizdan ko'ra, ko'proq sadaqaqilar erdi-da!»

110-bob. Oshkora sadaqa

Ollah taolo bu xususda quyidagi oyatni nozil qilgan: «O'z mol-dunyolarini kechayukunduz xufiya va oshkora sadaqa qilayotganlar...» («Ular g'am chekmag'aydirlar» gacha o'qingiz).

111-bob. Xufiya sadaqa

Abu Hurayra raziyallohu anhu Nabiyy sallallohu alayhi va sallamdan eshitganlarini rivoyat qiladilar: «Shundoq odamlar bordirkim, sadaqa qilganlarini birovga bildirmagʻaydilar, hatto oʻng qoʻllari qilgan ishni chap qoʻllari bilmay qolur. Oллоh taolo: «Agar oshkora sadaqa aylasangiz, sizga shul sadaqangizchalik savob tekkaydir, agar faqirlarga xufiya sadaqa aylasangiz, koʻproq savob olgʻaydirez», - deydir».

112-bob. Badavlat odamga bilmay sadaqa bersa...

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytgandilar», - deyдилar: «Bir kishi sadaqa bergʻayman, deb ahd qilib chiqib, sadaqasini (bilmay) bir oʻgʻrining qoʻliga tutqazib yubordi. Shunda odamlar oʻgʻriga sadaqa berdi, deb malomat qildilar. Boyagi kishi: «Ey parvardigor-o, sadaqa bermogʻim uchun oʻgʻrini boʻlsa ham menga roʻpara qilganingga shukr!» - dedi. Keyin, yana sadaqa olib chiqib, bir buzuq ayolning qoʻliga berdi. Odamlar yana malomat qilib: «Bu kecha buzuq ayolga sadaqa berdi», - deyishdi. Boyagi kishi: «Ey parvardigor-o, sadaqa bermogʻim uchun menga buzuq ayolni boʻlsa ham roʻpara qilganingga shukr!» - dedi. Soʻng, yana sadaqa olib chiqdi-da, bir boyning qoʻliga berib yubordi. Odamlar: «Boyga sadaqa qildi», - deb uni yana gap qildilar. Shunda u: «Ey parvardigor-o, oʻgʻrigami, buzuq ayolgami, boygami, sadaqa qilmogʻimni menga nasib etganing uchun senga shukr!» - deb aytdi. Keyin, tushida unga: «Oʻgʻri, bergan sadaqang tufayli, shoyad, oʻgʻrilikdan qaytsa, buzuq ayol shoyad toʻgʻri yoʻlga kirsang, boy ersang, shoyad Oллоh taolo bergan boyligidan sadaqa qilmoqni oʻrgansang!» - deb aytildi».

113-bob. Bolasiga bilmay sadaqa bersa...

Maʼn ibn Yazid raziyallohu anhu quyidagi hadisni aytib berdilar: «Men, otam va bobom Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bayʻat qildik. Ul zot shaxsan oʻzlari sovchilik qilib, meni uylantirib quydilar. Bir kuni otam bir necha dinorni (birov kelib olar, deb) masjidga oʻtirgan bir kishining oldiga qoʻygan erdilar. Men borib oʻsha pullarni olib, otamning oldilariga keldim. Shunda otam: «Buni senga sadaqa qilmoqchi emasdim», - dedilar. Men voqeani Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga aytib berdim, Ul zoti oliy: «Ey Yazid, ne niyatda sadaqa qilmoqchi boʻlgan ersang, oʻshal niyating oʻzingga (yor boʻlsin), ey Maʼn, sen ne olgan ersang, oʻshal senikidir!» - dedilar».

114-bob. Oʻng qoʻli birlan sadaqa bermoq haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiyy sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Oллоh taolo oʻzining soyasidan boshqa soya boʻlmaydirgan kuni (yaʼni qiyomat kuni) yetti kishini - odil imomni (yoki har qanday rahbarini), Oллоh taologa ibodat qilib ulgʻaygan yigitni, masjidlardan koʻngil uzolmaydirgan kishini, Oллоhni deb birov birlan doʻstlashgan hamda Oллоhni deb undan uzoq lashgan (kechgan) kishini, goʻzal bir mansabdor ayol yaqinlik qilmoqni taklif qilganda, «Men Oллоh taolodan qoʻrqgayman» deb taklifini rad etgan kishini, oʻng qoʻli bergan sadaqani chap qoʻli bilmaydirgan qilib pinhona hayr-ehson aylagan kishini va xilvatda oʻtirib, Oллоh taoloning zikrida duv-duv koʻz yoshi toʻkkan kishini oʻz soyasiga olgaydir». Vorisa ibn Vahb al-Xuzoʻiy: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitgandim», - deyдилar: «Sadaqa qilib qolingiz, chunkim shundoq davrlar

kelg'aydirkim, odamlar kimga sadaqa bermoqni bilmay, sarson bo'lur. Kimga sadaqa uzatilsa, o'shal: «Kecha olib kelganingizda olar erdim, lekin bugun sadaqaga ehtiyojim yo'qdir», - deydir».

115-bob. Xizmatchisi orqali sadaqa bergan kishi haqida

Abu Muso: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham sadaqa berguvchilardandirlar», - deyдилar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar ayol yaxshi niyat birlan o'z uyidagi yeguliklardan sadaqa qilsa, o'shal bergan narsasiga yarasha unga savobi bo'lg'aydir, ishlab topib kelgan eriga ham savobi tekkaydir, shuningdek xazinachisiga ham savobi bordir. Ularning barchasi baravar savob olishg'aydir, biriniki biridan kam bo'lmag'aydir», - deganlar.

116-bob. O'zi muhtoj bo'la turib qilingan sadaqa sadaqa ermas!

O'zi yoki oilasi muhtoj bo'lgan yohud birovdan qarzi bo'lgan kishi sadaqa bergandan ko'ra va qul ozod qilgandan ko'ra, avval qarzini uzmog'i lozim, chunki uning xayru ehsoni baribir qabul bo'lmag'aydir. Birovlarning molini sarf qilmoqqa uning haqqi yo'qdir!

Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bu xususda bunday deganlar: «Kim birovning molini sovurmoq niyatida olsa, Oллоh taolo ul bandani halokatga mahkum etg'aydir, Ammo, sabr-toqatliligi birlan tanilgan va muhtoj kishi, birovdan qarzi bo'lsa ham, sadaqa qilmog'i mumkindir». Chunonchi, Abu Bakr. raziyalloxu anhu ham shunday qilgan erdilar, Madina ansorlari ham muhojirlarni shu tariqa kutib olishgandi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam o'z boyligini bekorga sarf qilmoqni man' qilganlar, demak odam birovning molini ham sovurmoqqa haqqi yo'qdir. Ka'b raziyallohu anhu: «Yo Rasululloh, men qat'iy tavba qilganim tufayli barcha boyligimni Oллоh va uning Rasuli yo'lida sarf qilmoqchiman», - deganlarida, Janob Rasululloh: «Molingdan bir qismini o'zingga ham qoldirganing yaxshidir», - debdilar. Shunda Ka'b: «Haybardagi mulkimni o'zimga qoldirg'ayman», - deb aytibdilar.

Sa'id ibn Musayyab Abu Hurayra raziyallohu anhudan Nabiy sallallohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitgan erkanlar: «O'zidan orttirib qilingan sadaqa eng yaxshi sadaqadir, shuning uchun sadaqa bermoqni eng avvalo oilangdan boshlag'il!» (ya'ni, eng avvalo oilangni ta'minlag'il).

Hakim ibn Hizom raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytganlar», - deyдилar: «Ko'tarilgan qo'l, tushirilgan qo'ldan yaxshiroqdir (ko'tarilgan qo'l - ishlab boqquvchi qo'l, tushirilgan qo'l - tilamchi qo'ldir)! Eng avvalo oilangga sadaqa berg'il (oilangni boqq'il)! O'zidan orttirib qilingan sadaqa - eng yaxshi sadaqadir! Kimki tavba qilg'aydir, Oллоh taolo uni kechirg'aydir, kimki boyluk tilag'aydir, Oллоh taolo unga boyluk ato etg'aydir!»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbarda turib sadaqa va poklik to'g'risida eslatib o'tdilar, so'ng: «Ko'tarilgan qo'l tushirilgan qo'ldan afzaldir, ya'ni ko'tarilgan qo'l ishlab boqquvchi, tushirilgan qo'l ersa, tilamchi qo'ldir!» - dedilar».

117-bob. Bergan sodaqasini minnat qilguvchilar to'g'risida

Olloh taolo bu xususda quyidagi oyati karimani nozil qilgan: «O'z boyliklarini Olloh yo'lida sadaqa aylab, keyin ketidan minnat qilmaydirgan va ozor bermaydirgan bandalar...»

118-bob. O'z vaqtdan kechiktirmay sadaqa qilmoqqa oshiqqan kishi xususida

Uqba ibn al-Haras raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bizga imomlik qilyb namozi asr o'qidilar. Keyin, shoshilib uylariga kirib ketib, bir oz o'tmay qaytib chiqdilar. Men yoki oramizdan kimdir buning boisini so'radik. Janob Rasululloh: «Sadaqa qilg'ayman, deb uyda bir oz tilla olib qo'ygan erdim, tuni birlan uning uyda qolmog'ini istamadim, shuni hozir odamlarga ulashib keldim», - dedilar».

119-bob. Sadaqa berishga undash va shafqat (yordam) qilib sadaqa qilmoq haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Hayit kuni Janob Nabiy sallallohu alayhi va sallam masjidga chiqib, ikki rak'at namoz o'qidilar, ilgari ham, keyin ham bunday namoz o'qimagan erdilar. So'ng, ayollarga o'girilib, va'z aytdilar (yonlarida Bilol ham turgan erdi), ularni sadaqa bermoqqa undadilar. Shunda ayollar bilaguzuk va taqinchoqlarini (Bilolning etagiga) tashlay boshlashdi».

Abu Burda ibn Abu Muso otalari Abu Muso raziyallohu anhudan quyidagi hadisni eshitgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga biror kishi sadaqa yokim boshqa narsa so'rab kelsa, «Yordam (shafqat) qilingizlar, savob topg'aydirsizlar!» - der erdilar. Olloh taolo o'z Rasuli sallallohu alayhi va sallamning tillaridan o'zi istagancha aytirib, sadaqa qildirar erdi».

Asmo raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam menga: «Saxovat yo'lini berkitmag'il, Olloh taolo ham sening uchun saxovat yo'lini berkitmag'aydir» deb aytganlar» ,— deydilar.

Usmon ibn Abu Shayba: «Kimga ne berganingni sanamag'il, Olloh taolo ham senga sanab rizq berg'aydir», - deydilar.

120-bob. Qurbi yetganicha sadaqa qilmoq haqida

Abbod ibn Abdulloh ibn Zubayr rivoyat qiladirlar: «Asmo binti Abu Bakr raziyallohu anho Nabiy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga borganlarida, ul zot «Mumsiklik qilmag'il, Olloh taolo rizqyngni qirqg'aydir, qurbing yetganicha sadaqa qilib turg'il!» - degan erkanlar».

121-bob. Sadaqa gunohlarni yuvgaydir!

Huzayfa raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Umar raziyallohu anhu: «Qay biringiz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning fitna haqida aytgan hadislaridan birortasini bilursiz?» - deb so'radilar. Shunda men: «Janob Rasululloh qandoq aytgan bo'lsalar,

shundoqligicha eslab qolganman», - dedim. Hazrat Umar: «Sen ul kishi birlan bemalol soʻzlasha olar erding, qani aytgʻil-chi, ne deganlar?» - dedilar. Shunda men: «Barcha fitna kishining oʻz xotini, bolalari va qoʻshnisidan chiqqʻaydir, uni sadaqa bermoq, namoz oʻqimoq va amri maʻruf (ixshiligʻ) qilmoq birlan daf etgʻaydirlar» deb aytganlar», - dedim.

Huzayfa hadis aytganda, «Fitna - namoz oʻqimoq, Sadaqa bermoq va-l-amr bi-l-maʻruf (yaʻni, Islom shariatida mashhur boʻlgan amali solihlarni bajarmoqni buyurmoq) birlan daf qilingʻaydir» deb ham aytardi», - deydilar muhaddislardan biri Sulaymon raziyallohu anhu.

Hazrat Umar: «Men buni nazarda tutganim yoʻqdir, men dengiz toʻlqinlari yangligʻ mavj uradigan fitna haqida soʻramoqchi erdim», - dedilar. Men: «Ey Amir al-moʻminin, unday fitnadan siz xavotir olmasangiz ham boʻlur, siz birlan uning orasidagi eshik yopiqdir», - dedim. Hazrat Umar: «Oʻsha eshik sindirilgʻaymidir yokim oʻzi ochilgʻaymidir?» - deb soʻradilar. Men: «Balki, sindirilgʻaydir», - dedim. Hazrat Umar: «Agar sindirilsa, abadulabad qaytib yopilmas», - dedilar. Men: «Ha», - dedim». Abu Voil bunday deydilar: «Biz Huzayfadan oʻshal eshik haqida soʻrashga botina olmay, Masruqqa: «Siz soʻrangiz!» - deb aytdik. Masruq soʻragan erdilar, Huzayfa: «Oʻshal eshik Umar raziyallohu anhuningʻ oʻzlaridirlar», - deb javob qildilar. Shunda biz Huzayfaga: «Hazrat Umar kimni nazarda tutganingizni bildilarmi?» - dedik. Huzayfa: «Ha, ertangi kun kelmogʻidan oldin tun boʻlmogʻini bilganlaridek yaxshi bilgʻaydirlar. Men ul kishiga bir hadis aytib berganman, shu boisdan men kimni nazarda tutganimni bilmoqlari shubhasiz», - dedilar».

122-bob. Mushrikligida sadaqa qilib, keyin musulmon boʻlgan kishi xususida

Hakim ibn Hizom raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir kuni Janob Rasulullohdan: «Yo Rasululloh, men johiliya davrida (islomdan avvalgi davrda) sadaqa aylab, qullarga ozodlik berib, qarindosh-urugʻlarimga oqibat qilib yurgʻay erdim, buning menga savobi bormidir?» - deb soʻradim. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ilgari qilgan yaxshiliklaring ustiga yana musulmon ham boʻlding!» - deb javob qildilar».

123-bob. Halol xoʻjayinning buyrugʻiga binoan sadaqa bergan xizmatchiga tegadigan savob haqida

Oisha onamiz raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar ayol yaxshi niyat birlan eri ishlab topib kelgan yeguliklardan sadaqa qilsa, oʻziga ham, ishlab topib kelgan eriga ham savob tekkaydir, shuningdek, xazinachisi ham savobsiz qolmagʻaydir», - deb aytganlar».

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar: Buyurilgan narsani toʻla-toʻkis bajaradigan («beradigan», deb aytgan boʻlishlari ham mumkin) ishonchli musulmon xazinachi «Sadaqa berib yuborgʻil!» deyilganda mamnuniyat birlan sadaqa berib yuborgʻaydir. Shu boisdan u ham sadaqa qilgʻuvchilardan biridir!»

124-bob. Tilamchiga erining uyidan ezgu niyatda sadaqa olib chiqib bergan yoki uning qornini toʻygʻizgan ayolga tegadigan sabob haqida

Oisha onamiz raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytganlar: «Agar ayol yaxshi niyatda erining uyidan sadaqa olib chiqib bersa...» (yuqoridagi rivoyat takrorlangan).

Oisha onamiz raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Agar ayol yaxshi niyatda erining uyidagi yeguliklardan olib chiqib, tilamchining qornini to'yg'izsa, o'ziga ham, eriga ham, shuningdek, xazinachiga ham savob tekkaydir. Eriga ishlab topib kelgani uchun, unga (ayolga) ersa, sadaqa bergani uchun savob tekkaydir», - deganlar».

Oisha onamiz raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Agar ayol ezgu niyatda erining uyidagi yeguliklardan tilamchiga sadaqa qilsa, unga ham, eriga ham, shuningdek xazinachiga ham savob tekkaydir. Eriga ishlab topib kelgani uchun, unga (ayolga) sadaqa bergani uchun savob tekkaydir», -deganlar».

125-bob.

Olloh taolo bunday deydir: «Ammo, kimki (sadaqalar) berg'aydir, (Ollohdan) taqvo qilg'aydir (qo'rqg'aydir) va qilgan yaxshilig'iga (Olloh) yaxshilig' qaytarmog'iga ishong'aydir, biz unga farovonlikni muyassar etg'aydirmiz, lekin kimki xasislik qilib, boyib ketgan ersa va (Ollohdan) yaxshilikka yaxshilig' qaytmog'ini yolg'on desa, biz unga qashshoqliqni muyassar aylag'aydirmiz!»

Ey, parvardigor, xayr-ehson qilg'uvchi bandangning boyligini yanada ziyoda qilg'aysen!

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Banda har doim ertalab uyg'onganida, ikki farishta osmondan tushib, ulardan biri: «Yo parvardigor, xayr-ehson qilg'uvchi bandangning mol-dunyosini yanada ziyoda qilg'aysen!»-deydir, ikkinchisi ersa, «Yo parvardigor, mumsik (xasis) bandangning mol-dunyosiga qiron keltirg'aysen!» deydir», - deganlar».

126-bob. Sadaqa berguvchi va baxil haqidagi misollar

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar», - deb rivoyat qiladirlar: «Baxil va sadaqa qilg'uvchi bo'g'zidan ko'kragigacha temir jubba kiyib olgan ikki kishiga o'xshag'aydir. Saxovatli kishi sadaqa bermog'i birlanoq jubbasini kengayib, hatto yuz-qo'lidagi temir izlari yo'qolg'aydir. Ammo, baxil odam sadaqa qilmoqchi bo'lishi birlanoq jubbasining har bir halqasi badanini tobora siqa boshlag'aydir, baxil har qancha chiranmasin, jubba kengaymag'aydir» (mantiq: saxiy odam sadaqani hech qiynalmay, chin yurakdan berg'aydir, ammo xasis odam o'zini zo'rlab, ming azobda berg'aydir).

127-bob. Kasb-hunar va tijoratdan keladigan mablag'dan qylinadigan sadaqa haqida

Olloh taolo bunday deydir: «Ey iymrn keltirgan bandalar, peshona teri birlan topgan mablag'laringizdan va biz sizlarga yerdan undirib berayotgan ne'matlardan sadaqa aylab turingiz!..» (oyatning «g'aniyyun hamidun» degan joyigacha o'qingiz).

128-bob. Har bir musulmon sadaqa qilmog'i lozim, agar sadaqa aylamoqqa hech narsasi bo'lmasa, yaxshilik qilsin!

Sa'id ibn Abu Burda otalaridan, otalari esa, o'z otalaridan quyidagi hadisni eshitgan erkanlar: «Janob Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Har bir musulmon sadaqa qilmog'i lozim»,- dedilar. Sahobalar: «Yo Nabiyalloh, agar hech narsasi bo'lmasa-chi?»- deyishdi. Janob Rasululloh: «Qo'li birlan mehnat qilib, o'zi ham manfaatlang'aydir, birovga ham sadaqa berg'aydir»,- dedilar. Sahobalar: «Agar bunga qurbi yetmasa-chi?» - deyishdi. Janob Rasululloh: «Ojizu jabrdiydalarga yordam berg'aydir»,- dedilar. Sahobalar: «Bu ham qo'lidan kelmasa-chi?»- deyishdi. Janob Rasululloh: «Yaxshilik qilmoq yo'lga o'tib, yomonlikdan qaytsin, ana shuning o'zi uning sadaqa qilganidir!»- dedilar».

129-bob. Qancha miqdorda zakot va sadaqa berish mumkinligi to'g'risida va butun bir qo'yni ehson qilgan shaxs xususida

Ummu Atiyya raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nusayba degan bir ansoriya ayolga qo'y yubordim. Ul ersa, shu qo'yning go'shtidan Oisha raziyallohu anhoga yubordi».

Oisha anamiz bunday deydirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Biror yegulik narsa bormi?» -deb so'radilar. «Nusayba yuborgan qo'y go'shtidan boshqa hech vaqo yo'qdir»,- dedim. «Keltirgil, sadaqa o'z o'rnini topibdir!» - dedilar».

130-bob. Kumush tanga sadaqa qilmoq haqida

Abu Sa'id Xudriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Beshtadan kam tuya uchun sadaqa lozim ermas, besh uqqiyadan (60 dirhamdan) kam kumush tangadan sadaqa qilinmaydir, besh vasaqdan (1600 ratldan) oz narsa (meva-cheva, don-dun) uchun ham sadaqa berilmaydir»,- deganlar».

131-bob. Zakotga beriladigan (to'lanadigan) ashyolar

Tovus raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Maoz raziyallohu anhu Yaman ahliga bunday dedi: «Arpa va bug'doy o'rniga eski-tuski kiyimlarni sadaqa qilingiz, bu sizlarga osonroq, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Madinadagi sahobalariga ersa, yaxshiroqdir!»

Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ammo, Xolid Ollah yo'lida jang anjomlarini shaylab turibdir»,- deb aytdilar (zakot bermoqdan bosh tortayotgan qavmlarga nisbatan aytilgan). Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Taqinchoqlaringizdan bo'lsa ham sadaqa qilingiz!» - dedilar, lekin farz sadaqani boshqa tur sadaqalardan istisno qilmadilar. Bir ayol kelib, isirg'a va munchoqlarini sadaqa qildi. Shunda, «Tilla va kumush, bo'lsin!» deb qayd etishmadi.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Bakr raziyallohu anhu Ollah va uning Rasuli sallallohu alayhi va sallam buyurgan ahkomlar haqida menga bunday deb yozgan erdilar: «Bir yashar urg'ochi bo'taloq zakot qilmog'i lozim bo'lgan odamning bunday bo'talog'i bo'lmay, ikki yashar urg'ochi bo'talog'i bo'lsa, zakotchi o'sha ikki yashar bo'talog'ini olib, qaytimiga 20 dirham yoki ikki qo'y berg'aydir. Agar zakot berg'uvchining bir yashar urg'ochi bo'talog'i bo'lmay, ikki yashar erkak bo'talog'i bo'lsa,

undan shu bo'taloq zakotga qabul qilinib, hech qanday qaytim berilmag'aydir (chunki urg'ochi tuya tug'ib, ko'payadi)».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni o'rtaga qo'yib ayturmenkim, ul kishi hayit namozini xutbadan oldin o'qidilar, keyin ayollarga ovozim yetmadi, deb o'ylab, ularga yaqinroq bordilar. Yonlarida Bilol ham ko'ylagining etagini (iona tashlamoqlari uchun) tutib borar edi. Janob Rasululloh ayollarga va'z-nasihatlari aytib, ularni sadaqa bermoqqa da'vat qildilar. Ayyub raziyallohu anhu Saxtiyaning quloq va bo'yniga ishora qildilar (ya'ni, sirg'a va munchoqlarni sadaqa aylamoqni buyurdilar)».

132-bob. Ikki kishiga tegishli molni (mulkni) bir-biriga qo'shib qo'yish hamda bir odamga tegishli molni (go'yo ikki kishining molidek) bo'lib qo'yish yaramaydir

Abu Bakr raziyallohu anhu Anas raziyallohu anhuga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam farz qilgan sadaqalar haqida bunday deb yozib yuborgan erkanlar: «Zakot olinishidan qo'rqib ikki kishiga tegishli molni bir-biriga qo'shib qo'ymoq va bir kishiga tegishli molni ikkiga bo'lib qo'ymoq yaramaydir».

133-bob. Agar ikki kishining moli aralashib ketgan bo'lsa, ular o'zaro kelishib zakot berishg'aydir

Tovus va Ato bunday deyishadir: «Agar ikki kishining moli aralashib ketgan bo'lsa-yu, ular o'z mollarini tanib ololsalar, unda ularning mollarini ikkiga ajratib o'tirilmaydir». Sufyon bunday deydilar: «Ikki kishining podasi aralashib ketgan bo'lsa-yu, ulardan har birining qo'yi qirqtadan bo'lmasa, zakot vojib ermas».

Abu Bakr raziyallohu anhu Anas raziyallohu anhuga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam farz qilgan zakotlar haqida bunday deb yozgan erkanlar: «Bir-biriga aralashib ketgan podalarning egalari o'zaro kelishib zakot berg'aydilar ».

134-bob. Tuya zakoti

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir a'robiy (badaviy) Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan hijrat qilmoq to'g'risida so'radi. Shunda Janob Rasululloh: «Sho'ring qursin! Hijrat qilmoq qiyindir, sen zakot berib turmog'ing uchun tuyalaring bormi?» - dedilar (u kishining hijrat qiladigan siyog'i yo'qligi uchun birmuncha yengillik bermoqchi bo'ldilar shekilli). Badaviy: «Ha»,- deb javob berdi. «Sen dengizlar ortida turib amali solihlarni ado etsang ham bo'laverg'aydir, Oллоh taolo qilgan amallaringning bittasini ham qoldirmay dargohida qabul qilg'usidir», - dedilar».

135-bob. Zakotga bir yashar urg'ochi bo'taloq berishi lozim bo'lgan odamning bunday bo'talog'i bo'lmasa-chi?

Abu Bakr raziyallohu anhu Anas raziyallohu anhuga Oллоh taolo o'z Rasuli sallallohu alayhi va sallamga farz qilgan sadaqalar (zakotlar) haqida bunday deb yozgan erkanlar: «Zakotga besh yashar tuya bermog'i lozim bo'lgan odamning bunday tuyasi bo'lmay, to'rt yashar tuyasi bo'lsa, shu tuyasi zakotga qabul qilinib, ustiga yana (nasib etsa) ikki

qo'y yokim yigirma dirham oling'aydir. Ammo, zakotga to'rt yashar tuya bermog'i lozim bo'lgan odamning bunday tuyasi bo'lmay, besh yashar tuyasi bo'lsa, u holda shu tuyasi zakotga qabul qilinib, ikki qo'y yokim yigirma dirham qaytim berilg'aydir. Basharti, zakotga to'rt yashar tuya berishi kerak bo'lsa-yu, uning bunday tuyasi bo'lmay, ikki yashar urg'ochi bo'talog'i bo'lsa, unda shu bo'taloq zakotga qabul qilinib, ustiga ikki qo'y yokim yigirma dirham qo'shib oling'aydir. Kimki ikki yashar urg'ochi bo'taloq zakot qilmog'i lozim bo'lsa, o'rniga to'rt yashar tuyasini berib, zakotchidan ikki qo'y yokim yigirma dirham qaytim olur. Kimki ikki yashar urg'ochi bo'taloq zakot qilishi lozim bo'lsa-yu, unda bunday bo'taloq bo'lmasa, o'rniga bir yashar urg'ochi bo'taloq birlan birga ikki qo'y yokim yigirma dirham qo'shib berg'aydir».

136-bob. Qo'y hisobida to'lanadigan zakot

Abu Bakr raziyallohu anhu Anas raziyallohu anhuni Bahraynga jo'natganlarida, ketlaridan ushbu maktubni yo'llagan erdilar: «Bismillohir rahmonir rahiyami. Qo'yida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'z ummatlariga, Olloh taolo ersa, o'z Rasuliga farz deb buyurgan sadaqalarni (zakotlarni) bayon qildim. Qaysi bir musulmondan shariatga muvofiq zakot bermoqni so'rashsa, bersin; kimdan shariatga xilof ravishda ortiqcha zakot so'rashsa, bermasin. Yigirma to'rt va undan kamroq tuyaning har beshtasiga bir qo'y; yigirma beshdan to o'ttiz beshtagacha tuya uchun bitta bir yashar urg'ochi bo'taloq; o'ttiz oltidan to qirq beshtagacha bo'lsa, bitta ikki yashar urg'ochi bo'taloq; qirq oltidan to oltmishtagacha bo'lsa, bitta to'rt yashar urg'ochi bo'taloq; oltmish birdan to yetmish beshtagacha bo'lsa, bitta besh yashar tuya; yetmish oltidan to to'qsontagacha bo'lsa, ikkita ikki yashar urg'ochi tuya; agar to'qson birdan to bir yuz yigirmatagacha bo'lsa, ikkita to'rt yashar urg'ochi tuya berg'aydir. Bir yuz yigirmatadan ham ko'p bo'lsa, har qirqtasiga bitta ikki yashar urg'ochi bo'taloq va har elliktasiga bitta to'rt yashar bo'taloq bermog'i lozim. Kimning to'rttadan boshqa tuyasi bo'lmasa, sadaqa vojib ermas, xohlasa berg'aydir, xohlamasa yo'q. Tuyasi beshtaga yetsa, bitta qo'y berg'aydir. Agar, podadagi qo'ylar soni qirqtadan bir yuz yigirmatagacha bo'lsa, bitta qo'y; bir yuz yigirmatadan ikki yuztagacha bo'lsa, ikkita qo'y; ikki yuzdan to uch yuztagacha bo'lsa, uchta qo'y; uch yuzdan ham ko'p bo'lsa, har yuz qo'yga bitta qo'y berg'aydir. Agar, podadagi qo'ylar soni qirqtadan bitta kam bo'lsa ham, sadaqa vojib ermas, egasi xohlasa berg'aydir, xohlamasa yo'q. Kumush pullarning har yigirma dirhamidan bir dirham berilg'aydir, agar kishining mablag'i bir yuz to'qson dirham bo'lsa, sadaqa vojib ermas».

137-bob. Na qari, na nuqsonli (hayvon) va na taka, agar zakotchi istamasa, zakotga qabul qilinmaydir

Olloh va uning Rasuli sallallohu alayhi va sallam farz qilgan sadaqa (zakot) haqida Abu Bakr raziyallohu anhu Anas raziyallohu anhuga bunday deb vzib yuborgan erkanlar: «Na qari, na nuqsonli (hayvon) va na taka, agar sadaqa yig'uvchi (zakotchi) istamasa, sadaqaga (zakotga) qabul qilinmag'aydir».

138-bob. Urg'ochi bir yashar echkini sadaqaga (zakotga) qabul qilmoq

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Bakr raziyallohu anhu: «Agar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga olib kelishayotgan echkildan bittasini olib qolishsa ham, xudo haqqi, ular birlan jang qilg'aymen», - deb aytganlar. Umar

raziyallohu anhu: «Olloh taolo Abu Bakr raziyallohu anhunging qalbiga qanchalar shijoat jo aylagan! Men uni yaxshi tushung`aymen», - deydilar».

139-bob. Odamlarning eng yaxshi mollari sadaqaga (zakotga) olinmaydir

Ibn Abbos raziyallofanu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Maoz raziyallohu anhuni Yamanga yuborayotib: «Sen ahli kitob bo`lmish qavm oldiga ketayotirsan, shul boisdan eng avvalo ularni Olloh taologa ibodat qilmoqqa da`vat aylag`il, Olloh taoloni tan olsalar (e`tirof etsalar), Olloh taolo bir kecha-kunduzda besh vaqt namoz o`qimoqni farz qilganlig`ini aytg`il, namoz o`qisalar, Olloh taolo ularning mollaridan zakot olib, kambag`allarga qaytarib bermoqni farz qilg`anlig`ini aytg`il, zakotga ham itoat etsalar, ulardan zakot olg`il, ammo odamlarning eng yaxshi mollarini olmagil!» - deb aytdilar».

140-bob. Beshtadan kam tuyadan sadaqa olinmaydir

Abu Sa`id Xudriy raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar»,— deydilar: «Besh vasaq (1 vasaq - 60 so`, 1 so` - 2,400 g) dan kam xurmodan hamda besh uqqiyya (1 uqqiyya - 12 dirham) dan kam kumush (pullar) dan zakot olinmaydir, beshtadan kam tuyaga ham zakot lozim ermas».

141-bob. Sigir hisobida to`lanadiringan zakot

Abu Humayd rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ma`rab turgan sigiri bo`la turib, Olloh yo`lida zakot to`lamagan odamni qiyomatda ko`rsatg`aymen, ul sigir kabi ma`rab kelg`aydir»,— deb aytganlar».

Abu Zarr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Janob Rasulullohning huzurlariga kelganimda, ul zot: «Jonu tanim qo`lida bo`lgan Ollohga (yoki «Yakka-yu yagona Ollohga», dedilar shekilli) qasamyod etib ayturmenkim, kimki tuya, sigir yokim qo`ylari bo`la turib, zakot bermagan bo`lsa, qiyomat kuni eng katta va eng semiz tuyasi, sigiri yokim qo`yi kelib, uni tuyoqlari birlan tepkilag`aydir, shoxlari birlan suzg`aydir, keyin ketidan boshqalari ham kelib odamlar oldida, to to`lanmagan zakotning haqqi olinguncha, shu ishni qilg`aydir»,— dedilar».

142-bob. Qarindoshlarga zakot bermoq haqida

Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Qarindoshlariga zakot bergan odamga ikkita savob tekkaydir — biri qarindoshlariga oqibat qilgani uchun, ikkinchisi — zakot bergani uchun»,— dedilar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Talha Madinadagi ansorlar ichida eng ko`p xurmozor yerlarga ega bo`lgan badavlat kishi erdi. U o`z mulklaridan, ko`proq, Bayruhoni yaxshi ko`rar erdi. Bayruho masjidning qarshisida bo`lib, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam u yerga kirib, totli suvidan ichib turar erdilar. Olloh taoloning «O`zingiz suygan narsani ehson qilmaguningizcha xayr topmag`aydirlasiz!» degan oyati kariyasi nozil bo`lganda Abu Talha Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga borib: «Yo Rasululloh, Olloh taolo: «Suyukli narsangizni sadaqa qilmay turib, yaxshilikka muyassar bo`la olmag`aydirlasiz!» — der erkan, unda men o`zimning eng

yaxshi ko'rgan Bayruhomni Oллоh taolo yo'lida sadaqa qildim, bu mening Oллоh taolo yo'lida qilgan xayr-ehsonim bo'lmog'ini istaydirman. Siz uni Oллоh taolo yo'lida o'zingiz bilganingizcha tasarruf qilaveringiz!» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men sening «Bu mulkim qandoq ajoyib, qandoq yaxshi!» deb maqtaganingni eshitgandirman, uni qarindoshlaringga bersang derman»,— dedilar. Abu Talha: «Xo'b bo'ladir, yo Rasululloh!» — dedi. Keyin, Abu Talha Bayruhoni o'z qarindoshlariga taqsimlab berdi».

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasulullohsallallohu alayhi va sallam Qurbon yoki Ramazon hayitida namozgohga chiqdilar, so'ng odamlarga o'girilib va'z aytdilar, «Ey odamlar, sadaqa qilingiz», - deb amr qildilar. Keyin, ayollar yonidan o'tayotib: «Ey ayollar jamoasi, sadaqa qilingiz! Men sizlarni ko'proq do'zaxga tushguvchilardan deb bilg'ayman», - dedilar. Ayollar: «Yo Rasulalloh, buning boisi nedir?» - deb so'rashdi. Janob Rasululloh: «Ko'p qarg'ab, erlaringizning yaxshiligini inkor qilg'aydirlasizlar. Buni aqlingizning pastligi va e'tiqodingizning sustligidan deb bilurmen. Sizlar aqli-hushi joyida bo'lgan erni ham aqlidan ozdirg'aydirlasizlar (ya'ni, to'g'rimi, noto'g'rimi, o'z bilganingizni qildirg'aydirlasizlar)», - dedilar. So'ng, Janob Rasululloh uylariga yo'l oldilar, uylariga kelganlarida Abdulloh ibn Mar'udning xotinlari Zaynab kelib, kirmoqqa ijizat so'radi. Janob Rasulullohga: «Zaynab keldi», - deyishdi. Ul zot: «Qaysi Zaynab?» - dedilar. «Ibn Mas'udning xotini», - deyishdi. Janob Rasululloh: «Ruxsat beringiz, kira qolsin!» - dedilar. Zaynab ichkariga kirib: «Yo Nabiyalloh, bugun siz: «Sadaqa qilg'il!» - deb buyurdingiz. Menda bir taqinchoq bor erdi, shuni sadaqa qilmoqchi erdim. Ammo, (erim) Ibn Mas'ud va o'g'li(m): «Boshqalardan ko'ra, o'zimiz sadaqa olmoqqa haqliroqdirmiz»-deyishmoqda», - dedi. Shunda Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ibn Mas'ud to'g'ri aytibdir, ering va o'g'ling boshqalardan ko'ra, sadaqa olmoqqa haqliroqdir», - deb aytdilar».

143-bob. Musulmon odam (minib yurgan) oti uchun sadaqa bermaydir

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Musulmon odam oti va g'ulomi borligi uchun sadaqa bermag'aydir», - dedilar».

144-bob. Musulmon odam quli borligi uchun sadaqa bermaydir

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Musulmon odam quli va oti uchun sadaqa bermag'aydir», - dedilar».

145-bob. Yetimlarga sadaqa qilmoqning vojibligi haqida

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bir kuni minbarga chiqib o'tirdilar, biz ham tegralarida o'tirdik. Janob Rasululloh bizga: «Men vafot etganimdan keyin bu dunyo sizlarga o'zining go'zalligi-yu, ziynatlarini namoyon qilmasa, deb qo'rqq'aymen», - dedilar (ya'ni, «Sizlar ayshu ishratga berilib ketmasanglar, deb qo'rqq'aymen», - dedilar). Shunda bir kishi: «Yo Rasululloh, yaxshilik (ya'ni, dunyoning go'zalligi-yu, ziynatlari) ham yomonlik keltirg'aydirmidi?» - deb so'radi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam jim qoldilar. Odamlar boyagi kishini «Rasulullohga gapirmoqqa ne hadding bor, ul kishi senga so'zlamadilar-ku!» - deb koyishdi. Janob Rasululloh jim qolganlarida biz vahiy kelyapti, deb o'yladik. Bir ozdan keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yuzlaridagi terni artdilar-da, boyagi kishidan mamnun

bo'lgandek chehralari ochilib: «Qani savol bergan kishi?» - dedilar, so'ng unga qarab: «Yaxshilik yomonlik keltirmag'aydir. Bahorda unadirgan o'tlar ichida, okilat ul-xadro'dan bo'lak, (hayvon) yesa o'ldiradirgan yokim kasal qiladirgan o'tlar bordir. Ularni yegan (hayvon) qorni shishib, ichi o'tib, bavl qilib, oftobda cho'zilib yotg'aydir. Keyin, ko'zi ochlik qilib, yana o'sha o'tdan yegaydir. Mol-dunyo ham o'sha yashil o't-o'langa o'xshaydir. Mol-dunyosini miskin. yetim va musofirlarga sadaqa qilib, so'ng u dunyoga rixlat ayladirgan musulmon qandog' ham yaxshidir!». Nabiyy sallallohu alayhi va sallam Yana bunday dedilar: «Birovning molini egri, nohaq yo'l birlan oladirgan odam qancha yesa ham, to'ymaydirgan mechkayga o'xshaydir, o'sha egri yo'l birlan olingan mol qiyomat kuni uning qallobligiga guvoh bo'lg'aydir!»

146-bob. Eriga va qaramog'idagi yetimlarga zakot bermoq

Amr ibn Harasga Zaynab raziyallohu anho bunday dvb rivoyat qilgan erkanlar: «Masjidda o'tirgan erdim, Nabiyy sallallohu alayhi va sallam: «Taqinchoqlaringizdan bo'lsa ham sadaqa qilingiz!» - dedilar. [Zaynab (eri) Abdullohga va qaramog'idagi yetimlarga sadaqa qilib turar erdi]. Men (erim) Abdullohga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan so'rag'il-chi, men senga va mana bu yetimlarga sadaqa qilsam, joiz bo'lg'aymidir?» - dedim. (Erim) Abdulloh: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan o'zing so'rag'il»,- dedilar. Men Nabiyy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga ketdim, eshik oldida bir ansoriya ayolning turganini ko'rdim, ul ham menga o'xshash bir yumush birlan kelgan erkan. Shunda yonimdan Bilol o'tib qoldi. Biz (men va haligi ayol) unga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan so'rab berg'il-chi, erimiz va qaramog'imizdagi yetimlarga zakot bersak, bo'lurmikin? Faqat ul kishiga biz aytganimizni bildirmag'il!»- dedik. Bilol ichkariga kirib so'radi. Janob Rasululloh: «Kimdir ul ikkalasi?»- deb so'radilar. Bilol: «Zaynab»,- dedi . Janob Rasululloh: «Qaysi Zaynab?» - deb so'radilar. Bilol: «Abdullohning xotini»,- dedi. Janob Rasululloh: «Ha, unga ikki savob tekkaydir, biri - qarindoshlariga oqibat qilgani uchun, iqkinchisi- zakot bergani uchun»,- dedilar».

Ummu Salama rivoyat qiladirlar: «Yo Rasululloh, men (erim) Abu Salamaning bolalariga sadaqa qilsam bo'lg'aymidir? Axir, ular o'zimning bolalarim-ku!» -dedim. Janob Rasululloh: «Ularga sadaqa qilaverg'il, senga sadaqa qilganing uchun savob tekkaydir»,- dedilar.

147-bob. Olloh taoloning «Qullarga, qarzdorlarga va Olloh yo'liga...» degan oyati kariyasi haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu o'z molining zakotini qul ozod qilmoqqa va hajga borolmay yurganlarga sarf qilur erdi, deb eslashadir.

Hasan Basriy: «Zakot to'lab, otasini qullikdan sotib (qutqarib) olmog'i, mujohidlar (jihod qilguvchilar) va hajga borolmay yurgan kishilarga zakot berib, yordam qilmog'i mumkin»,- dedilar-da, «Darhaqiqat, sadaqalar faqirlar uchundir!» degan oyati karimani tilovat qildilar. Keyin: «Bulardan qaysi biriga bersang ham bo'laverg'aydir»,- deb qo'yidilar.

Nabiyy sallallohu alayhi va sallam: «Xolid Olloh yo'lida urush anjomlarini shay qilib turibdir»,- dedilar. Abu Los: «Nabiyy sallallohu alayhi va sallam bizni haj uchun sadaqaga berilgan tuyalarda olib bordilar» - deb aytgandi»,-deyishadir.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sadaqa qilmoqni buyurdilar. Shunda ul kishiga: «Ibn Jamil, Xolid ibn Valid va Abbos ibn Abdulmutallib sadaqa bermoqdan bosh tortishmoqda», - deyishdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ibn Jamil faqir bo'lmaganda zakot bermoqdan bo'yin tovlamas erdi, uni Ollloh taolo va uning Rasuli ta'minlab turibdir. Ammo, Xolid masalasiga kelsak, unga jabr qilmakdasizlar, axir ul Ollloh yo'lida urush anjomlarini doimo shay tutib turibdi-ku! Lekin, Abbos ibn Abdulmutallib (Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning amakilari) bo'lsa, bir ermas, ikki bor sadaqa bermog'i lozimdir», - dedilar».

148-bob. Tilamchilarni poklikka da'vat qilmoq

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir to'da ansoriylar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan sadaqa so'rashdi, ul kishi berdilar, so'ng tag'in so'rashdi, tag'in berdilar, hatto oldilaridagi narsalar tugadi. Shunda Janob Rasululloh: «Mening oldimda nimaiki yaxshi narsa bo'lsa, sizlardan ayamasmen, kimki haromdan hazar qilsa, Ollloh taolo ham uni haromdan asrag'aydir, kimki boylik tilasa, Ollloh taolo unga boylik ato qilgaydir, kimki sabr-toqat qilsa, Ollloh taolo unga sabr-toqat berg'aydir. Ollloh taolo bandasiga in'om etadiringan ne'matlar ichida sabr-toqatdan ko'ra afzalroq ne'mat bo'lmasa kerak!» - dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh" sallallohu alaihi va sallam: «Jonu tanim qo'lida bo'lgan Ollloh taologa qasam ichib ayturmenkim, birovning oldiga borib (u hali sadaqa beradirmi, yo'qmi?), tilamchilik qilganingizdan ko'ra, o'tin terib, arqon birlan orqalab, tirikchilik qilganingiz ma'quldir!» - dedilar».

Zubayr ibn Avvom aytadirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Qo'lingizga arqon olib, bir bog' o'tin teryb, so'ng uni yelkangizga orqalab, olib borib sotsangiz-u, Ollloh taolo bu birlan sizni (tilamchilik) xijolatidan qutqarib qolsa, siz uchun bu - so'rasangiz yo beradiringan, yo bermaydirgan kishining oldiga borib sadaqa tilaganingizdan ko'ra, afzaldir!» - deganlar».

Hakim ibn Hizom raziyallohu anhu aytadirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan sadaqa so'radim, berdilar, so'ng yana so'radim, yana berdilar, tag'in so'radim, tag'in berdilar. Keyin menga: «Ey Hakim, bu mol-dunyo degan narsa hayvonning ko'ziga yaxshi ko'rinadiringan ko'm-ko'k, shirin o't-o'lan singari odamning ko'zini o'ynatg'aydir, kimki undan ochko'zlik qilmay ehtiyojiga yarasha olsa, Ollloh taolo unga baraka ato etg'aydir, kimki nafs g'oliblik qilib, besh qo'lini og'ziga tiqsa, uning biri ikki bo'lmag'aydir, undoq odam qancha yesa ham hech to'ymaydirgan mechkayga o'xshaydir, ko'tarilgan qo'l (mehnatga bo'yin yor bergan qo'l) tushirilgan qo'ldan (sadaqaga uzatilgan qo'ldan) afzaldir!» - dedilar. Shunda mrn: «Yo Rasululloh, sizni haqlig' uzra payg'ambar qilib yuborgan ul zoti oliy nomiga qasam ichib ayturmenkim, siz o'tganingizdan keyin ham to u dunyoga rihlat qilgunimcha, birovdan bir narsa olmag'aydirman!» - dedim ».

Abu Bakr raziyallohu anhu Hakimni chaqirib, hadya bersalar, u olmas erdi. Bir kuni Umar raziyallohu anhu ham uni chaqirib, nimadir bermoqchi bo'lgan erdilar, olmadi. Shunda Hazrat Umar: «Ey musulmonlar jamoasi, sizlar guvoh bo'lingiz, men Hakimga: «Mana bu o'ljadan o'z ulushingni olg'il!»-desam, olmayotir», - dedilar.

Hakim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vofot qilganlaridan keyin ham to o'lgunicha, hech kimdan hech narsa olmadi.

149-bob. Oллоh taolo ne'mat ato etgan, tilamchi va ochko'z bo'lmagan odam haqida

Oллоh taolo: «Ularning mol-dunyolarida tilamchi va mahrumlarning (muhtojlarning) ham haqlari bordir!» - deydir.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Hazrat Umarning bunday degapini eshitganman»,— deyдилar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga hadya bersalar, uni mendan ko'ra muhtojroq odamga beringiz, der erдилar. Shunda Janob Rasululloh: «Senga bergandan keyin olg'il-da, axir sen ta'magir ham, gadoy ham zrmassen-ku! Olg'il buni, lekin mol-dunyoga xirs qo'ymag'il!» - dedilar».

150-bob. Boyish niyatida sadaqa so'rasa...

Hamza otalari Abdulloh ibn Umardan bunday deb eshitgan erkanlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Tilamchi, hatto qiyomat kuni (sharmandalig', yuzsizlig'dan) betida bir parcha go'sht qolmagan holda Oллоh taoloning dargohiga kirib kelsa ham, tilamchiligini ko'ymag'aydir», - dedilar. Janob Rasululloh yana bunday dedilar: «Qiyomat kuni Quyosh (Yerga) yaqin kelib, qizdirganda, odamlardan shunchalik ko'p ter oqg'aydirkim, hatto hamma yoqni to'ldirib, quloqlarining yarmigacha ko'tarilg'aydir. Shu ahvolda turib ular Odam Atoga, so'ng Musoga, keyin ersa, Muhammad sallallohu alayhi va sallamga yolborib, yordam so'rashg'aydir». Abdulloh ibn Solih shu hadisning davomini Ibn Abu Ja'fardan eshitib, rivoyat qiladirlar: «Muhammad sallallohu alayhi va sallam Oллоh taolo ularga hukm chiqarsin, deb shafolat aylab, jannat eshigining dastasidan tutg'aydirlar. O'shal kuni Oллоh taolo Muhammad sallallohu alayhi va sallamga maqtovga sazovor bir maqom ato etg'aydirkim, uni barcha mahshardagilar maqtag'aydir».

151-bob. Oллоh taoloning «Odamlardan, bermaganiga qo'ymay sadaqa so'rash yaramaydir...» degan oyati kariyasi xususida

Qanchadan-qancha boylik bor-u, lyokin Nabiy sallallohu alayhi va sallam aytganlaridek, «Oллоh taolo yo'lida bir qadam ham qo'ymakka yaramaydirgan faqirlarga (Oллоhning) beradigan boyligi yo'qdir! Oллоh taolo ularning qilmishlaridan boxabardir!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Miskin, bir yoki ikki marta yegulik bersa, qaytadigan odam ermasdir, ammo miskinning boyligi yo'qdir, u odamlardan hayo qilg'aydir yoki ularga yopishib olib, sadaqa so'ray olmag'aydir», - deb aytganlar».

Sha'biy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Muoviya Mug'iyra ibn Shu'baga: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan o'zing eshitgan bir hadisni menga yozib yuborg'il!» - deb maktub yo'lladi. Mug'iyra ibn Shu'ba: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning «Oллоh taolo sizlarga uch narsani - g'iybatni, molni isrof qilmoqni va ko'p sadaqa so'ramakni man' qilg'aydir» - deganlarini eshitganman», - deb yozib yubordi».

Sa'd ibn Vaqqos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va

sallam bir to`da odamlarga hadya ulashayotgan erdilar, men ham o`shalarning orasida o`tirgan erdim. Janob Rasululloh odamlardan biriga hadya bermay o`tib ketdilar. O`sha kishi menga boshqalardan ko`ra ko`proq yoqardi. Men o`rnimdan turib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga sekingina: «Sizga ne bo`ldi, falonchiga hadya bermadingiz? Xudo haqqi men uni mo`min, deb bilurmen», - dedim. Janob Rasululloh: «Yoki musulmon», - dedilar. Men bir oz jim qoldim-da, so`ng boyagi odamni yaxshi bilganimdan, chiday olmay: «Yo Rasululloh, falonchiga nechun hadya bermadingiz? Xudo haqqi, men uni mo`min, deb bilurmen», - dedim. Janob Rasululloh: «Yoki musulmon», - dedilar. Men yana bir oz jim qoldim, keyin boyagi kishini yaxshi bilganimdan, chiday olmay, tag`in: «Yo Rasululloh, falonchidan xafamisiz? Xudo haqqi, men uni mo`min, deb bilurmen», - dedim. Janob Rasululloh: «Yoki musulmon», - dedilar. Keyin, yana bundoq dedilar: «Men undan ko`ra suyuqliroq kishiga ham va o`zgalarga ham, do`zax o`tiga yuz tuban qulamasinlar, deb qo`rqib hadya bermag`aydirmen».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Odamlar (orasinda aylanib yurganida) bir-ikkita xurmo, bir-ikki osham ovqat uzatsalar, olmay, qaytaradiringan odam miskin ermasdir, balki miskin boyimoq maqsadida boylik izlamaydirgan, odamlar sadaqa berg`ayman, deb qidirmaydirgan va o`rnidan turib borib odamlardan sadaqa so`ramaydirgan shaxsdir!»-dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Erta bilan qo`lga arqon olib («Toqqa, bo`lsa kerak», - deydilar Abu Hurayra) chiqsangiz, o`tin terib, yelkangizga orqalab, olib borib sotsangiz, puliga yeb-ichib, ham sadaqa aylasangiz, bu siz uchun odamlardan sadaqa so`rab, tilamchilik qilgandan afzaldir!»-deganlar».

152-bob. Xurmoni chamalab o`lchamoq

Lumayd So`idiy raziyalloxu anhu rivoyat qiladirlar: «(Bu voqea) Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga «Tabuk» g`azotiga chiqqanimizda bo`lgandi. O`shanda, Janob Rasululloh «Vodiyu-l-Quro» degan yerga yetib borganimizda, bir ayolning o`z bog`ida aylanib yurganini ko`rib, sahobalarga: «Bu ayolning bog`idagi mevalarni chamalab ko`ringiz-chi!» - dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o`zlari o`n vasaq (1 vasaq— 60 so`, 1 so`- 2 kg 400 gr) deb chamaladilar. Keyin, ayolga: «Mevalarning qancha chiqqanlig`ini hisoblab qo`yg`il!» - dedilar. Tabukka yetganimizda Janob Rasululloh: «Shu kecha qattiq shamol qo`zgaladirg`on ko`rinadir, bittangiz ham turmangiz! Kimning tuyasi bo`lsa, bog`lab qo`ysin!», - dedilar. Biz tuyalarni bog`lab qo`ydik. Keyin, qattiq shamol qo`zg`aldi. Bir kishi o`rnidan turgan erdi, shamol uchirib ketib, Tay` tog`iga olib borib tashladi. (Shamol tingach) Ayla podshosi Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bitta oq xachir hadya qilib yubordi. Janob Rasululloh Ayla podshosiga elchisi orqali rido (kiyim) tortiq qilib, «Dengiz sohilida odamlari birlan shay bo`lib tursin!» degan mazmunda noma ham bitib, berib yubordilar. Vodiyu-l-Quroga qaytib borganimizda, Janob Rasululloh mazkur bog`dagi" ayoldan: «Bog`ing qancha hosil berdi?» - deb so`radilar. Ayol: «O`n vasaq», -deb aytdi. Janob Rasulullohning chamalari to`g`ri chiqdi. Keyin, Janob Rasululloh: «Men Madinaga shoshib turibdirman, kimki Madinaga men birlan tezroq bormakni istasa, yursin!»-dedilar. Ibn Bakkor: «Mening uchun eng aziz shahar!» - degan erdi, Janob Rasululloh: «Bu Tobadir! (ya`ni, Madinadir)», - dedilar. Keyin, Uhud tog`ini ko`rib: "Bu tog` bizni yaxshi ko`rg`aydir, biz ham uni yaxshi ko`rg`aydirmiz, ansorlardan kimlarning hovlisi yaxshi ekanligini sizlarga

aytayinmi?»-dedilar. Sahobalar: «Ha»,- deyishdi. Janob Rasululloh: «Baniy Najjorning hovlisi, Baniy Abdu-l-Ashhalning hovlisi, Baniy So'idaning yokim Baniyyu-l-Haras ibn al-Hazrajning hovlisi»,- dedilar, keyin: «Har bir ansoriyning hovlisida yaxshilig' mavjuddir»,- deb qo'shib qo'ydilar».

153-bob. Osmon suvi (yomg'ir) va oqar suv bilan sug'oriladigan ekindan olinadigan ushr solig'i

Umar ibn Abd-ul-Aziz asalga soliq solmakni lozim ko'rmaganlar.

Solim ibn Abdullohning otalari rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Osmon (yomgir) va buloqlar yoki yer osti sizot suvlari birlan sug'orilgan ekinga ushr (hosilning o'ndan biri), chig'ir yordamida sug'orilgan ekinga ersa, yarim ushr soliq soling'aydir»,- deb aytganlar».

Imom Buxoriy bunday deydilar: «Bu hadis avvalgi (ya'ni, Umar aytgan) hadisning tafsiridir, chunkim Umarning rivoyatida «Osmon (yomg'ir) suvi birlan sug'oriladigan ekinga ushr solinmog'i lozimdir» deyilib, vaqti ko'rsatilmagan. Solim ibn Abdullohning otalari aytgan hadisda ersa, ushr shartlari kengroq, bayon qilinib, «Sug'orilgan ekinga», deb vaqti aniq ko'rsatilgan. Agar hadisni subut ahli (ya'ni, so'zi ishonarli kishilar) aytgan bo'lsa, uni qabul qilmoq lozim. Chunonchi, Fazl ibn Abbos: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ka'ba ichkarisida namoz o'qimadilar»,- deb aytdi, Bilol ersa: «Namoz o'qidilar»,- dedi, shunda Fazlning gapi ishonarsiz, deb topilib, Bilolning so'zi maqbul ko'rildi».

154-bob. Besh vasaq bo'lmasa, sadaqa lozim ermas

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Besh vasaqdan oz narsalardan, tuyalari soni beshtadan kam podadan hamda besh uqqiyyadan kam kumush (pul) dan sadaqa (zakot) olinmag'aydir»,- deb aytganlar».

Imom Buxoriy bunday deydilar: «Bu hadis dastlabki (Ibn Umar aytgan) hadisning tafsiridir. Ibn Umarning hadisida: «Besh vasaq bo'lmasa, sadaqa lozim ermas»,- deyilgan. Bu yerda, «besh vasaqdan oz» yoki «ko'p» degan ma'kul. Abu Sa'id Xudriyning hadisida ersa, «Besh vasakdan oz...», deb aniq aytilgan. Ilmda doimo ahli subutlar aniq-oydin qilib aytgan hadislar qabul qiling'aydir».

155-bob. Xurmo terilganda olinadigan zakothaqida; yosh bola zakotga berilgan xurmoni (emay) tashlab ketadirmi?

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Xurmo terimi vaqtida, kim Nabiy sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelsa, xurmo ko'tarib kelardi, hatto xurmoning ko'pligidan tepalik hosil bo'lur erdi. Bir kuni (nabiralari) Hasan va Husan raziyallohu anhumo xurmoldan olib o'ynay boshlashdi. Keyin, ulardan biri bitta xurmo olib og'ziga soldi. Janob Rasululloh buni ko'rib, xurmoni uning og'zidan chiqarib oldilar-da: «Muhammad zurriyoti sadaqa yemasligini bilmasmisen?!» - dedilar».

156-bob. Kimda-kim ushr yoki zakot bermog'i lozim bo'la turib, xurmo mevalarini yoki xurmozorning o'zini yohud yerini yoinki ekinini sotib yuborsa, to'lovni boshqa narsalar hisobiga ado etmog'i mumkin

Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Mevaning yaroqliligini bilmay turib, sotmangiz!» - dedilar. Demak, meva pishgandan keyin sotishni hech kimga man' qilganlari yo'q va zakot bermog'i lozim bo'lganlarni zakot bermog'i lozim bo'lmaganlardan ajratib, alohida eslatib o'tmadilar ham.

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam meva yaroqli bo'lmaguncha sotmoqni man' qildilar. «Meva qachon yaroqli bo'lur?» - deb so'rashganda, «Uning kamchiligi qolmaganda», - dedilar».

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu ham: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam meva yaroqli bo'lmaguncha sotmoqni man' qildilar», - deyдилar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam mevalarni yetilmaguncha sotmoqni ta'qiqladilar», — dedilar, keyin: «Qizarmaguncha», — deb ham qo'shib qo'yдилar.

157-bob. Birov sadaqa qilgan narsani boshqa bir odam sotib olsa bo'ladirmi? Birov sadaqa qilgan narsani boshqa bir odam sotib olsa, zarari yo'qdir, chunki Nabiy sallallohu alayhi va sallam sadaqa qilgan kishigagina o'zi sadaqa qilgan narsani sotib olmoqni man' qilganlar

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Umar ibn Xattob Ollah yo'liga bir otni sadaqa qilgan erдилar. Bir kuni o'sha otni sotishayotganini ko'rib, o'zlari qaytib sotib olmoqchi bo'ldilar. Avval Nabiy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib, maslahat qildilar. Shunda Janob Rasululloh: «Sadaqangni qaytib olmag'il!» - dedilar. Shu-shu bo'ldi-yu, Hazrat Umar, sadaqa qilgan narsalari qaytib qo'llariga tushib qolsa, darrov birovga berib yuborar erдилar».

Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Fi sabililloh bir kishiga ot mindirib yubordim, lekin u otni xarob qilib qo'ydi. (Otga achinib) uni qaytib sotib olmoqchi bo'ldim, arzonroq bersa kerak, deb o'ylovdim. Nabiy sallallohu alayhi va sallamga niyatimni aytgai erdim: «Agar bir dirhamga bersa ham, sadaqa qilgan narsangni qaytib sotib olmag'il! Chunki sadaqa qilgan narsasini qaytib oladiringan odam, o'z qusug'ini qaytib yegan itga o'xshaydir», - dedilar».

158-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamga qilinadiringan sadaqa xususida zikr qilingan hadis

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Hasan ibn Ali raziyallohu anhu zakotga berilgan xurmoldan bittasini og'zilariga soldilar. Nabiy sallallohu alayhi va sallam, xurmoni yemay og'izdan olib tashlasin deb, «kix-kix» (nafratlanganda aytiladiringan so'z) dedilar-da, «Biz sadaqa yemasligimizni bilmasmisen?!» - deb koyidilar».

159-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ayollari ozod etgan qulga berilgan sadaqa haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam xotinlari Maymuna raziyallohu anhoneing ozod etilgan qullaridan biriga sadaqa qilingan harom

o'lgan qo'yga ko'zlari tushib: «Uning terisidan foydalanmadingizlarmi?» - dedilar. Ular: «Harom o'lgan-ku!» - deyishdi. Janob Rasululloh: «Go'shtiny yemoq haromdir», - dedilar».

Asvad raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Oishaonamiz Barirani qullikdan ozod qilmoq niyatida sotib olmoqchi bo'ldilar. Lekin, Bariraning xo'jayini unga nisbatan valiylik huquqini o'zida qoldirish sharti bilan sotmoqchi bo'ldi. Oisha onamiz bu gapni Nabiy sallallohu alayhi va sallamga aytdilar. Shunda, Nabiy sallallohu alayhi va sallam Oisha onamizga: «Sotib olaverg'il, valiylik huquqi qulni ozod qilgan kishida qolg'aydir» ,— dedilar».

Oisha onamiz bunday deydilar: «Bir kuni Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bir oz go'sht keltirishdi. Shunda men: «Bu Bariraga sadaqami?» - dedim. Janob Rasululloh: «Bariraga sadaqa, bizga hadya» ,— dedilar (ozod qilingan qul, valiylik huquqiga ko'ra, ozod qilgan shaxs oilasining qarindoshi hisoblanib, meros olish huquqiga ham ega bo'ladir).

160-bob. Sadaqa sadaqalik xususiyatini yo'qotsa...

Ummu Atiyya raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhu va sallam Oisha raziyallohu anhoneing oldilariga kirib: «Biror yegulik narsa bormi?» - dedilar. Oisha onamiz: «Nusayba sadaqa qilib berib yuborgan qo'y go'shtidan bo'lak narsa yo'qdir», - deb javob qildilar. Janob Rasululloh: «Sadaqa endi o'z o'rnini topibdir!»-dedilar (ya'ni, «Bizga sadaqa ermas, hadyadir»,-dedilar, chunki mazkur go'sht boshqa bir odamga sadaqa qilib yuborilgan qo'yning go'shti erdi)».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bariraga sadaqa qilingan go'shtdan Nabiy sallallohu alayhi va sallamga ham olib kelishdi. Shunda, Janob Rasululloh: «Bu go'sht Barira uchun - sadaqa, biz uchun hadyadir,- dedilar».

161-bob. Hamma yerda ham boylardan sadaqa olinib, faqirlarga beriladir

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Maozni Yamanga yubora turib: «Sen ahli kitob bo'lmish qavm huzuriga borayotirsan, borsang, eng avvalo ularni «Lo iloha il-la-l-lohu Muhammadun Rasululloh» deb kalimai shahodat aytmoqqa da'vat etg'il, agar so'zingga kirsalar, Oллоh taolo har kecha-kunduzda besh vaqt namoz o'qimoqni farz qilganini ularga aytg'il, agar bunga ham ko'nsalar, Oллоh taolo boylardan zakot olib, faqirlarga bermoqni ham farz aylaganini ularga ma'lum qilg'il, agar bunga ham rozi bo'lsalar, zakotga odamlarning eng yaxshi molini olmoq makruhlig'ini bildirg'il! Jabrdiyda odamning qarg'ishidan qo'rqg'il! Chunki u birlan Oллоh taolo o'rtasida parda yo'qdir!» - dedilar».

162-bob. Imomning sadaqa qilgan kishini topgantutganiga baraka tilab, duo qilmog'i lozimligi; Oллоh taolo: «Ularning mollaridan sadaqa olingiz, ularni shu vosita ila poklagan va gunohlardan forig' qilgan bo'lursiz, ularning haqqig'a duo qilingiz, chunkim sizning duoyingiz ularga taskin-tasalli berg'aydir!» - deydir

Abdulloh ibn Abu Avfo rivoyat qiladirlar: «Agar birqavm Nabiy sallallohu alayhi va

sallamga sadaqa olib kelsa, ul kishi: «Ye parvardigor, flonchining ajdod-avlodlaridan rahmatingni darig` tutmag`aysen!» - deb duo qilar erdilar. Bir kuni mening otam Janob Rasulullohga sadaqa olib keldilar. Shunda, ul zoti oliy: «Yo parvardigor, Aou Avfo ahlidan rahmatingni ayamag`aysen!» - drb Olloh taologa iltijo qildilar».

163-bob. Dengizdan olinadigan narsalar haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Anbar maxsus to`plangan xazina ermas, u dengiz chiqarib tashlaydigan bir narsadir. Hasan Basriy: «Anbar va marjon uchun uning beshdan biri miqdorida sadaqa qilinmog`i dozimdir, lekin suvdan topib olinadigan narsalar uchun ermas», - deganlar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu Nabiy sallallohu alayhi va sallam haqlarida rivoyat qiladirlar: «Baniy Isroilga mansub bir kishi bir qavmdoshidan ming dinor qarz so`radi. Ul kishi aytganini berdi. Bir kuni qarz olgan odam qarzink qaytarib olib borib bermoq maqsadida dengiz bo`yiga kelib, kema uchratmadi. Nima qilmog`ini bilmay, ming dinorni bir yog`ochning kavagiga tiqib, dengizga uloqtirdi. Tasodifan, qarz bergan odam dengiz sohiliga borsa, qirg`oq yaqinida bir yog`och qalqib turibdir. U, yog`ochni o`tin qilg`ayman, deb uyiga olib borib yorgan erdi, ichidan ming dinor pul chiqdi».

164-bob. Xazinaning beshdan biri miqdorida sadaqa bermoq lozim

Molik va Ibn Idris raziyallohu anhumo rivoyat qiladirlar: «Xazina johiliya davridan qolgan dafinadir, u xoh ko`p bo`lsin, xoh oz bo`lsin, beshdan biri miqdorida sadaqa lozimdir, lekin ma`dan xazina ermas. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ma`dan (qazish) da jubor (o`lim xatari) bordir (bu yerda, ma`dandan zakot olinmagaydir, degan ma`no kelib chiqmaydir), xazinada ersa, xums (molning beshdan biri hisobida olinadigan soliq) bordir», - deb aytganlar. Umar ibn Abdu-l-aziz ma`danlarning har ikki yuz dirhamidan besh dirham zakot olar erdi. Hasan Basriy bunday deydilar: «Urush bo`layotgan yerlarda (konlardan) olingan xazinaga xums, urush yo`q yerlardan olingan xazinaga ersa, zakot soling`aydir! Agar dushman yeridan biror yombi (boylik) topsang, bu haqda xabar berg`il, basharty u dushmanniki bo`lsa, undan xums oling`aydir. Ba`zilar: «Ma`dan ham johiliya davrining dafinasi singari bir xazinadir», - deyishadi. Chunki, odatda ma`dandan biror narsa (kumush yoki tilla) chiqib qolsa, «Ma`danning tarkibida bor erkan», - deyiladi. Hadya berilgan kishiga yoki (savdo-sotiqdan) ko`p foyda olgan kishiga yohud mo`l-hosil yetishtirgan kishiga: «Boyib ketding!» - deyishganda, u tonib (boyligini yashirib), xums to`lamasligi mumkin».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yovvoyi hayvonlar, quduq va ma`dan daromad keltirmag`aydir, ammo xazina uchun xums oling`aydir», - deganlar».

165-bob. Olloh taoloning «... va-l-omiliyna alayqo» (sadaqa yig`guvchilarni) degan so`zi xususida va sadaqa yigg`uvchilarning (zakotchilarning) imomga hisob-kitob bermog`i to`g`risida

Abu Humayd So`idiy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Baniy Sulaym ahlidan sadaqa (zakot) yig`ishda Ibn Lutbiya nomli bir kishining xizmatidan foydalandilar, u zakot yig`ib kelgach, Janob Rasulullohga hisob-kitob berdi».

166-bob. Sadaqaga (zakotga) berilgan tuyalardan va ularning sutlaridan yo'lovchilarning foydalanmogi haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Urayna qabilasiga mansub bir guruh odamlar Madina havosiga o'rgana olmay, kasal bo'lib qolishdi. Shunda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sadaqaga (zakotga) berilgan tullar oldiga borib, ularning suti va siydigidan (dori uchun) ichmoqqa ruxsat berdilar. Ular ersa (ko'rnamaklik qilib) tuyakashni o'ldirib, tuyalarni haydab ketishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularning ketidan askar yubordilar, tutib kelishgach, qo'l-oyoqlarini kestirib, ko'zlarini o'ydirdilar, so'ng oftobga tashlab qo'ydilar, (og'riqdan) tosh g'ajib yotishdi».

167-bob. Imomning sadaqaga (zakotga) berilgan tuyalarga o'z qo'li birlan tamg'a urib chiqmog'i haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Erta bilan Abdulloh ibn Talhani yonimga olib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga bordim, Abdullohni bir «tahnik» qilib qo'ysalar, degan niyatim bor erdi («tahnik» - bir dona xurmoni chaynab, tabarruk qilib, keyin uni yosh bolaning og'ziga solib, tanglayini ko'tarmoq odati). Qarasam, Janob Rasululloh o'z qo'llari birlan tuyalarni tamg'alayotgan erkanlar».

168-bob. Fitr sadaqasining farz ekanligi

Abu-l-Oliya, Ato va Ibn Sirin fitr sadaqasini farz, deb hisoblaydirlar.

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har bir musulmonga, u xoh qul, xoh ozod shaxs bo'lsin, xoh erkak, xoh ayol bo'lsin, xoh yosh va xoh keksa bo'lsin, xurmodan bir so' yoki arpadan bir so' fitri ro'za bermoqni farz qilib, uni odamlar hayit namoziga chiqmasidan burun ado etmoqni amr qildilar».

169-bob. Qul va (undan) boshqa musulmon kishilarning fitri ro'za bermoqi

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har bir musulmonga, u xoh qul, xoh ozod shaxs bo'lsin, xoh erkak, xoh ayol bo'lsin, xoh yosh va xoh kesa bo'lsin, xurmodan bir so' yoki arpadan bir so' fitr zakoti bermoqni farz qildilar».

170-bob. Arpadan bir so' fitr zakoti beriladi

Abu Sa'id raziyallohu anhu: «Bir so' arpani ovqat o'rnida fitri ro'zaga berar erdik», - deyilar.

171-bob. Taomlardan bir so' fitri ro'za beriladi

Ayoz ibn Abdulloh ibn Sa'd ibn Abu Sarh Omiriyga Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu: «Biz fitr zakotiga bir so' taom yoki bir so' arpa yoki bir so' xurmo yoki bir so' qurut yoki bir so' mayiz chiqarar erdik», - degan erkanlar.

172-bob. Xurmodan bir so' fitri ro'za beriladir

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam fitr zakotiga bir so' xurmo yoki bir so' arpa bermoqni amr qildilar. Odamlar ersa, buning evaziga ikki mud bug'doy bermoqni odat qildilar».

173-bob. Mayizdan bir so' fitr zakoti beriladir

Abu Sa'id Xudriy rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning davrlarida fitr sadaqasiga bir so' taom yoki bir so' xurmo yoki bir so' arpa yoki bir so' mayiz berar erdik. Muoviya davriga kelib, Shom mamlakatida bug'doy mo'l hosil bera boshladi. Shunda ; Muoviya: «Bug'doyning bir muddi boshqa mevalarning ikki muddiga tengdir, deb o'ylayman,- dedi».

174-bob. Sadaqa hayit namozidan oldin beriladir

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam odamlarga namozga chiqmasdan avval zakot bermoqni amr qildilar»,- deydilar.

Sa'id Xudriy raziyallohu anhu: «Rasulullou, sallallohu alayhi va sallam zamonlarida Fitr hayiti kuni bir so' taomni sadaqa qilib chiqarar erdik, o'shanda bizning taomimiz arpa, mayiz, qurut va xurmodan iborat bo'lur erdi»,- deydilar.

175-bob. Ozod kishilar va mamluklarning Fitir sadaqasi berishi lozimligi haqida

Zuhriy raziyallohu anhu: «Mamluklar uchun, ular sotilganda ham, Fitir hayitida ham zakot to'lang'aydir»,- deydilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhu va sallam erkak, ayol, ozod shaxs va mamlukka bir so' xurmo yoki bir so' arpa miqdorida fitri ro'za (yoki fitri ramazon) bermog'ni farz qildilar. Odamlar ersa, buning o'rniga yarim so' bug'doy beradigan bo'ldilar» ,— deydilar».

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar bir so' xurmo berar erdilar. Madina ahli, xurmo kam bo'lganda, o'rniga arpa berdi. Ibn Umar (uyidagi) barcha katta-kichiklar nomidan, hattoki mening bolalarim nomidan ham fitri ro'za berib yuborar erdilar. Fitri ro'zani fitri ro'za yig'uvchi maxsus kishilarga berar erdilar. Fitri ro'zani hayitdan bir kun yoki ikki kun ilgari berar erdilar».

176-bob. Kattayu-kichik fitri ro'za bermog'i lozim!

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kattayu-kichikka hamda ozod shaxs va mamlukka bir so' arpa yoki bir so' xurmo fitri ro'za bermoqni farz qildilar»,- deydilar.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

1-bob. Haj kitobi. Hajning vojib ekanligi va uning fazilati haqida

Olohd taolo bu xususda: «Kimning qudrati yetg'aydir, Olohd yo'lida Baytullohga haj qilmog'i farzdir. Kimki Olohdning hukmiga qarshi chiqq'aydir, Olohd undoq bandalarga muhtoj ermasdir!» - deydi.

Abdullohd ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Fazl raziyallohu anhu Rasulullohd sallallohu alayhi va sallamning orqalarida tuyaga mingashib olgan erdilar. Shu payt, Xas'am qavmiga mansub bir ayol keldi. Fazl birlan ayol hadeb bir-birlariga qarashaverdi. Nabi sallallohu alayhi va sallam Fazlning yuzini boshqa tomonga burib qo'ydilar. Ayol: «Yo Rasulullohd, Olohd taolo o'z bandalariga hajni farz qilgan payt otamning tuya ustida o'tira olmaydirgan keksalik vaqtlariga to'g'ri kelib qoldi, men otamning nomlaridan haj qilsam bo'lurmu?» - deb so'radi. Janob Rasulullohd: «Ha»,- dedilar. Bu voqea Hajjat ul-Vido'da bo'lgandi».

2-bob. Olohd taoloning «O'zlari uchun savobli bo'lgan marosimlarda ishtirok etmoq uchun terisi so'ngaklariga yopishgan tuyalarni minib, har tarafdand oshiqib oldingizga kelg'aydirlar» degan oyati kariymasi xususida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Zulhulayfada' Rasulullohd sallallohu alayhi va sallamning tuyalariga minayotganlarini ko'rdim. Tuyaga minib olgach, talbiya aytdilar, tuya ersa, tik turgancha qimirlamay turdi».

Jobir ibn Abdullohd raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasulullohd sallallohu alayhi va sallam Zulhulayfadan (boshlab), tuyalari ul kishini ko'tarib qimirlamay tik turgan paytdan boshlab tahlil aytar erdilar». Anas va Ibn Abbos ham xuddi shu hadisni rivoyat qilishgan.

3-bob. Egarda o'tirib haj qilmoq to'g'risida

Qosim ibn Muhammad rivoyat qiladirlar: «Rasulullohd sallallohu alayhi va sallam Oisha raziyallohu anhani ukalari Abdurrahmon birlan birga hajga exrom bog'lagani yubordilar. Ukalari Oisha onamizni egarga mingashtirib olib, Tan'imdan boshlab umra (kichik haj) qildirdilar», Umar raziyallohu anhu: «Hajda egar qorinbog'larini qattiqroq tortingiz, chunki haj ikki jihoddand biridir!» -deganlar.

Sumoma ibn Abdullohd ibn Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Anas egardan tushmay haj qildi, u xasis ermas erdi (ya'ni, tuyasini ko'zi qiymaganligidan shunday qilgani yo'q, balki unga yegulik va boshqa kerakli anjomlarini ortib olgandi).

Anas: «Nabi sallallohu alayhi va sallam ham yegulik. va boshqa narsalarini tuyalariga ortib olib, egardan tushmay haj qilganlar»,- degandi».

Qosim ibn Muhammad rivoyat qiladirlar: «Oisha onamiz raziyallohu anho: «Yo

Rasululloh, sizlar umra (kichik haj) qildingiz, men umra qila olmadim», - dedilar. Janob Rasululloh: «Yo Abdurrahmon, opangni olib borib, Tan'imdan boshlab umra qilding'il!» - dedilar. Abdurrahmon Oisha onamizni tuyaga mingashtirib olib bordilar. Oisha onamiz umra qildilar».

4-bob. Xolis niyat birlan haj qilmoqning fazilati

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan: «Islom amallaridan qay birisi afzal?» - deb so'rasdi. Janob Rasululloh: «Olloh va uning Rasuliga iymon keltirmoq», - dedilar. «Yana qaysinisi? - deb so'rasdi. Janob Rasululloh: «Xolis niyat birlan haj qilmoq», - deb javob berdilar».

Oisha binti Talha rivoyat qiladirlar: «Oisha onamiz: «Yo Rasululloh, jihod islom amallaridan eng afzali, deb bilg'aymiz, jihod qilmag'aymizmi?» - dedilar. Janob Rasululloh: «Lekin, eng afzal jihod - xolis niyat birlan haj qilmoqdir!» - deb javob qildilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kim yomon so'zlamay va yomonliq qilmay Olloh taolo yo'lida haj qilsa, onasidan bugun tug'ilgandek gunohlaridan pok bo'lib qaytg'aydir», - deb aytganlar».

5-bob. Haj va umra miyqotlarining farz qilinmog'i haqida

Zuhayr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Zayd ibn Jubayr Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhuning uylariga bordilar. Abdulloh ibn Umarning hovlisida chodir o'rnatilgan bo'lib, hovli sahnining tepasiga ham ip mato tortilgan erdi. «Qaerdan umra qilmoqni boshlarmen? - deb so'radi Zayd. Abdulloh ibn Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Najd ahliga Qarn degan yerdan, Madina ahliga Zulhulayfadan, Shom ahliga ersa, Juhfadan boshlamoqni farz qilganlar», - dedilar».

6-bob.

Olloh taolo: «O'zingiz birlan yegulik olib ketingiz, yegulikning afzali ersa, taqvodir!» - deydi.

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Yaman ahli haj qilganda yo'lga yegulik olmas erdi, «Biz tavakkalchilarmiz», - deyishardi. Makkaga kelgandan keyin ersa, odamlardan ovqat so'rab, tilamchilik qilishg'ay erdi. Shu boisdan Olloh taolo mazkur oyatni nozil qildi».

7-bob. Makka ahlining haj va umra uchun belgilangan tahlilgohi

Ibn Abbas rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madina ahliga Zulhulayfani, Shom ahliga Juhfani, Najd ahliga Qarn al-Manozilni, Yaman ahliga ersa, Yalamlamni miyqot qilib belgilab berdilar. O'sha joylar ularga ham, boshqa tomonlardan haj va umra qilmoqni ixtiyor aylab kelganlarga ham miyqotdir. Kimki mazkur belgilangan yerlarga yaqin tursa, o'sha turgan joyi miyqotdir, hatto Makka ahli ham Makkada ehrom bog'lag'aydir».

8-bob. Madina ahlining miyqoti; ular Zulhulayfaga kelmasdan ilgari tahlil aytmaydirlar

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Madina ahli Zulhulayfadan, Shom ahli Juhfadan, Najd ahli Qarndan boshlab tahlil aytg`aydir», - deganlar. Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning «Yaman ahli Yalamlamdan boshlab tahlil aytg`aydir», -deganlarini ham bilurmen».

9-bob. Shom ahlining tahlilgohi

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madina ahliga Zulhulayfani, Shom ahliga Juhfani, Najd ahliga Qarn al-Manozilni, Yaman ahliga ersa, Yalamlamni miyqot qilib belgilab berdilar. O`sha yerlar ularga ham, boshqa tomonlardan haj va umra qilmoqni ixtiyor aylab kelganlarga ham miyqotdir. Mazkur belgilangan joylarga yaqin turadiganlar uchun o`zlari turgan joy miyqotdir, hatto Makka ahli ham shaharning o`zida ehrom bog`lag`aydir».

10-bob. Najd ahlini miyqot tahlilgohi

Solimning otalari Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam miyqotlarni belgilab berdilar», - deb aytgan erkanlar.

Solim ibn Abdulloh otalaridan eshitgan hadisni rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madina ahliga Zulhulayfani, Shom ahliga Mahya`a, ya`ni Juhfani, Najd ahliga Qarnni miyqot qilib belgilab berdilar».

Ibn Umar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Yaman ahliga Yalamlamni miyqot qilib belgilab berganlarini aytishg`aydir, lekin men o`zlaridan eshitmaganman» ,— deydilar.

11-bob. Miyqotlari bo`lmaganlarning tahlilgohlari

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madina ahliga Zulhulayfani, Shom ahliga Juhfani, Yaman ahliga Yalamlamni, Najd ahliga Qarnni miyqot qilib belgilab berdilar. O`sha miyqotlar ularga ham, boshqa tomonlardan haj va umra qilmoqni ixtiyor aylab kelganlar uchun ham miyqot vazifasini o`tag`aydir. Mazkur miyqotlarga yaqin turganlar uchun o`sha o`zlari turgan yer miyqotdir, hatto Makka ahli ham Makkada ehrom bog`lag`aydir».

12-bob. Yaman ahlining tahlilgohi

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madina ahliga Zulhulayfani, Shom ahliga Juhfani, Najd ahliga Qarn al-Manozilni, Yaman ahliga Yalamlamni miyqot qilib belgilab berdilar. O`sha miyqotlar ularga ham, boshqa tomonlardan haj va umra qilmoqni ixtiyor aylab kelguvchilarga ham miyqotdir, hatto Makka ahli Makkada ehrom bog`lag`aydir».

13-bob. Iroq ahliga Zotu Irq miyqotdir

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bu ikki shahar - Basra va Kufa fath

bo'lganda, odamlar Umar raziyallohu anhunging huzurlariga kelib: «Ey Amir al-mo'minin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Najd ahliga Qarnni miyqot qilib belgiladilar, lekin u bizning yo'limiz ustida ermas. Agar istaganimizda ham, biz o'zimizga alohida miyqot belgilab olmog'imiz qiyin», -deyishdi. Hazrat Umar: «Yo'lingiz ustidagi birorta joyni qarab ko'ringiz, to'g'ri kelsa, o'shani miyqot qilib ola qolingiz!» - dedilar. Ular borib qarab kelishgach, Zotu Irqni miyqot qilib belgilab berdilar».

14-bob.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hulayfadagi katta selxonaga kelganlarida tuyalarini cho'ktirdilar-da, pastga tushib ikki rak'at namoz o'qidilar». Abdulloh ibn Umar ham shunday qilar erdilar.

15-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Shajara yo'li orqali chiqib borishlari haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Shajara (Daraxt) yo'li orqali chiqib borar erdilar, qaytishda ersa, Mu'arras yo'li orqali o'tib, (uylariga) kirib ketar erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, agar Makkaga yo'l olsalar, Shajara masjidida namoz o'qib o'tar erdilar, qaytishda ersa, Zulhulayfadagi vodiya to'xtab, namoz o'qirdilar, o'sha yerda tong ottirar erdilar».

16-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning «Aqiq - tabarruk vodiidir!» deganlari haqida

Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Aqiq vodiysida turib: «Bul kecha Oллоh taolodan menga xabarchi keldi, ul menga: «Shu tabarruk vodiya namoz o'qig'il, so'ng hajda umra qildim, degil!» -deb aytdi», -deganlarini eshitdim» («Hajda umra qildim», ya'ni «Kichik haj qilgandek bo'ldim» deyish birlan, mazkur vodiyning tabarruk ekanlig'iga ishora qiling'aydir

Solim otalari Abdulloh ibn Umardan eshitgan hadisni rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Aqiq vodiysida joylashgan Zulhulayfada dam olib yotganlarida tush ko'rdilar. Tushlarida «Siz tabarruk soy o'zanida turibdirsiz», - deb aytishgan emish».

Muso ibn Uqba bunday deydilar: «Solim tuyalarimizni Abdulloh tuyasini cho'ktirib yuradigan joyga cho'ktirdi. Bu yer Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning (dam oladigan) joylari bo'lib, Aqiq vodiysidagi masjiddan pastroqda, hajga borib kelguvchilar qo'nib o'tadigan manzil birlan yo'l oralig'idadir».

17-bob. Badandagi xushbo'y hid uch marta yuvib ketkazilg'aydir

Ibn Jurayj rivoyat qiladirlar: «Ya'lo raziyallohu* anhu Umar raziyallohu anhuga: «Menga Nabiy sallallohu alayhi va sallamning vahiy nozil bo'layotgan paytdagi holatlarini ko'rsating!» - dedi. Shu payt, Nabiy sallallohu alayhi va sallam bir nafar sahobalari birlan Ji'ronada o'tirgan erdilar, bir kishi kelib: «Yo Rasululloh, umraga ehrom bdtlab, o'ziga xushbo'y narsalar sepib olgan kishi xususida ne dersiz? » - deb so'rab qoldi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam bir soat sukut qildilar, keyin vahiy keldi. Umar raziyallohu anhu Ya'loga ishora qilgan erdilar, u keldi. Ushanda Rasululloh sallallohu alayhi va

sallamning tepalariga soya qilmoq uchun kiyim osib qo'yilgan erdi. Ya'lo ko'ylak ortiga boshini tiqib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning yuzlari qizarib ketganligini, entikib zo'rga nafas olayotganlarini ko'rdi. Vahiy kelishi tugagach, Janob Rasululloh yengil tortdilar, so'ng: «Umra to'g'risida so'ragan boyagi kishi qani?»-dedilar. Uni chaqirib kelishgach: «Badaningdagi xushbo'y hidni uch marta yuvib ketkazg'il, kiyimingni o'zgartirgil, so'ng hajda ne qilmog'ing lozim ersa, umrada ham shundoq qilg'il!» - dedilar. Men Atodan: «Uch marta yuvmoqni amr qilganlarida hidni ketkazmoqni nazarda tutdilarimi?»-deb so'radim. «Ha» ,— dedilar Ato raziyallohu anhu».

18-bob. Ehrom bog'lashdan avval o'ziga xushbo'y narsalar surtmoq; ehromga kirmoq uchun nima kiygaydir? Sochlarini tarab, o'ziga xushbo'y narsalar surtg'aydir

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Ehrom bog'lagan kishi rayhon hidlag'aydir, ko'zguga qarab o'zini tartibga solg'aydir, o'zi (kunda) yeb yuradigan zayt (zaytun yog'i) va samn (hayvon yog'i) birlan o'zini muolaja qilg'aydir», - deydilar. Ato raziyallohu anhu: «Ehrom bog'lagan odam uzuk taqq'aydir, hamyonini (beliga) osib olg'aydir», - deydilar. Ibn Umar raziyallohu anhu ehrom bog'lab tavof qildilar. bellariga ko'ylaklarini belbog' qilib olgan erdilar. Oisha onamiz taxtiravonlarini ko'tarib yuradigan kishilarning tubbon (uzunligi bir qarich keladigan kalta ishton) kiyib yurishlariga e'tibor bermas erdilar».

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu o'zlariga zayt surkab olardilar. Bu haqda Ibrohimga aytgan erdim, u: «Asvadga Oisha onamiz aytib bergan mana bu so'zga nima dersan? Oisha onamiz: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ehromdaliklarida peshonalarining xushbo'y narsa surtilganidan yaltirab turganini hozir ham ko'rib turgandekman»- deganlar», - dedi».

Abdurrahmon ibn al-Qosim rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning xotinlari Oisha raziyallohu anho: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ehrom bog'lab Ka'bani tavof qilmoqlaridan oldin ham, tavof qilib chiqqanlaridan keyin ham xushbo'y narsalar surtib qo'yg'ay erdim», - dedilar».

19-bob. Sochini ixchamlab olib tahlil aytmoq

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu' alayhi va sallamning sochlarini ixchamlab olib, tahlil aytganlarini ko'rdim», - deydilar.

20-bob. Zulhulayfa masjidi yonida tahlil aytmoq haqida

Solim ibn Abdulloh: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zulhulayfa masjidi yoniga kelibgina tahlil (talbiya) ayta boshlar erdilar», - deydilar.

21-bob. Ehrom bog'laydirgan odam qanday kiyimlarni kiymasligi lozim?

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir kishi: «Yo Rasululloh, ehrom bog'laydirgan odam qanday kiyimlar kiymog'i kerak?»-deb so'radi. Janob Rasululloh: «Ko'ylak, salla, cholvor, burnus (bosh va yelkani yopib turadigan xalat), mahsi kiymag'aydir, mobodo mahsidan boshqa oyoq kiyim topmasa, qo'njini to'pig'idan past

qilib kesib tashlagʻaydir, agar kiyimga zaʻfaron va vars (sariq daraxtdan olinadigan rang) tekkan boʻlsa, kiyimgiz!» - dedilar».

22-bob. Hajda oʻzi ulov minib yoki birovning orqasiga mingashib yurmoq

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Usoma raziyallohu anhu Nabiy sallallohu alayhi va sallamning orqalarida tuyaga mingashib Arafotdan Muzdalifagacha bordi, soʻng Muzdalifadan Minogacha Fazl mingashib oldi. Usoma va Fazl: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Jamrat ul-Aqabagacha talbiya aytib bordilar» ,— deyishadi».

23-bob. Ehromdagi kishi rido va izor kabi kiyimlarni kiyadirmi?

Oisha raziyallohu anho ehromda boʻla turib, zaʻfar birlan boʻyalgan kiyim kiydilar-da: «Chachvon va chimmat yopinmagʻil, vars (sariq daraxtdan olinadigan rang) va zaʻfaron birlan boʻyalgan kiyim kiymagʻil!» - dedilar. Jobir raziyallohu anhu: «Zaʻfar birlan boʻyalgan kiyimdan xushboʻy hid kelgʻaydir, demasman, Oisha onamiz ayollarning taqinchoqlar taqmogʻi, qora va qizil kiyim hamda xuff (engil oyoq kiyimi) kiymogʻining zarari yoʻqdir, deb hisoblaganlar. Ibrohim raziyallohu anhu: «Kiyimlarini almashtirib olsa ham boʻlur», - deganlar.

Abdulloh ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam sochlarini taratib, badanlariga xushboʻy narsalar surkatib, izor va ridolarini kiyib Madinadan yoʻlga chiqdilar. Janob Rasululloh ham, u kishining sahobalari ham rangi badanga yuqib qoladigan zaʻfaronga boʻyalgan rido va izorlarnigina kiymoqni manʻ qildilar. Janob Rasululloh Zulhulayfada tong ottirdilar, soʻng tuyalarini minib Baidoʻ togʻiga chiqib, oʻzlari ham, sahobalari ham talbiya aytishdi. Soʻng, qurbonlik eqanligini bildirmoq uchun tuyalarining boʻyniga narsa osib qoʻydilar. Shunda, Zulqaʻda oyiga besh kun qolgandi. Janob Rasululloh Zulhijja oyining toʻrtinchi kuni Makkaga keldilar, Kaʻbani tavof aylab, Safo va Marva oraligʻida yugurdilar. lekin hanuz qurbonlik qilmaganliklari uchun ehromlarini yecholmas erdilar. Keyin, Janob Rasululloh Makkaning yuqori tomonidagi Hajun - haj vaqtida ustiga chiqib talbiya aytadigan togʻ yoniga bordilar, lekin ilgari tazof qilganlaricha Kaʻbaga yaqinlashmadilar, Arafotdan orqalariga qaytib, sahobalarga Kaʻbani tavof qilmoqni, Safo va Marva orasida yugurmoqni, soʻng sochlarini kalta qilib, ehromlarini yechmoqni buyurdilar. Yuqoridagi amallar oʻzi birlan qurbonlikka atalgan biror hayvon haydab kelmagan va ehrom bogʻlamay, oʻziga xushboʻy narsalar surtib, odatdagi kiyimini kiyib, xotini birlan birga hajga chiqqan kishiga taalluqlidir».

24-bob. Zulhulayfada yotib qolib, tong ottirgan odam xususida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi; va sallam Madinada toʻrt rakʻat, Zulhulayfada ikki rakʻat namoz oʻqidilar. Shu kuni Zulhulayfada qolib, tong ottirdilar. Ertalab tuyalariga minib talbiya aytganlarida, u qimirlamay tek turdi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinada toʻrt rakʻat peshin, Zulhulayfada ikki rakʻat asr oʻqidilar, endi Zulhulayfada kechasi birlan qoladigan koʻrinadilar», - deb aytgan ekanlar.

25-bob. Baland ovoz birla tahlil aytmoq haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madinada to'rt rak'at peshin, Zulhulayfada ikki rak'at asr o'qidilar, men Janob Rasululloh va sahobalarning baland ovoz birla tahlil aytishayotganini eshitdim», - deydilar.

26-bob. Talbiya aytmoq to'g'risida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Labbayka-l-lohuma lab-bayk, labbayka lo shariyka laka labbayk, inna-l-hamda va-n-ni'mata laka va-l-mulk, lo shariyka laka» deb talbiya aytar edilar», - deydilar.

Oisha raziyallohu anho: «Men haqiqatan ham Nabiy sallallohu alayhi va sallamning qanday talbiya aytganlarini yaxshi bilaman, u. kishi: «Labbayka-l-lohuma lab-bayk, labbayka lo shariyka laka labbayk, inna-l-hamda va-n-ni'mata laka» deb talbiya aytar edilar», - deydilar.

27-bob. Ulovga minganda tahlildan ilgari takbir, tasbih va hamda hamd aytmoq haqida

Anas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz birlan birga Madinada to'rt rak'at peshin, Zulhulayfada ikki rak'at asr o'qidilar, so'ng shu yerda qolib, tong ottirdilar. So'ng, (ertalab) tuyalarini minib yo'lga tushdilar. Baydo'ga borganda tuyalari to'xtab, qimirlamay tek turdi, Janob Rasululloh Olloh taologa hamd, tasbih va takbir aytdilar, keyin ersa haj va umraga tahlil aytdilar. Boshqalar ham shunday qilishdi. Yetib borganimizda odamlarga amr qilib edilar, ehromlarini yechishdi ta Tarviya kuni ekanligiga qaramay, hajga tahlil aytishdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuyalarni tik turg'izib qo'yib o'z qo'llari birlan qurbonlik qildilar, Madinada ersa, ikkita ola qo'chqor so'yidilar», - deydilar.

28-bob. Tuyasi ustida tahlil aytgan kishi xususida

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuyalari tik turgan vaqtda ustida tahlil aytdilar», - deydilar.

29-bob. Qiblaga yuzlanib tahlil aytmoq

Nofi' rivoyat qiladilar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Zulhulayfada bomdod o'qiganlaridan keyin tuyalarini minishga hozirlab olib kelmoqni buyurar edilar. Tuyani olib kelishgach, uni minar erdilar, qiblaga yuzlanib Masjid al-Haromga kelguncha talbiya aytib kelar edilar. Zu Tuvanga kelganlarida ersa, tonggacha yotib qolar edilar. Bomdod o'qisalar, g'usl qilar edilar va «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham shunday qilar edilar», - deb aytardilar».

Nofi' rivoyat qiladilar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Makkaga bormoqchi bo'lsalar, o'zlariga hidsiz moy surtardilar, so'ng Hulayfa masjidiga kelib namoz o'qirdilar. Namozdan so'ng tuyalariga minib, ehrom bog'lar edilar, shunda tuya tik turgan bo'lardi. Keyin: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ham shunday qilganlarini ko'rganman», - der edilar».

30-bob. Vodiya tushganda talbiya aytmoq qaqida

Mujohid raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Biz Ibn Abbos raziyallohu anhu huzurlarida erdik. Odamlar Dajjolni eslashib, uning ikki ko'zi orasiga «kofir» deb yozilgan, deyishdi.

Ibn Abbos: «Men buni eshitmaganman, ammo men Muso alayhissalomning vodiya talbiya aytib tushib kelayotganlarini ko'rib turgandekman», - dedilar.

31-bob. Hayz va nifos ko'rgan ayol qanday tahlil aytadir?

Nabiy sallallohu alayhi va sallamning xotinlari Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga Hajjat ul-Vido'ga chiqib, umraga tahlil aytdik. Keyin, Janob Rasululloh: «Kimki o'zi birlan qurbonlik olib kelgan bo'lsa, haj birlan umraga tahlil aytsin va toki ikkala hajni ado etmaguncha ehromini yechmasin!» - dedilar. Men Makkaga hayz holimda kelib, Ka'bani tavof qilolmadim, Safo birlan Marva oralig'ida yugurolmadim. Bu haqda Nabiy, sallallohu alayhi va sallamga aytuvdim, ul kishi: «Sochingni yozib, tarag'il (ya'ni, g'usl qilg'il), so'ng hajga ehrom bog'lag'il, umrani qo'ya turg'il!» - dedilar, Men aytganlarini qildim. Biz hajni tamomlab bo'lganimizda, Nabiy sallallohu alayhi va sallam meni Abdurrahmon ibn Abu Bakr birlan birga Tan'imga yubordilar, men umra qilib qaytdim. Shunda, Janob Rasululloh menga: «Bu, o'sha bajara olmagan umrang o'rniga o'tg'aydir», - dedilar. O'shanda umraga niyat qilganlar Ka'bani tavof aylab, Safo va Marva oralig'ida yugurishdi, so'ng ehromlarini yechishdi. Minodan qaytishgach, yana bir marta Ka'bani tavof qilishdi. Ammo, birvarakayiga haj va umraga niyat qilganlar faqat bir martaba Ka'bani tavof qildilar».

32-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallam zamonlarida Iabiy sallallohu alayhi va sallam singari tahlil aytgan kishi xususida

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ali raziyallohu anhuga ehromni yechmaslikni amr qildilar, chunki uning qurbonlig'i bor erdi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ali raziyallohu anhu Yamandan Nabiy sallallohu alayhi va sallam huzurlariga keldilar. Janob Rasululloh: «Nega tahlil aytding, hajgami, umragami?» — dedilar. Hazrat Ali: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam nimaga aytgan bo'lsalar, men ham o'shanga tahlil aytdim», — deb javob berdilar. Janob Rasululloh: «Men ham sen nimaga niyat qilib ehrom bog'lagan bo'lsang, o'shanga ehrom bog'ladim», — dedilar.

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam meni Yamandagi bir qavm huzuriga yubordilar. Qaytib kelganimda Janob Rasululloh Bathoda erkanlar, mendan: «Nimaga niyat qilib, ehrom bog'lading?» — deb so'radilar. Men: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam nimaga niyat qilib, ehrom bog'lagan bo'lsalar, men ham o'shanga ehrom bog'ladim», — dedim. Janob Rasululloh: «Qurbonlik olib kelganmisan?» — deb so'radilar. Men: «Yo'q», — dedim. Keyin, amr qildilar, men Ka'bani tavof aylab, Safo va Marva oralig'ida yugurdim. So'ng, menga ehromimni yechmoqni buyurdilar, yechdim. Keyin, bir ayolning oldiga bordim, u sochimni tarab qo'ydi (yoki boshimni yuvib qo'ydi). Shu payt, oldimga Umar raziyallohu anhu kelib, menga bundoq dedilar: «Agar biz Ollohning Kitobini olib, o'qib ko'rsak, bizga haj

amallarini nihoyasiga yetkazmoqni buyurganini ko'rg'aymiz. Oллоh taolo: «Haj va umrani nihoyasiga yetkazingiz!» — deydi. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning sunnatlari masalasiga kelsak, ul kishi qurbonlik qilmagunlaricha ehromlarini yechmaganlar».

33-bob. Oллоh taoloning hajga oid oyati kariymasi haqida

Oллоh taolo: «Haj muayyan oylarda bo'lg'aydir, kimki shul oylarda hajga niyat aylagan ersa, hajni nihoyasiga yetkazmaguncha shaloq so'zlarni aytmasin, fosiqlik va janjal qilmasin!» va yana: «Sizdan yangi oy chiqmog'i haqida so'rashg'aydir, yangi oy, odamlar vaqt va haj mavsumini belgilamoqlari uchun chiqg'aydir, deb ayting!» — deydir. Ibn Umar raziyallohu anhu: «Shavvol va Zulqa'da oylarida hamda Zulhijja oyining o'n kunligida haj qiling'aydir»,— deganlar. Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Faqat haj oylaridagina ehrom bog'lamoq sunnat qilingandir»,— deydilar. Usmon raziyallohu anhu Xurosondan yoki Kirmondan ehrom bog'lab kelmoqni makruh, deb hisoblaganlar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Biz haj" oylarida, haj kechalarida va haj soatlarida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birgalikda yo'lga chiqib, Sarif degan yerga kelib tushdik. Janob Rasululloh sahobalar oldiga chiqib: «Qay biringiz qurbonlik olib kelmagan ersangiz-u, umraga niyat qilgan ersangiz, umraga ehrom bog'langiz, kimki qurbonlik olib kelgan ersa, bundoq qilmasin!»- dedilar. Shunda, ba'zi sahobalar umraga, ayrimlari hajga ehrom bog'lashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam va ayrim sahobalar, qudrati yetib, qurbonlik olib kelishgani uchun ham, umraga ehrom bog'lashdan mahrum bo'ldilar. Men bu so'zni tinglab, yig'lab o'tirgan erdim, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurimga kirib kelib: «Ey zaifam, nega yig'larsen?» - dedilar. «Sizning sahobalaringizga aytgan so'zlaringizni eshitdim, men umra qila olmas erkanman»,- dedim. «Senga ne qildi?» - deb so'radilar. «Men namoz o'qiy olmasmen (ya'ni, hayz ko'rdim)»,- dedim. Janob Rasululloh: «Zarari yo'qdir, sen ham Odam Atoning qizlaridan biridirsan, Oллоh taolo ularning peshonalariga nimaiki yozgan bo'lsa, senga ham yozgandir, hajingda davom qilaverg'il»- dedilar. Keyin, biz hajdan chiqib, Minoga keldik, u yerda men toza bo'ldim. So'ng, Minodan chiqib, Ka'bani tavofi ifoza qildik. Keyin, Janob Rasululloh birlan birgalikda Minoning ikkinchi kuni (Mino kunlari 4 kun bo'lg'aydir) yo'lga chiqib, Muhassab degan yerga kelib tushdik. Shunda, Janob Rasululloh Abdurrahmon ibn Abu Bakrni chaqirib: «Opang birlan ehromdan chiqg'il, opang umraga ehrom bog'lasin va umra ahkomlarini bajarib, shul yerga qaytib kelingiz, chunkim men sizlarni kutib turg'aymen»,- dedilar. Biz yo'lga chiqdik, men umra shartlarini ham bajardim, tavof ham qilib bo'ldim. So'ng, saharda Janob Rasulullohning oldilariga keldim. Ul kishi: «Umra qilib keldingizlarmi?» - dedilar. Men: «Ha»,- dedim. Keyin, sahobalarga yo'lga o'tlanmoqni buyurdilar, odamlar Madinaga qarab yo'l olishdi».

34-bob. Tamattu', iqron va ifrod haqida; qurbonligi yo'q kishi hajga qo'yilmaydir

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birgalikda faqat haj qilg'aymiz degan niyatda yo'lga chiqdik. Yetib borgach, Ka'bani tavof ayladik. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kim qurbonlik yetaklab kelmagan ersa, ehromini yechsin!» - deb amr qildilar. Qurbonlik olib kelmagan bir qancha odamlar hamda Janob Rasulullohning (mendan boshqa) xotinlari ham ehromlarini yechishib, hajdan mahrum bo'ldilar, chunkim ularning ham qurbonliklari yo'q erdi. Men ersam, hayz ko'rib Ka'bani tavof qila olmay qoldim. «Hasba» kechasi kelgach, «Yo Rasululloh,

odamlar bir yo'la ham haj, ham umra qilib qaytmoqda, men ersam faqat haj qildim, xolos», - dedim. Janob Rasululloh: «Makkada ekanligimizda tavof qilmaganmi erding?» - dedilar. Men: «Yo'q», - dedim. Janob Rasululloh: «Undoq bo'lsa, ukang birlan Tan'imga borib, umraga talbiya aytg'il, so'ng falon vaqtda qaytib kelg'il!» - dedilar».

Safiya raziyallohu anho bunday deydilar: «O'shanda odamlar mening umra qilib qaytib kelmog'imni kutib, yo'ldan qolishdi, deb o'ylayman, chunki men ham hayz ko'rib qolib, umra qilolmagan erdim-da! Janob Rasululloh menga: «Nechuk bema'nilik! Nahr kunlari (qurbonlik qiladigan kunlar) tavof qilmadingmi?» - dedilar. Men: «Yo'q», - dedim. Janob Rasululloh: «Hechqisi yo'q, tavof qilib kelg'il!» - dedilar».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam meni Makkadan chiqib kelayotganlarida uchratib qoldilar, shunda men Makkaga kirib ketayotgan erdim, yoki ul kishi Makkaga kirib ketayotgan erdilar, men ersam, Makkadan chiqib kelayotgan erdim».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Hajjat ul-Vido' yilida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga yo'lga chiqdik. Ba'zimiz umraga, ba'zimiz ersa, bir yo'la ham haj, ham umraga talbiya aytdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hajga talbiya aytdilar. Ammo, kim hajga niyat qilgan ersa yokim ayni vaqtda ham hajga, hg.m umraga talbiya aytgan bo'lsa, nahr kunigacha ehromini yechmadi».

Marvon ibn Hakam aytadirlar: «Men, Usmon *va Ali raziyallohu anhumolar xalifalik qilishgan davrlarda, hajda bo'ldim. Usmon bir yo'la ham haj, ham umra qilmoqni man' etdilar. Hazrat Ali ersa, bunga e'tibor bermay, «Labbayka bi-umratin va hajjatin» deb, ham hajga, ham umraga niyat ayladilar-da, «Zinhor birovning so'ziga kirib, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning sunnatlarini bajarmasdan qo'ymasmen!» - dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Odamlar haj oylarida umra qilmoqni yer yuzidagi jamiki fosiqliklardan ham yomon, deb hisoblashardi. Shuning uchun ham Muharram oyi o'rniga Safar oyida umra qilishardi. Ular: «Agar tuyaning yag'iri butunlay tuzalib, izi ham qolmasa va safar oyi tugasa, umra qilmoq mumkin bo'lur», - deyishardi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam va sahobalari Zulhijja oyining to'rtinchi saharida hajga talbiya aytib kelishdi. Janob Rasululloh sahobalarga haj o'rniga umra qilmoqni amr qildilar. Bu ularga og'ir botib, «Yo Rasululloh, hajga bog'lab kelingan ehromni yechib, umraga qayta ehrom bog'lamoq mumkinmi?» - deyishdi. Janob Rasululloh: «Haj taqtida nimaga ruxsat etilgan bo'lsa, hammasini qilmoq mumkindir», - deb javob berdilar».

Abu Muso raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga keldim, ehromni yechmoqni buyurdilar», - dedilar.

Nabiy sallallohu alayhi va sallamning zaifalari Hafsa raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Yo Rasululloh, odamlar nega umra qilib ehromlarini yechmakda-yu, siz yechmayotirsiz?» - deb so'radim. Janob Rasululloh: «Men sochimni to'zg'imaydirgan qilib yopishtirib olganman, keyin qurbonlik ham atab qo'yganman. Shuning uchun qurbonligimni so'ymasdan turib ehromimni yechmasman», - dedilar».

Abu Jamra Nasr ibn Imron rivoyat qiladirlar: «Men haj va umra qilmoq uchun ruxsat olgandim, lekin odamlar qo'yishmadi. Shunda, Ibn Abbos raziyallohu anhuga shikoyat qildim. Ul kishi hajni davom ettirmog'imni amr qildilar. Keyin, tush ko'rdim. Tushimda bir

kishi menga: «Ezgu niyatda qilgan hajing va maqbul umrang muborak bo'lsin!» - dedi. Men tushimni Ibn Abbosta aytib berdim. Ul kishi: «Bu, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning sunnatlarini ado etganing uchundir», - dedilar. Keyin, bunday dedilar: «Mening huzurimda bo'lgil, men senga o'z molimdan ulush ajratib berayin!» Shu'ba mendan: «Nega bunday qildilar?» - deb so'radi. Men: «Ko'rgan tushim evaziga», - deb aytdim».

Abu Shihob rivoyat qiladilar: «Umra qilib bo'lgach, Makkaga keldim. Tarviya kunidan uch kun burun Makkaga kirib keldik. Shunda, ayrim makkaliklar menga: «Qilgan hajingning savobi makkaliklar qilgan hajchalik savobga egadir», - deyishdi. Men Ato raziyallohu anhunging huzurlariga fatvo so'rab kirdim. Ato bunday dedilar:

«Menga Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan bir kun davomida birga qo'y yetaklab haj qilishganini aytib bergan erdilar. «O'shanda, - degandi menga Jobir, - har kim o'zicha hajga talbiya aytdi. Janob Rasululloh sahobalarga: «Ka'bani tavof aylab va Safo va Marva oralig'ida sa'y etib bo'lgach, ehromni yechib, sochlaringizni kalta qilingiz, tarviya kunigacha ehrom bog'lamangiz, keyin hajga talbiya aytib, ilgari qilganlaringizning hammasini qayta ado etingiz!» - dedilar. Sahobalar: «Nechuk qaytadan ado etg'aymiz, axir biz haj qilurmiz, deb qo'yganmiz-ku?!» - deyishdi. Shunda, Janob Rasululloh: «Aytganimni qilingiz! Agar qurbonlik yetaklab kelmaganimda, o'zim ham shundoq qilgan bo'lur erdim, biroq atalgan qurbonlikni so'ymay ehromimni yechmasman», - dedilar. Shundan so'ng, sahobalar Janob Rasulullohning amrlariga bo'yinsunib, aytganlarini qildilar».

Sa'id ibn Musayyab rivoyat qiladilar: «Ali va Usmon raziyallrhu anhumo Usfon degan yerda ekashgaklarida mut'a to'g'risida tortishib qoldilar. Hazrat Ali: «Bir"yo'la havd. haj, ham umra qilmoqni man' etishing birlan, sen Nabiy sallallohu alayhi va sallamning sunnatlariga qarshi chiqqan bo'lursen», - dedilar-da, uning so'ziga e'tibor bermay, bir vaqtning o'zida haj birlan umraga talbiya aytdilar».

35-bob. Hajga talbiya aytib qo'ygan kishi haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Makkaga «Labbayka-l-lohumma labbayka bi-l-hajji» deb talbiya aytib keldik. Ammo, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga farmon berib erdilar, biz haj o'rniga umra qildik».

36-bob. Tamattu' haqida

Imron raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam zamonlarida tamattu' qildik, uning joizligi to'g'risida Qur'on (oyat) ham nozil bo'ldi. Bir kishi, bir paytlar o'zboshimchalik qilib, og'ziga kelganini aytgan erdi (ya'ni, tamattu' qilmoqni man' etgan erdi)».

37-bob. Ollah taolo: «Bu - ahli Masjid ul-Haromda bo'lmaganlar uchundir!» - deydir

Ikrima raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ibn Abbos raziyallohu anhudan haj mut'asi to'g'risida so'rganlarida, ul kishi bunday deb javob berdilar: «Muhojirlar, ansorlar va

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ayollari Hajjat ul-Vido'da hajga ehrom bog'lashdi, biz ham hajga talbiya aytdik. Makkaga kelganimizda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qurbonlikka jonliq atab olib kelganlardan tashqari, barchangiz hajga qilgan niyatingizni o'zgartirib, umraga talbiya aytingiz!»- dedilar. Biz Ka'bani tavof aylab va Safo va Marvada sa'y qilib, so'ng ayollarimiz yoniga keldik-da, kiyimlarimizni kiyib oldik. Janob Rasululloh: «Kimki qurbonlikka atab jonliq olib kelgan bo'lsa, jonlig'ini qurbonlik qiladigan joyga olib borib, so'ymaguncha, ehromini yechmasin!» -dedilar. Keyin, bizga Tarviya kechasi hajga talbiya aytmoqni buyurdilar. Biz haj udumlarini bajarganimizdan keyin, Ka'bani tavof aylab, Safo va Marvada sa'y qildik. Shu birlan hajni tugatdik, faqat qurbonlikka atalgan jonliqni zabh (so'yish) qilmoq qolgandi, xolos. Olloh taolo aytganidek, «(Kimga)... qurbonlikka jonliq olib kelmoq muyassar bo'lmagan ersa...», kimki jonliq topolmagan ersa, haj vaqtida uch kun, uyiga qaytgandan keyin, yetti kun ro'za tutg'aydir. Qurbonlikka bir qo'y kifoyadir. Bir yilda ikki udumni - haj va umrani ado etingiz! Chunkim, Olloh taolo bu haqda o'z Kitobida nozil qilgan va bu payg'ambar sallallohu alayhi va sallamning sunnatlari hamdir! Janob Rasululloh Makka ahlidan boshqa kishilarga bemalol (cheklovsiz) haj qilmoqqa ruxsat berganlar. Olloh taolo: «Bu (hukm) -ahli Masjid ul-Haromda bo'lmaganlar uchundir!»- deydir. Olloh taolo zikr etgan haj oylari: Shavvol, Zulqa'da va Zulhijja. Kimki mana shu oylarda hajdan bahramand bo'lsa, qon chiqarmog'i (qurbonlik qilmog'i) yoki buning evaziga ro'za tutmog'i lozim bo'lur. Bundan tashqari, u haj davomida shaloq so'zlar aytmasligi, xotiniga yaqinlashmasligi, fisqu fasod qilmasligi va janjallashmasligi kerak».

38-bob. Makkaga kirayotganda g'usl qilmoq haqida

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Makkaga kiradigan bo'lsalar, talbiya aytmoqdan to'xtab, Zu Tuvan degan yerda yotib qolar erdilar. Ertasiga o'sha yerda bomdod o'qirdilar va g'usl qilardilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham shunday qilardilar».

39-bob. Makkaga kunduzi yo kechasi kirmoq haqida

Nabiy sallallohu alayhi va sallam Zu Tavanda tong ottirib, so'ng Makkaga kirdilar. Ibn Umar raziyallohu anhu ham shunday qilar erdilar.

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Zu Tuvanda qolib, tong ottirdilar, so'ng Makkaga kirdilar. Ibn Umar raziyallohu anhu ham shunday qilar erdilar».

40-bob. Makkaga qaysi tomondan kiriladir?

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga Saniyyat ul-Ulyo (Makkaning yuqori tomonidagi yo'l) orqali kirib, Saniyyat us-Suflo (Makkaning quyi tomonidagi yo'l) orqali (Makkadan chiqib ketar erdilar».

41-bob. Makkaning qaysi tomonidan chiqiladir?

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga Kado' degan joy orqali, Bathodagi Saniyyat ul-Ulyo yo'li bo'ylab kirib borar erdilar, qaytishda ersa, Saniyyat us-Suflo yo'li orqali chiqib ketar erdilar».

Imom Buxoriy rivoyat qiladilar: «Uning ismi Musaddad (ya'ni, to'g'ri, rostgo'y) erdi. Odamlar uni ismi jismiga monand, deb ta'rif qilishar erdi. Yahyo ibn Sa'id Yahyo ibn Mu'iynga bunday deb aytgan erkan: «Men Musaddadning uyiga borsam, hadis aytib berar erdim, ul bunga juda munosib odam erdi. Qog'ozga ko'chirib qo'yilgan hadislar menda turadirmi yokim unda turadirmi, mening uchun farqi yo'q erdi (unga shunchalik ishonar erdim)».

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelganlarida uning yuqori tomonidan kirib, quyi tomonidan chiqdilar», -deydilar.

Oisha raziyallohu anho: «Janob Rasululloh Makka fath bo'lgan yili shaharga Kado' tomondan kirib, uning yuqori tomonidagi Kudodan chiqdilar», - deydilar. Hishom raziyallohu anhu: «Urva ikkalasidan ham, Kado'dan ham, Kudodan ham kiraverar erdilar, lekin ko'pincha uylariga yaqin bo'lgan Kado'dan kirar erdilar», - deydilar».

Hishom rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makka fath bo'lgan yili shaharga yuqori tomondagi Kado'dan kirdilar. Urva ham ko'pincha Kado'dan kirardilar, chunki u uylariga yaqinroq edi».

Hishom rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makka fath bo'lgan yili shaharga Kado' orqali kirdilar, Urva ersa ikkalasidan ham, Kado'dan ham, Kudodan ham kiraverar erdilar, lekin ko'pincha uylariga yaqin bo'lgan Kado'dan kirar erdilar». Imom Buxoriy: «Kado' va Kudo boshqa-boshqa joydir», - deydilar.

42-bob. Makka birlan undagi binoning fazilati haqida

Olloh taolo bu xususda bunday deydir: «Biz Ka'bani odamlar uchun har yili to'planadigan joy qilib berdik va unga tinchlik-omonlik baxsh etdik, shundoq erkan, Ibrohim Maqomini o'zingizga namozgoh qilib olingiz! Biz Ibrohim va Ismoilga «Uyimni (Baytullohni) tavof va e'tikof etguvchilar uchun hamda ruku' va sajda qilmoq uchun pokiza qilingiz!» deb topshirdik. Ibrohim: «Yo rabbiy, bu yurti tinchlik-omonlik maskaniga aylantirg'il, uning Ollohga iymon keltirgan, oxirat kuniga ishongan ahliga ne'matingni bisyor qilgil!» - deb iltijo qilgan erdi. Olloh taolo: «Kim kofir bo'lsa, kam ne'mat berg'aymen, so'ng ularni do'zax azobiga muftalo qilg'aydirmen», - degan. Oxirat qanchalik dahshatlidir! Eslangiz, Ibrohim va Ismoil Ka'baning poydevorini qurayotib: «Yo rabbimiz, ushbu binomizni qabul aylag'il, haqiqatan sen o'zing eshitguvchi, bilguvchi zotdirsen! Yo rabbimiz, bizni o'zingga bo'yin eggan musulmon banda qilg'il, zurriyotimizni ham musulmon ummat qilg'il, bizga hajda ado etmog'imiz lozim bo'lgan udumlarni ko'rsatg'il (aytg'il), bizning tavbalarimizni qabul etg'il, haqiqatan sen o'zing tavbamizni qabul qilg'uvchi mehribon zotdirsen!»-deyishgan».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Ka'ba qayta qurilayotganda Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan Abbas tosh tashimoqqa bordilar (keldilar). Abbas Nabiy sallallohu alayhi va sallamga: «Izoringni yechib, yelkangga qo'yib olg'il!» - dedilar. Janob Rasululloh shunday qilgan erdilar, ko'zlari tinib, boshlari aylanib, chalqancha yiqilib tushdilar. Keyin: «Izorim qani, olib beringiz!» - dedilar. Izorlarini olib berishgan erdi, o'ranib oldilar».

Nabiy sallallohu alayhi va sallamning zaifalari Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam menga: «Qavming Ka' bani qayta qurgan vaqtda Ibrohim qurgan poydevorni pasaytirganlarin bilmasmisen?» - dedilar. Men: «Yo Rasululloh, Ibrohim qurgan poydevorni asliga keltirib qo'ymasmisiz?» - dedim. Janob Rasululloh: «Agar qavming yaqindagina kofir bo'lmaganda erdi, shundoq qilgan bo'lur erdim», - dedilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Agar Oisha raziyallohu anho bu hadisni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan eshitgan ersalar, unda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hijr (devor) yaqinidagi ikki ustunni silab, o'pmaganlar, deyolmasman, chunki Ka'baning poydevori Ibrohim davridagidek qilib, asliga keltirilmagan».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan: «Ka'ba devori ichkariga olinadirmi?» - deb so'radim. Janob Rasululloh: «Ha», - dedilar. Men: «Nechuk ular devorni Ka'ba ichiga olmaganlar?» - dedim. Janob Rasululloh: «Qavmingga nafaqa kamlik qilgan», - dedilar. Men: «Nechun eshigi baland qilib qurilgan?» - dedim. Janob Rasululloh: «Qavming o'zlari istagan kishilarni kiritib, istamaganlarini qo'ymaslik uchun shundoq qilishgan. Agar qavming johiliyadan chiqib, endigina islomga qadam qo'ygan bo'lmaganida, devorni buzib, Ka'ba ichkarisiga olar erdim, eshigini ersa, yerga yopishtirib (ostonasini past qilib) qurar erdim, lekin ularning qalblari inkor qilmog'idan (fe'llari aynib, islomdan qaytib qolmoqlaridan) cho'chig'aydirmen», - dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: Agar qavming yaqindagina kofirlikni tark etib, endigina islomga qadam qo'ygan bo'lmaganida erdi, men Ibrohim alayhi-s-salot va-s-salom davridagi poydevorni tiklab. Ka' bani qayta qurgan bo'lar erdim. Quraysh ahli binoni past qurib qo'ydi. Men orqadan ham eshik qurgan bo'lar erdim», - dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ey Oisha, agar qavming johiliyadan chiqib, endigina islomga qadam qo'ygan bo'lmaganida, men Ka' bani shaksiz buzmoqqa amr qilur erdim, undan nimaiki tashqariga olib chiqib qurilgan bo'lsa, ichkariga olar erdim, mavjud eshik ostonasini pasaytirib, yana ikkita - mashriq va mag'rib tomondan eshiklar ochar erdim. Imoratning poydevorini Ibrohim alayhi-s-salot va-s-salom davridagidek qilib qurar erdim», - dedilar».

Mana shularning hammasini buzmoq Ibn Zubayr zimmasiga tushdi. Yazid raziyallohu anhu: «Men Ibn Zubayr Ka' bani buzib, yangidan barpo qilganining shohidi bo'lganman, u hijrning (devorning) bir qismini Ka'ba ichkarisiga oldi, keyin men Ibrohim qurgan poydevor toshini ham ko'rdim, u tuya o'rkachiga o'xshar erkan», - deydilar. Jarir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Yaziddan eski poydevorning qaerdaligini so'radim. Ul kishi: «Hozir senga ko'rsatg'aymen», - dedilar-da, meni hijr ortiga olib o'tib, «U mana shul yerdadir», - deb ko'rsatdilar. Men poydevorning kengligini taxminan olti ziro' (1 ziro'. 75 sm) deb chamaladim».

43-bob. Muharram maskan fazilati

Olloh taoloning ikki oyati kariymasida bunday deyiladir: «Menga, shul shaharning rabbi -

uni muharram etmish Olloh taolaga ibodat aylamak amr qilindi, barcha narsalar uning mulkidir va menga musulmon bo'lmoq (ham) amr qilindi», «Ayo, biz ularga har narsaning mevasi tortiq qilinajak amn maqomi bo'lmish muharram maskandan joy ato qilmadikmi? Va lekin ularning ko'plari (buni) bilishmag'aydir (ko'rnamalik qilishg'aydir)».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makka fath bo'lgan kuni: «Olloh muharram etgan bu maskanning (hatto) tikoni (ham) yulinmasligi, jonivorlari hurkitilmasligi, unda yo'qolgan (birov yo'qotgan) narsalar (ersa) e'lon qilmoq niyatidan o'zga maqsadda olinmasligi lozimdir!» - deganlar».

44-bob. Makkadagi uylarni merosga berish, sotish va sotib olish haqida; Masjid ul-Haromdagilarning barchasi tengdir!

Olloh taolo oyati kariymasida bunday deydir: «Kofir bo'lib, xalqni Olloh yo'lidan qaytaradig'onlarni hamda mahalliy aholi va begonalar uchun biz teng huquqli ibodat maskani qilib bergan Masjid ul-Haromdan qaytaradig'onlarni, shuningdek, unda egrilik ila zulm qilmoqni istaganlarni zulm birla dardli azobga muftalo qilg'aydurmiz!»

Usoma ibn Zayd raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men' Janob Rasulullohdan: «Yo Rasululloh, qay yerga tushg'aysiz, Makkadagi hoalingizgami?»-deb so'radim. Janob Rasululloh: «Aqil bizga biror hovli va uy qoldirdimikin?» -dedilar. Aqil va Tolib otalari Abu Tolibdan meros olishgan bo'lib, Ja'far va Ali ersa, hech qanday meros olishmagan erdi. Chunki ular musulmon bo'lib, Aqil va Tolib kofir erdi. Umar ibn Xattob raziyallohu anhu: «Mo`min kofirdan meros olmagaydir», - der erdilar. Ibn Shihob Zuhriy: «Ular Olloh taoloning «Olloh taolaga iymon keltirib va Olloh taolo yo'lida vatanlarini tark etib, hijrat aylagan hamda molu jonlarini tikib, jihod qilgan bandalarga va muhojirlarga madadkor bo'lib boshpana berguvchilar bir-birlariga merosxo'rdilar» degan so'ziga amal qilishar erdi», - deyilar».

45-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Makkaga tushishlari (borishlari) haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga bormoqchi bo'lganlarida: «Xudo xohlasa, ertaga Baniy Kinona kufrga ahd qilgan yerga - Xayfga borg'aydirmiz?» - dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Minoda ekanliklarida: «Ertaga, Nahr kuni biz Baniy Kinonaning Xayfiga - ular kofirlikka sadoqat bildirib, qasamyod qilgan yerga borg'aydirmiz», -dedilar. Shunda ul kishi Muhassabni (Minodagi tosh otadigan joyni) nazarda tutdilar. O'sha yerda Quraysh va Kinona qabilalari Baniy Hishom va Baniy Abd ul-Mutallib (yoki Baniy ul-Mutallib) qabilalariga Muhammad sallallohu alayhi va sallamni ushlab topshirmagunlaricha o'zaro qiz oldi-berdi va savdo-sotiq qilmaslikka ont ichishgandi».

46-bob.

Olloh taolo ikki oyati kariymasida bunday deydir: «Ibrohim aytgan erdi: «Ey Parvardigor-o, bul shaharni omonlik maqomi aylag'il (va) meni va mening farzandlarimni

butlarga ibodat qilmoqdan saqlag`il!»; «Parvardigorim, bular (butlar) ko`p insonlarni yo`ldan ozdirmishdir. Kimki menga ergashg`aydir, ul menga mansubdir va kimki menga osiylik qilg`aydir, sen albatta mag`firatlik mehribondirsan! Ey Parvardigorimiz, haqiqatan men ba`zi avlodimni (ya`ni, Hazrat Ismo`il alayhissalomni, chunkim Hazrat Ishoq va boshqalar Shomda erdilar) ekin unmaydirgan yerga - hurmatli uying qoshig`a joylashtirdim. Ey rabbimiz, ular namoz o`qisinlar, sen ayrim insonlarning dillarini ularga moil aylag`il!»

47-bob.

Olooh taolo oyati kariymasida bunday deydir: «Olooh taolo Ka`bani - Bayt ul-Haromni ham, hurmatli oylarni (haj oylarini) ham, bo`yniga nishon osilgan jonliklarni (qurbonlik aylamoq niyatida bo`yniga biror alomat osib qo`yilgan jonliqlarni) ham insonlarning (bu dunyoda) tirik turmoqlari uchun sabab qildi. Bular, sizlar Olooh taoloning osmonlarda va yer ostida mavjud har bir narsadan xabardor hamda har bir narsani albatta bilguvchi zot erkanlig`in bilib qo`ymog`ingiz uchun shundoq qilingandir!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ka`bani ikki boldiri ingichka, quruqshagan habash xarob qilg`aydir», -deganlar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Ramazon farz bo`lmog`idan oldin Muharram oyining o`ninchi kuni ro`za tutishar erdi. O`sha kuni Ka`baga parda tutilg`ay erdi. Olooh taolo Ramazonni farz qilganida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kim istasa, o`sha kuni ro`za tutsin, kim istamasa, tutmasin!» - dedilar».

Abu Sa`id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ya`juj va Ma`juj chiqqandan keyin ham Ka`ba, albatta, haj va tavof qiling`usidir», - dedilar. Sho`ba: «Ka`ba tavof qilinmay qolg`uniga qadar qiyomat sodir bo`lmag`aydir», - dedilar».

48-bob. Ka`baga jild kiydirmoq haqida

Abu Voil rivoyat qiladirlar: «Men va Shayba Ka`badagi kursiga kelib o`tirdik. Umar raziyallohu akhu ham o`sha yerda o`tirgan erdilar. Ul kishi: «Men Ka`bada tillani ham, kumushni ham qoldirgim kelmay, barchasini odamlarga taqsimlab berdim», - dedilar (Odamlar Ka`baga tashlab ketgan sadaqalar nazarda tutilayotir). Shunda men: «Sizning ikki do`stingiz bundoq qilishmadi-ku?!» - dedim. Hazrat Umar: «Ular men iqtido qiladigan kishilardir», - dedilar».

49-bob. Ka`baning buzib tashlanmog`i to`g`risida

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Bir qo`shin Ka`baga urush qilmoqchi bo`lg`aydir, biroq ularni yer yutib ketg`aydir» deganlar», -deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Men Ka`bani buzayotgan kishini ko`rib turgandekman, ul qop-qora, ikki oyog`i maymoq bo`lib, Ka`baning toshlarini bittalab ko`chirmakdadir», - dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ka`bani ikki boldiri ingichka, quruqshagan habash buzg`aydir» - deb aytdilar», - deydilar.

50-bob. Al-Hajar ul-Asvad - Qora Tosh haqida ne deyilgan?

Obis ibn Rabiya rivoyat qiladilar: «Umar raziyallohu anhu Qora Toshga kelib o'tirdilar-da, «Men sening tosh erkanlig'ingni va zararing ham, foydang ham yo'q erkanlig'ini bilurmen. Agar Nabiy sallallohu alayhi va sallam seni o'payotganlarini ko'rmaganimda, men seni o'pmas erdim», - dedilar».

51-bob. Ka'baning yopilmog'i haqida; Ka'baning qaysi tomoniga qarab namoz o'qimoqni xohlasa, o'qiyverg'aydir

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Usoma ibn Zayd, Bilol va Usmon ibn Talha Ka'bage kirib, eshigini yopib qo'ydilar. Ular eshikni ochishganda men birinchi bo'lib ichkariga kirdim. Shunda, Bilolni uchratib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'ba ichida namoz o'qidilarmi?» - deb so'radim. Bilol: «Ha, ikki yamaniy ustun oralig'ida», - deb javob berdilar».

52-bob. Ka'bada namoz o'qimoq to'g'risida

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ibn Umar raziyallohu anhu, agar Ka'bage kirsalar, eshikni orqalarida qoldirib, to'g'rilariga qarab yurar erdilar-da, o'zlari birlan ro'paralaridagi devor oralig'ida uch tirsak masofa qoldirib, so'ng namoz o'qir erdilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam shu yerda namoz o'qiganlar» deb Bilol ko'rsatgan joyni tanlar erdilar. Lekin, Ka'baning qaysi tomoniga qarab namoz o'qisa ham, hech kimga gunoh bo'lmag'aydir».

53-bob. Ka'bage mutlaqo kirmagan odam haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu ko'p haj qilar erdilar, lekin Ka'bage kirmas erdilar.

Abdulloh ibn Abu Avfo: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam umra qilib, Ka'bani tavof ayladilar. So'ng, Maqomi Ibrohim ortiga o'tib, ikki rak'at namoz o'qidilar. Shunda, hamrohlari ul kishini odamlar nazaridan to'sib turishgan erdi. Ittifoqo, bir kishi menga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'bage kirdilarmi?»-deb aytdi. Men: «Yo'q», - dedim».

54-bob. Ka'baning bir chekkasiga borib, takbir aytgan odam xususida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelganlarida, Ka'baning ichida butlar bo'lgani uchun, u yerga kirib namoz o'qigilari kelmadi. Shunda, Ka'badan butlarni olib chiqib tashlamoqni amr qilib erdilar, ularni olib chiqib tashlashdi. Keyin, Ibrohim va Ismoilning qo'llarida azlom ushlagan holda tasvirlangan suratlarini ham olib chiqib tashlashdi».

55-bob. Lo'killab yugurish udumi qachon boshlangan?

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam va ul.kishining sahobalari Makkaga kelganlarida, mushriklar sahobalarga qarab: «Sizlarni ul (Rasululloh) boshlab kelgan, aslida sizlarni Yasrib (Madina) mudofaasi zaiflashtirib

qo'ygandir», - deyishdi. Shunda, Nabiy sallallohu alayhi va sallam o'z sahobalariga lo'killab yugurib Ka'bani uch marta aylanib chiqmoqni, keyin ikki ustun oralig'ida yurmoqni buyurdilar. Janob Rasululloh Ka'ba tegrasida ko'proq lo'killab yugurmoqni buyursalar bo'lar erdi-yu, lekin sahobalarga rahmlari keldi».

56-bob. Makkaga kelganda tavof qilmoqni Qora Toshni o'pishdan boshlamoq va uch marta lo'killab yugurmoq to'g'risida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelib, eng avvalo Qora Toshni o'par erdilar, so'ng yetti marta o'rniga uch marta Ka'bani lo'killab yugurib aylanib chiqar erdilar».

57-bob. Haj va umrada lo'killab yugurmoq haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam haj va umrada uch marta lo'killab yugurib, to'rt marta yurdilar».

Abu Aslam rivoyat qiladirlar: «Umar ibn Xattob raziyallohu anhu Qora Toshga xitob qilib: «Ammo, xudo haqqi, men sening foydang ham, zararing ham yo'q bir tosh erkanlig'ingni bilurmen. Agar, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning seni o'pib, tavof qilganlarini ko'rmaganimda, men ham seni o'pib tavof qilmas erdim», - dedilar. Keyin, Qora Toshni o'pib tavof qildilar-da, «Lo'killab yugurmoq bizga ne bo'libdir! Darhaqiqat, (bir paytlar) lo'killab yugurmoq birlan biz mushriklarga o'zimizning baquvvat ekanligimizni ko'rsatib qo'ygandik, keyin ularni Olloh taolo halok qildi, endi lo'killab yugurmoqqa hojat bo'lmas-da, biz Janob Rasulullohdan qolgan odatni tark etmoqni istamasmiz», - dedilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning bu ikki ustunni o'pib tavof qilganlarini ko'rganimdan buyon men ham ularni o'pib tavof qilmoqni qo'ymasmen», - dedilar. Ubaydulloh Nofi'ga: «Ibn Umar ikki rukn orasida yurib tavof qilurmi erdi?» - dedilar. Nofi': «Ularni o'pib tavof qilmoq maqsadidagina yurar erdilar», - dedilar.

58-bob. Ustunni hassa birlan silab tavof qilmoq haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Hajjat ul-Vido'da tuya mingan holda ustunni hassalari birlan silab tavof qildilar», - deyidilar.

59-bob. Yamaniy ikki ustundan boshqasini o'pib tavof qilmagan odam xususida

Abushsha'so rivoyat qiladirlar: «Ka'badagi har bir narsaga taqvo ko'zi birlan qaragan kishi kim erdi? Muoviya u yerdagi hamma ustunlarni o'pib tavof qilar erdilar. Ibn Abbos raziyallohu anhu Muoviyaga: «Anavi ikki ustun o'pib tavof qilinmag'aydir», - deganlarida, Muoviya: «Baytullohda tavof qilinmaydirgan narsaning o'zi yo'qdir!» - dedilar. Ibn Zubayr raziyallohu anhu ham u yerdagi ustunlarning barchasini o'pib tavof qilar erdilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Baytullohda ikki yamaniy ustundan boshqasini o'pib tavof qilganlarini ko'rmagandirman», - deyidilar.

60-bob. Qora Toshni o'pib tavof qilmoq haqida

Zaydning otasi Aslam: «Men Umar raziyallohu anhunging Qora Toshni o'pa turib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning seni o'payotganlarini ko'rmaganimda, men ham seni o'pmas erdim» - deganlarini eshitganman», - deydilar.

Zubayr ibn Arabiy rivoyat qiladilar: «Bir kishi Ibn Umar raziyallohu anhudan Krra Toshni o'pib tavof qilmoq haqida so'radi. Ibn Umar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning uni o'pib tavof qilayotganlarini ko'rganman», - dedilar. Shunda ul: «Agar (bu to'g'rida sen birlan) bahslashib yengsam, ne dersan?» - dedi. Ibn Umar: «Ne dersaningni o'shal Yamaningga borib aytg'aysen! Men (haqiqatan ham) Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Qora Toshni quchoqlab, o'payotganlarini ko'rganman», - dedilar».

61 -bob. Ustun oldiga kelganda unga ishora qilib qo'yimoq

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuya minib Baytullohni tavof qilar erdilar va har gal ustun oldiga kelganlarida unga ishora qilib qo'yar erdilar».

62-bob. Ustun oldida turib takbir aytmoq haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuyada Baytullohni tavof qildilar. Shunda har gal ustun oldiga kelganlarida qo'llaridagi narsa birlan unga ishora qilib qo'yib, so'ng takbir aytdilar».

63-bob. Makkaga kelganida, uymga qaytishdan avval, Baytullohni tavof qilib, ikki rak'at namoz o'qib, so'ng Safoga chiqib borgan kishi xususida

Urva ibn Zubayr rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelganlarida, Eng avvalo tahorat olib, tavof ayladilar, keyin umra qilmay, haj qildilar. So'ng, Abu Bakr va Umar raziyallohu anhu ham shunday haj qildilar. Keyinchalik, men otam Zubayr raziyallohu anhu birlan haj qilganimda, ul kishi ham dastlab tavof aylab, so'ng haj qildilar. Keyin, muhojir va ansorlarning ham shunday qilganlarini ko'rdim. Mening onam xolam Oisha, Zubayr va falonchi-pistonchilar birlan umraga tahlil aytib, ustunni silab tavof qilishgach, ehromlarini yechishganini menga aytdilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam haj yokim umraga ehrom bog'lasalar, eng avvalo uch marta sa'y qilib va to'rt marta yurib tavof aylar erdilar, so'ng ikki rak'at namoz o'qigach, Safo va Marva oralig'ini ziyorat qilar erdilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Baytullohga kelsalar, eng avvalo uch marta sa'y qilib va to'rt marta yurib tavof aylar erdilar. Safo va Marva oralig'ini tavof aylaganlarida selxona bo'ylab sa'y qilar erdilar».

64-bob. Ayollarning erkaklar birlan birga tavof qilishi haqida

Ibn Jurayj rivoyat qiladilar: «Makka valiahdi Ibn Hishom ayollarning erkaklar birlan

birga tavof aylamog'ini man' qilganida, «Qanday qilib man' qilg'aysen? Axir, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ayollari ham erkaklar birlan birga tavof qilganlar-ku!» - deb aytgandim», - dedilar Ato raziyallohu anhu. Men u kishidan: «Chimmat kiymoq farz qilinishidan oldinmi, Keyinmi?»-deb so'radim. Ato raziyallohu anhu: «O'lay agar, yolg'on so'zlasam, bu voqea chimmat kiymoq farz qilinganidan keyin bo'lgan erdi», - dedilar. Shunda men: «Qanday qilib ayollar erkaklarga aralashib, tavof aylamog'i mumkin?»-deb so'radim. Ato raziyallohu anhu: «Ayollar erkaklarga aralashmas erdi. Masalan, Oisha onamiz erkaklardan narida, bir chekkada turib tavof qilayotganlarida, bir ayol kelib, «Ey mo`minlar onasi, yuringiz (Qora Toshni) o'pib, tavof aylag'aymiz!» - deganida, Oisha onamiz: «Yo`q, o`zing boraverg'il!»-deb ko`nmagan erdilar. Lekin, ayollar kechalari yoping'ich yopinib, tavof qilgani chiqishardi. Ammo, erkaklar Ka'baga kirib ketishganda, ular qaytib chiqqunlaricha poylab turishardi. Erkaklar chiqqach, kirishardi. Men va Ubayd ibn Umayr, Oisha onamia Sabiyr degan tog` darasida toat-ibodat birla mashg'ul bo'lib turganlarida, huzurlariga bordik. Shunda men: «Oisha onamiz qanday chodirdalar?»-deb sherigimdan so'radim. «Turkiy chodirdalar», -deb aytdi. Oisha onamiz birlan bizning o'rtamizda o'sha chodirdan bo'lak to'siq yo`q erdi. Men Oisha onamizning qizil ko'ylak kiyib olganlarini ko'rdim».

Nabiy sallallohu alayhi va sallamning xotinlari Ummu Salama raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga betobligimdan nolidim. Ul kishi: «Ulovda odamlarga ergashib tavof aylag'il!» -dedilar. Men tavof etdim, Janob Rasululloh ersa, Ka'ba yonida namoz o'qib, «Va-t-Tur» degan surani tilovat qildilar».

65-bob. Tavof vaqtida gapirmoq mumkinmi?

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ka'bani tavof aylayotib, qo'lini tasma birlan boshqa bir odamning qo'lga bog'lab olib, yetaklab ketayotgan kishining yonidan o'tib qoldilar. Shunda, Nabiy sallallohu alayhi va sallam tasmani kesib yubordilar-da, unga: «Qo'lidan yetaklag'il!»-dedilar».

66-bob. Tavof qilayotib, tasma yoki boshqa makruh narsani ko'rsa, kesib tashlaydir

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ka'bani tasma (yokim shunga o'xshash narsa) taqib tavof qilayotgan kishini ko'rib, (tasmasini) kesib tashladilar.

67-bob. Yalang'och odam Ka'bani tavof qilmaydir va mushrik haj qilmaydir

Humayd ibn Abdurrahmon rivoyat qiladilar: «Abu Bakr Siddik raziyallohu anhu Nahr kuni (qurboyluk qiladigan kuni) Hajjat ul-Vido'dan oldin Abu Hurayrani bir guruh odamlar birlan birga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bajarmoqni buyurgan hajga yuborib, «Bilib qo'yingiz, bu yildan keyin mushriklar haj qilmag'aydir va yalang'ochlar Ka'bani tavof aylamag'aydir!» deb jar solmoqni buyurdilar».

68-bob. Tavofi buzilsa...

Ato raziyallohu anhu: «Agar biror kishi tavof aylayotganda namoz boshlanib qolsa yokim odamlar oqimi tavof qilayotgan o'rnidan nariga surib ketsa, tavofini kelgan joyidan

davom ettirg'aydir»,- deydilar. Shu kabi hadislarni Ibn Umar va Abdurrahmon ibn Abu Bakr raziyallohu anhumolar ham rivoyat qilishgan.

69-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallam yettinchi tavofda ikki rak'at namoz o'qidilar

Nofi': «Ibn Umar raziyallohu anhu har yettinchi tavofda ikki rak'at namoz o'qir erdilar»,- dedilar. «Tavofning ikki rak'at namozi o'rniga farz namozi o'qisa, kifoyadir»,- dedilar Ato. Shunda Zuhriy: «Sunnatga rioya qilmoq afzalroq, chunki Nabiy sallallohu alayhi va sallam yetti marta tavof etsalar, ikki rak'at namoz o'qimay qo'ymas erdilar»,- dedilar.

Amr rivoyat qiladilar: «Biz Ibn Umar raziyallohu anhudan: «Umrada, Safo va Marva orasini tavof etmasdan oldin, kishi (o'zining) ayoliga qo'shila olg'aydirmi?»-deb so'radik. Ul kishi bunday dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelib, Ka'bani yetti marta tavof ayladilar, so'ng Maqomi Ibrohim ortiga o'tib, ikki rak'at namoz o'qidilar. Keyin, Safo va Marva orasini tavof qildilar-da, «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamda sizlar uchun yaxshi ibratlar mavjuddir!» degan oyatni o'qidilar». Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhudan so'ragan erdim, «Safo va Marva orasini tavof qilib bo'lmaguncha, kishi ayoliga yoqinlashmag'aydir»,- dedilar».

70-bob. Ka'bani tavof etib, Arafotga chiqib kelgandan keyin, qayta Ka'bagi yaqin bormagan va uni tavof qilmagan kishi xususida

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelib, Ka'bani tavof ayladilar, so'ng Safo va Marva orasida sa'y qildilar. Keyin, Arafotga chiqib keldilar-da, Ka'bani bir marta tavof etganlaricha, qaytib tavof qilmadilar».

71-bob. Tavofning ikki rak'at namozini masjid tashqarisida o'qigan kishi; Umar raziyallohu anhu Masjid ul-Harom tashqarisida namoz o'qidilar

Ummu Salama raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga tobim yo'qligidan nolidim»,- deydilar (Bu hadis takryuran rivoyat qilinadir, shu sababli to'liq keltirilmagan).

Urva raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkada ekanliklarida, Ka'bani tavof etmoqqa chiqmoqchi bo'lib turganlarida, hanuz Ka'bani tavof aylamagan Ummu Salama ham birga chiqmoqchi bo'ldi. Shunda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bomdodni o'qigan bo'lsang, tuyangga minib, odamlar namoz o'qib turgan paytda Ka'bani tavof aylab olg'il!» -dedilar. Ummu Salama shunday qildi».

72-bob. Ibrohim Maqomi ortida ikki rak'at namoz o'qigan kishi

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga keldilar-da, Ka'bani yetti marta tavof qilib, Ibrohim Maqomi orqasida ikki rak'at namoz o'qidilar, so'ng Safoga chiqdilar. Olloh taolo: «Rasulullohda sizlar uchun yaxshi ibratlar mavjuddir»,- degan».

73-bob. Bomod va asrdan keyin tavof qilmoq

Ibn Umar raziyallohu anhu tavofning ikki rak'at namozini Quyosh chiqqungacha o'qirdilar. Umar raziyallohu anhu bomdoddan so'ng Ka'bani tavof qildilar, keyin tuyalariga minib, Zu Tuvanga bordilar-da, ikki rak'at tavof namozi o'qidilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qilidirlar: «Bomod namozidan so'ng, odamlar Ka'bani tavof qilishdi, keyin va'z tinglashdi. Va'zdan so'ng ersa, Quyosh chiqqanligiga qaramay, namoz o'qishdi. Ular namoz o'qimoq makruh qilingan vaqt bo'lishiga qaramay namoz o'qidilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Quyosh chiqish va botish vaqtlarida namoz o'qimoqni man' qilganlarini eshitganman», - deydilar.

Abdulaziz ibn Rufay': «Men Abdulloh ibn Zubayr raziyallohu anhuning bomdoddan keyin Ka'bani tavof qilib, ikki rak'at tavof namozi o'qiganlarini ko'rdim» ,— deydilar.

Oisha onamiz: «Men Abdulloh ibn Zubayrning asrdan keyin ikki rak'at namoz o'qiganini ko'rdim. Nabiy sallallohu alayhi va sallam ham Ka'bage kirsalar, albatta ikki rak'at tavof namozi o'qir erdilar» ,— deydilar.

74-bob. Kasal odam ulov minib tavof qiladir

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuya minib Ka'bani tavof ayladilar, ustun oldiga kelganlarida ersa, asolari birlan unga ishorat qilib, takbir aytdilar», - deydilar.

Ummu Salama raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga betoblig'imdan nolidim. Shunda, ul kishi menga: «Odamlarga ergashib Ka'bani tavof aylag'il!»-dedilar. Men aytganlaridek tavof qildim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa, Ka'ba yonida namoz o'qib, «Va-t-Turi va kitab-im-mastur» surasini zam qilar erdilar».

75-bob. Siqoyat ul-hojji - hojilarni suv birlan ta'minlamoq haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abbos ibn Abdulmutallib raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan Mino kunlari Makkada to'xtab, siqoyat qilib olmoqqa ruxsat so'rab erdi, ruxsat berdilar».

Ikrima raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam siqoyat (hojilar suv oladigan) joyiga kelib, suv so'radilar. Shunda, Abbos o'g'liga: «Ey Fazl, onangning oldiga borg'il-da, undagi mavjud suvdan Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga eltib berg'il!» - dedi. Fazl onasidan suv olib, Janob Rasulullohga olib borganda, ul kishi: «Ichirib qo'yg'il!» - dedilar. Fazl: «Yo Rasululloh, bu suvga qo'l tiqilgan», - dedi. Janob Rasululloh: «Ichirg'il derman!» - dedilar. Fazl suv ichirib qo'ygach, Zamzam qudug'i oldiga borishdi. U yerdagi kishilar quduqdan suv tortib olib, tashnalarga ichirishayotgan erdi. Janob Rasulullohularga: «Ishlayveringiz, sizlar xayrli ish qilmakdasizlar», - dedilar. Keyin, yana: «Agar qarshilik qilmasangizlar, tuyadan tushib, arqonni yelkamga qo'yib, men ham suv tortishar erdim», - dedilar».

76-bob. Zamzam haqida qanday rivoyatlarni keltirishadi?

Anas ibn Molik raziyallohu anhu Abu Zarr raziyallohu anhudan o'zlari eshitgan quyidagi hadisni rivoyat qiladilar: «Men Makkadalig'imda,- dedilar Janob Rasululloh,- uyimning tomi ochilib, Jabroil alayhissalom tushdilar. Keyin, ko'kragimni yorib, zamzam suvi bilan yuvdilar-da, tilla lagan to'la hikmat va iymon keltirib, ichiga soldilar. So'ng, ko'kragimni yopib, asliga keltirdilar, keyin qo'limdan ushlab, osmonning eng pastki qavatiga olib chiqdilar. Shunda, Jabroil alayhissalom osmonning eng pastki qavati posboniga: «(Eshikni) ochg'il!» - dedilar. Posbon: «Bul kimdir?»-dedi. Hazrat Jabroil: «Bul menman, Jabroilman»,- dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga tik turganlarida zamzam ichirdim» ,— deydilar. Osim raziyallohu anhu ersa: «Ibn Abbosning ozod qilingan quli (mavlo) Ikrimaning ont ichib aytishiga qaraganda, o'shal kuni Janob Rasululloh faqat tuya minib yurganlar»,- deydilar.

77-bob. Qorin - bir yo'la haj va umra qiladigan shaxs nechuk tavof qiladir?

Oisha onamiz raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Hajjat ul-Vido' kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan birga chiqib, umraga ehrom bog'ladik. Keyin, Janob Rasululloh: «Kimning jonligi bo'lsa, bir yo'la haj ham umraga niyat aylab, ehrom bog'lasin, har ikkala udumnk ado etmaguncha ehromini yechmasin!»- dedilar. Men hayz ko'rgan holimda Makkaga kelgan erdim. Haj (katta haj) qilib bo'lganimizda, Janob Rasululloh meni (ukam) Abdurrahmon bilan birga Tan'imga yubordilar, men umra qilib qaytdim. Shunda, Janob Rasululloh menga: «Bu (hayz bo'lib qolib, qilolmagan) umrang o'rniga o'tg'aydir»,- dedilar. Umruga ehrom bog'laganlar (Ka'bani) tavof etishgach, ehromlarini yechishdi. Ammo, bir yo'la haj ham umraga talbiya aytganlar Ka'bani bir marta tavof qilishdi».

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ibn Umar huzurlariga o'g'illari Abdulloh ibn Abdulloh tuyasini hovlida qoldirib, kirib keldi-da: «Men bu yil odamlar orasida urush bo'lmasligiga ishonmasman, Ka'bani tavof qilgani chiqsangiz, yo'lingizni (kofirlar) to'smog'i mumkin. Bu yil haj qilmay tursangiz bo'larmi erdi?» - dedi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham Ka'bani tavof qilgani chiqqanlarida Quraysh kofirlari yo'llarini to'sib, ul kishi bilan Ka'ba oralig'ida turib olgan erdi, agar menga ham shundoq qilishsa. unda Janob Rasulullohda sizlar uchun yaxshi ibratlar mavjuddir, deyishadir-ku, axir!»-dedilar Ibn Umar. Keyin yana: «Sizlarni guvoh qilib ayturmenkim, umra ustiga albatta haj ham qilg'ayman!»-deb qo'shib qo'ydilar, so'ng, Ka'baga borib, ikkala haj uchun bir marta tavof qildilar».

78-bob. Tahorat olib tavof qilmoq haqida

Muhammad ibn Abdurrahmon ibn Navfal Qurayshiy Urva ibn Zubayrga (tahorat olib tavof qilmoq haqida) savol berdilar. Shunda, Urva bunday deb javob qildilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam,- deb edilar Oisha onamiz,-Makkaga haj qilgani kelganlarida, dastlab tahorat oldilar, so'ng Ka'bani tavof ayladilar, lekin umra qilmadilar». Abu Bakr raziyallohu anhu ham haj qilganlarida avval tahorat olib so'ng Ka'bani tavof etganlar, umra qilmaganlar. Umar raziyallohu anhu ham shunday qilganlar. Keyinchalik, Usmon raziyallohu anhu haj qildilar. Ul kishining ham dastlab tahorat olib, so'ng Ka'bani tavof

aylaganlarini, ammo umra qilmaganlarini ko'rdim. Keyin, Muoviya birlan Abdulloh ibn Umar ham shunday qilishdi. Men otam Zubayr ibn Avvom birlan haj qilganimda, ul kishi ham dastlab tahorat olib, so'ng Ka'bani tavof etdilar, umra qilmadilar. Muhojir va ansorlarning ham shunday qilishganini ko'rdim. Eng oxiri bo'lib, Ibn Umarning shunday qilganining shohidi bo'ldim. U ham an'anaga ko'ra, umra qilmadi. Mana, Ibn Umar ularning oldida ketayotir, hech kim undan bir narsani so'ramakka botinmaydir, o'tkinchilar ham faqat Ka'bani tavof aylamak niyatidagina qadam tashlashayotir... Mana, tavof ham qilib bo'lishdi, lekin ular hanuz ehromdadir. Men onam birlan xolamning ham Ka'bani tavof aylab bo'lmaganlaricha, boshqa biror narsa qilishmaganining hamda ehromlarini yechishmaganining shohidi bo'lgandirman».

Urva raziyallohu anhu: «Menga onam aytdilarki, ul kishi birlan xolam, Zubayr va falonchi-pistonchilar umraga talbiya aytishib, Qora Toshni silab tavof qilishgach, ehromlarini yechishibdir»,— deydilar.

79-bob. Safo va Marvada sa'y qilmirqning vojibliigi va uning Olloh taolo udumlaridan biriga aylanganligi haqida

Urva raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men Oisha onamizga: Olloh taoloning «Safo va Marvada sa'y qilmoq Olloh taolo udumlaridan biridir, kim Ka'bani tavof aylasa yokim umra qilsa, ularning ikkalasini (Safo va Marvani) tavof etmog'i gunoh bo'lmag'aydir» degan qavli haqida ne dersiz? Xudo haqqi, Safo va Marvani tavof aylamasa, hech kim gunohkor bo'lmas erkan!» — dedim. Ey jiyanim,— dedilar Oisha onamiz,— nechuk be'mani so'z aytding! Agar bu oyatning tafsiri sen aytganingcha bo'ladirgan bo'lsa, unda Safo va Marvani tavof aylamasa, gunohkor bo'lmas erkan-da?! Ammo, bu oyat ansorlar haqida nozil bo'lgan bo'lib, ular musulmon bo'lmoqlaridan avval Mushallal degan joydagi o'zlari ibodat qiladiringan butga — mustabid Manotga tahlil aytishar erdi. Shu boisdan ham Safo va Marvani tavof aylamakka hayiqishar erdi. Ular musulmon bo'lganlaridan so'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasululloh, biz Safo va Marvani tavof qilmoqqa hayiqar erdik, shukrkim, Olloh taolo «Safo va Marvani tavof aylamak Olloh udumlaridandir!» degan oyati kariymasini nozil qildy»,— deyishdi. Shundan so'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safo va Marvani tavof etmakni sunnat qildilar, buni qilmaslikka hech kimning haqqi yo'qdir!»

«Men ushbu hadisni Abu Bakr ibn Abdurrahmonga aytganimda,— deydilar Zuhriy raziyallohu anhu,— u bunday dedi: «Oisha zikr qilgan but — Manotga tahlil aytmaydirgan barcha odamlar Safo va Marvani tavof qilishardi. Olloh taolo Qur'onda Safo va Marvani tavof aylamakni zikr qilmay, Ka'bani tavof etmakni zikr qilganida, odamlar: «Yo Rasululloh, biz Safo va Marvani tavof qilar erdik, Olloh taolo Ka'bani tavof aylamak haqida oyat nozil qildi, Safoni zikr qilmadi, agar biz Safo va Marvani tavof qilsak, gunohkor bo'lg'aymizmi?» - deyishdi. Shunda, Olloh taolo «Safo va Marvani tavof aylamak Olloh udumlaridandir!» degan oyati kariymasini nozil qildi». «Bu oyat,- deb davom etdilar Abu Bakr,- ikki toifa odamlar xususidadir, biri - johiliya davrida Safo va Marvani tavof etmakka hayiqqan kishilar, ikkinchisi - ilgari Safo va Marvani tavof aylab yurib, keyin, islom davriga kelganda, Olloh taolo Ka'bani tavof etmakni zikr qilib, Safoni eslatmaganligidan ularni tavof aylamakka hayiqib qolgan kishilar ha. qida nozil bo'lgan. Shundan so'ng Olloh taolo Safo va Marvani ham tavof aylamak lozimligini eslatib, oyat nozil qilgan, deb eshitg'ayman».

80-bob. Safo va Marvada sa'y qilmoqqa doir xabarlar

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Baniy Abbod hovlisidan Baniy Abu Husayn ko'chasigacha bo'lgan masofada sa'y qiling'aydir», - deydilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'baning dastlabki tavofini ado etsalar, uch marta yo'rtib chopardilar va to'rt marta oddiy yurish qilar erdilar. Safo va Marvani tavof aylasalar, ular oralig'ida joylashgan selxona bo'ylab sa'y qilar erdilar», - deydilar. Ubaydulloh ibn Umar: «Abdulloh ibn Umar yamaniy ustun oldiga kelganda odatdagidek yurarmidilar, deb Nofi'dan so'radim», - deydilar. Shunda Nofi': «Yo'q, yamaniy ustun oldida odamlar ko'payib ketgandagina shunday qilardilar, chunki ul kishi ustunni o'pib tavof qilmay qo'ymas erdilar», - deb javob qilgan ekan.

Amr ibn Dinor: «Biz Ibn Umar raziyalloho` anhudan umrada Ka'bani tavof aylab, Safo va Marva orasini tavof qilmagan kishi ayoliga yaqinlashadirmi, deb so'radik», - deydilar. Shunda, Ibn Umar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelib, Ka'bani yetti marta tavof ayladilar, Maqomi Ibrohim orqasida ikki rak'at namoz o'qidilar, so'ng Safo va Marva orasida yetti marta sa'y qildilar-da, «Rasulullohda sizlar uchun yaxshi namunalar bordir!» - deb aytdilar», - deb javob qilibdir.

Amr ibn Dinor: «Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhudan shu haqda so'raganimizda, u kishi «Safo va Marvada sa'y qilmaguncha, ayoliga mutlaqo yaqinlashmasligi kerak» deb aytdilar», - deydilar.

Amr ibn Dinor: «Men Ibn Umar raziyallohu anhuning «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelib, Ka'bani tavof ayladilar, so'ng ikki rak'at namoz o'qidilar, keyin Safo va Marvada sa'y qildilar-da, «Rasulullohda sizlar uchun yaxshi ibratlar bordir» degan oyatni o'qidilar» - deganini eshitdim», - deydilar.

Osim raziyallohu anhu: «Safo va Marva orasida sa'y qilmoqni yoqtirmasmi erdingiz, deb Anas ibn Molikdan so'radim», - deydilar. Anas: «Ha, chunki u johiliya davri udumlaridan erdi, hatto Olloh taolo «Safo va Marva Olloh taoloning udumlaridan biridir, kim Ka'baga haj qilg'aydir yokim umra qilg'aydir, Safo va Marvani tavof aylamog'idan gunohkor bo'lmag'aydir» degan oyatni nozil qilgan», - dyob javob beribdirlar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'bani tavof aylab, Safo va Marva orasida mushriklarga o'z kuch-quvvatlarini ko'rsatib qo'ymoq uchun sa'y qildilar», - deydilar. Shunga o'xshash hadisni Humayd ham aytib bergan.

81-bob. Hayz ko'rgan ayol barcha haj udumlarini ado qiladir, faqat tavof etmaydir; Safo va Marva orasida tahoratsiz sa'y qilsa...

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Men hayz ko'rgan holimcha Makkaga kelib, na Ka'bani tavof aylay oldim va na Safo va Marvada sa'y qildim. Men buni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga aytib, shikoyat etdim. Ul kishi: «Toza bo'lguningcha Ka'bani tavof aylamag'il, hojilar ne qilsalar, sen ham shuni qilg'il!» - dedilar».

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhudan: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam va ashoblari hajga ehrom bog'ladilar. Nabiy sallallohu alayhi va sallam va Talhadan boshqaning

qurbonlikka atalgan jonlig'i yo'q erdi. Shu payt, Ali Yamandan jonliq yetaklab kelib qoldida: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam nimaga ehrom bog'lasalar, men ham o'shanga ehrom bog'lag'aydirman», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalarga katta haj o'rniga umra qilmoqni, sochlarini kalta qilmoqni hamda jonliq yetaklab kelganlardan tashqari hammaga ehromini yechmoqni amr qildilar. Shunda sahobalar: «Minoga borg'aymizmi? Ba'zi birimizning zakarimizdan maniy tomib turibdir-ku?!» - deyishdi. Bu gap Janob Rasulullohning quloqlariga yetgach: «Men keyinga surgan ishimni oldin qilmoqchi bo'lganimda, jonliq olib kelmagan bo'lar erdim, jonlig'im bo'lmaganda erdi, men ham ehromimni yechgan bo'lar erdim», - dedilar. Oisha onamiz hayz ko'rgan bo'lsalar ham, barcha haj udumlarini ado etdilar, lekin faqat Ka'bani tavof aylamadilar, uni poklanganlaridan keyin tavof qildilar. Oishaonamiz: «Yo Rasululloh, sizlar haj birlan umra qildingizlar, men ersam, haj qilganimcha qoldim», - deganlarida, Janob Rasululloh: «Ukang Abdurrahmon birlan Tan'imga borib, umra qilib kelg'il!» - dedilar. Shunda, Oisha onamiz hajdan keyin umra qilib qaytdilar».

Hafsa aytadirlar: «Biz joriyalarimizni uydan tashqariga chiqarmas erdik. Bir kuni bir ayol Baniy Xalaf qasriga kelib tushdi. U singlisining Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalaridan birining xotini ekanligini, uning eri Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga o'n ikki marta g'azot qilganligini, shu g'azotlarda singlisi ham eri birlan birga ishtirok etib, yaradorlarni davolaganini aytdi. «Singlim, - dedi boyagi ayol, - Janob Rasulullohdan: «Agar birortamizning yoping'ichimiz bo'lmasa-yu, hayit namoziga chiqolmay qolsak, gunoh bo'lmag'aydirmi?» - deb so'raganida, ul kishi: «Dugonasining yoping'ichlaridan birini olib tursin, xayrli ishdan qolmasin, mo'minlar birlan birga chiqib, duo aytsin!» - debdirlar, Boyagi xotin (Ummu Atiyya) kelganida: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam falon narsalar to'g'risida ne deganlar, eshitganmisiz, deb so'rashdi ayollar, Shunda u: «Ha, otam haqqi-hurmati (u, Janob Rasulullohning nomlarini tilga olganda, ko'pincha «otam haqqi hurmati» deb qo'yardi), eshitganman. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam endigina bo'yiga yetgan qizlarga ham namozga chiqmoqni buyurar erdilar», - dedi. «Hayz ko'rgan xotinlarga hammi?» - deb so'radim. Shunda u: «Ha, hayz ko'rgan xotin Arafotga chiqmag'aydirmi? Yoki falon, yo piston qilmag'aydirmi?» - deya haj udumlarini sanay ketdi».

82-bob. Makkaliklarning Batho va boshqa joyda turib, hojilarning esa, Minoga chiqqanida ehrom bog'lamog'i haqida

Ato raziyallohu anhudan Makkaga yaqin joylarda yashaydirgan kishilarning hajga talbiya aytmoqlari to'g'risida so'rashdi. Ul kishi: «Ibn Umar raziyallohu anhu Tarviya kuni tuya ustida turib namoz o'qigach, talbiya aytar erdilar», - dedilar.

Abdumalik raziyallohu anhu Atodan, ul kishi ersa, Jobir raziyallohu anhudan eshitgan quyidagi hadisni rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga Makkaga kelib, Tarviya kunigacha ehromlarimizni yechib qo'ydik va Makkaga orqamizni qilib, hajga talbiya aytdik. Abu Zubayr: «Jobir menga, Bathoda turib ehrom bog'ladi, degandi», - deydi. Ubayd ibn Jurayj Ibn Umar raziyallohu anhuga: «Men sizning, Makkada ekanligingizda, odamlar yangi oy chiqqanini ko'rib, ehrom bog'lasalar ham, Tarviya kunigacha ehrom bog'lamaganingizni ko'rdim», - dedilar».

83-bob. Tarviya kuni peshinni qaerda o'qiydir?

Abdulaziz ibn Rufay' rivoyat qiladirlar: «Men Anas ibn Molik raziyallohu anhudan: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan o'zingiz o'rgangan bir narsa haqida meni xabardor qilsangiz! Tarviya kuni ul kishi peshin va asrni qaerda o'qidilar?»-deb so'radim. Anas: «Minoda»,- dedilar. Men: «Nafr kuni (hojilar Minodan qaytadirgan kun) asrni qaerda o'qidilar?» - dedim. Anas: «Abtahda»,-dedilar-da, «Amidu umarolaring singari qilaverg'il!» - deb qo'shib qo'yidilar».

Abdulaziz rivoyat qiladirlar: «Tarviya kuni Minoga chiqib, eshak minib ketayotgan Anas raziyallohu anhuni uchratdim. «Bugun Nabiy sallallohu alayhi va sallam peshinni qaerda o'qidilar?» - deb u kishidan so'radim.

Anas: «Umarolaring qaerda o'qisa, sen ham o'sha yerda o'qiyverg'il!» - dedilar».

84-bob. Minoda namoz o'qimoq haqida

Ubaydulloh otalari Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhudan quyidagi hadisni eshitgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Minoda ikki rak'at namoz o'qidilar, Abu Bakr, Umar va Usmon o'z xalifaligining dastlabki yillarida ikki rak'at o'qib, keyinchalik to'rt rak'at o'qishgan».

Horisa ibn Vahb al-Xuzo'iy raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Minoda biz birlan ikki rak'at namoz o'qidilar, Abu Bakr, Umar va Usmon ham o'z xalifaligining dastlabki yillarida qasr o'qib, keyinchalik to'la o'qiydirgan bo'lishgan»,- deydilar.

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga ikki rak'at (farzni qasr qilib) namoz o'qiganman, keyin Abu Bakr raziyallohu anhu birlan ham, Umar raziyallohu anhu birlan ham ikki rak'at namoz o'qidim. Keyinchalik ersa, sizlarning yo'llaringiz bo'linib ketdi (ya'ni, birovlar to'rt, boshqalar ikki rak'at o'qiydirgan bo'ldi). Qani endi, to'rt rak'at o'rniga o'sha maqbul ikki rak'at namoz o'qilsa!» - dedilar.

85-bob. Arafa kuni tutiladigan ro'za haqida

Solim raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Arafa' kuni odamlar Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ro'za tutganliklaridan shubhalanishdi. Shunda, men Nabiy sallallohu alayhi va sallamga meva sharbati yuborgan erdim, ichdilar».

86-bob. Minodan Arafotga takbir va talbiya aytib borish haqida

Abdulloh ibn Yusuf rivoyat qiladirlar: «Muhammad ibn Abu Bakr as-Saqofiy va Anas ibn Molik raziyallohu anhumo ikkalalari Minodan Arafotga ketishayotgan erdi. Shunda, Muhammad ibn Abu Bakr: «O'sha kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Minodan Arafotga ketayotganingizda ne qildingizlar?» - deb Anasdan so'radi. Anas: «Ba'zi birimiz tahlil, ba'zi birimiz talbiya aytib bordik, Janob Rasululloh hech qaysimizga bir nima demadilar»,- dedi».

87-bob. Arafa kuni kechki payt ko'chaga chiqish haqida

Solim raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abdulmalik ibn Marvon haj amallarida Ibn

Umarga qarshilik qilmaslikni buyurib, Hajjojga maktub yozdi. Ibn Umar raziyallohu anhu (men u kishi birlan birga erdim) arafa kuni, Quyosh botgan paytda, Hajjojning chodiri oldiga kelib, qichqirdilar. Hajjoj sariq ko'ylagini kiyib chiqib: «Ey Abdurrahmonning otasi, sizga ne bo'ldi?» - dedi. Ibn Umar: «Agar sunnatni ado etging kelsa, tez qimirlag'il, bir yerga bormoq kerak», - dedilar. «Hozirmi?» - dedi Hajjoj. «Ha», - dedilar Ibn Umar. «Andak sabrdilib turingiz, boshimdan suv quyib olay», - dedi Hajjoj. Ibn Umar tuyadan tushib, Hajjoj chiqquncha poylab turdilar. Hajjoj chiqqach, Ibn Umar men birlan otam ikkalamizning o'rtamizda ketdilar. Men Hajjojga: «Agar sunnatni buzmay desang, xutbani qisqaroq aytib, vuqufni tezlashtirg'il!» - deb edim, u Abdullohga alanglab qaray boshladi. Buni sezgan Abdulloh: «U to'g'ri aytayotir», - dedik»

88-bob. Arafotda tuya minib turish haqida

Abdulloh ibn Abbosning mavlosi (ozod qilingan quli) rivoyat qiladilar: Ummulfazl binti Haras oldida turgan odamlar Janob Rasulullohning arafa kuni ro'za tutganliklariga shubha bildirishdi, ulardan ayrimlari: «Ro'za tutganlar», - deyishsa, ayrimlari: «Ro'za tutmaganlar», - deyishdi. Ummulfazl, Janob Rasululloh Arafotda tuya minib turganlarida bir kosa sut yubordi, ul kishi ichdilar».

89-bob. Arafada ikki namozni bitta qilib o'qimoq

Ibn Umar raziyallohu anhu jamoat birlan namoz o'qiyolmay qolsalar, ikki namozni bir qilib o'qirdilar.

Ibn Shihob Zuhriy rivoyat qiladilar: «Hajjoj ibn Yusuf birlan Abdulloh ibn Zubayr raziyallohu anhumo Makkaga jang qilmoq uchun kelishgan yili Abdulloh raziyallohu anhu Solim raziyallohu anhudan: «Arafa kuni shul joyda ne qilardingiz?» - deb so'rabdi. Solim: «Agar sunnatga rioya etmakni istasang, arafa kuni namozni kechiktirg'il!» - deb javob qilibdilar. Abdulloh ibn Umar: «Ular sunnatga ko'ra, peshin va asrni bir qilib o'qishgan, deb to'g'ri aytayotir», - dedidilar. Men Solimga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam shunday qilganmilar?» - dedim. Solim: «Sahobalar Janob Rasulullohning sunnatlariga amal qilayotirlar-ku, axir!» - dedilar».

90-bob. Arafada xutbani qisqaroq aytish haqida

Solim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Abdulmalik ibn Marvon haj amallarida Abdulloh ibn Umarga ergashmakni buyurib, Hajjojga maktub yozdilar. Ibn Umar raziyallohu anhu (men ul kishi birlan birga erdim) arafa kuni, Quyosh botgan paytda, Hajjojning chodiri oldiga kelib: «Ul qay yerdadir?» - deb qichqirdilar. Hajjoj oldilariga chiqdi. Ibn Umar: «Bir yerga bormog'imiz kerak», - dedilar. Hajjoj: «Hozirmi?» - dedi. Ibn Umar: «Ha», - dedilar. Hajjoj: «Andak sabr qilib turingiz, ustimdan suv quyib chiqayin», - dedi. Ibn Umar tuyadan tushib, Hajjoj chiqquncha poylab turdilar. Hajjoj chiqqach, Ibn Umar men birlan otam ikkalamizning o'rtamizda ketdilar. Men Hajjojga: «Agar bugun sunnatga amal etayin desang, xutbani qisqartirib, vuqufni tezlatg'il!» - dedim. Ibn Umar: «U to'g'ri aytayotir», - dedilar».

91-bob. Arafotda turmoq haqida

Jubayr ibn Mut'im rivoyat qiladilar: «Bir tuyamni yo'qotib qo'ygan erdim, arafa kuni uni

izlagani chiqdim. Shunda, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Arafotda turganlarini kurib qoldim. Uzimga-o`zim: «Xudo haqqi, bu kishi hums (taqvodor) odam bo`lmasalar, shu paytda u yerda ne qilar erdilar?!» -deb qo`ydim (Johiliya davrida dinni qattiq ushlagan Quraysh qabilasiga mansub kishilarni «humslar» deb atashgan)».

Urva raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Johiliya davrida Quraysh qabilasiga mansub muttaqiy kishilar (humslar) va ularning bolalaridan boshqa odamlarning barchasi yalang`och tavof qilishar erdi. Humslarning erkaklari erkaklarga, ayollari ayollarga, ular yalang`och tavof aylamasin, deb kiyim in`om etishar erdi. Ular Olloh taolodan savob umidida shunday qilishar erdi. Hums kiyim bermagan kishi Ka`bani yalang`och tavof etar erdi. Ko`plab odamlar Arafot tomondan, humslar ersa, Jam` (Muzdalifa) tomondan Ka`baga tavof qilgani kelishar erdi».

Hishom raziyallohu anhu: «Olloh taoloning mana bu «So`ng, odamlar (Ka`baga) qay tomondan gavjum bo`lib kelsalar, sizlar ham o`shal tomondan gavjum bo`lib kelingizlar!» degan oyati kariyasi humslar xususida nozil bo`lgan ekan, otam menga shunday deganlar, otamga ersa, Oisha onamiz aytgan ekanlar», - deydilar. «Ilgari odamlar Ka`baga Jam` tomondan gavjum bo`lib kelishar erdi, endi bo`lsa, ular Arafotga qaytarildi», - deydilar Urva raziyallohu anhu.

92-bob. Arafotdan qaytishdagi yurish haqida

Hishom ibn Urva raziyallohu anhu otalari bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Men Usoma huzurida o`tirgan erdim, undan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Arafotdan qaytishda Hajjat ul-Vido`da nechuk yurar erdilar?» -deb so`rashdi. Usoma: «Sekin ham ermas, tez ham ermas, o`rtacha yurar erdilar, agar odamlar siyrakroq joyga chiqib qolsalar, tezlashar erdilar», - dedi».

93-bob. Arafot birlan Jam` (Muzdalifa) oralig`ida to`xtab o`tish haqida

Usoma ibn Zayd raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Arafotdan tushib kelishda daraga burilib kirdilar-da, qazoi hojat qildilar, so`ng tahorat oldilar. Shunda men: «Yo Rasululloh, namoz o`qiydirlasizmi?» - deb edim, ul kishi: «Namozga hali erta», - deb javob qildilar».

Nofi` rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu shom birlan xufton namozlarini Jam`ga (Muzdalifaga) borganlarida qo`shib o`qirdilar, biroq ul kishi ham Rasululloh sallallohu alayhi va sallam singari yo`lda daraga burilib kirib, qazoi hojat qilar erdilar, so`ng tahorat olardilar, lekin Jam`ga borgunga qadar namoz o`qimas erdilar».

Usoma ibn Zayd raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men Arafotda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tuyalariga mingashib oldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Muzdalifadan berida joylashgan chap tomondagi daraga yetib kelganlarida, tuyalarini cho`ktirib, tahorat ushatib keldilar, men qo`llariga suv quyib turdim, ul kishi yengilgina tahorat oldilar. Men: «Ey Rasululloh, namoz o`qiydirlasizmi?» - dedim. Ul kishi: «Namozga hali vaqt bor», - dedilar. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tuyaga minib, Muzdalifaga keldilar-da, namoz o`qidilar. Ertasiga ertalab Fazl Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tuyalariga mingashib ketdi».

Kurayb rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Jamraga borguncha yo'l-yo'lakay talbiya aytib ketdilar», - deb aytibdir Fazl, keyin buni menga Abdulloh ibn Abbos aytdilar».

94-bob. Tavofi ifoza paytida Nabi sallallohu alayhi va sallamning sahobalarga osoyishtalikni saqlamoqni amr qilganlari va buni ularga qamchin birlan ishora qilganlari haqida

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladirlar: «Ibn Abbos raziyallohu anhu Arafa kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Makkaga qaytib kelayotganda, Janob Rasululloh orqalaridan kelayotgan qattiq baqir-chaqir va tuyaga urilgandagi qamchi tovushlarini eshitib, ularga qamchilari birlan ishora qildilar-da, «Ey odamlar, tinchlik saqlangiz, shoshqaloqlik birlan xayriyatga erishib bo'lmag'aydir», - deb aytdilar».

95-bob. Muzdalifada ikki namozni bir qilib o'qimoq haqida

Kurayb Usoma ibn Zayd raziyallohu anhudan bunday deb eshitgan ekanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Arafotdan qaytdilar. Shunda, yo'l-yo'lakay darada tushib, tahorat ushatdilar. So'ng, yengil-elpi tahorat oldilar. Men: «Namoz vaqti bo'ldimi?» - dedim. Janob Rasululloh: «Namozga hali erta», - dedilar. Muzdalifaga kelgach, yaxshilab tahorat oldilar, keyin namoz boshlandi, shom o'qidilar. So'ng, har kim o'z tuyasini belgilangan joyga olib borib cho'ktirdi. Keyin, namoz boshlandi, xufton o'qidilar, lekin ikkala namoz orasida nafl o'qimadilar».

96-bob. Ikki namozni qo'shib o'qib, orasida nafl o'qimagan kishi xususida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabi sallallohu alayhi va sallam Jam'da (Muzdalifada) shom birlan xuftonni, har biriga alohida iqomat (takbir) aytib, qo'shib o'qidilar, lekin ularning orasida ham, ulardan keyin ham nafl o'qimadilar».

Abu Ayyub Ansoriy: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Muzdalifada, Hajjat o'l-Vido' paytida, shom birlan xuftonni qo'shib o'qidilar», - deytilar.

97-bob. Har bir namozga aloxida azon va iqomat (takbir) aytmoq to'g'risida

Abdurrahmon ibn Yazid rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu haj qildilar. Muzdalifaga xuftonga azon aytiladigan yoki shunga yaqin paytda yetib keldik. Bir kishiga buyurib erdilar, azon va takbir aytdi, keyin shom o'qidilar, keyin ikki rak'at namoz o'qidilar, so'ng kechki ovqatni olib kelmakni buyurdilar. Tanovul qilib bo'lib, bir kishiga yana buyurdilar shekilli, azon va takbir aytdi (Amr raziyallohu anhu: «Yuqoridagi gaplarga Zuhayrdan boshqa hech kim shubha bildirmadi», - deytilar). Keyin, ikki rak'at xufton o'qidilar. Tong otgach, «Nabi sallallohu alayhi va sallam xuddi shu kuni, shu paytda va mana shu joyda shu namozdan boshqa namoz o'qimas erdilar, kechikib o'qilgan ikki namozdan biri -odamlar Muzdalifaga kelgandan keyin o'qilgan shom namozidir, ikkinchisi - tong yorishib ketgandan keyin o'qilgan bomdod namozidir, men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shunday qilganlarini ko'rganman», - dedilar».

98-bob. Oilasidagi zaif odamlarni, «Duolar o'qib turishsin», deb tunda Muzdalifaga yuborgan va ularni oy botgandan keyin qaytarib olib kelgan kishi

xususida

Solim rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu oilalaridagi zaif odamlarni tunda Muzdalifaga yuborar erdilar, ular o'sha yerdagi Al-Mash'ar ul-Harom oldida turib, qo'llaridan kelgancha Olloh taoloni zikr qilishardi va imom vuquf qilib qaytmasidan oldin qaytishardi. Ulardan ayrimlari Minoga bomdod o'qishga borishardi va ba'zilar shundan keyin Jamraga borib, tosh otishardi. Ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularga shunday qilmoqqa ruxsat berdilar», - deydilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu. alayhi va sallam meni Jam'dan kechasi jo'natdilar», - deydilar.

Ibn Abbrs raziyallohu anhu: «Men, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tunda o'z oilalaridagi zaif odamlarga qo'shib Muzdalifaga jo'natgan kishilardan biridirman», - deydilar.

Asmoning mavlosi Abdulloh rivoyat qiladilar: «Jam' kechasi Asmo Muzdalifaga kelib, namoz o'qimoqqa tutindilar. Bir soatcha namoz o'qib, so'ng: «Ey o'g'lim, oy botdimi?» - deb so'radilar. Men: «Yo'q», - dedim. Tag'in bir soatcha namoz o'qib: «Oy botdimi?» - deb so'radilar. Men: «Ha», - dedim. Ul kishi: «Qo'zg'olingiz!» - dedilar. Biz yig'ishtirilib, yo'lga tushdik. Tosh otib, uylariga qaytib kelgach, bomdod o'qidilar. Shunda men: «Namozni qorong'iroq vaqtda (ertaroq) o'qib qo'ydik, shekilli?» - dedim. Ul kishi: «Ey o'g'lim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam taxti ravonli ayollarga bomdodni ertaroq o'qimoqqa ruxsat berganlar», - dedilar».

Oisha raziyallohu anho: «Jam' kechasi Savda Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan oldinroq ketmakka ruxsat so'radi, chunki u juda sekin yurardi. Shunda, Janob Rasululloh unga ruxsat berdilar», - deydilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Biz Muzdalifaga keldik. Savda qadami vazmin bo'lganligidan tiqilinchda qolib ketmasligi uchun Minoga oldinroq ketmoqqa Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan ruxsat so'radi. Janob Rasululloh unga ruxsat berib erdilar, u ertaroq yo'lga chiqdi. Biz tong yorishguncha o'rnimizda qoldik. Keyin, Janob Rasululloh qo'zg'olishlari birlan biz ham qo'zg'oldik. Men ham Savda kabi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan ertaroq ketmakka ruxsat so'rasam bo'lar erdi, lekin ul kishi birlan birga bo'lmoqdan saodatliroq narsa yo'qdir!»

99-bob. Jam'da bomdod o'qigan shaxs xususida

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ikki namozdan boshqa namozni belgilangan vaqtdan tashqari vaqtda o'qiganlarini ko'rmadim. Ul kishi shom birlan xuftonni qo'shib, bomdodni ersa, o'z vaqtdan ertaroq o'qidilar».

Abdurrahmon ibn Yazid rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu birlan Makkaga bordik, so'ng Jam'ga keldik. Ul kishi bu yerda ikki marta namoz o'qidilar, har bir namozga alohida azon va takbir aytdilar. Ikkala namoz orasida xufton ham o'qidilar. Keyin, tong otar-otmas, ya'ni ba'zilar: «Hali tong otgani yo'q», - desa, boshqalar: «Tong otdi», - deydigan paytda bomdod o'qidilar-da, «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam:

«Biz mana shu yerda shu ikki namozning -shom va xuftonning vaqtini o'zgartirib o'qidik, bundan buyon odamlar ham Jam'ga biz kelgan vaqtda kelib, bomdodni biz o'qigan vaqtda o'qimoqlari lozimdir» - deb aytganlar», - dedilar. Keyin, Abdulloh tong shafag'i taralguncha poylab turdilar-da, «Agar hozir Amir ul-mo`minin tavofi ifoza qilganda erdi, sunn.atni ado etgan bo'lardi», - dedilar. Ul kishi shu so'zni aytib ulgurdilarmi, yo'qmi, bilmasman, Hazrat Usmon odamlarga yo'lga chiqmoqni buyurdilar. So'ng, Nahr kuni Jamrat ul-Aqabaga borib, tosh otgunlariga qadar talbiya aytib ketdilar».

100-bob. Jam'dan qachon qaytiladir?

Amr ibn Maymun rivoyat qiladilar: «Men Umar raziyallohu anhunging Jam'da bomdod namozini o'qiganlarini ko'rdim. Namoz o'qib bo'lgach: «Mushriklar Quyosh chiqmaguncha tavofi ifoza qilmas erdilar, ular: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam, Quyosh Sabiyrdan (Makkadagi tog'dan) oshgach, tavofi ifoza aylamog'imizga qarshilik qildilar, so'ng biz Quyosh chiqmasdan tavofi ifoza etdik» - deyishar erdi», - dedilar».

101-bob. Qurbonlik kuni ertalab, tosh otadigan paytda, talbiya va takbir aytmoq hamda (tuyaga) mingashib yurmoq haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Fazlni tuyalariga mingashtirib olib, tosh otadigan paytgacha talbiya aytdilar, buni menga Fazlning o'zi aytgandi», - deyidilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Usoma ibn Zayd raziyallohu anhu Arafotdan Muzdalifagacha Nabiy sallallohu alayhi va sallamning tuyalariga mingashib bordi, Muzdalifadan Minogacha ersa, Fazl mingashib keldi. Ularning ikkovlari ham: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Aqabada tosh otgunlariga qadar uzluksiz talbiya aytdilar», - deyishadir».

102-bob.

Olloh taolo bunday deydyr: «Kimki (bir yilning o'zida) umra va haj qilib, savob topmoqchi bo'lg'aydir-u, jonlig'ini (xastalik yokim boshqa boisga ko'ra) qurbonliq aylamakka muyassar bo'lolmay qolg'aydir, (boshqa biror kishi orqali berib yuborsin) va kimki (qurbonlik uchun jonliq) topolmag'aydir, uch kun haj vaqtida va yetti kun (uyiga) qaytganda ro'za tutsin, hammasi bo'lib to'liq o'n kun (tutsin)! Bular, ahli Makkai Mukarramada bo'lmaganlar uchundir!»

Abu Jamra rivoyat qiladilar: «Men Ibn Abbos raziyallohu anhudan mut'aga ijozat so'raganimda, menga mut'a qilmakka ruxsat berdilar. Keyin, qurbonlik to'g'risida so'raganimda, ul kishi: «Mut'a qiladigan odam bir tuya yokim bir sigir yokim bir qo'y qurbonlik qilmog'i lozimdir, yoinki birov birlan sherikchilikka qurbonlik aylamog'i kerak», - dedilar. Odamlar bunday mut'a qilmoqni makruh, deb hisoblashar erdi. Keyin, tushimda birov nido qilib: «Hajing xayrli va mut'ang maqbul bo'lg'ay!» - dedi. Buni Ibn Abbos raziyallohu anhuga gapirib berganimda, ul kishi: «Ollohu akbar! Bu - Abulqosim (Rasululloh) sallallohu alayhi va sallamning sunnatlari», - dedilar.

Shu'ba: «Umrang maqbul va hajing xayrli bo'lg'ay!» deyilgan bo'lsa kerak», - deyidilar.

103-bob. Tuya minish haqida

Olloh taolo: «Qurbonlik tuyalarini Biz sizlar uchun Ollahning nishonlaridan qildik (ya'ni, tuyalarni qurbonlik qilmoq ham Ollah udumlaridandir), ularning o'zlarida va ularni odob birlan qurbonlik aylamoqlikda sizlar uchun ko'p foydalar bordir. Ularni turg'izib, Ollah nomini zikr qilib, zabh aylangiz, ularni yonboshlariga yiqilganlaridan keyin iste'mol qylingiz va qanoatli muhtojlarga hamda muhtoj tilamchilarga yediringiz! Hayvonlarni, shukr qilursizlar deb, sizlarga musaxxar ayladik, ularning na go'shtlari va na qonlari Ollah rizolig'iga kifoya etmag'aydir, balkim sizlarning dilingizdagi xavfu taqvo kifoya qilg'aydir. Ollah, sizlarga hidoyat qilgani uchun (unga) takbir aytg'aysizlar deb, ularni sizlarga mana shundoq musaxxar ayladik, xayrli ish qilg'uvchilarga buni bashorat qilingiz!» - deydir.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tuya haydab borayotgan kishini ko'rib: «Uni minib olg'il!»-dedilar. U kishi: «Bu qurbonlik-ku?!» - dedi. Janob Rasululloh yana: «Minib olg'il!»-dedilar. Boyagi kishi tag'in: «Bu qurbonlik-ku?!» - dedi. Janob Rasululloh uchinchi yoki ikkinchi marta: «Sho'ring qursin, minib olg'il!»-dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuya haydab borayotgan bir kishini ko'rib: «Uni minib olg'il!» - dedilar. U kishi: «Bu qurbonlik-ku?!» - dedi. Janob Rasululloh, yana: «Minib olg'il!»-dedilar. U tag'in: «Bu qurbonlik-ku?!» - dedi. Janob Rasululloh uchinchi marta: «Minib olg'il!» - dedilar».

104-bob. O'zi birlan qurbonlik yetaklab olgan kishi xususida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hajjat ul-Vido'da (katta) hajdan oldin umra qilib oldilar, Ul kishi Zulhulayfadan o'zlari birlan qurbonlik haydab kelib, avval umraga so'ng hajga ehrom bog'ladilar, odamlar ham Nabiy sallallohu alayhi va sallam singari hajdan oldin umraga ehrom bog'lashdi. Shunda, ba'zilar o'zlari birlan jonliq yetaklab olishgan va ayrimlar jonliqsiz kelishgan erdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelganlarida, odamlarga: «Kimki orangizda qurbonlik olib kelgan ersa, hajni ado etmaguncha man' etilgan ishlarni qilmoqqa ruxsat yo'q, kimki jonliq olib kelmagan ersa, Ka'bani tavof aylab, Safo va Marva orasida sa'y qilsin, so'ng sochini oldirib, ehromdan chiqsin, shundan keyingina hajga ehrom bog'lasin! Umuman jonliq topolmaganlar ersa, haj kunlari uch kun, uyiga qaytgach, yetti kun ro'za tutsin!» - dedilar.

Janob Rasululloh Makkaga kelganlarida Ka'bani tavof qilmakni eng avvalo ruknyi o'pib istilom qilmakdan boshladilar, so'ng uch marta shitob aylab va to'rt marta oddiy yurish qilib tavof etdilar, keyin Maqomi Ibrohim oldida ikki rak'at tavof namozi o'qib, salom berib turdilar-da, Safoga keldilar, Safo va Marvani yetti martaba aylandilar. Janob Rasululloh hajni ado etgunlariga qadar man' etilgan ishlarni qilmadilar. Nahr kuni jonliqlarini zabh qilib, ifoza etdilar va Ka'bani tavof ayladilar. Shundan keyingina hajda qilib bo'lmaydirgan ishlarni qilmoq imkoniga ega bo'ldilar. Rasululloh yuqorida nimaiki qilgan bo'lsalar, boshqalar ham shunday qildi».

105-bob. Yo'lda jonliq sotib olgan kishi haqida

Nofi' rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu otalariga: «Bu yil haj qilmay turingiz, chunkim men odamlar o'rtasida urush bo'lmasligiga amin emasman, (kofirlar) sizni Ka'baga qo'ymasliklari mumkin», -dedi. Otalari: «Shunday qilynsa, unda men Janob Rasululloh singari ish tutgaydirman. Ollah taolo: «Rasulullohda sizlar uchun yaxshi ibratlar mavjuddir», - deydir. Men sizlarni guvoh qilib, o'zimga umrani vojib etdim, deb e'lon qilg'aymen», - dedilar. Shundan keyin, ul kishi umraga ehrom bog'ladilar. Keyin, Baydo'ga kelib, bir yo'la ham haj, ham umraga tahlil aytdilar-da: «Haj ham, umra ham bir xil savobga molikdir», - dedilar, Keyin, Qudayddan jonliq olib, Makkaga keldilar, so'ng haj va umra uchun Ka'bani bir marotaba tavof qildilar, haj va umrani to'la-to'kis ado etmagunlaricha ehromlarini yechmadilar».

106-bob. Zulhulayfada tuyasining bo'yniga kavsh osib, qurbonlik ekanligini belgilab qo'ygan kishi xususida

Nofi' rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Madinadan jonliq tuya haydab kelsalar, Zulhulayfada uni qiblaga qaratib cho'ktirib, belgi sifatida (bo'yniga) kavsh osib qo'yardilar, keyin o'rkachiga pichoq sanchib, atrofiga qon birlan chiziq chizar erdilar».

Misvar ibn Maxrama va Marvon rivoyat qilishadir: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bir necha yuz sahobalari birlan yo'lga chiqdilar. Zulhulayfaga yetganlarida tuyalari bo'yniga kavshlarini osib, ham o'rkachini qonatib, qurbonlik ekanligini belgilab qo'ydilar, so'ng umraga ehrom bog'ladilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning tuyalari bo'yniga belgi bog'lamoq uchun o'z qo'lim birlan ip yigirib berdim. Janob Rasululloh u birlan belgi bog'ladilar, keyin o'rkachini qonatib, chiziq chizib qo'ydilar-da, (hajga) jo'natdilar. Shunda, ul kishi hajda qilinmaydirgan ishlardan mahrum bo'lmadilar».

107-bob. Tuya va sigir bo'yniga belgi bog'laydirgan ip yigirmoq haqida

Hafsa raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Yo Rasululloh, odamlar ehromlarini yechishdi, nega siz yechmadingiz?» - dedim. Janob Rasululloh: «Chunkim men sochimni to'zg'imaydirgan qilib (yopishtirib) oldim, jonlig'imga belgi osdim, shul sababdan hajdan qutulmagunimcha ehromimni yecha olmasman», -dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinadan jonliq haydab kelsalar, bo'yniga belgi osadigan ipini yigirib berardim. Keyin, ul kishi ehrom kiygan kishi qilmaydirgan ishlarni ham qilaverar erdilar».

108-bob. Tuya bo'yniga belgi osmoq haqida

Urva raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam jonliq bo'yniga belgi osib va badanini qonatib, qurbonlik ekanini belgilab qo'ydilar-da, umraga ehrom bog'ladilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning jonliqlari bo'yniga belgi osmoq uchun ip yigirib berdim. Keyin, ul kishi jonliqlari bo'yniga belgi osib

(yokim men o'zim osib qo'ydim shekilli) va badanini qonatib, qurbonlik ekanini belgilab qo'ydilar. So'ng, o'zlari Madinada qolib, uni bir kishi orqali Makkaga jo'natdilar. Shunda, ul kishi hajda man' qilinadigan ishlardan mahrum bo'lmadilar».

109-bob. Jonlig'i bo'yniga belgini o'z qo'li birlan osib qo'ygan kishi xususida

Amra binti Abdurrahmon rivoyat qiladilar: «Ziyod ibn Abu Sufyon Oisha raziyallohu anhoga: «Abdulloh ibn Abbas raziyallohu anhu, hajga jonliq jo'natgan kishi ehrom bog'lagan kishi kabi jonlig'i zabh qilinguniga qadar makruh ishlardan o'zini tiyib turmog'i lozimdir, deydir», - deb maktub yo'lladi. Oisha raziyallohu anho: «Ibn Abbas aytganicha ermas, men Janob Rasulullohning jonliqlari bo'yniga belgi osadigan ipni o'z qo'lim birlan yigirib berardim, ul kishi o'z qo'llari birlan uni bog'lardilar, so'ng uni otam (Abu Bakr) orqali hajga berib yuborardilar, Shunda, Janob Rasululloh jonliqlari zabh qilingunga qadar Oллоh taolo halol qilgan biror narsadan mahrum bo'lganlari yo'q», - deb javob yo'lladilar».

110-bob. Qo'yning bo'yniga belgi osmoq haqida

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam qurbonlik uchun hajga bir marta qo'y yubordilar», - deyilar.

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamga belgi osadigan ip yigirib berardim, ul kishi qo'yni bo'yniga belgi osib, Makkaga yuborar erdilar, o'zlari ersa, ehrom bog'lamay uyda qolar erdilar», - deyilar.

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamga belgi osadigan ip yigirib berardim, u birlan qo'yning bo'yniga belgi osib, Makkaga yuborardilar, o'zlari ersa, ehrom bog'lamay (uyda) qolar erdilar», - deyilar.

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning jonliqlari bo'yniga belgi osadigan ip yigirib berardim», - deyilar. Ya'ni, ehrom bog'lamakdan avval jonliq bo'yniga osadigan ipni nazarda tutayotirlar.

111-bob. Belgi osadigan iplar jundan yigiriladir

Umm ul-mo'minin (Oisha onamiz): «Jonliq bo'yniga belgi osadigan iplarni uyimizdagi junlardan yigirar erdim», - deyilar.

112-bob. Jonliq bo'yniga kavsh osmoq haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiyulloh sallallohu alayhi va sallam qurbonlikka atalgan tuyani haydab borayotgan bir kishini ko'rib: «Uni minib olg'il!» - dedilar. U kishi: «Bu qurbonlik-ku!» - dedi. «Uni minib olg'il!» - dedilar takroran. Keyin, boyagi kishining Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan tuyaga mingashib ketayotganini, tuya bo'ynida ersa, kavsh osilib turganini ko'rdim»..

Bu hadisga Muhammad ibn Bashshor ham mutoba'at qilganlar.

113-bob. Tuya to`qimihaqida

Ibn Umar raziyallohu anhu tuya to`qimiga tegmay, o`rkachinigina kesar erdilar. Agar tuyani so`yadirgan bo`lsalar, to`qimini, qon tegib ifloslanib qolishidan cho`chib, yechib olar erdilar, keyin uni sadaqa qilar erdilar.

Ali raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga so`ygan tuyamning to`qimi va terisini sadaqa qilmoqni buyurdilar», - deydilar.

114-bob. Yo`lda jonliq sotib olib, uning bo`yniga belgi osgan kishi haqida

Nofi` rivoyat qiladilar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Zubayr raziyallohu anhu xalifaligi davrida, Haruriya haji yili haj qilmoqchi bo`ldilar. Shunda ul kishiga: «Odamlar o`zaro urushmoqdalar, ular sizning haj qilmog`ingizga mone`lik etishmasa, deb qo`rqq`aymiz», - deyishdi. Ibn Umar «Rasulullohda sizlar uchun yaxshi ibratlar mavjuddir», - degan oyatni o`qib, «Agar shunday qilsalar, Janob Rasululloh kabi ish tutg`aydirmen, sizlarning huzuringizda o`zimga umrani vojib qildim, deb e`lon etg`aydirmen», - dedilar. Shundan so`ng, ul kishi umraga ehrom bogladilar. Keyin, Baydo`ga kelib, bir yo`la ham haj, ham umraga talbiya aytdilar-da, «Haj ham, umra ham bir xil savobga molikdir. men haj va umrani birga qo`shib ado etg`aymen, deb sizlarni guvoh qilurmen», - dedilar. So`ng, jonliq sotib olib, bo`yniga belgi osdilar-da, Makkaga jo`natdilar. O`zlari (ham) Makkaga kelgach, Ka`bani tavof aylab, Safoda sa`y qildilar, bundan ortiq hech narsa qilmadilar. Nahr kunigacha ehrom bog`laganlarga man` etilgan ishlarni qidmadilar. So`ng, sochlarini oldirib, jonliqlarini zabh qildilar, Ka`bani bir marta tavof qilganlaricha haj va umrani ado etdim, deb hisobladilar. Keyiy: «Nabiy sallalloho` alayhi va sallam ham shunday qilgan erdilar», - deb qo`ydilar».

115-bob. Erkak kishining o`z xotinlari nomidan, ular aytmagan bo`lsa ham, sigir zabh qilmog`i to`g`risida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga faqat haj qilmoq niyatida Zulqa`da oyining oxirgi besh kunligida yo`lga chiqdik. Makkaga yaqinlashganimyzda Janob Rasululloh: «Kimning jonlig`i bo`lmasa, Ka`bani tavof aylab, Safo va Marvada sa`y qilgandan keyin, ehromini yechsin!» - deb farmon berdilar. Nahr kuni kelgach, bizga sigir go`shti olib .kelishdi. Shunda men: «Bu nechuk go`shtdir?» - deganimda, «Rasululloh zaifalari nomidan sigir zabh qildilar», - deb aytishdi».

116-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Minodagi zabhgohlarida jonliq so`yish haqida

Nofi`: «Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu muayyan bir zabhgohda jonliq so`yardilar», - deydilar. Ubaydulloh ibn Umar: «Bu - Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning zabhgohlari erdi», - deydilar.

Nofi` rivoyat qiladilar: «Ibn Umar raziyallohu anhu, tun oxirlab qolganda Jam`dan, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning zabhgohlariga olib borib so`ysinlar deb, ozod kishilar va mamluklardan iborat hojilar orqali jonliq berib yuborar erdilar».

117-bob. Jonliqni o'z qo'li birlan zabh qilgan kishi hususida

Anas raziyallohu anhu: . «Nabiy sallallohu alayhi va sallam o'z qo'llari birlan yetti tuyani tik turg'azib zabh qildilar va Madinada ikki ola, shoxdor qo'chqorni so'ydilar»,- deb hadisni qisqartirib rivoyat qilib berdilar.

118-bob. Tuyani bog'lab so'ymoq haqida.

Ziyo ibn Jubayr: «Men, Ibn Umar raziyallohu anhuning, bir kishi o'z tuyasini cho'ktirib bo'g'izlayotganida kelib qolib, unga: «Turg'izib, oyogini bog'lab, zabh qilg'il, bu - Muhammad sallallohu alayhi va sallamning sunnatlaridir!»- deganlarining shohidiman»,- deytilar.

119-bob. Tuyani tik turgizib so'ymoq haqida.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Muhammad sallallohu alayhi va sallamning sunnatlari (bo'yicha zabh qilmoq lozimdir)»,- dedilar. Ibn Abbos raziyallohu anhu ersa: «Ularni turgizib, saf qilib (zabh qilmoq lozimdir)»,- dedilar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madinada to'rt rak'at peshin va Zulhulayfada ikki rak'at asr o'qidilar. O'sha kuni Zulhulayfada qolib, tong yorishgach, tuyalariga minib tahlil va tasbih aytganlaricha yo'lga tushdilar. Baydo'ga kelgach, birvarakayiga haj va umraga talbiya aytdilar. Makkaga kirganlarida odamlarga ehromlarini yechmoqni buyurdilar. Keyin, Nabiy sallallohu alayhi va sallam yettita tuyani turg'izib qo'yib, o'z qo'llari birlan zabh qildilar, Madinada ersa, ikkita ola, shoxdor qo'chqorni so'ydilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madinada to'rt rak'at peshin va Zulhulayfada ikki rak'at asr o'qidilar. So'ng, tong otguncha shu yerda qolib, bomdod o'qidilar, keyin tuyalariga minib yo'lga chiqdilar. Baydo'ga kelgach, bir yo'la umra va hajga ehrom bog'ladilar».

120-bob. Qurbonlik qilgan kishiga qurbonligidan ulush bermaydilar.

Ali raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam meni tuya so'ymoqqa yubordilar, men so'ydim. Keyin, menga buyurdilar, go'shtlarini (odamlarga) taqsimladim, keyin yana amr berdilar, to'qimi va terisini ham taqsimladim»,-deydilar.

Ali raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam menga tuyalarni so'ymoqni amr qildilar, men so'ydim. lekin menga go'shtidan ulush berishmadi»,-deydilar.

121-bob. Jonliqning terisi sadaqa qilinadir.

Abdurrahmon ibn Abu Laylo rivoyat qiladirlar: «Ali raziyallohu anhuga Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuyalarni so'ymoqni buyuribdirlar, keyin ularni shundayligicha, go'shti, terisi va to'qimi birlan sadaqa qilib yubormoqni amr etibdirlar. Shunda, unga hech narsa berishmagan erkan».

122-bob. Tuyaning to'qimi sadaqa qilinadir.

Ali raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam yuzta tuya qurbonlik qildilar. Shunda, menga topshirdilar, uning go'shtlarini (odamlarga) taqsimladim, yana amr qildilar, to'qimlarini ham taqsimladim, tag'in buyurdilar, terilarini ham taqsimladim», - deydilar.

123-bob.

Olloh taolo bunday deydir: «Ibrohimga Xonai Ka'ba yerini tayin qilib berganimizda «Menga hech narsani shirk keltirmag'il va mening uyimni tavof qilg'uvchilar, unda turguvchilar, ruqu' va sajda aylag'uvchilar uchun pokiza tutg'il, odamlarni hajga da'vat etg'il! Ular.har tarafdin, uzoq-uzoq yo'llardan piyoda va oriq tuyalarni minib, o'zlariga tegadirgan manfaatlarning guvohi bo'lmoq uchun yu hayvonlarni rizqu nasiba qilib bergani shukronasiga Ollohning ismini muayyan kunlarda zikr qilmoq uchun oldingga kelishg'aydir. Ulardan o'zlarinigiz ham tanovul qilingiz, nochor faqirlarga ham yediringiz, keyin badanlarining kirini ketkizsinlar, nazrlariga vafo qilsinlar va qadimiy Ka'bani tavof aylasinlar!» deb erdik. Buldir hukm: Kimki Olloh muharram qilgan narsalarni hurmat qilg'aydir, Olloh dargohida xayriyatga erishg'usidir!»

124-bob. Jonliqni qaeri yeyiladir, qaeri sadaqa qilinadir?

Umar raziyallohu anhu: «Ov qilingan yokim so'yilgan hayvonning sadaqa etilgan go'shtidan egasi yemag'aydir, undan boshqa go'shtlarini yesa bo'lur», - deydilar. Ato: «Mut'a go'shtidan uning egasi ham, boshqalar ham yeydir», - deydilar.

Ibn Jurayj rivoyat qiladirlar: «Ato raziyallohu anhu: «Men, Jobir ibn Abdullohning «Minoda o'zimiz so'ygan jonliqlar go'shtidan uch kundan ortiq» yemas erdik. Nabiy sallallohu alayhi va sallam bizga: «Tanovul ham qilingiz, saqlab ham qo'yingiz!» - dedilar. Biz aytganlaridek, ham yeb, ham saqlab qo'yadirgan bo'ldik» deganini eshitdim», - dedilar. Men: «Jobir, Madinaga kelgunimizga qadar, deb aytdimi?» - dedim. Ato: «Yo'q», - dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Zulqa'da oyining besh kuni qolganda yo'lga chiqdik, haj qilmoqdan boshqa niyatimiz yo'q erdi. Makkaga yaqinlashganimizda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kim qurbonlikka jonliq yetaklab kelgan ersa, Ka'bani tavof aylagandan so'ng ehromini yechsin!» - deb farmon berdilar. Ittifoqo, Nahr kuni bizga go'sht keltirishdi. «Bu nedir?» - deb so'raganimda, «Nabiy sallallohu alayhi va sallam xotinlari nomidan qurbonlikka mol so'ydilar», - deyishdi».

125-bob. Soch oldirmasdan ilgari jonliq so'yish haqida.

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan: «Jonlig'ini so'ymoqdan oldin sochini oldirib qo'ysa, ne bo'lg'aydir?» -deb so'rashdi. Janob Rasululloh: «Hechqisi yo'q, zarari yo'q», - deb javob qildilar».

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir kishi Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan: «Tosh otmasdan burun tavof qilib qo'yibdirmen, endi ne bo'lg'aydir?» -deb

so`radi. Janob Rasululloh: «Hechqisy yo`q, hechqisi yo`q»,-dedilar. «Jonlig`imni so`ymasdan oldin soch oldirib qo`yibdirmen»,- degan erdi, «Zarari yo`q»,- deb javob qildilar. «Tosh otmasdan burun jonlig`imni so`yib qo`yibdirmen»,- deganida ham «Hechqisi yo`q»,- dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bir kishi: «Kech kirganda tosh otibdirmen?» - dedi. Janob Rasululloh: «Zarari yo`q»,- dedilar. «Qurbonlik qilmasdan burun soch oldirib qo`yibdirmen»,- dedi. Janob Rasululloh: «Hechqisi yo`q»,- dedilar».

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Bathodaliklarida, huzurlariga bordim. «Haj qildingmi?» - dedilar. «Ha»,- dedim. «Nimaga ehrom bog`lading?» - dedilar. «Nabiy sallallohu alayhi va sallam nimaga ehrom bog`lagan bo`lsalar, o`shanga»,- dedim. «Yaxshi qilibdinsen, borib Ka`bani tavof etg`il, so`ng Safo va Marvada sa`y aylag`il!»-dedilar. Keyin, Baniy Qays qabilasiga mansub bir ayolning oldiga bordim, u sochimni tozaladi, so`ng hajga ehrom bog`ladim. Keyin men Hazrat Umar xalifa bo`lgunlariga qadar, «Sizlar ham shunday qilingizlar!» deb boshqalarga fatvo berib yurdim. Hazrat Umar xalifa bo`lganlarida buni aytgan erdim, ul kishi: «Agar Qur`onni olib o`qisak, boshlagan ishimizni nihoyasiga yetkazmoq, Janob Rasulullohning sunnatlariga rioya etmrq buyurilganlig`ini anglag`aydirmiz, chunkim Rasululloh qurbonlikka atalgan jonliqlarini zabh qilmagunlaricha ehromlarini yechmaganlar»,- deb aytdilar».

126-bob. Ehromini yechishdan oldin sochini to`zg`imaydigan qilib yopishtirib olib,keyin uni kalta qilib oldirgan kishi hususida.

Hafsa raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Oisha raziyallohu anho: «Yo Rasululloh, odamlar umrani tugatishib, ehromlarini yechishdi-yu, nega siz hanuz ehromingizni yechmayotirsiz?» -dedilar. Janob Rasululloh: «Men sochimni to`zg`imaydirgan qilib yopishtirib olgandirman, endi qurbonlikka atalgan jonlig`imni zabh qilmagunimcha ehromimni yecha olmasman»,- dedilar».

127-bob. Ehromni yechishdan oldin soch oldirmoq haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har safar hajdan keyin sochlarini oldirar erdilar»,- deydilar.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yo Oллоh, sochini oldirganlarga rahmat aylag`il!» -dedilar. Shunda: «Yo Rasululloh, sochini qisqartirganlarga ham, deb aytingiz!» -deyishdi sahobalar. Janob Rasululloh yana: «Yo Oллоh, sochini oldirganlarga rahmat aylag`il!» - dedilar. «Yo Rasululloh, sochini qisqartirganlarga ham, deb aytingiz!»-deyishdi yolborib sahobalar. Nihoyat, Janob Rasululloh: «Qisqartirganlarga ham»,- dedilar».

Nofi` rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh: «Oллоh sochini oldirguvchilarga rahmat qilsin!» - deb bir necha bor aytdilar. Shunda, sahobalar to`rt marta yolborib iltimos qilganlaridan so`nggina: «Sochini qisqartirguvchilarga ham rahmat qilsin!»-deb qo`ydilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam:

«Yo partardigor-o, sochini oldirguvchilarga rahm (rahmat) aylag'il!» - dedilar. Sahobalar: «Sochini qisqartirguvchilarga ham»,- deb yolborishdi. Janob Rasululloh yana: «Yo parvardigor-o, sochini oldirguvchilarga rahm aylag'il!» - dedilar. Sahobalar tag'in: «Sochini qisqartirguvchilarga ham»,-deb yolborishdi. Janob Rasululloh yana: «Yo parvardigor-o, sochini oldirguvchilarga rahm aylag'il!» - dedilar. Sahobalar tag'in: «Sochini qisqartirguvchilarga ham»,- deb yolborishdi. Nihoyat, Janob Rasululloh: «Sochini qisqartirguvchilarga ham»,- . deb aytdilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam va bir guruh sahobalar soch oldirdilar qolganlar ersa, sochlarini qisqartirishdi»,-deydilar.

Muoviya raziyallohu anhu: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sochlarini kamon o'qining tig'i birlan qisqartirdim»,-deydilar.

128-bob. Umra qilgandan keyin sochni qisqartirmoq haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelganlarida sahobalarga Ka'ba hamda Safo va Marvani tavof aylamakni, so'ng ehromlarini yechib, sochlarini oldirmakni yokim qisqartirmakni amr qildilar»,- deydilar.

129-bob. Nahr kuni tavof qilmoq haqida

Abu Zubayr: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam (Nahr kuni) tavof aylamakni kechqurunga qoldirdilar»,- deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Minodan oldin Ka'bani tavof qilar erdilar»,- deydilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «(Nahr kuni) Janob Rasululloh (Ka'bani) bir marta tavof ayladilar, endi, qaylula qilib olgach, Minoga borgaydirlar»,-dedilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga hajga chiqib, Nahr kuni tavofi ifoza qildik. O'sha kuni Safiyya hayz ko'rib qoldi. Men buni Janob Rasulullohga aytgan erdim, ul kishi: «Bizni yo'ldan qoldiradigan bo'libdir-da»,- dedilar. Shunda sahobalar: «Yo Rasululloh, u (Safiyya) Nahr kuni tavofi ifoza qilib olgan erdi»,- deyishdi. Janob Rasululloh: «Undoq bo'lsa, yo'lga chiqingiz!»- dedilar-da, Safiyyaga vidolashuv tavofini qilmaslikka ijozat berdilar».

Oisha raziyallohu anho: «Nahr kuni Safiyya tavofi ifoza qildi»,- deydilar.

130-bob. Kechqurun tosh otib qo'ysa yoki zabh qilmoqdan oldin sochini bilmasdan (yoki unutib) oldirib qo'ysa...

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan zabh qilmoq, soch oldirmoq yokim tosh otmoqni birining o'rniga ikkinchisini almashtirib bajarish to'g'risida so'rashganida, ul kishi: «Bularning o'rnini almashtirsa, zarari yo'qdir»,- dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nahr kuni Minoda Nabiy sallallohu alayhi

va sallamga savollar berishar erdi, ul kishi barchasiga ham: «Bo'laverg'aydir», - deb javob berardilar. Bir kishi: «Zabhdan oldin soch oldirib qo'ydim, endi ne bo'lg'aydir?» - deb so'rab qoldi. Janob Rasululloh: «Zabh qilaverg'il, gunohi yo'qdir», - dedilar. Boyagi kishi yana: «Kechqurun tosh otib qo'yibdirman», - dedi. Janob Rasululloh: «Bo'laverg'aydir», - dedilar».

131-bob. Tosh otmasdan oldin tuya minib turib fatvo bermoq haqida

Abdulloh ibn Amr rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hajjat ul-Vido'da tuya minib turgan erdilar, odamlar savol bera boshlashdi. Bir kishi: «Bilmay, zabhdan oldin sochimni oldirib qo'yibdirman», - dedi. Janob Rasululloh: «So'yaverg'il, hech narsa qilmag'aydir», - dedilar. Yana boshqa birov: «Tosh otishdan oldin, bilmay zabh qilib qo'yibdirman», - dedi. Janob Rasululloh: «Endi tosh otaverg'il, hechqisi yo'q», - dedilar. O'sha kuni kim ne haqida so'ramasin, «Bo'laverg'aydir, gunohi yo'qdir», - deb javob berdilar».

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Nahr kuni aytgan xutbalarida hozir erdim. Bir kishi turib: «Men falon narsa falon narsadan oldin bajarilg'aydir, deb o'ylardim», - dedi. Yana boshqasi turib: «Men ham falon narsa falon narsadan oldin ado etilsa kerak, deb yurar erdim, Nahr kunidan oldin soch oldirib qo'yibdirman», - dedi. Xullas, har kim istagan savolini berdi. Janob Rasululloh: «Bir amalni ikkinchisidan oldin bajarmoqning gunohi yo'qdir», - dedilar. O'sha kuni kim ne haqida so'rasa: «Vo'laverg'aydir, hechqisi yo'qdir» - deb jayub qildilar».

132-bob. Mino kunlari xutba aytmoq qaqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Nahr kuni xutbada: «Ey odamlar, bugun qaysi kundir?» - dedilar. «Muqaddas (tabarruk) kundir», - deyishdi. «Bu nechuk joydir?» - dedilar. «Muqaddas (tabarruk) joydir», - deyishdi. «Bu oy qanday oydir?» - dedilar. «Muqaddas (tabarruk) oydir», - deyishdi. Janob Rasululloh: «Qoningiz, molu holingiz va oru nomusingiz bir-biringiz uchun shu kun, shu joy va shu oyning muqaddasligi kabi muqaddasdir!» - dedilar. Buni bir necha bor takrorladilar. Keyin, boshlarini ko'tarib: «Yo parvardigor-o, men yetkaza oldimmi, yetkaza olmadimmi?» - deb qo'shib qo'ydilar. Ollohga qasam ichib ayturmenkim, ul kishining bul so'zlari o'z ummatlariga qoldirgan vasiyatlarini bo'lib, «Mendan keyin o'zaro qon to'kib, kofir bo'lib ketmangizlar!» deganlaridir. ' .

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Arafotda xutba o'qiyotganlarini eshitdim», - dedilar.

Muhammad ibn Sirin rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Nahr kuni bizga xutba o'qidilar, so'ng: «Bilurmisiz, bugun qaysi kundir?» - dedilar. Shunda biz: «Olloh va uning Rasuli bilg'aydir», - dedik. Ul kishi jim qoldilar, hatto biz bul kunni boshqa biror nom birlan atasalar kerak, deb o'yladik. Keyin, boshlarini ko'tarib: «Nahr kuni ermasmi?» - dedilar, biz: «Ha», - dedik. «Bul qaysi oydir?» - dedilar, biz: «Olloh va uning Rasuli bilg'aydir», - dedik. Ul kishi yana jim qoldilar, hatto biz uni boshqa biror nom birlan atasalar kerak, deb xayol qildik. Keyin: «Zulhijja ermasmi?» - dedilar, biz: «Ha», - dedik. «Bul qanday shahardir?» - dedilar, biz: «Olloh va uning Rasuli bilg'aydir», - dedik.

Ul kishi yana sukut saqladilar, hatto biz uni boshqa biror nom birlan atasalar kerak, deb o'yladik. Keyin: «Muqaddas (shahar) ermasmi?»-dedilar, biz: «Ha»,- dedik. Janob Rasululloh: «Olloh taolo sizlarning qonlaringaz va mollaringizni bir-biringiz uchun mana shul muqaddas joyingiz, oyingiz va kuningiz yanglig' to parvardigoringizga ro'para bo'ladirgan kuningizga qadar muqaddas ayladi. Ayo, (sizlarga) yetkaza oldimmi?» - dedilar. Sahobalar: «Ha»,-deyishdi. Janob Rasululloh: «Yo parvardigor-o, o'z vazifamni ado etganimga guyuh bo'lg'il, shul yerda turganlar boshqalarga (so'zlarimni) yetkazsinlar, chunkim tinglovchilarga nisbatan riyuyat qilg'uvchilar yodlarida ko'proq saqlab qolg'aydirlar. Mendan keyin bir-birining bo'g'ziga tig' uradigan kofir bo'lib ketmangiz!» -dedilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Minoda turganlarida: «Bilurmisiz, bugun qaysi kundir?» - dedilar. «Olloh va uning Rasuli bilg'aydir»,- deyishdi. Janob Rasululloh: «Bu kun muqaddas kundir»,- dedilar., Keyin: «Bilurmisiz, bu qanday shahardir?»-deb so'radilar. «Olloh va uning Rasuli bilg'aydir»,- deyishdi. Janob Rasululloh: «Bu muqaddas shahardir»,- dedilar. Keyin: «Bilurmisiz, bu qaysi oydir?» - dedilar. «Olloh va uning Rasuli bilg'aydir»,- deyishdi. Janob Rasululloh: «Bu muqaddas oydir»,- dedilar. So'ng, yana bundoq dedilar: «Olloh taolo qoningiz, molingiz va oru nomusingizni bir-biringiz uchun ana shul muqaddas shahringiz, tabarruk oyingiz va ulug' ayyomingiz yanglig' muqaddas ayladi».

Hishom ibn al-Roz rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Nahr kuni Hajjat ul-Vido'da toshloq yerda turib, «Bu kun hajji akbar - ulug' haj kunidir! Yo parvardigor-o, o'z vazifamni ado etganimga guyuh bo'lg'il!» - deb odamlar birlan vidolashgan erdilar. O'shandan beri odamlar shul kunni Hajjat ul-Vido' -Vidolashuv haji deb atashadigan bo'ldi».

133-bob. Siqoya yoki boshqa uzrli ishlar bilan mashg'ul kishilar Mino kechalarida Makkada qo'nib qoladirmi?

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abbos raziyallohu anhu Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan siqoya (hojilarga suv ichirmoq) uchun Mino kechalarida Makkada qo'nib qolmoqqa ruxsat so'radilar, ul kishi ijozat berdilar».

134-bob. Tosh otmoq haqida

Jobir: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Nahr kuni choshgohda va Quyosh botgandan keyin tosh otdilar»,- deydilar.

Vabara rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhudan: «Qachon tosh otayin?» -deb so'radim. «Haj amiri tosh otganda, sen ham otavergil!» - dedilar. Men savolimni yana takrorladim. Ul kishi: «Biz kech kirmog'ini kutib turar erdik, Quyosh botgach, tosh otar erdik»,- dedilar».

135-bob. Vodiyda turib, tosh otmoq qaqida

Abdurrahmon ibn Yazid rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Mas'ud vodiyda turib, tosh otdilar. Men u kishiga: «Ey Abu Abdurrahmon (laqablari), odamlar toshni vodiy o'rtasida turib ermas, yuqoriga chiqib otishg'aydir-ku?!»- dedim. U kishi: «Yakkayu-yagona Olloh

nomiga qasam ichib ayturmenkim, bu yer Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga «Baqara» surasi nozil bo'lgan joydir!» -dedilar».

136-bob. Yettita tosh otmoq haqida

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men' Jamrai Kubroda bo'lganimda Ka'bani chap tomonimda, Minoni ersa, o'ng tomonimda qoldirib, yettita tosh otdim, «Baqara» surasi nozil qilingan zot - sallallohu alayhi va sallam ham shu tariqa tosh otganlar».

137-bob. Ka'bani chap tomonida qoldirib, Aqaba jamrasini otish to'g'risida

Abdurrahmon ibn Yazid rivoyat qiladirlar: «Men Ibn Mas'ud raziyallohu anhu birlan birgalikda haj qilganimda, u kishining Jamrai Kubroni yettita tosh otmoq birla ado etganlarining guvohi bo'ldim. O'shanda u kishi Ka'bani chap tomonda va Minoni o'ng tomonda qoldirib, tosh otgan erdilar. Ana shul joyda Janob Rasulullohga «Baqara» surasi nozil bo'lgan erdi».

138-bob. Har tosh otganda takbir aytmoq haqida

A'mash rivoyat qiladirlar: «Men Hajjojning minbarda turib va'z aytganini eshitdim, o'shanda «Baqara», «Oli Imron» va «Niso» suralari haqida zikr qilgandi. Bu haqda Ibrohim raziyallohu anhuga aytgandim, ul kishi menga bunday dedilar: «Abdurrahmon ibn Yazid o'zining Mas'ud raziyallohu anhu birlan birga Jamrat ul-Aqabada bo'lganini menga aytgan erdi. O'shanda Ibn Mas'ud vodiyning o'rtasidagi daraxt yoniga borib, yettita tosh otibdilar, har tosh otganlarida takbir aytibdirlar, keyin: «Yakka-yu yagona Ollohga qasam ichurmenkim, «Baqara» surasi nozil bo'lganda Janob Rasululloh xuddi mana shu yerda turgan erdilar», -debdilar».

139-bob. Jamrat ul-Aqabani ado etib bo'lgach, to'xtab turmaslik haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu Jamrat ul-Aqabani ado etib bo'lgach, to'xtab turmaslik kerakligini Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan bilib olgan ekanlar.

140-bob. Ikki jamrada tosh otgach, tekislikka tushib, qiblaga yuzlanmoq haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu Jamrat ul-Dunyoda ketma-ket yettita tosh otar erdilar-da, tekislikka tushib, qiblaga yuzlangan holda, uzoq duo o'qir erdilar. So'ng, Jamrat ul-Vustoga borib tosh otardilar, keyin tekislikka tushib, yana qiblaga yuzlangan holda uzoq duo o'qirdilar. Shundan so'ng, vodiyning o'rtasiga kelib, Jamrat ul-Aqabada tosh otardilar-da, to'xtamay orqaga qaytardilar, keyin: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning shunday qilganlarini ko'rganman», - der erdilar.

141-bob. Ikki jamra oldida turib duo o'qimoq haqida

Zuhriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Mino masjidi yonida yettita tosh otar erdilar, har tosh otganlarida takbir aytar erdilar. So'ng, oldinga yurib (pastlikka tushar erdilar), qo'llarini ko'tarib uzoq duo o'qir erdilar. Shundan so'ng,

ikkinchi Jamraga (Jamrat ul-Vustoga) borib, yetti marta tosh otar erdilar, har tosh otganlarida takbir aytar erdilar. Keyin, vodiya tushib, qiblaga yuzlangan holda qo'llarini ko'tarib, uzoq duo o'qir erdilar. So'ngra, Jamrat ul-Aqabaga borib, yettita tosh otar erdilar, har tosh otganda takbir aytar erdilar-da, to'xtamay orqaga qaytar erdilar». Solim ibn Abdulloh ham shunga o'xshash hadisni otalaridan eshitgan ekanlar. Ul kishi Nabiy sallallohu alayhi va sallamning shul tariqa tosh otganlarini o'z ko'zlari bilan ko'rgan ekanlar. Ibn Umar ham shundoq qilar ekanlar.

142-bob. Jamralarda tosh otib bo'lgach, xushbo'y narsalardan foydalanmoq va tavofi ifozadan keyin soch oldirmoq haqida

O'z zamonasining nufuzli kishilaridan bo'lgan Abdurrahmon ibn Qosimning otalari: «Oisha onamizning «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga, ehrom bog'lashlaridan oldin ham, ehromlarini yechganlaridan keyin ham, mana shu qo'llarim bilan xushbo'y narsalar surtib qo'yar erdim, deb aytganlarini eshitganman», - deyдилar.

143-bob. Tavofi vido' (vidolashuv tavofi) haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Odamlarga eng oxiri Ka'bani tavof aylamoq amr ztildi. Lekin, hayz ko'rgan ayollar bundan istisno qilindi», - dedilar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Minoda tosh otib qaytganlaridan so'ng, peshin, asr, shom va xufton o'qidilar, keyin Muhassabda uxladilar, so'ngra tuyaga minib Ka'bani tavof qildilar», - deyдилar.

144-bob. Ayol Tavofi ifoza qilgandan keyin hayz qo'rib qolsa...

Oisha raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning zaifalari Safiyya hayz ko'rib qoldi, buni Janob Rasulullohga ma'lum qilgan erdim, ul kishi: «Bizni yo'ldan qoldirg'aydirmi, derman», - dedilar. Shunda odamlar: «Safiyya Tavofi ifoza qilib ulgurgan erdi», - deyishdi. Janob Rasululloh: «Undoq bo'lsa, hechqisi yo'qdir», - dedilar».

Ikrima rivoyat qiladirlar: «Madina ahli (Makkada) Ibn Abbos raziyallohu anhudan: «Agar ayol Tavofi ifoza qilib bo'lgandan keyin hayz ko'rib qolsa, ne bo'lg'aydir?» - deb so'rashdi. Ibn Abbos: «U holda ayol Tavofi vido' (vidolashuv tavofi) qilmasdan qaytib ketaverg'aydir», - dedilar. Madina ahli: «Biz Zayd ibn Sobitning so'ziga ishong'aymiz, sizning so'zingizga ishonmasmiz», - deyishdi. Shunda Ibn Abbos: «Undoq bo'lsa, Madinaga borib so'rangiz», - dedilar. Madinaliklar (Makkadan) Madinaga qarab yo'l olishdi, Madinaga kelishgach, mazkur masala xususida so'rashgan erdi, Ummu Sulaym Safiyya voqeasini hikoya qilib berdilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Tavofi ifoza qilgan ayolga, agar u hayz ko'rib qolsa, Tavofi vido' qilmasdan qaytib ketmakka ijizat berildi», - deyдилar.

Tovus raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men Ibn Umarning «Hayz ko'rgan ayol Tavofi vido' qilmasdan ketmag'aydir» - deganlarini eshitgandim, keyinchalik o'sha kishining o'zlarining «Nabiy sallallohu alayhi va sallam hayz ko'rgan ayolni Tavofi vido' qilmakdan ozod qilganlar» - deb yurganlarini ko'rdim».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Haj qilmoq niyatida Nabiy sallallohu alayhi va

sallam birlan birga yo'lga chiqdik. Janob Rasululloh Makkaga kelgach, Ka'bani tavof aylab, Safo va Marvada sa'y qildilar, lekin ehromlarini yechmadilar, chunki o'zlari birlan qurbonlikka atab jonliq yetaklab kelgan erdilar. O'sha kuni Rasulullohning ahli ayollari hamda sahobalari ham tavof va sa'y qildilar. Ulardan qurbonlikka atab jonliq olib kelmaganlari ehromlarini yechishdi. Men ersam, hayz ko'rib qoldim. Haj udumlarini ado qilganimizdan so'ng Hasba (Minodagi bir kecha tunab qolinadigan toshloq joy) kechasi: «Yo Rasululloh, barcha sahobalaringiz haj va umra qilib qaytishmoqda; yolg'iz men (umra qilolmay) qoldim», - dedim. Janob Rasululloh: «Makkaga kelganimizda tavof qilmagan erdingmi?» - deb so'radilar. Men: «Yo'q», - dedim. Janob Rasululloh: «Undoq bo'lsa, ukang birlan Tan'imga borib, umra qilib qaytg'il, biz sen birlan falon joyda uchrashg'aydirmiz», - dedilar. Men ukam Abdurrahmon bilan Tan'imga borib, umraga ehrom bog'ladim. Biz yo'lga chiqadigan kecha Safiyya hayz ko'rib qoldi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Sen bizni yo'ldan qoldiradigan bo'lding, Nahr kuni tavof qilmaganmi erding?» - dedilar. Safiyya: «Ha, tavof qilgan erdim», - dedi. Janob Rasululloh: «Undoq bo'lsa, yuraverg'il, hechqisi yo'qdir», - dedilar».

145-bob. Nafr kuni Abtohda asr o'qimoq haqida

Abdulaziz ibn Rufay' rivoyat qiladirlar: «Anas ibn Molikdan: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam xususlaridagi xotiralaringizdan so'zlab beringiz!» - deb iltimos qildim. «Tarviya kuni peshinni qay yerda o'qidilar?» - deb so'radim. Anas: «Minoda», - dedilar. «Undoq bo'lsa, Nafr kuni asrni qaerda o'qidilar?» - dedim. «Abtohda», - dedilar. So'ng: «Haj amirlari ne qilsalar, sen ham shundoq qilaverg'il!» - deb qo'shib qo'ydilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu Nabiy sallallohu alayhi va sallam haqlarida gapirayotib: «Ul kishi peshin, asr, shom va xufton o'qidilar, keyin Muhassabda uxladilar, so'ngra turib tuyaga mindilar-da, Ka'bani tavof qildilar», - dedilar.

146-bob. Muhassab haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam qo'nib o'tadigan manzil dam olmoqqa juda qulay erdi (ya'ni, Bathodagi joyni nazarda tutayotirlar)».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam dam olmoq niyatidagina Muhassabga qo'yib o'tar erdilar», - deydilar.

147-bob. Makkaga kirishdan avval Zu Tuvanda va Makkadan qaytishda Hulayfadagi Bathoda qo'nib o'tmoq haqida

Nofi' rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Makkaga kelsalar, Aqaba yo'lidagi Zu Tuvanda qo'nib o'tardilar, so'ng ikki tepalik oralig'idan o'tib, Makkaga kirardilar. Makkaga haj yoki umra qilgani kelsalar, tuyalarini (faqat) Masjid ul-Harom eshigi oldida cho'ktirar erdilar-da, ichkariga kirib, qora rukn oldiga borib, tavof aylamakni o'shandan boshlar erdilar. Keyin, yetti marta: uch marta tez, to'rt marta oddiy yurish qilib tavof aylar erdilar. So'ngra, orqaga qaytib, ikki rak'at tavof namozi o'qib, dastlabki kelgan joylariga qaytmakdan oldin Safo va Marva orasini tavof qilar erdilar. Haj yoki umra qilib qaytishlarida Zulhulayfadagi Batho tekisligida, Nabiy sallallohu alayhi va sallam tuyalarini cho'ktirib dam olib o'tadigan yerda ul kishi ham tuyalarini cho'ktirar erdilar».

Xolid ibn Haras rivoyat qiladirlar: «Ubaydullohdan Muhassab haqida soʻrashdi, shunda u kishi: «Rasululloh, Umar va Ibn Umar oʻsha yerda (Muhassabda) dam olib oʻtishgan deb, Nofiʻdan eshitganman», - dedilar».

Xolid ibn Haras: «Nofiʻ menga: «Ibn Umar oʻsha yerda, yaʼni Muhassabda peshin va asr (menimcha, shomni ham, degandi shekilli) oʻqir erdi», - degandi. Men Ibn Umarning oʻsha yerda xuftonni oʻqib, keyin bir oz mizgʻib olganiga shubha qilmasman, chunki Janob Rasululloh ham oʻsha yerda shunday qilar erdilar», - deydilar.

148-bob. Makkadan qaytishda Zu Tuvanga tushib oʻtgan kishi haqida

Nofiʻ raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Makkaga kelaetganlarida Zu Tuvanda qoʻnib, tong otgach, shaharga kirar erdilar, bu haqda u kishidan soʻrashganda «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ham shundoq qilar erdilar», - deb javob berganlar».

149-bob. Haj mavsumida johiliya bozorlarida savdo-sotiq qilmoq haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Zulmajoz va Ukoz johiliya davridagi odamlar savdo-sotiq qiladigan joy erdi. Islom davri kelgach, musulmonlar Ollah taoloning «Ollohdan fazlu karam tilamoq sizlar uchun gunoh ermas» degan oyati karimasi nozil boʻlgunga qadar, u yerlarda savdo-sotiq qilmoqni istamadilar».

150-bob. Tun oxirlab qolganda Muhassabdan yoʻlga chiqish haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Muhassabdan yoʻlga chiqadigan kecha Safiyya hayz koʻrib qoldi. Shunda u: «Men sizlarni yoʻldan qoldiradiringanga oʻxshayman», - dedi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Sen bizlarni yoʻldan qoldiradiringan boʻlding, Nahr kuni tavof qilmaganmi erding?» - dedilar. Safiyya: «Ha, tavof qilgan erdim», - dedi. Janob Rasululloh: «Undoq boʻlsa, yuravergʻil!» - dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birgaliqda hajga chiqdik. Makkaga kelganimizda bizga ehromlarimizni yechmakni buyurdilar. Yoʻlga chiqadigan kecha Safiyya hayz koʻrib qolib: «Sizlarning oyogʻingizga tushov boʻlmasam erdi!» - dedi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Oyogʻimizga tushov boʻlding, Nahr kuni tavofi ifoza qilganmi erding?» - dedilar. Safiyya: «Ha», - dedi. «Unda, yuravergʻil!» - dedilar Janob Rasululloh. «Yo Rasululloh, - dedim men, - Makkaga kelganimda umra qilmagan erdim». «Undoq boʻlsa, Tanʼimga borib, umra qilgʻil!» - dedilar Janob Rasululloh. Men ukam birlan birga umra qilgani ketdim. Umra qilib kelayotganimizda Janob Rasululloh birlan yoʻlda uchrashib qoldik, ul kishi: «Sizlar birlan falon joyda uchrashgʻaydirmiz», - dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

UMRA HAQIDAGI BOBLAR

1-bob. Umraning vojibli va fazilati

Ibn Umar: «Har bir musulmonga haj va umra vojibdir!- deydilar. Ibn Abbas raziyallohu anhu: «Ollohning Kitobida «Umra hajning egizagidir, Olloh yulida umra va haj qilingiz!» deyilgan», - deydilar (ya'ni, Olloh taolo haj va umrani bo'lmay, birgalikda ado etmakka amr bergan.

Abu Hurayra raziyalloxu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Umra - ikki umra oralig'ida qilingan gunohlarga kafforatdir va pok niyatda qilingan haj ajri - faqat jannatdir!»-deb aytganlar».

2-bob. Hajdan oldin umra qilgan kishi xususida

Ibn Jurayj rivoyat qiladirlar: «Ikrima ibn Xolid Ibn Umar raziyallohu anhudan hajdan oldin umra qilmoq to'g'risida so'radilar. U kishi: «Bo'laverg'aydir, chunki Nabiy sallallohu alayhi va sallam hajdan oldin umra qilganlar», -dedilar».

3-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallam necha marta umra qilganlar?

Mujohid rivoyat qiladirlar: «Men va Urva ibn Zubayr Madinadagi Masjid un-Nabiyga kirdik, qarasak, Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu Oisha onamizning hujralari yonida o'tirgan ekanlar. Odamlar ersa, masjidga choshgoh namozini o'qishmoqda erdi. Urva Abdullohdan ushbu namoz haqida so'raganda, ul kishi: «Bid'at!» - dedilar. Keyin, Urva: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam necha marta umra qildilar?» - deb so'radi. Ul kishi: «To'rt marta, biri Rajab oyida», -dedilar. Keyin, biz ul kishidan boshqa biror narsa haqida so'ramoqqa jur'at etmadik».

Mujohid rivoyat qiladirlar: «Urva, Oisha onamiz hujralarida tishlarini misvoklab turganlarida: «Ey onamiz, Abu Abdurrahmonning nelar deganin eshitdingizmi?» - dedi. Oisha onamiz: «Ne debdir?» - dedilar. Urva: «Abu Abdurrahmon Janob Rasulullohning to'rt marta umra qilganlarini, biri Rajab oyida ekanlig'ini aytdi», - dedi. Oisha onamiz: «Abu Abdurrahmonga Olloh rahm aylasin! Ul, Janob Rasulullohning umra qilganlarini haqiqatan ham ko'rgan, lekin Janob Rasululloh Rajab oyida umra qilmaganlar», - deb aytdilar».

Urva ibn Zubayr: «Oisha raziyallohu anhodan so'rasam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Rajab oyida umra qilmaganlar» - deb aytdilar», - deydilar.

Qatoda raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Men Anas ibn Molikdan: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam necha marta umra qilganlar?» - deb so'radim. Ul kishi: «Birinchilari Hudaybiya umrasi bo'lib, mushriklar qarshilik ko'rsatganlig'i oqibatida chala qolgan (qazo bo'lgan), kelasi yili o'shal qazr bo'lgan umrani ham ado etmak maqsadida bir yo'la ikki marotaba umra qilganlar, keyingilari - Zulqa'da oyida qilgan umralari

(Ji'rona umrasi) va haj birlan qo'shib qilgan umralaridir», - dedilar».

Humom rivoyat qiladirlar: «Anas raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Zulqa'da oyida hajga qo'shib qilgan umralaridan tashqari to'rt marotaba umra qilganlar, birinchisi - Hudaybiyadagi umralari, ikkinchisi kelasi yilgi umralari, uchinchisi Hunayn o'ljalarini bo'lib berganlaridagi umralari va to'rtinchisi - hajga qo'shib qilgan umralaridir», - deb aytdilar».

Abu Ishoq rivoyat qiladirlar: «Masruq, Ato va Mujohiddan so'rasam, «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zulqa'da oyida haj etmasdan burun umra qildilar», - deb aytishdi.

4-bob. Ramazon oyida qilinadigan umranning fazilati to'g'risida

Ato raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Ibn Abbos raziyallohu anhunging Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir ansoriya ayolga (Ibn Abbos uning ismini aytgan erdi, lekin men yodimdan chiqaribman): «Biz birlan birga haj qilmog'ingga ne mone'lik ayladi?» - deb aytdilar, deganini eshitdim. Shunda ayol: «Bizning sog'in tuyamiz bor erdi, uni erim birlan o'g'lim va o'gay o'g'lim minib ketdilar, bizga ersa, sutini ichib turmog'imiz uchun boshqa bir sog'in tuyani qoldirib ketishdi», - debdi. Janob Rasululloh: «Ramazon oyida umra qilg'il, chunkim Ramazon oyidagi umra haj aylagan birlan barobar savobga egadir!» - debdirlar».

5-bob. Hasba kechasi va boshqa vaqtlarda qilinadigan umralar haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Zulhijja oyi arafasida yo'lga chiqdik. Ul kishi bizga: «Haj qilmoqchi bo'lganlar ham, umra qilmoqchi bo'lganlar ham ehrom bog'lasinlar, agar men jonliq keltirmaganimda erdi, umraga ehrom bog'lagan bo'lar erdim», - dedilar. Shundan so'ng, ba'zilarimiz hajga, ba'zilarimiz umraga ehrom bog'ladik, men umraga ehrom bog'laganlar orasida erdim. Shunda men hayz ko'rib qoldim. Bul haqda Nabiy sallallohu alayhi va sallamga ma'lum qildim. Janob Rasululloh: «Umrani qo'ya turg'il, sochingni yozib, g'usl aylab olg'il-da, hajga talbiya aytg'il!» - dedilar. Keyin, Hasba kechasi meni ukam Abdurrahmon birlan birga Tan'imga yubordilar, men qazo bo'lgan umrani ado etib, qaytdim».

6-bob. Tan'im umrasi haqida

Abdurrahmon ibn Abu Bakr raziyallohu anhu xabar berishlaricha, Nabiy sallallohu alayhi va sallam ul kishiga Oishani tuyaga mindirib, Tan'im umrasiga olib bormoqni amr qilganlar. Sufyon ibn Uyayna bu hadisni Amrdan bir marotabagina eshitganlarini aytdilar.

Ato rivoyat qiladirlar: «Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu aytadirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ashoblari birlan hajga niyat aylab, ehrom kiydilar. O'shanda Nabiy sallallohu alayhi va sallam va Talhadan bo'lak hech kimda jonliq yo'q erdi. Ali raziyallohu anhu ersa, Yamandan jonliq olib kelgan erdilar. Ul kishi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam nimaga niyat aylab, ehrom bog'lagan bo'lsalar, men ham o'shanga ehrom bog'ladim», - dedilar. Keyin, Nabiy sallallohu alayhi va sallam jonlig'i yo'q ashoblariga umraga niyat aylab, Ka'bani tavof etmakni, so'ng sochlarini qisqartirib, ehromdan

chiqmoqni amr qildilar.

Ittifoqo, Oisha hayz ko`rib qolib, Ka`bani tavof qilmasdan bo`lak barcha haj udumlarini ado etdilar. Ul kishi poklanganlaridan keyingina Ka`bani tavof aylab: «Yo Rasululloh, sizlar haj va umra qilib qaytmakdasizlar, men ersam, haj qilganimcha qoldim», - dedilar. Shunda Janob Rasululloh Abdurrahmon ibn Abu Bakrga Oisha birlan birga Tan`imga bormakni buyurdilar. Oisha onamiz Zulhijja oyida hajdan keyin umra qildilar».

7-bob. Hajdan keyin jonliqsiz umra qilmoq haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Biz Zulhijja oyi arafasida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga hajga chiqdik. Janob Rasululloh: «Umra qilmasni istaganlar ham, haj qilmasni istaganlar ham, ehrom bog`lasinlar. Men jonliq keltirmaganimda albatta umraga ehrom bog`lar erdim», - dedilar. Shunda sahobalarning bir qismi umraga, qolganlari hajga ehrom bog`ladilar. Men ersam, umraga ehrom bog`lagan erdim. Makkaga kelganimizda hayz ko`rib qoldim, arafa kuni erdi. Men Janob Rasulullohga bu haqda ma`lum qildim. Ul kishi: «Umrani qo`ya turg`il, sochingni yozib, g`usl qilib olg`il-da, hajga ehrom bog`lag`il!» - dedilar. Men aytganlarini qildim. Hasba kechasi meni ukam Abdurrahmon birlan birga Tan`imga yubordilar. Ukam meni tuyaga mingashtirib, Tan`imga olib borgach, qazo bo`lgan umra o`rniga qaytadan umra qilmas uchun ehrom bog`ladim. Olloh taolo haj va umra qilmasni menga nasib etdi. Bunda qo`shimcha jonliq ham, sadaqa ham va ro`za tutmak ham talab qilinmag`aydir».

8-bob. Umraning savobi (ajri) chekilgan mashaqqatga yarasha bo`lg`aydir

Qosim ibn Muhammad rivoyat qiladirlar: «Oisha raziyallohu anho: ' «Yo Rasululloh, odamlar bir yo`la haj va umra qildilar, men ersam, haj qilganimcha qoldim», - dedilar. Janob Rasululloh: «Poklanguningcha sabr aylag`il, keyin Tan`imga borib, ehrom bog`lag`il, biz seni falon yerda kutib turg`aydirmiz, biroq qilgan umrangning savobi chekkan mashaqqatingga yarasha bo`lg`aydir», - dedilar».

9-bob. Umra tavofini ado etgan kishi Tavofi vido` qilmas ham bo`ladirmi?

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Haj oylaridan birida hajga tahlil aytib yo`lga tushdik, ittifoqo haj man` qilinib, Sarif degan yerda qo`ndik. Janob Rasululloh Sahobalarga: «Kimki jonliq olib kelmagan ersa, haj o`rniga umra qilsin, jonliq olib kelganlar ersa, bundoq qilmasinlar!» - dedilar. Nabiy sallallohu alayhi va sallam va bir qancha badavlat sahobalar jonliq keltirishgan bo`lib, ular umra qilmadilar. Men yig`lab o`tirgan erdim. Huzurimga Janob Rasululloh kirib: «Nega yig`layotirsan?» - deb so`radilar. «Men sahobalaringizga aytgan so`zlaringizni eshitdim, demak, men umra qilolmas erkanman-da?!» - dedim. Ul kishi: «Nega bundoq dersan?» - deb so`radilar. Men: «Benamoz bo`lib qoldim», - dedim. Ul kishi: «Hechqisi yo`qdir, sen ham Odam Ato qizlaridandirsan, ularning peshonalariga neki yozilg`an ersa, sening manglayingga ham shul yozilgandir, hajni davom ettiraverg`il, shoyad, Olloh taolo senga umra qilmasni nasib etsa!» - dedilar. Men hajni davom ettiraverdim. Minodan chiqib, Muhassabga kelib tushdik. Shunda, Janob Rasululloh ukam Abdurrahmonni chaqirib: «Opang birlan Tan`imga borg`il, umraga ehrom bog`lab, tavof aylab kelsin, men sizlarni shul yerda kutib turg`aydirmen», - dedilar. Biz kechasi umra qilib kelganimizdan keyin, «Umra qilib keldingizlarmi?» - dedilar. Men: «Ha», - dedim. Shundan so`ng, sahobalarga yo`lga

chiqmakni buyurdilar. Odamlar qo'zg'olishdi, bomdoddan ilgari Ka' bani tavof aylaganlar ham yo'lga tushdilar. Janob Rasululloh Madinaga qarab yo'l oldilar».

10-bob. Umrada nima qilinsa, hajda ham shu qilinadir

Ato raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ji'ronada erkanliklarida jubba kiygan, o'ziga xushbo'y narsa sepib olgan bir odam kelib: «Umrani qay tariqa ado aylamakni amr etg'aydirlasiz?» - deb so'radi. Shul payt, Nabiy sallallohu alayhi va sallamga vahiy kelib qolib, kiyimlari birlan boshlarini burkab oldilar. Men payg'ambarimizning vahiy kelgan holatlarini ko'rgim keldi. Umar mendagi bu istakni sezib: «Bu yoqqa kelg'il, men payg'ambarimizning vahiy kelgan holatlarini ko'rmoshngga yordam berg'ayman», - dedilar-da, payg'ambarimiz yopinib olgan kiyimlarining bir tarafini ko'tardilar. Qarasam, ul kishi bo'taloqdek pishillab nafas olayotgan erkanlar. Nabiy sallallohu alayhi va sallam o'zlariga kelib: «Umra xususida so'ragan odam qani?» - deb so'radilar va unga: «Ustingdagi jubbani yechg'il-da, yaxshilab yuvinib, hajda neki qilsang, umrada ham shuni qilg'il!» - dedilar».

Urva raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bolalik chog'imda Nabiy sallallohu alayhi va sallamning zaifalari - Oisha onamizga: «Olloh taoloning «Safo va Marva(ni tavof aylamak) Ollohning udumlaridandir, kimki Ka' bani tavof aylab, haj qilg'aydir, yokim umra qilg'aydir-u, keyin Safo va Marvani tavofi sa'y etg'aydir, gunoh bo'lmag'aydir» degan oyati karimasi xususida ne dersiz? Nazarimda, Safo va Marvani tavof aylamagan kishi gunohkor bo'lmasa kerak?» - dedim. Oisha onamiz bunday dedilar: «Mutlaqo undoq ermas, agar sen aytganingcha bo'lganda, Safo va Marvani tavof aylamasa, hech kim gunohkor bo'lmas erdi. Biroq, bul oyat Manot degan butga sig'ingan ansorlar haqida nozil bo'lgandir. Ansorlar Safo va Marva oraliq'ida tavof qilmakka botinishmas erdi (gunoh bo'ladir, deb o'ylashar erdi). Ular Islom davri kelib, musulmon bo'lganlaridan keyin, Janob Rasulullohdan shul xususda so'radilar. Shunda Olloh taolo ul kishiga: «Safo va Marva(ni tavof aylamak) Olloh udumlaridandir, kimki Ka' bani tavof aylab haj qilg'aydir yokim umra qilg'aydir-u, keyin Safo va Marvani tavofi sa'y qilg'aydir, gunoh bo'lmag'aydir» degan oyati karimasini nozil qildi».

Hishom ibn Urva: «Oisha onamiz: «Marva va Safoni tavof aylamagan odamning haj va umrasini Olloh qabul qilmag'aydir» deb aytganlar», - deydilar.

11-bob. Umra qilgan odam qachon ehromini yechadir?

Ato raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam sahobalariga haj o'rniga umra qilmakni hamda Ka'ba tavofidan so'ng, sochlarini qisqartirib, ehromlarini yechmakni buyurdilar».

Abdulloh ibn Abu Avfo rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam umra qildilar, biz ham birga umra qildik. Janob Rasululloh Makkaga kirib tavof aylaganlarida, biz ham ul kishi birlan birga tavof ayladik. Keyin, Safo va Marvaga keldilar, biz ham ul kishi birlan birga keldik. Biz ul kishini Makka ahlidan birortasi otib qo'ymasin deb, pana qilib yurdik».

Ishoq ibn Ibrohim rivoyat qiladirlar: «Mening bir oshnam Abdulloh ibn Abu Avfodan: «Janob Rasululloh Ka'bage kirdilarmi?» - deb so'rabdir. Shunda ul: «Yo'q», - deb javob

beribdir. O'sha oshnam Abdulloh ibn Abu Avfoga: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam zaifalari Xadicha xususida ne deganlar, so'zlab bering!» - debdir. Abdulloh ibn Abu Avfo: «Janob Rasululloh, Xadichaga uning uchun jannatda shakarqamishdan qurylgan uy atab qo'yilganini va unda g'amu tashvish hamda mashaqqat yo'qlig'ini aytib, xursand qilingizlar, deganlar», - debdir».

Amr ibn Dinor rivoyat qiladilar: «Biz Ibn Umar raziyallohu anhudan: «Kimki, umra jarayonida Safo va Marvani tavof aylamay, faqat Ka'bani tavof etmak bilangina cheklansa, ayoliga yaqinlik qila olg'aydirmi?»- deb so'radik. Ul kishi: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelib, Ka'bani yetti marta tavof ayladilar, so'ng Maqomi Ibrohim orqasida ikki rak'at tavof namozi o'qib, Safo va Marva orasida yetti marta sa'y qildilar», - dedilar-da, «Rasulullohda sizlar uchun yaxshi ibratlar mavjuddir» degan oyatni o'qidilar».

Amr ibn Dinor rivoyat qiladilar: «Biz Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhudan so'ragan erdik, ul kishi: «Safo va Marvani tavof aylamaguncha ayollaringizga yaqinlashmangiz!»- deb aytdilar».

Abu Muso Ash'ariy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Bathoda erkanliklarida huzurlariga bordim, ul kishi tuyalarini cho'ktirib qo'ygan erkanlar. Meni ko'rib: «Haj qilib keldingmi?» - dedilar. Men: «Ha», - dedim. «Nimaga (hajgami? umragami?) tahlil aytding?» - dedilar. «Janob nimaga tahlil aytgan bo'lsalar, men ham o'shanga tahlil aytdim», - dedim. Ul kishi: «Yaxshi qilibdiren, Ka'ba hamda Safo va Marvani tavof aylag'il-da, ehromingni yechg'il!» - dedilar. Aytganlarini qildim. Keyin, Qays qabilasiga mansub bir ayolning oldiga bordim, ul sochimni kalta qilib qo'ydi, so'ng ehromimni yechdim. Keyin, Hazrat Umar xalifa bo'lgunlariga qadar shul haqda fatvo berib yurdim. Hazrat Umar xalifa bo'lganlaridan so'ng, shul xususda aytgan erdim, ul kishi: «Agar Qur'onni olib o'qisak, boshlagan ishimizni nihoyasiga yetkazmoq, Janob Rasulullohning sunnatlariga rioya qilmoq buyurilganligini anglag'aydirmiz, chunkim Rasululloh qurbonlikka atalgan jonliqlarini zabh qilmaganlaricha ehromlarini yechmaganlar», - deb aytdilar».

Abulasvad rivoyat qiladilar: «Asmo binti Abu Bakrning mavlosi Abdulloh, Asmoning har safar Hajundan o'tayotib, «Olloh Muhammadni rahmat qilsin, biz ul kishi birlan mana shul yerga tushganmiz, o'shanda yukimiz yengil, tuyalarimiz va ozuqamiz oz erdi. Men, singlim Oisha, Zubayr va falonchi-pistonchilar umra qilgan erdik. Ka'bani o'pib, silab tavof aylaganimizdan so'ng, hajga ehrom bog'lagan erdik» deganlarini eshitgan erkan».

12-bob. Haj, umra yoki g'azotdan qaytganda nima deyiladi?

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, g'azot yokim haj yohud umradan qaytayotganlarida har bir tepalikda to'xtab, uch marotabadan takbir aytar erdilar, so'ng: «Ollohdan o'zga iloh yo'qdir, ul yakka-yu yagonadir, uning sherigi yo'qdir, jamiki narsalar uning mulkidir, unga hamdu sanolar bo'lsin! Ul hamma narsaga qodirdir! Biz (kufrdan) qaytayotirmiz, tavba qilayotirmiz, rabbimizga ibodat va sajdalar aylayotirmiz, hamdu sanolar aytayotirmiz. Olloh va'dasiga sodiqdir, ul bandalarining qo'lini baland qilib, jamiki dushmanlarini yakka o'zi tor-mor ayladi», - der erdilar».

13-bob. Kelayotgan hojilarni kutib olmoq

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelganlarida Baniy Abdulmutallibga mansub bolalar qarshilariga yugurib chiqishdi. Rasululloh bolalardan birini oldilariga, ikkinchisini orqalariga mingashtirib oldilar».

14-bob. Hajdan erta tongda qaytmoq haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga safar qilsalar, yo`lda «Shajara» masjidida namoz o`qib o`tar erdilar. Makkadan qaytishda ersa, Zulhulayfa vodiysida namoz o`qib, tong yorishguncha o`shal yerda qolur erdilar».

15-bob. Hajdan shomda qaytmoq haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam uylariga bevaqt eshik taqillatib kelmas erdilar. Bordi-yu, hajdan kech qaytsalar, xuftondan oldin yokim tong chog`i uylariga kirar erdilar».

16-bob. Madinaga kech qaytsa, eshik taqillatib uydagilarni bezovta qilmaslik haqida

Jobir raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam hajdan kechasi qaytsalar, eshik taqillatib, ahli ayollarini bezovta qilmas erdilar», - deydilar.

17-bob. Madinaga yaqin qolganda tuyasini tezlashtirgan kishi xususida

Anas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safardan qaytayotganlarida uzoqdan Madina daraxtlari ko`rinishi bilanoq tuyalarini tezlashtirar erdilar», - deydilar. Abu Abdulloh Anas raziyallohu anhu rivoyatiga qo`shimcha qilib: . «Ul kishi birlan birga, Madinani yaxshi ko`rgan kishilar ham ulovlarini tezlashtirishar erdi», - deydilar.

Anas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinaning devorlari ko`rinishi bilanoq tuyalarini tezlashtirar erdilar», - deb ham aytganlar.

18-bob. Olloh taoloning «Uylarga eshik orqali kiringiz!» degan kalomi sharifi haqida

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bu oyat bizning haqimizda nozil bo`lgan erdi. Chunkim bir paytlar ansorlar hajdan qaytishda uylariga eshik qolib, tomdan oshib tushishar erdi. Bir kuni ansorlardan biri uyiga eshik orqali kirdi-da, bu birlan qolganlar ustidan o`zicha kulgan bo`ldi. Shunda Olloh taoloning «Savob, uylarga tomdan oshib tushishda ermas, balki Ollohdan taqvo qilishdadir, uylarga eshikdan kiringiz!» - degan oyati kariymasi nozil bo`ldi».

19-bob. Safar azobning bir parchasidir! (safari azobi - go`r azobi)

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Safari azobning bir

parchasi (safari azobi - go'r azobi), biringiz taomsiz, biringiz suvsiz va yana biringiz uyqusiz qolg'aydirlar. Safaringizni (hojatingizni) tugatiboq bola-chaqangiz oldiga shoshilingiz!» - deb aytganlar»,- deyilar.

20-bob. Musofir safarda qiynalib qolsa, uyiga qaytadir

Zaydning otalari Aslam rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Umar birlan birga Makkaga ketayotgan erdim. Abdullohga Safiyya binti Abu Ubaydaning qattiq betob bo'lib qolganlig'ini xabar qilishdi. Shunda, ul kishi ulovlarini tezlashtirdilar, Quyosh shafag'i g'oyib bo'lgach, bir joyda tushib, shom birlan xuftonni qo'shib o'qidilar. So'ng: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning yo'lda qiynalib qolganlarida shomni kechiktirib, xuftonga qo'shib o'qiganlarini ko'rganman»,-dedilar».

MUHSAR (QAMALDA QOLGAN KISHI) VA OVDAN TEGADIRGAN ULUSH HAQIDA HAMDA O'LOH TAOLONING «AGAR QAMALDA QOLSANGIZ, QURBONLIK QILMOG'INGIZGA NECHUK JONLIQ NASIB BO'LSA, O'SHANI ZABH YETMAGUNINGIZCHA SOCHINGIZNI OLDIRMANGIZ!» DEGAN KALOMI SHARIFI XUSUSIDA

21-bob. Umra qilg'uvchi qamalda qolsa...

Nofi' rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu fitna sodir bo'lgan yili (ya'ni, Hajjoj Makkani qamal qilgan yili) umra qilmoq niyatida Makkaga keldilar-da, «Agar Ka'baga meni qo'ymasalar, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan ilgari qandoq qilgan ersak, shundoq qilg'aydirmen»,-dedilar. Keyin, umraga talbiya aytdilar, chunki Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham Hudaybiya yili umraga talbiya aytgandilar».

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ubaydulloh ibn Abdulloh va Solim ibn Abdulloh ikkalalari, Ibn Zubayr tasarrufidagi yerlarga (Hajjoj) qo'shini kelib tushgan kecha, Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Bu yil siz haj qilmasangiz, hech narsa qilmag'aydir, (dushmanlar) sizni Ka'baga qo'yishmag'aydir, degan xavfdamiz»,- deb aytishdi. Shunda ul kishi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga hajga chiqqanimizda ham Quraysh kofirlari bizni Ka'baga qo'yishmagan erdi, o'shanda Nabiy sallallohu alayhi va sallam jonliqlarini so'yib, keyin sochlarini oldirgan erdilar. Sizlarning guvohligingizda umra qilmoqqa ahd etdim, xudo xohlasa, yo'lga chiqqaydirmen. Bordiyu, yo'limni to'sishmasa, Ka'bani tavof aylag'aymen, basharti to'sishsa, unda Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga ilgari nima qilgan bo'lsak, shuni qilg'aydirmen»,- dedilar. Keyin, Zulhulayfadan boshlab talbiya aytgan bir oz yurdilar-da, «Ikkalasining (haj va umraning) amallari bir xildir, men sizlarning guvohligingizda bir yo'la haj birlan umra qilmoqqa ahd etdim»,- deb aytdilar. So'ng, ul kishi haj birlan umrani ado etib, jonliqlarini so'ymagunlaricha ehromlarini yechmadilar. Ul kishi doim: «Makkaga kirilgan kuni Ka'bani bir marotaba tavof aylamay, ehrom yechilmag'aydir», - der erdilar». Ibn Umar raziyallohu anhu o'g'illaridan biri (Abdulloh, Ubaydulloh yoki Solim) Nofi'ga: «Fitna vaqtida hajga bormay, Madinada turib tursangiz, yaxshi erdi»,- deb aytgan ekanlar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «(Dushmanlar) Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning

haj aylamoqlariga to'sqinlik qildilar. Shunda, Janob Rasululloh sochlarini oldirib, ayollariga yaqinlik qildilar, qurbonlik qildilar. Umrani ersa, kelasi yili ado etdilar»,- dedilar.

22-bob. Haj vaqtida bo'ladirgan to'sqinliklar haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Mobodo, birortangiz haj vaqtida (dushman) to'sqinligiga duch kelsangiz, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sunnatlari sizlarga kifoya qilmag'aydirmi (ya'ni, Janob Rasululloh shundoq to'sqinlikka duch kelganlarida qilgan amallarini ado etsangiz, kifoya qilmag'aydirmi)? Janob Rasululloh hajda to'sqinlikka duch kelganlarida Ka'ba hamda Safo va Marvani tavof aylab, ehromlarini yechganlar-da, shu birlan hajni tugatganlar. Keyin, kelasi yili haj qilib, jonliq so'yanlar. Jonliq topmasalar, o'rniga ro'za tutganlar»,- dedilar.

23-bob. To'sqinlikka uchraganda soch oldirmasdan burun qurbonlik qilmoq haqida

Misvar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam soch oldirmoqdan burun jonliq so'ydilar va sahobalarga ham shunday qilmoqni buyurdilar»,- deyдилar.

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abdulloh va Solim otalari Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Bu yil hajga bormasangiz, yaxshi bo'lar erdi, dushmanlar to'sqinlik qilmasa, deb qo'rqq'aymiz»,- deyishganda, ul kishi: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga umra qilmoq niyatida chiqqanimizda ham Quraysh kofirlari Ka'ba yo'lini to'sib, bizni o'tkazishmagan erdi. Shunda, Janob Rasululloh tuyalarini so'yib, so'ng sochlarini oldirgan erdilar»,- deb aytdilar».

24-bob. Hajda to'sqinlikka uchragan kishiga qayta (o'sha yili) haj qilmoq lozim ermas

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Hajini dunyoviy lazzat birlan buzgan odamgina qayta haj qilmog'i lozimdir, ammo biror uzrli sabab birlan haji chala qolgan bo'lsa, qayta haj qilmag'aydir. Agar hajda to'sqinlikka duch kelgan kishining jonlig'i bo'lsa-yu, uni biror kishi orqali qurbonlik qilinadirgan joyga berib yubormoq imkoni bo'lmasa, o'zi zabh qilg'aydir. Bordi-yu berib yubormoq imkoni bo'lsa, jonliq o'sha yerga olib borib so'yilmaguncha, ehromini yechmay turg'aydir».

Imom Molik va boshqalar bunday deyishadir: «Hajda to'sqinlikka uchragan kishi qaerda turgan bo'lsa, o'sha yerda jonlig'ini so'yib, sochini oldiraverg'aydir, buning uchun qayta haj qilib o'tirmag'aydir, chunkim Nabiy sallallohu alayhi va sallam va ul kishining sahobalari Hudaybiyada to'sqinlikka duch kelishganda, o'sha turgan yerlarida jonliqlarini so'yib, sochlarini oldiraverganlar. Ular Ka'bani tavof aylamay, jonliqlari qurbonlik qilinadirgan joyga olib borilmay turib, barcha haj ta'qiqlaridan xalos bo'lishdi. O'shanda, Janob Rasulullohning sahobalardan birortasiga (ham) qayta haj qilmoqni buyurganliklari to'g'risida hech narsa deyilmagan. Hudaybiya haramdan (muqaddas joydan) tashqaridadir».

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu (Hajjoj) fitna qilgan yili Makkaga umra aylamoqqa kelganlarida, «Basharti, dushmanlar yo'limni

to'sib, Ka'baga o'tkazishmasa, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga ilgari nima qilgan bo'lsak, shuni qilg'aydirmen»,— dedilar-da, umraga talbiya aytdilar. Chunkim Nabiy sallallohu alayhi va sallam Hudaybiya yili umraga talbiya aytgan erdilar. Ibn Umar bir oz mulohaza qilib turib: «Haj va umraning udumlari bir xil bo'lgach»,— dedilar-da, hamsuhbatlariga qarab, «Men sizlarning guvohligingizda bir yo'la haj va umra qilmoqqa ahd etdim»,— deb qo'shib qo'ydilar. Keyin, ul kishi Ka'bani bir marta tavof aylab, «Shu kifoya qilg'aydir»,— deb jonliqlarini zabh etdilar».

25-bob. Ollah taoloning «Qaysi biringizkim betob bo'lgaydirsiz yokim boshingizda illatingiz (bit) bo'lg'aydir, tovon uchun ro'za tutg'aydirsiz yokim sadaqa qilg'aydirsiz yohud jonliq qurbonlik etg'aydirsiz, bularning qaysi oirini qilmoq sizning ixtiyoringizdadir, biroq ro'za tutsangiz, uch kun tutgaydirsiz» degan kalomi sharifi xususida

Ka'b ibn Ujra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (menga): «Hashoratlar (bit) seni bezovta qilsa kerak»,— dedilar. «Ha, yo Rasululloh»,— dedim. Ul kishi: «Sochingni oldirib, uch kun ro'za tutg'il yokim olti miskinni to'ydirg'il yokim bir qo'yni qurbon qilg'il!»—dedilar».

26-bob. Ollah taoloning «... yokim sadaqa...» degan so'zi oltita miskinni to'ydirmoqni anglatadir

Ka'b ibn Ujra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hudaybiyada ekanlig'imizda tepamda turgan erdilar, boshimni bitlab ketganlig'ini ko'rib: «Seni bitlar bezovta qilayotirmi?» - dedilar. Men: «Ha»,- dedim. Ul kishi: «Sochingni oldirg'il!» - dedilar. Shu payt, Ollah taoloning «Qaysi biringizkim betob bo'lgaydirsiz yokim boshingizda illatingiz (bit) bo'lg'aydir..» degan oyati meni deb nozil bo'ldi. Shunda, Janob Rasululloh menga: «Uch kun ro'za tutg'il, yokim olti misinga bir farq (16 ratl) taom berg'il, yohud qurbingga qarab jonliq qurbonlik qilg'il!» - dedilar».

27-bob. Fidya (jarima) uchun yarim so' taom sadaqa qilmoq haqida

Abdulloh ibn Ma'qil rivoyat qiladirlar: «Ka'b ibn Ujra raziyallohu anhung yonida o'tirgan erdim, undan fidya to'g'risida so'radim, ul kishi: «Mazkur oyat mening haqimda nozil bo'lgan ersa ham, sizlarning barchangizga taalluqlidir. O'shanda meni Janob Rasulullohning huzurlariga bir yumush birlan yuborishgan erdi, boshimdan bitlar yuzimga to'kilib turar erdi. Shunda Janob Rasululloh menga: «Seni bunchalik bitlab ketgansan, deb o'ylamagan erdim, juda qiynalib qolibsanku! Bitta qo'y topa olg'aymisen?»-dedilar. Men: «Yo'q»,- dedim. «Unda uch kun ro'za tutg'il yokim olti miskinni to'ydirg'il, har bir misinga yarim so'dan taom berg'il!» - dedilar (1 so' - 4 mudd, 1 mudd-1,33 ratl)».

28-bob. Fidya uchun bir qo'y qurbonlik qilinadir

Abdurrahmon ibn Abu Laylo rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'b ibn Ujraning boshidan yuziga bit o'rmalab turganini ko'rib: «Seni bit bezovta qilayotirmi?»-dedilar. Ka'b: «Ha»,- dedi. Janob Rasululloh unga sochini oldirmoqni buyurdilar. Shunda ular Hudaybiyada turishgan bo'lib, ehromlarini shu yerda yechish-echmasliklari aniq emas erdi, chunki ular Makkaga kirmoq niyatida erdilar. Shu payt,

Oллоh taolo fidya haqidagi oyati karimasini nozil qildi. Mazkur oyatga binoan, Janob Rasululloh olti miskinni bir farq taom birlan to'ydirmoqni yokim bir qo'y qurbon qilmoqni yohud uch kun ro'za tutmoqni buyurdilar».

29-bob. Oллоh taoloning «... shaloq so'z... (aytilmagaydir)» degan kalomi sharifi xususida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ka'baga haj qilgan kishi shaloq so'z aytmay, buzuqlik qilmay, onasidan tug'ilgandek pok bo'lib qaytsin!» - dedilar».

30-bob. Oллоh taoloning «Hajda buzuqlik ham, janjal ham bo'lmasin!» degan kalomi sharifi xususida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Baytullohga haj qilgan kishi shalq so'zlamay, buzuqlik qilmay, onasi tuqqan kundagidek pok bo'lib qaytsin!» - dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

BISMILLOHIR RAHMONIR RAHIYMI

1-bob. Haj vaqtidagi ov va shu kabilar jariyasi haqida

Oloh taolo bu xususda bunday deydi: «Ehromdalig` kezingizda hayvonlarni ov qilib, o`ldirmangiz, qaysi biringizkim qasddan o`ldirg`aydirlar, o`ldirilgan hayyunga yarasha jariyma to`lag`aydirlar. Bunda, oralaringizdan ikki adolatlig` kishi tayin etilib, ular sizga Ka`baga munosib qurbonlik aylamog`ingizni yokim oltita miskinga kafforat uchun taom bermog`ingizni yohud qilgan yomonlig`ingizning jazosini tortmog`ingiz uchun ro`za tutmog`ingizni hukm qilg`aydir. Oloh o`tgan gunohlarni kechirg`aydir, ammo kimki qayta gunoh qilg`aydir, Oloh undan o`ch olg`aydir, Oloh o`ch olmoqqa qodirdir! Ul sizlarga va musofirlarga dengiz hayvonlarini ov qilmoqqa va ularning go`shtlarini iste`mol aylamoqqa ruxsat etdi. Ammo, ul sizlarga ehromdalig` kezingizda quruqlikdagi hayvonlarni ov qilmoqni man` aylag`andir. Bir kuni o`zlaringiz dargohida to`planadigan Olohdan qo`rqingiz!

Ibn Abbos va Anas raziyallohu anhumo: «Ehromdagi odam ov hayvonlaridan tashqari bo`lgan tuya, qo`y, mol, ot va tovuq kabi jonliqlarni so`ysa, gunohi yo`qdir», - deyishadir.

Abdulloh ibn Abu Qatoda rivoyat qiladilar: «Otam (Abu Qatoda) Hudaybiya yili yo`lga tushdilar. Sheriklari ehrom bog`lashdi-yu, ul kishi ehrom bog`lamadilar. Ittifoqo, Nabiy sallallohu alayhi va sallamga dushman bosib kelayotganini xabar qilishdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam qo`zg`oldilar. «Men bir necha o`rtoqlarim birlan turgan erdim, ular o`zaro kula boshlashdi, - deyдилar otam, -qarasam, bir qulon turibdir, darhol unga nayza sanchdim, Ko`tarishib yuboringiz, olib ketaylik! desam, ular bosh tortishdi. Keyin, biz qolib, uning go`shtidan yedik. Boshqa sheriklarimiz ketib bo`lishgan erdi, biz ulardan ajralib qolmoqdan qo`rqdik. Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamga yetib olmoq uchun otimni bir chopdirib, bir yo`rg`alatib ketdim. Kechasi men Baniy Rifor qabilasiga mansub bir kishini uchratib qolib, unga: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamni qaerda qoldirib kelmakdasen?» - dedim. Ul kishi: «Ta`hinda qoldirdim», - dedi. Men ul aytgan yerga yetib borib, «Yo Rasululloh, ahli ayolingiz sizga salom aytib yubordilar, ular sizdan ajralib qolmoqdan qo`rqmakdalar, ularni kutib turingiz, yetib olishsin!» - dedim. Keyin yana: «Yo Rasululloh, bir qulonni otib oldim, men uning go`shtidan olib olganman», - deb aytdim. Janob Rasululloh qavmlariga, ular ehromda bo`lishlariga qaramay, «Olingiz, yengizlar!» - dedilar».

2-bob. Ehrom kiyganlar ov hayvonini ko`rib, kulib qo`yishsayu, ehrom kiyman odam buni bilib qolsa...

Abdulloh ibn Abu Qatodaga otalari Abu Qatoda quyidagi hadisni rivoyat qilgan erkanlar: «Hudaybiya yili Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga yo`lga chiqdik. Ul kishining sahobalari ehrom bog`lashdi, men bog`lamadim. G`iyqa degan yerda dushman to`planayotganini xabar qilishdi. Biz o`shal tomonga jo`nadik. Yo`lda sheriklarim bir qulonni ko`rib qolishib, bir-birlariga qarab kula boshladilar. Men otimni chopdirib borib, unga nayza sanchdim. Keyin, sheriklarimdan ko`tarishib ketmoqqa yordam so`ragan

erdim, ko'nishmadi. Shul boisdan o'shal yerda qolib, uning go'shtidan yedik. Biz Janob Rasulullohdan ajralib qolmoqdan qo'rqdik. Men otimni goh chopdirib, goh yo'rg'alatib ketdim. Tunda Baniy G'ifor qabilasiga mansub bir kishini uchratib qolib, unga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni qay yerda qoldirding?» - dedim. Ul: «Ta'hinda», - deb aytdi. Keyin, men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yetib olib: «Yo Rasululloh, sahobalaringiz sizga salom yo'llab, Ollohning rahmatini tilab qoldilar, ular dushman yo'llarini to'sib, sizdan ajralib qolmoqdan xavfdalar, yetib olishguncha kutub turingiz!» - dedim. Keyin yana: «Yo Rasululloh, biz qulon ovlagan erdik, go'shtidan olib kelganmiz», - deb aytdim. Janob Rasuluyaloh sahobalarga, ular ehromda bo'lishlariga qaramay, «Olingiz, yengizlar!» - dedilar».

3-bob. Ehromdagi kishi ehromsiz kishiga ovni o'ldirmoqda yordam bermaydir

Abu Muhammad raziyallohu anhu Abu Qatodaning: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga Madinadan uch qo'nim naridagi Qoha degan yerda bo'ldik» - deganini zshitgandim», - deydilar.

Abu Qatoda raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga Qohada bo'ldik, oramizda ehrom bog'laganlar ham, bog'lamaganlar ham bor erdi. Ittifoqo, sheriklarimning nimanidir kuzatishayotganini payqab qoldim, qarasam, bir qulon turibdir. Shul payt, qamchirim tushib ketgan erdi, ular: «Biz ehromdadirmiz, senga yordamimiz tegmag'aydir», - deyishdi. Men ot ustida turib bir amallab qamchirimni oldim-da, tepalik orqasiga o'tib, qulonni o'ldirdim. Keyin, uni sheriklarim oldiga sudrab olib keldim. Shunda, ulardan ba'zilar: «Yengizlar!» - deyishsa, ba'zilari: «Yemangizlar!» - deyishdi. Buni eshitgach, men Janob Rasulullohning oldilariga borib: «Ne qilaylik?» - dedim. Ul kishi: «Yeyaveringizlar, haloldir (ruxsatdir)!» - dedilar».

4-bob. Ehromdagi kishi o'zi ko'rib qolgan ov hayvonini ehromsiz kishiga «ovlag'il!» deb ko'rsatmaydir

Usmon (Ibn Mavhib) raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hajga niyat aylab, yo'lga chiqdilar, sahobalar ham birga chiqishdi. Janob Rasululloh ulardan bir guruhini (Abu Qatoda ham shular birlan birga erdi) to'xtatib, «Sizlar to uchrashmagunimizcha dengiz sohili bo'ylab ketaveryngiz!» - dedilar. Ular dengiz yoqalab yurib ketishdi. Yo'l-yo'lakay Abu Qatodadan tashqari hammalari ehrom bog'lab olishdi. Ittifoqo, qulonlarni ko'rib qoldilar. Abu Qatoda darhol ulardan biriga nayza urib, o'ldirdi-da, olib keldi. Hammalari ulovdan tushib, go'shtidan (pishirib) yeyishdi. Keyin: «Ehromda bo'la turib, ov go'shtidan yeb qo'yibmiz-da?!» - dedilar. So'ng, qolgan go'shtni olib, yo'lga tushdilar. Yetib borishgach, Janob Rasulullohga: «Yo Rasululloh, biz yo'l-yo'lakay ehrom bog'lab olgan erdik, Abu Qatoda ersa, bog'lamagan erdi. Tasodifan qulonlar galasini ko'rib qoldik. Abu Qatoda ulardan birini ovladi, hammamiz ulovdan tushib, go'shtidan (pishirib) yedik. Keyin: «Ehromda bo'la turib, ov go'shtidan yeb qo'yibmiz-a?!» — dedik-da, qolgan go'shtni olib, oldingizga kelaverdik», — deyishdi. Shunda, Janob Rasululloh: «O'shanda birortangiz Abu Qatodaga ovni (qulonlarni) ko'rsatib qo'ymadingizmi, ishqilib?» — dedilar. Ular: «Yo'q», — deyishdi. Janyb Rasululloh: «Undoq bo'lsa, qolganini ham yeb qo'yingizlar!» — dedilar».

5-bob. Ehromdagi kishiga tirik qulon hadya qilinsa, olmaydir

Abdulloh ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Sa' b ibn Jassoma al-Laysiy Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga Abvo' (yoki Buddon) degan yerda bir tirik qulon hadya qilgan erdi, olmadilar. Keyin, uning xafa bo'lganini ko'rib: «Biz ehromda bo'lganimiz uchungina hadyangni rad etdik»,— dedilar.

6-bob. Ehromdagi odam qanday jonliqlarni o'ldirishi mumkin?

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ehrom bog'lagan kishi besh xil jonliqni o'ldirsa, gunoh bo'lmag'aydir»,— deb aytganlar»,— deydilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Menga Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ayollaridan biri: «Ehrom bog'lagan kishi o'ldirmog'i mumkin»,— deb aytgandar»,— deydilar.

Hafsa raziyallohu anho rivoyat qiladirlarkim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «(Ehrom bog'lagan kishi) besh toifa jonliqni — qarg'a, kalxat, sichqon, chayon va qopag'on itni o'ldirsa, gunoh bo'lmag'aydir»,— deb aytgan erkanlar.

Oisha raziyallohu anho aytadilarkim, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Besh tur hayvon — qarg'a, kalxat, chayon, sichqon va tishlang'ich it zararkunanda bo'lib, ularni ehrom bog'lagan kishi o'ldirsa, gunohkor bo'lmag'aydir»,— degan erkanlar.

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu bunday deb naql qiladirlar: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan Minodagi g'orda turganimizda ul kishiga «Va-l-Mursalot» surasi nozil bo'lib, uni tilovat qilmoqqa kirishdilar, men ersam, ul zotning muborak og'izlaridan mazkur sura so'zlari chiqishi bilanoq, darhol yod ola boshladim. Ittifoqo, bir ilon bizga tashlandi, Janob Rasululloh: «Uni o'ldiringizlar!» — dedilar. Hammamiz ilonga tashlangan bo'lsakda, u qochmoqqa ulgurdi. Shunda ul kishi: «Sizlar ilonning yomonlig'idan qutulib qolganingizdek, ul ham sizning yomonlig'ingizdan qutulib qoldi»,— dedilar».

Nabiy sallallohu alayhi va sallamning jufti halollari Oisha onamiz rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh kaltakesakni ko'rsatib, bu jirkanch maxluq, dedilar, lekin uni o'ldirmakni buyurganlarini eshitmaganman». «Bundan, kaltakesakni o'ldirmoq mumkin ermas, degan xulosa kelib chiqmaydir, chunkim ular (sahobalar) ilonni o'ldirmakni gunoh, :deb hisoblashmadi-ku!» - deydilar Abu Abdulloh.

7-bob. Makkaning (Haramning) daraxtlari butalmaydir

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Haramning hatto tikani ham yulinmag'aydir, deb aytganlar»,— deydilar.

Sa'id ibn Abu Sa'id al-Maqyuriy rivoyat qiladirlar: «Abu Shurayh al-Adaviy Makkaga qo'shin yuborayotgan Amr ibn Sa'idga: «Ey Amr, menga ijozat bersangiz, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Makka fath qilingan kunning ertasiga aytgan so'zlarini sizga aytib berardim, so'zlayotganlarini o'z ko'zim birlan ko'rganman, gaplarini quloqlarim birlan eshitib, qalbimga jo qilgandirman»,— dedi-da, Janob Rasulullohning

gaplarini Olloh taolaga hamdu sanolar aytib, quyidagicha naql qildi: «Makkani Olloh taolo muqaddas qildi, odamlar ermas, shundoq bo'lgach, Ollohga iymon keltirib, oxirat kuniga ishongan kishi bul shaharda qon to'kmasligi va birorta o'simlikni yulmasligi lozimdir. Agar biror kishi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o'zlari Makkada jang qilganlar-ku?!» - desa, «Janob Rasulullohga Olloh taolo ijozat bergan, sizlarga ruxsat bergan ermas», - deb aytingiz. Olloh taolo menga kunduzi faqat bir soatgina jang qilmoqqa ruxsat berdi. Makkaning kechagi muqaddasligi bugun yana o'z o'rniga keldi. Bul yerda hozir bo'lganlar kelmaganlarga so'zlarimni yetkazsinlar!»

«O'shanda Amr sizga ne degan erdi?» - deb so'rashibdi Abu Shurayhdan. «Men bul haqda sekdan ko'ra yaxshiroq bilg'ayman, Makka (Haram) osiy bandaga ham, (nohaq) qon to'kib yokim (nohaq) vayron qilib, qochib kelganga ham panoh bo'la olmag'aydir», - deb aytgan erdi», - dedirlar Abu Shurayh.

8-bob. Makkaning (haramning) yovvoyi hayvonlarini hurkitib bo'lmasligi haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taolo Makkani muqaddas qildi. Mendan oldingilarga ham, mendan keyingilarga ham bu yerda urush qilmoq man' etilgandir, menga kunduzi bir soatgina urush qilmoqqa ruxsat berildi. Bu yerning o'simliklari yulinmag'aydir, daraxtlari kesilmag'aydir, hayvonoti bezovta qilinmag'aydir. Birovlar yo'qotgan narsalar, faqat egasiga ma'lum qilmoq maqsadidagina olinmog'i mumkindir», - dedilar. Shunda men: «Yo Rasululloh, izxirningina yulmoqqa ijozat etsangiz. Chunki undan kasb-hunar ahli foydalang'aydir, aholi ersa, qabrga ishlatg'aydir», - dedim. Janob Rasululloh: «Mayli, izxirni yula qolingizlar!» - deb aytdilar».

9-bob. Makkada urush qilmoq man' qiling'aydir

Abu Shurayh raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam, Makkada qon to'kmoq mumkin ermas, deb aytganlar», - deydlar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu naql qiladirlar: «Makka fath qilingan kuni Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Endi hech hijrat qilinmag'aydir, ammo jihod aylab, maqsadga erishmoq kerakdir. Agar jihodga da'vat etilg'aydirlar, darhol boringiz! Bul shaharni Olloh taolo yeru-ko'kni yaratgan vaqtdan to qiyomatgacha muqaddas qilgandir. Mendan oldingilarga ham, mendan keyingilarga ham bul yerda urush qilmoq man' etilgandir. Menga faqat kunduzi bir soatgina jang qilmoqqa ijozat berildi. Olloh taoloning ta'qiqiga binoan, bul yerda jang qilmoq qiyomatga qadar man' qilingandir. Bul yerning o't-o'lanlari ham yulinmasin, hayvonoti hurkitilmasin, birovlar yo'qotgan narsalar egasiga ma'lum qilmoqdan bo'lak maqsadda olinmasin!» - deb aytdilar. Shunda men: «Yo Rasululloh, izxirdan kasb-hunar ahli hamda aholi foydalang'aydir», - degan erdim, ul kishi: «Izxirdan boshqasini yulmangizlar!» - dedilar».

10-bob. Ehromdagi kishining qon oldirmog'i haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ehrom bog'lagan hollarida qon oldirdilar», - deydlar.

Ibn Buhayna raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Lahyu Jamal degan yerda ehrom kiyg'an hollarida boshlarining o'rtasidan qon oldirdilar»,- deydilar. .

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ehromda bo'la turib, Maymunaga uylandilar»,- deydilar.

12-bob. Ehrom bog'lagan erkak va ayolga qanday xushbo'y narsalarni ishlatmoq man' qilinadir?

Oisha raziyallohu anho: «Vars (xushbo'y modda) yoki za'faron tekkan kiyimni ehrom bog'lagan ayol kiymag'aydir»,- deb aytganlar.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir kishi: «Yo Rasululloh, ehromdalig' kezimizda bizga qanday kiyim kiyimoqni buyurasiz?»-deb so'radi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ko'ylak va ishton, salla va burnus kiy mangiz, kimning hajga munosib oyoq kiyimi bo'lmasa, mahsisining qo'njini to'piqdan pastroq qilib kesib tashlasin, za'faron va vars tekkan kiyimni ham kiy mangiz. Ehrom bog'lagan ayol yuzini butunlay berkitib olmasin hamda qo'llariga qo'lqop kiymasin!» - dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir ehrom bog'lagan kishi tuyadan yiqilib, bo'yni sinib, o'ldi. Janob Rasululloh uni olib kelmoqni buyurdilar-da: «Yuvib, kafanlangizlar, biroq boshini o'rab qo'ymangizlar, xushbo'y narsalar ham sepmangizlar, chunkim u talbiya aytib tirilg'aydir»,- dedilar».

13-bob. Ehromdagi odamning gusl qilmog'i qaqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Ehrom bog'lagan odam hammomga tushmog'i mumkin»,- deydilar. Ibn Umar va Oisha onamiz ehrom bog'lagan odamning hammomda ishqalab yuvinmog'i zararsizdir, deb hisoblashgan.

Ibrohim ibn Abdulloh ibn Hunayn raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abdulloh ibn Abbos va Misvar ibn Maxrama Abvo' degan yerda o'zaro tortishib qoldilar. Abdulloh ibn Abbos: «Ehrom bog'lagan odam boshini yuvmog'i mumkin» ,— desalar, Misvar: «Ehrom bog'lagan odam boshini yuvmag'aydir» ,— deb aytdilar. Shunda, Abdulloh ibn Abbos meni Abu Ayyub al-Ansoriyning oldilariga yubordilar. Men Abu Ayyub raziyallohu anxuning quduq yonida o'zlarini kiyim birlan pana qilgan holda cho'milayotganlarini ko'rdim. Yaqin borib, salom berdim, Ul kishi: «Bul kimdir?» - dedilar. «Bu men, Abdulloh ibn Hunaynman. Meni Abdulloh ibn Abbos: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ehromdalig' kezlarida boshlarini qanday yuvar erkanlar, bilib kelg'il!» - deb sizning oldingizga yubordilar»,- dedim. Abu Ayyub pana qilib qo'yilgan kiyimni qo'llari birlan bir oz pasaytirdilar, shunda menga boshlari ko'rindi. Keyin, oldilaridagi suv quyib berib turgan kishiga: «Suv quyg'il!»- dedilar, u boshlaridan suv quydi. So'ng, ikki qo'llari birlan peshonalaridan ensalariga va ensalaridan peshonalariga mash tortdilar-da, «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shunday qilganlarini ko'rdim»,-dedilar».

14-bob. Ehrom bog'lagan kishi mahsidan boshqa oyoq kiyimi topmasa...

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Arafotda xutba aytayotib, «Kim oyoq kiyim topmasa, mahsi kiysin va kim izor topmasa, ishton kiysin! Bu ehrom bog'laganlarga taalluqlidir» - deb aytganlarini eshitdim»,- deydilar.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Ehrom bogʻlagan kishi qanday kiyimlar kiygʻaydir?»-deb soʻrashdi. Janob Rasululloh: «Koʻylak, salla, ishton, burnus hamda zaʼfaron va vars tekkan kiyimlarni kiymagaydir. Agar oyoq kiyim topmasa, mahsining qoʻnjini toʻpiqdan pastroq qilib kesib tashlab kiygʻaydir», - dedilar».

15-bob. Izor topmasa, ishton kiysin!

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Arafotda hammaga mashhur boʻlgan nutqlarini soʻzlayotib, «Kim izor topmasa, ishton kiysin va kim oyoq kiyim topmasa, mahsi kiysin!» - deb aytdilar», - deydilar.

16-bob. Ehrom bogʻlagan kishining qurol taqishi haqida

Ibn Abbosning ozod qilingan qullari Ikrima: «Ehrom bogʻlagan kishi dushmandan xavf tortsa, fidʼya (jarima) toʻlab, qurol taqavergʻaydir», - deydilar. Lekin, bu xususda Ikrima aytgan rivoyatdan boshqasi yoʻq.

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Zulqaʼda oyida umraga ehrom bogʻladilar. Lekin, Makka ahli ul kishini (qurol birlan Makkaga qoʻymadi. Shunda, Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan Makka ahli oʻrtasida «Qilichi qiniga solingan musulmonlargina Makkaga kiritilgʻaydir» degan shartnoma tuzildi».

17-bob. Makkaga ehromsiz kirmoq haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu Makkaga ehromsiz kirganlar. Nabiy sallallohu alayhi va sallam haj va umraga niyag qilgan kishilargagina ehrom bogʻlamoqni buyurdilar, lekin oʻtin terib kelib sotguvchilar yokim boshqa yoʻllar birlan tirikchilik qilguvchilarga buni eslatmadilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Zulhulayfani Madina ahliga, Qarnni Najd ahliga va Yalamlamni Yaman ahliga miyqot (talbiya aytish joyi) qilib belgilab berdilar. Yuqoridagi miyqotlar ularga ham, boshqa joylardan haj va umraga kelguvchilarga ham tayin qilindi. Makkaga yaqin yerlarda yashovchilar, oʻsha oʻzlari yashaydirgan joyda, Makka ahli ersa, Makkada talbiya aytadigan boʻldi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam fath yili boshlariga dubulgʻa kiygan hollarida Makkaga kirdilar. Boshlaridan dubulgʻani yechganlarida, bir kishi kelib: «Ibn Xatil Kaʼba jildiga osilib, tortayotir», - dedi. Janob Rasululloh: «Oʻldiringiz!» - dedilar».

18-bob. Koʻylagi ustidan bilmay ehrom bogʻlasa...

Ato raziyallohu anhu: «Agar bilmay xushboʻy narsalardan foydalanib qoʻysa yoki koʻylagi ustidan ehrom bogʻlasa yoinki ehromi ustidan koʻylak kiysa. kafforat lozim ermas», - deydilar.

19-bob. Arafotda o'lgan kishi haqida

Nabiy sallallohu alayhi va sallam uning chala qolgan haj amallarini nihoyasiga yetkazmoqni (birovga) buyurmadilar.

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bir kishi birlan birga Arafotda turgan erdilar. Shunda ul tuyasidan yiqilib, bo'yni sindi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Uni suv va sidr birlan yuvib, ikki qavat qilib kafanlangiz, boshini berkitmangiz, xushbo'y narsa surtmangiz, chunkim Oллоh taolo uni qiyomatda talbiya aytayotgan holda tiriltirg'aydir»,- dedilar».

20-bob. Ehromdagi marhumga nisbatan ado etilmog'i lozim bo'lgan sunnatlar haqida

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga turgan erdi, tuyasidan yiqilib bo'yni sindi. Keyin, ehrom bog'lagan holda o'lib qoldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uni suv va sidr birlan yuvib, o'zining kiyimiga ikki qavat qilib kafanlangiz, badaniga xushbo'y narsalar surtmangiz, boshini ham yopmangiz, chunkim ul qiyomatda talbiya aytib tirilg'aydir»,- dedilar».

21-bob. Mayyit nomidan haj va nazr qilmoq haqida; erkak ayol nomidan haj qilaveradir

Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Juhayna qabilasidan bir ayol Nabiy sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib: «Mening onam haj qilg'ayman, deb niyat etgan erdilar, lekin haj qila olmay vafot qildilar. Men onamning nomlaridan haj qilsam bo'lurmi?»-deb so'radi. Janob Rasululloh: «Ha bo'lg'aydir, (chunkim) onangning qarzi bo'lsa, to'laysan-ku! (ya'ni, haj ham kishining bo'ynidagi qarzdir)»,- dedilar-da, bizga qarab: «Sizlar ham Oллоhga qarzlaringizni beringiz! Oллоh ahdnomaga vafo qilmoqqa loyiq zoti oliydir!» -deb qo'shib qo'ydilar».

22-bob. Tuya ustida mahkam o'tira olmaydirgan odam nomidan haj qilmoq haqida

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Xas'am qabilasidan bir ayol Hajjat ul-Vido'da Janob Rasulullohning oldilariga kelib: «Yo Rasululloh, Oллоh taolo bandalariga hajni farz qilib, oyat nozil aylagan vaqt otamning tuya ustida mahkam o'tira olmaydirgan (kasalligi uchun) paytlariga to'g'ri kelib qoldi, men ul kishining nomlaridan haj qilsam, bo'lurmi?» - dedi. Janob Rasululloh: «Ha, bo'lg'aydir»,- deb javob berdilar».

23-bob. Ayolning eri nomidan haj qilmog'i haqida

Abdulloh ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Fazl Nabiy sallallohu alayhi va sallamning orqalarida tuyaga mingashib olgandi. Shu payt, Xas'am qabilasidan bir ayol kelib, Fazlga, Fazl ersa, unga qaray boshladi. Shunda, Nabiy sallallohu alayhi va sallam Fazlning boshini boshqa tomonga qaratib qo'ydilar. Ayol: «Oллоhning farzi mening otamni qarigan paytida topdi, ul kishi tuya ustida mahkam o'tira olmaydilar, men ul kishining nomlaridan haj qilsam, bo'lurmi?» - dedi. Janob Rasululloh: «Ha, bo'lg'aydir»,- dedilar. Bu voqea Hajjat ul-Vido'da bo'lgan erdi».

24-bob. Yoshlarning haj qilmog'i haqida

Ubaydulloh ibn Yazid: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam meni jo'natdilar (yoki meni boshqalardan oldin safar yuklari birlan Jam'dan jo'natdilar)», - deydilar.

Abdulloh Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Balog'at yoshiga yaqinlashib qolgan paytim erdi. Bir kuni eshak minib Minoga kelsam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qiyotgan erkanlar. Shunda men namozxonlarning oldingi saflarini oralab o'tdim-da, eshakdan tushib, uni o'tlagani qo'yib yubordim. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning orqalaridagi safga kelib turdim».

Soib ibn Yazid: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan hajqidim, shunda yetti yoshda erdim», - deydilar.

Umar ibn Abdulaziz Soib ibn Yazidga: «Men va Nabiy sallallohu alayhi va sallam yo'l anjomlarini olib, birgalikda haj qildik», - deb ko'p marta aytgan erkanlar.

25-bob. Ayollarning haj qilmog'i haqida

Ibrohim ibn Abdurrahmon ibn Avfning bobolari rivoyat qiladirlar: «Xalifa Umar raziyallohu anhu so'nggi bor haj qilgan yillari Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ayollariga haj qilmoqqa ruxsat berdilar (bu paytda Janob Rasululloh marhum erdilar). Shunda, Usmon ibn Affon va Abdurrahmon ibn Avfni ularga hamroh qilib yubordilar».

Oisha onamiz Oisha binti Talhaga quyidagi hadisni aytib bergan zrkanlar: «Bir kuni men: «Yo Rasululloh, biz (ayollar) siz (erkaklar) birlan birga chiqib, bir g'azot qilmaylikmi?» - dedim. Janob Rasululloh: «Ammo, eng yaxshi jihad ezgu niyatda qilingan hajdir!» - deb javob berdilar. Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan shu so'zni eshitganimdan buyon hajni sira kanda qilmasman».

Ibn Abbasning mavlosi Abu Ma'bud rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ayol yonida mahrami bo'lmasa, safarga chiqmasin va yonida mahrami bo'lmagan ayol oldiga nomahram kirmasin!» - dedilar. Shunda bir kishi: «Yo Rasululloh, men falon qo'shin birlan birga g'azotga ketmoqchiman, ayolim hajga borgisi kelsa, ne qilg'aydir?» - dedi. Janob Rasululloh: «Ayoling birlan haj qilg'il!» - dedilar».

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam hajdan qaytib keldilar-da, Ummu Sinonga: «Haj qilmog'ingga ne mone'lik qilur?» - dedilar. Ummu Sinon: «Falonchining otasi (ya'ni, «erim» demoqchi) ikki tuyadan birini hajga minib ketdi, ikkinchisi ersa, yerimizni sug'orayotir», - dedi. Janob Rasululloh: «Ramazon oyida umra qilmoq mening yonimda haj qilmoq birlan barobardir», - dedilar».

Ziyodning mavlosi Qaz'a rivoyat qiladirlar: «Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhunging Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga o'n ikki g'azotda qatnashganlarini o'zlaridan eshitdim. Abu Sa'id: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan to'rt hikmat eshitgandirman, ulardan biri - yonida eri yoki mahrami bo'lmagan ayol ikki kunlik yo'lga (ya'ni, bir kunlik yo'ldan ortiq yo'lga) chiqmag'aydir, ikkinchisi - ikki kun: Ramazon va Qurbon hayitlarida ro'za tutilmag'aydir, uchinchisi-ikki namozdan so'ng, ya'ni asrdan

keyin, Quyosh botguncha va bomdoddan keyin, Quyosh chiqquncha namoz o`qilmag`aydir, to`rtinchisi :- uchta masjidgagina, Masjid ul-Harom, mening masjidim (Masjid un-Nabiy) va Masjid ul-Aqsoga tuya yetaklab kelinmag`aydir ».

26-bob. Ka`baga piyoda borishni ahd qilgan kishi haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy' sallallohu alayhi. va sallam ikki o`g`li qo`ltiqlab ketayotgan bir cholni ko`rib: «Bu kishiga ne bo`lgan?» - dedilar. O`g`illari: «Makkaga piyoda borishni ahd qilganlar»,- deb aytishdi. Janob Rasululloh: «O`lloh taolo bu kishining azob chekishidan manfaatdor ermas, ulovga minib borsin!» - dedilar».

Uqba ibn Omir Juhoniy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Singlim Baytullohga (Ka`baga) yayov borishga ahd qilib, Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan bu haqda fatvo so`rab bermog`imni iltimos qildi. Men Janob Rasulullohdan fatvo so`ragan erdim. «Yayov ham yursin, ulov ham minsin!»-dedilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

MADINA FAZILATLARI HAQIDA KITOB

1-bob. Madinaning muharram (muqaddas) ekanligi haqida

Anas raziyallohu anhu 'rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Madina shahri falon joydan falon yergacha muharram qilingandir, uning daraxtlari kesilmag'aydir va unda Qur'onga xilof ishlar qilinmag'aydir. Kimki quyushqondan chiqsa, unga Olloh, farishtalar va odamlarning la'nati bo'lsin!» -dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madinaga kelib, masjid qurmoqni amr qildilar. Keyin ul kishi: «Ey Baniy Najjor, menga baholab beringiz (ya'ni, bo'lajak masjid o'rni ikki yetim bolaniki erdi, uni sotib olmoqchilar)», -dedilar. Ular (o'sha ikki yetim bola va ularning yaqin qarindoshlari): «Biz pul so'ramasmiz, Olloh yo'lga xayr qilg'aymiz», -deyishdi. Lekin, Janob Rasululloh ularni baribir rozi qildilar. Keyin, Janob Rasulullohning farmonlariga binoan masjid o'rnidagi mushriklar qabri boshqa joyga ko'chirildi, xarobalar tekislandi, qibla tomondagi xurmolar kesildi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Madinaning ikki toshloq joyi oralig'idagi yerni (uni «harra», deb atashg'aydir) o'z tilim birlan muharram, deb e'lon qilg'ayman!» - dedilar. Keyin, Nabiy sallallohu alayhi va sallam Baniy Hadisa mahallasiga borib: «Ey Baniy Hadisa, sizlar (Madinaning) muharram ekanligini unutib, quyushqondan chiqqan ko'rinursizlar», -dedilar, keyin chor atrofga qarab: «Balki undiq emasdir», - deb qo'ydilar (o'shanda Amir Hamza shahid bo'lgan joyda turgan erdilar)». :

Ibrohim ibn Yazid Taymiy rivoyat qiladirlar: «Ali raziyallohu anhu: «Bizda Ollohning Kitobi va Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan qolgan mana bu sahifadan bo'lak o'zimizga xos hech narsa yo'qdir», — deb Janob Rasulullohning o'sha sahifada bitilgan vasiyatlarini quyida bayon qildilar: «Madinaning Oir tog'idan falon joyigacha bo'lgan yerlar muharramdir, kimki o'shal muharram qilingan yerda islomga xilof ishlarni qilsa yokim biror bid'atchining yonini olib, joy berib hurmatlasa, unga Ollox, maloikalar va barcha odamlarning la'nati bo'lsin! Uning tavbasi ham, fidyasy (gunohni yuvmoq uchun beriladigan to'lovi) ham qabul qilinmag'aydir». Hazrat Ali keyin bunday dedilar: «Mo'sulmonlarning yagona zimmasi (musulmonlar g'ayridinlarni o'z himoyasiga olib tuzgan shartnomasi) bor, kimki bu ahdnomani buzsa, unga Olloh, maloikalar va odamlarning la'nati bo'lsin! Uning tavbasi ham, fidyasi ham qabul bo'lmag'aydir, kimki (o'rtada ittifoq tuzilmagan) bir qavmni xojalaridan ijozatsiz o'ziga yaqin tutsa, unga ham Olloh, maloika va odamlarning la'nati bo'lsin! Uning tavbasi va fidyasi qabul qilinmag'aydir».

2-bob. Madina fazilatlarini haqida; odamlarning dilidagi qabohatni mahv qilmoq Madina fazilatlaridandir

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Menga bir qishloqqa (hijrat qilmoq)

amr qilindi, ul qishloq boshqa qishloqlardan ustundir. Ba'zilar (ya'ni, munofiqalar) uni Yasrib deyishg'aydir, vaholanki, ul Madina bo'lib, odamlarning kirini (gunohini) temir yuzidagi kuyukni dam (bosqon) qanday ketkizsa, shunday ketkizgaydir», - dedilar.

3-bob. Madina - Tobadir

Abu Humayd raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bilan birga Tabuk g'azavotidan qaytdik. Madinaga yaqinlashganimizda Janob Rasululloh: «Bu Tobadir», - dedilar.

4-bob. Madinaning ikki toshloq yeri

Sa'id ibn Musayyab rivoyat qiladilar: «Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Agar Madinada o'tlab yurgan kiyikni ko'rsam, hurkitmay o'tib ketar erdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Madinaning ikki toshloq yeri o'rtasidagi joylar muharramdir», - der erdilar», - deb aytdilar.

5-bob. Madinani yaxshi ko'rmaganlar haqida

Sa'id ibn Musayyab quyidagi hadisni Abu Hurayra raziyallohu anhudan eshitgan erkanlar: «Madina sizlardan keyin yanada so'lim bo'lg'aydir, - dedilar Janob Rasululloh, — unda yovvoyi hayvonlargina yashashg'aydir. Eng oxiri Muzayna qabilasiga mansub ikki cho'pon tirik qolg'aydir. Ular Madina tomon qo'y haydab kelishganda ul yerda vahshiy hayvonlar to'lib yotganini ko'rishg'aydir. Saniyyat ul-Vido'ga yetganlarida ular ham yiqilg'aydirlar (ya'ni, o'lg'aydirlar)».

Abdulloh ibn Zubayr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Yaman fath qiling'aydir, — dedilar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, — qavmlar shosha-pisha mol-hollarini haydab, bola-chaqalari-yu xizmatkorlarini ergashtirib (Yamanga) kelishg'aydir, vaholanki Madina o'zlari uchun afzalroq erkanin bilmaslar, keyin Shom fath qiling'aydir, qavmlar Madinani tashlab, shosha-pisha mol-hollarini haydab, bola-chaqalari-yu xizmatkorlarini ergashtirib bul yerga ham kelg'aydirlar, vaholanki Madina o'zlari uchun afzalroq erkanin bilmaslar, so'ng Iroq ham fath bo'lg'aydir, unga ham qavmlar bola-chaqalari-yu xizmatkorlarini ergashtirib kelishg'aydir, vaholanki Madinaning o'zlari uchun afzalroq erkanin anglashmag'aydir».

6-bob. Iymon Madinada to'planadir

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ilon o'z inida kulcha bo'lib yashirinib olgani singari iymon ham bora-bora Madinada to'plang'aydir», - dedilar».

7-bob. Madina ahliga yomonlik istaganlarning gunohi

Sa'd ibn Abu Vaqqos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning «Madina ahliga yomonlik istagan odam, tuz suvda eriganidek erib ketg'aydir», - deganlarini eshitganman», - deydi.

8-bob. Madinaning qo'rg'onlari haqida

Usoma raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madina qo'rg'onlaridan biriga chiqib, balanddan pastga qaradilar-da: «Bilurmisiz, nelarni ko'rmakdamen? Men xonadonlaringiz o'rtasida bo'lajak fitnalarni shaffof suv tomchisi ostidagi narsani ko'rgandek aniq ko'rib turibdirmen», - dedilar.

9-bob. Madinaga Dajjol kirmaydir

Abu Bakr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Dajjol Madinaga xavf sololmag'aydir, o'shal kuni Madinaning yetti qopqasidan har birini ikkitadan farishta qo'riqlab turg'aydir», - dedilar».

Nu'aym ibn Abdulloh Mujmir Abu Hurayra raziyallohu anhudan eshitib rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Madinaga kiraverishda farishtalar mavjud bo'lib, unga vabo ham, Dajjol ham boshini suqolmag'aydir», - dedilar».

Ishoq ibn Abdulloh ibn Abu Talha raziyallohu anhu Anas ibn Molik raziyallohu anhudan eshitib rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Madinadan bo'lak Dajjol bosib olmagan birorta ham shahar qolmag'aydir, Madinaga olib boradigan barcha yo'llarni farishtalar saf-saf bo'lib himoya qilib turgaydirlar. Keyin, Madina uch marotaba silking'aydir, Olloh uning aholisi orasidagi barcha kofir va munofiqlarni itqitib tashlag'aydir», - dedilar».

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga Dajjol xususida ancha gaplarni aytib berdilar. Xususan, bunday dedilar: «Dajjol Madinaga kirolmag'aydir, chunkim ul Madinaga olib boradigan yo'llarga qadam qo'ymoq imkonidan mahrum bo'lib, shahar tashqarisidagi tuzloq yerga kelib tushg'aydir. O'shal kuni shaharning eng fozil kishisi Dajjolga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'z hadislarida aytgan o'shal Dajjol erkanlig'ingni ko'rib turibdirmen», - deydir. Dajjol: «Aytg'il-chi, agar mana bul kishini o'ldirib, keyin qayta tiriltirsam, mening ishim haq erkanlig'iga shubha qilmasmisizlar?» - deydir. Odamlar: «Yo'q», - deyishg'aydir. Dajjol o'zi ko'rsatgan kishini o'ldirib, keyin qayta tiriltirg'aydir, Shunda qayta tirilgan odam: «Xudo haqqi, men sening to'g'ringdagi so'zlarga endi ishondim», - der. Dajjol boyagi (fozil) kishini ham o'ldirmoqchi bo'lur, ammo harchand urinmasin, baribir o'ldira olmag'aydir».

10-bob. Madina gunohdan forig' qiladir

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir badaviy Nabiy sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib, islomga bay'at qildi. Ertasiga ul bezgak tutib keldi-da: «Bay'atimdan qaytmog'imga ijozat beringiz!» - dedi. Janob Rasululloh qat'iy bosh tortib: «Madina, temirchining bosqoni (dami) temir yuzidagi kuyukni ketkazgandek, gunohlarni ketkazg'aydir», - dedilar».

Zayd ibn Sobit raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Uhud g'azotiga chiqqanlarida ba'zi sahobalar orqaga qaytib ketishdi. Janob Rasululloh birlan birga qolgan sahobalarning ba'zilari ularni «o'ldirg'aymiz», - deyishsa, ba'zilari «o'ldirmasmiz», - deyishdi. Shunda, «Munofiqlar xususida nega ikki taraf bo'lib oldingizlar?!» degan oyat nozil bo'ldi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam sahobalarga

qarab: «Bu (Madina) temirchining bosqoni (dami) temir kuyukini ketkazgani yanglig' odamlar qabohatini ketkazg'aydir», - dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Yo parvardigor-o, Madinaga Makkaga bergan barkotingdan ikki barobar ko'p barakot berg'aysen!» - dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam safardan qaytayotib, uzoqdan Madina devorlarini ko'rishlari bilanoq, tuyalarini tezlashtirar erdilar, Madinani shu qadar yaxshi ko'rar erdilar».

11-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madinaning huvillab qolmog'ini yoqtirmaganlar

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Baniy Salama qabilasi Masjid un-Nabiyga yaqinroq yerga ko'chib kelmoqchi bo'ldi. Shunda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Baniy Salama, oxiratdan umid qilmasmisizlar?!»-deb erdilar, ular joylarida qolishdi...

12-bob.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Mening hujram birlan minbarim oralig'ida jannat bog'laridan biri joylashg'aydir, minbarim ersa, Havzi Kavsar ustida bo'lg'usidir», - dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinaga kelganlarida Abu Bakr birlan Bilol isitmalab qolishdi. Abu Bakr isitma zo'riqqanda: «Uyimda bo'lsaydim jon chiqar mahal, Poyabzal ipidan yaqindir ajal» ,— der erdilar. Bilol ersa, isitma bir oz pasayganda, yig'lab:

*«Taqdirim ne erur, bilmasman, e voh,
Boshimga ajaldin kelurmu sipoh?
Bir kecha bo'lsa ham, ona vodiyim,
Qo'ynida yotsaydim, mehribon Olloh!
Qonib ichsam erdim, shaffof suvlarin,
Qaniydi, tashlasam, unga bir nigoh!»-*

der erdilar. Bilol yana bunday der erdilar: «Yo parvardigor-o, vabo bizni yurtimizdan quvgandek, Shayba ibn Robi'a, Utba ibn Robi'a va Umayya ibn Xalafni la'natlab, quvgin!» Janob Rasululloh Ollohga iltijo qilib bunday . der erdilar: «Yo Olloh, bizga Madinani Makka singari yokim undan ham ortiqroq mahbub etg'il! Yo Olloh, uning toshu-tarozusiga baraka ber, ahlini salomat qil, mana bularning bezgagini ersa, Juhfaga ko'chirg'il! (Juhfa Misrda bo'lib, uning aholisi mushrik erdi).

Oisha onamiz bunday deydilar: «Biz Madinaga keldik. Bu yerda tez-tez vabo chiqib turar erdi. Madina vodiylari bo'ylab ersa, oqin suvlar oqib turar erdi».

Zayd ibn Aslam otalari Aslamdan eshitib rivoyat qiladilar: «Umar raziyallohu anhu: «Ey Olloh, o'z yo'lingda shahid bo'lmoqni va Raflulloh sallallohu alayhi va sallamning shaharlarida (Madinada) jon taslim etmoqni menga nasib aylag'il!»-der erdilar».

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

RO'ZA KITOBI

1-bob. Ramazonda ro'za tutmoqning farz ekanligi haqida

Bu xususda Oллоh taolo bunday deydir: «Ey mo`minlar! Sizlardan avval o`tgan bandalarga farz qilingani yanglig`, sizlarga ham ro`za tutmoq farz qiling`aydir. Shoyadki, sizlar taqvo qilsangizlar!»

Talha ibn Ubaydulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir badaviy sochlari to`zigan holda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib dedi: «Yo Rasululloh! Menga xabar beringiz, Oллоh menga qaysi namozlarni farz qilgan?» Janob Rasululloh: «Bir kecha-kunduzda besh vaqt namozni farz qilgan, biroq bunga qo`shimcha tarzda xohlaganingcha nafl (ixtyoriy namoz) o`qimog`ing mumkin».- deb javob berdilar. Badaviy: «Xabar beringiz, Oллоh menga qaysi ro`zani farz qilgan?»- deb so`radi. «Ramazon oyining ro`zasini tutmoqni, biroq bunga qo`shimcha tarzda bir oz nafl ro`za tutmog`ing mumkin»,- dedilar Janob Rasululloh. U yana so`radi: «Xabar beringiz, Oллоh menga nimalar uchun zakot bermoqni farz qilgan?» Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga islomda zakot biriladigan mollar qaysilar va ular qaysi miqdorga yetganda qanchadan va kimlarga berilishi haqida xabar berdilar. Badaviy: «Sizni mukarram qilgan xudo haqqi-hurmati, qasam ichib ayturmenkim, Oллоh menga farz qilgan amali solihlarni ko`paytirmasman ham, kamaytirmasman ham»,- dedi. «Agar bul kishi qavlida mustahkam bo`lsa, najot topg`usidir (yokim «jannatga kirgaydir» ,— dedilar shekilli)» ,— dedilar Janob Rasululloh».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu aytadirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Muharram oyining o`ninchi kuni ro`za tutar erdilar va boshqalarni ham shul kuni ro`za tutmoqqa buyurar erdilar. Ramazon oyining ro`zasi farz qilingandan so`ng, Muharram oyida tutadigan ro`zani tark etdilar».

Abdulloh ibn Umarning o`zlari ham Ramazonda ro`za tutmoq farz qilingandan keyin Muharram oyida ro`za tutmoqni tark etdilar. Ammo, nafl ro`za Muharramning o`shgachi kuniga to`g`ri kelsa, tutar erdilar.

Oisha raziyallohu anho aytadirlar: «Johiliya davrida (ya`ni, islomdan avval) Quraysh qavmi Muharramning o`ninchi kuni ro`za tutar erdi. So`ng (ya`ni, islom dini barpo bo`lgandan so`ng), Janob Rasululloh Ramazonda ro`za tutmoqni buyurib: «Xohlagan kishi Muharram oyining o`ninchi kuni ro`za tutsin, xohlamagan kishi tutmasin»,- dedilar».

2-bob. Ramazon oyi ro`zasining fazilati haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytganlar: «Ro`za (tutmoqlik) do`zax o`tidan asrovchi vositadir! Binobarin, ro`za tutgan kishi haqorat so`zlarini tilga olmasin, so`zlashganda baqirmasin, birovni masxara qilmasin! Agar biror kishi ro`zador birlan urishsa yokim uni haqorat qilsa, ro`zador ikki bor: «Men ro`zamen», desin! Oллоhga qasamyod qilib ayturmenkim,

ro`zadorning og`zidan kelgan bo`y, Olloh nazdida mushk-anbar bo`yidan ham xushbo`yroqdir, chunkim Olloh taolo: «Ro`zador meni deb yeb-ichmas va meni deb ro`za tutar, binobarin uning mukofotini o`zim berg`aydirmen va har bir yaxshilig`i evaziga mendan o`n barobar mukofot olg`usidir», - deydir».

3-bob. Ro`za tutmoqlik gunohlar uchun kafforat (gunohlarni yuvguvchi vosita) bo`lishi haqida

Abu Voil raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Umar raziyallohu anhu: «Kim Nabiy sallallohu alayhi va sallamning fitna to`g`risida aytgan hadislaridan birortasini eslay olur?»-deb so`radilar. «Men shunday hadisni eshitganman, - dedilar Huzayfa, - Janob Rasululloh: «Kishining oilasiga, molu dunyosiga berilib hamda qo`shnisiga tenglashg`ayman deb, bandachilik qilib, yo`l qo`ygan xatolarini uning o`qigan namozi, tutgan ro`zasi va qilgan sadaqasi yuvgaydir, ya`ni kafforat bo`lg`aydir», - deganlar». Hazrat Umar: «Men bunday fitna to`g`risida so`rayotganim yo`q, men dengiz to`lqinlaridek mavjlanib keladigan eng katta fitnalar to`g`risida so`ramakdamen», - dedilar. «Unday fitna sizning davringizda chiqmag`aydir, chunkim uning eshigi, ya`ni, chiqadigan joyi qulflangandir», - dedilar Huzayfa (Ul kishi «eshik» deganda Hazrat Umarning o`zlarini nazarda tutdilar, chunkim Hazrat Umar davlatda fitnaga yo`l qo`ymovchi shaxs - xalifa erdilar). «Mazkur eshik fitnaga ochib berilg`aydirmi yoki sindirilg`aydirmi?»-deb so`radilar Hazrat Umar. Huzayfa: «Sindirilg`aydir», - dedilar. Hazrat Umar: «Fitnani to`sib qololmagan eshik sindirmoqqa loyiqdir, chunkim ochilsa, uni qiyomatgacha berkitib bo`lmas», - dedilar. Biz Masruqqa: «Huzayfadan so`rag`il-chi, Hazrat Umar o`sha fitna eshigini bilg`aydirlarmi?»-deb aytdik. «Bilg`aydirlar! Tundan keyin tong kelmog`ini aniq bilganlaridyok, buni ham aniq bilg`aydirlar», -deb javob berdilar Huzayfa».

4-bob. Ro`za tutuvchilarning jannatga Rayyon nomli maxsus eshik orqali kirishlari xususida

Sahl raziyalloku anhu rivoyat qiladirlar: «Jannatda Rayyon nomli bir eshik bordir, - deydir Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, - bul eshikdan ro`zani kanda qilmay tutganlargina kirg`aydirlar, xolos. Qiyomat kuni «Ro`zadorlar qani!» deb nido qiling`aydir. Shunda, ular o`rinlaridan turib mazkur eshikdan kirishg`aydir. So`ng, eshik yopilg`aydir. Ulardan boshqa birorta odam bu eshikdan kira olmas».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki Olloh yo`lida nimaiki bo`lsa ham, bir juftdan (ikki dinor, ikki dirham, ikki ko`ylak, ikki do`ppi) ehson qilsa, jannat eshiklaridan «Ey Ollohning bandasi, bu qilgan ishing xayrlik ishdir!» deb ichkariga da`vat qilyng`aydir. Kimki namozxonlardan bo`lsa, namozxonlar kiradigan eshikdan, kimki jihod qilganlardan bo`lsa, jihod qilganlar kiradigan eshikdan, kimki ro`za tutgan bo`lsa, Rayyon nomli eshikdan, kimki ehson qilganlardan bo`lsa, ehson qilganlar kiradigan eshikdan chaqirilg`aydir», - dedilar. Abu Bakr raziyallohu anhu so`radilar: «Otam-onam fidoyingiz bo`lsin, yo Rasululloh! Bir eshikdan kiradigan bo`lganimdan keyin, hamma eshikdan chaqirilmog`imning ne hojati bordir? Hamma eshiklardan chaqirilg`aymi?». Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ha», - deb javob berdilar, so`ng: «Men sizni hamma eshikdan chaqiriladigan bandalardan bo`lmog`ingizni istag`aydirmen!» - dedilar».

5-bob. Ramazonmi yo Ramazon oyimi? «Unday desa ham bo'ladir, bunday desa ham bo'ladir»,- degan kishi haqida

Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ramazon ro'zasini Ramazon oyi kelmasdan burun tutmangiz!» - deb aytganlar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar Ramazon oyi kirsas, jannatning eshiklari ochilg'aydir»,- deb aytganlar»,-deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar Ramazon kirsas, osmon eshiklari ochilib, do'zax eshiklari berkitilg'aydir hamda shaytonlar kishanlang'aydir»,- deganlar».

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Men Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Ramazon osmonda oyni ko'rganingizdan keyingina ro'za tutmoqni boshlangiz, Shavvol oyi kirgach, ro'za tutmoqni bas qilingiz. Agar oyni bulut to'sib qo'ygan bo'lsa-yu, siz uni ko'ra olmasangiz, unda Sha'bon oyining o'ttiz kunini to'la o'tkazib, so'ng ro'za tutingizlar!» - deganlarini eshitganman»,- deydilar.

6-bob. Kimki Ramazon ro'zasini iymon-e'tiqod bilan, qanoat va ishonch bilan, yaxshi niyat qilib tutsa...

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam yaxshilik qilishda hammadan ham saxiyroq erdilar. Xususan, Ramazon oyida, Jabroil alayhissalom birlan uchrashganlarida, yana ham saxovatlarini oshib ketg'ay erdi, chunki Janob Rasululloh to Ramazon tugaguncha, kechalari Jabroil alayhissalom birlan uchrashib, Qur'onni o'qib berar va o'zlarini imtihon qildirar erdilar. Hamisha ul Janob, Jabroil alayhissalom ila uchrashsalar, yaxshilik qilishga bo'lgan saxovatlarini kuchli shamoldan ham tezlashib ketar erdi».

7-bob. Kimki ro'zada yolg'onchiligini qo'ymasa va Olloh qaytargan narsalardan qaytmasa...

Kimki yolg'on so'zlamoqni tark etmasa va Olloh qaytargan narsalardan qaytmasa, ro'za tutib, yemay-ichmay qo'ygani birlan ro'zasi qabul bo'lmag'aydir. Olloh unga rahmat nazarini tashlamag'aydir.

8-bob. Ro'za tutgan kishini haqorat qilishsa «Men ro'zadorman», deb aytadirmi?

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deganlar: «Olloh taolo: «Bandalarimning odamlar ko'zi tushgulik barcha qiladigan ishlari (namoz o'qimoqlari, xayr-ehson qilmoqlari, zakot bermoqlari) o'zlari uchundir, tutadigan ro'zalari ersa, men uchundir (Xudo uchun bo'lmaganda erdi, yashirincha yeb-ichib olmoq mumkin erdi, chunkim uni hech kim ko'rmag'aydir), binobarin, uning mukofotini o'zim berg'aydirmen»,- deydir. Ro'za do'zax o'tidan saqlovchi vositadir, agar sizlardan birortangiz ro'zador bo'lsangiz, gunoh bo'ladigan so'zlarni so'zlamangiz, biron birlan janjallashmangiz, agar biron haqorat qilsa yokim urishsa, men ro'zadorman, deb aytingiz. Ollohga qasam ichib ayturmenkim, ro'zadormaning og'zidan keladigan bo'y Ollohning nazdida mushkdan ham xushbo'yroqdir! Ro'zador ikki

bor xursand bo'lur, biri - og'iz ochganda (ya'ni, iftor qilganda), ikkinchisi - ro'za tutib, yorug' yuz birlan Ollohga yo'liqqanda!»

9-bob. Zino qilmoqdan qo'rqan kishining ro'za tutmoqligi haqida

Alqama rivoyat qiladirlar: «Men Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu birlan birga ketayotgan erdim. Shunda Abdulloh: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga bo'lganimizda, ul Janob: «Kimki uylanmoqqa qodir bo'lsa, uylansin, chunkim uylanmoq kishi ko'zini nomahram ayollarga qaramoqdan, uni noshar'iy jinsiy aloqa qilmoqdan saqlag'aydir. Agarda kimki uylanmoqqa qodir bo'lmasa, ro'za tutsin, chunkim ro'za ro'zadorning shahvatini (ayolga bo'lgan rag'batini) kesguvchidir!» - dedilar».

10-bob. Nabi sallallohu alayhi va sallamning «Ramazon oyida yangi oy chiqqach (ko'ringach), ro'za tutingiz, Shavvol oyida yangi oy chiqqach, ro'za tutishni bas qilingiz!» deganlari haqida

Sila raziyallohu anhu: «Kimki shak kuni ro'za tutsa, Abu-l-Qosim (Janob Rasulullohni shunday deb ham atashar erdi) sallallohu alayhi va sallam oldilarida osiy bo'libdir!» - deganlar.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon haqida bunday deganlar: «Ramazon oyida yangi oy chiqqanini ko'rmaguningizcha, ro'za tutmangiz, Shavvol oyida ham yangi oy chiqqanini ko'rmaguningizcha, ro'za tutmoqni to'xtatmangiz. Agar bulut oyni to'sib turgan bo'lsa, Sha'bon va Ramazon oylarini to'liq o'ttiz kun, deb hisoblangiz».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deydirlar: «Sha'bon oyi yigirma to'qqiz kun, lekin Ramazonda yangi oy chiqmaguncha ro'za tutmangiz, agar bulut oyni to'sgan bo'lsa, Sha'bon oyini o'ttiz kun qilib to'ldirib, keyin ro'za tutishni boshlangiz».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Tepamizda turgan oy», deb ko'rsatdilar-da, mana bunday, mana bunday qilib, ikki muborak qo'llarining barmoqlarini yozib, ikki bor ishora qildilar, bu ersa yigirma sonini bildirg'aydir. Keyin, boshmoldoqlarini tik qilib, ikkinchi qo'llarining kafti birlan uni olib tashlagandek harakat qildilar, bu ersa, to'qqizni bildirg'aydir, jami yigirma to'qqiz bo'lur».

Ummu Salama raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oy o'z ayollariga yaqinlik qilmag'ayman, deb qasam ichdilar (Shariatda bunday qasam bor, uning nomi «iylo» deyilur). Yigirma to'qqiz kun o'tgandan so'ng, ayollari oldiga kirdilar. Shunda, ul kishidan: «Siz bir oy kirmag'ayman, deb qasam ichgan erdingiz-ku!» - deb so'raganimda, «Tepamizdagi oy yigirma to'qqiz kundir», - dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oy o'z ayollariga yaqinlik qilmag'ayman, deb qasam ichdilar, o'sha paytda muborak oyoqlari chiqqan erdi. Bir xonada yigirma to'qqiz kun turdilar, so'ng xonadan chiqib, ayollari oldilariga kirganlarida, «Yo Rasululloh, bir oy yaqinlik qilmag'ayman, deb qasam ichgan

erdingiz-ku!» — deb aytishdi. Shunda, Rasululloh: «Bu oy yigirma to'qqiz kundir», — dedilar».

11-bob. Ikkala hayit oylarining kunlari teng bo'ladir

Imom Buxoriy: «Basharti ikkala hayit oylarining kunlari (o'ttiz kundan) kam bo'lganda ham, savobi to'liqdir, ikkala oy ham baravariga kam kelmog'i mumkin ermas!» — deydirlar.

Abdurrahmon ibn Abu Bakra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ikki oy bir xil, ular o'ttiz kundan kam bo'lmag'aydir, biri — Ramazon oyi, ikkinchisi — Zulhijja oyidir», — deydirlar».

12-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Biz yozmag'aymiz ham, hisoblamag'aymiz ham», deganlari haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ko'pchiligimiz ummiy (o'qimoq va yozmoqni bilmaydirgan) jamoadirmiz. Shul sababdan, biz arab jamoasi yozmoqni ham, yulduzlarga qarab hisoblamoqni ham va ularning qay tartibda harakat qilmog'ini ham bilmasmiz, buning o'rniga qiladigan ibodatlarimizning vaqtlarini shundoq aniq va ko'zga ko'rinadigan qilib belgiladikkim, bu belgilarni bilishda va hisob-kitob qilishda ummiylar ham, boshqalar ham birdir», — deb, ikki muborak qo'llarining barmoqlari ila mana bunday va mana bunday qilib, bir gal yigirma to'qqiz va bir gal o'ttiz raqamini ko'rsatdilar».

13-bob. Ro'zani, har ehtimolga qarshi, bir-ikki kun ilgari tutmaslik haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alaihi va sallam: «Hech kim ehtiyot yuzasidan Ramazondan bir yokim ikki kun ilgari ro'za tutmasin, ro'zani Ramazonda yangi oy chiqqanini ko'rib, so'ng tutsin, ammo haftaning ma'lum kunlari doimo nafl ro'za tutib yurgan odam ro'zasi Ramazonning dastlabki kunlariga to'g'ri kelib qolsa, tuta bersin», — deb aytganlar».

14-bob. Ollah taoloning «Sizlarga Ramazon kechasida xotinlar ila jinsiy aloqa etmoqlik halol qilindi» degan oyati kariyasi xususida

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Muhammad sallallohu alayhi va sallamning sahobalaridan birortasi ro'zador holda iftorga kelsa-yu, lekin iftor qilmay, uxlab qolsa, to ertasi kuni kun botguncha unga yemoq ham, ichmoq ham, jinsiy aloqa ham mumkin ermas erdi (Ramazon ro'zasini tutmoq farz bo'lgan dastlabki davrlarda shundoq erdi). Qays ibn Sarmat al-Ansoriy degan sahoba ro'za erdilar. Iftor vaqti bo'lganda xotinlarining oldiga kelib, «Yegani biror narsang bormi?» — deb so'radilar. Xotinlari: «Yo'q, lekin siz uchun biron yegulik topib kelg'ayman», — dedi. Lekin, kuni bilan ishlaganliklari sababli, charchab, ko'zlari uyquga ketdi. Xotinlari kelib qarasarlar, iftor qilmay uxlab qolibdirlar. Shunda xotinlari: «Iftordan mahrum bo'libsiz-ku!» — dedilar. Qays ibn Sarmat ertasiga ham ro'zani davom ettirdilar. Kun yarim bo'lgan paytda ochlikdan hushdan ketib qoldilar. Keyin, bu voqeani Nabiy sallallohu alayhi va sallamga aytib berishdi. Shunda, «Sizlarga Ramazon kechasida xotinlar ila jinsiy aloqa etmoqlik halol qilindi» degan oyat nozil bo'ldi. Bundan sahobalar juda xursand bo'ldilar. So'ng,

«Oq ipni qora ipdan ajratadigan bo'lguncha (ya'ni, tong yorishay deguncha) yeb-ichingizlar!» degan oyat ham nozil bo'ldi».

15-bob. Olloh taoloning «Oq ipni qora ipdan ajratadigan bo'lguncha yeb-ichingizlar, so'ng ro'zani tongdan boshlab, to kun botgunga qadar davom ettiringizlar!», degan oyati kariyasi haqida

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Oq ipni qora ipdan ajratadigan bo'lguncha yeb-ichingizlar!» degan oyati kariya nozil bo'lganda, bir qatim oq va bir qatim qora ipni olib, yostig'im ostiga qo'yib, (yostig'imni qiya qilib ko'tarib) qaray boshladim, qancha tikilib qaramay, baribir qaysinisi oq va qaysinisi qora ekanligini sira ajrata olmadim. So'ng, kunduzi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga borib, bo'lgan voqeani aytib berdim. Janob Rasululloh: «Bundan maqsad, tun qorong'usi-yu, kun yorug'idir»,— dedilar».

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Oq ipni qora ipdan ajratadigan bo'lguncha yeb-ichingizlar!» degan oyat nozil bo'ldi. Lekin, «Tongdan boshlab...» degan oyat hanuz nozil bo'lmagan erdi. Shunda, odamlar ro'za tutgan paytlarida, oyoqlariga oq va qora ip bog'lab olib, to bir-biridan ajratadigan bo'lguncha yeb-ichaberdilar. Pirovardida, Olloh taolo «Tongdan boshlab...» degan oyati kariyasini nozil qildi. Bundan odamlar bildilarki, oq ip va qora ipdan maqsad, kecha va kunduz erkan».

16-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Bilol aytg'an azon sizlarni saharlik qilmoqdan to'xtatmasin!» degan so'zlari haqida

Oisha raziyallohu anho: «Bilol kechasi azon aytar edilar»,— deydilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarga: «Ibn Ummu Maktum azon aytmaguncha yeb-ichavingizlar, chunkim ul tong otishi arafasida azon aytg'aydir»,— deganlar. Qosim ibn Muhammad bunday deydi: «Bilol birlan Ibn Ummu Maktumning azonlari o'rtasida hech qancha vaqt yo'q erdi, chunkim Bilol mezanadan tushishi birlan o'rniga Ibn Ummu Maktum chiqar erdi».

17-bob. Saharlikka ajratilgan vaqtdan to'la-to'kis foydalanmoq haqida

Sahl ibn Sa'd raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men o'z oilam birlan saharlik qilib bo'lganimdan keyin, tez yurib borib, bomdodning birinchi rak'atidagi sajdani Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga qilmoqqa ulgurar erdim».

18-bob. Saharlik bilan bomdod o'rtasidagi muddat

Zayd ibn Sobit raziyallohu anhu: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga saharlik qildik. So'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namozga (bomdodga) turdilar»,— dedilar. Anas raziyallohu anhu Zayddan: «Bomdodga aytilgan azon birlan Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkalangiz qilgan saharlik o'rtasida qancha muddat bor erdi?»-deb so'radilar. Zayd: «Qur'ondan ellik oyat o'qimoqqa ketadigan vaqtcha bor erdi»,— dedilar.

19-bob. Saharlikka turmay, ro`zani ikkinchi kunga ulab yuborish majburiy ermas

Nabiy sallallohu alayhi va sallam va sahobalar (ba`zan) saharlik qilmay, ro`zani ikkinchi kunga ulab yuborar erdilar, saharlik qilmoq eslariga kelmas erdi.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (ba`zan) saharlik qilmay, ro`zani ikkinchi kunga ulab tutaverar erdilar. Boshqalar ham shundoq qilg`aymiz, deb ancha qiynalib qolishgach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularga bu tariqa ro`za tutmoqni man` qildilar. Odamlar: «O`zingiz shunday ro`za tutmoqdasiz-ku?!»- deyishganda, Janob Rasululloh: «Mening ahvolim sizlarning ahvolingizdan yaxshidir, chunkim menga yegan va ichganning quvvati berib turilgaydir»,- dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Saharlik qilingiz, chunkim saharlik qilishda barakot bordir!» - deganlar»,-deb rivoyat qiladilar.

20-bob. Kunduzi «ro`zaman», deb niyat qilsa...

Ummu Dardo` rivoyat qiladilar: «Abu Dardo`: «Yeyishga ovqatlaring bormi?»-deb so`rardilar, shunda biz: «Yo`q»,- desak, «Bo`lmasa, men bugun ro`zaman»,-deb niyat qilingiz»,- derdilar. Abu Talha, Abu Hurayra, Ibn Abbos va Huzayfa raziyallohu, anhular ham shunday qilishar erdi (ya`ni, yegulik hech narsa bo`lmasa, kunduzi niyat qilib, ro`za tutishaverardi)».

Salama ibn Akva` raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Muharram oyining o`ninchi kuni: «Kimki bugun biror,narsa yegan bo`lsa, boshqa hech narsa yemasin, ammo biror narsa yemagan bo`lsa, kunning qolgan qismida ham yemay, ro`za tutsin! », -deb odamlarga xabar qilmoqni topshirar erdilar».

21-bob. Ro`za tutgan odam jimo`dan so`ng g`usl qilib ro`zasini davom ettirsa...

Oisha va Ummu Salama raziyallohu anhumo: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xotinlari birlan yaqinlik qilganlarida tong otib qolardi. Shunda, Janob Rasululloh g`usl qilib, ro`za tutishni davom ettiraverardilar»,- deb aytishdi. Abdurrahmon ibn Haras ushbu hadisni Madina hokimi Marvonga aytib berganida, «Buni Abu Hurayraga aytib, uni bir mulzam qilmaydiansanmi?» - dedi (chunki, Abu Hurayra: «(Kechasi) jimo` qilgan kishi ro`zasini davom ettirmog`i durust ermas»,-deb yurar erdilar). Marzonning: «Abu Hurayrani bir mulzam qilmaydiansanmi?» -degan gapi Abdurrahmonga yoqinqiramadi. Abdurrahmon bunday deydilar: «Men Zulhulayfa degan joyda Abu Hurayra birlan uchrashib qoldim. Shunda, mazkur hadisni ul kishiga aytib berdim-da, «Menga Marvon buyurmaganda, aytmaz erdim»,-dedim. Abu Hurayra menga javoban: «Nahs odamning ro`za tutishni davom ettirmog`i durust ermas», degan hadisni menga Ibn Abbos aytib bergan erdi, ul kishi ersa, hammamizdan ko`ra bilimdonroqdirlar»,- dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu Humom va Ibn Abdulloh ibn Umarga: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «(Kechasi) nahs bo`lib qolgan odam (o`sha kuni) ro`za tutmasligi lozim»,- deb buyurar erdilar»,- degan ekanlar.

22-bob. Ro`zador kishining badani xotinining badaniga tegishi mumkin

Oisha onamiz: «Ro`zador kishi xotinining avratigagina yaqinlashmasligi lozim», - deydilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ro`za bo`la turib, ayollarini o`par erdilar, muborak badanlari ularning badanlariga tegar erdi, lekin ul Janob o`z nafslarini sizlardan ko`ra, ko`proq tiya bilgan odam erdilar (ammo, o`z nafsigacha kuchi yetmaydiganlarning ro`za tutgan holda xotiniga bunday muomalada bo`lmog`i xatarlidir)».

23-bob. Ro`zador kishining o`z ayolini o`pmog`i haqida

Jobir ibn Zayd: «Agar ro`zador kishi o`z xotiniga muhabbat ila qarasa-yu, tahorati sinsa, ro`zasini davom ettiraverg`aydir», - deydirlar.

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ro`za tutgan hollarida ba`zan xotinlarini o`par erdilar», - dedilar-da, kulib qo`ydilar.

Ummu Salama raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan bir to`shakda yotgan erdim, to`satdan hayz ko`rib qoldim. Shunda, Janob Rasulullohning bag`rlaridan sekingina chiqib ketdim. Janob Rasululloh: «Nima, hayz bo`lib qoldingmi?»-dedilar. Men: «Ha», - dedim-da, kiyimlarimni almashtirib, yana to`shakka kirdim».

Ummu Salama va Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkalalari ham nahs bo`lib qolganlarida bir idishdan g`usl qilar erdilar. Janob Rasululloh ro`za bo`lsalar ham Ummu Salamani o`par erdilar.

24-bob. Ro`za tutgan odamning g`usl qilmog`i haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu ro`za tutgan bo`lsalar ham, bir ko`ylakni xo`llab, o`z ustlariga tashlab qo`ymoqni buyurdilar. Imom Sha`biy ro`za tutgan bo`lsalar ham hammomga kirdilar. Ibn Abbas: «Kishi ro`za bo`la turib qozondagi taomning tuzini tili birlan tatib ko`rib, ichiga yutmasdan tuflab tashlasa, zarari yo`qdir», - deydirlar. Hasan Basriy: «Ro`zador kishi og`ziga suv olib, chayqab tashlasa, suv birlan badaniga orom bersa bo`lur», - deydilar. Ibn Mas`ud: «Qaysi biringiz ro`za tutsangiz, badaningizga xushbo`y narsalardan surtib, o`zingizga oro beringiz!» - deb tavsiya qiladirlar. Anas raziyallohu anhu: «Menda bir katta idish bor, unga suv to`ldirib, ro`za bo`lishimga qaramay, ichiga tushib olg`ayman», - deydilar. Janob Rasululloh ro`za tutgan paytlarida ham misvok birlan tishlarini tozalar erdilar, deyishadi. Ibn Umar: «Ro`zador odam ertalab va kechga yaqin misvok birlan tishini tozalamog`i mumkin», - deydilar. Ato raziyallohu anhu: «Ro`zador odam tupugini yutsa, ro`zasi ochilg`aydir. demasman», - deydilar. Ibn Sirin: «Ro`zador odam misvok ishlatsa, zarari yo`qdir», - deb aytdilar. Shunda ul kishiga: «Misvok nam bo`lgach, og`izga uning mazasi chiqadir-ku!» - deyishdi. Ibn Sirin: «Ro`zador bo`la turib suv birlan og`iz chayqaladir-ku, unda ham maza bor-ku!» - deb javob qildilar. Anas va Hasan Basriy: «Ro`zador odam surma ishlatsa, zarari yo`qdir», - deyishadi.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ramazonda subh vaqtida bulgʻanib qolar erdilar. Soʻng, gʻusl qilib, roʻza tutishni davom ettiraverardilar».

Abu Bakr ibn Abdurrahmon rivoyat qiladirlar: «Otam birlan birga Oisha raziyallohu anhoning uylariga kirdik. Shunda Oisha onamiz: «Qasam ichib ayturmenkim, Janob Rasululloh jinsiy yaqinlik qilmay turib, nahs boʻlib qolganlarida (bulganib qolganlarida) gʻusl qilardilar-da, roʻza tutishda davom etaverardilar», - deb aytdilar. Soʻng, biz Ummu Salama oldilariga kirdik, ular ham Oisha onamiz aytgan gaplarni aytdilar».

25-bob. Roʻzador kishi esidan chiqib biror narsa yeb-ichib qoʻysa...

Ato raziyallohu anhu: «Agar bir kishi burniga suv olib (tahorat chogʻida), hammasini chiqarib yuborolmay, ozrogʻi dimogʻi orqali tomogʻiga oʻtib ketsa, uning zarari yoʻqdir», - deydilar.

Hasan Basriy: «Roʻzadorning tomogʻiga pashsha kirib ketsa, zarari yoʻqdir», - deydilar.

Hasan va Mujohid: «Agar roʻza tutgan kishi roʻzaligi esida boʻlmay, oʻz xotini birlan jinsiy aloqa qilib qoʻysa, hech zarari yoʻqdir», - deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Agar roʻzador odam esidan chiqib yebichib qoʻysa, roʻzasini davom ettirsin, chunkim uni Ollah yeb-ichiribdir», deganlar», - deydilar.

26-bob. Roʻzador odam hoʻl va quruq misvokni ishlatsa...

Omir ibn Rabiya: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning roʻzador boʻla turib, misyuk ishlatganlarini juda koʻp koʻrganman», - deydilar. Abu Hurayra: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Agar ummatimga ogʻir boʻlmogʻini oʻylamaganimda, har tahorat qilganda misvok ishlatmakni buyurgan boʻlar erdim», - deb aytganlar», - deydilar. Abu Hurayra Janob Rasululloh haqlarida rivoyat qilgan hadislariga oʻxshash boshqa bir hadisni Jobir va Zayd ibn Xolid ham aytib berishgan. Imom Buxoriy: «Mazkur hadis roʻzador odamgagina taalluqlidir», - deydilar.

Oisha oiamiz: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Misvok birlan ogʻiz tozalamak Ollah taolo rizoligi uchun qilinadigan amaldir!» - deganlar», - deydilar. Ato va, Qatoda: «Roʻza tutgan kishi tupugini yutsa, zarari yoʻqdir», - deb aytishadi.

Humron rivoyat qiladirlar: «Men Usmon raziyallohu anhuning tahorat qilganlarini koʻrdim. Ul kishi avval uch bor ikki qoʻllariga suv quyidilar, soʻng, ogʻiz va burun chayqadilar, keyin uch bor yuzlarini yuvdilar, keyin uch bor oʻng va chap qoʻllarini tirsak birlan qoʻshib yuvdilar, soʻng oʻng hamda chap oyoqlarini uch bor yuvdilar. Keyin, menga qarab: «Rasululloh, xuddi hozir men qilgan tahoratdek, tahorat qilib, «Kimki hozirgi mening tahoratimdek tahorat qilsa, keyin ikki rakʻat namoz oʻkib, namoz vaqtida namozga aloqador boʻlmagan soʻzlarni soʻzlamasa, shul vaqtgacha qilgan mayda gunohlarining hammasi kechirilgʻaydir», - deb aytganlar», - dedilar».

27-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning «Birortangiz tahorat qilsangiz, albatta dimog`ingizga suv olib chayqangiz!» deganlari hamda bunda ro`zador bkrlan ro`za tutmaganlarni ajratmaganlari haqida

Hasan Basriy: «Ro`zador dimog`iga dori quysa-yu, tomog`iga ketib qolmasa, zarari yo`qdir hamda ro`zador surma qo`ysa ham bo`lur», - deydilar. Ato raziyallohu anhu: «Ro`zador og`ziga suv olib, chayqab tashlasa-yu, tupugi va og`zida qolgan suvni yutib yubormasa, zarari yo`kdir. Ro`zador saqich chaynamligi kerak, mobodo saqich chaynasa-yu, so`lagini yutsa, ro`zasi ochilg`aydir, demasman», - deydilar. Lekin, ko`pchilik ulamolar saqich chaynaganda chiqadigan so`lakni yutmaslik kerakligini aytib, «Ro`zador dimog`ini chayqaganda tomog`iga suv ketsa, zarari yo`qdir, chunkim ul tomog`iga ketayotgan suvni qaytarishga qodir ermas», - deyishadi.

28-bob. Ramazonda xotini bilan yaqinlik qilsa...

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Kimki Ramazonda kasal bo`lmay turib, uzrsiz bir kun ro`za tutmasa, o`sha uzrsiz ro`za tutmagan bir kun evaziga umr bo`yi ro`za tutsa ham, Ramazondagi bir kunlik ro`zaning savobiga erisha olmaydir», - deydilar. Ibn Mas`ud ham xuddi shunday degan ekanlar. Sa`id ibn Musayyab, Sha`biy, Ibn Jubayr, Ibrohim Qatoda va, Hammodlar: «Uzrsiz tutilmagan bir kunlik ro`za evaziga yana bir kun qo`shimcha ro`za tutg`aydir», - deydilar.

Abdulloh ibn Zubayr quyidagi hadisni Oisha raziyallohu anhodan eshitgan ekanlar: «Bir kishi Nabiy sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib, «Men o`zimni o`zim kuydirdim!» - dedi. Janob Rasululloh: «Ne qilding?» - dedilar. Boyagi kishi: «Men Ramazonda kunduzi xotinimga yaqinlik qilib qo`ydim», - dedi. Shu payt, Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bir katta zambilda xurmo keltirib qolishdi. Shunda, Janob Rasululloh: «Boyagi o`zini o`zi kuydirgan kishi qani?» - deb so`radilar. «Men shu yerdaman», - dedi u. Janob Rasululloh: «Qilgan gunohingni yuvmok; uchun (kafforat uchun) mana shul xurmoni odamlarga ehson qilg`il!» - dedilar».

29-bob. Ramazon kuklari kunduzi xotinga yaqinlik qilib qo`ysa-yu, buning kafforati uchun beradigan hech narsasi bo`lmasa....

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga o`tirgan erdik. Shu payt, bir kishi kelib: «Yo Rasululloh, men halok bo`ldim!» - dedi. Janob Rasululloh: «Senga ne bo`ldi?» - dedilar. Boyagi kishi: «Ro`za holimda kunduz kuni o`z xotinimga yaqinlik qilib qo`ydim», - dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bir qul ozod qilmoqqa qurbing yetg`aydirmi?» - deb so`radilar. O`: «Yo`q, qurbim yetmag`aydir», - dedi. Janob Rasululloh: «Ikki oy ketma-ket ro`za tuta olurmisen?» - dedilar. U: «Yo`q», - dedi. Janob Rasululloh: «Bo`lmasa, oltmish kishiga taom bera olurmisen?» - dedilar. U: «Yo`q», - dedi-da, jim qoldi. Shu asnodan Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bir katta savatda to`la xurmo keltirib qolishdi. Shunda, Janob Rasululloh: «Boyagi odam qani?» - deb so`radilar. U: «Shu yerdaman», - dedi. Janob Rasululloh: «Mana bu xurmoni olib, kambag`allarga ehson qilg`il», - dedilar. U: «Yo Rasululloh, Olohga qasam ichib ayturmenkim, Madinada mening xonadonimdan kambag`alroq xonadon yo`q», - dedi. Janob Rasululloh tabassum qildilar, hatto muborak og`izlaridagi tishlari ham ko`rinib ketdi: «Undoq bo`lsa, xurmoni olib borib, oilangga yedirg`il», - dedilar».

30-bob. Ramazon kuni xotiniga yaqinlik qilib qo'ygan kishi, oilasi muhtoj bo'lsa, beradigan kafforatini oilasiga yediradimi?

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam huzurlariga bir kishi kelib, Ramazonda o'z ahliyasi birlan jinsiy aloqa qilib qo'yganini aytdi. Janob Rasululloh: «Qilgan gunohing evaziga qul ozod qilmoqqa qodirmisen?»-deb so'radilar. U kishi: «Yo'q»,- dedi. Janob Rasululloh: «Ikki oy ketma-ket ro'za tutmoqqa qodirmisen?» - deb so'radilar. U yana: «Yo'q»,-deb javob berdi. Janob so'radilar: «Oltmish kishiga taom bermoqqa qodirmisen?» U kishi: «Yo'q»,- dedi. Shu payt, Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bir savat xurmo hadya qilindi. Janob: «Bu xurmoni o'z nomingdan muhtojlarga yedirg'il!» -dedilar. U kishi: «Yo Rasululloh, Madina shahrida mening oilamdan ham muhtojroq oila bormi?» - dedi. «Undoq bo'lsa, buni o'z oilangga yedirg'il!» - dedilar Rasululloh».

31-bob. Ro'zadorning qon oldirishi va qayt qilishi haqida

Abu Hurayra: «Agar ro'zador qayt qilsa, ro'zasi ochilmaydir, chunki bu holda ovqat ro'zadorning oshqozonidan chiqadir, unga kirmaydir»,- deydilar. Abu Hurayraning boshqa bir rivoyatlarida «Ro'zador qayt qilsa, ro'zasi ochiladir», deb aytilgan, lekin avvalgisi to'g'ri. Ibn Abbas va Ikrima: «Ro'za qoringa kirgan narsadan ochiladir, chiqqan narsadan ermas»,- deydilar. Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu ro'za bo'la turib, kunduzi qon oldirar erdilar, so'ng kechasi oldiradigan bo'ldilar. Abu Muso ham kechasi qon oldirardilar. Sa'd, Zayd ibn Arqom va Ummu Salamalar ro'za bo'la turib, kunduzi qon oldirishgani haqida rivoyat qilingan. Bukayr Ummu Alqama: «Oisha raziyallohu anho huzurlarida ro'za holimizda qon oldirar erdik, lekin ul kishi bizni bundan qaytarmas erdilar»,- deydilar. Hasan Basriy va boshqalar: «Kishi ro'za holda qon oldirsa, qon olganning ham, oldirganning ham ro'zasi ochilg'aydir», - deb rivoyat qilishadi.

Ibn Abbas raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ehromda bo'lgan chog'larida va ro'za tutgan paytlarida qon oldirganlar»,- deb rivoyat qiladirlar.

Ibn Abbas raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam ro'za hollarida qon oldirar erdilar»,- deydilar.

Sobitulbunoniy Anas raziyallohu anhudan: «Ro'zadorning qon oldirishini yoqtirmas erdingizlarmi?» - deb so'radilar. U kishi: «Ha, qon oldirgandan so'ng, madori qurib qolishini yoqtirmas erdik»,- deb aytdilar.

32-bob. Safarda ro'za tutmoq va tutmaslik haqida

Abu Avfo raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga safarda erdik. Janob Rasululloh bir kishiga: «Iftor qilmog'im uchun ulovdan tushib, sutni suvga (yokim talqonni suvga) aralashtirib berg'il!»-deb buyurdilar, Ul kishi: «Quyoshning nurlari hali so'ngani yo'q-ku?!»-dedi. Janob Rasululloh ikkinchi marta buyurdilar. Boyagi kishi yana: «Quyoshning nurlari hali so'ngani yo'q-ku?!» - dedi. Janob Rasululloh uchinchi marta buyurganlaridan keyin, u ulovdan tushib, sutni suvga aralashtirib berdi. Janob Rasululloh o'shandan ichib, og'iz ochdilar. So'ng, muborak qo'llari birlan kun botar tomonga ishora qilib, «Agar qorong'ulik mashriq tomondan tusha boshlasa, ro'zador og'iz ochg'aydir»,- dedilar».

Oisha raziyallohu anho: «Hamza ibn Amrulaslamiy: «Yo Rasululloh, men har doim, har kuni ro`za tutg`ayman», - deb aytdi», - deydi.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Hamza ibn Amrulaslamiy Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan «Safarda bo`lganimda ham ro`za tutaverayinmi?» - deb so`radi. Janob Rasululloh: «Xohlasang tutg`il, xohlamasang, tutmag`il!» - dedilar».

33-bob. Agar kishi Ramazonda bir necha kun ro`za tutib, so`ng safarga chiqsa...

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazonda Makkaga safar qildilar. Shunda, Kadid degan joyga kelguncha ro`za tutdilar, undan so`ng ro`za tutmadilar. Buni ko`rgan odamlar ham ro`za tutmay qo`yishdi».

34-bob.

Abuddardo' raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Odamlar qo'llarini boshlariga soyabon qiladigan darajada havo isib ketadigan paytlarda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga safarga chiqar erdik. Bunday safarlarda Janob Rasululloh va Ibn Ruvohadan boshqa hech kim ro`za tutmas erdi».

35-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning «Jazirama issiqda safarga chiqqan odamning ro`za tutmog`i yaxshi ermas» deganlari haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safar chog`ida bir to`da kishilarning kimnidir Quyoshdan pana qilmoqqa urinishayotganini ko`rib: «Ne qilmoqdasingiz?» - dedilar. Shunda, ular boyagi kishining ro`zador ekanligini aytishdi. Janob Rasululloh: «Safarda ro`za tutmoq yaxshi ermas», - dedilar».

36-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning sahobalari bir-birlariga ro`za xususida ta`na qilishmas erdi

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga safarda erdik. Ayrimlarimiz ro`za tutgan va ayrimlarimiz ro`za tutmagan erdik. Shunda, ro`za tutmagan kishiga «Nega tutmag`aysan?», deb yoki tutgan kishiga «Nega safarda ro`za tutg`aysan?», deb ta`na qilmas erdik».

37-bob. Safarda ro`za tutgan kishining «Odamlar mendan ibrat olsin», deb oshkora og`iz ochganligi haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon oyida Makkaga qarab safarga chiqdilar. Asfon degan yerga yetguncha necha kun ketgan bo`lsa, shuncha kun ro`za tutdilar. O`sha yerga yetgandan so`ng, Janob Rasulo`lloh suv keltirmakni buyurdilar. Suv keltirishgach, odamlar ko`rsin, deb ataylab baland ko`tarib ichdilar. Keyin, Makkaga yetguncha ro`za tutmadilar. Bu voqea Ramazonda bo`lgandi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarda ko`pincha ro`za tutardilar va ba`zan tutmay ham yurardilar. Shuning uchun bu galgi safarimizda xohlagan ro`za tutdi, xohlamagan tutmadi».

38-bob.

Ibn Umar va Salama ibn al-Akva': «Olloh taoloning «Ro'za tutmoqqa qurbi yetadigan kishilar ro'za tutmasalar, bir kunlik ro'za evaziga bir miskin to'yadigan taom bersinlar!» degan oyatini uning keyingi - «Kimki Ramazon oyi kelgach, ro'za tutmoqqa qodir bo'lsa, ro'za tutsin... », degan oyati bekor qilgan», - deyishadi. Muhammad sallallohu alayhi va sallamning sahobalari - Abu Laylo bunday deydilar: «Ramazon oyida ro'za tutmoq haqidagi oyat nozil bo'lganda biz ro'za tutmoqqa juda qiynaldik, shunda ro'za tutmoqqa qodir bo'lmaganlarga bir kunlik ro'za o'rniga bir miskin to'yadigan miqdorda fidya (to'lov) bermakka ruxsat etildi. Keyinchalik ersa, «Ro'za tutganingiz taom berganingizdan afzalroqdir!» degan oyat nozil bo'lib, avvalgi oyatni bekor qildi va bizga ro'za tutmoq buyurildi».

Nofi' rivoyat qiladirlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu: «Ro'za tutmaganlar har kungi ro'zasi uchun bir miskin to'yadigan taom bersin!» degan oyatni o'qib, « Bu oyat bekor qilingan», - dedilar».

39-bob.

Ibn Abbos: «Agar kishi bir necha kun ro'za tuta olmagan bo'lsa, Ramazon oyidan so'ng tutsa ham bo'lur, uzluksiz bo'lmog'i shart ermas. Chunki Olloh taolo: «Tuta olmagan ro'zalarigizni boshqa kunlarda tutib berg'aydirezlar, degan», - deydilar. Sa'id ibn Musayyab: «Ro'zaning qazosi Zulhijja oyining o'ninchi kunigacha tutilgani yaxshiroq, chunki kelgusi Ramazon oyigacha tutilmay qolib ketsa, yaxshi ermas», - deydilar. Ibrohim: «Kishi Ramazon oyida beparvo bo'lib, ro'za tutmasa, keyingi Ramazon oyi kelganda har ikkalasini bir qilib tutishi kerak bo'ladi, qazo bo'lgan ro'za uchun fidya bermoq yaxshi ermas», - deydilar. Abu Hurayra va Ibn Abbos: «Ramazon oyi kelganda kimki ro'za tutolmay qolsa, qazo bo'lgan ro'zasi evaziga bir miskin (kambag'al, bechora) to'ygudek taom bermog'i kerak», - deganlar. Imom Buxoriy ersa: «Olloh taolo qazo qilingan ro'zalar o'rniga taom bermoqni ermas; balkim ro'za tutib bermoqni amr qilgan», - deydilar.

Abu Salama rivoyat qiladirlar: «Oisha raziyallohu anho: «Ramazonda tuta olmagan ro'zalarimning qazosini to Sha'bon oyi kelmaguncha tuta olmas erdim», - dedilar. Chunkim, Janob Rasululloh ham Sha'bon oyida ro'za tutar erkanlar. Yahyo: «Ul kishining Sha'bon oyigacha ro'za tuta olmasliklariga sabab Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan mashg'ul erkanliklaridadir», - deydilar».

40-bob. Hayz ko'rgan ayolning ro'za va namozni tark qilmog'i haqida

Abuzzanod rivoyat qiladirlar: «Payg'ambarning sunnatlari va shar'iy ishlari ko'pincha kishi fikriga xilof bo'lur, binobarin musulmon kishi biror shariat hukmini o'z fikriga, aqliga xilof, deb bilsa, albatta shariat ko'rsatgan yo'lga ergashmog'i shartdir. Shunday ishlardan bittasi hayz ko'rgan ayolning ro'za qazosini tutib, namoz qazosini o'qimasligidir».

Abu Sa'id raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Hayz ko'rgan xotinlarning namoz o'qimasligi va ro'za tutmasligi ular e'tiqodidagi nuqs

ermasmu?» - deganlar (ya'ni, ayollar Oллоh taolоga ibodat qilmoq xususida erkaklarga nisbatan ayrim nuqsonlarga egadir)».

41-bob. Vafot qilgan kishi zimmasida qolgan ro'zaning hukmi

Hasan Basriy: «Vafot qilgan kishi zimmasida o'ttiz kun ro'za qolgan bo'lsa, o'ttiz kishi bir kundan tutib bersa bo'lg'aydir», - deganlar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki vafot qilsa, uning zimmasida qolgan ro'zalarini (ya'ni, tuta olmagan ro'zalarini) vafot qilgan kishining yaqinlari tutib berg'aydirlar», - deganlar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Bir kishi 'Nabiy*sallallohu alayhi va sallam huzurlariga kelib: «Yo Rasululloh, onam, zimmalarida bir oylik ro'za bo'lgan hollarida vafot qildilar, o'sha zimmalaridagi ro'zani men ado qilsam bo'lurmi?» - deb so'radi. Janob Rasululloh: «Ha, - bo'lg'aydir. Chunki Oллоhning qarzini ado etmoq boshqa qarzlarni ado k;ilmoqdan ham zarurroqdir! »- dedilar». : '

42-bob. Ro'zador qaysi vaqtda ogaz ochsa, yaxshi bo'ladi? Abu Sa'id quyosh gardyshi ko'rinmay qolgaida ogiz ochar erdilar

Umar ibn Xattob raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar qorong'ulik mashriqdan kela boshlasa, yorug'lik ersa mag'ribdan keta boshlasa va quyosh botsa, ro'zador og'iz ochg'aydir», - dedilar».

Ibn Abu Avfo rivoyat qiladirlar: «Biz Janob Rasululloh birlan birga safarda erdik, ul kishi ro'za erdilar. Kun botgandan so'ng, bir kishiga og'iz ochmoq uchun sut birlan suvni aralashtirmoqni buyurdilar. U kishi ersa: Og'iz ochmoqqa hali ertaroq zrmasmikin?» - dedi, Janob Rasululloh buyruqlarini uch bor takrorlaganlaridan so'ng, u kishi ichimlik suvi tayyorladi. Nabiy sallallohu alayhi a sallam suv ichib: «Agar qorong'ulik mashriqdan kelayotgan bo'lsa, ro'zadorning ro'zasi ochilgan bo'lur», - dedilar».

43-bob. Ro'zadorning o'zida mavjud bo'lgan suv yoki boshqa narsalar bilan og'iz ochishi mumkinligi haqida

Ibn Abu Avfo raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga yurgan erdik. Ul kishi ro'za erdilar. Kun brtgandan so'ng, «Ey Bilol, ulovdan tushib, bizga og'iz ochmoq uchun sut birlan suvni aralashtirib berg'il!»- dedilar. Bilol: «Yo Rasululloh, og'iz ochmoqni bir oz kechiktirsangiz bo'larmi erdi?»-dedilar. Janob Rasululloh yana: «Suv tayyorlag'il!» - dedilar. U kishi yana: «Hali yorug'-ku!»- dedilar. Janob Rasululloh yana: «Suv tayyorlag'il!» - dedilar. Shundan so'ng, Bilol suv tayyorlab berdilar. Shunda, Janob Rasululloh: «Agar qorong'ulik mana bu tomondan (qo'llari birlan mashriq tomonga ishora qildilar) kelsa, ro'zador og'iz ochg'aydir», - dedilar».

44-bob. Kun botishi bilanoq iftor qilmoq haqida

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ro'zadorlar quyosh botishi birlan bir paytda og'iz ochsalar, doimo yaxshilik ko'rg'aydirlar», - deganlar».

Ibn Abu Avfo raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga safarda erdik, Janob Rasululloh kechgacha ro`za tutdilar. So`ng, bir kishiga: «Og`iz ochmoqqa narsa (suv) tayyorlag`il!» - dedilar. U kishi: «Yana bir oz kech kirishini kutsak yaxshi bo`larmidi?»-dedi. Janob Rasululloh: «Agar tunning mashriq tomondan kelayotganini ko`rsang, bo`ldi, ro`zador bo`lsang, og`iz ochaverg`il!»-dedilar».

45-bob. Agar Ramazonda og`iz ochilgandan so`ng quyosh ko`rinib qolsa...

Asmo binti Abu Bakr: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam davrlarida havo bulut kuni og`iz ochdik, biroq og`iz ochilgandan so`ng Quyosh chiqib qoldi», - dedilar. Mazkur hadis roviylaridan biri - Hishomdan: «O`sha kungi ro`zaning qazosini tutmoqni buyurdilarmi?» - deb so`rashganda, ul kishi: «Ro`zaning qazosini albatta tutmoq lozim», - deb javob qildilar. Ma`mar ersa: «Hishom o`shanda ro`za qazosini tutishganmi, yo`qmi, bilmadim, deb aytgan erdi», - deydilar.

46-bob. Yosh bolalarning ro`za tutmog`i haqida

Umar raziyallohu anhu Ramazonda may ichgan Nashvon degan kishiga: «Yosh bolalarimiz ro`za tutsalar-u, sen may ichib yursang?! Bu qilmishing uchun do`zax azobiga giriftor bo`lg`il!» - deb sakson darra urdilar.

Rabi` binti Muavvaz rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Muharram oyining o`ninchi kuni ertalab Madina tegrasidagi qishloqlarga «Kimki ro`za tutmagan bo`lsa, to kun botguncha hech narsa yemasin, kimki ro`za tutgan bo`lsa, ro`zasini davom ettirsin!», deb xabar yubordilar. O`sha kuni o`zimiz ham, yosh bolalarimiz ham ro`za tutgan erdik. Bolalarimiz qorinlari ochib, yig`lasalar, ularni iftorgacha ovuntirish uchun bo`yalgan jundan o`yinchoqlar yasab bergan erdik».

47-bob. «Ikki va undan ortiq kun iftor qilmay, uzluksiz ro`za tutmoq hamda kechasi ro`za tutmoq durust ermas», - degan kishilar haqida

Olloh taolo: «Ro`zani kun botguncha davom ettiringiz!» - degan. Nabiy sallallohu alayhi va sallam kishilarga rahm-shafqat qilib, ularning salomatliklarini o`ylab, uzluksiz ro`za tutmoqdan qaytarganlar va «Dinda buyurilmagan narsalarni qilaman, deb o`zini qiynamaklik durust ermas», - deganlar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Uzluksiz ro`za tutmangiz!» - deganlarida, «O`zingiz shunday ro`za tutg`aydireziz-ku?!» - deyishdi. Janob : «Men sizlarga o`xshagan ermasmen, uzluksiz ro`za tutganimda, Olloh tomonidan kechalari yeb-ichirilg`aymen», - dedilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uzluksiz ro`za tutmoqdan qaytarganlarida, odamlar:

«O`zingiz tutg`aydireziz-ku?!»-deyishdi. Shunda, Janob Rasululloh: «Meni Olloh kechalari yedirg`aydir va ichirg`aydir» ,— dedilar».

Abu Sa`id rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarni uzluksiz ro`za tutmoqdan qaytarib: «Agar xohlasangiz, to sahargacha tutingiz!» - deganlarida,

odamlar: «Yo Rasululloh, o'zingiz tutg'aydirlar-siz-ku?!» -deyishdi. Janob: «Men. sizlarga o'xshagan ermasmen, chunki kechasi Olloh tomonidan taomlantirg'uvchi kelib, menga taom berg'aydir va sug'org'uvchi kelib, suv berg'aydir», - dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Janob Rasululloh odatlarga rahm-shafqat qilib, uzluksiz ro'za tutmoqdan qaytarganlarida, ular: «Uzingiz tutg'aydirlar-siz-ku?!» - deyishdi. Ul kishi: «Men sizlarga o'xshagan ermasmen, meni rabbim yedirib-ichirib turg'aydir», - dedilar».

48-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning haddan ziyod uzluksiz ro'za tutganlarni koyiganlari haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam odamlarni ro'zani uzluksiz tutmoqdan qaytardilar. Shunda, musulmonlardan biri: «Yo Rasululloh, o'zingiz uzluksiz ro'za tutg'aydirlar-siz-ku?!»-dedi. Janob: «Qaysi biringiz mendek bo'la olursiz? Meni kechasi rabbim yedirib-ichirg'aydir», - dedilar. Odamlar uzluksiz ro'za tutmaslikka ko'nishmagandan so'ng (sahobalar Rasululloh qilgan ishni qiynalsalar ham qilib, savob topmoq maqsadida ko'nishmagan erdi), Janob Rasululloh ular birlan birga ketma-ket og'iz ochmay, ikki kun ro'za tutdilar. Uchinchi kuni yangi oy chiqib qoldi, shunda Janob Rasululloh: «Agar yangi oy ko'rinmaganda uzluksiz ro'za tutaverar erdim», - dedilar-da, sahobalarni uzluksiz ro'za tutganlari uchun bir oz koyigandek bo'ldilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ikki marta ketma-ket og'iz ochmay, ro'za tutmoqdan ehtiyot bo'lingiz!» -dedilar, shunda ular: «Uzingiz tutg'aydirlar-siz-ku?!» - deyishdi. Janob Rasululloh: «Meni Olloh kechasi yedirib-ichirg'aydir. Sizlar qurbingiz yetadiringan ishni qilmog'ingiz lozimdir», - dedilar».

49-bob. Faqat sahargacha uzluksiz ro'za tutmoq haqida

Abu Sa'id Xudriy rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uzluksiz ro'za tutmangiz, agar qay biringiz uzluksiz ro'za tutmoqni ixtiyor etsangiz, faqat sahargacha davom ettiringiz», - dedilar. Odamlar: «Yo Rasululloh, o'zingiz tutgaydirlar-siz-ku?!» - deyishdi. Janob Rasululloh: «Men sizlarga o'xshagan ermasmen, menga kechasi taomlantirg'uvchi kelib, taom berg'aydir, suv berg'uvchi kelib, suv ichirg'aydir», - dedilar».

50-bob. Bir odam nafli ro'za tutgan boshqa bir odamga «og'iz ochasan!», deb turib olsa-yu, lekin uning og'iz ochganligi uchun o'zi bir kun ro'za tutib berishi zarur ekanligini bilmasa, ammo, ro'za tutgan kishiga ogiz ochishdan ko'ra, ro'za tugan afzalroq bo'lsa...

Abu Juhayfa rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Salmon bilan Abuddardo'ni o'zaro aka-uka tutintirib qo'yidilar. Shundan so'ng, Salmon Abuddardo'ni ko'rgani uylariga borsalar, Abuddardo'ning xotinlari Ummuddardo' eski kiyim kiyib olgan erkanlar. Salmon: «Sizga ne bo'ldi, bunchalik xarob kiyim kiyib olibdirlar-siz?»-deb so'radilar. Ummuddardo': «Birodaringiz Abuddardo'ning dunyoni suv bossa, to'piqlariga chiqmag'aydir», - dedilar. Salmon gap nimada ekanligini fahmlab, Abuddardo' kelganlarida u kishiga ovqat tutib edilar: «Men ro'zaman, yemasmen», - dedilar. Salmon:

«Agar siz bu taomdan yemasangiz, men ham yemasmen», - dedilar, Abuddardo' nochor yedilar. Kechasi Abuddardo' uyqudan uyg'onib, ibodat qilmoqchi bo'lib erdilar, Salmon: «Yotingiz!» - dedilar, u kishi yotdilar, bir ozdan keyin yana turmoqchi bo'lib edilar, yana: «Yotingiz!» - dedilar, u kishi yana yotdilar. Tong otay deb qolganda, Salmon: «Mana endi turingiz!» - dedilar-da, o'zlari ham turib, birgalashib namoz o'qidilar. So'ng, Salmon Abuddardo'ga: «Sizda rabbingizning ham, o'zingizning ham, oilangizning ham haqqi bordir, sizning ularning birortasining ham haqqiga xiyonat qilmoqqa haddingiz yo'qdir!» - dedilar. Keyin, Abuddardo' bu voqeani Janob Rasulullohga aytib berganlarida, ul kishi: «Salmon to'g'ri aytibdir», - dedilar».

51-bob. Sha'bon oyida ro'za tutmoq haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ro'zani shunchalik maromiga yetkazib tutar erdilarki, biz hatto ul kishi har doim ro'za bo'lsalar kerak, derdik. Ro'za tutmagan paytlarida ersa, endi sira ham ro'za tutmasalar kerak, deb o'ylardik. Janob Rasulullohning Ramazon oyidan boshqa oylarda to'liq ro'za tutganlarini ko'rmadim. Sha'bon oyidan boshqa oylarda ham to'liq ro'za tutganlarini ko'rmaganman».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Sha'bon oyidan boshqa oylarda ko'p ro'za tutmas erdilar, chunki Sha'bon oyida to'liq ro'za tutar erdilar. Janob Rasululloh: «Qurbingiz yetadiringan ishni qilingiz, sizlarga malol kelmasa, Ollohga ham malol kelmag'aydir», - der erdilar. Rasululloh qisqa bo'lsa ham, kanda qilmay namoz o'qimoqni yaxshi ko'rar erdilar. Agar nafl namoz o'qimakni odat qilgan bo'lsalar, uni ham kanda qilmay o'qir erdilar».

52-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ro'za tutmoqlari va ro'za tutmay yurishlari haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ramazon oyidan boshqa oylarning hammasida ham ro'za tutavermaganlar. Janob ro'za tutsalar, «Ollohga qasamlar bo'lsinkim, bul kishining og'izlari ochiq kun bo'lmag'aydir!» - deyishardi. Og'izlari ochiq bo'lgan vaqtlarda ersa, «Ollohga qasamlar bo'lsinkim, bul kishi ro'za tutmag'aydirlar!» - deyishardi».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ba'zi oylarda hech ham ro'za tutmas erdilar, hatto biz: «Bu zot hech ham nafl ro'ze. tutmasalar kerak?» - deb o'ylardik. Ba'zi oylarda shunchalik ko'p ro'za tutar erdilarki, biz: «Bu zot doimo ro'za bo'lsalar kerak?» - deb o'ylardik. Ba'zan biz, kechasi Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o'qimasalar kerak, deb o'ylab uylariga borsak, ul kishi namoz o'qiyotgan bo'lar erdilar. Ba'zan ersa, ul kishi kechasi birlan uxlamay namoz o'qib chiqsalar kerak, deb o'ylab borsak, uxlayotgan bo'lar erdilar».

Anas raziyallohu anhudan Nabiy sallallohu alayhi va sallamning qanday ro'za tutishlari to'g'risida so'rashdi. Ul kishi: «Ba'zi oylarda Janobni ro'za holda ko'rmoqni istasam, albatta ro'za holda ko'rar erdim. Agar og'izlari ochiq holda ko'rmoqni istasam, og'izlari ochiq holda ko'rar erdim. Kechalari namoz o'qiyotganlarini ko'rmoqni istaganimda ersa, namoz o'qiyotgan holda ko'rar erdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning muborak

kaftlaridek yumshoq va issiq kaftni ushlamaganman. Rasulullohning bo'ylaridan xushbo'roq mushkni ham, anbarni ham hidlamaganman!» - deb javob berdilar.

53-bob. Ro'zadorda mehmonning ham haqqi bor

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mening oldimga keldilar-da, «Senda, seni ziyorat qilgani kelganlarning (mehmonlarning) ham, xotiningning ham haqqi bor», - dedilar. Ul kishidan men: «Dovud payg'ambar nechuk ro'za tutganlar?»-deb so'radim, chunki Janob Rasululloh: «Sen Dovud alayhissalomning ro'zalaridan oshirib yubormag'il!»-degan erdilar. Janob Rasululloh: «Yarim umrlariga barobar ro'za tutganlar», - deb javob qildilar».

54-bob. Ro'zadorda o'z tanasining ham haqqi bor

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Ey Abdulloh, senga har kuni ro'za tutib, har kecha uxlamay, ibodat qilmoq xususida aytayinmi?»- dedilar, men: «Aytingiz, yo Rasululloh!» - dedim. Janob Rasululloh: «Undoq qilmag'il, ro'za ham tutg'il, og'iz ham ochg'il, kechasi ibodat ham aylag'il, uyquga ham yotg'il! Chunkim senda o'z tanangning ham haqqi bor, ko'zingning ham haqqi bor, ayolingning ham haqqi bordir, mehmoningning ham haqqi bordir. Senga har oyda uch kun ro'za tutmog'ing kifoya qilg'aydir, chunkim har bir qilgan yaxshilig'ing uchun o'n barobar savob tekkaydir, bu ersa senga umr bo'yi ro'za tutganlik savobini berg'aydir», - dedilar. Shunda men: «Yo Rasululloh, bundan ham ko'proq ro'za tutmakka quvvatim yetg'aydir, deb o'ylarmen», - dedim. Janob Rasululloh: «Dovud payg'ambarning ro'zalaridek ro'za tutg'il-u, ammo andin oshirib yubormag'il!» - dedilar. Men: «Dovud payg'ambar nechuk ro'za tutganlar?» - deb so'radim. Janob Rasululloh: «Yarim umrlari ro'za tutmoq birla o'tgan», - dedilar».

Abdulloh keksayib ro'za tutmoqqa qiynalib qolganlarida, afsuslanib: «Koshki erdi, o'shanda Nabiy sallallohu alayhi va sallamning o'gitlarini qabul qilgan bo'lsam erdi!»-der ekanlar.

55-bob. Umr bo'yi ro'za tutmoq xususida

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollah nomi birla qasam ichurmenkim, butun hayotim bo'yi kunduzi ro'za tutib, kechasi ibodat qila olg'aydirmen!»,- dedilar. Shunda men Janob Rasulullohga: «Otam-onam fidoyingiz bo'lsin, xo'p yaxshi aytdingiz-da!» - dedim. Janob: «Sen bundoq qilmoqqa qodir ermassen, shuning uchun ro'za ham tutg'il, og'iz ham ochg'il, kechasi turib, ibodat ham aylag'il, uxlag'il ham! Har oyda uch kun ro'za tutsang bo'lg'aydir, chunkim har bir qilgan yaxshilig'ingga o'n barobar savob tekkaydir, bu ersa, umr bo'yi senga ro'za tutganlik savobini berg'aydir», - dedilar. Men: «Bundan ham ko'proq ro'za tutmakka qodirmen», - dedim. Janob Rasululloh: «Bir kun ro'za tutib, ikki kun . tutmag'il!»- dedilar. Men: «Bundan ko'prog'iga ham qurbim yetg'aydir», - dedim. Janob Rasululloh: «Bir kun ro'za tutib, bir kun tutmag'il, Dovud payg'ambar shundoq ro'za tutganlar, ro'za tutsang, shundoq ro'za tutg'il!»-dedilar. Men: «Yo Rasululloh, bundan ham yaxshiroq ro'za tuta olg'aymen», - dedim. Janob Rasululloh: «Bundan yaxshisi yo'qdir», - dedilar».

Abdulloh ibn Amr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Mening uzluksiz ro'za

tutmog'imdan, tuni birla ibodat qilmog'imdan Nabiyy sallallohu alayhi va sallam xabar topibdirlar. O'shanda, Janob mening oldimga bir kishini yubordilarmi yokim ul kishiga o'zim uchradimmi, yodimda yo'q. Shunda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Aytishlaricha, sen muttasil ro'za tutar emishsen, tun bo'yi uxlamay, ibodat qilar emishsen. Ro'za tutg'il, biroq vaqtida ovqatlang'il, kechasi ibodat aylag'il, ammo vaqtida uxlag'il, chunkim, senda o'zingning ham, ahlu ayolingning ham, ko'zingning ham haqqi bordir (ko'zingni deganlarida, «uni uyqusiz qoldirmoqqa haqqing yo'qdir», - demoqchilar)», - dedilar. Men: «Mening bundan ham ko'proq ibodat qilmakka quvvatim yetg'aydir», - dedim. «Undoq bo'lsa, sen Dovud alayhissalomning tutgan ro'zalarini tutgil!» - dedilar. Men: «Ul nechuk ro'zadir?» - deb so'radim. «Dovud payg'ambar, bir kun ro'za tutib, bir kun tutmas erdilar, janglarda dushman birlan yuzma-yuz kelsalar ham, qochmas erdilar (ya'ni, «Ro'za ul kishini zaiflashtirmas erdi», - demoqchilar)», - deb javob berdilar. Men: «Yo Rasululloh, mening dushmandan qochmaslig'imga kim kafil bo'la olur?» - dedim».

Ato raziyallohu anhu: «Men Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning muttasil ro'za tutmoq to'g'risida ne deganlarini bilmadim. Biroq, shuni eslarmenkim, uzluksiz ro'za tutgan kishiga ro'zaning hech qanday savobi bo'lmag'aydir, deb ikki marta takrorlagandirlar», - deydilar.

56-bob. Bir kun ro'za tutib, bir kun tutmaslik haqida

Abdulloh ibn Amr raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiyy sallallohu alayhi va sallam menga har oyda uch kun ro'za tutg'il, dedilar. Men bundan ham ko'proq tutmoqqa qurbim yetmog'ini aytdim. Shunda, Janob Rasululloh bir kun ro'za tutib, bir kun tutmasligim hamda bir oyda bir marta Qur'onni xatm qilmog'im mumkinligini aytdilar. Men: «Bundan ham ko'p xatm qilmoqqa qodirmen», - dedim. Nihoyat, Janob Rasululloh uch kunda bir marta xatm qilmog'imni buyurdilar».

57-bob. Dovud alayhissalom qanday ro'za tutganlar?

Abdullohibn Amr ibn al-Os raziyallohu anhu: «Menga Nabiyy sallallohu alayhi va sallam: «Sen uzluksiz ro'za tutib, kechening hammasida ibodat qilar emishsen», - dedilar. Men: «Ha, shundoq», - dedim. Ul kishi: «Agar shundoq qilaversang, ko'zingning «ko'rish qobiliyati zaiflashg'aydir va butun a'zolarining toliqq'aydir. Umr bo'yi tutgan ro'zang savobsiz qolib, zoe ketg'aydir. Har oyda uch kun ro'za tutgan kishiga ersa, umr bo'yi ro'za tutganning savobi berilg'aydir», - dedilar. Men: «Yo Rasululloh, bundan ham ko'proq tutmoqqa kuchim yetg'aydir», - dedim. Shunda ul zot: «Bo'lmasa, Dovud alayhissalom tutgan ro'zani tutg'il, ul kishi bir kun ro'za tutib, bir kun tutmas erdilar. Dushman birla ro'baro' kelganlarida ham qochmas erdilar (ya'ni, bundoq ro'za inson a'zosini zaiflashtirmag'aydir)», - dedilar.

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uzluksiz ro'za tutmog'imdan xabar topib, oldimga kirdilar. Men Janobga o'tirmaklari uchun teridan qilingan, ichiga xurmo bargi to'ldirilgan to'shak soldim, ul kishi unga o'tirmay yerga o'tirdilar, to'shak ersa, ikkimizning o'rtamizda qoldi. So'ng, Janob: «Senga har oyda uch kun ro'za tutmak kifoya qilmag'aydirmi?» - deb so'radilar. Men: «Yo Rasululloh, bu ozdir», - dedim. «Bo'lmasa, besh kun», - dedilar. Men: «Bu ozdir», - dedim. «Ul kishi: «Yetti kun», - dedilar. Men: «Bu ham ozdir», - dedim. Janob: «To'qqiz kun», - dedilar. «Bu ham oz», - dedim. Ul kishi: «O'n bir kun», - dedilar. Men buni ham

oz, dedim. Shunda ul kishi: «Dovud alayhissalomning roʻzalaridan afzal roʻza yoʻqdir, ul yarim umrga tengdir, bir kun roʻza tutgʻil, bir kun ogʻzing ochiq boʻlsin» ,— dedilar».

58-bob. Oy toʻlgan kunlari - oʻn uchinchi, oʻn toʻrtinchi va oʻn beshinchi kunlarda roʻza tutmoq haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Menga doʻstim sallallohu alayhi va sallam uch narsani - har oyda uch kun roʻza tutmoqni, ertalabki namozning ikki rakʻat sunnatini har kuni oʻqimoqni va vitr namozini yotish oldidan oʻqimoqni vasiyat qildilar» ,— deydilar.

59-bob. Nafl roʻza tutgan kishining hech qaerda ogʻiz ochmasligi haqida

Anas raziyalloku anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ummu Sulaymning (Anasning onalarining) uylariga kirdilar. Ummu Sulaym Janob Rasulullohning oldilariga xurmo birlan yogʻ qoʻydilar. Janob Rasululloh: «Yogʻlaringizni idishiga qaytarib quyib qoʻyingiz, xurmolaringizni ham olib qoʻyingiz, chunkim men roʻzadirman», - dedilar. Soʻng, Janob Rasululloh uyning bir chekkasiga bordilar-da, nafl oʻqib, Ummu Sulaym va ul kishining ahli baytlari haqqiga duo qildilar. Shunda, Ummu Sulaym: «Mening bir maxsus iltimosim bor», - dedilar. Janob Rasululloh: «Ul ne erkan?» - deb soʻradilar. Ummu Sulaym: «Iltimosim, sizning xizmatkoringiz Anas xususida», - dedilar. Janob Rasululloh dunyoda va oxiratda neki yaxshiligʻ boʻlsa, hammasini aytib, meni (yaʻni, Anasni) duo qildilar. Shuning uchun ham men ansorlar ichida eng badavlat kishidirmen!»

60-bob. Har oyning oxirida roʻza tutmoq haqida

Imron ibn Husayn raziyallohu anhu rivot qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam mendan (yokim boshqa bir kishidan soʻrganlar-u, Imron eshitganlar): «Ey falonchi, ushbu oyning oxirida roʻza tutmadingmi?» - deb soʻradilar. (Mazkur hadisning roviylaridan Abunnuʻmon: «Janob Rasululloh «Ushbu oyning» deganlarida, Ramazonni nazarda tutganlar, deb oʻylayman», - deydilar). Men: «Yoʻq, tutmadim, yo Rasululloh!» - dedim.. Janob Rasululloh: «Ramazon tugagach, hayitdan ikki kun oʻtkazib, roʻza tutib qoʻygʻil!» - dedilar».

Imom Buxoriy: «Imron aytgan boshqa bir rivoyatda Nabiy sallallohu alayhi va sallam «Shaʻbon oyining oxiridan ikki kun oʻtkazib» - deganlar», - deydilar.

61-bob. Jumʻa kuni roʻza tutmaslik haqida

Muhammad ibn Abbod rivoyat qiladilar: «Men Jobir raziyallohu anhudan Nabiy sallallohu alayhi va sallamning jumʻa kuni (nafl) roʻza tutmoqdan qaytarganlari toʻgʻrisida soʻradim. Jobir: «Ha, qaytarganlar», - dedilar».

Mazkur hadis riviylaridan biri Abu Osim: «Janob Rasululloh, jumʻa kunigina (nafl) roʻza tutmak odat boʻlib qolib, boshqa kunlari roʻza tutmay qoʻyishmasin, deganlar», - deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning, hech qaysi biringiz jumʻa kuni (nafl) roʻza tutmangiz, agar tutadigan boʻlsangiz, jumʻadan oldingi bir kunni yokim jumʻadan keyingi bir kunni qoʻshib tutingiz, deganlarini eshitganman», -

deydilar.

Abu Ayyub rivoyat qiladirlar: «Jum'a kuni Nabiy sallallohu alayhi va sallam Juvayra binti Hars raziyallohu anhoning uylariga kiribdirlar. Ul kishi ro'za erkanlar. Janob Rasululloh: «Kecha ham ro'zamiding?» - deb so'rabdirlar. Juvayra: «Yo'q», - debdirlar. Keyin, Janob Rasululloh: «Ertaga ham ro'za tutg'aymisen?» - deb so'rabdilar. Ul kishi: «Yo'q» - debdirlar. Shunda, Janob Rasululloh: «Undoq bo'lsa, ro'zangni ochgil!» - debdirlar. Juvayra og'iz ochibdirlar».

62-bob. Kishi o'zi uchun ro'za tutadigan kunlarini belgilab olsa, bo'ladirmi?

Alqama rivoyat qiladirlar: «Oisha raziyallohu anhodan: «Janob Rasululloh o'zlari uchun ro'za tutadigan kunlarni belgilab olganmi erdilar?» - deb so'radim. Ul kishi: «Janob Rasululloh doimo ro'za tutar erdilar, sizlarning qaysi biringiz ul kishi qilgan ibodatga chiday olursiz?!» - dedilar».

63-bob. Arafa kuni ro'za tutmoq haqida

Ummulfazl rivoyat qiladirlar: «Arafa kuni mening huzurimda o'tirgan odamlar Nabiy sallallohu alayhi va sallamning ro'za yokim ro'za ermasliklari to'g'risida tortishib qolishdi. Ayrimlar: «Janob ro'zalar», - desa, ba'zilar: «Ro'za ermaslar», - dedi. Shunda men Janobga bir idishda sut yubordim. Janob tuya minib Arafotda turgan erdilar, sutni ichdilar».

Maymuna raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Odamlar Nabiy sallallohu alayhi va sallamning arafa kuni ro'za tutganlari to'g'risida shubha qilib qolishdi. Shunda men Janobga sut yubordim. Janob Arafotda turgan erdilar, odamlar ko'z oldida sutni ichdilar».

65-bob. Qurbon hayiti kuni ro'za tutmaslik haqida

Ato raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Ikki ro'za va ikki savdo-sotiq, ya'ni Ramazon va Qurbon hayitlari kuni ro'za tutmak, molni ko'rmasdan yokim ko'rsatmasdan bor baraka qilmak hamda sotilgan narsani qaytib olmak yokim qaytarib olmak man' qilingandir», - deydirlar».

Ziyod ibn Jubayr rivoyat qiladirlar: «Bir kishi Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhuning huzuriga kelib: «Bir odam har doim ma'lum bir kunda ro'za tutmoqqa ahd qilgan erkan, o'shal kun - dushanba kuni bo'lib, hayit kuniga to'g'ri kelib qolibdir, endi ul ne qilg'aydir?» - deb so'radi. «Olloh: «Ahd qilsangizlar, unga vafo qilingiz!» - deydir. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ersa, hayit kuni ro'za tutmakni man' qilganlar», - debdirlar (ulamolar: «Hayit kuniga to'g'ri kelgan ro'zani qazo qilib, boshqa kuni tutsa, oyatga ham, hadisga ham amal qilgan bo'lur», - deyishadir)».

Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga o'n ikkita g'azavotda ishtirok etgan Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamdan meni g'oyat taajjubga solgan quyidagi to'rt hikmatni. eshitdim», - deydirlar: 1) yonida mahrami bo'lmagan ayol ikki kunlik yo'lga yolg'iz o'zi chiqmasin! 2) ikki kun - Ramazon va Qurbon hayitlari kuni ro'za tutilmasin! 3) Bomdoddan so'ng, to kun chiqquncha va asrdan so'ng,

to kun botguncha namoz o'qilmasin! 4)Uchta masjid - Masjid ul-Harom, Masjid ul-Aqso va mening masjidlarimdan (ya'ni, Masjid un-Nabiydan) o'zga masjidlarga tavof qilmaq niyatida safar qilinmasin!

66-bob. Tashriq kunlari ro'za tutmoq haqida

Hishom raziyallohu anhu: «Oisha raziyallohu anho ham, otalari (Abu Bakr) ham Tashriq kunlari ro'za tutmaq qurbonlikka jonliq so'ymakka qurbi yetmaganlargagina ruxsat etildi»,- deydilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Bir yo'la haj va umra qilmaqni niyat aylab, ehrom bog'laganlar, arafa kunigacha umra qilgan bo'lsalar-u, lekin qurbonlikka jonliq so'ymakka qurbilari yetmagan bo'lsa, hamda ro'zani hayit kunigacha tutishmagan bo'lsa, Tashriq kunlari ro'za tutmaqlari kerak bo'lg'aydir»,- deydilar.

67-bob. Ashuro kuni ro'za tutmoq qaqida

Solim raziyallohu anhunging otalari: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam, kimki Ashuro kuni ro'za tutmaqni istasa, tutsin! deb aytganlar»,- deydilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, Ramazon oyining ro'zasi farz qilingunga qadar, Ashuro kuni ro'za tutmaqni buyurgan erdilar. Ramazonda ro'za tutmaq farz bo'lganidan keyin ersa, Ashuro kuni istaganlar ro'za tutdi, istamaganlar tutmadi».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Islomdan avyul, johiliya davrida quraysh ahli Ashuro kuni ro'za tutar erdi. Janob Rasululloh Madinaga kelganlaridan keyin ham Ashuro kuni ro'za tutdilar, boshqalarni ham tutmaqka buyurdilar. Ramazon oyida ro'za tutmaq farz qilinib, Janob Rasululloh Ashuro kuni ro'za tutmaqni tark etganlaridan keyin, Ashuro kuni ro'za tutmaq ixtiyoriy bo'lib qoldi».

Humayd ibn Abdurrahmon rivoyat qiladirlar: «Muoviya ibn Abu Sufyon haj qilgan yillari Ashuro kuni minbarga chiqib: «Ey Madina ahli, ulamolaringiz eshitib qo'ysinlar! Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Ashuro kuni ro'za tutmaq farz qilinmagan ersa ham, men ro'zadirman, ammo sizlarga bu ixtiyoriydir», deb aytganlarini eshitganman»,- dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Madinaga kelganlarida, qarasar, yahudiylar Ashuro kuni ro'za tutishar erkanlar. Shunda, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu nechuk ro'zadir?» - deb so'radilar. Yahudiylar: «Bu yaxshi kundir, shu kuni Muso, Ollloh taolo Baniy Isroilni dushmanlaridan xalos qilgani uchun ro'za tutganlar»,-deyishdi. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Biz Musoga sizlardan ko'ra haqliroqdirmiz»,- deb shu kuni o'zlari ham ro'za tutdilar, boshqalarga ham ro'za tutmaqni amr qildilar».

Abu Muso raziyallohu anhu: «Yahudiylar Ashuro kunini bayram, deb hisoblashar erdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Sizlar ham shul kuni ro'za .tutingiz!» -deb aytdilar»,- deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning Ashuro kunini

boshqa kunlardan ortiq bilib va Ramazon oyini boshqa oylardan ortiq bilib, ro`za tutmakka qasd qilganlarini ko`rmaganman»,- deydilar.

Salama ibn Akva' raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Aslam qabilasidan bir kishiga: «Kimki bugun ovqat yegan bo`lsa, kunning qolgan qismida ro`za tutsin, kimki ovqat yemagan bo`lsa, sahargacha ovqat yemasin, chunkim bul kun Ashuro kunidir!»-deb e`lon qilmakni buyurdilar».

TAROVIH KITOBİ

1-bob. Ramazon kechalari turib tarovih o'qimoqning fazilati haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ramazon kechasining fazilatiga ishonib va savobidan umid qilib (tarovih o'qimoqqa) turgan kishining ilgari qilgan barcha gunohlari mag'firat qiling'aydir», - deganlar».

Ibn Shihob raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafot qilgunlaricha ham, Abu Bakr raziyallohu anhuning xalifalik davrlarida ham, Umar ibn Xattob raziyallohu anhu xalifalik qilgan dastlabki yillarda ham kechasi turib tarovih o'qimoq tartibi o'zgarmadi. «Men, -deydirlar Abdurrahmon ibn Abdulqori', - Umar ibn Xattob raziyallohu anhu birlan birga kechasi masjidga chiqqan erdim, har yer-har yerda odamlar to'p-to'p bo'lishib, o'z hollaricha namoz o'qishar erdi. Hazrat Umar: «Bularning barchasini yig'ib, bir qorini boshliq qilib qo'ysam, yaxshi bo'lur erdi», - dedilar. So'ng, ularga Ubay ibn Ka'bni boshliq qilib qo'ydilar. Ertasiga kechasi ul kishi birlan yana masjidga chiqdim, odamlar qoriga iqtido qilib namoz o'qishayotgan erkan. Hazrat Umar (buni ko'rib): «Qandoq yaxshi bid'at (ya'ni, Janob Rasulullohdan keyin joriy qilingan bir yaxshi tartib ma'nosida), tunning birinchi qismida namoz o'qib, so'ng uxlab qolganlaridan ko'ra, tun oxirida turib, namoz o'qiyotganlar afzalroqdir!» - dedilar».

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon kechasi o'z masjidlariga chiqib, namoz o'qidilar», - dedilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon kechalaridan birida masjidga chiqib namoz o'qidilar. Janob Rasulullohga iqtido qilib, odamlar ham namoz o'qishdi. Bu darhol odamlar orasida ovoza bo'ldi. Ertasiga masjidga anchagina odam to'planib, namoz o'qishdi. Uchinchi kecha yana ham ko'proq odam yig'ilib, Janob Rasululloh birlan birga namoz o'qishdi. To'rtinchi kecha masjidga odam sig'may ketdi. Janob Rasululloh bu gal kechasi chiqmadilar, faqat bomdod namoziga chiqdilar, Bomdoddan so'ng, xutba tashahhudini o'qib bo'lgach, odamlarga qarab: «Meni sizlarning ko'payib ketganligingiz cho'chitgani yo'q, balkim bul sizlarga farz bo'lib qolib, bajara olmay qolg'aymisizlar, deb qo'rqq'aydirmen», - dedilar. Rasululloh vafot qilgunlaricha qayta bundoq namoz o'qilmadi».

Abu Saliyma ibn Abdurrahmon Oisha raziyallohu anhodan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon kechalari nechuk namoz o'qir edilar? » - deb so'radilar. Oisha onamiz bunday dedilar: «Janob Rasululloh Ramazonda ham, boshqa vaqtda ham namozni o'n bir rak'atdan oshirmas erdilar, avval to'rt rak'at o'qir erdilar, uning ko'rkamligiyu uzunligini so'ramay qo'ya qolingiz, so'ng yana to'rt rak'at o'qir erdilar, uning ham ko'rkamligiyu uzunligini so'ramay qo'ya qolingiz, so'ng tag'in uch rak'at o'qir erdilar. (Keyin o'rinlariga yotardilar). Shunda men: «Yo Rasululloh, vitr o'qimasdan uxlaydirsizmi?» - der erdim. Ul kishi: «Ey Oisha, ikkala ko'zim uxlag'aydir-u, qalbim uxlamas», - deb javob qilar yrdilar».

2-bob. Laylat ul-Qadrning fazilati qaqida

Oллоh taolo bunday deydir: «Biz ushbu Qur'onni Qadr Kechasi nozil qildik. Laylat ul-Qadr deganda, neni tushung'aysen va Laylat ul-Qadr o'zi nedir? Laylat ul-Qadr ming oydan ham yaxshiroqdir. O'shal kecha parvardigorlari hukmi ila farishtalar va Jabroil tushg'aydirlar, ul kecha tong otguncha omonliq kechasi bo'lg'aydir».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Kimki Ramazonning farz ekanlig'iga ishonib, unga ixlos qilib va uning savobidan umid aylab, ro'za tutgaydir, ilgarigi qilgan gunohlarining barchasi kechirilg'aydir, va shuningdek, kimki Qadr Kechasini, uning ulug'ligiga inonib, unga ixlos qilib va undan savob umid aylab, bedor o'tkazg'aydir ham, ilgari qilgan gunohlarining barchasi kechirilg'aydir», - deganlar».

3-bob. Laylat-ul qadrni Ramazonning ohirgi o'n kunligining yettisida kutingiz!

Ibn Umar raziyalloku anhu rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamning bir qancha sahobalari Laylat ul-Qadrning Ramazonning oxirgi o'n kunligining yettisida bo'lmog'ini tushlarida ko'rishgan erkan. Shunda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sizlarning tushlaringiz Laylat ul-Qadr Ramazonning oxirgi o'n kunligining yettisida erkanlig'iga muvofiq kelg'aydir, deb o'ylarmen. Kimki Laylat ul-Qadrni kutmoqchi ersa, Ramazonning oxirgi o'n kunligining yettisida kutsin!» - dedilar».

Abu Sa'id rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam birlan birga Ramazonning ikkinchi o'n kunligida e'tikofga o'tirdik. Janob Rasululloh Ramazonning yigirmanchi kuni ertalab chiqib, bizga va'z qildilar, so'nt: «Tushimda menga Laylat ul-Qadr aniq ko'rsatildi, ammo uning qaysi kun bo'lmog'i yodimdan chiqib qoldi. Uni Ramazonning oxirgi o'n kunligining toq kunlarida kutingiz! Men tushimda loy joyda sajda qilayotgan ermishman, endi kimki paygambar birlan e'tikofga o'tirgan ersa, uyiga qaytsin!» - dedilar. Biz uyimizga yo'l oldik. Osmonda hech qanday bulut yo'q erdi. Ittifoqo, bir bulut paydo bo'lib, shundoq yomg'ir yog'dikim, hatto masjidning tomi oqib tushdi, chunki masjidning tomiga xurmo shoxlari yopilgan erdi. So'ng, bomdodga takbir aytili. Shunda, men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning loy joyda sajda qilayotganlarini, hatto peshonalariga loy tekkanini ko'rdim».

4-bob. Laylat-ul qadrni Ramazonning ohirgi o'n kunligining toq kunlarida kutmoq lozim.

Oisha raziyallohu anxu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Laylat ul-Qadrni Ramazonning oxirgi o'n kunligining toq kunlari kutingiz, deb aytibdirlar», - deydi.

Abu Sa'id Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazon oyining ikkinchi o'n kunligida e'tikofga o'tirib, yigirmanchi kechani o'tkazgach, e'tikofni tugatar erdilar. Keyin, yigirma birinchi kechani o'tkazib, yana e'tikofga o'tirar erdilar, boshqalar ham qaytib birga e'tikof qilishar erdi. Janob Rasululloh Ramazon oyida odatdagidek e'tikofga o'tirdilar. Yigirmanchi kechani o'tkazgach, tashqariga chiqdilar-da, odamlarga ta'z aytdilar, so'ng ularga bir qancha yumushlarni buyurib: «Bu o'n kunlikda e'tikof qildim, ammo menga oxirgi o'n kunlikda ham e'tikof qilmoq lozimligi ayon bo'ldi, kimki Ramazonning ikkinchi o'n kunligida e'tikof qilgan ersa,

e'tikofni davom ettirsin! Tushimda menga Laylat ul-Qadr (kechasi) bo'ladirgan kun aniq tayinlandi, biroq ul yodimdan chiqib qoldi. Endi, uni Ramazonning oxirgi o'n kunligining toq kunlarida kutingiz! Men tushimda loy yerga sajda qilayotgan erkanman», — dedilar. Shul kecha yomg'ir yog'di, masjid tomidan Nabiy sallallohu alayhi va sallamning namoz o'qiydirgan yerlariga chakka o'tib, loy bo'lib ketdi. Keyin, Ramazonning yigirma birinchi kechasi Janob Rasulullohning bomdod o'qib qaytayotganlarida muborak yuzlariga loy tekkanini ko'rdim».

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Qadr Kechasini kutingiz!» deb aytdilar», -deydilar.

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazonning oxirgi o'n kunligida e'tikofga o'tirardilar va «Laylat ul-Qadrni Ramazonning oxirgi o'n kunligida kutingiz!» - der erdilar», - deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Laylat ul-Qadrni Ramazonning oxirgi o'n kunligida, ro'zaning to'qqiz kuni qolganda yokim yetti kuni qolganda yohud besh kuni qolganda kutingiz!» - der erdilar», - deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Laylat ul-Qadr oxirgi o'n kunlikda - yigirma to'qqizda, yigirma yettida bo'lg'aydir», - dedilar», - deydilar. Ibn Abbos raziyallohu anhu «Laylat ul-Qadrni to'rtinchi kecha kutingiz!» degan hadisni ham aytganlar.

5-bob. Laylat-ul qadr tayin qilingan kunni, kishilar janjallashgani sababli, yoddan ko'tarilgani haqida.

Uboda ibn as-Somiy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Laylat ul-Qadr qaysi kuni bo'lmog'ini xabar qilmoq uchun chiqdilar. Yo'lda ikki musulmonning janjallashayotganini ko'rib, o'shal kun yodlaridan chiqib qoldi. Janob Rasululloh sahobalarga: «Men sizlarga Laylat ul-Qadr bo'ladirgan kunni xabar qilmoqchi bo'lib chiqqan erdim, biroq yo'lda falonchi birlan pistonchining janjallashayotganini ko'rib, yodimdan ko'tarilib ketdi, Qadr Kechasini Ramazonning yigirma to'qqiz yokim yigirma yetti yoki yigirma beshinchi kunlarida kutingiz!» - dedilar».

6-bob. Ramazonning ohirgi o'n kunligida ibodat qilmoqqa qattiq kirishmoq lozimligi haqida.

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ramazonning oxirgi o'n kunligi kelsa, ahllari ila aloqa qilmoqdan uzoqlashar erdilar, kechalari uxlamas erdilar va uydagilarni ham ibodat qilmoqqa uyg'otar erdilar», -deydilar.

7-bob. E'tikof haqidagi boblar

Ramazonning oxirgi o'n kunligida e'tikof qilinadir. Hamma masjidlarda ham e'tikof qilmoq mumkin. Ollah taoloning quyidagi kalomi bunga dalil: «Masjidlarda e'tikofda o'tirgan kunlaringizda ayollarga yaqinlik qilmangiz! Bu Ollah belgilagan chegaralardir. Binobarin, alarga yaqinlik qilmangiz! Shul tariqa Ollah taolo o'z hukmlarini bandalariga tushuntirg'aydir, shoyad ular Ollahning aytganini qilib, qaytarganidan qaytsalar!»

Abdulloh ibn Umar: «Rasululloh Ramazonning oxirgi o'n kunligida e'tikofga o'tirar erdilar», - deydilar.

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam to Oллоhtaolo omonatini olguncha Ramazonning oxirgi o'n kunligida e'tikofga o'tirmakni kanda qilmadilar. Janobdan so'ng, ul kishining ayollari ham shundoq e'tikof qilishadigan bo'ldi», - deydilar.

Abu Sa'id Hudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qaysi bir yili Ramazonning ikkinchi o'n kunligida e'tikofga o'tirdilar. Yigirmanchi kuni ertalab e'tikofni tugatib, tashqariga chiqdilar-da, bunday dedilar: «Kimki men birlan birga e'tikof qilgan bo'lsa, oxirgi o'n kunlikda ham e'tikofni davom ettirsin! Shul kecha menga Laylat ul-Qadr o'tadigan kun tayin qilingan edi, ammo yodimdan ko'tarilibdir. Tushimda loy yerda sajda qilayotgan ermishman, Laylat ul-Qadrni oxirgi o'n kunlikning toq kunlarida kutingiz!» Shu kechasi yomg'ir yog'di. Masjid tomi xurmo shoxlari birlan yopilgan erdi, yomg'ir o'tib ketdi. Rasulullohning peshonalariga loy tekkanini yigirma birinchi kuni ertalab o'z ko'zim birlan ko'rdim».

8-bob. Hayz ko'rgan hotin e'tikofda o'tirgan erini sochini tarashi mumkin.

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam masjidida e'tikofda o'tirgan kunlari muborak boshlarini darchadan chiqarar erdilar, men hayz ko'rgan bo'lsam ham, sochlarini tarab qo'yardim», - deydilar

9-bob. E'tikofda o'tirgan kishi uyiga juda zarur bo'lganda kiradir..

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam masjididan chiqmay boshlarini darchadan chiqarar erdilar, men sochlarini tarab qo'yardim. E'tikofda bo'lsalar, uyga hech kirmas erdilar, faqat zarur bo'lsagina kirar erdilar», - deydilar.

10-bob. E'tikofda o'tirgan kishini yuvinmog'i haqida.

Oisha raziyallohu anho: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam hayz ko'rgan bo'lsam ham meni quchoqlar erdilar. E'tikofda o'tirgan kunlari boshlarini darchadan chiqarar erdilar, men hayz ko'rgan bo'lsam ham yuvib qo'yardim», - deydilar.

11-bob. Kechasi e'tikofda o'tirmoq haqida.

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladirlar: «Hazrat Umar Nabiy sallallohu alayhi va sallamga: «Men johiliya davrida bir kecha Masjid ul-Haromda e'tikof qilurmen, deb niyat aylagan erdim» ,— dedilar. Janob Rasululloh: «Niyatingga vafo qilg'il!»-dedilar».

12-bob. Ayollarni e'tikofda o'tirmog'i haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladirlar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Ramazonning oxirgi o'n kunligida e'tikofda o'tirar erdilar. Janob Rasululloh mening uchun masjid sahnida chodir tutib bergan erdilar, bomdoddan so'ng oldimga kirardilar. Janob Rasulullohning boshqa zaifalari - Hafsa mendan o'ziga chodir tutib olmoqqa ruxsat so'rab erdi, ruxsat berdim, chodir tutib oldi. Buni ko'rgan Zaynab binti Jahsh (Rasulullohning

xotinlaridan biri) ham o'ziga chodir qurib oldi. Ertasiga ertalab Janob Rasululloh chodirlarni ko'rib: «Bu nesidir?»-dedilar. «Xotinlaringizning chodiri»,- deyishdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Ular yaxshi ish qilishibdir, deb o'ylaysizlarmi?»- dedilar. Shundan so'ng, Janob Rasululloh o'sha oydagi e'tikofni tark etdilar. Buning evaziga Shavvol oyida o'n kun e'tikof qildilar».

13-bob. Masjidga chodir tikmoq haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: Nabiy sallallohu alayhi va sallam e'tikof qilmoq niyatida masjidga chiqib erdilar, men, Hafsa va Zaynabning chodirlarimizni ko'rib qoldilar. Shunda: «Bular yaxshi ish qilishibdir, deb o'ylaysizlarmi?»- dedilar-da, e'tikofga o'tirmay, chiqib ketdilar. Keyin, Shavvol oyida o'n kun e'tikof qildilar».

14-bob. E'tikof o'tirgan kishi biror hojat birlan masid eshigi oldigacha boradimi?

Safiyya raziyallohu anho: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni Ramazonning oxirgi o'n kunligida masjidda e'tikofda o'tirganlarida ko'rgani bordim»,- deydilar. Keyin, Safiyya Janob Rasululloh huzurlarida bir oz suhbatlashib o'tirganlaridan so'ng qaytish uchun o'rinlaridan turibdilar, Janob Rasululloh ham ul kishi birlan birga turib, masjidning eshigi oldigacha birga boribdilar. Shunda, ansorlardan ikki kishi o'tib ketayotib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga salom berishibdi. Janob Rasululloh ularga: «Shoshmangiz, bul Safiyya binti Huyay (ya'ni, «Ko'nglingizga bir narsa kelmasin, bu - mening xotinim» demoqchilar)»,- debdilar. Boyagi ikki kishiga bu gap og'ir botib: «Subhonalloh»,- deyishibdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam: «Shayton insonning qon tomirlarida yurib, vasvasa qilg'aydir, shul boisdan sizlarni ham shayton vasvasa qilib, xayolingizga bo'lmag'ur fikrni keltirmadimikan, deb xavotir oldim»,- debdilar.

15-bob. E'tikofda o'tirmoq va Nabiyning s.a.v. yigirma kun bo'ldi, deganda tashqariga chiqishlari haqida

Abu Saloma ibn Abdurrahmon Abu Sa'id Xudriydan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Laylat ul-Qadr to'g'risida gapirganlarini eshitganmisiz?»-deb so'radilar. Ul kishi: «Ha»,- dedilar-da, quyidagilarni rivoyat qilib berdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Ramazonning ikkinchi o'n kunligidz e'tikofga o'tirdik, yigirma kun bo'ldi, deganda ertalab e'tikofni tugatib chiqdik. Shunda, Janob Rasululloh bizga va'z aytdilar-da: «Laylat ul-Qadr kuni menga tayyn qilinib .erdi, ammo ul yodimdan ko'tarilib qoldi. Uni Ramazon oyining oxirgi o'n kunligida, toq kunlarda kutingiz. Tushimda men loy yerda sajda qilayotgan ermishman. Kimki men birlan birga e'tikof qilgan bo'lsa, masjidga qaytsin!»-dedilar. Odamlar masjidga qaytib kirishdi. Shu paytda osmonda bir parcha ham bulut yo'q erdi, birdan qaerdandir bulut paydo bo'lib, yomg'ir yog'di. So'ng, bomdodga takbir aytili. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam loy yerda sajda qildilar, hattoki men Janob Rasulullohning muborak peshonalari va burunlariga loy tekkanini ko'rdim».

16-bob. Mustahozaning(ichidan muttasil qon ketadigan ayolning) e'tikof qilomg'i haqida.

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga xotinlaridan

biri mustahoza holida e'tikofga o'tirdi. Uning ichidan qizil va sariq suyuqlik kelib turardi, biz ostiga tog'ora qo'yib qo'ygandik», - deydilar

17-bob. Ayolning e'tikofda o'tirgan erini ko'rgani bormog'i haqida.

Ali ibn Husayn rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam masjidida (e'tikofda) erdilar. Ul kishini ko'rgani kelgan) ayollari uylariga qaytmoqchi bo'lib, o'rnidan qo'zg'aldi. Shunda, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safiyyaga: «Shoshmag'il, kuzatib qo'yg'aymen!» - dedilar. Safiyyaning uyi Usomaning hovlisida erdi. Janob Rasululloh Safiyya birlan birga chiqdilar. Ittifoqo, ikki ansoriy yo'liqib, Janob Rasulullohga bir nigoh tashlashdi-da, yo'lda davom etishdi. Janob Rasululloh ularni chaqirib: «Bu - Safiyya binti Huyay (ya'ni, «Bu - mening xotinim» demoqchilar)», - dedilar. Ular taajjublanib: «Subhonalloh, yo Rasululloh!»-deyishdi. Janob Rasululloh: «Shayton insonning qon tomirlarida yurg'aydir, shul boisdan shayton vasvasa qilib, yomon xayolga bormangiz, deb xavotir oldim», - dedilar».

18-bob. E'tikofda o'tirgan kishi shubhani o'zidan soqit qiladirmi?

Ali ibn Husayn rivoyat qiladilar: «Safiyya raziyallohu anho Rasululloh sallallohu alayhi va sallam e'tikofda o'tirganlarida huzurlariga keldilar, so'ng qaytishlarida Janob Rasululloh ham birgalashib yo'lga tushdilar. Yo'lda ansorlardan biri ularni ko'rdi. Janob Rasululloh ansorni chaqirib: «Bu -Safiyya (ya'ni, mening xotinim), tag'in xayolingga har xil fikr kelib yurmasin, chunkim shayton odam bolasining qon tomirlarida yurg'aydir», - dedilar».

Zuhriy Sufyondan: «Safiyya kechasi kelganmidi?»-deb so'raganlaryda, ul kishi: «Ha, kechasi», - deb javob bergan erkanlar.

19-bob. Ertalab e'tikofni tugatib chiqsa.

Abu Sa'id Xudriy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Ramazonning ikkinchi o'n kunligida e'tikofga o'tirdik. Yigirmanchi kuni ertalab narsalarimizni ko'tarib, Rasulullohning xuzurlariga keldik. Shunda, Janob Rasululloh: «Kimki men birlan birga e'tikof qilgan bo'lsa, yana joyiga qaytsin (e'tikofni davom ettirsin), chunkim shul kecha menga Laylat ul-Qadr o'tadirgan kun ayon qilindi. Tushimda men loy yerda sajda qilayotgan ermishman», - dedilar. Janob Rasululloh joylariga qaytdilar hamki, yomg'ir yog'a boshladi, Ollohga qasam ichib ayturmenkim, o'shal kuni kechgacha yomg'ir yog'ib, shox-shabba tashlangan masjid tomidan chakka o'tib ketdi. Keyin, men Janob Rasululloh (sajda qilayotganlarida) burunlariga loy tekkanini ko'rdim».

20-bob. Shavvol oyida e'tikofda o'tirmoq haqida.

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har Ramazonda e'tikofga o'tirar erdilar. Bomdod vaqti bo'lgach, turib namoz o'qirdilar-da, yana qaytib e'tikofga o'tirardilar», - deydilar. Oisha onamiz Janob Rasulullohdan e'tikofga o'tirmoqqa ruxsat so'raganlarida, unga ijozat berdilar. Shunda, Oisha raziyallohu anho o'zlariga chodir qurib oldilar. Buni eshitib, Hafsa ham o'zlariga chodir qurib oldilar. Keyin, Zaynab ham eshitib, chodir qurib oldilar.. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bomdoddan so'yg kelib, to'rtta chodir turganini ko'rib, . «Bu nesidir?»-dedilar. Janob Rasulullohga chodirlar

ayollariniki ekanligini aytishdi. Janob Rasululloh: «Ne sababdan bundoq qilishdi, yaxshi niyatdami? Olib tashlangiz, men ikkinchi ko`rmayin!»-deganlaridan so`ng, chodirlarni olib tashlashdi. Shundan keyin, Janob Rasululloh Ramazon oyidagi e`tikoflarini to`xtatib, Shavvol oyining oxirgi o`n kunligida uni davom ettirdilar».

21-bob. E'tikofda o'tirgan kishi ro'za tutmasa ham bo'ladir.

Umar ibn Xattob raziyallohu anhu: «Yo Rasululloh, men johiliya davrida, Masjid ul-Haromda bir kecha e`tikof qilg`aymen, deb ahd etgan erdim», - dedilar. Shunda, Janob Rasululloh: «Ahdingga vafo qilg`il!»-dedilar (biroq ro`za tutmok, haqida indamadilar). Keyin, Hazrat Umar bir kecha e`tikofga o`tirdilar».

22-bob. Johiliya davrida e'tikof qilishni ahd qilib, so'ng musulmon bo'lsa.

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Johiliya davrida Hazrat Umar raziyallohu anhu Masjid ul-Haromda (nazarimda, bir kecha) e`tikofga o`tirmoqqa ahd qilgan erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ul kishiga: «Ahdingga vafo qilg`il!»-deb aytdilar».

23-bob. Ramazonning ikkinchi o'n kinligida e'tikof o'tirmoq haqida.

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Nabiy sallallohu alayhi va' sallam har Ramazonda o`n kun e`tikofga o`tirar erdilar. Vafot qiladigan yillari ersa, yigirma kun e`tikof qildilar», - deydilar.

24-bob. E'tikofda o'tirgan kishi e'tikofni to'htatmoqchi bo'lsa...

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ramazonning oxirgi o`n kunligida e`tikofga o`tirg`ayman, deb odamlarga aytdilar» ,— deydilar. O`shanda Oisha ham e`tikofga o`tirmakka Janobdan ruxsat so`radilar, ul kishi ijozat berdilar. Hafsa Oishaga: ' «Menga ham ruxsat so`rab beringiz», - dedilar. Oisha ul kishiga ruxsat so`rab berdilar. Buni ko`rgan Zaynab ham o`zlariga masjiddan e`tikof uchun joy tayyorladilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam namoz o`qiganlaridan so`ng, e`tikofda o`tiradigan joylariga qaytganlarida, ul yerdagi e`tikofga tayyorlab qo`yilgan joylarni ko`rib: «Bu nesidir?»-dedilar. «Oisha, Hafsa va Zaynabning joylari», - deb aytishdi. Janob Rasululloh: «Yaxshi ish qilishmabdir, men e`tikofimni to`xtatg`aymen», - deb ro`zalarini buzdilar. Keyin, Shavvol oyida o`n kun e`tikof qildilar».

25-bob. E'tikofda o'tirgan kishi yuvdirmoq uchun boshini darchadan chiqaradir.

Oisha raziyallohu anho: Janob Rasulullohning muborak boshlarini, e`tikofda bo`lganlarida hayz ko`rganligimga qaramay, yuvib-tarab qo`yardim», - deydilar. Janob Rasululloh masjidda turib, darchadan boshlarini chiqarar erdilar. Oisha onamiz hujralarida turib, muborak boshlarini yuvib-tarab qo`yardilar

Online o`qish: <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=177.0>
Internet uchun Doniyor, Laylo, Munira xonim tayyorlaganlar.

www.ziyouz.com
2007

**АБУ АБДУЛЛОҲ
МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ**

**2
АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ
(Ишонарли тўплам)**

ҚОМУСЛАР БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997

*Арабчадан ХОЖА МУЗАФФАР НАБИХОН ЎҒЛИ ва
ХОЖА БАХТИЁР НАБИХОН ЎҒЛИ таржимаси*

Бисмилахир роҳманир роҳим.

САВДО-СОТИҚ КИТОБИ

1-боб. Оллоҳ таолонинг: «Оллоҳ савдо-сотиқни ҳалол ва судхўрликни ҳаром этди» («Бақара» сураси, 275-оят) ва «Ораларингизда юрғазиб турган нақд савдо бўлса...» («Бақара» сураси, 282-оят) ва «Намоз ўқиб бўлингач, ер юзи буйлаб тарқалингизлар-да, Оллоҳнинг фазлу карамидан (ризқ) тилангизлар, Аллоҳни кўп зикр этингизлар, шояд нажот топсангизлар» (“Жумъа” сураси, 10-оят) ва «Қачонки улар бирор тижоратни ёки ўйин-кулгини куриб қолсалар, ўша томон кетурурлар ва сизни тик турган ҳолингизда тарк қилурлар. Айтнинг, (Эй Муҳаммад), Оллоҳ ҳузуридаги нарса (иймон-эътиқод ва амали солиҳлар учун бериладиган мукофот) ҳар қандай тижорат ва ўйин-кулгидан ҳам улўғдир» (“Жумъа” сураси, 10-11-оятлар) ва «Эй мўъминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ йўллар бирлан емангиз, балки ўзаро розилик бирлан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб этингиз» (“Нисо” сураси, 29-оят) деган сўзлари (қавллари) хусусида».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини кўп айтур, муҳожир ва ансорлар эрса Жаноб Расулulloҳнинг ҳадисларини Абу Ҳурайрачалик куп билмаслар», - дейсизлар. (Бунинг боиси) — муҳожир биродарларим бозорларда бор-барака қилиш бирлан банд бўлишган кезларда мен қорним туйиши бирлан кифояланиб Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматларини қилиб юрдим, улар бўлмаган жойларда бўлдим, улар эшитмаган нарсаларни эшитиб, ёд олдим. Шунингдек, ансорий биродарларим ўз мол-мулклари ишлари бирлан банд эрдилар. Мен эрсам, бир мискин сифат одам бўлиб, улар эшитмаган нарсаларни эшитиб, ёд олдим. Жаноб Расулulloҳ бир куни: «Кимки ушбу ҳадисимни тугатгунимча кийимини ерга ёйиб ўлтириб, ҳадисимни тугатганимдан кейин, уни йиғиб олиб бағрига босса, мендан эшитганларини ёддан чиқармайдиган бўлур», — дедилар. Шунда мен чакмонимни ерга ёйиб қуйдим. Ҳадис тугагач, уни олиб бағримга босдим. Шу-шу Жаноб Расулulloҳдан нимаики эшитсам, ёдимда қоладиган бўлди».

Иброҳим ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдурраҳмон ибн Авф (разияллоҳу анҳу): «Биз Мадинага келганимизда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени

Саъд ибн ар-Рабиъ бирлан ака-ука тутинтириб қўйдилар. Саъд ибн ар-Рабиъ менга: «Мен ансорларнинг (ичида) энг бойиман, сизга молу дунёмнинг тенг ярмини бераман. Хотинларимнинг қай бири маъқул бўлса, ўша сизники бўлсин, иддаси тугагандан кейин, унга уйланаверинг!» — деб айтдилар», — дедилар. Шунда Абдуррахмон: «Оллоҳ таоло сизнинг аҳли аёлингиз ва молу дунёнгизга барака берсин! Менга бозорни кўрсатинглар!»— дебдилар. Ул кишига Қайнуқоъ бозорини кўрсатишибди. Сўнг, Абдуррахмон эртаси куни эрталаб ўша бозорга бориб, озгина пишлоқ ва сариёғ харид қилибдилар. Бир неча кундан кейин, Жаноб Расулulloҳ ул кишини учратиб қолибдилар-да, қўлларида бир сариқ нарсанинг доғи борлигини кўриб: «Эй Абдуррахмон, аҳволинг нечук?»— дебдилар. Абдуррахмон: «Бир ансория аёлга уйландим», — дебдилар, Жаноб Расулulloҳ: «Маҳрига нима бердинг?»— деб сўрабдилар. Абдуррахмон: «Данақдек олтин», — дебдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Битта қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қилгил!»— дебдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуррахмон ибн Авф Мадинага келдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишини Саъд ибн ар-Рабиъ ал-Ансорий бирлан ака-ука тутинтириб қўйдилар. Саъд катта мол-мулк эгаси эрдилар. Шунинг учун ҳам Абдуррахмонга: «Бойлигимнинг тенг ярмини сизга бердим ва аёлларимдан хоҳлаганингиз сизники бўлсин!»— дедилар. Абдуррахмон: «Оллоҳ таоло сиз, аҳлу аёлингиз ва молу дунёнгизга барака ато этсин, менга бозорни кўрсатингизлар!»— дедилар. Сўнг, бозордан бир оз сариёғ ва пишлоқ харид қилиб, ўзлари тушган манзил аҳлига олиб келдилар. Орадан қанча вақт ўтганлигини худо билади, бир куни Абдуррахмон эгниларида янги либос бирлан келиб қолдилар. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига: «Бирортасини севиб қолдингми?»— дедилар. Ул киши: «Бир ансория аёлга уйландим», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Қанча (маҳр) бердинг?»— дедилар. Абдуррахмон: «Данақдек (ёки данак вазнидек) тилло бердим», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Битта қўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қилгил!»— дедилар».

Абу Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жоҳилият даврида Укоз, Мажанна ва Зулмажоз номли бозорлар бўларди. Ислоҳ қарор топгач, мусулмонларга бу ерларда савдосотиқ қилиш гуноҳдек туюла бошлади. Шунда ушбу оят нозил бўлди: «Оллоҳдан фазлу карам иштингизда сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир» (яъни, Ҳаж кунлари ва ҳаж сафаридида тижорат қилмоқ жоиздур, агар асл мақсад ҳаж қилмоқлик бўлса) (Бақара сураси, 198-оят).

2-боб. Ҳалол(нинг ҳалоллиги) аниқдур ва ҳаром(нинг ҳаромлиги) аниқдур, аммо баъзилар учун иккисининг орасида ҳалол ёхуд ҳаромлигини фарқлаш қийин бўлган нарсалар мавжуд

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ҳалол аниқ, ҳаром ҳам аниқ. Лекин, иккисининг орасида шубҳали нарсалар мавжуд. Кимки бирор нарсанинг ҳалол ёки ҳаромлигига шубҳаланса-ю, аммо унга қўл урмаса, ҳалолга яқин иш қилган бўлур. Гуноҳ ишлар Оллоҳнинг қўриқхонаси бўлиб, унинг атрофида юрганлар билмай унинг ичига кириб қолиши мумкин».

3- боб. Шубҳали ишлар тафсири

Ҳассон ибн Абу Синон: «Художўйликдан (тақводорликдан) осонроқ нарса кўрмадим. Ўзингни шубҳалантирадиган нарсани шубҳалантирмайдирган нарса бирлан алмаштирсанг, бас!»— дедилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир қора хотин келиб:

«Мен иккаласини (Уқба бирлан ул уйланган аёлни) эмизганман, деб даъво қилди. (Уқба ўшал хотиннинг сўзига ишонмаётганлигини) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтган эрди, ул зот унга эътироз билдирдилар. Сўнг, табассум қилиб: «Қандай уни хотин қилурсан? Ахир, иккалангизни ҳам эмизганлигини айтибди-ку!»— дедилар. Уқба уйланган аёл Абу Иҳобнинг қизи эрди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Утба ўз укаси Саъд ибн Ваққосга васият қилиб: «(Замъа чўрисининг) боласи мендан, уни сенга топшираман, уни қарамоғингга ол!»— деди. Макка фатҳ қилинган йили Саъд болани ўз қарамоғига олди ва: «Бу акамнинг ўғли, уни ўз қарамоғимга олишимни акам менга васият қилган»,— деди. Шунда Замъанинг ўғли Абд ибн Замъа ўрнидан туриб: «Бул менинг укам ва отамнинг жориясининг ўғли, у отамнинг тўшагида дунёга келган», — деди. Улар бир-бирларини етаклашиб, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига боришди. Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бу акамнинг ўғли бўлиб, уни ўз қарамоғимга олишимни менга васият қилган», — деди. Абд ибн Замъа эрса: «Бу менинг укам ҳамда отамнинг жориясининг ўғли, у отамнинг тўшагида бунёд бўлган» - деди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Абд ибн Замъа, бу бола сенга, зеро фарзанд тўшак эгасиникидир, фоҳиша эрса боладан маҳрум этилмай»,— дедилар. Сўнгра, Савда бинти Замъанинг Утбага ўхшашлигини куриб: «Эй Савда, ундан юзингни беркит!» — дедилар. Кейин, бола Оллоҳ таоло даргоҳига риҳлат қилгунга қадар ҳам Савдани кўрмади».

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан миъроз бирлан ов қилмоқ ҳақида сўрадим (миъроз – бир томонига темир учлик ўрнатиладиган ёғоч ёки калтак) Жаноб Расулulloҳ: «Унинг учи бирлан жароҳат етказилган бўлса еявер. Агар ён томони бирлан жароҳат етказилиб ўлдирилган бўлса, ема, чунки ҳаром ўлган бўлади», — дедилар. Мен: «Агар итимни «бисмилло» деб қўйиб юборган бўлсам-у, унинг (овнинг ёнида «бисмилло» айтилмаган бошқа ит ҳам) турган бўлса ва овни қайси бири ушлагани маълум бўлмаса, ўша овнинг гўштини еса бўладими, йўқми?»— деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Унда овнинг гўштини ема, чунки сен ўз итингга бисмилло айтгансан, бегона итга еса айтмагансан», — дедилар.

4-боб. Шубҳали нарсалардан ўзни йироқ тутмоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлда кетаётиб ерда тушиб етган бир хурмога кўзлари тушади-да: «Агар (бошдан) садақа қилиб ташланмаганлигани билганимда эрди, уни еяверган бўлардим», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ: «Тўшагимга тушиб қолган хурмонинг садақа эмаслигини билсам, еяверган бўлардим», — деганлар».

5-боб. Кўнгилни хавотирга солгувчи айрим нарсаларни шубҳали деб ҳисобламаган зот ҳақларида

Ибод ибн Тамимнинг амакилари Жиноб Расулulloҳга бир киши хусусида шикоят қилиб: «Намоз вақтида бир кишининг орқасидан ел чиққандек бўлди, унинг намози бузилдими ёки йўқми?» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бундай ҳолда елнинг овозини эшитмагунча ёки ҳидини сезмагунча намозни бузмаслик керак», — дедилар».

Аз-Заҳрий бу ҳақда: «Расулulloҳ: «Елнинг ҳидини сезмагунча ёки овозини эшитмагунча, қайта таҳорат қилинмайди, деганлар», — дедилар».

Ойша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир қавм Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, бизга бир қавм гўшт олиб келиб туради. Лекин, биз ул гўшт «бисмилло» айтиб сўйилган ҳайвоннинг гўштини ёки йўқми, билмаймиз», — дейишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзларингиз «бисмилло» айтиб еяверинглар!»— дедилар».

6-боб. Оллоҳ таолонинг «Агар бирор тижорат ёки тамошони кўриб қолсалар, ўша томон кетиб қоладилар» деган қавли ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни биз Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга намоз ўқиб турган эрдик. Шом тарафдан озиқ-овқат ортилган карвон келиб қолди. Буни кўрган намозхонлар дув этиб ўша ёққа кетишди. Жаноб Расулulloҳ бирлан фақат 12 кишигина қолди. Шунда юқоридаги оят нозил бўлди».

7-боб. Мол-дунёни қай йул бирлан топганининг фарқига бормайдиганлар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларга шундай замон келадик, инсон ўз топган молу дунёсини ҳалол йул бирлан топдими ёки ҳаром йул бирлан топдими, иши бўлмай қўяди», - дедилар».

8-боб. Қуруқликда савдо-сотик қилмоқлик ва Оллоҳ таолонинг «Уларни (поқ, художуй инсонларни) на савдо-сотик ва на бошқа нарсалар Оллоҳнинг зикридан чалғита олур...» («Нур» сураси, 37-оят) деган қавли хусусида

Қатода: «Бир қавм савдо-сотик ва тижорат бирлан шуғулланарди, лекин Оллоҳнинг ҳақини адо этиш вақти келганда, то уни тўла-тўқис бажармагунча, бошқа ишга қўл урмасди», — дедилар.

Абу Минҳол: «Мен тилла ва кумуш бирлан савдо қилардим. Шу ҳақда Зайд ибн Арқамдан сўраганим, у: «Жаноб Расулulloҳнинг замонларида дўконларимиз бўлиб, олтин ва кумуш бирлан савдо қилардик. Жаноб Расулulloҳдан шу ҳақда сўраганимизда: «Қўлдан-қўлга ўтса (яъни, нақдга нақд бўлса), майли, лекин насияга сотиш ярамайди» — деб айтдилар», — деди.

9-боб. Тижорат ишларига берилиб кетиш ва Оллоҳ таолонинг: «Намоз тугагач, ўз тирикчиликларингиз бирлан банд бўлингизлар ва Оллоҳнинг фазлу карамидан умидвор бўлингизлар» деган қавли ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кириш учун уч марта изн сурадим. Аммо, ул киши ниҳоятда банд бўлганлари сабабли менга ҳадеганда рухсат беравермадилар. Шунинг учун орқамга қайтиб кетдим. Ҳазрат Умар ишларини тугатиб: «Боя Абдуллоҳ ибн Қайснинг овози эшитилгандек бўлдими? Айтингизлар, кирсин!»— дебдилар. Сўнг, қайтиб кетганимни эшитиб, мени чақиртирибдилар. Мен Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кириб: «Агар бизга изн берилмаса, қайтиб кетмоқлик буюрилгандур»,— дедим. Ҳазрат Умар: «Бу гапингизга гувоҳ келтирингиз!» — дедилар. Кейин, мен ансорлар ўлтирган жойга бориб, Ҳазрат Умарнинг гапларини айтдим. Улар: «Бунга фақат энг ёшимиз Абу Саид ал-Худрий гувоҳлик бера олур», — дейишди. Мен Абу Саид ал-Худрийни олиб, Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига бордим. (Абу Саид гапимнинг тўғрилигига гувоҳлик бергач), Ҳазрат Умар: «Бозорларда бор-барака қилиш бирлан овора бўлиб, Жаноб Расулulloҳнинг бул муборак

амрларини эшитмоқдан бенасиб қолган эрканман», — дедилар».

10-боб. Денгиз орқали (бирор юртга бориб) тижорат қилмоқлик ҳақида

Матар: «Денгиз орқали (бирор юртга бориб) тижорат қилмоқликнинг зарари йўқ, Оллоҳ таоло Қуръонда унинг хусусида зикр қилган барча гаплар фақат ҳақиқатдур» — дедилар-да, «Сиз унда (денгизда сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. (Оллоҳ ўзининг) фазлу марҳаматидан (ризку рўз) ишашингиз (ва берган неъматларига) шукр қилишингиз учун (сизларга денгизларни бўйинсундириб қўйди)» деган оятни тиловат қилдилар.

11-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан... эҳсон қилиб турингизлар» («Бақара» сураси, 267-оят)

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар аёл яхши ният бирлан ўз уйидаги егуликлардан садақа (хайр-эҳсон) қилса, унга хайр қилгани учун, эрига ишлаб топиб келгани учун савоб теккайдур, шунингдек хазиначи ҳам савоб олгайдур, барчалари баробар савоб олгайлар»,— дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар аёл эри ишлаб топган нарсалардан унинг буйруғисиз яхши ниятда нафақа (садақа) қилса, бундан тегадирган савобнинг ярмиси эриникидир», — дедилар».

12-боб. Ризқи улӯғ бўлишини истаган одам ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ризқи улӯғ бўлмоғини ёки номи узоқ вақт эсланмоғини истаса, қариндош-уруғларига яхшилик (хайр-эҳсон) қилиб турсин!»— дедилар».

13-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг насияга нарса олганлари тўғрисида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли аёлларининг емаги учун бир яҳудийдан насияга таом (арпа уни) олдилар ва эвазига темир совутларини гаровга қолдирдилар».

Анас разияллоҳу анҳу бир куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига арпа нон ва думба ёғи олиб борибдилар. Ўша куни Жаноб Расулulloҳ Мадинадаги бир яҳудийга темир (қалқон) совутларини гаровга қўйиб, ундан аҳли аёллари учун арпа уни олган эрканлар. Анас разияллоҳу анҳу (бир неча кун бурун) пайғамбаримизнинг: «Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонида бир сиқим бугдой ҳам, бир дона дон ҳам қолмади», — деганларини эшитибдилар. Ўшанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари 9 та эркан.

14-боб. Кишининг касби ва ўз қўли бирлан меҳнат қилиши ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Абу Бакр Сиддиқ халифа бўлганларида: «Менинг ўз касбим борлигини қавмимиз яхши билур. Мен гарчи мусулмонлар ишлари бирлан банд бўлсам ҳам, шу касбим орқали оила тебратурман», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг саҳобаларим ўз касблари меҳнатлари билан тирикчилик қилурлар», — дедилар».

Миқдод разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз қўлларининг меҳнати билан тирикчилик қилганлар», - дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир кучоқ ўтин териб, бозорга орқалаб олиб бориб, сотиб тирикчилик қилган одам тиланчилик билан қўл чўзиб кун кўрган одамдан афзал», — дедилар.

15-боб. Савдо-сотиқда энгиллик туғдириш ва олижаноблик қилиш ҳақида. Кимки ҳақини талаб қилса, инсоф билан талаб қилсин!

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бирор нарса сотишда ёки харид қилишда ёхуд бирор ҳукм чиқаришда олижаноблик кўрсатган одамни Оллоҳ таоло ўз раҳматига олур», — дедилар».

16-боб. Қарзини узишга қурби етадирган кишига муҳлат берган одам ҳақида

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Фаришталар сизлардан олдин ўтиб кетган бир одамнинг руҳини ушлаб: «(У дунёда) бирор хайрли иш қилганмидинг?»— деб сўрашибди. Бояги одам: «Қарзини узишга қурби етадирган кишига муҳлат берингизлар, ночорнинг эрса қарзини кечиб юборингизлар, шояд Оллоҳ таоло ҳам бизнинг гуноҳимиздан ўтса!»— деб болаларимга буюрардим»— деб жавоб берибди. Шунда Оллоҳ таоло ҳам унинг у дунёда гуноҳидан ўтибди».

17-боб. Қарзини узишга қурби етмайдиган кишининг қарзини кечиб юборган одам ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир тожир (савдогар) одамларга қарз берарди. Агар ночор одамларга қарз берса, қўл остидагиларга: «Унинг қарзидан ўтиб қўя қолинглар, шояд Оллоҳ таоло ҳам бизнинг гуноҳимиздан ўтса!»— дерди. Шунга биноан унинг хизматчилари ночорларнинг қарзини кечиб юборардилар. Шунинг учун Оллоҳ таоло у дунёда ўша савдогарнинг гуноҳидан ўтди».

18-боб. Олувчи ва сотувчининг бир-бирларига фирромлик қилмасликлари лозимлиги ҳақида

Ал-Адо ибн Халид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар сотувчи ўз молининг айбини яширмаса ҳамда олувчи ҳам пул беришда фирромлик қилмаса, (бундай) савдода барака бўлур. Агар ҳар иккала томон ҳам бир-бирига фирромлик қилса, бундай савдода барака бўлмас!»— дедилар».

Ал-Адо ибн Халид ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бу Муҳаммад Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ал-Адо ибн Халиддан харид қилган (сотиб олган) нарсаси бўлиб, муслим билан муслим ўртасидаги савдо-сотиқдур. Унда на бирор зоҳирий ва на бирор ботиний айб ва на бирор камомат бор» деб ўзиб бердилар».

Одамлар Иброҳимга баъзи оқ танли чўрилар бирлан савдо қилувчиларнинг «Хуросон ва Сижистон орийлари» деб аталиши ҳақида сўзлашиб: «Фалончи кеча Хуросондан келди, фалончи эрса бугун Сижистондан келди»— (дейишди). Иброҳим бундайлардан қаттиқ нафратландилар.

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу: «Ўз молининг айбини яширган ҳолда савдо қилиш ҳалол эрмас», — дедилар.

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар сотувчи ўз молининг айбини яширмаса ва харид қилувчи ҳам (пул беришда) фирромлик қилмаса, бундай савдода барака бор, агар ҳар иккала томон ҳам бир-бирига фирромлик қилса, бундай савдода барака бўлмайди (савдо ҳалолликни ёқтиради)», — дедилар».

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки киши ўртасидаги савдо-сотик ҳар иккала томон учун ҳам, то улар бир-бирлари бирлан келишиб олгунча, ихтиёрийдир. Агар улар бир-бирларига рост сўзлаб, молнинг айбини яширмасалар, фирромлик қилмасалар, бундай савдода барака бўлур, агар молнинг айбини яширсалар ва бир-бирларини алдасалар, савдоларида барака бўлмас!»— дедилар».

19-боб. Гўшт сотувчи ва қассоб ҳақида

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Шуъайб ансорий ўзининг қассоб ғуломи қошига келиб, 5 кишилик овқат тайёрла! Мен Жаноб Расулulloҳни чақирмоқчиман, чунки ул зотнинг юзларида очлик аломатини кўрдим деди. Кейин, у Жаноб Расулulloҳ бошлиқ беш кишини меҳмонга таклиф этди. Лекин уларга яна бир киши эргашиб келди. Шунда Жаноб Расулulloҳ Абу Шуъайбга: «Бул одам биз бирлан (эргашиб) келаверди. Рухсат берсанг, уйингга кирур, йўқ десанг, қайтиб кетур», — дедилар. Уй эгаси: «Майли, кираверсин!»— деди».

20-боб. Савдо-сотикда алдов ва молнинг нуқсонини яширмоқлик нени барбод қилур?

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар сотувчи ўз молининг айбини яширса ва олувчи ҳам фирромлик қилса (яъни, сотувчи ва олувчи бир-бирига фирромлик қилса), ундай савдода барака бўлмас! Агар сотувчи ва олувчи бир-бирига рост гапирса, бир-бирини алдамаса, бундай савдода барака бўлур!» - дедилар».

21-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш бирлан судхўрлик қилмангизлар! Оллоҳдан қўрқингизлар, (шунда) шояд нажот топсангизлар!» («Оли Имрон» сураси, 130-оят).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундай замон келурки, унда одамлар ҳалол йўл бирлан ризқ-рўз топаётирларми ёки ҳаром йўл бирланми, фарқига бормай қўюрлар», — дедилар».

22-боб. Судхўрлик, унинг гувоҳи (шоҳиди) ва уни қўйгувчи. Ҳамда бу ҳақда Оллоҳнинг: «Судхўр бўлган кимсалар қиёмат куни жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Савдо-сотик ҳам судхўрликнинг ўзи-ку!»— деганларидир. Ҳолбуки, Оллоҳ савдо-сотикни ҳалол ва судхўрликни ҳаром қилган.

Бас, кимки ўзига Оллоҳдан мавъиза (насиҳат) етгач, судхўрликдан қайтса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Оллоҳга (топширилади, яъни Оллоҳ хоҳласа авф этади), ва ким (судхўрликни) давом эттирса, улар жаҳаннамийдурлар ва унда абадий қолажақлар («Бақара» сураси, 275-оят) деган қавли ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бақара» сурасининг (судхўрлик ҳақидаги) охирги оятлари нозил бўлганда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни масжидда кўпчиликка қироат қилдилар, сўнг ичимликлар бирлан савдо қилишни таъқиқладилар».

Сумра ибн Жундуб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бу кеча тушимда икки киши (фаришта)нинг ҳузуримга келганларини кўрдим. Улар мени бир муқаддас жойга олиб бордилар. Йўлда бир қон оқар дарёга дуч келдик. Дарёнинг ўртасида унинг қирғоғида ҳам биттадан одам бўлиб, дарёнинг қирғоғидаги одамнинг қўлида (анча) тош бор эрди. Дарёнинг ўртасидаги одам қирғоққа чиқишга ҳар қанча интилмасин, қирғоқдаги одам унинг оғзига тош отиб, турган жойига қайтарар эрди. Мен улардан (фаришталардан): «Булар ким?»— деб сўрагандим: «Қон дарёсининг ўртасида турган киши судхўрлик бирлан тирикчилик қилган одамдур»— деб жавоб беришди.

23-боб. Судхўр хусусида Оллоҳ таолонинг: «Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан ҳам мўмин бўлсангиз, судхўрликни тарк қилингиз! Агар (фармонимизни) бажармасангиз, у ҳолда Оллоҳ ва унинг Расули томонидан (сизларга) уруш эълондур! Агар тавба қилсангиз, сармойангиз ўзингизга— золим ҳам, мазлум ҳам бўлмасиз. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутингиз! Агар билсангизлар, (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшидир. Ва (барчангиз) Оллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра, ҳар бир жонга қилган амалига яраша тўла жазо берилур ва ҳеч кимга зулм қилинмас» («Бақара» сураси, 278—281-оятлар) деган қавли ҳақида

Ибн Аббос: «Булар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлган охирги оятлардур», — дейдилар».

Абу Жухайфа ривоят қиладилар: «Мен отамнинг зулук солиб (ёки қортиқ бирлан) даволовчи бир қул сотиб олганларини кўриб, (нега бундай қилганларини) сўрадим. Шунда ул киши: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ит учун ва қон олганлик учун ҳақ олишдан, баданга игна билан аломатлар чиздириш ва чизишдан ҳамда судхўрликдан қайтардилар ва мусаввирни лаънатладилар», — дедилар». (Абу Жухайфанинг оталарининг қортиқчи қул сотиб олганларининг боиси шуки, қулга қон олганлиги учун ҳақ тўланмайди, чунки у қулдур. Аммо, 4-жилднинг 18-бетидаги 13-бобда келтирилган ҳадисда Жаноб Расулulloҳ қортиқчига ҳақ берганлар. Эҳтимол, ул зот буни кейинчалик таъқиқлаган бўлишлари мумкин).

24-боб. «Оллоҳ судхўрлик(дан орттирилган фойда)ни йўқ қилиб (яъни, судхўрга юқтирмай), садақаларни (яъни, уларнинг савобини) зиёда қилур. Оллоҳ ҳеч бир кўрнамак (судхўр) гуноҳкорни севмас!» («Бақара» сураси, 276-оят)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Савдодаги ёлғон) қасам, гарчи молнинг бозорини чаққон қилса-да, баракани йўқ қилур», — дедилар».

25-боб. Савдо-сотикда қасам ичмоқликнинг макруҳлиги ҳақида

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам бозорда бир матони ўлчатиб олиб, пулини бердим, деб Оллоҳ номи бирлан қасам ичди. Ваҳоланхи, у матонинг пулини тўламаган эрди. Бу бирлан у бир мусулмонни чув туширмоқчи бўлди. Шунда «Дарҳақиқат, Оллоҳга берган аҳду қасамларини арзимас пулга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч бир насиба йўқдур» деган оят нозил бўлди».

26-боб. Бўёқчи ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «...бу ернинг ўт-ўланларини юлмоқ ҳаромдир», — дедилар».

Аббос эрса: «Жаноб Расулulloҳ: «Изхирдан бошқасини юлмангизлар», — дедилар» — деб қўшиб қўйдилар.

Али разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Ўлжалардан менинг улушимга берилган бир қари урғочи туям бор эрди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ менга хумсдан яна бир қари урғочи туя бердилар. Жаноб Расулulloҳнинг қизлари Фотимага уйланмоқчи бўлганимда Бану Қайнуқоъ қабиласидан бўлмиш бир бўёқчи бирлан келишиб олдим, у мен бирлан бирга бўёқчилар ҳузурига бориб, изхирларимни яхшироқ нарҳда уларга сотиб берадирган бўлди. Мен унинг пулини тўйимга ишлатмоқчи эрдим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Маккани муқаддас қилгандур. Маккада уруш қилмоқ ва одам ўлдирмоқ мендан аввал ҳам ҳалол бўлмаган ва мендан кейин ҳам ҳеч кимга ҳалол бўлмас. Менга бу ерда бир соатгина уруш қилишга рухсат берилди. У ҳеч қачон бўшаб (хувиллаб) қолмас. Шу соатдан бошлаб бу ернинг ўт-ўланларини юлмоқ, дарахтларини кесмоқ, йўқотилган (тушиб қолган) нарсани эгасини қидириб топширмоқдан ўзга ниятда олмоқ ҳаромдир», — дедилар. Шунда Аббос ибн Абдуллоҳ ибн Мутталиб: «Изхирни мустасно қилингиз, чунки ундан бўёқ оламиз ва уни уйларимизнинг томига ишлатамиз», — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Изхирдан бошқасини юлмангизлар!»— деб қўшиб қўйдилар».

27-боб. Темирчи ҳақида

Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жоҳилият даврида темирчилик қилардим. Ал-Ос ибн Воил мендан қарздор эди. Қарзимни талаб қилиб борган эрдим, у менга: «Муҳаммадга куфр келтирсанг, қарзимни тўлайман», — деди. Мен: «Оллоҳ жонингни олиб, Қиёматда қайта тирилтиргунига қадар ҳам Муҳаммадга куфр келтирмасман!»— дедим. «Ундай бўлса, мен ўлиб, қайта тирилгунимча ўз ҳолимга қўй! Қайта тирилганимда менга яна молу дунё ва бола-чақа ато этилур, ўшанда қарзимни узурман», — деди. Шу воқеадан сўнг, қуйидаги оят нозил бўлди: «(Эй Муҳаммад), Бизнинг оятларимизга куфр келтириб, «Қасамки, албатта (охиратда ҳам) менга мол-мулк ва бола-чақа ато этилур» деган кимсани кўрдингизми?! У ғайбдан хабардор бўлдимикин ё Раҳмон даргоҳидан аҳду паймон олдимикин?!» («Марям» сураси, 77—78-оятлар).

28-боб. Тикувчи ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир тикувчи Жаноб Расулulloҳни ўзи пиширган (тайёрлаган) таомга таклиф этди. Мен ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бордим. Тикувчи Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига нон ҳамда сўт гўшт ва

ошқовоқдан қилинган шўрва келтирди. Жаноб Расулulloҳ ошқовоқ шўрвани иштаҳа бирлан тановул қила бошладилар. Ўшандан бери мен қовоқни жуда хуш кўраман».

29-боб. Тўқувчи ҳақида

Абу Ҳозим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир аёл бурда олиб келди. Саҳд ибн Саъд: «Бурда нималигини биласизларми?»— деб саҳобалардан суради. Саҳобалар: «Ҳа, биламиз, бурда — четига попуқ тўқилган шамладир», — дейишди. Ҳалиги аёл: «Ё Расулаллоҳ, буни сизга атаб ўз қўлим бирлан тўқиганман», — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари муҳтож бўлганликлари учун ҳам уни олдилаар, сўнг (ичкарига кириб), изор ўрнида кийиб, бизнинг олдимизга чиқдилар. Шунда қавмдошлардан бири: «Ё Расулаллоҳ, шуни менга кийдилинг!»— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Майли», — дедилар. Ўша киши Оллоҳ таоло истаганча мажлисда ўлтириб, сўнг қайтиб кетди. Расулulloҳ бурдани ўраб, кетидан унга бериб юбордилар. Кейинчалик, қавмдошлари унга: «Яхши иш қилмадинг, ул зотнинг бирор нарса сўраган кишига «йўқ» демасликларини яхши билардинг-ку!» - дейишди. У: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен бурдани ўлганимда ўзимга кафанлик бўлсин, деган ниятдагина сўраган эрдим», — деди. Саҳл ибн Саъд; «Дарҳақиқат, ўша бурда унга кафан бўлди», — деган эди».

30-боб. Дурадгор ҳақида

Абу Ҳозим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Саҳл ибн Саъд ҳузурига келиб минбар борасида сўрашди. Шунда Саҳл уларга: «Жаноб Расулulloҳ бир аёлга одам юбордилар. У келгач: «Дурадгор ғуломингга буюргил, менга устида ўлтириб ваъз айтмоғим учун бир минбар ясаб берсин!»— дедилар. Аёл ғуломига буюриб эрди, у юлғун ёғочидан минбар ясаб берди. Сўнг, аёл уни Жаноб Расулulloҳга юборди. Ул зот унда ўлтириб ваъз айтдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир ансория аёл Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, ваъз чоғида ўлтиришингиз учун бир нарса ясатиб берайми, чунки менинг дурадгор ғуломим бор», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар хоҳласанг, майли, унга айт, менга бир минбар ясаб берсин!»— дедилар. Жумъа куни Жаноб Расулulloҳ (янги) минбарга чиқиб ўлтирдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ илгари ёнида туриб (ёки устига чиқиб) ваъз айтган хурмо тўнкаси шул қадар ўксиниб йиғладики, ҳатто ёрилиб-ёрилиб кетадигандек туюлди. Жаноб Расулulloҳ буни эшитиб минбардан тушдилар-да, тўнкани бағрларига босдилар. Шундан сўнг, тўнка хўрсина-хўрсина юпаниб қолган гўдак каби аста-секин тинчланди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «Илгари эшитган ваъзларни кўмсаб йиғлади», — дедилар».

31-боб. Имомнинг ўзига керакли нарсаларни шахсан ўзи сотиб олмоғи ҳақида.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Умардан (бир) туя сотиб олдилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир мушрик қўй олиб келганди, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни сотиб олдилар. Жобирдан эрса туя сотиб олдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир яҳудийдан насияга таом сотиб олдилар ва ўрнига ўзларининг темир совутларини вақтинча

гаровга қўйдилар».

32-боб. Улов сотиб олиш ҳақида. Агар биров бир кишининг миниб келаётган уловини сотиб олса, улов (ўшал киши манзилига етиб олиб, ундан тушгунига қадар сотиб олинган ҳисобланадими?)

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни (яъни, асов) туянгни менга сот!»—дедилар».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга ғазотда эрдим. Туям чарчаганидан имиллаб келарди. Шунда Жаноб Расулulloҳ кетимдан етиб келиб: «Жобир!»— дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулаллоҳ!»— дедим. Ул зот: «Нечун секин кетаётирсан?»— дедилар. Мен: «Туям чарчаганидан имиллаб қолди. Шунинг учун орқада қолиб кетдим», — дедим. Сўнг, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларидан тушиб, қўлларидаги (асо) бирлан туямни ниқтадилар-да: «Қани энди туянгга мин-чи!»— дедилар. Мен туямга минган эрдим, у лўкиллаб югуриб кетди. Мен Жаноб Расулulloҳдан илгарилаб кетмаслик учун туямнинг жilовини тортиб бордим. Жаноб Расулulloҳ менга: «Уйландингми?»— дедилар. Мен: «Ҳа, ё Расулаллоҳ, уйландим», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бокирагами ёки жувонгами?»— дедилар. Мен: «Жувонга», — дедим. Ул зот: «Бокира қизга уйланганинда, бир-бирларингиз бирлан ҳазил-ҳузил қилиб юрган бўлардингиз», — дедилар. Мен: «Сингилларим кўп. Шунинг учун, уларни ювиб-тараб, уларга оналик қила оладиган аёлга уйландим», — дедим. Ул зот: «Сен уйингга кетаётирсан, етиб борганинда фикру ўйингда жимоъ бўлсин!» (яъни, «Фарзандли бўлмоғинг керак!») — дедилар. Кейин: «Туянгни сотасанми?»— дедилар. «Майли», — дедим. Жаноб Расулulloҳ уни мендан бир уқияга сотиб олдилар. Сўнг, туяларини қамчилаб, тезлаб кетдилар-да, шаҳарга мендан илгари етиб бордилар, мен ул ерга эрталаб кириб бордим. Сўнг, масжидга борган эрдим, ул зотнинг масжид эшиги олдида турганларини кўрдим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳозир етиб келдингми?»— дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. «Масжидга кириб икки рақъат намоз ўқиб чиқ!»— дедилар. Намоз ўқиб чиққанимдан кейин, Билолга қараб: «Бир уқия (дирҳам) ўлчаб бер!»— дедилар. Билол менга бир уқия ўлчаб бердилар. Пулни олиб, эндигина йўлга тушган эрдим, Жаноб Расулulloҳ мени тўхтатдилар. Дарҳол хаёлимдан «Ҳозир туямни қайтариб берадилар» деган фикр ўтди. Бу эса мен учун жуда нохуш эрди. Айтганимдек, Жаноб Расулulloҳ: «Туянгни ол, унинг ҳақи ҳам ўзингга»— дедилар».

33-боб. Жоҳилият давридаги бозорлар ва одамларнинг Ислом даврида ҳам у ерларда савдо-сотиқни давом эттирганлари ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Укоз, Мажанна ва Зулмажоз жоҳилият давридаги энг катта бозорлардан ҳисобланарди. Ислом жорий бўлгандан кейин, одамлар бу бозорларда савдо-сотиқ қилишни гуноҳ, деб ҳисобладилар. Шунда Оллоҳ таоло: «Ҳаж мавсумларида (кунларида) савдо-сотиқ бирлан шуғулланиш сизларга гуноҳ эрмас» деган ояти каримаси нозил (Бу оятни Ибн Аббос қироат қилдилар).

34-боб. Истисқо дардига чалинган ёки қўтир туя ҳақида. Истисқо дардига чалинган туяни сотиш ҳар қандай ҳолда ҳам мақсадга хилофдир

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одамдан икки киши эгалик қилгувчи туяни сотиб олдим. Туя қўтир эркан. ўша одамнинг шериги келиб: «Шеригим сизга айби бор туяни алдаб сотибди», — деди. Мен: «Туяни олиб келингизлар-чи!» — деб буюрдим. Кейин,

фикримдан қайтиб: «Қўяверингизлар, Жаноб Расулulloҳ: «Бир-бирларингизга адоват қилмангизлар!» — деб айтганлар» — дедим».

35-боб. Фитна содир бўлган чоғда ва бошқа пайтларда қурол сотиш ҳақида. Имрон ибн Хусайн фитна чоғида қурол сотмоқни макруҳ деганлар

Абу Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Хунайн ғазотига чиққан йилимиз ул зот менга совут бердилар. Мен уни сотдим, пулига эрса Бану Салама еридан хурмо қоқи қиладирган жой олдим. Бу менинг Ислондаги биринчи бисотим эрди».

36-боб. Аттор ва мушк сотиш ҳақида

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Яхши ва ёмон сўхбатдош мисоли мушк сотгувчи ва темирчи дамгари кабидир. Бири хўшбуй ҳид таратса, иккинчиси чўғ отиб туради. Мушк сотгувчидан олган нарсанг димоғингни чоғ этса, темирчи дамгаридан чиққан чўғ ё баданингни ёки кийимингни кўйдиради ёки бирор ёқимсиз ҳид келтиради».

37-боб. Зулук (ёки қортиқ) бирлан даволовчи ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Тийба (Абу Таййиба) Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга зулук (ёки қортиқ) солди. Сўнг, ул зот унга бир соъ хурмо беришни ва оиласидан олинадиган солиқни камайтиришни буюрдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳга зулук (қортиқ) солинди. Кейин, ул зот қон олдирганлари ҳақини тўладилар. Агар зулук (қортиқ) солиш ҳаром бўлса, ул зот унинг ҳақини тўламаган бўлардилар». (Бу воқеа қон олганлик учун ҳақ олиш манъ қилинмасидан бурун бўлган бўлса керак).

38-боб. Эркак ва аёлларнинг кийиши макруҳ бўлган нарсалар тижорати ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрати Умарга ипакдан тўқилган ҳулла бериб юбордилар. Сўнг, уни Ҳазрат Умарнинг устиларида кўриб: «Мен буни кийгин, деб эрмас, балки бирортасига сотиб фойдалангин, деб юборгандим, чунки буни охиратда насибаси йўқлар кюрлар», — дедилар».

Оиша уммул-мўминийн разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен суратли матодан қилинган бир ёстиқ сотиб олдим. Ул зот ўшал ёстиқни кўрибоқ ичкарига кирмай, эшик олдида туриб қолдилар. Мен Жаноб Расулulloҳнинг юзларида жирканиш аломатини сезиб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ ва унинг Расулига тавба қилдим, не гуноҳ қилиб қўйдим?» — дедим. Ул зот: «Нечун бу ёстиқ бу ерда турибди?». — дедилар, Мен: «Ўлтирасиз ёки (бошингизга) ёстиқ қиласиз, деб сотиб олгандим», — дедим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мана шу суратларни чизган кишиларга Қиёмат кунини азоб берилгусидир. Сўнг, уларга: «Ўзингиз яратган нарсаларга ўзингиз жон ато этингиз!» - деб айтилгусидир», — дедилар. Сўнгра, ул зот: «Суратлар бор уйга фаришталар кирмайдилар» — деб қўшиб қўйдилар».

39-боб. Мол эгаси (ўз молига) нарх қўйишга барчадан кўра ҳақлидир

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Бани Нажжор, менга боғингизнинг ундаги кулба-ю хурмо дарахтлари бирлан нарҳини айтингизлар!» — дедилар».

40-боб. (Сотувчи бирлан харидор молнинг ўзлари) ихтиёр (қилган нарҳини) қай вақтга қадар (бир-бирларига таклиф қилмоқлари) жоиз?

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Сотувчи бирлан харидор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нарҳини савдолашиб турган жойларини тарк қилгунларига қадар бир-бирларига таклиф қилмоқлари лозимдур, бошқача қилиб айтганда, иккаласининг ўрталаридага савдо ихтиёрий бўлмоғи даркор (яъни, савдолашиб турилган жойдан жилмай туриб харидор сотувчига: «Мен таклиф қилган нарҳни ихтиёр қилсанг, сот!» — демоғи ёхуд сотувчи харидорга: «Мен таклиф қилган нарҳни ихтиёр қилсанг, ол!» — деб айтмоғи керак)».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Умар ўзларига билан бирор нарсани харид қилсалар, дарҳол сотувчини тарк қилур эрдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

41-боб. Сотувчи бирлан харидор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нарҳини бир-бирларига таклиф қилмасалар, савдо жоиз бўлурми?

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Сотувчи бирлан харидор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нарҳини савдолашиб турган жойларини тарк қилгунларига қадар бир-бирларига таклиф қилмоқлари лозимдур, бошқача қилиб айтганда, савдолашиб турилган жойдан жилмай туриб харидор сотувчига: «Мен таклиф қилган нарҳни ихтиёр этсанг, сот!» — демоғи ёки сотувчи харидорга: «Мен таклиф қилган нарҳни ихтиёр этсанг, ол!» — деб айтмоғи керак».

42-боб. Сотувчи бирлан харидор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нарҳини савдолашиб турган жойларини тарк қилгунларига қадар бир-бирларига таклиф қилмоқлари лозим

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қидилар: «Сотувчи бирлан харидор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нарҳини савдолашиб турган жойларини тарк қилгунларига қадар бир-бирларига таклиф қилиб, (сўнг ўрталаридаги савдонинг бўлиши ёки бўлмаслигани қатъий маълум қилмоқлари) лозимдур. Агар ҳар иккала томон ҳам ҳалоллик қилса, яъни сотувчи молнинг нуқсонини яширмаса ва харидор пул тўлашда фирромлик қилмаса, уларнинг савдоси баракали бўлур. Башарти улар бир-бирларини алдасалар, яъни сотувчи ўз молининг нуқсонини яширса ва харидор унга пул тўлашда фирромлик қилса, ўрталаридаги савдодан барака кўтарилур».

43-боб. Агар сотувчи бирлан харидордан қайси бири, ўзаро савдолашилгандан сўнг, иккинчисининг мол нарҳи хусусидаги таклифини қабул қилса, савдо вожиб (амалга оширилмоғи лозим) бўлур

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қидилар: «Агар икки киши (бирор мол хусусида) ўзаро савдолашса,

улардан ҳар бири савдолашиб турган жойини тарк қилгунига қадар иккинчисига молнинг ўзи ихтиёр қилган нарҳини таклиф қилмоғи ва иккаласи муайян бир нархга келишиб, савдони битирмоқлари лозимдур. Бошқача қилиб айтганда, бири иккинчисининг мол нарҳи хусусидаги таклифини қабул қилур. Шунда, гарчи иккаласи ўзаро савдолашгандан сўнг, (келиша олмай), турган жойларини тарк қилсалар-да, савдони амалга оширмоқлари даркордур. Агар иккаласидан бири савдолашиб турган ерини тарк қилмаса ҳам, савдони амалга оширмоқ зарурдур».

44-боб. Агар сотувчи ўзи ихтиёр қилган (нархда туриб олган) бўлса, (у бирлан) савдо қилмоқ жоиз бўлурми?

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Ҳар бир сотувчи бирлан харидор ўртасидаги савдо иккаласи савдолашиб турган жойини тарк қилгунга қадар бир-бирига ўзи ихтиёр қилган нарҳни таклиф қилгандагина жоиздур».

Ҳумом разияллоҳу анҳу: «Китобимда «Сотувчи бирлан харидор молнинг ўзлари ихтиёр қилган нарҳини бир-бирларига уч бор таклиф қилмоқлари даркор» деб ёзилганини кўрдим. Агар сотувчи бирлан харидор ўзаро ҳалоллик қилсалар, қилган савдолари баракали бўлур ва агар ўз фойдаларини кўзлаб, бир-бирларига фирромлик қилсалар, савдоларидан барака кўтарилур», — дейдилар.

Ҳаким ибн Ҳизом юқоридаги ҳадисни Жаноб Расулulloҳга мансуб эканлигани айтганлар.

45-боб. Агар харидор бирор нарсани сотиб олгач, ўша заҳотиёқ уни сотувчининг кўзи олдида бировга ҳадя қилиб юборса ёхуд бир қулни сотиб олиб, дарҳол уни озод қилса, сотувчи унга монеълик қилмаслиги лозим

Товус разияллоҳу анҳу: «Агар харидор сотувчини муайян бир нархга кўндириб, ундан бирор мол сотиб олса-ю, сўнг уни ўзга кишига сотиб юборса, жоиздур, (чунки) ул мол ўзининг мулки бўлиб, фойдаси ҳам ўзиникидур», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз (саҳобалар) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда бўлдик. Шунда мен (отам) Умарнинг ҳали минилмаган бўталоқларига миниб олган эрдим. У менга бўйсунмай, қавмнинг олдига ўтиб олиб, илгарилаб кетар эрди. (Отам) Умар эрсалар уни бақириб-чақириб ортига қайтарар, аммо у яна қавм олдига ўтиб олар, ул киши уни яна бақириб-чақириб ортига қайтарар эрдилар. Шу аснода Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Умарга: «Уни менга сотгил!» — дедилар. Ҳазрат Умар: «У сизники, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ қайта: «Уни менга сотгил!» — дедилар. Шундан сўнг, Ҳазрат Умар уни Жаноб Расулulloҳга сотдилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ (менга): «Эй Абдуллоҳ ибн Умар, бу сенга ҳадя! Уни не қилсанг, ихтиёр ўзингда» — деб марҳамат қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен мўминлар амири Ҳазрат Усмонга ул кишининг Хайбардаги бир ерлари бадалига (қадимда Самуд қабиласи яшаган) водийдаги бир ерни сотдим. Ўзаро савдолашиб бўлганимиздан сўнг, мен Ҳазрат Усмон айниб қолмасинлар, деб тезда уйларида чикиб, ортимга қайтдим. Чунки, Жаноб Расулulloҳ «Икки ўзаро савдолашувчи савдолашиб турган жойларини тарк қилгунларига қадар молнинг ўзлари ихтиёр қилган нарҳини бир-бирларига таклиф қилиб, ўрталаридаги савдони узил-кесил ҳал қилмоқлари лозим» деган ҳадиси шарифни айнан шу йили айтган эрдилар. Ўртамиздаги савдо-

сотик амалга ошгач, мен ўзимни ул кишини алдагандек ҳис этиб, (қаттиқ хижолат чека бошладим). Чунки, мен ул кишини (Мадинадан) уч кечалик (йўл наридаги) Самуд ерига (яъни, Оллоҳ таоло ҳалок қилган Самуд қабиласи ерига) олиб бориб қўйган эрдим, ул киши эрсалар мени (Самуд еридан) уч кечалик (йўл наридаги) Мадинага (яъни, Жаноб Расулulloҳнинг суюкли шаҳарлари булмиш Мадинадаги Хайбарга) олиб бориб қўйган эрдилар». (Яъни, Оллоҳ таолонинг лаънатиға учраб, ҳалок қилинган Самуд қавми яшаган водийдаги ерни Жаноб Расулulloҳнинг суюкли шаҳарлари булмиш Мадинанинг Хайбар мавзесидаги ер бадалиға сотганлари боисида хижолат қилдилар).

46-боб. Савдода алдовнинг макрухлиги ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламға (ҳар сафар) савдода алданиб қолишидан шикоят қилди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Ҳар сафар савдо қилаётганинда: «Савдода алдов йўқ, деб қўй!» — дедилар».

47-боб. Бозорлар хусусида

Абдурраҳмон ибн Авф ривоят қиладилар: «Мадинаға келганимизда мен: «Бу ерда тижорат қилмоқ учун бирор бозор борми?» — деб сўрадим. Шунда менға Қайнуқоъ бозори борлигини айтишди».

Анаснинг айтишларича, Абдурраҳмон ибн Авф: «Менға бозорни кўрсатинглар!» — дебдилар.

Ҳазрат Умар: «Мен бозорларда бор-барака қилиш бирлан овора бўлиб, (Жаноб Расулulloҳнинг бул муборак амрларини эшитмоқдан бенасиб қолибман)» — деган эрканлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир қўшин (хароб қилмоқ қасдида) Каъбаға юриш қилур. Улар Байдоъ деган ердаликларида биринчисидан охиргисигача ер ютур», — дедилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, қандай қилиб биринчисидан охиргисигача ер ютур, ахир уларнинг ораларида бозор аҳли ва уларға мансуб бўлмаганлар ҳам бор-ку?!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ (менға жавобан): «Ул қўшинни биринчисидан охиргисигача, (ҳаттоки беихтиёр уларнинг орасида бўлганларни ҳам) ер ютур. Сўнг, (Қиёматда) барчалари қайта тирилтирилиб, улардан ҳар бири (ўшал вақтдаги) қасдиға (ниятиға) кўра ҳисоб-китоб қилинур», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан кимнинг бўлмасин, жамоат бирлан ўқиган намози бозори ва уйда ўқиган намозидан йигирма неча марта савоблироқдур. Ва бу шунинг учунки, агар у яхшилаб таҳорат олиб, фақат намоз ўқийман, деб ва намоздан бўлак нарсаға чалғимай масжидға келса, босган ҳар бир қадами учун (Оллоҳ таоло наздида эътибори) бир даража юқори бўлур ёки қилган хатоларидан бири кечирилур ҳамда намоз ўқиётган чоғида малоикалар: «Ё парвардигоро, бул бандангни ярлақайсан, унга раҳматингни бисёр қилгайсан, унга бирор кулфат ва азият етмоғиға йўл қўймагайсан!» — деб дуо қилиб тургайлар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бозорда юрган эрдилар, бир одам: «Эй Абулқосим!» — деб чақирди. Жаноб Расулulloҳ унга қараб эрдилар, у (хижолат бўлиб): «Мен (сизни эрмас), мана бу одамни чақирган эрдим», —

деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Мени Абулқосим, деб лақабим бирлан эрмас, балки исмимни айтиб чақирингизлар!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулulloҳ, қай вақтдалиги ёдимда йўқ, менга индамай кўчага чиқдилар. Мен ҳам (эхтимол, ваҳий келиб қолган бўлса, индамаётгандирлар, деб) жимгина орқаларидан кетавердим. Жаноб Расулulloҳ Бану Қайнуқоъ бозорига бордилар, сўнг ортларига қайтиб, Фотима ризияллоҳу анҳо уйлари айвонига келиб ўлтирдилар-да: «Тойчоқ қаерда? Тойчоқ қаерда?»— деб (набиралари Ҳасанни) чақирдилар. Аммо, Фотима разияллоҳу анҳо ҳадеганда Ҳасанни ул зотнинг олдиларига чиқаравермади. Шунда мен: «Фотима Ҳасанни кийинтираётган ёки ювинтираётган бўлса керак» — деб ўйладим. Кейин, Ҳасан уйдан югуриб чиқди, ул зот уни кучоқлаб ўпдилар-да: «Ё парвардигоро, буни суйгайсан ва буни суйганларни мен ҳам суйайин!»— дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида одамлар бозорга мол олиб келаётганларни тўхтатиб, улардан егуликлар сотиб олишар (ва ўшал ернинг ўзида уларни қайта сотишар эрди). Шул боисдан Жаноб Расулulloҳ ул олиб-сотарларга одам юбориб, таомни сотиб олинган ернинг ўзида сотишни манъ қилдилар ва уни таом сотиладирган жойга олиб бориб сотишни амр қилдилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи саллам сотиб олинган озиқ-овқатларни бирмунча вақт ўзи ушлаб турмай ва сотиб олинган еридан бўлак жойга олиб бормай қайта сотишни манъ қилдилар».

48-боб. Бозорда (одамларга) ўшқирриш ва бақириб-чақирришнинг макруҳлиги ҳақида

Ато ибн Ясор разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу анҳуни учратиб, ул кишига: «Менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Тавротдаги тавсифлари хусусида айтиб берингиз!» — дедим. Шунда ул киши бундай дедилар: «Майли, айтиб берурман. Оллоҳ таоло ҳақи, дарҳақиқат Жаноб Расулulloҳ Тавротда (ҳам) Қуръонда баён қилинган баъзи сифатлари бирлан тавсиф қилингандурлар, ул қуйидагичадур: «Эй пайғамбар, Биз сиз (умматингизнинг Ислому ва унинг аҳкомларига иймон келтирганлигига, кофирларнинг эрса бул нарсаларни ёлғонга чиқарганлигига ҳамда ўзингиздан илгариги пайғамбарларнинг умматларига Оллоҳ таолонинг аҳкомларини етказганлигига) гувоҳ, (калимаи тавҳидни айтиб, унга амал қилган мусулмонларга жаннатга киражаклари ҳақида) хушхабар етказувчи, (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантирувчи ва оми аҳолини шайтон ёмонликлари ва кофирлар босқинидан ҳимоя қилувчи) бир қалъа қилиб юбордик, Сиз Бизнинг бандамиз ва элчимизсиз. Биз сизни (Оллоҳга) таваккал қилувчи, дағаллик ва бағритошлик қилмагувчи, бозорларда бақир-чақирмовчи, (одамларга) ўшқирмагувчи, ёмонликка ёмонлик қайтармагувчи, аксинча афв этгувчи ва кечиргувчи ҳамда Иброҳимнинг йўлдан озган миллатини «Ло илоҳа иллаллоҳ» дегизиб, тўғри йўлга солмагунча ва бул калима бирлан сўқир кўз, кар қулоқ, ғофил қалбларни очмагунча Оллоҳ жонини олмагувчи (бандамиз), деб атадик».

49-боб. Сотувчи ва харидорнинг (савдо чоғида молни ўлчамоғи даркорлиги ҳақида

Оллоҳ таоло: «(Молни) кам ўлчаб берувчиларнинг ҳолига вой! Улар одамлардан (бирор

нарсани) ўлчаб олаётган вақтларида ошиқча ўлчаб оладирган, уларга ўлчаб бераётганларида эрса кам ўлчаб берадирган кимсалардур» — дейди. («Мутаффифун» сураси, 1-3-оятлар).

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «(Молни) тўлиқ ўлчаб берингизлар!» — деб марҳамат қилганлар.

Усмон разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «(бирор нарса) сотсангиз, ўлчаб берингиз ва (бирор нарса) сотиб олсангиз, ўлчаб олингиз!» — деб марҳамат қилдилар», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бирор озиқ-овқат сотса, тўла-тўкис ўлчаб берсин!» — дедилар».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром вафот этиб, бўйинларидаги қарзлари узилмаганча қолди. Шунда мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Отамга қарз берган кишиларга айтингиз, берган қарзларининг бир қисмидан воз кечишсин!» — деб илтимос қилдим. Жаноб Расулulloҳ уларга илтимосимни етказдилар, аммо улар кўнишмади. Кейин, ул зот менга: «Бориб хурмоларингни тўп-тўп қилиб қўй, ажвани алоҳида ва азқни алоҳида тўп қил!» — дедилар. Мен хурмоларни тўп-тўп қилиб бўлиб, Жаноб Расулulloҳга одам юбордим. Ул зот келиб, хурмо тўпларидан бирининг устига ўлтириб олдилар-да, менга: «Қарзини сўраб келганларга ўлчаб беравер!» — дедилар. Мен ҳаммага ўлчаб бериб, отамнинг қарзларини тўла-тўкис уздим, лекин хурмоларимдан бир дона ҳам камаймагандек эрди».

50-боб. (Тўғри) ўлчашнинг фазилати ҳақида

Миқдом ибн Маъдиқариба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Озиқ-овқатларингизни (тўғри) ўлчангизлар, (Оллоҳ таоло) сизга барака ато этур!» — дедилар».

51-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг (Мадина) соъи ва муддига барака тилаганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Иброҳим Халилulloҳ Маккани муқаддас атаб, уни дуо қилганлари каби, мен ҳам Мадинани муқаддас атаб, унинг мудди ва соъига барака тиладим!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Эй Оллоҳ, Мадина аҳлининг тошу тарозусига, мудди ва соъига барака ато эт!» — дедилар».

52-боб. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва олибсотарлик ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг даврларида озиқ-овқат маҳсулотларини кўтарасига сотиб олгач, уларни қўлларига олмай (ҳамда жойидан қўзғатмай) туриб ўшал ернинг ўзида бўлак одамларга сотаётганларнинг калтакланганларини кўрдим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кишининг ўзи сотиб

олган озиқ-овқат маҳсулотларини қўлига олмай туриб ўшал ернинг ўзида бўлак кишига сотиб юбормоғини манъ қилдилар», — дедилар.

Ибн Аббосдан: «Жаноб Расулуллоҳ бундай савдони нечун манъ қилганлар?» — деб сўрашди. Ибн Аббос: «Бундай савдода дирҳамни дирҳамга (пулни пулга) сотилгандек бўлур, чунки сотилаётган озиқ-овқат маҳсулоти қўлдан қўлга ўтмаётганлиги боисидан савдода иштирок қилмаётир» — деб жавоб бердилар. Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки тас (озиқ-овқат маҳсулотлари) сотиб олса, уни ушламай (ва жойдан жилдирмай) туриб бўлак кишига сотмасин!»».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Тиллани тиллага (ёхуд тиллани кумушга ёки кумушни кумушга) сотиш, томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини (тилла ёки кумушларини) қўлларига олмасалар, судхўрликдур (порахўрликдур). Буғдойни буғдойга сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини қўлларига олмасалар, судхўрликдур. Хурмони хурмога сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини қўлларига олмасалар, судхўрликдур. Арпани арпага сотиш, икки томон бир-бирларига тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини қўлларига олмасалар, судхўрликдур».

(Яъни, агар икки савдолашгувчидан бири нақдга, иккинчиси эрса насияга савдолашса, демак нақдга савдолашгувчи насияга савдолашгувчига қандайдир шарт қўяди. Бу эрса судхўрликдур).

53-боб. Сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини қўлга олмай (ушламай) туриб қайта сотиб юбориш ёки ўзингда йўқ нарсани (яъни, сотиб олинган жойингда қолдирган нарсангаи) қайта сотиб юборишинг ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бизларга манъ қилган нарсалари сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини ушламай туриб (сотиб олинган жойда қолдирган ҳолда) қайта сотиб юбориш бўлиб, бул амрлари бўлак нарсаларга ҳам тааллуқли, деб ўйлайман».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки озиқ-овқат маҳсулоти сотиб олган бўлса, уни қўлига олмай туриб қайта сотиб юбормасин!» — дедилар».

54-боб. «Кимки бирор озиқ-овқат маҳсулотини кўтара сотиб олган бўлса, уни уловига ортмай (яъни, сотиб олинган еридан бўлак жойга олиб бормай) туриб қайта сотиб юбормаслиги керак, чунки тижорат одоби шуни тақозо қилур!» — деб ҳисоблаган киши ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида одамларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини кўтара сотиб олиб, уларни турган ерларида қайта сотиб юбораётганларини ва уловларига ортиб, бўлак ерга олиб бориб сотмаганлари учун калтакланганларини кўрдим».

55-боб. Агар киши бирор матоъ ёхуд улов сотиб олиб, уни сотувчининг ҳузурида (омонат) қолдирса, жоиздур

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизникига кўпинча эрталаб ёки тушдан кейин келардилар. Мадинага ҳижрат қилишга (Оллоҳ таолодан) рухсат бўлган куни эрса ҳар сафардагидек эмас, балки туш пайтида келдилар. Жаноб Расулulloҳнинг бизникига келаётганлари Абу Бакрга хабар қилинганда, ул киши: «Бирор муҳим воқеа юз берган бўлса керак, акс ҳолда бизникига бу вақтда келмаган бўлардилар», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ хонага (уйга) кирганларида, бизга ишора қилиб: «Булар ташқари чиқиб туришсин!» — дедилар. Жаноб (Абу Бакр): «Ё Расулаллоҳ, булар менинг қизларим Оиша ва Асмодур», — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «(Мадинага) ҳижрат қилиш лозимлиги менга хабар қилинди (ваҳий келди)», — дедилар. Отам: «Бирга жунаймизми, ё Расулаллоҳ?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, бирга жунаймиз», — дедилар. Отам: «Ё Расулаллоҳ, менда сафарга тайёрлаб қуйилган икки туя бор, биттасини олингиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Уни сотиб олдим, (ҳозирча ўзингизда тураверсин!)» — дедилар».

56-боб. (Мусулмон одам мусулмон) биродарининг савдосига, токи унинг ўзи рухсат бермагунча ёхуд ўзи (савдони) тарк қилмагунча, зинҳор аралашмас ҳамда ўз молини ўтказиш ёки бирор молни сотиб олиш учун (мусулмон) биродарининг савдосини айнитмас!

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз биродарингиз савдоси устига савдо қилмангиз!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтроқ аҳолини кўчманчилар молини олиб қолиб, қиммат нархда сотиб беришдан қайтардилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтроқ аҳолини кўчманчилар молини олиб қолиб, қимматроқ нархда сотиб беришдан қайтардилар-да, бундай дедилар: «(Бировни алдаш учун) молнинг нархини атайлаб оширмангизлар, биродарингиз савдоси устига савдо қилмангизлар, биродарингиз хутбаси устига хутба қшшангизлар, бирорта аёл ўз (муслима) синглисини ризқини тортиб олиш учун унинг талоқ қилинмоғини талаб қилмасин».

57-боб. «Ким ошди» савдоси ҳақида

Ато ривоят қиладилар: «Ўлжаларни «Ким ошди» савдо қилса, бўлаверади, деб ҳисоблаганларни кўрдим».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам ўз қулига: «Ўлганимдан кейин, озодсан» — деб ваъда қилиб қуйди, аммо у (тез фурсатда ўшал қулни сотиб пули(ни сарф қилиш)га муҳтож бўлиб қолди. Шунда Жаноб Расулulloҳ (ўшал одамга ёрдам қилмоқ учун) қулни (сотиб) олдилар-да, (уни «ким ошди» савдосига қуйиб): «Буни мендан ким сотиб олур?» — дедилар. Уни Нуъайн ибн Абдуллоҳ фалон ва фалон нархга сотиб олди. Сўнг, ул зот сотилган қулнинг пулини ўшал одамга бердилар».

58-боб. Молнинг баҳосини сунъий ошириш ҳақида ҳақида ҳамда «Бундай савдо ножоиз» деганлар хусусида

Ибн Абу Авфо: «Молнинг баҳосини сунъий оширгувчи одам судхўр, хоин ва алдамчи бўлиб, топгани ҳалол эрмас» дейдилар.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Алдамчининг жойи дузахдур. Кимки биз буюрмаган ишни қилса, ул иш рад этилур» — деганлар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам молнинг баҳосини сунъий оширишдан қайтардилар».

59-боб. Туғилмаган бўталоқни сотиш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам туғилмаган бўталоқни сотишни манъ этдилар. (Жоҳилият даврида жорий бўлган қоидага биноан туянинг ҳали туғилмаган бўталоғининг бўталоғини ҳам сотишарди).

60-боб. Матони (тахини очиб курмай, фақат) ушлаб кўриш шарти бирлан савдо қилмоқлик ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (қоронғуда) матони (тахини очиб курмай, фақат) ушлаб кўриш шарти бирлан савдо қилмоқдан қайтардилар».

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мунобазадан қайтардилар. Мунобаза — кишининг ўз матосини бировга ушлаб кўрмаслик ва тахини очиб қарамаслик шарти бирлан сотмоғидур. Шунингдек, ул зот муломасадан ҳам қайтардилар. Муломаса — матони тахини очиб курмай, фақат ушлаб кўриш шарти бирлан сотмоқликдур».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кишининг яланг қават кийим кийиб юрмоғидан ҳамда унинг этагани елкасига ташлаб олмоғидан қайтардилар, (чунки ул шундай қилса, аврати кўриниб қолур). Шунингдек, ул зот муломаса ва мунобаза шарти бирлан савдо қилмоқликдан ҳам қайтардилар».

61-боб. Сотувчи туя, сигар ва совлиқ каби соғин ҳайвонларни серсут қилиб кўрсатиш мақсадида атайлаб соғмай қўймаслиги лозим!

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Туя ва совлиқларингизни (серсут қилиб кўрсатиш мақсадида) атайлаб соғмай қўймангизлар! Кимки (билмай) шундай ҳайвонни сотиб олган бўлса, унинг ихтиёрида икки йул бордур, бири — уни соғиб кўргач, маъқул бўлса, ўзида олиб қолмоқлик, иккинчиси — уни эгасига қайтариб бермоқликдур. Агар қайтариб берадирган бўлса, (бир-икки кун соққани учун) бир соъ хурмо қўшиб берсин!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Кимки атайлаб соғилмаган совлиқни (билмай) сотиб олган бўлса, уни эгасига қайтариб берур, аммо (бир-неча кун соққани учун) бир соъ хурмо ҳам берур. Жаноб Расулulloҳ бозорга мол олиб келаётганларни тўхтатиб, улардан озиқ-овқат маҳсулотларини кўтара сотиб олиб, ўшал ернинг ўзида қайта сотмоқдан ҳам қайтардилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бозорга мол олиб келганларнинг йўлини тўсмангизлар, биродарингизнинг (пишиб турган) савдосини бузмангизлар, атайлаб нарх-навони оширмангизлар шаҳарликлар

қишлоқдан келганларнинг молини арзон-гаровга олиб, қимматга сотмасинлар, совлиқларингизни атайлаб соҳмай қўймангизлар! Кимки (билмай) шундай совлиқни сотиб олган бўлса, ихтиёр ўзида, хоҳласа олиб қолсин, хоҳламаса, эгасига қайтариб берур, лекин унга бир соъ хурмо ҳам қўшиб берур», — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

62-боб. Зинокор қулни сотиб юбормоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар чўри зино қилиб қўйса-ю, зино ошкора булиб қолса, унга дарра урилур, лекин танбиҳ берилмас. Агар у иккинчи марта зино қилса, яна дарра урилур, лекин танбиҳ берилмас. Башарти учинчи марта зино қилса, яна дарра урилиб, бир жун арқон нархида бўлса ҳам, сотиб юборилур».

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Ҳолид разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар. «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга (зинодан тийилмаган) чўри ҳақида савол беришди. Шунда ул зот: «Биринчи марта зино қилганда дарра урингизлар, иккинчи марта зино қилганда ҳам дарра урингизлар, аммо учинчи марта зинони такрорласа, дарра уриб, сўнг уни бир жун арқон нархида булса ҳам, сотиб юборингизлар!» — дедилар».

63-боб. Аёллар бирлан савдо-сотик қилмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ менинг ҳузуримга келдилар. Шунда мен чўри Барирани сотиб олиб, озод қилмоқчи эканлигимни, аммо унинг эгалари унга ҳомийлик ҳуқуқини узларида қолдириш шарти бирлангина сотишга рози эканликларини айтиб эрдим, ул зот: «Уни сотиб олиб, озод қилавер, чунки ҳомийлик ҳуқуқи пулини тулаб, озод қилган шахсга ўтур!» — дедилар. Сўнг, хуфтон намозини тугатгач, ўринларидан туриб Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар-да: «Нечун одамлар Оллоҳ таолонинг Китобида йуқ шартларни қўюрлар? Кимки Оллоҳ таолонинг Китобида йуқ шартни қуйса, гарча юз марта қуйса ҳам, у ботилдур, Оллоҳ таолонинг шарти энг кучлидур» — дедилар».

64-боб. Ўтроқ киши кўчманчининг молини ундан бирор нарса олмай сотиб берурми, унга фисабиллоҳ ёрдам еки маслаҳат (насихат) қилурми?

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирортаси биродаридан насихат (маслаҳат) сўраса, насихат (маслаҳат) берсин!» — деб марҳамат қилганлар.

Жарир ризияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида калима келтириб, беш вақт намоз ўқимоққа, закот бермоққа, Ислom аҳкомларига қулоқ солиб, итоат этмоққа ва ҳар бир мусулмонга насихат (маслаҳат) бермоққа байъат қилдим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бозорга озиқ-овқат олиб келаётганларни йўлда тухтатиб, молини сотиб олмангизлар! Ўтроқ кўчманчининг молини (бирор нарса эвазига) сотиб бермасин!».

Товус Ибн Аббосдан: «Жаноб Расулulloҳнинг «Ўтроқ кўчманчининг молини сотиб бермасин!» деганлари не маънодадур?» — деб сўрадилар. Шунда Ибн Аббос: «Ўтроқ одам кўчманчи одамнинг молига даллоллик қилмасин, деганларидур» — деб жавоб қилдилар.

65-боб. «Ўтроқ одамнинг кўчманчи одам молини бирор нарса эвазига сотиб бермоғи макруҳдур» деган зот ҳақларида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ ўтроқни кўчманчининг молини (бирор нарса эвазига) сотиб беришдан қайтардилар».

66-боб. Ўтроқ одам кўчманчининг молини даллолик қилиб сотиб бермасин!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмасин, (бировни алдаш учун) молнинг нарҳини атайлаб оширмангизлар, ўтроқ одам кўчманчи одамнинг молини (бирор нарса эвазига даллолик қилиб) сотиб бермасин!» — дедилар».

67-боб. Бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқиб, уларнинг молини кўтарасига сотиб олмоқ ва ул молни турган ерида қайта сотиб юбормоқ макруҳдур. Савдода бировни алдаган одамнинг топгани ҳаром бўлиб, ўзи осийдур, чунки ул билиб туриб бировни алдар, савдода эрса алдов жоиз эрмас!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқиб, улардан кўтарасига мол сотиб олмоқни ва ул молни турган ерида қайта сотиб юбормоқни ҳамда ўтроқ (яъни, шаҳарлик) одамнинг кўчманчи (яъни, шаҳарлик бўлмаган) одам молини (бирор ҳақ эвазига даллолик қилиб) сотиб бермоғини манъ қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Кимки серсут қилиб кўрсатиш мақсадида бир неча кун соғилмаган ҳайвонни (билмай) сотиб олган бўлса, уни (бир неча кун соққани учун) бир соъ хурмо қўшиб эгасига қайтарур. Жаноб Расулulloҳ бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқмоқдан ҳам қайтарганлар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Баъзиларингиз баъзиларингизнинг савдоларингиз устига савдо қилмангизлар ва мол то бозорга етиб келмагунча, уни йўлда сотиб олиб қўймангизлар!».

68-боб. Бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқишга чек қўйилгани ҳақида

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз бозорга озиқ-овқат олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқар ва улардан озиқ-овқат сотиб олар эрдик. Кейин, Жаноб Расулulloҳ (бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқиб), улардан сотиб олинган озиқ-овқатларни озиқ-овқат бозорига олиб бормай туриб сотишни бизга манъ қилдилар».

69-боб. Тижоратда (ноҳақ) шартлар қўйиш ҳалол эрмаслиги ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Барира ҳузуримга келиб: «Эгаларим ҳар йили тўққиз уққа тўлашим шарти бирлан мени озод қилишга ваъда беришди, ул тўловни адо этмоғимга ёрдам берингиз!» — деди. Шунда мен: «Агар эгаларинг сенга ҳомийлик ҳуқуқининг менга ўтмоғига рози бўлишса, бўйнингдаги тўловни уларга берурман», — дедим. Сўнг, Барира

Ўз эгалари ҳузурига бориб, менинг таклифимни айтган эрди, улар кўнишмади. Барира менинг қошимга қайтиб келганда Жаноб Расулulloҳ ҳам ўлтириб эрдилар. Барира: «Мен сизнинг таклифингизни эгаларимга айтиб эрдим, кўнишмади, улар менга ҳомийлик ҳуқуқининг ўзларида қолмоғини талаб қилишаётир», — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг гапини эшитгач, менга: «Буни сотиб олавер ва валоят ҳуқуқининг ўзингда бўлмоғини шарт қилиб қўявер, чунки валоят ҳуқуқи (пул тўлаб) озод қилган кишиникидур» — дедилар. Ксйин, (намоздан сўнг), Жаноб Расулulloҳ одамлар орасида тик туриб Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар-да: «Нечун одамлар Оллоҳ таолонинг Китобида йўқ шартларни қўюрлар? Оллоҳ таолонинг Китобида йўқ шарт гарчи юз марта шарт қилиб қуйилса-да, ботил бўлиб, Оллоҳ таолонинг ҳукми энг ҳаққоний ва Оллоҳ таолонинг шарти энг ишончлидур! Қулга ҳомийлик ҳуқуқи уни озод қилган шахсники бўлур», — дедилар».

70-боб. Хурмони хурмога сотиш ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Буғдойни буғдойга сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларшш кўлларига олмасалар (ушламасалар), судхўрликдур. Арпани арпага сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини кўлларига олмасалар, судхўрликдур. Хурмони хурмога сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини кўлларига олмасалар, судхўрликдур».

71-боб. Майизни узумга ёки таомни таомга сотиш ҳақида

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳали дарахтдан узиб олинмаган ҳўл хурмони хурмо қоқисига ва ҳали тоқдан узилмаган узумни майизга сотишни манъ қилдилар, чунки тупидан узиб олинмаган ҳўл меванинг вазни номаълум бўлиб, бундай савдода икки томондан бирининг ҳақи иккинчисига ўтиб кетур».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тупида турган ҳар қандай ҳўл мевани қоқисига сотишни манъ қилдилар. Яъни, бул шундай савдоки, бир киши иккинчи бир кишига: «(Дарахтдаги меваларингни туришича менга сотгил, эвазига сенга фалон миқдорда қоқисидан берурман). Агар меваларинг узиб олганимда кўп чиқса, хўб-хўб, мен фойда қилурман, башарти кам чиқса, зарар қилсам ҳам, майлига» — дейди».

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам арийяга, яъни (бир ёки бир неча) хурмо дарахтларини бирор муҳтож кишига бериб турмоққа ижозат қилдиларки, ул муҳтож киши ўшал дарахтлар ҳосилини то пишгунига қадар кутур, сўнг уни сотмай, фақат ўзи бола-чақалари бирлан истеъмол қилур».

72-боб. Арпани арпага сотиш хусусида

Молик ибн Авс разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ёнимдаги олтинни юз динорга алмаштириб беришни илтимос қилиб эрдим, Талҳа ибн Убайдуллоҳ мени чақирдилар. Биз ўзаро савдолашдик, охири ул киши мен айтган нархга рози бўлиб, олтинимни олдилар-да, уни у ёғ-бу ёғини айлантириб кўрдилар, сўнг менга: «Ҳазиначим ўрмондан (боғдан) келсин, алмаштириб берурман», — дедилар. Ҳазрат Умар ул кишининг бул гапларини эшитиб: «(Эй Молик ибн Авс), олтининг эвазига ундан юз динорни олмагунингча олдидан жилма! Чунки, Жаноб Расулulloҳ: «Олтинни олтинга сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан

«Ол» демасалар ва (савдолашиб бўлгач, турган ерларини тарк қилмоқларидан бурун) бир-бирларининг молларини қўлларига олмасалар, судхўрликдур. Буғдойни буғдойга сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини қўлларига олмасалар, судхўрликдур. Арпанн арпага сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирла «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини қўлларига олмасалар, судхўрликдур. Хурмони хурмога сотиш, икки томон бир-бирларига ўз тиллари бирлан «Ол» демасалар ва бир-бирларининг молларини қўлларига олмасалар, судхўрликдур!» — деб айтганлар»,— дедилар».

73-боб. Олтинни олтинга сотиш ҳақида

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Олтинни олтинга (улар танга ёки бирор буюм шаклида бўладими ёхуд қўйма бўладими, бундан қатъий назар) бир-бирига тенг оғирликда сотингизлар, бирини иккинчисидан афзал қилмангизлар! Кумушни кумушга ҳам айнан шул тариқа сотингизлар! Савдолашиб турган ерингиздан жилмай туриб, бир-бирингизнинг молингизни қўлга олингизлар!».

74-боб. Динорни динорга насиёга сотиш ҳақида

Абу Зайед разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абу Саъиднинг «Динорни динорга, дирҳамни дирҳамга (бир-бирига тенг вазнда сотмоқ лозим)» деганларини эшитиб: «Ибн Аббос айтган ҳадисда сиз айтган гаплар йўқ-ку?!» — дедим. Абу Саъид Ибн Аббосга: «Сиз ўзингиз айтган ҳадисни Жаноб Расулulloҳдан эшитганмидингиз ёки Оллоҳ таолонинг Китобида ўқиганмидингиз?» — дедилар. Шунда Ибн Аббос: «Мен ўзим айтган ҳадисни на Жаноб Расулulloҳдан эшитдим ва на Оллоҳ таолонинг Китобида ўқидим, (аминманки) сизлар Жаноб Расулulloҳни мендан кўра яхшироқ билурсизлар, (чунки сизлар ул зотнинг хизматларида бўлганларингизда мен ёш бола эрдим). Аммо, Усома (ибн Зайд) менга ул зотнинг «Насия савдодагина судхўрлик мавжуд» деганларини айтган эрди», — дедилар».

75-боб. Кумушни олтинга насиёга сотиш ҳақида

Абу Минҳол ривоят қиладилар: «Мен Баро ибн Озиб ва Зайд ибн Арқам разияллоҳу анҳумодан пул алмаштириш (майдалаш) ҳақида сўрадим. Улар иккалови бир-бирини кўрсатишиб: «Бу мендан яхшироқ билур», — дейишди-да, сўнг иккалови ҳам: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам олтинни кумушта қарзга (насиёга) сотишни таъқиқладилар», — дейишди».

76-боб. Олтинни кумушга нақдга нақд сотиш ҳақида

Абу Бакра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кумушни кумушга, олтинни олтинга, агар қиймати ва вазни бир-бирига тенг бўлмаса, сотишни манъ қилдилар-да, сўнг: «Олтинни кумушга ва кумушни олтинга, хоҳласангиз, бир-бирига тенг вазнда, хоҳласангиз, бир-бирига тенг бўлмаган вазнда (агар нақдга нақд бўлса), сотаверингизлар!» — дедилар».

77-боб. Пишган (дарахтдан ўзиб олинган) хурмони (дарахтдаги) хом хурмога, майизни (ёки пишган, тоқдан ўзиб олинган узумни тоқдаги ёғур) узумга сотмоқ ҳамда муҳтож кишининг ўзига ҳадя қилинган (ҳали дарахтдаги) хом хурмоларни

(пишишни пойламай) сотиб юбормоғи хусусида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам пишган (дарахтдан узиб олинган) хурмони (дарахтдаги) хом хурмога, майизни (ёки пишган, тоқдан узиб олинган узумни тоқдаги ғўр) узумга ва (ҳали уриб олинмаган), бошоғидан тозаланмаган буғдойни (ўриб), бошоғидан тозалаб қўйилган буғдойга сотишни манъ қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ шундан (яъни, юқоридагиларни манъ қилганларидан) сўнг, муҳтож кишининг ўзига вақтинча берилган дарахтдаги хом хурмони (пишишни пойламай) янги узиб олинган хурмога ёки хурмб қоқисига сотиб юбормоғига рухсат бердилар, аммо буни ундан бўлак кишига ижозат қилмадилар».

78-боб. Хурмо дарахтларидаги хом ҳосилни олтин ва кумушга сотмоқ хусусида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (дарахтдаги хом) ҳосилни яроқли бўлгани кўринмай (яъни, пишмай) туриб сотмоқни манъ қилдилар. (Бундан буён) дарахтдаги хом ҳосил фақат динору дирҳамга сотиладирган бўлди, муҳтож кишига вақтинча берилган дарахтдаги хом ҳосил бундан мустаснодур».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам муҳтож кишининг ўзига вақтинча берилган дарахтдаги хом ҳосилдан беш васақ ёки ундан камроқ (1 васақ — 60 соъ, 1 соъ — 5 ратл, 1 ратл — 144 дирҳам ёки 449,28 гр) сотмоғига рухсат бердилар».

Саҳл ибн Абу Ҳасма разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам дарахтдаги хом хурмони янги узиб олинган (ёки қоқи) хурмога сотмоқни манъ қилдилар ҳамда (истисно тариқасида) муҳтож кишининг ўзига вақтинча берилган хурмо дарахтларидаги хом ҳосилни пишишни кутмай сотмоғига ва бола-чақалари бирлан тирикчилик қилмоғига рухсат бердилар».

79-боб. Арийялар тафсири

Молик разияллоҳу анҳу: «Арийя — бир одамнинг бир (муҳтож) кишига (ўзининг бир ёки бир неча) хурмо дарахтини вақтинча бериб турмоғидур. Ўз хурмо дарахтларини муҳтож кишиларга вақтинча бериб қўйган одамлар ўшал муҳтож кишиларнинг ҳадеб ҳузурларига келаверганларидан норози бўлгач, Жаноб Расулulloҳ уларга ўзлари вақтинча бериб қўйган хурмо дарахтларидаги хом ҳосилни муҳтож кишилардан хурмо қоқисига (ёки пишган хурмога) сотиб олмоқни рухсат қилдилар», — дейдилар.

Ибн Идрийс: «Арийя, яъни вақтинча бериб қўйилган хурмо дарахтларидаги хом ҳосилни пишган (ёки қоқи) хурмога сотиб олмоқлик кўтара савдо йўли бирлан эмас, балки фақат тортиб олиш ва нақдга нақд савдо йўли бирлан амалга оширилади», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Арийялар — бир кишининг иккинчи бир (муҳтож) кишига ўзининг бир ёки икки хурмо дарахтини вақтинча бериб турмоғи бўлиб, (ўшал муҳтож киши ундаги хом ҳосилнинг пишмоғини кутур, сўнг уни бола-чақалари бирлан истеъмол қилур, аммо уни сотмас)», — дейдилар.

Суфён ибн Ҳусайн: «Арийялар — мискинларга ҳадя қилинган хурмо дарахтлари бўлиб, улар

(ҳосил пишгунга қадар) кутиша олмас эрди. Шул боисдан Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам уларга хом ҳосилни ўзлари хоҳлаган хурмога (яъни, истасалар, янги узилган хурмога, истасалар, хурмо қоқисига) сотмоқни рухсат қилдилар, аммо улардан бўлақларга буни ижозат қилмадилар», — дейдилар.

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам вақтинча бериб қўйилган хурмо дарахтларидаги ҳосилни пишгач, тортиб (ўлчаб) сотмоққа рухсат бердилар».

Мусо ибн Уқба: «Арийялар — ҳосилини истаган вақтда келиб сотиб олсанг бўладирган муайян хурмо дарахтларидур», — дейдилар.

80-боб. Дарахтдаги ҳосилни пишмасидан олдин савдолашиб қўймоқ ҳақида

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида дарахтдаги ҳосилни (пишмасидан олдин) савдолашиб қўюр эрдилар. Ҳосил пишиб, уни узиш вақти келганда эрса улар сотувчи ҳузурига келишиб, «Ҳосил ириб кетибди, унга касал тегибди, у қовжираб қолибди» деган турли баҳоналарни айтиб, илгариги савдоларидан айнишар эрди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига ана шу хусусда жанжаллашиб келгувчилар кўпайиб кетгач: «Бундай савдони бас қиласизларми, йўқми?! Ҳосил то етилиб пишмагунча сотмангизлар!» — дедилар».

Хорижа ибн Зайд ибн Собит хабар қиладиларки, ул кишининг оталари Зайд ибн Собит ўз ерларида битган ҳосилни сурайё юлдузи чиқиб, сариғи сариғ, қизили қизил бўлиб пишмагунча сотмас эрдилар. (Сурайё юлдузи Ҳижозда ёз фаслининг дастлабки ойида, мевалар қизариб, сарғайиб фарқ пишадирган маҳалда чиқади).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳосилни етилиб пишмагунча сотмоқни манъ қилдилар. Яъни, сотувчининг пишмаган ҳосилни сотмоғини ва олувчининг пишмаган ҳосилни олмоғини манъ қилдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳосилни қизариб пишмагунча сотмоқни манъ қилдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам мевани ранги ўзгармагунча сотмоқни манъ қилдилар Шунда: «Ранг ўзгариши нима?» — дейишди. «Қизариб, сарғайиб пишиши ва ейишли бўлишидур», — дедилар».

81-боб. Хурмони пишмасидан олдин сотмоқ хусусида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам мевани яроқли бўлгани кўринмагунча (яъни, пишмагунча) ва хурмони ранг кирмагунча сотмоқни манъ қилдилар. Шунда: «Ранг кириши нима?» — деб сўрашди. «Қизариб пишишидур», — дедилар».

82-боб. Агар киши ҳосилни пишмасидан олдин сотган бўлса-ю, кейин ул ҳосил касал тегиб нобуд бўлса, сотувчи (сотиб олган кишига) тулаган маблағини қайтариб бермоғи лозим булур.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва

саллам ҳосилни то унга ранг кирмагунча сотмоқни манъ қилдилар. Шунда бир киши: «Ранг кирмагунча дегани недур?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Қизариб пишмагунча» — деб жавоб қилдилар. Сўнг, унга киноя бирлан: «Қани, менга айт-чи, агар Оллоҳ таоло ҳосилингни нобуд қилса, (пишишдан олдин пулини тўлаб қўйган) биродарингнинг тўлаган пулини қандай қилиб (ноҳақ) олиб қолурсан?» — дедилар».

Ибн Шиҳоб бундай дедилар: «Агар бир одам бирор ҳосилнинг пулини пишмасидан олдин тўлаб қўйган бўлса-ю, сўнг унга касал тегиб нобуд бўлса, кўрилган зарар сотувчининг бўйнида бўлур».

83-боб. Пулини кейинроқ бериш шарти бирлан егулик (сотиб) олмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Жаноб Расулulloҳ бир яхудийдан егулик (сотиб) олиб, гаровга совутларини қолдирдилар», — дейдилар.

84-боб. Агар хурмони хурмога сотмоқчи бўлса, яхшисини танлаб олурми?

Абу Саъид ал-Худрий ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамни Хайбарга амир (ёки солиқ йиғувчи) этиб тайинладилар. У нуқул сархил хурмолар келтирди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Хайбарнинг ҳамма хурмолари сархил эрканми?» — дедилар. У: «Йўқ, Расулаллоҳ, биз икки соъ ёмон хурмо урнига бир соъ яхши хурмо ва уч соъ ёмон хурмо ўрнига икки соъ яхши хурмо олурмиз», — деди. Жаноб Расулulloҳ эътироз билдириб: «Бундай қилма, ёмон хурмони дирҳамга сотиб, сўнг ул дирҳамга яхши хурмо харид қил!» — дедилар».

85-боб. Мева туккан хурмо дарахтини ёки экин экилган ерни сотиш ёхуд ижарага бериш ҳақида

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мева туккан ҳар қандай хурмо дарахти сотилса-ю, меваси хусусида шартлашилмаган бўлса, унинг ўшал йилги меваси сотувчиникидур. Қул ва экин экилган ерга нисбатан ҳам шул ҳукм тааллуқлидур».

86-боб. Экинни бирор егуликка чамалаб сотиш ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам боғнинг хом ҳосилини, агар у хурмо бўлса, пишган хурмога, агар у узум бўлса, майизга, агар у экин бўлса, бирор озиқ-овқат маҳсулотига чамалаб сотишдан қайтардилар».

87-боб. Хурмо дарахтининг ўзинигина сотиш ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки хурмо дарахтини мсвага киргач, сотса-ю, аммо харидор унинг ҳосили хусусида шартлашмаган бўлса, ўшал йилги ҳосил сотган кишиникидур».

88-боб. Хом ҳосилни сотиш хусусида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳали урилмаган, бошоғидан тозаланмаган буғдойни ўриб олинган, бошоғини тозалаб қўйилган буғдойга сотишни, мсва ва донларни пишмай туриб сотишни, матони қоронғида ушлатиб, лекин таҳини

очдирмай ҳамда матони ушлатмай ва тахини очиб кўрсатмай сотишни ва пишган хурмони хом хурмога сотишни манъ қилдилар».

Хумайд ривоят қиладилар: «Анас разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дарахтдаги хом хурмони токи унга ранг кирмагунча пишган (узиб олинган) хурмога сотишни манъ қилдилар», — дедилар. Шунда биз Анасга: «Хурмога ранг кириши нима?» — дедик. Анас: «Қизариб, сарғайиб пишишидур. Менга айтинглар-чи, агар Оллоҳ таоло ҳосилга офат юбориб, уни нобуд қилса, биродарингизнинг (хом хурмоингиз бадалига берган) маблағини қандайин ўзлаштириб олурсизлар?!» — дедилар».

89-боб. Хурмонинг этини (яъни, пўстини олиб ташлаб, фақат юмшоқ жойини) сотмоқ ҳамда тановул қилмоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бўлдим, шунда ул зот хурмо этини тановул қилаётган эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ (саҳобаларга қарата): «Дарахтлар орасида шундай бир дарахт борки, мўмин киши (иймонини тарк қилмагани) янглиф (барглари тарк қилмас)», — дедилар. Мен: «Ўшал дарахт хурмодур, деб айтмоқчи бўлдим-у, аммо ул зотнинг ҳузуридигилар ичида энг ёши бўлганим учун истиҳола қилиб индамадим. (Ҳеч ким жавоб бермагач), ул зотнинг ўзлари «Ул дарахт хурмодур», — дедилар».

90-боб. Шаҳарлар аҳолисининг савдо-сотик, ижара, газлама ўлчови, тарозуда тортиш, (вақф, васият, пул, нафақа ва бошқалар)га доир (шаръий ҳукм чиқарилмаган) масалаларини уларнинг ўзлари ўзаро биладирган қонун-қоидалар ва (ўрталаридаги) урф-одатларга биноан, мақсади барчага маълум хулқ-атворларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиб берган кишилар хусусида

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳинд (Умму Муовия)га: «(Эринг Абу Суфённинг молидан) инсофан (яъни, урфга кўра) ўзинг бирлан болаларингга етарлича олгил!» — деб марҳамат қилганлар.

Оллоҳ таоло: «Кимки (яъни, етим сақлаётган киши) фақир бўлса, (етимнинг молидан) инсофан (яъни, урф тақозо қилганча, адолат бирлан) есин!» — дейди.

Ҳасан (бир куни) Абдуллоҳ ибн Мирдоснинг эшакларини кирага (ижарага) олаётиб: «Неча пул берурман?» — дедилар. Абдуллоҳ ибн Мирдос: «Икки дониқа» — дедилар. Сўнг, Ҳасан эшакни миниб кетдилар. Кейин, яна келиб: «Эшак, эшак», — дедилар-да, Абдуллоҳ бирлан пулини келишмай, эшакни миниб кетавердилар, (чунки одатдагидек, яна икки дониқа, жами — ярим дирҳам беришларини билур эрдилар). Сўнг, бир одамдан Абдуллоҳга ярим дирҳам бериб юбордилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Тайба Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қортиқ солди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ унга бир соъ хурмо бермоқни амр қилдилар ҳамда унинг бўйнидаги тўловни бир оз камайтирмоқларини эгаларига буюрдилар».

Бу ерда Ҳинд (Умму Муовия) ҳақларидаги ҳадис такрорланган.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Қайсики одам (валий) бой бўлса, (адолатсизликдан) парҳез қилсин, борди-ю қамбағал бўлса, инсофу адолат бирлан

есин!» деган ояти каримаси етим қиз асраётган киши ҳақида нозил қилинган бўлиб, агар етим қиз гўзал бўлса, унга шаръий маҳр бермасдан уйланмоқчи бўлур ва агар хунук бўлса, моли қўлдан кетмасин, деб ўзи ҳам уйланмай, бировга ҳам эрга бермай юрур. Шул боисдан Оллоҳ таоло валийларнинг бундай қилмоқларини манъ қилиб, «Агар валий камбағал бўлса, етимнинг молидан инсофу адолат бирла есин!» деб амр қилди».

91-боб. Шерикнинг ўз шериги улушини сотиб олмоғи ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай тақсимланмаган (умумий) мулкка нисбатан шуфъа (ҳуқуқини) жорий қилдилар. Агар умумий мулк тақсимланиб, чегаралари белгиланган бўлса, унда шуфъа (ҳуқуқи) йўқдур».

92-боб. Тақсимланмаган (умумий) ер, ҳовли ва моллар (товарлар)ни сотмоқ хусусида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

93-боб. Бир киши бир одамнинг ҳақида ўзидан рухсат сўрамай нарса сотиб олиб қўйганда ўшал одамнинг уни рози бўлиб олиб кетгани хусусида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Уч киши йўлда кетаётган эрди, бирдан ёмғир ёғиб қолиб, тоғдаги бир ғорга кириб беркинишди. Шу пайт, тоғдан бир катта тош (қоя) думалаб тушиб, ғорнинг оғзини тусиб қўйди. Шунда улар бир-бирларига: «Оллоҳ йўлида бирор хайрли иш қилган бўлсангизлар, ўшани ўртага қўйиб парвардигорга илтижо қилингизлар, зора у ғорнинг оғзини очса!» — дейишди. Улардан бири: «Ё Оллоҳ, менинг кексайиб қолган ота-онам бор эрдилар. Ўзим эрсам қўйчивонлик қилардим. Ҳар куни яйловдан қайтгач, қуйларни соғиб, сутини аввал ота-онамга, сўнг болаларим ва аҳли аёлимга берардим. Бир куни яйловда кеч қолиб кетдим, келсам, улар ухлаб қолишибди. Одатдагидек, қуйларни соғиб, сутини ота-онамнинг ҳузурларига олиб бордим-у, уларни уйғотишга ботинолмай туриб қолдим. Болаларим эрса (сут сўраб) оёқларим остида талпиниб йиғлашарди. Шу аҳволда тонг оттирдик. Ё Оллоҳ, агар билсанг, бу ишни сени юз-хотир қилиб қилган эрдим. Бизга ғорнинг оғзини бир оз очгил, токи биз осмонни кўрайлик!» — деб илтижо қилди. Шунда Оллоҳ таоло ғорнинг оғзини бир оз очди. Кейин, уларнинг иккинчиси: «Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен амакимнинг қизларидан бирини эркаклар аёлларни яхши кургандек қаттиқ севардим. У (яъни, амакимнинг қизи менга): «Юз динор бермагунингча мақсадга эришолмайсан», — деди. Мен юз динор топиб унинг олдида бордим-да, ўзимни оёқлари орасига олиб эрдим: «Оллоҳдан қўрқгил, муҳрни ҳалоллаб очгил!» — деди. Шунда мен дарҳол ўрнимдан туриб, ундан нари кетдим. Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен бу ишни сени юз-хотир қилиб қилган эрдим. Бизга ғорнинг оғзини (каттароқ) очгил!» — деди. Оллоҳ таоло ғор оғзининг учдан икки қисмини очди. Сўнг, улардан учинчиси: «Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен бир кишини бир фарақ (3 соъ) маккажўхорида ёллаб эрдим. Иш тугагач, ҳақини бердим, аммо у олмай кетиб қолди. Кейин, мен ўша (бир фарақ) маккажўхорини экиб, деҳқончилик қилдим, ҳосилини сотиб, пулига бир сигир ва молга қараб туриш учун бир хизматкор (қул) сотиб олдим. Бир куни ўша ёлланган одам келиб, ҳақини мендан талаб қилди. Мен: «Бор, анави сигир ва унинг боқувчиси сенга!» — дедим. У менга: «Мени масхара қилаётирсанми?» — деди. Мен: «Йўқ, масхара қилмаётирман, ўша сигир ва унинг боқувчиси сенга, уларни олиб кетавер!» — дедим. Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен бу ишни сени юз-хотир қилиб қилган эрдим. Ғорнинг оғзини бутунлай очгил!» — деб илтижо қилди. Шунда Оллоҳ таоло ғорнинг оғзини бутунлай очди».

94-боб. Мушриклар ва ҳарб аҳли (зиммий бўлмаган, мусулмонлар бирлан уруш ҳолатида бўлган ғайридинлар) бирлан савдо-сотиқ қилмоқ ҳақида

Абдурраҳмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўлтирган эрдик, сочлари ўсиқ бир мушрик қўй етаклаб келиб қолди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Сотгани олиб келдингми ёки ҳадя қилганими?» — дедилар. Мушрик: «Сотгани», — деди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ ундан ўшал қўйни сотиб олдилар».

95-боб. Ҳарб аҳлидан қул сотиб олмоқ, уни озод қилмоқ ва ҳадя қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Иброҳим алайҳиссалом Биби Сора бирлан бирга ҳижрат қилиб, подшоҳи золим бир юртга келдилар. Шунда унга: «Иброҳим дунёда тенгги йўқ бир гўзал аёл бирлан бирга шаҳрингизга кириб келди» — деб хабар қилишди. Подшоҳ Иброҳим алайҳиссаломга одам юборди. Улар Иброҳим алайҳиссаломдан: «Бу аёл ким?» — деб сўрашди. Иброҳим алайҳиссалом: «Бу менинг (диндош) синглим» — деб жавоб бердилар-да, Биби Соранинг ҳузурларига кириб: «Мен сизни уларга (диндош) синглим, деб танитдим. Сўзимни ёлғонга чиқарманг. Биз ҳозир турган ерда биздан бўлак мўмин йўқ», — дедилар. Сўнг, Биби Сорани подшоҳнинг ҳузурига олиб кетишди. Биби Сора саройга боргач, таҳорат олиб, намоз ўқидилар-да, Оллоҳга илтижо қилиб: «Ё Оллоҳ, сенга ва сенинг элчинга иймон келтирганман. Фаржимни жуфти ҳалолимдан бўлак эркаклардан сақлаганман, кофирни менга эга қилмагил!» - дедилар. Подшоҳ Биби Сорага энди яқинлашмоқчи ҳам бўлган эрдик, қандайдир куч томоғидан бўғиб, нафас олдирмай қўйди. Шунда Биби Сора: «Ё Оллоҳ, агар у ўлиб қолса, Сора ўлдирди, деб ўйлашур», — дедилар. Шулар боис подшоҳ қўйиб юборилди. Аммо, у ҳушига келиб, яна Биби Сорага яқинлашмоқчи бўлди. Биби Сора яна Оллоҳ таолога илтижо қилиб: «Ё Оллоҳ, мен сенга ва сенинг элчинга иймон келтирганман. Фаржимни жуфти ҳалолимдан бўлак эркаклардан сақлаганман, кофирни менга эга қилмагил!» — дедилар. Ғоибий куч уни яна бўғиб, нафас олдирмай қўйди. Шунда Сора: «Агар у ўлиб қолса, мандан кўришур», — дедилар. У яна қўйиб юборилди. Учинчи бор шу ҳолат такрорлангандан кейин, подшоҳ ходимларига: «Худо ҳақи, сизлар менга шайтонни олиб келибсизлар, буни Иброҳим алайҳиссаломга қайтаринглар, унга Ҳожарни ҳам бериб юборинглар!» — деди. Биби Сора Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳузурларига қайтиб келиб: «Кўрдингизми?! Оллоҳ кофирни ўз уясида даф қилиб, менга Ҳожарни хизматкор қилиб берди» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Саъд ибн Абу Ваққос бирлан Абд ибн Замъа бир етим бола тўғрисида баҳслашиб қолишди. Саъд: «Ё Расулulloҳ, бу бола акам Утба ибн Абу Ваққоснинг ўғли бўлиб, унга қараб туришни менга васият қилганлар.. Унинг (акамга) ўхшашлигига бир қарангиз!» — деди. Абд ибн Замъа: «Ё Расулalloҳ, бу менинг укам, у отамнинг тўшагида ўз чўрисида дунёга келган», — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг (боланинг) Утбага жуда ўхшашлигини кўриб: «Бу бола сеники, эй Абду! Бола тўшак эгасиники, фоҳиша эрса боладан маҳрум этилади. Эй Савда бинти Замъа ундан юзингни беркит!» — дедилар. Шундан сўнг, бола бир умр кўрмади».

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулalloҳ, мен жоҳилият даврида тақводорлик ва силаи раҳм бирлан бирга қулларни озод этиб, садақа ҳам бериб турарди» Менга шу қилган ишларим учун савоб борми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Шунча қилган хайрли ишларинг устига Исломни ҳам қабул қилдинг»,— дедилар».

96-боб. Ҳаром улган ҳайвонлар териси ҳақида

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ ўтиб кетаётиб, ҳаром ўлган бир қўйни кўриб қолдилар-да: «Унинг терисидан фойдаланмадингизларми?» — дедилар. Одамлар: «У ҳаром ўлган-ку?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳаром ўлган қўйнинг гўштинигина ейиш ҳаром этилган», — дедилар».

97-боб. Тўнғиз (чўчка)ларни қириб, Ер юзидан йўқ қилиш ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўнғиз (чўчка) сотиш ҳаром қилганлар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним қўлида бўлган зот номи бирлан айтаманки, яқинда Ибн Марям адолатли ҳукм юритиш (Ер юзидан адолат ўрнатиш) учун осмондан ораларингизга тушиб, салб (крест)ни синдирадилар, тўнғизни ўлдирадилар, жазияни бекор қиладилар ва бойлик ҳеч ким олгиси келмайдирган даражада ошиб-тошиб кетур», — дедилар».

98-боб. Ҳаром ўлган ҳайвоннинг ёғи на эритиб олинур ва на сотилур!

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳуга «Фалончи ҳамр (ичимлик) сотаётир» деб хабар беришди. Шунда ул киши ичимлик сотаётган ўшал одамни «Оллоҳ таоло уни лаънатласин!» деб дуоибад қилдилар-да: «Наҳотки у Жаноб Расулulloҳнинг «Оллоҳ таоло яҳудийларни лаънатлади, улар ҳаром ўлган ҳайвонлар ёғини ейиш манъ қилинганда уларнинг еғларини эритиб сотганлар ва пулини еганлар» деганларини эшитмаган (билмаган) бўлса?!» — дедилар».

99-боб. Рухсиз нарсалар суратини чизиб сотиш ҳақида

Саъид ибн Абу Ҳасан ривоят қиладилар: «Мен Ибн Аббоснинг уйларида эрдим, бир киши ҳузурларига келиб: «Эй Ибн Аббос, мен қўлларим меҳнати бирлан тирикчилик қиладирган одамман, мен мана бундай суратларни чизурман», — деди. Шунда Ибн Аббос: «Мен сенга Жаноб Расулulloҳдан бул хусусда нимаики эшитган бўлсам, шуни айтурман, ул зот: «Ким сурат чизган бўлса, Оллоҳ таоло Қиёмат куни чизган суратларига жон ато этмоқни амр қилиб азоблар, аммо у уларга асло жон ато этолмас!» — деб айтганлар», — дедилар. Буни эшитиб, бояги одамни қалтироқ тутди, рангги сарғайиб кетди. Сўнг, Ибн Аббос унга: «Шу ишинг бирлан яна шуғулланаверсанг, ҳолингга вой! Анави дарахтни кўриб турибсан, унинг руҳи йўқ, ўшани (яъни, табиат манзараларини) чизиб юравер!» — дедилар».

100-боб. Маст қилгувчи ичимликларни сотиш манъ қилингани ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам маст қилгувчи ичимликлар сотишни манъ қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бақара» сурасининг охирги оятлари нозил бўлганда, Жаноб Расулulloҳ маст қилгувчи ичимликлар сотишни манъ қилдилар».

101-боб. Озод одамни сотмоқнинг гуноҳи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қшадилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ азза ва жалла: «Мен Қиёмат куни қўйидаги уч тоифа одамнинг душманидурман: менинг номим бирла онт ичиб ваъда бергач, ваъдасига вафо қилмаганнинг, озод одамни (қул қилиб) сотиб, пулини еганнинг ва бир одамни ёллаб ишлатиб, сўнг ҳақини бермаганнинг (душманидурман)», — дейди».

102-боб. Жаноб Расулulloҳнинг яҳудийларни (Мадинадан) бадарға қилаётганларида ерларини, уй-жойларини сотиб кетишни амр қилганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам яҳудийларни бадарға қилаётиб, ер ва уй-жойларини сотиб кетишни буюрдилар».

103-боб. Қулни насиёга сотиш ва ҳайвонни ҳайвон (эвази)га насиёга сотиш ҳақида

Ибн Умар тўртта эркак туя (эвази)га битта урғочи туя сотиб олганлар.

Рофиъ ибн Хадийж икки туяга бир туя сотиб олдилар-да, биттасини бераётиб: «Иккинчисини, иншооллоҳ, эртага олурсан», — дедилар.

Ибн Мусайяб: «Бир туяни икки туяга, бир қўйни икки қўйга (насиёга) сотишда судхўрлик йўқ», — дейдилар. Ибн Сирийн ҳам: «Битта туяни икки туяга насиёга сотишда судхўрлик йўқ», — дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу: «Асирлар ичида Сафийя ҳам бор бўлиб, у аввал Дихянинг, сўнг Жаноб Расулulloҳнинг қўлларига ўтди», — дейдилар.

104-боб. «Ўлганимдан кейин озодсан» дейилган қулни сотиш ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бировнинг «Ўлганимдан кейин озодсан» деб қўйилган қулини сотдилар».

Зайд ибн Холид ва Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Агар чўри ўзини зинодан тиймаса, не қилгаймиз?» — деб Жаноб Расулulloҳдан сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар чўри зино қилса, дарра урингиз, кейин яна зино қилса, дарра урингиз, кейин яна зино қилса, дарра урингиз-да, (бир жун арқон баҳосида бўлса ҳам) сотиб юборингиз!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бирортангизнинг чўрингиз зино қилса-ю, гуноҳи исботланса, дарра урингиз, аммо танбиҳ бермангиз, у яна зино қилса, яна дарра урингиз, аммо танбиҳ бермангиз, сўнг у учинчи бор зино қилса-ю, айби исботланса, бир жун арқон баҳосида бўлса ҳам, сотиб юборингиз!».

105-боб. Киши (янги сотиб олган ёки ҳадя қилинган) чўрисини (бир бор ҳайз кўриб, аввалги эгасидан) покланмоғини талаб қилмай, ўзи бирлан сафарга олиб кетса, жоизми?

Ҳасан: «Киши ўзининг (янги сотиб олган ёхуд ҳадя қилинган) чўрисини (бир бор ҳайз кўриб, илгариги эгасидан покланмоғини талаб қилмай), ўпса ёки жимоъ қилса, ҳечқиси йўқ», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Агар жувон чўри ҳадя қилинса ёки сотилса ёхуд озод қилинса, бир бор ҳайз бирлан бачадони покланмоғи даркор, аммо бокиранинг покланмоғи шарт эмас», — дейдилар.

Ато: «Киши ҳомиладор чўрисининг фаржидан бўлак еридан насиба олса, (яъни, ўпса, кучоқласа) зарари йўқ», — дейдилар.

Оллоҳ таоло: «Улар (яъни, мўминлар) ўз авратларини (ҳаромдан, зинодан) сақлагувчилардир. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чўриларидагина (сақланмайдилар). Бас, улар маломат қилинмайдилар», — дейди («Мўминун» сураси, 6—7-оятлар).

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи на саллам Хайбарга келиб, Оллоҳ таоло Хайбар қалъасини ул зотга фатҳ этганда Сафийя бинти Ҳуяй ибн Ахтабнинг жамолини васф қилишди. Сафийя ёш келинчак бўлиб, эри жангда ўлдирилган эрди. Жаноб Расулulloҳ уни ўзларига танлаб олдилар-да, у бирлан йўлга чиқдилар. Биз Равҳо тўғонига етиб келгач, Жаноб Расулulloҳ Сафийяни озод қилиб, унга қўшилдилар. Сўнг, ул зот кичик бир чарм палосни ёзиб, унга ҳайс тайёрлаб қўйдилар. Кейин, менга: «Атрофингдагиларни зиёфатга чақир!» — дедилар. Бу Жаноб Расулulloҳнинг Сафийяга уйланганликлари муносабати бирлан берилган зиёфат эрди. Кейин биз Мадинага йўл олдик. Шунда мен Жаноб Расулulloҳнинг Сафийяни чакмонларига ўраб олиб чиққанларидан сўнг тиззаларини унга тутганларини, ул эрса тиззаларига оёғини қўйиб, туяга миниб олганини кўрдим».

106-боб. Ҳаром ўлган ҳайвон гўшти ва бутларни сотиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ Макка фатҳ этилган йили Маккада: «Оллоҳ ва унинг Расули маст қилгувчи ичимлик, ҳаром ўлган ҳайвон (гўшти), чўчка гўшти ва бутларни сотишни манъ қилди», — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, ҳаром ўлган ҳайвон ёғидан кема ва териларга ишлов беришда ҳамда чироқ ўрнида фойдаланилади-ку?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Уни сотмангизлар, уни сотиш ҳаромдур», — дедилар. Сўнгра: «Яҳудийларни Оллоҳ лаънатлади, чунки Оллоҳ уларга ҳаром ўлган ҳайвон ёғини ейишни ҳаром этганда, улар уни эритиб олиб сотдилар ва пулинн едилар», — дедилар».

107-боб. Ит сотиб, пулини ейиш ҳақида

Абу Масъуд ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ит сотиб, фоҳишалик қилиб, сурат чизиб ва коҳинлик қилиб пул топишни (олишни) манъ қилдилар».

Абу Ҳужайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Отам бир қортиқчи ғулом сотиб олдилар. Шунда мен бунинг сабабинн сўраб эрдим, ул киши: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қон олганлик учун пул олишни, ит сотиб, фоҳишалиқ қилиб пул топишни, чўрининг баданини пуллашни манъ қилдилар ҳамда бировнинг баданига игна бирлан расм чизувчи ва ўз баданига шундай расм чиздирувчиларни, порахур (судхўр бирлан унинг воситачисини ва (руҳи бор нарсаларни чизгувчи) рассомларни лаънатладилар», — дедилар».

БЎНАК БЕРИБ МОЛ ОЛИШ ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Бўнак бериб мол олиш чоғида молни ўлчаб олмоқликнинг зарурлиги ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида одамлар бўнак (аванс) бериб, қолган ҳақини эрса бир-икки йилда узиш шарти бирлан самар (дон-дун, мева-чева ва сабзавот) олар эрдилар. (Буни кўриб), Жаноб Расулulloҳ: «Кимки бўнак (аванс) бериб, қолган ҳақини эрса маълум муддатда узиш шарти бирлан хурмо (ва ундан бўлак нарсалар) оладирган бўлса, ўлчанадирганини ўлчаб, тортиладирганини тортиб олсин!» — дедилар».

2-боб. Бўнак бериб мол олиш чоғида молни тортиб олмоқликнинг зарурлиги ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

Муҳаммад ёки Абдуллоҳ ибнАбу Мужолид ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Шаддод ибн ал-Ҳод ва Абу Бурда бўнак (аванс) бериб мол олиш хусусида баҳслашиб қолиб, мени Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига жунатишди. Мен бориб, Ибн Абу Авфодан сўраб эрдим, менга: «Биз, шунингдек Абу Бакр ҳам, Умар ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида бўнак (аванс) бериб буғдой, арпа ва майиз олар эрдик», — дедилар. Сўнг, мен Ибн Абзийдан ҳам сўрадим, ул киши ҳам айнан шул гапни айтдилар».

3-боб. Бўнак бериб ерсизлардан мол олиш ҳақида

Муҳаммад ибн Абу Мужолид ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Шаддод ва Абу Бурда мени Абдуллоҳ ибн Авфо разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига юбориб, «Жаноб Расулulloҳнинг даврларида саҳобалар бўнак бериб буғдой олишар эрдими?» деб сўраб келишимни илтимос қилишди. Мен бориб, Абдуллоҳ ибн Авфодан шул ҳақда сўраб эрдим, ул киши: «Шом аҳли орасига келиб ўрнашиб қолган набийлардан бўнак бериб, қолган ҳақини эрса муайян муддатда узиш шарти бирлан маълум улчовда арпа, буғдой ва майиз олар эрдик», — дедилар. Шунда мен: «Ери бор кишиларданми?» — дедим. Ул киши: «Биз буни улардан сўраб ўлтирмас эрдик», — дедилар. Сўнг, иккалалари мени Абдурраҳмон ибн Абзийнинг ҳузурларига жўнатишди. Мен бориб, ул кишидан шул ҳақда сўраб эрдим, менга: «Жаноб Расулulloҳнинг саҳобалари ул зотнинг даврларида бўнак бериб одамлардан буғдой, арпа ва майиз олишар эрди, аммо биз улардан: «Ерларингиз борми ё йўқми?» — деб сўраб ўлтирмас эрдик», — дедилар».

4-боб. Бўнак бериб хурмо олмоқ ҳақида

Абу Бухтурий бундай дейдилар: «Мен Ибн Умар разияллоҳу анҳудан бўнак бериб хурмо олиш тўғрисида сўрадим. Ул киши: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хурмони то етилиб пишмагунча ҳамда кумушни насияга сотишни таъқиқладилар», — дедилар».

Абу Бухтурий бундай дейдилар. «Мен Ибн Умар разияллоҳу анҳудан бўнак бериб хурмо олиш тўғрисида сўрадим. Ул киши: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хурмони пишиб етилмагунча ва кумушни тиллага насияга сотишдан қайтардилар», — дедилар».

5-боб. Бўнак бериб мол олишдаги кафолат ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир яҳудийдан (бўнак бериб) насиёга таом сотиб олдилар-да, (қолган ҳақининг кафолати учун) темир совутларини унга гаровга қолдирдилар».

6-боб. Бўнак бериб мол олишда бирор нарсани гаровга қолдирмоқ ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

7-боб. Бўнак бериб, қолган ҳақини эрса маълум муддатда узнш шарти бирлан мол олиш ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадислар такрорланган.

8-боб. Туянинг қорнидаги боласи учун бўнак ҳақида

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу: «Одамлар туянинг қорнидаги боласини ҳам савдолашишар эрди. Жаноб Расулulloҳ бундай қилмоқдан қайтардилар», — дейдилар.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ШУФЪА КИТОБИ

{Шуфъа — уй ва ерлари туташ бўлган қўшнилари бир-бирларининг уй ва ерларини ҳамда бирор мулкка шерик ёхуд бирор мулкда улуши (насибаси) бор кишиларнинг бир-бирларининг улуш (насиба)ларини биринчи бўлиб сотиб олиш ҳуқуқларидур. Шунга биноан, қўшни ён қўшнисининг ижозатисиз ўз уйи ва ерини ҳамда шерик шеригининг рухсатисиз ўз улуши (насибаси)ни бировга сота олмас}.

1-боб. Тақсимланмаган (умумий) мулкда шуфъа (ҳуқуқи) мавжуд, агар ул мулк тақсимланиб, чегаралари белгиланган бўлса, унда шуфъа (ҳуқуқи) йўқдур.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай тақсимланмаган (умумий) мулкка нисбатан шуфъа (ҳуқуқини) жорий қилдилар. Агар умумий мулк тақсимланиб, чегаралари белгиланган бўлса, унда шуфъа (ҳуқуқи) йўқдур».

2-боб. Бирор мулкда шуфъа ҳуқуқи бор кишига ўшал мулкни бировга сотишдан олдин «Оласанми?» деб таклиф қилмоқ ҳақида

Амр ибн Шарид ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг озод қилган қуллари Абу Рофиъ разияллоҳу анҳу Саъд ибн Абу Ваққоснинг ҳузурларига келиб, ул кишига: «Ховлингиздаги уйимни мендан сотиб олингиз!» — дедилар. Саъд: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен сенга (уйинг учун) тўрт минг (бошқа ривоятда «тўрт юз» мисқол)дан ортиқ бермасман, шунда ҳам муайян муддатда бўлиб-бўлиб берурман», — дедилар. Абу Рофиъ: «Уйимни беш юз динорга оладирган харидор бор эрди. Агар мен Жаноб Расулulloҳнинг «Қўшни қўшига (уй-жойларининг) туташлиги бирлан (бошқалардан кўра) ҳақлироқдур» деганларини эшитмаганимда эрди, беш юз динорга оладирган харидорим бўла туриб, уни сизга тўрт юз динорга бермас эрдим!» — дедилар-да, уйларини ул кишига (тўрт юз динорга) сотиб юбордилар».

3-боб. Қўшнилари қайсиниси яқинроқ?

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулаллоҳ, менинг иккита қушим бор, уларнинг қай бирига ҳадя қилайин?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Қай бирининг эшиги ўзингга яқинроқ бўлса, ўшанга», — дедилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ОДАМ ЁЛЛАБ ИШЛАТИШ ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Солиҳ одамни ёллаб ишлатиш ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй отажон, уни (Мусони ишга) ёллангиз, зеро сиз ёллаган шахс энг яхши, кучли, ишончлидир» («Қасас» сураси, 26-оят).

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига икки ашъарий бирлан бирга келиб: «Билишимча, булар амал сўраб келишган», — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Биз амал сўраб келган одамни амалимизга таъйин қилмасмиз!» — дедилар».

2-боб. Бир неча қийротга қўйчивонлик қилиш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло юборган барча пайғамбарлар қўйчивонлик қилишган», - дедилар. Саҳобалар: «Сиз ҳам қўйчивонлик қилганмисиз, ё Расулаллоҳ?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, бир неча қийротга Макка аҳлининг қўйларини боқар эрдим», — дедилар».

3-боб. Зарурат туғилганда ёки аҳли Исломдан бирор одам тоилмаганда мушрикларни ҳам ёллаб ишлатишнинг жоизлиги ҳақида

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар яҳудийларини ёллаб ишлатганлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр (аввал) Бану ад-Дайл қавмига, кейинчалик Бану Абд ибн Адий қавмига мансуб бир одамни (у Қурайш кофирлари динида эрди) моҳир йўл кўрсатувчи бўлгани учун ўзларига йўл кўрсатувчи қилиб ёллашди-да, унга икки туяларини топшириб, у бирлан уч кечадан кейин Савр ғорида учрашишни ваъдалашди. У учинчи кечанинг тонгида туяларни уларга (эсон-омон) топширди. Шу ердан улар Омир ибн Фухайра ва йўл кўрсатувчи бирлан бирга йўлга тушдилар. Йўл кўрсатувчи уларни соҳил бўйлаб бошлаб кетди».

4-боб. Агар киши бир одамни уч кун, бир ой ёки бир йилдан кейин ишлаб бериш шарти бирлан ёллаган бўлса, жоиздур. Фақат, иккаласи ваъдалашилган вақт келганда ўрталаридаги келишувга вафо қилмоқлари даркор бўлур.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

5-боб. Ғазот вақтида хизмат қилиши учун одам ёллаш ҳақида.

Яъло ибн Умайя разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Усра ғазотига чиқдим. Бул ғазотда иштирок қилганим менинг энг умидбахш амалларимдан эрди. Ўшал ғазот вақтида менга хизмат қилмоғи учун бир одамни ёллаган эрдим. У бир одам бирлан жанжаллашиб, бири иккинчисининг бармоғини тишлаб олди. Бармоғи тишланган одам тишлаган одамнинг оғзидан бармоғини тортиб олганда унинг курак тиши тушиб кетди. Кейин, иккаласи жанжаллашиб Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига боришди. Ул зот: «Ул ўз бармоғини айғир каби чайнагин, деб оғзингга тикмаган-ку!» —

дедилар».

6-боб. Бир одамни ёллаб, унга қилинадирган иш муддатини айтган, аммо унинг қандай иш эканлигини айтмаган киши ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Шуайб) айтди: «(Эй Мусо, агар рози бўлсанг), менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман. Агар ўн йил тўла ишлаб берсанг, сен томонингдан (бизга марҳамат бўлур). Мен сени қийнашни истамайман. Иншооллоҳ, сен менинг солиҳ одам эканлигимни кўрурсан». (Мусо) деди: «Мана шу сен бирлан менинг ўртамиздаги (битимдур). Икки муддатдан қай бирини адо этсам бас, менга зўрлик қилинмас. Оллоҳ айтаётган сўзимизга гувоҳдир» («Ал-Қасас» сураси, 27-оят).

7-боб. Йиқилай деб турган деворни тиклаш учун одам еллашнинг жоизлиги ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сўнг, (Мусо ва Хизр алайҳиссалом) яна йўлга тушдилар, йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр алайҳиссалом) қўллари бирлан уни тиклаб қўйдилар. Шунда Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломга: «Агар хоҳласангиз, шу меҳнатингиз учун ҳақ олишингиз мумкин», — дедилар».

8-боб. Куннинг ярмигача (пешингача) одам ёллаб ишлатиш хусусида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Сизлар бирлан икки китоб аҳлини (яъни, яҳудий ва насороларни) қуйидагича қиёслаш мумкин:

Бир одам: «Ким эрталабдан куннинг ярмига қадар бир қийрот ҳақ учун менга ишлаб берур?» — деб одам ёлламоқчи бўлди. Шунда яҳудийлар (рози бўлиб) унга ёлланиб ишлашди. Кейин, у (яна): «Ким куннинг ярмидан асргача бир қийрот ҳақ учун менга ишлаб берур?» — деди. Шунда насоролар (рози бўлиб) унга ёлланиб ишлашди. Сўнг, у (яна): «Ким асрдан то Қуёш ботгунча икки қийрот ҳақ учун менга ишлаб берур?» — деди. Ана ўшал ёлланганлар сиз (мусулмонлар)дурсизлар. Шунда яҳудий ва насоролар ғазабланиб: «Биз кўп ишладик, аммо кам ҳақ олдик», — дейишди. Одам ёллаган киши уларга: «Мен ҳақингиздан уриб қолдимми?» — деди. Улар: «Йўқ, (ваъдалашилган ҳақни тўла-тўқис бердинг)», — дейишди. У: «Менинг фазлим шундай, уни ўзим истаган кишига ато этурман!» — деди».

9-боб. (Пешиндан) аср намозигача одам ёллаб ишлатиш ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

10-боб. Ёллаб ишлатилган одамнинг ҳақини бермасликнинг гуноҳи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий сальяллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Мен Қиёмат куни қуйидаги уч тоифа одамнинг душманидурман: менинг номим бирла онт ичиб ваъда бергач, ваъдасига вафо қилмаганнинг, озод одамни (қул қилиб) сотиб, пулини еганнинг па бир одамни еллаб ишлатиб, сўнг ҳақини бермаганнинг (душманидурман)», — дейди».

11-боб. Асрдан тунгача одам ёллаб ишлатиш хусусида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мусулмонлар, яҳудийлар ва насронийлар бир киши маълум ҳақ бадалига эрталабдан тунгача ишлаш шarti бирлан ёллаган қавмга ўхшайдилар. Улар (яҳудийлар) ўшал кишига ёллангач, куннинг ярмига қадар ишладилар-да, (меҳнатга тоқат қилолмай, танбаллик қилиб ва аҳдларига хиёнат қилиб): «Сен биз бирлан шартлашган ҳаққа эҳтиёжимиз йўқ, (куннинг ярмига қадар) қилган ишимиз ҳам хайф бўлди», — дейишди. Шунда бояги киши уларга: «Бундай қилмангизлар, зиммангиздаги ишни ниҳоясига етказиб, ҳақингизни тўла-тўқис олингизлар!»— деди. Аммо, улар кўнмай, кетиб қолишди. Кейин, бояги киши уларнинг ўрнига бошқа бир қавмни (насронийларни) ёллаб: «Куннинг қолган қисмида ишни ниҳоясига етказсангизлар, мен пешингача ишлаб кетиб қолганлар бирлан шартлашган ҳақни сизларга берурман», — деди. Улар ҳам аср вақтигача ишлагач, (аввалги қавм каби мсҳнатга тоқат қилолмай, танбаллик қилиб ва аҳдларига хиёнат қилиб): «Зое кетган ишимиз ҳам ўзингга сийлов, сен бизга ваъда қилган ҳақ ҳам ўзингга сийлов!» — дейишди. Шунда бояги киши уларга: «Зиммангиздаги ишни ниҳоясига етказингизлар, кеч киришига ҳеч қанча вақт қолгани йўқ, (кўпи кетиб, ози қолди, қирқига чидаб, бирига чидамайсизларми?)» — деди. Аммо, улар ҳам кўнмай, кетиб қолишди. Сўнг, бояги киши уларнинг ўрнига бўлак бир қавмни куннинг қолган қисмида ишлатиш учун ёллади. Улар қуёш ботгунга қадар ишлаб, (ишни поёнига етказишди-да), аввалги (мсҳнатга чидамаган) иккала қавмнинг ҳақини олишга муяссар бўлишди. Бу — Оллоҳ таолонинг ҳидоятини ҳамда Оллоҳнинг Расули келтирган нарсаларни қабул қилган мусулмонлар бирлан Оллоҳ таолонинг буюрган нарсаларини тарк қилган яҳудий ва насронийларни ўзаро қиёсловчи бир мисолдур».

12-боб. Ёлланган одамнинг омонат қолдирган ҳақини ишлатиб, кўпайтириб қўйган ёки бировнинг молини ишлатиб, кўпайтириб қўйган киши ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Уч киши йўлда кетаётган эрди. Бирдан ёмғир ёғиб қолиб, тоғдаги бир ғорга кириб беркинишди. Шу пайт. тоғдан бир катта тош думалаб тушиб, ғорнинг оғзини тўсиб қўйди. Шунда улар ўзаро: «Оллоҳ таоло йўлида бирор амали солиҳ қилган бўлсангизлар, ўшани ўртага қўйиб парвардигорга илтижо қилингизлар, зора у ғорнинг оғзини очса» — дейишди. Улардан бири: «Ё Оллоҳ, менинг кексайиб қолган ота-онам бор эрдилар. Ўзим эрсам қўйчивонлик қилар эрдим. Ҳар куни яйловдан қайтгач, қўйларни соғиб, сутини аввал ота-онамга, сўнг болаларим ва аҳли аёлимга берар эрдим. Бир куни яйловдан кечроқ қайтдим, қарасам, улар ухлаб қолишибди. Одатдагидек, қўйларни соғиб, сутини ота-онамнинг ҳузурларига олиб бордим-у, лекин уларни уйғотишга журъат қилолмай тепаларида туриб қолдим. Болаларим эрса (сут сўраб) оёқларим остида талпиниб йиғлашар эрди. Шу аҳволда тонг оттирдик. Ё Оллоҳ, агар билсанг, бу ишни сени юз-хотир қилиб қилган эрдим. Бизга ғорнинг оғзини бир оз очгил, токи биз осмонни кўрайлик!» — деб илтижо қилди. Шунда Оллоҳ таоло ғорнинг оғзини бир оз очди. Кейин, уларнинг иккинчиси: «Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен амакимнинг қизларидан бирини эркаклар аёлларни яхши кўргандек қаттиқ севар эрдим. У менга: «Юз динор бермагунингча мақсадга эриша олмайсан», — деди. Мен юз динор топиб унинг олдига бордим-да, ўзимни оёқлари орасига олиб эрдим: «Оллоҳ таолодан кўрқгил, муҳрни ҳалоллик бирлан очгил!» — деди. Шунда мен дарҳол ўрнимдан туриб, ундан нари кетдим. Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен бу ишни сени юз-хотир қилганимдан қилган эрдим. Бизга ғорнинг оғзини (каттароқ) очгил!» — деди. Оллоҳ таоло ғор оғзининг учдан икки қисмини очди. Сўнг, улардан учинчиси: «Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен бир кишини бир фарақ (3 соъ) маккажўхориға ёллаб эрдим. Иш тугагач, ҳақини бердим, аммо у олмай, (омонат) қолдириб кетди. Кейин, ўша (бир фарақ) маккажўхорини экиб, деҳқончилик қилдим, ҳосилини

сотиб, пулига бир сигир ва молга қараб туриш учун бир хизматкор (қул) сотиб олдим. Бир куни ўша ёлланган одам келиб, ҳақини мендан талаб қилди. Мен: «Бор, анави сигир бирлан унинг боқувчисини олиб кетавер!»— дедим. У менга: «Менинг устимдан кулаётирсанми?» — деди. Мен: «Масхара қилаётганим йўқ, ўша сигир ва унинг боқувчиси сеники, уларни олиб кетавер!» — дедим. Ё Оллоҳ, агар билсанг, мен бу ишни сени юз-хотир қилганимдан қилиб эрдим. Форнинг огзини бутунлай очгил!» — деди. Шунда Оллоҳ таоло горнинг оғзини бутунлай очди, улар ташқарига чиқиб, йўлларида давом этдилар».

13-боб. Ҳаммол бўлиб ёлланган, сўнг ҳаммолликдан топган нарсасини садақа қилган киши ҳамда ҳаммоллик қилиб ҳақ олиш ҳақида

Абу Масъуд Ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз саҳобаларга садақа қилишни буюрсалар, бозорга бориб, ҳаммоллик қилардик. Сўнг, ҳақига бир мудд (егулик) олиб, уни садақа қилар эрдик. Ҳозир эрса баъзиларимизда юз минг динор бор».

14-боб. Уруш ерида (мусулмонларга тобе бўлмаган ерда яшовчи) мўминнинг мушрикка ёлланиб ишламоғи мумкинми?

Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен темирчи эрдим, талай вақт Осий ибн ал-Воилга ёлланиб ишладим. Унда анча ҳақим йиғилиб қолган бўлиб, уни талаб қилгани борган эрдим, у менга: «Агар Муҳаммаднинг динига куфр келтирсанг, қарзимни узаман, акс ҳолда мендан бир дирҳам ҳам ололмайсан!» — деди. Мен: «Сен ўлиб, қайта тирилгунингга қадар ҳам Муҳаммаднинг динига куфр келтирмасман!»— дедим. У: «Ҳали, мен ўлиб, қайта тириламаними?» — деди. Мен: «Ҳа», — дедим. У: «Ундай бўлса, (қайта тирилганимда) у дунёда ҳам менинг молу дунём ва болаларим бўлур. Ана ўшанда қарзимни узурман», — деди. Шундан сўнг, Оллоҳ таоло: «Бизнинг оятларимизга куфр келтириб, «У дунёда ҳам менинг молу дунём ва болаларим булур» дегувчи кимсани кўрдингизми?» деган оятни нозил қилди».

15-боб. Араб қабилалари (дан бирининг бошлиғи)ни «Фотиҳа» сураси бирлан дам солиб даволаган (саҳоба)га ҳақ берилгани хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эвазига ҳақ оладирган нарсаларингиз ичида Оллоҳнинг Китоби ҳақлироқдур!» — деб марҳамат қилдилар».

Шаббий: «(Қуръон) муаллими (фалон нарса ёхуд фалон миқдорда пул берилишини) шарт қилиб қуймай, нима берилса, ўшани олмоғи лозим», — дейдилар.

Ҳакам: «Мен бирор фақиҳнинг (Қуръон) муаллимининг ҳақ олмоғини рад қилганини эшитмаганман», — дейдилар.

Ҳасан (Қуръон) муаллимига ўн дирҳам берганлар.

Ибн Сирин: «Қуръон ўқиб дам солувчи ҳақ олса, ҳечқиси йўқ», — дейдилар.

Абу Саъид (ал-Худрий) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир гуруҳ саҳобалари сафарга чиқиб, йўл-йўлакай араб қабилаларидан бирининг манзилига бориб тушишди-да, меҳмон қилишларини сўрашди, лекин улар кўнишмади. Кейин,

ўша қабиланинг оқсоқолини чаён чақиб олди. Улар барча чораларни кўришди, лекин фойдаси бўлмади. Шунда улардан баъзилари: «Бизнинг манзилга келиб тушганларнинг бирортасида, эҳтимол, дори-дармон бордир?» – дейишди. Кейин, улар саҳобалар ҳузурига келиб: «Эй одамлар, бизнинг оқсоқолимизни чаён чақиб олди, барча чораларни қилдик, лекин фойда бермади. Сизларнинг бирортангизда дори-дармон топиладими?» — деб сўрашди. Шунда саҳобалардан бири: «Ҳа, худо ҳаққи, мен дуохонман, лекин сизлардан бизни меҳмон қилишларингизни сўраганимизда, кўнмадингизлар. Энди, токи бизга ҳақ тўламас экансизлар, дам солмайман», — дедилар. Ниҳоят, ҳар икки томон бир пода қўйга келишишди. Бояги саҳоба бориб, «Сураи Фотиҳа»ни ўқиб дам сола бошладилар. Оқсоқол тўлғаниб етган еридан туриб, юриб кетди. Сўнг, қабила аҳли келишилган қўйларни саҳобаларга бераётди: «Қўйларни сизларга тақсимлаб берайликми?» — дейишган эрди, дам солган саҳоба: «Йўк, бундай қилмангизлар, биз аввал Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтилик, сўнг ул зот нимаики буюрсалар, шуни қилайлик», — дедилар. Кейин, саҳобалар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дам солган саҳобага: «Сураи Фотиҳа»нинг даво эрканлигини қаердан билдинг? Қўйларни менинг изнимсиз тақсимлаб олмай, тўғри қилибсизлар, уларни ўзаро тақсимлаб, менга ҳам улуш ажратингизлар!» — дедилар-да, кулиб қўйдилар».

16-боб. Қул бўйнидаги тўлов ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Тайба Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қортиқ солиб қон олди. Сўнг, ул зот унга бир ёки икки соъ хурмо беришни амр қилдилар ва унинг эгалари бирлан гаплашдилар, улар унинг бўйнидаги тўловни камайтирадирган бўлишди».

17-боб. Қортиқчига ҳақ бериш ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қортиқ солдириб, қортиқчига ҳақ бердилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қортиқ солдирдилар-да, қортиқчига ҳақ бердилар. Агар қортиқчига ҳақ беришни макруҳ, деб билганларида эрди, унга ҳақ бермас эрдилар».

Амр ибн Омир ривоят қиладилар. «Анаснинг айтишларича, Жаноб Расулulloҳ тез-тез қортиқ солдириб турар ва доимо қортиқчига ҳақ тўлар эрканлар».

18-боб. Қул эгаларига ўз қуллари бўйнидаги тўловни камайтирмоқни амр қилган зот ҳақларида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қулни ҳузурларига чақириб, қортиқ солдирдилар. Сўнг, унга бир ёки икки соъ (ехуд бир ёки икки мудд) хурмо беришни буюрдилар ҳамда унинг бўйнидаги тўловни камайтирмоқни эгаларига тайинладилар».

19-боб. Фоҳишалик қилиб ва чўриларнинг баданини пуллаб кун кўришнинг макруҳлиги ҳақида

Иброҳим азаларда йиғлаб бериб ҳақ олмоқни, ашула ва рақс тушиб пул топмоқни макруҳ ҳисоблаганлар.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Покликни истаган чўриларингизни ҳаёти дунё нарсаларини деб зинокорлик қилишга мажбурламанглар. Энди ким уларни мажбур этса, бас, албатта, Оллоҳ мажбурлаганларидан сўнг, (ул чўриларни) мағфират қилгувчи ва (уларга) раҳм-шафқат қилгувчидур» («Нур» сураси, 33 оят).

Абу Масъуд ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ит сотиб, фоҳишалик ва коҳинлик қилиб кун кўришдан қайтардилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ чўриларнинг баданини пуллаб тирикчилик қилишни манъ этдилар».

20-боб. Эркак ҳайвонни ижарага бериб ҳақ олиш хусусида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам эркак ҳайвонни (урғочи ҳайвонни қочириб олиш учун) ижарага бериб ҳақ олишдан қайтардилар».

21-боб. Бир киши иккинчи бир кишидан ижарага ер олса-ю, сўнг иккаласидан бири вафот этиб қолса...

Ибн Сирийн: «Майит оиласи ижара муддатини ниҳоясига етказиши шарт эмас», — дейдилар. Ал-Ҳакам, ал-Ҳасан ва Исс ибн Муовия: «Ижара муддати охиригача етказилиши ксрак», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар ерларини (яхудийларга) тенг шерикликка ижарага бердилар ва бу тартиб Жаноб Расулulloҳ даврларида ҳам, Абу Бакр ва Умар даврларида ҳам, (Муовия халифалигининг дастлабки даврида ҳам) ўзгармади».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар ерларини ундан олинадиган ҳосилнинг тенг ярмини олиш шарти бирлан (ижарага) бердилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

БИР КИШИ ЗИММАСИДАГИ ҚАРЗНИНГ ИККИНЧИ БИР КИШИ ЗИММАСИГА ҲАВОЛА ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДАГИ БОБЛАР

1-боб. Бир киши зиммасидаги қарзнинг иккинчи бир киши зиммасига ҳавола қилиниши хусусида. Бир киши ўзининг зиммасидаги қарзни узмоқни иккинчи бир кишига ҳавола қилса, зиммасига қарз ҳавола қилинаётган киши уни рад этадими?

Ҳасан ва Қатода: «Агар қарзини ҳавола қилгувчи киши ҳавола қилаётган вақтида ўзи бой бўлса, ҳавола қилинаётган одамнинг уни рад этмоғи жоиздур», — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зиммасидаги қарзни тўлашга қодир одамнинг қарзини атайлаб тўламай юриши (қарз берган одамга нисбатан) зулмдур! (Гарчи қарз одам берган қарзига муҳтож бўлмаса-да, уни узмоқлик зарурдур). Агар бирортангизнинг зиммангиздаги қарзни узмоқлик бирор бой кишига ҳавола қилинса, у рад этмасин!» — деб марҳамат қилдилар».

2-боб. Агар бир киши ўзининг зиммасидаги қарзни узмоқни бирор бойга ҳавола қилса, у рад этмасин!

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

3-боб. Агар маййитнинг зиммасидаги қарзни узмоқлик бирор кишига ҳавола қилинса, жоиздур.

Салама ибн ал-Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик, тобутда бир маййитни келтиришди-да, ул зотдан унга жаноза ўқишларини илтимос қилишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Унинг қарзи борми?» — дедилар. «Йўқ», — дейишди. «Бирор нарса (бойлик, мерос) қолдирганми?» — дедилар. «Йўқ», — дейишди: Шундан кейин, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқидилар. Сўнг, яна бир маййитни келтиришди-да, ул зотдан унга жаноза ўқиб беришни сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Унинг қарзи борми?» — дедилар. «Ҳа», — дейишди. «Бирор нарса қолдирганми?» — дедилар. «Уч динор», — дейишди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ унга ҳам жаноза ўқидилар. Сўнг, учинчи маййитни келтиришиб, Жаноб Расулulloҳдан унга жаноза ўқиб беришларини сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Бирор нарса қолдирганми?» — дедилар. «Йўқ», — дейишди. Сўнг: «Қарзи борми?» — дедилар. «Уч динор», — дейишди. Шунда ул зот: «Бу одамга ўзларингиз жаноза ўқийверингизлар» — деб эрдилар, Абу Қатода: «Ё Расулаллоҳ, унинг қарзи менинг зиммамга, жанозасини ўқиб берингиз» — дедилар. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ унинг жанозасини ўқидилар».

4-боб. Пул ё мол бирлан берилган қарзнинг узилмоғига бирор нарсани гаров ёхуд бирор кишини кафил қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бану Исроилга мансуб бир яҳудий иккинчи бир яҳудийдан қарз сўради. Шунда қарз бергувчи: «Менга ишончли гувоҳлар келтир!» — деди. Қарз олгувчи: «Оллоҳнинг гувоҳлиги кифоя» — деб айтди. Қарз бергувчи: «Ундай бўлса, менга кафил келтир!» — деди. Қарз олгувчи: «Оллоҳнинг кафиллиги кифоя», — деди. Қарз бергувчи: «Рост гапни айтдинг»,

— деди-да, унга муайян муддатга қарз берди. Кейин, қарз олган одам кемага ўлтириб равона бўлди-да, мўлжаллаган ишларини адо этгач, қарз берган одамга олган қарзини вақтида олиб бориб бериш учун кема ахтара бошлади, аммо бирорта ҳам кема топа олмади. Ноилож, у бир ёғочни олди-да, ичини уйиб, қавагига минг динор ва қарз берган кишига ёзган хатини тиқиб қўйди. Сўнг, қавак оғзини беркитиб, ёғочни денгиз соҳилига олиб келди-да: «Ё парвардигоро, менинг бир одамдан минг динор қарз олганимни ва у гувоҳ келтирмоғимни талаб қилганда «Оллоҳнинг гувоҳлиги кифоя» деганимни, сўнг у сенинг гувоҳлигингга рози бўлиб, кафил келтирмоғимни талаб қилганда «Оллоҳнинг кафиллиги кифоя» деганимни ва у сенинг кафиллигингга рози бўлганини билурсан. Кейин, мен унинг ҳақини вақтида олиб бориб бериш учун кема топишга кўп ҳаракат қилдим, аммо тополмадим. Энди, бу омонатни сенга ишониб топширурман» — деб ёғочни денгизга ташлади, ёғоч денгизда кўздан ғойиб бўлди.

Сўнг, у ўз юртига борадирган кема ахтара бошлади. Унга қарз берган бояги киши хусусига келсак, у: «Шояд қарз олган киши бирор кемада пулимни олиб келиб қолган бўлса, бориб қарай-чи!» — деди-да, уйдан чиқиб соҳилга борди. Шунда унинг кўзи сувда қалқиб турган бир ёғочга тушиб, «Ўтинга яраб қолар» деган ўй бирлан уни уйига олиб кетди.

Уйига боргач, ёғочни арралаб эрди, ичидан пул ва бир хат чиқди. Шу аснода қарз олган киши етиб келиб, унга минг динор узатди-да: «Оллоҳ таоло ҳақи, қарзимни вақтида олиб келиб бериш учун тинмай кема ахтардим, аммо ҳозир мен келган кемадан илгарироқ йўлга чиқадирган кема тополмадим» — деб узр айтди. Қарз берган киши унга: «Менга бирор нарса жўнатиб эрдингми?» — деди. Қарз олган киши: «Сенга ҳозир айтдим-ку, ахир, бундан илгарироқ етиб келиш учун кема тополмадим, деб!» — деди. Шунда қарз берган киши унга: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ёғоч ичида юборган нарсангни сенинг номингдан менга етказди», — деди. Сўнг қарз олган киши ўзи бирлан олиб келган минг динорни қайтариб олиб кетди».

5-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ул кишиларики, улар бирлан аҳд-паймон қилдингиз, бас, уларга ўз хиссаларини берингиз» («Нисо» сураси, 33-оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Ҳар бир инсон учун маволий таъйин қилиб қўйдик» деган қавлидаги «маволий» сузининг маъноси «меросхўрлар» демақдур. «Ул кишиларики, улар бирлан аҳд-паймон қилдингиз...» деган қавли эрса муҳожирларни англатур, чунки муҳожирлар Мадинага келганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ансорлар бирлан аҳду паймонли биродар қилиб қўйган эрдилар. Мана шу аҳду паймонга биноан, муҳожир марҳум ансорий биродарига (қариндош бўлмаса-да) меросхўр бўлар эрди. Оллоҳ таолонинг «Ҳар бир инсон учун ота-она ва (бўлак) қариндошлар қолдириб кетган меросга меросхўрлар таъйин қилиб қўйдик» деган ояти каримаси нозил бўлгач, муҳожирлар бирлан ансорларнинг ўзаро меросхўрлиги бекор қилинди. Энди, улар васиятга биноан ўз насибаларини оладирган бўлдилар».

Анас разияллоҳу анҳу: «Абдурраҳмон ибн Авф бизнинг ҳузуримизга келди, шунда Жаноб Расулulloҳ у бирлан Саъд ибн ар-Рабийъни ака-ука тутинтириб қўйдилар», — дейдилар.

Осим бундай деб хабар қиладилар: «Мен Анас разияллоҳу анҳуга: «Сиз Жаноб Расулulloҳнинг «Исломда қасам ичиш йўқ» (жоҳилият даврида аҳду паймон қилишган нарсаларга Исломда аҳду паймон қилинмас) деганларини эшитганмисиз?» — дедим. Анас менга жавобан: «Жаноб Расулulloҳ менинг ҳовлимда (уйимда) Қурайш бирлан ансорларни ўзаро онт ичириб, ака-ука тутинтириб қўйганлар», — дедилар». (Исломда, агар зарур бўлса, Оллоҳ таолонинг номини айтибгина қасам ичиш жоиздур).

6-боб. Кимки бирор маййитнинг қарзини ўз бўйнига олган бўлса, ундан қайта олмас!

Бу ерда 3-бобдаги ҳадис такрорланган.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (менга): «Агар Баҳрайдан мол келса, сенга ундан шунча ва шунча берурман»— деб ваъда қилиб эрдилар. Аммо, ул мол келгунча Жаноб Расулulloҳ вафот этиб қолдилар. Баҳрайдан мол келгач, Абу Бакр: «Жаноб Расулulloҳ кимга Баҳрайн молидан ваъда қилган бўлсалар, менинг ҳузуримга келиб, (ваъда қилинган) молини олсин!» — деб эълон қилдилар. Шунда мен Ҳазрат Абу Бакрнинг ҳузурларига бориб: «Жаноб Расулulloҳ менга Баҳрайн молидан шунча ва шунча ваъда қилгандилар», — дедим. Ҳазрат Абу Бакр менга ўшал молдан бердилар. Санаб кўрсам, у беш юз (динор) эркан. Кейин, Ҳазрат Абу Бакр: «Яна икки ҳисса ол!» — дедилар».

7-боб. Жаноб Расулulloҳнинг даврларида Абу Бакрни бир қўшни қабила бошлиғи ўз ҳимоясига олгани ва Абу Бакр бирлан Қурайш катталари ўртасидаги келишув ҳақида

Жаноб Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари Оиша онамиз разияллоҳу анҳо: «Эсимни танибманки, ота-онам (Ислом) динига эътиқод қилишур», — дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Эсимни танибманки, ота-онам (Ислом) динига эътиқод қилишур ва деярли ҳар куни эрталаб ёки кечқурун Жаноб Расулulloҳ бизникига келиб турардилар. Мусулмонлар қийин аҳволга тушиб қолганда Абу Бакр Ҳабашистон тарафга ҳижрат қилдилар. Ул киши «Барк ул-Ғимод» деган жойга етганларида Қорат қабиласининг бошлиғи Ибн Дағина дуч келиб: «Қаерга кетаётирсиз?»— деб сўради. Шунда Абу Бакр: «Қавмим мени юртимдан ҳайдаб чиқарди, энди мен ер юзини кезиб, раббимга ибодат қилмоқчиман», — дедилар. Ибн Дағина: «Сиз каби яхши инсон ўз юртидан чиқариб юборилмас, ўзи ҳам чиқмас! Чунки, сиз бева-бечораларга ёрдам қилиб тургувчи, қариндош-уруғларингизга меҳр-оқибат кўрсатгувчи, кўпчиликнинг оғирини енгил қилгувчи, меҳмоннавоз ва мусибат етганларга ҳамдард кишисиз. Мен сизнинг қўшнингиздурман, (қўшни эрса қўшнисига озор етмоғига йўл қўймас), ортингизга қайтингиз, юртингизда парвардигорингизга ибодат қилаверингиз!» — деди-да, ул кишини йўлдан қайтариб, Қурайшнинг улуғлари олдида олиб борди. Сўнг, Ибн Дағина уларга: «Абу Бакрга ўхшаш одамлар юртидан ҳайдаб чиқарилмас, ўзи ҳам чиқиб кетмас! Камбағал-парвар, қариндош-уруғга раҳм-шафқатли, кўпчиликнинг ғамини ейдирган, меҳмондўст, мусибат тушганга ёрдам қўлини чўзадиргил инсонни ўз юртидан ҳайдайсизларми?!» — деди. Шунда Қурайш зодагонлари Ибн Дағинага қулоқ солиб, Абу Бакрга омонлик ваъда қилдилар-да, Дағинага: «Абу Бакрга буюр, ўз уйида раббига ибодат қилаверсин, қариндош-уруғларига раҳм-шафқат қилаврсин, меҳмондўстликни давом эттираверсин, хоҳлаган (китобини) ўқийврсин, лекин бу нарсалари бирлан бизга азият етказмасин, намоз ва Қуръонни паст овоз бирла ўқисин! Чунки, биз болаларимиз ва аёлларимизнинг унинг таъсирига берилиб кетишларидан қўрқамиз», — дейишди. Сўнг, Ибн Дағина Абу Бакрга Қурайш уруғларининг сўзини тўла-тўқис етказди. Шу кундан бошлаб, Абу Бакр ўз уйларида тоат-ибодат қиладирган бўлдилар. Кейинчалик, ул киши ўз ҳовлиларида бир масжид бино қилиб, ўша ерда тоат-ибодат ва Қуръон тиловати бирлан машғул бўлдилар. Абу Бакрнинг намоздаги ва ундан кейинги тиловатларини эшитган мушрик аёл ва болалар ажабланиб, ҳайрон бўлишиб, секин-аста ул кишининг таъсирига берилди бошлади. Абу Бакрнинг

кўнгиллари жуда юмшоқ бўлиб, тиловат чогида ўзларини йиғидан тўхтата олмасдилар. Бу ҳолат мушрик аёл ва болаларга янада қаттиқ таъсир кўрсата бошлади. Бундан хавотирга тушган Қурайш катталари Ибн Дағинага одам юбориб: «Биз Абу Бакрдан фақат ўз уйида тоат-ибодат қилишни ва бошқаларга эшиттирмай тиловат қилишни талаб қилган эрдик. Лекин, у ҳовлисининг саҳнига масжид қуриб олиб, ўша ерда баралла намоз ўқиб, тиловат қилмоқда. Биз бола-чақаларимизнинг унинг таъсирига тушиб қолишидан кўрқамиз. Агар ибодат бирла тиловатни паст овоз бирла адо этса, этсин, акс ҳолда сенинг ҳимоянгдан воз кечсин! Биз ўртамиздаги аҳдни бузишни истамадик, аммо унга ошқора тиловат қилишга рухсат бермагаймиз!» — дейишди. Кейин, Ибн Дағина Абу Бакрнинг ҳузурларига келиб: «Сиз хусусингизда Қурайш катталарига ваъда берганимни билурсиз, ё сиз тоат-ибодатингиз ва тиловатингизни баланд овоз бирлан ўқимайсиз ёки мен (ўз) ваъдамни зиммамдан соқит қилурман, чунки баъзиларнинг «Ибн Дағина ваъдасининг устидан чиқолмабди» деган гапини эшитишни хоҳламасман!» — деди. Шунда Абу Бакр: «Мен сенинг ҳимоянгдан воз кечдим, менинг молу жоним Оллоҳнинг ҳимоясидадур», — дедилар.

Жаноб Расулulloҳ ўшал кунлари Маккада бўлиб, мусулмонларга: «Менга хобимда ҳижрат қиладирган ерларингиз кўрсатилди. У икки тошлоқ ўртасидаги хурмозор ерда эркан», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ шундай деганларидан кейин, Маккадаги баъзи мусулмонлар ва Ҳабашистонга ҳижрат қилган кишилар Мадина томон йўл олдилар. Ҳазрат Абу Бакр ҳам йўлга ҳозирландилар. Жаноб Расулulloҳ буни кўриб: «Менга хижрат изн этилгунча кутиб туринг» — дедилар. Абу Бакр: «Отам сизга фидо бўлсинлар, сиз рухсат берилишини истайсизми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа», — дедилар. Шундан сўнг, Абу Бакр Сиддиқ Жаноб Расулulloҳ бирлан қиладирган сафарга ҳозирлик кўра бошладилар. Бунинг учун иккита кучли туяни тўрт ой давомида самур дарахти барглари бирлан парвариш қилдилар».

8-боб. Қарз хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Исломнинг дастлабки даврида) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига қарздор маййитни олиб келишса, ул зот: «Қарзини узиш учун бирор нарса қолдирганми?» — деб сўрар, агар қолдиргани айтилса, унга шахсан ўзлари жаноза ўқир эрдилар. Акс ҳолда ул зот мусулмонларга: «Биродарингизга ўзларингиз жаноза ўқийверингизлар!» — деб айтар эрдилар. Оллоҳ таоло мушрикларга тобеъ бир қанча ерларни Жаноб Расулulloҳга фатҳ қилиб бергач, ул зот: «Мен мўминларга (дунё ва охирагга тааллуқли барча ишлари хусусида) ўзларидан ҳам ҳақлироқман. Мўминлардан кимки вафот қилиб, ўзидан кейин қарз қолдирган бўлса, унинг қарзини узишни мен буйнимга олурман ва кимки ўзидан ксйин молдунё қолдирган бўлса, у унинг меросхўрлариникидур» — деб марҳамат қилдилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ВАКОЛАТ КИТОБИ

1-боб. Бирор мулкда насибаси бор кишилардан бирининг иккинчисига ўшал мулкни ўзаро тақсимлаш ёхуд унга тааллуқли бўлак ишларни қилиш ваколатини бермоғи ҳақида

Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Алига қурбонликка аталган жонлиқларини сўйишни, сўнг гўштини одамларга тақсимлаб беришни амр қилганлар.

Али разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мен сўйган туяларнинг жун ва териларини садақа қилмоғимни буюрдилар», — дейдилар.

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча қўйларни менга бердилар-да, уларни саҳобаларига тақсимламоғимни буюрдилар. Уларни тақсимлаб бўлганимда бир улоқ ортиб қолди. Мен шул ҳақда ул зотга айтиб эрдим. менга: «Уни ўзинг қурбон қил!» — дедилар».

2-боб. Агар муслмон одам кофирлар юртидаги ёки муслмонлар юртидаги ғайридинга (бирор нарса хусусида) ваколат берса, жоизми?

Абдурраҳмон ибн Авф разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен (кофирлар юртидаги) Умайя ибн Халаф (исмли бир ғайридин) бирлан хат орқали келишиб олдим, у менинг Маккадаги мол-мулкимни, мен эрсам унинг Мадинадаги мол-мулкени муҳофаза қилиб турадирган бўлдик. Аммо, хатимда номимни «Абдурраҳмон» деб ёзганим унга маъқул бўлмай, «Мен Раҳмоннинг не эканлигини билмасман, менга жоҳилият давридаги исмингни ёзиб юбор!» деб мактуб йўллади. Кейин, мен унга жоҳилият давридаги исмим «Абду Амр» эканлигини ёзиб юбордим.

(Кейинчалик, яъни) Бадр ғазоти куни (кофирлар енгилгач, Умайя тоққа чиқиб беркинди). Шунда мен уни асраб қолиш мақсадида одамларнинг ухлаб ётганидан фойдаланиб, тоққа чиқдим. Лекин, уни Ҳазрат Билол кўриб қолиб, дарҳол ансорларнинг олдига бордилар-да, (уларга хабар қилдилар). Буни кўриб турган Умайя ибн Халаф менга: «Агар мен қочиб қутилиб кетсам, (биродарларинг) сени омон қўйишмас», — деди. Ҳазрат Билол бир гуруҳ ансорлар бирлан бизни таъқиб қила бошладилар. Шунда мен уларнинг бизга етиб олишларидан қўрқиб, Умайянинг ўғлини чалғитиб туриш учун ортимизда қолдирдим, аммо уни ўлдиришди. Кейин, бизни таъқиб қилишда давом этишди. Умайя ибн Халаф жуссаси катта, вазмин одам (бўлиб, тез югура олмас эрди). Улар бизга етиб олишган-да мен унга: «Тиз чўк» — дедим, у тиз чуқиб эрди, мен уни пана қилиш учун устига ўзимни ташладим. Лекин, улар остимдан қилич тикиб, барибир уни ўлдиришди. Шунда улардан бири қиличи бирлан оёғимни жароҳатлади».

3-боб. Сарф қилиш ва тарозуда тортиб олиш хусусида ваколат бермоқлик

Абу Саъид ал-Худрий ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамни Хайбарга амир этиб тайинладилар. У Жаноб Расулulloҳга нуқул сархил хурмолар олиб келди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Хайбарнинг ҳамма хурмолари сархил эканми?» — дедилар. У: «Йўқ, ё Расулаллоҳ, биз икки соъ ёмон хурмо ўрнига бир соъ яхши хурмо ва уч соъ ёмон хурмо ўрнига икки соъ яхши хурмо олурмиз», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бундай қилма, ёмон хурмони (олгил-да), уни дирҳамга сотиб, сўнг

ул дирҳамга яхши хурмо харид қил, (харид қилишда) тарозуда тортиб ол!» — дедилар».

4-боб. Агар чўпон ўлаётган қўйни кўриб қолса, уни сўйиб юбормоғи ва ваколоти бор одам бирор нарсани айниб қолаётганини кўрса, бунинг олдини олмоғи лозим

Каъб ибн Молик ривоят қиладилар: «Бизга тегишли қўйлар тоғ ёнбағрида ўтлаб юрарди. Ногаҳон, чўримиз бир қўйни ўлаётганини кўриб қолиб дарҳол бир тошни синдирди-да унинг тиғи бирлан бояги қўйни сўйиб юборди. Кейин, унинг гўштини тановул қилиш ё тановул қилмаслик хусусида сўраб келиш учун бир одамни Жаноб Расулulloҳга юбордик. Жаноб Расулulloҳ ул одамга: «Унинг гўштини еяверингизлар!» дедилар».

5-боб. Ҳозир ва ноҳозир одамга ваколат бермоқни жоизлиги ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр оилаларидаги катта-кичик номидан закот бериб юбориш хусусида хазиначиларига хат ёзиб қолдирдилар, (хазиначи шул вақтда қаергадир кетган эрди).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Жаноб Расулulloҳга бир ёшар туя қарз берган эрди Кейин, у қарзини сўраб келиб қолди. Шунда Жаноб Расулulloҳ унга ўша ёшдаги бир туя бериб юборишни буюрдилар. Лекин, бир яшар туя тополмай, каттароқ ёшдаги туяни келтиришди. Жаноб Расулulloҳ: «Шу туяни бериб юборавингизлар!» — дедилар. Бояги одам: «(Ё Расулаллоҳ), сиз менга вафо қилдингиз, Оллоҳ таоло сизга вафо қилсин!» — деди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг энг яхшиларингиз — қарзини ўз вақтида адо этганингиздир!» — дедилар.

6-боб. Қарзларни узишга бировни вакил қилмоқ ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

7-боб. Агар киши бирор қавмнинг вакилига ёхуд ёнини олиб келган одамига ҳадя берса, жоиздур

Ҳавозин қавмининг вакиллари Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўлжа сўрашганда, ул зот: «Менинг улушим сизларники» деб ўз улушларини уларга ҳадя қилиб юборганлар.

Марвон ибн ал-Ҳакам ва Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар. «Ҳавозин қабиласи вакиллари Жаноб Расулulloҳ нинг ҳузурларига мусулмон бўлиб келиб, ўлжа олинган мол-мулклари ва асир олинган одамларини қайтариб берилишини илтимос қилишганда, ул зот (уларга): «Мен учун энг маъқул сўз — чин сўздур! Иккисидан бирини — ё мол-мулкларингизни ёки асир олинган одамларингизни танлангизлар, мен (тавба қилиб) келмоқларингизни кутиб, (анчагача уларни мусулмонларга тақсимламай) турган эрдим», — дедилар. Дарҳақиқат, Жаноб Расулulloҳ Тоифдан қайтаётиб, уларни ўн кундан ортиқ кутган эрдилар. Улар Жаноб Расулulloҳнинг икки нарсадан биринигина қайтариб беражакларини билишгач: «Асирларимизни танладик», — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ мусулмонлар ўртасида туриб Оллоҳга ҳамд-санолар айтдилар, сўнг: «Аммо баъд, мана бу биродарларингиз тавба қилиб келишибди. Мен уларга асир олинган одамларини қайтариб беришги ирода қилдим. Сизлардан кимки амали солиҳ қилмоқчи бўлса, ҳеч нарса олмай, қўлидаги асирларни қайтариб берсин ва кимки ўрнига бирор нарса олмоқчи бўлса, айтсин, биз унга Оллоҳ таоло ато этадирган дастлабки ўлжалардан берурмиз», — дедилар. Шунда мусулмонлар: «Биз Жаноб

Расулulloҳни деб уларга асирларни қайтариб беришни маъқул кўрдик», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Сизлардан ҳам шунга рози-ю, ким норози эканлигини билмасмиз. Шунинг учун ўзаро кенгашиб, ўз фикрларингизни оқсоқолларингизга айтингизлар, кейин улар бизга хабар қилишсин!» — дедилар. Улар ўзаро кенгашиб, ўз фикрларини оқсоқолларига айтишди. Сўнг, оқсоқоллар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Барча мусулмонлар сизнинг қарорингизни маъқуллашди ва асирларни бирор нарса олмай, уларга қайтариб беришга қарор қилишди», — дейишди».

8-боб. Агар бир киши (иккинчи бир кишига ўзи харид қилган молнинг пулини тўлаш) ваколатини берса-ю, аммо неча (пул) тўлашни (унга) айтмаса, (ул ҳолда вакил қилинган киши) одатда одамлар (ўшандай молга) қанча (пул) тўласалар, шунча (пул) тўлар

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдим. Туям жуда имиллаб келарди. Шу пайт ёнимдан Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам утиб қолдилар-да: «Бу ким?» — дедилар. Мен: «Жобир ибн Абдуллоҳман», — дедим. «Нега орқада қолдинг?» — дедилар. «Туям имиллаб қолди», — дедим. «Таёғинг борми?» — дедилар. Мен: «Бор», — дедим. «Уни менга бер!» — дедилар. Мен таёқни бергандим, ул зот у бирлан туяни ўриб: «Чу, жонивор!» — дедилар. Шунда туям илгарилаб кетиб, қавмининг олдига ўтиб олди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «Уни менга сот!» — дедилар. «У сизга, олақолинг, ё Расулаллоҳ!» — дедим. «Уни менга сот, тўрт динорга харид қилдим, аммо Мадинагача уни ўзинг миниб борасан», — дедилар. Мадинага яқинлашганимизда туямни тезлатдим. Шунда ул зот: «Намунча шошмасанг!» — дедилар. «Яқинда бир бевага ўйлангандим», — дедим. «Сен бирлан ўйнаб-куладиган бирорта ёш қиз йўқмиди?» — дедилар. «Отам вафот этганларидан кейин, (тўққизта) сингилга қараб туриш менинг зиммамга тушди. Шунинг учун уларни ювиб-тараб, тарбиялай оладирган бевага уйлана қолдим», — дедим. Мадинага етиб келганимизда Жаноб Расулulloҳ Билол (разияллоҳу анҳу)га: «Бунинг (туянинг) ҳақини ортиғи бирлан тўлагин!» — дедилар. Билол менга турт динор-у бир қийрот бердилар. Жаноб Расулulloҳ нинг ўша бир қийрот сийловларини умрбод чўнтагимда сақладим».

9-боб. Аёлнинг никоҳ борасида имомга ваколат бермоғи ҳақида

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир аёл Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен ўзимни сизга бахшийда қилдим!» — деди. (Аммо, ул зот жавоб қилмадилар). Шунда (ўшал ерда ҳозир бўлган) саҳобалардан бири: «(Ё Расулаллоҳ), уни менга никоҳлаб қўйингиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ ўшал саҳобага: «Биз сени Қуръондан ёд билган сураларинг бадалига (яъни, Қуръондан ёд билган сураларингни маҳр қилиб) унга уйлантирдик!» — деб марҳамат қилдилар».

10-боб. Бирор нарсани қўриқлаш ваколатини олган киши, ваколат берган киши ижозат берса, ўзи қўриқлаб турган нарсадан ебкетарга ёхуд маълум муддатга қарзга берса, жоиздур

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга Рамазон закотини (фитри рўзани) қўриқлаб туриш ваколатини бердилар. Шунда бир одам келиб, закотга берилган хурмолардан ҳовучлаб ола бошлади. Мен уни ушлаб олиб: «Сени ҳозир Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борурман!» — дедим. У: «Мен муҳтожман, бола-чақам кўп, жуда зориқиб қолдим», — деди. Кейин, мен уни қўйиб юбордим. Эрталаб Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Эй Абу Ҳурайра,

кеча сиз қўлга туширган одам не қилди?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, у жуда муҳтож эканлиги ва бола-чақасининг кўплигидан шикоят қилди. Шул боис раҳмим келиб, уни қўйиб юбордим», — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Аmmo, у сизга ёлғон гапирган, бугун яна қайтиб келур», — дедилар. Кейин, мен: «Жаноб Расулаллоҳ «Қайтиб келур» дедиларми, демак, албатта қайтиб келур» — деб уни; пойладим. Ўшал куни у яна келиб, хурмодан ҳовучлаб ола бошлади. Мен уни яна ушлаб олдим-да: «Ҳозир сени Жаноб расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борурман!» — дедим. У яна: «Муҳтожман, бола-чақам кўп, энди келмайман, мени қўйиб юбор!» — деди. Шунда мен раҳмим келиб, уни яна қўйиб юбордим. Эрталаб Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Эй Абу Ҳурайра, асирингиз не қилди?» — дедилар. Мен: «У бола-чақаси кўплигидан, муҳтож эканлигидан шикоят қилиб, энди қайтиб келмаслигини айтиб эрди, раҳмим келиб, яна қўйиб юбордим», — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «У сизни алдаган, у яна қайтиб келур», — дедилар. Сўнг, мен уни учинчи марта пойлаб турдим. У яна келиб, хурмодан ҳовучлаб ола бошлаган эрди, мен уни ушлаб олдим-да: «Ҳозир сени Жаноб Расулаллоҳнинг ҳузурларига олиб борурман, уч сафардан бери мени алдаб «Энди қайтиб келмайман» дейсан-у, яна қайтиб келасан!» — дедим. Шунда у менга: «Мени қўйиб юбор, (бунинг эвазига) мен сенга шундай сўзларни ўргатайинки, Оллоҳ ул (сўзларни айтганинг) тўфайли сенга нафъ етказур», — деди. Мен: «Ул (сўзлар) қандай сўзлар эркан?» — дедим. У: «Агар ўрнингга етсанг, «Оят ул-Курсий»ни охирига қадар қироат қилгил, шунда Оллоҳнинг ҳузуридан (бир) ҳимоячи (келиб) сени (туни бирлан) муҳофаза қилур, ҳаттоки эрталаб уйғонгунингга қадар шайтон ҳам сенга яқин кела олмас», — деди. Сўнг мен уни қўйиб юбордим. Эрталаб Жаноб Расулаллоҳ менга: «Асирингиз кеча не қилди?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, у менга шундай сўзларни ўргатмоғини таъкидладикки, агар ул сўзларни айтсам, Оллоҳ таоло менга нафъ етказар эркан, сўнг мен уни қўйиб юбордим», — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Ул (сўзлар) қандай сўзлар эркан?» — дедилар. Мен: «Ул менга: «Агар ўрнингга етсанг, «Оят ул-Курсий»ни охирига қадар қироат қилгил, шунда Оллоҳнинг ҳузуридан (бир) ҳимоячи (келиб) сени (туни бирлан) муҳофаза қилур, ҳаттоки эрталаб уйғонгунингга қадар шайтон ҳам сенга яқин кела олмас» — деб айтди», — дедим. (Саҳобалар хайрли нарсаларни ўрганмоққа ана шундай иштиёқманд эрдилар). Жаноб Расулаллоҳ: «Аmmo, У ёлғончи бул сафар сизга рост айтибди. Эй Абу Ҳурайра, уч кечадан бери ёлғон сўзлаётган кишининг аслида ким эканлигини билурсизми?» — дедилар. Мен: «Йўқ», — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «У шайтон эрди», — дедилар».

11-боб. Вақфга нисбатан бериладиган ваколат ҳамда вақфга нисбатан ваколоти бор кишининг вақф нафақасидан ўртоқларига едирмоғи ва ундан ўзи ҳам инсоф бирлан емоғи ҳақида

Суфён Ҳазрат Умарнинг вақфлари хусусида гапириб: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳунинг вақф қилган ерларига қараб тургувчи киши унинг ҳосилидан инсоф бирлан ўзи ҳам еса, ўртоқларига ҳам едирса, гуноҳи йўқ эрди», — дейдилар.

Ибн Умар оталари Ҳазрат Умар вақф қилган хурмозорини парвариш қилиб туришга вакил қилинган бўлиб, уйларига меҳмонга келадирган Макка аҳлига унинг ҳосилидан инъом қилар эрдилар.

12-боб. Ҳадд уриш (дарра уриш ёки тошбўрон қилиш ваколатини бермоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Анас, мана бу одамнинг хотинининг олдига бор, агар айбига иқрор бўлса, уни топиб рози қил!» — дедилар».

Уқба ибн ал-Ҳорис разиятлоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Нувмон ёки унинг ўғли маст ҳолда келтирилди. Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам хонада мавжуд бўлганларнинг ҳаммасига: «Уни уринглар!» — дедилар. Ушанда уни калтаклаганлар орасида мен ҳам бор бўлиб, биз уни тепган ва хурмо новдалари бирлан савалаган эрдик».

13-боб. Қурбонликка аталган туяни Маккага олиб бориб сўйиш ваколлатини бермоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг қурбонликка аталган туяларининг бўйнига осиладирган нишон боғичини ўз қўлим бирлан йигирдим. Сўнг, ул зот ўз қўллари бирлан нишонни туянинг бўйнига боғлаб қўйдилар. Кейин, уни Маккага олиб бориб сўйишни отамга топширдилар. Шунда Оллоҳ таоло Жаноб Расулulloҳга ҳалол қилган бирор нарса то жонлиқ сўйилгунга қадар ҳам ул зотга ҳаром қилинмади».

14-боб. Бир киши ўз вакилига: «Уни Оллоҳ таоло ўзингизга амр қилган нарсага сарф қилингиз!» — деганда вакилнинг унга: «Не деганингни эшитдим» — деб айтгани ҳақида

Анас ибн Малик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Талҳа мадиналик ансорларнинг энг бадавлати ҳисобланарди. Унинг энг яхши кўрган бойлиги (мол-мулки) Байруҳо боғи эрди. Бу боғ масжиднинг рўпарасида бўлиб, Жаноб Расулulloҳ у ерга кириб, унинг (ширин) сувидан ичиб турардилар. «(Эй мусулмонлар), ўзингиз яхши курган нарсаларингиздан хайру эҳсон қилмагунингизча ҳаргиз яхшилик камолотига эриша олмассизлар» деган оят нозил бўлганда, Абу Талҳа Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ўз Китобида: «(Эй мусулмонлар), ўзингиз яхши кўрган нарсаларингиздан хайру эҳсон қилмагунингизча ҳаргиз яхшилик камолотига эриша олмассизлар» дейди. Менинг энг севимли мулким Байруҳодур. У Оллоҳ таоло йўлида садақа булсин! Бунинг учун мен Оллоҳ таолонинг даргоҳида ажр олмоқ умидидаман. Ё Расулаллоҳ, уни Оллоҳ таоло ўзингизга амр қилган нарсага сарф қилингиз!» — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Воҳ-воҳ! Нақадар хайриятвар бу боғинг! Нақадар хайриятвар бу боғинг! Мен унинг хусусида не деганингни эшитдим. Уни қариндошларингга бўлиб берганинг маъқул», — дедилар. Абу Талҳа: «Айтганингиздек қилгум, ё Расулаллоҳ!» — деди-да, уни энг яқин қариндошлари ва амакиваччаларига бўлиб берди».

15-боб. Ҳалол (ҳазиначи)нинг хазина ва шу кабилардаги ваколлати ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Нимани кимга садақа қилмоғи буюрилган бўлса, ўшани савоб умидида садақа олгувчига тўла-тўқис берувчи ҳалол (ишончли) хазиначи — икки садақа қилгувчидан биридур». (Яъни, ул икки садақа қилгувчидан бири — садақа бериб юборишни буюрган хўжайин ва иккинчиси — унинг хазиначиси).

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ЕР ҲАЙДАШ ВА ЕРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ХУСУСИДАГИ ҲАДИСЛАР

1-боб. Экин ва дарахт экишнинг фазилати ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизлар ўзларингиз экаётган экинингиз хусусида ҳеч ўйлаб кўрдингизларми? Уни сизлар ундиурсизларми ёки Биз ундиурмизми?! Агар Биз истасак, албатта уни қуруқ чўп қилиб қўйган бўлур эрдик!» («Воқиа» сураси, 63—65-оятлар).

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бир муслмон бирор дарахт ёхуд бирор экин экса-ю, унинг ҳосилидан инсон, қуш ёки ҳайвон еса, бунинг учун унга ажру савоб ато этилур» — деб марҳамат қилдилар».

2-боб. Деҳқончилик қуролирини бировлардан қизганиб ўйга олиб кириб қўйишнинг оқибати ёмон эканлиги хусусида

Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу анҳу омов ёки бошқа бир деҳқончилик асбобини кўриб: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бу (нарсани, унга ўзгалар муҳтож бўлиб турган бир маҳалда), қайси қавм (қизганиб даласидан) ўйга олиб кириб қўйса, албатта (ўшал қавмнинг) ўйга хорлиқ кирур» — деб марҳамат қилганлар», — дедилар.

3-боб. Экинни қуриқлаш учун ит боқиш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ит боқса, ҳар кунги амали солиҳларидан икки қийротини бой берур, (аммо) пода ва экинни қўриқловчи (ҳамда овчи) ит бундан мустаснодур» — деб марҳамат қилдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис бир неча бор мазмунан такрорланган.

4-боб. Ер ҳайдашда ҳукиздан фойдаланиш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Қадимда бир киши бир ҳўкизни миниб кетаётган эрди, бирдан у инсон тилида: «Мен миниш учун эмас, балки ер ҳайдаш учун яратилганман», — деди. Унинг инсон тилида сўзлаганига мен, Абу Бакр ва Умар ишонурмиз. Бир куни бир бўри подадан бир қўйни олиб қочди. Чўпон уни қувиб, (қўйни қутқариб олганда), бўри унга: «Қўйингни арслон оладирган куни (сен тумтарақай қочиб қолиб), чўпонлик қиладиган кимса қолмаганда, мен поданга чўпонлик қилиб, (улардан хоҳлаганимни ерман)», — деди. Мен, Абу Бакр ва Умар ўшал бўрининг инсон тилида сўзлаганига ишонурмиз».

5-боб. Киши: «Хурмозорни (парвариш қилишда) менга ёрдам берсанг, кифоя, ҳосилига шерик булурсан» — деб айтса, (жоизми?)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ансорлар Набий саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Хурмозорларимизни биз ва муҳожир биродарларимиз ўртасида бўлиб берингиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ (кейинчалик ўрталарида бирор келишмовчилик чиқмасин, деган мақсадда): «Йўқ», — дедилар. Шунда ансорлар (муҳожирларга): «Ундай бўлса, хурмоларни (парвариш қилишда) бизга ёрдам берсангизлар, кифоя, ҳосилига шерик қилурмиз», —

дейишди. (Сўнг ансору муҳожирлар): «Қулоқ осдик ва итоат этдик», — дейишди».

6-боб. Дарахтларни, шу жумладан хурмоларни кесиш ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир хурмозорни кесишни буюриб эрдилар, у кесиб ташланди».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Назир хурмозорининг бир қисмига ўт қўйдирдилар ва бир қисмини кестириб юбордилар. Ул хурмозорнинг номи «Бувайра» бўлиб, Ҳассон унинг ҳақида қуйидаги сатрларни битган:

*«Зарра қийналмай Луай сардорлари,
Бувайра узра ёқди катта гулхан».*

Рофиъ ибн Хадийж ривоят қиладилар: «Биз Мадинада энг кўп деҳқончилик бирлан шуғулланадиган кишилар бўлиб, ерни унинг бир қисмига ер эгаси учун экиш шарти бирлан ижарага берардик. Шунда, баъзан ер эгаси, баъзан ерни ижарага олган одам (ҳар хил сабабларга кура) зарар курарди. Шунинг учун Жаноб Расулulloҳ ерни ижарага беришдан бизни қайтардилар. ўша пайтларда тилла ва кумуш (ерни ижарага бериш муомаласида) йўқ эрди».

7-боб. Ҳосилнинг ярми ёки шунга яқин қисмини олиш шарти бирлан шерикликка экин экиш ҳақида

Абу Жаъфар ривоят қиладилар: «Мадинада ҳосилнинг учдан бир ва туртдан бир қисмини олиш шарти бирлан шерикликка экин экмаган муҳожир хонадони йўқ эрди. Али, Саъд ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Умар ибн Абдулазиз, ал-Қосим, Урва ибн аз-Зубайр, Абу Бакр хонадони, Умар хонадони, Али хонадони, Ибн Сирийн шерикликка экин экишган».

Абдурраҳмон ибн ал-Асвад ривоят қиладилар: «Мен Абдурраҳмон ибн Язид бирлан шерикликка деҳқончилик қилардим. Ҳазрат Умар: «Агар уруғни мен олиб келсам, ҳосилнинг ярми меники, агар сизлар олиб келсангизлар ҳам, худди шундай» — деб бир неча киши бирлан шерикликка экин экишга келишдилар».

Ал-Ҳасан. «Агар икки кишидан бири ер эгаси бўлиб, деҳқончиликдаги сарф ўртада бўлса, иккаласининг ҳосилни тенг бўлиб олиши жоиз», — дейдилар. Бу фикрга аз-Зухрий ҳам қўшиладилар. Ал-Ҳасан: «Пахтани тенг шерикликка териб олса бўлади», — дейдилар. Иброҳим, Ибн Сирийн, Ато, ал-Ҳакам, аз-Зухрий ва Қатода шерикликка туқилган матонинг учдан бири ёки тўртдан бири берилса, жоиз», — дейишади.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам етиштириладиган ҳосилнинг ярмини олиш шарти бирлан Хайбар ерларини (яҳудийларга) ижарага бердилар. Ҳосилнинг ўзларига тегишли қисмидан юз васафини, яъни саксон васақ хурмо ва йигирма васақ арпани хотинларига ажратар эрдилар».

Ҳазрат Умар Хайбар ерларини тақсимлаётиб, пайғамбаримизнинг оилаларига ер-сув ёки васақ (ҳосилдан улуш) олишни таклиф этдилар. Оиша разияллоҳу анҳо ерни танладилар.

8-боб. Ижарага ер берса-ю, аммо неча йилга бераётганини айтмаса, (жоиздур)

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам мевали дарахтлар ва полиз экинлари ҳосилининг ярмини олиш шарти бирлан Хайбар ерларини (яхудийларга) ижарага бердилар».

9-боб.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:« Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам корандалик йўли (усули) бирлан экин экиш (деҳқончилик қилиш)дан қайтармаганлар, аммо ул зот: «(Корандачикка ажратган ерингизни) биродарингизга инъом қилмоғингиз (ул ердан фойдалангани учун) ундан ҳақ олмоғингиздан яхшироқдур» — деб марҳамат қилганлар».

10-боб. Яҳудийлар бирлан корандалик усулида деҳқончилик қилиш ҳақида

Бу ерда Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳар йилги ҳосилнинг ярмини олиш шарти бирлан Хайбар ерларини яҳудийларга ижарага берганлари ҳақидаги ҳадис қайтарилган.

11-боб. Корандаликдаги макруҳ шартлар ҳақида

Рофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Мадинада энг ери кўп одамлар бўлиб, корандаларга: «Ернинг мана бу бўлагига ўзингиз учун, мана бу булагига эрса биз учун экаси!»— деб шарт қўяр эрдик. Шунда баъзан коранданинг экини ва баъзан ер эгаси учун экилган экин нобуд бўлар эрди. Шунинг учун Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам корандалик усулида деҳқончилик қилишдан қайтардилар».

12-боб. Агар киши бирор қавмнинг донини уларнинг рухсатисиз, аммо манфаатларини кўзлаб экса...

Бу ерда «Одам ёллаб ишлатиш ҳақида китоб»нинг 12-бобидаги ҳадис такрорланган.

13-боб. Жаноб Расулulloҳ саҳобаларининг вақф ва хирож ерлари ҳамда уларнинг шериклик ва корандалик усулида деҳқончилик қилганлари ҳақида

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Умарга: «Ерингни таг-туғи бирлан, (яъни) сотилмайдирган, лекин ҳосили нафақа ва садақа қилинадиган шарт бирлан вақф қилгил!» — деганлар.

Ҳазрат Умар: «Агар менинг давримдаги мусулмонлар (илгариги мусулмонларга нисбатан молталаброқ бўлмаганларида эрди, бирор қишлоқни фатҳ қилишим бирланоқ, мен уни Жаноб Расулulloҳ Хайбарни тақсимлаганлари каби, (ҳосилнинг муайян қисмини олиш шарти бирлан) ўшал қишлоқ аҳлининг ўзига тақсимлаб берган бўлур эрдим!» — деб айтганлар. (Демак, Ҳазрат Умар ўз даврларидаги мусулмонларнинг кайфияту табиатлари тақозосига кўра, фатҳ қилинган ерларни муайян шартлар бирлан эгаларига қайтармай, мусулмонларга вақф қилиб берганлар).

14-боб. Ўлик ерни жонлантирадирган киши хусусида

Умар разияллоҳу анҳу. «Кимки ўлик ерни жонлантирса, ул униқидур», — деганлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам:

«Кимки эгасиз ерни обод қилса (ёки ўзлаштирса), ул ўшал ерга барчадан кўра ҳақлироқдур» — деб марҳамат қилганлар».

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу ҳам халифалик даврларида эгасиз ер хусусида шундай деб ҳукм чиқарганлар».

15-боб.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ақиқ водийсидаги Зулҳулайфада дам олиб турганларида бир туш кўрдилар, тушларида ул зотга: «Сиз (Зулҳулайфадаги) Муборак Батҳодасиз» — деб айтилди».

Мусо: «Солим биз бирлан туялар боғлаб қуйиладирган жойга келди-да, туясини чўктирди. Абдуллоҳ (ибн Умар) ҳам Жаноб Расулulloҳ дам олган ана шу жойда туясини чўктириб дам олар эрди. Бу жой Ақиқ водийсининг қоқ ўртасидаги масжид бирлан йўл оралиғидадур». — дедилар.

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ақиқ водийсида эканликларида: «Бул кеча парвардигорим ҳузуридан бир фаришта келиб, менга: «Ана шу Муборак Водийда намоз ўқингиз-да, сўнг: «Мен ҳажни умрага айлантирдим (ҳаж ўрнига умра қилдим)» — деб айтингиз!» — деди», — дедилар».

16-боб. Агар ер эгаси (корандага): «Оллоҳ таоло сени (бул ерда қай шарт асосида қолдиришга) қарор қилган бўлса, мен ҳам (ўшал шарт асосида) қолдиришга қарор қилдим» — деса-ю, лекин қанча муддатга қолдираётганини айтмаса ва иккаласи шунга рози бўлса...

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу яҳудий ва насронийларни Ҳижоз еридан бадарға қилдилар. Чунки, Жаноб Расулulloҳ Хайбарни мағлуб қилганларида яҳудийларни ул ердан чиқариб юбормоқчи бўлган эрдилар. Шунда яҳудийлар Хайбар ерларидан олинадиган ҳосилнинг ярмини бериш шарти бирлан шул ерда қолдиришларини илтимос қилган эрди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Биз сизларни (ўзларингиз айтган) шарт асосида Хайбарда қолдиришга қарор қилдик, аммо истаган вақтимизда сизларни бул ердан чиқариб юборурмиз», — деган эрдилар. Сўнг яҳудийлар, Ҳазрат Умар уларни Таймо ва Арийҳога чиқариб юборгунларига қадар, Хайбарда қолишди».

17-боб. Жаноб Расулulloҳ саҳобаларининг деҳқончилик ва боғдорчилик борасида бир-бирларига кўмаклашганлари хусусида

Рофиъ ибн Хадий ривоят қиладилар: «Зухайр ибн Рофиъ: «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизни ўз фойдамизни кузлаб иш қилишдан қайтардилар», — дедилар. Мен: «Жаноб Расулulloҳ не деган бўлсалар, тўғридур», — дедим. Сўнг, Зухайр (гапларида давом этиб) бундай дедилар: «(Бир куни) Жаноб Расулulloҳ мени ҳузурларига чақирдилар-да: «Экинзор (дала)ларингизни не қилаётирсизлар?» — дедилар. Мен: «Биз далаларимизни ариқлари четида ўсган ўтлари ҳамда етиштирилган хурмо ва арпанинг бир неча васағи бадалига ижарага бераётирмиз», — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Ундай қилмангизлар, далаларингизга ё ўзларингиз экин экингизлар ёки уларни (ҳақ олмай) бировга экин экишга берингизлар ёхуд уларни (экин экмай) ташлаб қўйингизлар!» — дедилар. Мен (ул зотга жавобан): «Амрингизга қулоқ осдим ва буйинсундим!» — дедим».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Илгарилари одамлар ҳосилнинг учдан бир, туртдан бир ва тенг ярмини олиш шарти бирлан ерни ижарага беришарди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бизни) бундай қилишдан қайтардилар-да: «Кимнинг ери бўлса, унга ўзи эксин ёки уни бирорта (мўмин) биродарига ҳадя қилсин ёки уни ўз ҳолига ташлаб қўйсин!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг ери бўлса, унга ўзи эксин ёки уни мўмин биродарига ҳадя этсин, агар ҳадя этишни истамаса, уни ўз ҳолига ташлаб қўйсин!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ерни ижарага беришни таъқиқламадилар, балки: «Ерни ўз (мўмин) биродарига ҳадя қилиш ундан (маълум миқдорда) ҳақ олгандан кўра афзалроқ!» — дедилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу ўз далаларини Жаноб Расулulloҳ, Абу Бакр, Умар ва Усмон даврларида ҳам, Муовия амирлигининг дастлабки даврида ҳам ижарага берар эрдилар. (Бир куни) Ибн Умар одамлардан Рофиъ ибн Хадийжнинг «Жаноб Расулulloҳ далаларни ижарага беришдан қайтарганлар» деб айтганини эшитдилар-да, ул кишининг ҳузурига йўл олдилар, шунда мен ҳам бирга бордим. Ибн Умар (Рофиъга): «Мен (яхши) биламанки, биз Жаноб Расулulloҳнинг даврларида далаларимизни ариқлари бўйида ўсган ўтлари ва (арпа) сомони бадалига ижарага берур эрдик» — деб эътироз билдирдилар».

Солим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг даврларида ернинг ижарага берилганини (яхши) билурман» — деб айтар эрдилар. Сўнг, ул киши: «Жаноб Расулulloҳ ерни ижарага бериш хусусидаги ҳукми бекор қилган бўлсалар-у, мен ундан беҳабар қолган бўлсам-чи?» — деган хавотирлик бирлан ерни ижарага бермай қўйдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (саҳобалар бирлан) гаплашиб ўлтирган эрдилар, ҳузурларида бир бадавий ҳам бор эрди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Жаннат аҳлидан бўлмиш бир киши (жаннатда) деҳқончилик қилишга Оллоҳ таолодан рухсат сўради. Оллоҳ таоло унга: «Кўнглинг тусаган нарса (ноз-неъмат)лар ичра эмасмисан?!» — деди. Бояги киши: «Бу ерда ҳамма нарса муҳайё бўлса-да, мен деҳқончилик қилмоқчиман», — деди. Кейин, у дон экди, эккан донлари тезда униб чиқиб, мўл ҳосил берди. Кейин, у уриб олиб, тоғлар каби баланд-баланд хирмонлар уйди. Шунда Оллоҳ таоло бояги кишига: «Эй Одам боласи, бу ҳам сенга кам, чунки сени ҳеч нарса тўйдиролмас!» — деб айтди», — дедилар. Шунда ҳузурларидаги бадавий: «Ё Расулаллоҳ, ўшал одам ё қурайший ёхуд ансорий бўлса керак, чунки қурайший ва ансорийлар деҳқондурлар, биз бадавийлар эрсак, деҳқон эрмасмиз», — деди. Унинг бул гапидан Жаноб Расулulloҳ кулиб юбордилар».

18-боб. Кўчат (экин) экиш ҳақида

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз жумъа куни келса, хурсанд бўлур эрдик. Чунки, бизнинг бир кампиримиз бўлиб, жумъа куни у биз ариқлар бўйига экиб қўйган қанд лавлагидан оларди-да, унга бир оз арпа қўшиб, қозонда қайнатиб қўяр эрди. Оллоҳ таоло ҳақи, ул таомда на гўшт ва на ёғ бўлар эрди. Биз ҳар сафар жумъани ўқиб бўлиб, ўшал кампирни кўргани борар, ул эрса бизга мазкур таомдан келтирар ва биз уни тановул қилар

эрдик. Жумъа кунидан хушнуд бўлишимизнинг боиси шул эрди. Биз (ўшал кезларда) жумъани ўқиғачгина тушлик ва қайлула қилар эрдик».

Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Одамлар: «Абу Ҳурайра Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳадисларини кўп айтур, муҳожир ва ансорлар эрса ул зотнинг ҳадисларини Абу Ҳурайрачалик кўп билмаслар», — дейишур. (Бунинг боиси) — муҳожир биродарларим бозорларда бор-барака қилиш бирлан банд бўлишган кезларда мен қорним тўйиши бирлан кифояланиб Жаноб Расулуллохнинг хизматларини қилиб юрдим, улар бўлмаган жойларда бўлдим, улар эшитмаган нарсаларни эшитиб, ёд олдим. Шунингдек, ансорий биродарларим ўз мол-мулклари (ва экин экиш) ишлари бирлан банд эрдилар. Мен эрсам, бир мискин сифат одам бўлиб, улар эшитмаган нарсаларни эшитиб, ёд олдим. Жаноб Расулуллох бир куни: «Кимки ушбу ҳадисимни тугатгунимча кийимини ерга ёйиб ўлтириб, ҳадисимни тугатганимдан кейин, уни йиғиб олиб бағрига босса, мендан эшитганларини ёддан чиқармайдиган бўлур», — дедилар. Шунда мен чакмонимни ерга ёйиб қўйдим, ҳадис тугагач, уни олиб бағримга босдим. Шу-шу Жаноб Расулуллохдан нимаики эшитсам, ёдимда қоладиган бўлди».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

СУВ ХУСУСИДАГИ ҲИКМАТЛАР КИТОБИ

1-боб. Сув ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Кофир бўлган кимсалар). барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам иймон келтирмайдиларми?!» («Анбие» сураси, 30-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Сизлар ўзларингиз ичадирган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизларми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизларми ёки Биз ёғдиргувчимизми?! Агар Биз истасак, уни шўр қилиб қўйган бўлур эрдик. Бас, шукр қилмайсизларми?!» («Воқиъа» сураси, 68—70-оятлар).

2-боб. (Яна) сув ҳақида. Ким сувни, у хоҳ (кўпчиликка) тақсимлаб бўладирган ва хоҳ тақсимлаб бўлмайдирган бўлсин, вақф, ҳадя ва мерос қилиш жоиз, деб ҳисоблади?

(Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида ул ерда Рума номли қудуқдан бўлак чучук сув манбаи йўқ эрди. Шул боис) ул зот: «Кимки Рума қудуғини сотиб олиб, унинг сувини муслмонлар бирлан баҳам кўрса, бунинг учун унга жаннатдан яхши жой ато этилур» — деб марҳамат қилдилар. Шунда уни Усмон разияллоҳу анҳу сотиб олдилар.

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир қадахда сув келтиришди. Ул зот ундан (бир оз) ичдилар. Шунда ўнг ёнларида бир йигит ва чап ёнларида кексалар туришган бўлиб, ул зот йигитга: «Эй йигит, қадахда қолган сувни аввал кексаларга узатсам, майлими?» — дедилар. Йигит: «Сиздан тегадиган насибамдан воз кечмагайман» — деди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ уни йигитга узатдилар».

Зухрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Анас ибн Моликнинг ҳовлиларида бир совлиқ қўй соғилиб, сутга ҳовлидаги қудуқ сувидан қўшилди-да, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга узатилди. Шунда Жаноб Расулуллоҳнинг ўнг томонларида бир бадавий, чап томонларида эрса, Ҳазрат Абу Бакр турган эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ сутдан бир оз ичгач, қадахни энди оғизларидан олмоқчи бўлиб эрдилар, Ҳазрат Умар «Қадахни бадавийга узатмасалар эрди» деган хавотирликда: «Абу Бакр Сиддиққа узатинг, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Лекин, Жаноб Расулуллоҳ барибир идишни бадавийга бериб: «Аввал ўнг томондагига, сўнг яна ўнг томондагига узатилади», — дедилар».

3-боб. Эҳтиёжидан ортиқ суви бўлмаган одамнинг (ў экин ва молларини) сўғоришга энг ҳақлиг эканлиги хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эҳтиёжингиздан ортиқча сувни (ўтлоқларга) манъ қилмангиз, акс ҳолда ўт-ўланларнинг мўл-кўл бўлмоғига монеълик қилурсиз!» — деб марҳамат қилдилар».

4-боб. ўз ерида қудуқ қазиган одамнинг жавобгар бўлмаслиги ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Кон кафолатсиздур, қудуқ кафолатсиздур ва ҳайвон (ҳам) кафолатсиздур. (Жоҳилият; давридан қолган) хазинадан эрса, хумс (солиқ) олинур» — деб марҳамат қилдилар». (Яъни, агар бир киши ўз ерида ёхуд ташландиқ, ҳеч кимга тегишли бўлмаган жойда кон қазиса-ю, унга ҳайвон ё инсон тушиб кетиб ҳалок бўлса ёки ёллаб қаздираётган одами кон босиб қолиб нобуд бўлса, жавобгар бўлмас. Шунингдек, бир киши ўз ерида ёки ташландиқ, ҳеч кимга тегишли бўлмаган жойда қудуқ қазиса-ю, унга ҳайвон ё инсон тушиб кетиб ҳалок бўлса ёки ёллаб қаздираётган одами қудуқ ўпирилиб кетиб нобуд бўлса, жавобгар бўлмас).

5-боб. Қудуқ хусусидаги хусумат ва унга нисбатан чиқарилган ҳукм ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бирор мусулмоннинг молини тортиб олиш мақсадида (ёлғон) қасам ичар эркан, у фожирдир. Оллоҳ таоло уни Қиёмат куни ғазаб бирлан қарши олур. Бу хусусда Оллоҳ таоло «Оллоҳ таолога берган ваъдалари бирлан қасамларини (бу дунёдаги) арзимас бир матоҳга алмаштиргувчилар охират неъматларидан бенасиб қолурлар...» деган ояти каримасини нозил қилди» — деб айтган эрдилар. (Бир куни мен бир гуруҳ саҳобалар бирлан) Ашъас (хусусида суҳбатлашиб ўлтирган эрдим, унинг ўзи ҳузуримизга) кириб келиб қолди-да: «Абу Абдуллоҳ (яъни, мени назарда тутаётир) сизларга не дедилар?» — деб сўради. (Шунда саҳобалар: «Сенинг бир қудуқ хусусида хусуматлашганинг ҳақида сўзлаб бердилар», — дейишди). Сўнг, Ашъас бундай деди: «Бул киши тўғри айтибдилар, дарҳақиқат ўшал оят менинг хусусимда нозил бўлгандур. Менинг бир амакиваччаннинг ерида менга қарашли бир қудуқ бор эрди. (Иккаламиз уни талашиб, жанжаллашиб қолдик). Шунда Жаноб Расулulloҳ менга: «Қудуқ сеники эканлигига гувоҳлар келтир!» дедилар. Мен: «Гувоҳларим йўқ», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бўлмаса, амакиваччанг қасам ичсин!» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, турган гапки, у (ёлғон) қасам ичур!» — дедим. Шунда ул зот қуйидаги ҳадисларини айтдилар: «Кимки бирор мусулмоннинг молини тортиб олиш мақсадида (ёлғон) қасам ичар эркан, у фожирдур. Оллоҳ таоло уни Қиёмат куни ғазаб бирлан қарши олур». Кейин, Оллоҳ таоло ул зотнинг сўзларини тасдиқлаб, «Оллоҳ таолога берган ваъдалари бирлан қасамларини (бу дунёдаги) арзимас бир матоҳга алмаштиргувчилар охират неъматларидан бенасиб қолурлар...» деган ояти каримасини нозил қилди».

6-боб. Йўловчига сув бермаган кишининг гуноҳи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло Қиёмат куни уч тоифа одамга раҳмат назари бирлан қарамас, уларни мақтамас, гуноҳдан покламас, уларни аламли азоб кутур. Биринчиси — ортиқча суви була туриб, йўловчига сув бермаган одам. Иккинчиси — имомга (раҳбарга) фақат мол-дунё илинжида байъат қилган одам бўлиб, агар имом унга мол-дунёдан бериб турса, рози, бермаса, дарғазаб бўлур. Учунчиси — бозорга молини асрдан кейин олиб келиб: «Якка-ю ягона тангрим ҳақи, бу молимни бир харидор фалон сўмга олмоқчи эрди» — деб (ёлғон) қасам ичгувчи одам бўлиб, бўлак бир харидор унинг қасамига ишонур-да, ул айтган нархга ўшал молни сотиб олур». Сўнг, ул зот қуйидаги оятни қироат қилдилар: «Оллоҳ таолога берган ваъдалари бирлан қасамларини (бу дунёдаги) арзимас бир матоҳга алмаштиргувчилар охират неъматларидан бенасиб қолурлар...».

7-боб. Дарё (сой, ариқ)лар сувини тўсиб қуйиш ҳақида

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида бир ансорий киши Абдуллоҳ ибн Зубайр бирлан тошлоқдан оқиб келадиган жилға

сувени талашиб, жанжаллашиб қолишди, чунки иккалалари ўшал жилғадан ўз хурмозорларини суғоришар эрди. Ансорий: «Сувни тўсма, оқиб турсин!» — деди. Зубайр кўнмади. Шунда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Зубайр, хурмоларингни суғоргил-да, кейин кўшнингнинг хурмоларига очиб юбор!» — дедилар. Ансорий ғабланиб: «Бу аммангизнинг ўғли-да!» — деди. Жаноб Расулulloҳнинг ранглари ўзгариб кетди-да: «Эй Зубайр, сувни очгил-да, хурмоларингни то илдиз-илдизига етгунча (икки ҳисса) суғоравер, кейин сувни тусиб кўй!» — дедилар».

Зубайр: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен кўйидаги оятни ана шу воқеа хусусида нозил бўлган, деб ҳисоблайман», — дейдилар: «Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан жанжалларда сизни ҳакам қилмагунларича... зинҳор мўмин була олмаслар» («Нисо» сураси, 65-оят).

8-боб. Аввал сувга энг яқин ер, сўнг ундан кейинги ер суғорилур

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

9-боб. Икки ҳисса суғориш ҳақида

Бу ерда ҳам юқоридаги ҳадис такрорланган.

10-боб. Ўзганинг чанқоғини қондиришнинг фазилати хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир одам йўлда кетаётиб чанқаб қолди-да, бир қудуқни учратиб, унинг ичига тушиб сув ичди. Сўнг, қудуқдан чиқиб, бир итнинг ташналиқдан ҳарсиллаб тупроқ намини ялаётганини кўрди. Шунда у ўзига-ўзи: «Бу ит ҳам мен каби чанқаб қолибди» — деб қудуққа қайта тушди ва маҳсисини сувга тўлдирди-да, қудуқдан чиқиб итга ичирди. Оллоҳ таоло бул амали солиҳи учун унинг гуноҳларини кечирди», — дедилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ҳайвонларга сув ичирсак ҳам, бизга савоб тегурми?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «(Биз суғорадирган) ҳар бир жонзотда биз учун савоб (ажр) мавжуддур», — дедилар».

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ кўёш тутилганда ўқиладирган намозни ўқиб бўлдилар-да: «Менга жаҳаннам шундай яқин келтирилдики, ҳатто мен (унда азобланаётган бир қанча умматларимни кўриб): «Ё Оллоҳ, сен: «Модомики, сиз уларнинг ичида экансиз, улардан бирортасини ҳам азобламасман» — демабмидинг?!» — деб юбордим. Кейин, мушук юзларини тимдалаётган бир аёлга кўзим тушиб: «Бу ким?» — деб сўрадим. Менга: «Бу аёл тириклигида бир мушукни қамаб кўйиб, сув ва овқат бермай, ўлдириб кўйган эрди», — дейишди», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир аёл бир мушукни қамаб кўйиб, очлиқдан ўлдириб кўйгани учун жаҳаннамда азобланди. Оллоҳ таоло ҳақи, у уни қамаб кўйиб, на овқат ва на сув берди, ташқарига чиқиб, бирор жонзотни тутиб ейишига ҳам имкон бермади».

11-боб. Ҳовуз ёхуд меш эгасининг ундаги сувга ўзгалардан ҳақлироқ эканлиги ҳақида

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламга бир идишда сув келтиришиб эрди, ундан бир оз ичдилар. Шунда ўнг томонларида қавмнинг энг ёш йигити, чап томонларида эрса катта ёшдаги эътиборли кишилар ўлтиришган эрди. Жаноб Расулulloҳ йигитга «Қолган сувни катталарга узатсам майлими?» — дедилар. Йигит: «Ё Расулаллоҳ, сиздан тегадирган насибамдан воз кечмасман!» — деди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ идишни унга узатдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним қўлида бўлган зот номи бирлан қасам ичиб айтаманки, бегона туялар қавм ҳовузидан қувилгани каби, мен ҳам ҳавзимдан (Ҳавзи Кавсаримдан мунофик, бидъатчи ва муртад) кишиларни қувиб юборурман!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Исмоил алайҳиссаломнинг оналарини Оллоҳ таоло раҳмат қилсин! Агар ул муҳтарама Замзамга қул теккизмаганларида (ёхуд сувидан олмаганларида), у (Ер юзида) оқиб тургувчи булоқ бўлур эрди», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло Қиёмат куни уч тоифа одамга раҳмат назари бирла қарамас, уларга гапирмас: биринчиси — ортиқча суви була туриб, йўловчига сув бермаган одам. Иккинчиси — имомга (амир, халифага) фақат мол-дунё илинжида байъат қилган одам бўлиб, агар имом унга мол-дунёдан бериб турса, рози, бермаса, норози бўлур. Учинчиси — бозорга молини асрдан кейин олиб келиб: «Якка-ю ягона тангрим ҳақи, бул молимни бир харидор фалон сўмга олмоқчи эрди» — деб (ёлғон) қасам ичгувчи одам бўлиб, бўлак бир харидор унинг қасамига ишонур-да, ул айтган нархга ўшал молни сотиб олур. Оллоҳ таоло (сув бермаган одамга қиёмат куни): «Қўлинг бирлан яратмаган (нарсанинг) эҳтиёжингдан ортиқчасини қизганганинг учун бугун мен ҳам сендан фазлу карамимни дариғ тутурман!» — дер».

12-боб. Қўриқ фақат Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулиники (бўлиб, бирор кимсанинг унга эгалик қилмоққа ҳаққи йўқдур)

Саъб ибн Жассома разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўриқ фақат Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулиники (бўлиб, бирор кимсанинг унга эга чиқиб олмоққа ҳаққи йўқдур)», — дедилар. (Яъни, имом ёки халифа водийлардаги ва тоғлар оралигидаги эгасиз ерларни ҳамда бўз ерларни ўз тасарруфига олади, бундай ерларда жиҳод учун мўлжалланган отлар, туялар ва закотга олинган мол-ҳоллар боқилади)».

13-боб. Дарё (сой, ариқ ва бошқа чучук сув манбаълари)дан инсонларнинг (сув) ичмоғи ва ҳайвонларнинг суғорилмоғи хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «От бир киши учун савоб (ажр), иккинчи киши учун (камбағалликдан) асрагувчи (восита) ва учинчи киши учун гуноҳдур. Оти туфайли савоб олгувчи киши — отини Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ ниятида бирор яйлов ёки боққа боғлаб қўйган киши бўлиб, арқонини узунроқ қилиб боғлаб, ўтлардан бемалол емоғига имкон бергани учун савоб олур, ҳаттоки оти ечилиб кетиб, шаталоқ отиб яйраса ҳам, унинг қолдирган излари ва тезаклари унга савоб келтирур. Башарти от бирор сув бўйига бориб, ундан ичса-ю, эгаси монъелик қилмаса ҳам, савоб бўлур. Оти туфайли (камбағалликдан) нажот топгувчи киши шулким, ул ўз отини тирикчилик учун эгарлаб, топаётган ризқи рўзидан Оллоҳ таоло йўлида садақа қилмоқни унутмас ва шул боис унинг оти (камбағалликдан) асрагувчи

(воситадур). Оти туфайли гуноҳ орттиргувчи киши эрса, мақтаниш, риё учун от боқаётган киши бўлиб, унинг бул иши Ислом аҳлига зид бўлгани боисидан унга гуноҳовардур». Сўнг, Жаноб Расулulloҳдан эшаклар хусусида сўрашди, шунда ул зот: «Оллоҳ таоло менга бул хусусда «Кимки қилибдур зарра вазнича (жониворга) яхшилиқ, (савобини) кўрур ва кимки қилибдур зарра вазнича (жониворга) ёмонлик, (жазосини) кўрур» деган оятдан бўлак ҳеч нарса нозил қилмагандур», — дедилар».

Зайд ибн Холид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб, топилма хусусида суради. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Унинг халтаси бирлан боғичини яхшилаб таниб ол, сўнг бир йил давомида ўша топилма ҳақида одамларга овоза қил, агар эгаси келиб қолса, уни унга қайтариб бер, агар келмаса, уни нима қилсанг, қилавер!» — дедилар. Бояги одам: «Агар қўй йўқолиб қолса-чи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «У сеники ёки биродарингники ёки бўриники», — дедилар. Кейин, у йўқолган туя ҳақида сўраган эрди, Жаноб Расулulloҳ: «У бирлан ишинг бўлмасин, унинг суви ҳам, туёғи ҳам ўзи бирлан, хоҳласа, сув ичур, хоҳласа, янтоқ ер, токи эгаси уни топиб олгунча ўзини-ўзи эплагай», — дедилар».

14-боб. Ўтин ва хашак сотиш ҳақида

Зубайр ибн ал-Аввом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Қўлингизга) арқон олиб, бир боғ ўтин териб сотсангиз, Оллоҳ таоло ул бир боғ ўтин туфайли юзингизни (гадойлик қилиб) шувут бўлмоқдан асраб қолурки, бу — одамларга қўл чўзиб, ҳали улар берадиларми ё йўқми, тиламчилик қилганингиздан яхшидур», — дедилар».

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бадр жанггида қўлга туширилган ўлжалардан бир қари урғочи туя менга берилган эрди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ менга яна бир қари урғочи туя бердилар. Кунларнинг бирида иккала туямни ансорлардан бирининг эшиги олдида чўктирдим, уларга изхир ортиб, (яхудий бўёқчиларга олиб бориб) сотмоқчи ва пулини Фотимага уйланадирган тўйимда сарф қилмоқчи эрдим. Шунда Бану Қайнуқоъ қабиласидан бўлмиш бир бўёқчи ҳам мен бирлан бирга эрди. Эшиги олдида туяларимни чўктирган ансорийнинг уйида Ҳамза ибн Абдулмутталиб ўз улфатлари бирлан арақ ичиб ўлтирган бўлиб, бир ашулачи аёл Ҳамзага ғамза қилиб: «Эй Ҳамза, қари туяларни ҳам сўя олурсизми?!» — дебди. Шунда Ҳамза ўринларидан турибдилар-да, қиличлари бирлан туяларнинг ўрқачини қирқибдилар ҳамда қорнини ёриб, жигарини кесиб олибдилар. Бу манзарани кўриб, даҳшатга тушдим-да, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, ул зотга бўлган воқеани хабар қилдим. Шунда ҳузурларида Зайд ибн Ҳориса ҳам бор эрди. Жаноб Расулulloҳ дарҳол йўлга тушдилар, Зайд ва мен кетларидан эргашдик. Жаноб Расулulloҳ Ҳамза ўлтирган хонага кириб, қилган ишлари учун койий бошладилар. Ҳамза эрсалар Жаноб Расулulloҳнинг юзларига тикилиб туриб: «Сизлар менинг боболаримнинг қулларисиз, холос!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ Ҳамзанинг қаттиқ маст эканликларини англагач, орқаларига тисарилиб, уйдан чиқиб кетдилар. Бу воқеа арақ ҳаром этилмасидан олдин бўлган эрди».

15-боб. Ерларни тақсимлаб бериш ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баҳрайндаги (ўлик) ерларни (ўзлаштириш шарти бирлан ансорларга) тақсимламоқчи бўлдилар. Ансорлар: «Ундай бўлса, бизга қанча тақсимласангиз, муҳожир биродарларимизга ҳам шунча тақсимлангиз!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Мендан кейин, барча имтиёзларга ёлғиз ўзлари эга бўлиб олганларни кўрурсизлар. Мен бирлан (Қиёматда) учрашгунча сабр

қилингизлар!» — дедилар».

16-боб. Тақсимланган ерларни ҳужжатлаб бериш ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баҳрайн фатҳ қилинмасидан бурун ансорларни чақириб, ул ердаги ўлик ерларни уларга бўлиб бермоқчи бўлдилар. Ансорлар: «Ундай бўлса, бизга қанча ерни ҳужжатлаб берсангиз, муҳожир биродарларимизга ҳам шунча ерни ҳужжатлаб берингиз!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Мендан кейин, барча имтиёзларга ёлғиз ўзлари эга бўлиб олганларни кўрурсизлар, мен бирлан (охиратда ёки Ҳавзи Кавсар буйида) учрашгунингизча сабр қилингизлар» — дедилар».

17-боб. Туяни сув буйида (ёки олдига сув қуйиб) соғиш лозимлиги ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Туя сув буйида (ёки олдига сув қуйилган ҳолда) соғилмоққа ҳуқуқлидур», — дедилар».

18-боб. Киши ўзининг (мева туккандан кейин сотган) хурмозорига (ёки боғига) кириб, уни сугориб туришга ҳақлидир

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки мева туккан хурмозорини сотган бўлса, унинг ўша йилги ҳосили, агар харидор бул ҳақда шартлашмаган бўлса, сотган кишиникидур. У ўша йилги ҳосилни териб олгунга қадар ул хурмозорга кириб, уни сугориб туришга ҳақлидур. Ва кимки моли бор қулини сотган бўлса, унинг моли, агар харидор бул ҳақда шартлашмаган бўлса, сотган кишиникидур», — дедилар».

ҚАРЗ ОЛИШ. ҚАРЗНИ УЗИШ ҲАМДА (АТАЙЛАБ) ҚАРЗНИ УЗМАЙ (БИРОВНИ) СИНДИРИШ ҲАҚИДА

1-боб. Ёнида пули бўлмаган кишининг қарзга нарса сотиб олгани ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазотга чиқдим. Шунда туям имиллаб келаётган эрди, Жаноб Расулulloҳ ортимдан етиб келиб: «Туянгни менга сотмайсанми?» — дедилар. Мен рози бўлиб, уни ул зотга сотдим. Мадинага етиб келганимизнинг эртасига туяни Жаноб Расулulloҳга олиб бордим, ул зот менга унинг ҳақини туладилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир яҳудийдан маълум муддатга қарзга таом (арпа) сотиб олдилар-да, темир совутларини унга гаровга қолдирдилар».

2-боб. Одамларнинг молини уларга қайтариб бериш ёхуд талофат (зарар) етказиш ниятида олгувчи кишилар хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки одамларнинг молини уларга қайтариб бериш ниятида олса, Оллоҳ таоло ул кишига (ниятининг яхшилиги боисидан) ўз фазлу карамини бисёр қилур ва кимки (одамларнинг молини) уларга талофат (зарар) етказиш ниятида олса, Оллоҳ таоло ул кишига (ниятининг ёмонлиги боисидан) талофат етказиб, (ризқи рўзини бебарака қилур ва Қиёматда азоблар)».

3-боб. Қарзларни узиш ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ омонатларни ўз эгаларига қайтармоғингизни ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат бирлан ҳукм қилмоғингизни буюрур, Оллоҳ сизларга энг яхши панд-насихатлар қилур. Албатта, Оллоҳ эшитиб ва кўриб тургувчи зотдур» («Нисо» сураси, 58-оят).

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (келаётган) эрдим. Ул зот Уҳуд тоғини кўриб: «Ё Абу Зарр, шу тоғнинг мен учун тиллага айланмоғини ва унинг бир динорининг ҳам қўлимда уч кечадан ортиқ қолмоғини истамасман! Борди-ю, унинг бир динори қолса, уни ҳам қарзимга тўлаган бўлардим», — дедилар. Сўнг: «Мол-дунёси кўплар — савоб жиҳатидан қашшоқдурлар. Аммо, ўз мол-мулкини Оллоҳ таоло йўлида (муҳтож) одамларга хайру эҳсон қилгувчилар бундан мустасно» — деб айтдилар. Кейин, менга: «Қайтиб келгунимча, жойингдан жилма!» — деб нарироқ кетдилар. Бир оздан сўнг, мен бир товушни эшитиб, хавотир олганимдан олдиларига бормоқчи бўлдим, аммо «Қайтиб келгунимча, жойингдан жилма!» деганлари ёдимга тушиб, бормадим. Жаноб Расулulloҳ қайтиб келганларида: «Ё Расулаллоҳ, мен қандайдир товуш эшитдим», — дедим. Ул зот: «Сен эшитдингми?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Жаброил алайҳиссалом ҳузуримга келиб: «Умматингиздан кимки Оллоҳга ширк келтирмай дунёдан ўтса, жаннатга кирур», — дедилар. Шунда мен: «Агар ундай ва бундай (яъни, зино ва ўғрилик) қилган бўлса ҳамми?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа» — деб жавоб бердилар», — дедилар».

4-боб. Қарзга туя олиш хусусида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Жаноб Расулulloҳга қарзга туя берган эрди. Кейин, уни талаб қилаётиб қўполлик қилди. Шунда саҳобалар унинг адабини бериб қўймоқчи бўлишиб эрди, Жаноб Расулulloҳ уларни тўхтатиб: «Мол эгаси гапиришга ҳақлидур», — дедилар-да, унга бир туя бериб юборишни буюрдилар. Аммо, саҳобалар: «Ул сизга берган туядан ёши қаттароқ туя топа олдиқ, холос»,— дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Ёши катта бўлса ҳам, бериб юбораверингизлар, чунки сизларнинг яхшиларингиз — ўз қарзини! (вақтида) адо этганингиздир!» — дедилар».

5-боб. Қарздорларга инсоф қилмоқликнинг фазилати ҳақида

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир одам вақти-соати етиб дунёдан ўтди. Шунда унга: «Ҳаётлик вақтингда қандай хайрли иш қилгансан?» — дейилди. «Одамлар бирлан савдо-сотик қилар эрдим. Шунда қарзни узишга қурби етадирган, (аммо вақтинча узолмай турган) кишига муҳлат берар, ночорнинг эрса қарзини кечиб юборар эрдим», — деди. Шул боис Оллоҳ таоло унинг гуноҳидай ўтди».

6-боб. Ёш туянинг ўрнига ёши каттароқ туя берса, бўладими?

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига қарзга берган туясини талаб қилиб келди. Шунда Жаноб Расулulloҳ саҳобаларга: «Унга бир туя бериб юборингизлар!»— дедилар. Улар: «Биздаги туялар ул берган туядан ёши каттароқ эркан», — дейишди. Бояги одам: «Менга вафо қилингиз, Оллоҳ сизга вафо қилур!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўшал ёши катта туяни унга бериб юбораверингизлар, чунки сизларнинг яхшингиз — қарзини (вақтида зиёда қилиб) ўзганингиздур!» — дедилар».

7-боб. Қарзни зиёда қилиб узиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда эканликларида ҳузурларига кирдим, шунда зуҳро намози вақти эрди. Жаноб Расулulloҳ менга: «Икки ракъат намоз ўқи!» — дедилар. Сўнг ул зот мендан қарз эрдилар, қарзларини зиёда қилиб уздилар».

8-боб. Бир нарса бирлан берилган қарзни бошқа нарса бирлан узмоқ ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Отам Уҳуд ғазотида шаҳид бўлдилар. Кейин, ул кишининг бўйинларида қолган қарзни қарз берган кишилар талаб қилиб келди. Мен не қиларимни билмай, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келдим. Ул зот уларга: «Отасининг қарзи эвазига хурмо ола қолинглар!» — деб илтимос қилдилар. Аммо, улар хурмозоримнинг ҳосили қарзни узишга камлик қилишини айтиб), кўнишмади. Ўшал куни Жаноб Расулulloҳ уларга хурмозоримдан бир дона ҳам хурмо бермадилар-да: «Эртага хурмозорда учрашамиз» — деб қайтиб кетдилар. Сўнг, эртасига хурмозоримга келиб, уни бир айланиб чиқдилар, ҳосилига барака тилаб дуо қилдилар. Кейин, мен хурмоларни узиб, отамнинг қарзларини уздим, ўзимизга ҳам талайгина хурмо ортиб қолди».

9-боб. «Мени қарздор бўлиб қолмоқдан асрагил!» деб Оллоҳ таолога елбормоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам намозда: «Гуноҳ ишлардан ва қарздор бўлмоқдан ўзинг сақла!» — деб Оллоҳ таолога илтижо қилур эрдилар. Бир куни саҳобалардан бири: «Ё Расулаллоҳ, сиз нечун «Қарздор бўлмоқдан ўзинг сақла!» деб илтижо қилурсиз?» — деб сўраганда, ул зот: «Агар инсон қарздор бўлиб қолса, (ноилож) ёлғон гапириши ва ваъдага хилоф қилиши мумкин», — дедилар».

10-боб. Қарз қолдирган маййитга жаноза ўқиш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ўзидан кейин мол-дунё Қолдирса, у меросхўрлариники ва кимки етим-есир қолдирса, У бизники» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ҳар бир мўмин учун бу дунёда ҳам, охиратда ҳам энг яқин (ғамхўр) одамман. Агар хоҳласангиз, «Набий мўминларга уларнинг ўзларидан ҳам яқин (ғамхўр)дур» деган оятни ўқингизлар! Қайси бир мўмин вафот этиб, мол-дунё қолдирса, у меросхўрлариники ва қайси бир мўмин вафот этиб, қарз ёки етим-есир қолдирса, (қарз берган киши менинг) олдимга келсин, (қарзни мен узурман) ва етим менинг олдимга келсин, унга мен ҳомийлик қилурман», — дедилар».

11-боб. Қарзини тулашга қодир одамнинг уни атайлаб тўламай юриши қарз берган одамга қилинган зулмдур!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қарзини тўлашга қодир одамнинг уни атайлаб тўламай юриши қарз берган одамга қилинган зулмдур!» — дедилар».

12-боб. Мол эгаси гапиришга ҳақлидур

Бу ерда 4-бобдаги ҳадис такрорланган.

13-боб. Қимки синган (иши юришмай, қашшоқлашиб қолган) одамдан қарзга ёки сотувга берган ёхуд омонат топшириб қўйган молини топса, уни қайтариб олишга бошқалардан ҳақлироқдур

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки синган (иши юришмай, қашшоқлашиб қолган) одамдан ўз молини бутун (омон) ҳолда топса, ул уни қайтариб олишга бўлақлардан ҳақлироқдур», — дедилар».

14-боб. Ким қарзини талаб қилиб келган одамни «Эртага келгил!» деб қайтарди ва буни қарз узиш муддатини атайлаб кечиктириш, деб ҳисобламади?

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Отамга қарз берган кишилар қарзларини қистаб келишди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга хурмозорим ҳосилини олишни таклиф қилдилар. Лекин, улар (кам, деб) кўнишмади. Ушал куни Жаноб Расулulloҳ уларга хурмозордан бирорта ҳам хурмо бермадилар-да: «Эртага эрталаб келурман», — дедилар. Сўнг, ул зот эртаси куни тонгда хурмозоримга келиб унинг мевасига барака тиладилар. Кейин, мен хурмоларни териб отамнинг қарзларини уздим».

15-боб. Ким синган (қашшоқлашиб қолган) одамнинг молини сотиб, пулини унга қарз берган кишиларга бўлиб берди ёхуд кунига яратсин, деб унинг ўзига топширди?

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам ўз қулига: «Мен ўлганимдан кейин, озодсан!» - деди. (Аммо, у тез орада қашшоқлашиб, ўшал қулнинг қийматига муҳтож бўлиб қолди). Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўшал қулни мендан ким сотиб олур?» — дедилар. Уни Нуъайм ибн Абдуллоҳ сотиб олди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ пулни қулнинг эгасига бердилар».

16-боб. Агар маълум муддатга қарз бериб турса, (жоиздур)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бану Исроилга мансуб бир киши Бану Исроилга мансуб бошқа бир кишидан қарз сўраб эрди, у унга маълум муддатга қарз берди», — дедилар».

17-боб. Қарздорнинг ёнини олиб, унинг бўйнидаги қарзнинг камайтирилмоғини сўрамоқ ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Абдуллоҳ шаҳид бўлиб, бир неча фарзанд ва қарз қолдирдилар. Мен қарз берган кишилардан қарзларини бир оз енгиллатишларини илтимос қилдим. Аммо, улар кўнишмади. Сўнг, мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб, отамга қарз берганларни инсофга чақирмоқларини илтимос қилдим. Лекин, улар ул зотнинг сўзларини ҳам инobatга олишмади. Шунда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Хурмоларингни териб, ҳар бир навини алоҳида-алоҳида хирмон қилиб қуй, сўнг қарз берганларни ўша ерга тўплагил-да, мен келгунимча кутиб тур!» — дедилар. Мен айтганларидек қилдим. Кейин, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб, (энг катта) хирмоннинг тепасига ўлтирдилар-да, ҳар бир қарз эгасига хурмо ўлчаб бера бошладилар. Ниҳоят, барча қарз эгаси ўз улушини олди. Шунда ҳам хурмоларим ҳеч қўл урилмагандек, шундайлигича турарди.

Бир куни мен Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазотга чиқдим. Шунда қудуқдан сув тортадирган туямизга миниб олган эрдим. Туям жуда имиллаб юрганидан, кўпчиликдан орқада қолиб кетдим. Жаноб Расулulloҳ етиб келиб, қўлларидаги таёқ бирлан туямнинг орқасига ниқтадилар, туям шитоб бирлан илгарилаб кетди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «Уни менга сотгил, Мадинага етгунингча ўзинг миниб бораверасан», — дедилар. Мадинага етай деганимизда, уйга тезроқ боришга ошиқиб: «Ё Расулаллоҳ, мен янги куёвман, уйга тезроқ бормасам бўлмайди», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Кимга уйландинг, бокирагами, жувонгами?» — дедилар. Мен: «Жувонга уйландим. Чунки, отам шаҳид бўлиб, менга сингилларимни ташлаб кетдилар. Шул боис уларга қараб, сочини тараб, адаб ўргатар, деб турмуш кўрган аёлга уйландим», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Аёлингни олдига тезроқ бор!» — дедилар. Уйга келгач, туяни сотганимни тоғамга айтиб эрдим, ул киши мени койидилар. Шунда мен туянинг чарчаб, имиллаб қолганини, Жаноб Расулulloҳ уни калтак бирлан ниқтаганларини, сўнг у югуриб кетганини айтдим. Жаноб Расулulloҳ Мадинага етиб келганларининг эртасига туяни етаклаб ҳузурларига бориб эрдим, ул зот туянинг пулини ҳам, ўзини ҳам, шунингдек ғазотда олинган ўлжалардан улушимни ҳам бердилар».

18-боб. Молни исроф қилишдан ҳамда савдо-сотикда алдамчилик қилишдан қайтариш ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ бузғунчиликни ёқтирмас». Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ бузғунчиларнинг ишини ўнгламас».

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Шуъаибнинг қавми киноя бирлан): «Эй Шуъайб, ўқиётган намозинг сенга ота-боболаримиз сиғиниб келаётган бутларни тарк этмоғимиз лозимлигини ёхуд ўз мол-мулкимизни ўзимиз истаганча сарф қилмаслигимиз даркорлигини буюраётгандур-а?» — деди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Жаноб Расулulloҳга шикоят қилиб: «Доим савдо-сотикда алданиб қоламан», — деди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Савдолашаётганингда «Савдо-сотикда алдаш ҳаромдур!» деб айтгил!» — дедилар. Шундан кейин, ўшал одам савдолашаётганида шундай дейдирган бўлди».

Мутийра ибн Шуъба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло (ота-) оналарга итоатсизлик қилмоғингизни, янги туғилган қизалоқларни тириклайин кумиб юбормоғингизни ҳаром этди ва сизларга бировларнинг ҳақини ейишни, ифво қилишни, кўп савол беришни ҳамда молни исроф қилишни манъ этди».

19-боб. Қўл хожасининг молига масъул бўлиб, фақат унинг изни бирлангина иш тутур

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагиларга етакчи ва масъулдурсиз. Имом ўз қўл остидагиларга етакчи ва масъулдур. Эркак оиласида ўз қўл остидагиларга ҳомий ва масъулдур. Аёл эрининг уйида ўз қўл остидагиларга ҳомий ва масъулдур. Хизматкор хўжайинининг мол-мулкига ҳомий ва масъулдур».

Мен юқоридагиларни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларидан эшитдим ва менимча ул зот: «Эркак (яъни, ўғил) ўз отасининг мол-мулкига ҳомий ва масъулдур, ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагиларга етакчи (ҳомий) ва масъулдурсиз» — деб ҳам айтиб эрдилар».

ХУСУМАТЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Ўзаро тортишиш (ихтилоф) ҳақида ҳамда мусулмон бирлан яҳудий ўртасидаги хусумат хусусида

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Мен бир кишининг бир оятни Жаноб Расулulloҳдан эшитганимдан кўра бошқача усулда ўқиётганини эшитдим-да, уни қўлидан ушлаб ул зотнинг ҳузурларига олиб келдим. Жаноб Расулulloҳ (ўшал оятни бизга ўқиттириб кўргач): «Иккаловингиз ҳам тўгри ўқидингиз, бир-бирларингиз бирлан ихтилоф қилмангизлар, чунки сизлардан олдингилар ўзаро ихтилоф қилганлари учун ҳалок бўлганлар», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир мусулмон бирлан бир яҳудий жанжаллашиб (айтишиб) қолишди. Мусулмон: «Муҳаммадни барча оламлардан афзал қилган зот ҳақи!» — деди, яҳудий эрса: «Мусони барча оламлардан афзал қилган зот ҳақи!» — деб айтди. Шунда мусулмон яҳудийнинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Сўнг, яҳудий шу ҳақда Жаноб Расулulloҳга шикоят қилди. Жаноб Расулulloҳ мусулмонни чақириб, бўлган воқеани аниқлаганларидан кейин: «Мени бошқа пайғамбарлардан устун қўймангизлар. Дарҳақиқат, Қиёмат куни одамлар (сур овозидан) беҳуш бўлиб йиқилгайлар. Кейин, мен биринчи бўлиб ўзимга келгайман. Шунда Мусо алайҳиссаломнинг Арш устунларидан бирини ушлаб турганларини кўргайман, аммо мендан илгари ўзларига келганмилар ёким Оллоҳ таоло ул кишига сур овозидан беҳуш бўлишни истисно этганми, буни билмагайман», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир яҳудий Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Абулқосим, саҳобаларингиздан бири юзимга урди», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ким?» — дегандилар, у: «Бир ансорий» — деб жавоб берди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «Ўшал ансорийни чақириб келингизлар!» — деб буюрдилар. Ул кишини чақириб келишгач, ул зот: «Нега буни урдинг?» — дедилар. Ансорий: «Мен бунинг бозорда «Мусони барча инсониятдан афзал қилган зот ҳақи!» — деганини эшитиб: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳамми?» — дедим-да, ғазабим қўзғанидан уни бир шапалоқ урдим». — дедилар. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Пайғамбарларни бир-бирларидан устун қўймангизлар. Дарҳақиқат, Қиёмат куни одамлар (сур овозидан) беҳуш бўлиб йиқиладилар. Сўнг, ер узидан ажратиб юборадиган биринчи одам мен бўлгайман. Шунда Мусо алайҳиссаломнинг Арш устунларидан бирини ушлаб турганларини кўргайман. Аммо ул киши ҳушидан кетганлар орасида бормидилар ё йўқмидилар еким Оллоҳ таоло ўз орази нуруни тоққа туширганда беҳуш бўлиб йиқилганлари учун бу сафар беҳуш қилмаганми, буни билмагайман», — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир яҳудий бир чўрининг бошини икки тош орасига олиб мажақлади. Жаноб Расулulloҳ чўридан: «Ким сени бул ҳолга солди? Фалончими ё фалончими?» — деб сўрайвердилар, охири ўшал яҳудийнинг номини айтганларида, чўри боши бирлан «Ҳа» деган маънода ишора қилди. Сўнг, ўшал яҳудий тутиб келинди. У айбини бўйнига олгач, Жаноб Расулulloҳ буюрдилар, боши икки тош орасига олиниб, мажақланди».

2-боб. Ўзаро хусуматлашгувчилар ҳақида

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир мусулмоннинг молини тортиб олмоқ мақсадида ёлғон қасам ичса, Оллоҳ таоло уни (Қиёмат куни) ғазаб бирлан қарши олур», — дедилар. Ашъас бундай деб эрдилар: «Бу ҳадис

менга тааллуқлидур. Чунки, мен бир яҳудий бирлан бир ерни талашиб қолган эрдим. Ўшанда у ул ернинг меники эканлигини рад этган эрди. Сўнг, мен уни Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб борган эрдим. Жаноб Расулulloҳ менга: «Далилинг борми?» — деб эрдилар. Мен: «Йўқ», — деган эрдим. Жаноб Расулulloҳ яҳудийга: «Ул ҳолда сен қасам ич!» — деб айтиб эрдилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, ёлғон қасам ичиб, менинг молимни ўзиники қилиб олаверади-да!» — деб эрдим. Шунда Оллоҳ таоло: «Оллоҳга берган аҳду паймонлари бирлан қасамларини арзимас матоҳга алмаштиргувчилар...» деган оятни нозил қилган эрди».

Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Молик ривоят қиладилар: «Каъб разияллоҳу анҳу масжидда Ибн Абу Хидраддан қарзларини талаб қилдилар. Иккалаларининг жанжаллашгандаги овозларини Жаноб Расулulloҳ уйларида ўлтириб ҳам эшитдилар. Жаноб Расулulloҳ уйлари эшигининг пардасини очиб, уларнинг ошига чиқдилар-да: «Эй Каъб!» — деб чақирдилар. Каъб: «Лаббайка, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ ул кишига: «Берган қарзингнинг бир қисмидан кеч!» — дедилар-да, қўллари бирлан «ярмини» деган маънода ишора қилдилар. Каъб: «Бош устига!» — дедилар. Сўнг, ул зот Ибн Абу Хидрадга: «Тур, қарзингни уз!» — дедилар».

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни мен Ҳишом ибн Ҳаким ибн Ҳизомнинг «Фурқон» сурасини Жаноб Расулulloҳ менга ўргатган услубдан бўлакча услубда қироат қилаётганини эшитиб, унга дарҳол танбиҳ бермоқчи бўлдим-у, аммо ўқиб бўлгунича ўзимни тийдим. Сўнг, уни чопонининг ёқасидан ушлаганча Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб бордим-да: «Мен бунинг сиз менга ўргатган услубдан бўлакча услубда қироат қилаётганини эшитдим», — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ менга: «Уни қўйиб юбор!» — дедилар. Ксйин, унга: «Ўқи!» — деб айтдилар. У ўқигач: «(Бул сура) шул услубда нозил қилинган», — дедилар. Сўнг, менга: «Сен ҳам ўқи-чи!» — деб буюрдилар. Мен ўқигач: «(Бул сура) шул услубда (ҳам) нозил қилинган. Чунки, Қуръон етти услубда (қироат қилинадирган қилиб) нозил қилингандур. Улардан қайси услуб ўзингизга осон бўлса, ўшал услубда қироат қилаверингизлар!» — дедилар».

3-боб. Итоатсиз ва хусуматчиларни, айблари исботлангач, уйлардан чиқариб юбориш ҳақида

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг сингилларини (азада) дод солиб йиғлагани учун уйдан чиқариб юборганлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Одамларни намозга келмоққа буюрсам-у, сўнг келмаганларнинг уйларига бориб, устларидан ўт қўйиб юборсам!» — дейман».

4-боб. Маййитнинг (фарзандига) васийлик қилгувчи кишининг даъвоси ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Абд ибн Замъа ва Саъд ибн Абу Ваққос Замъа чўрисининг ўғли хусусида жанжаллашиб, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишди. Шунда Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бу акамнинг ўғли бўлиб: «Агар мен дунёдан ўтсам, унга васийлик қилгил!» — деб менга васият қилганлар» — деди. Абд ибн Замъа эрса: «Бу менинг укам ва отамнинг чўриларининг ўғли бўлиб, ул кишининг тўшакларида бино бўлган», — деди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Саъднинг акаси бирлан бола ўртасидаги ўхшашликни кўриб: «Эй Абд ибн Замъа, бу (бола) сенга, зеро фарзанд тўшак соҳибиникидур (чўрининг эгасиникидур)» — дедилар. Сўнг, Савда бинти Замъага: «Бу болани ўзингизга номаҳрам билгил!» — дедилар».

5-боб. Ёмонлик қилишидан хавотир олинган одамни (синаб кўриб, дилида ёмонлиги йўқ эканлигига) ишонч ҳосил қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажд тарафга бир қанча отлиқларни юбордилар. Улар Бану Ҳунайфа қабиласига мансуб бўлмиш бир қишини тутиб келишди. Унинг исми Самома ибн Усол бўлиб, Йамома аҳлининг улуги эрди. Кейин, уни масжид устунларидан бирига боғлаб қўйишди. Жаноб Расулуллоҳ унинг олдига чиқиб: «Эй Самома, дилингда не бор?» — дедилар. У: «Эй Мухаммад, дилимда яхшилик бор», — деди. (Жаноб Расулуллоҳ бул саволларини уч кун давомида уч бор такрорладилар, у ҳар гал ўша жавобни берди). Сўнг, ул зот: «Самомани қўйиб юборингизлар!» — дедилар. (Кейин, у мусулмон бўлди)».

6-боб. Ҳарамда (масжидда) душманни боғлаб қўйиш ва ҳибс қилиш ҳақида

Бу ерда 5-бобдаги ҳадис такрорланган.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

1-боб. Қарзни қисташ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Молик ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳидрад ал-Асламийга қарз берган эрдилар. Бир куни Абдуллоҳни (масжидда) учратиб, қарзларини қистадилар. Шунда иккалалари баланд овоз бирлан тортиша бошлашди. Жаноб Расулуллоҳ уларнинг овозини эшитиб, (ҳужраларидан) чиқдилар-да: «Эй Каъб, қарзингнинг ярмидан кеч!» — дедилар. Каъб рози бўлдилар-да, қарзларининг ярмини олиб, ярмидан кечдилар».

2-боб. Бировдаги қарздан бутунлай воз кечмоқ ҳақида

Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен жоҳилият даврида темирчилик қилар эрдим. Ос ибн Воил мендан бир қанча дирҳам қарз бўлиб қолган эрди. Бир куни унинг олдига бориб, қарзимни талаб қилиб эрдим, у менга: «Токи Муҳаммадга куфр келтирмас эркансан, мендаги қарзингни бермасман!» — деди. Мен унга: «Оллоҳ таоло ҳақи, Оллоҳ таоло сенинг жонингни олиб, қайта тирилтурғунига қадар ҳам Муҳаммад (алайҳиссалом)га куфр келтирмасман!» — дедим. У: «Ундай бўлса, ўлиб, қайта тирилгунимга қадар кут! Ул дунёда ҳам менга мол-дунё ва бола-чақа ато этилур, қарзимни ана ўшанда узурман», — деди. Шунда Оллоҳ таоло «(Эй Муҳаммад), Бизнинг оятларимизга куфр келтириб, «Менга ул дунёда ҳам мол-дунё ва бола-чақа берилур» дегувчи кимсани кўрдингизми?! деган оятни нозил қилди.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

ТОПИЛМАЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

Топилма, агар эгаси унинг белгиларини аниқ айтса, ўзига қайтариб берилур.

Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ичида юз динар бор бир ҳамён топиб олдим-да, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳамён топиб олганингни бир йил давомида эълон қил!» — дедилар. Мен айтганларидек, ҳамён топиб олганимни эълон қилдим, аммо унинг эгасини топмадим. Сўнг, ул зотнинг ҳузурларига (яна) бордим. Шунда Жаноб Расулulloҳ (яна): «Ҳамён топиб олганингни бир йил давомида эълон қил!» — деб айтдилар. Мен ҳамён топиб олганимни яна эълон қилдим, аммо (бу сафар ҳам) унинг эгасини тополмадим. Кейин, учинчи марта ул зотнинг ҳузурларига бордим. Жаноб Расулulloҳ (бу гал): «Топилманинг халтаси бирлан боғичи қанақа эканлигини, ичидаги пул қанчалигини ёдингда сақла, агар эгаси келса, қайтариб бер, акс ҳолда ундан ўзинг фойдаланавер» — дедилар. Сўнг, мен ундан фойдаландим».

1-боб. Йўқолиб қолган туя ҳақида

Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний ривоят қиладилар: «Бир бадавий Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан топилма ҳукми ҳақида сўраб эрди, ул зот: «Уни бир йил давомида (жамоат жойларида) маълум қилиб тур, сўнг унинг боғичи, халтаси ва ичидаги пулни ёдингда сақла. Агар биров келиб, унинг белгиларини аниқ айтса, қайтариб бер, акс ҳолда ундан ўзинг фойдаланавер!» — дедилар. Шунда бояги бадавий: «Ё Расулаллоҳ, агар бир қўй топиб олсам-чи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Уни олавер, чунки сен олмасанг, бирорта биродаринг олур ёки бўрига ем бўлур», — дедилар. Кейин, бояги бадавий яна: «Ё Расулаллоҳ, агар туя топиб олсам-чи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг бул саволидан дарғазаб бўлиб: «Туя бирлан ишинг бўлмасин, эгаси топилгунча унинг еб-ичгулиги ўзи бирлан!» — дедилар».

2-боб. Йўқолиб қолган қўй ҳақида

Бу ерда 1-бобдаги ҳадис такрорланган.

3-боб. Топилма, агар эгаси бир йил давомида топилмаса, топиб олган кишиникидур (яъни, у ундан фойдаланади, аммо эгаси топилса, қайтариб беради)

Бу ерда ҳам 1-бобдаги ҳадис такрорланган.

4-боб. Агар киши денгиздан ёғоч топиб олса ёхуд қамчи ва шу каби нарса топса...

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бировга қарз берган бир яҳудий ҳақидаги ҳадиси шарифларини айтаётиб бундай дедилар: «Ўшал одам «Мендан қарз олган киши шояд бирор кемада қарзини олиб келган бўлса!» деган ўй бирлан денгиз соҳилига бориб эрди, сув бетида қалқиб турган бир ёғочга кўзи тушди. Сўнг, у «ўтинга яраб қолар» дея уни уйига олиб келиб, арралаб эрди, ичидан ўз номига битилган хат бирлан қарзга берган пули чиқди».

5-боб. Агар киши йўлдан бир дона хурмо топиб олса...

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйимга келганимда тўшагимга тушиб қолган бир дона хурмони кўраман-у, емоқчи бўлиб оламан, аммо, кейин «Бу садақа бўлса-чи?» деган ўй бирлан уни отиб юбораман», — дедилар».

6-боб. Макка аҳлининг топилмаси (йўқолган нарсаси топиб олингани ҳақида) қандай маълум қилинур?

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Макка аҳлининг топилмасини (топиб олингани ҳақида бир йил давомида уч бор) маълум қилгувчи кишининггина олмоғи жоиздур, — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга Маккани фатҳ қилиб берганда, ул зот одамлар ўртасида туриб Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар, сўнг: «Оллоҳ таоло асҳобул-филни Маккага қўймаган эрди, (бугун эрса) ўз Расули ва мўминларни унга ҳукмрон қилди. Маккада уруш қилмоқ мендан олдин ҳеч кимга рухсат қилинмаган бўлиб, менга кундузи бир соатгина уруш қилишга изн берилди, холос, мендан кейин ҳам бу ерда уруш қилиш бирор кишига ижозат қилинмас. Бул ерда ов қилинмас, бул ернинг ўт-ўланлари юлинмас, бул ерда йўқотилган нарсани топиб олинганини маълум қилгувчи кишигина олур. Бирор кимсаси ўлдирилган одам икки нарсадан бирини танлар, ё хун талаб қилур ёки қасос олур», — дедилар. Шунда Ибн Аббос: «Ё Расулаллоҳ, биз изхирни уйларимиз ва қабрларимизда ишлатамиз-ку?!» — деб эрдилар, ул зот: «Изхирдан бошқасини юлмангиз!» — дедилар. Сўнг, Абу Шоҳ исмли бир яманлик ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, ушбу гапларингизни менга ёзиб берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Шоҳга ёзиб берингизлар!» — деб буюрдилар. Мен Ал-Авзоийдан: «Менга ёзиб берингиз, ё Расулаллоҳ, деганда у нимани назарда тутган?» — дедим. У: «Жаноб Расулulloҳдан эшитган мазкур хутбани», — деди».

7-боб. Бировнинг соғин ҳайвони эгасининг рухсатисиз соғилмасин!

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч ким бировнинг соғин ҳайвонини эгасининг рухсатисиз соғмасин! Бирортангиз ўз ичимлик манбаингизнинг бировнинг қўлига ўтмоғини, (яъни) хазинангиз (эшиги)нинг синдирилиб, бойлигингизнинг олиб кетилмоғини истайсизми? Дарҳақиқат, одамларнинг соғин ҳайвонлари елини улар учун ризқи рўз манбаидур. Шул боис ҳеч ким бировнинг соғин ҳайвонини эгасининг рухсатисиз соғмасин!» — дедилар».

8-боб. Топилма, гарчи эгаси бир йилдан кейин келса ҳам, қайтариб берилур, чунки у йўқотган кишининг топиб олган кишидаги омонатидур!

Бу ерда 1-бобдаги ҳадис такрорланган.

9-боб. Киши топилмани увол бўлмасин, бирор виждонсиз одамнинг қўлига тушмасин, деб олиб қўйса, жоизми?

Сувайд ибн Фафла ривоят қиладилар: «Мен Салмон ибн Рабийъа ва Зайд ибн Савҳон бирлан бирга ғазотда эрдим. Шунда бир қамчи топиб олиб эдим, ҳамроҳларимдан бири менга: «Уни ташлаб юбор!» — деди. Мен: «Йўқ, ташламайман, эгаси топилса, қайтариб бераман, акс ҳолда ўзим ишлатиб юравераман», — дедим. Сўнг, биз Мадинага қайтиб келганимизда топиб олинган нарса хусусида тортишиб қолдик. Шул боис мен Убай ибн Каъбдан топилма ҳақида сўрадим.

Убай ибн Каъб бундай деб жавоб қилдилар: «Бир куни мен Жаноб Расулуллоҳнинг даврларида ичида юз динор пули бор ҳамён топиб олиб, уни ул зотнинг ҳузурларига олиб бордим. Жаноб Расулуллоҳ: «Буни топиб олганинг ҳақида бир йил давомида 1 маълум қил!» — дедилар. Мен уни топиб олганим ҳақида бир йил давомида маълум қилдим. Сўнг, ул зотнинг ҳузурларига бордим. Ул зот (яна): «Уни топиб олганинг ҳақида бир йил давомида маълум қил!» — дедилар. Мен (яна) бир йил давомида уни маълум қилдим. Кейин, (яна) ул зотнинг ҳузурларига бордим. Ул зот (яна): «Уни бир йил давомида маълум қил!» — дедилар. Мен (яна) бир йил давомида уни маълум қилдим. Сўнг, ул зотнинг ҳузурларига тўртинчи марта бордим. Шунда ул зот: «Унинг ичидаги пулнинг қанчалигини, халтаси ва боғичининг қандайлигини эслаб қол, агар эгаси келса, қайтариб бер, акс ҳолда ундан ўзинг фойдаланавер!» — дедилар».

Салама (юқоридаги ҳадис хусусида) бундай дейдилар: «Кейин, мен Убай ибн Каъбни Маккада учратдим. У менга: «Топилмани уч йил давомида эълон қилиб турадимми ё бир йил давомидами, буни билмайман» — деб айтди».

10-боб. Ким топилма ҳақида (одамларга) маълум қилди-ю, аммо уни ҳукмдорга топширмади?

Бу ерда 9-бобдаги ҳадис такрорланган.

11-боб.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни мен сафарда қўйлар подасини ҳайдаб кетаётган бир чўпонни кўриб қолиб: «Сен кимнинг чўпонисан?» — деб сўрадим. Шунда у Қурайш бойларидан бирининг номини айтиб эрди, мен уни танидим. Сўнг, чўпонга: «Қўйлар ичида совлиғи борми?» — дедим. У: «Ҳа» — деб жавоб берди. Мен унга: «Бирортасини соғиб беролмайсанми?» — дедим. У: «Майли», — деди-да, бир совлиқни ушлаб, боглаб қўйди. Мен унга: «Унинг елинини (артиб), қўлларингни ҳам тозала!» — дедим. У қўйнинг елинини артиб, қўлларини ҳам бир-бирига уриб тозалади, сўнг бир идишга сут соғиб келди. Мен совисин, деб сутга бир оз сув қўшдим-да, сўнг уни Жаноб Расулуллоҳга: «Ичинг, ё Расулаллоҳ!» — деб узатдим. Ул зот уни) ичдилар, мен эрсам бундан мамнун бўлдим».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

ЗУЛМКОРЛИК ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Жабр-зулм ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан ғофил, деб ўйламангиз! Дарҳақиқат, Оллоҳ уларга (бериладирган жазони) кўзлар (даҳшатдан) хиралашиб, бақрайиб қоладирган (Қиёмат) кунига қолдирмоқдаки, (ул куни) улар бошларини юқори қилган ҳолларида (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) югурурлар. Кўзлари бир тарафга тикилганча, диллари эрса (ақл, фаҳм ва умид деган нарсалардан бутунлай) бўшаб қолур. (Эй Муҳаммад), одамларни огоҳ қилингики, уларга азоб келар кунда золим кимсалар: «Парвардигоро, бизга бир оз муҳлат бергил, (яъни бизни дунёга қайтариб, бир оз яшамоғимизга имкон бергил, биз албатта) Сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва юборган элчиларингга эргашурмиз» — дерлар...» («Иброҳим» сураси, 42-48-оятлар).

2-боб. Золимлардан ўч олиниши ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мўминлар дузах (устига солинган кўприк)дан қутилишгач (омон-эсон утиб олишгач), жаннат бирлан дўзах (устига солинган ўшал кўприк) оралигидаги қантарада (баланд жойда) тўхтатилурлар. Шунда улар бу дунёда бир-бирларига қилган зулмлари учун ўзаро уч олиб, гинакудуратлардан фориг бўлиб олурлар, сўнг уларга жаннатга киришга ижозат берилур. Муҳаммаднинг жони қўлида бултан зот номи бирлан қасамёд қиламанки, улар бу дунёдаги уйларида кўра жаннатдаги жойларини тезроқ топиб олурлар».

3-боб

Оллоҳ таолонинг қавли: «Бундай золимларга Оллоҳнинг лаънати бўлур»

Сафвон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг қўлидан ушлаб кетаётганимда рўпарадан бир одам келиб: «Оллоҳнинг Қиёматда ўз бандалари бирлан пинҳона юзма-юз суҳбат қилмоғи ҳақида Жаноб Расулulloҳдан эшитганмисиз?» — деди. Шунда Ибн Умар: «Мен Ул зотнинг бундай деганларини эшитганман», — деди: «Қиёмат куни Оллоҳ таоло мўминни ўзига яқинроқ келтириб, уни парда бирлан ўзгалардан пинҳон қилгач: «Фалон гуноҳинг эсингдами? Фалон гуноҳингни биласанми?» — дейди. Мўмин одам: «Ҳа», — деб жавоб беради. Шунда Оллоҳ таоло унинг ўзи қилган гуноҳларини бўйнига олиб, берилажак азобдае кўрқиб, хавфу ражода қалтираб турганини кўриб: «Сенинг у дунёдаги гуноҳларингни беркитган эрдим. Бугун эрса уларни кечирдим» — дейди-да, унинг номаи аъмолларини унғ томонидан узатади ва фаришталарга: «Унинг жаннатдаги жойини кўрсатиб қўйинглар!» — деб амр қилади. Аммо, кофир ва мунофиқлар хусусига келсак, барча гувоҳлар (фаришталар пайғамбарлар ва уларнинг умматлари): «Мана шулар Оллоҳ таоло шаънига ёлғон гапларни айтганлар» — дейишади. Эшитинглар, бундай золимларга Оллоҳнинг лаънати бўлур!».

4-боб. Мусулмон мусулмонга зулм қилмас ва уни зулмкор қўлида қолдирмас!

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мусулмон ўз мусулмон биродарига зулм қилмас ва уни зулмкор қўлида қолдирмас! Кимки мусулмон биродарининг ҳожатини чиқарса, Аллоҳ таоло ҳам

унинг ҳожатини раво қилур. Кимки бир мусулмонни ғам-кулфатдан халос қилса, Оллоҳ таоло ҳам уни Қиёмат ғам-кулфатидан халос қилур. Ким бир мусулмоннинг айбини яширса, Оллоҳ таоло ҳам, Қиёмат куни унинг айбини яширур».

5-боб. (Мусулмон) биродарингиз хоҳ золим ва хоҳ мазлум бўлсин, унга ёрдам берингиз!

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Мусулмон) биродарингиз хоҳ золим ва хоҳ мазлум бўлсин, унга ёрдам берингиз!» дедилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, мазлумга ёрдам бериш тушунарли, аммо золимга қандай ёрдам берилур?» — деб сўрашди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Золимни сўз бирлан, кўнмаса, куч бирлан зулмдан қайтариш унга кўрсатилган ёрдамдур», — дедилар».

6-боб. Мазлумга ёрдам бериш (лозимлиги) ҳақида

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга етти нарсани буюриб, етти нарсани манъ қилдилар. Ул зот бизга беморни зиёрат қилишни, жанозага қатнашишни, акса урганга жавоб қайтаришни, саломга алик олишни, мазлумга ёрдам беришни, чақирилган жойга боришни ва қасамни бузмасликни буюрдилар».

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин мўминни туташ бинолар каби сўяб турмоғи даркор!» — дся бармоқларини чалиштирдилар».

7-боб. Золимдан ўч олиш ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ кишининг ёмон сўзини (яъни, хоҳ диний ва хоҳ дунёвий айбини) ошкор қилмоқни дўст тутмас, лекин мазлум (золим)лар (шикоят қилса), жоиздур ва Оллоҳ эшитгувчи ва билгувчидур» («Нисо» сураси, 148-оят); «Ва ул кишиларики, қачон ўзларига зулм етса, интиқом олурлар» («Шўро» сураси, 39-оят).

8-боб. Мазлумнинг кечиримли бўлмоғи лозимлиги ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй мўминлар), хоҳ ошкора ва хоҳ яширинча яхшилик қилсангиз ёки бирор ёмонликни кечир сангиз; (Оллоҳ сўйган бандалардан бўлурсиз). Зеро, Оллоҳ қудрат соҳиби бўлгани ҳолда афв қилишда барқарор зотдур» («Нисо» сураси, 149-оят); «(Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси ўшал ёмонлик каби ёмонликдур. Ким афв этиб (орани) яхшиласа, бас унинг ажри Оллоҳнинг зиммасидадур. Албатта, у зулм қилгувчиларни ссвмас...» («Шўро» сураси, 40-44-оятлар).

9-боб. Зулм (зулм соҳибининг бошига) Қиёмат куни зулмат(бало) бўлур!

Ибн Умар ризияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зулм (яъни бировнинг ҳақини ейиш, пулнинг қайтимини бермаслик ёхуд кам бериш ёки молнинг вазни, бўйи ҳамда энидан уриб қолиш каби на бошқа тур жиноятлар зулм соҳибининг бошига) Қиёмат куни зулмат (бало) бўлур!» — дедилар». (Яъни, Оллоҳ таоло бул дунёда бировларга зулм қилган одамни Қиёмат куни ҳидоят қилмас па у ўзи қилган зулмлар ботқоғига тойиб кстиб, жаҳаннам оташига қулар).

10-боб. Мазлумнинг дуоси (қарғиши, оҳи)дан қўрқмоқ ва эҳтиёт бўлмоқ лозимлиги ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозни Яманга юбораётиб: «Мазлумнинг дуоси (қарғиши, оҳи)дан қўрқ, чунки Оллоҳ бирлан мазлумнинг дуоси ўртасида тўсиқ (парда) йўқдур!» — дедилар».

11-боб. Бировга зулм қилиб, сўнг унинг олдида ўз гуноҳини ювган кишининг зулми (Қиёмат куни) кечириладими?

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки бировга (хоҳ маънавий, хоҳ моддий ва хоҳ жисмоний) зулм қилган бўлса, бугуноқ, динору дирҳам бўлмайдирган (кун — Қиёмат келмасидан) буруноқ унинг олдида ўз гуноҳини ювсин! Агар зулмкор бул дунёда амали солиҳлар қилган бўлса, ул амали солиҳларига тегадирган савоблардан қилган зулмига ярашаси олиб қўйилур. Башарти амали солиҳлари бўлмаса, ўзи зулм қилган кишининг гуноҳларидан олиниб, унинг бўйнига юкланур».

12-боб. Агар киши бировни ўз зулмидан халос қилса, унинг ўшал зулми (Қиёматда) эсланмас!

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. «Агар бирор аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириш содир бўлишидан қўрқса...» деган ояти карима хотинидан кўнгли тўлмай, уни талоқ қилмоқни хоҳлаб қолган эр ҳақидадур. Бундай эрнинг хотини хушёрлик қилиб, эрига: «Мен сизга ўзим хусусимда бир оз енгиллик берурман» — деб айтур (яъни, эрини ўзига мойил қилмоқ учун маҳрини бир оз камайтирилишига ёки кундошларига нисбатан камроқ еб, камроқ кийишга розилик берур ва шунда икки ўртада келишув юз берур, чунки Оллоҳ таоло: «...ва дилларда мол ҳирси мавжуддур...» — деб айтгандур). Мазкур оят шул ҳақда нозил бўлган».

13-боб. Ўзганинг еридан озгинасини (бўлса ҳам) зулм бирлан (ноҳақ) тортиб олган кишининг гуноҳи ҳақида

Саъид ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки ўзганинг еридан озгинасини (бўлса ҳам) зулм бирлан (ноҳақ) тортиб олса, (Қиёмат куни) (ўшал) ер унинг бўйнига етти қават бўйинтуруқ қилиб осиб қўйилур».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

14-боб. Агар одам (ўзи ҳақлиғ) нарса хусусида бировга рухсат берса, жоиздур

Жибилла разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Мадинада бир гуруҳ ироқликлар орасида эрдик. Ибн Зубайр бизни хурмо бирлан меҳмон қилаётган эрди. Шул аснода Ибн Умар ёнимиздан ўтиб кетаётиб: «Жаноб Расулulloҳ хурмони жуфтлаб ейишдан қайтарганлар, аммо бу — эгаси рухсат қилса, жоиздур», — дедилар».

Абу Масъуд ривоят қиладилар: «Абу Шуъайб исмли ансорийнинг қассоб ғуломи бўлиб, Абу Шуъайб унга: «Беш кишига етарли таом тайёрла, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга яна тўрт кишини меҳмонга чақирмоқчиман. Чунки, ул зотнинг юзларида очлик аломатини кўрдим», — деди. Сўнг, меҳмонга олтинчи одам ҳам қўшилиб келди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Шуъайбга: «Мана бу одам бизга эргашиб келаверди, изн

берсанг, кирсин!» — дедилар. Абу Шуъайб: «Майли, кираверсин!» — деди».

15-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «...ўзи (Исломга) ашаддий хусуматчи бўла туриб...» («Бақара» сураси, 204-оят)

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ энг нафратланадирган одам— ашаддий хусуматчидур», — дедилар».

16-боб. Ноҳақ эканлигини била туриб жанжаллашган кишининг гуноҳи ҳақида

Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужралари эшиги олдида бўлаётган жанжал (овозини) эшитиб, жанжаллашаётганлар олдига чиқдилар-да, бундай дедилар: «Дарҳақиқат, мен (ҳам сизлар каби бир) инсонман, (ғоибий, ботиний нарсаларни, агар ваҳий келмаса, билолмасман). Сизлар жанжаллашиб ҳузуримга келурсизлар. Шунда бирингиз иккинчингиздан сўзамолроқ (гапга чечанроқ) бўлсангиз, ўшал сўзамолроғингизнинг гапига ишониб, нотўғри ҳукм чиқариб қўймоғим мумкин. Мен биров фойдасига янглиш ҳукм қилиб қўйган мусулмоннинг ҳақи — жаҳаннам парчаси бўлиб, ўшал биров уни (истаса) олсин, (истамаса), олмасин!»

17-боб. (Мунофиқ), агар баҳслашса (жанжаллашса), номардлик қилур

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимда (қуйидаги) тўрт (ёмон) хислат (ёхуд улардан бири) мавжуд бўлса, у то ундан қутилмагунча, мунофиқдур: сўзласа, ёлғон сўзлар, ваъда қилса, вафо қилмас, ишонилса, ишончни оқламас ҳамда баҳслашса, номардлик қилиб (шалoқ ва бўҳтон сўзларни айтар, қўлига тушган нарсани отар)».

18-боб. Мазлум, агар ўзига зулм қилгувчи кишининг (қизганиб беркитиб қўйган) молини топиб олса, ундан (инсофан истсъмол қилиб) қасос олур

Ибн Сирин: «(Мазлум, агар ўзига зулм қилгувчи кишининг қизганиб беркитиб қўйган молини топиб олса), ундан (инсофан истсъмол қилиб) қасос олур» — дедилар-да, «(Эй мўминлар), агар сизлар (ўзингизга етган бирор зулм учун) қасос олмоқчи бўлсангизлар, ўшал зулм баробаридагина қасос олингизлар!» деган ояти каримани қироат қилдилар. («Наҳл» сураси, 126-оят).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд бинти Утба Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, (эрим) Абу Суфён хасис одам, агар унинг молидан болаларимга егизсам, менга гуноҳ бўлмайдими?» — деди. Жаноб Расулulloҳ (унга): «Инсоф бирлан егизсанг, сенга гуноҳ булмас», — дедилар».

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Ё Расулаллоҳ), Жанобингиз бизни (ҳар ерга юмуш бирлан) жўнатурсиз, шунда биз бирор қавмнинг (ерига) қўнсақ, улар бизни меҳмон қилмаслар, бул хусусда не деб амр қилурсиз?» — дедик. Жаноб Расулulloҳ: «Агар бирор қавмнинг (ерига) бориб тушсангизлар-у, улар қоидага мувофиқ сизларни меҳмонга таклиф қилсалар, қабул қилингизлар, башарти бундай қилмасалар, улардан меҳмон ҳақини ундириб олингизлар!» — дедилар».

19-боб. Тимлар ҳақидаги ҳадислар

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларида ансорлар Бану Соъида тимида тўпланишди. Шунда мен Абу Бакрга: «Юринг биз бирлан!» — дедим. Сўнг, биз Бану Соъида тимида ўлтирган ансорлар ҳузурига бордик». (Бу ҳадисда кўчанинг икки тарафида яшовчиларнинг кўча устини йўловчиларнинг ўтиб туришларига халақит бермайдирган қилиб ёпиб олишлари жоиз эканлигига ва бу ўзгаларга зулм эмаслигига ишора қилинган).

20-боб. Қўшни ўз деворига ён қўшнисининг ёғоч (тўсин учини) тикмоғига монёлик қилмасин!

Аъраж ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қўшни ўз д«ворига (яъни, ўз мулки бўлган деворга) ён қўшнисининг (яъни, ул певорда ҳақи бўлмаган қўшнисининг) ёғоч (тўсин) тикмоғига (ёки ташламоғига) монёлик қилмасин!» — деб айтганлар», — дедилар. (Шунда одамлар эътироз билдирган маънода бошларини қуйи солишди). Буни кўриб, Абу Ҳурайра уларга: «Ие, мен айтган ҳадисга эътирозларингиз борга ўхшайди-ку?! Оллоҳ таоло ҳақи, агар бул ҳукми розилик бирлан қабул қилмасангизлар, ул ҳолда мен уни қайсар бўйинларингизга мажбуран юклаб қўйгумдур!» — дедилар».

21-боб. Маст қилгувчи ичимликларни кўчага тўкиб юбориш ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абу Талҳанинг уйларида бир меҳмондорчиликда соқийлик қилиб ўлтирган эрдим, улар ичаётган ичимлик узумдан тайёрланган эрди. (Шу куни) Жаноб Расулulloҳ жарчига: «Маст қилгувчи ичимликлар ҳаром қилинди» — деб эълон қилишни буюрдилар. Буни эшитиб, Абу Талҳа менга: «Ташқарига чиқ-да, ҳаммасини тўкиб ташла!» — дедилар. Мен ташқарига чиқиб ичимликни тўкиб ташладим. Ўша куни ичимлик Мадина кўчаларида ариқ бўлиб оқди. Шунда баъзилар ичимлик ичиб жангга кирганда ўлдирилганлар ҳақида гапиришиб эрди, Оллоҳ таоло «Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар илгари ичимлик ичганлари учун гуноҳкор бўлмайдилар» деган оятни нозил қилди».

22-боб. Ҳовли саҳни ва унда ўлтириш ҳамда баланд жойларда ўлтириш ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ ҳовлилари саҳнига масжид қурдилар-да, ул ерда намоз ўқиб, Қуръон тиловат қила бошладилар. Шунда мушрикларнинг хотин ва болалари (том ва дарахтларга чиқиб олиб), Абу Бакрни таажжуб бирла томоша қилишар эрди. Шул вақтда Жаноб Расулulloҳ Маккада эрдилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кўчаларда (дўкон, чойхона, гузар, дарча каби йўловчилардан баланд жойларда эзмаланиб) ўлтирмангизлар!» — дедилар. Шунда одамлар: «Бунинг нимаси ёмон, ахир ул жойлар бизнинг гурунглашиб ўлтирадирган жойларимиз-ку?!» — дейишди, Жаноб Расулulloҳ уларга жавобан: «Агар ул жойларда ўлтирмасликдан бош тортсангизлар, ул ҳолда йўл ҳақини тўлаб ўлтирингизлар!» — дедилар. Одамлар: «Йўл ҳақи нима?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «(Йўловчиларга) термулмаслик, азият етказмаслик, уларнинг саломига алик олмоқлик ҳамда уларга амри маъруф ва наҳий мункар қилмоқликдур» — деб марҳамат қилдилар».

23-боб. Йўлларга, агар одам ва ҳайвонларнинг ўтишига халақит бермайдирган, улар тушиб кетмайдирган қилиб қудуқлар қазилса, жоиздур

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир одам йўлда чанқаб қолиб, ўша атрофдаги бир қудуққа тушди-да, чанқоғини қондирди, сўнг юқорига чиқди. Ногаҳон қудуқдан нарироқда иссиқдан ҳарсиллаб, чанқоқнинг зўридан тупроқнинг намини ялаётган бир итга кўзи тушди. «Бу жонивор ҳам мен каби чанқаб қолибди-да» — деб қайтиб қудуққа тушди-да, маҳсисининг қўнжида сув олиб чиқиб, итга ичирди. Унинг шу қилган хайрли иши учун Оллоҳ таоло ундан ризо бўлиб, гуноҳларини кечирди», — дедилар. Шунда одамлар: «Ё Расулаллоҳ, ҳайвонлардан ҳам бизга савоб тегадими?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, ҳар бир жонзотда сизлар учун ажр (савоб) бордур» — дедилар».

24-боб. Йўлдаги азият берадирган нарсани четга олиб қўйиш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллатлоҳу алайҳи ва саллам: «Йўлдаги азият берадирган нарсани четга олиб қўйиш — садақадур», — дедилар».

25-боб. Ҳужра, болохона, қўрғон ва шу кабилар ҳақида

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина қўрғонларидан бирининг тспасига чиқдилар-да: «Мен кўраётган нарсани кўраётирсизларми? Дарҳақиқат мен ҳов анави уйлариингиз томонда жала янглиғ фитналар етажагини кўриб турибман»,— дедилар».

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳудан Оллоҳ таолонинг «(Эк Оиша ва Ҳафса), агар Оллоҳга тавба қилсангизлар, дилларингиз мойил бўлибдур...» деган ояти каримаси ҳақида сўрамоқчи бўлиб юрардим-у, лекин қулай фурсат тополмасдим. Бир йил Ҳазрат Умар ҳаж қилдилар, мен ҳам ул киши бирлан бирга ҳажга бордим. Ҳаждан қайтаётиб ул киши йўлда ҳожат учун четга чиқдилар. Мен ҳам идишда сув олиб, четга чиқиб турдим. Ул киши қайтгач, қўлларига сув қўйиб бердим. Таҳорат олганларидан сўнг: «Ё мўминлар амири, Оллоҳ таоло Жаноб Расулulloҳнинг икки хотинлари тўғрисида «Агар Оллоҳга тавба қилсангизлар, дилларингиз мойил бўлибдур» деган оятини нозил этган, ўша аёллар ким ўзи?» — деб сўрадим. Шунда Ҳазрат Умар: «Во ажабо! Шуни ҳам билмайсанми, эй Ибн Аббос? Улар Оиша бирлан Ҳафса эди-да», — дедилар. Сўнг, Ҳазрат Умар сўзларида давом этиб бундай дедилар: «Мен ва ансорий бир қўшним Баний Умайя ибн Зайд қавмида эрдик. Улар Мадинада катта эътиборга эга бўлган қавм эрди. Иккимиз Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига навбатма-навбат бориб-келиб турардик. Бир кун у, бир кун мен борардим. Мен бориб келсам, ўша куни содир бўлган (юз берган) воқеа, хабар ва бошқа нарсалардан уни воқиф этардим. У бориб келганда ҳам, худди шундай қиларди. Биз қурайшийлар аёлларимиздан устун турардик. Ансорларда эрса, бунинг акси бўлиб, аёллар эрларидан устун эрди. Кейин, бизнинг аёлларимиз улардан «ўрناق» ола бошлашди. Бир куни хотинимга бақирган эрдим, у ҳам менга бақириб жавоб берди. Мен: «Гап қайтарма!» — дедим. У: «Нега энди гап қайтармас эрканман, худо ҳақи, Жаноб Расулulloҳнинг аёллари ҳам ул зотга гап қайтаришади. Мана шу бугун улардан бири Жаноб Расулulloҳни кун бўйи ранжитди», — деди. Мен бундан қаттиқ хавотирланиб: «Улардан қай бири шу ишни қилган бўлса, оқибати яхши бўлмас!»— дедим-да, кийиниб қизим Ҳафсанинг уйига бордим, сўнг унга: «Эй Ҳафса, бирортангиз Жаноб Расулulloҳни бугун кун бўйи ранжитдингизми?» — дедим. Қизим: «Ҳа», — деди. Мен: «Умидларим пучга чиқди. Сен менинг ишончимни оқлай олмадинг, бахтингни бой бердинг. Оллоҳ таоло Жаноб Расулulloҳнинг ғазаблари туфайли (сизларга) ғазаб қилса, омон

қолмассизлар, ҳалок бўлурсизлар. Жаноб Расулulloҳга зинҳор гап қайтарма, аразлама, нимаики хаёлингга келса, мендан сўра, қўшнингнинг гапларига алданма, гарчи у Жаноб Расулulloҳга маҳбуброқ ва сендан кура чиройлироқ Оиша бўлса ҳам!» — дедим.

Ўша пайтларда биз «Фассон (подшоҳи) биз бирлан уруш қилиш тараддудида отларига тақа қоқтирмоқда» деган шов-шув гапларни эшитиб юрардик. Бир куни ансорий дўстим ўз навбати бўйича Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига борди-да, кечқурун қайтиб келиб, эшигимни шиддат бирлан тақиллатди. Мен кўрқиб кетиб, дарҳол эшикни очдим. У менга: «Бугун бир катта воқеа юз берди», — деди. Мен: «Нима бўлди, Фассон бостириб келдимиз?» — дедим. У: «Йўқ, бундан ҳам даҳшатлироқ ва хунукроқ иш содир бўлди. Жаноб Расулulloҳ аёлларини талоқ қилибдилар», — деди. Мен: «Ҳафса ишончимни оқлай олмади, бахтини бой берди. Шундай бўлмасайди, деб ҳаёлимдан ўтказган эрдим-а!» — дедим-да, кийиниб масжидга бордим ва Жаноб Расулulloҳ бирлан бомдод намозини ўқидим. Кейин, Жаноб Расулulloҳ болохоналарига чиқиб, ул ерда ёлғиз ўзлари қолдилар. Мен эрсам, Ҳафсанинг ҳузурига кирдим, қарасам, у йиғлаб ўлтирган эркан. Мен унга: «Сени йиғлатаётган нарсадан огоҳлантирмаганмидим?! Мана, энди нима бўлди?! Жаноб Расулulloҳ сизларни талоқ қилдиларми?» — дедим. У: «Билмайман, ул зот ҳов анави болохоналарида ёлғиз ўзлари ўлтирибдилар», — деди. Мен ташқарига чиқиб, минбар олдига бордим, қарасам, бир гуруҳ одамлар унинг атрофида ўтиришибди, баъзилари йиғлаётир. Мен ҳам улар бирлан бир оз ўлтирдим. Кейин, қалбимдаги ҳислар мени мағлуб қилиб, Жаноб Расулulloҳ кириб кетган болохона олдига бордимда, қора хизматкорларига: «Умарга ичкарига кирмоққа рухсат берурсизми, деб сўраб чиқ!» — дедим. Хизматкор ичкарига кириб, Жаноб Расулulloҳ бирлан сузлашгач, қайтиб чиқди-да: «Жаноб Расулulloҳга сизнинг келганингизни айтдим. индамадилар», — деди. Мен яна минбар атрофидаги одамлар олдига бориб ўлтирдим. Аммо, қалбимдаги хаёллар мени изтиробга солиб, хизматкор олдига яна бордим-да, унга: «Умарга ижозат берасизми, деб сўраб чиқ!» — дедим. У ичкарига кириб чиқиб: «Сизнинг келганингизни айтдим, лекин индамадилар», — деди. Мен яна ўша минбар атрофидаги одамлар олдига бориб ўлтирдим. Аммо, қалбимдаги изтироб менга тинчлик бермай, хизматкор олдига яна бордим-да: «Умарга рухсат берасизми, деб сўраб чиқ!» — дедим. У ичкарига кириб чиқиб: «Сизнинг келганингизни айтдим, индамадилар», — деди. Эндигина қайтиб кетаётган эрдим, хизматкор мени чақириб: «Ул зот сизга ижозат бердилар», — деди. Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кирдим. Ул зот бўйра устида ётардилар. Бўйра биқинларига ботиб кетибди. Бошларига ичига похол тиқилган, теридан қилинган ёстиқ қўйиб олибдилар. Мен ул зотга салом бердим-да, тик турганимча: «Ё Расулаллоҳ, хотинларингизни талоқ қилдингизми?» — дедим. Ул зот менга қараб: «Йўқ» — деб жавоб бердилар. Мен: «Оллоҳу акбар!» — дедим. Сўнг, ҳануз тик турганимча: «Ё Расулаллоҳ, агар менинг гапларимга қулоқ солишни истасангиз, тинглангиз! Сизга маълумки, биз Қурайш эркалари хотинларимиздан устун турар эрдик. Мадинага келсак, бу ердаги қавм аёллари эркаларидан устун туришар эркан», — дедим. Жаноб Расулulloҳ бу гапимни эшитиб табассум қилдилар. Кейин, мен гапимда давом этиб: «Ё Расулаллоҳ, агар билсангиз, мен Ҳафсанинг ҳузурига кириб, унга: «Кундошингнинг ёлғон-яшиқ, баландпарвоз гапларига алданма, ҳаттоки у Жаноб Расулulloҳга сендан кўра чиройли ва севимли Оиша бўлса ҳам, деб айтдим», — дедим. Жаноб Расулulloҳ яна табассум қилиб қўйдилар. Буни кўриб бир оз дадиллашдим-да, ерга ўлтириб олиб ул зотнинг хоналарини кўздан кечира бошладим. Худо ҳақи, хоналарида учта ошланмаган теридан бўлак бирор нарса кўрмадим. Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳдан илтижо қилиб сўрангиз, умматингизга неъматларини мўл-кўл қилсин! Оллоҳ Форс ва Рум аҳлига ўз неъматини аямаган, уларга мол-дунё ато қилган, улар эса Оллоҳга ибодат қилмайдилар», — дедим. Жаноб Расулulloҳ ёнбошлаб ётган эдилар, ўринларидан туриб ўлтирдилар-да: «Эй Ибн ал-Хаттоб, сен уларга неъматларнинг барчаси шу дунёдаёқ берилганига (охиратга ҳеч нарса қолдирилмаганига) шубҳадамисан?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, мен учун Оллоҳдан

мағфират тилангиз!» — дедим. Ёшанда Жаноб Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам, ўзлари ҳақларидаги бир сирни Ҳафса Оишага айтиб қўйганда, хотинларидан йигирма тўққиз кун аразлаган эрдилар. Жаноб Расулulloх, Оллох таоло ўзларига танбиҳ берганида, хотинларидан қаттиқ ранжиб: «Мен улар ҳузурига бир ой мобайнида кирмасман!» — деб айтган эрдилар. Орадан йигирма тўққиз кун ўтгач, Жаноб Расулulloх биринчи бўлиб Оиша разияллоху анҳонинг ҳужраларига кириб, ул онамиз бирлан гаплаша бошладилар. Шунда Оиша разияллоху анҳо: «Ё Расулаллох, сиз бизнинг ҳузуримизга бир ой кирмасман, деб қасам ичган эрдингиз, бугун эрса йигирма тўққиз кун бўлди», — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloх: «(Бу) ой йигирма тўққиз кундир», — дедилар. Дарҳақиқат, ўша ой йигирма тўққиз кун эрди.

Оиша бундай дейдилар: «Шундан сўнг, Оллох таоло Жаноб Расулulloхнинг барча хогинларига ул зотни ёхуд бу дунё бирлан унинг зийнатларини танлаш ихтиёри берилганлиги ҳақида оят нозил қилди. Шунда Жаиоб Расулulloх хотинларидан биринчи бўлиб мен бирлан гаплаша бошладилар-да, менга: «Эй Оиша, сенга бир нарсани эслатиб қўяй, ота-онанг бирлан кенгашмасдан туриб бирор қарорга келишга ошиқма!» — дедилар. Жаноб Расулulloх ота-онамнинг бизнинг ажралишимизга розилик бермасликларини яхши билардилар. Жаноб Расулulloх: «Оллох таоло «Эй пайғамбари муҳтарам, сиз ўз хотинларингизга айтингизки, агар сизлар дунё ҳаётини ва унинг зийнатини истасангизлар, келингизлар, мен сизларга бир оз фойда етказай-да, сўнг сизларга яхшилик ила рухсат берай!» деган ояти каримасини иозил қилди», — дедилар».

Шунда Оиша онами Оллох таоло бирлан унинг Расулини танладилар, бошқа оналаримиз ҳам Оиша онамиз каби иш тутишди».

Анас разияллоху анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам аёлларининг ҳузурига бир ой мобайнида кирмасликка қасам ичдилар. Ёшанда оёқлари чиққан (лат еган) бўлиб, болохонада бир ой (ўзлари ёлғиз турдилар). Ҳазрат Умар келиб: «Аёлларингизни талоқ қилдингизми, ё Расулаллох?» — дедилар. Жаноб Расулulloх «Йўқ аммо уларнинг ҳузурига бир ой мобайнида кирмасликка қасам ичдим», — дедилар. Ёша (болохонада ёлғиз ўзлари йигирма тўққиз кун турдилар. Сўнг, ундан тушиб, аёлларининг ҳузурига кирдилар».

26-боб. Ким туясини тошга ёхуд масжид эшигига боғлаб қўйди?

Жобир ибн Абдуллох ривоят қиладилар: «Набий саллаллоху алайхи ва саллам масжидга кирдилар, мен ҳам ортларидан кириб, туямни бир (катта) тошнинг четига боғлаб қўйдим. Сўнг, ул зотга: «Мана, туянгиз (ни олиб келдим)», — дедим. Ул зот туянинг атрофини бир айланиб чиққач: «Пули ҳам, туянинг ўзи ҳам сенга (ҳадя)», — дедилар».

27-боб. Қавм ахлатхонасига тик туриб пешоб қилиш ҳақида

Ҳузайфа разияллоху анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг бир қавм ахлатхонасига тик турган ҳолда пешоб қилганларини кўрдим».

28-боб. Ким йўлда ётган шох-шабба ва шу каби одамларга азият бергувчи нарсаларни олиб ташлади?

Абу Ҳурайра разияллоху анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоху алайхи ва саллам: «Бир одам кетаётиб, йўлда ётган тиканли шох-шаббага кўзи тушди-да, уни четга олиб қўйди. Унинг бу хайрли иши Оллох таолога хуш келиб, гуноҳларини мағфират этди».

29-боб. Агар кўча ўртасидаги сайхон (ўлик) ерни талашиб, ул ерга иморат қурадирган бўлсалар, кўча учун етти зироъ (тахминан 5,30 метр) қолдирсинлар!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар кўча ўртасидаги ўлик ерни талашиб, ул ерга иморат қурадирган бўлсалар, кўча учун етти зироъ қолдирсинлар!» — дедилар».

30-боб. Эгасининг рухсатисиз таъқиқлаш ҳақида

Убода: «Биз Жаноб Расулulloҳга бировнинг молини зўрлик бирлан тортиб олмасликка байъат қилдик», — дедилар.

Абдуллоҳ ибн Язид ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бировнинг молини зўрлик бирлан тортиб олишдан ва бировга ваҳшиёна (қулоқ, бурун ва бошқа аъзоларини қирқиб) азоб беришдан қайтардилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Зинокор зино қилаётган чоғида мўмин бўлиб қололмас, ўғри ўғрилик қилаётган чоғида мўмин бўлиб қололмас, ичкилик ичгувчи ичкилик ичаётганда мўмин бўлиб қололмас, қароқчи одамларнинг кўз олдида уларнинг молини зўрлик бирлан тортиб олаётганда мўмин бўлиб қололмас!»

31-боб. Салбни (крестни) синдириш ва тўнғизни ўлдириш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ибн Марям (Исо алайҳиссалом) (осмондан) ораларингизга тушиб, (Муҳаммад алайҳиссаломнинг шарийъатлари асосида) адолат ўрнатмагунларича, салбни синдириб ташлаб, тўнғизни ўлдирмагунларича, жизя солигини бекор қилмагунларича ҳамда мол-дунё кўпайиб кетиб, садақа берсангиз, одамлар олмайдирган бўлмагунча Қиёмат бўлмас».

32-боб. Маст қилгувчи ичимлик солинган кўзалар синдириб ташланадими? Маст қилгувчи ичимлик солинган мешлар йиртиб ташланадими? Бут, салб, танбур ва ёғочидан фойдаланиб бўлмайдирган шу каби нарсалар синдириб ташланса, жоизми?

Салама ибн ал-Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни кўплаб гулханлар ёқилаётганини кўриб: «Бу гулханлар нечун ёқилаётир?» — деб сўрадилар. Одамлар: «Хонаки эшаклар гўштини пишириш учун» — деб жавоб беришди. Шунда Жаноб Расулulloҳ қозонларни синдириб, шўрвасини тўкиб юборишни амр қилдилар. Одамлар: «Уларни тўкиб юбориб, қозонларни тозалаб ювсак-чи?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «(Ёки) яхшилаб ювингизлар!» — дедилар»

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккани фатҳ этганларида Байтуллоҳ атрофида уч юз олтмишта бут бор эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳақиқат (Ислом) келди ва ботил (яъни, куфр) йўқолди» — дея қўлларидаги асо бирлан бутларни уриб синдирдилар».

Қосим ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо мумкин эмаслигини унутиб, суратли бир чойшаб сотиб олдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ чойшабнинг (суратли жойларини йиртиб

(олиб) ташладилар. Кейин, Оиша разияллоҳу анҳо унинг қолганидан иккита ёстиқ тикиб олдилар. Жаноб Расулуллоҳ уларга суяниб ўлтирар эрдилар».

33-боб. Кимки ўз молини ҳимоя қилаётиб ўлдирилса, (шаҳиддур)

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Кимки ўз молини ҳимоя қилаётиб ўлдирилса, шаҳиддур» деганларини эшитдим».

34-боб. Бировнинг коса ёки бўлак бир идишини синдирса...

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларидан бирининг уйида эрдилар. Шу пайт мўминларнинг оналаридан бири (Ҳафса ёки Сафийя) хизматкор орқали ул зотга бир коса таом киритдилар. Шунда (Оиша рашк қилиб) қўллари бирлан косани уриб синдирдилар. Жаноб Расулуллоҳ коса бўлакларини жамлаб, тўкилган овқатни унга солдилар-да, (уйдагиларга): «Еяверинглар!» — дедилар. Сўнг, ул зот хизматкорни тўхтатиб турдилар, таом еб бўлингач, ул орқали таом киритган хотинларига бутун коса бериб юбордилар. Синган коса эрса, Оишанинг уйларида қолди».

35-боб. Кимки бировнинг деворини (ноҳақ) бузса, уни худди ўзидек қилиб қайта қуриб берсин!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бану Исроил қавмидан Журайж исмли бир одам ўз ҳужрасида ибодат қилиб турган эрди, онаси келиб уни чақирди. Шунда у онасининг овозини эшитган бўлса ҳам, ибодатини бузиб, жавоб бергиси келмади. Онаси уни иккинчи марта чақирди. Бу сафар ҳам у жавоб бермади. Онаси учинчи бор чақирди, у яна жавоб бермади. Онаси унинг қошига келиб: «Илоҳи, Журайж фоҳиша хотинлар юзини кўрмай, ўлмасин!» — деб қарғади. Бир куни Журайж ўз ҳужрасида эрди, бир хотин келиб уни ўзига ром қилишга уринди, аммо у кўнмади. Кейин, ўша аёл бир чўпон бирлан алоқа қилиб, ундан фарзанд орттирди-да: «Бу бола Журайждан» — деб гап тарқатди. Натижада одамлар келиб, Журайжнинг ҳужрасини бузиб ташлашди, ўзини уриб, ҳақорат қилишди. Сўнг, Журайж таҳорат олиб, ибодат қилди-да, аёлнинг боласи олдига бориб: «Эй бола, сенинг отанг ким?» — деб эрди, бола: «Менинг отам чўпон», — деди. Бояги одамлар (хижолат бўлиб) Журайжга: «Ҳужрангни тилладан қайта қуриб берурмиз», — дейишди. Аммо, Журайж: «Ўзи хом ғиштдан (кесақдан) қурилган эрди, сизлар ҳам хом ғиштдан қуриб берингизлар!» — деди».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

1-боб. Таом борасидаги шериклик, таомни ўртада баҳам кўрмоқлик (ҳалфана, ҳарифона) ва мол ҳақида. Ўлчанадирган ва тортиладирган нарсалар қандай тақсимланади?

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч юз кишилиқ лашкарга Абу Убайда ибн ал-Жарроҳни амир этиб тайинлаб, уларни соҳил томон жўнатдилар. Мен ҳам шу лашкар ичида эрдим. Биз йўлга чиқиб, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, озуқамиз тугаб қолди. Шунда Абу Убайда аскарлардаги бор егуликларни бир ерга жамлашни амр қилди. Менда бир оз хурмо қолган эрди. Абу Убайда ҳар куни бояги тўпланган егуликлардан оз-оздан бериб турди. Ниҳоят, у ҳам тугади. Энди киши бошига биттадан хурмо тегадирган бўлди. Бу ҳам тугагандан кейин, қийнала-қийнала соҳилга етиб олдик. Қарасак, ул ерда тўлқин чиқариб ташлаган, тепалиқдек бир наҳанг ётибди. Лашкар унинг гўштини ўн саккиз кун ёди. Сўнг, Абу Убайда наҳангнинг икки қовурғасини ерга санчиб қўйишни буюрди. Уларнинг тагидан туя етаклаб ўтилган эрди, туянинг буйи ундан пастлик қилди».

Салама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Бир ғазотда) қавмнинг егулик ҳеч нарса қолмай, улар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб туялардан бирини сўйиб ейишга рухсат сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ изн бергач, улар қайтиб кетишаётган эрди, Ҳазрат Умар йўлиқдилар. Шунда улар ул кишини бўлган воқеадан хабардор этишди. Ҳазрат Умар: «Туяларингиз қолмагач, не қилурсизлар?» — дедилар. Сўнг, ул киши Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кириб: «Ё Расулаллоҳ, қавм туялари қолмагач, не қилур?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Одамларга айтингиз, нима егуликлари қолган бўлса, ҳаммасини бу ерга олиб келишсин!» — дедилар. Кейин, ерга катта чойшаб ёзилиб, барча ўзида қолган-қутган егуликларни ўша чойшабга ташлади. Жаноб Расулуллоҳ ўринларидан туриб, ул егуликларга барака тилаб дуо қилдилар. Сўнгра, одамларга идишларини олиб келишни буюрдилар. Одамлар чойшабдаги егуликлардан то тугагунча ҳовучлаб-ҳовучлаб олишди, егулик ҳаммага етди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ: «Мен Оллоҳдан бўлак илоҳ йўқ эканлигига ва ўзим унинг Расули эканлигимга шаҳодат келтирурман!» — дедилар».

Рофиъ ибн ал-Ҳадийж разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз саҳобалар Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга аср ўқир, сўнг бир жонлиқни сўяр эрдик. Кейин, у ўн бўлакка тақсим қилиниб, то кўёш ботгунча ер эрдик».

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Дарҳақиқат ашъарийлар, агар ғазотда ўзларининг ёки шаҳарда болачақаларининг егуликлари кам қолса, бор егуликларини бир ерга жамлаб, кейин уни яқдиллик бирлан тенг бўлишиб олишар эрди».

2-боб. Подаларини аралаш боқаетган икки киши улар учун биргалиқда закот берурлар

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу (менга) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг закот хусусидаги ҳукмларини ёзиб бердилар. Ул зот бундай деган эрканлар: «Подаларини аралаш боқаетган икки киши улар учун биргалиқда закот берурлар» (яъни, улар ўз подалари учун алоҳида-алоҳида закот бермай, балки ўзаро

келишиб битта закот берурлар).

3-боб. Қўйларни тақсимлаш ҳақида

Рофиъ ибн Хадийжнинг боболари ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Зулҳулайфада эрдик. Одамлар оч қолиб, бир неча туя ва қўй ўлжа олишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ, қавмнинг ортида (сафлари узилиб қолмасин, деб уларни кузатиб) келаётган эрдилар. Улар ўлжа олинган ўшал қўй ва туялардан тезда бир нечасини суйиб, гўштарини қозонларга солиб пишира бошлашди. Шу орада Жаноб Расулуллоҳ етиб келдилар-да, қозонларни ағдариб, ичидагиларни тўкиб ташлашни амр қилдилар, (чунки қавм ўлжа олинган қўй ва туяларни ул зот тақсим қилмасларидан бурун сўйишган эрди). Биз қозонларни ағдариб, ичидагиларни тўкиб ташладик. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ ўнта қўйни бир гуруҳга ажратиб, қолган гуруҳларга ўнта қўй ҳисобида биттадан туя бердилар. Кейин, ўша туялардан бири қочиб кетди. Уни тутолмай, анча уринишди. Қавмда отлар кам бўлганлиги сабабли бир одам уни пиёда қувиб бориб, найза бирлан уриб йиқитди. Шу он Оллоҳ таоло ул туянинг жонини олди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу жониворларда ваҳший ҳайвонларда бўлгани каби ёввойилик мавжуддир. Қайси бир ҳайвон сизга шу қилиқни қилса, ҳозиргидек иш тутингизлар!» — дедилар. Сўнг, мен ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, биз эртага душман бирлан тўқнашурмиз, (душман бизни кўп деб ўйламоғи учун тунда кўплаб гулханлар ёқиб, кўплаб мол-ҳол сўймоғимиз даркор), аммо бизнинг пичоғимиз йўқ», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Қони оқизилиб, Оллоҳнинг исми зикр қилинган жонлиқни еяверингизлар, тирноқ ва суяк бирлан қон чиқарилмаган бўлса бўлди! Бу ҳақда сизларга кейин батафсил баён қилиб берурман. Тиш — бу суяк бўлиб, (кесмас, жароҳатлаб қонатур, нафасни бўғиб ўлдирур). Тирноқ бирлан ҳайвонни ўлдириш эрса — ҳабашлар одати бўлиб, (сизлар бундай қилмангизлар, чунки улар кофирдурлар)», — дедилар».

4-боб. Киши шериклик хурмоларни шериклари изнисиз жуфтлаб емасин!

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши шериклик хурмоларни шериклари изнисиз жуфтлаб емасин!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

5-боб. Шериклик нарсаларни ўртача қиймат бирлан баҳоламоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки шериклик қулни озод қилмоқ учун унинг қийматидаги ўз ҳиссасидан воз кечмоқчи бўлса, шеригининг ҳиссасини ҳам ўз молидан тўламоғи даркор. Агар унинг моли бўлмаса, ул ҳолда қул ўртача қиймат бирлан баҳоланиб, шеригининг ҳиссаси қулнинг зиммасига юкланур, аммо у мажбур қилинмас» (яъни, қул, агар истаса, баҳоли қудрат ишлаб топиб берур).

6-боб. Шериклик нарсани тақсимлаш ва ундан улуш олиш учун қуръа ташламоқ ҳақида

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло таъйин қилган ҳудуддан чиқмайдирган (яъни, амри маъруф ва наҳий мункар қилиб юргувчи) одам бирлан Оллоҳ таоло таъйин қилган ҳудуддан чиққан (яъни, амали солиҳларни тарк этиб, гуноҳовар ишларни қилгувчи) одам бир кемани

шерикликка (ижарага) олиб, сўнг унинг қаерида ким кетишини аниқлаш учун ўзаро қуръа ташлаган ва баъзисига унинг юқорисидан, баъзисига пастидан жой теккан қавмга ўхшайди. Кеманинг тепасидагилар кеманинг пастидан жой текканларнинг чанқаб қолганларида сув ичгани тепага чиқаверганларидан норози бўлишди-да, уларга: «Агар қуръа ташлаганимизда кеманинг пасти бизга насиб қилган бўлганида, тепамиздагиларга сира азият етказмас эрдик!» — дейишди.

Буни эшитиб, кеманинг пастидан жой олганлардан бири қўлига болта олди-да, кеманинг тубини теша бошлади. Шунда кеманинг тепасидагилар унинг олдига келиб: «Не қилаётирсан?» — дейишди. У: «Ҳадеб ҳузурингизга чиқавериб, сизларга азият етказаетирман, менга эрса сув керак!» — деди. Агар кеманинг тепасидагилар унинг қўлидан ушлаб, кемани тешмоғига йўл бермасалар, ўзларини ҳам, пастдагиларни ҳам ҳалокатдан қутқариб қолурлар, акс ҳолда ўзларини ҳам, пастдагиларни ҳам ҳалок қилурлар».

7-боб. Етим ва мерос аҳлининг мол хусусидаги шериклиги

Ибн Шиҳоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Урва ибн Зубайр Оиша разияллоҳу анҳодан Оллоҳ таолонинг «Ва агар етим қизларга нисбатан ноинсофлик қилиб қўйишдан қўрқсангизлар...» деган ояти каримаси ҳақида сўради. Шунда Оиша онамиз: «Эй жияним, етим қиз ўз валийсининг назоратида бўлиб, уни ўз молига шерик қилур ва валий унинг молу жамолига қизиқиб, бир оз маҳр бериш бирлан унга уйланмоқчи бўлур. Шу боисдан ҳам, валийлар ўз қарамоғларидаги етимча қизларга уйланишдан қайтарилиб, бўлак аёлларга уйланишлари амр қилинди», — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

8-боб. Ер ва ундан бошқа нарсалар хусусидаги шериклик

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир тақсимланмаган шериклик мулкка нисбатан шуфъа таъйин қилдилар. Агар шериклик мулк шериклар ўртасида тақсимланиб, чегара ва йўллари белгиланган бўлса, унга нисбатан шуфъа йўқдур».

9-боб. Агар шериклар ҳовли ёки бошқа нарсани бўлишиб олишган бўлса, энди улар учун қайтиш ҳам, шуфъа ҳам йўқдур!

Жобир ибн Абдуллоҳ ражяллоҳу анҳу. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир тақсимланмаган шериклик мулкка нисбатан шуфъа таъйин қилдилар. Агар шериклик мулк шериклар ўртасида тақсимланиб, чегара ва йўллари белгиланган бўлса, унга нисбатан шуфъа йўқдур».

10-боб. Тилла ва кумуш пулларни шерикликка сотиб олиш ҳақида

Сулаймон ибн Абу Муслим бундай дедилар: «Мен Абу алминҳолдан бир пулни иккинчи пулга нақд сотиб олиш ҳақида сўрадим. Шунда у бундай деб айтди: «Мен ва шеригим баъзи нарсаларни нақд ва насияга сотиб олдик. Кейин, Баро ибн Озиб ҳузуримизга келиб эрди, биз ундан шул ҳақда сўрадик. У бизга: «Мен ва шеригим Зайд ибн Арқам ҳам шундай қилдик. Сўнг, шул хусусда Жаноб Расулulloҳдан сўрадик. Ул зот: «Нимаики нақдга бўлса, олинглар ва нимаики насияга бўлса, олманглар!», — дедилар», — деди».

11-боб. Мушрик ва замийларнинг (мусулмонлар бирлан) шерикликка дсхқончилик қилганлари ҳақида

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар йилги ҳосилнинг ярмини бериш шarti бирлан Хайбар ерларини яҳудийларга бердилар».

12-боб. Қўйларни тенг бўлиб бериш ҳақида

Абулхайр ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уқба ибн Омирга бир неча қўй бериб, уларни саҳобаларга қурбонлик учун (тенг) бўлиб беришни амр қилдилар. Шунда бир эчки ортиб қолди. Урва шу ҳақда Жаноб Расулulloҳга эслатган эрди: «Уни ўзинг қурбон қила қол!» дедилар».

13-боб. Таом ва бошқа нарсалар борасида шериклик қилмоқ ҳақида

Бир одам бир нарсани савдолашаётган эрди, бир киши унга кўзини қисиб қўйди. Шунда Ҳазрат Умар бу унинг шериги эканлигини фаҳмладилар.

Заҳра ибн Муаббад ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Ҳишом Жаноб Расулulloҳни куришга муяссар бўлган эрдилар. Бир куни оналари Зайнаб ул кишини Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб бориб: «Ё Расулаллоҳ, буни байъат қилдирингиз!» — дедилар. Шунда ул зот: «Бу ҳали ёш» — дедилар-да, ул кишининг бошларини силаб дуо қилдилар».

Заҳра ибн Муаббад ривоят қиладилар: «Бобом Абдуллоҳ ибн Ҳишом мен бирлан бозорга бориб, егуликлар сотиб олар эрдилар. Сўнг, йўлда Ҳазрат Умарнинг ўғиллари ва Ибн Зубайр ул кишини учратиб: «Бизни егуликларинпа шерик қилгил, чунки Жаноб Расулulloҳ сенга барака тилаб дуо қилганлар» — дердилар. Шунда бобом уларни егуликлар (қиймати)га шерик қилардилар. Кўпинча бобом ул зотнинг дуолари туфайли анча фойда қилиб, бир варакайига егуликлар ортилган туя сотиб олар ва уни уйларига жўнатар эрдилар».

14-боб. Қўл борасида шериклик қилмоқ ҳақида

Бу ерда 5-бобдаги ҳадис такрорланган.

15-боб. Қурбонликка аталган жонлиғ ва туялар борасида шериклик қилмоқ ҳақида. Киши ўзининг Маккага ҳайдаб келган жонлиғига бировни шерик қилса...

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулҳижжа ойининг тўртинчи куни тонгда (саҳобалар бирлан бирга) ҳажга таҳлил айтиб келдилар. Маккага етиб келишимиз бирланоқ ҳаж ўрнига умра қилишни буюрдилар. Шунда одамлар: «Минога борамизми? Ахир ҳар биримизнинг закаримиздан маний томиб турибди-ку!» — дейишди. Бу гап Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қулоқларига бориб етгач, ўринларидан туриб: «Одамлар ундай ва бундай гапларни айтишаётир, худо ҳақи, мен Оллоҳ таоло наздида энг художўй ва энг тақводорман. Келажақда не вазиятга тушмоғимни олдиндан билганимда эрди, қароримни ўзгартирмаган ва Маккага қурбонлик ҳайдаб келмаган бўлар эрдим, қурбонлик олиб келмаганимда эрди, мен ҳам сизлар бирлан эҳромдан чиққан бўлардим», — дедилар. Сўнг, Суроқа ибн Молик ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, у (тош отиш) фақат биз учунми ёки абадийми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Абадий», — дедилар. Кейин,

Ҳазрат Али етиб келиб: «Жаноб Расулуллоҳ нимага таҳлил айтган бўлсалар, мен ҳам ўшанга таҳлил айтдим», — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ Ҳазрат Алига ҳам ҳажга эҳром боғлашни буюриб, ул кишини ўз жонлиғларига шерик қилдилар».

16-боб. Ким жонлиғларни тақсимлашда ўнта қўйни 1 туяга тенглаштирди?

Бу ерда 3-бобдаги ҳадис такрорланган.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

МУҚИМЛИКДАГИ ГАРОВ ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва агар сизлар сафарда бўлсангизлар-у, (бирова қарз беришингизга тўғри келиб қолиб, қарз муомаласини ёзиб қўйгувчи бирор) котиб тополмасангизлар, бас (қарз бергувчи қарз олгувчидан бирор нарсани) гаровга олсин!» («Бақара» сураси, 283-оят).

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бировдан қарзга арпа олиб, гаров учун темир совутларини қолдирдилар. (Ўшал куни) мен ул зотга арпа нони ва эритилган ёғ олиб бордим. Шунда ул зотнинг «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадони учун бир соъ арпадан бўлак егулик бўлган на бирор тонг ва на бирор кеч бўлди!» деганларини эшитдим. Ўшанда ул зотнинг аҳли байтлари тўққизта эрди».

1-боб. Ким совутини гаровга қўйди?

Оиша разияллоҳу анҳоривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир яҳудийга темир совутларини гаровга қўйиб, ундан егулик сотиб олдилар».

2-боб. Қуролни гаровга қўйиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Каъб ибн ал-Ашрафни қатл қилиб келур? У Оллоҳ ва унинг Расулига кўп азият етказди», — дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Маслама: «Мен бораман», — деди-да, унинг олдига бориб: «Бизга бир-икки васак (буғдой) қарз бериб тургин!» — деди. Каъб: «Хотинларингизни гаровга қолдирингизлар!» — деди. Муҳаммад ибн Маслама: «(Хунук) хотинларимизни гаровга қолдирсак, қандай бўлур? Сен арабларнинг энг чиройлисисан-ку!» — деди. Каъб: «Бўлмаса, ўғилларингизни гаровга қолдирингизлар!» — деди. Муҳаммад ибн Маслама: «Ўғилларимизни ҳам гаровга қолдира олмасмиз, тагин бирортаси сени сўкиб, хафа қилиб қўямасин! Бунинг устига бир оз егулик учун бола-чақаларимизни гаровга қолдирмоқлик биз арабларга уятдур. Яхшиси, қуролларимизни гаровга қолдира қолайлик!»— деди. Ниҳоят, Каъб шунга рози бўлди. Сўнг, Муҳаммад ибн Маслама (қуролларни олиб) келиб (гаровга қолдирмоқни) унга ваъда қилди (-да, қайтиб кетди). Кейин, (бир неча дўстлари бирлан келиб,) уни ўлдирди-да, Жаноб Расулulloҳга шул ҳақда хабар қилди».

3-боб. Гаровга қолдирилган ҳайвон (қарз берган киши томонидан) минилади ва соғилади

Иброҳим: «Топиб олинган ҳайвон (едирилган) емга яраша минилади ва соғилади, гаровга қолдирилган ҳайвон ҳам шу кабидур», — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Улов, агар гаровга қўйилган бўлса, ёдирилган емга яраша (гаровга олиб қолган киши томонидан) минилур ва соғин ҳайвон, агар гаронга қўйилган бўлса, ёдирилган емга яраша (гаровга олиб қолган киши томонида соғилиб) сути ичилур. Хуллас, (улов) мингувчи на (соғин ҳайвонни сотиб сутини) ичгувчи ҳар қандай киши (уларни) боқмоғи даркордур».

4-боб. Яҳудий ва шу каби ғайридинлардан қарз олиб, гаровга парса қолдирмоқ ҳақида

Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи на саллам бир яҳудийдан қарзга егулик олиб, совутларини гаровга қолдирдилар».

5-боб. Агар гаровга нарса олиб қолган киши бирлан гаровга нарса қолдирган киши ўзаро жанжаллашиб қолсалар, даъвогарнинг гувоҳ (далил) келтирмоғи, даъво қилинувчининг эрса, қасам ичмоғи лозимдур!

Ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен («Гаровга нарса олиб қолган киши бирлан гаровга парса қолдирган киши ўртасида ихтилоф чиқса, не қилмоқ ксрак?» деган мазмунда) Ибн Аббосга хат ёзиб юбориб эрдим, ул киши менга жавобан: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Бундай ҳолларда) даъво қилинувчи (яъпи, жавобгар) қасам ичмоғи лозим» — деб ҳукм қилганлар» — деб ёзиб юбордилар».

Абу Воил ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу: «Кимки (бироннинг) молига эга бўлиб олмоқ учун ёлғон қасам ичса, Оллоҳ таоло (Қиёмат куни) уни дарғазаб бўлиб қарши олур. Оллоҳ таоло бунинг тасдиқи учун «Оллоҳга берган аҳди паймонлари бирлан қасамларини арзимас баҳога сотиб юборгучилар...» деган ояти каримасини нозил қилди», — дедилар. Сўнг, Ашъас ибн Қайс ичкаридан олдимизга чиқиб келиб: «Абу Абдурраҳмон сизларга не деяётир?» — деди. Биз ул киши не деганларини айтиб эрдик, Ашъас: «Рост айтибдилар. Бул оят, Оллоҳ таоло ҳақи, менинг хусусимда нозил қилинган бўлиб, мен бирлан бир киши ўртамизда бир қудуқ хусусида жанжал чиққан эрди. Ксйин, биз Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига борганимизда, ул зот менга: «Гувоҳ келтир ёки у қасам ичсин!» — деб эрдилар. Шунда мен: «У ёлғон қасам ичиб, менинг молимни ўзиники қилиб кетавсрадимми?» — деб эрдим. Жаиоб Расулulloҳ менга жанобан: «(Бировнинг) молига эга бўлиб олмоқ учун ёлғон қасам ичган кишини Оллоҳ таоло (Қиёматда) дарғазаб бўлиб қарши олур. Парвардигор бунинг тасдиқи учун оят нозил қилган», — дедилар-да, «Оллоҳга берган аҳд-паймоғшари бирлан қасамларини арзимас баҳога сотиб юборувчилар...» деган оятни охирига қадар тиловат қилдилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ҚУЛ ОЗОД ҚИЛИШ ҲАМДА ҚУЛ ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Жаннатга етишмоқ йўли, яъни) машаққатли йўл — (қул) бўйнини (қуллик исканжасидан) бўшатмоқлик ёки очлик кунда қариндош етимга ёхуд хору зор мискинга таом бермоқликдур» («Балад» сураси, 13—16-оятлар).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар қандай киши бир муслмон кишини қулликдан озод қилса, Оллоҳ таоло ўшал қулнинг (озод бўлган) ҳар бир аъзоси бадалига унинг бир аъзосини жаҳаннам ўтидан халос қилур (яъни, қўли бадалига қулини, оёғи бадалига оёғини)», — дедилар».

Саъд ибн Маржона бундай деб хабар қиладилар: «Мен (Жаноб Расулulloҳнинг муслмон қулни озод қилиш ҳақидаги мазкур ҳадиси шарифларини эшитгач), Али ибн Ҳусайннинг ҳузурига бордим-да, (буни унга маълум қилдим). Шунда у Абдуллоҳ ибн Жаъфардан ўн минг дирҳам ёки минг динорга сотиб олган қулнинг олдига бориб, уни озод қилди».

1-боб. Қуллардан қайсинисини озод қилмоқ афзал?

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қандай амал афзал?» — деб сўрадим. Ул зот: «Оллоҳга иймон келтириш ва унинг йўлида жиҳод қилиш» — деб жавоб бердилар. Мен: «Қуллардан қайсинисини озод қилмоқ афзал?! — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Энг қимматини ва эгасига қадрлироғини» — дедилар. Мен: «(Қул озод) қилолмасам-чи?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Бирор иш қилаётган одамга ёрдамлаш ёки бирор нотавоннинг ишини қилиб бер!» — дедилар. Мен: «Бу ҳам қўлимдан келмаса-чи?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Одамларга ёмонлик қилишдан ўзингни тий, бу бирлан ўзингга савоб орттиурсан!» — дедилар».

2-боб. Қуёш тутилганда қул озод қилмоқ ҳақида

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёш тутилганда қул озод қилмоқни амр қилдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

3-боб. Икки кишига тегишли қул ёки бир неча кишига тегишли чўри озод қилинса...

Солим разияллоҳу анҳунинг оталари ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки ўзи бирлан яна бир кишига тегишли қулни озод қилмоқчи бўлса, гарчи у шеригининг ўшал қул қийматидаги ҳақини ҳам тўлашга қодир бўлса-да, қулга ўртача нарх қўйилиб, сўнг озод қилинур», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки шериклик қулдаги ўз ҳиссасини озод қилса-ю, қулнинг (умумий) қийматини тўлашга ҳам етарли моли бўлса, ул ҳолда қулга ўртача нарх чиқарилур. Сўнг, у шерикларига ўз ҳиссаларини бериб, қулни (бутунлай) озод қилур. Акс ҳолда

у ўшал қулдаги ўз ҳиссасинигина озод қилган бўлур».

Бу ерда юқоридаги ҳадис бир неча марта мазмунан такрорланган.

4-боб. Агар киши шериклик қулдаги ўз ҳиссасини озод қилса-ю, (аммо шерикларининг ҳиссаларини ҳам тўлашга етарли) моли бўлмаса, ул ҳолда (қулга ўртача нарх қўйилиб, шериклар ҳиссаси) ихтиёрий ва баҳоли қудрат узиш шарти бирлан қул зиммасига юкланур

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки шериклик қулдаги ўз ҳиссасини озод қилса-ю, (аммо унинг ўз шериклари ҳиссаларини ҳам тўлашга етарли) моли бўлмаса, ул ҳолда қулга ўртача нарх қўйилиб, шериклар ҳиссаси ихтиёрий (ва баҳоли қудрат) узиш шарти бирлан қул зиммасига юкланур».

5-боб. Қул озод қилиш, талоқ ва шу каби масалалар борасидаги хато ва унутишлар хусусида. Қул фақат Оллоҳ таолодан савоб умидида озод қилинур!

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар кишининг (ўз ишидан кўзлаган яхши ё ёмон) нияти (мақсади) мавжуд. Аммо, (бандалик юзасидан) унутгувчи ва хато қилгувчининг (ёмон) нияти (мақсади) йўқдур» — деб марҳамат қилганлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таоло мени деб умматимни кўнгиллари васваса қилган, (аммо) қилмаган ёки айтмаган нарса учун гуноҳкор қилмайдирган бўлди».

Умар ибн ал-Ҳаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «(Ҳар қандай) ишлар (қандайдир) ният бирлан (қилинур). Шунга кўра ҳар кишининг (ўз ишидан кўзлаган яхши ё ёмон) нияти мавжуддур. Кимнинг ҳижрати Оллоҳ таоло ва унинг Расулини деб қилинган бўлса, демак унинг ҳижрати Оллоҳ таоло ва унинг Расулини деб қилингандур ва кимнинг ҳижрати мол-дунё орттириш ёки бирор аёлга уйланиш учун қилинган бўлса, демак унинг ҳижрати ўзи кўзлаган ўшал нарсалар учун қилингандур».

6-боб. Агар киши: «Бу Оллоҳ таолоникидур!» — деса-ю, шунда у қулига озодлик беришни ва бунга бировни гувоҳ қилишни ният қилган бўлса...

Қайс разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Исломни қабул қилгани (яъни, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида Исломни қабул қилиб, ул зотга байъат қилгани Мадинага) келаётганларида ғуломлари (қуллари) ҳам ўзлари бирлан бирга бўлиб, йўлда бир-бирларини йўқотиб қуйишди. Кейин, Абу Ҳурайра Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида ўлтирганларида ғуломлари ҳам етиб келди. Шунда ул зот: «Эй Абу Ҳурайра, мана ғуломинг олдинга келди», — дедилар. Абу Ҳурайра: «Дарҳақиқат, мен сизни гувоҳ қилиб айтурманки, у озоддур!» — дедилар. Абу Ҳурайра (Мадинага келаётиб):

«Нечоғлик дарозу машаққатли бўлса ҳам бу тун,

Мени қутқарса бас куфр исканжасидан бутун!»

деб айтган чоғларидаек уни озод қилмоқни ният қилиб қўйган эрдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

7-боб. Боланинг онаси ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат белгиларидан бири шуки, чўри (қўл аёл) ўз хўжайинини тугур», — дедилар». (Уламоларнинг айтишларича, Жаноб Расулulloҳ бул сўзлари бирлан Қиёмат арафасида ҳароми болаларнинг бениҳоят кўпайиб кетмоғига, ҳаттоки шундай бола туққан она, ўшал бола отасининг мулки бўлганидан, гўёким унинг фарзандига ҳам бир чўридек бўлиб қолмоғига ёхуд чўрилардан подшоҳлар туғилмоғига ёки болаларнинг ўз оналарига итоат қилмай, уларни чўрини ургандек уриб, сўкиб ўзларига хизмат қилдирмоқларига ишора қилган эканлар).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Утба ибн Абу Ваққос (улар чоғида) биродари Саъд ибн Абу Ваққосга: «Замъа (ибн Қайс ал-Омирий) чўрисининг ўғли мендан бўлгандур, уни ўз (тарбиянга) олгил!» — деб васият қилди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фатҳ йили (Маккага) келганларида Саъд Замъа чўриси ўғлини олиб, ул зотнинг ҳузурларига бордилар, Замъанинг ўғли Абд ҳам ул киши бирлан бирга борди. Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бул (бола) биродаримнинг ўғли бўлиб, (ўлар чоғларида): «У менинг ўғлимдур (уни ўз тарбиянга олгил!)» — деб менга васият қилганлар», — дедилар. Замъанинг ўғли Абд эрса: «Ё Расулаллоҳ, бул (бола) менинг укам бўлиб, (отам) Замъа чўрисининг ўғлидур ва отамнинг тўшакларида дунёга келгандур», — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ Замъа чўрисининг ўғлига назар солиб, унинг Утбага ўхшашлигини кўрдилар. Аммо, болани (Утбанинг биродарига бермай), Замъанинг тўшагида дунёга келгани боисидан, унинг ўғли Абдга топширдилар. Сўнг, ул зот Савдага: «Бул боладан юзингни яшириб юргил!» — дедилар. Чунки, бола (Савданинг оталари Замъанинг тўшакларида туғилган бўлса-да), Утбага ўхшар эрди, Савда эрсалар, Жаноб Расулulloҳнинг хотинлари эрдилар».

8-боб. Мудаббарни (яъни, хўжайини: «Ўлсам, озодсан!» — деб айтган қулни) сотиб олиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бизлардан бир киши (яъни, Абу Мазкур ал-Ансорий) ўз қулига: «Ўлсам, сен озодсан!» — деб қўйган эрди, (аммо унинг ўзи камбағал бўлиб), муҳтожликда (кун кўрур) эрди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ ёрдам қилмоқ мақсадида ўшал қулни сотиб, пулини унга берган эрдилар. Ўшал қул ўтган йили вафот этди».

9-боб. Ҳомийлик (ҳуқуқи)ни сотиш ва ҳадя қилиш ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (қулга) ҳомийлик (ҳуқуқи)ни сотиш ва ҳадя қилишдан қайтардилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен (чўри) Барирани сотиб (олмоқчи бўлдим). Шунда Бариранинг хўжайинлари унга ҳомийлик (ҳуқуқи)нинг ўзларида қолдирилишини шарт қилиб қўйишди. Мен буни Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдим, ул зот: «Уни (сотиб олиб) озод қилавер, чунки ҳомийлик (ҳуқуқи) пул тўлаганниқидур!» — дедилар. Кейин, мен уни (сотиб олиб) озод қилдим. Жаноб Расулulloҳ уни ўз ҳузурларига чақириб, эрининг ҳузурига қайтиб бориш ё бормаслик ихтиерини бердилар, (чунки Барира озод, эри эрса қул эрди). Барира: «Агар у менга мунча ва мунча (нарса) берса ҳам, ҳузурда қолмасман!» — деб ўз (озодлигини) афзал кўрди».

10-боб. Агар (мусулмон) кишининг мушрик биродари ёки амакиси асир олинса,

(озод қилинмоқлари учун) улардан фидя (товон) олинадими?

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Аббос (мусулмонлар томонидан асир олиндилар). Шунда ул киши Жаноб Расулulloҳга: «Мен ўзим учун ҳам, Уқайл учун ҳам фидя тўладим», — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ ансорлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан (ҳузурларига кирмоққа) изн сўрашди. (Ул зот изн бериб, ичкарига киришгач): («Ё Расулаллоҳ), бизга рухсат берсангиз, синглизминг ўғли Аббосдан фидя олмасак!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ул кишидан бир дирҳам ҳам кам (фидя) олмангизлар!» — дедилар».

11-боб. Мушрикнинг (қул) озод қилгани ҳақида

Ҳишом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу жоҳилият даврида юзта қулни озод қилиб, юзта туяни қурбон қилган эрдилар. Мусулмон бўлганларида (ҳам) юзта туяни қурбон қилиб, юзта қулни озод қилдилар. Ул кишининг ўзлари бул ҳақда бундай дейдилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулаллоҳ, менинг жоҳилият даврида (гуноҳларимдан) пок бўлиб, (парвардигорга яқин бўлмоқ) ниятида қилган (хайру-эҳсонларим) хусусида не дейсиз, (уларнинг бирор савоби бормикан?)» — дедим. Шунда ул зот: «Илгариги қилган амали солиҳларинг устига мусулмон ҳам бўлдинг!» — деб марҳамат қилдилар». (Яъни, кишининг кофирлик даврида қилган амали солиҳлари, агар у кейин мусулмон бўлса, зое кетмас, акс ҳолда муглақо нафъи йўқдур).

12-боб. (Кофир) арабларни қул қилиб, ҳадя қилган, сотган, (аёлларини) жимоъ қилган ва (улардан) товон ундирган ҳамда бола-чақаларини асир олган киши хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ ҳеч нарсага қудрати етмайдирган бир қул бирлан Биз ўз тарафимиздан ато этган яхши ризқдан билдирмай ва ошкора хайру-эҳсон қилиб турган бир одамни мисол қилур. Иккиси тенг бўла олурми?! Барча мақтовлар Оллоҳга хосдур, лекин уларнинг кўплари буни билмаслар» («Наҳл» сураси, 75-оят).

Марвон ва Мисвар ибн Махра разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Ҳавозин қабиласи элчилари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига (мусулмон бўлиб) келиб, ўзларининг ўлжа олинган моллари бирлан асир олинган одамларини қайтариб бермоқларини сўраганларида, ул зот (уларнинг гапларини яхшироқ эшитиш ва ўзларининг гапларини уларга яхшироқ эшиттириш учун) ўринларидан турдилар-да, уларга: «Менинг учун энг ёқимли суз — рост сўздур! Икки нарсдан бирини (қайтариб бермоғимни) танлангиз, ё асирларни ёхуд молларни! Мен сизларни кутган эрдим» — деб айтдилар. (Дарҳақиқат), Жаноб Расулulloҳ Тоифдан (Жиъронага) қайтганларида бир неча кун уларнинг келишларини кутиб, (асирларни мужоҳидларга тақсимламай турган) эрдилар. (Кейин, ул зот, улардан дарак бўлмагач, асирларни ўшал ерда тақсимладилар. Шул аснода Ҳавозин қабиласи элчилари ҳузурларига келиб қолди). Ҳавозин қабиласи элчилари Жаноб Расулulloҳнинг икки нарсдан биринигина қайтариб беражакларини англагач: «Биз асир олинган одамларимизни (қайтариб бермоғингизни) танладик», — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ мусулмонлар ичра тик туриб, Оллоҳ таоло шаънига унинг ўзи ўзларига билдирган жамики ҳамду саноларни айтдилар, сўнгра: «Аммо баъд, дарҳақиқат мана бу биродарларингиз ҳузуримизга тавба қилиб келибдилар. Мен уларга асир олинган одамларини қайтариб бермоғимни маъқул кўрдим.

Сизлардан кимки яхшилик қилиб, яхшилик кўрмоқ истаса, (ўзига тақсим қилинган асирларни, эвазига бирор нарса сўрамай, Ҳавозин қабиласига) топширсин! Ва сизлардан кимки (ўзига тақсим қилинган) асирларни бирор ҳақ бадалига (топширмоқни) истаса, топшираверсин, биз унинг (асирлари) эвазига Оллоҳ таоло бизга кофирлардан жиҳод қилдирмай олиб берадирган дастлабки ўлжалардан улуш берурмиз», — дедилар. Одамлар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун шуни (яъни, асирларни Ҳавозин қабиласига топширмоқни) маъқул кўрдик!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Биз қайси бирингиз бунга розисиз-у, қайси бирингиз рози эмассиз, билмасмиз. Борингизлар, (оқсоқолларингиз бирлан маслаҳатлашингизлар), кейин улар не қарорга келганингизни бизга маълум қилсинлар!» — дедилар. Одамлар (ўз оқсоқоллари олдига) бордилар, оқсоқоллар (асирларни қайтариб бермоқ маъқуллигини уларга маслаҳат бердилар. Барчалари шунга рози бўлгач), оқсоқоллар Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига келиб, барча одамлар асирларнинг қайтариб берилмоғига рози эканлигини маълум қилдилар».

Ибн Авн разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Нофиъга (мактуб) ёздим, ул ҳам менга (мактуб) ёзиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Бану Мусталиқ қабиласига молларини сув буйига олиб бориб суғориб турганда тўсатдан ғорат қилганларини, уларнинг қаршилиқ кўрсатганларини ўлдириб, бола-чақаларини асир олганларини ва Жувайрия разияллоҳу анҳога (айнан) ўшал куни етишганларини маълум қилди».

Ибн Муҳайриз разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен Абу Саъид разияллоҳу анҳуни кўриб (учратиб, Бану Мусталиқ ғорати хусусида) сўрадим. Шунда ул киши бундай дедилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Бану Мусталиқ ғазотига чиқдик, (кофир) араблардан (кўпини) асир олдик. Кейин, кўнглимиз аёлларни тусаб қолиб, бўйдоқлик қийнаб юборди. (Асира аёлларни ҳомиладор қилиб қўймаслик учун) манийни ташқарига тўкмоқчи бўлдик. Жаноб Расулуллоҳдан шул хусусда сўраб эрдик, ул зот: «(Бундай) қилмоқларингизнинг сира нафъи йўқдур, (чунки) Қиёматга қадар вужудга келадирган ҳар бир инсон албатта вужудга келгайдур!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан Бану Тамимнинг уч (хислат) соҳиби эканлигини эшитдим. Шундан буён мен уларни яхши кўриб қолдим. Ул зот (Бану Тамимнинг биринчи хислати хусусида): «Улар Дажжолга қарши энг қаттиқ (жанг қилгувчи) умматимдурлар!» — деб эрдилар. (Уларнинг иккинчи хислати хусусида эрса), улардан закот йиғиб келинганда: «Бу бизнинг қавмимиздан йиғиб келинган закотдур!» — деб эрдилар (яъни, Бану Тамимнинг ўзларига насабдош эканликларига ишора қилган эрдилар. Уларнинг учинчи хислати шуки), Бану Тамимга мансуб бир асира Оиша разияллоҳу анҳонинг хизматларини қилиб юрар эрди. Жаноб Расулуллоҳ (унинг хусусида) Оиша онамизга: «Уни озод қилгил, чунки у Исмоил алайҳиссаломнинг авлодларидандур!» — деб эрдилар».

13-боб. Жориясига (чўрисига) адаб ва илм ўргатган киши ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўз жориясига ғамхурлик ва яхшиликлар қилган (яъни, яхши таълим-тарбия берган), сўнг уни озод қилиб, унга уйланган кишига икки ажр ато этилур» — деб марҳамат қилдилар».

14-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қуллар ўз биродарларингиздур, уларга ўзларингиз ейдирган нарсаларни ёдирингизлар!» — деб айтганлари хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ибодат қилингизлар (ёлғиз) Оллоҳ таолога ва ширк келтирмангизлар унга ҳеч бир нарсани ва яхшилик қилингизлар ота-оналарингизга ва қариндошларингизга ва етимларга ва мискинларга ва яқин (қариндош) қўшнига ва бегон» қўшнига ва ҳамроҳингизга (ёки ҳамсўхбатингизга) ва мусофирга ва тасарруфингиздаги қулларингизга! Албатта, Оллоҳ яхши кўрмас такаббур ва мақтангувчи кимсани» («Нисо» сураси, 36-оят).

Маърур ибн Сувайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абу Зарр ал-Ғифорий разияллоҳу анҳунинг ҳам, ғуломларининг ҳам бир хил ҳулла кийиб олганларини кўрдим. Шунда биз ул кишидан бунинг боисини сўрадик. Ул киши бундай дедилар: «Мен бир кишини онасини тилга олиб сўкиб эрдим, у Жаноб Расулulloҳга устимдан шикоят қилди. Шунда ул зот (менга): «Уни онасини тилга олиб сўқдингми? (Сенда ҳали ҳам жоҳилият илллати бор эркан!)» — дедилар. Сўнг: «(Одам алайҳиссаломнинг авлодлари бўлмиш бул) биродарларингизни Оллоҳ таоло сизларнинг қўл остингизга (қул қилиб топшириб) қўйибдур. Кимнинг қўл остида биродари (қулликда) бўлса, унга ўзи ейдирган нарсалардан ёдирсин, ўзи киядирган нарсалардан кийдирсин! Уларга кучлари етмайдирган юмушни буюрмангизлар, мабодо буюрсангизлар, ўзларингиз ёрдамлашингизлар!» — деб айтдилар».

15-боб. Агар қул парвардигорига астойдил ибодат қилиш бирлан бирга жанобига ҳам астойдил хизмат қилса...

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар қул жанобига астойдил хизмат қилиш бирлан бирга парвардигорига ҳам астойдил ибодат қилса, икки марта (яъни, икки) ажр олур», — дедилар».

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бир киши бўлмасин, жориясига яхши таълим-тарбия берса, сўнг уни озод қилиб, унга уйланса, икки ажр олур ва қайси бир қул бўлмасин, Оллоҳ таолонинг ҳақини ҳамда жанобининг ҳақини (астойдил) адо этса, икки ажр олур», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Солиҳ мамлукка (қулга) икки ажр ато этилур. Жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, агар Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқлик ва ҳаж бўлмаганда эрди, мен мамлук ҳолда ўлмоғимни хоҳлаган бўлур эрдим!» — дедилар».

16-боб. Мамлукка (қулга) нисбатан ўзни катта тутмоқликнинг макруҳлиги ҳақида

Жаноб Расулulloҳ: «Қулим ёки чўрим, деб айтмангизлар!» — деганлар.

Оллоҳ таоло: «...қул ва чўриларингиздан солиҳларини...» («Нур» сураси, 32-оят) «...мамлук (оқ) қул бирлан...» («Наҳл» сураси, 75-оят), «...эшик олдида унинг пешвосига (эрига) дуч келишди...» («Юсуф» сураси, 25-оят), «...мўмина чўриларингиздан бирига...» («Нисо» сураси, 25-оят) — дейди.

Жаноб Расулulloҳ: «Пешвонгизнинг (ҳурмати) учун ўрнингиздан турингизлар!», «Мени пешвонг қошида эслагил!» ва «Пешвонгиз ким?» — деб айтганлар.

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи

ва саллам: «Агар қул жанобига астойдил хизмат қилса ва (айни вақтда) парвардигорига ҳам астойдил ибодат қилса, икки марта ажр олур», — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз (қулга): «Эгангнинг қорнини тўйгаз!», «Эгангни ювинтириб қўй!» ва «Эганга сув келтир!» — деб айтмангиз, (чунки ҳақиқий эгалик Оллоҳ таологагина хосдур!). Бунинг ўрнига: «Жанобим» ёки «мавлом» (ғамхўрим, ҳимоячим, ҳазратим) — деб айтмангиз! Бирортангиз: «Қулим» ёки «чўрим» — деб айтмангиз, (чунки инсон Оллоҳ таологагина қул, яъни бандадур). Бунинг ўрнига: «Болам», «қизим» ёки «ғуломим» — деб айтмангиз!» — дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши (шерикликка харид қилинган) бир қулдаги ўз улушини озод қилса-ю (яъни, Оллоҳ таоло йўлида садақа қилмоқ ниятида ўз улушидан воз кечса-ю), (аммо) унинг қулга тўланган умумий маблағнинг қолган қисми қийматига тенг келадирган яна моли (нарсаси) бўлса, шерикларига ўз улушларини берур (қайтарур) ва шул тариқа қулни (бутунлай) озод қилур, акс ҳодда ундан (яъни, қулни харид қилишга сарфланган маблағдан) қанчасини озод қилган бўлса, шунчасини озод қилган бўлур (яъни, ўзи қўшган улушигина Оллоҳ таоло йўлида садақа қилган бўлур)», — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Умар) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Барчангиз ўз қўл остингиздагиларга ҳомий ва масъулдурсиз. Одамларга ҳукмдорлик қилиб турган амир ўз қул остидагиларга ҳомий ва масъулдур. Киши (эр) ўз хонадони аҳлига (оиласига) ҳомий ва масъулдур. Аёл (хотин) эрининг хонадони ва унинг болаларига ҳомий ҳамда масъулдур. Қул ўз жаноби (эгаси)нинг мол-мулкига ҳомий ва масъулдур. Шундай қилиб, барчангиз ўз қўл остингиздагиларга ҳомий ва масъулдурсиз». (Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам, эҳтимол, одамларнинг ўзларини бир-бирларидан катта тутмасликлари лозимлигини ёхуд қулга ўзига яраша эрк беришнинг жоизлигини ҳам назарда тутган бўлсалар керак).

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Агар чўри зино қилса, унга дарра урингизлар, агар яна зино қилса, унга дарра урингизлар, агар яна зино қилса, унга дарра урингизлар, уч гал (ҳам дарра урингизлар). Туртинчи (гал зино қилса), бир (қулоч) арқонга бўлса ҳам, уни сотиб юборингизлар!».

17-боб. Агар (кимга) хизматкори таом келтирса...

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангизга хизматкорингиз таом (тайёрлаб) келтирса, у бирлан бирга ўлтирмасангиз ҳам, (катталиқ қилмай) бир-икки луқма (ёки бир-икки ошам) тановул қилинган, чунки у таомни меҳр бирлан тайёрлаган, (оловнинг иссиғи-ю, тутунига дош бериб, қанча азият чеккан)», — дедилар».

18-боб. «Қул ўз жанобининг мол-мулкига ҳомийдур» (дейиш бирлан) Жаноб Расулуллоҳ мол-мулкни жанобга (яъни, хонадон бошлиғига) мансуб қилдилар

Бу ерда Жаноб Расулуллоҳнинг «Барчангиз ўз қўл остингиздагиларга ҳомий ва масъулдурсиз» деб бошланадирган ҳадиси шарифлари такроран келтирилган.

19-боб. Агар (киши) қулини урса, юзига урмасин!

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз қўлингизни (бирор айби учун) урсангиз, юзига урмангиз!» — дедилар». (Эҳтимол, Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўз суратида яратгани учундур, балким инсонларнинг отаси Одам алайҳиссаломнинг ҳурматлари юзасидандур?).

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

МУКОТАБ ҲАҚИДА

(Мукотаб — қул ёки чўри бўлиб, ул ўз хўжайинига: «Мунча муддатда сизга фалон миқдорда маблағ ишлаб топиб берурман, сўнг мени озод қилурсиз. Аммо, ишонч учун менга шул ҳақда васиқа ёзиб берингиз!» — дейди. Шунда, агар хўжайини рози бўлса, унга васиқа ёзиб бериб, келишилган маблағни ишлаб топиб келмоғи учун уни эркин қўюр. Агар қул ўзи айтган муддатда ўшал маблағни ишлаб топиб келса, озод булур, акс ҳолда қуллигича қолур).

1-боб. Қулини (озод қилгач), уни ўз ҳолига ташлаб қўйган кишининг гуноҳи ҳақида

Бу ерда юқоридаги сарлавҳага оид ҳадис келтирилмаган. Аммо, «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ»нинг бошқа жилдларида қуйидаги ҳадис мавжуд:

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ислом аҳли ўз қулларини озод қилгач, уларни ўз ҳолларига ташлаб қўймас, жоҳилият аҳли эрса, уларнинг (ҳолидан хабар олмай), ўз ҳолларига ташлаб қўюр эрди».

2-боб. Мукотаб ва унинг (ўз бўйнига олган маблағни бир неча йил давомида) бўлиб-бўлиб тўламоғи, (яъни) ҳар йили унинг бир қисмини тўлаб, (бўйнидаги маблағдан) қутулмоғи ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Озодлик хати олмоқни истаган ғулом ва чўриларингизга, агар уларда хайрият (мол, маблағ) борлигини билсангиз, (дарҳол озодлик хати) ёзиб берингиз ва, (агар маблағлари бўлмай, ишлаб топиб бермоқчи бўлсалар), Оллоҳ таолонинг ўзларингизга ато этилган молдан уларга (ёрдам) берингиз!» («Нур» сураси, 33-оят).

Ибн Журайж разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Атога: «Агар (ғуломим ёхуд чўримнинг) моли борлигини билсам, унга озодлик хати битиб бермоғим менга вожибми?» — дедим. Ато: «Мен буни фақат вожиб, деб билурман», — дедилар».

Мусо ибн Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Сирин (исмли) бир бадавлат ғулом Анасдан озодлик хати ёзиб бермоқларини сўраб эрди, кўнмадилар. Сўнг, Сирин Умар разияллоҳу анҳуга (шикоят қилиб) борди. Ҳазрат Умар Анасга: «Унга (озодлик хати) ёзиб бер!» — дедилар. Аммо, Анас (яна) кўнмадилар. Шунда Ҳазрат Умар (дарғазаб бўлиб) «...агар уларда хайрият (мол, маблағ) борлигини билсангиз, (дарҳол) уларга озодлик хати ёзиб берингиз...» деган ояти каримани тиловат қилганча Анасга дарра урдилар. Шундан сўнггина, Анас унга озодлик хати ёзиб бердилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. «(Чўри) Барира ҳузуримга келиб, озод бўлмоғи учун ўз буйнига олган маблағни тўламоғига ёрдам қилмоғимни сўради. (Чунки, у) ўз буйнидаги ўшал маблағнинг озгинасини ҳам тўлай олмаган эрди. Мен унга: «Эгаларинг қошига қайтгил, агар улар бўйинидаги маблағни тўламоғимга ва шунда сенга ҳомийлик ҳуқуқи менга ўтмоғига рози бўлсалар, (бўйинидаги маблағни тўлаб, сени озод) қилгумдур!» — дедим. Сўнг, Барира ўз эгалари ҳузурига бориб, уларга менинг бул таклифимни етказди. Аммо, улар: «Агар Оиша (разияллоҳу анҳо) бўйинидаги маблағни тўлашгач ва шунда сенга ҳомийлик ҳуқуқи бизда қолмоғига рози бўлсалар, (бўйинидаги маблағни тўлаб, сени озод) қилавсрсинлар!» — деб

кўнишмади. Ксйин, мен уларнинг бул шартини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб эрдим, ул зот: «Уни сотиб олиб (яъни, бўйнидаги маблағни тулаб), озод қилавер, чунки (озод қилинган чўри ёхуд ғуломга) хомийлик қилмоқ ҳуқуқи уни (бўйнидаги маблағни тўлаб), озод қилган шахсникидур!» — дедилар. Сўнг, ул зот ўринларидан туриб: «Одамларга не бўлган ўзи, Оллоҳ таолонинг Китобида йўқ шартларни қўюрлар?! Кимки Оллоҳ таолонинг Китобида мавжуд бўлмаган шартларни қўйса, гарчи юз марта қўйса-да, ботил бўлиб, Оллоҳ таолонинг шарти ҳақиқий ва кучлидур!»— деб марҳамат қилдилар».

3-боб. Мукотибнинг (яъни, муайян мол ёки маблағ эвазига қулига озодлик хати ёзиб бергувчи қулдорнинг) жоиз (ва ножоиз) шартлари ҳамда Оллоҳ таолонинг Китобида йўқ шартларни қўйгувчилар хусусида

Бу ерда ҳам Оиша онамизнинг чўри Барира ҳақидаги ривоятлари такрорланган.

4-боб. Мукотабнинг (озод бўлмоқ учун ўз бўйнига олган маблағни тўлашда) одамлардан ёрдам сўрамоғи ҳақида

Бу ерда ҳам Оиша онамизнинг чўри Барира хусусидаги ривоятлари такрорланган.

5-боб. Агар мукотаб рози бўлса, уни сотиб олмоқ(нинг жоизлиги) ҳақида

Бу ерда ҳам Оиша онамизнинг чўри Барира ҳақидаги ривоятлари такрорланган.

6-боб. Агар мукотаб (бир кишига): «Мени сотиб олиб, озод қилингиз!»— деса-ю, ул уни шул (сўзи) учун сотиб олса, (жоиздур)

Бу ерда ҳам Оиша онамизнинг чўри Барира ҳақидаги ривоятлари такрорланган.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ҲАДЯ ҚИЛМОҚ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАМДА ҲАДЯ ҚИЛМОҚҚА УНДАМОҚ ҲАҚИДА КИТОБ

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вараллам: «Эй муслима аёллар, қўшни аёл ўзига қўшни аёлга, гарчи қўй туёғини бўлса-да, ҳадя қилишдан орланмасин!»— деб марҳамат қилдилар». (Яъни, қўшни аёллар қўлларидан келганча бир-бирларига ҳадя қилиб турсинлар, «Бу оз-ку!» ёки «Арзимас-ку!» деб ўзларини ҳадя қилмоқдан тиймасинлар, деган мазмундадур).

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо менга: «Эй жияним, гарчи биз янги ой (чиққани)ни кўрсак-да, кейин (яна) янги ой (чиққани)ни курсак-да, сўнг (яна) янги ой (чиққани)ни кўрсак-да, (жами) икки ойда уч бор янги ой (чиққани)ни кўрсак-да, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида (ўчоқларга) ўт еқилмас эрди», — дедилар. Шунда мен: «Эй хола(жоним), нима бирлан тирикчилик қилур эрдингизлар?»— дедим. Оиша разияллоҳу анҳо: «Хурмо ва сув бирлан (кун кўрур эрдик). Бундан ташқари, Жаноб Расулуллоҳнинг ансорлардан бўлмиш қўшнилари бор эрди. Уларнинг соғин совлиқлари бўлиб, сутидан Жаноб Расулуллоҳга ҳадя қилиб туришар, ул зот эрсалар уни бизга ичирур эрдилар», — дедилар».

1-боб. Кичик ҳадя ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар:

«Агар даъват қилинсам қўй қулига, боргум албат,
Агар ҳадя қилинса қўй қўли, олгумдур албат!».

(Бу ерда кичик бир нарсани ҳам ҳадя қилмоқлик жоиз эканлиги, уни рад қилмаслик лозимлиги қайд қилинган бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ, назоратдан энг йироқ жойи бўлгани боисидан, қўй қўлини тановул қилмоқни хуш кўрур эрдилар).

2-боб. Ўз саҳобаларидан ҳадя сўраган зот ҳақларида

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳожирлардан бўлмиш бир аёлга одам юбордилар. Ул аёлнинг бир дурадгор ғуломи бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ унга: «Қулингга буюргил, бизга хушбуй ёғочдан бир минбар ясаб берсин!»— дедилар. Аёл қулига буюриб эрди, ул бориб бир тарфоъ дарахтини кесди-да, ёғочидан Жаноб Расулуллоҳга минбар ясади. Қул минбарни ясаб бўлгач, аёл бир ходимини Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига юбориб, минбарнинг тайёр бўлганини хабар қилди. Жаноб Расулуллоҳ: «Минбарни ҳузуримга бериб юборсин!»— дедилар. Аёл минбарни бериб юборди. Кейин, ул зот минбарни сизлар кўриб турган мана шу ерга олиб келиб қуйдилар».

Абу Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен бир куни Маккага кетаётиб, дам олишга тухтаганимизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир гуруҳ саҳобалари бирлан бирга ўлтирган эрдим, ул зот эрсалар шундоққина рўпарамизда дам олаётган бўлиб, мендан бўлак барча эҳромда эрди. Бир маҳал одамлар бир қулонни кўриб қолишди, шунда мен пойабзалимни ямаш бирлан овора эрдим. Улар (эҳромда бўлганлари учун ов қилишлари ва эҳром киймаган кишига ов борасида ёрдам беришлари мумкин бўлмаганидан) уни менга кўрсатишни истамай: «Шояд уни ўзи кўриб қолса!»— деб кутишди. Кейин, мен (пойабзалимни

тузатиб бўлиб, атрофимга) қараб эрдим, бир қулоннинг (ўтлаб юрганига) кўзим тушди. (Дарҳол) ўрнимдан туриб, отим олдига бордим-да, уни эгарладим. Сўнг, уни миниб (ов томон юрмоқчи эрдим), қамчи ва найзани олмаганим ёдимга тушди. Мен одамларга: «Қамчи ва найзани олиб берингизлар!»— дедим, аммо улар: «Оллоҳ таоло ҳақи, олиб бермасмиз, сенга (ов борасида) ёрдам қилмасмиз!»— дейишди. Мен (ноилож) отдан тушиб, найза бирлан қамчини олдим. Кейин, отга миниб, шитоб бирлан қулон устига чоптириб бордим-да, унга найза санчдим. Сўнг, ўлган қулонни (одамлар олдига судраб) олиб келдим. Улар унга ёпирилишиб, гўшtidан (кесиb олишди-да, пишириб) ейишди. Кейин, эҳромда була туриб ов гўшtidан еб қўйганлари (ёдларига тушиб): «Энди не бўлгай, гуноҳ иш қилиб қўйдик-ку?»— дея хавотирга тушишди. Сўнг, биз йўлда давом этдик, мен қулоннинг бир қўлини ўзим бирлан олиб олдим. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга етиб олгач: «Эҳромда бўла туриб ов гўшtidан истеъмол қилмоқ мумкинми ё йўқми?»— деб сўрадик. Шунда ул зот: «Унинг гўшtidан (менга ҳам) олиб келдингизларми?» — дедилар. Мен «Ҳа», — дедим-да, қулон қўлини ул зотга узатдим. Ул зот эҳромда бўлишларига қарамай, уни еб, ҳатто суюқларигача тозалаб қўйдилар».

3-боб. Чанқоқларини қондирмоқни илтимос қилган зот ҳақларида

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Чанқоғимни қондиргил!»— дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам мана шу ҳовлимизга келиб, чанқоқларини қондирмоғимизни илтимос қилдилар. Биз ул зот учун бир совлиғимизни соғдик. Сўнг, мен сутга (муздек бўлсин, деб) мана шу қудуғимиз сувидан қўшдим-да, ул зотга узатдим. Шунда Ҳазрат Абу Бакр ул зотнинг чап томонларида, Ҳазрат Умар рўпараларида, бир бадавий эрса, ўнг томонларида турган эрди. Жаноб Расулulloҳ (сутдан ичиб) бўлгач, Ҳазрат Умар (ул зотга): «(Қолганини) Абу Бакрга берингиз!»— дедилар. (Аммо), ул зот сутнинг қолганини бадавийга узатдилар-да: «(Аввал) ўнгдагилар(га, аввал) ўнгдагилар(га)», — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу (шул воқеа ҳақида бошқаларга сўзлаб бераётиб): «Бу суннатдур, бу суннатдур, бу суннатдур»— деб уч бор такрорладилар.

4-боб. Овланган жонивор гўшти ҳадя қилинса, қабул қилмоқлик жоиздур, чунки Жаноб Расулulloҳ Абу Қатода овланган қулон қўлини ҳадя қилганларида қабул қилганлар

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз (бир куни) Марризахрон деган жойда бир қулонни қўрқитиб юбордик. Қавм уни қува-қува тутолмай чарчади. Ниҳоят, мен уни қувиб етиб, тутиб олдим-да, Абу Талҳага олиб бордим. Абу Талҳа уни сўйиб, икки сонини (оёғини) Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга юбордилар, ул зот уни қабул қилдилар».

5-боб. Ҳадя қабул қилмоқ хусусида

Ҳишом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг кўнгилларини олиш мақсадида Оиша онамизнинг уйларида бўладирган кунлари ҳадя беришни афзал курур эрдилар». (Чунки, Жаноб Расулulloҳнинг Оиша онамизни кўпроқ яхши кўришларини билишар эрди).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Холам) Умму Ҳуфайд Расулulloҳ

саллаллоху алайҳи ва салламга сузма, сариёғ ва (пиширилган) калтакесаклар ҳадя қилдилар. Жаноб Расулulloҳ сузма ва сариёғдан тановул қилиб, калтакесаклардан эрса, жирканиб емадилар. (Аммо, бошқалар) ул зотнинг дастурхонларида калтакесакларни тановул қилишди. Агар калтакесак ҳаром бўлганида, ул зотнинг дастурхонларида тановул қилинмас эрди».

Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам, агар таом келтирилса: «Бу ҳадями ё садақами?»— деб сўрар эрдилар. Агар: «Бу садақа»,— дейишса, саҳобаларига: «Сизлар еяверингизлар!» — деб ўзлари емас эрдилар. Башарти: «Бу ҳадя», — дейишса, тездан (таомга) қул уриб, саҳобалар бирлан бирга тановул қилур эрдилар».

Анас ибн Молик разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламга (пиширилган) гўшт олиб келишиб: «(Бу) Барирага садақа қилинган (гўштан)» — деб айтишди. Шунда ул зот: «Бу гўшт Барира учун садақадур, бизга эрса, ҳадя», — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

Умму Атийя разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Оишанинг ҳузурларига кириб: «Бирор егуликларингиз борми?» — дедилар. Оиша: «(Барира) ўзига Умму Атийя садақа қилиб юборган қўй гўшtidан (бизга) юборибди, шундан бўлак ҳеч вақомиз йўқ» — деб айтдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Садақа ўз жойига етибди», — дедилар» (яъни, «Бу Барирага садақа бўлса, бизга ҳадядур», — дедилар).

6-боб. Жаноб Расулulloҳга Оиша онамиз ҳузурларида эканликларидагина ҳадя қилмоқни муносиб кўрган кишилар ҳақида

Ҳишом ибн Урва разияллоху анху ривоят қиладилар: «Оиша разияллоху анҳо: «Одамлар (Жаноб Расулulloҳга) менинг ҳузуримда буладирган кунлари ҳадя қилмоқни муносиб кўрур эрдилар», — дейдилар».

Ҳишом ибн Урва ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг аёллари икки гуруҳ эрди. Биринчи гуруҳ Оиша, Ҳафса, Сафийя ва Савдадан, иккинчиси Умму Салама ва ул зотнииг бошқа хотинларидан иборат эрди. Муслмонлар Жаноб Расулulloҳнинг Оишага нисбатан муҳаббатларини билишар эрди. (Шул боисдан) бирорталари Жаноб Расулulloҳга ҳадя қилмоқчи бўлса, Оишанинг ҳузурда бўладирган кунларини пойлар ва ўшал кун келгач, ўз ҳадясини Оишанинг уйига жўнатар эрди. (Бир куни) Умму Салама (бошлиқ) гуруҳ Умму Саламага: «Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламга айтингиз, «Кимда-ким Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламга ҳадя бермоқчи бўлса, қайси хотинларининг ҳузурда бўлсалар, ўшал ерда бераверсин!» деб одамларга тайинласинлар», — деди. Умму Салама улар айтган гапни Жаноб Расулulloҳга айтдилар. Шунда ул зот лом-мим демадилар. Кейин, улар Умму Саламадан сўрашиб эрди: «Менга ҳеч нарса демадилар», — дедилар. Улар: «(Яна) айтингиз!» — дейишди. Умму Салама, Жаноб Расулulloҳ навбат бўйича ҳузурларига кирганларида, яна айтдилар. Аммо, Жаноб Расулulloҳ бул сафар ҳам индамадилар. Кейин, улар Умму Саламадан сўрашиб эрди: «Менга жавоб қилмадилар» — деб айтдилар. Улар: «Сизга жавоб қилмагунларича айтаверингиз!»— дейишди. Умму Салама, Жаноб Расулulloҳ навбат бўйича яна ҳузурларига кирганларида, ўшал гапни такрорладилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оиша хусусида менга озор бермагил, чунки Оишадан бўлак бирор аёлнинг бағрида менга ваҳий келмас!» — дедилар. Умму Салама: «Ё Расулulloҳ, сизга азият етказганим учун Оллоҳ таолога тавба қилурман!» — дедилар. Кейин, улар Жаноб Расулulloҳнинг қизлари Фотимани

чақиришди-да: «Аёлларингиз Оллоҳ таолони ўртага қуйиб, Абу Бакрнинг қизи (Оиша) борасида адолат қилмоғингизни (яъни, «Барча аёлларингизни тенг кўрмоғингизни) ёлборурлар» — деб айтмоқни топшириб, ул зотнинг ҳузурларига юборишди. Фотима (алайҳоссалом ўзларига топширилган гапни) Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдилар, ул зот: «Эй қизалоғим, мен севган нарсани севмайсанми?» — дедилар. Фотима (алайҳоссалом): «Ҳа, албатта, севаман!» — деб жавоб қилдилар-да, уларнинг ҳузурига қайтиб бориб, бўлган гапдан хабардор қилдилар. Улар: «Ҳузурларига қайтиб, (яна) айтгил!» — дейишди. Аммо, Фотима (алайҳоссалом) кўнмадилар. Сўнг, улар Зайнаб бинти Жаҳшни (ул зотнинг ҳузурларига) юборишди. Зайнаб бориб: (Ё Расулаллоҳ), аёлларингиз Оллоҳ таолони ўртага қуйиб, Ибн Абу Қўҳофанинг қизи хусусида адолат қилмоғингизни ёлборурлар» — деб янглиш айтдилар, (чунки Усмон ибн Абу Қўҳофа Абу Бакр ас-Сиддиқнинг оталаридур). Кейин, Зайнаб (ўшал ерда) ўлтирган Оиша разияллоҳу анҳони (атайлаб) эшитадирган даражада баланд овоз бирлан ҳақорат қилдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ Оиша (разияллоҳу анҳо)га нима дер эркан, деган маънода қарадилар. Оиша (разияллоҳу анҳо) шундай бир жавоб қайтардиларки, ҳатто Зайнаб лом-мим деёлмай қолдилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ Оиша (разияллоҳу анҳо)га қараб туриб: «Бу Абу Бакрнинг қизлари бўлади, (ул киши каби олижаноб, ақлли ва донодур!» — дедилар».

7-боб. Рад қилинмайдирган ҳадя ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳидланадирган, сепиладирган ёки суртиладирган) хушбуй ашёлар (ҳадя қилинса), рад қилмас эрдилар, (чунки ул зот фаришталар бирлан тез-тез муножот қилиб турур эрдилар. Шул боисдан ҳам пиёз ва саримсоқ емас эрдилар)».

8-боб. Оллоҳ таоло ҳали ато этмаган ўлжалардан инъом қилмоқнинг (ваъда қилмоқнинг) жоизлиги ҳақида

Мисвар ибн Маҳрама ва Марвон разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Ҳавозин қабиласи элчилари ҳузурларига келганда, одамларга (ўз гапларини яхшироқ эшиттириш ва уларнинг гапларини яхшироқ эшитиш учун) ўринларидан турдилар-да, Оллоҳ таоло шаънига унинг ўзи ўзларига билдирган (жамики) ҳамду саноларни айтдилар, сўнг: «Аммо баъд, (мана бу) биродарларингиз тавба қилиб ҳузуримизга келдилар. Мен уларнинг асир олинган одамларини ўзларига қайтариб бермоғимни маъқул кўрдим. Сизлардан кимда-ким шуни (яъни, ўзига улуш қилиб берилган асирларни, эвазига бирор нарса олмай, қайтариб беришни) маъқул топса, (шундай) қилсин ва кимда-ким ўзига улуш қилиб берилган асирларни, бадалига бирор нарса олгач, қайтариб бермоқчи бўлса, ул ҳам қайтариб бераверсин, биз унга Оллоҳ таоло ўзимизга ато этадирган дастлабки ўлжалардан инъом қилурмиз!» — дедилар. Шунда одамлар: «Сиз учун (муборак таклифингизни) маъқул кўрдик!» — деб жавоб қилишди».

9-боб. Ҳадя ўрнига ҳадя бермоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадя қабул қилиб, ўрнига (қиймати ортиқ бўлса, ортиқки, заррача кам бўлмаган) ҳадя берур эрдилар».

10-боб. Фарзандга ҳадя (тортиқ) бермоқ хусусида

Агар (ота) фарзандларидан бирига бирор нарса тортиқ қилса, токи бўлак фарзандларига

ҳам адолат қилиб, ўшанча тортиқ қилмас эркан, жоиз бўлмай, унга гувоҳлик ҳам қилинмас. Жаноб Расулulloҳ: «Фарзандларингизии тенг кўрингизлар!» — деб марҳамат қилганлар. Ота (агар фарзандларидан бирига тортиқ берган бўлса-ю, қолганларига бермаган бўлса, адолат учун ўшал) тортигини қайтариб олмоғи жоиздур. Ота ўз фарзанди молидан инсофу адолат бирлан истеъмол қилмоғи мумкин, (чунки бола ҳам, унинг моли ҳам отаникидур). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Умардан бир туяни сотиб олиб, уни ул кишининг ўғиллари Абдуллоҳга тортиқ қилдилар-да, унга: «Буни не қилсанг, қилавер!» — дедилар. (Яъни, агар Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Умарга: «Ўғлинг Абдуллоҳга туяларингдан бирини тортиқ қилгил!» — десалар-у, ул киши тортиқ қилсалар, бўлак фарзандларига адолат қилмаган, барчасини тенг кўрмаган бўлур эрдилар. Шул боисдан Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Умардан бир туяни сотиб олдилар-да, уни ул кишининг ўғиллари Абдуллоҳга тортиқ қилдилар).

Муҳаммад ибн Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Башир ибн Саъд ибн Саълаба ал-Ансорий ал-Ҳазражий разияллоҳу анҳу ўғиллари Нуъмон ибн Башир бирлан бирга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Мен мана бу ўғлимга бир ғулом (қул) ҳадя қилдим», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Барча фарзандларингга ҳам шундай қилдингми?» — дедилар. Башир ибн Саъд: «Йўқ», — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Ҳадянгни қайтариб ол!» — деб амр қилдилар».

11-боб. (Бирор нарса) ҳадя (қилингани)га (ўзгани) гувоҳ қилмоқлик хусусида

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Онам Амра бинти Равоҳа отам Башир ибн Саъддан менга ўз молларидан бирор нарса ҳадя қилмоқларини илтимос қилиб эрдилар), бир (қул) ҳадя қилдилар. Шунда онам отамга: «(ўғлингизга бул қулни мерос қилиб эрмас, балки ҳадя сифатида берганингизга) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни гувоҳ қилиб қўймагунингизга қадар рози бўлмасман!» — дедилар. Сўнг, отам Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулаллоҳ, мен Амра бинти Равоҳадан (туғилган) ўғлимга (бир қул) ҳадя қилиб эрдим, (Амра) сизни бунга гувоҳ қилиб қўймоғимни буюрди», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ (отамга): «Бўлак фарзандларингга ҳам шундай ҳадя қилдингми?» — дедилар. Отам: «Йўқ» — деб эрдилар, ул зот: «Оллоҳ таолодан кўрқингизлар, фарзандларингизни тенг кўрингизлар!» — деб айтдилар. Кейин, отам (ул зотнинг ҳузурларидан уйга) қайтиб (борганлари ҳаманоқ менга берган) ҳадяларини қайтариб олдилар».

12-боб. Эрнинг хотинига ва хотиннинг эрига ҳадя қилмоғи ҳақида

Иброҳим разияллоҳу анҳу: «Бу жоиздур (мумкиндур)», — дейдилар.

Умар ибн Абдулазиз разияллоҳу анҳу: «Иккаласи ўз ҳадясини қайтариб олмайди», — дейдилар.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (барча) хотинларидан Оиша (онамиз)нинг уйларида касал бўлмоқларига (яъни, касал вақтларида Оиша онамизнинг уйларида яшамоқларига) ижозат сўраганлар. (Яъни, Жаноб Расулulloҳ ул оналаримиздан ўзлари уларнинг ҳузурларида бўладирган кунларни ҳадя қилмоқларини сўраганлар).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўз ҳадясини қайтариб олгувчи кимса — ўз қусуғини егувчи ит кабидур!» — деб марҳамат қилганлар.

13-боб. Аёлнинг ўз эридан бўлак кимсага ҳадя бермоғи ҳамда эри бор аёлнинг,

агар ақли жойида бўлса, қул озод қилмоғининг жоизлиги ва агар ақли жойида бўлмаса, жоиз эмаслиги ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва бермангизлар аҳмоқлар қўлларига ул молларингизники, Оллоҳ таоло сизларнинг маъийшатларингизга сабаб қилгандур!» («Нисо» сураси, 5-оят).

Асмо разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, (эрим) Зубайр менга мулк қилиб берган молдан бўлак молим бўлмай, (ундан) садақа қилсам бўлурми?» — дедим. Ул зот: «Майли, садақа қилавер, аммо қилган садақангни ҳисоблаб юрмагил, (уни) сенинг учун Оллоҳ таоло ҳисобга олиб қўюр!»— дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Маймуна бинти ал-Ҳорис разияллоҳу анҳо Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан руҳсат сўрамай, ўз чўриларини озод қилдилар. Сўнг, ул зот ҳузурларига кирадирган куни: «Ё Расулаллоҳ, чўримни озод қилганимни билдингизми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Шундай қилдингми?» — дедилар. Маймуна: «Ҳа», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Уни тоғаларингга берганингга (ҳадя қилганингга) эрди, сенинг учун савоби янада каттароқ бўлур эрди!» — дедилар, (чунки улар хизматкорга муҳтож эрдилар)».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эрдик, агар сафар қилмоқни ихтиёр қилсалар, хотинлари ўртасида қуръа ташлар, қуръа қайси хотинларига чиқса, ўшал хотинларини ўзлари бирлан сафарга олиб кетур эрдилар. (Ул зотнинг яна шундай одати шарифлари бор эрдик), ҳар бир хотинлари учун бир кеча-кундуз вақт ажратар эрдилар. Бироқ, Савда бинти Замъа ўзларига ажратилган бир кеча-кундуз вақтни, Жаноб Расулulloҳнинг муҳаббатларини қозониш учун, Оишага ҳадя қилдилар». (Мазкур ҳадисда аёлнинг аёлга ҳадя қилганлиги айтилган бўлса-да, ул ҳадя айни вақтда эрга ҳам қилинган ҳадядур, чунки эр ундан баробар фойдаланур, деб тахмин қилиш мумкин).

14-боб. Энг аввало кимга ҳадя қилмоқ лозим?

Курайб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва Салламнинг жуфти ҳалоллари Маймуна ўз чўриларини озод қилдилар. Шунда ул зот Маймунага: «Тоғаларингдан бирига силаи раҳм (яъни, «Уни хизматкорга муҳтож тоғаларингдан бирига ҳадя қилиб, ёрдам) кўрсатганингга эрди, янада кўпроқ савоб олган бўлур эрдинг!» — дедилар. (Демак, энг аввало муҳтож қариндошларга ҳадя қилмоқ лозимдур).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, менинг икки қўшним бор, улардан қайси бирига ҳадя қилайин?» — дедим. Шунда ул зот: «Улардан ўзингга эшиги энг яқинига» — деб марҳамат қилдилар».

15-боб. (Узрли) сабабга кўра ҳадяни қабул қилмаган зот ҳақларида

Умар ибн Абдулазиз разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида ҳадя ҳадя эрди, бугун эрса у порадура», — дейдилар.

Саъб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абвоъ ёки Ваддон деган жойда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир қулон ҳадя қилдим. Шунда ул зот эҳромда бўлиб, ҳадямни рад қилдилар. Ҳадямни олмаганлари учун юзимда пайдо бўлган ўзгаришни сезгач эрса: «Биз

сенинг (ҳадянгни) рад этмас эрдик, лекин биз (афсуски биз) эҳромдамиз», — дедилар».

Абу Хумайд ас-Соъндий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Азд қабиласига мансуб Ибн ал-Утбийя (ёки аллутабийя) исмли бир кишини закот йиғиб келгувчи қилиб тайинладилар. У (закот йиғиб) келгач: «Мана бу нарса сизга, мана бу эрса менга ҳадя қилинди», — деди. Шунда ул зот: «(Закотдан уриб қолгандан кўра), отасининг уйида ёхуд онасининг уйида ўзига ҳадя қиладиларми, йўқми, пойлаб ўлтирса бўлмайдими?! Жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, кимда-ким закотдан бирор нарсани уриб қолса, Қиёмат куни ўшал нарсани елкасида кўтариб келур. Агар закотдан уриб қолган нарсаси туя бўлса, ўкириб, сигир бўлса, бўкириб, қўй бўлса, маараб турур», — дедилар. Сўнг, қўлларини шул қадар баланд кўтариб (Оллоҳ таолога дуо қилдиларки), ҳатто биз қўлтиқларининг оппоқ эканлигини кўрдик. Ул зот: «Ё парвардигоро, (сенинг аҳкомларингни умматимга) етказдим!» — деб уч бор такрорладилар».

16-боб. Агар (киши бирор ердан келтириладирган молдан бировга ҳадя қилмоқни ваъда қилиб қўйган бўлса-ю, аммо (ул мол) етиб келмасидан бурун вафот этиб қолса...

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менга: «Агар Баҳрайндан мол келса, сенга мана бунча, мана бунча ва мана бунча берурман» — деб айтдилар, лекин ул мол етиб келмасидан бурун вафот этиб қолдилар. Кейин, Абу Бакр (ас-Сиддиқ) бир жарчини юбордилар, у: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кимга бирор нарса ваъда қилган бўлсалар ёхуд кимнинг ул зотда қарзи бўлса, бизнинг ҳузуримизга келсин!» — деб (ул кишининг номларидан) жар содди. Шунда мен Абу Бакр (ас-Сиддиқ)нинг қошларига бориб: «Жаноб Расулulloҳ менга (Баҳрайндан келтириладирган молдан ҳадя) ваъда қилган эрдилар», — дедим. Абу Бакр менга (Жаноб Расулulloҳ ваъда қилган миқдорда) ул молдан бердилар».

17-боб. (Киши ҳадя қилиш ниятида сотиб олган ёхуд ўзига ҳадя қилинган) қул ёки молни (бировга ҳадя қилгунга қадар) қандай сақлаб туради?

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ҳурконгич (асов) бир туяга миниб олган эрдим. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уни (мендан) сотиб олдилар-да, (Мадинага боргач): «Эй Абдуллоҳ, бу сеники», — дедилар». (Яъни, Жаноб Расулulloҳ ул туяни ҳадя қилиш ниятида сотиб олганлари учун минмадилар ҳам, унга бирор юк ортмадилар ҳам, уни Мадинага боргунларига қадар ўзларида мулк қилиб ушлаб турганлари бирлангина кифояландилар).

Мисвар ибн Махрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (бир қанча) қаболарни (кийимларни) тақсим қилдилар, аммо Махрамага (ул ерда бўлмаганлари учун) бирорта ҳам қабо бермадилар. Сўнг, Махрама (менга): «Эй ўғилчам, биз бирлан Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига боргил!» — дедилар. Мен ул киши бирлан бирга бордим. «Ичкарига кириб, ул зотни менга чақириб бер!» — дедилар. Мен ул кишига Жаноб Расулulloҳни чақириб бердим. Жаноб Расулulloҳ тақсим қилинган қаболардан бирини кийиб, ул кишининг қошларига чиқдилар-да: «Мана буни сенга (атаб) яшириб қўйган эрдик», — дедилар. Махрама қабога тикилдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Махрама рози бўлдими?», — дедилар».

18-боб. Агар киши бировга ҳадя берса-ю, у уни олгач: «Қабул қилдим» —

демаса (жоиздур)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Бир киши расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ҳалок бўлдим!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Нечун?» — дедилар. У: «Рамазонда хотиним бирла алоқа қилиб қўйдим», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бир қул топа (яъни, озод қила) оласанми?» — дедилар. У: «Йўқ», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Икки ой муттасил рўза тута оласанми?» — дедилар. У: «Йўқ», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Олтмишта мискиннинг қоринларини тўйғаза оласанми?» — дедилар. У: «Йўқ», — деди. Шул аснода ансорлардан бири бир сават хурмони Жаноб Расулуллоҳга (ҳадя қилиб) олиб келиб қолди. Жаноб Расулуллоҳ бояги кишига: «Мана буни олиб бориб, садақа қилгил!» — дедилар. У: «Ўзимиздан камбағалроққами, ё Расулаллоҳ? Сизни ҳақ (дин) бирла юборган зот ҳақи, Мадинанинг икки тоғи оралиғида биздан ҳам қашшоқроқ хонадон йўқдур!» — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Боргил, буни оилангга едиргил!» — деб марҳамат қилдилар».

19-боб. Киши бировдаги қарзини (унинг ўзига) совға қилса, жоиздур

Ҳасан ибн Али разияллоҳу анҳу бир кишидаги қарзларини (унинг ўзига) ҳадя қилганлар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг (бировдан) қарзи бўлса, уни берсин ёки (ўрнига бирор нарса бериб) ундан қутулсин!» — деб марҳамат қилганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Отам Бадр куни шаҳид бўлдилар, кейин ул кишига қарз берган кишилар қарзларини қистаб келишди. Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, шул гапни айтдим. Ул зот қарз берган кишилардан хурмозорим ҳосилини қабул қилиб, отамни қарздан ҳалос қилишларини илтимос қилдилар. Аммо, улар (хурмозорим ҳосили кам бўлганидан) кўнишмади. Шунда ул зот менга: «Эртага эрталаб ҳузурингга келурман» — деб айтдилар, сўнг эртасига тонг отганда ҳузуримизга келдилар-да, хурмозорни бир айланиб чиқдилар. Кейин, хурмозоримнинг ҳосилига барака тилаб дуо қилдилар. Мен хурмоларни териб, отамга қарз берганларнинг ҳақини тўладим, (Жаноб Расулуллоҳнинг дуолари баракоти туфайли) ўзимизга ҳам (анчагина) хурмо ортиб қолди».

20-боб. Бир кишининг кўпчиликка ҳадя қилмоғи ҳақида

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (бир идишда) шарбат келтиришди. Ул зот ундан (бир оз) ичдилар. Шунда ўнг ёнларида бир йигит ва чап ёнларида кексалар туришган бўлиб, ул зот йигитга: «Агар менга ижозат берсанг, (шарбатни аввал) мана бу (кексаларга) узатсам!» — дедилар. Йигит: «Ё Расулаллоҳ, сиздан тегадирган насибамни ҳеч кимга бермасман!» - деди. Ул зот («Сени қараяю!» деган маънода) унинг қўлини чимчилаб қўйдилар».

21-боб. Сақлаб қўйилган ва сақлаб қўйилмаган ҳамда (кўпчиликка) тақсимлаб бериладирган ва тақсимланмайдирган тортиқ ҳақида

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ул зотнинг саҳобалари Ҳавозин қабиласига уларнинг ўзларидан олинган ўлжаларни (яъни, асир олинган одамларини) тортиқ қилдилар. Бул тортиқ (Ҳавозин қабиласига) тақсимлаб бериладирган тортиқ эмас эрди.

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен сафар вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу

алайҳи ва салламга бир туя сотдим. Мадинага етиб келганимизда ул зот (менга): «Масжидга кир, икки ракъат намоз ўқи!» — дедилар. (Мен масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқигач), туямнинг пулини (бир қийрот) ортиқ қилиб бердилар. (Мен ўшал қийротни, Ҳарра куни Шом аҳли тортиб олгунга қадар, табаррук қилиб сақлаб юрдим)».

Саҳл ибн Саъд рашяллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга (бир идишда) шарбат келтирилди. Шунда ул зотнинг ўнг томонларида бир йигит ва чап томонларида кексалар турган эрди. Ул зот йигитга: «(Аввал) мана бу (кексаларга) узатмоғимга рухсат берурсанми?» — дедилар. Йигит: «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, ҳеч кимни деб сиздан тегадирган насибамдан воз кечмасман!» — деди. Ул зот унинг қўлини чимчилаб қўйдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Бир киши Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга (туя) қарз берган бўлиб, (ул зотнинг ҳузурларига келди-да, қўполлик бирлан қарзини талаб қилди). Шунда саҳобалар уни (сўз бирлан ёхуд жисмонан) жазоламоқчи бўлишиб эрди, Жаноб Расулulloҳ уларга: «Уз ҳолига қўйингизлар уни (тегмангизлар унга), чунки қарз эгасининг сўзламоққа (ҳаққи) бор!» — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ саҳобаларга: «(Менга) қандай ёшдаги (туя қарз) берган бўлса, унга ҳам шундай ёшдаги (туя) берингизлар!» — деб айтдилар. Саҳобалар: «Ё Расулalloҳ, у (қарзга) берган (туя)дан яхшироқ (ёши каттароқ) туя тополдиқ, холос», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Унга ўшани бериб юбораверингизлар, чунки сизларнинг яхшироғингиз — (қарзни) яхшироқ адо этгувчингиздур!» — деб марҳамат қилдилар».

22-боб. Агар бир жамоа бир қавмга ҳадя қилса...

Мисвар ибн Маҳрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, Ҳавозин қабиласи элчилари ҳузурларига мусулмон бўлиб келиб, (ўлжа олинган) моллари бирлан асир олинган одамларини қайтариб беришларини илтимос қилишганда, уларга: «Мен бирлан турган (аскар)ларни кўриб турибсизлар, менинг учун энг маҳбуб сўз — рост сўздур! Икки нарсадан бирини — ё асир олинган одамларингизни ёхуд ўлжа олинган молларингизни (қайтариб бермоғимни) танлангизлар, мен сизларни кутиб, (уларни тақсимламай турган эрдим)», — дедилар. Дарҳақиқат, Жаноб Расулulloҳ Тоифдан (Жиъронага) қайтганларида ўн кеча (кундуз)дан ортиқ уларни кутган эрдилар. Ҳавозин элчилари Жаноб Расулulloҳнинг икки нарсадан биринигина қайтариб бермоқларини англашгач, (ул зотга): «Биз асир олинган одамларимизни танладик», — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ мусулмонлар орасида тик турганча Оллоҳ таоло шаънига унинг ўзи билдирган ҳамду саноларни айтдилар, сўнг: «Аммо баъд, дар-ҳақиқат мана бу биродарларингиз бизнинг ҳузуримизга тавба қилиб келишибди, мен уларнинг асир олинган одамларини ўзларига қайтариб бермоғимни маъқул кўрдим. Сизлардан кимда-ким (ўз асирини, эвазига бирор нарса олмай), қайтариб бермоқни истаса, қайтариб берсин ва кимда-ким бирор нарса бадалига қайтариб бермоқчи бўлса, ул ҳам қайтариб бераверсин, биз унга Оллоҳ таоло ато этадирган дастлабки ўлжалардан улуш (ҳадя) берурмиз!» — дедилар. Одамлар: «Ё Расулalloҳ, сиз уларга шуни раво кўрган эркансиз, биз ҳам шуни маъқуллаймиз!» — деб айтишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Биз қайси бирингиз бунга розисиз, қайси бирингиз рози эмассиз, билмасмиз, борингизлар, оқсоқолларингиз (барчангизнинг фикрингизни билгач), бизга келиб хабар қилсинлар!» — дедилар. Одамлар (оқсоқоллари қошига) қайтишди. Оқсоқоллар улар бирлан фикрлашиб олгач, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига боришиб, барчаларининг шуни (яъни, асирларни эвазига бирор нарса олмай, қайтариб беришни) маъқул кўриб, розилик билдиришганини хабар қилишди».

23-боб. Кишига унинг ўзи миниб кетаётган туяни ҳадя қилмоқ жоиздур

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик. Шунда мен (отам Умарнинг) бир ҳурконғич туяларига миниб олган эрдим. Жаноб Расулуллоҳ (отам) Умарга: «Уни менга сотгил!» — дедилар. Отам уни сотдилар. Кейий ул зот (менга): «Эй Абдуллоҳ, бу туя сеники», — дедилар».

24-боб. Кийиш макруҳ қилинган ҳадя ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Умар ибн ал-Хаттоб масжид эшиги олдида ипак ҳулла (сотишаёттанини) кўриб: «Ё Расулаллоҳ, агар уни сотиб олсангиз, жумъа куни ва элчилар келганда кийиб олар эрдингиз!»—дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Уни охиратда насибаси йўқ кишилар кюрлар» — деб айтдилар. Кейинчалик, Жаноб Расулуллоҳга бир қанча ҳуллалар келтирилди. Ул зот улардан бирини Ҳазрат Умарга бериб эрдилар, ул киши: «Буни менга кийиш учун бердингизми? Ахир, ҳулла кийишни макруҳ, деб эрдингиз-ку?!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен буни сенга кийиш учун берганим йўқ», — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умар ўшал ҳуллани Маккадаги мушрик биродарларига кийдириб юбордилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотиманинг ўйига келиб, ичкарига кирмадилар. Кейин Фотима (эрлари) Али келганларида шул гапни айтдилар. Ҳазрат Али Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб, бунинг боисини сўрадилар. Шунда ул зот: «Мен қизимнинг эшигида ранг-баранг нақшли бир парда осиеғлик турганини кўриб эрдим», — дедилар. Ҳазрат Али: «Менинг дунё бирла ишим йўқ!» — дедилар-да, Фотиманинг олдиларига келиб, бўлган гапни айтдилар. Фотима: «Ундай бўлса, бул пардани не қилмоғимни истасалар, буюрсинлар» — деб айтдилар. Жаноб Расулуллоҳ (қизларининг бул гапларини эшитгач): «Пардани фалон муҳтож оилага юборсин!» — деб тайинладилар».

25-боб. Мушриклардан ҳадя қабул қилиш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Иброҳим алайҳиссалом Сорра бирлан бирга ҳижрат қилиб, бир шаҳарга кириб бордилар. Ул шаҳарда бир золим подшоҳ бор бўлиб, у: «Соррага ҳадя берингизлар!» — деб амр қилди». (Яъни, Биби Ҳожарни Соррага ҳадя қилди).

(Яҳудийлар Хайбар фатҳи куни) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга гўшти заҳарланган қуй ҳадя қилишган.

Абу Ҳумайд: «Айла подшоҳи (таслим бўлгач), Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир оқ хачир ҳадя қилди ва чопон кийгазди. Жаноб Расулуллоҳ айлаликларга омонлик хати ёзиб бердилар», — дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ипак жубба ҳадя қилинди, ул зот эрсалар, ипак (кийим) кийишдан қайтарар эрдилар. Одамлар (ул жубба матосининг майинлиги ва чиройидан) таажжуб қилишиб эрди, Жаноб Расулуллоҳ: «Муҳаммаднинг жони кўлида бўлмиш зот ҳақи, Саъд ибн Муознинг жаннатдаги рўмолчаси бундан яхшироқдур!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир яҳудий аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (гўшти) заҳарланган қўй келтирди. Ул зот ундан тановул қилдилар. Кейин, уни (тутиб) олиб келишди. Саҳобалар: «Ижозат берингиз, буни ўлдирайлик!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ»,— дедилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир юз ўттиз киши эрдик. Жаноб Расулуллоҳ: «Бирортангизда егулик борми?» — дедилар. Шунда бир кишида бир соъ ёки шунга яқин егулик бор эркан, бергиси келмай, чайналди. Сўнг, баланд бўйли бир мушрик киши қўй етаклаб келиб қолди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Буни сотишга олиб келаётирсанми ё ҳадя қилмоқчимисан?» — дедилар. У: «Йўқ, (ҳадя эмас), балки сотилади», — деди. Жаноб Расулуллоҳ ундан қўйни сотиб олдилар. Кейин, у сўйилди. Жаноб Расулуллоҳ унинг жигар ва бошқа ички аъзоларини қовурмоғимизни амр қилдилар. Оллоҳ таоло номи бирлан онт ичаманки, Жаноб Расулуллоҳ қўйнинг ички аъзоларидан бир юз ўттиз кишининг ҳар бирига улуш ажратдилар. Агар улуш эгаси шу ерда бўлса, уни ўзига бердилар, агар йўқ бўлса, олиб қўйдилар. Кейин, қолганини икки лаганга солдилар, барчамиз тўйгунча едик, шунда ҳам икки лаган ортиб қолди, биз уни туяга ортиб қўйдик».

26-боб. Мушрикларга ҳадя қилмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ дин хусусида сизлар бирлан урушмаган ва сизларни ўз диёрингиздан бадарға қилмаган кимсаларга яхшилик ва адолат қилмоқларингизга монеълик қилмас» («Мумтаҳана» сураси, 8-оят).

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар бир кишида сотиладиган (ипак) ҳулла борлигини кўриб: «(Ё Расулаллоҳ), буни сотиб олингиз, жумъа кунлари ва ҳузурингизга элчилар келганда кийгайсиз», — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Буни охиратда насибаси йўқ кимсалар кюрлар»,— дедилар. Кейинчалик, Жаноб Расулуллоҳга бир қанча (ипак) ҳулла келтирилиб эрди, улардан бирини Ҳазрат Умарга юбордилар. Ҳазрат Умар (ҳайрон бўлиб): «Буни қандай кюрман? Ахир, буни макруҳ, деб айтган эрдингиз-ку?!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен буни ўзинг кийгин, деб эмас, балки сотиб бирор корингга яратарсан ёхуд бирор (мушрик қариндошингга) кийдириб юборарсан, деб юборган эрдим», — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умар уни Макка мушрикларидан бўлмиш ўз биродарларига, мусулмон бўлмасидан бурун, кийдириб юбордилар».

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қттадилар: «Мушрика онам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида меникига келдилар. Шунда мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан фатво сўраб: «Онам мени соғиниб (ёки бирор нарса илинжида) келибдилар, (мушрика бўлсалар ҳам) силаи раҳм қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, онангга силаи раҳм қилгил!» — деб марҳамат қилдилар».

27-боб. Ўз ҳадясини ёки садақасини қайтариб олмоқлик ҳеч кимга ҳалол эмас

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўз ҳадясини қайтариб олгувчи— ўз қусуғини егувчи кабидур!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз учун ўз қусуғини егувчи ит янглиғ ўз ҳадясини қайтариб олгувчи кимсадек бадбахт

йўқдур!» — дедилар».

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир кишини Оллоҳ таоло йўлида бир отга миндириб юбордим. Кейин, у ул отни хароб қилиб қўйди. Уни арзонга берса керак, деб ўйлаб, ундан сотиб олмоқчи бўлдим-да, шул ҳақда Жаноб Расулulloҳдан сўрадим. Шунда ул зот: «Хаттоки сенга уни бир дирҳамга берса ҳам, сотиб олмагил, чунки ўз садақасини қайтариб олгувчи — ўз қусуғини егувчи ит кабидур!» — дедилар».

28-606.

Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Мулайка разияллоҳш анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Жадъоннинг мавлоси Бану Сухайб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Сухайбга икки уй ва бир хужра берганликлари ҳақида даъво қилишди. Шунда Марвон: «Бул хусусда сизларга ким гувоҳ бўлур?» — дедилар. Улар: «Ибн Умар», — дейишди. Марвон Ибн Умарни чақирдилар, Ибн Умар Жаноб Расулulloҳнинг икки уй ва бир хужрани дарҳақиқат Сухайбга берганликлари ҳақида гувоҳлик бердилар. Марвон ул кишининг гувоҳликларига таяниб ўшал икки уй ва бир хужрани уларга ҳукм қилдилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

1-боб. Умро ва руқбо хусусида

Жобир разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Умро кимга ҳадя қилинган бўлса, ўшаникидур» — деб ҳукм қилдилар», — дейдилар. («Умро» истилоҳи «умр» сўзидан олинган бўлиб, бирор кишига умрбод фойдаланиш ва мерос килиб қолдириш ҳуқуқи билан тортиқ этилган ер-сув, уй-жой кўринишидаги ҳадядур. Имом Бухорий мазкур бобда «руқбо» хусусида ҳадис келтирмаганлар. Уламолар «умро» билан «руқбо»нинг маънан бир эканлигини бунга сабаб қилурлар).

2-боб. Одамлардан вақтинча от олган зот ҳақларида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мадинада тўс-тўполон бўлди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳадан Мандуб исми отини (вақтинча) олиб, унга миндилар-да, (товуш келган томонга чоптириб кетдилар). Ул томондан қайтиб келгач: «Ул ерда бирор хавф-хатар борлигини кўрмадик, мана бу отнинг эрса, денгиз (оқими каби бир текис юришини) билдик!» — деб марҳамат қилдилар».

3-боб. Турмуш қураётган келин учун ўзгалардан бирор нарсани вақтинча олиб туриш ҳақида

Айман разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига кирсам, нархи беш дирҳамли дағал кўйлак кийиб олган эрканлар. Шунда менга: «Чўримни курмайсизми, мана бу кўйлакни уйда (тўй куни) кийишни хушлаб қолибди, бундай кўйлаклардан бири менда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг замонларидан бери сақланиб келар эрди, аммо буни Мадинада бирор аёл (тўй куни) кийиб зиннатланмас эрди. Чўрим бир аёлни ҳузуримга жўнатиб, мана шу кўйлакни вақтинча кийиши учун бериб турмоғимни сўрабди», — дедилар».

4-боб. Манийҳа фазилати ҳақида

(«Манийҳа» истилоҳи «манаҳа» — «инъом қилмоқ, тортиқ қилмоқ, мукофотламоқ» каби маъноларни англатувчи феълдан ясалган бўлиб, сутини ичиб кун кўриб турсин, деб бирор согин ҳайвонни ёхуд ҳосилини еб кун кўриб турсин, деб бирор мевали дарахт ё дарахтзорни бировга вақтинча инъом қилмоқликдур).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Энг яхши манийҳа — (сутини ичиб кун кўриб турсин, деб) серсут туяни ёки серсут совлиқни (бировга вақтинча) инъом қилмоқлик (булиб, ул) эрталаб бир идиш сут бериб (яйловга) кетур ва ксчқурун (яйловдан) келиб (яна) бир идиш сут берур» — деб марҳамат қилдилар».

Ибн Шихоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Муҳожирлар Маккадан Мадинага келганларида қулларида ҳеч нарсалари йўқ эрди. Ансорлар эрса (кўплаб) ер ва мол-мулкка эга бўлиб, муҳожирларга: «Бизга деҳқончилик ишларида кўмаклашсангизлар, бас, ҳар йилги ҳосилни (тенг) бўлишиб олурмиз» — деб айтишди. Анаснинг онаси Умму Сулайм Абдуллоҳ ибн Абу Талҳанинг (ҳам) онаси бўлиб, Абдуллоҳ Анаснинг бир онадан тугилган биродари эрди. Анаснинг онаси Жаноб Расулulloҳга ўз хурмо дарахтларидан манийҳа қилган бўлиб, ул зот

уларни озод қилинган чўрилари Умму Айманга — Умму Усома ибн Зайдга тортиқ қилган эрдилар. Жаноб Расулulloҳ Хайбар аҳлига қарши қилинган ғазотдан бушагач, Мадинага қайтиб келдилар. Муҳожирлар ансорлар манийҳа қилган хурмо дарахтлари ўрнига (Хайбардан ўлжа олинган хурмо дарахтларидан) бердилар. Жаноб Расулulloҳ (ҳам) Анаснинг онаси берган хурмо дарахтларини ўзига қайтариб бериб, Умму Айманга унинг ўрнига ўз боғларидаги хурмо дарахтларидан инъом қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Қирқта хислат (яхшилик, эзгу иш, амали солиҳ мавжуд) бўлиб, уларнинг энг аълоси — согин эчки манийҳа қилмоқликдур. Кимки савоб умидида ва (амали солиҳ учун) ваъда қилинган (ажрнинг ҳақиқат эканлигини) тасдиқлаган ҳолда улардан бирини адо этса, Оллоҳ таоло бунинг учун уни жаннатга киритур».

Ҳассон ибн Атийя разияллоҳу анҳу: «Биз согин эчки манийҳа қилмоқликдан бўлак хислатларни, яъни саломга алик олмоқ, акса урган кишининг ҳамдига жавоб қайтармоқ, йўлдаги азият берувчи нарсаларни олиб ташламоқ каби амали солиҳларни бирма-бир санаб чиқиб, уларни ўн бештага ҳам етказа олмадик», — дейдилар.

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бизлардан кўпчилик кишиларнинг ортиқча ерлари бўлиб, улар: «Ҳосилнинг учдан бири ёки тўртдан бири ёхуд ярми эвазига (ортиқча) ерларимизни ижарага берурмиз» — деб айтишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг ери бўлса, унга ўзи эксин ёки уни (бирор мусулмон) биродарига манийҳа қилсин ва агар истамаса, уни ўзида ушлаб турсин!» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир бадавий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди-да, ул зотдан ҳижрат хусусида сўради (яъни, у фатҳдан илгари Мадинага ҳижрат қилмоқлари вожиб қилинган Макка аҳлидан бўлмаса-да, Мадинада истиқомат қилиш учун ул зотга байъат қилмоқчи бўлди). Шунда ул зот: «Шўринг қурсин (сенга ачинаман), ҳижратнинг иши (яъни, унинг шартларини адо этмоқлик) мушкулдур! Туяларинг борми, уларнинг закотини бериб турибсанми?» — дедилар. Бадавий: «Ҳа», — деди. Ул зот: «Улардан бирортасини манийҳа қилиб турибсанми?» — дедилар. Бадавий: «Ҳа», — деди. Ул зот: «Уларни сугорадирган куни соғасанми?» — дедилар. Бадавий: «Ҳа», — деди. Ул зот: «(Ундай бўлса), денгизлар ортида (яъни, уйингда туриб ҳам Оллоҳ таолонинг фарзини) адо этавер, чунки Оллоҳ таоло (қилган) амалларининг (савобини) заррача камайтирмас!» — деб марҳамат қилдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (шамолдан) экини чайқалиб турган бир ер (олдидан) чиқиб қолдилар-да: «Бу кимники?» — дедилар. Одамлар: «Буни фалончи (фалончидан) ижарага олган» — деб айтишди. Шунда ул зот: «Аммо, буни унга манийҳа қилганида, муайян тўлов олганидан кўра кўпроқ савоб олган бўлур эрди» — деб марҳамат қилдилар».

5-боб. Агар бир киши: «Манави жорияни сизга хизматкорликка бердим» — деса, жоиздур

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Иброҳим алайҳиссалом (Биби) Сорра бирлан (бир ёвуз подшоҳ мамлакатига) ҳижрат қилдилар. (Ул подшоҳ Биби Соррани ёмон ниятда ўз саройига мажбуран олиб келтирди. Аммо, Биби Сорра Оллоҳ таолонинг инояти бирлан унинг тажовузидан омон

қолдилар. Сўнг, ул Биби Соррага инъомлар бериб, бир жорияни, яъни Биби Ҳожарни ҳам қўшиб юборди). Биби Сорра Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига қайтгач: «Сездимки, Оллоҳ таоло кофирни тор-мор этди» — дедилар-да, жорияни Иброҳим алайҳиссаломга хизматкорликка бердилар».

6-боб. Агар киши (Оллоҳ таоло йўлида) отга миндириб юборилган бўлса, бу умро ва садақа кабидур

Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Оллоҳ таоло йўлида бир кишини отга миндириб юбордим. Сўнг, ўшал отнинг сотилаётганини кўриб, Жаноб Расулуллоҳга мурожаат қилдим. Шунда ул зот: «Уни сотиб олмагил, садақангни қайтариб олмагил!» — деб айтдилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ГУВОҲЛИКЛАР КИТОБИ

1-боб. Даъвогарга қарши аниқ далил-исбот келтирмоқлик ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, агар бир-бирларингиздан муайян вақтгача қарз олсангизлар, уни ёзиб қўйингизлар ва ўрталарингиздаги ёзгувчи инсоф ила ёзсин ва ҳеч бир ёзгувчи Оллоҳ таоло ўзига таълим бергани каби ёзишдан бош тортмасин ва (иложи бўлса) қарз олгувчи (ўзи) ёзиб берсин ва айтиб берсин ва ул Оллоҳ таолодан қўрқсин ва олган нарсасидан бирор нарсани кам ёздирмасин ва агар қарз олгувчи беақл ёки заиф (ёш, кекса) бўлса ёхуд (қар, соқов ва тил билмаслиги боисидан) ўзи айтиб ёздиришга қодир бўлмаса, ул ҳолда унга ҳомийлик қилгувчи одам адолат бирла ёздирсин ва (бунга) эркак кишиларингиздан иккитасини гувоҳ қилиб қўйингизлар, агар икки эркак киши мавжуд бўлмаса, ўзларингиз истаган гувоҳлардан бир эркак ва икки аёлни гувоҳ қилинганлар-ки, ул аёллардан қайси бири (ўрталарингиздаги қарз хусусида) унутиб адашса, иккинчиси унинг ёдига солур ва қачон гувоҳлар (гувоҳликка) чақирилсалар, бош тортмасинлар ва қарз хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, муҳлати келгунча ёзиб қўйишдан эринмангизлар ва бу Оллоҳ таоло қошида адолатлироқ ва гувоҳлик учун тўғрироқ ва шубҳа қилмасликларингизга яқинроқ (ҳукм)дур. Аммо, (ўрталарингиздаги муомала) ўзаро юргизиб турган нақд савдо-сотик (муомаласи) бўлса, уни ёзмасангизлар, сизларга гуноҳи йўқдур ва қачон ўзаро савдо-сотик қилсангизлар, гувоҳ келтирингизлар ва на ёзгувчига ва на гувоҳга зарар етказилмасин ва агар зарар етказсангизлар, сизларга гуноҳ булур ва Оллоҳ таолодан қўрқингизлар ва Оллоҳ таоло сизларга таълим берур ва Оллоҳ таоло ҳар нарсани билгувчи зотдур» («Бақара» сураси, 282-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, адолат йўлидан сира тоймас ва ўзларингиз, оналарингиз ҳамда қариндош-уруғларингиз зарарига бўлса-да, Оллоҳ таоло учун (тўғри) гувоҳлик бергувчи бўлингизлар! (Гувоҳ келтирган киши) хоҳ бой ва хоҳ камбағал булсин, Оллоҳ таоло ҳар иккисига ҳам сизлардан кўра хайрихоҳроқдур. Бас, нафсларингизга тобеъ бўлиб, адолатни қулдан бермангизлар ва агар сизлар тил буриб (нотўғри гувоҳлик берсангизлар) ёхуд (гувоҳлик беришдан) бўйин тоштсангизлар, албатта Оллоҳ таоло қилиб турган амалларингиздан бохабардур» («Нисо» сураси, 135-оят).

2-боб. Агар киши бировга адолат қилиб: «Биз (уни) фақат яхши (деб) билурмиз» — деса ёхуд: «Мен (уни) фақат яхши (деб) билурман» — деб айтса...

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бўхтон аҳли Оиша разияллоҳу анҳо хусусларида оғизларига келган тўхмат гапларни айтишганда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бул тўхмат ҳақида) ваҳий келавермагач, ҳузурларига Али ва Усома разияллоҳу анҳумони чорлаб, улар бирлан оилаларининг (яъни, Оиша онамизнинг карвондан) қолиб кетганлари тўғрисида маслаҳатлашдилар. Шунда Усома: «Биз оилангизни фақат яхши (деб) билурмиз», — дедилар. (Чўри) Барира эрса: «Агар мен унда бирор камчилик кўрган бўлсам, ул ҳам унинг ёш қизча эканлигидан бўлиб, уйдагилар тайёрлаб қўйган хамирни пойлаб ўлтириб ухлаб қолур ва хонадондаги қўйлардан бири келиб хамирни еб қўюр» — деб айтди. Шундан сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оилам хусусида тўхмат қилиб менга озор етказган кишини ким узр айттирур? Оллоҳ таоло ҳақи, мен оиламдан фақат яхшилиқ кўрганман! (Тўхматчилар) мен фақат яхши деб билган бир киши хусусида ҳам ифво қилишди», — дедилар».

3-боб. Бирор нарса ортида (қулоқ солиб турган) кишининг гувоҳлиги ҳақида

Амр ибн Ҳарис бунинг жоиз эканлигини айтиб: «Каззобу фожира кимсага нисбатан шундай қилинур», — дейдилар.

Шаъбий, Ибн Сирин, Ато ва Қатода: «(Беркиниб) қулоқ солиб турмоқлик (ҳам) гувоҳликдур», — дейишади.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Убай ибн Каъб ал-Ансорий иккалалари Ибн Сайёд яшаётган хурмозор томон йўл олишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хурмозорга кириб боргач, бир хурмо дарахти ортига яшириндилар, чунки ул зот Ибн Сайёд кўриб қолмасидан бурун унинг гапларини эшитиб олмоқчи эрдилар. Ибн Сайёд (шул вақтда) ўзининг тўшагида бир баҳмал чойшабга бурканиб етар, чойшаб ичидан эрса минғиллаган бир овоз эшитилар эрди. Ногаҳон, Ибн Сайёднинг онаси хурмо дарахти ортида беркиниб турган Жаноб Расулulloҳни кўриб қолиб: «Эй Соф, ана Мухаммад!» — деб ўғлини огоҳлантирди. Шунда Ибн Сайёд жимиб қолди. Жаноб Расулulloҳ (афсусланиб): «Агар (онаси) индамаганида (Ибн Сайёднинг сири) ошкор бўлур эрди», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Рифоъат ал-Қуразийнинг хотини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Мен Рифоъатнинг никоҳида эрдим, кейин у мени бутунлай талоқ қилди. Сўнг, мен Абдурраҳмон ибн аз-Зубайрга никоҳландим, аммо унинг олати манави кўйлакнинг попуғи каби (юмшоқ) эркан», — деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (унга): «Сен Рифоъатга қайтиб тегмоқчига ўхшайсан, йўқ, бўлмайдди, токи Абдурраҳмон сенинг ва сен унинг асалдонидан лаззат олмагунингча бу мумкин эрмас!» — дедилар. Шул вақт Абу Бакр Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида ўлтирган эрдилар. Эшик ортида эрса Холид ибн Саъид ибн ал-Ос ичкарига кирмоқ учун ул зотнинг ижозатларини кутиб турган бўлиб, (бояги хотиннинг беҳаё гапидан дарғазаб ҳолда): «Эй Абу Бакр, анави (беҳаё хотиннинг) Жаноб Расулulloҳ ҳузурларида айтган гапини наҳотки эшитмаган бўлсангиз?!» — дедилар».

4-боб. Агар бир ёки бир неча гувоҳ бирор нарса хусусида гувоҳлик берса-ю, бошқалар: «Биз бул ҳақда беҳабармиз» — дейишса, ул ҳолда гувоҳлик берган кишининг сўзига биноан ҳукм чиқарилур

Ҳумайдий: «Бундай ҳолат Билол хабар қилган қуйидаги ҳадисда мавжуд», — дейдилар: «Билол Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Каъбада намоз ўқиганларини айтди. Фазл эрса, ул зотнинг Каъбада намоз ўқимаганларини таъкидлади. Шул боисдан одамлар Билолнинг гувоҳлигини қабул қилишди». Шунингдек, агар икки гувоҳдан бири: «Фалончи фалончига минг дирҳам қарз берган» — деса-ю, бошқаси: «Бир ярим минг дирҳам берган» — деб айтса, ул ҳолда берилган қарзнинг кўпроқ эканлигини айтган кишининг гувоҳлигига биноан ҳукм чиқарилур.

Абдуллоҳ ибн Абу Мулайкя разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Уқба ибн ал-Ҳарас Абу Ихоб ибн Азизнинг қизига уйланди. Кейин, бир хотин келиб, Уқба ва ул уйланган қизни эмизганини айтди. Уқба ул хотинга: «Мени эмизганингизни билмасман, бул ҳақда менга айтмагансиз», — деди. Сўнг, у Абу Ихобнинг хонадонига бир ходимини юбориб, шул хусусда сўратди. Улар бояги хотиннинг Абу Ихобнинг қизини эмизганини билмасликларини маълум

қилишди. Шундан кейин, Уқба уловига миниб Мадинага — Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига борди-да, ул зотдан шул ҳақда сўради. Шунда Жаноб Расулуллоҳ унга: «Уни қандай қилиб жимом қиласан, ахир унинг ризоъий (эмишган) акаси эканлигинг айтилибди-ку?!» — дедилар. Сўнг, Уқба Абу Иҳобнинг қизини талоқ қилди, у бошқа эрга тегиб кетди».

5-боб. Одил гувоҳлар ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «...ва гувоҳ қилиб қўйингизлар ўзларингиздан икки мўътабар кишини...» («Талоқ» сураси, 2-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «...ўзларингиз истаган гувоҳлардан...» («Бақара» сураси, 282-оят).

Абдуллоҳ ибн Утба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳунинг бундай деганларини эшитдим: «Одамлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида ваҳийга биноан ҳукм қилинур эрдилар. Энди бўлса, ваҳий нозил қилинмай қўйди, Бундан буён биз сизларга нисбатан бизга қандай амаллар қилаётганингизга қараб ҳукм чиқарурмиз. Кимки бизга яхшилик қилган бўлса, уни омон қолдириб, ўзимизга яқин қилурмиз. Аммо, биз унинг кўнглида қандай яширин нияти бор, заррача билмасмиз, буни Оллоҳ таолонинг ўзи ҳисобга олиб қўйгайдур. Кимки бизга ёмонлик қилган бўлса, уни омон қолдирмасмиз ҳам, унга ишонмасмиз ҳам, ҳаттоки: «Кўнглимдаги ниятим яхшидур» — деб айтса-да!».

6-боб. Маййитнинг яхши амаллар қилгани хусусида неча мусулмон гувоҳлик бермоғи жоиз?

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларидан бир жаноза ўтди. Шунда саҳобалар ўшал маййитнинг яхши амаллар қилгани ҳақида сўзлаб, мақташди. Жаноб Расулуллоҳ (уларга жавобан): «Вожиб бўлди», — дедилар. Сўнг, ул зотнинг олдиларидан яна бошқа бир жаноза ўтди. Шунда саҳобалар бул маййитнинг ёмон амаллар қилгани ҳақида сўзлаб, қоралашди. Жаноб Расулуллоҳ (уларга жавобан яна): «Вожиб бўлди», — дедилар. Саҳобалардан бири (таажжубланиб): «Ё Расулаллоҳ, нечун ул маййитга ҳам: «Вожиб бўлди» — дедингиз, бул маййитга ҳам: «Вожиб бўлди» — дедингиз» — деб сўрадилар. Жаноб Расулуллоҳ (ул кишига жавобан): «Мўмин қавмнинг гувоҳлиги қабул қилинур, мўмин қавм Оллоҳ таолонинг ердаги гувоҳларидур!»— дедилар».

Абуласвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мадинага келганимда бир касаллик тарқалган бўлиб, одамлар (узоқ ётмай) тездан вафот қилишар эрди. Мен Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳунинг ёнларига бориб ўлтирдим. Шунда олдимиздан бир жаноза ўтиб эрди, одамлар ул маййитни яхши сўзлар бирлан мақташди. Ҳазрат Умар: «Вожиб бўлди» — деб қўйдилар. Сўнг, олдимиздан яна бир жаноза ўтиб эрди, одамлар ул маййитни ҳам яхши сўзлар бирлан мақташди. Ҳазрат Умар яна: «Вожиб бўлди» — деб қўйдилар. Кейин, учинчи бир жаноза ўтди. Одамлар бу галги маййитни ёмон сўзлар бирлан қоралашди. Ҳазрат Умар яна: «Вожиб бўлди» — деб қўйдилар. Шунда мен (ажабланиб): «Эй мўминлар амири, нима вожиб бўлди?» — дедим. Ҳазрат Умар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам не деган бўлсалар, шуни айтдим, қайси бир мусулмонга мусулмонлардан тўрттаси яхши амаллар қилгани хусусида гувоҳлик берса, Оллоҳ таоло уни жаннатга киритур», - дедилар. Шунда биз: «Мусулмонлардан учтаси гувоҳлик берса-чи?» — дедик. Ҳазрат Умар: «Учтаси ҳам етарли», — дедилар. Биз яна: «Иккитаси гувоҳлик берса-чи?» — дедик. Ҳазрат Умар: «Иккитаси ҳам кифоя», — дедилар. Кейин, биз: «Биттаси гувоҳлик берса-чи?» — деб сурамадик».

7-боб. Туғишганлик ва эмишганлик хусусида ҳамда бир замонлар вафот этган кишининг эмишган бўлганлиги ҳақида гувоҳлик бермоқлик

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени ва Абу Саламани Сувайба эмизгандур» — деб айтганлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Афлаҳ ҳузуримга кирмоққа ижозат сўраб эрдилар, рухсат бермадим. Шунда ул киши менга: «Ахир, мен сенга амаки бўлман, нечун мендан қочурсан?» — дедилар. Мен ул кишига: «Қандай қилиб сиз менга амаки бўлурсиз?» — дедим. Ул киши: «Сени биродаримнинг хотини эмизгандур», — дедилар. Кейин, мен шул ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраб эрдим, ул зот: «Афлаҳ тўғри айтибди, унга ҳузурингга кирмоққа рухсат беравер», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳамзанинг қизи хусусида: «Унга уйланишим мумкин эмас, туғишганлик нимани манъ қилса, эмишганлик ҳам ўшани манъ қилур, у эмишган биродаримнинг қизидур», — дедилар».

Амра бинти Абдурраҳмон разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳужраларида эрдилар. Шул вақт Оиша разияллоҳу анҳо бир кишининг Ҳафсанинг ҳузурларига кирмоққа ижозат сўраётганини эшитиб: «Ё Расулalloҳ, анави киши уйингизга (яъни, Ҳафсанинг ҳузурига) кирмоққа ижозат сўраётир», — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «У Ҳафсанинг эмишган амакиси фалончи бўлса керак», — дедилар. Оиша разияллоҳу анҳо: «Эмишган амаким фалончи тирик бўлганларида менинг ҳузуримга кира олармидилар?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, туғишганлик нимани манъ қилса, эмишганлик ҳам ўшани манъ қилур», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужрамга кирганларида ҳузуримда бир киши ўлтирган эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Оиша, бу ким?» — дедилар. Мен: «Эмишган биродарим», — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Эй Оиша, буни (эмишган) биродарларимдан, деб ҳисобладингми? Чунки, эмишганлик (кўкрак сутини) очиқиб эмадирган (гўдаклик) чоғида (булур)», — дедилар». (Яъни, гўдак таом емай, фақат кўкрак сути бирлангина кифояланадирган чоғда ўзининг онасидан бўлак аёл томонидан эмизилса, ўшал аёл бирлан унинг эрининг яқин қариндошлари унга эмишган бўлурлар).

8-боб. Покиза аёлларни гувоҳсиз зинокорликда айблаб бадном қилган кишининг, ўғри ва зинокорнинг гувоҳлиги хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «...уларнинг гувоҳликларини ҳеч қачон қабул қилмангизлар, улар фосиқ — нофармондурлар! Магар ул кимсаларки, шу қилмишларидан кейин тавба қилиб, ўзларининг (хулқларини) тузатдилар, (фосиқ эмасдурлар), албатта Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондур» («Нур» сураси, 4-5-оятлар).

Урва ибн аз-Зубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Фатҳ ғазотида бир аёл ўғрилиқ қилди. Уни (тутиб) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига олиб келишиб эрди, ул зот унинг қўлини кесишни амр қилдилар. Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Кейин, ўшал аёл чин дилидан тавба қилиб, эрга тегиб кетди. Шундан кейин, менинг ҳузуримга тез-тез келиб турар ва мен унинг эҳтиёжини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказар эрдим».

Зайд ибн Холид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буидоқ зинокорни юз дарра уриб, бир йил бадарға қилмоқни амр қилдилар».

9-боб. Адолатсиз киши гувоҳлик сўраса, гувоҳлик берилмайди

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Онам (Амра бинти Равоҳа) отам (Башир ибн Саъд)дан менга ўз молларидан бирор нарса ҳадя қилмоқларини илтимос қилиб эрдилар, бир (қул) ҳадя қилдилар. Шунда онам отамга: «(Ўғлингизга бул қулни мерос қилиб эрмас, балки ҳадя тариқасида берганингизга) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни гувоҳ қилиб қўймагунингизга қадар рози бўлмасман!» — дедилар. Сўнг, отам (ёш бола бўлганим учун) кўлимдан етаклаб Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бордилар-да: «Ё Расулаллоҳ, бунинг онаси Бинти Равоҳа бунга бирор нарса ҳадя қилмоғимни сўраб эрди, (мен ҳадя қиддим, сиз шунга гувоҳ бўлсангиз!)» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Бундан бўлак фарзандларинг ҳам борми?» — дедилар. Отам: «Ҳа» — деб жавоб бердилар. Жаноб Расулulloҳ: «(Бўлак фарзандларингни бу бирлан тенг кўриб, уларга ҳам ана шунча ҳадя бермоғинг) лозим эрди, мени адолатсизликка гувоҳ бўлмоғимни сўрамагил!» — дедилар».

Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг яхшиларингиз менинг замондошларимдур, сўнг улардан кейингилар, сўнг улардан кейингилар» — деб марҳамат қилдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ ўз асрларидан икки ёки уч аср сўнг дунёга келадиганлар ҳақида зикр қилдиларми, йўқми, буни аниқ билмайман, ул зот: «Сизлардан кейин шундай қавм дунёга келадикки, улар хиёнат қилиб, ўзларига нисбатан ишончни йўқотадилар, ваъда берадилар-у, вафо қилмайдилар, (дунё лаззатларига берилиб кетганларидан) семириб кетадилар» — деб айтдилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Одамларнинг яхшиси менинг асрим (аҳли, яъни саҳобалар), сўнг улардан кейингилар (яъни, тобиъуунлар), сўнг улардан кейингилар (яъни, атбоъ ут-тобиъийндур). Кейин, (шундай) қавмлар (дунёга) келадикки, баъзи-бирларининг гувоҳлиги қасамидан ва қасами гувоҳлигидан ўзади». (Байзовий ва Кирмоний бул ҳақда бундай дейишади: «Бундайлар гувоҳлик беришга ҳирс қўйган, ўзларининг (сохта) гувоҳликларини ўтказишга иштиёқманд кишилар бўлиб, баъзан гувоҳлик беришдан илгари ва баъзан гувоҳлик бергандан кейин қасам ичурлар»).

10-боб. Ёлғон гувоҳлик бермоқ ва гувоҳлигини яширмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «...ва ул зотларики ёлғон гувоҳлик бермаслар ва қачон ўтиб қолсалар беҳуда нарса қошидан, улўворона ўтиб кетурлар...» («Фурқон» сураси, 72-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «...ва яширмангизлар гувоҳликни ва кимики гувоҳлигини яширса, албатта унинг қалби осий (гуноҳкор)дур ва Оллоҳ таоло қилиб турган амалларингизни яхши билур» («Бақара» сураси, 283-оят).

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳи азимлар хусусида сўралдилар. Шунда ул зот: «Оллоҳга ширк келтирмоқлик, ота-онага итоатсизлик, (бирор) жонни (ноҳақ) ўлдирмоқлик ва ёлғон гувоҳлик бермоқликдур» — деб жавоб қилдилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уч бор: «Энг катта гуноҳи азимлар хусусида сизларга хабар қилайинми?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, ё Расулalloҳ!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳга ширк келтирмоқлик, ота-онага итоатсизлик...» — дедилар-да, ёнбошлаб етган эрдилар, ўлтириб олдилар. Сўнг: «Ёлғон гап ҳам (энг катта гуноҳи азимлардан) эмасми?!» — деб такрор-такрор айтавердиларки, ҳатто биз: «Қанийди, бас қилсалар!» — дедик».

11-боб. Кўзи ожизнинг гувоҳлиги, никоҳланиши, никоҳлаши, байъати, муаззинликка қабул қилиниши ва овоздан эътироф қилинадирган нарсалар ҳақида

Қосим, Ҳасан, Ибн Сирин, Зухрий ва Ато кўзи ожизнинг гувоҳлик бермоғининг жоиз эканлигини айтганлар. Шаъбий: «Кўзи ожизнинг гувоҳлик бермоғи, агар ақли жойида бўлса, жоиздур», — дейдилар. Ибн Аббос бир кишини ташқарига чиқарар, агар Қуёш ботган бўлса, огиз очар эрдилар, шунингдек тонг хусусида сўрар, агар тонг отгани айтилса, икки ракъат намоз ўқир эрдилар. Самра ибн Жундуб ҳижобдаги аёлнинг гувоҳлик бермоғини жоиз, деб айтганлар.

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир кишининг масжидда қироат қилаётганини эшитиб: «Оллоҳ таоло уни ярлақасин! У фалон ва фалон суралардаги мен тушириб қолдираётган фалон ва фалон оятларни ёдимга солди», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо (яна) бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менинг ҳужрамда таҳажжуд қилдилар. Шунда масжидда намоз ўқиётган Аббоднинг овозини эшитиб: «Эй Оиша, бу Аббоднинг овозими?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Шунда ул зот: «Ё парвардигоро, Аббодни ярлақайсан!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, Билол тун қоронғусида азон айтур, шул боисдан то Ибн Умми Мактумнинг азон айтган овозини эшитгунингизга қадар еб-ичаверингизлар!» — дедилар. Чунки, Ибн Умми Мактум кўзи ожиз киши бўлиб, одамлар тонг отганини айтмагунларича, азон чақирмас эрдилар».

Мисвар ибн Махрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга қаболар ҳадя қилинди. Шунда отам Махрама менга: «Мени Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб бор, шояд қаболардан бирини менга берсалар!» — дедилар. (Биз Жаноб Расулulloҳнинг уйларига етиб боргач), отам эшик олдида туриб (менга) сўзлаб эрдилар, ул зот овозларидан таниб, «Буни сенга атаб яшириб қўйган эрдим, буни сенга атаб яшириб қўйган эрдим» деганча бир қабони безакларини кўз-кўз қилган ҳолда олиб чиқдилар».

12-боб. Аёлларнинг гувоҳлиги ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «...агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни... гувоҳ қилингизлар!» («Бақара» сураси, 282-оят).

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бир аёлнинг гувоҳлиги бир эркак гувоҳлигининг ярмича эмасми?» — дедилар. Биз: «Ҳа, шундай, ярмичадур», — дедик. Шунда ул зот: «Бу унинг ақлининг нуқсонидандур», — дедилар».

13-боб. Чўри ва қулнинг гувоҳлиги ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Қулнинг гувоҳлик бермоғи, агар у одил бўлса, жоиздур», — деганлар. Шурайҳ ва Зурора ибн Авфо ҳам қулнинг гувоҳлик бермоғини жоиз, деб айтишган. Ибн Сирин эрса: «Қулнинг ўз хожасидан бўлак кимсага гувоҳлик бермоғи жоиздур», — деганлар. Ҳасан ва Иброҳим эрсалар, қулнинг унча муҳим бўлмаган нарсалар хусусида гувоҳлик бермоғини жоиз, деб айтишган. Шурайҳ: «Барчангиз (Оллоҳ таолонинг) қули ва чўрисининг (яъни, Одам ва Ҳаввонинг) авлодларисиз», — деганлар.

Ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Уқба ибн ал-Ҳарас Абу Иҳобнинг қизи Умму Яҳёга уйланди. Шунда бир қора чўри келиб: «Мен иккалангизни ҳам эмизганман» — деб таъкидлади. «Мен буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб эрдим, — дейдилар Уқба, — ул зот мандан юзларини ўгириб олдилар. Мен (ул зотдан) нарироқ бордим-да, яна гапимни такрорладим. Шунда ул зот менга «Қандай қилиб унга қўшилсан, ахир (бояги чўри) иккалангизни ҳам эмизганлигини таъкидлабди-ку?!» — дедилар». Кейин, ул зот иккаласини ажратиб юбордилар».

14-боб. (Бировнинг боласини) эмизган аёлнинг гувоҳлиги хусусида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

БЎҲТОН (ТУҲМАТ) ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР

1-боб. Аёлларнинг бир-бирларига рост (ҳаққоний) гувоҳлик қилмоқлари хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафарга чиқмоқни ирода қилсалар, хотинлари ўртасида қуръа ташлар, қуръа хотинларидан қайси бирига чиқса, ўшал бирлан бирга сафарга чиқар эрдилар. Бу гал ҳам шундай қилиб эрдилар, қуръа менга чиқди. Мен ул зот бирлан бирга «Ҳижоб» ояти нозил бўлгандан сўнг сафарга чиқдим. Мени туяга ортилган кажавага (ёки тахтиравонга) ўтқазиб қуйишди, биз (кўп) йўл юрдик. Ниҳоят, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўшал (кўзлаган) ғазотларидан фориф бўлиб, ортга қайтдилар. Тунда биз Мадинага яқинлашганимизда ул зот тўхтаб дам олишга рухсат бердилар. Мен кажавамдан тушиб, ёлғиз ўзим ҳожат учун аскарлардан нари кетдим. Ҳожатимни адо этгач, кажавам олдига қайтдим, сўнг кўкрагимни пайпаслаб кўриб, зифорий мунчоғимнинг узилиб тушиб қолганини билдим-да, бояги борган жойимга қайтиб, мунчоғимни излаб бир оз ушланиб қолдим. Шул аснода хизматкорлар мени ичида, деб уйлаб кажавамни туяга ортиб кетишаверибди. Ўшал кезларда аёллар озғин бўлиб, семиришмас эрди, боиси жуда оз таом сийшар эрди. Шунинг учун хизматкорлар кажавани кўтаришганда унинг вазнига эътибор беришмаган, бунинг устига мен ўшанда ёш бир қизча эрдим. Улар (кажаванинг ичида менинг йўқлигимни сезмай), туяни ҳайдаб кетишаверган. Кейин, мен аскарлар анча узоқлашиб кетганда мунчоғимни топдим-да, улар турган жойга бориб қарасам, ҳеч ким йўқ эркан. Шунда жойимдан қимирламасликка аҳд қилдим, чунки улар менинг йўқолиб қолганимни сезиб, бул ерга қайтиб келишади, деб ўйладим. Шул алфозда уларни кутиб ўлтиравердим, кейин уйқу қолиблик қилиб, ухлаб қолдим.

Ўшанда Сафвон ибн ал-Муъаттал ас-Сулабий (сўнг, аз-Заквоний) қўшин ортида келаётган бўлиб, мен ўлтирган жойга келганда ухлаётган бир одамга кўзи тушди. Сўнг, олдимга келиб, (дарҳол мени таниди), чунки у ҳижобга кирмасимдан бурун мени кўрган эрди. Мен у туясини чўктираётим: «Инно лиллоҳи ва инно Илайҳи рожибуун!» (яъни, «Дарҳақиқат, биз Оллоҳнинг бандалари ва унинг даргоҳига қайтгувчилармиз!») деганда уйғониб кетдим. Кейин, у туясининг олд оёғини чўктириб эрди, (унинг кўмагисиз) туяга миниб олдим. Сўнг, у туяни етаклаганча (пиеда) йўлга тушди. Биз қўшинга айна туш пайтида, улар иссиқдан ҳориб, дам олгани кўнишганда етиб олдик. Шунда (менинг номаҳрам эркак бирлан бирга келганимни кўриб) баъзи бировларнинг жон-понлари чиқиб кетди. (Улар, дарҳол зир югуриб менинг хусусимда тўхмат қилишга киришдилар). Биринчи бўлиб менга тўхмат қилган (ва ўзи сингари мунофиқларни шу йўлга етаклаган) киши Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бўлиб, (унинг издошлари Мистаҳ ибн Усоа, Ҳассон ибн Собит ва Ҳамна бинти Жаҳш эрди). Кейин, биз Мадинага етиб келдик, мен ул ерда бир ой касал бўлиб ётдим. Шунда одамлар бўҳтончиларнинг гапларини ҳаммага тарқатишибди, (мен эрсам бул гаплардан мутлақо беҳабар эрдим). Мени фақат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳозирги касаллик чоғимда илгариги касаллик кезларимдагидек негадир меҳрибончилик қилмаётганлари шубҳа ва ваҳимага соларди, холос. Шу кунларда ул зот ҳузуримга кириб, салом берар, сўнг: «Қалайсиз?» — деб қуруққина ҳол сурар эрдилар. Аммо, мен ул зотнинг менга бундай муомала қилаётганлари бўҳтон аҳлининг тарқатган гаплари боисидан эканлигини сезмас эрдим. Бир куни, бир оз тузалганимдан сўнг, мен ва Умму Мистаҳ (Мадина ташқарисидаги) Маносий деган жой томон йўл олдик. Ул ер бизнинг ҳожатга борадирган жойимиз бўлиб, фақат тунлари борар эрдик, чунки биз араблар уйларимиз яқинига атрофи тўсиқ ҳожатхона қуриб олмасимиздан бурунги вақтларда ана шундай (шаҳар) ташқарисига чиқиб, ёзилиб келур эрдик. Кейин, мен ва Умму Мистаҳ бинти Абу Рухм биргалашиб қайтиб келаётган эрдик, Умму Мистаҳ кийимининг этагини босиб олиб, йиқилиб тушди-да: «Балога йўлиққур, Мистаҳ!» — деб қарғанди. Шунда

мен унга: «Айтган сузинг фалокат(овардур), Бадрда иштирок қилган кишини ҳам шунчалар ҳақорат қиласанми?!» — дедим. Умму Мистаҳ (менга жавобан): «Эй содда! Уларнинг (бўхтончиларнинг) не деганларини эшитмадингми?» — деди-да, бўхтон аҳли айтган гапларни менга маълум қилди. (Буни эшитиб) дардимга дард кўшилди. Уйимга қайтиб келганимда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримга кириб салом бердилар-да: «Қалайсиз?» — дедилар. Мен: «Ота-онамникига бормоғимга изн берингиз!» — дедим, чунки (ўзим ҳақимдаги) гапларни улардан эшитиб, ишонч ҳосил қилмоқчи эрдим. Ул зот менга рухсат бердилар, мен ота-онамникига бордим. Кейин, онамга: «Одамлар нелар деяётирлар?» — дедим. Онам: «Эй қизалоғим, бул гапларга парво қилма, Оллоҳ таоло ҳақи, бирор аёл чиройли бўлса-ю, эри уни севса, албатта кундошлари унинг тўғрисида бўлмағур гапларни айтиб, ифво қилишлари турган гап!» — дедилар. Мен: «Субҳоналлоҳ! Одамлар (менинг хусусимда) шундай гапларни айтишдими? (Бу ғирт тухмат-ку!)» — дедим. Кейин, шу кеча кўзимга уйқу илинмади, йиғлаб тонг оттирдим.

Эртасига Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам, бул хусусда ваҳий келавермагани боисидан, Али ибн Абу Толиб ва Усома ибн Зайдни ҳузурларига чорлаб, уларга оилалари (яъни, мен)дан ажралиш (ёхуд оилаларининг ортда қолиб кетгани) борасида маслаҳат солдилар. Шунда Усома Жаноб Расулulloҳнинг оилаларига нисбатан қанчалар ҳурмати баланд эканлигини изҳор қилиб: «Сизнинг оилангизни, ё Расулаллоҳ, биз фақат яхши, деб билурмиз!» — дедилар. Аммо, Ҳазрат Али: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло (хотинлар борасида) сизга сира тазйиқ қилмаган, ундан бўлак хотинлар кўп-ку! (Истасангиз), чўри (Барира)дан сўрангиз, у сизга ростини айтади», — дедилар. (Ҳазрат Али Жаноб Расулulloҳнинг рашқдан изтиробу гам чекаётганларини кўриб, ул зот тезроқ бул аҳволдан қутилсинлар, деган мақсадда Оиша онамизни талоқ қилмоқни ва ул муҳтарамани пок эканликлари исботлангач, яна никоҳларига қайтариб олмоқни маслаҳат қилдилар. Ҳазрат Алининг бул маслаҳатлари Жаноб Расулulloҳни қийин аҳволдан қутқариш мақсадида бўлиб, Оиша онамизга душманлик эрмас эрди. Ҳазрат Али Жаноб Расулulloҳга гуёки: «Агар бул аҳволдан тезроқ халос бўлишни истасангиз, уни талоқ қилингиз, башарти ниятингиз аксинча бўлса, ул ҳолда унинг поклигини исбот қилгунингизга қадар ҳақиқатни излангиз!» — деб айтмоқчи бўлдилар). Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ Барирани ҳузурларига чақирдилар-да, унга: «Эй Барира, Оишада ўзингни шубҳага солгувчи бирор нарса курганмисан?» (яъни, «Эй Барира, сен Оишанинг одамлар айтаётган айблардан бирортасини қилганини кўрганмисан?») — дедилар. Шунда Барира: «Сизни ҳақ (дин) бирла юборган зот ҳақи, кўрмаганман, башарти унинг томонидан бирор камчилик содир қилинганини кўрган бўлсам, у ҳам унинг ёш қизча эканлигидан бўлиб, уйдагилар тайёрлаб қуйган хамирни пойлаб ўлтириб ухлаб қолур ва хонадондаги қўйлардан бири келиб хамирни еб кетур» — деб айтди. Буни эшитгач, Жаноб Расулulloҳ ўшал куниеқ минбарга чиқдилар-да, Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг узр айтмоғини талаб қилиб: «Оилам хусусида тухмат қилиб, менга озор берган кишини ким узр айттиради? Оллоҳ таоло ҳақи, мен оиламда фақат яхшилик мавжудлигини билурман! (Одамлар яна) бир солиҳ киши хусусида тухмат қилишди, мен унда ҳам фақат яхшилик мавжудлигини билурман, у оиламнинг ҳузурига фақат мен бирлангина кирур эрди!» — деб хитоб қилдилар. Шунда Саъд ибн Муоз ўринларидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, мана мен уни сизга узр айттирурман, ҳаттоки у (мен бошлиқ) Авс қабиласидан бўлса ҳам, бўйинини узурмиз! Башарти у Ҳазраж қабиласига мансуб биродарларимиздан бўлса, ул ҳолда унинг хусусида не деб амр қилсангиз, ўшал амрингизни адо этурмиз!» — дедилар. Буни эшитиб, Ҳазраж қабиласи бошлиғи Саъд ибн Убоданинг ғазаби келди. У шул вақтга қадар солиҳ киши бўлган бўлиб, ҳозир ҳамияти қўзғанидан ўрнидан турди-да: «Ёлғон гапирдинг, Оллоҳ таоло ҳақиқи, у Авс қабиласидан бўлганда бўйинини узишни истамаган бўлур эрдинг! Оллоҳ таолонинг мангулиги ҳақи, уни ўлдирмайсан, ўлдиролмайсан ҳам, (чунки биз бунга йўл қўймасмиз!)» — деди. Кейин, (Саъд ибн Муознинг жияни) ўрнидан туриб: «Ўзинг ёлғон гапирдинг, (агар Жаноб Расулulloҳ амр қилсалар, Ҳазраж қабиласидан

бўлса ҳам, ўлдирмоғимизга монелик қилолмайсан), биз уни албатта ўлдирурмиз! Сен мунофиқ(ларнинг ишини қилаётирсан, чунки) мунофиқлар хусусида тортишаётирсан!» — деди. Шунда Авс ва Хазраж қабилалари бир-бирларига ташланиб, ўзаро жангга киришиб кетишди, Жаноб Расулulloҳ эрсалар ҳануз минбарда турар эрдилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ минбардан тушиб уларни тинчитдилар, улар тинчланиб сукут қилишди, ул зот ҳам сукут қилдилар.

Мен (ўша) куни ҳам тинмай йиғладим, тунни ҳам йиғлаб бедор ўтказдим, ота-онам эрсалар (мени қандай юпатишни билмай), ёнимда тонг оттиришди. Хуллас, икки кеча ва бир кундуз куз ёшларим шашқатор бўлди. Биз шу алфозда ўлтирганимизда бир ансория аёл ичкарига кирмоққа изн суради, мен унга изн бериб эрдим, ичкарига кирди-да, менга қўшилиб у ҳам йиғлашга тушди. Шу маҳал Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримизга кириб келиб ўлтирдилар, ваҳоланки ул зот менинг хусусимда айтилган тухмат гапларни эшитган кунларидан буён (ҳузуримга кирсалар-да), ёнимга келиб ўлтирмай қуйган эрдилар. Менинг хусусимда эрса, мана бир ой бўлди-ки, ҳануз ул зотга ваҳий келмас эрди. Жаноб Расулulloҳ (ёнимга ўлтиргач), калимаи шаҳодат айтдилар, сўнг: «Эй Оиша, сенинг хусусингда ундай ва бундай гапларни эшитдим, агар пок бўлсанг, Оллоҳ таолонинг ўзи сени (тез кунда) оқлагусидур, башарти бирор гуноҳ қилган бўлсанг, ул ҳолда Оллоҳ таолога истиғфор айтиб, унга тавба қилгил! Чунки, банда ўз гуноҳини эътироф қилиб, тавба қилса, Оллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қилур», — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларини тугатишлари ҳаманоқ (азбарои ғабим туғён урганидан қалбимдаги ғам чекиниб) кўз ёшларим тинди, ҳатто бир томчи оққанини ҳам сезмадим. Шунда мен отамга: «Мени ҳимоя қилиб Жаноб Расулulloҳга бирор сўз айтингиз!» — дедим. Отам: «Оллоҳ таоло ҳақи, ул зотга не дейишимни билмасман!» — дедилар. Кейин, мен онамга: «(Бўлмаса), сиз мени ҳимоя қилиб ул зотга бирор сўз айтингиз!» — дедим. Онам (ҳам): «Оллоҳ таоло ҳақи, мен (ҳам) ул зотга не дейишимни билмасман!» — дедилар. Ўшанда мен ҳали Қуръондан кўп нарсаларни қироат қила олмайдирган бир қизча эрдим. (Шунга қарамай, уларга не деб жавоб қилмоққа ақлу заковатим етди). Мен уларга: «Дарҳақиқат, мен, Оллоҳ таоло ҳақи, шуни (яхши) билдимки, сизлар (менинг хусусимда) одамлар айтаётган бўҳтонни эшитибсизлар ва у кўнглингизда менга нисбатан шубҳа пайдо қилибди, сўнг унга ишонч ҳам ҳосил қилибсизлар. Агар мен сизларга пок эканлигимни айтсам, поклигим эрса Оллоҳ таолога аёндур, ишонмассизлар ва агар гуноҳ қилганман, деб эътироф қилсам, гуноҳ қилмаганим эрса Оллоҳ таолога аёндур, ишонурсизлар. Оллоҳ таоло ҳақи, ўзим ва сизлар учун Юсуфнинг отаси (Яъқуб алайҳиссалом)нинг «Энди, сабр қилмоғим яхшидур, сизларнинг бул гапларингиздан халос бўлмоғим учун Оллоҳ таолодангина мадад тиларман!» деган гапларидан бўлак мисол топа олмасман!» — дедим. Сўнг, «Оллоҳ таолонинг ўзи мени тухматдан халос қилсин!» — деганча тескари ўгирилиб тўшагимга ётиб олдим. Лекин, мен Оллоҳ таоло ҳақи, «Парвардигорим менинг хусусимда тиловат қилинадирган ваҳий нозил қилур» деб сира ўйламаган эрдим. (Чунки), Оллоҳ таолонинг ўзим хусусимда (одамлар масжидларда қироат қилиб, намоз ўқийдирган) Қуръон орқали сўзламоғига арзимасман, деб ҳисоблар эрдим. Мен фақат: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло менинг пок эканлигимни аён қилгувчи бир туш кўрсалар эрди!» — деб орзу қилур эрдим, холос. Яратган парвардигорим ҳақиқи, на Жаноб Расулulloҳ ўринларидан туриб улгурдилар ва на уйдаги бўлак бирор киши ташқарига чиқиб улгурди, тўсатдан ул зотга ваҳий нозил бўлиб қолди. Шунда ул зотни қаттиқ иситмадан кейин бўладирган безгак янглиғ калтироқ тутиб, баданларидан маржондек тер қуйилди. Ваҳий келиши тугагач, ул зот ўзларига келиб табассум қилдилар, сўнг энг дастлаб айтган гаплари қуйидаги бўлди: «Эй Оиша, Оллоҳ таолога ҳамд айтгил, у сени (бўҳтон аҳли тухматидан) поклади!» — дедилар. Шунда онам менга: «(Айтган хушxabарлари учун) ўрнингдан туриб ул зотга таъзим қил!» — дедилар. Мен (онамга жавобан): «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, ўрнимдан туриб ул зотга таъзим қилмасман, мен Оллоҳ таологагина ҳамд айтурман!» — дедим.

Ўшанда Оллоҳ таоло «Албатта, бўҳтон тўқиганлар ўзларингиздан бўлган бир тўдадур...»

деб бошланадирган (ўнта) оят нозил қилган эрди. Оллоҳ таоло менинг поклигим хусусидаги оятларни нозил қилганда отам Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу (камбағаллиги ва) қариндошлиги боисидан ўзлари ёрдам кўрсатиб турган (бўхтончи) Мистаҳ ибн Усоса ҳақида: «Оллоҳ таоло ҳақи, Оишага бўхтон қилгани учун энди мен Мистаҳга ҳеч қачон заррача ёрдам қилмасман!» — дедилар. Шунда Оллоҳ таоло (Жаноб Расулulloҳга) «Сизлардан фазлу давлат соҳиблари бўлмиш кишилар қариндошлари, мискинлар ва муҳтожларга Оллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасинлар, аксинча уларни кечирсинлар, (ахир) Оллоҳнинг ўзларингизни мағфират қилмоғини истамайсизларми?! Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондур!» деган ояти каримасини нозил қилди. Буни эшитиб, отам Абу Бакр Сиддиқ: «Ҳа, Оллоҳ таоло ҳақи, албатта Оллоҳ таоло мени мағфират қилмоғини истарман!» — дедилар-да, илгаригидек Мистаҳга ёрдам қилишда давом этдилар. Ўшанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг хусусимда: «Эй Зайнаб, Оишанинг бирор айбини биласанми, унинг бирор айб қилганини кўрганмисан?» — деб Зайнаб бинти Жаҳшдан ҳам сўраган эрканлар. Шунда Зайнаб: «Ё Расулаллоҳ, мен қулоғимни (иғволардан) ва кўзимни (қабих ишлардан) эҳтиёт қилурман, Оллоҳ таоло ҳақи, мен унинг фақат яхши (хислатларга эга эканлигини) билурман!» — деб жавоб қилган эркан. Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида (ўзининг жамоли ва эътибори буйича) мендан ўзишга ҳаракат қилувчи Зайнабни Оллоҳ таоло (менинг хусусимда бўхтончилар айтган гапларни айтишдан) тақво қилдирди (сақлади)».

2-боб. Агар бир киши бошқа бир кишини мақтаса, (жоиз эрмас, чунки) Оллоҳ таолонинг ўзи уни ҳисоб-китоб қилгувчидур (яъни, унинг қандай эканлигини ўзи яхши билур)

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши бировни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида мақтаб эрди, ул зот унга: «Шуринг қурсин, дўстингнинг бўйнини кесиб ташладинг!» — деб икки бор такрорладилар. Сўнг, ул зот: «Бирортангиз қайси бир биродарингизни мақташни зарур, деб топсангиз: «Мен фалончи хусусида ўз фикримни билдирурман, уни ҳисоб-китоб қилгувчи эрса Оллоҳ таолонинг ўзидур ва мен бирор кимсани Оллоҳ таолога мақтамайман ҳам, мен уни ундай ва бундай одам, деб билурман» — десин, агар (чиндан ҳам) ўзи айтаётган фазилатлар унда мавжуд, деб билса», — дедилар».

3-боб. Ортиқча мақтовнинг макруҳлиги ҳақида, киши биров хусусида нима билса, шуни гапирсин!

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг бировни ортиқча (кўқларга кўтариб) мақтаётганини эшитиб, «Ул кишини ўлдирдингиз» ёки «Ул кишининг белини синдирдингиз» деб айтдилар».

4-боб. Болаларнинг балоғатга етмоқлари ҳамда уларнинг ғазотда иштирок этмоқлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Болаларингиз балоғатга етсалар, (ҳузурингизга кирмоққа ва катталар бирлан бирор ишда қатнашмоққа) ижозат сўрасинлар...» («Нур» сураси, 59-оят).

Муғийра: «Мен ўн икки ёшимда булғандим (балоғатга етдим), аёлларнинг балоғатга етгани эрса, ҳайз кўрганидур», — дейдилар.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Аёлларингиз орасидаги (кексайиб қолганлари боисидан) ҳайз қилишдан умид ўзганлари, агар сизлар (уларнинг иддалари қанча давом этиши хусусида) шубҳа қилсангизлар, бас, (билингизларки), уларнинг иддалари уч ойду, (ҳали) ҳайз кўрмаган

(аёл)ларнинг (иддалари ҳам уч ойдур). Ҳомиладор (аёл)ларнинг (идда) муддатлари (эраса) ҳомилаларини туғишларидур» («Талоқ» сураси, 4-оят).

Ҳасан ибн Солиҳ: «Бизнинг қўшни аёл йигирма бир ёшда буви бўлди (яъни, ул аёл тўққиз ёшга тўлганда ҳайз кўриб, ўн ёшга тўлганда қиз туғди ва қизи ҳам тўққизга тўлганда ҳайз кўриб, унга тўлганда туғди)», — дейдилар.

Ибн Умар разиячлоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Уҳуд куни мени кўздан кечирдилар, шунда мен ўн тўрт ёшда бўлиб, мени (ҳали заиф, деб ҳисоблаб ғазотда иштирок қилмоғимга) рухсат бермадилар. Кейин, ул зот мени Хандақ куни ҳам кўздан кечирдилар, шунда мен ўн беш ёшда бўлиб, (бу гал ғазотда иштирок қилмоғимга) ижозат бердилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен халифа Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурларига бориб, бу (юқоридаги) ҳадисни айтиб бердим. Шунда ул киши: «Бул ёш (яъни, ўн беш ёш) кичиклар бирлан катталар ўртасини чегаралаш учундур», — дедилар-да, ўн беш ёшга кирган йигитларга аскарлар девонида маош белгилашни омилларига буюрдилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Гувоҳлик берурманким, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳақиқатан ҳам: «Жумъа куни ғул қилмоқлик ҳар бир балоғатга етган кимса учун вожибдур» — деб айтдилар».

5-боб. Ҳокимнинг қасам ичиришдан илгари даъвогарга: «Бирор далил-исботинг борми?» — деб савол бермоғи ҳақида

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бирор мусулмоннинг (ёхуд бирор зиммий ёки муоҳиднинг) молини тортиб олиш мақсадида фирромлик бирлан қасам ичса, Оллоҳ таоло (Қиёмат куни) уни дарғазаб бўлиб қарши олур», — дедилар».

Ашъас ибн Қайс ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло ҳақи, бул (оят) менинг хусусимдадур. (Чунки), мен бирлан бир яҳудий киши бир ерни ўзаро талашиб қолган эрдик. Шунда яҳудий ул ернинг меники эканлигини тан олмаган эрди. Кейин, мен уни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борган эрдим. Жаноб Расулulloҳ менга: «Гувоҳларинг борми?» — деган эрдилар. Мен: «Йўқ» — дегач, ул зот яҳудийга: «Қасам ич!» — деган эрдилар. Мен: «Ё Расулalloҳ, агар қасам ичса, менинг молим уники бўладими?» — деб айтган эрдим. Шунда Оллоҳ таоло «Оллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдур. Қиёмат кунида Оллоҳ уларга сўзламас, раҳмат назари бирлан боқмас ва уларни гуноҳларидан покламас, улар учун дардли азоб бордур» («Оли Имрон» сураси, 77-оят) деган ояти каримасини нозил қилган эди».

6-боб. Мол-мулк ва ҳадд борасида айбланувчига қасам ичирмоқ ҳақида

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (даъвогарга): «Икки гувоҳ келтир ёки (айбланувчига) қасам ичир!» — деб айтганлар.

Ибн Шибримма разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Абу аз-Занод бир гувоҳнинг гувоҳлик бермоғи ва даъвогарнинг қасам ичмоғи (кифоя эканлиги) ҳақида менга гапирди. Шунда мен: «Оллоҳ таоло: «...эркак кишиларингиздан иккитасини гувоҳ қилиб қуйингизлар, агар икки

эркак киши мавжуд бўлмаса, ўзларингиз истаган гувоҳлардан бир эркак ва икки аёлни гувоҳ қилингизларки, ул аёллардан қайси бири унутиб адашса, иккинчиси унинг ёдига солур...» — деб айтгандур. Агар бир гувоҳнинг гувоҳлиги ва даъвогарнинг қасами кифоя қиладирган бўлса, ул ҳолда икки (гувоҳ) аёлдан бирининг иккинчисининг ёдига солмоғининг нима ҳожати бор?» — дедим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айбланувчининг қасамига биноан ҳукм чиқарганлар», — дейдилар.

7-боб.

Бу ерда Ашъас ибн Қайс разияллоҳу анҳу юқорида айтган ҳадис такроран келтирилган.

8-боб. Агар киши бировга қандайдир айб қўйса ёхуд бировни зинокорликда айбласа, далил-исбот излаб топмоғи лозимдур

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳилол ибн Умайя Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида хотинини Шарик ибн Саҳмо бирлан зино қилганликда айблади. Шунда ул зот Ҳилолга: «Далил-исбот келтир, акс ҳолда орқангга ҳадд (дарра) урилур» — дедилар. Ҳилол: «Ё Расулаллоҳ, агар бирортамиз ўз хотинимиз устида бир эркакни кўриб қолсак ҳам, далил-исбот излаб топмоғимиз лозимми?!» — деди. Аммо, ул зот: «Далил-исбот, акс ҳолда орқангга ҳадд урилур!» — демоқларини қўймадилар».

9-боб. Асрдан кейинги қасам ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таоло уч (тоифа) кишига (Қиёмат куни) на сўз қотур ва на қиё боқур ва на уларни мағфират қилур, уларга дардли азоб берилур! (Бундайлардан бири) — ортиқча суви бўла туриб, йўловчига бермаган киши, (иккинчиси) — фақат мол-дунё учун бир кишига байъат қилган одам бўлиб, ул киши унинг истаган нарчасини бериб турса, унга вафо қилур, акс ҳолда унга вафо қилмас, (учинчиси эрса) шундай одамки, ул асрдан кейин бир киши бирлан бир мол хусусида бор-барака қилишади-да, сўнг Оллоҳ таоло номи бирлан қасам ичиб, сотувчига фалон миқдорда пул берганини ва ул уни олганини айтади». (Бу ерда асрдан кейинги вақтнинг махсус таъкидланишига сабаб шулки, Оллоҳ таоло бул вақтни улуғ қилиб, фаришталарнинг жам бўлмоқлари учун таъйин қилгандур. Шул боисдан бул вақтда ёлғон қасам ичиб, бировни алдаган кишининг гуноҳи бошқа вақтдагига нисбатан ниҳоятда оғир бўлур).

10-боб. Айбланувчи қаерда қасам ичмоқни лозим топса, ўшал ерда қасам ичаверади, бунинг учун уни турган еридан бўлак жойга қўзғотилмайди

Марвон (айбланувчи) Зайд ибн Собитнинг минбарга чиқиб қасам ичмоғини амр қилдилар. Зайд эрсалар: «Шул турган еримда қасам ичурман» — деб минбарда қасам ичмоқдан бош тортдилар. Шунда Марвон Зайднинг бул ишларидан таажжуб қилдилар.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салдам: «Икки гувоҳ келтир ёки (айбланувчига) қасам ичир!» — деб айтганлар. Аммо, қасам ичиш учун бирор махсус жойни таъйин қилмаганлар.

11-боб. Агар бирор қавм (бир-бирига навбат бермай) қасам ичишга шошилса...

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қавмга қасам ичишни таклиф қилиб эрдилар, улар шошиб (бир-бирига навбат бермай) қасам ичишга тушишди. Шунда ул зот улардан қайси бири биринчи бўлиб қасам ичмоғини аниқлаб олиш учун ўрталарида қуръа ташлашни амр қилдилар».

12-боб.

Бу ерда 5-бобдаги ҳадислар мазмунан такрорланган.

13-боб. Қасам (онт) қандай ичирилади? (яъни, қасам ичгучи не деб қасам ичмоғи лозим?)

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй мўминлар), улар сизларни рози қилиш учун Оллоҳ номини тилга олиб қасам ичурлар...» («Тавба» сураси, 62-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Энди илгариги қилмишлари сабабли ўзларига бирор мусибат етса, шундан сўнг сизнинг ҳузурингизга келишиб, «Биз фақат яхшилиқни ва тавфиқни истаган эрдик» деб Оллоҳ номини тилга олиб қасам ичишлари нечўқдур?» («Нисо» сураси, 62-оят).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир киши асрдан кейин Оллоҳ таолонинг номини тилга олиб ёлғон қасам ичди» ҳамда «Оллоҳ таолонинг номинигина тилга олиб қасам ичилур» — деб айтганлар.

Талҳа ибн Убайдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши (Нажд аҳлининг вакили) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, Ислом (арконлари) хусусида суради. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Бир кеча-кундузда беш вақт намоз (уқимоғинг буюрилгандур)», — дедилар. У: «Зиммамда бундан бўлак (намоз) борми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Узинг ихтиёр қилиб (ўқийдирган нафл намоз)дан бўлак (намоз) йўқ», — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «Рамазон рузаси(ни тутмоғинг) ҳам (буюрилгандур)» — деб айтдилар. У: «Зиммамда бундан бўлак (рўза) борми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Узинг ихтиёр қилиб (тутадириган нафл руза)дан бўлак (руза) йўқ», — дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ унга закот ҳақида эслатиб эрдилар, у: «Зиммамда бундан бўлак (закот) борми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Узинг ихтиёр қилиб (берадирган закот)дан бўлак (закот) йўқ», — дедилар. Сўнг, бояги киши қайтиб кетаётиб: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен (сизнинг айтганларингизни яхшилаб уқиб олдим), энди бундан бўлак савол бермасман ҳам, (Нажд аҳлига сизнинг айтганларингизни) заррача камайтириб етказмасман ҳам!» — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Агар (бул киши сўзида) содиқ бўлса, (жаннатга) етишгусидур!» — дедилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қасам ичгучи бўлса, Оллоҳ таолонинг номи бирлан қасам ичсин ёхуд жим бўлсин!» — дедилар».

14-боб. (Ёлғон) қасамнинг оқибати (ёмон эканлиги)га аниқ далил-исбот келтирган зот ҳақларида

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Баъзиларингиз баъзингиздан кўра (гапга чечанроқ, ёлғон қасам ичиб, ўзининг сохта) далилларига ишонтира олувчанроқ бўлишингиз мумкин» — деб айтганлар.

Товус, Иброҳим ва Шурайх: «Ҳаққоний далил-исбот фирром (ёлғон) қасамдан афзалроқдур». — дейишган.

Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, сизлар ўзаро хусуматлашиб ҳузуримга келурсизлар. Шунла баъзиларингиз баъзингиздан кўра (гапга чечанроқ, ёлғон қасам ичиб, ўзининг сохта) далилларига ишонтира олуьчанроқ бўлишингиз мумкин. Кимнинг сўзига ишониб биродарининг ҳақидан бирор нарсани фойдасига ҳукм қилиб қўйсам, дарҳақиқат унга жаҳаннам оташидан бир парча олиб берган булурман. (Шул боис у ёлғон қасам ичиб, сохта далиллар келтирганига иқроор бўлсин-да), зинҳор биродарининг ҳақини олмасин!» — деб марҳамат қилдилар».

15-боб. Ваъдага вафо қилмоқни амр қилган зот ҳақларида

Мисвар ибн Махрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз куёвлари ҳақида зикр қилиб, «У менга ваъда бериб, ваъдасига вафо қилди» деганларини эшитдим».

Абу Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳирақл менга: «Ул сизларга неларни буюрур, деб сендан сўрасам, сен намоз ўқимоқни, рост сўзламоқни, яхшилиқ қилмоқни (ёхуд покиза-бўлмоқни), аҳдга вафо қилмоқни ва омонатга хиёнат қилмасликни амр қилур, деб таъкидладинг, булар эрса пайғамбарга хос сифатлардур», — деди».

16-боб.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқнинг уч белгиси мавжуд бўлиб, агар сўзласа, ёлғон сўзлар, агар (омонатни) ишониб топширсалар, хиёнат қилур ва агар ваъда берса, вафо қилмас», — дедилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларида Ало ибн ал-Ҳазрабий томонидан Абу Бакр Сиддиққа мол келтирилди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ: «Кимнинг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламда қарзи бўлса ёки ул зот ҳаётликларида кимга (бул молдан) ваъда қилган бўлсалар, бизнинг ҳузуримизга келаверсин!» — деб айтдилар. ўшанда Жобир: «Мен (Абу Бакр Сиддиққа) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг менга (ул молдан) мунча ва мунча ва мунча беражакларини ваъда қилганларини айтдим. Шунда (Абу Бакр Сиддиқ) қўлимга беш юз, сўнг беш юз, сўнг беш юз санаб бердилар» — деб айтган эрдилар».

Саъид ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳийралик бир яҳудий мендан: «Мусо (алайҳиссалом) икки муҳлатдан қайси бирини адо этганлар?» — деб сўради. Мен (унга): «Токи бирор араб олими ҳузурига бориб, ундан сўраб (билмагунимча), айтолмасман», — дедим. Сўнг, бориб Ибн Аббосдан (шул ҳақда) сўрадим. Ибн Аббос: «Икки муддатдан энг кўпи ва яхшисини адо этганлар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳам) ваъда бердиларми, уни албатта бажарур эрдилар», — дедилар». (Бул икки муҳлат хусусида Қуръони Каримнинг «Қасас» сураси, 23—29-оятларида баён қилингандур).

17-боб. Ширк аҳлидан гувоҳлик ва бошқа нарсалар сўралмас!

Шаъбий: «(Исломдан бўлак) динлар аҳлининг бир-бирларига гувоҳликлари жоиз эрмас», —

дейдилар. Чунки, Оллоҳ таоло: «Уларнинг ўрталарига то Қиёмат нафрату адоват солиб қўйдик», — дейди («Моида» сураси, 14-оят).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Китоб аҳлига ишонмангизлар ҳам, уларни ёлғончи қилмангизлар ҳам, (яхшиси): «Оллоҳга ва бизга нозил қилинган Китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яқубга ва ўшал уруғ-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исога берилган нарсаларга ва барча пайғамбарларга парвардигор тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан бирортасини ажратмасмиз ва биз ул зотга (Оллоҳ таолога) буйинсўнгувчилармиз, деб айтингизлар», — дедилар». (Жаноб Расулulloҳ бул сўзларни «Бақара» сурасининг 136-оятидан олиб айтдилар).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дедилар: «Эй мусулмонлар жамоаси, Оллоҳ таоло ўз Расули саллalloҳу алайҳи ва салламга нозил қилган Китобингиз Оллоҳ таоло хусусида энг янги хабар бўла туриб ва сизлар уни қироат қила туриб, қандайин китоб аҳлидан (уларнинг динлари хусусида) сўрайсизлар? Китоб аҳлининг парвардигор ёзганини ўзгартирганлари ва ўз қўллари бирлан Китобни қайта ёзганлари ҳамда Оллоҳга берган ваъдаларини оз баҳога сотиш учун уни Оллоҳ нозил қилган, деб айтганлари ҳақида Оллоҳ таоло сизларга хабар қилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ-ку! ўзларингизга нозил қилинган илм улардан сўрамоғингизни манъ қилмайдими?! Оллоҳ таоло ҳақи, улардан бирор кишининг ўзларингизга нозил қилинган нарса хусусида сизлардан сўраганини сира кўрган эрмасмиз!».

18-боб. Мушкул (икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида тортишув чиқишига сабаб бўладирган) ҳолларда қуръа ташламоқ ҳақида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир қавмга қасам ичмоқни таклиф қилиб эрдилар, улар шошиб (бир-бирига навбат бермай) қасам ичишга тушишди. Шунда ул зот улардан қайси бири биринчи бўлиб қасам ичмоғини аниқлаб олиш учун ўрталарида қуръа ташламоқни амр қилдилар».

Нуъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Амри маъруф ва наҳий мункар қилгувчи киши бирлан амри маъруфни адо этмай, мункар ишларни қилиб гуноҳкор булаётган киши гўёки ўзаро қуръа ташлаб бир кемани шерикчиликка ижарага (ёхуд мулк қилиб) олган қавмга ўхшайди. Ул қавм кимга кеманинг қаеридан жой тегишини аниқлаш учун ўрталарида қуръа ташлашади, шунда баъзиларига кеманинг юқорисидан ва баъзиларига пастидан жой тегади. Кейин, кеманинг пастидан жой олган кишилар сув олгани кеманинг тепасидан жой олганлар ҳузурига ҳадеб боравериб, уларни безор қилишади. Шунда кеманинг тепасидан жой олганлар унинг пастидан жой олганларга: «Агар қуръа ташлаганимизда кеманинг пасти бизга насиб қилган бўлганида, тепамиздагиларга сира азият етказмас эрдик!» — дейишади. Буни эшитиб, кеманинг пастидагилардан бири қўлига болта олади-да, кеманинг тубини теша бошлайди. Шунда кеманинг тепасидан жой олганлар унинг олдига келиб: «Не қилаётирсан?» — дейишади. У: «Ҳадеб ҳузурларингизга боравериб, сизларга азият етказаётирман, менга эрса сув керак!» — дейди. Агар улар унинг қўлидан ушлаб, кемани тешмоғига йўл қўймасалар, уни ҳам, ўзларини ҳам ҳалокатдан қутқариб қоладилар ва агар уни ўз ҳолига қўйиб қуйсалар, уни ҳам, ўзларини ҳам ҳалок қиладилар».

Хорижа ибн Зайд ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ансорлар ўз уйларида муҳожирларга жой бериш учун ўзаро қуръа ташлаганларида Усмон ибн Мазъун Уммулалонинг

қуръасига чиқди. Уммулало бундай дейдилар: «Шундай қилиб, Усмон ибн Мазъун бизнинг уйимизда яшай бошладилар. Кейин, хасталаниб ётиб қолдилар, биз ул кишини то вафот қилгунларига қадар парвариш қилдик. Сўнг, жасадларини кийимлари бирлан кафанлаб қўйдик. (Шу аснода) Жаноб Расулulloҳ ул кишини кўргани ҳузуримизга кириб эрдилар, мен: «Оллоҳ таоло сизни раҳмат қилсин, эй Або Соиб! Кўриб турибманки, Оллоҳ таоло сизни раҳмат қилгандур!» — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ менга: «Оллоҳ таоло бул кишини раҳмат қилганини сен қаердан билурсан?!» — дедилар. Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсинлар, ё Расулаллоҳ! Мен буни билмасман»,— дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Усмон қазо қилди, Оллоҳ таоло ҳақи, мен унга фақат яхшилиқни тиларман! Оллоҳ таоло ҳақи, мен ўзим Оллоҳнинг Расули бўла туриб, (Қиёматда) менга не қилинмоғини билмасман!» — дедилар. Шундан буён мен, Оллоҳ таоло ҳақи, бирор маййитни мақтамайдирган бўлдим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафарга чиқмоқни ирода қилсалар, хотинлари ўртасида қуръа ташлар, қуръа улардан қайсинисига чиқса, ўшал бирлан сафар қилур эрдилар. Шунингдек, Жаноб Расулulloҳ (муқимлиқца) хотинларидан ҳар бири учун бир кеча-кундуз вақт ажратган эрдилар. (Бир куни) Савда бинти Замъа ул зотнинг кўнгилларини олиш учун ўз кунини Оишага тўхфа қилган эрди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамлар азон бирлан (намозхонларнинг) биринчи сафида қанчалар хайру баракот борлигини билганларида эрди, (масжидга азонга қадар етиб келиб, биринчи сафдан жой олиш учун) ўрталарида қуръа ташлашдан бўлак илож тополмай, қуръа ташлаган бўлур эрдилар! Агар одамлар такбирда қанчалар хайру баракот борлигини билганларида эрди, унга (барвақтроқ етиб келиш учун) ким ўзарга мусобақалашган бўлур эрдилар! Агар одамлар хуфтон ва бомдодда қанчалар хайру баракот борлигини билганларида эрди, уларга эмакляб бўлса ҳам, келур эрдилар!» — дедилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

СУЛҲ КИТОБИ

Одамларни ўзаро келиштириш (тотув қилиш) ҳақидаги ҳадислар

Оллоҳ таолонинг қавли: «Уларнинг кўп махфий сўхбатларидан, агар садақа беришга ёки бирор яхшилик қилишга ёхуд одамларни ўзаро тотув қилишга буюрган бўлмасалар, заррача манфаат йўқдур. Кимки Оллоҳнинг ризолигини истаб, шу амалларни қилса, унга буюк ажр ато этажакмиз» («Нисо» сураси, 114-оят).

Имомнинг ўз саҳобалари бирлан биргаликда (низо чиққан) ерларга одамларни ўзаро яраштириб қўймоқ учун бормоғи ҳақида

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бану Амр ибн Авф (қабиласи)га мансуб бир гуруҳ одамлар ўртасида низо чиқди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча саҳобалар бирлан биргаликда уларни ўзаро яраштириб қўймоқ учун йўл олдилар. Кейин, намоз вақти бўлиб қолиб, Жаноб Расулulloҳ ҳадеганда келавермагач, Ҳазрат Билол намозга азон айтдилар. Аммо, Жаноб Расулulloҳ ҳануз келмас эрдилар. Шул боис Ҳазрат Билол Абу Бакр Сиддиқнинг қошларига келиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул ерда ушланиб қолдилар, намоз вақти бўлди, сиз одамларга имомлик қилмайсизми?» — дедилар. Абу Бакр: «Майли, агар менинг имомлик қилмоғимни истаган бўлсанг, имомлик қила қолайин!» — дедилар. Сўнг, намозга такбир айтилди. Абу Бакр эндигина имомликка ўтиб эрдилар, Жаноб Расулulloҳ келиб, намозхонлар сафларини оралаб, биринчи сафга бориб турдилар. Шунда намозхонлар (Жаноб Расулulloҳнинг келганларини Абу Бакрга билдириш учун) чапак чала бошлашди, ҳатто шул қадар кўп чапак чалишдики, Абу Бакр намозда турган бўлсалар-да, беихтиёр ўгирилиб, ортларида Жаноб Расулulloҳнинг турганларини кўрдилар. Абу Бакр («Келинг, ўрнингизга турунг» деган маънода) қўллари бирлан Жаноб Расулulloҳга ишора қилиб эрдилар, ул зот Абу Бакрга намозни давом эттирмоқни амр қилдилар. Аммо, Абу Бакр қўлларини юқори кўтариб, (билдирилган ишонч учун) Оллоҳ таолога ҳамд айтдилар-да, ортларига тисарилиб, сафга кирдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ олдинга ўтиб, (имомлик қилган ҳолда) одамлар бирлан бирга намоз ўқидилар. Намозни тугатгач, Жаноб Расулulloҳ одамларга юзларини буриб ўлтириб олдилар-да: «Эй одамлар, намоз ўқиётганингизда нечундир чапак чала бошладингизлар, чапак чалиш — аёлларга хос қилиқдур. Кимга намоз ўқиётганида бирор нарса бўлса, «Субҳоналлоҳ!» десин, чунки уни ким эшитмасин, дарҳол ўгирилиб қарайди. Эй Абу Бакр, сизга ишора қилганимда нечун одамларга имомлик қилиб намоз ўқийвермадингиз?» — дедилар. Шунда Абу Бакр: «Абу Қаҳхофанинг ўғли учун Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида намоз ўқимоқлик жоиз эрмас!» — деб жавоб қилдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саҳобалар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Абдуллоҳ ибн Убайнинг ҳолидан бир хабар олсангиз бўлур эрди!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ бир эшакни миниб, унинг ҳузурига йўл олдилар, ул зот бирлан биргаликда бир қанча мусулмонлар ҳам кетишди. Абдуллоҳ яшайдирган ер шўрхок ер бўлиб, Жаноб Расулulloҳ унинг ҳузурига етиб боргач: «Бул эшагинг мендан ўзингга сийлов! Оллоҳ таоло ҳақи, унинг қўланса ҳиди (йўл бўйи) менга азият етказди», — дедилар. Шунда ансорлардан бири Абдуллоҳга: «Оллоҳ таоло ҳақи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эшакларининг ҳиди сенинг ҳидингдан хушбўйроқдур!» — деди. Бунга эшитиб, Абдуллоҳнинг қавмидан бир киши дарғазаб бўлди-да, у бирлан сўкишиб кетди. Кейин, ҳар

иккаласининг дўстлари ҳам ўртага тушиб, ўзаро уришиб кетишди. Ҳар икки тараф бир-бирини таёқ, чориқ ва қўл бирлан роса дўппослади. Кейин, билсак, шул хусусда Оллоҳ таолонинг «(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа ўзаро уришиб қолсалар, дарҳол уларни яраштириб қўйингизлар!» деган ояти каримаси нозил бўлибди» («Ҳужурот» сураси, 9-оят).

1-боб. Одамларни ўзаро келиштириб (яраштириб) қўйгув-чи кимса ёлғончи эмас

Умму Кулсум бинти Уқба разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Яхшилиқни бўртириб, одамларни ўзаро келиштириб (яраштириб) қўйгувчи кимса ёлғончи эмас!» — деб айтганларини эшитдим». (Яъни, агар киши низолашиб қолган одамларни ўзаро яраштириб қўйиш мақсадида улардаги мавжуд фазилатларни бир оз бўрттириб мақтаса, ёлғончи бўлмас, чунки у бундан фақат яхшилиқни кўзлаган бўлиб, одамларни алдашни сира ният қилмагандур).

2-боб. Имомнинг ўз саҳобаларига: «Биз бирлан юрингизлар, (уларни ўзаро) яраштириб қўюрмиз!» — деб айтмоғи ҳақида

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Ҳижоздаги) Қубо аҳли ўзаро уришиб қолишиб, ҳатто бир-бирларига тош отишгача боришди. Буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар қилишиб эрди, ул зот (саҳобаларга): «Биз бирлан юрингизлар, уларни ўзаро яраштириб қўюрмиз!»— дедилар».

3-боб. Оллоҳ таолонинг: «Ва агар бир хотин ўз эрининг кўнгилсиз бўлишидан ёки юз ўгиришидан қўрқса-ю, ўзаро келишиб сулҳ қилишса, бу ҳар иккисига ҳам гуноҳ эрмас, сулҳ (ажралишдан) яхшидур»— деган қавли хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Эрининг кўнгилсиз бўлиб қолишидан ёки қўйиб юборишидан чўчидирган аёл шундай аёлки, одатда эри ундан кўнгли тўлмаи, уни талоқ қилиб, бошқа хотин олгиси келади. Шунда ўша аёл эрига: «Мени никоҳингизда олиб қолиб, талоқ қилмангиз-да, устимга бошқа хотин олаверингиз, менга нафақа ва маҳрни камроқ берсангиз ҳам майли!» — дейди. Агар иккаласи шунга келишсалар, ҳечқиси йўқдур».

4-боб. Агар адолатсиз сулҳ тузсалар, у бекор қилинур

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ал-Жуханий разияллоҳу анҳумо ривоят қилишади: «Бир бадавий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, бизни Оллоҳ таолонинг Китобига биноан ўзаро келиштириб қўйингиз!» — деди. Шунда у бирлан хусуматлашиб келган киши ҳам ўрнидан. туриб: «У рост айтди, бизни Оллоҳ таолонинг Китобига биноан ўзаро келиштириб қўйингиз!» — деди. Сўнг, бадавий: «Менинг ўғлим манави кишининг қўлида ёлланиб ишлар эрди, унинг хотини бирлан ўйнашиб қўйди. Шунда менга: «Ўғлинг тошбўрон қилиниб, (ўлдирилур)», — дейишди. Шул боис мен ўғлимни юзта қўй ва битта чўри бериб, манави кишидан қутқариб олдим. Кейин, шул ҳақда илм аҳлидан сўраб эрдим, улар: «Ўғлинг (буйдоқ бўлгани учун) юз дарра урилиб, бир йилга бадарға қилинмоғи лозим» — деб айтишди»,— деди. Жаноб Расулulloҳ: «Албатта мен сизларни Оллоҳ таолонинг Китобига биноан ўзаро келиштириб қўюрман! Чўри ва қўйлар хусусига келсак, улар ўзингга қайтарилур, ўғлинг эрса, юз дарра урилиб, бир йилга бадарға қилингусидур. Сен эрсанг, эй Унайс, бунинг хотини ҳузурига боргил, агар (зино қилганини) эътироф қилса, тошбўрон қилгил!» — дедилар. Кейин, Унайс ўшал хотиннинг ҳузурига бориб (сўраб) эрдилар, у (зино қилганини) эътироф этди, сўнг ул киши уни тошбурон қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бизнинг бу ишимизда (яъни, Ислom шариатида) йўқ нарсани жорий қилса, у бекор (рад) қилинур» — деб марҳамат қилдилар».

5-боб. (Сулҳ тузгувчи киши) қайси қабила ёки насабга мансуб эканлигини қайд этмай, «Бу фалон ўғли фалон бирлан фалон ўғли фалон ўзаро тузган сулҳ шартномасидур» деб қандай ёзур?

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Зулқаъда ойида (саҳобалар бирлан бирга) умра қилгани йўл олдилар. Шунда Макка аҳли ул зот (бирлан саҳобалар)нинг Маккага кириб, Байтуллоҳни беҳалал тавоф қилмоқларига тўсқинлик қилишди. Кўп музокаралардан сўнг, ул зот (келаси йили) Маккада уч кун туришга улар бирлан келишиб олдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳнинг котиблари (Ҳазрат Али) шартномага «Бу Оллоҳнинг Расули Муҳаммаднинг (Сухайл ибн Амр бирлан тузган) сулҳ шартномасидур» деб ёзиб қўйганларида, мушриклар: «Оллоҳ ҳақи, агар биз сизни Оллоҳнинг Расули, деб тан олганимизда эрди, сизнинг Байтуллоҳга кирмоғингизга монеълик қилиб, сизга қарши жанг қилмоққа қасд қилмаган бўлур эрдик, ваҳоланки сиз Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадсиз, холос!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен Оллоҳнинг Расули ҳамда Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммаддурман», — дедилар. Сўнг, ул зот Ҳазрат Алига: «Расулulloҳ» сизини ўчириб, (Абдуллоҳ ибн Муҳаммад, деб ёзиб қўй!)» — деб амр қилдилар. Аммо, Ҳазрат Али: «Йуқ, Оллоҳ таоло ҳақи, «Расулulloҳ» сўзини ҳеч қачон ўчирмасман!» — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ шартномани қўлларига олдилар-да, унга ўзлари муборак қўллари бирлан «Бу Абдуллоҳ ўғли Муҳаммад (бирлан Сухайл ибн Амр ўзаро) тузган сулҳ шартномасидур. У Маккага қинига солинган қуролдан бўлак бирор қурол олиб кирмайди, Макка аҳлидан бирортасини, агар унга эргашмоқни истаса ҳам, ўзи бирлан олиб кетмайди, саҳобаларидан бирортаси Маккада қолишни истаса, унга монеълик қилмайди» — деб ёзиб қўйдилар. (Уламоларнинг айтишларича, Жаноб Расулulloҳ ёзишни яхши билмасалар-да, шартнома устига муборак қўлларини олиб боришлари бирланок, Оллоҳ таолонинг иродаси бирлан мазкур сўзлар ёзилиб қолган. Баъзи ровийлар айтган ҳадисларда эрса мазкур сўзларни ул зотнинг амрларига биноан Ҳазрат Али ёзиб қўйганлар).

(Келаси йили) Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (саҳобалар бирлан бирга умра қилгани) Маккага кирдилар. (Ўтган йили тузилган шартномадаги уч кунлик) муддат ўтгач, мушриклар Ҳазрат Алининг қошларига келиб: «Дўстингизга айтингиз, Маккани тарк этсин, чунки келишилган муддат тугади», — дейишди. Сўнг, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (саҳобалар бирлан бирга) Маккадан чиқиб кетаётганларида Ҳамзанинг қизчалари: «Эй Амаки, эй амаки!» — деганча уларга эргашди. Ҳазрат Али уни кўтариб олдилар-да, қўлидан ушлаб Фотима алайҳоссаломга узата туриб: «Амакиннинг қизчасини кажавангта солиб ол!» — дедилар. Шунда Зайд ва Жаъфар уни ўзларининг қарамоқларига олмоқ бўлиб Ҳазрат Али бирлан талашиб қолишди. Ҳазрат Али уларга: «Бу амакимнинг қизчасидур, мен сизлардан кўра унга ҳақлироқман!» — дедилар. Жаъфар эрса: «Бу менинг ҳам амакимнинг қизчаси, бунинг устига унинг холаси менинг хотинимдур!» — деб айтдилар. Зайд эрса: «Бу менинг биродаримнинг қизчасидур!» — дедилар. Аммо, Жаноб Расулulloҳ уни холасига бермоқни амр қилиб: «Хола она ўрнидадур», — дедилар. Сўнг, ул зот Ҳазрат Алига: «Сен мендан ва мен сендан» (яъни, «Иккимизнинг насабимиз бирдур»), — дедилар. Жаъфарга эрса: «Сен қиёфа ва хулқ жиҳатдан менга ўхшайсан» — деб айтдилар. Кейин, Зайдга қараб: «Сен (иймондош) биродаримиз ва мавломизсан (бизнинг озод қилган қулимизсан)», — дедилар. (Шул тариқа Жаноб Расулulloҳ уларнинг кўнгилларини кўтариб қўйдилар)».

6-боб. Мушриклар бирлан сулҳ тузмоқ ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

7-боб. Товон (хун ҳақи) тўлаш хусусида сулҳ тузмоқ

Анас (ибн Молик) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Назрнинг қизи Рабиъ бир қизнинг курак тишини синдириб қўйди. Шунда тиши синган қизнинг қавми Рабиъ қавмидан товон (хун ҳақи) талаб қилишди. Рабиънинг қавми эрса, уни афв қилмоқларини талаб қилишди. Улар шул тариқа тортиша-тортиша Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишиб эрди, ул зот тиши синган қизнинг қавмига қасос олмоқни (яъни, синдирилган курак тиш учун Рабиънинг ҳам курак тишини синдирмоқни) амр қилдилар. Рабиънинг отаси Анас ибн Назр (қизига ачиниб): «Ё Расулаллоҳ, Рабиънинг тиши синдириладими? Сизни ҳақ (дин) бирлан юборган Оллоҳ таоло ҳақи, унинг тишини. синдиртирмангиз!» — деб ёлборди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Анас, Оллоҳ таолонинг Китоби қасос (олмоқни буюрур)», — дедилар. Буни эшитиб, тиши синдирилган қизнинг қавми товон олишга рози бўлди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг бандаларидан кимда-ким Оллоҳ таолонинг номини тилга олиб қасам ичса, унга содиқ бўлсин!» — деб марҳамат қилдилар».

8-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг набиралари Ҳасан ибн Али хусусида: «Менинг бул ўғлим саййиддур, шояд Оллоҳ таоло унинг-ла мусулмонлардан бўлган икки катта гуруҳни ўзаро яраштириб қўйса!» — деб айтганлари ҳамда Оллоҳ таолонинг: «(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари бирлан) уришиб қолсалар, дарҳол уларни ўзаро яраштириб қўйингизлар!» — деган қавли ҳақида («Ҳужурот» сураси, 9-оят)

Абу Мусо (ал-Ашъарий) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло ҳақи, Ҳасан ибн Али Муовияга қарши тоғлар сингари (қудратли, улкан) қўшин тортдилар. Шунда Амр ибн ал-Ос (Муовияга): «Мен бул қўшиннинг таб тортмай, ўз тенгдошларини (ёки ўз душманини) ўлдирмоғига сира шубҳа қилмасман!» — дедилар. Муовия ул кишига жавобан: «Агар булар уларни ва улар буларни ўлдирса, ким менинг учун (Оллоҳ таолонинг қошида) ўлдирилган эркаклар, тул қолган хотинлар ва вайрон қилинган мол-мулкларнинг жавобини берур?!» — дедилар. Сўнг, Қурайш қабиласига мансуб Бану Абдушамс уруғидан икки кишини — Абдурраҳмон ибн Самура бирлан Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайзни Ҳасан разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига юбораётиб, уларга: «Ул кишининг ҳузурларига бориб, (манави остига муҳрим босилган, аммо ҳали ҳеч нарса ёзилмаган сулҳ шартномаси қоғозини) тақдим қилингизлар, (унга қандай шартлари бўлса, ёзиб юбормоқлари мумкинлигини ва мен ул кишининг ҳар қандай шартларини қабул қилажагимни) айтингизлар, (қандай бўлмасин), ул кишини (сулҳ тузишга) кўндиригизлар!» — дедилар. Кейин, улар иккаласи бориб, Ҳасан разияллоҳу анҳунинг ҳузурларига киришди, ул киши бирлан суҳбатлашиб, (Муовия тайинлаган гапларни) айтишди ва (ўзаро сулҳ тузишни) илтимос қилишди. Ҳасан разияллоҳу анҳу уларга: «Биз Абдулмутталиб авлодлари бул молдан ўз улушимизни олганмиз (яъни, мусулмонлар ўртасида содир бўлган фитналардан кўп жабр тортганмиз), дарҳақиқат бул уммат бир-бирини қонга ботириб юборди», — дедилар. Улар Ҳасан разияллоҳу анҳуга: «Муовия сизга ундай ва бундай деб тақлиф қилурлар ва бул тақлифларини рад этмай, ўзаро сулҳ тузмоғингизни илтимос қилурлар», — дейишди. Шунда Ҳасан разияллоҳу анҳу уларга: «(Бул тақлифларнинг чин эканлигига ҳамда менинг шартларимнинг сўзсиз бажарилмоғига) ким менга (кафолат) берур?» — дедилар. Улар: «Мана биз сизга (кафолат) берурмиз!» — дейишди. Ҳасан разияллоҳу анҳу, улар шундай дегач, бўлак савол бермадилар-да, Муовия бирлан ўзаро сулҳ (тузишга рози

бўлиб, шартнома қоғозига ўз талабларини) битдилар. Кейин, Ҳасан разияллоҳу анҳу уларга: «Мен Абу Бакранинг бундай деяётганларини эшитган эрдим»,— дедилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда ўлтирганларини кўрдим. Шунда Ҳасан ибн Али ёнларида бўлиб, ул зот бир одамларга ва бир унга қараб қуйдилар-да: «Дарҳақиқат, мана бу ўғлим саййиддур, шояд Оллоҳ таоло унинг-ла мусулмонлардан бўлган икки катта гуруҳни ўзаро яраштириб қўйса!» — дедилар».

9-боб. Имом (хусуматлашаётганларга) ўзаро келишувни ишора қилурми?

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки кишининг эшик олдида бор овозлари бирлан жанжаллашаётганини эшитдилар. Улардан бири иккинчисидан берган қарзини бир оз камайтиришни, унинг тўлаш муддатини яна бирмунча чўзиб, яхшилик қилишни илтимос қилар эрди. Иккинчиси эрса: «Оллоҳ таоло ҳақи, (сен айтгандек) қилмасман!» — дер эрди. (Буни эшитиб), Жаноб Расулulloҳ иккаласининг қошига чиқдилар-да: «Яхшилик қилмайман, деб ҳатто Оллоҳ таолонинг номини тилга олиб қасам ичган ўшал (қасамхўр) қани?» — дедилар. Шунда қасам ичган киши: «Менман, ё Расулаллоҳ! Олган қарзидан қанчасини ва қачон тўлашни истаса, тўлайверсин!» — деди».

Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Каъб ибн Молик Абдуллоҳ ибн Убайга қарз берган эрдилар. Бир куни Каъб Абдуллоҳни учратиб, қарзларини қистадилар. Шунда иккалалари жанжаллашиб қолишиб, ҳатто бир-бирларига бақриб юборишди. Шу аснода Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб қолиб: «Эй Каъб!» — дедилар-да, «ярмини олгил!» деган маънода ул кишига қўллари бирлан ишора қилдилар. Шунда Каъб Абдуллоҳга берган қарзларининг ярмини олиб, қолганидан воз кечдилар».

10-боб. Одамларни ўзаро келиштириб қўймоқнинг ҳамда улар ўртасида адолат қилмоқнинг фазилати ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларнинг (ўзаро қилган) ҳар бир салом-алиги учун савоб ёзилур, Қуёш чиқадирган ҳар бир кунда (яъни, бу дунёда) одамлар ўртасида қилинган адолат учун савоб ёзилур!» — деб марҳамат қилдилар».

11-боб. Агар имом (икки хусуматлашаётган кишига) ўзаро келишмоқни ишора қилса-ю, шунда улардан бири бундан бош тортса, ул ҳолда имом ўшал кишига нисбатан равшан (очиқ) ҳукм чиқарур.

Урва ибн аз-Зубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Зубайр Бадр ғазотида қатнашган бир ансорий бирлан тошлоқдан оқиб келгувчи сув хусусида жанжаллашиб қолдилар, чунки иккалалари ўшал сув бирлан экинларини суғориб туришар эрди. Шу боис Зубайр ва ансорий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилишиб эрди, ул зот Зубайрга: «(Аввал) сен суғор, сўнг сувни қўшнингнинг ерига очиб юбор!» — дедилар (ва бул сўзлари бирлан ўзаро келишмоқни ишора қилдилар). Аммо, ансорий (сувдан иккинчи бўлиб фойдаланишини эшитиб), жаҳл бирлан: «Ё Расулаллоҳ, Зубайр аммангизнинг ўғли-да!» — деди. Унинг бул сўзидан Жаноб Расулulloҳнинг муборак юзлари ўзгариб кетди-да: «Эй Зубайр, (экинингга) сувни оч, сўнг то илдизга етгунча (шу ҳолда) қолдир!» — (ёки «Эй Зубайр, экинингни суғор, сўнг сувни деворга етмасидан бурун тўхтат!») — деб амр қилдилар, (яъни) ансорийнинг ҳақини ҳам Зубайрга бердилар. Чунки, ул зот бундан илгари (сувдан келишиб фойдаланмоқни) Зубайрга ишора қилганларида ҳар иккалаларига ҳам мақбул фикрни айтган эрдилар. Аммо, ансорий ул

зотни ғазаблантириб қўйди. Шул боис ул зот равшан (очиқ) ҳукм бирлан унинг ҳақини ҳам Зубайрга бердилар. Мен, Оллоҳ таоло ҳақи, Оллоҳ таолонинг қўйидаги «Йуқ, парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан жанжалларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин була олмаслар» («Нисо» сураси, 65-оят) деган ояти каримасини айнан шул хусусда нозил бўлган, деб ҳисоблайман».

12-боб. Қарз берганлар бирлан (қарзини узолмай вафот қилиб кетганларнинг) меросхўрларини ўзаро келиштириб қўймоқ ҳамда қарзни пул ёхуд мол бирлан тўлаш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Отам (Абдуллоҳ ал-Ансорий Уҳуд ғазотида) шаҳид бўлиб, буйинларида қарз қолди. Мен қарз берган кишиларга: «Қарзларингиз ўрнига хурмо берайин!» — деб таклиф қилдим. Аммо, улар (хурмозорим ҳосилини чамалаб кўргач), қарзни узишга кифоя қилмаслигини айтиб, кўнишмади. Сўнг, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, бўлган гапни айтдим. Ул зот: «Ҳар бир хурмо дарахти ҳосилини алрҳида қилиб уюб қўй!» — дедилар. Мен айтганларидек қилдим-да, ул зотни чақирдим. Ул зот Абу Бакр ва Умар бирлан бирга келдилар. Сўнг, хурмо уюмларидан энг каттасининг устига чиқиб ўлтиргач, барака тилаб дуо қилдилар. Кейин, менга: «Сендан отангнинг қарзини сўраб келганларни чақир, улар берган қарзни (хурмо бирлан) узгил!» — дедилар. Мен отамга қарз берганлардан бирортасини ҳам қолдирмай, барчасини хурмо бериб рози қилдим. Шунда ҳам ун уч васақ хурмо — етти васақ ажва (олий нав хурмо) ва олти васақ лавн (паст нав хурмо) ёхуд етти васақ лавн ва олти васақ ажва ортиб қолди. Кейин, мен Жаноб Расулуллоҳ бирлан бирга аср (ўқимоқ учун масжид)га бордим. Шунда отамнинг барча қарзлари узилиб, ҳатто ўн уч васақ хурмо ортиб қолганини айтиб эрдим, ул зот табассум қилиб: «Буни Абу Бакр бирлан Умарга ҳам бориб айт!» — дедилар. Мен бориб, айтиб эрдим, иккалалари: «(Бунинг боисини) биз (дарҳол) фаҳмладик, чунки Жаноб Расулуллоҳ шундай бўлмоғи учун не қилган бўлсалар, шуни қилганлар»,— дейишди».

13-боб. (Қарз берган бирлан қарз олганни) қарз (пул) ва мол хусусида ўзаро келиштириб қўймоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Каъб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Каъб ибн Молик масжидда Ибн Абу Ҳадрадан қарзларини талаб қилдилар. Шунда иккалаларининг овозлари баланд кўтарилиб кетиб, ҳатто уни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйда ўлтириб ҳам эшитдилар. Жаноб Расулуллоҳ (масжидга қараган) ҳужралари пардасини кўтариб: «Эй Каъб!» — деб чақирдилар. Каъб: «Лаббай, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Берган қарзингнинг ярмидан кеч!» деган маънода ул кишига қўллари бирлан ишора қилдилар. Каъб (дарҳол): «Шундай қилдим, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ Ибн Абу Ҳадрада: «Тур, қарзингни уз!» — деб айтдилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

ШАРТЛАР КИТОБИ

1-боб. Ислондаги жоиз шартлар, ҳукмлар ва ўзаро байъатлар ҳақида

Мисвар ибн Махрама ва Марвон разияллоҳу анҳумо ривоят қилишади: «Расулulloҳ саллаштоҳу алайҳи ва саллам бирлан Сухайл ибн Амр ўртасида муайян муддатга сулҳ тузилганда, Сухайл: «Биз тарафдан бирор киши сиз томонга қочиб ўтса, агар у сизнинг дийнингизда бўлса ҳам, бизга қайтарасиз, биз бирлан ул қочоқ ўртасига аралашмайсиз!» — деб шарт қўйди. Мўминлар бундан норози бўлишди, аммо Сухайл ўз шартида қаттиқ туриб олди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ сулҳни имзоладилар. Ана шу шартномага биноан ул зот Абу Жандал ибн Сухайлни ўз отаси Сухайл ибн Амрга қайтариб бердилар. Жаноб Расулulloҳ шартномада кўзда тутилган муддат давомида мушриклар томонидан мусулмонлар томонига қочиб ўтган ҳар қандай эркакни, гарчи у мусулмон бўлса-да, ортига қайтариб юбордилар. Сўнг, мушриклар томонидан Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига мўмина аёллар ҳижрат қилиб келишди. Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига ҳижрат қилиб келганлар орасида Уқба ибн Абу Муъайтнинг Умму Гулсум исмли қизи ҳам бор бўлиб, у бўйи етган ёш қизча эрди. Унинг қариндошлари Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келишиб, уни қайта-риб беришни талаб қилишди, аммо ул зот уни қайтариб бермадилар. Чунки, Оллоҳ таоло ҳижрат қилиб келган мўмина аёллар ҳақида «Эй мусулмонлар, қачон қошларингизга мусулмон аёллар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилингизлар, Оллоҳ яхшироқ билур уларнинг иймонларини! Бас, агар билсангизларки, улар мусулмондурлар, қайтариб юбормангизлар уларни кофирлар тарафига! На бул аёллар ҳалолдурлар уларга ва на улар ҳалол бўлурлар буларга!» деган ояти каримасини нозил қилди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаштоҳу алайҳи ва саллам (ҳижрат қилиб келган аёлларни) Оллоҳ таолонинг қуйидаги оятларига биноан имтиҳон қилиб кўрур эрдилар: «Эй мусулмонлар, қачон қошларингизга мусулмон аёллар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилингизлар...» («мағфиратли, меҳрибондур» деган қавлигача, «Мумтаҳана» сураси, 10—12-оятлар).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мусулмон аёллардан қайси бири шу шартга (яъни, оятлардаги шартга) иқрор бўлса, унга Жаноб Расулulloҳ оззаки: «Батаҳқиқ, мен байъатингни қабул қилдим!» — дер эрдилар. Оллоҳ таоло ҳақи, шунда қўллари аёлнинг қўлига тегмас эрди, ул зот аёлларни фақат сўз бирлангина байъат қилдиран эрдилар».

Жарир разияллоҳу анҳу. «Мен Расулulloҳ саллаштоҳу алайҳи ва салламга байъат қилдим. Шунда ул зот (намоз ўқимоғимни, закот бермоғимни) ва ҳар бир мусулмонга (шул хусусда) насиҳат қилмоғимни зиммамга шарт қилиб қўйдилар».

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаштоҳу алайҳи ва салламга намоз ўқимоқликка, закот бермоқликка ва ҳар бир мусулмонга насиҳат қилмоқликка байъат қилдим».

2-боб. Кимки чангланган (мева туккан) хурмо дарахтларини сотса...

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаштоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки чангланган (мева туккан) хурмо дарахтларини сотса,

уларнинг (ўшал йилги) ҳосили сотган кишиникидур, акс ҳолда олувчи (сотувчига) шарт қўймоғи лозим бўлади», — дедилар».

3-боб. Савдо-сотикдаги шартлар хусусида

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Чўри) Барира, (Оиша онамизга, уни сотиб олмасларидан илгари ҳам, хизмат қилиб юрар эрди. Эгалари: «Фалон миқдорда тўлов тўласанг, сени озод қиламиз, акс ҳолда чўрилигингча қолаверасан» — деб айтишгач), у ўз бўйнидаги тўловни узишга қодир бўлмаганидан ёрдам сўраб Оиша онамизнинг ҳузурларига келди. Шунда Оиша онамиз унга: «Эгаларинг олдига қайтиб боргил, агар улар сенинг бўйнингдаги тўловни тўламоғимга (яъни, агар сени бўйнингдаги тўловинг бирлан бирга сотиб олиб, озод қилмоғимга) ҳамда сенга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқининг менга ўтмоғига розилик берсалар, (шундай) қилгумдур», — дедилар. Барира бул таклифни эгаларига айтиб эрди, улар кўнишмади-да: «Агар (Оиша) сени (озод қилиб, Оллоҳ таолодан ажру савоб) олмоқни истаса, сотиб олаверсин, аммо сенга ҳомийлик ҳуқуқи бизда қолади», — дейишди. Оиша онамиз шул хусусда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб эрдилар, ул зот: «Уни сотиб олиб, озод қилавер, чунки ҳомийлик ҳуқуқи озод қилган шахсникидур», — дедилар».

4-боб. Уловини сотган киши уни ўзи муайян жойгача миниб бормоғини шарт қилиб қўйса, жоиздур

Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ул зотнинг саҳобалари ғазотлардан биридан Мадина томон қайтиб келишаётган эрди). Шунда Жобирнинг туяси чарчаб, бртда қола бошлади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб, унинг туясини (асолари бирлан) нуқиб, «чу-чулагач», у бирорта туя етиб ололмайдирган даражада тезлаб кетди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ Жобирга: «Туянгни менга бир виққийгага (тўрт динорга) сотмайсанми?» — дедилар. Жобир бундай дейдилар: «Мен: «Йўқ, (ҳозир эмас), (Мадинага етиб олганимиздан) кейин», — дедим. Ул зот: «Туянгни менга бир виққийгага сотмайсанми?» — деб қайтариб айтдилар. Шундан сўнг, мен туямни ул зотга сотдим, аммо уйимга етиб олгунимча уни узим миниб бормоғимни шарт қилиб қўйдим. Мадинага етиб борганимизда туяни ул зотнинг ҳузурларига олиб бордим. Ул зот менга унинг пулини бердилар. Ксйин, мен қайтиб кетдим. Бир оздан сўнг, ул зот ортимдан одам юбориб, мени ҳузурларига чақиртирдилар. Мен ҳузурларига боргач: «Туянгни олиб кетавер, мен уни сотиб олмоқчи эрмас эрдим, пули сенга ҳадядур», — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис бошқа ровийлар томонидан бир неча бор такрорланган.

5-боб. Ҳамкорлик шартлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Муҳожирлар Мадинага келишганда) ансорлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Бизнинг хурмозорларимизни биз бирлан муҳожирлар ўртасида тақсимлаб берингиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ (ўртада хусумат пайдо бўлмаслиги учун): «Йўқ», — дедилар. (Жаноб Расулulloҳнинг бу фикрларини пайқаган) ансорлар: «Ул ҳолда (хурмозорларни парвариш қилишда) бизга ёрдам қилсангизлар, кифоя, сизларни ҳосилига шерик қилурмиз», — дейишди. Сўнг, ансору муҳожирлар барчалари (Жаноб Расулulloҳнинг назарда тутган фикрларини инобатга олиб): «Қулоқ осдик ва бўйин эгдик!» — дейишди».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

Хайбар ерларини яҳудийларга деҳқончилик қилмоқлари учун бердилар. Шунда ул зот ҳосилнинг ярмини яҳудийларга қолдирадиган бўлдилар».

6-боб. Никоҳ битими чоғидаги маҳр шартлари

Мисвар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Бану Абди Шамс қабиласига мансуб бўлмиш куёвлари (Абулос ибн ар-Рабийъ) ҳақида сўзлаб, уни ўзларига яхши куёвлик қилгани учун мақтаганларини ҳамда: «Ул (Бадрда мушриклар бирлан бирга асир олинганда қизимни менинг ҳузуримга юбормоғини) айтиб, суз берган эрди, сўзининг устидан чиқди», — деганларини эшитдим». (Яъни, Жаноб Расулulloҳ қизлари Зайнабни пайғамбар бўлмасларидан илгари Абулосга турмушга берган эрдилар. Ўшал кезларда Абулос мушрик бўлиб, кейин Бадр ғазотида мусулмонлар томонидан асир олинадилар. Жаноб Расулulloҳ қизлари Зайнабни ўз ҳузурларига жўнатиб юбориш шarti бирлан ул кишини озод қиладилар. Абулос шунга сўз бериб, сўзларининг устидан чиқадилар. Кейин, Абулос иккинчи марта асир олинадилар. Шунда Зайнаб ул кишини ҳимоя қилиб, асирликдан қутқариб оладилар. Сўнг, Абулос мусулмон бўладилар. Жаноб Расулulloҳ қизлари Зайнабни ул кишининг никоҳларига қайтардилар).

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фаржларни ўзингизга не бирлан ҳалол қилиб олган эрсангизлар, ўшанга вафо қилмоқларингиз шартларнинг биринчисидур», — дедилар». (Яъни, никоҳ битими вақтида нималарни ваъда қилган бўлсангизлар, ўшаларга вафо қилмоқларингиз энг муҳим шартдир).

7-боб. Ижарага ер бериш шартлари ҳақида

Рофиъ ибн Хадийж разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Мадина аҳлининг кўпчилигимизнинг далаларимиз бўлар эрди. Ерларимизни уларнинг бир қисмига ернинг эгаси учун экин экиш шarti бирлан бировларга ижарага берар эрдик. Шунда гоҳо ижарага берилган ер булагига офат тегиб, ернинг эгаси учун экин экиладирган дала омон қолар ва гоҳо ернинг эгаси учун экин экиладирган далага офат тегиб, ижарага берилган ер булагига омон қолар эрди. Кейин, биз (гоҳ чоракор ва гоҳ ер эгаси зарар курадирган бўлганидан ҳамда зарар кўрмаган тарафнинг ризқи ботил эканлиги учун ижарага ер беришдан) қайтарилдик».

8-боб. Никоҳда жоиз бўлмаган шартлар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтроқ кишини кўчманчи кишининг молини (олиб қолиб, қимматроқ нарҳда) сотиб бермоқдан қайтардилар (яъни, ўтроқ киши ўшал кунги нарҳда сотмоқ учун мол олиб келган кўчманчига: «Буни менга ташлаб кетавер, аста-секин нархини ошириб, қимматроққа сотиб бераман» — деб айтади. Ул зот ана шундай савдодан қайтардилар) ва бундай дедилар: «(Бировни алдаш ниятида молнинг нархини) оширмангизлар, киши ўз (мусулмон) биродари савдоси устига савдо қилмасин (яъни, «Унинг молини олма, мен сенга ундан яхшироғини худди шу нарҳда ёки арзонроқ нарҳда сотаман» — деб бировнинг молини сотиб олаётган кишини айнитмасин), киши ўз (мусулмон) биродари унаштириб қўйилган аёлга (у берган маҳрдан кўра кўпроқ маҳр бериб) унаштирилмасин ҳамда аёл ўз (муслима) синглисининг косасидаги (ризқини) тортиб олиш учун унинг талоқ қилинмоғини талаб қилмасин!» (яъни, бир киши хотинининг устига иккинчи бир хотинни олмоқчи бўлади. Шунда ўшал хотин эркакнинг мол-дунёсига ўзи танҳо эгалик қилиш мақсадида: «Хотинингни талоқ қилсанг, тегаман!» — деб шарт қўяди).

9-боб. Ҳадд (жазоси) ўрнига ўтмайдирган шартлар ҳақида

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ал-Жуханий разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Бир бадавий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, сиздан ўтиниб сурайманки, менинг ишим хусусида Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳукм чиқарсангиз!» — деди. Шунда у бирлан хусуматлашиб келган киши ундан ақллироқ ва одоблироқ бўлиб, (ўрнидан турди-да): «Ҳа, (ё Расулаллоҳ), бизнинг ишимизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилсангиз ҳамда сўзламоғимга рухсат берсангиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сўзла!» — дедилар. У: «Менинг ўғлим бунинг хизматини қилиб юрар эрди, кейин хотини бирлан зино қилиб қўйди. Одамлар менга бунинг учун ўғлим ражм (тошбўрон) қилинажагини айтишди. Сўнг, мен бунга юзта қўй ва бир чўри бериб, ўғлимни қутқариб олдим. Кейин, шул ҳақда илм аҳлидан (яъни, саҳобалардан) фатво сўраб эрдим, улар ўғлим юз дарра урилиб, бир йилга бадарга қилинажагини, хотин эрса ражм этилажагини айтишди», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, сизларнинг ишингиз хусусида Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳукм чиқаргумдур! Чўри ва қўйлар ўзингга қайтарилади, ўғлинг юз дарра урилиб, бир йилга бадарга қилинади (чунки, у буйдоқ бўлиб, зино қилганини ўзи тан олди). Эй Унайс, эрталаб ўшал хотиннинг ҳузурига боргил, агар зино қилганини эътироф қилса, уни ражм қилгил!»— дедилар. Унайс эрталаб ўшал аёлнинг уйига борди. Ул зино қилганини тан олгач, Жаноб Расулulloҳ ражм қилмоқни амр қилиб эрдилар, ражм қилинди».

10-боб. Ўз чўрисининг сотиб олиниб, озод қилинишига рози бўлган қулдорнинг жоиз ва ножоиз шартлари хусусида

Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қилинади: «Оиша разияллоҳу анҳо эгалари томонидан муайян тўлов бадалига озод қилиниши ваъда қилинган (чўри) Бариранинг ҳузурига кирдилар. Шунда Барира: «Эй мўминлар онаси, мени сотиб олингиз, эгаларим мени албатта сотишади, мени озод қилингиз!»— деди. Оиша разияллоҳу анҳо: «Хўп, сотиб оламан», — дедилар. Барира: «Аммо, эгаларим (менга) ҳомийлик ҳуқуқи ўзларида қолиш шarti бирлангина мени сотадилар», — деди. Шунда Оиша разияллоҳу анҳо: «Менинг сенга эҳтиёжим йўқ», — дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ бу ҳақда ўзлари эшитдиларми ёки ул зотга биров айтдими, билмайман, Оишага: «Бариранинг иши нима бўлди? Уни сотиб олиб, озод қилавер, истаган шартларини қўймайдиларми!» — дедилар. Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Кейин, мен Барирани сотиб олиб, озод қилдим, лекин унинг эгалари унга ҳомийлик ҳуқуқининг ўзларида қолдирилишини шарт қилдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Юз марта шарт қўйсалар-да, ҳомийлик ҳуқуқи озод қилган шахсникидур», — дедилар».

11-боб. Талоқдаги (ножоиз) шартлар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешвоз чиқмоқдан (яъни, шаҳарга мол олиб келаётганлар бозорларга етиб келиб, нарх-навони билиб олмасларидан бурун уларнинг молларини арзон нарҳда сотиб олиб, қимматга сотиш учун йўлларига пешвоз чиқмоқдан), муҳожирнинг (яъни, ўтроқ кишининг) кўчманчи (молини олиб қолиб, қимматга) сотиб бермоғидан, аёлнинг (муслима) синглисининг талоқ қилинмоғини шарт қилиб қўймоғидан, кишининг ўз (мусулмон) биродари савдоси устига савдо қилмоғидан (яъни, ўз молини сотиш учун бировнинг харидорини айнитмоғидан) ҳамда (ўзгани алдаш ниятида нархни) оширишдан ва соғмасликдан (яъни, «Сутга тўлиб турса, харидор серсут экан, деб ўйлайди» деган мақсадда атайлаб соғмасликдан ёхуд шу ниятда ҳайвон елинини боғлаб қўймоқдан) қайтардилар».

12-боб. Одамлар бирлан оғзаки шартлашиш ҳақида

Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусо Оллоҳнинг расулидурлар» — дея (Мусо алайҳиссаломнинг Хизр алайҳиссалом бирлан учрашганлари хусусидаги) ҳадисни ривоят қила бошладилар-да (унинг бир ерига келганда) бундай дедилар: «Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга (уч бор): «Мен сизга айтмаганмидим мен бирлан юрмоққа сабр қилолмайсиз деб», — дедилар. Мусо алайҳиссаломнинг биринчи (эътирозлари Хизр алайҳиссаломга берган сўзларини) унутганлари (оқибатида бўлди), иккинчи (эътирозлари) шартли, (яъни, Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломнинг шартларини унутганларида: «Агар бандалик қилиб шартингизни унутиб қўйсам, менга дашном бермай, маъзур тутингиз!» — деб ўзлари шарт қўйган эрдилар), учинчи (эътирозлари) эрса, қасддан бўлди. Мусо алайҳиссалом: «Шартингизни унутиб эътироз билдирганим учун мени айбламангиз, мени мушкул аҳволга солиб қўймангиз!» — дедилар. Сўнг, Хизр алайҳиссалом бирлан Мусо алайҳиссалом бир болани учратишди. Хизр алайҳиссалом уни ўлдирдилар. Кейин, яна йўлда давом этишиб, йиқилай деб турган бир девор олдидан чиқиб қолишди. Хизр алайҳиссалом уни тиклаб қўйдилар».

13-боб. (Сотиб олиниб, озод қилинган қул ёки чўрига) ҳомийлик қилишдаги шартлар ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Чўри) Барира ҳузуримга келиб: «(Эй мўминлар онаси), менинг эгаларим (озод бўлмоғим учун) ҳар йили бир уқийядан (тўрт динордан) тўлаш шarti бирлан тўққиз уқиййа пулни буйнимга қарз қилиб қўйишди, менга ёрдам берингиз!» — деди. Оиша онамиз: «Агар сенга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқи менга ўтмоғига кўнишса, бўйнингдаги тўловни уларга тўлаб, (сени сотиб оламан)», — дедилар. Кейин, Барира эгалари олдига бориб, (Оиша онамизнинг шартларини) айтди, аммо улар кўнишмади. Барира эгалари ҳузуридан (Оиша онамизнинг ҳужраларига) қайтиб келганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам (ўшал ерда) ўлтирган эрдилар. Барира (Оиша онамизга): «Мен эгаларимга (сизнинг шартингизни) айтдим, аммо улар менга ҳомийлик қилиш ҳуқуқи ўзларида қолмайдирган бўлса, мени сотмасликларини айтишди», — деди. Жаноб Расулulloҳ (Бариранинг) бу гапини ўзлари ҳам эшитдилар, Оиша онамиз ҳам айтдилар. Шунда ул зот Оиша онамизга: «Барирага ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқи ўзинга ўтмоғини шарт қилиб, уни сотиб ола-вер, чунки ҳомийлик ҳуқуқи (сотиб олиб), озод қилган шахсникидур», — дедилар. Оиша онамиз (ул зот айтганларидек) қилдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ одамлар орасида туриб, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар-да: «Одамларга нима бўлган ўзи, Оллоҳ таолонинг Китобида йўқ шартларни қўядилар?! Кимки Оллоҳ таолонинг Китобида йўқ шартни қўйса, гарчи уни юз марта қуйса-да, ботил бўлиб, Оллоҳ таолонинг ҳукми ҳақлиғ ва Оллоҳ таолонинг шarti ишончлидур! Дарҳақиқат, ҳомийлик ҳуқуқи озод қилган шахсникидур», — дедилар».

14-боб. Ижарага ер бераётиб: «Хоҳлаган (вақтимда) сени (бул ердан) чиқариб юборурман» — деб шарт қуйса...

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Хайбар аҳли (яъни, яҳудийлар) Абдуллоҳ ибн Умарнинг (қўл ва оёқларини) синдирганда ул кишининг оталари (Умар разияллоҳу анҳу) хитоб қилиб: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар яҳудийларининг (Оллоҳ таоло мусулмонларга ўлжа қилиб бермасидан бурунги) молларини (яъни, ер-сувларини) уларнинг ўзларига ижарага берган эрдилар. Кейин, уларга: «Оллоҳ таоло (сизларга) нени тақдир қилган бўлса, шуни сизларга қолдираётирмиз. (Билиб қўйингизларки), хоҳлаган

вақтимизда сизларни (бул ердан) чиқариб юборурмиз, (чунки) Оллоҳ таолонинг сизларни (бул ердан) аллақачонлар чиқариб юборганлиги аёнду (яъни, Оллоҳ таолонинг аллақачонлар шундай қарорга келганлиги аниқду)» — деб айтган эрдилар. (Ўғлим) Абдуллоҳ ибн Умар Хайбардаги молини (яъни, яҳудийларга ижарага берган ердан олинган ҳосилнинг ярмини) ундиргани кетган эрди, аммо (яҳудийлар унинг ҳақиға хиёнат қилишиб), кечаси (ухлаб ётганида уни томдан ташлаб юборишибди), (натижада) қўл ва оёқлари синибди. Хайбарда бизнинг яҳудийлардан бўлак душманмиз йўқ, айнан ўшалар бизнинг душманмиз бўлиб, бу ишни қилганлар ҳам ўшаларду, мен уларни (ватанларидан) чиқариб юбормоқни лозим топдим!» — дедилар. Ҳазрат Умар шундай қарорга келганларида (яҳудийларнинг) Бану Абу алҳуқайқ қабиласидан бир киши (яъни, ўшал қабилла бошлиғи) келиб: «Эй мўминлар амири, Мухаммаднинг бизларни (бу ерда) қолдириб, ер-сувларимизни ўзимизга ижарага берганликларига қарамай, бизларни (ватанимиздан) чиқариб юборурсизми?!» — деди. Ҳазрат Умар: «Ҳали сен мени Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Агар сен тунма-тун туянда қочганингча Хайбардан қувилсанг, не қилар эрдинг?» — деб айтганларини эсидан чиқарган, деб ўйладингми?!» — дедилар (яъни, Жаноб Расулulloҳ бу гаплари бирлан яҳудийларнинг Хайбардан чиқариб юборилмоқлари лозимлигига ишора қилганлар). Шунда бояги яҳудий: «Бул гап Абулқосим (яъни, Жаноб Расулulloҳ) томонларидан қилинган бир ҳазил эрди», — деди. Ҳазрат Умар: «Ёлғон айтдинг, эй Оллоҳнинг душмани!» — дедилар-да, яҳудийларни Хайбардан чиқариб юбордилар. Сўнг, уларга ўша йилги ҳосилнинг тегишли қисми қийматига тўғри келадирган миқдорда маблағ, туя, туя эгар-жабдуқлари ва бошқа нарсалар бердилар».

15-боб. Жиҳод шартлари ва душман бирлан ярашиб шартнома тузиш ҳақида

Мисвар ибн Махрама ва Марвон разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбия вақтида (яъни, Ҳудайбия сулҳи тузиладирган йили — ҳижрий олтинчи йил, Зулқаъда ойининг душанба куни бир минг беш юзга яқин саҳобалари бирлан Мадинадан) йўлга чиқдилар, (Зулҳулайфага келганларида қурбонликка аталган туя бўйнига нишон осиб, ўрқачини қонатгач, умрага эҳром боғладилар. Сўнг, Қурайш мушрикларининг мусулмонларга қарши не ниятда эканликларини билиб келмоқ учун Буср ибн Суфённи айғоқчи қилиб жўнатдилар). Бирмунча йўл юришгач, Жаноб Расулulloҳ: «Холид ибн Валид Фамимда, Қурайш отлиқларининг олдинги қисмида келаётир, ўнг томонга юрингизлар!» — дедилар. (Мусулмонлар қўшини ул зот кўрсатган томонга қараб юрди. Қурайш отлиқларининг олдинги қисми мусулмонлар қўшинининг чанг-тўзонини кўриб тўхтади-да, ортига қайтиб кетди). Жаноб Расулulloҳ (буни кўриб): «Оллоҳ таоло ҳақи, Холид (ибн Валид) чанг-тўзон ичида келаётган мусулмонлар қўшинини курмай қолди!» — дедилар. Холид эрса Қурайшга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг келаётганларини тезроқ хабар қилиш учун отини нуқтаб чоптириб кетди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (саҳобалар бирлан бирга) йўлда давом этиб, Қурайш устидан тушиб келадиган Саниййа довонига етганларида туялари чўқди. Шунда одамлар уни турғазини учун «чу... чу!» деб бақирди, аммо у чўкканча етаверди. Одамлар: «Қасво тургиси келмай, қайсарлик қилаётир, Қасво тургиси келмай қайсарлик қилаётир», — дейишди. (Қасво — Жаноб Расулulloҳнинг туялари номи бўлиб, қулоғининг бир чети қирқик бўлган). Жаноб Расулulloҳ: «Қасво тургиси келмай, қайсарлик қилаётгани йўқ, унинг бундай одати йўқ эрди, лекин уни (бул ердан қўзғатмай), ушлаб турган зот филларни (Маккага киришдан) тўхтатиб қолган зотнинг (Оллоҳ таолонинг) ўзидур», — дедилар (яъни, агар Жаноб Расулulloҳ бошлиқ бир неча юз саҳобалар тўғридан-тўғри Маккага кириб боришганда Қурайш кофирлари уларнинг йўлларини тўсиб, қаршилиқ кўрсатарди ва бунинг оқибатида Маккадек муқаддас жойда қон тукилиб, кўплаб бечораҳол кишилар, аёллару болалар ҳалок бўларди ҳамда шаҳар вайрон қилинарди. Шу боисдан Жаноб

Расулulloх: «Туямни бул ердан қўзғатмай, ушлаб турган зот филларни Маккага кирйшдан тухтатиб қолган зотнинг — Оллоҳ таолонинг ўзидур» — дейиш бирлан филларга миниб олиб, Маккани бузиб ташлашни қасд қилиб келган кофирларни Оллоҳ таоло ул ерга киргазмай, ҳалок қилганига ишора қилаётирлар). Сўнг, Жаноб Расулulloх: «Жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, (Қурайш аҳли) менга (Макка) ҳурматини сақлашга қаратилган ҳар қандай таклифни қилса, уни (бажону дил) қабул қилурман!» — деб айтдилар. Сўнг, туяларини «Чу... чу!» — дея ўрнидан туришга ундаб эрдилар, у дарҳол турди. Жаноб Расулulloх ортларига қайтдилар-да, Ҳудайбиянинг (Маккадан) энг узоқ ерига бориб, бир кўлмак сув буйида (туяларидан) тушдилар. Одамлар дарҳол (сувга ёпирилишиб), ундан ҳовучлаб ола-ола бир томчи ҳам қолдиришмади. Шунда улар Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламга чанқаганларини айтишиб, шикоят қилишди. Жаноб Расулulloх садоқларидан бир камон ўқини олдилар-да, уни кўлмак сув турган ерга тикишни амр қилдилар. Оллоҳ таоло ҳақи, шунда ул ердан шул қадар кўп сув отилиб чиқдики, ҳатто барча одамлар чанқоқларини қондиришиб, (мешларини ҳам тўлдириб олишди). Улар шул иш бирлан машгул бўлиб туришганда Будайл ибн Варқо ал-Хузобий бир неча хузобийлар бирлан бирга ул зотнинг ҳузурларига келди. Хузоба қабиласи Тихома аҳлидан (яъни, Макка ва унинг атрофидаги ерлар аҳлидан) бўлиб, ўшанда Будайл ва у бирлан бирга келган кишилар Жаноб Расулulloхнинг насиҳатларини (мушрикларга) тўла-тўқис етказиб, ул зотнинг ишончларини оқлаган эрдилар. Будайл (Жаноб Расулulloхга): «Мен (сизнинг ҳузурингизга) келаётганимда Каъб ибн Луай ва Омир ибн Луай (кўп сонли қушин бирлан) Ҳудайбия сувларига борадирган йўлларни тусиб туришган эрди, улар (чанқоқликдан қийналмаслик учун) ўзлари бирлан кўплаб соғин туяларни ҳам олиб кетишган, сизни (Байтуллохга) киргизмаслик учун сиз бирлан жанг қилмоқ ниятидадурлар», — деди. Жаноб Расулulloх: «Биз бирор киши бирлан уруш қилгани келган эрмасмиз, биз умра қилмоқ ниятида келгандурмиз. Қурайш қабиласини эрса, уруш ҳолдан тойдириб, хонавайрон қилгандур. Агар истасалар, мен уларга муҳлат бериб, (шу муҳлат давомида улар бирлан уруш қилмасман. Қабилла бошлиқлари ўз) одамларини (уруш қилмоқ ниятидан қайтармоғимга) имкон берсинлар. Агар уларни (бундан) қайтара олсам-у, менга итоат этган одамлар каби итоат этмоқни истасалар, итоат этсинлар, башарти кўндира олмасам, (демак) уларнинг хоҳиши шу булур. Мободо улар (бизни Байтуллохга) киритмоқдан бош тортсалар, ул ҳолда жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, мен бу ишимни (Оллоҳ таоло менга юклаган ипши) деб то улгунимча уларга қарши албатта жанг қилурман ва Оллоҳ таоло (менга юклаган) ишни албатта амалга оширгусидур!» — дедилар. Будайл: «Сиз айтган гапларни уларга етказурман», — деди-да, Қурайш аҳли қошига қайтиб бориб: «Биз сизларнинг олдингизга ўшал одамнинг (яъни, Жаноб Расулulloхнинг) ҳузурларидан келдик, ул кишининг гапларини тингладик, агар истасангизлар, сизларга бирма-бир баён қилиб берурмиз», — деди. Шунда уларнинг орасидаги аҳмоқлари (Икрима ибн Абу Жаҳл ва Ҳакам ибн Абулос): «Ул хусусида бизга бирор нарса айтмоғингга зор эмасмиз!» — дейишди, ақллиси эрса: «Нима деган бўлса, менга айтиб бер!» — деди. Будайл: «Ул одам бундай ва бундай, деб айтди» — деб ул зотнинг гапларини баён қилди. Сўнг, Урва ибн Масъуд ўрнидан туриб: «Эй қавм, ота-бола каби бир-биримизга шафқатли эмасмизми?» — деди. Улар: «Ҳа, шундай, (шафқатлимиз)», — дейишди. Урва: «Ота-бола каби бир-биримизга ишончли эмасмизми?» — деди. Улар: «Ҳа, шундай, (ишончлимиз)», — дейишди. Урва: «Мени ёлғончи деб биласизларми?» — деди. Улар: «Йўқ», — дейишди. Урва: «Укоз аҳлини сизларга ёрдам қилмоқ учун жангга чорлаганимни ҳамда улар қўрқоқлик қилиб, келмаганларида узим, болаларим, қариндошларим ва менга итоат қилгувчи барча кишилар бирлан (ёрдамга) келганим эсингиздами?» — деди. Улар: «Ҳа, унутганимиз йўқ», — дейишди. Урва: «Ул киши (яъни, Жаноб Расулulloх) сизларга рушд йўлини (яъни, яхшилик, тинчлик ва инсоф йўлини) кўрсатибдилар, уни қабул қилингизлар-да, менга ижозат берингизлар, ул кишининг ҳузурларига бориб (келайин!)» — деди. Улар: «Майли, унинг ҳузурига бориб (кел!)» — дейишди. Кейин, Урва Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб сўзлай

бошлаб эрди, ул зот Будаилга не деган бўлсалар, унга ҳам тахминан ўшал гапларни айтдилар. Жаноб Расулulloҳ: «...уларга қарши албатта жанг қилурман...» — деганларида Урва: «Эй Муҳаммад, менга айтингиз-чи, ўз қавмингизни бутунлай қириб юбордингиз ҳам деяйлик, аммо сизга қадар бирор арабнинг ўз аҳлини қириб юборганини эшитганмисиз? Агар (душманларингиз қўллари баланд келиб), зафар қозонсалар, (саҳобаларингизнинг сизга нафи тегмас). Чунки, мен, Оллоҳ ҳақи, одамларингиз орасида олижаноб, зодагон кишиларни кўрмаётирман, нуқул зоти паст, тубан кишиларга кўзим тушди. Турган гапки, улар сизни жанг майдонига ташлаб қочгайлар», — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳнинг ортларида ўлтирган Абу Бакр (ғазабланиб): «(Эй Урва), шу гапинг учун Лотнинг тиллигини сўр, ҳали биз ул зотни ташлаб қочамизми?!» — дедилар. («Лот» аёл қиефасидаги бир бутнинг номи бўлиб, кофирлар унга қаттиқ эътиқод бирла сиғинганлари учун Абу Бакр шундай деб сўқдилар). Урва: «Бул (гапирган киши) ким?» — деди. Одамлар: «Абу Бакр», — дейишди. Урва: «Аммо, жоним кўлида бўлмиш зот ҳақи, агар (бир вақтлар менга мадад қўлини чўзиб) қилган яхшиликларинг бўйнимда қарз бўлиб турмаганида эрди, сенга жавоб қайтарган бўлар эрдим!» — деди. Сўнг, Урва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга сўзлай бошлади ва ҳар гал сўз айтганда (араблар одатига кўра лутф бирлан) ул зотнинг муборак соқолларини ушлаб қўяр эрди. Муғийра ибн Шуъба эрсалар совут кийиб олиб ул зотнинг тепаларида қилич ушлаган ҳолда турар ва Урва ул зотнинг муборак соқолларига қўл чўзди дегунча қиличларининг қини бирлан унинг қўлига урар эрдилар. Ниҳоят, Муғийра чидамай: «Жаноб Расулulloҳнинг соқолларидан қўлингизни торт, чунки мушрик уни ушламаслиги лозим!» — дедилар. Урва бошини кўтариб: «Бу ким?» — деди. Одамлар: «Муғийра ибн Шуъба», — дейишди. Урва Муғийрага хитоб қилиб: «Эй хоин, қилган хиёнатинг балосидан сени қутқариб қолмаганмидим?!» — деди.

Муғийра жоҳилият даврида (Сақиф қабиласига мансуб) бир қавм бирлан бирга (Миср ва Искандария ҳокими Муқавқисни зиёрат қилгани) борган эрдилар. (Шунда Муқавқис ўшал қавмга кўп инъомлар бериб, Муғийра бўлак қавмдан бўлганлари учун, ул кишига ҳеч нарса бермаган эрди. Кейин, улар қайтиб келишаётганда ичкилик ичиб, маст бўлиб ухлаб қолишган эрди. Шунда Муғийра ғайрликлари келиб, уларнинг барчасини ўлдириб, Муқавқис берган инъомларни олиб кетган эрдилар. Сақиф қабиласи Муғийранинг бу қилган ишларидан хабар топгач, ул кишига қарши уруш эълон қилган эрди. Шунда Муғийранинг амакилари бўлмиш Урва ўртага тушиб, Сақиф қабиласини ўлдирилган ўн уч кишининг хун ҳақини олишга кўндириб, ҳар икки томонни яраштириб қўйган эрди). Сўнг, (Муғийра Мадинага келиб), Исломга кирган эрдилар. ўшанда Жаноб Расулulloҳ (Муғийрага): «(Агар) Ислом хусусида (сўзлашгани келган бўлсанг), уни қабул қил ва (агар ўзинг келтирган мол-мулк ҳақида сўзлашгани келган бўлсанг), ул ҳолда мен (хиёнат бирлан тортиб олингани учун) унинг хусусида сўзлашмасман!» — деб эрдилар.

Сўнг, Урва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини бирма-бир кўздан кечириб чиқа бошлади. Қараса, улар Жаноб Расулulloҳнинг қошларида таъзиму эҳтиром бирлан қўл қовуштириб, ул зотнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари, ҳар бир сўз ва ишораларига эътибор бериб туришар, ҳаттоки тупурсалар, тупукларининг (ерга тушмоғига йўл қўймай), унга кафтларини тутишар, кафтларига тушган муборак тупукни эрса дарҳол юзлари бирлан баданларига суртишар, бирор нарса хусусида амр қилдилар дегунча, тезликда уни бажо келтирмоққа ошиқишар, таҳорат қилсалар, таҳоратларидан тушаётган муборак сувдан насиба олмоқ учун бир-бирлари бирлан уришиб кетгудек талашишар, сўзласалар, дарҳол жим бўлишар ва ул зотга нигоҳларини қуйи қилиб қарашар эрди. Кейин, Урва ўз асҳоблари (яъни, Қурайш кофирлари) ҳузурига қайтиб бориб, уларга: «Эй қавм, Оллоҳ ҳақи, мен (кўплаб) подшоҳларнинг, (жумладан Рум) қайсари, (Форс) хусрави ва (Ҳабашистон подшоҳи) Нажошийнинг ҳузурига элчи бўлиб борганман, аммо, Оллоҳ ҳақи, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламчалик ўз саҳобалари ҳурматида сазовор бўлган бирор подшоҳни кўрмаганман, Оллоҳ ҳақи ул зот тупурсалар, тупуклари (ерга тушмай), саҳобаларидан бирининг кафтига тушаётир

ва у дарҳол уни табаррук қилиб, юзи бирлан баданига суртаётир, бирор нарсани амр қилсалар, уни бажо келтирмоққа ошиқишаётир, таҳорат қилсалар, таҳоратдан тушаётган сувдан насиба олмоқ учун урушиб кетгудек талашишаётир, сўзласалар, дарҳол жим бўлишаётир, қаттиқ ҳурмат қилганларидан ул зотга тикилиб қарашмаётир. Дарҳақиқат, ул зот сизларга рушд (хайрият, тинчлик ва инсоф) йўлини кўрсатдилар, уни қабул қилингизлар!» — деди. Шунда Бану Кинона қабиласидан бир киши (яъни, Ҳулайс ибн Алқама): «Менга ҳам ижозат берингизлар, унинг ҳузурига бориб келайин!» — деди. (Қабила бошлиқлари): «Майли, бориб кел!» — дейишди. Ҳулайс йўлга тушиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг саҳобалари турган ерга яқинлашгач, Жаноб Расулulloҳ: «Бул одам фалончи бўлиб, у туя ва молларни яхши кўрадирган қавмдандур. (Менинг туямни) тургазиб, (уни миндириб келингизлар!)» — дедилар. Саҳобалар (ул зотнинг туяларини) етаклаб, умрага талбия айтганча Ҳулайсга пешвоз чиқишди. Ҳулайс буни кўриб: «Субҳоналлоҳ, бундай одамларни (Байтуллоҳга) киритмаслик гуноҳдур!» — деди. Сўнг, Қурайш кофирлари ҳузурига қайтиб боргач, уларга: «Мен (ҳажда қурбон қилишга аталган), бўйнига нишон осилиб, ўркачи қонатиб қўйилган туяларни кўрдим, (Муҳаммад ва унинг саҳобалари ҳақиқатан ҳам умра қилмоқ ниятида келишган эркан), уларни Байтуллоҳга киритмаслик керак, деб ҳисобламайман», — деди. Шунда уларнинг ораларида ўлтирган Микраз ибн Ҳафс исмли бир киши ўрнидан туриб: «Менга ҳам ижозат берингизлар, унинг ҳузурига бориб келайин!» — деди. Улар: «Майли, бориб кел!» — дейишди. Микраз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг саҳобалари турган ерга яқинлашганда, Жаноб Расулulloҳ: «Бу Микраз бўлиб, у хиёнаткордур», — дедилар, (чунки у Ҳудайбияда мусулмонларга қарши хиёнаткорлик қилган эрди). Микраз келиб, Жаноб Расулulloҳга сўзлай бошлади, шу аснода Сухайл ибн Амр келиб қолди. Ул зот: «Мана, ишларингиз бир оз енгил кўчадирган бўлди», — дедилар. (Араб тилида «саҳула» феъли бўлиб, «осонлашди», «енгиллашди» деган меъноларни англатади. «Сухайл» деган исм эрса ана шу феълнинг ўзагидан ясалган бўлиб, «жиндак осон», «бир оз енгил» деган мазмундадур). Сухайл: «Келингиз, биз бирлан сизлар ўртамизда шартнома тузингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ котибни (Ҳазрат Алини) чақирдилар-да, ул кишига: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм, деб ёзгил!» — дедилар. Сухайл: «Аммо, мен «Ар-Раҳмон» нима эрканлигини билмасман, шунинг учун илгари ёзиб юрганингиздек «Бисмика Оллоҳумма» («Ё парвардигоро, сенинг исминг бирлан») деб ёзингиз!» — деди. (Жаноб Расулulloҳ жоҳилият даврида ёзишгани каби Ислоннинг дастлабки даврида ҳам шундай деб ёзиб юрар эрдилар. Бул хусусда махсус оят нозил бўлгач, «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб ёзадирган бўлдилар). Шунда мусулмонлар (эътироз билдиришиб): «Оллоҳ таоло ҳақи, фақат «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб ёзамиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ (Ҳазрат Алига): «(Майли), «Бисмика Оллоҳумма» деб ёзавер!» — дедилар, сўнг: «Ушбу нома Оллоҳнинг расули Муҳаммаднинг (Қурайш қабиласи элчиси Сухайл ибн Амр бирлан тузган) шартномасидур» деб ҳам ёзиб қўйгил!» — деб айтдилар. Сухайл «Оллоҳ ҳақи, агар сизни Оллоҳнинг расули, деб тан олганимизда эрди, сизнинг Байтуллоҳга кирмоғингизга монъелик қилиб, сизга қарши жанг қилмоққа қасд қилмаган бўлур эрдик, шунинг учун «Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад» деб ёзингиз!» — деб туриб олди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таол ҳақи, мен дарҳақиқат Оллоҳнинг расулидурман! Бас, меи ёлғончига чиқарган эркансизлар... (Эй Али), майли «Абдуллоҳ ўғли Муҳаммад» деб ёзавер!» — дедилар. Сўнг, ул зот (Сухайлга): «Байтуллоҳни тавоф қилмоғимиз учун уни бизга холи қолдирасизлар!» — деб айтдилар. Сухайл: «Оллоҳ ҳақи, (бу йил) Байтуллоҳни сизларга холи қолдира олмасмиз, чунки араблар бизни: «Мусулмонлар қудрати олдида бош эгишибди — деб гап-сўз қилишур, уни келаси йили сизларга холи қолдирурмиз», — деди. Ҳазрат Али шундай деб ёздилар. Кейин Сухайл: «Агар бизлардан бирор киши сизнинг олдингизп қочиб келса, гарчи у сизнинг динингизда бўлса-да, уни бизга қайтаргайсиз», — деди. Шунда мусулмонлар: «Субҳоналлоҳ, Ислонни қабул қилиб келган киши қандай қилиб мушриклар га қайтарилади?» — дейишди. Мусулмонлар бирлан мушриклар шул тариқа тортишиб туришган

эрди, уларнинг ҳузурига Абу Жандал ибн Суҳайл ибн Амр (оёқларидаги) кишанларини судраганча кириб келдилар. (Мушриклар ул кишини Исломга кирганлари учун оёқ-қўлларини кишанлаб, зиндонга ташлашган эрди. Ҳозир эрса зиндондан қочганча) Макканинг қуйи томонидан кириб келдилар-да, ўзларини мусулмонлар бағрига отдилар. Суҳайл (ўғли Абу Жандалнинг кириб келганини кўриб): «Эй Муҳаммад, (шартномамизга кўра) сиздан даставвал талаб қиладирган нарсам шуки, уни дарҳол менга қайтариб берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Биз ҳали шартномани тузиб бўлганимизча йўқ», — дедилар. Суҳайл: «Оллоҳ ҳақи, (агар ўғлимни менга қайтариб бермас эркансиз), демак мен сиз бирлан бирор нарса хусусида ҳеч қачон келиша олмасман!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «(Ўғлингни сенга қайтариб бермаслигимга куниб), шартномани имзолагил!» — дедилар. Суҳайл: «Шартномани сизга бундай деб имзолаб бермасман!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен эрсам шундай деб имзолагайман!» — дедилар. Суҳайл: «Мен эрсам, бундай деб имзоламасман!» — деди. Микраз: «Ахир, (биздан сизнинг олдингизга қочиб келганларни қайтариб бермоғингизга) қарор қилиб эрдик-ку?!» — деди. Шунда Абу Жандал: «Эй мусулмонлар жамоаси, мен мусулмон бўла туриб, мушриклар қўлига қайтариламанми? Ахир, уларнинг мени не аҳволга солишганини кўриб турибсизлар-ку!» — дедилар. Дарҳақиқат, (мушриклар) ул кишини Оллоҳ таоло (йўлига кирганлари) учун қаттиқ азобу қийноққа солишган эрди. Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «(Абу Жандал шундай дегач), мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бориб: «(Ё Расулаллоҳ), сиз Оллоҳ таолонинг ҳақиқий расули эрмасмисиз?» — дедим. Ул зот: «Ҳа, шундай, (унинг ҳақиқий расулидурман)», — дедилар. Мен: «(Ё Расулаллоҳ), бизнинг (йўлимиз) ҳақ (йўл) бўлиб, душманларимизнинг (йўли) ботил эрмасми?» — дедим. Ул зот: «Ҳа, шундай, (бизнинг йўлимиз ҳақ ва душманларимиз йўли ботилдур)», — дедилар. Мен: «Шундай эркан, нечун динимизга зид ишни қилаётирсиз?» — дедим. Ул зот: «Мен Оллоҳ таолонинг расулидурман, ул менинг мададкорим бўла туриб, (ҳеч вақт) унга осийлик қилмасман!» (яъни, «Мен ўзбошимчалик қилаётганим йўқ, Оллоҳ юборган ваҳийга биноан шундай қарорга келдим!») — дедилар. Мен: «(Тушингизда саҳобаларингиз бирлан Байтуллоҳга кирганингизни кўрганингизда) Байтуллоҳга бориб, уни тавоф қилажагимиз ҳақида бизга гапирар эрдингиз-ку?» — дедим. Ул зот: «Ҳа, шундай, аммо шу йили Байтуллоҳга борамиз, деб айтганмидим?» — дедилар. Мен: «Йўқ, (бундай деб айтмагандингиз)», — дедим. Ул зот: «Дарҳақиқат, сен Байтуллоҳга бориб, уни тавоф қилгайсан, (аммо бу йил эрмас)», — дедилар. Сўнг, мен Абу Бакрнинг олдиларига бориб: «Эй Абу Бакр, ул зот Оллоҳ таолонинг ҳақиқий расули эрмасмилар?» — дедим. Абу Бакр: «Ҳа, шундай, (ул зот Оллоҳ таолонинг ҳақиқий расулидурлар)», — дедилар. Мен: «Бизнинг (йўлимиз) ҳақ бўлиб, душманларимиз (йўли) ботил эрмасми?» — дедим. Абу Бакр: «Ҳа, шундай, (бизнинг йўлимиз ҳақ ва душманларимиз йўли ботилдур)», — дедилар. Мен: «Шундай эркан, нечун динимизга зид иш қилаётирмиз?» — дедим. Абу Бакр: «Эй киши, ул зот шубҳасиз Оллоҳ таолонинг расулидурлар, ул зот ўзларининг мададкорлари бўлмиш Оллоҳ таолога (ҳеч вақт) осийлик қилмаслар, ул зотнинг этакларидан маҳкам (ушлагил-да, кетларидан индамай) эргашавер, Оллоҳ таоло ҳақи, ул зот (тутган йўл) ҳақ (йўлдур)», — дедилар. Мен: «Жаноб Расулulloҳ (тушларида саҳобалари бирлан Байтуллоҳга кирганларини кўрганларида) Байтуллоҳга бориб, уни тавоф қилажагимиз ҳақида бизга гапирар эрдилар-ку?!» — дедим. Абу Бакр: «Ҳа, шундай, аммо ул зотнинг шу йил Байтуллоҳга боришингни айтганларини эшитганмисан?» — дедилар. Мен: «Йўқ», — дедим. Абу Бакр: «Сен албатта Байтуллоҳга бориб, уни тавоф қилгайсан, (аммо бу йил эрмас)», — дедилар». (Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Умарга не деган бўлсалар, Абу Бакр ҳам айнан шундай дедилар. Бу эрса, Абу Бакрнинг фозил, ута билимдон ва бақувват иймонли эрканликларининг далилидур). Кейинчалик, Ҳазрат Умар: «(Жаноб Расулulloҳ бирлан Абу Бакрга берган саволларим ўчун гуноҳ орттирмадиммикан, деб хавотирга тушганимдан кўплаб) амали солиҳлар қилдим», — деб эрдилар.

(Икки ўртада, сулҳ) шартномаси имзолангач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз

саҳобаларига: «Турингизлар жонлиғларингизни қурбон қилингизлар, сўнг сочларингизни олдингизлар!» — дедилар. Оллоҳ таоло ҳақи, шунда бирор киши ўрnidан турмади, ҳатто ул зот буйруқларини уч бор қайтардилар. (Чунки, улар: «Зора, Оллоҳ таоло ваҳий нозил қилиб, мазкур сулҳни бекор қилса ва биз умрани адо этиб қайтсак!» — деб умид қилишган эрди). Жаноб Расулulloҳ бирор кишининг ўрnidан турмаганини кургач, Умму Саламининг ҳузурларига кирдилар-да, одамлар қанчалик озор етказганини ул муҳтарамга айтдилар. Шунда Умму Салама: «Ё Расулаллоҳ, сиз шуни (яъни, одамларнинг Маккада бўлмасалар-да, шул ернинг ўзида қурбонлик қилиб, соч олдингизларини) истайсизми? (Ул ҳолда) одамларнинг олдига чиқингиз-да, токи туянгиз қурбон қилинмагунча ва сартарошингиз чақирилиб, сочингиз олинмагунча уларнинг бирортаси бирлан сўзлашмангиз!» — дедилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг олдига чиқдилар-да, токи туялари қурбон қилинмагунча ва сартарошлари чақирилиб, сочлари олинмагунча уларнинг бирортаси бирлан сўзлашмадилар. Саҳобалар буни кўриб, (дарҳол Жаноб Расулulloҳнинг амрларини адо этишга ошиқдилар), ўринларидан туриб, жонлиқларни қурбон қилдилар, сўнг (шошилганларидан) ўзаро урушгудек бўлиб, бир-бирларининг сочларини ола бошладилар. (Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар бирлан бирга ортларига қайтдилар). Сўнг, мўмина аёллар (мушриклар томондан) ул зотнинг ҳузурларига (ҳижрат) қилиб келишди. (Шу аснода) Оллоҳ таолонинг «Эй мўминлар, қачон келсалар ҳузурларингизга мўмина аёллар (мушриклар тарафдан) ҳижрат қилиб, уларнинг (иймонларини) имтиҳон қилиб кўрингизлар, Оллоҳ яхшироқ билур уларнинг иймонларини. Бас, агар билсангизларки, улар (чин) мўминадурлар, қайтариб юбормангизлар уларни кофирлар тарафига. На бул аёллар ҳалолдур эрларига ва на ул (эрлар) ҳалолдур бул (аёлларга) ва берингизлар уларга (эрларига) нимаики харж қилган бўлсалар ва (шунда) йўқдур гуноҳ сизларга никоҳларингизга олсангизлар уларни, вақтики берсангизлар уларга маҳрларини. Ва сақлангизлар кофира аёллар номусларини (яъни, агар хотинларингиз кофира бўлса, уларни никоҳларингизда ушлаб турмангизлар, балки уларга уйланмоқчи бўлган кофирлардан) талаб қилингизлар ўзларингиз харж қилган маҳрни...» деган ояти каримаси нозил бўлди («Мумтаҳана» сураси, 10-оят). Шунда Ҳазрат Умар ўшал куниеқ икки мушрика хотинларини талоқ қилдияр. (Исломнинг дастлабки даврида мушрика аёлларга уйланмоқ жоиз эрди). Улардан бирига Муовия ибн Абу Суфён, иккинчисига Сафвон ибн Умайя уйланди, (чунки улар ўшал вақтда мушрик эрди). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага қайтиб келганларидан сўнг, ҳузурларига Абу Басир Қурайший келдилар, ул киши мусулмон эрдилар. Шунда (Қурайш кофирлари) Абу Басирни талаб қилиб, ортларидан икки кишини Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига жунатди. Улар (ул зотга): «Ўртамизда тузилган шартномага биноан (Абу Басирни бизга қайтариб берингиз!)» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ (шартномага вафо қилиб), уни уларга топширдилар. Улар Абу Басирни асир олиб, йўлга тушишди. Зулҳулайфага етганларида ёнларидага хурмодан тамадди қилиб рлиш учун тўхташиб эрди, Абу Басир улардан бирига: «Оллоҳ таоло ҳақи, эй фалончи, қиличинг намунча яхши!» — дедилар. Шунда шериги унинг қиличини қинидан сугурди-да: «Ҳа, Оллоҳ ҳақи, бу жуда зўр қилич! Мен буни бир неча бор ишлатиб кўрганман», — деди. Абу Басир: «Менга бер-чи, бир кўрай!» — дедилар-да, (уни олиб), бояга кишини зарб бирлан чопиб ташладилар, у тил тортмай ўлди, иккинчиси эрса тумтарақай қочиб қолди. У шу қочганча тўғри Мадинага борди-да, масжидга кириб беркинди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўриб хавотирландилар. У Жаноб Расулulloҳнинг олдиларига келиб: «Абу Басир шеригимни ўлдирди, Оллоҳ ҳақи, агар ундан мени ҳимоя қилмасангизлар, мени ҳам ўлдиради!» — деди. Шу аснода Абу Басир етиб келиб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, парвардигор зиммангизга олган мажбуриятингизни адо этмогангизни насиб этди, (энди мушриклар мен қилган иш учун сизни айблаётганлар). Сиз мени уларга қайтариб берган эрдингиз, кейин Оллоҳ таолонинг ўзи мени улардан қутқарди», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Уруш оловига тутантириқ бўлгунчи кишининг онасининг ҳолига вой! Агар (бу ишда унга бирор киши ёрдам берганида), фитна чиқариб,

сулҳни барбод қилиши ҳам турган гап эрди!» — дедилар. Абу Басир Жаноб Расулуллоҳнинг бул гапларини эшитгач: «Ул зот мени мушрикларга қайтариб берар эрканлар» — дея (Шом томон) йўлга чиқиб, (ниҳоят) денгиз соҳилидага (Ийс) деган ерга етиб келди. (Шу кунларда шартномага биноан отаси Сухайлга қайтариб берилган) Абу Жандал (ҳам зиндондан) қочишга муваффақ бўлган бўлиб, (у етмишга яқин муслмонларни эргаштириб) Абу Басирнинг олдига келди. Шу-шу Қурайш қабиласидан кимки муслмон бўлса, дарҳол Абу Басирнинг одамларига келиб қўшиладирган бўлди. Шу тариқа (уларнинг сони кўпайиб), каттагана гуруҳ вужудга келди. Оллоҳ таоло ҳақи, улар Қурайш қабиласига тегашди (бирор карвоннинг) Шом томон йўлга чиққанини эшитишди дегунча, дарҳол унинг. йўлини тўсиб, одамларини ўлдиришар ва молларини олиб кетишар эрди. Шул боисдан Қурайш қабиласи (улуғлари) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига Абу Суфён ибн Ҳарбни юбориб, (ул орқали): «Эй Муҳаммад, Оллоҳ ҳақи ва қариндошлигимиз ҳурмати, бизларни Абу Басир ва унинг одамлари тажовузидан қутқарингиз! Бизлардан ким сизларнинг олдингизга қочиб борса, майли, уни бизга қайтармангизлар, фақат бизга омонлик берсангиз, бўлди!» — деб ёлборишди. Шундан сўнг, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Басир ва унинг одамлари олдига бир гуруҳ саҳобаларни жўнатдилар. (Улар боришиб, Абу Басир бирлан Абу Жандалнинг ҳамда уларнинг атрофида тўпланган барча муслмонларнинг Қурайшга қайтариб берилмаслигини ва ким қаердан келган бўлса, ўз ерига қайтиб, бежавотир яшамоғи мумкинлигини маълум қилишди). Шу аснода Оллоҳ таоло қўйидаги оятларни нозил қилди: «У (яъни, Оллоҳ) Макка ҳудудида (яъни, Ҳудайбияда) сизларни улардан ғолиб қилгандан сўнг, уларнинг қўлларини сизлар (ни ўлдириш)дан ва сизларнинг қўлларингизни улар (ни ўлдириш)дан тийган (яъни, ўрталарингизда сулҳ тузмоқни насиб этган) зотдур ва Оллоҳ қилиб турган барча ишларингизни кўриб тургувчидур. Улар (яъни, Макка мушриклари) кофирлик қилиб, сизларни Ал-Масжид ал-Ҳаромга қўймаган ва қурбонлик (ка аталган) жонлик(лар)ни (турган ерларидан) жилдирмай, (қурбон қилинмоқлари лозим бўлган) жойларига етказилишига тўсқинлик қилган кимсалардур. Агар (Маккада) сизлар (муслмон эканликларини) билмаган (ночор) муслмон эр ва хотинлар бўлмаганда эрди, агар сизлар уларни билмаган ҳолингизда (яъни, мушриклар, деб уйлаб) поймол (ҳалок) қилиб қўйиб, улар сабабли ўзларингиз шарманда-ю шармисор бўлиб қолмаганингизда эрди, (Оллоҳ сизларни Маккага кириш учун мушриклар бирлан жанг қилмоғингиздан қайтармаган булур эрди). Оллоҳ ўзи истаган бандаларини ўз раҳматига олиш учун (яъни, Маккадаги сизлар билмаган бечораҳол муслмонларнинг ҳамда ҳали иймон насиб бўлмаган айрим кишиларнинг нобуд бўлиб кетмасликлари учун сизларни жанг қилмоқларингиздан қайтарди). Агар мўминлардан бир гуруҳи шартномага итоат қилмай), алоҳида бўлиб олиб (Маккадаги бечораҳол муслмонларнинг ҳалок бўлмоқларига сабаб бўлганларида), улардан кофирлик қилганларини албатта дардли азобга гирифтор қилур эрдик. Кофирлар ўз дилларига жоҳилият замонидагидек ўжарликни тугиб олганларида Оллоҳ ўз расули бирлан мўминларга таскин нозил қилди...» («Фатҳ» сураси, 24—26-оятлар). Уларнинг (яъни, Макка мушрикларининг ўз дилларига жаҳолат бирлан тугиб олган) ўжарликлари шундан иборат бўлдики, улар Жаноб Расулуллоҳни Оллоҳнинг расули, деб тан олмадилар, (шартномага) «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб ёзмоқларига қаршилик қилдилар ҳамда муслмонларни Байтуллоҳга киритмадилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис қисқача такрорланган.

16-боб. Қарз шартлари ҳақида

Ибн Умар ва Ато разияллоҳу анҳумо: «Агар киши қарз бераётиб: «Мунча муҳлатдан сўнг берасан» — деб шарт қўйган бўлса, жоиздур», — дейишади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг бир яҳудийдан қарз олиб, уни унга таъйин қилинган муҳлатда қайтариб бергани ҳақида зикр қилдилар».

17-боб. Озод қилинмоғи учун бўйнига муайян тўлов қарз қилиб қўйилган қул ёхуд чўри ҳақида ҳамда Оллоҳ таолонинг Китобига зид бўлган шартлар хусусида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Улар ўзаро шартлашадилар», — дейдилар. (Яъни, агар қул озод бўлмоқни, қулдор эрса уни озод қилмоқни истаса, қулдор ўзаро келишув асосида қулнинг бўйнига муайян тўловни қарз қилиб қўяди. Агар қул уни тўлай олса, озод булади, акс ҳолда қуллигича қолади).

Бу ерда Оиша онамизнинг чўри Барирани сотиб олиб, озод қилганлари, шунда унга ҳомийлик ҳуқуқи ул муҳтарамга ўтганлиги ҳақидаги ҳадис тақрорланган.

18-боб. Бирор нарса хусусида қатъий қарорга келмай, икки хил шарт қўймоқликнинг жоизлиги ва одамлар бир-бирларига маълум қиладирган шартлар ҳақида. «Бир кам юзта» деб айтиш мумкинми?

Ибн Сирин разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Курайҳга: «(Мени ҳам) карвонингга қўш, агар фалон куни сен бирлан бирга йўлга (чиқсам ҳам), чиқмасам (ҳам), сенга юз дирҳам бераман», — деди-да, (айтган куни йўлга) чиқмади».

Ибн Сирин разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши иккинчи бир кишига егулик сотадирган бўлди-да, унга: «Агар чоршанба куни (егуликни олиб келсам, келдим), олиб келмасам, ул ҳолда бул хусусда ўзаро савдолашмадик, деб ҳисоблайвер!» — деди-да, ўшал куни келмади».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта, (яъни) бир кам юзта исми бор. Кимки уларни ёдлаб олса, жаннатга киргай» — деб марҳамат қилдилар».

19-боб. Вақф ерлари хусусидаги шартлар

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу Хайбардан бир ер оддилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Умарга ўшал ер хусусида маслаҳат бергали келдилар. Ҳазрат Умар ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, мен Хайбардан шундай бир ер олдимки, мулкларим ичида ундан яхшироқ мулк сира бўлмаган, унинг хусусида менга қандай маслаҳат бергайсиз?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Агар истасанг, уни сотилмайдирган, ҳадя қилинмайдирган ва мерос қилиб қолдирилмайдирган, аммо ҳосили эҳсон қилинадирган қилиб садақа қилгил!» — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умар ўшал ерни (ул зот айтган шартлар асосида) садақа қилдилар. Ул кишининг мазкур садақалари Оллоҳ таоло йўлида (ғазот қилгувчи бечораҳол кишиларни ризқ бирла таъминламоққа), қулларни (озод қилмоққа), мискинларни (туйгазмоққа), (қавм ҳузурига келадирган) меҳмонларни (зиёфат қилмоққа), мусофирларни (сийламоққа) ҳамда (Ҳазрат Умарнинг) яқин қариндошлар(и)га (кўмак қилмоққа сарфланадирган бўлди). Аммо, уни парвариш қилгувчи киши унга эга бўлиб олмай, меҳнатига яраша ҳосилидан ўзи ҳам еса, еру дустларига ҳам ёдирса, гуноҳи йўқдур».

ВАСИЯТЛАР КИТОБИ

1-боб. Васиятлар ҳақида

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон кишининг васият қилиб қолдирадирган нарсаси бўла туриб, икки кеча (бўлса-да), (касал бўлиб) ётмоққа ҳақи йўқдур, магарам ёнида васияти ёзиб қўйилган ҳолда (ётмоғи мумкиндур)» дея деб марҳамат қилганлар.

Бул хусусда Оллоҳ таоло: «(Эй мўминлар), вақтики қайси бирингизнинг қошингизга ўлим келса (ва) ул ўзидан кейин мол қолдираётган бўлса, ота-онасига ва қариндошларига муносиб суратда васият қилмоқлик сизларга фарз қилинди. Бу Оллоҳдан тақво қилгувчилар учун ҳақдур ва кимики васиятни эшита туриб ўзгартирур, бас бунинг гуноҳи уни ўзгартиргувчи ўшал кимсаларга бўлур. Оллоҳ таоло албатта эшитгувчи ва билгувчи зотдур. Кимики васият қилгувчининг бир тарафга оғиб кетиши ёхуд гуноҳ содир қилишидан хавотир олиб, (васият қилгувчи бирлан меросхўрлар ўртасини) келиштириб қўйса, гуноҳкор бўлмас. Оллоҳ албатта мағфиратли, ниҳоятда раҳмдил зотдур» — дейди. («Бақара» сураси, 180—182-оятлар).

Абу Исҳоқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Жувайрия бинти ал-Ҳарасга (уйланиб), унинг биродарига қариндош бўлдилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилаётган чоғларида оқ хачирлари, қуроллари ва (Оллоҳ таоло йўлида) ўзлари садақа қилган ердан бўлак, на бирор дирҳам, на бирор динар, на бирор қул, на бирор чўри ва на бирор нарса (мерос) қилиб қолдирдилар».

Талҳа ибн Мусарраф разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам васият қилган эрдиларми?» — деб сўрадим. Абдуллоҳ: «Йўқ», — деди. Мен: «Ул ҳолда одамларга не деб буюрдилар?» — дедим. Абдуллоҳ: «Оллоҳ таолонинг Китобига амал қилмоқни», — деди».

Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларида Жаноб Расулulloҳнинг Ҳазрат Алига васият қилганлари ҳақида гапиришди. Шунда Оиша онамиз: «Жаноб Расулulloҳ қачон Алига васият қилибдилар? Ахир, Жаноб Расулulloҳни (қазо қилган кунлари) бағримга мен ўзим суяб ўлтирган эрдим-ку?! Шунда ул зот бир идишда сув келтирмоқни амр қилиб эрдилар. Кейин, бирдан беҳол бўлиб қолган эрдилар, ҳатто мен жонлари узилганини сезмай қолган эрдим. Қани, айтинглари-чи, ул зот қачон Алига васият қилган бўлишлари мумкин?!» — дедилар».

2-боб. Кишининг ўз меросхўрларини одамларга қўл чўзиб тиламчилик қиладирган аҳволда қолдирганидан бой қилиб қолдиргани афзалроқдур!

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Маккада (бетоб бўлиб қолганимда) Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам кўргани келдилар. (Саъд ўзлари ҳижрат қилиб чиқиб кетган Маккада вафот этмоқларини ўшанда макруҳ кўрган эрдилар, ул кишини Оллоҳ таоло раҳмат этсин!). Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, мол-мулкимнинг ҳаммасини (садақа қилсинлар, деб) васият қилайинми?» — дедим. Ул зот: «Йўқ», — дедилар. Мен: «Ярминими?» — дедим. Ул зот: «Йўқ», — дедилар. Мен: «Учдан бир қисминими?» — дедим. Ул зот: «Учдан бири... учдан бири ҳам кўплик қилади, чунки ворисларингни одамларга қўл чўзиб тиламчилик қиладирган аҳволда қолдирганингдан бой қилиб қолдирганинг афзалроқдур. Сен нимаики

эҳсон қилсанг, ҳаттоки хотининг оғзига бир луқма таом тутсанг ҳам, садақадур. Шояд Оллоҳ таоло умрингни дароз қилса-ю, (сенинг қўмондонлигингда қатор куфр масканлари фатҳ қилиниб), сен туфайли мусулмонлар манфаат ва кофирлар зарар кўрса!» — дедилар». Ушал вақтда Саъднинг биргина қизлари бор эрди».

3-боб. «Мол-мулкининг учдан бири садақа қилинсин» деб васият қилмоқ ҳақида

Ҳасан (ал-Басрий): «Киши ўз мол-мулкининг учдан биринигина садақа қилинмоғини васият қилса, жоиздур», — дейдилар.

Оллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад), одамлар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарсага (яъни, Қуръонга) биноан ҳукм қилингиз!» — дейди. («Моида» сураси, 48-оят).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Қани энди, одамлар (ўз мол-мулкларининг) тўртдан бирини садақа қилмоқларига кўнишса! Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Учдан бири... учдан бири ҳам кўплик қилади» — деб марҳамат қилгандурлар», — дейдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Мен Маккадалигимда) бетоб бўлиб қолдим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ мени кургани келдилар. Мен ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога дуо қилингиз, мени ортимга қайтармасин!» (яъни, «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога дуо қилингиз, мени ўзим ташлаб чиқиб кетган Маккада вафот қилдирмасин, Мадинага ҳижрат қилган биродарларим ҳузурига саломат етказиб, ҳижратдан кўзланган мақсадни поёнига етказмоғимни насиб айласин!») — дедим. Ул зот: «Шояд, Оллоҳ таоло умрингни дароз айлаб, сен туфайли мусулмонлар манфаат ва (кофирлар зарар) кўрса!» — дедилар. Мен: «(Ё Расулаллоҳ, мол-мулкининг ҳаммасининг садақа қилинмоғини) васият қилмоқчиман, чунки менинг биргина қизим(дан бўлак фарзандим йўқ)», — дедим. (Ул зот: «Йўқ, ундай қилма!» — дедилар). Мен: «(Ул ҳолда), ярмини (садақа қилмоқни) васият қиламан», — дедим. Ул зот: «Ярми кўплик қилади», — дедилар. Мен: «(Унда), учдан бирини», — дедим. Ул зот: «Учдан бири... учдан бири ҳам кўплик қилади», — дедилар. Шунга биноан, мол-мулкнинг учдан бирини садақа қилмоқлик одамларга тавсия этилиб, уларнинг ана шу миқдордагина садақа қилмоқлари жоиз деб топилди».

4-боб. Васият қилгувчининг васият қилингувчига: «Боламга ғамхўрлик қилгил!» — деб айтмоғи ҳамда васият қилгувчининг (васият қилингувчи бўлинига қуядирган) жоиз талаблари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Уҳуд ғазоти куни Жаноб Расулуллоҳнинг муборак тишларини уриб синдирган мушрик) Утба ибн Абу Ваққос (Оллоҳ таоло йўлида мусулмонлардан биринчи бўлиб ўқ ўзган) ўз биродари Саъд ибн Абу Ваққосга: «Замъа ибн Қайснинг чўрисининг ўғилчаси мендан бўлгандур, уни (ўз тарбиянга) олгил!» — деб васият қилган эрди. (Макка) фатҳ (қилинган) йили Саъд ибн Абу Ваққос (биродарларининг васиятига биноан) ул болани ўзларига олдилар-да: «Бу бола биродарим Утбанинг фарзанди бўлиб, уни ўз тарбиямга олмоғимни менга васият қилган эрди», — дедилар. Замъанинг ўғли, (Жаноб Расулуллоҳнинг хотинлари Савданинг биродари) Абд эрса, ўрнидан туриб: «(Бу бола) менинг укам ҳамда отам (Замъанинг) чўриларининг боласи бўлиб, ул кишининг тўшакларида дунёга келгандур», — деди. Шул тариқа иккалалари (болани) талашиб, жанжаллашганча Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келишди. Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бу (бола) биродарим (Утбанинг) ўғли бўлиб, уни (уз тарбиямга) олмоғимни менга васият қилган эрди», — дедилар. Замъанинг

Ўғли Абд эрса: «(Бу бола) менинг укам ва отамнинг чўриларининг фарзанди бўлиб, ул кишининг тўшакларида дунёга келгандур», — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Замъанинг ўғли Абд, бу бола сенинг (мулкингдур дедилар, сўнг: «Бола тўшак эгасиникидур, (у хоҳ чўрига эр ва хоҳ хўжайин бўлсин), зинокорга эрса, тош (яъни, зинокор болага ҳақлиғ бўлмай, у тошбўрон қилинмоғи лозимдур)» — деб айтдилар. Кейин, боланинг Утбага ўхшашлигини кўриб, хотинлари Савдага: «Бу боладан ўзингни ҳижобга яширгил!» (яъни, «Бу бола отанг Замъага эрмас, балки зинокор Утбага ўхшайди, шул боисдан у сенга номаҳрам бўлиб, унинг кўзига кўринмагил!») — деб буюрдилар. Бола (шу кундан) то Оллоҳ таолога рўбарў бўлгунига қадар Савдани кўрмади».

5-боб. Агар касал («Ҳа, ўша» деб) боши бирлан аниқ ишора қилса, жоиздур

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир яҳудий бир чўрининг бошини (унинг тақинчоқларини тортиб олмоқ учун) икки тош орасига қўйиб ерди. Шунда (рамақижон ҳолда етган) чўрига: «Бошингни ёрган фалончими ёки пистончими?»— дея бир қанча кишиларнинг номи айтилди. Ниҳоят, ўшал яҳудийнинг исми тилга олинганда, чўри («Ҳа, уша» деган маънода) боши бирлан ишора қилди. Шундан сўнг, яҳудийни олиб келишди, у тезда (айбини) эътироф қилди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ амр қилдилар, унинг боши (ҳам) тош бирлан мажақланди».

6-боб. («Мол-мулкимнинг мана шунчаси) фарзандимга» деб васият қилинмайди, (чунки Оллоҳ таоло ҳар бир меросхўрнинг ўз улушини таъйин қилиб қўйгандур)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Илгарилари маййитнинг мол-мулки) фарзандига қолар эрди, ота-онасига эрса, (унинг) васиятига (биноан мерос) берилар эрди. Сўнг Оллоҳ таоло бу (тартиб)ни ўзи истаганча ўзгартириб, эркакнинг улушини икки аёлнинг улушига тенг қилди ҳамда ота-онанинг ҳар бирига (мол-мулкнинг) олтидан бири, хотинга (агар фарзанд бўлса) саккиздан бири ва (агар фарзанд бўлмаса) тўртдан бири, эрга (агар фарзанд бўлмаса) ярми ва (агар фарзанд бўлса) тўртдан бири миқдориди мерос таъйин қилди».

7-боб. Ўлар чоғида садақа қилмоқ хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши: «Ё Расулаллоҳ, қандай садақа афзалроқ?» — деди. Шунда ул зот бундай деб жавоб қилдилар: «Энг афзал садақа соғ эканлигинда, ҳали бойликка ўч вақтингда, (янада) бойроқ бўлмоқни орзу қилиб, камбағалликдан кўрқадирган чоғингда қиладирган садақангдур. Садақа қилмоқни жонинг бўғзингга келадирган, (яъни) «Фалончига мунчаси, пистончига мунчаси, фалончига эрса, мунчасини ваъда қилган эрдим» деб айтадирган вақтингда қадар пайсалга солма!»

8-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Меросхўрларга зарар етказмайдирган тарзда қилинган васият ва қарзлар адо этилгандан сўнг...» («Нисо» сураси, 12-оят)

Шурайх, Умар ибн Абдулазиз, Товус, Ато ва Ибн Узайна разияллоҳу анҳум: «Бетоб етган киши қарзи борлигини айтиб қўймоғи жоиздур», — дейишади.

Ҳасан (ал-Басрий): «Кишининг энг ҳақиқий садақаси унинг бу дунёдаги энг сўнги ва охиратдаги энг биринчи куни қилган садақасидур», — дейдилар.

Иброҳим ва Ҳакам: «Агар киши (бу дунёда) ўз меросхўрини қарздан покласа, (охиратга) пок

бўлиб (боргай)», — дейишади.

Ҳасан (ал-Басрий): «Агар киши улар чоғида ўз қулига: «Ўлсам, озодсан, деб айтган эрдим, (энди сен озодсан!)» — деса, жоиздур», — дейдилар.

Айрим уламолар: «Касал ўз меросхўрларидан баъзиларига, улар унинг хусусида ёмон фикрда бўлганлари учун (ёхуд унинг ўзи улар хусусида ёмон фикрда бўлгани учун), (камроқ мерос тақсим қилишга ёхуд бутунлай тақсим қилмасликка) қарор қилмаслиги лозим», — дейишиб, сўнг: «Касал ўзида бировнинг омонати, сотиб беришга берган моли ҳамда қарзи борлигига иқрор бўлмоғи лозим» — деб маъқуллашади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бадгумон бўлмангизлар, чунки бадгумонлик энг ёлғон сўздур!» (яъни, «Бадгумонликдан, бировга шубҳа бирлан қарашдан, тухмат қимоқдан сақлангизлар, биров хусусида миянгизга келган гумонни ҳақиқатга йўмангизлар, чунки энг ёмон, гуноҳовар гаплар бадгумонликдан, тухматдан келиб чиқур!») — деб марҳамат қилганлар. Мусулмонларнинг (бир-бирларининг) мол-мулкларига (кўз олайтирмоқлари, омонатга хиёнат қилмоқлари) ҳалол эрмас, чунки Жаноб Расулulloҳ: «Мунофиқнинг аломатларидан бири шуки, агар омонат топширсалар, омонатга хиёнат қилур» — деб айтганлар. Оллоҳ таоло: «Оллоҳ сизларга омонатларни ўз эгаларига топширмоғингизни амр қилур», — дейди («Нисо» сураси, 58-оят).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқнинг уч аломати мавжуд: агар гапирса, ёлғон гапиради, агар омонат топширсалар, омонатга хиёнат қилади ва агар ваъда қилса, ваъдасининг устидан чиқмайди», — дедилар».

9-боб. Оллоҳ таолонинг «Сизлар қиладирган васият ёки қарзлар (адо этилган)дан сўнг...» деган қавлининг шарҳи

Зикр қилинурки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қарзни васиятдан илгари (яъни, жон чиқар маҳалда қилинадирган васиятга қадар пайсалга солмай, ҳали тан соғ вақтда) узмоқни амр қилганлар. Чунки, Оллоҳ таоло: «Оллоҳ сизларга омонатларни ўз эгаларига топширмоқларингизни амр қилур», — дейди. Демак, омонатни (соғ вақтда ўз эгаларига) топширмоқлик уни (ворисларга) васият қилиб қолдирмоқни ихтиёр этмоқдан (бисёр) тўғрироқдур. Жаноб Расулulloҳ: «Бойлик орқасидан қилинган садақагина садақадур!» (яъни, кишининг ўзи ва оиласи муҳтож бўлмаган ҳамда қарзу омонатлари узилган ҳолда қилган садақаси ҳақиқий садақадур!) — деб марҳамат қилганлар. Ибн Аббос: «Қул ўз эгалари изнисиз васият қилмайди», — дейдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Қул ўз эгасининг мол-мулкани қуриқловчи ва ўз вазифаси доирасидаги ишларни бажарувчидур», — дейдилар.

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан (Байтулмолдаги, яъни давлат хазинасидаги нарсалардан) бермоқларини сўрадим, ул зот бердилар. Кейин, яна сўрадим, яна бердилар. Сўнг, яна сўраб эрдим, ул зот менга: «Эй Ҳаким, бу мол-дунё деган нарса (шул қадар фусункорки), тотли мевалар (янглиғ балои нафси кўзғар). Кимки ундан (яъни, мол-дунёдан балои) нафсининг сўзига кирмай, (ўзига етарлича) олса, (Оллоҳ таоло томонидан) унга баракот ато этилгайдур ва кимки ундан (яъни, мол-дунёдан балои) нафсининг сўзига кириб, (ортиқча) олса, (Оллоҳ таоло томонидан) унга баракот ато этилмагайдур. (Очкўзлик бирлан ортиқча мол-дунё олгувчи) шахс еб туймас мечкай каби бўлиб, юсак (яъни, эҳсон қилгувчи) қул, тубан (яъни, тиламчи) қўлдан афзалдур!» — дедилар. Шунда мен: «Ё Расулalloҳ, сизни ҳақ (дин) бирла юборган зот ҳақи, энди дунёдан кўз юмгунимга қадар ҳам ҳеч кимдан бирор нарса сўрамасман!» — дедим».

Урва ибн аз-Зубайр бундай дейдилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу (халифалик чоғларида) Ҳақимни ҳузурларига чақириб, бирор нарсени инъом қилсалар, олмас эрдилар. Кейин, Умар разияллоҳу анҳу (халифа бўлдилар). Ул киши ҳам Ҳақимни ҳузурларига чақириб, тухфа бериб эрдилар, олмадилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Эй муслмонлар жамоаси, сизларни гувоҳ қилиб айтурманки, Ҳақимга: «Ўлжалардан ўз ҳақингни олгил!» — десам, олмади», — дедилар. Дарҳақиқат, Ҳақим ўшанда Жаноб Расулуллоҳдан нарса сўраганларидан кейин, то вафот қилгунларига қадар ҳам ҳеч кимдан бирор нарса олмадилар».

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Барчангиз ўз қўл остингиздагиларга ҳомий ва масъулдурсиз. Имом ўзи бошқараётган (қавмга) ҳомий ва масъулдур, эркак ўз оиласига ҳомий ва масъулдур, хотин ўз эри уйида ҳомий ва масъулдур, хизматкор ўз хўжайини мол-мулкига ҳомий ва масъулдур» — деб айтганларини эшитдим. Жаноб Расулуллоҳ: «Киши ўз отаси мол-мулкига ҳомийдур» — деб (ҳам) айтдилар, деб уйлайман».

10-боб. Агар (мол-мулкни) қариндошларига васият қилиб қолдирса... Қариндошлар ўзи ким?

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳага: «Уни (мулкини) камбағал қариндошларингга васият қилиб қолдиргил!» — дедилар. Абу Талҳа уни (қариндошларидан) Ҳассон ва Убай ибн Каъбга васият қилиб қолдирдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Абу Талҳага): «Уни камбағал қариндошларингга васият қилиб қолдиргил!» — дедилар. Абу Талҳа уни Ҳассон ва Убай ибн Каъбга васият қилиб қолдирдилар. Иккаласи Абу Талҳага мenden кўра яқинроқ (қариндош) бўлиб, Ҳассон ва Убайнинг Абу Талҳага қариндошлиги қуйидагича эрди: Абу Талҳанинг тўлиқ исми Зайд ибн Саҳл ибн ал-Асвад ибн Ҳаром ибн Амр ибн Зайд (Манот) ибн Адий ибн Амр ибн Молик ибн ан-Нажжор ва Ҳассоннинг тўлиқ исми Ҳассон ибн Собит ибн Мунзир ибн Ҳаром бўлиб, иккаларининг шажаралари учинчи бобокалон бўлмиш Ҳаром ибн Амрга бориб туташади. Ул кишининг тўлиқ исми Ҳаром ибн Амр ибн Зайд (Манот) ибн Адий ибн Амр ибн Молик ибн ан-Нажжор бўлиб, Ҳассон, Абу Талҳа ва Убайни олти бобокалон орқали Амр ибн Моликка боғлайди. Амр ибн Молик эрса уччаларини ўзаро туташтиради».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳага: «Уни (мулкини) қариндошларингга васият қилиб қолдирганинг маъқулдур», — дедилар. Абу Талҳа: «Айтганингиздек қилгум, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Кейин, ўшал мулкларини («Байруҳо» деган хурмозорларини) ўз қариндошларига — амакиларининг фарзандларига тақсимлаб бердилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «(Эй Мухаммад), ўзингизнинг яқин қариндошларингизни қўрқитингиз (огоҳлантингиз)» деган ояти каримаси нозил бўлганда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайш қабиласига мансуб уруғларга мурожаат қилиб: «Эй Бану Фихр, эй Бану Адий!» — деб чақира бошладилар». (Яъни, Жаноб Расулуллоҳ ўзларининг меросхўрлари бўлмиш яқин қариндошларини чақириб, уларни охират азобидан огоҳ қилдилар).

11-боб. Аёллар ва болалар яқин қариндошлардан ҳисобланадими?

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло «(Эй Муҳаммад), ўзингининг яқин қариндошларингини қўрқитингиз» деган ояти каримасини нозил қилганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб нидо қилдилар: «Эй Қурайш жамоаси, ўзларингини сотиб олингизлар, мен Оллоҳ таолога бирор (маблағ) бериб, сизларни халос қилолмасман! (яъни, Эй Қурайш жамоаси, Исломга кириб ва унинг аҳкомларига амал қилиб, ўзларингини ўзларингиз охират азобидан қутқарингизлар, чунки менинг қариндошлигим Оллоҳ таоло охиратда берадирган азоблардан сизларни халос қила олмай!)). Эй Бану Абди Маноф, мен Оллоҳ таолога бирор (маблағ) бериб, сизларни қутқариб қололмасман! Эй Аббос ибн Абдулмутталиб, мен Оллоҳ таолога бирор (маблағ) бериб, сизни қутқариб қололмасман! Эй Расулulloҳнинг аммаси Сафийя, мен Оллоҳ таолога бирор (маблағ) бериб, сизни қутқариб қололмасман! Эй Муҳаммад қизи Фотима, менинг мол-мулкимдан истаган нарсангни сўра, аммо мен Оллоҳ таолога бирор (маблағ) бериб, сени қутқариб қололмасман!». («Бирор маблағ бериб», яъни қариндош эканлигим сизларни охират азобидан халос қила олмас» деган мазмундадур).

12-боб. Вақф қилгувчи ўзи вақф қилган нарсасидан фойдаланадими?

Ҳазрат Умар (Хайбардаги ерларини вақф қилганларида): «Уни парвариш қилиб турган киши ҳосилидан еса, гуноҳи йўқдур» — деб шарт қўйганлар.

Вақф қилинган ер ҳосилидан вақф қилган киши бирлан бирга унинг қариндош ва еру дўстлари ҳам тановул қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Шунингдек, Оллоҳ таоло йўлида бирор жонлиғини қурбонликка атаган ёхуд бошқа бирор нарсасини эҳсон қилган шахс, гарчи шарт қўймаган бўлса-да, бошқалар каби ундан фойдаланаверади.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонликка аталган туясини етаклаб кетаётган бир кишини кўриб: «Уни миниб олгил!» — дедилар. У: «Ахир, бу қурбонликка аталган-ку!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг қурсин, уни миниб олгил!» — деб уч ёки тўрт бор айтдилар».

13-боб. Киши бирор нарсасини вақф қилганда унга қараб, парвариш қилиб туришни муайян бир кишига топширмаса, жоиздур

Чунки, Умар разияллоҳу анҳу (Хайбардаги ерларини) вақф қилганларида: «Унга қараб, парвариш қилиб турган шахс ҳосилидан еса, гуноҳи йўқ», — деб айтганлар. Шунда ул киши: «Унга Умар ёхуд фалончи қараб, парвариш қилиб туради» — деб бирор муайян одамнинг номини тилга олмаганлар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳага: «Байруҳони яқин қариндошларингга садақа қилганинг маъқул», — дедилар. Абу Талҳа: «Шундай қилгум!» — деб «Байруҳо» деган хурмозорларини яқин қариндошларига — амакиларининг фарзандларига бўлиб бердилар.

14-боб. Агар киши: «Ховли-жойим Оллоҳ таоло йўлида садақадур» деса-ю, аммо: «Фақирларга ёки бошқаларга» деб аниқ айтмаса, жоиздур. Чунки, у уни ўз қариндошларига ёхуд ўзи истаган одамларга садақа қила олади

Абу Талҳа: «Менинг энг яхши курган мулким Байруҳодур, уни Оллоҳ таоло йўлида садақа қилдим» — деганларида, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига: «Байруҳони яқин қариндошларингга садақа қилгил!» — деб, шундай қилмоқларига ижозат бердилар. Айрим уламолар: «Кимга садақа қилганини аниқ айтмаса, жоиз эмас», — дейишади. Лекин,

дастлабки фикр тўғридур.

15-боб. Агар киши: «Ерим (ёки боғим) онамнинг номларидан садақадур» — деса, гарчи кимга садақа қилаётганини аниқ айтмаса ҳам, жоиздур

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Убода разияллоҳу анҳу сафардаликларида оналари (тўсатдан) вафот этиб, (васият қилмоққа улгурмади). Саъд (сафардан қайтгач), Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулаллоҳ, мен сафардалигимда онам (тўсатдан) вафот этиб, (васият қилмоққа улгурмабдилар, агар улгурганларида бирор нарсани садақа қилган бўлардилар), мен бирор нарсани онамнинг номларидан садақа қилсам, савоби тегурми?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, (онанга савоби тегур)», — дедилар. Шунда Саъд: «Мен сизнинг гувоҳлигингизда айтурманки, ҳосилдор боғим онам учун садақадур!» — дедилар».

16-боб. Киши мол-мулкининг бир қисмини ёки қулларидан бир нечасини ёхуд уловларидан баъзиларини садақа қилиб, (қолганини олиб қолса), жоиздур

Абдуллоҳ ибн Каъб ривоят қиладилар: «Мен Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳунинг бундай деганларини эшитдим: «Мен Жаноб Расулуллоҳга: «Ё Расулаллоҳ, мол-мулкимни Оллоҳ таоло ва унинг Расули йўлида садақа қилиш бирлан (қилган гуноҳларимга) тавба қилмоқчиман», — дедим. Ул зот: «Мол-мулкингнинг бир қисмини ўзингда олиб қолгил, бу сен учун яхшироқдур!» (яъни, «Мол-мулкингнинг бир қисмини ўзингда олиб қолгил, чунки меросхўрларинг сендан кейин одамларга қул чўзиб тиламчилик қиладирган бўлиб қолмасинлар!») — дедилар. Шунда мен: «Ул ҳолда Хайбардага еримни (садақа қилмай), ўзимда олиб қоламан», — дедим».

17-боб. Ўз мулкни вакили орқали (Оллоҳ таоло йўлида) садақа қилган киши ҳамда вакилнинг (унинг садақасини) ўзига қайтаргани ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Оллоҳ таолонинг) «(Эй мўминлар), токи яхши кўрган нарсаларингиздан садақа қилмагунингизга қадар яхшилик борасида ҳаргиз камолотга эриша олмасизлар!» деган ояти каримаси нозил бўлганда Абу Талҳа Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ўз Китобида: «(Эй мўминлар), токи яхши кўрган нарсаларингиздан садақа қилмагунингизга қадар яхшилик борасида ҳаргиз камолотга эриша олмасизлар!» — дейди. Менинг энг яхши кўрган мулким эрса, Байруҳодур. (Байруҳо — бу бир боғ бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ унга кириб, (дарахтлар) соясида дам олар ва сувидан ичиб турар эрдилар). Мен ана ўшал боғни Оллоҳ таоло ва унинг Расули йўлида садақа қилдим. Бунинг учун эрса, Оллоҳ таолодан ажру савоб умид қилгайман. Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло уни нимага сарф қилмоғингизни амр қилса, ўшал нарсага сарф қилингиз!» — дедилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ Абу Талҳага: «(Борақаллоҳ), жуда савобли иш қилдинг, бунинг учун охиратда, (иншооллоҳ), роҳат-фароғатда бўлгайсан! Биз уни сендан қабул қилиб, (яна) ўзинга қайтардик. Уни яқин қариндошларингга (тақсимлаб) бергил!» — дедилар. Шунга кўра, Абу Талҳа уни ўзларининг яқин қариндошларига тақсимлаб бердилар. Уларнинг орасида Убай ва Ҳассон ҳам бўлиб, Ҳассон Абу Талҳадан олган ўз улушини Муовияга сотди. Шунда унга одамлар: «Абу Талҳанинг садақасини сотасанми?!» — дейишиб эрди, у: «Бир ҳовуч хурмони бир ҳовуч дирҳамга сотмайинми?!» — деди. Ўшал боғ Муовия қурган Бану Жудайла қасри жойлашган ерда эрди».

18-боб. Оллоҳ таолонинг «Мерос тақсим қилинаётган вақтда (меросхўр бўлмаган) қариндошлар, етимлар ва мискинлар ҳозир бўлсалар, уларга ҳам ул мол-

мулкдан насиба берингизлар...» деган қавли ҳақида («Нисо» сураси, 8-оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар: «Бу оят мансух (бекор) қилинган» — деб таъкидлашади. Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, у бекор қилинган эмас! Бу — одамларнинг енгилтаклик бирлан, ўйламай-нетмай айтадирган гапларидан биридур. (Ҳаётда) икки тоифа кишилар мавжуд бўлиб, улардан бири (бой бўлганидан ўз меросхўрларига мерос тақсим қилиш бирлан бирга мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмаганларга ҳам) насиба бера олади. Иккинчиси эрса, (камбағал бўлганидан), бундай қила олмайди, (шул боисдан у мерос ҳуқуқига эга бўлмаганларга): «Менинг сизларга ҳам насиба берадирган даражада мол-мулким йўқ» — деб ётиғи бирлан тушунтиради».

19-боб. Тўсатдан вафот қилган шахс номидан нимани садақа қилмоқни афзал куришди? Майитнинг (ҳаётлик чогидаги) назрини (унинг фарзандлари) адо этмоғи ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Онам тўсатдан вафот этиб қолдилар. Мен ўйлайманки, агар сўзлашга улгура олганларида (бирор нарсани) садақа қилган бўлардилар, онам номларидан садақа қилсам, бўлурми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, бўлур, онанг номидан садақа қилавер!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Убода разияллоҳу анҳу: «Онам, адо этилмаган назрлари бўла туриб, вафот этиб қолдилар, (энди не қилайин?)» — деб Жаноб Расулulloҳдан фатво сўрадилар. Ул зот: «Онангнинг номидан (назрни) адо эт!» — дедилар».

20-боб. (Ўз мулкини) вақф ва садақа қилганлигига (бировни) гувоҳ қилмоқлик ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Убода разияллоҳу анҳу сафарда эканликларида оналари вафот этиб қолди. (Сафардан қайтгач), ул киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен сафарда эканлигимда онам вафот этибдилар. Ул муҳтараманинг номларидан садақа қилсам, савоби бўлурми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа», — дедилар. Саъд: «Ул ҳолда мен сизнинг гувоҳлигингизда айтурманки, серҳосил боғим онамнинг номларидан садақадур!» — дедилар».

21-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Етимларга (улар улғайгач) мол-мулкларини берингизлар ва ҳаромни ҳалолга алмаштирмангизлар ва уларнинг (ўзларингиз учун ҳаром бўлган) мол-мулкларини (ўзларингиз учун ҳалол бўлган) мол-мулқингизга (қўшиб) емангизлар, чунки бу катта гуноҳдур. Башарти етим (қиз)ларга адолат қилолмаслигингиздан чўчисангизлар, таъбларингиз суйган бошқа аёллардан (икки, уч ва тўрттасига) уйланаверингизлар!» («Нисо» сураси, 2—3-оятлар)

Зухрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Урва ибн аз-Зубайр Оиша разияллоҳу анҳодан (Оллоҳ таолонинг) «Башарти етим (қиз)ларга адолат қилолмаслигингиздан чўчисангизлар, таъбларингиз суйган бошқа аёллардан (икки, уч ва тўрттасига) уйланаверингизлар!» (деган ояти каримаси мазмуни) ҳақида сўраганларини айтиб юрар эрдилар. (Оиша онамиз ўшанда бундай деган эрканлар): «(Бу оят) ўз валийи («валий» — «Бирор етимчани ўз қарамоғига олган киши») қўлида тарбияланаётган етим қиз ҳақида бўлиб, мазкур валий унинг жамоли ва мол-мулқига эга бўлиб олиш мақсадида ўзининг хотинларига берган маҳрдан анча камроқ маҳр

бериб (ёхуд бутунлай бермай) унга уйланмоқчи бўлади. Кейин, валийлар, етим қизларга тўла-тўқис маҳр бермай адолатсизлик қилаётганлари учун, уларга уйланишдан қайтарилиб, (таъблари суйган) бўлак аёлларга уйланмоқлари амр қилинди. Шунда одамлар Расулulloх саллалллоху алайҳи ва салламдан шул хусусда фатво сўрай бошлашди. Шу боисдан Оллох таоло «Сиздан аёллар ҳақида фатво сурайдилар. Сиз, уларга: «Улар ҳақида сизларга Оллох ҳамда Китобда (Қуръонда) тиловат қилинадирган оятлар фатво берур» — деб айтингиз!» деган ояти каримасини нозил қилди. Унда Оллох таоло валийларнинг, агар етим қиз бадавлат ва гўзал бўлса, унга тўла-тўқис маҳр бермай уйланмоқчи бўлаётганларини ва агар хунук ва камбағал бўлса, унга уйланишдан воз кечиб, бошқа аёлларга уйланмоққа рағбат қилаётганларини, шу боисдан етим қиз хунук ва камбағал бўлган чоғда унга уйланмоқдан воз кечганлари каби, у бадавлат ва гўзал бўлган чоғда ҳам унга тўла-тўқис маҳр бермай уйланмоқдан воз кечмоқлари лозимлигини тушунтирди».

22-боб. Оллох таолонинг қавли: «Етимларни балоғатга етгунларига қадар синовдан ўтказиб турингизлар. Агар уларнинг эс-хушлари (ақл-заковатлари) жойида эканлигини кўрсангизлар, (балоғатга етганларида) уларнинг мол-мулкларини ўзларига қайтарингизлар, улар улғайганда (мол-мулкларини қайтариб бермоғим лозим бўлади, деб) чўчиганингиздан уларнинг мол-мулкларини беҳуда сарф қилиб ва шошиб еб қўймангизлар. Кимики бой бўлса, етимларнинг мол-мулкидан парҳез қилсин ва кимики фақир бўлса, инсофу адолат бирла есин! Бас, қачон уларга мол-мулкларини (қайтариб) бермоқчи бўлсангизлар, гувоҳ келтирингизлар, ҳисоб учун эрса Оллох таолонинг ўзи кифоя қилур. Эрлар учун ота-оналари ва қариндошлари қолдирган нарсалардан (меросдан) насиба (улуш) бордур ва хотинлар учун ҳам ота-оналари ва қариндошлари қолдирган нарсалардан (меросдан) насиба (улуш) бордур. Ул (улушлар), оз ё кўплигидан қатъий назар, фарз қилингандур!» («Нисо» сураси, 6—7-оятлар)

Бу ерда ушбу бобга тааллуқли бирорта ҳадис келтирилмаган.

23-боб. Етим асраган қишининг етимнинг мол-мулки хусусида нималарга риоя қилмоғи лозимлиги ҳақида ҳамда етим асраган қишининг етимнинг мол-мулкидан унга қилган сарфу меҳнатига яраша емоғи мумкинлиги тўғрисида

Ибн Умар разияллоху анху ривоят қиладилар: «(Отам) Умар ибн ал-Хаттоб разияллоху анху Расулulloх саллалллоху алайҳи ва салламнинг замонларида ўзларининг (Хайбардаги) мулкларини (Оллох таоло йўлида) садақа қилдилар. Ул мулкнинг номи «Самағ» бўлиб, ўзи бир хурмозор эрди. (Отам) Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллох, мен (Хайбардан) бир мол (хурмозор) олдим, у (мулкларим ичида энг) яхшиси бўлиб, уни садақа қилмоқчиман», — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloх: «Уни сотилмайдирган, ҳадя қилинмайдирган ва меросга берилмайдирган (яъни, вақф шартлари асосида) садақа қилгил!»— дедилар. Кейин, (отам) Ҳазрат Умар уни (Жаноб Расулulloх айтганларидек) садақа қилдилар. Ул қишининг мазкур садақалари Оллох таоло йўлида (ғазот қилгувчи бечораҳол қишиларни ризқ бирла таъминламоққа), қулларни (озод қилмоққа), мискинларни (туйғазмоққа), (қавм ҳузурига келадирган) меҳмонларни (зиёфат қилмоққа), мусофирларни (сийламоққа) ҳамда (Ҳазрат Умарнинг) яқин қариндошлар(и)га (кўмак қилмоққа сарфланадирган бўлди). Аммо, уни парвариш қилгувчи киши унга эга бўлиб олмай, (қилаётган) меҳнатига яраша ҳосилидан ўзи ҳам еса, еру дўстларига ҳам едирса, гуноҳи йўқдур». (Имом Бухорий Ҳазрат Умарнинг «Уни парвариш қилгувчи киши унга эга бўлиб олмай, қилаётган меҳнатига яраша ҳосилидан еса, гуноҳи йўқдур» деган фатволарига таяниб, «Етимни парвариш қилаётган киши ҳам унинг мулкидан ўз

сарфу меҳнатига яраша фойдаланмоғи жоиздур» деган фикрни билдирмоқ ниятида ушбу ҳадисни мисол келтирганлар).

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Оллоҳ таолонинг «Кимики (яъни, етим асраётган одам) бой бўлса, етимларнинг мол-мулкидан парҳез қилсин ва кимики фақир бўлса, инсофу адолат бирла есин!» деган ояти каримаси етам асраётганлар хусусида нозил бўлган бўлиб, унда агар етим асраётган киши фақир бўлса, унинг молидан сарфу меҳнатига яраша инсофу адолат бирла емоғи мумкинлиги таъкидлангандур».

24-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Етимларнинг мол-мулкларини зулм бирла егувчилар аслида ўт (олов) еб. қоринларини (унга тўлдирурлар) ва яқинда улар дўзахга киражаклар»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Етти ҳалокатли (гуноҳи азимлар)дан ўзингизни олиб қочингизлар!» — дедилар. (Саҳобалар): «Ё Расулalloҳ, улар қайси (гуноҳи азимлар?)» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолога ширк келтирмоқ, сиҳр қилмоқ, Оллоҳ таоло (ўлдирмоқни ҳаром) қилган жонни ноҳақ ўлдирмоқ, порахурлик қилмоқ, етимлар молини емоқ, қўшин юриш қилган кунни жангдан қочмоқ ва бузуқлик (не эканлиги)дан беҳабар, покдомон мўминаларни бадном қилиб қўймоқдур», — дедилар».

25-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй Муҳаммад), сиздан етимлар ҳақида сўрарлар, сиз айтингки, «Уларнинг ҳолларини ислоҳ қилмоқ яхшироқдур ва агар уларни харжда шерик қилиб олсангизлар улар ўз биродарларингиздурлар ва Оллоҳ таоло яхши билурки, ким фасод қилгувчидур ва ким ислоҳ қилгувчидур ва агар Оллоҳ таоло хоҳласа эрди, сизларни машаққатга солур эрди. Албатта, Оллоҳ таоло ғолиб, ҳикматли зотдур!» («Бақара» сураси, 220-оят)

(Етим асраб, унинг мол-мулкани ўз қўлларида сақлаётган кишилар Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан: «Етимларнинг мол-мулкларини хусусида қандай тартиб жорий қилайлик?» — деб сўрашди. Шунда Оллоҳ таоло юқоридаги ояти каримасини нозил қилиб, етим асраётганларнинг етимларнинг мол-мулкларига кўз олайтирмасликларини лозимлигини, аксинча улар ниятларини ҳамиша пок тутиб, етимларнинг аҳволларини яхшилашга ҳаракат қилмоқлари кераклигини, зарур бўлган ҳолда уларнинг мол-мулкларини ўз мол-мулкларига қўшиб, инсофан харж қилмоқлари жоиз эканлигини ҳамда Оллоҳ таоло бу борада ким тузатувчи ва ким бузувчи эканлигини яхши билишини уқтиради).

26-боб. Дастёрликка яроқли (муносиб) етимни сафар ва муқимликда дастёр қилиб олмоқлик ҳамда (етим асраётган) онанинг ёки унинг эрининг етим хусусида билдирган фикри ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида хизматларини қилгувчи бир дастёрлари йўқ эрди. Шунда Абу Талҳа мени қўлимдан етаклаб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бордилар-да: «Ё Расулalloҳ, Анас эпчил ва фаросатли боладур, сизга дастёрлик қилиб юра қолсин!» — дедилар. Шундан сўнг, мен ул зотга (ун йил) сафарда ҳам, муқимликда ҳам дастёрлик қилдим. Лекин, ул зот шу муддат давомида бирор ножўя ишим учун «Нега бундай қилдинг?» ёхуд бирор айтган юмушларини қилмаганим учун «Нега бундай қилмадинг?» деб менга ҳеч дашном бермадилар».

27-боб. Агар киши ўз ерини (Оллоҳ таоло йўлида) вақф қилса-ю, лекин ундан фойдаланиш хусусида шарт қўймаса, жоиздур. Бу ҳукм садақага ҳам тааллуқлидур

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Абу Талҳа Мадинадаги ансорлар ичида энг хурмозори кўп киши бўлиб, масжид рўпарасидаги «Байруҳо» деган хурмозорлари ул киши учун кўпроқ суюкли эрди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўшал хурмозорга кириб, ундаги тотли сувдан ичиб турар эрдилар. Оллоҳ таолонинг «Ўзингиз яхши кўрган нарсалардан садақа қилмагунингизча яхшилик борасида камолотга эриша олмассизлар!» деган ояти каримаси нозил бўлганда Абу Талҳа ўринларидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло: «Ўзингиз яхши кўрган нарсалардан садақа қилмагунингизча яхшилик борасида камолотга эриша олмассизлар!» — дейди, менинг энг суюкли мулким эрса, «Байруҳо» бўлиб, мен уни Оллоҳ таоло йўлида садақа қилдим. Бунинг учун эрса, Оллоҳ таолодан ажру савоб умид қилурман. Уни Оллоҳ таоло ўзингизга амр қилган нарсага сарф қилингиз!» — дедилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «(Боракаллоҳ), жуда савобли иш қилдинг! Дарҳақиқат, «Байруҳо» ажойиб мулкдур. Сенинг не деганингни эшитдим, мен ўйлайманки, уни яқин қариндошларингга тақсимлаб берсанг, маъқулроқ бўлур», — дедилар. Абу Талҳа: «Сиз айтганингиздек қилгум!» — деб уни яқин қариндошлари бўлмиш амакиваччаларига тақсимлаб бердилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Менинг онам (тўсатдан) вафот этиб қолдилар. (Агар сўзлашга улгурганларида, бирор нарсани садақа қилган бўлур эрдилар). Мен онаминг номларидан садақа қилсам, савоби бўлурми?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, (савоби тегур)», — дедилар. У: «Ул ҳолда мен сизнинг гувоҳлигингизда онаминг номларидан серҳосил боғимни (Оллоҳ таоло йўлида) садақа қилдим!» — деди».

28-боб. Агар бир гуруҳ кишилар биргаликда фойдаланиш учун бирор ерни вақф қилсалар, жоиздур

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир масжид қурмоқни амр қилдилар. Шунда ул зот: «Эй Бану ан-Нажжор, менга манави боғингизнинг нархини айтингизлар!» — дедилар. Улар: «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, унинг «нархини парвардигоргагина айтамиз!» (яъни, «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, боғ учун сиздан пул олмаймиз, балки унинг учун Оллоҳ таолодан ажру савоб тилаймиз!») — дейишди».

29-боб. Вақф (хусусидаги ҳужжат) қандай битилади?

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Умар разияллоҳу анҳу Хайбардан бир ер олдилар-да, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «(Ё Расулаллоҳ), мен бир ер олдимки, илгари ундан кўра яхшироқ мулкни сира олган эмасман! Уни не қилмоғимни буюргайсиз?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар истасанг, ўзини олиб қолиб (яъни, ери сотилмайдирган, ҳадя қилинмайдирган ва меросга қолдирилмайдирган қилиб, ҳосилини) садақа қилгил!» — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умар уни (Жаноб Расулуллоҳ айтганларидек) садақа қилдилар. (Шунда ул киши вақфномага қуйидаги шартларни битиб қўйдилар): «Бул ер сотилмайди, ҳадя этилмайди, меросга қолдирилмайди, балки (ҳосили) фақирлар, яқин қариндошлар, қуллар, мискинлар, меҳмонлар, мусофирлар учун (эхсон қилинади). Аммо, уни парвариш қилгувчи киши унга эга бўлиб олмай, қилаётган меҳнатига яраша (ҳосилидан) ўзи ҳам еса, еру дўстларига ҳам ёдирса, гуноҳи йўқдур».

30-боб. Бой (яъни, ўз ерини вақф қилгувчи киши), фақир ва бечораҳоллар учун вақф (қилмоқ) ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳу Хайбардан бир мол (ер) олдилар. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, шул ҳақда ул зотга хабар қилдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Агар истасанг, уни (Оллоҳ таоло йўлида) садақа (вақф) қилгил!» — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умар уни фақирлар, мискинлар, яқин қариндошлар (яъни, ўзларининг яқин қариндошлари) ҳамда меҳмонлар учун садақа қилдилар. (Шартга кўра, ўзлари ҳам унинг ҳосилидан ейишлари мумкин эрди)».

31-боб. Ерни масжид (қурмоқ) учун вақф қилмоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида бир масжид қурмоқни амр қилдилар. Шунда ул зот: «Эй Бану ан-Нажжор, менга манави боғингизнинг нархини айтингизлар!» — дедилар. Улар: «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, бу боғ учун сиздан пул олмасмиз, балки унинг учун парвардигордан ажру савоб тилармиз!» — дейишди».

32-боб. Чорва, от-улов, мато, олтин ва кумушларни вақф қилмоқ ҳақида

Заҳрий разияллоҳу анҳу. «Бир киши ўзининг савдогар ғуломига: «Савдо-сотик ишларингни юритиб ол, аммо қилган фойдангдан мискину қариндошларга хайру эҳсон қилиб турасан!» — деб фисабиллоҳ минг динор садақа қилди. Ушал киши ўзи садақа қилган минг динор фойдасидан заррача олмоққа ҳақи борми? Йўқ, албатта, гарчи унинг фойдасини мискинларга садақа қилмаган бўлганида ҳам», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига ҳадя қилган отларига бир кишини фисабиллоҳ миндириб юбордилар. Кейин, бояги кишининг унга ўзлари вақф қилган отни сотмоқчи эканлигини эшитиб қолиб: «Ё Расулаллоҳ, уни сотиб олайинми?» — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Зинҳор уни сотиб олмагил ва бировга қилган садақангни асло қайтариб олмагил!» — дедилар».

33-боб. (Вақф қилинган ерни) парвариш қилиб тургувчи кишининг маоши (ўшал) вақф (қилинган ер ҳосили)дан (тўланади)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Меросхўрларим на бирор динор ва на бирор дирҳам бўлишиб олмайдилар. Хотинларим нафақаси ва (мен вақф қилган ерни) парвариш қилиб тургувчи киши таъминотидан бўлак нимаики қоддирган бўлсам, ул садақадур», — дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар (Хайбардан олган ерларини) «Уни парвариш қилиб тургувчи киши унга эга бўлиб олмай, ҳосилидан ўзи ҳам ейди, ёру дўстларига ҳам едиради» деган шартлар бирлан вақф қилдилар».

34-боб. Агар киши бирор ерни ёхуд қудуқни вақф қилаётиб: «Ундан ўзим ҳам, бошқа мусулмонлар ҳам фойдаланаверади» — деб шарт қўйса...

Анас разияллоҳу анҳу ўзларига тегишли бир ҳовлини вақф қилдилар. Агар ўшал ҳовли

томонга йўллари тушса, ул ерга кириб, дам олиб кетар эрдилар. Зубайр ҳам ҳовлиларидан бирини садақа (вақф) қилдилар-да, қизларини огоҳлантириб: «Шул ҳовлида яшамоғинг мумкин, унга зиён етказмасанг, сенга ҳам зиён етмас ва агар эрга тегсанг, билгилки бул ерда турмоққа ҳаққинг йўқдур», — дедилар. Ибн Умар эрсалар (оталари) Ҳазрат Умарнинг ҳовлиларидан ўзларига теккан улушни Абдуллоҳнинг хонадонига мансуб ҳожатманд кишиларга турар жой қилиб бердилар. Абу Абдурраҳмон айтадиларки, Усмон разияллоҳу анҳу, (Миср аҳли Абдуллоҳ ибн Саъдни қўлга тушурмоқчи бўлиб) ҳовлиларини ўраб олганда, уларнинг олдига чиқиб: «Оллоҳ таоло ҳамда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳаққи-ҳурмати, Жаноб Расулulloҳнинг «Кимки Рума қудуғини қазиса (яъни, уни мусулмонлар учун сотиб олса), унга жаннат насиб булғусидур» деб айтганларини ва ўшал қудуқни мен қазиганимни (яъни, сотиб олганимни) билмасмидингизлар?! Ул зотнинг «Кимки Усра (ғазотига) қўшин тайёрласа, унга жаннат насиб булғусидур» деб айтганларини ва ўшал қушинни мен тайёрлаганимни билмасмидингизлар?!» — дедилар. Шунда улар Ҳазрат Усмоннинг сўзларига кириб, (ортларига қайтиб кетишди)». (Имом Бухорий ушбу ҳадисни мисол келтириш билан ўз мулкини Оллоҳ таоло йўлида вақф қилгувчининг ўзи вақф қилган нарсадан манфаатдор бўлмоғи жоиз эрканлигини таъкидлайдилар. Ҳазрат Усмоннинг қудуқни сотиб олиб, уни Оллоҳ таоло йўлида вақф қилганлари ҳамда Усра ғазотига қушин ҳозирлаганларидан курадирган манфаатлари эрса — ул кишининг жаннатга кирмоқларидур).

Ҳазрат Умар (Хайбардаги ерларини) вақф қилганларида: «Уни парвариш қилгувчи киши ҳосилидан ўзи еса ҳам, еру дўстларига ёдирса ҳам, гуноҳи йўқдур» — деб айтганлар.

35-боб. Агар ўз мулкини вақф қилгувчи: «Биз унинг нарҳини Оллоҳ таологагина айтамиз» (яъни, «Биз уни сотмаймиз, балки Оллоҳ таоло йўлида садақа қиламиз, бунинг учун эрса парвардигордан ажру савоб умид қиламиз») — деса, жоиздур

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Бану ан-Нажжор, менга боғингизнинг нарҳини айтингизлар!» — дедилар. Шунда улар: «Биз унинг нарҳини Оллоҳ таологагина айтамиз», — дейишди».

36-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, агар бирортангизнинг қошингизга ўлим келса, васият қилар вақтда ўзларингиздан икки мўтабар одам ораларингизда гувоҳ бўлсин ва агар сафарда бўлсангизлар-у, сизга ўлим мусибати етган бўлса, ул ҳолда ўзларингиздан бўлмаган қавмдан икки одам (гувоҳ) булсин! Агар сизлар шубҳа қилсангизлар, ул икки одамни намоздан сўнг тўхтатингизлар, кейин ҳар иккиси: «Бизлар бул қасамимизни, гарчи меросхўр қариндош бўлса-да ҳеч нарса эвазига бузмасмиз ва Оллоҳнинг (шоҳидлигида) гувоҳ бўлганимизни яширмасмизки, акс ҳолда бизлар албатта гуноҳкор бўлурмиз» — деб қасам ичсинлар! Агар ул икки одамнинг (ёлғон гувоҳлик бериб) гуноҳкор бўлгани маълум бўлиб қолса, ул ҳолда меросга ҳаққи бўлган, улган одамга энг яқин кишилардан иккитаси уларнинг ўринларига (гувоҳликка) ўтсинлар! Бас, бул иккиси ҳам: «Албатта, бизнинг гувоҳлигимиз ул икки кишининг гувоҳлигидан зиёда ва ростдур ва биз тажовуз қилмадикки, акс ҳолда золимлардан булурмиз» — деб қасам ичсинлар! Шунда умид бордурки, улар тўгри гувоҳлик берурлар ва ичган қасамларидан кейин яна қасам ичиб (шармисор бўлмоқдан) қўрқурлар. Оллоҳ таолодан қўрқингизлар ва қулоқ осиигизларки, Оллоҳ таоло нофармонларни ҳидоят қилмас!» («Моида» сураси, 106— 108-оятлар).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саҳм қабиласига мансуб (Бузайл исмли бир

мусулмон) киши Тамим ад-Дорий ва Адий ибн Баддо (исмли икки насроний) бирлан бирга (тижорат қилмоқ учун Шом тарафга) йўл олдилар. Улар мусулмонлар йўқ бир ерга (яъни, Шомга) етишганда Саҳм қабиласига мансуб киши (яъни, Бузайл хасталаниб) вафот этдилар. (Аммо, ул киши дардлари кўчайган вақтда қанча ва қандай молларни мерос қолдираётганлари ҳақида васиятнома битиб, уни матолар орасига беркитиб қўйган ва шундан сўнггина икки насроний ҳамроҳларига ўз молларини оилаларига олиб бориб бермоқни топширган эрдилар). Иккала насроний ул кишининг молларини оилаларига олиб бориб берганда тилладан нақш солинган бир кумуш идиш топилмади, (чунки икки насроний ул кишининг матолари орасидан уни уғирлаб олиб қўйган бўлиб, васиятномани кўрмай қолган эрди. Ул кишининг бола-чақалари Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилишгач), ул зот иккала насронийга қасам ичирдилар. Кейин, ўшал идишни Маккада (бировлар қўлида) кўришди. (Улардан ўшал идишни қаердан олишганини сўрашиб эрди), улар: «Тамим ва Адийдан сотиб олдик», — дейишди. Шунда (марҳум) Бузайлнинг яқин қариндошларидан икки киши — (Амр ибн ал-Ос ва Мутталиб ибн Абу Вадоя) ўринларидан туришиб: «Албатта, бизнинг гувоҳлигимиз ул икки (насроний)нинг гувоҳлигидан зиёда ва рост бўлиб, (бул) идиш уларнинг ҳамроҳлариникидур (яъни, Бузайлникидур)» — деб онт ичишди. Шул аснода улар хусусида Оллоҳ таолонинг «Эй мўминлар, агар бирортангизнинг қошингизга ўлим келса, васият қилар вақтда ўзларингиздан икки мўътабар одам гувоҳ бўлсин...» деб бошланадирган (юқоридаги) ояти карималари нозил бўлди».

37-боб. Меросхўр, гарчи мерос олмаган бўлса-да, маййитнинг қарзларини ўзмоғи лозим!

Уҳуд ғазотида шаҳид бўлиб, ўзларидан кейин олти қиз ва анчагина қарз қолдирган Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг ўғиллари Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Хурмо ҳосили пишиб, уларни териб олиш вақти келганда мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулаллоҳ, ўзингизга маълумки, отам Уҳуд кунини шаҳид бўлиб ўзларидан кейин олти қиз ва анчагина қарз қолдирганлар! Истардимки, (отамга) қарз берган кишилар бирлан гаплашиб қарз муҳлатини келгуси йил ҳосилигача чўзмоққа уларни кўндирсангиз!» — дедим. Шунда ул зот: «(Хурмозорингга) боргил-да, ҳар бир хурмо дарахти ҳосилини алоҳида-алоҳида қилиб уюб қўй!» — дедилар. Мен айтганларидек қилдим-да, ул зотни чақирдим. Шунда қарзини сўраб келган кишилар (хурмо уюмларига) қараб, «Ҳали, сен қарзингни шул арзимас хурмолар бирлан ўзмоқчимсан?» деган маънода устимдан кулишиб, менинг ғашимга тегишди. Жаноб Расулulloҳ уларнинг бул қилмишларини кўриб, энг катта хурмо уюми атрофини уч бор айландилар-да, сўнг унинг устига ўлтириб олдилар. Кейин, менга: «Сендан қарзларини сўраб келганларни чақир!» — дедилар. Сўнг, токи отамнинг қарзлари узилгунча уларга (бирин-кетин) хурмо ўлчаб беравердилар, мен эрсам, «Оллоҳ таоло ҳақи, отамнинг (бўйнимда қолдирган) қарзларини узиб, парвардигор (олдида юзимни ёруғ қилсалар) бўлди, сингилларимга бир дона хурмо олиб бормасам ҳам майли» деган хаёлда турар эрдим. Ниҳоят, ул зот барча уюмларни уларга ўлчаб бериб бўлдилар. Аммо, Оллоҳ таоло ҳақи, ул зотнинг остларидаги уюмдан бир дона ҳам хурмо камаймагандек эрди!».

ЖИҲОД ВА ЮРИШЛАР КИТОБИ

1-боб. Жиҳод ва юришлар фазилати ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Оллоҳ мўминлардан уларнинг жону молларини сотиб олдиким, (бунинг) бадалига уларга жаннат ато этилур — улар парвардигор йўлида жанг қилиб, (кофирларни) ўлдирурлар ва (ўзлари ҳам) ўлдирилурлар (шаҳид бўлурлар). Унинг (яъни, мўминларга жаннат ато этилажагининг) кафолати учун Таврот, Инжил ва Қуръонда ҳақ ваъда берилгандур. Оллоҳдан кўра ўз ваъдасига вафодорроқ кимса борми?! Бас, Оллоҳ ила қилган бу савдоларингиздан хушнуд бўлингизларким, шудур буюк мақсадга етмоқ (йўли!)» («башорат қилингиз» деган қавлигача. «Тавба» сураси, 111—112-оятлар).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулаллоҳ, қандай амал афзал? (яъни, қандай амал Оллоҳ таолога хуш келур?)» — деб сўрадим. Ул зот: «Ўз вақтида уқилган намоз», — дедилар. Мен: «Кейин, қайси?» — дедим. Ул зот: «Кейин, ота-онага итоат этиб, (ҳамиша уларга яхшилик қилмоқ, уларнинг хизматида бўлмоқ)», — дедилар. Мен: «Кейин, қайси?» — дедим. Уд зот: «Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ», — дедилар-да, сукут қилдилар. Агар мен яна сўраганим-да, яна жавоб берган бўлар эрдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Макка фатҳ қилинган куни): «фатҳдан сўнг ҳижрат йўқдур, лекин жиҳод ва ният (ҳижрат қилганлик савобига эришмоқни ният қилиб жиҳод қилмоқлик) бордур. Агар ғазотга чиқмоқларингиз талаб қилинса, чиқингизлар!» — дедилар».

Оиша бинти Талҳа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Жаноб Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари) Оиша (бинти Абу Бакр) разияллоҳу анҳо: «Ё Расулаллоҳ, биз жиҳодни энг афзал амал, деб биламиз, жиҳод қилмаймизми?» — дедилар. Ул зот: «Лекин, энг афзал жиҳод сидқу тақво бирла қилинган ҳаждур», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «(Ё Расулаллоҳ, савоби жиҳатидан) жиҳодга тенг келадирган амалнинг (қайси амал эканлигини) менга айтсангиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «(Савоби жиҳатидан жиҳодга тенг келадирган) амални топмадим», — дедилар. Сўнг, яна: «Агар муслмонлар жиҳодга чиқсалар, сен масжидингга кириб, (улар қайтгунга қадар) тинмай ибодат қилишга ва ифтор қилмай рўза тутишга қодирмисан?» — деб айтдилар. Шунда бояги киши: «Ким ҳам шундай қила оларди?!» — деди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Агар мужоҳиднинг оти (ечилиб кетиб, яйраганидан) бўйи баробар ирғишлаб шаталоқ отса ҳам, мужоҳидга ажру савоблар ёзилгайдур», — дейдилар.

2-боб. Одамларнинг энг афзали — ўз жону молини Оллоҳ таоло йўлига тикиб жиҳод қилгувчи мўминдур!

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, мен сизларга ўзларингизни дардли азобдан халос этгувчи бир савдони (тижоратни) кўрсатиб (билдириб) қўяйинми? (Ул савдо ушбудур): Оллоҳга ва унинг Расулига иймон келтирасизлар, жону молларингизни Оллоҳ таоло йўлига тикиб жиҳод

қиласизлар. Бу эрса, агар билсангизлар, ўзларингиз учун энг хайрли амалдур. (Агар шундай қилсангизлар, Оллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират айлаб, остидан дарёлар оқиб тургувчи жаннатларга ва абадий туриладирган жаннатлардаги покиза маконларга киритур. Шудур улуғ мақсадга етиш (йўли!). («Саф» сураси, 10—12-оятлар).

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саҳобалардан бири: «Ё Расулаллоҳ, одамларнинг энг афзали кимдур?» — дедилар. «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўз жону молини тикиб Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчи мўминдур» — деб марҳамат қилдилар. Бояги саҳоба: «Ундан кейин ким?» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «(Фитналар чоғида) даралардан бирида (яъни, бирор хилват жойда) Оллоҳ таолодан тақво қилиб унга тоат-ибодат қилгувчи ва одамларнинг ёмонлигидан ўзини олиб қочгувчи мўмин» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчи киши, Оллоҳ таоло эрса ким унинг йўлида (жону молини тикиб жиҳод қилгувчи-ю, ким бойлик орттириш ниятида) жиҳод қилгувчи эканини ўзи яхши билур, (кундузлари) рўза тутиб, (кечалари ибодат қилгувчи) кишига ўхшайди. Оллоҳ таоло ўзининг йўлида жиҳод қилгувчини шаҳид бўлгани заҳотиёқ (ҳисоб-китобсиз) жаннатга киритмоқни ёхуд уни ажру савоб ёки ўлжалар бирла саломат (уйига) қайтармоқни ўз зиммасига олгандур».

3-боб. Эркак ва аёлларни «Оллоҳ таоло сенга мужоҳид ва шаҳид бўлмоқни насиб айласин!» деб дуо қилмоқ ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (холалари) Умму Ҳаро бинти Милхоннинг ҳузурларига кириб турар эрдилар. Ул муҳтарама Убода ибн ас-Сомитнинг хотинлари эрдилар. (Одатдагидек), кунлардан бир куни Жаноб Расулаллоҳ ўшал холаларининг уйларига кириб эрдилар, меҳмон қилдилар. Сўнг, ул муҳтарама Жаноб Расулаллоҳнинг бошларини (бити йўқмикан, деб) қарай бошлаган эрдилар, ул зот ухлаб қолдилар. Кейин, Жаноб Расулаллоҳ юзларида табассум бирла уйғондилар. Шунда Умму Милхон: «Ё Расулаллоҳ, нечун кулаётирсиз?» — дедилар. Ул зот: «Тушимда менга Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилгани кетаётган бир гуруҳ умматларим намоён қилинди. Улар подшоҳлар янглиғ тахтда ўлтирган ҳолда денгиз бўйлаб кемада сузиб кетишаётган эрмишлар», — дедилар. Умму Милхон: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога дуо қилингиз, мени ҳам ўшалар тоифасидан қилсин!» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ холаларини шундай деб дуо қилдилар-да, муборак бошларини яна ёстиққа қўйиб, (ухлаб қолдилар). Кейин, яна табассум бирла уйғондилар. Умму Милхон (яна таажжуб қилиб): «Ё Расулаллоҳ, нечун кулаётирсиз?» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Тушимда менга Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилгани кстаётган бир гуруҳ умматларим намоён қилинди» — деб илгаригидек жавоб қилдилар. («Аммо, бу сафар ул зот: «Улар қуруқликқа туяларга миниб кетишаётган эрмишлар» — деб айтганлар», — дейишади айрим муҳаддислар). Умму Милхон яна: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога дуо қилингиз, мени ҳам ўшалар тоифасидан қилсин!» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Сиз аввалгилар (яъни, кемада кетаётганлар) тоифасидансиз», — дедилар. Кейин, Умму Милхон Муовия ибн Абу Суфён (ғазот қилган) замонда, (Ҳазрат Усмоннинг халифалик даврларида бошқа мужоҳидлар қатори эрлари Убода ибн ас-Сомит бирлан бирга) кемага ўлтириб, (ғазот қилгани Румга йўл олдилар). (Аммо), кемадан қуруқликка тушгач, (йўлда кетатуриб) туяларидан қулаб, ҳалок бўлдилар».

4-боб. Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчиларнинг мартабалари ҳақида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ таолога ва унинг Расулига иймон келтирган, (беш вақт) намоз ўқиган ва Рамазон рўзасини тутган бўлса, у хоҳ парвардигор йўлида жиҳод қилган ва хоҳ туғилган ерида (муқим) ўлтирган булсин, Оллоҳ таоло жаннатга киритмоғига ҳақлиғ бўлур» — деб марҳамат қилдилар. (Оллоҳ таоло уни жаннатга киритмоққа мажбур эканлигидан эмас, балки ўз аҳкомларини сидқидил адо этгани боисидан уни иззат-икром бирла жаннатга киритмоғига мустаҳиқ қилур. Чунки, Оллоҳ таоло ҳеч нарсага мажбур эмасдур). Саҳобалар: «Ё Расулalloҳ, бул хушхабардан одамларни воқиф қилайликми?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Жаннатда юзта даража мавжуд, парвардигор уларни Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилганлар учун ҳозирлаб қўйгандур. Бир даража бирлан иккинчи даража оралиги осмон бирлан ер оралиғича бўлиб, агар Оллоҳ таолодан тилак қиладирган бўлсангизлар, ундан Фирдавсни сўрангизлар, чунки мен уни энг афзал ва энг юксак жаннат деб билурман. Унинг тепасида Ар-Раҳмоннинг Арши жойлашган, айнан ўшал ердан дарёлар жаннатга отилиб чиқур», — дедилар». (Саҳобаларнинг «Ё Расулalloҳ, бул хушхабардан одамларни воқиф қилайликми?» деган саволига ул зотнинг берган юқоридаги жавоблари ҳикматли жавоб бўлиб, «Ҳар ким Оллоҳ таолонинг аҳкомларини қай даражада адо этган бўлса, жаннатнинг шунга яраша даражасига кирмоғи ҳақида хушхабар айтингизлар!» деган маънодадур).

Самура разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кечаси мен тушимда икки кишининг (яъни, икки фариштанинг) қошимга келиб, мени (жаннатдаги) бир (баҳайбат) дарахт тепасига олиб чиқишганини, кейин (ўшал дарахт тепасидаги) бир уйга олиб киришганини кўрдим. Ул уй шул қадар муҳташам ва гўзал эрдик, мен ундан яхшироқ уйни сира кўрмаганман. Улар менга: «Бул уй — шаҳидлар уйидур» — деб айтишди».

5-боб. Эрталабдан (то кун оғунча) ёхуд кун отгандан (то кун ботгунча) бир мартагина Оллоҳ таоло йўлида жиҳодга чиқмоқлик ҳамда камонингиз қавси бирлан унинг тори оралиғича келадирган жаннатдаги жой ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Эрталабдан (то кун оғунча) ёхуд кун отгандан (то кун ботгунча) бир мартагина Оллоҳ таоло йўлида жиҳодга чиқмоқлик дунё ва ундаги (жамики) нарсалардан яхшироқдур!» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Камон қавси бирлан унинг тори оралиғича келадирган жаннатдаги жой кўёш чиқиб-ботадиранг нарсадан (яъни, дунёдан) яхшироқдур!» — деб марҳамат қилдилар. Ул зот: «Эрталабдан (то кун оғунча) ёхуд кун отгандан (то кун ботгунча) бир мартагина Оллоҳ таоло йўлида жиҳодга чиқмоқлик кўёш чиқиб-ботадиранг нарсадан (яъни, дунёдан) яхшироқдур!» — деб ҳам марҳамат қилдилар».

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кун отгандан (то кун ботгунча) ва эрталабдан (то кун оғунча) бир мартагина Оллоҳ таоло йўлида жиҳодга чиқмоқлик дунё ва ундаги (жамики) нарсалардан яхшироқдур!» — деб марҳамат қилдилар».

6-боб. Алҳур ул-ъийн, яъни жамоли кўзни ҳайрону лол қиладирган, кўзининг қораси ўта қора, оқи эрса ута оқ ҳурлар ҳамда уларнинг тавсифи

Оллоҳ таоло («Духон» сурасининг 54-оятда); «Биз уларни Ҳури ʻийнларга уйлантириб яъни, никоҳлаб) қўйгандурмиз»,— дейди.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Ердаги жамики нарсалар ўзиники бўлган тақдирда ҳам, жаннатда қолмоқдан кўра, бу дунёга қайтмоқни истайдирган бирор банда йўқдур. Фақат шаҳидгина, (Оллоҳ таоло йўлида шаҳид бўлгани тўфайли жаннатда ўзига нисбатан кўрсатилаётган) иззату икромни кўриб, бу дунёга қайтмоқни ва (Оллоҳ таоло йўлида яна) ўнлаб марта ўлдирилиб (шаҳид бўлмоқни) орзу қилур».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кун оғандан (то кун ботгунча) ёхуд эрталабдан (то кун оғгунча) бир мартагина Оллоҳ таоло йўлида жиҳодга чиқмоқлик дунё ва ундаги (жамики) нарсалардан яхшироқдур! Камонингиз қавси бирлан унинг тори оралиғича келадирган ёхуд бир қамчи сиққудек жаннатдаги жой дунё ва ундаги (жамики) нарсалардан яхшироқдур! Агар жаннат аёлларидан (яъни, ҳурлардан) бири ер аҳлига ўз рухсорини намоён қилса, осмон бирлан ер оралиғини мунаввар ва муаттар қилган бўлур эрди. Унинг бошидаги румоли дунё ва ундаги (жамики) нарсалардан яхшироқдур!».

7-боб. Шаҳид бўлмоқни орзу қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар менинг умматимга машаққатим бўлмаганида эрди (яъни, «Мен ғазотга чиқадирган бўлсам, умматимнинг ночор аҳволдаги қисми ҳам, гарчи қийналсаларда, хижолат чекканларидан мен бирла чиқурлар. Агар шундай бўлмаганида эрди, ғазотга отланган) қўшиндан қолиб, (бул ерда ўлтирмас эрдим). Оллоҳ таоло ҳақи, мен: «Парвардигор йўлида шаҳид бўлиб, сўнг тирилсам, яна шаҳид бўлиб, яна тирилсам, сўнг яна шаҳид бўлсам!» — дейман».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хитоб қилиб: «Байроқни Зайд (қўлига) олди, шаҳид бўлди, кейин уни Жаъфар (қўлига) олди, шаҳид бўлди, сўнг уни Абдуллоҳ ибн Равоҳа (қўлига) олди, у ҳам шаҳид бўлди. Кейин уни, амр қилинмаганлигига қарамай, Холид ибн Валид (қўлига) олиб эрди, (Оллоҳ таоло) унга зафар муяссар қилди», — дедилар. Сўнг, кўзларига ёш олиб: «Қанийди, улар ҳузуримизда бўлсалар!» — деб айтдилар».

8-боб. Оллоҳ таоло йўлида (жиҳодга чиққан) киши (уловидан қулаб) вафот этса ҳам, шаҳидлардан ҳисобланур

Оллоҳ таолонинг қавли: «Кимки, уйдан Оллоҳ ва унинг Расулини деб ҳижрат қилиб чиқса, сўнг унга ўлим етса, батаҳқиқ унинг ажри Оллоҳнинг зиммасига тушур»

Умму Ҳаром бинти Милҳон ривоят қиладилар: «Кунлардан бир куни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менинг қошимда ухлаб қолдилар. Сўнг, табассум била уйғондилар. Шунда мен: «Нечун кулаётирсиз?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Тушимда менга кемада подшоҳлардек тахтга ўлтириб олиб, денгиз буйлаб сузиб кетаётган бир гуруҳ умматларим намоён қилинди», — дедилар. Мен: «Оллоҳ таолога дуо қилингиз, мени ҳам ушалар тоифасидан қилсин!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ мени шундай деб дуо қилдилар. Кейин яна (бошларини ёстиққа қўйиб), ухлаб қолдилар. Сўнг, яна табассум қилганча уйғондилар. Мен

табассумларининг боисини сўраб эрдим, аввалгидек жавоб қилдилар. Мен дуо қилмоқларини сўрадим. Шунда ул зот: «Сиз аввалгилар (яъни, денгизда сузиб кетаётганлар) тоифасидансиз», — дедилар» Кейин, Умму Милхон эрлари Убода ибн ас-Сомит бирлан ғазотга чиқиб, ортларига қайтаётганларида туяларидан қулаб, вафот қилдилар.

9-боб. Оллоҳ таоло йўлида (бошидан) жудо булгувчи ёхуд (найза) санчиб (ўлдирилгувчи) кишилар хусусида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Сулайм қабиласига мансуб етмиш кишини (қорини) (иймонга даъват қилмоқ учун) Бану Омир қабиласига юбордилар. Улар етиб боришгач, тоғам (Ҳаром ибн Милхон) ҳамроҳларига: «Мен уларнинг олдига сизлардан илгарироқ бориб, гаплашиб кураман, агар менга омонлик берсалар, уларга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида хабар қиламан. Башарти менга омонлик бермайдирган бўлсалар, сизлар менга яқин ерда турибсизлар, (кўрганларингизни бориб айтасизлар)», — дедилар. Сўнг, тоғам ҳамроҳларидан илгари уларнинг олдига бориб, омонлик сўрадилар, улар омонлик беражакларини айтишди. Аммо, тоғам Жаноб Расулulloҳ ҳақларида сўзлаб турганларида бир кишига ишора қилишди. У найза санчиб, тоғамни ҳалок қилди. Тоғам ҳалок булаётиб: «Оллоҳу акбар, Каъба эгаси ҳақи, мен (шаҳидликка эришиб) зафар топдим!»— дедилар. Кейин, улар тоғамнинг ҳамроҳларига ташланишиб, тоққа чиқиб олган биргина чўлоқ кишидан бўлак, ҳаммаларини ўлдиришди. Сўнг, Жаброил алайҳиссалом Жаноб Расулulloҳга уларнинг ўз парвардигорларига рўбарў бўлганларини, парвардигор улардан рози бўлиб, уларни (ҳам) рози қилганини маълум қилдилар. Кейин, биз Қуръон жумласида «Бизнинг парвардигоримизга рўбарў бўлганимизни ва парвардигоримиз биздан рози бўлиб, бизни (ҳам) рози қилганини қавмимизга етказингизлар» деб қироат қиладирган бўлдик, лекин у кейинчалик мансук (бекор) қилинди. ўшанда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қирқ кун бомдод намозида «Дуои Қунут»ни ўқиб, Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулига осийлик қилган Раъл, Заквон, Бану Лихён ва Бану Усайяни дуои бад қилдилар».

Жундуб ибн Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шаҳидгоҳлардан бирида (айтишларича, Уҳуд ғазотида) эрдилар, (ногаҳон қоқиниб кетиб) бармоқлари қонади. Шунда ул зот хитоб бирлан: «Қонини зое оқизган шунчаки бир бармоқсан, Тўкмадинг қонингни Оллоҳ йўлида, бироқ, сан!» — дедилар».

10-боб. Оллоҳ таоло йўлида жароҳатланганлар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним кўлида бўлган зот ҳақи, Оллоҳ таоло йўлида (яъни, жиҳодда, золим ҳукмдорларга қарши жангда ва ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, қароқчи ва ўғрилар бирлан олишиш ҳамда амри маъруф ва наҳий мункар қилиш жараёнида) қайси бир мусулмон жароҳатланмасин, Оллоҳ таоло эрса қайси бандаси ўзининг йўлида жароҳатланганини яхши билур, Қиёмат куни жароҳатидан қон оқиб турган ва ранги қон ранги, ҳиди мушк ҳиди (янглиғ) ҳолда келиб, (Оллоҳ таолога рўбарў бўлур)» — деб марҳамат қилдилар». (Яъни, юқорида зикр қилинган курашларда иштирок қилган ҳар бир мусулмон мужоҳид бўлиб, агар жароҳатланиб қазо қилса, шаҳиддур).

11-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй Муҳаммад, сиз уларга): «Сизлар биз хусусимизда икки яхшилик (ажру ўлжа олмоқ ва шаҳидлигу жаннатга кирмоқ)дан биригагина мунтазирдурсизлар» — деб айтинг!» («Тавба» сураси 52-оят)

Абу Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳирақл менга бундай деди: «Мен сендан: «Унга (яъни, Жаноб Расулulloҳга) қарши қилган жангларингиз қандай бўлган эрди?» — деб сўрадим. Шунда сен урушнинг (қудуққа ташланганда бир гал кўп ва бир гал кам сув тортиб оладирган) челақ (каби) эканлигини айтдинг. Ҳа, шунингдек пайғамбарлар ҳам бир мағлуб ва бир ғолиб бўлиб туради».

12-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мўминлар орасида шундай кишилар борки, улар ўзлари Оллоҳга берган аҳду паймонларига (яъни, Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилиб шаҳид бўлмоқлик ҳақидаги аҳду паймонларига) вафо қилдилар. Улардан (бир қанчаси) ўз аҳдига вафо қилиб, (шаҳид бўлди, қолганлари) эрса (шаҳидликка) мунтазирдурлар. Улар (мунофиқлар янглиғ ўз аҳдларини) ўзгартирганлари йўқ» («Аҳзоб» сураси, 23-оят)

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Амаким Анас ибн ан-Назр разияллоҳу анҳу Бадр жангига бўлмадилар. Кейин, ул киши: «Ё Расулаллоҳ, сиз мушрикларни қиргин қилган дастлабки жангда бўлмадим. Агар Оллоҳ таоло мушрикларга қарши қилинган (ўшал) жангда иштирок этмоғимни насиб этганида, нималар қилишимни бир кўрган бўлур эрди», — дедилар. Кейин, Уҳуд кунидаги жангда мусулмонлар енгилди (қочдилар). Шунда амаким: «Ё парвардигоро, дўстларим қилган иш учун сенга узр айтаман ҳамда мушриклар қилган ишдан халос этмоғингни сурайман!» — дедилар. (Яъни, дўстларининг жангда мағлуб бўлиб қочганлари учун парвардигордан узр сурадилар ҳамда мушрикларнинг жангда ғолиб келиб, мусулмонларнинг улдирилмоғидан ўз паноҳида асрамоғини тиладилар). Сўнг, амаким (мушриклар томон) юриб эрдилар, (қочиб келаётган) Саъд ибн Муоз йўлиқдилар. Шунда амаким: «Эй Саъд ибн Муоз, (жангда шаҳид бўлиб) жаннатга (кирмоқни истарман), Назрнинг парвардигори ҳақи, мен Уҳуд (тоғи) томондан (жаннат) ҳиди келаётганини сезиб турибман!» — дедилар. (Яъни, «Уҳуд этагида турган мушрикларни тор-мор қилиш бирлангина жаннатга эришмоғимни яхши билурман», — дедилар). Саъд (ул кишига жавоб бериш ўрнига): «Ё Расулаллоҳ, у каби (яъни, Анас ибн ан-Назр каби жасорат кўрсатиш) қўлимдан келмади», — дедилар. (Кейин, амаким Анас ибн ан-Назр мушрикларга қарши жангга кириб шаҳид бўлдилар). Сўнг, биз ул кишининг (жасадларида) қилич, найза ёки камон ўқи зарбасидан ҳосил бўлган саксондан ортиқ жароҳат борлигини кўрдик. Ул кишини мушриклар шул қадар пора-пора қилиб ташлаган эрдик, бирор одам таний олмади, ҳатто ўзларининг сингиллари ҳам бармоқларидан (ёки тирноқларидан аранг) таниди. Биз (Оллоҳ таолонинг) «Мўминлар орасида шундай кишилар борки, улар ўзлари Оллоҳга берган аҳду паймонларига вафо қилдилар...» деб бошладирган (юқоридаги) ояти карималарини ул киши ва ул кишига ўхшаш (жасорат кўрсатиб, шаҳид бўлган) мусулмонлар ҳақида нозил қилинган, деб ҳисоблар эрдик.

(Бир куни) ул кишининг (яъни, Анас ибн ан-Назрнинг) Рубаййиъ исмли сингиллари бир аёлнинг курак тишини (уриб) синдириб қўйди. Шунда (Рубаййиънинг қариндошлари тиши синган аёлнинг қариндошларидан) уни афв этмоқларини илтимос қилишди (яъни, жарима бадалига). Аммо, улар (бунга) кўнмай, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига (шикоят қилиб) боришди. Жаноб Расулulloҳ қасос олмоқни (яъни, унинг тишини ҳам синдирмоқни) амр қилдилар. Шунда Анас (ибн ан-Назр): «Ё Расулаллоҳ, сизни ҳақ (дин) бирла юборган зот ҳақи, унинг (синглимининг) тиши синдирилмасин!» — деб (елбордилар. Шунда) тиши синдирилган аёлнинг қариндошлари жарима олишга розилик беришиб, қасос олмайдирган бўлишди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг қайси бир бандаси ўз парвардигори номини ўртага қўйиб онт ичса, унга вафо қилмоғи лозим!» — дедилар». (Тиши синдирилган аёл қариндошларининг ўз онтларида турмай, Анас ибн ан-Назрнинг сингилларини афв этишга рози бўлганлари, юзаки қараганда, Жаноб Расулulloҳнинг сўзларига зиддек

туюлади. Аммо, баъзи мусулмонлар Бадр жангида қочганларида Анас ибн ан-Назрининг уларнинг қилган иши учун Оллоҳ таолодан узр сўраганларини эсласак, мусулмонларнинг бир-бирларига раҳмдил, бир-бирларининг гуноҳларини кечирувчан бўлмоқлари лозимлигини англаймиз).

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саҳифалардан (яъни, бир вақтлар тери, мато, ясси тош, ҳайвон кураги каби нарсаларга битиб қўйилган Қуръон оятларидан) мусхафларга (китобларга) нусха кўчирилди. Шунда мен «Аҳзоб» сурасидаги бир оятни учратмадим, уни Жаноб Расулulloҳ қироат қилганларини (кўп марта) эшитган эрдим, Қидирақидира уни Ҳузайма (ибн Собит) ал-Ансорийдан топдим. Жаноб Расулulloҳ бир вақтлар (Ҳузаймага шундай бир имтиёз берган эрдиларки), ул кишининг гувоҳликлари икки кишининг гувоҳлигига ўтган эрди. (Яъни, Жаноб Расулulloҳ бир куни бир кишига бир нарса хусусида гапириб эрдилар, у айтган сўзларининг ростлигини инкор қилди. Шунда Ҳузайма: «Мана мен сўзингининг ростлигига гувоҳлик бераман!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мендан далил талаб қилмай ҳам гувоҳлик берасанми?» — дедилар. Ҳузайма: «Биз сизга осмондан хабар келишига ишонамиз, бизга яна қандай далил керак?!» — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ Ҳузайманинги гувоҳликларини икки кишининг гувоҳлиги ўрнида қабул қилган эрдилар). Бу хусусда Оллоҳ таоло: «Мўминлар орасида шундай кишилар борки, улар- ўзлари Оллоҳга берган аҳду паймонларига вафо қилдилар...», — дейди».

13-боб. Жангдан бурунги амали солиҳ (яъни, жангдан бурун мусулмон бўлмоқлик) ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, ўзларингиз қилмайдирган нарсани нечун (қиламиз, деб) айтурсизлар? Ўзларингиз қилмайдирган нарсани (қиламиз, деб) айтмоқларингиз Оллоҳ наздида ниҳоятда манфур (ишдур). Батаҳқиқ, Оллоҳ ўзининг йўлида гуё туташ иморатлар янглиғ бир саф бўлиб жанг (жиход) қилгувчи кимсаларни яхши кўрур» («Саф» сураси, 2—4-оятлар).

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Темир бирлан ниқобланган (яъни, бошу юзини ёпиб тургувчи дубулға кийиб олган) бир киши Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «Ё Расулаллоҳ! (Аввал мушрикларга қарши) жанг қиламан, сўнг мусулмон бўламан», — деди. Жаноб Расулulloҳ (унга): «(Аввал) мусулмон бўл, сўнг жанг қилгил!» — дедилар. Кейин, ўшал киши (аввал) мусулмон бўлди, сўнг жанг қилиб, (жангда) ўлдирилди. Шунда Жаноб Расулulloҳ; «Кам иш (амали солиҳ) қилди-ю, (лекин) кўп ажру савоб топиб кетди» — деб марҳамат қилдилар». (Яъни, Оллоҳ таолонинг фазлу карами шул қадар кенги, у ўз бандаси сидқидилдан қилган кичик бир амали солиҳ учун ҳам мул ажру савоб ато этур).

14-боб. Дайди ўқ тегиб ҳалок бўлган киши хусусида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умму ар-Рубаййиъ бинти ал-Бароъ (шунингдек, у Умму Ҳориса ибн Суроқа) Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, менга (ўтлим) Ҳориса(нинг тақдири энди не бўлмоғи) ҳақида сўзламайсизми? Агар у (ҳозир) жаннатда бўлса, сабр қилгум, акс ҳолда унинг (ўлими) учун дод-фарёд солиб йиғлагумдур», — деди. Чунки, Ҳориса Бадр куни дайди ўқдан ҳалок бўлган эрди. (Онаси эрса, Оллоҳ таоло душман қасддан ўлдирган мусулмоннигина шаҳидликка сазовор айлаб жаннатга киритади, деб тушунар эрди). Шунда Жаноб Расулulloҳ (унга): «Эй Умму Ҳориса, жаннатда (турли) даражалар мавжуд бўлиб, ўғлингга (унинг) энг юксак даражаси — Фирдавсдан (жой) насиб бўлди» — деб марҳамат қилдилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

1-боб. Оллоҳ таолонинг сўзи юксак (улуғвор) бўлмоғи учун жанг қилган киши ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «(Бир) киши ўлжа (бойлик орттириш) учун жанг қилур, (иккинчи) киши шўхрат (орттириш) учун жанг қилур ва (учинчи) киши (қанчалик) шижоатли эканлигини курсатиш учун жанг қилур. Улардан қайси бири Оллоҳ таоло йўлида жанг қилган бўлур?» — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг сўзи (яъни, калимаи тавҳид) энг улуғ (сўз) бўлмоғи учун жанг қилган киши Оллоҳ таоло йўлида жанг қилган бўлур» — деб марҳамат қилдилар».

2-боб. Оллоҳ таоло йўлида оёқлари чанг бўлган киши ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Мадиналикларга ва уларнинг тевааракларидаги бадавий арабларга (ғазотга борма), Оллоҳнинг расулидан ортда (яъни, уйларида) қолмоқлари ҳамда ул зот бирла ишлари бўлмай, ўзлари бирлан машғул бўлмоқлари номуносиб эрди. Зеро, Оллоҳ йўлида улар ё ташналик ё бирор кулфат ва ё очликка гирифтор бўлсалар ёхуд кофирларни дарғазаб қиладирган бирор жойга қадам боссалар ва ё душманлардан бирор нарсани тортиб олсалар, бунинг учун улар(нинг номаи аъмоллари)га амали солиҳ (қилганлари хусусида) битиб қўйилур. Албатга, Оллоҳ яхши амаллар қилгувчиларни ажру савобдан бенасиб қилмас!» («Тавба» сураси, 120-оят).

Абдурраҳмон ибн Жабр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло йўлида оёқлари чанг бўлмаган бандага жаҳаннам дучор бўлур», — дедилар». (Демак, Оллоҳ таоло йўлида оёқлари чанг бўлган бандага жаннатдан жой насиб бўлур).

3-боб. Бирор кишининг ёнидан ўтиб кета туриб, унга қўнган чангни қоқиб ташламоқ ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз масжид (қураётганимизда) ғишларни биттадан, Аммор эрсалар иккитадан (бири ўзлари учун, иккинчиси Жаноб Расулulloҳ учун) ташиётган эрдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишининг ёнларидан ўтиб кета туриб, бошларига қўнган чангни қоқиб ташладилар-да: «Бечора Аммор! Уни бир зулмкор тоифа ўлдиради. Бу уларни жаннатга чорласа, улар буни жаҳаннамга чорлайдилар», — дедилар. (Аммор: «Ё парвардигоро, мени фитналардан ўз паноҳингда асрагил!» — дедилар)». (Яъни, Сиффин воқеаси вақтида — Ҳазрат Али бирлан Муовия ўрталарида ихтилоф чиққан чоғда Аммор Муовия тарафдорларини Ҳазрат Алига итоат этишга даъват қиладилар. Аммо, улар бундан бош тортиб, ул кишининг ўзларини Муовияга итоат этишга чорлашади. Натижада, икки томон ўртасида уруш бошланиб, Муовия тарафдорлари Амморни ўлдиришади).

4-боб. Урушдан сўнг ғул қилмоқ ҳамда (Оллоҳ таоло йўлида бошга қўнган) чанг ҳақида

Оиша разишшоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хандақ куни(даги ғазотдан) қайтгач, қуролларини қўйиб, ғул қилдилар. (Шул аснода) Ҳазрат

Жаброил бошларига чанг қўнган ҳолда ул зотнинг қошларига келиб: «Сиз қуролингизни қўйибсиз, аммо, Оллоҳ таоло ҳақи, биз ҳали қуролимизни қўйганимизча йўқ!» — дедилар. Ул зот: «Яна қаерга (жиҳод қиламиз)?» — деб сўрадилар. Ҳазрат Жаброил: «Ҳов анави томонга» — дея Бану Қурайза тарафга ишора қилдилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Қурайза томон юриш қилдилар».

5-боб. Оллоҳ таолонинг қўйидаги қавлининг фазилати ҳақида: «Оллоҳ йўлида ўлдирилганларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламангиз, аксинча улар Оллоҳнинг қошида тирик бўлиб, Оллоҳ ўз фазлу карамидан ато этган (анвои) неъматлардан мамнунлик бирла баҳраманд бўлмоқдалар ва ҳали ортларидан етиб келмаган биродарларининг (бу дунёда амали солиҳлар бирла машғул эканликлари боисидан ўз охиратлари хусусида) на хавотир (олмоқлари) ва на ташвишланмоқлари лозим эмаслигидан хурсанддурлар. Шунингдек, улар Оллоҳнинг неъмату карамидан ҳамда Оллоҳ мўминларнинг ажрларини зое қилмаслигидан хушнуддурлар» («Оли Имрон» сураси, 169—172-оятлар)

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Биъру Маъуна асҳобларини (Исломга даъват қилиш учун юборилган етмиш мусулмонни) ўлдириб, Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулига осийлик қилган Раъл, Заквон ва Усайя номли қабилаларни ўттиз кун (баъзи ҳадисларда қирқ кун) бомдодда дуои бад қилдилар. Оллоҳ таоло Биъру Маъунада («Маъуна» қудуғи жойлашган ерда) ўлдирилган ўшал мусулмонлар хусусида қўйидаги оятни нозил қилди: «Бизнинг парвардигоримизга рўбарў бўлганимизни ва парвардигоримиз биздан рози бўлиб, бизни (ҳам) рози қилганини қавмимизга етказингизлар». Биз уни қироат қилиб юрдик, кейин у мансух (бекор) қилинди».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мусулмонлардан бир нечаси Уҳуд куни тонгда шароб (маст қилгувчи ичимлик) ичишди-да, (жангга кириб кетишди). Сўнг, барчалари шаҳид бўлишди. Ўшал кун охирида одамлар Суфёнга савол беришди. Шунда ул киши: «Бу у ҳақда эмас» — деб жавоб қилдилар. (Бу ҳадисда айтилган воқеа ичкилик ҳаром қилинмасидан илгари содир бўлган бўлиб, ичкилик ичиб шаҳид бўлган мусулмонлар хусусларида савол берганларнинг саволлари мазмуни ҳам, Суфённинг жавоблари мазмуни ҳам қоронғудур. Аммо, биз бу ҳақда тахминан бундай деб айтмоғимиз, эҳтимол, жоиз булур: маст қилгувчи ичимлик хусусида энг дастлаб нозил бўлган оят «Сизга шароб ва қимор ҳақида савол берурлар, сиз айтингки, буларда катта гуноҳ бордур» деган оят бўлиб, унда ичкиликнинг қабоҳати исбот этилган. Кейин, «Эй мўминлар, мастлик чоғингизда, токи нима деяетганларингизни биладирган бўлгунингизга қадар, намозга яқинлашмангизлар!» деган оят нозил бўлди. Ундан сўнг эрса, «Эй мўминлар, шароб, қимор, бутлар ва қуръа ўқлари нопок бўлиб, шайтон амалидандур. Бас, нажот топмоқларингиз учун улардан сақланингизлар!» деган оят нозил қилиниб, ичкилик қатъий манъ қилинди).

6-боб. Фаришталарнинг (ўз қанотлари ила) шаҳид устига соя солиб турмоқлари ҳақида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Отам (Абдуллоҳ ибн Амр Уҳуд куни мушриклар томонидан) ўлдирилиб, қулоқ ва бурунлари кесиб ташланди. (Жангдан кейин), ул кишининг жасадларини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келтиришди. Шунда мен (йиғлаб) ул кишининг юзларига ёпиб қўйилган кийимни оча бошлаган эрдим, қавмим мени бундай қилмоқдан қайтаришди. Шул аснода (бир аёлнинг) дод-фарёд (қилиб йиғлаган) овози эшитилди. Одамлар: «Бу Амрнинг қизи (ёхуд синглиси)», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ:

«Йиғласанг ҳам, йиғламасанг ҳам, фаришталар, то унинг (тобутини) кўтаргунингизга қадар, қанотлари бирлан устига соя солиб тургайлар», — дедилар».

7-боб. Мужоҳиднинг бу дунёга қайтмоқни орзу қилмоғи ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Ердаги жамики бойликлар ўзиники бўлган тақдирда ҳам, жаннатда қолмоқдан кўра, бу дунёга қайтмоқни истайдирган бирор банда йўқдур. Фақат шаҳид (бўлган мужоҳидгина Оллоҳ таоло йўлида шаҳид бўлгани туфайли жаннатда ўзига нисбатан курсатилаётган) иззату икромни кўриб, бу дунёга қайтмоқни ва (Оллоҳ таоло йўлида яна) ўнлаб марта ўлдирилиб, (шаҳид бўлмоқни) орзу қилур».

8-боб. Жаннат қиличлар сояси остидадур!

Мугийра ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам парвардигоримиз (ўзларига) йўллаган ваҳий хусусида бизга хабар қилиб: «Биздан кимки (Оллоҳ таоло йўлида) ўлдирилса, жаннатга кирур» — деб марҳамат қилдилар. Шунда Ҳазрат Умар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Биздан ўлдирилганлар жаннатда, улардан (кофирлардан) ўлдирилганлар эрса дўзахда бўлмайдими?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, шундай, (биздан ўлдирилганлар жаннатда, улардан ўлдирилганлар эрса дўзахда булур)», дедилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.; «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билиб қўйингизлар, жаннат қиличлар сояси остидадур!» — деб марҳамат, қилдилар». (Қиличлар сояси ерга қачон тушур? Қачонки уларни. Оллоҳ таолонинг душманлари боши узра кўтарсанг!).

9-боб. Жиҳод учун фарзанд талабида бўлган киши ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «(Бир куни) Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом: «Мен бул кеча албатта юзта (ёхуд тўқсонга) хотинни зиёрат қилурман, уларнинг барчаси менга Оллоҳ таолонинг йўлида жиҳод қилгувчи биттадан чавандоз туғиб берур!» — дедилар. Шунда ул кишининг дўстлари (яъни, Жаброил алайҳиссалом): «Иншооллоҳ, деб айтингиз!» — дедилар. Аммо, ул киши (ўзларининг эзгу орзу-хаёллари билан банд эканликлари боисидан Жаброил алайҳиссаломнинг сузларини эшитмай қолиб), «Иншооллоҳ» демадилар. Пировардида, ул хотинларнинг фақат биттасигина ҳомиладор бўлиб, у ҳам оёғи ноқис бола туғди. Мухаммаднинг жони кўлида бўлган зот ҳақи, агар «Иншооллоҳ» деганларида (ул аёллар биттадан ўғил туғиб берган ва) уларнинг барчаси Оллоҳ таоло йўлида от миниб жиҳод қилган булур эрдилар!».

10-боб. Урушдаги шижоат ва қўрқоқлик ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг яхши, энг шижоатли ва энг сахий одам эрдилар. (Бир кун) тунда Мадина аҳли (қандайдир овозни эшитиб, «Душман бостириб келаётир» — деб) хавотирга тушди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир отни миндилар-да, барчадан илгари (ўшал овоз келган тарафга) чоптириб кетдилар. (Кейин, ул ерда ҳеч қандай хавфу хатар йўқлигини билиб, ортларига қайтдилар-да): «Биз бул отнинг денгиз (мавжлари янглиғ учқур эканлигини)

билдик!»— дедилар».

Муҳаммад ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир гуруҳ одамлар бирлан бирга Ҳунайдан қайтиб келаётганларида Жубайр ибн Мутъим ҳам ул зот бирлан бирга эрдилар. Шунда бадавийлар (жангда олинган ўлжалардан берингиз, деб) Жаноб Расулulloҳга (шул қадар) ёпишиб олишдики, пировардида ул зот (гули сариқ) Самура дарахтлари (остига) бориб тухтамоққа мажбур бўлдилар. (Ўшал дарахтлар томон кетаётганларида) чопонлари (дарахт шохларига илиниб қолди ёхуд бадавийлар томонидан) ечиб олинди. Шунда ул зот: «Чопонимни берингизлар, агар менинг ана шул дарахтлар сонича молим (туя ёки қорамол) бўлганида ҳам, кейин мени бахил, ёлғончи ва қўрқоқликда айбламасликларингиз учун, барчасини сизларга бўлиб берган бўлур эрдим», — дедилар».

11-боб. «Қурқоқликдан асрагил!» деб Оллоҳ таолога илтижо қилмоқ ҳақида

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намоз охирида: «Ё парвардигоро, мени қўрқоқликдан, энг нохуш умрга қайтарилмоғимдан (яъни, умрнинг киши ниҳоятда қариб, болалар янглиғ ўзгалар қаровига муҳтож бўлиб қоладирган ва эзмалик қиладирган давригача яшамоғимдан), дунё (яъни, Дажжол) фитнасидан ва қабр азобидан ўз паноҳингда асрагил!» — деб илтижо қилур эрдилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ё парвардигоро, мени нотавонликдан, ялқовликдан, (қариб) эзма бўлиб қолмоқдан, шунингдек тириклик ва ўлим чоғида бўладирган фитналардан ҳамда қабр азобидан ўз паноҳингда асрагил!» — деб илтижо қилур эрдилар».

12-боб. Урушда кўрган-билганларини гапириб берган киши хусусида

Соиб ибн Язид ривоят қиладилар: «Мен Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Саъд (ёки Миқдод ибн ал-Асвад) ва Абдурраҳмон ибн Авф разияллоҳу анҳумга ҳамроҳлик қилдим. Аммо, Талҳадан бўлак бирорталарининг Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (қатнашган ғазотлар) хусусида гапирганларини эшитмадим. Фақат Талҳанинггина Ухуд ғазоти ҳақида гапирганларини эшитиб эрдим».

13-боб. Жиходга (чақирилса, унга) бормоқликнинг вожиб эканлиги ҳақида. (Жаҳонда Ислоннинг ғалаба қилмоғи ва калимаи тавҳиднинг энг юксак сўз бўлиб қолмоғи учун) жиход (қилгувчи) ҳамда (ҳижрат қилганлик савобига эришмоқ) ниятида жиход қилгувчи киши)дан матлуб нарсалар хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй мўминлар, агар умумий сафарбарлик эълон қилинса), енгил бўлган ҳолда ҳам, оғир бўлган ҳолда ҳам (яъни, пиёдами ё уловдами, фақирми ё бойми, ёшми ё қарими, қайси бир ҳолда бўлса-да, жиходга) чиқингизлар ва жону молларингизни тикиб Оллоҳ таоло йўлида жиход қилингизлар! Агар билсангизлар, ана шу сизлар учун яхшироқдур. (Эй Муҳаммад), агар (жиход) яқин мол бўлса эрди (яъни, осон қулга кирадиган ўлжа бўлса эрди) ва осон сафар бўлса эрди (яъни, қийналмай бориб келса бўладирган бир яқин ерда бўлса эрди) улар (мунофиқлар) албатта сизга эргашган булур эрди. Аммо, уларга масофа узоқ (ва машаққатли) кўриниб, (сиз бирла ғазотга чиқмадилар). Энди улар ўзларини ҳалок(атга гирифтор) қилиб: «Агар бизлар қодир бўлганимизда эрди, сизлар ила чиқур эрдик» — деб (ёлғон) қасам ичгайлар. Оллоҳ (таоло) билурки, улар албатта ёлғончидурлар» («Тавба»

сураси, 41—42-оятлар).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, сизларга не бўлдики, «Оллоҳ таоло йўлида (жиҳодга) чиқингизлар!» деб айтилганда (ўз) ер(ларингиз)га ёпишиб олдингизлар? (Ёки) сизлар охират (ажру савоблари)дан юз ўгириб, (бу) дунё ҳаётига (лаzzатларига) рози бўлдингизларми?! (Ахир), дунё ҳаёти матоси (яъни, бойлигу лаzzатлари) охират (ажру савоблари) олдида бир арзимас нарса-ку! Агар сизлар (жиҳодга) чиқмасангизлар, Оллоҳ (таоло) сизларга дардли азоб берур ва сизларнинг ўрнингизга бошқа бир қавмни келтирур (яъни, сизларни ҳалок қилиб, ўрнингизга бошқа бир қавмни мусулмон қилур), сизлар эрсангизлар Оллоҳ (таоло)га ҳеч бир зарар еткиза олмасизлар. Оллоҳ (таоло) ҳар бир нарсага қодирдур!» («Тавба» сураси, 38—39-оятлар).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фатҳ куни: «(Макка) фатҳидан кейин ҳижрат йўқдур, лекин (жаҳонда Ислоннинг ғалаба қилмоғи ва калимаи тавҳиднинг энг юксак сўз бўлиб қолмоғи учун) жиҳод (қилмоқ) ва (ҳижрат қилганлик савобига эришмоқ) ният(ида жиҳод қилмоқ) бордур. Агар (жиҳодга) қақирилсангизлар, унга борингизлар!» — деб марҳамат қилдилар».

14-боб. Бир кофир бир мусулмонни ўлдирса-ю, сўнг мусулмон бўлиб, ўзи ҳам ўлдирилса...

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таоло бири иккинчисини ўлдириб, жаннатга киргувчи қўйидаги икки кишини (рози бўлиб) табассум бирла кутиб олур: бир мусулмон Оллоҳ таоло йўлида жанг қилиб, (бир кофир томонидан) ўлдирилур. Кейин, (ўшал кофир) Оллоҳ таолога тавба қилиб, (Ислонни қабул қилур-да, ўзи ҳам Оллоҳ таоло йўлида) шаҳид бўлур».

Анбаса ибн Саъид ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбарда эканликларида (Хайбар фатҳ қилингандан кейин) ҳузурларига бориб: «Ё Расулаллоҳ, менга (ўлжалардан) улуш берсангиз!» — дедилар. Шунда Бану Саъид ибн ал-Ос авлодларидан бири: «Ё Расулаллоҳ, ул кишига (ўлжалардан) улуш бермангиз!» — деди. Абу Ҳурайра (дарғазаб бўлиб): «Бу Ибн Қавқалнинг қотили-ку!» — дедилар. Ибн Саъид ибн ал-Ос: «Во ажабо, манави тоғдан тушиб келган вабр (мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон)га қарангизлар! Оллоҳ таоло менинг қўлим бирлан (шаҳид қилиб), иззат-икромга сазовор этган киши ҳақида менга таъна қилаётир; ваҳоланки, Оллоҳ таоло ўшанда унинг қўли бирлан камситилмоғимга йўл қўймаган эрди!» — деди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ Абу Ҳурайрага улуш бердиларми, йўқми, билмайман».

15-боб. Ғазот (қилмоқ)ни рўза (тутмоқ)дан афзал кўрган киши ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Талҳа Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида ғазот(га нисбатан ўта тақво қилганлари) боисидан рўза тутмас эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларидан кейинги (айниқса, Ҳазрат Умар даврларида) Ислон кенг ейилиб, мусулмонларнинг кофирларга қарши тазйиқи қудратли тус олгач, Абу Талҳа рўзадан тегадирган ажру савоблардан ҳам ўз насибаларини олмоқни зарур деб билиб, шул қадар қаттиқ рўза тутишга киришдиларки, ҳатто ул кишининг Рамазон ва Қурбон ҳайитларидан бўлак кунлари рўза тутмай юрганларини сира кўрмадим».

16-боб. (Оллоҳ таоло йўлидаги жангда) ўлдирилишдан бўлак шаҳидлик еттитадир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шаҳиддар беш (тўрли) бўлиб, улар вабодан ўлган, қорин оғриғидан ўлган, фарқ бўлиб ўлган, бирор нарсагинг тагида қолиб ўлган ва Оллоҳ таоло йўлида ўлдирилган (мусулмонлардур)» — деб марҳамат қилдилар». (Имом Бухорий мазкур бобнинг сарлавҳасини «Оллоҳ таоло йўлида ўлдирилишдан бўлак шаҳидлик еттитадур» деб номлаб, Оллоҳ таоло йўлидаги жанглардан бўлак сабаблар туфайли шаҳид бўлишликнинг адади еттита эканлигини таъкидлайдилар. Аммо, баъзи муҳаддислар уларнинг бешта, баъзилари еттита эканлигини айтишса, бошқалари «йигирмадан ортиқ» дейишади. Шунга кўра, енгиндан ўлган, туғолмай (ёки боласи қорнида ҳолда) ўлган, бокира ҳолда ўлган, силдан ўлган ва бошқа кўпгина сабаблардан ўлган мусулмонларни ҳам шаҳидлар қаторига киритишади).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Вабодан ўлмоқлик ҳар бир мусулмон учун шаҳидликдур» — деб марҳамат қилдилар».

17-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мўминлардан ўзлари бешикаст була туриб, (жиҳодга чиқмай, уйларида) ўлтирганлари бирлан жону молини тикиб Оллоҳ йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмас. Оллоҳ жону молларини тикиб жиҳод қилгувчиларни (узрли сабабга кўра жиҳоддан қолган) кимсалардан ҳам... афзал қилди...» («Оллоҳ магфиратли, меҳрибон зотдур» деган қавлигача; «Нисо» сураси, 95—96-оятлар)

Баро разияллоҳуанҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Мўминлардан (жиҳодга чиқмай, уйларида) ўлтирганлари бирлан жону молини тикиб Оллоҳ йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмас» деган ояти каримаси нозил бўлганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайдни чақирдилар. Зайд бир ҳайвон курагини олиб келиб, унга ўшал оятни ёзиб қўйди. Шунда Ибн Умму Мактум ўзларининг ногирон эканликларидан шикоят қилиб эрдилар, Оллоҳ таоло мазкур оятни «Мўминлардан ўзлари бешикаст була туриб, (жиҳодга чиқмай, уйларида) ўлтирганлари бирлан жону молини тикиб Оллоҳ йўлида жиҳод қилгувчилар тенг эмас» деб (ўзгартириб) нозил қилди».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

18-боб. (Душманга дуч келган заҳотиёқ) жанг қилишга ошиқмай, сабр қилмоқлик лозимлиги ҳақида

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазотлардан бирида душманга дуч келганларида ўшал заҳотиёқ жангга киришмай, Қуёш оғунча сабр қилдилар. Сўнг, одамларга хитоб қилиб): «Душманга дуч келган вақтингизда (дарҳол жангга киришмай, бир оз) сабр қилингизлар! (Аввал душманнинг кучи ва режасини билингизлар ҳамда Оллоҳ таолодан ўзларингизга куч-қудрат ва саломатлик тилангизлар!)» — дедилар».

19-боб. Жангга ундамоқлик хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй пайғамбар), мўминларни жангга ундангиз!» («Анфол» сураси,

65-оят).

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хандақ (ғазотига) чиқдилар. Шунда муҳожирлар ва ансорлар эрталабки салқинда (хандақ) қазишаётган бўлиб, уларнинг бу ишни қилиб берадиган қуллари йўқ эрди. Жаноб Расулуллоҳ муҳожирлар ансорларнинг толиқиб ва оч қолганларини кўриб: «Ё парвардигоро, (ҳақиқий) ҳаёт — охират ҳаётидур! Муҳожирлар бирлан ансорларнинг гуноҳларини мағфират қилгил!» — дедилар. Улар бунга жавобан: «Биз умримиз борича жиҳод қилмоққа Муҳаммадга байъат қилганмиз!» — дейишди».

20-боб. Хандақ қазимоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Муҳожирлар ансорлар Мадина атрофига хандақ қазишга киришиб, туфроғини елкаларида таший бошлашди. Шунда улар: «Биз умримиз борича Исломга садоқатли бўлмоққа Муҳаммадга байъат қилганмиз!» — дейишар эрди. Жаноб Расулуллоҳ бўлсалар, уларга жавобан: «Ё парвардигоро, охират хайриятдан ўзга хайрият йўқдир! Ансору муҳожирларга баракот ато этгил!» — дер эдилар».

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Хандақ куни) туфроқ ташиётиб бундай дедилар:

*«Ҳидоят топмас эрдик, қилмасанг сен ҳидоятлар,
Қилмас эрдик хайру эҳсон, қилмас эрдик ибодатлар.
Улуғворлик ато этгил мудом бизга худовандим,
Рўбарў келганда душман бизга бахш эт матонатлар.
Адоват бирла бизга неча бор зулм қилди куффор,
Фитна истар бўлса, узни айладик биз ҳимоятлар».*

21-боб. Узрли сабаб бирлан ғазотдан қолган киши ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Табук ғазотидан қайтиб келдик», — дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Табук) ғазотида эканликларида: «Мадинада — ортимизда шундай қавмлар (қолдиларки), биз қанчадан-қанча дара ва водийларни босиб ўтмайлик, улар биз бирлан биргадурлар (яъни, биз топаётган ажру савобларга шерикдурлар, чунки) улар узрли сабаб бирлан (ғазотдан) қолгандурлар» — деб марҳамат қилдилар».

22-боб. Оллоҳ таоло йўлида (яъни, жиҳодда) рўза тутмоқликнинг фазилати ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Кимки (жангга заифлик қилиб қолишдан чўчимай), Оллоҳ таоло йўлида (яъни, жиҳодда) бир кун рўза тутса, Оллоҳ таоло унинг юзини (яъни, уни) жаҳаннамдан етмиш йилга (яъни, етмиш йиллик масофага) йироқ қилур», деб айтганларини эшитдим».

23-боб. Оллоҳ таоло йўлида (яъни, жиҳодда) садақа қилмоқнинг фазилати ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Кимки Оллоҳ таоло йўлида (яъни, жиҳодда) бир жуфт (яъни, бир жуфт қуй, бир жуфт туя, бир жуфт эшак ва ҳоказо) садақа қилса, жаннатнинг барча эшикларидан: «Эй Оллоҳнинг бандаси, манави эшикдан кир ганинг яхши!» — деб чақирилур» — дедилар. Шунда Абу Бакр разияллоҳу анҳу: «Ё Расулаллоҳ, ўшал барча эшиклардан чақирилгувчига (бу) зарарли эмас, (балки иззат-икромдур). (Айтингизчи), бир киши ўшал эшикларнинг барчасидан чақирилурми?» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Ҳа, шундай. Мен сизнинг ўшал барча эшиклардан чақирилгувчилардан бири бўлмоғингизни истарман!» — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб: «(Эй саҳобаларим), сизлардан хавотирдаманки, вафот қилганимдан кейин, (фоний) дунё баракотлари (яъни, бойлигу лаззатлари) ўз (фусункор) ҳусну жамолини жилва қилиб, сизларни йўлдан урмаса эрди!» — дедилар. Шунда саҳобалардан бири ўринларидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, яхшилик (ҳам) ёмонлик келтирадимиз?» (яъни, «Ё Расулаллоҳ, дунё баракоти Оллоҳ таолонинг неъматини бўла туриб, наҳотки уқубату балолар келтирса?!») — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ ул кишига (жавоб бермай), сукут қилдилар. Биз: «Ул зотта (шул хусусда) ваҳий нозил қилинаётир», — дедик. Одамлар бошига қуш қўнганда (учиб кетмасин, деб қимирламай турган киши) янглиғ жим бўлишди. Бир оздан кейин, Жаноб Расулаллоҳ юзларига қуйилган терларни артдилар-да, бояги савол берган саҳобадан мамнун оҳангда: «Савол берган киши қани?» — дедилар. (Ул киши: «Ё Расулаллоҳ, мен шу ёрдаман», — дегач), ул зот бундай деб марҳамат қилдилар: «Дарҳақиқат, яхшилик ёмонлик келтирмас! (яъни, Оллоҳ таоло хайриятотвар бўлмоқни тақдир қилган нарса ҳамиша хайриятотвар бўлур ва Оллоҳ таоло ёмонлик келтиргувчи бўлмоқни тақдир қилган нарса ҳамиша ёмонлик келтирур. Мени сизлар хусусингизда хавотирга солаётган нарса — мен вафот қилганимдан кейин, Оллоҳ таолонинг неъматини ул буюрмаган ишларга беҳуда сарф қилмоғингиз бўлиб, бунинг неъматга тааллуқли ери йўқдур. Масалан): баҳор ундирадирган наботот орасида мол-ҳол еса, ўлдирадирган ёхуд ўлгандан берироқ қиладирган ўт-ўланлар мавжуддур. Агар мол-ҳол ул ўт-ўланлардан очкўзлик қилиб ҳаддан зиёд еса, (ё ўлур ёхуд) бўкканидан ичи ўтиб, бавл қилиб, офтобда кавшаниб етур. Сўнг, у кўзи очлигидан яна яйловга бориб, (ул ўт-ўланлардан) ер. Дарҳақиқат, бу (фоний дунё) бойликлари (ҳам ям-яшил, ширин ўт-ўланлар каби) фусункор ва лаззатлидур».

Ровий Яҳё бундай дейдилар: «Мусулмон (бўлмоқдек бир буюк бахт) соҳибининг (Оллоҳ таоло ўзига ато этган ҳалол) бойликлардан мискинлар, етим-есирлар ва мусофирларга хайру эҳсон қилмоғи нақадар савоблидур! Ёки, Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, очкўзлик қилиб, ҳаром-халиш йўллар бирлан мол-дунё тўпловчи ва уни Оллоҳ таоло буюрмаган нарсаларга беҳуда сарф қилувчи одам еб тўймас мечкай каби бўлиб, Қиёмат куни бойликлари (қай йўл бирла тўплангани ва неларга сарф қилингани ҳақида) унга қарши гувоҳлик берурлар».

24-боб. Оллоҳ таоло йўлида хайру эҳсон қилиш мақсадида бир ғозийни таъминлаган киши ҳамда Оллоҳ таоло йўлида хайру эҳсон қилиш мақсадида бир ғозийга ўринбосарлик қилган киши ҳақида

Зайд ибн Халид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки Оллоҳ таоло йўлида хайру эҳсон қилиш мақсадида бир ғозийни (жанг ва сафар анжомлари бирлан) таъминласа, ғазот қилган(лик ажру савобига эришур) ва кимки Оллоҳ таоло йўлида хайру эҳсон қилиш мақсадида бир ғозийга ўринбосарлик қилса (яъни, ғозийнинг йўқлигини билдирмай, унинг оиласига ғамхўрлик қилиб, уларни ризқи рўз бирлан таъминлаб турса), ғазот қилган(лик ажру савобига эришур)».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинадаги уйлардан бирортасига Умму Сулаймнинг уйига кирганчалик (тез-тез) кириб турмаганлар, ўз хотинларининг (ул ердаги уйлари эрса бундан) мустаснодур. Одамлар: («Ё Расулаллоҳ, нечун бошқа уйлардан кўра Умму Сулаймнинг уйига тез-тез кириб турурсиз?» — деб) сўрашганда, ул зот: «Унга раҳмим келур, (чунки) акаси (Ҳаром ибн Милҳон) мен бирлан (яъни, менинг фармоним бирлан Биъру Маъунага бориб, мушриклар томонидан) ўлдирилган»,— дедилар».

25-боб. Жангдаги матонат ҳақида

Анас разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, ул киши Ямома куни (Ямома шаҳрида мусулмонлар бирлан Мусайлима каззоб тарафдорлари ўртасида содир бўлган воқеа вақтида) Собит ибн Қайснинг ҳузурларига келдилар. Шунда Собит икки сонлари очиқ ҳолда ўлтирган бўлиб, (баданларига, одатда, ўликларга суртиладирган хушбўй) ҳанут суртаётган эрдилар. (Бу ерда эркакнинг сони аврат эмаслигига ишора қилинаётир. Ўликларга суртиладирган ҳанутни суртаётганларининг боиси эрса, Оллоҳ таоло йўлида шаҳид бўлмоққа тайёр эканликларининг далилидур). Анас: «Эй амаки, нечун ҳаяллаб қолдингиз?» — дедилар, (Собит Анасга амаки бўлмай, ёшлари катта бўлгани учун шундай деб мурожаат қилдилар). Собит: «Мана, ҳозир бораман, эй жияним?» — дедилар-да, (баданларига) ҳанут суртишда давом этдилар. Сўнг, (баданларини ҳанутлаб бўлиб ва кафанларини тайёрлаб қўйиб), одамлар орасига келиб ўлтирдилар. Анас бир гуруҳ мусулмонларнинг жанг майдонини ташлаб қочганлари ҳақида гапираётган эрдилар, Собит: «Бизнинг вазифамиз (матонат бирла) душманга қарши жанг қилмоқликдур. Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида бундай қилмас эрдик (яъни, жанг майдонини ташлаб қочмас эрдик), аксинча, мужоҳидлар (ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз) сафларини тарк этмай, (матонат бирла жанг қилур эрдилар). Сизлар бўлсангизлар, (жанг майдонини ташлаб қочиб), душман бирлан куч-қудрати тенг бўлмиш ўз биродарларингизни душмандан қочишга ўргатдингизлар», — дедилар».

26-боб. Талийъа (душман томонга юбориладирган илғор қисм вазифасини бажармоқликнинг) фазилати ҳақида

Жобир (ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Аҳзоб куни (яъни, яҳудийларнинг Бану Қурайза қабиласи мусулмонлар бирлан ўзлари ўртасидаги аҳдногани бузиб, Қурайш кофирлари бирлан мусулмонларга қарши биргалиқда уруш қилмоққа келишиб олган куни) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қавм (яъни, Бану Қурайза хатти-ҳаракати) хусусида ким менга хабар келтирур?» — дедилар. Зубайр (ибн Аввом): «Мана мен сизга хабар келтирурман!» — деб айтдилар. Жаноб Расулulloҳ яна: «Қавм хусусида ким менга хабар келтирур?» — дедилар. (Бу сафар ҳам) Зубайр: «Мен» — деб айтдилар. Шунда ул зот: «Ҳар бир пайғамбарнинг (махсус) ёрдамчиси булур, менинг (махсус) ёрдамчим эрса, Зубайрдур» — деб марҳамат қилдилар».

27-боб. Бир кишининг ёлғиз ўзи илғор қисм ўрнида юборилурми?

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

28-боб. Икки киши (бўлиб) сафар (қилинганда намоз хусусида не қилмоқлик лозимлиги) ҳақида

Молик ибн алхувайрис разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Мен ва дўстим иккимиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдик. Бир неча кун тургач), ул зотнинг ҳузурларидан (бола-чақаларим олдига) қайтаётган эрдим, мен бирлан дўстимга: «(Бул ердан сафар қилиб, то уйларингизга боргунингизга қадар йўлда намоз вақти бўлиб қолса), иккинги (дан қайси биринги хоҳласангиз), азон айтингиз, кейин иккинги (яъни, қайсинингиз азон айтган бўлсангиз, ўшанингиз) такбир айтингиз, сўнг иккингидан қайсинингизнинг ёшингиз улуғ бўлса, имомлик қилингиз!» — деб марҳамат қилдилар».

29-боб. (Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилмоқ ниятида боқилаётган) отнинг ёлларига то Қиёмат (эгаси учун охиратда асқатадирган) савоблар (ва бу дунёда асқатадирган ўлжалар) боғлаб қўйилганлиги ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилмоқ ниятида боқилаётган) отнинг ёлларига то Қиёмат (эгаси учун охиратда асқатадирган) савоблар (ва бу дунёда асқатадирган ўлжалар) боғлаб қўйилгандур» — деб марҳамат қилдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

30-боб. Жиход, (хоҳ) одил ва (хоҳ) золим (амир) етакчилигида бўлсин, то Қиёмат давом эттирилаверади, чунки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Отнинг ёлларига то Қиёмат ажр боғлаб қўйилгандур» — деб марҳамат қилгандурлар!

Урва ал-Бориқий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло йўлида жиход қилмоқ ниятида боқилаётган) отнинг ёлларига то Қиёмат (эгаси учун охиратда асқатадирган) савоблар (ва бу дунёда асқатадирган ўлжалар) боғлаб қўйилгандур» — деб марҳамат қилдилар».

(Имом Бухорий мазкур бобга «Жиход, хоҳ одил ва хоҳ золим амир етакчилигида бўлсин, то Қиёмат давом эттирилаверади» деб сарлавҳа қўйиш бирлан охират савоби-ю, бу дунё ўлжаларига эришмоқ учун қандай амир (имом) етакчилигида жиход қилмоқликнинг фарқи бўлмай, унинг то Қиёмат давом эттирилмоғи лозимлигини таъкидлайдилар).

31-боб. Кимки (Оллоҳ таоло йўлида жиход қилмоқ ниятида) от сақлаётган (боқаетган) бўлса... Оллоҳ таоло: «(Эй мўминлар), қудратингиз етганча (душманга қарши)... от сақлангизлар...», — дейди («Анфол» сураси, 60-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ таоло йўлида (жиход қилмоқ ниятида) Оллоҳ таолога иймон келтириб (ихлос қилиб) ва унинг (охиратда савоблар ато этмоғи хусусидаги) ваъдасини тасдиқлаб от сақласа, (ул отнинг) еган (емлар)и-ю, ичган (сувлар)и ҳамда тезагу пешоблари Қиёмат куни (ул кишининг) тарозусига (қўйилур)» — деб марҳамат қилдилар».

32-боб. От ва эшакнинг исми ҳақида

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода ражяллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Абу Қатода Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга умрага чиққанларида бир гуруҳ ҳамроҳлари бирлан (Жаноб Расулуллоҳдан) кейинда қолдилар. Шунда отам эҳром киймаган

бўлиб, ҳамроҳлари эҳромда эрдилар. Тасодифан, ул кишилар отамдан илгари бир еввойи эшакни (қулонни) кўриб қолишиб, токи отам ўзлари кўрмагунларига қадар буни билдиришмади, (чунки эҳром боғламаган кишига эҳромдаги киши ов борасида кўмаклашмаслиги лозим). Ниҳоят, отам қулонни кўриб қолдилар-да, Жарода исмли отларига миниб, ҳамроҳларидан ердаги қамчиларини олиб беришни, илтимос қилдилар, аммо улар олиб беришмади. Шунда ўзлари (отдан тушиб) қамчиларини олдилар-да, яна унга миниб, (қулонни қувиб кетдилар). Сўнг, найза отиб, уни ўлдирдилар. Кейин, унинг гўшtidан отам ҳам, ҳамроҳлари ҳам (пишириб) ейишди. Сўнг, ҳаммалари Жаноб Расулulloҳга етиб олишди. Ул зот: «Унинг гўшtidан менга ҳам бирор бўлак олиб келдингизларми?» — дедилар. Отам: «Ҳа, унинг бир қўлини олиб келдик», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ уни олиб, тановул қилдилар».

Саҳл разияллоҳу анҳу: «Бизнинг боғимизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Луҳайф (ёхуд Лаҳийф) исмли отлари (боғлик) турар эрди», — дейдилар.

Муъоз (ибн Жабал) разиятлоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Уфайр исмли эшакларига мингашиб кетаётган эрдим. Шунда ул зот: «Эй Муъоз, Оллоҳ таолонинг ўз бандаларидаги ва бандаларнинг Оллоҳ таолодаги ҳақи нима эканлигини биласанми?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ва унинг Расули билгувчирокдур», — дедим. Шунда ул зот: «Оллоҳ таолонинг ўз бандаларидаги ҳақи уларнинг унга бирор нарсани ширк келтирмай ибодат қилмоқларидур. Бандаларнинг Оллоҳ таолодаги ҳақи эса унинг ўзига бирор нарсани ширк келтирмай ибодат қилган бандаларига азоб бермаслигидур» — деб марҳамат қилдилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, шул ҳақда одамларга айтиб, уларни хурсанд қилайинми?» — дедим. Ул зот: «Буни уларга айтиб, хурсанд қилма, таваккал қилаверсинлар!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мадинада тўс-тўполон бўлди, (яъни, Мадина аҳли тунда қандайдир овозни эшитиб, «Душман бостириб келаётир» — деб хавотирга тушди). Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мандуб» исмли (йўрға) отимизни сўраб олдилар-да, (ўшал овоз келган томонга миниб кетдилар. Ул ерда ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини билгач, қайтиб келдилар-да, бизга): «Биз билдикки, бул от денгиз (оқими каби текис юрар) эркан!» — дедилар».

33-боб. Отда бўладиган бахтсизлик ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитдим: «Уч нарсада бахтсизлик мавжуд: отда (агар унда ғазот қилинмаса ёки асов бўлса), хотинда (агар у туғмас ё қаноатсиз ёки айтишқоқ бўлса) ва хонадонда (агар қўшниси ёмон ёки ўзи азон эшитилмайдирган даражада масжиддан узоқ бўлса)».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

34-боб. Отнинг уч хислати ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва (Оллоҳ) яратди отларни ва хачирларни ва эшакларни, токи (сизлар) уларга минингизлар ва зийнат бўлсин, (деб)» («Наҳл» сураси, 8-оят).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «От уч (хислатли)дур: у бир кишига савоб келтирур, иккинчи

кишига (фақирликдан асровчи) тўсиқ бўлур ва учинчи кишига гуноҳ орттирур. Кишига савоб келтиргувчи от шундай отки, эгаси уни Оллоҳ таоло йўлида (жиҳод қилмоқ ниятида) бир яйлов ёхуд боққа бемалол ўтлаб юра оладиган даражада арқонини узун қилиб боғлаб қўяди. Оти қийналмай, бемалол утлагани учун ва ҳаттоки арқонини узиб, бир-икки шаталоқ отиб яйрагани учун ул кишига савоблар ёзилур. Агар ўшал от бирор ариқ лабига бориб сув ичса ҳам, унга монелик қилмагани учун ул кишига савоблар ато этилур. (Кишига фақирликдан асровчи) тўсиқ бўлгувчи от эрса, тирикчилик мақсадида боқилаётган от бўлиб, эгаси унинг орқали ўзини ҳам, оиласини ҳам ризқи рўз бирла таъминлайди ва айни вақтда топаётган маблағидан хайру эҳсон қилиб турмоқни унутмайди. Кишига гуноҳ орттиргувчи от хусусига келсак, эгаси уни Ислом аҳлига зид равишда мақтаниш ва риёкорлик юзасидан боқади. Шул боисдан ул от унинг учун гуноҳовардур». Шунда (саҳобалар) Жаноб Расулulloҳдан эшаклар хусусида сўрашди. Ул зот: «Менга бул ҳақца «Бас, кимики қилибдур зарра вазнича яхшилик, кўрур ул уни ва кимики қилибдур зарра вазнича ёмонлик, кўрур ул уни» деган умумий маънодаги оятдан бўлак оят нозил бўлмаган, — дедилар».

35-боб. Бировнинг уловига (қамчи) урган киши ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарларидан бирида ул зот бирлан бирга йўлга тушдим. Сафардан қайтиб келаётганимизда Жаноб Расулulloҳ: «Кимки уйига тсзроқ бормоқни хоҳласа, бораврсин!» — дедилар. Шунда мен қизғиш, баданида бирорта ҳам доғи йўқ туямда ҳаммадан олдинда кетаётган эрдим, одамлар эрса ортимдан келишаётган эрди. Бора-бора туям толиқиб, секинлаша бошлади. (Буни кўриб) Жаноб Расулulloҳ: «Эй Жобир, маҳкамроқ ўлтир!» — дедилар-да, туямга қаттиқ қамчи урдилар. Туям ирғишлаб (югуриб) кетди. Ул зот: «Туянгни сотмайсанми?» — дедилар. Мен: «Ҳа, сотаман», — дедим. Мадинага етиб келганимизда! Жаноб Расулulloҳ бир гуруҳ саҳобалари бирлан масжидга кириб кетдилар. Мен ҳам ортларидан бориб, масжид ҳовлисига кирдим-да, туямни бир четга боғлаб қўйдим. Сўнг, ул зотнинг ҳузурларига кириб: «Ё Расулаллоҳ, ана сизнинг туянғиз», — дедим. Ул зот ташқарига чиқдилар-да, «Бу туя бизнинг туя» — дея унинг атрофида айландилар. Кейин, ул зот бир неча олтин дирҳам келтириб: «Буни Жобирга берингизлар!» — дедилар. Сўнг, менга: «Пулини тўладимми?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Шунда ул зот: «Пули ҳам, туянинг ўзи ҳам сеники», — дедилар».

36-боб. Йўрға улов ва бия миниш ҳақида

Рошид ибн Саъд: «Илгаригилар бия минишни афзал кўришар эрди, чунки у чопқирроқ ва жасурроқдур», — дейдилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Тунлардан бирида) Мадинада қўрқувдан тўс-тўполон бўлиб кетди, (қандайдир овозни эшитиб, душман бостириб келаётган бўлса керак, деб ўйлашди). Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳанинг «Мандуб» исмли (йўрға) отларини сўраб олдилар-да, (ўшал овоз келган томонга қараб) миниб кетдилар. (Ул ердан қайтиб келгач): «Биз бунинг (яъни, отнинг) денгиз (оқими каби текис юришини) билдик!» — дедилар».

37-боб. (Ғазот учун боқилаётган ёхуд ғазотга миниб борилган) отга (ўлжалардан) бериладиган улуш ҳақида

Молик разияллоҳу анҳу: «От ва уловларга улуш берилади, чунки Оллоҳ таоло: «Ва (Оллоҳ)

яратди отларни ва хачирларни ва эшакларни, токи (сизлар) уларга минингизлар ва зийнат бўлсин, (деб)» — дегандур. Аммо, (мужоҳид ғазот учун нечта от-улов сақламасин ва нечтасини ғазотга олиб бормасин), фақат (улардан) биттасигагина улуш берилади», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам отга икки улуш ва унинг эгасига бир улуш таъйин қилдилар», — дейдилар.

38-боб. Уруш (жанг) чоғида ўзганинг уловини (жиловидан ушлаб) етаклаган киши ҳақида

Абу Исҳоқ разияллоҳу анҳу Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳудан нақл қиладилар: «Бир киши Барога: «Хунайн куни сизлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (ёлғиз ўзларини жанг майдонида) қолдириб қочдингизларми?» — деди. Баро: «(Ҳа), бизлар қочдик, аммо ул зот (жанг майдонини) тарк этмадилар. (Ўшал куни бизларга қарши урушган) Ҳавозин қабиласи кишилари камончилар эрди. Бизлар уларга рўбарў бўлганимизда ҳужум қилдик, улар енгилиб, (қочишди). Шунда мусулмонлар ортларига қайтишиб, (душман жанг майдонига ташлаб қочган) ўлжаларга епирилишди. (Ҳавозин қабиласи камончилари эрса пайтдан фойдаланиб), бизларни ўққа тутишди. (Натижада, мусулмонлардан бир қанчаси шаҳид бўлиб, қолганлари ўзларини душман ўқидан олиб қочишди. Аммо, улар бутунлай қочмоқчи эмасдилар). Шунда Жаноб Расулulloҳ жанг майдонини тарк этмадилар. Мен ул зотнинг ўзларининг оқ хачирларига миниб олганларини, Абу Суфён эрсалар уни жиловидан ушлаб (етақлаб кетаётганларини) кўрдим. Ул зот (нуқул): «Мен пайғамбардурман, пайғамбар эрса ёлғон сўзламас, (Оллоҳ таолонинг менга ғалаба ато этмоғи хусусидаги ваъдаси ҳақдур), мен Абдулмутталиб авлодидурман!» — дер эрдилар».

39-боб. Улов узангиси ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак оёқларини узангига тикқач, туялари ўрнидан тургани ҳамоноқ Зулхулайфа масжиди олтидан бошлаб талбия айтишга киришар эрдилар».

40-боб. Эгарланмаган от миниш хусусида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Тунлардан бирида Мадина аҳли қандайдир овозни эшитиб, хавотирга тушди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳанинг отларини сўраб олиб, ўшал овоз келган томонга миниб кетдилар. Ул ердан қайтиб келганларида одамлар кўрдиларки), ул зот буйинларига қилич осиб олиб, отни эгарламай миниб кетган эрканлар».

41-боб. Йўрға от ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Тунлардан бирида Мадина аҳли хавотирга тушди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳанинг йўрға отини (сўраб олиб), ўшал хавф сезилган томонга қараб миниб кетдилар. Қайтиб келгач: «Биз бу отингизнинг денгиз (оқими янглиғ бир текис) юришини билдик!» — деб марҳамат қилдилар».

42-боб. От пойгаси ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

югуриб чиниққан отлар ўртасида Ҳафйодан Саниййатул-Видоъгача ва югуриб чиниқмаган отлар ўртасида Саниййадан Бану Зурайқ масжидигача пойга уюштирилди. Мен пойгада илгирок қилганлардан бири эрдим».

Суфён: «Ҳафйо бирлан Саниййатул-Видоъ оралиғи беш ёки олти мил ва Саниййатул-Видоъ бирлан Бану Зурайқ масжиди оралиғи бир мил келади», — дейдилар.

43-боб. Отларни (жиход учун) югуртириб чиниқтирмоқ ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Умар) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам югуриб чиниқмаган отлар ўртасида пойга утказдилар. Улар югурадирган масофани Саниййадан Бану Зурайқ масжидигача (қилиб) белгиладилар». Абдуллоҳ ибн Умар (ўшал отлардан бирини миниб) пойга қилган эрдилар.

44-боб. Югуриб чиниққан отлар (пойгаси) учун (белгиланадирган) энг йироқ масофа ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам югуриб чиниққан отлар ўртасида пойга ўтказдилар. Шунда ул зот отларни Ҳафйодан бошлаб пойга қилдирдилар. Уларнинг марраси Саниййатул-Видоъ эрди. Мен Мусодан: «Пойга масофаси қанча эрди?» — деб сўрадим. У: «Олти ёки етти мил», — деди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ югуриб чиниқмаган отлар ўртасида (ҳам) пойга ўтказиб, уларни Саниййатул-Видоъдан бошлаб югуртирдилар. Уларнинг марраси Бану Зурайқ масжиди эрди. Мен (Мусодан): «Пойга масофаси қанча эрди?» — деб сўрадим. У: «Бир мил (ёки шунга яқин)» — деб айтди».

Ибн Умар пойгада иштирок қилганлардан бири эрдилар.

45-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг туялари ҳақида

Ибн Умар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Усомани «Қасво» (исми туялари)га мингаштириб олдилар», — дейдилар.

Мисвар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қасво ўжарлик қилма(й чўк)ди» — деб айтдилар», — дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг туяларининг исми «Азбо» эрди», — дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Азбо» исми туялари бўлиб, унинг ортидан бирор туя ета олмас эрди. (Бир куни) бир бадавий бир ёш туяни миниб келди-да, ул зотнинг туяларидан ўзиб кетди. Шунда мусулмонлар бундан қаттиқ озор чекишди. Жаноб Расулulloҳ уларнинг хафа бўлганларини билиб: «Оллоҳ таоло (бу) дунёдаги бирор нарсанинг кеккаймаслигига ҳақлиғ бўлиб, (бирор нарса кеккайди дегунча), уни (дарҳол) пасайтириб қўюр», — дедилар».

46-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг оқ хачирлари ҳақида

Анас ва АбуҲумайд: «Айла подшоҳи Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга бир оқ хачир тортиқ қилди», — дейишади.

Умар ибн ал-Харас: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам оқ хачирлари, қуроллари ва (Оллох таоло йўлида) садақа қилган ерларидан бўлак бирор нарса (мерос) қолдирмадилар»,— дейдилар.

Абу Исҳоқ Баро разияллоху анхудан нақл қиладилар: «Бир киши Барога: «Эй Абу Аммора, Хунайн (воқеаси) куни (душмандан) қочдингизларми?» — деди. Баро: «Оллох таоло ҳақи, ундай эмас, Жаноб Расулulloх қочганлари йўқ, аммо мусулмонлар (душман енгилиб қочгач), шошиб (ўлжаларга ёпирилишди). Шунда Ҳавозин (камончилари) уларни ўққа тутишиб эрди, (ўқдан ўзларини олиб қочишди, қўрқоқлик қилиб жанг майдонидан қочишгани йўқ). Ўшанда Жаноб Расулulloх оқ хачирларига миниб олдилар, Абу Суфён эрса унинг жиловидан ушлаб етакладилар. Жаноб Расулulloх (нуқул): «Мен пайғамбарман, пайғамбар эрса ёлғон гапирмас, (Оллох таолонинг менга ғалаба ато этмоғи ҳақидаги ваъдаси ҳақдур), мен Абдулмутталиб авлодиман!» — дер эрдилар».

47-боб. Аёлларнинг жиҳод қилмоғи ҳақида

Оиша разияллоху анҳоривоят қиладилар: «Мен Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламдан жиҳод қилмоққа изн сўрадим. Шунда ул зот: «Сизларнинг (яъни, аёлларнинг) жиҳодингиз — ҳаждур» - деб марҳамат қилдилар».

48-боб. Бир аёлнинг денгизда (кемада) ғазотга боргани ҳақида

Анас разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам (холалари Умму Ҳаром) бинти Милҳоннинг уйларига кириб, енбошладилар. Сўнг, (уйғониб) кулиб қўйдилар. Умму Ҳаром: «Ё Расулаллох, нечун кулаётисиз?» — дедилар. Жаноб Расулulloх: «Тушимда менга Оллох таоло йўлида ғазот қилгани кетаётган бир гуруҳ умматларим намоён қилинди. Улар подшоҳлар каби тахтда ўлтирган ҳолда денгиз буйлаб кемада сузиб кетишаётган эрмишлар», — дедилар. Умму Ҳаром: «Ё Расулаллох, Оллох таолога дуо қилингиз, мени ҳам ушалар жумласидан қилсин!» — дедилар. Жаноб Расулulloх: «Ё парвардигоро, уни (холамини) ушатар тоифасидан қилгайсан!» — деб дуо қилдилар. Сўнг, ул зот яна ёнбошладилар. Бир оздан кейин уйғониб, яна кулиб қўйдилар. Умму Ҳаром аввалгидек савол бердилар. Ул зот ҳам аввалгидек жавоб қилдилар. Умму Ҳаром: «Оллох таолога дуо қилингиз, мени ҳам ўшалар тоифасидан қилсин!» — дедилар. Жаноб Расулulloх: «Сиз аввалгилар (яъни, кемада кетаётганлар) тоифасидансиз, кейингилар (яъни, қуруқликда туяларга миниб кетаётганлар) тоифасидан эмассиз», — дедилар. Кейин, Умму Ҳаром Убода ибн ас-Сомитга эрга тегдилар ва эрлари ҳамда (Муовия ибн Абу Суфённинг хотини Фохита) бинти Қараза бирлан бирга кемага ўлтириб, (ғазот қилгани Румга) йўл олдилар. Кемадан қуруқликка тушгач, туяларидан қулаб, ҳалок бўлдилар».

49-боб. Кишининг ўз хотинларидан биринигина ғазотга олиб бормоғи ҳақида

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам, агар ғазотга бормоқчи бўлсалар, ўз хотинлари ўртасидл қуръа ташлар эрдилар. Қуръа қайси хотинларига чиқса, ўшани ғазотга ўзлари бирлан бирга олиб кетар эрдилар. Ғазотлардан бирида яна шундай қилиб эрдилар, қуръа менга чиқди. Кейин, мен ул зот бирлан бирга ғазотга жунадим. Бу воқеа «Ҳижоб» ояти нозил қилингандан кейин бўлган эрди».

50-боб. Аёллар ғазоти ва уларнинг эркаклар бирлан бирга жанг(да иштирок)

қилмоқлари ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Уҳуд куни мушриклар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан енгилиб қочишди. Шунда мен Оиша бинти Абу Бакр ва Умму Сулаймни (жанг майдонида) кўрдим. Иккалалари (қоқиниб кетмаслик учун) кўйлаклари этагини белларига қистириб олган ҳолда (сув тўла) мешларни елкаларига қўйиб олиб мусулмонларга олиб боришар, уларга сув ичиргач эрса, мешларни (сувга) тўлдиргани яна ортларига қайтишар ҳамда мешларни тўлдириб бўлиб, яна мусулмонларнинг олдига бориб, уларга сув ичиришар эрди».

51-боб. Ғазот чоғида аёлларнинг одамларга мешларда сув ташиб турмоғи ҳақида

Саълаба ибн Абу Молик бундай дейдилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Мадина аёлларининг бир гуруҳига кўйлақлар тақсим қилдилар. Шунда бир дона кўйлақ ортиб қолиб эрди, ҳузурларидаги кишилардан бири: «Эй мўминлар амири, бу кўйлақни ўзингизнинг уйингиздаги Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизларига (яъни, ўзингизнинг хотинингиз бўлмиш Ҳазрат Алининг қизлари Умму Кулсумга) берингиз!» — деди. Ҳазрат Умар: «Умму Салийт бу кўйлаққа ҳақлироқ бўлиб, у Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган ансория аёллардандур. Умму Салийт Уҳуд куни бизга мешда сув ташиб турган», — дедилар».

52-боб. Аёлларнинг ғазотда жароҳатланганларни даволамоғи ҳақида

Рубаййиъ бинти Муъаввиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз (аёллар) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазотларга чиқур эрдик. Шунда биз (мешларда сув олиб келиб), саҳобаларга ичирар, (ярадорларга) ёрдам қилар ва (уловларга ортилган) мажруҳу шаҳидларни (жанг майдонидан) Мадинага қайтариб олиб борар эрдик».

53-боб. Аёлларнинг (уловларга ортилган) ярадору шаҳидларни (жанг майдонидан уйларига) қайтариб олиб бормоқлари ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

54-боб. Камон ўқини бадандан сугуриб олмоқ ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Омирнинг тиззаларига камон ўқи тегди. Мен олдиларига бориб эрдим, ул киши: «Ўқни сугуриб ол!» — дедилар. Мен уни сугуриб олдим. Шунда жароҳат ўрnidан сув оқиб, (ул киши вафот қилдилар). Кейин, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кириб, шул ҳақда хабар қилдим. Ул зот: «Ё парвардигоро, Убайд Абу Омирнинг гуноҳларини магфират қилгайсан!» — деб дуо қилдилар».

55-боб. Ғазот чоғида Оллоҳ таоло йўлида қўриқчилик (посбонлик) қилмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (душман хавф солиб турган кезларда тунларни) бедор ўтказар эрдилар. Мадинага келганларида: «Шояд (қани энди), солиҳ саҳобаларимдан бири мени бу кеча қуриқласа!» — дедилар. Шу заҳотиёқ қурол-яроғнинг (бир-бирига текканда чиқадирган) овозини эшитдик. Жаноб Расулуллоҳ: «Ким бу?» — дедилар. (Келаётган одам): «Бу мен, Саъд. ибн Абу Ваққосман, сизни қўриқлагани келаётирман», — деди. Сўнг, (Саъд ибн Абу Ваққос келиб,

посбонлик қилдилар), Жаноб Расулulloҳ эрсалар ётиб ухладилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Динор бандаси, дирҳам бандаси ва қорин бандасининг бети қурсин! Агар (бундай одамга бирор нарса) бериб турсанг, сендан рози бўлур ва агар бермай қўйсанг, (балои нафси қўзғаб, сендан) дарғазаб бўлур-да, қўлини ювиб қўлтиғига урур. Агар унга тикон кирса, (очқўзлигидан ҳатто тиконни ҳам) суғуриб ташламас! (Бойлик тўплашга ва еб-ичишга ружуъ қилмай), Оллоҳ таоло йўлида отининг жиловини тутган ва (шу йўлда) сочлари тўзиб, оёқлари чанг бўлган бандага Тубо (жаннат ва ундаги дарахт исми) насиб булсин! (Бундай одам), агар (душман хавфидан огоҳ қилмоқ учун қўшин олдида) қуриқчилик қилиб турган бўлса, (бу унинг учун энг улуғ ва савобовар иш бўлиб, бундан юқорироқ мартабани кўзламай, садоқат бирла) қўриқчилик қилур ва агар у (қўшин ортида) қуриқчилик қилиб турган бўлса (ҳам, айнан шундай) қуриқчилик қйилур. (Кимки шу йўлни ўзига лозим топган бўлса, демак у шунга муносиб бўлиб), агар (бирор бошқа амалга) изн сураса, изн берилмас ва агар (одамларни ўртага қўйиб) шафоат тиласа, шафоати қабул қилинмас!».

56-боб. Ғазот чоғида (мусулмонларнинг бир-бирларига) хизмат қилмоқларининг фазилати ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Мен Жарир ибн Абдуллоҳга (кўп ғазотларда) ҳамроҳлик қилганман. Ул киши (ёшлари мендан катта бўлса-да), менга хизмат қилур эрдилар», — дейдилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен хизматларини қилмоқ учун Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбар (ғазоти)га чиқдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ғазотдан Мадинага) қайтиб келаётганларида (узоқдан) Уҳуд тоғи кўринди, Шунда ул зот: «Бу тоғ бизни севади ва биз ҳам уни севамиз», — дедилар. Сўнг, қуллари бирлан Мадинага ишора қилиб: «Ё парвардигоро, Иброҳим (алайҳиссалом) Маккани муқаддас қилганлари каби, мен унинг (Мадинанинг) икки тошлоқ ери (ёки икки тоғи) оралигини муқаддас қилурман! Ё парвардигоро, бизнинг ризқи рўзимизга баракот ато этгил!» — деб дуо қилдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (сафарда) эрдик. (Баъзимиз рўза тутган ва баъзимиз тутмаган бўлиб, кун ниҳоятда иссиқлигидан) кўпчилигимиз кийими бирлан, (қолганлар эрса қўли бирлан ўзини Қуёшдан) пана қилиб келар эрди. (Ниҳоят, бир ерда дам олгани тухтадик). Шунда рўза тутганлар азбаройи толиққанларидан ҳеч бир иш қилиша олмади, рўза тутмаганлар эрса (ўзларининг ва рўза тутганларнинг) туяларини (сув буйига) ҳайдаб бориб суғоришди, ем-хашак беришди, (рўза тутганларга чайлалар қуришди). (Бунни кўриб) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рўза тутмаганлар бугун (рўза тутганларга хизмат қилиб, кўп) ажр-савоблар олишди» — деб марҳамат қилдилар».

57-боб. Сафарда ҳамроҳини уловига мингаштириб олган ёхуд унинг юкини уловига ортиб олган кишининг фазилати ҳақида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Инсон (ўз) вужудининг ҳар бир бўғими учун Қуёш чиқиб (оламни мунаввар қиладирган) ҳар куни (Оллоҳ таоло йўлида) хайру эҳсон (амали солиҳлар) қилмоғи лозим бўлиб, унинг икки одам орасини келиштириб қўймоғи ҳам савобдур, (сафарда)

хамроҳини уловига мингаштириб олиб ёки унинг юкини уловига ортиб олиб, ёрдам қилгани ҳам савобдур, (бирининг кўнглини кўтарувчи, унга далда берувчи) яхши (ширин) суз айтгани ҳам савобдур, намоз (ўқийман, деб) қўйган ҳар бир қадами ҳам савобдур ва (одамларга) озор берувчи (тош, кесак, нажосат каби) нарсаларни йўлдан олиб ташлагани ҳам савобдур».

58-боб. Оллоҳ таоло йўлида бир кун (жиҳодга) тайёр турмоқнинг фазилати ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, сабр қилинганлар, сабрда (душмандан) устун бўлинганлар ва (жиҳодга доим) тайёр туринганлар, шояд мақсудингизга етсангизлар!» («Оли Имрон» сураси, 200-оят).

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таоло йўлида бир кун (жиҳодга) тайёр турмоқнинг савоби дунё ва ундаги барча нарсалардан афзалдур, қамчингиз сиққудек жаннатдаги жой дунё ва ундаги барча нарсалардан афзалдур ва банданинг кун оққандан тунгача ёхуд эрталабдан кун оққунча бўлган муддатда бир марта Оллоҳ таоло йўлида (жиҳодга) чиқмоғи дунё ва ундаги барча нарсалардан афзалдур!».

59-боб. Дастёр бола бирлан ғазотга чиққан киши ҳақида

Анас ибн Моликразияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳага: «Илтимо, Хайбар ғазотига чиқмоғим учун ғуломларингдан бирини менга дастёр қилиб берсанг!» — дедилар. Кейин, Абу Талҳа мени уловларига мингаштириб йўлга тушдилар, шунда мен балоғат ёшига етган йигитча эрдим. Мен ул зотга, қаерда уловларидан тушиб дам олсалар, ўшал ерда дастёрлик қилдим. Ўшал кезларда мен ул зотнинг: «Ё парвардигоро, мени ғаму ташвишдан, мункиллаганликдан, ялқовликдан, қурқоқликдан, бахилликдан, қарзга ботмоқликдан ва одамлар қаҳридан ўз паноҳингда асрагил!» — деб айтганларини кўп эшитганман. Сўнг, биз Хайбарга етиб келдик. Хайбар қурғони Оллоҳ таоло инояти бирлан фатҳ қилинган, одамлар ул зотга Хужайб ибн Ахтабнинг қизи Сафийянинг ҳусну жамолини таъриф қилишди. Сафийя ёш келинчақ бўлиб, эри Хайбар жанггида муслмонлар томонидан ҳалок қилинган эрди. Жаноб Расулulloҳ Сафийяни (ўзларига хотин қилиб олмоқни) ихтиёр қилдилар. Кейин, уни ўзлари бирлан олиб йўлга тушдилар. Саҳбо тепалигага етиб борганимизда ул зот Сафийяни чўриликдан озод қилиб, ўз никоҳларига олдилар-да, унга қўшилдилар. Кейин, бир кичик чарм палос (ёки дастурхон) ёзиб, унга «ҳайс» (хурмо, ёғ ва пишлоқдан тайёрланадиган таом) қўйдилар-да, менга: «Атрофингдагиларни (дастурхонга) таклиф қил!» — дедилар. Бу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Сафийяга (уйланишлари муносабати бирлан қилган) тўй зиёфатлари эрди. Сўнг, биз Мадина томон йўлга тушдик. Шунда мен ул зотнинг (чодирдам) Сафийяни ўз чопонларига ўраб-чирмаб ортларидан эргаштириб чиққанларини, кейин туялари олдига бориб тиз чўкканларини, Сафийя эрса тиззаларига оёғини қўйиб туриб, туяга миниб олганини кўрдим. Биз юра-юра, ниҳоят Мадинага яқинлашдик. Шунда ул зот Уҳуд тоғига қараб: «Бу тоғ бизни севади, биз ҳам уни севамиз», — дедилар. Сўнг, Мадинага қараб: «Ё парвардигоро, Иброҳим алайҳиссалом Маккани муқаддас қилганлари каби мен ҳам Мадинанинг икки тоғи оралигини муқаддас қилурман! Ё парвардигоро, Мадина аҳлининг ризқи рўзига баракот ато этгайсан!» — деб дуо қилдилар».

60-боб. (Кемада) денгиз оша (ғазотга бормоқлик) ҳақида

Бу ерда Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Жаноб Расулуллоҳнинг холалари Умму Ҳаром бинти Милҳон ҳузурларига кириб дам олганларида кўрган тушларини баён қилиб берганлари ҳақидаги ҳадисни ривоят қилганлар.

61-боб. Уруш чоғида бева-бечора, ночору нотавон ва солиҳ кимсалардан дуо талабида бўлмоқ лозимлиги ҳақида

Абу Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Уига (яъни, Жаноб Расулуллоҳга) бой-зодагонлар эргашаётирми ёхуд бева-бечора, ночору нотавонларми?» — деб сендан сўрасам, сен: «Бева-бечора, ночору нотавонлар» — деб айтдинг. Ҳа, пайғамбарларга ана шундайлар эргашадилар», — деди менга Қайсар».

Мусъаб ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу ўзларини (насл-насаб ва бойлик жиҳатдан) пастроқ кишилардан афзал кўрдилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ораларингиздаги бева-бечора, ночору нотавон кимсалар(нинг рўзалари, намозлари ва дуолари)сиз зафар ва ризқ топа олурсизларми?!» — дедилар». (Яъни, заиф кимсаларнинг ибодатлари ўта ихлослидур, чунки уларнинг қалблари мол-дунё ҳирсидан холи ва виждонлари Оллоҳ таоло бирлан ўзларининг ораларига ғов бўлгувчи қабоҳатлардан покдур. Шул боисдан уларнинг дуолари тезроқ мусгажоб бўлур).

Ару Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар. «Одамларга шундай замон келурки, унда бир гуруҳ кишилар ғазот қилурлар. Шунда: «Ораларингизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилганлар борми?» — дейилур. «Ҳа, (бор)» — деб жавоб қилинур. Кейин, (ўшал саҳобаларнинг фазли туфайли уларга) фатҳ (зафар) ато этилур. Сўнг, (яна) шундай замон келурки, унда (ҳам бир гуруҳ одамлар ғазот (қилурлар). Шунда: «Ораларингизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига саҳобалик қилганлар борми?» — дейилур. «Ҳа, (бор)» — деб жавоб қилинур. Кейин, (Жаноб Расулуллоҳнинг саҳобаларига саҳобалик қилган ўшал саҳобаларнинг фазли туфайли уларга) фатҳ (зафар) ато этилур! Сўнг, (яна) шундай замон келурки, унда (ҳам бир гуруҳ одамлар ғазот қилурлар). Шунда: «Ораларингизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларининг саҳобаларига саҳобалик қилганлар борми?» — дейилур. «Ҳа, (бор)» — деб жавоб қилинур. Кейин, (Жаноб Расулуллоҳнинг саҳобаларининг саҳобаларига саҳобалик қилган ўшал саҳобаларнинг фазли туфайли уларга) фатҳ (зафар) ато этилур». (Яъни, Жаноб Расулуллоҳга ҳамроҳлик қилганлар — «саҳоба», саҳобага ҳамроҳлик қилганлар — «тобиъуун», тобиъуунга ҳамроҳлик қилганлар эрса «атбоъ» деб аталиб, Оллоҳ таоло уларнинг фазилатлари; туфайли ғазот қилгувчи мусулмонларга зафар ато этгандур, чунки улар мол-дунё учун эмас, балки Оллоҳ таолонинг сўзи — калимаи тавҳиднинг жаҳонда энг улуғ сўз бўлиб қолмоғи учун ғазот қилганлар. «Улардан кейинги мусулмонларда (юқоридаги) уч тоифа саҳобаларда бўлган фазилатлар тобора камайиб бориб, Ислом подшоҳлари мол-дунё ва амал учун уруш қилганлар. Шул боис, Ислом борган сари заифлашиб ва яккаланиб, ҳозирда унинг суратигина сақланиб қолган ва унга кўпчилик мусулмонлар номигагина амал қиладирган бўлиб қолгандурлар» — дейишган баъзи уламолар).

62-боб. (Жароҳати оғригига чидамай, ўзини ўлдирган мусулмонни) «Фалооти шаҳид» дейилмайди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло ўзининг йўлда жиҳод қилгувчини ҳам, ўзининг йўлда жароҳатлангувчини ҳам яхши билур!» — деб марҳамат қилдилар».

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Ҳазотлардан бирида) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда (Хайбар) мушриклари ўзаро тўқнашиб, жанг қилишди. (Ушал кунги жанг тугаб), Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ва саҳобалар) ҳамда бошқалар (яъни, Хайбар мушриклари) ўз қароргоҳларига қайтаётганда мусулмонлардан (Қузмон исмли) бир киши ўз шерикларидан кейинда қолган мушриклар гуруҳини ва ёлғиз кетаётган мушрикларни қувиб бориб, қиличи бирлан чопиб ташлади. Шунда (мусулмонлардан бири): «Ё Расулаллоҳ, бугун бирортамиз фалончи (яъни, Қузмон) топган савобчалик савоб топмадик», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Аммо, у ўзи жаҳаннам аҳлидандур» — деб жавоб қилдилар. Мусулмонлар: «(Агар Қузмондек бир шижоатли киши жаҳаннам аҳлидан бўлса, ул ҳолда қайси биримиз жаннатимиз?» — дейишди). Шунда улардан бири: «Мен унинг дўсти бўламан», — деди-да, (эртасига) Қузмон бирлан бирга жангга кирди, у қаерда тўхтаса, тўхтади, югурса, югурди, (хуллас, ундан ажралмай, ёнма-ён жанг қилди). Бир вақт Қузмон оғир жароҳатланиб, ўз ўлимини тезлаштирди, яъни қиличининг дастасини ерга, учини эрса кўкрагининг ўртасига қўйди-да, оғирлигини ташлаб, ўзини-ўзи ўлдирди. (Бояги у бирлан ёнма-ён жанг қилган) киши (дарҳол) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «Сизнинг Оллоҳ таолонинг Расули эканлигингизга гувоҳлик келтирурман!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Не ҳодиса руй берди?» — дедилар. Бояги киши: «Ҳали сиз Қузмонни жаҳаннам аҳлидан, деб эрдингиз, бу одамларга оғир ботиб эрди. Шунда мен (уларга): «Мана мен унинг хусусида сизларга хабар келтираман» — деб унинг ортидан бориб, (у бирлан ёнма-ён жанг қилдим). Сўнг, у қаттиқ яраланиб, ўз ўлимини тезлаштирди — қиличининг дастасини ерга, учини кўкрагининг ўртасига қўйди-да, оғирлигини ташлаб, ўзини-ўзи ўлдирди», — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Бир киши одамлар кўзига жаннат аҳлининг ишини қилгандек бўлиб кўринади-ю, аммо ўзи жаҳаннам аҳлидан бўлади ва бир киши одамлар кўзига жаҳаннам аҳлининг ишини қилгандек бўлиб кўринади-ю, аммо ўзи жаннат аҳлидан бўлади» — деб марҳамат қилдилар».

63-боб. Отишга ундамоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй мўминлар), уларга (мушрикларга) қарши имконингиз борича куч ва эгарланган отларни ҳозирлаб қўйингизлар, бу бирлан Оллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни даҳшатга солурсизлар» («Анфол» сураси, 60-оят).

Салама ибн ал-Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (камондан отиш бўйича) мусобақалашаётган Аслам қабиласига мансуб бир гуруҳ кишилар ҳузурига бордилар-да: «(Эй) Бану Исмоил, отингизлар, сизларнинг аждодларингиз мерган ўтган, отингизлар, мен Бану фалон тарафидаман!» — дедилар. Шунда (ўзаро мусобақалашаётган) икки жамоадан бири отишдан тўхтади Жаноб Расулulloҳ: «Нима бўлди сизларга, нечун отмаяпсизлар?» — дедилар. Улар: «Сиз Бану фалон тарафида бўлсангиз биз қандай отамиз?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ (гап нимада эканлигини фаҳмлаб): «Отаверингизлар, мен барчангизнинг тарафингиздаман!» — дедилар».

Абу Усайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бадр куни Қурайш (мушриклари) бизнинг ва биз уларнинг қаршисида саф тортганимизда: «Агар улар (камон ўқи етадирган масофада) сизларга яқин келишса, камондан ўққа тутингизлар!» — дедилар».

64-боб. (Масжидда) найза ёхуд бошқа қуроллар бирлан (ҳарбий) ўйинлар ўтказмоқ ҳақида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳабашлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида (масжидда) найзабозлик қилиб турганларида Ҳазрат Умар кириб келиб (қўлларига тош) олдиларда, уларга отдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Эй Умар, қўй уларни ўз ҳолларига, (машқ қилаверишсин!)» — дедилар».

65-боб. Қалқон ва ўз дўстини қалқон бирла тўсиб ҳимоя қилган киши ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Талҳа (Уҳуд куни) битта қалқон бирла ҳам ўзларини, ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни тўсиб ҳимоя қилдилар. Абу Талҳа мерган киши бўлиб, камондан отганларида Жаноб Расулulloҳ қадларини ростлаб, ул кишининг отган ўқлари кетган томонга қарар эрдилар».

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошларидаги дубулға синиб, юзлари қонаб, курак тишлари синганда Ҳазрат Али қалқонда сув келтириб турдилар, Фотима эрсалар Жаноб Расулulloҳнинг (жароҳатларини, юзларидаги қонни) ювдилар. Аммо, ювган бирлан қон тўхтамаётганини кўриб, қамиш келтирдилар-да, уни куйдириб, (кулини) ул зотнинг жароҳатларига босдилар, шундагина қон тўхтади».

Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бану Назир қа-биласининг мол-мулки Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳақлиг равишда тақдир қилган, мусулмонлар унинг учун на от ва на тўя чоптириб (яъни, жанг қилиб) меҳнатлари сингмаган ўлжалардан эрди. Мазкур мол-мулк шахсан Жаноб Расулulloҳга тегишли бўлиб, ул зот ундан ўз онлаларини йиллик нафақа бирлан таъминлар, қолганига эрса Оллоҳ таоло йўлида (жиҳод қилмоққа) ҳозир туриш учун қурол-яроғ ва отлар харид қилур эрдилар».

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Саъд (ибн Абу Ваққос)дан кейин бирор кишига (ота-оналарини) фидо қилганларини кўрмадим. Мен ул зотнинг Саъдга: «Отгил, ота-онам сенга фидо булсинлар!» — деб айтганларини эшитдим».

66-боб. Чарм қалқон ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Мино кунлари) менинг ҳузуримга кирдилар. Шунда менинг (хужрамда) икки ансория қизалоқ Буъос (уруши ҳақидаги) қўшиқни (баланд овоз бирлан) куйлашаётган эрди. Жаноб Расулulloҳ тўшакка ёнбошлаб, юзларини (биздан) ўгириб олдилар. Шу аснода (отам) Абу Бакр разияллоҳу анҳу кириб келдилар-да, (икки қизалоққа қўшиқ айтишга рухсат берганим учун) мени койиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида шайтоннинг (Оллоҳ таолонинг зикридан чалғитувчи) қўшиғини айтасизларми?!» — дедилар. Расулulloҳ еаллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига ўгиршшб: «Қўйингиз, уларни (койимангиз, чунки бугун бизнинг байрамимиздур!» — дедилар. Кейин мен, (отам) бизга эътибор бермай турганларида, қизалоқларга ишора қилиб эрдим, (секингина) чиқиб кетишди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Байрам куни ҳабашлар қалқон ва найза бирлан машқ қилишаётган эрди. Мен ўзим Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадими ёки ул зот ўзлари: «Томоша қиласанми?» — дедиларми (ҳозир ёдимда йўқ). (Ҳар ҳолда ул зот ўзлари айтган бўлсалар керак), мен: «Ҳа», — дедим. Сўнг, ул зот мени гавдалари бирлан (бегона кўздан) пана қилиб туриб томоша қилдирдилар. Шунда ул зот (ҳабашларга қарата):

«Эй Бану Арфада, эҳтиёт бўлингизлар!» — дедилар. Мен зериккунимча (томоша қилдим). Жаноб Расулulloҳ: «Етарлими, томоша қилиб бўлдингми?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Ул зот: «(Ул ҳолда) ичкарига киргил!» — дедилар».

67-боб. Қилич тасмаси ва бўйинга қилич осиб олиш ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг яхши ва энг шижоатли киши эрдилар. Бир куни тунда Мадина аҳли (қандайдир овозни эшитиб) хавотир олганидан ўшал овоз келган томонга қараб юрди. Йўлда уларга Жаноб Расулulloҳ дуч келдилар. Ул зот бўйинларига қилич осиб олиб, Абу Талҳанинг отларини эгарламай минганларича (барчадан бурун хавф сезилган томонга кетган ва ул ерда) ҳеч қандай хатар йўқлигини билиб, қайтиб келаётган эрдилар. (Мадина аҳлини кўргач): «Қўрқмангизлар! Қўрқмангизлар!» — деб айтдилар, сўнг (Абу Талҳанинг йўрға отларини назарда тутиб): «Биз бунинг денгиз (оқими каби бир текис югуришини) билдик!» — дедилар».

68-боб. Қиличлар безаги ҳақида

Абу Умома разияллоҳу анҳу: «Қиличлари на олтин ва на кумуш, балки (ингичка тсри) тасма, қурғошин ва темир бир лангина безалган қавм (яъни, саҳобалар ғазотларда) ғалас қилганлар», — дейдилар.

69-боб. Сафарда қайлула қилишдан олдин қиличини дарахт (шохи)га илиб қуйган киши ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Нажд томонга ғазотга чиқдим. (Ғазот тутаб), Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ортларига қайтганларида мен ҳам ул зот бирлан бирга қайтдим. Бир сердарахт водийга етганимизда қайлула қилиш вақти бўлиб қолиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (туяларидан) тушдилар, саҳобалар ҳам (уловларидан) тушишиб, дарахтлар соясида қайлула қилгани турли тарафга тарқаб кетишди. Ул зот эрсалар бир самура дарахти остига бориб, қиличларини унинг шоҳига илиб қуйдилар-да, ёнбошладилар. Барчамиз дам олиб, уйқуга кетдик. Бир маҳал Жаноб Расулulloҳ бизни чақириб қолдилар, (бориб қарасак), қошларида бир бадавий турибди. Ул зот (бизга): «Манави (одам) ухлаб ётганимда қиличимни (қинидан) суғуриб олибди. Уйғониб (қарасам), тепамда қилич яланғочлаб турибди. У (менга): «(Ҳозир) сени (ўлдирмоғимга) ким монеълик қила олади?» — деди. Мен: «Оллоҳ (таоло монеълик қилади)» — деб айтдим. Шунда (Ҳазрат Жаброил унинг кўкрагига бир уриб эрдилар), у (ерга) ўлтириб қолди», — дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ (кофирларнинг қалбларини Исломга мойил қилиш мақсадида) ўшал бадавийни жазоламадилар. (Ул ўшал ернинг ўзида мусулмон бўлди-да, ўз қавми ҳузурига қайтиб бориб, уларни Исломга даъват қилди)».

70-боб. Дубулға киймоқ ҳақида

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Уҳуд куни) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари жароҳатланди, курак тишлари синди ва бошларидаги дубулғалари мажақланди. Шунда Фотима алайҳоссалом (ул зотнинг юзларидаги) қонни ювдилар, Ҳазрат Али эрсалар (қалқонларида сув келтириб, ул муҳтарамага) тутиб турдилар. Фотима (алайҳоссалом) қоннинг тўхтамайтганини кўриб, қамиш келтирдилар-да, уни куйдириб, кулини (ул зотнинг жароҳатларига) босдилар, қон тухтади».

71-боб. Вафот қилаётганида қуролини синдириб ташлашни лозим топмаган киши ҳақида

Амр ибн ал-Ҳарас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ўзларидан кейин қуроллари, оқ ҳачирлари ва Хайбардаги (Оллоҳ таоло йўлида) садақа (вақф) қилган ерларинигина қолдирдилар».

72-боб. Қайлула қилиш ва дарахтлар соясида дам олиш вақти бўлганда одамларнинг имомни холи қолдириб, ўзлари (ҳар тарафга) тарқаб кетганлари ҳақида

Бу ерда юқоридаги (69-бобдаги) ҳадис такрорланган.

73-боб. Найзалар ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло) менинг ризқимни найзам сояси остига жойлаштирган ва тубанлигу хорзорликни менинг амримга қарши чиққанларга атагандур» — деб марҳамат қилдилар». (Яъни, «Оллоҳ таоло жаннат ва ундаги роҳат-фарогатни ўзининг йўлида жиҳод қилганлар учун ҳамда жаҳаннам ва ундаги хорлигу дардли азобни Исломга муҳолифлик қилганлар учун атаб куйгандур»).

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Қатода разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарга чиқдилар. Макка йўлидаги бир ерга етишганда Абу Қатода бир гуруҳ ҳамроҳларй бирлан ул зотдан орқада қолдилар. Абу Қатода эҳром киймаган, ҳамроҳлари эрса эҳромда эрдилар. Ногаҳон, ул киши бир қулонни кўриб Қолиб, отларига миндилар-да, қамчиларини олиб беришни ҳамроҳларидан илтимос қилдилар. Улар олиб беришмади. Сўнг, найзаларини олиб беришни илтимос қилиб эрдилар, уни ҳам олиб беришмади. Шунда ўзлари (отдан тушиб) қамчи ва найзаларини олдилар-да, яна унга миниб қулонни қувий кетдилар, найза отиб уни ўлдирдилар. Сўнг, баъзи саҳобалар унинг гўшtidан (пишириб) ейишди, айримлари ейишмади. Кейин, Жаноб Расулulloҳга етиб олишганда, ул зотдан шуд ҳақда сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Бу — Оллоҳ таоло сизларга ато этган ризқдур!» — дедилар».

74-боб. Жаноб Расулulloҳнинг совутлари ва урушда жанг либоси (киймоқ) ҳақида

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Аммо, Холид (ибн Валид) жанг либосларини Оллоҳ таоло йўлида (жиҳод қилмоқ учун) тайёрлаб куйгандур», — дедилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам (Бадр ғазоти куни) чодирда туриб: «Ё парвардигоро, (ўзинг юборган пайғамбарларга мадад бериб, ғалаба ато этмоғинг хусусидаги) аҳдингни ва (мусулмонларнинг қўлини баланд қилиб, кофирларни мағлуб этмоғинг ҳақидаги) ваъдангни бажармоғингни илтижо қилурман! Ё парвардигоро, агар (мўминларнинг ҳалокатини) ирода қилган бўлсанг, (бу ҳам сенинг ишинг бўлиб, биз амру хоҳишингга бўйин эгурмиз ва) бугундан кейин ибодат қилинмас! (яъни, сўнги пайғамбар бўлмиш мен ва менинг саҳобаларим ҳалок бўлсак, бундан кейин иймонга даъват қилгувчи бирор киши қайта юборилмас!)» — дедилар. Шунда Абу Бакр (ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу) Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг қўлларини ушлаб: «Бас, раббингизга

етарли илтижо қилдингиз!» — дедилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам совут кийган ҳолда (чодирдан ташқарига) чиқдилар-да, (Оллоҳ таолонинг) «Яқинда ўшал жамоат энгилиб, ортларига қочиб қолурлар! Аммо, уларга (мангу азоб бериладирган) вақт — Қиёмат бўлиб, у ўта дардли ва ўта аччиқдур!» деган ояти карималарини тиловат қилдилар». (Мазкур оятлар «Қамар» сурасининг 45—46-оятларидур).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларида совутлари бир яҳудийга ўттиз соъ арпа учун гаровга қуйилган эрди».

Аъмаш: «Темир совут эрди», — дейдилар.

Аъмаш: «Темир совут гаровга қуйилган эрди», — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Бахил (яъни, хасис) одам бирлан садақа қилгувчи (яъни, сахий) одам темир совут кийиб олган, (совутлари ёқаси), буйинларини (қаттиқ бўғиб қўйганидан) жон ҳолатда қўллари бирлан (уни кенгайтиришга) ҳаракат қилаётган икки одамга ўхшайди. Сахий нечоғлиқ садақа қилмоқни ният қилса, (совути ҳам) шул қадар кенгайиб ҳатто унинг (баданда қолдирган) излари бутунлай йўқолади. Аммо, хасис нечоғлиқ садақа қилмоқни ният қилса, совутининг ҳар бир ҳалқаси ҳам шул қадар теригани ўзига тортиб, унинг (бўйинини баттарроқ) сиқади ва хасис ҳарчанд (совути ёқасини) қўллари бирлан кенгайтиришга ҳаракат қилмасин, барибир кенгаймайди».

75-боб. Сафар ва урушда жубба (киймоқ) ҳақида

Мугийра ибн Шуъба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Табук ғазотида бўлдим). Шунда ул зот ҳожат учун (бир чеккага) чиқдилар. Сўнг, ортларига қайтдилар. Мен (бир идишда) сув (олиб), ул зотга пешвоз чиқдим. Ул зот шомий жубба кийиб олган бўлиб, оғиз ва бурунларини чайқадилар, юзларини ювдилар. Сўнг, қўлларини жубба энгидан чиқармоқчи бўлиб эрдилар, торлик қилди. Шул боис қўлларини энг ичидан тортиб олдилар-да, ювдилар. Кейин, бошлари бирлан пойабзалларига масҳ тортдилар».

76-боб. Урушда ипак кийим (киймоқ) ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ғазотлардан бирида) Абдуррахмон ибн Авф бирлан Зубайрга, қичима дардлари бўлгани учун, ипак кийим кийишга ижозат бердилар». (Уламоларнинг айтишларича, қичима дардининг мижози совуқ, ипакнинг мижози эрса иссиқ бўлиб, ипак қичима дардига даво эркан).

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

77-боб. Пичоқ ҳақида

Амр ибн Умайя разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўйнинг (пиширилган) қўлидан кесиб (еяётганларини) кўрдим. Шу аснода (Ҳазрат Билол) намозга азон айтиб қолдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ (қўлларидagi пичоқни қўйиб, оғиз чайқадилар-да), таҳоратларини янгиламай, намоз ўқидилар».

78-боб. Рум жангги хусусида

Умму Ҳаром (бинти Милҳон) разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимдан биринчи бўлиб бир қўшин (яъни, Муовия қўшини) денгиз (оша) ғазотга борадилар, улар (ўз амали солиҳлари бирлан Оллоҳ таолонинг мағфирату раҳматига) сазовор бўлгандурлар» — деб марҳамат қилдилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, мен улар орасида борманми?» — дедим. Ул зот: «(Ҳа), сиз улар орасида борсиз», — дедилар. Кейин, ул зот: «Умматимдан биринчи бўлиб бир қўшин (яъни, Язид ибн Муовия қўшини Қайсар (яъни; Рум подшоҳи шаҳрига (яъни, Қўстантания, Константинопол шаҳрига) ғазот қиладилар, улар мағфират аҳлидурлар» — деб марҳамат қилдилар. Шунда мен; «Ё Расулаллоҳ, мен ўшалар орасида борманми?» — дедим. Ул зот «Йўқ»,— дедилар». (Баъзи уламолар: «Язид Жаноб Расулulloҳнинг набиралари Ҳусайнни ўлдиртириб, кофир бўлгандур, «мағфират аҳли»дан эмас. Жаноб Расулulloҳнинг «Улар ман фират аҳлидурлар» деган башоратлари Язиддан бўлак ғозийларга тааллуқлидур», — дейишса, айримлари: «Ул зот намоз ўқиб Оллоҳ таолога ибодат қилганларни ва қибла аҳлидан бўлганларни лаънатламоқдан қайтарганлар, биз Язиднинг қилмишига эмас, иймонига мувофиқ фикр юритамиз», — дейишади)ю

79-боб. Яҳудийларга (қарши қилинадирган) жанг хусусида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Келгусида) сизлар (яъни, мусулмонлар) яҳудийларга (қарши) жанг қилурсизлар; Шунда улардан бири (Қора) Тош ортига беркиниб олур. Қора Тош: «Эй Оллоҳнинг бандаси, манави яҳудий менинг ортимга беркиниб олди, уни ўлдир!» — деб айтур», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (келгуси умматларини назарда тутиб): «Сизлар яҳудийларга (қарши) жанг қилмагунларингизга қадар, (Қора) Тош ўз ортига бир яҳудийнинг беркиниб олганини маълум қилиб: «Эй мусулмон, манави яҳудий ортимга беркиниб олди, уни ўлдир!» — деб айтмагунига қадар Қиёмат бўлмас!» — дедилар». (Жаноб Расулulloҳ Исо алайҳиссалом осмондан тушиб, мусулмонлар ул киши бирла Дажжол лашкарлари бўлмиш яҳудийларга қарши жанг қиладирган замонни назарда тутганлар).

80-боб. Туркларга (қарши қилинадирган) жанг хусусида

Амр ибн Тағлиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёматнинг белгиларидан бири шуки, (келгусида) сизлар (яъни, мусулмонлар) жун пойабзал кийгувчи бир қавмга қарши жанг қилурсизлар, Қиёматнинг белгиларидан (яна) бири шуки, сизлар юзлари ялпоқ, (яъни, бир-бирига урилавериб) ялпайиб кетган қалқонга ўхшаш юзли бир қавмга (қарши) жанг қилурсизлар», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «(Келгусида) сизлар кўзлари кичик (қисик), юзлари қизил, бурунлари пачоқ, (бир-бирига урилавериб) ялпайиб кетган қалқонга ўхшаш юзли туркларга (қарши) жанг қилмагунингизга қадар Қиёмат бўлмас ва токи жун пойабзал кийгувчи бир қавмга (қарши) жанг қилмагунингизга қадар ҳам Қиёмат бўлмас!»

81-боб. Жун пойабзал кийгувчиларга (қарши қилинадирган) жанг ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

82-боб. Саҳобалари қочганда уларни (жангга қайта) сафлаган ва уловидан тушиб, Оллоҳ таолодан зафар тилаган киши ҳақида

Абу Исҳоқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Бародан: «Хунайн куни сизлар (душмандан энгилиб) қочганмидингизлар?» — деб сўради. Баро: «Оллоҳ таоло ҳақи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қочганлари йўқ! Аммо мусулмонлар (душман энгилиб қочгач), шошиб (ўлжаларга ёпирилишди). Буни кўриб, Ҳавозин (камончилари) уларни ўққа тутишиб эрди, (ўқдан ўзларини олиб қочишиб) Жаноб Расулulloҳнинг қошларига қайтишди. Шунда ул зот оқ ҳачирларига миниб олган бўлиб, Абу Суфён унинг жиловидан етаклаб кетаётган эрди. Жаноб Расулulloҳ уловларидан тушиб, Оллоҳ таолодан зафар (мадад) тиладилар. Сўнг: «Мен пайғамбарман, пайғамбар эрса ёлғон гапирмас, (Оллоҳ таолонинг менга ғалаба ато этмоғи ҳақидаги ваъдаси ҳақдур), мен Абдулмутталиб авлодиданман!» — дедиларда, саҳобаларини (жангга) сафладилар».

83-боб. «Ё парвардигоро, мушрикларни мағлуб қилгил ва қақшатгил!» — деб дуои бад қилмоқ хусусида

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Аҳзоб куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло мушрикларнинг уйлари-ю, қабрларини ўтга тўлдирсин! Улар Қуёш қизаргунга қадар (жанг қилишиб), бизнинг Вусто (аср) намозини ўқимоғимизга ҳалал беришди», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қунут дуосида: «Ё парвардигоро, Салама ибн Ҳишомга нажот бергил, ё парвардигоро, Валид ибн Валидга нажот бергил, ё парвардигоро, Иёш ибн Абу Рабийъага нажот бергил, Ё парвардигоро, ночор-нотавон мусулмонларга нажот бергил! Ё парвардигоро, Музар қабиласига қаҳрингни янада зиёда қилгил, ё парвардигоро, уларга) Юсуф (алайҳиссалом даврларидагидек) қаҳатчилик юборгил» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аҳзоб куни мушрикларни дуои бад қилиб: «Эй Китоб туширгувчи (ва Қиёматда) тез ҳисоб-китоб қилгувчи парвардигорим, аҳзобларни мағлуб этгил ва қақшатгил!» — дедилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба соясида намоз ўқиётган эрдилар. Шунда Абу Жаҳл бир неча кишини Маккага юборди, улар (ҳайвон) ичак-чавоқларини олиб келишиб, Жаноб Расулulloҳнинг устларига ташлашди. Шу аснода Фотима разияллоҳу анҳо келиб қолиб, ичак-чавоқларни ул зотнинг устларидан олиб ташладилар. Жаноб Расулulloҳ (намоз охирида): «Ё парвардигоро, Қурайш (кофирларини) ҳалок қилгил! Ё парвардигоро, Қурайш (кофирларини) ҳалок қилгил! Ё парвардигоро, Қурайш (кофирларини) ҳалок қилгил! Абу Жаҳл ибн Ҳишомни, Утба ибн Рабийъани, Шайба ибн Рабийъани, Валид ибн Утбани, Убай (Умайя) ибн Халафни ва Уқба ибн Абу Муъитни ҳалок қилгил!» — деб дуои бад қилдилар. Кейин, мен уларнинг жасадларини Бадр қудуғида кўрдим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Бир гуруҳ) яҳудийлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кириб: «Ас-Сому алайка!» (яъни, «Сенга ўлим бўлсин!» — дейишди. Шунда мен уларни лаънатладим. Жаноб Расулulloҳ (менга): «Сенга не бўлди?» — дедилар. Мен: «Уларнинг не деганларини эшитмадингизми? (англамадингизми?)» — дедим. Ул

зот: «Сизларга ҳам (ўлим булсин!), деб алик олганимни эшитмадингми?» — дедилар».

84-боб. Муслмон китоб аҳлини тўғри йўлга (Исломга) чорлайдими ёхуд китоб аҳлига Китобни (Қуръонни) ўргатадими?

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (Рум) қайсарига: «Агар (Исломдан) бош тортсанг, қўл остингдаги фуқароларингнинг ҳам гуноҳлари сенинг бўйнингда бўлур, (чунки сен Исломга кирсанг, улар ҳам Исломга кирурлар, кирмасанг, улар ҳам кирмаслар)» — деб мактуб ёздилар».

85-боб. Мушрикларни Исломга мойил қилмоқ учун Оллоҳ таолодан уларга ҳидоят тилаб дуо қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Туфайл ибн Амр ад-Давсий ва унинг ҳамроҳлари Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулalloҳ, Давс қабиласи (Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулига) осийлик қилиб, (Исломга кирмоқдан) бош тортди. Оллоҳ таолодан уларни (ҳалок қилмоғини сўраб), дуои бад қилингиз!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Ё парвардигоро, Давс (қабиласи)га ҳидоят айлаб, уларни (муслмон) қилгайсан!» — дедилар».

86-боб. Яҳудий ёхуд насроний (подшоҳ)ни (Исломга) чорламоқ ҳамда (муслмонлар) кимга қарши жанг қилсалар, ўшаларни дуои бад қилмоқ ҳақида. Жаноб Расулulloҳнинг Хусрав ва Қайсарга (мактуб) ёзганлари ҳамда жангдан бурун (Исломга) даъват қилмоқ хусусида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Рум (қайсари)га (мактуб) ёзмоқчи бўлганларида (саҳобалар) румликларнинг муҳрланмаган хатни ўқишмаслиги ҳақида маълум қилишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ кумушдан бир узук қилдириб олдилар. Ўшал узукнинг бармоқларида ярқираб тургани ва ундаги «Муҳаммадун расулulloҳ» деган нақшинкор ёзув ҳамон кўз ўнгимда».

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Хусравга ўз мактубларини йўлладилар. Шунда ул зот уни Баҳрайн амирига топширмоқни, Баҳрайн амири эрса хусравга элтиб бермоғини буюрдилар. Хусрав мактубни ўқиб кўргач, уни майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Саъид ибн ал-Мусаййибнинг айтишларича, шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кофирларни дуои бад қилиб, (Оллоҳ таолодан) уларни парча-парча қилиб ташламоғини тилабдилар».

87-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг мушрикларни Ислом бирлан пайғамбарликка (шаҳодат келтирмоққа) ҳамда Оллоҳ таолони қўйиб, бир-бирларини тангри қилиб олмасликка даъват қилганлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ҳеч бир инсон учун дуруст эмаски, Оллоҳ унга Китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик ато этсинда, сўнг у одамларга: «Сизлар Оллоҳни қўйиб, менга банда бўлинглар!..» — деб айтсин» («Оли Имрон» сураси, 79-оят).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (Рум) қайсарини Исломга даъват қилиб мактуб ёздилар. Сўнг, мактублар: Диҳя ал-Калбий орқали жўнатаётиб, уни Бусро амирига, эрса (Рум) қайсарига етказмоғини амр

қилдилар. Шул вақт, Оллоҳ таоло (Рум қўшинлари бирлан урушаётган) форслар қўшинини мағлуб қилган бўлиб, қайсар парвардигор ато этга зафар учун шукроналар айтиб, Ҳимсдан Илияга қараб юрга эрди. Қайсар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини олгач, уни ўқиб чиқди-да: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хусусларида сўраб билмоғим учун менга ул зотнинг қавмларидан бирор кишини топиб келингизлар!»— деди:

Абу Суфён менга айтиб эрдиларки, ул киши шул кезларда, яъни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Қурайш (кофирлари) ўртасида тузилган (Ҳудайбия) сулҳи вақтида бир гуруҳ Қурайш кишилари бирлан бирга тижорат қилгани Шомга келган эрканлар. Абу Суфён бундай деб эрдилар: «Биз қайсарнинг элчисини Шомнинг бир ерида учратдик. У мен бирлан ҳамроҳларимни эргаштириб йўлга тушди, ниҳоят Илияга етиб бордик. Сўнг, Рум қайсарининг ҳузурига кирдик. Қарасак, у (бошига) тож кийиб олиб, тахт узра ўлтирибди, атрофида Рум зодагонлари (қўл қовуштириб туришибди). Қайсар ўз таржимонига: «Улардан сўра-чи, ўзини пайғамбар деб таъкидлаётган кишига уларнинг қайси бйри насаб жиҳатидан яқинроқ эркан?» — деди. Шунда: «Буларнинг орасида ул кишига насаб жиҳатидан энг яқинроғи менман», — дедим. Қайсар: «Сен бирлан ул киши ўртасидаги қариндошлик нечоғлиқ (яқин?)» — деди. Мен: «Ул киши менинг амакимнинг ўғли бўлиб, ҳозир булар орасида Бану Абди Манофга мансуб мандан бўлак киши йўқ», — дедим. Қайсар: «Уни (менга) яқинроқ олиб келингизлар!» — деди. Сўнг, буюриб эрди, ҳамроҳларим ҳам менинг ортимга келиб туришди. Кейин, қайсар ўз таржимонига: «Бунинг ҳамроҳларига айтгилки, мен бундан ўзини пайғамбар деб таъкидлаётган киши хусусида сурайман, агар бу ёлғон гапирса, улар ёлғон гапирганини айтишсин!» — деди. Оллоҳ таоло ҳақи, агар ҳамроҳларимнинг менинг ёлғон гапираётганимни фош қилиб қўймоқларидан чўчимаганимда эрди, қайсар мандан ул зот хусусларида сўраган чоғида, албатта (душманлик қилиб) ёлғон сўзлаган булур эрдим! Аммо, ҳамроҳларимнинг менинг ёлғон сўзлаётганимни фош қилиб қўйишларидан чўчиб, рост гапирдим. Қайсар ўз таржимонига: «Ул киши ораларингизда қандай насабга эга?»— деди. Мен: «Ул киши орамизда (олий) насаб соҳибидурлар»,— дедим. Қайсар: «Бу сўзни (яъни, ўзининг пайғамбар эканлигини) ундан илгари сизлардан бирор киши айтганми?»— деди. Мен: «Йўқ», — дедим. Қайсар: «Пайғамбар эканлигини таъкидламасидан бурун ул кишини ёлғончиликда айблар эрдингизларми?» — деди. Мен: «Йўқ», — дедим. Қайсар: «Унинг аждодларидан бирортаси подшоҳ ўтганми?» — деди. Мен: «Йўқ», — дедим. Қайсар: «Унга димоғдор, такаббур одамлар эргашаётирми ёки хоксор одамларми?» — деди. Мен: «Аксинча, хоксор одамлар (эргашаётир)», — дедим. Қайсар: «Улар кўпаяётирми ёхуд камаяётирми?» — деди. Мен: «Аксинча, кўпаяётир», — дедим. Қайсар: «Бирор одам унинг динига киргач, норози бўлиб диндан қайтаётирми?» — деди. Мен: «Йўқ», — дедим. Қайсар: «Аҳдини бузурми?» — деди. Мен: «Йўқ, бузмас. Биз анчадан бери ул кишидан йироқда бўлиб, ҳозир не қилаётганидан беҳабармиз, аҳдини (Ҳудайбия сулҳини) бузмасайди, деб хавотирдамиз», — дедим. (Аммо), гапимга (ул кишини камситадирган), ёлғон сўзлаётганимни фош қилиб қуймайдирган бундан бўлак бирор сўз қистириб қолмоғимнинг имкони бўлмади. Қайсар: «Сизлар унга ва у сизларга қарши жанг қилдимми?» — деди. Мен: «Ҳа», — дедим. Қайсар: «Унинг уруши ва сизларнинг урушларингиз қандай (ўтди?)»— деди. Мен: «Турлича, бир сафар у ва бир сафар биз ғолиб келдик», — дедим. Қайсар: «У сизларга не қилмоқларингизни буюрур?» — деди. Мен: «У бизга фақат Оллоҳга ибодат қилмоқни, унга заррача ширк келтирмасликни буюриб, аждодларимиз ибодат қилган нарсалардан (бутлардан) бизни қайтарур ҳамда бизга (беш вақт) намоз ўқимоқни, садақа (закот) бермоқни, (Оллоҳ таоло) ҳаром (қилган) ишларни қилмасликни, аҳдга вафо қилмоқни ва омонатга хиёнат қилмасликни буюрур», — дедим. Шунда Қайсар ўз таржимони орқали менга: «Мен сендан унинг ораларингиздаги насаби ҳақида сўрадим, шунда сен унинг олий насаб соҳиби эканлигини таъкидладинг. Ҳа, шундай, (барча) пайғамбарлар ўз қавмларининг олий насаб кишилари ичидан (танлаб) юборилур. Мен сендан: «Бу сўзни (яъни, ўзининг пайғамбар эканлигини) ундан илгари сизлардан бирор киши айтганми?» — деб сўрадим. Сен: «Йўқ», — деб

таъкидладинг. Агар бу сўзни ундан илгари сизлардан бирор киши айтган бўлганида эрди, мен: «Ул киши ўзидан илгари айтилган сўзни такрорлаётир» — дер эрдим. Мен сендан: «Сизлар уни бу сўзни айтмасидан илгари ёлфончиликда айблар эрдингизларми?» — деб сўрадим. Сен: «Йўқ» — деб таъкидладинг. Мен билдимки, у одамларга ёлфон гапирмадими, демак Оллох таолога нисбатан ҳам ёлфон гапирмас! Мен сендан: «Аждодларидан бирортаси подшоҳ ўтганми?» — деб сўрадим. Сен: «Йўқ» — деб таъкидладинг. Агар аждодларидан бирортаси подшоҳ ўтган бўлганида эрди, мен: «У ўшал аждодининг мулкани талаб қилаётир» — дер эрдим. Мен сендан: «Унга димоғдор, такаббур одамлар эргашаётирми ёхуд хоксор одамларми?» — деб сўрадим. Сен: «Хоксор одамлар эргашаётир» — деб таъкидладинг. Ҳа, шундай, пайғамбарларга хоксор одамлар эргашур. Мен сендан: «Улар кўпаяётирми ё камаяётирми?» — деб сўрадим. Сен: «Улар кўпаяётир» — деб таъкидладинг. Ҳа, иймон(нинг иши) шундай, у токи (намоз, закот, рўза каби муътабар ишлар) мукамал (адо этиладирган) бўлмагунга қадар, тобора зиёда бўлиб бораверади. Мен сендан: «Бирор одам унинг динига киргач, норози бўлиб, диндан қайтаётирми?» — деб сўрадим. Сен: «Йўқ» — деб таъкидладинг. Ҳа, шундай, қалбларини (Оллох таоло бирлан унинг Расулига бўлган) иймон нури чароғон қилган кишиларнинг бирортаси норизо бўлиб, диндан қайтмас! Мен сендан: «Аҳдни бузурми?» — деб сўрадим. Сен: «Йўқ» — деб таъкидладинг. Ҳа, шундай, пайғамбарлар ўз аҳдларини бузмаслар. Мен сендан: «Сизлар унга ва у сизларга қарши уруш қилдими?» — де(сўрадим. Сен: «Ўзаро уруш қилдик, бир гал у ва бир гал биз ғолиб келдик» — деб таъкидладинг. Ҳа, шундай, пайғамбарлар ҳам гоҳо ғолиб ва гоҳо мағлуб қилиниб, Оллох таоло томонидан sinalурлар, аммо пировардида уларнинг қўллари баланд келгай. Мен сендан: «У сизларга не қилмоқларингизни буюрур?» — деб сўрадим. Сен: «У бизга фақат Оллохга ибодат қилиб, унга заррача ширк келтирмасликни, аждодларимиз сиғинган бутлардан юз ўгирмоқни, (беш вақт) намоз ўқимоқни, закот бермоқни, Оллох ҳаром қилган ишларни қилмасликни, аҳдга вафо қилмоқни ва омонатга хиёнат қилмасликни буюрур» — деб таъкидладинг. Бу сифатлар пайғамбарга хос сифатлардур. Мен Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) чиқишларини билар эрдим, аммо сизларнинг (яъни, Қурайшнинг ёки арабларнинг) орангиздан чиқадилар, деб ўйламаган эрдим. Агар сенинг айтган гапларинг ҳақиқат бўлса, ул ҳолда ул зот оёқларим турган мана шу жойни (ҳам) эгаллайдилар. Қани энди, ул зотнинг ҳузурларига омон-эсон етиб бора олсам! (Аммо, менинг омон-эсон етиб бормоғимга йўл қўймаслар, мени ўлдиргайлар. Агар шундай қилишмаганида эрди), албатта (бориб), ул зот бирлан учрашур эрдим-да, оёқларини ювиб қўяр эрдим! (яъни, ул зотга хизматкорлик қилур эрдим!)» — деди. Сўнг, қайсар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини олиб келмоқни буюрди. (Уни ўзи ёки таржимони) ўқиди. Унда: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми! Оллох таолонинг бандаси ва расули Муҳаммаддан Рум ҳукмдори Ҳирақлга. Ҳидоят топганларга салом! Аммо баъд: мен сени Исломга даъват қилурман. Мусулмон бўл, саломат бўлурсан! (Бунинг учун) Оллох таоло сенга икки баробар (кўп) ажру савоб ато этур, (чунки сенинг туфайли фуқароларинг ҳам мусулмон бўлурлар). Агар (Исломдан) бош тортсанг, фуқароларингнинг гуноҳлари ҳам сенинг бўйнингга тушур. Ва эй китоб аҳли, келингизлар, бизларда ҳам, сизларда ҳам (яъни, Қуръонда ҳам, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам) бир хил бўлмиш сўзни (айтингизлар, яъни): «Оллохдан ўзгага ибодат қилмаймиз, унга заррача ширк келтирмаймиз, Оллохни қуйиб, бир-биримизни тангри қилиб олмаймиз!» — (деб айтингизлар!). Агар (калимаи тавҳидни айтишдан) бош тортсангизлар, ул ҳолда бизларни мусулмонлар, деб эътироф қилиб, (ўзларингизни кофирлар, деб тан олингизлар!)».

Қайсар сўзини тугатгач, (яъни биз бирлан савол-жавоб қилгандан кейин, ул зотнинг мактублари ўқиб чиқилгач), унинг атрофида турган Рум зодагонлари (шул қадар) ғала-ғовур кўтаришдики, (ҳатто) мен не деганларини англай олмадим. Шунда (саройдан чиқиб кетмоғимиз) амр қилиниб, биз (ташқарига) чиқариб юборилдик. Ташқарига чиқиб, ҳамроҳларим бирлан ёлғиз қолганимда, уларга: «Абу Кабша ўғлининг (яъни, Жаноб

Расулulloҳнинг) ишлари ниҳоятда кўчайиб кетди, ҳатто Бану Асфар подшоҳи (яъни, румликлар подшоҳи) ҳам ул зотдан қўрқаётир», — дедим. Оллоҳ таоло ҳақи, (илгари Жаноб Расулulloҳни мутлақо) тан олмаганимга қарамай, (шу кундан эътиборан) ул зотнинг ишлари ғалаба қилмоғига шунчалик ишрнч ҳосил қилдимки, ҳатто парвардигор қалбимга Исломни жо қилиб қуйди!»

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни: «Мен байроқни шундай кишига топширурманқи, Оллоҳ таоло унинг қўли бирлан фатҳ (зафар) муяссар қилур» — деб марҳамат қилдилар. Шунда саҳобалар: «Байроқни қайси биримизга берар эрканлар, шояд менга берсалар!» — дея умид бирлан ўринларидан туришди. Эртасига эрталаб ҳам барчалари: «Шояд байроқни менга берсалар!» — деб умидвор бўлишди. (Аmmo), Жаноб Расулulloҳ: «Али қаерда?» — дедилар. Саҳобалар: «Кўзи оғриб қолди», — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Алини чақириб келмоқни амр қилдилар, (ул киши келгач), кўзларига тупуриб эрдилар, ҳеч нарса бўлмагандек тузалиб қолди. Сўнг, ул зот: «Биздек (муслмон) бўлмагунларига қадар уларга (кофирларга) қарши жанг қилурмиз!» — дедилар. Кейин, (Ҳазрат Алига): «Оҳиста бориб, уларнинг ерига тушгил, сўнг уларни Исломга даъват этгил-да, уларга нелар вожиб эрканлигини хабар қил! Оллоҳ таоло ҳақи, агар сен туфайли бир киши ҳидоят топса ҳам, бу сенинг учун энг сара туялар (подасига эга бўлмоғинг)дан яхшироқдур!» — деб айтдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эрдик, агар бирор қавмга (қарши) ғазотга чиқсалар, (дарҳол) уларга ҳужум қилмай, тонг отишини кутар эрдилар. Тонг отгач, уларга ҳужум қилиб, (намозга азон айтилгунга қадар) жанг қилар эрдилар. Агар азонни эшитсалар, (жангни) тўхтатар ва агар эшитмасалар, жанг қилаверар эрдилар. Биз Хайбарга тунда етиб келганимизда (ҳам шундай қилдилар)».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен одамлар «Ло илоҳа иллаллоҳ» дегунларига қадар жанг қилишга буюрилдим. Кимки «Ло илоҳа иллаллоҳ» деса, мендан жону молини омон сақлар, акс ҳодда (унинг ўлдирилмоғи) ҳақлиғ бўлиб, ҳисоб-китоби Оллоҳ таоло зиммасидадур», — дедилар».

88-боб. (Ҳарбий хийла учун) аслида бир қавмга қарши ғазот қилмоқчи бўлиб, иккинчи бир (қавмга қарши) ғазот қилмоқчи эканлигини айтган киши ҳақида ҳамда панжшанба куни ғазотга чиқишни хуш кўрган киши хусусида

Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бирор қавмга қарши) ғазот қилмоқчи бўлсалар, (душманни доғда қолдириш учун) бутунлай бошқа (қавмга қарши) ғазот қилмоқчи эканликларини айтар эрдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

Каъб ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам панжшанбадан бўлак куни камдан-кам сафарга чиқар эрдилар».

Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам панжшанба куни Табук ғазотига чиқдилар, (чунки) ул зот панжшанба куни ғазотга

чиқмоқни хуш кўрур эрдилар».

89-боб. Пешиндан кейин (ҳаж ёки жиҳодга) йўл олиш ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Ҳажжатул-Видоъ — хайрлашув ҳажи қилмоқчи бўлганларида) Мадинада (биз саҳобалар бирлан биргаликда) тўрт ракъат пешин ўқидилар. Сўнг, Зулхулайфага (бориб) ул ерда икки ракъат (қаср) аср ўқидилар. Кейин, мен саҳобаларнинг баланд овоз бирлан ҳаж ва умрага талбия айтишаётганини эшитдим».

90-боб. Ой охирида (ҳажга) йўл олмоқ ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Ҳажжатул-Видоъ йили) Зулқаъда ойининг беш куни қолганда (панжшанба куни, пешиндан кейин) Мадинадан йўлга тушиб, Зулҳижжа ойининг тўрт кечаси ўтгач, (якшанба куни, тонгда) Маккага етиб келдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Зулқаъда ойининг беш куни қолганда Мадинадан йўлга чиқдик, шунда (умра эмас, балки) ҳаж қиламиз, деб ўйлаган эрдик. (Аммо), Маккага яқинлашганимизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки жонлиқ олиб келмаган бўлса-ю, Байтуллоҳни тавоф қилиб, Сафо ва Марва орасида саъй қилган бўлса, эҳромини ечсин!» — деб амр қилдилар. Кейин, Наҳр куни ҳузуримизга мол гўшти олиб киришди. Мен: «Бу қандай гўшт?» — деб сўраб эрдим, гўшт келтирган одам: «Жаноб Расулulloҳ ўз аёллари номидан қурбонлик қилдилар — деб айтди».

91-боб. Рамазон ойида (ғазотга) йўл олмоқ ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойида Маккага (ғазот қилгани) йўл олдилар. Шунда Кадийд деган ерга етгунча рўза тутдилар-да, сўнг огиз очдилар, одамлар ҳам оғиз очишди», — дейдилар. (Яъни, сафарда рўза тутиш саҳобаларга оғирлик қилди, шул боис ул зот рўза тутишни тўхтатдилар).

92-боб. (Йўлга чиқишдан олдин) хайрлашиш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни бир ерга юбораётиб: «Агар фалон ва фалон кишини учратсангизлар, иккисини ҳам ўтда куйдирингизлар!» — дедилар. Кейин, биз йўлга чиқмоқчи бўлганимизда ул зот бирлан хайрлашгани ҳузурларига бордик. Шунда ул зот: «Мен (синамоқ учун) фалон ва фалон кишини ўтда куйдирингизлар, деб сизларга буюриб эрдим. (Билиб қўйингизларки), фақат Оллоҳ таологина ўт бирлан азоб берур, агар иккисини қўлга туширсангизлар, (қурол бирлан) ўлдирингизлар!» — дедилар».

93-боб. Имомга қулоқ осиб, итоат қилмоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Имомга ёхуд ҳар қандай етакчига) қулоқ осиб, итоат қилмоқлик гуноҳовар ишларга буюрилмасагина вожибдур. Агар гуноҳовар ишларга буюрилса, на қулоқ осилади ва на итоат этилади!» — деб марҳамат қилдилар».

94-боб. Имомнинг амру наҳий ва тадбирларига бўйинсунган ҳолда (кофирларга қарши) жанг қилинур ҳамда унга эргашиб олға юрилур

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Биз (муслмонлар бу дунёга келиб яшаш жиҳатидан) охиргилар ва Қиёматда (ҳисоб-китоб қилиниш ҳамда жаннатга киритилиш жиҳатидан) биринчилармиз. Шунга кўра, менга итоат қилган киши Оллоҳ таолога итоат қилган бўлур, менга осийлик қилган киши Оллоҳ таолога осийлик қилган бўлур ва кимки амирга итоат қилса, (демак) менга итоат қилибди ва кимки амирга осийлик қилса, (демак) менга осийлик қилибди. Чунки, имом (муслмонларни душманлар азиятидан сақловчи ва Ислом бирлигини ҳимоя қилгувчи) қалқон бўлиб, унинг амру наҳий ва тадбирларига бўйинсунган ҳолда (кофирларга қарши) жанг қилинур ҳамда унга эргашиб олға юрилур. Агар имом (ўз қўл остидагиларга) Оллоҳ таолодан тақво қилмоқни буюрса ва (уларга) адолат қилса, бунинг учун унга ажру савоблар ато этилур ва агар бундан бўлак нарсани айтса (яъни, Оллоҳ таолодан тақво қилмоқни буюрмаса ва адолатсизлик қилса), бунинг учун ўзига (оғир) гуноҳ орттирур».

95-боб. Урушда (жанг майдонидан) қочмасликка байъат қилмоқ

Оллоҳ таолонинг қавли: «Батаҳқиқ, рози бўлди Оллоҳ муслмонлардан вақтики улар байъат қилур эрдилар сизга (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломга) дарахт остида» («ал-Фатҳ» сураси, 18-оят).

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз (Ҳудайбия сулҳи тузилган йилдан) кейинги йили (Ҳудайбияга) қайтиб келдик. Биз (саҳобалар)дан икки киши (яъни, мен ва Жувайрия ул ердаги бир) дарахтнинг (ўтган йили) биз остида байъат қилган дарахт эканлиги хусусида (бошқалар бирлан) келиша олмадик. (Чунки, Оллоҳ таоло ўшал дарахтни, муслмонлар унга муқаддас деб эътиқод қилмасликлари учун, куздан гойиб қилган бўлиб), бу унинг (муслмонларга қилган) марҳамати эрди. (Жувайрия) менга: «Жаноб Расулulloҳ уларни (саҳобаларни) нимага байъат қилдирдилар, ўлимгами?» — деди. Мен: «Иуқ, (ул зот) уларни (ҳаттоки ўлимга олиб борса-да), сабрли (матонатли) бўлмоққа, (ҳар қандай ҳолда ҳам жанг майдонидан қочмасликка) байъат қилдирдилар», — дедим».

Абдуллоҳ ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳарра воқеаси вақтида бир киши келиб: «Ибн Ҳанзала (яъни, ансорлар амири Абдуллоҳ ибн Абу Омир) одамларни ўлимга байъат қилдираётир», — деди. Шунда мен: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин бирор кишини бунга (яъни, ўлимга) байъат қилдирмасман!» — дедим. (Яъни, «Жаноб Расулulloҳ ҳар бир муслмондан Ислом йўлида ўз жонини фидо қилмоғини талаб этмоққа ҳақлиг эрдилар, аммо бирор кимсанинг ўз жонини ҳимоя қилмоқ учун бошқалардан жон фидо қилмоқни талаб этишга ҳаққи йўқдур!» — дедим).

Салама (ибн ал-Акваъ) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен (Ҳудайбияда, бир дарахт остида) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилдим. Сўнг, (бошқа бир) дарахтнинг соясига бориб ўлтирдим. Одамлар тарқалгач, Жаноб Расулulloҳ: «Эй Ибн ал-Акваъ, байъат қилмайсанми?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, (боя) байъат қилганман», — дедим. Ул зот: «Яна байъат қилавер!» — дедилар. Мен яна байъат қилдим. Кейинчалик, (Язид ибн Абу Убайд лақабимни айтиб): «Эй Або Муслим, ўшал куни нимага байъат қилган эрдингизлар?» — деб сўради. Мен: «Ўлимга (яъни, ўлсак ҳам, жанг майдонидан қочмасликка) байъат қилган эрдик», — дедим».

Анас (ибн Молик) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ансорлар Хандақ куни: «Умримиз борица жиҳод қилгаймиз, деб Муҳаммадга байъат қилгандурмиз!» — дейишар эрди. Жаноб Расулуллоҳ эрсалар: «Ё парвардигоро, охират ҳаётидан ўзга ҳаёт йўқдур! Ансорлар бирла муҳожирларга иззат-икром кўр-сатгил!» — деб уларга жавоб қилур эрдилар».

Мужошиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен биродарим бирлан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «Ҳижрат қилмоққа бизни байъат қилдирингиз!» — дедим. Шунда ул зот: «Ҳижрат аҳли учун ҳижрат тугаган (яъни, ҳижрат қилмоқлари лозим бўлганлар аллақачонлар ҳижрат қилиб бўлганлар)», — дедилар. Мен: «Ул ҳолда бизни нимага байъат қилдирурсиз?» — дедим. Ул зот: «Ислом ва жиҳодга», — дедилар».

96-боб. Имомнинг одамларга қудратлари етадирган юмушларни юкламоғи лозимлиги ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни бир киши қошимга келиб, мендан (шундай) бир (мушкул) масала хусусида сўрадики, ҳатто унга не деб жавоб қилмоғимни билмай қолдим. У мендан: «Бир киши (Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоққа) қаттиқ бел боғлаб, амирларимиз бирлан (яъни, «амиримиз бирлан» дейиш ўрнига, илтифот юзасидан «амирларимиз бирлан» деяётир) ғазотларга чиқса-ю, шунда (амир) бизни қудратимиз етмайдирган юмушни қилмоққа ундаса, айтингиз-чи, (ўшал киши амирга итоат этмоғи лозимми ё йўқми?)» — деб сўради. Мен унга бундай дедим: «Оллоҳ таоло ҳақи, сенга не деб жавоб қилмоғимни билмай қолдим. Аммо, сенга фақат шуни айтишим мумкинки, биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан (кўп ғазот ва сафарларда) бирга бўлганмиз. (Минг) афсуски, ул зот бизни, (лоақал) бир марта бўлса ҳам, тоқатимиз етмайдирган ишга ундамаганлар, (ундаганларида эрди), албатта уни бажарган бўлур эрдик! Ҳар бирингиз Оллоҳ таолодан тақво қилиб, амали солиҳлар қилишда давом этмоғингиз даркор. Башарти қалбингизда бирор нарсанинг (жоиз ёхуд ножоиз эканлиги) хусусида шубҳа пайдо бўлса, (шубҳангизни газак олдирмай туриб, дарҳол) билгувчи кишидан сўрангиз, ул сизни (шубҳадан) халос қилур. (Саҳобаларнинг бу дунёдан бирин-кетин ўтиб кетаётганлари боисидан, тўғри фатво бериб, қалбларни шубҳалардан халос қила оладирган) кимсани тез фурсатда топа олмай қолурсизлар. Якка-ю ягона Оллоҳ таоло ҳақи, сувнинг тиниқ қисми ичилиб, тагида лойқаси қолгани каби] бу дунёдан (муслмонларнинг) покизалари ўтиб кетиб, ёмонларигина қолур!».

97-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар куннинг бошида жанг қилмасалар, жангни Қуёш оққунга қадар кечиктирар эрдилар

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (душманга) дуч келган кунларидан (яъни, ғазотларидан) бирида Қуёш оққунга қадар кутдилар (яъни, жангни кечиктирдилар). Сўнг, одамлар орасида тик туриб: «Эй одамлар, душманга дуч келишни орзу қилмангизлар, Оллоҳ таолодан офият (омонлик) тилангизлар, башарти уларга (душманга) дуч келсангизлар, сабр қилингизлар, (чунки ғалабага сабр бирла эришилур) ва билиб қўйингизларки, жаннат қиличлар соялари остидадур (яъни, жаннатга Оллоҳ таоло йўлида қилич уриш бирлан эришилур!)» — деб хитоб қилдилар. Кейин, «Эй Китоб нозил қилгувчи, булутларни юргизгувчи ва (душман) тўдаларини мағлуб қилгувчи парвардигор(им), уларни (душманларни) мағлуб этиб, бизларни улар устидан музаффар қилгил!» — дея Оллоҳ таолога илтижо қилдилар».

98-боб. Кишининг имомдан изн сўрамоғи ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, мўминлар Оллоҳга ва унинг Расулига иймон келтирган зотлар бўлиб, қачон (барча мусулмонлар) жамъ буладирган ишда у бирлан (яъни, Мухаммад алайҳиссалом бирлан) бирга бўлсалар, то ундан ижозат олмагунларича кетмаслар...» («Фурқон» сурасининг 62-оятининг охиригача ўқингиз).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазотга бордим. (Қайтиб келаётганимизда) Жаноб Расулulloҳ менга етиб олдилар-да: «Туянга не бўлди?» — дедилар. Чунки, мен сув тортадирган туямизга миниб олган бўлиб, у толиққанидан аранг юриб келаётган эрди. Мен: «Чарчаб қолди», — ледим. Шунда ул зот туямнинг ортига ўтиб, уни «чу-чу!» деб ҳайдадилар-да, дуо қилдилар. Туям тезлаб, барча туялардан илгарилаб кетди. Ул зот: «Туянг энди қалай?» — дедилар. Мен: «Яхши, сизнинг дуоингизнинг баракоти тегди», — дедим. Ул зот: «Уни менга сотмайсанми?» — дедилар. Бизнинг бундан бўлак сув тортадирган туямиз бўлмаса-да, уни (ул зотга) жон деб сотгим келганидан: «Ҳа, (сотаман)», — дедим. Ул зот: «Ундай бўлса, уни менга (бир уққияга) сотгил!» — дедилар. Мен уни «Мадинага етиб олгунимча миниб бораман» деган шарт бирлан ул зотга сотдим. Кейин, ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, мен (янги уйланган) куёвман» — дедим-да, (бошқалардан илгарироқ Мадинага бормоққа) ижозат сўрадим. Ул зот ижозат бердилар. Мен одамлардан илгарилаб, Мадинага етиб бордим. Шунда тоғам менга пешвоз чиқиб, туям хусусида сўрадилар. Мен уни не қилганимни айтиб эрдим, (бизнинг ундан бўлак сув тортувчи туямиз йўқлигини айтиб) мени уришдилар.

Мен боя изн сўраганимда, ул зот: «Бокира қизга уйландингми ёки жувонгами?» — деб сўрадилар. Мен: «Жувонга» — деб айтдим. Ул зот: «Агар бокирага уйланганимда, сен у бирлан ва у сен бирлан ҳазил-ҳузил қилишиб ўйнашар эрдингизлар», — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, отам вафот қилиб (ёки шаҳид бўлиб), норасида сингилларим менинг қўлимда қолди. Мен сингилларим сингари ёш қизга уйланмоқни истамадим, чунки у уларга на тарбия бера олади ва на оналик қила олади. Шул боисдан мен уларга адаб бера оладирган ва оналик қила оладирган жувонга уйландим» — дедим.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага етиб келганларидан сўнг, эрталаб барвақт туяни ул зотнинг ҳузурларига олиб бордим. Ул зот менга туянинг пулини ҳам тўладилар, ўзини ҳам қайтариб бердилар».

99-боб. (Янги уйланган куёв бўла туриб) ғазотга борган киши ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

100-боб. (Аёлига) қўшилгач, ғазот қилмоқни афзал кўрган киши ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Пайғамбарлардан бири ғазотга отланаётиб, ўз қавмига: «Бирор киши хотинларини олиб мен бирлан ғазотга бормасин, чунки киши хотинларига яқинлик қилмоқни хоҳлагани бирлан, яқинлик қилолмас, ғазотда бунга имкон йўқдур, (яхшиси уйда хотинларига тўйгунича яқинлик қилиб олсин!)» — деди».

101-боб. (Қавм душмандан хавотир олиб), саросимага тушганда имомнинг барчадан илгари (хавф сезилган томонга от чоптириб) бормоғи ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мадинада тўс-тўполон бўлди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳанинг отига миниб, (барчадан илгари хавф

сезилган томонга) кетдилар. (Қайтиб келгач): «Биз (ул ерда) бирор хавфу-хатар борлигини кўрмадик, (аммо) манави отнинг денгиз (оқими янглиғ бир текис юришини) билдик!»— деб марҳамат қилдилар».

102-боб. (Қавм душмандан хавотир олиб), саросимага тушганда шошилиш ва (от) чоптириш ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

103-боб. Саросима (тўс-тўполон) вақтида якка ўзи (от чоптириб) кетмоқ ҳақида

Бу ерда ҳадис келтирилмаган бўлиб, юқоридаги ҳадис такрорланиши керак эди.

104-боб. (Кишининг) Оллоҳ таоло йўлида (уз мол-мулкидан камбағал мужоҳидларга) инъомлар қилмоғи ҳамда (улови йўқ мужоҳидларни ўз отларига) миндириб юбормоғи ҳақида

Мужоҳид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умарга: «Ҳазотга (тайёргарлик кўраётирман)», — дедим. Ибн Умар: «(Ундай эрса), мен молимдан бир қисмини сенга инъом қилиб, ёрдам қилайин!» — деди. Мен: «Бойликни менга Оллоҳ таоло ато этсин!» — дедим. Ибн Умар: «Гар Оллоҳ таоло сенга бойлик ато этадирган бўлса, менинг молимдан олиб, ато этсин!» — деди. Шунда Ҳазрат Умар: «Дарҳақиқат, баъзи одамлар жиҳод қилиш учун бу молдан оладилар-да, жиҳодга чиқмайдилар. Биз шундай қилгувчилардан олган молини (тортиб) олишга ҳақлимиз», — дедилар».

Товус ва Мужоҳид: «Агар сенга Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоғинг учун бирор нарса инъом қилинган бўлса, уни хоҳлаганингча тасарруф қил, хоҳла уни оиланг олдига қўй!» — дейишади.

Ушр ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен (улови йўқ бир кишига) Оллоҳ таоло йўлида от (инъом қилиб, уни унга) миндириб юбордим. Кейин, ўшал отнинг сотилаётганини кўриб қолиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Уни сотиб олайинми?» — деб сўрадим. Шунда ул зот: «Уни сотиб олма, садақангни қайтариб олма!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Агар менинг умматимга машаққатим бўлмаганида эрди (яъни, «Мен ғазотга чиқадирган бўлсам, умматимнинг ночор аҳволдаги қисми ҳам, гарчи қийналсалар-да, хижолат чекканларидан мен бирла чиқурлар. Агар шундай бўлмаганида эрди), ғазотга отланган қўшиндан қолмас эрдим. Лекин мен уларни миндиришга на бирор от ва на бирор улов топа олмасман, мен ғазотга кетиб, уларнинг (ночорлиқдан) уйларида қолишлари мени кўп қийин аҳволга солур. Оллоҳ таоло ҳақи, мен: «Парвардигор йўлида шаҳид бўлиб, сўнг тирилсам, яна шаҳид бўлиб, яна тирилсам, сўнг яна шаҳид бўлсам!» — дейман».

105-боб. (Жиҳодда мужоҳидга хизматкорлик қилмоғи учун ёхуд жанг қилмоғи учун) ёлланган киши ҳақида

Ҳасан ва Ибн Сириин разияллоҳу анҳумо: «Жиҳодда мужоҳидга хизматкорлик қилмоғи ёхуд ўзи шахсан жанг қилмоғи учун) ёлланган кишига (жантда олинган) ўлжалардан улуш берилади», — дейишади.

Атийя ибн Қайс разияллоҳу анҳу жангда олинган ўлжалардан одатда бошқа отлар учун бериладирган улушнинг ярмини бериш шарти бирлан бир отни бировдан ижарага олдилар. (Жангдан сўнг, ўлжалар тақсимланаётганда ўшал) отнинг улуши тўрт юз динорга етди. Шунда, Атийя (шартга кўра), икки юз динорни ўзларига олиб қолиб, (қолган) икки юз динорни отнинг эгасига бердилар.

Яъло ибн Умаия разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Табук ғазотига чиқдим. (Кексалигим боисидан уловим ва нарсаларимга қараб юрсин, деб) бир кишини ўзимга хизматкорликка елладим. (У мендан ўзининг хизмат ҳақи қанчалигини сўради). Мен: «Уч динор», — дедим. Шунда у (аччиғланиб) бир киши бирлан (яъни, Яълонинг ўзлари бирлан) уришиб кетди. Натижада, урушаётганларнинг бири (яъни, Яълонинг ўзлари) иккинчисининг қўлини тишлаб олди. Қўли тишланган киши (яъни, ёлланган киши) тишлаб олган кишининг оғзидан қўлини тортиб олган эрди, унинг курак тиши суғурилиб чиқди. Кейин, (тиши суғурилиб чиққан киши) Жаноб Расулulloҳнинг қошларига бориб, тишини (олдиларига) қўйди. Шунда ул зот: «Қулини сенга узатса, айғир каби тишлаб оласанми?!» — дедилар».

106-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг байроқлари ҳақида

Саълаба ибн Абу Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қайс ибн Саъд ал-Ансорий разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг байроқдорлари (аламбардорлари) эрди. У ҳаж қилмоқни ният қилиб, пиёда йўлга тушди».

Салама ибн ал-Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Али разияллоҳу анҳу кўзлари оғриб қолиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбар ғазотига чиқолмадилар. (Ўшанда) ул киши: «Мен Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга чиқолмайман» — деб эрдилар. Кейин, (Жаноб Расулulloҳ чақиртиргач), Хайбарга келибдилар-да, ул зотга учрашибдилар.

Тонггида (Хайбар) фатҳ қилинган куни кечқурун Жаноб Расулulloҳ: «Мен эртага байроқни Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулини севгучи кишига (ёки Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули севгучи кишига) берурман, Оллоҳ таоло унинг қули бирлан (Хайбарни) фатҳ қилур» — деб марҳамат қилдилар. Шу пайт биз Ҳазрат Алининг келаётганларини кўрдик, ул киши келадилар, деб уйламаган эрдик. Одамлар: «Ана, Али келаётир», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ байроқни Ҳазрат Алига бердилар, Оллоҳ таоло ул кишининг қуллари бирлан (Хайбарни) фатҳ этди».

Нофиъ ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Аббоснинг Зубайрга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам байроқни ҳов анави ерга урнатишингни амр қилдилар» — деб айтганини эшитдим».

107-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Мен (душманлардан) бир ойлик масофа нарида бўлсам-да, (қалбларига) гулғула солиниб, ёлиб қилиндим» — деб айтганлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Энди Биз кофирларнинг дилларига гулғула солурмиз» («Оли

Имрон» сураси, 151-оят).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сузлар мажмуаси (яъни, Қуръон ва суннат) бирлан юборилдим ҳамда (душманлардан бир ойлик масофа нарида бўлсам-да, қалбларига) ғулғула солиниб, ғолиб қилиндим. Уйқуда эрканлигимда менга Ер хазиналари калитлари ато этилиб, қўлларимга қўйилди» — деб марҳамат қилдилар. Жаноб Расулulloҳ вафот этиб, мана энди сизлар ул хазиналарни кавлаб олаётирсизлар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Суфён менга хабар қилдиларки, Ҳирақл Илияда эканлигида одам юбориб, ул кишини (ҳамроҳлари бирлан бирга) ўз ҳузурига таклиф қилибди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини келтиришни амр қилибди. «Мактуб уқиб бўлингач, — дейдилар Абу Суфён, — Ҳирақлнинг ҳузурига ғала-ғовур кўтарилиб, биз (саройдан) чиқариб юборилдик. Ташқарига чиққанимизда мен ҳамроҳларимга: «Абу Кабша ўғлининг (яъни, Жаноб Расулulloҳнинг) ишлари ниҳоятда кўчайиб кетди, ҳатто Бану Асфар (яъни, румликлар) подшоҳи ҳам ул зотдан қўрқаётир», — дедим».

108-боб. Ғазотга (сафар) озуқаси бирлан чиқмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Йўл учун озуқа олингизлар ва озуқанинг яхшиси тақводур!» («Бақара» сураси, 197-оят).

Асмо разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилмоқни ирода қилганларида мен (отам) Абу Бакрнинг уйларида ул зот учун сафар озуқаси тайёрладим. Аммо, на хуржунларининг ва на мешларининг оғзини боғлашга нарса топмадим. Шунда (отам) Абу Бакрга: «Оллоҳ таоло ҳақи, боғлашга камаримдан бўлак нарса топмадим», — дедим. Абу Бакр: «Камарингни иккига бўлгил-да, бир бўлаги бирлан мешнинг ва иккинчи бўлаги бирлан хуржуннинг оғзини боғла!» — дедилар. Мен айтганларидек қилдим. Шул боисдан мен «Икки камар деган ном олдим».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларда қурбонлик қилинган жонлиқлар гўштини Мадинага (қайтаётганимизда) сафар учун озуқа қилиб олар эрдик», — дейдилар.

Сувайд ибн ан-Нуъмон разияллоҳу анҳу хабар қиладиларки, ул киши Хайбар (ғазоти) йили Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга йўлга чиқибдилар. Саҳбо деган ерга етишганда аср ўқишибди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ егулик келтирмоқни амр қилибдилар. Шунда ул зотга савиқ (буғдой ёки арпа уни ёхуд улардан тайёрланган бўтқа)дан бўлак егулик келтиришмабди. «Биз, — дейдилар Сувайд, — ўшал бўтқадан едик, ичдик. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ уринларидан туриб, оғиз чайқадилар, биз ҳам оғиз чайқадик. Кейин, намоз ўқидик».

Салама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Ғазотлардан бирида) одамларнинг йўл озуқаси оз қолиб, ночор аҳволга тушиб қолишди. Шунда улар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келишиб, туяларини сўйишга рухсат сўрашди. Ул зот уларга рухсат бердилар. Кейин, Ҳазрат Умар уларни учратиб эрдилар, ул кишига шул ҳақда айтишди. Шунда Ҳазрат Умар уларга: «Туяларингизни сўйгач, не қилгайсизлар? (Ахир, пиёда юравериб, ҳалок бўлгайсизлар-ку!)» — дедилар-да, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кириб: «Ё Расулаллоҳ,

туяларини сўйгач, не қилгайлар?» — деб айтдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Одамларга маълум қилингиз, сафар озуқаларидан неки қолган бўлса, ҳаммасини олиб келишсин!» - дедилар. Сўнг, (ерга) бир чарм палос тўшалиб, одамлардаги сафар озуқасидан неки қолган бўлса, ҳаммаси унинг устига қўйилди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ ўшал тўпланган егуликларга барака тилаб дуо қилдилар, сўнг одамларга: «Идишларингизни олиб келингизлар!» — дедилар. Одамларнинг барчаси палос устидаги егуликлардан ҳовучлаб-ҳовучлаб олишди, ҳатто олмаган бирор киши қолмади. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳдан бўлак тангри йўқлигига ҳамда ўзимнинг Оллоҳнинг расули эканлигимга шаҳодат келтирурман!» — дедилар (яъни, муъжиза содир бўлганига ишора қилдилар)».

109-боб. Сафар озуқасини гарданга ортиб олмоқ ҳақида

Жобир разиллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз уч юз киши бўлиб (ғазотга) чиқдик, сафар озуқаларимизни гарданимизга ортиб олган эрдик. Кейин, сафар озуқамиз оз қолганидан бир киши (бир кунда) бир дона хурмо ейдирган бўлди» —деб эрдим, бир киши: «Эй Абу Абдуллоҳ, (бундай шароитда) биров бир дона хурмони ҳам тушириб қолдирармиди?!» — деди. Мен: «Йўқотиб қўйганимиз заҳотиёқ уни (қидириб) топиб олар эрдик», — дедим. «Кейин, биз, — дея давом этдим мен, — шу аҳволда денгиз соҳилига етиб бордик, қарасак, денгиз бир ҳутни соҳилга чиқариб ташлабди. Биз ўшал ҳутни ўн саккиз кун еб, анча ўзимизга келдик».

110-боб. Аёлни биродари ортига (туяга) мингаштирмоқ ҳақида

Ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо: «Ё Расулаллоҳ, саҳобаларингиз ҳаж ва умра савобига эришиб қайтишаётир, мен эрсам фақат ҳаж қила олдим, холос», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Боргил, (биродаринг) Абдурраҳмон сени (туясига) мингаштириб олсин!» — дедилар-да, Абдурраҳмонга Оиша онамизни Танъимдан бошлаб умра қилдирмоқни амр қилдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ Оиша онамизни умра қилиб келгунларича Макканинг юқори томонида кутиб турдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

111-боб. Ғазот ва ҳажда (ҳамроҳининг отига) мингашиб олмоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Мен Абу Талҳанинг (отига) мингашиб олган эрдим, барча саҳобалар ҳаж ва умрага талбия айтиб боришар эрди», — дедилар.

112-боб. Эшакка мингашмоқ ҳақида

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари эшакнинг устидаги тўқимга ўлтириб, Усомани ортларига мингаштириб олдилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фатҳ куни (дастёрлари) Усома ибн Зайдни туяларига мингаштириб, Макканинг юқори томонидан кириб келдилар, (муаззинлари) Билол бирлан Каъба хизматчиларидан (яъни, Каъба калити қўлида бўлган кишилардан) Усмон ибн Талҳа ҳам (эшакда) ул зотнинг ортларидан кетма-кет кириб келишди. Жаноб Расулulloҳ туяларини Ал-Масжид (ал-Ҳаром)да чўктирдилар. Сўнг, Усмонга Байтуллоҳнинг калитини олиб келмоқни амр қилдилар. (У калитни олиб келгач), Жаноб Расулulloҳ (Каъба эшигини) очиб, (ичкарига) кирдилар, Усома, Билол ва Усмон (ибн Талҳа) ҳам ул зот бирлан бирга киришди. Жаноб Расулulloҳ ул ерда узоқ вақт бўлиб, сўнг

қайтиб чиқдилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «(Жаноб Расулulloҳ Каъбадан чиқишлари ҳамоноқ) одамлар шоша-пиша ичкарига киришди. Абдуллоҳ ибн Умар биринчи бўлиб кирдилар-да, Каъба эшиги ортида Ҳазрат Билолнинг турганларини кўриб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қаерда намоз ўқидилар?» — деб сўрадилар. Ҳазрат Билол ул зотнинг намоз ўқиган жойларини кўрсатдилар. Абдуллоҳ ибн Умар: «Неча ракъат ўқидилар, деб сўрашни унутибман», — дейдилар».

113-боб. Туя ёхуд бошқа бирор улов сақлаётган киши(нинг фазилати) ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Инсон (ўз) вужудининг ҳар бир бўғими учун Қуёш чиқиб (оламни мунаввар қилгувчи) ҳар куни (Оллоҳ таоло йўлида) хайру эҳсон (амали солиҳлар) қилмоғи лозим бўлиб, унинг икки одам орасини келиштириб қўйгани ҳам савобдур, (сафарда) ҳамроҳини уловига мингаштириб олиб ёки унинг юкини уловига ортиб олиб, ёрдам қилгани ҳам савобдур, (биронинг кўнглини кўтаргувчи, унга далда бергувчи) яхши (ширин) сўз айтгани ҳам савобдур, намоз (уқийман, деб) қўйган ҳар бири қадами ҳам савобдур ва (одамларга) озор бергувчи (тош, кесак, нажосат каби) нарсаларни йўлдан олиб ташлагани ҳам савобдур».

114-боб. Душман ерига Мусҳафлар бирлан сафар қилмоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ул зотнинг саҳобалари Қуръонни билганлари ҳолда душман ерига сафар қилишди». (Яъни, Қуръонни ёд олганлар душман ерига қўрқмай бораверадилар, чунки душман уни уларнинг дилларидан асло тортиб ололмас ва оёқ ости қилолмас. Аммо, Қуръон, яъни унинг ёзма шакли Мусҳаф бирлан душман ерига бориб бўлмас).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муслмонларни Қуръон (яъни, Мусҳаф) бирлан душман ерига сафар қилмоқдан қайтардилар». (Бу ерда «Қуръон» дейилгани бирлан «Мусҳаф» деб тушунмоқ керак. Чунки, Қуръон оғзаки тарзда нозил қилинган бўлиб, душман уни қалблардан тортиб олиб, оёқ ости қилолмас).

115-боб. Уруш (жанг)дан илгари такбир айтмоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбарга тонгда етиб келдилар. Шунда яҳудийлар кетмонларини елкаларига қўйиб (ўз ерларида ишлагани) чиқиб келишаётган эрди. Жаноб Расулulloҳга кўзлари тушгач: «Ана Муҳаммад, ана катта қўшин! Ана Муҳаммад, ана катта қўшин!» — дея қўрғонга кириб яширинишди. Жаноб Расулulloҳ қўлларини (фотиҳага) кўтардилар-да: «Оллоҳу акбар! Хайбар хароб бўлди! Биз бирор қавмнинг ерига келиб тушганимизда, («Ана Муҳаммад, ана катта қўшин!» — деб бир-бирларини) огоҳлантирувчиларнинг тонгги албатта кулфатли бўлур!» — дедилар. (Жангдан) кейин, биз эшакларни сўйиб, (гўштини) пишираётган эрдик, ул зотнинг жарчилари: «Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули сизларни эшак гўшти тановул қилмоқдан қайтарур!» — деб эълон қилди. Сўнг, қозонлар ичидаги (гўшлари) бирлан ағдариб ташланди».

116-боб. Узни қийнаб, чарчатиб қўядирган даражада баланд овоз бирлан такбир

айтмоқдан қайтарилгани ҳақида

Абу Мусо алашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз (саҳобалар) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (сафарда) эрдик. Шунда бир водийга чиққанимизда таҳлил ва такбир айтган эрдик, овозимиз баланд кўтарилиб кетди. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй одамлар, ўзларингизни (бунчалик) зўриқтирмангизлар, (таҳлил ва такбирни меҳру муҳаббат бирлан айтингизлар), чунки сизлар бир кар ёки ғоиб (узок) кимсага эмас, (балки Оллоҳ таолога илтижо қилаётирсизлар), Оллоҳ таоло эрса (ҳамиша) сизлар бирлан бирга бўлиб, (кар ва йироқдаги кимсага қарама-қарши ўлароқ ҳамиша сизларни) эшитгувчи ва (сизларга) яқиндур!» — дедилар».

117-боб. Водийга тушганда тасбиҳ айтмоқ ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ: «(Тепаликка) кўтарилганимизда такбир, водийга тушганимизда эрса тасбиҳ айтар эрдик», — дейдилар.

118-боб. Тепаликка кўтарилганда такбир айтмоқ ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар ғазот ёки ҳаж ёхуд умрадан қайтаётган бўлсалар, (йўлда учраган) ҳар бир тепаликда уч бор такбир айтиб, сўнг: «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қадийр! Биз (ибодатларга чўмиб Оллоҳ таоло ҳузурига) қайтгувчи, (гуноҳларимиз учун Оллоҳ таолога) тавба (қилиб, шариат мақтаган амалларни) қилгувчи, парвардигоримизга ибодату сажда қилгувчи ва ҳамд айтгувчилармиз, Оллоҳ таоло (Исломга ривожу зафар ато этмоқ хусусидаги) ваъдасига вафо қилиб, ўз бандаси (Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га мадад берди ва бир ўзи (кўп сонли кофирлар) тўдаларини мағлуб қилди» — дер эрдилар».

119-боб. Мусофирга муқимлик вақтида қилаётган амалларига қанча савоб ёзилса, шунча савоб ёзилур

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар банда касал бўлиб қолса ёки (Оллоҳ таоло йўлида) сафарга чиқса (ва шу боисдан қилиб турган амалларини давом эттира олмай қолса), унга муқим ва соғ чоғида қилиб турган амалларига ёзиладирган савобчалик савоб ёзилур» — деб марҳамат қилдилар». (Баъзи уламолар: «Агар банда касаллиги ёки сафарга чиққанлиги боисидан нафл ибодатларни бажара олмай қолса, унга муқим ва соғлигида бажариб турган нафл ибодатларига ёзиладирган савобчалик савоб ёзилур», — дейишади. Айрим уламолар эрса: «Бул амалларга фарз ибодатлар ҳам киради, зеро банданинг муқим ва соғлигида уларни адо этмоғи шарт бўлиб, касаллиги боисидан уларни бутунлай ёки қисман бажаролмасам ҳам, унга бажарганлик савоби ёзилур, чунки касал бўлмаганида уларни адо этган булур эрди. Масалан, касаллиги туфайли ўлтириб намоз ўқиган бандага туриб ўқиганчалик савоб ёзилур», — дейишади).

120-боб. Якка ўзи сафар қилмоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамлар ёлғиз сафар қилмоқликда мен билганчалик хатар борлигини билишганида эрди,

бирор отлиқ якка ўзи тунда сафарга чиқмаган бўлур эрди», — дедилар». (Яъни, ёлғиз ўзи сафар қилмоқнинг нечоғлик хатарнок эканлигидан қатъий назар, ҳар бир мусулмон учун Оллоҳ таоло йўлида якка сафар қилмоқлик матлуб ва жоиздур. Масалан, бир кишининг якка ўзини қофирлар томон айғоқчи ёхуд илғор қилиб жўнатиш).

121-боб. (Сафардан қайтаётганда ёки ҳаж вақтида) уловини ёхуд қадамини тезлатмоқ ҳақида

Абу Ҳумайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафардан қайтаётиб): «Мен Мадинага шошиб турибман, кимки мен бирлан (Мадинага) тезроқ бормоқни истаса, (уловини) тезлатсин!» — дедилар».

Яҳё разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Усома ибн Зайддан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъ вақтида (Арафотдан Муздалифага) тумонат одамлар орасидан қандай ўтиб келган эрдилар? — деб сўрашди. Усома: «Ул зот (одамлар тикилинч жойларда) ўртача қадам ташлаб, (одамлар) сийрак ерларда эрса шитоб бирлан юрганлар», — дедилар».

Зайд ибн Асламнинг оталари бундай дейдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Умар бирлан бирга Макка йўлида кетаётган эрдим. Шунда Сафийя бинти Абу Убайднинг қаттиқ бетоб бўлиб қолгани ҳақида ул кишига хабар келтиришди. Абдуллоҳ уловларини тезлатиб, қоронғу тушгунча юрдилар. Сўнг, уловларидан тушдилар-да, шом бирлан хуфтонни қўшиб ўқидилар. Кейин: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг, агар сафар толиқтириб қўйса, шомни кечиктириб, хуфтонга қўшиб уқиганларини кўрганман», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафар азобнинг бир бўлаги булиб, у сизни уйқудан, еб-ичишдан маҳрум қилади. Агар бирортангиз (сафардан кўзлаган) ҳожатингизни адо этиб бўлган бўлсангиз, дарҳол оилангизга шашингиз!» — дедилар».

122-боб. Агар бир одам бир кишини Оллоҳ таоло йўлида отга миндириб юборган бўлса-ю, сўнг ўшал отнинг сотилаётганини кўрса, не қилур?

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Умар ибн ал-Хаттоб бир кишини Оллоҳ таоло йўлида отга миндириб юбордилар-да, кейинчалик унинг сотилаётганини кўрдилар. Шунда ўшал отни сотиб олмақчи бўлиб, Жаноб Расулulloҳдан шу ҳақда сўрадилар. Ул зот: «Уни зинҳор сотиб олма, қилган садақангни қайтариб олма!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

123-боб. Ота-онанинг изни бирлан жиҳод қилинур

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, жиҳод қилмоққа изн сўради. Шунда ул зот: «Ота-онанг тирикми?» — дедилар. У: «Ҳа», — деди. Ул зот: «Ундай бўлса, ана ўшаларнинг йўлида жиҳод қилгил (яъни, ота-онангни ризо қилмоқ учун мол-дунёнгни сарф қил, кеча-кундуз хизмат қилиб, уларнинг дуосини ол!)» — дедилар».

124-боб. Туялар бўйнидаги қўнғироқ ва шу кабилар ҳақида

Абу Башир ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдим. Одамлар ўз ётоқларида эрдилар. Шунда ул зот бир одамни (яъни, Зайд ибн Ҳорисани) юбориб, ул орқали: «Туяларнинг бўйнига осилган (қўнғироқ ва шу каби нарсалар) боғичини қирқиб ташлангизлар!» — деб амр қилдилар». (Яъни, туялар бўйнидаги қўнғироқ, кўзmunчоқ каби нарсалар боғичи уларни бўғиб қўйиши мумкин, бунинг устига бундай нарсалар Исломига зид бўлиб, Оллоҳ таоло ирода қилган нарсани асло қайтара олмас!).

125-боб. Бир кишининг исми (ғазотга боргувчи) қўшин рўйхатига киритиб қўйилган бўлса-ю, кейин унинг, хотини ҳаж қилгани йўлга чиқса, шу важдан унга ғазотдан қолмоққа рухсат бериладими?

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «(Номаҳрам) эркак ёнида маҳрами бўлган аёл ҳузуридагина ўлтирмоғи мумкин, аёл маҳрам бирлангина сафар қила олади» — деб айтганларини эшитдим. Шунда бир киши ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, менинг исмим фалон ғазотга боргувчилар рўйхатига киритиб қўйилган эрди, аммо хотиним ҳаж қилмоққа йўлга чиқди», - деди. Ул зот: «Боргил, хотининг бирлан бирга ҳаж қилгил!» — дедилар».

126-боб. Айғоқчи, айғоқчилик ва сўроқ қилиш ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мусулмонлар, менинг душманимни ва ўзларингизнинг душманингизни дўст тутмангизлар!» — («Ал-Мумтаҳана» сураси, 1-оят).

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мен, Зубайр ва Миқдодни жунатаётим: «Хох деган боғга етиб боргунларингизга қадар юраверингизлар, ул ерда кўшқда ўлтирган бир аёл бўлиб, унда мактуб бор. Ундан ўшал мактубни олингизлар!» — дедилар. Биз ул аёлдан ғазабнок ҳолда йўлга тушиб, ниҳоят мазкур боғга етиб бордик. Қарасак, ҳақиқатан ҳам ул ерда бир аёл кўшқда ўлтирибди. Биз унга: «Мактубни бер!» — дедик. У: «Менда ҳеч қандай мактуб йўқ», — деди. Биз: «(Яхшиликча) мактубни бергил, акс ҳолда кийимларингни (ечиб), отиб юборурмиз!» — дедик. Аёл ноилож хатни сочлари орасидан олиб берди. Биз уни Жаноб Расулulloҳга келтирдик. Билсак, мактуб Ҳотиб ибн Абу Балтаъадан бир гуруҳ маккалик мушрикларга йўлланган бўлиб, унда Жаноб Расулulloҳнинг баъзи режалари хабар қилинган эркан. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Ҳотиб, бу не қилганинг?» — дедилар. Ҳотиб: «Ё Расулаллоҳ, менга жазо беришга ошиқмангиз, (аввал не мақсадда бундай қилганимни тушунтирайин!). Мен Қурайш қабиласига мансуб бўлмасам-да, улар бирлан дўст тутинган эрдим. Сиз бирлан (Мадинага) ҳижрат қилганларнинг Маккада қириндошлари бўлиб, улар муҳожирларнинг ул ерда қолган бола-чақа ва мол-мулкларини ҳимоя қилурлар. Менинг эрса Маккада қириндошларим йўқ, шул боисдан мен ул ерда бола-чақам ва уй-жойимга қараб тургувчи бир мадаккор одамим бўлса, деган мақсадда мактуб жўнатиб эрдим. Аммо, бул ишни куфрга қайтганим боисидан қилганим йўқ», — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Бу сизларга ҳақ гапни айтди», — дедилар. Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ, менга рухсат берингиз, бул мунофиқнинг бўйнини узиб ташлайин!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «У Бадрда иштирок қилган, сен нимани ҳам билардинг! Оллоҳ таоло Бадр иштирокчиларининг ўз мағфиратига хилоф иш қилмасликларини билганидан (ва улардан бениҳоят ризо бўлганидан): «Хоҳлаган амалларингизни қилингизлар!» — деб айтгандур», — дедилар».

127-боб. Асирга кийим кийдирмоқ ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бадр куни бир қанча асирларни келтиришди. Улар орасида Аббос ҳам бўлиб, кўйлаклари йўқ эрди. Жаноб Расулulloҳ (саҳобаларнинг кўйлакларини бирма-бир кўздан кечириб), ниҳоят Абдуллоҳ ибн Убайнинг кўйлаклари Аббосга тўғри келади, деб ҳисобладилар. Шул боис, ул кишининг кўйлакларини (ечдириб) Аббосга кийдирдилар-да, эвазига ўз кўйлакларини ечиб бердилар».

128-боб. Бир кишининг муслмон бўлмоғига сабабчи бўлган одамнинг фазилати ҳақида

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни: «Мен эртага байроқни Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулини севгучи ва Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули ҳам уни севгучи шундай бир кишига топширурманки, парвардигор ул туфайли фатҳ (зафар) ато этур», — дедилар. Одамлар: «Ул зот байроқни қайси биримизга берар эрканлар?» — деган хаёлда уйқуга кетишди-да, барчалари шу умидда тонг оттиришди. (Эрталаб) Жаноб Расулulloҳ: «Али қаерда?» — дедилар. Одамлар: «Кўзи оғриб қолди», — дейишди. (Ҳазрат Алини чақириб келишгач), Жаноб Расулulloҳ ул кишининг кўзларига тупурдилар ва дуо қилдилар. Шунда Ҳазрат Алининг кўзлари, гўёки оғримагандек, тузалиб қолди. Кейин, ул зот Ҳазрат Алига байроқни топшириб: «Биз каби (муслмон) бўлмагунларига қадар жанг қилурман! Аввал, оҳиста уларнинг ерига бориб тушгил, сўнг уларни Исломга даъват қилгил-да, уларга нелар вожиб эканлигини айтгил! Оллоҳ таоло ҳақи, агар Оллоҳ таоло сен туфайли бир кишини ҳидоят қилса ҳам, бу сенинг учун энг сара туялар подасига эга бўлмоғингдан афзалдур!» — дедилар».

129-боб. Занжирбанд асирлар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таоло (бу дунёда муслмонлар томонидан жиҳодларда асирга олиниб, бўйинларидан) занжир бирла (Ислом томон етакланган, кейин эрса Исломнинг ҳақ дин эканлигини англаб қолиб, муслмон бўлган ва шул туфайли) охиратда жаннатга кираётган бир қавмдан рози бўлди». [Мазкур ҳадиснинг мазмунини Оллоҳ таолонинг «Эй муслмонлар, сизлар (бутун жаҳон) инсонларини (Исломга) ҳидоят қилмоқ учун юборилган жамоаларнинг энг яхшисидурсизларки, (уларни) яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарурсизлар...» деган ояти каримаси янада ойдинлаштирур, «Оли Имрон» сураси, 110-оят].

130-боб. Икки Китоб (Таврот ва Инжил) аҳлига мансуб муслмон бўлган кишининг фазилати ҳақида

Абу Мусо (ал-Ашъарий) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Уч (тоифа) кишига икки ажр ато этилур: биринчиси — бир кишининг жорияси бўлади-ю, у унга меҳрибонлик бирла (дин борасида вожиб бўлган билимларни) ўргатади ҳамда меҳрибонлик бирла уни (хушхулқ, хушодоб қилиб) тарбиялайди, сўнг уни озод қилади-да, (маҳр бериб) унга уйланади; иккинчиси — ўз пайғамбарига ҳамда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирган Китоб (Таврот ёки Ин-жил) аҳлига мансуб киши; учинчиси — Оллоҳ таолонинг ҳақини (яъни, намоз, рўза кабиларни) адо этаётган ҳамда ўз хожасига сидқидилдан хизмат қилаётган қул».

131-боб. Тунда мушрикларнинг манзилларига бостириб борилганда (катталар

бирлан бирга) хотин ва болаларнинг (ҳам) ўлдирилиши ҳақида

Саъб ибн Жассома разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абвоъда (ёки Ваддонда) менинг ёнимдан ўтиб кетаётган эрдилар, тунда мушрикларнинг манзилларига бостириб борилганда қоронғу бўлгани боисидан билмай уларнинг хотин ва болалари ҳам ўлдириб қўйилиши ҳақида сўралди. Шунда Жаноб Расулulloҳ савол берган кишига жавобан: «Улар ҳам мушриклардандур»,— дедилар». (Яъни, мушрикларнинг хотин ва болаларини қасддан ўлдириш манъ қилинган бўлиб, ғорат чоғида қоронғу бўлганлиги боисидан билмай ўлдириб қўйилса ёхуд эр ва оталарини ўлдиришга ҳалал берганларида ўлдирилса, жоиздур).

132-боб. Урушда болаларни ўлдириш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғазотларидан бирида бир хотинни ўлдирилган ҳолда топишди. Шунда ул зот хотин ва болаларни ўлдиришни қораладилар».

133-боб. Урушда хотинларни ўлдириш ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

134-боб. (Одамга) Оллоҳ таоло азоби бирлан азоб берилмайди!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни бир ерга юбораётиб: «Агар фалон ва фалон кишини учратсангизлар, иккаласини ҳам ўтда куйдирингизлар!» — дедилар. Кейин, ул зот биз йўлга тушмоқчи бўлганимизда: «Мен боя сизларни (синамоқ учун) фалон ва фалон кишини ўтда куйдирингизлар, деб амр қилиб эрдим, (билиб қўйингизларки), ўт бирлан фақат Оллоҳ таологина азоб берур, агар уларни учратсангизлар, (қурол бирла) ўлдирингизлар!» — дедилар».

Икрима разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Аббос разияллоҳу анҳу Ҳазрат Алининг бир қавми ўтда куйдирганларини эшитиб: «Агар мен ул кишининг ўринларида бўлганимда уларни ўтда куйдирмас эрдим, чунки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Одамга) Оллоҳ таолонинг азоби бирлан азоб бермангизлар!» — деб айтганлар. Мен уларни Жаноб Расулulloҳнинг «Кимки ўзининг (ҳақ) динини ўзгартирса, уни (қурол бирла) ўлдирингизлар!» деганларига биноан ўлдирур эрдим!» — дедилар». (Баъзи уламоларнинг айтишларича, Ҳазрат Али ўтда куйдирган қавм ул кишини «Раббимиз» деб таъкидлашар эрди. Айрим уламоларнинг айтишларича эрса, ул қавм бутларга сиғинган).

135-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Бас, қачон кофирларга тўқнаш келсангизлар, то қонларини хўб тўккунларингизга қадар бўйинларига (қилич) урингизлар, сўнг (қўлга тушганларини) маҳкам боғлангизлар. Андин кейин, ё шундоғ ёки фидя (жарима) олиб (қўйиб юборилса ҳам, жоиздур)» («Муҳаммад» сураси, 4-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бир гуруҳ) отликларни Нажд тарафга юбордилар. Улар Бану Ҳанифа қабиласига мансуб бўлмиш Сумома ибн Усол исмли бир кишини (асир қилиб) олиб келишди-да, масжид устунларидан бирига боғлаб қўйишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг қошига чиқиб: «Эй Сумома, (мени ўзингга нисбатан) қандай (чора кўради, деб) ўйлаётирсан?»

— дедилар. Сумома: «Эй Муҳаммад, (сиз албатта) хайрли (чора кўрурсиз), деб ўйлаётирман, (чунки сиз зулм қилгувчилардан эмас, балки яхшилик, олижаноблик қилгувчилардансиз!). Агар мени ўлдирсангиз, бировнинг қонини тўккан (ўлдирилиши ҳақлиғ бўлган) бир кишини ўлдирган бўлурсиз. Башарти, (менга) яхшилик қилсангиз, (яхшилик қилган одамдан) миннатдор бўлгувчи, (яхшиликка яхшилик қайтаргувчи) бир кишига яхшилик қилган бўлурсиз. Мободо, (мендан) мол-дунё талабида бўлсангиз, истаганингизча сўрангиз!» — деди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ уни эртасига қадар (у ҳолига) ташлаб қўйдилар. Эртасига эрса ундан яна: «Эй Сумома, (мени ўзингга нисбатан) қандай (чора кўради, деб) ўйлаётирсан?» — дедилар. Сумома: «Ўша (кеча) сизга айтган гаплар агар (менга) яхшилик қилсангиз, (яхшилик қилган одамдан) миннатдор бўлгувчи, (яхшиликка яхшилик қайтаргувчи) бир кишига яхшилик қилган бўлурсиз», — деди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ уни (яна) эртасига қадар (ўз ҳолига) ташлаб қўйдилар. Эртасига эрса ундан яна: «Эй Сумома, (мени ўзингга нисбатан) қандай (чора кўради, деб) ўйлаётирсан?» — дедилар. Сумома «Ўша илгари сизга айтган гапим», — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Сумомани қўйиб юборингизлар!» — дедилар. Сумома қўйиб юборишгач, масжид яқинидаги хурмозорга кириб таҳорат одди-да, сўнг масжидга кириб: «Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ! Эй Муҳаммад, Оллоҳ таоло ҳақи, Ер юзида менинг учун сизнинг юзингиздан ортиқроқ ёқимсиз юз йўқ эрди, мана энди сизнинг юзингиз менинг учун энг маҳбуб юз бўлиб қолди! Оллоҳ таоло ҳақи, менинг учун сизнинг динингиздан ортиқроқ ёқимсиз дин йўқ эрди, мана энди сизнинг динингиз менинг учун энг маҳбуб дин бўлиб қолди! Оллоҳ таоло ҳақи, менинг учун сизнинг юртингиздан ортиқроқ ёқимсиз юрт йўқ эрди, мана энди сизнинг юртингиз менинг учун энг маҳбуб юрт бўлиб қолди! Отлиқларингиз мени умра қилмоқчи бўлиб турганимда асир олишиб эрди, не дейсиз, (энди не қилайин?)» — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ унинг (муслмон бўлиб, бу дунё ва охираат хайриятига эришганини ҳамда бунга қадар қилган оғир гуноҳларидан пок бўлганини айтиб), хушнуд қилдилар-да, умра қилмоқни буюрдилар. Сумома Маккага келганида унга бир киши: «Ўз динингдан қайтиб, бошқа динга кирдингми?» — деди. Сумома: «Оллоҳ таоло ҳақи, ундай эмас! Аммо, мен Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан (диндош) муслмон бўлдим. (Яъни, бул жавоб ҳақимона жавоб бўлиб, Сумома: «Мен диндан чиққаним йўқ, чунки бутларга ибодат қилмоқлик дин бўлмай, мен мана эндигина динга кириб, Жаноб Расулуллоҳга дивдош муслмон бўлдим» — деб айтмоқчилар). Оллоҳ таоло ҳақи, (энди на сизларнинг динингизга мурожаат қилурман ва на сизларга ёрдам кўрсатурман!). Бундан буён (Ямомадаги қабилам сизларга юбориб турган озуқаларни юбортирмасман), Жаноб Расулуллоҳнинг изнларисиз Ямомадан сизларга бир дона ҳам буғдой келмас!» — деди».

136-боб. Муслмон асир куфр исканжасидан қутулмоқ учун ўзини асир олганларни алдаб ўлдирмоғи мумкинми?

Миашр ибн Махрима ва Марвон разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «...Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Худайбия сулҳи тузилгач), Мадинага қайтиб келганларида ҳузурларига Абу Басир Қурайший келдилар, ул киши муслмон эрдилар. Шунда Қурайш кофирлари (сулҳ шартига биноан) Абу Басирни талаб қилиб, ортларидан икки кишини Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига жўнатди. Жаноб Расулуллоҳ (шартномага вафо қилиб), Абу Басирни уларга топширдилар. Улар Абу Басирни асир олиб, йўлга тушишди-да, Зулхулайфага етганларида тамадди қилгани тўхташди. Шунда Абу Басир хийла ишлатиб, улардан бирининг қиличини олдилар-да, ўзини чопиб ташладилар. Иккинчиси тум-тарақай қочиб, тўғри Мадинага борди-да, масжидга кириб беркинди...». (Мазкур ҳадис «Шартлар китоби»нинг 15-бобида тўлалигича келтирилган).

137-боб. Агар мушрик муслмонни ёндирса, у ҳам ёндириладими? (Яъни,

мушрик мусулмонни ўлдирган бўлса, ундан қасос олинадими?)

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Укл (ёки Урайна) қабиласига мансуб бир гуруҳ кишилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишди. Шунда улар Мадина егуликлари ёқмай, қорин оғриғига мубтало бўлишди. Улар Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, бизга сут келтирмоқларини буюрсангиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен сизларга (соғин) туялар подаси олдига бормоғингизни маслаҳат берурман», — дедилар. Кейин, улар (Мадина ташқарисидаги яйловга) боришиб, (ул ерда ўтлаб юрган соғин) туялар сийдиги ва сутидан ичишди, (тезда) шифо топиб, семириб кетишди. Сўнг, подачини ўлдиришиб, туяларни ҳайдаб кетишди, мусулмон бўлгач, қайта кофир бўлишди. Жаноб Расулulloҳ бундан хабар топгач, (тонгда) уларнинг ортларидан бир қанча кишиларни юбордилар, кун чиққанда уларни тутиб келишди. Ул зот уларнинг қўл-оёқларини кестириб, кўзларини ўйдирдилар. Сўнг, уларни Ҳарра деган ерга, кун бўйи офтоб нури тушиб турадирган тошлоқ ерга олиб бориб ташлашди, сув сўраганлари бирлан сув беришмади, шу аҳволда ўлиб кетишди».

138-боб.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деяётганларини эшитдим: «Бир чумоли бир пайғамбарни чақиб олди. Шунда ул киши бутун бир чумолилар инига (ут қўйишни) амр қилиб эрдилар, ўт қўйилди. Оллоҳ таоло ул кишига ваҳий юбориб: «Сизни бир дона чумоли чақса, бутун бир чумолилар инига ўт қўясизми?!» — деди. Ул киши Оллоҳ таолога тасбиҳ айтдилар». (Яъни, Оллоҳ таоло ўшал пайғамбарнинг қавмларига бало юборганида, ул киши «Бир неча муртадни деб бутун қавмга бало йўлладинг» деган мазмунда эътироз билдирган эрдилар. Шул боис, Оллоҳ таоло бир дона чумолига ул кишини чақмоқни амр қилиб эрди. Ул киши эрсалар, дарғазаб бўлиб бутун чумолилар инига ўт қўйдирдилар).

139-боб. Уй (бино)ларга ҳамда хурмозорларга ўт қўйиш ҳақида

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жоҳилият даврида (қурилган) «Зул-Халаса» деган бир уй (бутхона) булар эрди, уни «Ал-Каъба ал-Йамонийя» ёки «Ал-Каъба аш-Шомийя» деб ҳам аташар эрди. (Бир куни) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Зул-Халасадан мени халос қилмайсанми?» — дедилар. («Зул-Халаса» Жарирнинг юртларида бўлиб, ул зотга озор етказар эрди. Шул боисдан ул зот ўшал юртнинг улугларидан бўлмиш Жарирга уни вайрон қилмоқни амр қилаётирлар). Шунда мен Аҳмас қабиласига мансуб бир юз эллик отликни олиб, «Зул-Халаса»га бордим, уни вайрон қилдик, ендирдик. Сўнг, қайтиб келиб, ул зотга шул ҳақда хабар қилдик. Ул зот биз (Аҳмас қабиласи отлиқлари)ни ва (бутун) Аҳмас қабиласини Оллоҳ таолодан баракот тилаб, дуо қилдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану ан-Назир қабиласи хурмозорига ўт қўйдилар, дарахтларини кесдилар. Бул хурмозор (Мадина яқинидаги) «Ал-Бувайра» деган ерда эрди».

140-боб. Уйқудаги мушрикни ўлдирмоқ ҳақида

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (мушрик) Абу Рофиъни ўлдирмоқ учун бир гуруҳ одамларни жўнатдилар. (Жўнатилган) одамлардан бири (яъни, Абдуллоҳ ибн Атийк шерикларини ташқарида қолдириб, якка ўзлари) мушриклар қўрғони (ҳовлиси)га кириб олдилар. Абдуллоҳ ибн Атийк бундай дейдилар: «Мен

уларнинг (қўрғон ҳовлисидаги) отхонасига кириб (яшириниб) олдим. Бир оздан сўнг улар (қўрғон) дарвозасини ёпишди, аммо бир эшакни йўқотиб қўйиб, яна дарвозани очишди-да, (қўрғон ташқарисига) уни излагани чиқишди. Шунда мен ўзимни (эшакни) қидираётганлардан бири қилиб кўрсатиб, улар бирлан ташқарига чиқдим. Улар эшакни топишгач, қўрғон (ҳовлиси)га қайтиб киришди, мен ҳам улар бирлан бирга кирдим. Сўнг, тун бўлгани учун қўрғон (ҳовлиси) дарвозасини (ҳамда қўрғон биноти эшикларини) қулфлаб, калитларни мен кўриб турган бир кўза ичига солиб қўйишди. Улар уйқуга етишгач, мен калитларни олиб, қўрғон (ҳовлиси) дарвозасини очиб қўйдим, сўнг (қўрғон биноти хоналари эшикларини бирма-бир) очиб, (ниҳоят) Абу Рофиъ етган хонага кириб бордим-да: «Эй Абу Рофиъ» — деб чақирдим. У жавоб қилиб эрди, овози келган ерни мўлжаллаб қилич урдим. У бақириб юборди. Мен (хонадан) чиқдим-да, гуё (ёрдамга югуриб келган) хизматкордек, овозимни ўзгартириб: «Эй Абу Рофиъ, (не бўлди?)» — дедим. У: «Қаерда эрдинг? Сен ўлиб, онанг боласиз қолгур!» — деди. Мен: «Сенга не бўлди?» — дедим. У: «Ким кириб менга қилич урганини билмай қолдим»,— деди. Мен (у сўзлаётганида қаерда ётганини аниқ билиб олдим-да), қиличимнинг тиғини қорнига қўйиб, бор кучим бирлан босдим, ҳатто суюқлари қисирлаб кетди. Кейин, унинг хонасидан ҳаяжон бирла (шошиб) чиқдим-да, зинадан тушаётиб йиқилдим, оёғим синди. Сўнг, (бир амаллаб) ҳамроҳларим олдига бориб: «Мен токи тонгда (жарчи) Абу Рофиънинг ўлдирилгани ҳақида хабар қилмагунича шул ерда қолурман, сизлар кетаверингизлар!» — дедим. Сўнг, мен тонгда (жарчининг) Абу Рофиънинг ўлдирилганини Ҳижоз савдогарларига овоза қилганини эшитиб, ўрнимдан турдим-да, тезликда (ҳамроҳларимга етиб олдим), биз Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани хабар қилдик».

141-боб. Душман бирла тўқнашмоқни орзу қилмангизлар!

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам душман бирлан тўқнаш келган кунларидан бирида Қуёш оққунга қадар (жангни) кечиктирдилар. Сўнг, одамлар орасида тик туриб: «Эй одамлар, душманга дуч келмоқни орзу қилмангизлар, Оллоҳ таолодан офият тилангизлар! Башарти уларга тўқнаш келсангизлар, сабр қилингизлар, (чунки ғалабага сабр бирла эришилур) ва билиб қўйингизларки, жаннат қиличлар соялари остидадур! (яъни, жаннатга Оллоҳ таоло йўлида қилич уриш бирлан етишилур!)» — деб хитоб қилдилар. Сўнг, «Эй Китоб нозил қилгувчи, булутларни юргизгувчи ва (душман) тўдаларини мағлуб қилгувчи парвардигор(им), уларни (душманларни) мағлуб этиб, бизларни улар устидан музаффар қилгил!» — дея Оллоҳ таолога илтижо қилдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

142-боб. Уруш — ҳийладур!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хусрав ўлди, энди ундан кейин (Ироқда) хусрав бўлмас, қайсар ҳам албатта улур ва ундан кейин (Шомда) қайсар бўлмас, иккаласининг бойликлари Оллоҳ таоло йўлида албатта тақсим қилинур!» — дедиларда: «Уруш — ҳийладур» — деб айтдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уруш — ҳийладур!» — дедилар».

143-боб. Урушда ёлғон (ишлатмоқ) ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ким Каъб ибн ал-Ашрафни ўлдирмоққа (борур)? Чунки, у Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулига (кўп) азиятлар етказди», — дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Маслама: «Ё Расулalloҳ, уни мен ўлдирмоғимни истайсизми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа», — дедилар. Кейин, Муҳаммад ибн Маслама Каъб ибн ал-Ашрафнинг ҳузурига бориб (Жаноб Расулulloҳ хусусларида ёлғондан): «Анави (киши оч-ялонғоч эканлигимизга қарамай), биздан садақа талаб қилавериб қийнаб юборди, шул боисдан мен сендан қарз сўраб келдим», — дедилар. Каъб ибн ал-Ашраф (ишониб): «Бу ҳам ҳолва, ҳали у бундан бадтар кунларни бошингизга солур!» — деди. Муҳаммад ибн Маслама: «Биз унга эргашишга эргашиб қўйдик, энди уни тарк этмоқчи эмасмиз, курайликчи, ишининг натижаси не булар эркан?!» — дедилар. Муҳаммад ибн Маслама шу тариқа гаплар бирлан Каъб ибн ал-Ашрафни чалғита бошладилар ва пайт пойлаб туриб уни ўлдирдилар».

144-боб. Куфр аҳлини ўлдириш ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис қисқача такрорланган.

145-боб. Бузғунчилиги (фасоди) хавфли бўлган кимсага нисбатан ҳийла ишлатмоқнинг ва ундан эҳтиёт бўлмоқнинг жоизлиги ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъб бирлан бирга Ибн Сайёд (яшайдирган) томон йўл олдилар, одамлар унинг хурмозорда эканлигини ул зотга айтишган эрди. Жаноб Расулulloҳ ул ерга етиб боргач, хурмо шохлари ортига яшириниб олиб (Ибн Сайёдни кузата бошладилар), у ўзининг бахмал чойшабига ўралиб етар, чойшаб ичидан эрса (қандайдир) овоз келар эрди. Шу аснода Ибн Сайёднинг онаси Жаноб Расулulloҳни кўриб қолди-да: «Эй Соф (Ибн Сайёднинг лақаби), ана Муҳаммад!» — деди. Ибн Сайёд ирғиб (ўрнидан) турди(-да, қочиб кетди). Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Агар (онаси) индамаганда, (Ибн Сайёднинг сири) фош бўлур эрди», — дедилар».

146-боб. Урушда баланд овоз бирлан ражаз вазнида шеър айтмоқ ҳақида

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг Хандақ куни туфроқ ташиётганларини, ҳаттоки кўкраклари ёлига туфроқ текканини кўрдим, ул зот сержун одам эрдилар. Ўшанда ул зот туфроқ ташиётиб Абдуллоҳ ибн Рувоҳанинг ражаз вазнидаги қуйидаги шеърини баланд овоз бирлан айтган эрдилар:

«Ҳидоят топмас эрдик, қилмасанг сен ҳидоятлар,
Қилмас эрдик хайру эҳсон, қилмас эрдик ибодатлар,
Улуғворлик ато этгил мудом бизга худовандим,
Рўбарў келганда душман бизга бахш эт матонатлар.
Адоват бирла бизга неча бор зулм қилди куффор,
Фитна истар бўлса, узни айладик биз ҳимоятлар».

147-боб. Отда маҳкам ўлтира олмаган киши ҳақида

Жарир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам мусулмон бўлганимдан буён (бирор марта ҳам ҳузурларига кирмоғимга) моненьлик қилмадилар, мени кўрганларида доимо юзимга табассум бирла боқар эрдилар. Бир куни мен ул зотга отда маҳкам ўлтира олмаслигим хусусида шикоят қилдим. Шунда ул зот муборак қўллари бирлан кўрагимга бир нуқиб: «Ё парвардигоро, уни (отда) маҳкам (ўлтира оладирган) ҳамда тўғри

йўлга бошлагувчи ва тўғри йўлдан борғувчи қилгайсан!» — деб дуо қилдилар».

148-боб. Жароҳатни қамиш кули бирлан даволамоқ хусусида ҳамда аёлнинг ўз отаси юзидаги қонни ювиб ташламоғи ва қалқонда сув келтирмоқ ҳақида

Абу Ҳозим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий разияллоҳу анҳудан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жароҳатлари қандай даво бирлан муолажа қилингани ҳақида сўрашди. Шунда ул киши: «Бул хусусда мендан кўра яхшироқ биладирган одам қолмади. (Ўшанда) Ҳазрат Али қалқонларида сув келтирган, Фотима эрсалар ул зотнинг юзларидаги қонни ювган эрдилар. (Қон тухтайвермагач), қамиш куйдирилиб, кули ул зотнинг жароҳатларига босилган эрди», — дедилар».

149-боб. Урушда ўзаро низо ва ихтилоф қилмоқнинг макруҳлиги ҳамда ўз имомига осийлик қилмоқнинг гуноҳи ҳақида

Оллоҳ таоло бул хусусда: «Ва Оллоҳга ҳамда унинг Расулига итоат қилингизлар ва ўзаро жанжал қилмангизларки, омадингиз кетиб, куч-қувватдан қолурсизлар...» — дейди («Анфол» сураси, 46-оят).

Абу Бурда разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз (ибн Жабал) ва Абу Мусони Яманга (яъни, Ямандаги икки вилоятга амир қилиб) юбораётиб: «Осонлаштирингизлар, қийинлаштирмангизлар, (Оллоҳ таолонинг фазлу карами бениҳоят кенг эканлигини айтиб, одамларни) хушнуд қилингизлар, (дўқ-пўписалар бирлан) уларни чўчитиб қуймангизлар, бир-бирингиз бирлан келишиб (иш қилингизлар), ўзаро жанжаллашмангизлар!» — деб тайинладилар».

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд куни Абдуллоҳ ибн Жубайрни элликта пиёдага бош қилиб, уларга: «Гарчи бизнинг енгилиб, (жасадларимизни) қушлар чўқиладганини кўрсангиз ҳам, токи мен чопар юбориб, (ижозат бермагунимга) қадар бул ердан жилмангизлар ва гарчи бизнинг душманни мағлуб этиб, уларнинг (жасадларини) топтаганча (олға кетаётганимизни) кўрсангиз ҳам, токи мен чопар юбориб, (ижозат бермагунимга) қадар, бул ердан жилмангизлар!» — дедилар. Кейин, (жанг бошланиб, мусулмонлар кофирларни) енгишди. Шунда мен, Оллоҳ таоло ҳақи, мушрика аёлларнинг ўз кўйлаклари этагини кўтарганча (тоққа) тирмашиб қочишаётганини, оёқларидаги тақинчоқлари-ю, болдирлари шундоққина кўзга ташланиб турганини кўрдим. Бу ҳолни кўрган Абдуллоҳ ибн Жубайрнинг пиёдалари: «Ана, биродарларингиз (кофирларни) енгни, ана ўлжа, нега қараб турибсизлар?» — дейишди. Абдуллоҳ ибн Жубайр уларга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сизларга не деганларини унутдингизларми?» — дедилар. Улар: «Оллоҳ таоло ҳақи, биз (қочаётган) кофирлар томон бориб, ўлжалардан ўз насибамизни олмай қўймаймиз!» — дейишди. Аммо, улар ул ерга боргач, Жаноб Расулulloҳнинг «Жойингиздан жилмангиз!» деган амрларига итоат этмай, гуноҳкор бўлганлари боисидан душмандан енгилиб, яна турган ерларига қайтиб келишди ва бу ҳол Жаноб Расулulloҳ чекинаётганларга (қарата: «Мен Оллоҳнинг расулиман, кимки чекинмай ҳужум қилса, унга жаннатдан жой ато этилур!» — деб) даъват қилиб турган бир пайтда руй берди. (Натижада), ул зотнинг ёнларида ўн икки кишидан бўлак ҳеч ким қолмади. Бизлардан етмиш киши шаҳид бўлди. Жаноб Расулulloҳ ва ул зотнинг саҳобалари Бадр куни мушриклардан бир юз қирқтасини сафдан чиқаришган бўлиб, улардан етмиштаси асирга олиниб, етмиштаси ўлдирилган эрди. (Шул боисдан) Абу Суфён (тоғ этагига келиб): «Қавм (яъни, мушриклардан енгилиб, тоққа чиқиб олган мусулмонлар) орасида Мухаммад борми?» — деб уч бор сўради. Шунда Жаноб Расулulloҳ унга жавоб қайтармоқни

манъ қилдилар. Сўнг, Абу Суфён: «Қавм, орасида Ибн Абу Қуҳофа борми?» деб уч бор сўради. Кейин: «Қавм орасида Ибн ал-Хаттоб борми?» — деб уч бор сўради. Сўнг, у ўз ҳамроҳлари олдига бориб: «Улар ўлдирилибди», — деди. Шунда Ҳазрат Умар ўзларини тутолмай: «Оллоҳ таоло ҳақи, ёлғон айтдинг, эй Оллоҳ таолонинг душмани! Сен ўлдирилган деб ҳисоблаган кишиларнинг барчаси тирикдур, бошингга бало бўладирган кун (Фатҳ куни) ҳали олдинда!» — дедилар. Абу Суфён (ул кишига жавобан): «(Бугунги) кун Бадр куни эвазига бўлди, уруш (қудуққа ташланган) челак (янглиғ бўлиб, бир сафар сизга ва бир сафар бизга сув чиқур). Ҳали сизлар мен буюрмаган (менинг иродамга боғлиқ бўлмаган), менга на фойдаси ва на зарари тегмайдирган ишларни — қавмингиз орасида бурунлари кесилиб, қоринлари ёрилган кишиларни кўргайсизлар!» — деди. Сўнг, у: «Юксал, эй Хубал! Юксал, эй Хубал!» - деб ражаз вазнида байт айтди. Шунда Жаноб Расулulloҳ (мусулмонларга): «Унга жавоб қайтармайсизларми?» — дедилар. Улар: «Не деяйлик, ё Расулаллоҳ?» — дейишди. Ул зот: «Оллоҳ энг буюк ва энг юксакдур!» — деб айтингизлар!» — дедилар. Абу Суфён: «Бизнинг Уззомиз бор, сизларнинг эрса Уззоингиз йўқ!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Унга жавоб қайтармайсизларми?» — дедилар. Улар: «Не деяйлик, ё Расулаллоҳ?» — дейишди. Ул зот: «Оллоҳ таоло бизнинг хожамиздур, сизларнинг эрса хожангиз йўқ!» — деб айтингизлар!» — дедилар». («Хубал» ва «Уззо» бутларнинг номидур).

150-боб. Агар тунда (одамлар душмандан хавотир олиб) ваҳимага тушса...

Анас (ибн Молик) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг яхши, энг сахий ва энг шижоатли одам эрдилар. Тунлардан бирида Мадина аҳли қандайдир товушни эшитиб ваҳимага тушди. (Улар овоз келган томон йўл олганда) рўпараларидан Жаноб Расулulloҳ чиқиб келдилар, ул зот қиличларини тақиб, Абу Талҳанинг отига яйдов минганча (барчадан бурун ўшал тарафга кетган эрдилар). Жаноб Расулulloҳ Мадина аҳлига: «Қўрқмангизлар! Қўрқмангизлар! (Хавотир оладирган ҳеч нарса йўқ эркан)», — дедилар. Сўнг, ул зот: «Мен бул отнинг денгиз (каби бир текис юришини) билдим» — деб айтдилар».

151-боб. Душманни кўргач, одамлар эшитадирган даражада баланд овоз бирлан: «Ё сабоҳоҳ!» — деб ёрдамга чақирган киши ҳақида

Салама (ибн ал-Акваъ) разияллоҳу анҳу ривоят қиладнтар. «Мен (бир куни тонгда) Мадинадан чиқиб, тўқай томон йўл олдим. Тўқай орасидан ўтган сўқмоққа етганимда Абдурраҳмон ибн Авфнинг ғуломи рўпарамдан чиқиб қодди. Мен унга «Шўринг курсин, сенга не бўлди, (нечун сахарлаб бул томон келаётирсан?)» — дедим. У: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соғин туяларини ўғирлаб кетишди», — деди. Мен: «Ким ўғирлади?» — дедим. У: «Ғатафон ва Фазора (қабилаларининг кишилари)», — деди. Шунда мен Мадинанинг икки тоғи оралиғи(даги одамлар) эшитадирган қилиб: «Ё сабоҳоҳ!» — деб уч бор қичқирдим. Сўнг, қадамимни тезлатиб, (ул зотнинг) соғин туяларини ҳайдаб кетаётган ўғриларга етиб олдим: (Улар сув ичмоқчи бўлиб туришган эркан), сув ичишларига ҳам қўймай, камонимдан уларга уқ уза бошладим. Шунда нуқул: «Мен Ибн ал-Акваъман, бугун биров сув ичса, тамшаниб турадирган пасткашлар ўладирган кундур!» — дер эрдим. (Шул тариқа мен уларга даҳшат солиб), туяларни қутқардим (ҳамда улардан ўттизта чопон ечиб олдим). Сўнг, туяларни ҳайдаб ортимга қайтдим. Йўлда менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бир қанча одамлар бирлан) пешвоз чиқдилар. Мен ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, қавм (яъни, ўғрилар) чанқоқлигича (қочиб қолди), мен уларни сув ичгани ҳам қуймадим. Мени уларнинг ортларидан юборингиз, (гарчи юз кишининг ортидан юборсангиз ҳам, улар олган нарсани қайтариб олмоққа қудратим етур!)» — дедим. Ул зот: «Эй Ибн ал-Акваъ, уларни енгиб, бўйинсундира олдинг, (шунинг ўзи

кифоядур), раҳмдил ва кечиримли бўлгил, бешафқат бўлмагил! Улар аллақачон ўз қабилалари ҳузурига етиб олиб, меҳмон қилинаётирлар, (уларнинг ортидан сени юбормоқнинг фойдаси йўқ)», — дедилар». («Ё сабоҳоҳ» «тонг» сузидан олинган бўлиб, араблар тонг чоғида бирор ҳодиса руй берса, шундай деб одамларни ёрдамга чақиритган).

152-боб. «Ушла!» ва «Мен фалончининг ўғлидурман!» деб айтган кишилар ҳақида

Салама (ибн ал-Акваъ ўғрилар Жаноб Расулulloҳнинг соғин туяларини ҳайдаб кетишганда): «Ё сабоҳоҳ!» («Уларни ушлангизлар!») ва «Мен Ибн ал-Акваъдурман!» («Мен Ал-Акваънинг ўғлидурман!») — деб айтганлар.

Абу Исҳоқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Бародан: «Эй Абу Аммора, Ҳунайн (воқеаси) куни (душмандан) қочдингизларми?» — деди. Баро: «Оллоҳ таоло ҳақи, ундай эмас! Жаноб Расулulloҳ қочганлари йўқ, аммо мусулмонлар (душман енгилиб қочгач), шошиб (ўлжаларга ёпирилишди). Шунда Ҳавозин (камончилари) уларни ўққа тутиб эрди, (ўқдан ўзларини олиб қочишди, қўрқоқлик қилиб жанг майдонидан қочишгани йўқ). Ўшанда Жаноб Расулulloҳ оқ хачирларига миниб олдилар-да, Абу Суфёнга: «Унинг жиловидан ушлаб етакла!» — дедилар), Абу Суфён унинг жиловидан ушлаб етакладилар. Жаноб Расулulloҳ шунда: «Мен пайғамбарман, пайғамбар эрса ёлғон гапирмас, (Оллоҳ таолонинг менга ғалаба ато этмоғи ҳақидаги ваъдаси ҳақдур), мен Абдулмутталиб ўғлидурман!» (яъни, «Мен Абдулмутталиб авлодидандурман!» — дер эрдилар»).

153-боб. Агар душман устидан ҳукм (чиқармоқлик ҳуқуқи) бирор мусулмонга топширилса...

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Муозга бир гуруҳ одамлар (яъни, Бану Қурайза мушриклари) устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилиб, Жаноб Расулulloҳ унга одам юбордилар. Саъд бир эшакни миниб, масжидга яқин келганида, ул зот одамларга (яъни, ансорларга): «Яхшиларингиз (ёки улуғларингиз ҳурмати) учун ўрнингиздан турингизлар!» — дедилар. Сўнг: «Эй Саъд, манави (Бану Қурайза мушриклар) устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи сенга берилди» — деб айтдилар. Шунда Саъд «Уларнинг урушга яроқли (эркаклари) ўлдирилсин, хотин ва болалари эрса, асир қилинсин!» — деб ҳукм қилдилар. Жаноб Расулulloҳ ул кишига: «(Эй Саъд), Оллоҳ таоло юборган (ёки фаришта келтирган) ҳукмга мувофиқ ҳукм қилдинг!» — дедилар».

154-боб. (Мушрик) асирнинг қатли ҳамда (мусулмон) тутқуннинг қатли ҳақида

Анас Ибн Моликразияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фатҳ йили бошларига дубулға кийган ҳолда (Маккага) кириб келдилар. (Бошларидан) дубулғани ечиб (эндигина ўлтириб эрдилар), бир киши қошларига келиб: «(Ё Расулаллоҳ), Ибн Хатил Каъба жилдига осилиб (тортаётир)», — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Уни (ушлаб) қатл қилингизлар!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги сарлавҳанинг иккинчи қисмига оид ҳадис келтирилмаган бўлиб, у кейинги бобда мавжуд.

155-боб. (Мусулмон) киши асир тушадими? (Мушрикларга) асир тушмаган киши ҳақида ҳамда қатли олдидан икки рақъат намоз ўқиган киши хусусида

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн кишилик бир гуруҳни Осим ибн Собит ал-Ансорий бошчилигида (мушриклар томон) айғоқчиликка юбордилар. Улар Усфон ва Макка оралиғидаги Ҳадъа деган ерга етишганда Ҳузайл қабиласининг Бану Лихён деб аташадирган бир қавми улар хусусида хабар топиб, тезликда икки юзга яқин камончиларни уларни излашга жўнатди. Мушрик камончилар мусулмонларни излай-излай, ниҳоят улар Мадинадан сафар учун ғамлаб олиб, йўл-йўлакай еб ташлаган хурмо данакларини топиб олишди-да: «Бу данаклар Ясриб (яъни, Мадина) хурмоси данакларидур» — дея уларни таъқиб қилишга тушишди. Осим ва ул кишининг ҳамроҳлари мушрикларни кўришлари ҳаманоқ бир (тошлоқ) тепа устига чиқиб олишди. Мушриклар уларга: «Пастга тушингизлар, қўлни-қўлга бериб (дўстлашайлик), бирортангизни ўлдирмаймиз, деб ваъда берурмиз!» — дейишди. Шунда мусулмон жашчилар гуруҳининг амири Осим ибн Собит: «Аmmo мен, Оллоҳ таоло ҳақи, (кечагина кофирликдан қайтиб, мусулмон бўлиб), бугун бир кофирдан паноҳ сўраб пастга тушмасман! Ё парвардигоро, ўз Расулингни бизнинг ҳолимиздан хабардор қилгил!» — дедилар. Шундан сўнг, мушриклар камонлардан ўқ узишиб, Осим бирлан яна олти кишини ўлдиришди. Омон қолган уч киши — Хубайб ал-Ансорий, Ибн Дасина ва (исми номаълум) яна бир киши эрса мушрикларнинг сўзига ишониб пастга тушишди. Мушриклар улар яқин келгач, камонлари торини ечиб, (қўл-оёқларини) боғлашди. Шунда бояги (исми номаълум) учинчи киши: «Бу хиёнатнинг бошидур, Оллоҳ таоло ҳақи, сизларга (таслим бўлиб) ҳамроҳлик қилмайман, шерикларим(нинг ўлсалар ҳам таслим бўлмаганлари менинг учун) бир ибратдур!» — дедилар. Шунда мушриклар ул кишини судраб, ўзлари бирлан олиб кетишга кўп уринишди, ammo қаттиқ қаршилик қилганларидан сўнг, ўлдиришди. Кейин, улар Хубайб ва Ибн Дасинани олиб йўлга тушишди-да, Маккага боргач, иккаларини қул қилиб сотишди. Хубайбни Ҳарас ибн Омир ибн Навфалнинг фарзандлари сотиб олди. Хубайб Ҳарас ибн Омирни Бадр куни ўлдирган эрдилар. Шундай қилиб, Хубайб уларнинг қўлида асир бўлиб қолдилар.

Убайдуллоҳ ибн Иёзнинг менга айтганларига кўра, Ҳараснинг қизи ул кишига бундай деб маълум қилибди: «Барчамиз Хубайбни қатл қилмоққа тўпланганимизда Хубайб тозаланмоқ учун мандан устара сўрадилар, мен устара бердим. Шу аснода мен ғафлатда қолиб, ўғилчам ул кишининг олдиларига бориб қолибди. Бир пайт қарасам, у Хубайбнинг тиззаларида ўлтирибди, Хубайбнинг қўлларида эрса устара. Мен бу ҳолатни кўриб, ниҳоятда кўрқиб кетдим. Хубайб кўрққанимни юзимдан англаб: «Уни ўлдиради, деб кўрқиб кетдингми? Мен ҳеч қачон бундай қилмасман!» — дедилар. Оллоҳ таоло ҳақи, мен Хубайбдан яхшироқ асирни ҳеч кўрган эмасман! Оллоҳ таоло ҳақи, бир куни мен Хубайбнинг бир бош узум еб хурганларини кўрдим, ваҳоланки ул киши кишанбанд ҳолда бўлиб, бунинг устига Маккада (шу вақтда) узум ҳам йўқ эрди».

Ҳараснинг қизи: «Бу узумни Оллоҳ таолонинг ўзи Хубайбга ризқ қилиб юбораётир» — деб айтар эрди.

Хубайбни қатл қилмоқ учун Ҳарамдан ташқарига (олиб), чиқишганда, Хубайб уларга: «Мени холи қўйингизлар, икки ракъат намоз ўқиб олайин!» — дедилар. Улар ул кишини холи қолдиришиб эрди, икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнг: «Агар (ўлимдан) кўрққанидан намоз ўқиётир, деб ўйламаганингизда, яна кўпроқ ўқиган бўлур эрдим, Ё парвардигоро, уларнинг барчасини ҳисобга олиб қўйгайсан!» — дедилар-да, қуйидаги шеърни ўқидилар:

Мусулмон ҳолда ўлсам, зарра парвойимга келмас,
 Қайси ён бирла йиқилмоғимни Оллоҳ фарқламас.
 Саховат соҳиби бўлмиш ўзи танҳо илоҳимга,
 Қийма-қийма жисмима бермоқ савоб ҳеч гап эмас!».

Кейин, Ибн ал-Ҳарас ул кишини қатл қилди. Шу кундан эътиборан, тутқунликда қатл қилинаётган ҳар бир мусулмон учун қатл олдидан икки ракъат намоз ўқимоқлик Хубайбдан одат бўлиб қолди. Оллоҳ таоло Осим ибн Собитнинг («Ё парвардигоро, ўз Расулингни бизнинг

«халимиздан хабардор қилгил!» деган) дуоларига шаҳид бўлган кунлариёқ ижобат қилиб, (Жаноб Расулulloҳга ваҳий юборди ва) ул зот ўз саҳобаларига улар хусусида хабар бера туриб, уларнинг шаҳид бўлганларини маълум қилдилар. Қурайш мушрикларининг улуғлари, одамлар Осимнинг ўлдирилганларини айтишганда, бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун бир қанча мушрикни ул кишининг бирор аъзоларини кесиб олиб келмоққа юборди. Осим Бадр куни уларнинг улуғларидан бирини ўлдирган эрдилар. Оллоҳ таоло Осимнинг жасадларини мушриклардан ҳимоя қилмоқ учун туман янглиғ беҳисоб (қовоқ) арилар тўдасини юборди, мушриклар ул кишининг бирор аъзоларини кесиб ололмади».

156-боб. (Мусулмон) асирни (душманлар қўлидан) озод қилмоқлик (лозимлиги) ҳақида

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Мусулмон) асирни (эвазига мол бериб ёхуд бошқа йўллар бирлан душманлар қўлидан) озод қилингизлар, очни (хоҳ у одам ва хоҳ ҳайвон бўлсин) тўйғазингизлар ва касални бориб кўрингизлар (ҳолидан хабар олингизлар!)» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Жухайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Али разияллоҳу анҳуга: «Сизларда (яъни, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг хонадонлари аҳлида) Оллоҳ таолонинг Китобига киритилмай қолган бирор ваҳий борми?» — дедим. Ҳазрат Али: «Донни (уруғни) яратиб, (уни ерга қадаган, уни ундириб, мевага киритган) ҳамда инсонларни вужудга келтирган Оллоҳ таоло ҳақи, (Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг хонадонлари аҳлида Оллоҳ талонинг Китобига киритилмай қолган бирор ваҳий) йўқдур! Мен бизда Оллоҳ таоло Қуръон хусусида (узи истаган) кишига ато этадирган фаҳмдан (тафсиру шарҳдан) ва мана бу саҳийфада (битилган) нарсалардан бўлак бирор нарса борлигини билмасман!» — дедилар-да, (қиличлари қинидан бир варақ қоғозни олиб кўрсатдилар). Шунда мен: «Бу саҳийфада нималар битилган?» — дедим. Ҳазрат Али: «Ақл (яъни, хун ҳақи, унинг ҳукми, миқдори, тури ва қонуни), (мусулмон) асирни (душман қўлидан) озод қилиш лозимлиги ҳамда кофирни ўлдирган мусулмонни ўлдириш мумкин эмаслиги (ҳақида)», — дедилар».

157-боб. Мушрик (асирларни озод қилмоқ учун олинадирган) товон ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ ансорлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан изн сўраб (ҳузурларига киришди-да): «Ё Расулаллоҳ, бизга изн берингиз, синглимиз ўғли (яъни, амакингиз) Аббос (ибн Абдулмутталиб озод бўлмоғи учун бизга тўлайдирган) товондан воз кечайлик!» — дейишди. Шунда ул зот: «Ул кишидан бир дирҳам ҳам кам олмайсизлар!» — дедилар». (Жаноб Расулulloҳнинг амакилари Аббос талай вақтгача иймон келтирмай юриб, Бадр жангида мусулмонлар томонидан асир олиндилар. Шунда озод қилинмоқлари учун асир олинган мушриклар қаторида ул кишидан ҳам товон талаб қилиниб эрди, бир гуруҳ ансорлар «Жаноб Расулulloҳ хурсанд бўлсалар керак» деган ўй бирлан амакилари Аббосдан товон олмасликка ижозат сўрашди. Аммо, ул зот товонни охириги тийинигача ундириб олмоқни амр қилдилар).

Анас (ибн Молик) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Баҳрайндан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (яъни, Байтулмолга) мол келтирилди. Шунда (ул зотнинг амакилари) Аббос келиб: «Ё Расулаллоҳ, менга (бул молдан) берингиз, чунки мен ўзимни ҳам, (биродаримнинг ўғли) Уқайлни ҳам (асирликдан қутқариб олмоқ учун сизларга) товон тўлаб, (камбағаллашиб қолдим)», — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Майли, олингиз!» — дедилар-да, (ўшал молдан) ул кишининг кийимларига (этакларига) солиб бердилар».

158-боб. Душманлар жосуси Ислом мамлакатига кирса, шафқат қилинмай, (ўлдирилмоғи лозимлиги) ҳақида

Ибн ибн Салама ибн ал-Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда эканликларида мушрикларнинг бир жосуси келиб, ул зотнинг саҳобалари ёнида суҳбатлашиб ўлтирди. Сўнг, у (ўз йўлига) кетди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Уни излаб топиб, ўлдилингизлар!» — дедилар. Уни (отам Салама ибн ал-Акваъ) ўлдирдилар. Сўнг, ул зот жосусдан қолган нарсаларни (оти, қиличи ва бошқаларни) отамга ўлжа қилиб бердилар».

159-боб. (Халифа) зиммийларни ҳимоя қилмоғи лозим. Уларга тоқатлари етмайдирган юкни юкламасинлар!

Умар разияллоҳу анҳу: «Мен ўзимдан кейин бўладирган халифага: «Оллоҳ таоло ва унинг Расули зиммасидаги аҳоли (яъни, зиммийлар) бирлан муслмонлар ўртасидаги аҳдномага вафо қилсин ва уларни ҳимоя қилсин! Уларга тоқатлари етмайдирган юкни юкламасинлар!» — деб васият қилурман», — дедилар». (Яъни, Ҳазрат Умар бунга қадар Араб ярим оролидан мушрикларни чиқариб юборган эдилар. Шул боисдан ул киши халифаликнинг Араб ярим оролидан бўлак ерларидаги зиммийларни назарда тутган бўлсалар керак).

160-боб. Элчиларни сийламоқ лозимлиги хусусида

Бу бобга тааллуқли ҳадис кейинги бобда келтирилган.

161-боб. Зиммийларга ва уларнинг (муслмонларга) ёлланиб ишлаётган кишиларига (Исломга хавф солган чоғларида) шафқат қилинадими?

Саъид ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Аббос: «Панжшанба куни... панжшанба куни қандай (оғир ва мусибатли) кун ўзи!» — дедилар-да, ўкириб йиғлаб юбордилар, ҳатто кўз ёшлари (ўлтирган жойларидаги) тошларни ҳўл қилиб юборди. Кейин, Ибн Аббос бундай деб айтдилар: «Панжшанба куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дардлари кўчайди. Шунда ул зот: «Менга қоғоз-қалам келтиринглар, сизларга бир (васият)нома ёзиб бергайманким, ундан сўнг сира йўлдан озмагайсизлар!» — деб марҳамат қилдилар. Аммо, пайғамбар ҳузурида тортишиб, шовқин-сурон кўтариш жоиз эмаслигига қарамай, ул зотнинг қошларидагилар ўзаро тортишиб, ғала-ғовур кўчайди. Шунда улар: «Жаноб Расулulloҳ жим бўлмоғимизни ишора қилаётирлар», - дейишди. Ул зот уларга: «Мени тинч қуйингизлар, менинг ҳозирги ҳолатим (яъни, Оллоҳ таоло бирлан учрашиш ғамида ва тараддудида эканлигим) сизлар мени ундаётган нарсдан (яъни, васиятнома ёзиб бермоғимдан) афзалроқдур!» — дедилар. Кейин, ул зот вафотлари олдидан: «Мушрикларни Араб ярим оролидан чиқариб юборингизлар, элчиларни мен сийлагандек сийлангизлар ва...» — деб васият қилдилар, «лекин мен учинчи васиятларини унутиб қўйдим».

162-боб. Элчилар келганда ясениб олмоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Ҳазрат Умар бозорда истабрақ (ипак, парча) ҳуллалар (қўйлак ва иштон) сотишаётганини кўриб, улардан бирини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга олиб келдилар-да: «Ё Расулаллоҳ, мана бу ҳуллани сотиб олингиз, байрамда ва элчилар келганда (кийиб) ясениб олурсиз», — дедилар. Шунда Жаноб

Расулulloх: «Бул либос охиратда насибаси йўқларникидур». (ёки «Буни охиратда насибаси йўқлар кийгай»), — дедилар. Кейин, Оллоҳ таоло истаганча вақт ўтгач, Жаноб Расулulloх (отам) Ҳазрат Умарга бир дебож жубба (ипак матодан тикилган енг кенг уст кийими) юбордилар. Отам уни олдилар-да, Жаноб Расулulloхнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулаллох, бундай либосни охиратда насибаси йўқлар кийишини айтиб эрдингиз, нечун буни менга юбордингиз?» — дедилар. Жаноб Расулulloх: «Уни сотасан ёхуд бирор ҳожатингга яратасан, (деб юбориб эрдим)» — деб жавоб қилдилар».

163-боб. Болага Ислом қай йўсинда тақдим қилинур (таништирилур?)

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир гуруҳ саҳобалари орасида ул зот бирлан биргаликда Ибн Сайёд (яшайдирган) томонга йўл олдилар. («Ибн Сайёд» унинг куняси бўлиб, асл исми «Софий» ва ўзи яҳудийлардан эрди. Жаноб Расулulloх «Бир яҳудий аёл ўғил туғибди, унинг бир кўзи теп-текис, яъни умуман йўқ, иккинчиси эрса бўртиб, ирғиб чиққан эмиш» деган хабарни эшитиб, «Ул Дажжол бўлмасин, тағин!» деган хавотирлик бирлан ўшал томон йўлга чиққан эрдилар). Улар юра-юра, ниҳоят Ибн Сайёдни Бану Мағола кўрғони олдида болалар бирлан уйнаб юрганда учратишди. Ибн Сайёд ўшал кезларда балоғатга етай деб қолган бўлиб, Жаноб Расулulloх бирлан саҳобаларнинг келганларини сезмай қолди. Жаноб Расулulloх муборак қўллари бирлан унинг орқасига бир туртиб: «Сен менинг Оллоҳнинг расули эканлигимга шаҳодат келтирурсанми?» — дедилар. Шунда Ибн Сайёд ул зотга қараб: «Мен сизнинг уммийлар (яъни, саводсизлар ёхуд маккаликлар) расули эканлигингизга шаҳодат келтирурман», — деди. («Уммий» — «саводсиз» ва «Уммул-Қуро» — «Макка» демакдур). Сўнг, у яна: «Сиз ўзингиз менинг Оллоҳнинг расули эканлигимга шаҳодат келтирурсизми?» — деб айтди. Жаноб Расулulloх унга: «Мен Оллоҳга ва унинг расулларига иймон келтирганман», — дедилар. Кейин, унга яна: «(Хобингда) неларни кўрурсан?» — деб айтдилар. Ибн Сайёд: «(Баъзан) рост ва (баъзан) ёлғон (тушлар) кўрурман», — деди. (Ибн Сайёд коҳинлик йўлига кирган бўлиб, ул одамларга айтадирган хабарлар баъзан тўғри ва баъзан ёлғон бўлиб чиқар эрди). Жаноб Расулulloх (унга): «Шайтонинг сенга ўзи етказадирган хабарларни чалкаштирган», — дедилар. Сўнг, ул зот яна: «Мен бир нарсани кўнглимга яширдим, (қани, топ-чи?)» — деб айтдилар. Ибн Сайёд: «Бу— Дух...», — деди. (Жаноб Расулulloх кўнгилларига яширган нарса айнан «Духон» сураси бўлиб, Ибн Сайёд унинг номини тўла айтишга улгурмади. Чунки), ул зот (унинг гапини бўлиб): «(Акиллама), даф бул! (Пайғамбарларга махсус юбориладирган ваҳийсиз ғайб хусусида хабар бермоққа) қудратинг етмас!» — дедилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллох, менга ижозат берингиз, унинг бўйнини узиб ташлайин!» — дедилар. Жаноб Расулulloх (Ҳазрат Умарга): «Агар у (Дажжол) бўлса, унга кучингиз етмас, (чунки уни Исо алайҳиссалом осмондан тушиб ҳалок қилурлар), башарти у Дажжол бўлмаса, уни ўлдирмоғингиздан сизга бирор хайрият йўқдур» — деб айтдилар. (Жаноб Расулulloхнинг Ибн Сайёдни ўлдирмоққа ижозат бермаганларининг боиси шуки, у гарчи пайғамбарлик даъвосини қилган бўлса-да, ҳали балоғатга етмаган эрди)».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъб бирлан бирга Ибн Сайёд турган хурмозорга йўл олдилар-да, ул ерга етиб боришгач, хурмозорга кириб, хурмо шохлари ортида яшириниб турдилар. Ул зот Ибн Сайёд кўриб қолмасидан бурун унинг (хилватда айтадирган сузларини) эшитиб олмоқни (ва унинг коҳинми ёхуд соҳирми, ким эканлигини билмоқчи) эрдилар. (Шул вақтда) Ибн Сайёд ўзининг бахмал чойшабини ёпиниб ётар, чойшаб остидан эрса унинг минғирлаган овози қулоққа чалинар эрди. Ногаҳон, Ибн Сайёднинг онаси хурмо шохлари ортида беркиниб турган Жаноб Расулulloхни кўриб қолиб: «Эй Соф, (ана Муҳаммад!)» — деди. Ибн Сайёд сакраб ўрнидан

турди. Жаноб Расулulloх (афсусланиб): «Агар (онаси) индамаганида, (унинг ҳақиқатда ким эканлиги) ошкор бўлур эрди!» — дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга (хутба қилгани) ўринларидан турдилар-да, Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтгач, Дажжол ҳусусида эслатиб: «Мен сизларни ундан огоҳлантирурманки, ўз қавмини (ундан) огоҳлантирмаган бирор пайғамбар йўқдур. Нух (алайҳиссалом) ҳам ўз қавмларини (ундан) огоҳлантиргандурлар. Лекин, мен сизларга бирор пайғамбар ўз қавмига айтмаган унинг ҳусусидаги бир гапни айтурман, билиб қўйингизлар, у бир кўзlidir, Оллоҳ таоло эрса бир кузли эмас!» — дедилар».

164-боб. Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яҳудийларга: «Муслмон бўлингизлар, тинч-омон бўлурсизлар!» деб айтганлари ҳақида

Бу ерда ушбу бобга тегишли ҳадис келтирилмаган. Бизнингча, «Саҳиҳ»нинг олдинги китобларидаги қуйидаги ҳадис мазмунига кўра, мувофиқ келади:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни биз масжидда ўлтирган эрдик, Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримизга кириб келиб: «(Юрингизлар), яҳудийлар маҳалласига кетдик!» — дедилар. Биз ул зот бирлан бирга йўлга тушиб, Байт улмидросга (яҳудийлар тавротхонлик қиладирган бинога) етиб бордик. Жаноб Расулulloх яҳудийларнинг тепасига келиб «Эй яҳудийлар жамоаси, муслмон бўлингизлар, тинч-омон булурсизлар!» — деб нидо қилдилар. Яҳудийлар: «Бизга (бул ҳақда илгари ҳам) айтган эрдингиз, эй Абулқосим!» — дейишди. Жаноб Расулulloх: «Менинг истагим шудур!» — дедилар. Кейин, ул зот бояги гапларини иккинчи бор такрорладилар. Яҳудийлар яна: «Бизга (бул ҳақда илгари ҳам) айтган эрдингиз, эй Абулқосим!» — дейишди. Ул зот бояги гапларини учинчи бор такрорладилар. (Яҳудийлар яна аввалгидек жавоб қилишди). Сўнг, Жаноб Расулulloх: «Билиб қўйингизлар, Ер Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулиникидур! Мен сизларни (бул ердан) бадарға қилмоқчимен, қайси бирингизнинг бирор мол-мулкингиз бўлса, сотиб юборингиз, акс ҳолда билиб қўйингизларки, Ер Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулиникидур!» — дедилар».

165-боб. Имомнинг одамларни рўйхатга олмоғи ҳақида

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Исломни талаффуз қилганларнинг (яъни, калима келтириб, муслмон бўлганларнинг номларини) менга ёзиб берингизлар!» — дедилар. Биз ул зотга бир минг беш юз кишининг (номини) ёзиб бердик-да: «Бир минг беш юз киши бўла туриб (душманлардан) қўрқамизми?» — дедик. (Аммо), мен (гарчи биз муслмонларнинг сонимиз кўп бўлса-да, Жаноб Расулulloхдан сўнг) талай кулфатларга гирифтор бўлганимизни, ҳатто киши ёлғиз ўзи намоз ўқишга қўрқиб қолганини ҳам кўрдим». (Бу ерда Ҳазрат Усмон халифалик қилган даврдаги фитналар назарда тутилган бўлиши мумкин).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен фалон ва фалон ғазотга (боргувчилар) руйхатига киритиб қўйилган эрдим. (Аммо), хотиним ҳаж қилгани йўлга чиқди», — деди. Ул зот: «Боравер, хотининг бирлан бирга ҳаж қилавер!» — дедилар».

166-боб. Оллоҳ таоло фожир киши орқали ҳам динга қувват ато этур!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазотда бўлдик. Шунда Жаноб Расулуллоҳ муттақий мусулмонлардан деб ҳисобланувчи бир кишини дўзах аҳлидан деб айтдилар. Кейин, ўшал киши жангга кирганда (душман бирлан) ниҳоятда қаттиқ олишиб, оғир яраланди. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, сиз дўзах аҳлидан деб айтган киши бугун жон-жаҳди бирлан жанг қилиб, ҳалок бўлди», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «(Барибир) жаҳаннамга (тушур)», — дедилар. Шунда баъзи одамлар ул зотнинг сўзларига шубҳа билдиришларига оз қолди. Улар шу кайфиятда турганларида унинг ҳали ҳалок бўлмаганини, фақат қаттиқ яраланганини маълум қилишди. Кейин, тун киргач, ўшал киши жароҳати оғриғига чидамай, ўзини-ўзи ўлдириб қўйди. Одамлар шул ҳақда Жаноб Расулуллоҳга хабар қилишиб эрди, ул зот: «Оллоҳу акбар! Мен ўзимнинг Оллоҳнинг бандаси ва унинг расули эканлигимга шаҳодат келтирдим!» — дедилар, сўнг Ҳазрат Билолга амр қилдилар, ул киши: «Жаннатга фақат мусулмон руҳина кирур, Оллоҳ таоло бу динга фожир киши орқали ҳам (яъни, фожир кишини ибрат қилиб ҳам) қувват ато этур!» — деб одамларга жар солдилар».

167-боб. Жангда байроқдор ҳалок бўлиб, душман саросима солганда, гарчи ўзига буюрилмаган бўлса-да, байроқни қўлига олиб, қўшинни олға бошлаган киши ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хитоб қилиб: «Байроқни Зайд олди, шаҳид бўлди, кейин уни Жаъфар олди, шаҳид бўлди, сўнг уни Абдуллоҳ ибн Равоҳа олди, у ҳам шаҳид бўлди. Кейин, байроқни, гарчи ўзига амр қилинган бўлмаса-да, Холид ибн Валид олди ва (Оллоҳ таоло) унга зафар ато этди», дедилар. Сўнг, кўзларига ёш олиб: «Кошки эрди, улар ҳузуримизда бўлсалар!» — деб айтдилар».

168-боб. Мадад сўралганда ёрдам қилмоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Раъл (Риъд), Заквон, Усайя ва Бану Лихён қабилалари Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, Ислумни қабул қилганларини таъкидлашди-да, (Ислум аҳкомларини ўрганмоқ ва уларни адо этмоқ борасида) ўз қавмларига ёрдам курсатмоқни ул зотдан илтимос қилишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ етмишта ансорни улар бирлан жўнатадирган бўлдилар. Биз ўшал ансорларни «қурро» («қорилар») деб атар эрдик, улар кундузлари ўтинчилик қилиб, тунлари намоз (яъни, нафл) ўқишар эрди. Кейин, ўшал қабилалар етмишта ансор бирлан биргаликда йўлга тушиб, Биъру Маъунага борганда уларни хиёнаткорона ўлдиришди. Жаноб Расулуллоҳ бир ой давомида Дуои Кунутни ўқиб, Раъл, Заквон ва Бану Лихён қабилаларини дуои бад қилдилар».

169-боб. Душманни мағлуб қилгач, уларнинг майдонида уч кеча турган киши ҳақида

Абу Талҳа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор қавмни мағлуб қилсалар, (уларнинг) майдонида уч кеча қолур эрдилар».

170-боб. Ўзининг ғазот ва сафарларида ўлжа тақсим қилган киши ҳақида

Рофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Зулҳулайфада бўлдик. Шунда (одамлар оч қолиб), ўлжа олинган туя ва қўйлардан бир нечасини сўйдик. Аммо, ул зот қозонларни ағдартириб, ўлжаларни бошқатдан

тақсим қилдилар, (баъзиларимизга ўнтадан қўй ва баъзиларимизга) ўнта қўй ўрнига биттадан туя бердилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Ҳунайн ўлжаларини тақсим қилган жой — Жиъронадан (бошлаб) умра қилдилар».

171-боб. Агар мушриклар бир мусулмоннинг молини ўлжа олган бўлса-ю, кейин ўшал мусулмон уни топиб олса...

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Умарнинг бир оти қочиб кетиб, душман уни тутиб олган эрди. Кейинчалик, мусулмонлар ўшал душман юртига ғазот қилиб, ғалаба қилдилар ва Ибн Умарга отини қайтариб бердилар. Бу воқеа Жаноб Расулulloҳнинг замонларида бўлган эрди. Сўнг, Ибн Умарнинг бир қули ҳам қочиб, Румга бориб қолди. Мусулмонлар Румга ғазот қилиб, румликларни мағлуб этгач, Холид ибн Валид Ибн Умарга қулини қайтариб берди. Бу воқеа Жаноб Расулulloҳ вафот этганларидан кейин бўлган эрди».

Бу ерда юқоридаги ҳадислар мазмунан такрорланган.

172-боб. Форсча ёки арабча бўлмаган тилда сўзлаган киши ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Унинг оятлари (мўъжизалари)дан (яна бири шулки), у ...сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни турлича қилиб қўйгандур...» («Рум» сураси, 22-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «...ва ўз қавми тилида (сўзлашадирган) пайғамбардан бўлак (пайғамбар) юбормадик...» («Иброҳим» сурасидан).

(Ҳар бир пайғамбар даставвал ўзи орасидан пайғамбар қилиб танлаб олинган қавмга мурожаат қилмоғи лозим бўлган. Шул боисдан, аҳкоми илоҳийни тушунмоғи ва тушунтирмоғи осон бўлсин учун, унга ўшал қавм тилида ваҳий нозил қилингандур. Пайғамбаримиз саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, гарчи барча инсу жинни Исломга даъват қилмоқ учун юборилган бўлсалар-да, энг аввало ўзлари орасидан пайғамбар қилиб танлаб олинган қавмни, яъни арабларни, сўнг саҳобалари орқали бутун жаҳон аҳлини Исломга даъват қилдилар).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулаллоҳ, биз бир қўзимизни сўйдик, кейин мен бир соъ арпани янчиб, ун қилиб қўйдим. ўзингиз бирлан бир неча кишини олиб, (бизникига) юрингиз!» — дедим. Шунда ул зот: «Эй Хандақ аҳли, Жобир сур (бу сўз форсча бўлиб, «зиёфат» маъносидадур) тайёрлаб қўйибди, тезроқ юрингизлар, (ўз уйингизга) хуш келибсизлар!» (яъни, «Жобирнинг уйини ўз уйингиздек кўрингизлар, тортинмангизлар!») — дедилар».

Умму Холид бинти Холид ибн Саъид разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен отам бирлан бирга Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим, (шу вақтда мен ёш қизча бўлиб), бир сариқ кўйлак(ча) кийиб олган эрдим. Жаноб Расулulloҳ (кўйлакчамга қараб): «Санаҳ, санаҳ!»— дедилар. (Бу сўз) ҳабашча бўлиб, «(Қандай) чиройли, (қандай) яхши!» деганидур. Кейин, мен Жаноб Расулulloҳнинг (икки кураклари орасидаги) пайғамбарлик муҳрини ўйнай бошлаган эрдим, отам бақириб уришиб бердилар. Шунда ул зот (отамга): «Уни ўз ҳолига қўй, (ўйнайверсин!») — дедилар. Сўнг, ул зот (менга): «Эскитиб-чиритиб кийгил, сўнг эскитиб-чиритиб кийгил, сўнг эскитиб-чиритиб кийгил!» («яъни, «Оллоҳ

таоло умрингни дароз қилсин, бундай куйлақлардан жуда кўпини кийгил!») — деб дуо қилдилар».

Абу Ҳурайра разиюшоҳу аиҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Алининг ўғилчалари Ҳасан закотга берилган хурмолар ғарамидан бир дона хурмони олиб, оғизларига солиб эрдилар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам форс тилида: «Ких-ких! Бизнинг (яъни, менинг ва менинг оиламнинг ҳамда менинг авлодларимнинг) садақа емаслигимизни билмайсанми?!» — дедилар». («Ких-ких!» форслар бирор нарсадан нафратланганда айтадирган суз бўлиб, биз ўзбеклар ҳам, агар бола оғзига бирор ярамас нарсани солса ёхуд солмоқчи бўлса ёки олса ё олмоқчи бўлса, «Ких-ких!» ёки «Қихха-қихха!» деб айтамиз).

173-боб. Хиёнат ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «...ва ким (бул дунёда) хиёнат қилур, Қиёмат куни ул (Оллоҳ таолонинг ҳузурига) не нарса хусусида хиёнат қилган эрса, ўшал нарса бирла келур...» («Оли Имрон» сураси, 161-оят).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга (ваъз айта) туриб, хийнат ҳақида зикр қилдилар-да, унинг гуноҳи азимлардан эканлигини таъкидладилар. Хусусан, ул зот бизга бундай деб марҳамат қилдилар: «Бирортангизни Қиёмат куни елкангизда маъраб турган қўйни (ёхуд) кишнаб турган отни кўтарган ҳолда учратмайинки, «Ё Расулаллоҳ, мени (жаҳаннамдан) қутқарингиз!» — дерсиз. Шунда мен: «Сенинг учун ҳеч нарсам йўқдур, мен сенга етказган эрдим!» (яъни, «Сенинг учун Оллоҳ таолодан заррача мағфират тиламасман, мен сенга унинг буйруқларини етказган эрдим!») — деб айтурман. (Ва бирортангизни Қиёмат куни) елкангизда бўкириб турган туяни кўтарган ҳолда учратмайинки, «Ё Расулаллоҳ, мени (жаҳаннамдан) қутқарингиз!» — дерсиз. Шунда мен: «Сенинг учун Оллоҳ таолодан заррача мағфират тиламасман, мен сенга унинг аҳкомларини етказган эрдим!» — деб айтурман. (Ва бирортангизни Қиёмат куни) елкангизда олтин (ёки кумуш) кутарган ҳолда учратмайинки, «Ё Расулаллоҳ, мени (жаҳаннамдан) қутқарингиз!» — дерсиз. Шунда мен: «Сенинг учун Оллоҳ таолодан заррача мағфират тиламасман, мен сенга унинг аҳкомларини етказган эрдим!» — деб айтурман. Ва бирортангизни Қиёмат куни елкангизда ялт-юлт (ёки шитир-шитир) қоғозлар(да битилган ўзгалар ҳақини) кўтарган ҳолда учратмайинки, «Ё Расулаллоҳ, мени (жаҳаннамдан) қутқарингиз!» — дерсиз. Шунда мен: «Сенинг учун Оллоҳ таолодан заррача мағфират тиламасман, мен сенга унинг аҳкомларини етказган эрдим!» — деб айтурман».

174-боб. Кичкина хиёнат ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ортиқча юк бўлиб юрган бир боқимонда киши бўлиб, унинг исми Киркара эрди. (Бир куни) у ҳалок бўлди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «У жаҳаннамда (бўлур)», — дедилар. Кейин, (одамлар: «Жаноб Расулulloҳ бул гапни бежиз айтмадилар» — дея) уни кўргани боришди, қарашса, у (ўлжалар орасидан) бир абони (чопонни) ўғирлаб олган эркан». (Ҳадиснинг мазмуни шуки, кичик бир ўғирлик ҳам катта хиёнатлардан ҳисобланур).

175-боб. Ўлжа олинган туя ва қўйларни (ўзбошимчалик бирлан) сўймоқнинг макруҳлиги ҳақида

Рофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

бирлан бирга Зулхулайфада эрдик. Шунда одамлар оч қолгани учун (ўлжа олинган) туя ва қўйлардан бир нечасини (Жаноб Расулulloҳдан сўрамай) сўйдик. Ул зот эрсалар қавм бирлан бир оз кейинроқда (келаётган) эрдилар. Одамлар тезликца қозонларни осиб, (гўшт пишира бошлашди). (Шу аснода) ул зот (келиб қолиб), қозонларни ағдариб ташлашни буюрдилар, қозонлар ағдарилди. (Чунки, бу ўлжалар кўпчиликнинг ҳақи бўлиб, Жаноб Расулulloҳ уларни тақсимламасларидан бурун бирортасини сўйиш мумкин эмас эрди). Сўнг, ул зот (баъзимизга) ўнтадан қўй ва (баъзимизга ўнта қўй қийматига тенг келгани учун) биттадан туя тақсим қилдилар».

176-боб. Ғалаба қилингани хусусида хушхабар юбормоқ ҳақида

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Мени Зул-Халасадан халос қилмайсанми?» — дедилар. «Зул-Халаса» Хасъам қабиласи мушрикларининг бутхонаси бўлиб, у «Каъба ад-Йамонийя» деб аталар эрди. Мен Аҳмас қабиласидан бир юз эллик отликни олиб, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келдим-да: «Ё Расулаллоҳ, мен отда маҳкам ўлтира олмасман!» — дедим. Шунда ул зот кўкрагимга бир урдилар, ҳатто мен кўксимга муборак панжаларининг изи тушиб қолганини кўрдим. Сўнг, ул зот: «Ё парвардигоро, уни (отда) маҳкам ўлтирадиган ҳамда тўғри йўлдан боргувчи ва тўғри йўлга бошлагувчи қилгайсан!» — деб дуо қилдилар. Кейин, биз Зул-Халасага бориб, уни вайрон қилдик, ендирдик. Ул ердан қайтшида бир чопар орқали ул зотга ғалаба қилганимиз ҳақида хушхабар юбордим. Чопар бориб: «Ё Расулаллоҳ, сизни ҳақ (дин) бирла юборган зот ҳақи, биз Зул-Халасани қутир туя каби (баднамо) қилмай туриб, ҳузурингизга қайтмадик!» деди. Жаноб Расулulloҳ (хушнуд бўлиб), Аҳмас қабиласи отлиқларига ҳамда бутун Аҳмас қабиласига Оллоҳ таолодан баракот тиладилар».

177-боб. Хушхабар келтирган кишига нима тортиқ қилинади?

Каъб ибн Молик (Оллоҳ таоло тавбаларини қабул қилиб, гуноҳларини мағфират этганда) хушхабар келтирган кишига иккита кийим тортиқ қилганлар.

178-боб. (Макка) фатҳидан сўнг ҳижрат йўқдур!

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ қилинган куни: «(Макка фатҳ қилинди, энди бу ердан бирор ерга) ҳижрат қилинмайди, аммо жиҳод ва (ҳижрат қилганлик савобига эришмоқни) ният (қилиб жиҳод қилмоқлик бордур). Агар ғазотга чиқмоқларингиз талаб қилинса, чиқингизлар!» — дедилар».

Абу Усмон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мужошиъ (ибн Масъуд) биродари Мужолид ибн Масъуд бирлан бирга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Мана бу (биродарим) Мужолид ҳижрат қилмоққа сизга байъат қилур», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Макка фатҳидан сўнг ҳижрат йўқдур, аммо мен уни Исломга байъат қилдирурман», — дедилар».

Ато разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Убайд ибн Умайр бирлан бирга Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига бордим, шунда ул муҳтарама Сабийр тоғи яқинида (чодирда) эрдилар. Оиша (онамиз) бизга: «Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга Маккани фатҳ қилиб бергандан буён (Маккадан) ҳижрат (қилмоқлик) тугагандур», — дедилар». (Чунки, мусулмонлар Макка фатҳидан олдин ўз динларини фитналардан асрамоқ учун Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули паноҳига қочганлар, аммо у фатҳ этилгач, Оллоҳ таоло Исломга

зафару қувват ато этди, мусулмонлар истаган ерларида парвардигорларига ибодат қила оладирган бўлдилар).

179-боб. Агар киши Оллоҳ таолога осийлик қилган зиммия ва мўмина аёлларнинг сочларини титкилаб кўришга ҳамда уларни ечинтиришга мажбур бўлса...

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени ва Зубайрни жунатаётиб: «Фалон боққа борингизлар, ул ерда Ҳотиб мактуб бериб юборган бир аёлни учратасизлар!» — дедилар. Биз ўшал боққа бориб, аёлга: «Хатни (бер!)» — дедик. Аёл: «Менга (ҳеч қандай хат) бермаган», — деди. Биз унга: «Агар (хатни) топиб бермасанг, сени ечинтириб, (кийимларингни, сочларингни ахтариб кўрамиз)», — дедик. Шунда у (хатни) липпасидан олиб берди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ Хотибга одам юбордилар. (У келгач, Жаноб Расулulloҳга): «Ё Расулаллоҳ, (мени жазолашга) ошиқмангиз, Оллоҳ таоло ҳақи, мен куфрга қайтганим йўқ, Исломга нисбатан муҳаббатим ҳам зиёда (бўлса бўлдики, асло камайгани йўқ!) Сизнинг ҳар бир саҳобангизнинг Маккада ўз одами бўлиб, Оллоҳ таоло ўшал одам орқали унинг ул ерда (қолган) бола-чақаси бирлан мол-мулкани ҳимоя қилур. Менинг эрса ул ерда бундай одамим йўқдур. Шул боисдан мен ул ердаги одамлар орасидан ўзимга бирор мадаккор орттирмоқни истадим, холос», — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг гапларига ишондилар. (Аммо), Ҳазрат Умар (ишонмай): «Ё Расулаллоҳ, менга изн берингиз, унинг (калласини) бўйнидан жудо қилайин, чунки у мунофиқлик қилди!» — дедилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ (Ҳазрат Умарга): «(У Бадрда иштирок қилган), сен нимани ҳам билардинг! Оллоҳ таоло (Бадр иштирокчиларининг ўз магфиратига хилоф иш қилмасликларини билганидан ва улардан бениҳоят ризо бўлганидан): «Хоҳлаган амалларингизни қилингизлар!» — деб айтган. (Оллоҳ таолонинг) ана шу (қавли) Ҳотибга журъат бериб, (у Маккага мактуб йўллагандур)», — дедилар».

180-боб. Ҳозирларни кутиб олиш хусусида

Ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр разияллоҳу анҳу Ибн Жаъфарга: «Мен, сен ва Ибн Аббоснинг (болалигимизда) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни (ғазотдан келаётганларида) кутиб олганимиз. эсингдами?» — дедилар. Ибн Жаъфар: «Ҳа, (эсимда, ўшанда ул зот) бизни (яъни, мен бирлан Ибн Аббосни) кўтариб олиб, сени қолдириб кетган эрдилар», — дедилар».

Соиб ибн Язид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз болалар бирлан бирга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни (ғазотдан қайтаётганларида) кутиб олгани Санийят ул-Вадоега бордик».

181-боб. Киши ғазотдан қайтганда нималар дейди?

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам(нинг одати шарифлари шундай эрдик), агар (ғазотдан) қайтсалар, уч бор такбир айтар, «Биз, иншооллоҳ, (ибодатларга чўмиб Оллоҳ таолонинг ҳузурига) қайтгувчи, (гуноҳларимиз учун Оллоҳ таолога) тавба (қилиб, шариат мақтаган амалларни) қилгувчи, парвардигоримизга ибодат қилиб, ҳамду санолар айтгувчи ва сажда қилгувчилармиз. Оллоҳ таоло (Исломга ривожу зафар ато этмоқ хусусидаги) ваъдасига вафо қилиб, ўз бандаси (Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га мадад берди ва бир ўзи (кўп сонли кофирлар) тўдаларини мағлуб қилди» — дер эрдилар».

Анас ибн Молик разиялдоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Усфондан қайтиб келаётган эрдик, шунда ул зот Сафийя бинти Ҳуяйни туяларига мингаштириб олган эрдилар. Бирдан туялари қоқиниб кетиб, иккалалари (ерга) қулашди. (Буни кўриб), Абу Талҳа (туяларидан) ирғиб тушдилар-да: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло мени сизга фидо қилсин, (бирор ерингиз шикаст емадими?)» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ (Абу Талҳага): «Менга ҳеч нарса бўлмади,- аёлдан хабар ол!» — дедилар. Шунда Абу Талҳа (номаҳрам бўлганлари учун) бир кийим бирлан юзларини тўсиб, Сафийянинг қошига бордилар-да, (бегоналар кузи тушмасин, деб) ўшал кийимни унинг устига ёпиб қўйдилар. Сўнг, (Жаноб Расулulloҳ ва Сафийя) иккалалари минган туянинг (эгар-жабдуқларини) яхшилаб (боғладилар). Кейин, Жаноб Расулulloҳ Сафийяни мингаштириб, йўлда даврм этдилар, биз атрофларида (ул зотни эҳтиётлаб) кетдик. Мадинага яқинлашганимизда Жаноб Расулulloҳ: «Биз (ибодатларга чўмиб Оллоҳ таолонинг ҳузурига) қайтгувчи, (гуноҳларимиз учун Оллоҳ таолога) тавба (қилиб, шариат мақтаган амалларни) қилгувчи ва парвардигоримизга ибодат қилиб, ҳамду санолар айтгувчилармиз» — дея бошладилар ва шу сўзларни айтганча Мадинага кириб бордилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис мазмунан такрорланган.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

1-боб. Сафардан қайтганда (ўқиладирган) намоз хусусида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда бўлдим. Мадинага қайтиб келганимизда Жаноб Расулуллоҳ менга: «(Сафардан омон қайтганинг ва бола-чақанг бирлан соғ-саломат кўришганинг шукронасига) масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқи!» — дедилар».

Каъб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар сафардан қайтсалар, (дам олгани) ўлтирмасларидан бурун масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқир эрдилар».

2-боб. (Кўзланган манзилга) етиб келинганда (жонлиғ сўйиб) таом (тайёрламоқлик) ҳақида

Ибн Умар ҳузурларига кириб келган (ҳар бир) одамни меҳмон қилур эрдилар.

Муҳориб ибн Дассор Жобир ибн Абдуллоҳнинг бундай деганларини эшитган эрканлар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида туя ёки сигир сўйдилар». (Муҳориб юқорида айтилган икки жонлигдан айнан қайсиниси сўйилганини аниқ айтолмаганлар).

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафар чоғида) мендан икки виққийа бир дирҳам (ёки икки дирҳам)га туя сотиб блдилар. Кейин, Сирорга (Мадина бусагасидаги бир жой номи) етиб келганимизда бир сигир суймоқни амр қилдилар. Сигир сўйилиб, (таом тайёрланди), одамлар тановул қилишди. Сўнг, Мадинага келганларида масжидга кириб икки ракъат намоз ўқимоғимни амр қилдилар. Кейин, туямнинг пулини бериб, (узини ҳам қайтардилар)».

1-боб. Хумс(нинг) фарз (эканлиги) ҳақида

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бадр кунисидаги ўлжалардан менга насиба қилиб берилган бир туям бор эрди. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хумсдан (яъни, жангда олинган ўлжаларнинг бешдан бири ҳисобида Байтулмолга топширилган солиқдан) менга яна бир туя инъом қилган эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима бирлан турмуш қуришни истаганимда Бану Қайнуқоъ қабиласига мансуб бир (яхудий) заргар бирлан ваъдалашдим, у изхирларимни (исириқларимни) мен бирлан бирга заргарларга олиб бориб, (тузукроқ нарҳда) сотмоғимга ёрдам берадирган бўлди, (пулини) тўйимга сарф қилишим керак эрди. Кейин, мен иккала туямга (изхирларни ортмоқ учун) хуржун, қоп ва арқонларни тайёрлашга киришдим, туяларимни эрса ансорлардан бирининг ҳужраси енида чўктириб қўйган эрдим. Бир маҳал барча нарсаларни ҳозирлаб, туяларим олдига келиб қарасам, иккаласи уркакчлари кесилган қоринлари ёрилган ва жигарлари олинган ҳолда ётибди. Бу (мудҳиш) манзарани кўриб, кўзларимни (ёшдан) тия олмадим, (чунки Фотимага ўйланмоғим учун қилган шунча ҳаракати ҳабата бўлиб кетган эрди). Мен (одамларга): «Буни ким қилди?» — дедим. Улар: «Ҳамза ибн Абдулмутталиб қилди, ўзи эрса (ҳозир) манави уйда (бир гуруҳ ичгувчи) ансорлар бирлан ичкилик ичиб ўлтирибди», — дейишди. (Буни эшитиб, тезликда) Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бордим-да, ичкарига кирдим, Зайд ибн Ҳориса ўшал ерда эркан. Жаноб Расулulloҳ важоҳатимдан (бир ёмон воқеа еодир бўлганини) сезиб: «Сенга не бўлди?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, Ҳамзанинг бугунгидек менга душманлик қилганларини кўрмаганман, иккала туямнинг уркакчларини кесиб, қоринларини ёриб ташлабдилар, ўзлари (ҳозир) ичкиликбозлик қилинаётган ҳов анави уйда», — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ чопонларини олиб келишни амр қилдилар, сўнг уни кийиб йўлга тушдилар, мен ва Зайд ибн Ҳориса ортларидан эргашдик. Жаноб Расулulloҳ Ҳамза ўлтирган уйга етиб боргач, (ичкарига кирмоққа) изн сўрадилар, (уйдагилар) изн беришгач, (ичкарига кириб, барчаларининг) ичкилик ичиб ўлтирганларини кўрдилар. Сўнг, ул зот Ҳамзани қилган ишлари учун койий бошладилар. Ҳамза эрсалар маст бўлиб, ичкиликдан қизариб кетган кўзлари бирлан Жаноб Расулulloҳга бир қараб қўйдилар, сўнг (менсимаган маънода) ул зотнинг оёқларидан то юзларигача разм солгач: «Сизлар менинг отамнинг қулларисизлар, холос!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ Ҳамзанинг маст эканликларини билиб, уйдан қайтиб чиқдилар, биз ҳам ул зот бирлан бирга чиқиб кетдик». (Бу воқеа ичкилик ҳаром қилинмасидан бурун бўлган эрди).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима алайҳоссалом, ул зот вафот этганларидан кейин, Абу Бакр ас-Сиддикдан, Жаноб Расулulloҳга Оллоҳ таоло махсус ато этган мол-мулкдан ўз меросларини талаб қилдилар. Абу Бакр ас-Сиддик Фотимага: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз (пайғамбарлар) мерос қолдирмаймиз, биз қолдирган нарсалар садақадур» — деб айтганлар», — дедилар. Шунда Фотима алайҳоссалом дарғазаб бўлиб, то вафот этгунларига қадар Абу Бакрдан аразлаб юрдилар. Ул муҳтарама Жаноб Расулulloҳдан сўнг олти ой яшадилар, холос. Фотима алайҳоссалом Жаноб Расулulloҳнинг Хайбар, Фадак ва Мадинадаги садақаларидан (яъни, ҳеч кимга мерос қилиб қолдирмай, Оллоҳ таоло йўлида садақа қилган ерларидан) ўзларига улуш талаб қилган эрдилар. Шунда Абу Бакр ас-Сиддик: «Мен Жаноб Расулulloҳ бул хусусда не қилган бўлсалар, худди шундай қилаётирман, ул зотнинг амрларидан бирортасини адо этмай, йўлдан озиб қолмоғимдан қўрқурман» — деб айтган эрдилар. Аммо, Ҳазрат Умар (халифа бўлганларида) ул зотнинг Мадинадаги садақаларини Али бирлан Ибн Аббосга топширдилар, Хайбар ва Фадакдаги садақаларини эрса ўз тасарруфларида олиб қолдилар».

Молик ибн Авс ибн ал-Ҳадасон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мухаммад ибн Жубайр ибн Мутъим менга айтиб берган бир ҳадисда мсрос хусусида эслатиб ўтган эрди. Кейин, мен унинг уйига бориб шул ҳақда сўрадим. Ул менга бундай деб айтди: «Мен Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кирмоқ ниятида ўйдан чиқдим. Ҳузурларига (кириб) ўлтирганимда эшикбонлари Йарфо қошларига келиб: «Усмон, Абдуллаҳмон, Зубайр ва Саъдда ишингиз борми, улар ҳузурингизга кирмоққа ижозат сўраётирлар?» — деди. Ҳазрат Умар: «Ҳа», — дедилар-да, уларга рухсат бердилар. Улар ичкарига кириб салом беришди, сўнг ўлтиришди. Бир оздан сўнг, Йарфо яна Ҳазрат Умарнинг қошларига келиб: «Али ва Аббосда ҳам ишингиз борми?» — деди. Ҳазрат Умар: «Ҳа», — дедилар-да, уларга ижозат бердилар. Иккалалари ичкарига кириб салом беришди, сўнг ўлтиришди. Шунда Аббос: «Ё мўминлар амири! Мен бирлан мана бу киши (яъни, Ҳазрат Али) ўртамиздаги масалани ҳал қилиб берсангиз!» — деди. Ҳазрат Умарнинг ҳузурларидагилар, яъни Ҳазрат Усмон ва ул киши бирлан бирга келганлар (Аббоснинг гапини қувватлаб): «Ё мўминлар амири! Улар иккиси ўртасидаги масалани ҳал қилиб, бирини иккинчисидан халос қилингиз!» — дейишди. Ҳазрат Умар уларга: «Огоҳ бўлингизлар, еру осмонлар мавжудлиги иродасига боғлиқ бўлмиш Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўрайман! Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Биз (пайғамбарлар) мерос қолдирмаймиз, биз қолдирган нарсалар — садақадур!» деб айтганларини билурмисизлар? Ул зот «Биз» деганларида ўзларини (яъни, пайғамбарларни) назарда тутганлар», — дедилар. Ҳазрат Усмон ва ул киши бирлан бирга келганлар: «Ҳа, шундай деб айтганлар», — дейишди. Ҳазрат Умар Али бирлан. Аббосга юзланиб: «Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўрайман! Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини сизлар (ҳам) билурмисизлар?» — дедилар. Улар иккалалари: «Ҳа, шундай деб айтганлар», — дейишди. Сўнг, Ҳазрат Умар бундай дедилар: «Мен сизларга ана шу масала (яъни, ул зотнинг Оллоҳ таоло йўлида садақа қилиб қолдирган мулклари) хусусида сўзлаб берайин! Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ўз Расули саллalloҳу алайҳи ва салламга махсус бир мол ато этган эрдиким, бундай молни илгари ул зотдан ўзга (пайғамбар)ларга ато этмаган эрди. Оллоҳ таоло (бул мол ҳақида): «Оллоҳ ўз Расулига улардан (кофирлардан) уруш қилдирмай олиб берган мол учун сизлар на от ва на туя чоптириб (меҳнатингиз сингган эрмас), лекин Оллоҳ ўзи истаган бандаларига пайғамбарларини ҳукмдор қилгайдур. Оллоҳ ҳар нарсага қодирдур!» — дейди. Бу ўлжа (мол) холис Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламники эрди. Оллоҳ таоло ҳақи, шунга қарамай, ул зот уни сизларсиз ёлғиз ўзлари тасарруф қилганлари йўқ, ундан сизларга ҳам улуш ажратдилар. Мана энди, ундан ана шул (сизлар талаб қилаётган) молгина қолди, холос. Жаноб Расулulloҳ йил буйи ана шу мол орқасидан аҳлу аёлларини боқар ва эҳтиежларидан ортиқчасини Оллоҳ таоло йўлида эҳсон қилар эрдилар. Ул зот умрлари буйи шул йўсинда иш тутиб келган эрдилар. Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сурайман, шуни билурмисизлар?». (Ҳазрат Умарнинг бул сўзларига) Ҳазрат Усмон ва ул киши бирлан келганлар: «Ҳа, билурмиз» — деб жавоб қилишди. Сўнг, Ҳазрат Умар Ҳазрат Али бирлан Аббосга юзланиб: «Оллоҳ таоло номи бирлан иккингиздан ўтиниб сурайман, шуни сиз иккингиз ҳам билурмисизлар?» — дедилар. Улар иккалалари: «Ҳа, билурмиз», — дейишди. Шундан кейин, Ҳазрат Умар бундай деб гапларини давом эттирдилар: «Сўнг, Оллоҳ таоло ўз Расули саллalloҳу алайҳи ва салламни ҳузурига чорлади. Шунда Абу Бакр ас-Сиддиқ: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ворислари мендурман!» — дедилар-да, ўшал махсус молни ўз қўлларига олиб, уни Жаноб Расулulloҳ каби тасарруф қилдилар. Сиз иккингиз бўлсангизлар, «Абу Бакр ундай ва бундай қилди» деб гапириб юрибсизлар, ваҳоланки ул киши уни ҳалоллик бирлан тасарруф қилдилар. Кейин, Оллоҳ таоло Абу Бакр ас-Сиддиқни ҳам ўз ҳузурига чорлади. Шунда мен: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакр ас-Сиддиқнинг ворислари мендурман!» — деб уни ўз қўлимга олдим, мана икки йилдурки, уни Жаноб Расулulloҳ бирлан Ҳазрат Абу Бакр каби тасарруф қилиб келаётирман. Сўнг, сиз

иккинги хузурига келдингизлар, иккингининг ҳам сўзингиз бир, ишингиз бир. Сен (Аббос) акангинг ўғлидан қолган насибангни талаб қилиб келгансан, мана бу (Али) эрса, хотинининг отасидан қолган улушини талаб қилиб келган. Менинг қатъий сўзим будур: агар истасангизлар, Жаноб Расулulloх, Ҳазрат Абу Бакр ва мен сингари тасарруф қилмоқ шарти бирлан ул молни сизларга топширурман, акс ҳолда бул ҳақда менга оғиз очмангизлар! Агар сизлар: «Шартингизга кўндик, уни бизга топшираверингиз!» — десангизлар, уни шу шарт бирлан сизларга топширурман. Эй (Усмон, Абдуллаҳмон, Зубайр ва Саъд), шу шарт бирлан уни мана бу иккаласига топшираверайми?». Улар: «Ҳа», — дейишди. Сўнг, Ҳазрат Умар Ҳазрат Али бирлан Аббосга юзланиб: «Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сурайман! Уни сизларга шу шарт бирлан топшираверайинми?» — дедилар. Иккаларари: «Ҳа», — дейишди. Ҳазрат Умар: «Лекин, кейинчалик бу ҳақда бошқача ҳукм чиқармоғимни илтимос қилсангизлар, билиб қўйингизларки, еру осмонларнинг мавжудлиги иродасига боғлиқ зот ҳақи, Қиёматгача ҳам бундан бўлакча ҳукм чиқармасман! Башарти мазкур шартни бажармоққа ожизлик қилиб қолсангизлар, уни менга дарҳол қайтариб берингизлар, мен иккингини ундан халос қилурман», — дедилар».

2-боб. Диёнатли (яъни, Оллоҳ таолога иймон келтирган) кишининг хумсни адо этмоғи (лозимлиги) ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдулқайс қабиласи вакиллари келиб: «Ё Расулаллоҳ, бу жамоа (яъни, бизлар) Рабийъа қабиласидан (ажраб чиққан Абдулқайс қабиласи вакиллари) бўлиб, сизлар бирлан бизнинг ўртамизда Музар қабиласи кофирлари (ғов бўлиб турибди). Шул боисдан бизлар сизнинг хузурингизга (уруш таъқиқланган) муқаддас ойдагина кела олурмиз. (Жаннатга кирмоғимиз учун) бизга шундай бир амали солиҳни буюрингизки, уни ўзимиз ҳам адо этиб, ортимиздагиларни (яъни, юртимиздаги қабиладошларимизни) ҳам бунга даъват этайлик!» — дейишди. Жаноб Расулulloх (уларга): «Мен сизларга тўрт нарсани буюриб, тўрт нарсдан сизларни қайтарурман: Оллоҳ таолонинг якка-ю ягона илоҳ эканлигига иймон келтирингизлар, бу «Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳу (ва анна Муҳаммадан расулulloҳи)» деб айтмоқликдур, (беш вақт) намоз ўқингизлар, закот берингизлар, Рамазон рўзасини тутингизлар ва (шунингдек, жангда) олган ўлжаларингизнинг хумсини (бешдан бирини) Оллоҳ таолога (яъни, Байтулмолга) берингизлар! Дуббоъ, нақир, хантам ва музаффатдан (яъни, қовоқ, ёғоч, сопол, чинни, шиша, мўм суртилган идишларда ичимлик тайёрлашдан) қайтарурман», — дедилар».

3-боб. Мўминлар оналарининг Жаноб Расулulloх вафот этганларидан кейинги нафақаси ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг меросимнинг (яъни, мен қолдирган нарсаларнинг) бир динори ҳам бўлиб берилмас, жуфти ҳалолларим нафақаси ҳамда омилим (яъни, Оллоҳ таоло йўлида садақа қилиб қолдирган ерларига қараб тургувчи киши ёки халифалар) таъминотидан ортгани садақадур», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида уйимдаги токчамда озгина арпадан бўлак бирор жонзот еса бўладирган нарса қолмаган эрди. Мен уни (анча вақтга етсин, деб) тақсимлаб қўйиб эрдим, (Оллоҳ таоло барака ато этиб), талай вақтгача етди».

Амр ибн ал-Ҳарас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва

саллам қуроллари, оқ хачирлари ва (Оллоҳ таоло йўлида) садақа қилиб қолдирган ердан бўлак ҳеч нарса қолдирмадилар».

4-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалолларининг уйлари ва уларнинг (ҳар бирларига) алоҳида уй ажратиб берилгани хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй пайғамбарнинг аёллари, бўлар-бўлмасга ташқарига чиқавермай), ўз уйларингизда қўним бирла ўлтирингизлар...» («Аҳзоб» сураси, 33-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй мўминлар, пайғамбарнинг уйларига бирор таомга чақирилсангизларгина кирингизлар» («Аҳзоб» сураси, 53-оят).

Оиша разияллоҳу анҳо ривот қиладилар: «Расулulloҳ сал лalloҳу алайҳи ва саллам, дардлари оғирлашиб қолганда, менинг уйимда ётмоққа (бошқа) хотинларидан изн сўрадилар, ул зотга изн берилди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менинг уйимда, менинг навбатим (келган кун)да ва менинг бағримда вафот этдилар, Оллоҳ таоло (мисвок учини тишим бирлан юмшатиб берганимда унга теккан) тупугимни ул зотнинг (муборак) тупукларига омухта қилди. (Бир вақт) укам Абдурраҳмон (қўлида) мисвок бирлан кириб келиб эрди, ул зот беҳол (кўзлари бирлан) мисвокка бир қараб қўйдилар. Шунда мен мисвокни олиб, учини (тишларим бирлан) юмшатиб бердим».

Али ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари Сафийя ул зот Рамазоннинг охирги ўн кунлигида масжидда эътикоф қилаётганларида кўргани келдилар. Сўнг, (уйларига) қайтиб кетмоқчи бўлиб ўринларидан турдилар. Жаноб Расулulloҳ ҳам туриб, ул муҳтарама бирлан бирга (бўлак) хотинлари Умму Саламанинг ҳужраси эшиги снудаги масжид эшигига яқин борганларида ансорлардан икки киши ўтиб қолди. Улар Жаноб Расулulloҳга салом беришиб, йўлларида давом этишди. Шунда ул зот уларга: «Шошмангизлар, (бул аёл ўзимнинг хотинларимдан биридур, таган, бирор бемаъни хаёл каллангизга келган бўлмасин!)» — дедилар. Бу гап оғир ботиб, улар: «Субҳоноллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Дарҳақиқат, шайтон (тезликда) инсоннинг (миясига) қон (бирла) етиб бориб, уни васваса қилур, шул боис мен у кўнглингизга бирор эгри фикр солмадимикан, деб хавотир олдим», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ҳафсанинг уйининг томига чиқиб эрдим, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг (пастда) ортларини қиблага ва олдларини Шомга қилиб ҳожатга ўлтирганларини кўрдим». (Уламолар: «Олд ва орқани қиблага қаратиб ўлтирмоқ манъ қилинмасидан бурун шундай қилган бўлсалар керак» — деб тахмин қилишади).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилатилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Қуёш (нурлари) ҳали ҳужрамдан чиқиб кстмаган вақтда аср уқир эрдилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хутба қила туриб, Оишанинг ҳужраси томон (яъни, машриқ томон) ишора қилдилар-да: «Фитна ҳов анави томонда, шайтон шохи чиқадириган томонда!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам

менинг ҳужрамда эрдилар. Шул вақт мен бир кишининг Ҳафсанинг уйига кирмоққа изн сўраётганини эшитдим. Шунда ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, анави киши уйингизга кирмоққа изн сўраётир», — дедим. Ул зот: «Мен уни фалончи бўлса керак, деб ўйлайман (яъни, у Ҳафсанинг эмишган амакисидур), туғишганлик ҳаром қилган (манъ қилган) нарсани эмишганлик ҳам ҳаром қилур», — дедилар». (Яъни, туғишганларга ўзаро никоҳ раво бўлмагани каби, эмишганларга ҳам ўзаро никоҳ раво эрмас).

5-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг совут, асо, қилич, қадаҳ ва (муҳр кўзли) узуклари ҳақида; ул зот ўзларидан кейин меросхўрларига тақсимлаб беришни тайинламаган нарсалардан саҳобаларнинг фойдаланиб юрганлари хусусида; Жаноб Расулulloҳ вафот қилганларидан кейин, саҳоба ва бошқаларнинг ул зотнинг соч ва мўйлари, пойабзаллари, (тутган) идишлари каби нарсаларини табаррук қилиб сақлаб қўйганлари тўғрисида

Сумома разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу халифа бўлганларида Анасни Баҳраинга юбордилар. Кейин, унга хат ёзиб, Жаноб Расулulloҳнинг (муҳр кўзли) узуклари бирлан уни муҳрладилар. Ўшал узук кўзига уч сатр хат нақш қилинган бўлиб, биринчи сатри «Муҳаммад», иккинчи сатри «Расул» ва учинчи сатри «Оллоҳ» сўзларидан иборат эрди».

Исо ибн Тухмон: «Анас бизга ошланган теридан тикилган тасмали бир жуфт чориқ олиб чиқди», — дейдилар. (Бу чориқнинг тасмаси оёқнинг икки бармоғи орасига кириб турган).

Собит ал-Буноний: «Ўшал бир жуфт чориқ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламники эрди», — дейдилар.

Абу Бурда разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бизга бир юнг кўйлак олиб чиқиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳлари (жонлари) мана шу кўйлақда эканликларида олинган», — дедилар».

Абу Бурда: «Оиша бизга Яманда қилинадирган нарсадан (яъни, матодан тикилган) бир қалин иштон ва «мулаббада» («намат») деб аташадирган мана бундан (яъни, мана бу матодан тикилган) бир кўйлак олиб чиқдилар», — дейдилар.

Ибн Сирин разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадаҳлари дарз кетди. (Шунда Жаноб Расулulloҳ қадаҳ дарзини темир ҳалқа бирлан жипслаб қўйдилар. Ўшал қадаҳ, ул зот вафот этганларидан кейин, Анасда қолди). Анас унинг темир ҳалқаси ўрнига кумуш занжир урнатиб қўйди. Мен унда (сув) ичганман».

Ибн Шиҳоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мисвар ибн Махрама Али ибн Ҳусайнга бундай дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиличларини менга бермайсизми? Чунки, мен уни қавм сиздан тортиб олмасайди, деб хавотирдаман. Агар қилични менга берсангиз, Оллоҳ таоло номи бирлан қасам ичаманки, то тирик эрканман, улар унга ҳеч қачон эга бўлолмаслар! Мен Али ибн Абу Толибнинг Фотима алайҳоссаломнинг устларига Абу Жаҳлнинг қизига уйланмоқчи бўлганларини билурман. Ўшанда мен балоғатга етиб қолган бир йигитча бўлиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана шу минбарларида туриб одамларга: «Фотима менинг пушти камаримдан бўлгандур, мен унинг иймонига зарар етмасайди, деб хавотирдаман!» — деб хитоб қилганларини эшитганман. Кейин, ул зот Бану Абди Шамс қабиласидан бўлмиш куёвлари ҳақида гапира туриб, унинг ўзларига яхши куёвлик

қилганини айтиб мақтадилар. Сўнг: «(Мен жоҳилият даврида катта қизим Зайнабни Абу ал-Ос ибн Рабиъага никоҳлаб берган эрдим), у (қизим устига уйланмасликка) менга ваъда бериб, сўзининг устидан чиқди. (Сўнг, бизга асир тушганида қизимни менинг ҳузуримга қайтариб юбормоққа ҳам) ваъда бериб эрди, ваъдасига вафо қилди. Мен ҳалолни ҳаром қилгувчи ҳам, ҳаромни ҳалол қилгувчи ҳам эмасман. Оллоҳ таоло ҳақи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизи (Фотима) бирлан Оллоҳ таолонинг душмани (Абу Жаҳл)нинг қизи ҳеч қачон бир (эрнинг, яъни Алининг) никоҳида бўлмас!» — дедилар».

6-боб.

Хумс Жаноб Расулulloҳ ҳузурларига турли қабилалардан келиб-кейтиб турадирган элчиларни меҳмон қилмоқ, вақти-вақти бирлан мискинлар ҳолидан хабар олмоқ ҳамда супа аҳли ва бева-бечораларга хайру эҳсон қилиб турмоқ учун сарф қилингандур. Бунга далил шуки, Фотима алайҳоссалом ёрғучоқ қўлларини қавартириб юбораётганидан шикоят қилиб, ўзларига дастёр сўраганларида, Жаноб Расулulloҳ дастёр бермай, ул муҳтарамани Оллоҳ таолонинг паноҳига топширгандурлар

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Фотима алайҳоссалом ёрғучоқни айлантиравериб, қўли қавариб кетаётганидан шикоят қилди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир болани дастёрликка беришганини эшитиб, ўзига хизматкор сўрагани ул зотнинг ҳузурларига борди. Аммо, ул зот уйда бўлмаганлари учун не мақсадда келганини Оишага тайинлаб келди. Жаноб Расулulloҳ уйга келганларида Оиша шул ҳақда маълум қилди. Кейин, ул зот бизнинг уйимизга келдилар. Шунда биз ўрнимизга кириб ётган бўлиб, турмоқчи бўлганимизда ул зот: «Ётаверингизлар, қимирламангизлар!» — дедилар-да, (кўрпамизнинг этак томонига оёқларини тиқиб ўлтирдилар), ҳатто мен кўкрагимга тегиб турган муборак оёқларининг совқотиб қолганини сездим. Сўнг, ул зот: «Иккингиизга сўраган нарсангиздан яхшироқ (савоблироқ) бир амални ўргатайинми? Ўрнингизга кириб ётганингизда Оллоҳ таолога ўттиз тўрт марта такбир, ўттиз уч марта ҳамд ва ўттиз уч марта тасбиҳ айтингизлар, бу иккингииз учун сўраган нарсангиздан савоблироқдур!» — деб марҳамат қилдилар».

7-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Билиб қўйингизларки, ўлжа олган нарсаларингизнинг бешдан бир ҳиссаси Оллоҳ, пайғамбар, (пайғамбар) қариндошлари, етимлар, мискинлар ва мусофирларнинг ҳақидур...» («Анфол» сураси, 41-оят)

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат мен Қосим (Тақсим қилгувчи) ва Хозин (хазиначи)мен, Оллоҳ таоло эрса ато этгувчидур» — деб айтганлар.

(Кофирларга қарши урушда ўлжа олинган жамики нарсалар аввал беш ҳиссага бўлинган. Сўнг, уларнинг бешдан бир ҳиссаси Оллоҳ таолонинг номига багишланиб, уни парвардигорнинг Ердаги ноиби бўлмиш Жаноб Расулulloҳ олганлар-да, бшш тоифа одамларга — дастлаб ўзларига, кейин дин йўлида мадаккор бўлган хеш-ақраболарига, кейин етимларга, кейин мискинларга, сўнг мусофирларга тақсим қилганлар. Ўлжаларнинг бешдан тўрт қисми эрса жангчиларнинг ўзларига қолдирилган).

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз ансорлардан бир киши ўғил кўриб, унга «Муҳаммад» деб исм қўймоқчи бўдди».

Мансур разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ўшал ансорий бундай деб эрди: «Мен ўғилчамни буйнимга ўтқазиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бордим. Шунда ул зот: «(Болаларингизга) лақабимни эмас, исмиمنى қўйингизлар! Чунки мен, дарҳақиқат Қосим (тақсимлагувчи) қилиб юборилганман, сизларга (ўлжаларни) тақсим қилурман» — деб марҳамат қилдилар».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Бир ансорий) ўғлига «Қосим» деб исм қўймоқчи бўлди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «(Болаларингизга) лақабимни эмас, исмиمنى қўйингизлар!» — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз (ансорлар)дан бир киши ўғил кўриб, исмини «Қосим» деб қўйди. Шунда ансорлар: «Биз сени «Абулқосим» деб улуғламаймиз ҳам, бундай деб сени хурсанд қилмаймиз ҳам!» — дейишди. Кейин, у Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулаллоҳ, мен ўғил кўрдим, исмини «Қосим» деб атадим. Аммо, ансорлар (норози бўлишиб): «Биз сени «Абулқосим» деб улуғламаймиз ҳам, бундай деб сени хурсанд қилмаймиз ҳам!» — дейишди», — деди. Жаноб Расулulloҳ (унга): «Ансорлар (сенга шундай деб) тўғри иш қилишибди. (Болаларингизга) лақабимни эмас, исмиمنى қўйингизлар, чунки мен Қосим (ўлжаларни тақсим қилгувчи)ман» — деб марҳамат қилдилар».

Муовия ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло қайси бандасига савоб (яъни, барча савобларни ёхуд улкан савоб) ато этмоқни ихтиёр қилса, уни дин борасида фақиҳ (динни теран тушунгувчи, дин билимдони) қилур. Дарҳақиқат мен Қосим (тақсим қилгувчи)ман, Оллоҳ таоло эрса ато этгувчидур. Бу уммат Оллоҳ таолонинг амри келгунга (яъни, Қиёматга) қадар ҳам ўзларига муҳолифлик қилаётганларга қарши курашни давом эттирурлар!» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизларга (бирор нарса) ато эта олмасман ҳам, (бирор нарсанинг ато этилмоғига) монеълик қила олмасман ҳам, мен Қосим (тақсим қилгувчи)дурман, нима буюрилса, шуни қилурман!» — деб марҳамат қилдилар».

Хавла ал-Ансориййа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамлар Оллоҳ таолонинг (мусулмонлар фаровонлиги учун таъйин қилган) молини ҳақсиз сарф қилурларки, Қиёмат куни жаҳаннам уларники бўлур!» — деб айтганларини эшитдим».

8-боб. Жаноб Расулulloҳнинг: «Ўлжалар сизларга ҳалол қилинди» — деб айтганлари ҳақида

Оллоҳ таоло: «Ваъда қилгандур Оллоҳ сизларга (келгусида) ўзларингиз оладирган кўп ўлжаларни. Буни (яъни, Хайбарда оладирган ўлжаларингизни) эса тезлаштириб, (душманлик қиладирган) одамларнинг қўлларини сизлардан тўсиб қўйди», — дейди («Фатҳ» сураси, 20-оят).

Урва ал-Бориқий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилмоқ ниятида боқилаётган) отнинг ёлларига то Қиёмат (эгаси учун охиратда асқатадирган) савоблар (ва бу дунёда асқатадирган ўлжалар) боғлаб қўйилгандур» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар хусрав улса, ундан кейин (Ироқда) хусрав бўлмас ва агар қайсар ўлса, ундан кейин (Шомда) қайсар бўлмас, иккаласининг бойликлари Оллоҳ таоло йўлида албатта нафақа қилинур!» — деб марҳамат қилдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўлжалар менга ҳалол қилинди», — дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таоло бандасини фақат ўз йўлида ва ўз сўзларининг тасдиқ эттирилмоғи учунгина жиҳодга чиқарувчи бўлиб, у жиҳодга чиққан бандасига шундай кафолат берурки, (шаҳид бўлган заҳотиёқ уни бесўроқ ва беазоб) жаннатга киритур ёки ўз масканига соғ-саломат ажру ўлжалар бирлан қайтарур».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Пайғамбарлардан бири (яъни, Йўшаъ ибн Нун) ғазотга чиқмоқчи бўлдилар. Шунда ул киши ўз қавмларига: «Аёлнинг фаржигга етишиб (яъни, яқиндагина бир аёлга уйланиб), унинг ҳузурига кирмоқ орзусида турган, ҳали уни жимоъ қилиб улгурмаган бирор киши менинг ортимдан (ғазотга) эргашмасин! Уйлар қўриб, ҳануз томларини ёпа олмаган (кишилардан) бирортаси ҳам (менинг ортимдан ғазотга) эргашмасин! (Шунингдек, бўғоз) қўй ёки (бўғоз) туялар сотиб олиб, уларнинг болаламоғини кутаётган бирор киши ҳам (менинг ортимдан ғазотга) эргашмасин!» — деб амр қилдилар. (Чунки, бундай кишиларнинг хаёллари доимо хотинлари, уйлари ва мол-ҳолларида бўлиб, ғазотдан чалғир эрдилар). Сўнг, ул киши (бир қанча яҳудий қабилалари бирлан бирга) ғазотга йўл олиб, аср намози вақтида ёки тахминан шу вақтларда бир қишлоққа (яъни, Арийҳога) яқинлашдилар. (Шу куни жумъа куни бўлиб, икки ўртада қаттиқ жанг бошланди. Аммо, Йўшаъ алайҳиссалом Қуёш ботишига ва яҳудийлар учун уруш манъ қилинган шанба тунининг киришига оз вақт қолганидан хавотир олиб), Қуёшга: «Сен (ботишга) буюрилгансан, мен эрсам (сен ботгунча уруш қилишга) буюрилганман»,— (дедилар. Сўнг, Оллоҳ таолога): «Ё парвардигоро, (уларни мағлуб этгунимизга қадар) Қуёшни (ботишдан) тўхтатиб тургил!» — деб илтижо қилдилар. (Шунда Оллоҳ таоло) Қуёшни (ботишдан) тўхтатиб, Йўшаъ алайҳиссаломга зафар ато этди. Сўнг, ул киши (барча) ўлжаларни (бир ерга) тўплаб эрдилар, (Оллоҳ таоло ул ўлжаларни ёндириб юбормоқ учун ўтни юборди), лекин ўт келиб ўлжаларни ендирмади. (Яъни, Йўшаъ алайҳиссаломнинг қавмларига ўлжа олмоқ ҳаром қилинган бўлиб, улар ҳар жангдан сўнг ўлжаларни бир ерга . туплашар эрди. Кейин, Оллоҳ таоло утни юбориб, ўт ул ўлжаларни ендирар эрди. Аммо, бу сафар ўт ўлжаларни ендирмади, чунки улар ўлжалардан ўғирлаб, яшириб қўйишган эрди). Йўшаъ алайҳиссалом (қавмга): «Ораларингизда хиёнат содир бўлди, шул боис ҳар бир қабиладан бир киши менга (қўл бериб) байъат қилсин (қасам ичсин!)» — дедилар. Улар Йўшаъ алайҳиссаломга (қўл бериб) байъат қилишаётганда бир кишининг қули ул кишининг қўлларига ёпишиб қолди. Шунда Йўшаъ алайҳиссалом (ўшал кишига): «Хиёнат сизларнинг орангизда содир бўлгандур, энди сенинг қабилагинг менга байъат қилсин!» — дедилар. Ўшал қабила аҳли (бирма-бир) байъат қилганда улардан икки ёки уч кишининг қули Йўшаъ алайҳиссаломнинг қўлларига ёпишиб қолди. Шунда Йўшаъ алайҳиссалом (уларга): «Хиёнат сизларнинг орангизда содир бўлгандур» — деб эрдилар, улар сигир калласидек келадирган бир олтинни олиб келиб, (ўлжаларга қўшиб) қўйишди. Шундан сўнггина, ўт ўлжаларни ендирди. Кейин, Оллоҳ таоло (илгариги пайғамбарларнинг қавмларидан

бирортасига ҳалол қилмаган) ўлжаларни бизга ҳалол қилди, у бизнинг заиф ва бечораҳол эканлигимизни кўриб, (бизга раҳм айлаб) ўлжаларни бизга ҳалол қилди».

9-боб. Ўлжа учун жанг қилган киши (Оллоҳ таоло йўлида жанг қилган кишига нисбатан) камроқ савоб оладими?

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: «(Бир) киши ўлжа учун жанг қилур, (иккинчи) киши шўхрат учун жанг қилур ва (учинчи) киши шижоатли эканлигини курсатиш учун жанг қилур. Улардан қайси бири Оллоҳ таоло йўлида жанг қилган бўлур?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолонинг сўзи (яъни, калимаи тавҳид) энг улуғ (сўз) бўлмоғи учун жанг қилган киши Оллоҳ таоло йўлида жанг қилган бўлур» — деб марҳамат қилдилар».

10-боб. Имомнинг ўзига тортиқ қилинган нарсаларни тақсим қилмоғи ва (тақсимлаш чоғида) ҳузурда бўлмаганларга (ҳам ўшал нарсалардан) олиб қолиб, яшириб қўймоғи ҳақида

Абдуллоҳ ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга тилла тугмалар қадалган дебож қаболар ҳадя қилинди. Уларни бир гуруҳ саҳобаларига улашдилар-да, биттасини Махрама ибн Навфалга олиб қўйдилар. Кейин, Махрама ибн Навфал ўғли Мисвар бирлан бирга ул зотнинг уйларига бориб, эшик олдида тўхтади-да, ўғлига: «Ул зотни менга чақириб бер!» — деди такаббурлик бирлан. Жаноб Расулуллоҳ Махраманинг товушини эшитиб, ўзлари унга атаб олиб қўйган қабони олдилар-да, (тилла) тугмаларини рўпара қилган ҳолда унинг олдида чикдилар. Сўнг, унга зарда бирлан: «Эй Мисварнинг отаси, манавини сенга яшириб қўйган эрдим! Эй Мисварнинг отаси, манавини сенга яшириб қўйган эрдим!» — дедилар».

11-боб. Жаноб Расулуллоҳ Қурайза ва Назир (хурмолари)ни қандай тақсим қилдилар ва ул хурмолардан қанчасини ўзгалар берган хурмолар бадалига топширдилар?

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши, Қурайза ва Назир қабиалари фатҳ қилинмасидан бурун, Жаноб Расулуллоҳга ўз хурмоларидан бериб турар эрди. Жаноб Расулуллоҳ Қурайза ва Назир фатҳ қилинган, ўшал киши берган хурмоларни ўлжа олинган хурмолар бирлан қайтара бошладилар. Бир куни уйимдагилар менга Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб, ўзлари ул зотга берган хурмоларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини сўрамоғимни буюришди. Аммо, Жаноб Расулуллоҳ уйимдагилар берган хурмоларни Умму Айманга инъом қилиб қўйган эканлар, ҳузурларига борганимда уларни менга бердилар. Шу аснода Умму Айман келиб қолдилар-да, ёқамдан тортқилаб: «Оллоҳ таоло ҳақи, ул хурмоларни сенга бермасман, ул зот уларни менга берганлар!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Эй Умму Айман, уни ўз ҳолига қўйингиз, сизга мунча ва мунча хурмо берурман!» десалар ҳам, Умму Айман: «Йўқ, асло, яккаю ягона парвардигор ҳақи!» — деб сира унамас, Жаноб Расулуллоҳ эрсалар: «Мунча ва мунча хурмо берурман!» — дея кўндиришга ҳаракат қилар эрдилар. Ниҳоят, ул зот Умму Айманга илгари инъом қилганларидан кўра ун баробар кўп хурмо бериб қутилдилар». (Бу ерда манийҳа қилинган хурмо дарахтлари хусусида гап кетаётир).

12-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда ҳукмдорлар бирлан бирга ғазот қишувчи кишилар мол-мулкларининг, хоҳ ул мол-мулклар жонли ва хоҳ жонсиз булсин, барака касб этмоғи ҳақида

Ҳишом ибн Урва разияллоҳу аиҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр: «(Отам) Зубайр (ибн Аввом) Жамал (воқеаси) куни тўхтаб мени чақирдилар, мен ёнларига бориб турдим. Шунда ул киши менга: «Эй ўғилгинам, бугун золим ёхуд мазлумларгина ўлдирилур, мен эрсам бугун ўзимни мазлум ҳолдагина ўлдирилмоғимни афзал кўрурман. Ҳозир мени энг кўп ташвишга солаётган нарса — (буйнимдаги) қарзим бўлиб, уни узишга мол-мулкимиз етармикан ё йўқми, деб хавотирдаман», — дедилар. Сўнг, (бир оз ўйлаб туриб): «Эй ўғилгинам, мол-мулкимизни сотиб, қарзимни уз, агар қарзимни узганингдан кейин, мол-мулкимиздан бирор нарса ортиб қолса, уни уч ҳиссага бўлиб, болаларингнинг ҳақини бер!» — деб васият қилдилар», — деди. (Шул вақтда) Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрнинг айрим фарзандлари ўзининг баъзи укалари бирлан тенг бўлиб, отасининг тўққиз ўғил ва тўққиз қизи бор эрди. Кейин, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр бундай деб айтди: «Отам қарзлари хусусида менга васият қила туриб: «Эй ўғилгинам, агар қарзимни узишга ожизлик қилиб қолсанг, мавломдан (яъни, мен озод қилган собиқ қулимдан) ёрдам сўра!» — дедилар. Оллоҳ таоло ҳақи, шунда мен ул кишининг не демоқчи бўлганларини англамай: «Эй отажон, мавлонгиздан (ёрдам сўрайинми?)» — дедим. Ул киши: «Оллоҳ (таоло ҳақи, ҳа шундай қилгил!)» — дедилар. Парвардигорим номи бирлан қасамёд қилурманки, (отамнинг бул сўзларини эшитиб): «(Ие, ҳали) ул кишининг қарзларини узиш учун (шул қадар тубан аҳволга тушаманми, келиб-келиб отамнинг ўзлари озод қилган бир собиқ қулга): «Эй Зубайрнинг мавлоси, ул кишининг қарзларини уз!» — деб айтаманми, кейин ул отамнинг қарзларини узадими?» — дся шунчалик қайғуга ботдимки, илгари бирор нарса хусусида бунчалик қайғурмаган эрдим. Сўнг, (отам) Зубайр (намоз ўқиб турганларида) ўлдирилдилар. Ул киши бир қанча ерлар, жумладан Мадинада бир дарахтзор (ёки боғ) ва ўн бир ҳовли, Басрада икки ҳовли, Куфада бир ҳовли ва Мисрда бир ҳовлидан бўлак на бирор динор ва на бирор дирҳам (пул) қолдирдилар. Отамнинг бўйинларидаги қарзлари шундан иборат эрдик, одамлар ул кишига омонат қолдириб кетмоқ ниятида мол олиб келишар, аммо ул киши омонат олиб қолишга кўнмай: «Мен молингизнинг зое кетишидан (узоқ вақт туриб қолиб, ўз қийматини йўқотишидан, ярамас ҳолга келишидан ёхуд йўқолиб қолишидан) кўрқурман, (агар қарз тариқасида ташлаб кетсангиз, майли») — дер эрдилар. Отам на амир ва на хирож йигувчи ва на бирор бошқа амалдор бўлмоққа сира интилмадилар. Ул кишининг бирдан-бир иштиёқлари — Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ёхуд Абу Бакр, Умар ва Усмон разияллоҳу анҳум бирлан бирга ғазотларда бўлмоқлик эрди, холос. Сўнг, мен отамнинг қарзларини ҳисоблаб, унинг икки миллион икки юз минг эканлигини аниқладим».

(Ўшал кунларда) Ҳаким ибн Ҳизом Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрни учратиб, унга: «Эй жияним, биродарининг қарзи қанча эркан?» — деди. Шунда Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр: «Икки юз минг» — деб (атайлаб) камайтириб айтди. Ҳаким: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен сизларнинг мол-мулкингизни бундан тўққиз баробар кўп, деб билурман!» — деди. Абдуллоҳ унга: «Агар икки миллион икки юз минг бўлса-чи, унда не дейсиз?» — деди. Ҳаким: «Ундай бўлса, мен сизлар бундай катта қарзни узолмассизлар, деб ўйлайман. Агар оталарингизнинг қарзини узмоққа ожизлик қилиб қолсангизлар, мендан ёрдам сўрангизлар!» — деди. Зубайр (юқорида айтилган) дарахтзорни икки юз етмиш мингга сотиб олган эрдилар. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр (уни ўн олти улушга бўлиб, ҳар бир улушни юз мингдан нархладида), унинг (умумий) нархи бир миллион олти юз минг эканлигини айтди. Сўнг, ўрнидан гуриб: «Кимнинг (отам) Зубайрда ҳақи бўлса, бизни дарахтзордан топур!» — деб эълон қилди. (Биринчи бўлиб) Абдуллоҳ ибн Жаъфар унинг олдига келди. Зубайр ундан тўрт юз минг қарз эрдилар. Абдуллоҳ ибн Жаъфар Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга: «Агар истасангизлар, қарзимдан кечурман», — деди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр: «Йўқ», — деди. У: «Агар истасангизлар, муҳлатини ўзларингиз хоҳлаганингизча узайтирурман», — деди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр яна: «Йўқ», — деди. Шунда у: «Ундай бўлса, дарахтзордан менга бир бўлак ер ажратиб берингизлар!» — деди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр:

«Манави ердан анави ергача сизники», — деди. (Шул тариқа) Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр келган одамларга дарахтзордан улуш ажратиб бериб, отасиинг қарзини уза бошлади. Ниҳоят, (ўн олти улушдан) тўрт ярим улуш қолди. Сўнг, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр Муовиянинг ҳузурига келди, шунда Амр ибн Усмон, Мунзир ибн Зубайр ва Ибн Замъа ўшал ерда ўлтиришган эрди. Муовия Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга: «Дарахтзорни қанчага нархладинг?» — деди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр: «Ҳар бир улушини юз мингдан», — деди. Муовия: «Неча улуш қолди?» — деди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр: «Тўрт ярим улуш», — деди. Шунда Мунзир ибн аз-Зубайр: «Унинг бир улушини юз мингга олдим», — деди. Амр ибн Усмон: «Мен ҳам бир улушини юз мингга олдим», — деди. Ибн Замъа: «Мен ҳам бир улушини юз мингга олдим», — деди. Муовия: «Қанчаси қолди?» — деди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр: «Бир ярим улуш», — деди. Муовия: «Ўшал бир ярим улушни бир юз эллик мингга олдим», — деди. (Шу бирлан дарахтзор бир миллион олти юз мингга сотилди. Аммо, Зубайрнинг қарзларини тўла-тўқис узиш учун яна олти юз минг етмас эрди. Шул боисдан Абдуллоҳ ибн Жаъфар Муовия (бирлан келишиб), унинг (бир юз эллик мингга олган бир ярим) улушини олти юз мингга сотиб олди. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр (отасининг) қарзини узиб бўлганида Зубайрнинг авлодлари: «Бизларнинг меросимизни тақсимлаб бер!» — дейишди. Аммо, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр (уларга): «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, ундай қилмасман, аввал мен тўрт йил давомида халойиққа овоза қилайин, (яна) кимнинг отамда ҳақи бўлса, келиб олсин, биз қарздан қутилайлик!» — деди. Кейин, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ҳар йили халойиққа овоза қилди, (лекин ҳеч ким келмади. Шул тариқа) тўрт йил ўтгач, у отасидан қолган мол-мулкни ул кишининг авлодларига тақсимлаб берди. Зубайрнинг тўрт хотини бор эрди. Абдуллоҳ (барча мол-мулкнинг) учдан бирини чегириб ташлагач, уларнинг ҳар бири бир миллион икки юз мингдан мерос олди. Зубайрнинг барча мол-мулки эллик миллион икки юз минг эрди».

13-боб. Агар имом бир кишини бирор иш бирлан бир ерга жўнатса ёки унга ўз уйида қолмоқни буюрса, ўлжалардан унга ҳам улуш ажратадими?

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Ҳазрат Усмон Бадр ғазотида бўлмадилар. Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари ул кишининг остларида (яъни, хотинлари) бўлиб, бетоб эрди. Шул боисдан Жаноб Расулуллоҳ ул кишига: «(Сиз уйингизда қолиб, қизимга қарангиз), бунинг учун сизга Бадрда иштирок қилган кишилардан бирига қанча ўлжа берилса, шунча ўлжа берилур», — дедилар. Кейин, (айтганларидек), ул кишига ўлжалардан улуш ажратдилар».

14-боб.

Хумснинг мусулмонлар эҳтиёжлари учун тасарруф қилинганига яна бир далил шуки, Ҳавозин (қабиласи вакиллари) Жаноб Расулуллоҳдан ўзларининг ўлжа олинган моллари ва асир олинган одамларини (қайтариб беришларини) сўрашганда, ул зот хумс тариқасида молларни олиб қолиб, асирларнигина қайтариб бердилар; Жаноб Расулуллоҳ одамларга ўлжа тақсимлашдан аввал уларнинг сонини аниқладилар; Жаноб Расулуллоҳ (баъзиларга) хумсдан қўшимча улуш берар эрдилар; Жаноб Расулуллоҳ ансорларга (Хайбар ўлжаларидан) улуш бердилар.

Мисвар ибн Махрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳавозин қабиласи элчилари Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига мусулмон бўлиб келиб, ўлжа олинган моллари бирлан асир олинган одамларини қайтариб бермоқларини сўраганларида, ул зот (уларнинг гапларини яхшироқ эшитиш ва ўзларининг гапларини яхшироқ эшиттириш учун) ўринларидан турдилар-да, уларга: «Менга энг ёқимли сўз — рост сўздур! Икки нарсдан

бирини (қайтариб бермоғимни) танлангиз, ё асирларни ёхуд молларни! Мен сизларни кутган эрдим» — деб марҳамат қилдилар. (Дарҳақиқат), Жаноб Расулulloҳ Тоифдан (Жиъронага) қайтганларида бир неча кун уларнинг келишини кутиб, (асирларни мужоҳидларга тақсимламай турган) эрдилар. (Кейин, ул зот улардан дарак бўлмагач, асирларни ўшал ерда тақсимладилар. Шул аснода Ҳавозин қабиласи элчилари ҳузурларига келиб қолди). Ҳавозин қабиласи элчилари Жаноб Расулulloҳнинг икки нарсадан биринигина қайтариб беражакларини англагач: «Биз асир олинган одамларимизни (қайтариб бермоғингизни) танладик», — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ мусулмонлар ичра тик туриб, Оллоҳ таоло шаънига унинг ўзи ўзларига билдирган жамики ҳамду саноларни айтдилар, сўнгра: «Аmmo баъд, дарҳақиқат мана бу биродарларингиз ҳузуримизга тавба қилиб келибдилар. Мен уларга асир олинган одамларини қайтариб бермоғимни маъқул кўрдим. Сизлардан кимки яхшилик қилиб, яхшилик кўрмоқ истаса, (ўзига тақсим қилинган асирларни, эвазига бирор нарса сўрамай, Ҳавозин қабиласига) топширсин! Ва сизлардан кимки (ўзига тақсим қилинган) асирларни бирор ҳақ бадалига (топширмоқни) истаса, топшираверсин, биз унинг (асирлари) эвазига Оллоҳ таоло бизга кофирлардан жиҳод қилдирмай олиб берадирган дастлабки ўлжалардан улуш берурмиз», — дедилар. Одамлар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун буни (яъни, асирларни Ҳавозин қабиласига топширмоқни) маъқул кўрдик!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Биз қайси бирингиз бунга розисиз-у қайси бирингиз рози эмассиз, билмасмиз. Борингизлар, (оқсоқолларингиз бирлан маслаҳатлашингизлар), кейин улар не қарорга келганингизни бизга маълум қилсинлар!» — дедилар. Одамлар (ўз оқсоқоллари олдига) бордилар, оқсоқоллар (асирларни қайтариб бермоқ маъқуллигини уларга маслаҳат бердилар. Барчалари шунга рози бўлгач), оқсоқоллар Жаноб Расулulloҳнинг қошларига келиб, барча одамлар асирларнинг қайтариб берилмоғига рози эканлигини маълум қилдилар».

Заҳдам разияллоҳу анҳуривоёғ қиладилар: «Биз Абу Мусонинг ҳузурда ўлтирган эрдик, (пиширилган) товуқ нари (хўроз) келтирилди. Шунда ул кишининг ҳузурида Бану Тамимиллоҳ қабиласига мансуб бир ранги қизғиш киши ҳам ўлтирган бўлиб, у чамамда мавлолардан (озод қилинган қуллардан) эрди. Абу Мусо уни таомга таклиф қилиб эрдилар, у: «Мен унинг бир (ифлос) нарсани еганини кўргандурман, шул боис мен ундан ҳазар қилурман, (унинг гўштини ҳеч қачон) емасман, деб онт ичгандурман», — деди. Абу Мусо унга: «Бериоқ кел, мен сизларга шул хусусда (яъни, қасам ичиш хусусида) бир ҳадис айтиб берайин! (Воқеа бундай бўлган эрди: Табук ғазоти вақтида) мен бир гуруҳ ашъарийлар бирлан бирга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, ўзимиз миниб кетмоғимиз ҳамда юklarимизни ҳам ортиб олмоғимиз учун ул зотдан бир неча туя сўрадим. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло ҳақи, сизларни (бирор уловга) миндириб юбора олмасман, менда сизларни миндириб юборадирган уловнинг ўзи йўқ!» — дедилар. Сўнг, ҳеч қанча вақт утмай, Жаноб Расулulloҳга ўлжа олинган туяларни олиб келиб қолишди. Жаноб Расулulloҳ бизни суриштириб: «Бояги ашъарийлар қани?» — дедилар. Кейин, бизга ўркачи оқ бешта подача (яъни, иккитадан то тўққизтагача туялардан иборат кичик бир пода) берилмоғини амр қилдилар. Биз туяларга миниб йўлга тушгач: «Қилган ишимиз бизга асло хайрият келтирмас, (биз Жаноб Расулulloҳнинг онт ичганларига эътибор бермай, туяларни миниб келавердик!)» — дся ул зотнинг ҳузурларига қайтиб бордик-да: «(Ё Расулаллоҳ), биз боя сиздан улов сўраганимизда онт ичиб улов бера олмаслигингизни айтиб эрдингиз, кейин онт ичганингизни унутдингизми?» — дедик. Шунда ул зот: «Сизларни уловга мен эмас, Оллоҳ таоло миндириб юборди. Мен эсам, Оллоҳ таоло ҳақи, иншооллоҳ, аввал ичган қасамимдан бошқа бир қасамни афзал кўриб, қасам устига қасам ичмасман, магарам аввалги қасамимни ҳалоллаб олибгина (унга каффорат берибгина) ўшал афзал қасамни ичурман», — дедилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (тўрт

минг кишидан иборат) қўшинни Нажд томонга жўнатдилар, уларнинг орасида Абдуллоҳ ибн Умар ҳам бор эрди. Улар кўплаб туяларни ўлжа олиб қайтишди. Уларнинг (ҳар бирига ажратилган) улуш ўн икки (ёки ўн бир) туядан иборат бўлди. Кейин, ҳар бирига яна қўшимча биттадан туя берилди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўлжаларни барча қўшинга тақсим қилганларига қарамай, ғазотга юборилган айрим мужоҳидлар гуруҳига махсус қўшимча улуш берур эрдилар».

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Ямандалигимизда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг чиққанлари (яъни, Исломга очиқ даъват қилиб чиққанлари ёхуд ҳижрат қилиб чиққанлари) ҳақида бизга хабар етиб келди. Биз, яъни мен ва ака-укаларим (улардан бири Абу Бурда, иккинчиси Абу Рухам бўлиб, мен уларнинг энг кенжаси эрдим) қавмимиздан бир қанча (ёки эллик уч ё эллик икки) кишилар бирлан биргалиқда ул зот томон ҳижрат қилиб чиқиб, бир кемага миндик, у бизни Ҳабашистон подшоҳи Нажоший ҳузурига олиб бориб қўйди. Биз Жаъфар ибн Абу Толиб бирлан унинг ҳамроҳларини унинг ҳузурига учратдик. Шунда Жаъфар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизни шул ерга жўнатиб, шул ерда яшаб турмоғимизни амр қилдилар, биз бирлан яшайверинтизлар!» — деди. Биз у бирлан бирга истиқомат қилиб қолиб, кейин барчамиз биргалиқда йўлга чиқдик-да, Жаноб Расулulloҳни Хайбарни фатҳ қилганларида учратдик. Ул зот ўлжалардан бизга ҳам улуш бердилар, аммо кемамиз аҳли бирлан Жаъфар ва унинг ҳамроҳларидан бўлак Хайбар фатҳида иштирок қилмаган бирор кишига ўлжалардан улуш бермадилар».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар менга (яъни, Байтулмолга) Баҳрайн моли (яъни, Баҳрайндаги зиммийлардан жизя — жон солиғи учун йиғиб олинган мол) келса, сенга (ундан) мана шунча ва мана шунча берурман», — дедилар. Аммо, Баҳрайн моли келмасидан бурун ул зот вафот этиб қолдилар. Кейин, Баҳрайн моли келганда Абу Бакр (ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу бир кишига) буюриб эрдилар, у: «Кимнинг Жаноб Расулulloҳда қарзи бўлса ёхуд (ул зот унга ушбу молдан улуш) ваъда қилган бўлсалар, бизнинг ҳузуримизга келсин!» — деб овоза қилди. Шунда мен Абу Бакр (ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу)нинг ҳузурларига бориб: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (бул молдан) менга мана шунча ва мана шунча (бераман), деб (ваъда қилиб) эрдилар», — дедим. Абу Бакр (ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу) менга ундан уч ҳовуч бердилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Жиъронада ўлжаларни тақсим қилаётган эрдилар, бир киши ул зотга: «Адолат қилингиз!» — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ унга: «Шўринг қурсин, агар мен адолат қилмасам, (унда ким адолат қилур?!!)» — дедилар».

15-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг хумс олмай, асирларга мурувват қилмоқчи бўлганлари ҳақида

Муҳаммад ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Бадр асирлари ҳақида: «Агар Мутъим ибн Адий тирик бўлиб, менга анави қўлансалар хусусида илтимос қилганда, (унинг ҳурмати учун) хумс олмай, уларни унга (тирик) топширган бўлур эрдим!» — дедилар.

16-боб. Хумснинг имомнинг тасарруфида эканлигига яна бир далил шуки, у баъзи қариндошларига (хумсдан инъом) бериб, баъзиларига бермайди

Жубайр ибн Мутъим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ва Усмон ибн Аффон иккаламиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулаллоҳ, Бану Мутталибга (Хайбар хумсидан инъом) бериб, бизга бермадингиз, ахир биз бирлан улар (насаб жиҳатидан) сизга бир хил ўриндамиз-ку?!» — дедик. Шунда ул зот: «Дарҳақиқат, Бану Мутталиб ва Бану Ҳошим иккиси бир нарсадур», — дедилар».

17-боб. Аслобдан (яъни, ғазотда ўлдирилган кофирнинг қурол-аслаҳа, кийим, улов ва бошқа нарсаларидан) хумс олмаган киши; ким бир кофирни ўлдирса, унинг аслоби, хумс олинмай, ўшал ўлдирган кишига берилур; имомнинг шул хусусдаги ҳукми

Абдурраҳмон ибн Авф разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бадр (ғазоти) куни мен (мужоҳидлар) сафида (жанг қилиб) турганимда ўнгу сўлимга қараб, икки йигитчага кўзим тушди. Шунда ул йигитчаларнинг яхши жанг қила олишидан шубҳалангандек бўлиб эрдим, улардан бири (қўлимдан) ушлаб: «Эй амаки, Абу Жаҳлни танийсизми?» — деди. Мен: «Ҳа, (танийман), аммо у сенга нимага керак бўлиб қолди, эй жияним?» — дедим. У: «Эшитдимки, Абу Жаҳл Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳақорат қилар эркан. Жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, агар уни кўрсам, токи иккимиздан ажали яқинроғимиз ўлмагунча, қорам унинг қорасидан ажралмас!» — деди. Мен унинг бул шижоатидан ҳайратда қолдим. Кейин, иккинчи йигитча ҳам (қўлимдан) ушлаб, менга айнан шундай деди. Сўнг, мен тезда (душман томон) назар ташлаб, Абу Жаҳлни (излаб топдим), у одамлар орасида безовталиқ бирлан у ёқдан бу ёққа елиб югурар эрди. Мен йигитчаларга: «(Ҳов) анави киши сизлар мендан сўраган одамдур», — дедим. Шунда иккала йигитча тезликда Абу Жаҳлнинг олдига етиб бориб, (қиличлари бирлан) уни чопиб ўлдиришди. Кейин, иккаласи) Жаноб Расулulloҳнинг қошларига бориб, ул зотга (шул ҳақда) хабар беришди. Жаноб Расулulloҳ: «Уни қайси бирингиз ўлдирдингиз?» — дедилар. Уларнинг ҳар бири: «Уни мен ўлдирдим», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Қиличларингизни артиб ташладингизларми?» — дедилар. Иккаласи: «Йўқ, (ҳали артганимиз йўқ)», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ иккала қилични қараб кўргач: «(Дарҳақиқат), уни иккалангиз ўлдирибсизлар», — дедилар. (Иккала йигитчадан бири Муоз ибн Афроъ, иккинчиси Муоз ибн Амр ибн ал-Жамуҳ бўлиб), Жаноб Расулulloҳ Абу Жаҳлнинг қурол-яроғ, кийим, улов ва бошқа нарсаларини Муоз ибн Амр ибн ал-Жамуҳга бердилар. Иккала йигитча (ҳам Афроъ деган аёлнинг ўғли бўлиб, оталари бошқа-бошқа эрди. Бирини) Муоз ибн Афроъ ва (иккинчисини) Муоз ибн Амр ибн ал-Жамуҳ (деб аташар) эрди. (Баъзи уламолар: «Жаноб Расулulloҳ Абу Жаҳлнинг қурол-яроғ ва бошқа нарсаларини иккала йигитчага бўлиб бермай, улардан биригагина бердилар, чунки Абу Жаҳлга қаттиқроқ қилич урган ўшал йигитча бўлиб, кучсизроқ зарба урган иккинчи йигитчанинг кўнглини кўтариш мақсадида «Иккалангиз ўлдирибсизлар» деб айтганлар», — дейишади. Баъзи уламолар эрса: «Ўлжалар имомнинг ихтиёрида бўлиб, уларни ўзи хоҳлаганча тасарруф қилур», — дейишади).

Абу Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Ҳунайн йили Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга йўлга чиқдик. Душманга тўқнаш келганимизда мусулмонлар бир оз саросимага тушдилар. Шунда мен бир мушрикнинг бир мусулмондан устунлик қилаётганини кўриб қолдим-да, (тезда) унинг орқасидан писиб бориб, бўйнининг томирига қилич урдим. У ўгирилиб, мени шундай қисдики, ҳатто ўлимнинг ҳидини сездим. Кейин, у жон таслим қилиб, мени қўйиб юборди. Сўнг, мен Умар ибн ал-Хаттобга етиб олдим-да: «Бугун одамларга не бўлди?» — дедим. Ул киши: «Оллоҳ таолонинг иродаси», — дедилар. Сўнг, одамлар Жаноб Расулulloҳнинг қошларига қайтишди. Ул зот ўлтиргач: «Кимки бир мушрикни ўлдирган бўлса-ю, ўлдирганини исботлай олса, унинг қурол-яроғ, кийим ва бошқа нарсалари

Ўзиникидур», — дедилар. Шунда мен ўрнимдан туриб: «Ким менинг (бир мушрикни ўлдирганимга) гувоҳлик берур?» — дедим-да, жойимга ўлтирдим. Жаноб Расулulloҳ яна: «Кимки бир мушрикни ўлдирган бўлса-ю, буни исботлай олса, унинг қурол-яроғ, кийим ва бошқа нарсалари ўзиникидур», — дедилар. Мен яна ўрнимдан туриб: «Ким менинг (бир мушрикни ўлдирганимга) гувоҳлик берур?» — дедим-да, жойимга ўлтирдим. Жаноб Расулulloҳ учинчи марта бояги гапларини такрорладилар, мен ҳам ўрнимдан туриб бояги саволимни такрорладим. Шунда ул зот: «Эй Абу Қатода, сенга не бўлди?» — дедилар. Мен бўлган воқеани айтиб бериб эрдим, бир киши: «Ё Расулаллоҳ, у тўғри айтди, (у ўлдирган мушрикнинг) нарсалари менда, мен уни рози қилурман», — деди. Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу унга: «Йўқ, асло, Оллоҳ таоло ҳақи, Жаноб Расулulloҳ бояги гапларини айтганларида Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули учун жанг қилган парвардигор шерларининг биридан ўлжасини олиб сенга бермоқни истамаган эрдилар!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Бакр тўғри айтдилар», — дедилар. Сўнг, бояги киши ўлжамни менга берди, мен уни сотиб, Бану Саламадан бир боғ харид қилдим, бу менинг Ислондаги дастлабки бисотим эрди».

18-боб. Жаноб Расулulloҳнинг Ислонга дўст булсинлар деб Қурайш ва бошқаларга хумс ва шу кабилардан (туҳфалар) бериб турганлари ҳақида

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан (туҳфа) сўрадим, бердилар, сўнг (яна) сўрадим, (яна) бердилар, кейин (яна) сўрадим, (яна) бердилар. Сўнг, ул зот: «Эй Ҳаким, бул мол деган нарса (кишини ўзига тортгувчи) ям-яшил, ширин-шакар (мевали бир боғ ёким бир дарахтга ўхшайдики), ундан кимки очкўзлик қилмай, нафсига яраша олса, баракали бўлур ва кимки балои нафсининг сўзига кириб, ортиқча олса, бебарака бўлур. (Бундай одам) еб тўймас мечкай (ит) кабидур. Кўтарилган (яъни, меҳнат қилиб, хайр-эҳсон қилгувчи) қўл туширилган (яъни, меҳнат қилмай, тиламчилик қиладирган) қўлдан афзалдур!» — деб марҳамат қилдилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, сизни ҳақ (дин) бирла юборган зот ҳақи, энди дунёдан куз юмгунимга қадар ҳам пасткашлик қилиб бирор кишидан бирор нарса сўрамасман!» — дедим».

Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу (халифа бўлган кезларида) туҳфа бермоқчи бўлиб Ҳакимни чақирдилар, аммо ул киши олмадилар. Кейин, Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу ҳам (халифа бўлганларида) туҳфа бериш учун Ҳакимни чақириб эрдилар, олмадилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Эй мусулмонлар жамоаси, сизларни гувоҳ қилиб айтаманки, Ҳакимга мана бу ўлжалардан ўз ҳақини олмоқни таклиф қилсам, олмаётир!» — дедилар. Ҳаким ўшанда Жаноб Расулulloҳдан туҳфа сўраганларидан кейин, бу дунёдан кўз юмгунларига қадар ҳам ўзларини камситиб бирор кишидан бирор нарса сўрамадилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу: «Ё Расулаллоҳ, жоҳилият даврида бир (кеча-)кундуз эътикоф қилмоғимни назр қилиб қўйган эрдим, (энди не қилайин?)» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Назринга вафо қил!» — деб амр қилдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳуға Ҳунайн асирларидан икки қизча улуш қилиб берилди. Ул киши уларни Маккадаги уйлардан бирига жунатдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ Ҳунайн асирларини (Ислонга кирганлари учун хумс олмай) озод қилдилар. Улар шоша-пиша кўчалар буйлаб уйларига қайта бошлашди. Ҳазрат Умар: «Эй Абдўллоҳ, қара-чи, не бўлибди?» — дедилар. Мен (суриштириб келгач): «Жаноб Расулulloҳ Ҳунайн асирларини (Ислонга кирганлари учун хумс олмай) озод қилибдилар», — дедим. Ҳазрат Умар: «Бор, икки (асира) қизчани қўйиб юбор!» — дедилар».

Амр ибн Тағлиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қавмга (хумсдан) тухфалар бериб, бошқаларга бермаган эрдилар, улар норози бўлгандек бўлишди. Шунда ул зот: «Мен бир қавмга тухфа берсам, уларнинг (Исломдан) айниб қолишлари ва сабр-қаноатсиз эканликларидан чўчиб (тухфа) берурман. (Бошқа) қавмларнинг эрса Оллоҳ таоло қалбларига жо қилган қаноату иймонларига ишонурман. Шундайлардан бири Амр ибн Тағлибдур!» — деб марҳамат қилдилар. Жаноб Расулulloҳнинг бул сўзлари менинг учун энг сара туялар подасига эга бўлмоқдан ҳам афзалроқдур!».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен Қурайшга Исломга дўст бўлсинлар, деб тухфалар берурман, чунки улар яқиндагина жоҳилиятда (яъни, кофир) эрдилар», — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳавозин молларидан (урушсиз) ўлжалар ато этганида, ул зот Қурайш кишиларига юзта туяни бўлиб бера бошладилар. Шунда бир гуруҳ ансорлар: «Оллоҳ таоло Расулulloҳни мағфират қилсин! Ул зот Қурайшга ўлжалардан улуш бераётирлар-у, аммо бизларга бермаётирлар, ваҳоланки уларнинг (яъни, Қурайш кофирларининг) қонлари қиличларимиздан ҳануз томиб турибди!» — дейишди. Ансорларнинг бул гаплари Жаноб Расулulloҳга етказилиб эрди, ул зот одам юбориб, уларни чақиртирдилар-да, теридан қилинган бир чодир остига тўпладилар, ул ерда улардан бўлак бирор кишини қолдирмадилар. Барча ансорлар чодир остига тўплангач, Жаноб Расулulloҳ келиб: «Сизлар хусусингизда менга етказилган гап қандай гап бўлди?!» — дедилар. Шунда уларнинг фаҳм-фаросатлилари: «Биз бирлан ҳамфикр ва сўзимизга кирадиган кишилар бирор нарса дейишгани йўқ. Аммо, орамизда ёш-яланглар бўлиб, ана ўшалар: «Оллоҳ таоло Расулulloҳни мағфират қилсин! Ул зот Қурайшга ўлжалардан улуш бераётирлар-у, лекин бизга бермаётирлар, ваҳоланки уларнинг қонлари қиличларимиздан ҳануз томиб турибди!» — деб айтишди», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ уларга жавобан: «Мен кечагина кофир бўлган кишиларга (тухфалар) берурман. Одамларнинг ўзлари бирлан молларни (ўлжаларни) олиб кетмоғига, ўзларингизнинг эрса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўйларингизга қайтмоғингизга рози бўлмасизларми? Оллоҳ таоло ҳақи, сизлар олиб қайтадирган нарса, улар олиб қайтадирган нарсдан афзалдур!» — дедилар. Улар: «Ҳа, шундай, ё Расулаллоҳ, биз (сиз бирлан қайтмоққа) розимиз!» — дейишди. Жаноб, Расулulloҳ: «Сизлар мендан кейин қаттиқ истибдодни — (яъни, ҳукмдорларнинг мол-дунё орттириш бирлан машғул бўлиб, ўзларингизни хору зор ва муҳтож қилганларини) кўрурсизлар. Оллоҳ таолога рўбарў бўлгунингизга қадар ва унинг Расули саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Ҳавзи Кавсар бўйида учрашгунингизгача сабр қилингизлар!» — деб марҳамат қилдилар».

Муҳаммад ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Жубайр ибн Мутъим одамлар бирлан бирга Ҳунайндан қайтаётган Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларида келаётган эрдилар. Шунда бадавийлар ўлжалардан улуш бермоқларини сўраб, ул зотга шул қадар ёпишиб олишдики, ҳатто бир самура (дарахтининг) остига (бориб дам олмоққа) мажбур бўлдилар. Ўшал дарахт томон кетаётганларида ридоларини (тиканлар ёхуд бадавийлар) ечиб олди. Жаноб Расулulloҳ тўхтаб: «Ридоимни берингизлар! Агар мана шу дарахт тиканакларичалик туяларим бўлганида ҳам, кейин мени бахил, ёлғончи ва кўрқоқ демасликларингиз учун, ҳаммасини сизларга бўлиб берган бўлур эрдим», — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга пиёда кетаётган эрдим, ул зот ёқаси дағал (қаттиқ) бир нажроний чопон кийиб олган эрдилар. Шунда бир бадавий ортларидан етиб келиб, (чопонларидан)

шунчалик қаттиқ тортдики, ҳатто мен муборак бўйинларига чопонлари ёқасининг изи тушиб қолганини кўрдим. Кейин, ўшал бадавий ул зотга: «Оллоҳ таолонинг ўзингиздаги молидан менга тухфа бермоқни амр қилингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ унга угирилиб қарадилар-да, кулиб қуйдилар. Сўнг, унга тухфа бермоқни амр қилдилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Хунайн куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўлжаларни) тақсим қилаётиб бир неча кишига (бошқаларга нисбатан) кўпроқ улуш бердилар. Акраъ ибн Ҳобисга юзта, Уйайна ибн Ҳиснга ҳам шунча туя бердилар. Ушал куни бир неча араб зодагонларига ҳам бошқалардан кўра кўпроқ тухфалар бердилар. Шунда бир киши: «Оллоҳ таоло ҳақи, бу тақсимотда адолат қилинмади, мен (ўлжаларнинг) Оллоҳ таолони юз-хотир қилиб тақсимланмоғини истайман!» — деди. Мен (унинг бул гапидан дарғазаб бўлиб): «Оллоҳ таоло ҳақи, мен буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтмай қўймайман!» — дедим-да, ул зотнинг ҳузурларига бориб, айтиб бердим. Жаноб Расулulloҳ: «Агар Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули адолат қилмаса, унда ким адолат қилур?! Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни раҳмат қилсин, ул киши бундан қаттиқроқ азият стказилганда ҳам, сабр қилган эрдилар», — дедилар».

Асмо рашьяллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен донларни бошимга қўйиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (эрим) Зубайрга улуш қилиб берган ердан кўтариб борур эрдим. Ул ер менинг уйимдан учдан икки фарсах нарида эрди».

Ҳишом разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зубайрга Бану ан-Назирнинг ўлжа олинган ерларидан улуш ажратиб берган эрдилар», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб яҳудий ва насароларни Ҳижоз ерларидан бадарға қилдилар. (Чунки), Жаноб Расулulloҳ Хайбар аҳли устидан ғалаба қилганларида яҳудийларни ул ердан бадарға қилмоқни ирода қилган эрдилар. Жаноб Расулulloҳ Хайбар устидан зафар қозонган (дастлабки вақтларда) унинг ерлари яҳудийларники, Расулulloҳники ва мусулмонларники эрди. (Яъни, Хайбарнинг бир қисми жанг бирлан ва бир қисми тинчлик бирлан фатҳ қилинган бўлиб, жанг бирлан фатҳ қилинган қисми Расулulloҳ бирлан мусулмонларники, тинчлик бирлан фатҳ қилинган қисми эрса яҳудийларники эрди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ яҳудийларни, Ислонга киравермагач, Хайбардан бадарға қилмоқчи бўлдилар. Шунда) яҳудийлар (йиллик) ҳосилнинг ярмини бериш шарти бирлан (ўзларига тегишли ерларда) қолдирилмоқларини Жаноб Расулulloҳдан илтимос қилишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Биз сизларни шу шарт бирлан ўзимиз ирода қилган вақтга қадар қолдирурмиз», — дедилар. Сўнг, яҳудийлар, токи Ҳазрат Умар уларни Таймо ва Арийҳога бадарға қилгунларига қадар, Хайбарда яшаб қолишди».

19-боб. Уруш бўлаётган ерларда егуликларни (ўлжа қилиб) олмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Муғаффал разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Хайбар кўрғонини қамал қилиб турган эрдик, бир одам бир халта (думба) ёғ ташлади. Мен уни оламан, деб ирғиб ўрнимдан туриб эрдим, қарасам ёнгинамда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам турибдилар, бирам уялиб кетдимки!».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз ғазотларимизда асал ва узумларни (ўлжа қилиб) олиб, тановул қилур эрдик, уларни ташлаб юбормас эрдик».

Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Хайбар қамали вақтида бизни очлик

қийнаб юборди. Хайбар фатҳ қилинадирган куни биз бир неча хонаки эшакларни тутиб, сўйдик. Қозонлар қайнаб турганда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жарчилари: «Қозонларни ағдариб ташлангизлар, эшак гўшtidан заррача емангизлар!» — деб жар солди. Шунда биз: «Жаноб Расулуллоҳ (ўлжалардан) хумс олинмагани учун эшак гўштини емоқдан қайтарган бўлсалар керак», — дедик. Бошқалар: «Қатъиян манъ қилдилар», — дейишди. Кейин, мен Саъид ибн Жубайрдан (шул ҳақда) сўраб эрдим, у: «(Хумс олинмагани учун эмас, балки) қатъиян манъ қилдилар» — деб айтди».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

1-боб. Жизя ҳақида ҳамда зимма ва ҳарб аҳли бирлан сулҳ тузиш хусусида. Яҳудийлар, насронийлар, мажусийлар ва ажамийлардан жизя олиш тўғрисида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳга ва Қиёмат кунига иймон келтирмайдирган, Оллоҳ ва унинг Расули ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдирган, ҳақ (яъни, Ислом) динини қабул этмайдирган китобийлардан бўлмиш кимсаларга қарши токи улар хор (мағлуб) бўлиб ўз қўллари бирлан жизя бергунларига қадар жанг қилингизлар!» («Тавба» сураси, 29-оят).

(«Зимма аҳли» ёхуд «Зиммийлар» — Ислом давлатида мусулмон ҳукмдорга тобе бўлиб яшаётган ҳамда ўзларининг жону мол-мулкларини мусулмонлар омон сақламоқлари учун ҳар йили жизя солиғи тўлаб турмоқларини ўз зиммаларига олган ғайридинлардур. «Ҳарб аҳли», яъни «Уруш аҳли» эрса Ислом даъватига тобе бўлмаган ҳамда мусулмонларга қарши уруш олиб бораётган ёки уруш ҳолатида бўлган бирор ғайри дин давлат, мамлакат, шаҳар ё қишлоқ аҳолисидур).

Бижола разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу вафотларидан бир йил бурун Басра аҳлига мактуб ёзиб: «(Никоҳланаётган) ҳар икки маҳрам соҳибини мажусийлардан ажратиб қуйингизлар!» — деб амр қилдилар. Ҳазрат Умар токи Абдурраҳмон ибн Авф Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳажар мажусийларидан жизя олганлари хусусида далил келтирмагунларига қадар мажусийлардан жизя олмаган эрдилар». [Чунки, ул киши мажусийларни китоб аҳли эмас, деб ҳисоблаб: «Жизя фақат китоб аҳлидан олиниши керак», — дер эрдилар. Абдурраҳмон ибн Авф: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг «Мажусийларга ҳам китоб аҳлига нисбатан қўлланадирган қонунни жорий қилингизлар!» деганларини эшитганман» — деб далил келтирганларидан сўнггина улардан жизя оладирган бўлдилар. Ҳазрат Умарнинг «(Никоҳланаётган) ҳар икки маҳрам соҳибини мажусийлардан ажратиб қуйингизлар!», яъни «Мажусийларни мусулмонларнинг никоҳ тўйларига қўймангизлар!» деб амр қилганларининг боиси — уларнинг китоб аҳлидан эмасликлари ҳамда улар хусусида қуйидаги ривоятнинг мавжудлиги бўлса, эҳтимол: «Қадим замонларда мажусийлар ҳам китоб аҳли бўлганлар. Аммо, бир куни уларнинг ҳукмдори шароб ичиб, Мастлик чоғида ўз синглисини жимоъ қилиб қўйган. Эртасига, қайфи тарқагач, тамаъ аҳлини ўз ҳузурига чорлаб, уларга кўплаб тўхфалар инъом қилган-да, сўнг: «Одам Ато ҳам ўз ўғилларини ўз қизларига уйлантиргандурлар», — деб айтган. Шунда тўхфалар бирлан кўзу оғзи боғланган тамаъ аҳли унга таъзим қилиб, лом-мим демаган, баъзи қарши чиққанларни эрса у қатл қилган. Кейин, уларнинг китоблари ҳам, китобларидан қалбларига жо бўлиб қолган барча нарсалар ҳам маҳв қилиниб, бутунлай унуттирилган].

Амр ибн Авф ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Абу Убайда ибн ал-Жарроҳни Баҳрайн аҳлидан жизя ундириб келмоқ учун жўнатдилар, (чунки уларнинг кўпчилиги мажусийлар эрди). Бир вақтлар Жаноб Расулulloҳнинг ўзлари Баҳрайн мажусийлари бирлан сулҳ тузиб, уларга Ало ибн ал-Хазрабийни амир этиб тайинлаган эрдилар. Абу Убайда Баҳрайдан (жизяга ундирилган) молларни келтирдилар. Ансорлар ул кишининг келганларини эшитишиб, Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга бомдод ўқимоқ учун (ул зотнинг масжидларига) тўпланишди, (аслида эрса улар фавқуллода ҳолат юз бермаган вақтларда кўпинча ўз масжидларида намоз ўқишар эрди. Шул боисдан ул зот уларнинг не мақсадда бул ерга келиб намоз ўқишаётганини фаҳмладилар). Жаноб Расулulloҳ бомдодни ўқиб бўлгач, (уйларига) кетаётган эрдилар, ансорлар йўлларини тўсиб олишди. Жаноб Расулulloҳ буни кўриб табассум қилдилар-да: «Абу Убайда бирор нарса

олиб келганини эшитганмисизлар дейман?!» — дедилар. Улар: «Ҳа, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ: «Хурсанд бўлингизлар, ўзингизни хурсанд қиладирган нарсадан умидвор бўлингизлар! Оллоҳ таоло ҳақи, мен бошингизга фақирлик (балоси) тушмоғидан асло қўрқмасман! Аммо, мен сизлардан илгаригилар бошига тушгани каби бошингизга бойлик (балоси) тушиб, сизларнинг ҳам улар сингари ким ўзарга бойлик тўпламоғингиздан ҳамда бойлик уларни ҳалок қилгани янглиғ сизларни ҳам ҳалок қилмоғидан қўрқурман!» — дедилар».

Жубайр ибн Ҳаййа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу одамларни мушриклар бирлан жанг қилмоқ учун (Эроннинг) бир қанча катта шаҳарларига жўнатдилар. (Икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, Мадоин шаҳри фатҳ этилди), Ҳурмуз таслим бўлди. (Кейин, мусулмон қўшинининг қумондони Абу Мусо ал-Ашъарий уни Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига жўнатдилар). Ҳазрат Умар унга: «Мен ўзимнинг бул ғазотларим хусусида сендан маслаҳат сўрар бўлсам, маслаҳат берурмисан?» — дедилар. Шунда Ҳурмуз: «Ҳа, (сизга бундай деб маслаҳат берурман): Фараз қилинги, Ер юзидаги одамлардан мусулмонларга душман бўлганлари бир қушдур. Қушнинг эрса боши, икки қаноти ва икки оёғи бордур. Агар унинг қанотларидан бири синса, икки оёғи, (омон қолган) қаноти ва боши бирлан кун кўравергай, башарти иккинчи қаноти синганда ҳам, икки оёғи ва боши бирлан кун кўравергай ва агар боши синса, ул ҳолда икки оёғи ҳам, икки қаноти ҳам, бошининг ўзи ҳам мутлақо ҳаракатдан қолур. Бош — Хусрав, қанотлардан бири — Қайсар, иккинчиси эрса форслардур. Мусулмонларга буюрингиз, тезликда Хусрав томон борсинлар, (ул бош бўлиб, бош қирқилгач эрса бутун тана ҳалок бўлур!») — деди. (Чунки, Хусрав Рум давлати танасига бош янглиғ бўлмаса-да, ўшал вақтда дунёда энг қудратли подшоҳ эрди). Сўнг, Умар разияллоҳу анҳу бир гуруҳ одамларни Нуъмон ибн Муқаррин бошчилигида (форслар томон) жўнатдилар. Мусулмонлар душман ерига кириб борганларида Хусрав амирларидан бири қирқ минг кишилиқ қўшин бирлан уларнинг йўлларини тусиб чиқди. (Икки қўшин қарама-қарши саф тортганда форсларнинг) таржимони мусулмонларга: «Сизлардан бир киши менга сўзласин!» — деди. Шунда Муғийра (ибн Шуъба): «Не ҳақда истасанг, сурайвер!» — дедилар. Таржимон (менсимаган оҳангда): «Кимсизлар?» — деди. Муғийра: «Биз бир араб жамоаси бўлиб, гардишнинг жамики ғаму кулфатлари, дарду балолари бошимиздан сира аримас эрди. Азбарои очлигимиздан тери-ю уруғларни шимиб кун кўрар, (ғоятда ночорлигимиздан) пўстак кийиб юрар ва дарахту тошларга ибодат қилар эрдик. Биз ана шу аҳволда эрканлигимизда осмонлару ерлар парвардигори бўлмиш Оллоҳ таоло бизнинг ҳузуримизга ўзимиздан бўлган ва биз ота-онасини яхши танийдирган пайғамбарни юборди. Кейин, ўшал Пайғамбаримиз Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам токи ёлғиз Оллоҳ таологагина ибодат қилмагунингизгача ёхуд жизя тўламагунингизгача сизларга қарши жанг қилмоғимизни бизга амр қилдилар. Шунингдек, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам парвардигоримизнинг бизлардан кимки (жиҳодда) ўлдирилса, ўшал ондаёқ жаннатга тушиб, мислсиз роҳату фароғатда бўлмоғи ва кимки омон, қолса, сизларнинг бўйинларингизга эга (яъни, сизларни асир олиб, мол-мулкингизга эга) бўлиб қайтмоғи ҳақидаги топшириғини бизга хабар қилдилар», — дедилар. (Шунда таржимон: «Сизлар, ҳақиқатан ҳам очликдан қийналиб келган бир араб жамоасисизлар. Истасангизлар, буюрайлик, сизларга егуликлар келтиришсин, қорнингизни тўйғазиб, ортингизга қайтингизлар!») — деди. Муғийра улар бирлан музокара олиб бормоқдан фойда йўқлигини билгач, амир Нўмонни дарҳол жанг бошлашга ундадилар. Аммо, шул вақт куннинг биринчи ярми бўлиб, ҳаво иссиқ эрди ҳамда душманнинг режалари ҳали маълум эмас эрди). Шул боисдан Нўмон (жангни кечиктиришга қарор қилиб), Муғийрага: «Эҳтимол, Оллоҳ таоло сиз бирлан Жаноб Расулаллоҳни шу сингари (қудратли қўшинга ёхуд воқеага) рўбарў қилган (бўлса, ул зот дарҳол жанг бошламай, аввал душманнинг режалари маълум бўлмоғини ҳамда шамоллар эсиб, салқин тушмоғини кутгандурлар, кейин) сизни (бул қилган ишлари туфайли) афсусу надомат чектириб, шармисор қилиб қўймаган бўлсалар керак?! Лекин, мен Жаноб Расулаллоҳ бирлан (кўп) жангларда бирга бўлгандурман.

Ул зот, агар куннинг биринчи ярмида жанг қилмаган бўлсалар (яъни, агар куннинг биринчи ярмида душманга рўбарў келиб қолсалар, дарҳол жанг бошламай, аввал душманнинг режалари маълум бўлмоғини ҳамда) шамоллар эсиб, (Қуёш ботгандан кейинги) намозлар вақти келмоғини кутар эрдилар», — дедилар».

2-боб. Агар имом бирор шаҳар ҳокими бирлан сулҳ тузса, унинг фуқаролари ҳам бул сулҳга дахлдор бўладими?

Абу Ҳумайд ас-Соъидий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Табукка ғазот қилдик. Шунда Айла шаҳри ҳокими (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан сулҳ тузиб, жия тўлади), ул зотга бир оқ хачир ҳадя қилди ва чопон кийдирди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ Айла ҳокимига (унинг ўзи бирлан фуқаро-сига омонлик берилгани хусусида) нома ёзиб бердилар».

3-боб. Жаноб Расулulloҳ (жия тулаб турмоқ шарти бирлан жону молларини омон сақламоқни) ўз зиммаларига олган (ғайридин) аҳоли хусусидаги васият

Жувайрия ибн Қудума ат-Тамимий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳунинг (вафотлари олдидан) бундай деб васият қилганларини эшитдим: «Мен сизларга Оллоҳ таолонинг зиммасини (яъни, Оллоҳ таоло, агар жия тўлаб турсалар, жону молларини омон сақламоқни ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зиммаларига юклаган ғайридин аҳоли бирлан ўзларингиз ўртангиздаги аҳдга вафо қилмоқларингизни) васият қилурман. Чунки, ул (зимма аҳли) пайғамбарингизнинг зиммаларида бўлиб, (улар тўлаб турадирган жия) бола-чақаларингизнинг ризқидур».

4-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Баҳрайн (ерлари)дан улуш бўлиб берганлари ва Баҳрайдан келтириладирган мол ва жизадан инъом қилмоқни ваъда қилганлари ҳақида. Ўлжалар ва жия кимларга тақсим қилинади?

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорларни ўз ҳузурларига чақириб, уларга Баҳрайн (ерлари)дан улуш васият қилиб қолдирмоқчи бўлдилар. Шунда ансорлар: «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, токи Қурайш қабиласига мансуб биродарларимизга ҳам (яъни, муҳожир биродарларимизга ҳам) бизга бўлиб бераётганингизчалик ер улуши бўлиб бермас эркансиз, олмасмиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Мендан кейин, сизлар истибдодни (яъни, ҳукмдорларнинг мол-дунё орттириш. бирлан машғул бўлиб, ўзларингизни хору зор ва муҳтож қилганларини) кўрурсизлар. Мени (Ҳавзи Кавсар бўйида) учратгунингизга қадар сабр қилингизлар!» — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Агар бизга Баҳрайн моли келса, сенга шунча ва шунча ва шунча инъом қилурман» — деб эрдилар. Аммо, ўшал мол Жаноб Расулulloҳ вафот қилганларидан сўнг етиб келди. Шунда Абу Бакр разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулulloҳ кимга (Баҳрайн молидан) бермоқни ваъда қилган бўлсалар, менинг ҳузуримга келсин!» — деб овоза қилдилар. Мен Абу Бакр ас-Сиддиқни ҳузурларига бориб: «Жаноб Расулulloҳ менга: «Агар бизга Баҳрайн моли келса, сенга шунча ва шунча ва шунча инъом қилурман» — деб айтган эрдилар», — дедим. Абу Бакр ас-Сиддиқ менга: «Ундан (молдан) бир ҳовуч ол!» — дедилар. Мен бир ҳовуч олдим. Сўнг: «Сана, қанча эркан?» — дедилар. Мен санасам, беш юзта эркан. Кейин, Абу Бакр ас-Сиддиқ менга (яна икки ҳисса қўшиб, жами) бир минг беш юзта бердилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Баҳрайдан мол келтиришиб эрди, ул зот: «Буни масжид ҳовлисига тўкиб қўйингизлар!» — дедилар. Бул мол Жаноб Расулulloҳга келган молларнинг ичида энг кўпи эрди. Бир вақт, (амакилари) Аббос қошларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, менга (бул молдан) берингиз, чунки мен ўзим учун ҳам, Уқайл учун ҳам фидя тўладим»,— дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «(Майли), олингиз!» — дедилар. Аббос (ул молдан) этакларига (тўлдириб) солдилар-да, кўтариб кетмоқчи эрдилар, кўтара олмадилар. Шунда ул зотга: «Бирор кишига буюрингиз, менга кўтартириб юборсин!»— дедилар. Ул зот: «Йўқ», — дедилар. Аббос: «Бўлмаса, ўзингиз кўтартириб юборингиз!» — дедилар. Ул зот (яна): «Йўқ», — дедилар. Шунда Аббос (ноилож) этакларидаги молдан озгинасини тўкдилар-да, кўтараман, деб яна кўтара олмадилар. Жаноб Расулulloҳга (яна): «Бирор кишига буюрингиз, менга кўтартириб юборсин!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ», — дедилар. Аббос: «Бўлмаса, ўзингиз кўтартириб юборингиз!» — дедилар. Ул зот: «Йўқ», — дедилар. Аббос (ноилож) яна бир оз тўкдилар-да, зўр-базўр кугариб кетдилар. Жаноб Расулulloҳ Аббоснинг очкўзликларидан ажабланганча токи кўздан ғоиб бўлгунларича ортларидан қараб қолдилар».

5-боб. Айбсиз зиммийни ўлдирган кишининг гуноҳи (жазоси) ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Айбсиз) зиммийни ўлдирган киши жаннатнинг ҳидини ҳидламас! Жаннатнинг ҳиди эрса қирқ йиллик масофадан туриб ҳам ҳидланур!» — деб марҳамат қилдилар».

6-боб. Яҳудийларни Араб ярим оролидан бадарға қилиш хусусида

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бундай деб хабар қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Хайбар яҳудийларига): «Оллоҳ таоло сизлар хусусингизда не деб қарор қилган бўлса, биз ҳам шундай деб қарор қилурмиз!» — дедилар». (Яъни, «Оллоҳ таоло тақдир қилган вақтга қадар сизларни бул ерда қолдиурмиз, аммо хоҳлаган вақтимизда сизларни бул ердан чиқариб юборурмиз, чунки Оллоҳ таоло сизларни бул ердан аллақачон чиқариб юборгандур!»).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз масжидда ўлтирган эрдик, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (уйларидан). чиқиб келиб: «Яҳудийлар (маҳалласига) юрингизлар!» — дедилар. Биз йўлга тушиб, (яҳудийлар тавротхонлик қиладирган) Байт улмидросга етиб бордик. Жаноб Расулulloҳ яҳудийларга: «Мусулмон бўлингизлар, (жону молларингиз) омон бўлур! Дарҳақиқат, Ер Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулиникидур. Мен сизларни бул ердан бадарға қилмоқни ирода қилдим. Сизлардан қайси бирингизнинг бирор (кўчмас) моли бўлса, сотсин! Акс ҳолда билиб қўйингизларки, Ер Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулиникидур!» — дедилар».

Саъид ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Панжшанба куни... панжшанба куни ўзи қандай кун бўлдики, (бошимизга шунчалар мусибатлар келтирди?!» — дедилар-да, хўнграб йиғлаб юбордилар, ҳатто (оёқлари остидаги) тошлар хўл бўлиб кетди. Мен: «Ё Ибн Аббос, қайси панжшанба куни?» — дедим. Ибн Аббос бундай дедилар: «(Ўшал биз учун мусибатли бўлган панжшанба куни) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дардлари оғирлашиб қолди. Шунда ул зот: «Менга курак (яъни, ҳайвон кураги) келтирингизлар, унга васият битиб берурман, кейин мутлақо йўлдан адашмагайсизлар!» — дедилар. Аммо, одамлар пайғамбар ҳузурида тортишиш мумкин эмаслигига қарамай, (васият ёздириб олиш ё ёздириб олмаслик хусусида) ўзаро тортиша

бошлашди. (Ғала-ғовур кўчайиб кетгач, Жаноб Расулуллоҳ: «Мени ўз ҳолимга қўйингизлар!» — дедилар). Одамлар (буни эшитиб): «Ул зот бизни хушламаётирлар», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «(Ҳузуримдан) чиқиб кетингизлар! Менинг ҳозирги ҳолатим (яъни, Оллоҳ таолодан тақво қилиб, ул бирлан учрашиш тараддудиди эканлигим ва фақат шул хусусда ўйлаётганим) сизлар мени ундаётган нарсдан (яъни, васият ёзиб бермоғим хусусидаги тортишувларингиздан) афзалдур!» — дедилар. Кейин, ул зот уларга: «Мушрикларни Араб ярим оролидан чиқариб юборингизлар. Элчиларни мен сингари меҳмон қилиб, уларга тухфалар бериб турунгизлар...» — деб уч нарсани амр қилдилар. Шунда учинчи фармонларини ё айтмадилар ёки айтган бўлсалар ҳам мен ёдимдан чиқариб қўйдим».

7-боб. Агар мушриклар мусулмонларга хиёнаткорлик қилса, улар кечириладими?

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Хайбар фатҳ қилинганда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (заҳар солиб пиширилган) бир қўй ҳадя қилинди. (Уни Зайнаб бинти ал-Ҳорис деган бир яҳудий аёл ҳадя қилган эрди. Жаноб Расулуллоҳ гўштдан бир лўқма оғизларига солишлари ҳаманоқ Оллоҳ таолонинг иродаси ва инояти бирлан ундан «Ё Расулаллоҳ, емангиз, менга заҳар солмишлар!» деган овоз чиқди. Ул зот дарҳол муборак оғизларидаги лўқмани тупириб ташладилар). Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ: «Бул ерда мавжуд барча яҳудийларни ҳузуримга тўплангизлар!» — дедилар. Уларни тўплашди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Мен сизларга бир нарса хусусида савол берурман, саволимга рост жавоб берурсизларми?» — дедилар. Яҳудийлар: «Ҳа», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бобокалонларингиз ким?» — дедилар. Яҳудийлар: «Фалончи» — деб (мутлақо бошқа одамнинг номини) айтишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ёлғон айтдингизлар, бобокалонларингиз (ул эрмас), балки фалончидур», — дедилар. Яҳудийлар: «Ҳа, гапингиз тўғри», — дейишди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ: «Мен сизларга (яна) бир нарса хусусида савол берсам, саволимга рост жавоб берурсизларми?» — дедилар. Яҳудийлар: «Ҳа, ё Аболқосим! Агар сизга (бул сафар ҳам) ёлғон сўзласак, бобокалонимиз хусусида ёлғон сўзлаганимизни билганингиздек, билиб қолурсиз», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Жаҳаннам аҳли кимлар?» — дедилар. Яҳудийлар: «Биз унда бирровгина бўлурмиз, сиз эрсангизлар, биз (ундан чиққанимиз)дан кейин, ул ерда (абдий) қолурсизлар», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Ўзларингиз) ул ерга даф бўлингизлар! Оллоҳ таоло ҳақи, биз сизлардан кейин унда абдий қолмасмиз, (балки сизларнинг ўзларингиз унда абдий қолурсизлар!)» — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ: «Мен сизларга (яна) бир нарса хусусида савол берсам, саволимга рост жавоб берурсизларми?» — деб айтдилар. Яҳудийлар: «Ҳа, ё Аболқосим!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бул қўй (гўшти)га заҳар солдингизларми?» — дедилар. Яҳудийлар: «Ҳа», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Нечун бундай қилдингизлар?» — дедилар. Яҳудийлар: «Агар ёлғончи (сохта пайғамбар) бўлсангиз, сиздан қутулмоқни истадик ва агар чин (пайғамбар) бўлсангиз, ул ҳолда (заҳар) сизга зарар қилмайди, дедик», — дейишди».

(Суҳайлий: «Жаноб Расулуллоҳ ўшанда ул яҳудийларни дарҳол қатл қилмадилар, чунки одати шарифлари шундай эрдик, шахсан ўзларига қилинган душманлик учун қасос олмас эрдилар. Аммо, ул гўштдан еган Бишр ибн ал-Баро заҳарланиб ўлгач, уларни қатл қилдилар», — дейдилар).

8-боб. Имомнинг аҳдга вафо қилмаганларни дуои бад қилмоғи ҳақида

Осим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Анас разияллоҳу анҳудан Дуои Қунут ҳақида сўраб эрдим, ул киши: «Рукуъдан аввал (ўқилади)» — деб айтдилар. Шунда мен: «Фалончи таъкидладики, сиз: «Рукуъдан кейин (ўқилади)» — деб айтган эмишсиз», — дедим».

Анас: «Ёлғон айтибди (янглишган)», — дедилар-да, бизга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Дуои Қунутни қай вақтда ўқиганлари ҳақида бундай деб айтдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ой давомида рукуъдан сўнг Дуои Қунутни ўқиб, Бану Сулайм маҳаллалари (аҳлини) дуои бад қилганлар. Ул зот қирқ ёки етмиш қорини мушриклар орасига юборган эрдилар. Мушриклар, ўзлари бирлан Жаноб Расулуллоҳ ўрталарида аҳдлашилганига қарамай, уларни ўлдиришган. Мен ул зотнинг ўшал мушриклардан ғазабланганчалик бирор кимсадан ғазаб-ланганларини кўрмаганман».

9-боб. (Мусулмон) аёлларнинг (Ислонни қабул қилмай мушриклигича қолган собиқ эрларига) омонлик бериб, (уларни) ўз ҳимояларига олмоқлари ҳақида

Умму Ҳониъ бинти Абу Толиб разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен (Макка) фатҳи куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (уйларига) бордим. Қарасам, ул зот ғул қилаётирлар, қизлари Фотима алайҳоссалом эрсалар, (бир чойшаб бирлан) ул зотни пана қилиб турибдилар. Мен ул зотга салом бердим. (Ул зот алик олгач): «Бу ким?» — дедилар. Мен: «Бу мен — Абу Толибнинг қизи Умму Ҳониъман», — дедим. Ул зот: «Умму Ҳониъ хуш келибди!» — дедилар. Сўнг, ғул қилиб бўлгач, ўринларидан туриб (жойнамозга бордиларда), бир кийимга уралиб саккиз ракъат намоз ўқидилар. (Намоз ўқиб бўлганларидан сўнг), мен ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, онаминг ўғли (яъни, биродарим) Али (ибн Абу Толиб) мен ўз ҳимоямга олган кишини (яъни, бугун мен мусулмон бўлгач, Ислонни қабул қилмай, Маккадан қочиб кетган собиқ эримм Ҳубайра ўғли фалончини ўлдирурман, деб таъкидладилар», - дедим. Ул зот: «Сен ҳимоянгга олган кишини биз ҳам ҳимоямизга олдик, эй Умму Ҳониъ!» — деб марҳамат қилдилар. Шу вақт зуҳо намози вақти эрди». Юқорида «собиқ эрим» дейилишининг боиси шуки, Оллоҳ таоло: «На (мусулмон бўлган) хотинлар (кофир) эрларига ва на (кофир) эрлар (мусулмон бўлган) хотинларига ҳалол бўлурлар», — дейди].

10-боб. (Барча) мусулмонларнинг (ўзларига тобе ғайридинларга) омонлик бериб, (уларни) ўз ҳимояларига олганликлари бирлан бир мусулмоннинг (мусулмонларга тобе бир ғайридинга) омонлик бериб, уни ўз ҳимоясига олганининг фарқи йўқдур, (чунки барча мусулмонлар бир тану бир жон кабидурлар). Аҳдни энг тубан мусулмон бузур!

Иброҳим ат-Тамимий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу бизга хутба (ваъз) қила туриб бундай дедилар: «Бизда Оллоҳ таолонинг Китоби бирлан (Жаноб Расулуллоҳнинг) мана бу саҳифадаги (аҳкомлари)дан бўлак биз ўқийдирган бирор битик йўқдир. Бул саҳифада бундай дейилган: «Мадинанинг бир (тоғи)дан фалон (тоғи)гача (яъни, Савр тоғигача) бўлган ерлари муқаддасдур. Бул ерда (Қуръон ва суннатга хилоф) иш қилган ёхуд шундай иш қилган кимсага ёрдам қилиб; уни ўз паноҳига олган кишига Оллоҳ таолонинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлур, бундайларнинг на фарзлари ва на нафллари қабул қилинмас ҳамда ўз ҳомийлари (яъни, қулликдан озод қилиб, ўз ҳимоясига олган кишилар)нинг изнисиз бўлак бир қавмни ўзига ҳомий қилиб олган кимсага ҳам худди шундай (лаънат) бўлур. (Барча) мусулмонларнинг (ўзларига тобе ғайридинларга) омонлик бериб, (уларни) ўз ҳимояларига олганликлари бирлан бир мусулмоннинг (мусулмонларга тобе бир ғайридинга) омонлик бериб, уни ўз ҳимоясига олганининг фарқи йўқдур, (чунки барча мусулмонлар бир тану бир жон кабидурлар). Бир мусулмоннинг (бир ғайридинга нисбатан бўлган аҳду бурчини) бузган кимсага ҳам худди шундай (лаънат) бўлур!».

11-боб. Агар (мушриклар): «Куфр динимиздан қайтиб, мусулмон бўлдик» — деб айтмоқчи бўлиб, (қўрққанларидан ва шошиб қолганларидан): «Диндан қайтдик» —

деб юборсалар...

Ибн Умар: «Холид ибн Валид (уларни тушунмай) ўлдира бошладилар. Кейин, Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам (Холид ибн Валиднинг уларнинг гапини тушунмай, кўпчилигини қириб ташлаганларини эшитиб): «Ё парвардигоро, Холид қилиб қуйган (гуноҳдан) мени халос қилгайсан!» — деб илтижо қилдилар», — дейдилар.

12-боб. (Шароит тақозо қилганда) мол ёхуд шу кабилар бадалига мушриклар бирлан (мусулмонлар ўртасидаги мавжуд) сулҳ(ни сақлаб қолмоқлик) ҳамда аҳдга вафо қилмаган кишининг гуноҳи ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва агар улар сулҳга мойил бўлсалар, сиз ҳам унга мойил бўлингиз!» («Анфол» сураси, 61-оят).

Саҳл ибн Абу Ҳасма разияллоху анху ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Саҳл ва Муҳаййиса ибн Масъуд ибн Зайд Хайбар (яхудийлари бирлан мусулмонлар ўртасида) сулҳ (тузилган) кезларда хурмо териб келмоқ учун Ҳайбарга боришди. Шунда иккаласи (яъни, Абдуллоҳ ибн Саҳл ва Муҳаййиса ибн Масъуд ибн Зайд) ажралиб, (хурмозорнинг турли ерида хурмо теришди). Кейин, Муҳаййиса Абдуллоҳ ибн Саҳлнинг олдига келди, шунда у қонига беланиб ўлиб ётар эрди. Муҳаййиса уни дафн қилгач, Мадинага қайтиб келди. Сўнг, (Абдуллоҳ ибн Саҳлнинг биродари) Абдурраҳмон ибн Саҳл ва Масъуднинг ўғиллари Муҳаййиса бирлан Ҳуваййиса (шул ҳақда хабар қилмоқ учун) Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг ҳузурларига боришди. Абдурраҳмон энди гапира бошлаб эрди, ул зот: (Ичингизда ёши) каттаси... каттаси (гапирсин!)» — дедилар, чунки Абдурраҳмон уларнинг энг кичиги эрди. Абдурраҳмон (дарҳол) жим бўлди. Кейин, Муҳаййиса ва Ҳуваййиса Абдуллоҳнинг ўлдирилгани хусусида ул зотга сўзлаб беришди. Шунда ул зот: «Қасам ичиб, ўлдирилган одамингизнинг қонига ҳақлиғ бўласизларми?» (яъни, «Абдуллоҳнинг хунини ҳақлиғ талаб қилмоқларингиз учун уни яҳудийлар ўлдирганига қасам ичасизларми?») — дедилар. Улар: «(Ўлдирилган вақтда тепасида) бўлмаган бўлсак ва (ким ўлдирганини) кўрмаган бўлсак, қандайин қасам ичурмиз?» — дейишди. Ул зот: «Яҳудийлар сизлар(нинг бул даъвонгиз)дан қутулмоқ учун эллик бор қасам ичсинларми?» — дедилар. Улар: «Кофирлар қавмининг қасамларини қандай (инобатга) олурмиз?» — дейишди. Шунда ул зот Абдуллоҳнинг хун ҳақини ўз (шахсий) молларидан (ёхуд Байтулмолдан) бериб юбордилар.

13-боб. Аҳдга вафо қилмоқнинг фаэилати ҳақида

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анху ривоят қиладилар: Ҳирақл (ўз ҳузурига таклиф қилиб) Абу Суфёнга (одам) юборди. Абу Суфён Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бирлан ўзи ўртасида тузилган сулҳ муддати чоғида Қурайш савдо карвони бирлан Шомга келган эрди».

14-боб. Агар зиммий (мусулмонни) сеҳрласа, кечириладими?

Ибн Шиҳоб: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам сеҳрландилар. Шунда ул зот сеҳрлаган одамни ўлдирмадилар, ул эрса китоб аҳлидан эрди», — дейдилар.

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам (шундай қаттиқ) сеҳрландиларки, ҳатто бир нарсани қила оламан, деб хаёл қилсалар-да, қила олмас эрдилар».

15-боб. (Бўлажак) хиёнатдан огоҳ қилингани ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва агар улар сизга фириб бермоқчи бўлсалар, Оллоҳ таоло сизга кифоя қилур» («Анфол» сураси, 62-оят).

Анф иби Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Табук ғазоти вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим, шунда ул зот теридан қилинган бир чодирда ўлтирган бўлиб, бундай деб марҳамат қилдилар: «Қиёматдан илгари (бўладирган) олти (аломат)ни (бирма-бир) санаб чиқурман: (улардан бири) — менинг ўлимим, кейин Байтул-Мақдис фатҳи, сўнг қўйлар ўлатидек сизларда тарқаладирган вабо, кейин мол-дунёнинг кўпайиб кетмоғи, ҳатто бир кишига минг динор берилса, назарига илмай, ўзини таҳқирланган ҳисоблар, сўнг бирорта ҳам арабнинг уйини қолдирмай кириб борадирган фитна, кейин сизлар бирлан Бану ал-Асфар (мазмун: «Сариқ авлодлари») ўртасида сулҳ (тузилишидур). Сўнг, улар хиёнат қилиб, саксонга ғоя (байроқ) остида сизларга (яъни, сизларнинг устингизга бостириб) келурлар. Ҳар бир ғоя (байроқ) остида ўн икки минг (киши булур)».

16-боб. Аҳд аҳлига (яъни, зиммийларга аҳд) қай тариқа рад этилади?

Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар (узларингиз бирлан аҳдлашган) бирор қавм (томони)дан хиёнат (содир бўлмоғидан) хавотир олсангиз, (ҳар икки томонга) баробар (маълум қилган ҳолда аҳдни) уларга рад этингиз!» («Анфол» сураси, 58-оят).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу мени Наҳр куни Минода: «Бу йилдан кейин мушрик ҳаж қилмайди, яланғоч одам ҳам Байтуллоҳни тавоф қилмайди!» — деб эълон қиладирган бир гуруҳ кишилар бирлан бирга жўнатдилар».

17-боб. Аҳд қилиб, сўнг аҳдига хиёнат қилган кишининг гуноҳи ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Сиз аҳду ваъдаларин олган ул кофирлар, ҳар гал (аҳду ваъда берганларидан) кейин, ўз аҳду ваъдаларин бузурлар» («Анфол» сураси, 56-оят).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Қуйидаги) тўрт иллат кимда мавжуд бўлса, ул ғирт мунофиқдур: (ҳар қандай нарса хусусида) сўзласа, (атайлаб) ёлғон сўзлар, (бирор кори хайр қилмоқни) ваъда қилса, устидан чиқмас, (бирор масъулиятни) зиммасига олса, хиёнат қилур (ёхуд бирор омонат топширилса, хиёнат қилур) ва хусуматлашса (ёки баҳслашса), номардлик қилур. Кимда бул хислатлардан (иллатлардан) бири бўлган бўлса, (демак) унда токи уни тарк этмагунча, мунофиқлик хислатларидан (иллатларидан) бири бўлган бўлур», — дедилар».

Бу ерда 10-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

Саъид разшллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра (мусулмонларга): «Нечун (зиммийлардан) на бирор динор ва на бирор дирҳам жизя ололмай қолдингизлар, (боисини билурсизларми?)» — дедилар. Улар: «Қани айтингиз-чи, сиз ўзингиз бунинг боиси не эканлигини билурмисиз?» — дейишди. Абу Ҳурайра: «Ҳа, албатта билурман, Абу Ҳурайранинг жони қўлида бўлмиш зот ҳақи, Ас-Содиқ ул-Масдуқ (яъни, Ҳазрат Жаброил рост сўздан бўлак сўз келтирмаган ростгўй Жаноб Расулуллоҳ)нинг сўзларига (яъни, ўгитларига амал қилинмагани боисидан шундай бўлди!)» — дедилар. Улар: «Ул ўгит не ҳақда эрди?» —

дейишди. Абу Ҳурайра: «(Ул ўғит шул ҳақда эрдиким, мусулмонлар зиммийларга жабр-зулм қилиб), Оллоҳ таоло зиммаси (аҳди) ва унинг Расули зиммаси (аҳди) бузилур, кейин Оллоҳ таоло зиммийлар бевурдлигини янада оширур ва улар ўз қулларидаги нарсани (яъни, жияни мусулмонларга) бермай қўюрлар», — дедилар».

18-боб. Уч кунга ёки муайян бир вақтга сулҳ тузмоқ ҳақида

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умра қилмоқчи бўлганларида Маккага киришлари учун изн сўрагани Макка аҳлига одам юбордилар. Шунда Макка ақобирлари ул зотга Маккада уч кундан ортиқ турмасликни, ул ерга фақат қинига солинган қиличлар бирлангина киришликни ва мушриклардан бирортасини Иломга даъват қилмасликни шарт қилиб қўйишди. Икки ўртада тузилаётган сулҳ шартларини Али ибн Абу Толиб ёзишга киришдилар. Шунда ул киши «Бу Оллоҳнинг расули Муҳаммаднинг ҳукм (қарори)дур» деб ёзиб қўйдилар. Аммо, мушрикларнинг ақобирлари: «Агар бизлар сизни Оллоҳнинг расули, деб тан олганимизда эрди, Маккага кирмоғингизга тўсқинлик қилмай, сизга байъат қилган бўлур эрдик. Шунинг учун «Бу Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммаднинг ҳукми (қарори)дур» деб ёзингиз!» — дейишди. Жаиоб Расулulloҳ: «Мен, Оллоҳ таоло ҳақи, (айни вақтда) Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадман ҳам, Оллоҳ таоло ҳақи, Оллоҳнинг расулиман ҳам!» — дедилар. (Мушрикларнинг ақобирлари ўз шартларида қаттиқ туриб олишгач), Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Алига: «Расулulloҳ деган сўзни ўчир!» — дедилар. Ҳазрат Али: «Оллоҳ таоло ҳақи, ҳеч қачон ўчирмасман!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ўшал сўзни менга кўрсат!» — дедилар. Ҳазрат Али кўрсатиб эрдилар, ул зот ўз қўллари бирлан уни ўчирдиларда, («Бу Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммаднинг қароридур» деб ёзиб қўйдилар). Сўнг, (Маккага) кирдилар. Уч кун ўтгач, мушрикларнинг ақобирлари Ҳазрат Алининг олдиларига келиб: «Дўстингга (ҳамроҳингга) айт, энди (бул ердан) чиқиб кетсин!» — дейишди. Ҳазрат Али уларнинг бул гапларини Жаноб Расулulloҳга эслатиб эрдилар, ул зот: «Ҳа, (дарвоқеъ)», — дедилар. Сўнг, (Маккадан барча саҳобалари бирлан биргалиқда) чиқиб кетдилар».

19-боб. Муҳлати таъйин қилинмаган келишув ва Жаноб Расулulloҳнинг: «Оллоҳ таоло сизлар хусусингизда не деб қарор қилган бўлса, биз ҳам шундай деб қарор қилурмиз!» — деб айтганлари

Бу ерда 6-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

20-боб. Мушрикларнинг ўлаксаларини хорлаб қудуққа ташлаб юборгани ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (намоз ўқиётиб) сажда қилдилар. Шунда атрофларида бкр гуруҳ Қурайш мушриклари турган бўлиб, (улардан бири) Уқба ибн Абу Муъийт ҳайвон ичак-чавоқларини олиб келиб, ул зотнинг устларига ташлади. Жаноб Расулulloҳ бошларини саждадан кўтармай туравердилар. Шул аснода қизлари Фотима алайҳоссалом келиб қолиб, ичак-чавоқларни ул зотнинг устларидан олиб ташладиларда, бул ишни қилган одамни қарғадилар. Жаноб Расулulloҳ (намозни-тутатгач): «Ё парвардигоро, Қурайш (кофирлари)ни ҳалок қилгил! Ё парвардигоро, Абу Жаҳл ибн Ҳишомни, Утба ибн Рабийъани, Шайба ибн Рабийъани, Уқба ибн Абу Муъийтни ва Умайя ибн Халафни (ёки Убай ибн Халафни) ҳалок қилгайсан!» — деб дуои бад қилдилар. Сўнг, мен Бадр куни уларни ўлдиришиб, Умайя (ёки Убай)дан бўлак, барчасини қудуққа ташлаб юборишганини кўрдим. Чунки, Умайя (ёки Убай) гавдали киши бўлиб, (жасадини кўтара олмай, қудуқ томон) судрашганда, қудуққа ташламасларидан бурунроқ ичак-чавоги чиқиб кетди».

21-боб. Хиёнаткорнинг гуноҳи (жазоси) ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ва Анас (ибн Молик) разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни ҳар бир хиёнаткорнинг байроғи бўлур»,— дедилар».

(Юқоридаги ровийлардан) бири: «(Қиёмат куни ҳар бир хиёнаткор турган ерга унинг бул дунёда хоин бўлганлигини англатувчи байроқ) ўрнатиб қўйилур», — дейдилар.

(Юқоридаги ровийлардан) иккинчиси. «Қиёмат куни (ҳар бир хиёнаткор ўшал) байроқ орқали маъшар аҳлига кўрсатилиб, маълум (шарманда) қилинур», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «(Қиёмат куни) ҳар бир хиёнаткори (бул дунёда қилган) хоинлиги учун (шармисор қилгувчи) байроқ ўрнатиб қўйилур», — деб айтганларини эшитдим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ қилинган куни: «(Бундан буён Ислонни фитналардан олиб қочмоқ мақсадида бул ердан бўлак бир жойга) ҳижрат қилинмас, лекин (Олпоҳ таоло йўлида) жиҳод (қилмоқ учун бул ердан бўлак жойларга чиқмоқлик вожибдур) ҳамда (жиҳод қилганлик савобига тенг бир амали солиҳни адо этмоқ) ният(ида жиҳодга бормай, бул ерда қолмоқ жоиздур). Агар (жиҳодга) чақирилсангизлар, чиқингизлар!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ Макка фатҳ қилинган куни яна: «Оллоҳ таоло бул шаҳарни осмонлару Ерни яратган куниёқ муқаддас қилгандур. Бул шаҳар Оллоҳ таолонинг ўзи муқаддас қилган шаҳар бўлиб, бунда уруш қилмоқлик мендан илгари бирор кишига рухсат қилинмагандур. Менга ҳам бори-йўғи кундузи бир соатгина бул ерда уруш қилмоққа рухсат берилди, холос. Оллоҳ таолонинг ўзи то Қиёмат муқаддас қилган бул шаҳарнинг дарахтлари кесилмас, қушу ҳайвонлари ҳуркитилмас, йўқотиб қўйилган нарсасини (бир йил давомида топиб олгани ҳақида) овоза қилган кишигина олур ҳамда ўт-ўланлари юлинмас!» — деб марҳамат қилдилар. Шунда Аббос: «Ё Расулаллоҳ, фақат изхирни ўрсак, майлими?» — дедилар, чунки араблар ундан темирчиликда ва уйлари(нинг томини епиш)да фойдаланишар эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Фақат изхирни бўлса, майли», — дедилар».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

ДАСТЛАБКИ ЯРАТИШ ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ таолонинг «Ва улдур ул зотийки, аввал бошда (даставвал) яратиб, сўнг (қиёматда) қайта яратур (тирилтирур) ва бу унга осонроқдур» («Ар-Рум» сураси, 27-оят) деган қавли хусусидаги ҳадислар:

Ар-Рабиъ ибн Хусайм ва алҲасан: «Ҳар қандай иш унга осондур!» — деб айтишган.

Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу бундай деб хабар қиладилар: «Бану Тамим қабиласига мансуб бир неча киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Эй Бану Тамим, (жаннатга кириш учун қилмоғингиз лозим бўлган амаллар хусусидаги) башоратдан хурсанд бўлингизлар!» — дедилар. Бану Тамим кишилари: «(Башоратингиз бирлан) бизни хурсанд қилдингиз, аммо биз ҳозир бирор нарса берсангиз, деб келган эрдик», — дейишди. (Уларнинг бу гапидан) Жаноб Расулуллоҳнинг муборак юзлари ўзгариб кетди. Кейин, ҳузурларига яманликлар кириб келишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Эй яманликлар! Башоратни сизлар қабул қилингизлар, чунки уни Бану Тамим қабул қилмади», — дедилар. Яманликлар: «Қабул қилдик!» — деб жавоб беришди. Шундан сўнг, Жаноб Расулуллоҳ дастлабки яратиш ҳамда Арш(нинг ўшал вақтдаги ҳолати) ҳақида сўзлай бошладилар. Шу аснода бир киши қошимга келиб: «Эй Имрон! Туянгиз ечилиб кетди», — деди. Кошки (ўшанда туямни тутаман деб) Жаноб Расулуллоҳнинг сўхбатларини тарк этмаган бўлсам!».

Сафвон ибн Мухриз Имрон ибн Ҳусайндан бундай деб эшитган эрканлар: «Мен туямни эшик зулфига боғладим-да, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига кирдим. Шунда ичкарига Бану Тамим қабиласига мансуб бир неча киши кириб келди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Башоратни қабул қилингизлар, эй Бану Тамим!» — дедилар. Улар: «Бизга илгари ҳам башорат қилган эрдингиз, энди бизга икки бор тўхфа берингиз!» — дейишди. Кейин, ул зотниг ҳузурларига бир неча яманликлар кириб келишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Эй яманликлар, башоратни қабул қилингизлар, Бану Тамим уни қабул қилишдан бош тортди!» — дедилар. Яманликлар: «Ё Расулаллоҳ, биз уни қабул қилдик!» — дейишди, сўнг: «Биз шу хусусда сиздан сўрагани келган эрдик» — деб айтишди. Шундан сўнг, Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ даставвал якка ўзи бўлган, ундан бўлак ҳеч нарса бўлмаган, унинг Арши сув устида бўлган ва у ҳар бир нарсани Лавҳга ёзиб қўйган-да, осмонлару Ерни яратган», — дедилар. («Ҳар бир нарсани Лавҳга ёзиб қўйган» деган жумла Имрон ибн Ҳусайннинг ўзлари шахсан ривоят қилган ҳадисда «осмонлару Ерни яратган» деган жумладан кейин келади). Шу вақт бир киши: «Туянгиз ечилиб кетди, эй Ҳусайннинг ўғли!» — деб чақириб қолди. Мен ташқарига чиқиб қарасам, туям шаталоқ отиб қочиб кетаётир, унинг олдида сароб ҳам (тезликда) ип эшолмайди. Худо ҳақи, ўшанда туямни қувишдан воз кечган бўлганимда эрди!».

Ториқ ибн Шиҳоб ривоят қиладилар: «Мен Умар разияллоҳу анҳунинг бундай деб айтганларини эшитдим: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам орамизга кириб яхшилаб ўлтириб олдилар-да, Оллоҳ таолонинг инсонни дастлабки яратишидан тортиб, то жаннат аҳлининг жаннатга, дўзах аҳлининг дўзахга киришигача бўлган маълумотларни бизга хабар қилдилар. Бу гапларни баъзилар эслаб қолди, баъзилар ёдидан чиқариб юборди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганлари (ҳануз) кўз олдимдадур: «Оллоҳ таоло айтурки, «Одам

боласи мени ҳақорат қилди, ваҳоланки у мени ҳақорат қилмаслиги лозим эрди, Одам боласи мени ёлғончига чиқарди, ваҳоланки у бундай демаслиги лозим эрди! Унинг мени ҳақорат қилганлиги хусусига келсак, у: «Оллоҳнинг боласи бор», — дейди, унинг мени ёлғончига чиқарганлиги хусусига келсак эрса, у: «Оллоҳ мени илгари яратганидек қайта тирилтира олмайди», — дейди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло (инсону бутун борлиқни) яратиб бўлгач, ўз даргоҳидаги Арш тепасида жойлашган Лавҳи Маҳфузига «Менинг раҳматим ғзабимдан устунлик қилди» деб ёзиб қўйди», — дедилар».

1-боб. Етти Ер (ёки етти қават Ер) ҳақидаги ҳадислар ва Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ ул зотийдурки, яратибдур етти осмонни ва Ердан ҳам уларнинг мисолларини, тушиб (тарқалиб) турур Оллоҳнинг ҳукми уларнинг ораларига, то билингизларки, албатга Оллоҳ ҳар нарсага қодирдур ва батаҳқиқ Оллоҳ ҳар нарсани ўз илми ихотасига олгандур» деган қавли хусусида («Ат-Талоқ» сураси, 12-оят)

(Етти Ер — ҳар қайсиси алоҳида бир курра ёки шул биз турган Ернинг ўзи етти қават, яна Оллоҳ таолонинг ўзи яхшироқ билур).

Муҳаммад ибн Иброҳим ривоят қиладилар: «Абу Салама ибн Абдуррахмон ер хусусида одамлар бирлан хусуматлашиб қолиб, Оиша онамизнинг ҳузурларига кирди-да, шул ҳақда ул муҳтарамга айтди. Оиша онамиз: «Эй Абу Салама, ер хусусида эҳтиёт бўлгил, чунки Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир қарич келадирган ерни (бўлса ҳам) зулм билан ўзлаштириб олган кимса бўйнига етти қават Ердан иборат тавқи (лаънат) илингай!» — деб айтганлар», — дедилар».

Солим оталаридан бундай деб эшитган эрканлар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ўзининг ҳақи бўлмаган ердан (бир қаричини тортиб) олса (ҳам), Қиёмат куни ўшал ер бирлан етти (қават) Ер тубига тушиб кетур», — дедилар».

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Замон Оллоҳ таоло осмонлару Ерни яратган кундаги ҳайъатидек (бир бор) айланиб бўлди. Йил ўн икки ойдан иборатдур. Улардан тўрттаси муқаддас бўлиб, ана шу тўрттадан учтаси — зулқаъда, зулҳижжа ва муҳаррам ойлари кетма-кет келади, тўртинчиси — ражаб (музар) оийи эрса жумодассоний бирлан шаъбон ойлари ораллиғидадур».

Ҳишом ривоят қиладилар: «Арва деган бир аёл Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл бирлан ер хусусида хусуматлашиб қолиб, унинг устидан Марвонга шикоят қилди. Шунда Саъид: «Худо ҳақи, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Бир қарич келадирган ерни (бўлса ҳам) зулм бирлан ўзлаштириб олган кимса бўйнига етти (қават) Ердан иборат тавқи (лаънат) илингай!» деб айтганларини эшитганман, шуни била туриб наҳотки унинг ҳақиға кўз олайтирсам!» — деди».

Ҳишом: «Саъид менга: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдим» — деб айтди», — дейдилар.

2-боб. Юлдузлар ҳақида

Қатода разияллоҳу анҳу Оллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, Биз (Ерга) энг яқин осмонга чироғлар (юлдузлар) ила зийнат бердик... («Мулк» сураси, 5-оят) деган қавлини тиловат қилгач: «Оллоҳ таоло бул юлдузларни уч мақсадда — осмонга зийнат, шайтонларга отиладирган тош ҳамда бандаларига йўл кўрсатувчи аломатлар бўлмоғи учун яратди. Кимки бул оятни бундан бўлакча талқин қилса, янглишган, охират насибасини бой берган ва ўзи билмаган (ақли етмаган) нарса хусусида ўзбошимчалик бирлан фикр юритиб, ўзини ўзи қулфатга қолдирган бўлур!» — дедилар.

3-боб. Қуёш ҳам, Ой ҳам (аниқ) ҳисоб-ўлчов бирлан (юриб турур)

Иброҳим ат-Таймий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Қуёш ботгач, Абу Заррга: «Қуёш қаёққа кетаётганини билурмисан?» — дедилар. «Оллоҳ таоло ва унинг Расули яхшироқ билур, деб жавоб қилдим», — дейдилар Абу Зарр. Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Дарҳақиқат, у Арш пойига сажда қилгани кетаётир. Кейин, у (сажда қилгали) изн сўрагай, унга изн берилгай. (Бир куни) Қуёш энди сажда қиламан деганида саждаси қабул қилинмагай, у яна изн сўрагай, лекин унга изн берилмагай. Унга: «Келган еринга қайтгил!» — дейилгай ва Қуёш ботган еридан (ғарбдан) чиққай. Мана бу Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва нишондур (белгидур) Қуёш ҳам (улар учун), қайсики юриб турур ўзига муқаррар бўлган жой томон, будур ғолиб, илмлиқ зотнинг таъйини» («Ёсин» сураси, 38-оят)». (Жаноб Расулulloҳ «Қуёш ботган еридан чиққай» деганларида Қуёшнинг Қиёмат куни ғарб томондан чиқмоғини назарда тутганлар).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни Қуёш ва Ой иккиси уралади (нурсизланади, салла янглиғ ўралади)» — дебдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Дарҳақиқат, Қуёш ва Ой бирор кишининг ўлими ва бирор кишининг ҳаёт эрканлиги туфайли тутилмайди, аммо улар Оллоҳ таолонинг оятларидан икки оятдур (икки мўъжизадур), уларнинг тутилганини кўрсангиз, дарҳол намоз ўқингиз!».

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, Қуёш ва Ой Оллоҳ таолонинг оятларидан икки оятдур, улар бирор кимсанинг ўлими ва бирор кимсанинг ҳаёт эрканлиги туфайли тутилмайди, агар уларнинг тутилганини кўрсангизлар. Оллоҳ таолони зикр қилмангизлар!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай деб хабар қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Қуёш тутилган куни қиёмда туриб такбир айтдилар ва узоқ қироат қилдилар. Сўнг, узоқ рукуъ қилдилар, кейин бошларини кўтариб: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах», — дедилар-да, илгаригидек қадларини ростладилар, сўнг узоқ қироат қилдилар, аммо бу галги қироатлари аввалгисидан қисқароқ бўлди. Кейин, узоқ рукуъ қилдилар ва бу рукуъ илгаригисидан қисқароқ бўлди. Сўнг, узоқ сажда қилдилар. Кейин, охирги ракъатда ҳам шундай қилдилар, сўнг икки елкаларига салом бердилар. Шунда Қуёш барқ уриб турар эрди. Одамларга хутба қилдилар, хутбада Қуёш ва Ой тутилиши хусусида сўзлаб, уларнинг Оллоҳ таоло оятларидан икки оят эрканлигини, улар бирор кишининг ўлими ёки ҳаёти эрканлиги туфайли тутилмаслигини уқтирдилар-да, сўнш «Уларнинг тутилганини кўрсангиз, дарҳол намоз ўқингизлар!» — дедилар».

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қуёш ва Ой бирор кишининг ўлими ёки ҳаёт эрканлиги сабабли тутилмайди, аммо улар Оллоҳ таолонинг оятларидан икки оятдур. Агар уларни тутилганини кўрсангиз, намоз ўқингизлар!» — дедилар».

4-боб. Оллоҳ таолонинг «Ва улдур ул зотийки, юборибдур шамолларни (оби) раҳматидин аввал башоратчи қилиб» деган қавли хусусида («Ал-Фурқон» сураси 48-оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен сабо (шарқдан эсадирга шамол) бирлан ғолиб қилиндим ва Од қавми дабур (ғарбдан эсадирган шамол) бирлан ҳалок қилинди», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай деб хабар қиладилар. «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам осмонда бирор аломат (булут) кўрсалар, (хавотир олиб) дам олдинга ва дам кетинга юрар, ҳадеб ичкарига кириб чиқаверар эрдилар. Агар ёмгир ёға бошласа, кўнгиллари тинчир эрди».

Оиша онамиз ул зотдан бунинг боисини суриштирганларида Жаноб Расулulloҳ: «Вақтики улар кўрдилар ул азобники булут суратида уларнинг водийлари томон келур...» («Ал-Аҳқоф» сураси, 24-оят) деган ояти каримани қироат қилибдилар.

5-боб. Малоикалар зикри (уларга Оллоҳ таолонинг салавати бўлсин!)

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Салом Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Дарҳақиқат, малоикалардан бўлмиш Жаброил алайҳиссалом яҳудийларнинг душманидурлар», — дедилар. Ибн Аббос эрсалар: «Фаришталар: «Дарҳақиқат, бизлар (Оллоҳ таолонинг амрига ҳозир ҳолда) саф тортиб тургувчилардурмиз, деб айтганлар»,— дедилар».

Молик ибн Саъсаъа ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир маҳал мен Байтуллоҳ ёнида уйқу бўлиб уйқумас, уйғоқ бўлиб уйғоқмас ҳолда етган эрдим, Ҳазрат Жаброил икки ёнларида икки фаришта бирлан келдилар. Фаришталардан бири ҳикмату иймонга лиммо-лим бир олтин жомни келтирди. Ҳазрат Жаброил курагимни томоғимнинг пастидан то меъдамгача ёриб, ичини замзам суви бирлан ювдилар. Сўнг, уни ҳикмату иймон бирлан тўлдирдилар. Кейин, хачирдан кичик, эшақдан каттароқ «Буроқ» деб аталмиш бир оқ улов келтирилди. (Уни миниб) Ҳазрат Жаброил бирлан энг яқин осмонга чиқдим. (Ул ерда): «Ким бул?» — деб сўралди. Ҳазрат Жаброил: «Бул менман», — дедилар. «Ёнингдаги ким?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Бул Муҳаммаддур», — дедилар. «Бул кимсани Оллоҳ таоло ҳузурига чорлаб эрдими?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. Шунда: «Марҳабо, қадамларига ҳасанот!» — дейилди. Кейин, мен Одам алайҳиссаломнинг қошларига бориб салом бердим. Ул киши: «Марҳабо, эй фарзанд (ўғил), эй пайғамбар!» — дедилар. Сўнг, биз иккинчи осмонга чиқдик. Ул ерда (ҳам): «Ким бул?» — деб сўралди. Жаброил алайҳиссалом: «Бул менман», — дедилар. «Ёнингдаги ким?» — дейилди. Жаброил алайҳиссалом: «Бул Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламдур», — дедилар. «Бул кишини Оллоҳ таоло ҳузурига чорлаб эрдими?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. «Марҳабо, қадамларига ҳасанот!» — дейилди. Кейин, мен Исо ва Яҳё алайҳиссалом қошларига бордим. Иккаларини ҳам: «Марҳабо, эй биродар, эй пайғамбар!» — дейишди. Шундан кейин, биз учинчи осмонга чиқдик. Ул ерда ҳам: «Ким бул?» — деб сўралди. Ҳазрат Жаброил: «Бул менман», — дедилар. «Ёнингдаги ким?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Бул Муҳаммаддур», —

дедилар. «Бул кишини Оллоҳ таоло ҳузурига чорлаб эрдими?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. «Марҳабо, қадамларига ҳасанот!» — дейилди. Сўнг, мен Юсуф алайҳиссаломнинг қошларига бориб салом бердим. Ул киши: «Марҳабо, эй биродар, эй пайғамбар!» — дедилар. Кейин, биз туртинчи осмонга чиқдик. Ул ерда (ҳам): «Ким бул?» — деб сўралди. Ҳазрат Жаброил: «Бул менман», — дедилар. «Ёнингдаги ким?!» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Бул Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдур», — дедилар. «Бул кишини Оллоҳ таоло ҳузурига чорлаган эрдими?» — дейилди. Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа», — дедилар. «Марҳабо, қадамларига ҳасанот!» — дейилди. Сўнг, мен Идрис алайҳиссаломнинг қошларига бориб салом бердим. Ул киши: «Марҳабо, эй биродар, эй пайғамбар!» — дедилар. Кейин, биз бешинчи осмонга чиқдик. Ул ерда (ҳам): «Ким бул?» — деб сўралди. Жаброил алайҳиссалом: «Бул менман», — дедилар. «Ёнингдаги ким?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Бул Муҳаммаддур», — дедилар. «Бул кишини Оллоҳ таоло ҳузурига чорлаган эрдими?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. «Марҳабо, қадамларига ҳасанот!» — дейилди. Сўнг, биз Ҳорун алайҳиссаломнинг қошларига бордик, мен ул кишига салом бериб эрдим, «Марҳабо, эй биродар, эй пайғамбар!» — деб жавоб қилдилар. Кейин, биз олтинчи осмонга чиқдик. Ул ерда ҳам: «Ким бул?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Бул менман», — дедилар. «Ёнингдаги ким?» — дейилди. Жаброил алайҳиссалом: «Бул Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдур», — дедилар. «Бул кишини Оллоҳ таоло ҳузурига чорлаб эрдими?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. «Марҳабо, қадамларига ҳасанот!» — дейилди. Кейин, мен Мусо алайҳиссаломнинг қошларига бориб, салом бердим. Ул киши: «Марҳабо, эй биродар, эй пайғамбар!» — дедилар. Сўнг, `нларидан ўтиб кетаётганимда йиғлаб юбордилар. Шунда: «Сизни йиғлатган недур?» — дейилди. Ул киши: «Ё парвардигоро, мендан кейин пайғамбар қилиб юборилган бул йигитчанинг жаннатга кирадирган умматлари менинг жаннатга кирадирган умматларимдан (кўпдур)» — дедилар. Сўнг, биз еттинчи осмонга чиқдик. Ул ерда (ҳам): «Ким бул?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Бул менман», — дедилар. «Ёнингдаги ким?» — дейилди. Жаброил алайҳиссалом: «Бул Муҳаммаддур», — дедилар. «Бул кишини Оллоҳ таоло ҳузурига чорлаган эрдими?» — дейилди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. «Марҳабо, қадамларига ҳасанот!» — дейилди. Ксйин, мен Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига бориб салом бердим. Ул киши: «Марҳабо, эй фарзанд (ўғил), эй пайғамбар!» — дедилар. Сўнг, менга «Ал-Байт ул-маъмур» кўрсатилди. Мен. «Бу қандай уй?» — деб Ҳазрат Жаброилдан сўрадим. Ҳазрат Жаброил: «Бул Ал-Байт ул-маъмур бўлиб, ҳар куни унда етмиш минг фаришта намоз ўқиғай, агар улар чиқсалар, унга бошқа қайтиб киролмаслар (чунки, фаришталар шунчалик кўпки, ул срга яна кириб намоз ўқимоққа уларга бошқа навбат тегмас)», — дедилар. Ксйин, менга «Сидрат ул-мунтаҳо» («Сўнгги, еттинчи осмондаги нилуфар дарахти») кўрсатилди. Қарасам, унинг мевалари Ҳажар кўзасидек ва барглари фил қулоқларидек, унинг тагида эрса, тўрт дарё оқиб турибди. Улардан иккитаси яширин ва иккитаси зоҳир эрди. Мен Ҳазрат Жаброилдан: «Булар қандай дарёлар?» — деб сўрадим. Жаброил алайҳиссалом: «Икки яширин дарё хусусига келсак, улар жаннатдадур, зоҳир икки дарё эрса Нил ва Фурот дарёларидур», — дедилар. Кейин, менга эллик вақт намоз фарз қилинди. Мен ортимга қайтиб, Мусо алайҳиссалом қошларига етиб келдим. Ул киши: «Раббингиз неларни амр қилди?» — дедилар. «Менга эллик вақт намоз фарз қилинди», — дедим. Ул киши: «Мен одамларни сиздан кўра яхшироқ билурман, Бану Исроилни Оллоҳ таолонинг ҳукмларига итоат эттирмоқ учун бениҳоят кўп уриндим. Дарҳақиқат, умматингиз эллик вақт намозга бардош беролмағай, раббингизнинг ҳузурига (қайтиб, бир оз камайтирмоғини сўрангиз!)» — дедилар. Мен раббимнинг ҳузурига қайтиб бориб, (эллик вақт намозни) камайтирмоғини сўрадим. Раббим қирқ вақт намозни фарз қилди. Кейин, мен шул тариқа раббимнинг ҳузурига қайта-қайта илтимос қилиб боравердим, раббим ўттиз, кейин йигирма, сўнг ўн вақт намозни фарз қилди. Шундан сўнг, Мусо алайҳиссаломнинг қошларига қайтдим, ул киши мени аввалгидек раббимнинг ҳузурига қайтардилар. Шунда раббим беш рақт намозни фарз қилди. Кейин, мен Мусо

алайҳиссаломнинг қошларига бордим, ул киши менга: «Не қилдингиз?» — дедилар. Мен: «Беш вақт намозни фарз қилди», — дедим. Шунда ул киши яна қайтиб бормоғим лозимлигини айтдилар. Мен: «Раббимдан истиҳола қилурман, сўнги марта ҳузурига борганимда: «Дарҳақиқат, мен фарзимга имзо қўйдим (уни энди камайтирмасман), бандаларимга енгиллик туғдириб бердим», — деб нидо қилинди. Раббим, ҳар гал фарзини камайтирмоғини сўраб борганимда, ўнтадан камайтириб бандаларига марҳамат қилди», — дедим».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ҳар қайсингизнинг вужудингиз онангиз қорнида қирқ кунда таркиб топгай, сўнг яна шунча кунда лахта қонга ва яна шунча кунда бир парча этга айлангай. Кейин, Оллоҳ таоло (онангиз қорнига) бир фариштани юбориб, унга тўрт сўзни, яъни қандай ишлар қилмоғингизни, ризқингизни, умрингизни ва бахтсиз ёким бахтли эканлигингизни ёзиб қўймоқни амр қилгай. Сўнг, жисмингизга руҳ пудалгай. Сизлардан қайсинингиздир ўзи бирлан жаннат ўртасида бир тирсак масофа қолгунча амали солиҳлар қилиб юргай-да, пировардида (онаси қорнида битилган) тақдири унга пешвоз чиқиб, жаҳаннам аҳлига мансуб бир ишни қилиб қўйгай ва сизлардан қайсинингиздир ўзи бирлан жаҳаннам ўртасида бир тирсак масофа қолгунча дўзахийларга хос ишларни қилиб юргай-да, пировардида (онаси қорнида битилган) тақдири унга пешвоз чиқиб, жаннат аҳлига мансуб бир иш қилгай».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Агар Оллоҳ таоло бирор бандасини севиб қолса, Ҳазрат Жаброилга: «Дарҳақиқат Оллоҳ таоло фалон бандасини севиб қолди, сен ҳам уни севгил!» — деб нидо қилгай. Шунда Жаброил алайҳиссалом уни севиб қолгайлар-да, осмон аҳлига: «Дарҳақиқат Оллоҳ таоло фалон бандасини севиб қолди, сизлар ҳам уни севингизлар!» — деб нидо қилгайлар. Шунда осмон аҳли ҳам ўшал бандани севиб қолгай. Ана шундан сўнгина ердагилар (одамлар) қалбида унга нисбатан муҳаббат пайдо бўлгай».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитдим: «Дарҳақиқат фаришталар булутларга қўниб олишиб, осмонда ҳукм қилинган ишларни эслаб ўзаро суҳбатлашишгай. Шунда шайтонлар (жинлар) ўғринча қулоқ солишиб, уларнинг гапини эшитиб олишгай-да, унга ўзларидан юз турли ёлғон-яшиқ гапларни қўшишиб коҳинларга етказишгай».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар жумъа куни бўлса фаришталар масжиднинг ҳар бир эшиги олдида туриб олишиб, масжидга келаётганларни бирин-кетин руйхатга олишгай. Имом бориб жойига ўлтиргач эрса, дафтарларини ёпишгай-да, намозхонларга яқин бориб Оллоҳ таолонинг зикрига (хутбага) қулоқ солишгай», — дедилар».

Саъид ибн ал-Мусайяб ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар масжидга кирганларида (шоир) Ҳассон Оллоҳ таолога илтижо қилиб ўлтирган эрди. Шунда у: «Мен сиздан яхшироқ кишига (яъни, Жаноб Расулulloҳга) Оллоҳ таолодан фалон ва фалон нарсаларни тилаб илтижо қилаётган эрдим», — деди. Сўнг, Абу Ҳурайрага ўгирилиб: «Худо ҳақи, сиздан ўтиниб сўрайман, сиз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг менга: «Ё парвардигоро, Жаноб Расулulloҳга Жаброил алайҳиссалом бирлан кўмак бергил!» деб (менинг хусусимда) илтижо қилгил!» — деганларини эшитганмисиз?» — деди. Абу Ҳурайра: «Ҳа», — дедилар».

Баро разияллоҳу айҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ҳассонга: «Уларни (кофирларни) ҳажв қил, Ҳазрат Жаброил сенга мададкордурлар!» —

дедилар».

Хумайд ибн Хилол ривоят қиладилар: «Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Мен Бану Фанам қабиласи йўлида кўтарилган чангни ҳозир ҳам кўриб тургандекман», — дедилар. Мусо: «Бу Жаброил атайҳиссаломнинг (фаришталардан иборат) чавандоз лашкарлари эрди» — деб кўшимча қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ал-Ҳарс ибн Ҳишом Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Сизга ваҳий қай тариқа келгай?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Менга барча ваҳийни фаришта олиб келур, у баъзан қўнғироқ жаранги янглиғ келиб, унинг айтганларини онгимга жо қилиб олганимдан сўнг мени тарк этгай. У шул тариқа ваҳий келтирганида менга ниҳоятда қийин бўлгай. Баъзан у одам қиёфасида кўриниб менга сўзлагай ва мен унинг айтганларини онгимга жо қилиб олгайман», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло йўлида нима бўлса ҳам бир жуфтдан эҳсон қилган кишини жаннат хазиначиси «Тезда бери кел!» деб ҳузурига чорлагай» деганларини эшитдим. Шунда Абу Бакр: «Мен ўшандай (жаннат хазиначиси чорлайдирган) киши бўлмоққа интилгум!» — , дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен (ҳам) сизнинг ўшандай кишилардан бири бўлмоғингизни истайман!» — дедилар».

Абу Салама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизга: «Эй Оиша, Ҳазрат Жаброил сенга салом айтяптилар», — дедилар. Оиша онамиз: «Ул кишига ҳам салом ва Оллоҳ таолонинг раҳмати ва баракоти бўлсин! Сиз (Жаноб Расулуллоҳ) мен кўра олмайдирган нарсани кўрурсиз», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил алайҳиссаломга: «Бизнинг ҳузуримизга бундан зиёдроқ келиб турсангиз бўлмайдими?!» — дедилар. Ҳазрат Жаброил: «Бундан илгари ҳам фақат Оллоҳ таолонинг амри бирлан ҳузурингизга тушганман ва бундан кейин ҳам унинг амри бирлангина ҳузурингизга тушгаймиз, бизнинг келгуси ва собиқ барча ишларимиз унинг иродасига боғлиқдир!» — деб жавоб қилдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаброил алайҳиссалом Қуръонни менга бир товушда ўқитдилар, мен кўпроқ трвушларда ўқитмоқларини илтимос қилаверганимдан сўнг, ул киши уни етти товушга (ҳарфга) етказдилар» — деб айтдилар Жаноб Расулуллоҳ».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг (ўта) саховатли киши эрдилар, ул зотнинг саховатлари, айниқса, рамазон ойида Ҳазрат Жаброил ҳузурларига келганда бениҳоят ортиб кетар эрди. Жаброил алайҳиссалом рамазон ойида ҳар кеча ул зотнинг ҳузурларига келиб Қуръон ўргатар эрдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳазрат Жаброил ҳузурларига келган кезлардаги саховатлари бўрондан ҳам тезроқ эрди».

Абу Ҳурайра ва Фотима разияллоҳу анҳумо ривоят қилишадики, Жаброил алайҳиссалом Жаноб Расулуллоҳни Қуръондан имтиҳон қилур эрканлар.

Ибн Шихоб ривоят қиладилар: «Умар ибн Абдулазиз аср намозини бир оз кечиктирди. Шунда Урва ул кишига: «Аммо, Ҳазрат Жаброил осмондан тушиб Жаноб Расулуллоҳнинг

олдиларида намоз ўқиганлар», — деди. Умар ибн Абдулазиз: «Нима демоқчи бўлганингни билиб турибман, эй Урва!» — деди. Урва бундай деб жавоб қилди: «Мен бул хусусда Бушайр ибн Абу Масъуд бирлан Абу Масъуддан ва ҳатто Жаноб Расулulloҳнинг ўзларидан эшитганман, ул зот бундай дегандилар: «Жаброил алайҳиссалом осмондан ҳузуримга тушиб, мени ўрнимдан тургиздилар. Кейин, мен ул киши бирлан намоз ўқидим, сўнг бирга (яна) намоз ўқидим, сўнг бирга (яна) намоз ўқидим, сўнг бирга (яна) намоз ўқидим, сўнг бирга (яна) намоз ўқидим». Урва юқоридаги гапларни айтаётиб бармоқлари бирлан беш (вақт) намозни санади».

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Жаброил алайҳиссалом менга: «Умматларингиздан кимки Оллоҳ таолога заррача ширк келтирмай вафот этса, жаннатга киргай (ёки дўзахга сира кирмагай)», — дедилар. Шунда мен: «Зино қилган бўлса-чи, ўғрилик қилган бўлса-чи?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Шундай қилган бўлса ҳам», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Фаришталар тунда ҳам, кундузи ҳам ўрин алмашиб навбатчилик қилгайлар. Кейин, улар бомдод ва аср намозида тўпланишгай. Сўнг, тунда сизларнинг орангизда бўлган фаришталар Оллоҳ таолонинг ҳузурига чиқишгай. Оллоҳ таоло, ўзи яхши билса-да, улардан: «Бандаларимни қай ҳолда тарк этдингизлар?» — деб сўрагай. Фаришталар: «Қайтиб келаётганимизда ҳам, борганимизда ҳам улар намоз ўқиётган эрдилар», — дейишгай».

6-боб. Қайсинингиздир «омин» десангиз-у, осмонда фаришталар ҳам «омин» десалар ва сиз бирлан уларнинг «омини» айнан бир вақтга мувофиқ келиб қолса, Оллоҳ таоло собиқ гуноҳларингизни мағфират қилгай!

Оиша разияллоҳу анҳо бундай деб хабар қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга атаб гиламга ўхшаш суратлари бор бир ёстиқ тикдим. Ўшал куни ул зот кўчалан келиб (ичкарига кирмай) уй остонасида тўхтаб қолдилар, (ғазабдан) юзлари ўзгариб кетди. Буни кўриб мен: «Ё Расулаллоҳ, биз (аёллар) не гуноҳ қилиб қўйдик?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Мана бул ёстиқ бул ерда не қилиб турибдур?» — дедилар».

Шунда Оиша онамиз: «(Бошингизга қўйиб) ётмоғингиз учун тикиб эрдим» — деб жавоб қилибдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ахир, сен фаришталарнинг сурат бор уйга кирмасликларини ҳамда сурат чизган кишига Қиёмат куни азоб берилишини ва бундайларга: «Ўзингиз яратган нарсага жон ато этингиз!» — деб амр қилинишини билмасми эрдинг?!» — дебдилар.

Абу Талҳа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Фаришталар ит ва сурат бор уйга кирмагайлар» — деб айтганларини эшитдим».

Зайд ибн Холид Буср ибн Саъид бирлан Убайдуллоҳ ал-Хавалонийга: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фаришталар сурат бор уйга кирмагайлар» — деб айтдилар», — дебдилар.

Буср разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «(Бир куни) Зайд бетоб бўлиб қолиб, биз уни кургани бордик. Уйда ўлтирганимизда суратли (чизиқли) парда осиглиқ эрканлигига кўзимиз тушди. Шунда мен Убайдуллоҳ ал-Хавалонийга: «Зайд бизга суратлар хусусида гапирмаганмиди?!» — дедим. Убайдуллоҳ: «Сен унинг матода (чизиқдан) бўлак сурат бўлмаслиги лозимлигини айтганини эшитмаганми эрдинг?» — деди. Мен: «Йўқ», — дедим. Убайдуллоҳ: «Ҳа, у шундай деб эслатганди», — деди».

Солимнинг оталари бундай деб хабар берадилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом бирлан учрашдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом: «Биз (фаришталар) сурат ва ит бор уйга кирмагаймиз!, — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Имом: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» — деганида, сизлар: «Оллоҳумма раббано лакал-ҳамд» — деб айтингизлар! Шунда кимнинг сўзи малоикалар сўзига мувофиқ келиб қолса, Оллоҳ таоло унинг собиқ гуноҳларини мағфират қилгай», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз намозда бўлсангиз, намоз бирлан машғул бўлиб турганингизда фаришталар: «Ё парвардигоро, намозини тугатмасидан бурун уни мағфират қилгайсан ва унга раҳм этгайсан!» - деб тургайлар», — дедилар».

Сафвон ибн Яълонинг оталари ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб: «Ва фарёд қилурларки, эй Молик...» — дея қироат қилаётганларини эшитдим». («Аз-Зухруф» сураси, 77-оят, «Молик» — жаҳаннам фаришталари сардорининг номи).

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари — Оиша онамиз ул зотга: «Бошингизга Уҳуд кунидан оғирроқ кун тушганми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ бундай деб жавоб қилдилар: «Қавминг менга кўп кулфатлар келтирган бўлиб, Ақаба куни улар менга келтирган кулфат энг оғир кулфат бўлган. Ўшанда мен Ибн Абд Ёлил ибн Абд Калолга учраган ва у мен истаган нарсага мутлақо кўнмаган эрди. Кейин, мен хавотирлик бирлан хаёлга чўмган ҳолда йўлимда давом этган ва Қарнусаъолиб деган жойга ётганимдагина ўзимга келган эрдим. Бир маҳал бошимни кутариб қарасам, булут остида турибман-у, у менга соя солиб турибди. Тикилиб қараб, булут ичра Ҳазрат Жаброил алайҳиссаломга кўзим тушди. Ул киши менга нидо қилиб: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло қавмингизнинг сизга не деганини ва сизга не деб эътироз билдирганини эшитди. У сизнинг ҳузурингизга тоғлар фариштасини юбордики, қавмингизга нисбатан ўзингиз истаган чорани кўрмоқликни унга амр қилгайсиз», — дедилар. Сўнг, тоғлар фариштаси менга нидо қилиб салом берди-да: «Эй Муҳаммад алайҳиссалом, мен сизнинг хоҳишингизни билмоқчидурмен, не чора кўрмоқни истасангиз, дарҳол ул ярамасларга нисбатан қўллагимди!» — деди. Мен унга: «Мен истардимки, Оллоҳ таоло уларнинг пушти камаридан Оллоҳ таолога заррача ширк келтирмай, унинг ёлғиз ўзигагина ибодат қиладирган фарзандларни дунёга келтирса!» — дедим».

Абу Исҳоқ аш-Шайбоний ривоят қиладилар: «Мен Зарр ибн Ҳубайшдан Оллоҳ таолонинг «Кейин, (Жаброил алайҳиссалом) икки камон қадар ё ундан ҳам яқинроқ бир ерда тўхтади-да, Оллоҳ таоло бандасига (Муҳаммад алайҳиссаломга) туширган ваҳийни келтирди» деган қавли («Ан-Нажм» сураси, 9— 10-оятлар) хусусида сўрадим. Шунда Ибн Масъуд бизга: «Ул зот Ҳазрат Жаброилнинг олти юзта қанотлари борлигини кўрганлар», — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу Оллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, (Муҳаммад алайҳиссалом) парвардигорининг буюк нишонларидан бирини (яъни, Оллоҳ таолонинг буюк қудрат соҳиби эканлигини кўрсатувчи далиллардан бирини) кўрди» («Ан-Нажм» сураси, 18-оят) деган қавли хусусида сўзлаб: «Жаноб Расулulloҳ Жаброил алайҳиссаломнинг осмон уфқини тўсиб турган яшил қанотларини кўрганлар», — дедилар.

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дедилар: «Кимки: «Жаноб Расулulloҳ парвардигорларини кўрганлар» — деб айтса, лоф урган бўлур. Аммо, ул зот Ҳазрат Жаброилнинг асл қиёфаларини кўрганлар. Ҳазрат Жаброилнинг гавдалари уфқни ул четидан бул четига қадар тўсиб турган эркан».

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен Оиша разияллоҳу анҳога: «Оллоҳ таолонинг «Сўнг, у яқинлашиб пастлади, кейин икки камон қадар ё ундан ҳам яқинроқ бир ерда тўхтади-да...» деган оятлари мазмуни қандай?» — дедим. Оиша онамиз: «Бул ўшал Ҳазрат Жаброил бўлиб, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига одам (эркак) қиёфасида келиб турар эрдилар. Бу гал эрса Ҳазрат Жаброил ўз қиёфаларида келдиларки, гавдалари уфқни (бугунлай) тўсиб турган эрди», — дедилар».

Сумра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен тунда ҳузуримга икки кишининг келганини кўрдим. Улар (мени ҳўб сайр қилдиришгач): «Бояги ўт ёқаётган киши Молик бўлиб, жаҳаннам хазиначисидур, мен эрсам Жаброилман, бу эрса Микоилдир», — дейишди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар киши ўз хотинини тўшагига чорласа-ю, у бош тортиб келмаса ва эр туни бирлан ундан ғазабланиб чиқса, малоикалар ул хотинни тонгга қадар лаънатлашгай».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, ул киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган эрканлар: «Кейин, бирмунча вақт менга ваҳий келмай кўйди. Бир маҳал мен (кўчада) юриб кетаётган эрдим, ногаҳон осмондан келаётган бир овозни эшитиб қолдим. Шунда нигоҳимни осмонга қаратиб эрдим, Ҳироъ ғорида ҳузуримга келган фариштанинг осмон бирлан ер оралиғида курсида ўлтирганини кўрдим. Ундан кўрққанимдан ҳатто ерга йиқилиб тушдим, сўнг оиламга бориб: «Мени ўраб (яшириб) қўйингизлар, мени ўраб қўйингизлар!» — дедим. Шунда Оллоҳ таоло «Эй бурканиб олган бандам, ўрнингиздан турингиз-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳдантирингиз! Ёлғиз парвардигорингизни улуғлангиз, либосларингизни пок тутингиз, бутлардан йироқ бўлингиз!» деган ояти карималарини нозил қилди» («Муддассир» сураси, 1—5-оятлар).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен Исроъ кечаси Мусо алайҳиссаломни кўрдим, ул киши қорачадан келган, баланд бўйли ва сочлари жингалак киши эрканлар, гўёким Шинваъа кишиларига ўхшайдилар. Кейин, Исо алайҳиссаломни ҳам кўрдим, ул киши ўрта бўйли, қизғиш-оқиш юзли ва сочлари силлиқ киши эрканлар. Сўнг, мен Моликни — жаҳаннам хазиначисини ҳамда Дажжолни ҳам кўрдим. Дажжол Оллоҳ таоло (Қуръонда) айтган белгиларга эга эркан. Зинҳор сен у бирлан учрашмоғингга шубҳаланма!».

Анас ва Абу Бакр разияллоҳу анҳумо ривоят қилишадики, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фаришталар Мадинани Дажжолдан қўриқлаб тургайлар» — деб айтибдилар.

7-боб. Жаннат тавсифи ва унинг махлуқ эканлиги ҳақидаги ҳадислар

Абулолия бундай дейдилар: «(«Бақара» сурасининг 25-оятдаги) «мутаҳҳаратун» сўзи жаннатдаги аёлларнинг ҳайз, пешоб (нажосат), тупук каби ифлосликлардан пок бўлишларини англатур. (Шу оятдаги) «кулламо рузиқуу» ибораси — «ҳар гал жаннат аҳли жаннат меваларидан баҳраманд қилинганларида уларга Оллоҳ таолонинг қудрати бениҳоят эрканлиги

намоён бўлгай» деган маънодадир. (Ва яна шу оятдаги) «Қолуу ҳозаллазий рузиқно мин қаблу» — «Дегайлар: «Бу бизга бундан илгари ҳам ато этилган эрди-ку!», «ва утуу биҳи муташибихан» — «ва берилур уларга бир-бирига ўхшаш (аммо таъми мутлақо ўзгача) мевалар» деган маънодадир. («Даҳр» сурасининг 14-оятдаги) «қутууфуҳо — «ўзлари хоҳлаганча (меваларни) узиб оладилар», «дониятан» — «яқин бўлур» ҳамда (13-оятдаги) «ал-ароик» — «сурилар» деганидур».

Ҳасан разияллоҳу анҳу: «(«Ад-Даҳр» сурасининг 11-оятдаги) «назратан ва сурууран» «юзларига нур ва дилларига сурур (ато этди)» деган маънода», — дейдилар.

Мужоҳидразияллоҳу анҳу: «(«Ад-Даҳр» сурасининг 18-оятдаги) «салсабийлан» — «тезоқар чашма», («Ас-Соффот» сурасининг 47-оятдаги) «ғавлун» — «қорин оғриғи» ва «(ва ло ҳум анҳо) йунзафууна» — «(ва на улар ундан) ақлдан озадилар» (яъни, «ва на маст буладилар») деган мазмундадир», — дейдилар. (Аммо, «ғавлун» сузи «бош оғриғи» деб таржима қилинади, чунки Оллоҳ таоло бошқа бир оятда: «ло йўсаддаъууна анҳо» — «ундан бошлари оғримайди», — дейди).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «(«Ан-Нозиъот» сурасининг 34-оятдаги) «диҳоқан» — «лимма-лим, тўла» дегани, (шу суранинг 33-оятдаги) «кавоъиб» — «камолга етган тенгқур қизлар» маъносида, («Мухаммад» сурасининг 15-оятдаги) «хамр» — («Мутаффифуун» сурасининг 27-оятдаги) «таснийм» бўлиб, ул жаннатдаги бир чашмадурки, ундан фақат муқарраб бандаларгина ичурлар, у бу дунёдаги ҳаром ичимликлар сингари аччиқ, маст қилгувчи ва бош оғритгувчи эмасдур. (Ана шул суранинг 26-оятдаги) «хитомуҳу» — «муҳри» деган маънода, яъни таснийм суви аралаштирилган май сақланувчи махсус идиш оғзидаги мушқдан қилинган муҳр назарда тутилган. «Наззохатони» («Ар-Раҳмон» сураси, 66-оят) — «икки қайнар (булоқ)» демақдур, «ал-мавзуунату» («Ал-Воқиъа» сураси, 15-оят) — «зар (олтин)дан туқилган (тахтлар)» дегани, (шу суранинг 18-оятдаги) «аквоб» — «жўмраксиз ва дастасиз идишлар» ҳамда «аборийқ» — «жумракли ва дастали идишлар», (шу суранинг 37-оятдаги) «уруб» кўпликда бўлиб, бирлиги «арууб»дур. Маъноси — «ноз-карашмали, ишвали қиз». Макка аҳли бундай қизни «урба», Мадина аҳли — «гунжа», Ироқ аҳли — «шакла» деб аташади».

Мужоҳид бундай дейдилар: «(Ал-Воқиъа» сурасининг 89-оятдаги) «равҳ» — «жаннат, роҳат-фароғат», «райҳон» — «ризқ», (29-оятдаги) «манзууд» — «қатор тизилган», (28-оятдаги) «махзууд» — «юки кўп, ҳосили кўп» дегани бўлиб, «махзууд»нинг «тикансиз» деган маъноси ҳам мавжуд. (37-оятдаги) «уруб» «жуфтлари учун севимли, эҳтиросли қизлар», (31-оятдаги) «маскууб» — «оқар, оқиб турган», (34-оятдаги) «фуруш марфууъа» — «устма-уст, қалин қилиб тушалган кўрпачалар», (25-оятдаги) «лағван» — «беҳуда» ва «таъсийман» — «гуноҳовар, ёлғон-яшиқ» деган маънодадур. («Ар-Раҳмон» сурасининг 48-оятдаги) «афнон» — «шоҳлар», (54-оятдаги) «ва жанол-жаннатаяни донин» — «ҳар иккала жаннат(даги дарахтларнинг) мевалари шундайгина қўл узатса етадирган масофада», (64-оятдаги) «мудҳомматони» — «дов-дарахт, ўт-ўланларининг кўплиги ва серсувлигидан қорамтир (кўринур)» деганидур».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар сизлардан бирор кимса ўлса, (қабрда) унга эртами-кечми борадирган жойи кўрсатилади, агар у жаннат аҳлидан бўлса, жаннат аҳлидан ва агар дўзах аҳлидан бўлса, дўзах аҳлидан бири бўлади», — дедилар (яъни, жаннат аҳлидан бўлса, жаннатдаги ва агар дўзах аҳлидан бўлса, дўзахдаги жойи кўрсатиб қўйилади)».

Имрон ибн Хусайн бундай деб хабар қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир пайт ўзимни жаннатда кўрдим, қарасам унинг аҳлининг кўпчилиги фақирлар (камбағаллар) эркан. Кейин, дўзахда ҳам бўлдим, қарасам унинг аҳлининг кўпчилиги аёллар эркан», — дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирганимизда, ул зот: «Бир маҳал ухлаб ётган эрдим, туш кўрдим. Тушимда жаннатда турган эмишман. Шунда бир қаср ёнида ювиниб-тараниб турган бир аёлга кўзим тушди. Мен одамлардан: «Бу кимнинг қасри?» — деб сўрадим. Улар: «Умар ибн ал-Хаттобники», — дейишди. Буни эшитиб, Умарнинг рашкли эркани ёдимга тушди-да, ортимга қайтиб кетдим», — дедилар. Ҳазрат Умар йиғлаб юбордилар-да: «Наҳотки сиздан рашк қилсам, ё Расулаллоҳ!» — дедилар».

Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Ашъарий оталаридан бундай деб эшитган эрканлар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Жаннатда улкан) ичи ғовак дурдан қилинган, ўттиз мил баландликда кўкка бўй чўзган бир чодир бўлиб, унинг ҳар бир бурчида ҳар бир мўмин учун алоҳида аёллар (хурлар) асраб қўйилгандур, уларни бошқалар кўра олмаслар», — дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «(Жаннатда) солиҳ бандаларим учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон кўнглига келмаган неъматларни ҳозирлаб қуйганман», — дейди, агар истасангизлар, Оллоҳ таолонинг «Улар учун кўзларни қувонтирадирган қандай неъматлар асраб қўйилганини ҳеч жон билмас» («Ас-Сажда» сураси, 17-оят) деган қавлини ўқингизлар!».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳухабар қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтибдилар: «Мўминларнинг дастлабки гуруҳи юзлари тундаги тўлин ой янглиғ балқиган ҳолда жаннатга кириб келадилар, энди улар жаннатда на тупурадилар, на бурун қоқадилар ва на ёзиладилар. Уларнинг жаннатдаги идишлари олтиндан, тароқлари олтину кумушдан, тутатқидонлари тутатқиси хушбўй уд ёғочидан бўлиб, терларидан мушк ҳиди таралиб туради. Жаннатдаги ҳар бир эркакнинг иккитадан ҳур хотини бўлиб, уларнинг болдирлари гўшти ортидан илиги шундайгина кўриниб туради. Азбаройи бахтли эканликларидан жаннатийлар ўртасида ихтилоф ҳам, қалбларида ўзаро нафрат ҳам бўлмади, улар барчалари яқдил бўлиб, Оллоҳ таолога эртаю-кеч тасбиҳ айтадилар». (Синдий: «Маълумки, жаннатдаги ҳар бир эркакка етмиш учта ҳур хотин ато этилур, эҳтимол шулардан иккитасининггина болдирлари юқорида айтилган сифатга эга бўлса керак, яна Оллоҳ таолонинг ўзи яхшироқ билур!» — дейдилар).

Ал-Аъраж Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан нақл қиладиларки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтибдилар: «Мўминларнинг дастлабки гуруҳи юзлари тулин ой монанд балқиган ҳолда жаннатга кириб келадилар, уларнинг босган изларидан энг ёруғ юлдуз шуъласи каби бир шуъла таралиб туради. Барчалари яқдил, ораларида ўзаро ихтилоф ҳам, нафрат ҳам йўқ. Ҳар бир мўминнинг иккитадан ҳур хотини бўлиб, улардан ҳар бирининг болдирлари гўшти ортидан илиги куришиб туради. Барча бениҳоят бахтиёр бўлганидан, эртаю-кеч Оллоҳ таолога тасбиҳ айтади. Улар жаннатда на касал бўладилар, на бурун қоқадилар ва на тупурадилар. Идишлари олтину кумушдан, тароқлари олтиндан, тутатқидонлари тутатқиси хушбўй уд ёғочидан булади».

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматларимдан етмиш минг (ёки етти юз минг) киши жаннатга (бесўроқ) киради, улар юзлари тўлин ойдек балқиган ҳолда ўзаро қўл ушлашиб баб-баробар кириб келишади», — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга сундус (кундал) жубба (енги кенг устки либос) ҳадя қилишди. Жаноб Расулulloҳ (эркакларни) ҳарир либос киймоқдан қайтарган бўлсалар-да, жубба ҳузурларидагиларга ёқиб қолди. Шунда ул зот: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлмиш зот ҳақи, Саъд ибн Муъознинг жаннатдаги рўмолчалари бундан яхшироқдур!» — дедилар».

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир ҳарир либос келтиришди. Ҳузурларида ўлтирган кишилар уни кўриб, чиройи ва майинлигидан таажжуб қилишди. Шунда ул зот: «Саъд ибн Муъознинг жаннатдаги рўмолчалари бундан афзалроқдур!» — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий хабар қиладиларки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир қамчи сиғадиган жаннатдаги жой бу дунё ва ундаги барча нарсалардан яхшироқдур!» — деб айтибдилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатда шундай бир дарахт борки, отлиқ одам юз йилда ҳам унинг соясини кесиб (босиб) ўтолмайди», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг хабар қилишларича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилган эрканлар: «Жаннатда шундай бир дарахт борки, отлиқ одам юз йилда ҳам унинг соясини кесиб ўтолмайди. Агар ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангизлар, Оллоҳ таолонинг «Ва узун соя остида» («Ал-Воқиъа» сураси, 30-оят) деган қавлини уқингизлар. Камонингизнинг бир дона ўқи сиққудек жаннатдаги жой Қуёш чиқиб (ботадирган) нарсадан (яъни, бу дунёдан) яхшироқдур».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Мўминларнинг дастлабки гуруҳи юзлари тўлин ой янглиғ балқиган ҳолда жаннатга кириб келадилар, уларнинг босган изларидан самодаги энг ёруғ юлдуз шуъласи каби бир шуъла таралиб туради. Барчалари яқдил, ораларида ўзаро ихтилоф ҳам, ўзаро ҳасад ҳам йўқ. Ҳар бир мўминнинг иккитадан оқбадан, кўзлари катта хур жуфти булур, уларнинг болдирлари илиги суягу гўшт ортидан шундоққина кўриниб.турур».

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўғилчалари) Иброҳим вафот этганда; «Жаннатда унинг эмизгучиси мавжуддур» — деб айтганлар».

Абу Саъид ал-Хурдий бундай деб хабар қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат аҳли ўз тепаларидаги болохоналар аҳлига уфқ буйлаб машриқдан (ёки мағрибдан) илгарилаб бораётган чароғон юлдузга боққандек боқурлар, бунинг боиси шулки, улар ўртасида афзаллик борасида тафовут мавжуддур» — деб марҳамат қилдилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ўшал (болохоналар) пайғамбарларнинг манзилларими, уларга пайғамбарлардан ўзгалар етиша олмайдими?»— дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўшал болохоналар пайғамбарларники бўлиши билан бирга, жоним қўлида бўлган зот ҳақи, Оллоҳ таолога иймон келтириб, (барча) пайғамбарларга ишонган кишиларники ҳамдур!» — дедилар».

(Демак, болохоналарда пайғамбарлар бирлан бирга фақат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларигина бўлади, чунки ўзга умматлар барча пайғамбарларга иймон кел тирмагандур).

8-боб. Жаннат эшиклари (дарвозалари) тавсифи

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки (нима бўлса ҳам) жуфт садақа қилган бўлса, жаннат дарвозасидан («Эй фалончи!» деб) чақирилгай» — деб айтганлар. Жаноб Расулуллоҳнинг шундай деганлари ҳақида Убода разияллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатда саккизта дарвоза бўлиб, улардан бири «Ар-Раййон» деб аталур. Ул орқали фақат рўза тутганларигина жаннатга киргайлар», — дедилар».

9-боб. Жаҳаннам хусусидаги маълумотлар баёни ва унинг махлуқ эканлиги ҳақида

«Ғассоқан» («Ан-Набаъ» сураси, 25-оятда) — «(жаҳаннамда кофирлар)... йирингнигана (тотурлар)» деган маънода бўлиб, «кўзи йиринглаб хиралашди» ва «жароҳат (яра) йиринглапти» дейилади. Шунда «Ғассоқ» ва «Ғасақ» сўзлари мазмунан бирдек кўринади. «Ғислийн» ҳар қандай нарсани ювганингизда ва жароҳат (яра)дан чиқадирган нарсадир. («Ғислийн» сўзи «Ал-Ҳоққа» сурасининг 36-оятда). («Ғислийн», уламоларнинг айтишларича, жаҳаннам аҳлининг териси, гўшти ва қонидан оқиб чиқадирган йирингдур). Икрима разияллоҳу анҳу: («Ал-Анбиё» сурасининг 98-оятда) «ҳасабу жаҳаннама» (жаҳаннам ўтинлари) ибораси мавжуд бўлиб, у ҳабашча «ҳатаб» («Таббат» сураси, 4-оят) дейилади», — дейдилар. Бошқа бир муфассир: («Ал-Исроъ» сурасининг 68-оятдаги) «ҳосибан» сўзи — майда тошларни учуриб кетгучи «кучли шамол» бўлиб, жаҳаннамда отиладирган «ҳасабу жаҳаннама» (жаҳаннам тошлари) шундан олингандур. Шунингдек «Ҳасаба фил-арзи» — «Ерга тош терди (ётқизди)», яъни «кетди» деб ҳам айтилади. Шундай қилиб, «Ҳасаб» сўзи «ҳасбоъ» (тошлар, шағал, майда тошлар) сўзидан ясалгандур, («Иброҳим» сурасининг 16-оятдаги) «садийд» — «йиринг ва қон», («Ал-Исроъ» сурасининг 97-оятдаги) «кулламо» хабат — «ўчай деганда, сўнай деганда», («Ал-Воқиъа» сурасининг 71-оятдаги) «туурууна» — «ёндиурсизлар» деган маънодадур», — дейдилар.

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда эрдилар, шунда ул зот (муаззин пешинга азон айтмоқчи бўлганда): «Бир оз кутгил, салқин тушсин!» — дедилар. Сўнг, (у яна азон айтмоқчи бўлиб эрди): «Яна бир оз сабр қилиб тургил, токи тепаликлар соя солиб, салқин тушсин!» — деб айтдилар. Кейин, (одамларга юзланиб): «Намозни бир оз салқин тушгунча кечиктирингизлар, чунким ҳавонинг ҳарорати жаҳаннам оғзидан чиқаётгандек жуда иссиқдур», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Сафардалиқ вақтимизда кун қаттиқ исиб кетди), шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўт (олов) ўз парвардигорига: «Ё раббий, бирим иккинчимни еб қўйди!» — деб шикоят қилди. Демак, ўт икки шахсдан иборат бўлиб, бири ёзда ва иккинчиси қишда намоён бўлади, ёздагисини қаттиқ исиб кетганингизда, қишдагисини эса қаттиқ совқотганингизда ҳис қиласиз», — дедилар».

Абу Жамра аз-Забъий ривоят қиладилар: «Мен Маккада Ибн Аббос бирлан бирга (суҳбатлашиб) ўлтирган эрдим, бирдан иситмалаб қолдим, шунда у менга: «Иситмангни замзам

суви бирлан пасайтиргил, чунки Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Иситма жаҳаннам оғзидан чиқадирган ҳарорат янглиғдир, уни сув бирлан пасайтирингизлар!» — деб айтганлар», — деди. («Замзам суви бирлан» деб айтган бўлишлари ҳам мумкин», — дейдилар ровий иккиланиб)».

Рофиъ ибн Хадийж ривоят қиладилар: «Мен Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Иситма жаҳаннам оғзидан чиқадирган ҳарорат кабидир, уни сув бирлан пасайтирингизлар!» — деб айтганларини эшитганман».

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Иситма жаҳаннам оғзидан чиқадирган ҳарорат янглиғдир, уни сув бирлан пасайтирингизлар!» — деб айтганлар».

Ибн Умар разияллоху анху ривоят қиладилар. «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Иситма жаҳаннам оғзидан чиқадирган ҳарорат кабидир, уни сув бирлан пасайтирингизлар!» — деб айтганлар».

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Сизларнинг (бу дунёда ёқадирган барча) ўтларингиз жаҳаннам ўтининг етмиш қисмидан бир қисмидир, холос», — дедилар. Шунда бир киши ул зотга: «Ё Расулаллох, агар ҳақиқатан ҳам кифоя қиладирган бўлса...» (яъни, «Ё Расулаллох, агар жаҳаннам ўтининг қолган олтмиш тўққиз қисми кофирларни куйдириб, фожирларни азоблашга кифоя қиладирган бўлса, унда Оллох таоло унинг бу дунёдаги бир қисмини Қиёмат куни жаҳаннамга қайтармаса керак?») — деди. Жаноб Расулulloх унга жавобан: «Жаҳаннам ўти бу дунёдаги жамики ўтлардан олтмиш тўққиз қисм (баробар) ортиқ (кучли) қилинган бўлиб, улардан ҳар бирининг ҳарорати бу дунёдаги жамики ўтлар ҳароратига тенгдур» — деб айтдилар».

Яъло разияллоху анҳудан нақл қилинадики, ул киши: «Мен Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг минбарда туриб «...ва «Эй Молик!» деб нидо қилдилар» деган сўзларни қироат қилаётганларини эшитдим» — деб айтган эрканлар. («Молик» — жаҳаннам хазиначиси).

Усома разияллоху анху ривоят қиладилар: «Мен Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Қиёмат куни бир киши олиб келиниб, жаҳаннамга ташланади. Ўтда унинг қорни ерилиб, ичак-чавоқлари чиқиб кетади, тегирмон айлантираётган эшак каби гир айланади. Шунда жаҳаннам аҳли унинг тепасида тўпланишиб: «Эй фалончи, нечун бу аҳволга тушиб қолдинг, бизга амри маъруф ва наҳий мункар қилмасмидинг?» — дейишади. У: «(Ҳа), сизларга амри маъруф қилар эрдим-у, аммо ўзим унга амал қилмас эрдим ҳамда сизларга наҳий мункар қилар эрдим-у, лекин ўзим гуноҳовар ишларни қилаверар эрдим», — дейди».

10-боб. Иблис ва унинг лашкари хусусидаги маълумотлар баёни

Оиша разияллоху анҳодан нақл қилинадики, ул муҳтарама бундай деб айтган эрканлар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламни (Бану Зарийқ қабиласига мансуб Лабийд ибн ал-Аъсам исмли бир қоҳин) сеҳрлаб қўйди. Шунда ул зот аёлларига яқинлашмоқчи бўлардилар-у, аммо яқинлаша олмасдилар. (Бу ҳолат бир йил давом этди). Бир куни (менинг ҳузуримда эканликларидан мен бирлан машғул бўлиш ўрнига) Оллох таолога такрор-такрор дуо айтиб илтижо қилдилар, сўнг менга бундай дедилар: «(Эй Оиша), ниҳоят Оллох таоло шифо сўраб қилган илтижомга ижобат қилганлигидан хабардор қилиндим: икки киши (Ҳазрат Жаброил ва

Микоил) келишиб, бирлари (Ҳазрат Жаброил) бош томонига ва иккинчилари (Микоил) оёқ томонига ўлтиришди. Кейин, улардан бирлари иккинчиларига: «Бул кишининг қандай дардлари бор?» — деб айтдилар. Иккинчилари: «Сеҳрлаб қўйилганлар» — деб жавоб қилдилар. «Ким сеҳрлаб қуйган?» — дедилар биринчилари. «Лабийд ибн ал-Аъсам», — дедилар иккинчилари. «Нима бирлан сеҳрлаган?» — дедилар биринчилари. «Тароқ, соч толалари ва хурмо тугунчаси пўстлоғи бирлан», — дедилар иккинчилари. «Ўшал нарсалар қаерда?» — дедилар биринчилари. «(Мадинадаги) Зарвон қудуғида», — дедилар иккинчилари». Сўнг, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам (бир неча саҳобалари бирлан) ўшал қудуққа бордилар. Ул ердан қайтгач, Оишага: «(Бориб қарасам), қудуқ атрофидаги хурмолар мевалари (сеҳр кучидан) шайтонлар боши янглиғ баднамо бўлиб қолибди», — дедилар. Шунда Оиша онамиз: «Сеҳргарни фош қилмоқ ва ундан эҳтиёт бўлмоқ лозимлигини одамларга айтдингизми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, бундай қилмадим, чунки Оллоҳ таоло менга шифо ато этди. Одамларга зарари тегмасин, деб ўшал қудуқни кўмиб ташладим», — дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинадики, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтибдилар: «Қайси бирингиз (намоз ўқимай) ухлаб қолсангиз, шайтон энсангизнинг уч жойига тугун тугиб қўяди. Ҳар бир тугун: «Кеча ҳали узоқ, ётавер!» — деб уйғонмоғингизга йўл қўймайди. Агар сиз (ғафлат уйқусини мағлуб этиб) ўрнингиздан туриб Оллоҳ таолони зикр қилсангиз, ўшал тугунларнинг бири ечилади, кейин таҳорат олсангиз, иккинчиси, сўнг намоз ўқисангиз, учинчиси ҳам ечилади-да, эртасига тетик ва дилингиз хуш бўлиб уйғонурсиз, акс ҳолда эртасига кўнглингиз ғаш ва қулингиз ҳеч ишга бормаيدиган бўлиб қолурсиз».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида (намоз ўқимай) бутун тунни уйқу бирлан ўтказган бир киши хусусида сўзлашди. Шунда ул зот: «Ўшал кишининг қулоқларига (ёки қулоғига) шайтон бавл (пешоб) қилиб қўйгандур», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Агар бирортангиз аёлингизга яқинлик қилмоқчи бўлсангиз, (аввал): «Бисмиллоҳи, ё парвардигоро, бизни шайтондан ва шайтонни сен бизга ато этадирган фарзандимиздан йироқ қилгил!» — деб айтингиз, шунда шайтон бўлажак фарзандингизга зарар етказа олмас».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Намозингизни на Қуёш чиқаётган ва на Қуёш ботаётган вақтга тўфилаб ўқимангиз!» — дедилар. Ул зот: «Агар Қуёш гардиши (уфқдан) чиқса, Қуёш баланд кутарилгунча намоз ўқимай турингиз ва агар Қуёш гардиши (уфққа) ботса, Қуёш бутунлай ботиб булгунча намоз ўқимай турингиз!» — деб ҳам айтдилар». (Чунки, киши Қуёш чиқаётган ва ботаётган вақтларда намоз ўқиса, Оллоҳ таолога эмас, балки шайтонга ибодат қилган бўлиб қолади).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар (намоз ўқиётганингизда) олдингиздан бирор нарса (одам) ўтмоқчи бўлса, уни ортига қайтарингиз, агар қайтмаса, яна қайтарингиз ва агар яна қайтмаса, унда уни ўлдирингиз, чунки у шайтондур», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам рамазон закотини эҳтиётлаб туришни менга топширдилар Шунда бир одам (қошимга) келиб,

закотга берилган нарсалардан ола бошлади. Мен уни ушлаб олдим-да: «Ҳозир сени Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бораман!» — дедим. У менга: «(Агар мени қўйиб юборсанг, сенга бир нарсани ўргатаман), ўрнингга ётганинда «Оят ул-Курсий»ни ўқигил, шунда сени Оллоҳ таоло томонидан юборилган бир қўриқчи (фаришта) доимо ҳимоя қилиб туради, эрталаб ўйғонганига қадар шайтон сенга яқин кела олмайди», — деди. (Кейин, мен уни қўйиб юбордим-да, бўлган воқеани Жаноб Расулulloҳга айтиб бердим). Ул зот: «У сенга тўғри айтибди, аммо ўзи каззоб шайтон эди», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Шайтон қайси бирингизнингдир олдингизга келади-да (яъни, юрагингизга васваса соладида): «Фалон нарсани ким яратган, фалон нарсани ким яратган?» — дейди, ҳаттоки «Раббингни ким яратган?» — деб айтади (яъни, хаёлингизга мазкур саволларни келтиради). Агар (хаёлингизга шундай шайтоний) саволлар келса, дарҳол: «Аъузу биллоҳи минаш-шайтонир-ражийм!» — деб шайтоннинг васвасасидан қутилингиз!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Рагуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар рамазон ойи келса, жаннатнинг барча эшиклари очилиб, дўзахнинг барча эшиклари ёпилур ҳамда шайтонлар занжирбанд қилинур», — дедилар».

Убай ибн Каъб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтгашгарини эшитган эрканлар: «Мусо алайҳиссалом дастёрларига: «Егулигимизни олиб кел!» — дедилар. Шунда дастёрлари: «Кўрдингизми, боя қоя олдида дам олганимизда мен ҳутни (балиқни) унутиб қолдирибман, уни фақат шайтонгина ёдимдан чиқартиргандур!» — деди... лекин Мусо алайҳиссалом Оллоҳ таоло буюрган ерга қадар ҳеч машаққат тортмай етиб борган эрдилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг машриқ томонга ишора қилиб: «Анави ерда, фитна анави ерда, фитна шайтоннинг шохи чиқадирган анави ерда!» — деб айтганларини кўрдим». (Яъни, келажакда фитнанинг шарқ томондан чиқажагини башорат қилдилар).

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар тун қанотларини ёзса, болаларингизни ташқаридан чақириб олиб, уйингизда маҳкам ушлаб ўлтирингиз, уларнинг ташқарига чиқмоқларига йўл қўймангиз, чунки шайтонлар айнан шул вақтда чор атрофга тарқалгайлар. Кейин, хуфтондан бир соат ўтгач, уларни (уй ичига) қўйиб юборингиз-да, «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб эшикни ичкаридан тамбалаб қўйингиз, сўнг «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб чироқларингизни ўчирингиз, кейин «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб мешларингизнинг оғзини боғлангиз ҳамда бўлак идишларингизнинг устини бирор нарса бирлан ёпиб қўйингиз».

Сафиййа разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эътикофда ўлтирган эрдилар, мен тунда ул зотни кўргани бордим. Бирмунча вақт суҳбатлашгач, ўрнимдан турдим-да, кетишга чоғландим. Шунда Жа-ноб Расулulloҳ ҳам туриб, мени ташқарига кузатиб чиқдилар. Эътикофда ўлтирган жойлари Усома ибн Зайднинг хонадони бўлиб, олдимиздан икки ансорий киши ўтиб қолди. Улар Жаноб Расулulloҳни кўриб, қадамларини тезлатишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Шошманглар, бу Сафиййа бинти Ҳуйайдур!» (яъни, «Бу ўзимнинг хотиним, тагин бегона аёл деб ўйламанглар!») — дедилар. Улар: «Субҳоналлоҳ, ё Расулаллоҳ!» (яъни, «Худо асрасин, С Расулаллоҳ!») — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Шайтон инсон қон томирларида юради, шул боисдан ҳам (шайтон) сизларнинг кўнглингизга бирор ёмон гап келтирмадимикан, деб хавотир олдим», — дедилар».

Сулаймон ибн Сурад разиялшху анху ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллатлоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўлтирган эрдим, бир маҳал икки киши ўзаро сўкишиб қолди. Шунда улардан бирининг юзи (азбаройи қаттиқ ғазаблангапидан) қизариб кетиб, бўйин томирлари бўртиб чиқди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен шундай бир сўзни биламанки, ким уни айтса, дарҳол ғзаби босилур», — дедилар (яъни, бу сўз «Аъузу биллоҳи минаш-шайтони» бўлиб, ким уни айтса, ғзаби босилур, чунки ғзаб шайтон васвасаларидан биридур). Одамлар ғзабнок кишига: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки, «Аъузу биллоҳи минаш-шайтони» [«Оллоҳ таоло мени шайтоннинг ёмонлигидан (васвасасидан) ўз паноҳида асрасин!>] деб айтар эмишсан», — дейишди. Ғзабнок киши: «Нима, мен жинни бўлибманми?!» (яъни, «Нима, мен жинни бўлибманмики, «Аъузу биллоҳи минаш-шайтони» деб айтаман?!» — деди, эҳтимол ўшал одам мунофиқлардан ёки жоҳил араблардан бири бўлган бўлса керак).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқидилар, сўнг: «(Намоз ўқийганимда) шайтон намоеън бўлиб, намозимни бузмоқ ниятида менга ҳамла қилди, аммо Оллоҳ таоло уни мағлуб этмоғимга имкон берди..», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар (Ҳаййа алас-салот, ҳаййа алал-фалоҳ») деб намозга чақирилса, (намозхонни васваса қилмоқ ниятида келган) шайтон ортидан қаттиқ ел чиқариб, тумтарақай қочиб қолгай. (Намозга даъват қилгувчи сўзлар) тугагач эрса, яна қайтиб келгай. (Муаззин томонидан) «Ас-Салоту хайрун минан-навм» деб айтилганда яна тумтарақай қочиб қолгай-да, (бу сўзлар) тугагач, яна қайтиб келгай. Кейин: «Фалон нарсани ва фалон нарсани эсла!»— деб инсон (намозхон) қалбига васваса солгай, ҳатто намозхон уч ракъат ўқидими ё тўрт ракъат ўқидими, билмай қолгай. Агар намозхон уч ракъат ўқидими ё тўрт ракъат ўқидими, билмай қолса, икки бор саждаи саҳв қилсин!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Шайтон Марям ўғли Исо алайҳиссаломдан бўлак ҳар бир инсон фарзанди туғилганда унинг икки биқинига бармоғини тикиб олади (чимчилайди). Шайтон Исо алайҳиссаломнинг биқинларига ҳам бармоғини тикмоқчи бўлганда тиколмаган, (ул киши ўралиб туғилган) парда бунга йўл қўймаган».

Абу Дардоъ разияллоҳу анху ҳақларида ривоят қилинадики, бир йигит (Алқама ибн Қайс) Шомдаги масжидда: «Ё парвардигоро, менга бир солиҳ ҳамсуҳбат насиб этгил!» — дея Абу Дардоънинг ёнларига ўлтирибди. Шунда Абу Дардоъ ундан: «Қаерликсан?» — деб сўрабдилар. У: «Куфаликман» — деб жавоб берибди. Абу Дардоъ: «Ўзгалар билмайдиган сирни билувчи киши (яъни, Хузайфа ибн ал-Йамон) сизларнинг орангизда эмасми?»— дебдилар. У: «Ҳа, шундай», — дебди. Абу Дардоъ: «Оллоҳ таоло ўз Расулининг дуосига ижобат қилиб шайтондан ҳимоя қилган киши (яъни, Аммор ибн Йосир) ҳам сизларнинг орангизда эмасми? — дебдилар. У: «Ҳа, шундай», — дебди...».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Фаришталар булутлар орасида туриб (Оллоҳ таолонинг иродаси бирлан) ерда бўладирган ишлар хусусида ўзаро суҳбатлашишганда шайтонлар уларнинг сўзларини ўғринча эшитиб олишади-да, уларга юзта ёлғон-яшиқ гапларни қўшиб-чатиб, шиша идишдаги суюқликни бирор бошқа идишга қуйгандек коҳин қулоғига қуйишади».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Эснаш шайтон томонидан содир қилинади. Агар бирортангизга эсноқ келиб қолса, (оғзингизга кафтингизни қўйиб) имкон қадар уни қайтарингизки, «ҳо» деб ҳомуза тортиб юборсангиз, шайтон (хушнуд бўлганидан мириқиб устингиздан) кулгай».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Уҳуд куни мушриклар мағлуб бўлганда Иблис: «Эй Оллоҳнинг бандалари, ортингиздагилардан эҳтиёт бўлингизлар!» — деб (муслмонларга) қичқирди. Шунда (олдинги сафда жанг қилаётган муслмонлар чалғиб қолишиб) ортларига қайтишди. Натижада муслмонлар лашкарининг олдинги сафи кейинги сафи бирлан ўзаро жангга киришиб кетди. Бир вақт Ҳузайфа (жанг майдонини кузатаётиб) отаси Ал-Йамонни кўриб қолди. Шунда у (отамни ўлдириб қўйишмаса эрди, деб хавотир олиб): «Эй Оллоҳнинг бандалари, бу менинг отам, бу менинг отам!» — деб (ўзаро жанг қилаётган муслмонларга) қичқирди. Аммо, Оллоҳ таоло ҳақи! Улар ўзларини тутиб қололмай, уни ўлдириб қўйишди. Шунда Ҳазайфа уларга: «Оллоҳ таоло сизларнинг (бу гуноҳларингизни) мағфират қилсин!» — деди, холос. Урва айтадиларки, Ҳузайфа то Оллоҳ таолога рубарў бўлгунларига қадар ҳам уларга ёмонлик қилмай, эзгулик қилишда давом этаверибдилар».

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бундай дедилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кишининг намозда аланглаши (атрофига ўгирилиб қараши) хусусида сўрадим. Шунда ул зот: «Бу шайтоннинг бирортангизни чалғитиб, намозингиздан ўғирлаб олмоғидур», — дедилар».

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Солиҳ (яхши, кўнглингизни хушнуд қиладирган) туш Оллоҳ таолодан ва алғов-далғов (ёмон, кўнглингизни ғаш қиладирган) туш шайтондандур. Агар бирортангиз алғов-далғов (қўрқинчли) туш кўрсангиз, чап томонингизга тупуриб қуйингиз-да, сўнг «Аъузу биллоҳи минаш-шайтони» деб кўрган алғов-далғов тушингизнинг ёмонлигидан Оллоҳ таолодан паноҳ тилангиз, шунда у (туш) сизга зарар келтира олмагай».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қадийр, деб кунига юз марта айтган киши ўнта қул озод қилганлик савобини олур ҳамда унга юзта амали солиҳ ёзилиб, юзта гуноҳи ўчирилур, шунингдек (бу дуо) ўшал куни эртадан то кечгача уни шайтондан ҳимоя қилур. (Бу дуони) кунига юз мартадан ортиқ айтган киши эришган савобларга бўлак ҳеч бир кимса эриша олмас!».

Саъд ибн Абу Ваққос ривоят қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирмоққа рухсат сўрадилар. Шунда ичкарида бир гуруҳ Қурайш аёллари бор бўлиб, улар пайғамбаримизнинг овозларини босиб кетгудек баланд овоз бирлан ул зотга саволлар беришар эрди. Ҳазрат Умар изн сўраганларида аёллар ўринларидан туриб, ҳижобларини (юзларига) тушириб олишди. Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Умарга изн бера туриб кулиб қўйдилар. Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло сизни ҳамиша кулдирсин!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳузуримдаги анави хотинларнинг қилган ишларидан таажжубландим, сенинг овозингни эшитибок ҳижобларини тушириб олишди», — дедилар. Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ, ахир улар энг аввало (барчадан кўра) сиздан ҳайиқмоқлари лозим эрмасми?!» — дедилар. Сўнг, аёлларга қарата: Эй ўзига-ўзи душман бўлган аёллар! Мендан ҳайиқасизлар-у, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳайиқмайсизларми?!» — деб айтдилар. Аёллар: «Ҳа, шундоқ, чунки сиз Жаноб Расулulloҳга нисбатан тўнг ва қўполроқсиз!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, (эй Умар), башарти

шайтон йўлингда дуч келса, (дағаллигиндан) бўлак йўлдан кетган бўлур эрди!» — дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз уйқудан уйғониб, таҳорат олсангиз, бурнингизни уч бор қоқиб ташлангиз, чунки шайтон тунда унинг ичига кириб олур», — дедилар».

11-боб. Жинлар ҳамда уларнинг савоби ва жазоси хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй жинлар ва инсонлар жамоалари! Сизларнинг қошларингизга ўз жинсларингиздан бўлмиш пайғамбарлар менинг оятларимни сизларга баён қилиб ва сизларни бу кунга мубтало бўлмоғингиздан огоҳлантириб келмаганми эрдилар?! Улар: «Биз ўз гуноҳимизга иқрор бўлдик»,— дейишди. Уларни дунё ҳаёти алдаб қўйган бўлиб, улар кофир бўлганликларини эътироф қилганлари ҳолда ўзлари ўзларига гувоҳлик бердилар. Бунинг (яъни, Оллоҳ таоло пайғамбарлар юбориб, халқни барча хайру шаррдан хабардор қилганлигининг) боиси шулки, парвардигорингиз аҳолиси ғофил (беҳабар) бўлган шаҳарларни зулм бирлан ҳалок қилгувчи эмасдур ва ҳар ким учун қилган амаллари ажридан даражалар бордур ва парвардигорингиз уларнинг қилаётган амалларидан беҳабар эмасдур» («Ал-Анъом» сураси, 130, 131 ва 132-оятлар).

«Бахсан» («Ал-Жин» сураси, 13-оят) — «зиён» демақдир.

Мужоҳид разияллоҳу анҳу: «Қурайш кофирлари: «Фаришталар Оллоҳнинг қизлари бўлиб, уларнинг оналари жинлар сардорининг қизларидур» — деб айтишди. Шунда Оллоҳ таоло: «Ва (мушриклар) Оллоҳ ила жинлар ўртасида насаб (қариндошлик) бор, деб ҳисобладилар, ваҳоланки жинлар уларнинг (мушрикларнинг Оллоҳ қиладирган ҳисоб-китобга) ҳозир қилингувчи эканликларидан (яхши) хабардордурлар» — деб айтди», — дедилар. («Ас-Соффот» сураси, 158-оят).

Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Саъсаъа ал-Ансорий ривоят қиладиларки, Абу Саъид ал-Худрий ул кишининг оталарига бундай деб айтган эрканлар: «Мен сенинг қўйларни ҳамда яйловни севишингни кўриб турибман, қўйларингни боқиб юрганингда ёки яйловда бўлганингда намозга азон айтсанг, баланд овоз бирлан айтгил, чунки муаззин овози қанчалик узоқларга етиб борса, шунчалик кўп жину инсонлар ёки бўлак нарсалар эшитиб, Қиёматда унинг азон айтиб (намоз ўқиганига) гувоҳлик бергайлар».

Абу Саъид ал-Худрий: «Мен бул ҳадисни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганман», — дейдилар.

12-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй ҳабибим), Биз бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб сизнинг ҳузурингизга юбориб эрдик. Улар (Қуръон тиловатида) ҳозир бўлган вақтларида (бир-бирларига): «Сукут сақлаб турингизлар!» — деб айтдилар, (Қуръон тиловати) тугагач эрса, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтдилар-да: «Эй қавмимиз, биз шундай бир Китобни (Қуръонни) тингладикки, у Мусодан кейин нозил бўлган бўлиб, ўзидан аввал (нозил этилган) китобларни тасдиқлаб, ҳақ (дин)га ва тўғри йўлга ҳидоят қилур. [Жинларнинг «(Қуръон) Мусодан кейин нозил бўлган...» деганининг боиси шуки, улар Мусо алайҳиссалом ва Тавротни ҳамда Муҳаммад алайҳиссалом ва Қуръонни билишар, аммо Исо алайҳиссалом бирлан Инжилдан мутлақо беҳабар эдилар» — дейишади баъзи муфассирлар]. Эй қавмимиз, Оллоҳ тарафига даъват қилгувчининг (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) сўзларини

қабул қилингизлар ва унга иймон келтирингизларки, Оллоҳ баъзи гуноҳларингизни мағфират қилур ҳамда дардли азобдан сизларга паноҳ берур ва кимки қабул этмаса Оллоҳ тарафига даъват қилгувчининг сўзларини, бас у ер юзида (Оллоҳнинг ғазабидан) қочиб қутилгувчи эмасдур ва йўқдур унга Оллоҳдан бўлак химоячилар, ана ўшалар аниқ гумроҳдурлар» — деб айтишди». («Ал-Аҳқоф» сураси, 29, 30, 31 ва 32-оятлар).

13-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «...ва (Оллоҳ) ҳар турли ҳайвонларни тарқатиб қўйган (Ерда) ақлли қавм учун (ўз парвардигорлари бирлан унинг қудратини идрок қилмоқларига етарли)... аломатлар мавжуддур» («Ал-Бақара» сураси, 164-оят).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Субҳон» — «ҳаййа» (илон) сўзининг музаққари бўлиб, илонлар жинлар жинсидан дейилади. («Худ» сурасининг) «Ўрмалаган (юрган) ҳар қандай жониворни ул зот (Оллоҳ таоло) пешонасидан тутиб турур» деган (56-оятининг) мазмуни «Барча жониворлар тамоман Оллоҳ таолонинг ҳукми ва қўл остидадур» демақдур. («Мулк» сурасининг 19-оятда) «Улар тепаларида қанотларини дам ёзиб ва дам йиғиб учиб юрган қушларга (бир) қарамайдиларми?! Уларни ёлғиз Раҳмоннинг ўзигина (ҳавода муаллақ ҳолда) тутиб турур...» деб айтилгандур».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб бундай деганларини эшитган эрканлар: «Илонларни — устида хурмо баргига ўхшаш икки оқ аломати бор илонларни ҳамда думи калта (тўмтоқ) илонларни ўлдирингизлар, чунки улар иккиси кўзни кўр қилиб, ҳомилани туширади».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бир маҳал мен бир илонни ўлдирмоқчи бўлиб таъқиб қилаётган эрдим, Абу Лубоба менга: «Уни ўлдирма!» — деб қичқирди. Мен: «Ахир, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам илонларни ўлдирмоқни амр қилганлар-ку?!» — дедим. У: «Шундан кейин, ул зот хонаки (оқ) илонларни ўлдирмоқдан қайтарганлар, улар ўйларда яшовчи жиндурлар», — деди».

14-боб. Муслмоннинг энг яхши моли унинг тоғлар тепасига ҳайдаб кетадиган қўйлари эканлиги ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Яқин келажақда кишининг энг яхши моли динини фитналардан олиб қочиб тоғлар тепасига (водийларга) ҳамда ёмғир ёғадирган жойларга (чўлларга) ҳайдаб кетадиган қўйлари бўлиб қолур».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Куфрнинг боши машриқ томонда бўлиб, манманлик ва кибр отбоқар, туябоқар ва молбоқарларда, яъни кўчманчиларда, вазминлик (босиқлик, камтарлик) эрса қўйбоқарлардадур», — дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар хўрозларнинг қичқирганини эшитсангиз, Оллоҳ таолодан лутфу марҳамат қилмоғини сўрангиз, чунки улар фариштани кўриб қолгандурлар ва агар эшакнинг ҳанграганини эшитсангиз, «Аъузу биллоҳи минаш-шайтони» деб айтингиз, чунки у шайтонни кўриб қолгандур», — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тун қанотини ёзса ёки кунни кеч қилган бўлсангиз, болаларингизни (ташқарига чиқармай, уйда) олиб ўлтирингиз, чунки айнан шул вақтда шайтонлар атрофга тарқалгайлар. Туннинг бир соати ўтгач эрса, уларни (уйда қолдирингизда), «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» деб эшикларни тамбалаб қуйингиз, шунда шайтон тамбаланган эшикни оча олмайди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бану Исроилга мансуб бир қанча одамлар йўқолиб қолди, уларга нима бўлгани номаълум. Мен эсам уларни айнан сичқонлар (каламушлар)нинг ўзи (яъни, улар сичқонларга айлантирилган) деб ҳисоблайман, чунки сичқонлар туя сути қуйилса, ичмайди, қуй сути қуйилса, ичади», — дедилар. (Оллоҳ таоло Бану Исроилга туя сути бирлан гўштини ҳаром қилиб, қуй сути бирлан гўштини ҳалол қилгандур). Мен Каъбга шул ҳадисни айтиб берган эрдим, у менга: «Сен бу ҳадисни Жаноб Расулulloҳнинг ўз оғизларидан эшитдингми?» — деди. Мен унга: «Ҳа, ўз оғизларидан эшитдим», — дедим. Каъб такроран: «Сен бу ҳадисни Жаноб Расулulloҳнинг ўз оғизларидан эшитдингми?» — деб сўради. Мен (жаҳлим чиқиб): «Жаноб Расулulloҳдан нимаики эшитган бўлсам, айтдим, мен Тавротдан олиб айтмайман!» — дедим».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сичқонни «зарарқунанда» деганларини биламан, аммо уни ўлдиришни буюрганларини сира эшитмаганман», — дейдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос (эса): «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сичқонни ўлдиришни амр қилганлар» — деб таъкидлайдилар.

Умму Шарик (ҳам) айтадиларки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сичқонларни ўлдирмоқни амр қилган эрканлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Устида хурмо баргига ўхшаш икки оқ аломати бор илонларни ўлдирингизлар, чунки улар кўзни кўр қилиб, ҳомилани туширади», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо Жаноб Расулulloҳнинг думи калта (тўмтоқ) илонларни (ҳам) ўлдирмоқни амр қилганларини айтган эрканлар, чунки бундай илонлар (ҳам) кўзни кўр қилиб, ҳомилани туширар эркан (яъни, юқорида тилга олинган илонларга ҳомиладор аёлнинг кўзи тушса, боласи тушиб қолар экан ёхуд шундай илоннинг кўзи тушган инсон дарҳол ўлар ё кўзи кўр бўлиб қолар экан).

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Ибн Умар илонларни ўлдирар эрдилар, кейин бундай қилмоқдан қайтарилдилар. Ибн Умар бундай дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларининг деворларидан бирини бузганларида кесаклар орасидан илон пўстини топиб олдилар, шунда ул зот саҳобаларга: «Қидиринглар-чи, ўзи қаерда эркан?» — дедилар, саҳобалар уни кесаклар орасидан излаб топишгач: «Уни ўлдиринглар!» — деб амр қилдилар. Шунинг учун мен уни ўлдирган эдим. Кейин, мен Абу Лубобани учратдим, шунда у менга бундай деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жинлардан (хонаки оқ илонлардан) бўлак ҳар қандай думи калта, устида хурмо барги янглиғ икки оқ аломати бор илонларни ўлдирингизлар, чунки бундай илонлар ҳомилани тушириб, кўзни кўр қилур, уларни

улдирингизлар!»— деб айтдилар».

Нофиъ айтадиларки, Ибн Умар илонларни ўлдирар эрканлар. Абу Лубоба Жаноб Расулulloхнинг хонаки жинларни (хонаки оқ илонларни) ўлдирмоқдан қайтарганликлари ҳақида айтганидан сўнг, ул киши бундай қилмай қўйибдилар.

15-боб. Агар бирортангизнинг шаробингизга (сув, шарбат, суюқ овқат каби нарсаларингизга) пашша тушиб қолса, уни (бутунлай) ботириб, (сўнг олиб ташлангиз), чунки унинг бир қанотида дард, иккинчисида даво бордур ҳамда жониворлардан беш фосиғи (зараркунандаси) ҳарамда (муқаддас ҳаж масканида ҳам) ўлдирилаверади.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Жониворлардан) беш фосиғи (зараркунандаси ҳатто) ҳарамда (муқаддас ҳаж масканида ҳам) ўлдирилаверади, улар — сичқон, чаён, калхат, қарға ва қопоғон (қутурган) итдур», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жониворлардан чаён, сичқон, қопоғон (қутурган) ит, қарға ва калхатни ўлдирган одам, ҳатто эҳромда бўлса ҳам, гуноҳкор бўлмас», — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Хуфтонда идишларнинг устини ёпиб, мешлар оғзини боғлаб, эшикларни тамбалаб ва болаларингизни (уйда маҳкам) ушлаб ўлтирингиз, чунки (шул вақтда) жинлар атрофга тарқаладилар (ёки олиб қочадилар). Ётишдан аввал чироқларни ўчириб қўйингизлар, чунки зараркунандаларнинг (сичқонларнинг) чироқ пилигини тортқилаб, хонадон аҳлини ёндириб юбориши эҳтимолдан холи эрмас».

Алқама ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Арафа кечаси) биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (Минодаги) ғорда эрдик, шул вақт (ул зотга) «Вал-Мурасалоти урфан» сураси нозил бўлиб қолди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ уни тиловат қилаётганларида биз ул зотнинг муборак оғизларидан илиб олиб ўрганаётган эрдик, бирдан бир илон инидан чиқиб, (бизга ҳамла қилди), биз уни ўлдирмоқ бўлиб таъқиб қилган эрдик, у биздан чаққонроқ ҳаракат қилиб, инига қайтиб кириб кетди. (Буни кўриб) Жаноб Расулulloҳ: «Сизлар унинг ёмонлигидан ўзларингизни эҳтиёт қилганингиз каби, у ҳам сизларнинг ёмонлигингиздан ўзини эҳтиёт қилди», — дедилар». (Бу ҳадисда ҳатто эҳром кийган одам ҳам Жаноб Расулulloҳ ўлдирмоқни амр қилган илонларни ўлдирмоғи мумкинлигига ишора қилинади).

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир аёл дўзахга ташланди, боиси — ул бир мушукни боғлаб қўйиб, унга сира овқат бермаган, унинг ўзи ердаги жониворларни тутиб емоғи учун ҳам ечиб юбормаган», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Пайғамбарлардан бири (дам олмоқ бўлиб) бир дарахт остига келиб ўлтирдилар. Бир маҳал бир чумоли ул кишини чақиб олиб эрди, кийимларини ечиб ичидан чумолини олиб ташлашни ҳамда унинг инига ўт қўйишни амр қилдилар. Шунда Оллоҳ таоло ул кишига ваҳий юбориб: «Сизни битта чумоли чақмаганмиди?! (Нега энди битта чумолини деб, бутун чумолилар инига ўт қўйдингиз?!) — деди».

16-боб. Агар бирортангизнинг шаробингизга пашша тушиб қолса, уни бутунлай ботириб, сўнг олиб ташлангиз, чунки унинг бир қанотида дард, иккинчисида даво бордур

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар бирортангизнинг шаробингизга (сув, шарбат, суюқ овқат каби нарсаларингизга) пашша тушиб қолса, аввал уни бутунлай ботириб, сўнг олиб ташлангиз, чунки унинг қанотларидан бирида дард, иккинчисида даво мавжуддир».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир ит қудуқ тепасида ташналиқдан ҳаллослаб ўлар ҳолда турган эрди. Бир фоҳиша ўшал ердан утиб кетаётиб (итга раҳм қилдида), маҳсисини ечиб қўнжида қудуқдан сув олиб унга ичирди. Оллоҳ таоло шул боисдан унинг гуноҳларини мағфират қилди»

Абу Талҳа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фаришталар ит ва сурат бор уйга кирмаслар», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қопоғон (қутурган) итларни ўлдирмоқни амр қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки ит боқса, кундалик савоб ишларига бериладирган ажрларнинг бир қийротидан (ёки икки қийротидан) маҳрум бўлур. Қўриқчи, подачи ва овчи итлар бундан мустаснодур».

17-боб. Одам (алайҳиссалом)нинг яратилишлари ҳамда ул кишининг зурриётлари ҳақида

«Салсол» — «қум аралаш (қуруқ) лой» бўлиб, чинни (сопол) каби жаранглайди. Бу сўз «Ал-Ҳижр» сурасидаги «Дарҳақиқат, биз яратдик инсонни (Одам алайҳиссаломни) силлиқ (майин) қора лойдан тайёрланган жарангдор қуруқ лойдан» деган 26-оятда ҳамда «Ар-Раҳмон» сурасидаги «(Оллоҳ) яратди инсонни (Одам алайҳиссаломни) чинни (сопол) каби жарангдор қуруқ лойдан» деган 14-оятда мавжуддур.

18-боб. Оллоҳ таолонинг «Эслангиз, (эй ҳабибим), парвардигорингизнинг фаришталарга: «Мен (Одамни) Ер юзига ноиб қилмоқни ирода қилдим» — деб айтганини» деган қавли ҳақида («Ал-Бақара» сураси, 30-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни бўйлари олтмиш зироъ келадирган қилиб яратди (1 зироъ — 0,75 см). Сўнг, ул кишига: «Боргил, анави фаришталарга салом бергил ва уларнинг саломинга олган алиқларини яхшилаб эшитиб олгил, чунки бу сенга ва сенинг зурриётингга йўлланган салом булгусидур!» — деди. Одам алайҳиссалом (уларнинг қошига бориб): «Ассалому алайкум!» — дедилар. Улар: «Ас-Салому алайка ва раҳматуллоҳи!» — деб саломнинг алигига «ва раҳматуллоҳи»ни қўшиб айтишди. Ҳар бир жаннати банда Одам алайҳиссаломнинг қиёфаларида (яъни, ўшал кишидек барваста ва чиройли қиёфада) жаннатга кирурки, инсон буй-басти ва ҳусни (ўшал даврдан) ҳозирга қадар тобора нуқсли бўлиб бормоқдадур».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мўминларнинг дастлабки гуруҳи юзлари тулин ой монанд балқиган ҳолда жаннатга кириб келадилар, уларнинг босган изларидан самодаги энг ёруғ юлдуз шуъласи каби бир ёғду таралиб туради. Энди улар жаннатда на пешоб ва на ҳожат қиладилар ва на бургалардан тозаланадилар ва на бурун қоқадилар. Уларнинг тароқлари олтидан бўлиб, терларидан мушк ҳиди анқиб туради. Тутатқидонлари тутатқиси эрса хушбуй уд ёғочидан бўлиб, хотинлари гўзаллиги кўзни ҳайратга соладирган ҳурлар булади. Улар барчалари яқдил бўлишиб, буйлари олтимиш зироъ (1 зироъ — 0,75 см) бўлмиш оталари Одам алайҳиссалом каби гўзал қиёфада буладилар».

Зайнаб бинти Абу Салама Умму Саламадан нақл қиладилар: «Умму Сулайм деган бир аёл: «Ё Расулаллоҳ! Оллоҳ таоло ўз бандаларига билдириб қуймоқни ирода қилган уятли масалаларни баён қилмоқдан тортинмайди, шул боисдан мен ҳам шундай масала хусусида сурамоқдан тортинмайман. Айтингиз-чи, агар аёл тушида эр бирлан жимоъ қилишиб, булғаниб қолса, унга ғул лозимми?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, уйғонганида маний чиққанини кўрса», — дедилар. Шунда (ул зотнинг ҳузурларида турган) Умму Салама кулиб: «Аёл ҳам булғаниб қоладими? (Аёлдан ҳам маний чиқадими?)» — дедилар. (Бу эса баъзи аёлларнинг ўзидан маний чиққанини сезиб, баъзиларининг сезмаслигига далилдур). Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, булғаниб, маний чиққанини кўради. Агар аёлдан маний чиқмаса, ул ҳолда не сабабдан боласи унга ўхшаб қолади?!» — дедилар». (Жаноб Расулulloҳнинг аёлдан ҳам маний чиқиши ҳақидаги бу сўзларини ул зотнинг «Эр ва хотиндан қайси бири манийни олдин тўкса, боладаги ўхшашлик ўшандандур» деган сўзлари қувватлайди).

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Салом Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадинага келганларини эшитиб, ул зотнинг ҳузурларига борди-да: «Мен сиздан фақат пайғамбаргина биладирган уч масала хусусида сурайман: Қиёматнинг дастлабки белгиси нима? Жаннат аҳли ейдирган дастлабки таом нима? Бола нима боисидан отасига ва нима боисидан тоғаларига ўхшайди?» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳозиргина Ҳазрат Жаброил мазкур масалалар хусусида менга хабар етказдилар», — дедилар. Абдуллоҳ: «Ул киши (яъни, Ҳазрат Жаброил) яҳудийларга душман фаришталардандурлар», — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавобан бундай деб марҳамат қилдилар: «Аmmo, Қиёматнинг дастлабки белгиси шуки, аланга (ўт чиқиб), машриқдан магрибгача ерлардаги одамларни маҳшарга тўплайди. Жаннат аҳли ейдирган дастлабки таом эрса, хут (кит ёки улкан балиқ) жигари ўсимтасидир. Боладаги ўхшашлик хусусига келсак, эр хотинига етганда, агар эрнинг манийси аёлниқидан илгари тўкилса, бола отасига ва агар аёлнинг манийси эрниқидан олдин тўкилса, бола онасига ўхшайди». Абдуллоҳ (Жаноб Расулulloҳнинг жавобларини эшитгач): «Мен сизнинг Оллоҳнинг расули эканингизга шаҳодат келтирдим!» — деди. Кейин, у: «Ё Расулаллоҳ! Яҳудийлар фирибгар, ёлғончи қавмдур, агар сиз мен ҳақимда улардан сўрамасингиздан аввал Исломга кирганимни билган бўлсалар, ҳузурингизда менга тўхмат қиладилар» — деб айтди. Шу аснода Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига яҳудийлар келиб қолиб эрди, Абдуллоҳ ичкарига кириб турди. Жаноб Расулulloҳ яҳудийларга: «Қавмингиздаги Абдуллоҳ ибн Салом қандай одам?» — дедилар. Шунда яҳудийлар (Абдуллоҳнинг Исломга кирганидан бехабар бўлгани учун): «У энг улуғимиз ва энг улуғимизнинг ўғлидур ҳамда у энг яхшимиз ва энг яхшимизнинг ўғлидур», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Фикрингиз қандай, агар Абдуллоҳ Исломга кирса, (сизлар ҳам Исломга кирасизларми)?» — дедилар. Яҳудийлар: «Оллоҳ уни бундан ўз паноҳида асрасин!» — дейишди. Шунда Абдуллоҳ ичкаридан уларнинг олдига чиқиб келди-да: «Ашҳаду ан-ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан Расулulloҳи!» — деб айтди. Яҳудийлар (буни эшитиб): «У

ёмонимиз ва ёмонимизнинг ўғлидур» — дея уни ёмонлашга тушишди».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бану Исроил бўлмаганда эрди, гўшт сасимаган бўлар эрди ва агар (Момо) Ҳаво (Ҳаввоъ) бўлмаганда эрди, аёл эрига хиёнат қилмаган бўлар эрди»,— дедилар». (Яъни, қадимда яҳудийлар «Бақара» сурасининг 57-оятда зикр қилинган салво — бедана гўштини очкўзлик қилиб, эҳтиётлаб олиб қўядирган бўлдилар ва бунинг учун Оллоҳ таоло уларни жазолади, чунки бундай қилмаслик уларга буюрилган эрди. Ўша вақтдан бошлаб гўшт сасийдирган бўлиб қолган. Жаннатда Момо Ҳаво шайтоннинг васвасасига учиб, Одам алайҳиссаломни Оллоҳ таоло емоқларини манъ қилган дарахт мевасидан (буғдойдан) татиб кўрмоққа ундаганлар, сўнг иккалалари ундан татиб курганлар. Жаноб Расулulloҳ аёлларнинг эрга хиёнати айнан ана шу вақтдан бошланганлигига ишора қиладилар).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Аёллар бирлан яхши муомалада бўлингизлар, деб сизларга васият қилурманки, улар хусусидаги қуйидаги васиятимни қабул қилиб; унга амал қилингизлар: «Дарҳақиқат, улар қобирғадан яратилган бўлиб, қобирғанинг энг қийшиқ (эгри) ери эса унинг тепасидур. Агар уни тўғрилашга киришсангиз, синдириб куюрсиз ва агар қўйиб юборсангиз, у яна ўз эгри ҳолида қолгай. (Шул боисдан ҳам) аёллар бирлан яхши муомалада бўлингизлар (улар бирлан бамаслаҳат иш тутингизлар ва мурсою-мадора қилингизлар!)».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло келгусида албатта қилмоғини ваҳий орқали ваъда қилган амаллар хусусида рост сўзловчи Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга қуйидаги ҳадиси шарифларини марҳамат қилдилар: «Қайсинингизнинг бўлмасин, (нутфа ҳолидаги) жуссангиз (отангиз пушти камаридан чиқиб) онангиз қорнига тушгач, ул ерда қирқ кун давомида таркиб топиб (ўзаро бирикиб) етилгай, кейин яна шунча муҳлатда лахта қонга айлангай, сўнг яна шунча муҳлатда бир парча эт шаклига келгай. Шундан сўнг, Оллоҳ таоло бир фариштани (бачадонга) юборгай, унга: «(Ҳомиланинг) касбини, ризқини, умрининг қанчалигини ва бахтсиз ёким бахтли эканлигини (пешонасига) битиб қуйгил!» — деб амр қилингай. Кейин, унга (ҳомилага) руҳ (жон) пудалгай (киргизилгай). Дарҳақиқат, сизлардан кимдир ўзи бирлан жаннат оралиғида бир газ масофа қолгунча (жаннат аҳлига мансуб) амалларни қилгай. Аммо, пировардида (фаришта томонидан пешонасига) ёзиб қуйилган тақдири ундан узиб ўтгай-да, у дўзахийлар ишини қилиб қўйиб, жаҳаннамга киргай. Шунингдек, (сизлардан кимдир) ўзи бирлан дўзах оралиғида бир газ масофа қолгунча (жаҳаннам аҳлига мансуб) ишларни қилгай. Лекин, пировардида (фаришта томонидан пешонасига) ёзиб қуйилган тақдири ундан узиб ўтгай-да, у жаннатилар ишини қилиб, жаннатга киргай». (Юқоридаги «...бир газ масофа қолгунча» иборасининг маъноси — «ўлимига оз қолганда» демақдур).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло бачадонга бир фариштани вакил қилиб юборади, фаришта: «Парвардигоро, нутфа бўлди, парвардигоро, лаҳга қон бўлди, парвардигоро, бир парча эт бўлди», — дейди. Кейин, Оллоҳ таоло, агар уни яратишни (дунёга келтиришни) ирода қилса, фаришта: «Парвардигоро, ўғилми ё қизми? Бахтсизми ё бахтлими? Ризқи қанча? Умри қанча?» — деб сўрайди. Сўнг, у (Оллоҳ таоло нима деб амр қилса), шуни онанинг қорнида (ҳомиланинг пешонасига) ёзиб қўяди».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Зулм бирлан (ноҳақ) ўлдирилган ҳар бир жоннинг хунига дастлабки

одамнинг (яъни, Одам алайҳиссаломнинг катта) ўғиллари шерик бўлур, чунки у биринчи бўлиб одам ўлдиришни бошлаб берган шахсдур».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло (Қиёмат куни) дузаҳда энг енгил азоб тортадирган шахсга (Абу Толибга): «Агар ердаги бойликлар сеники бўлганда, уларни ҳозирги аҳволингдан қутулмоғинг учун берган бўларми эрдинг?» — дейди. У: «Ҳа», — дейди. Шунда Оллоҳ таоло: «Мен сендан ҳали сен Одам алайҳиссаломнинг пушти камарида эканлигингда (ҳали руҳлик вақтингда) бундан осонроқ нарсани, яъни сени дунёга келтирган чоғимда менга ширк келтирмаслигингда ваъда бермоғингни сўраган эрдим, аммо сен бундан бош тортган эрдинг», — дейди».

19-боб. Рухлар (фаришталар)нинг беҳисоб қўшин эканлиги ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг «Рухлар (фаришталар) беҳисоб қўшин бўлиб, унинг қанчалигини ҳам билиб бўлмас, бсҳисоб эканлигини ҳам инкор қилиб бўлмас!» деб айтганларини эшитганман».

20-боб. Оллоҳ таолонинг «Ва батаҳқиқ биз юбордик Нуҳни ўз қавмигаки...» деган қавли хусусида («Алҳуд» сураси, 25-оят)

Ибн Аббос: «(«Алҳуд» сурасининг 27-оятдаги) «бодийар-раъйи» — «бизга туюлган нарса», (шу суранинг 44-оятдаги) «ақлийий» — «гухта» ҳамда (40-оятдаги) «ва форат-таннууру» — «ва сув отилиб чиқди» деган мазмундадир», — дейдилар.

Икрима бундай дсцилар: «(«Ал-Бақара» сурасининг 15-оятдаги) «важҳ» — «ер, жой» маъносида», — дейдилар.

Мужоҳид: «(«Алҳуд» сурасининг 44-оятдаги) «ал-Жуу диййў» — (Суриядаги) тоғ, («Ғофир» сурасининг 31-оятдаги) «даъб» — «ҳол, аҳвол» бўлиб, бу маъно («Юнус» сурасининг қуйидаги 71—72-оятларида акс этган): «(Эй Муҳаммад), эшит-тиринг уларга Нуҳ воқеасини, вақтики ул ўз қавмига дедики: «Эй қавмим, агар оғирлик қилган бўлса сизларга менинг (сизлар ила яшаб) турганлигим ва Оллоҳ таоло ояглари ила насиҳат қилганлигим... («итоаткор мўминлардан бўлмоқлик менга амр қилингандур» деган қавлигача)».

21-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, биз Нуҳни ўз қавмига юбордикки, оғоҳлантиргил қавмингни уларга дардли азоб келмасидан бурун, деб...» («Нуҳ» сурасининг охиригача)

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам одамлар орасида туриб хутба қилдилар. Шунда Оллоҳ таолога унинг ўзига муносиб ҳамду санолар айтгач, Дажжол ҳақида эслатиб бундай деб марҳамат қилдилар: «Мен сизларни ундан эҳтиёт бўлингиз, деб оғоҳлантирурманки, барча пайғамбарлар ҳам ўз қавмларини оғоҳлантирганлар, шунингдек Нуҳ алайҳиссалом ҳам ўз қавмларини оғоҳлантирганлар. Аммо, мен сизларга Дажжол ҳақида бирор пайғамбар ўз қавмига айтмаган хабарни айтурман. Били қўйингизларки, Дажжолнинг (бир) кўзи ғилай (кўр) бўлиб Оллоҳ таоло эрса, ғилай (кўр) эмасдур!».

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «(Қиёмат куни Нуҳ алайҳиссалом бирлан ул кишининг умматлари маҳшарга

келади. Шунда Оллоҳ таоло Нух алайҳиссаломга: «Менин ҳукмларимни умматингизга етказдингизми?» — дейди. Нух алайҳиссалом: «Ҳа, ё парвардигорим!» — деб жавоб берадилар. Оллоҳ таоло ул кишининг умматларига: «Нух алайҳиссалом менинг аҳкомларимни сизларга етказганми?» — дейди. Улар: «Иўқ, бизга бирор пайғамбар келган эмас», — дейишади. Олло таоло Нух алайҳиссаломга: «Менинг ҳукмларимни умматингизга етказганингиз хусусида сизга ким гувоҳлик берур?» — дейди. Нух алайҳиссалом: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг умматлари менга гувоҳлик берурлар», — дейдилар. Шунда биз ул кишининг ўз умматларига Оллоҳ таолонинг ҳукмларини етказганликларини тасдиқлаб гувоҳлик бергаймиз. Бу тўғрида Оллоҳ таоло: «Ва шул тариқа биз сизларни (Қиёматда) бошқа одамларга гувоҳ бўлмоқларингиз учун адолатли (холис) бир уммат қилдик...», — дейди» («Ал-Бақара» сураси, 143-оят).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир меҳмондорчиликда бўлдик, (ул ерда Жаноб Расулulloҳга пишган гўшт келтиришиб эрди), кўнгиллари тортиб ундан бир тишлам олиб едилар. Сўнг, бундай деб марҳамат қилдилар: «Қиёмат куни мен қавмнинг саййиди (улуғи) бўлурман. Бунинг боисини билурмисизлар? (Ўшал куни) Оллоҳ таоло дастлабки инсондан то сўнгги инсонгача барчасини бир ерга тўплагай, шунда назоратчи уларнинг ҳаммасини кўра олур, жарчи эса уларнинг ҳаммасига (сўзини) эшиттира олур. Сўнг, Қуёш пасайиб, уларга яқинлашур. Кейин, баъзи одамлар: «Қандайин аҳволга тушиб қолганларингизни, ўзларингизга не бўлганини кўрмаётирсизларми? Парвардигорингиздан гуноҳларингизни ўтмоқни сўраб шафоат қиладирган кишини қидириб кўрмайсизларми?» — дейишгай. Шунда баъзи одамлар: «Оталарингиз бўлмиш Одам алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар!» — деб маслаҳат беришгай. Сўнг, улар Одам алайҳиссаломнинг қошларига боришиб: «Эй Одам алайҳиссалом! Сиз инсониятнинг отасисиз, Оллоҳ таоло сизни ўз (қудрат) қўли бирлан яратиб, жисмингизга ўз руҳидан жон киргизгандур ҳамда малоикаларни сизга сажда қилмоқларини амр қилганда улар сизга сажда қилгандурлар ва бунинг устига Оллоҳ таоло сизга жаннатдан жой ато этгандур. Парвардигорингиздан гуноҳларимизни ўтмоқни сўраб шафоат қилурмисиз? Қандайин аҳволга тушиб қолганимизни, бизга не бўлганини кўрмаётирсизми?» — дейишгай. Одам алайҳиссалом уларга жавобан: «Раббим (бугун) шул қадар ғазабноқки, илгари бунчалик сира ғазабланмагандур, бундан кейин ҳам бунчалик дарғазаб бўлмас. Парвардигорим жаннатдаги бир дарахт мевасини (буғдойни) емоқни менга манъ қилганида, мен унга осийлик қилиб еб қуйган эрдим. Ўшал (осий) мендурман! Ўшал осий мендурман! Мендан бўлак кишининг — Нух алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар!» — деб айтгайлар. Улар Нух алайҳиссаломнинг қошларига боришиб: «Эй Нух алайҳиссалом! Сиз Ер аҳлига юборилган биринчи пайғамбардурсиз. Оллоҳ таоло сизни шукргузор бандам, деб атагандур. Бизнинг қандайин аҳволга тушиб қолганимизни, бизга не бўлганини кўрмаётирсизми? Парвардигорингиздан гуноҳларимизни ўтмоқни сўраб шафоат қилурмисиз?» — деб айтишгай. Нух алайҳиссалом: «Парвардигорим (бугун) шул қадар дарғазабки, илгари сира бунчалик ғазабланган эмас, бундан кейин ҳам бул қадар ғазабланмас. (Бир вақтлар қавмимни дуои бад қилиб қуйганман). Ўшал мендурман! Ўшал мендурман! Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Ниҳоят, улар менинг қошимга келишгай. Шунда мен Арш пойига сажда қилгайман. «Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтариб, шафоат қилингиз, шафоатингиз қабул қилингай, сўрангиз, сўраганингиз ато этилгай», — дейилгай».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «...фаҳал мим-муддакир» — деб омма каби қироат қилдилар («Ал-Қамар» сураси, 51-оятда).

22-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва дарҳақиқат Илёс ҳам пайғамбарлардандур. Ул ўз қавмига: «Эй (қавмим), кўрқмассизларми (Оллоҳ таолодан) ҳамда Баълга (бутга) ибодат қилиб, ўларингизнинг ҳам, ўтган ота-боболарингизнинг ҳам парвардигори бўлмиш энг яхши яратувчи — Оллоҳни тарк қилурсизларми?!» — деб айтганини бир эслангиз. (Шунда улар Илёсни) ёлғончига чиқардилар. Бас, энди улар албатта жаҳаннамга (ташлашга) ҳозир қилингувчилар бўлиб, Оллоҳ таолонинг холис бандаларигина (Илёсга иймон келтирган бандаларигина) бундан мустаснодурлар ва Биз қолдирдик кейингилар (авлодлар) аро унинг шаънига «Салом бўлсин Илёсийларга!» (деган мақтовни)». («Вас-Соффоти» сураси, 123—130-оятлар)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Илёсийлар эзгу салом йўлланиб ёд қилинур, Оллоҳ таоло бул ҳақда: «Албатта Биз яхши амаллар қилгувчиларни ана шул тариқа мукофотлагаймиз, дарҳақиқат у (Илёс) Бизнинг мўмин бандаларимиздандур» — дейди» («Вас-Соффоти» сураси, 131—132-оятлар).

Ибн Масъуд ва Ибн Аббосдан нақл қилинадикки, улар «Илёс алайҳиссалом — бу Идрис алайҳиссаломдурлар» — деб айтишган эркан.

23-боб. Идрис алайҳиссалом ва ул кишининг Нуҳ алайҳиссаломнинг оталарига бобо эканликлари хусусида

Идрис алайҳиссалом Нуҳ алайҳиссаломнинг боболари бўлганлар, деб ҳам айтишади. Оллоҳ таоло: «Биз уни (Идрис алайҳиссаломни) олий мақомга кўтардик», — дейди («Марям» сураси, 57-оят).

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мен Маккада эканлигимда уйимнинг шифти (томи) ерилиб, Жаброил алайҳиссалом тушдилар. Сўнг, кўкрагимни ёриб, ичини замзам суви бирлан ювдилар. Кейин, ҳикмату иймон тўла олтин жом келтириб, уни кўкрагим ичига бўшатдилар. Сўнг, кўкрагимни ёпдилар-да, қўлимдан ушлаб осмонга кўтарилдилар. Энг яқин осмонга (осмоннинг ерга яқин қаватига) етиб келганларида Жаброил алайҳиссалом осмоннинг (мазкур қавати) қоровулига: «(Эшикни) очингиз!» — дедилар. Қоровул: «Кимсиз?» — деди. Жаброил алайҳиссалом: «Бу мен — Жаброилман», — дедилар. Қоровул: «Ёнингизда бирор киши борми?» — деди. Жаброил алайҳиссалом: «Ёнимда Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва саллам борлар», — дедилар. Қоровул: «Ҳузурларига юборилиб эрдими?» (яъни, «Оллоҳ таоло сизни ул зотни осмонга олиб чиқмоғингиз учун ҳузурларига юбориб эрдими?») — деди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа, шундай», — дедилар. Шундан сўнг, қоровул (эшикни) очди. Биз осмонга (осмоннинг энг яқин қаватига) чиққанимизда бир кишига кузимиз тушди. Ўшал кишининг ўнг томонларида ҳам, чап томонларида ҳам одамлар турган бўлиб, ўнг томонларидагиларга қарасалар, кулар, чап томонларидагиларга қарасалар, йиғлар эрдилар. Ўшал киши менга: «Эй адолатпеша (муттақий) пайғамбар, эй адолатпеша (муттақий) ўтил, хуш келибсиз!» — дедилар. Мен: «Ё Жаброил алайҳиссалом, бул киши ким?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Бу киши Одам алайҳиссаломдурлар, унг ва чап томонларидаги анави одамлар эрса, ул кишининг авлодларининг руҳларидур. Булардан ўнг томондагилари жаннат аҳли, чап томондагилари эрса, дўзах аҳлидур. Шул боисдан ул киши ўнг томонларига қарасалар, (хурсанд бўлиб) куладилар, чап томонларига қарасалар, (ачиниб) йиғлайдилар», — дедилар. Ксйин, Ҳазрат Жаброил мен бирлан (янада баландроқ) кўтарилиб, иккинчи осмонга (осмоннинг иккинчи қаватига) етиб келдилар-да, унинг қоровулига: «(Эшикни) очингиз!» — дедилар. Шунда

қоровул биринчи осмон қоровули не деган бўлса, шундай деди (яъни, Ҳазрат Жаброил бир-лан биринчи осмон қоровули ўртасида қандай савол-жавоб бўлиб утган бўлса, бу ерда ҳам шундай савол-жавоб бўлиб утди). Сўнг, у эшикни очди».

«Жаноб Расулulloҳ, — дейдилар Анас разияллоҳу анҳу, — осмонларда Идрис, Мусо, Исо ва Иброҳим алайҳиссаломларни учратганларини зикр қилган эрдилар, аммо Одам алайҳиссаломнинг манзиллари биринчи осмонда ва Иброҳим алайҳиссаломнинг манзиллари олтинчи осмонда эканлиги ёдимда-ю, қолганларнинг манзиллари нечанчи осмонда эканлиги сира хотирамда қолмабди».

Анас разияллоҳу анҳу (яна) бундай дейдилар: «Жаброил алайҳиссалом (Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга) Идрис алайҳиссаломнинг ёнларидан ўтиб кетаётганларида, Идрис алайҳиссалом (Жаноб Расулulloҳга): «Эй адолатпеша пайғамбар, эй адолатпеша биродар, хуш келибсиз!» — деб айтибдилар. Жаноб Расулulloҳ бундай деб эрдилар: «Шунда мен: «Бул киши ким?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Идрис алайҳиссаломдурлар», — дедилар. Кейин, Мусо алайҳиссаломнинг ёнларидан ўтдим, ул киши (менга): «Эй адолатпеша пайғамбар, эй адолатпеша (муттақий) биродар, хуш келибсиз!» — дедилар. Мен: «Бу киши ким?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Бул киши Мусо алайҳиссаломдурлар», — дедилар. Сўнг, мен Исо алайҳиссаломнинг ёнларидан ўтдим, ул киши: «Эй адолатпеша пайғамбар, эй адолатпеша (муттақий) биродар, хуш келибсиз!» — дедилар. Мен: «Бул киши ким?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Бул кипш Исо алайҳиссаломдурлар», — дедилар. Кейин, Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнларидан ўтдим, ул киши: «Эй адолатпеша (муттақий) пайғамбар, эй адолатпеша (муттақий) ўғил, хуш келибсиз!» — дедилар. Мен: «Бул киши ким?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Бул киши Иброҳим алайҳиссаломдурлар», — дедилар».

Ибн Аббос ва Абу Ҳаййа ал-Ансорий разияллоҳу анҳумо: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кейин, Жаброил алайҳиссалом мени олиб шул қадар баландга кўтарилдиларки, ҳатто (Оллоҳ таолонинг аҳкомларини битаётган) қаламларнинг (қоғоз узра юргандаги) шитир-шитир овозини эшитдим» — деб айтганлар», — дейишар эрди.

Ибн Ҳазм ва Анас ибн Молик разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтган эрдилар: «Кейин, Оллоҳ таоло менга эллик вақт намоз фарз қилди, шунинг бирлан ортимга қайтиб, Мусо алайҳиссаломнинг ёнларидан ўтиб кетаётган эрдим, ул киши менга: «Оллоҳ таоло умматингизга нени фарз қилди?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло умматимга эллик вақт намоз фарз қилди», — дедим. Мусо алайҳиссалом: «Раббингизнинг қошига қайтиб бориб, камайтирмоғини сурангиз, чунки умматингиз бунга чидай олмас», — дедилар. Мен қайтиб бориб, парвардигоримга мурожаат қилдим, у (эллик вақт намозни) ярмига камайтирди. Сўнг, Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига қайтдим. Ул киши (яна): «Парвардигорингизнинг қошига қайтиб борингиз!» — дея аввалги гапларни қайтардилар. (Мен парвардигоримнинг қошига қайтиб бориб, мурожаат қилдим), у (яна) ярмига камайтирди. Кейин, Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига қайтиб, Оллоҳ таоло қанчага камайтирганини ай|тиб эрдим, ул киши: «Парвардигорингизнинг қошига қайтиб бориб, (яна) мурожаат қилингиз, чунки умматингиз бунга (ҳам) чидай олмас», — дедилар. Мен (яна) қайтиб бориб, парвардигоримга мурожаат қилдим. Шунда Оллоҳ таоло: «Намоз беш вақт бўлгани бирлан, унда эллик вақт намоз савоби бор. Менинг даргоҳимдаги сўз (ҳукм) энди ўзгартирилмас!» деди. Сўнг, мен Мусо алайҳиссаломнинг қошларига қайтдим, ул киши (яна): «Парвардигорингизнинг қошига қайтингиз!» — дедилар. Мен: «Раббимдан ҳае қилдим (парвардигоримдан уялурман)», — дедим (яъни, Оллоҳ таоло дастлаб эллик вақт намозни фарз қилди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ ҳар сафар қайтиб бориб, мурожаат қилганларида беш вақт-

беш вақтдан камайтирди. Охири беш вақт намоз фарз бўлиб қолди. Агар Жаноб Расулulloх яна қайтиб бориб, буни ҳам камайтирмоқни сўраганларида намозни умуман бекор қилинмоғини сўрагандек бўлиб қолар эрдилар. Ўл зотнинг «Парвардигоримдан ҳаё қилдим» деганларининг боиси шундадур). Сўнг, (Ҳазрат Жаброил мени олиб) «Сидрат ул-Мунтаҳо» деган жойга учиб чиқдилар («Сидрат ул-Мунтаҳо» — осмонларнинг энг юқори жойи ёки у шундай бир жойки, у ерга Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бўлақлар, ҳатто фаришталар ҳам кира олмас ва унинг не эканлигини била олмас). Уни турли ранглар чулғаб олганлигидан, нелигини билолмадим. Кейин, мен жаннатга киритилдим, ул ерда дур гумбазлар бор бўлиб, туфроғи(дан) мушк (ҳиди таралиб турибди)».

24-боб. Оллоҳ таолонинг «Ва юбордик Од қавмига ўз биродарлари Ҳудни, ул деди: «Эй қавмим, ибодат қилингизлар Оллоҳ таолога...» ва «...вақтики (Ҳуд) Аҳқоф мамлакатигаги ўз қавмини огоҳлантирди...» («мана шундай жазо берурмиз гуноҳкорларга» деган қавлигача) ҳамда «Ва аммо Од қабиласи ҳалок қилинди ниҳоятда кучли совуқ шамол (бўрон) ила» деган қавллари хусусида («Ал-Аъроф» сураси, 65-оят, «Ал-Аҳқоф» сураси, 21—25-оятлар, «Ал-Ҳоққа» сураси, 6-оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сабо шамоли бирлан ғолиб қилиндим ва Од қавми Дабур шамоли бирлан ҳалок қилинди»,— дедилар».

Абу Саъид (ал-Худрий) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али (ибн Абу Толиб) разияллоҳу анҳу (Ямандан) Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламга (ўлжа олинган) майда олтинларни (бегона жинслардан тозаланмаган олтин кукунини): жўнатдилар. Ул зот уни тўрт кишига — Уяйна ибн Бадр, Акраъ ибн Ҳабис, Зайд ат-Тоий ва Алқама ибн Аллосага тақсимлаб бердилар. Шунда Қурайш аҳли ва ансорлар ғазабланиб: «Жаноб Расулulloх Нажд (аҳли) раисларига (ўлжа) бердилар-у, аммо бизни (ўлжасиз) қолдирдилар», — дейишди. Жаноб Расулulloх: «Мен уларни (Исломга) дўст қилмоқчиман», — дедилар. Шунда кўзлари ботик, ёноқлари туртиб чиққан, пешонаси дўнг, серсоқол ва сочн қирилган бир киши (сочи қирилганлигига қараганда хаворижлардан бўлса керак) ўрнидан туриб: «Эй Муҳаммад, Оллоҳдан қўрқингиз!» — деди. Жаноб Расулulloх: «Агар мен (пайғамбар бўлатуриб) Оллоҳ таолога осийлик қилган бўлсам, унда ким унга итоат қилур?! Оллоҳ таоло Ер юзи аҳлини менга ишониб топшириб қўйган бўлса-ю, сен менга ишонмайсанми?» — дедилар. Кейин, бир киши, менимча Халид ибн Валид уни ўлдирмоққа ул зотдан изн сўраб эрди, рухсат бермадилар. Жаноб Расулulloх, бояги одам чиқиб кетгач, бундай деб марҳамат қилдилар: «Мана шул одамнинг зурриётидан Қуръонни (қалбдан эмас, балки) бўғзидан ичкарига ўтказмай (яъни, тил учигагина) тиловат қиладирган қавм чиқур, улар ўқ камондан отилгандек диндан тез чиқурлар ва Ислом аҳлини ўлдириб, бутпарастларга хайрихоҳ бўлурлар. Қани энди, уларга етиб олганимда эрди, (яъни, мазкур қавм чиқадирган даврда ҳаёт бўлганимда эрди), уларни Од қавми қириб ташлангайи каби қириб ташлар эрдим!».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Насихат олгувчилар борми?» деб қироат қилдилар»,— дейдилар.

25-боб. Яъжуж ва Маъжуж қиссаси

Оллоҳ таолонинг қавллари: «Улар дедилар: «Эй Зулқарнайн! Дарҳақиқат, Яъжуж ва Мдъжуж (қавми) Ер юзида бузғунчилик қилгувчидурлар...» («Ал-Каҳф» сураси, 94-оят); «Эй Муҳаммад, сўрарлар сиздан Зулқарнайн хусусида ҳам, сиз айтинг «Мен энди сизларга унинг

ҳақидаги хабарларни тиловат қилурман» деб. Дарҳақиқат, биз берган эрдик унга Ер юзида қувват (салтанат) ва бериб эрдик унга ҳар бир нарсага йўл (имкон), кейин ул бир тарафга йўл олди» («Сизлар менга темир тўсинларни келтиринглар» деган қавлигача, «Ал-Каҳф» сураси, 83—96-оятлар).

Умму Ҳабиба бинти Абу Суфён Зайнаб бинти Жаҳш разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нимадандир чўчиган ҳолда Зайнабнинг ҳужрасига кириб келдилар-да: «Ло илоҳа иллаллоҳу! Яқинда бўлажак ёмонликдан арабларнинг шўри қуриб қолгай, бугун Яъжуж ва Маъжуж олдидаги тўсиқ мана мунча очилди» — бошмалдоқлари бирлан унинг ёнидаги бармоқларини ҳалқа қилиб кўрсатдилар». Зайнаб бинти Жаҳш бундай дейдилар: «Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, орамизда солиҳ (муттақий) одамлар мавжуд бўлатуриб ҳам (барчамиз) ҳалок булурмизми?» -дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, агар қабоҳат (ифлослик) кўпайиб кетса», — дедилар». (Айтишларича, Яъжуж ва Маъжуж Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари Ёфас зурриётдан тарқаган икки қабила эркан).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Яъжуж Маъжуж олдидаги тўсиқни мана мунча очди» — дся қўллари бирлан тўқсон (рақамини) кўрсатдилар (яъни, тўсиқ тўқсон фоиз очилганини ишора қилган бўлсалар керак)».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таоло (Қиёмат куни): «Эй Одам (алайҳиссалом)!» — дейди. Одам алайҳиссалом: «Мана мен қаршингда амрингга мунтазиру чексиз мурувватингдан умидвор бўлиб турибдурман, барча хайрият сенинг қўлингдатур!» — дейдилар. Оллоҳ таоло: «Дўзахийларни ажратгил!» — дейди. Одам алайҳиссалом: «Дўзахийлар қанча?» — дейдилар. Оллоҳ таоло: «Ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси», — дейди. Буни эшитиб, даҳшатдан болаларнинг сочи оқариб кетгай, ҳомиладор аёллар эрса бола ташлагайлар (чунки, ким неча ёшида вафот қилган бўлса, ўша ёшда ва қайси аёл ҳомиладор ҳолда вафот қилган бўлса, ҳомиласи бирлан тирилтирилур). Одамларни маст ҳолда кўргайсизлар, аммо улар (шаробдан) маст бўлмагайлар, (балки азбаройи қўрққанларидан шул аҳволга тушгайлар). Лекин, Оллоҳ таолонинг азоби (жуда) қаттиқдур!». Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ўшал бир киши қайси биримиз?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Хурсанд бўлингизларки, сизлардан бир киши, Яъжуж ва Маъжуж (қавмидан) эрса минг киши (дўзахидур)», — дедилар. Кейин, давом этиб: «Жоним қулида бўлган зот ҳақи, мен (умматим бўлмиш) сиз (мўминларнинг) жаннат аҳлининг тўртдан бири бўлмоғингизни тиларман!» — деб айтдилар. Шунда (биз) саҳобалар хурсанд бўлиб Оллоҳ таолога такбир айтдик. Сўнг: «Мен сизларнинг жаннат аҳлининг учдан бири бўлмоғингизни тиларман!» — дедилар. Биз яна такбир айтдик. Кейин: «Мен сизларнинг жаннат аҳлининг ярми бўлмоғингизни тиларман!» — дедилар. Биз яна такбир айтдик. Сўнг, бундай дедилар: «Сизлар маҳшардаги одамлар орасида оқ ҳўкиз терисидаги қора ёким қора ҳўкиз терисидаги оқ хол каби яққол ажралиб тургайсизлар», — деб айтдилар». (Жаноб Расулуллоҳнинг «Сизлардан бир киши ва Яъжуж ва Маъжуждан минг киши» деганларининг мазмуни шулки, мусулмонларнинг ҳар мингтасидан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси жаннатга ва биттаси дўзахга тушур, Яъжуж ва Маъжуж қавмининг ҳар мингтасидан эса мингтаси, демак, ҳаммаси дўзахга тушур).

26-боб. Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ Иброҳимни ўзига дўст тутган» («Ан-нисо» сураси, 125-оят), «Дарҳақиқат, Иброҳим ҳудожуй (муттақий) бир етакчи эрди» («Ан-Наҳл» сураси, 120-оят), «Иброҳим албатта ҳамдард, вазмин бир зот эрди» («Ат-Тавба» сураси, 114-оят) деган қавллари хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, сизлар ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда маҳшарда тўплангайсизлар», — дедилар. Сўнг, «Қиёмат куни бутун осмонларни ёзилган қоғозларни ўраган каби ўраб қуюрмиз ва дастлаб қайси тариқа дунёни яратган бўлсак, ўшал тариқа иккинчи бор қайта пайдо қилурмиз, бу бизнинг зиммамиздаги ваъда бўлиб, албатта биз уни бажаргувчидурмиз» деб қироат қилдилар («Ал-Анбиё» сураси, 104-оят). Кейин, ул зот бундай деб марҳамат қилдилар: «Қиёмат куни биринчи бўлиб кийим кийдириладирган киши Иброҳим алайҳиссаломдурлар. Ушал куни албатта саҳобаларимдан бир қанчаси чап томонларидан (жаҳаннам жойлашган тарафларидан) ушланадилар. Шунда мен: «Булар менинг саҳобаларим-ку! Булар менинг саҳобаларим-ку!» — дейман. Менга жавобан: «Сиз буларни тарк қилганингиздан буён (сиз вафот қилганингиздан буён) булар куфр бирлан ортларига қайтишдан тўхтамаганлар» — дейилгай. Сўнг, мен солиҳ банда (бўлмиш Исо ибн Марям алайҳиссалот вассалом) айтганларидек: «Вақтики мен улар бирлан эрдим, улардан хабардор эрдим» — деб айтгайман» («...сен ғолибдурсан, ҳикматлидурсан» деган қавлигача, «Ал-Анъом» сураси, 117—118-оятлар).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Қиёмат куни Иброҳим алайҳиссалом оталари Озарни юзи тутун каби қорайган ва чанг босган ҳолда учратиб: «Менга осийлик қилмангиз, деб сизга айтмаганми эрдим?!» - дегайлар. Оталари Озар: «Бугун энди сенга осийлик қилмасман»,— дегай. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Ё парвардигорим, бандаларингга қайта жон ато этиладирган куни мени шарманда қилмасликка ваъда берган эрдинг, кофир отам Озардан ортиқ шармандалик борми?!» — дегайлар. Оллоҳ таоло: «Мен жаннатни кофирларга ҳаром қилгандурман» деб айтгай. Сўнг: «Эй Иброҳим, оёқларинг остидаги недур?» - дейилгай. Иброҳим алайҳиссалом оёқлари остига қараб, (нажосатга) беланган бир сиртлон (ёлдор бўри) турганини кўрадилар. Кейин, уни оёқларидан ушлаб (кўтариб) жаҳаннамга ташлаб юборишади» (яъни, Оллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг оталари Озарни насиҳатга кўнмай, шайтонга эргашгани учун энг аҳмоқ ҳайвон бўлмиш сиртлонга айлантириб қўяди).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Байтуллоҳга кириб, ул ерда Иброҳим алайҳиссалом бирлан Биби Марямнинг суратлари борлигини кўрдилар-да: «Бу не қилганлари? Ахир, жоҳилият аҳли суратлар мавжуд уйга фаришталарнинг кирмаслигини эшитишган эрди-ку?!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Байтуллоҳдаги суратларни кўриб, ул ерга кирмадилар-да, уларни олиб чиқиб ташлашни амр қилдилар. Кейин, ул зот Иброҳим ва Исмоил алайҳимоссаломни қўлларидан азлом ушлаган ҳолда тасвирланганларини кўргач: «Оллоҳ таоло уларни (яъни, жоҳилият аҳлини) лаънатлаган. Оллоҳ таоло ҳақи, улар (яъни, Иброҳим ва Исмоил алайҳимоссалом) азлом бирла ўз қиёматларини билишни мутлақо истамагандурлар!» — дедилар». («Азлом» — бирлиги «залам» бўлиб, икки тарафи учли таёқдур. Унинг бир тарафига «қил!» ва иккинчи тарафига «қилма!» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Жоҳилият давридаги араблар ўз қисматларини билмоқчи бўлганларида уни ўртасидан ушлаб, гир айлантириб ерга ташлаганлар. Шунда, агар унинг «қил!» деган сўз ёзилган учи ўзлари тарафга келиб тухтаса, кўзлаган ишларига қўл урганлар, акс ҳолда мақсадларидан қайтганлар).

Самура разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кечаси уйқумда икки фаришта (Жаброил ва Микоил

алайҳимоссалом) келишди. Кейин, улар мени бўйларининг баландлигидан бошлари осмонга қадар етган бир кишининг (Иброҳим алайҳиссаломнинг) қошларига олиб боришди. Аммо, мен қанча юқорига қарамай, барибир ул кишининг бошларини кўра олмадим».

Мужоҳид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Ибн Аббосга Дажжолнинг икки кўзи орасига «кофир» (ёки «К.Ф.Р.») деб ёзиб қуйилгани ҳақида эслатишиб эрди, у бундай деди: «Мен бу тўғрида сира эшитмаганман, лекин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иброҳим алайҳиссаломнинг қиёфалари қандай бўлганлигини билмоқчи эрсангизлар, дўстингизга қарангизлар (яъни, «менга қарангизлар» демоқчилар, чунки ул зот Иброҳим алайҳиссаломга энг ўхшаш киши эрдилар). Аммо, Мусо алайҳиссалом жингалак соч (баъзи ривоятларда серсоч) ва буғдойранг киши бўлиб, хурмо пўстлоғидан эшилган арқон бирла жиловланган қизил туя миниб юрар эрдилар. Мен ул кишининг туяларида Азрақ водийси бўйлаб тушиб келаётганларини кўраётгандекман» — деганлар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Иброҳим алайҳиссалом саксон ёшларида ёғоч йўнадирган асбоб бирлан хатна қилинганлар». (Баъзи уламолар: «Ал-Қадуум» сўзини «Ёғоч йўнадирган асбоб» десалар, айримлари: «Бу — Иброҳим алайҳиссалом хатна қилинган жой номи» — деб айтишади).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иброҳим алайҳиссалом уч ёлғон гапдан бўлак сира ёлғон гап айтмаганлар», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иброҳим алайҳиссалом уч ёлғон гапдан бўлак сира ёлғон гап айтмаганлар. Улардан иккиси Оллоҳ таоло дини йўлида айтилган бўлиб, ул кишининг «Мен хастаман» ва «Аксинча, уларнинг каттаси бўлмиш мана бу (бут) қилди» деган гапларидир», — дедилар. Кейин, яна бундай деб марҳамат қилдилар: «Кунлардан бир кун Иброҳим алайҳиссалом хотинлари Биби Сорра бирлан биргалиқда золим подшоҳлардан бирининг мулкига кириб келдилар. Шунда (сарой мулозимлари) подшоҳга: «Анави ерда бир эркак бир соҳибжамол аёл бирлан турибди» — деб хабар қилишди. Подшоҳ Биби Сорранинг ким эканликларини билмоқ учун бир мулозимини юборди, у бориб Иброҳим алайҳиссаломдан: «Бу (аёл) ким?» — деб сўради. Иброҳим алайҳиссалом унга: «Бу менинг (иймондош) синглимдур», — дедилар. (Нега бундай деганлари биргина Оллоҳ таолога аёнду). Кейин, ул киши Биби Сорранинг олдиларига бориб: «Эй Сорра! Ер юзида мену сендан бўлак бирор мўмин йўқдурки, у ҳозир иккимиз тушган мушкул аҳволга тушган бўлса! Подшоҳ бир мулозимини юборибди, у мендан сенинг ким эканлигингни суриштирди. Мен унга сени (иймондош) синглим, деб айтдим, тагин эрим, деб мени ёлғончи қилиб қўймагил!» — дедилар. (Биби Сорра саройга борганларидан сўнг), подшоҳ ул муҳтарамани ўз ҳузурига чорлади, Биби Сорра ичкарига кирганларида подшоҳ ул муҳтарамани қучоқламоқчи бўлиб эрди, тўсатдан нафаси бўғилиб, (тутқаноғи бор одам сингари турган ерида сапчиб-сапчиб тушди). Кейин: «Мендан қутулмоғингни Оллоҳдан сўра, шунда мен сенга зарар етказмагайман!» — деди. Биби Сорра Оллоҳ таолодан паноҳ тилаб эрдилар, подшоҳ беихтиёр ул муҳтарамани қўйиб юборди. Сўнг, у иккинчи бор Биби Соррани қучоқламоқчи бўлиб эрди, яна илгаригидек ёки ундан бадтарроқ нафаси бўғилиб, (тутқаноғи бор одам сингари турган ерида сапчиб-сапчиб тушди). Сўнг: «Мендан қутулмоғингни Оллоҳдан сўра, шунда сенга зарар етказмагайман!» — деди. Биби Сорра Оллоҳ таолодан паноҳ тилаб эрдилар, подшоҳ яна беихтиёр ул муҳтарамани қўйиб юборди. Шунда подшоҳ бир неча мулозимларини чақириб, уларга: «Сизлар менга инсонни эмас, бир шайтонни (бир жинни) олиб келибсизлар!» — деди-да, Биби Соррага Биби Ҳожарни ё хизматкор қилиб, сўнг иккаларини

Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига қайтариб юборди. Биби Сорра Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига етиб келганларида ул киши намозда қиём қилиб турган эрдилар, қўллари бирлан «Ҳолинг нечук?» деган маънода ишора қилдилар. Биби Сорра: «Оллоҳ таоло кофирнинг (ёки фожирнинг) макрини барбод қилиб; Ҳожарни (менга) хизматкор қилиб берди», — дедилар».

Абу Ҳурайра: «Эй осмон суви фарзандлари, ўшал аёл (яъни, Биби Ҳожар) сизларнинг онангиз эрди!» — дедилар. (Уламоларнинг айтишларича, «Осмон суви» Оллоҳ таоло Биби Ҳожарга ато этган «замзам» бўлиб, «Осмон суви фарзандлари» эса ул муҳтарамадан туғилган фарзандлар экан. Иброҳим алайҳиссаломнинг «Мен хастаман» ва «Аксинча, уларнинг каттаси бўлмиш мана бу (бут) қилди» деган гаплари хусусига келсак, воқеа бундай бўлган эрди: Кунлардан бир куни Иброҳим алайҳиссалом бутларни синдириб ташламоқчи бўлиб бутхонага кирадилар. Шунда ул кишини бутпараст қабиладошлари ўзлари бирлан биргалиқда байрам қилмоққа ташқарига чорлашади, аммо ул киши: «Мен бетобман» — деб ёлғон сузлайдилар. Кейин, Иброҳим алайҳиссалом болта бирлан энг катта бутдан бўлак барча бутларни синдириб ташлайдилар-да, болтани ўшал катта бутнинг бўйнига осиб қўядилар, чунки бутпарастларнинг кўпроқ ўшанга сажда қилаётганларини кўрган эрдилар. Бутпарастлар бутхонага кириб ул срдаги аҳволни кўргач: «Бизнинг бутларимизни сен шу куйга солдингми, эй Иброҳим?» — дейишади. Иброҳим алайҳиссалом: «Аксинча, уларнинг каттаси бўлмиш мана бу (буг) қилди» — деб яна ёлғон сузлайдилар).

Умму Шарийк разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вазағни ўлдирмоқни амр қилдилар-да: «(Вазағ) Иброҳим алайҳиссаломга ўтни пуфлагандур», — дедилар». («Вазағ» — калтакесакларнинг бир тури бўлиб, баъзи уламоларнинг айтишларича у оғзи бирлан урчиб, айрим ҳолларда тусини оқартирар экан ҳамда заъфарон бор уйга кирмас экан. Унинг йирик тури ҳам мавжуд бўлиб, «сув калтакесаги» («соммун абрасу») деб аташар экан. Ана шул вазағ, кофирлар Иброҳим алайҳиссаломни гулханга ташлашганда, янада қаттиқроқ ёнсин, деб ўтни пуфлаган экан).

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Одамларики иймон келтирдилар ва иймонларини зулм (ширк) бирлан булғамадилар — ана шулар учундур омонлик ва шулардурлар тўғри йўл (ҳидоят) топган кишилар» («Ал-Анъом» сураси, 86-оят) деган ояти каримаси нозил бўлганда, биз саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, қайси биримиз ўзимизга зулм қилмаганмиз?!» — дедик. Шунда ул зот: «Бу оятнинг мазмуни сизлар тушунгандек эмас, балки «иймонларини зулм бирлан булғамадилар» — «иймонларини ширк бирлан булғамадилар» демақдур. Луқмон алайҳиссаломнинг ўз ўғилларига: «Эй болагинам, Аллоҳ таолога ширк келтирма, дарҳақиқат ширк энг катта зулмдур!» — деб айтганларини эшитмаганмисизлар?» — дедилар («Луқмон» сураси, 13-оят).

27-боб. Қиёмат куни одамлар шафоат истаб шоша-пиша Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келурлар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни (бир меҳмондорчиликда) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (пиширилган) гўшт келтиришди. Жаноб Расулulloҳ (ундан бир тишлам олиб еганларидан сўнг): «Қиёмат куни Оллоҳ гаоло дастлабки одамдан сўнгги одамгача барчасини бир ерга тўплагай. Шунда жарчи уларга ўз овозини эшиттира олгай ва кўз барчаларини кўра олгай. Кейин, Қуёш уларга яқин келгай» — деб шафоат ҳақидаги ҳадисни бирма-бир зикр қилдилар-да, сўнг бундай деб давом этдилар: «Кейин, улар Иброҳим алайҳиссаломнинг қошларига келишиб: «Сиз Оллоҳ таолонинг расули ва Ер юзидаги

бандалари орасидан танлаб олган дўстисиз. Парвардигорингиздан гуноҳларимизни мағфират қилмоғини сўраб, бизга шафоат қилингиз!» — дегайлар. Иброҳим алайҳиссалом ҳаётликларидида айтган уч ёлғон гапларини эслагайлар-да: «Ўшал (ёлғон сўзлаган) менман... менман, Мусо алайҳиссаломнинг қошларига борингизлар!» — дегайлар». (Бу ерда мазкур ҳадис қисқача келтирилган).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Исмоил алайҳиссаломнинг оналарини (Биби Ҳожарни) раҳмат қилсин! Агар ул муҳтарамашошмаганларидида замзам (Ер юзи бўйлаб оқиб тургувчи) сув бўлган бўлур эрди» — деб марҳамат қилдилар».

Саъид ибн Жубайр Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан нақл қиладилар: «(Араб) аёллари (бирор иш қилганда чаққонроқ ҳаракат қилиш ҳамда кўйлаклари этагини босиб олмаслик учун) белларини белбоғ бирлан танғиб олишни дастлаб Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожар)дан ўрганишган. [Воқеа бундай бўлган эрди: Биби Сорра ўз жориялари Биби Ҳожарни Иброҳим алайҳиссаломга тортиқ қиладилар, шунда Биби Ҳожар Иброҳим алайҳиссаломдан Исмоил алайҳиссаломга ҳомиладор бўлиб қоладилар. Биби Ҳожар Исмоил алайҳиссаломни туққач, Биби Соррадан кўрқиб яшириниб оладилар. Биби Сорра ғазабланиб Биби Ҳожарнинг аъзоларини (икки кўкраклари бирлан фаржларини) қирқиб ташлайман, деб онт ичадилар. Шунда Биби Ҳожар этаklarини босиб олмаслик учун белларини белбоғ бирлан танг оладилар-да, қочиб кетадилар. Ал-Кирмоний: «Биби Ҳожарнинг хизматкор каби кийиниб, белларини белбоғ бирлан танғиб олганларининг боиси — ўзларининг Биби Соррага хизматкор эканликларини изҳор қилиб, ул муҳтарамаш кўнгилларини юмшатиш ва гуноҳларини ювиш эрди», дейдилар. Айтишларича, Иброҳим алайҳиссалом Биби Ҳожарнинг ёнларини олиб, Биби Соррага: «Ичган онтингдан кечиб, ўрнига икки қулоғини тешиб қўя қолгил!» — деб айтгае эрканлар. Кейин, биринчи бўлиб шу ишни қилган (яъни, хотин-қизлар қулоғини тешишни илк бошлаб берган) аёл Биби Сорра бўлган эрдилар. Айтишларича, Биби Сорранинг рашклари бениҳоят алангаланиб кетгач, Иброҳим алайҳиссалом ўғилчалари Исмоил алайҳиссалом бирлан Биби Ҳожарни олиб Маккага йўл оладилар. Мужоҳид ва бошқа ровийлардан н қилинишича, Оллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга ҳозир Байтуллоҳ жойлашган ерда манзил тутмоқни амр қилганда] киши Биби Ҳожар бирлан ўғилчалари Исмоил алайҳиссаломни Буроққа мингаштириб келадилар-да, иккаларини парвардигор буюрган ерга, яъни масжид турган .ернинг юқорироғига — замзам қудуғи ўрнидаги бир катта дарахт остига туширдилар. Шунда Биби Ҳожар ўғилчаларини йўл-йўлакай эмизиб келаётган бўладилар. Ўшал кезларда Макка ўрнида на бирор одам (ва на бирор бино) ва на замзам қудуғи бор эрди. Кейин, Иброҳим алайҳиссалом иккаларини, олдиларига бир халта хурмо ва бир меш сув қўйгач, ўшал ерда қолдирадилар-да, ўринларидан туриб (Шом томонга, ўз оилаларига) қайтмоқчи бўлиб йўлга тушадилар. Шунда Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожар) ортларидан эргашиб: «Эй Иброҳим (алайҳиссалом), қаерга кетаётирсиз? Бизни на бирор инсон ва на бирор нарса (еб-ичгулик) бўлмаган шул водийга ташлаб кетаверасизми?» — дейдилар. Ул муҳтарамаш шу алфозда анча жойгача (айтишларича, Кадоъ деган жойгача) эргашиб борадилар. Аммо, Иброҳим алайҳиссалом Биби Ҳожарга қайрилиб қарамай, йўлда давом этаверадилар. Ниҳоят, Биби Ҳожар ул кишига: «Шундай қилгил, деб Оллоҳ таоло сизга буюрдими?»— дейдилар. Иброҳим алайҳиссалом: «Ҳа, шундай» — деб жавоб берадилар. Биби Ҳожар: «Демак, (Оллоҳ таоло) бизни ҳалок қилмас экан!» — дейдилар-да, ортларига (Исмоил алайҳиссаломни ёлғиз қолдириб келган жойларига) қайтиб кетадилар. Иброҳим алайҳиссалом йўлларидида давом этиб, ўзларига одамлар кўзи тушмайдирган ерга (яъни, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага кириб келган) Ас-Санийя деган жойга келганларидида ортларига ўгирилиб, юзларини (ҳозирги) Байтуллоҳ ўрнига қаратадилар-да, қўлларини баланд кўтариб қуйидаги дуоларни айтадилар:

«Эй парвардигоримиз, дарҳақиқат мен айрим зурриётимни (яъни, Исмоил алайҳиссалом бирлан ул кишидан тарқаладирган фарзандларни) экин битмайдирган бир ерда, (қурилажак) муқаддас Байтинг ёнида маскан туттирдим (жойлаштирдим), эй парвардигоримиз, токи улар намоз адо этсинлар. Бас, сен моил қилгил уларга баъзи инсонлар дилларини ва насиб этгил уларга мевалардан, токи улар шукр қилсинлар» («Иброҳим» сураси, 37-оят). Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожар) эса Исмоил алайҳиссаломни эмизиб, мешдаги сувдан тутагунча ичиб, ўшал ерда ўлтиравердилар. Мешдаги сув тугагач, ўзлари ҳам, ўғилчалари ҳам қаттиқ ташна бўлишди. Бир маҳал Биби Ҳожар ўғилчалари Исмоил алайҳиссаломга қараб, ул кишининг (азбаройи ташналиқдан) туфроққа беланиб гўё жон бераётгандек ўзларини ўзлари ерга кўтариб ураётганларини кўрдилар-да, бу даҳшатли ҳолатга қарашга юраклари чидамай, бир тарафга қараб юрдилар. Бир оздан сўнг, Ер юзида ўзлари турган жойга энг яқин тоғ (тепалик) бўлмиш Сафога дуч келдилар. Сўнг, устига чиққач, водийга юзландилар-да, нажот сўраб парвардигорларига илтижо қилдилар. Кейин, атрофни кузатиб, бирор одамни кўрмагач, Сафо устидан пастга қайтиб тушдилар-да, (босиб олмайин, деб) кўйлаклари этагини (бир оз) кўтарганча бошига бир мушкул иш тушган одам янглиғ (ўғилчалари ётган) водийга шитоб бирлан етиб бордилар. Кейин, (шу алфозда) Марва тепалигигача бориб, унинг чиқдилар-да, бирор одам кўринармикан, деб атрофга қарадилар, аммо бирор кишини кўрмадилар. Биби Ҳожар ана тариқа етти марта у ёқдан бу ёққа саъй қилдилар (югурдилар).

Ибн Аббос шу ҳақда бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларнинг (ҳажда) Сафо ва Марва оралиғида саъй қилиши (ана шу воқеа бирлан боғлиқ)» — деб айтдилар».

Сўнг, Биби Ҳожар Марва тепасида турганларида, ногаҳон бир овозни эшитиб, (ўзларига ўзлари): «Жим бўл!» — дедилар-да, диққат бирлан қулоқ солдилар. Бояги овозни яна эшитгач: «(Парвардигоро), менинг нажот сўраб қилган дуо-ю илтижоларимга ижобат қилганингни эшиттирдинг (хабар қилдинг!)» — дейишлари ҳаманоқ бир фариштанинг (Ҳазрат Жаброилнинг ҳозирги) замзам (қудуғи) ўрнида турганларини кўрдилар: Сўнг, ўшал фаришта товонлари (ёки қанотлари) бирлан ерни кавлаб эрдилар, сув (отилиб) чиқди. Шунда Биби Ҳожар (шоша-пиша) сув атрофини қуму туфроқ бирла тўсаётиб, қўллари бирлан мана бундай (яъни, «Бас етарли» ёки «тухта-тўхта» деган маънода) ишора қилдилар-да, мешларига сувдан қуя бошладилар. Мешларини тўлдириб бўлганларида сув ҳануз отилиб турар эрди.

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Исмоил алайҳиссаломнинг оналарини раҳмат қилсин! Агар ул муҳтарама (бир оз сабр қилиб) булоққа тегмай (ёки сувидан олмай турганларида) эрди, замзам Ер юзи буйлаб оқиб тургувчи сув бўлган бўлур эрди», — дедилар» (чунки, у шундан кейин ҳозиргидек кам чиқадирган бўлиб қолган).

Кейин, Биби Ҳожар булоқ сувидан ўзлари ҳам ичдилар, ўғилчаларига ҳам тўйгунча ичириб қўйдилар. Сўнг, фаришта : (Ҳазрат Жаброил) Биби Ҳожарга: «Сув тўхтаб (тугаб) қолгай, деб кўрқмангиз, чунки ҳов анави ерда мана бу бола бирлан унинг отаси (яъни, Исмоил ва Иброҳим алайҳиссалом) Оллоҳ таолонинг Байтини (Байтуллоҳни) бунёд этгайлар, Оллоҳ таоло (булоқни тўхтатиб) унинг аҳлини ҳалокатга дучор қилмагай», — дедилар. Байтуллоҳ хусусига келсак, у шул вақтда сел келиб, дам ўнг томонини, дам чап томонини ювиб турадиган бир тепалик сингари (яъни, туфроқ остида махфий) ердан қад кўтариб турар эрди.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос: «Байтуллоҳ тўфон чоғида ердан (осмонга) олиб чиқиб кетилган бўлиб, (кейинги) пайғамбарлар унинг хусусида фақат тахмин қилишган, ўрни қаердалигини билишмаган. Кейин, Оллоҳ таоло унинг ўрни қаердалигини Иброҳим алайҳиссаломга хабар қилган», — дейдилар. Баъзи уламоларнинг фикрича, Байтуллоҳни Одам алайҳиссалом Оллоҳ таолонинг амрига биноан қурган эрканлар, яна баъзиларнинг айтишича, уни фаришталар барпо этган эмиш. Хуллас, бул хусусда турли фикрлар мавжуд.

Шундай қилиб, Биби Ҳожар булоқ сувидан ўзлари ҳам ичиб, ўғилчаларига ҳам ичириб,

(таом ўрнига шу бирлан қаноатланиб) юриб эрдилар, (бир маҳал Ямандаги) Журҳум маҳалласига (қабиласига) мансуб бир гуруҳ одамлар ёки Журҳум маҳалласи аҳли улар турган жой яқинидан ўтди-да, Кадоъ йўли орқали (ҳозирги) Макка (жойлашган ернинг) энг қуйи томонига бориб манзил тутди. Кейин, ўшал одамлар (суб мавжуд ерда гир айланиб учиб юривчи) бир хабарчи қушнинг (осмонда учиб юрганини) кўриб қолишди-да, ўзаро: «Бул қуш (одатда) суб устида айланиб учиб юрур, онт ичамизки, шундай эрканлиги муқаррардур!» — дейишди. Сўнг, (ўшал қуш айланиб учиб юрган томонда суб борми ёки йўқлигини тезда билиб келмоқ учун) бир ёки икки кишини жўнатишди. Улар бориб, суб мавжудлигини билишгач, ортларига қайтишди-да бул ҳақда ҳамроҳларига хабар қилишди. Кейин, (эркаклар бола-чақаларини шул ерда қолдиришиб, ўшал суб бор томонга) йўл олишди. (Етиб боришганда) Исмоил (алайҳиссаломнинг) оналари суб (замзам) бўйида турган эрдилар. «Ёнингизда манзил тутмоғимизга ижозат бергаймисиз?» деб ул муҳтарамга мурожаат қилишди. Биби Ҳожар: «Ҳа, аммо бу сувда сизларнинг ҳаққингиз йўқ», — дедилар. Улар: «Ҳа, албатта» — деб жавоб қилишди.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бул хусусда) бундай дейдилар: «Ўшал (Журҳум маҳалласи кишилари) Биби Ҳожарнинг одамсевар аёл эрканликларини билишгач, ул муҳтараманинг ёнларида манзил тутди. Сўнг, бола-чақаларини олиб келмоққа одам юборишди. Улар келгач, биргалиқда истиқомат қила бошлашди. Исмоил алайҳиссалом ана ўшаларнинг болалари орасида улғайдилар, улардан араб тилини ўргандилар». Жаноб Расулulloҳнинг юқоридаги сўзларидан маълум буладики, Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Иброҳим алайҳиссалом бирлан Биби Ҳожарнинг) она тиллари араб тили бўлмаган. (Иброҳим алайҳиссаломнинг зурриётларидан) биринчи бўлиб араб тилида сўзлашган зот — бу Исмоил алайҳиссаломдурлар.

Шундай қилиб, Исмоил алайҳиссалом болаликларида ноқ ўзларининг фазилатлари бирлан Журҳум аҳли орасида иззат-ҳурмат топиб, уларга ёқиб қолдилар. Балоғат ёшига етганларида эрса, ул кишини Журҳум аҳли ўзларига мансуб (Аммора бинти Саъд ибн Усома деган) бир аёлга уйлантириб қўйишди. Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожар) ўша вақтларда (тўқсон ёшда) вафот этдилар. Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссалом уйланганларидан сўнг (Байтуллоҳга) келдилар. Бу вақтда Биби Ҳожар аллақачон оламдан кўз юмган бўлиб, ул киши ўзлари бир вақтлар ёлғиз ташлаб кетган ул муҳтараманинг ҳоли не кечди экан, деб қайғуриб келган эрдилар. Шунда Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни уйларидан топмай, қаердаликларини келинларидан сўраб эрдилар, ул: «Бизлар учун ризқ ахтариб чиқиб кетганлар», — деди. Сўнг, Иброҳим алайҳиссалом келинларидан уларнинг туриш-турмушлари хусусида суриштирдилар. Келинлари: «Аҳволимиз ёмон, жуда қийналиб қолганмиз» — дея ул кишига шикоят қилди. Иброҳим алайҳиссалом (унинг бу сўзларини эшитиб): «Эринг келса, мендан унга салом айтиб қўйгил ва унга айтгилки, эшигининг остонасини ўзгартирсин!» — деб тайинладилар (яъни, Иброҳим алайҳиссалом келинларидан ҳол-аҳвол сўраганларида, у Оллоҳ таолога шукр қилиш ўрнига ҳаётдан нолиди. Шул боис Иброҳим алайҳиссалом «Эшигининг остонасини ўзгартирсин!» — дейиш бирлан Исмоил алайҳиссаломга хотинларини талоқ қилишни ишора қилдилар). Исмоил алайҳиссалом уйларига қайтганларида бир нарсани (яъни, оталарининг ҳидларини) сезгандек бўлдилар-да: «Ҳузурингизга бирор киши келдими?» — деб сўрадилар. Хотинлари: «Ҳа, фалон қиёфали бир чол келиб, биздан сиз хусусингизда сўради. Мен (сизнинг бизлар учун ризқ ахтариб чиқиб кетганингизни) айтдим. Сўнг, у мендан турмушимиз қандай эрканлигини сўраб эрди, жуда қийналиб қолганлигимизни маълум қилдим», — деди. Исмоил алайҳиссалом: «Ул киши сенга бирор нарсани тайинладиларми?» - дедилар. Хотинлари: «Ҳа, сизга саломини етказмоғимни буюрди ҳамда эшигингиз остонасини ўзгартирмоғингиз лозимлигини сизга айтиб қуйишимни тайинлади», — деди. Шунда Исмоил алайҳиссалом: «Ўшал келган киши менинг отам бўлиб сандан ажралмоғимни амр қилибдилар, бор уйингга жўна!» - дедилар-да, хотинларини талоқ қилдилар. Кейин, уларга (Журҳум аҳлига)

мансуб (Шомма бинти Муҳалҳил исмли) бошқа бир қизга уйландилар. Иброҳим алайҳиссалом (шу келиб-кетганларидан сўнг), Оллоҳ таоло ирода қилганча вақт ўғиллариникига келмадилар. Кейинги келганларида яна ўғилларини учратмадилар-да, янги келинлари ҳузурига кириб ул - кишини сўрадилар. У: «Бизлар учун ризқ ахтариб чиқиб кетиб эрдилар», — деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Аҳволингиз қалай?» — дея уларнинг туриш-турмушлари хусусида суриштирдилар. У: «Аҳволимиз яхши, ҳамма нарсамиз етарли» — деб Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтди. Иброҳим алайҳиссалом: «Егулигингиз нима?» — дедилар. У: «Гўшт», — деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Ичимлигингиз нима?» — дедилар. У «Сув», — деди. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Ё парвардигоро, гўшту сув борасида уларга барака ато этгил!» — деб дуо қилдилар.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу тўғрида: «Ўшал куни уларнинг бир дона ҳам буғдой дони йўқ эрди, агар бўлганида Иброҳим алайҳиссалом ул хусусида ҳам Оллоҳ таолодан барака тилаб дуо қилган бўлур эрдилар. Аммо, (Маккада) бирор кимса гўшту сувдан маҳрум бўлмади, агар унга Маккадан бўлак жойда гўшту сув номувофиқ келиб қолмаса», — деганлар. (Яъни, Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари туфайли Оллоҳ таоло Макка аҳлига гўшт ва сув борасида барака ато этган бўлиб, ўшал даврдан то ҳанузгача у ерда ҳар йили икки бор — Рамазон ва Қурбон ҳайитларида кўплаб қурбонликлар қилинади. Барака тиланган сув эса — бу замзамдур).

Сўнг, Иброҳим алайҳиссалом келинларига: «Агар эринг келса, унга саломимни етказ, кейин унга айтгилки, эшигининг остонасини мустаҳкамлаб қўйсин!» — дедилар-да, (қайтиб кстдилар. Исмоил алайҳиссалом уйларига келгач): «Ҳузурингизга бирор одам келдими?» — деб хотинларидан сўрадилар. У: «Ҳа, бир хушсурат (нуроний) қария келдилар» — деб Иброҳим алайҳиссалом хусусларида яхши сўзлар айтди. «Кейин, сизни суриштирдилар, — дея давом этди у, — мен не мақсадда чиқиб кетганингизни хабар қилдим. Сўнг, туриш-турмушимиз қандайлигини сўраб эрдилар, яхши яшаётганимизни айтдим». Исмоил алайҳиссалом: «Сенга бирор нарсани тайинладиларми?» — деб сўрадилар ундан. У: «Ҳа, сизга салом айтдилар ҳамда эшигингиз остонасини мустаҳкамлаб қўймоғингизни амр қилдилар», — деди. Исмоил алайҳиссалом хотинларига: «Ўшал (қария) отам эрдилар, эшик остонаси эрса сендурсан, сени қўлдан чиқармай маҳкам ушламоғимни буюрибдилар», — дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна Оллоҳ таоло ирода қилганча вақт уларникига келмай қўйдилар. Кейин, келганларида эса Исмоил алайҳиссалом (оналари бирлан ўзлари ёлғиз ташлаб кетилган замзам яқинидаги ўшал) катта дарахт тагида камонлари ўқини ўткирлаб ўлтирган эрдилар. Оталарига кўзлари тушгач, ўринларидан туриб ул киши томон бордилар ва иккалалари ота боласи бирлан, бола эрса отаси бирлан қандай кўришса, шундай (кучоқлашиб, ўпишиб) кўришишди. Сўнг, Иброҳим алайҳиссалом: «Эй Исмоил! Оллоҳ азза ва жалла менга бир ишни буюрди», — дедилар. Исмоил алайҳиссалом: «Парвардигорингиз сизга нени буюрган эрса, адо этингиз!» — деб жавоб қилдилар. Иброҳим алайҳиссалом: «Менга кўмак берурмисан?» — деб сўрадилар. Исмоил алайҳиссалом: «Албатта, брдам бергайман», — дедилар. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Дарҳақиқат Оллоҳ таоло ҳов анави ерда бир бино (Байтуллоҳ) бунёд этмоқни менга амр қилди» — деб ўз атрофидаги бошқа тепаликлардан баландроқ бир тепаликка ишора қилдилар. Ўшал вақтда ота-бола иккалалари бинонинг пойдеворларини кўтаришди, шунда Исмоил алайҳиссалом тош ташиб турдилар, Иброҳим алайҳиссалом эрсалар тошлардан пойдевор қурдилар. Бино деворлари бўй етмайдиган даражада баланд кўтарилгач, Исмоил алайҳиссалом мана бу тошни келтириб, оталари оёқлари остига қўйиб бердилар. Иброҳим алайҳиссалом унга чиқиб девор олдилар. Исмоил алайҳиссалом эрсалар ул кишига тош узатиб турдилар. Шунда иккалалари нуқул: «Ё парвардигоримиз, биздан (ушбу амалимизни) қабул айлагил, дарҳақиқат сен (бизнинг дуомизни) эшитгувчи, билгувчисан!» — дейишар эрди».

Саъид ибн Жубайр Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан нақл қиладилар: «Иброҳим алайҳиссалом

ўзлари ва оилалари ўртасидаги воқеа содир бўлганда Исмоил алайҳиссалом бирлан Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожарни) олиб (Шомдан Макка томон) йўлга чиқдилар. Шунда уларнинг бир меш сувдан бўлак йўл озиги йўқ эрди. Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожар) ўшал мешдан йўл-йўлакай сув ичиб бориб эрдилар, сутлари болаларига мўл келди. Иброҳим алайҳиссалом Маккага етиб келгач, уларни (Биби Ҳожар ва Исмоил алайҳиссаломни) бир катта дарахт остида қолдирдилар-да, (дарҳол) оилаларига (Шомга) томон йўлга тушдилар. Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожар) ул кишига эргашиб, Кадоъ деган ерга етганларида ортларидан чақирдилар-да: «Эй Иброҳим (алайҳиссалом), бизни кимга (ишониб) ташлаб кетаётирсиз?» — дедилар. Иброҳим алайҳиссалом: «Оллоҳ таолога», — дедилар. Биби Ҳожар: «Менга Оллоҳ (ер бўлса) бас!» — деб қайтиб кетдилар. Кейин, ул муҳтарама (анчагача) мешдаги сувдан ичиб юрдилар, сутлари болаларига мўл келиб турди. Мешдаги сув тамом бўлгач, (ўзларига ўзлари): «Нарироқларга бориб қарайин-чи, зора бирор одамни учратсам!» — дедилар. Сўнг, юра-юра Сафо тепалигига етиб бориб, унга кўтарилдилар-да, тепадан туриб атрофни кузатдилар. Аммо бирор кимсага кўзлари тушмади. Кейин, водийга (ўғилчалари қолган ерга) қайтиб боргач, саъй қилиб Марва тепалигига келдилар. Бу ҳаракатни шитоб бирла қилдилар. Сўнг, (ўзларига ўзлари): «Водийга қайтай-чи, унга (ўғилчамга) не бўлди экан?» — дея водийга бориб қарасалар, ўғилчалари ўлим талвасасидаги одам сингари ҳолатда ётибди. Унинг бу аҳволини кўргач, юраклари безовта бўлиб: «(Яна) бориб қарайин-чи, зора бирор одамни учратсам!» — дея (шитоб бирлан) Сафога бордилар-да, тепасидан туриб атрофни роса кузатдилар, аммо бирор одамни кўрмадилар. Шу тариқа (бу ерга) етти марта келиб кетдилар. Сўнг, (Марва тепасидан атрофни кузатиб туриб, ҳеч кимни кўрмагач, ўзларига ўзлари): «Бориб қарайин-чи, ўғилчамга не бўлди экан?» — деб ҳам эрдиларки, бир овоз қулоқларига чалинди. Шунда: «Парвардигоро, дуо-ю илтижоларимга ижобат қилиб, нажот бер!» — деб эрдиларки, Жаброил алайҳиссалом намоён бўлиб, товонлари бирлан ерни эздилар. Шунда (ердан) сув отилиб чиқди. Исмоил алайҳиссаломнинг оналари (Биби Ҳожар) бундан ҳайратланганча сув атрофини кавлаб ҳовузча қила бошладилар.

Абулқосим (Расулulloҳ) саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар унга тегмаганларида оқар суп бўлган бўлур эрди», — дейдилар.

Сўнг, Биби Ҳожар ўшал сувдан ичиб юриб эрдилар, болаларига сутлари мўл келди. Кунлардап бир куни (Ямандан) йўлга чиққан Журҳум маҳалласи аҳли (Биби Ҳожар ўғилчалари бирлан турган) водий орқали ўтиб кетаётиб (осмонда гир айланиб учаётган) бир қушни кўриб қолишди-да, кўзларига ишонмай: «Бу қуш фақат сув устидагина учиб юрур», — дейишди. Кейин, улар ўшал томонга бир неча кишини юборишиб эрди, сув борлигини билиб қайтишди-да, шерикларига шул ҳақда хабар қилишди. Кейин, ҳаммалари Биби Ҳожарнинг ҳузурларига боришиб: «Эй Исмоил (алайҳиссалом)нинг онаси, бизнинг сиз бирлан бўлмоғимизга (сиз бирлан бирга турмоғимизга) ижозат бергаймисиз?» — дейишди, (ижозат берганларидан сўнг, улар ўша ерда яшаб қолишди. Йиллар ўтиб) Биби Ҳожарнинг ўғиллари вояга етдилар ва Журҳум аҳли аёлларидан бирига уйландилар. Кунлардан бир куни Иброҳим алайҳиссалом Биби Ҳожар бирлан ўғиллари ёдларига тушиб, Биби Соррага: «Мен ўзим ташлаб келган Биби Ҳожар бирлан ўғлимнинг ҳолидан хабар олмоқчиман» — деб йўлга чиқдилар. Етиб келгач, салом бердилар-да: «Исмоил қаерда?» — деб ул кишининг хотинларидан сўрадилар. У: «Ов қилгани кетганлар», — деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Эринг уйга қайтганда унга айтгилки, эшигининг остонасини ўзгартирсин!» — деб тайинладилар. Кейин, Исмоил алайҳиссалом уларига қайтгач, хотинлари бояги гапни айтди. Исмоил алайҳиссалом: «Ҳузурингга келган киши менинг отам бўладилар, энди сен талоқсан, уйингга жўна!» — дедилар. (Бирмунча вақт ўггач), Иброҳим алайҳиссалом уларни эслаб, Биби Соррага: «Мен ўзим ташлаб келган Биби Ҳожар бирлан ўғлимдан хабар олмоқчиман» — дедилар. Етиб келгач, Исмоил алайҳиссаломнинг (кейинги хотинларига): «Исмоил қаерда?» — дедилар. У: «Ов қилгани кетганлар. Уйга киринг, бирор нарса еб-ичиб олинг!» — деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Не еб-

ичурсизлар?» — дедилар. У: «Егулигимиз гўшт ва ичимлигимиз сув», — деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Ё парвардигор, уларнинг таомига ва ичимлигига барака ато этгайсан!» — деб дуо қилдилар.

Абулқосим (Расулulloх) саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло) Иброҳим алайҳиссаломнинг дуолари туфайли (уларнинг гўшту сувига) барака (ато этди)», — дедилар.

(Яна бирмунча вақт ўтгач), Иброҳим алайҳиссалом улар ёдларига тушиб, Биби Соррага: «Мен ўзим ташлаб келган Биби Ҳожар билан ўғлимдан хабар олмоқчиман — дедилар. Келганларида Исмоил алайҳиссаломни замзам қудуғининг ортида камонларининг ўқини тузатиб турган ҳолда учратдилар-да: «Эй Исмоил, парвардигоринг ўзига уй (Байтуллох) қуриб бермоғимни менга амр қилди», — дедилар. Исмоил алайҳиссалом: «Парвардигорингизга итоат этингиз!» — дедилар. Иброҳим алайҳиссалом: «Парвардигор бу ишда менга ёрдам бермоғингни буюрди», — дедилар. Исмоил алайҳиссалом: «Демак, шундай (ёки айтганини) қилурман», — дедилар. Кейин, иккалалари ўринларидан туришди, Иброҳим алайҳиссалом уй қуришни бошладилар, Исмоил алайҳиссалом эрсалар тош узатиб турдилар. Шунда иккалалари нуқул: «Ё парвардигоримиз, биздан (ушбу амалимизни) қабул айлагил, дарҳақиқат сен (бизнинг дуомизни) эшитгувчи, билгувчисан!» — дейишар эрди. Шу тариқа бино баланд кўтарилиб, кекса Иброҳим алайҳиссалом (юз ёшда эрдилар) тошларни юқорига кўтаришга заифлик қилиб қолдилар. Шунда ул киши бир тош устига чиқиб олдилар, Исмоил алайҳиссалом (ўттиз ёшда эрдилар) эрсалар тош узатишда давом этдилар. Иккалалари нуқул (яна): «Ё парвардигоримиз, биздан (ушбу амалимизни) қабул айлагил, дарҳақиқат сен (бизнинг дуомизни) эшитгувчи, билгувчисан!» — дейишар эрди».

Абу Заррразияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloх саллалллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулаллох, Ер юзида биринчи бўлиб қурилган масжид қайси?» — дедим. Ул зот «Ал-Масжид ул-Ҳаром (Байтуллох)», — дедилар. Мен: «Ундан кейин қайси?» — дедим. Ул зот: «Ал-Масжид ул-Ақсо (Қудсдаги масжид)» — дедилар. Мен: «Иккаласининг орасида неча (йил фарқ) бор?» — дедим. Ул зот: «Қирқ йилдур. Қаерда бўлмасин, намоз уқийдирган вақтинг келдими, ўқигил, чунки савоб ўз вақтида ўқилган намоздадур!» — дедилар. (Одам алайҳиссалом Оллоҳ таолонинг амрига мувофиқ Байтуллоҳни қуриб бўлганларидан сўнг, парвардигор ул зотга Қудсга бориб Ал-Масжид ул-Ақсонини ҳам қурмоқни амр қилди. Кейинчалик Иброҳим алайҳиссалом Байтуллоҳни, Сулаймон алайҳиссалом эрсалар Ал-Масжид ул-Ақсонини қайта қурдилар).

Анас ибн Молик разиялло.ҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloх саллалллоҳу алайҳи ва саллам рўпараларида Уҳуд тоғи кўрингач: «Бу тоғ бизни яхши кўрур ва биз ҳам уни яхши кўрурмиз. Ё парвардигоро, дарҳақиқат Иброҳим алайҳиссалом Маккани муқаддас қилдилар, мен эрсам унинг (Мадинанинг) икки қора тошлари оралиғини (Мадинанинг икки тарафидаги Савр ва Айр тоғлари оралиғини) муқаддас қилдим» деб марҳамат қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloх саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «(Эй Оиша), қавмининг (яъни, Қурайш қабиласининг) Каъбани Иброҳим алайҳиссалом қўйган пойдевордан кичрайтириб қуриб қўйганини кўрмадингми?» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллох, уни Иброҳим алайҳиссалом қўйган пойдевор устида қайта қурмайсизми?» — дедим. Ул зот: «Қавминг яқиндагина кофир бўлмаганида эрди (яъни, яқиндагина куфрдан қайтиб, мусулмон бўлган кишилар бўлмаганида эрди), шундай қилган бўлур эрдим», — дедилар, (яъни ул зот Қурайш аҳлининг Исломдан айниб қолишларидан хавотир олганлар)».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Гарчи Оиша разияллоҳу анҳо бул ҳадисни Расулulloх саллалллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган бўлсалар ҳам, мен Жаноб Расулulloҳни

Байтуллоҳнинг Иброҳим алайҳиссалом қўйган пойдевор устида қурилмагани учунгина девор яқинидаги икки устунни (ўпиб силаб) тавоф қилмаганлар, деб ҳисобламайман», — дейдилар.

Абу Ҳумайд ас-Соъидий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Саҳобалар Жаноб Расулуллоҳдан): «Ё Расулаллоҳ, сизга қандай салавот айтайлик?» — деб сўрашди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳумма, салли ало Муҳаммадин ва азвожиҳи ва зурриятиҳи камо саллайта ало оли Иброҳийма ва борик ало Муҳаммадин ва азвожиҳи ва зурриятиҳи камо баракта ало оли Иброҳийма, иннака ҳамийдум-мажийд, деб айтингизлар», — дедилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Лайло разляллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Каъб ибн Ужра мени учратиб: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзим эшитган бир ҳадяни (ҳадисни) сенга тухфа қилайинми?» — деди. Мен: «Ҳа, албатта, уни менга тортиқ қилгил!» — дедим. Шунда у бундай деди: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулаллоҳ, дарҳақиқат Оллоҳ таоло сиз Байт аҳлига (пайғамбарларга) қандай салом йўлламоғимизни ўргатган, аммо сиз пайғамбарларга қандай салавот айтмоғимиз даркор?» — деб сўрадик. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳумма, салли ало Муҳаммадин ва ало оли Муҳаммад камо саллайта ало Иброҳийма ва ало оли Иброҳийм, иннака ҳамийдум-мажийд. Оллоҳумма, борик ало Муҳаммадин ва ало оли Муҳаммад камо боракта ало Иброҳийма ва (ало) оли Иброҳийм, иннака ҳамийдум-мажийд, деб айтингизлар», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (набиралари) Ҳасан ва Ҳусайнни «Аъузу бикалимот-иллоҳит-томма мин кулли шайтонин ва ҳомма ва мин кулли айнин ломма» деб дуо қилардилар-да, сўнг: «Боболарингиз (Иброҳим алайҳиссалом) ҳам Исмоил алайҳиссалом бирлан Исҳоқ алайҳиссаломни ана шу сўзларни айтиб дуо қилар эрдилар», — дер эрдилар».

28-боб. Оллоҳ таолонинг «Ва хабар бериншз уларга Иброҳим меҳмонлари хусусида, вақтики кирдилар (улар) унинг ҳузурига...» («Ҳижр» сураси, 51—52-оятлар)

Мазкур суранинг (53-оятдаги) «ло тавжал» — «қўрқма» демақдир. Оллоҳ таолонинг қавли: «Вақтики Иброҳим деди: «Эй парвардигорим, ўликларни қандай тирилтирмоғингни менга кўрсатгил!», (шунда) Оллоҳ таоло деди: «Сен (Менга ва менинг қудратимга) иймон келтирмадингми?». Иброҳим деди: «Ҳа, албатта (иймон) келтирдим, аммо (буни) қалбим таскин топсин, деб айтдим» («Ал-Бақара» сураси, 260-оят);

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Биз (мункир қавмимиз ўзимизга етказган азиятларнинг илгариги пайғамбарларга қавми етказган азиятлардан қаттиқроқ эканлиги боисидан) Иброҳим (алайҳиссалом Оллоҳ таолодан сўраган нарсани сўрамоққа ул киши)дан кўра ҳақлироқмиз, (аммо сўрамаймиз). (Жаноб Расулуллоҳ «биз» деб ўзларини назарда тутяптилар). Иброҳим алайҳиссалом денгиз соҳилида етган бир эшак ўлигини кўриб, агар уни денгиз тортиб кетса, денгиздаги ҳайвонлар ейди, агар денгиз чекиниб, соҳилга чиқиб қолса, қуруқликдаги ҳайвонлар ейди ва агар улар кетса, қушлар келиб ейди. Парвардигор денгиздаги ва қуруқликдаги ҳайвонлар ҳамда қушлар еб кетган жониворлар аъзоларини уларнинг қоринларидан қай тариқа йигиштириб олиб, қайта тирилтирар экан, деб фикр қилдилар-да: «Эй парвардигорим, ўликларни қандай тирилтирмоғингни менга кўрсатгил!» — дедилар. (Шунда)Оллоҳ таоло: «Сен (менга ва менинг қудратимга) иймон келтирмадингми?» — деди. Иброҳим (алайҳиссалом): «Ҳа, албатта иймон келтирдим, аммо (буни мени ҳақиқатан ҳам

ўзингга дўст тутганингни билиб» қалбим таскин топсин, деб айтдим», — дедилар. Оллоҳ таоло Лут (алайҳиссалом)ни раҳмат қилсин, (машаққатли кезларда) бақувват устунга (Оллоҳ таолога) суянар эрдилар гар мен Юсуф (алайҳиссалом)чалик узоқ вақт зиндонда қолиб кетсам, ул ердан чиқмоққа тезда кўнган бўлур эрдим» (Жаноб Расулulloҳ Юсуф алайҳиссаломнинг сабру қаноатли бўлганларини айтиб, ул кишини мақтаяптилар).

29-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва эслангиз (бул) Китобда Исмоилники, ул батаҳқиқ ваъдасига содиқ банда ва (Биз юборган) пайғамбар эрди» («Марям» сураси, 54-оят)

Салама ибн ал-Акваъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (камондан ўқ узиб) мусобақалашаётган Аслам қабиласига мансуб бир гуруҳ кишилар олдига бордилар-да: «Эй Исмоил (ибн Иброҳим ат Халил авлодлари, отингизлар! Чунки, боболарингиз (Исмоил) ҳам мерган (камончи) бўлгандурлар, мен эрсам фалон кабила тарафман», — дедилар. Буни эшитиб (мусобақалашаётган) икки гуруҳдан бири (отишдан) тўхтади. Жаноб Расулulloҳ (уларга): «Сизларга не бўлди, нечун отмаётирсизлар» дедилар. Улар: «Ё Расулаллоҳ, сиз (Жанобингиз) улар тараф бўлатуриб, биз қандайин отурмиз?» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Отаверингизлар, мен ҳаммангиз тарафман!» —деб марҳамат қилдилар».

30-боб. Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳимос-салому қиссаси

Бул хусусда Ибн Умар ва Абу Ҳурайра Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганларини ривоят қилишган (лекин бу ерда ривоятнинг матни келтирилмаган).

31-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ёки сиз (яхудийлар) Яъқубга ўлим келиб, ул ўз ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қилурсизлар?» деб айтганида (унинг ҳузурида) бор эрдингизларми?!» («Бақара» сураси, 133-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саҳобалардан бири Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё расулаллоҳ, (Оллоҳ таоло қошида) энг иззатли киши кимдур?»— деди. Ул зот: «(Оллоҳ таолодан) энг кўп тақво қилгувчи (қурқувчи) кишидур» — деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар: «Биз сиздан бул ҳақда сураётганимиз йўқ», — дейишди. Ул зот: «Юсуф набийўллоҳ Яъқуб набийўллоҳнинг, Яъқуб набийўллоҳ Исҳоқ набийўллоҳнинг, Исҳоқ набийўллоҳ Иброҳим Халилуллоҳнинг ўғиллари бўлиб, Юсуф набийўллоҳ уларнинг энг шарифидурлар»— деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар (яна): «Биз сиздан бу ҳақда (ҳам) сураётганимиз йўқ», — дейишди. Шунда ул зот: «Арабларнинг манбаи (асл-насаби) хусусида сураётирсизларми? (Арабларнинг) жоҳилият давридаги энг яхшилари — Ислом давридаги энг яхшиларидир, агар улар тушунган бўлсалар» — деб марҳамат қилдилар».

32-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Лутни эслангиз, ул ўз қавмига: «Эй (қавмим), кўра-била туриб фаҳш иш қилурсизларми? Хотинлар қолиб, эркакларга шаҳват ила етурсизларми? Балки сизлар нодон қавмдурсизлар?» — деганида, қавмидан «Лут хонадони аҳлини шаҳрингиздан ҳайдаб чиқарингизлар, чунки улар покликни талаб қилғувчи одамлардур» деган гапларидан бўлак жавоб бўлмади. Кейин, Биз унга ва оиласига нажот бериб, фақат хотининигина (ул ерда) қолгувчилардан қилдик ва ёғдирдик уларнинг (қавмининг) устига бир (тош) ёмғирки, (охират азобидан) огоҳлантирилгувчилар (устига егдирилган бу) емгир қанчалар ёмон бўлди!» («Намл»

сураси, 54—58-оятлар)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Лут алайҳиссаломни раҳмат қилсин! Дарҳақиқат, ул киши бақувват устунга (яъни, Оллоҳ таолога) таянар эрдилар» — деб марҳамат қилдилар».

33-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Кейин, вақтики келдилар Лут хонадонига элчилар (фаришталар), у (Лут уларга деди): «Дарҳақиқат, сизлар бизга нотаниш бир қавмдурсизлар» («Ҳижр» сураси, 61—62-оятлар)

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «...насиҳат олгувчи борми?» деб қироат қилдилар» (яъни, Жаноб Расулulloҳ Лут алайҳиссалом ва ул кишининг қавмлари хусусида зикр қила туриб «Ал-Қамар» сурасининг 32-оятини тиловат қилдилар).

34-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва юбордик Самуд қавмига ўз биродарлари Солиҳни» («Ал-Аъроф» сураси, 73-оят)

Абдуллоҳ ибн Замъа ртуют қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг (Солиҳ алайҳиссаломнинг) туяларини сўйган (Самуд қавмига мансуб) киши хусусида эслаб: «Абу Замъа (Замъанинг отаси) сингари бир бақувват киши уни (туяни) ўзига чақирди-да, (сўйиб юборди)» — деб айтганларини эшитдим».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Табук ғазоти вақтида Ҳижр деган ерда тушганларида саҳобаларга ҳижрликлар қудуғидан сув ичмасликни ҳамда унинг сувидан мешларга қўйиб олмасликни амр қилдилар. Улар: «Аллақачон унинг сувига хамир қориб ҳамда ундан мешларга тўлдириб олганмиз», — дейишди. Шунда ул зот ўшал хамирни ташлаб юборишни ва (мешлардаги) сувни тўкиб ташлашни амр қилдилар. Сабра ибн Муъаббад ҳамда Абу Шамусдан нақл қилинишича, Жаноб Расулulloҳ ўшанда ҳатто егуликларни ҳам ташлаб юборишни амр қилган эрканлар» (яъни, Оллоҳ таоло бало юборган қавм еридаги сув ва егуликларни истеъмол қилишни таъқиқлаганлар, боиси — уларга ҳам касофати тегиши мумкин эрди).

Солим ибн Абдуллоҳ оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ҳижрдан ўтиб кетаётиб: «Ўзларига зулм қилганларнинг (яъни, Самуд қавмининг) уйларига кирмангизларки, тагин уларнинг бошига тушган балога гирифтор бўлиб, йиғлаб қолмангизлар!» — дедилар. Сўнг, юзларини ридолари бирлан тўсиб олганча уловларини чоптириб кетдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ўзларига зулм қилганларнинг уйларига кира кўрмангизларки, улар гирифтор бўлган балога сизлар ҳам дучор бўлиб, йиғлаб қолгайсизлар», — дедилар».

35-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ёки Яъқубга ўлим келганда (унинг ҳузурда) бор эрдингизларми?!»

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам

бундай деб марҳамат қилдилар: «Карийм ўғли Карийм ўғли Карийм ўғли Карийм — Иброҳим ўғли Исҳоқ ўғли Яъқуб ўғли Юсуф алайҳимиссалому» — дедилар» (яъни, буларнинг Оллоҳ таоло қошида энг шарифи Юсуф алайҳиссалом эканликларига ишора қилаётирлар).

36-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг биродарларида (яъни, улар хусусидаги қиссада) сўрагувчилар учун ибратлар бордур» («Юсуф» сураси, 7-оят)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Саҳобалардан бири) Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан: «Одамларнинг (Оллоҳ таоло қошида) энг иззат-икромлиси кимдур?» — деб сўради. Ул зот: «Уларнинг Оллоҳ таолодан энг кўп тақво қилгувчиси», — дедилар. Саҳобалар: «Биз сиздан бул ҳақда сўраётганимиз йўқ», — дейишди. Ул зот: «Одамларнинг (Оллоҳ таоло қошида) энг иззат-икромлиси (Иброҳим) Халиллоulloҳ ўғли (Исҳоқ) набийulloҳ ўғли (Яъқуб) набийulloҳ ўғли Юсуф набийulloҳдурлар», — дедилар. Саҳобалар (яна): «Биз сиздан бул ҳақда (ҳам) сўраётганимиз йўқ», — дейишди. Шунда ул зот: «Мендан арабларнинг манбаи (асл-насаби) хусусида сўраётирсизларми? Жоҳилият вақтидаги энг яхшилари — Ислом вақтидаги энг яхшиларидур, агар тушунган бўлсалар» — деб марҳамат қилдилар».

Урва ибн Зубайр Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (бетоб вақтларида) унга (Оишага): «Абу Бакрга буюргил (айтгил), одамлар бирлан намоз ўқисинлар (яъни, менинг ўрнимга уларга имомлик қилсинлар)», — дедилар. Оиша: «Ул киши қалблари нозик, кўнгли бўш одамлар, агар ўрнингизга имомлик қилсалар, одамлар бирлан намоз ўқиёлмайдилар, (йиғлаб юборадилар)», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ бояги гапларини яна айтиб эрдилар, Оиша онамиз ҳам боягидек жавоб қилдилар. Шуъба разияллоҳу анҳу айтадиларки, Жаноб Расулulloҳ бояги гапларини уч ёки тўрт бор қайтаргач: «Дарҳақиқат, сиз хотинлар Юсуф (алайҳиссалом қиссасидаги) хотинлар кабидурсизлар, Абу Бакрга буюрингизлар (айтингизлар, ўрнимга имомлик қилсинлар)» — деб айтибдилар».

Абу Мусо оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлиб қолгач: «Абу Бакрга буюрингизлар (айтингизлар), одамлар бирла намоз ўқисинлар (ўрнимга имомлик қилсинлар)», — дедилар. Оиша (онамиз); «Абу Бакр (кўнгли бўш) кишилар», — дедилар. Ул зот бояги гапларини қайтардилар. Оиша (онамиз) ҳам боягидек жавоб қилдилар. Ул зот (яна): «Ул кишига буюрингизлар (айтингизлар, имомлик қилсинлар), дарҳақиқат сизлар Юсуф алайҳиссалом (қиссасидаги) хотинлар кабидурсизлар», — дедилар. Кейин, Абу Бакр Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳали ҳайт бўлатуриб, (ўринларига) имомлик қилдилар».

Хусайн Зоидадан нақл қилиб: «(Абу Бакр) кўнгли бўш одам эрдилар», — дейдилар.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Парвардигоро, Иёш ибн Абу Рабиъага нажот бер! Парвардигоро, Салама ибн Ҳишомга нажот бер! Парвардигоро, Валийд ибн Валийдга нажот бер! Парвардигоро, мўминларнинг заифларига (бева-бечораларига) нажот бер! Парвардигоро, Музар қавмига нисбатан қаҳрингни янада қаттиқ қил! Парвардигоро, уларнинг бошига Юсуф алайҳиссалом (даврларидаги) сингари (қаҳатчилик) йилларини солгил!» — деб дуои хайр ва дуои бад қилдилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Лут алайҳиссаломни раҳмат қилсин, ул киши бақувват устунга (Оллоҳ

таолога) таянар эрдилар. Агар мен Юсуф алайҳиссаломчалик зиндонда бўлсам-у, кейин (подшоҳнинг) одами келиб: («Сен озодсан» — деб ташқарига чақирса, дарҳол) кўнган бўлур эрдим»,— дедилар».

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Оиша (онамизнинг) оналари Умму Румондан ул муҳтарама (онамиз) хусусларида айтилаётган (бўхтон) тўғрисида сўрадим. Шунда Умму Румон бундай дедилар: «Бир маҳал мен Оиша бирлан бирга (уйда) ўлтириб эрдим, ансория аёллардан бири кириб келди-да: «Фалончини (Мистаҳни) Оллоҳ таоло (балога) гирифтор қилсин!» — деди. Мен: «Нечун бундай деяпсан?» — дедим. Бояги аёл: «Чунки ўшал (Мистаҳ) тухматчидур», — деди-да, бор гапдан Оишани хабардор қилди. Оиша: «Буни (отам) Абу Бакр бирлан Жаноб Расулуллоҳ ҳам эшитганмилар?» — деди. Бояги аёл: «Ҳа», — деб айтди. Шунда Оиша ҳушдан кетиб йиқилди-да, қаттиқ иситма безовта қилгачгина ўзига келди. Шу аснода Жаноб Расулуллоҳ келиб: «Бунга не қилди?» — дедилар. Мен: «Ўзи ҳақидаги гапларни эшитиб қаттиқ иситмалаб қолди», — дедим-да, ўлтирдим. Оиша: «Оллоҳ таоло ҳақи, агар қасам ичсам ҳам менга ишонмайсизлар ва агар узр сурасам, кечирмайсизлар. Мен бирлан сизлар Яъқуб алайҳиссалом бирлан унинг ўғиллари кабидурсизлар. Сизлар сўзлаётган нарсадан (бўхтондан қутулмоғимга) ёлғиз Оллоҳ таоло мадад бергай», — деди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ кетмоқчи бўлиб ҳам эрдилар-ки, Оллоҳ таоло (Оиша хусусидаги) ўз оятларини нозил қилиб қолди. Сўнг, ул зот Оишани бундан хабардор қилдилар. Шунда Оиша: «(Бунинг учун) Оллоҳ таологагина шукр айтурман, бўлак бирор кишига айтмасман!» — деди».

37-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва эслангиз Аййубни ҳам, вақтики ул нидо қилди парвардигориғаки, «Дарҳақиқат менга зарар (мусибат) етибдур, сен ўзинг раҳм қилгувчиларнинг энг раҳмлисисан!» («Ал-Анбиё» сураси, 83-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Бир маҳал Аййуб алайҳиссалом яланғоч ҳолда чўмилиб турган эрдилар, бир тўда тилла чигиртка (малах) учиб келиб, устларига қўнди. Шунда ул киши чигирткаларни кийимларига сола бошладилар. Оллоҳ таоло ул кишига (танбеҳ бериб): «Эй Аййуб! Мен сени (ана шу) кўриб турганинг насага бой қилмабми эрдим?» — деди. Аййуб алайҳиссалом: «Ҳа, албатта, бой қилган эрдинг, эй парвардигорим! Аммо, баракотинга муҳтожман» — дедилар (яъни, Аййуб алайҳиссалом серфарзанд, бадавлат киши эрдилар. Кейин, фарзанду мол-дунёларидан ажралиб, огир дардга чалиниб қолдилар, талай вақтгача Оллоҳ таолодан ваҳий келмай қуйди. Ул киши буларнинг барчасига сабру қаноат қилдилар. Бир куни Оллоҳ таоло синамоқ учун тилла чигирткаларни юборди. Шунда юқорида зикр қилинган воқеа рўй берган эрди).

38-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва эслангиз (бул) Китобда Мусони ҳам, дарҳақиқат ул мухлис эрди ва улуғ пайғамбар эрди ва биз унга Тур (тоғининг) ўнг томонидан нидо қилдик ва уни муножот қилган ҳолида (ўзимизга) яқин келтирдик ва тухфа этиб унга (ўз) марҳаматимиздан биродари Ҳорунни (унга) пайғамбар (ноиб, ўринбосар қилдик)» («Марям» сураси, 53-оят)

39-боб.

«Ва Фиръавн хонадонига мансуб, иймонини махфий тутиб юргувчи бир мўмин одам

(бундай) деди: «Парвардигорингиздан аниқ далилу исботлар келтирган ҳамда «Менинг парвардигорим Оллоҳдир» дегувчи кишини ўлдирурсизларми?! Башарти у ёлғончи эрса, ёлғони (гуноҳи) ўз бўйнига ва агар ростгўй эрса, у сизларга ваъда қилаётган нарсаларнинг (уқубатларнинг) баъзиси (бошларингизга) тушгай. Турган гапки, Оллоҳ таоло қуноққондан чиққувчи ёлғончи кимсани ҳидоят қилмас!» («Ғофир» сураси, 28-оят)

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Ҳироъ ғоридан) қалблари титраганча (юракларини ваҳима босганча) Хадичанинг ҳузурига қайтиб келдилар. Сўнг, Хадича ул зот бирлан бирга Варақа ибн Навфалнинг қошига йўл олдилар. Варақа ибн Навфал насронийлар динини қабул қилган бўлиб, Инжилни арабча қироат қилур эрди. Варақа Жаноб Расулulloҳга: «Нимани кўраётирсиз?» — деди. Ул зот бўлган воқеадан уни хабардор қилдилар. Сўнг, Варақа: «Бу Оллоҳ таоло Мусога нозил қилган ўшал Номусдур (Жаброилдур). Қанийди, (сиз пайғамбарлик қиладирган вақтда, қавмингиз сизни (Маккадан) чиқариб юборадирган кезларда ҳаёт бўлсам-у, сизга бирор сезиларли ёрдам қилсам!» — деди».

40-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй Муҳаммад алайҳиссалом, сизга Мусо хусусидаги хабар келдими? Вақтики, ул (олисидаги) бир оловни кўриб...» («Муқаддас Туво водийсида» деган қавлигача) («Тоҳа» сураси, 9— 12-оятлар)

Молик ибн Саъсаъа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Исроъ кечаси хусусида саҳобаларга ҳикоя қила туриб, бешинчи осмонга етганларида Ҳорун алайҳиссаломни учратганларини айтдилар. Сўнг, бундай деб марҳамат қилдилар: «Жаброил алайҳиссалом менга: «Бул Ҳорундурлар, ул кишига салом берингиз!» — дедилар. Мен ул кишига салом бериб эрдим, алик олгач: «Марҳабо, солиҳ биродар ва солиҳ пайғамбар!» — дедилар».

41-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ Мусо бирлан (бевосита) гаплашди» («Нисо» сураси, 164-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мен тунда (Ал-Масжид ул-Ақсога) саёҳат қилдирилганимда (яъни, Исроъ кечаси) Мусо алайҳиссаломни кўрдим. У киши (буй-баст ва ранг жиҳатдан худди Бану Қаҳтонга мансуб) Шинваъа қабиласи кишиларига ўхшар эрканлар. Сўнг Исо алайҳиссаломни ҳам кўрдим. Ул киши ўрта буйли ва оқ-қизил юзли бўлиб, гуё бирор иссиқ бошпанадан ташқарига чиққанга ўхшайдилар. Мен эрсам Иброҳим алайҳиссаломнинг фарзандларига ўхшайман. Кейин, менга икки идиш келтирилди, бирида сут ва бошқасида маст қилгувчи ичимлик. Жаброил алайҳиссалом: «Булардан хоҳлаганингизни ичингиз!» — дедилар. Мен сутни олиб ичдим. Шунда менга: «Ислол хилқатига (табиатига) хос неъматни (ёки Одам боласига ҳалол қилинган энг дастлабки неъматни) олдингиз, агар маст қилгувчи ичимликни олганингизда умматингиз гумроҳ бўлган бўлур эрди»" — дейилди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирор банда: «Мен Юнус ибн Маттодан яхшироқман» — деб айтмаслиги лозим», — дедилар ва ул кишини оталари (Матто)га нисбат қилдилар. Шунингдек, Жаноб Расулulloҳ Исроъ кечаси хусусида эслаб, Мусо алайҳиссаломнинг буй-баст ва ранг жиҳатидан Шинваъа қабиласи кишиларига ўхшаш эрканликларини, Исо алайҳиссаломнинг эрса ўрта буйли эрканликларини

айтдилар. Кейин, жаҳаннам қўриқчиси Молик ва Дажжол хусусида ҳам эсладилар».

Ибн Аббос разиячлоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида (яхудийларнинг) Ошуроъ куни рўза тутаетганларини кўрдилар. Яхудийлар: «Бу кун — Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга нажот бериб, Фиръавн хонадонини ғарқ қилган буюк кундур. Мусо алайҳиссалом бунинг шукронасига (шу куни) рўза тутганлар», — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Мен Мусо алайҳиссаломга энг ҳақли одамман!» — дедилар-да, Ошуроъ рўзасини ўзлари ҳам тутдилар, саҳобаларга ҳам тутмоқни буюрдилар».

42-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва (Биз) Мусо бирлан - ўттиз кечага ваъдалашган эрдик, кейин уни (яна) ўн кун қўшиб тўлдирдик. Ниҳоят, парвардигорининг (унинг учун таъйин қилган) вақти қирқ ксчага етди...» («энди мен мўминларнинг энг пешқадамиман» деган қавлигача) («Аъроф» сураси, 142—143-оятлар)

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қиёмат куни одамлар (яшин ургандек) беҳуш бўлиб йиқиладилар. Кейин, мен биринчи бўлиб ҳушига келтирилган одам бўламан. Шунда қарасам, Мусо алайҳиссалом Арш устунларидан бирини ушлаб турган бўладилар. Лекин, мен ул киши мендан аввал ҳушларига келтирилдиларми ёки Тур тоғида беҳуш бўлиб йиқилганлари эвазига бу сафар беҳуш қилинмадиларми, бундан беҳабар бўламан».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар Бану Исроил бўлмаганида эрди, гўшт сасимаган бўлур эрди, агар момо Ҳаво бўлмаганларида эрди, аёл эрига хиёнат қилмаган бўлур эрди!» — дедилар» {яъни, Бану Исроил Оллоҳ таоло нозил қилган салво (бедана) гўштини очкўзлик қилиб ғамлагани боисидан ўшал вақтдан то ҳанузгача гўшт сасийдирган бўлиб қолган. Момо Ҳаво эрсалар шайтони лаъийннинг васвасасига учиб, Одам алайҳиссаломни жаннатдаги таъқиқланган дарахт мевасини емоққа ундаганлар}.

Хизр алайҳиссаломнинг Мусо алайҳиссалом бирлан суҳбатлари хусусида

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Ибн Аббосдан нақл қиладиларки, Ибн Аббос ва Ҳарр ибн Қайс ал-Физорий Мусо алайҳиссаломнинг ҳамроҳлари хусусида ўзаро баҳслашиб қолишибди. Ибн Аббос: «Ўшал киши Хизр алайҳиссалом бўлганлар», — дебдилар. Шу аснода уларнинг ёнидан Убай ибн Каъб ўтиб қолиб, Ибн Аббос ул кишини олдиларига чақирибдилар-да: «Мен ва мана бу ҳамсуҳбатим Мусо алайҳиссалом ҳамсуҳбат бўлган кишининг ким бўлганлиги борасида ўзаро тортишиб қолдик, Мусо алайҳиссалом ўшал (бўлажак) ҳамсуҳбатлари бирлан қандай учрашмоқ мумкинлигини (Оллоҳ таолодан) сўраган эрдилар. Сиз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ўшал киши ҳақида зикр қилганларини эшитганмисиз?» — дебдилар. Убай ибн Каъб: «Ҳа, мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман», — дебдилар: «Бир маҳал Мусо алайҳиссалом Бану Исроилга мансуб бир тўда одамлар орасида (хутба) қилиб турган эрдилар, бир киши келиб: «Сиз ўзингиздан кўра билимдонроқ бирор одамни билурмисиз?» — деди. Мусо алайҳиссалом: «Йўқ, (билмайман)», — дедилар. Шунда Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга: «Албатта, бизнинг бандамиз Хизр (сиздан билимдонроқдур)» — деб ваҳий юборди. Сўнг, Мусо алайҳиссалом ул киши бирлан учрашиш йўлини сўрадилар. Оллоҳ таоло хут — (балиқ)ни (учрашув воситаси) қилди ва: «Агар хутни йўқотсангиз, ортингизга қайтингиз, у бирлан учрашгайсиз» — дейилди. Мусо алайҳиссалом

(ғуломлари бирлан бирга) хутни (кутарганча) денгиз бўйлаб йўлга чиқишди. Бир маҳал ғуломлари ул кишига: «Айтингиз, менга не бало бўлдики, харсанг олдида дам олганимизда (бепарволик қилиб) хутни йўқотибман? Мени чалғитиб, уни ёдимдан чиқарган фақат шайтондур!» — деди. Мусо алайҳиссалом: «Бизнинг истагимиз ҳам худди шу эрди», — дедилар. Кейин, иккалалари суҳбатлашганча келган йўлларига қайтиб кетишди. (Харсангга етиб боришгач), ул ерда Хизр алайҳиссаломни кўришди. Кейин, иккалалари ўртасида Оллоҳ таоло ўз Китобида ривоят қилган воқеалар рўй берди».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Мен Ибн Аббосга: «Навф ал-Баколий Хизр алайҳиссаломга ҳамроҳ бўлган Мусони Бану Исроил (пайғамбари) Мусо алайҳиссалом эрмас, ул бошқа Мусо, деб таъкидлаётир», — дедим. Ибн Аббос: «Оллоҳ таолонинг душмани (яъни, Навф) ёлғон айтибди! Бизга Убай ибн Каъб Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини ривоят қилиб берган», — дедилар: «Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом Бану Исроил орасида хутба қилиб туриб эрдилар, ул кишидан: «Ким энг билимдон?» — деб сўралди. Мусо алайҳиссалом: «Мен», — дедилар. Шунда парвардигор ул кишини «Илм Оллоҳ таолога хосдур» демаганлари учун койиб: «Ҳа, албатта, икки денгиз қўшилган ерда менинг бир бандам бордур, ўшал сиздан билимдонроқдур», — деди. Мусо алайҳиссалом: «Парвардигоро, ким мени ул киши бирлан учраштиргай?» (ёки «Ул киши бирлан қандай учрашгайман?») — дедилар. Оллоҳ таоло: «Бир хутни олиб, саватга солгайсиз, уни йўқотгакингиз ҳаманоқ ўшал ерда уни (топгайсиз)», — деди. Сўнг, Мусо алайҳиссалом бир хутни олиб, саватга солдилар-да, ғуломлари Йўшаъ бирлан бирга йўлга чиқдилар. Юра-юра бир харсанг олдида етиб келишди-да, унга бошларини кўйиб (дам олишди). Мусо алайҳиссалом ухлаб қолдилар. Хут ҳаракатланиб (саватдан) чиқди-да, денгизга тушиб сузиб кетди. Оллоҳ таоло балиқ ортида қолган изни тарқатмади, натижада сув бетиде (узун) йўл қолди. Кейин, иккалалари (туриб), куннинг қолган қисмида ва тун буйи йўл юришди. Нонушта вақти бўлганда Мусо алайҳиссалом ғуломларига: «Бизга нонуштамизни келтир, бу сафаримиздан толиқдик», — дедилар. Мусо алайҳиссалом Оллоҳ таоло ўзларига буюрган ерга (харсанг турган ерга) етиб келгунларича сира толиқмадилар, энди эрса ул киши очиқиб ва чарчаб қолган эрдилар. Ғуломлари ул кишига: «Айтингиз, менга не бало бўлдики, харсанг олдида дам олганимизда (бепарволик қилиб) балиқни йўқотибман? Мени чалғитиб, балиқни ёдимдан чиқарган фақат шайтондур! Балиқ бир ажабтовур равишда денгизга тушиб сузиб кетибди», — деди (мазкур ғулом харсанг олдида дам олишган вақтда балиқнинг йўқолганини билган ва унинг денгизда қолган изини кўрган бўлиб, буни Мусо алайҳиссаломга айтишни унутиб, йўлда давом этаверган эрди). Шундай қилиб, ўлар (ўлик) балиқнинг денгизга тушиб сузиб кетганидан ва унинг сув бстида изи сақланиб қолганидан таажжуб қилишди. Мусо алайҳиссалом ғуломларига: «Биз истаган нарса (худди) шу эрди», — дедилар. Сўнг, икковлари ўзаро суҳбатлашганча келган йўлларига қайтишди-да, ниҳоят мазкур харсанг олдида етиб боришди. Ул ерда устига кийимини епиб етган бир кишини (Хизр алайҳиссаломхп:) кўришди. Мусо алайҳиссалом салом бердилар. Ул кипги алик олгач: «Сизнинг ерингизда қандай қилиб салом (тинчлик, омонлик, хотиржамлик) бўлиши мумкин?» — дедилар. Мусо алайҳиссалом: «Мен Мусоман», — дедилар. (Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломни танимадилар. Агар ул киши гайбдак хабардор бўлганларада эрди, курган замонлари таниган бўлур эрдилар. Бу эрса пайғамбарларнинг Оллоҳ таоло ўзларига маълум қилган ғайбдангина хабардор бўлганларига далилдир). Хизр алайҳиссалом: «Бану Исроил (пайғамбари) Мусоми?» — дедилар. Мусо алайҳиссалом: «Ҳа, шундай, ўзингиз билган (илми) рушддан менга таълим берсангиз, деб ҳузурингизга келдим», — дедилар. (Мусо алайҳиссаломнинг бировдан таълим олмоқлари пайғамбар ва шарият соҳиби эканликларига номувофиқ бўлиб, бу ерда ул киши ўта камтаринлик ва боодоблик қилдилар, ўзларини билимсизроқ ҳисоблаб, ул кишига эргашмоққа изн сўрадилар ва иршод қилмоқларини илтимос қиддилар). Хизр алайҳиссалом: «Эй Мусо алайҳиссалом! Оллоҳ таоло ўз

илмидан менга шундай нарсаларни ўргатганки, уни сиз билмайсиз ва Оллоҳ таоло ўз илмидан сизга шундай нарсаларни ўргатганки, уни мен билмайман», — дедилар. Мусо алайҳиссалом: «Сизга эргашсам, майлими?» — дедилар. Хизр алайҳиссалом: «Сиз мен бирлан сабр қилиб юролмагайсиз. ўзингиз билмаган (ақлингиз етмаган) нарсани (кўрганингизда) қандай сабр қилгайсиз?» — дедилар. Мусо алайҳиссалом: «Иншооллоҳ, сиз менинг сабр-тоқатли эрканимни кўрурсиз. Мен бирор ишда сизга осийлик (итоатсизлик) қилмасман», — дедилар. Кейин, иккалалари денгиз соҳили буйлаб йўл олишди. Ногаҳон уларнинг ёнидан бир кема ўтиб кетаётган эрди, кемадагилардан ўзларини кемага чиқариб олишларини сўрашди. Кемадагилар Хизр алайҳиссаломни таниб қолишиб, ул кишини (иккалаларини) бепул кемага чиқаришди. Иккалалари кемага чиқишгач, бир чумчуқ учиб келиб, кема четига қўнди-да, денгиздан бир ёки икки чўқиб сув ичди (бу ерда денгиз эмас, дарё бўлса керак. Чунки, денгиз суви шур бўлиб, қуш унинг сувини ичмайди). Шунда Хизр алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга: «Эй Мусо алайҳис салом! Менинг илмим бирлан сизнинг илмингиз Оллоҳ таоло илмидан ана шул чумчуқ денгиздан тумшуғи бирлан олган сувчалик камдур», — дедилар. Сўнг, Хизр алайҳиссалом болтани олиб кема тахталаридан бирини кучиришга киришдилар-да, Мусо алайҳиссалом «Ҳой, ҳой, не қилаётирсиз?!» — деб айтишга улгурмаслариданоқ уни кўчириб бўлдилар. Мусо алайҳиссалом ул кишига: «Бу не қилганингиз? Булар бизни пул олмай кемага чиқаришди, сиз бўлсангиз уларни фарқ қилмоқ учун қасддан кемаларини тешиб қўйдингиз. Қандай (ёмон) иш қилдингиз!» — дедилар. Хизр алайҳиссалом: «Мен бирлан сабр қилиб юролмагайсиз, деб айтмаганмидим?» — дедилар. Мусо алайҳиссалом: «(Ваъдамни) унутиб қилган эътирозим учун мени айбламангиз, мени қийин аҳволда қолдириб, ўзингизга эргашмоғимга монеълик қилмангиз!» — дедилар. Бу дастлабки ихтилоф Мусо алайҳиссаломнинг ўз ваъдаларини унутиб қўйганлари оқибатида юзага келди. Кейин, иккалалари кемадан тушган вақтларида ўртоқлари бирлан ўйнаб юрган бир боланинг олдига келишди. Хизр алайҳиссалом қўллари бирлан унинг бошини ушлаб, мана бундай қилиб узиб ташладилар. (Ушбу ҳадис ровийларидан бири бўлмиш Суфён разияллоҳу анҳу Хизр алайҳиссалом боланинг бошини қандай узиб ташлаганларини англатиш учун бармоқлари учи бирлан бир нарсани узгандек қилиб кўрсатдилар). Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломга: «Бир гуноҳсиз одамни ноҳақ ўлдирдингиз, қандай ёмон иш қилдингиз!» — дедилар. Хизр алайҳиссалом: «Мен бирлан сабр қилиб юролмагайсиз, деб сизга айтмаганмидим?!» — дедилар. (Хизр алайҳиссалом бу гал қаттиқроқ танбеҳ бериш мақсадида «сизга» сўзини атайлаб қўшиб айтдилар, чунки Мусо алайҳиссалом яна ваъдаларини унутиб, такрор эътироз билдирган эрдилар). Шунда Мусо алайҳиссалом: «Агар бундан кейин яна бирор нарса хусусида сизга савол берсам, мени ўзингиз бирлан олиб юрмангиз, (ваъдамни унутиб эътироз билдирганим учун эрса илгаридан) узр айтиб қуйганман», — дедилар. Ксйин, иккалалари йўлда давом этишиб, бир қишлоқ аҳли қошига келишди-да, қоринларини туйғазини илтимос қилишди. Қишлоқ аҳли уларни меҳмон қилишдан бош тортди. Сўнг, иккалалари қишлоқда йиқилай деб турган бир девор олдидан чиқиб қолишди. Хизр алайҳиссалом ўшал дсворни қўллари бирлан мана бундай қилиб тузатиб қуйдилар. (Хизр алайҳиссаломнинг дсворни қандай тузатганларини англатиш учун бир нарсани пастдан юқорига силагандск қилиб кўрсатдилар). Сўнг, Мусо алайҳиссалом: «Қавм (мазкур қишлоқ аҳли) қошига келганимизда на қорнимизни туйғазди ва на бизни меҳмон қилди, сиз бўлсангиз уларнинг дсворларини тиклаб қўйдингиз. Агар истасангиз, (бу ишингиз учун улардан) пул олмоғингиз мумкин, пул эрса бизга егулик ва сафарда қийналмаслигимиз учун асқатар эрди», — дедилар. Шунда Хизр алайҳиссалом: «(Сизнинг) бу (галги эътирозингиз) мен бирлан сиз ўртаимизда айрилиқ (бўлмоғига сабабдур). Энди, мен сизга ўзингиз сабр қилолмаган нарсаларни тушунтириб берайин», — дедилар».

Жнноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Мусо алайҳиссалом сабр қилганларида эрди, Оллоҳ таоло (ўз Китобида) иккалалари хусусларидаги хабарларни бизга

баён қилган бўлур эрди», — дедилар.

Суфён разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни раҳмат қилсин, агар ул киши сабр қилганларида эрди, иккалалари қилган ишлар ҳақида бизга баён қилинган бўлур эрди» — деб айтдилар», — дейдилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «(Мазкур кема эгалари) кетаётган томонда бир подшоҳ бўлиб, у (ўз мулкига кириб келган) ҳар бир яроқли (яхши) ксмани зўрлик бирлан тортиб олаётган эрди. (Хизр алайҳиссаломнинг кемани тешиб қўйганларининг боиси ҳам айнан шунда бўлиб, кема эгалари кейин уни тузатиб олишлари мумкин эрди). Бола хусусига келсак, у кофир бўлиб, ота-онаси мўмин эрди», — дедилар-да, «Каҳф» сурасининг (60—82) оятларини қироат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «(Хизр алайҳиссаломнинг) «Хизр» деб аталишларининг боиси шулки, ул киши ўт-ўлансиз оппоқ ер устида (пўстида) ўлтирганлар, ортларида эрса кўм-кўк ўт-ўланлар (шамолдан) тебраниб турган», — дедилар». (Мужоҳид разияллоҳу анҳунинг айтишларича, «Хизр» деб аталишларининг боиси — ул киши намоз ўқисалар. Атрофларидаги барча нарсалар кўкариб кетар эркан. Асл номлари эрса «Балйо» эркан).

43-боб.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Бану Исроилга: «Сажда қилган ҳолда эшиқдан кириб келингизлар-да, «Юкимиз (гуноҳимиз) енгиллаштирилса эрди!» — деб айтингизлар», — дейилди. Шунда улар айтишлари лозим бўлган сўзни ўзгартиришди-да, кетларини ерга сургаганча (эшиқдан кириб келиб): «Арпа» — деб айтишди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Дарҳақиқат, Мусо алайҳиссалом уятчан, ҳаёли киши эрдилар, баданларининг бирор уятли ери кўзга ташланмас эрди. Шул боисдан Бану Исроилнинг кўпчилиги ул кишига озор бериб: «Бул одам бекорга ўралиб-чирмалиб юрмаса керак, баданида бирор айби бўлганидан шундай қилса керак. У ё мохов ёки дабба, ёки майиб», — дейишар эрди. Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни уларнинг бул гапларидан халос қилмоқни ирода қилди. Бир куни Мусо алайҳиссалом якка ўзлари қолиб, барча кийимларини (ечдиларда), уларни бир тош устига қўйдилар. Сўнг, чўмилдилар. Чўмилиб бўлгач, кийимларини олмоқ бўлиб тош олдига келиб эрдилар, тош кийимларини олиб қочди. Шунда Мусо алайҳиссалом асоларини олиб, «Эй тош, кийимларимни бер, эй тош, кийимларимни бер, эй тош!» — деганларича унинг кетидан қувиб кетдилар. Қува-қува (ўзлари билмаган ҳолда) Бану Исроил гавжум турган ерга бориб қолдилар. Шунда улар Мусо алайҳиссаломнинг қип-ялангоч баданларини — Оллоҳ таоло яратган энг гўзал баданни кўрдилар. Шул тариқа Оллоҳ таоло ул кишини Бану Исроилнинг бўлмағур гапларидан халос этди. Кейин, тош тўхтади, Мусо алайҳиссалом кийимларини олиб, кийиниб олдилар. Сўнг, асолари бирлан тошни шундай қаттиқ урдиларки, Оллоҳ таоло ҳақи, асоларининг зарбидан тош уч ёки тўрт ёхуд беш еридан дарз кетди. Оллоҳ таолонинг қуйидаги қавли шул хусусдадур: «Эй мўминлар, Мусога озор етказганлар каби бўлмангизлар! Бас, Оллоҳ уни улар айтаётган гаплардан поклади. У Оллоҳ қошида иззатли (банда) эрди» («Аҳзоб» сураси, 69-оят)».

44-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «...бутларига сиғиниб турган (қавм)...»

(«Аъроф» сураси, 138-оят)

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз (саҳобалар) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (Марри Заҳрон деган ерда) кабос (арок дарахти меваларини) тераётган эрдик. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бизга): «Қорасини термоқларингиз лозим, чунки қораси энг яхшисидур», — дедилар. Саҳобалар: «(Ё Расулаллоҳ), қўй боққанмисиз? (яъни: «Қўй боққан бўлсангиз, арок дарахти меваларининг қайсиниси яхши-ю, қайсиниси ёмон эрканлигини билурсиз)», — дейишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуй боқмаган бирор пайғамбар борми? (Мусо алайҳиссалом ва ул кишидан бўлак пайғамбарлар ҳам қўй боқишган)», — дедилар». (Бул ҳадиснинг юқоридаги оятга боғлиқлиги шундаки, Мусо алайҳиссалом қўй боққанлари туфайли сабру-қаноат касб қилганлар, ҳатто қавмлари азбаройи йўлдан озганлиги ва ақли пастлигидан: «Эй Мусо, бизларга ҳам уларнинг тангрлари сингари бир тангри ясаб бергил!» — дейишганда ул киши сабру қаноат қилиб, улар бирлан муомала қила олганлар).

45-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мусо ўз қавмига: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло бир сигир қурбон қилмоғингизни сизларга амр қилди» — деган вақтда...» («Бақара» сураси, 67-оят).

Бу ерда ҳадис келтирилмаган.

46-боб. Мусо алайҳиссаломнинг вафотлари ва (вафотларидан) сўнг зикр қилинишлари

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ўлим фариштаси (одам қиёфасида) Мусо алайҳиссаломга юборилди. У келгач, Мусо алайҳиссалом уни (ўзлари бирлан урушмоқни қасд қилиб ижозатсиз ўларига кириб келган одам, деб ўйладиларда), бир уриб (кўзини чиқардилар). Сўнг, фаришта ўз парвардигори қошига қайтиб бориб: «Мени ўлимни истамаган банданг ҳузурига юборибсан», — деди. Оллоҳ таоло унинг кўзини ўрнига қайтариб: «(Унинг олдида) қайтгил-да, унга айтгилки, қўлини бир ҳўкизнинг устига қўйсин, қўли ёпган барча жунларнинг ҳар бири — унинг учун бир йил (умрдур)», — деди. (Фаришта Оллоҳ таолонинг амрини етказгач), Мусо алайҳиссалом: «Ё парвардигорим! (Ундан) кейинчи?» — дедилар. Оллоҳ таоло: «(Ундан) кейин ўлимдур», — деди. Мусо алайҳиссалом (Оллоҳ таоло бирлан тезроқ учрашиш шавқида): «(Ундай бўлса), ҳозир (омонатингни олавер)», — дедилар. Сўнг, Оллоҳ таолодан ўзларини Муқаддас ерга (Байт ул-Мақдисга) бир тош отим масофада яқинлаштирмоғини сўрадилар. (Яъни, Байт ул-Мақдисга бир тош отим яқин масофада дафн қилинмоқларини сўрадилар. Чунки, кўпчилик пайғамбарлар ўшал ерга дафн қилинган бўлиб, уларга яқин бўлмоқни ўзларига хайрли деб билдилар ва Оллоҳ таоло уларга нозил қиладирган фазлу раҳматнинг ўзларига ҳам нафъи тегмоғидан умид қилдилар). Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ўшал ерда бўлсам, ул кишининг қизил қум уюми ёнидан ўтган йўл чеккасидаги қабрларини сизларга албатта кўрсатар эрдим», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Икки киши — бир мусулмон (Абу Бакр ас-Сиддиқ ёки бир ансорий) ва бир яҳудий ўзаро гап талашиб қолиб, мусулмон (яҳудийга); «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни барча оламлардан афзал қилган зот (Оллоҳ таоло) ҳақи!» — деди. Шунда яҳудий унга жавобан: «Мусо (алайҳиссалом)ни барча оламлардан афзал қилган зот ҳақи!» — деб эрди, мусулмон унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Кейин, яҳудий Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, ўзи бирлан мусулмон ўртасида бўлиб ўтган воқеа хусусида хабар берди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

мусулмонни чақириб, ундан шул ҳақда сурадилар. Мусулмон бор гапни айтди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мени Мусо алайҳиссаломдан афзал кўрмангизлар. Дарҳақиқат, (Қиёмат куни) одамлар даҳшатдан беҳуш бўлиб йиқилдилар. Мен биринчи бўлиб ҳушига келган одам бўламан, қарасам Мусо алайҳиссалом Аршнинг бир четини (маҳкам) ушлаб турган бўладилар. Аммо, мен ул киши ҳам барча баробар даҳшатдан беҳуш бўлиб йиқилганмилар ёхуд мендан илгари ўзларига келганмилар ёки Оллоҳ таоло истисно қилиб беҳуш қилинмадиларми, бундан беҳабар бўламан. Оллоҳ таоло бул хусусда: «Сур чалинғач, осмонлару Ердаги барча жонзот беҳуш бўлиб йиқилди, Оллоҳ ирода қилганларгина (истисно қилганларгина беҳуш бўлмадилар)» — дейди». («Зумар» сураси, 68-оят).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одам алайҳиссалом ва Мусо алайҳиссалом ўзаро гап талашиб қолишиб, Мусо алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга: «Қилиб қўйган хатоингиз (гуноҳингиз) туфайли жаннатдан қувилган Одам ҳали сизмисиз!» — дедилар. Шунда Одам алайҳиссалом ул кишига: «Оллоҳ таоло ўз рисолати ва каломи бирлан афзал қилган Мусо ҳали сизмисиз?! Шундай одам бўла туриб, Оллоҳ таоло яратмасидан бурун менга тақдир қилган қисматни рўқач қилиб, мени маломат қилурсизми?!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одам алайҳиссалом (инкор этиб бўлмайдиган бу далиллари бирлан) Мусо алайҳиссаломни икки марта енгдилар (яъни, бу хусусда мутлақо оғиз очмайдиган қилиб қўйдилар)», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни (уйларидан) ҳузуримизга чиқдилар-да, бундай деб марҳамат қилдилар: «(Исроъ кечаси) менга (барча) умматлар намоён қилинди. (Бир маҳал) уфқни тўсиб келаётган кўп сонли оломонга кўзим тушди. Шунда: «Бу — ўз қавми бирлан келаётган Мусодур», — дейилди».

47-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ иймон келтирганлар учун Фиръавннинг аёлини мисол қилди...» («Итоаткорлардан бўлди» деган қавлигача. «Ат-Таҳрим» сураси, 11—12-оятлар)

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Эркаклардан кўпчилиги камолотга эришди, аммо аёллардан фақат Фиръавннинг аёли Осиё ва Имрон қизи Марямгина (аёлларга хос фазилатлар борасида) камолотга эришди. Дарҳақиқат, Оишанинг бошқа аёллардан афзаллиги — сарийднинг бошқа таомлардан афзаллиги кабудур». («Сарийд» — нон тўғралган ёки қовоқ солиб пиширилган сутли овқат бўлиб, нон тўғралган гўшти шўрва ҳам шундай деб аталади).

48-боб. «Дарҳақиқат, Қорун Мусо қавмидан эрди» («Қасас» сураси, 76-оят).

Бу ерда Ибн Аббос разияллоҳу анҳу «Қасас» сурасидаги баъзи сўзлар тафсири ҳақида баён қиладилар.

49-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Мадян қавмига ўз биродарлари Шуъайбни (пайғамбар қилдик)...» («Худ» сураси, 84-оят)

Бу ерда «Худ», «Аъроф», «Ҳижр» сураларидаги айрим сўзлар тафсири баён қилинган.

50-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Юнус ҳам, шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандур» («Соффот» сураси, 139-оят)

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз мени Юнус (ибн Маттодан) яхши, деб айтмангиз!» — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирор банда мени Юнус ибн Маттодан яхши, деб айтмаслиги лозим», — дедилар. Шунда ул кишини Маттонинг ўғли Юнус, деб оталарига нисбат бердилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир яҳудий ўз матосини кўрсатаётган вақтда (матосига) унинг ғазабини кўзғайдирган миқдорда кам пул берилди. Шунда у: «Йўқ, Мусо (алайҳиссалом)ни бутун башариятдан афзал қилган зот ҳақи!» — деди. Яҳудийнинг бул гапини ансорлардан бири эшитиб қолиб, ўрнидан турди-да, унинг юзига бир шапалоқ тортиб: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам орамизда бўлганлари ҳолда «Мусо (алайҳиссалом)ни бугун башариятдан афзал қилган зот ҳақи!» деб айтаётирсанми?!» — деди. Сўнг, яҳудий Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб: «Эй Абулқосим, мен зиммийларданман, мусулмонлар эрса зиммийларни ҳимоя қилмоқни ўз устларига олганлар, нсчун фалончи менинг юзимга урди?» — деб шикоят қилди. Жаноб Расулulloҳ ансорийга: «Нечун урдинг?» — дедилар. У бўлган воқеани айтиб берди. Шунда Жаноб Расулulloҳ шул қадар дарғазаб бўлдиларки, ҳатто юзлари ўзгариб кетди. Кейин, ул зот бундай дедилар: «Оллоҳ таоло (юборган) пайғамбарларни бир-бирларидан афзал кўрмангизлар. Чунки, (Қиёмат куни) сур чалиниб, осмонлару Ердаги барча жонзотлар беҳуш бўлиб йиқиладилар, Оллоҳ таоло ўзи ирода қилганларгина бундан мустасно бўладилар. Кейин, сур иккинчи бор чалиниб, мен энг биринчи ўзига келган одам буламан. Қарасам, Мусо алайҳиссалом Аршни (маҳкам) ушлаб турган буладилар. Аммо, мен ул киши Тур куни беҳуш қилинганлари бадалига бу гал беҳуш қилинмадиларми ёки мендан илгари ўзларига келдиларми, бундан беҳабар буламан. Мен бирор кимсани Юнус ибн Маттодан афзал, деб айтмасман».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирор киши: «Мен Юнус ибн Маттодан яхшиман» — деб айтмаслиги лозим», — дедилар».

51-боб. «Улардан денгиз бўйидаги қишлоқ ҳақида сўрангиз...» («Аъроф» сураси, 163-оят)

Бу ерда «Аъроф» сурасининг 163— 166-оятларидаги айрим сўзлар тафсири баён қилинган.

52-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва Довудга Забурни ато этдик» («Ал-Исро» сураси, 55-оят)

Бу ерда «Ал-Исро» сурасининг 55—96-оятларидаги айрим сўзлар тафсири баён қилинган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Довуд алайҳиссаломга Қуръон (яъни, Забур)ни (хатм қилиш Оллоҳ таоло томонидан) осон қилинган эрди. Довуд алайҳиссалом уловларини эгарлашни амр қилур эрдилар, кейин уни эгарлашгунча Қуръон (Забур)ни хатм қилиб бўлур эрдилар ва ул киши ўз қўллари (ўз меҳнатлари) билан топган нарсанигина ер эрдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло ҳақи, умрим бўйи кундузлари рўза тутиб, кечалари ухламай тоат-ибодат бирла машғул бўлгайман!» деб

айтганимни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказишибди. Жаноб Расулуллоҳ (мени чақириб): «Оллоҳ таоло ҳақи, умрим бўйи кундузлари рўза тутиб, кечалари ухламай тоат-ибодат бирла машғул бўлғайман!» деб айтган сенмисан?»— дедилар. Шунда мен илгари айтган гапимни такрорладим. Жаноб Расулуллоҳ: «Сен бунни эплай олмайсан. Рўза ҳам тутгил, ифтор ҳам қилгил, (тунлари) туриб тоат-ибодат ҳам қилгил, ухлагил ҳам, шунингдек ҳар ой уч кун рўза ҳам тутгил. Дарҳақиқат, (бунда) ўн баробар кўп савоб (бордур) ва бу умр бўйи рўза тутган бирлан баробардур», — дедилар. Мен: «Мен бундан ҳам кўпроқ рўза тутмоққа қодирман, ё Расуладлоҳ!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «(Ундай бўлса), бир кун рўза тутиб, икки кун тутмагил», — дедилар. Мен: «Бундан ҳам кўпроқ рўза тутмоққа қодирман», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «(Ундай бўлса), бир кун рўза тутиб, бир кун тутмагил, бу эрса Довуд алайҳиссаломнинг рўзалари бўлиб, ул киши рўза (тутадирган ва тутмадирган кунлар сонини) тенглаштириб қўйган эрдилар», — дедилар. Мен: «Бундан кўпроқ рўза тутмоққа қодирман, ё Расулаллоҳ!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Бундан афзали йўқдур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Сенинг тун бўйи (ухламай) тоат-ибодат қилиб, кундузлари рўза тутишинг хусусида менга айтган гаплари ростми?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар шундай қилсанг, кўзинг хиралашиб, баданингда қувват қачмагай. Ҳар ой уч кун рўза тутгил, бу эрса умр бўйи рўза тутганлик бирла баробардур», — дедилар. Мен: «Бундан ортиқроқ рўза тутмоққа ўзимда куч-қувват сезурман», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «(Ундай бўлса), Довуд алайҳиссалом каби рўза тутгил, ул киши бир кун рўза тутиб, бир кун тутмаганлар. Агар (душманга) йўлиқсалар, қочмаганлар (яъни, мўътадил рўза тутганлари боисидан кучдан қолмаганлар, душман бирлан урушмоққа кучлари етган)», — дедилар».

53-боб. Оллоҳ таолога энг маҳбуб намоз — Довуд алайҳиссаломнинг намозларидур. Шунингдек, Оллоҳ таолога энг маҳбуб рўза ҳам Довуд алайҳиссаломнинг рўзаларидур

Дарҳақиқат, Довуд алайҳиссалом ярим кечада уйқуга ётиб, унинг (Оллоҳ таоло: «Мендан тилак тиловчи борми? Мендан гуноҳларини сўраб истиғфор айтгувчи борми?» — деб нидо қиладирган) учдан бир қисми (қолган) вақтда уйғонардилар-да, (тоат-ибодат бирла машғул бўлур эрдилар). Сўнг, (тонгги намозга тетик бўлиб туриш учун) кечанинг олтидан бир қисми (қолган) вақтда (яна) ётиб ухлар эрдилар. Ул киши бир кун рўза тутиб, бир кун тутмас эрдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қилидилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай деб марҳамат қилдилар: «Оллоҳ таолога энг маҳбуб рўза — Довуд алайҳиссаломнинг (тутган) рўзалари бўлиб, ул киши бир кун рўза тутиб, бир кун тутмас эрдилар. Шунингдек, Оллоҳ таолога энг маҳбуб намоз ҳам Довуд алайҳиссаломнинг (ўқиган) намозлари бўлиб, ул киши ярим кечада уйқуга етиб. унинг учдан бир қисми (қолган) вақтда уйғонардилар-да, олтидан бир қисми (қолган) вақтда (яна) етиб ухлар эрдилар».

54-боб. «...Ва Бизнинг бандамиз Довудни эслангиз...» («Сод» сураси, 17—20-оятлар)

Бу ерда «Сод» сурасининг 17—25-оятларидаги айрим сўзлар тафсири баён қилинган.

Мужоҳид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ибн Аббосга: «Сод» сурасида сажда қилурманми?» — дедим. Шунда ул киши «Сод» сурасининг «Унинг зурриётдан Довуд,

Сулаймон...» деган еридан (84-оят) то «Бас, ана ушаларгагина эргашигиз!» деган еригача (90-оят) қироат қилдилар. Сўнг: «Пайғамбарингиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳам) уларга иқтидо қилмоққа буюрилган кишилардандурлар (яъни, «Гар Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга эргашмоққа буюрилган эрканлар, демак сен барчадан илгари шундай қилмоғинг лозим») — деб айтдилар».

Ибн Аббос разиятлоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Сод» сурасида сажда қилмоқлик буюрилган эрмас. Аммо, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Сод» сурасида сажда қилаётганларини кўрдим». (Жаноб Расулulloҳ мазкур сурада сажда қилгач: «Довуд алайҳиссалом бу сурада Оллоҳ таолога тавба қилмоқ учун сажда қилганлар. Биз эрсак Оллоҳ таолога шукр изҳор қилмоқ учун сажда қилурмиз» — деб айтган эрканлар).

55-606.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз Довудга қандай ажойиб (яхши фарзанд) — Сулаймонни тухфа қилдик. Дарҳақиқат, у (Оллоҳ таолога) тавба қилиб, (унинг йўлига) қағий қайтгувчидур» («Сод» сураси, 30-оят), «(Сулаймон): «Парвардигорим, ...менга ўзимдан сўнг бирор кимсага насиб бўлмайдирган бир салтанат тухфа этгил!» — деди» («Сод» сураси, 35-оят), «Ва эргашдилар (бўйин эгдилар) шайтонлар (яъни, жинлар) айтилган нарсаларга Сулаймон салтанати даврида» («Бақара» сураси, 102-оят), «Сулаймонга эрталаб бир ойли ва кечқурун бир ойли (йўлни босиб утгувчи) шамолни (буйсундирдик) ва унинг учун мис булоғини оқизиб қўйдик ва жинлардан ҳам парвардигорининг изни (хоҳиши) бирлан унинг ҳузурида ишлайдирганларини (унга буйсундирдик) ва улардан қайси бири бизнинг буйруғимиздан четга чиқса, биз унга ўт (жаҳаннам) азобидан тотдиргаймиз. Улар Сулаймонга у истаган нарсаларни... қилиб бергайлар» («Сабаъ» сураси, 12—13-оятлар)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Дарҳақиқат, кеча тунда жинлардан бўлмиш Ифрийт намозимни бузмоқ ниятида тўсатдан менга намоён бўлди. Шунда Оллоҳ таоло уни (ушлаб олмоғимга) имкон берди. Мен уни сизлар эрталаб уйғониб (бомдод намозига масжидга) кирганларингизда барчангиз кўрасизлар, деб масжид устунларидан бирига боғлаб қўймоқчи бўлдим-у, аммо биродарим Сулаймон алайҳиссаломнинг «Ё парвардигорим, мени мағфират қилгил ва менга ўзимдан сўнг бирор кимсага насиб бўлмайдирган бир салтанат тухфа этгил!». деган сўзларини эсладим-да, уни ҳайдаб юбордим». (Имом Бухорий бу ҳадисни асир, тутқун ва душманни масжидда боғлаб қўймоқ жоиз эрканлигига далил қилиб келтирганлар).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Довуд алайҳиссаломнинг ўғиллари Сулаймон алайҳиссалом: «Мен бул кеча албатта етмишта аёлни зиерат қилгайман, ҳар бир аёл Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилажак бир чавандозга ҳрмиладор бўлгай» — дедилар. Шунда дўстлари (яъни, фаришта): «Иншоаллоҳ, деб айтингиз!» — деди, лекин ул киши (унутиб) бундай демадилар. Натижада (етмишта аёлдан) фақат биттасигина ҳомиладор бўлди, у ҳам бўлса чала туғиб қўйди. Агар ул киши «Иншоаллоҳ» деганларида, (барча аёллар биттадан чавандоз туғиб бериб), улар Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилган бўлур эрдилар». (Ушбу ҳадис илгариги жилдларда ҳам бор бўлиб, аёллар сони ҳаммасида турлича).

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, Ер юзида қайси масжид биринчи бўлиб бунёд этилган?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ал-Масжид ал-Ҳаром», — дедилар. Мен: «Кейин, қайси?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Кейин Ал-Масжид ал-Ақсо», —

дедилар. Мен: «Улар иккаласининг (қурилишида) неча йил фарқ бор?» — дедим. Жаноб Расулulloх: «Қирқ (йил)», — дедилар, сўнг: «Қаерда бўлмасин, намоз (ўқишинга) тўғри келиб қолса, ўқийвергил, чунки бутун Ер юзи сенга масжиддур» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мен бирлан одамлар [яъни, менинг одамларни жаҳаннам ўтидан қутқармоқ бўлиб Исломига қилган даъватим бирлан одамларга диллари зийнатлаб (алдаб) кўрсатган ботил (ёлғон, бекорчи) нарса] — ўт ёққан одам бирлан ўтга учиб келган парвоналар (ёки турли ҳашаротлар)га ўхшайди. (Ўт ёққан киши) ўшал ҳашаротларни (ҳарчанд ҳайдамасин), улар ўзларини ўтга ураверадилар. Икки аёл бўлиб, уларнинг ўғилчалари ўзлари бирлан бирга эрди. Ногаҳон бир бўри келиб, улардан бирининг ўғилчасини олиб кетди. Шунда (ўғилчасини бўри олиб кетган аёл) дугонасига: «Дарҳақиқат, бўри сенинг ўғилчангни олиб кетди», — деди. У: «Йўқ, сенинг болангни олиб кетди», — деди. Натижада иккаласи тортишатортиша Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига боришди. Довуд алайҳиссалом ёши катта аёлнинг фойдасига ҳукм чиқариб, (омон қолган болани ўшанга бердилар. Чунки, бола ўша аёлнинг қўлида эрди. Иккинчи аёл Довуд алайҳиссаломнинг ҳукмларига қаршилик қилмоққа ожизлик қилди). Сўнг, иккала аёл Сулаймон ибн Довуднинг ҳузурларига боришиб, бўлган воқеани ул кишига айтиб беришди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом: «Менга пичоқ келтирингизлар, болани икки нимта қилиб, уларга бўлиб бераман», — дедилар. Ёши кичик аёл: «Бундай қилмангиз, Оллоҳ таоло хайрингизни берсин! Бу бола шу аёлнинг боласи», — деди. Шундан сўнг, Сулаймон алайҳиссалом болани ёши кичик аёлга бермоқни ҳукм қилдилар».

56-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик (ва унга дедикки:) «Оллоҳга шукр қилгил...» («чунки, Оллоҳ барча такаббур, мақтанчоқ кимсаларни суймас» деган қавлигача. («Луқмон» сураси, 12—18-оятлар)

Абдуллох разияллоху анху ривоят қиладилар: «(Оллоҳ таолонинг) «Оллоҳга иймон келтиргач, иймонларини зулм бирлан булғамаганлар...» деган ояти каримаси нозил бўлганда Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобалари: «Қайси биримиз иймонимизни зулм бирлан булғамаганмиз?!» — дейишди. Кейин, Оллоҳ таолонинг «Оллоҳга ширк келтирма, чунки ширк энг катта зулмдур» деган ояти каримаси нозил бўлди».

Абдуллох разияллоху анху ривоят қиладилар: «(Оллоҳ таолонинг) «Оллоҳга иймон келтиргач, иймонларини зулм бирлан булғамаганлар...» деган ояти каримаси нозил бўлганда бундан мусулмонлар қаттиқ изтироб чекиб: «Ё Расулаллох, қайси биримиз ўзимизга зулм қилмаганмиз?!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloх: «Бу оят сизлар ўйлаган маънода эрмас. Унинг асл маъноси — ширқдур. Луқмон алайҳиссаломнинг ўз ўғилларига насиҳат қилиб: «Эй ўғилгинам, Оллоҳга ширк келтирмагил, чунки ширк — энг катта зулмдур» — деб айтганларини эшитмагансизларми?» — дедилар».

57-боб. «(Эй Муҳаммад), сиз уларга (Антокия) қишлоғи аҳлини... мисол келтирингиз!» («қувватлантирдик» деган қавлигача. «Ёсин» сураси, 13—14-оятлар)

Мужоҳид: «Аззазно» — «қувватлантирдик» маъносида», — дейдилар.

Ибн Аббос: «Тоирикум» — «Мусибатларингиз» деган мазмунда», — дейдилар.

58-606.

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Бу) парвардигорингизнинг ўз бандаси Закариёга қилган марҳамати зикридур» («унга бирон кимсани отдош қилган эмасмиз» деган қавлигача. «Марям» сураси, 2—7-оятлар)

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Молик ибн Саъсаъадан нақл қиладиларки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга (саҳобаларга) Исроъ кечаси хусусида сўзлаётиб, (биринчи осмонга чиққанларидан) сўнг, иккинчи осмонга чиққанларини айтибдилар. (Жаброил алайҳиссалом эшикни) очишни сўрабдилар. Шунда: «Бу ким?» — дейилибди. Жаброил алайҳиссалом: «Бу менман», — дебдилар. «Сиз бирлан бирга ким бор?» — дейилибди. Жаброил алайҳиссалом: «Муҳаммад (алайҳиссалом)» — дебдилар. «(Сиз) ул кишини (бу ерга олиб чиқишга) юборилганмидингиз?» — дейилибди. Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа» — дебдилар. «Савол-жавоб тугагач, — дейдилар Жаноб Расулуллоҳ, — у ерда икки холавачча бўлмиш Яҳё ва Исо алайҳимиссаломни кўрдим. Жаброил алайҳиссалом менга: «Булар Яҳё ва Исо алайҳимиссаломдурлар, уларга салом берингиз!» — дедилар. Мен уларга салом бердим. Улар алик олишгач: «Марҳабо, эй солиҳ биродар ва солиҳ пайғам-бар!» — дейишди».

59-606.

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй ҳабибим), Китобдаги (Қуръондаги қавлимни қироат қилиб) Марямни эслангиз...» («Марям сураси, 16-оят); «(Эй ҳабибим), эслангиз, фаришталар: «Ё Марям, дарҳақиқат Оллоҳ сенга ўзидан бир сўзни хушxabар қилиб йўлладики...» — деганларида...» («Оли Имрон» сураси, 45-оят); «Дарҳақиқат, Оллоҳ Одам ва Нух ва Иброҳим ва Имрон сулоласини бутун оламга (пайғамбар қилиб) танлади...» («Оллоҳ узц истаган бандаларига беҳисоб ризқ берур» деган қавлигача. «Оли Имрон» сураси, 33—37-оятлар)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтаётганларини эшитдим: «(Биби) Марям ва ул муҳтараманинг ўғилларидан бўлак бирор одам боласи йўқки, туғилганида уни шайтон чимчиламаган ва у шайтоннинг чимчилашидан чинқириб йиғламаган бўлсин».

Кейин, Абу Ҳурайра: «(Имроннинг хотинлари Биби Марямни туққач): «Мен бу қизни ва унинг зурриётини даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан ўз паноҳингда асрамоғингни илтижо қилурман» (деб дуо қилганлар)», — дейдилар («Оли Имрон» сураси, 36-оят).

60-606.

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй ҳабибим), эслангиз, фаришталар: «Ё Марям, дарҳақиқат Оллоҳ сенга ўзидан бир сўзни хушxabар қилиб йўлладики, унинг исми Ал-Масих Исо ибн Марям...» («Бўл!»— деса, бас ўша иш булади» деган қавлигача. «Оли Имрон» сураси, 45—47-оятлар)

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Оишанинг (бошқа) аёллардан афзаллиги — сирийднинг бошқа таомлардан афзаллиги кабидур. Эркаклардан кўпчилиги камолотга эришди, аёллардан эса Имрон қизм Марям ва Фиръавннинг аёли Осиедан бўлақлар камолотга эришмади».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтаётганларини эшитдим: «Қурайш аёллари туя минадирган (яъни, бадавий) аёлларнинг яхшироғи, уларнинг болага (таълим-тарбия борасида) меҳрибонроғи ва эрига (унинг молинш тежаб-тергаб ишлатишда) ғамхўрроғидур».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу шунга кўра (яъни, Жаноб Расулulloҳнинг юқоридаги гапларига кўра): «Марям бинти Имрон сира туя минмаганлар», — дейдилар.

Оллоҳ азза ва жалланинг қавли: «Эй Китоб аҳли, (Исони худо деб) динингиз хусусида қуюшқондан чиқмангиз, Оллоҳга нисбатан фақат ҳақиқатни айтингиз! Дарҳақиқат, Ал-Масих Исо ибн Марям Оллоҳнинг расули ва унинг Марямга йўллаган сузи ҳамда унинг томонидан (вужудга келтирилган) бир руҳ (соҳибидур), холос. Шундай бўлгач, Оллоҳ бирлан унинг расулига иймон келтирингиз, «(Худо) учта (яъни, Оллоҳ, Марям ва Исо — барчалари худодир)» — деб айтмангиз! (Оллоҳга ширк келтирмоқни) бас қилингиз, (бу) ўзингиз учун яхши бўлур! Дарҳақиқат, Оллоҳ яккаю ягона ва фарзандли бўлмоқдан пок зотдур, осмонлару Ердаги барча нарсалар униқидур. Оллоҳнинг ўзи эътиқод қилинмоғига (ишонилмоғига) кифоя қилур».

Убода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуху ва анна Ийсо абдуллоҳи ва расулуху ва калиматуҳу алқоҳо ила Маряма ва руҳун минҳу вал-жанна ҳаққун ван-нор ҳаққун» (яъни, «Яккаю ягона Оллоҳдан бўлак илоҳ йўқдур, Муҳаммад унинг бандаси ва расулидур, Исо эрса унинг бандаси, расули, Марямга йўллаган сўзи ҳамда унинг томонидан вужудга келтирилган руҳ соҳибидур. Жаннат ҳақиқатдур, дўзах ҳам ҳақиқатдур») деб шаҳодат келтирса, Оллоҳ таоло уни (бу дунёда) қилган (яхши ва ёмон) амалларига кўра, (ўзи истаган даражадаги) жаннатга киритади».

Ал-Валийд: «Оллоҳ таоло жаннатнинг саккизта дарвозасидан ўзи истагани орқали киритади» — деб қўшимча қиладилар.

61-боб. «(Эй ҳабибим), Китобдаги (яъни, Қуръондаги қавлимни қироат қилиб) Марямни эслангиз! У ўз аҳлини тарк этиб, шарқ томонга бориб яшириниб олганда...» («Марям» сураси, 16—24-оятлар)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Фақат учта (гўдак) бешиқда сўзлаган: (улардан бири) Исо алайҳиссаломдурлар. (Иккинчиси қуйидаги воқеада): Бану Исроилда Журайж исмли бир киши бўлиб, у (кунлардан бир кун, ўз ҳужрасида) ибодат қилиб турган эрди. Шунда онаси унинг ҳузурига келиб: («Эй Журайж!» — деб) чақирди. Журайж ичида: «Ҳа деяинми ёхуд ибодат қилаверайинми?» - деб айтди. (Шу тариқа онаси уч бор чақирганда ҳам жавоб қилмай, ибодатни давом эттираверди). Онаси (дарғазаб бўлиб): «Ё парвардигоро, Журайжни, токи унга зинокор аёллар юзини кўрсатмай туриб, ўлдирмагил!» — деб қаргади. Кейин, Журайж ўз ҳужрасида эканлигида бир (чўпон) аёл (кириб келди-да: «Дон олишайлик!» — деб) унга ёпишиб олди. Журайж бундан бош тортди. Сўнг, бояги аёл бир чўпоннинг олдига борди-да, унга ўз вужудидан лаззат олмоққа имкон берди. Кейин, у (ҳомиладор бўлиб), бир ўғил туғди. (Одамлар): «Бу болани кимдан орттирдинг?» — дейишганда, «Журайждан» — деб жавоб қилди. Одамлар (қишлоқ) оқсоқолининг ҳузурига боришиб, воқеани унга баён қилишди. Оқсоқол: «Уни тутиб олиб келингизлар!» — деб амр қилди. Улар Журайжнинг олдига боришди-

да, ҳужрасини вайрон қилгач ўзини у ердан ташқарига (судраб) олиб чиқиб, роса сўкишди (дўппослашди). (Журайж ҳайрон бўлиб: «Нечун бундай қилаётирсизлар?» — деди. Улар: «Сен фалон аёл бирлан зино қилишибсан» — дейишди). Сўнг, у таҳорат олиб, ибодат қилди. (Ибодат қилиб бўлгач), гўдакнинг олдига борди-да: «Сенинг отанг ким?» — деди. Гўдак (Оллох таолонинг иродаси бирлан тилга кириб): «Чўпон» — деб жавоб қилди. Одамлар (Журайжнинг кароматини кўриб ва унинг бегуноҳ эканлигини билишгач): «Ҳужрангни олтиндан қайта қуриб бергаймиз», — дейишди. Журайж: «Йўқ, фақат лойдан (кесақдан қуриб: берингизлар)», — деди. (Айрим уламолар: «Мазкур ҳадисда нафл намоз ўқиётган кишининг ўз онаси даъватига жавоб бермоғи вожиблиги назарда тутилган», — дейишади. Аммо, Язид ибн Хавшабнинг ўз оталаридан нақл қилишларича, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Журайж фақиҳ бўлганида эрди, ўз онаси даъватига жавоб бермоғи парвардигорига ибодат қилмоғидан муҳимроқ эрканлигини билган бўлур эрди» — деб айтган эмишлар. Шунга кўра, баъзи уламолар: «Киши, хоҳ нафл ва хоҳ фарз намоз ўқиётган бўлсин, намозини бузиб ўз онаси даъватига жавоб бермоғи керак» дейишади). (Бешиқда сўзлаган гўдакларнинг учинчиси хусусига келсак), Бану Исроилга мансуб бир аёл ўғилчасини эмизиб турган эрди. Ногаҳон унинг ёнидан (жанг либосларини кийиб, қурол-яроғларини тақиб олган) бир (хушқомат) отлиқ ўтиб қолди. Бояги аёл (унга ҳаваси келганидан): «Ё парвардигоро, менинг ўғилчамни ҳам шу кишига монанд қилгил!» деб дуо қилди. Шунда гўдак онасининг кўкрагидан оғзини олди-да, отлиққа ўгирилиб қараб: «Ё парвардигоро, мени унга ўхшаш қилмагил!» — деб илтижо қилди. Сўнг, яна онасининг кўкрагини оғзига олиб, эмишда давом этди. (Абу Ҳурайра «Ўшанда Жаноб Расулulloҳнинг бола онаси кўкрагини қандай эмганини тушунтириш учун ўз бармоқларини сўриб кўрсатганлари ҳамон кўз олдидан», — дейдилар). Кейин, бояги аёл бир чўри (жория) ёнидан ўтиб кетаётиб: «Ё парвардигоро! ўғилчамни шу чўрига ўхшаш қилмагил!» — деб дуо қилди! Шунда гўдак (яна) оғзини онасининг кўкрагидан олиб: «Ё парвардигоро, мени шу чўрига ўхшаш қилгил!» — деб илтижо қилди. Онаси (ҳайрон бўлиб): «Нечун бундай дединг?» — деди. Ўғилчаси: «Бояги отлиқ золимлардан биридир, манави чўри эрса, одамлар унга «ўғрисан, зинокорсан» дейишгани бирлан, у бундай ишларни сира қилмаган», — деди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Исроъ кечаси Мусо алайҳиссаломни учратдим», — дедилар-да, ул кишининг қиёфаларини бундай деб тавсиф қилдилар: «Қарасам, ул кишининг сочлари тўлқинсимон бўлиб («жингалак» деб айтдилар шекилли), гўёки Шинваъа қабиласи кишиларига ўхшайдилар». «Кейин, Исо алайҳиссаломни ҳам учратдим», — дедилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, сўнг бундай деб ул кишининг қиёфаларини тавсиф қилдилар: «Ул киши ўрта буйли, оқ-қизил юзли, гўёки ҳозиргина ҳаммомдан чиққанга ўхшайдилар. Сўнг, Иброҳим алайҳиссаломни кўрдим. Мен ул кишининг ўзларига энг ўхшаш фарзандлари эрканман. Кейин, менга икки идиш (қадах) келтирилди, бирида сут ва иккинчисида маст қилгувчи ичимлик. «Булардан хоҳлаганингни олиб (ичгил)!» — дейилди. Мен сутни олиб ичдим. Шунда (Жаброил алайҳиссалом) менга: «(Умматингизга) фитратни ҳадя қилдингиз (яъни, «Умматингизга Ислому табиатига хос неъматни ёки Оллоҳ таоло Одам боласига ҳалол қилган энг дастлабки неъматни ҳадя қилдингиз»), агар маст қилгувчи ичимликни олганингизда, умматингиз гумроҳ бўлган бўлур эрди», — дедилар («Фитратга етишдингиз» деб айтган бўлишлари ҳам мумкин», — дейдилар равий)».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мен (Исроъ кечаси) Исо, Мусо ва Иброҳим алайҳиссаломларни кўрдим. Исо алайҳиссалом оқ-қизил (юзли), сочлари жингалак, кўкраклари кенг киши эрканлар. Мусо алайҳиссалом эрсалар, буғдойранг, баланд бўйли ва (сочлари) силлиқ, гўёки Зутт қабиласи кишиларига ўхшайдилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кунлардан бир куни одамлар даврасида Масих Дажжол хусусида эслатиб бундай дедилар: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ғилай эрмас, Масих Дажжолнинг эрса, ўнг кўзи ғилай бўлиб, сув бетида қалқиб турган узум донаси каби (косасидан чиқиб кетай деб туради). Кечаси уйқумда ўзимни Каъба ёнида кўрдим. (У ерда) кўриб юрилган буғдойранг кишилардан ҳам чиройлироқ бир буғдойранг кишини учратдим. Ушал кишининг сочлари икки елкаларига тушиб турган бўлиб, тўлқинсимон эрди, бошлари сув томизиб турар эрди (яъни, ўта покиза эрди), икки қўлларини икки кишининг елкасига қўйган ҳолда Байтуллоҳни тавоф қилур эрдилар. Мен: «Бул киши ким бўладилар?» — дедим. «Бул киши Марям ўғли Масих (Исо алайҳиссаломдурлар», — дейишди. Кейин, мен ўта жингалак сочлари орқасига тушиб турган бир кишини кўриб қолдим. Унинг ўнг кўзи ғилай бўлиб, мен кўрган кишилардан унга энг ўхшаши Ибн Қатандур. У икки қўлини бир кишининг икки елкасига қўйган ҳолда Байтуллоҳни тавоф қилур (яъни, Байтуллоҳда айланиб юрур) эрди. Мен: «Бу ким?» — дедим. «Бу Масих Дажжол», — дейишди».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Худо ҳақи, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Исо алайҳиссаломни қизил (юзли) деб айтмаганлар, аксинча ул зот бундай деган эрдилар: «Бир маҳал мен уйқудалигимда Каъбани тавоф қилаётганимни кўрдим. (У ерда) буғдойранг, сочлари силлиқ бир киши икки киши ўртасида (уларга) суянган ҳолда кетиб борар эрдилар, бошлари сув томизар эрди (яъни, ута покиза эрди). Мен: «Бул киши ким бўладилар?» — дедим. «Марямнинг ўғли», — дейишди. Сўнг, мен угирилиб қараган эрдим, қизил (юзли), семиз, сочлари жингалак, ғилай ўнг кўзи гўеки сув бетида қалқиб турган узум донасидек (косасидан чиқиб кетай деб турган) бир кишига кўзим тушди. «Бу ким?» — деб эрдим, «Бу Дажжол» — дейишди. Унга энг ўхшаш киши — Ибн Қатандур».

Зухрий: «Ибн Қатан Хузоъа қабиласига мансуб бир киши бўлиб, у жоҳилият даврида ҳалок бўлган», — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Мен Марям ўғлига (яъни, Исо алайҳиссаломга) энг муносиб одамман. Пайғамбарлар (алайҳимиссалоту вас-салому) (бир отанинг турли) хотинларидан туғулган болаларидур (яъни, пайғамбарларнинг динлари асоси бир бўлиб, шарият борасидагина фарқ қилади). Мен бирлан ул киши (яъни, Исо алайҳиссалом) ўртамизда пайғамбар йўқдур (яъни, Исо алайҳиссаломдан кейин менинг пайғамбарлик давримга қадар бирорта ҳам пайғамбар мустақил шарият бирлан юборилмаган, улар Исо алайҳиссаломнинг шариятлари ҳукмларига таяниб иш кўрганлар)».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен Марям ўгли Исога (бу) дунёда ҳам, охиратда ҳам энг муносиб одамман. Пайғамбарлар (бир отанинг турли) хотинларидан (туғилган) биродарлардурлар. Уларнинг оналари бошқа-бошқа ва динлари бирдур».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Марям ўғли Исо (алайҳиссалом) ўғрилиқ қилаётган бир кишини кўриб, унга: «Ўғрилиқ қилдингми?» — дедилар. У: «(Мутлақо ўғрилиқ қилганим) йўқ, ўзи яккаю ягона Оллоҳ ҳақи!» — деди. Исо (алайҳиссалом): «Оллоҳ (таолонинг номи бирлан қасам ичган киши)га ишониб, кўзимни ёлғончига чиқардим», — дедилар». (Яъни, бояги одамнинг бирор нарсага қўл узатганини кўриб: «Ўғрилиқ қилди» — деб уйлаган бўлсалар, у қасам ичгач, бу фикрларидан қайтган бўлишлари эҳтимол).

Ибн Аббос Умар разияллоҳу анҳунинг минбарда туриб бундай деганларини эшитган эрканлар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб марҳамат қилганларини эшитдим: «Насоролар Марям ўғлини (худо, худонинг ўғли деб) ҳаддан зиёд мақтаганлари каби мени ортиқча мадҳ қилмангизлар! Чунки, мен (Оллоҳ таолонинг) бандаси (ва расулиман), мени «Оллоҳнинг бандаси ва расули» деб айтингизлар!».

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Агар киши ўз чўрасига одоб ўргатиб, унинг одобини яхшиласа ҳамда унга илм ўргатиб, билимини яхшиласа, сўнг уни озод қилиб, эрга берса, бунинг учун унга икки савоб ато этилур. Шунингдек, Исо алайҳиссаломга иймон келтиргач, менга ҳам иймон келтирган кишига ҳам икки савоб берилур. Қул, агар парвардигоридан тақво қилса ҳамда ўз хожаларига итоат қилса, унга ҳам икки савоб ато этилур».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, сизлар (Қиёмат куни) ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда (маҳшарда) тўпланасизлар», — дедилар. Сўнг, «Дастлаб (йўқдан) қандай вужудга келтирган бўлсак, шундай яна (йўқдан) қайта вужудга келтирурмиз, Биз зиммамизга олган ваъдамизни албатта бажаргувчимиз» («Анбиё» сураси, 104-оят) деган ояти каримани қироат қилдилар-да, яна бундай деб гапларида давом этдилар: «Пайғамбарлардан биринчи бўлиб Иброҳим алайҳиссаломга кийим кийинтирилади. Кейин, саҳобаларимдан бир нечасини (қўлларидан) ушлаб, ўнг (жаннат) томонга ва (бир нечасини) чап (жаҳаннам) томонга (етақлашгай). Шунда мен (жаҳаннам томонга олиб кетилаётган саҳобаларим хусусида): «(Булар) менинг саҳобаларим-ку! (Булар) менинг саҳобаларим-ку!» — дегайман. «Сиз улардан ажраганингиздан буён (сиз вафот қилганингиздан буён) улар ортларига қайтишда давом этганлар» — дейилгай. Мен солиҳ банда (Марям ўғли Исо алайҳиссалом) айтганларидек: «Улар орасида эканлигимда (ортларига қайтмоққа йўл қўймай) уларни назорат қилиб турган эрдим («ҳикматлисан» деган қавлигача. «Моида» сураси, 117—118-оятлар)» — деб айтгайман».

Абу Абдуллоҳ: «Улар Абу Бакр ас-Сиддиқ (халифалик қилган) даврларида ортларига қайтган кишилар бўлиб, ул киши уларга қарши жанг қилганлар», — дейдилар.

62-боб. Марям ўғли Исо алайҳиссаломнинг (осмондан Ерга) тушишлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Жоним қулида бўлган зот ҳақи, яқин (келажақда) Марям ўғли (Исо алайҳиссалом икки фариштанинг қанотларига икки кафтларини қўйган ҳолда менинг шариятим бўйича одилона ҳукм юргазиш учун осмондан ораларингизга, Дамашқнинг шарқроғидаги оқ минора яқинига) тушадилар-да, хочни синдириб, тўнғизни (чўчқани) ўлдирадилар (яъни, хочларни ва тўнғизларни йўқ қилмоқни амр қиладилар). Кейин, (зиммийлар бўйнидаги) жияни (яъни, жон солиғини) бекор қиладилар. (Жобир разияллоҳу анҳу: «Исо алайҳиссалом жияни бекор қиладилар, чунки барча одамлар Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлгач, бунга эҳтиёж қолмайди», — дейдилар. Аммо, баъзи уламолар: «Исо алайҳиссалом Жаноб Расулulloҳнинг шариятлари бўйича ҳукм юргазиш учун осмондан Ерга тушадилар. Шу боисдан ул киши жияни бекор қилмай, аксинча уни адо этмоқни зиммийлар бўйнига қўйиб, қайта жорий қиладилар. Чунки, Жаноб Расулulloҳ ўзлари шаръий қилган нарсани фақат ўзларигина бекор қилишлари мумкин», — дейишади). Сўнг, мол-дунё (шу қадар) кўпайиб кетадики, ҳатто (бирор нарса берсанг, қадри йўқлигидан), ҳеч ким олмайди ва ҳатто

бир сажда бутун дунё ва ундаги барча нарсалардан афзал бўлиб қолади». («Чунки, Ер юзида адолат урнатилиб зулм маҳв бўлгач, Оллоҳ таолонинг баракотидан барча бениҳоят бойиб кетади», — дейдилар Нававий)».

Абу Ҳурайра бундай дейдилар: «Агар истасангизлар, (Оллоҳ таолонинг қўйидаги қавлини) ўқингизлар: «Ва ҳар бир китоб аҳли ўлими олдидан албатта унга (Исога) иймон келтирур ва у Қиёмат куни уларга гувоҳ булур» («Нисо» сураси,: 159-оят)».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар Марям ўғли (Исо алайҳиссалом осмондан) ораларингизга тушганларида ўзларингиздан бўлган бир киши сизларга имомлик қилиб турган бўлса, не қилган бўлур эрдингизлар?» — дедилар». (Муслим ибн Ҳажжож: «Шунда Исо алайҳиссаломга: «Бизга имомлик қилиб намоз ўқингиз!» — дейишади. Ул киши бу умматни иззат қилиб: «Йўқ, сизлар бир-бирларингиздан афзалсизлар» — дейдилар-да, сафда туриб намоз ўқийдилар. Чунки, Жаноб Расулulloҳ: «Мендан кейин пайғамбар йўқ» — деганлари учун ҳамда бу борада одамлар кўнглида иккиланиш пайдо қилмаслик ниятида шундай қиладилар», — дейдилар. Саъдуддин ат-Тафтазоний: «Исо алайҳиссалом уларга имомлик қилиб намоз ўқийдилар, Маҳдий эрсалар ул кишига иқтидо қиладилар, чунки Исо алайҳиссалом Маҳдийдан афзалдурлар», — дейдилар. Ҳофиз Абу Зарр ал-Ҳиравий: «Бу ҳадиснинг маъноси шуки, Исо алайҳиссалом Инжилга эрмас, балки Қуръонга таяниб ҳукм юргизадилар», — дейдилар).

63-боб. Бану Исроил хусусида зикр қилинган ҳадислар

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Дарҳақиқат, агар Дажжол чиқса, ўзи бирлан сув ва ўт олиб юради. Аммо, одамлар (ундаги) «ўт» деб ўйлаган нарса— совуқ сув, «совуқ сув» деб ўйлаган нарса эрса, куйдиргувчи (ёндиргувчи) ўт бўлади. Агар (сизлардан) қайси бирингиз шунга дучор бўлсангиз, «ўт» деб ўйлаган нарсангизга тушингиз, чунки ҳақиқатда у совуқ сувдур» (Бу — Оллоҳ таолонинг имтиҳонларидан бири бўлиб, шу бирлан у ўз бандаларини синайди).

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир киши қошига ўлим келиб, ҳаётдан умидини ўзгач, бола-чақасига: «Агар мен ўлсам, жасадим атрофига кўп ўтин тўплаб, ёқиб юборингизлар. Сўнг, гўшларим ёниб бўлиб, суякларим куйгач, уларни олингизлар-да, янчиб кукун қилингизлар. Кейин, каттиқроқ шамол бўладирган кунни кутиб турингизлар, (шундай кун келгач), кулимни дснгизга сочиб юборингизлар!» — деб васият қилди. Бола-чақалари унинг васиятини адо этишди. Шунда Оллоҳ таоло уни (қайта) таркиб топдириб: «Нечун бундай қилдинг?» — деди. У: «Сендан қўрққанимдан», — деди. Оллоҳ таоло унинг гуноҳидан ўтди».

Оиша ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилишади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дардлари кўчайгач, кўйлаklarини юзларига ёпиб олдилар, сўнг нафаслари бўғилиб, кўйлаklarини юзларидан туширдилар-да: «Яҳудий ва насороларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин! Улар ўз пайғамбарларининг қабрлари (устига) масжидлар қуриб олдилар», — дедилар. (Жаноб Расулulloҳ бу бирлан ўз умматларини яҳудий ва насоролар қилган ишни қилмасликка даъват қилаётирлар)».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бану Исроилни пайғамбарлар идора қилур эрдилар, ҳар сафар бир пайғамбар вафот этса, ўрнини бошқаси эгаллар эрди. (Аммо), мендан кейин (бошқа) пайғамбар йўқ, кўплаб халифалар бўлади», — дедилар. Саҳобалар: «(Агар сиздан кейин халифалар кўпайиб кетиб, ўрталарида жангу жадал ва низолар чиқса), бизга нима қилмоғимизни амр қилурсиз?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Аввалги байъатга вафо қилишда давом этингизлар (яъни, «Бир халифага байъат қилган бўлсангиз-у, айна вақтда яна бошқа халифа чиқиб қолса, аввалги халифага қилган байъатингизга вафо қилишда давом этингизлар, шундай қилсангизлар фитна ва ёмонликларга йўл бермагизлар), уларга (ўзларингиз байъат қилган халифаларга) қулоқ осиб, итоат қилингизлар. Чунки Оллоҳ таоло (Қиёмат куни) улардан (яъни, халифалардан) ўзи уларга риоя қилмоқни буюрган нарсалар хусусида сўрагай», — дедилар».

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар, албатта, ўзларингиздан аввалгиларнинг қонун-қоидалари (йўллари, урф-одатлари)га қаричма-қарич ва қадам-бақадам эргашурсизлар, ҳатто улар калтакесак (эчкемар) ини(дек тор ва ёмон йўл)дан юрсалар, кетларидан (қолмай) борурсизлар», — дедилар. Биз (саҳобалар): «Ё Расулаллоҳ, яҳудий ва насоролар(нинг ортларидан) ҳамми?» — дедик. Ул зот: «(Уларнинг бўлмайд), кимнинг?!» — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Ислоннинг дастлабки даврида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан саҳобалар одамларни намозга қандай чақириш кераклиги

хусусида ўзаро маслаҳатлашишди). Шунда баъзилар: «Гулхан ёқиш керак», — деди, баъзилар эрса: «Қўнғироқ чалиш лозим» — деб айтди. Кейин, яҳудийлар ва насороларнинг одамларни ибодатга қандай чорлашгани ҳақида эслашди. Шунда Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Билолга азоннинг кўпчилик сўзларини жуфт ва такбир сўзларини тоқ айтишни амр қилдилар».

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо намозхоннинг қулини белига қўйишини рад қилиб: «Яҳудийлар шундай қилади» — дер эрдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Дарҳақиқат, сизларнинг (Қуръонга амал қилган) муддатингиз ўзингиздан аввал ўтган умматларнинг (ўзларига берилган китобларга амал қилган) муддатига нисбатан асрдан то қуёш-ботгунча бўлган вақтчалиқдур. Дарҳақиқат, сизлар бирлан яҳудий ва насороларни шунга муқояса қилиш мумкинки, бир киши ишчиларни ёллаб, уларга: «Кимки (тонгдан) то куннинг ярмигача менга ишлаб берса, унга бир қийрот-бир қийротдан ҳақ бераман (яъни, менга ишлаб берганларнинг ҳар бирига бир қийротдан ҳақ бераман)», — деди. Шунга кўра, яҳудийлар бир қийрот-бир қийротдан ҳақ (олишга рози бўлишиб, тонгдан) куннинг ярмигача ишлашди (яъни, Оллоҳ таоло ваъда қилган бир қийрот-бир қийрот ажру савобга рози бўлишиб, келишилган муддат давомида Тавротга амал қилишди). Кейин, бояги киши (яна): «Кимки куннинг ярмидан то аср намозига қадар менга ишлаб берса, унга бир қийрот-бир қийротдан ҳақ бераман», — деди. Шунга кўра, насоролар бир қийрот-бир қийротдан ҳақ (олишга рози бўлишиб), куннинг ярмидан то асргача ишлашди (яъни, Оллоҳ таоло ваъда қилган ҳақ учун келишилган муддат давомида Инжилга амал қилишди). Сўнг, бояги киши (яна:) «Кимки аср намозидан то қуёш ботгунча менга ишлаб берса, унга икки қийрот-икки қийротдан ҳақ бераман», — деди. Ўша икки қийрот-икки қийрот ҳақ учун аср намозидан то Қуёш ботгунча ишлаб берадиган кишилар айнан сиздурсизлар, икки баробар кўп ҳақ олгувчилар айнан сиздур-сизлар. Шунда яҳудий ва насоролар дарғазаб бўлишиб: «Бизлар кўп ишлаган бўлсак ҳам, кам ҳақ олдик», — дейишди. Оллоҳ таоло: «Сизларнинг ҳаққингиз хусусида заррача зулм (ноҳақлик) қилдимми? (яъни, мен сизларга ваъда қилган ҳақни тўлалигича бермадимми?)» — деди. Улар: «Йўқ, ундай қилмадинг», — дейишди. Оллоҳ таоло: «Мен берган савобларнинг барчаси фазлу марҳаматим бўлиб, уларни ўзим истаган бандаларимга ато этгайман (яъни, қайси бандамга қанча савоб бермоқлик менинг ихтиёримдадур)», — деди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ҳазрат Умарнинг: «Оллоҳ таоло фалончини ҳалок қилсин! У Жаноб Расулulloҳнинг «Яҳудийларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин! Уларга (мол ва қўй) ёғлари ҳаром қилинган эрди, улар эрсалар (мол ва қўй) ёғларини жамлаб сотишди» деганларини билмайдими?!» — деб айтганларини эшитдим».

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «(Одамларга) менинг ҳақимда, озгина бўлса ҳам, хабар етказингизлар ҳамда уларга Бану Исроил (қабохатлари) хусусида сўзлаб берингизлар. (Менинг ҳақимда кимки билмай хато гап айтиб қўйса), гуноҳи йўқ, аммо кимки қасддан менинг хусусимда ёлғон гапирса, жойи жаҳаннамда бўлсин!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, яҳудий ва насоролар (соч-соқолларини) бўямайдилар, сизлар уларга акс иш қилингизлар!» — дедилар».

Жундуб ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи

ва саллам бундай дедилар: «Сизлардан олдин ўтган одамлар орасида бир киши бўлган эрди. Унинг (қўлида) жароҳати бўлиб (оғриғига) чидолмай пичоқни олди-да, у бирлан қўлини кесиб ташлади. Кейин, қон кўп кетиб, ўлди. Шунда Оллоҳ таоло: «Бандам мен (ажал юбормасимдан) аввал ўзини ўзи ўлдирди, унга жаннатни ҳаром қилдим!» — деди».

Бану Исроилдаги пес, кал ва кўр ҳақидаги ҳадис

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитган эрканлар: «Дарҳақиқат, Бану Исроилдаги уч кишини — пес, кал ва кўрни Оллоҳ таоло синамоқчи бўлиб ҳузурларига бир фариштани йўллади. Фаришта (аввал) песнинг қошига келиб: «Энг кўп орзу қиладирган нарсанг недур?» — деди. Пес: «Чиройли ранг ва чиройли тери, (чунки) одамлар мендан ҳазар қилаётирлар» — деб жавоб берди. Фаришта унинг (баданини) силагач, песи йўқолиб, унга чиройли ранг ва чиройли тери ато этилди. Сўнг, фаришта (яна) ундан: «Қандай молга (эга бўлмоғингни) кўпроқ орзу қилурсан?» — деб суради. У: «Туяга» — деб эрди, унга қорнида ўн ойлик бўталоғи бор бир (урғочи) туя ато этилди. Фаришта унга: «(Оллоҳ таоло) уянгга барака ато этсин!» — деб тилак қилгач, калнинг қошига борди-да: «Энг кўп нимани орзу қилурсан?» — деди. Кал: «Чиройли сочни ҳамда мана шу дарддан халос бўлмоғимни, (чунки) одамлар мендан ҳазар қилаётирлар» — деб жавоб қилди. Фаришта унинг (бошини) силагач, (каллиғи) йўқолиб, унга чиройли соч ато этилди. Сўнг, фаришта (яна) ундан: «Қандай молга (эга бўлмоғингни) кўнроқ орзу қилурсан?» — деб суради. У: «Сигирга», — деди. Фаришта унга бир бўғоз сигирни бергач: «(Оллоҳ таоло) сигирингни муборак қилсин!» — деди-да, кўрнинг қошига келди. Кўрдан: «Энг кўп орзу қиладирган нарсанг недур?» — деб суради. Кўр: «Оллоҳ таоло кўзимни қайтариб бермоғини ҳамда унинг бирла одамларни кўрмоғимни (орзу қилурман)», — деди. Фаришта унинг кўзларини силагач, Оллоҳ таоло уни яна кўрадирган қилди. Сўнг, фаришта унга: «Қандай молни кўпроқ орзу қилурсан?» — деди. У: «Қўйни» — деб эрди, фаришга унга бир бўғоз совлиқ берди. Кейин, (тез орада) туя эгаси бўталоқли, сигир эгаси бузоқли ва совлиқ эгаси қўзичоқли бўлди. Натижада бирининг водийси туяларга, иккинчисининг водийси сигирларга, учинчисининг водийси эрса қўйларга тўлиб кетди. Шундан сўнг, фаришта (ўшал) пес (бўлган) кишининг қошига илгари келгандаги қиёфасида келиб: «Мен бир мискин одамман, сафаримда муҳтожликдан қийналдим. Аввало Оллоҳ таоло, қолаверса сен туфайли бугун муродимга етмоғим мумкин. Сенга чиройли ранг, чиройли тери ва кўплаб мол дунё ато этган зот ҳаққи-ҳурмати! Менга битта туя берсанг, муродимга етгайман», — деди. (Илгари пес бўлган) киши: «Сени қара-ю, иштаҳанг жуда карнай-ку!» — деди. Фаришта: «(Шошма), мен сени танийдирганга ўхшайман, илгари пес бўлмаганмидинг, одамлар сендан ҳазар қилишмасмиди, фақир эканлигингда Оллоҳ таоло сенга мол-дунё ато этмаганмиди?!» — деди. У: «Бу мол-дунёни ота-боболарим менга мерос қилиб қолдиргандур» — деб (Оллоҳ таолонинг нсъматини инкор қилди). Шунда Фаришта: «(Оллоҳ таоло) ёлғон гапирганинг учун сени асл ҳолингга (пес ва фақирлик ҳолингга) қайтарсин» — деб уни дуои бад қилди. Сўнг, илгари кал бўлган кишининг қошига аввалги қиёфасида келиб, унга ҳам (песга) айтган гапларини айтиб эрди, у ҳам пес каби жавоб қилди. Шунда фаришта: «(Оллоҳ таоло) ёлғон гапирганинг учун сени асл ҳолингга қайтарсин!» — деб уни ҳам дуои бад қилди-да, илгари кўр бўлган кишининг қошига аввалги қиёфасида келиб: «Мен бир мискин одамман, мусофирман, сафаримда муҳтожликдан қийналдим. Аввало Оллоҳ таоло, қолаверса сен туфайли бугун муродимга етмоғим мумкин. Сенга кўзингни қайтариб берган зот ҳаққи-ҳурмати! Менга бир дона қўй берсанг, сафаримда менга кифоя қилур эрди», — деди. Шунда илгари кўр бўлган киши: «Мен кўр эрдим, Оллоҳ таоло кўзимни қайтариб берди, фақир эрдим, мени бой қилди, истаган нарсангни олавер! Оллоҳ таоло ҳақи, бугун мен парвардигор йўлида (молимдан ўзинг муҳтож бўлган ҳар қанча) нарсани олмоғингга қаршилиқ қилмасман!» деди. Шунда фаришта: «Молингни олиб қолавер, сизлар синалдингизлар (яъни, Оллоҳ таоло

сизларни синади) Парвардигор сендан рози бўлиб, икки шеригинга (туя ва сигир соҳибларига) ғазаб қилди (ёки уларни яна пес ва кал қилди)», деди».

64-боб. «Балки сиз Каҳф (ғор) ва (тошга ўйилган) ёзувлар соҳиблари (хусусидаги ривоятларни) Бизнинг энг ажиб оятларимиздан, деб уйлагандирсиз?»

Ғор хусусидаги ҳадис

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Сизлардан аввалги одамлардан уч нафари йўлда кетиб бораётганларида ёмғирдан қочишиб бир ғорга киришди. Шунда (тоғдан бир катта тош кўчиб) уларнинг йўлини (яъни, ғорнинг оғзини) тўсиб қўйди. Сўнг, улар бир-бирларига: «Худо ҳақи, бизни фақат рост сўзимизгина бу аҳволдан халос қила олур. Келинглар, ҳар биримиз ўзимиз билган рост сўзимизни (яъни, қилган амали солиҳимизни) айтиб, (Оллоҳ таолога) ёлборайлик!» дейишди. Шунда улардан бири: «Ё парвардигоро! Ўзинг воқифдурсанки, (бир куни мен) бир фарқ (тахминан 8 кг) шоли эвазига бир кишини ишлатиб эрдим, у ҳақини олмай, ташлаб кетиб эрди. Кейин, мен ўшал бир фарқ шолини экиб эрдим, мўл ҳосил берди, уни сотиб, пулига сигир харид қилдим. Сўнг, ўшал одам ҳақини талаб қилиб келиб эрди, мен унга: «Анави сигирни олиб кетавер!» — дедим. У менга: «Сен менга бир фарқ шоли беришинг керак эрди-ку?!» — деди. Мен унга: «Анави сигирни олиб кетавер, чунки у ўшал шолнинг пулига келган», — дедим. Кейин, у сигирни олиб кетди. Ё парвардигоро! Ўзинг воқифдурсанки, дарҳақиқат мен сендан қўрққанимдан шундай қилиб эрдим. Тошни суриб, бизга ғорнинг оғзини очиб бергил!» — деб Оллоҳ таолога ёлборди. Шунда уларнинг (йўлини тўсиб турган) тош (бироз) сурилди. Сўнг, бошқаси: «Ё парвардигоро! Ўзинг воқифдурсанки, менинг қариб мункиллаб қолган ота-онам бор эрди. Мен ҳар кеча уларга қўйимнинг сутидан олиб келар эрдим. Тунлардан бирида уларнинг ҳузурига кечикиб келдим. Қарасам, улар ухлаб қолишган эркан. Аҳлу аёлим эрса мени пойлаб очликда қийналиб ўлтиришар эрди, чунки аввал ота-онам ичмай тури уларга сут қуйиб бермас эрдим. Кейин, ота-онамнинг уйқуларини бузишга ҳам, уларни сутдан маҳрум қилишга ҳам кўнглим бўлмади, (ўзлари уйғонишларини) пойлаб ўлтиравердим, ҳа тонг отиб қолди. Ё парвардигоро! Ўзинг воқифдурсанки, мен сендан қўрққанимдан шундай қилдим. Тошни суриб, бизга ғорнинг оғзини очиб бергил!» — деди. Шунда уларнинг (йўлини тўсиб турган) тош (яна бироз) сурилиб, осмонни кўришди. Кейин, бошқаси: «Ё парвардигоро! Ўзинг воқифдурсан, амакимнинг қизи менинг учун энг маҳбуб одам эрди. (Би куни) мен ундан (лаззат) олмоқчи (жимоъ қилмоқчи) бўлиб эрдим, у минг динор берсамгина рози бўлмоғини айтиб, унамади. Кейин, мен минг динор (ишлаб) топиб, унга келтириб бердим. Шунда у ўз вужудини менга топширди. Сўнг, мен унинг оёқлари орасига кирганимда, у менга: «Оллоҳ таолодан қўрқил, муҳрни ҳаққинг бўлган чоғдагина (никоҳ ўқитганинг дагина) бузгил!» — деди. Шунда мен дарҳол туриб, минг динорни унда қолдирдим-да, (ташқарига чиқиб кетдим). Ё парвардигоро! Ўзинг воқифдурсанки, мен сендан қўрққанимдан шундай қилдим. Тошни суриб, бизга ғорнинг оғзини очиб бергил!» — деди. Оллоҳ таоло ғорнинг оғзини (бутунлай) очди-улар ғордан чиқдилар».

65-боб.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган эрканлар. «Бир аёл ўғилчасини эмизиб турганда ёнидан бир отлик ўтиб қолди. Шунда аёл: «Ё парвардигоро, ўғилчамнинг ана шу (кишига) ўхшамоғини орзу қилурман!» — деди. ўғилчаси: «Ё парвардигоро, мени унга ўхшаш қилмагил!» — деди-да, яна онасини эмишда давом этди. Кейин, бояги аёл одамлар таҳқири назар бирлан қарайдирган,

ҳақорат ва изза қиладирган бир (бечораҳол) аёлнинг ёнидан ўтиб кетаётди: «Парвардигоро, ўғилчамни мана шу аёлга ўхшаш қилмагил!» — деди. (Бу гал) ўғилчаси: «Ё парвардигоро, мени ана шу аёлга ўхшаш қилгил!» — деди-да, сўнг: «Бояги отлик киши кофир эрди, аммо (мана бу) аёл эрса, уни одамлар: «Сен зинокорсан, сен ўғрисан!» — деб ҳақорат қилишгани бирлан, (у бундай иллатлардан мутлақо пок бўлиб, доимо): «Оллоҳ таоло (поклигимни билур, шу) менга кифоя!» — деб жавоб берур» — деб айтди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ садлalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Бир маҳал бир ит азбарои ташналигидан ўлар ҳолда кудук лабида туриб эрди, Бану Исроилга мансуб фоҳишалардан бири уни кўриб қолиб, ковушини ечди-да, унда сув олиб итга ичирди. Шунда Оллоҳ таоло ўша аёлнинг (бу амали солйҳи учун гуноҳларини) мағфират қилди».

Ҳумайд ибн Абдурраҳмон ривоят қиладилар: «Муовия ибн Абу Суфён ҳаж қилган йиллари минбарга чиқдилар, сўнг менинг кўриқчим кўлидаги улама сочи олиб (одамларга кўрсатдиларда): «Эй Мадина аҳли! Уламоларингиз қаерда қолди?! Мен Жаноб Расулulloҳнинг мана бунга ўхшаган нарсдан (яъни, улама соч тақишдан) қайтариб: «Дарҳақиқат, Бану Исроил аёллари улама соч тақишни одат қилганлиги оқибатида ҳалокатга учраган» — деб айтганларини эшитганман», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан илгари ўтган умматлар орасида гапиргувчилар (илҳомлантирилганлар) бўлгандур. Дарҳақиқат, агар менинг умматим орасида шундай кишилардан бўладирган бўлса, у Умар ибн Ал-Хаттоб бўлур» — деб марҳамат қилдилар». (Яъни, бундай киши ўзи пайғамбар бўлмаса-да, фаришталар томонидан бирор ҳақиқат кўнглига солиниб, тили бирлан айттирилгувчи шахсдур).

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бану Исроилга мансуб бир киши бор эрди. Ўшал киши тўқсон тўққизта одамни ноҳақдан-ноҳақ ўлдирди. Сўнг, («Тавба қилсам, гуноҳим кечирилармикан?» — деб) сўрагани (ўша давр олимларини излаб йўлга) чиқди-да, бир (насроний) роҳибнинг ҳузурига келди. Ундан: «(Қилган гуноҳим учун) тавба қилсам, бўладими?» — деб сўради. Роҳиб: «(Тўқсон тўққизта одамни ноҳақдан-ноҳақ ўлдирганингдан кейин, сенинг учун тавба (қилмоққа йўл) йўқ! — деб эрди, у уни ҳам ўлдирди. Сўнг, у суриштира суриштира (яна) бир киши (роҳиб)нинг ҳузурига бориб, ундан ҳам шул ҳақда сўради. Роҳиб унга: «(Ҳа, тавба қилиб, мағфират қилинмоғинг учун) фалон қишлоққа боргил, (ул ердаги одамлар ёлғиз Оллоҳ таологагина ибодат қилурлар, сен ҳам ана ўшалар бирлан бирга Оллоҳ таолога ибодат қилгил, аммо ўз юртинга асло қайтмагил, чунки юртинг қабоҳат масканидур!)» — деди. (Шундан сўнг, у ўшал қишлоқ томон йўл олди. Аммо, йўлнинг ярмига борганда) унинг ортидан ўлим етиб келиб, (юз тубан йиқилди-да), ўзи истаган қишлоқ томон кўкраги бирлан интилганча тек қолди. Шунда раҳмат фаришталари бирлан азоб фаришталари унинг хусусида тортишиб қолишди. (Раҳмат фаришталари: «У Оллоҳ таолога астойдил тавба қилмоқ ниятида келаётган эрди», — дейишди. Азоб фаришталари эрса: «У сира ҳам хайрли иш қилмагандур,— деб айтишди. Шу аснода бир бошқа фаришта одам қиёфасида уларнинг олдига келиб эрди, улар ўша не боисдан тортишаётганларини маълум қилишди. Бояги одам қиёфасидаги фаришта: «Унинг қишлоғи бирлан бормоқчи бўлган қишлоқ оралигини ўлчангиз, агар у ўзи чиқиб келган кофирлик маскани бўлмиш қишлоққа яқинроқ ерда ўлган булса, кофирлар қаторида қолади ва агар тавба қилмоқ бўлиб кетаётган қишлоққа яқинроқ ерда улган бўлса, ул ҳолда тавба қилгувчилар қаторига ўтади», — деди). Шунда Аллоҳ гаоло тавба қилгувчилар қишлоғига: «У

(ўлган ерга) яқинлаш!» деб, куфр маскани бўлмиш қишлоққа эрса «У (ўлган ердан) узоқлаш!» — деб ваҳий (бирла амр) қилди, сўнг фаришталарга): «Икки қишлоқ оралиғини ўлчангизлар!» деди Фаришталар ўлчаб кўришган эрди, унинг тавба қилгувчитар қишлоғига бир қарич яқинроқ ерда ўлганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг, Оллоҳ таоло уни мағфират қилди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бўлгач, намозхонларга ўгирилиб: «Бир маҳал бир киши бир ҳўкизни етаклаб келаётиб уни миниб олди-да, (қамчи бирлан) урди Шунда ҳўкиз (Оллоҳ таолонинг иродаси бирлан тилга кириб): «Мен бунинг учун (яъни, миниш учун) эмас, балки ер ҳайдаш учун яратилгандурман», — деди» — деб марҳамат қилдилар. Шунда одамлар: «Субҳоналлоҳ! Ҳўкиз ҳам гапирадими?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Дарҳақиқат, мен бунга ишонаман, Абу Бакр, Умар ва анави ердагилар ҳам (бунга ишонишади)», — дедилар. Сўнг, ул зот: «Бир маҳал бир киши қўйларини боқиб юриб эрди, бир бўри ташланиб улардан бирини олиб қочди. Кейин, ўшал киши излаб бориб, қўйини бўридан қутқариб олди. Бўри унга: «Эй киши, сен қўйингни мендан қутқариб олдинг, аммо арслон (келадирган) куни (сен қўйларингни ташлаб, тумтарақай қочиб қотиб), уларга мендан бўлак чўпонлик қиладирган кимса қолмайдирган куни ким ҳам уларга чўпонлик қиларди?!» деди, деб марҳамат қилиб эрдилар, одамлар (яна): «Субҳоналлоҳ! Бўри ҳам гапирадими?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Дарҳақиқат, мен бунга ишонаман, Абу Бакр, Умар ва анави ердагилар ҳам (бунга ишонишади)», — дедилар».

Абу Ҳурайра рашьяллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир киши бир одамнинг ҳовлисини сотиб олди Кейин, у ўшал сотиб олган ҳовлисидан бир кўза олтин топиб олиб, унинг собиқ эгасига: «Мендан олтинингни олгил, чунки мен сендан ер сотиб олганман, олтин сотиб олган эмасман», — деди. Ернинг (ҳовлининг) собиқ эгаси эса: «Дарҳақиқат, мен сенга ер ва ундаги барча нарсаларни сотганман», — деди. Шу тариқа улар ўзаро баҳслашиб, бир кишига арз қилишди. Шунда ул иккисига: «Болаларингиз борми?» — деди. Ҳовли сотиб олган киши: «Менинг ўғлим бор», — деди. Ҳовли сотган киши эса: «Менинг қизим бор», — деди. Қозилик қилаётган киши: «Йигитни қизга никоҳлаб, олтиннинг бир қисмини иккисига нафақа қилингизлар ҳамда қолганини шахсан ўзларингиз садақа қилингизлар!» — деди».

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Ўлат (Оллоҳ таоло нозил қиладирган бир) азоб бўлиб, Бану Исроилга мансуб тоифага (ёки сизлардан илгариги одамларга) юборилган. Агар бирор ерда (ўлат тарқганини) эшитсангиз, ул ерга бормангиз ва агар ўзингиз турган ерда ўлат чиқса, ундан қочиб бошқа ерга кетмангиз!».

Оиша разияллоҳу анҳоривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўлат хусусида сўрадим. Шунда ул зот менга айтдиларки, ўлат бир азоб бўлиб, Оллоҳ таоло уни ўзи истаган (кофирларга) юборар эркан ҳамда Оллоҳ таоло ўлатни мўминлар учун (ўзининг бир) раҳмати қилиб таъйин этган эркан. Юртида ўлат тарқагач, Оллоҳ таоло тақдир қилган нарсанигина кўрмоғини идрок этиб, ул ерда сабр қилиб қолган кишига, (ҳаттоки у бўлак сабадан ўлса-да), парвардигор шаҳид бўлганлик ажрини ато этар эркан».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Қурайш қабиласи аҳли Бану Махзум уруғига мансуб ўғрилиқ қилган бир аёлнинг тақдири билан қизиқишиб: «Ким унинг хусусида (яъни, қўлини кесмангиз, деб) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга гапир алади?» — дейишди. Шунда одамлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўзларининг суюклилари бўлмиш Усома ибн Зайддан бўлак ким ҳам (бул хусусда гапирмоққа) журъат қила

оларди?!» — деб айтишди. Кейин, Усома ибн Зайд Жаноб Расулulloхга (шул ҳақда) гапириб эрди, ул зот (унга): «Оллоҳ таоло (гуноҳкор бандаларини жазолаш учун таъйин қилган) ҳадлардан бирини бекор қилмоғимни илтимос қилурсанми?!»— дедилар. Сўнг, ўринларидан туриб (барчага) бундай деб хитоб қилдилар: «Дарҳақиқат, сизлардан илгари ўтган одамлар (яъни, Бану Исроил), агар ораларидаги бирор мўътабар киши ўғрилиқ қилса, унга тегмаганлар (яъни, уни жазоламаганлар) ва агар бирор бечораҳол одам ўғрилиқ қилса, (дарҳол) уни жазолаганлар. Оллоҳ таолога қасамёд қилурманки, башарти Муҳаммад қизи Фотима ўғрилиқ қилса ҳам, қўлини кесурман!».

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен бир кишининг (бир сурани) қироат қилаётганини эшитдим, сўнг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам (ўшал сурани) бояги кишининг қироатидан бўлакча услубда қироат қилаётганларини эшитдим. Кейин мен ўшал кишини ул зотнинг ҳузурларига олиб бордим-да, бўлган воқеадан воқиф қилдим. Шунда ул зотнинг юзларидан қилган ишимнинг ёқинқирамаганлигини сездим. Ул зот (менга): «Мутлақо яхши иш қилмабсан! Ўзаро ихтилоф қилмангизлар, чунки ўзларингиздан илгаригилар ихтилоф қилганлари боисидан ҳалокатга учраганлар»,— дедилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қавми уриб (юзини) қонатган ва юзидан қонни арта туриб: «Парвардигоро, қавмимни кечиргил, чунки улар тушунмаслар» — деб айтган пайғамбарлардан бири ҳақида сўзлаётганларини кўриб тургандекмен».

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Сизлардан илгари (ўтган) бир киши бор эрди. Оллоҳ таоло унга кўп мол-дунё ато этган эрди. Ўшал киши, қошига (ўлим) келгач, ўғилларига: «Сизларга қандай оталиқ қилдим?» — деди. Ўғиллари: «Жуда яхши оталиқ қилдингиз» — деб жавоб қилишди. Шунда у: «Дарҳақиқат, мен бирор кори хайр қилмадим. Агар ўлсам, мени ёндиригизлар, кейин мени янчиб кукун қилингизлар, сўнг қаттиқ шамол бўлган кунни мени сочиб юборингизлар!» — деб васият қилди. Ўғиллари айтганидек қилишди. Оллоҳ таоло уни қайта таркиб топдириб: «Нечун бундай қилдинг?» — деди. У: «Сендан қўрққанимдан» — деб эрди, Оллоҳ таоло уни ўз раҳматига олди».

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитдим: «Бир киши қошига ўлим келиб, ҳаётдан умидини узгач, аҳлу аёлига: «Агар ўлсам, атрофимга кўп ўтин тўплангизлар-да, ёқиб юборингизлар. Сўнг ўт гўштаримни ёндириб, бўлиб, суюқларимнинг ўзигина қолганда уларни олингизлар-да, янчиб кукун қилингизлар. Кейин, мени (кукунимни) иссиқ (ёки шамол бўлган) кунлардан бирида сочиб юборингизлар!» — деб васият қилди. Сўнг, Оллоҳ таоло уни қайта таркиб топдириб: «Нечун бундай қилдинг?» — деди. У: «Сендан қўрққанимдан» — деб эрди, Оллоҳ таоло уни мағфират қилди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «(Сизлардан илгари ўтган одамларнинг орасида) бир (бадавлат) киши бўлган бўлиб, у одамларга (беғараз) қарз бериб турар эрди ҳамда хизматкорига (доимо): «Агар бирор муҳтож одамнинг қошига (олган қарзини сўраб) борсанг-у, (у ҳозир узолмаслигини айтса), олган қарзидан кечгил, шояд Оллоҳ таоло бизнинг ҳам (гуноҳларимиздан) кечса!» — дер эрди. Кейин, (ўшал киши вафот қилганда) Оллоҳ таоло унинг гуноҳларидан ўтди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

бундай деб марҳамат қилдилар: «Бир киши (бирор кори хайр қилмай, фақат) ўзига сарф қилар эрди. Ўшал киши қошига ўлим келганда ўғилларига (фарзанддарига): «Агар мен ўлсам, жасадимни екинғизлар, сўнг (суякларимни) янчиб кукун қилинғизлар-да, шамол (бўлган)да сочиб юборинғизлар. Худо ҳақи, агар парвардигорим мени забтига олса, (ҳали) бирор кишига бермаган азоб бирлан менга азоб бергай!» — деди. Кейин, у вафот қилганда (айтганлари) адо этилди. Сўнг, Оллоҳ таоло Ерга: «Унинг ўзингдаги қолдиқларини жамлагил!» — деб амр қилди, Ер Оллоҳ таолонинг амрини адо этди. Шунда бояги киши (қайта таркиб топиб), тик турди. Оллоҳ таоло унга: «Бундай қилмоғингга сени нима мажбур этди?» — деди. У: «Ё парвардигоро! Сенинг ҳайбатинг (дахшатинг, қўрқинчинг) мени мажбур этди» — деб эрди, Оллоҳ таоло уни мағфират қилди».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир аёлга бир мушук туфайли (жаҳаннамда) азоб берилди. Чунки, у (бу дунёда) бир мушукни қамаб қўйган бўлиб, мушук (очликдан) ўлиб қолган эрди. Шу боисдан аёл жаҳаннамга ташланди. Ўшал аёл на ўзи унга овқат берди ва на уни ердаги жониворларни тутиб емоғи учун қўйиб юборди».

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Дарҳақиқат, собиқ пайғамбарларнинг сўзларидан (яъни, шариятларидан ҳозирги) одамларгача (ўзгаришсиз) етиб келгани — «Гар сенда қабоҳатни манъ қилгувчи ҳаё йўқ эркан, (кўнглинг) тусаган ишни қилурсан» (деган сўздур)».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир маҳал бир киши (Қорун) такаббурлик бирлан изори(нинг почасини ерда) судраб кетаётган эрди, (Ер қаърига) киритиб юборилди. Энди у то Қиёмат (қаттиқ аламу изтироб ва дод-вой бирла тобора) Ер (қаъри)га (чуқурроқ) ботиб боравергай», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Биз (мусулмонлар бу дунёда мавжудлик жиҳатидан) охиргилармиз. (Аммо), барча умматларга биздан аввал ва бизга улардан кейин Китоб берилганига қарамай, Қиёмат куни биз (ҳисоб-китоб ва жаннатга кириш борасида ҳаммадан) олдиндамиз. Шунингдек, (Оллоҳ таоло шарият куни сифатида фарз қилганда яҳудий ва насоролар) ихтилоф қилиб (қабул қилмаган) мана шу (жумъа) куни бизникидур, эртанги кун (шанба) яҳудийларникидур, унинг эртаси (якшанба эрса) насороларникидур. Ҳар бир (балоғатга етган) мусулмоннинг ҳар етти кунда (ҳафтада) бир кун (жумъа куни) боши ва (бутун) баданини ғусл қилмоғи вожибдур».

Саъид ибн ал-Мусаййаб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Муовия ибн Абу Суфён сўнги бор Мадинага қадам ранжида қилдилар-да, («Эй Мадина аҳли!» — деб) бизга хитоб қилгач, бир улама сочни кўрсатиб: «Мен яҳудийлардан бўлак бирор кимсанинг шундай қилганини (яъни, улама соч таққанини) кўрмаган эрдим. Дарҳақиқат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улама сочни «кўзбўямачилик» деб атаганлар», — дедилар».

66-боб. Маноқиб (мақтовга сазовор, фахрли хислат ва амаллар) ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам алайҳиссалом) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда ўзаро танишинғизлар (борди-келди қилиб, тотув дўсту биродар бўлинғизлар) деб сизларни (турли) элату қабилалар қилиб қўйдик. Дарҳақиқат, сизларнинг Оллоҳ наздида энг мўътабаринғиз — энг тақводоринғиздур»

(«Хужурот» сураси, 13-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва тақво қилингизлар (қўрқингизлар) Оллоҳданки, унинг бирла (унинг номини ўртага қўйиб) бир-бирларингизга савол-жавоб қилурсизлар ва (тақво қилингизлар) қон-қариндошлик (ришталарини узмоқ)дан! Дарҳақиқат, Оллоҳ сизларни назорат қилиб тургувчи зотдур («Нисо» сураси, 1-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ Энг иззат-икромли одам ким?» — дейишди. Ул зот: «Энг тақводор одамдур», — дедилар. «Биз сиздан бу ҳақда сўраётганимиз йўқ», — дейишди. Ул зот: «Юсуф набийуллоҳ», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Сизлар (таркибида ҳам нодир, ҳам нокерак жинслар мужассам бўлган) маъданлар (каби ҳам яхши, ҳам ёмон хислатларга эга) инсонларни учратгайсизлар. Жоҳилият давридаги инсонларнинг яхшилари, агар улар (дин борасида) фақиҳ бўлиб олган бўлсалар, Ислому давридаги инсонларнинг ҳам яхшисидурлар. Шунингдек, сизлар буни (яъни, адолат бирлан иш юритишнинг қийинлиги боисидан халифа ёки амир бўлмоқни) то (Оллоҳ таоло ўзи) тақдир қилмагунга қадар мутлақо хушламайдирган яхши одамни ҳам, анавиларнинг қошига бу юзи бирлан, мана буларнинг қошига эрса у юзи бирлан борадирган икки юзли ёмон (мунофиқ) одамни ҳам учратурсизлар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Одамлар (яъни, барча араблар) бу борада (яъни, халифалик ёки амирлик борасида ўзларидан афзал қилинган) Қурайш қабиласига тобеъдурлар. (Ислому даврида) уларнинг (яъни, барча арабларнинг) муслмонлари буларнинг (яъни, Қурайш қабиласининг) муслмонларига итоат этадилар, (жоҳилият даврида эрса) уларнинг (яъни, барча арабларнинг) кофирлари уларнинг (яъни Қурайш қабиласининг) кофирларига итоат этганлар. Одамлар (таркибида ҳам нодир, ҳам нокерак жинслар мужассам бўлган) маъданлар (каби ҳам яхши, ҳам ёмон хислатларга эга)дурлар. Одамларнинг жоҳилият давридаги яхшилари, агар улар дин борасида фақиҳ бўлиб олган бўлсалар, Ислому давридаги одамларнинг ҳам яхшилари дурлар. Сизлар буни (яъни, адолат бирлан иш юритишнинг қийинлиги боисидан халифа ёки амир бўлмоқни) то (Оллоҳ таоло ўзи) тақдир қилмагунга қадар мутлақо хушламайдирган яхши одамни ҳам учратурсизлар».

67-боб, Оллоҳ таолонинг қавли: «...фақат қариндошлиқдаги муҳаббатнигина...» («...фақат қариндошлик муҳаббатинигина...») («Шўро» сураси, 23-оят)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Қурайш қабиласига мансуб бирор қорин бўлмаганки, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг унга қариндошликлари бўлмаган бўлса (яъни, Қурайш қабиласига мансуб ҳар бир одам Жаноб Расулulloҳ бирлан қариндошдур). Бул хусусда Оллоҳ таолонинг («Эй Муҳаммад, Қурайш кофирларига бундай денг): «Мен сизлардан (Исломуга қилаётган даъватим учун) ҳақ талаб қилмайман, балки фақат ўзим бирлан сизлар ўртамиздаги қариндошлик муҳаббатинигина сўрайман» (яъни, «Ўзаро қариндошлигимиз ҳаққи-ҳурмати, Исломуга кирмасангизлар, лоақал мени ҳимоя қилингизлар!») деган мазмундаги ояти каримаси нозил бўлгандур».

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам куллари бирлан Яман томонга ишора қилиб бундай дедилар: «Иймон Яман аҳлига мансубдур (яъни асли Яман аҳлидан бўлган ансорларга мансубдур). Шафқатсизлик ва бағритошлик эрса

туялар думи ортида бақир-чақир қилиб юрадирган (яъни, туябоқар) Музар ва Рабиъа қабилаларида бўлиб, уларнинг еридан шайтоннинг икки шохи чиқур (яъни, шайтон Қуёш чиқаётган вақтда икки шохини унинг йўлига тўғрилаб туради. Қуёш унинг шохлари орасидан ўтаётганда қуёшпарастлар Қуёшга сажда қилмоқчи бўлиб, шайтонга сажда қилиб қўядилар)».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деяётганларини эшитдим: «Мақтанчоқлик ва такаббурлик бақир-чақир қилгувчиларда (яъни, туябоқарларда), вазминлик эрса қўйбоқарларда бўлиб, иймон ҳам, ҳикмат ҳам Яман аҳлига мансубдур».

Абу Абдуллоҳ: «Яман деб аталишига сабаб, у Каъбанинг ўнг томонидадур, Шом эрса унинг чап томонида», — дейдилар.

68-боб. Қурайш қабиласининг маноқибби фахрли ва мақтовга сазовор хислату амаллари) хусусида

Зухрий ривоят қиладилар: «Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим айтар эрдиларки, ул киши Қурайш вакиллари бирлан бирга (халифа) Муовиянинг ҳузурида ўлтирганларида Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ал-Осининг Қахтон қабиласидан подшоҳ бўлажаги (чиқажаги) хусусида гапириб юрганларини Муовияга етказишибди. Шунда Муовия дарғазаб бўлиб ўринларидан турибдиларда. Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтгач: «Аммо баъд, менга етказишдики, сизлардан баъзи бир кишилар Оллоҳ таолонинг Китобида ҳам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида ҳам йўқ гапларни айтиб юришган эрмиш. Улар сизларнинг ораларингиздаги жоҳил (нодон) кишилардурлар, зинҳор китоб аҳлидан олинган саҳифалардаги нарсаларни (Таврот, Инжил қабиларни) ўқимангизлар! Чунки, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Дарҳақиқат, халифалик ҳуқуқи фақат Қурайшнинг ўзигагина берилгандур. Бул хусусда бирор кимса Қурайшга, юки улар динни мустаҳкамлашда давом этар эрканлар, душманлик қилмасин, акс ҳолда Оллоҳ таоло унинг оёғини осмондан қилур» — деб айтганларини эшитганман», — дебдилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу иш (яъни, халифалик то қиёмат) Қурайш (қабиласи қўли)да бўлади (яъни, бўлмоғи лозим), ҳаттоки улардан икки киши қолса ҳам», — дедилар».

Жубайр ибн Мутъим ривоят қиладилар: «Мен ва Усмон ибн Аффон (Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига) бордик. Усмон ибн Аффон: «Ё Расулаллоҳ, Бану ал-Мутталиб (кишилари)га ўлжадан бердингиз, аммо бизга бермадингиз. Аслида биз (яъни, Бану Абди Шамс уруғига мансуб мен ва Навфал уруғига мансуб Жубайр ибн Мутъим иккаламиз) ҳамда улар (яъни, Бану ал-Мутталиб уруғи) насаб, қариндошлик борасида сизга (яъни, Абду Маноф уруғига) нисбатан бир мавқедамиз», дедилар. Шунда ул зот. «Дарҳақиқат, Бану Ҳошим ва Бану ал-Мутталиб иккаласи бир нарсадур» — деб жавоб бердилар (Яъни, Бану Абди Шамс, Бану ал-Мутталиб, Бану Навфал ва Бану Ҳошим барчаси Абду Маноф уруғидан келиб чиққан бўлиб, «Бану ал-Мутталибга ўлжа берганим — сизларга ўлжа берганим эмасми?» — деб айтмоқчи бўлдилар шекилли, яна Оллоҳ таоло ўзи яхшироқ билур)».

Урва ибн аз-Зубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр Бану Заҳрага мансуб бир гуруҳ кишилар бирлан бирга Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига бордилар. Оиша разияллоҳу анҳо уларга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қариндошликлари туфайли бениҳоя лутфу марҳамат кўрсатдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қурайш, ансорлар (яъни, Давс, Хазраж), Жухайна, Музайна, Аслам, Ашжаъ ва Ғифор (қабилалари) менинг махсус ёрдамчиларим бўлиб, Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулидан бўлак уларнинг манфаатларига кафиллик қилғувчи зот йўқдур» — деб марҳамат қилдилар».

69 - боб. Қуръон Қурайш тилида нозил бўлган

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Усмон разияллоҳу анҳу Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн ал-Ос ва Абдурраҳмон ибн ал-Ҳарс ибн Ҳишомни ҳузурларига чақирдилар-да, (Қуръон сура ва оятларини жамлаб китоб қилишни амр қилдилар). Улар Қуръон сура, оятларини жамлаб мусҳафларга кўчиришди. Ушанда Усмон разияллоҳу анҳу қурайшлик уч котибга (Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн ал-Ос ва Абдурраҳмон ибн ал-Ҳарс ибн Ҳишомга): «Башарти Зайд ибн Собит бирлан Қуръоннинг бирор сўзи хусусида келиша олмай қолсангизлар, уни Қурайш тилида ёзаверингизлар, чунки Қуръон Қурайш тилида нозил бўлгандур», — дедилар. Котиблар шундай қилишди».

70-боб. Яман (аҳли)нинг Исмоил (алайҳиссалом)га боғлиқлиги (қариндошлиги) ҳақида

Салама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам камондан ўқ узиб ўзаро мусобақалашаётган Аслам қабиласига мансуб (икки гуруҳ) кишилар қошига бордилар-да: «Эй Исмоил алайҳиссаломнинг авлодлари, отингизлар! Дарҳақиқат, бобонгиз (бўлмиш Исмоил алайҳиссалом) ҳам мерган бўлганлар, мен эрсам икки гуруҳдан бири Бану фалон (яъни, Ибн ал-Адраъ гуруҳи) томонидаман» — деб марҳамат қилдилар. Шунда улар (яъни, иккинчи гуруҳ хафа бўлиб), отишдан тўхтади. Жаноб Расулulloҳ: «Уларга нима бўлди?» — дедилар. Иккинчи гуруҳ: «Сиз Бану фалон гуруҳи тарафида бўлгач, биз қандайин ҳам отардик?» — деди Ул зот: «Отаверингизлар, мен барчангиз тарафингиздаман!» — деб марҳамат қилдилар». (Яман аҳлининг Исмоил алайҳиссаломга қариндошлиги шуки, Аслам қабиласи асли яманлик Ҳузоъа қабиласидан келиб чиққан бўлиб, Исмоил алайҳиссалом ана шу Ҳузоъа қабиласига мансубдурлар).

71-боб.

Абу Зарр разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган эрканлар: «Ўзининг отаси ким эрканлигини била туриб бошқа кишини отам деб даъво қилғувчи одам кофир бўлмай. Шунингдек, ўзи мансуб бўлмаган қавмга (қабилга, элатга) мансубман деб даъво қилғувчи одам ҳам жаҳаннамдан ўзига жой ҳозирлайверсин!».

Воила ибн ал-Асқаб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Энг катта алдамчилик— кишининг ўз отасидан бўлак одамни оғам деб даъво қилмоғи ёки ўзи кўрмаган нарсани кўрдим деб даъво қилмоғи ёхуд Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтмаган гапни айтганлар деб даъво қилмоғидур!»

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдулқайс қабиласи вакиллари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ! Биз, (яъни, ҳузурингиздаги) бу маҳалла аҳли Рабийъа қабиласига мансубдур. Биз бирлан сизнинг орангизга Музар қабиласи кофирлари раҳна солиб турибдирлар, шу боисдан биз сизнинг ҳузурингизга (қон тўкиш манъ қилинган) (Ражаб) ойидагина кела олурмиз. Бизга шундай бир

амали солиҳни буюрсангиз эрди, биз уни сиздан ўзимиз ҳам ўрганиб, ортимиздагиларга ҳам (яъни, бола-чақа ва қабиладошларимизга ҳам ўргатар эрдик!» дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ уларга) бундай деб марҳамат қилдилар: «Сизларга тўрт нарсани буюраман ва сизларни тўрт нарсадан қайтараман: «Ло илоҳа иллаллоҳу деб гувоҳлик бериб, Оллоҳ таолога иймон (келтирингизлар), (беш вақт) намоз ўқингизлар, закот берингизлар ҳамда олган ўлжангизнинг бешдан бир қисмини Оллоҳ таоло йўлида инъом этингизлар! Сизларни дуббоъ, ҳантам, нақир ва музаффат (каби идишларда ичимлик тайёрламоқдан) қайтарурман». («Ҳантам» — яшил ёки қизил кўза бўлиб, сопол, чинни ёки шиадан қилинган. «Дуббоъ» — қовоқдур. «Нақир» — хурмо дарахти иддизидан тайёрланадирган идиш бўлиб, «Музаффат» мўмланган ёғоч идишдур).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ сатлаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб: «Дарвоқеъ, фитна анави томонда, шайтоннинг икки шохи чиқадирган ерда» — дея машриқ тарафга ишора қилдилар».

72-боб. Аслам, Фифор, Музайна, Жухайна ва Ашжаъ қабиалари баёни

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қурайш, ансорлар, Жухайна, Музайна, Аслам ва Фифор менинг (махсус) ёрдамчиларимдур, Оллоҳ таоло ва унинг Расулидан бўлак уларнинг манфаатларига кафиллик қилгувчи зот йўқдур» — деб марҳамат қилдилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб: «Оллоҳ таоло Фифорнинг (жоҳилият даврида ҳожиларни талаб орттирган гуноҳини) мағфират қилсин! Оллоҳ таоло Асламни (душманлар бирлан келишувчилик ҳамда жангда қочмоқликдан) саломат сақласин! Усаййа эрса (Биъру Маъунада қориларни ўлдириб) Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулига осийлик қилди» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Асламни (душман бирлан келишувчилик ва жангдан қочмоқликдан) саломат сақласин! Оллоҳ таоло Фифорнинг (жоҳилият даврида ҳожиларни талаб орттирган гуноҳини) мағфират қилсин!» — деб марҳамат қилдилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакра оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар: «Агар Жухайна, Музайна, Аслам ва Фифор қабиалари Бану Тамим, Бану Асад, Бану Абдуллоҳ ибн Ғатафон ва Бану Омир ибн Саъсаъа қабиаларидан яхшироқ бўлганларида (жоҳилият даврида ва Исломнинг бошида хатоға йўл қўярмидилар?!))» — деб ўйладингизларми?» — дедилар. Шунда бир киши (яъни, Акраъ ибн Ҳобис): «(Ҳа), улар хато қилиб, йўлдан оздилар», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Улар Бану Тамим, Бану Асад, Бану Абдуллоҳ ибн Ғатафон ва Бану Омир ибн Саъсаъа қабиаларидан (барибир) яхшироқдурлар, (чунки улар булардан илгарироқ Исломга киргандурлар)», — дедилар».

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Акраъ ибн Ҳобис Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Дарҳақиқат сизга Аслам, Фифор, Музайна (менимча, «ва Жухайна» деб ҳам айтганди) қабиаларидан чиққан ҳожилар ўғрилари (яъни, ҳожиларни талайдиган қароқчилар) эргашишди (ёки «байъат қилишди)», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сизлар: «Агар Аслам, Фифор, Музайна ва Жухайна қабиалари Бану Тамим, Бану Омир, Асад ва Ғатафон қабиаларидан яхшироқ бўлганларида хатоға йўл қўйиб, йўлдан озармидилар?!» — деб ўйладингизларми?» — дедилар. Акраъ: «Ҳа, (улар хатоға йўл қўйиб, йўлдан оздилар)», — деди.

Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи! Улар (яъни, Аслам, Ғифор, Музайна ва Жухайна қабилалари Исломига илгарироқ кирганлари боисидан) булардан яхшироқдурлар» — деб марҳамат қилдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Аслам ва Ғифор қабилалари ҳамда Музайна ва Жухайна қабилаларининг айрим кишилари Оллоҳ таоло наздида (ёки Қиёмат куни) Асад, Тамим, Ҳавозин ва Ғатафон қабилаларидан яхшироқдурлар», — дейдилар.

73-боб. Қавм синглисининг ўғли ҳам, қавм озод қилган қул ҳам (шу) қавмдандур.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорларни чақириб: «Ораларингизда ўзларингиздан бўлак бирор (бегона) одам борми?» — дедилар. Улар: «Синглимизнинг ўғлидан бўлак ҳеч ким йўқ», дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Дарҳақиқат, қавм синглисининг ўғли улардандур (яъни, «бегона эмас») — деб марҳамат қилдилар».

74-боб. Замзам қиссаси

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Зарр бундай дедилар: «Мен Ғифор қабиласига мансуб бир киши эрдим. (Бир куни) Маккада бир одамнинг ўзини пайғамбар, деб таъкидлаётгани ҳақида бизга хабар етиб келди. Шунда мен укамга: «Ўшал одамнинг қошига бориб, у бирлан гаплашгил-да, унинг хусусида менга хабар олиб кел!» — дедим. Укам ул томон йўлга чиқди-да, у бирлан учрашгач, қайтиб келди. Мен (унга): «Қандай хабар келтирдинг?» — дедим. Укам: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен (одамларни) яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаргувчи кишини кўрдим», — деди. Мен унга: «Мени (жаҳолат дардидан) халос қиладирган хабар (жавоб) келтирмабсан!» — дедим. Сўнг, турва бирлан бир таёқни олдим-да, Макка томон йўлга тушдим. Ўзимни гўёки ул кишини билмайдирган (яъни, ул киши ҳақларида мутлақо ҳеч нарса эшитмаган) ҳамда ул кишини қидириб суриштирмаётган, фақатгина замзам сувидан ичиб, масжидда бўлиб (қайтадирган) бир одам қилиб кўрсатар эрдим. Бир маҳал Ҳазрат Али ёнимдан ўтиб кетаётди: «Мусофир одамга ўхшайсизми?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Ҳазрат Али: «Уйга борингиз!» — дедилар. Мен ул киши бирлан бирга индамай кетавердим, на ул киши мендан бирор нарса сўрадилар ва на мен ул кишига бирор нарса дедим. Эрталаб уйгонгач, ул зот ҳақларида суриштирмоқчи бўлиб, барвақт масжидга чиқдим, аммо бул хусусда менга хабар бергувчи бирор одам топилмади. Шу аснода, Ҳазрат Али ёнимга келиб: «Киши турар жойини билиб олмоғи лозим бўлган вақт келмадими? (яъни, бирор бошпана топдингизми?)» — дедилар. Мен: «Йўқ», — дедим. Ҳазрат Али: «Юрингиз мен бирлан!» — дедилар. Сўнг, (йўлда кетатуриб): «Қандай ишингиз бор, бу шаҳарга қандай юмуш бирлан келдингиз? — деб сўрадилар. Мен: «Агар сиримни яширсангиз, айтаман», — дедим. Ҳазрат Али: «Албатта, шундай қиламан!» — дедилар. Мен Ҳазрат Алига: «Бизга хабар келдики, шу ерда бир киши чиқиб, ўзини пайғамбар, деб таъкидлаётган эрмиш. Мен укамни жўнатиб эрдим, аммо у мени (жаҳолат дардидан) халос этадирган бирор жавоб олиб келмади. Шул боисдан ул зотга шахсан ўзим учрамоқчи бўлиб (йўлга чиқдим)», — дедим».

Шундан сўнг, Ҳазрат Али Абу Заррга: «Сиз тўғри йўлдасиз, мен ҳозир ул зотнинг қошларига кетаётирман, кетимдан келаверингиз, қаерга кирсам, сиз ҳам ўша ерга кирингиз, агар бирор бегона одамни кўриб қолсам, сизни огоҳлантириш учун гўёки пойабзалимни тўғрилайтгандек бўлиб девор тагида тўхтаб тураман, шунда сиз ўтиб кетаверингиз!» — дедилар.

«Ҳазрат Али юриб кетавердилар, мен ҳам ул киши бирлан бирга боравердим, — деб давом этадилар Абу Зарр, — ниҳоят биз биргалашиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига кириб бордик. Шунда мен Жаноб Расулulloҳга: «Менга Исломи баён қилингиз!» —

дедим, ул зот баён қилдилар. Мен дарҳол (иймон келтириб) Исломни қабул қилдим. Сўнг, ул зот менга: «Эй Абу Зарр, бу ишни (яъни, мен бирлан учрашганингни ва Исломга кирганингни) сир сақла, юртингга қайт, агар бизнинг ошкор чиққанимизни (яъни, очиқдан-очиқ Исломга даъват қилаётганимизни) эшитсанг, бу ерга қайтиб кел!» — дедилар. Мен: «Сизни ҳақ (дин) бирла юборган зот ҳақи, мен (ҳозироқ) уларнинг (мушрикларнинг) ўртасида буни рўй-рост айтгайман!» — дедим».

Шундан сўнг, Абу Зарр Қурайш (мушриклари) ўлтирган масжидга (ибодатхонага) бордилар-да: «Эй Қурайш жамоаси, дарҳақиқат мен: «Ло илоҳа иллаллоҳу вашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулүҳу!» — деб шаҳодат келтирурман», — дедилар. Шунда улар (Қурайш мушриклари): «Турингизлар, анави юлдузпарастнинг олдига борингизлар!» — дейишди.

«Улар ўринларидан туришиб, мени ўласи қилиб калтаклашди, — деб давом этадилар Абу Зарр, — хайриятки, Аббос етиб келиб, устимга энгашдилар-да, мени улардан пана қилдилар. Сўнг, уларга қайрилиб қараб: «Шўрингиз қурсин! Ғифор қабиласига мансуб кишини ўлдирасизларми, ахир савдо (карвон)ингиз ҳам, ўзларингиз ҳам Ғифор қабиласи ери орқали ўтасизлар-ку?!» — дедилар. Шунда улар мендан нари кетишди. Сўнг, эртасига эрталаб барвақт яна (ибодатхонага) бордим-да, кечаги айтган гапларимни қайгардим. Шунда улар яна: «Турингизлар, анави юлдузпарастнинг олдига борингизлар!» — дейишди-да, мени кечагидек аҳволга солишди. Бу гал ҳам Аббос етиб келиб, мени улардан пана қилдилар-да, кечаги гапларини қайтардилар».

Ибн Аббос: «Бу (воқеа) Абу Зарр разияллоҳу таоло анҳунинг илк мусулмон бўлган кезларида содир бўлган эрди», — дейдилар.

75-боб. Қаҳтон ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қаҳтон қабиласига мансуб бир киши (подшоҳ) чиқиб, одамларни табғи бирлан (пода ҳайдагандек) ҳайдамагунча Қиёмат бўлмайди» — деб марҳамат қилдилар».

76-боб. Жоҳилият даври даъвосидан қайтиш (жоҳилият даври одатларини тарк этиш) лозимлиги хусусида

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазот қилдик (Мурайсиъ ғазоти назарда тутиляпти). Шунда ул зотнинг (чодирлари) атрофига кўпчилик муҳожирлар келиб тўпланди, улар орасида (Жаҳжоҳ ибн Қайс номли) бир муҳожир ҳам бўлиб, у жуда шўх ва серҳазил одам эрди. Ушал муҳожир ҳазиллашиб бир ансорийнинг кетига уриб эрди, ансорий қаттиқ дарғазаб бўлиб: «Эй ансорлар!» — деб ансорларни ёрдамга чақирди. Бояги муҳожир ҳам: «Эй муҳожирлар!» — деб муҳожирларни ёрдамга чақирди. (Бу одат Исломга зид бўлиб, жоҳилият даврида турли қабиаларга мансуб икки киши урушиб қолса, ҳар бири ўз қабила аъзоларини ёрдамга чақирар эрди). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (шовқин-суронни эшитиб чодирларидан) чиқдилар-да: «Нечун жоҳилият аҳлига мансуб (хос) даъво қилинаётир?» - дедилар, сўнг: «Уларга не бўлди?» — деб айтдилар. Одамлар бир муҳожир бирлан бир ансорий ўзаро урушиб қолганини хабар қилишиб эрди, ул зот: «Жоҳилият даври даъвосини қўйингизлар, чунки у ифлосдур (яъни, жоҳилият аҳлига мансуб даъво ифлос бўлиб, у одамларни ноўрин дарғазаб бўлмоққа, ноҳақ уруш ва қотиллик қилмоққа ундаб, жаҳаннам сари етаклайди)» — деб марҳамат қилдилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул (ансорларга): «Ҳали муҳожирлар бизларга қарши чиқишдими?! Шошмай туришсин, биз Мадинага қайтайлик, зиёда иззатли (қудратли) одамлар (яъни, «мен» демоқчи) тубанларни (яъни, «Расулulloҳ бирлан саҳобаларини» демоқчи) ул ердан албатта

ҳайдаб чиқаргайлар!» — деди. Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ! Бу ифлос Абдуллоҳ ибн Убайни ўлдирмайсизми?» — дедилар. Ул зот: «Йўқ», одамлар: «У ўз саҳобаларини ўлдирар эрди» — деб айтишади», — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «(Бирор кимсаси ўлганда) ёноқлар(и)ни уриб ерган, ёқа(си)ни йиртган ва жоҳилият даъвосини қилган (яъни, Исломдан олдинги одамлар каби дод-вой қилиб йиғлаган) киши биздан эмас!» (яъни, «Бизнинг суннатимиз аҳлидан эмас, бизнинг йўлимиздаги киши эмас!») — деб марҳамат қилдилар».

77-боб. Хузоъа қиссаси

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Амр ибн Луҳай ибн Қамъа ибн Хиндаф Хузоъа Қабиласининг отасидир», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен Амр ибн Омир ибн Луҳай ал Хузоъийни жаҳаинамда ўз ичак-чавоқларини судраб кетаётган ҳолда кўрдим, у биринчи бўлиб (Исмоил алайҳиссаломнинг динларини ўзгартириб, бутларга сиғинишни жорий этган ҳамда) урғочи туяларни бутларга назр қилгаи одамдир». — дедилар».

78-боб Замзам қиссаси ва арабларнинг жаҳолати хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Агар арабларнинг жаҳолатини билмоқни истасанг, ул ҳолда «Ал-Анъом» сурасидаги 130 дан баланд (яъни, 130 дан катта рақамли) қуйидаги оятларни ўқигил!» — дедилар: «Ўз фарзандларини жоҳиллик қилиб, ўйламай-нетмай ўлдирган кимсалар... («Йўлдан оздилар ва тўғри йўлга юрувчи бўлмадилар» деган қавлигача)».

79-боб. Кишининг насл-насабини унинг Ислом ва жоҳилият давридаги аждодлари номи бирлан боғлаган зот ҳақида

Ибн Умар ва Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, қарийм ўғли қарийм ўғли қарийм ўғли қариймдур, яъни Иброҳим Халилulloҳ ўғли Исҳоқ ўғли Яъқуб ўғли Юсуф (уларнинг ашрафидур)» деб айтдилар», — дейишади.

Баро разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен Абдулмутталиб ўғлиман» — деб айтдилар», — дейдилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Ўзингининг яқин қариндош-уруғларингини (парвардигорингининг азобидан) огоҳлантирингиз!» деган ояти каримаси нозил бўлганда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Қурайшга мансуб қабилаларни: «Эй Қаҳр авлодлари! Эй Адий авлодлари!» — деб чақира бошладилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ўзингининг яқин қариндош-уруғларингини огоҳлантирингиз!» деган ояти карима нозил бўлганда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар бир қабилани ўз бобокалони номи бирлан чақира бошладилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Эй Абду Маноф авлодлари. ўзлариш изни Оллоҳ таолодан сотиб олингизлар

(яъни, «Исломга кириб, ўзларипгизни Оллоҳ таолонинг азобидан халос қилингизлар!»). Эй Абдумутталиб авлодлари, ўзларингизни Оллоҳ таолодан сотиб олингизлар! Эй Расулulloҳнинг аммаси Умму Зубайр ибн Аввом, эй Муҳаммад қизи Фотима, ўзларингизни Оллоҳ таолодан сотиб олингизлар! (Бу дунёда) мол-дунёдан истаган нарсаларингизни сурангизлар-у, аммо (Қиёматда) сизларни Оллоҳ таоло(нинг азоби)дан заррача ҳимоя қилолмайман!». (Яъни, Жаноб пайғамбаримиз инсон ким бўлишидан қатъий назар, Ҳатто пайғамбар фарзанди бўлганида ҳам, охират азобидан халос була олмаслигини уқдирадилар).

80-боб. Ҳабашлар қиссаси ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Эй Бану Арфида!» деб мурожаат қилганлари хусусида

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу Мино кунларидан бирида (қизлари) Оишанинг ҳузурига кирдилар, шунда ул ерда икки қизалоқ доира чалиб (қўшиқ айтишаётган эрди). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрсалар кийимларини устларига ташлаб ётган эрдилар. Абу Бакр разияллоҳу анҳу бояги икки қизалоқни (доира чалиб, ашула айтаётганлари учун) койиб эрдилар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кийимларини юзларидан тортиб: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолига қўйингиз, Мино кунлари байрам кунларидир!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «(Бир куни) мен (ҳужрам эшиги остонасида) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг турганларини кўрдим. Шунда мен (бир гуруҳ) ҳабашларнинг масжид (ҳовлиси)да ўтказаётган (ҳарбий) машқини тамошо қилаётган эрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрсалар (беғоналар кўзи тушмасин, деб) мени тўсиб турган эрканлар. (Шу аснода) Ҳазрат Умар келиб қолдилар-да, уларни урушиб бердилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Эй Умар, уларни ўз ҳолига қўй! Эй Арфида авлодлари, бемалол машқ қилаверингизлар!» — дедилар».

81-боб. Ўз насабининг (қариндошларининг) ҳақорат қилинмаслигини хушлаган зот ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Шоир) Ҳассон Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мушрикларни ҳажв қилмоққа рухсат суради. Шунда ул зот: «Менинг насабимни қандай? (яъни, «Қурайш мушриклари менинг қариндошларим бўла туриб, уларни қандай ҳажв қиласан?»)» — дедилар. Ҳассон: «Ҳамирдан қилни суғуриб олгандек, сизни улардан ажратиб олгайман», — деди».

Ҳишом оталаридан нақл қиладилар: «Мен Оишанинг ҳузурларида Ҳассонни сўка бошладим. Шунда Оиша: «Уни сўкмагил, чунки у Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни (ўз шеърлари бирлан) ҳимоя қилар эрди», — дедилар».

82-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исмлари хусусидаги ҳадислар

Оллоҳ таолонинг қавли: «Муҳаммад сизлардан бирор кишининг отаси бўлмаган» («Аҳзоб» сураси, 40-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Муҳаммад Оллоҳнинг расулидур ва у бирлан бирга бўлган (мусулмонлар) кофирларга (нисбатан) жуда бешафқатдурлар» («Фатҳ» сураси, 29-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Эслангиз, Исо ибн Марям: «Эй Бану Исроил, дарҳақиқат мен Оллоҳнинг сизларга (юборган) расулидурман. (Мен) ўзимдан илгариги (пайғамбарга нозил қилинган) Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин Аҳмад исмли пайғамбар келмоғи ҳақида хушxabар бергувчи қилиб (юборилдим)» деб айтган эрди» («Саф» сураси, 6-оят).

Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим оталаридян нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Менинг (илгариги умматлар яхши билган) беш исмим бор. Мен Муҳаммад ва Аҳмадман, мен ал-Моҳийман, (яъни) Оллоҳ таоло менинг воситам бирла куфрни маҳв қилур, мен ал Ҳоширман, (яъни Қиёмат куни биринчи бўлиб) оёққа турганимда одамлар (атрофимга) тўплангайлар ва мен ал-Оқибман, (яъни мен пайғамбарларнинг энг сўнггисиман)» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолонинг Қурайш (кофирлари ноҳақ отаётган) ҳақорату лаънат (тошларини) қай йўсинда мендан қайтариб, (уларнинг ўзларига йўналтираётганидан) таажжуб қилмайсизларми? Улар (мени «Муҳаммад» — «Ғоятда мақтовга сазовор» дейиш ўрнига), «Музаммам» («Лаънати, нафратли») деб ҳақорат қиладилар, «Музаммам» деб лаънатлайдилар, мен эрсам (бениҳоят мақтовга сазовор) Муҳаммаддурман!» — деб марҳамат қилдилар».

83-боб. Хотамун-набийийин саллalloҳу алайҳи ва саллам хусусларида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен ва (мендан илгариги) пайғамбарлар шунга ўхшаймизки, бир киши биргина ғиштидан бўлак барча ерларини мукамал ва чиройли қилиб бир ҳовли-жой бунёд қилди. Кейин, одамлар ўшал ҳовли-жойга киришиб, (унинг гўзаллигидан) таажжуб қилишади-да: «Қани энди, (ҳовлининг биносига шу) биргина ғишт ҳам қўйилган бўлганида эрди!» — деб айтишади», — дедилар». (Яъни: «Мен ўзимдан илгариги пайғамбарлар бошлаган ишни ниҳоясига етказувчи, ўшал сўнги биргина ғиштни ўрнига қуйиб, бино қурилишини тугалловчидурман» — деб айтмоқчилар. Жаноб Расулulloҳ ҳовли-жой қурган бир киши мисолида ўзларидан илгариги барча пайғамбарлар сиймосини умумлаштирмоқдалар).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен ва мендан илгариги пайғамбарлар шунга ўхшаймизки, бир киши бир бурчакдаги биргина ғиштан бўлак барча ерларини мукамал ва чиройли қилиб бир ҳовли-жой бунёд қилди. Кейин, одамлар ўшал ҳовли-жойни зиерат қилгани киришиб, унинг гўзаллигидан таажжуб қилишади-да: «Мана бу (ердаги) ғишти ҳам қўйилган бўлганида эрди!» — деб айтишади. Мен эрсам, ўшал биргина ғиштни ўрнига қуйиб, (чала қолган бинони қуриб битказувчидурман) ва мен пайғамбарларнинг энг сўнггисидурман» — деб марҳамат қилдилар».

84-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг вафотлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам олтмиш уч ёшда вафот қилдилар».

85-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг кунялари (лақаблари) хусусида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бозорда эрдилар, бир киши ул зотга: «Ё Абулқосим!» — деб мурожаат қилди. Шунда ул зот

унга ўгирилиб қарадилар-да: «(Қосимнинг отаси) деб куням бирлан эмас, балки (Муҳаммад) деб исмим бирлан атангизлар!» — дедилар».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам» «(Қосимнинг отаси) деб куням бирлан эмас, балки (Муҳаммад) деб исмим бирлан атангизлар!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис қайтарилган.

86-боб.

Тўқсон турт ёшда бўлсалар-да, ҳали бақувват, қоматлари тик Соиб ибн Язид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қулоқларим бирла эшитиб, кўзларим бирла кўрган барча нарсаларга Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг дуолари туфайлигина эришганимни англаб етдим. Дарҳақиқат, (бир куни болалигимда) холам мени ул зотнинг ҳузурларига олиб бордилар-да: «Ё Расулalloҳ, синглимнинг ўғли бетоб бўлиб қолди, Оллоҳ таолодан шифо сўраб уни дуо қилингиз!» — дедилар. Шунда ул зот мени дуо қилдилар».

87-боб. Пайғамбарлик муҳри ҳақида

Соиб ибн Язид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Холам мени Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бордилар-да: «Ё Расулalloҳ, синглимнинг ўғли бетоб бўлиб қолди», — дедилар. Шунда ул зот муборак қўллари бирлан бошимни силаб туриб, менга баракот тилаб дуо қилдилар. Сўнг, таҳорат олдилар, мен (муборак баданларидан томаётган) таҳорат сувидан ичдим. Кейин, орқа томонларига ўтиб туриб эрдим, икки кураклари орасида каклик тухумидек келадиган пайғамбарлик муҳри борлигини кўрдим».

88-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг сифатлари хусусида

Уқба ибн ал-Ҳорис разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу аср намозини ўқидилар, сўнг (масжиддан) чиқиб (уйлари томон) йўлга тушдилар. Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу ҳам ёнларида эрдилар. Бир вақт Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу бир тўда болалар бирлан ўйнаб юрган Ҳасанга кўзлари тушди-да, уни елкаларига кўтариб олгач: «Отам ҳаққи-ҳурматлари, бу Жаноб Расулulloҳга ўхшайди, аммо Алига ўхшамайди-ку!» — дедилар. Шунда Ҳазрат Али (ул кишининг гапларини тасдиқлаб) кулиб қўйдилар».

Абу Жухайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни кўрдим, (набиралари) Ҳасан ибн Али ул зотга ўхшар эркан».

Исмоил ибн Абу Ҳолид Абу Жухайфадан нақл қиладилар. «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни кўрдим, (набиралари) Ҳасан ибн Али ул зотга ўхшар эркан», — дедилар Абу Жухайфа. Мен Абу Жухайфага: «Ул зотнинг қиёфаларини менга тасвирлаб берингиз!» — дедим. Абу Жухайфа: «Оқ юзли ва соқоллари мош-гурунч эрканлар. Ўшанда ул зот бизга ун учта урғочи туя беришни амр қилиб эрдилар, аммо биз ўшал туяларни олгунимизга қадар вафот этиб қолдилар». (Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу халифа бўлгач, ўшал ваъда қилинган туяларни уларга берганлар).

Ваҳб Абу Жухайфа ас-Савоий ривоят қиладилар. «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни кўрдим, шунингдек ул зотнинг пастки лабларининг остидан иякларининг

(соқолларининг) оқариб турганини ҳам кўрдим». (Шу вақтда соқолларининг бор-йўғи ўн еттита оқи бўлган).

Ҳариз ибн Усмон Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Абдуллоҳ ибн Бусрдан: «Сиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдингизми, ул зот кекса эрканларми?» — деб сўрадилар. Абдуллоҳ ибн Буср: «Иякларида (бир қанча) оқ мўйлар бор эрди» — деб жавоб қилдилар».

Рабийъа ибн Абу Абдурраҳмон ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Моликнинг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиёфаларини тасвирлаётиб бундай деб айтганларини эшитдим: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрта буйли бўлиб, новча ҳам, пакана ҳам эрмас эрдилар. Ранглари оқ-қизил, на ўта оқ ва на ўта қора эрди. Сочлари жингалак ҳам, силлиқ ҳам бўлмай, (елкаларига) ташлаб қўйилган эрди. Ул зот, ваҳий нозил бўлганда, қирқ яшар эрдилар. Маккада ўн йил турдилар, шу вақт ичида ул зотга ваҳий нозил бўлиб турди, Мадинада ҳам ўн йил яшадилар. Вафот қилганларида бошларининг ҳам, соқолларининг ҳам лоақал йигирмата оқи йўқ эрди».

Рабийъа ибн Абу Абдурраҳмон: «Кейинчалик мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соч толаларидан бирини кўрдим, у қизғиш эркан. Шунда (нега бундайлигини) сўраб эрдим, хушбуйликлар таъсирида шундай ранг касб қилганини айтишди».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу атайҳи ва саллам одамларнинг энг юзи чиройлиси ва энг хулқи гўзали эрдилар. Буйлари бошқалардан фарқ қиладиган даражада новча ҳам, пакана ҳам эрмас эрди».

Катода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Анасдан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини бўяганмилар?» — деб сўрадим. Анас: «Йўқ, чунки икки чаккаларигина бир оз оқарган эрди», — дедилар».

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрта буйли, икки елкалари ораси кенг бўлиб, сочлари икки қулоқларининг юмшоқ еригача тушиб турар эрди. Мен ул зотнинг қизил хулла (изор ва ридо) кийиб олганларини кўрдим, бундан гўзал нарсани (яъни, қизил хулланинг ул зотдан бўлак кишига бул қадар ярашганини) сира кўрган эрмасман».

Абу Исҳоқ: «Бародан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари қилич каби жилвали, порлоқ) эрдими?» — деб сўрашди. Шунда Баро: «Йўқ, балки ой (қамар) монанд эрди» — деб жавоб бердилар», — дейдилар.

Абу Жухайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туш вақтида Батҳо деган ерга бордилар-да, таҳорат олгач, олдиларига (қибла томонга) аназани (найзадан калта, ҳассадан узунроқ, учида темир пойнаги бор таёқни) санчиб қуйиб қаср қилиб икки ракъат пешин ва икки ракъат аср ўқидилар».

Авн оталари Абу Жухайфадан нақл қилиб, ривоятни қуйидагича давом эттирадилар: «Одамлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки муборак қўлларини ушлашиб, ўз юзларига табаррук қилиб сурта бошлашди. Мен ҳам ул зотнинг қўлларини ушлаб, юзимга

суртиб эрдим, (мизожлари бирлан саломатликларининг ниҳоятда яхши эрканлигидан) унинг қордан ҳам муздек ва мушқдан ҳам хушбўйроқ эрканлигини ҳис қилдим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг саховатлиси эрдилар. Ул зот айниқса Рамазон ойида, Жаброил алайҳиссалом ўзлари бирлан учрашганларида ҳар қачонгидан ҳам саховатлироқ бўлиб кетар эрдилар. Жаброил алайҳиссалом Рамазон ойида ҳар кеча ул зот бирлан учрашиб, Қуръонни такрорлаттирар эрдилар. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саховат борасида (Оллоҳ таоло томонидан) юборилган шамолдан ҳам тезроқ эрдилар».

Урва Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хурсанд, юзлари ёришган ҳолда Оиша онамизнинг ҳузурларига кириб келдилар-да: «Мидлажийнинг Зайд ва Усомага нима деганини эшитмадингми? У иккаласининг оёқларини кўриб, уларнинг бири иккинчисидан (вужудга келганлигини топди)», — дедилар. (Яъни, Зайд ибн Ҳориса Усоманинг отаси эрди. Мидлажий эрса уларнинг юзларини курмай туриб, оёқларидангина ота-бола эканликларини айтди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ унинг топқирлигидан мамнун бўлиб, бул ҳақда Оиша онамизга хабар қилдилар)».

Абдуллоҳ ибн Каъб ривоят қиладилар: «Мен Каъб ибн Моликнинг Табук ғазотидан қолганларида бундай деганларини эшитдим: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берганимда юзлари хурсандликларидан ёришиб турган эрди. Ул зотнинг одати шарифлари шундай эрдик, агар бирор нарсадан хурсанд бўлсалар, юзлари ой парчасидек балқиб кетар эрди, биз хурсанд бўлганликларини шундан билиб олур эрдик».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен Одам авлодлари асрларининг (табақаларининг) энг яхшисидан кўчиб ўтиб, асрма-аср (табақама-табақа) ўзим вужудга келтирилган асрда (табақада) намоён бўлдим» (яъни, «Мен аввал Исмоил алайҳиссаломнинг фарзандлари пушти камаридан Кинонага, Кинонадан Қурайшга кўчиб ўтиб, ниҳоят ўзим вужудга келтирилган Бану Ҳошимда дунёга келдим») — деб марҳамат қилдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (дастлабки вақтларда олд) сочларини пешоналарига тушириб юрдилар. (Ўшал кезларда) мушриклар бошларининг қоқ ўртасидан фарқ очишарди-да, сочларини икки ёнга ташлаб олишиб, пешоналарини очиб юришар эрди. Китоб аҳли эрса аксинча сочларини пешоналарига тушириб олишар эрди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (соч хусусида Оллоҳ таолодан махсус амр келгунча) сочларини пешоналарига тушириб юришни хуш кўрдилар, (чунки китоб аҳли илгариги пайғамбарлардан қолган одатни қилар эрди. Шу боисдан) Жаноб Расулуллоҳ бутларга сиғинувчилар одатини қилгандан кўра, ўз шариатларига зид бўлмаган (китоб аҳли) одатини қилмоқни афзап кўрдилар. Кейин, (Оллоҳ таолодан амр бўлгач), ул зот бошларига фарқ очадирган бўлдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ҳам шалоқ сўзламас, ўзгаларнинг ҳам шалоқ сўзламоғига йўл қўймас эрдилар ва ул зот: «Дарҳақиқат сизларнинг яхшингиз — хулқи яхшингиздур!» — деб марҳамат қилар эрдилар» — дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, (дунёвий) икки ишдан бирини ихтиёр қилмоқлари лозим бўлиб қолса, албатта улардан

гуноҳовар бўлмаган энг энгилинигина танлар эрдилар. Башарти (ўшал энг энгил иш) гуноҳовар бўлса, ундан барчадан ҳам кўра йироқроқ бўлар эрдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шахсан ўзлари(га етказилган азият) учун интиқом олмаганлар, балки Оллоҳ таолонинг ҳурмати бузилгани учунгина (яъни, Оллоҳ таоло таъқиқлаган, манъ қилган ишлар қилингани учунгина) интиқом олганлар, холос».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кафтларидан кўра майинроқ на бирор ҳарирни ва на бирор дебожни ушлаб кўрмаганман. Шунингдек, мен ул зотнинг ҳидларидан кўра хушбўйроқ ҳидни ҳам ҳидламаганман». (Бу ҳадисда «кафтларининг майин» дейилганлиги бошқа бир ҳадисда «қўллари катта ва ғализ эрди» дейилганига зиддек туюлса-да, аслида «суякларининг йўғон ва териларининг майинлиги назарда тутилгандур).

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чочвон ёпиниб юрадирган бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эрдилар», — дейдилар.

Шуъба разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бирор нарсани ёқтирмаганлари юзтаридан билиниб турар эрди», — дейдилар.

Абу Ҳурайра ряшяшрху анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таомга сира нах урмаганлар. Агар иштаҳалари бўлса, тановул қилар, бўлмаса, тановул қилмас эрдилар»,— дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Молик ибн Бухайна ал-Асдий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилганларида икки қўлларини ўзларидан олдинроққа ташлар эрдилар, ҳатто икки қўлтиқларининг оппоқлиги кўринар эрди».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Оллоҳ таолодан) ёмғир сўраб қиладирган дуоларидан бўлак дуоларида (фотиҳага) қўлларини кўтармас эрдилар. Ул зот (фотиҳага) қўлларини (шу даражада баланд) кўтарар эрдиларки, ҳатто икки қўлтиқларининг оппоқлиги кўринар эрди».

Абу Жухайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (тахорат учун сув) узатдим. Шунда ул зот Абтаҳ деган ерда, чодирда бўлиб, пешин вақти эрди. Билол (чодирдан) чиқиб азон айтдилар-да, яна (чодирга) қайтиб кириб кетдилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳнинг таҳоратларидан тушган сувни олиб чиқиб эрдилар, одамлар талашиб-тортишиб уни бўлиб олишди-да, (табаррук қилиб баданларига суртишди). Кейин, Билол яна (чодирга) қайтиб кириб, анзани (найзадан калта, ҳассадан узунроқ учи пойнакли таекни) олиб чиқдилар. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (чодирдан) чиқдилар. Мен (ўшанда) болдирларининг товланиб турганини (яъни, оппоқ эрканлигини ҳозир ҳам) кўриб тургандекман. Кейин, ул зот (қаср қилиб) икки ракъат пешин ўқидилар, шунда олдиларидан эшагу хотинлар (у ёқдан бу ёққа бемалол) ўтиб турди, (чунки қибла тараф аназа бирлан тўсиб қўйилган эрди-да!)».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадис айтсалар, (шул қадар дона-дона қилиб айтар эрдиларки), ҳатто эшитгувчи, агар истаса, ул зотнинг барча сўзларини (ёки ҳар бир сўзларидаги ҳарфларни) санаб улгурар эрди».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар. «Абу Фалоннинг (қилган ишидан) таажжуб

қилмайсизми? (яъни, «Фалончининг қилган ишини қаранг!). (Бир куни) у келиб, ҳужрам енига ўлтирди-да, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифларидан (бир нечасини) менга эшиттириб айта бошлади. Шунда мен (ҳужрамда) тасбиҳ ўгираётган эрдим. У мен тасбиҳ ўгириб бўлмасимдан илгари (ҳадисларни шоша-пиша айтиб) ўрнидан туриб кетиб қолди. Агар тасбиҳ ўгириб бўлгунимча кетиб қолмаганида, унга: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизлар сингари шоша-пиша бир ҳадис кетидан иккинчисини айтмас эрдилар» — деган бўлур эрдим».

89-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўзлари ухлар эрди-ю, аммо қалблари ухламас эрди

Саъид разияллоҳу анҳу ртуют қипадилар: «Салама ибн Абдурраҳмон Оиша онамиздан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойида қандай намоз ўқир эрдилар?»— деб сўрадилар. Оиша онамиз бундай дедилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ойида ҳам ва бошқа ойларда ҳам ўн бир ракъатдан оширмас эрдилар. (Аввал) тўрт ракъат ўқир эрдилар, уларнинг гўзаллиги-ю узунлигини (узоқлигини) сўрамай қўя қол! Кейин, (яна) тўрт ракъат ўқир эрдилар, уларнинг (ҳам) гўзаллиги-ю узунлигини сўрамай қўя қол! Сўнг, уч ракъат ўқир эрдилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, витрни ўқимай ухлайсизми?» — деб эрдим, ул зот: «Кўзларим ухлайди-ю, аммо қалбим ухламайди» — деб марҳамат қилдилар».

Шарийк ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба масжидидан (Байт ул-Мақдисга) саёҳат қилдирилиш кеча (Исроъ ксчаси) хусусида бундай дедилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий келмасидан бурун уч нафар (фаришта) келди. («Ровий Шарийк ибн Абдуллоҳ «ваҳий келмасидан бурун» деб хато қилган, чунки Исроъ маъъасдан кейин бўлгандур», — дейдилар Абу Таййиб). Шунда Жаноб Расулуллоҳ Масжид ул-Ҳаромда (бир қанча одамлар орасида) ухлаб ётган эрдилар. Олдиндаги фаришта: «Улардан қайси бири (Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам)?» — деди. Ўртадагиси: «Уларнинг яхшиси», — деди: Кейингиси: «Ўшал яхшисини олингизлар!» — деди. Шу кеча бундан бўлак ҳеч гап бўлмади, Жаноб Расулуллоҳ уларни (фаришталарни) мутлақо кўрмадилар. Ул зот (фаришталарни), улар яна ҳузурларига келган келгуси тундагина, қалблари кўрадирган бўлгандагина кўрдилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўзлари уйқуда бўлса-да, қалблари уйғоқ эрди. Пайғамбарлар ана шундай бўладилар, кўзлари ухлайди-ю, аммо қалблари ухламайди. Сўнг, Ҳазрат Жаброил Жаноб Расулуллоҳни осмонга олиб чиқиб кетдилар».

90-боб. Исломдаги пайғамбарлик аломатлари

Абу Ражоъ ривоят қиладилар: «Бизга Имрон ибн Ҳусайн хабар бердиларки, улар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан биргалиқда сафарда бўлишиб, тун бўйи йўл юришибди. Сўнг, тонг отай деб қолганда дам олгани тўхташибди. Шунда уйқу ғолиблик қилиб, ухлаб қолишибди, ҳатто Қуёш (чиқиб) баланд кўтарилиб кетибди. Улардан биринчи бўлиб Абу Бакр уйғонибдилар, лекин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзлари уйғонгунларича уйғотмабдилар. Кейин, Ҳазрат Умар уйғонибдилар, шунда Абу Бакр ул кишининг бошлари ёнида ўлтирган эрканлар. Сўнг, (Ҳазрат Умар ўринларидан туриб) баланд овоз бирлан такбир айта бошлаган эрканлар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйғониб, нарироққа бориб қайтиб келибдилар. «Кейин ул зот, — дейдилар Имрон,— биз бирлан бомдод ўқидилар. Шунда қавмдан бир киши биз бирлан намоз ўқимай, четроқда турди. Жаноб Расулуллоҳ (намозни тугатиб) ортларига ўгирилгач, (ўшал кишига): «Эй фалончи, биз бирлан намоз ўқимоғинга нима моненьлик қилди?»— дедилар. У: «Булғаниб (наҳс) бўлиб қолдим», — деди. Шунда Жаноб

Расулulloҳ унга (тоза) туфроқ бирлан таяммум қилмоқни амр қилдилар. Кейин у (таяммум қилгач), намоз ўқиб олди. Сўнг, ул зот менга рўпараларида уловларга миниб турган кишиларни шоширишни буюрдидар. Биз қаттиқ чанқаб қолган эрдик. Йўлда кетаётиб чочвон ёпиниб олган бир аёлга дуч келдик. (У туя миниб олган бўлиб), икки оёғи икки катта меш орасида эрди. Биз унга: «Қаерда сув бор?» — дедик. У (бу атрофда) сув йўқлигини айтди. Биз: «(Бу ердан) қавминг яшайдирган ер ва сув бор жой оралиги қанча?» — дедик. У: «Бир кеча-кундузлик йўл», — деди. Биз: «(Ундай бўлса), биз бирлан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига юр!» — дедик. У: «Расулulloҳнинг менда нима ишлари бор?»— дея суриштира кетди. Биз унинг гапларига эътибор бермай, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига олиб бордик. Сўнг, мен Жаноб Расулulloҳга ўшал аёл бизга нимаики деган бўлса, барини айтдим. Аммо (мусулмонларга тобеъ бўлмаган) ғайридин аёл эрканлигини ул зотга унинг ўзи айтди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ унинг иккала мешини олиб келмоқни амр қилдиларда, уларнинг пастки оғизларини ечдилар. Сўнг, биз қирқ киши мешлардаги сувдан ўзимиз ҳам қониб ичдик, уловларимизни ҳам суғордик, ҳатто барча идишларимизни ҳам тўлдириб олдик. Бироқ биз бир туянигина суғормадик, чунки у ўзи шундай ҳам кўп сув ичиб олганидан ёрилиб кетай деб турган эрди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Нимангиз бўлса, ҳаммасини бу аёлга берингизлар!» — дедилар. Одамлар нон бурдалари ва хурмоларини тўплаб унга беришди. Сўнг, аёл ўз оиласига бориб: «Мен энг соҳир одамнинг қошига бордим, (билмадим) балки у пайғамбардур?» — деди. Айтишларича, кейин Оллоҳ таоло ўшал аёл туфайли унинг қавмига ҳидоят қилибди, аёлнинг ўзи ҳам, қавми ҳам мусулмон бўлибди». [Аёлнинг «Мен энг соҳир одамнинг қошига бордим, (билмадим) балки у пайғамбардур?» деганининг боиси шуки, Жаноб Расулulloҳ муборак кафтлари бирлан мешлардаги сувдан олиб, яна қайтиб қўйиб қўйганларидан сўнг, қирқ киши ичиб, уловлар суғорилиб ва барча идишлар тўлдириб олинганда ҳам улардаги сув заррача камаймади].

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Завроъ деган ерда эрканликларидан (тахорат учун) бир идишда сув келтиришди. Шунда ул зот муборак кафтларини идиш оғзига тутиб эрдилар, бармоқлари орасидан сув отилиб чиқа бошлади. Сўнг, (бутун) қавм ўша сувдан таҳорат қилиб олди».

Қатода: «Мен Аназдан: «Неча киши эрдингизлар?» — деб сўрадим. У: «Уч юз ёки уч юзга яқин» — деди», — дейдилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен (Завроъ деган ерда) аср намози вақтида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим, ул зот одамларга таҳорат қилиб олмоқни амр қилдилар. Аммо, улар (барчага етарли) сув топиша олмади. Кейин, Жаноб Расулulloҳга (ўзларигагина етадиган миқдорда) бир идишда сув келтиришди. Ул зот ўшал идишнинг оғзига муборак кафтларини қўйиб туриб, одамларга таҳорат қилмоқни амр қилдилар. Шунда мен ул зотнинг бармоқлари орасидан сув отилиб чиқаётганини ҳамда одамларнинг биттаси ҳам қолмай, таҳорат қилиб олганини кўрдим».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча саҳобалари бирлан биргалиқда сафарга чиқдилар. Улар йўлда кетаётганларида намоз вақти бўлиб қолиб, одамлар таҳоратга сув излаб топиша олмади. Шунда қавмдан бир киши бориб, таги саёз (ёки оғзи кенг) бир кичик идишда сув келтирди. Жаноб Расулulloҳ уни олиб, таҳорат қилдилар. Сўнг, ўша идишнинг оғзига тўрт бармоқларини тутдиларда: «Турингизлар, таҳорат қилингизлар!» — дедилар. Шунда таҳорат қилмоқ ниятида турган бутун қавм (ул зотнинг муборак бармоқлари орасидан отилиб чиқаётган сувдан) таҳорат қилиб олди, ваҳоланки улар етмишта ёки шунга яқин киши эрдилар».

Анас разиялтху анху ривоят қиладилар: «(Аср) намози вақти бўлиб қолиб, масжидга яқин (турадирган) кишилар таҳорат қилиб келмоқ учун уйига равона бўлди, фақат бир қавм (масжидда) қолди. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сопол кўзада (бир оз) сув олиб келдилар-да, қўлларини унинг ичига тиқиб сув олмоқчи бўлдилар, аммо унинг оғзи кичиклик қилди. Шунда ул зот панжаларини кўза оғзига тутиб турдилар, бутун қавм (бармоқлари орасидан сизиб чиқаётган сувга) таҳорат қилиб олди».

Хумайд ат-Тавил: «Улар неча киши эрди? — деб сўрасам, Анас: «Саксон киши эрди» — деб айтди», — дейдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Худайбия куни одамлар (сувсиз қолиб) ташна бўлишди. Аммо, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида бир (кичкинагина) мешчада сув бўлиб, таҳорат қилдилар. Шунда одамлар (сув олмоқ ниятида) шоша-пиша ул зотнинг теваракларига келиб тўпланишди. Жаноб Расулulloҳ: «Сизларга нима бўлди?» — дедилар. Улар: «Сиздаги сувдан бўлак бизнинг на таҳоратга ва на ичишга сувимиз бор», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ қўлларини мешча оғзига тутиб эрдилар, бармоқлари орасидан булоқдек сув отилиб чиқа бошлади. Биз ундан (қониб) ичдих ҳамда таҳорат ҳам қилиб олдик».

Солим бундай дейдилар: «Неча киши эрдингизлар?» — деб (Жобирдан) сўрадим. У: «Юз минг киши бўлганимизда ҳам сув кифоя қилар эрди, аммо биз ўшанда бир ярим минг киши эрдик», — деди».

Баро разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Биз Худайбия (ғазоти) куни бир минг тўрт юз киши эрдик. Худайбия бир қудуқ бўлиб, биз унинг сувини сўнги томчисига қадар тортиб олдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан хабар топиб, қудуқ лабига келиб ўлтирдилар-да, бир идишда сув келтирмоқни амр қилдилар. Сўнг, таҳорат олиб, оғиз чайқагач, (Оллоҳ таолога ичларида) дуо қилдилар. Кейин, (таҳорат олиб, оғиз чайқаган) сувни қудуққа қуйдилар. Сўнг, биз қудуқдан сал нарироққа бориб турдик. Кейин, қудуқ (Жаноб Расулulloҳ қуйган сувни) бизга (мўл қилиб) қайтарди, ўзимиз ҳам тўйгунча ичдик, туяларимизни ҳам суғориб олдик».

Анас ибн Молик разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Абу Талҳа (хотинлари) Умму Сулаймга: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг овозларини аранг эшитдим, билдимки ул зот (жуда) оч қолганлар. Бирор егулигинг борми?» — дедилар. Хотинлари: «Ҳа», — дедилар-да, бир неча арпа нонини олиб чиқиб рўмолларига туғиб қўлимга тутқазиб қуйдилар. Сўнг, мени Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига жўнатдилар. Мен тугунни олиб йўлга тушдим. Борсам, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча одамлар бирлан бирга масжидда ўлтирган эрканлар. Тепаларига бориб эрдим, ул зот менга: «Сени Абу Талҳа юбордими?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Ул зот: «Таом бериб юбордими?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Ул зот ўзлари бирлан ўлтирган одамларга: «Туригизлар!» — дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ (уларни бошлаб) йўлга тушдилар. Мен улардан олдинроқ етиб бордим-да, Абу Талҳага (Жаноб Расулulloҳ бирлан бир қанча одамлар келишаётгани ҳақида) хабар қилдим. Абу Талҳа (хотинларига): «Эй Умму Сулайм, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча кишилар бирлан келибдилар, ваҳоланки бизда уларни тўйдирарлик (меҳмон қиларлик) бирор нарсамиз йўқ», — дедилар. Умму Сулайм: «Оллоҳ таоло ва унинг Расули яхшироқ билгайлар!» — дедилар. Сўнг, Абу Талҳа ташқарига чиқиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кутиб олдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ Абу

Талха бирлан биргалиқда ичкарига киришди. Шунда ул зот: «Эй Умму Сулайм, борингни олиб келавер!» — дедилар. Умму Сулайм (ўзлари тугиб берган) бояги нонларни келтириб эрдилар, ул зот нонга қўшиб ейдирган бирор нонхуруш олиб келмоқни амр қилдилар. Умму Сулайм ёф идишларини силқитиб, (мевалардан) нонхуруш тайёрлаб бердилар. Жаноб Расулуллох (тановул қилиб бўлгач, нон бирлан) нонхуруш хусусида Оллох таоло ирода қилганча (мақтов сўзларини) айтдилар. Кейин, ул зот (Абу Талхага): «(Мен бирлан келган одамлардан) ўнтасига ижозат бер, (ичкарига кирсин!)» — дедилар. Абу Талха уларга ижозат бердилар. Улар тўйгунча еб чиқиб кетишди. Сўнг, ул зот: «(Яна) ўн кишига ижозат бер!» — дедилар. Абу Талха уларга ижозат бердилар. Улар (ҳам) тўйгунча еб чиқиб кетишди. Сўнг, ул зот: «(Яна) ўн кишига ижозат бер!» — дедилар. Шу тариқа бутун қавм, яъни Жаноб Расулуллох бирлан бирга келганларнинг ҳаммаси тўйгунча тановул қилишди, ваҳоланки улар етмиш ёки саксон киши эрдилар».

Абдуллох (ибн Масъуд) разияллоху анху ривоят қиладилар: «Биз ғайри табиий воқеа-ҳодисаларнинг (баъзисини) Оллох таолонинг баракоти (туфайли рўй беради), деб ҳисоблар эрдик. Сизлар эрсангизлар, уларнинг барчасини (Оллох таоло ўз бандаларини) қўрқитиб қўйиш (учун содир қилади), деб ҳисоблайсизлар. (Масалан, Жаноб Расулуллохнинг кўп сонли қўшинни озгина таом бирла тўйдира олганлари Оллох таолонинг баракоти туфайлидур. Қуёш ёки Ойнинг тутилиши эрса, Оллох таолонинг ўз бандаларини қўрқитиб қўймоғидур). Биз (бир куни) Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда (ғазотда) бўлдик. Шунда сувимиз оз қолган бўлиб, Жаноб Расулуллох: «Қолган сувни келтирингизлар!» — дедилар. Сўнг, ул зот бир идишда озгина сув келтиришгач, (муборак) қўлларини идишнинг ичига тикдилар-да: «Муборак покловчи (сув)га ошиқингизлар, барака эрса, Оллох таолодандур!» — деб марҳамат қилдилар. Шундан сўнг, мен Жаноб Расулуллохнинг бармоқлари орасидан сув отилиб чиқаётганини кўрдим. (Кўпинча) биз Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг даврларида ейилаётган таомнинг (Оллох таолога) тасбиҳ айтаётганини эшитар эрдик».

Жобир разияллоху анху ривоят қиладилар: «(Отам қарзларини узолмай вафот этиб қолдилар). Кейин, мен Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, отамнинг ўз қарзларини узолмай вафот этиб қолганларини ҳамда менда ул кишининг хурмозорлари ҳосилидан бўлак ҳеч вақо йўқлигини, қарзларини узишга эрса хурмозорларининг икки йиллик ҳосили ҳам етмаслигини айтдим. Шунда Жаноб Расулуллох қарз бўйнимда юк бўлиб етмаслиги учун мен бирлан бирга (хурмозорга) бордилар-да, хурмо ҳосили ғарамларидан бирининг атрофини бир айланиб чиқдилар. Сўнг, дуо ўқиб, ўшал ғарамнинг ёнига келиб ўлтиргач, (қарзини қистаб келганларга): «Ана шу ғарамни олингизлар!» — дедилар. Ўшал биргина ғарамнинг ўзи қарзни тўла-тўқис узишимга бемалол етиб, яна ўшанча ортиб ҳам қолди».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакр разияллоху анху ривоят қиладилар: «(Ал-Масжид ан-Набавийдаги соябонли) супада (яшовчилар) фақир одамлар эрди. (Бир куни) Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам: «Кимнинг икки кишига етадиган егулиги бўлса, (супада яшовчи кишилардан) учтасини ва кимнинг тўрт кишига кифоя қиладиган таоми бўлса, (улардан) бештасини ва кимнинг беш кишилик егулиги бўлса, (улардан) олтитасини (уйига) олиб кетсин!» — деб марҳамат қилдилар. Шунда (отам) Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоху анху (супа аҳлидан) учтасини. (уйимизга) олиб келдилар. Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам эрсалар, (улардан) ўнтасини олиб (уйларига) равона бўлдилар. Ўшанда ҳовлимизда мен, отам (Абу Бакр ас-Сиддиқ), онам («хотиним ва менинг оилам бирлан ота-онамга хизмат қилгувчи ходим» деб ҳам айтган эрдилар шекилли Абдурраҳмон) истиқомат қилар эрдик. (Отам) Абу Бакр ас-Сиддиқ (меҳмонларни ўйда қолдириб, ўзлари) Расулуллох саллаллоху алайҳи ва

салламнинг ҳузурларида кечки овқатни еб келдилар, сўнг (меҳмонлар бирлан биргаликда) хуфтон ўқилди. Кейин, отам Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига қайтиб кетдилар-да, ул зот кечки овқатни егунларига қадар ўшал ерда бўлдилар. (Бу ерда чалкашлик бўлиб, юқорида Абу Бакр ас-Сиддиқнинг Жаноб Расулulloҳ ҳузурларида кечки овқатни еб келганлари айтилган эрди. Имом Муслим келтирган ҳадисларида «ул зотни мудроқ босгунга қадар» дейилгандур). Сўнг, (отам) Абу Бакр ас-Сиддиқ туннинг Оллоҳ таоло ирода қилганча (қисми) ўтганда (уйга) келдилар. Хотинлари (яъни, онам) ул кишига: «Не сабабдан меҳмонларингиз ҳузурига кечикиб келдингиз?» — дедилар. (Отам) Абу Бакр ас-Сиддиқ: «Уларни овқатлантирмадингми?» — дедилар. (Онам): «Таом келтирилиб эрди, сиз келгунингизча емоқдан бош тортишди», — дедилар. Шунда мен (отам уришадилар, деб) бир ерга бориб беркиниб олдим. (Отам) Абу Бакр ас-Сиддиқ (мени меҳмонларга яхши қарамаган, деб уйлаб): «Эй бефаросат!» — деб чақирдилар-да, (бурнинг ёки қулоқларинг ёхуд лабларинг қирқилсин, деган маънода) қарғадилар. Кейин, (меҳмонларнинг ўзлари кечроқ овқатланмоқни истаганларини билгач): «Олингизлар, енгизлар! (Узр, мени деб) ўз вақтида (таомдан) лаззатлана олмабсизлар, худо ҳақи, мен мутлақо емайман!» — дедилар. Оллоҳ таолога онт ичаманки, (таомдан) қанча луқма олиб емайлик, (камайиш ўрнига) тагидан тобора кўпайиб борар, ҳатто ҳамма тўйиб егандан кейин ҳам илгаригидан кўп эрди. (Отам) Абу Бакр ас-Сиддиқ таомнинг боягидек турганини (ёки илгаригидан ҳам кўпроқ эканлигини) кўриб, хотинларига (яъни, онамга): «Эй Фироззода, бу не ҳол?» — дедилар. (Онам): «Кўзим гавҳари(ни яратган зот) ҳақиқи, (таом) ҳозир илгаригидан уч баробар кўп, (деб айта оламан, холос)» — дедилар. (Бу ғайри табиий ҳодиса Жаноб Расулulloҳнинг мўъжизаларидан бири бўлиб, Абу Бакр ас-Сиддиқнинг қўлларида зоҳир булди. Бу эрса, Абу Бакр ас-Сиддиқнинг каромат соҳиби эрканликларини кўрсатади). Сўнг, (отам) Абу Бакр таомдан ўзлари ҳам егач: «Дарҳақиқат, бу шайтоннинг қилмиши эрди (яъни, шайтоннинг васвасаси туфайли «мутлақо емайман» деб қасам ичиб эрдим)» — дедилар. Кейин, ул киши (меҳмонлар кўнглини ёзиш учун) яна бир луқма егач, таомни Жаноб Расулulloҳга (илиниб) олиб кетдилар ва ул зотнинг ҳузурларида тонг оттирдилар. Биз бирлан бир қавм ўртасида сулҳ тузилган бўлиб, унинг муддати тугагач, (улар Мадинага келишди). Биз улардан ўн иккитасини ажратиб, ҳар бирини бир гуруҳга бошлиқ қилиб қўйдик. Аммо, ҳар бирининг қўл остида қанча одам борлиги Оллоҳ таолонинг ўзигагина аён». «Абдурраҳмон ибн Абу Бакрнинг айтишича, — дейдилар ровий Абу Усмон, — ўша кишиларнинг барчаси Абу Бакр ас-Сиддиқ келтирган таомдан тановул қилишди».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида Мадина аҳли қаҳатчиликка гирифтор бўлди. Бир маҳал ул зот жумъа куни хутба қилиб туриб эрдилар, бир киши ўрnidан туриб: «Ё Расулаллоҳ, моллар қирилиб кетди, қўйлар қирилиб кетди, Оллоҳ таолога дуо қилингиз, бизларга ёмғир юборсин!» — деди. Шунда ул зот қўлларини (фотиҳага) кўтариб дуо қилдилар. Осмон шиша каби тиниқ эрди. Бирдан шамол кўтарилиб, булутларни ҳайдаб кела бошлади. Сўнг, булутлар қуюқлашиб, осмон Мадина устига ёмғир юборди. Биз ташқарига чиқдик-да, (ёмғирда) бўкканча уйимизга етиб олдик. Ёмғир келаси жумъагача тинмади. (Жаноб Расулulloҳ келаси жумъа куни хутба қилиб турганларида) ўша киши ёки бошқа биров олдиларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, уйлар вайрон бўлди, Оллоҳ таолога дуо қилингиз, ёмғирни тухтатсин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ бир табассум қилиб қўйдилар-да, сўнг: «(Ё парвардигоро), устимизга эмас, балки атрофимизга (яъни, Мадинага эмас, балки унинг атрофига ёмғир ёғдиргил!)» — деб дуо қилдилар. Шунда мен булутларнинг (чўпон амрига итоат қилиб кетаётган) пода сингари Мадина атрофига (чиқиб) кетаётганини кўрдим».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бир хурмо тўнкаси устига чиқиб хутба қилар эрдилар. Ул зотга (махсус) минбар ясаб

беришганда, унга чиқиб эрдилар, хурмо тўнкаси (бўталоғидан жудо, қилинган туя янглиғ) нола қилди. Шунда Жаноб Расулulloҳ унинг олдига келиб, муборак қўллари бирлан силаб эрдилар, (жимиб қолди)».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа кунлари бир ёғоч (тўнка) ёки хурмо (тўнкаси) устига чиқиб хутба айтар эрдилар. (Бир куни) бир ансория аёл ёки эркак: «Ё расулаллоҳ, сизга минбар ясаб берайликми?» — деди. Ул зот: «Агар истагингиз (шу бўлса, майли)», — дедилар. Кейин, ул зотга минбар ясаб беришди. Жумъа куни келгач, ул зот минбарга чиқиб эрдилар, хурмо (тўнкаси) ёш боладек инграб юборди. Шунда ул зот минбардан тушиб, уни бағрларига босдилар, (хурмо тўнкаси жимиб қолди)».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Масжид томини хурмо ёғочидан қилинган устунлар кўтариб турар эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба айтадиган бўлсалар, (масжид қурилишидан ортиб қолган ана шу) устунлардан бирининг устига чиқиб олар эрдилар. Ул зот ўзларига (махсус) минбар ясаб берилгач, унинг устида (хутба айтаётган эрдилар), мазкур хурмо ёғочидан (бўталоғидан айрилган) туя ноласи янглиғ бир (мунгли) овоз чиқаётганини эшитдик. Ул зот бориб, унинг устига муборак қўллари кўйиб эрдилар, жимиб қолди».

Абу Воил разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу: «Қайси бирингиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фитна ҳақидаги ҳадисларини эслаб қолгансиз?» — дедилар. Ҳузайфа: «Мен ул зот бу хусусда нима деган бўлсалар, шундайлигича эслаб қолганман», — дедилар. Ҳазрат Умар: «Қани, айтаверингиз, сизнинг бунга журъатингиз етади!» — дедилар. Ҳузайфа: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганларки, кишининг фитнаси ўз оиласида (яъни, киши ўз оиласини деб ҳар қанча тавба ва амали солиҳлар юва олмайдиган гуноҳовар ишларни қилади), мол-дунёсида (яъни, киши ҳаром-халиш йўллар бирлан бойлик орттириб, уни бола-чақасига сарф қилади), фарзандида (яъни, киши фарзандига ортиқча муҳаббат қўйиб, у бирлан овора бўлиб, кўп яхшиликлардан уни маҳрум қилади ёки уни деб Оллоҳ таоло таъқиқларидан қўрқмай, эгри йўл бирлан пул топиш йўлига кириб кетади) ва қўшнисида (яъни, киши ўз бошига тушган кулфатни қўшнисининг бошига ҳам тушмоғини ёхуд қўшнисининг боши сира кулфатдан чиқмаслигини ният қилади). Бу фитналарни (беш вақт) намоз, Рўза, садақа, (закот), амри маъруф ва наҳий мункар даф қилур», — дедилар. Ҳазрат Умар: «Мен сиз назарда тутган фитна хусусида эмас, балки денгиз тўлқинлари янглиғ (оммавий бузғунчилик қувватига эга катта) фитна ҳақида сўраётирман», - дедилар. Ҳузайфа: «Эй Амрал муъминийн, сиз (бундай) фитнадан хавотир қилмасангиз ҳам бўлади, сиз бирлан (бундай) фитна ўртасидаги эшик ёпиқдур (яъни, сиз ҳаёт эркансиз, бирор фитна содир бўлмас)», — дедилар. -Ҳазрат Умар: «Ўшал эшик (мендан кейин) синдириладими ёки очиладимми?» — дедилар. Ҳузайфа: «Синдирилади (бузилади)», — дедилар. Ҳазрат Умар: «Агар синдирилса (бузилса), то абад (қайта) ёпиб бўлмагай», дедилар. (Бу ерда Ҳазрат Умардан кейин фитна чиқиб, Ҳазрат Усмоннинг ўлдирилишларига ишора қилинган)».

Кейинчалик, Ҳузайфадан: «Ҳазрат Умар ўшал эшикнинг (ким эканлигини) билармидилар?» — деб сўрашди. Шунда Ҳузайфа: «Ҳа, туннинг тонгдан яқинлигини (яъни, тонгдан илгари тун бўлишини) билганларидек билар эрдилар», - дедилар. Ҳузайфа: «Мен Ҳазрат Умарга ҳадисни хатосиз айтиб бердим», — дейдилар. Сунг: «Ўшал эшик ким эди?» — деб сўрашди. Ҳузайфа: «Ҳазрат Умар» — деб айтдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

бундай дедилар: «Пошналари (ёки оёқ кийимлари) жундан (қилинган) қавмга қарши урушмагунингизга қадар ва кўзлари кичик (қисиқ), юзлари қизғиш, бурунлари пачоқ, юзлари ғадир-будир қалқон сингари (сергўшт ва япалоқ), пошналари жундан (қилинган) туркларга (туркий элатга) қарши жанг қилмагунингизга қадар Қиёмат бўлмас. Сизлар бу ишни (яъни, адолат бирлан ҳукмдорлик қилишнинг қийинлиги боисидан халифа ёки амир бўлмоқни) то (Оллоҳ таоло ўзи) тақдир қилмагунга қадар мутлақо хушламайдиган яхши одамни (ҳам) учратгайсизлар. Шунингдек, сизлар (таркибида ҳам нодир, ҳам нокерак жинслар мужассам бўлган) маъданлар (каби ҳам яхши, ҳам ёмон хислатларга эга) инсонларни учратгайсизлар. Жоҳилият давридаги инсонларнинг яхшилари, агар улар (дин борасида) фақиҳ бўлиб олган бўлсалар, Ислом давридаги инсонларнинг ҳам яхшисидурлар. Албатта, (мендан кейин) шундай бир замон келадики, унда ҳар бирингиз (яъни, ҳар бир саҳоба ҳамда улардан кейин яшайдирган ҳар бир мўъмин) ўзининг оиласи ва мол-дунёси каби (нарсалари) бўлмоғи(ни орзу қилгани)дан кўра кўпроқ мени кўрмоқни орзу қилади».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сизлар (яъни, муслмонлар) Хуз ва Кирмон (томондан келадирган) қизғиш юзли, пачоқ бурунли, кичик (қисиқ) кўзли ажамий (яъни, араб бўлмаган) икки элатга қарши урушмагунингизга қадар Қиёмат бўлмас. Уларнинг юзлари ғадир-будир қалқон сингари (сергўшт ва ялпоқ) бўлиб, пошналари (ёки пойабзаллари) жундан (қилингандур)».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат арафасида пошналари (ёки пойабзаллари) жундан (қилинган) бир қавм бирлан урушурсизлар», — дедилар».

Амр ибн Тағлиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Сизлар Қиёмат арафасида жун пойабзал киядирган қавмга ҳамда юзлари ғадир-будир қалқон сингари (сергўшт ва япалоқ) қавмга қарши урушасизлар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Сизлар (Қиёмат арафасида) яҳудийларга қарши урушиб, уларни енгасизлар. Шунда ҳаттоки (Қора) Тош ҳам: «Эй муслмон, менинг ортимда яҳудий (беркиниб) турибди, уни ўлдир!» — дейди».

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Шундай бир замон келадики, унда одамлар (муслмонлар) ғазот қиладилар. Шунда уларга: «Сизларнинг орангизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилганлар борми?» — дейилади. Одамлар: «Ҳа», — дейишади. Шундан сўнг, уларга зафар муяссар бўлади. Сўнг, улар яна ғазот қиладилар. Шунда уларга: «Сизларнинг орангизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига саҳобалик қилганлар борми?» — дейилади. Улар: «Ҳа», — дейишади. Шундан сўнг, уларга зафар муяссар бўлади».

Адий ибн Ҳотим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирганимда бир киши келиб қашшоқликдан шикоят қилди. Сўнг, яна бир киши келиб йўлтўсарлардан (қароқчилардан) шикоят қилди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Эй Адий, Ҳийра (Фурот дарёси яқинидаги тарихий шаҳар)ни кўрганмисан?»— дедилар. Мен: «Сира кўрмаганман, унинг ҳақида эшитганман, халос», — дсдим. Ул зот: «Агар умринг узун бўлса, бир аёлнинг Оллоҳ таолодан бўлак ҳеч кимсадан қурқмай, Ҳийрадан тахтиравонда

келиб Каъбани тавоф қилганини албатта кўргайсан», — дедилар. Мен ўзимга ўзим: «Мамлакатда фитна оловини ёққан очкўз (Кисронинг) шайтонлари (йўлтўсарлари), ҳали қараб туринглар! Агар умринг узун булса, Кисро (Хусрав) хазиналарини албатта қўлга киритгайсан!» — деб қўйдим. Сўнг: «(Исми) Кисро (Хусрав) ибн Хўрмузми?» — дедим. Ул зот: «(Ҳа), Кисро ибн Хўрмуз», — дедилар-да, сўнг бундай деб гапларида давом этдилар: «Агар умринг узун булса, ҳовучи тўла тилла ёки кумуш олиб чиқиб, кимга беришини билмай, бирор садақа оладирган кимсани тополмай юрган одамни албатта кўргайсан. Сизлардап бир киши Қиёмат куни Оллоҳ таолога рўпара булгай. Шунда у бирлан Оллоҳ таоло уртасида таржимонлик қилгувчи тилмоч бўлмагай. Оллоҳ таоло (ундан): «Сенга пайғамбар юбормаганмидим?! У (менинг аҳкомларимни) сенга етказмаганмиди?!» — деб сўрагай. У: «Ҳа, пайғамбар юборган эрдинг, у мёнга (аҳкомларингни) етказган эрди», — дсгай. Сунг, Оллоҳ таоло: «Мен сенга молдунё (ва фарзандлар) ато этиб, марҳамат қилмаганмидим?!» — деб сўрагай. У: «Ҳа, менга молдунё ва (фарзандлар) ато этиб марҳамат қилган эрдинг», — дегай-да, ўнг томонига қараб жаҳаннамдан бўлак нарсани курмагай, кейин чап томонига қараб ҳам жаҳаннамдан бўлак нарсага кўзи тушмагай».

Адий ибн Ҳотим: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Яримта хурмо бирлан бўлса ҳам, дўзахдан қўрқингиз! (яъни, «Лоақал яримта хурмо садақа қилиб, ўзингизни дўзах азобидан халос қилингиз!). Яримта хурмо садақа қилишга ҳам қурби етмаган киши эрса, унга (тиламчига) яхши сўз айтсин!» — деганларини эшитганман», — дедилар.

Адий ибн Ҳотим: «Кейин, мен (Жаноб Расулуллоҳ айтган) ўшал аёлнинг Оллоҳ таолодан бўлак ҳеч кимдан қўрқмай, Ҳийрадан тахтиравонда келиб Каъбани тавоф қилганини кўрдим, шунингдек Кисро (Хусрав) ибн Хўрмузнинг хазиналарини қўлга киритишда ҳам иштирок этдим. Сизлар, агар умрингиз узун бўлса, Пайғамбаримиз саллаллоҳу аяайҳи ва саллам айтган ўшал садақа учун бир ҳовуч олтин ёки кумуш олиб чиқиб, тиламчи тополмайдирган кишини кўрурсизлар», — дейдилар.

Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (масжидга) чиқдилар-да, (бундан етти ёки саккиз йил аввал) Уҳуд ғазотида шаҳид бўлганларга бағишлаб маййитга (ўликка) ўқийдирган намозларини ўқидилар (яъни, одатда маййитга ўқиладирган намоз ўқиб, уларнинг руҳларига дуои фотиҳа қилдилар). Сўнг, минбарга чиқиб бундай дедилар: "Дарҳақиқат, мен (Ҳавзи Кавсарим бўйига) сизлардан илгари (боргай)ман, мен сизлар(нинг амалларингизнинг) шоҳидиман. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ҳақи, мен ҳозир Ҳавзи (Кавсарим)ни кўриб турибман. Дарҳақиқат, Ер хазиналари калитлари менга топширилди (яъни, мендан кейин умматимга Ер бойликлари очиб берилади). Оллоҳ таоло ҳақи, мен сизлар ўзимдан кейин мушрик бўлиб кетасизлар, деб хавотирланмайман, балки бойлик борасида ўзаро рақобатлашасизлар, деб чўчийман».

Урва ибн Усома разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қалъа (ёки минора) тепасига чиқдилар-да: «Мен кўраётган нарсани кўряпсизларми? Дарҳақиқат, мен уйлариңиз атрофларида фитналар чиқиб, (бутун) мамлакатга тарқалишини кўриб турибман», - дедилар».

Умму Ҳабиба бинти Абу Суфён разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрқинч бирла (хотинлари) Зайнабнинг ҳузурларига кириб келдилар-да: «Ло илоҳа иллаллоҳу! Яқинлашиб қолган ёмонликдан арабларнинг (яъни, мусулмонларнинг) ҳоли вой бўлгай! Бугун Яъжуж ва Маъжуж олдидаги тўсиқ мана шунча очилди» — деб икки бармоқларини ҳалқа қилиб кўрсатдилар. Шунда Зайнаб: «Ё Расулаллах,

орамизда солиҳ кишилар бўла туриб ҳалок бўламизми?» — дедилар. Ул зот: «Ҳа, агар ёмонлик кўпайиб кетса» — деб айтдилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яқин келажақда кўйлар муслмоннинг энг яхши моли бўлиб қолиб, у ўз динини фитналардан олиб қочиш мақсадида уларни тоғлар тепасига ва ёмғир ёғадирган ерларга (яъни, водий-у чўлларга) ҳайдаб кетади», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «(Келгусида) шундай фитналар содир бўладики, улардан ўзини олиб қочувчи киши уларни четда туриб кузатувчи кишидан, уларни четда туриб кузатувчи киши юргувчи (яъни, ўз иши бирлан кетаётиб, беихтиёр фитнага аралшиб қолувчи) кишидан ва юргувчи киши эрса югурувчи (яъни, югуриши сабабли фитнани алангалантириб юборувчи) кишидан яхшироқдур. Ким фитнага қарши турса, фитна ҳам унга қаршилиқ қилур ва ким фитнадан ўзини олиб қочса, фитна ҳам ундан йироқ бўлур. Ким (фитнанинг ёмонлигидан) паноҳ топса, (ўшал ерга) қочсин!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Ҳозир мавжуд) умматимнинг ҳалокати Қурайш ёшлари кўлидадир», — дедилар».

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан одамлар яхшилиқ хусусида сўрашар, мен эрсам, бошимга тушмоғидан хавотир олганимдан, ёмонлик ҳақида сўрар эрдим. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, биз жоҳилият даврида ҳам яшадик, у эрса ёмонлик (яъни, фитналар даври) эрди. Кейин, Оллоҳ таоло бизга бу яхшилиқни (яъни, Исломни) ато этди. Айтингизчи, ана шу яхшилиқдан сўнг ёмонлик булгайми?» — дедим. Ул зот: «Ҳа», — дедилар. Мен: «Ўшал ёмонлиқдан сўнг яна яхшилиқ булгайми?» — дедим. Ул зот: «Ҳа, лекин тутун (лойқа, ифлос) аралаш булгай», — дедилар. Мен: «Ундаги тутун (лойқа, ифлос) нима?» — дедим. Ул зот: «Бир қавм (одамларни) тўғри йўлдан олиб бормайди (яъни, менинг суннатим буйича идора қилмай кўяди). Сен улардан (яъни, ўшал давр одамларидан) яхшисини таниб (кўриб), шукр қиласан ва ёмонини (лойқасини, ифлосини) таниб (кўриб), нафратланасан», — дедилар. Мен: «Ўшал яхшилиқдан кейин яна ёмонлик булгайми?» — дедим. Ул зот: «Ҳа, жаҳаннам дарвозалари томон чорловчилар (яъни, залолат ва бидъатга) чорловчилар чиққай. Кимда-ким уларнинг (жаҳаннамга чорлаб қилган) даъватига жавоб берса, уни жаҳаннамга ташларлар», — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, бизга уларнинг белгиларини тасвирлаб берингиз!» — дедим. Ул зот: «Улар бизнинг теримиздан (яъни, улар ўз миллатимиздан) бўлиб, бизнинг тилимизда (яъни, Оллоҳ таоло ва Расулulloҳ ва аҳкомлари хусусида) сўзлагайлар», — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, агар мен (ўшал одамлар давригача) етиб борсам, не қилмоғимни буюурсиз?» — дедим. Ул зот: «Муслмонлар жамоаси ва уларнинг имомига (яъни, амирига) эргашасан, (ҳаттоки у золим булса ҳам)», — дедилар. Мен: «Уларнинг на жамоаси ва на имоми (амири) булмасачи?» — дедим. Ул зот «Унда ўла-ўлгунингча дарахт илдизларини ғажиб кун кечирсанг-да, ўшал тоифадан ўзингни олиб қочгил!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қурайшнинг анави маҳалласи аҳли (мол-дунё учун уруш қилиб) одамларни ҳалок қилгай», — дедилар. Саҳобалар: «Ўшанда не қилмоғимизни буюргайсиз?» — дейишди. Ул зот: «Қани энди, одамлар улардан ўзларини олиб қочсалар, (ўзлари учун яхши бўлур эрди!)» дедилар».

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Даъватлари бир бўлган (яъни, бир динга даъват қилгувчи) икки катта гуруҳ одамлари ўзаро урушмагунча Қиёмат бўлмас. Шунингдек, ўттизтача каззоб (ёлғончи, алдоқчи) дажжоллар пайдо бўлиб, ҳар бири ўзини Оллоҳ таолонинг расули деб даъво қилмагунча Қиёмат бўлмас», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салдамнинг ҳузурларида эканлигимизда ул зот ўлжа тақсим қилаётган эрдилар. Шунда Тамим қабиласига мансуб Зул-Хувайсира исмли бир киши келиб: «Ё Расулаллоҳ, адолат қилингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ (унга): «Шўринг қурсин, мен адолат қилмай, ким адолат қилади? Агар мен адолат қилмаганимда алданган (хароб бўлган) бўлур эрдинг! Агар мен адолат қилмаганимда залолатга юз тутган бўлур эрдинг!» — дедилар. Ҳазрат Умар «Ё Расулаллоҳ, ижозат берсангиз, унинг бўйнини узиб ташлайин!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Қўй, тегма, унинг шундай шериклари борки, улар ўзларининг намозлари бирлан намозларингизни, рўзалари бирлан рўзангизни таҳқирларлар. Улар Қуръонни бўғизларидан нарига ўтказмай ўқирлар ва ўқ камондан отилиб чиққани каби (тез) диндан чиқурлар. (Бу шунга ўхшайдик), камончи (бирор овга ўқ узади), сўнг ов этидан бирор парча илиниб қолганмикан, деб ўқнинг пойнагига қарайди, аммо унда ҳеч нарса бўлмайди, кейин у ўқнинг бандига қарайди, унда ҳам ҳеч нарса бўлмайди, сўнг у ўқнинг патига қарайди, унда ҳам ҳеч нарса бўлмайди. Кейин, у шубҳаланиб, пойнакнинг учига қараб ҳам ҳеч нарса кўрмайди, ўқ овни тешиб ўтиб, унинг жиғилдони (ошқозони)даги ахлату қонга беланган бўлади, холос. Уларнинг (яъни, Қуръонни бўғиздан нарига ўтказмай ўқийдирган қавмнинг) белгилари шуки, ранглари қора, икки билакларидан бири аёл кўкраги ёки бир парча эт сингари диркиллаб хуради, улар одамлар орасида ихтилоф юзага келганда чиқадилар».

Абу Саъид ал-Худрий: «Онт ичаманки, мен бу ҳадисни Жаноб Расулulloҳнинг ўзларидан эшитганман! Оллоҳ таоло ҳақи, Ҳазрат Али ва мен иккаламиз уларга қарши жанг қилганмиз. Кейин, Ҳазрат Али ўшал кишилардан бирининг жасадини олиб келишни буюрганлар, шунда мен Жаноб Расулulloҳ айтган белгиларнинг унда мавжудлигини кўрганман», — дейдилар.

Сувайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу бундай деб айтдилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Замон охирида ўзлари ёш-у орзулари аҳмақона ва гапга чечан бир қавм дунёга келур. Улар камондан отилган ўқ янглиғ Исломдан тез чиқурлар, иймонлари бўғизларидан нарига ўтмас (яъни, иймонлари қалбларида эмас, балки тил учиде бўлур). Уларни қаерда кўрсангизлар, ўлдиригизлар, чунки уларнинг ўлими учун Қиёмат куни сизларга ажру савоб ато этилғусидур» — деб марҳамат қилганларини эшитдим».

Хаббоб ибн ал-Арат разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилдик, шунда ул зот Каъба соясида чопонларини бошлари остига қўйиб (дам олиб) ётган эрдилар. Биз ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, бизга Оллоҳ таолодан нусрат сўраб дуо қилмайсизми?» — дедик. Ул зот: «Сизлардан илгари (яшаб ўтган пайғамбарлар) орасида бир пайғамбар бўлган эрди. (Бир куни) унинг уммати ерга чуқур кавлаб, уни унга ташлашди. Сўнг, арра олиб келишиб, бошининг қоқ ўртасидан арралашди, шунда ҳам у ўз динидан воз кечмади. Кейин, улар темир тароқ олиб келишиб, унинг гўштини (суякларни кўрингунча) тарашди, шунда ҳам у ўз динидан воз кечмади. Оллоҳ таоло ҳақи, бу иш (яъни, Ислом иши) албатта ниҳоясига етиб (яъни, ғалаба қилиб), ҳатто улов минган киши Оллоҳ таолодан бўлак ҳеч нарсдан кўрқмай ёки қўйларимни бўри еб кетади, деб хавотир олмай (яъни, кофирлар тажовузидан чўчимамай), Санъодан Ҳазрамавтга (иккаласи ҳам Яманда)

боргувсидур. Аммо, сизлар шошилаётирсизлар», — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир маҳал Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Собит ибн Қайсни қидириб қоддилар. Шунда бир киши: «Ё Расулаллоҳ, Мен унинг (қаердалигини) билиб келаман», — деди-да, уни излаб уйдан топди, у бошини ҳам қилган ҳолда ўлтирар эрди. Бояги киши: «Сенга нима булди?» — деди. Собит ибн Қайс: «Жуда ёмон иш бўлди, овозимни Жаноб Расулulloҳнинг овозларидан баланд кўтариб юбордим, энди барча амали солиҳларим ҳабата бўлиб, дўзах аҳлидан бири бўлиб қолдим», — деди. Сўнг, бояги киши Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига қайтиб бор гапдан ул зотни хабардор қилди».

Мусо ибн Анас (шул хусусда) бундай дейдилар: «Кейин бояги киши Жаноб Расулulloҳнинг буюк башоратларини етказгали Собит ибн Қайснинг ҳузурига яна қайтиб борди. Ушанда Жаноб Расулulloҳ унга: «Собит ибн Қайснинг олдига боргил-да, сен дўзах аҳлидан эмас, балки жаннат аҳлидан экансан, деб айт!» — деган эрдилар».

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Бир киши «Ал-Каҳф» сурасини қироат қилди, шунда ҳовлида улов бор бўлиб, у (бир нарсадан) ҳуркий бошлади. Бояги киши (намозини тугатиб), икки елкасига салом бергач, тепасида туман ёки булутга ўхшаш нарса турганини кўрди. Сўнг, у шул ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтган эрди, ул зот: «Ўшал сурани ўқийверганингда у кетиб қолмас эрди, у Сакина (ором фариштаси) бўлиб, Қуръон эшитгали тушгандур», — дедилар».

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу отам ўдаликларида олдиларига келдилар-да, ул кишидан эгар сотиб олдилар. Сўнг, отамга: «Ўғлингни мен бирла жўнат, эгарни уйимга кўтаришиб борсин!» — дедилар. Мен эгарни кўтаришиб олдим. Отам эгарнинг пулини олишга кетимиздан чиқдилар-да, у кишига: «Эй Абу Бакр, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга кечаси сафарга чиққанингизда иккингиз нималар қилганингизни менга ҳикоя қилиб берингиз!» — дедилар. Шунда Абу Бакр ас-Сиддиқ бундай деб айтдилар: «Ҳа, биз ўша кунни тун бўйи ва эртасига кундузи соя тик тургунгача (яъни, куннинг қоқ ярмигача) йўл юрдик. Йўл ҳувиллаб, бирор ўткинчи кўринмай қолди. Кейин, олдимизда бир баланд қоя (ёки катта тош) кўринди, унинг остида соя бўлиб, ул ерга Қуёш нурлари тушмас (етиб келмас) эрди. Биз ўшал ерда тўхтадик. Кейин, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам етиб ухласинлар, деб ерни қўлим бирлан текисладим-да, устига пўстак тўшадим. Сўнг: «Ё Расулаллоҳ, сиз етиб ухлангиз, мен эрсам атрофингизни бир кузатиб келаман», — дедим. Ул зот етиб ухлагач, чор атрофларини кузатиб юриб эрдим, биз каби сояда дам олмоқ бўлиб қоя томон қўйларини ҳайдаб келаётган бир чўпонга кўзим тушди. Мен унга: «Эй йигит, сен кимнинг чўпонисан?» — дедим. У: «Мадиналик (ёки Маккалик) бир кишининг чўпониман» — деб жавоб берди. Мен унга: «Қўйларинг ичида сути бор совлиғинг борми?» — дедим. У: «Ҳа, бор», — деди. Мен: «Соғиб берасанми?» — дедим. У: «Майли», — деди. Кейин, у бир совлиқни тутди. Мен унга: «Унинг елинини турпоқ, жун ва чангдан тозалагил!» — дедим. У (айтганимни қилгач), бир челақка қуюқ сут соғиб берди. Мен сутни ўзимдаги идишга қуйиб олдим-да, мириқиб ичсинлар, (сўнг туриб) таҳорат олсинлар, деб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга олиб кетдим. Қошларига боргач, уйғотгим қелмай, ўзлари уйғонишларини кутишга қарор қилдим. Кейин, совусин деб сутга бир оз сув қуйдим. Жаноб Расулulloҳ (уйғонгач): «Ё Расулаллоҳ, ичингиз!» — дедим, ул зот ичиб эрдилар, кўп мамнун бўлдим. Сўнг: «Йўлга тушиш вақти келмадимми?» — дедилар. Мен: «Ҳа, (йўлга тушайлик)», — дедим. Биз Қуёш оққандан сўнг йўлга чиқдик, (бир оздан сўнг) Суроқа ортимиздан етиб келди. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, таъқибчилардан бири бизга етиб олди», — дедим. Ул зот: «Фам чекмангиз, Оллоҳ таоло биз бирлан!» — дедилар-да, Суроқани дуои бад

қилдилар. Шунда унинг оти оёқлари чалишиб, қорни бирлан ерга ўтириб қолди. Суроқа: «Иккинги мени дуои бад қилганингизни кўриб турибман, (ёлбораман) мени дуои хайр қилингизлар, Оллоҳ таоло ҳақи, қарғишларингизни қайтариб олингизлар!» — деди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ Суроқани дуои хайр қилиб эрдилар, у нажот топди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир бетоб бадавийни кўргани (уйига) кирдилар. Ул зотнинг одати шарифлари шундай эрдик, агар бирор касални кўргани кирсалар, унга: «Асло хавотир олма, иншооллоҳ, дард чекканинг туфайли гуноҳларингдан пок бўлурсан!» — деб далда берар эрдилар. Ул зот бояги бадавийга ҳам: «Асло хавотир олма, иншооллоҳ, дард чекканинг туфайли гуноҳларингдан пок бўлурсан!» — деб тасалли бердилар. Шунда бадавий: «Дардинг сени гуноҳларингдан поклайди, дедингизми». Асло ундай эрмас, аксинча бу дард хуруж қилиб, мендек бир кексани қабрга етаклаётир», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, ул ҳолда... (яъни, «Мен сенга: «Асло хавотир олма, иншооллоҳ, дард чекканинг туфайли гуноҳларингдан пок бўлурсан, сабр қилгил, гуноҳларингни аритгувчи дард юборган Оллоҳ таолога шукр қилгил!» — деб насиҳат қилганимга қарамай, ноумидлик ва куфрони неъматлик қилдинг. Энди, демак, сен айтганингдек бўлур!») — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши насроний эрди, кейин у мусулмон бўлиб, «Бақара» ва «Оли Имрон» сураларини қироат қилишни ўрганди. Бир қанча вақт Жаноб Расулulloҳга котиблик қилиб юргач, яна насронийликка қайтди. Ўшал киши: «Муҳаммад мен ёзиб берган нарсалардан бўлак ҳеч нарсани билмайди» — деб айтар эрди. Оллоҳ таоло уни ўлдиргач, дафн қилишди. Эртасига қарашса, уни Ер ўз бағридан чиқариб ташлабди. Шунда улар (насронийлар): «Бу Муҳаммад бирлан унинг саҳобаларининг иши, дўстимиз улардан биз томонга қочиб ўтгани учун шундай қилишган» — деб бир чуқурроқ қабр кавлаб, уни қайта дафн қилишди. Эртасига қарашса, уни Ер яна ўз бағридан чиқариб ташлабди. Шунда улар: «Бу Муҳаммад бирлан унинг саҳобаларининг иши, дўстимиз улардан биз томонга қочиб ўтгани учун шундай қилишган» — дея қўлларидан келганча чуқурроқ қабр кавлаб, уни яна дафн қилишди. Эртасига қарашса, Ер уни яна ўз бағридан чиқариб ташлабди. Шундан сўнг, насронийлар уни инсонлар тоифасидан эмас экан, деб дафн қилмай ташлаб кетишди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар Хусрав ўлса, ундан кейин (Ироқда) Хусрав бўлмайди (яъни, араблар ери бўлмиш Ироқда форс ногўшлари ҳукмдорлик қилмайди) ва агар Қайсар ўлса, ундан кейин (Шомда) Қайсар бўлмайди (яъни, араблар ери бўлмиш Шомда Рум ногўшлари ҳукмронлик қилмайди). Албатта, иккисининг хазиналари (бойликлари) Оллоҳ таоло йўлида улашилгайдур!».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Ўзини пайғамбар деб даъво қилиб чиққан) Мусайлима ал-Каззоб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида (Мадинага) келди-да: «Агар Муҳаммад мени ўзидан кейин халифа қилиб қолдирса, унга эргашурман» — деб овоза қила бошлади. У (Мадинага) ўз қавмига мансуб кўп кишилар бирлан бирга келган эрди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Собит ибн Қайс ибн Шаммос бирлан биргалиқда Мусайлима ал-Каззоб томон йўл олдилар, қўлларида хурмо новдаси бўлаги бор эрди. Етиб боргач, ҳамроҳлари орасида турган Мусайлима ал-Каззобнинг олдида тўхтадилар-да, унга: «Манави чўпни сўраганингда ҳам, уни сенга бермасдим, сен Оллоҳ таолонинг ўзинг хусусингдаги ҳукмидан асло қочиб қутула олмасан! Агар менга итоат қилмоқдан бўйин товласанг, Оллоҳ таолога осийлик қилсанг, парвардигор сени ҳалок қилур. Мен тушимда нима кўрсатилган бўлса, ўша сенсан, деб билурман, (сенга бундан бўлак гап айтмайман), энди

менинг номимдан мана бу Собит сенга жавоб қилгай» — дея қайтиб кетдилар. Кейинчалик, мен Жаноб Расулulloҳнинг «Мен тушимда нимаики кўрсатилган бўлса, ўша сенсан, деб билурман» деган гапларининг мазмунини сўрадим. Шунда Абу Ҳурайра Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини менга хабар қилдилар: «Бир маҳал ухлаб ётган эрдим, тушимда икки қўлимда икки олтин билагузук борлигини кўрдим. Бу мени ташвишлантирди. Шунда тушимда иккаласини пуфлаб юбормоғим ваҳий орқали менга амр қилинди, кейин иккаласини пуфлаб эрдим, учиб кетишди. Мен у икки билагузукни ўзимдан кейин (пайғамбарликни даъво қилиб) чиқадирган икки каззоб — бири Ал-Ансий ва иккинчиси Ямома амири Ал-Мусайлима, деб таъбир қилдим».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Мен тушимда Маккадан бир хурмозор ерга ҳижрат қилган эрмишман. Шунда мен ул ерни Ямома ёки Ҳажар деб хаёл қилибман, аслида эрса у Мадина (Ясриб) эркан. Кейин, мен ана шу тушимда қиличимни бир силташим бирлан қоқ белидан синиб кетганини кўрдим. Бу бир қанча муслмонларнинг Уҳуд ғазотида шаҳид бўлганидир. Сўнг, қиличимни яна бир силтаб эрдим, бутун бўлиб қолиб, аслидан ҳам яхшироқ ҳолга келди. Бу эрса Оллоҳ таолонинг бизга фатҳ (ғалаба) ато этгани ва муслмонларнинг ҳамжиҳат бўлганидир. Кейин, мен ўша тушимда бир (семиз) сигирни ҳам кўрдим. Оллоҳ таоло ҳақи, бу яхшилиқ (аломати) бўлиб, парвардигорнинг Уҳуд кунидаги (мушибатдан сўнг) мўминларга (юборадирган) хайрияти(дан) ҳамда Бадр ғазотидан кейин унинг ўзи бизга ато этган ишонч учун (берадирган) ажру савоби(дан бир даракдур)».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Фотима разияллоҳу анҳо (Жаноб Расулulloҳнинг қошларига) кириб келдилар, юришлари (қадам ташлашлари) ул зотнинг юришлари каби эрди. Шунда ул зот Фотимага: «Хуш келибсан, эй қизалоғим!» — дедилар-да, уни ўнг ёки чап ёнларига ўтқаздилар. Сўнг, унинг (қулоғига) бир сир айтиб эрдилар, у йиғлаб юборди. Мен ундан: «Нега йиғлаётирсан?» — деб сўрадим. Кейин, ул зот унинг (қулоғига) яна бир сир айтиб эрдилар, у кулиб юборди. Мен бугунгидек хафалиқдан сўнг, шул қадар тез хурсанд бўлган одамни кўрмаган эрдим, шул боис мен унга: «Ул зот сенга нималар дедилар?» — дедим. У: «Мен ул зотнинг сирларини, токи ҳаёт эрканлар, фош қилмасман!» — деди. Кейин, мен Жаноб Расулulloҳ вафот қилганларидан сўнг шул ҳақда ундан сўрадим. У бундай деди: «Ул зот (ўшанда): «Жаброил алайҳиссалом (илгарилари) менга Қуръонни бир йилда бир марта ўргатур эрдилар, бу йил эрса икки бор ўргатдилар. Шундан билдимки, ажалим яқин эркан. Сен эрсанг, хонадоним аъзоларидан биринчи бўлиб менга эргашурсан» — деб айтиб эрдилар. Шунда мен йиғлаб юборган эрдим. Кейин, ул зот: «Сен жаннат аҳли аёлларининг (ёки мўминлар аёлларининг) саййидаси бўлмоғингга рози эрмасмисан?» — деб эрдилар, шул боис мен кулиб юборган эрдим».

Саъид ибн Жубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу Ибн Аббосни (ўзи ҳали ёш бўлса ҳам, заковати туфайли ўзларига) яқин тутар эрдилар. (Бир куни) Ҳазрат Умар Ибн Аббосни (улуғлар даврасига олиб кириб эрдилар), Абдурраҳмон ибн Авф (эътироз билдириб) ул кишига: «Бунинг сингари болалар ўзимизда ҳам сероб, (ёш болани нега даврамизга олиб кирдингиз?)» — дедилар. Шунда Ҳазрат Умар Ибн Аббосни (дин илмидан) ўргансин, деб уларнинг даврасига олиб кирганларини айтдилар. Сўнг, Ибн Аббосдан «Изо жоа насруллоҳи вал-фатҳу» оятининг мазмуни хусусида сўрадилар. Ибн Аббос: «Бу Жаноб Расулulloҳнинг ажаллари яқин эрканлигига ишорадур», — деди. Ҳазрат Умар: «Мен ҳам бу оятнинг мазмунини сен каби тушунурман» - дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

ўзларини ул дунёга олиб кетган касалликлари вақтида елкаларига чопонларини ташлаган ҳамда бошларини қалин белбоғ бирлан танғиб олган ҳолда масжидга чиқдилар-да, минбарга ўлтиргач, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар. Сўнг: «(Кейинчалик) одамлар кўпайиб кетур. Ансорлар эрса камайиб кетганларидан туз таомда қанча миқдор бўлса, улар ҳам одамлар орасида шунча миқдор қолгайлар. Сизлардан қайсинингиз қавмга зарару бошқаларга манфаат етказувчи амалдор бўлиб қолсангиз, ансорларнинг яхши ишларини қабул қилиб, ёмон ишларини кечирингизлар!» — деб марҳамат қилдилар. Бу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иштирок қилган энг сўнгги йиғин эрди».

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (набиралари) Ҳасанни (масжидга) олиб чиқдилар-да, у бирлан бирга минбарга ўлтиргач: «Менинг мана шу ўғлим (набирам) Ҳасан туфайли Оллоҳ таоло мусулмонларнинг икки (қарама-қарши) гуруҳини ўзаро яраштириб қўйса, ажаб эрмас!» — деб марҳамат қилдилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаъфар ва Зайд(нинг ғазотда шаҳид бўлганликлари) ҳақида хабар келмасидан бурун икки кўзлари жиққа ёш ҳолда шул хусусда (саҳобаларга) маълум қилдилар».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (уйланганимда менга). «Наматларингиз борми?» — дедилар. Мен: «Бизда наматлар қаёқдан ҳам булсин?!» — дедим. Ул зот: «Наҳотки йўқ булса? Келгусида наматларингиз бўлади», — дедилар. Мен: «(Уйингдаги) наматларингни бизниқига олиб боргил, деб хотинимга айтаман, шунда у: «Ахир Жаноб Расулulloҳ: «Келгусида наматларингиз бўлади» — деб айтмадиларми? Мен наматларимни қолдириб кетаман» — дейди», — дедим».

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Саъд ибн Муъоз умрага ният қилиб йўлга чиқдилар-да, Умайя ибн Халаф Абу Суфённинг уйига тушдилар. Умайя (ҳам), агар Шом томонга борадирган бўлса, Мадина орқали Маккага ўтиб, Саъднинг уйларига тушар эрди. Умайя Саъдга: «Туш пайтигача, яъни одамлар (иссиқ элтиб тавоф қилаётганингизни) билмай қоладирган вақтгача кутингиз, мен ҳам сиз бирлан бирга чиқиб тавоф қилурман», — деди. Кейин. Саъд тавоф қилиб турганларида Абу Жаҳл келиб қолиб: «Каъбани тавоф қилаётган бул одам ким?» — деди. Саъд: «Бу мен Саъдман», — дедилар. Абу Жаҳл: «Муҳаммад бирлан унинг саҳобаларига бошпана бериб, уларни яширганларингиздан кейин ҳам ҳеч нарсадан қўрқмай (бамайлихотир) Каъбани тавоф қилаётирсанми?!» — деди. Саъд: «Ҳа, шундай!» — дедилар. Шул тариқа иккалалари ўзаро сўкишиб кетишди. Шунда Умайя Саъдга: «Абдулҳакимга бундай бақириб гапирмантис, чунки бул киши бутун водий аҳлининг улуғидурлар», — деди. Саъд: «Худо ҳақи, агар менга Байтуллоҳни тавоф қилмоғимга тўсқинлик қилсанг, мен ҳам сенга Шом йўлини тўсиб қўяман, савдо карвонинг бирлан ул ерга ўтолмайсан!» — дедилар. Умайя: «Бул одамга бақириб гапирмангиз!» — деди-да, Саъдни маҳкам ушлаб олди. Саъд дарғазаб бўлиб: «Бизни ўз ҳолимизга қўйингиз, сиз аралашмангиз! Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бул одам сизнинг қотилингиз бўлажагини таъкидлаганларини эшитганман», — дедилар. Умайя: «Мени-я?» — деди. Саъд: «Ҳа», — дедилар. Умайя: «Оллоҳ таоло ҳақи, Муҳаммад (алайҳиссалом) фақат рост сўзлайдилар» — дея хотинининг олдига қайтиб борди-да, унга: «Биласанми, ясриблик (мадиналик) биродарим менга нима деди?» — деди. Хотини: «Қани, айтингиз-чи, нима деди?» — деди. Умайя: «У Жаноб Расулulloҳнинг Абу Жаҳл менинг қотилим бўлажагини айтганларини эшитганини таъкидлади», — деди. Хотини: «Оллоҳ таоло ҳақи, дарҳақиқат Муҳаммад (алайҳиссалом) ёлғон гапирмайдилар», — деди. Сўнг, (Абу Жаҳл одамлари ўз савдо карвонларини ҳимоя қилмоққа) Бадр томон отланганида Абу Жаҳл келиб

(Умайяни ҳам чақирди). Шунда унинг хотини: «Ясриблик биродарингизнинг айтган гаплари ёдингиздан чиқдими?» — деди. Умайя Бадрга боришдан бош тортиб эрди, Абу Жаҳл унга: «Сен водий улуғларидан бирисан, биз бирлан бир-икки кун бирга юргил!» — деди. Шундан сўнг, Умайя улар бирлан икки кун бирга юриб эрди, Оллоҳ таоло уни ўлдирди».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Мен (тушимда) одамларнинг бир ерда (ҳовуз лабида) тўпланишиб турганларини кўрдим. Шунда Абу Бакр ўринларидан туриб, аранг бир (ёки икки) челак сув тортиб олдилар, ул кишини Оллоҳ таоло мағфират қилсин! (Бу ерда Абу Бакр ас-Сиддиқнинг қисқа вақт халифалик қилишларига ва шу боисдан ул киши даврларида Ислому фатҳлари камроқ бўлишига ишора қилинган). Кейин, челакни Умар қулига олиб эрди, у ғарбга (челакдан катта идишга) айланди. (Бу ерда Ҳазрат Умар даврларида Ислому фатҳларининг кўп бўлишига ишора қилинган). Мен одамлар орасида унингдек ўз ишини маҳорат бирлан адо этиб, унга тобора қувват бахш этгувчи етук инсонни кўрмаганман, (у шунчалик кўп сув тортиб олдики), ҳатто одамлар (туялар учун ҳовуз атрофида) қўралар қурдилар».

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Жаброил алайҳиссалом (бир нотаниш одам қиёфасида) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдилар, шунда ул ерда Умму Салама ҳам бор эрдилар. Ўшал (нотаниш) одам Жаноб Расулуллоҳ бирлан сўзлашиб бўлгач, ўринларидан туриб чиқиб кетдилар. Сўнг, ул зот Умму Саламага: «Ҳалиги одам ким эрди?» — дедилар (ёки шунга ўхшаш гап айтдилар). Умму Салама: «У Дихя (ибн Хулайфа ал-Калбий) эрди», — дедилар, (чунки Жаброил алайҳиссалом кўпинча шу кишининг қиёфасида келар эрдилар)».

Умму Салама: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен токи Жаноб Расулуллоҳ хутбада Жаброил алайҳиссаломнинг келиб кетганларини хабар қилгунларига қадар, ул кишини Дихя деб уйлаган эрдим», — дейдилар.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

1-боб. Оллоҳ таолонинг «Биз Китоб ато этган кимсалар (яъни, яҳудий ва насоролар) уни (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломни) ўз болаларини таниганларидек (яхши) танийдилар (яъни, ўзларига ато этилган Китоблардан унинг ким эрканлигини билиб олганлар) ва дарҳақиқат, улардан бир гуруҳи билиб туриб ҳақиқатни яширадилар» деган қавли хусусида («Ал-Бақара» сураси, 146-оят).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир тўда яҳудийлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишиб, ўзларидан бир эркак бирлан бир аёл зино қилишганини ул зотга маълум қилишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Ражм (яъни, зинокорларни тошбўрон қилиш) ҳақидаги (ҳукми) Тавротдан ахтариб топмайсизларми?»— дедилар. Яҳудийлар: «Биз зинокорларни сазойи қиламиз, сўнг уларга дарра урилади», — дейишди. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом: «Ёлғон айтдингизлар, Тавротда ражм қилиш (тошбўрон қилиш) буюрилган!» — дедилар. Кейин, яҳудийлар Таврот олиб келишиб, уни варақлашди. Шунда улардан бири қўли бирлан «Ражм» оятини беркитди-да, унинг юқориси ва остидаги сўзларни ўқий бошлади. (Буни сезиб қолган) Абдуллоҳ ибн Салом: «Қўлингни ол!» — деди, у қўлини олиб эрди, «Ражм» оятини атайлаб беркитиб турганлиги маълум булди. (Маккорликлари фош бўлиб қолган) яҳудийлар: «Эй Муҳаммад, Абдуллоҳ ибн Саломнинг гапи тўғри чиқди, Тавротда ҳақиқатан ҳам «Ражм» ояти бор эркан», — дейишди. Сўнг, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккала зинокорни ражм қилмоқни амр қилдилар. Улар ражм (тошбўрон) қилинди. Мен яҳудий эркакнинг (ўзи бирлан зино қилишган) яҳудий аёлни гавдаси бирлан тошлардан пана қилиб турганини кўрдим».

2-боб. Мушрикларнинг Жаноб Расулуллоҳдан мўъжиза кўрсатмоқларини талаб қилганлари ва ул зотнинг Ойни икки бўлиб кўрсатганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида Ой қоқ иккига бўлинди. Шунда ул зот: «Гувоҳ бўлингизлар!» (яъни, «Менинг бу мўъжизамга гувоҳ бўлингизлар!») — дедилар.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Макка аҳли (яъни, Макка кофирлари) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мўъжиза кўрсатмоқларини талаб қилишди. Шунда ул зот Ойни қоқ иккига бўлиб кўрсатдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Ой Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида қоқ иккига бўлинди».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қоронғу тунлардан бирида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки саҳобалари ул зотнинг ҳузурларидан чиқишди. Шунда чироққа ўхшаш икки нарса уларга ҳамроҳ бўлиб, йўлларини ёритиб борди. Уларнинг йўллари айрилгач, бояги чироққа ўхшаш икки нарсанинг бири бир саҳобанинг ва иккинчиси бошқа саҳобанинг олдиларига тушиб, уйларига етиб олгунларига қадар йўлни ёритиб борди».

Муғийра ибн Шуъба разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимдан бир гуруҳи ўзларига Оллоҳ таолонинг амри келгунга қадар ҳам (яъни, Қиёматга қадар ҳам) ғалаба қилишда давом этадилар ва улар (ўзларига қарши турганлар устидан) ғолиб чиққувчидурлар» — деб марҳамат қилдилар».

Муовия разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Умматимдан бир гуруҳи Оллоҳ таолонинг амрини адо этишда давом этадилар, на ўз ҳолларига ташлаб қўйиб ёрдам бермаганлар ва на қарши чиққанлар уларга зарар келтира олурлар! Улар Оллоҳ таолонинг амри келганда ҳам (яъни, Қиёмат бўлганда ҳам) шу йўсинда курашаётган бўладилар».

Муоз разияллоҳу анҳу: «Ўшал уммат Шомда», — дейдилар.

Шубайб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир қўй сотиб олиб келгил!» — деб Урвага бир динор бердилар. Урва (бозорга бориб) ўшал бир динорга икки қўй сотиб олдилар. Сўнг, қўйлардан бирини бир динорга сотдилар-да, Жаноб Расулulloҳга бир динор бирлан бир қўйни олиб келиб бердилар. Шунда ул зот Муознинг савдо-сотик ишларига барака тилаб, дуо қилдилар. Шундан сўнг Муоз, ҳаттоки туфроқ сотиб олса ҳам, фойда кўрадирган бўлди».

Урва разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилгувчи) отнинг ёлига то Қиёмат ажру савоб боғлаб қўйилган» — , деб марҳамат қилдилар».

Урва разияллоҳу анҳу: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳовлиларида етмишта от турганини кўрганман», — дейдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилгувчи) отнинг ёлига то Қиёмат ажру савоб боғлаб қўйилган» — деб марҳамат қилдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилгувчи) отнинг ёлига (то Қиёмат) ажру савоб боғлаб қўйилган» — деб марҳамат қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «От уч (хислатга эга): у бир киши учун савоб (келтирур), иккинчиси учун (қашшоқлик ва гуноҳдан асровчи) тўсиқ (бўлур), учинчиси учун эрса гуноҳ (орттирур). Оти савоб келтирадирган киши шуки, у ўз отини Оллоҳ таоло йўлида (жиҳод қилмоқ учун) ҳозирлаб, сўнг уни бемалол ўтлай оладирган даражада узун арқон бирлан яйловга боғлаб қўйган кишидур. Ўшал от, гарчи арқони узилиб кетиб, у ёқдан-бу ёққа ирғишлаб шаталоқ отса-да, ул қолдирган изу тезаклардан эгасига ажру савоблар етур ва ҳаттоки у ўз отининг бир ариқ бўйига бориб сув ичмоғига қаршилиқ қилмаса ҳам, ажру савоблар олур. Оти (қашшоқлик ва гуноҳдан) асровчи киши шуки, у (ўзи ҳам) тирикчилик қилиши, (ўзгаларга ҳам) манфаат етказиши учун от боқади ва шунинг бирлан бирга у ўз отининг на бўйнидаги ва на устидаги Оллоҳ таолонинг ҳақини унутади (яъни, оти туфайли топаётган даромади учун закот беришни ҳам, уни Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилиши учун миниши кераклигини ҳам, устига ортиқча юк ортмаслиги лозимлигини ҳам унутмайди). Шу боисдан ҳам унинг оти (қашшоқлик ва гуноҳдан асровчи) тўсиқдур. Энди, оти (туфайли ўзига) гуноҳ (орттирувчи) киши хусусига келсак, у мақтанчоқлик, риёкорлик ва Ислом аҳлига хилофлик қилиб от боқади. Шунинг учун ҳам унинг оти гуноҳовардур».

Сўнг, Жаноб Расулulloҳдан эшаклар ҳақида сўралди. Шунда ул зот бундай деб айтдилар: «Бул хусусда маъно жиҳатидан барча нарсаларга тааллуқли қисқа ояти каримадан бўлак бирор (махсус) оят менга нозил қилинмаган, ўшал оят будур: «Бас, ким заррача яхшилиқ қилса,

(охиратда унинг савобини) кўрув ва ким заррача ёмонлик қилса, (охиратда унинг жазосини) кўрув». («Залзала» сураси, 7—8-оятлар. Яъни, мазкур ояти карима ўзининг умумий маъносига кўра, инсон тугул, ҳаттоки ҳайвонларга ҳам яхшилик қилмоқни, уларни уриб, ортиқча юк ортиб, сувсиз ва емсиз қолдириб қийнамасликни тақозо қилади).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрта тонгда Хайбарга келганларида унинг аҳли белкуракларини олиб чиқиб, (ўз экинзорларида ишлашаётган эрди). Улар (Жаноб Расулуллоҳ бошлиқ мусулмонлар қўшинини) кўриб қолишгач: «Ана Муҳаммад, ана (мусулмонлар) қўшини!» — дея шоша-пиша кўрғон томон югуриб кетишди. Шунда ул зот қўлларини кўтариб: «Оллоҳу акбар! Хайбар хароб бўлди! Агар биз бирор қавмнинг ерига келиб тушсак, (бул ҳақда бир-бирини) огоҳлантирувчиларнинг тонгги нохуш бўлур!» - деб айтдилар».

Абу Ҳурайра размяллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Ё Расулаллоҳ, мен Жанобингиздан жуда кўп ҳадис эшитаман-у, аммо унутиб қўяман», — дедим. Шунда ул зот: «Чопонингни ерга ёзгил!» — дедилар, мен уни ерга ёздим. Сунг, ул зот муборак қўллари бирлан (Оллоҳ таолонинг туганмас фазлидан олиб), чопонимга солиб қўйдилар. Кейин: «Чопонингни бағринга бос!» — дедилар, мен уни бағримга босдим. Шундан сўнг, мен бирорта ҳадисни унутмайдирган бўлдим».

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

1-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари фазилатлари ҳақида

Мусулмонлардан кимки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (пайғамбарлик даврларида) бир соат бўлса ҳам ҳамроҳлик қилган булса ёки ул зотни бир лаҳза бўлса ҳам кўрган бўлса (яъни, бирров бўлса ҳам учрашган булса), Жанобларининг саҳобаларидан ҳисобланур.

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Шундай бир замон келадикки, унда инсонлардан бир гуруҳи ғазот қиладилар. Шунда уларга: «Ораларингизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилган борми? — дейилади. Улар: «Ҳа, бор», — дейишади. Шундан сўнг, ўшал кишига (яъни, ўшал киши туфайли) зафар муяссар бўлади. Кейин, яна шундай бир замон келадикки, унда ҳам инсонлардан бир гуруҳи ғазот қиладилар. Шунда уларга: «Ораларингизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига саҳобалик қилган борми?» — дейилади. Улар: «Ҳа, бор», — дейишади. Шундан сўнг, ўшал кишига зафар муяссар бўлади. Кейин, яна шундай бир замон келадикки, унда ҳам инсонлардан бир гуруҳи ғазот қиладилар. Шунда уларга: «Ораларингизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларининг саҳобаларига саҳобалик қилган борми?» — дейилади. Улар: «Ҳа, бор», — дейишади. Шундан сўнг, ўшал кишига зафар муяссар бўлади». [Яъни, мазкур ҳадисда уч тоифа кишиларнинг — Жаноб Расулulloҳнинг саҳобаларининг, ул зотнинг саҳобаларига саҳобалик қилганларнинг (тобиъунларнинг) ҳамда ул зотнинг саҳобаларининг саҳобаларига саҳобалик қилганларнинг (атбоъут-тобиъийларнинг) фазилатлари назарда тутилгандур].

Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг энг яхши умматим менга замондош умматимдур, сўнг улардан кейингилари, сўнг улардан кейингилари» — деб марҳамат қилдилар. Жаноб Расулulloҳ ўзлари яшаётган асрдан икки ёки уч аср кейин (ёхуд ундан ҳам кейинроқ) бўладирган воқеаларни назарда тутиб гапирдиларми, йўқми, буни аниқ билмайман-у, аммо ул зотнинг яна бундай деб айтганлари эсимда: «Сўнг, сизлардан кейин шундай бир қавм дунёга келадикки, улар ёлғон гувоҳлик берадилар, омонатга хиёнат қиладилар ва ваъда бериб, устидан чиқмайдилар. Уларнинг аломатлари шуки, ёғ босган (семиз) бўладилар».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларнинг (умматимнинг) яхшиси менга замондош бўлганларидур, сўнг улардан кейингилари, сўнг улардан кейингилари. Кейин, шундай бир қавм дунёга келадикки, уларнинг гувоҳликлари қасамларидан ва қасамлари гувоҳликларидан олдинда бўлади (яъни, доимо ёлғон гапирганларидан одамлар уларга ишонмайди. Шул боисдан ҳам улар одамларни ишонтирмақ учун гувоҳлик бергач, қасам ичадилар ёки қасам ичиб, сўнг гувоҳлик берадилар)» — деб марҳамат қилдилар».

2-боб. Муҳожирларнинг, хусусан улардан Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Абу Қаҳҳофа ат-Тамимий разияллоҳу анҳунинг мақтовга сазовор хислатлари, амали солиҳлари ҳамда фазилатлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Шунингдек, ул ўлжалар) ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарилган ва мол-мулкларидан (маҳрум қилинган) фақир муҳожирларники ҳамдурки, улар Оллоҳдан фазлу

марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Оллоҳ ва унинг Расулига мадад берурлар, ана ўшалар (иймонларида) содиқ зотлардур» («Ҳашр» сураси, 8-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сизлар унга (пайғамбарга) ёрдам қилмасангизлар, Оллоҳнинг (ўзи) унга ёрдам қилур» («Оллоҳ таоло биз бирлан биргадур» деган қавлигача», «Тавба» сураси, 40-оят).

Оиша, Абу Саъид ва Ибн Аббос разияллоҳу анҳум: «Ҳорда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бўлган киши Абу Бакр эрдилар», — дейдилар. (Яъни, юқоридаги оятда назарда тутилган, мушриклардан қочиб ғорга беркиниб олган икки зот Жаноб Расулulloҳ бирлан Абу Бакр ас-Сиддиқ эрдилар).

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу (отам) Озибдан ўн уч дирҳамга эгар сотиб олдилар. Шунда Абу Бакр ас-Сиддиқ (отам) Озибга: «(Ўғлингиз) Барога буюрингиз, эгарни уйимгача кўтаришиб борсин!» — дедилар. (Отам) Озиб: «Йўқ, токи Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан сиз иккалангиз Маккадан (қочиб) чиққанингизда ва мушриклар иккингишни қидиришганда не қилганингизни айтиб бермас эркансиз, (ўғлимга бундай деб буюрмайман)», — дедилар. Шундан сўнг, Абу Бакр ас-Сиддиқ бундай деб ривоят қилдилар: «Биз (Жаноб Расулulloҳ ва мен) иккаламиз Маккадан чиқиб, тун бўйи ва эртасига соя тик турадирган вақтгача (яъни, Қуёш қоқ тепамизга келтунча) йўл юрдик. Сўнг, мен дам олмоғимиз учун бирор соя жой бормикан, деб атрофга назар ташлаб эрдим, нарироқда бир катта тош (ёки қоя) кўринди. Унинг олдига бориб қарасам, остида бир парча соя бор эркан. Кейин, мен ўшал соя тушиб турган ерни текисладим-да, Жаноб Расулulloҳ ётиб ором олсинлар, деб (пўстак) тўшаб қўйдим. Сўнг, мен ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, келинг, ёнбошланг!» — дедим, ул зот ёнбошладилар. Кейин, мен нарироқ бориб, бирор кишини учратармиканман, деган мақсадда атрофимни кузата бошладим. Бир маҳал қарасам, бир чўпон биз соя жой қидирганимиз каби салқин ер ахтариб бояги катта тош томон қўйларини ҳайдаб келаётир. Мен ундан: «Эй йигит, сен кимнинг чўпонисан?» — деб сўрадим: У: «Қурайш қабиласига мансуб фалончининг чўпониман» — деб унинг исмини айтди, мен уни танидим. Мен унга: «Қўйларинг ичида сути бор совлиғинг борми?» — дедим. У: «Ҳа, бор», — деди. Мен: «Бизга бир оз сут соғиб бермайсанми?» — дедим. У: «Майли», — деди. Мен: «Ундай бўлса, соғиб бер!» — дедим. У қўйларидан бирини ушлади. Сўнг, мен унга қўйнинг елинини чангу ғубордан тозаламоқни буюрдим, кейин ўзининг кафтларини ҳам тозаламоқни амр қилдим. Шунда у кафтларини бир-бирига уриб: «Мана шундай қилибми?» — деди. Сўнг, у менга (бир челаққа) қуюқ (ёғли) сут соғиб берди. Мен Жаноб Расулulloҳ учун оғзига латта тиқин тиқилган бир идиш тайёрлаб қўйган эрдим, сутни ўшанга қўйдим-да, совисин деб унга сув қўшдим. Сўнг, уни Жаноб Расулulloҳга олиб бордим, қарасам ҳануз ўхлаб ётган эрканлар, уйғонишларини пойламоққа қарор қилдим. Уйғонганларидан кейин: «Ё Расулаллоҳ, ичингиз!» — дедим, ул зот ичиб эрдилар, кўп мамнун бўлдим. Кейин: «Ё Расулаллоҳ, йўлга тушиш вақти бўлмадими?» дедим. Ул зот: «Ҳа, (вақт) бўлди» — дедилар. Сўнг, биз йўлга тушдик, бизни қидираётганлардан бирортаси ҳам бизга етиб ололмади, фақат Суроқа ибн Молик ибн Жаъсам отида етиб келди. Мен: «Ё Расулаллоҳ, таъқибчилардан бири бизга етиб олди», — дедим. Ул зот: «Ҳа, чекмангиз, Оллоҳ таоло биз бирлан!» — дедилар».

Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ғорда эканлигимда (яъни, Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга мушриклардан қочиб, ғорга беркиниб олганимизда) Жаноб Расулulloҳга: «Агар улардан (яъни, бизни қидириб келган мушриклардан) бирортаси оёқлари остига назар ташлаганда, бизни (яъни, изимизни) кўриб қолган бўлур эрди», — дедим. Шунда ул зот: «Эй Абу Бакр, сиз нима деб ўйлаётирсиз, бу ерда танҳо иккимиз бормиз, деб хаёл

қилдингизми, учинчимиз Оллоҳ таолодур!» — дедилар».

3-боб. Жаноб Расулulloҳнинг: «Абу Бакрнинг эшикларидан бўлак барча эшикларни ёпиб ташлангизлар!» — деб айтганлари ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга хитоб қилиб: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло (бу) дунёдаги ва ўз ҳузуридаги бандалари орасидан бир бандани афзал кўрди. Мен (ҳам) Оллоҳ таоло ҳузуридаги (яъни, Оллоҳ таоло афзал кўрган) ўшал бандани афзал кўрдим», — дедилар. Шунда Абу Бакр йиғлаб юбордилар. Биз: «Нечун Абу Бакр Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таоло афзал кўрган бандани афзал курганлари учун йиғлаётирлар?» — деб таажжуб қилдик. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрни афзал кўргувчи, Абу Бакр эрсалар ул зотни барчамиздан кўра яхшироқ билгувчи киши эрдилар. Шул боисдан ҳам Жаноб Расулulloҳ: «Менинг учун ўзининг суҳбати ва мол-дунёси борасида энг ишончли кишилардан бири Абу Бакрдурлар. Агар раббимдан бўлак (яна) бир кишини (ўзимга) дўст тутадирган бўлсам, Абу Бакрни дўст тутган бўлур эрдим. Аммо, (муслмонлар учун Оллоҳ таолодан ортиқроқ дўст йўқ бўлиб, улар орасида) Ислом биродарлиги-ю муҳаббати (мавжуд бўлмоғи керак). Масжидда Абу Бакрнинг эшикларидан бўлак бирорта эшик қолмасин!» — дедилар, (яъни, ҳар ким масжид ҳовлисига ўз ҳовлисидан эшик очиб олган эрди, Жаноб Расулulloҳ ана ўшал эшикларни назарда тутяптилар)».

4-боб. Абу Бакрнинг Жаноб Расулulloҳ вафот қилганларидан кейинги даврдаги фазилатлари ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида одамларни (бирини иккинчисидан) афзал кўриб, (биринчи ўринга) Ҳазрат Абу Бакрни, (иккинчи ўринга) Умар ибн ал-Хаттобни, (учинчи ўринга) Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳумни қўяр эрдик».

5-боб. Жаноб Расулulloҳнинг: «Агар ўзимга дўст тутадирган бўлсам...» — деб айтганлари хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар умматимдан бирортасини ўзимга дўст тутадирган бўлсам, Абу Бакрни дўст тутган бўлур эрдим, аммо ул киши (Ислом буйича) биродарим ва саҳобамдурлар» — деб марҳамат қилдилар».

Айюб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ўзимга (бирор кишини) дўст тутадирган бўлсам, дўст тутган бўлур эрдим, аммо (Оллоҳ таолодан бўлак яна бир кишини дўст тутиб, гуноҳкор бўлгандан кўра), Ислом биродарлиги афзалдур» — деб марҳамат қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Куфа аҳли ажодлар хусусида (эслатиб, дўст бўлмоқни таклиф қилиб) Ибн Зубайрга мактуб йўллади. Шунда Ибн Зубайр: «Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу умматдан бирортасини ўзимга дўст тутадирган бўлсам, (Абу Бакрни) дўст тутган бўлур эрдим» — деб айтмаган бўлганларида эрди...» — деб жавоб ёзди».

6-боб.

Муҳаммад ибн Жубайрнинг оталари Мутъим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир аёл (бир нарса хусусида илтимос қилиб) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб эрди, ул зот унга олдиларига бошқа сафар келмоқни амр қилдилар. Шунда аёл: «Бошқа сафар келганимда сизни топмасам-чи?» — деди, яъни: «Бошқа сафар келгунимча вафот этиб қолсангиз-чи?» — деб айтмоқчи бўлди. Жаноб Расулulloҳ унга: «Агар мени топмасанг, Абу Бакрнинг олдиларига боргил!» — дедилар. (Яъни, ул зот бу бирлан ўзларидан сўнг Абу Бакрни халифа қилиб қолдиражакларига ҳамда ул кишининг бошқа саҳобалардан афзалроқ эрканликларига ишора қилаётирлар)».

Аммор разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳамда ул зотнинг ёнларида (мусулмонлардан) фақат беш бандани — (Билол, Зайд ибн Ҳориса, Омир ибн Фухайра, Абу Фукайҳа, Убайд ибн Зайд ал-Ҳабашийни), шунингдек икки аёлни (Хадича ва Умму Айманни) ва Абу Бакрни кўрдим». (Яъни, Исломнинг дастлабки вақтида мусулмон булганлар гуруҳи мазкур кишилардангина иборат эрди).

Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирган эрдим. Бир маҳал (Ҳазрат) Абу Бакр кийимлари этагини тиззалари кўринадиган даражада кўтарган ҳолда кириб келдилар. (Яъни, бирор катта ишга қаттиқ киришган одам шундай қилади, Абу Бакр эрсалар Ҳазрат Умарни ранжитиб қўйган бўлиб, ул киши узрларини қабул қилмаган эрдилар. Шул боис Абу Бакр не қилмоқларини билмай, шоша-пиша Жаноб Расулulloҳдан маслаҳат сўрагани кирган эрдилар). Жаноб Расулulloҳ (Абу Бакрни бу аҳволда кирганларини кўриб, саҳобаларга): «Биродарингизга не бўлди, жанжаллашгани кирдиларми, дейман?» — дедилар. Абу Бакр Жаноб Расулulloҳга салом бергач: «Ё Расулаллоҳ, мен бирлан (Умар) ибн ал-Хаттоб ўртамизда бир иш бўлиб эрди (яъни, бир масала хусусида айтишиб қолиб эрдик), шунда мен ул кишига (бир оз) кўполлик қилиб қўйдим, сўнг (қилган ишимдан) афсусу надоматлар қилиб, узр сўрадим, аммо узримни қабул қилмадилар. Шул сабабдан ҳузурингизга келдим», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Абу Бакр, сизни Оллоҳ таоло мағфират қилгай!» — деб уч бор такрорладилар. Кейин, Ҳазрат Умар (ҳам Абу Бакр бирлан ўзлари ораларида булган кўнгилсиз воқеадан) афсусланиб, Абу Бакрнинг уйларига бордилар-да, (ул кишининг бола-чақаларидан): «Абу Бакр шу ердаларми?» — деб сўрадилар. Улар: «(Ул киши уйда) йўқлар» — деб айтишди. Сўнг, Ҳазрат Умар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб, ул зотга салом бердилар. Шунда ул зотнинг юзлари (ғазабдан) шул қадар оқариб кетдики, ҳатто Абу Бакр: («Жаноб Расулulloҳ Умарга қаттиқ дашном бермасалар эрди» — деб) кўрқиб кетдилар-да, тиз чўкиб: «Ё Расулаллоҳ, (бу хусусда) мен кўпроқ айбдорман!» — деб икки бор айтдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло мени сизларга пайғамбар қилиб юборганда, сизлар: «Сен ёлғончисан!» — дедингизлар, Абу Бакр эрсалар: «Рост айтаётир» — деб ўзлари ҳам, мол-дунёлари бирлан ҳам кўнглимни олдилар. Менинг дўстимни ўзимга қўйиб берасизларми, йўқми, ахир?!» — деб икки марта такрорладилар. Шундан сўнг, Ҳазрат Абу Бакрга азият етказилмади».

Абу Усмон разияллоҳу анҳу Амр ибн ал-Осдан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Амр ибн ал-Осни кўшинга бош қилиб Зотус-Салосилга юбордилар. Амр ибн ал-Ос бундай дейдилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига бориб: «(Ё Расулаллоҳ), одамлардан қайси бири сиз учун маҳбуброқ?» — дедим. (Яъни, Жаноб Расулulloҳ Зотус-Салосил ғазоти кўшинига, унинг таркибида Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо бўла туриб, Амрни бош қилиб тайинладилар. Шул боис Амр ул зотга шундай деб савол бердилар). Жаноб Расулulloҳ: «Оиша», — дедилар. Мен: «Эркалардан-чи?» — дедим. Ул зот: «Унинг отаси (Абу Бакр)», — дедилар. Мен: «Ул кишидан кейин-чи?» — дедим. Ул зот: «Сўнг, Умар ибн ал-Хаттоб», — дедилар-да, ул кишидан кейин яна бир қанча кишилар номини зикр

қилдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитдим: «Бир чўпон қўйлари орасида туриб эрди, бир маҳал бир бўри ташланиб, улардан бирини олиб қочди. Чўпон унинг ортидан қувди. Шунда бўри унга ўгирилиб: «Қўйларга арслон ҳужум қилган куни, (сен қочиб қолиб) уларга мендан бўлак чўпонлик қиладирган кимса қолмайдирган куни ким (буни мендан тортиб ололади)?!» — деди. Бир маҳал бир киши сигирини ҳайдаб кетаётди, унга миниб олди. Шунда сигир (ҳўкиз) унга қараб: «Мен бунинг учун яратилган эрмасман, балки ер ҳайдаш учун яратилгандурман» — деб айтди». Саҳобалар Жаноб Расулulloҳнинг бул гапларини эшитиб: «Субҳоналлоҳ, ҳўкиз ҳам сўзлайдими?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен бунга ишонаман, Абу Бакр ва Умар ибн ал-Хаттоб ҳам ишонишади», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитдим: «Бир маҳал мен ухлаб ётган эрдим, тушимда ўзимни бир қудуқ лабида кўрдим, ул ерда челақ бор эрди. Мен челақни олиб, Оллоҳ таоло ирода қилганча қудуқдан сув тортиб олдим. Сўнг, челақни Ибн Абу Қаҳхофа (яъни, Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу) олиб, қудуқдан бир (ёки икки) челақ сув тортиб олдилар, аммо ул кишининг тортишлари заиф бўлди (яъни, кам сув тортиб олдилар). Оллоҳ таоло ул кишини бунинг учун мағфират қилсин! Кейин, челақ катта бир идишга айланди. Уни (Умар) ибн ал-Хаттоб (қўлига) олди. Мен одамлар орасида Умарчалик (кўп сув) тортиб оладирган бақувват, моҳир одамни кўрган эрмасман. (У шул қадар кўп сув тортиб олдики), ҳатто одамлар (қудуқ атрофига туялари учун) қўралар қурдилар». (Яъни, ушбу ҳадисда Жаноб Расулulloҳ Абу Бакрнинг ўз халифалик даврларида мусулмонлар орасидаги ихтилофларни бартараф қилиш бирлан овора бўлиб қолиб, кофирларга қарши кам ғазот қилишларини, Ҳазрат Умарнинг эрса ул кишига нисбатан анча кўп фатҳ қилишларини башорат қилдилар).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимда ким кибру ҳаво бирлан кийими этагини (ерга теккизиб) судраб юрса, Оллоҳ таоло унга Қиёмат куни (раҳмат) назарини ташламайди», — дедилар. Шунда Абу Бакр: «Агар кийимининг этақларидан бири (яъни, этагининг бир томони) ўзим билмаган ҳолда осилиб (ерга тегиб) қолса-чи?» — дедилар, (чунки ул киши озғин эрдилар). Жаноб Расулulloҳ: «Сиз буни кибру ҳаво бирлан қилмайсиз-ку!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки Оллоҳ таоло йўлида нимаики бўлмасин, бир жуфтдан садақа қилса, (Қиёмат куни): «Эй Оллоҳнинг бандаси, бу қилган хайру эҳсонларинг учун ато этилган савоблардан биридур!» — деб (жаннатнинг барча) дарвозаларидан чақирилади. Кимки намоз аҳлидан бўлган бўлса, намоз дарвозасидан, кимки жиҳод аҳлидан бўлган бўлса, жиҳод дарвозасидан, кимки садақа аҳлидан бўлган бўлса, садақа дарвозасидан ва кимки рўза аҳлидан бўлган бўлса, рўза дарвозасидан («Раййон» номли дарвозадан) чақирилади» — деб марҳамат қилганларини эшитдим. Шунда Абу Бакр: «Барча дарвозалардан чақирилгувчи киши учун (бунинг) зиёни йўқдур, (аксинча бу Оллоҳ таоло унта кўрсатган иззату икромнинг белгисидур). Ё Расулаллоҳ, бир киши ўшал барча дарвозалардан чақириладими?» — дедилар. Ул зот: «Ҳа, шундай. Эй Абу Бакр, мен сизнинг барча дарвозалардан чақирилгувчи кишилардан бири бўлмоғингизни истарман!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларида (отам) Абу Бакр Сунҳ деган ерда эрдилар. (Исмоил: «Сунҳ — бу

Олиядур», — дейдилар). Шунда Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлган эмаслар! Оллоҳ таоло ҳақи, ул зотдан бўлак ҳеч кимсага қалбимизда ўрин йўқ эрди! Оллоҳ таоло ул зотни албатта қайта тирилтирур ва ул зот ҳали (кўплаб) кишиларнинг (мушрикларнинг) қўлу оёқларини қирқурлар!» — дедилар. Кейин, (отам) Абу Бакр келиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларини очдилар-да, ул зотни ўпдилар. Сўнг: «Ота-онам сизга фидо бўлсинлар, ҳаётлигингизда ҳам хушрўй эрдингиз, вафот қилганингизда ҳам хушрўйсиз! Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, Оллоҳ таоло сизга асло икки ўлим бермас!» — дея ташқарига чиқдилар-да, (Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи, парвардигор ул зотни албатта қайта тирилтирур!» — деб айтганлари учун): «Эй онт ичгувчи, ўйлаб гапир!» — дедилар. Абу Бакрнинг бу гапларидан Ҳазрат Умар ўлтириб қолдилар. Абу Бакр Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтгач: «Кимда ким Муҳаммад (алайҳиссалом)га ибодат қилган бўлса, ул зот вафот қилдилар ва кимда ким Оллоҳ таолога ибодат қилган бўлса, у (ҳамиша барҳаёт) бўлиб, (сира) ўлмас! Оллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат сиз ҳам ўлгувчидурсиз, улар ҳам (бошқалар ҳам) ўлгувчидурлар» («Зумар» сураси, 30-оят) — деб айтгандур. Шунингдек, Оллоҳ таоло: «Муҳаммад бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандур. Агар у (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом) вафот қилса ёки ўлдирилса, (Исломдан юз ўгириб) ортингизга (куфрга) қайтурсизларми?! Кимда ким ортига қайтса, Оллоҳга заррача зиён етказа олмас, (билакс ўзига зарар келтирур). Оллоҳ шукргузорларни мукофотлагусидур!» («Оли Имрон» сураси, 144-оят) — деб ҳам айтгандур», — дедилар. «Шунда, — дейдилар Ибн Аббос разияллоҳу анҳу, — одамлар ўкириб йиғлаб юборишди. Кейин, ансорлар Бану Соъида айвонида ўлтирган Саъд ибн Убоданинг ҳузурига тўпланишди. Улар: «Бир гал бизлардан (яъни, ансорлардан) ва бир гал сизлардан (яъни, муҳожирлардан) амир (халифа) бўлмоғи лозим», — дейишди. Кейин, Абу Бакр ас-Сиддиқ, Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб ва Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ уларнинг ҳузурига боришди. Шунда Ҳазрат Умар гапира бошлаган эрдилар, Абу Бакр ул кишини жим қилдилар. (Шул воқеа хусусида Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен ўзимни катта тутиб, ул кишидан илгари гапирмоқчи эрмасдим, балки Абу Бакр айтмоқчи бўлган гапларини уларга тушунтира олмайдилар, деб хавотир олганимдан ўзимга маъқул сўзларни аввалдан ўйлаб қўйган эрдим», — дейдилар). Сўнг, Абу Бакр ўзлари энг сўзамол кишилар сингари равон ва содда қилиб: «Бизлар амир ва сизлар вазир бўлмоғингиз лозим», — дедилар. Шунда Ҳаббоб ибн ал-Мунзир: «Йўқ, бўлмайди, Оллоҳ таоло ҳақи, ўзимиздан ҳам, сизлардан ҳам амир қилмаймиз!» — деди. Абу Бакр ас-Сиддиқ: «Йўқ, бўлмайди, бизлар амир ва сизлар вазир бўлмоғингиз лозим, Қурайш Макка арабларининг бойлик ва насл-насаб жиҳатидан ўрта ҳолидурлар. Умар ибн ал-Хаттобга ёки Абу Убайда ибн ал-Жарроҳга байъат қилингизлар!» — дедилар. Ҳазрат Умар: «Аксинча, сизнинг ўзингизга байъат қилурмиз, сиз бизнинг улўғимиз, энг яхшимиз ва Жаноб Расулulloҳга энг маҳбубимизсиз!» — дедилар-да, Абу Бакрнинг қўлларини олиб, ул кишига байъат қилдилар. Сўнг, қолганлар ҳам байъат қилишди. Шунда бир (киши киноя бирлан): «Саъдни ўлдирдингизлар!» — деди. Ҳазрат Умар: «Уни Оллоҳ таоло ўлдирди!» — деб жавоб қилдилар». («Яъни, Абу Бакрга байъат қилганингиз бирлан халифалик хусусида ансорларни муҳожирларга қарши қўзғабан Саъд ибн Убодани пичоқсиз сўйдингизлар!» — деб киноя қилди).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (жон чиқар маҳал) кўзларини (шифтга) тикиб туриб: «Парвардигоро, сен Буюк Дўстсан!» — деб уч бор айтдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар ва Абу Бакрнинг Оллоҳ таоло манфаатли қилган хутбаларидан бири шуки, Ҳазрат Умар мусулмонлар орасида албатта нифоқ юзага келишини айтиб, одамларни қўрқитдилар ва Оллоҳ таоло бу бирлан уларни нифоқдан қайтарди. Абу Бакр эрсалар (ўз хутбаларида) одамларга тўғри йўлни кўрсатиб, уларнинг

зиммасидаги бурчни тушунтириб қўйдилар. Сўнг, одамлар ул киши бирлан биргалиқда: «Муҳаммад бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандур...» («шукргузорларни мукофотлагусидур» деган қавлигача) — дея ташқарига чиқишди».

Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийя ривоят қиладилар: «Мен отамга: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан сўнг энг яхши одам ким?» — дедим. Отам: «Абу Бакр», — дедилар. Мен: «Кейин ким?» — дедим. Отам: «Кейин, Умар», — дедилар. Шунда мен: «Кейингиси Усмон» деб айтишларидан чўчиб: «Кейин, сиз ўзингиз», — дедим. Отам: «Мен мусулмонлардан бириман, холос», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг сафарларидан бирида ул зот бирлан бирга йўлга чиқдик. Байдоъ (еки Зотўлжайш) деган ерга борганимизда маржоним узилиб, йўқолиб қолди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўзлари ҳам, ул зот бирлан бирга кишилар ҳам уни қидириб, ушланиб қолишди. Шунда одамлар сувга яқин ерда эрмас эрдилар, ўзларида ҳам сув йўқ эрди. Шул боис одамлар Абу Бакрнинг қошларига келишиб: «Оишанинг қилган ишини кўрмайсизми, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни ҳам, ул зот бирлан бирга кишиларни ҳам йўлдан қолдирди! Ваҳоланки, одамлар сувга яқин ерда эмаслар, ўзларида ҳам сув йўқдур», — дейишди. Абу Бакр тепамга келганларида Жаноб Расулulloҳ муборак бошларини тиззамга қўйиб ухлаб қолган эрдилар. Абу Бакр менга: «Жаноб Расулulloҳ бирлан одамларни йўлдан қолдирдинг, ваҳоланки улар сувга яқин ерда ҳам эмаслар, ўзларида ҳам сув йўқдур!» — дедилар-да, Оллоҳ таоло ирода қилганча менга дашном бериб, қўллари бирлан биқинимга турта бошладилар. Шунда мен Жаноб Расулulloҳнинг муборак бошлари тиззамда бўлгани учунгина чидаб, қимирламадим. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ ўшал сувга яқин бўлмаган бир ерда уйқудан уйғондилар. Шунда Оллоҳ таоло ул зотга «Тайаммум» оятини нозил қилди, одамлар тайаммум қилишиб, (намоз ўқишди). Кейин, Усайд ибн Ҳузайр менга: «Эй Абу Бакр зурриёти, бу Оллоҳ таолонинг сиз туфайли ато этган биринчи барокоти эмас!» — деди. Сўнг, мен минган туяни турфазиб эрдик, маржонимни остидан топдик».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «(Зинҳор) менинг саҳобаларимни сўкмангизлар! Гарчи сизлардан қайси бирингиздир Уҳуд тоғидек олтин садақа қилган бўлсангиз ҳам, у улардан бирининг на муддига ва на микйолига (яъни, менинг биргина саҳобамнинг кичик бир фазилатига ҳам, кичик бир қилган амали солиҳига ҳам) баробар келмас!» — дедилар».

Абу Мусо ал-Ашъарийдан нақл қилинадики, ул киши уйларида таҳорат олгач, ташқарига чиқдилар. Абу Мусо: «Бугун Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга бир хизмат қилайин, кунимни ул зот бирлан ўтказайин!» — деб ният қилдим», — дейдилар. Сўнг, Абу Мусо масжидга бориб, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни сўрадилар. Масжиддагилар: «Бу ердан чиқиб, ҳов анави тарафга кетдилар», — дейишди. Абу Мусо бундай дейдилар: «Мен масжиддан чиқиб, ортларидан қидириб бордим, билсам, Биъру Арисга (саҳнида қудуғи бор бир боққа) кириб кегган эрканлар. Ул зот ҳожатларини бажариб бўлиб, таҳорат олгунларига қадар боққа кирмай, унинг хурмо шохларидан қилинган эшиги олдида (кутиб) ўлтирдим. Кейин, ўрнимдан туриб, ул зот томон йўналдим. Қарасам, қудуқ тахтасининг ўртасида, изорларини шимариб, оёқларини қудуқ ичига осилтириб ўлтирибдилар. Қошларига боргач, ул зотга салом бердим. Сўнг, яна эшик олдида бориб ўлтирдим. Ўзимга ўзим: «Бугун Расулulloҳга бир эшикбонлик қилайин!» — дедим. Шу аснода Абу Бакр разияллоҳу анҳу келиб, эшикни тақиллатдилар. Мен: «Ким бу?» — дедим. Ул киши: «Абу Бакрман», — дедилар. Мен: «Шошмай турингиз!» — дедим-да, ул зотнинг қошларига бориб: «Ё Расулalloҳ, Абу Бакр келиб, ичкарига

кирмоққа изн сўраётирлар», — дедим. Ул зот: «Ижозат бер ва жаннати эканликларини айтиб, хушнуд қил!» — дедилар. Мен эшик олдига бориб, Абу Бакрга: «Кирингиз, Жаноб Расулulloх сизнинг жаннати эканлигингизни башорат қилдилар», — дедим. Абу Бакр боққа кирдилар-да, Жаноб Расулulloхнинг ўнг томонларига бориб, ул зот сингари изорларини шимаргач, оёқларини қудуқ ичига осилтириб ўлтирдилар. Мен яна эшик олдига бориб ўлтирдим. Мен боя биродарим (Абу Бурда)ни: «Таҳорат қилиб, сўнг ортимдан етиб олгил!» — деб уйда қолдириб келган эрдим. Шул боис: «Агар Оллоҳ таоло фалончига (яъни, биродаримга) яхшилиқни раво кўрган бўлса, у бу ерга келур» — деб энди хаёлимдан ўтказган эрдим ҳамки, бир киши эшикни итара бошлади. Мен: «Ким бу?» — дедим. Ул киши: «Умар ибн ал-Хаттобман», — дедилар. Мен: «Бир оз кутиб турингиз!» — дедим-да, Жаноб Расулulloхнинг қошларига бориб салом бердим. Сўнг: «(Ё Расулalloх), Умар ибн ал-Хаттоб келиб, ичкарига кирмоққа рухсат сўраётирлар», — дедим. Ул зот: «Ижозат бер ва жаннати эканликларини айтиб, хушнуд қил!» — дедилар. Мен (эшик олдига) бориб, ул кишига: «Кирингиз, Жаноб Расулulloх сизнинг жаннати эканлигингизни башорат қилдилар», — дедим. Ҳазрат Умар ичкарига кирдилар-да, Жаноб Расулulloхнинг чап ёнларига бориб, оёқларини қудуқ ичига осилтириб ўлтирдилар. Мен яна (эшик олдига) қайтиб бориб ўлтирдим. Хаёлан: «Агар Оллоҳ таоло фалончига (яъни, биродаримта яхшилиқни ирода қилса, у бул ерга келур» — деб эрдим ҳамки, (яна) кимдир келиб, эшикни итара бошлади. Мен: «Ким бу?» — дедим. Ул киши: «Усмон ибн Аффонман», — дедилар. Мен: «Бир оз кутиб турингиз!» — дедим-да, Жаноб Расулulloхнинг қошларига бориб, (Усмон ибн Аффоннинг ичкарига кирмоққа изн сураётганларини) маълум қилдим. Ул зот: «Ижозат бер ва бошларига тушадирган мусибат оқибатида (шаҳид бўлажакларини ҳамда шул туфайли) жаннатга киражакларини айтиб, хушнуд қил!» — дедилар. Мен Ҳазрат Усмоннинг олдиларига бориб: «Кирингиз, Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам бошингизга тушадирган мусибат оқибатида (шаҳид бўлиб), жаннатга киражагингизни башорат қилдилар», — дедим. Ҳазрат Усмон ичкарига кириб, (қудуқ лабидаги) тахтада ўлтиргали жой қолмаганини кўрдилар-да, (қудуқнинг Жаноб Расулulloхга) қарама-қарши тарафига бориб ўлтирдилар».

Саъид ибн ал-Мусаййиб: «Мен бу воқеани (яъни, Жаноб Расулulloхнинг ўнг томонларида Абу Бакр, чап томонларида Умар ва оёқ томонларида Усмон разияллоху анхумнинг ўлтирганларини) уларнинг қабрларининг қай тартибда жойлашишига йўйдим», — дейдилар».

Анас ибн Молик разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар ва Усмон Уҳуд тоғига чиқишиб эрди, у (азбаройи хурсанд бўлганидан) титраб кетди. Шунда ул зот: «Эй, Уҳуд, тек тур, чунки пайғамбар ва ҳамиша ростгўй (Абу Бакр) ҳамда икки шаҳид (Умар ва Усмон) устингдадур!» — дедилар.

Абдуллох ибн Умар разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: «Бир маҳал мен (тушимда) бир қудуқ лабида туриб, ундан (сув) тортиб олаётган эрдим, олдимга Абу Бакр ва Усмон келишди. Кейин, Абу Бакр челақни (қўлимдан) олиб, бир (ёки икки) челақ сув тортиб олдилар, аммо тортишлари заиф бўлди (яъни, сув кам чиқди). Оллоҳ таоло ул кишини мағфират қилсин! Сўнг, (Умар) ибн ал-Хаттоб челақни Абу Бакрнинг қўлларидан олиб эрди, у каттакон челақка айланди. Мен одамлар орасида унингдек бақувват ва моҳир кишини кўрган эрмасман! У (шул қадар кўп) сув тортиб олдики, ҳатто одамлар (ўз туялари учун) кўралар кўрдилар, (яъни, сув мўллигидан ўшал ерда муқим бўлиб қолдилар)».

Ибн Аббос разияллоху анху ривоят қиладилар: «Мен қавм орасида туриб эрдим. Барчамиз (жасадлари) чорпояларига ётқизиб қўйилган Умар ибн ал-Хаттобга Оллоҳ таолодан раҳмат тилаб, дуо қилаётган эрдик. Бир маҳал ортимда турган киши қўлини елкамга қўйиб туриб,

(Ҳазрат Умарга қарата): «Оллоҳ таоло сизни (ғариқи) раҳмат қилсин! Мен Оллоҳ таоло сизни икки дўстингиз (Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр) бирлан бирга қилсин! (яъни, Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр қабрлари ёнидан жой ато этсин!) деб ният қилурман. Чунки, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Мен Абу Бакр ва Умар бирлан бирга эрдим, Абу Бакр ва Умар бирлан ундай қилдим, бундай қилдим, Абу Бакр ва Умар бирлан бирга у ерга бордим, бу ерга бордим» — деб айтганларини кўп эшитгандурман. Шул боисдан мен: «Оллоҳ таоло сизни икки дўстингиз бирлан бирга қилсин!» — деб тилак қилурман», — деди. Ортимга ўгирилиб қарасам, бу Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу эрканлар».

Урва ибн аз-Зубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Амрдан мушриклар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етказган энг қаттиқ озор хусусида сўрадим. Шунда у бундай деди: «(Бир куни) мен Уқба ибн Абу Муъийтни кўрдим. У Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиб турганларида олдиларига келди-да, ридосини бўйинларига ташлаб, ул зотни қаттиқ бўғди. Шул аснода Абу Бакр келиб қолиб, ул зотни Уқбадан ҳимоя қилдилар-да: «Менинг раббим Оллоҳдур, мен сизларга раббимдан аниқ кўрсатмалар олиб келдим, деб айтгувчи кишини ҳам ўлдирасизларми?!» — дедилар».

7-боб. Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳунинг маноқиблари (мақтовга сазовор сифатлари ва амали солиҳлари) хусусида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен тушимда жаннатга кирганимни кўрдим. Қарасам, қаршимда Абу Талҳанинг хотини Румайсоъ («Румайсоъ» ўшал хотиннинг лақаби бўлиб, унинг мижжаларида доимо йирингга ўхшаш модда тўпланиб турган) турибди. Шу аснода оҳиста қадам товуши қулоғимга чалинди. «Ким бу?» — дедим. (Фаришта): «Бу Билолдур», — деди. (Балки, Ҳазрат Билолнинг ўзлари: «Бу мен, Билолман» — деб айтган бўлишлари ҳам мумкин). Кейин, мен (жаннатда) бир (мухташам) қасрни кўрдим, унинг ҳовлисида бир ёш қиз турган эрди. «Бу (қаср) кимники?» — дедим. (Фаришта): «Умарники», — деди. Кейин, мен қасрга кириб, уни тамошо қилмоқчи бўлдим-у, аммо сенинг (яъни, Умарнинг) рашкчи эрканлигини эслаб, (кирмадим)», — дедилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсинлар, сиздан рашк қиламанми?!» — дедилар».

Бу ерда Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу шу мазмундаги бир ҳадисни ривоят қилганлар.

Ҳамза оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ухлаб ётганимда (яъни, тушимда) сут ичдим, ҳатто унинг тирноқларим атрофларидан оқиб чиқаётганини кўрдим. Сўнг, ортиб қолганини Умар ибн ал-Хаттобга бердим», — дедилар. Шунда (саҳобалар): «Буни нимага йўйдингиз, ё Расулаллоҳ?» — дейишди. Ул зот: «Илмга», — дедилар».

Бу ерда Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу Жаноб Расулulloҳнинг Ҳазрат Абу Бакр ва Умар бирлан бирга қудуқдан сув тортиб олишгани хусусидаги тушларини такроран ривоят қилганлар.

Муҳаммад ибн Саъд ибн Абу Ваққос оталаридан нақл қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирмоққа ижозат сўрадилар. Шунда Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида бир гуруҳ Қурайш аёллари бўлиб, улар бир-бирларига навбат бермай, бор овозлари бирлан ул зотга сўзлашаётган эрдилар. Ҳазрат Умар ичкарига кирмоққа рухсат сўраганларида улар ўринларидан туришиб, шоша-пиша рўмолларини ёпиниб

олишди. Сунг, Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Умарга рухсат бердилар. Ул киши ичкарига кириб, Жаноб Расулulloҳнинг кулиб турганларини кўргач: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло сизни умрингиз бўйи кулдирсин!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳузуримдаги аёлларнинг ичкарига кирмоққа изн сўраганингни эшитишиб, шоша-пиша рўмолларини ёпиниб олишганидан таажжуб қилдингми?» — дедилар. Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ, сиз уларнинг ҳаё қилмоқларига ҳақлироқсиз!» — дедилар. Сунг, аёлларга ўгирилиб: «Эй ўзига ўзи душманлар, мендан уялиб, Жаноб Расулulloҳдан уялмайсизларми?» — деб айтдилар. Аёллар: «Ҳа, шундай, чунки сиз Жаноб Расулulloҳга нисбатан дағалсўз ва қўполроқсиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Ибн ал-Хаттоб! Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, агар шайтон йўлингдан чиқиб қолса, (қўполлигингдан) бошқа йўлга бурилиб кетгай», — дедилар».

Абдуллоҳ: «Ҳазрат Умар Исломига кирганларидан буён тобора иззатли (қудратли) бўлиб бормоқдамиз», — дейдилар.

Бу ерда Ҳазрат Алининг Ҳазрат Умарни: «Оллоҳ таоло сизни икки дўстингиз бирлан бирга қилсин!» — деб дуо қилганлари хусусидаги ҳадис такроран келтирилган.

Бу ерда Жаноб Расулulloҳнинг Абу Бакр, Умар ва Усмон разияллоҳу анҳум бирлан бирга Уҳуд тоғига чиққанлари ҳақидаги ҳадис такроран келтирилган.

Зайд ибн Аслам ривоят қиладилар: «Ибн Умар отамдан Ҳазрат Умарнинг баъзи фазилатлари хусусида сўрабдилар. Шунда отам: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларидан то халифалик Умар ибн ал-Хаттобга ўтгунга қадар (отангиздан кўра) жиддийроқ ва саховатлироқ кимсани кўрмадим», — дебдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи, ва салламга Қиёмат хусусида савол бериб: «Қиёмат қачон?» — деди. Жаноб Расулulloҳ (унга): «Қиёматга қандай ҳозирлик кўриб қўйгансан?» — дедилар. У: «Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулига бўлган муҳаббатимдан бўлак ҳеч қандай тайёргарлигим йўқ», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сен ўзинг севганлар бирлан биргасан», — дедилар. Биз Жаноб Расулulloҳнинг «Сен ўзинг севганлар бирлан биргасан» деган гапларига қувонганчалик ҳеч нарсага қувонмаган эрдик. Мен ҳам Жаноб Расулulloҳни, Ҳазрат Абу Бакр ва Ҳазрат Умарни севаман. Гарчи мен улар қилган амали солиҳларни қилмаган бўлсам-да, уларга бўлган муҳаббатим туфайли (охиратда) улар бирлан бирга бўлмоғимни орзу қилурман!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан илгариги умматлар орасида гапиргувчилар бўлган эрди. Агар менинг умматим орасида ҳам шундай бир киши чиқса, у Умар бўлур», — дедилар».

Абу Салама (юқоридаги ҳадисни оидинлаштирмақ учун) қуйидагича қўшимча қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан илгари ўтган Бану Исроилга мансуб кишилар орасида, ўзлари пайғамбар бўлмай туриб, гапирувчи кишилар бўлгандур. Агар менинг умматимдан шундай киши чиқадирган бўлса, у Умар бўлур», — дедилар». (Яъни, бундай кишилар, ўзлари пайғамбар бўлмасалар-да, фаришталар томонидан илҳомлантирилиб, бирор ҳақиқатни каромат қилурлар).

Бу ерда бўри билан чўпон ўртасидаги воқеа хусусидаги ҳадис такроран келтирилган.

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи

ва саллам: «Мен ухлаб ётган эрдим, (тушимда) кўйлак кийиб олган одамлар менга намоён қилинди. Баъзи кўйлақлар (этаги) кўкракка қадар тушиб турибди, бошқалари эрса (калталигидан) кўкракка ҳам етмайди. Сўнг, менга Умар ибн ал-Хаттоб намоён қилинди, у (узун) куйлак кийиб олган бўлиб, (этагини) судраб борар эрди», — дедилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, буни нимага йўйдингиз?» — дейишди. Ул зот: «Динга», — дедилар». (Яъни, бу ерда кўйлак динга ташбиҳ қилинган бўлиб, у одам авратини ёпиб, шармандалиқдан асрагани каби, дин ҳам одамни парвардигор олдида шармисор бўлмоқдан ҳамда жаҳаннам ўтидан сақлағайдур).

Бу ерда Жаноб Расулulloҳ қудуқ ичига оёқларини осилтириб ўлтирганларида Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳум икки ёнларига, Ҳазрат Усмон эрсалар рўпараларига келиб ўлтирганлари ҳақидаги ҳадис такроран келтирилган.

Абдуллоҳ ибн Ҳишом: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Умарнинг қўлларини ушлаб туриб (гаплашаётганларида) ёнларида эрдик», — дейдилар.

Мисвар ибн Махрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар яраланганларида жароҳатлари қаттиқ азоб бера бошлади. Шунда Ибн Аббос ул кишидаги безовталиқни кўриб: «Эй мўминлар амири, бошингизга шундай мусибат тушган эркан, (сабр қилингиз!), агар ажалингиз етган бўлса, (охиратингиздан) хавотир олмоғингизга ўрин йўқ, ахир сиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалиқ қилдингиз, саҳобалиқ қилганда ҳам, жуда яхши саҳобалиқ қилдингиз. Сўнг, сиз ул зотдан айрилиб қолдингиз, ул зот сиздан рози бўлиб кетдилар. Кейин, сиз Абу Бакр разияллоҳу анҳуга саҳобалиқ қилдингиз, саҳобалиқ қилганда ҳам, жуда яхши саҳобалиқ қилдингиз. Сўнг, сиз ул кишидан (ҳам) айрилиб қолдингиз, ул киши сиздан рози бўлиб кетдилар. Кейин, сиз уларга (яъни, Ҳазрат Усмон ва Ҳазрат Алига) ҳамсуҳбат бўлдингиз, ҳамсуҳбат бўлганда ҳам, жуда яхши ҳамсуҳбат бўлдингиз. Агар сиз уларни тарк этиб, улар сиздан айрилиб қолсалар, сиздан рози бўлиб қолгайлар», — дедилар. Ҳазрат Умар (Ибн Аббосга жавобан): «Сен менга айтган гапларинг, яъни Жаноб Расулulloҳга саҳобалиқ қилганим ҳамда ул зотнинг мендан рози бўлиб кетганлари — бу Оллоҳ таолонинг менга қилган инояту марҳаматидур. Сенинг менга айтган кейинги гапинг, яъни Ҳазрат Абу Бакрга саҳобалиқ қилганим ҳамда ул кишининг мендан рози бўлиб кетганлари ҳам Оллоҳ таолонинг менга қилган инояту марҳаматидур. Аммо, сен кўриб турган мендаги безовталиқ (сен ўйлаганча жароҳатим оғриғидан эрмас, балки) сен ва сенинг дўстларинг (келажаги хусусида) хавотирланаётганимдандур. Оллоҳ таоло ҳақи, агар менинг Ер куррасидек олтиним бўлганда ҳам, уни (охиратда) Оллоҳ таолонинг азобидан халос бўлмоғим учун берган бўлур эрдим!» — дедилар».

8-боб. Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳунинг маноқиблари ҳақида

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки «Рума» қудуғини қазиса (сотиб олса), унга жаннат насиб бўлғусидур» — деб айтганларида ўшал қудуқни Ҳазрат Усмон қазиганлар (сотиб олганлар). Шунингдек, Жаноб Расулulloҳ: «Кимки Усра (ғазотига) қўшин тайёрласа, унга жаннат насиб бўлғусидир» — деб айтганларида ҳам (ўшал ғазотга) Ҳазрат Усмон қўшин тайёрлаганлар.

Бу ерда Жаноб Расулulloҳ қудуқ ичига оёқларини осилтириб ўлтирганларида Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумо икки ёнларига, Ҳазрат Усмон эрсалар рўпараларига келиб ўлтирганлари ҳақидаги ҳадис такроран келтирилган.

Осим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир сув бўйида тиззаларини очиб (дам олиб) ўлтирган эрдилар. Ҳазрат Усмон келиб қоддилар. Шунда ул зот тиззаларини ёпиб олдилар». (Бу ерда Жаноб расулulloҳнинг нақадар ҳаёли эканликлариға ҳамда ул зотнинг Ҳазрат Усмонга нисбатан ҳурматлари баланд эканлигиға ишора қилинади).

Убайдуллоҳ ибн Адий ибн ал-Хиер ривоят қиладилар: «Мисрар ибн Махрама ва Абдурахмон ибн ал-Асвад ибн Абду Яғус менга: «Усмонга биродарлари Валидни (афв этмоқларини сўраб) гапирмоғингга сенга нима монёлик қилади? Одамлар унинг ёнини олиб, кўп гапираётирлар», — дейишди. Шунда мен Ҳазрат Усмонга гапирмоққа жазм қилдим. Ул киши намозга чиққанларида: «Менинг сизда бир маслаҳатли ишим бор», — дедим. Ул киши: «Сендан бир маслаҳатли гап чиқармиди?!» — дедилар. Мен (тарвузим кўлтиғимдан тушиб) улар иккаласининг олдига қайтиб бордим. Сўнг, Ҳазрат Усмон ортимдан бир одамни юбордилар, мен Ҳазрат Усмоннинг олдлариға қайтиб бордим. Шунда ул киши: «Қандай маслаҳатли ишинг бор эрди?» — дедилар. Мен: «Дарҳақиқат, Оллоҳ субҳонаҳу Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламни ҳақ (дин) бирла юборгандур ва ул зотга Китоб (Қуръон) нозил қилгандур. Мен эрсам, Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули даъватига ижобат қилиб, икки бор ҳижрат қилдим, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилдим ҳамда ул зотнинг йўлларини маҳкам тутдим. Одамлар Валиднинг ёнини олиб, кўп гапираётирлар», — дедим. Ҳазрат Усмон: «Ўзингни Жаноб Расулulloҳга тенг қилаётирсанми?!» — дедилар. Мен: «Йўқ, асло! Аммо, (мен) ичкарида ўлтирадиган бокира қиз висолиға етишган киши янглиғ ул зотнинг билимларидан баҳраманд бўлганман», — дедим. Ҳазрат Усмон: «Амр, баъд: дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламни ҳақ (дин) бирла юборган бўлиб, мен (ҳам сен каби) Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули даъватига ижобат қилганман, Оллоҳ таоло ул зот бирлан нимаики юборган бўлса, ўшанга иймон келтирганман, сен айтганингдек, икки бор ҳижрат қилганман, ул зотга саҳобалик ҳамда байъат қилганман. Оллоҳ таоло ҳақи, парвардигор пайғамбаримизни вафот эттиргунига қадар ҳам ул зотга на осийлик ва на алдамчилик қилдим! Сўнг, (пайғамбаримизга байъат қилиб, қандай ихлос бирлан саҳобалик қилган бўлсам), Абу Бакрга (байъат қилиб, худди шундай ихлос бирла саҳобалик қилдим). Кейин, Ҳазрат Умарга ҳам шундай қилдим. Сўнг, ўзим халифа бўлдим. (Қани, айтчи, уларнинг ҳуқуқлари каби ҳуқуққа эгаманми, йўқми?!» — дедилар. Мен: «Ҳа, эгасиз», — дедим. Ҳазрат Усмон: «Сизлар хусусингизда мен эшитаётган гаплар қандай гап бўлди?! Аммо, сенинг Валид ҳақида қилган илтимосинг хусусига кел-сак, иншооллоҳ, биз уни қилган гуноҳига яраша жазолагаймиз!» — дедилар. Сўнг, Ҳазрат Алини чақириб, Валидга дарра урмоқни буюрдилар. Ул киши Валидга саксон дарра урдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (ҳаётлик) вақтларида (саҳобалардан) ҳеч кимни Абу Бакр ас-Сиддиққа тенглаштирмас эрдик. Кейинги ўринда Ҳазрат Умар, ундан кейинги ўринда Ҳазрат Усмон турардилар. Сўнг, ул зотнинг саҳобаларини бир-бирларидан афзал кўрмай қўйдик».

Усмон ибн Мавҳиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Миср аҳлидан бўлмиш бир киши Байтуллоҳни тавоф қилди. Сўнг, (ўзаро суҳбатлашиб ўлтирган) бир қавмни кўриб: «Анави қавм (кишилар) ким?» — деб сўради. Бир киши: «Улар Қурайш қабиласидан», — деди. Мисрлик: «Уларнинг оқсоқоли ким?» — деб сўради. Одамлар: «Абдуллоҳ ибн Умар» — деб жавоб қилишди. Мисрлик: «Эй Ибн Умар, мен сиздан бир нарса хусусида сўрайман, менга жавоб берингиз! Уҳуд ғазоти куни Усмоннинг қочганини билурмисиз?» — деди. Ибн Умар: «Ҳа», — дедилар. Мисрлик: «Усмоннинг Бадр ғазотида бўлмаганини ҳамда унинг мағлубиятини кўрмаганини ҳам билурмисиз?» — деди. Ибн Умар: «Ҳа», — дедилар. Мисрлик: «Усмоннинг

Байъатур-ризвонда бўлмаганини ҳам билурмисиз?» — деди. Ибн Умар: «Ҳа», — дедилар. Шунда мисрлик: «Оллоҳу акбар!» — деди. Ибн Умар бундай дедилар: «Бери кел, сенга тушунтириб берайин! Ҳазрат Усмоннинг Уҳуд куни қочганлари рост. Гувоҳлик бераманки, Оллоҳ таоло ул кишини афв этиб, гуноҳларини кечирди. [Бу Оллоҳ таолонинг «Икки жамоат тўқнашган куни ораларингиздан чиқиб, (жанг майдонини ташлаб) қочган кишиларни шайтон ўзлари қилган айрим гуноҳлари туфайли йўлдан оздирди. Бас, Оллоҳ таоло уларни афв этиб, гуноҳларини кечирди» деган ояти каримасида айтилгандур. «Оли Имрон» сураси, 155-оят]. Ҳазрат Усмоннинг Бадр ғазотида бўлмаганларининг боиси шуки, Жаноб Расулulloҳнинг қизлари ул кишининг хотинлари бўлиб, бетоб эрди. Шунинг учун Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Усмонга Бадр ғазотидан қолишни амр қилдилар. Жаноб Расулulloҳ ўшанда Ҳазрат Усмонга: «Сизга Бадрда иштирок этганлардан бирининг ажри ва ўлжаси берилгай» — деб эрдилар. Энди, Ҳазрат Усмоннинг Байъатур-ризвонда бўлмаганлари хусусига келсак, агар Маккада Ҳазрат Усмондан кўра азизроқ киши бўлганда, Жаноб Расулulloҳ ул кишининг ўрнига ўшал одамни Маккага юборган бўлур эрдилар. (Яъни, Ҳазрат Усмон: «Жаноб Расулulloҳ Маккага урушиш учун эмас, балки умра қилгани келаётирлар» — деб Қурайш аҳлига маълум қилишлари керак эрди). Байъатур-ризвон эрса, Ҳазрат Усмон Маккага кетганларидан сўнг бўлгандур. Жаноб Расулulloҳ (байъат вақтида) ўнг қўлларини кўрсатиб: «Мана бу қўл — Усмоннинг қўлидур» — дедилар-да, (чап қўлларига) урдилар. Сўнг: «Бу байъат — Усмоннинг (ўрнига) қилинган байъатдур» — деб айтдилар. Кейин, Ибн Умар (шу гапларни мисрликка айтгач): «Мана шу жавобларимни (қулоғингга қуйиб) олгин-да, ҳозироқ бу ердан жўнаб қол!» — дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд тоғига кўтарилдилар, Абу Бакр, Умар ва Усмон ҳам ул зот бирлан бирга эрдилар. Шунда Уҳуд тоғи (уларнинг муборак қадамлари қўйилганидан беҳад хушнуд бўлганидан) титраб кетди. Жаноб Расулulloҳ (менимча, оёқлари бирлан тепсиниб): «Эй Уҳуд, тек тур! Устингда пайғамбар, Сиддиқ (ҳамиша ростгўй Абу Бакр) ва икки шаҳид (яъни, Ҳазрат Умар ва Усмон)дан бўлак ҳеч ким йўқ», — дедилар. (Жаноб Расулulloҳ «икки шаҳид» дейиш бирлан Ҳазрат Умар ва Усмоннинг келгусида шаҳид бўлажакларини башорат қилдилар)».

9-боб. (Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттобнинг вафотларидан кейинги) байъат ҳақидаги ҳамда Усмон ибн Аффонни (халифа қилиб сайлашга) келишилгани хусусидаги қисса. Бу қиссада Умар разияллоҳу анҳуга қилинган қотиллик ҳақида ҳам баён қилинади.

Амр ибн Маймун разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳуни шаҳид бўлишларидан бир неча кун илгари Мадинада кўрдим. Ул киши Ҳузайфа ибн Ал-Йамон бирлан Усмон ибн Ҳунайфни тўхтатиб: «Қандай қарорга келдингизларми (ёки) сизлар Ердек кўтариб бўлмайдирган бир оғир юмушни ўз зиммаларингизга олиб қўймоғингиздан чўчиётирсизларми?!» — дедилар. Улар: «Биз (бу оғир) юмушни (шундай) бир (муҳим) иш учун ўз зиммамизга олдикким, у улўғ фазилатга молик бўлганидан тоқат қиларлидур», — дейишди. Ҳазрат Умар: «Ўйлаб кўрингизлар, тағин Ердек кўтариб бўлмайдирган бир оғир юмушни зиммангизга олиб қўйган бўлмангизлар!» — дедилар. Улар: «Йўқ, ундай эмас», — дейишди. Ҳазрат Умар: «Агар Оллоҳ таоло мени саломат сақласа, Ироқ аҳли беваларини (Ислонни қабул қилиб, мусулмонларга турмушга чиқмоққа) даъват қилурманким, мендан кейин сира эркакка (эрга) муҳтож бўлмагайлар», — дедилар. Аммо, шул воқеадан тўрт кун ўтмай, ул киши шаҳид бўлдилар.

Ҳазрат Умар шаҳид бўладирган куннинг тонгида мен (масжидда) турган эрдим, мен бирлан ул кишининг ўртамизда Абдуллоҳ ибн Аббосдан бўлак кимса йўқ эрди. Ҳазрат Умарнинг одати

шарифлари шундай эрдик, икки сафни оралаб ўтаётим: «Сафларни тўғрилангизлар, ораларингизда бўш жой қолмасин!» — дер, сўнг олдинга ўтиб такбир айтар эрдилар. Ўшал куни эрса масжидга киргач, одамлар йиғилсин деб биринчи ракъатда, менимча «Юсуф» ёки «Наҳл» ёхуд шунга ўхшаш (узунроқ) бир сурани қироат қилдилар. «Кейин, «Оллоҳу акбар!» деб рукуъ қилишлари бирланоқ «Мени ўлдирди!» ёки «Мени бир ит еди!» деяётганларини эшитдим. Шунда бир ажамий қул Ҳазрат Умарга ханжар урган бўлиб, намозхонлар орасидан отилиб чиқди-да, ўнгу сўлида учраган ҳар бир одамга ханжар санча бошлади. Шу тариқа у ўн уч кишини жароҳатлади, улардан еттитаси ўлди. Бу ҳодисани кўриб турган мусулмонлардан бири бурнусини (чопонини) ечиб унинг устига ташлади. Шунда бояги қотил қўлга тушганини фаҳмлаб, ўзини ўзи ханжар уриб ўлдирди. Ҳазрат Умар (йиқилиб кетмаслик учун) Абдурраҳмон ибн Авфнинг қўлини ушладилар. Мен кўрган фожиани Ҳазрат Умарнинг ортларида турганларгина кўрган бўлиб, улар ул кишининг олдиларига келишди. Аммо, масжид атрофидагилар (яъни, орқадаги сафларда турганлар) бундан беҳабар эрдилар. Улар Ҳазрат Умарнинг овозлари эшитилмай қолганига ҳайрон бўлишиб: «Субҳоналлоҳ! Субҳоналлоҳ!» — дейишар эрди. Кейин, Ҳазрат Умар Абдурраҳмон ибн Авфни имомликка ўтказдилар. Абдурраҳмон ибн Авф намозхонларга имомлик қилиб, тезда намозни тугатдилар. Намозхонлар масжиддан чиқиб кетгач, Ҳазрат Умар: «Эй Ибн Аббос, мени ким ўлдирганини (яъни, менга ким суиқасд қилганини) билиб кел!» — дедилар. Ибн Аббос чиқиб кетиб, бир оздан сўнг қайтиб келди-да: «Сизга суиқасд қилган Муғийранинг (насроний) қули эркан», — деди. Ҳазрат Умар: «Ас-Сунуъми?» — дедилар. Ибн Аббос: «Ҳа», — деди. Ҳазрат Умар: «Уни Оллоҳ таоло ҳалок қилди. Мен унга амри маъруф қилган эрдим. Оллоҳ таолога шукрим, у мени мусулмоннинг қўли бирлан ўлдирмади! (Эй Ибн Аббос), сен ва сенинг отанг Мадинада улужларнинг (яъни, араб бўлмаган кофир қулларнинг) кўп бўлмоғини истар эрдингизлар!» — дедилар. Дарҳақиқат, Ибн Аббосда бундай қуллар бошқалардагидан кўра кўпроқ эрди. Шулар боисдан Ибн Аббос: «Агар истасангиз, уларни ўлдирамиз», — деди. Ҳазрат Умар: «(Ота-бола иккалангиз) ўз тилларингиз бирлан: («Мадинада ажамий қулларни кўпайтирайлик») — деб айтганингиздан кейинги бу гапинг ёлғондур. (Энди, бўлар иш бўлди), ўз қиблаларингизга қараб намозларингизни ўқийверингизлар, ҳажларингизни адо этаверингизлар!» — дедилар. Сўнг, Ҳазрат Умарни уйларига олиб кетишди, биз ҳам бирга бордик. Одамлар бошига илгари бундай мусибат тушмаган бўлиб, ўшал кунлари баъзилар: «Ҳеч нима қилмайди, тузалиб кетадилар», — деса, баъзилар: «Мен ул кишидан хавотирдаман» — дер эрди. (Ҳазрат Умарнинг қошларига табиб олиб келишгач), у ул кишига шарбат ичириб эрди, қоринларидан (яъни, қоринларидаги жароҳат ўрнидан) чиқди, сўнг сут ичириб эрди, жароҳатларидан (яъни, орқаларидаги жароҳат ўрнидан) чиқди. Шундан билишдики, ул кишининг ўлимлари яқин эркан. Кейин, биз Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кирдик. Шунда одамлар келишиб, ул кишига тасалли-ю ҳамдардлик изҳор қилишди. Сўнг, бир (ансорий) йигит кириб келиб: «Ё мўминлар амири, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилганингиз ҳамда Исломда ўзингиз билган шижоаткорлигингиз туфайли Оллоҳ таоло сизга (жаннати эканлигингиз хусусида) қилган башоратидан хурсанд бўлингиз! Кейин, сиз адолат бирла халифалик қилдингиз, бунинг устига, мана сизга шаҳидлик ҳам насиб этиб турибди», — деди. Ҳазрат Умар: «Шояд шундай бўлса! Эй жияним, аммо булар менинг на (Оллоҳ таоло олдидаги ҳисоб-китобим) ва на (унинг бандасига берадирган қарзим) учун кифоя қилмас!» — дедилар. Сўнг, бояги йигит иштонини ерда судраганча чиқиб кетаётган эрди, Ҳазрат Умар: «Уни ҳузуримга қайтарингизлар!» — дедилар. У қайтиб келгач, Ҳазрат Умар: «Эй жияним, кийимингни кўтариб олгил, чунки шундай қилсанг, кийимингни кўпроқ асраган ва парвардигорингдан кўпроқ қўрққан бўлурсан. Эй Абдуллоҳ ибн Умар, қара-чи, қанча қарзим бор эркан?» — дедилар. Сўнг, ҳисоблаб чиқишиб эрди, саксон олти минг ёки шунга яқин қарзлари борлиги маълум бўлди. Шунда Ҳазрат Умар (ўғилларига): «Агар (қарзимни узишга) Умар оиласининг мол-мулки етса, тўла, башарти етмаса, Бану Адий ибн Каъб қабиласидаги (қариндошларимдан) сўра, мободро уларнинг мол-мулклари ҳам етмаса,

унда Қурайшдаги (қариндошларимдан) сўра, аммо уларни ўзгалар қошига бормоққа мажбур қилма, (қариндошларим берган) мол-мулкнигина қарзимга тўла! Ҳозир эрса, мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳузурларига боргил-да: «(Отам) Умар сизга салом айтиб юбордилар, деб айтгил, аммо мўминлар амири салом айтдилар, деб айтмагил, чунки мен бугундан эътиборан мўминларнинг амири эрмасман. Сўнг, (отам) Умар ибн ал-Хаттоб икки дўстлари ёнига дафн қилинмоқларига сиздан ижозат сўраётирлар, деб айтгил!» — дедилар. Кейин, ўғиллари Оиша онамизнинг остоналарига бориб, ул ердагиларга салом бергач, ичкарига кирмоққа изн сўрадилар. Сўнг, ичкарига кириб, Оиша онамизнинг йиғлаб ўлтирганларини кўрдилар. ўғиллари: «(Отам) Умар ибн ал-Хаттоб сизга салом айтиб юбордилар, икки дўстлари (яъни, Жаноб Расулulloҳ бирлан Ҳазрат Абу Бакр)нинг ёнларига дафн қилинмоқларига сиздан ижозат сураётирлар», — дедилар. Оиша онамиз: «Мен буни (яъни, ўзимнинг улар ёнига дафн қилинмоғимни) орзу қилар эрдим, аммо бугун бунга ўзимдан кўра Ҳазрат Умарни муносиброқ кўрурман», — дедилар. Ибн Умар қайтиб келганларида «Абдуллоҳ ибн Умар келди» деб Ҳазрат Умарга маълум қилишди. Шунда Ҳазрат Умар: «Мени (яъни, бошимни ёстикдан бир оз) кўтарингизлар!» — дедилар. Бир киши қадларини кўтариб, суяб турди. Ҳазрат Умар: «Қандай жавоб келтирдинг?» — дедилар. Ибн Умар: «Эй мўминлар амири, сиз истаган жавобни келтирдим, ул муҳтарама ижозат бердилар», — дедилар. Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таолога шукр, менинг учун бундан (икки дўстим ёнига дафн қилинмоғимдан) кўра муҳимроқ нарса йўқ эрди! Агар вафот қилсам, тобутимни кўтариб (Оиша онамизнинг ҳузурларига олиб борингизлар), сўнг сен (Абдуллоҳ) салом бергил-да: «Умар ибн ал-Хаттоб (икки дўстлари ёнига дафн қилинмоқларига) ижозат сураётирлар» — деб айтгил! Агар рухсат берсалар, (мени уларнинг ёнларига) дафн қилингизлар, башарти рухсат бермасалар, унда мени муслмонларнинг (оддий, умумий) мазорига олиб бориб дафн қилингизлар!» — дедилар. Кейин, мўминлар онаси Ҳафса бир неча аёллар бирлан бирга келдилар. Улар биз (эркаклар)ни кўргач, ташқарида қолишди. Ҳафса эрсалар, ёлғиз ўзлари Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кириб, бирмунча вақт тепаларида йиғлаб ўлтирдилар. Сўнг, эркаклардан изн сураб, улар турган хонага кирдилар, биз ул муҳтараманинг ичкарида йиғлаётган овозларини эшитиб турдик. Саҳобалар Ҳазрат Умарга: «Эй мўминлар амири, васият қилиб бирор кишини ўрнингизга халифа қилиб қолдилингиз!» — дейишди, Ҳазрат Умар: «Мен бу ишга (яъни, халифаликка) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотлари олдида розилиklarини билдирган ўшал кишилардан кўра ҳақлироқ бирор одамни томадим. Жаноб Расулulloҳ ўшанда Али, Усмон, Зубайр, Талҳа, Саъд ва Абдурраҳмонни тилга олган эрдилар. (Ўғлим) Абдуллоҳ ибн Умар эрса, (менинг олдимда «халифаликни талаб қилмайман» деб) сўз беради. Унинг (халифалик хусусида) ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ бўлиб, (менинг бу васиятим) унинг учун (халифаликни талаб қилмоқдан тийиб тургувчи) бир (улуғ) ҳайъат (обрули сиймо) кабидур. Агар халифалик Саъдга насиб этса, бу Оллоҳ таолонинг иродасидур. Башарти насиб этмаса, қайси бирингиздир халифа бўлсангиз, ўз ишингизда унга суянингиз. Чунки, мен унинг ожизлигу хиёнат қилганини сира билмайман», — дедилар. Сўнг, Ҳазрат Умар яна бундай деб айтдилар: «Менинг ўзимдан кейинги халифага қиладирган васиятим шуки, аввалги (биринчи) муҳожирларнинг ҳақ-ҳуқуқларини эътироф қилиб, уларнинг иззату ҳурматларини жойига қўйсин! Мен унга яна бундай деб васият қилурман: «Мадина ва иймонни қалбларига жо қилган ансорларга яхшилик қилсин, уларнинг яхши ишларини қабул қилиб, ёмон ишларини кечирсин! Мен унга яна бундай деб васият қилурман: шаҳар аҳлига яхшилик қилсин, чунки улар Ислом таянчи, мол йиғувчи ва душманга қирон келтиргувчи бўлиб, улардан, агар рози бўлсалар, ортиқча молларигина олинади. Мен унга яна бундай деб васият қилурман: бадавийларга яхшилик қилсин, чунки улар арабларнинг илдизи ва Ислом ўзаги бўлиб, уларнинг сархил бўлмаган молларидан олиниб, фақирларига қайтарилади. Мен унга яна бундай деб васият қилурман: Оллоҳ таоло ва унинг Расули зиммасидаги (яъни, зиммийлар бирлан муслмонлар ўртасидаги) аҳдномага вафо қилсин, зиммийларни ҳимоя қилсин, уларга тоқатлари етадирган юкнигина юклангизлар!».

Ҳазрат Умар (юқоридаги васиятларини айтгач), қазо қилдилар. Биз тобутларини кўтариб (Оиша онамизнинг ҳужралари томон) йўлга тушдик. Етиб борганимизда Абдуллоҳ ибн Умар ул муҳтарамга салом бердилар, сўнг: «Умар ибн ал-Хаттоб (икки дўстлари ёнига дафн қилинмоқларига) изн сураётирлар», — дедилар. Оиша онамиз: «Ул кишини (ёки тобутни ҳужрамга) олиб кираверингизлар!» — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умарнинг жасадлари (Оиша онамизнинг ҳужраларига) олиб кирилиб, икки дўстлари ёнига дафн этилди.

Дафн маросими тугагач, (Жаноб Расулуллоҳ рози бўлиб кетган) ўшал (олти кишидан иборат) гуруҳ (яъни, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Абдурраҳмон ибн Авф ва Саъд ибн Ваққос) бир ерга тўпланишди. Шунда Абдурраҳмон: «(Ўртада ихтилоф чиқмаслиги учун) ишларингизни ўзларингиздан уч (кишига) тайинлангизлар (яъни, ораларингиздан уч кишини халифаликка номзод этиб танлангизлар)», — дедилар. Зубайр: «Мен Алини номзод этиб танладим», — дедилар. Талҳа: «Мен Усмонни номзод этиб танладим», — дедилар. Саъд эрсалар: «Мен Абдурраҳмон ибн Авфни номзод этиб танладим» — деб айтдилар. Абдурраҳмон (ўзлари халифаликка сайланишдан воз кечгач, Ҳазрат Али бирлан Ҳазрат Усмонга юзланиб): «Иккингиздан қайси бирингиз халифалик мансабига ҳалоллик бирлан эришсангиз, Оллоҳ таоло бирлан Ислом сизни ўз паноҳига олур ҳамда мусулмонлар сизни ўзларининг энг афзали деб билурлар», — дедилар. Шунда иккала шайх (яъни, Ҳазрат Усмон ва Ҳазрат Али) индашмади. Абдурраҳмон уларга: «Уни (яъни, халифалик сайловига раҳбарлик қилмоқни) менга (ишониб) топширурсизларми? Оллоҳ таоло шохиддурким, мен сизлардан бирингизни афзал кўриб, қасам ичмасман!» — дедилар. Иккаларари: «Ҳа», — дейишди. Шундан сўнг, Абдурраҳмон иккаларидан бирининг (яъни, Ҳазрат Алининг) қўлларини ушлаб: «Сизнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қариндошлигингиз ҳамда Исломда ўзингиз билган шижоаткорлигингиз мавжуддур. Оллоҳ таоло сизни ўзи назорат қилиб турибди, агар мен сизни халифаликка сайласам, адолат қилгайсиз ва агар Усмонни сайласам, қулоқ солиб, итоат этгайсиз», — дедилар. Сўнг, иккинчилари (яъни, Ҳазрат Усмон) бирлан холи қолиб, ул кишига ҳам худди шу гапларни айтдилар. Абдурраҳмон ҳар иккаларининг ваъдаларини (қатъий сўзларини) олгач, Ҳазрат Усмонга: «Эй Усмон, кўлингизни кўтарингиз!» (яъни, «берингиз!») — дедилар-да, ул кишига байъат қилдилар. Шундан сўнг, Ҳазрат Али ҳам ул кишига байъат қилдилар, Мадина аҳли ҳам бирма-бир кириб ул кишига байъат қилишди».

10-боб. Али ибн Абу Толиб ал-Қураший ал-Ҳошимий Абул-Ҳасан разияллоҳу анҳунинг маноқиблари ҳақида

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Алига: «Сен мендан ва мен сендандурман», — деганлар.

Ҳазрат Умар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Алидан рози бўлиб бу дунёдан кўз юмдилар», - дейдилар.

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен эртага байроқни шундай кишига берурманки, Оллоҳ таоло унинг қўли бирлан (Хайбарни) фатҳ қилур», — дедилар. Шунда барча саҳобалар «Байроқни менга берармиканлар» деган умидда ўринларидан сапчиб туришди. Кейин, эртасига эрталаб ҳар бирлари «Байроқни менга берармиканлар» деган умидда яна ул зотнинг ҳузурларига боришди. Жаноб Расулуллоҳ: «Али қаерда?» — деб сурадилар. Саҳобалар: «Кўзлари оғриб қолибди», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ Ҳазрат Алини чақириб келмоқни амр қилиб эрдилар, ул кишини чақириб келишди. Кейин, ул зот Ҳазрат Алининг кўзларига тупирдилар, шунда ул кишининг кўзлари илгари ҳеч нарса бўлмагандек тузалиб қолди. Ҳазрат Али: «(Ё Расулаллоҳ), биз каби мусулмон бўлгунларига қадар уларга қарши жанг қилурмиз!» — дедилар. Жаноб

Расулulloх: «Ошиқма, аввал уларнинг ерларига боргил, сўнг уларни Исломга даъват қилиб, нима қилмоқлари лозимлигини тушунтиргил! Оллоҳ таоло ҳақи, агар сен туфайли бир киши бўлса ҳам ҳидоят топса, бу сенинг учун энг сархил туялар подасига эга бўлмоғингдан кўра афзалроқдур!» — дедилар».

Салама (ибн ал-Акваъ) разияллоху анху ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али Хайбар ғазотига Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан кечикиброқ чиққан эрдилар. Чунки, кўзлари оғриб қолган бўлиб, ўшанда: «Мен (Хайбарга) Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламдан кечикиброқ чиқурман» — деб айтгандилар. Кейин, Ҳазрат Али йўлга тушиб, Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламга етиб олгандилар. Оллоҳ таоло тонггида (Хайбарни) фатҳ қилган кечанинг (куннинг) кечки пайти бўлганда Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Эртага байроқни Оллоҳ таоло ва унинг Расули севган кишига берурман», — дедилар ёки «Эртага байроқни Оллоҳ таоло ва унинг Расули севган киши олур» ёхуд «Эртага байроқни Оллоҳ таолони ва унинг Расулини севган кишига берурман, Оллоҳ таоло унинг қўли бирлан (Хайбарни) фатҳ қилур» деб айтган бўлишлари ҳам мумкин. Кейин, (эртасига эрталаб Жаноб Расулulloх) бизга Алини чақириб келмоқни амр қилдилар. Биз Али келмасалар керак, деб турганимизда, одамлар: «Ана,) Али келдилар» — деб қолишди. Жаноб Расулulloх байроқни Алига бердилар, Оллоҳ таоло ул кишининг қўллари бирлан (Хайбарни) фатҳ қилди».

Абу Ҳозим разияллоху анху ривоят қиладилар: «Бир киши Саҳл ибн Саъднинг қошига келиб: «Фалончи минбар олдида туриб Алини «Эй Абу Туроб!» деб чақирди» — дея кулди. Саҳл: «Оллоҳ таоло ҳақи, Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламгина Алини шундай деб атаганлар. Али учун бундан маҳбуброқ исм бўлмаган», — дедилар. Кейин, мен шул хусусдаги ҳадисни айтиб бермоқни Саҳлдан илтимос қилдим. Саҳл: «(Бир кун) Али Фотиманинг ҳузурларига кирдилар. (Иккалалари айтишиб қолгач), Али масжидга чиқиб, ул ерда чўзилиб етиб олдилар. Жаноб Расулulloх (Фотимадан): «Амакингнинг ўғли (яъни, эринг) қаерда?» — деб сўрадилар. Фотима: «Масжиддалар», — дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloх Алининг олдиларига бориб қарасалар, ул кишининг чопонлари елкаларидан тушиб, орқалари туфроқ бўлиб етибди. Шунда Жаноб Расулulloх Алининг орқаларига теккан туфроқни қоқа туриб: «Ўлтиравер, эй Абу Туроб!» (яъни, «Ҳамма ёғи туфроқ, туфроқли») — деб икки бор айтдилар», — деди».

Саъд ибн Убайда разияллоху анху ривоят қиладилар: «Бир киши Ибн Умарнинг қошларига келиб, «Бирор амали солиҳ қилганми ўзи?!» деган маънода Ҳазрат Усмон ҳақларида суриштирди. Ибн Умар унга: «Нима, ул киши сенга бирор ёмонлик қилаётирларми, дейман-а?!» — дедилар. У: «Ҳа», — деди. Ибн Умар: «Оллоҳ таоло бурнингни ерга ишқасин!» — деб қарғандилар. Кейин, у яна «Бирор амали солиҳ қилганми ўзи?!» деган маънода Ҳазрат Али хусусларида ҳам суриштирди. Ибн Умар унга тагин: «Нима, ул киши сенга бирор ёмонлик қилаётирларми, дейман-а?!» — дедилар. У: «Ҳа», — деди. Ибн Умар: «Анави уй ўшал кишининг уйлари бўлиб, у Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг уйлари ичида энг яхшисидур», — дедилар. Сунг: «Нима, ул киши сенга бирор ёмонлик қилаётирларми, дейман-а?!» — дедилар. У: «Ҳа», — деди. Ибн Умар: «Оллоҳ таоло бурнингни ерга ишқасин! Йўқол бу ердан! Қудратинг етса, кучингни менга кўрсат!» — дедилар». (Яъни, «Уларга тил теккизма, менинг хусусимда қўлингдан келганини қил, сенга нимаики деган бўлсам, бариси ҳақиқатдур, ҳақиқатгўй одам эрса, бировларнинг ўзи хусусида айтган ярамас гапларига сира парво қилмас!» — дедилар).

Али разияллоху анху ривоят қиладилар: «Фотима алайҳоссалом ёрғучоқ (қўл тегирмони) қўллари қавартириб юбораётганидан нолиди. Шу кезларда Расулulloх саллаллоху алайҳи ва

салламга бир қанча асирлар келтирилган бўлиб, Фотима алайҳоссалом улардан бирини ўзига хизматкорликка сўрамоқ ниятида ул зотнинг ҳузурларига борди. Аммо, ул зотни тополмагач, Оиша разияллоҳу анҳога учраб, не мақсадда келганини айтди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларига келгач, Оиша разияллоҳу анҳо Фотима алайҳоссаломнинг келиб кетганини ул зотга хабар қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни келганларида биз аллақачон ўрнимизга кириб ётган эрдик. Мен ўрнимдан тураман деб эрдим, ул зот: «Ётаверингизлар!» — дедилар-да, иккаламизнинг ўртамызга кириб ўлтирдилар. Шунда мен ул зотнинг кўкрагимга тегиб турган муборак оёқларининг совқотиб кетганини сездим. Жаноб Расулulloҳ: «Ўзларингиз мenden сўраган нарсдан кўра хайрлироқ нарсани сизларга ўргатайинми?» — дедилар. (Биз: «Ҳа», — дедик). Ул зот: «Агар ўрнингизга кириб ётсангизлар, ўттиз турт марта такбир, ўттиз уч марта тасбиҳ ва ўттиз уч марта ҳамд айтингизлар, бу сизлар учун хизматкордан кўра хайрлироқдур!» — деб марҳамат қилдилар».

Иброҳим ибн Саъднинг оталари ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Алига: «Сен менинг олдимда Ҳоруннинг Мусо алайҳиссалом олдиларида тутган ўринлари каби ўрин тутмоғингга рози бўлмайсанми?!» — дедилар».

Убайда ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али: «Сизлар илгари қандай ҳукм юритган бўлсангизлар, шундай ҳукм юритаверингизлар, аммо мен одамлар ҳамжиҳат бўлмагунларига қадар ихтилофга қарши курашурман ёки (бу йўлда) дўстларим каби ҳалок (шаҳид) бўлурман», — дедилар. Ибн Сири эрса Ҳазрат Али хусусларида айтилган ривоятларнинг кўпчилигини ёлғон деб ҳисоблар эрди».

11-боб. Жаъфар ибн Абу Толиб ал-Ҳошимий разияллоҳу анҳунинг маноқиблири хусусида

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаъфар ибн Абу Толибга: «Сенинг (қиёфанг ва хулқинг) менинг қиёфам ва хулқимга ухшайди» — деб марҳамат қилганлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, одамлар: «Абу Ҳурайра (ҳадисга) бойиб кетди» — деб айтишар эрди. (Ҳадисга бойлигимнинг боиси шуки), мен қорнимни тўйғазиш мақсадида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга дастёрлик қилиб юрар эрдим, на ичкилик ичар ва на ипак кийим кияр эрдим, на бирор қул ва на бирор чўри хизматимни қилмас эрди. (Яъни, Абу Ҳурайра Жаноб Расулulloҳнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш учун барча дунёвий лаззатлардан воз кечиб ҳамда борига қаноат қилиб, ул зотнинг хизматларини қилиб юрар эрдилар). Азбаройи очлигимдан қорнимга тош боғлаб олар ва (саҳобалардан бирортасига дуч келсам), қорним очлигини фаҳмлаб мени тўйғазармикан, деган ниятда ўзим яхши билсам-да, (Оллоҳ таолонинг «Оли Имрон» сурасидаги) ояти каримасини ўқиб бермоғини сўрар эрдим. Мискинларга энг кўп хайр-эхсон қилгувчи одам Жаъфар ибн Абу Толиб эрдилар. Ул киши доимо бизга мурувват кўрсатиб, уйларида бор нарса бирлан қорнимни тўйғазар эрдилар, ҳаттоки ичида ҳеч вақо йўқ ёғ идишларини олиб чиқсалар ҳам, биз уни ялаб тозалаб қўяр эрдик».

Шаъбий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Умар разияллоҳу анҳу, агар Жаъфарнинг ўғилларига салом берсалар: «Ас-Салому алайка, эй Икки қанотлининг ўғли!» — дер эрдилар».

Аббос ибн Абдулмуғталиб разияллоҳу анҳу хусусларидаги хотира

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб, агар қаҳатчилик бўлиб

қолса, (Жаноб Расулulloҳнинг амакилари) Аббос ибн Абдулмутталибнинг номларини ўртага қўйиб Оллоҳ таолодан ёмғир сўрар эрдилар. (Яъни, шояд Оллоҳ таоло Аббос ибн Абдулмутталибнинг Жаноб Расулulloҳга амаки эканликларини юз-хотир қилиб бизга ёмғир юборса, деб умид қилур эрдилар). Ҳазрат Умар: «Ё парвардигоро, биз (Жаноб пайғамбаримиз ҳаётлик вақтларида) ул зотнинг номи шарифларини ўртага қўйиб сендан ёмғир сўрар эрдик, сен ёмғир юборур эрдинг. Энди эрса (ул зот вафот этганлари боисидан) амакиларининг номини ўртага қўяётирмиз, бизга ёмғир юборгил!» — деб илтижо қилур эрдилар. Шунда уларга ёмғир юборилур эрди».

12-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қариндошликлари шарофатлари ҳамда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиалари Фотима алайҳоссаломнинг фазилатлари ҳақида

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотима жаннат аҳли аёлларининг саййидасидур» — деб марҳамат қилганлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Фотима алайҳоссалом Оллоҳ таоло Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга урушсиз ато этган мол-мулкдан ўз меросларини сўраб Абу Бакрнинг ҳузурларига Ҳазрат Алини юбордилар. Яъни, Жаноб Расулulloҳнинг Мадина, Фадак ва Хайбардаги садақаларини (ҳеч кимга мерос қилиб қолдирмай, Оллоҳ таоло йўлида садақа қилган ерларини) талаб қилдилар. Шунда Абу Бакр: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз (пайғамбарлар) мерос қолдирмаймиз, биз нимаики қолдирсақ, у садақадур» — деб марҳамат қилганлар. Зеро Муҳаммад хонадони (оиласи) ўшал мол-мулкдан, яъни Оллоҳ таолонинг мол-мулкдан эҳтиёжларига яраша истеъмол қилаверадилар. Мен эрсам, Оллоҳ таоло ҳақи, Жаноб Расулulloҳ ҳаётлик вақтларида унга ўзлари инъом этган мол-мулкнинг заррачасига ҳам кўз олайтирмасман ва мен ул зот уз садақалари хусусида неки қилган бўлсалар, шундай қилурман», — дедилар. Шунда Ҳазрат Али калимаи шаҳодат айтгач: «Эй Абу Бакр, биз сизнинг фазилатингизни билурмиз!» — дедилар-да, ўзларининг Жаноб Расулulloҳга қариндош эрканликларини эслатдилар. Ҳазрат Абу Бакр: «Жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, қариндошларимга оқибат қилганимдан (ён босганимдан) кўра Жаноб Расулulloҳнинг (васиятларига амал қилиб), ул зотга яқин бўлганим менга маҳбуброқдур!» — деб жавоб қилдилар».

Мисвар ибн Маҳрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотима менинг бир бўлагимдур. Ким уни дарғазаб қилса, мени дарғазаб қилган бўлур» — деб марҳамат қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этган беморликлари вақтида қизлари Фотимани дуо қилиб, унга бир сир айтиб эрдилар, йиғлаб юборди, кейин уни яна дуо қилиб, яна бир сир айтиб эрдилар, кулиб юборди. Мен Фотимадан бунинг боисини сўрасам, у: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шу беморликлари вақтида вафот этажакларини қулоғимга айтиб эрдилар, йиғлаб юбордим. Кейин, ул зот яна қулоғимга: «Сен хотин, бола-чақаларим ичида биринчи бўлиб менга эргашурсан»—деб эрдилар, кулиб юбордим», — деди».

13-боб. Зубайр ибн ал-Аввом разияллоҳу анҳунинг маноқиблари хусусида

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Зубайр ибн ал-Аввом Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаворийлари (ёрдамчилари)дурлар. (Исо алайҳиссаломнинг саҳобалари)

кийимлари оқ бўлгани учун «хаворийлар» деб аталганлар», — дейдилар. («Хаворий» — матони оқ ранга буёвчи ёки оқ кийим кийган кишидур).

Марвон ибн алҲакам ривоят қиладилар: «Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу бурунларидан кўп қон кетаверганидан ҳаж қилолмай қолдилар. Шунда ул киши васият қилдилар. Кейин, Қурайш қабиласига мансуб бир киши ҳузурларига кириб: «Бирор кишини ўрнингизга халифа қилиб қолдирингиз!» — деди. Ҳазрат Усмон: «Фалончини халифа қилиб қолдирурман», — дедилар. Саҳобалар: «Фалончиними?» — дейишди. Ҳазрат Усмон: «Ҳа», — дедилар. Кейин, Ҳазрат Усмон: «Халифаликка ундан кўра ким лойиқроқ?!» — дедилар-да, жим қолдилар. Сўнг, Ҳазрат Усмоннинг ҳузурларига яна бир киши, менимча Ал-Ҳарас кириб келди-да: «Ўрнингизга халифа қолдирингиз!» — деди. Ҳазрат Усмон: «Фалончини халифа қилиб қолдирурман», — дедилар. Саҳобалар: «Фалончиними?» — дейишди. Ҳазрат Усмон: «Ҳа», — дедилар. Кейин, Ҳазрат Усмон: «Ундан муносиброқ ким?!» — дедилар-да, жим қолдилар. Саҳобалар боя: «Фалончиними?» — дейишганда, менимча, «Зубайрними?» — деб айтишди. Шунда Ҳазрат Усмон: «Ҳа», — дедилар-да, сўнг: «Аммо, жоним қўлида бўлган зот ҳақи, Зубайр Жаноб Расулulloҳга энг суюкли киши бўлганидан қатъий назар, менинг билишимча, мусулмонларнинг энг яхшисидур» — деб айтдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг ўз хаворийси (ёрдамчиси) бўлган, менинг хаворийим эрса Зубайр ибн ал-Аввомдур» — деб марҳамат қилдилар».

Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ривоят қиладилар: «Аҳзоб куни (мусулмонлар Мадинани мудофаа қилиш учун унинг атрофига хандақ қазиган куни) мен ва Умар ибн Абу Салама аёлларни (яъни, Жаноб Расулulloҳнинг аёлларини) қўриқлаб туришга буюрилдик. Шунда мен (отам) аз-Зубайрнинг отларини миниб олиб Бану Қурайза олдига икки ёки уч марта бориб келганларини кўрдим. (Аёллар олдидан) қайтганимда: «Эй отажон, мен боя сизнинг у ёқдан-бу ёққа бориб келаётганингизни кўрдим», — дедим. Отам: «Шундайми, ростдан ҳам мени кўрдингми, эй болагинам?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Отам бундай дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Бану Қурайзанинг олдига бориб, улар хусусида менга хабар олиб келур?» — деб эрдилар. Шунда мен (уларнинг олдига) бориб эрдим. Қайтиб келганимда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (менга таҳсину офаринлар билдириб): «Ота-онам сенга фидо бўлсинлар!» — дедилар».

Урва ризияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Ярмак воқеаси куни аз-Зубайрга: «Душманга ҳамла қилмайсизми, биз ҳам сиз бирлан бирга ҳамла қилур эрдик!» — дейишди. Шунда аз-Зубайр душманга ҳамла қилиб эрдилар, улар ул кишини елкаларига икки бор қилич уриб, ярадор қилишди. Ана шу икки жароҳат оралигида Бадр куни етказилган яна бир (эски) жароҳатнинг ўрни бор эрди. Мен болалигимда ўшал жароҳатлар ўрнига бармоқларимни тиқиб ўйнар эрдим».

14-боб. Талҳа ибн Убайдуллоҳ хусусларидаги ҳадислар

Ҳазрат Умар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салдам вафот қилаётиб ундан (Талҳадан) рози эканликларини айтганлар», — дейдилар.

Абу Усмон: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанг қилган ўшал айрим кунлари

(Уҳуд кунлари) ул зотнинг ёнларида Талҳа ва Саъддан бўлак ҳеч ким қолмаган эрди», — дейдилар.

Қайс ибн Абу Ҳозим: «Мен Талҳанинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни (жангда) пана қилиб турган қўлларини кўрдим, ўшал қўллари (ўқ тегаверганидан) шол бўлиб қолибди».

15-боб. Саъд ибн Абу Ваққос (Саъд ибн Молик) аз-Зухрийнинг маноқиблари ҳақида

Бану Зухра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тоғалари [яъни, оналари Оминанинг амакилари (Саъд ибн Абу Ваққос) мансуб бўлган Қурайш уруғи] бўлиб, ул кишининг (асл) номлари Саъд ибн Молиқдур.

Саъд ибн Абу Ваққос (Саъд ибн Молик) разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд куни менга: «Ота-онам сизга фидо бўлсинлар!» — деб айтдилар», — дейдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос: «Мен ўзимни учинчи бўлиб Исломга кирганман, деб ҳисоблайман», — дейдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос: «Мен Исломга кирган кундан бўлак куни ҳеч ким Исломга кирмади, мен етти кун (Маккада) туриб, Исломга учинчи бўлиб кирдим», — дейдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос: «Мен Оллоҳ таоло йўлида биринчи бўлиб ўқ отган арабдурман. Биз (саҳобалар) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғазот қилур эрдик, дарахт баргларида ўзга егулигимиз бўлмас эрди, ҳаттоки баъзи биримизнинг ичимиз туя тезаги ёки қўй қумалоғи каби эрди. Кейин, Бану Асад менга: «Намозни яхши адо этмайсан, илгариги амали солиҳларингни ҳабата қилдинг!» — деб танбеҳ бера бошлади».

Қайс: «Бану Асад (ўшанда) Саъдни Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига олиб боришиб: «Саъд намозни яхши адо этмайди» — деб шикоят қилишган эрди», — дейдилар.

16-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг куёвлари, хусусан улардан Абу ал-Ос ибн ар-Рабийъ ҳақида

Мисвар ибн ал-Махрама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али Абу Жаҳлнинг қизи (Жувайрия)га уйланмоқчи булдилар. Фотима алайҳоссалом бунни эшитиб қолиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдилар-да: «Қавмингиз таъкидлашаётирки, сиз қизларингизга азият етказилса, дарғазаб бўлмас эмишсиз. Анави Али эрса менинг устимга Абу Жаҳлнинг қизига уйланмоқчи», — дедилар. Шунда мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўринларидан туриб калимаи шаҳодат айтгач, бундай деганларини эшитдим: «Аммо баъд, мен (катта қизим Зайнабни) Абу ал-Ос ибн ар-Рабийъга никоҳлаб берган эрдим, у (қизим устига уйланмасликка менга ваъда бериб) сўзининг устидан чиқди. Фотима менинг бир бўлагимдур, мен унга бирор кимсанинг ёмонлик қилмоғини истамасман. Оллоҳ таоло ҳақи, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизи бирлан Оллоҳ таолонинг душмани (бўлмиш Абу Жаҳлнинг) қизи бир эрнинг никоҳида бўлмас!» — дедилар. Шундан сўнг, Ҳазрат Али ўшал қизга уйланмадилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис қисқача такрорланган.

17-боб. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг озод қилган қуллари Зайд ибн Ҳорисанинг маноқиблари

Баро разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам Зайд ибн Ҳорисага: «Сен бизнинг биродаримиз ва мавломизсан!» — деб марҳамат қилдилар».

Абдуллох ибн Умар разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам (Рум тарафга юбориш учун) қўшин тайёрлаб, унга (Зайд ибн Ҳорисанинг ўғиллари) Усома ибн Зайдни амир қилиб тайинладилар. (Усоманинг оталари Зайд ибн Ҳориса Рум тарафда ҳалок бўлган эрдилар). Шунда айрим (муҳожир унсорлар) Усоманинг амир қилиб тайинланганига эътироз билдиришди, (чунки ул киши собиқ қулнинг ўғли эрдилар). Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам (дарғазаб бўлиб): «Усоманинг амирлигига эътироз билдирсангизлар, бундан илгари унинг отаси (Зайднинг) амир бўлганига ҳам эътироз билдирган бўлурсизлар. Оллох таолога онт ичаманки, Зайд амирликка ҳақлиғ ва менга энг маҳбуб киши булган эркан, демак бу (Усома) ҳам (отасидан кейин) менга энг маҳбуб киши бўлиб қолгусидур!» — дедилар».

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «(Бир куни мен ҳужрамда ҳижобда ўлтирган эрдим), Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам ҳам шу ерда эрдилар. Усома ибн Зайд ва (унинг отаси) Зайд ибн Ҳориса иккалалари эрса (устларига чопон ёки чойшаб ёпиниб) ётишган бўлиб, (уларнинг фақат оёқларигина кўриниб турган эркан). Бир маҳал, бир топқир киши (яъни, Мужаззиз ал-Мидлажий) ҳужрамга кириб келибди-да, (уларнинг оёқларига қараб): «Дарҳақиқат, бул оёқлар бири иккинчисидандур» (яъни, ота-боланинг оёқларидур), — дебди. Шунда Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам унинг топқирлигидан мамнун бўлибдилар ҳамда таажжуб қилибдилар».

Урва разияллоху анху: «Кейин, Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам буни Оишага айтдилар», — дейдилар.

18-боб. Усома ибн Зайд ҳақларида

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Қурайш аҳли Бану Маҳзум уруғига мансуб (ўғрилиқ қилган) бир аёлнинг тақдирига қизиқиб: «Бул хусусда Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламга ул зотнинг суюқлилари Усома ибн Зайддан бўлак ким ҳам гапира оларди!» — дейишди».

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «Бану Маҳзум уруғига мансуб (Фотима исмли) бир аёл (бировнинг тақинчоғини) ўғирлади. Шунда (Қурайш аҳли): «Бу аёлнинг (қўлини кестирмангиз, деб) Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламга ким гапира олур?» — дейишди. Аммо, ул зотга гапирмоққа бирор кимса журъат қилолмай, фақат Усома ибн Зайдгина ботиниб гапира олди. Жаноб Расулulloх (унга жавобан): «Бану Исроил, агар ораларидан бирор аслзода киши ўғрилиқ қилса, унга тегмаганлар ва агар бирор бечораҳол ўғрилиқ қилса, унинг қўлини кесганлар. Башарти ўғрилиқ қилган (ўшал) Фотима (менинг қизим) бўлганида ҳам, албатта қўлини кесган бўлур эрдим!» — дедилар».

19-боб.

Абдуллох ибн Динор разияллоху анху ривоят қиладилар: «Ибн Умар бир куни масжидда эрканликларида бир кишининг кўйлақларидан тортиб масжиднинг бир тарафига қарамоққа

ундаётганини кўрдилар. Кейин, у: «Қаранг, анави ерда турган ким? Қани энди, ўша менинг ўғлим бўлиб қолса!» — деди. Шунда бошқа бир одам унга: «Эй Абу Абдуррахмон, аммо унинг ким эрканлигини билурсанми? У Муҳаммад ибн Усомадур (яъни, Усома ибн Зайднинг ўғли Муҳаммаддур)», — деди. Ибн Умар бошларини сарак-сарак қилдилар ва қўллари бирлан ерни ура туриб: «Агар уни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кўрганларида эрди, албатта севиб қолган бўлур эрдилар!» — дедилар».

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам мен бирлан (набиралари) Ҳасанни кўтариб олардилар-да: «Ё парвардигоро, буларни (Ўзингга) маҳбуб қилгайсен, чунки мен буларни яхши кўрурмен!» — дер эрдилар».

20-боб. Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳунинг маноқиблари

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлик вақтларида бир киши бор эрди, у агар туш кўрса, дарҳол ул зотга айтиб берар эрди. Ўшал кезларда мен масжидда ётиб юргувчи бир бўйдоқ йигитча бўлиб, «Қани энди, мен ҳам бир туш кўрсам-у, уни Жаноб Расулulloҳга айтиб берсам!» — деб орзу қилур эрдим. Ниҳоят, бир куни туш кўрдим. Тушимда гўё икки фаришта мени ушлаб жаҳаннам томон олиб боришган эмиш. Жаҳаннамнинг атрофи (яъни, оғзи) қудуқ (оғзи) сингари (ердан) кўтариб қурилган бўлиб, (қудуқники каби) икки устун бор эмиш. Жаҳаннамда мен илгари таниган одамлар бор бўлиб, «Ё парвардигоро, мени жаҳаннамдан ўз паноҳингда асрагил! Ё парвардигоро, мени жаҳаннамдан ўз паноҳингда асрагил!» — дер эмишман. Кейин, бизга бошқа бир фаришта дуч келиб, у менга: «Қўрқма!» — деган эмиш. Сунг, мен бу тушимни Ҳафсага айтиб бердим, у эрса Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга айтиб берибди. Жаноб Расулulloҳ: «Абдуллоҳ ўзи ажойиб (солиҳ) йигит, қани энди, кечалари туриб намоз ўқиса!» — деб марҳамат қилибдилар».

Солим разияллоҳу анҳу: «Шундан сўнг, Абдуллоҳ кечалари жуда кам ухлайдиган бўлиб қолди», — дейдилар.

21-боб. Аммор ва Ҳузайфа разияллоҳу анҳумонинг маноқиблари

Алқама ибн Ҳайс разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Шомга келиб, ул ердаги масжидда икки ракъат намоз ўқидим. Сўнг: «Ё парвардигоро, менга бир солиҳ ҳамсуҳбат ато этсанг, беҳад мамнун бўлур эрдим!» — дедим-да, бир қавмнинг ёнига бориб ўлтирдим. Шунда бир кекса киши келиб ёнимга ўлтирди. Мен одамлардан: «Бул киши ким?» — деб сўрадим. Улар: «Абу ад-Дардоъ», — дейишди. Мен Абу ад-Дардоъга: «Боя мен ўзимга бир солиҳ ҳамсуҳбат сўраб Оллоҳ таолога илтижо қилган эрдим, мана сизни ҳамсуҳбат қилиб, мени кўп бахтиёр этди», — дедим. Абу ад-Дардоъ: «Қаерликсан?» — дедилар. Мен: «Куфа аҳлиданман», — дедим. Абу ад-Дардоъ: «Жаноб Расулulloҳга пойабзалларини кийгизиб қўйгувчи, бошларига ёстиқ қўйгувчи ва ул зотга обдаста тутгувчи Ибн Умму Абд (яъни, Ибн Масъуд) сизларда эмасмилар?» — дедилар. (Мен: «Ҳа, биздалар», — дедим). Сўнг, Абу ад-Дардоъ яна: «Оллоҳ таоло ўз Расули саллalloҳу алайҳи ва салламнинг тиллари бирлан (яъни, дуолари туфайли) шайтондан ҳимоя қилган киши (яъни, Аммор) ораларингизда эмасмилар?» — дедилар. (Мен: «Ҳа, борлар», — дедим). Абу ад-Дардоъ яна: «Ўзидан бўлак ҳеч ким билмайдирган сирдан воқиф киши (яъни, Ҳузайфа) ораларингизда эмасмилар?» — дедилар. (Мен: «Ҳа, борлар», — дедим). Кейин, Абу ад-Дардоъ: «Абдуллоҳ (ибн Масъуд) «Валлайли изо йағшо ваннаҳори изо тажалло» оятини қандай қироат қилур эрдилар?» — дедилар. Шунда мен ул кишига: «Валлайли изо йағшо ваннаҳори изо тажалло ваззакари вал-унсо» — деб «ва мо халақа»

сўзларисиз қироат қилиб бердим. Абу Дардоъ: «Оллоҳ таоло ҳақи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу оятни менга қироат қилдириб, ўз оғизларидан (тилларидан) менинг оғзимга (тилимга) ўтказганлар», — дедилар» (яъни, «ва мо халақа» сўзлари йўқ эрди» демоқчилар).

Бу ерда юқоридага ҳадис мазмунан такрорланган.

22-боб. Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ разияллоҳу анҳунинг маноқиблари

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир умматнинг (ўз) ишончли кишиси бор, бизнинг ишончли кишимиз эрса, эй уммат(им), Абу Убайда ибн ал-Жарроҳдур» — деб марҳамат қилдилар».

Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажрон аҳлига: «Мен сизларга чин ишончли кишини юборурман», — дедилар. Шунда ул зотнинг саҳобалари ўринларидан туришди, (чунки уларнинг ҳар бири мени юборсалар керак, деб умид қилган эрди). Аммо, ул зот Абу Убайдани юбордилар».

23-боб. Мусъаб ибн Умайр зикри

Бу ерда ушбу бобга тааллуқли бирорта ҳадис келтирилмаган.

24-боб. Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анҳумо маноқиблари

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (набиралари) Ҳасанни қучоқлаб, (бағирларига босдилар)», — дейдилар.

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (набиралари) Ҳасанни ёнларига олиб минбарга ўлтирдилар. Ҳасан бир одамларга ва бир ул зотга жовдираб қарар эрди. Шунда ул зот: «Менинг мана бу ўғлим (набирам) саййиддур. Шояд Оллоҳ таоло унинг воситаси ила мусулмонларнинг икки гуруҳини яраштирса!» — дедилар».

Абу Усмон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Усома ибн Зайд ва Ҳасанни кўтариб олиб: «Ё парвардигоро, мен иккаласини яхши кўрурман, сен (ҳам) уларни (ўзинга) суюкли қилгайсен!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Ҳусайн ибн Али Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (юз тузилиши жиҳатидан) ўхшаш кишилар ичида энг ўхшаши эрдилар», — дейдилар.

Уқба ибн ал-Ҳарас ривоят қиладилар: «Мен Абу Бакр разияллоҳу анҳуни кўрдим. Ул киши Ҳасанни кўтариб олиб: «Отам ҳақи, бу Расулulloҳга ўхшайди, Алига ўхшамайди», — дедилар. Шунда Ҳазрат Али кулиб қўйдилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Абу Бакр ас-Сиддиқ: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни эҳтиёт қилингизлар!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (гавдасининг кўкрақдан пастки қисми тузилиши жиҳатидан) Ҳасан ибн Алидан кўра ухшашроқ киши бўлмагандур», — дейдилар.

Бир киши Ибн Умардан: «Эҳром боғлаган одам пашшани ўлдирса, не бўлгай?» — деб сўради. Шунда Ибн Умар: «Манави ироқликларга қарангизлар, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг (Ҳасан ва Ҳусайнни қучоқлаб ҳамда хидлаб туриб): «Бу иккиси менинг бу дунёдаги икки (хушбўй) райҳонимдур!» — деб айтганларига қарамай, ул зотнинг қизларининг фарзандлари бўлмиш (Ҳусайнни) ўлдиришиб, тағин: «Эҳромдаги одам пашшани ўлдирса, не бўлгай?» — деб таҳқирона савол бераётирлар», — дедилар.

25-боб. Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг озод қилган қуллари бўлмиш Билол ибн Абу Рабоҳнинг маноқиблари

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Билолга: «Мен жаннатда рўпарамдан келаётган қадамларинг товущини эшитдим» — деб марҳамат қилганлар.

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар: «Абу Бакр бизнинг саййидимиз бўлиб, саййидимизни (яъни, Ҳазрат Билолни) қулликдан озод қилгандурлар» — дер эрдилар.

Кайс разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Билол Абу Бакр ас-Сиддиққа: «Агар мени ўзингиз учун сотиб олган бўлсангиз, (озод қилмай) олиб қолингиз ва агар мени Оллоҳ таоло учун сотиб олган бўлсангиз, ул ҳолда озод қилингиз!» — дедилар. Шунда Абу Бакр ас-Сиддиқ Ҳазрат Билолни Оллоҳ таоло йўлида озод қилдилар».

26-боб. Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ҳақларида

Ибн Аббос: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам мени бағриларига босиб: «Ё парвардигоро, бунга ҳикматни (Қуръонни) ўргатгил!» (яъни, «Қуръон ҳофиси ва фақиҳи қилгил!») — деб дуо қилдилар», — дейдилар.

27-боб. Холид ибн Валид разияллоҳу анҳунинг маноқиблари

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кўзлари жиққа ёшга тўлган ҳолда Зайд, Жаъфар ва Ибн Равоҳанинг (ғазотда) шаҳид булажакларини олдиндан одамларга эълон қила туриб: «Байроқни Зайд қўлига олиб эрди, шаҳид бўлди, кейин уни Жаъфар қўлига олиб эрди, шаҳид булди, сўнг уни Ибн Равоҳа қўлига олиб эрди, у ҳам шаҳид бўлди. Ниҳоят, байроқни Оллоҳ таолонинг қиличларидан бири (яъни, Холид ибн Валид) қўлига олиб эрди, парвардигор мусулмонларга ғалаба ато этди», — дедилар».

28-боб. Абу Ҳузайфанинг озод қилган қуллари бўлмиш Солим разияллоҳу анҳунинг маноқиблари

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: «Қуръонни (аввало) Абдуллоҳ ибн Масъуддан, (сўнг) Абу Ҳузайфанинг озод қилган қули Солим, Убай ибн Каъб ва Муъоз ибн Жабалдан ўрганингизлар!» — деб айтганларини эшитдим».

29-боб. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳунинг маноқиблари

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сўконғич ҳам, шармсиз ҳам эмас эдилар. Ул зот: «Сизларнинг менинг учун энг маҳбубингиз хулқи энг яхшингиздур!» — дер эрдилар. Шунингдек, ул зот: «Қуръонни тўрт

кишидан — Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ҳузайфанинг озод қилган қули Солим, Убай ибн Каъб ва Муъоз ибн Жабалдан ўрганингизлар!» — деб ҳам айтганлар».

Алқама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Шомга кириб (бориб), ул ердаги масжидда икки ракъат намоз ўқидим. Сунг: «Ё парвардигоро, менга бир (солиҳ) ҳамсуҳбат ато этгил!» — деб хаёлимдан ўтказдим. Шу аснода мен томон келаётган бир кекса кишига (Абу ад-Дардоъга) кўзим тушди. У менга яқин келгач: «Шояд Оллоҳ таоло тилагимни мустажоб қилган бўлса!» — деб қўйдим. Ўшал кекса: «Қаерликсан?» — деди. Мен: «Куфаликман», — дедим. У: «Жаноб Расулulloҳнинг пойабзалларини кийгизиб қўйгувчи, бошларига ёстик қўйгувчи ва ул зотга обдаста тутгувчи киши (яъни, Ибн Масъуд) сизларнинг орангизда бўлмаганмилар? Шайтондан халос қилинган киши (яъни, Аммор) сизларнинг орангизда бўлмаганмилар? Ўзидан бўлак ҳеч ким билмайдирган сирдан хабардор киши (яъни, Ҳузайфа) сизларнинг орангизда бўлмаганмилар? Ибн Умму Абд (яъни, Абдуллоҳ ибн Масъуд) «Вал-Лайли» оятини қандай қироат қилур эрдилар?» — деди. Мен: «Вал-Лайли изо йағшо ван-наҳори изо тажалло ваз-закари вал-унсо» — деб қироат қилдим. У: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу оятни менга қироат қилдириб, ўз оғизларидан менинг оғзимга ўтказганлар. Анавилар (яъни, шомликлар) бу оятни («ва мо халақа» сўзисиз) ўқимоғимга ҳанузгача қаршилиқ қилаётирлар, ҳаттоки Жаноб Расулulloҳдан қандай эшитган бўлсам, шундай ўқимоғимни манъ қилишларига оз қолди», — дедилар (яъни, уламоларнинг айтишларича, мазкур оят дастлаб «ва мо халақа» сўзисиз нозил қилинган эркан. Кейинчалик, бу оятга қўшимча тарзда «ва мо халақа» сўзи нозил қилинган бўлиб, Абу Дардоъ ва Ибн Масъуд бундан беҳабар қолишган эркан)».

Абдурраҳмон ибн Язид ривоят қиладилар: «Биз Ҳузайфадан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга феълу атвори ва тариқати жиҳатидан яқин киши хусусида сўрадик, чунки ундан ўрнак олмоқчи эрдик. Шунда Ҳузайфа: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга Ибн Умму Абд (яъни, Абдуллоҳ ибн Масъуд)дан кўра феълу атвори ва тариқати яқинроқ кишини билмасман», — дедилар».

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ва биродарим Ямандан келиб, бирмунча вақт (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонларида) туриб қолдик. Шунда биз Абдуллоҳ ибн Масъудни, ўзи ва онаси ул зотнинг ҳузурларига (тез-тез) кириб туришгани учун, Жаноб Расулulloҳнинг оила аъзоларидан, деб ҳисоблаган эрдик».

30-боб. Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳу ҳақларида

Ибн Абу Мулайка разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Муовия хуфтондан кейин бир ракъат витр ўқидилар. Шунда ул кишининг ҳузурларида Ибн Аббоснинг озод қилган қуллари бор бўлиб, у Ибн Аббос келганларида (шул ҳақда шикоят қилди), Ибн Аббос унга: «Қўй, Муовия хусусларида гапирма, чунки ул киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилганлар», — дедилар».

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Ибн Аббосга: «Мўминлар амири Муовия хусусларида нима дейсиз? Ул киши фақат бир ракъат витр ўқидилар, холос!» — дейилди. Шунда Ибн Аббос: «Муовия фақиҳдурлар» — деб жавоб қилдилар».

Ҳумрон ибн Обон ривоят қиладилар: «Муовия разияллоҳу анҳу: «Сизлар (асрдан кейин) намоз ўқийсизлар. Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилиб, ул зотнинг (асрдан кейин) намоз ўқиганларини кўрган эрмасмиз, ул зот (асрдан кейинги) намоздан, яъни икки ракъат намоздан қайтарганлар», — дедилар».

31-боб. Фотима разияллоҳу анҳонинг маноқиблари

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотима жаннат аҳли аёлларининг саййидасидур!» — деб марҳамат қилганлар.

Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Фотима менинг бир бўлагимдур, кимки уни дарғазаб қилса, мени дарғазаб қилур», — дедилар».

32-боб. Оиша разияллоҳу анҳонинг фазилатлари

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Бир куни Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Оиша, Жаброил алайҳиссалом сенга салом айтаётирлар», — дедилар. Мен: «Ул кишига (ҳам) салом ҳамда Оллоҳ таолонинг раҳмати ва баракоти булсин! Сиз, (ё Расулаллоҳ), мен кўра олмайдирган нарсаларни кўра олурсиз», — дедим».

Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўпчилик эркаклар камолотга эришди, аммо Имрон қизи Марям ва фиръавннинг хотини Осиёдан бўлак аёллар камолотга эришмади. Оишанинг бошқа аёллардан афзаллиги эрса сарийднинг (яъни шундай номли таомнинг) бошқа таомлардан афзаллиги кабидур» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Оишанинг бўлак аёллардан афзаллиги сарийднинг (бошқа) таом(лар)дан афзаллиги кабидур» — деб айтганларини эшитдим».

Қосим ибн Муҳаммад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бетоб бўлиб қолдилар. Шунда Ибн Аббос кўргани келдилар-да, ул муҳтарамга: «Эй мўминлар онаси, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда (отангиз) Абу Бакр сиздан илгари (ул дунёга) рихлат этишди, сиз ҳам уларнинг ортларидан боргайсиз. Улар сиз учун жаннатда жой ҳозирлаб туришибди, бундан хурсанд бўлингиз!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен (сафарда тақиш учун) Асмоъдан маржонини сўраб олдим. Кейин, уни йўқотиб қўйдим. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам маржонни қидиришга бир неча саҳобаларини жўнатдилар. Улар, намоз вақти бўлиб қолиб, (сув бўлмагани учун) таҳоратсиз намоз ўқишди. Кейин, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига қайтишиб, шул ҳақда ул зотга шикоят қилишди. Шунда «Тайаммум» ояти нозил бўлди. Усайд ибн Ҳузайр менга: «Оллоҳ хаоло сизга хайрият ато этсин! Худо ҳақи, бошингизга бир иш тушди дегунча парвардигор сизни ундан дарҳол халос қилиб, мусулмонларга ҳам сиз туфайли баракот ато этур», — деди».

Ҳишомнинг оталари ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам (қазо қилган) бетобликлари вақтида Оишанинг уйида бўлгилари келиб: «Мен эртага қаерда бўламан?» — деб аёлларидан сўрай бошладилар. Оиша: «Менинг уйимда бўладирган кунлари келгач, хотиржам бўлдилар», — дейдилар».

Ҳишомнинг оталари ривоят қиладилар: «Одамлар ўз ҳадяларини (Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга) Оишанинг (уйида бўладирган) кунлари топширишга одат қилган эрдилар.

Оиша бул ҳақда бундай дейдилар: «(Бир куни) кундошларим Умму Саламанинг уйида тўпланишиб: «Эй Умму Салама, Оллоҳ таоло ҳақи, одамлар ўз ҳадяларини Оишанинг кунидида тортиқ қилмоққа одат қилдилар. Аммо, Оиша истаган хайриятни биз ҳам истармиз! Сен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтгил, ул зот одамларга: «Қайси хотинимнинг уйида бўлсам, ҳадяларингизни ўшал ерга олиб келиб менга тортиқ қилаверингизлар!» — деб буюрсинлар», — дейишди. Умму Салама (ўзларининг навбатлари келган куни) улар тайинлаган гапларни Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдилар, ул зот тескари ўгирилиб олдилар. Кейин, Умму Салама кундошларига: «Мен сизлар тайинлаган гапларни айтиб эрдим, ул зот тескари ўгирилиб олдилар» — деб маълум қилдилар. Умму Салама яна навбатлари келган куни ўшал гапни такрорлаб эрдилар, ул зот тағин тескари ўгирилиб олдилар. Учинчи марта айтганларида эрса, Жаноб Расулulloҳ: «Эй Умму Салама, Оиша хусусида менга озор бермагил! Оллоҳ таоло ҳақи, Оишадан бўлак сизларнинг бирортангизнинг тўшагингизда менга ваҳий нозил бўлмагандур!» — дедилар».

33-боб. Ансорларнинг маноқиблари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Уларга (муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган» («Анфол» сураси, 72-оят) «ҳамда улардан (муҳожирлардан) бурун Мадинага келиб ўрнашган ва иймонни маҳкам ушлаган зотлар (ансорлар) ўзларининг қошларига ҳижрат қилиб келганларни суюрлар ва дилларида уларга ато этилган ўлжалар боисидан ҳасад пайдо қилмаслар» («Ҳашр» сураси, 9-оят).

Ғийлон ибн Жарир ривоят қиладилар: «Мен Анасга: «Ансорлар деган ном хусусида фикрингиз қандай? Ўзларингиз шундай деб атайсизларми ёки Оллоҳ таоло шундай деб аташингизни буюрганми?» — дедим. Анас: «Ҳа, Оллоҳ таоло шундай деб атамоғимизни амр қилган», — дедилар. Биз Анаснинг ҳузурларига (тез-тез) кириб турар эрдик, ул киши бизга ансорларнинг маноқиблари ва улар иштирок этган ғазотлар хусусида сўзлаб бераётиб, менга ёки Азл қабиласига мансуб бирор кишига қарардилар-да: «Қавминг ундай ва бундай қилган эрди» — деб айтар эрдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Буёс куни (яъни, Жаноб Расулуллоҳ Мадинага келмасларидан беш йил бурун ул ердаги Авс ва Хазраж қабилалари ўртасида уруш бўлиб ўтган кун) Оллоҳ таоло ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга тақдим қилган кун эрди. Жаноб Расулуллоҳ (Мадинага) келганларида ул ердаги аҳоли пароканда ҳамда улуғлари ўлдирилган, жароҳатланган ҳолда бўлиб, Оллоҳ таоло Буёс кунини ўз Расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга Мадина аҳлини Исломига киритмоқлари учун тақдим этди». (Яъни, Оллоҳ таоло Мадина аҳлининг Исломига қаршилиқ қиладирганларини Жаноб Расулуллоҳ ул ерга келмасларидан беш йил бурун — Буёс куниеқ ҳалок қилиб ёхуд майиб-мажруҳ қилиб қуйган эрди. Шул боисдан ҳам Буёс куни ул зот учун Оллоҳ таолонинг бир тўхфаси бўлди).

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Макка фатҳи куни (яъни, Макка фатҳ қилинадирган йили) ансорлар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайшга (яъни, уларнинг муслмонларига Хайбар ғазотида олинган ўлжалардан) бердилар-у, аммо бизга бермадилар. Бу ғоятда ажабланарлидур. Чунки, бизнинг қиличларимиздан Қурайш (кофирларининг) қони ҳануз томиб турган булса-ю, наҳот бизга тегишли ўлжалар уларга (яъни, Қурайш муслмонларига) берилса!» — дейишди. Бу гап Жаноб Расулуллоҳнинг қулоқларига етгач, ул зот ансорларни ҳузурларига чақиртирдилар-да: «Сизларнинг, хусусларингизда менга етказилган гап қандай гап бўлди?!» — дедилар. Ансорлар рост сўзлагувчи кишилар бўлиб, ул зотга: «Нимаики эшитган бўлсангиз, ростдур», — дейишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Одамлар уйларига ўлжалар олиб қайтсалар, сизлар эрсангиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламини уйларингизга олиб қайтсангиз, рози бўлмайсизларми?! Агар ансорлар водий ёки дара буйлаб юрсалар, мен ҳам улар юрган водий ёхуд дара буйлаб юрган бўлур эрдим!» — дедилар».

34-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Агар ҳижрат бўлмаганда ансорлардан бири бўлур эрдим!» — деб айтганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ёки Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар ансорлар водий (ёхуд дара) буйлаб йўл олсалар, мен ҳам ансорлар водийси (ёки дараси) бўйлаб йўл олган бўлур эрдим ва агар ҳижрат бўлмаганда мен ансорлардан бири бўлур эрдим!» — дедилар». (Яъни, Жаноб Расулуллоҳ

ансорларни самимий дўст, покиза қалб ва динда барқарор бўлганлари учун мақтаб, муболаға тарзида шундай дедилар).

35-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳожирлар бирлан ансорларни ўзаро ака-ука тутинтириб қўйганлари хусусида

Иброҳим ибн Саъд ривоят қиладилар: «(Муҳожирлар) Мадинага келишганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдурраҳмон ибн Авф бирлан Саъд ибн ар-Рабийъни ўзаро ака-ука тутинтириб қўйдилар. Саъд Абдурраҳмонга: «Мен ансорлар ичида энг бадавлат одамман, мол-дунёмнинг ярмини сенга инъом қилурман ҳамда менинг икки хотиним бор, улардан қайси бирини ёқтирсанг, айтгил, уни талоқ қилайин, иддаси ўтгач, унга уйлангил!» — дедилар. Шунда Абдурраҳмон Саъдга: «Оллоҳ таоло оиланг бирлан мол-дунёнга баракот ато этсин! Бозорларингиз қаерда?» — дедилар. Бану Қайнуқоъ бозори қаердалигини тушунтиришиб эрди, Абдурраҳмон бориб, тезда анчагина пишлоқ ва ёғ олиб келдилар. Кейин, эртанги кунни кутдилар. Уйланганларидан сўнг, бир куни Абдурраҳмон Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келдилар, қўлларида қандайдир сариғ доғ бор эрди. Ул зот: «Аҳволинг нечук?» — дедилар. Абдурраҳмон: «Бир аёлга уйландим», — дедилар. Ул зот: «Маҳрига қанча нарса бердинг?» — дедилар. Абдурраҳмон: «Данақдек олтин», — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган бўлиб, фақат унинг охирида Жаноб Расулulloҳнинг «Бир қўй сўйиб бўлса ҳам, зиёфат қилгил!» деган сўзлари мавжуд.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ансорлар (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида): «(Ё Расулаллоҳ), хурмозорларимизни биз бирлан муҳожирлар ўртасида бўлиб берсангиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ (келажақда Оллоҳ таоло бундай хурмозорлардан кўпини ато этажагини билганлари учун ҳамда кейинчалик ансорлар бирлан муҳожирлар ўртасида хурмозорлар хусусида бирор келишмовчилик чиқмасин, деган ниятда): «Йўқ, (бундай қилмайман)», — дедилар. Шунда ансорлар (Жаноб Расулulloҳнинг хаёлларига келган фикрни тушунишиб), муҳожирларга: «(Хурмозорларимизни парвариш қилишда) бизга ёрдам берсангизлар, бўлди, ҳосилига сизларни шерик қилурмиз», — дейишди. Сўнг, барчалари (яъни, ансорлар бирлан муҳожирлар): «Қулоқ солдик ва итоат этдик!» — дейишди. (Яъни «Жаноб Расулulloҳ уйлаган келишмовчилик чиқмаслиги учун хурмозорларни бўлишиб олмай, биргалиқда фойдаланаверамиз» — деб келишиб олишди).

36-боб. Ансорларни севмоқлик иймоннинг комил эканлиги аломатидур

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ансорларни фақат мўмин одамгина севур ва уларни фақат мунофиқ одамгина ёмон кўрур. Кимки уларни севса, Оллоҳ таоло ҳам уни севур, кимки уларни ёмон кўрса, Оллоҳ таоло ҳам уни ёмон кўрур» — деб марҳамат қилдилар».

37-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ансорларга: «Сизлар менинг учун одамларнинг энг маҳбубидурсизлар» — деб марҳамат қилганлари ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туйдан келаётган бир гуруҳ ансорий аёллару болаларни кўриб тўхтадилар-да, уларга: «Сизлар менинг учун одамларнинг энг маҳбубидурсизлар!» — деб уч бор айтдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир ансория аёл боласини кўтариб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди. Шунда ул зот унга: «Жоним кўлида бўлган зот ҳақи, сизлар менинг учун одамларнинг энг маҳбубидурсизлар!» — деб икки бор айтдилар».

38-боб. Ансорларнинг издошлари хусусида

Зайд ибн Арқам разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ансорлар: «Ё Расулаллоҳ, ҳар бир пайғамбарнинг издошлари булур. Мана биз сизга издошлик қилдик. Оллоҳ таолога дуо қилингиз, бизнинг издошларимизни ўзимиздан қилсин!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ шундай деб дуо қилдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

39-боб. Ансорлар қабилаларининг фазилатлари ҳақида

Абу Саъид разияллоҳуанҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ансорларнинг қабилалари ичида энг яхшиси Бану ан-Нажжор, кейин Бану Абд ал-Ашҳал, сўнг Бану ал-Ҳарас ибн Хазраж, кейин Бану Соъида бўлиб, барча ансорий қабилаларда хайрият мавжуддур», — дедилар».

Саъд разияллоҳу анҳу: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқаларни бизлардан (яъни, Хазраж қабиласидан) афзал кўрдилар, деб ҳисоблайман», — дедилар. Шунда: «Ул зот сизларни (ҳам) кўпчиликдан афзал кўрдилар-ку!» — дейишди».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Абу Ҳумайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (йўлда кета туриб): «Ансорлар қабилалари ичида яхшилари Бану ан-Нажжор, кейин Бану Абд ал-Ашҳал, сўнг Бану ал-Ҳарас, кейин Бану Соъида бўлиб, барча ансорий қабилаларда хайрият мавжуддур» — деб марҳамат қилдилар. Шу аснода Саъд ибн Убода ортимиздан етиб келиб эрди, Абу Усайд (фахрланиб унга): «Жаноб Расулulloҳ ансорий қабилаларнинг яхшиларини айта туриб, бизни улар ичида энг яхшиси деганларига нима дейсан?!» — деди. Шунда Саъд Жаноб Расулulloҳга етиб олди-да: «Ё Расулаллоҳ, ансорлар қабилалари ичида қайсилари афзал эканлигини айтаётиб, бизни кейинроқ тилга олибсиз», — деди. Жаноб Расулulloҳ унга: «Яхшилар қаторида эканлигининг ўзи сизларга кифоя эмасми?!» — деб жавоб қиддилар».

40-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ансорларга: «Ҳавзи Кавсар бўйида мени учратгунингизга қадар сабр қилингизлар!» — деб айтганлари ҳақида

Усайд ибн Ҳузайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир ансорий: «Ё Расулаллоҳ, фалончини омил (закот йигувчи) қилганингиз каби, мени ҳам омил қилмайсизми?» — деди. Шунда ул зот: «Мен вафот қилганимдан кейин сизлардан ўзгаларни афзал кўргувчи ҳамда сизларни давлат ва мол-дунё хусусида четлатиб қўйгувчи кишиларни учратурсизлар. Ҳавзи Кавсар бўйида мени учратгунингизга қадар сабр қилингизлар!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ансорларни (синамоқ учун) Баҳрайн ерларидан уларга иқтоъ (улуш) бермоқчи бўлиб эрдилар, улар: «Токи бизга улуш берганингиз каби муҳожир биродарларимизга ҳам улуш бермас эркансиз, биз ўз улушимизни олмаймиз»,— дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Мен вафот қилганимдан кейин сизлардан ўзгаларни афзал кўргувчи ҳамда сизларни давлат ва мол-дунё хусусида четлатиб қўйгувчи кишиларни учратурсизлар. Ҳавзи Кавсар буйида мени учратгунингизга қадар сабр қилингизлар!» — дедилар».

41-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: «Ё, парвардигоро, ансорлар ва муҳожирларни солиҳ бандаларингдан қилгил!» — деб дуо қилганлари ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (Хандақ куни) бундан деб байт ўқидилар:
«Охиратдин йўқ эрур ўзга ҳаёт ҳеч, мутлақо,
Барча ансор, ҳижрат аҳлин айла солиҳ, раббано!»

Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Анас ибн Молик Жаноб Расулulloҳнинг бундай деб байт ўқиганларини эшитган эрканлар:
«Охиратдин йўқ эрур ўзга ҳаёт ҳеч, мутлақо,
Барча ансор, ҳижрат аҳлин кеч гуноҳин, раббано!»

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Хандақ куни ансорлар бундай деб байт ўқишди:
«Қилиб байъат Муҳаммадга деганмиз:
Жиход айлағаймиз токи бормиз!»
Жаноб Расулulloҳ уларга жавобан бундай деб байт ўқидилар:
«Охиратдин йўқ эрур ўзга ҳаёт ҳеч, мутлақо,
Барча ансор, ҳижрат аҳлин қил мукаррам, раббано!»

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз хандақ кавлаб, туфроғини елкаларимизда ташиб турганимизда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам келиб, бундай деб байт ўқидилар:
«Охиратдин йўқ эрур ўзга ҳаёт ҳеч, мутлақо,
Барча ансор, ҳижрат аҳлин кеч гуноҳин, раббано!»

42-боб. Оллоҳ таолонинг «...ўзларида эҳтиёж була туриб, (бошқаларни) ўзларидан афзал кўрурлар» деган қавли хусусида («Ҳашр» сураси, 9-оят)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши (бир меҳмон) Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб эрди, ул зот уни аёллари олдига (яъни, уйларига) юбордилар. Аёллари (меҳмонни олиб борган кишига): «Бизнинг сувдан бўлак нарсамиз йўқ», — дейишди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (саҳобаларга): «Ким бу кишини меҳмон қила олади?» — дедилар. Шунда ансорлардан бири: «Мен», — дедилар-да, меҳмонни хотинлари олдига (яъни, уйларига) олиб бориб, хотинларига: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг меҳмонларини (уйда бор егуликлар бирлан) сийлагил!» — дедилар. Хотинлари: «Уйимизда болаларимга олиб қуйган овқатдан бўлак ҳеч вақо йўқ», — деди. Ансорий: «Ушал овқатингни келтир-да, чироғингни ёқ, агар болаларинг овқат тилашса, уларни ухлатиб қўя қол!» — дедилар. Хотинлари таомни келтириб, чироғини ёқди-да, болаларини ухлатди. Сўнг, гўё чироғининг (пилигини) тўғрилаётгандек бўлиб, уни (атайлаб)

ўчириб қўйди. Эру хотин иккалалари (қоронғуда) меҳмоннинг кўзига гўёки овқатдан еяётгандек ҳаракат қилишиб, қўлларини дам идишга, дам оғизларига олиб бориб туришди, сўнг тўйгандек таомдан қўлларини тортишди. Эртасига тонгда ансорий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб эрдилар, ул зот: «Оллоҳ таоло бу кеча эру хотин иккалангиз қилган ишларингиздан (мамнун бўлиб) хўб кулди ва «...ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (бошқаларни) ўзларидан афзал кўрурлар. Бас, ўз нафсининг хасислигидан сақлана олганлар — нажот топгувчилардурлар» деган ояти каримасини нозил қилди», — дедилар».

43-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Уларнинг (яъни, ансорларнинг) яхшиларига яхшилик қилиб, ёмонларини афв этингизлар!» — деб айтганлари ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр ва Аббос разияллоҳу анҳумо ансорларнинг йиғинларидан бирига келишди. Шунда (Жаноб Расулulloҳ оғир бетоб бўлиб), улар йиғлаб ўлтиришган эрди. Абу Бакр (ёки Аббос): «Нечун йиғлаётирсизлар?» — деб сўрадилар. Ансорлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўзимиз ўтказган йиғинларни (суҳбатларни) кўмсаб (ва ул зот вафот этиб қолсалар, суҳбатларидан маҳрум бўлиб қолмоғимизни уйлаб) йиғлаётирмиз», — дейишди. Кейин, Абу Бакр (ёки Аббос) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кириб, ансорларнинг бул гапларини ул зотга маълум қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини чопонлари бирлан ўраб (ёпиб) ансорларнинг олдига чиқдилар-да, минбарга ўлтирдилар. Бундан сўнг минбарга ўлтириш ул зотга бошқа насиб этмади. Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтгач, бундай деб марҳамат қилдилар: «Ансорлар хусусида сизларга (яъни, муҳожирларга) васиятим шуки, улар менинг сирим ва омонатим (қалъаси) бўлиб, (ўзларига жаннатдан жой ато этилажаги учун Ақаба кечаси қилган байъатларига биноан мен бирлан муҳожирларга бошпана ва кўмак беришиб), ўз зиммаларидаги вазифани адо этиб бўлишди. Энди эрса уларга берилиши лозим бўлган нарсагина қолди, холос. (Яъни, ўзларига ваъда қилинган жаннатга кирмоқларидан бўлак юмушлари қолмади). Уларнинг яхшиларига яхшилик қилиб, ёмонларини афв этингизлар!».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бетоблик вақтларида) елкаларига бир чойшабни ташлаб ҳамда (бошларини) қора белбоғ бирлан танғиб олиб (ҳовлига) чиқдилар-да, минбарга бориб ўлтирдилар. Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтгач, бундай деб марҳамат қилдилар: «Аммо баъд, эй инсонлар, (келгусида араб ва ажам қабилалари Исломга кириши туфайли мусулмон) одамлар сони кўпайиб, ансорлар улар орасида, оз бўлганлари сабабидан, бамисоли таомдаги туз каби (миқдорда) бўлиб қолурлар. (Эй муҳожирлар), қайси бирингиз бировга зарар ва бировга манфаат етказувчи мансабга ўлтирсангиз (яъни, «халифа ёки амир булсангиз»), ансорларнинг яхшиларига яхшилик қилиб, ёмонларини афв этингиз!».

Бу ерда Анас разияллоҳу анҳунинг юқоридаги ривоятлари такрорланган.

44-боб. Саъд ибн Муоз разияллоҳу анҳунинг маноқиблари ҳақида

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир ипак ҳулла (иштон ва куйлак) ҳадя қилишди. Жаноб Расулulloҳнинг саҳобалари ҳулланинг нафислигидан таажжуб қилишиб уни қўллари бирлан ушлаб кўраётган эрдилар, ул зот уларга: «Бунинг нафислигидан таажжуб қилдингизларми? Саъд ибн Муознинг (жаннатдаги) рўмолчаси бундан яхшироқдур!» — дедилар».

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Саъд ибн Муоз ўлганида (унинг руҳи келаётганини фаришталарга маълум қилиш учун) Арш (шодиёна) бир тебраниб қўйди» — деб айтганларини эшитдим».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланган.

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Муозга бир гуруҳ одамлар (яъни, Бану Қурайза мушриклари) устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилиб, Жаноб Расулуллоҳ унга одам юбордилар. Саъд бир эшакни миниб, масжидга яқин келганида, ул зот одамларга (яъни, ансорларга): «Яхшиларингиз (ёки улуғларингиз) (ҳурмати) учун ўрнингиздан турингизлар!» — дедилар. Сунг: «Эй Саъд, манави (Бану Қурайза мушриклари) устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи сенга берилди», — деб айтдилар. Саъд: «Уларнинг урушга яроқли (эркаклари) ўлдирилсин, хотин ва болалари эрса, асир қилинсин!» — деб ҳукм қилдилар. Шунда ул зот: «Оллоҳ таоло юборган (ёки фаришта келтирган) ҳукмга мувофиқ ҳукм қилдинг», — дедилар».

45-боб. Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бушр разияллоҳу анҳумо маноқиблари ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қоронғу кечалардан бирида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки саҳобалари (Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бушр) ул зотнинг ҳузурларидан чиқишди. Шунда икки чироқсимон нарса ҳам биргалиқда чиқиб, уларнинг йўлларини ёритиб борди. Иккалалари ажралишганда икки чироқсимон нарса ҳам айрилиб, ҳар бири бир саҳобани уйига қадар кузатиб қўйди». (Бу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидан бири бўлиб, уз саҳобаларига курсатган иззат-икромлари белгиси эрди).

46-боб. Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳунинг маноқиблари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуръонни тўрт киши— Ибн Масъуд, Абу Ҳузайфанинг мавлоси Солим, Убай ва Муоз ибн Жабалдан урганингизлар!» — деб марҳамат қилдилар».

Саъд ибн Убода разияллоҳу анҳунинг маноқиблари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «У (яъни, Саъд ибн Убода) бундан илгари (яъни, менга тўхмат қилганларнинг ёнини олмасидан бурун) солиҳ киши эрди», — дейдилар.

Абу Усайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ансорлар қабилалари ичида яхшилари — Бану ан-Нажжор, сўнг Бану Абд ал-Ашҳал, кейин Бану ал-Ҳарас ибн ал-Хазраж, сўнг Бану Соъида бўлиб, барча ансорий қабилаларда хайрия! мавжуддур», — дедилар. Исломга бошқаларга нисбатан анча илгари кирган (Хазраж қабиласи бошлиғи) Саъд ибн Убода: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бошқа ансорий қабилаларни) биздан афзал кўрибдилар, деб ўйлайман», — деди. Шунда унга: «Сизларни (ҳам) кўпчилик одамлардан афзал кўрдилар-ку!» (яъни, «Сизлардан кейин бошқа қабиланинг номини ҳам айтдилар-ку!») — дейишди».

47-боб. Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳунинг маноқиблари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қуръонни тўрт киши — (энг аввал) Абдуллоҳ ибн Масъуд, сўнг Ҳузайфанинг мавлоси Солим, Муоз ибн Жабал ва Убай ибн Каъбдан ўрганингизлар!» — деб айтганларини эшитдим».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъбга: «Оллоҳ таоло сенга «Лам йақуниллазийна кафаруу» (яъни, «Баййина сурасини) ўқиб бермоғимни амр қилди», — дедилар. Убай «Оллоҳ таоло сизга менинг номимни айтдимиз?» — дедила Ул зот: «Ҳа», — дедилар. Шунда Убай (Оллоҳ таолонинг улугъ неъматидан хурсанд бўлганларидан ёки бундайн у неъматга яраша шукргузор бўла олармиканман, деб хавотир олганларидан) йиғлаб юбордилар». (Бу ерда Жаноб Расулуллоҳнинг ўта камтарин эканликларига ҳаттоки ўзлари пайғамбар бўла туриб, саҳобалари олдида Қуръон қироатини кўриқдан ўтказиб турганларига ҳамда Убай ибн Каъбнинг Қуръонни ёд олиш ва уни чиройли қироат қилишда моҳир эканларига ишора қилинади)

48-боб. Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳунинг маноқиблири ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Қуръонни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида барчалари ансорлардан бўлмиш тўрт киши - Убай, Муоз ибн Жабал, Абу Зайд ва Зайд ибн Собит жамъ қилдилар» - дедилар. Шунда Анасга: «Абу Зайд ким?» — дойишди, Анас: «Амакиларимдан бири (яъни Авс)», — дедилар». (Айрим уламолар: «Мазкур ҳадисда Жаноб Расулуллоҳнинг даврларида Қуръонни ёд олганлар юқоридаги тўрт киши эканлиги ёки Қуръонни фақат ансорий қабилага мансуб бўлганлар жамъ қилганлиги назарда тутилган бўлса керак», — дейишади).

49-боб. Абу Талҳа разияллоҳу анҳунинг маноқиблири ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Уҳуд воқеаси куни одамлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ташлаб қочиб, Абу Талҳагина (теридан қилинган) қалқонлари бирлан ул зотни ҳимоя қилиб қолдилар. Абу Талҳа камонни ниҳоятда қаттиқ тортиб отгувчи мерган киши эрдилар, ўшал куни икки ёки уч камонни синдириб қўйдилар. Шунда бир киши ўқ тўла садоқ бирлан Абу Талҳанинг ёнларидан ўтиб, кетаётган эрди, Жаноб Расулуллоҳ унга: «Садоғингдаги ўқларни Абу Талҳага ташлаб кет!» — дедилар. Сўнг, ул зот қадларини ростлаб, душманлар томонга қарадилар, душманлар эрса тинмай ўқ узиб туришар эрди. Абу Талҳа: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсинлар, қаддингизни кўтармангиз, тағин душманлар отаётган ўқлардан бирортаси сизга тегиб кетмасин, (илоҳо), сизнинг кўксингизга (отилган ўқ) менинг кўксимга (қадалсин!)» — дедилар. Кейин, мен Оиша бинти Абу Бакр бирлан (Абу Талҳанинг хотинлари) Умму Сулаймни кўрдим, иккалалари кўйлақлари этагини (бир оз) шимариб олишган бўлиб, уларнинг тўпиқларига кўзим тушди, (бу «Ҳижоб» ояти нозил бўлмасидан илгари булган эрди). Иккалалари оғир мешларни орқалаган ҳолда қоқилиб-суқилиб (ярадор) мусулмонларнинг олдига боришар ва уларнинг оғизларига сув қуйишар эрди. Кейин, ортларига қайтишиб, мешларни сувга тўлдиришар, сўнг яна (ярадор) мусулмонларнинг олдига келишиб, уларнинг оғизларига сув қуйишар эрди. (Ўшал куни, яъни Аллоҳ таоло мусулмонларни хотиржам қилиш ва уларнинг дилларидан шайтон васвасасини кетказиш учун ором уйқусини нозил қилган Уҳуд воқеаси куни) Абу Талҳанинг қўлларидан қиличлари икки ёки уч марта тушиб кетди».

50-боб. Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳунинг маноқиблири ҳақида

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (жаннати эканлиги башорат қилинган ўн киши оламдан ўгач), Абдуллоҳ ибн Саломдан бўлак ҳозир ер юзида юргувчи бирор кишига жаннати эканлигини айтганларини эшитмаганман. Оллоҳ таоло унинг хусусида «...Бану Исроилдан бўлган бир гувоҳ ҳам гувоҳлик бериб...» деган ояти каримасини нозил қилган («Аҳқоф» сураси, 10-оят)».

Қайс ибн Аббод разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Мадина масжидида эканлигимда нимадандир қўрққани юзидан яққол ссзилиб турган бир киши (яъни, Абдуллоҳ ибн Салом) кириб келдилар. Шунда одамлар: «Бу киши жаннат аҳлидандур» — деб айтишди. Ўшал киши қисқагина икки ракъат намоз ўқиб, масжиддан чиқдилар. Мен кетларидан бориб: «Сиз боя масжидга кириб келганингизда одамлар: «Бу киши жаннат аҳлидандур» — деб айтишди»,— дедим. Ул киши бундай дедилар: «Оллоҳ таоло ҳақи, бирор одам ўзи билмаган нарса хусусида гапирмаслиги лозим! Энди, мен сенга нечун мени жаннати дейишларининг боисини айтиб берайин: мен Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик вақтларида бир туш кўрдим. Кейин, уни ул зотга айтиб бердим. Тушимда мен гўёки бир ям-яшил, бепоён боғда турган эрмишман. Боғнинг ўртасида бир темир устун бўлиб, бир учи ерда ва иккинчи учи осмонда эрмиш. Унинг тепасида бир тугун бор бўлиб, менга: «Устунга тирмашиб чиқ!» — дейилди. Мен: «Чиқа олмайман», — дедим. Шунда бир хизматкор келиб, мени кийимимнинг ёқасидан кўтариб устунга чиқариб қўйди, мен унинг тепасига тирмашиб чиқдим-да, тугунни (маҳкам) ушлаб олдим. Менга: «Уни қўлингдан чиқарма!» — дейилди. Сўнг, мен тугунни (маҳкам) ушлаганча уйғониб кетдим. Тушимни Жаноб Расулуллоҳга айтиб берганимда, ул зот: «Ўшал боғ Ислом боғи (яъни, Исломга тааллуқли барча нарсалар боғи) бўлиб, ушал устун Ислом устунидур (яъни, Исломнинг беш рукни ёки фақат калимаи шаҳодатнинг ўзидур), ўшал тугун эрса, иймондур. Ўзинг хусусинга келсак, ўлгунингга қадар Исломда барқарор бўлурсан» — деб марҳамат қилдилар».

51-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Хадичага уйланишлари ва Хадича разияллоҳу таоло анҳонинг фазилатлари ҳақида

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «(Дунё аҳли) аёлларининг (ўз замонасидаги) яхшиси Марям бинти Имрондур, (менинг умматим) аёлларининг яхшиси эрса (мўминлар онаси) Хадичадур» — деб айтганларини эшитдим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Хадичадан рашк қилганчалик бирорта хотинларидан рашк қилган эрмасман. Хадича Жаноб Расулуллоҳ менга уйланмасларидан бурун, ул зот унинг ҳақида эслаб юрганларини эшитганим кезларда вафот қилган эрди. Оллоҳ таоло Хадичага унинг учун жаннатда шакар қамишдан бир уй ҳозирлаб қўйилгани ҳақида хушxabар етказмоқни ҳамда имкони булганда қўй сўйиб, гўштидан дугоналарига: истаганларича тортиқ қилмоқни Жаноб Расулуллоҳга амр қилган».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Хадичадан, ҳадеб уни эслайверганлари учун, рашк қилганимчалик бирорта хотинларидан рашк қилган эрмасман. Жаноб Расулуллоҳ Хадича вафот этганидан уч йил кейин менга уйланганлар. Оллоҳ таоло (ёки Жаброил алайҳиссалом) Хадичага унинг учун жаннатда шакар қамишдан бир уй ҳозирлаб қўйилгани ҳақида хушxabар етказмоқни ул зотга амр қилгандур».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен ўзим Хадичани кўрмаган бўлсам-да, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ул аёлдан рашк қилганчалик бирорта

хотинларидан рашк қилган эрмасман. Чунки, ул зот Хадичани кўп эслаб ҳамда тез-тез қўй сўйиб, гўштини унинг дугоналарига юбориб турар эрдилар. Мен ул зотга: «Сиз учун гўё дунёда Хадичадан бўлак аёл йўқдек!» — дедим. Ул зот: «Дарҳақиқат, Хадича (фозила) эрди, (оқила) эрди. Ундан менинг фарзандим бўлган эрди», — дедилар». (Жаноб Расулulloҳнинг Иброҳим исмли ўғилларидан бўлак барча фарзандлари Хадича онамиздан туғилгандур).

Исмоил разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Авфога: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадичага башорат қилдиларми?» — дедим. У: «Ҳа, шакар қамишдан бунёд этилган бир уй хусусидаки, унда на ташвиш ва на машаққат бор», — деди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, Хадича сизга бир идишда нонхуруш (ёки таом ёки шарбат) олиб келибди, агар (яна) келса, унга парвардигоридан ва мендан салом айтингиз ҳамда унга башорат қилингизки, унинг учун жаннатда шакар қамишдан бир уй ҳозирлаб қўйилган бўлиб, унда на ташвиш ва на машаққат бор», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Хадичанинг синглиси Ҳола бинти Хувайлид Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирмоққа ижозат сўради. Жаноб Расулulloҳ унинг изн сўрагандаги овозини (марҳума) Хадичанинг овозига ўхшатганларидан ғалати бўлиб, титраб кетдилар-да: «Вой, худойимай, Ҳолани (Хадича) деб уйлабман!» — дедилар. Шунда мен рашк қилиб: «Тишлари тўюшиб, оғзида қизил милкидан бўлак нарса қолмаган, бир замонлар ўлиб кетган қурайшлик бир кампирнинг нимасини эслайсиз! Ахир, Оллоҳ таоло сизга унинг ўрнига ундан яхшироғини (яъни, мени) ато этган-ку!» — дедим».

52-боб. Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ҳақлари

Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жоҳилият даврида «Зул-Халаса» деган бир уй булар эрди. Уни «Ал-Каъба ал-Иамонийя» ёки «Ал-Каъба аш-Шомийя» деб ҳам аташар эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Сен мени «Зул-Халаса»дан қутқармайсанми?» — дедилар. («Зул-Халаса» Жарирнинг юртларидаги бир бутхона бўлиб, ул зотга озор бериб турган эрди. Шул боисдан ушал юртнинг улўғларидан бўлмиш Жарирга уни вайрон қилмоқни амр қилаётирлар). Сунг, мен Аҳмас қабиласига мансуб бир юз эллик отлиқни олиб, «Зул-Халаса»га бордим, уни вайрон қилиб, ул ерда учраган кишини ўлдирдик. Кейин, қайтиб келиб, ул зотга шул ҳақда хабар қилдик. Ул зот бизга (яъни, Аҳмас қабиласи отлиқларига) ва (бутун) Аҳмас қабиласига Оллоҳ таолодан баракот тилаб дуо қилдилар».

53-боб. Ҳузайфа ибн ал-Йамон ал-Абасий разияллоҳу анҳу ҳақларида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Уҳуд (воқеаси) куни мушриклар енгилиб, тумтарақай қочишди. Шунда иблис (мусулмонларга): «Эй Оллоҳнинг бандалари, ортингиздагилардан эҳтиёт бўлингизлар!» — деб сайҳа тортиб эрди, мусулмонларнинг олдинги қатордагилари ортларидагиларга ўгирилиб уларга қарши жангга киришиб кетишди. Бир маҳал Ҳузайф (уларнинг орасида) оталарини кўриб қолдилар-да: «Эй мусулмонлар, бу менинг отам, бу менинг отам!» — деб қичқирдилар. Аммо, Оллоҳ таоло ҳақи, улар ўзларини тўхтатолмай, Ҳузайфанинг отасини ўлдириб қуйишди. Ҳузайфа уларга: «Оллоҳ таоло сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилсин!» деб қўя қолдилар ва то Оллоҳ таолога рўбарў бўлгунлари қадар ҳам уларга яхшилик қилавердилар».

54-боб. Ҳинд бинти Утба ибн Рабийъа разияллоҳу анҳо ҳақларида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Абу Суфённинг хотини) Ҳинд бинти Утба келиб: «Ё Расулаллоҳ, илгарилари мен Ер юзидаги бирор чодир аҳлининг сизнинг чодирингиз аҳлидан тубанроқ бўлмоғини истамас эрдим. Аммо, бугун мен Ер юзидаги бирор чодир аҳлининг сизнинг чодирингиз аҳлидан азизроқ бўлмоғини истамай қолдим», — деди. Жаноб Расулаллоҳ: «(Оллоҳ таоло бирлан унинг Расулига муҳаббатинг ортгани сайин иймонинг) тобора зиёда бўлур, жоним қўлида бўлган зот ҳақи!» — дедилар. Ҳинд бинти Утба: «Ё Расулаллоҳ, Абу Суфён мумсик одам, болаларимизни (оиламизни) боқиш учун (унга билдирмай) молидан олсам, менга гуноҳ бўлмайдими?» — деди. Жаноб Расулаллоҳ: «Инсоф бирлан ўзингга ва болаларингга етарлича олгил!» — дедилар.

55-боб. Зайд ибн Амр ибн Нуфайл хусусларидаги ҳадис

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайд ибн Амр ибн Нуфайлни Балдах деган ернинг қуйроғида, ҳали ўзларига ваҳий келмасидан бурун учратдилар. Шунда (қурайшликлар) ул зотга йўлда ейиш учун тайёрлаб олинган таомни келтиришиб эрди, Зайд ибн Амр уни емоқдан бош тортдилар-да, (таом келтирган қурайшликларга): «Мен сизлар ўз бутларингизга атаб қурбон қилган жонлиғ гўштини емасман, фақат Оллоҳ таоло исми айтилиб сўйилган жонлиғ гўштини егайман», — дедилар. Дарҳақиқат, Зайд ибн Амр Қурайш аҳлини (бутларга атаб) жонлиғ қурбон қилгувчи булганлари учун қоралаб: «Қўйни Оллоҳ таоло яратгандур. Унинг учун осмондан сув нозил қилиб, ердан ўт ўланлар ўстириб қўйган ҳам Оллоҳ таолодур: Сизлар бўлсангизлар буни инкор қилиб ҳамда Оллоҳ таолодан (бутларингизни) афзал кўриб, қўйларингизни Оллоҳдан бўлак нарсанинг номини атаб қурбон қилурсизлар» — дер эдилар». (Бу ерда Жаноб Расулаллоҳнинг ушал таомдан еганлари айтилмаган. Башарти еган бўлсалар, жоҳилият аҳлида Иброҳим алайҳиссалом динларининг шарийати бир оз бўлса-да, сақланганлигини билганлари учун еган бўлишлари мумкин. Чунки, Иброҳим алайҳиссалом динлари шарийатида Оллоҳ таолонинг номини айтиб сўйилмаган жонлиғ гўштини эмас, балки ҳаром ўлган жонлиғ гўштини емоқ манъ қилингандур. Оллоҳ таодо исмини айтиб сўйилмаган жонлиғ гўштини ҳаром қилгувчи оят эрса, ислом даврида нозил бўлгандур).

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Зайд ибн Амр ибн Нуфайл (жоҳилият даврида яшаб, Исломдан бурун вафот қилган бўлиб, бир куни) кўнглига тўғри келадиган бирор дин тўғрисида суриштириб билмоқ ва унга кирмоқ ниятида Шом тарафга йўл олди. Йўлда бир яҳудий (дин) олимга дуч келиб, уларнинг дини хусусида суриштирди. Шунда Зайд унга: «Эҳтимол, мен сизларнинг динингизга кирарман, менга дининг тўғрисида сўзлаб бер», - деди. Яҳудий: «Токи Оллоҳнинг ғазабидан ўз насибангни олмас эркансан бизнингдинимизда бўла олмассан (Яъни, бизнинг динимиз Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлар дини)» - деди. Зайд: «Мен фақат (айнан) Оллоҳ таолонинг ғазабидан қочурман ҳамда Оллоҳ таолонинг ғазабидан заррачасини то абад зиммамга олмасман, мен шунга қодирдурман. Менга, бундан бошқа бирор дин хусусида айтиб беролмайсанми?» - деди. Яҳудий: «Шундай бир дин борки, мен ўшанигина ҳақиқий дин деб билурман», — деди. Зайд: «У қандай дин?» - деди. Яҳудий: «Будин Иброҳимнинг дини бўлиб, Иброҳим на яҳудий ва на насроний бўлган, у фақат Оллоҳгагина ибодат қилгандур», — деди. Кейин, Зайд яна йўлда давом этиб бир насроний (дин) олимга йўлиқди, унга ҳам яҳудийга айтган гапларини айтди. Шунда насроний: «Токи Оллоҳнинг лаънатидан ўз насибангни олмас эркансан, бизнинг динимизда бўла олмассан (яъни, бизнинг динимиз Оллоҳнинг лаънатида дучор бўлганлар дини)», — деди. Зайд: «Мен фақат (айнан) Оллоҳ таолонинг лаънатидан қочурман ҳамда Оллоҳ таолонинг лаънатидан ҳам, ғазабидан ҳам заррачасини то абад зиммамга олмасман, мен шунга қодирдурман. Менга бундан бошқа бирор

дин хусусида айтиб беролмайсанми?» - деди. Насроний: «Шундай бир дин борки, мен фақат ўшанигина, ҳақиқий дин деб билурман», — деди. Зайд: «У қандай дин» - деди. Насроний: «Бу дин Иброҳимнинг дини бўлиб, Иброҳим на яҳудий ва на насроний бўлган, у фақат Оллоҳгагина ибодат қилгандур», — деди. Зайд яҳудий бирлан насронийнинг гапларидан Иброҳим алайҳиссаломнинг динлари ўзи истаган дин эканлигини тушуниб, ортига қайтди-да, (Байтуллоҳ) кўрингач, икки қўлини кўтариб: «Ё парвардигоро, дарҳақиқат мен Иброҳим динига кирдим, деб сенга шаҳодат келтирурман!» — деди».

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Зайд ибн Амр ибн Нуфайлни кўрдим, у Каъбага орқаси бирлан суюниб туриб: «Эй Қурайш аҳли! Оллоҳ таоло ҳақи, мендан бўлак бирортангиз Иброҳим динида эрмассиз!» — дер эрди. Бунинг устига у тириклайин кўмиб юбориладирган қизни ўлимдан сақлаб қолишга ҳаракат қилар эрди. Агар бирор киши ўз қизини (тириклайин кўмиб) ўлдиришга қасд қилган бўлса, Зайд унга: «Қизингни ўлдирма, мен сени уни боқиш юмушидан озод қилурман» — дерди-да, қизни ўзи бирлан олиб кетар ва қиз вояга етгач, отасига: «Агар истасанг, қизингни ўзинга қайтариб берурман ва агар истамасанг, (бундан кейин ҳам) сени уни боқиш ташвишидан озод қилурман» — деб айтар эрди».

56-боб. Каъбанинг (жоҳилият даврида, Жаноб Расулulloҳ пайғамбар қилиб юборилмасларидан илгари) таъмирланиши хусусида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Каъба қуриладиган (яъни, таъмирланаётган) вақтда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Аббос тош ташишаётган эрди. Шунда Жаноб Расулulloҳга амакилари Аббос: «Тош ботмаслиги учун изорингизни (иштонингизни ечиб) бўйнингизга (елкангизга) қўйиб олингиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ (изорларини ечиб, бўйинларига қўйганлари ҳаманоқ) ерга қуладилар, кўзлари осмонга термулиб (орқасига кетиб) қолди. Сунг, ўзларига келиб: «Изорим (қани), изорим (қани)?» — дедилар. Одамлар изорларини олиб беришди».

Амр ибн Динор ва Абдуллоҳ ибн Абу Язид ривоят қилишади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида Байтуллоҳ атрофида девор бўлмаган. Одамлар Байтуллоҳ атрофида намоз ўқишар эрди. Ҳазрат Умар (халифа) бўлганларида унинг атрофига девор қурдилар».

57-боб. Жоҳилият кунлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ошуро куни Қурайш жоҳилият даврида рўза тутадирган кун бўлиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шу куни рўза тутар эрдилар. Ул зот Мадинага келганларида Ошуро куни ўзлари ҳам рўза тутдилар, саҳобаларга ҳам рўза тутмоқни буюрдилар. Сўнг, Рамазон рўзасини тутмоқлик хусусида оят нозил бўлгач, (ул зот Ошуро рўзасини тарк қилдилар), уни истаганлар тутиб, истамаганлар тутмайдирган бўлди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Жоҳилият аҳли) ҳаж ойларида умра қилмоқни дунёда энг оғир гуноҳлардан бири деб эътиқод қилишар эрди. Шул боисдан ҳам улар Муҳаррам ойини (атайлабдан) «Сафар ойи» деб аташиб: «Агар туянинг (ҳаж вақтида ҳосил бўлган) яғири бутунлай тузалиб, изи ҳам қолмаса ҳамда (ўзлари атайлабдан «Сафар ойи» деб ном қўйиб олган Муҳаррам) ойи тугаса, умрага ният қилган кишига умра қилмоқ мумкин бўлур» — дейишар эрди.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда ул зотнинг саҳобалари (Зул-Ҳижжа

ойнинг) тўртинчи куни (тонгда) ҳажга талбия айтиб келишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ саҳобаларга ҳажни умрага айлантормоқни амр қилдилар (ҳамда ҳажда мумкин бўлмаган барча ишларни қилмоқлик жоиз эрканлигини айтдилар). Бу эрса саҳобаларга маъқул келмади, (чунки улар ҳаж ойларида умра қилмоқни энг огир гуноҳлардан бири, деб эътиқод қилишар эрди). Саҳобалар (Жаноб Расулulloҳ уларнинг бу эътиқодлари жоҳилият аҳли эътиқоди эканлигини тушунтирганларидан сўнг): «Ё Расулаллоҳ, барча ишлар рухсат қилинадими, (ҳаттоки аёлларни жимоъ қилмоқ ҳамми)?» — дейишди. Ул зот: «Барча ишлар», — дедилар».

Қайс ибн Абу Ҳозим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Бакр ас-Сиддиқ Аҳмас қабиласига мансуб бир аёлнинг ҳузурига кирдилар, уни Зайнаб деб аташар эрди. Абу Бакр ўшал аёлнинг ҳеч ким бирлан гаплашмай ўлтирганини кўриб: «Бу аёл нечун гапирмаётир?» — дедилар. Одамлар: «Ҳеч ким бирлан сўзлашмай ҳаж қилмоқни ният қилган», — дейишди. Абу Бакр аёлга: «Одамлар бирлан сўзлаш, Ислом бундай қилмоғишта рухсат бермайди, бу жоҳилият аҳлининг ишидур», — дедилар. Шунда аёл сўзлай бошлади-да, Абу Бакрга: «Сиз кимсиз?» — деди. Абу Бакр: «Муҳожирлардан бириман», — дедилар. Аёл: «Қайси муҳожирларнинг (бирисиз?)» — деди. Абу Бакр: «Қурайшга мансуб (муҳожирларнинг бириман)», — дедилар. Аёл: «Қурайшнинг қайси қабиладансиз?» — деди. Абу Бакр: «Бирам эзма экансан, мен Абу Бакрман», — дедилар. Аёл: «Оллоҳ таоло жоҳилиятдан кейин ато этган бул солиҳ ишда (яъни, Исломда) қай вақтга қадар қолурмиз?» — деди. Абу Бакр: «Имомларингиз қанча вақт ҳақ йўлдан озмай сизларга раҳбарлик қилсалар, шунча вақт бу динда барқарор қолурсизлар», — дедилар. Аёл: «Имомлар ким?» — деди. Абу Бакр: «Қавмингнинг сизларга буйруқ берадирган ва сизлар итоат қиладирган бошлиғу улуғлари бўлмаганми?» — дедилар. Аёл: «Ҳа, бўлган», — деди. Абу Бакр: «Ана ўшалар одамларга раҳбар (имом)дурлар», — дедилар».

Ҳишомнинг оталари Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Араб қабилаларидан бирига мансуб бир қора аёл Исломга кирди. Унинг масжид ҳовлисида бир кулбаси бўлиб, бизнинг ҳузуримизга келиб суҳбатлашиб турар эди. Бир куни у гапи тугагач:

*«Вишоҳ куни раббимниш ажойиботларидан,
Мени ўзи қутқарди куфур исканжасидан...» —*

дея шеър ўқий бошлади. Шунда Оиша онамиз эзмалик қилаверганидан уни тўхтатиб: «Вишоҳ куни қандай кун?» — дедилар. Бояги аёл бундай деб ҳикоя қила кетди: «Бир куни Жувайрия бўйнига вишоҳ (қимматбаҳо тошлар қадалган ҳалқасимон тери ёки мато) тақиб олиб, бир неча қанизаклари бирлан айлангани чиқиб эрди, (вишоҳи узилиб, ерга) тушди. Ногаҳон бир қуш учиб келди-да, вишоҳни гўшт деб уйлаб олиб қочди. Шунда ҳаммалари мени ўғри қилишиб, менга кўп азоб беришди, иш шунгача етиб бордики, ҳатто олдимни ҳам қараб кўришди. Сўнг, улар атрофимда туриб (менга тазйиқ қилаётган) ва мен (не қиларимни билмай) хафа бўлиб турган бир маҳалда бояги қуш яна учиб келди-да, тепамизга етганда вишоҳни ерга ташлади. Улар вишоҳни олишди. Шунда мен: уларга: «Мана ўша сизлар мени ўғри қилиб (қидирган) нарса, ваҳоланки уни мен ўғирламаган эрдим!» — дсдим».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қасам (онт) ичмоқчи бўлса, фақат Оллоҳ таолонинг номини (ёки сифатларини) айтиб қасам ичсин!» — дедилар, Чунки, Қурайш аҳли оталарининг номини айтиб қасам ичар эрди. Шул боисдан ул зот уларга қарата: «Оталариншз номини айтиб (ўртага қўйиб) қасам ичмангизлар!» — дсдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жоҳилият аҳли жанозани (яъни, одамлар тобутда кўтариб кетаётган маййитни) ҳурмат қилишиб ўринларидан туришар эрди-да: «Куни

кеча оилангда эканлигингда уйингда бўлган эрдим» — деб икки бор айтишар эрди.

Умар разияллоху анху ривоят қиладилар: «Мушриклар (ҳаж вақтида) токи Қуёш нури Сабийр тоғига тушмагунча Жамъдан тушиб келишмас эрди. Расулulloх салоллоху алайҳи васаллам эрсалар уларнинг ана шу одатларига хилоф равишда Қуёш чиқишидан бурун тушиб келдилар».

Икрима разияллоху анху: «(«Набаъ» сурасининг 34 оягидаги) «Каъсан диҳоқан» — «Лиммолим қадах(лар) басма-бас (узатилиб туради)» деган маънодадур» — дсйдилар.

Ибн Аббос разияллоху анху: «Жоҳилият даврида мен отамнинг «Бизга қадахларни тўлдириб тўлдириб узатиб тур!» деганларини эшитганман», — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам: «Энг тўғри сўз - шоир Лабийднинг «Ҳақ таолодин ўзга ҳар нарса ўткинчи эрур» деган сўзидур. Умаййа ибн Абу Салтнинг (яъни, Лабийднинг ўз шеърларида) мусулмон бўлмоғига оз қолиб эрди», — дедилар (яъни, Лабийд Ислом давригача етиб келган бўлса-да, мусулмон бўлмаган эрди. Аммо, ўз шеърларида тавҳид хусусида жуда кўп зикр қилур эрди. Шул боисдан Жаноб Расулulloх: «Умаййа ибн Абу Салтнинг мусулмон бўлмоғига оз қолиб эрди» — деб айтдилар)».

Оиша разияллоху анҳо ривоят қиладилар: «(Отам) Абу Бакрнинг бир ғуломлари бўлиб, у ул кишига (солиқ тарзида) таом чиқариб турар, отам эрсалар ундан истеъмол қилур эрдилар. Бир куни ўшал ғулом қандайдир таом олиб келиб эрди, Абу Бакр ундан едилар. Шунда ғулом: «Бунинг нима эканлигини биласизми?» — деди. Абу Бакр: «Нима экан бу?» — дедилар. Ғулом: «Мен жоҳилият даврида бир кишига фол очдириб эрдим, фоли нотўғри чиққач, уни ёлғончига чиқардим. Кейин, у мени учратиб ёлғон фоли эвазига бир таом берди. Сиз ўша таомдан ёдингиз», — деди. Абу Бакр шул заҳотиёқ қўлларини оғизларига тикиб, бор еганларини қайт қилиб ташладилар».

Ибн Умар разияллоху анху ривоят қиладилар: «Жоҳилият давридаги одамлар туяни у туғиши эҳтимол бўлган бўталоқнинг бўталоғини ҳисобга олиб сотур эрдилар. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам (мусулмонларни) бундай савдодан қайтардилар».

Жоҳилият давридаги қасам хусусида

Ибн Аббос разияллоху анху ривоят қиладилар: «Жоҳилият давридаги энг дастлабки қасам «Бану Ҳошимнинг икки кўзи ҳаққи-ҳурмати!» деган қасам эрди. (Қурайшнинг) Бану Ҳошим қабиласига мансуб бир киши бўлиб, уни Қурайш уруғларидан бирига мансуб бўлмиш бир киши ўзига ёллади. Кейин, у ёлланган киши бирлан ўз туяларини ҳайдаб йўлга тушди. Бир маҳал Бану ҳошимлик туясининг жилови узилган ҳолда ёллаган кишининг олдига келди-да: «Менга бир чилвир берингиз, туямни жиловлаб олай, қочиб кетмасин, тағин», — деди. Ёллаган киши унга бир чилвир бериб эрди, туясини жиловлаб олди. Кейин, улар туяларидан тушиб, бир урғочи туядан бўлак барча туялар тушовланганини кўришди. Ёллаган киши ёлланган кишига: «Манави урғочи туя нега тушовланмаган?» — деди. Ёлланган киши: «Унинг тушови йўқ эрди», — деди. Ёллаган киши: «Нега энди бўлмас эркан, унинг тушови қаёққа йўқолди?» — деди-да, ёлланган кишини таёғи бирлан бир урди. Шунда ёлланган кишининг ажали етиб турган эркан, у жон таслим қилаётган вақтда тепасига бир яманлик киши келиб: «Ҳажга борасанми?» — деди. Ёлланган киши: «Мен боролмайман-у, аммо сен борсанг керак. Бу дунё бирлан

хайрлашаётиб, сенга бир топшириқ берсам, бажарасанми?» - деди. Яманлик: «Ҳа», — деди. Ёлланган киши: «Ҳажда бўлмоғинг насиб этса: «Эй Қурайш аҳли!» — деб нидо қил, агар улар сенга жавоб қилсалар, унда: «Эй Бану Ҳошим аҳли!» — деб нидо қил!», агар улар ҳам жавоб қилсалар, унда Абу Толибни суриштириб топгил-да, фалончи мени бир чилвир учун ўлдирганини ул кишига айт!» — деди-да, жон таслим қилди.

Ёллаган киши (Маккага) келгач, Абу Толиб унинг олдига, келиб: «Бизнинг дўстимизга не бўлди?» — дедилар. Ёллаган киши: «Хасталаниб (ўлди). Мен уни касаллик вақтида яхшилаб парвариш қилдим, (ўлгач) эрса, уни ўзим бош бўлиб дафн қилдим. Унинг аҳли сизга қабиладош эрди», — деди-да, бирмунча вақт сукут қилди. Шу аснода бояги марҳумнинг васиятини адо этмоқни ўз буйнига олган яманлик киши ҳажга етиб келиб: «Эй Қурайш аҳли!» — деб нидо қилди. Улар: «Қурайш аҳли шу ерда» — деб жавоб қилишди. Сунг, у: «Эй Бану Ҳошим аҳли!» — деб нидо қилди. Улар ҳам: «Бану Ҳошим аҳли шу ерда» — деб жавоб қилишди. Кейин, яманлик: «Абу Толиб қаердалар?» — деди. Одамлар: «Абу Толиб ҳам шу ердалар», — дейишди. Яманлик: «Фалон исмли киши «Фалончи мени бир чилвир учун ўлдирганини хабар қил!» деб менга васият қилган эрди» — деди. Абу Толиб яманликнинг олдига келиб, унга: «Бизнинг уч таклифимиздан бирини танла: хоҳласанг, юзта туя бер, унда дўстимизни сен ўзинг ўлдирган бўласан, хоҳласанг, қавмингдан элликтаси уни сен ўлдирмаганинга қасам ичсин, башарти бу таклифларимизга кўнмасанг, сени ўлдирамиз!» — дедилар. Шунда яманликнинг қавми келиб: «Биз (унинг қотил эмаслигига) қасам ичамиз», — дейишди. Шу вақт яманликлардан бирига тегиб, унга фарзанд туғиб берган Бану Ҳошим қабиласидан бир аёл унинг олдига келиб: «Эй Абу Толиб, менинг мана бу ўғлимни эллик кишидан бири ўрнида кўриб, уни қасамдан соқит қилмоғингни истайман, ундан айни вақтда ҳам қасам ичмоқни, ҳам иймонли бўлмоқни талаб қилма!» — деди. Абу Толиб шунга кўндилар. Кейин, улардан бир киши Абу Толибнинг оддиларига келиб: «Эй Абу Толиб, юзта туя ўрнига эллик кишининг қасам ичмоғини истадинг, эллик кишидан ҳар бирига иккитадан туя тўғри келар эркан, мана бу икки туяни мендан қабул қилиб ол-да, мендан айни вақтда ҳам қасам ичмоқни, ҳам иймонли бўлмоқни талаб қилма!» — деди. Абу Толиб ўшал икки туяни қабул қилиб олдилар. Сунг, қирқ саккиз киши келиб қасам ичишди».

Бу ерда юқоридаги ҳадислардан бири такрорланган.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Водийдаги Сафо ва Марва оралиғида саъй қилмоқ суннат эмас, чунки жоҳилият аҳли ул ерда саъй қила туриб: «Биз Батҳо водийсидан фақат мажбуран ўтамиз», — дейишар эрди».

Ибн Аббосдан ривоят қилишади: «Ибн Аббос: «Эй одамлар, сизларга айтадирган гапимга қулоқ солингизлар ва ўзларингиз айтадирган гапларингизни менга эшиттирингизлар, кейин бориб: «Ибн Аббос ундай деди, Ибн Аббос бундай деди, деб айтиб юрмангизлар. Кимки Байтуллоҳни тавоф қилса, Ҳижр ортидан тавоф қилсин, тағин уни «Ҳатийм» деб айтмангизлар, чунки жоҳилият даврида киши қасам ичиб, қамчисини ёки пойабзалини ёхуд камонини отиб юборар эрди», — дедилар».

Амр ибн Маймун ривоят қиладилар: «Мен жоҳилият даврида бир эркакнинг бир урғочи маймунни жимоъ қилганини кўрдим. Шунда одамлар зино қилган маймунни тошбўрон қилишди, мен ҳам улар бирлан биргалиқда уни тошбўрон қилдим».

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абду Маноф ибн Қусайй ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн ан-Назр ибн Кинона ибн Ҳузайма ибн Мудрика ибн Илес ибн Музар ибн Низор ибн Маъадд ибн Аднон)га пайғамбарлик ваҳийининг келиши ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ваҳий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қирқ ёшларида нозил қилинди. Ваҳий нозил қилингандан сўнг, ул зот Маккада ун уч йил истиқомат қилдилар. Кейин, ҳижрат қилмоқлари амр қилиниб, Мадинага ҳижрат қилдилар. Ул ерда ўн йил яшадилар. Сўнг, ул зот вафот қилдилар».

1-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг саҳобаларига Маккада мушриклар томонидан етказилган азиятлар

Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келдим, ул зот Каъба соясида бошларини чопонларига қўйиб етган эрдилар. Шу куни мушриклардан бизга азият етган бўлиб, мен: «Ё Расулаллоҳ, мушрикларни дуои бад қилиб» Оллоҳ таолога илтижо қилмайсизми?» — дедим. Шунда ул зотнинг юзлари қизариб кетди, ўринларидан туриб ўлтирдилар-да, бундай дедилар: «Сизлардан аввал ўтган одамлар орасида бир пайғамбар бўлган эрди. Қавми унинг баданини суюқлари кўрингунга қадар темир тароқ бирлан тараганда ҳам, у ўз динидан қайтмаган. Кейин, унинг бошини арра бирлан қоқ иккига бўлишган, шунда ҳам у ўз динидан қайтмаган. Иншооллоҳ, отлиқ одам Оллоҳ таолодан бўлак ҳеч кимдан қўрқмай Санъодан Ҳазрамавтга бемалол борадирган пайтлар келур!».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ан-Нажм» сурасини қироат қилиб, сажда қилдилар. Шунда бир кишидан бўлак барча сажда қилди. Мен бир одамнинг қўлига туфроқ олиб, уни пешонасига келтирганини ҳамда ана ўшанга сажда қилиб: «Менга шу кифоя қилур» — деб айтганининг шоҳиди булдим. Кейинчалик мен унинг Оллоҳ таолога куфр келтирган ҳолда ўлдирилганини кўрдим».

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилиб турган эрдилар, бир қанча қурайшликлар ҳам атрофларида эрди. Шунда Уқба ибн Абу Муъит молнинг ичак-чавоқларини олиб келиб, ул зотнинг устларига ташлади. Жаноб Расулulloҳ бошларини саждадан кўтармадилар. Шу аснода Фотима алайҳоссалом келиб қолиб, ичак-чавоқларни ул зотнинг устларидан олиб ташладилар-да, бу ишни қилган кишини дуои бад қилдилар. Жаноб Расулulloҳ ҳам: «Ё парвардигоро, Қурайшдан Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Утба ибн Рабийъа, Шайба ибн Рабийъа, Умайя ибн Халаф (ёки Убай ибн Халаф), Шуъба аш-Шокка ғазабингни бисёр қилгайсин!» — деб дуои бад қилдилар. Мен уларни Бадр куни ўлдиришиб, қудуққа ташлаганларини кўрдим. Умайя (Ски Убай) ибн Халаф эрса, қудуққа ташланмай, қийма-қийма қилинган ҳолда ташқарида қолдирилди».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Абдурраҳмон ибн Абзий: «Оллоҳ таоло (ноҳақ ўлдирмоқни) ҳаром қилган жонни ўлдирмангизлар!» ва «Кимки қасддан бир мўминни ўлдирса...» деган оятларнинг мазмунини Ибн Аббосдан сўрагил!» — деб менга буюрдилар. Мен шул хусусда Ибн Аббосдан сўрадим. Ул киши: «Фурқон» сурасидаги мазкур оят нозил бўлганда Макка аҳли мушрикларини: «Оллоҳ таоло (ноҳақ ўлдирмоқни) ҳаром қилган жонни ҳам ўлдирганмиз, Оллоҳ таолога ширк ҳам келтирганмиз, бузуқ ишларни ҳам қилганмиз», — дейишди. Шунда Оллоҳ таоло «Тавба қилган ва иймон келтирганлар бундан мустаснодурлар»

деган оятни нозил қилди. Бу оят ана ушалар хусусидадур. Аммо, «Нисо» сурасидаги оятнинг мазмуни шуки, агар киши Исломни ва унинг шариатини эътироф қилгани ҳолда (ноҳақдан-ноҳақ бир мўминни) ўлдирса, унинг жойи абадий дўзах бўлиб, (тавбаси қабул қилинмас)», — дедилар».

Урва ибн аз-Зубайр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Ибн Амр ибн ал-Осга: «Мушрикларнинг Жаноб Расулulloҳга етказган энг қаттиқ азияти ҳақида менга айтиб бергил!»— дедим. Шунда у бундай деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба теварагидаги ҳижр ичкарасида намоз ўқиб турган эрдилар, Уқба ибн Абу Муъит келиб, кийимини ул зотнинг муборак буйинларига ташлади-да, қаттиқ тортиб бўға бошлади. Шунда Абу Бакр келиб қолиб, Уқбани елкасидан ушлаб, Жаноб Расулulloҳдан нарига итариб ташладилар-да: «Кишини раббим Оллоҳдур, деб айтгани учун ўлдирасизларми?» - дедилар».

2-боб. Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг Исломга кирганлари ҳақида

Аммор ибн Ёсир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим. Ул зотнинг ҳузурларида Исломга кирганлардан фақат беш банда (яъни, Билол, Зайд ибн Ҳориса, Омир ибн Фуҳайра, Абу Фукайҳа, Убайд ибн Зайд ал-Ҳабаший), икки аёл (яъни, муминлар онаси Хадича ва Умму Айман ёки Самийя) ва Абу Бакр бор эрдилар».

3-боб. Саъд разияллоҳу анҳунинг Исломга кирганлари ҳақида

Саъд ибн Абу Ваққос: «Мен Исломга кирган кундан бўлак куни ҳеч ким Исломга кирмади. Мен (Маккада) етти кун туриб, учинчи булиб Исломга кирдим», — дейдилар.

4-боб. Жинлар ҳақида ҳамда Оллоҳ таолонинг «(Эй Муҳаммад), сиз айтингиз: «Менга ваҳий қилиндики, жинларнинг бир гуруҳи (менинг тиловатимни) эшитиб...» деб» деган қавли («Жин» сураси, 1-2-оятлар)

Маън ибн Абдурраҳмон разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен отамнинг бундай деганларини эшитдим: «Мен Масрукдан: «Жинлар Қуръон (тиловатини) тинглашган кеча улар хусусида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ким маълум қилди?» — деб сўрадим. Масрук: «Улар ҳақида бир дарахт маълум қилди», — деди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга юрган кезларимда ул зотнинг таҳоратлари ва ҳожатлари учун бир мешчада сув олиб юрур эрдим. (Бир куни ул зот ҳожатга кетганларида) ортларидан мешчани олиб бориб эрдим, (шарпамни сезиб): «Бул ким?» — дедилар. Мен: «Абу Ҳурайраман»,— дедим. Ул зот: «Покланмоғим учун бир неча тош (кесак) келтир, аммо суяк ёки тезак келтирма!» — дедилар. Мен этагимга бир неча тош (кесак) солиб, ул зотнинг ёнларига олиб бориб қуйдим-да, нарироққа бориб турдим. Ул зот ҳожатдан қайтгач, биргалашиб кетаётиб: «(Ё Расулalloҳ), суяк ва тезак ишлатса не бўлур?» — дедим. Ул зот: «Суяк ва тезак жинларнинг таомидур. Менинг ҳузуримга Насийбийн жинларининг вакиллари — ажойиб (яхши) жинлар келишиб: «(Эй Муҳаммад, умматингизни суяк ва тезак бирлан истинжо қилмоқдан қайтарингиз, чунки Оллоҳ таоло суяк ва тезакни бизга таом қилиб таъйин этгандур» — деб) илтимос қилишди. Шунда мен: «(Умматим) на бирор суяк ва на бирор тезак ёнидан ўтмасинлар, уни албатта таом деб билсинлар!» — деб Оллоҳ таолога дуо қилдим», — дедилар».

5-боб. Абу Зарр ал-Ғифорий разияллоҳу анҳунинг Исломга кирганлари ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Зарр Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга пайғамбарлик ваҳийи келганлигини эшитиб, ўз биродарларига: «Уловингни миниб ўшал водийга бор, ўзининг пайғамбар эканлигини, ўзига осмондан хабар келаётганини таъкидлаётган кишини топ, унинг гапларини эшитиб, менга ул ҳақда билиб кел!» — дедилар. Сўнг, биродарлари йўлга тушиб, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига борди, ул зотнинг сўзларини тинглаб, ортига қайтгач, Абу Заррга: «Мен ул кишини кўрдим, одамларни олижаноб хулқли бўлмоққа даъват қилиб, шеър сингари сўзларни айтаётир», — деди. Абу Зарр: «Мени кўфрдан халос қилғувчи хабар келтирмабсан», — дедилар-да, бир мешчада сув ва егулик олиб ўзлари Маккага келдилар. Сўнг, масжидга (ибодатхонага) бориб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни қидирдилар, лекин ул зотни ўзлари танимаганлари учун бировлардан сўрагилари келмади. Шул боис бир неча кеча масжидда етиб қолдилар. Ҳазрат Али ул кишини кўриб, бегона эканликларини сездилар-да: «(Мусофирмисиз, юрингиз мен бирлан» — деб уйлари томон бошлаб кетдилар). Абу Зарр (индамай) Ҳазрат Алига эргашдилар, иккалалари ҳам бир-бирларидан ким эканликларини сўрашмади. Сўнг, Абу Зарр эрталаб яна масжидга бордилар-да, кун буйи ўшал ерда бўлдилар, аммо Жаноб Расулulloҳни учратмадилар. Кеч бўлгач, масжиддаги етар жойларига кеддилар. Шунда Ҳазрат Али ёнларидан ўтиб кетаётиб: «Киши ўз турар жойини билиб олмоғи лозим бўлган вақт келмадимми?» (яъни, «Бирор бошпана топдингизми?») — дедилар. (Абу Зарр: «Йўқ» — деганларидан сўнг), Ҳазрат Али ул кишини турғазиб, яна уйларига олиб кетдилар. Бу сафар ҳам иккалалари бир-бирларидан ҳеч нарса хусусида сўрашмади. Учинчи куни ҳам Ҳазрат Али Абу Заррни масжидда ётган жойларидан турғазиб, уйларига олиб кетдилар. Шундагина Абу Заррдан: «Бу ерга қандай юмуш бирлан келганингизни менга айтмайсизми?» — дедилар. Абу Зарр: «Агар сиримни яширсангиз, айтаман», — дедилар. Ҳазрат Али шунга сўз бериб эрдилар, Абу Зарр бу ерга не мақсадда келганларини айтиб бердилар. Ҳазрат Али: «Сиз тўғри йўлдасиз, (ўзини пайғамбар деб таъкидлаётган киши) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдурлар. Эрталаб тургач, менинг кетимдан келаверингиз, агар йўлда сиз учун бирор хатарнок нарсани сезсам, сув ичаётган киши бўлиб тўхтаб тураман. Агар яна йўлда давом этсам, токи бирор остонага киргунимча кетимдан келаверингиз», — дедилар. Кейин, эртасига эрталаб Ҳазрат Али ўзлари айтганларидек, Абу Заррни эргаштириб кетавердилар-да, ниҳоят Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кириб бордилар. Абу Зарр ҳам ул киши бирлан бирга кириб, Жаноб Расулulloҳнинг сўзларини тингладилар-да, шул заҳоти муслмон бўлдилар. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Заррга: «Қавминг ҳузурига қайтгил-да, то менинг ишим (яъни, Исломга ошкора даъват қилаётганим) ҳақидаги хабар ўзингга етиб боргунига қадар уларни (Исломдан) воқиф қилиб тур!» — деб марҳамат қилдилар. Шунда Абу Зарр: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, мен ҳозироқ мушриклар ўртасида буни рўй-рост айтаман!» — дедилар-да, масжидга бориб, бор овозлари бирлан: «Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳу ва анна Мухаммадан расулulloҳи!» — деб айтдилар. Шунда масжиддаги (ибодатхонадаги) қавм ўрнидан турди-да, Абу Заррни ётқизиб олиб дўппослай бошлади. Шу вақт Аббос келиб қолиб, гавдалари бирлан Абу Заррни тўсдилар-да: «Шўрингиз қурсин! Унинг Ғифор қабиласидан эканлигини, савдо карвонларингиз унинг қабиласи ерлари орқали ўтишини билмайсизларми?!» — дея ул кишини улардан қутқариб олдилар. Кейин, Абу Зарр эртасига ҳам худди шундай қилиб эрдилар, қавм яна дарғазаб бўлиб ул кишини дўппослади. Аббос бу сафар ҳам Абу Заррни ўз гавдалари бирлан тўсиб қутқариб қолдилар».

6-боб. Саъид ибн Зайд разияллоҳу анҳунинг Исломга кирганлари ҳақида

Қайс разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл Куфа

масжидида: «Оллоҳ таоло ҳақи, дарҳақиқат Ҳазрат Умар (отам) Амр (Иброҳим алайҳиссаломнинг динларини қабул қилиб) мусулмон бўлишларидан бурун Исломга кирганимнинг гувоҳидурлар. Агар сизларнинг Ҳазрат Усмонга нисбатан қилган ишларингиз (яъни, ул кишини ўлдирганингиз) сабабли бирор киши ўз ўрнини (амалини) тарк этса, нотўғри қилган бўлур», — дедилар».

7-боб. Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳунинг Исломга кирганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: «Ҳазрат Умар Исломга кирганларидан буён тобора қудратли бўлиб бормоқдамиз», — дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Умар ибн ал-Хаттоб ҳовлида қўрқиб турганларида Ос ибн Воил ас-Саҳмий Абу Амр келиб қолдилар, эгниларида йўл-йўл ҳулла ва ипак қамис бор эрди. Ул киши Бану Саҳм қабиласидан бўлиб, бул қабила жоҳилият даврида бизнинг иттифоқчимиз эрди. Ал-Ос (отамнинг қўрқиб турганларини кўриб): «Сенга нима бўлди?» — дедилар. Отам: «Қавмингиз Исломга кирганим учун мени ўлдиражакларини айтишди», дедилар. Ал-Ос: «Бунга йўл қўймайман, хотиржам бўлавер!» дедилар-да, ташқарига чиқиб, бутун Макка аҳли тўпланиб келаётганини кўрдилар. Ал-Ос уларга: «Қаерга кетаётирсизлар?» — дедилар. Улар: «Ота-боболаримиз динидан қайтиб Исломга кирган Ал-Хаттобнинг ўғлини ўлдиргани кетаётирмиз», — дейишди. Ал-Ос уларга: «Бунга йўл қўймайман!» - дедилар. Шунда улар қайтиб кетишди».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Отам) Умар Исломга кирганларида одамлар ул кишининг ҳовлилари олдида тўпланишиб: «Умар диндан қайтди!» дейишди. Ўшал кезларда мен ёш бола бўлиб, уйимиз томига чиқиб олган эрдим. Шу аснода дебож чопон кийиб олган бир киши келиб қолиб, одамларга: «Умар (сизларнинг) динингиздан қайтиб, (Исломга кирди), мен уни ўлдирмоқларингизга йўл қўймасман, мен унинг қўшниси бўламан!» — деди. Шунда мен одамларнинг ул кишидан ҳайиқиб, қайтиб кетганини кўрдим. Кейин, (отамдан): «Бул киши ким?» - сўрадим. (Отам): «Бул киши Ал-Ос ибн Воил бўладилар, - дедилар».

8-боб. Ойнинг (иккига) бўлингани ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Макка аҳли Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан (пайғамбар эканликларининг исботи учун) мўъжиза кўрсатмоқларини талаб қилди. Шунда ул зот ойни иккига бўлиб кўрсатдилар, ҳатто одамлар Ҳироъ тоғини ойнинг икки бўлаги орасида кўришди (яъни, бир бўлаги тоғнинг у томонида ва иккинчи бўлаги тоғнинг бу томонида турди)».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Минода турган эрдик, ой иккига бўлинди. Шунда ул зот: «(Менинг мўъжизамнинг) гувоҳи бўлингизлар!» - дедилар. (Ойнинг) бир бўлаги тоғ томонга кетди».

Абдуллоҳ: «(Ой) Маккада иккига бўлинди», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Ой Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида иккига бўлинди», — дейдилар.

9-боб. Мусулмонларнинг Маккадан Ҳабашистон ерига қилган ҳижрати ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривояч қиладилар: «Расулудлоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (менга): «Икки тошлоқ ер (ёки икки тоғ) оралиғидаги хурмозор Ҳижрат уйини (еки Ҳижрат диёрини, яъни Мадинани) кўрдингми? Мадинага ҳижрат қилгувчилар ул ерга ҳижрат қилдилар ва Ҳабашистон ерига ҳижрат қилган гуруҳ Мадинага қайтиб келди», — дедилар».

Убайдуллоҳ ибн Адий ибн ал-Хиср разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мисвар ибн Махрама ва Абдурахмон ибн ал-Асвад ибн Абду Яғус менга: «Усмонга биродарлари Валидни (афв этмоқларини сўраб) гапирмоғинга сенга нима монеълик қилади? Одамлар унинг ёнини олиб кўп гапираётирлар», — дейишди. Шунда мен Ҳазрат Усмонга гапирмоққа жазм қилдим. Ул киши намозга чиққанларида: «Менинг сизда бир маслаҳатли ишим бор», — дедим. Ул киши: «Сендан бир маслаҳатли гап чиқармиди?!» — дедилар. Мен (хафсалам пир бўлиб) улар иккаласининг олдига қайтиб бордим. Аммо, бир оздан сўнг Ҳазрат Усмон ортимдан бир одамни юбордилар, мен ул кишининг ҳузурларига бордим. Шунда ул киши: «Қандай маслаҳатли ишинг бор эрди?» — дедилар. Мен: «Дарҳақиқат, Оллоҳ субҳонаҳу Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақ (дин) бирла юборгандур ва ул зотга Китоб (Қуръон) нозил қилгандур. Мен эрсам, Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули даъватига жавоб бериб, икки бор ҳижрат қилдим, ул зотта саҳобалик қилиб, йўлларини маҳкам тутдим. Одамлар Валиднинг ёнини олиб, кўп гапираётирлар», — дедим. Ҳазрат Усмон: «Ҳали ўзингни Жаноб Расулulloҳга тенг қилаётирсанми?!» — дедилар. Мен: «Йўқ, асло! Аммо, мен ичкарида ўтирадирган бокира қиз висолига етишган киши сингари ул зотнинг билимларидан баҳраманд бўлганман», — дедим. Ҳазрат Усмон: «Аммо, баъд дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақ (дин) бирла юборган бўлиб, мен (ҳам сен каби) Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули даъватига ижобат қилганман, Оллоҳ таоло ул зот бирлан нимаики юборган бўлса, барисига иймон келтирганман, сен айтганингдек икки бор ҳижрат қилганман, ул зотга саҳобалик ҳамда байъат қилганман. Оллоҳ таоло ҳақи, парвардигор Жаноб Расулulloҳни вафот эттиргунига қадар ҳам ул зотга на осийлик ва на алдамчилик қилдим! Сунг, Абу Бакрга (байъат қилиб, худди шундай ихлос бирла саҳобалик қилдим). Кейин, Ҳазрат Умарга ҳам шундай қилдим. Сўнг, ўзим халифа бўлдим. (Қани айтчи, уларнинг ҳуқуқлари каби ҳуқуққа эгаманми, йўқми?!» — дедилар). Мен: «Ҳа, эгасиз», — дедим. Ҳазрат Усмон: «Сизлар хусусингизда мен эшитаётган гаплар қандай гап бўлди?! Аммо, сенинг Валид ҳақида қилган илтимосинг хусусига келсак, биз уни қилган гуноҳига яраша албатта жазолагаймиз!» — дедилар. Сўнг, Валидга қирқ дарра урдилар, кейин Алини (чақириб, яна қирқ) дарра урмоқни амр қилдилар. Ўшанда Ҳазрат Али (Валидга қирқ) дарра урган эрдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Умму Ҳабиба Умму Салама ўзлари Ҳабашистонда кўрган, деворларига суратлар солинган бир каниса ҳақида эслашиб, шул ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга гапиришди. Жаноб Расулulloҳ: «Дарҳақиқат улар, агар ўзларидан бирор солиҳ киши ўлса, унинг қабри устига ибодатхона қуришиб, (сизлар айтгандек деворларига), суратлар чизишар эрди. Ана ўшалар Қиёмат куни Оллоҳ таоло наздида энг бмон халқдурлар», дедилар».

Умму Холид бинти Холид разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Ҳабашистон еридан (мамлакатидан) келдим. Шунда мен бир қизалоқ бўлиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам менга бир гулли кўйлакчани кийгизиб кўйдилар-да, гулларини кўллари бирлан силаб туриб: «(Бирам) чиройли, (бирам) чиройли!» — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу

алайҳи ва салламга намоз ўқиб турганларида ҳам салом бераверар ва ул зот бизга алик олаверар эрдилар. Нажоший ҳузуридан (яъни, Ҳабашистон ҳижратидан) қайтганимизда ул зотга (намоз ўқиб турганларида) салом бериб эрдик, алик олмадилар. Намозни тугатганларидан сўнг, биз: «Ё Расулаллоҳ, илгари биз (намоз ўқиётганингизда) сизга салом берсак, алик олар эрдингиз-ку?!» — дедик. Ул зот: «Намозда (буюк) машғуллик бордур», — дедилар» (яъни, «Намозхон намоз вақтида Оллоҳ таолога бор вужуд бирлан муножот қилмоғи, унинг зикри бирлангина машғул бўлмоғи лозим бўлиб, бўлак нарсаларга чалғимаслиги керак — деб айтдилар. Ҳақиқатан, илгари намозхонлар намоз чоғида бир-бирлари бирлан салом-алик қилишаверганлар ва ҳатто дунёвий ишлар хусусида ҳам гаплашаверганлар. Ҳабашистонга қилинган иккинчи ҳижратдан кейин, Оллоҳ таоло махсус оят нозил қилиб, намозда сукут сақламоқни, яъни Олло таолонинг зикри ва унга ибодат қилиш бирлангина машғул бўлиб, дунёвий нарсаларга чалғимасликни амр қилгандур).

Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Мен Иброҳимдан: «(Намоз ўқиётганингда сенга салом берилса), нима қиласан?» — деб сўрадим. У: «Ичимда алик оламан» — деди», — дейдилар.

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Ямандалик вақтимизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар қилиб юборилганларини (ёки ҳижрат қилганларини) эшитибок, кемага миниб ул зот томон йўлга тушдик. Кемамиз бизни Ҳабашистон (подшоҳи) Нажошийнинг ҳузурига элтиб қўйди. Биз (ул ерда) Жаъфар ибн Абу Толибни учратиб, то барчамиз (Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига) боргунимизга қадар у бирлан бирга бўлдик. Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Хайбарни фатҳ қилган кезларида учратдик. Шунда ул зот (бизга): «Сизлар, эй кема аҳли, икки бор (бири — Ҳабашистонга, иккинчиси — менинг ҳузуримга) ҳижрат қилдингизлар!» — дедилар».

10-боб. Нажошийнинг вафоти ҳақида

Жобир разияллоҳуанҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажоший вафот қилганда: «Бугун бир солиҳ киши вафот қилди, турингизлар, ҳабаш биродарингизга жаноза ўқингизлар!» — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни орқаларига саф қилиб Нажошийга жаноза ўқидилар. Шунда мен иккинчи ёки учинчи сафда турган эрдим».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳабаш Нажошийга жаноза ўқидилар. Шунда ул зот тўрт бор такбир айтдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳабашистон подшоҳи Нажошийнинг вафот қилганини бизга унинг ўлган куни хабар қилдилар, сўнг: «Биродарингиз учун Оллоҳ таолога истиғфор айтингизлар!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни намозгоҳда саф қилиб Нажошийга жаноза ўқидилар. Шунда ул зот тўрт бор такбир айтдилар».

11-боб. Мушрикларнинг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши ўзаро тил бириктириб, қасам ичганлари ҳақида

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам: «Эртага, иншооллох, Бану Кинона (мушриклари мени тутиб бермоқ бўлиб) ўзаро қуфрга қасам ичган жой — Хайфга боргаймиз!» — дедилар».

12-боб. Абу Толиб қиссаси

Абдуллох ибн ал-Харас ривоят қиладилар: «Аббос ибн Абдулмутталиб разияллоху анху Расулulloх саллalloху алайхи ва салламга: «Амакингизга бирор фойдангиз тегдими? Оллох таоло ҳақи, ул киши сизни авайлар, сизни деб ўзгаларга ғазаб қилар эрдилар», — дедилар. Шунда ул зот: «Абу Толиб жаҳаннамнинг саъз жойидалар, мен бўлмаганимда унинг энг тубида бўлар эрдилар», — дедилар».

Мусаййиб разияллоху анху ривоят қиладилар: «Абу Толибнинг қошларига ўлим келганда Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам ул кишининг ҳузурларига кирдилар. Шунда ул ерда Абу Жаҳл ўлтирган эрди. Жаноб Расулulloх Абу Толибга: «Эй амаки, «Ло илоҳа иллalloху» деб айтингиз, токи мен Оллох таоло ҳузурда сиз учун бул калимани ҳужжат қилайин!» — дедилар. Абу Жаҳл ва Абдуллох ибн Абу Умайя эрса: «Эй Абу Толиб, Абдулмутталиб миллатидан (яъни, динидан) воз кечасизми?! — дея такрор-такрор айтаверишдики, ҳатто пировардида Абу Толиб: «Абдулмутталиб динидаман» — деганча жон таслим қилдилар. Жаноб Расулulloх: «Агар (Оллох таоло томонидан) қайтарилмасам, сиз учун истиғфор айтгайман», — дедилар. Шунда Оллох таолонинг «На пайғамбар ва на мўминларнинг мушриклар учун, гарчи улар яқин қариндошлари булсалар-да, дўзах аҳли эканликлари аён булганидан кейин, истиғфор айтмоқлари жоиз эмасдур» («Тавба» сураси, 113-оят) ҳамда «(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят, қила олмасиз...» («Қасас» сураси, 56оят) деган ояти карималари нозил бўлди».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллalloху алайхи ва салламнинг ҳузурларида ул зотнинг амакилари (Абу Толиб) ҳақларида сўзлашди. Шунда Жаноб Расулulloх: «Шояд, Қиёмат куни ул кишига шафоатимнинг нафи тегиб, жаҳаннамнинг (оташ) тўпикларини(гина) кўмадирган ва мияларини(гина) қайнатадирган саъз жойидан насиб этса!» — дедилар».

13-боб. Исроъ ҳақидаги ҳадис

Оллох таолонинг қавли: «(Оллох) кечалардан бирида ўз бандаси (Муҳаммад)ни... Масжид ал-Ҳаромдан... Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган пок зотдур» («Ал-Исроъ» сураси, 1-оят).

Жобир ибн Абдуллох разияллоху анху Расулulloх саллalloху алайхи ва салламнинг бундай деб айтаётганларини эшитган эрканлар: «Қурайш (мушриклари Маккадаги Масжид ал-Ҳаромдан Қуддусдаги Масжид ал-Ақсога бир кечада бориб келганимни айтганимда) мени ёлғончига чиқаришганда Ҳижр (Каъбанинг шимоли-ғарбидаги муайян жой)га бориб тек турдим. Шунда Оллох таоло менга Байт ал-Мақдисни (Масжид ал-Ақсонни) намоён қилди. Мен унга қараб туриб Қурайш мушрикларига (унинг) белгиларини (қуринишини) тасвирлаб бердим».

4-боб. Меърож ҳақида

Ибн Аббос разияллоху анху: «Оллох таолонинг («Ал-Исроъ» сурасининг 60-оятидаги) «...Биз сизга кўрсатган тушни ва Қуръонда лаънатланган *Молик ибн Саъсаъа разияллоху анху ривоят қиладиларки* Расулulloх с...

дарахтни одамлар угун бир синов қилдик...» деган қавлида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Байт ал-Мақдисга саёҳат қилдирилган кеча қалбан кўрган тушлари назарда тутилган бўлиб, «...Қуръонда лаънатланган дарахт...» — бу заққум дарахтидур», — дейдилар.

15-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада эканликларида ҳузурларига ансорлар вакилларининг келгани ва Ақаба байъати ҳақида

Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен (ва бошқа ансорлар) Ақаба кечасида Ислонга (садоқат билдириб) аҳду паймон (байъат) қилганимизда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бўлганман. Ақаба кечасида иштирок қилганим менинг учун Бадрда иштирок қилмоқдан маҳбуброқдур, гарчи Бадр одамлар орасида Ақаба кечасидан кўра кўпроқ гапирилса-да!».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу: «Икки тоғам мен бирлан бирга Ақаба (кечаси)да иштирок қилганлар», — дейдилар.

Ибн Уяйна: «(Жобирнинг Ақаба кечасида иштирок қилган) икки тоғасидан бири Баро ибн Маърур эрди», — дейдилар.

Ато разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «Жобир: «Мен, отам ва тоғам Ақаба (кечасида) иштирок қилганларданмиз» - деб айтди».

Ақаба кечасида иштирок қилган Убода ибн ас-Сомит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг атрофларида бир гуруҳ саҳобалари ўлтирган эрди, шунда ул зот бундай дедилар: «Оллоҳ таолога бирор нарсани ширк келтирмаслигингизга, ўғрилиқ қилмаслигингизга, зино қилмаслигингизга, болаларингизни ўлдирмаслигингизга (яъни, жоҳилият одати бўйича қизларингизни тириклайин кўммаслигингизга ёки боқа олмаслигингиздан чўчиб, ўғилу қизларингизни ўлдирмаслигингизга), ўзларингиз тўқийдирган уйдирма (гаплар) бирлан (бировларга) тухмат қилмаслигингизга, (шариъат пешволари амри) маъруфига осийлик қилмаслигингизга менга байъат қилингизлар! Сизлардан кимки (байъатига) вафо қилса, Оллоҳ таоло (охиратда) унга ажр (мукофот) ато этур ва кимки булардан бирортасини бузса ва бунинг учун шу дунёда жазоланса, бу унинг учун каффорат бўлиб, (охиратда жазоланмас) ва кимки булардан бирортасини бузса, кейин Оллоҳ таоло уни (жазоламай айбини яширса, бу парвардигорнинг ўзининг иши бўлиб хоҳласа, унинг (гуноҳини) кечади, хоҳласа, уни жазолайди». Сўнг, мен (барча бирлан биргалиқда) шундай деб байъат қилдим».

Убода ибн ас-Сомит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган кишиларнинг бошлиқларидан бири эрдим. Ўшанда биз: «Оллоҳ таолога бирор нарсани ширк келтирмаслигамизга, ўғрилиқ қилмаслигимизга, зино қилмаслигамизга, Оллоҳ таоло ўлдирмоқни ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдирмаслигимизга, исроф қилмаслигимизга, жаннатга осийлик қилмаслигимизга (яъни, байъатимизни бузиб, жаннатдан маҳрум қилгувчи ишларни қилмаслигимизга) байъат қилдик. Агар байъатимизга вафо қилсак, Оллоҳ таоло бизга охиратда ажр берур ва агар байъатимизга хилоф бирор иш қилиб қўйсак, кейин Оллоҳ таоло (жазоламай) айбимизни яширса, бу унинг ўзининг иши бўлиб, хоҳласа, кечади, хоҳласа, жазолайди».

16-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Оиша разияллоҳу анҳони ўз никоҳларига олганлари, Оиша разияллоҳу анҳонинг Мадинага келганлари ва

Жаноб Расулulloҳнинг ул муҳтарамга қўшилганлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам олти яшарлигимда мени ўз никоҳларига олдилар. (Ул зот ва отам Абу Бакр разияллоҳу анҳу Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг) мен, онам Умму Румон ва синглим Асмо ҳам ул ерга бориб, Бану ал-Ҳорис ибн ал-Хазраж қабиласи (хонадонларидан бирига) тушдик. Кейин, мен чўмилтирилдим, сочларим (бундан) яйраб, гўзал бир тароват касб этди. Сўнг, онам Умму Румон дугоналарим бирлан арғимчоқ учиб турганимда мени чақирдилар. Мен олдиларига бордим, аммо нега чақирганларини билмас эрдим. Онам (тез) қўлимдан етаклаб ҳовли эшиги олдиғача олиб бордилар, ҳарсиллаганимдан нафасим тикилиб қолаёзди. Сўнг, бир оз сув олдилар-да, юзим бирлан бошимни артиб қўйдилар. Кейин, мени ҳовлига олиб кирдилар, қарасам, уй тўла ансория хотинлар ўлтиришибди. Улар (менга): «Бахтли бўл, ували-жували бўл, қўшақарингизлар!» — деб тилак қилишди. Сўнг, онам мени уларга топширдилар. Улар мени (силаб-сийпаб, яхши гаплар айтиб) юпатишди. Кейин, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бўлак (ҳеч нарсани ўйламай, юрагим) така-пука бўлиб турган эрдим, ул зот тўсатдан ҳузуримга кириб келдилар. (Ансория аёллар) мени ул зотнинг ихтиёрларига топшириб (чиқиб кетишди). Шунда мен тўққиз яшар қизалоқ эрдим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: «Мен сени тушимда икки марта кўрганман. Қарасам, сен бир парча ипак (матоға) ўраб қўйилган эмишсан. (Менга): «Бу сенинг аёлингдур (хотинингдур)», — дейилди. Юзингни очиб қарасам, бу сен экансан. Шунда мен: «Агар бу (тушим) Оллоҳ таоло тарафидан (кўрсатилган бўлса), ул ҳолда парвардигор уни (албатта) рўёбга чиқаради» — деб айтар эмишман».

Ҳишом оталаридан бундай деб эшитган эрканлар: «Ҳадича разияллоҳу анҳо) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилмасларидан уч йил бурун вафот этдилар. Ул зот икки йил ёки шунга яқин вақт уйланмай юрдилар, кейин Оишани ўз никоҳларига олдилар. Шунда Оиша олти яшар бўлиб, тўққиз ёшга кирганда унга қўшилдилар».

17-боб. Расулulloҳ саллалдоҳу алайҳи ва саллам бирлан саҳобаларининг Мадинага ҳижратлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ҳижрат бўлмаганда мен ансорлардан бири бўлган бўлур эрдим», — дедилар».

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен тушимда бир хурмозор ерга ҳижрат қилаётганимни кўрдим. Шунда мен ул ерни Ямома ёки Ҳажар деб ўйладим. Билсам, у Мадина (Ясриб) эркан», — дедилар».

Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Оллоҳ таолонинг (ризалигини) истаб ҳижрат қилдик. (Бунинг учун) бизга ато этилажак ажр Оллоҳ таолонинг зиммасида қолди. Орамизда шундай кишилар борки, улар (охиратда бисёр ажр олмоқла ри учун бу дунёда ўз нафсларини тийиб, фатҳу ғазотлар даврида қўлга киритган) ўлжалардан заррача фойдаланмай ўлиб кетдилар. Мусъаб ибн Умайр шулар жумласидандур. (Мусъаб ибн Умайр) Уҳуд куни ўлдирилди, биз уни кафанлаш учун чопонидан бўлак нарса тополмадик. Чопони бирлан бошини ёпсақ, оёқлари, оёқларини ёпсақ, боши очилиб қолди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга чопони бирлан бошини ёпиб, оёқлари устига изхир (исириқ) ташлаб қўймоқни амр қилдилар. Аммо, орамизда (ажр

дарахтининг) мсвалари (бу дунёдаёк) фарқ пишиб, уларни териб еяётганлар ҳам бор».

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу рилоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деяётганларини эшитдим: «Дарҳақиқат, амаллар (ишлар) ниятларга боғлиқдур. (Яъни, ҳар бир ишнинг савоби унинг қандай ниятда қилинганига боғлиқдур). Чунки, ҳар бир киши ўзи ният қилган нарчасига эришур. Кимки бойлик орттирмоқ ниятида ҳижрат қилган булса, бойликка эришур ва кимки хотин олмоқ ниятида ҳижрат қилган бўлса, хотин олур. (Демак, бундай кишининг) ҳижрати бойлик ёхуд хотин учун қилинган ҳижрат бўлур ва кимнингки ҳижрати Оллоҳ таоло ва унинг Расули учун булган бўлса, Оллоҳ таоло ва унинг Расули учун қилинган ҳижрат бўлур».

Абдуллоҳ ибн У.иар разияллоҳу анҳу: «(Макка) фатҳидан сўнг ҳижрат йўқдур» — дер эрдилар. (Яъни, мусулмонларнинг бундан буён ўзлари фатҳ қилган Маккани тарк қилмоқлари жоиз бўлмай, илгари улар ўз динларини ошкор қилмоқлари ва унинг вожиботларини адо этмоқлари мумкин бўлмаганидан бу ердан ҳижрат қилгандурлар).

Ато ибн Абу Рабоҳ ривоят қиладилар: «Мен ва Убайд ибн Умайр ал-Лайсий Оиша разияллоҳу анҳони зиёрат қилгани бордик. Шунда биз ул муҳтарамадан ҳижрат хусусида сўрадик. Ул муҳтарама бизга: «Бугунги кунда (яъни, Макка фатҳидан сўнг ҳижрат) йўқдур. (Чунки), Оллоҳ таоло Исломга (қувват ато этиб), уни юзага чиқаргандур. Мусулмон одам, энди ўзи хоҳлаган ерда Оллоҳ таолога ибодат қила олур. Лекин, (бундан буён Оллоҳ таоло ва унинг Расули йўлида) жиҳод ва ҳаж қилмоқлик жоиздур», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Саъд разияллоҳу анҳу: «Ё парвардигоро, ўзинг (яхши) билурсанки, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни сохта пайғамбар деб ўз ораларидан ҳайдаган Қурайш мушрикларига қарши сенинг йўлингда жиҳод қилмоқни истаганимчалик бирор қишига қарши жиҳод қилмоқни истамасман! Аммо, ўйлайманки, биз бирлан уларнинг ўртасидаги урушга сен ўзинг чек қўйдинг», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу рилоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қирқ ёшларида пайғамбар қилиб юборилдилар. Ўн уч йил Маккада яшадилар, шу вақт давомида ул зотга ваҳий келиб турди. Сўнг, ҳижрат қилмоқлари буюрилиб, ўн йил (Мадинада) ҳижратда бўлдилар, (бу ерда ваҳий келиб турди). Вафот қилганларида олтмиш уч ёшда эдилар».

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга ўлтиргач: Оллоҳ таоло ўзи ирода қилган вақтда Ер юзидан даргоҳига боргувчи бандалари бирлан ўзининг ҳузуридаги бандалари орасидан бир бандани афзал кўрди. Мен (ҳам) Оллоҳ таоло бандани афзал кўрдим», — дедилар. Шунда юбордилар-да: «Ё Расулаллоҳ, ота-онамизни фидо қилайлик!» — дсдилар. Биз бундан таажжуб қилдик. Одамлар: «Манави чолга қарангизлар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло Ер юзидан даргоҳига боргувчи бандалари бирлан ўз ҳузуридаги бандалари орасидан кўрган бир бандани афзал кўрганлари. учун йиғлаб: Ота-онамизни сизга фидо қилайлик!» — деяётир», — дейишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакрни афзал кўргувчи, Абу Бакр эрсалар ул зотни ҳаммамиздан кўра кўпроқ (яхшироқ) билгувчи киши эрдилар. Шул боисдан ул зот: «Менинг учун ўзининг суҳбати ва мол-дунёси борасида энг ишончли кишилардан бири Абу Бакрдурлар. Агар (раббимдан бўлак) умматимдан ўзимдан бир дўст тутадирган бўлсам, Абу Бакрни дўст тутган бўлур эрдим. Аммо, (мусулмонлар учун Аллоҳ таолодан ортиқроқ дўст йўқ бўлиб, улар орасида) Ислом биродарлиги (-ю муҳаббати) мавжуд бўлмоғи лозим. Масжидда Абу

Бакрнинг эшикларидан бўлак бирорта эшик қолмасин!» - дедилар». (Яъни, ҳар ким уз ҳовлисида масжид ҳовлисига эшик очиб олган эрди, ул зот ана ўшал эшикларни назарда тутяптилар).

Оиша разияллоҳуанҳф рилаят қиладилар: «Мен ота-онамни Абу Бакр ва Умму Румон разияллоҳу анҳумони) Ислом динидан бўлак динда сира тасаввур қила олмасман, ақлимни танибманки, улар Ислом динига эътиқод қилиб келишади Шунингдек, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни келмаган бирор кунни ҳам эслолмайман. Ул зот бизни келмаган куннинг икки тарафида, яъни эрталаб ва кечқурун қадам ранжида қилиб турар эрдилар. Мусулмонларга (Қурайш кофирлари) озор етказганда (Жаноб Расулуллоҳ уз саҳобаларига ҳижрат қилмоққа изн бердилар. Улар Ҳабашистон томон йўлга тушдилар). Сўнг, (уларга етиб олмоқ ниятида) Абу Бакр ҳам Ҳабашистон томон ҳижрат қилиб, Барк ал-Ғимод деган жойга етиб бордилар. Ул ерда Абу Бакрга Ибн ад-Дағина йўлиқди. Ибн ад-Дағина Ал-Қорат қабиласи бошлиги бўлиб, Абу Бакрга: «Эй Абу Бакр, қаерга кетаётирсиз?» — деди. Абу Бакр: «Қавмим мени (ўз ораларидан) ҳайдади. Энди, мен дунё кезиб, парвардигоримга ибодат қилмоқ ниятидаман», — дедилар, (аммо ҳижрат қилиб кетаётганларини айтмадилар, чунки у кофир эрди). Ибн ад-Дағина: «Сиздек бир (солиҳ) одамнинг (ўз қавмини) ташлаб кетмоғи ҳам, (қавми томонидан) ҳайдаб юборилмоғи ҳам жоиз эрмас. Ахир, сиз (одамларга ўзгаларда) топилмайдирган нарсаларни эҳсон қилурсиз, меҳру оқибат кўрсатурсиз, оғирни енгил қилурсиз, меҳмондўстлик қилурсиз, ҳалоллик (оқибатида бошга тушадирган) кулфатларни (бартараф қилмоққа) ёрдам берурсиз-ку! Мен эрсам, сизнинг қўшнингиздурман! (Яъни, киши ўз қўшнисини бировлардан ҳимоя қилмоғи лозим бўлиб, Ибн ад-Дағина бир қўшни қабил вакили сифатида Абу Бакрга: «Мен қавмингизнинг сизга азият етказмоғига йўл қўймасман!» — демоқчи). Ортингизга қайтингиз, парвардигорингизга ўз юртингизда (яъни, Маккада) ибодат қилингиз!» — деди. Шундан сўнг, (Абу Бакр разияллоҳу анҳу) ортларига қайтдилар, Ибн ад-Дағина (ҳам) ул киши бирлан бирга кетди. (Маккага етиб боришгач), Ибн ад-Дағина кечки пайт Қурайш қабиласи улуғлари ҳузурига кирди-да, уларга: «(Юртдошларига кўплаб манфаат етказиб тургувчи) Абу Бакрдек (бир солиҳ одам, агар ўта зарур бўлмаса, бошқа юртда яшамоқ ниятида ўзбошимчалик бирлан юртини) ташлаб кетмаслиги ҳамда (бундай одамни бирор киши) мажбуран юртдан чиқариб юбормаслиги керак! (Одамларга ўзгаларда) топилмайдирган нарсаларни эҳсон қилгувчи, меҳру оқибат кўрсатгувчи, оғирни енгил қилгувчи, меҳмоннавоз ҳамда ҳалоллик (туфайли бошга тушадирган) кулфатларни (бартараф қилмоққа) ёрдам бергувчи бир (солиҳ) кишини ўз юртдан ҳайдайсизларми?!» — деди. Қурайш улуғлари Ибн ад-Дағина(нинг Абу Бакрни ҳимоя қилиб айтган гапларига қарши) лом-мим дея олишмади. Улар Ибн ад-Дағинага фақат: «Абу Бакрга буюрингиз, парвардигорига уйда ибодат қилсин, уйда намоз ўқисин, истаган нарсасини тиловат қилсин, аммо бу бирлан бизга азият етказмасин, ибодату тиловатини махфий адо этсин! Чунки, биз у хотинларимизу болаларимизни йўлдан оздиради, деб қўрқурмиз» — дея олишди, холос. Сўнг, Ибн ад-Дағина уларнинг бул гапларини Абу Бакрга айтди. Шундан сўнг, Абу Бакр Қурайш катталари шартига риоя қилиб, парвардигорларига ўз уйларида ибодат қиладирган, намозларини махфий тутадирган ва уйларида бўлак ерда тиловат қилмайдирган бўлдилар. (Бирмунча вақт ўтгач), Абу Бакр (разияллоҳу анҳунинг мияларига) бир (ажойиб) фикр келди — ул киши ўз ҳовлилари олдида масжид қуриб олиб, энди ўшал ерда намоз ўқийдирган ва Қуръон тиловат қиладирган бўлдилар. Мушрикларнинг хотинлари ва болалари Абу Бакрнинг ҳузурларига тўпланишиб, ул кишига ажабланиб боқишар эрди. Абу Бакр қалби нозик киши бўлиб, Қуръон тиловат қилсалар, кўз ёшларини тутиб тура олмас эрдилар. Бу Қурайш мушриклари катталарини хавотирга сола бошлади, (чунки улар хотинлари ва болаларининг Исломга кириб кетишларидан чўчишар эрди). Шул боисдан улар Ибн ад-Дағинага одам юборишди. Ибн ад-Дағина уларнинг ҳузурига келди. Шунда улар унга: «Биз Абу Бакрга сизнинг олдингизда

парвардигорига уз уйида ибодат қилмоққа рухсат берган эрдик, аммо у ҳаддидан ошиб, ҳовлиси олдига масжид қуриб олди-да, ошкора намоз ўқиб, ошкора тиловат қила бошлади. Биз хотинларимиз ва болаларимизни йўлдан оздиришидан хавфланиб (шундай шарт қўйган эрдик). Сиз уни бундай қилмоқдан қайтарингиз! Агар у парвардигорига ўз уйида ибодат қилмоқлик бирлан чекланишни хоҳласа, шундай қилсин, мободо бундай қилмоқдан бўйин товлаб, намози ва қироатини ошкор адо қиладирган бўлса, ул ҳолда унга берган омонлигингизни ўзингизга қайтармоғини талаб қилингиз (яъни, «Бундан буён мен сени ҳимоя қилмайман» — деб айтингиз!»). Биз сўзингиз устидан чиқмай, бадном бўлмоғингизни истамаймиз, аммо хотинларимиз ва болаларимиздан хавотирда бўлганимиз боисидан Абу Бакрнинг ошкора (намоз ўқиб, ошкора тиловат) қилмоғига ҳам йўл қўя олмаймиз», — дейишди. Сўнг, Ибн ад-Дағина Абу Бакрнинг ҳузурларига келиб: «Сиз бўйингизга қандай шарт қўйганимни биласиз, сиз (намозу тиловатингизни уйингизда) адо этмоқлик бирлан чекланасиз ёхуд мен сизга берган омонликни ўзимга қайтарасиз (яъни, мен энди сизни ҳимоя қилмасман). Мен арабларнинг бир кишининг ёнини олиб берган сўзимнинг устидан чиқмаганлигимни эшитмоқларини истамайман!» — деди. Абу Бакр: «Мен сенинг ҳимоянгни ўзингга қайтариб, Оллоҳ таолонинг ҳимоясида бўлмоғимга розиман», — дедилар. Шу куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада эрдилар. Ул зот мусулмонларга: «Мен сизлар ҳижрат қиладирган икки тошлоқ ер (ёки икки тоғ) оралиғидаги хурмозор диёрингизни тушимда кўрдим. Шунда Мадинага ҳижрат қилгувчилар ул ерга ҳижрат қилишди ва Ҳабашистонга ҳижрат қилган гуруҳ Мадинага қайтиб келди», — дсдилар. Буни эшитиб, Абу Бакр разияллоҳу анҳу Мадинага ҳижрат қилмоқ учун ҳозирлик кўра бошладилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига: «Шошмай турингиз, чунки менга (ҳижрат қилмоққа) ижозат берилмоғини истайман», — дсдилар. Абу Бакр: «Она-онам сизга фидо булсинлар, сиз шуни (яъни, изн берилмоғини) истайсизми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа» — деб жавоб қилдилар. Шундан сўнг, Абу Бакр Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамроҳ бўлиш учун ҳижрат қилмоқдан тийилдилар-да, ўзларида мавжуд икки (бақувват) туяни акация барглари бирлан тўрт ой боқдилар. Бир куни биз чошгоҳ вақтидан хиёл ўтганда (отам) Абу Бакрнинг уйларида ўлтириб эрдик, бир киши (Абу Бакрнинг озод қилган қуллари Омир ибн Фухайра ёхуд Абу Бакрнинг қизлари Асмо) Абу Бакрга: «Ана, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бегоналар кўрмасин, деб) бошларини ўраган ҳолда одатда бизникига келмайдирган бир вақтда келаётирлар», — деди. Абу Бакр: «Ота-онам ул зотга фидо бўлсинлар! Оллоҳ таоло ҳақи, бир зарурат бўлмаса, бул вақтда келмас эрдилар», — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб (ичкарига кирмоққа) изн сўрадилар. (Абу Бакр) ул зотга изн бердилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ичкарига) кириб, Абу Бакрга: «Уйингиздаги (бегона)ларни чиқариб юборингиз!» — дедилар. Абу Бакр: «Булар сизга бегона эмаслар, отам сизга фидо бўлсинлар, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Ул зот: «(Ҳижрат қилиб) йўлга чиқишга менга ижозат берилди», — дсдилар. Абу Бакр: «(Сизга) ҳамроҳлик қилмоқни истайман, отам сизга фидо бўлсинлар, ё Расулаллоҳ!» — дедилар. Ул зот: «Ҳа, (сиз менга ҳамроҳлик қилгайсиз)», — дедилар. Абу Бакр: «Отам сизга фидо бўлсинлар, ё Расулаллоҳ, мана бу икки туямдан бирини олингиз!» — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Пулга (яъни, сотиб оламан)», — дедилар. Сўнг, биз отам Абу Бакр бирлан Жаноб Расулulloҳ учун тезда сафар тадорикини кўриб, бир хуржунга (еб-ичгуликлар) солдик. Шунда (синглим) Асмо бинти Абу Бакр (белидаги) камаридан бир бўлак қирқиб олиб, у бирлан хуржун оғзини боғлаб қўйди. Шул боисдан у «Икки камарли» деб аталадирган бўлди. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва (отам) Абу Бакр Савр тоғидаги бир ғорга етиб боришди. Иккаларини ул ерда уч кеча беркиниб ётишди, Абу Бакрнинг ўғиллари Абдуллоҳ ҳам уларнинг ҳузурда тунади. Абдуллоҳ ёш йигитча бўлиб, (қўл-оёғи) чаққон, фаросатли эрди. У тонг-сахарда уларнинг ҳузурдан чиқарди-да, (тезда Маккага бориб) гуёки шул ерда тунагандек, Қурайш (аҳли) бирлан биргаликда уйқудан уйғонар эрди. Сўнг, (мушрикларнинг ўзаро) гапларини

тинглаб, Жаноб Расулulloҳ бирлан Абу Бакрга қарши қандай режа тузишаётганини фаҳмлагач, қоронғу тушганда бориб уларни бундан воқиф қилар эрди. Абу Бакрнинг озод қилган қуллари Омир ибн Фуҳайра эрса, (эрталаб бир идиш ва кечқурун бир идиш сут берадирган) бир қўйни беркитиб қўйган бўлиб, хуфтондан бир оз ўтгач, уни Жаноб Расулulloҳ бирлан Абу Бакрнинг олдиларига ҳайдаб бориб (ташлаб келар) эрди. Иккалалари, то Омир ибн Фуҳайра тун охирлаб қолганда келиб қўйни чақирмагунча, уни соғиб сутини (куни бирлан офтобда қизиган) тош чуқурчасида пишириб ичиб, жимгина тунни ўтказишар эрди. Омир ибн Фуҳайра ўшал уч кеча давомида шундай қилди. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакр Бану аддийл қабиласидан бир уста йўл кўрсатувчи қишини ўзларига (ишга) ёлладилар. Ул одам(нинг исми Абдуллоҳ ибн Урайқиз бўлиб), асли Бану аддийл қабиласидан ажраб чиққан Бану Абд ибн Адий қабиласига мансуб эрди. Бунинг устига у Ос ибн Воил ас-Саҳмий хонадонининг иттифоқчиси бўлиб, Қурайш кофирлари динида эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакр ўз туяларини унга ишониб топширишди-да, уларни уч кечадан сўнг Савр тоғидаги ғорга олиб келишига ваъдалашишди. У учинчи кеча тонгида туяларни (олиб келди). Кейин, Омир ибн Фуҳайра ва йўл кўрсатувчи Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр бирлан бирга йўлга тушишди. Йўл кўрсатувчи уларни (денгиз) соҳили томон бошлаб кетди.

Суроқа ибн Жуъшум бундай дейдилар: «Қурайш кофирлари жўнатган одамлар бизнинг (қавмимиз) хузурига келишиб, кимки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакрдан қайси бирларини ўлдирса ёхуд асир олса, мукофот (юзта туя) олажагини айтиб кетишди. Бир маҳал мен қавмим «Бану Мудлиж» йиғинларидан бирида ўлтириб эрдим, улардан (Қурайш кофирлари жўнатган одамлардан) бири қайтиб келди-да, бизнинг тепамизда тик турган ҳолда (яъни, беодоблик бирлан): «Эй Суроқа, мен соҳил буйлаб кетаётган одамларни кўрдим, уларни Муҳаммад ва унинг саҳобалари (ҳамроҳлари), деб ўйлайман», — деди. Мен ўшал кишиларнинг Жаноб Расулulloҳ бирлан ул зотнинг саҳобалари эканлигини фаҳмлаб, унга: «Улар сен айтган кишилар эмас, сен фалон ва фалончиларни кўргансан, яқинда кўзимиз олдида ўзлари йўқотган бир нарсани қидириб чиқиб кетишган эрди», — дедим. Кейин, йиғинда бир оз ўлтиргач, ўрнимдан туриб (уйимга) кирдим-да, жориямга тепалик ортидаги отимнинг олдига бориб, уни ушлаб турмоғини буюрдим. Ўзим эрсам, найзамни олиб Байтуллоҳнинг ортига ўтиб олдим. Сўнг, (кетимдан бирор киши келаётган бўлса, Жаноб Расулulloҳ бирлан ул зотнинг саҳобаларини тутиш учун кетаётганимни билиб қолмасин, деган мақсадда) найзамнинг учини пастга ва дастасини тепага қилиб, то отимнинг олдига боргунимча учи бирлан ерни чизиб кетдим, (чунки, бошқалар мукофотга шерик бўлмоғини истамадим). Отимнинг олдига етиб боргач, уни миндим-да, уларга тезроқ етиб олиш учун қаттиқ чоптирдим. Шунда отим қоқилиб, устидан юз тубан қуладим. Кейин, ўрнимдан турдим-да, садоғимга (ўқдонимга) қўлимни узатиб, ундан (фол очадирган) азломни олдим. Сўнг, «Уларга зарар етказа оламанми ё йўқми?» — деб фол очиб эрдим, ўзим ёқтирмаган фол чиқди (яъни, уларга зарар келтира олмаслигимни кўрсатди). Кейин, мен (фол очадирган) азломга осийлик қилиб (яъни, фол уларга зарар келтира олмаслигимни кўрсатганлигига қарамай), отимни миндим-да, уларга шунчалик яқин бордимки, ҳатто Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ортларига қарамай кета туриб қилаётган қироатларини эшитдим. Абу Бакр разияллоҳу анҳу эрсалар, тез-тез аланглаб борар эрдилар. Шу аснода отимнинг (олдинги) икки оёғи (бирдан) тиззасигача ерга ботиб кетиб, устидан (яна) юз тубан қуладим. Сўнг уни бақриб-чақриб турғазишга ҳаракат қилдим, аммо у ҳарчанд уринмасин, оёқларини (ердан) тортиб ололмасди. (Урнаб-урнаб, охири оёқларини ердан тортиб олиб), қаддини тиклаганда оёқлари ўрнимдан бир (алангасиз) тутун чиқиб, (осмонга) тарқаб кетди. Кейин, мен (яна) азлом бирлан фол кўриб эрдим, (яна) ўзим ёқтирмаган фол чиқди (яъни, уларга зарар келтира олмаслигимни кўрсатди). Шунда мен уларга нидо қилиб, омонлик эълон қилдим (яъни, «Мен Суроқа ибн Жуъшумман,

Оллоҳ таоло ҳақи, сизларга заррача ёмонлик қилмайман!» — деб нидо қилдим). Улар (гапимни эшитиб) тўхташди. Мен отимни миниб уларнинг олдига бордим. Уларни асир (олмоқчи бўлиб кетларидан қувганим) туфайли ўзим (йўлда) дучор бўлган (бояги ҳодисотлар) чоғида кўнглимда «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ишлари ғалаба қилажак» деган (бир ишонч) пайдо бўлган эрди. Шулу боисдан мен Жаноб Расулulloҳга: «Қавмингиз (бўлмиш) Қурайш (қабиласи) сизни (ўлдирган ёки асир олган кишига) мукофот ваъда қилди» — деб Қурайш мушриклари уларни нима қилмоқ ниятида эканлиги хусусидаги хабарларни оқизмай-томизмай маълум қилдим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр на менга бирор нарса дейишди ва на мендан мен билган нарсалар хусусида сўрашди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат: «Кўзимиздан йўқол!» — дедилар, холос. Сунг, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзимга ишончнома (яъни, Ислому қарор топгач, ҳузурларига келсам, мени таниб олмоқлари учун) ёзиб бермоқларини илтимос қилдим. Улу зот Омир ибн Фуҳайрага буюриб эрдилар, у бир бўлак терига ёзиб берди. (Мен уни олиб садоғимга солдим-да, ортимга қайтдим). Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ва ул зот бирлан бирга кишилар ҳам ўзлари кўзлаган томонга қараб) равона бўлдилар. Сунг, (Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Шомдан қайтиб келаётган мусулмон савдогарлар карвони орасида Зубайрни учратиб қолдилар. Зубайр Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакрга оқ сарпо кийдирдилар, (баъзи муҳаддислар: «Зубайр эмас, Талҳа ибн Убайдulloҳ» ва баъзи муҳаддислар: «Иккалалари сарпо кийдирганлар» — дейишади). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Маккадан йўлга чиққанларини эшитган Мадинадаги мусулмонлар ҳар тонг (Мадина ташқарисидаги) тошлоқ ерга келишар ва то кун чидаб бўлмайдирган даражада исиб кстгунга қадар ул зотни интизор бўлиб кутишар эрди. Улар бир неча кун давомида ул зотни кутишгач, бир куни ортларига қайтишиб уйларига кириб кетишган вақтда бир яҳудий ул зотнинг келаётганларини кўриш учун ўз кўрғонларидан бирининг тепасига чиқди. Шунда у Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан саҳобаларининг оқаришган (яъни, оппоқ кийимлар кийиб олган ҳолда кун ҳароратининг шиддатидан ҳосил бўлган) сароб ичра (бир кўриниб, бир ғойиб бўлиб) келишаётганини кўриб қолди. Яҳудий (ўзини) тутолмай, бор овози бирлан: «Эй араблар, ана сизлар интизор бўлиб кутаётган боболарингиз (яъни, сизлар интиқиб кутаётган бахту давлатингиз) келаётир!» — деб юборди. Шунда мусулмонлар қаттиқ ҳаяжон бирла (уйларидан) отилиб чиқишиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Ҳаррада (тошлоқ ерда) кутиб олишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳар бири ўз уйига олиб кетмоқ орзусида турган) мусулмонларга адолат қилиб, (туяларини ўз ҳолига қўйиб қўйдиларда, ул қайси қабилла ерига бориб тўхтаса, ўшал қабилла бирлан турмоққа қарор қилдилар. Шунда туялари) ўнг томонда турган (қабилла ерига бориб тўхтаб эрди, ул зот) ана ўшал Бану Амр ибн Авф қабиласи ерида тушдилар. Бу (кун) Рабийъ ал-аввал ойининг душанба куни бўлиб, Абу Бакр (ул зотни зиёрат қилгани келаётган) одамларни тик туриб кутиб олар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрсалар, сукут сақлаб ўлтирар эрдилар. Шунда келаетган ансорлардан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни илгари сира кўрмаганлари (Жаноб Расулulloҳ шулу киши бўлсалар керак, деб уйлаб) Абу Бакрга салом беришар эрди. (Бу ҳол талай вақтга қадар давом этиб), ҳатто Жаноб Расулulloҳнинг тепаларига офтоб келиб қолди. (Буни кўрган) Абу Бакр (Жаноб Расулulloҳнинг қошларига) келиб, ридолари бирлан ул зотни (офтобдан) пана қилиб қўйдилар. Одамлар шундагина (қайси бирлари) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эканликларини билиб олишди. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча ўн кеча Бану Амр ибн Авф қабиласида туриб, (ул ерда) тақвога асосланган бир масжидга асос солдилар ва шулу ерда намоз ўқидилар. Сўнг Жаноб Расулulloҳ жумъа куни туяларига миниб Қубодан йўлга тушдилар, (Бану Солим ибн Авф қабиласи ерига борганларида жумъа намози вақти бўлиб қолиб), одамлар то ул зотнинг туялари Мадинада «Масжидур Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам» (қуриладирган жойга) келиб чўккунга қадар бирга боришди. Ўшал куни ул

зот (ва) бир гуруҳ муслмонлар шул ерда (яъни, келгусида масжид қуриладирган жойда) намоз ўқишди. Бу жой (Рофиъ ибн Амрнинг) Саъд ибн Зурора қарамоғида (тарбияланаётган) икки етим ўғли — Суҳайл ва Саҳлга қарашли хурмо қоқи қилинадирган жой эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, (боя) туялари шул жойга келиб чўкканда: «Бу (жой), иншооллоҳ, (биз қурмоқчи бўлган масжид) ўрнидур!» — дедилар. Сўнг, икки (етим) боланинг ҳақиға дуо қилдилар-да, (уларнинг) хурмо қоқи қиладирган жойини масжид қилмоқ учун савдолашдилар Шунда икки (етим) бола: «(Пул олмаймиз), уни сизга тортиқ (ҳадя) қиламиз, ё Расулаллоҳ!» — дейишди! Аммо, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бул жойни ҳадя тарзида қабул қилмоққа кўнмай, уларга пулини тўладилар. Сўнг, шул жойда масжид қурдилар. Жаноб Расулulloҳ масжид қурилиши вақтида одамлар бирлан бирга ғишт ташиётиб, бундай дер эрдилар:

*«Хайбар (майиз, хурмоси) янглиғ юк эмасдур бу юк,
Савобу поклиги раббим қошида кўпроқ, буюк!».*

* * *

*«Чин мукофот — охират ажри эрур, парвардигор,
Муҳожир бирла ансорларга раҳм айла бисёр!».*

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам номи номаълум бир кишининг (юқоридаги) шеърини мисол келтирдилар Ибн Шихоб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (юқоридаги) байтдан бўлак бирор тугал шеър байтини мисол келтирганлари хусусида ҳадисларда учратмадим, — дейдилар».

Асмо разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан (отам) Абу Бакр учуни Мадинага ҳижрат қилишмоқчи бўлишганда йўлга хуржун тайёрлаб бердим. Шунда отамга: «Хуржуннинг оғзини боғлаш учун камаримдан бўлак нарса тополмадим», — дедим. Отам «Уни бўлиб (қирқиб) қўя қол!» — дедилар. Мен айтганларидек қилдим. Шул боисдан «Икки камарли» деган ном олдим».

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулудшоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина томон йўлга чиқдилар. Шунда Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум ул зотни таъқиб қилди. Жаноб Расулulloҳ уни дуои бад қилиб эрдилар, оти, (ерга) ботиб кетди. Суроқа ул зотга: «Оллоҳ таолога илтижо қилиб мени дуои хайр қилингиз, сизга зарар келтирмасман!»— деди. Жаноб Расулulloҳ уни дуои хайр қилдилар. Сўнг, ул зот йўлда чанқаб қолдгшар, шунда бир подачининг олдидан ўтдилар. Абу Бакр бу ҳақда: «Мен бир идиш олиб, унга тўлдириб сут соғдим-да, Жаноб Расулulloҳга олиб бордим, ул зот қонгунча ичдилар», — дейдилар».

Асмо разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен (Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб) йўлга чиқдим. Шунда мен (ўғлим Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга ҳомиладор бўлиб, ҳомиладорлик муддатим) туғай деб қолган эрди. (Шу аҳволда) Мадинага етиб келиб, Қубо деган ерда тушдимда, ўша жойда кўзим ёриди. Сўнг, боламни олиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига бордим-да, уни қўлларига бердим. Кейин, ул зот хурмо келтирмоқни буюрдилар, уни олиб чайнадилар. Сўнг, боламнинг оғзига тупириб қўйдилар. Боламнинг оғзига кирган энг дастлабки нарса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тупуклари бўлди. Кейин, ул зот чайналган хурмо бирлан боламнинг танглайини кўтариб қўйдилар. Сўнг, уни дуо қилиб, Оллоҳ таолодан баракот тиладилар. Менинг болам (Мадинага ҳижрат қилиб келган муҳожирларнинг) Ислом (даврида) туғилган биринчи фарзанди эрди».

Бу ерда юқоридаги ҳадисни мазмунан такрорловчи ҳадислар келтирилган.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам Абу Бакрни эргаштириб (Маккадан) Мадина томон йўлга тушдилар. Абу Бакр (доимо савдо-сотик бирлан машғул бўлганларидан) кексалар (янглиғ ким қандай одам эканлигини дарҳол) билиб олар, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам эрсалар (бул борада тажрибалари кам бўлгани учун) ёшлар каби (ким қандай одам эканлигини яхши) ажрата олмас эрдилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бир бегона кишини учратиб: «Эй Абу Бакр, рўпарангиздаги киши ким?» - дедилар. Абу Бакр: «Бу киши менга йўл кўрсатади» (еки «мени хайрият йўлига етаклайди»), - дедилар. (Кейин, ўшал кишини йўл бошловчи қилиб ёллашди). Сўнг, Абу Бакр ўгирилиб, ортларидан етиб келаётган бир отлиқ кишини кўрдилар-да: «Ё Расулаллоҳ, ана бир отлиқ киши ортимиздан етиб келди», — дедилар. (Бу одам Жаноб Расулulloҳ .бирлан Абу Бакрни ўлдириш ёхуд асир олиш мақсадида қувиб келаётган Суроқа эрди). Жаноб Расулulloҳ ортларига ўгирилиб: «Ё парвардигоро, уни қулатгил!» — деб дуои бад қилдилар. Шунда у отининг (оёқлари ерга ботиб кетиб, юз тубан ерга) қулади. Сўнг, оти кишнаб ўрнидан тургач: «Ё Расулаллоҳ, менга истаган буйруғингизни берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Жойингдан қўзғолма, (шу ерда қолиб) бирор кишининг ортимиздан қувиб етмоғига йўл қўйма!» — дедилар. (Суроқа) куннинг бошида Жаноб Расулulloҳга қарши чиқиб, куннинг охирвда эрса ул зотга яхшилик қилмоқ йўлига ўтди. Сўнг, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам (йўлда давом этиб), Ҳарра ёнига (етганларида туяларидан тушдилар. Кейин, ансорларга одам юбордилар, улар ҳузурларига (тезда) етиб келишди-да, иккаларига салом беришди. Сўнг, (Жаноб Расулulloҳ бирлан Абу Бакрга): «(Бизга) ишониб ва (таклифимизга) кўниб, (туяларингизга) минингизлар!»— дейишди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда Абу Бакр (туяларига) миниб йўлга тушишди. (Одамлар) хурсандлик бирлан уларга пешвоз чиқишди. Мадина буйлаб «Расулulloҳ келдилар! Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам келдилар!» деган овозлар таралди. Одамлар ул зотга яқин келишиб, (мамнуният бирлан) термулишар ва: «Расулulloҳ келдилар!» — дейишар эрди. Жаноб Расулulloҳ йўлда давом этиб, Абу Айюбнинг ҳовлилари енига (етганларида туяларидан) тушдилар. Шунда (Абу Айюб) оилаларига (Жаноб Расулulloҳнинг келганлари ҳақида) гапираётган эрдилар. Ўз хурмозорларида бола-чақаларига хурмо узиб турган Абдуллоҳ ин Салом эрса ул кишининг гапларини эшитиб қолдилар-да терилган хурмоларни (халтага) солганча (Абу Айюбнинг) олдиларига бордилар, сўнг Жаноб Расулulloҳ хусусларидаги (гапларни) Абу Айюбдан аниқлаб олгач, яна оилалари ҳузурига қайтдилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам (ансорларга): «Аҳлимиз (ансорлар) уйларидан қайси бири бизга яқинроқ?» — дедилар. Абу Айюб: «Мен (яқинроқман), мана бу менинг ҳовлим, мана бу эрса менинг эшигимдур», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Бор, бизга дам олмоқ учун бир жой тайёрла!» — дедилар. Абу Айюб (Жаноб Расулulloҳ бирлан Абу Бакрга): «Турингизлар, Оллоҳ таолонинг баракотига таяниб (юраверингизлар!)» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ (Абу Айюбнинг уйларига) келганларида Абдуллоҳ ибн Салом (кириб) келдилар-да: «Мен сизнинг Оллоҳнинг Расули эканлигингизга ҳамда ҳақиқий дин олиб келганингизга шаҳодат келтираман! (Ё Расулаллоҳ), яҳудийлар мени ўзларининг улуғи ва улуғларининг ўғли ҳамда энг билимдонлари ва энг билимдонларининг ўғли деб билишади. Уларни (ҳузурингизга) чақириб, Исломга кирганимни билмасларидан бурун улардан менинг ҳақимда сурангиз! Чунки, улар Исломга кирганимни билсалар, менинг хусусимда менга хос бўлмаган гапларни айтишади», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ (яҳудийларни чақириб келгани одам) жўнатдилар, улар келиб, ул зотнинг ҳузурларига киришди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Эй яҳудийлар жамоаси, шўрингиз курсин, Оллоҳ таолодан қўрқингизлар! ўзи якка-ю ягона Оллоҳ таоло ҳақи, сизлар менинг ҳақиқатан ҳам Оллоҳ таолонинг Расули эканлигимни ҳамда сизларга ҳақиқий дин олиб келганимни (яхши) билурсизлар, Исломга кирингизлар!» — дедилар. Яҳудийлар: «Биз уни билмаймиз» (яъни, «Биз бундай пайғамбарни билмаймиз») — деб Жаноб Расулulloҳни назарда тутиб айтишди: ўл зот уларни уч бор Исломга даъват қилдилар, (аммо улар бояги гапларини такрорлашаверди). Кейин, Жаноб Расулulloҳ уларга: «Абдуллоҳ ибн

Салом ораларингизда қандай одам?» — дедилар. Улар: «У бизнинг улуғимиз ва улуғимизнинг ўғли ҳамда энг билимдонимиз ва энг билимдонимизнинг ўғлидур»,— дейишди. Жаноб Расулulloх: «Менга айтингизлар-чи, агар у Исломга кирган бўлса, (сизлар ҳам Исломга кирасизларми?)» — дедилар. Улар: «Бундан уни Оллоҳ асрасин!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloх (ичкарида атайлаб беркиниб ўлтирган Абдуллох ибн Саломга): «Эй Ибн Салом, буларнинг ҳузурига чиқ!» — дедилар. Абдуллох ибн Салом чиқиб, уларга: «Эй яҳудийлар жамоаси, Оллоҳ таолодан қўрқингизлар! ўзи яккаю-ю ягона Оллоҳ таоло ҳақи, сизлар бул зотнинг ҳақиқатан ҳам Оллоҳ таолонинг Расули эканликларини ҳамда ҳақ дин олиб келганларини (яхши) билурсизлар», — дедилар. Улар: «Ёлғон айтдинг!» — дейишди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloх уларни (ҳузурларидан) чиқариб юбордилар».

Абу Бурда ибн Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоху анху ривоят қиладилар: «Абдуллох ибн Умар менга: «Менинг отам сенинг отангга нима деганларини биласанми?» — деди. Мен: «Йўқ», — дедим. Абдуллох ибн Умар: «Менинг отам сенинг отангга: «Эй Абу Мусо, дарҳақиқат Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бирлан бирга мусулмон бўлганимиз, (яъни, шахсан ул зотнинг даъватлари бирлан мусулмон бўлмоқлик бахтига муяссар бўлганимиз), ул зот бирлан бирга ҳижрат ва жиҳод қилганимиз, хуллас ул зот бирлан бирга қилган барча амалларимиз, гарчи биз ул зотдан кейин қиладирган ҳар бир ишимиздан тўла-тўқис қутулган бўлсак-да, (бундан буён ҳам одамларни Исломга даъват этиб, жиҳодни давом эттирмоғимизни) бизга вожиб қилур, сен шундан мамнунмисан?» — дедилар. Сенинг отанг: «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, биз Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам бирлан бирга жиҳод қилдик, намоз ўқидик, рўза тутдик, кўплаб хайрли ишлар қилдик ва қўлаб одамлар бизнинг кўмагимиз бирлан мусулмон бўлдилар, энди биз шунни (яъни, жиҳодни тўхтатишни) истаймиз»,— дедилар. Менинг отам: «Мен эрсам, Умарнинг (яъни, ўзимнинг) жони кўлида бўлмиш зот ҳақи, (Жаноб Расулulloх бирлан бирга мусулмон бўлганимиз, ҳижрат қилганимиз, жиҳод қилганимиз), гарчи биз ул зотдан кейин қиладирган ҳар бир ишимиздан тўла-тўқис қутулган бўлсак-да, (бундан буён ҳам одамларни Исломга даъват этиб, жиҳодни давом эттирмоғимизни) бизга вожиб қилмоғини истайман!» — дедилар», — деди. Шунда мен Абдуллохга: «Сенинг отанг, Оллоҳ таоло ҳақи, менинг отамдан яхшироқлар!» — дедим».

Абу Усмон разияллоху анху ривоят қиладилар: «Ибн Умар разияллоху анху, агар унга «Отасидан илгари ҳижрат қилган» дейилса, дарғазаб бўлиб, бундай дер эрди: «Мен ва отам Умар Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордик, қарасак ул зот қайлула қилиб ётган эрканлар. Шул боисдан уйимизга қайтиб келдик. (Бир оздан кейин), отам Умар менга: «Ул зотнинг ҳузурларига бориб қара-чи, уйғонганмиканлар?» — дедилар. Мен бориб, Жаноб Расулulloхнинг ҳузурларига кирсам, (уйғонган эрканлар), ул зотга байъат қилдим. Кейин, қайтдим-да, ул зотнинг уйғонганларини отамга айтдим. Сўнг, отам иккаламиз тез юриб ул зотнинг ҳузурларига бордик, отам ичкарига кириб ул зотга байъат қилдилар. Кейин, мен ул зотга (яна) байъат қилдим».

Баро разияллоху анху ривоят қиладилар: «Абу Бакр Озидан эгар сотиб олдилар, мен уни ўйларига олиб бориб бердим. Ўшанда Озиб Абу Бакрдан Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам (бирлан биргаликда қилган) сафарлари ҳақида сўрадилар. Абу Бакр бундай деб айтдилар: «(Мушриклар) бизни таъқиб қилгач, йўлга тушиб тун бўйи ва эртасига соя тик турадирган вақтгача (яъни, Қуёш қоқ тепамизга келгунча) йўл юрдик. Сўнг, рўпарамизда бир катта тош кўринди, биз унинг олдига бориб қарасак, остида бир оз соя бор эркан. Мен ўшал ерга Жаноб Расулulloх учун пўстак тўшаб бердим, ул зот ёнбошладилар. Сўнг, ул зот ётган ернинг атрофини кузатиш учун нарироқ бордим. Шунда бир қўйчивоннинг биз каби соя жой қидириб бояги тош томон қўйларини ҳайдаб келаётганини кўрдим. Мен ундан: «Эй йигит,

кимнинг қуйчивонисан?»— деб сўрадим. У: «Мен фалончининг қуйчивони буламан», — деди. Мен унга: «Қуйларинг ичида сути бор (совлиғинг) борми?» — дедим. У: «Ҳа, бор», — деди. Мен унга: «(Бир оз сут) соғиб берасанми?» — дедим. У: «Ҳа», — деди-да, қуйлари орасидан бир совлиқни тутди. Мен унга: «Елинини (чашту жундан) тозала!» — дедим. Кейин, у менга бир.идишда сут соғиб берди. Мен Жаноб Расулulloҳ учун бир идишда сув олиб олган эрдим, сутни ўшанга қуйиб, совисин деб унга бир оз сув қушдим. Кейин уни Жаноб Расулulloҳга олиб бордим-да: «Ё Расулаллоҳ, ичингиз!» — дедим, ул зот қонгунча ичдилар. Сўнг, биз эндигина йўлга тушиб ҳам эрдикки, таъқибчилардан бири (яъни, Сууроқа) ортимиздан етиб кедди».

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Абу Бакр бирлан бирга ул кишининг уйларига кирдим, қизлари Оиша иситмалаб ётган эрдилар. Шунда оталари (Абу Бакр)нинг Оишанинг ёноғидан ўпа туриб: «Қалайсан, қизалоғим?» — деганларини кўрдим».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Мадинага) келдилар. Ул зотнинг саҳобалари орасида Абу Бакрдан бўлак сочига оқ оралаган киши йўқ бўлиб, соқолларини хина ва катам (ўсимлик бўлиб, ундан ранг тайёрланади) бирлан бўяб олган эрдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келдилар. Ул зотнинг энг ёши улўф саҳобалари — Абу Бакр бўлиб, соқолларини хина ва катам бирлан бўяб олганларидан қип-қизариб кетган эрди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Отам Абу Бакр (Бану) Калб қабиласига мансуб бир аёлга ўйландилар, уни Умму Бакр деб аташар эрди. Мадинага ҳижрат қилганларида уни талоқ қилдилар. Сўнг, унга Бадр куни ўлдирилган Қурайш кофирлари ҳақида қасида битган бир шоир амакиваччаси ўйланди».

Абу Бакрразияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ғорда эрдим. Шунда бошимни кўтариб қавмнинг қадам товушларини эшитдим. Сўнг: «Ё Расулаллоҳ, агар улардан бирортаси оёқлари остига кўз ташлаганда бизни кўриб қолар эрди», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Абу Бакр, овозингизни чиқармангиз! Биз бул ерда икки кишимиз, деб ўйладингизми? Учинчимиз Оллоҳ таолодур!» — дедилар».

Абу Саъид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир бадавий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб ҳижрат ҳақида сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг курсин, ҳижратнинг шартини оғирдур! Туяларинг борми?» — дедилар. У: «Ҳа, бор», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Уларнинг закотини тўлаб турибсанми?» — дедилар. У: «Ҳа», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Улардан (кўрган фойдангдан) садақа қилиб турибсанми?» — дедилар. У: «Ҳа», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сув ичгани келган куни уларни соғиб турибсанми?» — дедилар. У: «Ҳа», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Қишлоғу шаҳарлар ортида туриб ҳам амали солиҳларингни адо этавер, чунки Оллоҳ таоло қилган амали солиҳларинг учун сенга берадирган савобларни заррача камайтирмайди!» — дедилар».

18-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан саҳобаларининг Мадинага келганлари хусусида

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Муҳожирлардан энг биринчи бўлиб бизнинг ҳузуримизга (Мадинага) келган кишилар — Мусъаб ибн Умайр ва Ибн Умму Мактумдурлар. Сўнг, бизнинг ҳузуримизга Аммор ибн Ёсир ва Билол разияллоҳу анҳум келдилар».

Баро разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Муҳожирлардан энг биринчи бўлиб бизнинг ҳузуримизга (Мадинага) келган кишилар — Мусъаб ибн Умайр ва Ибн Умму Мактум бўлиб, иккалалари одамларга (Қуръон) қироат қилмоқни ўргатишар эрди. Кейин, Билол, Саъд ва Аммор ибн Ёсир келишди. (Улардан) сўнг, Умар ибн ал-Хаттоб Жаноб Расулulloҳнинг йигирмата саҳобалари бирлан бирга келдилар. Кейин, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келдилар. Мен Мадина аҳлининг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ташрифларига хурсанд бўлганчалик бирор нарсага хурсанд бўлганларини кўрмаганман, ҳатто чўрилар ҳам (мамнун бўлганларидан): «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келдилар!» — дейишар эрди. Мен ул зот келишлари ҳамоноқ муфассал суралардан бўлмиш «Саббиҳисма раббикал-аъло» сурасини қироат қилдим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида (отам) Абу Бакр бирлан Билол бетоб бўлиб қолишди. Шунда мен иккалаларининг ҳузурларига кириб: «Эй отажон, ўзингизни қандай ҳис қилаётирсиз? Эй Билол, ўзингизни қандай ҳис қилаётирсиз?» — дедим. (Отам) Абу Бакр иситма хуруж қилганда бундай дер эрдилар:

*«Ҳар кишига аҳли айтур: «Хайриятли тонг!», бироқ,
Чоригини боғичидан қазосидур яқинроқ».*

Билол эрсалар иситмалари пасайганда ҳўнграб бундай дер эрдилар:

*«Насиб ўлғайму ётмоқ водийим қўйнида бир тун,
Қуршалиб мен ҳар тарафдин изхиру гулга бутун?
Яна бир бор ичарманму Мажинна сувларидин,
Тафийлу Шома тоғин кўзларим кўргайму бир кун?».*

Сўнг, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига бориб, шул ҳақда сўзлаб бердим. Шунда ул зот: «Ё парвардигоро, бизга Мадинани Маккани севганимизчалик ёки ундан ортиқроқ маҳбуб қилгил, уни дардлардан фориғ айлаб, тошу тарозусини биз учун баракали қилгил ва ундаги безгакни (Миср. кофирлари ери бўлмиш) Жухфага жўнатгил!» — дедилар».

Убайдуллоҳ ибн Адий ибн Хиёр ривоят қиладилар: «Мен Ҳазрат Усмоннинг ҳузурларига кирдим. Шунда ул киши калимаи шаҳодат айтдилар. Сўнг, бундай дедилар: «Аммо баъд, дарҳақиқат Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақ (дин) бирла юборган бўлиб, мен Оллоҳ таоло бирлан унинг Расули даъватига ижобат қилган, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам нимаики келтирган бўлсалар, барчасига иймон келтирган кишилардандурман. Сўнг, икки бор ҳижрат қилдим, ул зотга кўёв бўлдим, байъат қилдим. Оллоҳ таоло ҳақи, ул зотга, токи вафот қилгунларига қадар ҳам, осийлик ва алдамчилик қилмадим».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Ҳазрат Умар сўнгги марта ҳаж қилганларида бир ифвогарнинг: «Агар Умар ўлса, мен фалончига байъат қилурман» — деб айтганини эшитиб: «Иншооллоҳ, мен бугун кечқурун кимлар ифво қилиб одамларни чалғитишга уринаетганини барчага ошкор қилурман!» — дедилар). Шунда Абдурраҳмон ибн Авф: «Ё Амрал-мўъминийн, бундай қила кўрмангиз, чунки ҳозир ҳаж вақти бўлиб, кўплаб жоҳил ва тубан одамлар тўплангандур. (Одамларга сўзлаётган чоғингизда ўшал тоифа кишилар сизни ўртага олишиб, енгиб қўйишмаса эрди), яхшиси Мадинага боргунингизга қадар сабр қилингиз, чунки Мадина ҳижрат ва суннат уйдур. Ул ерга боргач, фақиҳу ашрофлар ҳамда бир сўзли одамлар бирлан холис суҳбат қилиб, бул хусусда маслаҳат қилгайсиз», — деди. Ҳазрат Умар: «Мадинага боргач, қиладирган энг дастлабки ишим шу бўлур!» — дедилар».

Хорижа ибн Зайд ибн Собит ривоят қиладилар: «Ансорлар муҳожирларни ўз уйларига жойлаштириш мақсадида қуръа ташлашганда Усмон ибн Мазъун Уммулалоъ оиласи чекига чиқдилар. Уммулалоъ бундай дейдилар: «Усмон ибн Мазъун бизникида хасталаниб, вафот этдилар. Биз ул кишини кийимлари бирлан кафанлаб қўйдик. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўйимизга кирдилар. Мен: «Оллоҳ сизни раҳмат қилсин, эй Абу Соиб! Сизни Оллоҳ икром қилганининг шоҳиди бўлиб турибман», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳнинг бул кишини икром қилганини қаердан билурсан?!» — дедилар. Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсинлар, ё Расулаллоҳ! Оллоҳ шул кишини икром қилмай, кимни икром қилур?!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Аммо, Усмон (ажали етиб) вафот этди. Оллоҳ таоло ҳақи, мен унга, шубҳасиз, хайрият тиларман! Оллоҳ таоло ҳақи, ҳатто мен Оллоҳнинг расули бўла туриб, (охиратда) менга нима қилинмоғини билмасман!» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, бул кишидан кейин, энди бирор кишини раҳматли демасман!» — дедим. Кейин, мен дилим ғаш бўлиб, ухлаб қолдим. Тушимда Усмон ибн Мазъунни кўрдим, у кўзлари жикқа ёш ҳолда турар эрди. (Эрталаб) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, тушимни айтиб бердим. Ул зот: «Бу қилган амали (солиҳлари натижасидур!) — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Буъос куни — Оллоҳ таоло Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга инъом қилган кун эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида (ул ердан икки мил наридаги Буъос) жамоати пароканда бўлган, улўғлари ўлдирилган ва жароҳатланган бўлиб, (Оллоҳ таоло) ул ер аҳолисини Исломга киритишни (ўз Расулига осонлаштириб қўйган эрди)».

Ҳишомнинг оталари ривоят қиладилар: «Абу Бакр Рамазон ёки Қурбон ҳайити куни Оишанинг ҳузурларига кирганларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ўшал ерда эрдилар. Шунда Оишанинг қошларида икки (ансория) қизалоқ Буъос куни ҳақида куйлашар эрди. Абу Бакр (уларга): «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида шайтон янглиғ (Оллоҳ таолонинг зикридан чалғитиб) қўшиқ айтасизларми?!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолларига қуйингиз, чунки ҳар бир қавмнинг ўз байрами бор, бутун эрса бизнинг байрамимиздур!» — дсдилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида ул ернинг юқори томонида — Бану Амр ибн Авф маҳалласида (туяларидан) тушдилар. Сўнг, ул зот ўн тўрт кеча улар бирлан бирга турдилар. Кейин, Бану Нажжор жамоатини ҳузурларига чорлаб одам юбордилар. Улар қиличларини тақиб келишди. Мен Жаноб Расулulloҳнинг олдинда, Абу Бакрнинг ул зотнинг ортларида туяда ўлтирганларини, атрофларини эрса Бану Нажжор жамоати ўраб турганини ҳозир ҳам кўриб тургандекман. Ул зот ўшанда Абу Айюб ҳовлисида (туяларидан) тушган эрдилар. Жаноб Расулulloҳнинг одати шарифлари шундай эрдикки, қаерда намоз вақти бўлиб қолса, ўшал ерда, ҳаттоки қўй қўраларида ҳам намоз ўқийверар эрдилар. (Бу гал ҳам худди шундай қилдилар, яъни Бану Нажжор қабиласига қарашли бир боғга келганларида намоз вақти бўлиб қолиб, туяларидан тушдилар-да, шул ерда намоз ўқидилар). Сўнг, шул ерда бир масжид қурмоқни амр қилдилар. (Аммо бунинг учун боғни сотиб олмоқ керак эрди. Шул боисдан ул зот) Бану Нажжор жамоатига одам юбордилар. Улар келишгач: «Эй Бану Нажжор, менга мана бу боғингизнинг нархини айтингизлар!» — дедилар. Улар: «Йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, пулини олмаймиз, Оллоҳ таоло йўлида инъом қиламиз!» — дейишди. Ўшал боғда мушрикларнинг қабрлари, бир хароба (бино) ва хурмо дарахтлари бор эрди. Ул зот амр қилиб эрдилар, мушрикларнинг қабрларидан суюқлар кавлаб олиниб, йўқ қилинди, хароба текислаб ташланди ва хурмо дарахтлари кесилди; Сўнг, хурмо ёғочларини (бўлажак) масжиднинг қибла тарафига қатор қилиб ўрнатишиб, унинг икки тарафига (ёнига) тошлардан девор ура бошлашди. Улар катта-катта тошларни ташиётиб

бир қўшиқни хиргойи қилишар, Жаноб Расулуллоҳ ҳам уларга қушилиб бундай дер эрдилар:
«*Чин мукофот — охират ажри эрур, раббим, фақат,
Муҳожир бирла ансорларни қилғил мағфират!*».

19-боб. Муҳожирнинг (ҳаж ёки умрани) адо этгач, Маккада турмоғи ҳақида

Ало ибн ал-Хазрабий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муҳожир Садардан кейин (яъни, Минодан қайтгач), уч (кеча Маккада турмоғи мумкин)», — дедилар». (Яъни, Макка фатҳидан илгари Мадинага ҳижрат қилганлар учун Маккада турмоқлик ҳаром қилинган эрди. Кейинчалик, ҳаж ёки умра қилмоқ мақсадида Маккага кирган муҳожирларга, ҳаж ёки умра қилиб бўлганларидан кейин, Маккада уч кеча турмоқлик рухсат қилинди).

20-боб. Тарихни (ҳижрий йил ҳисобини) қачондан бошлаганлар?

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «(Ҳижрий йил ҳисобини) на Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий келган ва на ул зот вафот этган кундан бошлашди. (Бу сана ҳисобини) Жаноб Расулуллоҳнинг айнан Мадинага келган кунларидан бошлашди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. «(Оллоҳ таоло томонидан намоз фарз қилинган вақтда муқимликда ҳам, сафарда ҳам) икки рақъат (намоз ўқимоқ) фарз қилинди. (Шом бундан мустасно, чунки у уч рақъатдур). Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрат қилганларидан кейин эрса, (муқимликдага субҳ ва шом намозларидан бўлак намозларни) тўрт рақъат ўқимоқ фарз қилиниб, сафардаги намоз аввалгича қолдирилди».

21-боб. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Парвардигоро, саҳобаларимнинг ҳижратларини поёнига етказгил!» — деб айтганлари ва Маккада вафот этган кишига ачинганлари хусусида

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ал-Видоъ йили бетоб бўлиб қолганимда мени кўргани кириб турар эрдилар. Мен Жаноб Расулуллоҳга: «Мен, кўриб турганингиздек, ғоятда оғир дардга чалиниб қолдим. Мол-дунём кўп, аммо қизимдан бўлак меросхўрим йўқ. Мол-дунёмнинг учдан икки қисмини садақа қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ, учдан икки қисмини садақа қилмайсан», — дедилар. Мен: «Ярмини садақа қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ, ярмини садақа қилмайсан», — дедилар. Сўнг: «Учдан бирини садақа қилсанг, кифоядур. Учдан бири ҳам анча кўпдур. Меросхўрингни бой қилиб қолдирмоғинг, уни одамларга қўл чўзиб тиламчилик қиладирган ҳолда қолдирмоғингдан афзалроқдур. Чунки, Оллоҳ таолонинг ризолигани истаб нимаики садақа қилма, бунинг учун ажру савоб топурсан, ҳатто хотинингнинг оғзига солиб қўйган бир луқма таоминг учун ҳам» — деб айтдилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, мен Маккада қолиб, дўстларим сиз бирлан бирга (Мадинага) қайтиб кетишадими?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Сен (Маккада) қолиб, нимаики амали солиҳ қилма, бу бирлан фақат даражаю мартабангни зиёда қилурсан. Шояд (ўлмайд) қолсанг-у, (сенинг етакчилигингда бир қанча куфр ўлкалари фатҳ қилиниб), мусулмонлар манфаат, мушриклар эрса зарар кўрса! Ё парвардигоро, саҳобаларимнинг ҳижратини поёнига етказгил (яъни, ҳижратдан кўзлаган мақсадларига етказгил) ва уларни (ноумид айлаб), ортларига қайтармагил!» — дедилар».

Лекин, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бечора Саъд ибн Хавланинг (яъни, Саъд ибн Абу Ваққоснинг) Маккада вафот қилганидан (кўп) ачиндилар.

22-боб. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам ўз саҳобаларини қандай қилиб ўзаро ака-ука тутинтириб қўйганлар?

Абу Жухайфа разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам Салмон бирлан Абу ад-Дардоъни ўзаро ака-ука тутинтириб қўйдилар».

Анас разияллоху анху ривоят қиладилар: «Абдурраҳмон ибн Авф (Мадинага) келди. Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам у бирлан Саъд ибн ар-Рабийъ ал-Ансорийни ўзаро ака-ука тутинтириб қўйдилар. Шунда Саъд Абдурраҳмонга икки хотинидан бирини ва мол-дунёсининг ярмини таклиф қилди. Абдурраҳмон: «Оллох таоло оиланг бирлан мол-дунёнга баракот ато этсин, менга бозорнинг қаердалигини кўрсат!» — деди. Сўнг, (бозорга бориб) бир оз пишлоқ ва сариғёғ харид қилиб келди. Бир неча кундан кейин, Жаноб Расулulloх ундаги бир сариғ доғни кўриб: «Эй Абдурраҳмон, бу ниманинг доғи?» — дедилар. У: «Ё Расулаллох, мен бир ансория аёлга уйландим», — деди. Жаноб Расулulloх: «Маҳрига нима бердинг?» — дедилар. У: «Данақдек олтин бердим», — деди. Жаноб Расулulloх: «Бир куй сўйиб бўлса ҳам, зиёфат (тўй) қилгил!» — дедилар»;

Анас разияллоху анху ривоят қиладилар: «Абдуллох ибн Салом Расулulloх саллаллоху алайҳи ва салламнинг Мадинага келганларини эшитиб, ул зотнинг ҳузурларига келди-да: «Мен сиздан пайғамбарларгина биладирган уч нарса ҳақида сўрайман: Қиёматнинг дастлабки белгилари нима? Жаннат аҳли ейдирган энг дастлабки таом нима? Боланинг отаси ёки онасига ўхшашлиги нимадан?» — деди. Жаноб Расулulloх: «Сен сўраган нарсалар хусусида Жаброил алайҳиссалом менга хабар қилдилар», — дедилар. Абдуллох ибн Салом: «Бу ўша яҳудийларнинг душмани бўлмиш фаришталардан бири — (Жаброилдур)», — деди. Кейин, Жаноб Расулulloх унинг саволларига жавобан: «Қиёматнинг дастлабки белгилари шуки, аланга (чиқиб), одамларни машриқдан мағрибга тўплайди. Жаннат аҳли ейдирган дастлабки таом эрса, бу хут (кит, катта балиқ) жигар ўсимтасидур. Боланинг (отаси еки. онасига) ўхшашлиги хусусига келсак, агар аёлнинг манийси илдамлик қилса, бола онасига ўхшайди», — дедилар. Шунда Абдуллох ибн Салом: «Оллохдан бўлак илох йўқлигига ва сизнинг Оллохнинг Расули эканлигингизга шаҳодат келтирдим!» — деди. Сўнг, яна: «Ё Расулаллох, яҳудийлар фирибгар қавмдур. Менинг мусулмон бўлганимни билмасларидан бурун улардан менинг хусусимда сўрангиз!» — деди. Яҳудийлар келгач, Жаноб Расулulloх улардан: «Айтингизлар-чи, агар Абдуллох ибн Салом мусулмон бўлган бўлса, (сизлар ҳам Исломга кирасизларми?)» — деб сўрадилар. Яҳудийлар: «Уни бундан Оллохнинг ўзи асрасин!» — дейишди. Жаноб Расулulloх саволларини (уч бор) қайтардилар. Аммо, улар бояги гапларини айтишди. Шунда Абдуллох ибн Салом (ичкаридан) чиқиб келиб: «Оллохдан бўлак илох йўқ эканлигига ва Муҳаммаднинг унинг Расули эканликларига шаҳодат келтирдим!» — деди. Яҳудийлар: «(Абдуллох) энг ёмонимиз ва энг ёмонимизнинг ўғлидур!» — дея уни камситишди. Абдуллох: «Ё Расулаллох, мен шундан хавотир олган эрдим!» — деди».

Абдурраҳмон ибн Мутъим ривоят қиладилар: «Шарийк бозорда менга насияга (яъни, қарзга, кейинроқ кўпроқ қилиб қайтариш шарти бирлан) дирҳамлар сотди. Шунда мен: «Субҳоналлох, бу (савдомиз) тўғрими?» — дедим. У: «Субҳоналлох, Оллох ҳақи! Мен бозорда (дирҳамларни) худди шундай сотдим, ҳеч ким менинг бу савдомни қораламади», — деди. Кейин, мен (шул ҳақда) Баро ибн Озибдан сўраб эрдим, у: «Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам (Мадинага) келганларида биз шундай савдо қилиб турган эрдик. Ул зот: «Агар қўлга қўл бирлан (яъни, савдолашилган ернинг ўзида нақдга нақд туланса), ҳечқиси йўқ ва агар насияга (савдолашилса), ярамайди» — деб айтдилар. (Ишонмасанг) Зайд ибн Арқамга учраб ундан сўра, у бизнинг энг улуғ (катта) савдогаримиз бўлгандур», — деди. Сўнг, мен Зайд ибн

Арқамдан сўрадим, ул ҳам айнан шу гапни айтди».

24-боб.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар яҳудийлардан ўнтаси менга иймон келтирса, (бутун) яҳудийлар менга иймон келтирур», — дедилар». (Яъни, Жаноб Расулulloҳ бул гапни айтган вақтларида ўндан ортиқ яҳудий иймон келтирган бўлиб, «Ул зот: «Агар яҳудийларнинг ўнта бошлиғи менга иймон келтирса, барча яҳудийлар менга иймон келтирур» — деб айтмоқчи бўлганлар», — дейишади уламолар).

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида яҳудийлар Ошуро рўзасини тутишаётганини кўрдилар. Шунда нечун бу рўзани тутишаётгани ҳақида сўрашди. Яҳудийлар: «Бу кун Оллоҳ Мусо бирлан Бану Исроилни Фиръавн устидан ғолиб қилган кундур, биз ўша кунни эъзозлаб рўза тутамиз», - дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз (мусулмонлар) Мусо алайҳиссаломга сизлардан кўра ҳақлироқмиз», — дедилар. Сўнг, (саҳобаларга) Ошуро рўзасини тутмоқни амр қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (дастлабки вақтларда олд) сочларини пешоналарига тушириб юрдилар. (Ўшал кезларда) мушриклар бошларининг қоқ ўртасидан фарқ очишарди-да, сочларини икки ёнга ташлаб олишиб, пешоналарини очиб юришар эрди. Китоб аҳли эрса аксинча сочларини пешоналарига тушириб олишар эрди. Жаноб Расулulloҳ (соч хусусида Оллоҳ таолодан махсус амр келгунча) сочларини пешоналарига тушириб юришни хуш кўрдилар, (чунки китоб аҳли илгариги пайғамбарлардан қолган одатни қилар эрди. Шу боисдан) ул зот бутларга сиғинувчилар одатини қилгандан кўра, ўз шариатларига зид бўлмаган (китоб аҳли) одатини қилмоқни афзал кўрдилар. Кейин, (Оллоҳ таолодан амр бўлгач), ул зот бошларига фарқ очадирган бўлдилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «(Оллоҳнинг Китобини) бўлак-бўлак қилиб, бир қисмига иймон ва бир қисмига куфр келтирганлар китоб аҳлидур», — дейдилар». (Яъни, Қуръоннинг баъзи оятларига иймон келтириб, баъзи оятларини инкор этган яҳудий ва насронийлар назарда тутилган).

25-боб. Салмон ал-Форсий разияллоҳу анҳунинг мусулмон бўлганлари ҳақида

Абу Усмон: «Салмон ал-Форсий бир неча ун подшоҳлар қўлидан қўлига ўтиб, ниҳоят Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўллари остида мусулмон бўлдилар», — дедилар. (Салмон ал-Форсий айтишларича, икки юз эллик ёхуд уч юз эллик йил умр кўрган эмишлар. Шул боисдан ул киши бир неча ўн подшоҳлар ҳукмронлиги даврини бошдан кечириб, охири Жаноб Расулulloҳнинг замоналарида Исломга кирганлар, дейишади).

Абу Усмон: «Мен Салмон ал-Форсийнинг: «Мен (Эрондаги) Роми Ҳурму (ўлкаси)данман» — деб айтганларини эшитганман», — дейдилар.

Абу Усмон ривоят қиладилар: «Салмон ал-Форсийга: «Исо алайҳиссалом бпрлан Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ораларидаги муддат олти юз йилдур», — дедилар».

**ABU ABDULLOH
MUHAMMAD IBN ISMOIL AL-BUXORIY**

AL-JOMI' AS-SAHIH
(Ishonarli to'plam)

3-jild

**Arabchadan Rahmatulloh qori Qosim o'g'li va Xoja Baxtiyor Nabixon o'g'li
tarjimasi**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

KITOB UL-MAG'OZIY

(G'ozilarning fazilatlari va ular qilgan amali solihlar haqida kitob)

**1-bob. «Al-Ushayra yoki Al-Usayra janggi» haqida «Rasululloh sallallohu
alayhi va sallam ishtirok qilgan g'azotlarning birinchisi «Al-Abvo» g'azoti,
keyin «Buvot», keyin ersa «Al-Ushayra» g'azotidir»,— deyilar.**

Imom Buxoriy rivoyat qiladilarki, Abu Ishoq bunday debdurlar: «Men Zayd ibn Arqamning yonlarida erdim. Ul kishidan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam necha gazotda ishtirok qilganlar?»—deb so'rasdi. Zayd: «19 ta»,— dedilar. Zayddan yana so'rasdi: «Siz Rasululloh birlan necha gazotda birga bo'lgansiz?». Ul kishi: «17 tasida»—deb javob qildilar».

«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ishtirok qilgan gazotlarning birinchisi qaysi?»—deb Zayddan so'rasam, ul kishi: «Al-Ushayra (yoki Al-Usayra)»—deb aytdilar, Qatodadan ham so'ragan erdim, ul kishi ham «Al-Ushayra» deb tasdiqladilar»,—deydilar Abu Ishoq.

**2-bob. Badr jangida o'ldiriladigan kishi haqida Rasulullohning aytganlari
(bashoratlari) to'g'risida**

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu Sa'd ibn Muoz haqida shunday deydilarki, «Sa'd ibn Muoz Umayya ibn Xalafning do'sti erdi. Umayya qachon Madinaga borsa, Sa'dning uyiga, Sa'd Makkaga kelsa, Umayyaning uyiga tushardi. Rasululloh (u kishiga Ollohning salomi bo'lsin!) Madinaga kelganlaridan so'ng, Sa'd umra qilish uchun Makkaga bordida, odatdagiday Umayyaning uyiga tushdi. Unga: «Bo'sh vaqtingda meni kuzatib tursang, Baytullohni tavof qilib olardim!» —dedi. Umayya kunning yarmida Sa'dni tavofga olib chiqdi. Ularga Abu Jahl duch kelib, Umayyadan: «Ey Abo Safvon, yoningdagi kishi kim?» — deb so'radi. Umayya: «Bu kishi Sa'd»,— deb javob berdi. Abu Jahl Sa'dga: «Sen ota-bobosining dinidan qaytgan kishilarni bagriga olib, o'zlarini ularning yordamchisi deb hisoblayotgan kishilarning biri bo'la turib, Makkada xotirjam tavof qilayotganingga taajjub! Bilib qo'y, agar sen Abu Safvon birlan birga bo'lmaganingda erdi, bola-chaqang oldiga salomat qaytmagan bo'lar erding!» — dedi. Sa'd ovozi

baland ko'tarib, Abu Jahlg dedi: «Sen ham bilib qo'y, agar menga tavof qilmoqni man' qilsang, men ham senga bundan badtarroq qilaman — Madinadan o'tadigan Shom yo'lini to'sib qo'yaman!». Umayya Sa'dga: «Ey Sa'd, butun vodiy ahlining ulugi bo'lmish Abulhakimga baqirma!» — dedi. Shunda Sa'd: «Ey Umayya, biz bilan ishing bo'lmasin, Ollohga qasamyod qilurmenkim, Rasulullohdan eshitganman, albatta bular seni ham o'ldirishlarini aytganlar»,— dedi. «Makkadami?» — deb so'radi Umayya. Sa'd: «Bilmayman»,— dedi. Shundan keyin, Umayyaning diliga qattiq gulgula tushib, uyiga qaytdi-da, xotiniga: «Ey Safvonning onasi, bildingmi, Sa'd menga nima dedi?» — dedi. Umayyaning xotini: «Sa'd nima dedi?»—deb so'radi. Shunda Umayya: «Sa'd menga aytdiki, Muhammad alayhissalom Quraysh albatta Umayyani o'ldiradi, deb ularga xabar bergan emishlar. Men Sa'ddan: «Makkadami?»—deb so'rasam, u bilmayman, deb javob berdi. Ollohga qasamyod qilurmen-kim, men Makkadan chiqmayman!» — dedi. Badr kuni kelgach, Abu Jahl odamlarni yig'di-da, ularga: «Savdo karvonlaringizni himoya qilingizlar!»—dedi. Umayya himoyaga chiqishdan bosh tortdi. Abu Jahl uning oldiga kelib: «Ey Umayya! Sen vodiy ahlining ulug'i bo'la turib karvon himoyasiga chiqmayotganingni odamlar ko'rsa, ular ham bosh tortadi»,— dedi. Abu Jahl shunday qattiq qistovga oldiki, oxiri Umayya bunday dedi: «Mayli sen yengding, Ollohga qasamyod qilurmenkim, Makkaning eng uchqur tuyalaridan sotib olurmen!». Keyin, Umayya xotiniga: «Ey Safvonning onasi, menga yo'l tadorikini ko'r!» — deb buyurdi. Xotini unga: «Ey Abo Safvon, yasriblik birodaringiz o'zingizga aytgan gapni unutdingizmi?»—dedi. Umayya: «Yo'q, lekin men ular birlan birga ozgina bo'lib qaytib kelaman»,— dedi. Umayya yo'lga chiqqach, qaerda tushmasin, tuyasini tushovlab qo'yardi. U shul tariqa yo'lda davom etib, Badrga borganda Olloh taolo undan o'z omonatini oldi».

3-bob. Badr janggi qissasi

Olloh taoloning qavli («Oli Imron» surasi): «Va haqiqatan ham Olloh taolo Badr maydonida sizlarga madad qilgan erdi, vaholanki sizlar ozchilik erdingizlar. Bas, Olloh taolodan qo'rqingizlar, toki shukrguzor bo'lingizlar! Vaqtiki siz (Muhammad alayhissalom) musulmonlarga der erdingiz: «Ayo, sizlarga bu kifoya qilmasmiki, parvardigoringiz osmondin uch ming farishta tushirib sizlarga madad bersin. Ha, agar sizlar sabru taqvo qilsangizlar va ular (mushriklar) ustingizga to'satdan bostirib kelib qolsalar, parvardigoringiz besh ming nishondor farishtalar birla sizlarga madad qilur va buni Olloh taolo sizlarni xushnud etmoq uchungina qildi, toki ko'ngillaringiz orom topsin va madad Olloh taoloning o'z tarafidangina bo'lurki, ul g'olibu hikmat sohibidur, toki kofirlardan ba'zilarin halok qilsin yohud ularni xor qilsin, keyin ular noumid bo'lib qaytsinlar».

Vahshiy: «Badr kuni Hamza Ta'iyima ibn Adiy ibn al-Xiyorni o'ldirdi», — deydilar.

Olloh taoloning qavli («Al-Anfol» surasi): «Va yod qilinsin ul vaqtniki, Olloh taolo ikki jamoatdan birini sizlarga va'da qilur erdiki, ul sizlarniki bo'lur va sizlar istar erdingizlarki, qurolsiz jamoat qo'llaringizga kelsin».

Abdulloh ibn Ka'b: «Ka'b ibn Molik bunday deb aytar erdi»,— deydilar: «Men Rusululloh sallallohu alayhi va sallam ishtirok qilgan g'azotlarning barchasida qatnashganman, faqat Tabuk g'azotida hamda Badr janggida yo'q erdim. Biroq, buning uchun hech kim meni aybdor sanamadi, chunki Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quraysh karvonini

ko'zlab yo'lga chiqqan erdilar, Oллоh taolo ularni o'z dushmanlari birlan tasodifan to'qnashtirib qo'ydi».

4-bob.

Alloh taoloning qavli («Al-Anfol» surasi): «Eslangizlar ul vaqtniki, parvardigoringizga iltijo qilur erdingizlar, keyin ul qabul etdi iltijoningizni, dediki: «Men sizlarga ming farishta ila madad berurmen, paydar-pay kelurlar» Va Oллоh taolo o'zidan bashorat bo'lsin hamda uning ila dillaringiz taskin topsin, degan maqsaddagina sizlarga madad berdi va Oллоh taolo madadidan o'zga madad yo'qdur, albatta Oллоh taolo g'olibdur, hikmatlidir! Eslangizlar, Oллоh taolo taskin topingizlar deb sizlarga yengil uyqu nozil etdi va osmondan sizlarga yomg'ir yog'dirdi, toki uning ila sizlarni pok qilmoq, sizlardan shayton vasvasasin ketkazmoq va dillaringizni o'zaro mustahkam bog'lamoq hamda qadamlaringizni sobit qilmoq uchun. "Vaqtiki, hukm yubordi parvardigoringiz farishtalargaki: «Men sizlar iladurmen, bas sizlar sobitqadam tutinglar musulmonlarni, men xavf solurmen kofirlar dillariga». Bas, ey musulmonlar, sizlar uringlar ularning gardanlariga va uringlar qo'lu oyog'larin atroflariga! Bu shuning uchundurki, ular Oллоh taologa va uning rasuliga qarshi turdilar va kimiki Oллоh taologa va uning rasuliga xiloflik qilur, albatta Oллоh taoloning azobi qattig'dur!»

Ibn mas'ud raziyallohu anhu bunday der edilar: «Men Miqdod ibn al-Asvad tufayli bir «mashhad»ning guvohi bo'ldim (ya'ni, Badr janggi nazarda tutiladi). Shu mashhada ishtirok qilganimga beriladigan savob mening uchun har qanday dunyoviy mukofotdan mahbubroqdur. Miqdod ibn al-Asvad Payg'ambar alayhissalomning qoshlariga kelganda, ul zot musulmonlarni mushriklarga qarshi jangga da'vat qilib turgan edilar, Miqdod bunday dedi: «Biz sizga musoiylarning Musoga «Ey Muso, o'zing rabbing birlan borib kofirlarga qarshi jang qilaver!» degan gaplarini aytmaymiz, bilaks biz o'ng tomoningizda ham, chap tomoningizda ham, ortingizda ham, oldingizda ham turib jang qilamiz». «Shunda men Rasulullohning yuzlari yorishib ketganini ko'rdim»,— deydi Miqdod. Chunki, uning gapi Rasulullohni behad xursand qilgan edi-da!».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom Badr kuni: «Yo Oллоh, va'dangga vafo qilmog'ingni iltijo qilurmen! Yo Oллоh, agar istasang, ijobat qilmagaysen!» — dedilar. Shunda Abu Bakr ul zotning qo'llarini ushlab: «Kifoya!»— dedilar. Janob Rasululloh: «Mushriklar yengilib, ortlariga qochgaylar!» — deya masjididan chiqdi-lar».

5-bob.

Ibn Abbos janob Rasulullohning «Badr janggiga chiqmagan va chiqqan mo'minlarni o'zaro tenglashtirib bo'lmaydi» deganlarini eshitgan erkanlar.

6-bob. Badr jangida qatnashganlar soni

Abu ishoq Barrodan naql qiladilar: «Men va Ibn Umar ikkovimiz,— deb erdi Barro,— Badr kuni sag'ir bo'lib qoldik. Badr kuni muhojirlar oltmishdan ortiq va ansorlar ikki yuz qirqtacha erdilar».

Barro raziyallohu anhu bunday degan ekanlar: «Muhammad sallallohu alayhi va sallamning sahobalari Badrda qatnashganlar haqida menga so'zlab berganlar, ularning

soni Tolutning ashoblari adadicha bo'lgan erkan.

Tolut bilan (Urdun) daryosini kechib o'tganlar soni 310 kishi-dan ortiqroq edi». «Ollah nomiga qasamyod qilurmenkim, Tolut birlan birga faqat mo'minlargina daryodan o'ta olgan, xolos»,— deydilar Barro.

Barro aytadilar: «Biz Muhammad sallallohu alayhi va sallamning ashoblari birlan Badr ishtirokchilarining soni Tolut birlan (Urdun) daryosini kechib o'tgan kishilar sonicha bo'lganini o'zaro gapirib yurar erdik. Daryoni faqat mo'minlar kechib o'tgan edilar, ular 310 dan ko'proq kishi edilar».

7-bob. Payg'ambarimiz Muhammad sallallohu alayhi va sallamning Quraysh kofirlaridan Shayba, Utba, Valid va Abu Jahl ibn Hishomlarni duoyi bad qilganlari hamda ularning halok bo'lganlari haqida

Abdulloh ibn mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom Ka'baga yuzlarini burib, Qurayshdan bir necha kishini — Shayba ibn Rabi'ani, Utba ibn Rabi'ani, Valid ibn Utbani va Abu Jahl ibn Hishomni duoyi bad qildilar. Ollah taoloning nomini aytib guvohlik berurmenkim, men ularning o'ligini ko'rdim, kun issiqligidan sasib ketibdi»

8-bob. Abu Jahlning o'ldirilishi haqida

Badr kuni Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu Abu Jahlning oldiga keldilar. Ul jon taslim qilish oldida turgan bo'lib, Abdullohga: «Sizlar o'ldirgan odamdan ko'ra ulug'roq kishi bormi?!-dedi.

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Payg'ambarimiz alayhissalom: "Abu Jahлга nima bo'lganini kim bilib keladi?» — dedilar. Ibn Mas'ud raziyallohu anhu borib, Abu Jahlni o'lar holatda ko'rdilar, ul Afro'ning ikki o'g'li (Muoz va Mu'avviz) tomonidan yarador qilingan erdi. Ibn Mas'ud: «Sen Abu Jahlmisan?»—dedilar-da, Abu Jahlning soqolidan ushladilar. Abu Jahl: «Sizlar o'ldirgan (yoki o'z qavmi o'ldirgan) odamdan ko'ra ulug'roq kishi bormi?!»—dedi». Ahmad ibn Yunus aytgan rivoyatda «Sen Abu Jahlsan» deyilgan.

Anas ibn Molik aytadilarki, «Badr kunida Payg'ambar alayhissalom: «Abu Jahлга nima bo'lganini kim bilib keladi?»—dedilar. Shunda Ibn Mas'ud borib, uni Afro'ning ikki o'g'li tomonidan yarador qilingan holda topdilar, o'lar holatda erdi. Uning soqolidan ushalab turib: «Sen Abu Jahlmisan?» — dedilar. Shunda Abu Jahl: «Qavmi o'ldirgan (yoki sizlar o'ldirgan) odamdan ulug'roq odam bormi?!» — dedi».

Anas ibn Molikdan naql qilingan qator rivoyatlarda ham yuqoridagi mazmun takrorlanadi. Ali ibn Abdulloh ham Yusuf ibn al-Mojshundan Badr haqidagi mazkur hadisni yozib olganlarini aytadilar.

Ali ibn Abu Tolibdan rivoyat qilinadiki, ul zot: «Men qiyomat kuni parvardigorning huzurida dushmanimdan o'ch olmoqni birinchi bo'lib talab qilgaymen»,— degan erkanlar.

Qays ibn Ibod aytadilar: «Hazoni xasmoni ixtasamuu fiy rabbihim», ya'ni «Bul ikki xusumatlashuvchi toifa parvardigorlari xususida xusumatlashdilar» degan mazmun-li

oyat Badr kuni yakkama-yakka jang qilganlar haqida nozil qilingandur. Ular — Hamza, Ali, Ubayda ibn al-Hars, Shayba ibn Rabiya, Utba ibn Rabiya, Valid ibn Utba erdilar».

Abu Zarr G'iforiy aytadilar: «Hazoni xasmoni» oyati Qurayshdan bo'lgan 6 kishi, ya'ni Ali, Hamza, Ubayda ibn al-Hars, Shayba ibn Rabiya, Utba ibn Rabiya va Valid ibn Utbalar haqida nozil qilingan».

Yusuf ibn Ya'qub rivoyat qiladilarki, ushbu oyati karima bani Sudusning mavlosi bo'lmish baniy Zabiya haqida nozil bo'lgan ekan.

Ali ibn Abu Tolib raziyallohu anhu: «Hazoni xasmoni» oyati bizning haqimizda nozil bo'ldi,— deb guvohlik beradilar.

Abu Zarr G'iforiy: «Mazkur oyat Badr kuni ro'baro' jang qilgan 6 kishi haqida nozil bo'lgan»,— deb qasamyod qiladilar.

Ya'qub ibn Ibrohim Abu Zarr G'iforiydan naql qiladilar: «Hazoni xasmoni ixtasamuu fiy rabbihim» oyati karimasi Badr janggida ro'baro' qilich solishgan 6 kishi, ya'ni Hamza, Ali, Ubayda ibn al-Hars, Rabiyaning ikki o'g'li — Utba va Shayba hamda Valid ibn Utba haqida nozil bo'lgan».

Abu ishoqdan naql qilinadi: «Bir kishi Barrodan: «Ali Badrda qatnashganmi?»— deb so'ragan erdi, ul: «Ali ikki qavat sovut kiyib jang qilgan» — deb aytdi, men eshitib turgan erdim».

Abdurahmon ibn Avf bobolari Abdurahmondan naql qiladilar: «Men va Umayya ibn Xalaf bir-birimizni himoya qilmoq haqida ahdlashgan erdik. Badrda jang bo'lgan kuni u va o'g'li o'ldirilgani haqida gapirishdi. Shunda Bilol raziyallohu anhu: «Agar Umayya najot topganda men najot topmagan bo'lardim»,— dedi».

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Van-Najmi» surasini o'qib, oyati sajdadan so'ng, o'zlari va ul yerda hozir bo'lganlar sajda qildilar, lekin bir chol bir siqim tuproqni oldi-da, peshonasiga tekkazib: «Menga shul ham kifoya qilgay!» — dedi. Ko'p o'tmay, men o'shal odamning kofir holda o'ldirilganining shohidi bo'ldim».

Urvadan naql qilinadi: «Az-Zubayrning tanalarida qilich zarbidan hosil bo'lgan uch jarohatning o'rni bor erdi, ulardan biri yelkalarida erdi. (Bolaligimda) barmoqlarimni jarohatdan qolgan teshiklarga tiqib o'ynar erdim. Ikkitasi Badr janggida, bittasi Yarmuk janggida bo'lgan erdi. Abdulloh ibn az-Zubayr o'ldirilganda, Abdulmalik ibn Marvon menga: «Ey Urva, az-Zubayrning qilichini bilurmisan?»— dedilar. Men: «Ha»,— dedim. «Uning qanday alomati bor edi?»—dedilar. «Badr janggida tig'i qaytgan erdi»,— dedim. Shunda Abdulmalik ibn Marvon: «Ha, rost aytding. Dushman birlan qilichbozlik chog'ida tig'i qaytgan erdi»,— dedilar».

Keyin, o'shal qilichni Urvaga qaytarib beribdilar. Hishom: «Biz qilichning narxini 3000 deb belgilagan erdik, uni birimiz oldik (Qilich merosda Hishomning akasi Usmon ibn Urvaga tegdi). Men: «Qilich menga tegsa!»—deb orzu qilgan erdim»,— deydilar.

Urva: «Az-Zubayrning qilichi kumush birlan bezatilgan erdi»,— deydilar.

Hishom ham: «Urvaning qilichi kumush birlan ziynatlangan erdi»,— deb rivoyat qiladilar.

Urva otalari az-Zubayr haqida rivoyat qiladilar: «Payg`ambarimizning ashoblari Yarmuk jangida Az-Zubayrga: «Ey Zubayr, dushmanga hamla qilmaysizmi? Biz ham siz birlan birga hamla qilur erdik!» — deyishdi. Az-Zubayr: "Men dushmanga hamla qilsam, sizlar meni aldamaysizlarmi?" — dedilar. Ular: «Aldamaymiz»,— deyishdi. Az-Zubayr yakka o`zlari dushmanga tashlandilar-da, ularning safini yorib o`tdilar, so`ng ashoblar tomoniga qaytayotganlarida Rum askarlari (dushmanlar) Az-Zubayrning otlarini jilovidan ushlab qolib, yelkalariga ikki bor qilich birlan zarba berdilar. Bu ikki jarohatning o`rtasida Badr jangida olgan jarohatlarining ham o`rni bor erdi».

Urva: «Men yoshlik paytimda ana shu jarohatlar o`rniga barmoqlarimni tiqib o`ynardim»,— deydilar.

«Yarmuk jangida Abdulloh ibn Az-Zubayr otalari birlan birga bo`lib, o`n yashar erdilar. Shunda ul kishi Abdullohni otga mindirib, dushmandan himoya qilmoqni bir odamga topshirdilar»,— deydilar Urva.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu Taha raziyallohu anhudan naql qiladilar: «Badr kuni payg`ambarimiz Muhammad alayhissalom Quraysh mushriklarining kattalaridan 24 kishining o`ligini Badrdagi eng iflos quduqqa tashlashni buyurdilar. Janob Rasulullohning odati shariflari shunday erdi-ki, agar biror qavm ustidan g`alaba qilsalar, yalanglik joyda uch kecha jangchilarga dam berardilar. Bu gal Badr jangidan uch kun o`tgach, Janob Rasululloh tuyalarini keltirishni buyurdilar. Tuyaga ko`chlari yuklandi, so`ng asta ashoblarini ergashtirib ilgari yurdilar. Ashoblar aytadilarki, Janob Rasululloh biror ishlari bo`lsagina piyoda yo`l boshlar erdilar. Mushriklarning kattalari tashlangan quduq labiga kelib, ularning o`z ismlari va otalarining ismlarini aytib: «Ey falonchi o`g`li falonchi»,— deb nido qildilar-da, «Agar Ollohga va uning rasuliga itoat qilganlaringizda erdi, sizlarga xursandlik bo`lmasmidi?! Albatta, bizlar parvardigorimiz va`da qilgan narsalarning haq erkanligini bildik, sizlar ham parvardigoringiz va`da qilgan narsalarning rost erkanligini bildingizmi?»—dedilar. Shunda Umar ibn Xattob raziyallohu anhu: «Ey Ollohning payg`ambari, ruhsiz jasadlar ham gapiradimi?»—deb so`radilar. Janob Rasululloh: «Muhammadning joni qo`lida bo`lgan zot (Olloh) nomi birlan qasamyod qilurmenkim, sizlar men aytayotgan gapni ulardan ko`ra eshituvchiroq emassizlar!» — dedilar. Qatoda raziyallohu anhu: «Olloh taolo ularni muvaqqat tiriltirib, malomatu xor qilmoq, o`ch olmoq va hasrat-nadomat qildirmoq uchun payg`ambar alayhissalomning gaplarini ularga eshittirdi»,— deydilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Allaziyna baddaluu ni`matallohi kufran» oyatida aytilgan Ollohning ne`matini kufrga alishtirgan kishilar, Ollohga qasamyod qilurmenkim, Quraysh kofirlaridur!» — deydilar.

Amr ibn Dinyor: «Ular Qurayshdur, Muhammad alay-hissalom ersalar, Ollohning ne`matidurlar. Quraysh Badr kuni o`z qavmiga «Halokat uyi — do`zax»ni halol qildi, ya`ni, qavmining do`zaxga tushmog`iga sababchi bo`ldi»,— deydilar.

Hishom otalari Urva ibn az-Zubayrdan rivoyat qiladilar: Oisha raziyallohu anhoning huzurlarida aytishdiki, Ibn Umar: «Janob Rasululloh «Darhaqiqat, mayyit o`z

qarindoshlarining yig'isi sababli qabrda azoblanadi» deb aytganlar»,— degan emishlar. Shunda Oisha raziyallohu anho bunday debdilar: «Darhaqiqat, Janob Rasululloh: «O'lik o'zining xatosi va gunohi sababidan azoblanadi, shu vaqtda uning qarindoshlari yig'lab turgan bo'ladilar»,— deb aytganlar. Bu gap Janob Rasulullohning Quraysh kofirlari tashlangan choh yonida turib aytgan gaplariga o'xshaydi. Janob Rasululloh o'shanda: «Albatta, bu mushriklar mening aytayotgan gapimni eshitadilar»,— degan erdilar». Darhaqiqat, Janob Rasululloh bu birlan «Albatta, mushriklar hozir ilgari men aytgan gapning haq erkanligini biladilar» degan mazmunni iroda qilganlar. Keyin, Oisha «Albatta, siz o'lganlarning gapini eshitmaysiz va siz qabrda yotganlarning ovozini eshituvchi emassiz» degan oyati karimani o'qidilar, so'ng «Kofirlar do'zaxdagi joylariga borganda» deb qo'shib qo'yidilar».

Ibn Umar aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom Badrdagi quduq yoniga kelib, unga tashlangan kofirlarning jasadlariga qarata: «Parvardigoringiz va'da qilgan narsaning rost erkanligin ko'rdingizmi?» — dedilar, so'ng yonlaridagi sahobalarga qarab: «Darhaqiqat, hozir bu kofirlar men aytayotgan gapni eshityaptilar»,— deb aytdilar. Shu voqeani Oisha raziyallohu anhoga aytishganda, Oisha: «Albatta, payg'ambarimiz bu gapni «Kofirlar men ilgari ularga aytib yuradigan gapning rost erkanligin biladilar» degan mazmunda gapirganlar»,— dedilar va «Albatta, siz o'liklarning gapini eshitmaysiz» degan oyatni oxirigacha o'qidilar».

9-bob. Badrda shahid bo'lganlarning fazilatlariga haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu aytadilar: «Badr janggida Horisa (ibn Suroqa) halok bo'ldi. U yosh bola erdi. Onasi Payg'ambar alayhissalomning oldilariga kelib: «Ey Oллоhning rasuli, yaxshi bilasizki, men o'g'limni juda ham yaxshi ko'rardim. Agar u jannatga kirsam, men uning halok bo'lganiga sabr qilib, Oллоhdan ajr umid qilaman, agar aksincha bo'lsa, nima qilishimni ko'rasiz!» — dedi. Shunda Janob Rasululloh: «Sho'ring qursin, Oллоhning jannati bitta ermas, ko'pdur, Horisa Jannat ul-Firdavsda»,— dedilar».

Ali raziyallohu anhu aytadilar: «Janob Rasululloh meni, Abu Marsadni va az-Zubayrni bir yumush birlan jo'natdilar. Biz hammamiz otliq erdik. Janob Rasululloh bizga: «Boringizlar, Xox degan bog'ga yetganlaringizda mushriklardan bo'lgan bir xotinni uchratasizlar, unda Hotib ibn Abu Balta'a mushriklarga yo'llagan maktub bor!»— dedilar. Biz borib, o'shal xotinni uchratdik, uni tuyadan tushirib, maktubni qidirdik, topolmadik. So'ng unga: «Janob Rasululloh yolg'on gapirmaydilar, yo maktubni topib berasan yoki seni yalang'och qilib yechintiramiz!» — dedik. Xotin jiddiy gapirayotganimizni bilib, lozimi orasidan maktubni chiqarib berdi. Biz xatni Janob Rasulullohning huzurlariga olib bordik. Hazrat Umar raziyallohu anhuning g'azablari kelib: «Yo Oллоhning rasuli, Hotib Oллоhga va uning rasuliga xiyonat qildi, ijozat beringiz, uning bo'ynini uzib tashlayin!»— dedilar. Payg'ambarimiz sallallohu alayhi va sallam Hotibdan: «Ey Hotib, bunday qilishga seni nima majbur qildi?» — deb so'radilar. Hotib bunday deb javob berdi: «Oллоh nomi birlan qasamyod qilurmenkim, men Oллоh va uning rasuliga bo'lgan iymonimdan qaytganim yo'k,, faqat dushmanlar orasida mening ham bola-chaqayu mol-dunyomni ulardan himoya qiladigan bir yaqin kishim bo'lmog'ini xohladim, xalos. Chunki, ashoblaringizdan birortasi yo'q-ki, u yerda uning molu bola-chaqasini dushmandan himoya qiladigan yaqin kishisi bo'lmasa». Shunda Payg'ambar alayxissalom: «Hotib rost aytdi, unga faqat yaxshi gapiringialar!»— dedilar. Ammo, Umar raziyallohu anhu: «Axir, Hotib Oллоhga va uning rasuliga hamda mo'minlarga xiyonat qildi-ku, ijozat

beringiz, uning bo'ynini uzib tashlayin!» — deb takror so'radilar. Janob Rasululloh: «Hotib Badr janggi qatnashchisi ermasmi? Oллоh taolo ersa, Badr ahliga nisbatan o'z hukmini allaqachonlar chiqarib qo'ygan va ularga: «Ko'nglingiz tusagan ishni (amali solihlarni) qilaveringizlar, sizlarga jannat vojibdur (yoki sizlarning barcha gunohlaringizni mag'rifat qildim)» - degan»,— dedilar. Shunda Umar raziyallohu anhu ikki ko'zlari jiqqa yoshga to'lib: «Oллоh va uning rasuli yaxshiroq bilgaydur! - dedilar».

10-bob.

Abu Usayd rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh Badr kuni bizga: «Agar dushman sizlarga yaqin kelsa, tosh birlan uringizlar, nayza va o'qlaringizni asrangizlar!»—deb o'rgatdilar. Bu hadis ham lafzan va ma'nan avvalgining o'zidir.

Barro ibn Ozib rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alay-hissalom Uhud kuni kamonchi merganlarga Abdulloh ibn Jubayrni boshliq qilib qo'ydilar. O'shal kuni bizlardan (musulmonlardan) 70 kishi shahid bo'ldi, Badr kuni ersa, Payg'ambar alaydissalom va ul zotning ashoblari mushrik-lardan 40 kishini yarador qilib, 170 kishini asir olgan erdilar, 70 kishi ersa, o'ldirilgan erdi. Shuning uchun ham mushriklarning boshlig'i Abu Sufyon (payg'ambarimizga)- Bugungi kun Badr kunining evaziga bo'ldi. Urush suvchelak kabidur (ya'ni, urushda goh u tomon, goh bu tomon zafar qozonadi)»,— dedi».

Abdurahmon ibn Avf rivoyat qiladilar: «Badr kuni men jangchilar safida erdim, qarasam, o'ng va chap yonimda ikki yosh yigit turibdi, ular menda shubha tug'dirdi. Biri ikkinchisiga eshittirmay, mendan: «Ey amaki, menga Abu Jahlni ko'rsating!» — dedi. Men: «Ey jiyan, uni nima qilasan?» deb so'radim. Boyagi yigit: «Men Abu Jahlni ko'rsam, o'ldiraman yoki uning qo'lida o'laman, deb Oллоh taologa ont ichganmen»,— dedi. Ikkinchi yigit ham birinchisiga eshittirmay menga shu gapni aytdi. Shunda men ularning o'rnida bo'lmaganimdan afsuslandim. So'ng, men ularga Abu Jahlni ko'rsatdim. Ikkovi Abu Jahlgaga burgutday tashlandi-da, uni qilich birlan urib o'ldirdi. Bu ikki yigit Afro'ning ikki o'g'li erdi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Osim ibn Umar al-Xattobning bobolari bo'lmish Osim ibn Sobit al-Ansoriyning boshchiliklarida o'n kishini mushriklar orasiga ayg'oqchi qilib yubordilar. Ular Makka birlan Asfon oralig'idagi Hadda degan joyga yetganlarida, Huzayl qabilasiga mansub Banu Lihyon mushriklari sezib qoldilar. Mushriklar musulmoilar to'xtab dam olgan yerdan xurmo danagini topib olgan hamda uning Yasrib (Madina) xurmosi danagi erkanligini bilgan erdilar. Yuztacha mergan mushrik musulmonlarni ta'qib qila boshladi. Osim va boshqa musulmonlar buni bilib qolib, bir tepalik ortiga yashirindilar. Mushriklar ularni qurshab olib: «Tushingizlar, qo'lni qo'lga berib yarashaylik, sizlardan birortangizni ham o'ldirmaymiz, deb va'da berurmiz!» — deyishdi. Shunda Osim ibn Sobit: «Ey mushriklar, men siz kofirlardan panoh so'rab tushmayman» —dedilar, so'ng: «Yo Oллоh, bizning holimizdan rasulingni xabardor qilgaysen!» — deb iltijo qildilar. Mushriklar nayza otib Osimni o'ldirdilar. Musulmonlardan uch kishi — Hubayb, Zayd ibn Dasina va yana bir kishi dushmanning va'dasiga ishonib pastga tushdilar. Mushriklar kamoplarining iplarini yechib, musulmonlarni bog'ladilar. Shunda uchinchi kishi: «Xudo haqi, bu xiyonatning boshidur, men sizlarga aslo taslim bo'lmagaymen, albatta men o'limni afzal ko'rib, sheriklarimga ibrat bo'lgaymen!»—dedi. Mushriklar uni ko'p majbur qilib qiynadilar, ammo ul taslim bo'lmoqdan bosh tortdi. Badr janggidan so'ng, mushriklar Hubayb birlan

Zayd ibn Dasinani qul kilib sotdilar. Hubaybni Hars ibn Omir ibn Navfal avlodlari sotib oldi Hubayb Hars ibn Omirni o'ldirgan bo'lib, u Hars ibn Omirning bolalari huzurida bir necha muddat asirlikda turdi Keyin, ular otalarining qasosi uchun Hubaybni o'ldirmoqqa qaror qildilar Shunda Hubayb Harsning qizlaridan biridan ustara so'rab olib, tozalandi Shu asnoda o'shal ayolning o'g'ilchasi Hubaybning huzuriga kirib keldi. Ayol bolasini izlab, uni Hubaybning tizzasida o'ltirgan holda topdi, Hubaybning qo'lida ersa ustara bor erdi «Mening qattiq qo'rqanimni sezib, Hubayb «Bolanmi o'ldiradi, deb qo'rqaysanmi, men hech qachon bunday qilmayman!» —dedi,— deydi ael,— Oллоh nomi birlan qasamyod qilurmenkim, men Hubaybdan ko'ra yaxshiroq asirni ko'rmaganman, qasamed qilurmenkim, bir kuni men uning bir bosh uzum yeb turganini ko'rdim, vaholanki, (shu vaqtda) Makkada uzum bo'lmay, buning ustiga qo'li ham kishanlangan erdi» Ayol buni mo'jiza deb bilar va «Hubaybga Oллоh taoloning o'zi rizq qilib beryapti»,— der erdi Hubaybni qatl qilmoqqa olib chiqqanlarida, u «Ikki rak'at namoz o'qimoqqa menga ijozat beringizlar » —dedi Unga ijozat berganlaridan sung, ikki rak'at namoz o'qidi, keyin «Agar sizlar meni o'limdan qo'rqyapti deb uylamaganingizda, men ko'proq g'amoz o'qigan bo'lardim. Yo Oллоh, bu kofirlarning birortasini ham qoldirmay halok qilgin»—dedi-da, quyidagi she'rni o'qidi.

*«Musulmon holda o'lsam, zarra parvoyimga kelmas,
Qaysi yon birla yiqilmog'imni Oллоh farqlamas,
Saxovat sohibi bo'lmish o'zi tanho ilohimga,
Qiyima-qiyima jismima bermoq savob hech gap emas »*

So'ng, Abu Sirva'a Aqaba ibn Hars o'rnidan turib, Hubaybni o'ldirdi. Shu-shu bo'ldi-yu, o'limga hukm qilingan har bir musulmonning o'limi oldidan namoz o'qimog'i darkorligi Hubaybdan sunnat bo'lib qoldi. Janob Payg'ambarimiz ularga musibat yetgan kuni ashoblariga xabar bergan erdilar Quraysh mushriklari Osimning o'ldirilgani to'g'risidagi xabarni eshitib, bunga ishonch hosil qilmoq uchun uning bir a'zosini kesib kelmoqqa odam jo'natdi, chunki Osim Quraysh kattalaridan birini o'ldirgan erdi. Oллоh taolo Osimning jasadini himoya qilmoqqa arilar to'dasini yubordi, mushriklar uning hech bir a'zosini kesib olishga muvaffaq bulmadilar»

Ka'b ibn Molik: «Aytishlaricha, Mirora ibn Rabi' Al-Umariy va Hilol ibn Umayya Al-Voqifiy ikkovlari ham solih kishilar bo'lib, Badrda shahid bo'lgan erkanlar»,— deydilar.

Ubaydulloh ibn Abdulloh ibn Utbadan rivoyat qilinurki, ul kishining otalari Abdulloh Umar ibn Abdulloh ibn al-Arqam az-Zuhriyga xat yozib, unga Subay'a binti Hars al-Aslamiyanning huzuriga kirmoqni hamda undan Rasulullohdan fatvo so'raganda nima deb javob qilganlari haqida bilib bermoqni buyurdi. Umar Abdulloh ibn Utbaga javob xat yozib, bunday deb xabar berdi «Subay'a binti al-Harsning aytishicha, u Baniy Omir qabilasidan bo'lmish Badr jangi qatnashchisi Sa'd ibn Xavlaning xotini bo'lgan. Eri Hajjat ul-Vido'da vafot qilgan. Shu vaqtda Subay'a homilador bo'lib, erining vafotidan ko'p o'tmay tuqqan va nifosdan pok bo'lishi birlanoq sovchi kutib, yasanib olgan. Shu payt uning huzuriga Abussanobiyl ibn Ba'kak kirib «Ne uchun yasanib olding, erga tegmoqchimisani? Oллоhga qasamyod qilurmenkim, to'rt oy-u o'n kun o'tmasidan burun erga tegmoqqa haqqing yo'q»—dedi «Menga u shu gapni aytgandan so'ng,— deydi Subay'a,— kiyimlarimni almash-tirdim-da, Janob Rasulullohning huzurlariga borib shul haqda fatvo bermoqlarini so'radim. Janob Rasululloh bolamni tuqqanimdayoq halol bo'lganimni, agar xohlasam, erga tegmog'im mumkinligini aytib, fatvo berdilar»

11-bob. Maloikalarning (farishtalarning) Badrda bo'lganlari haqida

Maoz ibn Rufoa otalaridan naql qiladilar: (otalari Badr g'azoti qatnashchisi erdilar) «Bir kuni Jabroil alayhissalom kelib, payg'ambarimizga «Badrda qatnashgan sahobalaringiz haqida ne deysiz »—dedilar Janob Rasululloh «Ular musulmonlarning eng yaxshilaridurlar»,— dedilar yoki shunga o'xshash gapni aytdilar Shunda Jabroil alayhissalom «Badrda qatnashgan farishtalar ham eng yaxshi farishtalardur»,— dedilar»

Maoz ibn Rufoa ibn Rofe' rivoyat qiladilar: «Rufo'a Badr janggi, Rofi' ersa Aqaba voqeasi ishtirokchisi erdilar Rofi' o'g'illariga «Men Aqaba voqeasi o'rniga Badr janggida qatnashganimda ko'proq xursand bo'lur erdim, chunki bu haqda Jabroil alayhissalom payg'ambarimizdan so'raganlar» deb yuqoridagi hadisga ishora qildilar»

Yahyo ibn Muoz Rufodan naql qilib, bir farishta payg'ambarimizdan Badr ishtirokchilari haqida so'raganini, Yazid ibn Hod ersa, bu farishta Jabroil alayhissalom erkanliklarini aytganligini rivoyat qiladilar

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Janob Paig'ambarimiz otlari jilovidan Jabroil alayhissalomning Badr kuni jang libosini kiygan holda qanday yetaklab yurganlarini ko'rsatdilar»

12-bob.

Anas raziyallohu apu: «Abu Zayd o'ldi, ammo undan zurriyot qolmadi, u Badr ishtirokchisi erdi»,— deydilar.

Ibn Xabbobdan rivoyat tsiliiurki, Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhu safardan qaytib keldilar. Shunda ul kishining xotinlari qurbonlik go'shtidan pishirilgan taom keltirdi. Abu Sa'id: «Men aniqlamagunimcha, bu go'shtni yemayman!»— deb o'gay akalari Qatoda ibn Nu'monning oldiga bordilar, ul kishi Badr ishtirokchisi bo'lib: «Siz safarga ketgandan so'ng, qurbonlik go'shtini uch kun o'tgach yeyishlikni man' qiluvchi hukm bekor bo'ldi»,— dedilar.

Zubayr ibn Avvom aytadilar: «Men Badr kuni Ubayda ibn Sa'idga ro'baro' bo'ldim, u shu qadar jang liboslariga burkanib olgan erdiki, hatto ikki ko'zi bazo'r ko'rinar erdi. Uning laqabi Abu Zotil-Karsh bo'lib, u menga: «Men Abu Zotil-Karshman!»—dedi Men unga nayza birlan hamla qilib, ko'zini ko'r qildim, shu ondayoq o'ldi. So'ng, oyog'imni unga tirab turib nayzani tortib olmoqchi bo'ldim-u, qiynalдим, nihoyat sug'irib oldim, shunda nayza ikki ko'zini ham yulib chiqdi».

Urvaning aytshilaricha, Janob Rasululloh Zubayrdan o'shal nayzani so'raganlar, Zubayr ul kishiga berganlar. Janob Rasulullohning vafotlaridan so'ng, Zubayr nayzani qaytarib olganlar. Keyin, uni Hazrat Abu Bakr so'rab oldilar, ul kishidan keyin Umar raziyallohu anhu, keyin ersa Usmon raziyallohu anhu o'z xalifalik davrlarida so'rab olib saqlaganlar. Usmon raziyallohu anhu qatl qilinganlaridan keyin, nayza Ali raziyallohu anhunging xonadonlarida qoldi. So'ng, uni Abdulloh ibn Zubayr so'rab olib, qatl qilingunlarigacha o'zlarida saqladilar.

Badr ishtirokchisi bo'lmish Uboda ibn As-Somit raziyallohu anhu rivoyat tsiladilarki, Janob Rasululloh: «Menga bay'at qilingizlar!» - deb aytibdilar.

Paygambarimizning jufti xalollari — Oisha onamizdan rivoyat tsilurlarki, Badr ishtirokchisi bo'lmish Abu Huzayfa Solim degan yigitni asrab olib, unga jiyanlari Hind binti Valid ibn Utbani nikohlab berdilar. Solim ansoriylardan bo'lgan bir ayolning quli bo'lgan erdi. Shuningdek, Janob Rasululloh ham Zaydni asrab olgan erdilar. Johiliyat davrida asrandi bola asrab olgan kishining o'g'li deb hisoblanar va asrab olgan kishi o'lsa, unga merosxo'r ham bo'lardi. Qachonki, Olloh taolo «Asrandilarni o'z otalari nomi birla atanglar!» degan oyatni tushirgandan keyin, Abu Huzayfaning xotini Janob Rasulullohning huzurlariga keldi va: «Ey Ollohning rasuli! Erim Abu Huzayfa meni asrandi o'g'lim Solimdan rashk qilyapti»,— dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Unday bo'lsa, Solimni emizgil!»— dedilar. Xotin: «Solimning soqoli chiqib yotibdi-ku! — deb e'tiroz bildirdi. Janob Rasululloh: «Uni emizgil, mahram bo'lib qolgaysan, ering ham rashk qilmagay!»— dedilar. Shundan so'ng, Abu Huzayfaning chehrasi yorishdi.

Rabi binti Mu'avviz aytadilar: «Men kelin bo'lib tushirilgan kechaning ertasiga ertalab Janob Rasululloh kirib keldilar-da. men solgan to'shakka xuddi siz o'ltirganingizdek o'ltirdilar. Qizchalar ersa, doira chalishib, Badrda vafot qilgan otalarini eslashardi, ularning bittasi: «Oramizda Janob Payg'ambar borlar, ertaga nima bo'lishini ham biladilar» — deb kuyladi. Shunda Janob Rasululloh: «Bunday deb aytmagil, avvalgi marsiyangni aytavergil!» — dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat tsiladilar: «Janob Rasulullohning do'stlari, u kishi birlan birga Badrda ishtirok qilgan kishi — Abu Talha raziyallohu anhu Janob Rasulullohning «Qaysi bir uyda it bo'lsa yoki jonli narsaning surati bo'lsa, o'sha uyga farishtalar kirmaydi-lar» deb aytganlari haqida xabar berdilar».

Husayn ibn Ali rivoyat tsiladilarki, Hazrat Ali bunday deb aytgan erkanlar: «Badr janggida menga berilgan g'animatlar (o'ljalari) orasida bir tuya ham bor erdi, uni Janob Rasululloh o'lja taqsimlayotgan vaqtlarida menga bergan erdilar. Men Janob Rasulullohning qizlari Fotimaga uylanadigan bo'lganimda, Baniy Qaynuqo' qabilasidan bo'lmish bir bo'yoqchi men birlan birga bo'yoqchilar huzuriga borib, ulardan menga isiriq olib berishni va'dalashdi. Undan nikoh to'yimda foydalanmoqchi erdim. Ikki tuyam ansoriylardan birining uyi yonida cho'kkan erdi. Men egar-jabduqlarni olib, tuyalarimning yoniga bordim. Ne ko'z birlan ko'rayki, ikki tuyam o'rkachi kesilgan, qorni yorilgan, jigari qirqib olingan holda yotardi Bu manzarani ko'rib dahshatga tushdim, «Buni kim qildi?» — deb so'radim. Shunda odamlar menga bunday deyishdi: «Hamza ibn Abdulmuttalib shunday qildi. U bir necha ichuvchi ansorlar birlan mana bu uyda o'ltiribdir. Yonida qayna (qo'shiqchi ayol) va yaqin do'stlari ham bor. Qayna ashula aytayotib. «Ey Hamza, semiz tuya so'ya olurmisan?!»—dedi g'amza qilib. Shunda Hamza darhol o'rnidan turdida, tuyalarning o'rkachini kesdi, qornini yerib jigarini qirqib oldi». Men Janob Rasulullohning huzurlariga bordim, nyolarida Zayd ibn Horisa o'ltirgan erkanlar. Janob Rasululloh ne maqsadda kelganimni so'radilar. Men: «Yo Rasulalloh Bugun Hamza menga qattiq tajovuz qildi, tuyalarimning o'rkachini kesib, qornini yorib, jigarini qirqib oldi, o'zi bir necha aroqxo'rlar birlan bir uyda o'ltiribdi»,— dedim. Janob Rasululloh ridolarini keltirishni buyurdilar, so'ng uni kiyib, piyoda yo'lga tushdilar. Men va Zayd ibn Horisa ortlaridan ergashdik. Janob Rasululloh Hamza va boshqa aroqxo'rlar o'ltirgan

uyga borib, ichkariga kirishga ruxsat soʻradilar. Ijzat boʻlgach, ichkariga kirdilar va Hamzani qilgan ishi uchun malomat qila boshladilar. Shu payt Hamza mastlikdan qizargan koʻzlari birlan Janob Rasulullohning avval yelkalariga. Keyin yuzlariga tikildi, soʻng: «Siz kim boʻlibsiz, mening otamning qulisiz, xolos!» — dedi. Janob Rasululloh Hamzaning qattiq mastligini, unga nasihat befoyda erkanini bilib, orqalari birlan ohista qaytib chiqib ketdilar, biz ham birga chiqdik».

Ibn Muʼatstsall rivoyat tsiladilarki, Hazrat Ali Sahl ibn Hanifning Badr ishtirokchisi erkanligini aytibdilar. Hazrat Ali Sahl ibn Hanifdan 5 yoki 6 yosh katta erdilar.

Hazrat Umar raziyallohu anhudan nakl tsilinadiki, u kishining qizlari Hafsa binti Umar avval Xanis ibn Huzofaning xotini erdi. Xanis ibn Huzofa Janob Rasulullohning ashoblaridan boʻlib, Badrda ishtirok qilganlardan erdi. U kishi Madinada vafot qilib, Hafsa tul qolganlarida Umar raziyallohu anhu Hazrat Usmonga kelib: «Agar xohlasangiz, Hafsani sizga nikohlab qoʻyaman»,— dedilar. Hazrat Usmon: «Men oʻylab koʻrayin»,— deb javob berdilar. «Men bir kun kutdim,— deydilar Hazrat Umar,— keyingi kun Hazrat Usmon: «Buguncha uylanmay turishga qaror qildim»,— deb uzr aytdilar. Keyin, Abu Bakr Siddiqqa uchradim-da, u kishiga: «Agar xohlasangiz, Hafsani sizga nikohlab berayin»,— dedim. Abu Bakr ersa. hech qanday javob qilmadilar. Men Abu Bakrdan qattiq gʻazablandim. Bir kecha kutdim. Uchinchi kun Janob Rasululloh Hafsaga sovchi yubordilar, men uni ul zotga nikohlab berdim. Keyin, Abu Bakr menga kelib: «Siz menga «Hafsani nikohlab berayin» deganingizda, men javob qilmadim, siz mendan qattiq gʻazablangan boʻlsangiz kerak, shundaymi?»—dedilar. Men: «Toʻgʻri»,— dedim. Abu Bakr: «Men taklifingizga rozi boʻlardim-u, lekin Janob Rasululloh qizingizga uylanmoq niyatida erkanliklarini aytgan erdilar, men bu sirni sizga ocha olmadim. Agar Janob Rasululloh unga xaridor boʻlmaganlarida, men olgan boʻlardim»,— dedilar».

Abu Masʼud al-Badriy rivoyat tsiladilarki, Janob Rasululloh: «Erkak kishining oʻz oilasiga qiladigan sarfi ham sadaqadur»,— degan erkanlar.

Urva ibn Az-Zubayr xalifa Umar ibn Abdulazizga bunday deb hikoya tsiladilar: «Mugʻiyra ibn Shuʼba Kufa shahrining amiri boʻlgan paytda bir kun asr namozini kechiktirdi. Shunda Badr ishtirokchisi boʻlmish Abu Masʼud Uqba ibn Amr al-Ansoriy uning huzuriga kirib, bunday dedi: «Yaxshi bilasizki, Janob Rasulullohning huzurlariga Jabroil alayhissalom tushib, namoz oʻqidilar. Janob Rasululloh ham ul zot birlan birga besh vaqt namoz oʻqidilar, keyin Hazrat Jabroil Rasulullohga: «Sizga shunday namoz oʻqish buyurildi»,— dedilar». (Bu hadisning maʼnosi shuki, har bir namoz oʻz vaqtida oʻqilishi kerak).

Abu Masʼud al-Badriydai nakl kilinadiki, Janob Rasululloh bunday degan erkanlar: «Baqara» surasining oxirida ikki oyat bor, kimki shu ikki oyatni kechasi oʻqisa, unga kifoya qiladi (Bu ikki oyatning savobi ulugʻligiga ishoratdur). Oyatlar quyidagicha: «Omanar-rasulu bimo unzila ilayhi mirrabihi val-muʼminun kullun omana billohi va maloikatihi va kutubihi va rusulihi, lo nufarriqu bayna ahadim-mirrusulih va qolu samiʼno va ataʼno gʻufronaka rabbano va ilaykal-masir.

Lo yukallifullohu nafsan illo vusʼaho, laho mo kasabat va alayho moktasabat, robbano lo tuoxizno in nasiyno av axtaʼno, rabbano va lo tahmil alayno isran kamo hamaltahu alallaziyna min qablino, rabbano va lo tuhammilno mo lo toqata lano bih vaʼfu anno

vag`fir lano varhamno, anta mavlono, fansurno alal-qavmil-kofirin»

(Oyatlarning mazmuni: «Payg`ambar o`ziga parvardigori tomonidan nozil qilingan narsaga iymon keltirdi va mo`minlar ham hammalari Olloh taologa va uning farishtalari, kitoblari hamda elchilariga iymon keltirdilar. (Ular derlarki): «Biz Olloh taolo elchilarining hech birini ajratmasmiz, Ey rabbimiz, biz eshitdik va itoat etdik, sening mag`rifatingni tilarmiz va sening dargohingga qaytmoqlik bordur!» va (yana) derlarki: «Olloh taolo hech kimga qudrati yetmaydirgan narsani buyurmas, kishining yaxshiligi ham, yomonligi ham o`ziga bo`lur. Ey rabbimiz, agar (biror hukmingni) unitib yo xato qilib qo`ysak, bizni kechirgil! Ey rabbimiz, bizga bizdan ilgarigilarga yuklaganing kabi og`ir yuk yuklamagil! Ey rabbimiz, bizga qudratimiz yetmaydirgan yukni ham yuklamagil, bizni kechirgil, mag`firat qilgil va rahm etgil, sen bizning xojamiz erursan, bizni kofirlar ustidan g`olib qilgil!»).

Mahmud ibn Rabi`adan naql kilinadiki, Janob Rasulullohning Badr ishtirokchisi bo`lgan ashoblaridan biri Atbon ibn Molik bir kuni Jonob Rasulullohning huzurlariga keldi...

(Imom Buxoriy bu va bundan oldingi hamda keyingi hadislarni, ularning mazmunidan qat`iy nazar, roviylarning Badr ishtirokchisi ekanliklari uchungina keltirganlar).

Abdulloh ibn Omir ibn Rabi`a rivoyat kiladilarki, Xalifa Umar ibn Xattob Qudoma ibn Maz`unni Bahraynga hokim qilib yubordilar. U Badr ishtirokchilaridan bo`lib, Xazrat Umarning o`g`illari Abdulloh va qizlari Hafsaga tog`a erdi.

Rofi` ibn Xudayj Badr ishtirokchisi bo`lmish ikki amakilaridan naql kilib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ekinzorlarni ijaraga berib foyda olmoqdan qaytarganlar»,— debdilar. Shunda roviylardan biri bo`lmish Solim ibn Abdullohga: «Siz ham ekinzorlarni ijaraga berib foydalanasiz-ku?!»— deyishibdi. Solim: «Ha, Rofi`ning o`zi ham bu ishni ko`p qilardi»,— debdilar.

Abdulloh; ibn Shaddod: «Men Rufo`a ibn Rofi` al-Ansoriyni ko`rdim, u kishi Badr ishtirokchisi erdilar»,— deydilar.

Badr ishtirokchisi bo`lmish Amr ibn Avf rivoyat kiladilarki, payg`ambarimiz Muhammad sallallohu alayhi va sallam Abu Ubayda ibn Jarrohni Bahraynga soliq yig`ib kelmoqqa yubordilar. Chunki, Janob Rasululloh Bahrayn birlan sulh tuzib, u yerga Alo ibn al-Hazramiyni amir etib ta`yinlagan erdilar. Abu Ubayda Bahrayndan ko`p mol birlan qaytib keldi. Bu xabarni eshitgan ansoriylar bomdod namozini o`qib bo`lib, Janob Rasulullohga ro`para bo`ldilar. Janob Rasululloh. ularni ko`rib kuldilar-da: «Abu Ubaydaning ko`p mol birlan qaytganini eshitibsizlar-da!»—dedilar. Hammalari baravariga' «Ha, eshitdik, yo Rasulalloh!» — deb javob berdilar. Shunda Janob Rasululloh: «Xursand bo`lingizlar, Ollox taolo muyassar qiladigan narsaga umid qilingizlar, lekin Ollox taologa qasamyod qilamanki, sizlarning kambag`allashmog`ingizdan ermas, boyib ketmog`ingizdan, boylikka mehr qo`ymog`ingizdan qo`rqaman. Chunki, sizdan oldingi qavmlar ham boyib, boylikka mehr qo`ygandan so`ng, boylik ularni xalok qilgan erdi»,— dedilar.

Nofi` rivoyat kiladilarki, Ibn Umar raziyallohu anhu har qanday ilonni ko`rsalar, o`ldirar edilar. Abu Luboba al-Badriy raziyallohu anhu Janob Rasulullohning uylarda yashovchi jinlarni o`ldirmoqdan qaytarganlari haqidagi hadislarini aytganlaridan keykn. Ibn Umar

ham uy ilonlarini o'ldirmaydigan bo'ldilar. (Chunki odamlarning uyida yashovchi oq rangli yoki kichkina ilonlar jinlar toifasidan erkanligi aytiladi).

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ansoriylardan bir necha kishi Janob Rasulullohdan izn so'rab, bunday dedilar: «Yo Rasulalloh, ijozat bersangiz, jiyanimiz Abbosning fidyasidan kechsak!». Janob Rasululloh: «Olloh taologa qasamyod qilurmenki, bir dirdam ham kechmaysizlar!»—dedilar (Badr janggida asirga tushgan makkalik mushriklarning har biridan jarima olib, qo'yib yuborishga qaror qilingan erdi. Shu asirlar orasida Janob Rasulullohning amakilari Abbos ham bor erdilar. Hazrat Umarning Abbosning qo'l-oyog'larini mahkamroq bog'laganlarini Janob Rasululloh ko'rib, kechasi birlan uxlamay chiqdilar Bundan xabar topgan ansorlar kechasi Abbosning qo'l-oyog'larini yechib yuborib, buni Rasulullohga aytdilar. Shunda Janob Rasulullohning bir oz chehralari yorishganini ko'rgan ansorlar: «Abbosni butunlay ozod qilsak, Janob Rasululloh xursand bo'larkanlar» — deb o'ylab, fida olmay qo'yib yubormoqqa izn so'rashdi, ammo Janob Rasululloh qarorni buzmadilar).

Miqdod ibn Amr al-Kandiy (bu kishi Baniy Zuhra qabilasiniig ittifoqchisi, Badrda Janob Rasulullox birlan birga bo'lgan) rivoyat qiladilar: «Men bir kuni Janob Rasulullohga: «Yo Rasulalloh, aytingchi, men bir kofirga yo'liqib qolsam-u, u birlan jang qilsam, shunda u mening bir qo'limni qilich birlan chopib tashlasa, keyin bir daraxtning panasiga yashirinib: «Men musulmon bo'ldim»,— desa, shu gapidan keyin men uni o'ldirsam bo'ladimi yoki yo'qmi?» — dedim. «Uldirmaysan»,— dedilar Janob Rasululloh. «Axir u mening qo'limni chopib tashlagandan so'ng kalima keltirdi-ku?!»— dedim men taajjulanib. Janob Rasululloh: «Baribir uni o'ldirmaysan, agar o'ldirsang, u sening uni o'ldirmasindan avvalgi holatingga tushadi, sen ersang, uning kalima keltirmasidan avvalgi holatiga tushasan!»—dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu aytadilar: «Badr urushi kuni Janob Rasululloh: «Abu Jahlg nima bo'lganini kim ko'rib keladi »—dedilar. Shunda Ibn Mas'ud (jang maydoniga) borib ko'rdilarki, Afro'ning ikki o'g'li uni qilich birlan chopib tashlabdi, u o'lim talvasasida erdi. Ibn Mas'ud: «Ey Abu Jahl, bu senmi-san?»—deb xitob qildilar. Abu Jahl: «Uldirgan ki-shingizdan ulug'roq kishi bormi?!» — deb kinoya qildi. Abu Mijlaz aytadilarki, Abu Jahl: «Qaniydi, meni mana shu dehqonlardan bo'lak kishilar o'ldirgan bo'lsa!» — deb afsus qildi (Abu Jahl shunday takabbur erdiki, hatto qotillari oddiy mehnatkash bo'lganidan afsuslandi)».

Hazrat Umar raziyallohu anhu aytadilar: «Janob Rasululloh vafot etganlarida men Abu Bakrga: «Yuringiz, birodarlarimiz bo'lmish ansorlar oldiga boraylik!» — dedim. Yo'lda bizga ulardan ikki solih kishi uchradi. Men ular haqida Urva ibn az-Zubayrga aytganimda, u bu ikki kishining biri Uvaym ibn So'ida, ikkinchisi Ma'n ibn Adiy bo'lib, ular Badr ishtirokchilari erkanliklarini aytdi».

Qays ibn Abu Hozim aytadilar: «Badr ishtirokchilariga har yili besh mingdan nafaqa berib turilardi. Hazrat Umar: «Men bundan buyon har bir Badr ishtirokchisining oladigan haqini yanada oshiraman»,— dedilar.

Jubayr ibn Mut'im aytadilar: «Otam Mut'im: «Men Janob Rasulullohning shom namozida «Vat-Turi» surasini o'qiganlarini eshitdim, mening qalbimda iymonning mustahkam o'rin olishiga birinchi sabab shu bo'ldi»,— degan erdilar. Janob Rasululloh otam haqida: «Agar

Mut'im ibn Adiy tirik bo'lib, Badrda asir tushgan kofirlarni afv etilishini so'raganda, men ularni uning ixtiyoriga topshirgan bo'lardim!»—deganlar».

Sa'id ibn Musayyab bunday deydilar: «Birinchi fitnaning sodir bo'lishi birlan, ya'ni Hazrat Usmonning o'ldirilishi birlan Badr ishtirokchilaridan birortasi qolmadi (Hazrat Usmon o'ldirilganlaridan so'ng ham Ali, Talha, Zubayr va boshqa ko'plab Badr ishtirokchilari uzoq vaqt yashaganlar. Shuning uchun ham «Birortasi qolmadi» degan gapdan «Ularning halokati boshlandi» degan ma'no tushuniladi). Ikkinchi fitna sodir bo'lishi birlan, ya'ni Harra voqe'asi sodir bo'lishi birlan Hudaybiyya ishtirokchilaridan birortasi qolmadi. (Harra — Madina tashqarisidagi bir joy bo'lib, hijratning 63- yili Mu'oviyaning o'g'li Yazid askarlari birlan bo'lgan jangda muhojirlar va ansoriylardan 700 kishi halok bo'lgan. Hudaybiyya — Makka atrofida joylashgan joy nomi. Hijratning 8- yili payg'ambarimiz ko'plab sahobalari birlan Makkaga Ka'ba ziyoratiga yo'l olganlar. Hudaybiyya degan joyga kelib tushganlarida Makka kofirlari elchi yuborib, musulmonlar birlan sulh tuzganlar. Bu sulh sharti bo'yicha Janob payg'ambarimiz ashoblari birlan bu yil Makkaga kirmay qaytib ketishlari, kelasi yilda ersa Qurayshlar Makkani musulmonlar ziyorati uchun bo'shatib berishlari kerak erdi, Janob Rasululloh bunga rozi bo'lganlar). Keyin, uchinchi fitna sodir bo'ldi, oradan ko'p o'tmay odamlarga tinchlik, farovonlik yetdi (Hijratning 130-yili, Marvon ibn Hakamning xalifalik davrida Madinadan Abu Hamza ismli kishi chiqib, Madina, Makka va Toif amiri bo'lgan Abdulvohid ibn Sulaymon birlan hokimiyat talashdi va Makkani bosib oldi. Bu xabar xalifaga yetgach, Abdulmalik ibn Muhammad boshchiligida 4 ming kishilik qo'shin yubordi. Xalifa qo'shini birlan bo'lgan jangda Abu Hamza va uning butun askarlari qirib tashlandi)».

Oisha onamiz raziyallohu anho rivoyat tsiladilar: -Men Ummu Mistah birlan yonma-yon ketayotgan erdim, oyog'i toyilib ketib, «Noumid bo'lgur, Mistah!» deb o'z o'g'lini qarg'adi. Men: «Qanday yaramas so'z aytding-a, Badr ishtirokchisi bo'lgan kishini shunday qarg'aysanmi?»—deb uni koyidim. Shunda Ummu Mistah mening haqimda ba'zilar tuhmat qilishayotganini, tuhmatchilardan biri ersa o'zining o'g'li erkanligini so'zlab berdi».

Ibn Shihob rivoyat tsiladilar: «Janob Rasululloh Badrda o'ldirilib, jasadlari chuqurga tashlangan kofirlarga xitob qilib: «Ey kofirlar, Oллоh taolga sizlarga va'da qilgan narsaning rost erkanligini ko'rdingizlarmi?»—dedilar. Sahobalar: «Yo Rasulalloh, o'liklarga gapiryapsizmi?» — deyishdi. Janob Rasululloh «Xozir bular men aytayotgan gaplarni sizlardan yaxshiroq eshitib turishibdi»,— deb javob berdilar. Badrda ishtirok qilib, o'lja olgan qurayshiylarning jami 81 kishi erdi. Lekin, Urva ibn az-Zubayr: «Ularga o'ljalar taqsimlab berildi, ularning soni ersa, 100 kishi erdi»,— derdilar. Ammo. Oллоh taolo eng biluvchidir!».

Hishom ibn Urva otalaridan naql tsilib: «Badr kuni muhojirlarga 100 ta o'lja bo'lib berildi»,— deydilar.

13-bob.

Imom Buxoriy o'z kitoblarida Badr ishtirokchilarini alifbo tartibida sanab o'tganlar: An-Nabiy Muhammad ibn Abdulloh al-Hoshimiy sallallohu alayhi va sallam, Abu Bakr as-Siddiq, Umar raziyallohu anhu, Usmon raziyallohu anhu, Ali raziyallohu anhu, Iyos ibn al-Bakir, Bilol ibn Raboh, Hamza ibn Abdulmuttalib, Hotib ibn Abu Balta'a. Abu Huzayfa

ibn Utba, Horisa ibn ar-Rabi' al-Ansoriy, Xubayb ibn Adiy al-Ansoriy, Xanis ibn Huzofa, Rufo'a ibn Rofi' al-Ansoriy, Rufo'a ibn Abdul-Munzir, Abu Luboba al-Ansoriy, Zubayr ibn Avvom, Zayd ibn Sahl Abu Talha al-Ansoriy, Abu Zayd al-Ansoriy, Sa'd ibn Molik az-Zuhriy, Sa'd ibn Xavla al-Qurashiy, Sa'd ibn Zayd, Sahl ibn Xanif, Zahiyr ibi Rofi', Abdulloh ibn Mas'ud, Utba ibn Mas'ud, Abdurrahmon ibn Avf az-Zuhriy. Ubayda ibn Hars al-Qurashiy, Uboda ibn Somit al-Ansoriy, Amr ibn Avf, Uqba ibn Amr al-Ansoriy. Omir ibn Rabi-a, Sobit al-Ansoriy, Uvaym ibn So'ida, Atbon ibn Molik, Qudoma ibn Maz'un, Qatoda ibn Nu'mon, Ma'oz ibn Amr, Mu'avviz ibn Afro' va uning birodari, Molik ibn Rabia, Mirora ibn Rabi'. Ma'n ibn Adiy, Mistah ibn Usosa, Miqdod ibn Amr al-Kandiy, Hilol ibn Umayya. Oллоh taolo ulardan rozi bo'lsin!

14-bob. Banu Nazir va Janob Rasulullohning ikki kishining xunini talab qilib Banu Nazirga borgan-lari, ularning Janob Rasulullohga xiyonat qilmoq-chi bo'lganlari. Urva ibn az-Zubayrning rivoyat qilishicha, bu voqea Badr voqeasidan olti oy burun, Uhud jangidan avval sodir bo'ldi. Oллоh taolo bu haqda oyat nozil qildi. Uning ma'nosi: «Ahli kitoblardan bo'lgan kofirlarni vatanidan haydab chiqargan zot Oллоh taolodir. Kofirlar o'z lashkarlarini ilk bor to'plaganlarida sizlar ularni chiqib ketadi, deb o'ylamagan erdingizlar»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat tsiladilarki, Banu Nazir va Banu Qurayza musulmonlarga dushmanlik qildi. Buning uchun Banu Nazir vatanidan quvildi. Banu Qurayza ersa, erkaklari o'ldirilib, xotinu bolalari va mol-dunyosi musulmonlar o'rtasida taqsimlandi. Ularning ayrimlarigina Janob Rasulullohga ergashib, iymon keltirdilar va omon qoldilar. Madinadagi hamma yahudiylar badarg'a qilindi.

Sa'id ibn Jubayr aytadilar: «Men Ibn Abbosga Surai Hashr haqida so'zlaganimda, u kishi: «Bu surani «Surai an-Nazir deb atagin!»—dedilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat tsiladilar: «Janob Rasululloh Banu Nazir xurmozorini kestirib va yoqdirib yubordilar. Bu xurmozor Buvayra degan joyda erdi. Shunda Oллоh taolo: «Qaysi daraxtni kesgan va qaysi daraxtni qoldirgan bo'lsangizlar, hammasi Oллоhning izni birlan bo'ldi» degan oyatni nozil qildi».

Ibn Umardan naql tsilinadiki, Janob Rasululloh Banu Nazir xurmozorini yoqdirib yuboribdilar. Bu haqda Hasson ibn Sobit bunday deb she'r bitgan erkan:

*«Zarra qiynalmay Luay sardorlari,
Buvayra uzra yoqdi katta gulxan»*

Abu Sufyon ibn Hars ersa, unga javoban bunday deb she'r bitibdi:

*«Uzoq muddat ilohim gurkiratsin,
Kuyib atrof, qolmasin hatto tikan!
Omon qolgay qaysi yer, so'ng bilursen,
«Kim zarar ko'rmay qolur, kim bevatan!»*

Molik ibn Avsdan nakl tsilinadiki, u kishi xalifa Umar ibn Xattobning huzurida o'ltirgan erdilar. Shu payt Hazrat Umarning hojiblari Yarfo kirib, Usmon, Abdurrahmon, Zubayr va Sa'd kirishga ijozat so'rayotganlarini xabar qildi. Xalifa izn berganlaridan so'ng, ular kirib o'ltirdilar. Bir ozdan so'ng, hojib yana kirib Ali birlan Abbas ham kirishga izn so'rayotganlarini aytdi. Xalifa izn berganlaridan so'ng, Ali birlan Abbas ichkariga kirdilar.

Shunda Abbos: «Yo amiyral-mu'minin, Ali birlan o'rtamizni kelishtirib qo'ysangiz!» — dedilar. Ikkovlari Banu Nazirga tegishli musodara qilingan molning Oллоh taolo Janob Rasulullohga xos qilib bergan qismi to'g'risida janjallashayotgan erdilar. Ultirganlar barobariga: «Ey amiyral-mu'minin. ikkovini yarashtirib, ajrim qilib qo'yingiz!» — dedi. Xalifa Umar: «Shoshmangizlar, yeru osmonning mavjudligi izniga bog'liq bo'lmish Oллоh taolo nomi birlan sizlarni guvohlikka chaqiraman! Aytingizlar~chi, Janob Rasulullohning «Biz payg'ambarlar meros qoldirmaymiz, biz qoldirgan narsa sadaqadur!» deganlarini bilasizlarmi?» — dedilar. Hammalari baravariga: «Rost, Janob Rasululloh shunday deganlar»—deb javob berishdi. So'ng, Xazrat Umar Ali birlan Abbosning oldilariga kelib: «Sizlar ham Janob Rasulullohning shunday deganlarini bilasizlarmi?» — deb so'radilar. Ular ham tasdiq qilishdi. «Bo'lmasa,— dedilar Hazrat Umar,— men sizlarga shu haqda so'zlab berayin! Oллоh taolo Banu Nazirdan musodara qilib olingan molning bir qismini o'z payg'ambariga xos qildi, o'zga biror kishiga bermadi. Bu haqda Oллоh taolo Qur'onda: «Oллоh taolo o'z rasuliga ulardan (kofirlardan) urush qoldirmay olib bergan mol uchun sizlar na ot va na tuya choptirib (mehnatingiz singan ermas), lekin Oллоh taolo o'zi istagan bandalariga payg'ambarlarini hukmdor qilgaydur. Oллоh taolo har narsaga qodirdur!»— deydi. Oллоh taolo ul molni o'z payg'ambariga maxsus ato etgandur. Oллоh taologa qasamyod qilamanki, Rasululloh musodara qilingan molni o'zlashtirib olmadilar, nimaiki bo'lsa, barchasini sizlarga xolisona taqsimlab berdilar. Undan ana shul ozgina mol ortib qoldi. Shu ortgan mol orqali Payg'ambar alayhissalom o'z oilalarini boqar erdilar, ortiqchasini «Oллоh taoloning moli» deb, Baytulmolga olib qo'yardilar. Janob Rasululloh umr bo'yi shunday qildilar, so'ng vafot etdilar. Shunda Abu Bakr: «Men Janob Rasulullohning vorislaridurmen!» deb o'shal molni o'z qo'llariga oldilar va uni Janob Rasululloh qanday tasarruf qilgan bo'lsalar, shunday tasarruf qildi-lar, shu vaqtda sizlar ham bor erdingiz». Keyin, Hazrat Umar Ali birlan Abbosga yuzlanib bunday deb davom etdilar: «Eslaysizlarmi, o'zlaringiz aytganlaringizdek, Abu Bakr xalifalik davrlarida rostgo'y, yaxshilik qilguvchi, adolatli va haqiqatga bo'ysunuvchi erdilar. Abu Bakr vafot laridan so'ng, xalifalikni men qo'lga oldim. Ikki yildan buyon amirlik qilib, Janob Rasululloh va Abu Bakr tutgan yo'lni mahkam tutdim. Mening ham rostgo'y, yaxshilik qilguvchi, adolatli, haqiqatga bo'ysunuvchi erkanligimga Oллоh taolo shohid! So'ng, ikkovingiz mening oldimga keldingiz, ikkovingizning gapingiz ham, ishingiz ham birdur. Men sizlarga: «Janob Payg'ambar «Biz payg'ambar-lar mol-dunyo meros qoldirmaymiz, bizdan qolgan narsa «sadaqadur!» deganlar»—deb aytdim. Mening qat'iy so'zim shuldur' Oллоh taoloning ahdu miysoqi bo'yingizda, agar istasangiz, Janob Rasululloh, Abu Bakr va men singari tasarruf qilmoq sharti birlan ul molni sizlarga bergay-man, ammo keyinchalik boshqacha hukm chiqarib bermog'imni talab qilsangizlar, yeru osmonlarning mavjudligi izniga bog'liq bo'lgan zot haqi, qiyomatga qadar ham bunga yurmagay-men! Basharti, shartimni eplay olmasangizlar, ul molni menga qaytarib bergaysizlar, men ersam sizlarni bu yumushdan xalos qilgaymen».

Zuhriy aytadilarki, «Men mazkur hadisni Urva ibn az-Zubayrga rivoyat qilganimda, ul: «Molik ibn Avs rost aitibdi men Oisha onamizning bunday deb aytganlarini eshitgan edim»,— dedi: «Janob Rasulullohning (mendani bo'lak) xotinlari Hazrat Usmonni Abu Bakr Siddiqning huzurlariga yuborib, o'shal moldan o'zlariga ulush ajratib bermoqni talab qildilar. Men ularni bundan qaytarib' «Oллоh taolodan qo'rqmaysizlarmi? Janob Rasulullohning "Biz meros qoldirmagaymiz, bizdan qolgan narsa — sadaqadur!» deganlarini bilmaysizlarmi? «Biz» deganlari-da ul zot o'zlarini nazarda tutgan erdilar. Ammo, payg'ambar oilasi bu molni sadaqa ermas, nafaqa tarzida tasarruf qilaveradi»,— dedim Shunda, Janob Rasulullohning xotinlari mening aytganimga ko'ndilar»

Zuhriy rivoyatlarini davom ettirib bunday deydilar: «Mazkur sadaqa Hazrat Alining qullarida bo'lib, Abbosni unga yo'latmadilar. Keyin u Hasan ibn Ali qo'lga o'tdi, keyin Husayn ibn Ali, undan keyin Ali ibn Husayn va Hasan ibn Hasan qo'lga o'tib, ikkovlari uni navbat birlan tasarruf qildilar, so'ng u Zayd ibn Hasan ixtiyoriga o'tdi Bu Janob Rasulullohning o'shal sadaqala-ri erdi».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Bir kuni Fotima va Abbos Abu Bakr Siddiqning huzurlariga kelib, Fadakdagi yerdan hamda Xaybar g'azotida olingan o'ljalardan o'z meroslarini talab qildilar. Shunda Abu Bakr Siddiq-«Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Biz meros qoldirmagaymiz, bizdan qolgan narsa — sadaqadur, lekin Muhammad xonadoni uning orqali kun ko'raveradi» deb aytganlar. Oллоh taolo nomi birlan kasamyod qilurmen-ki, o'zimni Payg'ambar alayhissalomga yaqin tutib, ul zotning o'gitlariga amal qilmog'im qarindoshlarimga yon bosmog'imdan afzaldur!»—dedilar».

15-bob. Ka'b ibn al-Ashrafning qatli haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat tsiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ka'b ibn al-Ashrafni kim qatl qilib kelgay? Chunki ul Oллоh taolo birlan uning rasuliga behad ozor yetkazdi»,— dedilar. Shunda Muhammad ibn Maslama o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh, uni men o'ldirmog'imni xohlaysizmi?» — dedi. «Ha»,— deb javob berdilar Janob Rasululloh. Muhammad ibn Maslama: «Unday bo'lsa, (hiyla uchun) yolg'on gapirmog'imga ijozat beringiz!»—dedi. Janob Rasululloh: «Gapiraver!» — dedilar. Muhammad ibn Maslama Ka'bning oldiga bordi-da, Payg'ambar alayhissalomdan shikoyat qilgan bo'lib: «Anavi odam bizdan sadaqa so'radi, bizni ko'p qiynadi, men sening oldingga qarz so'rab keldim»,— dedi. Shunda Ka'b: «Oллоhga qasamyod qilurmen-ki, hali ko'p qiynalasizlar»,— dedi. Muhammad ibn Maslama gapida davom etib: «Darhaqiqat, biz unga ergashdik, endi ko'raylikchi, pirovardida nima qilar erkan? Sen bizga bir vasaq yoki ikki vasaq taom qarz bersang!» — dedi. (Sufyon bunday deydilar: «Amr bizga bu hadisni bir necha bor rivoyat qildi-yu, lekin «bir vasaq yoki ikki vasaq» degan so'zlarni aytmadi, men unga: «Bu hadisda «bir vasaq yoki ikki vasaq» degan so'zlar bormidi?» — deganimda, u: «Ha, bor erdi»,— deb javob berdi»). Ka'b: «Unday bo'lsa, garovga biror narsa beringizlar»—dedi. «Nimani xohlaysan » — deb so'radi Muhammad. Ka'b. «Xotinlaringizni garovga qo'yingiz-lar!» — dedi. «Qanday qilib (xunuk) xotinlarimizni garovga qo'yamiz, axir sen arablarning eng chiroylisisan-ku?!»— dedi Muhammad. Bo'lmasa, bolalaringizni garovga qo'yingizlar!»—dedi Ka'b. Muhammad e'tiroz bildirib: «Bolalarimizni qanday garovga beramiz, axir odamlar: «Bir vasaq taom uchun bolalarini garovga qo'yibdi»~deb aytmaydimi Bunday ta'na biz uchun or hisoblanadi Mayli senga qurol-yarog'imizni garovga bera qolaylik!» — dedi Nihoyat, ular qurol-yaroqni garovga qo'yishga va'dalashishdi. Shu kuni kechasi Muhammad ibn Maslama Ka'bning emishgan akasi Abu Noila (va yana bir kishi) brlan birga keldi, Ka'b chiqib ularni qo'rg'oniga taklif qildi Shunda, Ka'bning xotini «Bemahal tashqariga chiqma »—deb qarshilik bildirdi. Lekin, Ka'b «Bu kelganlarning biri ibn Maslama, ikkinchisi emishgan akam Abu Noila»,—dedi.Xotini, «Men qonning tomchilagan ovozini eshitayotgandekman», dedi.Ammo, Ka'b «Sixiy kishi kechasi o'limga chaqirilsa ham, labbay deb javob beradi»,— deb unamadi. Muhammad ibn Maslama ikki sherigiga: «Men Ka'bning boshini mahkam ushlaganimda, sizlar unga tig' urasizlar»,deb ta'yinladi.Ka'b ularning oldiga tushib yo'l boshladi, undan atir hidi anqib turardi Shunda Muhammad ibn Maslama «Men umrimda bugungichalik xushbo'y hidni hidlamaganman » — deb soxta

tilyog'lamalik qildi. Ka'b ersa uning so'zidan erib ketib «Mening xotinim ayollarining eng xushbo'yi va go'zalidir»— deb maqtandi. Muhammad ibn Maslama unga «Boshingizdagi atir bo'yidan hidlamog'imga ijozat berasizmi »— deb aytdi. Ka'b rozilik bildirgach, Muhammad va uning sheriklari Ka'bning boshini hidladilar. Shu asnoda Muhammad uning boshini ikki qo'li birlan mahkam ushlab, sheriklariga ishora qilgan erdi, ular uni o'ldirdilar So'ng, Janob Rasulullohning xuzurlariga kelib, bo'lgan voqeani so'zlab berdilar»

16-bob Abu Rofi'ning o'ldirilishi haqida

Barro ibn Ozib raziyallohu an.hu rivoyat tsilurlarki, Janob Rasululloh bir guruh kishilarni Abu Rofi'ning oldiga yuboribdilar. Abu Rofi' kechasi uxlab yotganda Abdulloh ibn Atiyk uyiga kirib, uni o'ldiribdilar.

Barro ibn Ozib raziyallhuu anhu rivoyat tsilurlarki, Janob Rasululloh ansoriylardan bir necha kishini Abdulloh ibn Atiyk boshchiligida Abu Rofi'ning oldiga yuboribdilar. Abu Rofi' yahudiylardan bo'lib, Janob Rasulullohga ko'p ozor yetkazar va ul zotning dushmanlariga yordam berar erdi, o'zi ersa Hijoz yerdagi qo'rg'onida yashardi. Musulmonlar uning qo'rg'oniga yetganlarida kun botgan bo'lib, odamlar podalarini uylariga qaytargan erdilar. Abdulloh sheriklariga «Sizlar shu yerda o'ltira turinglar, men borib, darvozabon birlan tillashay, shoyad ichkariga kirolsam» — dedilar. Sung, asta darvozaga yaqinlashdilar-da choponlarini yelkalariga tashlab olib hojatga o'ltirganday darvozaga tes kari qarab o'ltirdilar, shunda hanuz ichkariga odamlar kirib turardi. Shu payt darvozabon chiqdi-da, «Ey Ollahning bandasi ichkari kiradigan bo'lsang, kir, men darvozani yopaman - dedi. Abdulloh aytadilar «Men ichkari kirib berkinib oldim, darvozabon darvozani yopib, qulfladi-da, kalidlarni mixga osib ketdi. Men kalidlarni olib, darvozani ochdim Shunda Abu Rofi' o'z xonasida bo'lib, boshqalar birlan suhbatlashib o'ltirgan erdi. Hamsuhbatlari tarqalgandan so'ng, men uning huzuriga ko'tarildim. Qaysi eshikni ochib kirsam, ichkarisidan yana qulflab olardim, chunki odamlar meni sezib qolsalar, uni o'ldirishga ulgurolmay qolaman, deb o'ylardim. Nihoyat, u yotgan uyga yetib bordim-u, ammo qorong'uda bola-chaqalari orasida bo'lganidan uning aynan qaysi joyda yotganini bilolmadim, sekin «Ey Abu Rofi'» —deb chaqirdim. Abu Rofi' «Kim bu» — deb ovoz qildi. Men ovoz chiqqan joyga borib, zarb birlan qilich soldim, lekin hayajonlanganimdan o'ldirolmadim, UNING baqirig'idan qaytib chiqdim Biroz nafasimni rostlab, yana kirdim va «Ey Abu Rofi', kim baqirdi» — dedim Abu Rofi' «Onangni g'am bosgur, uyda begona erkak yuribdi, menga qilich urdi»—dedi Shunda unga yana qilich urdim, ammo bu safar ham o'ldira olmadim. Keyin qilichning tig'ini qorniga shunday bosdimki, ikki bo'lak qilib tashladim. Nihoyat, o'ldirganimga ishonch xosil qilgach, eshiklarni bir-bir ochib, zinaning oxirgi pog'onasiga tushdim. Yerga yetdim deb oyog'imni qo'ygan erdim, yiqilib tushdim, oyog'imning boldir suyagi sinib ketdi. So'ng, singan joyni sallam bilan bog'lab ohista yurib ketdim. Darvozaga yetgach, o'zimga-o'zim «Biroz kutay, haqiqatan o'ldirdimmi yoki yo'qmi, bilayin» — dedim Tong otib, xo'roz qichqirtan paytda qo'rg'on tepasidan jarchining Hijoz ahlining savdogari Abu Rofi' vafot etgani haqidagi xabari tarqaldi. Men sheriklarim huzuriga qaitdim-da «Ollax taolo Abu Rofi'ni o'ldirdi, tezda bu yerdan ketaylik» — dedim Janob Rasulullohnin: huzurlariga borgach, bo'lgan voqeani bayon qildim. Janob Rasululloh «Oyog'ingni uzat »—dedilar, men oyog'imni uzatdim, ul zot silab qo'ydilar Muborak qo'llarining sharofatidan keyin hech qachon oyog'im og'rimadi»

Barro ibn Ozibdan natsl kiladilarki, Janob Rasululloh Abdulloh ibn Atiyk va Abdulloh ibi Utba boshchiligida bir necha kishini Abu Rofi'ning huzuriga yuboribdilar Ular Abu Rofi'ning qo'rg'oniga yaqin borganlarida, Abdulloh ibn Atiyk «Sizlar shu yerda kutib turingizlar, men borib vaziyatni bilib kelay!»—debdilar. Abdulloh ibn Atiyk aytadilar: «Men qo'rg'onga kirishga urinib ko'rdim, shu payt u yerdan mash'ala ko'targan bir necha kishi chiqib qoldi, ular eshaklarini yo'qotib, qidirib chiqqan erkanlar. Tanib qolishlaridan cho'chiganimdan xuddi xojatga o'ltirganday bosh-oyog'imni libosim birlan yopib, teskari qarab o'ltirdim. Shu payt eshik og'asi' «Darvozani qulflamasimdan ilgari qo'rg'onga kiruvchilar bo'lsa, kirsin!»—deb baqirdi. Men qo'rg'onga kirib, otxonaga yashirindim. Abu Rofi'ning hamsuhbatlari kechki ovqatni yeb bo'lib uzoq suhbatlashib o'ltirgach, tun yarmida uy-uyiga tarqaldi. Atrofga jimjitlik cho'kkach, berkingan joyimdan chiqdim. Qorovulning darvoza kalitlarini bir kuvacha ichiga yashirganini ko'rgan erdim, ularni olib, qo'rg'on eshiklarini ochdim. So'ng, meni birov sezib qolmasin, deb tezda darvoza oldidan uzoqlashdim. Qaysi eshikka kirmay, ichkarisidan qulflab qo'yib, Abu Rofi'ning huzuriga narvon birlan ko'tarildim. U qorong'u xonada yotgan erdi. Yotgan joyini topolmay: «Abu Rofi'!» — deb sekin chaqirdim. «Kim u?» — deb Rofi' ovoz berdi. Ovoz chiqqan joyni mo'l qilich birlan qattiq urdim. Baqirgan ovoz keldi, lekin o'ldirolmagan erdim. Unga yordam bermoqchi bo'lgan kishiday ovozimni o'zgartirib: «Ey Abu Rofi', nima bo'ldi?»— dedim. «Uzing kimsan, onang g'amga botgur, uyimga begona odam kirib olibdi, meni qilich birlan urdi»,— deb baqirdi Abu Rofi'. Shunda uning xotini ham uyg'onib ketdi. Men yana ovozimni o'zgartirib, unga yaqinlashdim, u osmonga qarab chalqancha yotgan erdi. Qilichimning tig'ini qorniga shunday botirdimki, hatto suyaklarining qisirlagani ham egaitildi Keyin, men hayajonlanganimdan narvondan tushayotib, yiqilib tushdim. Oyog'im sindi, uni bog'lab sheriklarim oldiga bordim. Ularga: «Boringizlar, Janob Rasulullohga xushxabar yetkazingizlar, men ertaga o'lim xabarchisining ovozini eshitmagunimcha joyimdan jilmayman!»—dedim. Subh vaqtida jarchi uning o'lganini xabar qildi. Men xotirjam yo'lga chiqdim. Sheriklarimga, hali ular Janob Rasulullohning huzurlariga yetib bormaslaridan yetib oldim-da, shaxsan o'zim Janob Rasulullohga xushxabar aytdim».

17-bob. Uhud g'azoti

Bu bobga Olloh taoloning «Oli Imron» surasidagi quyidagi oyati karimalari mazmunan taalluqlidir: «Ey Muhammad, siz ertalab ahlingiz oldidan chiqib, mo'minlarni jangga shaylab qo'ygan vaqtingizni bir eslangiz, Olloh hammasini ko'rib, bilib turuvchidir»

«Ruhan tushmangizlar, xafa bo'lmangizlar, agar iymonda mo'stahkam tursangizlar, haqiqiy g'olib sizdursizlar. Agar bu safar sizlarga jarohatu musibat yetgan bo'lsa, avvalgi jangda raqiblaringizga talofot yetgan erdi. Bu Dunyo hayotida g'alaba qo'ldan-qo'lga o'tib turgay, Olloh taolo (mana shunday) sinov birlan oralaringizdan haqiqiy mo'minlarni bilib olgay va ayrimlaringizni shahid qilgay. Olloh taolo zolimlarni do'st tutmagay, iymonli bandalarini avvalgi gunohlaridan poklab, kofirlarni halok qilgay. Olloh taolo sizlarni jihodda sinamay turib, sabr qiluvchi ekanliklaringizni aniqlamay turib, jannatga kiritadi, deb o'ylaysizlarmi? Ulimga do'ch kelmay turib shahid bo'lmoqni orzu qilgan erdingizlar. Mana endi uni o'z ko'zingiz birlan ko'rib turibsizlar!»

«Olloh taolo, sizlar uning rizoligi uchun kofirlar birlan urushib turganingizda, o'z va'dasining ustidan chiqdi. Ammo, Olloh taolo va'da qilgan zafarni ko'rib turib ham o'rtalaringizda nizo' chiqdi, sizlar boshliqqa bo'yinsunmadingizlar, zaiflashdingizlar,

ba'zilaringiz oxi-ratni xohlasa, ba'zilaringiz dunyoni tanladingizlar, natijada Oллоh taolo sizlardan zafarni olib qo'yib, yengildingizlar, bu sizlarga Oллоh taolodan bir sinov bo'ldi, Oллоh taolo sizlarni kechirdi. Oллоh taolo mo'minlarga nisbatan muruvvatlidir!».

«Oллоh taolo yo'lida shahid bo'lganlarni o'lik deb o'ylamangizlar!».

Ibn Abbosdan natsl tsilinadiki, Janob Rasululloh. «Men Uhud janggi kuni Jabroil alayhissalomni ko'rdim, ul zot jang anjomlarini kiyib olgan bo'lib, otlari jilovini tortib turgan erdilar»,— debdilar.

Uqba ibn Omirdan rivoyat tsilinadiki, Janob Rasululloh 8 yildan so'ng Uhud janggi shahidlari qabri tepasiga kelib, go'yo vidolashayotgandek o'liklar va tiriklar haqiga Do'o qildilar. Keyin, minbarga chiqdilar-da: «Albatta, men sizlarning yo'l boshchingizman va sizlarning iymonlarin-gizga guvohman, sizlar birlan endi Havzi Kavsar bo'yida ko'rishamiz, men mana sho' joyimda turib uni ko'ryapman. Men sizlar mushrik bo'lib ketasizlar, deb ko'rqmayman, lekin mol-dunyo sizlarni yengib qo'ymasaydi, deb qo'rqaman»,— dedilar. «Shunda men Janob Rasulullohni so'nggi bor ko'rgan erdim»,— deydilar roviy.

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Uhud kuni biz mushriklarga ro'baro' bo'ldik. Janob Rasululloh kamonchi merganlarni tepalik ustiga joylashtirib, ularga Abdulloh ibn Jubayrni amir qilib tayinladilar-da, «Bizning g'alaba qilganimizni ko'rsangizlar ham, yengilganimizni ko'rsangizlar ham joyingizdan jilmangizlar, yordamga oshiqmangizlar!» — dedilar. Dushman birlan to'qnashganimizda ular tumtaraqay qochib qoldilar, hattoki toqqa tirmashgan ayollarining boldirlari ochilib qolib, taqinchoqlari ko'rinib turganini ko'rdim. Shunda merganlar: «Ana o'lja, ana o'lja!» —deb ochko'zlik qila boshladi-lar. Amir Abdulloh ibn Jubayr ularga Janob Rasulullohning «Jilmangizlar!» deb buyurganlarini eslaqalar ham, itoat qilmadilar. Natijada ish chappasiga ketib, musulmonlardan 70 kishi shahid bo'ldi. Mushriklarning boshlig'i Abu Sufyon tirik qolgan musulmonlar oldiga kelib: «Orangizda Muhammad bormi, nega indamaysizlar? Orangizda Abu Qahhafa (Abu Bakr Siddiq) bormi, nega javob bermaysizlar? Orangizda Ibn Xattob bormi, nega javob bermaysizlar? Demak, ular o'ldirilganlar, agar tirik bo'lganlarida erdi, javob bergan bo'lur erdilar»,— dedi. Umar raziyallohu anhu o'zlarini tutib turolmay: «Ey Oллоh taoloning dushmani, yolg'on aytyapsan, hali shoshmaytur, Oллоh taolo seni albatta g'am-g'ussaga botirgay!»—dedilar. Shunda Abu Sufyon: «Hubal buyukdur!» — dedi. Janob Rasululloh: «Javob qaytaringizlar!»—dedilar. Sahobalar: «Nima deymiz?»—deganlarida, ul zot: «Oллоh taolo buyuk va ulug'dur!» deb aytingizlar»,— dedilar. Abu Sufyon: «Bizning Uzzomiz bor, sizlarning Uzzolaringiz yo'q» — deganda, Janob Rasululloh: «Oллоh taolo bizning mavlomiz (egamiz), sizlarning ersa, egalaringiz yo'q!» — deb aytishni o'rgatdilar. Abu Sufyon: «Bugungi kun Badr kuni uchun qasos bo'ldi, urushda zafar goh u tomonga, goh bu tomonga o'tadi. Jang maydoniga boqsangizlar, men buyurmagan va menga zarari ham bo'lmagan bir dalilning shohidi bo'lasizlar»,— dedi».

Jobir ibn Abdulloh aytadilarki, Uhud kuni bir necha kishi ichkilik ichgan holda jangga kirib, shahid bo'libdi (Islomda ichkilik Uhud janggidan bir qancha vaqt keyin harom qilingan).

Ibrohim raziyallohu anhudan naql qilinadiki, «Abdurrahmon ibn Avfga taom keltirildi, u kishi ro'zador erdilar. Shunda ul kishi: «Mus'ab ibn Umayr o'ldirildi, vaholanki u mendan

yaxshiroq erdi. Kafanligi yo`qligidan libosiga o`rab ko`mildi, libosi kaltaligidan oyog`ini yopsa, boshi, boshini yopsa, oyog`i ochilib qolar erdi. Keyin, Amir .Hamza ham shahid bo`ldi, vaholanki ul ham mendan yaxshiroq erdi. Bizga ersa, bisyor mol-dunyo berildi. Qo`rqamizki, barcha yaxshiliklar shu dunyodayoq berilib, oxiratda nasibamiz qolmadimikan?» — dedilar-da, xo`ngrab yig`lay boshladilar” hatto taom ham yemadilar».

Jobir ibn Abullohdan naql qilinadiki, «Uxud kuni bir odam Janob Rasulullohga: «Nima deysiz, men agar hozir o`ldirilsam, qaerda bo`laman?» — dedi. «Jannatda»,— dedilar Janob Rasululloh. Shunda u qo`lidagi hurmolarni otib yubordi-da, jangga kirib ketdi va shahid bo`ldi».

Xabbob raziyallohu anhu aytadilar: «Biz Olloh taolo rizoligi uchun Janob Rasululloh birlan birga hijrat qildik. Olloh taolo bizga ajru savob ato etmoqni o`z zimmasiga oldi. Ba`zi birimiz o`sha ajru savobdan olib ulgurmay dunyodan o`tib ketdi. Masalan, Mus`ab ibn Umayr. Ul kishi Uhud kuni o`ldirildilar, o`zlaridan hech qanday mol-dunyo qoldirmadilar, faqat bitta jundan to`qilgan choponlari bo`lib, boshlariga yopsak, oyog`lari, oeg`lariga yopsak, boshlari ochilib qoldi. Shunda Janob Rasululloh bizga: «Choponi birlan boshini o`rangizlar, oyog`iga ersa izxir tashlab qo`yingizlar!» — deb amr qildilar. Biroq, oramizda bul dunyoda mukofotini olib, ayshini surib yurganlar ham bordur».

Anas ibn Molik raziyallohu anhudan naql qilinadiki, ul kishining amakilari Anas ibn Nazr Badr janggida qatnasholmagan erdilar, Shu boisdan ham ul kishi: «Men Janob Rasululloh qatnashgan eng ulug` jangda bo`lolmadim. Agar Olloh taolo meni Janob Rasululloh bo`lgan jangda shahid qilganda erdi, men bunchalik alam chekmagan bo`lur erdim!»—deb qattiq afsus chekardilar. Nihoyat, Uhud janggida qatnashish baxtiga muyassar bo`ldilar. Jangda musulmonlar qocha boshladi. Shunda Anas ibn Nazr: «Yo Olloh, musulmon birodarlarimning qilmishi uchun sendan uzr so`rayman, mushriklar ofatidan o`z panohingda asragil!» — deya qilich yalang`ochlab oldinga tashlandilar Shu asnoda Sa`d ibn Muozga duch kelib: «Ey Sa`d, qaerga qochyapsan? Uhud yonidan dimog`imga jannat hidi anqiyapti!»—dedilar-da, jangga kirishdilar va shahid bo`ldilar. Jasadlari odam tanimas bo`lib ketgan erdi. Singillari ul kishini xollaridangina (yoki barmoqlaridangina) tanib oldi. Jasadlarida nayza, gurzi, qilich zarbi hamda kamon o`qidan hosil bo`lgan 80 dan ortiq jarohat bor erdi».

Zayd ibn Sobit raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Qur`ondan nusxa ko`paytirayotgan vaqtimizda «Ahzob» surasidagi bir oyatni topmadim. Bu oyatni Janob Rasululloh o`qiganlarida eshitgan erdim. Usha oyatni ko`p qidirib, oxiri Huzayma ibn Sobit al-Ansoriydan topdik. Bu oyat quyidagicha: «Shunday mo`min kishilar borki, ular Olloh taologa qilgan ahdu paymonlarida ustivor turdilar. Ularning ba`zilari maqsadlariga yetib, shahid bo`ldilar, ba`zilari muntazirdurlar». Biz bu oyatni Mushafdagi tegishli suraga qo`shib qo`ydik».

Zayd ibn Sobit rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhudga chiqqanlarida, ul zot birlan birga chiqqanlarning bir qismi ortiga qaytib ketdi. Shunda Janob Rasulullohning sahobalari ularga nisbatan chora ko`rmoqlik xususida ikki guruhga bo`linib qoldilar, ba`zi sahobalar «o`ldiramiz» deyishsa, ba`zi sahobalar («shoyad, musulmon bo`lsalar» degan o`y birlan) «o`ldirmaymiz» deyishdi. Shu asnoda Olloh taolo quyidagi oyati karimasini nozil qildi: «Bas, nima bo`ldi sizlargaki, munofiqlar xususida ikki guruh bo`lib oldingizlar, holbuki Olloh taolo ularni yomon amallari sababidan

ortlariga qaytardi». Zayd ibn Sobit so'zlarida davom etib: «Darhaqiqat, Madina pok joy bo'lib, olov kumush tarkibidagi begona jismlarni ketkazgandek, gunohlarni ketkazadi dedilar.

18-bob

Oллоh taoloning qavli: «(Ey Muhammad!) Sizlardan ikki toifaning (qo'rqoqlik qilib jang maydonidan) qochmoqchi bo'lganini bir eslang, vaholanki Oллоh ularning do'stidur. Mo'minlar Oллоhga tavakkal qilsinlar!»

Jobir ibn Abdulloh: «(Ey Muhammad!) Sizlardan ikki toifaning (qo'rqoqlik qilib jang maydonidan) qochmoqchi bo'lganini bir eslang...» degan oyati karima bizning, ya'ni Banu Salama va Banu Horisa to'g'risida erdi. Koshkiydi, bul oyat nozil qilinmagan bo'lsa! Chunki, Oллоh taolo: «... vaholanki, Oллоh ularning do'stidur»,— deydi»,— deytilar.

Jobir. ibn Abdulloh; rivoyat qiladilar: «Bir kuni Janob Rasululloh mendan: «Ey Jobir, uylandingmi?» — deb so'radilar. Men: «Ha»,— deb javob berdim. «Qiz bolaga uylandingmi yoki juvongami?» — deb yana so'radilar. Men: «Yo Rasulalloh, juvonga uylandim!» — dedim. «Qiz bolaga uylansang bo'lmasmidi, senga muhabbat qo'yardi!» — dedilar Janob Rasululloh. Men: «Yo Rasulalloh, otam Uhud jangida o'ldirilib, menga 9 ta qizni tashlab ketdilar. Men 9 ta opa-singillarim birlan qoldim. Ularga o'zlariga o'xshagan yana bitta esi past qizni qo'shib ko'yishni ma'qul ko'rmadim. Xotinim ularni yuvib-taraydi, xizmatini qiladi»,— dedim. Janob Rasululloh: «To'g'ri qilibsan!» — dedilar».

Jobir ibn Abdullohdan nakl qilinadiki, u kishining otalari Uhud jangida shahid bo'lib, qarzlari va 6 ta qizlari Jobirga qolgan erdi. (Bundan oldingi hadisda 9 ta qiz, bu yerda ersa «6 ta» deb keltirilishining boisi shuki, Jobirning opa-singillari hammasi 9 ta bo'lib, otalari shahid bo'lganlarida 3 tasi turmushga uzatilgan, 6 tasi ersa yosh qolgan erdi). Jobir ibn Abdulloh bunday deytilar: «Xurmo hosilini teradigan paytda Janob Rasulullohning qoshlariga kelib: «Uzingiz bilasiz, otam Uhud jangida shahid bo'lganlar, u kishidan menga katta qarz qolgan. Men otamga qarz bergan kishilarni ko'rsatmoqchiman»,— dedim. Shunda Janob Rasululloh: «Borgin, har bir daraxt hosilini alohida to'plab qo'ygin» — deb buyurdilar. Men aytganlaridek to'plab, so'ng ul zotni chaqirdim. Haqdorlarim Janob Rasulullohni ko'rib menga shu ondayoq yaxshi muomala qila boshladilar. Ularning tilyog'lamachiligini sezgan Janob Rasululloh hurmo to'plaridan eng kattasini uch bor yig'ishtirib o'zlariga yaqin tortdilar-da, ustiga o'ltirib oldilar. Keyin: «Qani, sheriklaringni chaqir!» — deb buyurdilar. Ularning hammasiga o'lchab berdilar. otamning barcha qarzlari uzildi. Men: «Otamning barcha qarzlari uzilsa-yu, singillarimga birorta ham xurmo olib bormasam ham, mayli» —deb o'ylardim. Janob Rasululloh barcha xurmo uyumlarini otamning qarzlariga berdilar, faqat o'zlari ustida o'ltirgan g'aramgina qoldi, xalos, undan biror dona ham xurmo kamaymadi (mantiq: Janob Rasululloh qarzga qancha xurmo ketishini oldindan aniq bilganlar)».

Sad ibn Abu Vaqqos: «Men Janob Rasulullohni Uhud kuni ko'rdim, u kishi birlan birga ikki notanish kishi ham jang qilardi, ikkovi ham oppoq libos kiyib olgan erdi. Ularni bundan ilgari ham ko'rmaganman, keyin ham ko'rmadim»,— deytilar.

Sa'd ibn Abu Vaqqos: «Janob Rasululloh Uhud kuni o'qdonlaridan o'q olib bera turib menga: «Ota-onam senga fido bo'lsin, otgil!» — dedilar»,— deytilar.

Abdulloh ibn Shaddod rivoyat qiladilar: «Men Hazrat Alidan eshitdimki, Janob Rasululloh Sa'ddan boshqa biror kishiga «Ota-onam senga fido bo'lsin!» deb aytmagan erkanlar».

Abu Usmon ta'kidlaydilarki, g'azot qilingan mazkur kunlarning ba'zisida Janob Rasulullohning yonlarida Talha birlan Sa'ddan bo'lak biror kishi jang qilmagan erkan.

Soib ibn Yazid aytadilar: «Men Abdurrahmon ibn Avf, Talha ibn Ubaydulloh, Miqdod va Sa'd birlan hamsuhbat bo'ldim, ulardan faqat Talha ibn Ubaydullohninggina Uhud janggi haqida gapirganini eshitdim».

Qays ibn Abu Xozim aytadilar: «Men Talhaning bir quli (o'q tegaverganidan) shol bo'lib qolganini ko'rdim, u shu qo'li birlan Uhud kuni Janob Rasulullohni himoya qilgan erdi»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Uhud kuni odamlar Janob Rasulullohni tashlab qochdilar Abu Talha ersalar, Janob Rasululloh oldilaridan ketmay, qo'llaridagi qalqonlari birlan ul zotning muborak boshlarini o'qdan himoya qilib turdilar Abu Talha mergan kishi bulib, kamonni qattiq, tortar erdilar. Shu kuni 2 ta yo 3 ta kamon sindirdilar. Ushanda saxobalardan biri kamon o'qi to'la sadoq birlan o'tib ketayotganda Janob Rasululloh unga «Abu Talhaga yordam ber - deb erdilar. Janob Rasululloh jang paytida jangchilardan shaxsan o'zlari xabar olib turar erdilar. Shunda Abu Talxa «Ota-onam sizga fido bo'lsin, yo Rasulalloh Kelmang, tag'in dushman o'qidan birortasi sizga tegmasin, sizning tomog'ingizga tegadirgan o'q mening tomog'imga tegaversin'»— derdilar. Shu kuni Oisha binti Abu Bakr birlan Ummu Sulaymni ham ko'rdim. Ikkovlari etaklarini lippalariga qistirib olgan, yelkalarida mesh, jangchilarga suv olib borar erdilar, yana ortlariga qaytishib, meshlarni to'ldirib jang maydoniga kirishar erdi. Usha kuni Abu Talhaning qo'llaridan ikki Yoki uch bor qilichlari yerga tushib ketdi»

Oisha raziyallohu anhodan nakl kilinadiki, Uhud kuni mushriklar jang maidonini tashlab qochibdi Shunda shayton la'natullohi alayhi «Ey Ollohning bandalari, ortingizdagilardan ehtiyot bo'lingizlar » — deb nido qilib musulmonlarni chalg'itibdi. Natijada oldingi safdagilar ortlariga o'girilib, keyingi safdagi (o'z birodarlari birlan) jang boshlashibdi. Shu payt Huzayfa otasi al-Yamoni ko'rib «Ey Ollohning bandalari, bu mening otam, bu mening otam » — deb baqiribdi, ammo jangchilar o'zlarini to'xtatib qololmay, Huzaifaning otasini o'ldirib qo'yishibdi. Lekin, Huzayfa otasining qotillariga «Olloh taolo gunohlaringizni kechirsin'»—deb yomonlik qilmabdi, hattoki umrining oxirigacha ularga yaxshilik qilaveribdi.

19-bob

Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, ikki gurux (musulmonlar va mushriklar) o'zaro to'qnashgan kuni sizlarning oralaringizdan qochgan kishilarni ba'zi xatolari sababli shayton ozdirdi. Olloh taolo ularni afv qildi, Olloh taolo albatta, mag'firatli, rahmdil zotdir»

Usmon ibn Mavxib rivoyat qiladilar «Bir kishi xajga kelib, Ka'ba yonida suhbatlashib o'ltirgan bir gurux kishilarga ko'zi tushdi. «Bu o'ltirgan kishilar kim» — deb yonidagilardan so'radi. Unga «Bular qurayshliklar»,— deb javob berishdi. «Bularning ulug'i kim » - deb yana so'radi u. Shunda ularning ulug'i Ibn Umar ekanliklarini aytishdi Boyagi kishi Ibn Umarning yoniga kelib «Men sizdan bir narsa hakida so'rayman, javob

berasizmi »—dedi Ibn Umar «Mana shu Baytulloh hurmati, albata javob beraman » — dedilar Boyagi kishi «Usmon ibn Affonning Uhud jangidan qochganlarini bilasizmi'»— dedi Ibn Umar «Bilaman >,— dedilar Boyagi kishi «Uning Badr jangida ham qatnashmaganligini bilasizmi» —dedi Ibn Umar «Buni ham bilaman»,— dedilar Boyagi kishi «Bay'aturrizvonda ham yo`q erdi, shundaymi »—dedi «Ha, shunday » — dedilar Ibn Umar. Shunda boyagi kishi «Olluhu akbar» — deb takbir aytdi. Ibn Umar unga bunday dedilar «Yaqinroq kel, sen so`ragan narsaning xabarini aytib tushuntirib berayin' Uhud kuni Hazrat Usmonning jangdan qochganlarining gunohini Olloh taolo boshqalar birlan birga o`z oyati karimasi orqali afv qilgandur. Badr jangida bo`lmaganlarining sababi — Janob Rasulullohning qizlari Hazrat Usmonning xotinlari bo`lib, u qattiq kasal erdi. Janob Rasululloh u kishiga «Siz xotiningizning yonida qolingiz, Olloh taolo sizga Badrda ishtirok qilganlik savobini beradi. Jangda tushgan o`ljadan ham o`z nasibangizni olasiz»,— deb ta`yinlagan erdilar. Hazrat Usmonning «Bay'aturrizvon»da bo`lmaganliklarining sababi shuki, agar Makka ichra Hazrat Usmondan ulug`roq kishi bo`lganda erdi, Janob Rasululloh ul kishining o`rinlariga o`shani yuborgan bo`lardilar. Hazrat Usmon u yerdagi eng ulug` kishi bo`lganlari uchun ham Makkaga yuborildilar «Bay'a-turrizvon» ersa, ul kishi ketganlaridan so`ng bo`lgan. Ushanda Janob Rasululloh o`ng qo`llarini ko`tarib «Mana bu Usmonning qo`lidir » — deb erdilar-da, uni chap qo`llariga urib qo`ygan erdilar» So`ng Ibn Umar boyagi kishiga «Mana shu eshitganlaringni qulog`ingga quyginda, bu yerdan jo`nab qol'» — dedilar»

20-bob

Olloh taoloning qavli: «Sizlar tog`larga (qochib) chiqib ketur erdingizlar va hech kimga o`girilib boqmas erdingiz-lar, Rasululloh ersa sizlarni ortlaringizdan chaqirar erdi Keyin, Olloh taolo sizlarga paydarpay g`am yubordi, toki g`am yemangizlar na qo`ldan ketgan narsaga va na yetgan musibatga va Olloh taolo qilib turgan amallaringizdan xabardordur»

Barro ibn Ozib rivoyat qiladilar «Janob Rasululloh Uhud kuni piedalarga Abdulloh ibn Jubayrni boshliq qilgan erdilar. Bular birinchi bo`lib jang maydonidan qochdilar Mazkur oyat shular haqida nozil bo`lgan».

21-bob.

Olloh taoloning qavli: «Keyin, Olloh taolo sizlarga ul g`am ketidan tasalli, ya`ni mudroq yubordi, bu mudroq sizlardan bir toifani o`z og`ushiga oldi, boshqa toifa ersa Olloh taolodan ko`ra o`z jonlarining rohatini muhimroq bilib, xuddi joxiliyat paytidagidek Olloh taologa shaku gumon qildilar. «Bizga Olloh taolodan HECH bir madad bo`lmadi-ku» deb oshiqdilir. Ey Muxammad, ulagrga aytingki, har qanday nusrat Olloh taolodan bo`lgay. (Munofiqlar) sizga izxor qilmaydigan shunday gaplarni dillarida sir tutadilarki, «Agar Ollohdan bizga nusrat kelganda erdi, bu yerda o`ldirilmagan bo`lardik!» — deydilar. Ey Muhammad, siz ularga: «Agar o`z uylaringizda bo`lsangiz ham, qaysi birlaringizga o`lim bitilgan bo`lsa, o`sha yerga borib joningizni olib ketgan bo`lardi»,— deb ayting (Bu musibat) dillaringizdagini sinab bilmoq va qalbingizni poklamoq uchundir. Olloh taolo qalblardagini biluvchi zotdur!»

Abu Talha aytadilar: «Men ham Uhud kuni mudroq olgan kishilardan biri erdim, hatto bir

necha bor qilichim qo'limdan tushib ketdi. Har safar tushib keqa, olaman, yana tushib keqa, yana olaman».

22-bob.

Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad, sizda hech qanday ixtiyor yo`q, yo ular tavba qilib, iymonga keladilar yoki Oллоh taolo ularni shu dunyodayoq qattiq azoblaydi, chunki ular o`z joniga zulm qilganlardur»

Anas ibn Molik raziyallohu anhudan naql qilinadiki, Janob Rasulullohning peshonalari Uhud kuni yorilgan erkan. Shunda Janob Rasululloh g`azab qilib: «Payg`ambarining peshonasini yorgan qavm qanday najot topadi?!» — degan erkanlar. Oллоh taolo bunga javoban «Sizga hech qanday ixtiyor berilmagan» degan oyati karimasini nozil qilibdi.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhudan nakl qilinadiki, u kishi Janob Rasulullohning bomdod namozining ikkinchi rak`atida ruku`dan bosh ko`tarib «Sami`allohu liman hamidah» degach, «Yo Oллоh, falonchini, falonchini va falonchini la`nat qilgin!» deb duoi bad qilganlarini eshitibdilar. Shu payt Oллоh taolo «Sizga hech qanday ixtiyor berilmagan» degan oyatni nozil qilibdi («Ular zolimlardur» degan so`zigacha).

Solim ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safvon ibn Umayya, Suhayl ibn Amr va Al-Hars ibn Hishomni duoi bad qilgan erdilar, Oллоh taolo «Sizga hech qanday ixtiyor berilmagan» deb boshlanadigan oyati karimasini nozil qildi».

23-bob. Ummu Saliyt haqida

Sa`laba ibn Abu Molikdan nakl kilinadiki, Hazrat Umar al-Xattob raziyallohu anhu bir guruh Madina ayollariga libos tarqatibdilar, faqat bitta yangigina libos ortib qolibdi. Shunda «Ey musulmonlar amiri, bu libosni Janob Rasulullohning yoningizdagi qizlariga beringiz!» — deb Hazrat Alining qizlari Ummu Gulsumni ko`rsatishibdi. Hazrat Umar: «Ummu Saliyt bu libosga loyiqroqdur, chunki u payg`ambarimizga bay`at qilgan ansoriyalardan bo`lib, Uhud kuni mesh orqalab bizga suv tashib turgan»,— debdilar.

24-bob. Hamza raziyallohu anhuning o`ldirilishlari haqida

Ali raziyallohu anhudan nakl etiladiki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Shahidlarning eng ulug`i Hamza ibn Abdulmuttalib raziyallohu anhudir!» — debdilar.

Ja`far ibn Amr rivoyat kiladilar: «Bir kuni men Ubaydulloh ibn Adiy ibn Xiyor birlan birga safarga chiqdim. Hims degan joyga yetganimizda Ubaydulloh menga: «Vahshiy ismli kishi haqida biror narsa bilasizmi? Uni topganimizda erdi, Hamza raziyallohu anhuri qanday o`ldirgani haqida so`rab olardik!» — dedi. Men rozi bo`ldim. Vahshiy Himsda yashardi (Hims — Dimashq va Himot shaharlari orasida joylashgan). Uni surishtirgan erdik, «Ana, qasrining soyasida yog` to`ldirilgan xumdek bo`lib o`ltiribdi» deb ishora qilishdi. Biz Vahshiyning yoniga borib, salom bergan erdik, alik oldi. Ubaydulloh sallasi birlan yuzini o`rab olgan bo`lib, Vahshiy uning ikki ko`zi birlan oyog`inigina ko`rardi. Ubaydulloh undan «Ei Vahshiy, meni taniyapsanmi?»—deb so`radi. Vahshiy unga qarab «Xudo haqi, yo`q Lekin, mening esimdaki, Adiy ibn Xiyor Ummu Qitol binti Abulays ismli ayolga uylangan bo`lib, undan Makkada bir o`g`il ko`rgan erdi. Men u bolani enagasiga

olib borardim (Bir kuni) bolani unga uzatayotganimda sening oyog'inga o'xshash oeqni ko'rganman»,— dedi. Shunda Ubaydul-lox, yuzini ochib «Hamzani qanday o'ldirganingni gapirib bermaysanmi »—dedi Vahshiy rozi bo'lib, bunday deb hikoya qildi «Hamza Adiy ibn Xiyorning o'g'li Ta'iymani Badrda o'ldirdi Keyin, xo'jayinim Jubayr ibn Mut'im menga «Agar amakimning qasosi uchun Hamzani o'ldirsang, ozodsan » — dedi. Odamlar Aynaynga urushga chiqqan yili (Aynayn — Uhud tog'ining ro'parasidagi tog' bo'lib, Uhudda musulmonlarning, Aynaynda ersa, mushriklarning qarorgohi bor erdi) men ham ular birlan birga chiqdim. Ikki tomon maydonda saf tortgach, Sibo' o'rtaga chiqib, yakkama-yakka olishuvga raqib talab qildi. Shunda uning muqobiliga Hamza ibn Abdulmuttalib chiqib «Ey Sibo', sen hali Olloh taolo birlan uning rasuliga qarshi urushasanmi» — deb Sibo'ga tashlandi-da, shu ondayoq uni o'ldirdi. Men bir katta tosh panasiga berkinib olgan erdim, Xamza yaqin kelganda unga nayza otdim, nayza uning qovug'idan kirib, orqasidan chiqdi. Shu birlan Hamza shahid bo'ldi. Keyin, men odamlar birlan birga qaytib Makkada yashadim, u yerda islom tarqalgach, Toifga ketdim. Janob Rasululloh menga odam yubordilar, ular menga «Payg'ambarlar kek saqlamaydilar»,— deyishdi. Men ular birlan birga Janob Rasululloh-ning huzurlariga bordim. U kishi meni ko'rib «Sen Vahshiyman »— dedilar. Men «Xa»,— dedim «Hamzani sen o'ldirganmiding »—dedilar. Men «Sizga to'g'ri aytishibdi»,— dedim. Shunda Janob Rasululloh «Mendan uzoqroq yurgin, yuzingni ko'rmayin»—dedilar. Mech chiqib ketdim. Janob Rasulullohning vafotlaridan keiin, Musaylama Kazzob (payg'ambarlik da'vosini qilib) chiqdi. Shunda men «Musaylamaning oldiga borayin-da, uni o'ldirayin, shoyad shu birlan Hamzani o'ldirganim uchun orttirgan gunohimni yuvsam'» — deb odamlar birlan birga yo'lga otlandim. (Musaylamaning uyiga yaqin borib) qaragam, sochlari to'zg'igan bir odam kulrang tuya yanglig' devorning panasida turibdi. Nayzani ko'kragini mo'l otdim, kuragidan teshib chiqdi Keyin, ansorlardan biri yugurib borib, boshiga qilich urdi» Abdulloh ibn Umar: «O'shanda bir qizcha tomida turib «Amirulmu'miniynni bir qora odam o'ldirdi »—deb baqirgan erdi»,— deyidilar.

25-bob. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning Uhud kuni yarador bo'lganlari haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar-«Japob Rasululloh singan tishlariga ishora qilib «Uz payg'ambarini shu kuyga solgan qavmga Olloh taoloning g'azabi qattiqdir' Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Olloh taolo yulida o'ldirgan kishiga ham Olloh taoloning g'azabi qattiqdir » — dedilar» (Uhud kuni Janob Rasululloh Ubay ibn Xalafni o'z qo'llari birlan o'ldirganlar)

26-bob

Saxl ibn Sa'd rivoyat qiladilar. «Ollohga qasamyod qilurmenki, men Janob Rasulullohning yaralarini kim yuvganini, kim suv quyib turganini, nima birlan davo qilinganini yaxshi bilurman Janob Rasulullohning qizlari Fotima yaralarini yuvganlar, Hazrat Ali ersalar, qalqonlarida suv keltirib quyib turganlar Fotima raziyallohu anho qon ko'p ketayotganini ko'rib, darhol bir bo'yroni kuydirganlarda, kulini yaraga bosganlar, qon shu ondaeq to'xtagan. Ushanda Janob Rasulullohning kurak tishlari sinib, yuzlari yorilgan, boshlaridagi dubulg'alari majaqlangan erdi»

27-bob. «Olloh taolo va uning rasuli da'vatiga ijobat qilgan kishilar» haqida

Hishom raziyallohu anhu otalaridan naql qiladilar. «Oisha raziyallohu anho «Olloh taolo va uning rasuli da'vatiga, jarohatlanganliklariga qaramay ijobat qilib, amali solihlar hamda taqvo qilgan kishilar uchun buyuk savob bordur» degan oyati karimani o'qidilar-da, Urvaga bunday dedilar «Ey jiyan, sening otang Zubair ham, bobong Abu Bakr ham o'shalardandur. Janob Rasululloh Uhud kuni jarohatlanib, mushriklar ketgach, ularning qaytib kelib qolishlaridan xavflandilar-da, «Dushman ortidan kim boradi!» — dedilar Shunda yetmish kishi bormoqqa ixtiyor bildirdi. Ular orasida Abu Bakr va Zubair ham bor erdilar».

28-bob. Uhud kuni shahid bo'lgan musulmonlar, jumladan Hamza ibn Abdulmuttalib, Al-Yamon, Anas ibn an-Nazr, Mus'ab ibn Umayrlar haqida

Qatoda raziyallohu anhu «Biz Qiyomat kuni arab mahalladari ichida Ansorlar mahallasidan ko'ra shahidlari ko'proq va azizroq bo'ladirgan mahalla borligini bilmaymiz»,— deyдилar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ansorlardan Uhud kuni 70 kishi, Bi'ri Ma'una kuni 70 kishi va Yamoma kuni 70 kishi o'ldirildi. Bi'ri Ma'una voqeasi Payg'ambarimiz sallallohu alayhi va sallam davrlarida, Yamoma kuni ersa Abu Bakr Siddiq davrlarida sodir bo'lgan».

Jobir ibn Abdullohu xabar beradilarki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhuddagi shahidlarning har ikkitasini bir qabrga qo'ydirar erdilar. Avval: «Bulardan qaysi biri Qur'onni ko'proq yod bilar erdi» —deb so'rar erdilar, so'ng qaysi mayyitni «Ko'p bilar erdi» deb ko'rsatishsa, o'shani oldin lahadga kirittirar erdilar. Janob Rasululloh: «Bul kishilarga Qiyomat kuni men guvohlik bergaymen!»—deb aytar va ularning qonlarini yuvmay hamda janoza o'qimay ko'mmoqni buyurar erdilar».

Jobir aytadilar: «Otam o'ldirilganlarida men yig'lab yuzlaridan kafanni ocha boshladim. Janob Rasulullohning ashoblari meni bundan qaytardilar, ammo ul zotning o'zlari mone'lik qilmay: «Yig'lama, otangni ko'targunlaricha farishtalar qanotlari birlan soya solib turibdilar»,— dedilar».

Abu Muso raziyallohu anu: «Fikrimcha, Janob Rasululloh bunday deb aytgan erdilar»,— deyдилar: «Men tush ko'rdim, tushimda qilichimni bir siltagan erdim, sopi sinib ketdi. Bu Uhud kuni musulmonlarga yetgan musibatdur. Keyin, yana bir siltagan erdim, avvalgidan ham yaxshiroq holga keldi. Bu musulmonlarga muyassar bo'lgan fath va mo'minlarning hamjihat bo'lishidir. Tushimda bir so'yilayotgan sigirni ham ko'rgan erdim. Bu mo'minlarning Uhudda shahid bo'lishidir».

Xabbob raziyallohu anhudan nakl qilinadi: «Biz Olloh taoloning rizoligi uchun Janob Rasululloh birlan birga hijrat qildik. Olloh, taolo bizga savob ato etmoqni o'z zimmasiga oldi. Ba'zi birlarimiz o'sha ajrdan ololmay dunyodan o'tdik. Ulardan biri Mus'ab ibn Umayr erdi, Uhudda shahid bo'ldi. Undan birgina libos qolgan bo'lib, u birlan boshini o'rasak, oeg'i, oyog'ini o'rasak, boshi ko'rinib qolardi. Janob Rasululloh: «Libosi birlan boshini o'rangizlar, oyog'iga ersa izxir yopib qo'yingizlar!»—deb buyurdilar. Ammo, ba'zi birlarimiz hijratning samarasini ko'rib, hosilini teryapmiz!»

29-bob. Uhud bizni yaxshi ko`radi, biz ham uni sevamiz!

Anas raziyallohu anhudan nakl qilinadi: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu tog` (Uhud tog`i) bizni yaxshi ko`radi, biz ham uni yaxshi ko`ramiz!» — dedilar».

Anas raziyallohu anhudan nakl -qilinadi: «Janob Rasululloh ro`paralarida Uhud ko`ringach". «Uhud gtog`i bizni yaxshi kuradi, biz ham uni yaxshi ko`ramiz! Yo Ollah, Ibrohim Makkani muqaddas qildilar, men ersam Madinani atrofidagi tog`lari birlan birga muqaddas qildim!» — dedilar».

Uqba ibn Omirdan nakl qilinadi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kuni masjidga chiqib, Uhud ahliga duoi fotiha qildilar-da, so`ng minbarga chiqib: *Men sizlardan avval o`tgayman, u dunyoda sizlarga guvohman. Men hozir Xavzi Kavсарimni ko`rib turibman. Menga Yer xazinalarining kalitlari berildi, Ollah taologa qasamyod qilurmanki, men sizlarni o`zimdan keyin mushrik bo`lib ketasizlar, deb ermas, balki mol-dunyoga aldanib qolmasangizlar, deb qo`rqaman!» — dedilar».

30-bob. Raji', Ra'l, Zakvon, Bi'ri Ma'una g`azotlari hamda Uzal, Qorra, Osim ibn Sobit, Xubayb va uning ashoblari haqidagi hadislar

Osim ibn Amr rivoyat qiladilarki, Raji' gazoti Uhud jangidan keyin sodir bo`lgan erkan.

Abu Hurayra raziyallohu anhudan naql kilinadi: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Osim ibn Umar al-Xattobning bobolari bo`lmish Osim ibn Sobit al-Ansoriyning boshchiliklarida bir guruh kishilarni mushriklar orasiga ayg`oqchi qilib yubordidar. Ular Makka birlan Asfon oralig`idagi Xadda degan yerga yetganlarida Xuzayl qabilasiga mansub Banu Lihyon mushriklari sezib qoldilar, Mushriklar musulmonlar to`xtab dam olgan yerda xurmo danagini topib olgan hamda uning Yasrib (Madina) xurmosi danagi erkanligini bilgan erdilar. Yuztacha mergan mushrik musulmonlarni ta`qib qila boshladi. Osim va boshqa musulmonlar buni bilib qolib, bir tepalik ortiga yashirindilar. Mushriklar ularni qurshab olib: «Tushingizlar, qo`lni-qo`lga berib yarashaylik, sizlardan birortangizni ham o`ldirmaymiz, deb va`da berurmiz!»—deyishdi. Shunda Osim ibn Sobit: «Ey mushriklar, men siz kofirlardan panoh tilab tushmayman» — dedilar, so`ng «Yo Ollah, bizning holimizdan rasulingni xabardor kilgaysen » — deb iltijo qildilar Mushriklar Osim birlan yana olti kishini otib o`ldirdilar. Musulmonlardan uch kishi — Xubayb, Zaid va yana bir kishi dushmanning va`dasiga ishonib pastga tushdilar. Mushriklar ularni qurolsizlantirgach, kiyimlarini yirtib, oyoq-qo`llarini bog`ladilar. Shunda musulmonlardan uchinchi kishi (Abdulloh ibn Toriq) «Xudo haki, bu xiyonatning boshidur!»~deb ular birlan birga ketishdan bosh tortdi. Mushriklar uni o`sha joyning o`zida o`ldirishdi, Xubayb birlan Zaydni ersa Makkaga olib borib qul qilib sotishdi. Xubaybni Xars ibn Omirning o`g`illari sotib olishdi. Hubayb Hars ibn Omirni Badrda o`ldirgan erdi. Shuning uchun uning o`g`illari Xubaybni biroz muddatdan so`ng o`ldirmoqqa qaror qildi-lar. Buni sezgan Xubayb Harsning qizidan ustara so`rab olib, poklandi. Shu asnoda o`shal ayolning o`g`ilchasi Xu-baybning huzuriga kirib keldi. Ayol bolasini izlab, uni Xubaybning tizzasida o`ltirgan holda ko`rdi, Xubaybning qo`lida ersa ustara bor erdi «Mening qo`rqib ketganimni sezib, Xubayb «Bolamni o`ldiradi, deb qo`rqyapsanmi, men hech qachon bunday qilmayman » — dedi,— deydi ayol,— Ollah taolo nomi birlan qasamed qilurmenki, men Xubaybdan ko`ra yaxshiroq asirni ko`rmaganman Qasamed qilurmenki, bir kuni men uning bir bosh uzum yeb turganini ko`rdim, vaholanki shu vaqtda Makkada

uzum bo'lmay, buning ustiga qo'li ham kishanlangan erdi» Ayol buni mo'jiza deb bilar va «Xubaybga Oллоh taoloning o'zi buni rizq qilib beryapti» — der erdi. Xubaybni qatl kilmoqqa olib chiqqanlarida, u « ikki rakat namoz o'qimog'imga ijozat beringiz-lar » — dedi. Namozni o'qib bo'lgach- «Ulimdan qo'rqqanidan namoz o'qiyapti, demaganingizda erdi, ko'proq namoz o'qigan bo'lur erdim - deb aytdi. Shu-shu bo'ldi-yu, o'limga hukm qilingan har bir musulmonga o'limi oldidan namoz o'qimoq sunnat bo'lib qoldi Xubaib «Yo Oллоh, bu kofirlarning birortasini ham qoldirmay halok qilgin'»—dedi-da, quyidagi she'rni o'qidi

«Musulmon holda o'lsam, zarra parvoyimga kelmas, Qaysi yon birla yiqilmog'imni Oллоh farqlamas. Saxovat sohibi bo'lmish o'zi tanho ilohimga, Qiyma-qiyma jismima bermog savob hech gap emas» Keyin, Uqba ibn Hars Xubaybning oldiga bordi-da, uni o'ldirdi. Osim Quraysh kattalaridan birini Badrda o'ldirgan erdi. Shu boisdan Osimning o'ldirilganini eshitgan Quraysh bunga ishonch hosil qilish uchun uning biror a'zosini kesib kelmoqqa odam yubordi. Shunda Oллоh taolo bulutdek asalarilar to'pini yo'lladi, Quraysh mushriklari Osimning jasadiga yaqinlasha olmadi, arilar Osimni himoya qildi»

Jobir ibn Abdulloh «Xubaybni o'ldirgan kishi Abu Sirvaa erdi»—deydilar (Abu Sirva'a Uqba ibn Harsning laqabidir)

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat hiladilar. «Payg'ambar sallallohu alayhi va sallam 70 kishini bir ish birlan yuborgan erdilar ularni «qorilar» deb atashardi. Bi'ru Ma'una degan yerda Ra'l va Zakvon ahli ularning yo'lini to'sib «Xudo haqi, biz sizlarni so'ragan ermas erdik, aksincha o'zimiz payg'ambarning hojatini chiqara olamiz»—deb qorilarning hammasini o'ldirdilar. Payg'ambar alayhissalom bir oy davomida bomdod namozida xiyonatchilarni duoi bad qildilar. Shundan e'tiboran duoi «Qunut» o'qiladigan bo'ldi, ilgari biz «Qunut» o'qimas erdik»

Abdulaziz rivoyat qiladilar. «Bir odam Anas raziyallohu anhudan. «Qunut ruku'dan keyin o'qiladimi yoki qiroatdan keyinmi»—deb so'radi Anas «Yo'q, aksincha, qiroatdan keyin»,— dedilar»

Bu yerda yuqoridagi hadisga mazmunan yaqin xadislari keltirilgan.

Anas raziyallohu anhudan naql kilinadi: «Payg'ambar sallallohu alayxi va sallam Anasning tog'asini, ya'ni Ummu Sulaymning akasini 70 otliqqa boshliq qilib yuborgan erdilar. Usha paytda mushriklarning boshlig'i bo'lmish Omir ibn Tufayl Janob Rasulullohning oldilariga kelib «Odamlarni ikkiga bo'laylik, qishlok ahliga sen, shahar ahliga men boshliq bo'layin yoki sen hammaga payg'ambar va boshliq bo'lsang, men senga noib bo'layin, bansharti rozi bo'lmasang, minglab G'atafon ahlini boshlab kelib, senga qarshi jang qilaman'»— dedi. Ko'p o'tmay, Omir Salul qabilasidan bo'lgan bir ayolning uyiga borib o'sha yerda xastalandi, badanida bo'taloqda bo'ladigan bezga o'xshash bir shish paydo bo'ldi Keyin, Omir. «Tezda otimni keltiringlar'» — deb otiga mindi-yu, jon berdi

Ummu Sulaymning akasi Harom G'atafonga yetgandan keyin, hamroxlardan ikki kishini (ulardan biri cho'loq erdi) ajratib oldi-da ularga «Yaqinroq joyga yashirinib turingizlar. agar meni o'ldirishmasa, oldimga kelasizlar, o'ldirishsa, tezda qaytib, qolganlarga xabar qilasizlar»,— dedi So'ng, mushriklar oldiga bordi-da «Menga omonlik bersangizlar, Janob

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning meni qanday vazifa birlan yuborganliklarini sizlarga yetkazurman»,— deb gap boshladi. Shunda mushrik-lar bir kishiga ishora qilishib erdi, u Haromning ortiga o'tib nayza sanchdi. Harom: «Olluhu akbar! Ka'ba egasi haqi, men zafar topdim!»—deya jon taslim qildi. Keyin, mushriklar uning barcha sheriklarini ham topib o'ldirishdi, faqat tog` tepasiga chiqib yashiringan birgina cho'loq kishi omon qoldi. Olloh taolo «Darhaqiqat, biz rabbimizni topdik, u bizdan rozi bo'ldi va bizni rozi ham qildi» degan oyati karimasini nozil qildi, keyin bu oyat mansux bo'lgan erdi. Janob Rasululloh Ra'l, Zakvon, Banu Lihyon va Usayya ahlini Olloh taolo birlan uning rasuliga osiylik qilganlari uchun o'ttiz kun bomdodda duoi bad qildilar».

Anas ibn Molik: «Harom ibn Milhon, ya'ni tog'am Bi'ru Ma'unada nayza birlan yarador qilinganlarida, yaralaridan oqqan qonni boshlari va yuzlariga surtib: «Ka'ba egasi haqi, men zafar topdim!»—deb aytgan erdilar»,— deyilar.

Oisha raziyallohu anhudan marviydurki, Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu dushmanlardan ko'p ozor yetgandan so'ng, Janob Rasulullohdan xijratga izn so'radilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sabr qilin-giz!» — dedilar. Abu Bakr: «Yo Rasulalloh, bu xususda Olloh taolodan izn bo'lmog'ini kutayotirsizmi?» — dedilar. Janob Rasululloh: «Men shuni umid qilib turibman»,— dedilar. Oisha raziyallohu anho bunday deyilar: «Shundan so'ng, Abu Bakr kuta boshladilar. Bir kuni Janob Rasululloh peshin vaqtida kelib, baland ovoz birlan: «Ey Abu Bakr, xonangizdan chiqing!» — dedilar. Abu Bakr: «Huzurimda ikki qizimdan bo'lak hech kim yo'q»,— dedilar. Janob Rasululloh: «Bildingizmi, Makkaga yo'l olmog'imga Olloh taolo izn berdi!» — dedilar. Abu Bakr: «Sizga hamroh bo'layinmi?»—dedilar. Janob Rasululloh: «Ha, albatta, hamroh bo'lgaysiz!»—dedilar. Abu Bakr: «Yo Rasulalloh, mening ikki tuyam bor, ikkovini safarga tayyorlab qo'ygan erdim»,— deb bittasini Janob Rasulullohga berdilar, uning nomi Jad'o erdi. So'ng, ikkovlari ikkita tuyaga minib jo'nadilar va Savr tog'idagi g'orga borib yashirindilar. Oisha raziyallohu anhoneing ona bir akasi bo'lmish Abdulloh ibn Tufaylning Omir ibn Fuhayra ismli bir quli bo'lib, u Abu Bakrning sut beradigan tuyalarini ertalab, peshindan keyin va kechasi yetaklab kelardi-da, ikkovlarini sutga to'ydirib, yana haydab olib ketardi, boshqa cho'ponlar ersa buni sezmay qolishardi. Janob Rasululloh va Abu Bakr yo'lga chiqqanla-rida Omir ibn Fuhayra ikkovlarining tuyalariga navbatma-navbat mingashib Madinagacha birga keldi. U Bi'ru Ma'una voqeasida shahid bo'lgan».

Urva ibn Zubayr raziyallouu anuu otalari Zubayrdan bunday deb nakl kiladilar: «Bi'ru Ma'unada qorilar shahid bo'lib, Amr ibn Umayya asir tushgan paytda (mushriklarning boshlig'i) Omir ibn Tufayl Omir ibn Fuhayraning jasadini ko'rsatib: «Bu kim?»—deb so'radi. Amr ibn Umayya: «Bu Omir ibn Fuhayraning jasadi»,— dedi. Shunda Omir ibn Tufayl: «Bu o'ldirilgandan keyin, jasadining ko'tarilib yer birlan osmon o'rtasida turganini ko'rdim, keyin yana yerga qaytib tushdi»,— dedi. Qorilarning o'ldirilgani haqidagi xabar Janob Rasulullohga yetib kelganda ul zot sahobalarga buni ma'lum qilib: «Birodarlaringiz boshiga musibat tushibdi, ular «Yo rabbimiz, sening bizdan va bizning sendan rizo bo'lganimizni do'stlarimizga xabar qilg'il!» deb Olloh taolodan iltijo qilibdilar»,— dedilar. Shu kuni Urva ibn Asmo' va Munzir ibn Amr ham shahid bo'lgan erdilar. Keyinchalik, Zubayr ibn Avvom ikki o'g'liga shu ikki shahid ismini qo'ydi».

Anas raziyallohu anhudan naql kilinadi: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir oy davomida ruku'dan keyin duoi Qunutni o'qib Ra'l va Zakvon qabilalarini duoi bad qildilar, nuqul: «Usayya Olloh taolo va uning rasuliga osiy bo'ldi»,— der erdilar».

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlangan.

Osim al-Ahvol bunday deydilar: «Men Anas ibn Molik raziyallohu anhudan: «Namozda Qunut duosi ruku'dan avval o'qiladimi yoki keyinmi?» —deb so'radim. Anas: «Ruku'dan oldin»,— dedilar. Men: «Bir odam sizning «ruku'dan keyin» deganingizni aytgan erdi»,— dedim. Anas: «Xato gapiribdi. Janob Rasululloh Qunutni faqat bir oy davomida ruku'dan keyin o'qiganlar, xalos. Bunga sabab shuki, u kishi yetmishta qorini mushriklarga ta'lim bergani yuborgan erdilar, chunki ikki o'rtada shu haqda shartnoma bor erdi. Ammo, mushriklar shartnomaga xiyonat qilib, yetmishta qorining hammasini o'ldirdilar. Shundan keyin, Janob Rasululloh bir oy davomida ruku'dan so'ng Qunutni o'qib, mushriklarni duoi bad qilganlar»,— dedilar».

31-bob. Xandaq, ya'ni Ahzob g'azoti haqida

(Izoh: Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hijratning 4-yili Banu Nazir nomli yahudiylar qabilasini Madinadan haydab chiqargan vaqtlarida ularning kattalari Makkaga borib, Qurayshni musulmonlarga qarshi yana urush qilmoqqa ko'ndirdi, shuningdek boshqa qabilalarga ham borib, ularni ham Madinaga qo'shin tortishga rozi qildi. Shunday qilib, Abu Sufyon boshliq Quraysh, Sufyon ibn Abu Shams boshliq Banu Salim, Talha ibn Huvaylid boshliq Banu Asad, Uyayna boshliq Fizora, Mas'ud ibn Rajiyla boshliq Ashja', Horis ibn Avf boshliq Banu Murra — hammasi bo'lib o'ng ming kishilik mushriklar qo'shini Madinaga yana bostirib keldilar. Musulmonlarning soni ersa bor-yo'gi mingta erdi. Shuning uchun ham bu gazot «Ahzob», ya'ni «Ko'p jamo'a» deb ataldi).

Muso ibn Uqba: «Bu gazot 4- yil shavvol oyida bo'lgan erdi»,— deydilar.

Nofi' raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uhud kuni Ubaydullohga jang qilmoqqa ijozat bermadilar, chunki u o'n to'rt yoshda erdi. Xandaq kuni ersa ijozat berdilar, shu vaqtda u o'n beshga kirgan erdi».

Saxl ibn Sa'd bunday deydilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Xandaqda bo'ldik. Boshqalar xandaq qazishar, biz ersak tuprogini yelkamizda tashir erdik. Shunda Janob Rasululloh: «Yo Oллоh, haqiqiy hayot oxirat hayotidir! Muhojirlar birlan ansorlarni magfirat qilgin!»—dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday der erdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xandaqqa kelganlarida muhojirlar birlan ansorlar ertalabki salqinda xandaq qaziyotgan erdilar. Ularning bu ishni qilib beradigan qullari yo'q erdi. Janob Rasululloh ularning charchab, ochiqib qolganlarini ko'rib: «Yo Oллоh, oxirat hayotidan o'zga hayot yo'qdur! Muhojirlar birlan ansorlarni magfirat qilgin!»—dedilar. Ular: «Biz Muhammadga bay'at qilganmiz, umrimiz boricha jihad qilgaymiz »—deb javob qilishdi».

Anas raziyallohu anhudan bunday deb naql qilinadi.: «Muhojiru ansorlar Madina atrofida xandaq qazishib, tuprogini yelkalarida tashir erdilar va nuqul: «Muhammadga bay'at qilganmiz, umrimiz boricha islomga sodiqmiz!» — deyishar erdi. Janob Rasululloh ersalar ularga javoban: «Yo Oллоh, oxirat xayriyatidan o'zga xayriyat yo'qdur! Ansuru muhojirlarga barakot ato etgil!»—dedilar».

Anas raziyallohu anhu deydilarki, bir hovuch arpa keltirishib, uni biroz hidlangan yoqqa solib qovurishibdi, so'ng odamlarga tortishibdi. Ular och bo'lganlaridan badbo'yligiga qaramay o'zlarini zo'rlab tanovul qilishibdi.

Jobir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz Xandaq kuni chuqur qaziyotib qattiq yerga duch kelib qoldik. Shunda odamlar Janob Rasulullohning oldilariga borib: «Ey Ollohning rasuli, biz qattiq yerga duch kelib qoldik, (kavlab bo'lmayapti)»,— deyishdi. Janob Rasululloh ularga: «Men tushaman»,— dedilar-da, o'rinlaridan turdilar, lekin qorinlari juda och erdi, chunki uch kundan buyon tuz totmagan erdik. Janob Rasululloh cho'kichni oldilar, SO'NG chuqurga tushib, zarb birlan qattiq yerga urdilar. Qattiq yer ushalib-ushalib ketdi. Shunda men: «Yo Rasulalloh, menga izn bersangiz, uyga borib kelsam!» — deb javob oldim. Uyga borib, xotinimga' «Janob Rasulullohning juda och qolganlarini sezyapman, biror yegulik narsang bormi?» dedim. Xotinim: «Ha, ozgina arpa birlan bitga uloqcham bor», dedi. Men uloqni so'ydim, xotinim arpani tuyib, UN qildi. Go'shtni qozonga soldim-da, Janob Rasulullohning oldilariga bordim, bu vaqtda xamir ko'pchib, non yasalgan, qozon ersa allaqachon o'choqqa osilgan erdi. Men Janob Rasulullohga «Menga biroz taom tayerlab quyishgan erkan Ye Rasulalloh, o'zingiz birlan bir-ikki kishini olib men borlai yuring dedim. Janob Rasululloh mendan: «Taomingiz qancha» — deb so'radilar. Men bor taomni aytdim «Ko'p erkan, juda yaxshi Xotiningizga ayting, men borgunimcha go'shtni qozondan, nonni tandirdan olmay gursin — dedilar. Janob Rasululloh. Keyin, barcha muhojiru ansorlarga «Turingizlar!» — dedilar-da, birgalaishb meniig uimga keldilar. Men xotinimga: «Sho'ring qursin, Janob Rasululloh o'zlari birlan muhojiru ansorlarni hamda ular birlan birga yana bir qancha kishilarni olib keldilar* dedim. Xotinim menga. «Janob Rasulullox sizdan ovqatntng qanchaligini so'raganmidilar'»—dedi. Men «Ha», dedim. Janob Rasululloh ersalar odamlarga Uyga kiringizlar, to'planishmangizlar — deb nonni tandirdan uzib, sho'rvani, suzib beraverdilar. Hamma tuygandan keyin ham qozonda go'sht, tandirda non ortib qoldi. Keyin, mening xotinimga «Bu ovqatdan o'zing ham yegin, qushnilarga ham tortiq, qilgin, chunki odamlar och»,— dedilar»

Sa'id ibn Miyno' Jobir ibn Abdulloxdan naql qiladilar: «Men Xandaq kavlangan kuni Janob Rasulullohning qattiq och qolganlarini ko'rdim Xotinimning oldiga borib. «Janob Rasululloh qattiq ochlar, yegulik biror narsang bormi?» — dedim. Menga bir qop olib chiqib berdi, unda bir so' arpa bor erdi. Bundan tashqari bir kichkina qo'zichog'imiz ham bor erdi. Men qo'zini so'ydim, xotinim arpani yanchib, un qildi. Keiin, go'sht nimtalab qozonga soldim-da, Janob Rasulullohning oldilariga jo'nadim. Keta.yotganimda xotinim «Meni Janob Rasululloh birlan sahobalar oldida uyaltirib qo'ymang '» deb ta'yinlab qoldi. Men sekin borib «Yo Rasululloh, uyimizda bir qo'zichoq bor erdi, so'ydim, ozgina arpa yanchib un qildim, yoningtzga bir kishini olib, men birlan yuringiz!» — dedim. Janob Rasululloh qattiq ovoz birlan: «Ey xandaq kavlayotganlar, Jobir sizlarga dasturxon tayerlabdi, hammangiz bu yoqqa kelingizlar, (Ey Jobir), men borguncha qozonni o'choqdan tushirmay va nonni yopmay turingizlar!» — dedilar. Men uyga bordim, Janob Rasululloh ham ashoblari birlan bordilar. Shunda xotinim: «Men aytganday qilmabsiz-da?!»—dedi. Men: «Sen aytganday qildim», — dedim-da, Janob Rasulullohning oldilariga xamirni olib keldim, u kishi xamirga tupurib baraka tiladilar, keyin qozon oldiga borib, unga ham tupurib baraka tiladilar. So'ng: «Nonvoyni (ya'ni, xotiningni) chaqir, men birlan birga non yopsin, qozonni ersa olovini pasaytirib, o'choqdan tushirmangizlar!» — dedilar. Olloh taolo haqi, sahobalar yeb-ichib, to'yib turib ketganlarida ham qozon to'la go'sht, tandir to'la non qolgan erdi. Vaholanki, sahobalar roppa-rosa ming kishi erdilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «-Ey Muhammad, dushman tepangizdan ham, pastingizdan ham bostirib kelgan paytda ko'zlarning baqrayib, yuraklarning bo'g'izlarga tiqilib kolganini bir eslangiz-a!» degan oyati karima Xandaq kuni nozil qilingan erdi».

Barro ibi Ozib rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xandaq kuni tuproq tashigan ' erdilar, hatto qorinlari chang bo'lib ketgan erdi. Ushanda ' quyidagi she'ni aytgandilar:

«Xudo haqqi, xudovandim qilmaganda hidoyatlar, Ado etmas edik bizlar ro'za birla ibodatlar! Esonlikni ato etg'il, mudom bizga xudovandim, Rubaro` kelganda dushman bizga baxsh et matonatlar! Tajovuzla chiqib bizga urush qildi necha mushrik, , Agar fitna tilar, urdik yetkazib biz jarohatlar». Keyin, oxirgi satrdagi «urdik» so'zini qayta-qayta takrorlagandilar».

Ibn Abbas raziyallhuu anhu aytadilar. «Janob Rasululloh: «Men Sabo shamoli birlan nusrat topdim, Od qabilasi ersa Dabur shamoli birlan halok qilindi»,— dedilar. (Xandaq g'azotida bor-yo'g'i 2 soat jang bo'lgan. Bu jangda Sabo shamoli dushmanlar yuziga urilib, otgan o'qlari orqaga qaytib ketgan. Od qabilasi ersa uzoq davom etgan Dabur bo'roni sababli aqlaridan ozib, quloqlari kar bo'lib, 'yoppasiga halok bo'lishgan)».

Ibn Umar: «Urushning ne erkanligin birinchi bor Xandaq kuni ko'rdim»,— deyilar.

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Men Xafsa raziyallohu anhoning huzurlariga kirdim. Shunda: «Odamlar o'zingiz 'Ko'rib turganingizday ish qilishdi, menga amirlikdan biror mansab tegmadi»,— dedim. Xafsa: «Odamlarga qo'shil, chunki ular seni kutib turishipti, qo'rqamanki, ularning oldida sen bo'lmasang, yana ikki guruhga bo'linib ketishadi»,— dedilar. Hafsa gaplarini tugatmay, chiqib ketdim. Odamlar ikki guruhga bo'linib ketgandan keyin, Mu'oviya ularga: «Kimki bu ish yuzasidan gapirishni xohlasa, bu yerga chiqsin! Albatta, biz Abdulloh ibn Umardan ham, uning otasidan ham xalifalikka loyiqroqmiz!» —deb xitob qildi. Xabib ibn Maslama menga: «Mu'oviyaning so'ziga javob qilmaysanmi?»—dedi. Men sallamning uchini qo'yvorib: «Bu ishga sendan ko'ra loyiqroq ana shu odam islom yo'lida senga va otangga qarshi jang qilgan kishidir!» — demoqchi bo'lib og'iz juftladim-u, lekin «Biror nojo'ya so'zni aytib qo'ysam, bu so'z musulmonlarning bo'linib ketishiga sabab bo'lsa-chi? Kel, qo'y, tag'in qon to'kilmasin, mening gapim o'zim xohlaganimdan boshqacha tushunilmasin!» — dedim-da, o'zim-ni tiydim, bu dunyoda sabr qilgan kishiga Ollohning jannatda beradigan mukofotini o'yladim. Habib ersa menga: «Jazodan qutulib qolding!» — dedi».

Sulaymon ibn Surd rivoyat qiladilar: «Janob Payg'ambarimiz Xandaq kuni bunday dedilar: «Biz Qurayshga qarshi g'azot qilgaymiz, ular ersa bizga g'azot qilolmagaylar!»

Sulaymon ibn Surd rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mushrik guruhlarni quvganla-ridan so'ng: «Endi biz ularga g'azot qilgaymiz, ular bizga g'azot qilolmagaylar. Biz ularning yeriga borgaymiz!»— dedilar».

Ali raziyallouu aihu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh Xandaq kuni bunday dedilar: «Olloh taolo ularning (mushriklarning) uylari-yu qabrlarini o't birlan to'ldirsin! Chunki ular bizning vusto (asr) namozimizni qazo qildirishdi, hatto quyosh ham botib ketdi».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu Xandaq kuni quyosh botgandan so'ng keldilar-da, Quraysh kofirlarini so'kib: «Yo Rasulalloh, quyosh botib ketdi hamki, men namoz o'qiyolganim yo'k!» — dedilar. Janob Rasululloh: «Ollah taolo haqi, men ham o'qiyolganim yo'q!» — dedilar. Keyin, biz hammamiz Rasululloh birlan birga Bathon vodiysiga tushib, namozga tahorat oldik. Quyosh botgandan keyin, avval asr namozini, so'ng shom namozini o'qidik».

Jobir ibn Abdulloh; bunday deydilar: «Janob Rasululloh Ahzob kuni: «Kim menga dushman haqida xabar olib kelgay?» — deb so'radilar. Zubayr: «Men»,— dedilar. Ikkinchi bor: «Kim menga dushman haqida xabar olib kelgay?»—dedilar. Zubayr yana: «Men»,— dedilar. Uchinchi bor so'rganlarida ham Zubayr: «Men»,— dedilar. Shunda Janob Rasululloh: «Har bir payg'ambarning o'z yordamchisi bo'-ladi, mening yordamchim Zubayrdir!»—dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu;u anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollah taolodan bo'lak tangri yo'qdur, uning tanho o'zi mavjuddir, u o'z lashkariga kuch-qudrat berib, bandasiga zafar ato etdi, ko'pming kishilik jamoani yolg'iz o'zi mag'lub qildi. Undan abadiyroq hech narsa yo'qdir!»— dedilar».

Abdulloh ibn Abu Avfo bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mushriklarni duoi bad qilib, «Ey kitob nozil qilg'uvchi, bu mushriklar jamoasini o'zing mag'lub etgil, xonavayron qilgil!»—dedilar».

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har gal g'azotdan yoki hajdan yo umradan qaytayotganlarida avval uch marta takbir aytib, so'ng quyidagi duoni o'qir edilar: «Ollah taolodan bo'lak tangri yo'qdir, uning tanho o'zi mavjuddir, uning sherigi yo'qdir, barcha mulk unikidir, barcha hamdu sano unga xosdir va u har ishga qodirdir! Biz tavba qiluvchilarmiz, ibodat qiluvchilarmiz, sajda qiluvchilarmiz, parvardigorimizga shukr aytuvchilarmiz. Ollah bergan va'dasida turib, musulmon bandasiga nusrat berdi. kofirlar jamoasini yolg'iz o'zi mag'lub etdi!».

32-bob. Payg'ambar alayhissalomning Ahzob g'azotidan qaytishlari, Banu Qurayza qabilasiga borib, ularni qamal qilishlari haqida

Oisha raziyallohu anhodan rivoyat kilinadiki, «Paygambar alayhissalom Xandaq g'azotidan kaytib, urush silohlarini yechdilar. Yuvinib turgan paytlarida Jabroil alayhissalom kelib Janob Rasulullohga: «Siz silohingizni yechibsiz, ammo biz hali yechganimiz yo'q, ularga qarshi otlaning'»—deb buyurdilar. Janob Rasululloh: «Kimga» — deb so'rganlarida, Jabroil alayhissalom: «'Banu Qurayza qabilasiga qarshi»,— dedilar. Shundan keyin, Janob Rasululloh Banu Qurayza qabilasi tomon yo'lga chiqdilar»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Banu Qurayza qabilasiga yurish kilganlarida men Banu G'anam qabilasi ko'chalarida Jabroil alayxissalom boshliq otliqlarning otlari tuyoqlaridan ko'tarilaetgan chang-to'zonni hozir ham ko'rib turgandekmen», —dedilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambarimiz alayhissalom Ahzob kuni: «Biror kishi bugun to Banu Qurayza yeriga bormaguncha asr o'qimasin!»—dedilar.

Shunda ba'zilar «Banu Qurayzaga yetmagunimizcha o'qimaymiz» — deyishdi, ba'zilar: «Namoz o'qiyveramiz, chunki Janob Rasululloh «Hech kim orqada qolmasin» degan ma'noda aytganlar»,— deyishdi. Buni Rasulullohga aytishgan erdi, ul zot ulardan birortasini ham «Noto'g'ri qilgan»,— demadilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhudan rivoyat kilinadi: «Bir odam Banu Qurayza va Nazir qabilalari fath qilinishidan ilgari Janob Rasulullohga bir qancha xurmo daraxtini tortiq qilgan erdi. Xotanim va bolalarim menga: «Janob Rasulullohning huzurlariga borib, o'sha xurmo daraxtlarining hammasini yoki bir qismini so'rasangiz, bizga bersalar!»—deyishdi. Men Janob Rasulullohning oldilariga borganimda u kishi xurmolarni Ummu Aymanga (Rasulullohning doyalari) hadya qilib qo'ygan erkanlar. Shu payt Ummu Ayman kelib goldi-da, mening gapimni eshitgach, yoqamdan tortib: «Xudo haqi, xurmolarni senga bermaydilar, ularni menga berganlar!» — deb janjal qila boshladi. Janob Rasululloh: «Usha xurmolarning hammasini sizga berganman, ular sizniki»,— desalar ham Ummu Ayman sira tinchimadi. Oxiri, Janob Rasululloh avvalgi berganlariga nisbatan o'n barobar ko'proq xurmo daraxti berib uni tinchitdilar».

Abu Sa'id al-Xudriy, raziyallohu anhu rivoyat kiladilar: «Sa'd ibn Ma'ozga Banu Qurayza qabilasi ustidan hukm chiqarish huquqi berildi. Janob Rasululloh Sa'dga odam yubordilar, uni eshakka mindirib olib kelishdi. U masjidga yaqin kelganda Janob Rasululloh ansorlarga: «Sayyidingizning hurmati uchun turingizlar!» —dedilar, keyin Sa'dga: «Mana bularning ustidan hukm chiqarmoq huquqi senga topshirildi»,— deb yahudiylarga ishora qildilar. Sa'd: «Ularning urushga yaroqlisi qatl qilinsin, bola-chaqasi ersa asir olinsin!» — deb hukm etdi. Janob Rasululloh: «Ollah taoloning hukmi ham shunday erdi!» — dedilar».

Oisha raziyallohu anhodai naql kilinadi: «Xandaq kuni Sa'd yaralandi, Quraysh mushriklaridan Xabbon ibn Araqa kamon birlan otib bilagidagi qon tomirini uzib tashladi. Payg'ambar alayhissalom masjidga chodir tikib, tez-tez xabar olib turish maqsadida Sa'dni o'sha yerga yotqizdilar.

Janob Rasululloh Xandaq g'azotidan qaytgach, aslahalarini yechib, yuvinib turgan paytlarida Jabroil alayhissalom keldilar, boshlaridagi changni qoqayotib: «Siz qurolingizni yechib qo'yibsiz, biz hali yechganimiz yo'q, ularga qarshi otlaning!» — deb buyurdilar Rasululloh «Kimga?»— deb so'raganlarida, Jabroil alayhissalom «Banu Qurayzaga»,— deb aytdilar.

Janob Rasululloh Banu Qurayzaga kelgach, ular ustidan hukm qilish ni Sa'd ibn Ma'ozga topshirdilar, shunda Sa'd: «Bularning urushga yaroqlisi qatl qilinsin, xotinlari va bolalari asir olinsin, molu dunyosi musodara qilinsin* -deb hukm chiqardi Keyin, u «Yo Ollah, albagta o'zing yaxshi bilasan, qaysi qavm sening rasulingni yelg'onchi degan bo'lsa-yu, uni vatanidan quvib chiqargan bo'lsalar, o'sha qavmga qarshi seni deb jang qilish mening uchun eng maxzub ishdir' Yo Ollah, men o'ylaymanki, biz birlan mushriklar o'rtasida-gi urushga o'zing chek qo'yding, agar Quraysh birlan yana urushadigan bo'lsak, sening yo'lingda ularga qarshi yana jihod qilmog'im uchun meni salomat qoldirgin, agar urushni butunlay to'xtatgan bo'lsang jarohatimni kuchaytirgin-da, omonatingni olib qo'ya qolgil!» — dedi. Shunda Sa'dning jarohatidan qon otilib chiqib ketdi. Chodirdan oqib chiqkan qonni ko'rib masjiddagilar qo'rqib ketdi. Ular: «Ey chodirdagilar, siz tomondan qon oqib kelyapti!» — deb chodirga qarasalar, Sa'dniig

jarohagidan qon oqayotgan erkan, Sa'dning o'zi ersa shahid bo'libdi»

Barro raziyallohu anhu rivoyat kilidilar «Janob Rosululloh Qurayza kuni Hassonga: «Banu Qurayzani hajv qilgin Jabroil alayhissalom senga madad bergaylar!» — dedilar»

Bu yerdagi xadis ham yuqoridagi hadisni lafzan va ma'nan takror qiladi

33-bob. Zoturriqo g'azoti haqida

Bu g'azot Muhoribi Xasfa va Banu Sa'laba g'azoti ham deyiladi. Rasululloh sallallohu alaihi va sallam o'shanda Naxl degan joyga tushganlar. Bu g'azot Xaybar g'azotidan keyin bo'lgan, chunki shu g'azot ishgirokchisi Abu Muso al-Ash'ariy Xaybar g'azotidan keyin islomga kirganlar.

Jobir ibn Abdulloh; «Paygambar alayhissalom ashoblari birlan birga yettinchi g'azot, ya'ni Zoturriqo' g'azoti kuni xavf namozini o'qidilar (Bu g'azotning «Yettinchi g'azot» deb atalishiga sabab u Badr, Uhud, Xandaq, Qurayza, Muraysa va Xaybar g'azotlaridan keyin voqe' bo'lgan)»,— deydilar.

Ibn Abbosdan rivoyat qilingan hadisda aytiladiki, Payg'ambar alayhissalom xavf namozini Zuqarad degan joyda o'qigan erkanlar.

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Muhorib va Sa'laba kuni ashoblari birlan birga xavf namozi (salot ul-xavf) o'qidilar»

Vahb ibn Kayson rivoyat qiladilar: «Men Jobirdan eshitdimki, Payg'ambar alayhissalom Naxlning Zoturriqo' mavzesiga chiqibdilar. Shunda musulmonlar birlan G'atafon mushriklari to'qnashib qolibdi, lekin jang bo'lmabdi. Chunki, Olloh taolo har ikkala tomonni xavflantirib qo'yibdi. Janob Rasululloh shu yerda ikki rakat xavf namozi o'qibdilar»

Salama ibn al-Akva' raziyallohu anhu: «Men Payg'ambar alayhissalom birlan birga Qarad kuni g'azotda bo'ldim»,— deydilar.

Abu Muso al-Ash'ariy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Payg'ambar alayhissalom birlan birga g'azotga chiqdik, olti kishi erdik, bittagina tuyamiz bor erdi, ketidan ergashib borar erdik. Oyoqlarimiz qavarib ketgan erdi. Mening ham oyoqlarim qavarib, tirnoqlarim ko'chib ketgandi. Oyoqlarimizga latta o'rab olgan erdik. Shu boisdan ham bu g'azot «Zoturriqo'» («Lattali») g'azot deb nomlandi».

Abu Muso shunday deb rivoyat qildilar-da, so'ng: «Qilgan ishimni aytmasam bo'lar erdi» — dedilar, 6u birlan go'yoki qilgan amali solihlarini oshkor qilib qo'yganlari uchun o'zlaridan norozi bo'ldilar.

Solih ibn Xavvot Zoturriqo'da Janob Rasululloh birlan birga gazotda bo'lgan kishidan eshitganlarini bunday deb rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom shu kuni xavf namozi o'qidilar. Avval bir guruh Janob Rasululloh birlan birga namozga saf tortdi, ikkinchi guruh ersa dushman birlan yuzma-yuz turdi Janob Rasululloh birinchi guruh birlan birga bir rakat o'qib, tik turdilar, qavm ersa o'zi mustaqil ikkinchi rakatni o'qib,

namozni tugatdi. Keyin, ular borib dushman birlan yuzma-yuz turdilar. Shunda ikkinchi guruh kelib Janob Rasulullohga iqtido qildi, ul zot qolgan ikkinchi rakatni o'qib bo'lib, o'ltirdilar, jamoat ersa o'zi mustaqil namozni o'qib tugatdi. So'ng, Janob Rasululloh ular birlan birgalikda salom berdilar»

Imom Molik: «Xavf namozini mana shu yo'sinda o'qimoqlik afzaldir» — deydilar.

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

Qosim ibn Muhammad rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom Banu Anmor g'azoti vaqtida xavf namozi o'qidilar»

Sahl ibn Abu Xasma (xavf namozini o'qish tartibi haqida) bunday deydilar: «imom qibilaga qarab tik turadi, shunda bir guruh imom birlan birga namoz o'qiydi, ikkinchi guruh ersa dushman birlan yuzma-yuz turadi. Imom dastlabki guruh birlan birga birinchi rak'atni o'qib, o'rnida tik turadi, qavm ersa o'zi mustaqil ikkinchi rak'atni tugatgach, dushman ro'parasida turgan ikkinchi guruh birlan o'rin almashadi. So'ng, ikkinchi guruh kelib imomning qolgan ikkinchi rak'atiga iqtido qiladi, imom ular birlan namozni tugatib, o'ltiradi, ammo qavm turib ikkinchi rak'atni ham o'qib, keyin imom birlan birga salom beradi».

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Najd tomonga g'azotga bordim. Dushman birlan yuzma-yuz bo'ldik, ularning ro'parasida saf tortdik», — deydilar.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu otalaridan nakl hiladilar: «Raso'lulloh sallallohu alayhi va sallam ikki guruhdan biriga imomlik qildilar, ikkinchi guruh ersa dushman ro'parasida turdi Bir raka'tdan so'ng, birinchi guruh dushman ro'parasiga borib turdi. Ikkinchi guruh kelgach, Janob Rasululloh ular birlan ham bir rak'at o'qidilar-da, salom berdilar. Ikkinchi guruh qolgan rak'atni o'zi o'qib oldi, so'ng o'rniga birinchisi kelib, u ham qolgan rak'atni o'qib oldi».

Jobir ibn Abdulloh raziyallozhu anhuning aytishlaricha, ul kishi ham Janob Rasululloh birlan birga Najd tomonga g'azotga borib qaytgan erkanlar. Shunda bir daraxtzor vodiya yetganlarida issiq haddan ortiq kuchayib ketibdi. Janob Rasululloh shu yerda tushibdilar, odamlar ham o'zlarini daraxtlar soyasiga olishibdi. Janob Rasululloh bir serbarg daraxt tagiga joylashib, qilichlarini shoxga ilib qo'yibdilar. «Endigina ko'zimiz ilingan erkan, — deydilar Jobir, — shu vaqt Janob Rasululloh bizni chaqirib qoldilar, kelsak, u kishining yonlarida bir badaviy o'ltiribdi. Janob Rasululloh bizga bunday dedilar: «Mana bu odam men uxlab yotganimda qilichimni qinidan sug'uribdi. Uyg'onsam, qilich yalang'ochlangan, menga: «Seni mendan kim saqlay oladi?!» — deb do'q urdi. Men unga: «Olloh!» — degan erdim, u yerga o'ltirib qoldi». Janob Rasululloh o'sha odamni jazolamadilar».

Jobir raziyallohu anhu yana bunday deb rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Zoturriqo'ga yo'l oldik. Bir sersoya daraxt yoniga yetib kelib, uni Janob Rasulullohga qoldirdik. Shu asnoda bir mushrik kelib qoldi, Janob

Rasulullohning qilichlari ersa daraxt shoxida osig'liq turar erdi. U qilichni qinidan sug'irib oldi-da, ul zotga: «Mendan qo'rqyapsanmi?» — dedi. Ul zot: «Yo'q»,— dedilar. U: «Mendan seni kim himoya qila olardi?»—dedi Ul zot: «Oллоh!»— dedilar. Keyin, Janob Rasulullohning sahobalari do'q qilib uni quvib yuborishdi. Birozdan so'ng, namozga (salot ul-xavfga) takbir aytili. Ul zot bir guruh birlan birga ikki rak'at va yana bir guruh birlan birga ikki rak'at namoz o'qidilar. Shunday qilib, Janob Rasululloh to'rt rak'at, qavm ersa ikki rak'at namoz o'qidi».

Abu Bishr: «Janob Rasulullohga tahdid qilgan kishining ismi G'avras ibn al-Hars bo'lib, u mana shu g'azotda Muhoribi Xasfa mushriklariga qarshi urushgan»,— deydilar.

Jobir raziyallohu anhu: «Biz Janob Rasululloh birlan birga Naxlda bo'ldik, ul zot u yerda xavf namozi o'qidilar», — deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Men Janob Rasulullox birlan birga Najd gazoti vaqtida xavf namozi o'kidim»,—deydilar. Darhaqiqat, Abu Hurayra Janob Rasulullohning huzurlariga Xaybar kunlari kirib kelgan erdilar.

34-bob. Banu Mustaliq, ya'ni Muraysi' g'azoti haqida

Ibn Ishoq: «Banu Mustaliq gazoti oltinchi hijriy yilda bo'lgan»,— deydilar.

Muso ibn Uqbaning aytishlaricha ersa, bu gazot hijratning to'rtinchi yili sodir bo'lgan ermish.

Zuhriy raziyallohu anhuning aytiitaricha, Muraysi' gazoti vaqtida Oisha onamizga tuhmat qilingan erkan.

Ibn Muhayriz bunday deydilar. «Men masjidga kirib Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhuri ko'rdim, yonlariga o'ltirdim-da, ayolni homilador qilib qo'ymaslik uchun maniyni tashqariga to'kish haqida suradim. Shunda Abu Sa'id bunday dedilar: «Biz Janob Rasululloh birlan» birga Banu Mustaliq gazotiga chiqdik. Bir necha arab ayollarini asir oldik. Bo'ydoqlik qattiq ta'sir qilib xotinlarni ko'nglimiz tusab qoldi. Biz maniyni tashqariga to'kmoqchi bo'ldigu, ammo: «Janob Rasulullox oramizda mavjud bo'laturib, so'ramasdan bunday qilmaylik!» — dedik-da, ul zotdan shu haqda so'radik. Janob Rasululloh bizga: «Bunday qilmasligingiz lozim, Oллоh taolo qiyomatgacha dunyoga keladigan tirik jonni allaqachon yaratib qo'ygan!» — dedilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Biz Janob Rasululloh birlan birga Najd tomonga gazotga chiqdik. Kun qattiq isib ketib, serdaraxt bir yerga yotganda Janob Rasululloh ulovdan tushdilar. So'ng, uning soyasiga o'ltirib, qilichlarini daraxt shoxiga ilib qo'ydilar, odamlar ham daraxtlar soyasiga o'zlarini oldilar. Bir vaqt Janob Rasululloh bizlarni chaqirib qoldilar, borsak, u kishining oldilarida bir badaviy o'ltiribdi. Janob Rasululloh bizga bunday dedilar: «Men uyquda erkanimda mana bu odam kelib qilichimni qinidan sugurib olibdi, men uygonib qaragam, qilich yalangochlab tepamda turgan erkan. U menga: «Seni mendan kim qutqara oladi?!» — dedi. Men unga: «Oллоh!»—deb javob berdim. U qilichni qiniga soldi-yu, yerga o'ltirib qoldi, o'sha mana shu odamdir»,— dedilar. Lekin, Janob Rasululloh unga jazo bermadilar».

35-bob. Anmor g'azoti haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu: «Men Anmor gazoti vaqtida Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tuyaga mingan holda yuzlarini mashriq tomonga qarata nafli namoz o'qiganlarining guvohi bo'lganman»,— deydilar.

36-bob. Tuhmat haqidagi hadis

Al-Ifk va al-Afk so'zlari an-Najas va an-Najis so'zlariga muvofiq keladi. Kimki «afakahum» deb ayqa, «ularni iymondan qaytardi, ularni yolgonchi qildi» degan bo'ladi, oyatda «Qaytarilgan kishi undan yuz o'giradi» deyilgani kabi.

Ibn Shihob ushbu hadisni Urva ibn Zubayr, Sa'id ibn Musayyab, Alqama ibn Vaqqos va Ubaydulloh ibn Abdulloh ibn Utba ibn Mas'uddan naql qiladilar: «Munofiqlar paygambarimizning zavjai mutahharalari Oisha raziyallohu anho haqlarida bo'hton to'qidilar, bu bo'hton haqidagi hadisni Urva, Sa'id, Alqama, Ubaydulloh rivoyat qilib berdi. Bularning ba'zilari Oishaning o'zlaridan, ba'zilari ersa roviylardan eshitgan bo'lsa-da, juda ishonchli qilib aytdi. Men Oishaning o'zlaridan eshitib rivoyat qilgan barcha kishilarning gapiga e'tibor berib quloq soldim, shunda roviylardan eshitib rivoyat qilgan kishilarning qadisi yuqoridagilarning hadisini tasdiq qildi. Ular rivoyat qilishlaricha, Oisha bunday debdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qachonki safarga borishni xohlasalar, qur'a tashlar erdilar, qur'a qaysi xotinlariga chiqsa, o'sha birlan birga safarga borar erdilar. Banu Mustaliq gazotiga ketayotib ham qur'a tashladilar, shunda qur'a menga chiqdi. men Janob Rasululloh birlan birga safar qildim. Bu vaqtda «Hijob oyati» nozil bo'lgan bo'lib, men tuyaga ortilgan kajavada yurardim. Janob Rasululloh g'azotdan qaytayotib, Madinaga ikki manzil yul qolganda «Karvon dam olsin!» deb izn berdilar. Izn berilgandan so'ng, men kajavadan tushib, lashkardan uzoqlashdim-da hojatga o'ltirdim, keyin karvon yoniga kelgach, ko'ksimni ushlasam, ziforiy munchog'im yo'q (Zifor — Yamandagi bir qishloq nomi), uzilib tushib qolibdi. Izimga qaytib borib, munchog'imni qidira boshladim, uni topgunimcha ko'p vaqt ushlanib qoldim. Bu orada karvon jo'naydigan bo'lib qolib, mening kajavamni tuyaga yuklaydirganlar kelib uni yuklab jo'natibdilar, ichida meni bor deb o'ylashibdi. Usha vaqtlarda xotinlar yengil bo'lardi, semirmas erdi, badanlarini go'sht qoplamas erdi, chunki oz ovqat yer erdi. Shu boisdan kajavani ko'targan kishilar ichida odam bormi, yo'qmi sezmay tuyaga yuklab yuborganlar, buning ustiga men u vaqtda jussasi kichik yosh qizcha erdim. Tuyani haydab, jo'nab ketishavergan. Keyin, men munchog'imni topib, kajavam turgan joyga borsam, lashkar allaqachon jilgan, birorta chaqiruvchi ham, unga javob beruvchi ham qolmabdi. «Men turgan yerimda kuqam, ular meni yo'qligimni bilib, izlab qaytib kelishar» degan umitda erdim. Usha yerda o'ltirib, uxlab qolibman. Safvon ibn Mu'attal as-Sulamiy lashkar ortidan kuzatib boruvchi etib tayinlangan erdi. Bir vaqt kelib qarasa, yerda bir odam uxlab yotibdi. U meni tanib (chunki, u meni hijobga kirmasimdan avval ko'rgan erdi) oldimga kelganda, uyg'onib ketdim, darhol ro'molim birlan yuzimni to'sdim. Olloh taolo haqi, bir og'iz ham so'zlashmadik, uning «Inno lillohi va inno ilayhi roji'uun» (ya'ni, «Hammamiz Ollohning bandasimiz va uning huzuriga qaytib boramiz») degan so'zidan boshqa so'zini eshitmadim. Safvon tezda tuyasini cho'ktirib, oldingi oyog'ini ushlab turdi, men unga minib oldim. Uzi ersa tuyani yetaklab ketdi, kun qizigan paytda lashkar orasiga kirib bordik, ular endigina manzilga yetib olishgan erkan. Shu voqeadan keyin, mening haqimda ba'zi kishilar tuhmat qilib yuzi qaro bo'ldi. Eng katta tuhmatchi Abdulloh ibn Ubay ibn Salul erdi».

Urva bunday deydilar: «Oishaning xabar berishlaricha, Abdulloh ibn Ubay bo'hton tarqatardi, boshqalar shu haqda gapirsa, tasdiqlardi, yanada ko'proq ovoza qilardi. Bo'xtonchilardan faqat Hasson ibn Sobit, Mistah ibn Usosa, Hamna binti Jahshlarning nomi zikr qilingan bo'lib, yana men tanimagan boshqa kishilar ham bor, ammo ular ham yuqoridagilarga qarindosh odamlardir. Oллоh taolo o'z oyatida bo'htonchilarning kattasi Abdulloh ibn Ubay ibn Salul erkanligiga ishora qiladi Oisha ersalar huzurlarida Hassonni haqorat qilishsa, doimo qarshilik qilib «Hasson mana bu she'ni yozgan kishi»—der erdilar «Otam birla bobom hamda obro'yim, Muhammad obro'yi uchun qalqon erur»

Oisha bunday deydilar: «Men Madinaga kelib, bir oy kasal bo'lib yotib qoldim Odamlar bo'htonchilarning gapiga ishonib, shov-shuv tarqatishar, men ersam bundan mutlaqo bexabar erdim. Ilgari kasal bo'lsam, Janob Rasululloh ko'nglimga qarab, mehribonlik qilardilar, endi ersa o'sha lutfu marhamatni ko'rmay, o'zimdagi kasallik ustiga shubha ichimni kemirardi Janob Rasululloh har gal huzurimga kirganlarida salom berib «Qalaysan» — deydilar-da, keyin yana qaytib chiqib ketadilar, «Mendan nima yomonlik o'tdi erkan» — deb gumonga botaman Bir oz tuzalganimdan keyin, Ummu Mistah birlan bir kuni hojatxonaga chiqdim Hojatxona uyimizdan uzoqroq bo'lgani uchun faqat kechasi chiqardik. Bu voqea uyimizga yaqin joyga hojatxona qurganimizdan ancha oldin bo'lgan erdi. Chunki, ilgari biz ham qishloqilarga o'xshab yashardik, uyimiz yoniga hojatxona qurishdan jirkanardik. Ummu Mistah Abu Rahm ibn al-Muttalib ibn Abdu Manofning qizi bo'lib, onasi Saxr ibn Omirning qizi — Abu Bakr Siddiqning xolasi erdi. Ummu Mistahning ersa Mistah ibn Usosa ibn Ubod ibn Muttalib degan o'g'li bor erdi. Men Ummu Mistah birlan birga hojatxonadan uyimiz tomon qaytayotgan erdim, Ummu Mistah toyilib ketdi va «Noumid bo'lgur, Mistah» deb o'z o'g'lini qarg'adi Men unga «Nega bunday yomon so'z birla qarg'aysan, Badrda ishtirok qilgan mujohidni ham shunday qarg'aysanmi "» — dedim. Shunda Ummu Mistah «Ey sodda, eshitmadingmi, sening haqingda nima gap aytganini» — dedi Men «Qanday gap aytdi»—dedim. Ummu Mistah bo'htonchilarning mening haqimda aytganlarini gapirib berdi. Shundan so'ng, kasalimga kasal qo'shildi. Uyimga qaytib kirganimdan keyin, Janob Rasululloh huzurimga kirdilar-da, menga salom berganlaridan so'ng, odatdagidek «Qalaysan» — deb ahvolimni so'radilar. Men u kishiga «Ota-onamning oldiga borib kelishimga ijozat berasizmi?» — dedim. Men o'zim haqimdagi gaplarni ulardan surishtirib bilmoqchi erdim. Rasululloh menga izn berdilar Onamga borib «Ey onajon' Odamlar nimalar deyi-shayotir»—dedim Onam menga «Ey qizalog'im' Parvo qilmagil, xudo haqi, eri yaxshi ko'rgan va kundoshlari bor go'zal ayol haqida ko'pincha odamlar har xil gaplarni chiqarishadi»,— dedilar Men «Subhonalloh, shunday gapni gapirishadimi?» —deb kechasi birlan yig'lab chiqdim, tong otguncha yoshim ham to'xtamadi, ko'zimga uyqu ham kelmadi, yig'lagan holda tong ottirdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlariga vahiy kelmay qolganda Hazrat Ali va Usoma ibn Zaydni huzurlariga chaqirib, ular birlan oilalaridan ajrash to'g'risida maslahat qildilar. Shunda Usoma ibn Zayd Oishadan bunday yomonlik chiqmasligini, uning pok erkanligini aytib «Yo Rasulalloh, oilangizdan ajramangiz, biz uni faqat yaxshi deb bilamiz»—dedi. Ammo, Hazrat Ali raziyallohu anhu «Yo Rasulalloh, Oллоh, taolo sizni xotindan qisgan ermas, undan boshqa xotinlar ham ko'p-ku! Joriyani chaqirib so'rangiz, sizga bor haqiqatni aytadi»,— dedilar. Janob Rasululloh (Oishaning xizmat-kori) Burayrani chaqirib «Ey Burayra, sen shubhaga soladiringan biror narsani sezdingmi!»—deb so'radilar Burayra «Sizni payg'ambar qilib yuborgan zotning nomi birlan qasamyod qilurmenki, uni biror gunoh ish qilganini ko'rmadim, buning ustiga u hali juda yosh qizaloq-ku Axir, xamir qorsa ham, charchab uxlab qolib, xamirini qo'y yeb ketadi-yu» —

dedi. Janob Rasululloh bu gapni eshitib o'rinlaridan turdilar-da, minbarga chiqib, Abdulloh ibn Ubaydan uzr talab qildilar va «Ey musulmonlar, oilamga tuhmat qilib menga ozor yetkazgan kishini kim uzr aytkizadi' Oллоh taolo haqi, men oilamni yaxshi deb bilaman, yana bir odamga tuhmat qildilarki, u odamni ham yaxshi deb bilaman, u kishi oilam huzuriga qachon kirsam, men birlan birga kirar erdi» — dedilar. Shunda Banu Abdulashhalning birodari Sa'd ibn Ma'oz o'rnidan turib «Yo Rasulalloh, men uni sizga uzr aytkizaman, agar o'sha odam Avs qabilasidan bo'lsa, bo'ynini uzaman' Mobodo u Xazraj qabilasiga mansub birodarlarimizdan bo'lsa, siz nima deb buyursangiz, shuni ado etgaymiz!» — dedi. Shu payt Xazraj qabilasiga mansub bir odam irg'ib turdi, Ummu Hasson ana shu odamning amakisining qizi bo'lib, uning ismi Sa'd ibn Uboda erdi. Xazraj qabilasining boshlig'i bo'lmish bu odam ilgari solih kishi bo'lgan bo'lib, oriyati tutib ketib, Sa'd ibn Ma'ozga «Yolg'on aytayotirsan, Oллоh taolo haqi, uni o'ldirolmaysan, o'ldirish qo'lingdan kelmagay, agar u o'z qavmingdan bo'lganida erdi, o'limini xohlamagan bo'lar erding» — deb baqirdi. Shunda Sa'd ibn Ma'ozning amakivachchasi Usayd ibn Hazir o'rnidan turib, Sa'd ibn Ubodaga «Uzing yolg'onchi erursan, Oллоh taolo haqi, uni o'ldirgaymiz, sen g'irt munofiqdursan munofiqlarning yonini olayotirsan» — dedi. Natijada ikki qabila — Avs va Xazraj qizishib ketib, bir-birini o'ldirishga qasd qilib qoldi. Janob Rasululloh ersalar hanuz minbar ustida turardilar. Nihoyat, ul zot ikki qabila o'rtasidagi alangaga suv quyib tinchlantirdilar. Men shu kuni kechgacha yig'ladim, ko'zimga uyqu kelmadi, hatto yig'i jigarimni ezib yuborgan-dek bo'ldi, men yig'lardim, ota-onam ersalar yonimda o'ltirardilar. Shu payt bir ansoriya ayol kelib, ruxsat so'rab ichkariga kirdi, u ham menga qo'shib yig'lay boshladi. Biz shu holatda erdik, Janob Rasululloh kirib keldilar, salom bergach, o'ltirdilar. Ul zot menga tuhmat qilingandan buyon yonimga o'ltirmay qo'ygan erdilar. Bir oy bo'layotirki, u kishiga mening haqimda biror vahiy kelmadi. Janob Rasululloh yonimga o'ltirayotib kalimai shahodatni aytdilar, keyin menga: «Ey Oisha, sening haqingda menga bunday va bunday xabar yetdi, agar sen pok bo'lsang, Oллоh taolo seni tez kunda bu tuhmatdan xalos qilgay, basharti biror gunoh qilgan bo'lsang, Oллоhga istig'for ayt, tavba qil, chunki banda o'z gunohini e'tirof qilib, tavba qilsa, Oллоh taolo uning tavbasini albatta qabul qilgay!» — dedilar. Janob Rasululloh shu gaplarni aytib bo'lganlaridan keyin, birdan ko'z yoshim qurib, bir qatra ham yosh chiqmay qo'ydi. Shunda men otamga: «Mening nomimdan Janob Rasulullohga siz javob qilingiz!» — dedim. Otam. «Janob Rasulullohga men nima deyman?» — dedilar. Onamga: «Bo'lmasa, siz javob beringiz!» — dedim. Onam ham: «Janob Rasulullohga nima ham derdim» — dedilar. Shundan so'ng, o'zim: «Men yoshman, hali Qur'ondan ko'p sura yod olganim yo'q, lekin men, Oллоh taolo haqi, aniq bildimki, sizlar eshitgan mazkur tuhmat dilingizga qattiq o'rnashib olibdi, unga ishonch ham hosil qilibsizlar. Agar men: «Bunday ishni qilganim yo'q», — desam, sizlar baribir ishonmaysizlar, ammo Oллоh taolo mening pokligimni bilib turibdi. Vaholanki, sizlar o'zim qilmagan gunohni e'tirof qilsam, ishonasizlar. Shunday erkan, Oллоh taolo haqi, men sizlar birlan o'zim o'rtamdagi voqeani Yusuf birlan uning otasi o'rtasidagi voqeaga taqqoslayman-da, «Sabr go'zaldur, Oллоh o'zingiz ta'riflaganingizdek, madadkordur!» degan oyati karimadan bo'lak o'zimga yupanch topolmayman!» — dedim-da, teskari o'girilib, to'shagimga yotib oldim. «Oллоh taolo mening pokligimni yaxshi bilur, u albatta meni bu tuhmatdan xalos qilgay!» — der erdim. Ammo, men Oллоh taoloning mening haqimda oyat nozil qilajagini bilmas erdim, chunki «Men bunga arzimayman, yaxshisi Janob Rasululloh tush ko'rsalar-u, tushlarida mening pokligim ayon qilinsa!» — der erdim. Buni qarangki, Janob Rasululloh joylaridan jilmaslaridan turib, oila a'zolarimdan birortasi tashqariga chiqib ulgurmay turib, Oллоh taolo ul zotga vahiy nozil qilib qoldi.

Vahiyning yukidan Janob Rasulullohning badanlari bezgak tutgandek titrab, vujudlaridan marjon-marjon ter oqdi.

Janob Rasululloh vahiy qabul qilib olganlaridan so'ng, menga kulib qaradilar va eng dastlab aytgan so'zlari shu bo'ldiki. «Ey Oisha! Oллоh taolo sening pokligingni xabar qildi»,— dedilar. Shunda onam menga- «Turib, Rasulullohga qulluq qil!»— dedilar. Men ersam «Yo'q, Oллоh taolo haqi, men bu kishiga turib qulluq qilmayman, balki Oллоh taoloning o'ziga hamd aytaman!»—dedim Oллоh taolo «Innallaziyna jo'u bil-ifki usbatun minkum» (ya'ni, «Bo'hton to'quvchilar o'zlarigizning qarindoshlarigizdur») deb boshlanadigan jami o'nta oyat nozil qilgan erdi. Oллоh mening pokligim haqidagi ana shu oyatlarni nozil qilgach, otam «Oллоh haqi, Oishaga tuhmat qilgani uchun bundan buyon Mistahga bir chaqa ham bermayman!»—dedilar. Shunda Oллоh taolo ushbu oyatni nozil qildi: «Oralaringizdagi fazlu saxovat egalari o'z qarindoshlariga, miskin muhojirlarga mablag' birla yordam qilmaslikka ont ichmasinlar, ularning gunohlarini avf qilsinlar, do'stlashsinlar! Oллоhning sizlarni mag'firat qilmog'ini istamaysizlarmi? Oллоh gunohlarni kechiruvchi, mehribon zotdur!». Bu oyatni eshitib, otam Abu Bakr: «Oллоh taolo haqi, albatta men Oллоhning meni mag'firat qilmog'i-ni istayman!»—dedilar, so'ng Mistahga ilgarigidek yana yordam bera boshladilar-da: «Oллоh haqi, men bu yordamimni umrim boricha to'xtatmayman» — dedilar. Janob Rasululloh mening haqimda Zaynab binti Jahshdan: «Oisha haqida nima bilasan yoki ko'rgansan?» — deb so'rabdilar: «Ey Oллоhning rasuli, men qulog'im birlan ko'zimni doim ehtiyot qilurman, Oishani ersa faqat yaxshi deb bilurman'»— debdi. Zaynab doimo meni Janob Rasulullohning boshqa xotinlaridan himoya qilib yurar erdi, buning uchun Oллоh taolo uni taqvodor qilib, yomon ishlardan saqladi. Uning singlisi Hamna binti Jahsh ersa doim onasi birlan urushib yurardi, Oллоh uni ham bo'htonchilarga qo'shib sharmanda qildi».

Ibn Shihob: «Bo'htonchilar haqidagi hadis mana shundan iboratdur»,— deyilar.

Urva rivoyat qiladilar: «Bo'htonchilardan biri: «Subhonalloh, meni yaratgan parvardigorim haqi, bundan buyon hech qachon ayolni malomat qilmayman!» — dedi. «Ozgina vaqtdan keyin shu kishi Oллоh yo'lida shahid bo'lib ketdi»,— deyilar Oisha onamiz»

Zuhriy rivoyat qiladilar: «Menga Valid ibn Abdulmalik «Eshitdingmzmi' Ali ham Oishani xaqorat qilgan kishilar ichida bor erkan»,— dedi. Men: «Io'q, lekin sizning qavmingizdan ikki kishi — Abu Salama ibn Abdurrahmon va Abu Nakr ibn Abdurrahmon ibn al-Harsning menga xabar berishlaricha, Oisha raziyallohu anho ularga: «Ali mening haqimda xech narsa demagan»,— debdilar»,— dedim». Bu masala xaqida Zuhriydan qayta so'ralganda, u kishi Validning gapi xato erkanligini, Hazrat Ali Oisha xaqlarida bo'hton qilmaganliklarini aytgan. «Asl ul-Atiq» kitobida ham shunday deb rivoyat qilingan.

Oisha raziyallohu anhoning onalari Ummu Rumon bunday deb rivoyat hilidilar: «Men Oisha birlan birga o'ltirgan erdim bir ansoriya ayol kirib keldi-da: «Falonchining Oллоh taolo jazosini bersin!» — deb qayta-qayta qarg'andi.

Nechun qarg'ayotirsiz?» — deb so'radim. Ayol: «Ug'lim ig'vogarlariga ko'shilib qolibdi»,— dedi. «Qanday ig'vo?» — deb so'radim. Shunda ayol Oisha haqida to'qilgan, hammaga tarqalgan bo'hton haqida so'zlab berdi. Oisha: «Bu gapni Janob Rasululloh ham eshitganmilar?»—deb so'radi. Ayol:

«Ha», - dedi. Oisha: «Abu Bakr Siddiq ham xabardordirdirlar?»~dedi. Ayol. «Ha, xabardorlar»,— dedi. Bu gapni yeshitgach, Oisha behush bo'lib yiqildi. Uzoq yotib, ko'zini ochganda qattiq isitma butun vujudini titratar erdi. Men UNI qalin libosi birlan o'rab qo'ydim. Janob Rasululloh kelganlarida: «Yo Rasulalloh, uni bezgak tutib, isitma olayotir!»— dedim. «Anavi gaplarni eshitgandur-da?!» — dedilar Janob Rasululloh. «Ha, eshitdim!» — dedi Oisha va o'rnidan turib o'ltirdi, keyin: «Olloh taolo haqi, qasam ichganim birlan menga ishonmagaysizlar, uzrimni ayqam, qabul qilmagaysizlar, men birlan sizlar Ya'qub birlan uning o'g'illariga o'xshaymiz, Olloh taolo: «Olloh o'zingiz ta'riflagaiingizdek, madadkordur!» — deganku!» — dedi. Janob Rasulullox bu gapni eshitib, indamay chiqib ketdilar. Olloh taolo oyat nozil qilib, Oishaning pokdomon erkanligini xabar qildi. Shunda Oisha Janob Rasulullohga: «Men buning uchun biror kishiga, hatto sizga ham minnatdorchilik bildirmayman, faqat Olloh taologa shukr qiliman.

Ibn Abu Mulayka bunday deydilar: «Oisha raziyallohu anho oyatdagi «Iz talaqqavnahu bi-alsinatikum» («Vaqtiki sizlar tillariigiz ila uni naql qilur erdingizlar...») degan so'zlarni «Iz taliquunahu bi-alsinatikum...» («Vaqtiki sizlar tillaringiz ila unga tuhmat qilishingizni quymas erdingizlar ...») deb qiroat qilar erdi-da, «Al-Valqu al-kazibu» («Al-Valq tuhmatdir») deb qo'yar erdi».

Ibn Abu Mulayka: «Oisha tuhmat haqidagi oyatlarni boshqalardan ko'ra yaxshiroq bilur erdi, chunki bu oyatlar uning xususida nozil bo'lgan erdi-da!»—deydilar.

Urva ibn Zubayr bunday deydilar: «Men Oishaning huzurida Hassonni so'ka boshladim, Oisha meni qaytarib, bunday dedi: «So'kma uni, chunki Hasson Janob Rasulullohning obro'larini himoya qilib she'r yozadi. Bir kuni Hasson Janob Rasulullohdan mushriklarni hajv qilmoqqa ruxsat so'radi. Janob Rasululloh: «Quraysh mushriklarini hajv qilayotganingda mening nasabimga ham til tekkizursanmi?»— dedilar. Hasson: «Sizni ular orasidan hamirdan qil sug'urgandek ajratib olgayman!» — deb javob berdi».

Hishom otalari Urvadan nakl qiladilar: «Men Hassonni so'kkanman, chunki u Oishaga eng ko'p bo'hton qilgan kishi erdi».

Masruqdan nakl qilinadi: «Biz Oishaning huzuriga kirsak, Hasson ibn Sobit yonida o'ltirib, unga bag'ishlagan quyidagi she'rini o'qib berayotgan erkan: «Hayolidur, vafolidur, iboli. Sira bilmas nadur ig'vo xayoli!»

Hasson yuqoridagi baytni o'qib bo'lishi hamonoq, Oisha unga: «Ammo, o'zing shunday odam ermassan!»—dedi. Men Oishaga: «Nima uchun huzuringizga kirmoqqa unga ijozat berdingiz? Axir, Olloh taolo: «Pokdomon ayollarga tuhmat qilib, o'ziga katta gunoh orttirgan kishiga qattiq azob bordur!» — degan-ku?!» — dedim. Oisha: «Ko'r bo'lib qolmoq-dan ortiqroq azob bormi?!» — dedi (Hasson ko'r bo'lib qolgan erdi). Keyin, Oisha: «Ilgarilari u Janob Rasulullohning obro'larini himoya qilib mushriklarni hajv qilur erdi»,— deb qo'ydi».

37-bob. Hudaybiya g'azoti hamda Olloh taoloning «Olloh taolo daraxt tagida sizga bay'at qilgan mo'minlardan rozi bo'ldi» degan oyati karimasi haqida

Zayd ibn Xolid aytadilar: «Biz Hudaybiya yili Janob Rasululloh birlan birga safarga chiqdik. Tunlardan birida yomg'ir yog'di. Janob Rasululloh ertalab bomdodni o'qiganlaridan so'ng, yuzlarini bizga qaratdilar-da: «Bilasizlarmi, parvardigoringiz nima deyayotir?»—dedilar. Biz: «Olloh va uning rasuli bilur»,— dedik. «Olloh aytur-ki,— dedilar Janob Rasululloh,— bandalarim ikki toifaga bo'lindi, biri — menga iymon keltirganlar va yana biri — kofir bo'lganlar. Qaysi bandam: «Bizga yomg'ir Ollohning rahmati, rizqi va fazli sababidan yog'di»,— desa, menga iymon keltirgan kishidur. Agar: «Falon yulduz sababli yog'di»,— desa, yulduzga iymon keltirib, menga kofir bo'lgan kishidur».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu xabar beradilar: «Janob Rasululloh to'rt marta umra qilganlar, uchtasi zulqa'da oyida bo'lib, (zulhijja oyida) bir marta haj birlan birga umra ham qilganlar. Zulqa'da oyida qilgan umralari — Hudaybiya umrasi, kelgusi yildagi umralari, Ji'rona umrasi (bu yerda Hunayn g'azotida olingan o'ljalar taqsimlangan erdi) va oxirgisi haj birlan birga qilgan umralaridir».

Abdulloh ibn Abu Qatoda otalaridan naql qiladilarki, otalari bunday degan erkanlar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Hudaybiya yili (Makka tomon) yo'lga chiqdik, barcha sahobalar ehrom kiyib olishgan, men ersam ehrom kiymagan erdim».

Barro raziyallohu anhu bunday deydilar: «Sizlar fath deb Makka fathini aytasizlar, darhaqiqat Makka fathi ham fathdur, ammo biz Hudaybiya kunidagi Bay'atur-rizvonni fath deb ataymiz. Payg'ambar alayhissalomni qo'shib hisoblasak, bir ming to'rt yuz kishi erdik. Xudaybiya bir quduq bo'lib, biz uning suvini oxirgi qatrasigacha qo'ymay tortib oldik. Janob Rasululloh buni eshitib keldilar-da, quduqning labiga o'ltirdilar, keyin bir idishda suv so'radilar, u birlan tahorat qildilar, og'iz chayqadilar, qolganini duo o'qib quduqqa quydilar. Bir oz muddat kutdik, keyin quduqdan o'zimiz ham, otlarimiz ham qonadirgan miqdorda suv chiqdi».

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan. Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hudaybiya kuni odamlar tashna bo'ldilar, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilarida bir idishda suv bo'lib, tahorat qildilar. Odamlar Janob Rasulullohning qoshlariga kelishdi, ul zot ulardan: «Ne ishingiz bor?» — deb so'radilar. Odamlar: «Yo Rasulalloh! Tahoratga ham, ichishga ham qo'lingizdagi suvdan bo'lak suv yo'qdur»,— deyishdi. Shunda Janob Rasululloh panjalari birlan idish og'zini yopib erdilar, barmoqlari orasidan buloq yanglig' suv qaynab chiqa boshladi. Undan hammamiz to'yib ichdik, tahorat ham qilib oldik».

Solim raziyallohu anhu: «Men Jobirdan: «Usha kuni necha kishi erdingizlar?» — deb so'rasam, u: «Agar yuz ming kishi bulganimizda ham hammamizga yetar erdi, biz ersak o'shanda bir ming besh yuz kishi erdik»,— dedi»,— deydilar.

Qatoda raziyallohu aihu rivoyat qiladilar: «Men Sa'id ibn Musayyabga: «Eshitishimcha, Jobir Hudaybiyada bir ming to'rt yuz kishi bo'lganliklarini aytibdi»,— dedim. Sa'id menga: «Jobirning menga aytishicha, Hudaybiya kuni payg'ambarimizga bay'at qilgan kishilarning soni bir ming besh yuz kishi bo'lgan»—dedi».

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hudaybiya kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga: -Sizlar yer yuzi ahlining eng yaxshisidursizlar»,— dedilar. Biz o'shanda bir

ming to'rt yuz kishi erdik. Agar hozir ko'zim ochiq bo'lganda, o'sha tagida bay'at qilingan daraxtni ko'rsatar erdim».

Abdulloh ibn Abu Avfo rivoyat qiladilar: «Daraxt tagida bay'at qilgan kishilarning soni bir ming uch yuz kishi erdi. Aslam qabilasi muhojirlarning sakkizdan bir qismini tashkil qilardi».

Daraxt tagida bay'at qilganlardan biri bo'lmish Mirdos al-Aslamiy: «Yaxshi odamlar birin-ketin bu dunyodan o'tib ketyaptilar. Xurmo va arpaning chiqiti tagida qolgandek, Oллоh taolo huzurida e'tibori yo'q kishilar qolyapti»,— deydilar.

Marvon va Misvar ibn Maxrama rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom bir ming qanchayam ashoblari birlan Hudaybiya kuni yo'lga chiqdilar. Zulhulayfa degan joyga kelganda qurbonlikka atalgan tuyalari bo'yniga qurbonlik erkanligini anglatadigan nishon osib hamda o'rkachini qonatib qo'ydilar. Keyin, shu yerda turib ehrom bog'ladilar».

Ali ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Men bu hadisni Sufyondan necha marta eshitganman, hatto u kishi: «Qonatiladigan va nishon osiladigan joyning qaerda erkanligini Zuhriydan eshitdi-mu, ammo eslab qololmadim»,— deb aytgandilar».

Abdurrahmop ibn Abu Laylo Ka'b ibn Ujra haqida bunday deb rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh uning boshidagi bitlar yuziga o'rmalab tushayotganini ko'rib: «Bu jonivorlar seni qiynayaptimi?»—deb so'radilar. Ka'b: «Ha»,— degandan keyin, Janob Rasululloh unga sochini oldirib tashlashni buyurdilar. Shunda u Hudaybiyada turgan erdi. Janob Rasululloh boshqa sahobalarning ham shu yerda ehromdan chiqish yoki chiqmasliklari haqida aniq bir gap aytmadilar, sahobalar Makkaga kirish niyatida erdilar. Shu asnoda Oллоh taolo fidya (jarima, tovon) haqida oyat nozil qildi. Janob Rasululloh Ka'bga bitlab ketgani uchun olti miskinining qornini to'yg'azishni yoki bir qo'y qurbonlik qilishni yohud uch kun ro'za tutishni amr qildilar».

Yazid ibn Aslamning otalari rivoyat qiladilar: «Men Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu birlan birga bozorga chiqdim. Shunda Hazrat Umarga bir yosh ayol duch kelib «Ey mo'minlar amiri' Erim halok bo'ldi, bir necha sag'ir go'daklar birlan qoldim. Oллоh taolo haqi, ularga berishga na suyak-saloq na don-dun va na sut yo'q, (erkagim yo'qligidan) ularni qashqirlar yeb ketmasaydi, deb qo'rqaman Otam Janob Rasululloh birlan birga Hudaybiyada bo'lganlar, men Xufof ibn Aymo al-G'iforiyning qiziman»,— dedi Hazrat Umar ayol birlan biroz suhbatlashgandan keyin, «O'z qarindoshing oldiga xush kelibsan» deb uylari yonida bog'liq turgan bahaybat tuyalari oldiga bordilar-da unga yeguliklar to'la ikki meshni yukladilar, meshlar orasiga kiyim-kechak va pul ham joyladilar, so'ng tuyaning tizginini ayol qo'lga tutqazib «Tuyani yetakla, Oллоh taolo biror xayriyat yuborguncha senga yetib turadi!»—dedilar. Shunda bir kishi «Ey amiralmu'minin, unga ko'p narsa berib yubordingiz!» —dedi.

Hazrat Umar «Ey onang sendan ajrab qolgur Oллоh taolo haqi, men bu ayolning otasi birlan akasining bir necha vaqt qo'rg'onni qamal qilib, so'ng uni fath qilishganini ko'rganman Biz o'sha ikkovining nasibasidan bu ayolga ozgina berdik, xolos», - dedilar».

Sa'id ibn al-Musayyabning otalari «Tagida bay'at qilingan daraxtni ko'rgan erdim, keyin o'sha daraxtni qidirib topolmadim», - deydilar. Imom Buxoriy «Mahmud ham «Usha daraxt yodimdan chiqartirildi» deb aytgan»,— deydilar (Sahobalar Hudaybiyada bir katta daraxtnish ostida Janob Rasulullohning qo'llariga qo'llarini qo'yib, «Hayotimning oxirigacha sizga itoat qilurman, Oллоh taolo nimani buyurgan ersa, ado qilurman, nimadan qaytargan ersa undan saqlanurman » deb bay'at qilgan bo'lib, bu bay'at Bai'aturrizvon deb ataladi Keyinchalik, bu daraxt Oллоh taolo tomonidan sahobalarning eslaridan chiqarilgan, chunki Janob Rasulullohdan keyin musulmonlar mazkur daraxtni muqaddas bilib, uni tavof qilib, yo'ldan ozib ketishlari mumkin erdi).

Toriq ibn Abdurrahmon bunday deydilar «Men haj safariga ketayotgan erdim, yo'lda namoz o'qiyotgan bir qavmni ko'rdim. Odamlardan «Bu qanday (masjid) sajdagoh» — deb so'radim. Ular «Bu Janob Rasululloh tagida sahobalarni bay'at qildirgan o'sha daraxtdir»,— deyishdi So'ng, men Sa'id ibn Musayyabning huzuriga borib, buni aytgan erdim, u «Otam o'sha daraxt tagida bay'at qilgan sahobalardan biri bo'lganlar, u kishi menga «Bay'atdan bir yil keyin, biz qaytib borib o'sha daraxtni qidirdik, lekin eslay olmadik, Oллоh taolo uni topishga imkon bermadi»,— deb erdilar. Muhammad sallallohu alayhi va sallamning sahobalari topolmagan daraxtni sizlar topgan bo'lsangizlar, unda sizlar o'ta «bilimdon» bo'lib ketibsizlarku!»- dedi kesatib.

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

Toriq bundai deydilar «Sa'id ibn Musayyabning oldida mazkur daraxt haqida gapirildi. Shunda Said kuldi-da: « Mening otam o'sha bay'atda qatnashgan erdilar, bu haqda menga gapirib bergan erdilar», — dedi».

Daraxt tagida bay'at qilganlardan biri bo'lmish Abdulloh ibn Abu Avfo rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayxi va sallamning odati shariflari shunday erdiki, agar u kishiga biror qavm sadaqa olib kelsa, «Ey Oллоh, bularni o'zing yarlaqagaysan! — derdilar Chunonchi, mening ogam u kishiga sadaqa. olib kelganlarida «Ey Oллоh, Abu Avfoning oilasini O'zing yarlaqagaysan'» — deb duo qildilar»

Ibod ibn Tamim rivoyat qiladilar: «Harra kuni odamlar Abdulloh ibn Hanzalaga bay'at qildilar, shunda Abdulloh ibn Zayd ibn Osim Nechun odamlar Ibn Hanzalaga bay'at qilayotirlar?» — deb so'radi Odamlar «Ulimga» — deyishdi. Ibn Zayd Men Janob Rasulullohga shunday deb bayat qilganman, endi hech kimga bundan deb bay'at qilmagaiman'» — dedi. U Janob Rasululloh birlan birga Hudaibiyada qatnashgan erdi.

Daraxt tagida bay'at qilganlardan bo'lmish Salama ibn al-Akva' «Biz Payg'ambar alayhissalom birlan birga juma namozini o'qib uy-uyimizga tarqab ketar erdik. Usha vaqtlarda kunning nihoyatda . tikligidan devorlarning soyasi bo'lmas, o'zimizni soyaga lolmas erdik», — deydilar.

Yazid ibn Abu Ubayd rivoyat qiladilar: «Men Salama ibn al-Akva'dan «Hudaybiya kuni Janob Rasulullohga nima uchun bay'at qildingizlar» — deb so'radim. U kishi menga «Ulimga», — deb javob berdilar».

Musayyab ibn Rofi' bunday deydilar: «Men Barro ibn Ozibga duch kelib, u kishiga «Baraka topingiz, Janob Rasulullohga sahobiy bo'ldingiz, daraxt tagida u kishiga bay'at

qildingiz » — dedim Shunda Barro «Ey jiyanim, Janob Rasulullohdan so'ng qanday fitnalar sodir bo'lganidan siz bexabarsiz» — dedilar»

Abu Qiloba rivoyat qiladilar «Sobit ibn Zahhokning uzi aytishicha, u ham Janob Rasulullohga daraxt tagida bay'at qilganlardan erkan».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deydilar «Olloh taoloning «Inno fatahno laka fathan mubiyannan'», ya'ni «Darhaqiqat, biz sizga ulug' bir fathni muyassar qildik » degan so'zidagi fath (g'alaba) Hudaybiyada muyassar buldi. Bu oyat nozil bo'lganda sahobalar «Muborak bo'lsin Muborak bo'lsin! Olloh taolo bizga yana ne va'da qildi?» — deyishdi. Shunda Olloh taolo «Mo'minlar birlan mo'minalarni tagidan anhorlar oqib turadigan jannatlarga kiritadi!» degan oyatni nozil qildi».

Sho'ba bunday deydilar: «Men Kufaga kelib: «Bu hadisning barchasini Qatoda rivoyat qilganlar»,— dedim. Keyin, qaytib kelib Qatodaga aytganimda, u kishi: «Inno fatahnoni Anas ibn Molikdan, «Haniy'an, mariy'an»ni Ikrimadan eshitganman»,— dedilar».

Majza'a ibn Zohir al-Aslamiy daraxt tagida bay'at qilganlardan bo'lmish otalaridan naql qilib bunday deydilar: «Men eshak go'shti solib pishirilayotgan qozon tagiga o't qalayotgan erdim. Shu payt Janob Rasulullohning jarchilari: «Janob Rasulullox eshak go'shtini sizlarga man' etdilar!» — deb qichqirib qoldi».

Majza'a daraxt tagida bay'at qilganlardan bo'lmish Aslam qabilasiga mansub bir sahoba haqida so'zlab: «Uning otasi Ahbon ibn Avsning tizzasi og'rir erdi, har vaqt sajda qilayotganida tizzasi ostiga yostiq qo'yib olar erdi»,— deydilar.

Daraxt tagida bay'at qilganlardan biri Suvayd ibn Nu'mon: «Janob Rasululloh va ul zotning ashoblariga talqon keltirildi, uni og'izlariga solib shimib o'ltirishdi», — deydilar.

Abu Jamra bunday deydilar- «Men Janob Rasulullohning Bay'aturrizvonda qatnashgan ashoblaridan bo'lmish Oiz ibn Amrdan: «Kechaning boshida vitr o'qigan odam sahar paytida ham vitr o'qisa, bo'ladimi?» — deb so'raganimda, u kishi: «Agar kechaning boshida vitr o'qigan bo'lsang, oxirida vitr o'qima» —dedilar».

Zayd ibn Aslam otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarlaridan birida yo'lda ketayotgan erdilar. Umar ibn al-Xattob Janob Rasulullohdan bir narsa haqida so'radilar, ul zot javob bermadilar, ikkinchi marta so'radilar, yana javob bermadilar, uchinchi marta so'radilar, yana javob bermadilar. Hazrat Umar bunday deydilar: «Men o'zimga o'zim: «Onang seni yo'qotib qo'ygur, ey Umar! Sen surbetlik birlan uch marta Janob Rasulullohdan so'rating, u kishi javob bermadi-lar»,— deb tuyamni tezlatib, sahobalarning oldiga o'tdim, mening haqimda oyat nozil bo'lib qolmasa erdi, deb qo'rqdim. Shu payt meni bir kishi qattiq ovoz birlan chaqirib qoldi. Shunda. «Mening haqimda oyat nozil bo'lib qolmasa erdi, deb aytmabmi erdim!»— dedim-da, Janob Rasulullohning yonlariga kelib, u kishiga salom berdim. Janob Rasululloh menga: «Bu kecha menga bir sura nozil bo'ldi,,u quyosh yoritib turgan mana shu dunyodan menga mahbubroqdur!»— dedilar Keyin, «Inno fatahno laka fathan mubiyannan!» deb qiroat qildilar».

Misvar ibn Maxrama va Marvon ibn Hakamdap naql qilinadi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hudaybiya yili ashoblaridan bir ming qanchayam kishi birlan birga yo'lga chiqdilar. Zulhulayfa degan joyga kelganda qurbonlikka atalgan tualari bo'yniga nishon osib, keyin o'rkachidan qon chiqardilar va umraga ehrom bog'ladi-lar. Oldinga ayg'oqchi yuborib, o'zlari boshqalar birlan birga yo'lda davom etdilar. G'adiyr ul-Ashtotga yetganlarida josus qaytib kelib: «Quraysh sizga qarshi odam to'playotir, turli qabilalardan ko'plab kishilar yig'ilayotir, ular siz birlan urishib, sizni Baytullohga kiritmoqchi ermaslar»,— dedi. Janob Rasululloh: «Ey odamlar. menga yo'l ko'rsatingizlar! Mening Baytullohga kirishimga to'sqinlik qiladiganlarning xotinu bola-chaqalarini qo'lga olsam, nima deysizlar? Agar ular yaxshilikcha taslim bo'lib oldimizga kelsalar, xo'b-xo'b, basharti kelmay dushmanchilik qilsalar, unda Oллоh taolo allaqachonlar mushriklardan ko'z yumgan (yuz o'girgan) bo'lib, biz ularni xonavayron qilib ketgaymiz!» — dedilar. Shunda Abu Bakr Siddiq: «Ey Oллоhning rasuli, mana shu Baytullohni tavof qilmoq niyatidagina yo'lga chiqqansiz, ularning birortasini o'ldirish yoki birortasi birlan urushish uchun chiqmagansiz, shuning uchun Ka'baga qarab yuraveringiz, agar bizni Ka'baga ko'ymasalar, unda urishaveramiz!»— dedilar. Janob Rasululloh (maslahatga ko'nib): «Oллоh taolo ismini aytib, ildam yuraveringizlar!» —deb amr qildilar».

Misvar ibn Maxrama va Marvon ibn Hakamlar «Hudaybiya umrasi» vaktida bo'lgan voqealardan yana birini rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan Suhayl ibn Amr o'rtasida ma'lum muddatli sulh tuzilganda, Suhayl «Biz tarafdin biror kishi siz tomonga qochib o'qa, agar u musulmon bo'lsa ham, bizga qaytarasiz, biz u qochoq birlan o'zimiz gaplashib olamiz, siz aralashmaysiz» degan shartni qo'ydi. Janob Rasululloh e'tiroz bildirganlarida, Suhayl: «Shunga rozi bo'lsangiz, mayli, bo'lmasa yo'q!» — dedi. Ul zot darg'azab bo'ldilar, shartni yumshatishga ko'p urindilar. Lekin, Suhayl shartni yumshatishdan bosh tortgandan so'ng, Janob Rasulullohning sulhni imzolashdan boshqa ilojlari qolmadi. Endigina imzolangan shartnomaga binoan Janob 'Rasululloh Abu Jandal ibn Suhaylni darhol otasi Suhayl ibn Amrga topshirdilar. Janob Rasululloh o'sha shartlashilgan muddat davomida mushriklar tomonidan o'zlari tarafga o'tib kelgan har Qanday erkakni, musulmon bo'lsa-da, orqasiga qaytarib yubordilar. Keyin, mo'mina ayollar hijrat qilib kelib qolishdi. Ular birlan Uqba ibn Abu Mu'aytning Ummu Gulsum ismli qizi ham Janob Rasulullohning huzurlariga kelgan bo'lib, u bo'yi yetgan, lekin erga chiqmagan qiz erdi. Uning qarindoshlari Janob Rasulullohning qoshlariga kelib, uni qaytarib berishni talab qilishdi, shu vaqtda mo'mina ayollar haqida Oллоh taolo oyat nozil qilib qoldi».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hijrat qilib kelgan mo'mina ayollarni ular xususida nozil bo'lgan «Ey Muhammad, agar qoshingizga mo'mina ayollar kelsalar, sizga bay'at qiladilar» degan oyatga binoan imtihon qilib ko'rur erdilar».

Nofi' bunday deydilar: «Abdulloh ibn Umar fitna sodir bo'lgan kunlari umraga ehrom bog'lab chiqib: «Agar Baytullohga kiritmasalar, Janob Rasululloh kilgan ishlarini qilamiz!» — dedi. Shuning uchun ham Abdulloh Janob Rasululloh Hudaybiyada qilganlaridek umraga talbiya aytib chiqdi».

«Ibn Umar,— deydilar Nofi',— baland ovoz birlan umraga talbiya aytib chikdi-da: «Agar men birlan Ka'ba o'rtasida (kofirlar) turib olishsa, Hudaybiyada Quraysh yo'lni to'sganda

Janob Rasululloh ne qilgan bo'lsalar, men ham shunday qilaman!» — dedi, keyin «Batahqiq, sizlar uchun Rasulullohda yaxshi ibrat mavjud» degan oyati karimani o'qidi».

Ubaydulloh ibn Abdulloh va Solim ibn Abdulloh otalari Abdulloh ibn Umarga: «Agar bu yil ham haj qilsangiz, qo'rqamizki, Baytullohga yetolmay qolasiz, chunki mushriklar yo'lni to'sib qo'yishlari mumkin»,— deyishdi. Shunda Abdulloh ibn Umar: «Biz Janob Rasululloh birlan birga umra qilgani chiqqan erdik, Quraysh kofirlari Baytullohning yo'lini to'sib qo'ydi. Janob Rasululloh darhol jonliqni so'ydilar, sochlarini oldirdilar, ashoblari ham sochlarini qisqartirishdi. Sizlar guvoh bo'lingizlar, men ham umrani niyat qildim. Agar yo'l ochiq bo'lsa, Ka'bani tavof qilaman, basharti to'siq bo'lsa, unda Janob Rasululloh ne qilgan bo'lsalar, shuni qilaman!» — dedi. Keyin, biroz yo'l yurgach: «Haj birlan umrani ado etmoqni zimmamga oldim, sizlar guvoh bo'lingizlar!» — dedi. Abdulloh ibn Umar Ka'bani bir bor tavof qilib, Safo va Marvada bir bor sa'y qilgach, birvarakayiga ham haj, ham umradan qutilib, ehromdan chiqdi».

Nofi' rivoyat qiladilar: «Odamlar: «Abdulloh ibn Umar otasi Umardan oldin musulmon bo'lgan»,— deyishadir, aslida unday ermas. Voqea bunday bo'lgan erdi: Hazrat Umar Hudaybiya kuni Abdullohni «Otimni olib kel!» deb bir ansoriyning uyiga yubordilar, «Otimni olib kelsa, minib urushga chiqaman» deb erdilar. Bu vaqtda Janob Rasululloh bir daraxt ostida sahobalarni o'zlariga bay'at qildirayotgan, Hazrat Umar ersalar bundan bexabar erdilar. Abdulloh dastavval Janob Rasulullohga bay'at qilib, keyin otni olib kelgani bordi. Otni Hazrat Umarga olib kelganda, u kishi sovut kiyib, jangga tayyor bo'lib turgan erdilar. Abdulloh otasiga bay'at haqida xabar bergandan keyin, Hazrat Umar ham o'g'illari birlan birga borib, Janob Rasulullohga bay'at qilib keldilar. Odamlarning «Umarning o'g'li otasidan avval islomga kirgan» deyishining sababi shudir».

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Hudaybiya kuni odamlar Janob Rasululloh birlan birga daraxtlarning soyasida dam olishayotgan erdi. Birdan, hammalari ul zotni qurshab olishdi. Shunda Hazrat Umar: «Ey Abdulloh, qarachi, ne bo'ldi erkan, odamlar Janob Rasulullohni qurshab olishibdi?» — dedilar. Abdulloh borib qarasa, odamlar Janob Rasulullohga bay'at qilayotirlar, shunda u ham bay'at qilib, keyin Hazrat Umarga kelib bu haqda aytdi, Hazrat Umar ham borib, bay'at qildilar».

Abdulloh ibn Abu Avfo: «Biz Janob Rasululloh birlan birga umrada erdik. Shunda Ka'bani tavof qildilar, biz ham tavof qildik, namoz o'qidilar, biz ham birga namoz o'qidik, Safo birlan Marva o'rtasida sa'y qildilar, biz ersak Janob Rasulullohni zarar yetkazmasin, deb Makka ahlidan to'sib yurdik»,— deyilar.

Abu Voil rivoyat qiladilar: «Sahl ibn Hunayf Siffin voq easidan qaytib kelganda biz undan xabar olgani bordik. Shunda u: «(Diyningiz xususida) noto'g'ri fikr yuritmangiz! Men Abu Jandal kuni shunday ahvolga tushgan erdimki, hatto qo'limdan kelsa, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning amrlariga ham itoat qilmagan bo'lur erdim. Biz (o'shanda) qilichlarimizni, bizni quyushqondan chiqarsin, deb ermas, balki bu fitnaning oldini olib, bizni o'zimiz bilgan osonroq ishga (ya'ni, kelishuvga) erishtirsin, degan maqsaddagina bo'ynimizga osib chiqqan erdik. (Afsuski), bir fitnani tugatdik degunimizcha, ikkinchi fitna sodir bo'lardi, hatto biz ne qilmog'imizni bilolmay qoldik»,— dedi».

Ka'b ibn Ujra bunday deydi: «Hudaybiya kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam

tepamga keldilar, shunda boshimdagi bitlar yuzimga o'rmalab tushayotgan erdi. Boshingdagi jonivorlar seni qiynayotirmi?» — deb so'radilar. «Ha», — deganimdan keyin: «Unday ersa sochingni oldirgin-da, uch kun ro'za tutgin yoki olti miskinni to'ydirgin yohud bir qo'yni qurbonlik qilgin!» — deb buyurdilar». Ayyub: «Ka'b bulardan qaysi birini ado etdi, bilmayman», — deydilar.

Ka'b ibn Ujra bunday deydilar: «Biz Hudaybiyada Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga erdik, mushriklar yo'limizni to'sib qo'ygan erdi. Mening sochim uzun bo'lib, bitlar yuzimga o'rmalab tushayotgan erdi. Shu asnoda Janob Rasululloh yonimdan o'tib ketayotib: «Boshingdagi jonivorlar seni qiynayotirmi?» — dedilar. Men: «Ha», — dedim. «(Bu xususda quyidagi) oyati karima nozil bo'lgan», — dedilar: «Birortangiz kasal bo'lib, (hajga borolmasangiz) yoki boshingizda sizga ozor yetkazadigan narsalar bo'lsa, fidya (jarima) tariqasida ro'za tutingiz yoki sadaqa beringiz yohud qurbonlik qilingiz!».

38-bob. Ukl va Urayna qissasi

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladshar: «Ukl va Urayna qabilasidan bir necha kishilar Madinaga, Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, kalima keltirib musulmon bo'lishgach: «Ey Ollohning rasuli, biz chorva ahlimiz, dehqon emasmiz!» — deyishdi. Ular Madina havosi yoqmay, xastlanib qolishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularga cho'ponlar oldiga borib, tuya suti va siydigidan ichib davolanishni buyurdilar. Ular Madinadan chiqib, Harra tomonga bordilar, u yerda sihat topib, semirib ketdilar. Keyin, islomdan qaytib, kofir bo'ldilar, Janob Rasulullohning cho'ponlarini o'ldirib, tuyalarni haydab ketdilar. Bularning qilmishi Janob Rasulullohga ma'lum bo'lgach, ularning ketidan odam jo'natdilar. Xiyonatchilar tutib keltirildi, keyin ularning ko'zlarini o'yib, qo'lu oyoqlarini kesib, cho'lning bir chetiga tashlab qo'ydilar, shu holda o'lib ketishdi». Qatoda raziyallohu anhu: «Bizga yetib kelgan xabarga ko'ra, Janob Rasululloh shu voqeadan keyin, sadaqa qilmoqqa chorlab, qo'l-oyoqni kesish, ko'zni o'yishdan qaytaribdilar», — deydilar.

Abu Qilobaning xizmatkorlari Abu Rajodan nakl kilinadiki, u kishi Abu Qiloba birlan birga Shomda bo'lganida, Xalifa Umar ibn Abdulaziz bir kuni odamlardan: «Qasomat to'g'risida nima deysizlar?» — deb maslahat so'rabdi. (Qasomat — qasam ichirish, ya'ni o'ldirilgan kishining yaqinlari o'ch olish o'rniga xun talab qilsa, «Xun to'lasangizlar, kifoya, o'ch olmaymiz» deb ularga qasam ichiriladi). Shunda ulamolar bir ovozdan: «Janob Rasululloh ham, sizdan ilgarigi Xulafoi Roshidinlar ham shunday deb hukm qilganlar», — deyishdi. Abu Qiloba xalifaning taxti orqasida turgan erdi, Anbasa ibn Sa'id unga: «Uraynaliklar haqida Anas rivoyat qilgan hadisning aslini kimdan eshitgansizlar?» — dedi. Shunda Abu Qiloba: «Menga uni Anas ibn Molik rivoyat qilib bergan», — dedi. Keyin, Abdulaziz ibn Suhayb Anasdan naql qilib Urayna haqida, Abu Qiloba ersa Anasdan naql qilib Ukl haqida mufassal hikoya qilib berdi».

39-bob. Zotu Qarad (Qurad) g'azoti

Bu gazotda Janob Rasulullohning tuyalarini haydab ketishgan erdi. Salama ibn al-Akva' bunday deydilar: «Men bomdod namoziga azon aytilishidan oldin tashqariga chiqdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tuyalari Zotu Qaradda o'tlab yurardi. Menga Abdurrahmon ibn Avfning xizmatkori yo'liqib: «Janob Rasulullohning tuyalari tortib olindi», — dedi. Men: «Kim tortib oldi?» — deb so'radim.

"G'atafon qabilasi kishilari»,— dedi. Men o'g'irlik sodir bo'lganini bildirib uch bor qattiq baqirdim, shunda Madinaning ikki dashti oralig'idagilarning barchasi ovozimni eshitibdi. Men tezda chopib borib, podani suvdan olib o'tayotganlarida ularga yetib oldim. Mergan erdim, ularga nayza otayotib: «Men Akva'ning o'g'liman, bugun yaramaslarning halok bo'ladirgan kunidir!» — dedim. So'ng, qaroqchilarni o'ldirib, tuyalarni qutqarib oldim hamda jasadlaridan o'ttizta choponni yechib ham oldim. Janob Rasululloh odamlar bilan yetib keldilar, men ul zotga: «Ey Oллоhning rasuli! Bular qattiq chanqagan erkan, suv ichgani qo'ymadim, ularni hozir olib boraman»,— dedim.

Janob Rasululloh: «Ey Akva'ning o'g'li! Sen ularni egallading, endi ularning mushkilini yengillashtirgin!» — dedilar». (Bu so'zlar dushmanning halok bo'lganiga bir ishora bo'lib, Janob Rasululloh Salama ibn al-Akva'ga o'zlarining quvonchlarini izhor qilyaptilar, yolg'iz o'zi tuyalarni qutqargani uchun «egasisan» deb tashakkur aytyaptilar).

Salama ibn al-Akva': «Keyin, Janob Rasululloh meni o'z tuyalariga mingashtirib oldilar, izimizga qaytib Madinaga kirib keldik»,— deydilar.

40-bob. Xaybar g'azoti

Suvayd ibn Nu'mon bunday deydilar: «Biz Xaybar yaqinidagi Sahbo degan joyga yetganimizda Janob Rasululloh asr o'qidilar, keyin taom keltirishni buyurib erdilar, faqat talqon keltirishdi, uni suv bilan ho'llab yedilar biz ham yedik. Keiin, o'rinlaridan turib shom o'qimoq uchun og'iz chayqadilar biz ham og'iz chayqadik, so'ng tahorat olmay shom o'qimoqqa tutindilar»

Salama ibn al-Akva' rivoyat qiladilar «Biz Payg'ambar alayhissalom bilan birga Xaybarga chiqdik, kechasi yo'l yurdik Qavm ichidan bir kishi Omirga «Ey Omir, g'azallaringdan bizga aytib bermaysanmi!»—dedi Omir shoir bo'lib odamlarga bunday deb she'r o'qiy boshladi «Gar o'zing hidoyat qilmasang rabbim, Saxovat ibodatni bilmasdi qalbim Kechirgil, dilga sol xotirjamlikni, Tirik bormiz, senga jon fido doim. Nido qilsalar, biz hamisha tayyor, Motonat ato et bizga ey tangrim' Kofirlar maydonda panoh qidirur, Bizga panoh berur Ollohu karim'»

Janob Rasululloh: «Bu g'azalni aytgan kim?» — dedilar. Omir ibn al-Akva', deb javob berishdi. Janob Rasululloh «Oллоh taolo Omirni rahmat qilsin!» — deb duo qildilar. Shunda bir kishi: Yo Rasulalloh, duoningiz sharofati bilan Omirga (jannat) vojib bo'ldi, koshki erdi bizga ham shuni tilasantiz »—dedi So'ng, biz Xaybarga kelib, uni qamal qildik. Bizni ochlik qattiq qiynardi. Xayriyatki, Oллоh taolo inoyat qilib Xaybar fath qilindi. Shu kuni kechqurun juda ko'p olov yoqildi. Janob Rasululloh «Anavi olovlar nechun yeqildi?» deb so'radilar Odamlar «Go'sht pishirmoq uchun yoqildi , deyishdi. Janob Rasululloh «Qandai go'shtni » - deb so'ragan erdilar, «Xonaki eshak go'shtini», — deb javob berishdi. Jaib Rasululloh «Qozonlarni ag'darib, sindirib tashlangiz» — dedilar Bir odam «Qozonlarni ag'darib, so'ng yuvsak bulmaydimi?» — deb so'radi. Janob Rasululloh «Yoki shundai qilingizlar»— deb qozonlarni yuvib pok qilishga ijozat berdilar.

Qavm saflanganda Omir bir yahudiining boldirini mo'l qilich soldi, lekin qilichi kaltaligidan tig'i o'zining tizza kuziga tegib, shu bilan uldi. Janob Rasululloh (jangdan so'ng) meni ko'rib qo'limdan tutgan holda «Senga ne bo'ldi »—dedilar. Men: «Ota-onam sizga fido bo'lsin, odamlar «Omiring butun amali habata bo'ldi»,— deyishyapti , — dedim. Janob

Rasululloh «Kimki shunday degan ersa bekor aytibdi! Omirga bu o'limda ikki ajr bor, (Rasululloh ikki barmoqlarini jam' qilib ko'rsatdilar) u haqiqiy mujohidlarcha jihod qildi, bunday xislatli odam arablar orasida kamdir»- dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat kilidilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybarga kechasi keldilar. Ul zotning odati shariflari shunday erdiki, biror qavmning ustiga kechasi bostirib kelsalar, g'orat qilmay, tong otguncha kutardilar. Bu safar ham shunday qildilar. Tong otganda yahudiylar zambilu ketmonlarini ko'tarib ekinzorlariga chiqdi, birdan Janob Rasulullohni ko'rib qolib «Xudo haqqi ana Muhammad, ana Muhammad, ana lashkar!»—deb baqira boshladi. Janob Rasululloh «Xaybar xarob bo'ldi, biz biror qavmning yeriga kelib tushsak, qo'rqqanidan bir-birini ogohlantiruvchilarning tongi omadsiz bo'lur'» —dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat kiladilar «Biz Xaybarda tongni qarshiladik Xaybar ahli ekinzorlariga chiqib, Payg'ambar alayhissalomni ko'rishlari bilan oq «Ana Muhammad, ana Muhammad, ana lashkar'» — deya sarosimaga tushishdi. Janob Rasululloh «Ollohu akbar' Xaybar xarob buldi, biz biror qavmning yeriga kelib tushsak dahshatga tushib bir-birini ogohlantiruvchilarning tonggi omadsiz bo'lur»— dedilar. Keiin biz eshak go'shtini pishirayotgan erdik, ul zotning jarchilari «Olloh taolo va uning rasuli eshak go'shtini harom qilgandir, chunki u iflosdur'» — dedi».

Anas ibi Molik bunday deydilar «Bir kishi kelib «Men eshak go'shti yedim»,— dedi Janob Rasululloh indamdilar. Ikkinchi bir odam kelib u ham «Men eshak gUshti yedim»,— dedi, Janob Rasululloh unga ham iidamadilar. Uchinchi odam kelib «Men eshak go'shtini tashlab yubor-dim»,— dedi Shundan keyin, Janob Rasululloh jarchiga buyurdilar VA odamlarga «Olloh taolo va uning rasuli sizlarni eshak gushti yeyishdan qaytaradi!» — deb e'lon qildi. Eshak go'shti to'la qozonlar ag'darib tashlandi».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Paig'ambar alayhissalom subh namozini g'ira-shirada Xaybarga yaqin joyda o'qidilar, keyin «Ollohu akbar! Xaybar xarob bo'ldi, biz biror qavmning yeriga kelib tushsak, daxshatdan bir-birini ogohlantiruvchilarning tonggi qayg'uli buladi» — dedilar. Tong otgach, bundan bexabar yahudiilar ko'chalarda yura boshladilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ularning urushga yaroqlisini o'ldirdilar, bola-chaqa va xotinlarini asir qildilar Asirlar orasida Safiyya ham bor bo'lib, uni Dihya al-Kalbii o'ziga cho'ri qilib oldi. Keyin uni Janob Rasulullohga xadya kildi. Ul zot uni ozod qildilar, bu unga mahr bo'ldi, keyin unga uylandilar. Abdulaziz ibn Suhayb Sobitga «Ey Abu Muhammad, sen Anasdan «Payg'ambarimiz unga qanday mahr berganlar» deb so'raganmiding?» — dedi, u shunda bosh irg'ab tasdiqladi».

Abdulaziz ibn Suhayb bunday deydilar: «Payg'ambar alaihissalom Safiyyani asir olib, keyin uni ozod qilgach, nikohlariga oldilar. Sobit Anasdan «Janob Rasululloh Safiyyaga qanday mahr berganlar?» — deb so'raganda, u kishi «Janob Rasululloh unga ozodlikni mahr qilib bergan-lar»,— deb javob berdi».

Sahl ibn Sa'd as-So'idiy rivoyat kiladilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mushriklar birlan to'qnashdilar, o'rtada qattiq jang bo'ldi. Janob Rasululloh o'z askarlarini ortga qaytarganlarida dushman ham o'z qarorgohiga qaytdi. Janob Rasulullohning askarlari ichida bir odam bor erdi, u dushmanga omonlik bermay, qaysi joyda ko'pchilikdan ajrab qolgan dushman bo'lsa, o'shani qiyrataverdi. Keyin, o'sha

odamni maqtab «Bugun jangda falonchidan ko'ra ko'proq jonbozlik ko'rsatgan kishi bulmadi!» — dsiyshdi. Shunda Janob Rasululloh «Ammo, bu odamning o'zi do'zax ahlidandur» — dedilar. Qavmdan bir kishi «Men shu odamga hamroh bo'layin-chi, nima yomonlik qilar erkan» — deb u birlan birga jangga kirdi, to'xtasa, to'xtadi, tez yursa, tez yurdi. Bir payt o'sha maqtalgan odam yarador bo'ldi, keiin og'riqqa chidamay, o'limini tezlashtirish uchun qilichining dastasini yerga qo'yib, tig'ini ko'ksiga tiradi-da, og'irligini gashlab, o'zini o'zi halok qildi. Orqasidan borgan boyagi kishi Janob Rasulullohning qoshlariga kelib «Men guvohlik berurmanki, darhaqiqat siz Ollohning rasulisiz!» — dedi. «Nima bo'ldi?» — deb so'radilar Janob Rasululloh «Siz hozirgina bir kishini ahli do'zax degan erdingiz. Bu gap ko'pchilikka malol kelgan erdi. Men Janob Rasulullohning bashoratlari hikmatini bilib olayin, deb u birlan birga jangga kirgan erdim. U yarador bo'lgach, o'limini tezlatish uchun qilichini yerga qo'yib, tig'ini ko'ksiga tiradi-da, o'zini o'zi o'ldirdi» — dedim. Shunda Janob Rasululloh «Darhaqiqat, ba'zi kishi boshqalarning ko'z oldida ahli jannatlarning amalini bajaradi, ammo o'zi ahli do'zax bo'ladi va ba'zi kishi odamlarning ko'z oldida ahli do'zaxlarning amalini bajaradi, ammo o'zi ahli jannat bo'ladi», — dedilar».

Abu Hurayra roziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz Xaybar g'azotida ishgirok qildik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlari birlan birga yurgan kishilardan biri haqida «Bu odam do'zaxiydur!» — dedilar. Lekin, o'sha odam shunday qattiq jang qildiki, a'zoi badani jarohatga to'lib ketdi. Odamlar buni kurib Janob Rasulullohning boyagi so'zlariga shubha bildirishlariga oz qoldi. Xaligi odam ersa ko'p o'tmay jarohatlari og'rig'iga chidayolmay, o'qdonidan bir o'q olib, o'zini o'zi otib o'ldirdi. Bundan qattiq ta'sirlangan odamlar «Yo Rasulalloh! Olloh taolo so'zingizni haqiqatga chiqardi, falonchi o'zini o'zi o'ldir-di», — deyishdi Janob Rasululloh «Ey Bilol, o'rningdan turgil, jannatga faqat mo'min kishigina kiradi, deb e'lon qilgil! Olloh taolo osiy bandasini ibrat qilib ham dinga madad bergay!» — dedilar».

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan. Abu Muso al-Ash'ariy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybarga g'azotga borganlarida odamlar bir vodiya kelib tushdilar-da, ovozlarini baland ko'tarib «Ollohu akbar, Ollohu akbar, lo iloha illallohu val-lohu akbar» — dedilar. Janob Rasululloh ularga «Ovozlaringizni pasaytiringizlar, sizlar bu yerda yo'q zotga yoki garangga takbir aytayotganingiz yo'q, sizlar eshituvchi, yaqin, doim o'zlaringiz birlan birga bo'lgan zotga da'vat qilyapsizlar!» — dedilar. Ushanda men Janob Rasulullohning tuyalariga mingashib olgan erdim, mening «Lo havla va lo quvvata illo billohil-aliyyil-azim!» deganimni eshitib: «Ey Abdulloh ibn Qays!» — dedilar, men «Labbayka yo Rasulalloh» — dedim. Janob Rasululloh «Men senga jannat xazinalaridan bo'lmish bir kalimani o'rgataymi» — dedilar. Men «Yo Ra-sulalloh, sizga ota-onam fido bo'lsin, albatta o'rgating!» — dedim. Shunda Janob Rasululloh «Lo havla va lo quvvata illo billohil-aliyyil-azim» dur», — dedilar».

Yazid ibn Abu Ubayd bunday deydilar «Men Salama ibn al-Akva'ning boldirida jarohat o'rnini ko'rib: «Ey Abo Muslim, bu jarohat o'rni qaerdan kelgan» — deb so'ragan erdim, u «Bu jarohatni Xaybar janggida orttirganman, o'shanda odamlar «Salama yaralanibdi», — deb gapirishgan erdi. Men Payg'ambar alayhissalomning oldilariga borgandim, jarohatimga uch marta dam urib qo'ygan zrdilar, hanuzgacha oyog'im og'rimaydi», — dedi».

Bu yerdagi hadis ham yuqoridagi hadislarini takrorlaydi.

Ibn Imron rivoyat qiladilar: «Anas ibn Molik raziyallohu anhu jum' a kuni ko'pchilik odamlarning taylason (yahudiy millatiga xos bo'lgan kiyim) kiyib olganini ko'rib (norozi ohangda) «Xrzir bular Xaybar yahudiylariga o'xshab qolibdi!»—dedi»

Salama ibn al-Akva' rivoyat qiladilar: «Hazrat Ali raziyallohu anhu Xaybar safarida Janob Rasulullohdan orqada qolgan erdilar, ko'zlari og'rir erdi. Uz-o'zlariga «Men Janob Rasulullohdan orqada qolayotirman»,— dedilar-da, tezroq yurib Rasulullohga yetib oldilar Xaybar fath qilingan kundan avvalgi kechada dam olayotgan vaqtimizda Janob Rasululloh «Ertaga bayroqni Olloh taolo va uning rasuli yaxshi ko'radirgan kishi oladi, Xaybar o'sha odamning boshchilshida fath qilinadi»,— dedilar. Shunda har birimiz «Usha odam men bo'lsam erdi!» — deb umid qildik. Lekin u Hazrat Ali erkanlar, Xaybar ertasiga u kishi boshchiligida fath qilindi»

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar kuni «Men ertaga mana shu bayroqni shunday bir odamga beramanki, Olloh taolo uning qo'li birlan Xaybarni fath qiladi, o'sha odam Ollohni va uning rasulini yaxish ko'radi Olloh va uning rasuli ham uni yahshi ko'radi» - dedilar. Odamlar «Bayroq kimga berilar erkan?» deb tun bo'yi o'ylab chiqishdi. Tong otganda hammalari Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, «Shoyad, bayroq menga berilsa!» deb umid qilishdi. Lekin, Janob Rasululloh «Ali ibn Abu Tolib qaerda?»—deb so'radilar. Odamlar «Yo Rasulalloh, ko'zlari og'riyapti»,— deyishdi Janob Rasululloh «Odam yuborib, chaqiringiz-lar!» — dedilar. Hazrat Ali kelganlaridan keyin, Janob Rasululloh u kishining ko'zlariga tupurib, haqlariga duo qildilar, Ali ko'z og'rshidan mutlaqo xalos bo'ldilar. So'ng, Janob Rasululloh Hazrati Aliga bayroqni berdilar. Hazrat Ali «Yo Rasulalloh, men yahudiilarga qarshi bizdek musulmon bo'lgunlaricha urushaveraman!»—dedilar. Janob Rasululloh «Boringiz, Xaybarning bir chekkasiga tushib, avval ularni islomga da'vat qilingiz, so'ng Olloh taolo nelarni buyurganini ularga tushuntiringiz!. Siz sababli Olloh taolo bir odamga hidoyag qilsa, sizga bu «Humrun-ni'am»dan yaxshiroqdur!»— dedilar». («Humrun-ni'am»— eng chiroili guyalardan iborat bo'lgan poda. Bunday podaga ega bo'lmoqlik arablar uchun faxr hisoblangan).

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz Xaybarga keldik. Olloh taolo inoyati birlan Xaybar qal'asi zabt etilganidan keiin, Janob Rasulullohga asira Safiyyaning go'zalligi haqida gapirishdi. U yosh kelinchak bo'lib, eri jang paytida halok bo'lgan erdi. Janob Rasululloh uni o'zlariga tanlab oldilar. So'ng, uni olib Sahbo qo'rg'oniga borganlarida iddadan chiqdi. Janob Rasululloh uni nikohlariga olib, kichik bir dasturxon yozdilar, unga xurmo yog'i aralashtirilgan taom qo'ydilar-da, menga «Atrofingdagilarni chaqir!»—dedilar. Mana shu dasturxon Safiyyaga uylanganlari uchun to'y ziyofati bo'ldi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deydilar: «Payg'ambar alayhissalom Xaybar yulida Safiyya birlan uch kun birga bo'lib, unga qo'shildilar. Safiyya ham hijob kiyish buyurilgan ayollardan erdilar. (Xijob kiyish, ya'ni barcha a'zolari berkitadigan keng libos kiyish faqat hur ayollarga buyuriladi. Safiyya ham cho'ri ermas, balki onalarimizdan hisoblanadi)».

Anas ibn Molik bunday deydilar: «Janob Rasululloh Xaybar birlan Madina o'rtasida Safiyyaga qo'shilib, uch kecha birga bo'ldilar Men musulmonlarni to'y ziyofatiga taklif

etdim. Janob Rasululloh Bilolga dasturxon yozishni buyurdilar, unga xurmo, pishloq va yog` qo`ydilar, ammo non va go`sht yo`q erdi. Musulmonlar «Safiyya Rasulullohga cho`ri bo`ldimikin yoki mo`minlarning onalaridan biri bo`ldimi-kin?. Agar Janob Rasululloh unga hijob kiydirsalar, u onalarimizdan biri, agar hijob kiydirmasalar, cho`rilari bo`ladi»,— deb o`zaro so`zlashishdi. Jo`nayotgan paytimizda tuyalarining ustiga joy tayyorlab atrofiga hijob tortdilar».

Abdulloh ibn Mugaffal raziyallohu anzu bunday deydilar. «Biz Xaybarni qamal qilib turgan erdik, bir odam yog` to`la bir meshni yerga tashladi. Men uni olish uchun yugurib borgan erdim, qaragam oldimda Janob Rasululloh turibdilar, men u kishidan uyalib ketdim».

Ibn Imron rivoyat qiladilar «Paig`ambar alayhissalom Xaybar kuni sarimsoq piyoz va eshak go`shti yeyishdan qaytardilar». Sarimsoq yeyishdan qaytarganlarini Nofi`, eshak go`shti yeyishdan qasharganlarini ersa Solim ham rivoyat qilganlar

Ali ibn Abu Tolib raziyallohu anhu bunday deydilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar kuni ayollarni mut`a qilishdan va eshak go`shti yeyishdan qaytardi-lar» (Mut`a — biror ayolni ma`lum muddatga va kelishilgan mablag` evaziga o`z nikohiga olish. Keyinchalik, buning makruhligiga fatvo berilgan bo`lib, faqat shiy`a mazhabida mavjud).

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar kuni eshak go`shti yeyishni man` qildilar»

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlanan.

Jobir ibn Abdulloh bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar kuni eshak go`shti yeyishdan qaytardilar, ammo ot go`shti yeyishga ijizat berdilar».

Ibn Abu Avfo bunday deydilar «Xaybar kuni ocharchilik bo`ldi. Bir necha qozonlarda eshak gushti qaynatilib, pishay deb qolganda Janob Rasulullohning jarchilari «Eshak go`shtidan bir tishlam ham yemangizlar, qozonlarni ag`darib to`kib tashlangizlar! —deb ovoza qildi. Shunda biz o`zimizcha « Eshak go`shtining harom qilinishi uning o`lja sifatida taqsimlanmasligida yoxud uning tezak yeyishida bo`lsa kerak» — deb taxmin qildik».

Barro va Abdulloh ibn Abu Avfo raziyallohu anhumo rivoyat qilgan hadislar ham eshak go`shti Xaybarda harom qilinganligidan dalolat beradi.

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Janob Rasululloh eshak naqliyot vositasi bo`lgani uchun go`shtini harom qildilarmi yoki haqiqatan ham go`shti harom bo`lgani uchun harom qildilarmi, buni bilolmadim».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh Xaybar kuni otliqqa ikki hissa, piyodaga bir hissa o`lja taqsim qildilar».

Jubayr ibn Mut`im rivoyat qiladilar: «Men va Usmon ibn Affon Payg`ambar alayhissalomning huzurlariga borib, u kishiga: «Siz Xaybar o`ljasidan Banu Muttalib qabilasi kishilariga berdingiz, bizni ersa unutdingiz, vaholanki biz sizga yaqinlikda ular birlan teng darajada-miz»,— dedik. Janob Rasululloh bizga: «Ha, albatta, Banu Hoshim

birlan Banu Muttalib bir narsa»,— dedilar». Jubayr: «Janob Rasululloh Banu Abdi Shams va Banu Navfal qabilalariga ham hech narsa taqsim qilmadilar»,— deydilar. (G'azotlarda tushgan o'ljaning beshdan bir qismi Baytulmolga qoldirilib, qolgani lashkar o'rtasida taqsimlangan. Baytulmol (o'sha davr davlat xazinasi)ga qoldirilgan qismidan muhtojlarga nafaqa berilgan. Janob Rasululloh o'shanda ham faqat muhtojlarga bergan erdilar).

Abu Muso al-Ash'ariy raziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz Yamanda erkanligimizda Payg'ambar alayhissalomning yo'lga chiqqanlari haqida xabar yetdi. Biz vatanimizni tark qilib Janob Rasululloh tomon jo'nadik. Men, birodarlarim Abu Burda va Abu Rahm qavmimizdan ellik ikki yoki ellik uch kishi birlan birga kemaga mindik. Kemamiz bizlarni Najoshiy podshohlik qilayotgan Habashistonga eltdi. U yerda biz Ja'far ibn Abu Tolib birlan uchrashib qoldik, u birlan birga istiqomat qilib, keyin birgalikda qaytdik. Xaybar fath qilingan kuni biz Payg'ambar alayhissalom birlan uchrashdik. Ba'zi odamlar: «Biz sizlardan oldin hijrat qilganmiz!» — deb bizni, ya'ni kema ahlini kamsitar erdi. Ushanda biz birlan birga Yamandan Asmo binti Umays ismli ayol ham kelgan bo'lib, u Habashistonga hijrat qilgan erdi. U Janob Rasululloh-ning xotinlari Hafsa raziyallohu anhoning ziyoratlariga kirganda, Hazrat Umar ham kirdilar, Asmoni ko'rib: «Kim bu ayol?» — deb so'radilar. Hafsa: «Bu ayol Asmo binti Umays» —deb javob berdilar. Umar raziyallohu anhu: «Bu habashistonlik ayolmi, bu dengiz orqali kelgan ayolmi?» — dedilar. Asmo o'zi: «Ha»,— deb javob berdi. Umar raziyallohu anhu. Biz sizlardan oldin hijrat qilganmiz, biz Janob Rasulullohga sizlardan ko'ra haqliroqmiz!»— dedilar. Asmo achchig'lanib. «Io'q, Oллоh haqi! Sizlar Janob Rasululloh birlan birga erdingizlar, ochlaringizni tuyg'azardilar, johillaringizga pandu nasihat qilardilar, biz ersak dindan uzoq bo'lgan bir yerda — Habashistonda erdik. Bizning islom yo'lga kirganimiz Oллоh taolo va uning rasuli uchundur. Oллоh taolo haqi, toki sen aytgan gapni Janob Rasulullohga aytmagunimcha, yeb-ichmagayman! Biz doim shunday gaplardan ozor chekib, xavfda yurar erdik, endi buni Janob Rasulullohga aytaman. Oллоh taolo xaqi. yolg'on qo'shmayman, qisqartmayman, bor gapni qanday bo'lsa, shundayligicha yetkazaman!—dedi-da, Rasulullohning xuzurlariga kelib, yo Rasulalloh, Umar menga bunday dedi, deb shikoyat qildi. «Sen nima deding'»— dedilar Janob Rasululloh. Asmo o'zining nima deganini aytib berdi. Janob Rasululloh: «Umar sendan va sheriklaringdan ko'ra menga haqliroq ermas, chunki Umar va uning sheriklari bir hijrat sohibidurlar, sizlar, yani kema ashoblari ersangiz ikki hijrat sohibidursizlar, ya'ni Yamandan Habashistongacha va undan Madinagacha-», -dedilar. «Abu Muso va boshqa kema ashoblari to'p-to'p bo'lib oldimga kelishib mazkur hadisni mendan so'rashardi, keyin Janob Rasulullohning ular hakida aytgan so'zlaridan shunday quvonishardiki, dunyoda ular uchun Janob Payg'ambarimizning ana shu gaplaridan ulug'roq va quvonarliroq hech narsa yo'q erdi!» — deydilar Asmo. Abu Burda: «Asmoning gapiga qaraganda Abu Muso bu hadisni qayta-qayta aytqizar erkan», — deydilar. Abu Musoning gaiiga qaraganda Payg'ambar alayhissalom bunday degan erkanlar. «Men ash'ariylar jamoasining ovozini kechasi masjidga kirib qilgan qiroatlaridan taniymai. Ularning yashaydirgan joylarini kunduzi ko'rmagan bo'lsam ham. kechasi Qur'on o'qigan ovozlaridan manzillarini bilib olaman. Ularning ichida Hakim ismli bir kishi bo'lib, u dushmanga yo'liqqanda: «- Do'stlarim ularni kutib turmog'ingizni sizlarga amr qiladilar!» — deydi». (Bu birlan Hakimning nihoyatda jur'atli ekaniga, hatto u yo'lda ketayotgan dushmanni to'xtatib, sheriklari kelguncha yakka o'zi jang boshlayverishiga ishora qilinadi).

Abu Muso rivoyat qiladilar: «Biz Xaybar fatx, etilgandan so'ng Janob Rasulullohning zieratlariga keldik. Uljalardan bizga ham taqsim qildilar. G'azotda qatnashmagan kishilarga o'ljadan nasiba bermadilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Xaybarni zabt etdik. Oltin, kumush o'lja olmadik. mol, tuya, mato' va xurmozorlarni o'lja qildik. Keyin. Janob Rasululloh birlan birga Vodiyl-Quroga keldik. Banu Zabob qabilasidan bir kishi ul zotga bir qul hadya qilgan bo'lib, ismi Mid'am erdi Mid'am Janob Rasulullohning tuyalarini yetaklab ketayotgan vaqtda daydi o'q tegib yiqildi. Hamma barobariga «Shahidlik muborak bo'lsin!» deb tabrik aytishdi. Shu payt Janob Rasululloh kelib «Yuq, aslo, Oллоh taolo haqi, bu qulning ustidagi libos Xaybarda o'lja olingan liboslardan bo'lib, biz unga taqsim vaqtda bergan ermasmiz, u buni o'g'irlab olgan. Ana shu libos uni do'zaxda kuydirgay'» — dedilar. Shunda bir kishi kovush ko'tarib kelib «Mana buni topib olgan erdim, lekin ko'rsatmagandim»,— dedi Janob Rasululloh «Unday bulsa bu kovush ham seni do'zaxda kuydirgay» - dedilar».

Zayd ibn Aslam bunday deydilar «Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu aytar erdilarki, «Agar kelajakda odamlarning hech narsasiz, faqir bo'lib qolishini o'ylamaganimda, qaysi qishloqni fath eqam uning yerlarini mujohidlarga taqsimlab bergan bo'lur erdim, xuddi Janob Rasululloh Xaybarni bo'lib berganlaridek. Lekin, men fath etilgan yerlarni vaqf qilib qoldiryapman hosilidan teng foidalansinlar deb»

Bu yerdagi hadis takroran keltirilgan.

Anbasa ibn Sa'id bunday deydilar «Abu Xurayra raziyallohu anhu Payg'ambar alayhissalomning huzurlariga kelib, Xaybar o'ljasidan nasiba bermoqlarini so'radilar. Shu yerda hozir bo'lgan Banu Sa'id ibn al-Os qabilasi kishilaridan biri: «Yo Rasulalloh, Abu Hurayraga hech narsa bermangiz!» — dedi. Shunda Abu Xurayra «Bu odam Ibn Qavqalning qotilidir»,— dedilar. Boyagi odam: «Vo ajabo, bizga tog'dan vabr (mushukka o'xshash xayvon) tutib kelibdi-da» — dedi» (Abu Hurayraning qavmlari tog'lik yerda yashagan).

Sa'id ibn al-Os bunday deb xabar bergan erkanlar. «Janob Rasululloh Abon ibn Saidni bir guruhga bosh qilib Madinadan Najd tarafga yubordilar. Xaybar fath qilingandan keyin, Abon qaytayotib Janob Rasululloh birlan uchrashdi. Ularning otlarining ayili xurmo novdasidan qilingan erdi (ot ayilining xurmo novdasidan qilinganligi ularnit kambag'alliklarini anglatadi) Abu Hurayra Janob Rasulullohga «Yo Rasulalloh, Abonga o'ljadan ulush bermangiz» - dedilar. Abon (g'azablanib) «Shu gapni sen aityapsanmi ' Ey tog'dan tushib kelgan vabr »— dedi Janob Rasululloh «Ei Abon, o'ltir!» — deb uni tinchlantirdilar, lekin ularga o'ljadan nasiba bermadilar». Sa'id ibn Amr rivoyat qiladilar: «Abon ibn Sa'id Janob Rasulullohning qoshlariga kelib u kishiga salom berdi. Uni ko'rib Abu Hurayra: «Yo Rasulalloh, bu odam Ibn Qavqalning qotili-ku'»—dedilar. Abon Abu Xurayraga (achchiqlanib): «Vo ajabo! Manavi tog'dan tushib kelgan vabrga qarangizlar! Oллоh taolo mening qo'lim birlan (shahid qilib), izzat-ikromga sazovor etgan kishi xususida menga ayb quyayotir, vaholanki parvardigor (o'shanda) mening uning quli birlan kamsitilmog'imga yo'l bermagan erdi!»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qizlari Fotima Abu Bakr Siddiqqa odam yuborib, Madina, Fadak va Xaybarda tushgan

o'ljalardan, Oллоh taolo o'z rasuliga nasiba qilib bergan mablag'lardan ul zotdan kolgan meros sifatida berilishini talab qildi. Shunda Abu Bakr «Payg'ambar alayhissalom «Biz payg'ambarlar hech kimga meros qoldirmagaymiz, bizdan keyin nima qolsa, u sadaqadur», — degan erdilar, ammo Muhammad xonadoni mana shu sadaqadan yeyaveradi. Oллоh taolo haqi, Janob Rasulullohning sadaqalari ul zotning hayotliklarida qanday tasarruf qilingan bo'lsa, men ham xuddi o'shanday tasarruf qilgayman!» dedilar-da, Fotimaga Janob Rasulullohdan qolgan narsalardan hech nima bermadilar. Fotima Abu Bakrdan qattiq ranjib bordi-keldini uzdi, bir so'z ham gapirmay olamdan o'tib ketdi, Janob Rasulullohdan so'ng olti oy yashadi, xalos. Fotima vafot etganda eri Ali yolg'iz o'zi kechasi janozasini o'qib dafn qildi, Abu Bakrga xabar ham qilmadi. Ali Fotima hayotligida odamlardan istihola qilib yurgan bo'lsa kerak, u vafot eiandan keiin ularAa Inibor bermay, Abu Bakr birlan yarashish, u kishiga ba'yat qilish imkonini qidirib qoldi, shu vaqtgacha, yani o'tgan oylar mobaynida hanuz bay'at qilmagan erdi. Shu boisdan u «Yolg'iz o'zingiz uyimga kelsangiz, yoningizda biror kishi bo'lmasa'» deb Abu Bakrga odam yubordi, chunki Umarning u kishi birlan!» birga kelishini yoqtirmagan erdi. Umar bu gapdan voqif bo'lib «Yo'q, xudo haqi, yolg'iz o'zingiz ular oldiga bormangiz!» — dedi Abu Bakr «Oллоh taolo haqi, ular menga yomonlik qilmaydilar, degan umiddaman, o'zim tanho boraveraman», — dedilar Keyin, Abu Bakr Ali huzuriga kirib bordilar, Ali kalimai shahodatni aytgandan so'ng «Albatta, biz sizning layoqatingizni, Oллоh taolo sizga ato etgan ne'matni tan olamiz, Oллоh taolo sizga in'om etgan martabaga hasad qilmaymiz, lekin siz bizga bir masala xususida zulm qildingiz, Janob Rasulullohga qarindosh bo'lganimiz uchun ul zotdan qolgan narsalardan bizga meros tegadi, deb umid qilgan erdik», — dedi Abu Bakr Siddiq ko'zlariga yosh olib «Mening jonim qilida bo'lgan zot haqi, Janob Rasululloh vasiyatlariga sodiq qolmog'im qarindoshlarimga yen bosmog'imdan afzalroqdur! Ammo, men sizlar birlan o'zim o'rtamizda tortishuvga sabab bo'lgan mol-mulkga xiyonat qilmadim, Janob Rasulullohning hayotliklarida uni qanday tasarruf qilganlarini ko'rgan bo'lsam, shunday tasarruf qildim»,— dedilar. Ali Abu Bakrga «Bay'atni peshin vaqtiga ta'yin qilurmisiz?»—dedi. Abu Bakr peshinni o'qigach, minbarga chiqib, kalimai shahodat aytdilar, so'ng Ali haqida so'zlab, uning hanuzgacha bay'at qilmaganligini, uning shul xususda aytgan uzrini qabul qilganliklarini ma'lum qildilar. Ali shahodat keltirib, istig'for aytdi va Hazrat Abu Bakrning adolatli erkanliklarini maqtadi, keyin Abu Bakrga hasad qilmayotgani, Oллоh taolo u kishiga ato etgan martaba haqlig' erkanligi haqida gapirdi So'ng «Bizga meros berilishi kerak, Abu Bakr ersalar zulm qilyaptilar, deb hisoblab yurgan erdik, qarasak nohaq erkanmiz» — dedi. Bu gapni eshitgach, musulmonlar xushnud bo'lishib. «Haq gapni aytding!» — deyishdi. Musulmonlar Ali amri ma'ruf qilayotganda o'zlarini unga yaqin his etdilar».

Oisha onamiz. «Xaybar fath qilinganda «Endi xurmoga to'yar erkanmiz-da!» deb quvonganmiz»,— deydilar.

Ibn Umar. «Xaybarni fath etmagunimizcha xurmoga to'ygan erasmiz»,— deydilar.

41-bob Payg'ambar alayhissalomning Xaybar ahliga omil ta'yin qilganlari haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhudan naql qilinadi: « Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybarga bir odamni omil qilib ta'yinladilar. Usha kishi Janob Rasulullohga nuqul saralangan xurmo olib keldi. Janob Rasululloh u odamdan «Xaybarning hamma xurmosi shunday sarxil erkanmi?»—deb so'radilar. U odam: «Yo'q, yo Rasulalloh! Biz ikki-uch so

yomon xurmo o`rniga bir so' yaxshi xurmo olurmiz»,— dedi. Janob Rasululloh: «Unday qilmangizlar, yomon xurmoni olingiz-da, sotib puliga yaxshisini xarid qilingizlar!»— dedilar».

Abu Sa'id va Abu Hurayra rivoyat qilurlarki, Paygambar alayhissalom Banu Adiyning akasini Xaybar ahliga omil qilib jo`natibdilar.

42-bob Janob Rasulullohning ahli Xaybarga qilgan muomalalari haqida

Abdullohdan naql kilinadiki, Janob Rasululloh olingan hosilning qoq yarmini topshirish sharti bilan yahudiylarga Xaybar yerlarida dexqonchilik qilib, ekin zkishga ijozat beribdilar.

43-bob. Janob Rasulullohga Xaybarda zaharlangan qo`y berishgani haqida

Abu Hurayra aytadilarki, Xaybar fath qilingandan keyin, Janob Rasulullohga (yahudiylar) go`shti zaharlangan bir qo`ini hadya qiliishbdi.

Abdulloh ibn Dinor rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Usoma ibn Zayd ibn Horisani bir qavmga amir qilib tayinladilar. Ba`zi bir odamlar uning amir qilinganiga e`tiroz bildirdi. Shunda Janob Rasululloh «Gar uning amir bo`lganiga e`tiroz bildirursiz, demak bundan ilgari uning otasi amir bulganiga xam e`tiroz bildirursiz. Oллоh taolo haqi gar u amir qilinmoqqa munosib ko`rilgan erkan, demak u mening uchun eng mahbub kishidir va bundan keyin ham shunday bo`lib qolgay!» — dedilar».

45-bob. Qazo (bo`lgan) umra haqida

Barro raziyallohu anhu bunday deydilar: «Janob Rasululloh Zulqa`da oyida umra qilish uchun Makkaga jo`nadilar. Makka ahli ikki o`rtada shartnoma tuzilguncha, ul zotni Ka`baga kiritishdan bosh tortdi. Shartnomaga binoan musulmonlar Makkada uch kun turib qaytib chiqib ketishlari zarur erdi. Shartnoma matni yozilgach, musulmonlar uning ostiga «Bu Oллоh taoloning rasuli Muhammadning qaroridir!» deb yozib qo`yishdi. Ammo, mushriklar «Biz sizni payg`ambar deb bilmaymiz, agar shunday deb iqror bo`lganimizda, sizga zarracha mone`lik qilmagan bo`lur erdik, siz paig`ambar ermas, balki Abdullohning o`g`li Muhammadsiz, xalos!»—deyishdi. Janob Rasululloh «Men Oллоh taoloning rasuli hamda Abdullohning o`g`li Muhammaddurman!» — dedilar. Keyin, Hazrat Aliga «Oллоh taoloning rasuli» degan so`zlarni o`chirib tashlagil!»—dedilar. Hazrat Ali «Xudo haqi, aslo o`chirmayman!» — dedilar Janob Rasululloh shartnomani o`zlari qo`llariga olib, yaxshi yozishni bilmasalar-da, «Muhammad ibn Abdulloh bunday deb qaror qiladi: qiniga solingan qilich birlangina Makkaga kiriladi, agar Makka ahlidan biror kishi ergashsa, uni o`zi birlan birga olib chiqib ketmaydi, biror sahobiysi Makkada qolmoqni xohlasa, unga mone`lik qilmaydi» deb yozib qo`ydilar. Janob Rasululloh Makkaga kirib, uch kun muhlat o`tgach, mushriklar Hazrat Aliga kelib: «Sohibingga ayt, uch kun muhlat tugadi, bizni tark zqin!» — deyishdi. Janob Rasululloh Makkadan chiqib ketayotganlarida Hamzaning qizi «Ey amaki, ey amaki!» deb ul zotga ergashdi. Hazrat Ali qizning qo`lidan ushlab turib Fotima alayhossalomga: «Jiyaning sen birla keta qolsin!»—dedilar. Fotima alayhossalom qizni kajavaga chiqarib oldilar. Hazrat Ali, Zayd va Ja`far uchchalalari qizni talashib tortishib qolishdi. Hazrat Ali: «Qizni men oldim, chunki u amakimning qizi!» — desalar, Ja`far: «Qiz meniki, chunki u mening

amakimning qizi, xolasi ersa mening xotinim!»—derdi. Zayd ersa: «Qiz meniki, chunki u akamning qizi!»- deb talashardi. Janob Rasululloh qizni xolasiga (ya'ni, Ja'farga) hukm qildilar, «Xola ona o'rnidadur!» -dedilar. Keyin, Hazrat Aliga: «Ikkovimiz qarindoshmiz»,— dedilar, Ja'farga ersa: «Ikkovimiz qiyofada ham, xulqda ham o'xshashmiz» — deb aytdilar, so'ng Zaydga qarab: «Sen birodarimiz va mavlomizsan», - deb qo'ydilar. Hazrat Ali ul zotdan: «Hamzaning qizini nikohingizga olmaysizmi?» — deb so'ragan erdilar, «U emishgan akamning qizidur»,— deb javob berdilar».

Ibn Umardan bunday deb naql qilinadi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam umra qilmoqqa chiqib erdilar, Quraysh kofirlari u kishi bilan Ka'ba o'rtasini to'sib qo'yishdi. Shunda Janob Rasululloh Hudaybiyada jonliqlarini so'yib, sochlarini oldirdilar. Keyin, kelgusi yili umra qilganda qiniga solingan qilichdan bo'lak qurol olib kelmaslikka, Quraysh xohlagandan ortiq turmaslikka ular birlan shartnoma tuzdilar. Kelgusi yil umraga kelganlarida Makkaga kirdilar. Shartnomaga ko'ra uch kun turganlaridan so'ng, mushriklar chiqib ketishni buyurishdi, Janob Rasululloh chiqib ketdilar».

Mujohid raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Urva ibn Zubayr birlan masjidga kirdim, Oisha raziyallohu anhonichg hujralarida Abdulloh ibn Umar o'ltirgan erkan. Urva: «Janob Rasululloh necha marta umra qilganlar?» — deb so'radi. Abdulloh: «To'rt marta, shundan biri rajab oyida»,— deb javob berdi. Shunda biz Oisha onamizning e'tiroz bildirganlarini eshitdik Urva: «Eshityapsizmi, ey mo'minlar onasi! Abu Abdurrahmon: «Janob Rasululloh to'rt bor umra qilganlar, biri rajab oyida» — deyapti»,— dedi. Oisha onamiz: «Janob Rasululloh doim u birlan birga umra qilganlar, o'zi yaxshi biladi, rajabda xech qachon umra qilgan ermaslar»—dedilar».

Ibn Abu Avfo: «Janob Rasululloh umra qilayot'an paytlarida mushrik bolalar ozor yetkazmasin, deb ul zotni himoya qilib yurar zrdik»,— deydilar.

Ibn Abbos: «Janob Rasululloh sulh tuzilgan yili Makkani tavof qilgani kelganlarida sahobalarga: «Lo'killab yuguringizlar, mushriklar kuch-quvvatingizni ko'rib qo'ysinlar!»— dedilar. Mushriklar ularni Qu'ayqi'on tog'i tomonida turib tomosha qilur erdilar»,— deydilar.

Ibn Abbos: « Payg`ambar alayhissalom Maymuna raziyallohu anhoga ehromdaliklarida uylanib, ehromdan chiqqach, qo'shilganlar. Maymuna onamiz Sarif degan joyda vafot etganlar»,— deydilar.

Ato va Mujohid: «Janob Rasululloh Maymunaga qazobo'lgan umra vaqtida uylanganlar»,- deydilar.

46-bob. Shom shaharlaridan biri bo'lmish Muta g'azoti

(Bu g'azot ham islom yo'lida qilingan katta g'azotlardan biri bo'lib, unda ko'plab musulmonlar shahid bo'lgan. Voqea bunday bo'lgan: Payg`ambar alayhissalom Busro viloyatining hukmdoriga xat yozib, al-Horis ibn Umayrni elchi qilib yuboradilar. U Mutaga kelganda shahar hokimi Sharhabil ibn Amr G'assoniy ushlab o'ldiradi. Buning xabari Janob Rasulullohga yetgach, Zayd ibn Horisa boshchiligida uch ming askarni Sharhabilga qarshi yuboradilar-da, ularga: «Agar Zaydga biror hodisa bo'lsa, Ja'far, unga ham biror hodisa bo'lsa, Abdulloh ibn Ruvoha boshliq bo'ladi. Elchimiz o'ldirilgan joygacha

boringizlar, avval ularni islomga chaqiringizlar, musulmon bo'lsalar, urushmangizlar, agar rad qilsalar, urushingizlar!» —dedilar. Musulmonlar kelayotganining xabari yetishi birlan Sharhabil ularga qarshi yuz ming, Shom podshosi Hiraql ham yuz ming qo'shin yubordi, ikki yuz ming kofirga uch ming musulmon yuzma-yuz bo'ldi. Natijada Zayd ham, Ja'far ham, Abdulloh ham halok bo'lib, musulmonlar qocha boshladilar, ularni kofirlar ta'qib qilib, ko'plarini qirib tashladi. Nihoyat, bayroqni Xolid ibn Valid qo'lga olib, tadbir birlan askarlarning o'rnini almashtirdi: o'ng qanotni chapga, chap qanotni o'ngga, ilg'or qismni orqaga, orqa qismni ilg'or o'rniga olib, dushmanga tashlandi. Kofirlar bularni tanimay musulmonlarga madad keldi, deb diliga qo'rquv tushib, qocha boshladi. Musulmonlar ularni ta'qib qilib, misli ko'rilmagan darajada katta talafot yetkazdilar, minglab kofirlar qirilib ketdi. Bu jangda ko'rsatgan katta mahorati uchun Xolid ibn Validni Janob Rasululloh «Sayfullah», ya'ni «Ollohning qilichi» deb nomladilar).

Ibn Umar raziyallohu anhu shahidlarni oralab yurib Ja'farning jasadi ustida to'xtadilar, sanab ko'rsalar, Ja'farning badanida ellikta jarohat bor erkan, lekin birontasi ham orqa tomondan urilgan ermas erdi»,— deydilar Nofi'.

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Janob Rasululloh Muta g'azotida Zayd ibn Horisani askarlarga amir etib tayinladilar—da: «Agar Zayd o'ldirilsa, o'rniga Jafar, u ham o'ldirilsa, o'rniga Abdulloh ibn Ruvoha amir bo'ladi»,— dedilar. Men ham shu g'azotda ular birlan birga erdim. Ja'farni qidirib o'liklar orasidan topdik, uning jasadida to'qsondan ortiq qilich va naizaning zarbi bor erdi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhudan nakl qilinadi: «Payg'ambar alayhissalom Zayd, Ja'far va Ibn Ruvohaga ne bo'lajagini ular o'ldirilgani haqida xabar kelmasidan burun bunday deb bashorat qildilar: «Bayroqni Zayd qo'lga oldi, shahid bo'ldi, so'ng Ja'far oldi, shahid bo'ldi, keyin ibn Ruvoha oldi, shahid bo'ldi, (shunda ikki ko'zlaridan yosh quyilib ketdi), so'ng bayroqni Ollohning qilichlaridan biri quo'lga olib erdi, musulmonlar g'alaba qozondilar».

Oisha raziyallohu anho bunday der erdilar: «Janob Rasulullohga Ibn Horisa, Ja'far va Abdulloh ibn Ruvohaning o'limi haqidagi xabar kelganda yuzlaridan xafaliklari bilinib turardi, men eshikning tirqishidan qarab turgandim. Bir odam kelib «Ey Ollohning rasuli, Ja'farning xotinlari yig'idan to'xtamayotir»,— dedi. Janob Rasululloh unga xotinlarni yig'idan to'xtatishni buyurdilar. Haligi odam qaytib kelib, ular ishidan to'xtamayotganini aйти. Uchinchi bor buyurdilar, u yana qaytib kelib, yig'idan tuxtash o'rniga badtarroq o'kirishayotganini aytdi. Janob Rasululloh darg'azab bo'lib: «Unday bo'lsa, og'ziga tuproq to'ldirgin!»—dedilar. Shunda o'sha odamni chaqirib «Burning tuproqqa ishqalgur, nima ish qilyapsan, nimaga Rasulullohning tashvishlarini kuchaytiryapsan!»—deb urishib berdim».

Omir raziyallohu anhu aytadilarki, Abdulloh ibn Umar qachon Ja'farning o'g'li Abdullohni ko'rib qolsalar, unga «Assalomu alaykum, ey ikki qanotlining o'g'li»—deb salom berardilar (Ja'far Mutada shahid bo'lganlaridan keyin, Janob Rasululloh uning jannatda maloikalar birlan uchib yurganini ko'rganlar)

Xolid ibn Valid: «Muta g'azotida mening qo'limda to'qqizta qilich sindi, faqat Yaman qilichi butun qoldi»,— deydilar.

Bu yerdagi hadis ham Xolid ibn Validdan marviy bo'lib, yuqoridagi hadisni takrorlaydi.

Nu'mon ibn Bashir bunday deydilar: «Abdulloh ibn Ruvoha kasal bo'lib hushidan ketdi, buni ko'rgan opasi Umra: «Voy ishongan tog'im, voy belimning quvvati!» — deb yig'lay boshladi. Abdulloh hushiga kelgach «Mening haqimda nima deb yig'lagan bo'lsangiz, o'sha ondayoq «Hali sen shundaymisan?!»—deb meni mulzam qilishdi»,— dedi norozi bo'lib»

Nu'mon ibn Bashir: «(Avvalgi hadisda aytilganidek) Abdulloh ibn Ruvoha kasal bo'lib hushini yo'qotganda opasi Umra yig'lagani uchun o'ziga kelgach, norozilik bildirgan erdi, shu boisdan ham Abdulloh o'lganda opasi yig'lamadi»,— deydilar

47-bob Payg'ambar alayhissalomning Juhayna qabilasi hurqalariga Usoma ibn Zaydni yuborganlari haqida

Usoma ibn Zayd bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizni Juhayna qabilasining hurqa qavmiga yubordilar, biz ularga tongda hujum qilib tor-mor qildik. Men va bir ansoriy dushmanidan birining iziga tushib, qurshab olgan paytimizda u: «Lo iloha illalloh» deb iymon keltirdi, shu ondayoq ansoriy undan qo'lini tortdi, men bo'lsam, uni nayza birlan urib o'ldirib qo'ydim. G'azotdan qaytganimizda Janob Rasulullohga bu haqda aytishib erdi, ul zot menga «Ey Usoma, «Lo iloha illalloh» degandan keyin ham o'ldirdingmi?!»—dedilar. Men «Axir, u joni shirinlik qilib shunday dedi-da!» — dedim Janob Rasululloh. «Shunday qildingmi-a'»—deb shunchalik ko'p takrorladilarki, «Usha kundan oldin musulmon bo'lmagan bo'lsam, qanday yaxshi erdi-ya» deb orzu qildim»

Salama ibn al-Akva': «Men Janob Rasululloh birlan birga yettita g'azotda qatnashdim. Ul zot o'zlari bormay, askar tayyorlab jo'natgan g'azotlarning to'qqiztasida bo'ldim. Bir safar Abu Bakr. bir safar Usoma bizga bosh bo'lardilar»,— deydilar.

Bu yerdagi hadis takroran keltirilgan.

Salama ibn al-Akv': «Payg'ambar alayhissalom birlan birga yettita g'azotda birga bo'ldim: Xaybarda, Hudaybiyada, Hunaynda, Qaradda, lekin qolganini unutdim»,— deydilar.

48-bob. Fath (Makka) g'azoti va Hotib ibn Abu Balta'aning Makka ahliga Janob Rasulullohning g'azot qilajaklari hakida xabar yuborgani

Ali raziyallohu anhu buiday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meni, Zubayrni va Miqdodni jo'nata turib: «Boringizlar, Xox degan bogga yetganingizda bir ayolni uchratasizlar, unda maktub bor, menga olib kelingizlar!» — dedilar. Biz jo'nadik, otlarimizni yeldi-rib, bogga yetib bordik, qarasak ro'paramizda bir ayol turibdi, unga: «Xatni ber!» — deb buyurdik. U: «Menda xat yo'q»,— dedi. Biz unga: «Uzing xatni topib bersang, berding, bo'lmasa kiyimlaringni yechib qidiramiz!» — deb do'q urdik. Noiloj, ayol xatni sochlari orasidan olib berdi. Biz xatni Janob Rasulullohning huzurlariga olib bordik, Xotib ibn Abu Balta'a unda makkaliklarga Janob Rasulullohning ba'zi ishlari haqida xabar yozibdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Xrtib, bu nima qilganing?!» — dedilar. Xotib bunday dedi: «Yo Rasulalloh, meni hukm qilishga shoshilmangiz! Darhaqiqat, bir vaqtlar mening Qurayshga aloqam bo'lgan, ya'ni ular

bilan do'stlashgan erdim, lekin o'zim ulardan ermasman. Siz birlan birga yurgan muhojirlarning barchasining ular orasida qarindoshlari bo'lib, u yerda qolgan mol-mulk va bola-chaqalarini himoya qiladilar. Men ersam, u yerda qarindoshim yo'q bo'lgani uchun ham, ulardan tanish orttirsam, mening ham yaqinlarimni himoya qilishsa, degan niyatda erdim, xalos. Lekin, bu ishni dindan qaytganimdan qilganim yo'q, aslo. Musulmon bo'lgach, qayta kofir bo'lmoqqa sira rozi bo'lmagayman!». Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ammo, bu sizlarga rost gapirayotir!»— dedilar. Umar raziyallohu anhu: «Yo Rasulalloh, qo'yib bering menga, bu munofiqlarning bo'ynini uzib tashlay!» — dedilar. Rasu-lulloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu Badrda ishtirok qilgan, Oллоh taolo ersa Badrda ishtirok qilgan kishilarga nisbatan o'z hukmini chiqarib qo'ygan, Oллоh taolo: «Istaganingizni qilingizlar, men sizlarni mag'firat qildim!» — degan», — dedilar. Shu asnoda Oллоh taolo quyidagi qavlini g'ozil qildi: «Ey mo'minlar, mening va o'z'laringizniig dushmanlaringizni do'st tutmangizlar! Sizlar ularga do'stona munosabatda bo'lasizlar, vaholanki ular sizlarga kelgan haq dinga ishonmay, kofir bo'lganlar. Ular payg'ambarni ham, sizlarni ham rabbingiz Oллоhga iymon Keltirganingiz uchun o'z diyoringizdan haydab chiqarayotirlar, agar sizlar meni deb va mening roziligimni istab jihodga chiqqan bo'lsalaringiz, kofirlarni do'st tutmangiz-lar! Sizlar ularni pinhona do'st tutyapsizlar. Men sizlar oshkora qilgan narsani ham. pinhon tutgan narsani ham bo'lurman. Sizlardan kim shu ishni qilgan ya'ni, kofirlar birlan do'st tutungan) bo'lsa. u to'g'ri yo'ldan adashibdi!».

49-bob Makkaning ramazon oyida fath qilingani haqida

Ibn Abbas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga ramazon oyida g'azot qilganlar», — deydilar. Ibn Musayyab ham shu mazmunda hadis rivoyat qilganlar.

Ibn Abbas «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ro'za tuttan erdilar, Kudaydga, ya'ni Qadiyd birlan Asfon o'rtasidagi ariqqa yetganda iftor qildilar. Shu bo'yi ramazon oyi tugaguncha ro'za tutmadilar», — deydilar.

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom ramazon oyida Madinadan chiqdilar, u kishi birlan birga o'n ming odam yo'lga tushdi. Bu safar Janob Rasulullohning Madinaga kelganlariga sakkiz yarim yil bo'lganda boshlandi. Janob Rasululloh va boshqa musulmonlar Makkaga qarab yurdilar, ul zot ham, boshqalar ham ro'zador erdilar. Asfon birlam Qadiyd oralig'idagi ariqqa yetib kelganlarida Janob Rasululloh og'iz ochdilar, boshqalar ham og'iz ochishdi».

Zuhriy: «Janob Rasulullohning (safari vaqtidagi ro'za xususida bergan) buyruqlaridan eng keyingisiga amal qilinadi», — deydilar. Eng keyingisi ersa quyidagi hadisda bayon qilingan:

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom ramazon oyida H,unaynga yo'lga chiqdilar. Odamlarning ba'zilari ro'zador, ba'zilari og'zi ochiq erdi. Janob Rasululloh tuyalarida o'ltirgan hollarida bir idishda sutmi, suvni so'radilar, uni tuyalari ustiga qo'yganlaridan so'ng, odamlarga qaragan erdilar, og'zi ochiqlar muddaolari-ni bilib ro'zadorlarga: «og'zingizni ochingizlar!» — deb buyurishdi».

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: Rasululloh soallallohu alayhi va sallam ramazonda safari

qildilar. Asfonga yetgunlariga qadar ro'za tutib bordilar, so'ng bir idishda suv so'rab, nahorda boshqalarga ko'rsatib chiqdilar, og'izlari ochiq holda Makkaga kirib keldilar. Ul zot sasarda ro'za ham tutardilar, og'izlarini ochib ham yurardilar. Demak, safarda kim xohlasa, ro'za tutadi, kim xohlamasa, tutmaydi».

50-bob Rasululloh, sallallohu alayhi va sallam Makka fath qilingan kuni bayroqni yerga tikkanlar?

Urva ibn Zubayr rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Fath yili Makkaga jo'nagan paytlarida, bundan xabar topgan Quraysh kattalari — Abu Sufyon ibn Xarb, Xakim ibn Xizom va Badil ibn Varqo ul zotni izlab yurib Marruzzahron degan joyga kelganda, Arafa kunidagidek ko'plab gulxan yoqib qo'yilganini ko'rishdi. Shunda Abu Sufyon. «Xuddi Arafa kunidagidek ko'plab yoqilgan bu gulxanlar qanday gulxanlar bo'ldi erkan» — dedi. Badil ibn Varqo: «Bu gulxanlar Banu Amrniki bulsa kerak», — dedi. Abu Sufyon: «Banu Amrning gulxanlari bunchalik ko'p ermas» — dedi. So'ng, ularni Janob Rasulullohning posbonlari sezib qolib, ushlarida-da, ul zotning qoshlariga olib borishdi. Shu yerda Abu Sufyon musulmon bo'ldi. U endi ketaman deb turganda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abbosga: Abu Sufyonni to'xtatib turgil, musulmonlar daradan o'tayotganda ularning (Ko'pligini) bir ko'rib qo'ysin!» — dedilar. Abbas uni to'xtatib turdi, jangovor qabilalar Janob Rasululloh boshchiliklarida uning oldidan birin-ketin o'ta boshladi. Birinchi guruh o'tganda Abu Sufyon: «Ey Abbas, bular kimlar?» — deb so'radi. Abbas «Bu G'ifor qabilasi» — dedi. Abu Sufyon «G'ifor bo'lsa, bo'lar, menga nima!» — dedi. Keyin, Juhayna qabilasi o'tdi. Ularni ko'rib ham boyagi gapni qildi. Sa'd ibn Xuzaym qabilasi o'tganda ham, Sulaym qabilasi o'tganda ham boyagi gapini takrorlad. So'ng, shunday bir harbiy qism o'tdiki, Abu Sufyon ularni ko'rib hangumang bo'lganidan: «Bular kimlar?» — deb so'radi. Abbas «Bular ansorlardur. Ularning yetakchisi Sa'd ibn Uboda qo'lida bayroq ushlab ketayotir», — dedi. Sa'd ibn Uboda ularga yaqin kelib «Ey Abu Sufyon, bugun qattiq jang bo'lib, omonlik berilmaydirgan kundir, bugun Ka'ba bizniki bo'ladirgan kundir!» — dedi. Abu Sufyon: «Ey Abbas, qanday yaxshi-ya! Bugun har kim o'zini ko'rsatib, hurmatga sazovor bo'ladirgan kun!» — dedi. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Sufyonning oldidan o'tayotganlarida, u ul zotga: «Bilasizmi, Sa'd ibn Uboda nima dedi?» — dedi. Janob Rasululloh «nima dedi» — deb so'radilar. Abu Sufyon Sa'dning nima deganini aytib berdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Sa'd noto'g'ri aytibdi, bugungi kun Oллоh taolo Ka'bani ulug'laydirgan kun, Ka'baga jild kiydiriladirgan kun!» dedilar. Keyin, Janob Rasululloh bayroqlarini tepasiga o'rnatishni buyurdilar (Xajun — Makka maqbarasiga yaqin mashhur tog')».

Jubayr ibn Mut'im bunday deydilar: «Abbosning Zubayr ibn Avvomga: «Ey Abdullohning otasi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam senga bayroqlarini o'rnatib qo'yishingni buyurdilar!» — deganlarini eshitganman. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'sha kuni Xolid ibn Validga Makkaga yuqori qismi orqali, ya'ni Kado'dan kirishni buyurdilar, o'zlari ersalar past tomondan — Kudodan kirib bordilar. Shu kuni Xolid askarlaridan ikki kishi — Xubaysh ibn al-Ash'ar va Qurz ibn Jobirlar shahid bo'ldilar».

Abdulloh ibn Mugaffal rivoyat qiladilar: «Men Rasulullohning Makka fathi kuni tuyalari ustida «Fath» surasini baland ovoz birlan o'qiganlarini ko'rdim. Keyin, ul zot: «Agar odamlar atrofimga to'planib olmaganda ovozimni Ibn Mug'affalga o'xshab yanada ko'tarur erdim!» — dedilar».

Usoma ibn Zayddan naql qilnadiki, u kishi Fath Janob Rasulullohga: «Yo Rasulalloh, ertalab qaerda tushib dam olamiz?» — debdilar. Payg`ambar alayhissalom: «Uqayl ibn Abu Tolib bizga biror manzil qoldirganmi o`zi!» — deb aytibdilar-da, keyin: «Mo`min kofirdan, kofir mo`mindan meros olmagay» — deb qo`shib qo`yibdilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhudan naql qilinaidiki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar Ollh taolo bizga zafar ato eqa, inshoalloh, Xayfda tushgaymiz!» — debdilar. Xayf — mushriklarning Janob Rasululloh Makkadan chiqarib yubormoqqa ont ichgan yeridir. Bu yerdagi hadis takroran keltirilgan.

Anas ibn Molik raziyallohu anhudan nakl kilinadiki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Fath kuni Makkaga kiribdilar, boshlarida dubulg`a bor erkan. Dubulg`ani yechib turganlarida bir odam kelib «Yo Rasulalloh, Ibn Hatol Ka`baning jildiga osilib tortayotir!»— Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Uldir uni!» deb buyurdilar». «Fikrimizcha, yana Ollh taolo biladi, Janob Raoululloh o`sha vaqtda ehromda bo`lmasalar kerak»,— deydilar Molik.

Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhudan nakl kilinadiki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Fath kuni Makkaga kiribdilar. Baytulloh atrofida uch yuz oltmishta but turgan erkan. Shunda ul zot butlarni qo`llaridagi ud yog`ochi birlan turta turib. «Haqiqat keldi, botil chekindi, haqiqat keldi, endi botil sira ham zohir bo`lmaydi va qaytmaydi!» — debdilar.

Ibn Abbos bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga kelganlarida Ka`baga kirgilari kelmadi, chunki u yerda kofirlarning ma`budalari bor erdi. Janob Rasululloh amr qildilar, hamma butlar olib chiqib tashlandi, U yerda Ibrohim birlan Ismoilning suratlari ham bor bo`lib, ularning qo`lida tarozu tasvir qilingan erdi, ular ham chiqarib tashlandi. Janob Rasululloh: «Xarob bo`lgur, mushriklar! Yaxshilik birlan yomonlikni bular o`lchamasligini o`zlari yaxshi bilgaylar»,— dedilar, keyin Baytullohga kirdilar-da, namoz o`qimay qaytib chiqdilar».

51-bob Payg`ambar alayhissalomning Makkaga uning yuqori tomonidagi yo`ldan kirganlari haqida

Abdulloh; ibn Umar raziyallohu anhudan nakl kilinadi: Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Fath kuni Makkaning yuqori tarafidan tuyaga minib kirib keldilar, tuyalariga Usoma ibn Zaydni mingashtirib olgan erdilar. Bilol va Usmon ibn Talha ersa .Janob Rasulullohni qo`riqlab kelishardi. Janob Rasululloh tuyalarini masjid oldiga cho`ktirdilar-da, Baytullohning kalidini keltirishni buyurdilar. Keyin, Baytullohga kirdilar, u kishi birlan birga Usoma, Bilol va Usmon ibn Talha ham kirishdi. Ka`ba ichida uzoq vaqt turib, so`ng qaytib chiqishdi. Keyin, u yerga odamlar kira boshladi, birinchi bo`lib Abdulloh ibn Umar kirdi, eshik ostonasida turgan Bilolni ko`rib, undan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qaerda namoz o`qidilar?» — deb so`radi. Bilol Janob Rasulullohning namoz o`qigan joylarini ko`rsatdi. Ibn Umar: «Necha rak`at namoz o`qidilar?» — deb so`rash esimdan chiqibdi»,— deydilar.

Oisha raziyallohu anho xabar beradilarki, Fath kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaning Kado` deb nomlangan yuqori tarafidan kirib kelibdilar. Bu yerdagi hadis takroran keltirilgan.

52-bob. Payg`ambar alayhissalomning Fath kuni kelib tushgan joylari haqida

Ibn Abu Laylodan nakl qilinadi: ,«Bizga bir odamning xabar berishicha, u Paygambar alayhissalomning Zuho namozini Ummu Honi`dan boshqa odamning uyida o`qiganlarini ko`ribdi. Ummu Honi`ning aytishicha ersa, Janob Rasululloh Makka fathi kuni uning uyida gusl qilib, sakkiz rak`at namoz o`qiganlar. «U kishining bunchalik yengil, ammo ruku` va sujudlari mukammal namoz o`qiganlarini ilgari ko`rmagan erdim»,— deydilar Ummu Honi`».

53-bob.

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning odati shariflari shunday erdiki, ruku` va sajdada ushbu duoni o`qirdilar: «Subhona-ka Ollohumma rabbano va bihamdika Ollohummagfirliy!» (ya`ni, «Ey Olloh, ey parvardigorimiz, biz seni barcha narsadan pok erkanligingni e`tirof qilurmiz, doim senga hamd aytish birlan mashg`ul bo`lurmiz, yo Olloh, meni mag`firat qilgil!»).

Ibn Abbos raziyallohu anhudan nahl kilinadi: «Umar raziyallohu anhu meni Badr ulug`larining suhbatiga olib kirdilar. Ba`zilar norozi bo`lib: «Nechun bu yigitni oramizga olib keldingiz, bunga o`xshagan yigitlar bizda ham bor!» — dedi. Hazrat Umar: «Bu yigit o`zlaringiz bilgan kishilar jumlasidan»,— deb javob berdilar. Bir kuni Hazrat Umar ularni ham, meni ham uylariga chaqirdilar, shunda «Meni bular birlan birgalikda uylariga chaqirishdan maqsadlari meni ularga bir «ko`rsatib qo`yish» bo`lsa kerak» deb o`yladim. Umar raziyallohu anhu «Izo joa nasrullohi val-fathu va raaytan-nosa yadxuluuna fiy diynillohi afvojan fasabbih» surasini (oxirigacha o`qib): «Uning haqida fikrlaringiz qanday?» — deb o`ltirganlarga savol tashladilar. Ba`zilar: «Olloh taolo bizga amr qildiki, agar nusrat topib fathga erishsak, unga hamd aytishimiz zarur erkan»,— deyishsa, ba`zilar: «Bilmaymiz»,— deyishdi, qolganlar ersa lom-mim demadi. Hazrat Umar menga: «Ey Ibn Abbos, siz ham shunday ma`no berasizmi?» — deb so`radilar. Men: «Yo`q»,— deb javob berdim. Hazrat Umar: «Unda siz qanday ma`no berasiz?» — dedilar. Men: «Bu Janob Rasulullohning umrlari poyoniga yetib qolganiga ishora bo`lib, Olloh taolo ul zotga: «Agar sizga Ollohdan nusrat kelib, Makka fath bo`lsa, bu umringizning poyoniga yetib qolganining alomatidir, shuning uchun Ollohga hamd aytib, uni ulug`lang, unga istig`for ayting, darhaqiqat u tavbani qabul qilguvchi zotdur!» — deb amr qildi»,— dedim. Hazrat Umar: «Buning mazmunini men ham siz kabi tushungan erdim»,— dedilar».

Abu Shurayhdan nahl qilinadiki, u kishi Makkaga askar yuborayotgan Amr ibn Sa`idga bunday debdilar: «Ey amir, menga izn beringiz, sizga bir hadisni aytib berayin, bu hadisni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makka fath bo`lganining ertasiga aytgan erdilar, men uni o`z qulog`im birlan eshitib, qalbimga joylab olgan erdim, Janob Rasululloh qay holatda so`zlaganlarini ham o`z ko`zim birlan ko`rganman. Ul zot avval Olloh taolog`a hamdu sanolar aytib, so`ng bunday degan erdilar: «Makkani Olloh taolo muqaddas qildi, odamlar emas! Olloh taolo birlan oxiratga iymon keltirgan musulmon kishining Makkada qon to`kmoqligi, uning daraxtlarini kesmoqligi halol bo`lmaydi. Agar biror kishi: «Janob Rasulullohning o`zlari Makkada urushganlar-ku?!» — deb vaj ko`rsaqa, aytinglarki «Olloh o`z payg`ambariga izn berdi, sizlarga izn bergani yo`q, unga ham bir soatgagina izn berdi, keyin Makkaning bugungi hurmati kechagi hurmatidek asliga qaytdi. Bu yerda bor kishilar bu yerda yo`qlarga gapimni yetkazsin!».

Abu Shurayhdan: «Bu hadisni aytganingizdan keyin, Amr sizga nima dedi?» — deb soʻrashdi. «Ey Abu Shurayh, men bu narsani sizdan yaxshiroq bilurman, lekin Haram gunohkorni, oʻgʻrini, had urilishidan qochgan jinoyatchini oʻz panohiga olmaydi, deb aytdilar»,— dedilar Abu Shurayh.

Jobir ibn Abdulloh; «Rasululloh Fath kuni Makkada: «Ollah va uning rasuli aroq sotishni harom qildi» — dedilar»,— deydilar.

54-bob. Paygʻambar alayxissalomning fath kunlari Makkada turganlari haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Biz Janob Rasululloh birlan birga Makkada oʻn kun turib, namozni qasr oʻqidik»,— deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Paygʻambar alayhissalom Makkada oʻn toʻqqiz kun turdilar, shunda namozni ikki rakʻatdan oʻqidilar»,— deydilar.

Bu hadisda ham Ibn Abbos Janob Rasulullohning Makkada oʻn toʻqqiz kun namozni qasr oʻqiganlarini aytib: «Biz oʻn toʻqqiz kungacha musofir boʻlsak, namozni qasr oʻqiymiz, undan oshsa, toʻla oʻqiymiz»,— deydilar.

55-bob.

Abdulloh ibn Saʻlaba: «Rasululloh Fath yili yuzimni silab qoʻyganlar, u vaqtda toʻrt yashar bola erdim»,— deydilar.

Sunayn Abu Jamilaning Zuhriyga xabar berishlaricha, u kishi Rasulullohni koʻrgan va ul zot birlan birga Makka fathida ishtirok qilgan erkanlar.

Amr ibn Salamadan nahl qilinadiki, Abu Qiloba Ayyubga: «Amrga uchrashmaysizmi, undan hadis soʻrar erdingiz!» — debdilar. Ayyub: «Men Abu Qilobaning gapi birlan Amr ibn Salamaga uchrashib, undan hadis soʻradim, Amr bunday deb rivoyat qildi»,— deydilar: «Biz koʻplab odamlar oʻtib turgan joyda, suv boʻyida turgandik, oldimizdan otliqlar oʻtib turardi. Biz ulardan: «Odamlarga ne boʻldi, anavi odam kim?» — deb soʻradik. Ular: «Bu odam «Ollah meni elchi qilib yubordi, u menga vahiy joʻnatdi» deb taʻkidlayotir»,— deyishdi. Men oʻshanda «vahiy» degan soʻzni yodlab olgandim, bu soʻz mening qalbimni mahv etayotgandek erdi. Arablar musulmonlarning islom dini tufayli Makkaning fath qilinishiga umid qilishar va: «Unga tegmangizlar, oʻz qavmi ustidan gʻolib keldimi, demak u haqiqiy paygʻambar erkan!»— deyishardi. Oradan koʻp oʻtmay, Makka fath qilindi, shunda har bir qavm musulmon boʻlishga shoshib qoldi, otam ham qavmimizni islomga kirishga shoshirdilar. Otam Janob Rasulullohning oldilaridan qaytganlaridan soʻng: «Men Ollohga qasamyod qilurmanki, haq paygʻambarning oldidan keldim, u kishi bizga mana bu vaqtda mana bunday namoz oʻqishga buyurdilar. «Agar namoz vaqti boʻlsa, bittalaringiz azon aytingiz, Qurʻonni koʻp biladiringingiz imom boʻlsin!» deb amr qildilar»,— dedilar. Keyin, namoz vaqti boʻlgach, Qurʻonni koʻproq biladiringan odamni qidirdilar, lekin mendan koʻp biladiringan odam yoʻq erkan, chunki men otliq yoʻlovchilardan koʻp eshitib yodlab olgan erdim. Meni oldinga oʻtqazib qoʻydilar, shunda men olti yoki yetti yoshda erdim, ustimda burda, yaʼni kalta kuylak bor erdi,

sajdaga borsam, orqam ochilib qolardi. Shunda mahalla ayollaridan biri: «Qorilaringizning orqasini yopib qo'ymaysizlarmi?!»—deb erdi. Keyin, mato sotib olib, menga uzun ko'ylak tikib berishgan erdi. Men benihoyat quvongan erdim».

Oisha raziyallohu anhodan naql qiladi, Utba ibn Abu Vaqqos (o'lar chog'ida) ukasi Sa'dga Zam'a (ismli) cho'risining bolasi o'z o'g'li erkanligini aytib, uni o'z tarbiyasiga olmoqni vasiyat qilibdi. Janob Rasululloh Makkani fath etmoqqa kelganlarida Sa'd bolani ul zotning huzurlariga olib kelibdi, u birlan birga Zam'aning (katta o'g'li) Abd ibn Zam'a ham kelibdi. Shunda Sa'd: «Bu bola akamning o'g'li, buni menga topshirganlar»,— dedi. Abd ibn Zam'a ersa: «Yo Rasulalloh, bu mening ukam, cho'ri Zam'aning o'g'li, otamning to'shagida tug'ilgan»,— dedi. Rasululloh Zam'aning bolasiqa qaradilar, u Utba ibn Abu Vaqqosning o'zginasi erdi. Rasululloh: «Ey Abd ibn Zam'a, bu bola sening ukang, chunki otangning to'shagida tug'ilgan»,— dedilar, keyin bolani Utba ibn Abu Vaqqosga nihoyatda o'xshashligini ko'rib: «Ey Savda, bundan yuzingni yashirgil!» — deb amr qildilar».

Ibn Shihob Oisha rchziyallohu anhodan nakl qilib: «Janob Rasululloh: «Bola to'shak sohibiniki, zinokor ersa undan mahrum qilinadi» — deb aytganlar, shunda Abu Hurayra o'zlarini tutolmay o'kirib (yig'lab) yuborganlar»,— deydilar.

Urva ibn Zubayr bunday deydilar: «Rasulullohning davrlarida, Fath g'azoti vaqtida bir ayol o'g'rilik qildi. Uning qarindoshlari Usomaning oldilariga kelishib, ayolni shafolat qilishni so'rashdi. Usoma Janob Rasulullohga shu haqida aytganlarida ul zotning yuzlari qizarib ketib: «Ollah buyurgan jazoni ado etmog'imga monelik qilayotirsanmi?!» — dedilar. Usoma darhol: «Yo Rasulalloh, meni kechiringiz!» — dedilar. Keyin, Janob Rasululloh peshin namozi vaqtida ma'ruza qilmoqqa turdilar-da, Ollah taologa hamdu sanolar aytgach, bunday dedilar: «Ammo ba'd, sizlardan ilgarigi qavmlar biror ulug'roq kishi o'g'rilik qilsa, kechirib, nochorroq o'g'rilik qilganda jazolaganlari uchun halokatga uchranganlar. Muhammadning joni qo'lida bo'lgan zotga qasam ichib aytamanki, hatto Fotima binti Muhammad ham o'g'rilik qilsa, qo'lini kesardim!» — dedilar, keyin o'g'rilik qilgan ayolni keltirishni buyurdilar. Uning qo'li kesildi, so'ng chinakam tavba qilib, turmushga chiqdi». Oisha onamiz: «Usha ayol, keyinchalik mening oldimga kelib turardi, uning hojatini men Janob Rasulullohga yetkazardim»,— deydilar.

Abu Usmonga Mujoshi' rivoyat qiladilar: «Men Makka fathidan keyin, Payg'ambar alayhissalomning oldilariga akamni olib keldim-da: «Yo Rasulalloh, men akamni hijratga bay'at qildirishingiz uchun olib keldim»,— dedim. Rasululloh: «Hijrat ahli hijrat savobini allaqachon olib ketib bo'lishdi»,— dedilar. «Bo'lmasa, nimaga bay'at qildirasiz?» — deb so'radim. Janob Rasululloh: «Men akangni islomga, iymonga, jihodga bay'ag qildiraman»,— dedilar». «Keyin, men Abu Mu'abbid (laqabi, ismi Mujolid) birlan uchrashdim, u Mujoshi'ning akasi erkan, ukasining gaplarini tasdiqladi»,— deydilar Abu Usmon.

Bu yerdagi hadis ham avvalgining o'zginasi bo'lib, oxirida: «Mujoshi'ning akasining oti Mujolid erdi» degan ibora bor.

Mujohid raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Ibn Umarga: «Shomga hijrat qilmoqchiman»,— dedim. Ibn Umar: «Hijrat tamom bo'lgan, endi jihod bor, uyga borgin-da, o'ylab ko'r, agar jihodga o'zingda qudrat sezsang, borasan, agar qudrat

sezmasang, ahdingdan qaytasan»,— dedilar».

Mujoxid raziyallhu anu: «Men hijrat to'g'risida Ibn Umarga aytgan erdim, u kishi: «Bugun (yoki Janob Rasulullohdan keyin) hijrat yo'q»— dedilar»,— deydilar.

Bu yerdagi hadis ham avvalgi ikki hadisni takrorlaydi.

Ato ibn Abu Raboh bunday deydilar: «Men Ubayd ibn Umar birlan birga Oisha onamizni ko'rgani bordim. Ubayd Oisha onamizdan hijrat haqida so'radi. Oisha onamiz: «Bugungi kunda hijrat yo'q, (ilgari) mo'minlar dinlarini fitnadan asramoq uchun Olloh taolo birlan uning rasuli panohiga olib qochar erdilar, bugun ersa Olloh taolo islomni ustuvor qildi, endi mo'min istagan joyda o'z rabbiga ibodat qila oladi. Ammo, hijrat qilganlik savobiga erishmoqni istagan kishi Olloh taolo yo'lida jihod qilmog'i mumkin»,— dedilar».

Mujohid raziyallohu anhu bunday deydilar: «Fath kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rinlaridan turib quyidagicha ma'ruza qildilar: «Albatta, Olloh taolo yeru osmonlarni yaratgan kundan boshlab Makkani muqaddas qildi. Olloh taolo muqaddas qilgani sababli bu yerda qon to'kmoq to'qiyomatgacha haromdur, bu mendan avval ham, mendan keyin ham biror kishiga halol (ruxsat) bo'lmaydi, Olloh taolo menga bir soatgina urush qilmoqqa izn berdi. Makkaning hayvonlari quvilmaydi, daraxtlari kesilmaydi, o'simliklari o'rilmaydi, bu sozandadan bo'lak kishiga man' qilinadi». Abbos ibn Abdulmuttalib: «Yo Rasulalloh, izxirni o'rmoqqa ruxsat bersangiz, chunki u uyda va soz uchun zarur narsa»,— dedi. Janob Rasululloh biroz sukut qilgach: «Izxirdan boshqasini kesmangizlar, izxirni kessangizlar, mayli!»—dedilar».

Bu yerdagi hadis takroran keltirilgan.

56-bob.

Olloh taoloning qavli: «Hunayn kuni ko'p erkanligingiz sizlarni mag'rur qilib qo'ydi, ammo sanog'ingizning ko'pligi sizlarni falokatdan qutqarib qololmadi, sizlarga keng yer tor bo'lib, orqaga qarab chekindingizlar. Keyin, Olloh taolo hotirjamlik nozil qildi... («... kechiruvchi rahimdil zotdur» degan qavligacha)».

Ismoil ibn Abu Xolid bunday deydilar: «Men Abdulloh ibn Abu Avfonning qo'llarida jarohat o'rnini ko'rdim. Shunda u kishi Janob Rasululloh birlan birga Hunayn g'azotida bo'lganlarida jarohatlanganliklarini aytdilar. «Hunaynda ishtirok qilganmisiz?»~desam, «Undan ilgari janglarda ham qatnashganman»,~dedilar.

Barro raziyallohu anhudan naql qilinadi: Bir odam u kishidan: «Sizlar Hunaynda chekinganmisizlar?» deb so'radi. Barro: «Men guvoxlik beramanki, Rasululloh chekinmaganlar, lekin lashkarning oldingi qismi ilgari ketib qolib, Havozan mushriklari ularni ota boshlagandi. Abu sufyon Janob Rasulullohning Bayzo nomli xachirlarininig jilovidan ushlab borar, ul zot ersalar: «Men payg'ambarman, yolg'onchi ermasman, men Abdulmuttalibning o'g'liman!»— der erdilar».

Abu Ishoq rivoyat qiladilar: «Qays qabilasidan bir kishi Barrodan: «Hunaynda Janob Rasulullohni tashlab qochdilaringizmi?» o'ljalardan bergaymiz»,— dedilar. Ko'pchilik Rasulullohning avvalgi takliflariga rozi erkanligini bildirdi. Rasululloh: «Bu yerda

qaysilaringiz rozi-yu, qaysilaringiz norozi erkanligingizni biz bilmaymiz, boringizlarda, bir vakil tayinlab, unga fikringizni aytingizlar, u ersa bizga kelib xabar bersin!» — dedilar. Odamlar ortlariga qaytib, so'ng bir necha nomzod vakillar birlan birga kelishdi. Vakillar avvalgi taklifga barcha rozi erkanligini Janob Rasulullohga ma'lum qilishdi».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilarki, Hazrat Umar Hunayndan qaytayotganlarida johiliyat zamonida e'tikof qilajaklarini nazr qilib qo'yganlari haqida Janob Rasulullohga aytibdilar, shunda ul zot: «Nazrga vafo qilg'il!»— deb amr qilibdilar.

Abu Qatoda raziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz Hunayn kuni Janob Rasululloh birlan birga yo'lga chiqdik, dushman birlan yuzma-yuz bo'lganda musulmonlar orasida ozgina sarosimalik sodir bo'ldi. Men bir mushrikning musulmonlardan birini halok qilayotganini ko'rib qoldim. Shunda orqasidan borib bo'yniga qilich urgan erdim, sovutini qirkib yubordim. U menga hamla qilib keldi-da, bo'ynimdan tutib shunday bo'g'diki, o'limning hidi dimog'imga urildi. Keyin, qo'llari bo'shashib, o'lib qoldi. So'ng, men Hazrati Umarning oldilariga borib: «Odamlarga nima bo'ldi?» — dedim. Hazrat Umar: «O'lloh taolo shuni buyurgan», dedilar. Keyin, odamlar yana ortlariga qaytishdi,

Rasululloh: «Kimki bir mushrikni o'ldirgan bo'lsa, undan qolgan o'lja o'shaniki bo'lgay, ammo o'ldirganiga guvoh topmog'i lozim»,— dedilar. «Menga kim guvohlik bera-di?» — dedim-da, o'ltirdim. Janob Rasululloh boyagi gaplarini uch marta takrorladilar, shunda har safar o'rnimdan turardim-da: «Menga kim guvohlik beradi?» —deb, yana o'ltirardim. «Senga nima bo'ldi, Ey Abu Qatoda?» — dedilar. Men bo'lgan voqeani gapirib berdim. Shu payt bir odam o'rnidan turib: «Rost aytyapti, u o'ldirgan odamning narsalari menda, men uni rozi qilaman»,— dedi. Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu: «Rasululloh boyagi gaplari birlan O'lloh taolo va uning rasuli uchun jang qilgan O'lloh sherlaridan biri bo'lmish kishidan o'ljasini olib senga berishni qasd qilgan ermasdilar!» —dedilar. Payg'ambar alayxissalom: «Abu Bakr rost gapiryapti, uning o'ljasini ber!» — deb jangchiga buyurdilar. U menga o'ljamni berdi. Men bu o'ljani» sotib, puliga Banu Salamadan bir bog` oldim. Bu mening islomdagi dastlabki bisotim bo'ldi».

Abu Qatoda mavlolari Abu Muhammadga bunday degan erkanlar. «Xunayn kuni men bir musulmon va bir mushrikning o'zaro jang qilishayotganini ko'rdim, shunda boshqa bir mushrik musulmonning orqasidan kelib uni o'ldirmoqchi bo'ldi Men tezda unga hamla qilgan erdim, u menga qilich ko'tardi, lekin men chaqqonlik qilib qo'lini chopib tashladim. U meni sog` qo'li birlan shunday bo'g'diki, o'ldirib qo'ymasaydi deb qo'rqib ketdim, keyin birdan qo'li bo'shashib ketdi men uni o'ldirdim. Shu vaqt musulmonlar chekinib qolishdi men ham ularga qo'shilib chekindim. Qochib ketayotib hazrat Umardan: «Nima bo'ldi?»—deb so'ragan erdim, u kishi: «O'lloh amr qildi»,— dedilar. Keyin, odamlar Janob Rasulullohning oldilariga to'planishdi. Rasululloh: «Kim mushrikni o'ldirganini isbot qilsa, undan olgan o'ljasi o'ziniki bo'ladi»,— dedilar. Men ham turib kofirni o'ldirganimga guvoh qidirdim, lekin menga guvohlik beradigan kishini topolmadim. Keyin, «Uzim ayqamchi?» degan fikr xayolimga kelib qoldi-da, qanday o'ldirganimni Janob Rasulullohga o'zim aytib berdim. Shu yerda o'ltirganlardan biri: «Usha o'ldirilgan odamning qurol-yarog'i menda men uning o'rniga boshqa narsa berib rozi qilaman», dedi. Abu Bakr raziyallohu anhu: «Yo'q, aslo, Rasululloh Quraysh qushchasiga qurolni berib, O'lloh va uning rasuli uchun jang qilgan O'lloh sherlaridan bo'lmish bir sherni mahrum

qilmaydilar!» — dedilar. Rasululloh o'rinlaridan turib qurolni menga olib berdilar. Men uni sotib, puliga xurmozor oldim. Islomdagi birinchi dastmoyam mana shu bo'ldi».

57-bob. Avtos g'azoti haqida

Abu Muso raziyallohu anhudan nakl qilinadi: «Paygambar alayhissalom Hunayn gazotidan forig bo'lganlaridan keyin, Abu Omirni lashkarga bosh qilib Avtosga jo'natdilar. Yo'lda mushrik Durayd ibn as-Simma yo'liqdi, uni o'ldirishdi sheriklarini Oллоh taolo maglub etdi. «Janob Rasululloh, deydilar Abu Muso,— Abu Omir birlan birga meni ham jo'natgan erdilar. Nogahon, Abu Omir tizzalaridan o'q yedilar. Uqni Jushamiy kamondan otgan erdi. Men darhol Abu Omirning oldilariga borib: «Ey amaki, sizni kim otdi?» — deb so'radim. U kishi Jushamiyga ishora qilib: «Meni otgan qotil shu!» — dedilar. Men uni quvib ketdim, u meni ko'rib qocha boshladi. Uni quvayotib: «Qochgani uyalmayсанm? — dedim. U to'xtadi, barobar qilich urishib, uni o'ldirdim. Keyin, Abu Omirning yonlariga kelib: «Oллоh taolo mening qo'lim birlan raqibingizni o'ldirdi!»—dedim.Abu Omir o'qni sugurib olishimni iltimos qildilar, men sugurgan erdim, o'rnidan suv oqdii. Abu Omir menga: «Ey jiyanim, Janob Rasulullohga salom aytgin, mening haqimga istigfor ayqinlar!» — dedilar. Keyin, meni odamlarga boshliq qildilar-da, birozdan so'ng vafot etdilar. Jangdan qaytgandan so'ng, Janob Rasulullohning huzurlariga kirdim, u kishi uylaridagi qamish (bo'yra)dan qilingan chorpoyada erkanlar. Chorpoyaga to'shak solingan bo'lib, Janob Rasulullohning orqalari va yonboshlarida bo'yraning botgan izi ko'rinib turardi. Men o'zimiz hamda Abu Omir haqlarida gapirdim, u kishining «Mening haqimga istigfor ayqinlar!» deganlarini ham aytdim. Rasululloh bir idishda suv so'radilar, unga tahorat olib, keyin duoga qo'l ochdilar: «Ey Oллоh, bandaig Abu Omirni magfirat qilgin!» — dedilar. Shunda men Janob Rasulullohning qo'ltiqlari oppoq erkanligini ko'rdim. Keyin: «Ey Oллоh, qiyomatda martabasini ko'pchilik bandalaring martabasidan ulug qilgin!» — deb yana duo qildilar. Men ul zotga: «Meni ham duo qilingiz!» — dedim. Rasululloh: «Ey Oллоh, Abdulloh ibn Qaysning ham gunohini kechirgin, Qiyomat kuni unga ham faxrli joy ato etgin!» —deb duo qildilar».

Abu Burda: «Duolarning biri Abu Omir uchun, ikkinchisi Abu Muso uchun bo'ldi»,— deydilar.

58-bob. Toif g'azoti haqida

Muso ibn Uqba: «Toif gazoti hijratning 8- yili shavvol oyida bo'lgan erdi»,— deydilar.

Abdulloh ibn Amr rivoyat qiladilar: «Rasululloh Toifni qamal qilganlarida biror natija bo'lmadi, keyin: «Xudo xoxlasa, qaytamiz»,— dedilar. Bu gap ko'pchilikka ogir botdi, «Qaytarkanmiz, fath qilmas erkanmiz»,— deyishdi. So'ng, «Ertalab urushga chiqinglar!» — deb buyurgan erdilar, musulmonlar jangga chiqdilar, lekin qo'rgon berk, uning tepasidan otilgan o'q va toshlardan musulmonlarga jarohat yetdi. Keyin, Rasululloh: «Xudo xoxlasa, ertaga qaytamiz»,— degan erdilar, hammalari xursand bo'lishdi, Rasululloh kulib qo'ydilar».

Oллоh taolo yo'lida birinchi bo'lib mushriklarga qarata kamondan o'q uzgan Sa'd ibn Abu Vaqqos hamda Toif qo'rgonidan oshib tushib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga kelgan Abu Bakra (Nofi' ibn Masruq) rivoyat qilurlarki, Janob Rasululloh: «Kimki ataylab o'z otasidan tonib, boshqa birovni otam deb Da'vo qilsa, unga jannat

haromdur!»—degan erkanlar.

Osim raziyallohu anohu rivoyat qiladilar: «Men ushbu hadisni Sa'd va Abu Bakradan eshitganman»,— dedi. Abu Usmon. Men unga: «Sen aytgan hadisning to'g'riligiga ikki kishining guvoh erkanligi kifoyadur»,— dedim. U menga: «Ha to'g'ri! Usha ikki kishining biri islom yo'lida birinchi bo'lib kamondan o'q uzgan kishidir, ikkinchisi ersa qamal kuni Toif qo'rg'onidan oshib o'tib Janob Rasulullohning qoshlariga kelgan yigirma uch musulmonning uchinchisidir»,—dedi.

Abu Muso al-Ash'ariy aytadilar: «Janob Rasululloh Makka birlan Madina o'rtasidagi Ji'rona degan joyda manzil tutgan erdilar, ul zot birlan birga Hazrat Bilol va men o'ltirgan erdim. Shu payt bir badaviy kelib Janob Rasulullohga: «Menga bergan va'dangizni bajarmaysiz-mi?»—dedi. (Badaviy talab qilgan va'da nimadan iborat erkanligi roviylarga ma'lum ermas). Rasululloh: «Xursand bo'lgil!»—dedilar. Badaviy: «Xursand bo'lgil!»ni menga ko'p aytgansiz!»—deb Abu Muso birlan Bilolga g'azab birlan qaradi. Rasululloh ularga: «Bashorat rad qilindi, ikkovingiz qabul qilib olingiz!» — dedilar. Ikkovlari barobar: «Qabul qildik!» — deyishdi. Keyin, Rasululloh qadahda suv keltirishni buyurdilar, unga ikki qo'llari va yuzlarini yuvdilar-da, qolganiga dam soldilar, so'ng: «Bundan ichingiz, yuzlaringizga quyingiz, tomoqlaringizga surtingiz va xursand bo'lingiz!» — dedilar. Ikkovlari qadahni olib, Janob Rasululloh buyurganlaridek qilishdi. Parda orqasidan Ummu Salama raziyallohu anho: «Agar onalaringiz uchun suvdan orttirolsangiz, menga ham uzatib yuboringiz!» — dedilar».

Safvon ibn Ya'lo bunday deb xabar beradilar: «(Otam) Ya'lo: «Koshkiydi, men Janob Rasulullohga vahiy tushayotgan paytni ko'rsam!» — deb doim orzu qilur erdilar. Tez kunlarda Payg'ambar alayhissalom Ji'ronaga tushdilar, ashoblari atroflarida turib boshlariga bir kiyim birlan soya qilib turishardi. Shu vaqt xushbo'yliklar sepilgan jubba kiygan bir badaviy kelib: «Yo Rasulalloh, bir kishi jubba kiyib, unga xushbo'yliklar sepgach, ehrom bog'lasa, nima deysiz?»—dedi. Hazrat Umar Ya'loga «Kel!» deb ishora qildilar, Ya'lo kelgach, boshlarini Janob Rasulullohning tepalariga tutib turilgan kiyim ostiga suqdilar. Qarasalar, ul zot yuzlari qizargan, chuqur-chuqur nafas olardilar. Bu holat bir soatcha davom etdi. So'ng, Janob Rasululloh: «Mendan umra haqida so'ragan odam qani?» — dedilar. Boyagi odamni qidirib topib kelishdi. Janob Rasululloh unga: «Jubbani yechib tashla, badaningga yuqib qolgan xushbo'ylikni uch bor yuvib ketkiz, keyin hajda ne qilsang, umrada ham shunday qilgil!» — dedilar».

Abdulloh ibn Zayd rivoyat qiladilar: «Olloh taolo Hunayn g'azotida Janob Rasulullohga katta o'lja ato etgach, uni islom diniga endigina kirganlarga taqsim qildilar, lekin ansorlarga hech narsa bermadilar. Shunda ansorlar o'zlariga o'ljadan ulush tegmagani uchun ranjigandek bo'lishdi. Janob Rasululloh ularga: «Ey ansorlar jamoasi! Men sizlarni yo'ldan adashgan holda topmaganmidim?! Olloh taolo mening sababim birlan sizlarni hidoyat qildi, tarqoq erdingizlar, mening sababim birlan sizlarni birlashtirdi, kambag'al erdingizlar, mening sababim birlan sizlarni boy qildi. (Rasululloh shunga o'xshash gaplarni aygaganlarida, ansorlar har gal: «Olloh va uning rasuli har qancha minnat qilsa, loyiq!» —deyishardi). Agar xohlasangizlar, sizlar ham: «Hijrat qilib kelganingizda biz sizga joy berdik, xor bo'lganingizda yordam berdik, qo'rqib kelganingizda xotirjam qildik!»— deb menga minnat qilingizlar!» — dedilar. Ammo, ansorlar: «Minnat va fazl Olloh taologa va uning paygambariga xos!» — deb javob berishdi. Janob Rasululloh: «Boshqalarning qo'y va tuyalarni olib o'z manzillariga ravona bo'lmog'iga, o'zingizning

ersa meni birga olib ketmogingizga rozi bo'larsizlar, axir?! Agar hijrat bo'lmaganda men ansorlardan biri bo'lgan bo'lur erdim. Odamlar o'zga bir vodiy yoki o'zga bir dara bo'ylab yursalar, men ansorlar vodiysi yoki darasi bo'ylab yurardim. Ansorlar mening uchun kuylagimdek yaqin bo'lib, boshqalar choponim yanglig'durlar. Mendan keyin sizlar boylikka ruju' qilganlarning shohidi bo'lgaysiz-lar, Havzi Kavsar bo'yida uchrashgunimizcha sabr qilingizlar!» — deb xitob qildilar».

Anas ibn Molik bunday deydilar: «Oллоh taolo Rasulullohga Havozan mol-dunyosidan ko'p o'ljalar ato etgach, ul zot uni har bir kishiga yuz tuyadan taqsim qila boshladilar. Shunda ansorlar: «Oллоh o'z rasulini mag'firat qilsin, Qurayshga nasiba berdilar-u, bizni unutdilar, vaholanki hali mushriklarning qilichimizdagi qoni qurigani yo'q!» — deyishdi, Rasulullohga ularning bu gaplari yetkazildi. Janob Rasululloh ansorlarga odam yuborib, ularni teridan yopilgan bir qubba ostiga yig'dilar, lekin boshqalarni chaqirmadilar. Ansorlar yig'lgach, Rasululloh o'rinlaridan tUrdilar-da: «Sizlar haqqingizda menga aytishgan gap Qanday gap bo'ldi?!»—deb so'radilar. Ansorlar orasidagi faqih kishilar: «Ey Oллоhning rasuli! Boshliqlarimiz hech narsa deyishgani yo'q, faqat yoshlarimizgina: «Oллоh o'z rasulini kechirsin. Qurayshga o'lja berdilar-u, bizni unutdilar, vaholanki hali mushriklarning qilichimizdagi qoni qurigani yo'q!»—deyishdi»,—deb aytishdi. Janob Rasululloh- «Men endigina kufrdan qaytib islomga kirganlarga o'ljabera yotirman, maqsadim ularni islomga ko'proq jalb qilmoqlikdir. Ular uylariga o'ljalar birlan qaytgan chog'larida, sizlar uylaringizga payg'ambar birlan qaytmoqqa rozi bo'lmaysizlarmi?! Oллоh haqi, sizlar olib qaytadigan narsa, ular olib qaytadigan narsadan yaxshiroqdur!»— dedilar. Ansorlar: «Yo Rasulalloh, albatta biz shunga rozimiz!»— deyishdi. Payg'ambar alayhissalom «Kelajakda boylikka ruju' qilganlarning shohidi bo'lursizlar. Oллоh Taolo birlan uning rasuliga ro'baro' bo'lguningizcha sabr qilingizlar, men Havzi Kavsar bo'yida bo'lgayman» — dedilar».

Anas: «Ammo ular sabr qilishmadi»,— deydilar.

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom ansorlarni yig'dilar-da: «Quraysh yaqindagina jaholatu badbaxtlik iskanjasidan qutulgandur, men ularni to'g'ri yo'lga solib, qalblarida islomga nisbatan do'stlik. Uyg'otmoqchiman. Ular uylariga o'ljalar birlan qaytgan chog'da, nahotki sizizlar payg'ambarni uyingizga olib qaytmoqqa rozi bo'lmasangizlar?!»—dedilar. Ansorlar: «Ha, rozimiz!» —deyishdi. Rasululloh: «Agar odamlar o'zga bir vodiy bo'ylab yursalar, men ansorlar vodiysi bo'ylab yurgayman!» - - dedilar».

Abdulloh Ibn Mas'ud bunday deydilar: «Payg'ambar alayhissalom Hunayn g'azotida olingan o'ljalarni taqsim qildilar. Shunda ansorlardan bir kishi: «Oллоh taoloni yuz-xotir qilmay taqsim qilindi»,— dedi. Men bu gapni Janob Rasulullohga borib aytdim. Buni eshitib, Janob Rasulullohning yuzlari o'zgarib ketdi, keyin: «Musoni Oллоh taolo Rahmat qilsin, u kishiga bundan qam ko'p ozor yetkazishgan, ammo sabr qilgan erdilar!»— dedilar».

Abdulloh Ibn Mas'ud razayallohu anhu bunday deydilar: «Hunayn voqeasidan keyin, Payg'ambar alayhissalom ba'zi odamlarni ortiqroq ko'rib, ko'proq o'lja berdilar. Chunonchi, Aqra'ga yuz tuya, Uyaynaga ham shuncha tuya in'om qildilar. Shunda bir Odam «Oллоhni yuz-xotir qilmay taqsim qilindi»,— dedi. Men bu gapni Janob Rasulullohga

borib aytdim. Ul zot: «Olloh taolo Musoni rahmat qilsin, u kishiga bundan ko'p ozor yetkazilganda sabr qilgai erdilar!» — dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday. deydilar: «Hunayn kuni Havozan, G'atafon va boshqa bir qancha qabilalar bola-chaqasi-yu podalari birlan kelgan erdi. Rasululloh birlan ersa o'n ming lashkar va yana Makkadan kelib qo'shilgan yoshlar bor erdi. Hammalari chekinishdi, Janob Rasululloh yolg'iz o'zlari qoldilar. Shunda ikki bor alohida-alohida nido qildilar. Avval, o'ng tomonlariga qarab: «Ey ansorlar jamoasi!» — deb nido qildilar. Ular: «Labbayka, yo Rasulalloh! Biz siz birlan birgamiz, xushnud bo'lingiz!»— deyishdi. So'ng, chap tomonlariga qarab: «Ey ansorlar jamoasi!» — deb nido qildilar. Ansorlar: «Labbayka, yo Rasulalloh! Xursand bo'lingiz, biz siz birlan birgamiz!» — deyishdi. Shunda Bayzo degan xachirlarida o'ltirgan erdilar, undan tushdilar-da: «Men Ollohning bandasi va rasuliman!» — dedilar. Mushriklar tor-mor bo'ldi, ko'p o'lja olindi. Janob Rasululloh o'ljani muhojirlar birlan Makka yoshlariga taqsimlab berdilar, ammo ansorlarga bermadilar. Shunda ansorlar: «Qachon qiyinchilik bo'lsa, biz chaqirilamiz, o'ljani ersa boshqalarga beradilar!» — deyishdi. Bu gap Rasulullohga yetkazildi. Ul zot barcha ansorlarni to'plab: «Menga sizlar haqingizda atishgan gap qanday gap bo'ldi?!»— dedilar. Ular sukut saqlashdi. Janob Rasululloh ularga: «Ey ansorlar jamoasi, boshqalar bu yerdan o'lja olib qayqa-yu, sizlar payg'ambar birlan qayqangiz, rozi bo'lmagaysizmi?» — dedilar. Ansorlar: «Ha, rozi bo'lgaymiz!»— deyishdi. Payg'ambar alayhissalom: «Agar odamlar vodiy bo'ylab yursa-yu, ansorlar dara bo'ylab yursa, men ansorlar darasi bo'ylab yurgan bo'lur erdim!»—dedilar».

Hishom Anasdan: «Ey Abu Hamza, shunda siz ham o'sha yerdamidingiz?» — deb so'radilar. Anas: «Usha yerda bo'lmay, qaerda bo'lardim!»—dedilar.

59-bob. Najd tarafga lashkar yuborilgani haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Payg'ambar alayhissalom Najd tarafga lashkar yubordilar, ularning orasida men ham bor erdim. Uljamiz o'n ikki tuya bo'ldi, sovg'a-salomlarimiz ham tuya-tuya bo'lib, o'n uch tuya mol birlan qaytib keldik».

60-bob. Payg'ambar alayhissalomning Xolid ibn Validni Banu Jaziyma qabilasiga yuborganlari haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Payg'ambar alayhissalom Xolid ibn Validni Jaziyma qabilasiga yubordilar Xolid ularni islomga da'vat qildi, ular (shoshib qolganlaridan) «Islomni qabul qildik» deyish o'rniga «Dindan chiqdik, dindan chiqdik (ya'ni, «Mushriklikni tark etib, islomni qabul qildik»)»,— deyishdi. Xolid ularni tushunmay jang boshlab, ko'pini qirib tashladi, qolganini asir oldi. Keyin, har bir kishiga o'z asirini topshirib: «Uldiringiz!» — dedi. Shunda men: «Asirimni o'ldirmayman, sheriklarim ham o'z asirlarini o'ldirishmaydi!» — dedim. So'ng, Janob Rasulullohning huzurlariga borib, bo'lgan voqeani aytib berdik. Ul zot qo'llarini ko'tarib ikki bor: «Yo Olloh, Xolid qilgan gunohdan xalos qilgin!»— dedilar».

61-bob. Abdulloh ibn Huzofa va Alqama ibn Mujazzizning lashkar tortib yo'lga chiqqanligi haqida

Ali raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Payg'ambar alayhissalom (ansorlardan tuzilgan)

lashkarni jo`natayotib, ularga ansorlardan birini boshliq qilib tayinladilar-da, unga itoat qilmoqni buyurdilar. Yo`lda amirning (bir narsadan) g`azabi qaynab: «Rasululloh sizlarni menga itoat qilmoqqa buyurdilarmi?» — dedi. Askarlar: «Ha»,— deb javob berishdi. «Unday bo`lsa, o`tin to`planglar!» — dedi amir. Ular o`tin to`plashdi. «Ut yoqinglar!» — dedi u, ular o`t yoqishdi. «Endi o`tga kiringlar!» — dedi amir. Hammalari o`tga kirmoqchi bo`lishdi-yu, lekin bir-birlarini ushlab to`xtashdi. Keyin: «Utdan payg`ambar oldiga qochamiz!» — deb turganlarida olov o`chib qoldi, amirning g`azabi ham tindi. Bu gap payg`ambarimizga yetganda, u kishi: «Agar o`tga kirganlarida, undan qiyomatgacha ham chiqolmasdilar, xayrli ishga buyurilgandagina itoat qilish lozim!» — dedilar».

Abu Muso birlan Maozning Hajjat ul-Vido`dan oldin Yamanga yuborilgani haqida Abu Burda raziyallohu anhu bunday deydilar: «Payg`ambar alayhissalom Abu Muso birlan Maoz ibn Jobalni Yamanga yubordilar. Yamanda ikki viloyat bo`lib, Abu Muso biriga, Maoz ersa ikkinchisiga yuborildi. Janob Rasululloh ularga: «Osonlashtiringlar, qiyinlashtirmanglar, mamnun qilinglar, nafratlantirmanglar!» — deb tayinladilar. Keyin, ularning har biri o`z ishiga ketdi. Ulardan qay biri bo`lmasin, o`ziga tegishli viloyat yerlarida yurganida sherigining viloyatiga yaqin borib qolsa, darhol uni izlab topib: «Janob Rasulullohning o`gitlari va ul zotga bergan va`damiz esingdami?» — deya u birlan so`rashedi. Chunonchi, bir kuni Maoz o`z viloyati bo`ylab ketayotganida Abu Musoga tegishli yerlarga yaqin borib qoldi. Shunda u xachiriga minib Abu Musoni izlab ketdi. Borib qarasa, Abu Muso o`ltiribdi, atrofni odamlar o`rab olgan, ro`parasida ersa ikki qo`li bo`yniga bog`lab qo`yilgan bir kishi turibdi. Maoz Abu Musoga: «Ey Abdulloh Ibn Qays! Bu kim!»—dedi. Abu Muso: «Bu odam islomdan qaytib, qayta kofir bo`ldi»,— dedi. Maoz: «Bu o`ldirilmaguncha, xachirimdan tushmagayman!»— dedi. Abu Muso: «Bu xuddi shu maqsadda keltirilgandur, xachiringdan tushaver!» — dedi. Maoz yana: «Bu o`ldirilmaguncha tushmayman!»—dedi. Abu Muso boyagi odamni qatl qilmoqqa amr berdi, uni o`ldirishdi. Maoz xachiridan tushib. «Ey Abdulloh! Qur`onni qanday o`qiyotirsan?»—dedi. Abu Muso: «Kecha-kunduz tinmay takror qilayotirman, ey Maoz, sen o`zing qanday o`qiyotir-san?»—dedi Maoz: «Men kechaning dastlabki qismida uxlayman, keyin turaman. Uyquni ikki qismga bo`lib qo`yganman. Olloh taolo muyassar qilganicha Qur`on o`qiyman, bedorligimni rejalashtirganimdek, uyqumni ham rejalashtirib qo`yganman»,— dedi».

Abu Muso al-Ash`ariy raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Payg`ambar alayhissalom uni Yamanga yuborgan erdilar, undan Yamanda qilinadigan sharob haqida so`radilar. Abu Muso: «Ular tayyorlaydirgan sharob «Bita`» va «Mizar» deb nomlanadi»,— dedi. Roviyy: «Men Abu Burdadan «Biga`» va «Mizar» nima?»—deb so`rasam, u: «Bita`» — asal nabizi, «Mizar» — arpa nabizi»,— dedi. Rasululloh: «Har qanday mast qiluvchi ichimlik haromdur!»—dedilar».

Abu Burda bobolari Abu Musodan naql qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom Abu Muso birlan Maozni Yamanga yuborayotib, ularga: «Osonlashtiringlar, qiyinlashtirmanglar, xushnud qilinglar, nafratlantirmanglar, bir-biringizga itoat qilinglar!» — deb tayinladilar. Abu Muso: «Yo Rasulalloh! Biz ketayotgan o`lkada asaldan qilinadigan «Bita`» ichimligi mavjud»,— dedi. Rasululloh: «Har qanday mast qiluvchi ichimlik haromdur!» — dedilar. Keyin, ikkovlari jo`nab ketishdi. Yo`lda Maoz Abu Musoga: «Qur`onni qanday o`qiyotirsan?» — dedi. Abu Muso: «Turib ham, o`ltirib ham, tuyamda ketayotib ham o`qigayman, kecha-yu kunduz qiroatni tark qilmagayman»,— dedi. Maoz: «Men ersam dastlab uxlayman, keyin turib o`qiyman, uyqumni ham, qiroatimni ham rejalashtirib

qo'rganman»,— dedi. Keyin, to'xtab chodir o'rnatishdi. Ikkovlari bir-birlarini ko'rgani borib turishdirgan bo'ldi. Bir kuni Maoz Abu Musoni ko'rgani borsa, huzurida qo'llari bog'liq bir odam turibdi. Maoz: «Bu kim?» —deb so'radi. «Bu bir yahudiy bo'lib, musulmon bo'lgan erdi, keyin dindan qaytdi»,— dedi Abu Muso Maoz «Kel, men bo'ynini uzib tashlayin!» — dedi».

Shu'badan ham ushbu mazmundagi hadis naql qilingan.

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom meni o'z qavmim yeriga yubordilar. Borib, qaytib keldim. Shunda Janob Rasululloh Abtahda erkanlar. Mendan «Ey Abdulloh ibn Qays, haj qildingmi?» — deb so'radilar. Men «Haj qildim, yo Rasulalloh!» — dedim. Ul zot «Labbaykani qanday aytding?»— dedilar. Men «Labbayka ahlan, lo kohilan laka deb aytdim»,— dedim. Ul zot «Uzing birlan birga jonliq olib keldingmi?» — dedilar. Men «Yo'q»,— dedim. Ul zot «Baytullohni tavof qil, Safo va Marvada sa'y qil, keyin ehromingni yechaver!» —dedilar. Men shunday qildim, keyin Banu Qays ayollaridan biri mening uchun yuvinib-tarandi, biz Hazrat Umar xalifaligi davrigacha birga yashadik».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh Maozni Yamanga jo'natayotib: «Sen ahli kitoblardan bo'lmish bir qavm huzuriga ketyotirsan, borib ularni islomga da'vat qil, ya'ni «Lo iloha illallohu Muhammadun rasululloh» deb ayqinlar, agar senga itoat eqalar, Oллоh taolo bir kecha-kunduzda besh vaqt namozni farz qilganini ularga ma'lum qil, agar bul xususda ham senga itoat eqalar, Oллоh taolo boylardan kambag'allarga olib beriladigan sadaqani ham farz qilganini aytgil, agar bunga ham ko'nsalar, unda ularning mollarinig eng yaxshisini tortib olishdan ehtiyot bo'lgil! Mazlumning qarq'ishidan qo'rqqilki, Oллоh taolo birlan mazlum o'rtasida parda bo'lma-gay!» — dedilar».

Amr ibn Maymun rivoyat qiladilar: «Maoz ibn Jabal Yamanga kelganda yamanliklarga imomlik qilib bomdod namozini o'qidi. Shunda «Vattaxazallohu Ibrohiyma xaliylan», ya'ni «Oллоh Ibrohimni o'ziga do'st qilib oldi» degan mazmundagi oyatni qiroat qilganda yamanliklardan biri «Ibrohimning onasining ko'z yoshi sovidi»,— dedi» Qastaloniy «Xursandlikdan to'kilgan ko'z yoshi sovuq, g'amdan to'kilgan ko'z yoshi issiq bo'ladi»,— deydilar.

Payg'ambar alayhissalomning Ali ibn Abu Tolib va Xolid ibn Validni Hajjat ul-Vido'dan ilgari Yamanga yuborganlari haqida.

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom bizni Xolid ibn Valid birlan birga Yamanga yubordilar, keyin Xolidning o'rniga Ali Ibn Abu Tolibni jo'natdilar. Unga «Xolidning ashoblariga aytgilki, agar sen birlan birga qolmoqni istasalar, qolsinlar, xohlamaganlar qaytib kelsin!»— deb taiynladilar. Men Ali birlan birga qolgan kishilar orasida erdim, juda ko'p tillo o'lja olgandim».

Burayda raziyallohu anhu bunday deydilar: «Payg'ambar alayhissalom Alini o'ljalarning beshdan birini olib kelish uchun Xolidning huzuriga yubordilar. Men Alini o'lja taqsim qilganining ertasiga g'usl qilgani uchun yomon ko'rib qolgan erdim. Ushanda «Mana buning qilgan ishini ko'rmaysizmi?!» —deb Xolidga aytgan erdim, keyin payg'ambarimizning huzurlariga qaytib kelganimizda ul zotga ham aytdim. Rasululloh «Ey Burayda, Alini yomon ko'rasan-mi?» — deb so'radilar. «Ha»,—degan erdim, «Uni

yomon ko'rmagin, chunki Ali o'ljadan ko'proq olsa ham, haqqi bor erdi»,— dedilar» (Buraydaning Alini yomon ko'rib qolishlariga sabab, Ali asiralardan eng chiroyli qizni o'zlariga tanlab olgandilar-da, iddadan chiqishini kutmay, jinsiy aloqa qilgan erdilar).

Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ali ibn Abu Tolib raziyallohu anhu Yamandan Rasulullohga oshlangan teri xaltada qumu tufroqdan tozalanmagan oltin jo'natdi. Rasululloh uni to'rt kishi-ga — Uyayna ibn Badr, Aqra' ibn Hobis, Zayd al-Xayl va to'rtinchisi yo Alqama yoki Omir ibn Tufaylgga taqsim qildilar. Shunda sahobalaridan birlari: «Bizlar bu oltinga anavi to'rtovlondan ham haqlirooq erdik!» dedi.

Bu gap Janob Rasulullohga yetgach «Menga ishonmaysizlarmi, axir men osmondagi zotning ishonchli vakiliman-ku?! Menga erta-yu kech undan xabar kelib turadi»,— dedilar. Shu payt ko'zlari botiq, yuz suyaklari bo'rtib chiqqan, peshonasi do'ng, soch-soqoli olingan, ishtonining pochasi oshiqqacha shimarilgan bir odam o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh, Oллоhdan qo'rqing!»—dedi. Rasululloh: Sho'ring qursin! Men yer ahlining Oллоhdan qo'rqishga loyiqrog'i emasman-mi?|» —dedilar. Shunda haligi odam o'rnidan turib chiqib ketdi. Xolid ibn Valid «Yo Rasulalloh, bo'ynini chopaymi?»~dedi. Rasululloh «Yo'q, shoyadki u namozxon bo'l-sa!»—dedilar. «Dilida yo'q narsani tili birlan gapiradigan namozxonlar ko'pku?»—dedi. Xolid ibn Valid Janob Rasululloh «Men odamlarning qalblarini tekshirishga buyurilmadim, ularning qornini yorib ko'rishga buyurilmadim»,— deya boyagi odamning ortidan qarab qoldilar-da, u chiqib ketgach «Mana shu odamiing zurriyotidan Oллоh taoloning Kitobini ravon, ammo bo'g'zidan nariga o'tkazmay o'qiydirgan hamda kamondan otilgan o'qdek dindan tez chiqadigan qavm paydo bo'lgaydur,— dedilar. Menimcha, keyin «Shundaylarni bilib ololsam erdi, Oллоh taolo Samud qavmini halok qilgandek, halok qilardim! —deb aytgan erdilar».

Jobir ibn Abdulloh «Payg'ambar alayhissalom Ali raziyallohu anhuga Makkaga ehrom bog'lab kelishni buyurdilar»,— deydilar.

Jobir raziyallohu anhu yuqoridagi hadisga o'qshimcha qilib, bunday deydilar: «Ali ibn Abu Tolib o'ljalar birlan qaytib keldi. Payg'ambar alayhissalom unga: «Ehrom bog'lab nimaga niyat qilding?»— deb so'radilar. Ali «Payg'ambar alayhissalom nimaga niyat qilgan bo'lsalar, men ham o'shanga niyat qildim»,— dedi. Janob Rasululloh «Unday bo'lsa, jonliq atagil-da, ehromdan chiqmay turgil!» — dedilar. Ali Janob Rasulullohga jonliqlarni topshirdilar».

Bakr al-Basriy Ibn Umarga: «Anas aytgan hadisga qaraganda Rasululloh birvarakayiga haj va umraga ehrom bog'lagan erkanlar, shu rostmi?!»—dedilar. Ibn Umar raziyallohu anhu «Rasululloh aslida hajga ehrom kiygan erdilar, biz ham u kishi birlan hajga niyat qilgandik. Makkaga kelganimizda Janob Rasululloh «Kimning jonlig'i bo'lmasa, umraga niyat qilsin!»— dedilar. Shunda Janob Rasulullohning jonliqlari bor erdi. Ali ibn Abu Tolib ham Yamandan hajga niyat qilib keldilar. Janob Rasululloh unga «Nimaga niyat qilding?» — dedllar. U «Payg'ambar nimaga niyat qilgan bo'lsalar o'shanga niyat qildim»,— dedi. «Unday bo'lsa, ehromdan chiqmay turgil, chunki bizning jonlig'imiz bor!» — dedilar».

Zulxalasa (Zulxulaysa) g'azoti haqida

Jarir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Johiliyat zamonida bir uy bor erdi, uni «Zulxalasa», «Al-Ka'ba al-Yamoniyya», «Al-Ka'ba ash-Shomiyya» deb atashardi.

Payg`ambar alayhissalom menga «Meni Zulxalasadani xalos qilmaysanmi?» — dedilar. Men bir yuz ellik otliq birlan borib, uni vayron qildim, u yerda kimni topsam, o`ldirdim. So`ng, Payg`ambar alayhissalomning huzurlariga kelib bu haqda xabar berdik, ul zot bizni jasoratimiz uchun duo qildilar».

Jarir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Payg`ambar alayhissalom menga: «Meni Zulxalasadani xalos qilmaysanmi» — dedilar Zulxalasa — Kas`am qabilasining ibodatgohi bo`lib, uni «Al-Ka`ba al-Yamoniyya» deb atashardi. Men Ahmas qabilasidan bir yuz ellik otliqni olib yo`lga chiqdim, hammalari chavandoz erdilar, men bo`lsam otda mahkam o`ltirolmas erdim. Rasululloh ko`kragimga shunchalik qattiq turtdilar-ki, hatto barmoqlarining izi tushib qoldi. Keyin, «Ey Olloh, uni otda mahkam o`ltira oladigan, hidoyatli yetakchilardan qilgin!» — deb duo qildilar». Keyin, Jarir Zulxalasa borib o`t qo`yib, uni butunlay vayron qildi-da, Janob Rasulullohga odam yubordi. U «Sizni haq payg`ambar qilib yuborgan zotga qasamyod qilurmanki, oldingizga kelayotganimda Zulxalasa qo`tir tuyadek bo`lib qolgan erdi!» — dedi. Janob Rasululloh Ahmas chavandozlari birlan Ahmas qabilasiga baraka tiladilar»

Bu yerdagi hadis takroran keltirilgan Zotussalosi g`azoti haqida

Abu Usmon rivoyat qiladilar: «Rasululloh Amr ibn Osni lashkarga bosh qilib Zotussalosi ga yubordilar. Ushanda Amr bunday deb erdi: «G`azotdan qaytib, Janob Rasulullohning oldilariga keldim-da: «Sizga odamlarning qaysi biri mahbubroq?» — deb so`radim. Ul zot «Oisha», — dedilar. «Erkaklardan-chi?» — deb so`radim. «Uning otasi», — dedilar «Undan keyin kim!» — deb so`radim «Umar», — dedilar-da, yana bir necha kishining ismini sanadilar, shunda meni eng oxirida aytishlaridan qo`rqib sukut saqladim»

Jarirning Yamanga borganligi haqida

Jarirraziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Bahrda erdim, Yaman axlidan ikki kishini — Zukilo` va Zuamrni uchratdim. Ularga Rasululloh haqlarida so`zlay boshlagan erdim, Zuamr: «Sen ta`riflayotgan do`sting uch kun burun olamdan o`tdi», — dedi. Ikkovi men birlan kelayotgan erdi, bir joyga yetganimizda Madina tomondan otliqlar ko`rindi, ular Janob Rasulullohning vafot etganlari, Abu Bakrning xalifa bo`lganlari hamda odamlar hammasi tinch erkanligi haqida xabar berishdi. Ikkovlari, ya`ni Zukilo` birlan Zuamr: «Bizning (birga) kelganimizni sohibingga aytgil, inshoalloh yana qaytib kelganimiz» — deb Yamanga qaytib ketishdi. Men ularning gaplarini Abu Bakrga aytdim. Abu Bakr: «Ularni o`zing birlan olib kelmabsan-da» — dedilar. Oradan ko`p vaqt o`tgandan keyin, (Hazrat Umar xalifa ligi davrida) Zuamr menga: «Ey Jarir, senga bir karomat qilayin! Sizlar — arab jamoasi amiringiz halok bo`lsa, o`rniga maslahat birlan amir saylar erkansizlar, yaxshilik-da davom etaverasizlar. Agar kishi xalifalikka qilich birlan erishsa, u odam xalifa bo`lmay, podshohdur. Chunki, upodshohlar singari g`azab qilib, podshohlar singari tamanno qilgay», — dedi».

Siyfulbaqr g`azoti haqida

Payg`ambar alayhissalom Abu Ubayda boshchiligida dengiz sohili tomon lashkar yuboradilar, ular Quraysh karvoniga duch kelishadi.

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh Abu Ubayda ibn Jarrohni amir qilib sohil tomonga lashkar jo'natdilar. Askarlar soni uch yuz kishi erdi. Biz yo'lga chiqdik, bir oz yurganimizdan keyin gamlagan yeguliklarimiz tamom bo'ldi. Shunda Abu Ubayda askarlarda qolgan yeguliklarni bir yerga jam' qilishga buyurdi, yeguliklar jam qilindi. Mening to'rvamda ham xurmo bor erdi. Abu Ubayda har kuni oz-ozdan ovqat berib turdi, u ham tamom bo'ldi, endi kishi boshiga bittadan xurmo tegadirgan bo'ldi. Men: «Bitta xurmo nima bo'ladi?» — derdim. Bu ham tugagandan keyin, qattiq qiynaldik, nihoyat dengiz sohiliga yetdik. Qarasak, ro'paramizda togday bir nahang turibdi. Uning go'shtini o'n sakkiz kun yedik. Keyin, Abu Ubayda nahangning ikkita qovurgasini olib kelib yerga sanchib qo'yishni buyurdi. Ular orasidan tuya yetaklab o'tishgan erdi, tuyaning bo'yi pastlik qildi».

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: Rasululloh bizni Abu Ubayda ibn Jarroh boshchiligidagi uch yuz kishi birlan birga Quraysh karvonini qo'lga tushirish uchun yubordilar. Biz sohilda yarim oy poylab turdik, yeguliklarimiz tugab qattiq och qoldik, hatto daraxt yaproqlarini ham yedik. Shuning uchun bu lashkar «Jayshulxabt» ya'ni «Barg lashkari» deb ataldi. Keyin, dengiz to'likinlari anbar degan bir hayvonni sohilga chiqarib tashladi, uning go'shtini yarim oy yedik, yogi birlan badanlarimizni moyladik, shundagina o'z aslimizga qayt-dik. Abu Ubayda bu hayvonning ikkita qovurgasini oldida, uni tik qilib yerga o'rnatdi, uning orasidan odam ham, tuya ham o'tdi, lekin bo'yi pastlik qildi. Qavmdan bir kishi uchta tuya so'ydi, keyin yana uchta tuya so'ydi, undan keyin yana uchta tuya so'ydi, keyin Abu Ubayda tuya so'ymoqni man' kildi. Qays ibn Sa'd ushbu voqea haqida otasidan so'raganda, otasi: «Men shu lashkar ichida bor erdim, menga: «So'y!»— deyishdi, so'ydim. Keyin, yana och qolishdi, yana «So'y!»—deyishdi, yana so'ydim, keyin, yana och qolishdi, yana «So'y!»—deyishdi, yana so'ydim. Undan keyin, yana och qolishib, «So'y!» — deyishib erdi, Abu Ubayda taraflaridan man' etildim»,— dedi».

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu bunday deydilar: «Xabt lashkari birlan gazotda bo'ldik, Abu Ubayda amirimiz erdi. Qattiq och qoldik Dengiz to'lqinlari o'lik nahangni oldimizga chiqarib tashladi, bunaqa katta baliqni umrimizda ko'rmagan erdik. Uning nomi anbar erdi. Bu baliqning go'shtini yarim oy yedik. Abu Ubayda uning ikki suyagidan olib, yerga tik o'rnatdi, orasidan o'tgan otliqning bo'yi pastlik qildi. (Abu Zubayrning Jobirdan eshitib xabar berishiga qaraganda, nahangni yeyishga Abu Ubayda buyurgan). Madinaga kelganimizdan keyin, paygambarimizga bu haqda gapirgan erdik, ul zot: «Ollah taolo (dengizdan) rizq qilib chiqarib bergan narsani yenglar, agar olib kelgan bo'lsangizlar, bizga ham yegizinglar!»— dedilar. Ba'zi sahobalar olib kelishgan erkanlar, Janob Rasululloh undan tanovul qildilar».

Abu Bakr raziyallohu anhuning hijratning to'qqizinchi yili odamlar birlan birga haj qilganlari haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhuni Hajjat ul-Vido'dan ilgari bir jamoaga bosh qilib hajga yubordilar. Shu hajda odamlarga «Bu yildan keyingi yilda biror mushrik haj qilmaydi, yalangoch odam tavofi Baytulloh qilmaydi!» deb e'lon qilindi

Barro raziyallohu anhu bunday deydilar: «To'liq nozil qilingan eng oxirgi sura «Baroat» surasidur, Qur'onning eng oxirgi nozil qilingan oyati ersa «Niso» surasining xotimasi —

«Yastaftunaka, qulillohu yuftiykum filkalolati»dir. Mazmuni: «Ey Muhammad, sizdan fatvo soʻraydilar, ayting ularga «Olloh sizlarga befarzand oʻtgan kishidan qolgan meros haqida fatvo beradi» deb».

Banu Tamim qabilasining vakillari haqida

Imron ibn Husayn bunday deydilar: «Rasulullohning huzurlariga Banu Tamim qabilasidan vakillar kelishdi.

Janob Rasululloh ularga: «Bashoratni qabul qilingizlar!» — dedilar. Ular: «Bashorat qildingiz, endi naqdini beringiz!» — deyishdi. Bu gapdan Rasulullohning ranjiganlari yuzlaridan sezildi. Keyin, Yamandan vakillar kelishdi. Rasululloh: «Bashoratni qabul qilingizlar, uni Banu Tamim qabul qilmadi!» — dedilar. Yamanliklar: «Yo Rasulalloh, qabul qildik!» — deyishdi».

62-bob. Uyayna ibn Hisn gʻazoti haqida

«Paygambar alayhissalom Uyayna ibn Hisn Banu Tamimga yubordilar. Uyayna bu qabilani gorat qilib, bir qancha erkak va ayollarni asir qilib olib keldi», — deydilar Ibn Ishoq.

Abu .Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Banu Tamimni Janob Rasulullohning ular xususida aytgan quyidagi uch gaplaridan soʻng, abadol-abad yaxshi koʻrib qoldim, ul zot Banu Tamim haqida: 1) «Ular Dajjolga qarshi kurashuvchi eng sobit ummatimdur!» — degandilar. 2) Banu tamimlik bir joriya Oisha onamizning xizmatlarini qilib yurar erdi. Shunda ul zot: «Buni ozod qilgil, chunki bu Ismoil alayhissalomning avlodlaridandur!» — degandilar. 3) Banu Tamimdan zakot yigib kelinganda, Janob Rasululloh: «Bu mening qavmimdan yigib kelingan zakotdur!» — deb aytgandilar».

Abdulloh ibn Zubayrning xabar berishlariga koʻra, bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga Banu Tamimdan otiqlar kelibdi. Shunda Abu Bakr raziyallohu anhu Janob Rasulullohga: «Banu Tamimga Al-Qaʻqoʻ ibn Muabbad ibn Zurorani amir qilib tayinlangiz!» — deydilar. Hazrat Umar ersalar: «Unga Al-Aqraʻ ibn Hobisni amir qilib tayinlangiz!» — deydilar. Abu Bakr achchiglanib: «Doimo menga qarshi gap qilursan!» — deydilar. Hazrat Umar ersalar: «Men sizga qarshi gapirmoqchi ermasdim!» — deydilar. Ikkovlari baland ovoz birlai oʻzaro gap talashishibdi. Shu asnoda Janob Rasulullohga quyidagi oyati karima nozil boʻlibdi: «Ey moʻminlar! Olloh taolo va uning rasuli huzurida quyushqondan chiqmangizlar, Ollohdan qoʻrqingizlar! Albatta, Olloh taolo eshituvchi, biluvchidir! Ey moʻminlar! Ovozlarinigizni paygambar ovozidan baland koʻtarmangizlar va bir-birlaringizga baland ovoz birlan gapirganingiz kabi paygambarga gapir-mangizlar, oʻzlaringiz sezmaganingiz holda qilgan amali solihlaringiz habata boʻlishi mumkin!».

63-bob. Abdulqays vakillari haqida

Abu Jamra rivoyat qiladilar: «Men Ibn Abbosga: «Menda bir idish bor, shu idishda nabiz qilib, shirinlik oʻrnida ichib yuraman. Agar oʻsha ichimlikdan koʻproq ichib qoʻyib, qavm huzuriga kelib oʻltirsam-u, oʻltirish choʻzilib keqa, sharmanda boʻlib qolishdan choʻchiyman»,— dedim. Ibn Abbos bunday dedi: «Janob Rasulullohning huzurlariga

Abdulqays qabilasi vakillari kelishgan erdi. Paygambarimiz ularni «Xush kelibsizlar, tortinmay-netmay kelaveringizlar!» deb qarshi oldilar. Ular Rasulullohga: «Ey Ollohning rasuli! Biz birlan Muzar mushrikleri o`rtasida dushmanlik bor, shu sababli sizning huzuringizga faqat urush man` qilingan oylardagina kela olamiz. Bizga bir ish buyuringki, biz uni ado etib jannatga kiraylik va ortimizdagilarni ham shunga da`vat qilaylik!»—deyishdi. Rasululloh: «Sizlarni to`rt narsaga buyurib, to`rt narsadan qaytaraman: avvalo Ollohga iymon keltgiringizlar, Ollohga iymon keltirish neligini bilurmisizlar? Bu—«Lo iloxa illallohu» deb shahodat keltirishdur. Keyin, namoz o`qingizlar, zakot beringizlar, ramazonda ro`za tutingizlar, jihodda olingan o`ljalarning beshdan birini beringizlar! To`rt narsa — dubbo, naqir, xintam va muzaftda nabiz tayyorlab ichmangizlar!»—dedilar».

Bu yerdagi hadis takroran keltirilgan.

Ibn Abbosning mavlolari Kuraybrivoyat qiladilar: «Ibn Abbos, Abdurrahmon ibn Azhar, Misvar ibn Maxramalar meni Oisha raziyallohu anhonning huzurlariga yuborayotib: «Oishaga hammamizdan salom aytgil, keyin «Siz asrdan keyin ikki rak`at namoz o`qir erkansiz, Rasululloh asrdan keyin namoz o`qishni man` etganlar, deb eshitganmiz. Ibn Abbos: «Men va Hazrat Umar odamlarni asrdan keyin ikki rak`at namoz o`qishdan qaytarar erdik»,— deyдилar, bunga nima deysiz?» deb so`ragil!»—deyishdi. Men Oisha raziyallohu anhonning huzurlariga kirib shu gapni aytdim. Oisha onamiz: «Ummu Salamadan so`ragil!» — dedilar. Keyin, Ummu Salamaning huzurlariga bordim. Ummu Salama: «Men ham Janob Rasulullohning asrdan keyin ikki rak`at namoz o`qishni man` etganlarini eshitgan erdim. Bir kuni asr namozini o`qidilar-da, mening oldimga kirdilar. Huzurimda ansoriylarning Banu Harom qabilasidan kelgan ayollar o`ltirishgan erdi. Yana ikki rak`at namoz o`qidilar. Men xizmatkorga: «Rasulullohning yonlariga borgin-da: «Yo Rasulalloh, Ummu Salama «Asrdan keyin ikki rak`at namoz o`qishni man` etganingizni eshitgan erdim-ku?! Nega endi o`zingiz o`qiyotirsiz?» deb aytyaptilar»,— degin, agar qo`llari birlan ishora qilsalar, chetga chiqib tur!» — dedim. Xizmatkor ayol aytganimni qildi, Rasululloh qo`llari birlan ishora qilib erdilar, chetga chiqib turdi. Namozni o`qib bo`lganlaridan so`ng «Ey Abu Umayyaning qizi, sen ikki rak`at haqida so`rading. Huzurimizga Abdulqays qabilasi vakillari islomga kirganliklari haqida xabar olib kelishgan erdi. Shuning uchun men peshindan keyingi ikki rak`atni o`qiyolmay qolgan erdim. Hozir o`shaning qazosini o`qidim»— deb javob berdilar»

Ibn Abbos «Payg`ambar alayhissalomning masjidlarida o`qilgan jum`adan keyingi birinchi jum`a Juvosodagi Abdulqays masjidida o`qildi, Juvoso Bahraynning bir qishlog`idur»,— deyдилar

64-bob Banu Hunayfa vakillari va Samoma ibn Usol haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhudan nahl qilinadi: «Payg`ambar alayhissalom Najd tarafga otliqlarni yubordilar. Ular Banu Hunayfa qabilasidan Samoma ibn Usol ismli kishini tutib kelishib, masjid ustunlaridan biriga bog`lab qo`yishdi, Rasululloh uning oldiga borib «Ey Samoma, dilingda nima gap bor'»— dedilar. Samoma «Yo Muhammad, dilimda yaxshilik mavjud, agar o`ldirsangiz, bir tirik odamni o`ldirasiz, agar yaxshilik qilsangiz, yaxshilikni biladiringan odamga yaxshilik qilgan bo`lasiz, basharti mol-dunyo istasangiz, xohlaganingizcha so`rangiz!» — dedi. Janob Rasululloh ertangi kun kelguncha uni o`z holiga qo`ydilar. Ertasiga yana «Ey Samoma, dilingdagini ayt!»—dedilar. Samoma «Yana o`sha gap, agar yaxshilik qilsangiz, yaxshilikka yaxshilik qaytaradiringan odamga yaxshilik

qilgan bo'lasiz!»— dedi. Janob Rasululloh uni yana o'z holiga tashlab qo'ydilar. Ertasiga yana «Ey Samoma, dilingdagini ayt!» — dedilar. U «Yana o'sha gap!» — dedi. Janob Rasululloh: «Samomani qo'yib yuboringizlar!» — dedilar, uni qo'yib yuborishdi. Samoma masjid yaqinidagi xurmozorga kirib g'usl qildi-da, masjidga qaytib kirdi, so'ng «Ashhadu anlo iloha illallohu va-shhadu anna Muhammadan rasulullohi» deb iymon keltirdi, keyin «Yo Muhammad! Olloh taolo haqi, yer yuzida menga sizning yuzingizdan ko'ra yomonroq ko'rinadigan yuz yo'q erdi, endi bo'lsa sizning yuzingiz men eng yaxshi ko'rgan yuzga aylandi. Men uchun sizning dilingizdan ko'ra yomonroq din yo'q erdi, endi bo'lsa men uchun sizning dilingiz eng yaxshi dinga aylandi. Olloh taolo haqi, sizning shaharingiz mening eng yomon ko'rgan shaharim erdi, endi bo'lsa shaharingiz mening uchun eng yaxshi shaharga aylandi. Men umra qilmoqchi bo'lib chiqqan erdim, otliqlaringiz ushlab kelishdi, endi nima qilayin?»—dedi. Rasululloh uni xushnud qilib, umra qilishni amr qildilar. Samoma Makkaga kelganda unga bir kishi «Dindan qaytgan?»— dedi. Samoma «Xudo haqi, unday ermas, men Muhammad sallallohu alayhi va sallam huzurlarida musulmon bo'ldim. Olloh taologa qasamyod qilurmanki, endi ul zotning ijozatlarisiz sizlarga Yamomadan bir dona bug'doy doni ham kelmagay!»—dedi».

Ibn Abbos raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Rasululloh zamonlarida Musaylama al-Kazzob degan odam paydo bo'lib: «Agar Muhammad o'zidan keyin payg'ambarlikni menga bersa, unga ergashaman»,— derdi. Musaylama o'z qavmiga mansub bir to'da kishilar birlan birga Madinaga keldi. Janob Rasululloh Sobit ibn Qays ibn Shammosni yonlariga olib, uning oldiga bordilar, qo'llarida bir xurmo shoxchasi bor erdi. Ul zot gumashtalari davrasida o'ltirgan Musaylama al-Kazzobning ro'parasiga kelib to'xtadilar-da, unga «Agar sen mana shu quruq shoxchani so'rasang ham senga bermagayman, sen hargiz dushmanlik qilolmagaysan, Olloh taolo sening haqingda hukm chiqarib qo'ygandur. Agar haqdan yuz o'girsang, Olloh taolo seni albatta halok qilgay! Sening haqingda tushimda ayon qilingan Boshqa gaplarga ersa mening nomimdan mana bu Sobit javob qilgay»,— deb qaytib ketdilar. Keyin, men Janob Rasulullohning «Sening haqingda tushimda ayon qilingan» degan gaplarining ma'nosini so'radim, Abu Hurayra raziyallohu anhu menga bunday dedilar. «Men uxlab yotgan erdim,— deb erdilar Janob Rasululloh,— tushimda qo'limda ikki oltin bilaguzuk ko'rdim, ularning chiroyi diqqatimni tortdi. Shunda Olloh taolo menga uyqumda vahiy yuborib «Ikkovini puflab yuboringiz!» — dedi. Men ikkalasini puflab yubordim. Men bu tushumni «Uzimdan keyin ikki odam payg'ambarlik da'vosini qilib chiqadi, biri — Al-Anasiy, ikkinchisi — Musaylama» deb ta'bir qildim»

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday der erdilar: «Rasululloh «Men uyquda erdim, tushimda yerning barcha xazinalari menga keltirildi. Keyin, kaftimga ikkita bilaguzuk qo'yildi, ikkovi ham og'ir ko'rindi. So'ng, menga «Ikkovini puflab yuboringiz!» deb vahiy qilindi. Men ikkovini puflagan erdim, qo'limdan uchib ketdi. Men o'sha ikki bilaguzukni ro'paramda turgan manavi ikki kazzob — San'o sohibi va Yamoma sohibi, deb ta'bir qildim»,— dedilar».

Abu Rajo al-Atorudiy bunday deydilar: «Bizlar toshga ibodat qilardik, agar yaxshiroq toshni topsak, avvalgisini Uloqtirib, boshqasini olardik. Agar tosh topolmasak, tuproqni to'plab, unga bir qo'yni olib kelib sutini sog'ardik, keyin uning atrofida tavof qilardik. Rajab oyi kirishi birlan nayza bormi, kamon o'qi bormi, barcha tig'larni qoldirmay, tashlab qo'yardik. Rasululloh payg'ambar bo'lgan kunlarda men qavmimning tuyalarini boqib yuradigan bir yosh bola erdim. Ushanda payg'ambar chiqqanligini eshitib,

jahannamga, ya'ni Musaylama al-Kazzob tomonga qochganmiz».

Al-Asvad al-Anasiy qissasi Bu yerda yuqoridagi hadislar takroran keltirilgan.

Ahli Najron qissasi.

Huzayfa raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Najronning ikki sohibi — Oqib va Sayyid Rasulullohning huzurlariga muloana qilishmoqqa (har biri o'zining haq erkanligini aytib, o'zaro bir-birini la'natlamoqqa) kelib, biri ikkinchisiga: «Bunday qilmaylik, agar u haq payg'ambar bo'lsa-yu, muloana qilishsak, najot topmagaymiz ham, bizni birov oqlamagay ham!» — dedi. Keyin, ular Janob Rasulullohga: «Siz nima so'rasangiz, beraylik, lekin siz biz birlan birga bir ishonchli kishini jo'naqan-giz!»,— deyishdi. Ul zot: «Sizlar birlan birga eng ishonchli odamni jo'nataman»,— dedilar-da, ashoblarini birma-bir nazardan o'tkazgach: «Ey Abu Ubayda ibn Jarroh, turingiz o'ringizdan!» — dedilar, Abu Ubayda turganlaridan so'ng: «Mana shu odam butun ummatning ishonchli vakili»,— dedilar».

Huzayfa raziyallohu anhu bunday deydilar: «Najron ahli Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Bizning qavmimizga bir ishonchli kishini jo'naqangiz!» — deyishdi. Ul zot: «Qavmingizga eng ishonchli odamni jo'natgayman»,— dedilar. Shunda barcha sahobalar «Meni yuborsalar kerak» deb umid qilishdi. Lekin, Janob Rasululloh Abu Ubayda ibn al-Jarrohni jo'natdilar».

Anas raziyallohu anhu: «Har bir ummatning ishonchli vakili bo'lgay, bu ummatning ishonchli vakili Abu Ubayda ibn al-Jarroh raziyallohu anhudir»,— deydilar.

Ummon va Bahrayn qissasi

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu bunday deydilar: «Menga Rasululloh: «Agar Bahrayndan mol kelsa, senga shuncha va shuncha berardim!» — deb uch bor aytib erdilar.

Lekin, Bahrayndan mol yetib kelmasdan turib vafot etib qoldilar. Janob Rasulullohdan so'ng, Abu Bakr xalifa bo'ldilar, mol shu kishining davrida yetib keldi. Abu Bakr bir kishi orqali: «Janob Rasululloh kimga shu moldan beraman, deb va'da qilgan bo'lsalar, huzurimga kelsin!» — deb e'lon qildilar. Shunda men Abu Bakrning huzurlariga kelib: «Janob Rasululloh menga: «Agar Bahrayndan mol kelsa, senga shuncha va shuncha bergayman, deb uch bor aytgan erdilar»,— dedim. Abu Bakr Janob Rasululloh va'da qilganlaricha mol berdilar. Keyin, bir muncha vaqt o'tgach, Abu Bakr Siddiqdan o'sha moldan yana beringiz, deb uch bor so'radim, bermadilar. Men xafa bo'lib u kishiga: «Huzuringizga uch marta keldim, lekin mol bermadingiz, menga mol berasizmi o'zi yoki menga baxillik qilayotirsizmi?» — dedim. Abu Bakr: «Menga baxillik qilayotirsizmi, deding-a?! Baxillikdan yomonroq narsa bormi? — deb uch bor aytdilar, so'ng: «Senga necha marta mol bermagan bo'lsam, hammasini olaver!»—dedilar».

Jobir ibn Abdulloh bunday deydilar: «Men Abu Bakrning huzurlariga kelib mol so'radim, u kishi menga: «Sana!» — dedilar, men sanab ko'rsam, besh yuzta erkan, «Hammasini ola qol!»—dedilar».

65-bob. Ash'ariylar va ahli Yamanning (Janob Rasulullohning huzurlariga) kelishi haqida

Abu Muso al-Ash'ariy raziyallohu anhu Paygambar alayhissalom haqlarida rivoyat qilaturib: «Ul zot «Ash'ariylar mendan, men ersam ulardanman» deb aytganlar»,— deydilar.

Abu Muso rivoyat qiladilar: «Men akam birlan birga Yamandan kelib, (Janob Rasulullohning xonadonlarida) ancha turdik. Shunda Ibn Mas'ud va uning onasi birlan Rasulullohning xonadon a'zolari o'rtasida ko'p kirdichiqdi bo'lib turganigini hamda ul zotning ularga ehtiejlari borligini ko'rib, ular ham payg'ambarimizning xonadon a'zolaridan, deb fikr qildik».

Zahdam rivoyat qiladilar: «Abu Muso Yamanga kelganda Jarm qabilasi unga izzat-hurmat ko'rsatdi. Biz Abu Musoning oldida o'ltirgan erdik, u tovuq go'shti tanovul qilayotib bir kishini taomga taklif qildi. Lekin, u «Men tovuqning iflos narsa yeganini ko'rganman» deb unamadi. Shunda Abu Muso: «Men Rasulullohning ham tovuq go'shti yeganlarini ko'rganman» — deb uni yana dasturxonga taklif qildi. «Men buni hech qachon yemagayman!» deb qasam ichganman»,— dedi u. Shunda Abu Muso: «Bu yoqqa kelgil, qasam haqida senga bir rivoyatni aytib berayin, voqea bunday bo'lgandi», — dedi: «Biz bir necha ash'ariylar Janob Rasulullohning huzurlariga bordik-da, u kishidan ulov so'radik. Janob Rasululloh ulov bera olmasliklarini aytdilar. Biz yana so'radik, shunda ul zot: «O'loh haqi, sizlarga ulov bera olmayman!» — deb qasam ichdilar. Shu asnoda bir necha tuyalarni yetaklab kelib qolishdi. Janob Rasululloh ulardan beshtasini bizga bermoqni amr qildilar. Biz tuyalarni olgach: «Janob Rasulullohni g'aflatda qoldirdik, bizni deb qasam ichganlarini unutib qo'ydilar, endi biz sira ham najot topmagaymiz!» — dedik. So'ng, men ul zotning qoshlariga borib: «Yo Rasulalloh, siz bizga ulov yo'q, deb qasam ichgan erdingiz, lekin keyin ulov berdingiz-ku?!»—dedim. Rasululloh: «Ha, to'g'ri, lekin men tokim avvalgi qasamimni kafforatini berib halolab olmaganimcha, biror boshqa qasamni afzal ko'rsam, qasam ustiga qasam ichmagayman!» — dedilar».

Imron ibn Husayn rivoyat qiladilar: «Rasulullohning huzurlariga Banu Tamim ahli keldi. Janob Rasululloh: «Ey Banu Tamim, bashoratni qabul qilingizlar!» — dedilar. Banu Tamim ahli: «Nima haqda bashorat qilgan bo'lsangiz, o'shaning o'zini beringiz!» — dedi. Bu gapdan ul zotning yuzlari o'zgarib ketdi. Keyin, yamanliklar kirib keldi. Janob Rasululloh ularga: «Banu Tamim ahli qabul qilmagan bashoratni qabul qilingizlar!» — dedilar. Yamanliklar: «Yo Rasulalloh, qabul qildik!»— deb javob qilishdi».

Abu Mas'uddan naql qilinadi: «Payg'ambar alayhissalom «Iymon o'sha yerda!» deb Yaman tarafga ishora qildilar-da: «Jafo va berahmlilik shaytonning ikki shoxi chiqadigan tarafda, (sharqda) yashaydirgan, tuyalarning ketidan qolmaydirgan baqiroqlarda, ya'ni Rabiya va Muzar qabilalaridadur»,~dedilar.

Abu Hurayra raziyallouu anhu bunday deydilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Yaman ahli huzuringizga keldi, ularning dillari yumshoq, qalblari muloyimdur. Mustahkam iymon ham, mukammal hikmat ham Yamandadir, takabburlik va xudbinlik ersa tuya ashoblarida, bosiqlik va viqor ersa qo'y ahllaridadur»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Payg`ambar alayhissalom: «Iymon Yamanda, fitna ersa mana bu yoqda bo`lib, u yerdan shaytonning shoxi chiqadi»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhudan naql qilinadi: «Rasululloh: «Huzuringizga Yaman ahli keldi. Ularning dillari nozik, qalblari muloyim bo`lib, fiqh ham, hikmat ham Yamandadur»,— dedilar».

Alqamadan naql qilinadi: «Biz Ibn Mas`ud birlan birga o`ltirgan erdik, Xabbob kelib Ibn Mas`uddan: «Ey Abdurrahmonning otasi, bu yigitlar ham siz qiroat qilgandek qiroat qila olgaylarmi?» — deb so`radi. Ibn Mas`ud: «Agar xohlasangiz, birortasiga buyuraman, sizga qiroat qilib beradi»,— dedilar. Xabbob rozilik bildirganlaridan so`ng, Ibn Mas`ud: «Ey Alqama, o`qi!»—deb buyurdilar. Shu yerda o`ltirganlardan biri — Zayd ibn Hudayr e`tiroz bildirib: «Alqamaga qiroat qilishni buyurayotirsiz, ammo sheriklarimiz ichida mening qiroatim yaxshiroq ermasmi?»—dedi. Ibn Mas`ud unga: «Agar xohlasang, Rasulullohning uning qavmi haqida nima deganlari birlan sening qavming haqida nima deganlarini aytib beraman»,— dedilar. Keyin, men «Maryam» surasidan ellik oyatni o`qib berdim. Ibn Mas`ud: «Qiroati qanday, yoqdimi?» —deb so`radilar. Xabbob: «Qiroatni juda bopladi!»—deb xursandlik izhor etdi. Ibn Mas`ud ham faxrlanib: «Men nimani qiroat qilsam, bu ham o`shani qiroat qiladi»,— dedilar, keyin Xabbobga qarab uning qo`lidagi tillo uzukni ko`rib qoldilar-da: «Bu uzukni tashlab yuborish vaqti kelmadimi?»—deb so`radilar. Xabbob: «Bugundan keyin bu uzukni mening qo`limda ko`rmaysiz» — deb barmoqlaridan chiqarib otib yubordilar».

Davs va Tufayl ibn Amr ad-Davsiy qissasi

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Tufayl ibn Amr Payg`ambar alayhissalomning huzurlariga kelib: «Davs qabilasi endi halok bo`ldi, osiylik qilib bu yerga kelishdan bosh tortdi, Olloh taologa iltijo qilib ularni duoi bad qilingiz!»— dedi. Rasululloh aksincha: «Ey Olloh, Davsni Xidoyat qilgin, huzurimizga kelishga dillarini moyil qilgin!»— deb duoi xayr qildilar».

Abu .Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Payg`ambar alayhissalomning huzurlariga kelayotib quyidagi baytni aytdim:

Uzayding qanchalar, ey tun, qilib, menga mashaqqatlar, Va lekin, men kufur iskanjasiga tushmasam, bas!» Keyin, qaragam, qulim yo`q, orqada qolib ketibdi. Janob Rasulullohning huzurlariga borib, ul zotga bay`at qilayotgan erdim, ichkaridan qulim chiqib keldi. Janob Rasululloh: «Ey Abu Hurayra, mana quling!»—dedilar. Men darhol: «Uni Olloh rizoligi uchun ozod qildim!»—dedim».

66-bob Tay qabilasi vakillari qissasi va Adiy ; ibn Hotim haqidagi hadis

Adiy ibn Hotim rivoyat qiladilar «Biz Tay qabilasi vakillari Hazrat Umarning huzurlariga keldik Shunda Hazrat Umar har bir qabila vakilini birma-bir nomini aytib chaqirdilar. Men Hazrat Umarga «Ey mo`minlar amiri, meni tanimayotirsizmi?»— dedim. Hazrat Umar «Ha, tanidim. Sen bularning kofirlik vaqtida musulmon bo`lgansan, bular islomdan yuz o`giranlarida sen islomga kirgansan, bular xiyonat qilganlarida sen vafo qilgansan,

bular tan olmaganlarida sen tan olgansan!» — dedilar. Men «Undoq ersa sizdan xafa bo'lmagayman!» — dedim».

67-bob Hajjat ul-Vido' (Xayrlashuv haji) haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Biz Hajjat ul-Vido'da Janob Rasululloh birlan birga yo'lga chiqdik. Hammamiz umraga ehrom bog'ladik. Keyin, Rasululloh «Kimki jonlig' olib kelgan bo'lsa, umra birlan hajga ehrom bog'lasin, ikkovini ado qilmaguncha ehromdan chiqmasin!» — deb buyurdilar. Men Rasululloh birlan birga Makkaga keldim, hayz ko'rganim uchun Baytullohni tavof qilolmadim, Safo va Marva o'rtasida sa'y ham qilolmadim. Rasulullohga bu haqda shikoyat qilgan erdim, ul zot menga «Sochingni yoyib taragin-da, umra o'rniga hajga ehrom bog'lagin!» — deb buyurdilar. Men aytganlaridek qildim. Hajni ado qilganimizdan keyin, ul zot meni (ukam) Abdurrahmon ibn Abu Bakr birlan birga Tan'imga jo'natdilar, men u yerda umra qildim. Rasululloh: «Mana shu qazo bo'lgan umrang o'rniga», — dedilar. Umraga ehrom bog'lagan boshqa kishilar ersa Baytullohni tavof qilib, Safo birlan Marva orasida sa'y qilishdi, keyin ehromlarini yechishdi. Hajdan so'ng, Minodan qaytganlaridan keyin, yana qayta Baytullohni tavof qilib, hajni yakunlashdi. Ammo, birvarakayiga haj ham umraga niyat qilganlar Baytullohni bir marta tavof qilishdi».

Ato ibn Abu Raboh raziyallohu anhu Ibn Abbas raziyallohu anhuriig Baytullohni tavof qilgach, ehromdan chiqqanlarini rivoyat qilibdilar. Ibn Jurayj: «Ibn Abbas nimaga asoslanib shunday qildi erkan?» — deb Atodan so'rabdilar, u kishi: «Ibn Abbas Qur'oni Karimning «Summa mahilluho ilal-baytil-atiq», ya'ni «Ehromli kishining ehromdan chiqadigan joyi ulug' Ka'badur» degan oyati mazmuniga va Rasulullohning Hajjat ul-Vido'da tavofdan keyin ehromdan chiqishni amr qilganlariga asoslangan», — deb javob beribdilar: «Ehtimol, tavofdan keyin (Arafada vuquf qilgandan keyin) bu mumkin bo'lar?» — deb so'raganlarida, Ato: «Ibn Abbas buni Arafadan oldin ham, keyin ham mumkin deb hisoblar erdi», — deb javob beribdilar.

Abu Muso al-Ash'arii bunday deydilar: «Men Payg'ambar alayhissalomga Batho degan joyda yetib oldim. Rasululloh «Hajga niyat qildingmi?» — deb so'radilar. Men «Ha», — dedim. «Nima deb ehrom bog'lading?» — dedilar. Men: «Rasululloh nima deb ehrom bog'lagan bo'lsalar, men ham shunday deb ehrom bog'ladim», — dedim. Rasululloh: «Unday ersa, Baytullohni tavof qilgil, Safo birlan Marva oralig'ida sa'y qilgil, keyin ehromingni yechgil!» — dedilar. Men tavof qilib, Safo birlan Marva oralig'ida sa'y qildim, keyin Qays qabilasidan bir ayol boshimni boqib, bitlarini tozalab qo'ydi».

Payg'ambar alayhissalomning jufti halollari Hafsa raziyallohu anhoning aytishlariga qaraganda, Rasululloh Hajjat ul-Vido' yili (tavof va Arafa vuqufidan keyin) hamma xotinlariga ehromdan chiqishni buyuribdilar. Shunda Hafsa onamiz «Uzingizning ehromdan chiqmog'ingizga nima mone'lik qilayotir?» — deb so'raganlarida, ul zot «Sochimni yopishtirib olganman, tuyamga qurbonlik alomatini osib qo'yganman, uni so'ymasdan turib ehromimni yecha olmayman», — deb aytibdilar.

Ibn Abbas rivoyat qiladilar «Hajjat ul-Vido'da Rasulullohdan Xas'am qabilasidan bo'lgan bir ayol fatvo so'radi. Shunda Fazl ibn Abbas Janob Rasulullohning tuyalariga mingashib olgan erdi. Ayol «Yo Rasulalloh, Oллоh taoloning hajni farz qilgan vaqti otamning keksayib tuyada o'ltirolmaydirgan bo'lib qolgan paytlariga to'g'ri kelib qoldi, men u

kishining o'rinlariga haj qilsam bo'lurmi? — dedi. Rasululloh «Albatta, bo'lur!» — dedilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh Fath yili Makkaga kirib keldilar. Qasvo nomli tuyalariga Usomani mingashtirib olgan erdilar, Bilol, Usmon, Ibn Talha ham birga kelishayotgan erdi. Tuya Baytullohning yonginasida cho'ktirildi. Rasululloh Usmonga kalitni keltirishni buyurdilar. Baytullohning eshigi ochilib, Rasululloh Usoma, Bilol va Usmon birlan birgalikda ichkariga kirdilar. Eshikni ichkarisidan berkitib olishib, uzoq muddat turishdi Keyin, Janob Rasululloh chiqdilar, odamlar shoshilib ichkariga kirishdi. Men hammadan oldin kirdim-da, eshik orqasida turgan Biloldan: «Rasululloh qaerda namoz o'qidilar?»—deb so'radim. Bilol «Rasululloh oldingi mana bu ikki ustun o'rtasida, orqalarini eshikka, yuzlarini ersa eshik ro'parasidagi devorga qaratib namoz o'qidilar»,— dedi. Baytullohning ichida oltita ustun bor erdi. Ushanda men Biloldan ul zotning qancha namoz o'qiganlarini so'rashni unutibman. Janob Rasulullohning o'sha namoz o'qigan joylariga qizil marmar yotqizilib belgilab qo'yilgan».

Payg'ambar alayhissalomning zavjalari Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Hajjat ul-Vido'da ul zotning boshqa xotinlari Safiyya binti Huyay hayz ko'rib qoldi. Rasululloh: «Safiyya bizni yo'ldan qoldiradigan bo'ldi-da!» —dedilar. Shunda men: «Yo Rasulalloh! Safiyya Arafa vuqufidan keyin Baytullohni tavof qilgan»,— dedim. Janob Rasululloh: «Undoq bo'lsa, hechqisi yo'q!» —dedilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz Hajjat ul-Vido'da suhbatlashib o'ltirar erdik, Payg'ambar alayhissalom ham oramizda erdilar, ammo Hajjat ul-Vido'ning o'zi nima erkanligini bilmas erdik. Janob Rasululloh minbarga chiqib, Olloh taologa hamdu sano aytdilar, keyin Masih Dajjol haqida uzoq gapirib, so'ng: «Olloh taolo qaysi payg'ambarni yubormasin, u o'z ummatini Dajjoldan ehtiyot bo'lmoqqa chorlagan. Nuh ham, undan keyingi payg'ambarlar ham o'z ummatlarini ogohlantirganlar. Dajjol sizlarning orangizdan chiqadi. Uning haqidagi gaplarni bilib qo'ymogingiz lozim. Rabbingiz, takror aytaman, rabbingiz bir ko'zi ko'r ermas, Dajjolning ersa o'ng ko'zi ko'r bo'lib, so'linqiragan uzum donasi kabidir. Ogoh bo'lingizlarki, Olloh taolo bugungi kunni, ushbu shaharni va ushbu oyni muqaddas qilgani yanglig' bir-birlaringizning qoningizni to'kmog'ingizni, mol-mulkingizga ko'z olaytirmog'ingizni harom qildi, buni tushuntira oldimmi?» — dedilar. Sahobalar: «Ha, tushuntira oldingiz!»— deyishdi. Janob Rasululloh yana gaplarida davom etib: «Ey Olloh, guvoh bo'l, ey Olloh guvoh bo'l, ey Olloh guvoh bo'! Bilib qo'yingizlar, mendan keyin bir-biringizning bo'ynin-gizga tig' uradiringan kofir bo'lib ketmangizlar!» — dedilar». Zayd ibn Arqam: «Payg'ambar alayhissalom o'n to'qqiz marta g'azot qilganlar. Hijratdan keyin, Hajjat ul-Vido' yili bir marta haj qilganlar, boshqa haj qilmaganlar»,—deydilar.

Jarrir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom Hajjat ul-Vido'da menga odamlarni tinchlantirishni buyurdilar-da: «Mendan keyin bir-biringizning bo'yingizga tig' uradiringan kofir bo'lib ketmangizlar!» — dedilar».

Ibn Abu Bakra rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom Hajjat ul-Vido'da: «Zamon Olloh taolo yeru osmonlarni yaratgan kundagidek aylanib turibdi. Yil o'n ikki oydan iborat bo'lib, shundan to'rt oyi muqaddas oylardur. Uchtasi ketma-ket: Zulqa'da, Zulhijja, Muharram, to'rtinchisi ersa Jumod va Sha'bon oylarining o'rtasiga joylashgan Rajab — Muzar oyidir»,— dedilar, so'ng: «Hozir qaysi oy?» —deb so'radilar. «Olloh va

uning rasuli biluvchiroq!» — dedik. Shunda Rasululloh sukut qildilar, biz hozirgi oying nomini biror boshqa nom bilan ataydilmikim, deb o'yladik. «Zulhijja ermasmi?» — dedilar. Biz: «Ha»,— dedik. «Bu qaysi shahar?» — deb so'radilar. Biz: «Ollah va uning rasuli biluvchiroqdur!»—dedik. «Bu muqaddas shahar ermasmi?»—dedilar. Biz: «Ha, shundoq!» — dedik. «Bugun qanday kun?» — dedilar. Biz: «Ollah va uning rasuli biluvchiroqdur!» — dedik. Ul zot biroz sukut qildilar, biz bu kunning biror boshqa nomini ayqalar kerak, deb xayol qildik. «Nahr kuni ermasmi?» — dedilar. Biz: «Ha, shundoq!» — dedik. Shundan so'ng, ul zot: «Mana shul muqaddas oydagi kuningiz va mana shul muqaddas shahringiz haqqi-hurmati, bir-biringizning qoningizni to'kmoq, mol-mulkingizni talamoq, or-nomusingizni poymol etmoq sizlar uchun haromdur! Bir kuni Ollah taolaga ro'baro' bo'lgaysizlar, o'shanda qilgan amallaringiz haqida so'ragaydur, mendan keyin bir-biringizning bo'g'zingizga tig' uradigan gumroh bo'lib ketmangizlar, bu yerda hozir bo'lganlar, bo'lmaganlarga gaplarimni yetkazinglar, chunkim o'zi eshitgan kishidan ko'ra, birovdan eshitgan kishi yodida saqlovchanroq bo'lgay!»— dedilar».

Toriq ibn Shihob rivoyat qiladilar: «Yahudiylardan biri Hazrat Umarga: «Agar o'sha oyat bizga nozil bo'lganida erdi, biz o'sha kunni bayram qilib olar erdik!»—dedi. Hazrat Umar: «Qaysi oyat?»—dedilar. «Bugun men sizlarga diningizni mukammal qilib berdim, ne'matlarimni bisyor qildim va islomning sizlar uchun din bo'lmog'ini iroda qildim» degan oyatdir»,— dedi. yahudiy. Hazrat Umar: «Bu oyatning qaysi joyda nozil bo'lganini aniq bilmayman, lekin u nozil bo'lganda Janob Rasululloh Arafotda turgan erdilar»,— dedilar».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Biz Janob Rasululloh bilan birga yo'lga chiqdik, ba'zimiz umraga va ba'zimiz hajga va yana ba'zimiz birvarakayiga ham umra, ham hajga talbiya aytgan erdik. Janob Rasululloh hajga talbiya aytgan erdilar. Lekin, hajga yoki birvarakayiga ham umra, ham hajga talbiya aytganlar Nahr kuniga qadar ehromlarini yechmadilar».

Omir ibn Sa'd otalari haqida naql qiladilar: «Janob Rasululloh Hajjat ul-Vido' paytida meni ko'rgani kirdilar, men xastalanib, o'lim to'shagida yotgan erdim. Shunda ul zotga: «Yo Rasulalloh, o'zingiz ko'rib turganingizdek, og'ir yotib qoldim, men ersam badavlat kishiman, birgina qizimdan bo'lak merosxo'rim yo'q, molimning uchdan ikkisini sadaqa qilayinmi?» — dedim. Janob Rasululloh: «Yo'q»,— dedilar. Men: «Yarmini sadaqa qilayinmi?» — dedim. Janob Rasululloh: «Yo'q»,— dedilar. Men: «Unday ersa uchdan birini sadaqa qilaveray»,— dedim. Janob Rasululloh: «Uchdan bir... uchdan bir ham ko'plik qiladi, merosxo'ringni tilamchi qilib qoldirganingdan ko'ra boyroq qilib qoldirganing ma'qulroqdur. Ollah taoloning rizoligi uchun qilgan har bir sadaqang uchun ajru savob olgaysan, hattoki xotiningning og'ziga solib qo'ygan bir luqma taoming uchun ham!» — dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, o'rtoqlarimdan keyin qolarmikanman?» — dedim. Janob Rasululloh: «Urtoqlaringdan keyin qolib Ollah taoloning roziligi uchun amali solihlar qilolmasang kerak, ehtimol qolarsan va sening xayrli amallaringdan musulmonlar naf ko'rib, kofirlar zarar topar?! Yo Ollah, sahobalarimning hijratlarini bexatar qilib, ortlariga qaytarmagaysan!»— dedilar. Ammo, afsuski, Sa'd ibn Xavla Makkada vafot etib qolib, Janob Rasululloh unga ko'p achindilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi vasallam Hajjat ul-Vido'da sochlarini oldirdilar»,— deb aytgan erkanlar.

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hajjat ul-Vido'da sochlarini oldirdilar, sahobalaridan ayrimlari ersa sochlarini qisqartirishdi. Abdulloh ibn Abbos raziyallohu anhuning aytishicha, u eshakka minib kelayotganida Janob Rasululloh odamlar birlan birga Minoda namoz o'qib turgan erkanlar, eshak namozxonlar safini oralab o'tib ketibdi. So'ng, Abdulloh eshakdan tushib namozxonlar safiga borib turibdi».

68-bob. Tabuk, ya'ni Al-Usra g'azoti haqida

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Urtoqlarim meni Janob Rasulullohdan ulov so'ramoqqa yuborishdi, ul zo t Al-Usra qo'shini, ya'ni Tabuk g'azoti haqida tashvishlanib o'ltirgan erkanlar. Men: «Yo Rasulalloh! Urtoqlarim meni ulov so'rab kelgil, deb xuzuringizga yuborishdi»,— dedim. Ul zot: «Ollah taolo haqi, birorta ham ulov bera olmayman!» — dedilar g'azablanib, lekin nega g'azablanganlarini bilolmadim. So'ng, Janob Rasulullohning rad etganlaridan xafa bo'lib hamda «Ul zot mendan biror narsa xususida xafa bo'lganmikanlar?» deb xavotir olib ortimga qaytdim-da, bo'lgan voqeani ularga so'zlab berdim. Hech qancha vaqt o'tgan yo'q erdi, Bilolning: «Ey Abdulloh ibn Qays!»—deb chaqirganini eshitib qoldim. Men unga: «Ha»,— dedim. U: «Janob Rasululloh seni chorlayotirlar»,—dedi. Janob Rasulullohning huzurlariga borib erdim, menga: «Manavi tuyalarni o'rtoqlaringga olib bor-da, «Bularni Ollah taolo (yoki Rasululloh) minib ketishingiz uchun sizlarga berdi» deb aytgil, so'ng minib ketaveringizlar!»— dedilar. Tuyalarning soni oltita bo'lib, ularni hozirgina Sa'ddan sotib olgan erdilar. Men tuyalarni o'rtoqlarimning oldiga olib bordim-da, ularga: «Bularni Janob Rasululloh minib ketishingiz uchun sizlarga berdilar, lekin men, xudo haqi, birortangizni Janob Rasulullohning haqiqatan ham menga shunday deganlarini eshitgan odamning oldiga olib bormoqchiman, tag'in ul zot aytmagan gapni bizlarga aytdi, deb o'ylamangizlar!»—dedim. Ular: «Biz seni haqgo'y, deb bi-lurmiz, ammo, mayli, sen aytganingcha bo'la qolsin!»— deyishdi». Abu Muso bir necha o'rtoqlarini Janob Rasulullohning avval «Ulov yo'q» deb, so'ng ulov berganlarining shohidi bo'lgan kishilar qoshiga olib bordi, ular Abu Muso o'z o'rtoqlariga aytgan gaplarni aynan takrorlashdi.

Mus'ab ibn Sa'd otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Tabuk g'azotiga ketayotib Hazrat Alini o'rinbosar qilib qoldirmoqchi bo'ldilar. Shunda Hazrat Ali: «Meni bolalaru xotinlarga bosh qilib qoldirmoqchimisiz?» — dedilar. Janob Rasululloh: «Muso alayhissalom (o'z birodarlari) Horunni (Fir'avn huzuriga ishonchli) vakil qilib yuborganlari kabi, sen ham bu yerda mening ishonchli kishim bo'lib qolmog'ingga rozi ermasmisan? Bu yerda ishonchli vakilim bo'libgina qolmog'ing mumkin, chunki mendan keyin payg'ambar bo'lmagay!»—dedilar».

Safvon ibn Ya'lo otalaridan nakl qiladilarki, u kishi: «Men Janob Rasululloh birlan birga Al-Usra g'azotida ishtirok qildim»,— debdilar. Ato aytadilarki, Ya'lo: «Ushal g'azot mening eng umidbaxsh amallarimdandur!» — der erkanlar. Ato Safvonga aytgan erkanlarki, Ya'lo: «Mening bir yollanma xizmatkorim bo'lar erdi, u bir kishi birlan urishib qolib, biri ikkinchisining qo'lini tishlab olgan erdi»,— der erkanlar. Ato: «Menga Safvon kim kimning qo'lini tishlab olganini aytgan erdi, men esimdan chiqaribman»,— deydilar. Safvon bunday deydilar: «Qo'li tishlangan kishi tishlab olgan kishining og'zidan, qo'lini tortib olganda uning kurak tishi tushib ketdi, shunda ikkalasi Janob Rasulullohning huzurlariga borishdi, tishi tushib ketgan kishining og'zidan qon oqib turardi. Janob Rasululloh unga: «Ayg'ir kabi chaynagin, deb qo'lini og'zingga tiqibdimi?!» — dedilar».

69-bob. Ka' b ibn Molik hadisi va Olloh taoloning «(G'azotdan) qolib ketgan uch kishi (Ka' b ibn Molik, Murora ibn ar-Rabi' va Hilol ibn Umayya)ga ham...» degan qavli haqida

Ka' b ibn Molik bunday deydilar: «Men Tabuk va Badr gazotidan tashqari, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ishtirok qilgan gazotlarning birortasiga bormay qolmaganman. Ushanda Badr gazotiga bormagani uchun biror kishiga dashnom bermagan erdilar, chunki Janob Rasululloh Quraysh karvonini qo'lga tushirmoq bo'lib chiqqan erdilar, Olloh taolo ersa ularni kutilmaganda dushmanga ro'baro' qilib qo'ygan erdi. Men, Laylat ul-Aqaba kechasi islomga sadoqat bildirib ahdu paymon qilganimizda, Janob Rasululloh birlan birga bo'lganman va men bu fazlni Badrda ishtirok etishdan ko'ra afzalroq deb bilurman, garchi Badrni odamlar ko'proq tilga olsalar-da!

Tabuk g'azoti xususiga kelsak, oziq-ovqatim, ulovim hamda quvvatim ham yetarli bo'lib, undan qolmog'imga hech bir uzrli sababim yo'q erdi. Ilgarilari hech qachon mening qo'limda bir vaqtning o'zida ikkita tuya bo'lgan ermas, g'azot vaqtida ersa doimo ikkita tuyam jihozi birlan tayyor turar erdi. Janob Rasululloh, odatda, bundan ilgarigi g'azotlarda ko'p narsalarni sir tutar erdilar, bu gal ersa havoning issiqligi, yo'lning uzoqligi va dushmanning behisob erkanligini musulmonlarga ochiq aytib, yaxshiroq tayyorgarlik ko'rmoqni amr qilgan erdilar. Janob Rasululloh birlan birga yo'lga chiqqanlarning soni ham ko'p erdi, ularning sonini hatto hisobchilar ham bilmas erdi (taxminan, yetmish ming). Odamning ko'pligidan, agar ulardan birortasi g'azotdan o'zini olib qochishni xohlasa, «Olloh taolo vahiy birlan rasuliga xabar qilsagina mening qochganimni bilishlari mumkin» deb o'ylar erdi. Janob Rasulullohning mazkur g'azotga chiqqan paytlari mevalar g'arq pishgan va daraxtlar soyasi rohatijon bo'lgan bir payt erdi.

Janob Rasululloh musulmonlarga safar taraddudini ko'rmoqlikni amr qildilar, men ham ertalab ular birlan birga tayyorgarlik ko'rib, kechki payt uyga qaytdim, ammo hech narsaga qo'lim bormadi. Uzimga-o'zim: «Tayyorgarlik ko'r, sen safar qilmoqqa hammadan qodirroqsan!»—deb yurgan chog'imda musulmonlarning safar tadoriki tugab, Janob Rasululloh tezda yo'lga chiqdilar. Mening tayyorgarligim ersa hamon bitmas erdi. «Mayli, bir-ikki kun kechiksam ham ularga yetib olgayman» — deb o'zimga dalda berar erdim. Yana bir-necha kun shu ahvolda yurdim, so'ng «Endi jo'nayin, lashkarni topayin!» deb azm qildim-u, ammo o'zimni majbur qilolmadim.

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jo'nab ketganlaridan keyin ko'chalarga chiqib, odamlar aro kezdim, ammo ming nadomatlar bo'lsinkim, o'zimni xafa qiladirgan holatdan bo'lak holatga, ya'ni gunohkorligidan bo'yni xam yoki Olloh taolo ma'zur tutgan zaif kishilardan bo'lak odamga ko'zim tushmas erdi.

Janob Rasululloh yo'lda meni eslamabdilar, faqat Tabukka yetib olganlaridan so'ng, ko'pchilik oldida: «Ka' b nechun bunday qildi erkan?» — deb so'rabdilar. Shunda Banu Salama qabilasidan bir kishi: «Yo Rasulalloh, u g'azotga bormoqchi bo'lganida choponining ikki yoni ikki biqiniga mahliyo bo'lib, mahkam ushlab qolgan!»—debdi. Maoz ibn Jabal unga javoban: «Qanday yomon gap aytding! Olloh taolo haqi, biz Ka'bni faqat yaxshi odam deb bilurmiz!» — debdilar. Janob Rasululloh buni eshitib sukut qilibdilar.

Bir kuni men Janob Rasulullohning qaytib kelayotganlarini eshitib, «Ertaga ul zotning g'azablaridan qanday qutilsam erkan?» degan o'y birlan yolg'on-yashiq gaplarni to'qiy boshladim, uyimdagilardan ham mening gaplarimni tasdiqlamoqlarini so'radim. «Janob Rasululloh qaytib kelib, soyai muboraklarini solibdilar» degan xabarni eshitishim birlanoq, to'qib qo'ygan bor yolg'on-yashiq gaplarim miyamdan chiqib ketdi va men ul zotning g'azablaridan yolg'on-yashiq gaplar birlan qutula olmasli-gimni tushunib yotdim-da, haqiqatni aytmoqqa qaror qildim. Odatda, ul zot safardan qayqalar, avval masjidga kirib, safardan omon-eson qaytganlari shukronasiga ikki rak'at namoz o'qir erdilar, so'ng odamlarga o'girilib o'ltirardilar. Bu gal ham shunday qilganlarida g'azotdan qolganlar huzurlariga kelishib, ul zotdan uzr so'rab ont icha boshlashdi, bundaylar sakson nechta erdi. Janob Rasululloh ularning ko'pchilik oldida aytgan uzrlarini qabul qildilar, so'ng ularni bay'at qildirib, gunohlarini Oллоh taolodan so'radilar, qalblaridagi sir-asrorlarini ersa yaratganning o'ziga havola qildilar. Keyin, men ham qoshlariga borib salom bergan erdim, g'azab aralash tabassum qildilar-da, «Beri kel!»—dedilar. Men ro'paralariga borib o'ltirdim. Ul zot: «Nechun g'azotga bormading, buning uchun tuya ham sotib olgan erding-ku!» — dedilar. Men: «Ha, shunday! Oллоh taolo haqi, agar men sizdan bo'lak odamning qoshida bo'lganimda, uzr aytibgina qutilib ketgayman, deb o'ylagan bo'lur erdim, ammo men bunday qilmoqchi ermasman. Lekin, xudo haqi, agar hozir sizga yolg'on vaj ko'rsaqam-u, siz ishonib meni kechirsangiz, Oллоh taolo meni deb sizdan darg'azab bo'lgay va agar haqiqatni ayqam, mening haqimda yomon fikrda bo'lgaysiz, ammo men Oллоh taoloning mag'firatidan umidvorman. Xudo haqi, mening hech bir uzrli vajim yo'q erdi, siz birlan bormay, bu yerda qolgan chog'imda mendan kuchli va boyroq odam yo'q erdi!» — dedim. Ul zot: «Haq gapni aytding, endi Oллоh taolo sening xususingda hukm chiqarguncha bu yerdan nari ket!»— dedilar. Men o'rnimdan turdim. Shunda Banu Salama qabilasi kishilari ketimdan ergashib kelayotib: «Xudo haqi, biz sening ilgari bunday gunox qilmaganingni bilurmiz, sen ham boshqalar singari uzr aytib qo'ya qolganingda, ul zot qabul qilib, Oллоh taologa sening uchun istig'for aytar erdilar» — deya menga shu qadar tanbih berishdiki, hatto ul zotning qoshlariga qaytib borib, avvalgi yolg'on-yashiq vajimni aytmoqchi bo'ldim. Men ulardan: «Mendan bo'lak biror kishi ham o'z gunohini bo'yniga oldimi?» — deb so'radim. Ular: «Ha, ikki kishi sen kabi gunohini tan olib erdi, ularga ham senga aytgan gaplarini aytdilar»,— deyishdi. «Kim o'sha ikki kishi?» — deb so'radim.

Ular: «Murora ibn ar-Rabi' va Hilol ibn Umayya»,— deyishdi. Bular solih kishilar bo'lib, Badr qatnashchisi va boshqalarga namuna bo'larli fazilatga ega kishilar erdi. Menga bu ikkisining nomini zikr qilishgach, boyagi muddaomdan qaytdim. Janob Rasululloh Tabuk g'azotidan qolgan biz uchchalamiz birlan musulmonlarning gaplashmoqlarini man' qildilar. [Oллоh taolo bular to'g'risida quyidagi oyatni nozil qilgan: «(Jihoddan) qolgan munofiqlar Oллоhning rasuliga osiylik qilib (uyalarida) qolganlaridan xushnud bo'ldilar va ular Oллоh yo'lida molu jonlarini tikib jihod qilmoqni istamadilar va (o'zaro): «Bunday issiqda urushga bormangizlar!» — dedilar. Siz aytingizki, «Agar ularning fahmlari yeqa, jahannam otashi (bundan) behad issiqroq-dur!】». Odamlar bizdan yuz o'girishib, gaplashmay qo'yishdi, hatto men dunyoga kelganimdan pushaymon bo'lib ketdim. Bu axvol ellik kun davom etdi. Mening ikki sherigim (Murora va Hi-lol) uylaridan tashqariga chiqolmay qolishdi, tinmay yig'lashardi. Men bo'lsam, qavmni sog'inib, ular birlan gaplashmoqqa intilar, masjidga chiqib birgalikda namoz o'qir va bozorlarni aylanib yurar erdim, ammo hech kim men birlan gaplashmas erdi. Har safar namozga borganimda Janob Rasulullohg'a salom berardim-da, ichimda «Salomimga alik olib lablarini qimirlatarmikanlar» deb umidvor bo'lar erdim, so'ng yonlariga yaqinroq borib namoz

o'qiyotib, muborak yuzlariga o'g'rincha tikilar erdim. Bir kuni namozga kelsam, oldimdan chiqib qoldilar, u kishiga qaragan erdim, mendan yuzlarini o'girib oldilar, bu mening jon-jonimdan o'tib ketib, amakimning o'g'li bo'lmish Abu Qatodaning uyiga tomon ravona bo'ldim, u mening uchun boshqalardan ko'ra mahbubroq erdi. Uyiga kirgach, unga salom berdim, lekin u, xudo haqi, alik olmadi. Shunda men unga: «Ey Abu Qatoda, Oллоh taolaga yolborib so'rayman, mening Oллоh taolo birlan uning rasulini yaxshi ko'rishimni bilasanmi, o'zi?!» — dedim. Men boyagi gapimni yana takrorladim, yana indamadi, yana takrorladim, yana indamadi. So'ng, shunday deb qayta murojaat qilgan erdim, u: «Oллоh taolo va uning rasuli yaxshiroq bilgay!» — deb qo'ydi. Shunda ko'zimdan yosh tirqirab ketdi, uyidan otilib chiqib ketdim. So'ng, Madina bozorida ketayotgan erdim, bu yerga taom sotgani kelgan Shom ahlidan bo'lmish bir kishini ko'rib qoldim, u odamlarga: «Kim menga Ka'b ibn Molikni topib bera oladi?» — der erdi. Odamlar men tomonga ishora qila boshlashdi, u oldimga kelib G'asson podshohi yo'llagan bir maktubni menga topshirdi, unda «Ammo ba'd, menga ma'lum bo'ldiki, sohibing senga jafo qilayotgan ermish, Oллоh taolo seni inson kamsitiladigan va uning haq-huquqi toptaladigan dargoh uchun yaratgan ermas, kelgil, haqiqat biz tarafdadur, biz senga hamdardmiz! G'assoniylar podshohi bo'lmish kamina sen Ka'bni, barchani sendan yuz o'girtirgan payg'ambarga «bir dars» bo'lmog'i uchun, islomdan qaytadi, degan fikrdaman» deb yozilgan erdi. Maktubni o'qigach: «Bu ham balolardan biridir!» — dedim-da, u birlan tandirni tayammum qildim, ya'ni tandirga tutantiriq qildim. Ellik kundan qirq kuni o'tgach, ul zot bir odam orqali: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ayolingdan o'zingni chetga olmog'ingni amr qiladilar»,— dedilar.

Men: «Uni taloq qilayinmi, nima qilayin?»— dedim. Ul zot: «Yo'q, aksincha, undan o'zingni olib qochib yurgil, unga qo'shilmay turgil!» — dedilar, ikki sherigimga ham shunday deb odam yubordilar. Men xotinimga: «Ota-onangning uyiga borgil, Oллоh taolo bu ish yuzasidan o'z hukmini chiqarguncha ular birlan birga tura turgil!» — dedim. Hilol ibn Umayyaning xotini Janob Rasulullohning huzurlariga borib: «Yo Rasu-lalloh, Hilol ibn Umayya yoshini yashab, oshini oshab bo'lgan bir keksa odamdur, uning (mendani bo'lak) qarab turadigan kishisi yo'qdur, unga xizmat qilmog'imni man' qilurmisiz?»—dedi Ul zot «Io'q, lekin u birlan yotmagil!» — dedilar. Ayol «Xudo haqi uning biror narsa qilmoqqa majoli kelmaydi, xudo haqi, usha kundan shu vaqtgacha tinmay yig'lamoqda!»— dedi. Oila a'zolarimdan biri menga «Hilol ibn Umayyaning xotini Janob Rasulullohdan eriga xizmat qilmoqqa ijozat olgani kabi siz ham o'z xotiningizga ijozat so'rasangiz-chi!» — dedi. Men «Xudo haqi, men Janob Rasulullohdan xotinim menga xizmat qilmog'i uchun ruxsat so'ramagayman, agar ijozat so'rasam, ul zotning qanday javob qilmoqlari menga qorong'udir!» — dedim. Men o'shanda kuchga tulgani yigit erdim Nihoyat, Janob Rasulullohning odamlarning biz birlan gaplashmog'ini man' qilganlariga ellik kun bo'ldi. Bomdod namozini o'qib bo'lganimda elliginchi kunning tonggi ham otdi, men ersam uylarimizdan birining orqasida, Oллоh taolo zikr qilganidek, jonim ham, jahon ham ko'zimga ko'rinmagan bir holda o'ltirar erdim, nogahon Sal tog'ining cho'qqisidan «Ey Ka'b ibn Molik, xursand bo'lgil!» degan baland ovozni eshitdim. Darhol, mukka tushib sajda qildim Bildimki, xursand bo'ladigan kun ham kelibdi, demak Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallom bomdod namozi vaqtida Oллоh taoloning bizni mag'firat qilganining xabarini ma'lum qilibdilar. Shundan keyin, namozxonlar bizni mamnun qilmoqqa o'tlanib, ikki sherigimga xushxabar yetkazgali odam yuborishibdi. Mening huzurimga ham bir kishi ot choptirib kelib qoldi, lekin chopar qanchalik harakat qilmasin, baribir ovoz otdan tezlik qilgandi. Huzurimga kelgan choparning xushxabar aytgan ovozini eshitishim birlanoq, kiyimimni yechdim-da, unga kiydirib qo'ydim. Xudo haqi,

mening o'sha kiyimimdan bo'lak kiyimim yo'q edi, keyin birovdan qarzga kiyim oldim-da, uni kiyib Janob Rasulullohning huzurlariga oshiqdim. Odamlar yo'l-yo'lakay meni Oллоh taoloning mag'firati birlan tabriklashar va menga «Oллоh taoloning mag'firati senga muborak bo'lsin!»— deyishar erdi. Nihoyat, men masjidga kirib bordim, Janob Rasululloh o'ltirgan erkanlar, atroflarida tumonat odam Talha ibn Ubaydulloh o'rnidan turib tezda oldimga keldi-da, qo'l berib meni tabrikladi. Xudo haqi, undan bo'lak muhojirlardan birortasi o'rnidan turib meni tabriklamadi, men abadul-abad Talhaning bu muruvvatini unutmagayman! Keyin, men Janob Rasulullohga salom berganimda, ul zot mamnunliklaridan chehralari balqigan holda «Onadan tug'ilganingdan beri o'zingga muyassar bo'lmagan bugungidek xayriyatdan xursand bo'lgil!» — dedilar.

Men «Bul xushxabar sizdanmi yoki Oллоh taolodanmi?» — dedim. Ul zot «Yo'q, aksincha, Oллоh taolodandur!» — dedilar. Agar Janob Rasululloh xursand bo'lsalar, yuzlari oy parchasidek balqib ketar erdi, biz buni yaxshi bilar erdik Ro'paralariga kelib o'ltirgach «Yo Rasulalloh, mag'firat qilinganim shukronasiga Oллоh taolo birlan uning rasuli sallallohu alayhi va sallam yo'luga mol-mulkimdan sadaqa qilayinmi?»—dedim. Ul zot «Mol-mulkingning bir qismini olib qol, bu senga yaxshi bo'lgay!»—dedilar. «Bo'lmasa, men Xaybardagi mulkimni olib qolgayman» deb xayolimdan o'tkazdim-da, ul zotga «Yo Rasulalloh, Oллоh taolo rost so'zlaganim hamda dildan tavba qilganim uchun menga najot bergan erkan, men o'la-o'lgunimcha faqat rost gapirgayman!» — dedim. Xudo haqi, Janob Rasulullohga shunday deganimdan buen Oллоh taoloning musulmonlardan biror kishini rost so'zlagani uchun baloga giriftor qilganini bilmayman! Janob Rasu-lullohga shu gaplarni aytgan kunimdan hozirgacha yolg'on gapirmoqqa qasd qilmadimki, yolg'on so'zlamaganim Oллоh taoloning meni baloga giriftor qilganidan yaxshiroqdur! Darhaqiqat, men qolgan umrim davomida Oллоh taolodan meni yelg'on gapirmog'imdan asramog'ini iltijo qilgayman. Oллоh taolo o'z rasuliga «Oллоh payg'ambarni, muhojiru ansorlarni mag'firat qildi (rostgo'ylar birlan birga bo'lingizlar!» degan qavligacha)» degan oyati karimasini nozil qilgandur. Oллоh taolo haqi rabbim meni islomga hidoyat qilganidan buyongi eng ulug`nemat ul zotga sadoqatimdur! Janob Rasulullohga yolg'on gapirmaslikka dildan azm qilurman, aks holda, bilurmanki, Oллоh taolo yolg'on gapirganlarni halok qilgani yanglig` halok bo'lgayman. Oллоh taborak va taolo «Sizlar (g'azotga bormagan munofiq'larning) oldiga (g'azotdan) qaytib kelganingizda ular «Endi bizdan yuz o'girishsa kerak» deb huzuringizda Oллоh taologa qasam ichurlar. Ammo, sizlar ulardan yuz o'giringizlar, ular nopok bo'lib, joylari jahannamdurki, bu qilmishlari uchun jazodur. Ular sizlarni rozi qilmoq uchun qasam ichurlar, lekin sizlar rozi bo'lsangizlar ham, Oллоh taolo fosiq qavmdan sira rozi bo'lmas!» — degandur. Biz uch kishi ulardan, ya'ni qasam ichgan, ul zotga bay'at qil-gan va bay'atlari ul zot taraflaridan qabul qilingan hamda Oллоh taologa istig'for aytgan kishilardan ajrab, xilof ish qildik. Shunda ul zot bizning masalamizni Oллоh taoloning hukmiga topshirdilar. Shul boisdan Oллоh taolo «Va alas-salosatillaziyna xullifuu», ya'ni «Xilof qildirilgan uch kishiga ham» deb bizni alohida zikr qildi. Bu yerdagi «Xilof» so'zi g'azotdan qolish ermas, balki ul zotning bizni qasam ichib uzr aytgan va uzri qabul qilingan kishilardan ajratib qo'yishlari va masalamizni Oллоh taologa havola qilishlari erdi».

Nabiy sallallohu alayhi va sallamning (Madina birlan Shom o'rtasidagi) Hijrga borganliklari haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat kiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hijrdan o'tib ketayotib: «Uzlariga zulm qilganlarning uylariga kira

ko'rmangizlarki, ular giriftor bo'lgan, falokatga sizlar ham giriftor bo'lib, yig'lab qolgaysizlar!» — dedilar. So'ng, boshlarini o'rab olib, tuyalarini vodiya chiqquncha choptirib ketdilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hijrga birga borgan sahobalariga: «O'lo' taoloning azobiga duchor bo'lgan anavilarning uylariga kira ko'rmangizlar, aks holda ular giriftor bo'lgan falokatga sizlar ham duchor bo'lib, yig'lab qolgaysizlar!» — dedilar».

70-bob.

Mugira ibn Shu'ba rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ba'zi-bir hojatlarini chiqarmoq uchun nari ketdilar. Qaytib kelganlaridan keyin, qo'llariga suv quyib bermoqqa o'rnimdan turdim. Bu Tabuk g'azotida bo'lgan erdi, shekilli. Yuzlarini yuvgach, bilaklarini yuvaman, deb erdilar, choponlarining yangi torlik qilib qolib, qo'llarini yeng ichidan chiqarib oldilar. Bilaklarini yuvgach, mahsilariga mash tortdilar».

Abu Humayd bunday deydilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Tabuk g'azotidan qaytdik, Madinaga yaqinlashganimizda ul zot: «Bu Tobadur (ya'ni, Madina), mana bu ersa Uhud tog'idur, u bizni sevadi, biz ham uni sevamiz!»—dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deb xabar beradilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Tabuk g'azotidan qaytdilar, Madinaga yaqin qolganda: «Madinada shunday qavmlar borki, ular sizlar kabi ko'p yo'l yurib, sizlar kabi vodiylarni kesib o'tishmagan, aks holda ular sizlar birlan birga bo'lgan bo'lur erdilar!» — dedilar. Sahobalar: «Yo Rasulalloh, Madinadek bir tabarruk joyda shunday qavmlar bormi?» — deyishdi. Janob Rasululloh: «Ha, Madinada shunday qavmlar bor, ular qandaydir vajga ko'ra (g'azotdan) qolganlar»,— dedilar».

Nabiy sallallohu alayhi va sallamning (Eron podshohi) Xusrav birlan (Vizantiya podshohi) Qaysarga maktub yuborganliklari haqida

Ibn Abbos bunday deb xabar beradilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdulloh ibn Huzofa as-Sahmiyga maktub berib, uni Bahrayn boshlig'iga topshirmoqni amr qildilar, Bahrayn boshlig'i maktubni Xusravga berdi. Xusrav uni o'qib ko'rgach, yirtib tashladi. Menimcha, Ibn Musayyab aytgandiki, Janob Rasululloh xusraviylarni duoi bad qilib, O'lo' taolodan ularning o'zlarini ham burda-burda qilib yirtib tashlamoqni iltijo qilibdilar».

Abu Bakra rivoyat qiladilar: «O'lo' taolo men Janob Rasulullohdan eshitgan bir so'z birlan menga manfaat yetkazgan erdi. Men Jamal kunlari Jamal ashoblari birlan urushmoq uchun yo'lga chiqib, ularga yetib olay deganimda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Fors ahli Xusrav qizini o'zlariga podshoh qilib olibdilar, o'z ishini xotin kishiga topshirib qo'ygan qavm sira muvaffaqiyat qozonmagay!» — deb erdilar».

Soib ibn Yazid bunday deydilar: «Esimda, bir kuni men g'ulomlar birlan birga Janob Rasulullohni kutib olmoq uchun Saniyat ul-Vido'ga chiqib erdim. Shunda Sufyon menga: «Bolalar birlan birga qayoqqa ketayotirsan?»—deb erdi».

Soib yana bunday degan erkanlar: «Esimda, bir kuni men bolalar birlan birga Tabuk g'azotidan qaytib kelayotgan Janob Rasulullohni kutib olmoq uchun Saniyat ul-Vido'ga chiqib erdim».

71-bob. Janob Rasulullohning kasallanib vafot etganlari va Oллоh taoloning «Sen mayyiqan va ular ham mayyitdurlar, so'ng sizlar Qiyomat kuni rabbingizning huzurida xusumatlashgaysizlar» degan qavli xususida

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam vafotlari arafasida kasal bo'lib yotgan vaqtlarida: «Yo Oisha! Xaybarda tanovul qilgan taomimning dardini shu vaqtgacha tortayotirman, hozir nafasimning Qisilayotganini o'shal zahardan, deb bilaman»,— dedilar».

Ummulfaql binti al-Xars rivoyat kiladilar: «Men Nabiy sallallohu alayhi va sallamning shom namozida «Va-l-Mursaloti urfan»ni o'qiganlarini eshitdim, so'ng to vafot etgunlariga qadar biz birlan namoz o'qimadilar».

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Hazrat Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu Ibn Abbosni bir guruh keksalar davrasiga olib borgan erdilar, ularning orasida o'ltirgan Abdurrahmon ibn Avf Hazrat Umarga: «Bu bolani bizning davramizga olib kelmangiz, o'zimizda ham bunday bolalar yetarli!» — dedi. Hazrat Umar: «Uning bilimini bir sinab ko'rsangizlar!» — dedilar-da, Ibn Abbosdan «Izo joa nasrullohi val-fathu...» surasining ma'nosini so'radilar. Ibn Abbos: «Bu surada Oллоh taolo Janob Payg'ambarimizga umrlari tugab qolganligini ma'lum qilayotir»,— dedi. Hazrat Umar: «Buning ma'nosini men ham sen kabi tushungan erdim»,— dedilar».

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Panjshanba kuni Ibn Abbos: «Panjshanba kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam dardlari og'irlashganda nimalar degan erdilar, bilasizlarmi?» — dedi, so'ng o'z savoliga o'zi bunday deb javob qildi: «Janob Rasululloh: «Menga qog'oz-qalam keltiringizlar, men sizlarga bir vasiyat yozib berayki, uni o'qigach, sira yo'ldan adashmagaysizlar!»— dedilar. Shunda sahobalar, ul zotning huzurlarida tortishish odobdan bo'lmasa-da, o'zaro tortishib qolishib: «Qo'yaveringizlar, ul zot alahlayaptilar!»— deyishdi. Janob Rasululloh: «Menga qarshilik qilmangizlar, aytadiringan vasiyatimni aytib olay, bu sizlarga yaxshiroq bo'lgay!» — dedilar-da, «Arabistondan mushriklarni quvib chiqaringizlar, mehmonni men siylagandek siylangizlar...» deb vasiyat qildilar, so'ng jimib qoldilar. Uchinchi vasiyatlarini ham aytgan bo'lishlari kerak, lekin men unutdim».

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oллоh taoloning omonatini topshirmoqqa hozir bo'lganlarida uyda bir qancha kishilar bor erdi. Janob Rasululloh ularga: «Beri kelingizlar, sizlarga bir vasiyatnoma yozib berayki, uni o'qigach, sira yo'ldan adashmagaysizlar!» — dedilar. Shunda ba'zilar: «Janob Payg'ambarimizni dard yengib qo'yibdi, axir sizlarda Qur'oni Karim mavjudku, bizga Oллоhning Kitobi kifoya qilgay!»— deyishdi. Natijada, uydagi kishilar o'rtasida ixtilof chiqib, o'zaro tortishib qolishdi. Ulardan biri «Tepalariga yaqinroq boringizlar, sizlarga vasiyatnoma bitib bergaylar, keyin yo'ldan adashmagaysizlar!» desa, yana biri buning aksini aytar erdi. Huda-behuda gaplar ko'payib, tortishuv kuchaygach, Janob Rasululloh: «Turingizlar, chiqib ketingizlar!»— deb amr qildilar».

Ubaydulloh bunday deydilar: «Ibn Abbos: «Bu qanday kulfat bo'ldiki, ularning hudabahuda gaplari va ixtiloflari Janob Rasulullohning vasiyatnoma bitib bermoqlariga imkon bermadi!»—deb aytar erdi».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Fotima alayhossalomga dillaridagi bir gapni aytib erdilar, ul muhtarama yig'lab yubordilar, keyin yana bir gapni aytib erdilar, kulib yubordilar. Shunda biz ul muhtaramadan buning boisini so'radik. Ul muhtarama: «Janob Rasululloh avval menga vafotlari arafasidagi xastalik chog'larida olamdan o'tajaklarini aytdilar, men yig'lab yubordim, keyin o'z ahllaridan birinchi bo'lib ul kishiga ergashajagimni ma'lum qildilar, men kulub yubordim»,— dedilar».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Payg'ambar ikki dunyodan birini ixtiyor qilmaguncha, o'lmaydi, deb eshitgan erdim. Keyin, Janob Rasululloh vafotlari arafasida xastalanib yotgan chog'larida buni o'zlaridan eshitib, haqiqat erkanligiga amin bo'ldim. Ul zot «Ma'al-laziyna an'amallohu alayhim» degan oyati karimani o'qidilar, shunda «U dunyoni ixtiyor qilibdilar» deb o'yladim».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Janob Rasululloh o'zlarini u dunyoga olib ketgan xastalik chog'larida nuqul «Fi-r-Rafiq-il-a'lo!» der erdilar» (Qastaloniyning aytishlaricha, «Ar-Rafiq al-a'lo» iborasini bir necha ma'noda talqin qilish mumkin bo'lib, ba'zi ulamolar: «Osmoniylerden ham yuqoriroqda maskan tutgan anbiyolar jamoasi nazarda tutilgan»,— deyishsa, ba'zilari: «O'z bandalarining do'sti bo'lmish Olloh taolo nazarda tutilgan»,— deyishadi).

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam sog'-salomat yurgan kezlarida: «Payg'ambarlar, jannatdagi joyi ko'rsatilmay turib, vafot etmaydi, avval unga jannatdagi joyi ko'rsatiladi, so'ng u bu dunyodan voz kechib, oxirat dunyosini ixtiyor qiladi»,— der erdilar. Ul zot xastalanib, Azroil huzurlariga kelganda, boshlari mening tizzamda bo'lib, hushlaridan ketgan erdilar. Uzlariga kelgach, ko'zlarini uying shiftiga tikkanlaricha: «Ollohumma, fi-r-Rafiq-il-a'lo» («Yo Ol-loh, meni Buyuk do'st bo'lmish o'zingga yetishtirgil!») — dedilar. Men: «Demak, bizni ko'ngillari xushlamayotir, sog'-salomat yurgan kezlarida aytgan gaplari shu erkan-da!»— deb xayolimdan o'tkazdim».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Abdurrahmon ibn Abu Bakr Rasulullohning huzurlariga kirdi. Shunda men ul zotning boshlarini ko'kragimga suyab o'ltirgan erdim, Abdurrahmon ersa qo'lidagi misvok birlan tishini tozalar erdi. Janob Rasululloh unga bir nazar tashlab erdilar, men undan misvokni olib, uchini sindirib tashladim, so'ng suvini silkitib pokizaladim-da, ul zotga uzatdim, u birlan tishlarini tozaladilar. Men ul zotning shunga qadar bunchalik o'ta xafsala birlan tish tozalaganlarini ko'rmagan erdim. Janob Rasululloh tishlarini tozalab bo'lishlari birlanoq qo'llarini ko'tarib uch bor «Yo Olloh, meni Buyuk do'st bo'lmish o'zingga yetishtirgil!» — dedilar-da, olamdan ko'z yumdilar, boshlarini bag'rimga bosgan qoldim».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kasal bo'lsalar, muavvizotni o'qib o'zlariga o'zlari dam solar, qo'llariga ham dam solib badanlariga surtar erdilar. Dardlari og'irlashib qolganda ersa, men o'zim muavvizotni

o'qib ul zotga dam solar, nafi tegsin, deb o'zlarining qo'llari birlan badanlarini silar erdim».

Ibod ibn Abdulloh ibi az-Zubayr bunday deydilar «Oisha raziyallohu anho Janob Rasulullohning xastalangan vaqtlarida orqalariga suyanib turib «Yo Oллоh, meni mag'firat qilgil, menga rahm qilgil va meni do'stga yetishtirgil!» — deb aytganlarini quloq tutib eshitgan erkanlar»

Urva ibn az-Zubayr rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam u dunyoga olib ketgan xastalik vaqtlarida «Oллоh taolo o'z payg'ambarlari qabrlarini masjid qilib olgan yahudiylarni la'natlasin!»— deb erdilar, agar shunday demaganlarida erdi, men ul zotning qabrlarini hashamatli qilib qo'ygan bo'lur erdim, ammo ul zot aynan shunday qilinishidan xavotir olganlar»,— dedilar Oisha raziyallohu anho»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xastalanib, dardlari og'irlashib qolganda barcha jufti halollaridan mening hujramda yotmoqlari uchun ijizat so'radilar, ular rozi bo'lishgach, ikki kishi — Abbos ibn Abdulmuttalib va yana bir odam qo'ltiqlagan holda oyoqlarini zo'r-bazo'r sudrab mening hujramga chiqdilar»

Ubaydulloh bunday deydilar: «Men Oisha raziyallohu anho aytgan gaplarni Abdullohga aytgandim, u mendan «Oisha raziyallohu anho nomini tilga olmagan o'shal ikkinchi odamning kimligini bilasanmi? — deb so'radi. Men «Yo'q»,— dedim Abdulloh ibn Abbos «Ushal odam Ali ibn Abu Tolib erdilar. Oisha raziyallohu anho «Janob Rasululloh hujramga kirganlarida dardlari yana ham og'irlashdi. Shunda «Yettita og'zi ochilmagan meshda ustimdan suv quyingizlar!»—deb amr qildilar, ul zot odamlar qoshiga chiqib, ularga pand-nasihatchi qilmoqni iroda qildilar, shekilli. Biz ul zotni o'zlarinish jufti halollaridan biri bo'lmish Hafsaning tog'orasiga o'tqazib qo'idik, so'ng «Bo'ldi, yetarli!» demaganlaricha o'shal yettita meshda ustilariga suv quya boshladik Keyin, turib odamlar qoshiga chiqdilar, ularga imomlik qilib namoz o'qidilar va xutba qildilar» — deb aytar erdilar» — dedi».

Ibn Shihob «Ubaydulloh ibn Abdulloh ibn Utba menga bunday deb aytgan erdi»,— deydilar «Oisha va Abdulloh ibn Abbos raziyallohu anhum aytishlaricha, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlariga dard tekkan kunlari goh xamisa (kiyim) larini yuzlariga tortib qo'yar, goh siqilib ketib ochib tashlar erkanlarda «Uz payg'ambarlarining qabrlarini masjid qilib olgan yahudiilaru nazorolarga Oллоh taoloning la'nati bo'lsin!»— deya musulmonlarni ular qilgan ishdan ogohlantirar erkanlar».

Oisha raziyallohu anho Ubaydullohga bunday degan erkanlar: «Men Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bul xususda ko'p marta murojaat qildim va bu menga sira ham malol kelmaydi, zero odamlarning ul zotdan keyin ul kishining maqomlarini egallagan boshqa biror kishini sevmog'i mumkinligini qalbiga sira ham jo qilolmayman, chunki hech kimsa ul zotning maqomlarini egallay olmas, aks holda odamlar ul zotni sevmagan, ul zotdan yomonlik ko'rgan bo'lurlar!»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bag'rimda zrkanliklarida jon taslim qildilar, men Janob Rasulullohdan keyin barcha mo'minlarga ham shunday tez (oson) jon taslim qilmoqlik nasib bo'lmog'ini ravo

ko`rgayman!»

Abdulloh ibn Abbas bunday deydilar: «Ali ibn Abu Tolib raziyallohu anhu Janob Rasulullohning huzurlaridan (ul zot xastalanib o`lim tushagida yotgan erdilar) tashqariga chiqdilar. Shunda odamlar ul kishidan «Ey Abulhasan, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ahvollari qanday?»—deb so`rashdi. Hazrat Ali: «Ollah taologa shukur, sog`ayib qoldilar!» — dedilar. Shunda, Abbas ibn Abdulmuttalib qo`llaridan tutib, ul kishiga: «Siz, xudo haqi uch kundan so`ng, asoning quli bo`lursiz (ya`ni, qo`lingizga aso tutib, tobut oldida borgaysiz) Men ersam, xudo haqi, Janob Rasulullohni mana shu dardlari olib ketadi, deb o`ylayman, men Abdulmutalib avlodlarining o`lim oldidagi qiyofasini yaxshi bilurman. Biz birlan birga ul zotning huzurlariga yuringiz, so`raylikchi, o`zlaridan keyin kimni xalifa qilib qoldirmoq niyatida erkanlar. Agar bizni xalifa qilmoqchi ersalar, buni bilib qo`yaylik, basharti bizdan boshqalarni tayi nlamoqni iroda qilgan ersalar, bundan ham voqif bo`lib qo`yaylikki, bizga bu haqda vasiyat qilsinlar!» — dedi. Hazrat Ali unga: «Biz, xudo haqi, agar ul zotdan xalifalik xususida so`rasak, bizga javob qilmaydilar-da, odamlar ul zot vafot qilganlaridan so`ng, bizga xalifalikni berishmagay, men bunday deb so`ramagayman!» — dedilar».

Anas ibn Molik rivoyat kiladilar: «Dushashba kuni musulmonlar bomdod namozini o`qishayotgan, Abu Bakr Siddiq ersalar ularga imomlik qilayotgan erdilar, nogahon Janob Rasululloh Oisha raziyallohu anhoneing hujrasi eshigi pardasini ochib ularga qaradilar-da, tabassum qildilar. Buni ko`rib Abu Bakr birinchi saf orasiga kirmoqchi bo`lib, ortlariga tisarildilar, chunki Janob Rasululloh chiqib imomlik qiladilar, deb o`ylagan erdilar. Namozxonlar ham Janob Rasulullohning eshik oldiga chiqqanlarini ko`rib, xursand bo`lganlaridan namozlarini buzib qo`yay deyishdi. Ul zot «Namozingizni o`qib tugatingizlar!» degan ma`noda qo`llari birlan ishora qildilar-da, hujraga qaytib kirib, pardani yopib qo`ydilar».

Oisha onamizning mavlolari Zakvon rivoyat qiladilar: «Oisha raziyallohu anho bunday der erdilar: «Ollah taoloning menga ato etgan ne`matlaridan biri — Janob Rasulullohning mening uyimda, mening huzurnmda bo`ladirgan kunlarida va mening bag`rimda vafot etg-anlaridur! Ollah taolo Janob Rasululloh vafot etayotgan chog`larida mening tupugimni (so`lagimni) ul zotning tupuklariga qo`shdi. Bu bunday bo`lgan erdi. (ukam) Abdurrahmon qo`lida misvok ushlagan holda kirib keldi, men ersam Janob Rasulullohning boshlarini bag`rimga bosib o`ltitrgan erdim. Men Janob Rasulullohning ukamning qo`lidagi misvokka qarayotganlarini ko`rib, ul zotning misvok birla tish tozalamoqni xushlashlarini esladim-da: «Hozir, men uni sizga olib bergayman». — dedim. Ul zot «mayli» deb bosh irg`ab qo`ydilar. Men misvokni ukamdan oldim. Shu asnoda dardlari zo`raydi. Men ul zotga «Misvokkshng uchini yumshatib beraymi?»—deb erdim, «mayli» deb bosh irg`ab qo`ydilar. Men misvokning uchini tishlarim birlanan yumshatib berdim, Oldilarida Hazrat Umar suv solib qo`ygan bir idish turgan erdi, qo`llarini unga tiqib, yuzlarini suv birlan arta boshladilar, so`ng «Lo iloha illallohu, o`limning talvasalari mavjud» deya qo`llarini ko`tarib: «Fir-Rafiq-il-a`lo!» — dedilar-da, jon taslim qildilar, qo`llari pastga shilq etib tushdi».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xastalanib, o`lim to`shagida yotganlarida: «Ertaga men qaerda bo`lishim lozim, ertaga men qaerda bo`lishim lozim?» — deb so`rayverdilar» («Ertaga Oishaning huzurida bo`ladirgan kunimmi?» deb aytmoqchilar. Shunda barcha xotinlari: «Ko`nglingiz tusagan

xoti-ningizning uyida yotmog'ingiz mumkin» deb ul zotga rozilik berishdi. So'ng, Janob Rasululloh so'nggi kunlarigacha Oishaning uyida bo'ldilar). «Ul zot,— deb davom etadilar. Oisha onamiz,— aynan mening uyimda bo'ladirgan kunlari mening uyimda vafot etdilar, Oloho taolo boshlari bag'rimda, tupuklari (so'laklari) tupugimga qorishiq erkanligida o'z omonatini oldi. Bu bunday bo'lgan erdi: (ukam) Abdurrahmon ibn Abu Bakr ichkariga kirib keldi, qo'lida misvok bor erdi. Shunda Janob Rasululloh uning qo'lidagi misvokka qaradilar. Men: «Ey Abdurrahmon, misvokni menga ber!»— dedim, u berdi. Men misvokning uchini sindirib, tishim birlan yumshatdim-da, uni Janob Rasulullohga uzatdim. Ul zot boshlarini bag'rimga qo'yganlaricha misvok birlan tishlarini tozaladilar» («Tupuklari tupugimga qorishiq», ya'ni Oisha onamiz misvokning uchini og'izlariga solib, yumshatib berganlar, Janob Rasululloh ersalar o'sha misvok birlan tish tozalaganlar. Shunda Oisha onamizning misvokka tekkan tupuklari ul zotning tupuklari birlan qorishgandur).

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam mening uyimda, mening uyimda bo'ladirgan kunlarida va mening quchog'imda vafot etdilar. Ul zot xastalanib qolsalar, xotinlaridan birimiz tepalarida mu'avvizotni o'qib, Oloho taolodan sihat tilab turar erdik. Bu gal ham xuddi shunday bo'ldi. Men mu'avvizotni o'qiy boshlagan erdim, ul zot boshlarini tepaga ko'tarib, «Fir-Rafiq-il-a'lo, fir-Rafiq-il-a'lo!»— dedilar. Shu asnoda (ukam) Abdurrahmon ibn Abu Bakr qo'lida misvok ushlagan holda ichkariga kirib keldi. Janob Rasululloh misvokka qaradilar, men «Misvok birlan tish tozalamoqchi bo'lyaptilar» deb uni ukamdan oldim, so'ng uchini sindirib, tishlarim birlan yumshatdim-da, ul zotga uzatdim. Janob Rasululloh u birlan o'ta xafsala qilib tish tozaladilar, so'ng men uni qo'llaridan oldim. Oloho taolo bu dunyodagi so'nggi va oxiratdagi birinchi kunlarida mening tupugimni UL zotning tupuklariga qorishtirdi».

Abu Salama bunday deydilar: «Abu Bakr raziyallohu anhu Sunhdagi hovlilaridan ot minib keldilar-da, undan tushib masjidga kirdilar, so'ng odamlarga gapirmay to'g'ri Oishaning hujrasiga kirib, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tepalariga bordilar. Janob Rasululloh ustlariga yamaniy mato tashlab qo'yilgan holda yotar erdilar. Abu Bakr raziyallohu anhu matoni ko'tarib ul zotning yuzlarini ochdilar, so'ng egilib yuzlaridan o'pdilar-da, yig'lab turib: «Ota-onam sizga fido bo'lsinlar, Oloho taolo haqi, parvardigor sizga ikki o'lim bermaydi, ammo peshonangizga yozilgan bir o'limni ko'rdingiz»,— dedilar».

Abdulloh ibn Abbas bunday deydilar: «Abu Bakr Janob Rasulullohning huzurlaridan chiqqanlarida Umar ibn al-Xattob odamlarga so'zlab turgan erdilar. Abu Bakr Hazrat Umarga: «Ultiringiz!» — dedilar. Hazrat Umar o'ltirmadilar. Odamlar Hazrat Umarni tark etib, Abu Bakrning oldilariga kelishdi. Abu Bakr ularga: «Ammo ba'd, sizlardan qaysi biringiz Muhammad sallallohu alayhi va sallamga ibodat qilgan bo'lsa, ul kishi vafot etdilar va kimki Oloho taologa ibodat qilgan bo'lsa, Oloho taolo hamisha tirik bo'lib, hech qachon o'lmagaydur! Oloho taolo: «Muhammad hammangizga o'xshagan insondur, sizlardan farqi shuldurkim, ul Olohning bandalariga yuborgan elchisidur»,— degan»,— dedilar (surai «Oli Imron» ning «ash-Shokirin» degan joyigacha o'qidilar). Olohga qasamyod qilib ayturmankim, odamlar Oloho taoloning ushbu oyati karimani nozil qilganidan bexabar kishilardek, Abu Bakr Siddiq tilovat qilganlarida o'rganib olishdi. Men Abu Bakrdan boshqa biror kishining bu oyatni tilovat qilganini eshitmagandim. Sa'id ibn al-Musayyab Hazrat Umarning «Xudo haqi, bu oyatni Abu Bakr tilovat qilganlaridagina

eshitdim. Janob Rasululloh vafot etdilar, deb aytganlarini eshitganimda oyoqlarim bo'shashib ketib, yerga qulab tushdim»,— deganlarini menga aytib berdi».

Oisha raziyallohu anho va Ibn Abbas raziyallozhu anhu: «Abu Bakr raziyallohu anhu Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'lganlarida yuzlaridan o'pdilar»,— deyishadi.

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kasal bo'lganlarida og'izlarining bir chetidan dori tomizdik. Ul zot bizga «Dori tomizmangizlar!» deb ishora qildilar. Biz: «Odatda, kasal dorini xushlamaydi»,— dedik Xushlariga kelganlarida: «Menga dori tomizmangizlar, deb ishora qilmabmidim?!» — dedilar. Biz: «Odatda, kasal dorini yoqtirmaydi, deb o'yladik»,— dedik, Ul zot: «Bu uyda menga dori tomizganlarning barisining boshiga shu kun tushgaydir, lekin ko'rib turibmanki, Ibn Abbas bunday qilmagan!» — dedilar».

Asvad raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Oisha raziyallohu anhoning huzurlarida Janob Rasulullohning Hazrat Aliga vasiyat qilganlari haqida gapirishdi. Shunda Oisha raziyallohu anho: «Kim shunday deb aytdi? Janob Rasululloh mening quchog'imda erdilar, tos olib kelmoqla-rini amr qildilar, so'ng birdan behol bo'lib jon taslim qildilar, men sezmay qoldim. Qanday qilib Aliga vasiyat qilgan bo'lishlari mumkin!» — dedilar».

Talha raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Abdulloh ibn Abu Avfodan: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vasiyat qildilarmi?»—deb so'radim. U: «Yo'q»,— dedi. «Unday ersa, odamlar qanday vasiyatga amal qiladilar yoki qanday vasiyatga ko'ra ish tutadilar?»—dedim. U: «Olloh taoloning Kitobiga muvofiq!»—dedi».

Amr ibn al-Hars bunday deydilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlari minib yuradigan «Al-Bayzo» ismli tuyalari, qurollari hamda musofirlarga sadaqa etgan yerlaridan bo'lak na biror dinor, na biror dirham, na biror qul va na biror cho'ri (joriya) qoldirmadilar».

Anas ibn Molik bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam og'irlashib qolganlarida hushlaridan keta boshladilar. Shunda Fotima alayhossalom otalariga achinib yig'ladilar. Janob Rasululloh Fotimaga: «Bir kun o'tgach, otangga aza tutishni bas qilgil!» —dedilar. Fotima alayhossalom ul zot vafot etganlarida: «Olloh taolo chaqirganda labbay, deb javob bergan voy otajonim. joyingiz jannatda bo'lgur, voy otajonim, Hazrat Jabroilga o'lganingizni ma'lum qilamiz, voy otajonim!» deb yig'ladilar. Fotima alayhossalom Janob Rasululloh dafn qilinganlarida: «Oy Anas, Janob Rasulullohning ustlariga tufroq tashlab ko'ngillaringiz orom oldimi?!» — dedilar».

72-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oxirgi aytgan gaplari haqida

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar. «Janob Rasululloh sog' yurgan vaqtlarida: «Biror payg'ambar, jannatdagi joyi ko'rsatilmay turib, jon taslim qilmaydi, jannatdagi joyini ko'rgachgina ikki dunyodan birini ixtiyor qiladi»,— dedilar. Dardlari og'irlashgach, hushlaridan Ketdilar, shunda boshlari tizzamga qo'yig'lik erdi. Keyin, o'zlariga kelib, uyning shiftiga termulganlaricha: «Yo Buyuk do'st bo'lmish Olloh!» — dedilar. Men buni eshitib: «Demak, bizni xushlamayptilar»,— deb xayolimdan o'tkazdim. Bildimki, ul zotning sog'lik vaqtlarida aytgan gaplari shu erkan (ya'ni, jannatdagi joylari ko'rsatilib, u

dunyoni ixtiyor qilibdilar). Janob Rasulullohning eng so'nggi aytgan so'zlari «Yo Buyuk do'st bo'lmish Oллоh!» bo'ldi».

73-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning vafotlari haqida

Oisha va Ibi Abbos raziyallohu anhum bunday deyishadi: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam o'zlariga Qur'on nozil bo'lgan (20) yil davomida, ya'ni o'n yil Makkada va o'n yil Madinada yashadilar».

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam oltmish uch yoshda vafot etdilar»,— deydilar

74-bob.

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafot etganlarida qalqonlari o'ttiz so' arpa uchun yahudiyga garovga qo'yilgan erdi»,— deydilar.

75-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning xastalanib o'lim to'shagida yotganlarida Usoma ibn Zayd raziyallohu anhuni bir yerga jo'natganlari haqida

Solim otalaridan naql qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam Usomani (bir guruh) kishilarga bosh qilib bir yerga jo'natdilar. Shunda ba'zilar bunga e'tiroz bildirishdi. Ul zot: «Men voqif bo'ldimki, sizlar Usomaning boshliq qilinganiga e'tiroz bildiribsizlar, lekin shuni bilib qo'yingizlarki, u mening uchun eng mahbub kishidir!» — dedilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir guruh odamlarni (bir yerga) jo'nata turib, ularga Usoma ibn Zaydni boshliq qilib tayinladilar. Ba'zilar uning boshliq qilinganiga e'tiroz bildirishdi. Shunda Janob Rasululloh o'rinlaridan turib: «Gar uning boshliq qilinganiga e'tiroz bildirursizlar, demak uning otasi boshliq bo'lganda ham norozi bo'lgansizlar. Oллоh taologa kasamyod qilurmanki, u boshliq bo'lmoqqa munosib va menga eng mahbub kishi erkan, bundan keyin ham shunday bo'lib qolgay!» — dedilar».

76-bob.

Abulxayr rivoyat qiladilar: «Sanobjiy mendan: «Qachon hijrat qilding?» — deb so'radi. Men: «Yamandan hijrat qilib, Juhfaga yetib kelganimizda oldimizdan chopar chiqib qoldi. Men unga: «Qanday xabar olib kelayotirsan?» — dedim. U: «Janob Rasulullohni dafn qildik, besh kun bo'ldi»,— dedi. Men: «Laylat ul-Qadr xususida biror narsa eshitganmisan?» — dedim. U: «Ha, menga Janob Rasulullohning muazzinlari Hazrat Bilol aytib erdilar, Laylat ul-Qadr ramazon oyining oxirgi o'n kunligining yettinchi kunida» — dedi».

77-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallam necha marotaba g'azot qilganlar?

Abu Ishoq rivoyat qiladilar: «Men Zayd ibn Arqamdan: «Janob Rasululloh birlan birga necha marta gazot qilgansan?» — deb so'radim. U: «Un yetti marta»,— dedi. Men: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam necha bor gazot qilganlar?»—dedim. U: «Un to'qqiz marta»,— dedi».

Barro raziyallohu anhu: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan o`n besh marta gazot qilganman»,— deydilar.

Ibn Burayda otalari haqida: «Otam Janob Rasululloh birlan birga o`n olti marta gazot qilganlar»,— deydilar.

QUR'ON TAFSIRI KITOBİ

«Ar-Rahmon ur-rahiym» ikki soʻzdan iborat boʻlib, «Ar-Rahma» («rahmdillik, mehribonlik») soʻzidandur. «Ar-Rahiyim» va «Ar-Rohim» («Rahmdil», «Mehribon») soʻzlari ersa «Al-Aliyim» va «Al-Olim» («Biluvchi», «Bilimdon») soʻzlari kabi bir maʼnoga egadur.

1-bob. Kitob (Qurʻon)ning «Fotiha» surasi haqidagi hadislar

«Fotiha» surasi «Umm ul-Kitob» («Kitobdagi suralarning onasi») deb ataladi, chunki barcha Qurʻon kitoblari avval shul suradan boshlab yoziladi hamda namoz ham aynan ana shul surani qiroat qilish birlan boshlanadi. Diyn (Din) boʻlsa, yaxshilik uchun mukofot va yomonlik uchun jazo boʻlib, «tadiynu va tudonu» (feʼl-atvoring va qilgan amalingga yarasha mukofotlanasan va jazolanasan) kabidur.

Mujohid: «Fotiha surasidagi «Ad-Din» soʻzi «Al-Hisob» soʻziga muvofiq keladi, «Madinuuna» soʻzi «Muhosibuuna» soʻziga muvofiq kelgani kabi»,— deydi.

Abu Saʼid ibn Muʼallo aytadilar: «Men namoz oʻqiyotgan erdim, Paygʻambar alayhissalom chaqirib qoldilar. Men javob bermadim. Keyin, qoshlariga borib: «Ey Ollohning rasuli, men namozda erdim»,— dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Axir, Olloh taolo: «Agar sizlarni Olloh va paygʻambar chaqirsa, ularga javob beringizlar!» — demaganmi?!» — dedilar. Keyin, yana: «Siz masjiddan chiqib ketmasingizdan avval, men sizga Qurʻonning eng ulugʻ surasini oʻrgatayinmi?»— dedilar-da, qoʻlimdan ushladilar. Soʻng, masjiddan chiqmoqchi boʻlganimizda: «Ey Ollohning rasuli, siz menga: «Qurʻonning eng ulugʻ surasini oʻrgatayinmi?» — degan erdingiz»,— deb eslatdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Yeti oyatdan iborat «Alhamdu lillohi rabbil-olamiyn» boʻlib, menga berilgan ulugʻ Qurʻon (sura) shudir!» — dedilar».

2-bob. «... gʻayril-magʻzuubi alayhim va lo-z-zolliyn-na» («... gʻazabingga duchor boʻlmagan va yoʻldan ozmagan kishilarga»)

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar imom «... gʻayril-magzuubi alayhim va lo-z-zolliyn-na» desa, «Omin!» deb aytingizlar, kimning «Omin!» deb aytgani maloikalarning «Omin!» deb aytganiga muvofiq kelib qolsa, uning ilgarigi gunohlari magʻfirat qilingay!» — dedilar».

«BAQARA» SURASI

Olloh taolo Odamga barcha ismlarni oʻrgatgandur!

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Moʻminlar Qiyomat kuni toʻplanishib «Agar rabbimizdan shafokat tilasak, (u bizni bu turgan yerimizdan oʻzga yaxshiroq joyga koʻchirmasmikan?)» deya Odam alayhissalomning qoshlariga borishgay-da, ul kishiga: «Siz odamlarning otasisiz, Olloh taolo sizni oʻz qoʻli birlan yaratgan, sizga maloikalarni sajda qildirgan va sizga har bir narsaning ismini oʻrgatgandur, rabbingizdan bizga shafokat soʻrangiz, toki u bizni bu turgan yerimizdan oʻzga yaxshiroq joyga koʻchirsin!» — deyishgay. Odam alayhissalom: «Mening sizlarga foydam tegmagay» deb qilgan gunohlarini eslagaylar-da, uyalib ketgaylar. Soʻng,

ularga: «Nuh alayhissalomning qoshlariga boringizlar, ul kishi Olloh taolo Yer ahliga yuborgan payg`ambarlarning eng birinchisidurlar!» — degaylar. Ular Nuh alayhissalomning qoshlariga borishgach, ul kishi ham «Mening sizlarga foydam tegmagay» deya aqlari yetmagan narsa xususida parvardigorlariga savol berganlarini eslab, uyalib ketgaylar-da: «Ar-Rahmonning do`stining qoshiga boringizlar!» — degaylar. Ular Ibrohim alayhissalomning qoshlariga borishgay. Ul kishi ham: «Mening sizlarga foydam tegmagay, Olloh taolo so`zlashgan va Tavrot ato etgan banda bo`lmish Musoning qoshlariga boringizlar!» — degaylar. Ular Muso alayhissalomning qoshlariga borishgay. Ul kishi ham «Mening sizlarga foydam tegmagay» deya qilgan gunohlarini eslagaylar-da, parvardigorlaridan uyalib ketgaylar. So`ng, ularga: «Olloh taoloning bandasi va payg`ambari, Olloh taoloning kalimasi va ruhi bo`lmish Isoning qoshlariga boringizlar!» — degaylar. Iso alayhissalom ham: «Mening sizlarga foydam tegmagay, yaxshisi Olloh taolo sobiq va kelgusi gunohlarini mag`firat qilgan banda Muhammad sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga boringizlar!»— degaylar. Ular mening huzurimga kelishgay, so`ng men rabbimning huzuriga borib izn so`ragayman, menga ijozat berilgay, parvardigorimni ko`rishim birlanoq sajda qilib turgayman, ul meni o`zi istagancha vaqt sajdada qoldirgay, so`ng menga: «Boshingni ko`targil, so`ragil, so`raganingni ato etgay, so`zlagil,so`zingni eshitgay, shafaat tilagil, shafaat etgay!»— deyilgay. Men boshimni sajdadan ko`tarib, o`zi bizga o`rgatgan hamdu sanolar birlan uni madh qilgayman, keyin undan shafaat tilagayman, u menga muayyan kishilarni jannatga olib kirmog`imga ijozat bergay, men ularni jannatga olib kirgayman, so`ng uning qoshiga qaytib borib, uni ko`rishim birlanoq avvalgidek sajda qilib turgayman, keyin undan shafaat tilagayman, U menga bu gal ham muayyan odamlarni jannatga olib kirmog`imga ruxsat bergay, men ularni jannatga olib kirgayman, so`ng uning huzuriga uchinchi va to`rtinchi bor qaytib borib: «Do`zaxda Qur`on bandi etib, unda abadiy qolmog`i lozim bo`lganlarga qoldi!»—degayman».

Abu Abdulloh: «Qur`on bandi etganlarga», ya`ni Olloh taoloning «Unda abadiy qoladilar» degan hukmiga binoan do`zaxda qolgan odamlarga»,—deydilar.

3-bob.

Mujohid raziyallohu anhu bunday deydilar: «(Surai «Baqara» dagi) «ila shayotiybihim» iborasi «munofiq va mushrik bo`lmish o`z sheriklari birlan» degani, «Muhiytun bil-kofiriyna» jumlasini «Olloh taolo kofirlarni Muhammad sallallohu alayhi va sallam ummatu dini birlan qurshab olgandur» degan mazmunda, «alal-xoshi`iyna»— «mo`minlarga», «bi-quvvatin» ersa «bor kuchi birlan» demakdur».

Abuloliya bunday deydilar: «(Surai «Baqara»dagi) «marazun» so`zi «shak» demakdur, undan keyingi («fa-zodahumullohu marazan» — «Olloh taolo ularning shaklarini yanada ziyoda qildi» degan) jumla ersa qolganlarga bir ibratdur. «Lo shiyata» degani «dog`siz, aybsiz» deganidir»

Mujohiddan bo`lak bir tafsirchi bunday deydilar: «Yasuumuunakum» degani «Sizlarga xo`jayinlik qilur erdilar» degan ma`nodadur».

Ba`zi mufasssirlar: «Yeyiladigan donlar (Al-Hubu-ub)ning barchasi bug`doydur»,— deydilar.

Qatoda: «Fa-bouu» degani «qaytdilar» degani»,—deydilar.

Boshqa bir mufassir: «Yastaftihuuna» degani «madad so'raydilar» degani, «sharuu» degani «o'ylamay-netmay sotdilar» degani»,—deydilar.

Oллоh taolo: «Bila turib Oллоhga shirk keltirmangizlar!»— deydi.

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat kiladilar; «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan «Qanday gunoh Oллоh taolo dargohida eng og'ir gunoh?» deb so'radim. Ul zot: «Uzingni yaratgan Oллоh taologa shirk keltirmog'ingdur»,— dedilar. Men: «Darhaqiqat, bu gunohi azimdur!» — dedim-da, «Undan so'ng qaysi?» deb so'radim. Ul zot: «Ovqatinga sherik bo'lmasin, deb o'z bolangni o'ldirmog'ingdur»,— dedilar. Men: «Darhaqiqat, bu gunohi azimdur!»—dedim-da, «Undan keyinchi?»— dedim. Ul zot bunday dedilar: «Qo'shningning jufti haloli birlan zino qilishmog'ingdur. Oллоh taolo bul xususda: «Biz sizlarga bulutni soyabon qilib berdik va biz o'zlaringizga rizq qilib bergan ne'matlarning pokizasidan yengizlar, deb mann va salvoni (osmondan) sizlarga tushirdik va ular bizga zulm qilmadilar va lekin o'zlariga zulm qilur erdilar»,— degan».

Mujohid: «Mann — ko'rinishi limonga o'xshash shirin meva, salvo — qush»,— deydilar.

Sa'id ibn Zayd bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Mann zamburug'i va uning suvi ko'zga davodur» deb aytdilar».

4-bob.

Oллоh taoloning qavli: «Biz sizlarga: «Mana bu shaharga (qishloqqa) kiringizlar!» — dedikmi, bas, ul yerda xohlagan joyingizda istaganingizcha yengizlar va sajda qilgan holda eshikka (darvozaga) kiringizlar-da, «Mag'firat qil!» deb aytingizlar, biz xatolaringizni mag'firat qilurmiz va yaxshilarga ziyoda karam qilurmiz!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Sajda qilgan holda darvozaga kiringizlar-da, «Mag'firat qil!» deb aytingizlar!» deb Banu Isroilga aytili, shunda ular ketlarini yerda sudrab kirib borishdi-da, mag'firat tilash o'rniga, ya'ni «hitta» deyish o'rniga «hinta» (bug'doy) deb aytishdi».

Oллоh taoloning qavli: «Jabroilga dushman bo'lganlarga «Ushal zot (ya'ni, Jabroil) Oллоh, taoloning hukmi birlan Qur'onni sizlarning qalbingizga tushirgan bo'lib, Qur'on o'zidan avvalgi kitoblarni tasdiq etur va u mo'minlarga hidoyat hamda bashoratdur!» deb aytgil!»

Ikrima: «Jabr, Mik va Asrof (Jabroiyl, Mikoiyl va Asrofiyl) — Iyl (ya'ni, Oллоh) ning qullari»,— deydilar.

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Salom kuzgi shudgor qilayotib, Janob Rasulullohning kelayotganlarining daragini eshitdi. Janob Rasululloh kelib, unga: «Men sendan payg'ambarlargina biladigan uch narsa haqida so'rayman Qiyomatning dastlabki alomatlari qanday? Jannat ahli yeydirgan dastlabki taom qaysi? Nima sababdan farzand otasi yoki onasiga tortadi (o'xshab qoladi)?»—dedilar. Abdulloh ibn Salom: «Ha, bilaman, farishtalardan bo'lmiga va yahudiylarga dushman o'shal zot (ya'ni, Hazrat

Jabroil).» deya «Jabroilga dushman bo'lganlarga «O'shal zot (ya'ni, Jabroil) Oллоh taoloning hukmi birlan Qur'onni sizlarning qalbingizga tushirgan bo'lib, Qur'on o'zidan avvalgi kitoblarni tasdiq etur va u mo'minlarga hidoyat hamda bashoratdur!» deb aytgil!» degan oyati karimani tilovat qildi. So'ng, u: «Qiyomatning dastlabki alomati shulki, alanga ko'tarilib, Mashriqdan Mag'ribgacha bo'lgan odamlarni to'plagay, jannat ahlining dastlabki taomi ersa, nahangning jigar o'simtasidir, farzandning otasi yoki onasiga tortib qolishining boisi — agar erkakning suvi ayolning suvidan ildamlik qilsa, onasiga tortadi»,— dedi. Keyin, u: «Oллоhdan bo'lak tangri yuqligiga, sizning Oллоh taoloning rasuli erkanligingizga shahodat keltiraman! Yo Rasulalloh, yahudiylar betayin qavm bo'lib, agar ular mening islomga kirganimni siz ulardan mening haqimda so'ramasingizdan ilgari sizdan bilib olishsa, meni badnom qilgaylar»,— dedi. Shul asnoda yahudiylar kelib qolishdi. Nabiy sallallohu alayhi va sallam ulardan «Abdulloh (ibn Salom) oralaringizda qanday mavqega ega?» — deb so'radilar. Ular: «U bizning eng yaxshi odamimiz va eng yaxshi odamimizning farzandidur hamda u bizning ulug'imiz va ulug'imizning farzandidur!»—deyishdi. Janob Rasululloh: «Abdulloh ibn Salomning islomni qabul qilganini bildingizlarmi» — dedilar. Ular: «Oллоh taolo uni bundan o'z panohida asrasin!» — deyishdi. Shunda Abdulloh ibn Salom chiqib kelib: «Ashhadu anlo iloha illallohu va anna Muhammadan rasulullohi!»—dedi. Ular «U bizning eng yomon odamimiz va eng yomon odamimizning farzandidur!» — deb uni badnom qilishdi. Abdulloh ibn Salom: «Yo Rasulalloh, men mana shundan cho'chigan erdim!» —dedi».

5-bob. Oллоh taoloning «Biz qaysi oyatni bekor qilurmiz yo unutdirurmiz...» degan qavli xususida

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Hazrat Umar raziyallohu anhu bunday deydilar «Ubay bizga («Baqara» surasini) qiroat qilmoqni o'rgatdi. Shunda Hazrat Ali bizning xayu o'qiganimizni aytdilar. Ubay «Men bu surani Janob Rasulullohning o'zlaridan tula o'rganib olganman, uni chala yod olgan ermasman, Oллоh taolo «Biz qaysi oyatni mansux (bekor) qilurmiz yo unutdirurmiz» degan»,— dedi»

6-bob. Oллоh taoloning «Va ular: «Oллоh taoloning farzandi bordur»,— derlar» degan qavli xususida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh «Oллоh taolo bunda: dedi»,— dedilar. «Odam bolasi menga tuhmat qildi, u bunday qilmasligi lozim erdi, (Odam bolasi) meni haqorag qildi, u bundai qilmasligi lozim erdi! Ammo, menga tuhmat qilgani xususiga kelsak, u meni ilgarigi holiga qaytarolmaydi, deb ta'kidlaydi Ammo, meni haqorat qilgani xususiga kelsak, «Oллоh taoloning bolasi bor, u o'ziga juft va bola qila oladi»,— deydi».

7-bob. Oллоh taoloning «Ibrohim Maqomini doimiy ibodatgoh qilib olingizlar!» degan qavli xususida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Umar raziyallohu anhu bunday dedilar: «Oллоh taolo mening uch iltijomni ro'bga chiqardi. 1) «Yo Rasulalloh, Ibrohim Maqomini ibodatgoh qilib olsangiz erdi!» deb aytganimda 2) «Yo Rasulalloh, huzuringizga yaxshi ham, yomon ham kirib turadi mo'minlarning ayollarini hijob (chochvon, parda) kiyishga amr qilsangiz erdi!» deb aytganimda Oллоh taolo «Hijob oyatini nozil qildi 3) Keyin, men Janob Rasulullohning ba'zi ayollariga dashnom berganlarini eshitib qolib, ularning xuzuriga

kirdim-da «Olloh taolo birlan uning rasulini o'zlarinigizdan afzal, deb bilsangizlar erdi!» — dedim. Shunda ul zotning ayollaridan biri kelib, mesha «Ey Umar hatto Janob Rasulullohning og'izlaridan ayollariga nisbatan sen aytgan so'zlar chiqmagan erdi!» — dedi. Shunda Olloh taolo: «Uning parvardigori, agar u sizlarni taloq qilsa, o'rningizga sizlardan yaxshiroq musulima xotinlarni unga juft qilib qo'yishga qodirdur!» degan oyati karimasini nozil qildi»

Olloh taoloning qavli: «Ibrohim va Ismoil Ka'ba devorlarini ko'tarayotganda «Ey bizning parvardigorimiz, qabul etgil bizlardan (bu xizmatni), darhaqiqat sengina eshitguvchi, bilguvchidursan!» deb aytur erdilar»

Oisha raziyallohu taolo anho bunday deb xabar beradilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qavmingning Ka'bani (qayta) qurishayotib, Ibrohim alayhissalom qo'iib ketgan poydevorlarni pasaytirib qo'yishganini kurmay-sanmi!» — dedilar. Men «Yo Rasulalloh, Ibrohim alayhissalomning poydevorlarini asliga keltirib qo'ymaysizmi?»—dedim. Ul zot: «Qavming kufrdan qaytib, endigina islomga kirmagan bo'lganida, shunday qilgan bo'lur erdim!» — dedilar».

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar «Oisha raziyallohu anho bu hadisni Janob Rasulullohdan eshitgan bulsalar-da, men «Janob Rasululloh Ka'ba devorlari Ibrohim alayhissalom qurganlaridek qilib qayta qurilmagani uchungina hijr (devor) yonidagi ikki ustunni silab tavof qilmaganlar»,— deyolmayman»

8-bob. Olloh taoloning «Ollohga va u bizga nimaiki nozil qilgan bo'lsa, o'shanga iymon keltirdik!» deb aytingizlar!» degan qavli xususida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Kitob axli Tavrotni ibroniycha qiroat qilib, uni islom ahliga arabcha tafsir qilishar erdi. Janob Rasululloh «Kitob ahliga ishonmangizlar ham, ularni yolg'onchi demangizlar ham, ularga «Olloh taologa va u bizga nimaiki nozil qilgan bo'lsa, o'shanga iymon keltirdik!» — deb aytingiz-lar!» — dedilar»

Olloh taoloning qavli: **«Ahmoqlar: «Musulmonlarni doimo ibodat qilib kelgan qiblalaridan yuz o'girmoqlariga nima majbur qildi?» — deb aytgaylar. Shunda siz: «Mag'rib ham, Mashriq ham Olloh taoloning o'z mulkidur, u istagan bandasini to'g'ri yo'lga hidoyat qilur!» — deb aytingiz!»**

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi sallam Baytulmuqaddasga qarab o'n olti yoki o'n yetti oy namoz o'qidilar, ammo, aslida Baytullohning o'zlariga qibla bo'lmogini xohlar erdilar. Bir kuni ul zot Baytullohga qarab namoz o'qidilar, qavm ham birgalashib o'qidi. Keyin, ul zot birlan birga namoz o'qigan kishilardan biri namoz o'qib turgan bir guruh odamlar oldiga borib «Olloh taoloni guvoh qilib ayturmanki, men hozirgina Janob Rasululloh birlan birga Makkaga qarab namoz o'qidim»—dedi. Shunda boyagi namozxonlar Baytulloh tomonga qarab o'g'irilib olishdi. Qibla Baitulmuqaddasdan Baytulloh tomonga o'zgartirilmasidan ilgari shahid bo'lganlar ham bor erdi, biz ular xususida nima demog'imizni bilmas erdik. Olloh taolo «Va Olloh taolo sizlarning iymonlaringizni zoe ketkazuvchi ermas, Olloh taolo odamlarga ko'p mehribon, nihoyatda rahmlidur!», «Va shul tariqa biz sizlarni shunday bir adolatli ummat

qildikki, toki sizlar guvoh bo'lingizlar boshqa odamlarga va rasul ham sizlarga guvoh bo'lsinlar!» degan oyatlarni nozil qildi»

Abu Sa'id al-Xudriy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Qiyomat kuni " Oллоh taolo Nuh alayhissalomni da'vat qilganda ul kishi «Labbay, ey rabbim, xizimatingga hoziru nozirman!» deb javob bergaylar. Oллоh taolo «Mening hukmlarimni o'z ummatingga yetkazdingmi?» — deb so'ragay. Nuh alayhissalom «Ha»,— degaylar. Keyin, ul kishining ummatlariga «Mening hukmlarimni sizlarga yetkazganmidi?»—deyilgay. Ular «Bizning huzurimizga biror ogohlantiruvchi odam kelgan ermas!»—deyishgay. Oллоh taolo Nuh alayhissalomga «Mening hukmlarimni ummatingga yetkazganingga kim guvohlik bera oladi?» —degay. Nuh alayhissalom «Muhammad sallallohu alayhi va sallam va ul zotning ummatlari guvohlik berishgay»,— degaylar. Shunda ular Nuh alayhissalomning Oллоh taolo hukmlarini o'z ummatlariga yetkazganliklariga guvohlik berishgay va rasul ham sizlarga guvohlik bergay. Bu Oллоh taoloning qavlidur. Oллоh taolo «Va shul tariqa biz sizlarni shunday bir adolatli ummat qildikki toki sizlar guvoh bo'lingizlar boshqa odamlarga va rasul ham sizlarga guvoh bo'lsinlar va biz siz ilgari yuzingizni qaratib namoz o'qib yurgan tomonni kimlar rasulga ergashajagini va kimlar orqasiga qaytajagini bilmoq uchungina qibla qilgan erdik va albatta bu muomala og'ir bo'lib, uni Oллоh taolo hidoyat qilgan bandalargina ko'targaylar va Oллоh taolo sizlarning iimonlaringizni zoe ketkazuvchi ermas, Oллоh taolo odamlarga ko'p mehribon, nihoyatda rahmlidur!» — deydi»

Ibn Umar raziyallohu taolo anhu rivoyat qiladilar: «Odamlar Qubo masjidida bomdod o'qib turishgan erdi, bir odam kelib « Oллоh taolo Janob Rasulullohga Qur'on (vahiy) tushirib, Ka'bani qibla qilmoqni amr qildi»,— dedi. Namozxonlar darhol Oллоh taoloning amriga buyin egishib, yuzlarini Ka'baga o'girishdi».

9-bob Oллоh taoloning «Yuzingizni osmonga qarata-yotganingizni ko'rib turibmiz, endi biz yuzingizni o'zingizga marg'ub bulgan qiblaga qarattirurmich, yuzingizni Masjid al-Harom tarafiga qaratingiz!» degan qavli xususida

Anas ibn Molik raziyallohu taolo anhu rivoyat kiladilar: «Ikki qiblaga qarab namoz o'qiganlardan mendan bo'lak hech kim qolmadi. Oллоh taolo «Va agar siz kitobiylarga barcha dalillarni keltirsangiz ham, ular sizning qiblangizni tan olmaslar va siz ham ularning qiblasini qabul qilmassiz va ular ham ba'zilari ba'zilarin qiblalarin qabul etmaslar va agar siz o'zingizda vahiy ilmi hosil bo'la turib, ularning xohishlariga tobi' bo'lsangiz, ul holda siz albatta zolimlardan bulursiz!» — deydi».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat kiladilar: «Bir payt odamlar Qubo masjidida bomdod o'qib turishgan erdi, bir kishi kelib «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ushbu kecha Qur'on (vahiy) nozil bo'ldi. Ul zot Ka'baga qarab namoz o'qimoqni amr qildilar sizlar ham ka'baga qarab namoz o'qingizlar!»—dedi. Shunda odamlar Shom tarafga qarab turishgan erdi, darhol yuzlarini Ka'baga o'girishdi. Oллоh taolo «Biz Kitob bergan bandalar Rasulullohni o'g'illarini taniganlaridek tanirlar va ulardan bir guruhi xaqiqatni bilib tursalar ham yashirurlar, bu (narsa) parvardigoringizdan (tushirilgan) haqiqatdur, bas shak qilguvchilardan bo'lmangiz!» —deydi»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat kiladilar: «Bir payt odamlar Qubo masjidida bomdod o'qib turishgan erdi, bir odam kelib: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bu kecha

Qur'on (vahiy) nozil bo'ldi. Ul zot Ka'baga qarab namoz o'qimog'imizni amr qildilar, sizlar ham o'sha tomonga yuzlaringizni burizingizlar!»—dedi. Shunda namozxonlar Shom tomonga qarab turishgan erdi, darhol Ka'baga o'girilishdi. Oллоh taolo «Va har bir kimsa uchun yuzini qaratadigan o'ziga xos tomon bordur, shunday erkan, sizlar xayriyat tomon yuz burizingizlar, sizlar qaerda bo'lsangizlar ham, Oллоh taolo barchangizning qoshingizga kelgay, Oллоh taolo hamma ishga qodirdur!» - deydi».

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bi an birga Baytulmuqaddasga qarab o'n olti yoki o'n yetti oy namoz o'qidik, so'ng ul zot qiblani Ka'ba tomonga o'zgartirdilar. Oллоh taolo: «Va siz qaerdan chiqib kelsangiz ham, yuzingizni Masjid ri al-Haromga qaratingiz va bu parvardigoringiz tarafidan tushirilgan haq hukmdur va Oллоh taolo sizlarning amallaringizdan g'ofil ermasdur!» —deydi».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat kiladilar: «Bir payt odamlar Qubo masjidida bomdod o'qib turishgan erdi, bir kishi kelib: «Bul kecha Oллоh taolo Qur'on (vahiy) nozil qilib, Ka'baga qarab namoz o'qimoqni amr qildi, sizlar ham o'sha tomonga qarangizlar!» — dedi. Namozxonlar darhol yuzlarini Ka'baga burishdi, ular avval Shom tarafga qarab namoz o'qishayotgan erdi. Oллоh taolo: «Darhaqiqat, Safo va Marva Oллоh taoloning nishonlaridandur, bas kimiki Baytullohga haj qilsa yoki umra qilsa, bu ikkisin (Safo va Marva) oralig'ida sa'y qilmoq unga gunoh ermas va kimiki o'z rag'bati ila yaxshilik qilsa, Oллоh taolo albatta taqdirlovchi, biluvchidur!» —deydi».

Hishom ibn Urvaning otalari bunday degan erkanlar: «Men yosh bola bo'la turib, Nabiy sallallohu alayhi va sallamning zavjalari Oisha raziyallohu anhoga: «Oллоh taoloning «Darhaqiqat, Safo va Marva Oллоh taoloning nishonlaridandur (udumlaridandur), bas kimiki Baytullohga haj qilsa yoki umra qilsa, bu ikkisin oralig'ida sa'y qilmoq unga gunoh-«ermas» degan oyati haqida nima deysiz? Men Safo va Marvani tavof qilmagan odam gunohkor bo'lmaydi, deb hisoblayman»,— dedim. Oisha onamiz: «Aslo unday ermas, agar bu oyatning tafsiri sen aytganingcha bo'ladirgan bo'lsa, unda Safo va Marvani tavof qilmasa ham, gunohkor bo'lmas erkan-da?! Ammo, bu oyat ansorlar xususida nozil bo'lgan bo'lib, ular (musulmon bo'lmoqlaridan avval) Manot degan butga tahlil aytishar erdi. Shu boisdan ular Safo va Marvani tavof qilmoqqa botinishmas erdi. Islom joriy bo'lib, musulmon bo'lganlaridan so'ng, Janob Rasulullohga shul haqda savol berishdi. Shunda Oллоh taolo «Darhaqiqat, Safo va Marva Oллоh taoloning nishonlaridandur, bas kimiki Baytullohga haj qilsa yoki umra qilsa, bu ikkisin oraligida sa'y qilmoq unga gunoh ermas» degan oyati karimani nozil qildi»,— dedilar»

Osim ibn Sulaymon rivoyat qiladilar: «Men Anas ibn Molikdan Safo va Marva haqida so'radim. Shunda, u: «Biz bu ikkisini tavof qilmoqni johiliyat davridan qolgan udum, deb hisoblab yurar erdik. Islom joriy bo'lgach, ularni tavof qilmay qo'ydik. Shunda, Oллоh taolo «Darhaqiqat, Safo va Marva Oллоh taoloning nishonlaridandur, bas kimiki Baytullohga haj qilsa yoki umra qilsa, bu ikkisin oralig'ida sa'y qilmoq unga gunoh ermas» degan oyati karimasini nozil qildi»,— dedi».

10-bob. Oллоh taoloning «Va ba'zi odamlar borki, ular Oллоh taolodan bo'laklarni unga sherik qilurlar» degan qavli xususida

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat hiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam bir so'z aytdilar, men ham bir so'z aytdim. Ul zot: «Oллоh taolodan bo'laklarni unga sherik qilgan

odam o'lsa, jahannamga tushgay»,— dedilar. Men: «Oллоh taolodan bo'laklarni unga sherik qilmagan odam o'lsa, jannatga tushgay»,— dedim. Oллоh taolo: «Ey mo'min-lar, o'ldirilgan ozod odam badaliga ozod odamni, qul badaliga qulni, xotin badaliga xotinni o'ldirmoq sizlarga farz qilindi. Bas, kimki o'ldirilgan odamning vorislari tarafidan afv qilinsa, ul buning uchun qoidaga muvofiq yaxshiliklar qilsin va bul sizlarga parvardigoringiz tarafidan ato etilgan yengillik va marhamatdurkim, kimki bundan buyon ham qotillik qilmoqda davom eqa, ul alamli azob-uqubatga duchor qilingaydur!»—d yeydi».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Banu Isroilda o'ldirilgan odam uchun qasos olishar, xun haqi olishmas erdi. Oллоh taoloning (yuqoridagi) oyati o'shalar xususida nozil qilingandur».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallam. «Oллоh taoloning Kitobi — qasosdur!» — dedilar».

Humayd raziyallohu anhu Anas raziyallohu anhu haqlarida bunday deydilar: «Uning cho'risi bir joriyaning tishini urib sindirib qo'ydi. Odamlar uni afv qilmoqlarini iltimos qilishdi. Tishi sindirilgan joriyaning egalari bunga ham, xun haqi olmoqqa ham ko'nishmadi. Keyin, hammalari birgalashib Janob Rasulullohning huzurlariga borishdi, joriyaning egalari ul zotning qoshlarida ham «Faqat qasos» deb turib olishdi. Shunda, Janob Rasu-lulloh qasos olmoqni (ya'ni, tish uchun tish sindirmoqni) amr qildilar. Anas: «Yo Rasulalloh, uning tishi sindiriladimi? Sizni haqiqat ila yuborgan zot haqi, tishi sindirilmasin!» — dedi. Ul zot: «Yo Anas, Oллоh taoloning Kitobi — qasosdur!» — dedilar, shundan so'ng joriyaning egalari qasos olmaslikka ko'nishib, cho'rini afv qilishdi. Janob Rasululloh: «Oллоh taoloning bandalaridan kimki Oллоh taoloning nomini aytib qasam ichsa, qasamiga vafo qilmog'i lozim!»—dedilar.

11-bob. Oллоh taoloning «Ey mo'minlar, ro'za tutmoq o'zingizdan avvalgilarga farz qilingani yanglig`, sizlarga ham farz qilindi, shoyad sizlar parhezgor bo'lsangizlar!» degan qavli xususida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Johiliyat ahli ashuro oyida ro'za tutur erdi, ramazon oyida ro'za tutmoq haqida oyat nozil bo'lgach, Janob Rasululloh: «Ashuro oyi ro'zasini xohlaganlar tuqin, xohlamaganlar tutmasin!» — dedilar».

Oisha raziyallohu taolo anho rivoyat qiladilar: «Ramazondan ilgari ashuro oyida ro'za tutilar erdi. Ramazonda ro'za tutmoq haqida oyat nozil bo'lgach, ashuro ro'zasini istagan tutdi, istamagan tutmadi».

Alqama raziyallohu anhu Abdulloh haqlarida bunday deydilar: «Abdulloh ovqatlanib o'ltirgan erdi, huzuriga Ash'as kirib kelib: «Axir, bugun ashuro oyi-ku?!» — dedi. Abdulloh: Ashuro oyida ramazon haqida oyat nozil bo'lmasidan burun ro'za tutilar erdi, ramazon ro'zasi haqida oyat nozil bo'lgach, bu oyda ro'za tutmoqlik tark etilgan, beri kel, ovqatlan!» — dedi».

Oisha raziyallohu taolo anho rivoyat qiladilar: «Biz Quraysh ahli johiliyat davrida ashuro oyida ro'za tutar erdik, Janob Rasululloh ham tutar erdilar. Madinaga kelganlarida ashuro ro'zasini tutdilar, boshqalarga ham tutmoqni amr qildilar. Oллоh taolo ramazon

roʻzasi haqida oyat nozil qilib, uni farz qilgach, ashuro oyida roʻza tutilmaydirgan boʻldi. Ashuro roʻzasini xohlaganlar tutib, xohlamaganlar tutmas erdi».

12-bob. Ollah taoloning «Bir necha sanoqli kunlar sizlardan kimki bemor boʻlsa yoki safarda boʻlsa, boshqa kunlar hisobiga (roʻzani) toʻldirgaysiz, (roʻza tutmoqqa) qodir kishilar ersa, bir miskinni tuydirarlik taom fidya qilgaylar, kimiki oʻz ragʻbati ila yaxshilik qilsa, bu uning oʻzi uchun yaxshidur va agar bilsangizlar, roʻza tutmoqlaringiz oʻzlaringiz uchun yaxshidur» degan qavli xususida

Ato raziyallohu anhu. «Ollah. taolo aytganiga binoan, kishi kasal boʻlib, sillasi quriganda roʻzasini buzgay»,— dedilar.

Hasan va Ibrohm bola emizuvchi hamda homilador ayol xiqida soʻzlab: «Agar ular ikkisi oʻzlaridan yoki bolalaridan xavotirlansalar, roʻzalarini buzib, keyin qazosini tutaveradilar, ammo keksa odam roʻza tutmoqqa qudrati yetmasa.. Masalan: Anas keksayib qolgach, bir-ikki yil davomida har kuni bir miskinga non, goʻsht berib, Ollah taoloning «(Roʻza tutmoqqa) qodir kishilar .» degan qavlini qiroat qilib, ruza tutmay yuraverdilar, bundaylar ersa koʻp erdi»

Ato raziyallohu anhu Ibn Abbosniig «(Roʻza tutmoqqa) qodir kishilar ersa, bir miskinni tuydirarlik taom fidya qilgaylar» degan iyatni qiroat qilganini eshitdilar. Ibn Abbos: «Vu oyat bekor qilingan ermas. agar keksa kishi yeki keksa ayol roʻza tutmoqqa kodir boʻlmasalar, har bir roʻza tutilmagan kun badaliga bir miskinni chuydirmogi lozim boʻladi, Ollah taolo «Sizlardan qaysi biringiz (ramazon) oyining shohidi boʻlsangiz, uning roʻzasini tutingiz!» deb aytgan»,— dedilar.

Nofiʼ bunday deydilar. «Ibn Umar raziyallohu anhu «...bir miskinni toʻydirarlik taom fidya qilgaylar...» deb qiroat qildilar-da, «Bu oyat mansux qilingan»,— dedilar».

Salama ibi al-Akvaʼ rivoyat qiladilar: «(Roʻza tutmoqqa) qodir kishilar ersa, bir miskinni toʻydirarlik taom fidya qilgaylar» degan oyat nozil boʻlganda fidya berib roʻza tutmay yuradiganlar chiqib qoldi, shunda mazkur oyatdan keyingi oyat nozil boʻlib, avvalgisini mansux qildi».

Abu Abdulloh: «Bukayr Yaziddan ilgari vafot qildi»,— deydilar.

Ollah taoloning qavli: **«Roʻza kechalarida xotinlaringizga yaqinlik qilmoqlaringiz sizlarga halol qilindi, ular sizlarga libosdurlar va sizlar ham ularga libosdursizlar (yaʼni, erkagu ayol tunda suhbat qurganda libos yanglig bir-birlarining boʻyinlaridan quchoqlaydilar), Ollah taologa maʼlumdurki, sizlar oʻzlaringiz oʻzlaringizga xiyonat qilur erdingizlar, bas u tavbalariningizni qabul qildi va sizlarni afv etdi, endi sizlar ularga yaqinlik qilaveringizlar va Ollah taolo oʻzlaringizga yozgan narsani (farzandlarni) soʻrangizlar!».**

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ollah taolo ramazon roʻzasi haqida oyat nozil qilgach, odamlar ramazon davomida eyollari birlan jimoʻ qilmasliklari lozim erdi, shundai boʻlsada baʼzilar oʻzlariga xiyonat qilishar erdi. Keyin, Ollah taolo «Ollah taologa

ma'lumdurki, sizlar o'zlaringiz o'zlaringizga xiyonat qilur erdingizlar, bas u tavbalarigizni qabul qildi va sizlarni afv etdi» degan qavlini nozil qildi».

13-bob Oллоh taoloning «... va tongning oq ip qora ipdan aniq farqlanadirgan paytigacha yeb-ichingizlar, so'ng kechgacha ro'za tutingizlar va ularga (ayollarga) masjidlarda e'tikofda o'ltirganingizda yaqinlik qilmangizlar, bular Oллоh taoloning ta'qiqlovchi chegaralari bo'lib, zinhor ularga yaqin bora ko'rmangizlar, Oллоh taolo shu tariqa odamlarga o'z ko'rsatmalarini bayon qilur, shoyad ular taqvo qilsalar deb» degan qavli haqida

Sha'biy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Adiy ba'zi kechalar bir chatim oq va bir chatim qora ipni olib, ularga nazar tashlab qo'yar, lekin sira ham ajrata olmas erdi. Bir kuni tong otgach, Janob Rasulullohga «Yo Rasulalloh, yostig'im ostiga oq va qora ip qo'yib qarayman, lekin sira ham ularni ajrata olmayman!» —dedi. Ul zot «Agar yostig'ing keng (katta) bo'lsa-yu, ostiga oq va qora ip qo'yib qarasang, farqlay olmagaysan (oq va qora ipdan maqsad, tong va kechqurundur)»,— dedilar»

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, «oq ipu qora ip» nima degani, bu yerda haqiqatan ham oq va qora ip haqida gapirilayaptimi?» — dedim. Ul zot «Agar ip deb o'ylagan bo'lsang, kallavaram erkansan!»—dedilar, so'ng «Aslo unday ermas, ular tun qorong'uligi-yu, kun yorug'ligidur»—deb aytdilar»

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar «Oллоh taoloning «Oq ipni qora ipdan ajratadirgan bo'lguncha yeb-ichingizlar» degan qavli nozil bo'ldi, lekin «tongdan boshlab (tongning oq ip qora ipdan farqlanadirgan paytigacha)» degan qavli hanuz nozil bo'lmagan erdi. Shunda, odamlar ro'za tutmoqchi bo'lsalar, oyoqlariga oq va qora ip bog'lab olib, to ularni bir-biridan ajratadirgan bo'lgunlaricha yeb-ichaverdilar. Keyin, Oллоh taolo «tongdan boshlab (tongning oq ip qora ipdan farqlanadirgan paytigacha)» degan qavlini nozil qildi. Bundan odamlar bildilarki oq ip va qora ipdan maqsad, subxdan kechqurungacha erkan. Oллоh tolo Uylarga orqa tomondan (yoki tomdan oshib) kirmoqlaringiz yaxshi amal ermas, balki kishining Oллоh taolodan taqvo qilgani yaxshi amaldur, uylaringizga eshik orqali kiringizlar, Oллоh taolodan taqvo qilingizlar, shoyad najot toisangizlar!» — deydi (kadimgi arablar ehromga kirgandan so'ng, yana uylariga kirmoqchi bo'lsalar, eshik qolib, tomdan oshib tushar yoki uyning orqa tomonidan kirar erdilar va buni yaxshi amal, deb e'tiqod qilar erdilar)»

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladiyaar: «Arablar johiliyat davrida ehrom bog'lasalar, uylariga tomdan oshib tushar erdilar Keyin, Oллоh taolo «Uylarga orqa tomondan (yoki tomdan oshib) kirmoqlaringiz yaxshi amal ermas, balki kishining Oллоh taolodan taqvo qilgani yaxshi amaldur, uylaringizga eshik orqali kiringizlar», shuningdek «Va fasod qolmaguncha hamda Oллоh taoloning dini qoim bo'lmaguncha ularga karshi urushingizlar, agar ular dushmanlik qilmoqdan qayqalar, zolimlarga nisbatangina adovat bordur!» degan qavlini nozil qildi»

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladilar- «Ikki kishi Ibn az-Zubayr fitnasi vaqtida Ibn Umarning huzuriga kelib «Odamlar kanday ishlar qilishdi siz bo'lsangiz, payg'ambarimizning do'stlari bo'la turib indamay o'ltiribsiz, ularga qarshi kurashishingizga sizga nima mone'lik qiladi?» — deyishdi. Ibn Umar «Oллоh taoloning o'z birodarlarim qonini to'kmoqni man qilgani mone'lik qiladi!» — dedi. Ular «Oллоh taolo

«Va fasod qolmaguncha ularga qarshi urushingizlar!» deb aytmaganmi, axir?!» — deyishdi. Ibn Umar «Biz fitna qolmaguncha va Oллоh taolo dini qoim bulguncha urushdik, nima, endi sizlar yana fitna sodir bo'lib, Oллоh taoloning dini barbod bulguncha urush qilmoqchimisizlar?!» — dedi».

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi Ibn Umarning qoshiga kelib «Ey Abu Abdurrahmon, Oллоh taolo yulida jehod qilmay bir yil haj va bir yil umra qilganingizning boisi nima? Bu haqda Oллоh taolo nimani iroda qilganini bilaman!» — dedi. Ibn Umar «Ey jiyanim, islom besh narsa asosida qurilgan. Oллоh taolo birlan uning rasuliga iymon keltirmoq, besh vaqt namoz o'qimok, ramazon ro'zasini tutmoq, zakot bermoq va Baytullohga haj qilmoq», — dedi. Boyagi kishi: «Ey Abu Abdurrahmon, Oллоh taolo o'z Kitobida «Agar ikki guruh mo'minlar o'zaro urushsalar, oralarini kelishtirib qo'yingizlar, basharti o'shal guruhlardan biri ikkinchisiga tajovuz qilsa, tajovuz qilgan guruhga qarshi Oллоh taoloning amriga itoat qilgunlarigacha va fitna qolmaguncha urush qilingizlar!» deb aytganini eshitmaganmisiz?» — dedi. Ibn Umar: «Biz Janob Rasulullohning zamonlarida shunday qilgan erdik, o'sha vaqtlarda islom hali zaif bo'lib, odam o'z dini xususida fitna qilsa, yo uni o'ldirishar yohud unga azob berishar erdi. Endi bo'lsa, islom kuch-quvvatga to'lgan bo'lib, fitna sodir bo'lmaydi»,— dedi. Boyagi odam: «Ali va Usmon haqida nima deysiz?» — dedi. Ibn Umar: «Usmon xususiga kelsak, Oллоh taolo ul kishini afv qildi, ammo sizlar uni afv qilmoqdan bosh tortdingizlar. Ali to'g'risida gapiradigan bo'lsam, u Janob Rasulullohning amakilarining o'g'li bo'lib, unga o'z qizlarini berganlar»,— dedi-da, qo'li birlan bir tomonga ishora qilib: «Mana bu ko'rib turganingiz o'shaning uyi bo'ladi!» — deb aytdi».

14-bob. Oллоh taoloning qavli: «Mollaringizni Oллоh yo'lida sarflangizlar, baxillik qilib o'zlaringizni halokatga tashlamangizlar, yaxshilik qilingizlar, zero Oллоh taolo yaxshilik qilguvchilarni sevgay»

Huzayfa: «Mollaringizni Oллоh yo'lida sarflangizlar, baxillik qilib o'zlaringizni halokatga tashlamangizlar ..» degan oyati karima nafaqa to'g'risida nozil bo'lgan»,— deydilar.

15-bob. Oллоh taoloning «Bas, sizlardan birortangiz kasal bo'lsa yoki uning boshida ozor yetkazuvchi narsa bo'lsa...» degan qavli haqida

Abdulloh ibn Ma'qil raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Kufa masjidida Ka'b ibn Ujraning huzurida o'ltirib, ro'za fidyasi to'g'risida so'radim. Ka'b bunday dedilar: «Men Payg'ambar alayhissalomching huzurlariga bir xizmat birlan borgan erdim. Shunda boshimdagi bitlar yuzimga to'kilib turgan erdi. Buni ko'rib Janob Rasululloh: «Bitlar senga bunchalik azob berayotganini bilmagan erkanman, bir qo'y topa olasanmi?»— dedilar. Men: «Yo'q»,— dedim. «Unday bo'lsa, sochingni oldir-da, keyin uch kun ro'za tutgil yoki olti miskinni to'yg'azgil, har bir miskinga yarim so' taom bergil!»—dedilar. Quyidagi «Kimki umra birlan haj ham qilib savob topmoqchi bo'lsa, o'zi muyassar bo'lgan qurbonlikni so'ysin» degan oyat mening haqimda nozil bo'lgan bo'lsa ham, barchangizga taalluqlidur».

Imron ibn Xusayn rivoyat qiladilar: «Oллоh taoloning Kitobidagi «Mut'a oyati» nozil qilindi. Biz Janob Rasululloh birlan shunga amal qilib yurdik. Keyin, mut'ani man' qilguvchi oyat nozil bo'lmadi, Rasululloh ham to vafotlarigacha buni man' etmadilar. Bir kishi, o'zbo-shimchalik qilib, og'ziga kelganini aytgan erdi (ya'ni, mut'a qilmoqni man'

etgan erdi). Muhammad (ibn Bashor): «Bu Hazrat Umar erdilar»,— deydilar. Oллоh taolo: «Parvardigor!» ringizdan rizq so`ramog`ingiz sizlar uchun gunoh emasdur!»—deydi». (Mut`ani niyat qilgan odam Makkaga borganda umra qilib, sochini qisqartirib, keyin ehromdan chiqadi va Makka ahliga o`xshab barcha narsalardan foydalanib yuraveradi, faqat ayoli birlan birga bo`lmaydi. Arafotdan bir kun avval yana g`usl qilib, hajni niyat qilib ehrom kiyadi va hajni oxiriga yetkazadi. So`ng, umra birlan haj orasida ehromdan chiqib boshqa narsalardan foyda-langani uchun bir qo`y so`yib qurbonlik qiladi).

Ibn Abbos bunday deydilar: «Johiliyat davrida arablarning Ukoz, Majanna va Zulmajoz nomli bozorlari bo`lardi. Musulmonlar haj mavsumida shu bozorlarda tijorat qilmoqni gunoh, deb hisoblashdi. Shundan so`ng, «(Haj mavsumida ham) Oллоh taolodan rizq so`ramog`ingiz sizlar uchun gunoh emasdur!» degan oyat nozil bo`ldi».

16-bob, Oллоh taoloning «So`ngra, odamlar tushib kelgan tomondan tushingizlar!» degan qavli haqida

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Quraysh va uning diniga e`tiqod qiluvchilar Muzdalifada vuquf qilardilar, ularni hums deb atashardi. Boshqa arablar Arafotda vuquf qilardilar. Islom kelgandan so`ng, Oллоh taolo payg`ambarga Arafotga kelib, shu yerda vuquf qilishni, keyin Muzdalifaga tushishni amr qildi. Oллоhning «So`ngra, odamlar tushib kelgan tomondan tushingizlar!» degan oyatining mazmuni shunga dalolat qiladi».

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «(Mut`ani niyat qilib ehrom bog`lagan) kishi (umradan so`ng) ehromdan chiqqan paytida ham, to hajga yangitdan ehrom bog`laguncha Baytullohni tavof qilaveradi. Arafotda vuqufqa tayyorgarlik ko`rayotgan vaqtda Oллоh taolo qurbonlik uchun tuya, mol yoki qo`ydan qaysi birini nasib etgan bo`lsa, shuning tadorikini qiladi. Agar qurbonlikka jonlik topolmasa, arafadan avval uch kun ro`za tutadi, ro`zasining uchinchi kuni arafaga to`g`ri kelib qolsa ham gunohi yuqdur. Keyin, Arafotga borib, asr namozidan to qorong`u gushguncha vuquf qiladi. So`ngra kechasi tunash joyiga, ya`ni Muzdalifaga qaytadi. Unda subhgacha Oллоhga zikr tasbeh va tahlil aytib chiqadi So`ngra, odamlar birlan birga Minoga tushadi. Oллоh taolo «So`ngra, odamlar tushib kelgan tomondan tushingizlar, Oллоhga istig`for aitingizlar, albagta Oллоh gunohlarni kechuvchi va mehribondur"» - degan. Nihoyat, Minoda shaytonga tosh otadi.

17-bob Oллоh taoloning «Ular orasida «Parvardigor, bizga bu dunyoda ham yaxshilik ato qilgil, oxiratda ham axshilik ato qilgil va bizni do`zax azobidan saqlagil!» deb aytuvchilar ham mavjud» degan qavli haqida

Anas ibn Molik bunday deydilar: «Payg`ambar alayhissalom «Ey Oллоh, parvardigorimiz, bizga bu dunyoda ham yaxshilik ato qilgil oxiratda ham yaxshilik ato qilgil va bizni do`zax azobidan saqlagil!» - deb iltijo qilar erdilar»

18-bob. Oллоh taoloning «...holbuki, u adovati kuchli odamdur» degan qavli haqida

Ato «An-Nasl»so`zi «Al-Hayvon» ma`nosida» —deidilar.

Oisha raziyallohu anho: «Payg`ambar alayhissalom «Olohd eng yomon ko`radigan odam adovati qattiq kishidur» — deb aytganlar», — deydilar.

19-bob

Olohd taoloning qavli: «Ey mo`minlar, avvalgi qavmlarga kelgan sinovlar sizlarga kelmasdan turib jannatga kirishni o`yladingizmi? Ularga shunday qattiqchilik va mashaqqatlar keldiki, ular shunday larzaga tushdilarki, hatto payg`ambardek zot va ul kishiga iymon keltirganlar «Olohd taolo va`da qilgan najot qachon bulgay?» deb yuborishdi, shunda Olohd taolo «Ogoh bo`lingizlar, Olohning yordami yaqindur!» deb javob qildi»

Abu Mulayka bunday dvb aytar erdilar: «Ibn Abbas raziyallohu anhu «Hattoki o`tgan payg`ambarlar noumid bo`lishib»,— dedilar-da, «Yusuf» surasining «Bizlar aldandikmikin» deb o`ilay boshlaganlarida» degan oyatini o`qib, unga «Baqara» surasining quyidagi 214-oyatini ulab tilovat qildilar: «Hatto payg`ambardek zot va ul kishiga iymon keltirganlar «Olohd taolo va`da qilgan najot qachon bo`lgay?» deb yuborishdi, shunda Olohd taolo «Ogoh bo`lingizlar, Olohning yordami yaqindur!» deb javob qildi. So`ng, men Urva ibn Zubayr birlan uchrashganimda unga shu gapni aytdim. Urva menga «Oisha: «Maozallohd, Olohga qasamyod qilurmanki, agar Olohd payg`ambariga biror va`da bersa, payg`ambar o`zining o`limidan oldin shu narsa amalga oshishini biladi. Lekin, avvalgi payg`ambarlarga balo va musibatlar uzluksiz kelavergani uchun, ular o`z atroflaridagilardan «Bular bizni yolg`onchiga chiqarib quyishmagan erdi!» deb xavotir olur erdilar»,— dedilar»,— deb aytdi. Oisha raziyallohu anho oyatdagi «kuzzibuu» fe`lini «kuzibuu» deb o`qir erdilar. (Oishaning « Maozallohd» deb Ibn Abbasdan achchiqlanishlariga sabab, mazkur oyatdagi «kuzzibuu» fe`lini «kuzibuu» deb o`qilsa, ma`no buziladi, deb tushunishlaridadur. Aslida, ma`no buzilmaydi).

20-bob «Xotinlaringiz sizlarning ziroatgohingizdur. Bas, ziroatgohingizga (Olohd ijozat qilgan tarafdangina) xohlagan paytingizda yaqinlik qilaveringizlar va o`zlaringizning kelajagingizning g`amini yengizlar!»

Nofi` raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Qur`on o`qisalar, undan bo`shamagunlaricha birov birlan gaplashmas erdilar. Bir kuni men huzurlariga kirdim, u kishi «Baqara» surasini qirot qilib, bir yeriga kelganlarida to`xtadilar-da «Bilasanmi, bu oyat nima haqida nozil bo`lgan?» — dedilar. Men «Yo`q»,— dedim. Ibn Umar: «Bu oyat mana bu va mana bu haqda nozil qilingan»,— dedilar-da, qiroatda davom etdilar»

Ibn Umar raziyallohu anhu «Ziroatgohingizga xohlagan paytingizda yaqinlik qilaveringizlar» degan oyatga «Ayollarning faqat oldiga yaqinlik qilingizlar» deb mazmun bergan erkanlar (Ayolga yaqinlik qilish xususidagi mazkur oyatning mazmuni to`g`risida ulamolar ixtilof qilganlar «Anna shi`tum» iborasini «qaeriga xohlasangiz» deb tarjima qilib, ba`zi ulamolar ayolning orqasiga yaqinlik qilishga ham ijoat berganlar. Muhammad ibn Ka`b, Sa`id ibn Yasor va Imom Molik ana shular jumlasidandur. Oyatdagi «Anna shi`tum» iborasini xohlagan paytingizda» deb tushunmoq kerak, bu yerda orqaga yaqinlik qilmoq to`g`risida umuman hech qanday gap yuq. Ko`pchilik ulamolar, jumladan Imom Shofi`ii, Imom Ahmad, Imom Azam, Imom Abu Yusuf, Imom Muhammad, Imom Ishoq va boshqalar ayolning orqasiga yaqinlik qilish harom ekanligini aytib, ko`plab

hadislar birlan buni isbotlaganlar. Masalan, Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar! Rasululloh «Kimki xotining orqasiga yaqinlik qilsa, unga Oллоh taolo nazar qilmaydi!» deb aytganlar»).

Jobir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Yahudiylar: «Agar ayolning orqasidan yaqinlik qilinsa, tug'iladigan bola g'ilay bo'ladi»,— derdilar Shuning uchun «Xotinlaringiz sizlarning ziroatgohingizdur. Bas, ziroatgohingizga xohlagan paygingizda yaqinlik qilaveringizlar!» degan oyat nozil bo'ldi».

21-bob. Oллоh taoloning qavli: «Agar xotinlaringizni taloq qilsalaringiz, ularning idda muddatlari tugagan bo'lsa, o'z erlari birlan qayta nikohlanishlariga mone'lik qilmangizlar!»

Hasan Basriy rivoyat qiladilar: «Mu'aqqal ibn Yasorning singlisini eri taloq qildi, so'ng idda muddati tugaguncha tashlab quydi-da, yana yarashish istagini bildirdi. Lekin, Mu'aqqal ibn Yasor yarashtirishdan bosh tortdi. Shunda «Taloq qilingan ayolni o'z eri birlan yarashishga to'sqinlik qilmangizlar!» degan oyat nozil bo'ldi».

22-bob Oллоh taoloning qavli: «Sizlardan vafot qilgan kishilar xotinlarini qoldirib ketgan bo'lsalar, ular to'rt oy-u o'n kun idda muddatini o'tkazadilar. Iddalari tugagach, ular o'zlari xu-suslarida qoidaga muvofiq bir ish qilsalar (ya'ni, erga tegsalar), sizlar uchun (ya'ni, avvalgi erning qarindoshlari uchun) hech qanday gunoh yo'qdir».

Abdulloh ibn Zubayr bunday deydilar: «Men Usmon ibn Affonga Sizlardan vafot qilgan kishilar xotinlarini qoldirib ketgan bo'lsalar» degan oyatni boshqa bir oyat bekor qilgan. Nima uchun siz bu oyatni yana Qur'onga yozyapsiz?» — dedim. Usmon «Ey jiyanim, men Qur'on oyatlarining birortasining ham o'rnini o'zgartirmayman»,— dedilar».

Mujohid raziyallohu anhu bunday deydilar: «Sizlardan vafot qilgan kishilar xotinlarini qoldirib ketgan bo'lsalar» degan oyati karimada aytilishicha, xotin iddani marhum er uyida o'tkazishi vojib erdi, keiin Oллоh taolo to'rt oy-u o'n kun idda muddatiga yetti oy-u yigirma kunni vasiyat ma'nosida qo'shib to'la bir yil qildi va xotinga ixtiyor berdiki, agar u xohlasa, bir yil marhum er uyida turadi xohlamasa, chiqib ketaveradi, bu ma'noni Oллоhning «Uydan chiqmasdan tursin, agar chiqib keqa sizlarda gunoh yo'q, xotinga ersa idda vojibligicha qoladi» degan kalomi quvvatlaydi».

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Eri vafot etgan ayol to'rt oy-u o'n kun idda saqlaydi» degan oyat « Eri o'lgan xotin bir yil erining uyidan chiqmasdan o'ltiradi» degan oyatni bekor qildi».

Ato raziyallohu anhu bunday deydilar: Xotin, agar xohlasa marhum erining uyida uning vasiyatiga binoan idda saqlaydi xohlamasa, chiqib ketaveradi» degan oyatni Oллоh taoloning «Ular o'zlari xususlarida qilgan ishlari uchun sizlar gunohkor bo'lmaysizlar» degan qavli quvvatlaydi. Keyin, meros haqida oyat nozil bo'lib xotinning marhum er uyida idda saqlamog'ining vojibligini bekor qildi, endi u o'zi istagan joyda idda saqlaydirgan bo'ldi».

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: « Eri vafot eggan ayol to'rt oy-u o'n kun

idda saqlaydi» degan oyat «Eri o'lgan xotin bir yil erining uyidan chiqmasdan o'ltiradi» degan oyatni bekor qiladi, ayol xohlagan joyda iddasini o'tkazadi, chunki Oллоh taolo «Uydan chiqmasdan tursin, agar chiqib keqa, sizlarda gunoh yo'q, xotinga ersa idda vojibligicha qoladi» — degan».

Muhammad ibn Sirin bunday deydilar: «Men bir majlisda bo'ldim. Unda ansorlarning ulug'lari ishtirok qilib, ular orasida Abdurrahmon ibn Abu Laylo ham bor erdilar. Men Abdulloh ibn Utbaning Subay'a binti Horis haqidagi hadisini zikr qildim. (Subai'a binti Horis Sa'd ibn Xavlaning xotini erdi. Eri Makkada vafot qilgach, unga Abu Sanobil ibn Bakak «Sen to'rt oy-u o'n kun idda saqlashing kerak»,— dedi. Vaholanki, Subay'a erining vafotidan yigirma besh kun keiin farzand tuqqan erdi. Abu Sanobilning gapidan keyin, Subay'a Janob Rasulullohning huzurlariga bordi-da, bor gapni aytdi. Rasululloh unga «Sen halol bo'libsan, xohlagan odamingga erga tegishing mumkin»,— dedilar) Shunda, Abdurrahmon Ibn Abu Laylo taajjublanib «Abdullohning amakisi (ya'ni, Abdulloh ibn Mas'ud) bu haqda hech nima demagan edi-ku'» —dedilar. «Kufa tarafda yashovchi kishini yolg'onchi deyishga hayo qilaman'»—dedim. Ibn Sirin ovozlari ko'tarib «Men Molik ibn Omirni (yoki Molik ibn Avnni) uchratib: «Eri o'lib, homilador qolgan xotin haqida Abdulloh ibn Masud qanday fikr bildiradilar?»— deb so'radim. Ibn Omir bunday dedi: «Ibn Mas'ud «Eri o'lgan xotinga («Xomilador ayollarning iddasi bola tuqquncha» degan) ruxsatni aytmay, unga mashaqqatli iddani buyurasizlarmi? «Baqara» surasidagi idda haqidagi oyatdan keyin «Taloq» surasidagi «Homilador ayollarning iddasi bola tuqquncha» detan oyat ham nozil bo'lgan»,— derdilar»

23-bob Oллоh taoloning qavli: «Barcha namozlarni, xususan vusto namozini (ya'ni, asr namozini) o'z vaqtida ado qilingizlar!»

Ali raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: « Payg'ambar alayhissalom Xandaq kuni «Bizlarni (mushriklar) vusto namozidan qoldirdi, kun botib qoldi, Oллоh taolo ularning qabrlari birlan uylarini (yoki qorinlarini o'tga to'ldirsin»— dedilar»

24-bob Oллоh taoloning «Oллоhga bo'yinsungan holda turingizlar!» degan qavli haqida.

Zayd ibn Arqam bunday deydilar. «Bizlar gaplashaverar erdik, birimiz ikkinchimizga bemalol o'z ho jatini bayon qilaverar erdi, toinki Oллоh taocho. «Barcha namozlarni, xususan vusto namozini o'z vaqtida ado qilingizlar va Oллоhga bo'yinsungan holda turingizlar degan oyatni nozil qildi. Biz namozda sukut qilishga buyurildik».

25-bob Oллоh taoloning qavli: «Agar xavfda qolsangiz, piyoda yoki otliq holda namoz o'qiyveringizlar, xotirjam bo'lganingizda Oллоh o'zin-gizga o'rgatgan va ilgari o'zingiz bilmagan ham-du sanolarni aytib Oллоhni ulug'layveringizlar!»

Nofi' bunday deydilar: «Agar Ibn Umardan xavf namozini o'qish tartibi haqida so'ralsa: «Qavm ikki toifaga bo'linib, bir toifa imom birlan namoz o'qiidi, ikkinchi toifa ersa dushman birlan namozxonlar orasida turadi. Imom birinchi toifaga bir rak'at o'qib bergandan keiin, ular turib dushman ro'parasiga boradi va ikkinchi toifa imomga iqtido qiladi. Ikkinchi rak'atdan so'ng, imom salom berib namozdan chiqadi, ammo ikkinchi toifa salom bermay, o'rnidan turib biriichi toifa birlan o'rin almashadi. Shul tariqa ular navbat birlan imomsiz namozni oxiriga yetkazadilar. Agar dushmai xavfi kuchaysa,

piyoda kishi yurib ketayotgan holda, otliq ersa ot ustida, xoh qiblaga qarab kelayotan bo'lsin, hox qiblaga teskari tomonga, namozni o'qib ketaveradi», derdilar. Men o'ylaymanki, Abdulloh ibn Umar bu hadisni Janob Rasulullohdan eshitib rivoyat qilganlar.

Ibn Jubayr raziyallohu anhu bunday deydilar: «Kursiiyuhu»ning ma'nosi— «ilmuhu», ya'ni «Ollahning ilmi», «bastaganing manosi— «ziyoda va fazl , ya'ni «serobchilik» «afraq'a» ning ma'nosi - «anzala», ya'ni «tushirdi», va lo yauduhu»ning ma'nosi — "lo yusqiluhu», ya'ni «Ollahga og'irlik qilmaydi», «odaniy» — «asqalaniy», ya'ni «menga og'irlik qildi» ma'nosida, «al-ayd» — «quvvat» degani, «sinatun» --«mudroq» ma'nosida, «lam yatasannah» ~ «lom yatag'ayyar», ya'ni «o'zgarmaydi» ma'no-sida, «fa-buhita» — «zahaba hujjatuhu», ya'ni «dalilsiz qoldi», «xoviyah» — «kimsasiz», «uruushuho» — «binolari» manosida, nunshiruhu» — «nuxrijuho», ya'ni «chiqaramiz». «i'sor» - «shamol» ma'nosida, «osif»ning ma'nosi — yerdan osmonga cho'zilgan to'zonli quyun».

Ibn Lbbos raziyallohu anhu: «Saldan»ning ma'nosi — «behuda narsa» deganidir», - deydilar.

Ikrima: «Vobil»niig ma'nosi — «kuchli yomg'ir», «tal» ersa «nido»dur»,— deydilar (Yuqoridagi so'zlar «Baqara» surasining oyatlarida uchraydigan, arablarda unutilib ketgan lug'aglarining ma'nolaridur)

26-bob Ollah taoloning qavli: «Bir kuni Ibrohimning «Parvardigoro, menga o'liklarni qanday tiriltirishingchi ko'rsatgil!» deganini eslangiz, ey Muhammad!»

Abu Hurayra rivoyat qiladalar: «Rasululloh sallallohu alayxi va sallam bunday dedilar: «Ibrohimdan ko'ra ko'proq shubha qilishga biz xaqliroqmiz, chunki ul kishi: «Parvardigoro menga o'liklarni qanday tiriltirmog'ingni kursatgil!» — dedilar. Ollah taolo: «Sen bunga ishonasanmi!?» — deb so'radi. Ibrohim: «Yo'q, albatta ishonaman, lekin qalbimni taskin toptirish uchun o'z ko'zim birlan ko'rmoqchiman», — dedilar»

27-bob. Ollah taoloning qavli: «Tagidan daryolar oqib turadigan, xurmo-yu uzum va yana har turli mevalarga to'la bog'ingiz bo'lsa-yu, keksayib, nimjon bolalaringiz birlan kolgan paytingizda uni o'tli bo'ron yondirib, vayron qilib ketmog'ini birortangiz istaysizmi? Ollah tafakkur qilingizlar, deb o'z oyatlarini shul tarzda bayon qilur».

Ubayd ibn Umayr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Umar raziyallohu anhu bir kuni Janob Rasulullohning ashoblariga «A yavaddu ahadukum an takuna lahu jannatun» oyati haqida fikrlaringiz qanday?» deb savol berdilar, shunda ular «Ollah biluvchiroqdur!» deb javob berishdi. Hazrat Umar gazablanib: «Bilamiz yeki bilmaymiz, deb aytingizlar!» — dedilar. Ibn Abbas: «Ey mo'minlar amiri! Shu oyat haqida dilimda bir fikr paydo bo'ldi», - dedi. Hazrat Umar: «Ey jiyan, o'zingni kamtar tutmay, bilganingni gapir!» — dedilar. Ibn Abbas: Bu oyatda bir amal qiyoslanyapti»,— dedi. Hazrat Umar! «Qanday amal?» — dedilar. Ibn Abbas. «Qandaydir bir amal (ish) qiyos qilinyapti»,— dedi. Hazrat Umar: «Bu oyatda umr bo'yi Ollah taologa ibodat qilib savob orttirgan va pirovardida barcha amali solihlarini shaytonga boy berib qo'ygan odam umr bo'yi halol mehnat qilib bog'-

rog` qilgan va keksaygan vaqtida ofatli shamol kelib, barcha mehnatini ko`kka sovurgan badavlat kishiga taqqoslanyapti»,— dedilar».

28-bob. Olloh taoloning qavli: «Ular odamlardan tilanib turib olmaydilar»

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh: «Sizlar bitta-ikkita xurmo, bir-ikki luqma taom beradigan kishi miskin ermas, haqiqiy miskin odamlarga yopishib olib tilanishdan saqlanadigan odamdur, agar istasangiz, Ollohning «Ular odamlardan tilanib turib olmaydilar» degan oyatini o`qingizlar»,— dedilar».

29-bob. Olloh taoloning qavli: «Olloh tijoratni halol qilib, sudxo`rlikni harom qilgandur»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Baqara» surasining sudxo`rlik haqidagi oxirgi oyatlari nozil bo`lganda Rasululloh masjidga chiqib, tik turgan holda ularni odamlarga o`qib berdilar, keyin aroq savdosining haromligini aytib, «Va agar shunday qilmasangizlar, Olloh birlan uning rasuli sizlarga urush e`lon qilgay» degan oyatni tilovat qildilar».

30-bob. Olloh taoloning qavli: «Ollohning huzuriga qaytariladigan kundan qo`rqingizlar!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Baqara» surasining Payg`ambar alayhissalomga nozil bo`lgan oxirgi oyati sudxo`rlik haqidagi oyatdur»,— deydilar (Bu oyat suraning oxiriga joylashtirilmagan bo`lsa-da, oxirgi oyatdur).

31-bob. Olloh taoloning qavli: «Ichingizdagi narsani xoh oshkor, xoh maxfiy tuting, Olloh baribir ularni hisob-kitob qilib qo`ygay. Olloh o`zi xohlagan kishini mag`firat qilgay va xohlaganini azoblagay, Olloh hamma narsaga qodirdur»

Abdulloh ibn Umar raziyallohu ahnu: «Ichingizdagi narsani xoh oshkor, xoh maxfiy tuting» degan oyat mansuxdur»,— dsydilar.

32-bob. Olloh taoloning qavli: «Payg`ambar parvardigoridan o`ziga nozil qilingan narsaga iymon keltirdi»

Ibn Abbos: «Oyatdagi «isran» so`zi—«majburiyat», «g`ufronaka» so`zi «mag`firatingni» ma`nosida, ya`ni «Bizning gunohlarimizni kechirgin!» deganidir»,— deydilar.

Marvon al-Asfar bunday deydilar: «Payg`ambar alayhissalomning sahobalaridan bo`lmish bir kishi, menimcha Abdulloh ibn Umar: «Ichingizdagi narsani xoh oshkor, xoh maxfiy tuting» degan oyatni keyingi oyat bekor qiladi»,— deydilar»

«OLI IMRON» SURASI

1-bob. («Oli Imron» surasida uchraydigan ayrim so`zlar tafsiri)

«Tuqotun» va «taqiyyatun» so`zlari bir ma`noda bo`lib, :ehtietkorlik, saqlanish» demakdur. «Sirrun» — «sovuq», «shafo hufратin»— «chuqurning labi», «tubavviu» —

«jang maydoniga tartib birlan joylashtirar erdingiz», «al-musavvam» ersa «qashqador, xoldor» degan ma'nodadir. Mujohid: «Al-Xayl al-musavvam» — «Go'zal, ajoyib otdur»,— deydilar. «Ribbiyyuun» so'zi «ribbiyyun» so'zining ko'pligi bo'lib, «xudojo'ilar» demakdur. «Tahussuunahum» so'zi «Ularni qo'porib tashlar erdingizlar, ya'ni o'ldirur erdingizlar» degan ma'nodadir. «G'uzzun» so'zi «g'ozin»so'zining ko'pligi bo'lib, «goziylar» demakdur. «Sa-Naktu-bu» — «Yozib saqlab qo'ygaymiz» degani, «nuzulun» — «savob, ya'ni Oллоh taolo tarafidan nozil qilingan mukofot»dur. Ibn Jubayr: «Hasuurun» so'zi «Xotinga yaqinlik qilolmaydirgan kishi»,— deydilar. Ikrima: «Min favrihim» — «g'azab(lari) birlan» degani»,— deydilar. Mujohid: «Tux-riju-l-hayya» iborasi «(Ulikdan) tirikni paydo qilursan» degan ma'noda bo'lib, «nutfa» — «erkak maniysi» o'lik holda chiqadi, undan Oллоh taolo tirik jonni paydo qiladi»,— deydilar. «Al-Ibkor»—«subh, tong», «al-ashiy» — "shom" demakdur.

2-bob. Qur'ondagi o'zi ravshan (tugal), boshqa oyatlar yordamida to'ldirilmaydirgan oyatlar xususida

Mujohid Qur'ondagi, jumladan «Oli Imron» surasidagi tugal oyatlar xususida fikr yuritib, bunday deydilar: «Bunday oyatlar Oллоh taoloning halol va harom to'g'risidagi ahkomi bo'lib, qolganlari o'xshash oyatlardur. Oллоh taoloning quyidagi «Oллоh taolo (Qur'onda pashsha, o'rgimchak kabi nimarsalarni misol qilish birlan) fosiqlar-nigina gumroh qilur» («Baqara» surasi), «Oллоh aqlsiz bandalarini kofirlik qazorati birlan bulgagay» («Yunus» surasi), «Oллоh hidoyat topgan bandalariga hidoyatini yanada ziyoda qilgay» («Muhammad» surasi) kabi qavllari shular jumlasidandur. «Zaygun» so'zi «shak» ma'nosida bo'lib, «Oli Imron» surasining «Dillarida shak bo'lganlar fitna chiqarmoq uchun o'xshash, kishini ikkilantiradirgan oyatlarga rioya qiladilar» degan oyatida mavjud. «Ilmda sobitqadam bo'lganlar (ersa). «Bizlar bu (Kitobga) iymon keltirdik, uning barcha oyatlari parvardigorimiz tarafidan nozil qilingandur»,— derlar. «Oli Imron» surasi)»,

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh «-Ul o'shal zotdurki, sizga Kitob tushirdi, undan ba'zi oyatlar ma'nosi ravshan bo'lib, ular Kitobning asosini tashkil qiladi, boshqalari ersa ma'nosi oydin bo'lmagan oyatlardur. Bas, qalbida shubhasi bo'lgan kishilar fitna chiqarish uchun ma'nosi ravshan bo'lmagan oyatlarga rioya qiladilar, holbuki bunday oyatlarning Oллоh taoloning o'zigina biladi. Ilmda sobitqadam bo'lganlar (ersa): «Bizlar bu (Kitobga) iymon keltirdik, uning barcha oyatlari parvardigorimiz tarafidan nozil qilingandur»,— derlar. Aqlli kishilargina pandu nasihatni qabul qiladilar» degan oyatni tilovat qilgach «Agar ma'nosi ravshan bo'lmagan oyatlarga rioya qiluvchi kishilarni ko'rsang, bilgilki, Oллоh taolo «Ulardan hazar qilingizlar!» deb aytgandur»,— dedilar»

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Darhaqiqat, men bu qizni va uning zurriyatini mardud shayton yomonligidan asragil, deb sening panohingga topshirgayman»

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh: «Har qanday chaqaloqni tugilayotgan» paytida shayton chimchilaydi, shundan chaqaloq chirqirab yiglaydi, ammo Maryam va uning o'glini shayton chimchilay olmagan»,— dedilar. Agar xohlasangizlar «Darhaqiqat, men bu qizni va uning zurriyatini mardud shayton yomonligidan asragil, deb sening panohingga topshirgayman» degan oyatya karimani o'qingizlar».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Darhaqiqat, Oллоhga bergan ahdu qasamlarini arzimas pulga sotib yuboradigan kimsalar uchun oxiratda hech bir nasiba yo`qdur... ular uchun alamli azob bordur»

Abdulloh ibn Masud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh: «Kimki musulmon kishining molini tortib olish maqsadida yolg'on qasam ichsa, Oллоh taolo qiyomatda uni darg'azab bo'lib qarshilagay», deb erdilar, Oллоh taolo buning tasdiqi uchun «Darhaqiqat, Oллоhga bergan ahdu qasamlarini arzimas pulga sotib yuboradigan kimsalar uchun oxiratda hech bir nasiba yo`qdur, qiyomat kuni Oллоh ularga gapirmaydi ham, rahmat nazari birlan qaramaydi ham, gunohlarini kechirmaydi ham, ular uchun alamli azob bordur» degan oyatni nozil qildi. Shu asnoda Ash'as ibn Qays ichkariga kirib keldi-da: «Abu Abdurrahmon sizlarga ne deyotir? - deb so'radi. Biz: «Shunday va shunday dedi, deb aytdik. Ash'as: «Bu oyat mening haqimda nozil bo'lgan. Amakivachchamning yerida menga qarashli quduq bor erdi. Biz bu quduqni talashib qoldik. Rasululloh: «Yo sening daliling bo'lishi kerak yoki amakivachchagn qasam ichsin!» - dedilar. Men: «Yo Rasululloh, unday bo'lsa, u qasam ichsin!» - dedim. Payg'ambar alayhissalom: «Kimki musulmon kishining molini tortib olish uchun yolg'on qasam ichsa, o'zi fojir bo'lib, qiyomat kuni Oллоh unga g'azab qiladi», - dedilar», - dedi».

Abdulloh ibn Abu Avfo rivoyat qiladilar: «Bozorda bir odam bir matoni o'lchatib olib, sotuvchiga pulni bermay «Matoning puli berildi» deb qasam ichib turib oldi, holbuki matoning pulini bermagan erdi. Bu birlan u bir musulmonni chuv tushirmoqchi bo'ldi. Shunda «Darhaqiqat, Oллоhga bergan ahdu qasamlarini arzimas pulga sotib yuboradigan kimsalar uchun oxiratda hech bir nasiba yo`qdir» degan oyat nozil bo'ldi».

Ibn Abu Mulayka bunday deydilar: «Bir uyda ikki hotin yamoqchilik qilardi. Bir kuni ulardan biri kaftiga igna sanchilgan holda odamlar oldiga chiqib, «Buni dugonam qildi» deb da'vo qildi. Bu hususida taftish yurutmoqni Ibn Abbosga topshirishdi. Ibn Abbos: «Janob Rasululloh «Agar odamlarning da'vosiga tayanibgina chora ko'rilsa, qavmning qoni xam moli ham zoe ketadi» deganlar. Ayolga «Darhaqiqat Oллоhga bergan ahdu qasamlarini arzimas pulga sotib yuboradigan kimsalar» degan oyatni o'qib beringizlar!»- dedi. Odamlar ayolga Oллоhni eslatib, mazkur oyatni o'qib berishdi, shunda ayol aybini e'tirof qildi».

Ibn Abbos: «Janob Rasululloh «Ayblanuvchiga qasam ichirilmog'i lozim» deb aytganlar», - deydilar.

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey ahli kitoblar, bizga ham sizga ham teng bo'lgan so'zga kelingizlar, Oллоhning yolg'iz o'zigagina ibodat qilaylik!» deb aytgil.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Quyidagini Abu Sufyon menga o'z ogzi bilan gapirib berdi: «Rasululloh birlan mening o'rtamda tuzilgan sulh vaqtida Shomga bordim. U yerdaligimda Hiraqlga Payg'ambar alayxissalomdan maktub keltirildi. Bu maktubni Dihya Al Kalbiy Busro xokimiga, xokim ersa uni Hiraqlga yetkazgan erdi. Hiraql xatni olgach, o'z odamlaridan «Bu yerda o'zini payg'ambar, deb da'vo qilayotgan kishining qavmidan biror odam bormi?» deb so'radi. Unga: «Bor» deb javob berishdi va men birlan bir necha qurayshliklarni saroyga olib kirishdi. Biz Hiraqlning huzuriga kirdik,

bizni uning ro'parasiga olib kelishdi. Hiraql «qaysi biringiz o'zini payg'ambar deb da'vo qilayotgan kishiga nasab jihatdan yaqinroqsiz?» deb so'radi. Shunda men o'zimning yaqinroq ekanligimni aytdim. Keyin, meni Hiraql birlan yuzma-yuz, sheriklarimni ersa mening orqa tomonimga o'tirg'izdilar. Hiraql tarjimonini chaqirib, unga «Sheriklariga ayt, men mana bu odamdan o'zini payg'ambar deb da'vo qilayotgan kishi to'g'risida so'rayman, agar u menga yolg'on gapirsa, sheriklari uning yolg'on gapirayotganini aytislar!» deb amr qildi. Men o'zimga o'zim «hudo haqi, agar sheriklarim mening yolg'on gapirganimni fosh qilmaslar erdi, yolg'on gapirgan bo'lardim!» deb qo'ydim. So'ng, Hiraql o'z tarjimoniga: «Uzini payg'ambar deb da'vo qilayotgan kishi oralaringizda qanday nasabga ega deb undan so'ragil!» dedi. Men: «Ul kishi ormizda baland nasab egasidir», - dedim. Hiraql: «Uning ota-bobolari ichida podshoh bo'lganlar bormi?» - dedi. Men: «Yo'q» dedim. Hiraql: «Payg'ambarlikni da'vo qilmasdan ilgari uni yolg'onchilikda ayblar erdingizlarmi?»-dedi. Men: «Yo'q» -dedim. Hiraql: «Unga zodagonlar ergashyaptimi yoki zaiflarmi?» -dedi. Men: «Zaiflar ergashyapti», - dedim. Hiraql: «Ularning soni ko'payyaptimi yoki ozayyaptimi?»-dedi. Men: «Ko'payyapti» dedim. Hiraql: «Uning diniga kirganlardan biror kishi undan qaytyaptimi?»-dedi. Men: «Io'q» -dedim. Hiraql: «Unga qarshi jang qildingizlarmi?» - dedi. Men: «Ha» dedim. Hiraql: «Unga qarshi qilgan jangingiz qanday bo'lgan erdi?» dedi. Men: «Urtacha, gox ular bizga, goho biz ularga shikast yetkazar erdik, ba'zan ular ba'zan biz g'alaba qilar erdik», -dedim. Hiraql: «Hiyonat qilarmidi?» - dedi. Men: «Io'q,, biz u kishidan olislarda yuribmiz, bir qancha vaqtlardan beri ne ishlar birlan band, behabarmiz», - dedim. Xudo haqi, Hiraql bundan boshqa gap aytishimga imkrn bermadi-da: «Bu gapni undan ilgari biror kishi aytganmidi?» - dedi. Men: «Yo'q», - dedim. So'ng, Hiraql (tarjimoni orqali) menga bunday dedi: «Uning nasabini so'rasam, nasabi baland, deb aytding, payg'ambarlar aynan shunday bo'ladi. Uning ota-bobolari ichida podshoh bo'lganlar bormi, deb so'rasam, yo'q deding. Agar ota-bobolari ichida podshox o'tgan biror kishi bo'lganida erdi, men u o'shaning mulkini talab qilyapti, degan bo'lur erdim. Keyin, men sendan unga zodagonlar ergashyaptimi yoki zaiflarmi, deb so'radim. Sen unga zaiflar ergashyapti, deding. Payg'ambarlarga doimo zaiflar ergashadi. Uni ilgari yolg'onchilikda ayiblagan erdingizlarmi, deb so'rasam, sen yo'q, deb aytding. Men bildimki, u ilgari ham odamlarga yolg'on gapirmagan, bunday odam Oloh taolo haqida yolg'on so'zlamaydi. Uning diniga kirganlar undan g'azab qilib dindan qaytyaptimi, deb so'raganimda ham, sen yo'q, deb aytding. Iymon qalblarga huzur baxsh etganda xuddi shunday bo'ladi. Ular ko'payyaptimi yoki ozayyaptimi, deb so'rasam, sen ko'payyapti, deb javob qilding. Iymon ana shunday tobora barkamollashib borgay. Unga qarshi jang qildingizlarmi, deb so'raganimda, sen jang qilganingizni, ba'zan ular, ba'zan sizlar ustun kelganingizni aytding. Payg'ambarlar ham ana shunday mag'lubiyatga uchrab turgaylar, ammo pirovardida ularning qo'li baland bo'lgay. Keyin, u xiyonat qiladimi. deb so'radim. Sen uning xiyonat qilmasligini aytding. Payg'ambarlar ana shunday xiyonat qilmagaylar. U payg'ambarlik da'vosini qilmasidan burun boshqa biror kishi shunday da'vo birlan chiqqanmidi, deb so'rasam, sen yo'q deding. Agar undan ilgari biror kishi shunday deb da'vo qilib chiqqan bo'lganida erdi, men u ilgarigi odamning gapiga taqlid qilyapti, degan bo'lur erdim». So'ng, Hiraql mendan «U sizlarni nima qilmoqqa buyuradi?» deb so'radi. Men: «U bizni namoz o'qimoqqa, zakot bermoqqa, silai rahm (qarindoshlarga oqibat) qilmoqqa va poklikka buyuradi»,— dedim. Hiraql: «Sening gaplaring chin bo'lsa, shubhasiz u payg'ambardur. Men payg'ambar chiqishini bilar erdim-u, lekin sizlarning orangizdan chiqishini bilmas erdim. Agar imkon topsam, u birlan jon deb uchrashgan bo'lar erdim. Agar uning huzurida bo'lsam, oyoqlarini yuvib qo'ygan bo'lar erdim. Uning mulki (davlati) mening oyoqlarim ostidagi yergacha yetib kelgay!»—dedi-da, Janob

Rasulullohning maktublarini olib kelishni buyurdi. U xatni o'qib ko'rdi, unda «Bismillohir rahmonir rahimi. Oллоh taoloning rasuli bo'lmish Muhammaddan Rum boshlig'i Hiraqlga. Hidoyat topganlarga salom! Ammo ba'd: seni islomga da'vat etaman, islomni qabul qil, tinch bo'lursan. Oллоh buniig uchun senga ikki barobar ko'p ajru savob ato etgay. Agar bosh torqang, barcha ariysiylar (dehqonlar)ning (ya'ni, barcha fuqarolarningning gunohi) sening bo'ynigdadur. Oллоh taolo: «Ey ahli kitoblar, bizlar birlan sizlarning o'rtangizda barobar bo'lgan so'zga kelingizlar, Oллоh taolodan o'zgaga ibodat qilmaylik va unga hech kimni sherik qilmaylik, va Oллоh taoloni qo'yib ba'zimiz ba'zimizni tangri deb bilmaylik, deb ayt va agar ular yuz o'girsalar, sizlar guvoh bo'lingizlarki, biz albatta xudoning itoatkor bandalarimiz, deb aytingizlar!»—degandur» deb yozilgan erdi. Hiraql maktubni o'qib bo'lishi birlan uning huzurida g'ala-g'ovur ko'tarilib, baqir-chaqirlar kuchaydi. So'ng, u bizni chiqib ketishimizni amr qildi.

Tashqariga chiqqandan so'ng, men sheriklarimga: «Abu Kabsha o'g'lining (ya'ni, Janob Rasulullohning) ishi juda kuchayib ketdi, hatto undan rumliklar podshohi ham qo'rqyapti»,— dedim. Dilimda yarsa «Rasulullohning ishlari yaqinda ro'yobga chiqadi» degan ishonch paydo bo'ldi va nihoyat Oллоh taolo meni islomga kirgizdi».

Zuhriy bunday deydilar: «Hiraql butun Rum ulug'larini chaqirib, o'z saroyiga to'pladi-da, ularga: «Ey rumliklar, mulkingiz qo'lingizda sobit bo'lgan holda zamon nihoyasida (qiyomatda) sizlar uchun najot bormi?»—deb xitob qildi. Shunda, yig'ilganlar hurkak yovvoyi eshaklardek o'zlarini eshiklarga urdilar, biroq qulflangan eshiklardan chiqib ketolmadilar. Hiraql: «Menga yaqinroq kelinglar!» deb ularni qayta jam' qildi-da, ularga: «Men sizlarning o'z diningizga bo'lgan sadoqatingizni sinab ko'rdim, sizlarga muhabbatim ziyoda bo'ldi» — dedi. Hammalari unga sajda qilishdi va undan mamnun bo'lishdi».

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Yaxshi ko'rgan narsalaringizdan ehson qilmaguningizcha hargiz xayriyatga erinmagaysiz va Oллоh nimaiki ehson qilsangiz, uni bilib turgay»

Anas ibn Molik bunday deydilar: «Madinadagi ansoriylardan eng xurmozori ko'p kishi Abu Talha erdilar. Ushal xurmozor bog'larning Abu Talhaga mahbubrog'i «Bayruho» erdi, chunki bu bog` Rasulullohning masjidlari ro'parasida bo'lib, Rasululloh unga kirib, pokiza suvidan ichardilar. Oллоhning «Yaxshi ko'rgan narsalaringizdan ehson qilmaguningizcha hargiz xayriyatga erishmagaysiz» degan oyati karimasi nozil bo'lganda Abu Talha o'rinlaridan turib: «Ey Oллоhning rasuli, Oллоh taolo: «Yaxshi ko'rgan narsalaringizdan ehson qilmaguningizcha hargiz xayriyatga erishmagaysiz»,— deyapti. Mening eng yaxshi ko'rgan mulkim ersa Bayruhodur. Uni Oллоh taolo yo'lida sadaqa qildim. Buning uchun Oллоh taolodan ajru savob umid qilgayman. Yo Rasulalloh, bu bog'ni o'zingiz istagan kishiga in'om qiliniz!»—dedilar. Janob Rasululloh: «Juda savobli ish qilding, bu bog` tufayli oxirating obod bo'lgay. Aytgan gapingni angladim, uni qarindoshlaringga bersang!» — dedilar. Abu Talha: «Yo Rasulalloh, aytganingizdek qilgayman!»—dedilar. Keyin, Abu Talha o'sha bog'ni yaqinlari «birlan amakivachchalari o'rtasida taqsim qilib berdilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Bog'ni Hasson birlan Ubayga bo'lib berdilar. Men Abu Talhaga ulardan ko'ra yaqinroq erdim, lekin menga hech narsa bermadilar»,— deydilar.

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad, «Agar rostgo'y bo'lsangizlar, Tavrotni keltirib o'qib ko'ringizlar!»—deb aytingiz!»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Yahudiylar Payg'ambar alayhissalom huzurlariga zino qilgan bir erkak va ayolni olib kelishdi. Rasululloh ulardan: «Sizlarda zino qilgan kishiga qanday jazo beriladi!» — deb so'radilar. Ular: «Ikkovining ham yuziga qora surtib, keyin darra uramiz!»—deyishdi. Rasululloh: «Tavrotdan toshbo'ron qilib o'ldirish haqidagi hukmni topmadingizlarmi?»—dedilar. Ular: «Tavrotdan bu haqda hech narsa topolmayapmiz»,— deb javob berishdi. Abdulloh ibn Salom ularga: «Yolg'on aytdingiz, agar rostgo'y bo'lsalaringiz, Tavrotni keltirib o'qib ko'ringizlar!»—dedi. Tavrot mudarrislaridan biri ataylab kaftini «Rajm oyati» ustiga qo'yib turib, atrofdagi oyatlarni o'qiy boshladi, «Rajm oyati»ni ersa o'qimay tashlab o'tdi. Abdulloh ibn Salom buni sezib, uning qo'lini «Rajm oyati» ustidan olib tashladi-da: «Bu nima?!» —deb so'radi. Hammalari Tavrotga qarab, unda «Rajm oyati» borligini ko'rishdi va: «Bu Rajm oyati-ku!» — deyishdi. Rasululloh ikki zinokorni rajm (toshbo'ron) qilmoqqa buyurdilar, ularni masjid oldidagi janoza. o'qiladigan joyning yaqinida toshbo'ron qilib o'ldirishdi. Shunda men zinokor yahudiyning o'z gavdasi bilan ayolni toshdan himoya qilganini ko'rdim».

8-bob. Oллоh taoloning qavli: «Sizlar odamlarni (hidoyatga yetaklamoq) uchun yuborilgan eng yaxshi ummaqizlar»

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Sizlar odamlarni (hidoyatga yetaklamoq) uchun yuborilgan eng yaxshi ummaqizlar» degan oyatning mazmuni shuki, musulmonlar boshqalarni hidoyatga yetaklab, ularni bo'yinlaridagi kufr kishanlaridan xalos qilib, islomga kiritadilar».

9-bob. Oллоh taoloning qavli: «Orangizdan ikki guruh umidsizlikka tushib nomardlik qilmoqchi bo'lganda...»

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu bunday deydydilar: «Orangizdan ikki guruh umidsizlikka tushib nomardlik qilmoqchi bo'lganda, vaholanki Oллоh ularning madadkori erdi...» degan oyati karima bizning haqimizda nozil bo'lgan. Usha ikki toifa biz, ya'ni Banu Horisa va Banu Salama kishilari erdik. Bu oyat nozil bo'lmaganda biz quvonmas erdik, chunki unda Oллоhning biz to'g'rimizda «... vaholanki Oллоh ularning madadkori erdi» degan qavli bor!»

10-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad, siz uchun bu ishda biror narsa yo'qdur»

Solim otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh bomdod namozining ikkinchi rak'atida ruku'dan bosh ko'tarib «Sami'allohu liman hamidah» dedilar-da, «Yo Oллоh, falonchi, falonchi va falonchini la'natlagil!» deb aytdilar. Shunda Oллоh taolo: «Siz uchun bu ishda biror narsa (ixtiyor) yo'q, Oллоh ularning tavbalarini yo qabul qiladi yoki zolimliklari uchun ularni azoblaydi» degan oyatni nozil qildi». Bu hadisni Ishoq ibn Roshid ham Zuhriydan naql qilib aytib berganlar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh agar birovni duoi bad yoki duoi xayr qilmoqni xohlasalar, Qunutni o'qib, ruku'dan keyin «Sami'allohu liman hamidah, rabbano va lakal-hamd» derdilar, so'ng: «Ey Oллоh, Valid ibn Validga, Salama

ibn Hishomga va Iyosh ibn Abu Rabiyy'aga najot ber! Ey Ollloh, Muzar qabilasiga nisbatan qahringni kuchaytir, ularga Yusuf zamonidagi qahatchilikdek qahatchilik yubor!»—deb ovoz chiqarib aytardilar. Yana ba'zi namozlarida, masalan bomdod namozida: «Yo Ollloh, arab qabilalaridagi falon va falonni la'natlagin!»—derdilar. Pirovardida Ollloh taolo: «Siz uchun bu ishda biror narsa yo'qdur» degan oyatini nozil qildi».

11-bob. Ollloh taoloning qavli: «Holbuki, payg'ambar ortingizdan chaqirayotgan erdi»

Oyatdagi «uxrokum» so'zi «oxarukum» so'zining muannasidur. Ibn Abbas: «Oyatdagi ikki xayriyatdan biri yo fath yoki shahid bo'lmoqlik erdi»,— deydilar.

Barro ibn Ozib raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom piyodalarga Abdulloh ibn Jubayrni amir etib tayinlagan erdilar. Hammalari dushmandan chekina boshlaganda Rasululloh ularning ortidan chaqirgan erdilar. Payg'ambarimiz yonlarida o'n ikki kishidan boshqa hech kim qolmagan erdi».

12-bob. Olllohning «amanatan nu'osan» («shirin mudroq») degan qavli xususida

Abu Talha: «Uhud kuni jang maydonida erkanligimizda bizlarni shunday bir uyqu elitdiki, qo'limdan qilichim tushib ketdi. Men uni qo'limga olsam, yana tushib ketar erdi»,— deydilar.

13-bob. Ollloh taoloning qavli: «Uzlariga jarohat yetganiga qaramay, Ollloh va uning rasuli hukmlariga bo'yinsunib amali solihlar qilgan va Ollohdan taqvo qilganlar uchun katta savoblar bordur»

14-bob. Ollloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, Quraysh sizlarga qarshi lashkar to'pladi»

Ibn Abbas raziyallohu anhu bunday deydilar. «Bizga Olllohning o'zi kifoya qiladi, u naqadar yaxshi chorasoz!» degan qavlni Ibrohim alayhisealom o'zlarini olovga tashlashganda aytgan erdilar. «Darhaqiqat, Quraysh sizlarga qarshi lashkar to'pladi, ulardan qo'rqingizlar!» deyishganda Janob Rasululloh ham shunday degan erdilar. Shunda musulmonlarning iymonlari yanada mustahkamlanib, ular ham: «Bizga Olllohning o'zi kifoya qiladi, u nakadar yaxshi chorasoz!»—deb javob qilishgan erdi».

Ibn Abbas: «Ibrohim alayhissalomning o'tga tashlashganda aytgan oxirgi gaplari: «Menga Olllohning o'zi kifoya qiladi, u naqadar yaxshi chorasoz!» degan gaplari erdi».

15-bob, Ollloh, taoloning qavli: «Ollloh o'z fazlidan bergan narsaga baxillik kiladigan kishilar bu qilmishlarini o'zlari uchun yaxshilik, deb hisoblamasinlar, balki bu ularga yomonlik bo'lib, qiyomat kuni o'zlari baxillik qilgan mol bo'yinlariga bo'yinturuq qilib solingay, osmonlaru yerning merosi Ollhohgagina xosdur va qilib turgan ishlaringiz Ollhohga ma'lumdur!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat hiladilar, «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollloh taolo mol-dunyo ato etgan kishi mol-dunyoosining zakotini bermasa qiyomatda

o'shal boyligi ikki ko'zining ustida qora dog'i (xoli) bo'lgan, boshi sip-silliq ajdahoga aylantiriladi keyin, u egasiga: «Men sening molingman, men sening xazinangman»,— deydi-da, uning tanasiga o'ralib, ikki lunjidan tishlaydi»,— dedilar. So'ng, «Olloh o'z fazlidan bergan narsaga baxillik qiladigan (qizg'anadirgan) kishilar bu qilmishlarini o'zlari uchun yaxshilik, deb hisoblamasinlar, balki bu ularga yomonlik bo'lib...» degan oyati karimani oxirigacha tilovat qildilar».

16-bob. Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, o'zingizdan ilgari Kitob berilgan kimsalar va mushriklardan ko'p aziyat chekib, ko'p malomatlar eshitasizlar»

Usoma ibn Zayd bunday deb xabar beradilar: «Payg'ambar alayhissalom ustlariga dag'al matodan to'qilgan fadakiy liboslarini kiyib olib, eshakka mindilar, so'ng Usoma ibn Zaydni mingashtirdilar-da, Banu Hars ibn al-Xazraj qabilasidan bo'lgan Sa'd ibn Ubodani ko'rgani ravona bo'ldilar, u betob yotgan erdi. Bu voqea Badr kunidan avval sodir bo'lgan erdi. Janob Rasululloh majlis qilayotgan bir jamoa oldidan o'tdilar, u yerda Abdulloh ibn Ubay ibn Salul ham bo'lib, u hanuz islomga kirmagan erdi. Turli toifa — musulmonlar, butparastlar va yahudiylardan iborat bu majlisda Abdulloh ibn Ruvoha ham bor erdi. Majlis ahlini eshakning tuyog'idan chiqqan chang-g'ubor o'ragandan so'ng, Abdulloh ibn Ubay burnini ridosi birlan to'sdi-da: «Bizga changitmanglar!»—dedi. Rasululloh o'ltirganlarga salom berdilar, so'ng to'xtab eshakdan tushdilar-da, odamlarni Ollohga iymon keltirmoqqa da'vat qildilar va Qur'on o'qib berdilar. Abdulloh ibn Ubay ibn Salul: «Ey kishi, agar gaping rost bo'lsa, bundan afzal narsa yo'q, ammo majlisimizni buzib, bizga ozor berma, yo'lingdan qolma, oldingga kim borsa, o'shanga hikoyangni aytaver!» — dedi. Shunda, Abdulloh ibn Ruvoha turib: «Yo'q, ketmangiz, yo Rasulalloh, majlisimizga qo'shilingiz, biz shuni istaymiz!» — dedi. Pirovardida musulmonlar, mushriklar va yahudiylar bir-birlari birlan so'kishib ketishdi, janjal urushga aylanib ketay dedi. Payg'ambar alayhissalom ularni Hovuridan tushirdilar-da, eshaklariga minib Sa'd ibn Ubodani ko'rgani bordilar. «Ey Sa'd,— dedilar ul zot,— Abu Habbon (Abdulloh ibn Ubayning laqabi) ning menga nimalar deganini eshitganingda erdi! U menga bunday va bunday dedi». Sa'd ibn Uboda: «Yo Rasulalloh, uni kechiring, sizga Qur'on nozil qilgan zot haqi, Olloh taolo sizga Haqiqatni yuborgandur. Bu yurt ahli Abdulloh ibn Ubay ibn Salulni o'zlariga podshoh qilmoqqa, boshiga toj kiydirmoqqa kelishgan erdilar, lekin Olloh sizga yo'llagan haqiqat sababli u bundan mahrum bo'ldi, shu boisdan ham u sizga o'zingiz shohidi bo'lgan muomalani qildi»,— dedi. Janob Rasululloh uni afv etdilar. Payg'ambar alayhissalomning va ul zot ashoblarining odati shariflari shunday erdiki, ular ahli kitoblar va mushriklardan o'tgan beadablikni Olloh taolo buyurgani uchun ham afv qilar, ulardan yetgan ozorlarga sabr etar erdilar. Olloh taolo: «Darhaqiqat, o'zingizdan ilgari Kitob berilgan kimsalar va mushriklardan ko'p aziyat chekib, ko'p malomatlar eshitasizlar» hamda «Ahli kitoblarning ko'pchiligi, dillarida hasad bo'lganligidan, sizlarni yana dinlaringizdan qaytmoqlaringizni va kofir bo'lmoqlaringizni yaxshi ko'radi»,— deydi. Payg'ambar alayhissalom Olloh taolo kofirlarga qarshi urushishga ijozat bergunga qadar, uning o'zi buyurganiga binoan afv qilmoqni odat qilib olgan erdilar. Badr urushi bo'lganda Olloh taolo Quraysh kofirlarining yetakchilarini halok qildi. Abdulloh ibn Ubay ibn Salul va uning sheriklari — mushriklar va butparastlar: «Bu g'olib bo'ldi!» deb Rasulullohning huzurlarida islomga bay'at qildilar va musulmon bo'ldilar».

17-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey Muhammad, birovlarini yo'ldan adashtirib xursand bo'ladirgan va qilmagan ishlari uchun maqtov eshtishni yaxshi

ko`radirgan kishilarni, ular azobdan najot topadilar, deb o`ylamangiz!»

Abu Sa'id Al-Xudriyraziyallohu anhu bunday deydilar «Payg`ambar alayhissalomning zamonlarida, ul zot g`azotga chiqqanlarida munofiqlar xiyonat qilib, urushga bormay uylarida qolganlaridan hursand bo`ldilar. Janob Rasululloh qaytganlarida ersa, huzurlariga borib uzr-ma`zur aytdilar, qasam ichdilar, ul zotdan qilmagan ishlari uchun maqtov eshitishni kutdilar. Shunda Oллоh taoloning (yuqorida zikr qilingan) oyati karimasi nozil bo`ldi»

Alqama ibn Vaqhos bunday deb xabar beradilar: «Marvon ibn Hakam darvozaboniga: «Ey Rofi', Ibn Abbosning oldiga borgil-da, unga «Agar har bir qilgan yomon ishlaridan xursand bo`ladirgan, qilmagan ishiga maqtov eshitishni yaxshi ko`radirgan kishi azobga duchor qilinadirgan bo`lsa, unda biz hammamiz ham azoblanar erkanmizda?!» deb aytgil!» — dedi. Shunda Ibn Abbos bunday deb javob qildi: «Bu oyatning sizlarga taalluqli yeri yo`q. Payg`ambarimiz alayhissalom yahudiylarni chaqirib, ulardan bir masalaning hukmini so`radilar. Yahudiylar haqiqatni berkitib, boshqa xukm aytdilar. Ular mana shu noto`g`ri javoblari uchun ham Janob Rasulullohdan maqtov eshitmoqni kutdilar, o`alari ersa ul zotdan haqiqatni yashirganlari uchun ichlarida quvondilar. Oллоh taolo: «Eslang, ey Muhammad, Oллоh Kitob berilgan kimsalardan «Albatta sizlar bu Kitobni yashirmay odamlarga ochiq bayon qilursizlar» deb ahd-paymon olgan erdi. So`ng, ular bu ahd-paymonga xiyonat qilib, uni arziyas pulga sotdilar. Ularning bu savdosi qanday yomon bo`ldi! Ey Muhammad, birovlarini yo`ldan adashtirib xursand bo`ladirgan va qilmagan ishlari uchun maqtov eshitishni yaxshi ko`radirgan kimsalarni, ular azobdan najot topadilar, deb o`ylamangiz, ular uchun alamli azob bordur!»— degan».

18-bob. Oллоh taoloning qavli: «Albatta, osmonlar va Yerning yaraliganda, kecha va kunduzning almashinishida aql egalari uchun alomatlar bordur!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men bir kecha xolam Maymunaning uylarida tunadim. Rasululloh xolam birlan anchagacha suhbatlashib o`ltirdilar. Keyin, uyquga yotdilar. Kechaning uchdan biri qolganda turib o`ltirdilar, osmonga qarab: «Albatta, osmonlar va Yerning yaralishida, kecha va kunduzning almashinishida aql egalari uchun alomatlar bordur!»—dedilar, keyin turib tahorat oldilar, misvok birlan og`izlarini tozaladilar, so`ngra o`n bir rak`at namoz o`qidilar. Bilol azon aytganlaridan so`ng, ikki rak`at sunnat o`qib masjidga chiqdilar va bomdod namozini o`qidilar»

19-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ular turganda ham, o`ltirganda ham, yotganda ham Oллоhni eslaydilar va osmonlaru Yerning yaratilishini tafakkur qiladilar»

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men bir kecha xolam Maymunaning uylarida tunadim, Rasulullohning namoz o`qishlarini ko`raman degandim. Men Janob Rasulullohga bolish tashladim, uzun tarafiga bosh qo`yib uxladilar. Keyin, yuzlarini ishqalab uyquni qochirdilar-da, «Oli Imron»ning oxirgi o`n oyatini o`qidilar, o`qib bo`lganlaridan so`ng, osig`liq turgan eski meshni olib tahorat oldilar, keyin turib namoz boshladilar. Men ham turib Janob Rasululloh singari tahorat oldim Keyin, Rasulullohning yonlariga kelib turdim. Rusululloh qo`llarini boshimga quydilar, so`ng qulog`imdan ushlab buradilar. Keyin, ikki rak`at namoz o`qidilar, keyin yana ikki rak`at namoz o`qidilar, keyin

yana ikki rak'at namoz o'qidilar, keyin yana ikki rak'at namoz o'qidilar, keyin yana ikki rak'at namoz uqidilar, keyin yana ikki rak'at namoz o'qidilar, sung bir rak'at o'qidilar»

20-bob Olloh taoloning qavli: «Parvardigor, sen kimni do'zaxga kiritqang, albatta uni sharmandai sharmisor qilasan va bunday zolimlarga hech qanday madad berguvchi yo'q».

Abdulloh ibn Abbas raziyallohu anhu bir kuni payg'ambarimizning xotinlari Maymuna onamizning uylarida tunab qolibdilar. U kishi o'sha kuni bo'lgai voqeani bunday deb rivoyat qiladilar: «Men yostiqling yon tomoniga bosh qo'yib yotdim, Rasululloh birlan xotinlari bo'lmish xolam Maymuna uzunasiga bosh qo'yib yotdilar. Rasululloh kechaning yarmigacha uxladilar, ehtimol bundan avvalroqdur, ehtimol keyinroqdur, keyin uyg'ondilar, yuzlarini qo'llari birlan ishqab uyqularini qochirdilar, keyin «Oli Imron» surasining oxirgi o'n oyatini o'qidilar So'ng, turib osig'liq meshni oldilar-da, yaxshilab tahorat qildilar, keyin namoz o'qimoqqa tutindilar. Men ham turib, ul zot nima qilgan bo'lsalar, shunday qildim-da, yonlariga borib turdim. Janob Rasululloh o'ng qo'llarini boshimga qo'yib, o'ng qulog'imni burab qo'yidilar Keyin, ul zot ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, keyin bir rak'at namoz o'qidilar. Keyin, muazzin kelguncha yonboshladilar, so'ng turib ikki rak'at yengilgina namoz o'qidilar, keyin masjidga chiqib, bomdod o'qidilar».

21-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey bizning parvardigorimiz, «Parvardigoringizga iymon keltiringizlar!» deb nido qiluvchining nidosini eshitdik»

Ibn Abbas raziyallohu anhu o'z mavlolari Kuraybga bir kuni payg'ambarimizning xotinlari bo'lmish xolalari Maymunaning uylariga borib yotib qolganlari bunday deb rivoyat qilgan erkanlar: «Men o'shal kecha yostiqling ko'ndalang tomoniga bosh qo'yib yotdim, Janob Rasululloh birlan xotinlari ersa uning uzun tomoniga bosh ko'yib yotishdi. Janob Rasululloh TUN yarim bo'lguncha yotib uxladilar, balkim bundan barvaktroq, balkim kechroqdur, uyg'ondilar-da, qo'llari birlan yuzlarini ishqab uyqularini qochirdilar, keyin «Oli Imron» surasining oxirgi o'n oyatini tilovat qildilar, keyin turib osig'liq meshni oldichar-da, yaxshilab tahorat qildilar, so'ng turib namoz o'qimoqqa tutindilar. Men ham turib, ul zot nimaiki qilgan bo'lsalar, shunday qildim, keyin yonlariga borib turdim. Janob Rasululloh o'ng qo'llarini boshimga qo'yib, o'ng qulog'imni burab qo'yidilar So'ng, ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, so'ng yana ikki rak'at, keyin bir rak'at namoz o'qidilar. Keyii, yonboshladilar, muazzin kelgach, ikki rak'at yengilgina namoz o'qidilar, so'ng masjidga chiqib bomdod o'qidilar».

«AN-NISO» SURASI

1-bob. («An-Niso» surasida uchraydigan ayrim so'zlar tafsiri)

Ibn Abbas: «(Lan) yastankifa» degani «Sira or (kattalik) qilmas» ma'nosida, «qiyoman» («qivoman», «qivomakum») so'zi «Sizlarning ma'iyshatlaringizga sabab, vosita» deganidir «Lahunna sabiylan» — «Ularni (ayollarni) yo'lga solish vositasi» degani bo'lib, bu vosita fahsh yo'lga kirgan juvonlarni toshbo'ron qilmoq va bokiralarga darra

urmoqdur»,— deydilar.

Yana boshqa birov (ya'ni, Abu Ubayd): «Masno va sulosa va rubo'a» ning ma'nosi «ikkita, uchta va to'rtta» degani, arablar ersa (xotinni) to'rttadan oshirmaydilar»,— deydilar.

2-bob. Oллоh, taoloning qavli: «Agar sizlar yetim qizlarga nisbatan noinsofliq qilib qo'ymoqdan qo'rqsangizlar...»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Bir odamning qo'l ostida bir yetimcha kiz bo'lar erdi, u o'sha qizni o'ziga nikohlab oldi. Yetimcha qizga qarashli bir xurmozorning qo'ldan ketmasligi uchungina u shunday qildi, ammo u qizga yaqinlik qilmas erdi. Oллоh taoloning «Agar sizlar yetim qizlarga nisbatan noinsofliq qilib qo'ymoqdan qo'rqsangizlar...» degan oyati ana shu kishi xususida nozil bo'lgan erdi. «Menimcha, o'shal qiz xurmozorga ham, uning moliga ham sherik bo'lsa, kerak»,— deydilar. Hishom ibn Urvaning otalari».

Ibn Shihob rivoyat qiladilar: «Urva ibn Zubayr Oisha onamizdan Oллоh taoloning «Agar sizlar yetim qizlarga nisbatan noinsofliq qilib qo'ymoqdan qo'rqsangizlar...» degan oyati karimasi haqida so'radi. Oisha onamiz: «Ey jiyanim, bu oyat bir yetim qiz xususida nozil bo'lgan, u o'z valiysi (cho'rilikdan ozod qilib, o'z qaramog'ida olib qolgan kishi) ning uyida turar erdi. Valiyning mol-mulki birlan qizga tegishli xurmozor o'rtada bo'lib, ikkalasi bir-birining moliga sherikchilik qilishar erdi. Valiy qizning xurmozori birlan jamolini yoqtirib qoldi va unga qonuniy mahrni bermasdan uylanmoqchi bo'ldi. Shunda, Oллоh taolo o'z oyati orqali valiylar o'z qaramog'laridagi yetimcha qizlarga shar'iy mahr bermasdan uylanmasinlar, ularning tengdoshlariga qancha mahr berilishi lozim bo'lsa, shuncha mahr bersinlar, yetimcha qizlarga noinsofliq qilgandan ko'ra, yaxshisi o'zlari xohlagan boshqa ayollarga uylansinlar, deb amr qildi. Shundan so'ng, odamlar Janob Rasulullohdan ayollar xususida tez-tez fatvo so'raydirgan bo'lishdi. Shu boisdan Oллоh taolo: «Sizdan ayollar xususida fatvo so'raydilar...» degan oyati karimasini nozil qildi. Oллоh taoloning «Ularga uylanishga rag'bat qilasizlar» degan qavlidan murod shuki, Oллоh taolo yetim qizlarga ularning moli va jamoli uchun uylanishni man' qiladi, ya'ni yetim qizlar agar go'zal bo'lsalar, ularga shar'iy mahr bermasdan uylanishdan, agar xunuk bo'lsalar, ularning moli qo'ldan ketmasin, deb o'zlari ham uylanmay, birovga ham erga bermay zulm qilishdan qaytaradi».

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «... qaysiki odam (valiy) faqir bo'lsa, (etim qizning molidan) insofu adolat birlan yesin, bas qachon ularga mollarin bermoqchi bo'lsangizlar, guvoh keltiringizlar, hisob uchun ersa xudo kifoya qilur»

«Bidoran» — «shoshilib», «a'tadno» — «tayyorlab qo'y-dik» degan ma'nodadur. Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Oллоhning! «Qaysiki odam (valiy) boy bo'lsa, (adolaqizlikdan) parhez qilsin, bordi-yu kambag'al bo'lsa, insofu adolat birlan yesin» degan oyati yetimlarning moli haqida tushgan bo'lib, agar valiy faqir bo'lsa, uning molidan mehnatiga yarasha insofu adolat birlan yeyishi mumkin, deganidir».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Agar meros taqsimida qarindoshlar, yetim va miskinlar hozir bo'lsalar, ularga ham merosdan nasiba beringizlar!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Agar meros taqsimida qarindoshlar, yetim va miskinlar...» degan oyat hukm oyatlaridan bo'lib, mansux (bekor qilingan) ermasdur».

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Oллоh sizlarga bola-chaqalaringiz (merosi) haqida hukm qilurki...»

Jobir ibn Abdulloh bunday deydilar: «Men Banu Salama qabilasi manzilida betob yotganimda Janob Rasululloh Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu birlan birga piyoda meni ko'rgani keldilar. Ul zot kelganlarida men behush erdim. Bir idishda suv so'rab, tahorat qildilar, keyin menga sepdilar. Men o'zimga keldim-da, Janob Rasulullohdan: «Molimni ne qilmog'imni buyurasiz?» — deb so'radim. Shunda Oллоh taoloning «Oллоh sizlarga bola-chaqalaringiz (merosi) haqida hukm qilurki...» degan oyati nozil bo'ldi».

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Xotinlaringiz qoldirgan merosning yarmi sizlarga tegadi...»

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning payg'ambar bo'lmoqlaridan muqaddam qiz bolalarga, xoh ular katta bo'lsinlar va xoh norasida bo'lsinlar, meros berilmas erdi. Ug'il bolalarga ham, agar ular balog'atga yetgan bo'lsalar, meros taqsim qilinmas erdi. Oллоh taolo bu qoidani bekor qilib, o'zi xohlagancha miqdorda meros farz qildi: o'g'il bolaning xissasi ikki qizning hissasiga teng. Ota-onaning har biriga oltidan bir hissa, agar farzandlari bo'lmasa, uchdan bir hissa. Marhumning xotiniga sakkizdan bir hissa, agar o'rtada farzand bo'lmasa, to'rtidan bir hissa. Marhumaning eriga, agar farzand bo'lmasa, merosning yarmi, agar farzand bo'lsa, to'rtidan bir hissa (tegadi)».

7-bob. Oллоh taoloning qavli: «... xotinlarni zo'rlik ila meros qilib olmoqlaringiz sizlarga halol ermas va bergan narsalaringizdan ba'zisini olmoq uchun ularni majburan olib qolmangizlar!»

(Islomdan avvalgi davrda vafot qilgan kishining ayolini erining qarindoshlari majburan o'zlariga xotin qilib olar erdilar. Islom kelgandan so'ng ayollarga zulm bo'lgan bu odat man' etildi)

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Oyatdagi «Lo ga'zuluhun-na» iborasi «Ularni majburan olib qolmangizlar» deganidir «Huuban» so'zi ersa «gunoh» demakdur «Ta'uuluu» so'zi «xohlaysizlar» ma'nosida, «nahlatun» so'zi— «mahr» dur».

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Oллоhning «Ey mo'minlar, xotinlarni zo'rlik ila meros qilib olmoqlaringiz sizlarga halol ermas va bergan narsalaringizdan ba'zisini olmoq uchun ularni majburan olib qolmangizlar!» degan oyati karimasi shul haqda nozil bo'lganki, islomdan ilgari oilada erkak kiti o'lsa, uning qarindoshlari undan qolgan meros qatorida xotiniga ham zgalik qilishar erdi. Xohlashsa, uni o'zlaridan biriga nikohlab qo'yishar, xoxlashsa, birovga erga berib yuborishar yoki erga bermay olib qolishar erdi. Erning qarindoshlari marhumning xotiniga uning ota-onasidan ham ko'proq haqli erdilar. Oллоh taolo mazkur oyatni nozil qilib, ayollarni zulmdan xalos etdi»

8-bob. Olloh taoloning qavli: «Har bir inson uchun ota-ona va qarindoshlar qoldirib ketgan merosga merosxoʻrlar taʼyin qilib qoʻydik»

Oyatdagi «mavoliy» soʻzi «merosxoʻrlar» maʼnosida, «Sizlar ahdu paymon qilgan kishilar» deyishdan murod, «qasam ichib doʻst boʻlganlar»dur Amakivachcha, ozod qilingan qul, ozod qiluvchi quldor, podsho, shariʼat oʻrgaguvchi ustoz ham «mavlo» deyiladi.

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Ollohning «Har bir inson uchun mavoliy taʼyin qilib qoʻydik» degan qavlidagi «mavoliy» soʻzi merosxurlardir «bizlar ahdu paymon qilgan kishilar» degan qavli ersa muhojirlarni anglatadi. Muhojirlar Madinaga kelganda Rasulul-loh ularni ansorlar birlan ahdu paymonli birodar qilib qoʻygan erdilar. Mana shu ahdga binoan, muhojir marhum ansor birodariga merosxoʻr boʻlar erdi. Mazkur oyat nozil boʻlgach, muhojirlar birlan ansorlarning oʻzaro merosxoʻrligi bekor qilindi, endi ular vasiyatga binoan oʻz nasibalarini oladigan boʻldilar».

Mazkur hadisni Abu Usoma Idrisdan, Idris ersa Talhadan eshitgan erkanlar

9-bob Olloh taoloning qavli: «Albatta, Olloh zarracha ham zulm qilmaydi»

Abu Saʼid al-Xudriy raziyallohu anhu bunday deydilar: «Paygʻambar alayhissalomning zamonlarida sahobalar «Ey Ollohning rasuli, qiyomat kuni Ollohni koʻramizmi?» — deb soʻrashdi. Paygʻambar alayhissalom «Ha albatta koʻrasizlar. Aytinglarchi, kunduzi buluqiz osmondagi quyoshga qarab zarar koʻrurmizsizlar?»— dedilar. Sahobalar «Yoʻq»,— deyishdi. Rasululloh «Buluqiz osmondagi oʻn toʻrt kunlik oyga boqib zarar koʻrurmizsizlar?»—dedilar. Sahobalar «Yoʻq»—deb javob berishdi. Paygʻambar alayhissalom bunday deb aytdilar: «Xuddi shunday qiyomat kuni ham sizlar quyosh va oyga boqib zarar koʻrmaganingizdek, Ollohning jamolini koʻrib zarar koʻrmaysizlar. Qiyomat kuni boʻlganda muazzin azon aytadi. Har bir ummat oʻzi ibodat qilgan narsaga ergashadi. Ollohga ibodat qilmay, sanam va butlarga sigʻinganlarning barchasi doʻzaxga tashla-nadilar, mahsharda faqat Olloh taoloning oʻzigagina ibodat qilib, amali solihlar qilgan va qilolmagan kishilar birlan ahli kitoblargini qoladilar. Yahudiylar chaqirilib ulardan «Kimga ibodat qilardingizlar?»—deb soʻraladi. Ular: «Biz Ollohning oʻgʻli Uzayrga ibodat qilar erdik» — deb javob beradilar. Ularga: «Yoʻ5:46 Igʻon aytyapsizlar, Ollohning xotini ham, oʻgʻli ham boʻlmagan»,— deyiladi. Keyin «Nimani xohlaysizlar?»—deb soʻraladi. Ular «Ey rabbimiz, biz tashnamiz, bizga, suv bergin!»—deyishadi. Ularga: «Tilagingiz bajariladi»,— deyilgay. Soʻng, ular doʻzax oldida jamlanadi. Undagi olov harorati bamisoli sarobdek Yahudiylar bir-birlarini itarib, surishib doʻzaxga qulaydilar. Keyin, nasarolar chaqiriladi. Ulardan «Nimaga ibodat qilardingiz?» — deb soʻraladi Ular: «Ollohning oʻgʻli Masihga ibodat qilardik»,— deydilar. Ularga «Yolgʻon aytyapsizlar, Ollohning xotini va bolasi boʻlgan ermas»— deb javob beriladi Keyin «Nima xohlaysizlar?» — deb soʻraladi Ular suv soʻraydilar, suv ichishgach, doʻzaxga qulaydilar. Soʻng, Olloh taolo mahsharda tanho qolgan solih va gunohkor musulmon bandalarining qoshiga tanib olarli qiyofada kelib «Hamma ummat oʻzi sigʻingan narsasiga ergashib ketdi, sizlar nimani kutib turibsizlar?»— deydi. Musulmonlar «Bizlar, dushmanla-ring boʻlmish axli kitoblardan seni deb yuz oʻgʻirgan erdik, endi nechun ularga ergashaylik? Biz oʻzimiz ibodat qilgan rabbimizni kutiyagshiz»,— deydilar. Olloh taolo «Men rabbingizman!» —deydi. Musulmonlar: «Biz Ollohga hech kimni sherik qilmaymiz!» — deb ikki yoki uch bor aytadilar»

10-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey Muhammad, biz har bir ummatdan guvoh chaqirgan paytimizda va sizni ularga guvoh qilganimizda (u ummatlarning) holi ne kechgay?!»

Al-Muxtol» va «al-xitol» bir ma'noda bo'lib, «takabbur va maqtanchoq» deganidir. «Natmisu vujuhan» — «Bir qancha yuzni teskari qilib qo'ygaymiz» degan ma'noda sa'iy» ersa, «o't otash» deganidir.

Amr ibn Murra bunday deydilar: «Menga Janob Rasululloh «Qiroat qil!» deb buyurdilar. Men «Yo Rasulalloh, Qur'on sizga nozil bo'lgan-ku men sizga qiroat qilib ; berayinmi?» — dedim. Janob Rasululloh «Uni o'zimdanda boshqa odamdan eshitishni yaxshi ko'raman!» — dedilar. Men «Niso» surasini o'qiy boshladim va uning «Ey Muhammad, biz har bir ummatdan guvoh chaqirgan paytimizda va sizni ularga guvoh, qilganimizda (u ummatlarning) holi ne kechadi degan joyiga kelganimda, Janob Rasululloh «To'xta!» deb buyurdilar. Men to'xtab qaragam, ul zotning ikki ko'zlaridan yosh quyilayotir».

11-bob. Olloh taoloning qavli: «Agar kasal bo'lsangiz yo safarda bo'lsangiz yoki hojatdan qaytgandan yohud ayol birlan yaqinlik qilgandan so'ng, suv topolmasangiz, toza tuproqqa tayammum qilingiz!»

Jobir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Kofirlarning xukm surab murojaag qiladigan shaytonlaridan biri Juhaynada va yana biri Aslamda erdi hamda har bir mahallada bittadan folbin bo'lib, ularga shayton kelib xabar yetkazib turar erdi».

Umar raziyallohu anhu «Al-Jibt» — «sehr» va «at-tog'ut» — «shayton»,— deydilar.

Ikrima «Al-Jibt» habash tilida «shayton» va «tog'ut» — «folbin»,— deydilar.

Oisha raziyallohu anho «Asmoning marjoni yo'qoldi Payg'ambar alayhissalom uni topib kelish uchun bir necha kishini yubordilar. Ular yo'ldaligida namoz vaqti bo'lib qoldi, tahorat olay, desalar, suv yo'q erdi, tahoraqiz namoz o'qiyverdilar. Shunda, Olloh taolo «Tayammum» oyatini nozil qildi»,— deydilar

12-bob. Olloh taoloning qavli: «Ollohga itoat qilingizlar va uning rasuliga itoat qilingizlar hamda o'zlaringizdan (musulmonlardan) bo'lgan hokimga itoat qilingizlar!»

Ibn Abbos raziyallohu apu: «Ollohga itoat qilingizlar va uning rasuliga itoat qilishizlar hamda o'zlaringizdan bo'lgan hokimga itoat qilingizlar!» degan oyat Abdulloh ibn Huzofa haqida nozil bo'lgan, chunki Rasululloh u kishini bir guruhga bosh qilib jihodga yuborgan erdilar»,— deydilar.

13-bob. Olloh taoloning qavli: «Bas, parvardigoringiz nomiga qasamki, ular o'z oralarida chiqqan janjalga sizni hokim qilmaganlariga qadar mo'min bo'lmaydilar...»

Urva ibn Zubayr bunday deydilar: «Zubayr ekin sug'orayotib ansorlardan bir kishi birlan suv talashib janjallashib qoldilar. Payg'ambar alayhissalom «Ey Zubayr, yeringni sug'orib

bo'lgach, suvni qo'shningning yeriga ochib yubor!» — dedilar. Ansoriy norozi bo'lib «Yo Rasulalloh, amnavachchangizning foydasiga hal qildingiz!» — dedi. Shunda, Janob Rasulullohning yuzlari jahldan qizarib ketdi va «Ey Zubayr, yeringni sug'orib bo'lgin-da, suvni bog'la, so'ng suv qo'rg'on devoriga yetgandagina qo'shningning yeriga ochib yubor!» — dedilar. Janob Rasululloh, ansoriy g'azablarini keltirganda, Zubayrning huquqini unitmagan holda ikkalalariga ham maqbul bo'ladirgan aniq hukm chiqardilar «Bas, parvardigoringiz nomiga qasamki, ular o'z oralarida chiqqan janjalga sizni hokim qilmaganlariga qadar mo'min bo'lmaydilar» degan oyat ana shul voqea xususida nozil bo'lgan, deb o'ylayman», — deydilar Zubayr».

14-bob Olloh taoloning qavli: «Bas, ular Olloh taolo in'omiga sazovor bo'lgan payg'ambarlar... birlan birga bo'lurlar»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar «Men Rasulullohning «Har bir payg'ambarga kasallik vaqtida dunyo birlan oxiratdan birini tanlash ixtiyori beriladi» deganlarini eshitgan erdim. Ul zotni olib ketgan kasallik paytlarida qattiq xirillash paydo bo'ldi. Shunda, men Janob Rasulullohning «... ular Olloh taolo in'omiga sazovor bo'lgan payg'ambarlar, siddiqlar va shahidlar birlan birga bo'lurlar» deb tilovat qilganlarini eshitdim va bundan oxiratni ixtiyor qilganlarini bildim».

15-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey mo'minlar, sizlarga nima bo'ldiki, Olloh yo'lida va ul nochor, mazlum erlar va xotinlar... uchun jang qilyapsizlar...»

Ubaydulloh ibn Abu Yazid: «Ibn Abbosdan eshitgandim, u «Men va onam bechoralardan erdik» deb aytar erdi», — deydilar.

Ibn Abu Mulayka aytadilar: «Ibn Abbos «... magar ul erlar va xotinlar va bolalarki, haqiqatda nochordurlar...» degan oyatni tilovat qilgach: «Men va onam Olloh uzrli sanagan kishilardan erdik», — dedilar».

Ibn Abbos: «Hasirat» so'zi «tor bo'ldi» ma'nosida, «talvu» so'zi «Tillaringiz shahodat kalimasini ayqa» degani», — deydilar.

Boshqa bir mufassir: «Al-Murogim» so'zi «muhojir» ma'nosida, «rog'amat» degani «hojarat», ya'ni «hijrat qildm» ma'nosida, «mavqutan» so'zi ersa «vaqti mu'ayyan» ma'nosidadur», — deydilar.

16-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey mo'minlar, nega sizlar munofiqlar xususida ikki guruhga bo'linib oldingizlar? Axir, Olloh ularni qilmishiga yarasha ortlariga qaytardi-ku!»

Zayd ibi Sobit mazkur oyat hakida rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalomning ashoblaridan ko'pchilik kishilar Uhud janggiga bormay, yo'ldan qaytdilar. Uhud jangidan keyin, musulmonlar ikkiga bo'linib, ulardan bir guruhi jangdan qochgan munofiqlarni o'ldirishni, ikkinchi guruhi ersa, o'ldirmaslikni talab qildilar. Olloh taolo shu boisdan «Ey mo'minlar, nega sizlar munofiqlar xususida ikki guruhga bo'linib oldingizlar?...» degan oyatni nozil qildi. Janob Rasululloh: «Darhaqiqat, Madina pokiza shahardur, u olov kumush tarkibidagi begona iflos moddalarni eritib chiqarib yuborgani yanglig', o'zidan iflos (munofiqlarni) chiqarib tashlagay», — dedilar».

17-bob. Olloh taoloning qavli: «Qachon ularga tinchlik yoki xavf-xatar xabari kelsa, uni atrofga tarqatadilar...»

Oyatdagi «yastanbitunahu» soʻzi «uni tashqariga chiqaradilar» maʼnosida, «hasiyban» soʻzi «qudrati yetarli» maʼnosida, «illo inoso» lafzidan murod, tosh, tuproq kabi jonsiz narsalardur. «Marid» soʻzi «itoaqiz» maʼnosida, «falayu-battikunna» soʻzi «kesadilar» maʼnosida, «qiylan» va «qavlan» soʻzlarining maʼnosi bir boʻlib, «muhri, rost soʻz» dur.

18-bob. Olloh taoloning qavli: «Kimki qasddan bir moʻminni oʻldirsa, uning jazosi jahannamdur!»

Saʼid ibn Jubayr bunday deydilar: «Yuqoridagi oyat haqida Kufa ulamolari tortishib qolishib, Ibn Abbasning huzurlariga borishdi. Ibn Abbas raziyallohu anhu «Ushbu «Kimki qasddan bir moʻminni oʻldirsa, uning jazosi jahannamdur!» degan oyati karima shu haqda nozil boʻlgan eng oxirgi oyatdur. Bu oyatni boshqa bir oyat bekor qilgan ermas» deb javob berdilar».

19-bob. Olloh taoloning qavli: «Sizlarga salom bergan odamga: «Sen moʻmin emassan» — demangizlar»

«As-Silm» va «as-salm» hamda «as-salom» soʻzlarining maʼnosi birdur.

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Bir odamning qoʻlida oʻlja bor erdi. Unga musulmonlar duch kelib qolishdi. Shunda, u ularga salom berdi. Ular uning salomiga eʼtibor bermay, uni oʻldirib, oʻljasini tortib olishdi. Shunda Olloh taolo «Bu dunyo oʻljasini istab, sizlarga salom bergan odamga: «Sen moʻmin emassan» — demangizlar» degan oyatni nozil qildi».

20-bob. Olloh taoloning qavli: «Uz uylarida oʻltir-guvchi moʻminlar ila Olloh, taolo yoʻlida jihod qilguvchilar teng emaslar»

Saul ibn Saʼd rivoyat qiladilar: «Men Marvon ibn Hakamni masjidida koʻrib, yonlariga borib oʻltirdim. U kishi bizga Zayd ibn Sobitning quyidagi gaplarini aytib berdilar: «Janob Rasululloh menga «Uz uylarida oʻltirguvchi moʻminlar ila Olloh taolo yoʻlida jihod qilguvchilar teng emaslar» deb yozdirdilar. Shu payt, Abdulloh ibn Ummu Maktum kelib qolib: «Yo Rasulalloh, xudo haqi, agar jihod qilmoqqa yaraganimda, jihod qilgan boʻlur erdim!» — dedilar, chunki u kishi koʻr erdilar. Darhol, Olloh taolo oʻz rasuli sallallohu alayhi va sallamga «... illaqiz boʻlgan holda (oʻz uylarida oʻltirguvchilar)...» degan qavlini nozil qildi. Shunda ul zotning tizzalari mening tizzam ustida erdi, men shunday yuk sezdimki, hatto tizzam ezilib ketmasaydi, deb qoʻrqdim».

Barro ibn Ozib raziyallohu anhu bunday deydilar: «Uz uylarida oʻltirguvchi moʻminlar ila Olloh taolo yoʻlida jihod qilguvchilar teng emaslar» degan oyat nozil boʻlganda, Janob Rasululloh Zaydni chaqirib uni yozdirdilar. Shu payt Abdulloh ibn Ummu Maktum kelib, oʻzining illatli (koʻr) erkanligini aytib, shikoyat qildi. Shunda, Olloh taolo «... illaqiz boʻlgan holda (oʻz uylarida oʻltirguvchilar)...» degan qavlini nozil qildi».

Barro raziyallohu anhu bunday deydilar: «Uz uylarida oʻltirguvchi moʻminlar ila Olloh

taolo yo'lida jihod qilguvchilar teng emaslar» degan oyat nozil bo'lganda, Janob Rasululloh: «Falonchini chaqiringizlar!»—dedilar. Chaqirilgan kishi siyoh, lavh yoki hayvon kuragi olib keldi. Ul zot unga: «Uz uylarida o'ltirguvchi mo'minlar ila Oллоh taolo yo'lida jihod qilguvchilar teng emaslar» deb yozgil!» — dedilar. Shunda, Janob Rasulullohning ortlarida Ibn Ummu Maktum turgan erdi, u: «Yo Rasulalloh, men illatli (ko'r) odamman!» — dedi. Oллоh taolo shu ondayoq avvalgi qavli o'rniga «Illaqiz bo'lgan holda o'z uylarida o'ltirguvchilar ila Oллоh taolo yo'lida jihod qilguvchilar teng emaslar» degan qavlini nozil qildi».

Ibn Abbos: «Mazkur oyat Badr janggiga borgan va bormagan kishilar haqida nozil bo'lgan erdi»,— deydilar.

21-bob. Oллоh taoloning qavli: «Darhaqiqat, o'z jonlariga zulm qilganlarning jonlarini maloikalar olayotgan paytda: «Qay ahvolda erdingizlar?»— deb so'rasalar, ular: «Bizlar bu mulkda bechoralar erdik»,— dedilar. Maloikalar ularga: «Agar hijrat qilaman desangizlar, Oллоhning yeri keng erdi-ku!» — deb aytdilar»

Muhammad ibn Abdurrahmon bunday deydilar: «Madina ahlidan askar to'plab Shom ahliga qarshi urushga yuborishga qaror qilindi (Bu voqea Makkada Abdulloh ibn Zubayr xalifa bo'lib turgan vaqtda sodir bo'lgan). Men Ibn Abbosning xizmatkori Ikrimaga uchrab, unga mazkur qarorni aytdim. Ikrima meni bu jangda qatnashishdan qaytarib, bunday dedi: «Menga Ibn Abbos xabar berdilarki, musulmonlarning ba'zilari payg'ambarimizning dushmanlari bo'lmish kofirlar birlan birga bo'lib, ularning sonini ko'paytirishda yordam berganlar. Jangda ularga noma'lum yeqqan o'q kelib tegib (yoki qilich tegib) halok bo'lganlarida, Oллоh taolo ushbu «Darhaqiqat, o'z jonlariga zulm qilganlarning jonlarini maloikalar olayotgan paytda...» degan oyatni nozil qildi».

22-bob. Oллоh taoloning qavli: «Hijrat qilmoqqa biror chora topishga qodir bo'lmay, chorasiz qolgan erkak, ayol va bolalargina...»

Ibn Abbos raziyallohu anhu lazkur oyatni o'qib: «Mening onam uzrini Oллоh qabul qilganlar jumlasidan erdi»,— dedilar.

23-bob. Oллоh taoloning qavli: «Bundaylarni Oллоh shoyad afv qilsa, chunki Oллоh afv qiluvchi va gunohlarni kechiruvchidir!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Payg'ambar alayhissalom bir kuni xufton namozini o'qiyotgan erdilar, Sami'allohu liman hamidah» deb tik turganlaridan so'ng, sajdaga bormasdan: «Yo Oллоh, Iyosh ibn Abu Rafi'aga najot bergin, yo Oллоh, Salama ibn Hishomga najot bergin, yo Oллоh, Valid ibn Validga najot bergin, yo Oллоh, mo'minlarning benajotlariga najot bergin, yo Oллоh, Muzar avlodi boshiga qahatchilik solgin, ularga Yusuf alayhissalom davrlaridagidek qahatchilik yuborgin!»—deb iltijo qildilar».

24-bob. Oллоh taoloning qavli: «Agar yog'indan aziyat cheksangizlar yoki bemor bo'lsangizlar, qurollaringizni qo'yib qo'ysangizlar, gunoh emasdur»

Ibn Abbos rivoyat kiladilar: «Oллоhning «Agar yogindan aziyat cheksangizlar yoki kasal

bo'lsangizlar...». degan oyati Abdurrahmon ibn Avf haqida nozil bo'lgan, chunki u kishi yarador erdilar».

25-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey Muhammad, sizdan ayollar haqida fatvo so'raydilar. Ular to'g'risida sizlarga Olloh hamda Qur'onda tilovat qilinadigan etim qizlar haqidagi oyatlar fatvo beradi, deb ayting!»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Ey Muhammad sizdan ayollar haqida fatvo so'raydilar. Ular to'grisida sizlarga Olloh («ularga uylanmoqchi bo'lasizlar» degan qavligacha)» degan oyat qaramogida bir yetim qiz bor kishi haqida nozil bo'lgan erdi. Usha kishi qizga valiylik (homiylilik) qilar, hatto unga tegishli xurmozor ham uning qo'lida erdi, shuning uchun u arzonarov qizni o'z nikohiga olmoqchi bo'ldi. Qiz o'zi yoqtirgan va moliga ega bo'lishiga ham rozi bo'lgan boshqa kishiga turmushga chiqay desa, qizganib rozi bo'lmadi va qizga zulm qilib, uni erga bermay ushlab turdi. Mazkur oyat shu haqda nozil bo'lgan».

26-bob. Olloh taoloning qavli: «Agar biror ayol eri tomonidan ko'ngilsizlik yoki yuz o'girish sodir bo'lishidan qo'rqsa...»

Ibn Abbos «Shiqoq» — «buzilish», «va uhzirat il-anfus-ush-shuhha» — «va dillarda mol hirs mavjud-dur», «ka-l-mu'allaqati» — «na erli va na tul xotin kabi», «nushuzan» — «ko'ngilsizlik» demakdur,— deydilar.

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Agar biror ayol eri tomonidan ko'ngilsizlik yoki yuz o'girish sodir bo'lishidan qo'rqsa» degan oyati karima shunday kishi haqidaki, u xotinidan ko'ngilsiz bo'lib, ajralmoqni istaydi, shunda xotin xushyorlik qilib: «Men sizni o'zim xususimda ozod qilaman»,— deydi (ya'ni, erini o'ziga moyil qilmoq uchun mahrini biroz kamaytirilishiga yoki kundoshlariga nisbatan kamroq yeb, kamroq kiymoqlikka rozilik bildiradi va bu birlan ikki o'rtada kelishuv yuz beradi, chunki Olloh taolo «va dillarda mol hirs mavjud-dur»,— degandur) Mazkur oyat shu haqda nozil bo'lgan».

27-bob Olloh taoloning qavli: «Munofiqlar albatta do'zaxning eng chuqur joyida bo'lurlar...»

Ibn Abbos «Ad-Dark ul-asfalu» do'zaxning eng tagidur,— deydilar.

Ibrohim Asvad ibn Yaziddan naql qiladilar: «Biz Abdulloh ibn Mas'udning davralarida (suhbatlarida) erdik, Huzayfa kelib bizga salom berdilar-da «Sizlardan ko'ra yaxshiroq qavmga (ya'ni, sahobalarga) nifoq tushirilgan erdi»,— dedilar. Asvad «Subhonalloh, Olloh taolo «Munofiqlar albatta do'zaxning eng chukur joyida bo'ladilar»—deydi-ku!»— dedilar. Buni eshitib, Abdulloh kulib quydilar. So'ng, Huzayfa masjidning bir chetiga borib o'ltirdilar Abdulloh ersa, o'rinlaridan turib ketdilar, ashoblari ham tarqalishdi. Hamma ketgandan keyin, Huzayfa menga bir kichik tosh otib chaqirdilar, men yonlariga bordim Huzayfa menga: «Men Abdullohning gapiga tushungan bo'lsam ham, kulganidan ajablandim. Sizlardan yaxshiroq qavmga nifoq tushirilgani rost. Keyin, ular tavba qilishdi, tavbalarini Olloh taolo qabul qildi»,— dedilar».

28-bob Olloh taoloning qavli: «Biz Nuh va undan keyingi payg'ambarlarga vahiy yuborganimiz kabi sizga ham vahiy yubordik va biz Ibrohim, Ismoil,

Ishoq, Ya'qub, Ya'qubning avlodi, Iso, Ayyub, Yunus, Horun va Sulaymonga vahiy yubordik...»

Abdulloh raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Biror kishi «Men Yunus ibn Mattodan yaxshiroqman» deb aytmasligi lozim!» — dedilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Kimki «Men Yunus ibn Mattodan yaxshiroqman» desa, yolg'on gapirgan bo'ladi»,— dedilar».

29-bob. Olloh taoloning qavli: «Odamlar sizdan fatvo so'rarlar, siz aytingki, Olloh taolo sizlarga merosxo'ri bo'lmaganlar haqida quyidagi o'z hukmini bayon qilur: agar bir kishi o'lsa-yu, uning farzandlari bo'lmay, faqat bir singlisi qolgan ersa, unga barcha merosning yarmisi berilur. Farzandi bo'lmagan singilga ersa, uning birodari vorislik qilur..-»

«Kalola» merosxo'ri bo'lmagan ota yoki o'gildur. Barro raziyallohu anhu «Eng oxiri nozil bo'lgan sura «Baroat» surasidur va eng oxiri nozil bo'lgan oyat «Sizdan fatvo so'rarlar» degan oyatdur»,— deydilar.

«AL-MOIDA» SURASINING TAFSIRI

1-bob («Al-Moida» surasida uchraydigan ayrim so'zlar tafsiri)

«Hurumun» ko'plik bo'lib, birligi «haromun», ya'ni «ehrom kiygan, ehrom boglagan holat» «Fa-bi-mo naqzihim miysoqahum»—«Ahdlarini buzganlari sababli», «alla-ti kataballohu»—«Olloh taqdir qilgan», «tabua» — «o'z ustingga olmogingni», «doiratun» — «yomon hodisa, kulfat» demakdur. «Al-Igro» — «undash», «ujuruhunna» — «mahr-larini», «al-muhaymin» — «Qur'onga hamda undan burungi barcha kitoblarga iymon keltirgan shaxs» degan ma'noda-dur»,— deydi bir mufassir. Sufyon «Mening uchun Qur'onda «lastun alo shay'in hatto tuqiymuu-t-tavrota val-injiyla va mo unzila ilaykum min rabbikum» — «toki Tavrot va Injilga hamda parvardigoringizdan o'z'laringiz-ga nozil qilingan barcha narsalarga amal qilmas erkansizlar, (to'g'ri) yulda bo'lolmaysizlar» degan oyatdan ko'ra kuchliroq oyat io'q «Maxmasa» — «ochlik», «man ahioho», ya'ni «kimki bir kishini nohaq o'ldirilmog'idan saqlab qolsa, (go'yo barcha odamlarni nohaq o'ldirilmog'idan asrab qolgandek bo'ladi)», «shir'atan va minhojan» — «shari'at va sunnat (bergandur)», «Fa-in usira» — «Agar xabar topilsa agar ma'lum bo'lib qolsa», «al-avlayoni» — «ikkisi hammadan yaqinroq» demakdur»,— deydilar.

2-bob Olloh taoloning qavli: «Bugun men sizlarga diyningizni mukammal qilib berdim»

Ibn Abbos: «Maxmasa—ochlik» degani deydilar.

Toriq ibn Shihobrivot qiladilar «Yahudiylar Hazrat Umarga «Sizlar bir oyatni qiroat qilursizlar, agar o'shal oyat bizga nozil bo'lganida erdi, biz o'shal kunni bayram qilib olur erdik!»—deyishdi. Hazrat Umar: «Men bu oyatning qachon va qaerda nozil bo'lganidan bexabarman»,— dedilar. Yahudiylardan biri: «Xudo haqi, men arafa kuni bu oyat nozil

bo'lganida Janob Rasulullohning qaerda turganlarini bilaman!» — dedi. Sufyon: «Ushal kun jum'amidi, yo'qmidi, aniq bilmayman»,— deydilar».

3-bob Oллоh taoloning qavli: «Agar suv topolmasangizlar, ul holda pok tuproqqa tayammum qilingizlar...»

«Tayammumu» — «(astoydil) niyat qilingizlar» «Ommiyna» — «kelib tururlar» deganidur «Amamtu» va «tayammamtu» bir ma'noda

Ibn Abbos «Lomastum», «tamassuuhunna», «vallotiy daxaltum bihinna» va «al-ifzo» so'zlarining barchasi ayolga yaqinlik qilishni anglatadi»,— deydilar.

Payg'ambarimizning xotinlari Oisha raziyallohu anho bunday deydilar «Rasulullohning safarlaridan birida u kishiga hamroh bo'ldik. Baydo' nomli joyga yetganimizda mening marjonim uzilib, tushib qoldi. Rasululloh uni qidirish uchun to'xtadilar. Odamlar ham to'xtashdi. Qaqragan cho'l bo'lib, odamlarda ham suv yo'q erdi. Ko'pchilik Abu Bakr Siddiqning oldilariga borib «Ko'rmaysizmi qizingiz Oishaning qilgan ishini, Rasulullohni va odamlarni to'xtatib, yo'ldan qoldirdi?»—deb shikoyat qilishdi. Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu tepamga kelganlarida Rasululloh boshlarini tizzamga qo'yib uxlab yotar erdilar. Abu Bakr «Sen Rasulullohni ham, boshqalarni ham suvsiz cho'lda yo'ldan qoldirding, odamlarning o'zlarida ham suv yo'q» — deb menga dashnom berib, ko'ksimga turta boshladilar. Rasululloh tizzamda uxlab yotganlari uchungina meni yiqitib yubormadilar. Tong otganda Rasululloh uyg'ondilar, ammo suv yo'q erdi. Shunda Oллоh taolo «Tayammum» oyatini nozil qildi. Usayd ibn Hazir menga: «Ey Abu Bakr zurriyoti, bu muruvvat sizning sharofatingiz birlan bo'ldi!» — deb xursandchilik izhor etdi. Keyin o'zi mingan tuyani joyidan qo'zgatgan erdik, marjonim uning tagidan chiqdi».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Baydo'da mening marjonim uzilib, tushib qoldi. Madinaga yetay deb qolgan erdik. Payg'ambar alayhissalom tuyani cho'ktirdilar. Tuyadan tushib, mening quchog'imda uxlab qoldilar. Abu Bakr kelib mening ko'kragingga qattiq turtdilar—da «Marjoningni deb odamlarni yo'ldan qoldirding!»—dedilar. Jonim qattiq og'ridi, lekin Rasulullohning uyg'onib qolishlaridan xavotir olib, qimirlamadim. Nihoyat, Rasululloh uyg'ondilar subh namozi yaqinlashgan erdi, suv topolmadilar. Shu payt «Ey mo'minlar, namoz o'qimoqchi bo'lsalaringiz» degan oyat nozil bo'ldi Shunda Usayd ibn Hazir menga «Oллоh taolo siz tufayli odamlarga muruvvat qildi, ey Abu Bakr zurriyoti! Sizlar Oллоh taolo odamlarga ato etgan bir marhamatdursizlam!» — dedi»

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «O'zingiz rabbingiz birlan birga borib jang qilib kelaveringiz, biz ersak shu yerda o'ltirib turamiz»

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu bunday deydilar: «Badr kuni Miqdod: «Ey Oллоhning rasuli, Banu Isroilning Muso alayhissalomga «Uzingiz rabbingiz birlan birga borib jang qilib kelaveringiz, biz ersak shu yerda o'ltirib turamiz» degan gapini biz sizga aytmaymiz, aksincha bizni yetaklangiz, biz siz birlan birgamiz!» — dedi. Bu gap Janob Rasulullohni mamnun qildi. Miqdodning Janob Rasulullohga shunday deganini Toriq ham rivoyat qilib tasdiqlaydilar».

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Oллоh va uning rasuliga qarshi urush olib boruvchi va mamlakatda buzg`unchilik qiluvchi odamlarning jazosi shuldurkim, ular qatl qilinsinlar yokim dorga osilsinlar yohud qo`lu oyoqlari qarama-qarshi tarafidan kesilsin yo ular mamlakatdan badarga qilinsinlar»

«Al-Muhoraba lillohi» — «Oллоhga ishonmaslik»dur.

Salmon Abu Rajo rivoyat qiladilar: «Abu Qiloba bir kuni xalifa Umar ibn Abdulazizning taxtlari orqasida o`ltirgan erdilar. Saroy a`yonlari turli narsalar haqida so`zlashishdi. So`ng, qasam haqida gap ketdi, shunda barcha xalifalar ham qasamga binoan qasos olmoqni amr qilganlar, deb aytishdi. Xalifa o`z orqalarida o`ltirgan Abu Qilobaga qarab: «Ey Abdulloh ibn Zayd, bu masalada sizning fikringiz qanday?» — deb so`radilar. «Shunda men,— deydilar Abu Qiloba,— uylangandan keyin zino qilgan kishi, birovni nohaq o`ldirgan kishi va Oллоh birlan uning rasuliga qarshi urush qilgan kishigina o`ldirilishi kerak, deb bilurman»,— dedim. Anbasa o`rnidan turib: «Anas bu haqda bizga unday va bunday deb rivoyat qilib bergan erdilar»,— dedi. Men (ya`ni, Abu Qiloba): «Anas ibn Molik menga ham shul haqda bunday deb rivoyat qilgan erdilar, ya`ni: «Bir qavm Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, islomni qabul qildi. So`ng, ular: «Bu yerning havosi bizni ilgadi»,— deyishdi. Janob Rasululloh: «Cho`lda bizning tuyalarimiz bor, u yerga borib, tuya suti va siydigidan ichib davolaningizlar!»—dedilar. Ular cho`lga borib, tuya suti va siydigidan ichib shifo topishdi. Keyin, islomni qabul qilib ichgan qasamlarini buzishib, tuyabonni o`ldirishdi-da, tuyalarni haydab ketishdi. Aytingizlarchi, ularning islomdan qaytib, odam o`ldirib, o`grilik qilganlaridan ham ogirroq gunoh bormi?!»—dedim. Anbasa: «Subhonalloh!»—dedi. «Meni yolg`onchi, deb o`ylayapsanmi? Anas xuddi shunday rivoyat qilib berganlar»,— dedim men. Anbasa o`ltirganlarga: «Ey Shom ahli, modomiki mana shu odam (Abu Qiloba) oralaringizda bor erkanlar, xayriyatga erishaverasizlar!» — dedi».

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Yetkazilgan jarohatlar uchun qasos olinadi»

Humayd raziyallohu anhu Anas ibn Molikdan nakl qiladilar: «Anas ibn Molikning ammalari Rabi` bir ansoriya qizning tishini sindirib qo`ydi. Qiz tomondagilar qasos olmoqni talab qilib Rasulullohning huzurlariga kelishgan erdi, ul zot qasos olmoqni buyurdilar. Anas ibn Molikning amakilari Anas ibn an-Nazr: «Yo Rasulalloh, xudo haqi, singlimning tishini sindirmangiz!» — dedi. Rasululloh: «Ey Anas, Oллоhning buyurgani qasosdur!» — dedilar. Keyin, qizning qarindoshlari o`zaro maslahatlashib, singan tish evaziga tovon olishga rozi bo`lishdi. Rasululloh: «Oллоhning shunday bandalari borki, qasam ichsalar, unga vafo qiladilar!»—dedilar».

7-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey rasul, rabbingizdan o`zingizga nozil qilingan narsalarni (ummatingizga) yetkazingiz!»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Kimki sizga: «Muhammad Oллоh nozil qilgan narsalardan birortasini yashirdi»,— desa, shubhasiz, u yolg`on gapiribdi, chunki Oллоh: «Ey rasul, rabbingizdan o`zingizga nozil qilingan narsalarni yetkazingiz!» — degandur».

8-bob. Oллоh taoloning qavli: «Oллоh sizlarni bil-may og`zingizdan chiqib ketgan qasamlaringiz uchun gunohkor qilmaydi»

Oisha raziyallouu anho bunday deydilar: «Mana bu «Olloh sizlarni bilmay ogzingizdan chikib ketgan qasamlaringiz uchun gunohkor qilmaydi» degan oyat kishining «Yo`q, xudo haqi!», «Ha, shunday, xudo haqi!» deb qasam ichishi haqida nozil qilingandur».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Otam Abu Bakr Siddiq, Olloh taolo qasam kafforati haqidagi oyatini nozil qilguncha, bir marta xam qasamlarini buzmagan erdilar. Oyat nozil bo`lgach: «Men bo`lar bo`lmasga qasam ustiga qasam ichmagayman, agar ilgari ichgan qasamim ustiga qasam ichmogim zarur bo`lsa, Olloh taoloning ruxsatini qabul qilgayman-da, so`ng boshqa qasam ichgayman»,— der erdilar».

9-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey mo`minlar, Olloh sizlarga halol qilib qo`ygan pokiza narsalarni harom qilmangizlar!»

Abdullohu ibn Mas`ud raziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz Rasululloh birlan birga gazotga chiqur erdik. Xotinlarimiz uyda qolur erdi. Shunda biz: «Uzimizni bichib qo`ymaymizmi?»—deb o`zaro so`zlashdik. Janob Rasululloh bizni bundan qaytardilar. Shundan keyin, (begona) ayollarga (ular rozi bo`ladirgan) mablag evaziga (vaqtinchalik) uylanishga ijozat berdilar. Keyin, ushbu «Ey mo`minlar, Olloh sizlarga halol qilib qo`ygan pokiza narsalarni harom qilmangizlar!» degan oyatni qiroat qildilar». (Bu hadisda rivoyat qilingan voqea islomning boshida bo`lgan bo`lib, ayollarga muvaqqat uylanishga ruxsat jihodda yurgan musulmonlar uchun yengillik tariqasida berilgan erdi. Bunday vaqtinchalik nikohni Rasululloh keyinroq harom, deb man` etganlar. Hozirda ham bunday nikoh mavjud bo`lib, u «siyga!» nikoh. deb ataladi, unga faqat shiy`a mazhabidagilar amal qiladilar).

10-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey mo`minlar, sharob, qimor, but va fol o`qlari nopok bo`lib, barchasi shayton amalidan bo`lgan harom ishlardur!»

Ibn Abbos: «Al-Azlom» fol ochishda qo`llaniladigan o`qlardur. «An-Nusub» ersa «butlar» bo`lib, butparastlar ularga qurbonlik qiladilar. Ba`zilchr: «Zalam» «azlom»ning birligi bo`lib, pat (par)siz kamon o`qidur «Istiqsom» paqiz kamon o`qlari birlan fol ochishdur»,— deyishadi»,— deydilar.

Ibn Umar raziyallohu anhu: «Sharobning haromligi to`g`risida oyat nozil bo`lgan paytda Madinada uzumdan tayyorlanadirgan sharobdan tashqari yana besh xil ichimlik mavjud erdi»,— deydilar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deydilar: «Bizda sizlar «Faziyx» deb aytaydirgan ichimlikdan boshqasi yo`q erdi. Men tik turib Abu Talhaga va falonchi birlan pistonchiga shu ichimlikdan quyib berayotgan erdim. Shu payt, bir kishi kirib keldi-da: «Sizlarga ham xabar yetdimi?» — deb so`radi Ultirganlar: «Nima bo`ldi?» — deb savolga savol birlan javob qaytarishdi. Kelgan odam: «Aroq harom qilindi»,— deyishi birlanoq hammalari: «Ey Anas, manavi xumni agdarib tashla!» — deb buyurishdi. Ular boyagi odamning xabaridan keyin, «Nima uchun?» deb so`rashmadi ham, qayta sharobni ogizlariga olishmadi ham».

Jobir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Musulmonlardan bir nechasi Uxud gazoti tongida sharob iste`mol qilishgan erdi. Keyin, barchalari gazotda shahid bo`lishdi. Bu vaqtda hali sharob harom qilinmagan erdi».

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Umar raziyallohu anhunging Paygʻambar alayhissalomning minbarlariga chiqib: «Ammo baʼd. Ey odamlar, sharobning haromligi toʻgrisida oyat nozil boʻlgan. U besh narsadan: uzumdan, xurmodan, asaldan. bugdoydan va arpadan tayyorlanadi. Aqlni ketkazadiringan ichimlik «sharob» deb aytiladi»,— deganlarini eshitganman».

11-bob. Olloh taoloning qavli: «Iymon keltirib, yaxshi amallar qilgan bandalar, agar taqvo qilib, iymon va yaxshi amallarida sobit qolsalar, isteʼmol qilgan narsalari uchun gunohkor boʻlmagaylar, Olloh amali solih qiluvchilarni sevadi»

Anas raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Abu Talhaning uyida odamlarga sharob quyib berayotgan erdim. Sharobning haromligi haqida oyat nozil boʻlib, bir jarchi shul toʻgʻrida eʼlon qildi. Abu Talha menga: «Bor, nima gap erkanligini bilib kel!»— dedilar. Men chiqib qarasam, jarchi: «Ogoh boʻlingizlar, sharob harom qilindi!» — deb baqirardi. Keyin, Abu Talha: «Bor, sharobni koʻchaga toʻkib kel!» — deb buyurdilar. Men sharobni Madina koʻchalaridan biriga olib chiqib toʻkdim. Madinaliklarning asosiy sharobi fazix erdi. Baʼzilar: «Sharob ichib jangda halok boʻlganlarning holi nima kecharkin?» —deb aytishdi. Shun-da, Olloh taolo «Iymon keltirib, yaxshi amallar qilgan bandalar, agar taqvo qilib, iymon va yaxshi amallarida sobit qolsalar, isteʼmol qilgan narsalari uchun gunohkor boʻlmagaylar...» degan mazmundagi oyatni nozil qildi»

12-bob Olloh taoloning qavli: «... oʻzingizni ranjitib qoʻymogʻi maʼlum qilingan narsalar xususida soʻramangizlar...»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deydilar: «Bir kuni Rasululloh xutba oʻqidilar, unday xutbani ilgari eshitmagan erdim. Ul zot «Agar men biladiringan narsani sizlar ham bilganlaringizda erdi, ozroq kulib, koʻproq yigʻlaringizlar!» — dedilar. Shunda barcha sahobalar yuzlarini berkitishib, piqillab yigʻlay boshlashdi. Shu payt oʻltirganlardan biri «Mening otam kim?» — deb soʻrab qoldi. Janob Rasululloh «Otang falonchi»—deb javob berdilar. Shunda Olloh taoloning «oʻzingizni ranjitib qoʻymogi maʼlum qilingan narsalar xususida soʻramangizlar» degan oyati nozil boʻldi» Bu hadisni Nazr va Ruh ibn Uboda ham Shuʼbadan naql qilib rivoyat qilganlar

Ibn Abbas raziyallohu anhu bunday deydilar «Qavm Janob Rasulullohni mazax qilib, boʻlar-boʻlmas savollar bera boshladi. Bir kishi «Mening otam kim?» — desa, ikkinchisi yoʻqolgan tuyasini soʻrab «Mening tuyam qaerda?» — deb savol berar erdi. Shunda Olloh taolo «Ey moʻminlar, oʻzingizni ranjitib qoʻymogi maʼlum qilingan narsalar xususida soʻramangizlar va agar Qurʻon nozil boʻlayotgan paytda shunday savollar bergan boʻlsangizlar, maʼlumingiz boʻlsinkim, Olloh buning uchun sizlarni afv etdi, Olloh magʻrifatli rahimdil zotdur!» degan oyatni nozil qildi»

13-bob. Olloh taoloning qavli: «Olloh taolo muqarrar qilmadi bahiyrani va nasoibani va na vasiylani va na homiyini...»

«Moida» soʻzi lugatda «dasturxon solib tuzab qoʻyilgan xontaxta» boʻlib, shaklan ismi foʻil boʻlsa ham, maʼnan ismi mafʼuldur, yaʼni «tuzab qoʻyilgan»deganidir. Xuddi «Iyshatun roziyatun» va «tatliqatun boinatun» soʻzlariga oʻxshaydi. Bular ham ismi foil shaklida, ammo «farovon, kishi rozi boʻladiringan hayot» va «taloq qilingan (ayol)»

ma'nolarini anglatadi.

Sa'id ibn Musayyab bunday deydilar: «Bahiyra» — suti butlarga atalgan tuya bo'lib, biror kishi uni sogishi mumkin bo'lmagan «Soiba» ham butlarga atalgan tuya bo'lib, kasallikdan tuzalgan kishi uni o'z holiga qo'yib yuborar erdi, unga yuk ortish mumkin ermas erdi».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitganman: «Men Amr ibn Omirni do'zaxda ko'rdim, u o'z qurbonligini sudrab yuribdi chunki u butga atab tuyasini qo'yib yuborgan birinchi odam erdi». «Vasila» — urgochi bo'taloq tugadigan tuya bo'lib, qurbonlik tarzida uni butlarga atab qo'yib yuborishgan. «Homiy» — erkak tuya bo'lib, uning pushtidan bir qancha bo'taloq tugilgach, butlarga atab quyib yuborishgan unga yuk ortish man' qilingan».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh «Men jahannamni ko'rdim, lovillagan alangalari bir-birini yutyapti. Unga birinchi bo'lib kirgan Amrni ham ko'rdim, u o'z qurbonligini sudrab yuribdi, chunki u butga atab tuyasini qo'yib yuborgan birinchi odam erdi»,— dedilar»

14-bob Olloh taoloning qavli: «Men ularning oralarida bo'lgan paytimda ulardan xabardor bo'lib turdim. Meni huzuringga chorlaganingdan so'ng, sen o'zing ularni kuzatib turgan erding. Sen o'zing hamma narsaga guvohdirsan!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh bir kuni xutba o'qidilar-da «Ey odamlar, albatta hammangiz Olloh taolo huzurida yalang oyoq, yalang'och va xatna qilinmagan holda to'planasizlar»,— dedilar, keyin. «Avval qanday yaratgan bo'lsak, o'sha holga qaytaramiz, bu zimmamiz-dagi va'dadur, uni albatta bajaruvchidurmiz» degan oyatni tilovat qildilar. («Al-Anbiyo» surasi, 104-oyat) So'ng, bunday dedilar: «Ogoh bo'lingizlar, Qiyomat kuni insonlardan birinchi bo'lib Ibrohim alayhissalomga libos kiydiriladi. Ogoh bo'lingizlar, ummatlarimdan bir necha kishini chap taraflaridan mahkam ushlagan holda olib kelishadi. Men «Ey rabbim, bular mening ashoblarim-ku!» — deyman. Shunda «Albatta, siz o'zingizdan keyin bularning qanday fitnalar sodir qilganlarini bilmassiz»,— deyilgay. Men Ollohning solih bandasi (Iso ibn Maryam) aytganlaridek «Men ularning oralarida bo'lgan paytimda ulardan xabardor bo'lib turgan erdim. Meni huzuringga chorlaganingdan so'ng, sen o'zing ularni kuzatib turgan erding. Sen o'zing hamma narsaga guvohdirsan (xabardordursan)»—deyman. «Darhaqiqat, bularni tark etganingizdan buyon, bular murtdlik qilurlar» deb aytilgay».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom bunday dedilar: «Albatta sizlar Olloh taolo oldida jam' qilinasizlar. Odamlarning ba'zilari chap tomonlaridan ushlanadilar. Shunda men solih banda (Iso ibn Maryam) aytganlaridek: «Men ularning oralarida bo'lgan paytimda ulardan xabardor bo'lib turdim. Meni huzuringga 15-bob. Olloh taoloning qavli: «Agar sen ularni azoblasang, ular o'zingning bandalaringdurlar, agar ularni mag'firat qilsang, albatta sen qudrat va hikmat egasisan»chorlaganingdan so'ng, sen o'zing ularni kuzatib turgan erding. Sen o'zing hamma narsaga guvohdursan. Agar sen ularni azoblasang, ular o'zingning bandalaringdurlar, agar ularni mag'firat qilsang, albatta sen qudrat va hikmat egasisan»,— deyman».

«AL-AN'OM» SURASI

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Ollloh taoloning «Summa lam takun fitnatuhum» degan qavlidagi «fitnatuhum» so'zi «aldov, o'zini oqlash» ma'nosidadur (23-oyatda). «Ma'ruushot» —ishkomga ko'tarib qo'yilgan tok va boshqa o'simliklardur (141-oyatda). «Hamuula»—yuk ortiladigan hayvonlardur (142-oyatda), «La-labasno» so'zi «adashtirgan bo'lur erdik» ma'nosida (9- oyatda). «Va yanavna» so'zi «uzoqlashadilar, qochadilar» ma'nosida (26-oyatda). «Tubsala» so'zi «sharmanda bo'lish» ma'nosida (70-oyatda). «Bosituu aydiyhim» — «qo'llarini cho'zib» deganidur (93- oyatda). «Istaksartum» so'zi «ko'pchilikni adashtirdingiz» ma'nosida (128-oyatda). «Zaraa minal-harsi» «(Ollloh taolo) yaratgan ekindan» deganidur (136-oyatda). «Ammash-tamalat» so'zi «ichidagi bolasi» ma'nosida (143- oyatda). «Akinnatun» so'zining birligi «kinon» bo'lib, ma'nosi «parda» dur (25- oyatda). «Masfuuhan» so'zi «oqib turgan» ma'nosida (145-oyatda). «Sodafa» so'zi «yuz o'girtirish» ma'nosida (157-oyatda). «Mublisuuna» so'zi «noumid qilindilar» deganidur (44- oyatda). «Ubsiluu» so'zi «azobga giriftor qilindilar» ma'nosida (70-oyatda). «Sarmadan» so'zi «doimo» deganidur. «Istahvathu» so'zi «yo'ldan ozdirdi» ma'nosida (71- oyatda). «Vaqrnun» so'zi «garanglik» ma'nosida (25- oyatda), agar «Viqrnun» bo'lsa, «yuk» deganidur. «Asotiyr» so'zining birligi «ustuura» yoki «istora» bo'lib, ma'nosi «cho'pchak, hikoyadur (25-oyatda). «Al-Ba'sou» so'zi agar «ba's»dan bo'lsa, «qiyinchilik, mashaqqat», agar «bu's» dan bo'lsa, «falokat, ofat» deganidur (42- oyat-da). «Jahratan» so'zi «ochiq, oshkora» ma'nosida (47-oyatda) «As-Suur» so'zi «suurat» so'zining ko'pligi (bo'lib, «karnay» ma'nosida, 73-oyatda). «Malakuut» so'zi «mulk» ma'nosida (75- oyatda). «Janna» so'zi «qorong'u bo'lmoq» demakdur (76-oyatda). «Ta'olo» so'zi «yuksak, buyuk, ulug'» (100-oyatda). «Va in ta'dil kulla adlin, lo yu'xaz minho» — «agarchi har qancha tavba qilmasin (tovon bermasin), qabul qilinmas» deganidur (70-oyatda). «Alallohi husbonuhu» deyilganda «Uning hisob-kitobi Olllohning zimmasida» deb tushiniladi. Ba'zan «Husbonun» shaytonga otiladigan tosh ma'nosida ham qo'llaniladi. «Mustaqarrun (fis-sulbi)» va «mustav-da'un (fir-rahmi)» so'zlari «Ollloh shunday zotki, sizlarni bir jondan paydo qilib, sizlarga ona qornida qarorgoh va ota pushtida vaqtincha turadigan joy qildi» degan oyatda mavjud (98-oyat). «Al-Qinvu» so'zi «g'ujum» ma'nosida, ikkiligi ham, ko'pligi ham «qinvoni», xuddi «sinvun» va «sinvoni»ga o'xshaydi (99- oyatda).

1-bob. Ollloh taoloning qavli: «Parvardigor huzurida g'aybning kalitlari bor, uni yolg'iz uning o'zidan boshqa hech kim bilmaydi»

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh: «G'aybning kalitlari beshta»,— dedilar-da, «Luqmon» surasining quyidagi 34- oyatini qiroat qildilar: «Qiyomatning qachon bo'lishini Olllohning o'zigina biladi, yomg'irni Ollloh yog'diradi, ona qornidagi homilaning o'g'ilmi qizligini Ollloh biladi, hech bir odam ertaga nima ish qilishini bilmaydi va hech bir odam qaerda o'lishini bilmaydi, albatta Ollloh hamma narsani biluvchi va hamma narsadan xabardor zotdur».

2-bob. Ollloh taoloning qavli: «Ey Muhammad, «U sizlarga tepangizdan yoki oyoqlaringiz ostidan azob yuborishga yoki sizlarni guruh-guruh qilib bo'lib yuborib, biringizning zararingizni ikkin-chingizga totdirishga qodirdur» deb aytingiz!»

Jobir raziyallohu anhu bunday deydilar: «Janob Rasululloh Oллоh taoloning «Ey Muhammad, «U sizlarga tepangizdan... azob yuborishga... qodirdur» deb aytingiz!» degan qavlini o`qib «Uz panohingda asra» — dedilar, «yoki oyoqlaringiz ostidan» degan qavlini o`qib ham «Uz panohingda asra!» — dedilar, «yoki sizlarni guruh-guruh qilib bo`lib yuborib, biringizning zararingizni ikkinchingizga totdirishga qodirdur» degan qavlini o`qigach ersa, «Bu osonroq!»—deb qo`ydilar»

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Iymon keltirgan va iymonlarini zulm birlan bulg`amagan kishilar omonlik topgaylar va ular hidoyatga erishgan bandalardur»

Abdulloh ibn Mas`ud bunday deydilar «iymonlarini zulm birlan bulg`amaganlar» degan oyat nozil bo`lganda sahobalar «Qaysi birimiz zulmdan xolimiz?» — deyishdi, shunda «Albatta, shirk eng katta zulmdur!» degan oyat nozil bo`ldi»

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «... va Yunusga va Lutga hidoyat qilib, hammalarini butun olam axlidan afzal qildik»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom «Hech bir banda «Men Yunus ibn Mattodan yaxshiroqman» demasligi lozim»,— dedilar»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom «Hech bir banda «Men Yunus ibn Mattodan yaxshiroqman» demasligi lozim»,— dedilar»

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ana o`shalar Oллоh hidoyat qilgan kishilardur, o`shalarning yo`llarigagina yuringiz!»

Sulaymon al-Ahval Mujohid raziyallohu anhu haqlarida bunday deydilar: «Mujohid Ibn Abbosdan «Sod» surasida sajda bormi?» — deb so`radilar. Ibn Abbos «Ha»—deb javob berdilar-da, («Al-An`om» surasidagi) quyidagi oyatlarni o`qidilar. «Biz Ibrohimga Ishoq va Ya`qubni hadya etdik. Bularning barchalariga hidoyat qildik. Ilgari Nuhga ham hidoyat qilgan erdik. Uning zurriyotidan bo`lmish Dovud, Sulaymon, Ayyub, Yusuf, Muso va Horunga ham hidoyat qildik. Amali solih qiluvchilarni mana shunday mukofotlaymiz Zakariye, Yahyo, Ilyos va Isoga ham hidoyat qildik. Ular barchalari ham solih bandalardandur. Ismoil, al-Yasa`, Yunus va Lutga ham hidoyat qildik va hammalarini butun olam ahlidan afzal qildik. Ularning ota-bobolari, zurriyotlari va birodarlaridan ba`zilarini tanlab olib, ularni ham to`g`ri yo`lga hidoyat qildik. Oллоhning hidoyati shundaydur, u o`zi xohlagan bandasiga hidoyat qilgay. Agar ular mushrik bo`lganlarida erdi, qilgan amallari behuda ketgan bo`lur erdi. Ana o`sha zotlarga Kitob, hikmat va payg`ambarlik ato etganmiz Bas, bu oyatlarni (so`zlarni) anavilar inkor eqalar, ularni inkor qilmaydirgan qavmga topshirib qo`yganmiz. Ana o`shalar Oллоh hidoyat qilgan kishilardur. Bas, o`shalarning yo`llarigagina yuringiz!» (84—90- oyatlar). Keyin (Ibn Abbos) «Dovud ham o`sha payg`ambarlardandurlar, payg`ambaringiz sallallohu alayhi va sallam ularga ergashishga buyurilgandurlar»,— dedilar».

6-bob Oллоh taoloning qavli: «Yahudiylarga har bir tuyoqli hayvonni harom qildik, mol-qo`ylarning yog`larini ham ularga harom qildik».

Ibn Abbos «Har bir tuyoqli hayvon — bu tuya birlan tuya qush»,— deydilar.

Boshqalar «Hoduu», ya'ni «yahudiy bo'lganlar» degani, ammo «Inno hudno» ning ma'nosi — «Albatta, bizlar tavbaqidik», «Hoid» ersa «Tavba qiluvchi»dur,— deyishadi.

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambarimiz alayhissalom «Olloh yahudiylarni halok qilsin, ularga Olloh hayvonlar yog'ini harom qilgan vaqtda, ular yog'larni to'plab, pulga sotib, pulini yedilar»,— dedilar».

7-bob Olloh taoloning qavli: «Buzuq ishlarning oshkorasiga ham, maxfiysiga ham yaqinlashmang!»

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallouh anhu bunday deydi: «Biror kishi Ollohdan ko'ra rashkliroq ermas, shuning uchun u yashirin ham, oshkora ham buzuqlik qilishni harom qildi. Biror kishi maqtovni Ollohchalik yaxshi ko'rmaydi. Shuning uchun u o'zini maqtadi»

Amr ibn Murra bunday deydi: «Men Abu Voildan «Siz bu hadisni Abdullohdan eshitdingizmi?» — deb so'radim. U kishi «Ha»,— deb javob berdilar. Men «Abdulloh Rasulullohga nisbat berdilarmi?»—deb so'radim. Abu Voil «Ha»,— dedilar»

«Vakil» so'zi «saqlovchi, ihota qiluvchi» ma'nosida Qubulan» «qabiyl» so'zining ko'pligi, ma'nosi—«nav',tur» bo'lib, azoblarning ham turi bor, har bir azob turi «qabiyl» deyiladi. (Bu so'z 111-oyatda mavjud) «Zuxru-fa-l-qavli»—«usti yaltiroq — ichi qaltiroq so'z», ya'ni yaramas, qabih narsani o'rab, bezab ko'rsatilsa, «zuxruf» deyiladi (Bu so'z 112-oyatda bor).

8-bob. Olloh taoloning qavli: «Qiyomat kuni keltirgan iymoni foydasizdur!»

«Halumma shuhadoakum»ning ma'nosi «guvohlaringizni (ulamolaringizni) chaqiringizlar» bo'lib, «halumma» so'zi hijozliklar tilida ishlatiladi, uning birligi, ikkiligi va ko'pligi ham bir xil ko'rinishdadur (bu so'z 150-oyatda bor).

Abu Hurayra raziyallohu anhu xabar beradilar: «Rasululloh «Toki Quyosh o'zi botadigan tomondan chiqmas erkan, qiyomat qoim bo'lmaydi. Quyoshning mag'ribdan chiqqanini ko'rgan odamlar darhol iymon keltira boshlaydilar, ammo endigi iymon, avvalroq keltirmaganlari uchun, hech kimga foyda bermaydi»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu xabar beradilar: «Rasululloh: «Quyosh mag'ribdan chiqmaguncha qiyomat bo'lmaydi. Uning mag'ribdan chiqqanini ko'rgan odamlar darhol iymon keltiradilar, ammo bu vaqtda keltirilgan iymon naf qilmaydi»,— dedilar. So'ng (158-) oyatni tilovat qildilar».

«AL-A'ROF» SURASI

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydi: «Riyoshan» — «mol» ma'nosida, (Osim qiroatida bu so'z «riyshan» shaklida o'qiladi, 26- oyat). «Darhaqiqat, Olloh haddan oshuvchilarni yaxshi ko'rmaydi» degan jumla (55- oyat) duo va boshqa narsalar xususidadur «Afav» so'zi «ko'paysinlar» ma'nosida bo'lib, mol yoki farzandlarning ko'payishi nazarda tutiladi. (95- oyat). «Al-Fattoh» — «Hukm qiluvchi» bo'lib, «Iftah

baynano (va bayna qavmino)» — «Biz birlan qavmimiz o'rtasida hukm qil» deganidir. (89- oyat). «Nataqno» so'zi «ko'tardik» ma'nosida (171-oyat). «Inbajarat» so'zi «otilib chiqdi» demakdur (160-oyat). «Mutabbarun» — «barbod bo'lguvchi» ma'nosida (139-oyat) «Oso» «achinaman» ma'nosida, «taasso» «achindi» degani (93-oyat)»

Ibn Abbosdan boshqa ulamolar bunday deyishadi: «Mo mana'aka allo tasjuda» jumlasidagi «lo» ortiqcha bo'lib, ma'nosi «Sajda qilmoqligingga nima monelik qildi» deganidir (12- oyat) «Iaxsifoni» — ikkalasi o'ray boshladi», ya'ni «(Odam va Havo) ikkalalari o'z avratlarini jannatdagi barglar birlan o'rab, berkita boshladilar» degan ma'noda (22-oyat) «Savotuxumo»ning ma'nosi — «ikkalalari o'z avratlarini» deganidir (22-oyat) «Mato'un» — «foydalanish» ma'nosida (24- oyat) «Qabiyluhu» — «unga o'xshashlar» deganidir (27- oyat). «Iddorakuu» — «bir-birlari birlan topishurlar demakdur (38- oyat). Inson va hayvon a'zolarining hammasi «sumuum» deyiladi, birligi ersa «sammun» bo'lib, ko'zi, burni, og'zi, qulog'i, keti, olatining uchini anglatishi mumkin (40- oyat). «G'avosh» so'zi «to'shak»dur (41- oyat). «Nushran» — «yoyilgan» degan ma'noda (Osim qiroatida bu so'z «bushran» deb o'qilib, «bashorat, bashorat keltiruvchi» degan ma'nodadur (57- oyat). «Nakidan» «oz» yoki «qiyin» deganidir (58-oyat) «Yag'nav» so'zi «yashaganlar» ma'nosida (92-oyat). «Haqiqun» — «chin, rost» degani (105- oyat). «Istarhabuuhum» — «rahbatun» so'zidan bo'lib, «qo'rqitdilar» deganidir (116-oyat) «Talqa-fu» — «yuta boshladi» ma'nosida (117-oyat) «Toiruhum» — «shumliklari, baxtiqaroliklari» deganidir (131-oyat) «Tufon» — «sel» degani, ba'zida ko'p o'limga ham «tufon» deyiladi (133-oyat). «Qummal» — «bit» ma'nosida (133-oyat). «Uruush» va «ariysh» — «imorat» bo'lib, «ya'rishuuna» — «baland (imorat) qurardilar» degan ma'noda (137- oyat). «Suqita» — «pushaymon bo'ldilar» degani (149-oyat) «Al-Asbot» — «Banu Isroil qabilalari» (159- oyat) «Ia'duuna fis-sabti» — «Shanba kuni (xususida) haddan oshdilar» degani (163-oyat) «Shurra'an» — «ochiq, (suv betida) ko'ringan holda» ma'nosida (163-oyat) «Baiysun» — «qattiq» degani (165-oyat) «Axlada ilal-arzi» «er-ga (mol-dunega) mukkasidan ketdi» ma'nosida (176- oyat) «Sanastadrijuhum» — «ohista, ohista (halokat yoqasiga) olib kelamiz» degani (182-oyat) «Min jinnatin» — «jinnilik (dan)» demakdur (184- oyat) «Fa-marrat bihi» — «uni (homilani) olib yurdi, ya'ni homilador bo'lib yurdi» degani (189-oyat) «Yanzag'annaka» — «(shayton) vasvasa qilsa» ma'nosida (200-oyat). «Toifun» — «vasvasa»dur (201-oyat). «Iamudduunahum» — «yordam beradilar» ma'nosida (202-oyat) «Xiyfatan» — «qo'rqib» deganidir (205-oyat) «Al-Osol» so'zining birligi «asiyl» bo'lib, asr va shom oralig'idagi paytni bildiradi (205-oyat)»

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Parvardigorim, xoh oshkor, xoh yashirin bo'lsin, buzuqliklarni harom qildi»

Amr ibn Murra bunday deydilar: «Men Abu Voildan: «Bu hadisni sen Abdulloh ibn Mas'uddan eshitdingmi?» — deb so'radim. Abu Voil: «Ha, o'zim eshitdim» — deb Abdullohga nisbat berdi-da: «Ollohdan ko'ra rashkliroq zot yo'q, shuning uchun ham Olloh buzuqlikning oshkorini ham, yashirini ham harom qildi. Ollohdan ko'ra maqtozni yoqtiradiganroq zot ham yo'q, shuning uchun u o'zini maqtadi», — dedi».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Musu va'dalashgan vaqtimizda Tur tog'iga kelgach, parvardigori unga so'zladi, shunda u: «Parvardigorim, menga jamolingni (tuhfa et) ko'rsat, men seni bir ko'ray!» — dedi. Olloh: «Sen meni hargiz ko'rolmassan va lekin tog' tarafiga boqqil, agar ul o'z joyida salomat

qolsa, sen meni ko'ra olursan»,— dedi. Bas, parvardigori tog'ga jamolin jilvasin tushirib erdi, tog'ni yer birla yakson qildi va Muso behush bo'lib yiqildi, so'ng o'ziga kelib:» (Ey poko-parvardigoro, men senga tavba qildim va men mo'minlarning` avvalidurman»,— dedi»

Ibn Abbos: «Ariniy» — «Menga ato et, menga tuhfa et» degan ma'nodadir»,— deydilar.

Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladshar: «Rasulullohning huzurlariga bir yahudiy kelib, yuziga shapaloq yeganidan shikoyat qildi-da: «Ey Muhammad! Sizning ansoriy ashoblaringizdan biri yuzimga shapaloq urdi»,— dedi. Janob Rasululloh yahudiyni urgan ansoriyni chaqirtirdilar va: «Nima uchun yuziga urding?» — deb so'radilar. Ansoriy: «Yo Rasulalloh, men yahudiylar oldidan o'tib ketayotgan erdim. Shunda ulardan birining «Musoni butun insoniyatdan ulug qilgan zotga qasam ichamanki...» deganini eshitib qoldim. Men borib: «Muhammaddan ham ulugmi?»— degan erdim, u: «Muhammaddan ham»,— dedi. Jahlim chiqib, men uning yuziga shapaloq tortib yubordim»,— dedi. Rasululloh: «Meni boshqa payg'ambarlardan yaxshiroq, deb ajratmangizlar. Qiyomat kuni odamlarning hammasi behush bo'lib yiqiladi. Birinchi bo'lib men hushimga kelaman. Qarasam, ro'paramda Muso Arsh ustunlaridan birini ushlab turgan bo'ladilar. Hazrat Muso mendan avval o'zlariga keldilarmi yoki Tur togida behush bo'lib yiqilganliklari evaziga bu gal behush qilinmadilarmi, buni bilmagayman»,— dedilar».

«Al-Mannu vassalvo» — ko'rinishi limonga o'xshagan shirin meva va bedanadur.

Payg'ambar alayhissalom: «Qo'ziqorin ham Olloh taolo osmondan tushirgan ne'matlardandur. Uning suvi ko'z ogrigiga shifodur»,— dedilar.

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey odamlar, yeru osmonlarning egasi bo'lmish Ollohning sizlarga yuborilgan rasuliman, deb ayting!»

Abu Dardo' raziyallohu anhu aytadilar: «Abu Bakr birlan Umar o'zaro tortishib qolishdi. Abu Bakr bir narsa xususida Umarning achchiqlarini chiqargan erdilar, u kishi gazablanib turib ketdilar. Shunda Abu Bakr Umarning orqalaridan kechirim so'rab qoldilar, ammo Umar kechirmay, Abu Bakrning yuzlariga darvozani taraqlatib yopib chiqib ketdilar. Abu Bakr Siddiq Janob Rasulullohning oldilariga keldilar, biz ul zot birlan birga o'ltirgan erdik. Rasululloh voqe'adan xabar topganlaridan so'ng: «Ammo, birodarlaringiz (ya'ni, Abu Bakr) xayriyatga birinchi bo'lib erishgandur!»—deb aytdilar. Janob Rasulullohning bu gaplari Umar raziyallohu anhuga yetib borgandan so'ng, u kishi o'zlaridan sodir bo'lgan ishga ko'p nadomat chekdilar. So'ng, payg'ambarimizning oldilariga kelib salom berdilar-da, ul zotning ro'paralarida o'ltirib bo'lgan voqeani aytib berdilar. Janob Rasululloh Hazrat Umardan gazablendi-lar. Buni ko'rib, Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu: «Yo Rasulalloh, xudo haqi, ayb o'zimdan o'tgan erdi»,— deb yolvora boshladilar. Lekin, Rasululloh: «Hali sizlar mening do'stimdan (ya'ni, Abu Bakrdan) yuz o'giradigan bo'ldingiz-larmi?! Ey odamlar, men barchangizga: «Ollohning rasuliman»,— deganimda, sizlar: «Yolgon aytding!» — degansizlar, Abu Bakr ersa: «Rost aytdingiz!» — deb birinchi daf'adayoq mo'min bo'lgan»,— dedilar».

4-bob. Oллоh taoloning «hittatun» degan qavli haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh bunday deb aytdilar: «Banu Isroilga «Eshikdan sajda qilib kiringizlar va bizning gunohimizni afv et, deb aytingizlar, biz sizlarning gunohlaringizni afv eturmiz» deyilganda, ular Oллоh taolo tayinlagan soʻzlarni oʻzgartirib, eshikdan orqalari birlan sudralib kirishdi va «hittatun — gunohlarimizni afv et» deyish oʻrniga, «hintatun — arpa ber» deb aytishdi»

5-bob Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad, marhamatli boʻlingiz, yaxshi amallarga buyuringiz va joqillardan yuz oʻgiringiz!»

«Al-Urf» — «yaxshi amallar» maʼnosida

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Uyayna ibn Hisn Madinaga kelib, jiyani Hur ibn Qaysning uyiga tushdi. Hur ibn Qays xalifa Umar raziyallohu anhuning yaqin kishilaridan erdi, chunki Hazrat Umar qorilarni yaxshi koʻrar, ularni xoh yosh, xoh keksa bulsin, doim majlis va mashvaratlariga taklif qilib, suhbat qurar erdilar. Hur ibn Qays ham qorilardan biri erdi. Uyayna ibn Hisn Hurga «Ey jiyani, sening Hazrat Umar oldida hurmating bor, huzurlariga kirishga ijozat olib bergin!» — dedi. Hur ibn Qays «Men sizga ijozat olib beraman»,— deb vaʼda qildi. Hur amakisiga Hazrat Umardan ijozat soʻradi, ul kishi kirishga ijozat berdilar. Uyayna Hazrat Umar huzurlariga kirgandan soʻng «Ey Ibn al-Xattob, siz bizga katta-katta hadyalar bermayapsiz, bizga nisbatan adolat birlan hukm qilmayapsiz!»—dedi. Hazrat Umar qattiq gʻazablanib, uni jazolashga qasd qildilar. Hur ibn Qays Hazrat Umarga «Ey moʻminlar amiri, Oллоh taolo oʻz paygʻambariga «Marhamatli boʻlingiz, yaxshi amallarga buyuringiz va johillardan yuz oʻgiringiz!» — degandur, Uyayna ersa, ana shunday johillardan»,— dedi. Xudo haqi, Hur bu oyatni tilovat qilganida Hazrat Umar Oллоh taoloning qavliga bosh egib, oʻzlarini bosdilar. Hazrat Umar Oллоh taoloning Kitobi oldida taʼzim etuvchi kishi erdilar»

Abdullohu ibn Zubayr «Oллоh taolo «Marhamatli boʻlingiz, yaxshi amallarga buyuringiz» degan oyatini odamlar axloqi xususida nozil qildi»,— deydilar.

Abdulloh ibn Zubayr «Oллоh taolo oʻz paygʻambariga insoniy fazilat (axloq) boʻlmish kechirimlilikka odat qilmoqni amr qildi»,— deydilar.

«AL-ANFOL» SURASI.

«Sizdan oʻljalar haqida soʻraydilar, aytingizki, oʻljalar Oллоh va uning rasulnikidur. Bas, Oллоhdan qoʻrqingizlar va oʻzaro sulh qilingizlar!».

Ibn Abbos «Al-Anfol»— «oʻljalar» degani»,— deydilar.

Qatoda «Riyhukum»—«quvvatingiz» maʼnosida»,— deydilar («Al-Anfol» — 1-oyat, «riyhukum» — 46-oyat)

«Nofila»— «oʻlja» demakdur.

Saʼid ibn Jubayr bunday deydilar: «Men Ibn Abbosdan «Anfol» surasi haqida soʻradim, u kishi «Bu sura Badrda nozil boʻlgan»,— dedilar».

«Ash-Shavkat»— «tig`» (tig`li qurol) ma`nosida (7-oyat) «Murdifiyna» so`zi «ketma-ket, guruh-guruh» ma`nosida, masalan «radafaniy» yoki «ardafaniy» deyiladi, ma`no-si — «mendan keyin keldi» deganidir (9-oyat) «Zuquu» — «jisman tatib ko`ringizlar» degani, «og`izda tatib ko`ringizlar» degani ermas (14-oyat) «Fa-yarkumahu» — «toki to`plasin» ma`nosida (37-oyat) «Fa-sharrid»—«ajrat, qochir, qo`rqit» deganidir (57-oyat) «Va in janahuu» — «va agar ular moyil bo`lsalar» demakdur (61-oyat) «Yusxina» — «mag`lub etmog`i, ko`p qon to`kmog`i» deganidir (67-oyat).

Mujohid «Mukoan va tasdiyatan» (35-oyat)— «qo`llarini og`izlariga tiqib hushtak chalishdan va qarsak urishdan iborat bo`ldi» degan ma`nodadur»,— deydilar.

«Li-Yusbituuka» — «seni hibsga olmoq uchun» degani (30-oyat)

Olloh taoloning qavli: **«Darhaqiqat, Olloh taoloning dargohidagi maxluqlarning eng yomoni karu gunglar bo`lib, ular hech tushunmaslar»** (22-oyat).

Ibn Abbos bunday deydilar: «Darhaqiqat, Olloh taoloning dargohidagi maxluqlarning eng yomoni karu gunglar bo`lib, ular hech tushunmaslar» degan oyati karima Abduddor qabilasiga mansub bir guruh odamlar to`g`risida bo`lib, Olloh taolo «Ey mo`minlar, Olloh taolo birlan uning rasuli sizlarni o`zlari yaroqli (munosib) qilgan narsaga da`vat qilishsa, qabul qilingizlar va bilib qo`yingizlarki, Olloh taolo banda birlan uning qalbi o`rtasida to`siq bo`lur va albatta sizlar uning dargohiga borib to`planursizlar»,— deydi (24-oyat) «Istajiybuu» — «javob qilingizlar, qabul qilingizlar» degani, «limo yuhyikum» — «sizlarni o`zlari yaroqli (munosib) qilgan narsaga» degan ma`nodadur»

Abu Sa`id ibn al-Mu`allo raziyallohu anhu bunday deydilar: «Namoz o`qib turgan erdim, Janob Rasululloh yonimdan o`tib ketayotib meni chaqirdilar. Men namozimni tugatgunimga qadar oldilariga bormadim, keyin namozimni tugatib bo`lib, qoshlariga borgan erdim, menga: «Chaqirganimda huzurimga kelmog`ingga nima monelik qildi, axir Olloh taolo «Ey mo`minlar, Olloh taolo birlan uning rasuli sizlarni.. da`vat qilishsa, qabul qilingizlar (javob beringizlar)!» — «deb aytgan-ku!» — dedilar. So`ng, yana : «Men senga masjididan chiqmasimdan burun Qur`ondagi eng buyuk surani o`rgatib qo`yaman»,— dedilar-da, masjididan chiqmoqchi bo`lib ilgari yurdilar, shunda men ul zotga o`zlari menga aytgan gaplarini eslatdim».

Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sahobalaridan biri o`shal eng buyuk sura xususida so`zlab: «Bu yetti oyatdan iborat «Fotiha» surasidir»,— deydilar.

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Parvardigoro, agar bu (Qur`on) haqiqatan ham sening Kitobing bo`lsa, ul holda bizga osmondan tosh yog`dirgil yoki boshqa biror dardli azob yuborgil!» (32-oyat)

Ibn Uyayna bunday deydilar: «Olloh taolo Qur`onda «matar» deganda, faqat (o`zi osmondan nozil qiladigan) azobni nazarda tutadi, arablar buni «gays» deyishadi. Masalan, Olloh taolo. «Ular noumid qilingach, (tepalaridan) gays (balo, azob) yuboradigan uning (Olloh taoloning) o`zidir»,— deydi».

Anas ibn Molik bunday deydilar: «Abu Jahl: «Parvardigoro, agar bu (Qur`on) haqiqatan

ham sening Kitobing bo'lsa, ul holda bizga osmondan tosh yogdirgil yoki boshqa biror dardli azob yuborgil!»—dedi. Shunda Olloh taolo «(Ey Muhammad), siz oralarida bo'la turib, Olloh taolo hargiz ularga azob bermas va Olloh taolo ular istigfor aytgan holda hargiz ularga azob berguvchi ham ermas, Olloh taolo qaysi amallari uchun ularga azob bermasin?! Vaholanki, ular o'zlari mutavallisi bo'lmasalar-da, musulmonlarning Al-Masjid ul-Haromga kirib ibodat qilmoqlariga monelik qilurlar, uning mutavallilari bo'lsa, faqat taqvodor kishilardurlar, lekin ularning ko'plari buni fahmlamaslar» degan oyati karimasini nozil qildi (33— 34- oyatlar).

2-bob. Olloh taoloning qavli: «(Ey Muhammad), siz oralarida bo'la turib, Olloh taolo hargiz ularga azob bermas va Olloh taolo ular istig'for aytgan xolda hargiz ularga azob berguvchi ham ermas»

Anas ibn Molik bunday deydilar: «Abu Jahl: «Parvardigoro, agar bu (Qur'on) haqiqatan ham sening Kitobing bo'lsa, ul holda bizga osmondan tosh yogdirgil yoki boshqa biror dardli azob yuborgil!» — dedi. Shunda Olloh taolo «(Ey Muhammad), siz oralarida bo'la turib, Olloh taolo hargiz ularga azob bermas va Olloh taolo ular istigfor aytgan holda hargiz ularga azob berguvchi ham ermas, Olloh taolo qaysi amallari uchun ularga azob bermasin? Vaholanki, ular... musulmonlarning Al-Masjid ul-Haromga kirib ibodat qilmoqlariga monelik qilurlar...» degan oyati karimasini nozil qildi».

Olloh taoloning qavli: «Dunyoda fasod qolmaguncha va din butkul Olloh taolo uchun bo'lmaguncha ularga qarshi urush qilingizlar!» (39- oyat)

Nofi' raziyallohu anhu bunday deydilar: «Bir kishi Ibn Umar raziyallohu anhuning qoshlariga kelib: «Ey Abu Abdurrahmon, Olloh taolo o'z Kitobida «Agar ikki toifa mo'minlar urushsalar...» deb zikr qilganini eshitmaganmisiz, Olloh taolo o'z Kitobida zikr qilgani kabi urush qilmog'ingizga nima monelik qiladi?»—dedi. Ibn Umar: «Ey jiyanim, bu oyatning hukmiga uchib urush qilmayman, bu oyatning hukmiga uchganimdan ko'ra, Olloh taoloning «Kimki bir mo'minni qasddan o'ldirsa...» degan oyatiga rioya qilganim afzal!»—dedilar. Boyagi odam: «Axir, Olloh taolo «Fitna (fasod) qolmaguncha ularga qarshi urush qilingizlar!» deb aytgan-ku?!—dedi. Ibn Umar: «Janob Rasulullohning zamonlarida shunday qilganmiz, u vaqtda Islom hali zaif erdi, agar kishi o'z dini xususida fitna qilsa, uni yo o'ldirar yoki kishanband qilishar erdi. Hozir ersa, Islom mustahkamlandi, endi fitna sodir bo'lmaydi»,— dedilar. Ibn Umarning o'z fikrlaridan qaytmayotganlarini ko'rgan boyagi odam: «Ali va Usmon haqida fikringiz qanday?»— dedi. Ibn Umar: «Ali va Usmon xususida nima ham derdim, sizlar afv qilmoqdan bosh tortganlaringizda Olloh taolo Usmonni mag'firat qilgan erdi, Ali xususiga kelsak, u Janob Rasulullohning amakilarining o'g'li va kuyovlaridur»,— dedilar-da, qo'llari birlan ishora qilib: «Mana bu ko'rib turganingiz uylari bo'ladi»—deb aytdilar».

Sa'id ibn Jubair rivoyat qiladilar «Ibn Umar huzurimizga chikdilar, shunda bir kishi «Fitnaga qarshi urush qilmoq xususida fikringiz qanday?» —deb u kishidan so'radi. Ibn Umar «Sen fitnaning nima erkanligini bilasanmi o'zi? Muhammad sallallohu alayhi va sallam mushriklarga qarshi urush qilgan erdilar, mushriklarga qo'shilmoqlikning uzi fitnadur, ul zotning qilgan urushlari sizlarning mol-mulk uchun qilgan urushlaringiz kabi emasdur!» — dedilar».

Ikki yuz (kofirni) mag'lub qilurlar» degan oyati karimasini nozil qildi. Olloh taolo ularning

jihodga hozirligini yengillashtirish birlan birga sabr-toqatini ham kamaytirdi, jihodga hozirligini qancha yengillashtirgan bo'lsa, sabr-toqatini ham shunchalik kamaytirdi (ya'ni, ilgari oyatda bir musulmon o'nta kofirni mag'lub etmog'i farz qilingan bulsa, keyingi oyatda Oллоh taolo bir mo'minning ikki kofirni mag'lub etmog'ini farz qilib, musulmonlarga yengillik tug'dirdi)»

3-bob Oллоh taoloning qavli: «Ey nabiy sallallohu alayhi va sallam, siz mo'minlarni jihodga qiziqtingiz, agar sizlardan yigirmata sabrli mujohid bo'lsa, ular ikki yuz (kofirni) mag'lub qilurlar va agar sizlardan yuzta mujohid bo'lsa, ular kofirlardan ming kishini mag'lub qilurlar, chunki ular (kofirlar) befahm qavmdurlar» (65- oyat)

Ibn Abbas raziyallohu anhu bunday deydilar: «Oллоh taoloning «agar sizlardan yigirmata sabrli mujohid (jihod qiluvchi) bulsa, ular ikki yuz (kofirni) mag'lub qilurlar» degan oyati karimasi nozil bo'lganda bir musulmonning o'n kofirga bas kelmog'i taqdir qilindi. Sufyon «yigirmata (sabrli) mujohid bo'lsa, ular ikki yuz (kofirni) mag'lub qilurlar» degan oyat nozil bo'ldi, keyin «Endi Oллоh taolo sizlarga yengillik tug'dirdi» degan oyati karima (66-oyat) nozil bulib, yuz musulmonning ikki yuz kofirni mag'lub etmog'i taqdir qilindi» — deb ko'p marta aytar erdilar. Sufyon «mo'minlarni jihodga qiziqtingiz, agar sizlardan yigirmata sabrli mujohid bo'lsa» degan oyati karima nozil buldi» — deb ham ko'p takrorlar erdilar. Sufyon va Ibn Shubruma «mo'minlarni jihodga qiziqtingiz» degan qavl xususida so'zlab «Shu kabi amri ma'ruf va nahiy munkar qilmoqligimiz lozim, deb hisoblayman»,— deyishadi.

«BAROAT» SURASI

«Valiyjatan» (16- oyat) — «bir narsaning ichiga kiritilgan har qanday narsa (ya'ni, maxfiy tutilgan narsa), «ash-shuqqatu» (42-oyat) — «safar», al-xabol» (47-oyat)— «fasod» («o'lim» degan ma'nosi ham bor), «va lo taftinniy» — «meni haqorat qilma, meni urishma, menga tahdid qilma» (49- oyat), «karhan» va «kurhan» bir ma'noda bulib, «noxush, istamay» (53-oyat) deganidir. «Mudaxxalan» (57-oyat) — «bosh suqadirgan, berkinadirgan joyni», «yajmahuuna» (57- oyat) — «yugurishib ketadilar», «al-mu'tafikot» (70- oyat) — «chappa qilingan, ostin-ustin qilingan (shaharlar)», «adn» (72-oyat)— «abadiy, hamisha turadirgan», «al-xavolif» (87- oyag) — «xonanishin, uyda o'ltiradigan xotinlar», «al-xayrotu» (88- oyat) — «yaxshiliklar, afzalliklar», «murjavna» (105-oyat)—«orqaga surildilar, kechiktirildilar», «shafo» (108-oyat)— «qirg'oq, lab», «juruf» (108-oyat)—«ariq, soy», «hor» (108-oyat)—«o'pirilgan» «lavvohun» (114-oyat) — «achinuvchi, rahmdil» degan ma'nodadir. Agar quduq buzilib keqa, «quduq o'pirilib ketdi» deyiladi»

1-bob Oллоh taoloning qavli: «Oллоh taolo va uning rasuli tarafidan sizlar ila shartnoma tuzgan mushrik qabilalarga nafrat e'lon qilinur!» (1- oyat)

«Azonun» (2- oyat) — «e'lon» demakdur.

Ibn Abbas bunday deydilar: «Uzunun» (61- oyat) — «rost so'zlaydi» ma'nosida, «tutahhiruhum va tuzakkiyhim biho» (103-oyat) har ikkalasi bir ma'noda bo'lib, «pok qilursiz» deganidir. Zakot — toat va ixlosdur, chunki zakot bermasalar, Oллоh taolodan bo'lak tangri yo'qligiga shahodat keltirmagan bo'ladilar «Yuzohiuna» — «o'xshaydilar»

(30-oyat)»

Barro raziyallohu anhu bunday deydilar: «Eng keyin nozil boʻlgan oyat — «Sendan fatvo soʻraydilar, sen ularga: «Olloh taolo sizlarga kimsasiz qolganlar xususida fatvo berur» — deb aytgil» degan oyatdur va eng keyin nozil boʻlgan sura — «Baroat» surasidir».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Endi, ey mushriklar, bu mamlakatda toʻrt oy yurib olinglar va bilinglarki, sizlar Olloh taoloni ojiz (zaif) qilolmassizlar, Olloh taolo kofirlarni albatta rasvo qilguvchi zotdur!» (2- oyat)

«Siyhoo» — «yuringlar» deganidir.

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Abu Bakr raziyallohu anhu meni («Hajjat ul-Vidoʻ» dan oldingi) oʻsha haj vaqtida ikki jarchiga bosh qilib joʻnatdilar. Ular Nahr kuni Minoda turib «Kelasi yili mushrik haj qilmaydi, yalangʻoch odam Baytullohni tavof etmaydi» deb ovoza qilmoqlari lozim erdi».

Humayd ibn Abdurrahmon bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Yaʻlo ibn Abu Tolibni ulovlariga mingashtirib oldilar-da, unga «Baroat» surasini eʻlon qilmoqni amr qildilar».

Abu Hurayra: «Nahr kuni Hazrat Ali ham biz birlan birgalikda Mino ahliga «Baroat» surasini eʻlon qilib, «Kelasi yili mushrik haj qilmaydi, yalangʻoch odam Baytullohni tavof etmaydi» deb jar soldilar»,— deydilar.

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Va (bu oyatlar) buyuk haj kunida Olloh taolo birlan uning rasuli tarafidan odamlarga (qilingan) eʻlondurki, Olloh taolo va uning rasuli mushriklardan bezordur (nafratlanur), bas agar sizlar tavba qilsangizlar, bu oʻzingizga yaxshidur va agar bosh torqangizlar, bilingizlarki, sizlar Olloh taoloni ojiz (zaif) qilolmassizlar, (ey Muhammad), kofirlarga dardli azob borligidan darak beringiz!» (3- oyat)

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Abu Bakr raziyallohu anhu meni oʻsha haj vaqtida ikki jarchiga qoʻshib joʻnatdilar. Ular Nahr kuni Minoda turib «Kelasi yili mushrik haj qilmaydi va yalangʻoch odam Baytullohni tavof etmaydi» deb ovoza qilmoqlari lozim erdi».

Xumayd ibn Abdurrahmon bunday deydilar: «Janob Rasululloh Yaʻlo ibn Abu Tolibni ulovlariga mingashtirib oldilar-da, unga «Baroat» surasini eʻlon qilmoqni amr qildilar».

Abu Hurayra: «Nahr kuni Hazrat Ali ham biz birlan birgalikda Mino ahliga «Baroat» surasini eʻlon qilib, «Kelasi yili mushrik haj qilmaydi va yalangʻoch odam Baytullohni tavof etmaydi» deb jar soldilar»,— deydilar.

Olloh taoloning qavli: **«Mushriklardan sizlar birlan shartnoma tuzganlarningina (muhatlarini poyoniga yetkazingiz)» (3- oyat)**

Humayd ibn Abdurrahmon bunday deydilar: «Abu Bakr raziyallohu anhu Hajjat ul-Vidoʻdan ilgarigi haj vaqtida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Kelasi yili mushrik

haj qilmaydi va yalang'och odam Baytullohni tavof etmaydi» deb odamlarga e'lon qilmoqni amr qilgan kishilarga Abu Hurayrani ham qo'shib jo'natdilar».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Qasamlariga vafo qilmagan kufr rahnamolariga qarshi urush qilingizlar!» (12- oyat)

Zayd ibn Vahb rivoyat qiladilar: «Biz Huzayfaning huzurlarida erdik. Shunda ul kishi: «Bu oyat ashoblaridan faqat uch kishi, munofiqlardan ersa, faqat to'rt kishi qoldi, xolos»,— dedilar. Bir badaviy: «Sizlar Muhammad sallallohu alayhi va sallamning bizlarga xabar berguvchi ashoblarisizlar, uylarimizni vayron qiluvchi va qimmatbaho mol-dunyomizdan o'g'irlovchi anavilarning oqibati ne bo'lg'ay, bilmagaymiz»,— dedi. Huzayfa: «Ular fosiqdurlar, ha, to'g'ri, ulardan faqat to'rttasigina qoldi, xolos. Ulardan biri keksayib qolgan bo'lib, agar sovuq suv ichsa, o'sha zahotiy oq qayt qiladi»,— dedilar».

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Oltin va kumush to'plab, uni Oллоh taolo yo'lida sarf qilmaydirganlarga dardli azob borligidan darak beringiz!» (34- oyat)

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qiyomat kuni qaysi biringizningdir to'plagan boyligingiz boshi silliq ilonga aylanadi»,— dedilar».

Zayd ibn Vahb rivoyat qiladilar: «Men Abu Zarrning yonidan o'tib ketayotib, unga: «Bu yerga qo'nganingizning boisi nedur?» — dedim. Abu Zarr: «Shomga borgan erdik»,— dedi. Men «Oltin va kumush to'plab, uni Oллоh taolo yo'lida sarf qilmaydirganlarga dardli azob borligidan darak beringiz!» degan oyatni tilovat qildim. Muoviya: «Bu oyat bizning xususimizda ermas, kitob ahllari to'g'risidadur»,— dedi. Men «Bu oyat bizning hamda ularning haqidatur»,— dedim».

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ul kuni to'plagan boyliklari jahannam o'tida qizdirilib, peshonalari, ikki biqinlari hamda orqalariga bosiladi va «Uzlaringiz uchun g'amlagan boyligingiz mana shu-dir! Endi, g'amlagan boyligingizning mazasini bir totib ko'ringiz-chi!» deyiladi» (35- oyat)

Xolid ibn Aslam bunday deydilar: «Abdulloh ibn Umar qoshimizga chiqib: «Bu (ya'ni, yuqoridagi) oyat zakot haqida oyat nozil bo'lmasidan ilgarigi oyatdur, zakot haqidagi oyat nozil qilingach, Oллоh taolo zakotni mol-dunyoni halollovchi (poklovchi) vosita qildi»,— dedilar».

7-bob. Oллоh taoloning qavli: «Haqiqatan ham oylarning soni Oллоh taolo qoshida o'n ikki oydur, Oллоh taolo Kitobida, osmonlar birlan yerni yaratgan kundan e'tiboran, ulardan to'rttasi muqaddas oylardur» (36- oyat)

«Al-Qayyimu» (36- oyat) — «to'g'ri, haqiqiy» degan ma'noda.

Abu Bakra bunday deydilar: «Rasululloh salallohu alayhi va sallam: «Zamon osmonlar birlan yer yaratilgan kundagidek (bir maromda) almashinib (aylanib) turibdi. Yil o'n ikki oydan iboratdur, ulardan to'rttasi muqaddas bo'lib, uchtasi ketma-ket keladi, bular —

zulqa'da, zul-hijja va muharram oylaridur, bittasi, ya'ni rajab oyi jumodiy birlan sha'bon oylari oralig'ida»,— dedilar».

8-bob. Oллоh taoloning qavli: «... ular ikkalasi g'orda erkanliklarida, ul yo'ldoshiga: «Xafa bo'lma, Oллоh taolo biz birlandur!» — deb aytganida...» (40-oyat)

Abu Bakr raziyallohu anhu bunday deydilar: «Biz, ya'ni Janob Rasululloh va men ikkalamiz gorda (mushriklardan qochib berkinib olgan) erdik, men mushriklarning izlarini ko'rib: «Yo Rasulalloh, agar ulardan birortasi (gorga) qadam qo'yganida, bizni ko'rib qolgan bo'lur erdi!»—dedim. Janob Rasululloh: «(Bu yerda) ikkimiz yolgiz, deb xayol qildingmi, uchinchimiz Oллоh taoloning o'zidur!» — dedilar».

Ibn Abu Mulayka rivoyat kiladilar: «Ibn Abbos birlan Abdulloh ibn Zubayr o'rtalarida kelishmovchilik yuz berganda, Ibn Abbos Abdulloh ibn Zubayr xususida: «Uning otasi Zubayr ibn Avvom, onasi Asmo binti Abu Bakr, xolasi Oisha raziyallohu anho, buvisi ersa Safiyyadur» — deb aytdim»,— deydilar».

Roviy Abdulloh ibn Muhammad bunday deydilar: «Men Sufyondan mazkur hadisning isnodini so'raganimda, ul kishi: «Ibn Jurayj bizga hadis rivoyat qildi, shu asnoda bir odam Ibn Jurayjning xayolini bo'ldi, natijada u hadisning isnodini aytishni unutdi»,— dedi» (Mazkur hadisning ma'nosi mujmalroq bo'lib, Ibn Abbosning Abdulloh ibn Zubayr haqidagi ta'riflari bilangina kifoyalanadi. Aslida voqea mana bunday bo'lgan erdi: xalifa Muoviya vafot etgandan so'ng, uning o'rniga o'g'-li Yazid ibn Muoviya o'ltirdi. Ammo, Abdulloh ibn Zubayr unga bay'at qilmadi. Yazid ibn Muoviya o'lgandan keyin ersa, Abdulloh ibn Zubayr o'zini xalifa deb e'lon qildi. Hijoz, Misr, Iroq, Xuroson va Shom aholisining ko'pchiligi unga bay'at qildi. Bu vaqtda Muhammad ibn Ali ibn Abu Tolib va Abdulloh ibn Abbos Imom Husayn vafotlaridan buyon Makkada yashashar erdi. Abdulloh ibn Zubayr ularning ikkalalarini ham o'ziga bay'at qilmoqqa da'vat qildi. Lekin, Ibn Abbos va Ibn Ali: «Biz, toki butun aholi birlashib, yagona xalifalik barpo qilinmas erkan, biror xalifaga bay'at qilmasmiz!» — deb bundan bosh tortishdi. Shunda ko'pgina kishilar ularning bu fikriga qo'shilishdi. Bundan g'azablangan Ibn Zubayr ularni hibsga oldi. Buning xabari Kufani ishg'ol qilib, ul yerdagi hokimiyatni o'z qo'liga olgan Muxtor ibn Abu Ubaydga yetgach, u Ibn Zubayrga qarshi qo'shin tortib borib, Ibn Abbos birlan Muhammad ibn Alini ozod qildi, so'ng Ibn Zubayrga qarshi urush qilishga ulardan izn so'radi. Ammo, ular bunga rozilik berishmadi. Xuddi ana shu vaqtda Ibn Abbos Abdulloh ibn Zubayrning nasabini ta'riflab, unga qarshi urush qilmoqning gunoh erkanligini aytgan erdilar).

Ibn Abu Mulayka rivoyat qiladilar: «Ibn Abbos birlan Ibn Zubayr oralarida kelishmovchilik yuz bergan erdi. Shunda men Ibn Abbosning huzurlariga borib «Ibn Zubayrga qarshi urush qilmoqchimisiz? Oллоh harom qilgan narsani halol qilmoqchimisiz?» — dedim. Ibn Abbos bunday dedilar: «Xudo saqlasin! Oллоh taolo harom qilingan narsani halol qilmoqlikni Ibn Zubayr birlan Banu Umayyaga taqdir qilgan. Oллоh taologa qasamyod qilurmanki, men parvardigor harom qilgan narsani hech qachon halol qilmasman. Odamlar menga «Ibn Zubayrga bay'at qilingiz»— deyishdi. Shunda men «Ibn Zubayr xalifalikka munosib kishi. Uning otasi Zubayr ibn Avvom Janob Rasulullohning doimiy dastyorlari bo'lgan, onasi Asmo — «Zotun-nitoq» (ya'ni, Janob Rasulullohning hijrat qilmoqlari uchun hozirlangan yo'l jihozlari birlan yeguliklar solingan

qopning ogʻzini bogʻlashga narsa topilmaganda, Asmo belbogʻlarini uzib, uning ogʻzini bogʻlaganlar. Shunda Janob Rasululloh Asmoni «Zotun-nitoq» — «Kamarbasta, kamarband» deb ataganlar), xolasi — moʻminlarning onasi Oisha, ammasi — paygʻambarimizning xotinlari Xadicha, buvisi ersa paygʻambarimizning ammalari boʻlmish Safiyyadur» — deydim. Ibn Zubayrning oʻzi xususiga kelsak, u islomda sobitqadam va Qurʻon qorisidir. Banu Umayya haqida soʻzlrydirgan boʻlsak, ular qarindosh boʻlgani uchungina men birlan bordi-keldi qilurlar. Meni Banu Umayya tarbiya qilgan boʻlsa ham, ularning saxovatli, fazilatli kishilari tarbiya qilgan. Ibn Zubayr ersa Banu Tavit, Banu Usoma va Banu Humayd qabilalarini Banu Umayyadan ustun qoʻydi, natijada Abdulmalik ibn Marvon gʻolibona yurish qilib, Ibn Zubayr dumini xoda qilib qochdi».

Ibn Abu Mulayka rivoyat qiladilar: «Biz Ibn Abbosning huzurlariga kirdik. Shunda Ibn Abbos bunday dedilar: «Ibn Zubayrning qilayotgan ishini koʻrmaysizlarmi? Men Ibn Zubayrni yoʻlga solish uchun jon-jahdim birlan kurashdim, Abu Bakr va Umar xalifalik qilishganda bul qadar jon kuydirmagan erdim, chunki ular Ibn Zubayrga nisbatan barcha yaxshi xislatlarga boyrok, kishilar erdilar. Men oʻzimga-oʻzim «Ibn Zubayr paygʻambarimizning ammavachchalari, Zubayr ibn Avvomning oʻgʻillari, Abu Bakrning ham (nabira) oʻgʻillari, Xadichaning jiyanlari, Oishaning ham jiyanlari-ku! Demak, Ibn Zubayr meni mensimayotir, meni oʻzining xos odamlaridan qilishni istamayotir. U meni oʻzidan uzoqlatib, yaxshi ish qilmadi. Agar Banu Umayya mening gʻamimni yeydirgan boʻlsa, yemay qoʻya qolsin, mening gʻamimni ulardan koʻra, boshqalar yegani maʼqulroqdur!» — dedim».

9-bob Olloh taoloning qavli: «... va koʻngillarini olmoq zarur boʻlgan kishilarga...» (60- oyat)

Mujohid «tuhfa (inʻom) lar birla koʻngillari olinadi»,—deydilar.

Abu Saʼid raziyallohu anhu bunday deydilar: «Nabiy sallallohu alayhi va sallamga bir narsa yuborishdi, ul zot uni toʻrt kishiga taqsimlab berdilar-da «Men ularning koʻnglini olaman»,— dedilar. Shunda bir kishi «Adolat qilmadingiz!»—dedi. Janob Rasululloh «Mana shu odamning pushtikamaridan dindan oʻq yangligʻ otilib chiqib ketuvchi qavm dunyoga keladi!»—dedilar»

10-bob. Olloh taoloning qavli: «Uz ixtiyorlari birlan sadaqa berguvchi musulmonlarni ayb qilguvchilar...»(79- oyat)

«Yalmizuuna» — «ayb qilurlar», «juhduhum» — «kuchlari» deganidir (79- oyat).

Abu Masʼud bunday deydilar: «Sadaqa qilmogʻimiz amr qilinganda, biz hammollik (qilib topgan pulimizdan sadaqa) qilur erdik. Abu Uqayl yarim soʻ, boshqa bir kishi undan koʻproq sadaqa qildi. Shunda munofiqlar «Olloh taolo boydur, u manavi birlan anavining qilgan sadaqasiga zor ermasdur, bularning qilgan ishi riyokorlikdan boshqa narsa ermas!» — deyishdi. Shundan soʻng, Olloh taolo «Uz ixtiyorlari birlan sadaqa berguvchi musulmonlarni ayb qilguvchilar hamda oʻz kuchidan boʻlak narsaga ega boʻlmaganlarni» degan oyati karimani nozil qildi».

Abu Masʼud al-Ansoriy bunday deydilar: «Janob Rasululloh sadaqa qilmogʻimizni amr

qilur erdilar. Ba'zi birimiz bir muddgacha sadaqa qilmoqqa muvaffaq bo'lur erdik. Bugun ersa, ayrimlarimizda yuz ming pul bo'lib, go'e o'zini ko'rsatmoqchi bo'ladi»

11-bob Oллоh taoloning qavli: «Siz ular uchun xoh mag'firat talab qiling va xoh talab qilmang, (baribir befoyda) va agar siz yetmish marta ular uchun mag'firat talab qilsangiz ham, Oллоh taolo sira ularni mag'firat qilmagay...» (80- oyat).

Abdulloh Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, otasini kafanlamoq uchun ul zotning ko'ylaklarini so'radi. Janob Rasululloh unga ko'ylaklarini berdilar. Keyin, Abdullohning o'gli ul zotdan otasiga janoza o'qimoqlarini iltimos qildi. Janob Rasululloh janozaga bormoqchi bo'lib o'rinlaridan turgan erdilar, Hazrat Umar ham turib, ul zotning kiyimlaridan ushladilar-da: «Yo Rasulalloh, rabbingiz unga janoza o'qimogingizni man' qilgan bo'lsa ham, unga janoza o'qiysizmi?» — dedilar. Janob Rasululloh. «Oллоh taolo menga tanlash ixtiyorini berib, «Siz ular uchun xoh magfirat talab qiling va xoh talab qilmang, (baribir befoyda) va agar siz yetmish marta ular uchun magfirat talab qilsangiz ham, Oллоh taolo sira ularni magfirat qilmagay ..» deb aytgandur, men yetmish martadan ham oshirgayman, chunki u munofiqdur»,.— dedilar. So'ng, ul zot Abdulloh ibn Ubayga janoza o'qidilar Shunda, Oллоh taolo «Ulardan (ya'ni, munofiqlardan) birortasi o'lsa, hech qachon unga janoza o'qimangiz va qabri tepasiga bormangiz!» degan oyati karimasini (84- oyat) nozil qildi».

Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu bunday deydilar: «Abdulloh ibn Ubay ibn Salul vafot etganda, Janob Rasulullohni unga janoza o'qimoqqa chaqirishdi. Ul zot janozaga hozirlanganlarida, men. «Yo Rasulalloh, Abdulloh ibn Ubayga janoza o'qiysizmi, axir u falon kuni shunday va shunday gaplarni aytib erdi-ku?»—dedim. Janob Rasululloh tabassum qildilar-da, so'ng ko'p gapirib yuborganimdan bezor bo'lib: «Ey Umar, nariroq turgil!» — dedilar. Keyin, yana: «Menga tanlash ixtiyori berilgan, men tanladim. Agar uning uchun yetmish martadan ziyod magfirat talab qilsam, Oллоh taolo uni magfirat qilmogini bilganimda erdi, yetmish martadan ko'proq talab qilgan bo'lur erdim!»—deb aytdilar. Janob Rasululloh unga janoza o'qib bo'lib, endigina yo'lga tushib erdilar hamki, «Baroat» surasining quyidagi ikki oyati nozil bo'lib qoldi-«Ulardan birortasi o'lsa, hech qachon unga janoza o'qimangiz va qabri tepasiga bormangiz. .» («ular fosiqdurlar» degan qavligacha) Keyin, men Janob Rasulullohga e'tiroz bildirmoqqa jur'at qilganimdan taajjublelanib yurdim. Oллоh taolo va uning Rasuli eng bilguvchidir!».

12-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ulardan birortasi o'lsa, hech qachon unga janoza o'qimangiz va qabri tepasiga bormangiz...» (84- oyat)

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Abdulloh ibn Ubay vafot qilganda, uning o'gli Abdulloh ibn Abdulloh Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga keldi, ul zot unga o'z ko'ylaklarini berib, otasini shu birlan kafanlamoqni amr qildilar. Keyin, Abdulloh ibn Ubayga janoza o'qimoqchi bo'lib o'rinlaridan turib erdilar, Hazrat Umar kiyimlaridan ushlab: «Yo Rasulalloh, u munofiq bo'lsa ham janoza o'qiysizmi, axir Oллоh taolo ular uchun magfirat talab qilmogingizni man' qilgan-ku!»—dedilar. Janob Rasululloh: «Oллоh taolo menga tanlash ixtiyorini bergan (yoki xabar bergan) va «Siz ular uchun xoh magfirat talab qiling va xoh talab qilmang, (baribir foydasiz) va agar siz ular uchun yetmish marta magfirat talab qilsangiz ham, Oллоh taolo ularni sira magfirat qilmagay» deb aytgan. Men uning uchun yetmish martadan ziyod magfirat talab qilgayman»,— dedilar. So'ng, ul zot Abdulloh ibn Ubayga janoza o'qidilar, biz ham birga

o'qidik. Keyin, Oллоh taolo «Ulardan birortasi o'lsa, hech qachon unga janoza o'qimangiz va qabri tepasiga ham bormangiz, chunki ular Oллоh taolo birlan uning rasuliga kofir bo'ldilar va fosiqliklaricha o'ldilar» degan oyati karimasini nozil qildi».

13-bob. Oллоh taoloning qavli: «Sizlar ulardan yuz o'girmoq bo'lib (g'azotdan) ular tomon qaytganingizda, endi ular huzurlaringizda Oллоh taologa qasam ichurlar, ulardan yuz o'giringizlar, chunki ular nopokdurlar va ularning joyi jahannamdurki, (bu) qilmishlari uchun jazo bo'lsin!» (95- oyat)

Abdulloh ibn Ka'b Tabuk gazotidan qolib ketgan Ka'b ibn Molikning bunday deb aytganlarini eshitgan erkanlar: «Xudo haqi, Oллоh taolo meni islomga hidoyat qilgandan keyingi ne'matlarning eng ulug'i Janob Rasulullohga bo'lgan sadoqatimdur, agar ul zotga o'zgaralar singari yolg'on vaj ko'rsatganimda erdi. Oллоh taolo «Sizlar ulardan yuz o'girmoq bo'lib (g'azotdan) ular tomon qaytganingizda, endi ular huzurlaringizda Oллоh taologa qasam ichurlar, ulardan yuz o'giringizlar, chunki ular nopokdurlar va ularning joyi jahannamdurki, (bu) qil-mishlari uchun jazo bo'lsin! (95-oyat). Ular sizlarni o'zlaridan rozi qilmoq uchun huzurlaringizda qasam ichurlar, agar sizlar ulardan rozi bo'lsangizlar ham, Oллоh taolo fosiq qavmdan rozi bo'lmas! (96-oyat)» degan oyatlarini vahiy qilib yuborganda yolg'on so'zlab halok bo'lganlar yanglig' halok bo'lgay erdim».

14-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ular sizlarni o'zlaridan rozi qilmoq uchun huzurlaringizda qasam ichurlar, agar sizlar ulardan rozi bo'lsangizlar ham, Oллоh taolo fosiq qavmdan rozi bo'lmas!» (96- oyat). «Va boshqa bir qancha kishilar bordurlarki, ular o'z gunoxlarini e'tirof qildilar va amali solihlarini hamda boshqa yomon ishlarini omuxta qildilar, shoyadki Oллоh taolo ularni mag'firat qilsa, darhaqiqat Oллоh taolo mag'firatli mehribon zotdur! (102-oyat)»

Sumra ibn Jundub raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alaihi va sallam bizga bunday deb aytdilar «Bu kecha mening huzurimga ikki kishi (ikki farishta) kelib, meni uygotishdi-da, oltin va kumush g'ishtlardan bunyod etilgan bir shaharga olib borishdi. U yerda bizga yarmi sen ko'rib yurgan xushnamo odamlardan ham go'zalroq va yarmi sen ko'rib yurgan badnamo odamlardan ham xunukroq kishilar duch keldi. Hamrohlarim ularga «Boringizlar, anavi daryoga tushib cho'milib chiqingizlar!»— deyishdi. Ular daryoda cho'milib chiqqach, qiyofalaridagi badnamolik yo'qolib, juda go'zal surat kasb etishdi. Hamrohlarim menga «Bu — Adn jannatidur, anavi ersa, sening joyingdur»,— deyishdi. So'ng «Ammo yarmi go'zal va yarmi badnamo qavm xususiga kelsak, ular amali solihlarini hamda boshqa yomon ishlarini omuxta qilgan kishilar bo'lib, Oллоh taolo ularni mag'firat qilgandur» — deb aytishdi».

15-bob. Oллоh taoloning qavli: «Payg'ambar va boshqa mo'minlarning mushriklar uchun mag'firat talab qilmoqligi durust emasdur...» (113- oyat)

Sa'id ibn Musayyab otalaridan nakl qiladilar: «Ulim to'shagida yotgan Abu Tolibning huzurida erkanligimda Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kirib keldilar. Abu Jahl va Abdulloh ibn Abu Umayya ham shu yerda erdi. Payg'ambar alayhissalom «Ey amaki, «Lo iloha illalloh» deb kalima keltiringiz, bu Oллоh taoloning dargohida siz uchun mag'firat talab qilmog'im uchun zarurdur! — dedilar. Abu Jahl va Abdulloh ibn Abu Umayya ersa, Abu Tolibga «Ey Abu Tolib, Abdulmuttalib millatidan yuz o'girasizmi?» —

deyishdi. Janob Rasululloh «Agar Oллоh taolo siz uchun magʻfirat talab qilmogʻimni rad etmasa, albatta siz uchun magʻfirat talab qilgayman» — dedilar. Shunda Oллоh; taolo «Paygʻambar va boshqa moʻminlarning mushriklar uchun, garchi ular qarindoshlari boʻlsa-da, doʻzaxiy erkanliklarini bila turib magʻfirat talab qilmoqlari durust ermasdur» (113-oyat) deb vahiy nozil qildi.

16-bob Oллоh taoloning qavli: «Darhaqiqat, Oллоh taolo paygʻambarga hamda ul muhojiru ansorlarga mehribonlik qildiki, ular oʻzlariga mansub bir firqaning alblari buzilay deganda yuz bergʻan qiyinchilik onlarida paygʻambarga itoat etdilar, keyin Oллоh taolo ularga mehribonlik qildi, darhaqiqat u ularga mushfiq mehribondur!» (117-oyat)

Abdulloh ibn Kaʻb rivoyat qiladilar: «Men Kaʻb ibn Molikning «Ul keyinga qoldirilgan uch kishiga ham» degan oyat xususidagi hadislarini eshitdim. Ul kishi oʻz hadislarining oxirida «Uzimning magfirat qilinganim uchun Oллоh taolo va uning rasuli yoʻlida molimdan sadaqa qilmogim lozim»,— dedilar. Janob Rasululloh «Baʻzi molingni olib qolgin, bu oʻzing uchun yaxshidir»,— dedilar».

Oллоh taoloning qavli: **«(Oллоh taolo) ul keyinga qoldirilgan uch kishiga ham mehribonlik qildiki, ularga bunga qadar keng yer yuzi tor boʻlgan va jonlari siqilgan erdi va ular oʻzlariga Oллоh taolodan oʻzga panoh yoʻq, deb bilgan erdilar, keyin Oллоh taolo ular tavba qilsinlar, deb ularga mehribonlik qildi, darhaqiqat Oллоh taolo tavba qabul qilguvchi mehribon zotdur!»** (118-oyat)

Abdulloh ibn Kaʻb ibn Molik otalaridan nakl kiladilar: «Men Oллоh taolo afv etgan uch kishidan biri boʻlmish otam Kaʻb ibn Molikning Rasululloh sallallohu alayhi va sallam boʻlgan gazotlarning, Tabuk va Badr gazotlaridan tashqari, birortasidan qolmaganliklarini eshitganman. Otam bunday deb erdilar: «Men tong otgach, Janob Rasulullohga bor haqiqatni aytmoqqa jazm qildim. Ul zot, odatda, safardan ertalab qaytar va dastlab masjidga kirib ikki rakʻat namoz oʻqir erdilar. Janob Rasululloh odamlarga men va ikki sherigim (Hilol va Murora) birlan gaplashmoqni manʻ qildilar, lekin bizdan boʻlak gazotdan qolganlar birlan soʻzlashmoqni manʻ qilmadilar. Odamlar biz birlan gaplashmay qoʻyishdi. Bu ahvol uzoq davom etib, men hatto oʻlmogimni afzal koʻrdim Lekin, agar oʻlsam, Janob Rasululloh menga janoza oʻqimaydilar yoki oʻzlari vafot etib qolsalar, men oʻshal yolgʻon vaj koʻrsatganlar qatorida qolib ketib, biror kishi men birlan soʻzlashmaydi ham, oʻlsam, janoza oʻqimaydi ham, deb choʻchidim. Nihoyat, Oллоh taolo tunlardan birining oxirgi uchdan bir qismi qolganda bizni afv etganligi xususida oʻz rasuliga vahiy nozil qilib qoldi, shunda ul zot Ummu Salamaning huzurlarida erdilar. Ummu Salama men birlan yaxshi munosabatda boʻlib, menga yordam qilib turar erdilar. Janob Rasululloh: «Ey Ummu Salama, Kaʻb afv qilindi»,— dedilar. Ummu Salama: «Uning huzuriga odam yuborib, xushxabardan voqif qilayinmi?»—dedilar, Janob Rasululloh: «Agar odamlar sizlarni bezovta qilib, kechening qolgan qismidagi uyquni buzmogini istasangizlar, mayli»,— dedilar. Keyin, Janob Rasululloh bomdod namozini oʻqib boʻlgach, Oллоh taoloning bizni afv etganini namozxon-larga eʻlon qildilar. Odatda, ul zot bashorat qilsalar. yuzlari oy parchasidek qizarib, tovlanib ketar erdi. Janob Rasululloh qoshlarida kechirim soʻraganlarning uzrini qabul qilib, biz gazotdan qolgan uch kishiga nisbatan hukm chiqarmoqni Oллоh taoloning oʻziga havola qildilar. Oллоh taolo biz uch kishining tavbasini qabul qilganligi haqida vahiy nozil qilib hamda gazotdan qolgan boshqa kishilar-ning yolgʻon vaj koʻrsatib, Janob Rasulullohni aldaganini zikr qilganda ul

zot shul haqda gapirdilar va bizning afv etilganimizni bashorat qildilar, ammo biror kishi bu haqda lom-mim demadi. Oллоh taolo subhonahu bunday dedi: «Ular sizlarning qoshlaringizda uzr ayturlar, ularning oldiga (gazotdan) qaytganingizda «Uzr so`ramangizlar, biz hargiz sizlarga ishonmagaymiz, Oллоh taolo bizga sizlar haqingizda ma`lum qilgandur, Oллоh taolo birlan uning rasuli sizlarning amallaringizni ko`rgay va keyin sizlar goibiy va oshkor narsalarni bilguvchi zotning dargohiga qaytarilgaysizlar, bas ul sizlarga qilib turgan ishlaringizni ma`lum qilgay» deb aytingiz!» (94-oyat)».

17-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey mo`minlar, Oллоh taolodan qo`rqingizlar va rostgo`ylar birlan bo`lingizlar!» (119- oyat)

Abdulloh ibn Ka`b ibn Molik rivoyat qiladilar: «Men Ka`b ibn Molikning Tabuk g`azotidan qolgan kezlarida bunday deb aytganlarini eshitdim: «Xudo xaqi, men Oллоh taolo biror kishini rostgo`yligi uchun baloga giriftor qilganini bilmayman, Janob Rasulullohga shul haqda aytganimdan buyon hozirgi kunga qadar yolg`on gapirmoqqa qasd qilmaganim Oллоh taoloning meni baloga giriftor qilganidan afzaldur! Oллоh taolo o`z rasuli sallallohu alayhi va sallamga «Darhaqiqat, Oллоh taolo payg`ambarga hamda ul muhojiru ansorlarga mehribonlik qildiki...» («rostgo`ylar birlan bo`lingizlar» degan qavligacha, 117,118,119- oyatlar) degan oyati karimasini nozil qildi».

18-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey insonlar, sizlarga o`zlaringizdan bo`lmish payg`ambar keldi, sizlar tortgan kulfat unga og`irdur, u sizlarga nihoyatda yaxshilikni ravo ko`rguvchi bo`lib, mo`minlarga mushfiq mehribondur» (128-oyat)

Payg`ambarimiz sallallohu alayhi va sallamga vahiy kelganda yozib oluvchilardan biri bo`lmish Zayd ibi Sobit al-Ansoriy raziyallohu anhu bunday deydilar: «Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu Yamoma ahli qilgan qotillik sababidan menga odam yuborganlarida huzurlarida Xazrat Umar o`ltirgan erdilar. Abu Bakr menga: «Hazrat Umar huzurimga kelib: «Yamoma qotilligi sodir bo`lgan kuni Qur`on qorilarining bir qanchasi o`ldirildi, agar qorilar shul tariqa qirilib ketaversa, Qur`onning ko`p qismi unutilib ketmasa erdi, deb qo`rqaman. Shul boisdan Qur`on (suralarini) jamlab kitob qildirsangiz!» — dedi. Men: «Janob Rasululloh qilmagan ishni men qanday qilgum?» — dedim. Xazrat Umar: «Oллоh taolo haqi, bu xayrli ishdur!» — deb mendan qayta-qayta iltimos qilaverdiki, hatto Oллоh taolo Umarning qalbini moyil qilgan ishga mening qalbimni ham moyil qilib qo`ydi va men Umarning fikriga qo`shildim. (Ey Zayd), sen aqlli yigiqan, shul vaqtga qadar biror ayb qilganingni bilmaymiz, sen Janob Rasulullohga kelgan vahiy larni yozib olur erding, endi Qur`on (suralarini qorilardan) surishtirib topib, jamlagil!» — dedilar. Men: «Oллоh taolo haqi, menga Qur`onni jamlamoqdan ko`ra biror tog`ni turgan yeridan boshqa joyga ko`chirib qo`ymoqni buyursangiz, osonroq bo`lur erdi, axir Janob Rasululloh qilmagan ishni sizlar qanday qilib uddalagaysizlar?!» — dedim. Abu Bakr Siddiq: «Oллоh taolo haqi, bu xayrli ishdur!» — deya iltimos qilmoqlarini qo`ymadilar, hatto Oллоh taolo Abu Bakr Siddiq birlan Hazrat Umarning qalblarini moyil qilgan ishga mening ham qalbimni moyil qilib qo`ydi va men Hazrat Umarning fikrlariga qo`shilib, Qur`onning xurmo yaproqlariga, teri parchalariga, sopol va yassi toshlarga bitilgan hamda qorilar zehnda saqlangan oyat va suralarini surishtirib topib, jamlashga kirishdim. «Tavba» surasining «Ey insonlar, sizlarga o`zlaringizdan bo`lmish payg`ambar keldi, sizlar tortgan kulfat unga og`irdur, u sizlarga nihoyatda yaxshilikni ravo ko`rguvchi bo`lib» degan oyati birlan undan keyingi oyatni Xuzaymadan topdim, ularni o`zgalardan topmagan erdim. Qur`on jamlangan

sahifalar, avval Abu Bakr Siddiqning, ul kishi vafot etganlaridan so'ng, Hazrat Umarning, ul kishi vafot etganlaridan keyin, (Hazrat Umarning) qizlari Hafsaning qo'llarida saqlandi».

«YUNUS» SURASI

Ibn Abbos bunday deydilar: «Fa-xtalata» (24- oyat) — «har turli (giyohlar) suv bilan undi», «Qoluu «Ittaxa-zallohu valadan, subhonahu huval-g'aniyyu» (68- oyat) — «Kofirlar «Ollohning bolasi bordur»,— deyishdi, vaholanki Olloh taolo boydur, uning bunga hech ehtiyoji yo'qdur» degan ma'nodadur»

Zayd ibn Aslam bunday deydilar «Anna lahum qadama sidqin» (2- oyat) degani «Muhammad sallallohu alayhi va sallam» demakdur»

Mujohid bunday deydilar: «Xayrun» (58- oyat) deganda o'shal oyatlar, ya'ni Qur'on hukmlari nazarda tutiladi «hatto izo kuntum fil-fulki va jarayna bihim (22-oyat) «hattoki sizlar kemalarda bo'lursizlar va yurur kemalar ular ila» degan jumladagi «ular ila» «sizlar ila» demakdur. «Da'vohum» (10-oyat)—«duolari», «uhiyta bihim» (22-oyat)—«halokat yoqasiga yaqin bordilar», «fa-atba'ahum» (90-oyat)—«va orqalaridan keldi», «advan» (90- oyat) — «dushmanlik qilmoq bo'lib» degan ma'nodadur. «Va lav yu'ajjilullohu lin-nosish-sharras-ti'jolahum bil-xayri la quziya ilayhim ajaluhum» (11-oyat)—«Va agar Olloh taolo odamlar yaxshilikni shoshib (oshiqib) talab qilganlari kabi ularga yomonlikni tezdan yuborsa erdi, ularning hayotlari muddati tamom qilinur erdi» degan ma'noda bo'lib, agar inson farzandidan yoki biror boshqa yaqin kishisidan g'azablanganida «Parvardigoro, unga muruvvat qilmagaysan, uni la'natlagaysan!» deb qarg'asa-yu, Olloh taolo tezdan ijobat qiladigan bo'lsa, ul holda ularning hayotlari muddati tamom qilingan bo'lur erdi. «Lillaziyna ahsanuul-husno va ziyodatun» (26-oyat) — «Yaxshilik qilganlar uchun yaxshilik (yaxshi maqom) va ham mag'firat bordur» degan ma'nodadur».

Boshqa bir tafsirchi «Ziyodatun» (26- oyat) — «Olloh taoloning diydoriga boqmoqlikdur»,— deyidilar.

Olloh taoloning qavli: «Va biz Banu Isroilni daryodan o'tkazdik, Fir'avn birlai uning lashkarlari zulm va dushmanlik qilmoq uchun ularning ortlaridan keldi va g'arq bo'la boshlagan vaqtida: «Men Banu Isroil iymon keltirgan tangridan bo'lak tangri yo'q, deb iymon keltirdim va men musulmonlardanman»,— dedi» (90- oyat)

«Nunajjiyka» (92- oyat) — «Seni baland yerga (tepalikka) chiqarib tashlagaymiz» deganidir.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallalpoahu alayhi va sallam yahudiylar Oshuro ro'zasini tutayotgan vaqtda Madinaga keldilar. Shunda ular «Bu kun Muso alayhissalom Fir'avn ustidan zafar topgan kundur»,— deyishdi. Janob Rasululloh sahobalariga «Sizlar Muso alayhissalomga ulardan ham haqliroqdursiz-lar, Oshuro ro'zasini tutingizlar!»—dedilar»

HUD ALAYHIS-SALOT VAS-SALOM SURASI

Ibn Abbos «Asiybun» (77 oyat) — «Og'ir, qattiq», «Lo jarama» (22-oyat)— «albatta» degan ma'nodadur»,— deydilar.

Boshqa bir tafsirchi «Va hoqa» (8- oyat) — «Va o'rab (qamrab) olur» degan ma'nodadur»—deydilar.

Mujohid bunday deydilar: «Fa-lo tabtais» (36-oyat) — «Xafa bo'lma», «Yasnuuna suduurahum» (5- oyat) — «Haq xususida shak va bo'hton qilmoqlik»dur. «Li-yastaxfuu minhu» (5- oyat) — «Olloh taolodan yashirinmoq uchun» deganidur»

Abu Maysara «Avvohun» (75- oyat) habashcha so'z bo'lib, «rahimdil» demakdur»,— deydilar.

Ibn Abbos «Bodiyar-ra'yi» (27-oyat)—«Bizga ko'ringan, bizga tuyulgan narsa»,— deydilar.

Mujohid «Al-Juudiyuu» (44-oyat)— «(Ibn Umar) jaziyrasidan, ya'ni shu nom bilan ataluvchi Suriyadagi shahardan taxminan 40 km shimoli sharqqa joylashgan tog'»,— deydilar.

Hasan: «Innaka la-antal-haliymu» (87- oyat) — «Albatta, sen sabr-toqatlidursan» deyish bilan Shu'aybni qavmi masxara qildi»,— deydilar.

Ibn Abbos: «Aqli'iy» (44-oyat)—«to'xta», «asiybun» (77-oyat)— «og'ir, qattiq», «lo jarama» (22-oyat) — «albatta», «Va forat-tannuuru» (40- oyat) — «Suv otilib chiqdi» degan ma'nodadur»,— deydilar.

Ikrima: «A-lo innahum yasnuuna suduurahum li-yastaxfuu minhu, a-lo hiyna yastag'shuuna siyobahum ya'lamu mo yusirruuna va mo yu'linuuna, innah aliymun bi-zotis-suduuri» (5- oyat) — «Ogoh bo'linsin, ular Olloh taolodan yashirinmoq bo'lib uning xususida shak va bo'hton qilurlar, ogoh bo'linsin, ular kiyimlari bilan boshlarini yopib olganlarida Olloh taolo ularning maxfiy va oshkora qilib turgan narsalarini bilib turur, ul albatta dillar sirlarini bilguvchi zotdur» degan oyat butun yer yuzi (ahliga) qaratilgandur»,— deydilar.

Boshqa bir tafsirchi: «Va hoqa» (8-oyat)—«Va o'rab (qamrab) olur, (boshiga) falokat bo'lib tushur» degan ma'noda»,— deydilar.

Mujohid «Fa-lo tabtais» (36- oyat) — «Xafa bo'lma», «Yasnuuna suduurahum» (5-oyat) — «Haq xususida shak va bo'hton qilmoqlik», «Li-yastaxfuu minhu» (5-oyat) — «(Agar qo'llaridan kelsa), Olloh taolodan yashirinmoq uchun» deganidur»,— deydilar.

Muhammad ibn Ubod ibn Ja'far Ibn Abbosning «A-lo innahum yasnuuna suduurahum...» deb qiroat qilayotganlarini eshitib, shu oyat xususida so'rabdilar. Ibn Abbos: «Odamlar hojatga borishsa ham, xotinlari bilan jimo' qilishsa ham uyalishib osmonga qarashar erdi, shunda ushbu oyat o'shalar haqida nozil bo'lgan»,— debdilar.

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

Hazrat Umar bunday deydilar: «Ibn Abbos «A-lo innahum yasnuuna suduurahum...» deb qiroat qildi».

Boshqa bir roviy bunday deydilar: «Iastag`shuuna» (5- oyat) — «boshlarini yopadilar», «Si`a bihim» (77- oyat) — «qavmidan xafa bo`ldi», «va zoqa bihim» (77- oyat) — «ulardan (xafa bo`lib) yuragi siqildi», «bi-qit`in minal-layli» (81- oyat) — «kechqurun», «uniybu» (88- oyat) — «qay-turman» degan ma`nodadur».

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Uning Arshi suv ustida erdi» (7- oyat)

Abu Hurayra razilllohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Oллоh azza va jalla: «Nafaqa qil (ehson qil), men ham senga nafaqa qilgayman!»—deydi. Oллоh taoloning qo`li ne`matlarga to`la bo`lib, kecha-kunduz uni bandalariga in`om qilgani birlan sira kamaymagay. Ko`rdingizmi, Oллоh taolo osmon(lar) birlan yerni yaratgandan buyon qo`lidagi ne`matlaridan qancha in`om qilmasin, zarracha kamaygani yo`q! Uning Arshi suv ustida erdi va qo`lida tarozu bo`lib, uni dam tushirib, dam ko`tarib turadi».

«I`taroka» (53-oyat)—«senga ziyon-zahmat yetkazibdi», «Oxizun bino siyatiho» (56-oyat)—«Biz uning mulki bo`lib, tamoman uning hukmi ostidamiz», «aniydun» (59- oyat) — «jabr-zulm qilguvchi, sarkash», «ista`marakum» (61-oyat)— «sizlarni joylashtirdi», «nakirahum» (69- oyat) — «ulardan yoqiradi, ularni tan olmadi», «hamiy-dun majiydun» (73- oyat) — «ta`rif etilgan ulug` zotdur», «sijjiyl» (82-oyat)—«sopoltoshlar» degan ma`nodadur. Tamim ibn Muqbil bunday degan"

«Hamak yorganlari yanglig` tuxumlarni uvol aylab, Ururlar qancha bo`lsa, tandagi bor kuchlarin to`plab, Bu qadar kuch birla hech kim otolmaydi sopoltoshni, Pahlavonlar uchun bu bir muammoli erur matlab». «Va ila Madyana axohum Shu`ayban» (84- oyat) — «Va biz birodarlari Shu`aybni Madyan ahliga yubordik», «varoakum zihriyyan» (92-oyat)—«unga e`tibor bermadingizlar», «aroziluno» (27- oyat) — «tubanlarimiz, pastlarimiz», «ijromiy» (35-oyat)—«gunohlarim», «al-fulk» (37-oyat) — «kema», «majroho» (41- oyat) — «yurishi, suzishi», «mursoho» (41- oyat) — «to`xtashi» degan ma`nodadur

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va guvohlar: «Mana shulardurlar parvardigorlari xususida yolg`on so`zlaganlar»,— deb ayturlar, eshitingizlar, Oллоh taoloning la`nati zolimlarga bo`lsin...» (18- oyat)

«Al-Ashhodu» (18- oyat) — «guvohlar», birligi — «shohid».

Safvon ibn Muhriz bunday deydilar: «Ibn Umar tavof qilib turganlarida bir kishi kelib: «Ey Abu Abdurrahmon (balkim, «Ey Ibn Umar» deb aytgandur), Janob Rasulullohning Oллоh taolo birlan banda o`rtasida bo`ladirgan o`zaro (yuzma-yuz) suhbat haqida ne deganlarini eshitganmisiz?» — deb so`radi. Ibn Umar: «Men Janob Rasulullohning bunday deganlarini eshitganman»,— dedilar: «Mo``min banda o`z rabbiga shul qadar yaqin borgaydurkim, hatto ul oraga pardasini tashlab olgay-da, «Bunday va bunday gunoh ishlaringni e`tirof qilasanmi?»—deb bandasini o`z aybiga iqror qildirgay. Banda:

«Yo rabbim, ha, men e'tirof qilurman!» — deb ikki bor aytgay Oллоh taolo. «Men sening o'shal gunoh ishingni ul dunyoda yashirgan erdim, endi bugun uni mag'firat qildim!»— degay. So'ng, o'shal bandaning amali solihlari sahifasi varaqlab chiqiladi. Ammo, qolganlar (yoki kofirlar) guvohlar tomonidan «Mana shulardurlar parvardigorlari xususida yolg'on so'zlaganlar» deb ovoza qilinadi».

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Parvardigoringizning jazosi mana shundaydur, agar u zolimlik qilgan mamlakatni jazolasa, jazosi nihoyatda dardlidir» (102-oyat)

«Ar-Rifdul-marfuudu» (99-oyat)—«qilingan yordam», «tarkanuu» (113-oyat)—«moyil bo'ldilar», «fa-lav-lo-kona» (116-oyat)—«bas, nimauchun bo'lmadi?», «utrifuu» (116-oyat) — «aysh-ishratga berildilar» degan ma'nodadur.

Ibn Abbos: «Zafiyrun va shahiyqun» (106-oyat) — «qattiq va past ovoz»,— deydilar.

Abu Muso raziyallohu taolo anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oллоh taolo agar zolimga jazo bersa, uning osongina qutilib ketishiga yo'l qo'ymay, albatta umrini uzaytiradi»,— dedilar, so'ng «Parvardigoringizning jazosi mana shundaydur, agar u zolimlik qilgan mamlakatni jazolasa, jazosi nihoyatda dardlidir» degan oyati karimani qiroat qildilar».

4-bob Oллоh taoloning qavli: «Va (ey habib), ado qilingiz namozni kunduzning har ikki tarafida (ya'ni, erta-yu kech namozi bomdod, peshin va asrni) va tunning ba'zi hissalarida (ya'ni, tunning dastlabki soatlarida shom va xuftonni), albatta yaxshiliklar ketkizur yomonliklarni, bu so'z nasihatdur nasihat qabul qilguvchilar uchun» (114-oyat)

«Va zulafan» (114-oyat)— «(tunning boshlang'ich) soatlarida» degan ma'noda bo'lib, hojilar to'qqizinchidan o'ninchiga o'tar kechasi tunaydirgan «Muzdalifa» degan joy nomi shundan olingandur.

Ibn Mas'ud raziyallohu taolo anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi bir xotindan qiblaning qaysi tomonda erkanligini so'rayotgan erdi, shu payt Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelib qoldilar-da, unga qiblani ko'rsatib qo'ydilar Shunda ul zotga «Va (ey habib), ado qilingiz namozni kunduzning har ikki tarafida va tunning ba'zi hissalarida, albatta yaxshiliklar ketkizur yomonliklarni, bu so'z nasihatdur nasihat qabul qiluvchilar uchun» degan oyati karima nozil bo'ldi. Boyagi kishi: «Bu oyat mening xususimdami?» — dedi. Janob Rasululloh: «Shu oyatga amal qilgan ummatim uchun»,— dedilar»

YUSUF ALAYHIS-SALOT VAS-SALOM SURASI

Mujohid: «Muttakaan» (31-oyat) — «Al-Utrujju», ya'ni «limon» degani»,— deydilar. Fuzayl: «Al-Utrujju» habash tilida «limon» demakdur» — deydilar. Ibn Uyayna: «Al-Muttakaan — pichoq birlan kesilgan har qanday narsadir»,— deydilar. Ibn Abbos: «Tufanniduuni» (94-oyat) — «Meni johil deb bilasizlar, meni nodon deb bilasizlar» degan ma'nodadur»,— deydilar. Boshqa bir mufassir bunday deydilar: «G'ayoba» (15-oyat) — «qa'r», «Al-Jubb» (15-oyat) — «quduq», «bi-mu'minin lano» (17-oyat) — «bizga ishonmaysiz», «ashadduhu» (22-oyat)— «kamoliga (etganda)», «asbu» (33-oyat) —

«moyil bo'lrman», «azg'osu ahlomin» (44- oyat) — «ta'birsiz, ta'biri noma'lum tushlar», «namiy-ru» (65-oyat)—«g'alla, ozuqa keltiraylik», «va nazdodu kayla ba'iyirin» (65-oyat) — «yana bir tuya g'alla keltirurmiz», «ovo ilayhi» (69- oyat) — «o'z yoniga oldi, o'z yonidan joy berdi» «as-siqoya» (70- oyat) — «suvidish», «istay'asuu» (80-oyat) — «noumid bo'ldilar», «va lo tay'asuu min ruhil-lohi» (87-oyat)—«va noumid bo'lmangizlar Olloh taoloning rahmatidan», «xalasuu najiyyan» (80-oyat)— «alohida bir yerga borishib maslahatlashib o'tirishdi», «tafta'u» (85- oyat) — «hamisha (istaysan)» degan ma'nodadur». Qatoda: «La-zu ilmin» (68-oyat) — «Ilmiga amal qilguvchi» deganidir»,— deydilar. Ibn Jubayr: «Suvo'» (72-oyat)— «forslarda qo'llanilgan o'lchov idishi bo'lib, undan (suv yoki boshqa biror ichimlik) ichishgan», deydilar.

1-bob Olloh taoloning qavli: «... va butun qilur o'z in'omini sanga va Ya'qub avlodiga qam chunoniki butun qilib erdi uni ikki bobong bo'lmish Ibrohim va Ishoqga» (6- oyat)

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Saxovatli saxovatlining o'g'li, saxovatlining o'g'li saxovatlining o'g'li, Yusufdur Ya'qubning o'g'li, u ersa Ishoqning o'g'li, u ersa Ibrohimning o'g'li».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, Yusuf va uning birodarlari qissalarida savol qilguvchilar uchun ishora (alamat)lar bordur» (7- oyat)

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan: «Qanday odam qadrliroq?»—deb so'rashdi. Ul zot: «Odamlarning Olloh taoloning dargohidagi eng qadrlisi — eng taqvodoridur»,— dedilar. Ular: «Sizdan bu haqda so'rayotganimiz yo'q»,— deyishdi. Ul zot: «Odamlarning eng saxovatlisi (eng olijanobi) — (Ibrohim) xalilulloh o'g'li (Ishoq) nabiyullohning farzandi bo'lmish (Ya'qub) nabiyullohning o'g'li Yusuf nabiyullohdur»,— dedilar. Ular yana: «Sizdan bu haqda ham so'rayotganimiz yo'q»,— deyishdi. Ul zot: «Mendan eng olijanob xulqli arablar xususida so'rayotirsizlarmi?»—dedilar. Ular: «Ha»,— deyishdi. Ul zot: «Agar bilsangizlar, johiliyat davridagi eng yaxshiigiz — islomdagi eng yaxshingizdur»,— dedilar».

3-bob. Olloh taoloning qavli: «(Ya'qub) dedi: «Io'q, balki bu dillaringizning sizlar uchun ziynatlab bergan bir tadbiridur, endi sabr (qilmog'im) yaxshiroqdur» (18- oyat)

«Savvalat» (18- oyat) — «ziynatlab» demakdur.

Ubaydulloh ibn Abdulloh; Janob Rasulullohning zavjalari Oisha onamizdan naql qiladilar: «Tuhmatchilar Oisha onamiz xususlarida ogizlariga kelgan gaplarni aytib, igvo qilganlarida ul muhtarama onamizni Olloh taoloning o'zi (oyat nozil qilib) oqladi. «Ushanda,— deydilar Oisha onamiz,— mening haqimda har kim turli gaplarni aytdi. Janob Rasululloh: «Agar pokdomon bo'lsang, seni Olloh taoloning o'zi oqlaydi, basharti gunoh qilgan bo'lsang, Olloh taologa istigfor aytgil, unga tavba qilgil!» — dedilar. Men: «Xudo haqi, Abu Yusuf qissasidagi «Endi sabr (qilmog'im) yaxshiroqdur, sizlarning bu tuhmatlaringizdan xalos bo'lmog'im uchun Olloh taolodangina madad tilarman» degan gapdan bo'lak o'zimga biror taskin topolmayman»,— dedim. Keyin, Olloh taolo

«Sizlardan bir guruh tuhmat qilgan kishilar...» deb boshlanadigan o'nta oyat nozil qildi».

Masruq rivoyat qiladilar: «Oisha onamizning validai muhtaramalari Ummu Rumon bunday deydilar: «Bir mahal men va Oisha birga o'ltirib erdik, Oishaning a'zoi badanini titroq bosdi». Janob Rasululloh: «Siz uning haqidagi gaplarni aytib berganingiz uchun shunday bo'layotgandur?» — dedilar. Ummu Rumon: «Ha» — deb aytdilar. Oisha o'ltirdi-da: «Men birlan sizlar Ya'qub birlan uning o'g'illariga o'xshaysizlar»,— dedi, so'ng «... yo'q, balki bu dillaringizning sizlar uchun ziynatlab bergan bir tadbiridir, endi sabr (qilmog'im) yaxshiroqdur, sizlarning bu tuhmatlaringizdan xolos bo'lmog'im uchun Oллоh taolodangina madad tilarman» degan oyati karimani aytdi».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va o'ziga moyil qilmoqchi bo'ldi uni o'zidan behud qilib ul xotin, vaqtiki ul uning uyida erdi va yopdi eshiklarni va dedi: «Yaqin kel!» (23- oyat)

Ikrima: «Hayta laka» (23- oyat) — havronliklar tilida «Yaqin kel!» deganidir»,— deydilar (Havron Shomdagi bir mavze). Ibn Jubayr: «Hayta laka»—«Beri kel!» demakdur»,— deydilar.

Abdulloh ibn Mas'ud: «Qolat hayta laka» (23- oyat)— «Dedi: «Yaqin kel!» degan jumlaning biz bilganimizcha o'qiyamiz»,— deydilar. «Masvoya» (23-oyat)—«maskanim», «va alfayo» (25- oyat)— «topdilar» degan ma'nodadir.

Abdulloh raziyallohu taolo anhu bunday deydilar: «Quraysh qabilasi islomga kirmay Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga sarkashlik qilganlarida, ul zot: «Yo parvardigoro, Yusuf alayhissalom qavmiga yetti yil qurg'oqchilik yuborganing kabi bularga ham yetti yil qurg'oqchilik yuborgaysan!» — deb duoi bad qildilar. Shunda Quraysh qurg'oqchilik balosiga giriftor qilinib, hamma narsa qurib bitdi, hatto ular suyaklarni ham yeyishdi, kishi osmonga tikilsa, o'zi birlan osmon oralig'i tutun bo'lib ko'rinadigan bo'lib qoldi. Oллоh taolo «Osmon aniq bir tutun keltiradigan kunni kutgil!», «Darhaqiqat, biz bu azobni bir oz yengil qilurmiz, albatta sizlar yana qaytguvchidursizlar» deb vahiy nozil qildi. Qiyomat kuni ularga beriladigan azob yengil bo'larmikan?! Mana, «Osmon aniq bir tutun keltiradigan kun» ham, «qattiq jazolab (urib) qasos olinadigan kun» ham bo'lib o'tdi»

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «(Yusufning) qoshiga elchi kelganda, (Yusuf) unga: «Xo'jani huzuriga qayt, undan so'ragilki, qo'llarin kesgan xotirlarning hollari nechuk erkan, darhaqiqat mening rabbim ularning makrlarin yaxshi bilir»,— dedi. (Podshoh) xotirlarga: «Yusufni o'zidan behud qilib, o'z-laringizga moyil qilmoqchi bo'lgan vaqtingizda ne ahvolda erdingizlar?» — dedi. (Xotirlar): «Xudo pokdur! Biz Yusufning yomonligini bilmadik»,— deyishdi (50—51- oyatlar)

«Hosha lillohi» (51-oyat)—«Xudo pokdur», «Hosha» — «poklik, soflik» degan ma'nodadir.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Oллоh taolo Lut alayhissalomni rahmat qilsin! Ul kishi kuch-qudratga

tayanar erdilar. Agar men Yusuf alayhissalom singari zindonga tushib qolsam-u, oldimga birov yuring, deb chaqirib kelsa, darhol ko'ngan bo'lur erdim. Biz Ibrohim alayhissalomdan ko'ra haqliroqmiz, chunki (Olloh taolo): «Yoki ishonmadingizmi?»— deganda, ul kishi: «Ha, ishondim, lekin qalbim taskin topsin!»—deb aytganlar».

6-bob Olloh taoloning qavli: «Shunga qadarki, noumid bo'ldilar payg'ambarlar (110- oyat)

Ibn Shihob raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Urva ibn Zubayr Oisha onamizga- «Shunga qadarki, noumid bo'ldilar payg'ambarlar» degan oyatdagi so'z «kuzibuu» deb o'qilgaymi yoki «kazibuu» deb o'qilgaymi?»—dedi. Oisha onamiz unga: «Kazibuu» deb o'qiladi»,— dedilar. Urva: «Payg'ambarlar o'z qavmlarining aldaganliklariga amin bo'lganlar, bu gumon emas»,— dedi. Oisha onamiz: «Ha, hayotim haqi, ular bunga amin bo'lganlar!» — dedilar. Urva. «Ular gumon qilgan bo'lsalar-chi!»—dedi. Oisha onamiz: «Olloh o'z panohida asrasin, payg'ambarlar (o'z qavmlaridan gumon qilganlar), parvardigorlaridan emas!» — dedilar. Urva: «Unday bo'lsa, bu oyatning mazmuni qanday?»—dedi. Oisha onamiz: «Ul qavmlar parvardigorga iymon keltirib, payg'ambarlarga ishonib ergashgan kishilardur. Keyin, ular uzoq vaqt balolarga giriftor qilinib, hadeganda ularga Olloh taolodan najot bo'lmagach, payg'ambarlar: «Qavmimiz bizga yolg'on va'da bergan erkan-da, (shu boisdan Ollohdan najot bo'lmayotir)»—deb gumonsiraganlar. Shunda Olloh taoloning najoti (madadi) yetib kelgandur»,— dedilar».

AR-RA'D SURASI

Ibn Abbos bunday deydilar: «Ka-bositi kaffayhi» (14- oyat) — «ikki kaftin (hovuchin) suvga uzatgan odam kabi», ya'ni Olloh taolodan bo'lak ma'budga ibodat qilgan mushrik bo'lib, u uzoqdan turib suvga termulgan chanqoq kishiga o'xshaydi, harchand turgan yeridan suvga hovuchin uzatmasin, baribir icholmaydi».

Boshqa bir mufassir bunday deydilar: «Saxxara» (2- oyat) — «rom qildi, bo'ysundirdi», «mutajoviro» (4- oyat) — «bir-biriga yaqin», «al-masulot» (6- oyat) — «azob-uqubatlar», «mu'acqibot» (11- oyat) — «Olloh taolo tarafidin har bir bandaga hamroh qilib qo'yilgan farishtalar bo'lib, ular uni kuzatib, himoya qilib hamda a'mollarini yozib yururlar», «robiyan» (17-oyat)—«ko'pikni», «av ma-to'in zabadun misluh» (17- oyat) — «yoki (biror ma'danni) asbob (yasamoq uchun o'tga qo'yganda) ham suv ko'pigi kabi ko'pik hosil bo'lur», «jufoan» (17- oyat) — «qurib (bug'lanib ketar)», ya'ni agar qozondagi suv qaynayversa, oxiri qurib ko'pik qoladi, keyin u ham foydasiz havoga uchib ketib, hech vaqo qolmaydi, Olloh taolo haqdan botilni ana shu tariqa ajratib (farqlab) oladi. «Al-Mihod» (18- oyat) — «joy», «yadrauuna» (22- oyat) — «daf qilurlar», «salomun alay-kum» (24- oyat), ya'ni «Sizlarga salomatlik bo'lsin, derlar», «va ilayhi matobiy» (30-oyat) — «ungadur tavbam», «a fa-lam yay'as?» (31-oyat)—«ma'lum, ravshan bo'lmadimi», «qori'atun» (31-oyat)—«balo», «fa-amlaytu» (32-oyat) — «uzaytirdim, cho'zdim, ya'ni muhlat berdim», «ashaqu» (34- oyat) — «qattig'roq», «mu'acqib» (41- oyat) — «keyinga surguvchi o'zgartirguvchi».

Mujohid bunday deydilar: «Mutajoviro» (4- oyat) — «(erlarning) yaxshisi ham, yomoni ham (sho'rxoki ham) yonma-yon», «sinvonun» (4-oyat)—«ildizi bir bo'lgan ikki yoki undan ortiq xurmo daraxti», «va g'ayru sinvonin» (4- oyat) — «ildizi bir bo'lmagan xurmo daraxtlari bo'lib, ildizi bir bo'lgan xurmo daraxtlari kabi bir xil suv va bir xil

havodan ozuqalanurlar. Bu otasi bir bo'lgan solih (yaxshi) va yomon odamzodga o'xshaydi», «as-sahobas-siqola» (12-oyat) — «(bag'rida suvi bor) og'ir bulutlarni», «kabositi kaffay-hi» (14-oyat) — «tili birlan uzoqdagi suvga tamshanadi, qo'lini unga cho'zadi, ammo sira ham icholmaydi», «fa-solat avdiyatun bi-qadariho» (17-oyat) — «vodiyning bag'ri selga to'ldi», «zabadan robiyan» (17-oyat) — «sel ko'pigi, temir ko'pigi (kuyindisi) va sut ko'pigi»

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Olloh taolo har bir xotin ko'tarib yurgan va bachadonlar o'z ichiga yashirgan narsani yaxshi bilur» (8-oyat)

Ibn Umar raziyallohu taolo anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «G'aybning beshta kaliti mavjud bo'lib, ularni Olloh taoloning o'zigina biladi. Ertaga nima bo'lishini Olloh taolodan o'zga hech kimsa bilmas, bachadonlar o'z ichiga nimani yashirganini Olloh taolodan o'zga hech kimsa bilmas, qachon yomg'ir (yog'in) yog'ishini Olloh taolodan bo'lak biror kishi bilmas, biror kimsa qaerda o'lishini bilmas, qiyomat qachon qoim bo'lishini Olloh taoloning o'zigina bilur».

IBROHIM ALAYHIS-SALOT VAS-SALOM SURASI

Mujohid: «Sadiyd» (16-oyat) — «yiring suvi» demakdur,— deydilar.

Ibn Uyayna: «Uzkuruu ni'matallohi alaykum» (6-oyat) — «Olloh taoloning sizlarga ato etilgan ne'amtini esda tutingizlar», ya'ni "Olloh taoloning sizlarni qo'llab najot berganini hamda Olloh taoloning sizlarni dushmandan qutqargan kunlarini yodingizda tutingizlar" degan ma'nodadir", deydilar.

Mujohid bunday deydshar: «Yabg'uunaho ivajan» (3-oyat) — «uni tilgan ne'matini esda tutingizlar», ya'ni «Olloh taoloning sizlarni qo'llab najot berganini hamda Olloh taoloning sizlarni dushmandan qutqargan kunlarini yodingizda tutingizlar» degan ma'nodadir,— deydilar (Olloh taoloning to'g'ri yo'lini odamlarga) egri qilib ko'rsatadilar», «va iz taazzana rabbukum» (7-oyat) — «vaqtiki xabar berdi parvardigorlaringiz. «fa-radduu aydiyahum fi afvohihim» (9-oyat) — «qaytardilar o'z qo'llarin payg'ambarlarning og'izlariga», ya'ni so'zlay olmasinlar, deb qo'llari birlan payg'ambarlarning og'izlarini to'sdilar», «maqomiy» (14-oyat) — «mening huzurimda turishi(dan qo'rqrur)», «min varoihi» (11-oyat)— «ortidan, ya'ni bu dunyo azobidan so'ng, oldinda uni bo'yi) bargini to'kmagay va har vaqt meva berib turgay?» — dedilar. jahannam azobi kutmoqda», «lakum taba'an» (21-oyat) — «sizlarga tobi', itoatkor (erdik), madad so'rab sizlarga yolborar (erdik), «va lo xilolun» (31-oyat) — «va na do'stlik».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Ildizi sobit va shoxi osmonda bo'lgan bir yaxshi daraxtga o'xsharki, ul har vaqt meva berib turur»

Ibn Umar raziyallohu taolo anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida erdik, ul zot bizga: «Aytingizlar-chi, qaysi daraxt (doimo iymoni mustahkam va doimo amali solihlar qilguvchi) musulmon odam kabi (yil Shunda ko'nglimga «Bu xurmo daraxti bo'lsa kerak» degan fikr keldi-yu, ammo Abu Bakr Siddiq birlan Hazrat Umarning indamay turishganini ko'rib, biror so'z aytishga botinmadim. Bu savolga hech kim javob bermagach, ul zotning o'zlari: «Bu xurmo daraxtidur!»—dedilar. Janob Rasulullohning huzurlaridan tashqariga chiqqanimizda men otam Hazrat Umarga:

«Ey otajon, xudo haqi, ko'nglimga «Bu xurmo daraxti bo'lsa kerak» degan fikr kelgan erdi»,—dedim. Hazrat Umar: «Nima uchun aytmading?»— dedilar. Men: «Sizlarning indamay turganingizni ko'rib, biror so'z aytishga jur'at qilmadim»,—dedim. Hazrat Umar: «Agar aytganingda, falon va falon narsalar xususida menga yaxshiroq bo'lgan bo'lur erdi!»—dedilar».

3-bob. Ollloh taoloning qavli: «Ollloh taolo mustahkam so'z (kalimai tavid) barakatidan mo'minlarni (bu dunyoda ham, oxiratda ham) barqaror saqlar (saodatga muyassar qilur) (27- oyat)

Barro ibn Ozib rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Musulmon banda qabrda so'roq qilinsa, «Lo iloha illallohu va anna Muhammadan rasulullohi» deb shahodat aytadi. Bul xususda Ollloh taolo: «Ollloh taolo mustahkam so'z (kalimai tavid) barakatidan mo'minlarni (bu dunyoda ham, oxiratda ham) barqaror saqlar (saodatga muyassar qilur)»— deydi».

4-bob. Ollloh taoloning qavli: «Ollloh taoloning ne'matini kufrga almashtirganlarni ko'rmadingizmi?» (28-oyat)

«A lam tara?» (28- oyat), ya'ni «ko'rmadingizmi?» (bilmadingizmi?) degan ma'noda bo'lib, Ollloh taoloning boshqa suralardagi «A lam tara kayfa?», «A lam tara ilallaziyana...» degan qavllari kabitur.

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Ollloh taoloning ne'matini kufrga almashtirganlarni ko'rmadingizmi?» degan oyatdagi kishilar Makka ahlining kofir bo'lganlaridur»,— deytilar.

«AL-HIJR» SURASI

Mujoxid bunday deytilar: «Siroton alayya mustaqiyun» (41- oyat) — «Haqiqat Ollloh taologa olib boradi va uning yo'li ham xuddi shundaydur», «La-bi-imomin mubiynin» (79- oyat) — «ravshan yo'lda» demakdu r».

Ibn Abbos: «La-'amruka» (72- oyat) — «Hayotingiz haqqihurmati, qasam ichamanki...», «qavmun munkaruuna» (62- oyat) — «Lut inkor qilgan qavm» degan ma'nodadur»,— deytilar.

Boshqa bir mufassir: «Kitobun ma'luumun» (4- oyat) — . «ajal», «lav mo ta'tiyno» (7- oyat) — «bizga yubormaysanmi?» (keltirmaysanmi?), «shiya'» (10- oyat) — «jamoalar» degan ma'nodadur»,— deytilar.

Ibn Abbos: «Lil-mutavassimiyna» (75- oyat) — . «kuzatuvchilarga, ibrat oluvchilarga», «sukkirat» (15-oyat) — «(ko'zlarimiz) bog'lanibdur», «buruujan» (16- oyat) — «Quyosh va oy uchun burjlarni», «lavoqiha» (22-oyat)— «(bulutlarni) suvga to'ydirsin deb», «hama'» (26- oyat) — «qora loy», «masnuun» (26- oyat) — «qo'yilgan», «lo tavjal» (53- oyat) — «qo'rqma», «dobira» (66- oyat) — «oxiri, tomiri», «La-bi-imomin mubiynin» (79- oyat), «al-imom — seni to'g'ri yo'ldan ergashtirib boruvchi, to'g'ri yo'lga solib quyuvchi har bir narsa», «as-sayhatu» (83- oyat) — «halokat», «illo man-

istaraqas-sam'a fa-atba'ahu shihobun mubiynun» (18-oyat)—«magar ulki, o'g'rincha eshitib qochsa, uning orqasidan ravshan shu'la tushur» degan ma'nodadur»,— deydilar

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Olloh taolo osmonda biror ishni hukm qilsa, maloikalar itoatkorona qanotlarini qoqgaylar». Hazrat Ali va boshqalar: «Shul xususda Olloh taoloning quyidagi qavli mavjud»,— deydilar: «(Olloh taolo osmondan sodir qilgan ovozning) qo'rqinchi (farishtalar) dillaridan yo'qolib, ular taskin topganlaridan so'ng, bir-birlariga: «Rabbingiz ne dedi?» — derlar. (Shunda): «Haqiqatni (aytdi) va ul eng buyuk ulug' zotdur!» — derlar». «Bu gapni,— deydilar Sufyon,— biri ikkinchisidan balandda turgan osmondagi gap poylovchi o'g'rincha eshitib olib, pastroqdagi sherigiga yetkazmoqchi bo'lganida, orqasidan bir shu'la tushib, uni kuydirib yuboradi yoki bo'lmasa, u sherigiga yetkazib ulguradi, sherigi ersa, o'z navbatida o'g'rincha eshitib olgan gapga yuz turli yolg'on-yashiq gaplarni qo'shib, yerdagi sohir og'ziga yetkazadi. Odamlar ersa sohirga: «Sen falon va falon kunlarda unday va bunday bo'ladi, deb aytib erding, darhaqiqat osmondan eshitgan gaping to'g'ri bo'lib chikdi»,— deyishadi»

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Va albatta hijrliklar payg'ambarlarni: «Yolg'onchilar»,— deyishdi» (80- oyat)

Abdulloh ibn Umar raziyallohu taolo anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hijrga kelgan o'z sahobalariga: «Anavi qavm yeriga (Olloh taolo jazolagan Samud qavmining Madina birlan Shom oralig'idagi yeriga) kirmangizlar, aks holda yig'lab qola-sizlar, yig'lab qolmaylik desangizlar, ularning yeriga mutlaqo kirmangizlar, bo'lmasa ularga yetgan musibat sizlarga ham yetgaydur»,— dedilar».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, berdik biz sizga yetti oyatniki («Fotiha» surasiniki), u namozda qayta-qayta takror qilinur hamda Buyuk Qur'onni» (87- oyat)

Abu Said ibn al-Muallo rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom namoz o'qib turganimda yonimdan o'tib ketayotib meni chaqirdilar, lekin men namozni tugatmagunimga qadar qoshlariga bormadim, so'ng oldilariga bordim. Ul zot menga: «Oldimga kelmog'ingga nima mone'lik qildi?» — dedilar. Men: «Namoz o'qiyotgan erdim»,— dedim. Ul zot: «Olloh taolo «Ey mo'minlar, Olloh birlan uning rasuli (da'vatiga) javob beringizlar!» deb aytmaganmi?!»—dedilar. So'ng: «Masjiddan chiqmasimdan burun senga Qur'ondagi eng buyuk surani o'rgatib qo'yayinmi?» — deb aytdilar. Keyin, ul zot masjididan chiqmoqchi bo'lib ilgari qadam tashlab erdilar, menga aytgan gaplarini eslatdim. Shunda ul zot: «(Menga berilgan) «Alhamdu lillohi rabbil-olamiyn» deb boshlanadirgan yetti oyatli (surai «Fotiha») va Buyuk Qur'on»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «(Menga) yetti oyatdan iborat Qur'on onasi va Buyuk Qur'on (berilgan)»,— dedilar».

Olloh taoloning qavli: «Kitobni pora-pora qilgan (muqtasimlarga)» (91- oyat)

«Al-Muqtasimiyna» (90- oyat) — «qasam ichganlar» bo'lib, shunga binoan «qosamahumo» deganda «ular ikkisiga qasam ichdi, lekin ular bunga qasam ichmadilar» degan ma'no kelib chiqadi.

Mujohid: «Taqosamuu — o'zaro ont ichib, ahdu paymon qildilar» deganidur»,— deydilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deydilar: «Kitobni pora-pora qilgan (muqtasimlarga)» degan oyatdagi kishilar kitob ahllaridan bo'lib, ular uni pora-pora qildilar va ba'zisiga ishonib, ba'zisiga kufr keltirdilar».

Abu Zabyon Ibn Abbosdan naql qiladilar: «Muqtasimlarga (azob) tushurganimiz kabi» (90- oyat) degan oyatdagi (o'zlari pora-pora qilgan Kitobning) ba'zisiga ishonib, ba'zisiga kufr keltirganlar yahudiy va xristianlardur».

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va mashg'ul turing parvardigoringiz ibodatiga to o'lim sizga kelguncha» (99- oyat)

Solim raziyallohu anhu: «Al-Iaqiynu—o'limdur»,~deydelar.

«AN-NAHL» SURASI

«Ruhul-Qudusi» (102-oyat)—«Jabroil alayhissalom bo'lib, chin vahiy shu kishi orqali nozil qilingan», «fiy zayqin» (127- oyat) — «siqiqda» degan ma'noda bo'lib, «amrun zayqun yoki zayyiqun» (tor sharoit, tang ahvol) deyiladi. Bu so'z «haynun va hayyinun» (oson, yengil) hamda «maytun va mayyitun» (o'lik, murda) kabi so'zlar shaklidadir.

Ibn Abbos: «Yatafayyau ziloluh» (48- oyat) — «soyalari tayyor turadi», «subula rabbika zululan» (69-oyat)— «Rabbingning yo'llaridaki, tekisdur» degan ma'nodadir»,— deydilar.

Ibn Abbos: «Fiy taqallubihim» (46-oyat)—«ixtilof qilganlarida» demakdur»,— deydilar.

Mujohid: «Tamiyda» (15-oyat)—«tebranmasin (deb)», «mufratuuna» (62- oyat) — «unutilib qolguvchilar» demakdur»,— deydilar.

Boshqa bir mufassir: «Fa-izo qara'tal-Qur'ona fas-ta'iz billohi» (98- oyat) — «Qachon Qur'on o'qimoqchi bo'lsangiz, eng avvalo Oллоhdan panoh tilangiz, ya'ni «A'uuzu bil-lohi minash-shaytonir-rajiym» deb aytingiz», bu (Oллоh taoloning ajru savobidan mahrum qilguvchi shaytonning yomonligidan) Oллоhning himoyasiga o'zni olmoqlikdur»,— deydilar.

Ibn Abbos bunday deydilar: «Tusiymuuna» (10-oyat) — «o'tlatorsizlar», «dif'un» (5-oyat) — «nimaiki seni (badaningni) isintirsa, o'sha, ya'ni issiq kiyim», «turiyhuuna (bil-ashiyyi) va tasrahuuna (bil-g'adoti)»— «shom vaqtida olib kelursizlar va ertalab qo'yib yuborursizlar», «bi-shiqqi» (7- oyat) — «mashaqqati ila», «taxavvuf» (47- oyat) — «qo'rqitish, ya'ni bandaning o'zini ham, mol-dunyosini ham sekin-asta nuqsli qilish birlan qo'rqitish (qo'rqitib qo'yish)», «al-an'om la-ibratan» (66-oyat)— «chorva hayvonlarda ibrat bordur», «aknonan» (81-oyat) — «g'orlarni», «sarobiyla» (81-oyat)— «ko'ylaklarni», «taqiykumul-har-ra» (81- oyat) — «sizlarni issig'dan saqlar», «sarobiyla taqiykum ba'sakum» (81-oyat)— «sizlarni urush zararidan saqlovchi ko'ylaklarni, ya'ni sovutlarni», «daxalan bayna-kum» (92- oyat) — «sog' bo'lmagan, nosog' har qanday narsa, ya'ni yomon niyat».

Ibn Abbos bunday deydilar: «Hafadatan» (72- oyat) — «nabiralarni», «assakar (sakaran)» (67-oyat)— «mast qilguvchi ichimliklar», «ar-rizqul-hasanu (rizqan hasanan)» (67- oyat) — «Olloh halol qilgan neʼmatlar».

Ibn Uyayna: «Ankosan» (92-oyat) — «ahmoqlik, aqlsizlik qilib» degani, yaʼni bir tentak xotin boʻlib, kun boʻyi eshgan ipini kechga borib buzib tashlar erdi»,— deydilar.

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Va baʼzilaringiz yaramas (tuban) umrgacha etkizilursiz» (70- oyat)

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Yo parvardigoro, meni baxillikdan, yalqovlikdan, tuban umrdan (keksayib, notavon boʻlib qolmoqdan), qabr azobidan, Dajjol fitnasidan va tiriklik hamda oʻlim chogʻida boʻladirgan fitnalardan oʻzing asragil!» — deb iltijo qilur erdilar».

«BANIY ISROIL» SURASI

Ibn Masʼud raziyallohu anhu «Baniy Isroil», «al-Kahf» va «Maryam» suralari xususida: «Bu suralar men Qurʼondan koʻchirib olgan eng qadimgi suralardur»,— deydilar.

«Fa-sa-yungʻizuuna ilayka ruʼusahum» (51- oyat) — «qimirlaturlar boshlarini siz tarafga».

Ibn Abbos: «Yahuzzuuna — (bosh) irgʻaydilar, (boshlarini) sarak-sarak qiladilar»,— deydilar.

Boshqa bir mufassir: «Nagʻaztu minka — sendan taajjub qilib bosh chayqadim»,— deganidur»,— deydilar.

«Va qazayno ila Baniy Isroiyla» (4- oyat) — «Va biz xabar qildik Baniy Isroilgaki, (sizlar albatta fasod qilursizlar, deb)» degan maʼnodadur. «Va izhum najvo» (47- oyat) — «vaqtiki ular maxfiy soʻzlashurlar», «rufotan» (49-oyat)— «parcha-parcha, pora-pora», «vastafziz» (64-oyat)—«qoʻzgʻot», «bi-xaylika» (64-oyat)—«otligʻ», «va rajilika (64-oyat) — «piyoda», «hosiban» (68- oyat) — «kuchli shamol», «al-hosib»— «shamol aralash yogʻadiringan mayda tosh» degan maʼnoga ham ega, jahannamda otiladiringan «jahannam toshlari» ham shu soʻzdan. «Toratan» (69-oyat) — «ikkinchi marta», «la-ahtanikanna» (62- oyat) — «albatta tag-tomiri birlan sugʻirib tashlagayman, urugʻini quritgayman», «toirah» (13- oyat) — «baxqizligini, yomon qismatini» demakdur.

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Olib ketdi oʻz bandasi (Muhammad)ni tunda al-Masjid al-Haromdan» (1- oyat)

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Farishtalar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga Isroʻ kechasi ikki qadah keltirishdi, birida (mast qilguvchi) ichimlik, ikkinchisida sut bor erdi. Shunda, ul zot qadahlarga bir nazar tashlab, sutni oldilar. Jabroil alayhissalom: «Sizni tabiatga (butun borliqqa) hadya qilgan Olloh taologa shukr! Agar ichimlikni olganingizda, ummatingiz gumroh boʻlur erdi!»— dedilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning: «Quraysh meni yolg'onchiga chiqarganda al-Hijrda (al-Masjid al-Haromda) turdim, keyin Oллоh taolo meni Baytul-Maqdis (al-Masjid al-Aqso)ga jo'natdi, men masjidni o'z ko'zim bilan ko'rib, u yerdagilarni Oллоh taoloning oyatlaridan xabardor qilmoqqa tutindim» — deb aytganlarini eshitdim».

Ibn Shihob amakilaridan nakl qilib, yuqoridagi hadisga: «Quraysh meni yolg'onchiga chiqarganda... Oллоh taolo meni Baytul-Maqdisga jo'natganda» kabi jummalarni qo'shimcha qiladilar.

«Qosifan» (69-oyat)—«kuchli shamolni», «karramno»

(70- oyat) va «akramno» bir bo'lib, «izzatli qildik» deganidir, «zi'fal-hayoti» (75-oyat) — «hayot azobi, ti-riklikda beriladigan azob», «zi'fal-mamoti» (75- oyat) — «o'lim azobi, o'lgandan keyin beriladigan azob», «xilofaka» (76- oyat) — «sendan keyin», «shokilatihi» (84- oyat) — «o'z tomonida, o'z tariqasida», «sarrafno» (89-oyat) — «baen qildik, yo'lladik», «qabiylan» (92- oyat) — «yuzma-yuz», «xash-yatal-infoqi» (100- oyat) — «sarf bo'lib ketish xavfi» degan ma'noda bo'lib, kishi «molimni sarf qilsam, kambag'al bo'lib qolaman» deb xasislik qiladi. «Qatuuran» (100- oyat) — «xasis, ziqna (erdi)», «lil-azqoni» (107- oyat) — «iyaklari ila».

Mujohid: «Mavfuuran» (63- oyat) — «to'la, mo'l, mukammal, qaqshatgich» deganidir,— deydilar.

Ibn Abbos: «Nasiyran» (75-oyat)—«madadkor», «xabat» (97-oyat)— «o'chdi» degan ma'nodadir,— deydilar.

Ibn Abbos: «Lo tubazzir» (26- oyat) — «behuda sarf qilma», «ibtig'oa rahmatin» (28- oyat) — «Oллоh taoloning rizqi umidida», «masbuuran» (102-oyat)—«mal'un», «lo taqfu» (36-oyat) — «dema, gapirma», «fa-josuu» (5-oyat) — «qasd, niyat qiladilar», «yuzji lakumul-fulka» (66- oyat) — «yurgizur sizlar uchun kemalarni», «yaxirruuna lil-azqoni» (107- oyat) — «yuzlari ila yiqilurlar» demakdur,— deydilar.

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va qachon biz xohlasakki halok qilaylik bir shaharni, amr qilurmiz uning maiyshatga berilgan kishilariga, (keyin ular ul erda fisq qilurlar)» (16- oyat)

Abdulloh; bunday deydilar: «Biz johiliyat davrida, agar biror mahalla ahli maiyshatga berilib keqa, Banu falon haddidan oshdi, deb aytar erdik».

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey ul jamoaning avlodiki, mindirdik biz ularni Nuh ila, albatta ul shukrguzor banda erdi», ya'ni «Biz Nuh alayhissalom bilan birga kemaga mindirib qo'ygan kishilarning avlodlari, Oллоh taolo tomonidan ajdodingizga qilingan inoyatni unutmangizlar, chunki ular shukr qilguvchi banda erdilar»

Abu Hurayra raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bir bo'lak pishgan go'sht keltirishdi, ul zot ko'ngillari tusagani uchun ham uni olib bir luqma yedilar. So'ng, bizga bunday deb aytdilar: «Men Qiyomat kuni barcha

insonlarning sayyidi bo'urman, buning negaligini bilurmisizlar? Qiyomat kuni, dastlabki insondan tortib to oxirgi insonga qadar, barcha odamlar bir yalanglikka to'planadilar. Jarchi ularga ovozini eshittira oladi va ularning hammasini ko'ra oladi. Quyosh (Yerga) yaqin keladi. Natijada, odamlarni toqat qilib bo'lmas darajada g'am-g'ussa bosadi, ular o'zaro «Ko'rdingizlarmi, qanday kulfatga qoldik, endi gunohlarimizni kim Olloh taolodan so'rab bizga shafokat qiladi? — deyishadi. Shunda, ba'zi odamlar ba'zisiga «Sizlar Odam alayhissalomning qoshlariga bormog'ingiz lozim»—deb maslahat berishadi. Ular Odam alayhissalomning qoshlariga borishib, ul kishiga «Siz insonlar otasisiz, Olloh taolo sizni o'z (qudrat) qo'li birlan yaratib, tanangizga o'z ruhidan jon ato etgan va farishtalarga buyurgan, ular sizga sajda qilishgan Parvardigoringizdan gunohimizni so'rab, bizga shafokat qilingiz bizning holimizga bir qarang, ne ahvolga tushib qoldik!» — deyishgay. Odam alayhissalom «Parvardigorim bugun harqachongidan ko'ra qattiqroq g'azablanganki, ilgari bunchalik g'azablangan ermas. U menga jannatdagi daraxt mevasini yemoqni ta'qiq qilganida, men unga osiylik qilganman, o'sha osiy men... men... men! Mendan bo'lak odamning — Nuh alayhissalomning qoshlariga boringizlar!» — deyidilar. Ular Nuh alayhissalomning qoshlariga borib «Ey Nuh alayhissalom, siz dunyo ahliga yuborilgan birinchi payg'ambarsiz, Olloh taolo sizni shukrguzor banda, deb atagan, parvardigoringizdan gunohimizni so'rab, bizga shafokat qilingiz, bizning holimizga bir qarang, ne ahvolga tushib qoldik!» — deyishgay. Nuh alayhissalom «Parvardigorim azza va jalla bugun harqachongidan ko'ra qattiqroq g'azablanganki, ilgari sira bunchalik g'azablanmagan. Men birvaqtlar, qavmimni duoi (bad) qilgan erdim, o'sha men... men... men! Mendan bo'lak odamning — Ibrohim alayhissalomning qoshlariga boringizlar!» — degaylar. Ular Ibrohim alayhissalomning qoshlariga borib «Ey Ibrohim alayhissalom, siz Olloh taoloning elchisi va insonlar orasidan o'ziga tanlagan do'stisiz, parvardigoringizdan gunohimizni so'rab, bizga shafokat qilingiz, bizga bir qarang, ne ahvolga tushib qoldik!» — deyishgay. Ibrohim alayhissalom ularga «Parvardigorim bugun harqachongidan ko'ra qattiqroq g'azablanganki, ilgari sira bunchalik g'azablanmagan. Men uch bor yolg'on so'zlaganman, o'sha men... men... men! Mendan bo'lak odamning — Muso alayhissalomning qoshlariga boringizlar!» — degaylar. Ular Muso alayhissalomning qoshlariga borib «Yo Muso alayhissalom, siz Olloh taoloning elchisidursiz, u sizni o'z elchisi qilib hamda siz birlan so'zlashib, boshqa insonlardan yuqori qo'ygan, parvardigoringizdan gunohlarimizni so'rab, bizga shafokat qilingiz, bizga bir qarang, ne ahvolga tushib qoldik!»—deyishgay. Muso alayhissalom «Parvardigorim bugun harqachongidan ko'ra qattiqroq g'azablanganki, ilgari sira bunchalik g'azablanmagan. Men o'ldirilmog'i buyurilmagan odamni o'ldirganman, o'sha men... men... men! Mendan bo'lak odamning — Iso alayhissalomning qoshlariga boringizlar!»—degaylar. Ular Iso alayhissalomning qoshlariga borib «Yo Iso alayhissalom, siz Olloh taoloning elchisi, uning Bibi Maryamga aytgan so'zi hamda uning o'zidan bunyodga kelgan ruhdirsiz, siz beshikdagi chaqaloqligingizdayoq odamlarga so'zlagansiz, parvardigoringizdan gunohimizni so'rab, bizga shafokat qilingiz, bizga bir qarang, ne ahvolga tushib qoldik!» — deyishgay. Iso alayhissalom «Parvardigorim bugun harqachongidan ko'ra qattiqroq g'azablanganki, ilgari bunchalik g'azablanmagan erdi»,— degaylar, ammo qilgan gunohlarini eslatmagaylarda: «O'sha men... men... men!» — deb aytgaylar. Keyin, ularga «Mendan bo'lak odamning — Muhammad sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga boringizlar!» — degaylar. Ular Muhammad sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga borib: «Yo Muhammad, siz Olloh taoloning elchisi va payg'ambarlarning so'nggisiz Olloh taolo sizning sobiq va kelgusi gunohlaringizni mag'firat qilgan, parvardigo-ringizdan gunohimizni surab, bizga shafokat qilingiz, bizga bir qarang, ne ahvolga tushib qoldik'» —deyishgay. Shunda men parvardigorim huzuriga yo'l

olgayman-da, Arsh ostonasiga borib, parvardigorim azza va jallaga sajda qilgayman. So'ng, Oллоh taolo menga ilgari hech kimga oshkor qilmagan o'ziga nisbatan aytiladigan hamdu sanolarni oshkor qilgay. Keyin «Ey Muhammad, boshingni ko'targil, so'ragil, so'raganing ato etilgay, shafolat qilgil, shafloating qabul qilingay!»—deyilgay. Men boshimni sajdadan ko'targayman-da «Ey parvardigorim, (bular) mening ummatim, ey parvardigorim, (bular) mening ummatim!» —deb aytgayman. Shunda «Ey Muhammad, hisob-kitob qilinmaydigan ummatlaringni jannat eshiklaridan bo'lmish o'ng eshikdan kiritgil!» — deyilgay. Bular jannatga faqat shu eshikdangina kiritiladigan kishilardur. Jonim qo'lida (ixtiyorida) bo'lgan zot haqi, jannat eshiklari tavaqalarining oralig'i Makka birlan Himyar yoki Makka birlan Busro oralig'icha keladi»

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va berdik Dovudga Zaburni» (55-oyat)

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Dovud alayhissalomga Zaburni tilovat qilmoqlik Oллоh taolo tomonidan yengillashtirilgan erdi (ya'ni, qisqa vaqt ichida Zaburni xatm qila olish imkonini ato etgan erdi). Dovud alayhissalom, hatto ulovlarini egarlashni buyurib, uni egarlab bo'lgunlarigacha ham Zaburni xatm qilib ulgurur erdilar»,— dedilar».

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Siz ayting: «Chaqiringizlar ul jamoaniki, sizlar ularni Oллоhdan bo'lak ma'bud, deb ta'kidlaysizlar, ular qodir ermasdurlar na balodan sizlarni xalos etmakka va na biror narsani o'zgartirmakka» (56-oyat)

Abdulloh raziyallohu anhu «... parvardigorlariga yaqin bo'lmakni...» (57-oyat) degan ibora xususida bunday deyidilar: «Ba'zi odamlar jinlarga ibodat qilur erdilar, keyin jinlar musulmon bo'ldilar, boyagilar ersa, o'z dinlariga mahkam yopishib olib, undan voz kechmadilar».

A'mash: «... chaqiringizlar ul jamoaniki, sizlar ularni Oллоhdan bo'lak ma'bud, deb ta'kidlaysizlar...» deb yuqoridagi hadisga qo'shimcha qiladilar.

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ana shul jamoaki, bular ularni chaqirurlar, o'zlari talab qulurlar parvardigorlariga yaqin bo'lmakni...» (57-oyat)

Abdulloh raziyallohu anhu shu oyat xususida gapirib: «Ba'zi odamlar jinlarga ibodat qilur erdilar, keyin jinlar musulmon bo'ldilar»,— deyidilar.

7-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va biz ul ko'rsatishni odamlarni sinash uchungina sizga ko'rsatgan erdik» (60-oyat)

Ibn Abbas raziyallohu anhu yuqoridagi oyat xususida bunday deyidilar: «Oyatda aytilgan «ko'rsatish» payg'ambarimiz sallallohu alayhi va sallamga «Isro' kechasi» Oллоh taolo tomonidan marhamat qilingan «ru'yo» bo'lib, «ash-Shajara al-mal'uuna» — «Zaqqum daraxtidur».

8-bob. Oллоh taoloning qavli: «Darhaqiqat, tongdagi Qur'on qiroati farishtalar hozir bo'ladirgan vaqtdadir» (78-oyat)

Mujohid: «Tongdagi Qur'on qiroati — bomdod namozidur»,— deyidilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar. «Jamoat birlan o`qilgan namozning fazli yakka o`qilgan namozning fazlidan yigirma besh marta ortiqdur. Bomdod namozida tunda navbatchilik qiladigan farishtalar birlan kunduzi navbatchilik qiladigan farishtalar to`planishgay». Abu Hurayra: «Agar istasangizlar, «Va Qur`onal-fajri inna Kur`onal-fajri kona mashhuudan» degan (78- oyatni) o`qingizlar!» — deydilar.

9-bob. Olloh taoloning qavli: «Parvardigoriigiz sizni Maqomi Mahmudda turgizsa, ajab emas!» (79- oyat)

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Qiyomat kuni odamlar tiz cho`kkan holda turadilar, har bir ummat o`z payg`ambari ortidan ergashadi va unga: «Ey falonchi, shafaat qilingiz!» — deyishadi, yalina-yalina, nihoyat shafaat tilab payg`ambarimiz sallallohu alayhi va sallam-ning qoshlariga borishadi. O`shal kun — Olloh taolo payg`ambarimizni Maqomi Mahmudda turgizadigan kundur».

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Kimki azon ovozini eshitgach, «Ushbu mukammal da`vat va abadiy namoz sohibi bo`lmish ey parvardigorim, Muhammad alayhissalomga vasilat va fazilat ato etgil va ul zotni o`zing va`da qilgan Maqomi Mahmudda turgizgil!» deb ayqa, qiyomat kuni unga shafaat qilmog`im mumkin bo`ladi».

10-bob. Olloh taoloning qavli: «Va aytingki, keldi haq din va gumdon bo`ldi botil din, albatta botil din gumdon bo`lguvchidir (81- oyat)

«Zahuuqan» (81- oyat), «yazhaqu» — «gumdon halok bo`ladi» degan ma`nodadur.

Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkaga kirdilar, shunda Baytulloh atrofida uch yuz oltmishta but bor erdi. Ul zot ularni qo`llarida kaltak (tayoq) birlan nuqib «keldi haq din va gumdon bo`ldi botil (yolg`on) din, albatta botil din gumdon bo`lguvchidir!» — dedilar. Haq din keldi, endi botil din yangidan boshlanmaydi ham, eskisi qayta tiklanmaydi ham!»

11-bob. Olloh taoloning qavli: «Sizdan ruh xususida so`ragaylar» (85- oyat)

Abdulloh raziyallohu anhu bunday deydilar: «Men Janob Rasululloh birlan birga dalada turgan erdim, ul zot bir tayoqqa suyanib (tiralib) turgan erdilar. Shunda bir guruh yahudiylar o`tib ketayotib o`zaro «Ruh haqida surangizlar!»—deyishdi. Yahudiylardan biri: «Uni o`z holiga qo`yingizlar!»—dedi. Yana ayrimlari «Sizlar inkor qilgan narsa xususida javob bermaydi»,— deyishdi. Qolganlari «So`rayveringizlar!»—deyishdi. Nihoyat, ular Janob Rasulullohdan ruh haqida so`rashdi. Ul zot jim bo`lib qolib, ularga lom-mim demadilar. Men ul zotga vahiy kelayotganini angladim-da, turgan yerimdan qo`zg`olmadim. Vahiy nozil bo`lgach, ul zot «Sizdan ruh xususida so`ragaylar, siz aytingki, «Ruh rabbimning ishlaridan (hukmlaridan) biridir va sizlarga (bu haqda) ozginagina ilm berilgandur» deb qiroat qildilar»

12-bob Olloh taoloning qavli: «Va ko`p baland ovoz ila o`qimangiz namozingizni va na ko`p past ovoz ila» (110- oyat)

Ibn Abbos raziyallohu anhu Oллоh, taoloning «Va ko`p baland ovoz ila o`qimangiz namozingizni va na ko`p past ovoz ila» degan qavli xususida gapira turib bunday dedilar: «Bu oyati karima Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkada yashirinib yurgan chog`larida nozil bo`lgan erdi. Ushanda ul zot sahobalari birlan namoz o`qisalar, baland ovoz birlan qiroat qilardilar, buni mushriklar eshitib Qur`onni ham, uni nozil qilgan Oллоh taoloni ham u birlan yuborilgan Oллоh taoloning rasulini ham haqorat qilar erdilar. Shunda Oллоh taolo o`z rasuli sallallohu alayhi va sallamga «Va ko`p baland ovoz ila o`qimangiz namozingizni (ya`ni, baland ovoz ila qiroat qilmangizki, mushriklar eshitib, Qur`onni haqorat qilurlar) va na ko`p past ovoz ila (ya`ni, juda past ovoz ila qiroat qilsangiz, sahobalaringizga eshit tira olmagaysiz) va tanlangiz buning o`rtasida bir yo`lni (ya`ni, o`rtacha ovoz birlan qiroat qilingiz)»,— dedi».

Oisha raziyallohu anho «Bu oyati karima duo xususida nozil bo`lgan»—deydilar.

«AL-KAHF» SURASI

1-bob. Oллоh taoloning «Inson (o`zi azaldan shundoq) aytishqoq erdi» degan qavli haqida

Husayn ibn Ali rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tunda Ali birlan Fotima yotgan hujra eshigini taqillatib «Namoz o`qimaysizlarmi?» — dedilar. (Shunda Hazrat Ali «Yo Rasulalloh, jonimiz Oллоh taoloning qo`lidadir, agar bizni uyg`otmoqni xohlasa, o`zi uyg`otgaydur!»—dedilar. Janob Rasululloh xafa bo`ldilar, qo`llarini sonlariga urib «Inson o`zi azaldan shundoq aytishqoq erdi!»—deya qaytib ketdilar)

2-bob. Oллоh taoloning «Eslang, ey Muhammad! Bir kuni Muso o`z g`ulomiga: «To ikki dengiz qo`shiladigan yerga yetmagunimcha yoki uzoq muddat kezmagunimcha yurishdan to`xtamayman» — deb aytganini» degan qavli haqida

Sa`id ibn Jubayr xabar beradilar: «Men ibn Abbosdan «Navfal al-Bakoliy «Xizr alayhissalomga hamsuhbag bo`lgan Muso Baniy Isroilga payg`ambar bo`lgan Muso ermas» — deb ta`kidladi, shu to`g`rimi?» — deb so`radim. Ibn Abbos (g`azablanib) «Oллоhning dushmani yolg`on gapiribdi, menga Ubay ibn Ka`b Janob Rasulullohning quyidagi rivoyatlarini aytib bergan erdi»,— dedilar: «Muso alayhissalom Baniy Isroilga xutba o`qib turgan erkanlar, shunda u kishidan «Odamlarning orasida eng bilimdoni kim?»— deb so`rashdi. Muso alayhissalom «Men» — deb javob berdilar. Oллоh taolo Muso alayhissalomga tanbih berdi, chunki u kishi «Oллоh bilimdonroq» demadilar. Keyin, Oллоh taolo «Ikki dengiz qo`shilgan joyda mening bir bandam yashaydi, u sizdan bilimdonroqdur» — deb vahiy qildi. Muso alayhissalom «Ey parvardigorim, men ul zotni qanday topurman?»—dedilar. Oллоh taolo «Bir baliqni savatga solib, ko`tarib olasiz, qaerda o`sha baliqni yo`qoqangiz, shu joyda Xizrni ko`rasiz»,— dedi. Muso alayhissalom bir baliqni savatga solib, yo`lga tushdilar, xizmatkorlari Yusha` ham birga erdi. Yura-yura bir tepalik yoniga kelib, boshlarini yerga qo`ydilar-da uyquga ketdilar. Savatdagi baliq ersa tirilib, harakatga keldi-da, dengizga tushib, suzib ketdi. Oллоh taolo baliq suzib o`tgan yo`nalishdagi suvni oqishdan to`xtatib binoning yo`lagiga o`xshatib qotirib qo`ydi. Xizmatkor yigit Muso alayhissalom uyg`onganlarida baliqning yo`qolganini aytishni unutdi. Ular yana bir kecha-kunduz yo`l yurishdi. Ertasi kuni Muso alayhissalom

hamrohlariga «Yeguligimizni keltir, safarimizda biroz mashaqqat tortdik!» — dedilar. Darhaqiqat, Muso alayhissalom Oллоh taolo bormoqni buyurgan o'sha baliq yo'qolgan joygacha hech mashaqqat chekmagan erdilar, ammo keyingi bir kechayu-kunduzda qattiq qiynaldilar. Muso alayhissalomning hamrohlari «Esingizdami, bir tepalik oldida uxlagan erdik. Usha yerda men baliqni yo'qotgan erdim, lekin sizga aytishni unutibman Albatta, buni menga shaygon unutdirgan»,— dedi Baliq ersa sirli suratda dengizga tushib g'oyib bo'lgan erdi. Muso alayhissalom va ul kishining xizmatkorlari uning qanday qilib g'oyib bo'lganini bilolmay taajjubda qolishdi. Keyin, Muso alayhissalom «Mana shu biz istagan narsadur»,— dedilar-da, Xizr alayhissalomni izlab xizmatkorlari birlan orqalariga qaytdilar. Ular yura-yura nihoyat ikki dengiz birlashgan joydagi tepalik yoniga kelishdi. Shu yerda kiyimiga o'ralib olgan bir kishini uchratishdi Muso alayhissalom salom berdilar. Xizr alayhissalom ul kishiga javoban «Sizning yeringizda qaerdan ham tinchlik (salom) bo'lsin?!»—dedilar. «Men Musoman»,— dedilar. Muso alayhissalom «Baniy Isroilning Musosimisiz?»— dedilar. Xizr alayhissalom «Xa, o'zingiz bilgan ilmdan menga ham o'rgaqangiz deb keldim»,— dedilar. Muso alayhissalom Xizr alayhissalom «Siz men birlan sabr qilib yura olmaysiz Ey Muso, menda Oллоh taolo bildirgan shunday ilm borki, uni siz bilolmaysiz va sizda Oллоh taolo bildirgan shunday ilm borki, uni men bilolmayman!»—dedilar. Muso alayhissalom «Xudo xohlasa, mening sabrli erkanligimni ko'rgaysiz, sizga osiylik qilmagayman!» — dedilar. Xizr alayhissalom «Unday ersa men birlan yuringiz-da, to o'zim aytmagunimcha biror narsaning sababini so'ramangiz!» — dedilar. So'ng, ikkovlari dengiz sohili bo'ylab yurib ketishdi. Ittifoqo bir kema sohilga kelib to'xtadi. Ular darg'a birlan gaplashib, o'zlarini birga olib ketishga uni ko'ndirishdi Ammo, kemadagilar Xizr alayhissalomni tanib qolib, bepul olib ketishga rozi bo'lishdi. Kema yo'lga chiqqach, ko'p o'tmay Xizr alayhissalom bolta birlan kemanding bir yog'ochini ko'chirib oldilar. Muso alayhissalom ul kishiga «Bu qavm-ku, bizni bepul kemalariga chiqarib oldilar, siz bo'lsangiz kema ahlini cho'ktirish uchun uni teshib qo'ydingiz, taajjub ish qildingiz?!»—dedilar. Shunda Xizr alayhissalom «Men sizga aytuvdim-ku, men birlan birga sabr qilib yura olmaysiz, deb!»—dedilar. Muso alayhissalom darhol uzr aytib «Unutgan narsam uchun menga tanbih berib, ko'zlagan ishimni qiyinlashtirmangiz!» — dedilar. (Janob Rasululloh «Muso alayhissalomdan sodir bo'lgan dastlabki xato esdan chiqarish sababli erdi»,— deydilar) Keyin, bir chumchuq kelib kema chetiga qo'ndi-da, tumshug'i birlan dengizdan bir tomchi suv oldi. Shunda Xizr alayhissalom Muso alayhissalomga «Oллоhning ilmi oldida men birlan sizning ilmingiz mana shu chumchuq dengizdan olgan bir qatrachalikdur, xolos!»—dedilar. Keyin, ikkovlari kemadan tushib sohil bo'ylab ketayotgan erdilar, nogahon Xizr alayhissalomning ko'zlari o'rtoqlari birlan o'ynab yurgan bir bolaga tushib, uni borib o'ldirdilar. Muso alayhissalom Xizr alayhissalomga «Begunoh bir pokiza bolani o'ldirdingiz, qanday yomon ish qildingiz!»—dedilar. Xizr alayhissalom «Men sizga aytmaganmidim, men birlan yurishga hech toqat qilolmaysiz, deb!» — dedilar. Bu tanbih avvalgisidan qattiqroq va tahdidliroq erdi. Muso alayhissalom «Agar yana biror narsa haqida sizdan so'rasam, mayli meni o'zingiz birlan olib yurmangiz, unda ayb o'zimda bo'ladi»—deb iltimos qildilar.

Ikkovlari yo'lda davom etib bir qishloqqa kirishdi, qishloq ahlidan taom so'rashgan erdi, ular mehmon qilishdan bosh tortishdi. Xizr alayhissalom o'sha yerda yiqilay deb turgan bir devorni ko'rib, qayta tiklab qo'ydilar. Buni ko'rib Muso alayhissalom «Bu qavmning huzuriga kelib taom so'radik, berishmadi, mehmon ham qilishmadi, agar xohlasangiz, mana shu ishingizga haq olmog'ingiz mumkin» — deb kuyundilar. Xizr alayhissalom «Mana bu endi siz birlan mening ajrilmog'imizga sababdur! Lekin men, sizga o'zim aytib bergunimgacha siz sabr qilolmagan ishlarning ma'nosini aytib berayin: boyagi kema

xususiga kelsak, U bechorahol kishilarniki bo'lib, ular boradigan joyda yaroqli kemalarni tortib oladigan zolim podshoh bor erdi. Xaligi bolaning ota-onasi ersa mo'min kishilar bo'lib, bola kufr va osiylik birlan ularga ko'p ozor berar erdi. Shu sababdan Oллоh taolo uning o'rniga pokiza va mehribon farzand ato qilishni iroda qildi. Mana bu devor masalasiga kelsak, uning ostida xa zina bor, u ikki yetim bolaga tegishli. Ularning marhum otalari solih kishi bo'lgan bo'lib, undan qolgan ushbu xazinani Oллоh taolo ular voyaga yetgach, yuzaga chiqarmoqni iroda qildi. Men bu ishlarni o'zim uchun qilganim yo'q. Mana shular siz sabr qilishga toqatingiz yetmagan narsalarning ta'vilidur»,— dedilar. Janob Rasululloh «Qani endi, Muso alayhissalom sabr qilgan bo'lsalar, Oллоh taolo bizga ikkovlari haqidagi qissalarni bayon qilib bergan bo'lur erdi» — deb erdilar»

3-bob Oллоh taoloning «Ikkovlari ikki dengiz birlashgan yerga yetganlarida baliqlarini unutdilar. Baliq dengiz bo'ylab o'z yo'liga ravona bo'ldi» degan qavli xususida

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Men Ibn Abbosning huzurlarida erdim, ul kishi «Savollar bo'lsa, so'rangizlar!» —deb qoldilar. Men «Ey Ibn Abbos, Oллоh taolo meni sizga fido qilsin! Kufada bir qissago'y kishi bo'lib, uning ismi Navfdur. Ushal odam «Xizr alaihissalom birlan hamsuhbat bo'lgan Muso Baniy Isroil paig'ambari bo'lgan Muso ermas»,— deydi, siz bunga nima deysiz?» —dedim»

Ushbu hadisni ikki kishi — Amir ibn Dinor va Ya'lo ibn Muslim Sa'id ibn Jubairdan naql qilib rivoyat qilgan Amrning rivoyatida «Oллоhning dushmani yolg'on gapiribdi» degan jumla mavjud. Ya'loning Ibn Abbosdan naql qilgan rivoyati quyidagicha: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Muso Oллоhning rasulidurlar. Ul kishi bir kuni odamlarga shunday va'z qildilarki, hatto eshitganlarning ko'zlaridan yoshlar quyilib, dillari mo'mdek eridi. Shunda bir odam Musoga yaqin kelib: «Ey Oллоhning rasuli, yer yuzida sizdan bilimdonroq odam bormi?» — deb so'radi Muso alayhissalom «Yo'q» — deb javob berdilar. Oллоh taolo ul kishiga tanbih berdi, chunki ul kishi «Oллоh bilimdonroqdur!» demadilar. So'ng, Muso «Ey parvardigor, mendan bilimdonroq bandang qaerda?»— dedilar. Oллоh taolo «Ikki dengiz qo'shilgan joyda»,— dedi. Muso «Ey parvardigor, menga o'sha bandangdan ilm o'rganishni nasib etgin!» — deb iltijo qildilar. (Hadisning shu yeri Amrning rivoyatida «Usha bandamni baliqni yo'qotgan yerda topasan» degan jumla birlan, Ya'loning rivoyatida ersa «Bir o'lik baliqni o'zingiz birlan olib olingiz, qaerda unga jon kirgizilsa, o'sha joyda mazkur bandam birlan uchrashasiz» degan jumla birlan rivoyat qilingan). Muso bir baliqni olib, uni savatga soldilar-da, o'z xizmatkorlariga «Sendan birgina iltimos, qachon baliqni yo'qotib qo'ysang, menga xabar qilgin»—dedilar. (Ibn Jurayj «Oллоh taoloning «Muso o'z xizmatkor yigitiga dedi» degan oyatidan keyin hadisda tilga olingan Yusha' ibn Nun ismini Sa'id rivoyat qilgan ermas»,— deyдилar) Vaqtiki xizmatkor bir nam joyda tosh soyasida dam olayotgan erdi, baliqqa jon kirib, harakatga keldi. Shunda Muso uxlab yotgan erdilar. Xizmatkor «Hozir uyg'otmayin, turganlarida aytarman»,— dedi, ammo uyg'onganlarida xabar qilishni unutdi. Baliq ersa harakatlanib dengizga kirdi. Oллоh taolo dengiz oqimini to'xtatdi, toshlarda baliqning izi qotib qoldi. (Roviy aytadiki, Amr menga «Baliqning izi toshda mana bunday qotib qoldi» deb bosh barmog'i birlan keyingi ikki barmog'ini halqa qilib ko'rsatdi) Muso hamrohlariga «Ovqatni keltir bugungi safarimiz juda mashaqqatli bo'ldi!» — dedilar. So'ng, ikkovlari orqalariga qaytib, Xizr alayhissalomni topishdi. Ul kishi baliq terisi yanglig' palos ustida bo'lib, boshdan oyoq liboslariga burkanib olgan erdilar, libosning bir uchi oyoqlarini, ikkinchi uchi ersa boshlarini berkitib turardi. Muso alayhissalom Xizr alayhissalomga

salom berdilar. Xizr alayhissalom yuzlarini ochib «Mening yerimda tinchlik (salom) bormi? Siz kimsiz?»—dedilar. Muso «Men Musoman»,— dedilar. Xizr «Baniy Isroilning Musosimi?»—dedilar. Muso «Ha»,— dedilar. Xizr «Nima istaysiz?»— dedilar. Muso «Uzingizga o'rgatilgan ilmdan menga ham o'rgaqangiz, deb keldim»— dedilar. Xizr alayhissalom «Qo'lingizda Tavrot bor, bundan tashqari sizga vahiy ham keladi, shu sizga kifoya qilmaydimi? Ey Muso, Oллоh taolo menga shunday ilm berganki, uni sizning bilishingiz durust ermas, Oллоh taolo sizga ham shunday ilm berganki, uni mening ham bilishim durust ermas!» — dedilar. Shu paytda bir qush uchib kelib dengizdan tumshug'i birlan suv icha boshladi. Shunda Xizr «Mening ilmim birlan sizning ilmingiz Oллоhning ilmi oldida mana shu qush tumshug'i birlan dengizdan olgan suvchalik, xolos!» — dedilar. Keyin, ikkovlari dengiz bo'yida turishib erdi, sohildan sohilga odam tashuvchi bir kema kelib qoldi. Kemadagilar Xizr alayhissalomni tanib «Oллоhning solih bandasi kelayotir, undan haq olmay o'tkazib qo'ygaymiz»,— deyishdi (Roviy aytadilar «Men Sa'iddan «Ular Xizrni tanishdimi?» — deb so'radim. Ul kishi «Ha»,— dedilar) Kemaga o'ltirgan-l ridan keyin, Xizr alayhissalom kemani teshib qo'ydi Muso alayhissalom «Kemani teshib qo'ydingiz, uning odamlarini cho'ktirmoqchimisiz, qanday noto'g'ri ish qildingiz?!»— dedilar. Xizr alayhissalom «Aytmadimmi sizga, men birlan sabr qilib yurolmaysiz, deb» — dedilar. Bu Muso alayhissalomning Xizr alayhissalom shartlarini birinchi bor unutilari erdi (Ul kishining ikkinchi e'tirozlari shartli, ya'ni Muso alayhissalom Xizr alayhissalomning shartlarini birinchi bor unutilganlarida «Agar bandalik qilib shartingizni unutilib qo'ysam, menga dashnom bermay ma'zur tutingiz!» deb o'zlari shart quygan erdilar, uchinchi ersa qasddan bo'ldi) Muso «Va'dani unutilib so'raganim uchun meni ayblamangiz, meni mushkul ahvolga solmangiz» — deb uzr aytdilar. So'ng, yo'lda bir bolaga duch kelishdi, Xizr alayhissalom uni o'ldirdilar. Ya'lo Sa'iddan naql qilishlariga ko'ra, «Ikkovlari yo'lda o'ynab yurgan bolalarga duch kelishdi. Xizr alayhissalom ulardan bir sho'xrog'ini ushlab, yerga yetqizdilar, pichoq birlan bo'g'izladilar. Muso alayhissalom «Bu begunoh bolani nega o'ldirdingiz, axir u birovni o'ldirmaganku?» — dedilar. Keyin, ikkovlari yura-yura bir devorga duch kelishdi, devor yiqilay deb turgan erdi. Xizr alayhissalom o'sha devorni tiklab qo'ydi. Shunda Muso alayhissalom «Agar xohlasangiz, mana shu xizmat uchun haq olmog'imiz mumkin erdi»— deb uchinchi bor e'tiroz bildirdilar» (Voqea'lar avvalgi hadisda to'la bayon qilingani uchun bu yerda qisqaroq rivoyat qilinayotir Xizr alayhissalomning kemani teshib qo'yganlarining sababi shuki, kema ahli yo'l olgan tomonda bir zolim podshoh bo'lib, u barcha yaroqli kemalarni tortib olayotgan erdi. Uning nomi Xudad ibn Yudad erdi. Uldirilgan bolaning ismini ersa Jaysur deb taxmin qilishadi. Xizr alayhissalom «Zolim podshoh barcha yaroqli kemalarni tortib olayotgan erdi. Men uni aybli qilib qo'ydim, chunki podshohning odamlari uni ko'rib «yaroqsiz erkan» deb tegishmaydi. Ular ketgandan keyin, kema egalari uni tuzatib yana foydalanaverishadi. Kema teshilgandan keyin, ba'zilar teshikni shisha birlan to'sib olishni maslahat berishdi. Uldirilgan bola ersa kofir bo'lib, ota-onasi mo'minlardan erdi Biz bolaning tug'yoni va kufri ota-onasini yo'ldan chiqarmasa erdi, ular bolaga bo'lgan muhabbatlari tufayli uning diniga ergashib ketmasalar erdi, deb qo'rqdik, shoyad parvardigor ularga osiy o'g'il o'rniga diyonatli va mehribon farzand bersa!» — deb aytdilar. Sa'iddan bo'lak barcha roviylar aytadilarki, o'ldirilgan bola evaziga Oллоh taolo ularga bir qiz ato etibdi. Ul qiz shunday soliha bo'libdiki, uning zurriyotidan bir qancha payg'ambar tug'ilibdi)

4-bob Oллоh taoloning qavli: «Ikkovlari ikki dengiz tutashgan joydan o'tib, ko'p yurganlaridan keyin, Muso alayhissalom xizmatkor yigitlariga: «Ovqatni keltir, bugungi safarimiz ko'p mashaqqatli bo'ldi»,— dedilar. Yigit ersa: «Bizning qoya

oldida dam olganimiz esingizdami? Usha joyda men baliqni yo`qotgan erdim, bul haqda sizga xabar qilmoqchi bo`ldim-u, lekin meni shayton esimdan chiqartirdi»,— dedi. Baliqning sirli ravishda dengizga tushib suzib ketganligi bularni taajjubga solgan erdi»

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar «Men Ibn Abbosga «Navfal Bakoliy «Baniy Isroil Musosi Xizr alayhissalom birlan uchrashgan Muso ermas» deb aytdi»,— dedim. Shunda Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday dedilar: «Ollohning dushmani yolg'on aytibdi. Menga Ubay ibn Ka'b raziyallohu anhu aytgan erdiki, Janob Rasululloh bul haqda quyidagicha rivoyat qilgan erkanlar «Bir kuni Muso alayhissalom Baniy Isroilga xutba o`qidilar, shunda bir odam turib ul kishidan «Eng bilimdon odam kim» —deb so`radi. Muso alayhissalom «Men» — deb javob berdilar. Bilimdonlik Olloh taologagina xos fazilat erkanligini ta'kidlab, «Eng bilimdon Olloh taolodur » deb aytma-ganlari uchun parvardigor ul kishiga tanbih berdi, so`ng vahiy yuborib «Ikki dengiz tutashgan yerda bir bandam bor, o`sha sizdan bilimdonroqdur»,— dedi Muso alayhissalom «Ey rabbim, uning huzuriga qanday borgayman?» —dedilar. Olloh taolo «Bir baliqni savatga solib, o`zingiz birlan olib ketasiz, qaerda o`sha baliqni yo`qoqangiz, o`sha joyda mazkur bandamni topasiz»,— dedi. Muso alayhissalom xizmatkor yigitlari Yusha' ibn Nun birlan birga bir baliqni olib yo`lga tushdilar, ular yura-yura bir katta tosh yeniga kelib to`xtashdi. Muso alayhissalom o`sha tosh yonida boshlarini yerga qo`yib uxlab qoldilar. Amrdan boshqa roviylarning aytishlariga ko`ra, o`sha tosh tagida bir buloq bo`lib, uni «H,ayot bulog`i» deb atashar erkan. Uning bir tomchisi har qanday o`likka tegsa, qayta tirilar erkan. Savatdagi o`lik baliqqa o`sha buloq suvidan sachradi-da, u tirilib, harakatga keldi va savatdan sirg`alib tushib, dengizga sho`ng`idi. Muso alayhissalom uyg`ongach, xizmatkor yigitga «Yeguligimizni keltir!»—deb buyurdilar. Butun mashaqqat Xizr alayhissalom birlan uchrashish buyurilgan joydan o`tganlaridan keyin bo`ldi. Yusha' ibn Nun «Dam olgan joydagi tosh esingizdami, o`sha joyda men baliqni yo`qotgan erdim»,— dedi So`ng, ikkovlari ortlariga qaytishib, yo`l-yulakay ko`rgan-kechirganlarini so`zlashib bo rishdi. Nihoyat, baliq suvga shung`igan joiga yetib kelib qarashsa, u yerni Olloh taolo gumbazga o`xshatib qotirib qo`ygan erkan. Bu holatni ko`rgan xizmatkor ko`p taajjubda qoldi. Tosh yoniga kelishganda libosiga o`ralib olgan bir kishini uchratishdi, Muso alaihissalom ul kishiga salom berdilar. Xizr alayhissalom Yeringizda qaerdan ham tinchlik (salom) bo`lsin — dedilar. Muso alayhissalom: Men Musoman»,— dedilar Xizr alayhissalom «Baniy Isroil Musosimisiz» — dedilar. Muso alayhissalom «Ha shunday, sizga ergashib yursam Olloh, taolo o`zingizga o`rgangan ilmdan menga o`rgaqangiz! —dedilar. Xizr alayhissalom «Ey Muso, Olloh taolo sizga shunday bir ilm o`rgatganki, uni men bilolmayman va Olloh taolo menga ham shunday bir ilm ato etganki uni siz bilolmaysiz!» -dedilar. Muso alayhissalom «Shunday ersa-da, men sizga ergashaveraman!»—dedilar. Xizr alayhissalom «Bo`lmasa kelishib olaylik, toki o`zim sababini aytmagunimcha biror narsa haqida so`ramaysiz!»—dedilar. Keyin, ikkovlari sohil bo`ylab ketayotgan erdilar, ularning oldilaridan bir kichik kema o`tib qoldi. Kemachilar Xizr alaihissalomni tanib, ularni kemaga haq olmay chiqarishdi. Ikkovlari kemaga mingan paytlarida kema chetiga bir chumchuq kelib qo`ndi-da, tumshug`ini dengizga botirib suv ichdi. Shunda, Xizr alayhissalom «Sizning, mening va butun xaloyiqning ilmi Ollohning ilmi oldida mana shu chumchuq tumshug`ini dengizga botirib olgan bir tomchi suvchalikdur!» — dedilar. Ko`p o`tmay, Xizr alayhissalom bir teshani qullariga olib kemani teshib qo`ydilar. Muso alayhissalom bundan ajablanib «Bular bizni kemaga bepul chiqardilar, siz ersangiz hammalarini cho`ktirish uchun kemani teshib qo`ydingiz qanday noma`qul ish qildingiz!»— dedilar. So`ng ular yo`lda davom etib, bir bolaga duch kelishdi, bola o`z

o'rtoqlari birlan o'ynab yurardi. Xizr alayhissalom uni o'ldirdilar. Muso alayhissalom xunob bo'lib «Begunoh pokiza bir bolani o'ldirib, qandayin yomon ish qildingiz»—dedilar. Xizr alayhissalom «Aytib erdim-ku, siz men birlan sabr qilib yurolmaysiz, deb!» — dedilar. So'ng ikkovlari yana yo'l yurib yiqilay deb turgan bir qo'rg'onga duch kelishdi, Xizr alayhissalom uni qo'llari birlan tiklab quydilar. Muso alayhissalom «Biz qishloqqa kirdik, qishloq ahli ersa bizni mehmon qilmadi, taom ham bermadi, agar xohlasangiz, mana shu ishingizga haq olsangiz bizga yegulik bo'lur erdi!»—dedilar. Shunda, Xizr alayhissalom «Mana bu gapingiz men birlan sizning ajralmog'imizga sababdur! Endi, siz sabr qilolmagan narsa larning tafsilotini aytib beraman»,— dedilar Janob Rasululloh shul haqda «Koshki erdi, Muso alayhissalom yana sabr qilganlarida, Oллоh taolo bizga ikkovlarining qilgan ishlarini qissa qilib bergan bo'lur erdi!»—degan erkanlar»

5-bob. Oллоh taoloning «Qilgan ishlari tufayli juda ko'p ziyon ko'rgan kishilar haqida sizlarga xabar berayimi, deb aitingiz!» degan qavli xususida

Mus'ab ibn Umayr rivoyat qiladilar: «Qilgan ishlari tufayli juda ko'p ziyon ko'rgan kishilar haqida sizlarga xabar berayinmi deb aytingiz» degan oyat haruriylar xususida bo'lsa kerak»—deb otamdan so'radim (Haruriylar — Xazrat Aliga qarshi chiqqan xavorijlardan bo'lib, ularning nomi Kufa shahri yaqinidagi Haruro qishlog'iga nisbat beriladi. Ular Xazrat Aliga bo'ysunmagan birinchi isyonchilar erdi) Otam «Iuq, bu yahudiy va nasorolar haqida bo'lib yahudiilar Muhammad sallallohu alayhi va sallamni yolg'onchi qildilar, nasorolar ersa «Jannatda ovqag ham, ichimlik ham yo'q» deb kufr keltirdilar. Haruriylar xususiga kelsak, ular Oллоhga bergan ahdlarini buzdilar. (Islom xalifasiga bay'at qilgandan so'ng, unga qarshi isyon qilish Oллоhga bergan ahdni buzish, deb yuritiladi) Shuning uchun Sa'd ibn Abu Vaqqos ularni «fosiqlar» deb atagan erdilar»

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ular parvardigorning oyatlariga va (oxiratda) unga yuzma-yuz bo'lishga kufr keltirgan kimsalardur, bas ularning hamma amallari habata bo'ldi!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat hiladilar: «Janob Rasululloh «Qiyomat kuni gavdali, semiz bir odam (mahsharga) kirib kelgan, ammo u Oллоh taoloning huzurida pashsha qanotichalik tosh bosmagay» — deb aytdilar O'qingizlar, Oллоh taolo «Qiyomat kuni ular uchun hech qanday vazn bor qilmaymiz!» — deydi»

«MARYAM» SURASI

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ularni hasrat kunidan ogoh qilingiz!»

Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Janob Rasululloh bunday dedilar «Ulim ola-bula qo'chqor qiyofasida keltiriladi Shunda, bir jarchi «Ey ahli jannatlar!»— deb nido qiladi. Ahli jannatlar boshlarini ko'tarib qarashadi Jarchi «Mana buni taniyapsizlarmi?» — deydi Ular «Ha, bu o'limdur» — deb javob berishadi, chunki hammalari uni ko'rgan bo'lishadi. So'ng, jarchi «Ey ahli do'zaxlar!» — deb nido qiladi. Ahli do'zaxlar boshlarini ko'tarib qarashadi Jarchi «Mana buni taniyapsizlarmi?» — deydi. Ular «Ha, bu o'limdur»,— deyishadi, chunki ular ham o'limni ko'rgan bo'lishadi. Keyin, qo'chqor qiyofasidagi o'lim shu yerning o'zida bo'g'izlanadi. Shundan so'ng, jarchi «Ey ahli jannatlar, bundan buyon o'lmaysizlar, endi o'limni ko'rmaysizlar, ey ahli do'zaxlar, bundan buyon o'lmaysizlar, endi o'limni ko'rmaysizlar!» — deydi». Keyin, Janob

Rasululloh quyidagi oyati karimani tilovat qildilar «Ularni hasrat kunidan ogoh qilingiz, Ollohning amri shubhasiz amalga oshguvchidir, holbuki ular iymon keltirmay g'aflatda yuribdurlar!»

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Va biz farishtalar tushmasmiz magar parvardigoringiz amri ila, aning ixtiyoridadur nima narsaki oldimizdadur va nima narsaki keyinimizdadur»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Janob Rasululloh Jabroil alayhissalomga «Mening huzurimga ko'proq kelib tursangiz! Buning uchun sizga nima mone'lik qiladi!»— dedilar. Shunda «Va biz farishtalar faqat rabbingizning amri birlangina (erga) tushurmiz, nimaiki oldimizda va nimaiki ortimizdadur, barchasi Olloh, taoloning ixtiyoridadur» degan oyat nozil bo'ldi»

3-bob. Olloh taoloning qavli: «(Ey Muhammad), bizning oyatlarimizga kufr keltirib, «Menga ul dunyoda ham mol-dunyo va bola-chaqa berilur» deguvchi kimsani ko'rdingizmi?!»

Xabbob raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Men Os ibn Voil as-Sahmiyning oldiga unga bergan qarzimni talab qilib bordim U menga «Muhammadga kufr keltirmagu-ningcha olgan qarzimni bermayman!» — dedi. Men «Io'q, aslo, sen o'lib, qiyomatda qayta tiriltirilguningga qadar ham kufr keltirmayman!» — dedim. Os ibn Voil «Men o'lsam, qaytatirilamanmi?»—dedi Men «Ha»,— dedim Os ibn Voil «Unday bo'lsa, o'sha joyda ham mening bola-chaqam va mol-dunyom bo'ladi, qarzimni o'shanda to'layman»,— dedi. Shunda yuqoridagi oyati karima nozil bo'ldi».

4-bob Olloh taoloning qavli: «Ayo, ul (kofir) g'aybdan xabar topibdurmi yoki Olloh unga (ul dunyoda ham mol-dunyo va bola-chaqa ato qilurman, deb) va'da beribdurmi?!»

Xabbob raziyallohu anhu aytadilar: «Men Makkada temirchilik qilur erdim, Os ibn Voilga bir qilich yasab bergan erdim, uning haqini olish uchun uyiga keldim. Os ibn Voil «Agar Muhammadga kufr keltirmasang, haqingni bermayman!»—dedi. Men: «Seni Olloh o'ldirib, qiyomatda qayta tiriltirgungacha ham kofir bo'lmayman!» — dedim. Os ibn Voil «Agar Olloh meni o'ldirib, keyin tiriltirsa, o'sha joyda ham mening bola-chaqam va molu dunyom bo'ladi»,— dedi. Shunda Olloh taolo «(Ey Muhammad), bizning oyatlarimizga kufr keltirib, «Menga ul dunyoda ham mol-dunyo va bola-chaqa berilur» deguvchi kimsani ko'rdingizmi? Ayo, ul (kofir) g'aybdan xabar topibdurmi yoki Olloh unga (ul dunyoda ham mol-dunyo va bola-chaqa ato qilurman, deb) va'da beribdurmi?» degan oyati karimani nozil qildi»

5-bob Olloh taoloning qavli: «Yo'q, unday ermas, biz uning aytgan gapini yozib qo'yurmiz va unga uzoq muddat azob berurmiz!»

Xabbob raziyallohu anhu «Johiliyat davrida men temirchi erdim. Mendan Os ibn Voil qarzdor erdi»,— deydilar. Keyin, Xabbob Osning oldiga o'sha qarzni so'rab boribdilar. Os ibn Voil ersa «Muhammadga kufr keltirmaguningcha olgan qarzimni bermayman!»— debdi. Xabbob «Ollohga qasamyod qilurmaniki, Olloh seni o'ldirib, qiyomatda qayta tiriltirgungacha ham kofir bo'lmayman!» — debdilar. Os ibn Voil «Unday bo'lsa, quyaver,

o'lib, keyin qayta tiriladigan bo'lsam, ul dunyoda ham menga bola-chaqa, mol-dunyo beriladi, o'shanda haqingni beraman!» — debdi. Shunda Oллоh taolo «Ey Muhammad, bizning oyatlarimizga kufr keltirib, «Menga ul dunyoda ham mol-dunyo va bola-chaqa berilur» deguvchi kimsani ko'rdingizmi? Ayo, ul (kofir) g'aybdan xabar topibdurmi yoki Oллоh unga (ul dunyoda ham mol-dunyo va bola-chaqa ato qilurman, deb) va'da beribdurmi? Yo'q, unday ermas, biz uning aytgan gapini yozib qo'yurmiz va unga uzoq muddat azob berurmiz va olib qo'yurmiz undan aytib turgan narsasini va kelur ul huzurimizga o'zi yolgiz!» degan oyatni nozil qildi»

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan

«TOHO» SURASI

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Men seni xos o'zim uchun bino qildim (tanladim)»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar. «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Odam alayhissalom va Muso alayhissalom uchrashishdi. Shunda Muso alayhissalom Odam alayhissalomga «Insonlarni baxqiz qilib jannatdan quvilishiga sabab bo'lgan kishi sizmisiz?» — dedilar. Odam alayhissalom Muso alayhissalomga «Oллоh xos o'zi uchun bino qilgan (tanlagan) zot sizmisiz, tavrot sizga nozil qilinganmidi?»— dedilar. Muso alayhissalom «Ha»,— dedilar. Odam alayhissalom «Unday bo'lsa, Oллоh taolo meni yaratishdan avvalroq taqdirimni belgilab qo'yganligi haqida tavrotidan bilib olgan bo'lsangiz kerak?!»— dedilar. Muso alayhissalom «Ha» — deb jim qoldilar, chunki Odam alayhissalomning dalillari kuchli erdi»

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Biz vahiy yubordik Musoga «Olib ketgil tunda mening bandalarimni va dengizga (daryoga) aso urib, ularga bir quruq yul qilib bergil, (shunda) na (dushman) qo'lga tushishdan va na g'arq bo'lishdan xavf qilursan!» deb. Keyin, ularning ortlaridan Fir'avn o'z lashkari birlan ta'qib qildi, ammo ularni dengiz o'z girdobiga oldi, Fir'avn o'z qavmini gumroh qildi, to'g'ri yo'lga solmadi»

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinaga kelganlarida yahudiylar Oshuro kuni ro'za tutar erdi. Janob Rasululloh ulardan buning sababini so'raganlarida «Bu kun Muso alayhissalom Fir'avn ustidan g'alaba qozongan kun bo'lib, biz uning shukronasiga ro'za tutamiz»,— deyishdi. Shunda Janob Rasululloh sahobalarga «Biz Muso alayhissalomga yahudiylardan ko'ra haqliroqmiz, shu kuni (sizlar ham) ro'za tutingizlar!» — dedilar»

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey Odam, shayton siz va xotiningizga dushmandur, u sizni va xotiningizni jannatdan chiqarmasin, keyin badbaxt bo'lib qolmangiz!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar/«Janob Rasululloh bunday dedilar: «Muso alayhissalom Odam alayhissalomga dalil keltirib: «Ey Odam, gunoh qilib odamiyzodni jannatdan chiqargan va ularni badbaxt qilib quygan kishi sizmisiz?» — dedilar. Odam alayhissalom «Ey Muso, Oллоh taolo o'z bandalariga payg'ambar va o'ziga suhbatdosh qilib tanlagan zot sizmisiz? Oллоh taolo meni yaratmasidan ilgari kelgusida qiladigan

ishimni avvaldan taqdir qilib qoʻygan boʻlsa, nechun siz meni Olloh taoloning irodasi uchun malomat qilasiz?»—dedilar. Odam alayhissalom bu dalil birlan Muso alayhissalomni magʻlub qildilar»

«AL-ANBIYO» SURASI

1-bob Olloh taoloning qavli: «Biz dunyoni dastlab qay tariqa osonlik birlan yaratgan boʻlsak, qiyomatda ham xuddi shunday osonlik birlan qayta paydo qilurmiz, bu bizning vaʼdamizdur!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh odamlarga xutba qilayotib bunday dedilar: «Albatta sizlar qiyomatda yalangoyoq, yalangʻoch, yaʼni asl holatingizda Olloh taolo huzurida tiriltirilasizlar. Olloh taolo «Biz dunyoni dastlab qay tariqa osonlik birlan yaratgan boʻlsak qiyomatda ham xuddi shunday osonlik birlan qayta paydo qilurmiz, bu biziing vaʼdamizdur, albatta biz buni kilguvchidurmiz»— deydi. Qiyomatda birinchi boʻlib Ibrohim alayhissalomga kiyim kiydiriladi. Shu vaqt ummatimdan bir guruhi keltirilib, doʻzaxga haydaladi. Men «Ey parvardigor, bular mening ashoblarim-ku!»—deyman. Menga «Uzingizdan keyin bularning nimalar qilganini bilmaysiz!» — deyiladi. Shunda men Ollohning solih bandasi (Iso) aytganlaridek «Men ularning oralarida boʻlgan vaqtimda ularga guvoh boʻlib turdim. Lekin, meni oʻz huzuringga chorlaganingdan keyin ersa, sen oʻzing ularni kuzatib turding. Sen oʻzing hamma narsaga guvohdirsan!»—deb javob beraman. Menga «Darhaqiqat, bu odamlar, siz ularni tashlab (oxiratga) ketgan vaqtingizdan boshlaboq oʻz yoʻllaridan orqalariga qaytganlar!»—deb aytiladi».

«HAJ» SURASI

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Odamlarni mastdek holda koʻrgaysiz»

Abu Saʼid al-Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Paygʻambar alayhissalom bunday dedilar: «Qiyomat kuni Olloh taolo «Ey Odam!» — deydi. Odam alayhissalom «Labbayka va saʼdayka» — deb javob beradilar. Olloh taolo baland ovoz birlan «Zurriyotlaringizdan doʻzaxga tushadiganlarini ajratingiz!» — deb buyuradi. Odam alayhissalom «Doʻzaxiylar qanchadur?»—deydilar. Olloh taolo «Har ming kishidan toʻqqiz yuz toʻqson toʻqqiztasi tushadi»,— deydi. Shunda odamlar homilador ayol bola tashlagudek va goʻdak qarib, soch-soqoli oqarib ketgudek holga tushadilar, barchaning qurquvdan mastdek ahvolga tushganlarini koʻrgaysiz, ammo ular mast emaslar, balki Ollohning azobi nihoyatda qattiq boʻlajagidan xavfdadurlar» Sahobalarga bu gap juda qattiq taʼsir qilib, ranglari oʻchdi. Paygʻambar alayhissalom «Yaʼjuj va Maʼjujdan toʻqqiz yuz toʻqson toʻqqizta, sizlardan bitta. Soʻng sizlar odamlar orasida oq hoʻkizning biqinidagi qora yoki qora hoʻkizning biqinidagi oq tuklar monand ajralib turgaysizlar, men umidvormanki, sizlar ahli jannatlarning toʻrtidan bir qismini tashkil etgaysizlar!» — dedilar Buni eshitib, biz yengil tortdik-da, Olloh taologa takbir aytdik Keyin, ul zot yana «Ahli jannatlarning uchdan birini tashkil eqangiz ham ajab ermas!» — dedilar. Biz yana takbir aytdik. Keyin, yana «Ahli jannatlarning yarmi sizlardan iborat boʻlmogʻidan umidvorman'»—deb qoʻydilar. Biz yana takbir aytdik»

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Odamlar orasida Oллоhga shak birlan ibodat qiladirlar bor. Agar shunday kishi yaxshilikka erishsa, dili orom olur va agar biror baxqizlik yeqa, dindan yuz o'girib olur. U bu dunyoyu oxiratda ziyon ko'rur. Bu ersa ochiq-oydin ziyondur. U Oллоhni qo'yib, o'ziga ziyon ham, foyda ham bera olmaydirgan butlarga iltijo qilur. Ana shuldir uzoq gumrohlik»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Odamlarning ba'zisi Oллоhga shak birlan ibodat qilur. Ya'ni ba'zi badaviy Madinaga kelganda, agar xotini o'g'il tug'sa va otlari qulunlasa, «Bu juda solih din erkan» deb maqtardi, agar xotini tug'masa va otlari qulunlamasa, «Bu yomon din erkan!» deb ayblardi»

3-bob Oллоh taoloning qavli: «Mana shu ikki g'anim — musulmonlar birlan kofirlar parvardigorlari xususida talashdi»

Abu Zarr al-G'iforiydan naql qilinadiki, «Mana shu ikki g'anim — musulmonlar birlan kofirlar parvardigorlari xususida talashdi» degan oyati karima Hamza va ul kishining ikki sheriklari hamda Utba va uning ikki sherigi haqida nozil bo'lgan, bular Badr kuni yakkama-yakka jang qilgan erdilar»

Ali ibn Abu Tolib raziyallohu anhu «Qiyomat kuni men Rahmon huzurida tiz cho'kib, (kitobiylar birlan yuzma-yuz) xusumatlashuvchilarning birinchisi bo'lurman»—dedilar Qays «Mazkur oyat Badr kuni yuzma-yuz jang qilgan kishilar — Ali, Hamza, Ubayda, Shayba ibn Rabi'a, Utba ibn Rabi'y'a, Valid ibn Utbalar haqida erdi»,— deydilar

«MO'MINLAR» SURASI

Ibn Abbos raziyallohu anhu «Suradagi «Hayhota-hayhota» so'zining ma'nosi «uzoq-uzoq» demakdur»,— deydilar

«NUR» SURASI

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Uzlaridan boshqa guvohlari bo'lmagan holda o'z xotinlarini buzuk, deb badnom qiladirlar kishilar (bilsinki), bunday odam to'rt marta Oллоh taologa: «Albatta, men rost aytayotirman»,— deb qasamyod qilur»

Saxl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Uvaymir ismli kishi Baniy Ajlonning ulug'i Osim ibn Adiyning oldiga kelib «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan men uchun so'rab beringiz, agar bir kishi o'z xotini huzurida begona erkakni ko'rsa-yu, uni o'ldirsa, keyin qotilni ham o'ldirasizlarmi yoki nima qilasizlar?»—dedi. Osim Payg'ambar alayhissalomning oldilariga kelib, «Yo Rasulalloh!» — deya boyagi savolni berdi Ammo, ul zot bunday masala xususida javob bermoqni istamadilar. Osim uyiga qaytib borganda, Uvaymir bergan savolining javobini so'radi. Shunda Osim «Janob Rasululloh bunday savolni noma'qul ko'rib, aybladilar»,— dedi. Uvaymir «Janob Rasulullohdan bu haqda so'rab bilib olmaganimcha tinchimayman!» — dedi. Keyin, u o'zi Janob Rasulullohning huzurlariga kelib «Ey Oллоhning payg'ambari, agar bir kishi xotini birlan begona erkak turganini ko'rsa uni o'ldiradimi? Agar o'ldirsa, qotilni ham o'ldirasizlarmi yoki nima qilinadi? — deb so'radi. Janob Rasululloh «Oллоh taolo sen va xotining haqida Qur'on (oyat) nozil qildi»,— dedilar-da, Oллоh taolo oyatda buyurgandek ikkovini li'on qilmoqni buyurdilar. Mulo'anadan so'ng, Uvaymir Janob Rasulullohga «Ey Oллоhning

rasuli, bu xotinni ushlab tursam, unga zulm qilgan bo'lurman!»—deb xotinini taloq qilib yubordi. Shu-shu bo'ldi-yu, mulo'ana qilishgan er uchun xotinini taloq qilib yuborish sunnat bo'lib qoldi. Keyin Janob Rasululloh «Kuzatib yuringizlar, agar o'shal xotin boldiri yo'g'on bola tug'sa, demak Uvaymirning xotiniga qilgan da'vosi rost bo'ladi. Mobodo, tug'ilgan bolaning rangi qizg'ish bo'lsa, Uvaymir xotiniga tuhmat qilgan bo'ladi»,— dedilar. Qarangki, haqiqatan ham o'shal xotin tuqqan bola Uvaymirning da'vosini tasdiqladi. Shundan so'ng, bola onasiga mansub qilinadigan bo'ldi»

2-bob Olloh taoloning qavli: «Va (er) beshinchi marta derki, xudoning la'nati menga bo'lsin agar yolg'onchi bo'lsam!»

Sahl ibn Sa'd raziyallohu anhu bunday deydilar «Bir odam Janob Rasulullohning huzurlariga kelib «Ey Ollohning rasuli! Nima deysiz, bir odam o'z xotining yonida bir begona erkakni ko'rsa, uni o'ldiradimi, agar o'ldirsa, qotilni ham o'ldirasizlarmi yoki unga nima qilasizlar?» — deb so'radi. Shunda Olloh taolo ular haqida mulo'ana oyatini nozil qildi Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam savol bergan odamga «Olloh sen va xotining haqida hukm tushirdi»,— dedilar. Er va xotin bir-birlarini mulo'ana qilishdi. Men Janob Rasulullohning yonlarida turib bu voqe'aga guvoh bo'ldim. Janob Rasululloh ikkovini ajratib yubordilar. Shundan so'ng, bir-birini la'natlagan er-xotinni ajratib yuborish sunnatga aylandi. Usha ayol homilador erdi. Uning eri bolani o'zidan erkanligini inkor qildi. Shundan e'tiboran, tug'ilgan bola onasiga nisbat beriladigan bo'ldi. Keyin, ona birlan bolaning o'rtasidagi merosxo'rlik huquqi ham sunnat qilindi. Onaning o'z bolasiga, bolaning ersa onasiga va u tarafdin bo'lgan qarindoshlarga merosxo'rlik qilishi Olloh amr qilgan yul birlan joriy bo'ldi»

3-bob Olloh taoloning qavli: «Erim shak-shubhasiz yolg'onchilardandur!» deb Olloh taologa to'rt marta qasamyod qilmoqlik ayoldan jazoni daf qilgay»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hilol ibn Umayya Payg'ambar alayhissalomning huzurlarida o'z xotinini Sharik ibn Samho birlan zino qilganlikda aybladi. Payg'ambar alayhissalom unga «Aytgan so'zingning rostligining isboti uchun dalil keltirasan yoki tuhmat uchun orqangga sakson darra uriladi!»—dedilar. Hilol «Ey Ollohning rasuli, birortamiz o'z xotimizning ustida begona erkakning yotganini ko'rsagu, ammo u qochib keqa dalil so'raladimi» — dedi. Paig'ambar alayhissalom «Aytgan so'zingga dalil keltirasan yoki sakson darra orqangga uriladi» —deb turib oldilar. Hilol ibn Umayya «Sizni haq din birlan yuborgan zotga qasamyod qilurmanki mening so'zim rostdur! Olloh taolo mening orqamni darra urilmog'idan qutultiradigai oyat nozil qilsa, ajab ermas »—deb chiqib ketdi. Birozdan so'ng, Jabroil alayhissalom «Uz xotinlarini zinoda ayblagan erkaklar» deb boshlanadigan oyatni Janob Rasulullohga vahiy qilib keltirdilar. Janob Rasululloh vahiy qabul qilib bo'lganlaridan keyin, Hilol va uning xotiniga odam yubordilar. Ular kelib, har biri o'zini oqlab qasam ichdi. Shunda Janob Rasululloh «Albatta, Olloh taolo ikkovingizdan biringiz yolg'onchi erkanligingizni bilur, bas qaysi biringiz gunohingizga iqror bo'lib, tavba qilgaysiz» — deb so'radilar. Keyin, xotin turib, to'rt bor o'zini oqlab qasam ichdi. Janob Rasululloh uning beshinchi bor qasam ichishiga qarshilik qilib «Azobi qattiq bo'lur!»—deb ogohlantirdilar. Shunda ayolning tili kalovlanib so'zga kelmay qoldi. Biroq u baribir beshinchi bor qasam ichib yubordi. Paig'ambar alayhissalom sahobalarga «Ayolni kuzatib yuringizlar, agar u ko'zi qora, dumbalari to'la, boldiri yo'g'on bola tug'sa, demak u Sharik ibn Samhoning bolasi bulur» — dedilar. Keyin, xotin aytganlaridek qiyofada bola tug'di. Shunda Payg'ambar alayhissalom «Agar

Ollohning Kitobi hukm qilmaganda erdi, men bu ayolni toshbo`ron qilmoqqa buyurgan bo`lur erdim»—dedilar»

4-bob Olloh taoloning qavli: «Va (xotin) beshinchi marta derki, Ollohning g`azabi menga bo`lsin agar bu er rostgo`y bo`lsa!»

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deydilar: «Bir odam Janob Rasulullohning zamonlarida o`z xotinini zinokorlikda ayblab, uning homilasidan tondi. Shunda Janob Rasululloh buyurdilar, ikkovlari bir-birlarini mulo`ana qilishdi. Keyin, Olloh taolo Qur`onda amr qilganidek, tugilgan bola onasiga mansub qilindi, er-xotin ajratib yuborildi»

5-bob. Olloh taoloning qavli: «Albatta, bo`hton to`qiganlar o`zlaringiz zdan bo`lgan bir to`dadur. Buni sizlar o`zlaringiz uchun yomon, deb o`ylamangizlar, balki bu sizlar uchun yaxshiroqdur. Bo`htonchilarning har biri uchun o`zlari kasb qilganicha gunoh bordur. Ulardan gunohning eng katta hissasini ko`targan kishi uchun ulug` azob bordur!»

Oisha raziyallohu anho «Uziga eng katta gunoh orttirgan kishi Abdulloh ibn Ubay ibn Saluldur»,— deydilar»

6-bob Olloh taoloning qavli: «Mo`min erlar va mo`mina ayollar, bu bo`htoni shitgan paytingizda na uchun o`zlaringiz haqingizda yaxshilikni o`ylab: «Bu ochiqdan-ochiq buhton-ku!»— demadingizlar? Na uchun bo`htonchilar to`rtta guvoh keltirmadilar? Endi, to`rtta guvoh keltira olmasalar, u holda Olloh nazdida yolg`onchidurlar!»

Payg`ambarilshz sallallohu alayhi va sallamning xotinlari Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Janob Rasulullohning odati shariflari shunday erdiki, qachon safarga chiqmoqchi bo`lsalar, xotinlari o`rtasida qura tashlar erdilar. Qur`a kimning nomiga chiqsa, o`shani o`zlari birlan birga olib ketar erdilar. Bu gal ham xuddi shunday qilib erdilar, qur`a mening nomimga chiqdi. Men ul zot birlan birga safarga chiqadigan buldim. Bu vaqt ayollarga hijob (chochvon) kiyish buyurilgan vaqt erdi. Men kajavamga chiqib joylashib oldim. So`ng, safarga jo`nab ketdik. Janob Rasululloh gazot tugagach, ortga qaytdilar. Kechasi Madinaga yaqinlashib qolganimizda, dam olishga ruxsat berdilar. Men kajavamdan tushdim-da, askarlardan chetroqqa bordim, ishimni bitirib, yana tuyamning yoniga keldim. Shu payt bildimki, bo`ynimdagi marjonim uzilib, tushib qolibdi.

Uni qidirib ushlanib qoldim. Shunda xizmatkorlar kelib, kajavamni tuyaga ortib jo`nab ketishibdi, chunki ular meni kajavada, deb o`ylashibdi. Darvoqe, o`sha vaqtda ayollar faqat atala ichganlari uchun ortiqcha semirmay yengil bo`lar erdilar. Shu boisdan ham kajavani ko`targanda uning yengilligini farq qilishmagan. Buning ustiga men yosh qizaloqman. Ular tuyani haydab jo`nab ketaverishibdi. Askarlar ketib bo`lgan paytda men marjonimni qidirib topdim. So`ng, ular turgan joyga kelsam, biror chaqiruvchi ham, javob beruvchi ham yo`q. Joyimdan qimirlamaslikka ahd qildim, chunki ular yo`lda mening yo`qolib qolganimni bilishgach, izlab qaytib kelib qolishsa kerak, deb o`yladim. Ultirgan joyimda mendan uyqu golib kela boshladi va men uxlab qoldim.

Safvon ibn Mu'attal as-Sulamiy az-Zakvoniy askarlarning ketidan nazorat qilib yuradigan kishi erdi. U kechasi birlan yo'l yurib, men turgan joyga yetib kelib qarasa, bir odam uxlab yotibdi, yaqinroq kelib, darhol meni tanibdi, chunki chochvon kiyish joriy qilinmasidan burun u meni ko'rgan erdi. Meni tanigach, hayron bo'lib «Inno lillohi va inno ilayhi roji'un» deganidan uygonib ketdim. Shu ondayoq yuzimni chochvon birlan to'sib oldim. Ollohga qasamyod qilurmanki, u menga bir ogiz ham so'z gapirmadi, men uning «Inno lillohi va inno ilayhi roji'un» degan so'zinigina eshitdim, xolos. Keyin, u tuyasini cho'ktirdi, shunda men unga chiqib oldim. U tuyani yetaklagancha yurib ketdi, biz askarlar Madinaga yetib olgandan so'ng, kunning qattiq issigida shaharga kirib keldik.

Shu voqe'a bo'ldi-yu, barchaning oromi buzildi. Bo'htonchilarga bosh bo'lgan kishi Abdulloh ibn Ubay ibn Salul erdi. Madinaga kelganimizdan so'ng, men bir oy kasal bo'lib yotib qoldim. Shunda bo'htonchilar tarqatgan gapni odamlar hamma joyda gapira boshlabdi. Men ersam bu gaplardan mutlaqo bexabar erdim. Ilgarilari kasal bo'lsam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga ko'p mehribonchiliklar ko'rsatur erdilar, endi bo'lsa undan asar xam yo'qligi dilimni g'ash qilur erdi. Shu kunlarda ul zot huzurimga kirib «Tuzukmisan» der erdilar-da, indamay chiqib ketar erdilar. Mana shu holat mening shubhamni orttirar erdi-yu, ammo men yomonlik aynan mening xususimda bo'layotganini bilmas erdim. Biroz o'zimga kelganimdan so'ng, bir kuni tashkariga chiqdim. Men birlan birga hojatga Ummu Mistah ham chiqdi. Tashqarida bizning hojatxonamiz bo'lib, tunlari hojatga o'sha yerga borur erdik. Bu voqea uyimiz yaqiniga chuqur kavlab o'rab olganimizdan avval bo'lgan erdi. Biz arablar ilgarilari hojatga uzoqroq yerga borur erdik, chunki hojatxonaning uyga yaqinligi bizga ozor berur erdi. Ummu Mistah Abu Rahm ibn Abdu Manofning qizi bo'lib, onasi Abu Bakrning xolalari — Saxr ibn Omirning qizi erdi. Mistah ibn Usosa ersa Ummu Mistahning o'g'li erdi. Ushanda men Ummu Mistah bilan uyimiz tomon hojatdan qaytayotgan erdim, Ummu Mistah o'zining tupugiga toyilib ketib «Noumid bulgur Mistax'»—deb qarq'andi. Men unga «Qanday bema'ni gapni aytdingiz, Badrda ishtirok qilgan kishini ham shunday yomon qarq'aysizmi?!»—dedim. Ummu Mistah «Voy soddaey, uning nimalar deb yurganini eshitmadingizmi!»—dedi. Men «U nimalar debdi?»— dedim. Shunda Ummu Mistah menga bo'htonchilar tarqatgan gaplarni aytib berdi. Bundan dardimga dard qo'shildi. Keyin, men uyga qaytganimda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam huzurimga kirib salom berdilar va odatdagidek «Tuzukmisan» deb surab erdilar, men «Ey Ollohning rasuli, menga izn bersangiz, ota-onamning oldilariga borsam'» —dedim, chunki men ota-onamdan aniqroq bir gap bilmoqchi erdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga izn berdilar, men ota-onamning oldilariga keldim. Onamga «Ei onajon, odamlar nimalar deyishayotir?» — dedim. Onam «Ey qizim, o'zingga olma, biror ayol chiroyli bo'lsa-yu, eri uni yaxish ko'rsa, kundoshlari albatta rashkdan ig'vo to'qishadi-da!» - dedilar. Men onamga «Subhonalloh, axir odamlar men haqimda bo'hton qilishyaptiku!»—dedim, keyin shu kecha ko'zimga uyqu ilinmadi, yig'lab tong ottirdim.

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vahiy kelavermaganidan keyin, Ali ibn Abu Tolib va Usoma ibn Zaydni chaqirib, xotinlaridan (mendani) ajrash to'g'risida maslahat qildilar. Shunda Usoma ibn Zayd meni pok erkanligimni aytib: «Ey Ollohning rasuli, biz oilangizni faqat yaxshi, deb bilurmiz!» — dedilar. Ammo Ali ibn Abu Tolib ersalar «Ey Ollohning rasuli! Olloh sizni ayollar borasida qisib qo'ymagan~ku, undan boshqa xotinlaringiz ham ko'pku, hatto xizmatkor ayoldan ham so'rashingiz mumkin, u ham bizning gapimizni tasdiqlaydi»,— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam joriya Bariyrani chaqirdilar-da, undan: «Ey Bariyra, seni shubhaga solgan biror narsa Oishadan sodir bo'lganmi?»

deb soʻradilar. Bariyra «Ey Olohning rasuli! Sizni haq din birlan yuborgan zotga qasamyod qilurmanki, sodir boʻlgan ermas! Uning bor-yoʻgʻ aybi, u ham boʻlsa, uning yosh qizchaligidur, agar unga xamirni ishonib topshirsangiz, uxlab qolib qoʻzichoq kelib xamirni yeb ketadi»;—dedi. Shundan soʻng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdulloh ibn Ubay ibn Saluldan qilgan boʻhton uchun uzr soʻrashni talab qildilar. Ul zot minbarda turib bunday dedilar: «Ey musulmonlar jamoasi, mening oilamga boʻhton qilib, menga ozor yetkazgan kishini kim menga uzr aytтира olur' Oloh taologa qasamyod qilurmanki, men oilamni faqat yaxshi, deb bilurman! Boʻhton qilina yotgan erkak haqida ham men faqat yaxshi fikrdaman. U qachon mening oilam oldiga kirsam, faqat men birlan birga kirur erdi!» ' Shunda Saʻd ibn Maoz raziyallohu anhu oʻrinlaridan turib «Ey Olohning rasuli, u odamni sizga men uzr attirurman, agar u Avs qabilasidan boʻlsa, boʻynini uzurman, mobodo Xazraj qabilasidan boʻlsa, ul holda siz nima buyursangiz, shuni qilurmiz'»— dedilar. Buni eshitib Saʻd ibn Uboda dik etib oʻrnidan turdi, u Xazraj qabilasining boshligʻi boʻlib, ilgari solih kishi boʻlgan erdi, hozir ersa hamiyati qoʻzgʻolib Saʻd ibn Maozga «Olohga qasamyod qilurmanki, uni oʻldirolmagaysan, oʻldirish qoʻlingdan kelmagay » — dedi. Shunda Usayd ibn Hazir (Saʻd ibn Maozning amakivachchalari) Saʻd ibn Ubodaga «Bekor aytibsam, Olohga qasamed qilurmanki, albatta uni oʻldirgaymiz, ammo sen ersang munofiqsan, chunki munofiqarning yonini olursan'» — deb baqirdilar. Shu tariqa Avs birlan Xazraj janjallashib, hatto bir-birlarini oʻldirishga qasd qilib qolishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam minbarda turib ularni jahldan tushirishga koʻp urindilar. Nihoyat barcha jim boʻldi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham sukut qildilar.

Men ota-onamning uyida shu kuni ham qoldim, koʻz yoshim sira toʻxtamadi, koʻzimga uyqu ilinmadi, ota-onam bu kecha ham yonimda tong ottirishdi, ikki kecha va bir kunduz tinmay yigʻladim. Ota-onam ersalar, yigʻlayverganidan jigari ezilib ketdi, deb dilpora erdilar. Shu asnoda bir ansoriya ayol ichkariga kirishga ruxsat soʻrab qoldi. Ijzat berganimdan keyin, kirib oʻltirdi-da, u ham men birlan birga yigʻlashga tushdi. Biz shu holda oʻltirgan erdik, Janob Rasululloh kirib yonimga oʻltirdilar, vaholanki ul zot boʻhton gaplardan keyin yonimga oʻltirmay qoʻygan erdilar. Mening haqimda ersa, mana bir oy boʻlibdiki, hanuz vahiy kelmas erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yonimga oʻltirayotib Oloh taologa hamdu sanolar aytdilar, soʻng «Ey (Oisha, sening haqingda menga turli gaplarni aytishdi. Agar pok boʻlsang, Oloh taoloning oʻzi seni tezda oqlaydi, basharti sendan gunoh sodir boʻlgan boʻlsa, ul holda Olohga istigʻfor aytgin unga tavba qilgin Chunki, banda Oʻz gunohini eʼtirof qilib Olohga tavba qilsa, Oloh UNING tavbasini qabul qilgay»,— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam gaplarini tugatganlaridan keyin, koʻz yeshim tindi, hatto bir qatra ham chiqmadi. Men otamga «Rasulullohning gaplariga javob beringiz'» — dedim. Otam «Olohga qasamyod qilurmanki, bul zotga ne demogʻimni bilmasman!»—dedilar. Soʻng, onamga ham «Rasulullohning gaplariga javob beringiz »—dedim. Onam ham «Olohga qasamyod qilurmanki, bul zotga ne demogʻimni bilmasman'»— dedilar. Shundan soʻng, men bunday dedim: «Men Qurʻondan koʻp narsalarni oʻqiy olmaydirgan bir norasida qizaloqmen, siz kattalar ersangizlar, mening xususimdagi boʻhtonni eshitiboq, oʻylab-netib oʻltirmay, unga ishondingizlar, uni dillaringizga jo ham qildingizlar Shuning uchun ham men «pokman» deganim birlan sizlar menga ishonmaysizlar, vaholanki Oloh taolo mening pokligimni bilib turibdir. Basharti, men biror gunohni eʼtirof qilsam, sizlar darhol bunga ishongaysizlar, vaholanki Oloh taolo mening pokligimga oʻzi guvohdur, Oloh taologa qasamyod qilurmanki, sizlarga Yusufning otasi aytgan gapdan boʻlak aytadirgan gapim yoʻq! Ul kishi «Endi, sabr qilmogʻim yaxshidur, sizlarning bu gaplaringizdan xalos boʻlmogʻim uchun Oloh

taolodangina madad tilarman'»— degan erdilar» Men shunday dedim-da, teskari qarab to'shaginga yotib oldim. Men o'zimning pokligimni yaxshi bilur va «Olloh taolo albatta meni oqlagay!» — deb ishonur erdim. Ammo, men «Olloh taolo mening haqimda tilovat qilinadigan vahiy nozil qilgay» — deb sira ham o'ylamagan erdim, Olloh taoloning mening xususimda tilovat qilinadigan oyatlar orqali so'zlamog'idan orlanur erdim. Men faqat «Janob Rasululloh tush ko'rsalar-u, tushlarida ul zotga mening pokligim ayon qilinsa'»— deb umid qilur erdim, xolos Olloh taologa qasamlar ichurmenki, na Janob Rasululloh va na uydagilarning birortasi tashqariga chiqmoqqa xezlanib ulgurmedi, to'satdan ul zotga vahiy nozil bo'lib qoldi. Janob Rasulullohni qattiq isitmadan keyin bo'ladirgan bezgakdek qaltiroq bosdi, badanlaridan marjondek ter quyildi. Birozdan so'ng, Janob Rasululloh tabassum qilgan holda o'zlariga keldilar. Ul zotning dastlab aytgan gaplari—«Ey Oisha, seni Olloh taolo oqladi!» degan jumla bo'ldi. Shunda onam menga «Tur, Rasulullohga qulluq qil!» — dedilar. Men «Ollohga qasamyod qilurmanki, Rasulullohga ta'zim qilmagayman, tashakkur ham aytmagayman, men faqat Ollohga qulluq qilgayman va Ollohga hamd aytgayman'» — dedim.

O'shanda Olloh taolo «Albatta, bo'hton to'qiganlar o'zlaringizdan bo'lgan bir to'dadur» deb boshlanadigan o'nta oyat nozil qilgan erdi. Olloh taolo mening pokligim to'g'risidagi mazkur oyatlarni nozil qilgandan so'ng, otam Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu kambag'alligi va qarindoshligi sababli o'zlari yordam qilib turgan Mistah ibn Usosa haqida «Ollohga qasamyod qilurmanki, Oisha haqida bo'hton qilgani uchun Mistahga hech qachoi hech narsa bermagayman »—deb ont ichdilar. Shunda Olloh taolo: «Sizlardan fazlu davlat egalari bo'lmish kishilar qarindoshlari, miskinlar va muhojirlarga Olloh yulida ehson qilmaslikka qasam ichmasinlar, aksincha ularni kechirsinar. Ollohning sizlarni mag'firat qilmog'ini istamaysizlarmi? Olloh mag'firatli mehribondur!» — degan oyatni nozil qildi. Shundan so'ng, otam Abu Bakr Siddiq: «Ha, yo Olloh, albatta mag'firatingni istarman »—dedilar-da, ilgarigidek Mistahga nafaqa bera boshladilar. «Ollohxa qasamyod qilurmanki Mistahning nafaqasini zarracha ham kamaytirmagayman!»—deb erdilar o'shanda otam. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam men haqimda Zaynab binti Jahshdan ham so'ragan erdilar. U «Ey Ollohning rasuli, men qulog'im birlan ko'zimni (qabohatdan) ehtiyot qilurman, men Oisha haqida faqat xayriyatni bilurman! — degan erdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotinlari ichida mana shu Zaynabgina meni himoya qilgan erdi, Olloh taolo uni hamisha taqvoda saqladi. U birlan janjallashgan singlisi Hanna ersa halok bo'lgan buhtonchilar qatorida halok bo'ldi»

7-bob. Olloh taoloning qavli: «Agar sizlarga dunyo va oxiratda Ollohning fazlu marhamati bulmaganda, albatta sizlarni tinmay so'zlagan gaplaringiz (bo'htonlaringiz) sababli buyuk azob ushlagan bo'lur erdi!»

Oisha raziyallohu anhoneing onalari Ummu Rumon «Oishaga bo'hton qilinganda, u hushdan ketib yiqildi»,— deydilar

8-bob. Olloh taoloning qavli: «Sizlar uni tillaringiz ila naql qilib, og'izlaringiz ila aniq bilmagan narsa xususida so'ylaganingizda, buni bir arzimas ish, deb hisobladingizlar. Holbuki, Olloh nazdida bu ulug' gunoxdir!»

Ibn Abu Mulayka: «Men Oishaning mazkur oyatni o'qiyotganlarini eshitganman»,— deydilar.

9-bob. Olloh taoloning kavli: «Uni (bo`htonni) eshitgan paytingizda, «Bu buhtonni so`zlash bizlar uchun joiz ermas, ey parvardigor, bu ochiqdan-ochiq bo`hton-ku!» deb ayqangizlar bo`lmasmidi?!»

Ibn Abu Mulayka raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ibn Abbas raziyallohu anhu nihoyatda toliqqan, o`lim to`shagida yotgan Oisha onamizning vafotlari arafasida ul muhtaramani ko`rish uchun ijozat so`radilar. Shunda Oisha onamiz «Qo`rqamanki, u meni maqtab qo`ygay», — dedilar. Uydagilar «Ibn Abbas Janob Rasulullohning amakivachchalari, buning ustiga ul kishi ko`plab musulmonlar nomidan kelganlar — deyishdi. «Mayli u kishiga ijozat beringizlar!»—dedilar. Oisha onamiz Ibn Abbas (kirib) «O`zingizni qanday sezayotirsiz?»—deb so`radilar. Oisha raziyallohu anho «Olloh taoloning dargohiga komil iymon birlan borolsam, yaxshi bo`lur erdi!» — dedilar. Ibn Abbas raziyallohu anhu «Xudo xohlasa oxiratingiz baxayr bulgay, chunkn siz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning jufti halollarisiz, ul zot sizdan boshqa birorta bokira qiz olmaganlar. Olloh taolo sizning pokligingiz haqida osmondan oyat nozil qilgan!» — dedilar. Ibn Abbasdan keyin Ibn Zubayr kirdilar. Oisha raziyallohu anho ul kishiga «Ibn Abbas kirib, meni maqtadi Men ersam, umuman unutilib ketmogimni istar erdim!» — dedilar» Qosim, ya`ni Muhammad ibn Abu Bakr «Ibn Abbas raziyallohu anhu Oishaning ziyoratlariga kirish uchun izn so`radilar» degan hadisni rivoyat qiladilar, ammo uning oxirida «Umuman unutilib keqam erdi!» degan jumla yo`q»

10-bob. Olloh taoloning qavli: «Agar mo`min bo`lsangizlar, shunga o`xshash narsalarni hargiz qaytarmasliklaringizni Olloh sizlarga pand-nasihah qilur!»

Masruq rivoyat qiladilar: «(Oisha raziyallohu anho «Hasson ibn Sobit mening ziyoratimga kelib, kirishga izn so`radi», — dedilar. Shunda men «Bunday odamlarning kirishiga ham izn beraverasizmi!» — dedim. Oisha onamiz «Axir, u Olloh taolo va`da qilgan buyuk azobni tortayotirku!» — dedilar».

Sufyonning aytiitaricha, Oisha onamiz aytgan azob Hassonning ko`zlari ko`r bo`lib qolganligidir. Ushanda Xasson Oisha onamizniig huzurlariga kirganda «Pok va aqli yetuk kishilar bo`hton qilmaydilar va pokdomonlar go`shtini yeyishga mushtoq bo`lmaydilar» degan mazmunda g`azal o`qibdi. Oisha onamiz unga: «Lekin, sen o`zing undaylardan emassan!» — debdilar».

11-bob. Olloh taoloning qavli: «Olloh sizlarga o`z oyatlarini bayon qilur, Olloh ilm va hikmat sohibidur!»

Masruq rivoyat qiladilar: «Hasson ibn Sobit Oisha onamizning huzurlariga kirdi va bunday deb g`azal o`qidi « Pok va aqli yetuk kishilar buhton qilmaydilar va pok-domonlar go`shtini yeyishga mushtoq bulmaydilar» Oisha onamiz unga javoban: «Lekin, sen o`zing undaylardan emassan!» — dedilar. Men Oisha onamizga « Bunday kishilarning huzuringizga kirishga nechun ruxsat berasiz? Axir Olloh taolo ular haqida «Ammo, gunohning eng katta xissasini ko`targanlar uchun ulug` azob bordur!» deb oyat yuborgan-ku'» — dedim. Oisha raziyallohu anho: Ko`zi ko`r bo`lib qolishdan ham qattiqroq dunyoda azob bormi» — dedilar, keyin yana «Ilgari u Janob Rasulullohni dushmanlar hajvidan saqlab turardi»—deb qo`shib quydilar».

12-bob. Oллоh taoloning qavli: «Albatta, iymoi keltirgan kishilar o`rtasida buzuqliklar yoyilishini istaydirgan kimsalar uchun dunyoda ham, oxiratda ham alamli azob bordur. Oллоh bilur, ammo sizlar bilmassiz! Agar sizlarga dunyo va oxiratda Oллоhning fazlu marhamati bo`lmasda (azobni o`sha zahoti yuborgan bo`lur erdi). Orangizdagi fazl va katta boylik egasi bo`lgan kishilar qarindoshlariga, miskinlarga va muhojirlarga Oллоh yo`lida ehson qilmaslikka qasam ichmasinlar, balki ularni kechirsinlar. Oллоh sizlarni mag`firat qilmogini istamaysizlarmi? Oллоh mag`firatli, mehribondur!»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Mening haqimda bo`hton tarqatilib, bundan men ham xabardor bo`lganimdan keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mening haqimda xutba o`qishga turdilar. Avval kalima keltirib Oллоhga munosib hamdu sanolar aytganlaridan so`ng «Ey mo`minlar, mening oilam haqida bo`hton qilgan kishilar xususida menga maslahat beringizlar. Oллоh taolaga qasamyod qilurmanki, men oilam haqida ham, u birlan birga tuhmat qilinayotgan kishi haqida ham biror yomonlikni bilmasman. Usha odam men borligimdagina uyimga kirur erdi. Men qachon safarda bo`lsam, u ham men birlan safarda bulur erdi»,— dedilar. Shunda Sa`d ibn Maoz raziyallohu anhu o`rinlaridan turib: «Ey Oллоhning rasuli, menga izn beringiz, bu bo`htonchilarning bo`ynini uzib tashlay!»—dedilar. Buni eshitib, Xazraj qabilasidan bir kishi o`rnidan turdi-da, dag`daga birlan «Bekor aytibsan, Oллоhga qasamki, agar bo`htonchilar Avs qabilasidan bo`lsa ham, ularning bo`yniga sening qilich urmog`ingga yul quymagaiman!»—dedi. Shul tariqa masjidida Xazraj birlan Avs kishilari o`rtasida jang bo`lishiga oz qoldi. Ammo, men buning sababidan bexabar erdim. Keyin, o`shal kuni kechqurun uydan hojat uchun chiqdim. Men birlan Ummu Mistah ham birga erdi. Oyog`i toyilib ketib, «Noumid bo`lgur, Mistah!» deb qarg`andi. Men unga «Ey ona, o`z o`g`lingizni qarg`aysizmi?»—dedim. U indamadi. So`ng, yana toyilib ketib, yana «Noumid bo`lgur Mistah» deb qarg`andi, uchinchi bor toyilib ketganda ham shu gapni akrorladi. Men unga nafrat birlan qarab erdim, u «Oллоhga qasamki, seni deb uni qarg`ayotirman!»—dedi. Men «Nechun meni deb uni qarg`ayotirsiz?» —dedim. Shunda u menga bor gapni so`zlab berdi. Men «Ie, hali shunday gaplar bo`ldimi?»—dedim. U «Ha» — deb javob berdi.

Hushim og`ib, tashqariga nima uchun chiqqanim yodimda yo`q, uyga qaytib kirdim, meni qattiq isitma oldi. Men Janob Rasulullohdan otamning uylariga yuborishlarini so`radim ul zot menga bir xizmatkor bolani qo`shib yubordilar. Men uyga kirib kelganimda, otam Abu Bakr tomda Qur`on tilovat qilar, onam Ummu Rumon ersalar, pastda turgan erdilar. Onam menga: «Nechun kelding, qizim?» — dedilar. Men onamga bo`lgan voqeani aytdim. Ammo, bundan onamning yuzlarida o`zgarish sezilmadi. Onam menga «Ey qizim, sekinroq gapirgil, nomusingni saqlagil, chunkim ko`pincha er biror chiroyli xotinini yaxshi ko`rsa, uning kundoshlari hasad qilib, bo`hton tarqataverishadi»,— dedilar. Men: «Bu haqda otam ham biladilarmi?»—deb so`radim. Onam «Ha»,— dedilar. Men «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham biladilarmi?»—dedim. Onam «Ha, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham biladilar»,— dedilar. Buni eshitib, ko`zimdan tirqirab yosh quyildi, «dod» deb yig`la-dim. Otam Abu Bakr raziyallohu anhu ovozimni eshitib tepadan, Qur`on o`qiyotgan yerlaridan tushdilar. So`ng, onamdan «Unga ne bo`libdi?» — deb so`radilar Onam «Uzi haqidagi bo`htonni eshitib qolibdi»,— dedilar. Otam menga «Ey qizalog`im, uyingga qaytishingni maslahat bergayman'» — dedilar. Men uyga qaytdim. Shu asnoda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uyga kirib, xodimamdan men haqimda so`rayotgan erkanlar. Xodima «Oллоhga qasamki, uning biror aybi borligini bilmasman!

Uning bor-yo'g' aybi, u ham bo'lsa, uning norasida qizchaligidur, agar unga bir xamirni ishonib topshirsangiz, bolalik qilib uxlab qolgay-da, xamirni qo'zichoq yeb ketgay»,— dedi. Shunda sahobalardan biri uning gapini bo'lib, so'ralgan maqsadni tushuntirdilar-da «Janob Rasulullohga haqiqatni aytasanmi, yo'qmi!»—deb dag'dag'a qildilar. Xodima «Subhonalloh, zargar sof oltinni qanday ajrata olsa, men ham Oishaning pokligini shunday yaxshi bilurman!» — dedi.

(Bu bo'hton haqidagi xabar Oisha birlan birga qoralanayotgan kishining ham qulog'iga yetganda, u «Subhonalloh, men umrimda biror ayolning ko'kragini ham ochib ko'rmaganman!» — dedi. Keyinchalik, o'sha kishi Olloh taolo yo'lida jihod qilib, shahid bo'ldi)

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asrni o'qib bo'lganlaridan keyin, huzurimga kirib keldilar. Shunda ota-onam yonimda o'ltirishgan erdi. Ulardan birlari o'ng va birlari chap yonimda erdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam hamdu sano aytgach «Ey Oisha, agar yomonlik (yoki o'zingga zulm) qilgan ersang, Olloh taologa tavba qilgil, chunki Olloh taolo bandalardan tavba qabul qilguvchidir!» —dedilar. Uyda ansoriya bir ayol ham bo'lib, u eshik yonida o'ltirar erdi, men ul zotga «Menga ayb qo'ygani mana bu ayoldan uyalmaysizmi?»—dedim. Lekin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga pand-nasihat qilmoqda davom etaverdilar. Men otamga qarab: «Rasulullohning gaplariga javob beringiz!» — dedim. Otam «Men nima ham derdim»,— dedilar. Shunda onamga qarab «Bo'lmasa, siz javob beringiz!»—dedim. Onam ham «Men nima ham derdim»,— dedilar. Ikkovlari javob bermagach, men kalimai shahodat birla Olloh taologa munosib hamdu sanolar aytdim-da, so'ng «Olloh taologa qasam ichurmanki, hatto «Men pokman» deb aytganim birlan sizlar ishonmagaysizlar, chunki bo'htonni dillaringizga jo qilib olgansizlar. Agar men «Xa, gunoh qildim»,— desam, vaholanki qilmaganimni Olloh taolo bilur, sizlar «Ana endi rostini aytding»,— deysizlar. Shu boisdan ham Ya'qub alayhissalomning «Endi sabr qilmog'im yaxshidir, sizlar aytayotgan bo'htondan xalos bo'lmog'imda menga Olloh taoloning o'zigina madadkordur!» degan gaplarini aytishdan bo'lak ilojim yo'q!» — dedim. Shu asnoda Janob Rasulullohga vahiy nozil bo'lib qolib, oraga jimlik cho'kdi. Vahiy nozil bo'lgach, men ul zotning yuzlaridan xursandlik alomatini payqab oldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam peshonalarini arta turib «Ey Oisha, xursand bo'lgil, Olloh taolo sening pokliging haqida xabar nozil qildi!»— dedilar. Bu kun ersa, mening uchun umrimda eng qattiq g'azablangan kun bo'ldi. Ota-onam «Turgil, Janob Rasulullohga qulluq qilgil!»— deyishdi. Men «Ollohga qasamki, Rasulullohdan minnatdor bo'lib o'rnimdan turmagayman ham, rahmat aytmagayman ham, shuningdek sizlarga ham rahmat aytmasman, lekin mening pokligim haqida xabar yuborgan Olloh taologagina hamd aytgumdur. Sizlar ersangizlar, bo'htonga quloq solib, uni inkor qilmadingizlar ham, kuyunmadingizlar ham!»—dedim.

Ushanda Zaynab binti Jahsh mening haqimda nuqul yaxshi gaplar aytgan erdi, Olloh taolo uni diyonatli qildi, uning singlisi Hamna ersa, bo'htonchilar tarafini olib, o'shalar birlan birga halok bo'ldi. Bo'htonchilar — Mistah, Hasson va munofiq Abdulloh ibn Ubay erdi. Abdulloh ibn Ubay yangidan yangi ig'volar tarqatar erdi. «Gunohning eng katta xissasini ko'targan» kishilar mana shu Abdulloh ibn Ubay birlan Hamna erdi. Otam Abu Bakr ilgarilari Mistahga yordam qilib turur erdilar, ul menga bo'hton qilgach «Men endi sira ham Mistahga ehson qilmayman»—deb ont ichdilar. Shunda Olloh taolo «Oralaringizdagi fazl va boylik sohibi bo'lganlar qarindoshlari, miskinlar va muhojirlarga Olloh yo'lida ehson qilmaslikka qasam ichmasinlar, balki ularni afv qilsinlar, Olloh sizlarni

mag'firat qilishini istamaysizlarmi? Oллоh mehribon va mag'firatlidir!» degan oyat nozil kildi. Otam Abu Bakr Siddiq darhol»Ha, ey parvardigorim, biz mag'firat istarmiz!» — deb ilgari gidek Mistahga ehson qila boshladilar»

13-bob Oллоh taoloning qavli: «Ko'kraklarini yoping'ichlari birlan to'ssinlar!»

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Avvalgi muxojirlarning xotinlarini Oллоh taolo rahmat qilsin! Oллоh taolo «Ko'kraklarini yoping'ichlari birlan to'ssinlar!» degan oyatni nozil qilganda ular choyshab-laridan yirtib olib, ko'kraklarini yopib yurgan erdilar»

«AL-FURQON» SURASI

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Yuzlari birlan yurib borib jahannamda to'planuvchilar — ana o'shalardur (oxiratda) eng joyi yomon va butunlay yo'ldan ozganlar!»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deydilar: «Bir kishi Janob Rasulullohdan «Ey Oллоhning payg'ambari, qiyomat kuni kofirlar qanday qilib yuzlari birlan yuradigan qilib tiriltiriladi?»—deb so'radi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu dunyoda ikki oyoq birlan yuradigan qilib qo'ygan zot qiyomatda yuzi birlan yuradigan qilib qo'ymoqqa qodir ermasmi'»—dedilar. Shunda Qatoda raziyallohu anhu: «Ha, rabbimizning ulug'ligi haqi, albatta qodirdur! — dedilar».

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «... va Oллоhga shirk keltirmaydirganlar, Oллоh o'ldirmoqni ta'qiq qilgan biror jonni nohaq o'ldirmaydirganlar va zino qilmaydirganlar va kimki buni qilsa (ya'ni, Oллоhga shirk keltirsa, nohaq o'ldirsa va zino qilsa), uqubatga muftalo bo'lur»

Abdulloh ibn Mas'ud va Vosil ibn Xabbon raziyallohu anhumo rivoyat qilishadi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan «Oллоhning nazdida eng katta gunoh qaydur?»—deb so'rashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Oллоh seni yaratgan bo'la turib, unga biror narsa sherik qilmoqligingdur»,— dedilar. «Keyin, qaysi?» — deb so'rashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Taomingga sherik bo'lishidan qo'rqib, o'z bolangni o'ldirmoqligingdur»,— dedilar. «Undan keyinchi? — deb so'rashdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Qo'shningning jufti haloli birlan zino qilmoqligingdur»,— dedilar. Shunda Janob Rasulullohning gaplarining tasdiqi uchun «va Oллоhga shirk keltirmaydirganlar, Oллоh o'ldirmoqni ta'qiq qilgan biror jonni nohaq o'ldirmaydirganlar va zino qilmaydirganlar» degan oyat nozil bo'ldi».

Qosim ibn Abu Buzza rivoyat qiladilar: «Men Sa'id ibn Jubayrdan «Mo'min kishini qasddan o'ldirgan qotil uchun tavbaga imkon bormi?» — deb so'radim-da, «Oллоh o'ldirmoqni ta'qiq qilgan biror jonni nohaq o'ldirmaydirganlar» degan oyatni tilovat qildim. Shunda Sa'id bunday deb javob qildilar: «Men ham bu oyatni xuddi siz menga o'qib berganingizdek Ibn Abbosga o'qib bergan erdim. Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Bu oyat Makkada nozil bo'lgan bo'lib, uni Madinada nozil bo'lgan «An-Niso» surasidagi oyat bekor qilgan»,— deb erdilar».

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Kufa ahli mo'min kishini qasddan o'ldirgan qotilga beriladigan jazo haqida ixtilof qilishdi. Shunda men bu masala haqida so'ragani Ibn

Abbosning huzurlariga bordim. U kishi «Mazkur oyat eng keyin nozil bo'lgan oyatlardan hisoblanur, uni boshqa bir oyat bekor qilgan ermas»,— dedilar»

Sa'id ibn Jubayr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ibn Abbosdan «Qotilning jazosi jahannamdur» degan oyatning mazmunini so'radim. Ul kishi «Qotilning tavbasi qabul qilinmaydi»,— dedilar. Keyin, «Ollohga shirk keltirmaydirganlar» degan oyat xususida so'rab erdim, ul kishi «Bu oyat johiliyat davri (kishilari) xususida erdi»,— dedilar».

3-bob Olloh taoloning qavli: «Qiyomat kuni unga ikki karra ko'p azob berilur va ul o'shal joyda xorlangan holda mangu qolur!»

Ibn Abziy rivoyat qiladilar: «Ibn Abbosdan «Kimki mo'minni qasddan o'ldirsa, uning jazosi jahannamdur» hamda «Olloh o'ldirmoqni ta'qiq qilgan biror jonni o'ldirmaydirganlar» degan oyatlar haqida so'radim Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday dedilar «Bu oyat nozil bo'lganda, Makka ahli «Biz Ollohga shirk keltirib bo'lak tangriga iltijo ham qilganmiz, Olloh o'ldirishni harom qilgan jonni ham o'ldirganmiz, fahsh ishlarni ham qilganmiz»,— deyishdi. Shunda Olloh ularning dilini hidoyatga chorlash uchun «Kimki gunohlariga tavba qilsa, iymon keltirsa va yaxshi ishlar qila boshlasa, Olloh ularning gunohlarini savobga aylantirib qo'yur, Olloh mag'firatli, mehribondur!» degan oyatni nozil qildi».

4-bob Olloh taoloning qavli: «Kimki gunohlariga tavba qilsa, iymon keltirsa va yaxshi ishlar qila boshlasa, Olloh ularning gunohlarini savobga aylantirib qo'yur, Olloh mag'firatli, mehribondur!»

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Abdurrahmon ibn Abziy ikki oyat xususida Ibn Abbosdan so'ramog'imni buyurdilar. Avval men «Kimki mo'minni qasddan o'ldirsa...» degan oyat haqida so'radim. Shunda Ibn Abbos: «Bu oyatni boshqa biror oyat bekor qilgani yo'q,— dedilar. Keyin, men «Ollohga shirk keltirmaydirganlar» degan oyat haqida so'rab erdim, Ibn Abbos «Bu oyat mushriklar haqida nozil bo'lgan»,— dedilar».

5-bob Olloh taoloning qavli: «Endi sizlarga (albatta sazo bermog) lozim bo'lur!»

Masruq rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Mas'ud bundai dedilar: «Besh alomat— «Tutun», «Oy», «Rum», «Hujum» va «Sazo» bo'lib o'tdi»

(«Tutun» Quraysh kofirlarining kufri. Payg'ambarimiz (sollallohu alayhi va sallamga nisbatan tobora kuchaya borgandan so'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ollohdan Yusuf alayhissalom zamonlarida bo'lgan qahatchilikdan yuborishni so'ragan erkanlar. Bir necha yil davom etgan qahatchilik va qurg'oqchilikdan kofirlar daraxt va ko'katlarning tomirini yeyishga majbur bo'lgan erkan. Qurib-qaqshab ketgan yerdan ko'tarilgan chang-to'zon ularning ko'ziga tutundek bo'lib ko'ringan erkan Shundan so'ng, ular Ollohga iltijo qila boshlabdilar-u, ammo balo ketishi birlanoq Payg'ambarimizga yana osiylik qilishda davom etibdilar.

«Oy»: Quraysh kofirlari Payg'ambarimiz alayhissalomdan odatdan tashqari mo'jizalar ko'rsatishni talab qilishardi. Ularning talabiga binoan, kechalarning birida Janob Rasululloh barchaning ko'z oldida Oyni bir ishora birlan ikkiga bo'lib, birini Mashriqqa,

ikkinchisini Mag'ribga jo'natdilar, so'ng yana bir ishora birlan birlashtirdilar. Buni ko'rib kofirlar Janob Rasulullohni sehrgar deyishdi. Bu voqeaga Qur'ondagi «Qiyomat yaqinlashdi va Oy teng ikkiga bo'lindi» degan oyat dalildir.

«Rum»: Payg'ambarimiz alayhissalom bashorat qilib «Fors mamlakati hozircha Rum ustidan g'olib bo'lib turibdi, ko'p o'tmay Rum forslar ustidan zafar quchadi»,— degan erdilar. Oradan yetti yil o'tgach, bashorat zohir bo'lib, Rum mamlakati forslar ustidan g'alabaga erishdi. Bunga Olloh taoloning «Juda yaqin joyda rumliklar mag'lub bo'ldi, lekin ular bu mag'lubiyatidan so'ng, yaqin yillar ichida albatta g'alaba qiladilar» degan oyati dalildir.

«Hujum»: Olloh taolo uz oyati karimasida «Tez fursatda ularni halok qilurmiz» —deb aytgan erdi. Badr kuni musulmonlar mushriklar ustiga tashlanib, Olloh taoloning irodasi birlan ulardan 70 tasini halok qildilar.

«Sazo»: Olloh taolo o'z oyati karimasida. «Endi sizlarga (albatta sazo bermoq) lozim bo'lur!» — deb aytgan erdi. Badr janggida 70 mushrik o'ldirildi, yuzdan ortig'i asir olindi, bir qanchasi yarador bo'ldi, o'ldirilgan mushriklardan 24 tasining jasaki eng iflos chohga tashlab yuborildi).

«ASH-SHU'ARO» SURASI

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Va barcha qayta tiriladigan kunda meni sharmanda qilmagil!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh: «Darhaqiqat, Ibrohim alayhissalom qiyomat kunida otalarini qora tutun bosganini ko'rgaylar»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat kiladilir: «Janob Rasululloh: «Qiyomat kuni Ibrohim alayhissalom otalarini uchratgaylar. Shunda Ibrohim alayhissalom: «Ey parvardigor, darhaqiqat sen hamma qayta tiriladigan kunda meni sharmanda qilmaslikka va'da bergansan!» —degaylar. Olloh taolo ersa: «Darhaqiqat, men jannatni kofirlarga harom qilgandurman!»—deb javob bergay»,— dedilar».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «(Avval) o'zingizning yaqin qarindoshlaringizni qo'rqitingiz (oxirat azobidan ogohlantiringiz) va musulmonlardan o'zingizga ergashganlariga xayrixohlik qilingiz!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Uzingizning yaqin qarindoshlaringizni qo'rqitingiz. .» degan oyat nozil bo'lganda Janob Rasululloh Safo tog'i ustiga chiqib, Quraysh qabilasidagi urug'larga «Ey Baniy Fihri, ey Baniy Adiy!» deb nido qilib erdilar, hamma jamlandi, o'zi kelishga qodir bo'lmagan kishilar ersa, «Borib kelchi, nima gap erkan» deb odam jo'natdi. Abu Lahab va Qurayshning kattalari ham kelishdi. Janob Rasululloh: «Nima deysizlar, agar men sizlarga «Mana bu vodiya dushman otliqlari bostirib kelishga shaylanib turibdi» deb xabar bersam, sizlar menga inonasizlarmi?»— dedilar. Ko'pchilik: «Ha, chunki biror marta ham sizdan rostdan bo'lak gap eshitmaganmiz!» — deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Shunday erkan, men sizlarni kelgusida bo'ladirgan qattiq azobdan ogohlantirurman»,— dedilar. Abu

Lahab: «Sen halok va barbod bo'lgil, shuning uchun bizlarni jamladingmi?» — deb masxara qildi. Shunda «Abu Lahabning ikki qo'li quridi, moli va kasb qilgan narsasi uni bundan qutultira olmadi...» degan sura nozil bo'ldi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ollohning «Uzingizning yaqin qarindoshlaringizni qo'rqitingiz» degan oyati nozil bo'lganda, Janob Rasululloh o'rinlaridan turib: «Ey Quraysh jamoasi, oxiratingiz g'amini o'z'laringiz yengizlar, men (oxiratda) sizlar uchun Olloh taolodan biror yengillik so'rab bermagayman! Ey Baniy Abdu Manof, oxiratingiz g'amini o'z'laringiz yengizlar, men sizlar uchun Olloh taolodan biror yengillik so'rab bermagayman! Ey Abbas ibn Abdulmuttalib, oxiratingiz g'amini o'zingiz yengiz, men siz uchun Olloh taolodan biror yengillik so'rab bermagayman! Ey Rasulullohning ammasi bo'lmish Safiyya, men siz uchun Olloh taolodan biror yengillik so'rab bermagayman! Ey Fotima binti Muhammad, mening molimdan xohlaganingcha so'ra, ammo Olloh taolodan sening uchun biror yengillik so'rab bermagayman!» — dedilar».

«AL-QASAS» SURASI

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Albatta, siz o'zingiz yaxshi ko'rgan kishini qidoyat qila olmagaysiz, ammo Olloh o'zi xohlagan bandasini hidoyat qilur!»

Sa'id ibn Musayyab otalaridan nahl qiladilar: «Abu Tolibning vafot qiladigan kuni yaqinlashganda Janob Rasululloh uning huzuriga keldilar. Shunda ul zot Abu Tolibning oldida Abu Jahl, Abdulloh ibn Abu Umayya ibn Mug'iyrani ko'rdilar. Janob Rasululloh: «Ey amaki, «Lo iloha illalloh» deb kalima keltiringiz, men ul dunyoda Olloh taologa kalima keltirganingizni dalil qilurman!» — dedilar. Abu Jahl birlan Abdulloh ibn Abu Umayya ibn Mug'iyra ersa nuqul: «Abdulmuttalibning dinidan yuz o'girasizmi?» — deyishar erdi. Janob Rasululloh ham «Kalima keltiringiz» deb qistayverdilar. Ammo, Abu Tolib kalima keltirmay, «Abdulmuttalib millatida qolurman» deya jon taslim qildi. Shunda Janob Rasululloh: «Xudo haqi, agar man' etilmasam, siz uchun istig'for ayturman!» — deb erdilar, Olloh taolo «Payg'ambar va mo'minlarning mushriklar uchun istig'for aytmoqligi durust emasdur!» degan oyatni hamda «Albatta, siz o'zingiz yaxshi ko'rgan kishini hidoyat qila olmagaysiz, ammo Olloh o'zi xohlagan bandasini hidoyat qilur!» degan oyatni nozil qildi».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey Muhammad, sizga Qur'onni farz qilgan zot, albatta sizni avvalgi maqomga (ya'ni, Makkaga) qaytarguchidur!»

Ibn Abbas raziyallohu anhu: «Sizni avvalgi maqomga qaytarguchidur» deyilganda Makka nazarda tutilgan», — dedilar.

«AR-RUM» SURASI

Masruq rivoyat qiladilar: «Kinda qabilasidan bir kishi bunday dedi: «Qiyomat kuni bir tutun kelib, munofiqlarning qulog'u ko'zlarini qoplagay. Mo'minga ersa tumovday yengilgina ta'sir qilgay». Bu so'zni eshitib biz qo'rquvga tushdik. Men Ibn Mas'udning oldilariga kelib, shul haqda so'radim. Ibn Mas'ud suyanib turgan erkanlar, mening gapimni eshitib, g'azablandilar-da, so'ng o'ltirib bunday dedilar' «Kim bilsa, gapirsin, bilmasa, Olloh taolo biluvchiroq!» desin. Chunki, bilmaydirgan narsasini «bilmayman»

deyish ham ilmdandur. Oллоh taolo: «Ey Muhammad, «Men sizlarni da'vat qilganim uchun haq so'ramayman va men qiyin ahvolga tushib qolganlardan ham ermasman!» deb aytingiz!» — degandur. Bir vaqtlar Quraysh islomga kiravermadi. Shunda Janob Rasululloh: «Ey parvardigor, ularga Yusuf alayhissalom davridagidek qahatchilik yuborib, menga madad bergil!»—dedilar. Tez fursatda ularga qahatchilik kelib, o'limtik va suyaklarni yeyishga majbur bo'ldilar, ochlikdan birin-ketin halok bo'la boshladilar. Keyin, ular yeru osmon oraliqini tutunga o'xshash narsa qoplaganini ko'rdilar Abu Sufyon Janob Rasulullohning qoshlariga kelib: «Ey Muhammad, o'zingiz bizga qarindoshlarga yaxshilik qilishni buyurasiz, ammo o'z qavmingiz halok bo'layotir-ku?! Oллоh taologa duo qilingiz (musibatni to'xtaqin)!»—dedi».

Keyin, Ibn Mas'ud Oллоh taoloning quyidagi «Siz kutingiz ul kunniki, osmon aniq bir tutun keltirur («albatta sizlar yana qaytguchidursizlar» degan so'zigacha) oyatini qiroat qildilar-da, bunday dedilar: «Ular, o'zlariga payg'ambar kelib ogohlantirganligiga qaramay, kufr keltirishdi, shunday bo'lgach, nechuk ular oxirat azobidan xalos qilinsinlar?! Oллоh taoloning «Ul kunki, biz buyuk (qattiq) tutish qilurmiz» degan qavli ham, «Endi, tez fursatda ul sazo sizlarga lozim bo'lur» degan qavli ham Badr kuni bo'lib o'tdi. Oллоh taolo: «Mag'lub bo'ldilar rumliklar yaqin bir yerda va ular mag'lub bo'lganlaridan keyin, oz fursatda g'olib bo'lurlar»,— degan erdi, ma'lumingizki, bu ham bo'lib o'tdi».

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «...Oллоhning yaratganini o'zgartib bo'lmas, budur to'g'ri din!»

(Ya'ni, Oллоh taolo odamizodning xilqatin shundog paydo qilgandurki, agar ul haqni tushunmoq va qabul qilmoqchi bo'lsa, qila olur va yo boshqalar, agar uni asliy tabiatiga qo'yib bersalar, albatta ul o'zicha haq dinni qabul etur).

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Har bir tug'iladigan go'dak, albatta, islomda tug'iladir. Keyin, uni ota-onasi yahudiy, nasoro yoki majusiy qilur. Shuningdek, Oллоh taoloning qudrati ila hayvondan ham mukammal hayvon tug'iladur. Aytingchi, hayvon bolasining (agar keyin o'zingiz kesmasangiz) biror a'zosi kesik holda tug'ilganini ko'rganmisizlar? Oллоh taolo: «Oллоh odamlarni yaratishda ularning tabiatiga jo qilgan xilqatni o'zgartib bo'lmas, budur to'g'ri din!» — deydi».

«LUQMON» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Oллоhga shirk keltirma, darhaqiqat shirk katta zulmdur!»

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu aytadilar: «Iymon keltirgan kishilar iymonlarini zulmga omuxta qilmasalar, ularga xotirjamlik bo'lur va ular hidoyat topgan kishilardurlar» degan oyat nozil bo'lganda Janob Rasulullohning sahobalari dillariga tashvish tushdi. Ular «Qaysi birimiz iymonimizni zulm birlan bulg'amadik?!»—deya kuyunishdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Albatta, bu oyatning ma'nosi sizlar tushungandek ermas, Luqmonning o'z o'g'liga «Darhaqiqat, shirk katta zulmdur»—deganini eshitmagansizlarmi?»— dedilar». (Zulmdan maqsad, musulmonlar bilib-bilmay qilib qo'yadigan gunohlar ermas, balki Oллоh taologa shirk keltirmoqlikdur).

1-bob Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, qiyomatning qachon bo'lmog'ini faqat Olloh bilgaydur!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kuni odamlar birlan mubohasa qilib o'ltirgan erdilar, shu payt bir notanish kishi kelib Janob Rasulullohga «Ey Ollohning rasuli, iymon nedur?»— deb savol berdi. Janob Rasululloh «Iymon Ollohga, uning farishtalariga, payg'ambarlariga, Olloh birlan qiyomatda yuzma-yuz bo'lishga, oxiratda qayta tirilishga ishonmoqlikdir»,— dedilar. Boyagi kishi yana «Ey Ollohning rasuli, islom nedur?» — deb so'radi. Janob Rasululloh «Islom — Ollohga ibodat qilmoqligingiz, unga biror narsani sherik qilmasligingiz, namoz o'qimoqligingiz, farz qilingan zakotni bermoqligingiz va ramazon oyi ro'zasini tutmoqligingizdur»,— dedilar. Boyagi kishi yana «Ey Ollohning rasuli, ehson nedur?» — dedi. Janob Rasululloh Ehson — parvardigoringizga xuddi uni ko'rib turganingizdek ibodat qilmoqligingizdur, chunki siz uni ko'rmayotgan bo'lsangiz ham, u sizni ko'rib turadur»,— dedilar. Boyagi kishi yana «Ey Ollohning rasuli, qiyomat qachon bo'lgay?» — dedi. Janob Rasululloh «Bu haqda so'ralguvchi so'rovchidan bilimdonroq ermas, lekin sizga qiyomatning shartlarini gapirib berayin: ayol o'z xojasini (ya'ni, gapiga itoat qilmaydigan, aksincha o'ziga buyruq qiladigan farzand) tug'sa, bu qiyomat belgilaridandur, agar yalangoyoq, yalang'och odamlar elga boshliq bo'lsalar, bu ham qiyomat belgilaridandur. Besh narsa xususida faqat Olloh taoloning o'zi bilur qiyomatning qachon bo'lmog'ini, qachon yog'in yog'mog'ini, ona qornidagi homilaning na erkanini, ertaga kimning qaerda qanday rizqi borligini va kim qaerda, qay holatda o'lmog'ini»,— dedilar. Shundan so'ng, boyagi kishi chiqib ketdi. Janob Rasululloh uni zudlik birlan qaytarib kelmoqni buyurdilar, ammo odamlar tashqariga chiqishganda hech kim yo'q erdi. Janob Rasululloh «Bu Hazrat Jabroil alayhissalom erdilar, odamlarga ularning dinlarini o'rgatish uchun kelgan erdilar»,— dedilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh «G'aybning kaliti beshtadur»,— dedilar, keyin «Darhaqiqat, qiyomatning qachon bo'lmog'ini faqat Ollohning o'zi bilur» degan oyatni o'qidilar».

«TANZIYLUS-SAJDA» SURASI

1-bob Olloh taoloning qavli: «Bas, ularning qilgan amallari uchun qanday ko'zni quvontiradigan ne'matlar mukofot tariqasida asrab qo'yilganini biror jon bilmas!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh «Olloh taborak va taolo «Men solih bandalarim uchun ko'z ko'rmagan, quloq eshitmagan, inson ko'ngliga kelmagan narsalarni tayyorlab qo'ydim»,— deb aytdi»,— dedilar. Agar xohlasangizlar, «Bas, ularning qilgan amallari uchun qanday ko'zni quvontiradigan ne'matlar mukofot tariqasida asrab qo'yilganini biror jon bilmas!» degan oyatni o'qingizlar!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom «Olloh taolo «Men solih bandalarim uchun ko'z ko'rmagan, quloq eshitmagan, biror insonning xayoliga kelmagan ne'matlarni tayerlab qo'yganman, bu ne'matlar bandalarim o'zlari bilgan mukofotlar-dan tashqaridur'»—dedi»,— dedilar. So'ng, «Bas, ularning qilgan

amallari uchun qanday ko'zlarni quvontiradigan ne'matlar mukofot tariqasida asrab qo'yilganini biror jon bilmas!» degan oyatni tilovat qildilar»

«AL-AHZOB» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Payg'ambar mo'minlarga o'zlaridan ham haqdorroqdur!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar sallallohu alayhi va sallam «Men har qanday, mo'minga bu dunyoda ham, oxiratda ham boshqalardan ko'ra haqdorroqman. Agar xohlasangizlar, Olloh taoloning «Payg'ambar mo'minlarga o'zlaridan ham haqdorroqdur!» degan oyatini o'qingizlar! Qaysi mo'min o'zidan keyin mol qoldirsa, agar uning qarindoshlari bo'lsa, moliga merosxo'r bo'lsinlar, agar u qarz yoki qarovsiz bola qoldirgan bo'lsa, ul holda mening huzurimga kelsinlar, men uning mavlosiman (ya'ni, qarzini uzib, bolasiga homiylik qilurman)!»— dedilar».

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Ularni o'z otalari ismi birlan chaqiringizlar, bu Olloh nazdida to'g'riroqdur!»

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Darhaqiqat, «Ularni o'z otalari nomi birlan chaqiringizlar!» degan oyat nozil bo'lguncha, biz Janob Rasulullohning qullari Zayd ibn Horisani Zayd ibn Muhammad deb chaqirar erdik. (Mazkur oyat va hadis hukmiga binoan, asrandi bola xech qachon o'z pushti kamaridan bo'lgan farzand o'rnida bo'lmaydi. Chunonchi, Janob Rasululloh o'z qullari bo'lmish Zayd ibn Horisani qullikdan ozod qilib, o'gil qilib olgan erdilar. Shuning uchun ham sahobai kiromlar Zaydni Zayd ibn Muhammad deb chaqirishar erdi. Mazkur oyat bunga yakun yasadi)».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Mo'minlar orasida (jihod qilish va shahid bo'lish haqida) Ollohga bergan va'dalariga vafo qilgan kishilar mavjuddur. Ularning ba'zilar shahid bo'ldilar, ba'zilar shaxodatni kutib turibdilar. Ular munofiqlar singari ahdlarini o'zgartirganlari yo'q!»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu: «Ushbu «Mo'minlar orasida Ollohga bergan va'dalariga vafo qilgan kishilar mavjuddur...» degan oyat Anas ibn Nazr haqida nozil bo'lgan»,— deydilar.

Zayd ibn Sobit raziyallohu anhu bunday deydilar: «Qur'onni mushaf qilib jamlayotganimizda «Al-Ahzob» surasidan bir oyatni yo'qotib qo'ydim, uni Janob Rasulullohning qiroat qilganlarini eshitgan erdim. Ammo, uni hech kimdan topa olmadim. Qidira-qidira, nihoyat uni Janob Rasululloh bir o'ziga ikki kishi o'rnida guvohlik berish huquqini in'om qilgan Xuzayma al-Ansoriydan topdim. Bu oyat — «Mo'minlar orasida Ollohga bergan va'dalariga vafo qilgan kishilar mavjuddur» degan oyat erdi».

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey payg'ambar, xotinlaringizga: «Agar sizlar bu dunyo hayoti birlan uning zebu ziynatlarini istaydirgan bo'lsangizlar, ul holda kelingizlar, men sizlarni o'sha narsalardan biroz bahramand qilayin-da, so'ng yaxshilik ila qo'yib yuboray!»—deb aytingiz!»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Olloh taolo Janob Rasulullohga vahiy yuborib,

xotinlariga ikki narsadan birini tanlash ixtiyorini berish lozimligini aytganda, ul zot birinchi bo'lib mening huzurimga kirdilar-da, «Men senga bir narsa xususida so'zlagayman, ota-onangga maslahat solmay turib, menga javob bermoqqa oshiqma!» — dedilar. Vaholanki, Janob Rasululloh yaxshi bilur erdilar, ota-onam hech qachon menga ul zotdan ajramogimni buyurmagay! Janob Rasululloh gaplarida davom etib: «Oллоh taolo menga «Ey payg'ambar, xotiningizga «Agar sizlar bu dunyo hayoti birlan uning zebu ziynat-larini istaydirgan bo'lsangizlar, ul holda kelingizlar, men sizlarni o'sha narsalardan biroz bahramand qilayin-da, so'ng yaxshilik ila qo'yib yuboray» deb aytingiz!» deb buyurdi», — dedilar. Shunda men: Buning uchun ota-onamning buyrugini kutmogimga hojat yo'q, chunki men albatta Oллоhni, uning rasulini va oxiratni tanlagayman!» — dedim».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Agar Oллоhni, uning rasulini va oxirat uyini istaydirgan bo'lsangizlar, ul holda shak-shubhasiz Oллоh sizlarning orangizdagi solih amallar qilguvchilar uchun ulug' mukofot bo'lmish jannatni tayyorlab qo'ygandur!»

Payg'ambarimiz alayuhissalomning xotinlari Oisha raziyallohu anho rivoyat kiladilar: «Janob Rasululloh xotinlariga tanlash ixtiyorini berishga buyurilganlaridan keyin, dastlab mening huzurimga kirdilar-da, menga: «Hozir men senga bir gapni aytaman, ota-onangning fikrlarini olmay turib, menga javob berishga shoshilma!»—dedilar. Vaholanki, Janob Rasululloh ota-onamning menga ul zotdan ajrashimni buyurmasliklarini yaxshi bilur erdilar. Ul zot Oллоh taoloning «Ey payg'ambar, xotiningizga aytingizki, agar sizlar bu dunyo hayoti birlan uning zebu ziynatlarini istaydirgan bo'lsangizlar, ul holda kelingizlar, men sizlarni o'sha narsalar birlan biroz bahramand qilayin-da, so'ng yaxshilik ila qo'yib yuboray. Agar Oллоhni va uning rasulini hamda oxirat uyini istaydirgan bo'lsangizlar, ul holda shak-shubhasiz Oллоh sizlarning orangizdagi solih amallar qiluvchilarga ulug' mukofot bo'lmish jannatni tayyorlab qo'ygandur!» degan oyatini o'qidilar. Shunda men Janob Rasulullohga: «Buning nimasini ota-onamdan so'ragayman, albatta men Oллоhni, uning rasulini va oxirat uyini istarman!» — dedim Keyin, Janob Rasulullohning boshqa xotinlari ham xuddi men qilgan ishni qilishdi» (Shu vaqtda Janob Rasulullohning nikohlarida to'qqizta xotin bor erdi, ular: «Oisha binti Abu Bakr, Hafsa binti Umar, Ummu Habiba binti Abu Sufen, Savda binti Zam'a, Ummu Salama binti Abu Umayya, Safiyya binti Huyay, Maymuna binti Horis, Zaynab binti Jahsh va Juvayriyya binti Horis.

Mazkur oyatning nozil bo'lish sabablari:1) Oллоh taolo o'z rasuliga bu dunyoni yoki oxiratni tanlashni buyurganda, ul zot oxiratni afzal bilgan erdilar. Shuning uchun Oллоh taolo Janob Rasulullohning yostiqdoshlarini ham faqat oxiratni o'ylaydirgan va uni bu dunyodan ustun qo'yadigan ayollar bo'lmog'ini xoxladi. 2) Janob Rasulullohning xotinlari o'zaro suhbatda: «Qaniydi, ul zotdan boshqa erga tekkanimizda bizning ham orzu-havaslarimiz ro'yobga chiqib, taqinchoqlarimiz ko'p bo'lgan bo'lur erdi» — deb hayotlaridan nolishgan erdi. 3) Janob Rasulullohning xotinlaridan biri Misr matosidan, yana biri Yaman matosidan ko'ylak, boshqa biri ersa taqinchoq olib berishni talab qildi, ammo ul zot, ma'lumki xotinlarining barcha aytganlarini olib berishga qodir bo'lgan ahli dunyolardan ermas erdilar. Yolg'iz Oisha raziyallohu anhogina boriga shukr qilib, Janob Rasulullohdan hech narsa talab qilmaganlar. Shul boisdan ham Oллоh taolo oxirat mukofoti bo'lmish jannatnigina xohlagan ayolning ul zot birlan qolmog'ini, bu dunyo zebu ziynatlarini xohlagan ayolning ersa ul zotdan ajrab, bo'lak erga tegmog'ini iroda

qildi. Shunda ul zot xotinlarining hammasi oxirat mukofotiga rozi erkanliklarini, qalblari Janob Rasulullohning qalblari birlan hamohang erkanligini izhor qilishdi. Mazkur onalarimizning hammalaridan Oллоh taolo rozi bo'lsin!»).

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «... va maxfiy tutur erdingiz dilingizda ul so'zniki, Oллоh uni oshkor qilmakchi erdi va siz odamlardan qo'rqdingiz va Oллоh ziyoda haqlirokdurki, siz undan qo'rqing!»

Anas ibn Molik raziyallouh anhu rivoyat qiladilar: «... va maxfiy tutur erdingiz dilingizda ul so'zniki, Oллоh uni oshkor qilmakchi erdi .» degan oyati karima Zaynab binti Jahsh va Zayd ibn Horisa haqlarida nozil bo'lgan erdi» (Payg'ambarimiz alayhissalom ammalarining qizi Zaynab binti Jahshni o'zlarining asrab olgan o'g'illari Zayd ibn Horisaga xotinlikka so'rab borganlarida, Zaynab e'tiroz bildirib: «Ey Oллоhning rasuli, axir men Quraysh qabilasining eng oliynasab ayollaridan biriman-ku, Zayd ersa kuni kecha qullikdan ozod bo'lgan bir yigitdur, men qandayin unga xotin bo'lurman?» — dedi. Payg'ambar alayhissalomga «Kim Oллоh va uning rasuliga osiy bo'lsa, bas u ochiqdan-ochiq yo'ldan ozibdi» degan oyat nozil bo'lgandan keyingina, Zaynab noiloj rozilik berdi. Lekin, Zayd birlan Zaynabning hayotlari yaxshi bo'lmadi. Chunki, Zaynab Zaydga o'zining oliynasab erkanligini nuqul pesh qilaverar erdi. Nihoyat, Zayd payg'ambarimizga shikoyat qilib keldi. Bu vaqtda Oллоh taolo tomonidan Janob Rasulullohga vahiy nozil qilingan bo'lib, unda Zaydning Zaynabdan ajralmog'i va Janob Rasulullohning o'zlari unga uylanmoqlari haqida xabar qilingan erdi. Ammo, ul zot «Muhammad o'zi asrab olgan o'g'lining xotiniga uylandi» deb ta'na qilishlaridan cho'chib, mazkur vahiy oshkor qilmay yashirib kelardilar, shuning uchun ham Zayd Zaynabdan ajralishmoqchi erkanini aytganda, unga sabr qilishni buyurdilar).

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Siz ayollaringizdan qaysi birining navbatini qoldirib, qaysi birining navbatini ilgariga surmakchi bo'lsangiz, joizdur. Shuningdek, qaysi bir ayolingizni (vaqtincha) o'zingizdan chetlatgan bo'lsangiz, uni yana o'zingizga ham-xona qilsangiz, gunohi yo'qdur»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Uzini o'zi Janob Rasulullohga tortiq qilgan ayollarni ko'rib g'ashim kelur va. «Ayol ham o'zini o'zi erkakka tortiq qilgaymi?» — der erdim. Oллоh taolo «Siz ayollaringizdan qaysi birining navbatini qoldirib, qaysi birining navbatini ilgariga surmakchi bo'lsangiz, joizdur. Shuningdek, qaysi bir ayolingizni (vaqtincha) o'zingizdan chetlatgan bo'lsangiz, uni yana o'zingizga hamxona qilsangiz, gunohi yo'qdur» degan oyati karimani nozil qilganda, men ul zotga: «Rabbingizning sizning xohishingiznigina tezda ro'ebga chiqarayotganini ko'rib turibman!»—dedim».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Oллоh taolo (yuqoridagi) oyatni nozil qilgandan so'ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ko'ngillari tusagan xotinlarining huzuriga navbatdan tashqari tashrif buyurmoqchi bo'lsalar. avval navbati kelgan xotinlaridan bunga izn so'rar erdilar»

Maoz rivoyat qiladilar: «Men Oisha raziyallohu anhodan "Sizning navbatingiz kelganda boshqa xotinlari huzuriga kirmoq uchun sizdan izn so'rasalar, ne der erdingiz?» - deb so'radim. Oisha «Agar shunday desalar, «Yo Rasulalloh, men yolg'iz o'zim sizga ega bo'lib olmoqni istamayman!» —der erdim»,— dedilar».

7-bob Olloh taoloning qavli: «Ey mo'minlar, payg'ambarning uylariga izn so'rab, taomga taklif qilinsangizlargina kiringizlar. Taomning pishishiga ko'z tutib o'ltirmangizlar, balki chaqirilgan paytingizda kirib, taomlanib bo'lgach, tarqalingizlar va ezmalanib ul yerda qolib ketmangizlar. Chunki, bu ishlaringiz payg'ambarga ozor berur, u ersa sizlarni chiqarib yuborishdan tortingay. Ammo, Olloh haqiqatni aytishdan tortinmas. Qachonki sizlar payg'ambarning xotinlaridan biror narsa so'ramoqchi bo'lsangizlar, parda ortida turib so'rangizlar. Mana shu sizlarning dillaringizni ham, ularning dillarini ham pokiza saqlagaydur. Ollohning payg'ambariga ozor bermoqlik va ul o'tgandan so'ng, uning ayollariga uylanmoqlik sizlarga durust ermas, chunki bu qilmishingiz Olloh nazdida ulkan gunohdur!»

Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohga- «Yo Rasulalloh, uyingizga yaxshi odam ham, yomon odam ham kirgay, mo'minlarning onalariga hijob (parda) tutmoqni buyurganingizda erdi!» — dedim, shunda Olloh taolo «Hijob» oyatini nozil qildi»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zaynab binti Jahshga uylanganlarida qavmni chaqirib, ularni ziyofat qildilar. Ziyofatdan so'ng, qavm gaplashib o'ltirib qoldi. Janob Rasululloh turishga ishora qilgan bo'lsalar ham, qavm o'ltira berdi. Buni ko'rib, ul zotning o'zlari o'rinlaridan turib tashqariga chiqdilar. Shunda ko'pchilik chiqib ketdi, ammo uch kishi qimirlamay o'ltiraverdi. Janob Rasululloh ichkariga kirmoqchi bo'lganlarida boyagi uch kishi hanuz suhbatlashib o'ltirardi. Nihoyat, ular ham turishdi, men kuzatib qo'ygach, ularning chiqib ketganligini aytdim. Janob Rasululloh ichkariga kirdilar, men ham kirmoqchi bo'lgan erdim, ul zot men birlan o'zlari o'rtalariga parda tortib qo'ydilar. Shunda Olloh taolo «Ey mo'minlar, payg'ambarning uylariga iznsiz kirmangizlar .» degan oyatni nozil qildi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bu oyatning, ya'ni «Hijob» oyatining nozil bo'lish sababini men boshqalardan ko'ra yaxshiroq bilurman. Zaynab binti Jahsh Janob Rasulullohga nikoh qilinganlaridan keyin, ul zotning uylarida birgalashib taom tayyorladilar. So'ng, Janob Rasululloh qavmni ziyofatga chaqirdilar. Ziyofat tugagandan so'ng, qavm gaplashib o'ltiraverdi. Janob Rasululloh tashqariga chiqib qaytib kelsalar ham hanuz gaplashib o'ltirishardi. Shunda Olloh taolo «Ey mo'minlar, payg'ambarning uylariga iznsiz kirmangizlar .» degan oyatni nozil qildi. Keyin, o'rtaga parda tortilib erdi, qavm turib chiqib ketdi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambarimiz alayhissalom Zaynab binti Jahshga uylanganlarida non va go'shtdan iborat ziyofat tayyorlandi. Shunda qavmni ziyofatga taklif qilishga yuborildim. Qavm birin-ketin ziyofatga kelib, taomdan yeb chiqib keta berdi. Nihoyat, barcha kelib bo'ldi. Men Janob Rasulullohga. «Ey Ollohning payg'ambari, ziyofatga chaqirishga odam topolmay qoldim!» — dedim. Ul zot: «Taomdan olib kir, uyda yana uch nafar odam gaplashib o'ltiribdi!» — dedilar-da, tashqariga chiqib, Oisha raziyallohu anhoning hujralarigacha yurib bordilar. So'ng, Oishaga: «Assalomu alaykum, ey ayolim, senga Ollohning rahmati bo'lsin!» — dedilar. Oisha raziyallohu anho: «Sizga ham Ollohning salomi va rahmati bo'lsin! (Yangi) ayolingiz ko'nglingizdagidek erkanmi? Olloh sizga muborak qilsin!» — deb javob berdilar. Shul tariqa ul zot barcha ayollarining hujralariga kirib, Oishaga aytgan gaplarini aytdilar, ular ham Oisha kabi shirin til birlan ko'ngil so'rashdi. Keyin, Janob Rasululloh qaytib

keldilar hamki, uydagi odamlar hanuz gaplashib o'ltirishar erdi. Payg'ambar alayhissalom nihoyatda hayoli erdilar. Yana qaytib chiqib, Oishaning hujralariga kirib turdilar. Odamlar ketganini men xabar qildimmi yoki boshqa birov aytdimi, bilmayman, ul zot yana qaytib keldilar. Bir oyoqlarini eshik ostonasiga qo'yib, ikkinchisini tashqarida qoldirib turgan hollarida men birlan o'zlari o'rtalariga parda tortib qo'ydilar. Shunda «Hijob» oyati nozil bo'ldi».

Anas ibn Moyaik raziyallohu anhu aytadilar: «Janob Rasululloh Zaynab binti Jahshga uylanganlarida to'y ziyofati qilib berdilar. Odamlar non birlan go'shtga to'ydi. So'ng, ul zot mo'minlar onalarining hujralariga birma-bir kirib, har safar uylanganlarida ertasiga ertalab chiqib salom berganlaridek, ularga salom berdilar, ularni duo qildilar, ular qam alik olib, ul zotning haqlariga duo qilishdi. Janob Rasululloh uylariga qaytganlarida ikki kishining hanuz suhbatlashib o'ltirganini ko'rdilar. Shunda ul zot yana qaytib chiqib erdilar, boyagi ikki kishi irg'ib o'rnidan turdi. Ularning chiqib ketganini men o'zim xabar qildimmi yoki boshqa birov aytdimi, bilmayman, Janob Rasululloh yana uyga qaytib kirdilar. So'ng, men birlan o'zlari o'rtalariga parda tortib qo'ydilar. Shunda «Hijob» oyati nozil bo'ldi».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Hijob (parda) tortish buyurilgandan so'ng, Savda hojat uchun tashqariga chiqdilar, bo'ylari barvasta bo'lgani uchun ko'rgan odam darhol tanib olar erdi. Umar ibn Xattob raziyallohu anhu Savdani ko'rib: «Ey Savda, xudo haqi, bizdan yashirinmaysizmi, qanday chiqqanligingizga bir qarangiz?!» — deb uyaltirdilar. Shunda Savda uyalib qaytib ketdilar. Shu paytda Janob Rasululloh mening hujramda bo'lib, taom tanovul qilayotgan erdilar, qo'llarida go'shtli suyak bor erdi. Savda ichkariga kirib: «Ey Ollohning rasuli, men hojatimga chiqqan erdim. Umar menga unday-bunday gaplarni aytib uyaltirdi!» — dedilar. Shu payt Olloh taolo ul zotga vahiy yubordi. Janob Rasululloh vahiy qabul qilib bo'lgach, qo'llaridagi boyagi suyakni ushlagan hollarida: «Olloh taolo sizlarga hojatlaringiz uchun tashqariga chiqmoqlaringizga ijozat berdi»,— dedilar».

8-bob. Olloh taoloning qavli: «Agar sizlar biror narsani oshkor qilsangizlar yoki yashirsangizlar, albatta Olloh bilur, zero Olloh barcha narsani biluvchi zotdur! Payg'ambar xotinlarining o'z otalari, o'g'illari, aka-ukalari, aka-ukalarining o'g'illari, opa-singillarining o'g'illari, o'z jinslaridan bo'lmish ayollar va cho'rilarga yuzlari ochiq holda ko'rin-moqlari gunoh emasdur, Ollohdan qo'rqingizlar, Olloh barcha narsa ustida guvoh bo'lib turgan zotdir!»

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Hijob tortish buyurilgandan keyin, Abulqu'aysning ukasi Aflah mening oldimga kirish uchun izn so'radi. Men: «Janob Rasulullohdan so'ramagunimcha izn bermayman, chunki meni Abulqu'aysning ukasining xotini ermas, balki Abulqu'aysning xotini emizgan»,— dedim. Janob Rasululloh kelganlarida: «Yo Rasulalloh, Abulqu'aysning ukasi Aflah huzurimga kirishga izn so'ragan erdi, men unga izn bermadim, chunki sizdan izn olmagan erdim»,— dedim. Janob Rasululloh: «Amakingga izn berishga senga nima to'sqinlik qildi?» — dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, axir meni Aflahning xotini ermas, balki Abulqu'aysning xotini emizgan-ku?» — dedim. Janob Rasululloh: «Aflahga izn bergil, chunki u amaking erur!» — dedilar».

Urva bunday deydi: «Oisha shunga ko'ra: «Tugishganlar bir-biriga mahram bo'lgani kabi, emishganlar ham o'zaro mahram bo'lgaydir»,— der erdilar».

9-bob. Olloh taoloning qavli: «Shubhasizki, Olloh va uning farishtalari rahmat yuborurlar bu payg`ambarga, ey iymon keltirganlar, sizlar ham unga rahmat yuboringizlar va ezgu salom yo`llangizlar!»

Abuloliya bunday deydilar: «Olloh taoloning salavoti — uning o`z payg`ambarini farishtalari oldida maqtashidir. Farishtalarning salavoti ersa, ularning Janob Rasululloh haqlariga qilgan duolaridur».

Ka`b ibn Ujra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ey Ollohning rasuli, biz «Assalomu alayka»ning ma`nosini bilurmiz, ammo «Assalotu» so`zi qanday so`z?» — deb Janob Rasulullohdan so`rashedi. Janob Rasululloh: «Ey Olloh, Ibrohim alayhissalomga rahmat yuborganingdek, payg`ambarimiz Muhammad alayhissalomga va ul kishining oilalariga ham rahmat yuborgil, darhaqiqat sen maqtovga loiq va sharafli zotdursan! Ey Olloh, Ibrohim alayhissalomning oilalariga barakat berganingdek, payg`ambarimiz Muhammad alayhissalomga va ul kishining oilalariga barakat bergil, darhaqiqat sen maqtovga loiq va sharafli zotdursan!» deb duo qilingizlar!» — dedilar».

10-bob. Olloh taoloning qavli: «Musoga ozor bergan kimsalardek bo`lmangizlar!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Darhaqiqat, Muso nihoyatda hayoli odam erdilar. Bu quyidagi oyatda bor bo`lib, Olloh taolo: «Ey mo`minlar, Musoga ozor bergan kimsalardek bo`lmangizlar! Olloh Musoni tuhmatdan qutultirdi. U Ollohning huzurida sharafli inson erdi»,— deydi».

«SABA'» SURASI

Olloh taoloning qavli: «(Farishtalar), dillaridan qo`rquv ketkazilgandan keyin, bir-birlariga: «Rabbingiz ne dedi?» — deganlarida, «Haqni aytdi»,— deb javob qilgaylar. Olloh taolo ulug` va buyuk zotdur!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Osmonda Olloh taolo bir ishni hukm qilsa, farishtalar darhol itoatkorona qanotlarini qoqqaylar. (Olloh taolo o`z hukmini vahiy ila izhor qilganda toshga urilgan zanjirning ovozidek ovoz chiqqay. Shunda farishtalar qo`rqinchga tushgaylar), qo`rqinchlari bosilgandan so`ng, bir-birlaridan: «Rabbingiz ne dedi?» — deb so`ragaylar. So`ralganlar: «Haqni aytdi va ul eng buyuk, ulug` zotdur!»— deb javob bergaylar. Olloh taoloning hukmini «xabar o`g`rilari» o`g`rincha eshitib olishgay, ular mana bunday ustma-ust turishgay. Dastlabki «xabar o`g`risi» o`zi eshitgan xabarni pastroqdagisiga, ul ersa undan pastroqqagisiga yetkazgay va shul tariqa bul gap sehgarga yoki folbinga yetib borgay. Ko`pincha, «xabar o`g`risi»ga uchar yulduz yetib boradi-da, gapni yetkazguncha uni kuydirib halok qiladi. Ba`zida ersa, olov yetib borguncha, o`zidan pastdagiga yetkazib ulguradi, shunda folbinlar unga yuzta yolg`onni qo`shib gapirishadi. Odamlar ersa: «Folbin falon kuni unday degan erdi, to`g`ri chiqmadimi, piston kuni bunday degan erdi, to`g`ri chiqmadimi?»—deb osmondan o`g`rincha eshitilgan gap sababli folbinga inonadilar».

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ul (payg`ambar) kelgusi qattiq azobdan sizlarni ogohlantiruvchi bir zotdur!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom bir kuni Safo tog`iga chiqib: «Ey qavm ogoh bo`lingizlar!»—deb nido qildilar. Shunda barcha Quraysh ahli yig`ilib, Rasulullohdan: «Ne bo`ldi?»—deb so`radi. Janob Rasululloh: «Aytingizlarchi, agar sizlarga «Ertalab yoki kechqurun dushman ustingizga hujum qilmoq niyatida» deb ayqam, sizlar menga ishonursizlarmi yohud yo`qmi?»—dedilar. Hammalari: «Albatta, ishonurmiz!» — deyishdi. Janob Rasululloh: «Unday ersa, men sizlarni kelgusi qattiq azobdan ogohlantirurman!» — dedilar. Shunda Abu Lahab: «Qurib ketgur, shunga chaqirdingmi bizni?!»—deb qarg`ab erdi, Oллоh taolo «Tabbat yado Abiy Lahab» surasini nozil qildi».

«YOSIN» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Quyosh o`z qarorgohi tomon betinim harakat qilib turur. Bu qudratli va hamisha bilguvchi zotning taqdiridir!»

Abu Zarr al-G`iforiy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men quyosh botayotgan paytda Janob Rasululloh birlan birga masjidga erdim. Shunda ul zot: «Ey Abu Zarr, aytchi, hozir quyosh qaerga botayotir?»— dedilar. Men: «Oллоh va uning payg`ambari biluvchiroqdur!» — dedim. Ul zot bunday dedilar: «Quyosh Oллоh taologa sajda qilmoq uchun Arsh osti tomon yo`l olgan. Oллоh taolo: «Quyosh o`z qarorgohi tomon betinim harakat qilib turur. Bu qudratli va hamisha bilguvchi zotningtaqdiridir!»—deydi».

Abu Zarr al-G`iforiy raziyallouu anuu rivoyat qiladi-lar: «Quyosh botayotgan paytda men Janob Rasululloh birlan birga masjidga erdim. Ul zot bunday dedilar: «Ey Abu Zarr, aytchi, Quyosh qaerga botatir?» Men: «Oллоh va uning payg`ambari biluvchiroqdur!» — dedim. Ul zot: «Quyosh Oллоh taologa sajda qilmoq uchun Arsh osti tomon yo`l olgan. Oллоh taolo: «Quyosh (azaldan belgilab qo`yilgan) o`z qarorgohi tomon betinim harakat qilib turur. Bu qudratli va hamisha bilguvchi zotning (azaldan belgilab qo`ygan) taqdiridir!» — deydi»,— dedilar».

Abu Zarr al-G`iforiy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Quyosh o`z qarorgohi tomon betinim harakat qilib turur. Bu qudratli va hamisha bilguvchi zotning taqdiridir!» degan oyatning mazmunini so`radim. Janob Rasululloh: «Quyoshning qarorgohi Arshning tagidur»,— dedilar».

«VAS-SOFFOT» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Va albatta Yunus ham payg`ambarlardandur»

Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Hech bir kishi o`zini Ibn Mattodan yaxshiroq deb hisoblamasligi lozim!» — dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh: «Kimki «Men Yunus ibn Mattodan yaxshiroqman» desa, yolg`on aytibdi»,— dedilar».

«SOD» SURASI

Avvom rivoyat qiladilar: «Men Mujohiddan «Sod» surasidagi sajda oyati haqida soʻradim. Mujohid: «Bu haqda ibn Abbosdan soʻralganda, ul kishi: «Ulaikallaziyna hadallohu fabihudohim iqtadih» degan oyatdur» — deb aytdilar»,— dedilar. Ibn Abbosning oʻzlari ham shu oyatda sajda qilgan erkanlar».

Avvom rivoyat qiladilar: «Men Mujohiddan «Sod» surasidagi sajda oyati haqida soʻradim. Mujohid: «Men Ibn Abbosdan «Sod surasining qaysi oyatida sajda qilursiz?» deb soʻragan erdim, ul kishi: «Va min zurriyyatihi Dovuda va Sulaymona ulaikallaziyna hadallohu fabihudohim iqtadih» degan oyatni oʻqimasmisiz? Dovud paygʻambar shunday kishilardan erdilarki, paygʻambaringiz unga iqtido qilishga buyurilgan erdilar, bas Janob Rasululloh ham shu oyatda sajda qilur erdilar»— deb javob berdilar» (mazkur oyat «Al-Anʻom» surasida).

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Menga oʻzimdandan keyin hech kimga muyassar boʻlmaydirgan bir saltanat ato etgin, darhaqiqat hadya etguvchi yolgiz sen oʻzingdursan!»

Abu Qurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Paygʻambar alayhissalom bunday dedilar: «Jinlarning kattasi boʻlmish Ifrit oʻtgan kecha kelib, mening namozimni buzishga urindi. Oллоh taolo menga imkon berdi, men uni masjid ustunlaridan biriga bogʻlab qoʻydim, chunki ertalab sizlarning koʻrishlaringizni xohladim. Lekin, keyin men Sulaymon birodarimning «Ey rabbim, menga oʻzimdandan keyin hech kimga muyassar boʻlmaydirgan bir saltanat ato etgin!» deganlarini eslab qoldim». Ruh: «Keyin, Janob Rasululloh Ifritni haydab yubordilar»,— deydilar. (Bir kuni Hazrat Sulaymon paygʻambar bir ayolni imtihon qilmay nikohlariga oladilar. Usha ayol jin boʻlib, yashirincha butga sigʻinib yuradi, ammo bundan ul kishi bexabar boʻladilar. Natijada, Oллоh taolo ul kishiga ato etilgan saltanatni qirq kun muhlat birlan olib qoʻyadi. Shunda, ul kishi «Ey rabbim, menga oʻzimdandan keyin hech kimga muyassar boʻlmaydirgan bir saltanat ato etgin!» — deb yalboradilar, Oллоh taolo magʻfirat aylab, ul kishini avvalgi hollariga qaytaradi. Janob Rasulullohning Sulaymon paygʻambarning ana shu gaplarini eslab, masjid ustuniga oʻzlari bogʻlab qoʻygan Ifritni haydab yuborganlarining boisi ham shunda boʻlsa kerak).

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va men paygʻambarlikni daʼvo qiluvchi soxtakorlardan ermasman!»

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «-Abdulloh ibn Masʻud raziyallohu anhung huzurlariga kirdik, ul kishi bizga bunday dedilar: «Ey odamlar, kim bir narsani bilsa, gapirsin, bilmasa, «Oллоh taolo biluvchiroqdur» desin! Chunki, oʻzi bilmagan narsa xususida gapirmay, «Oллоh taolo biluvchiroqdur» deyish ham ilmdandur. Oллоh taolo oʻz paygʻambariga: «Men Qurʻoni Karimni yoki risolatimni yetkazganim uchun sizlardan haq soʻramayman, men paygʻambarlik daʼvo qiluvchi soxtakorlardan ermasman!» — deb aytmoqni buyurdi. Men sizlarga «Tutun» voqeasi toʻgʻrisida gapirib berayin: Paygʻambar alayhissalom Quraysh qabilasini islomga chaqirdilar. Ammo, ular sustkashlik qilaverishdi. Shunda Paygʻambar alayhissalom" «Ey Oллоh, menga yordam bergil, ularga Yusuf alayhissalom davrlarida yuborgan yetti yillik qahatchilik kabi qahatchilik yuborgil!»—deb duoyi bad qildilar. Ularga shunday qahatchilik yili keldiki, hamma narsa quridi, hatto oʻlimtiklarni va terilarni yedilar, ochlikning zoʻridan oʻzlari birlan osmon oʻrtasida tutun

singari narsani ko`rdilar. Ushanda Oллоh taolo oyati karimada' «Ko`z tutingiz bir kungaki, osmondan tutun kelur va odamlarni chulg`ab olur, bu alamli azobdur!» — degan erdi. Kofirlar:

«Ey rabbimiz, biz mo`min bo`ldik, bizlardan azobingni aritgin!» — deb iltijo qildilar. Vaholanki, ular Oллоh taoloni yuz-xotir qilmagan va o`zlariga yuborilgan haq payg`ambardan yuz o`girib «Bu g`irt jinni-ku!»—degan erdilar. Shunday ersada, Oллоh taolo «Biz sizlardan azobni bir oz aritamiz, lekin sizlar yana dindan qaytursizlar»,— dedi. Lekin, qiyomatda azob aritilgaymi?! Keyin, ulardan azob aritildi, ammo ular yana kufrga qaytdilar. Oллоh taolo buning uchun ularni Badr kuni halokatga duchor qildi. Oллоh taolo oyati karimasida: «Biz bir kuni ularni qattiq qo`lga tushirurmiz, darhaqiqat biz intiqom oluvchidurmiz!» - degan»

«AZ-ZUMAR» SURASI

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey o`z jonlariga jafo qilgan bandalar, Oллоhning rahmatidan noumid bo`lmangizlar, albatta Oллоh barcha gunohlarni mag`firat qilur, chunki u mag`firatli va mehribon zotdur!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ba`zi mushriklar juda ko`p odam o`ldirdi, behad zino qildi. Keyin, ular Janob Rasulullohning oldilariga kelib. «Siz gapirayotgan va da`vat qilayotgan narsa juda yaxshi narsa erkan! Biz ko`p yomon ishlar qilganmiz, qilgan gunohlarimizga kafforat bo`ladirgan biror narsa xususida bizga xabar qilsangiz erdi!» — deyishdi. Shunda «Oллоh birlan birga yana boshqa ilohga sig`inmaydirgan, Oллоh o`ldirishni man` qilgan jonlarni nohaq o`ldirmaydirgan va zino qilmaydirgan kishilar» hamda «Ey Muhammad, aytingiz: «Ey o`z jonlariga jafo qilgan bandalar, Oллоhning rahmatidan noumid bo`lmangizlar. .» degan oyatlar nozil bo`ldi».

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Oллоhni o`ziga munosib qadrlamadilar»

Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Yahudiy ulamolaridan biri kelib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Ey Muhammad, kitoblarimizdan bizga ma`lumki, Oллоh osmonlarni bir barmog`i (qudrati) birlan, yerlarni bir barmog`i birlan, daraxtlarni bir barmog`i birlan, suv va tuproqni bir barmog`i birlan va boshqa maxluqotni bir barmog`i birlan ushlab turib «Men podshohman!» — deydi»,—dedi. Payg`ambar alayhissalom yahudiyning gapini tasdiqlab qattiq kuldilar, hatto oziq tishlari ko`rinib ketdi. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Oллоhni o`ziga munosib qadrlamadilar» degan oyatni o`qidilar»

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Holbuki, butun Yer qiyomat kuni uning kaftida bo`lur, osmonlar ersa uning o`ng qo`lida o`ralgan holda turur, pokdur ul va yuqoridur ularning shirkalaridan!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Oллоh taolo Yerni kaftiga quyadi, o`ng qo`li birlan ersa osmonlarni o`rab tashlab, so`ng «Men podshohman, qani yer yuzining podshohlari?» — deydi»,— deganlarini eshitganman».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «... va sur chalinur, bas behush bo' lur kimiki osmonlardadur va kimiki yerdadur, Oллоh istaganlargina behush bo'lmaslar. So'ng, ikkinchi bor sur chalinur, bas birdan behush bo'lganlar o'rinlaridan turib, Oллоhning amriga ko'z tutarlar»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh «Ikkinchi bor sur chalinganda men birinchi bo'lib boshimni ko'targayman. Shunda men Muso alayhissalomning Arshni ushlab turganlarini ko'rgayman, ammo ul kishi avvaldan shu holatda turibdilar yoki sur chalingach, turdilar, buni bilmagayman»,— dedilar»

A'mash rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh. «Ikki bor sur chalinishining orasi qirqdur»,— deb aytgan erkanlar. Odamlar Abu Hurayradan: «Ey Abu Hurayra, qirq kunmi?»—deb so'rashdi. Abu Hurayra: «Bilmayman»,— dedi. Kimdir: «Qirq yil bo'lsa kerak», — dedi. Abu Hurayra «Bilmayman»,— dedi. Kimdir «Qirq oydur».— dedi. Abu Hurayra: «Bilmayman, lekin insonning hamma a'zosi chirib dumg'azasigina saqlanib qolur, insonning qayta tarkib topdirilmog'iga shu dumg'aza asos bo' lur», — dedi»

«AL-MU'MIN» SURASI

Alo ibn Ziyod bir kuni do'zax haqida gapirib erdilar, bir odam Aloga «Nechun siz odamlarni umidsizlikka tushirayotirsiz?» — deb e'tiroz bildirdi. Shunda Alo bunday dedilar: «Men umidvor qilishga ham qodirdurman, Oллоh taolo bir oyatida «Ey o'z jonlariga jafo qilgan bandalar, Oллоhning rahmatidan noumid bo'lmangizlar!»— degan bo'lsa, ikkinchi bir oyatida «Darhaqiqat (gunoh qilib) o'z jonlariga jafo qilguvchilar do'zax ahllaridur»,— deydi. Sizlar bo'lsangiz, qilgan amallaringiz evaziga jannatdan joy ato etilmog'i haqida oldindan xushxabar eshitmoqni xohlaysizlar, Oллоh taolo ersa, o'z Rasulini itoat etganlarning jannatga va osiylik qilganlarning do'zaxga tushmog'ini xabar qilish hamda kelgusi do'zax azobidan ogohlantirish uchun yuborgandur»

Urva ibn Zubayr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Abdulloh ibn Amr ibn Osga «Mushriklarning Janob Rasulullohga nisbatan qilgan eng qabih ishi haqida aytib beringz!»—dedim. Ul kishi bunday dedilar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ka'ba hovlisida namoz o'qiyotgan erdilar, shunda Uqba ibn Abu Mu'ayt kelib, ul zotning yoqalaridan ushladi-da, kiyimlarini bo'yinlariga o'rab, qattiq bo'g'di. Shu asnoda Abu Bakr kelib qolib, Uqbaning yoqasidan tortib Janob Rasulullohni uning changalidan xalos qildilar-da, unga «Rabbim Oллоh degan kishini o'ldirursizlarmi, vaholanki bul kishi sizlarga rabbingizdan dalillar keltirgandur!» — dedilar»

«HO-MIM AS-SAJDA» SURASI

Sa'id ibn Jubayr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir odam Ibn Abbosdan bunday deb so'radi: «Qur'onni o'qiganimda undagi ba'zi bir oyatlar menga ixtilofli ko'rindi. Masalan «Keyin, sur chalingan vaqtda ularning oralarida na nasl-nasab qolur va na ular bir-birlari ila savol-javob qila olurlar» degan oyatga «Va ular bir-birlariga boqishib savol-javob qilurlar» degan oyat ixtiloflidir. «Biror so'zni Oллоhdan yashira olmaslar» degan oyatga ersa, «Parvardigoro, bizlar mushrik emas erdik» degan oyat ixtilofli bo'lib, keyingi oyatda mushriklar Oллоhdan haqiqatni yashirayotirlar. Mana bu «Oллоh osmonni yaratdi, shiftini baland qilib ko'tardi va uni barobar qilib, tunini qorong'u va yorug'ligini zohir qildi va shundan so'ng, Yerni yoyib tekis qildi» degan oyatlarda Oллоh taolo osmonni Yerdan

ilgari yaratganligini zikr qilsa, «Siz aytingizki, «Ey (mushriklar), haqiqatan ham sizlar shundog` xudoga munkir bo`lursizlarmiki, ul yaratibdur Yerni ikki kunda va unga shirk keltirursizlarmi?! Budur jamiki olamlarning parvardigori va ul paydo qilibdur. Yerdagi tog`lar va barakot ato etibdur. Yerga va muhayyo qilibdur unda yemaklar to`rt kunda tamoman. Bu (tafsilotlar) so`raguvchilar uchundur. Keyin, (parvardigor) yuzlandi osmon tarafiga va ul tutun kabi erdi, bas dedi unga va Yergaki, «Har ikkingiz kelingizlar yaxshilik ila yo zo`rlilik ila!» degan oyatlarda osmonni Yerdan keyin yaratgani zikr qilinur. Ayrim oyatlarda «Olloh mag`firatli, mehribon erdi, qudratli, hikmatli yaratguvchi erdi, eshitguvchi va ko`rguvchi erdi» deyilurki, bundan «Olloh taolo ilgari shunday bo`lgan, hozir ersa unday ermas» deb tushunmoq mumkin»

Ibn Abbos raziyallohu anhu yuqoridagi savollarga bunday deb javob qildilar 1) «Birinchi bor sur chalinganda barcha qo`rquvdan nasl-nasabini (urug`-aymog`ini) unutib, bir-birini tanimagay va savol-javob qila olmagay, behush bo`lib yiqilgay. Ikkinchi bor sur chalinganda ersa, hamma qayta o`ziga kelib, savol-javob qilmoqqa tushgay 2) Olloh taolo ixlos ahlining gunohlarini kechadi, buni ko`rib kofirlar: «Kelingizlar, bizlar ham mushrik ermas erdik, deb aytgaymiz!»—deyishur. Ammo, Olloh taolo ularning og`izlarini muhrlab qo`ygay, shunda qo`llari so`zlab guvohlik bergay-da, Ollohdan biror gapni yashirib bo`lmasligi ayon bo`lgay 3) Olloh taolo (dastlabki) ikki kunda Yerni yaratdi, so`ng osmonlarni yaratdi, keyin osmonlarga yuzlanib, oxirgi ikki kunda ularni tekisladi, so`ng suv yurgizib o`tloqlar barpo qilmoqlik uchun Yerni ham tekisladi, tog`laru tog` tizmalarini, tepaliklarni va ularning oralig`idagi joy-larni ham oxirgi ikki kunda yaratdi 4) Olloh taolo o`zini «Olloh mag`firatli erdi»,— debdi, bu ham va uning «U doimo shunday bo`lib qolur» degan qavli ham uning o`zining qavlidur, zero Olloh taolo o`zi iroda qilgan narsasidan sira ham voz kechmagandur. Demak, Qur`on sen o`ylaganingdek ixtilofli ermas, chunki «erdi» va «shunday bo`lib qolur» degan so`zlar uning o`zinikidur!»

1-bob. Olloh, taoloning qavli: «Sizlar quloqlaringiz, ko`zlaringiz va terilaringizning o`zlaringizga qarshi guvoh bo`lmog`idan yashirina olmas erdingizlar. Lekin, sizlar Olloh qilgan amallaringizdan ko`pini bilmas, deb o`yladingizlar»

Ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Quraysh qabilasiga mansub ikki kishi birlan ularning Saqif qabilasiga mansub ikki qarindoshi yoki Sakif qabilasiga mansub ikki kishi birlan ularning Quraysh qabilasiga mansub ikki qarindoshi Baytullohda suhbatlashib o`ltirar erdi. Ulardan biri: «Olloh taolo suhbatimizni eshitib turibdi, deb o`ylaysizlarmi?!»—deb so`radi. Boshqasi: «Qisman eshitadi»,— dedi. Yana biri: «Qisman eshitadigan bo`lsa, demak hammasini eshitadi»,— dedi. Shunda «Sizlar quloqlaringiz, ko`zlaringiz va terilaringizning o`zlaringizga qarshi guvoh bo`lmog`idan yashirina olmas erdingizlar...» degan oyat nozil bo`ldi».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Va bu narsa sizlarning o`z parvardigoringizga qilgan gumonlaringizdur, ul gumon sizlarni halok qildi, bas sizlar ziyon (zarar) ko`rganlardan bo`ldingizlar»

Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Quraysh qabilasidan ikki va Saqif qabilasidan bir kishi yoki Saqif qabilasidan ikki va Quraysh qabilasidan bir kishi Baytulloh oldida to`plandi. Qorinlarida yog` mo`l va qalblarida bilim oz bo`lmish o`shal kishilardan biri: «Nima deysizlar, Olloh taolo bizning gapimizni eshitayot-ganmikan?» —

dedi. Boshqasi: «Agar ovozimizni balandroq chiqarsak, eshitgay, pichirlashsak, eshitmagay»,— dedi. Yana boshqasi: «Agar baland ovoz birla gapirsak, eshitadirgan ersa, demak pichirlashsak ham eshitgay»,— dedi. Shunda Oллоh taolo «Sizlar quloqlaringiz, ko'zlarinigiz va terilaringizning o'zlarinigizga qarshi guvoh bo'lmog'idan yashirina olmas erdingizlar...» degan oyatni nozil qildi».

«HO-MIM-AYN-SIYN-QOF» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «... Qarindoshlarga nisbatan muhabbatnigina (talab

Ibn Abbos raziyallohu anhu «Qarindoshlarga nisbatan muhabbatnigina...» degan oyat to'g'risida so'radilar. Sa'iid ibn Jubayr: «Qarindoshlar — Muhammad sallallohu alayhi va sallamning oila a'zolaridur»,— dedilar. Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday dedilar: «Shoshildingiz, Quraysh qabilasining barcha kimsalari ham Payg'ambar alayhissalomga qarindoshdurlar. Oyat «Men birlan o'zlarinigiz o'rtangizdagi qarindoshlik munosabatlarini mustahkamla-mog'ingiznigina (talab qilurman)» degan mazmunda».

«ZUXRUF» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Va faryod qilurlarki, «Ey Molik, parvardigoring bizlarni o'ldirsin qo'ysin!». Molik derki, «Sizlar bu azobda mangu qolursizlar!»

Safvon ibn Ya'loning otalari rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning minbarda turib: «Ey .Molik, parvardigoring bizlarni o'ldirsin ko'ysin...» degan oyatni o'qiganlarini eshitdim».

«AD-DUXON» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad sallallohu alayhi va sallam, osmondan aniq tutun keladirgan kunga ko'z tutingiz!»

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Oллоh taolo bo'lajagi haqida xabar bergan besh voqea bo'lib o'tdi, ular «Tutun», «Rum», «Oy», «Hujum»va «Sazo».

1-bob. Oллоh taoloing qavli: «Tutun odamlarni chulg'ab olgay, bu ersa dardli azobdur»

Abdulloh; ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Osmondan tutun kelganining sababi shulki, Quraysh Qabilasi Janob Rasulullohga osiylik qilib, qarshilik qilaverganidan so'ng, ul zot ularni duoyi bad qildilar va ularga Yusuf alayhissalom davrlarida kelgan qahatchilik singari qahatchilik yuborishni Oллоh taolodan so'radilar. Tez fursatda Quraysh ahli qahatchilik balosiga giriftor bo'lib, hatto ochlikdan suyaklarni ham yeyishdi. Biror kishi osmonga qarasa, azbaroyi ochligidan o'zi birlan osmon o'rtasida tutun yanglig' narsa ko'radigan bo'ldi. Oллоh taoloning «Ko'z tutingiz shunday bir kungaki, osmondan tutun kelib odamlarni o'rar, bu ersa dardli azobdur» degan xabari shul erdi. Pirovardida, Qurayshning kattalari Janob Rasulullohning qoshlariga kelib: «Ey Oллоhning Rasuli, Muzar ahli uchun Oллоhdan suv so'rab beringiz, chunki ular halok bo'layotirlar!» — dedi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Muzar ahlining kattasiga (ya'ni, Abu Sufyonga): «Sen jur'atli odamdursan, (o'zing mushrik bo'la turib, Oллоhdan suv

so'rayotirsan)!)» — dedilar. Keyin, ul zot Olloh taolodan suv so'radilar, Olloh taolo ularni suvga serob qildi. So'ng, ushbu «Albatta, sizlar yana kufrga qaytursizlar» degan oyat nozil bo'ldi. Darhaqiqat, serobchilik bo'lgandan keyin, ular darhol yana kufrga qaytdilar. Olloh taolo shunda «Yaqin kunda katta (qattiq) tutish qilurmiz, darhaqiqat biz intiqom oluvchidurmiz» degan oyatni nozil qildi».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey rabbimiz, bizlardan azobni aritgil, bizlar mo'minlarmiz!»

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Ibn Mas'udning oldilariga kirgan erdim, ul kishi bunday dedilar: «Albatta, o'zing bilmaydirgan narsa haqida «Olloh biluvchiroq» deyish ham ilmdandur. Olloh taolo o'z Rasuliga: «Ey Muhammad, «Men da'vatim uchun sizlardan hech qachon haq so'ramagayman va men payg'ambarlikni da'vo qiluvchi soxtakorlardan ermasman!» deb aytingiz!» — dedi. Quraysh Janob Rasulullohga tajovuz qila boshlagandan keyin, ul zot: «Yo Olloh, Qurayshga Yusuf alayhissalom davridagi yetti yillik qahatchilik singari qahatchilik yuborib, menga yordam bergil!»— dedilar. Ular shunday qahatchilikka duchor bo'ldilarki, hatto ochlikdan o'limtiklarni, suyaklarni yedilar, azbaroyi ochlikdan birortasi osmonga qarasa, o'zi birlan osmon o'rtasida tutunga o'xshash narsa ko'radirgan bo'lib qoldi. Keyin, ular: «Ey rabbimiz, bizlardan azobni aritgil, bizlar mo'minlarmiz!»—deb iltijo qilishdi. Shunda Olloh taolo: «Biz ulardan azobni ariqak, keyin ular yana kufrga qayturlar»,— dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam duo qilganlaridan keyin, ulardan azob aridi. Ammo, ular darhol o'z kufrlariga qaytdilar. Buning uchun Olloh taolo ulardan Badr kuni qasos oldi. Chunki, u qasos olmog'i haqida ilgari oyat nozil qilgan erdi».

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Nechuk nasib bo'lur ularga nasihat, holbuki ularga haq payg'ambar kelgandur» (ya'ni, balo kelganda nasihatga amal qilmoqdan foyda yo'qdur)

Masruq rivoyat qiladilar: «Men Abdullohning oldilariga kirdim. Abdulloh bunday dedilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qurayshni dinga chaqirgan vaqtlarida, Quraysh ul zotni yolg'onchiga chiqarib, zo'ravonlik qila boshladi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Olloh, bularga Yusuf alayhissalom davrlaridagidek qahatchilik yuborib, menga madad bergaysan!» -dedilar. Keyin, ularga shunday qahatchilik keldiki, hamma narsa qurib, hatto o'limtiklarni yeyishdi, birortasi o'rnidan turib osmonga qarasa, azbaroyi sillasi quriganidan o'zi birlan osmon o'rtasida tutunga o'xshash narsa ko'rar erdi». Keyin, Abdulloh «Ko'z tutingiz osmondan tutun keladirgan kunga!» degan oyatni o'qiy boshladilar, uning «Biz ulardan azobni ariqak, keyin ular yana kufrga qayturlar» degan joyiga yetganda: «Qiyomat kuni ulardan azob aritilarmidi?!» — dedilar va yana «Yaqin kunda ularni katta (qattiq) tutish qilurmiz» degan oyatni o'qidilar».

4-bob. Olloh taoloning qavli: «So'ng, undan yuz o'girib, uni g'irt jinni deyishdi»

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Olloh taolo Muhammad sallallohu alayhi va sallamni payg'ambar qilib yubordi. Ul zot: «Men da'vatim uchun sizlardan haq olmagayman va men payg'ambarlikni da'vo qiluvchi soxtakor ham ermasman!» — dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Qurayshni dinga da'vat qilganlarida, ular bo'yin tovlashdi. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ollohga: «Ey Olloh, Qurayshga Yusuf alayhissalom davrlaridagidek yetti yillik qahatchilik yuborib,

menga madad bergil!» — dedilar. Keyin, ularga qahatchilik yili keldi, hamma narsa quridi, hatto suyaklarni va terilarni yeyishdi. Qurg'oqchilikning zo'ridan yerdan tutunga o'xshash narsa ko'tarilar erdi. Mushriklarning kattasi Abu Sufyon Janob Rasulullohning yonlariga kelib:

«Ey Muhammad, qavmingiz halok bo'ldi, Ollohga duo qilingiz, ulardan azobni ariqin!» — dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam duo qildilar. Ammo, ular keyin yana kufrga qaytishdi».

5-bob. Olloh taoloning qavli: «Yaqin kunda ularni katta (qattiq) tutish qilurmiz, darhaqiqat biz intiqom olurmiz»

Abdulloh: «Besh alomat -"Sazo", "Rum", Hujum", "Oy" va "Tutun" bo'lib o'tadi", deyдилar.

«AL-JOSIYA» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Va halok etmish bizni faqat zamona»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Olloh taolo: «Odamiyzod zamonni so'kib, menga ozor berur, vaholanki zamon men o'zimman, barcha ishlar mening qo'limda bo'lib, kecha birlan kunduzni almashtirurman»,— deydi».

«AL-AHQOF» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Va ul odamiki, der o'z ota-onasiga: «Tuf sizlarga, va'da qilursizlarmi mangaki, man qabrdan chiqarilurman? Holbuki, har qancha jamoat o'tdilar, mandan avval». Ikkisi faryod qilurlar Ollohga, (derlar): «Afsus holingga, iymon keltirgil, Ollohning qayta tirilmoq haqidagi va'dasi albatta qaqdur!», keyin ul derki, «.Bu avvalgilardan qolgan bir afsonalardur»

Yusuf ibn Molik rivoyat qiladilar: «Marvon Mu'oviya tomonidan Hijozga hokim etib tayinlangan erdi. U bir kunl odamlarni yig'dida, ularga xutba o'qib Yazid ibn Mu'oviya haqida yaxshi so'zlarni gapirdi, otasi o'rniga endi unga bay'at qilishga da'vat qildi. Shunda Abdurrahmon ibn Abu Bakr Marvonga gapirayotib Yazid haqida haqoratli so'zlarni aytdi. Marvon uni ushlashga buyurgan erdi, u qochib Oisha onamizning uylariga kirib oldi, Marvon uni tuta olmay: «Bu bola shundayki, uning haqida Olloh taolo va ul odamiki, der o'z ota-onasiga: «Tuf sizlarga, va'da qilursizlarmi mangaki, man (ul dunyoda qayta) qabrdan chiqarilurman?...» degan oyatni nozil qilgan»,— dedi. Buni eshitib, Oisha raziyallohu anho hijob (parda) orqasidan: «Olloh taolo mening pokligim xususidagina oyat nozil qilgandur, bundan bo'lak bizning haqimizda hech narsa nozil qilmagandur!» — dedilar».

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Keyin, vaqtiki ular ko'rdilar ul azobniki, bulut suratida kelur o'z vodiylari tomon, dedilar: «Bu bir bulutdurki, bizlarga yog'in berur». Yo'q-yo'q, bu o'zlaringiz tezroq kelishini xohlagan bir bo'rondurki, unda dardli azob bordur!»

Oisha raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning kichik tillari ko`rinadigan darajada qattiq kulganlarini sira ham ko`rmaganman, ul zot faqat tabassum qilib qo`yardilar, xolos. Agar shamol essa yoki bulutni ko`rsalar, yuzlarida xavotirlik sezilar erdi. Bir kuni men: «Yo Rasulalloh, odamlar bulutni ko`rsalar, yomgir yogur degan umidda xursand bo`lurlar, sizning ersa bulutni ko`rganingizda xavotir bo`lganingizni ko`rurman»,— dedim. Janob Rasululloh bunday dedilar: «Ey Oisha, kelayotgan bulut o`zi birlan azob olib kelmayotganmikan, deb xavotir olurman, chunki bir qavm bo`ron (shamol) yuborilib azoblangan, ular ersa azobni ko`rib: «Bu bir bulutdurki, bizlarga yomgir berur»,— deganlar».

«ALLAZIYNA KAFARUU» YoKI «MUHAMMAD» SURASI

Olloh taoloning qavli: **«Va qirqursizlar (uzursizlar) qarindoshlik aloqalaringizni...»**

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Olloh taolo yaratish ishidan forig` bo`lgach, bachadon Olloh taoloning belbog`idan tutdi. Olloh taolo unga: «Qo`yib yubor!» —dedi. Bachadon: «Qon-qarindoshlik aloqalarining uzulmog`idan asramog`ingni tilaydirganning joyi hali shu bo`ldimi?» — dedi. Olloh taolo «Agar men qon-qarindoshlik aloqalarini mustahkamlaganlarni yarlaqasam-u, uni uzganlardan ersa, rahmatimni forig` tuqam, rozi bulgaymi-san» — dedi. Bachadon «Ha, yo parvardigorim, rozidurman!» — dedi Olloh taolo «Shunday qilgumdur!» — dedi»

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh qarindoshlik munosabatlari haqida so`zladilar, so`ng «Agar istasangizlar, mana bu «Bas, agar sizlar hukumatga ega bo`lsangizlar, (amalu boylikka xirs qo`yib) mamlakatda buzg`unchilik qilursizlar va qirqursizlar qarindoshlik aloqalaringizni» degan oyatni o`qingizlar!» — dedilar»

«AL-FATH» SURASI

Olloh taoloning qavli: **«Darhaqiqat, biz ato etdik sizga bir ravshan fathni (zafarni)...»**

Zayd ibn Aslam rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarlaridan birida kechasi yo`lda ketayotgan erdilar, Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu ham ul zot birlan birga erdilar. Shunda Hazrat Umar Janob Rasulullohdan bir savol so`radilar, ammo ul zot javob qilmadilar. Hazrat Umar ikkinchi bor so`radilar, ul zot yana javob bermadilar, uchinchi bor so`raganlarida ham indamadilar Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu xayolan «Onang sendan ajrab qolgur, ey Umar! Janob Rasulullohdan uch bor so`rading, ammo ul zot senga javob kilmadilar»,— deb qo`ydilar. Hazrat Umar bunday deydmlar «Keyin, men tuyamni tezlatib odamlar tomon ilgarilab ketdim, «Mening haqimda oyat nozil bo`lib qolmasa erdi!» deb xavotirlandim Ko`p o`tmay, xabarchining meni chaqirganini eshitdim «Uzim haqimda oyat nozil bulishidan qo`rqqa erdim-a!» — dedim-da, Janob Rasulullohning qoshlariga kelib salom berdim. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Bu kecha menga shunday bir sura tushirildiki, bu sura men uchun quyosh charaqlab turgan bu dunyodan mahbubroqdur!»— dedilar, keyin «Darhaqiqat, biz sizga bir ravshan fath (g`alaba) ato qildik» deb tilovat qildilar»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu «Darhaqiqat, biz sizga bir ravshan fath (g'alaba) ato qildik» degan oyat Hudaybiyya g'alabasi haqidadir»,— deydilar.

Abdulloh ibn Mugaffal rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makka fathi kuni «Al-fath» surasini chiroyli ovoz birlan qiroat qildilar»

1-bob Olloh taoloning qavli: «(Darhaqiqat, biz sizga bir ravshan fath ato qildik), toki Olloh taolo sizning o'tgan va kelgusi xatolaringizni mag'firat qilsin va sizga o'z ne'matini mukammal qilib, sizni siroti mustaqimga hidoyat qilsin...»

Mugiyra bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi namozda shunchalik uzoq turardilarki, hatto oyoqlari shishib ketar erdi. Odamlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga «Olloh taolo sizning o'tgan va kelgusi xatolaringizni mag'firat qilgan-ku, nechun o'zingizni bunchalar qiynaysiz?» — deyishganda, ul zot «Olloh taoloning shu mehribonchiligiga shukr qilguvchi banda bo'lmayinmi?»— dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi namozda shu qadar ko'p qiyomda turardilarki, hatto oyoqlari yorilib ketardi. Men «Yo Rasulalloh, nechun bunday qilursiz, axir Olloh taolo sizning o'tgan va kelgusi xatolaringizni mag'firat qilgan-ku!» — deganimda, ul zot «Shukr qilguvchi banda bo'lmayinmi?» — dedilar. Ul zot vazminlashib qolganlaridan keyin, o'ltirib namoz o'qiydirgan bo'ldilar, ruku' qilmoqchi bo'lganlarida turib qiroat qilardilar, keyin ruku'ga egilardilar»

2-bob Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, biz sizni guvoh, xushxabar yetkazuvchi va ogohlantiruvchi qilib yubordik...»

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os raziyallohu anhu bunday deydilar: «Qur'ondagi «Darhaqiqat, biz sizni guvoh, xushxabar yetkazuvchi va ogohlantiruvchi qilib yubordik» degan oyat Tavrotida quyidagicha «Ey payg'ambar, darhaqiqat biz sizni guvoh, xushxabar yetkazuvchi, ogohlantiruvchi va ummiylarga himoya qilib yubordik, siz mening bandam va rasulimsiz, men sizni «vakilim» deb atadim, (mening vakilim ersa) dag'al va qo'pol so'z ermas, bozorlarda baqirib-chaqirib yurmagay, yomonlikka yomonlik birlan javob bermagay, balki afv etguvchi va kechirguvchidir, Olloh uning jonini olmagaydur, tokim ul yo'ldan ozgan millatni «Lo iloha illalloh» degizib, to'g'ri yo'lga solmaguncha va bu so'z ila so'qir ko'zlarni, kar quloklarni va qulf qalblarni ochmaguncha».

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Mo'minlarning dillariga orom tushirgan zot Olloh taolodur»

Barro raziyallohu anhu aytadilir: «Payg'ambar alayhissalomning ashoblaridan biri Qur'on o'qir erdilar, hovlida ul kishining otlari bog'liq turgan erdi. Nogahon, ot bezovta bo'la boshladi. Sahobiy chiqib qarasalar, hech narsa yo'q, ammo ot bezovtalanaverdi. Ertalab ul kishi Janob Rasulullohga voqeani aytgan erdilar, ul zot. «Bu Qur'on birlan tushgan oromdur (sakinatdur)»,— dedilar («Sakinat»— o'shal otmi hurkitib yuborgan «orom» bo'lib, aytishlaricha u yuzi inson yuzi singari bo'lmish bir yengil shaboda yoki mo'minlar qalbiga orom beruvchi farishta erkan)».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Mo`minlar daraxt tagida sizga bay`at qilayotganlarida Oллоh ulardan rozi bo`ldi»

Jobir ibn Abdulloh; «Biz Hudaybiyya kuni bir ming to`rt yuzta erdik»,— deydilar.

Abdulloh ibn Mugaffal raziyallohu anhu: «Men daraxt ostida bay`at qilganlardan erdim. Ushanda Payg`ambar alayhissalom tosh otish va g`uslgo`hda siyishdan qaytardilar»,— deydilar (Tosh otishning foydasidan ko`ra zarari ko`pdir. Chunki, u birlan ovni urib bo`lmaydi, dushmani o`ldirib ham bo`lmaydi. Ammo, u odamning biror yerini yorishi, ko`zini ko`r qilishi mumkin. Janob Rasululloh insonga zarar yetkazish ehtimolidan tosh otishni nahiy qildilar. G`usl qiladigan joyga bavl qilishdan qaytarganlarining boisi shulki, agar yer qattiq bo`lsa, siydik kishining o`ziga sachraydi).

Sobit ibn Zahhokning aytishlaricha, ul kishi daraxt ashoblaridan erkanlar (Hudaybiyya vodiysidagi bir daraxt tagida hozir bo`lgan musulmonlar, ya`ni, bir yarim ming sahoba Payg`ambar alayhissalomga qo`l berishib, to boshlariga o`lim soati kelguniga qadar ul zotga sodiq bo`lishga qasamyod qildilar. Qur`on ersa ularning payg`ambar orqali Oллоh taologa bay`at qilganlarini uqdiradi va bu bay`at islom tarixida «Bay`aturrizvon», ya`ni Oллоh mo`minlardan rozi bo`lgan bay`at, deb nomlangan).

Habib ibn Abu Sobit: «Men bir narsani so`rash uchun Abu Voilning oldiga borgan erdim, u: «Biz Siffayn degan joyda erdik»,— dedi (Siffayn — Furot daryosining vodiysi bo`lib, shu joyda Hazrat Ali birlan Muoviya o`rtasida katta jang bo`lgan). Bir kishi kelib Ali raziyallohu anhudan: «Oллоhning Kitobiga da`vat qiladigan kishilarning gapiga ne deysiz?» — deb so`radi. Hazrat Ali: «Qur`on oyatiga da`vat qilgan kishining gapini darhol qabul qilurman»,— dedilar. Shunda Sahl ibn Hanif: «Nafsingiz yo`liga yurmangizlar, ya`ni aql birlan ish tutingizlar, bizning Hudaybiyyadagi ishimizni, ya`ni Payg`ambar alayhissalom birlan mushriklar o`rtasida sulh tuzilganini bilursizlar. Agar urush qilmoqni istaganimizda erdi, urushgan bo`lur erdik»,— dedi. Shul asnoda Hazrat Umar kelib, Janob Rasulullohga. Bizning ishimiz haq, ularning ishi ersa botil ermasmi? Bizdan o`lganlar jannatda, ulardan o`lganlar do`zaxda bo`lmaydilar mi?»—dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ha, shunday bo`lgay!» — dedilar. Hazrat Umar: «Unda nechun Oллоh taolo bizga hukm qilib turgan bir paytda ortga qaytgaymiz?» — dedilar. Janob Rasululloh: «Ey Xattobning o`g`li, men Oллоhning rasulidurman, Oллоh ersa meni hech qachon mag`lub qilmagay!»— dedilar. Shundan so`ng, Hazrat Umar alam birlan Abu Bakrning oldilariga keldilar-da, ul kishiga: «Ey Abu Bakr, bizlar haq, ular ersa botil ermasmi?» — dedilar. Abu Bakr Siddiq raziyallohu aihu: «Ey Umar ibn al-Xattob, ul zot Oллоhning rasulidurlar, Oллоh ersa ul kishini sira mag`lub qilmagay!» — dedilar. Shunda «Al-Fath» («Zafar») surasi nozil bo`ldi»

«AL-HUJUROT» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Ovozlaringizii payg`ambar ovozidai baland ko`tarmangizlar!»

Ibn Abu Mulayka raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ikki yaxshi odam, ya`ni Abu Bakr birlan Umar halok bo`lishlariga oz qoldi. Ikkovlari Janob Rasulullohning huzurlarida ovozlari baland ko`tarib yuborishdi. Sababi, ul zotning huzurlariga Banu Tamim qabilasidan otliqlar kelishgan erdilar. Abu Bakr Siddiq Aqra` ibn Hobisni, Hazrat Umar

ersalar boshqa bir kishini ularga amir etib tayinlashni taklif qildilar. Shunda Abu Bakr Siddiq Hazrat Umarga: «Doim siz menga qarshi ish tutursiz!» — dedilar. Hazrat Umar: «Sizga qarshi ish tutmoqni xohlaganim io`q!» — dedilar. Natijada, ikkovlari ham baland ovoz birlan tortishib ketishdi. Shul asnoda Oллоh taolo «Ey mo`minlar ovozlaringizni payg`ambar ovozidan baland ko`tarmangizlar!» degan oyatni nozil qildi»

Ibn Zubayr « Mana shu oyat nozil bo`lgandan keyin, Umar raziyallohu anhu Janob Rasulullohga pichirlab gapiradigan bo`lib qoldilar, hatto ul zot ko`pincha tushunmay qolib, qayga-qayta so`rar erdilar»,— deydilar. Ammo, Ibn Zubayr bobolari Abu Bakr haqlarida bunday gapni gapirmadilar»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom Sobit ibn Qaysni qidirib qoldilar. Shunda bir kishi «Yo Rasulalloh, men u haqda bilib kelgayman!» — deb chiqib ketdi-da, Sobitning uyiga bordi. Sobit uyida boshini quyi egganicha o`ltirgan erdi. Boyagi kishi Sobitdan «Ne bo`ldi?»—deb so`radi. Sobit: «Yomon bo`ldi»—deb, o`zining Janob Rasulullohning oldilarida baland ovoz birlan gapirib yuborganini, shu sababli butun amallari habata bo`lganini, o`zi ersa do`zax ahlidan bo`lib qolganini aytdi. Keyin, haligi odam Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, bor gapni xabar qildi. Janob Rasululloh haligi odamni yana Sobitning uyiga junatayotib «Siz do`zax ahlidan ermas, balki jannat ahlidan erkansiz, deb unga ayt!»—dedilar».

Aboulloh ibn Zubayr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalomning huzurlariga Banu Tamimdan otiqlar kelgan erdi. Shunda Abu Bakr Siddiq «Bularga Qaqo ibn Mu`abbadni amir qilsangiz!»— dedilar. Umar raziyallohu anhu ersalar «Aqra` ibn Hobisni amir qilsangiz!» — dedilar. Abu Bakr raziyallohu anhu Hazrat Umarga e`tiroz bildirib: «Doim menga qarshi ish qilursiz!»—dedilar.

Umar raziyallohu anhu «Men sizga qarshi ish qilishni xohlaganim yo`!»— dedilar. Natijada, ikkoalari gap talashib, ovozlari baland ko`tarilib ketdi. Shu haqqa Oллоh taolo «Ey mo`minlar, Oллоh va uning payg`ambari huzurida (ulardan ilgari) gapirmangizlar!» degan oyatni nozil qildi».

«QOF» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Jahannam: «Yana (qo`shimcha) bormi?» — deydi»

Abu Hurayra raziyallohu anzu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Jahannamga «To`ldingmi?» —deyilgay, shunda u «Yana (qo`shimcha) bormi?» — degay. Parvardigor («Bo`ldi, qolmadi» degan ma`noda) qadamini jahannam ustiga qo`ygachgina, u «Yetarli, yetarli!» — deb aytgay».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom bunday dedilar: «Jannat birlan do`zax o`zaro gap talashishdi. Do`zax «Men takabburu zo`ravonlar uchun yaratilganman»,— dedi. Jannat ersa «Menga faqat odamlarning kuchsizlari-yu mazlumlari kirgay»,— dedi. Oллоh taolo jannatga «Sen mening rahmatimsan, sening vositang ila istagan bandamga rahmat qilurman»,— dedi. So`ng, do`zaxga «Sen mening azobimsan, istagan bandamga sening vositang ila azob berurman»,—deb aytdi. Jannatning ham, do`zaxning ham o`z to`ldirguvchilari bordur. Ammo, do`zax, toki Oллоh taolo uning ustiga qadamini qo`ymas erkan, to`limgay Oллоh taolo oyog`ini qo`ygach,

do'zax «Yetarli, yetarli!» — degay-da, og'zini yopib olgay. Oллоh taolo biror maxluqiga ortiqcha azob berib zulm qilmagay. Ammo, jannat xususiga kelsak, (u solih bandalarga to'lib-toshib keqa ham, qabul qilavergay), hatto Oллоh taolo qo'shimcha yana bir jannat barpo qilgay»

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Kun chiqishidan ilgari ham, kun botishidan ilgari ham parvardigoringga tasbihu hamd aytgil!»

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz kechasi Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga o'ltirgan erdik. Shunda ul zot o'n to'rt kechalik oyga qarab bunday dedilar: «Albatta, sizlar ul dunyoda rabbingizni xuddi mana shu oyni ko'rgandek ko'rursizlar. Uni ko'rishda bir-biringizga xalal bermagaysizlar. Agar quyosh chiqishidan va botishidan ilgarigi namozlarni shaytonga boy bermaslikka qodir bo'lsangizlar, o'qingizlar!». Keyin ul zot «Kun chiqishidan ilgari ham, kun botishidan ilgari ham parvardigoringga tasbihu hamd aytgil!» degan oyatni tilovat qildilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Janob Rasululloh menga hamma namozlardan so'ng tasbih aytmoqni buyurdilar»,— deydilar».

1-bob Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad, hujralar ortidan turib sizni chaqiradigan kimsalarning ko'plari albatta aqlsiz kimsalardur»

«AT-TUR» SURASI

Ummu Salama raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohga kasalligimdan shikoyat qilib erdim, «Ulovda odamlarga ergashib Ka'bani tavof qilaver!» deb buyurdilar. Shunda men tavof qildim, ul zot ersalar Baytullohning bir chekkasida «Vat-Tur va kitobim mastur» surasini qiroat qilib namoz o'qidilar».

Jubayr ibn Mut'imning otalari rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohning shom namozida «Vat-Tur» surasini qiroat qilganlarini eshitdim. Ul zot «Balki ular hech narsadan (o'z-o'zidan) yaralib qolgandirlar-a' Balki ular o'zlari yaratguvchimikanlar-a?! Balki osmonlar birlan Yerni ular yaratgandirlar-a?! Balki ular ishonmaslar? Balki parvardigoringizning xazinalari ularning qoshlaridadur-a?! Yoki ular butun borliqni boshqarib turguvchimikanlar-a?!» degan oyatga kelganlarida qalbim uchib chiqib ketishiga oz qoldi!»

Sufyon raziyallohu anhu «Janob Rasulullohning shomda «Vat-Tur» surasini o'qiganlarini Zuhriydan men ham eshitganman, ammo qolgan gaplarni eshitmaganman»,— deydilar.

«VAN-NAJM» SURASI

Masruq rivoyat qiladilar «Men Oisha onamizdan «Ey onajon, Muhammad sallallohu alaihi va sallam parvardigorlarini ko'rganmilar?»—deb so'radim. Oisha onamiz «Sening gapingdan sochim tikka bo'ldi. Uchta gapdan xabaring yo'q erkanda? Kim senga: «Muhammad sallallohu alayhi va sallam parvardigorlarini ko'rganlar»,— desa, g'irt yolg'on aytibdi!»—dedilar, keyin ushbu «Eng o'tkir ko'zlar ham uni ko'rmagay, ammo ul ularni ko'rib turgay va ul har qanday to'siqdan o'tguvchi va har qanday ishdan xabardor zotdur» degan oyatni, so'ng «Biror inson Oллоh birlan yuzma-yuz gaplasha olmas, u

faqat vahiy orqaligina gaplashur yoki hijob (parda) orqasidan turib gaplashur» degan oyatlarni o'qidilar. So'ng, so'zlarida davom etib «Kimki senga «Janob Rasululloh ertaga bo'ladirgan ishni bilurlar»,— desa ham g'irt yolg'on aytibdi!»—dedilar-da, «Biror jon ertaga ne ish qilmog'ini bilmas» degan oyatni o'qidilar. Keyin, yana so'zlarida davom etib: «Kimki senga «Janob Rasululloh Olloh buyurgan narsani yashirgan»,— desa ham g'irt yolg'on aytibdi!» — dedilar-da, «Ey payg'ambar, rabbingizdan o'zingizga yetkazilgan narsalarni yetkazingiz!» degan oyatni o'qidilar. «Lekin,— dedilar Oisha onamiz, — ul zot Hazrat Jabroilni ikki bor asl qiyofalarida ko'rganlar»

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Bas, payg'ambarga ikki kamon oraligida, balki undan pastroq yaqin keldi»

Ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom Hazrat Jabroilni ko'rganlar, ul kishining olti yuzta qanotlari bor erkan».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, payg'ambar o'z parvardigorining buyuk oyatlarini (belgi, alomatlarini) ko'rdi»

Abdulloh ibn Mas'ud: «Darhaqiqat, payg'ambar o'z parvardigorining buyuk oyatlarini ko'rdi» degan oyatni tafsir qilib «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (Jabroilning) yashil qanotlarini ko'rdilar, u butun ufqni to'sib turardi»,— deydilar.

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Lot va Uzzo... (nomli butlar) xususida hech o'ylab ko'rdingizlarmi?»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Kimki Lot va Uzzoni tilga olib qasam ichgan ersa, (darhol) «Lo iloha illalloh» deb ayqin, kimki sherigiga «Kel, qimor o'ynaylik!» degan ersa, (darhol) sadaqa qilib yuborsin!» — dedilar».

4-bob. Olloh taoloning qavli: «... va boshqa uchinchi (but) Manot...»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Mushallal degan yerdagi Manotga sig'inuvchi kishilar Safo va Marva o'rtasini tavof qilmas erdilar. Olloh taolo «Albatta, Safo birlan Marva Olloh buyurgan ibodatgohlardandur» degan oyatni nozil qilgach, Janob Rasululloh va musulmonlar ul yerni tavof qila boshladilar».

Sufyon: «Manot Kadid degan joyning Mushallal mavzesiga o'rnatilgan erdi»,— deydilar.

Oisha onamiz: «Safo va Marva haqidagi oyat ansorlar xususida nozil bo'lgan. Ular va g'assonliklar musulmon bo'lishlaridan avval Manotga niyat qilib ehrom bog'lar erdilar»,— deydilar.

Oisha onamiz: «Ansorlar ilgari Manotga niyat qilib ehrom bog'lar erdilar. Manot — Makka birlan Madina orasidagi bir butning nomi bo'lib, ansorlar: «Yo Rasulalloh, biz ilgari Manotni ulug'lab, Safo va Marvani tavof qilmas erdik»,— deyishgan erdi»,— deydilar.

5-bob. Olloh taoloning qavli: «Bas, sizlar Ollohga sajda va ibodat qilingizlar!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom «Van-Najm» surasini o`qib sajda qildilar, ul zot birlan birga musulmonlar ham, mushriklar ham, jinlaru odamlar ham sajda qilishdi»

Abdullhu ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Eng birinchi nozil bo`lgan sajda oyatli sura— «Van-Najm» surasidir. U nozil bo`lganda Janob Rasululloh darhol sajda qildilar, shunda ul zotga ergashib ortlarida turgan kishilar ham sajda qildi, ammo bir kishi sajda qilmadi. Ushal kishi yerdan bir siqim tuproq olib o`shanga sajda qildi. Keyinchalik, men uning kofir holda o`ldirilganini ko`rdim. Uning nomi Umayya ibn Xalaf erdi».

«IQTARABATIS-SO`ATU» YoKI «AL-QAMAR» SURASI

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Oy ikkiga bo`lindi va agar kofirlar ko`rsalar ham biror mo`jizani, yuz o`gururlar»

Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasulullohning davrlarida Oy alohida-alohida ikki qismga bo`lindi. Bir qismi tog` ustida, ikkinchi qismi ersa uning ro`parasida turdi. Shunda Janob Rasululloh barchaga: «Guvoh bo`lingizlar!»—dedilar».

Abdulloh bunday deydilar: «Oy ikkiga bo`lindi, shunda biz Janob Rasululloh birlan birga turgan erdik. U alohida-alohida ikki qismga ajraldi. Janob Rasululloh bizlarga: «Guvoh bo`lingizlar, guvoh bo`lingizlar!» — dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Payg`ambar alayhissalomning zamonlarida Oy ikkiga bo`lindi»,— deydilar.

Anas ibn Molik raziyallohu anhu bunday deydilar: «Ahli Makka Janob Rasulullohdan mo`jiza ko`rsatishni talab qilishdi. Shunda ul zot mo`jiza tariqasida Oyni ikkiga bo`lib ko`rsatdilar».

Anas: «Oy teng ikkiga bo`lindi»,— deydilar.

2-bob. Olloh taoloning qavli: «(Kema) suzar erdi ko`z oldimizda bir intiqom sifatida ul odam uchunki, qadrlanmadi va batahqiq qoldirdik ul voqeani ibrat qilib, bormi nasihat olguvchi?»

Qatodo raziyallohu anhu bunday deydilar: «Olloh taolo Nuhning kemasini salomat saqladiki, hatto uni mana shu ummatning dastlabki kishilari ham ko`rdilar».

Abdulloh «Janob Rasululloh «Fa-hal min muddakir» («nasihat olguvchi bormi?») deb qiroat qilur erdilar»,— deydilar.

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Biz Qur`onni nasihat (ibrat) olmoq uchun oson qilib qo`ydik, (undan) nasihat olguvchi bormi?»

Abdulloh «Janob Rasululloh «Fa-hal min muddakir» deb qiroat qilur erdilar»,— deydilar.

4-bob. Olloh taoloning qavli: «Tomiri ila sug`urilgan xurmo daraxtlari kabi (odamlarni uchirib ketar erdi), bas nechuk bo`libdur mening azobim va ogohlantirishim?!»

Abu Ishoq bunday deydilar: «Bir odam Asvaddan «Fa-hal min muddakir»mi yoki «muzzakir»mi?»— deb so`radi. Asvad «Men Abdullohning «min muddakir» deb o`qiganlarini eshitganman, ul kishi «Payg`ambar alayhissalomning «min muddakir» deb o`qiganlarini eshitgan erkanlar»,— dedi»

5-bob. Olloh taoloning qavli: «Ular tikondan qo`ra yasovchining sanchilgan yog`ochlari kabi bo`lib qoldilar. Biz Quronni nasihat olmoq uchun oson qilib qo`ydik, (undan) nasihag olguvchi bormi?»

Abdullohniig rivoyatlariga qaraganda, Payg`ambar alayhissalom «Fa-hal min muddakir»—deb «dol» birlan qiroat qilganlar»

6-bob. Olloh taoloning qavli: «Haqiqatan, erta tongda ularga barqaror azob yetib keldi. Endi mening azobimni va ogohlantirishimni bir tatib ko`ringizlar!»

Abdulloh rivoyat qiladilarki, Payg`ambar alayhissalom «Fa-hal min muddakir» — deb «dol» harfi birlan qiroat qilgan erkanlar

7-bob. Olloh taoloning qavli: «Biz sizlarga o`xshashlarni halok qildik, bundan biror ibrat olguvchi bormi?»

Abdulloh rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohga «Fa-hal min muzzakir» — deb «zol» harfi birlan o`qib berdim. Shunda ul zot «Fa-hal min muddakir» — deb dol birlan o`qi!»— dedilar».

8-bob. Olloh taoloning qavli: «Yaqinda o`shal jamoa yengilib, ortlariga qarab qochib qolurlar»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Badr kuni chodirda turgan hollarida bunday dedilar: «Yo Olloh, va`dangga vafo qilmogingni iltijo qilurman! Yo Olloh, agar istasang, bugundan keyin ibodat qilinmagaysan (ya`ni, agar istasang, ertagayoq butun bandalaringni halok qilgaysan, o`zingga ibodat qilguvchilarni qoldirmagaysan)!» Shunda Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu qo`llari birlan Janob Rasulullohni tortib «Ey Ollohning rasuli, bo`ldi, kifoya, rabbingizdan ko`p iltijo qildingiz!»—dedilar. Janob Rasululloh ersalar sovutda bo`lsalar ham, irgib turdilar-da «Yaqinda o`shal jamoa yengilib, ortlariga qarab qochib qolurlar!»—deya tashqari chiqdilar»

9-bob Olloh taoloning qavli: «Balki qiyomat ularga va`da qilingan vaqtdur va qiyomat (azobi) qattiqroq va achchiqroqdur!»

Yusuf ibn Molik rivoyat qiladilar: «Men mo`minlarning onasi Oishaning oldilarida erdim. Shunda, ul muhtarama «Muhammad sallallohu alayhi va sallamga Makkada «Balki qiyomat ularga va`da qilingan vaqtdur va qiyomat (azobi) qattiqroq va achchiqroqdur!»

degan oyat nozil bo'lganda men yosh qizaloq erdim, o'ynab yurar erdim»,— dedilar»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom Badr kuni chodirda turib bunday dedilar: «Ey Oллоh, va'dangga vafo qilmogingni iltijo qilurman! Ey Oллоh, agar xohlasang, bugundan keyin butunlay ibodat qilinmaysan!» Shunda Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu qo'llari birlan Janob Rasulullohni tortib «Ey Oллоh-ning rasuli, bo'ldi, yetarli, rabbingizga ko'p iltijo qildingiz!»—dedilar.

Keyin, Janob Rasululloh sovut kiygan holda tashqariga chiqayotib, «Yaqinda o'shal jamoa yengilib, ortlariga qarab qochib qolurlar, balki qiyomat ularga va'da qilingan vaqtdur va qiyomat qattiqroq va achchiqroqdur!» degan oyatlarni o'qidilar».

«AR-RAHMON» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Ul ikki jannatdan pastroqda yana ikki jannat bordur»

Abdulloh ibn Qays raziyallohu anhuning otalari rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh bunday dedilar: «Ikki jannat bor, ularning idishlari-yu boshqa narsalari kumushdan yasalgan va yana ikki jannat bor, ularning idishlari-yu boshqa narsalari tilladan yasalgan. Adn jannatida qavm birlan parvardigorlari o'rtasida unga nazar solmoqlariga ulug'lik pardasigina mone'lik qilib turgay».

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Chodirlarda asralgan hurlar bor»

Abdulloh ibn Qaysning otalari rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jannatda ichi g'ovak marvariddan qilingan chodirlar bor, uning kengligi oltmish mildur. Ul chodirlarning har bir burchida istiqomat qilguvchi (hurlar) bo'lib, biri ikkinchisini ko'rmaydi, ularni mo'minlar tavof qilib yuradirlar. Ikki jannat bor, ularning idishlari va boshqa narsalari kumushdan yasalgan, yana ikki jannat bor, ularning idishlari va boshqa narsalari ersa oltindan yasalgan. Adn jannatida qavm birlan parvardigorlari o'rtasida unga nazar solmoqlariga ulug'lik pardasigina mone'lik qilgay».

«AL-VOQI'A» SURASI

«... va uzun soya ostida...»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar sallallohu alayhi va sallam: «Jannatda bir daraxt bor, otliq uning soyasida yuz yil yurib ham poyoniga yetolmaydi. Agar xohlasangizlar: «Uzun soya ostida» degan oyatni o'qingizlar!»—dedilar». Undagi «Odamlar orasida shunday kishilar borki... Odamlar orasida shunday kishilar borki...» degan oyatlar shunday ketma-ket nozil bo'la boshladiki, hatto odamlar: «Bu sura bittamizni ham qoldirmay birma-bir zikr qilsa kerak» — deb o'ylashdi»,— dedilar. Men ul kishidan «Anfol» surasi haqida ham so'radim, uning Badr janggi haqida nozil bo'lganini aytdilar. Keyin, «Al-Hashr» surasi xususida ham so'ragan erdim, uning Baniy Nazir qabilasi to'g'risida nozil bo'lganini aytdilar».

Sa'id boshqa bir hadisda: «Al-Hashr» surasi bu «Nazir» surasidir»—deb aytganlar.

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ul xurmo daraxtiki, kesdingizlar...»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Baniy Nazir xurmozorlarini yondirdilar, kesdilar. Bu xurmozorlar Buvayrada erdi. Shunda Oллоh taolo «Ul xurmo daraxtiki, kesdingizlar yo qoldirdingizlar uni o'z tomirlarida turgan holda, har ikkisi ham Oллоhning izni ila nofarmonlarni rasvo qilmog'i uchun bo'ldi» degan oyatni nozil qildi».

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va ul molniki, beurush berdi Oллоh o'z rasuliga»

Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Baniy Nazirning mollari Oллоh taolo o'z payg'ambariga ulardan urushsiz olib bergan mollar bo'lib, unga musulmonlar na ot va na tuyalarini choptirib erishgan ermas erdilar. Shuning uchun ham bu mollar Janob Rasulullohga xos bo'lib, undan o'z ahllariga bir yillik nafaqa berdilar. Qolgan qurol-yarog' va otlarni Oллоh taolo yo'lida jihod qilmoq uchun asrab qo'ydilar».

«AL-HASHR» SURASI

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Men Ibn Abbos raziyallohu anhuga «Tavba» surasi haqida gapirdim. Shunda Ibn Abbos: «Bu sura oshkor (sharmisor) qilguvchi suradur.

Oллоh taoloning qavli: «Payg'ambar sizlarga nimaiki keltirsa, olingizlar!»

Alqama rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu: «Oллоh taolo husn uchun badaniga (igna birlan) surat chizdirgan va chizgan ayollarni, yuzining mo'ylarini qirdirgan ayollarni, kurak va qoziq tishlari orasini egovlatib kengaytirgan ayollarni, ya'ni Oллоh yaratganini o'zgartirgan ayollarni la'natladi»,— dedilar. Bu gap Baniy Asad qabilasidan bo'lgan bir ayolga yetib bordi Uni Ummu Ya'qub deyishar erdi. Ushal Ummu Ya'qub Abdullohning huzurlariga keldi-da, ul kishiga «Men eshitdimki, siz unday va bunday ayollarni la'natlabsiz, to'grimi?»—dedi. Abdulloh: «Janob Rasululloh la'natlaganlarni nechun men la'natlamayin, axir Oллоh taolo ham o'z Kitobida ularni la'natlagan-ku!» — dedilar. Ummu Ya'qub «Oллоh taolo haqi, ikki lavh (er va osmon) oraligidagi jamiki yozuvlarni o'qib chiqib ham bunday gapni topolmadim!» —dedi. Abdulloh: «Oллоh taolo haqi, agar haqiqatan ham axtarib ko'rganingda erdi, «Rasululloh Oллоh taolodan sizlarga nimaiki keltirgan ersa, barchasini qabul qilingizlar va nimadan qaytargan ersa, o'sha ishni qilmangizlar!» degan so'zlarni o'qigan bo'lur erding!» — dedilar. Ummu Ya'qub «Ha, buni o'qiganman»,— dedi. Abdulloh: «Janob Rasululloh Oллоh taoloning aytgan shu qavliga ko'ra o'sha ishlardan qaytarganlar»,— dedilar. Ummu Ya'qub «Lekin, o'zingizning xotinlaringiz shu ishlarni qilishsa kerak, deb o'ylayman»,— dedi. Abdulloh «Unday ersa, uyimga borib xotinlarimni ko'rgil!» — dedilar. Ummu Ya'qub Abdullohning uylariga borib xotinlarini ko'rди, ularning badanlarida o'zi istagan narsani topmadi».

Abdulloh «Agar ayollar mazkur ishlarni qilsalar, biz ularni taloq qilar erdik»— deydilar.

Abdulloh; «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sochiga ulama taqqan ayollarni la'natlagan erdilar»,— deydilar

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Muhojirlardan ilgari Madinaga kelib o`rnashgan va iymon-e`tiqodni mahkam ushlagan kishilar...»

Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Xalifa dastlabki muhojirlarga o`z haq-huquqlarini bilmoqni hamda Janob Rasululloh hijrat qilmaslaridan ilgari Madinaga kelib joylashgan va iymonlarini mahkam ushlagan ansoriylarga, agar muhojirlardan biror yaxshilik bo`lsa, qabul qilmoqni va agar biror xatolik bo`lsa, afv etmoqni vasiyat qildilar»

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Uzlarida ehtiyoj bo`laturib o`zgalarni ortiq bilurlar»

Abu Hurayra rivoyat qiladilar «Bir kishi Janob Rasulullohning qoshlariga kelib «Ey Oллоhning rasuli, men juda ochman!» — dedi. Janob Rasululloh xotinlariga odam yuborib, biror yegulik so`ratdilar, lekin uylarida hech narsa topilmadi. Shunda ul zot «Bu kecha biror kishi mehmonni ziyofat qila olurmi? Ziyofat qilgan odamni Oллоh taolo yarlaqasin!»—dedilar. Buni eshitib, ansor-lardan bir kishi urnidan turdi-da «Ey Oллоhning rasuli, men mehmon qilurman!»—dedi, so`ng uyiga borib «Janob Rasulullohning mehmonlariga biror yegulik bormi?» —deb xotinidan so`radi. Ayol «Xudo haqi, bolalarning ovqatidan bo`lak hech narsa yo`q!» - dedi. Ansoriy «Agar bolalar ovqat tilasa, ularni uxlatib qo`igil-da, chiroqni o`chirgil, o`zimiz bu kecha qornimizni tang`ib bog`lab qo`ya qolurmiz!»—dedi. Ayol eri aytganiday qildi. Ertalab mezbon Janob Rasulullohning huzurlariga borganida, ul zot «Oллоh taolo falon ayolning qilgan ishlaridan taajjub qilib, «Uzlarida ehtiyoj bo`laturib o`zgalarni ortiq bilurlar» degan oyat nozil qildi»,— dedilar».

«AL-MUMTAHINA» SURASI

1-bob Oллоh taoloning qavli: «Ey mo`miilar, mening va o`zlaringizning dushmanlaringizni do`st tutmangizlar!»

Ali raziyallohu anhu bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam men, Zubayr va Miqdodni jo`natayotib «Boringizlar, «Xox» degan bog`chaga yetganlaringizda taxtiravonda o`ltirgan bir ayolni uchratgaysizlar, unda maktub bor, olib kelingizlar!» — deb burdilar. So`ng, biz otlarimizni choptirib bog`chaga yetib keldik. Haqiqatan, o`sha yerda taxtiravonda o`ltirgan bir ayolni uchratdik. Unga «Maktubni ber!»— deb buyurdik. U «Menda maktub yo`q!» — deb qarshilik qildi. Men unga «Yo maktubni berasan yoki yotqizib kiyimlaringni yechurmiz!» — dedim. Nihoyat, u sochlari orasidan maktubni chiqarib berdi. Biz uni Janob Rasulullohga keltirib berdik. Ne ko`z birlan ko`raylikki, maktub Hotib ibn Abu Balta`adan Makka mushriklarining kattalariga yuborilgan bo`lib, unda ul zotning rejalashtirgan ayrim ishlari to`g`risida xabar qilingan erdi. Payg`ambar alayhissalom: « Ey Hotib, bu nima qilga-ning» —deb so`radilar. Hotib ibn Abu Balta`a «Yo Rasulalloh, menga (jazo berishga) shoshilmangiz, men Qurayshdan bo`lmasam ham, u birlan qasam ichib do`stlashganman. Siz birlan birga hijrat qilganlarning Makkada qarindoshlari bo`lib, ular bularning u yerdagi bola-chaqa va mollarini himoya qilurlar. Mening Makkada qarindoshim bo`lmasa-da, ul yerda o`zimga bir do`st paydo qilay, ular bola-chaqam va molimni himoya qilsinlar, deb shu ishni ma`qul ko`rdim. Lekin, buni kufr yoki dindan qaytishim sababli qilmadim!»—dedi. Payg`ambar alayhissalom: «Albatta, bu haq gapni aytdi!» — dedilar. Umar raziyallohu anhu: «Menga izn beringiz, yo Rasulalloh, bo`ynini uzib tashlayin!»—dedilar. Janob Rasululloh: «Axir, u

Badrda ishtirok qilganlardan-ku! Oллоh taolo ahli Badrning qiladigan ishlaridan o'zi voqifdur, u: «Xohlagan ishlaringizni qilingizlar, sizlarni batahqiq mag'firat qildim!» — deb aytgan»,— dedilar».

Amr raziyallohu anhu: «Keyin, Hotib haqida «Ey mo'minlar, mening va o'z'laringizning dushmanlaringizni do'st tutmangizlar!» degan oyat nozil bo'ldi»,— deydilar.

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Agar sizlarga mo'minalar hijrat qilib kelsalar...»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, agar mo'minalar hijrat qilib kelsalar, mazkur oyat sababli ularni imtixon qilib ko'rar erdilar. Imtixon shartlari quyidagi oyatda zikr qilingan: «Ey payg'ambar, agar sizga mo'minalar hijrat qilib kelsalar, Oллоhga biror narsani sherik qilmaslikka, o'g'rilik qilmaslikka, zino qilmaslikka, bolalarini o'ldirmaslikka, o'zaro bo'xton va ig'vo to'qimaslikka va biror yaxshi ishda sizga itoaqizlik qilmaslikka sizga bay'at qilsinlar, agar qasamyod qilsalar, siz ularning qasamyodlarini qabul qilingiz va ular haqlariga Oллоhdan mag'firat talab qilingiz, darhaqiqat Oллоh mag'firatli va mehribon zotdur!» Mo'minalardan qaysi ayol shu shartlarga iqror qilsa, unga Janob Rasululloh og'zaki: «Batahqiq, men bay'atingni qabul qildim!» —derdilar, Oллоhga qasamki, qo'llari ayolning qo'lga tegmas erdi! Bay'atda faqat: «Bay'atingni qabul qildim mazkur shartlarga binoan»,— derdilar»

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad, agar sizga bay'at qilish uchun mo'mina ayollar kelsalar...»

Ummu Atiyya raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Biz Janob Rasulullohga bay'at qildik. «Oллоhga biror narsani sherik qilmasinlar» degan oyatni o'qib berdilar, so'ng azada baland ovoz birlan yig'lashdan bizni qaytardilar. Oramizdagi bir ayol barmog'ini tishlab: «Falonchi mening uyimda azada yig'lashgan erdi, men ham qarzimni uzib uning uyida azada yig'lashim kerak»,— dedi. Janob Rasululloh unga hech narsa demadilar. Ayol borib, keyin qaytib keldi, ul zot uning bay'atini qabul qildilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Oллоhning «Ayollar sizga yaxshi ishlarda osiy bo'lmasinlar!» degan oyatining mazmuni Oллоh taolo shaxsan ayollarga buyurgan shartlardur»,— deydilar (Bu shartlar, mufasssirlarning gaplariga qaraganda, baland ovoz birlan yig'lamaslik, begona erkak birlan tanho qolmaslik, yuzni bo'yamaslik, ko'kraklarni ochib yurmaslik, qarg'amaslik, she'r o'qimaslik va har qanday ishda Oллоh va uning rasuliga itoat etmoqlik).

Uboda ibn Somit raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Janob Rasululloh birlan birga o'ltirgan erdik. Shunda ul zot: «Oллоhga biror narsani sherik qilmaslikka, o'g'rilik qilmaslikka, zino qilmaslikka menga bay'at qilgaymisizlar!»—dedilar, keyin ayollar bay'ati to'g'ri-sidagi oyatni o'qidilar»

Sufyon o'z rivoyatlarida bunday deydilar: «Janob Rasululloh oyatni o'qidilar, keyin bunday dedilar. «Sizlardan qaysiningiz o'z bay'atiga vafo qilsa, ajrini Oллоh taolo bergay. Kimki mazkur shartlardan birini buzsa, muayyan jazo tortguvsidur, unga shu kafforat bo'lur. Kimki bir gunoh qilib qo'ysa-yu, Oллоh uni yashirgan bo'lsa, bu Oллоhga xavola, agar xohlasa, gunohkorga azob bergay, agar xohlasa, uni mag'firat qilgay».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men ramazon hayiti kuni Janob Rasululloh birlan ham, Abu Bakr raziyallohu anhu birlan ham, Umar va Usmon raziyallohu anhumolar birlan ham iyd namozini o`qiganman. Ularning hammalari ham iyd namozini xutbadan avval o`qib, keyin xutba qilur erdilar. Ushal kuni Janob Rasululloh minbardan tushdilar, odamlarning shundoq ro`paralarida o`ltirganlarini hozir ham ko`rib turgandekman. Janob Rasululloh ularga yonlarini o`girib o`ltirdilar-da, huzurlariga Bilol raziyallohu anhu va ayollar kelgunlariga qadar odamlarga qarata quyidagi oyatni qiroat qildilar «Ey payg`ambar, agar huzuringizga mo`mina ayollar Ollohga hech narsani sherik qilmaslikka, o`g`rilik qilmaslikka, zino qilmaslikka, bolalarini o`ldirmaslikka, o`z qo`lu oyoqlari o`rtasida bo`hton to`qimaslikka (ya`ni, o`shal paytda ayol farzand ko`rmasa, birovning bolasini olib uning oyoqlari orasiga qo`yardilar-da, «tug`di-tug`di» qilib, so`ng uni «o`zi tug`di» deb e`lon qilardilar. Buni Olloh taolo qoralab, man etdi) bay`at qilish uchun kelsalar, ularning bay`atini qabul qilingiz va ularga Ollohdan mag`firat so`rangiz!», keyin «Sizlar mana shu shartlarni bajarishga majbursizlar!»—dedilar. Shunda bir ayol «Ey Ollohning rasuli, biz rozimiz!» —dedi, ammo boshqa ayollar javob berishmadi So`ng, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sadaqa bermoqni buyurdilar, ayollar Bilol raziyallohu anhuning etaklariga uzuk va bilakuzuk kabi ziynatlarini sadaqa qilib tashlashdi»

«AS-SAF» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Mendan keyin Ahmad ismli iayg`ambar kelur»

Muhammad ibn Jubayr raziyallohu anhuning otalari rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitganman: «Darhaqiqat, mening bir necha ismlarim bor men Muhammadman, men Ahmadman, men Mohiyman, ya`ni men birlan Olloh taolo kufri mahv qilur. Men Hoshirman, ya`ni mahshar kuni yurib odamlarni yig`urman. Men Oqibman, ya`ni o`zimdan oldin o`tganlarning yaxshiligini davom etdirguvchiman».

«AL-JUM`A» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Olloh bu payg`ambarni boshqa toifalarga ham yubordiki, ular hanuz bularga qo`shilmadilar»

Abu Hurayra raziyallozhu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Payg`ambar sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida o`ltirgan erdik, shunda «Jum`a» surasi nozil qilindi, unda «Olloh bu payg`ambarni boshqa toifalarga ham yubordiki, ular hanuz bularga qo`shilmadilar» degan oyat bor erdi. Men «Ey Ollohning rasuli, ular kimlar?»— deb so`radim. Janob Rasululloh savolimga javob bermadilar, hatto men uch bor savolimni qaytardim. Oramizda Salmon Forsiy ham bo`lib, Janob Rasululloh ko`llarini uning yelkasiga qo`ydilar-da, so`ng, «Basharti iymon Surayyo yulduzida bo`lsa ham mana bu (atrofimdagi) kishilar uni olgan bo`lur erdilar!» — dedilar».

1-bob Olloh taoloning qavli: «Va qachon ko`rsalar musulmonlar bir tijoratni...»

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Jum`a kuni karvon keldi. Odamlar Janob Rasulullohning birga turganliklariga qaramay, karvon tomon tarqab ketishdi, faqat o`n ikki kishigina ul zotning qoshlarida qoldi. Shunda Olloh taolo «Va qachon ko`rsalar

musulmonlar bir tijoratni yo bir tamoshoni, uning tarafiga tarqalib keturlar» degan oyatni nozil qildi»

«AL-MUNOFIQUUN» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Ey Muhammad, agar munofiqlar huzuringizga kelsalar: «Guvohlik berurmizki, albatta siz Ollahning rasulisiz»,— deydilar. Holbuki, Olloh sizning paygʻambarligingizni bilur va Olloh guvohlik berurki, albatta munofiqlar yolgʻon gapiruvchidurlar»

Zayd ibn Arqam aytadilar: «Men gazotda erdim. Shunda Abdulloh ibn Ubayning «Rasulullohning yonidagi kishilarga nafaqa (yordam) bermasangizlar, ular uning atrofidan tarqab ketgaylar. Ziyoda izzatli kishilar Madinaga borganimizdan keyin, albatta bul xorlarni haydab chiqargaylar» deganini eshitdim. Men bu gapni amakimga (yoki Hazrat Umarga) aytdim, ul kishi Janob Rasulullohga yetkazdilar. Keyin, Janob Rasululloh meni chaqirdilar, men bor gapni ul zotga soʻzlab berdim Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdulloh ibn Ubay va uning sheriklariga odam yubordilar. Ular kelgach, aytgan gaplaridan tonib qasam ichishdi. Shunda Janob Rasululloh meni yolgʻonchiga chiqarib, ularning gapiga ishondilar. Meni shul qadar gam chulgʻab oldikim, ilgari sira ham bunday ahvolga tushmagan erdim! Amakim menga «Janob Rasulullohga yolgʻon soʻzlab, ul zotning gazablariga duchor boʻlmogingga seni ne majbur qildi?»—deb dashnom berdilar. Shul asnoda Olloh taolo «Ey Muhammad, agar munofiqlar huzuringizga kelsalar» degan (yuqoridagi) oyatni nozil qildi. Keyin, Paygʻambar alayhissalom meni chaqirtirib oyatni oʻqib berdilar-da: «Ey Zayd, Olloh taolo sening gapingni tasdiq qildi»,— dedilar».

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Ular ichgan qasamlarini sipar qilib olurlar»

Zayd ibn Arqam aytadilar: «Men amakim birlan birga erdim. Abdulloh ibn Ubayning «Rasulullohning atrofidagi kishilarga nafaqa qilmasangizlar, ular uni tashlab ketgaylar, biz Madinaga borganimizda ziyoda izzatli kishilar bul xorlarni albatta haydab chiqargaylar» deganini eshitib qoldim. Bu gapni darhol amakimga aytdim, amakim Janob Rasulullohga yetkazdilar. Janob Rasululloh Abdulloh ibn Ubay birlan uning sheriklarini chaqirtirdilar. Ular kelib aytmaganliklari toʻgʻrisida qasam ichishdi. Shunda ul zot ularga inonib, meni yolgʻonchi qildilar, meni mislsiz gʻam chulgʻab oldi. Men uyimdan chiqolmay oʻltirib qoldim. Keyin, Olloh taolo «Ey Muhammad, agar munofiqlar huzuringizga kelsalar... («... ziyoda izzatli kishilar Madinaga borganimizda bul xorlarni haydab chiqargaylar» degan qavligacha)» deb boshlanadigan oyatlarni nozil qildi. Janob Rasululloh meni chaqirtirib: «Olloh taolo sening gapingni tasdiqladi»—dedilar».

2-bob. Olloh taoloning qavli: «Bu shuning uchundur-ki, ular iymon keltirdilar, soʻng yana kofir boʻldilar, bas muhr urildi dillariga, endi ular tushunmaslar»

Zayd ibn Arqam aytadilar: «Abdulloh ibn Ubay «Rasulullohning yonida yurgan kishilarga (muhojirlarga) nafaqa (yordam) qilmangizlar» va «Madinaga qaytib borganimizda» degan gaplarni aytganida, men bundan Paygʻambar alayhissalomni xabardor qildim. Shunda ansorlar meni malomat qila boshlashdi, Abdulloh ibn Ubay ersa «Bunday deb aytmadim» deb qasam ichdi. Keyin, men uyga qaytdim, uxladim. Nogahon, Janob Rasululloh meni chaqirtirdilar, men bordim, ul zot menga: «Darhaqiqat, Olloh taolo sening gapingni tasdiq qildi»,— dedilar. Chunki, shul haqda oyat nozil boʻlgan erdi».

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Agar ularga boqsangiz, jismlari sizni hayratga solgay, soʻzlaganlarida quloq solursiz. Ular devorga suyab qoʻyilgan quruq yogʻochga oʻxsharlar, har bir qichqiriqovozni ustlariga tushayotgan balo, deb oʻylaydilar. Ular dushmandirlar, ulardan ehtiyot boʻlingiz...»

Zayd ibn Arqam aytadilar: «Biz Paygʻambar alayhissalom birlan birga safarga chiqqan erdik, odamlar qattiq qiynalishdi. Abdulloh ibn Ubay sheriklariga: «Rasulullohning yonlaridagi kishilarga yordam qilmangizlar, toki ular Rasulullohni tashlab qaytib keqinlar! Madinaga qaytaylik, ziyoda izzatlilar bul xorlarni haydab chiqargaylar»,— dedi. Men Paygʻambar alayhissalomning huzurlariga kelib boʻlgan gapni aytdim. Janob Rasululloh Abdulloh ibn Ubayga odam yubordilar. U kelib bunday deb aytmaganligi toʻgʻrisida qasam ichdi. Odamlar: «Zayd Rasulullohni aldabdi»—deb gap tarqatishdi. Ularning gapidan dilim qattiq gʻam chekdi. Keyin, Oллоh taolo mening rost gapirganim toʻgʻrisida oyat nozil qildi. Janob Rasululloh ularni istigʻfor aytishga daʻvat qildilar, ammo ular yuzlarini oʻgirib teskari qarab ketishdi».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Agar ularga «Kelingizlar, sizlar uchun Rasululloh istigʻfor ayqinlar» deyilsa, ular boshlarini bururlar va siz ularning kibru qavo qilgan holda yuz oʻgirganlarini koʻrursiz».

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ey Muhammad, siz ular uchun magʻfirat soʻradingizmi, soʻramadingizmi, ularga nafi yoʻqdur, Oллоh ularni hargiz magʻfirat qilmas, chunki Oллоh bunday fosiq qavmni hidoyat qilmagay».

Sufyon raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kuni biz lashkar orasida turgan erdik. Shunda muhojirlardan biri ansorlardan birining orqasiga tepdi. Ansoriy: «Ey ansorlar, yordam beringizlar!» deb chaqirdi. Bundan qoʻrqib keqgan muhojir ham «Ey muhojirlar, yordam beringizlar!»—deb yordamga chaqirdi. Janob Rasululloh buni eshitib «Ne boʻldi sizlarga, johiliyat daʻvosini qilyapsizlar?!»—dedilar. Odamlar «Ey Oллоhning rasuli, bir muhojir bir ansoriyni tepdi»,— deyishdi. Janob Rasululloh, «Qoʻy, bunday qabih gaplarni gapirma!»— dedilar. Bu gapni Abdulloh ibn Ubay eshitib: «Shunday qilishdimi? Oллоhga qasamki, agar Madinaga qayqak, ziyoda izzatlilar bul xorlarni haydab chiqargay!» — dedi. Bu gap Paygʻambar alayhissalomga yetdi. Umar raziyallohu anhu oʻrinlaridan turib: «Ey Oллоhning rasuli, menga qoʻyib beringiz, bu munofiqning buynini qilich birlan chopib tashlayin!» - dedilar. Paygʻambar alayhissalom. «Qoʻyaver, tagin odamlar Muhammad oʻz ashobini oʻldirayotir!» deyishmasin!»— dedilar. Muhojirlar Madinaga kelgan paytlarida ansorlarning soni koʻproq erdi. Keyinchalik muxojirlarning soni koʻpayib ketdi».

6-bob Oллоh taoloning qavli: «Munofiqlar «Paygʻambarniig ashoblariga yordam qilmangizlar, toki ular uni tark etib tarqalib keqinlar!» — deyishur. Vaholanki, yeru osmon xazinalari yolgiz Oллоh nikidur, lekin munofiklar buni bila olmaslar!»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu aytadilar: «Men Harrada musibat yetgan (shahid boʻlgan) ansoriylarga qattiq achindim, bul haqda menga Zayd ibn Arqam yozib yuborgan

erdi. Menit ularga qattiq achinganim xususida Zayd ham xabar topdi. U keyingi xatida Janob Rasulullohning ansorlar haqida «Ey Oллоh, ansorlarni hamda ularning bolalari o`zint magfirat qilgil!» deb duo qilganlarini eshitganini yozibdi».

Abdulloh ibn al-Fazl aytadilarki, «Anas ibn molikning yonida o`ltirgan kishilar «Zayd kim erdi? — deb so`rashdi. Anas ibn Molik «Bu shunday odamki, Janob Rasululloh ul haqda «Bu Oллоh quloq solgan zot» der edilar» dedilar».

7-bob Oллоh taoloning qavli: «Munofiqlar: «Madinaga qayqak, ziyoda izzatlilar bul xorlarni ul yerdan haydab chiqargaylar»,— degaylar. Vaholanki, ulug`lik Oллоhniki, uning payg`ambariniki va mo`minlarnikidur va lekin munofiqlar buni bilmaslar»

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu aytadilar «Biz bir g`azotda erdik. Muhojirlardan biri ansorlardan birini tepdi. Ansoriy «Ey ansorlar, yordam beringizlar!»—dedi. Muhojir ham «Ey muhojirlar, yordam beringizlar!» — dedi. Oллоh taolo bu xabarni o`z rasuliga yetkazdi. Janob Rasululloh Ne gap »—deb so`radilar. Odamlar «Muhojirlardan biri ansoriylardan birini tepib erdi, ansoriy ansoriylarni, muhojir ersa muhojirlarni yordamga chaqirdi»,— deyishdi. Payg`ambar alayhissalom «Qo`yingizlar, bunday yaramas gaplarni aytmangizlar!» — dedilar. Payg`ambar alayhissalom Madinaga kelgan paytlarida ansorlar ko`proq erdi, keyin muhojirlar ko`payib ketdi. Abdulloh ibn Ubay «Shunday qilishdimi, Oллоhga qasamki, Madinaga qayqak, ziyoda izzatlilar bul xorlarni ul yerdan haydab chiqargay!»—dedi. Umar raziyallohu anhu: «Ey Oллоhning rasuli, qo`yib beringiz menga, bu munofiqlarning bo`ynini o`zib tashlayin!»—dedilar. Payg`ambar alayhissalom «Qo`yaver, tag`in odamlar «Muhammad o`z ashoblarini o`ldirayotir!» demasinlar!»—dedilar»

«AT-TALOQ» SURASI

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhuning xabar beriitaricha, ul kishi o`z xotinlarini hayz ko`rgan holida taloq qildilar. Hazrat Umar bul haqda Janob Rasulullohga aytganlarida, ul zotning achchiqlari keldi-da, bunday deb aytdilar: «Xotini birlan qaytib yarashsin, ushlab tursin, keyin taloq qilish niyatidan voz kechmasa, u birlan qo`shilmasdan turib, hayzdan pok holida taloq qilsin, mana shu Oллоh taolo buyurgan hayzdan pok bo`lib, yana bir hayz ko`rib, undan ham pok bo`lguncha uyida iddadur!»

1-bob Oллоh taoloning qavli: «Homilador ayollarning iddasi homilalarini tug`ishlaridur. Kim Oллоhdan qo`rqsa, Oллоh uning ishini oson qilur!»

Abu Salama raziyallohu anhu aytadilar: «Bir odam Ibn Abbosning oldilariga keldi, Abu Hurayra raziyallohu anhu Ham shu yerda o`ltirgan erdilar. Boyagi odam Ibn Abbosga «Eri o`lgach, qirq kundan keyin farzand tuqqan ayolning iddasi to`grisida menga fatvo bersangiz!»—dedi. Ibn Abbos «Homilador ayolning iddasi ikki muddatning oxiri, ya`ni to`rt oy-u o`n kundur»,— dedilar. Shunda men: «Homilador ayolning iddasi bolasini tuqqinchadur»,— deb gapga aralashdim. Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Men birlan birga birodarimning o`gli ham kelgan erdi»,— deb meni tanishtirdilar. Ibn Abbos raziyallohu anhu shu masalani so`rab kelish uchun xizmatkorlari Kuraybni Ummu Salama raziyallohu anhoning huzuriga yubordilar. Ummu Salama: «Subay`a Aslamiyya eri vafot qilganda homilador erdi. Erining o`limidan qirq kun keyin bola tugdi. Keyin, unga sovchi

qo'yilgan erdi, Janob Rasululloh nikohlab qo'ydilar. Abu Sanobil ham unga sovchi qo'ygan kishilardan erdi», - deb xabar berdilar».

Muhammad ibn Fazl aytadilar: «Men bir davrada o'ltirgan erdim, Abdurrahmon ibn Abu Laylo ham shul yerda bo'lib, ul kishini ashoblari nihoyatda hurmat qilishardi. Shul yerda ikki muddatning oxiri (idda) to'grisida gap ochildi. Men Subay'a binti Horis voqe'asini Abdulloh ibn Utbadan eshitganimdek rivoyat qilib erdim, ul kishining ashoblaridan ba'zilari jim bo'lmogimga ishora qilishdi. Shunda men tushuntirishga harakat qilib: «Demak, men Abdulloh ibn Utbadan eshitganlarimni buzib rivoyat qilishga jur'at qilibman-da?! Ul kishi Kufaning bir nohiyasida yashab turibdilar, men ul kishini yolg'onchiga chiqarmoqqa hayo qilurman!» — dedim. Bu haqda Abdurrahmon ibn Abu Layloning amakilari Abdulloh ibn Mas'ud ham hech narsa demagan erkanlar. So'ng, men gapimni isbotlash uchun Abu Atiyya Molik ibn Omirga uchrashdim. Ul kishidan mazkur hadis haqida so'radim. Shunda Abu Atiyya menga Subay'a voqeasini gapira boshladilar. Men Abu Atiyyadan: «Bu haqda Abdulloh ibn Mas'uddan biror narsa eshitganmisiz?» — deb so'radim. Abu Atiyya bunday dedilar: «Ayollarga mashaqqat qilmoqni istab, ularga yengillik tugdirmoqni istamaysizlarmi? Axir, ayollar iddasi xususida «Baqara» surasidan so'ng «Niso» surasi ham nozil bo'lgan-ku! Unda «Homilador ayollarning iddasi homilalarini tugishlaridur» degan oyat mavjud», — dedilar».

«AT-TAHRIM» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Ey muhtaram payg'ambar, ne uchun siz Olloh halol qilgan narsani o'zingizga harom qilursiz? Xotinlaringizning rizoligini istarsizmi? Olloh magfiratli va mehribon zotdur!»

Ibn Abbos raziyallohu anhu: «Sizlar uchun Janob Rasulullohda chiroyli namuna (ibrat) bordur!» — deyilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zaynab binti Jahshning hujralariga kirib asal ichdilar-da, ul yerda uzoq qolib ketdilar. Shunda: «Agar Janob Rasululloh qaysi birimizning yonimizga kelsalar, «Ey Ollohning rasuli, mag'ofir yedingizmi? Sizdan mag'ofirning hidi kelayotir, deymiz» — deb Hafsa birlan kelishib oldim. Janob Rasululloh: «Yo'q, mag'ofir yeganim yo'q, lekin Zaynabning huzurida asal ichgan erdim, Ollohga qasamki, endi hech qachon asal yemayman, bul haqda hech kimga aytma!» — dedilar».

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Xotinlaringizning rizoligini istarsizmi? Olloh taolo mag'firatli va mehribon zotdur! Batahqiq, Olloh taolo kafforat berib qasamingizdan qutulishingizni buyurur, u biluvchi va hikmatli zotdur!».

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Men Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhudan bir oyat haqida so'rash uchun bir yil payt poyladim, chunki ul kishining salobatlari sababli so'ray olmasdim. Bir kuni ul kishi haj safariga chiqdilar, men ham birga chiqdim. Hajdan qaytayotganimizda ancha yo'l yurganimizdan so'ng, Hazrat Umar ibn al-Xattob bir misvok daraxtining yoniga hojat uchun bordilar, Men kutib turdim, bo'shaganlaridan so'ng, birga yurib ketdik, yo'lda u kishiga: «Ey mo'minlarning amiri, Janob Rasulullohga qaysarlik qilgan o'shal ikki xotinlari kimlar erdi?»—deb savol berdim. Umar raziyallohu anhu: «Ular Hafsa birlan Oisha erdilar», — dedilar. Men: «Ollohga qasamki, sizdan shul

haqda so'rayman, deb rosa bir yil imkon poyladim, chunki sizdan hayiqib sira so'rashga botinolmas erdim»,— dedim. Hazrat Umar: «Unday qilmangiz, agar meni biror narsadan xabardor, deb o'ylasangiz, darhol so'rayveringiz, agar men bilsam, sizga xabar qilgayman»,— dedilar. Keyin, bunday dedilar: «Xudo haqi, biz johiliyat vaqtida Olloh taolo ayollar haqida oyat nozil qilib, ularga o'zi taqsim qilgan huquqni taqsim qilmaguncha, ularni kamsitur erdik. Bir kuni men bir ish haqida fikrlab turgan erdim, xotimim menga: «Bu ishni mana bunday qilsangiz!» — deb aql o'rgata boshladi. Shunda men unga: «Sen qayda-yu, mening ishim qayda! Mening qilmoqchi bo'lgan ishimning senga nima og'irligi tushayotir? — dedim. Xotimim: «Taajjub, ey Xattobning o'g'li, sizga hech gap qaytarib bo'lmas! Qizingiz Hafsa ersa Janob Rasulullohning gaplarini qaytarib, kun bo'yi ul zotning g'azablarini keltirayotir»,— dedi». Aytishlaricha, Hazrat Umar darhol o'rinlaridan turib, ridolarini sudragan holda Hafsaning uylariga kiribdilar-da, qizlariga' «Ey qizalog'im, sen Janob Rasulullohga gap qaytarib, kun bo'yi ul zotning dillarini og'ritgan ermishsan!» — debdilar. Hafsa raziyallohu anho: «Ollohga qasam-ki, albatta biz hammamiz ham Janob Rasulullohga gap qaytarurmiz!» — debdilar. Hazrat Umar aytadilar: «Men Hafsaga: «Bilasanmi qizim, albatta men sening Olloh taoloning azobidan va Janob Rasulullohning g'azablaridan ehtiyot bo'lmog'ingni xohlarman. Ey qizalog'im, g'o'zalligi birlan Janob Rasulullohning muhabbatlarini qozongan anavi (Oisha) seni mag'rur qilib qo'ymasin!» — dedim. Keyin, chiqib, Ummu Salama raziyallohu anhoning huzurlariga kirdim-da, Hafsa va Oisha haqida gapirdim. Ummu Salama. «Taajjub, ey Xattobning o'g'li, hamma ishga aralashib yurursiz, hatto Janob Rasululloh birlan ul zotning xotinlarining o'rtasiga ham tushmoqchi bo'lib turibsiz!» — dedilar. Ollohga qasamki, Ummu Salamaning bul gaplari g'azabimni bosdi, men tashqariga chiqib ketdim. Mening bir ansoriy do'stim bor erdi, agar men Janob Rasulullohning huzurlarida bo'lmasam, u menga xabar keltirib turardi, agar u bo'lmasa, men unga xabar keltirardim. Ushal kunlari biz G'asson podsholarining biridan xavflanib turgan erdik, chunki kelgan xabarga ko'ra u bizning ustimizga yurish boshlamokchi erdi. Shuning uchun qalbimiz to'la vahima erdi. Nogahon, mening o'shal ansoriy do'stim eshikni taqillatib «Oching, oching!» — deb qattiq ovoz qildi. Men unga: «Nima, G'asson bostirib keldimi?» — desam, u menga: «Bundan ham badtarroq bo'ldi, Janob Rasululloh barcha xotinlaridan arazladilar!» — dedi. Men: «Oisha birlan Hafsaning burni yerga ishqalsin!» — dedim-da, kiyinib olib Janob Rasulullohning huzurlariga yo'l oldim. Kelsam, ul zot boloxonada o'ltirgan erkanlar. Zinaning tepasida ersa qora qullari turibdi, unga: «Umar ibn al-Xattob keldi, deb ayt!» — dedim. Janob Rasululloh menga izn berdilar, men huzurlariga kirib bo'lgan voqe'ani batafsil gapirib berdim. Ummu Salamaning gaplarini aytganimda Janob Rasululloh tabassum qildilar. Ul zot yolgiz bo'ya ustida yonboshlab yotar, boshlari ostida ersa xurmo barglari to'ldirilgan, teridan qilingan yostiq qo'yilgan erdi. Oyoqlari orasida terini oshlash uchun ishlatiladigan daraxt barglari to'planib yotardi, devorda ersa oshlanmagan teri osig'liq bo'lib, men bo'yraning biqinlariga botib ketgan izini ko'rib, yig'ladim. Janob Rasululloh: «Nechuk yig'layotirsan?» — dedilar. Men: «Ey Ollohning rasuli, albatta Kisro va Qaysar yumshoq joylarda yotibdi, siz ersangiz Ollohning rasuli bo'la turib.», -dedim. Shunda Janob Rasululloh: «Dunyo ular uchun, oxirat ersa biz uchun erkanligiga rozi ermasmisan?» — dedilar».

2-bob. Olloh taoloning qavli: O'z juftlaridan biriga (Hafsaga) bir sirni aytganini eslangiz! Qachonki, Hafsa ul sir «Oishaga xabar berganda va Olloh Jabroil orqali payg'ambarni bundan voqif qilganda payg'ambar Hafsaga buning ba'zisini bildirdi, ba'zisini bildirmadi. Buni Hafsa eshitib: «Kim sizga bu xabarni yetkazdi?» — deganda, payg'ambar: «Menga bilguchi va xabardor zot xabar

berdi», — dedi»

Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday deb aytar edilar: «Men Umar raziyallohu anhudan: «Ey mo`minlarning amiri, Janob Rasulullohga qarshi til biriktirgan ikki ayol kim erdi» — deb so`radim. Ul kishi darhol «Oisha birlan Hafsa erdi», — dedilar».

3-bob. Olloh taoloning qavli: «Ey Oisha va Hafsa, agar sizlar bu qilmishlaringiz uchun Ollohga tavba qilsangizlar, qalblaringiz moyil bo`libdur va agar payg`ambarga qarshi til biriktirsangizlar, ul holda, shak-shubhasiz, Olloh ham, Jabroil ham, solih mo`minlar ham uning madadkoridurlar, shuningdek farishtalar xam yordamchidurlar»

Bir kuni Janob Rasululloh xotinlaridan biri bo`lmish Hafsaga: «Men cho`rim Mariyani o`zimga harom qilmoqchiman», — deb sir aytdilar. Kalbiyning rivoyat qilishlaricha, Janob Rasululloh: «Mendan keyin sening otang Abu Hafsa, ya`ni Umar ibn Al-Xattob va Abu Oisha, ya`ni Abu Bakr Siddiq mo`minlarga xalifalik qiladilar», — deb sir aytdilar. Hafsa bu sirni Oishaga aytib qo`ydi, Olloh taolo bundan payg`ambarni voqif qilib, mazkur oyatni nozil qildi.

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Janob Rasulullohning sirlarini fosh qilishda o`zaro til biriktirgan ikki ayol to`g`risida Hazrat Umardan so`rashni istagandim, ammo bunga imkon topolmay bir yil yurdim Nihoyat, Umar raziyallohu anhu birlan birga haj safariga chiqdim. Zahron degan joyga yetganimizda Umar raziyallohu anhu hojat uchun chetga chikdilar. Mening qo`limda tahorat uchun suv bor erdi, ul kishi suv qidirib yurgan erkanlar, men qo`limdagi suvni quyib berdim So`ng, payt topib: «Ey mo`minlar amiri, Janob Rasulullohning sirlarini fosh qilgan ikki ayol kim erdi» — deb so`radim. Ul kishi darhol «Oisha birlan Hafsa erdi»—deb javob berdilar»

4-bob Olloh taoloning qavli: «Agar payg`ambar sizlarni taloq qilsa, oz fursatda uning rabbi sizlardan yaxshiroq xotinlarni unga o`rinlaringizga berurki, ular farmonbardor, iymonlik, namozxon, tavba qilguvchi, ibodat qilguvchi, uy ko`rgan va uy ko`rmagan ayollar bo`lurlar»

Umar raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotinlari ul zotga qarshi til biriktirishdi. Shunda, men ularga: «Agar Janob Rasululloh sizlarni taloq qilsalar, parvardigorlari o`rningizga sizlardan yaxshiroq xotinlarni ul zotga ato eqa, ajab ermas!» — dedim, shul asnoda Olloh taolo mazkur oyatni nozil qildi»

«NUN VAL-QALAM» SURASI

1-bob. Olloh taoloning qavli: "badxulqning, buning ustiga haromzodaning..." Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Badxulq, buning ustiga haromzoda» deyilganda Quraysh qabilasiga mansub bir kishi nazarda tutilgan bo`lib, uning qulog`ida qo`yning qulog`ida bo`ladirgan belgi (tamg`a) kabi belgi bor erdi»

Horisa ibn Vahb al-Xuzo`iy aytadilar: «Men Janob Rasulullohning bunday deganlarini eshitdim: «Oe, sizlarga ahli jannat haqida xabar berayinmi? Har bir za`if va bechorahol insondur. Bundaylar Ollohga qasam ichsalar, qasamlariga vafo qilurlar Oyo, sizlarga ahli do`zaxlar haqida xabar berayinmi? Har bir badxulq, dilozor, takabbur insondur»

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Soq ochiladurgan kuni ...»

Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhu aytadilar: «Men Janob Rasulullohning bunday deganlarini eshitganman. «Parvardigor soqini ochganda har bir mo'min va mo'mina unga sajda qilur. Kimki bu dunyoda riyo uchun namoz o'qigan ersa, harchand harakat qilmasin, beli qotib qolib sira sajdaga egilmas» («Soq»ning lug'aviy ma'nosi «ilik yoki boldir» bo'lib, bundan Oллоh taoloning jismi bor, deb tushunmaslik lozim. Chunki, bu so'z «Oллоh taoloning qo'li, yuzi» deyilgandagi kabi bir sifatdur)

«INNO ARSALNO NUHAN» SURASI

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar. «Nuh alayhissalomning qavmlarida bo'lgan butlar keyinchalik arablarda bo'lgan erdi. «Vad» degan but Davmatul-Jandal degan joyga qo'yilgan bo'lib, Kalb qabilasiga qarashli erdi, «Suvo'» degan but Huzayl qabilasiniki, «Yag'us» — avval Murod qabilasiniki, keyin Baniy G'atif qabilasiniki bo'lgan erdi. U Javf degan joyda erdi «Ya'uq» degan but Hamdon qabilasiniki, «Nasr» ersa Oli Zil-Kalo' podsholigidagi Himyar qabilasiniki erdi. Mazkur butlarning nomi Nuh qavmidagi solih kishilarning ismlari bo'lib, ular halok bo'lganlaridan keyin, shayton Nuh qavmi dillariga: «Avliyolaringiz o'ltirgan joylarga ularning haykallarini quringizlar va haykallarni ularning ismlari birlan atangizlar!» — deb vasvasa solgan Qavm shaytonning aytganini qilib, ularni ulug'lab turgan Qavm olamdan o'tgach, mazkur solih kishilarning asli kim bo'lganliklari unutilib ketib, keyingi avlodlar o'shal xaykallarga ibodat qiladigan bo'lishgan».

«QUL UXIYA ILAYYA» YOKI «JIN» SURASI

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ashoblaridan bir nechasin olib o'rtasida to'siq paydo bo'lib, shaytonlarga olovli yulduzlar otilgach, ular qo'rqib yerga tushgan erdi. Shunda shaytonlarning sardorlari «Sizlarga ne bo'ldi» — deb so'rashdi. Ular «Biz birlan osmondan xabar keladigan yo'l orasi to'silib qoldi. Bizga qarshi olovli yulduzlar otilmoqda» — deb javob berishdi. «Sizlar birlan osmondan xabar keladigan yo'lning orasi to'sib qo'yilganiga dunyoda sodir bo'lgan biror hodisa sabab bo'lgan bo'lsa kerak», — deyishdi shaytonlarning sardorlari. Shundan so'ng, shaytonlar mag'ribu mashriqni kezib chiqishdi, chunki ular bunga nima sabab bo'lganini o'z ko'zlari birlan ko'rmoqchi bo'ldilar. Ularning bir guruhi Tihoma tomonga kelayotib, Naxla degan joyda Janob Rasulullohga duch keldi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ashoblari birlan Ukoza bozoriga ketayotgan erdilar. Shunda ul zot Naxlada to'xtab bomdod namozini o'qidilar. Shaytonlar Qur'on qiroatini eshitib va yodlab olishga harakat qilishib: «Bizlar birlan osmondan xabar keladigan yo'l orasini to'sgan narsa aynan mana shu!» — deb orqalariga qaytishdi. Ular o'z qavmlari oldiga borib «Ey qavmimiz, bir ajoyib, kishini hidoyatga boshlaydirgan Qur'on qiroatini eshitdik, biz iymon keltirdik, endi rabbimizga hech kimni sherik qilmaymiz!» — deyishdi. Oллоh taolo payg'ambarimizga «Ey Muhammad, «Menga vahiy qilindiki, jinlarning bir guruhi Qur'onni eshitdi» deb aytingiz!» degan oyatni nozil qildi. Darhaqiqat, Oллоh, taolo ul zotga jinlarning gaplarini vahiy qilgan erdi».

«AL-MUDDASSIR» SURASI

Yahyo ibn Abu Kasir aytadilar: «Men Abu Salama ibn Abdurrahmondan Qur'ondan birinchi bo'lib nima nozil bo'lgani haqida so'radim. Ul kishi «Yo ayyuhal-muddassir» — deb javob berdilar. Men «Axir, ko'pchilik «Iqra' bismi rabbikallaziy xalaqa» deb aytishadi-ku?!»—dedim. Abu Salama bunday dedilar: «Men ham Jobir ibn Abdullohdan shul haqda so'raganimda siz aytgan gapni aytgan erdim, shunda Jobir «Men sizga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ne degan bo'lsalar, shuni gapirib berurman, ul zot bunday degan erdilar»,— dedilar: «Men Hiro' tog'idagi g'orda e'tikofga o'ltirdim. E'tikofimni tugatganimdan so'ng, pastga tushdim. Shunda qulog'imga bir ovoz chalindi, o'ng yonimga qaradim, hech kimni ko'rmadim, chap yonimga qaradim, hech kimni ko'rmadim, ro'paramga qarasam ham xech kim yo'q, keyin ortimga burildim, hech kim yo'q. Nihoyat boshimni tepaga ko'targan erdim, bir narsani ko'rdim. Xadichaning oldiga keldim-da, unga «Meni o'rab qo'yingizlar, ustimdan sovuq suv quyungizlar!»—dedim. Meni o'rab qo'yishdi va ustimdan sovuq suv quyishdi. So'ng, «Ey o'ralib yotuvchi, turingiz o'ringizdan, ogohlantiringiz va rabbingizni ulug'langiz!» degan oyat nozil bo'ldi».

Olloh taoloning «... turingiz o'ringizdan, ogohlantiringiz...» hamda «va rabbingizni ulug'langiz!» degan qavli haqida

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

1-bob Olloh taoloning qavli: «... va kiyimiingizni pok tutingiz...»

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu aytadilar: «Men Payg'ambar alayhissalomning o'zlaridan dastlabki vahiyning nozil bo'lishi xususidagi quyidagi hadislarini eshitdim. «Bir vaqt men yurib ketayotgan erdim, osmondan kelayotgan bir ovozni eshitdim. Boshimni ko'tarib qarab erdim, Hiro' tog'ida huzurimga kelgan farishta yer birlan osmon o'rtasida kursida o'tirganini ko'rdim. Undan qo'rqib tezda uyga qaytdim-da «Meni o'rab qo'yingizlar, meni o'rab qo'yingizlar!» — dedim, meni o'rab qo'yishdi. Shunda Olloh taolo «Ey o'ralib yotuvchi, turingiz o'ringizdan, ogohlanti-ringiz va rabbingizni ulug'langiz va kiyimingizni pok tutingiz va nopoklikdan yiroq bo'lingiz!» degan oyatlarni nozil qildi»

2-bob Olloh taoloning qavli: «... va nopoklikdan yiroq bo'lingiz...»

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan

«AL-QIYOMA» SURASI

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qachon vahiy nozil bo'lsa, uning so'zlarini takrorlab tillarini harakatlantirar erdilar. Olloh taolo «Tezroq yodlab olmoq uchun vahiy so'zlarini takrorlab tilingizni harakatlantirmangiz!» degan oyatni nozil qildi».

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Zero uni dilingizda jamlash ham, tilingizda qiroat qildirish ham bizning zimmamizdadir»

Muso ibn Abu Oisha Sa'id ibn Jubayrdan «Tezroq yodlab olmoq uchun vahiy so'zlarini takrorlab tilingizni harakatlantirmangiz» degan oyat haqida so'radilar. Sa'id ibn Jubayr: «Ibn Abbas bunday der erdilar»,— dedilar: «Qachon Janob Rasulullohga vahiy nozil

qilinsa, ul zot tezroq yodlab olmoq uchun uning soʻzlarini takrorlab ikki lablarini harakatlantirar erdilar. Shunda Oloho taolo ul zotga. «Tezroq yodlab olmoq uchun vahiy soʻzlarini takrorlab tilingizni harakatlantirmangiz, zero uni dilingizda jamlash ham, tilingizda qiroat qildirish ham bizning zimmamizdadur. Biz uni farishta tili orqali oʻqiganimizda uning oʻqishiga tobeʻ boʻlingiz, keyin uni ravshan bayon qilib bermoqlik bizning zimmamizdadur»,—deb vahiy nozil qildi».

2-bob Oloho taoloning qavli: «Biz uni farishta tili orqali oʻqiganimizda uning oʻqishiga tobeʻ boʻlingiz»

Saʻid ibn Jubayr Ibn Abbosdan «Tilingizni hara -katlantirmangiz» degan oyat haqida soʻradilar. Ibn Abbos raziyallohu anhu bunday dedilar: «Agar Rasululloh, sallallohu alayhi va sallamga Hazrat Jabroil vahiy olib kelsalar, ul zot tezroq yodlab olmoq uchun tillarini va ikki lablarini harakatlantirar erdilar, ammo bu ish ancha qlyin boʻlar erdi, qiyinligi shundoq sezilib turar erdi. Shunda Oloho taolo «Lo uqsimu» («Al-Qiyoma») surasidagi «Tezroq yodlab olmoq uchun tilingizni harakatlantirmangiz» degan oyatni nozil qilib, «Uni sizning dilingizda jam qilish va tilingizda qiroat qildirish bizning zimmamizdadur. Biz farishta tili orqali qiroat qilayotganimizda siz eshitib turingiz, keyin uni ravshan bayon qilib bermoqlik, yaʻni sizning tilingiz birlan bayon qildirmaklik bizning vazifamizdur»,— dedi. Shundan soʻng, Jabroil kelsalar, ul zot sukut saqlar va ketganlaridan soʻng, Oloho vaʻda berganidek qiroat qilardilar».

«VAL-MURSALOT» SURASI

Abdulloh ibn Masʻud raziyallohu anhu aytadilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga erdik, ul zotga nozil qilingan «Val-Mursalot» surasini oʻzlaridan oʻrganayotgan erdik. Shu payt bir ilon chiqib qoldi. Biz uni oʻldirishga shoshildik. Ammo, u bizdan chaqqonlik qilib iniga kirib ketdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, «Sizlarning yomonligingizdan u saqlandi, uning yomonligidan ersa sizlar saqlandingizlar»,— dedilar».

Abdulloh aytadilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga gʻorda oʻltirgan erdik. Shu vaqtda «Val-Mursalot» surasi nozil boʻlib qoldi. Biz uni Janob Rasulullohning ogʻizlaridan ilib olib oʻrganayotgan erdik, nogahon bir ilon chiqib qoldi. Janob Rasululloh. «Sizlarga yomonlik qilmoq niyatida chiqdi, uni oʻldiringizlar!»—dedilar. Hammamiz uni oʻldirishga shoshildik, ammo u tezroq harakatlanib, qaytib iniga kirib ketdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Ilon sizlarning yomonligingizdan, sizlar ersangiz uning yomonligidan saqlandingiz»,— dedilar»

1-bob. Oloho taoloning qavli: «Ul olov qasrdek uchqunlar otib turur»

Ibn Abbos mazkur oyat mazmuni haqida gapirib: «Biz qishda yoqish uchun uch gaz keladigan yoki undan kichikroq toʻnkalarni yigʻib qoʻyardik va uni «qasr» deb atardik»,— deydilar.

2-bob. Oloho taoloning qavli: «Ul uchqunlar sariq va qora tuyalarga oʻxshar»

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlangan.

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Bu kun o`shal kundurki, unda kofirlar so`zlayolmas»

Abdulloh aytadilar: «Biz Payg`ambar sallallohu alayhi va sallam birlan o`ltirgan erdik. Shul yerda «Val-Mursalot» surasi nozil bo`lib qoldi. Men uni ul zotning og`izlaridan ilib olib o`rganayotgan erdim, og`izlari tilovatdan to`xtamay turib, bir ilon bizga sapchib qoldi. Payg`ambar alayhissalom: «Ilonni o`ldiringizlar!»—dedilar. Biz ilonni o`ldirishga shoshildik, lekin ilon qochib qutuldi. Shunda Payg`ambar alayhissalom: «Ilon sizlarning yomonligingizdan saqlandi, sizlar ham uning yomonligidan saqlandingiz-lar»,— dedilar. Umar: «Men bu surani Minodagi g`orda Ubaydan o`rganib yodlagan erdim»,— deydilar».

«AMMA YATASOALUN» SURASI

1-bob. Oллоh taoloning qavli: «Sur chalinadigan kuni to`p-to`p bo`lib kelursizlar»

Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ikki bor sur chalinishining oralig`idagi muddat qirqdur»,— dedilar. Shunda bir kishi mendan: «Ey Abu Hurayra, qirq kunmi?» —deb so`radi, men indamadim. U yana: «Qirq oymi?» — deb so`radi, men yana indamadim. U: «Qirq yilmi?» — dedi, men tag`in indama-dim. Janob Rasululloh gaplarida davom etib: «Keyin, Oллоh taolo osmondan suv (yomg`ir) yuborur, o`simliklar ungani singari barcha odamlar unib chiqur. Inson o`lgach, uning dumg`azasidan bo`lak barcha a`zosi chirib yo`q bo`lib ketur. Qiyomatda inson ana o`shal dumg`azadan qayta tarkib topdirilur»,— dedilar».

«VAN-NOZIOT» SURASI

Sahl ibn Sa`d aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko`rdim, ul zot o`rta va ko`rsatkich barmoqlarini ayri qilib ko`rsatib: «Men payg`ambar qilib yuborildim va menga qiyomatning mana shu barmoqlarim orasini yopgunimchalik tez fursatda bo`lib o`tmog`i ayon qilindi»,— dedilar».

«ABASA» SURASI

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Payg`ambar alayhissalom: «Qur`onni qiynalmay yodlab, mohirona qiroat qilgan kishi ulug` farishtalar birlan birga bo`lur. Qur`onni ixlos birlan, qiynalib o`qigan kishiga ersa Oллоh taolo ikki ajr berur»,— dedilar»

«VAYLUN LIL-MUTAFFIFIYNA» SURASI

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu aytadilar: «Payg`ambar alayhissalom: «Odamlar olamlar parvardigorining huzurida turadigan kuni ba`zilar qulog`igacha o`z badanidan chiqqan terga g`arq bo`lur»,— dedilar».

«IZAS-SAMOUNSHAQQAT» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Keyin, u oson xisob-kitob qilinur».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Payg`ambar alayhissalom: «Kimki Oллоh taolo

xuzurida hisob kitob qilinsa, u albatta halok bo'lar», - dedilar. Men: «Yo Rasu-lalloh, meni sizga Olloh taolo fido qilsin! Axir, Olloh taolo: «Kimniki nomai a'moli o'ng qo'liga tutqazilsa, u oson hisob-kitob qilinur» —deb aytmaganmi?» — dedim. Janob Rasululloh: «Bu hisob-kitob deyilmaydi, bu faqat bandalarning gunohlarini o'zlariga ko'rsatib qo'yish, xolos. Kimki qattiq hisob-kitob qilinsa, u albatta halok (holi xarob) bo'lar»,— dedilar».

«SABBIHISMA RABBIKAL-ALO»

Barro raziyallohu anhu aytadilar: «Payg'ambar. alayhissalomning ashoblari orasida Madinaga birinchi bo'lib kelganlari Mus'ab ibn Umayr va Abdulloh ibn Ummu Maktum erdilar. Ular bizga Qur'on o'qib berardilar. Keyin, Ammor, Bilol va Sa'd keldilar. Ulardan keyin, yigirma kishi birlan Umar raziyallohu anhu keldilar, keyin ersa Payg'ambar alayhissalom keldilar. Men Madina ahlining hech kimga Janob Rasulullohga quvonganlaridek quvonganlarini ko'rmadim. Hatto bolalarning ham: «Shahrimizga Janob Rasululloh keldilar!» — deb quvonganlarini ko'rdim. Janob Rasululloh kelganlarida men «Sabbihisma rabbikal-a'lo» surasini va yana boshqa suralarni o'qib kutib oldim».

«VASH-SHAMSI VA ZUHOHO» SURASI

Abdulloh ibn Zam'a Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xutbalarini eshitganlarini aytib bunday deydi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Solih alayhissalomning tuyalari haqida gapirib, uni so'ygan kofir nomini ham tilga oldilar-da, «Shu payt tuyani so'yish uchun Abu Zam'aga o'xshagan qaysar, johil va baxil bir kishi o'rnidan turdi»,— dedilar (ushbu hadisning roviysi Abdulloh ibn Zam'aning bobosi Abu Zam'a Makkadagi musulmonlarga ko'p yomonliklar qilgan mustahjnlardan biri bo'lgan, Badr janggida o'z o'g'li Zam'a tomonidan o'ldirilgan). Keyin, ayollar haqida gapirib: «Orangizda shunday kishilar borki, ular kunning avvalgi qismida xotinini urib, uning ikkinchi yarmida uni quchoqlab, bir to'shakda yotadilar»,— dedilar. So'ng, birovning ketidan tasodifan yel chiqib keqa, undan kuluvchilar xususida so'zlab: «Biringiz bilmay qilgan narsadan ikkinchingiz nechun kulursiz?!» — deb aytdilar».

«VAL-LAYLI» SURASI

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Va qasamdur kunduzga, vaqtiki ul ravshan bo'lar»

Alqama raziyallohu anhu aytadilar: «Men Abdulloh ibn Mas'udning ashoblaridan bir guruhi birlan Shomga bordim.

Abu Dardo' bizning kelganimizni eshitib keldilar-da, bizga: «Ichlaringizda Qur'on o'qiydirgan qorilaringiz bormi?»—dedilar. Biz: «Ha»—deb javob berganimizdan keyin: «Qaysi biringizning qiroatingiz yaxshiroq?» — dedilar. Sheriklarim meni ko'rsatishdi. Menga: «Uqi!» — deb buyurdilar. Men: «Val-layli izo yag'sho, van-nahori izo tajallo, vaz-zakara val-unso» — deb o'qidim. Abu Dardo' mendan: «Ustozingizning og'zidan shunday deb eshitganmisiz?»—deb so'radilar. Men: «Ha»,— dedim. Abu Dardo': «Men ham Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning og'izlaridan shunday deb eshitganman, lekin shomliklar bu qiroatni man' qilurlar»,— dedilar. (Abu Dardo' birlan Alqama oyatdagi «va-mo xalqa» so'zini tushirib o'qir erkanlar).

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va qasamdur ul zotgaki, yaratdi erkak birlan ayolni»

Ibrohim rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Mas'udning ashoblari Abu Dardo'ni istab Shomga kelishdi. Abu Dardo' ularning kelganini eshitib, izlab topdilar-da: «Qaysi biringiz Abdullohning uslubida qiroat qilursiz?» — dedilar. Ular: «Hammamiz» — deb javob berishdi. So'ng, «Qaysi biringiz Qur'onni yoddan qiroat qilursiz?» — deb so'radilar Abu Dardo'. Shunda Alqamani ko'rsatishdi. Abu Dardo': «Val-layli» surasini ustozingiz nechuk qiroat qilganlarini eshitganmisiz?» — deb Alqamadan so'radilar. Alqama: «Vaz-zakara val-unso» tarzida qiroat qilurlar», — dedilar. Abu Dardo' raziyallohu anhu «Guvohlik berurmanki, Payg'ambar alayhissalom ham shunday o'qir erdilar, ammo shomliklar meni «Va-mo xalaqaz-zakara val-unso» tarzida o'qimog'imni istarlar, Oллоh taolo haqi, men ularga ergashmasman!» — dedilar».

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ammo, ul kishiki, zakotu sadaqa berdi va taqvo qildi...»

Ali raziyallohu anhu aytadilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga «Baqiy'ul-G'arqad» qabristonida bir janozada ishtirok etdik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sizlardan har biringiz uchun Oллоh taolo jannatda ham, do'zaxda ham joy taqdir qilib qo'ygan», — dedilar. Sahobalar: «Unday ersa tavakkal qilib yuraveraylik-da!» — deyishdi. Janob Rasululloh. «Amal qilingizlar, barchasi muyassar bo'lgay!» — dedilar-da, «Ammo, ul kishiki, zakotu sadaqa berdi va taqvo qildi va ishondi yaxshi so'zga...» («mashaqqatga duchor qilurmiz», ya'ni «lil-usro» degan so'zgacha) qiroat qildilar».

4-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ammo, ul kishiki, ishondi yaxshi so'zga (ya'ni, tavhid kalimasiga)

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlangan.

5-bob. Oллоh taoloning qavli: «Muyassar qilurmiz uni osonlikka»

Ali raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom bir janozada bo'ldilar, qo'llariga cho'p olib yerga chizdilar-da: «Sizlardan har biringiz uchun Oллоh taolo yo do'zaxdan yoki jannatdan joy taqqir qilib qo'ygan», — dedilar. Sahobalar: «Yo Rasulalloh, unday ersa tavakkal qilib yuravermaymizmi?» — deyishdi. Janob Rasu-lulloh: «Amal qilingizlar, barchasi muyassar bo'lgay!» — dedilar, so'ng «Ammo, ul kishiki, zakotu sadaqa berdi va taqvo qildi va ishondi yaxshi so'zga...» deb qiroat qildilar».

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Ammo, ul kishiki baxillik qildi va beniyozlik izhor qildi...»

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

7-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va ul kishiki, ishonmadi yaxshi so'zga (kalimai tavidga)

Ali raziyallohu anhu aytadilar: «Biz «Baqiy'ul-G'arqad» qabristonida bir janozada ishtirok

qildik. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qoshimizga kelib o'ltirdilar, biz atroflarida o'ltirdik. Qo'llarida aso bor erdi, u birlan yerni chiza turib: «Sizlardan har biringizning va har bir tirik jonning jannat va do'zaxdagi joyi taqdir qilib qo'yilgan hamda uning baxtlimi, badbaxtmi erkanligi ham bitib qo'yilgan»,— dedilar. Bir kishi: «Ey Ollohning rasuli, unday ersa taqdirimizga tavakkal qilib amal qilmay qo'ya qolaylik-da! Chunki, qaysi birimiz ahli saodatdan bo'lsak, albatta pirovardida ahli saodatdan bo'lurmiz va qaysi birimiz ahli shaqovatdan bo'lsak, albatta pirovardida axli shaqovat amalini qilurmiz»,— dedi. Janob Rasululloh: «Kimki ahli saodatdan bo'lsa, unga ahli saodat amali muyassar qilingay va kimki ahli shaqovatdan bo'lsa, unga ahli shaqovat amali muyassar qilingay»,— dedilar, so'ng «Ammo, ul kishiki, zakotu sadaqa berdi va taqvo qildi va yaxshi so'zga (kalimai tavhidga) ishondi ...» degan oyatni tilovat qildilar».

8-bob. Olloh taoloning qavli: «Va muyassar qilurmiz uni mashaqqatga (do'zaxga)»

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

«VAZ-ZUHO» SURASI

Olloh taoloning qavli: «Parvardigoringiz sizni tark etgani ham yo'q, yomon ko'rib qolgani ham yo'q»

Jundub ibn Sufyon aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki yoki uch kun kasal bo'lib yotdilar. Shunda bir ayol kelib: «Ey Muhammad, men umid qilurmanki, shoyad shaytoning seni tark qilgan bo'lsa! Chunki ikki-uch kundan buyon uning senga yaqin kelganini ko'rmadim»,— dedi. Bas, Olloh taolo «Choshtgoh vaqtiga qasamki va zulmati birlan atrofni o'rab olgan kechaga qasamki, ey Muhammad, parvardigoringiz sizni tark qilgani ham yo'q, yomon ko'rib qolgani ham yo'q!» degan oyatni nozil qildi».

«VAT-TIYN» SURASI

Barro raziyallohu anhu aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom bir safarda bo'lganlarida xufton namozining bir rak'atida «Vat-tiyn» surasini qiroat qildilar».

«AL-ALAQ» SURASI

Payg'ambar alayxissalomning xotinlari Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga birinchi bo'lib nozil bo'lgan narsa rost (chin) tushlar erdi. Janob Rasululloh tong shafag'i yanglig' nurafshon tushlarnigina ko'rur erdilar. Keyin, ul zot yolg'izlikni xushlaydirgan bo'lib qoldilar. Hiro' g'origa borib bir necha kecha ibodat birlan mashg'ul bo'ldilar. Buning uchun oziq-ovqat g'amlab olardilar. Ibodatdan keyin, oilalariga qaytardilar-da, Xadicha onamizdan yeguliklar olib, yana g'orga borardilar. Nihoyat, ul zotga haqiqat zohir bo'ldi. Bir kuni Janob Rasululloh Hiro' g'orida erkanliklarida qoshlariga bir farishta kelib: «Uqingiz!»—dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men o'qiyolmayman»,— dedilar. «Shunda,— deydilar Janob Rasululloh,— farishta meni ushlab shunday qattiq qisdiki, hatto men holsizlanib qoldim. Keyin, meni bo'shatib, yana: «Uqingiz!» — dedi. Men: «Uqiyolmayman»,— dedim. U meni yana ushlab, shunday qattiq qisdiki, hatto men holsizlanib qoldim. Keyin, yana meni bo'shatib: «Uqingiz!» —dedi. Men yana: «Uqiyolmayman»,— dedim. U uchinchi bor

meni ushlab, shunday qattiq qisdiki, hatto men holsizlanib qoldim. So'ng, u meni bo'shatib, «Ey Muhammad, butun mavjudotni yaratgan parvardigoringiz nomi birlan o'qingiz! U insonni laxta qondan yaratdi. Uqingiz, parvardigoringiz insoniyatga qalam birlan yozishni o'rgatgan zotdir! Ul zot insonga uning bilmaganini o'rgatdi» degan oyatlarni o'qidi».

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bul hodisadan qo'rqib, dag'-dag' titragan holda ortlariga qaytdilar-da, Xadicha onamizning oldilariga kirib: «Meni o'rangizlar, meni o'rangizlar!»—dedilar. Janob Rasulullohni, qo'rquvlari bosilguncha, o'rab qo'yishdi. Keyin, Xadichaga: «Ey Xadicha, menga ne bo'layotir? Menga bir narsa bo'lib qolmasaydi, deb o'zimdan qo'rkdim»—deb bo'lgan voqe'ani gapirib berdilar. Xadicha: «Qo'rqmangiz, aksincha xursand bo'lingiz, xudo haqi, Olloh taolo sizni aslo xor qilmagay, xudo haqi, siz qarindoshlaringizga oqibat qilgaysiz, rost gapirgaysiz, birovlarining og'irini yengil qilgaysiz, yo'qsillarni to'ydirgaysiz, mehmondo'stlik qilgaysiz, ezgulik yo'lida sa'yu imdod aylagaysiz»,— dedilar. So'ng, Janob Rasulullohni amakilarining o'g'li Varaqa ibn Navfalning huzuriga olib bordilar. Varaqa johiliyat zamonida nasroniy dinini qabul qilgan erdi. U arabcha xat yozishni ham bilar, Olloh taolo muyassar etganicha Injildan arabchaga ko'chirib yozar erdi. Uzi qari kishi bo'lib, ko'zi ojiz erdi. Xadicha onamiz unga: «Ey amaki, birodaringizning o'g'lining so'ziga quloq solingiz!»—dedilar. Varaqa: «Ey jiyanim, nelarni ko'rdingiz?»—deb Janob Rasulullohdan so'radi. Payg'ambar alayhissalom ko'rgan narsalarining xabarini berdilar. Varaqa: «Bu Nomus (ya'ni, Hazrat Jabroil) bo'lib, Musoga ham vahiy birlan tushirilgan farishtadur. Koshkiydi, shu paytda mening yoshligim bo'lsa, koshkiydi, men hayot bo'lsam!» — dedi. Keyin, yana ba'zi gaplarni ham aytdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Qavmim meni haydab chiqargaymi?»—deb so'radilar. Varaqa: «Ha, shunday. Ammo, biror kishi siz keltirgan narsa birlan (payg'ambarlik birlan) kelmagan, gar kelsa, qiynoqqa solingan bo'lur erdi. Agar sizning kunlaringizda men tirik bo'lsam, sizga katta yordam bergan bo'lur erdim!»—dedi. Lekin, ko'p o'tmay Varaqa vafot etdi. Keyin, birmuncha vaqt Janob Rasulullohga vahiy kelmay qo'ydi. Ul zot bundan qayg'ura boshladilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vahiyning boshlanishi haqida gapirib, bunday dedilar: «Bir payt men yurib ketayotgan erdim, osmondan bir ovozni eshitdim. Yuqoriga qarasam, ro'paramda bir farishta, ya'ni Hiro' g'orida oldimga kelgan farishta osmon birlan yer o'rtasida kursida o'ltiribdi. Undan qo'rqib uyga qaytib keldim-da: «Meni o'rangizlar, meni o'rangizlar!» — dedim. Meni o'rab qo'yishdi. Shunda Olloh taolo «Ey o'ralib yotgan bandam, turingiz, qavmingizni ogohlantiringiz, rabbingizni ulug'langiz va kiyimin-gizni pok tutingiz hamda nopoklikdan yiroq bo'lingiz!» degan oyatlarni nozil qildi».

Olloh taoloning qavli: «Olloh insonni laxta qondan yaratdi»

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga birinchi bo'lib nozil bo'lgan vahiy rost (chin) tushlar erdi. Keyin, ul zotning huzurlariga farishta kelib, «Sizni yaratgan parvardigoringizning nomi birlan o'qingiz, u insonni laxta qondan yaratgan zotdur, o'qingiz, ulug' rabbingiz insonga qalam birlan ilm o'rgatdi» —degan oyatni vahiy qildi».

1-bob. Olloh taoloning qavli: «Rabbingiz insonga qalam birlan ilm o'rgatgan zotdur»

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xadichaning oldilariga qaytib keldilar-da: «Meni o`rangizlar, meni o`rangizlar!» — dedilar».

2-bob. Oллоh taoloning qavli: «Io`q, aslo, agar u bunday gumrohlikdan to`xtamasa, qasamki, biz uni torturmiz jahannamga peshonasidan, peshonaiki yolg`onchidur,gunohkordur»

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Abu Jahl: «Agar men Muhammadning Ka`ba oldida namoz o`qiyotganini ko`rganimda bo`ynidan bosib olgay erdim!»—dedi. Bu gap Payg`ambar alayhissalomga yetganda, ul zot «Agar ul shunday qilganda, maloikalar uni mahkam ushlab olur erdilar»,— dedilar»

«LAM YAKUN» SURASI

Anas ibn Molik raziyallohu anhu aytadilar: «Payg`ambar alayhissalom Ubay ibn Ka`bga: «Oллоh taolo «Ahli kitob va mushriklardan bo`lmish kofirlar, to o`zlariga ochiq hujjat (dalil) kelmaguncha, kufrdan qaytmadilar» degan oyatni senga o`qib bermog`imni buyurdi»,— dedilar. Ubay ibn Ka`b: «Oллоh taolo mening nomimni tilga oldimi?» — deb so`radilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ha»,— deganlaridan keyin, Ubay yig`lab yubordilar».

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlangan.

«IZO ZULZILATIL-ARZU ZILZOLAHO» SURASI

Oллоh taoloning qavli: «Kimki qilibdur zarra vaznicha yaxshilik, ko`rur ul uni» Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Otning uch xislati mavjud bo`lib, bir kishiga savob keltirgay, ikkinchi bir kishining aybini yopgay, uchinchi kishiga ersa, gunoh orttirgaydur. Otidan savob topadigan kishi xususiga kelsak, ul o`z otini Oллоh taolo yo`lida jihod qilmoq bo`lib biror yaylov yoki boqqa bog`lab qo`ygan kishi bo`lib, otining o`shal yerdagi o`t-o`lanlardan tanovul qilib xordiq chiqarmog`iga imkon bergani uchun savob olgaydur, hattoki oti yechilib ketib, u yoqdan bu yoqqa yayrab shataloq oqa ham uning qoldirgan izlari va tezaklari savob keltirgaydur. Agar o`shal ot bir chashma yonidan o`tayotib undan ichayotganda egasi mone`lik qilmasa ham savob bo`lgaydur. Oti tufayli aybi (gunohi) yopiladigan kishi shulkim, ul o`z otini tirikchilik uchun egarlab, topayotgan rizqi ro`zidan Oллоh taolo yo`lida ehson qilmoqni unutmaydi va bu birlan ba`zi bir gunohlarini yopadi. Kishi maqtanish yokim riyo yuzasidan ot saqlayotgan ersa, bu unga gunoh bo`lib yozilgaydur» Keyin, Janob Rasulullohdan eshak xususida so`rashdi, shunda ul zot: «Oллоh taolo menga bul haqda «Kimki zarracha bo`lsa ham yaxshilik qilsa, ajru savob olgay va kimki zarracha bo`lsa ham yomonlik qilsa, azobga qolgay» degan oyatdan bo`lak hech narsa nozil qilmagandur»,— dedilar»

1-bob Oллоh taoloning qavli: «Kimki zarracha bo`lsa ham yomonlik qilsa, azobga qolgay (uning jazosini ko`rgay)»

Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Payg`ambar sallallohu alayhi va sallamdan eshak haqida so`ralganda, ul zot: «Menga bul haqda «Kimki zarracha bo`lsa ham yaxshilik qilsa...» degan oyat nozil bo`lgan, xolos»,— dedilar»

«INNO ATAYNOKAL-KAVSAR» SURASI

Anas raziyallohu anhu aytadilar: «Payg`ambar alayhissalom osmonga (me`rojga) chiqarilganlaridan keyin, bunday deb hikoya qildilar. «Bir daryo (suv) oldiga keldim. Uning ikki qirg`og`i ichi g`ovak marvariddan ishlangan. Men Hazrat Jabroildan «Bu nima» — deb so`raganimda, ul kishi: «Bu (Havzi) Kavsar»,— deb javob berdilar».

Abu Ubayda raziyallohu anhu aytadilar: «Men Oisha raziyallohu anhodan Olloh taoloning «Albatta, biz sizga Kavsarni berdik» degan qavlining ma`nosini so`radim. Oisha onamiz «Bu Kavsar shunday bir daryoki, u payg`ambarangizga berilgan. Uning ikki qirg`og`i ichi g`ovak marvarid birlan bezatilgan bo`lib, atrofiga terib qo`yilgan ko`zalar yulduzlardek jilolanur»,— dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu Kavsar haqida so`zlab: «Bu shunday xayrki, Olloh taolo uni o`z Rasuliga bergan»,— dedilar

Abu Bashar bunday deydilar: «Men Sa`id ibn Jubayrga «Kavsarni odamlar jannatdagi bir daryo, deb gumon qilayotirlar»,— dedim. Sa`id «Jannatdagi daryo bo`lganda ham, u shundayin xayrki, Olloh taolo uni o`z habibiga bergan»,— dedilar»

«IZO JOA NASRULLOHI» SURASI

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Payg`ambar alayhissalom «Agar sizga Ollohning madadi va fathi kelsa» surasi nozil bo`lgandan keyin, hamma namozlarida «Subhonaka rabbano va bihamdika, Ollohummag`fir liy», — der erdilar» (ma`nosi «Ey rabbimiz, poklik senga xosdur, senga hamd ayturman, ey Olloh, meni mag`firat qil»).

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Janob Rasulullohning odati shariflari shunday erdiki, namozlarining ruku`i va sujudlarida «Ey rabbimiz, poklik senga xosdur, senga hamd ayturman, ey Olloh, meni mag`firat qil» deb juda ko`p aytar, suradagi oyatning ma`nosini ta`vil qilar erdilar»

1-bob Olloh taoloning qavli: «Va odamlarning Ollohning diniga guruh-guruh bo`lib kirayotganlarini ko`rsangiz...»

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Umar raziyallohu anhu sahobalardan «Izo joa nasrullohi val-fathu» surasidan murod nedur?» — deb so`radilar. Hammalari «Shaharlar va qasrlarni fath etish (zabt etish)» —deb javob berishdi. Umar raziyallohu anhu «Ey Ibn Abbos, bul xususda siz ne deysiz?» — deb so`raganlarida, ul kishi «Muhammad sallallohu alayhi va sallamga ajallarining yaqinligi ishora qilinayotir»,— dedilar»

Olloh taoloning qavli: «Parvardigoringizga qamd aytish birlan uni ulug`langiz, unga istig`for aytingiz, albatta u tavbalarni qabul qilguvchidir»

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Umar raziyallohu anhu bir kuni Badr qatnashchilari bo`lmish yoshi ulug kishilarning suhbatiga meni ham olib kirdilar. Ultirganlarning ba`zilarining dili ranjib «Mana bu bolani ne uchun bizning davramizga olib kirdingiz, bunday bolalar bizlarda ham bor erdi!» — deyishdi. Umar raziyallohu anhu

«Olib kirganimning sababi shulki, uning ilmu fazlini bir ko'rib qo'ysangizlar!» — dedilar. Keyin, Hazrat Umar bir kuni ularni o'z uylariga taklif qildilar, men bildimki, bugun meni ularga bir ko'rsatib qo'ymoqchilar. Umar raziyallohu anhu barcha o'ltirganlarga «Izo joa nasrullohi val-fathu» surasi haqida ne deysizlar?» — deb savol berdilar. Ba'zilar «Agar nusrat topsak va biror shaharni fath qilsak, Oллоhga hamd va istigfor aytishni Oллоh bizga buyurur»,— deyishdi. Ba'zilar ersa, sukut saqlab biror so'z aytishmadi Shunda, Umar raziyallohu anhu «Ey Ibn Abbos, siz ham shunday degaysizmi?»—dedilar. Menga. Men: «Yo'q»,— dedim. Hazrat Umar: «Unday ersa, siz ne degaysiz?» — dedilar. Men: «Bu birlan Oллоh taolo o'z Rasuliga «Agar sizga Oллоhning madadi va fathi kelsa, ajalingiz yaqindur, bas parvardigoringizga hamd aytish birlan uni uluglangiz, unga istig'for aytingiz, albatta u tavbalarni qabul qilguvchidir» — deb ma'lum qilur»,— dedim. Hazrat Umar «Men ham bu surani siz aytgandrak tushunurman»,— dedilar»

«**TABBAT**» SURASI

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Ey Muhammad, o'zingizga yaqin qarindoshlaringizni va ulardan o'zingizga muxlis bo'lganlarini ogohlantiringiz!» degan oyat nozil bo'lganda Janob Rasululloh Safo tog'i ustiga chiqib: «Yo sabohohu!» — deb nido qildilar. Shunda Quraysh ahli «Bu kim bo'ldi erkan?» — deb Janob Rasulullohning tevaraklariga kelib to'planishdi. Janob Rasululloh ularga: «Aytingizlarchi, agar men sizlarga «Mana shul tog' ortidan dushman otiqlari chiqib, sizlarga hujum qilmoq niyatidadur» deb xabar qilsam, menga ishonursizlarmi?» — dedilar. Ular «Biz sizning yolg'on so'zlaganingizni sira bilmasmiz!»—deyishdi. Janob Rasululloh: «Unday ersa, men sizlarni kelgusi qattiq azobdan ogoh qilurman!» — dedilar. Shunda Abu Lahab «Qurib ketgur, shunga chaqirdingmi bizni?!» —deb qarg'ab erdi, Oллоh taolo «Sindi Abu Lahabning ikki qo'li va halok bo'ldi o'zi va saqlab qololmadi uni bundan uning moli va ul narsaki, kasb qildi» degan surani nozil qildi»

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan

Oллоh, taoloning qavli: «Tez fursatda u alangali o'tga kirur»

Bu yerda yuqoridagi hadis qisqacha takrorlangan.

«**IXLOS**» SURASI

Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom bunday dedilar: «Oллоh taolo aytadiki, «Odam farzandi meni yolg'onchi qildi, u bunday qilmasligi kerak erdi! U meni haqorat qildi, u bunday qilmasligi kerak erdi! U o'lganidan so'ng qayta tiriltirilmog'iga ishonmay, meni yolg'onchi qilur. Vaholanki, ilgari insonni yaratganim keyin uni qayta tiriltirmog'imdan osonroq bo'lmagan. Uning meni haqorat qilganiga kilsak, u: «Oллоhning bolasi bor»,— deydi. Vaholanki, men yakkayu yagoka, abadiy, tug'magan va tug'ulmagan hamda tengi yo'q zotdurman!»

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlangan.

«**FALAQ**» SURASI

Ubay ibn Ka'bdan «Muavvizatayn» (ikki «Qul a'uuzu») to'grisida so'ralganda, ul kishi:

«Men ham Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan so`rasam, ul zot: «Menga shunday deyildi»,— dedilar. Shundan buyon biz ham Janob Rasululloh aytganlaridek aytamiz»,— dedilar.

«AN-NOS» SURASI

Zarr ibn Hubaysh aytadilar: «Men Ubay ibn Ka`bga: «Ey Abu Munzir, birodaringiz Ibn Mas`ud («Mu`avvizatayn» haqida) shunday va shunday dedilar»,— dedim. Ubay ibn Ka`b: «Men ham Janob Rasulullohdan so`raganimda, ul zot: «Menga shunday deyish buyurildi, men shunday dedim»,— dedilar. Shundan buyon biz ham Janob Rasululloh aytganlaridek aytamiz»,— deb javob berdilar».

QUR'ON FAZILATLARI KITABI

1-bob. Vahiy qanday nozil bo'ldi? Dastlab nozil bo'lgan oyatlar haqida

Oisha raziyallohu anho va Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalomga Makkada ham o'n yil va Madinada ham o'n yil davomida Qur'on nozil bo'ldi».

Abu Usmon raziyallohu anhu aytadilar: «Menga xabar berilishiga qaraganda, Jabroil alayhissalom Janob Rasulullohning qoshlariga keldilar. Shunda ul zotning huzurlarida Ummu Salama raziyallohu anho ham bor erdilar. Jabroil alayhissalom Janob Rasulullohga gapira boshladilar. Payg'ambar sallallohu alayhi va sallam (jo'rttaga): «Bu kishi kim?» — deb Ummu Salamadan so'radilar. Ummu Salama: «Bu kishi Dihya (Dihyatul-Kalbiy)»,— dedilar. Hazrat Jabroil ketganlaridan so'ng, Ummu Salama: «Xudo haqi, men boyagi kishini, toki Janob Rasulullohning Hazrat Jabroil kelib ketganlari haqida xutba qilayotganlarini eshitgunimcha, Dihya deb o'yladim»,— deydilar».

Ubay: «Bu hadisni kimdan eshitdingiz?»—deb Abu Usmondan so'rasalar, ul kishi: «Usoma ibn Zayddan eshitdim» — deb javob qilibdilar.

Abu Hurayra raziyallohu aihu aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Payg'ambarlarning hammalariga ham vahiy yuborilgandur, unga insonlar iymon keltirgandurlar. Shuningdek, Olloh taolo menga ham vahiy yuborgandur. Men umid qilurmanki, qiyomat kuni menga ergashganlarning soni ularga ergashganlardan ko'proq bo'lgay!»—dedilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu aytadilar: «Olloh taolo Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga vafotlari arafasida shul qadar ketma-ket vahiy yubordiki, uning soni butun payg'ambarlik davrlarida kelgan vahiylerden ko'proq erdi».

Jundub raziyallohu anhu bunday deb aytar erdilar: «Payg'ambar sallallohu alayhi va sallam kasal bo'lib, bir yoki ikki kecha o'rinlaridan turmadilar. Shunda bir ayol keldi-da, (Hazrat Jabroilning kelmay qolganlariga ishora qilib) «Ey Muhammad, shaytoning seni tark qilgan ko'rinur» — deb erdi, Olloh taolo «Parvardigoringiz sizni tark qilgani ham yo'q, yomon ko'rib qolgani ham yo'q» degan oyatni nozil qildi»

2-bob Qur'onning Quraysh ahli tilida — arab tilida nozil qilinganligi haqida

Usmon raziyallohu anhu Zayd ibn Sobit, Sa'id ibn al-Os, Abdulloh ibn az-Zubayr va Abdurrahmon ibn al-Harsga Qur'on suralarini mushaflarga ko'chirmoqni amr qildilar va «Agar sizlar Zayd ibn Sobit birlan Qur'onning biror arabcha so'zida ixtilof qilib qolsangizlar, (uni o'zgartirmay) Quraysh ahli tilida yozaveringizlar, chunki Qur'on ularning tilida nozil qilingan»,— dedilar. Ular shunday qilishdi»

Safvon ibn Ya'loning xabar berishlariga qaraganda, ul kishi: «Koshkiydi, men Rasulullohga vahiy nozil bo'layotganini ko'rsam!»—deb orzu qilur erkanlar. Vaqtiyki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ji'rona degan joyda erdilar, ul zotning tepalariga soya qilsin uchun bir libos to'sib qo'yilgan erdi, yonlarida sahobalari ham bor erdilar. Shul payt o'ziga xushbo'yliklar sepib olgan bir odam kelib «Yo Rasulalloh, bir odam chakmon kiyib, ehrom bog'lasa-yu, keyin o'ziga xushbo'yliklar sepsa, bo'lurmi?» — deb

so'radi. Payg'ambar alayhissalom bir soatcha vahiy kelmog'ini kutdilar so'ng ul zotga vahiy keldi. Shunda Umar raziyallohu anhu Ya'loga «Kel!» —deb ishora qildilar. Yalo kelib, boshlarini Janob Rasulullohga soya qilib turgan libos ostiga kiqdilar-da, Janob Rasulullohning yuzlari qizarib ketganini ko'rdilar. Ul zot yana birmuncha vaqt xirillagan holda yotdilar, so'ng vahiydan forig' bo'ldilar-da: «Hozirgina menga umra to'g'risida savol bergan kishi qaerda?»— deb so'radilar. Savol bergan kishi qidirib topib keltirildi, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga «Uzingga sepgan xushbo'ylikni uch marta yuvib tashla, so'ng chakmoningni yechgil-da, hajingga qanday ehrom boglasang, umrangga ham shunday ehrom boglagil!» — dedilar».

3-bob Qur'onning jamlanishi haqida

Zayd ibn Sobit raziyallohu anhu aytadilar: «Ahli Yamoma urushidan keyin, Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu menga odam yubordilar. Borsam huzurlarida Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu o'ltiribdilar. Shunda Abu Bakr menga bunday dedilar: «Mening oldimga Umar kelib «Yamoma kuni Qur'on qorilarining ko'pi halok bo'ldi. Men qo'rqamanki, boshqa janglarda ham qorilar shunday qirilib ketaversa, Qur'onni yod bilganlar qolmaydi. Istardimki, Qur'onni jam etmoqqa amr bersangiz!»—dedilar. Men Umarga «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qilmagan ishni men qanday qilurman?»— dedim. Hazrat Umar «Olloh haqi, bu xayrli ishdur!»—dedilar. Shu tariqa Hazrat Umar menga qayta-qayta murojaat qilaverdilarki, hatto Olloh taolo mening qalbimni ham shu ishga moyil qilib qo'ydi. Men ham bu ishda Hazrat Umar ko'rgan narsani — xayriyatni ko'rdim». Keyin, Abu Bakr menga: «Siz aqlli va yosh yigitdursiz, sizni hech qachon yomon ish ustida ko'rmagandurmiz. Buning ustiga siz Janob Rasulullohga nozil bo'lgan vahiy larni yozib olur erdingiz, Qur'onni jamlab yigingiz!» — dedilar. Ollohga qasamki, agar menga bir togni o'z joyidan boshqa joyga ko'chirmoqni buyursalar, bu ish menga Qur'onni jamlamoqdan osonroq bo'lur erdi! Men ularga «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qilmagan ishni nechuk qilursizlar?»— dedim. Abu Bakr Siddiq raziyallohu anhu: «Ollohga qasamki, bu ish xayrlidur!»—deb qayta-qayta murojaat qilishda davom etdilar-ki, hatto Olloh taolo Abu Bakr va Umarning dillarini moyil qilgan narsaga mening dilimni ham moyil qilib qo'ydi. Nihoyat, men Qur'onni xurmo barglaridan, oppoq, silliq toshlardan, odamlarning dillaridan ko'chirib jamlay boshladim, hatto «Tavba» surasining oxiri — «Ey insonlar, batahqiq sizlarga o'z laringizdan bo'lgan sizlarning kulfat-mashaqqatlaringizni ko'rib achinuvchi, sizlarning haq dinga kelishingizga haris (tashna) va barcha mo'minlarga marhamatli, mehribon bir payg'ambar keldi-ku! Ana endi ham yuz o'girsalar, u holda aytingiz «Menga Ollohning o'zi yetarlidir, boshqa hech qanday iloh yo'q, faqat uning o'zi bordur, men uning o'ziga suyandim. U Ulug Arsh sohibidur!» degan oyatlarni Abu Huzaymadan topdim. Undan boshqa biror kishida bu oyatlarni uchratmadim. Suhuf (suralar bitilgan sahifalar) Abu Bakr Siddiqning huzurlarida saqlandi. Ul kishi vafot qilganlaridan so'ng, Umar raziyallohu anhunging huzurlarida saqlandi, ul kishi vafot qilganlaridan keyin, Hafsa binti Umarning qo'llarida qoldi»

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat hiladilar: «Huzayfa ibn Yamon Usmon raziyallohu anhunging huzurlariga keldilar. Ahli Shom birlan ahli Iroq Armaniston va Ozarbayjonda gazotda erdilar. Ularning qiroatidagi ixtilofdan cho'chigan Huzayfa Usmon raziyallohu anhuga: «Ey mo'minlarning amiri, bu ummatni yahudiy va nazorolar ixtilofi singari Qur'onda ixtilof qilmoqliklaridan to'xtatib qolingiz!»—dedilar. Usmon raziyallohu anhu Hafsa raziyallohu anhoga odam yuborib: «Suhufni bizga yuboringiz, biz undan nusxa ko'paytirib mushaflar qilurmiz, keyin o'zini sizga qaytarurmiz!»—dedilar. Hafsa

raziyallohu anho Suhufni Usmonga yubordilar, so'ng Usmon raziyallohu anhu Zayd ibn Sobit, Abdulloh ibn Zubayr, Sa'id ibn al-Os va Abdurrahmon ibn Harsga buyurdilar, ular Suhufdan nusxa ko'chirib mushafklar tayyorlashdi. Hazrat Usmon uchta qurayshlik kotiblarga: «Agar Qur'on so'zlarida Zayd birlan ixtilof qilsalaringiz, (uni o'zgartirmay) Quraysh tilida yozaveringizlar, chunki Qur'on ularning tilida nozil bo'lgandur!»—dedilar. Kotiblar shunday qilishdi, so'ng Hazrat Usmon Suhufni Hafsaga qaytarib berdilar. Keyin, Hazrat Usmon mushafklarni dunyoning to'rt chekkasiga yuborib, Qur'on bitilgan bundan bo'lak har qanday sahifa yoki mushafni yoqib yubormoqni amr qildilar».

Ibn Shihob aytadilar: «Menga Xorija ibn Zayd ibn Sobitning xabar berishlaricha, Zayd ibn Sobit raziyallohu anhu bunday deb aytgan erkanlar: «Qur'ondan nusxa ko'chirayotgan vaqtimda «Ahzob» surasidan bir oyatni topolmadim, vaholanki uni Janob Rasululloh qiroat qilganlarida eshitgan erdim. Uni qidirib, nihoyat Huzayma ibn Sobit al-Ansoriydan topdik. Bu oyat «Mo'minlarning orasida ba'zi kishilar borki, ular Ollohga bergan va'dalariga har qachon sodiq bo'ladilar» degan oyat erdi. Uni o'z o'rniga qo'shib qo'ydik».

4-bob. Payg'ambar alayhissalomning kotiblari haqida

Zayd ibn Sobit aytadilar: «Abu Bakr Siddiq menga odam yuborib: «Darhaqiqat, siz Janob Rasulullohga nozil bo'lgan vahiyklarni yozib olur erdingiz. Qur'onni jamlangiz!» — dedilar. Men Qur'onni yigdim, «Tavba» surasining oxirgi ikki oyatini Abu Huzayma al-Ansoriydingina topdim, boshqa biror kishidan bu oyatlarni topmadim. Ular «La-qad joakum rasuulun min anfusikum» deb boshlanadigan oyatlardur».

Barro raziyallohu anhu aytadilar: «Barobar bo'lmaydilar jihoddan qolgan mo'minlar birlan Olloh yo'lida jehod qiluvchilar» degan oyat nozil bo'lganda, Payg'ambar alayhissalom: «Huzurimga Zaydni chaqiringiz, lavh birlan siyoh keltirsin!»—dedilar. Keyin, menga: «Yoz!... Barobar bo'lmaydilar...»—deb vahiy so'zlarini aytayotganlarida ul zotning orqalarida o'ltirgan ko'zi ojiz Amr ibn Ummu Maktum: «Ey Ollohning rasuli, menga gazot qilmoqni qandayin buyurgaysiz, axir men ko'zi ojiz odamman-ku?!» — dedilar. Shunda mazkur oyat o'rniga «tana a'zolariga zarar (jarohat) yetmagan holda jihoddan qolgan mo'minlar birlan Olloh yo'lida jehod qiluvchilar barobar bo'lmaydilar» degan oyat nozil bo'ldi».

5-bob. Qur'onning yetti harf (vajh)da nozil qilinganligi haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Menga Hazrat Jabroil Qur'onni bir harfda (bir uslubda) o'qimoqni o'rgatdilar, men murojaat qilaverganimdan keyin ersa, uni yetti harfga (uslubga) yetkazdilar»,— dedilar».

Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu aytadilar: «Men Hishom ibn Hakimning «Furqon» surasini o'qiganlarini Janob Rasulullohning hayotlik davrlarida eshitgan erdim. Ul kishining qiroatlarini astoydil tinglasam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga o'rgatmagan uslubda o'qiyotirlar. Shunda men namozda o'ltirgan ul kishining yoqalaridan tutmoqchi bo'ldim-u, ammo namozni tugatmoqlarini kutdim. Ul kishi ikki yelkalariga salom berganlaridan so'ng, yoqalaridan tutib: «Hozir men eshitgan qiroat uslubini sizga kim o'rgatgan?» — dedim. Ul kishi bamaylixtir: «Janob Rasulullohning o'zlari o'rgatganlar»,— dedilar. Men: «Yolg'on gapiryapsiz! Chunki, Rasululloh sallallohu

alayhi va sallam menga siz o'qigandan boshqacha o'rgatganlar»,— dedim-da, ul kishini yetaklab Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga olib bordim va: «Men bul kishining «Furqon» surasini bir o'zgacha uslubda o'qiganlarini eshitdimki, bu uslubni siz menga o'rgatmagan erdingiz»,— dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Uni qo'yib yuboringiz!»— dedilar. Keyin, Hishomga: «Ey Hishom, o'qingiz!» — dedilar. Hishom Janob Rasulullohga men eshitgan uslubda qiroat qilib berdilar, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu sura aynan shunday nozil qilingan».— dedilar. Keyin: «Ey Umar, siz ham o'qingiz!» — dedilar. Men Janob Rasululloh menga o'zlari o'rgatganlaridek qiroat qildim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bu sura aynan shunday nozil qilingan. Darhaqiqat, Qur'on yetti harfda (uslubda) nozil qilingan, qaysi uslubda qiroat qilmoqni oson, deb bilsangiz, o'sha uslubda o'qiyveringiz!» — dedilar».

6-bob. Qur'on suralarini kitob qilib olish haqida

Yusuf ibn Molik xabar beradilar: «Men mo'minlarning onasi Oisha raziyallohu anhoning huzurlarida erdim. Shunda ichkariga bir iroqlik kirib kelib: «Kafanning qanaqasi yaxshiroq?» — deb so'radi. Oisha onamiz: «Eh bechora, o'lganingizdan keyin kafanning qanday bo'lmog'ining sizga hech zarari yo'q!» — dedilar. Iroqlik: «Ey mo'minlarning onasi, menga Mushafingizni ko'rsatingiz!» — dedi. «Ne uchun?» — dedilar Oisha raziyallohu anho. Iroqlik: «Shoyad, unga qarab men o'zimga Qur'on qilib olsam!» — dedi. Chunki, u Qur'on suralarini tartibsiz o'qir erdi. Oisha onamiz: «Qaysi surani avval o'qisangiz, sizga zarari yo'qdur. Qur'onning eng avval nozil bo'lgan suralari uzun suralar bo'lib, unda jannat va do'zax haqida zikr qilinur. Islomga kirganlar soni ko'paygandan keyin ersa, harom va halol haqida oyatlar nozil bo'ldi. Agar «Aroq ichmangizlar!» degan oyat birinchi bo'lib nozil bo'lganda, odamlar: «Biz aroqni mutlaqo tark qilmaymiz!»— degan bo'lur erdilar. Agar «Zino qilmangizlar!» degan oyat birinchi bo'lib nozil bo'lganda, odamlar: «Biz zinoni mutlaqo tark qilolmaymiz!»— derdilar. Muhammad alayhissalomga Makkada (u vaqtda men yosh qizaloq erdim) «Qiyomat ular birlan va'dalashgan joyimiz bo'lib, u nihoyatda dahshatlidir» degan oyat nozil bo'ldi. «Baqara» va «Niso» suralari nozil bo'lganda ersa, men Janob Rasulullohning nikohlarida erdim»,— dedilar. Keyin, Oisha raziyallohu anho Mushafni olib chiqib, suralar tartibini iroqlikka aniqlab berdilar».

Ibn Mas'ud raziyallohu anhu aytadilar: «Darhaqiqat, «Bani Isroil», «Kahf», «Maryam», «Toho» va «Anbiyo» suralari dastlab nozil bo'lgan suralar bo'lib, ularni Qur'ondan o'rganib olganimga ancha bo'lgan».

Barro raziyallohu anhu aytadilar: «Men «Sabbihisma rabbikal-a'lo» surasini Janob Rasulullohning Madinaga kelmaslaridan avval yodlagan erdim».

Shaqiq raziyallohu anhu aytadilar: «Abdulloh: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har bir rak'atda juft-juft o'qiydirgan suralarni bilib olganman»,— dedilar. Keyin, Abdulloh chiqib ketdilar-da, Alqama birlan qaytib kirdilar. Alqama chiqib ketgach, Abdullohdan «nazira» (o'xshash) suralar haqida so'radik. Ul kishi: «Ibn Mas'udning ta'liflariga ko'ra, Qur'onning boshlanishidan yigirma sura, ularning oxirgisi — «Havomim»dur»,— dedilar».

7-bob. Jabroil alayhissalomning Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan Qur'onni imtihon qilib turganlari haqida

Oisha raziyallohu anho Fotima raziyallohu anhodan naql qiladilarki, Payg`ambar alayhissalom: «Darhaqiqat, Hazrat Jabroil har yili mendan Qur`onni bir bor imtihon qilur erdilar, bu yil ersa ikki bor imtihon qildilar, bundan bilurmanki, ajalim yaqindur»,— dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu aytadilar: «Payg`ambar alayhissalom eng saxovatli odam erdilar. Ramazon oyida ersa, yanada saxovatlari ortar erdi, chunki Jabroil alayhissalom Ramazon oyining har kechasida ul zot birlan uchrashib, Qur`onni imtihon qilur erdilar. Janob Rasululloh Hazrat Jabroil birlan uchrashgan kunlari yomg`ir keltiruvchi shamoldan ham saxovatliroq bo`lib ketur erdilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Har yili Janob Rasulullohdan Qur`on bir bor imtihon qilinur erdi, vafot qilgan yillari ersa ikki bor imtihon qilindilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har yili o`n kun e`tikofda o`ltirur erdilar, vafot etadiringan yillari ersa yigirma kun e`tikofda o`ltirdilar».

8-bob. Payg`ambar alayhissalomning qori sahobalari haqida

Abdulloh; ibn Mas`ud raziyallohu anhu aytadilar: «Men Payg`ambar sallallohu alayhi va sallamning «Qur`onni to`rt kishidan — Abdulloh ibn Mas`ud, Solim, Muoz va Ubay ibn Ka`bdan olingizlar (o`rganingizlar)!» deb aytganlarini eshitganman. Shu gap menga hanuz xush yoqadi!»

Shaqiq ibn Salama aytadilar: «Abdulloh ibn Mas`ud raziyallohu anhu bizga xutba qilib: «Xudo haqi, men Janob Rasulullohning og`izlaridan yetmishdan ortiq sura o`rgan-dim, xudo haqi, Janob Rasulullohning sahobalari meni Ollohning Kitobini ko`proq biluvchi, deb hisoblaydilar, vaholanki men ulardan yaxshiroq ermasman!» — dedilar. Men: «Odamlar Abdullohning bu gaplariga ne deyishar erkan?» — deb poyladim, lekin ul kishining gaplarini qaytarguvchini ko`rmedim».

Alqama aytadilar: «Biz Himsda erdik. Ibn Mas`ud raziyallohu anhu «Yusuf» surasini qiroat qildilar. Bir odam: «Bu sura bunday nozil qilingan ermas»,— dedi. Ibn Mas`ud: «Men buni Janob Rasulullohga o`qib berganimda, ul zot: «Juda chiroyli o`qidingiz!» — deb aytganlar»,— dedilar. Birdan haligi odamdan aroq hidi keldi. Shunda Ibn Mas`ud: «Sen Ollohning Kitobini yolg`onga chiqarish birlan birga aroq ham ichayotirsanmi?!» — deb unga hadd (darra) urdirdilar».

Abdulloh raziyallohu anhu aytadilar: «Ibodotga loyiq zot bo`lmish o`zi tanho Olloh haqi! Ollohning Kitobidan qaysi sura nozil kilingan bo`lsa, men uning qaerda nozil qilinganini hamda qaysi oyat nozil qilingan bo`lsa, men uning ne haqda nozil qilinganini bilurman. Agar biror kishining Ollohning kalomini mendan yaxshiroq biluvchi erkanini bilsam, uning oldiga, u tuyada boradiringan joyda bo`lsa ham, borur erdim!».

Qatoda aytadilar: «Men Anas ibn Molikdan. «Qur`onni kim jam qilgan?»—deb so`radim. Anas: «To`rt kishi, hammalari ham ansorlardan bo`lib, ular — Ubay ibn Ka`b, Muoz ibn Jabal, Zayd ibn Sobit va Abu Zayd»,— dedilar».

Anas raziyallohu anhu aytadilar: «Payg`ambar alayhissalom vafot etdilar hamki, Qur`onni to`rt kishidan bo`lak odam jam qilmadi, ular Abu Dardo`, Muoz ibn Jabal, Zayd ibn Sobit

va Abu Zayd. Biz Abu Zaydga Qur'on xususida merosxo'r bo'ldik».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Umar raziyallohu anhu «Bizga Ubay qiroat qilmoqni o'rgatur erdilar, biz ersak ul kishining qiroat yo'llaridan bo'lakcha o'qir erdik. Shunda ul kishi. «Men Qur'onni Janob Rasulullohning og'izlaridan o'rganganman, uni hech narsa evaziga tark qilmasman, Oллоh taolo «Qaysi oyatni mansux qilsak yoki uni sizga unutdirsak, undan yaxshirog'ini yoki uning o'xshashini ato qilurmiz!» deb aytgan».

9-bob QUR'ON OCHQICHI

Abu Sa'id al-Xudriy raziyallohu anhu aytadilar: «Biz safarda erdik. Bir joyda dam olish uchun to'xtadik. Shunda bir qizcha kelib: «Mahallamiz sqsoqolini gazanda chaqib oldi, unga yordam qiladigan hech kim yo'q, orangizda biror duoxon bormi?» — dedi. Qizchanning gapini eshitib bir odam o'rnidan turdi, ammo uning duoxonlik qilganini hech ko'rmagan erdik. U borib bemorga duo o'qigan erdi, shifo topdi. Tuzalgan bemor xursand bo'lib unga o'ttizta qo'y berdi, sut birlan bizni mehmon qildi. Sherigimiz qaytib kelgandan keyin: «Ilgari ham duoxonlik qilur erdingizmi yoki endi duoxon bo'lib qoldingizmi?»—dedik. Ul kishi: «Yo'q, men «Ummul-Kitob» («Fotiha» surasi) birlan davoladim»,— dedi. Biz bir-birimizga: «Bul haqqa gapirmaylik, yaxshisi Janob Rasulullohdan so'raylik!»— dedik. Madinaga qaytganimizdan keyin, voqeani Payg'ambarimizga so'zladik. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Fotiha» surasining shifo erkanligini unga kim o'rgatdi erkan? Qo'ylarni taqsim qilingizlarda, mening ulushimni ham beringizlar!» — dedilar».

«BAQARA» SURASINING FAZILATI

Abu Mas'ud raziyallohu anhu aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Kimki kechqurur! «Baqara» surasining oxirgi ikki oyatini o'qisa, unga kifoya qilur (ya'ni, balo-ofatlardan himoya qilur)»,— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meni ramazon zakotini yig'ishga vakil qildilar. Bir odam kelib, oziq-ovqatlardan ola boshladi. Men uni ushladim-da: «Seni Janob Rasulullohning huzurlariga eltaman»,— dedim. U menga: «Kechqurun o'rningga yotganingda «Oyatal-Kursiyini» o'qigil, Oллоh yuborgan bir qo'riqchi doim sen birlan birga bo'lur, tonggacha senga shayton ham yaqinlashmas»,— dedi. Payg'ambar alayhissalom: «Ul rost aytibdi, ammo ul kazzob shayton erdi»,— dedilar».

1-bob. «Kahf» surasining fazilati

Barro raziyallohu anhu aytadilar: «Bir odam «Kahf» surasini o'qur erdi, yonida oti bog'liq turur erdi. nogahon, o'shal odamni bir bulut qurshab ola boshladi. Buni ko'rib ot bezovta bo'ldi. Boyagi odam tong otganda Janob Rasulullohning huzurlariga keldi-da, voqe'ani baen qildi. Janob Rasululloh: «Bu sakiynat (xotirjamlik farishtasi) bo'lib, Qur'on qiroati sababidan tushgan»,— dedilar».

2-bob. «Fath» surasining fazilati

Zayd ibn Aslam otalaridan nahl qilib aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir

safarda erdilar. Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu ul zot birlan birga ketaturib bir savol so`radilar. Janob Rasululloh javob qilmadilar. Hazrat Umar yana so`radilar, ul zot yana javob qilmadilar. Hazrat Umar yana so`radilar, ul zot yana javob qilmadilar. Umar raziyallohu anhu: «Onang sendan ajrab qolgur, Janob Rasulullohdan uch marta savol so`rading, ul zot senga javob bermadilar»,— dedilar-da, tuyalarini choptirib odamlardan ilgari ketdilar. «Mening haqimda Qur'on (oyat) nozil bo`lib qolmasa erdi, deb xavotirlandim,— deydilar Hazrat Umar,— ko`p o`tmay bir kishining meni chaqirganini eshitib qoldim. Shunda o`zimga-o`zim: «Aytdim-a, mening haqimda oyat nozil bo`lib qolmasa erdi, deb»,— dedim-da, Rasulullohning oldilariga keldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Bul kecha menga bir sura nozil qilindi, bu sura men uchun quyosh charaqlab turgan butun olamdan ham mahbubroqdur!»— dedilar, keyin «Inno fatahno laka fatham mubiyano» surasini o`qidilar».

3-bob. «Qul huvallohu ahad»ning fazilati

Abu Sa`id al-Xudriy raziyallohu anhu aytadilar: «Bir odam bir kishining «Qul huvallohu ahad»ni takror o`qiyotganini eshitib, tong otganda Janob Rasulullohning oldilariga bordida: «Falonchi odam «Qul huvallohu ahad»ni amali oz hisoblab, takror o`qiyotir»,- dedi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Mening jonim qo`lida bo`lgan zot haqi, «Qul huvallohu ahad» surasi Qur'onning uchdan bir qismiga tengdir!»— dedilar»

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlangan.

Abu Sa`id al-Xudriy raziyallohu anhu ashyaaesh7ar.ch<Payg`ambar alayhissalom ashoblariga: «Bir kechada Qur'onning uchdan bir qismini o`qimog`ingiz qiyin bo`lurmi?» — dedilar. Sahobalarga bu mashaqqatli ko`rinib: «Ey Ollonning rasuli, bunga birortamizning qudratimiz yetgaymi?» — deyishdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Ollon yagona va abadiy» degan sura Qur'onning uchdach biridur»,— dedilar».

4-bob. Ikki «Qul a`uuzu» surasining fazli

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, agar kasal bo`lsalar, ikki «Qul a`uuzu» surasini o`qib, o`zlariga dam solur erdilar, og`riqlari kuchayganda ersa, men o`zim o`qir erdim-da, barakoti tegsin, deb ul zotning qo`llari birlan badanlarini silar erdim»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilarki, Payg`ambar sallallohu alayhi va sallam har kecha to`shakka yotayotganlarida «Qul huvallohu ahad» birlan ikki «Qul a`uuzu»ni o`qib, kaftlariga dam urardilar, keyin ikki kaftlari birlan badanlarining qo`llari yetgan joyigacha silar erdilar, silashni boshlari va yuzlaridan boshlab, ko`kraklariga qadar davom ettirar erdilar, buni uch bor takrorlar erdilar».

5-bob Qur'on o`qilganda (osmondan) sakiyat va maloikalarning tushishlari

Muhammad ibn Ibrohim aytadilar: «Usayd ibn Hazir kechasi «Baqara» surasini o`qiyotgan erdilar, yonlarida otlari bog`liq turar erdi, birdan ot bezovta bo`la boshladi. Ul kishi o`qishdan to`xtagan erdilar, ot ham tinchlandi, keyin o`qishni davom ettirgan erdilar, ot yana bezovtalana boshladi. Ul kishi shul tariqa uch bor o`qib, uch bor o`qishdan to`xtadilar Har safar o`qiganlarida ot bezovtalanar va har safar o`qishdan

to'xtaganlarida tinchlanar erdi. Shunda ul kishi o'rinlaridan turib, otning yoniga bordilar Ot bog'langan joy yaqinida Yahyo ismli o'g'illari uxlab yotgan bo'lib, unga ot shikast yetkazmasaydi, deb xavotir oldilar. Nogahon, osmonga qaragan erdilar, uni bir narsa qoplab turganini ko'rdilar. Tong otgach, Janob Rasulullohning huzurlariga borib, bo'lgan voqeani aytib berdilar. Janob Rasululloh «Ey Ibn Hazir, o'qiyveringiz, ey Ibn Hazir, o'qiyveringiz!»— dedilar. Usayd ibn Hazir «Yo Rasulalloh, o'g'lim Yahyo ot bog'liq turgan joy yaqinida uxlab yotgan erdi, uni ot bosib olmasaydi, deb qo'rqdim. Oldiga borgach, osmonga qaragam, bir bulut yanglig' narsa turibdi, uning chiroqdek charaqlagan narsalari ham bor. Darhol, tashqariga chiqdim, lekin uni boshqa ko'rmadim»,—dedilar Janob Rasululloh «Bildingizmi, u ne erkan »—dedilar Usayd «Yo'q»,— dedilar Janob Rasululloh «Ushal narsa farishtalar bo'lib, qiroatingizni eshitib, sizga yaqin kelganlar. Agar siz Qur'onni o'qiyverganingizda, tong otib qolib, odamlar ham ularni ko'rib olgan bo'lur erdilar, ular odamlar nigohidan berkinmas erdilar»,— dedilar»

6-bob «Janob Rasulullohdan faqat ikki muqova orasidagi narsagina, ya'ni Qur'oni Karim qolgandur»,— degan kishi haqida

Ibn Abbas raziyallohu anhuning aytishlariga qaraganda, «Shaddod ibn Mu'aqqal ul kishidan «Payg'ambar alayhissalom o'zlaridan so'ng biror narsa qoldirganlarmi?»— deb so'rabdilar. Ibn Abbas raziyallohu anhu «Ikki muqova orasidagi narsa, ya'ni Qur'ondan bo'lak hech narsa qoldirmaganlar»,— debdilar. Shaddod «Biz Muhammad ibn Hanafiyya huzurlariga kirib shu savolni berganimizda ul kishi ham «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki muqova orasidagi narsadan bo'lak hech narsa qoldirmaganlar» — deb javob berdilar»,— deydilar»

7-bob Qur'onning boshqa kalomlardan afzalligi haqida

Abu Muso al-Ash'ariy aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom bunday dedilar: «Qur'on qiroat qiluvchi kishining utruja (rangi chiroyli, lazatli, xushbo'y meva) yanglig' mazasi ham, hidi ham yaxshi. Qur'on o'qimaydirgan kishi ersa, xurmoga o'xshash mazasi shirin, lekin hidi yo'q o'zi fojir, lekin Qur'on o'qiydirgan kishi rayhon kabi xushbo'y, ammo mazasi achchiq Uzi fojir va buning ustiga Qur'on o'qimaydirgan kishi ithamakka o'xshaydi, uning hidi ham yo'q, mazasi ham achchiq»

Ibn Umar raziyallohu anhu aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom bunday dedilar: «Utgan ummatlarning Olloh taologa ibodat qilgan davriga qaraganda sizlarning davringiz asr namozi birlan shom namozi o'rtasicha muddatdur. Sizlarni va yahudiylar birlan nasorolarni o'zaro taqqoslaydirgan bo'lsak, bu shunga o'xshaydiki, bir odam: « Kim kunning yarmiga qadar bir qiyrot-bir qiyrot haq uchun menga ishlab bergay?»—deb o'ziga xizmatchilar yolladi. Yahudiylar ana shuncha muddat Olloh taologa ibodat qildilar. Keyin u «Kim kunning yarmidan asrgacha menga ishlab bergay?» - dedi. Nasorolar ana shuncha muddat Olloh taologa ibodat qildilar. Keyin sizlar asrdan to shomgacha ikki qiyrot-ikki qiyrot haq uchun ishlaisizlar. Shunda ular: « Biz ko'p ishladik ammo haqni oz oldik»,— deyishgay. U: «Men sizlarga zulm qildimmi?»—degay. Ular «Yo'q»,— degaylar. U Bu mening fazlim, uni o'zim xohlagan kishiga ato etgayman!»—degay»

8-bob. Ollohning Kitobi vasiyat qilib qoldirilgani haqida

Talha raziyallohu anhu aytadilar: « Men Abdulloh ibn Abu Avfodan «Payg'ambar

alayhissalom vasiyat qildilarmi? deb soʻradim. Ul kishi «yoʻq» — dedilar. Men: «Unday ersa odamlarga bajarmoqlik buyurilgan vasiyat qanday yozildi, axir Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vasiyat qilmabdilar-ku!»—dedim. Abdulloh «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ollohning Kitobini vasiyat qilib qoldirdilar» — dedilar»

9-bob. Qurʻonni tajvid birla oʻqimoq haqida

Olloh taoloning qavli: «Axir, biz sizga nozil qilgan va ularga (har vaqt) tilovat qilinayotgan bu Kitob ularga kifoya qilmaydimi?!»

Abu Hurayra raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Olloh taolo hech narsaga Paygʻambar sallallohu alayhi va sallamning tajvid birla qilgan qiroatlariga quloq solganchalik quloq solmagan»,— dedilar»

Abu Hurayra raziyallohu anhudan nakl qilinadiki, «Paygʻambar alayhissalom «Olloh taolo hech bir narsani Paygʻambar sallallohu alayhi va sallamning tajvid birla qilgan qiroatlarini eshitganchalik eshitmagan»,— dedilar»

10-bob Qurʻon oʻquvchiga hasad qilmoq haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu aytadilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bunday deganlarini eshitganman: «Hasad qilish mumkin ermas, ammo ikki kishiga hasad qilsa boʻlur ulardan biri — agar Olloh taolo bir kishiga Qurʻon ato etgan boʻlsa-yu, u kechayu kunduz Qurʻon tilovati birlan mashgʻul boʻlsa, ikkinchisi — bir odamki, Olloh taolo unga halol mol bergan boʻlsa-yu, u kecha-yu kunduz uni sadaqa qilib turgan boʻlsa»

Bu yerda yuqoridagi hadis takrorlangan

11-bob. «Orangizdagi yaxshi kishilar — Qurʻonni oʻrganib, uni boshqalarga ham oʻrgatuvchilardur»

Usmon raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Paygʻambar alayhissalom «Sizlarning orangizdagi yaxshilaringiz — Qurʻonni oʻrganib, uni boshqalarga ham oʻrgatuvchilardur» — dedilar»

Usmon ibn Affon raziyallohu anhu aytadilar: «Paygʻambar sallallohu alayhi va sallam «Darhaqiqat, sizlarning fazlda ulugʻroqlaringiz — Qurʻonni oʻrganib, uni boshqaga ham oʻrgatuvchingizdur!» — dedilar»

Sahl ibn Saʻd aytadilar: «Bir xotin Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, oʻzini Olloh taolo yoʻlida uning paygʻambari uchun tortiq qilganini aytdi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Mening xotinlarga hojatim yoʻq»,— dedilar. Shunda bir sahobiy «Ey Ollohning rasuli bu ayolni menga nikohlab beringiz!» — dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Unday ersa, ayolga mahr ber!» — dedilar. Sahobiy «Mahr topolmagayman»,— dedilar. Janob Rasululloh «Bir temir uzuk boʻlsa ham una ber!» — dedilar. Sahobiy xafa boʻlib jim qoldilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Qurʻondan nelarni bilursan?» — deb soʻradilar. Sahobiy «Falon va falon suralarni» — deb aytdilar. Janob Rasululloh «Men bu ayolni oʻshal oʻzing bilgan Qurʻon evaziga senga nikohlab qoʻydim»,— dedilar»

12-bob Qur'anni yoddan o'qimoq haqida

Saul ibn Sa'd aytadilar: «Bir ayol kelib Janob Rasulullohga «Ey Ollohning rasuli, men sizga o'zimni hadya qildim!» — dedi. Janob Rasululloh unga boshdan-oyoq bir qarab chiqdilar-da, boshlarini quyi egdilar. Ayol o'zi haqida ul zotning bir qarorga kelmaganlarini ko'rib, o'ltirdi. Janob Rasulullohning ashoblaridan biri turib «Ey Ollohning rasuli, agar sizning bu ayolga hojatingiz bo'lmasa, uni menga nikohlab qo'yingiz!» — dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam undan «Mahrga biror narsang bormi?» — deb so'radilar. Sahobiy «Xudo haqi, yuq!» — dedilar. Janob Rasululloh ul kishiga «Uyga borib qara-chi, ehtimol biror narsa toparsan!» — dedilar. Sahobiy ketib, yana qaytib keldilar-da: «Xudo haqi, yo Rasulalloh, hech narsa topolmadim!» — dedilar. Janob Rasululloh yana «Qara-chi, temirdan yasalgan uzuk bo'lsa ham, mayli!» — dedilar. Sahobiy yana uyga borib, qaytib keldilar-da: «Ey Ollohning rasuli! Temir uzuk ham yo'q erkan, lekin mana bu ishtonim bor», — dedilar. Bechora sahobiyning ustlarida hatto ko'ylaklari ham bo'lmay, birgina ishtonlarining yarmini ayolga mahr uchun bermoqchi bo'ldilar. Janob Rasululloh «Ishtoningni qanday mahrga berasan? Agar uni sen kiysang, ayolga va agar ayol kiysa, senga hech vaqo qolmaydi-ku!» — dedilar. Sahobiy uzoq o'ltirib qoldilar. Keyin, o'rinlaridan turdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ko'rdilarki, sahobiy ketayotirlar, ul kishini darhol chaqirtirib: «Qur'ondan qancha sura bilursan?» — deb so'radilar. Sahobiy «Qur'onning falon va falon surasini bilurman» — deb o'zlari bilgan suralarni sanab berdilar. «Ularni yoddan qiroat qila olursanmi?» — dedilar. Janob Rasululloh Sahobiy «Ha», — deganlaridan keyin, ul zot «Bor, o'zing bilgan Qur'on evaziga seni bu ayolga ega qildim! — dedilar».

13-bob Qur'anni yodlagan kishining uni takrorlab, mustahkamlab turmog'i lozimligi haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Sohibi Qur'on (hofizi Qur'on) boglab qo'yilgan tuyaning egasiga o'xshaydi. Agar u uni bog'liqda saqlab ehtiyotlasa, olib qolgay, bo'shatib yuborsa, ketib qolgay»

Abdulloh aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom bunday dedilar: «Kishining «Men mana bu va mana bu oyatni esdan chiqardim» deb aytmog'i naqadar baxqizlikdur. Qur'anni hech kim o'zicha esidan chiqarmagay, balki esidan chiqartiriladi. Qur'anni doim takrorlab turingizlar, chunki uning odamlar dilidan chiqib ketishi sho'x tuyadan ham tezroqqur!»

Abu Muso razilllohu anhu aytadilar: «Payg'ambar sallallohu alayhi va sallam: «Qur'anni takrorlab turingizlar, chunki u, mening jonim qo'lida bo'lgan zot haqi, bog'liq tuyadan ham qochuvchanroqdur!» — dedilar».

14-bob. Ulov minib turib Qur'on qiroat qilmoq haqida

Abdulloh ibn Mugaffal: «Men Makka fathi kuni Janob Rasulullohning tuyalarida o'ltirib «Fath» surasini qiroat qilganlarini ko'rdim», — deydilar».

15-bob. Bolalarga Qur'anni o'rgatmoq haqida

Sa'id ibn Jubayr: «Sizlar «mufassal» deb ataydirgan suralarning hammasi «muhkam»

suralardur»,— dedilar. Ibn Abbas: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafot etgan paytlarda men o'n yashar bola bo'lib, «muhkam» suralarni yod olgan erdim»,— dedilar».

Ibn Abbas: «Men «muhkam» suralarni jamladim»,— dedilar. Sa'id: «Muhkam nedur?» — dedilar. Ibn Abbas: «Muhkam — mufassal, ya'ni batafsil suralardur»,— dedilar.

16-bob. Qur'onni yoddan chiqarmoq haqida, «Men falon va falon oyatlarni yodimdan chiqardim» — deb aytish mumkinmi?

Olloh taoloning qavli: **«Biz sizni qiroat qildirurmiz. Bas, siz Ollohning o'zi unutishingizni xohlagan oyatlardan boshqasini unutmagaysiz»**

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Payg'ambar sallallohu alayhi va sallam masjidida bir kishining qiroat qilayotganini eshitib: «Uni Olloh taolo yarlaqasin, u falon suradagi falon oyatni mening yodimga solib qo'ydi»,—dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi bir kishining bir surani o'qiyotganini eshitib: «Uni Olloh taolo yarlaqasin, u falon suradagi falon oyatni esimga soldi, bu oyat mening esimdan chiqartirilgan erdi»,— dedilar».

Abdulloh aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Kishining «Men falon va falon oyatni esdan chiqardim» deb aytmog'i naqadar baxqizlikdur. Qur'on o'zicha esdan chiqmagay, balki unuttirilgay»,— dedilar».

Abdulloh aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Kishining «Men falon va falon oyatni esdan chiqardim» deb aytmog'i naqadar baxqizlikdur. Qur'on o'zicha esdan chiqmay, balki unuttirilgay»,— dedilar».

17-bob. «Baqara» yoki falon va falon sura deb aytilsa, gunoh sanalmasligi haqida

Abu Mas'ud al-Ansoriy aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Baqara» surasining oxirida ikki oyat bor bo'lib, kimki ularni kechasi o'qisa, unga kifoya qilgay»,— dedilar».

Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Hishom ibn Hakimning «Furqon» surasini Janob Rasululloh o'rgatmagan uslubda o'qiganini eshitdim. Namozda boshiga chang solishdan o'zimni tiydim. Namozni o'qib bo'lguncha sabr qildim, keyin libosini boshiga o'rab ushladim-da, unga: «Hozir sen o'qigan surani senga kim o'rgatdi?»—dedim. Hishom: «Menga buni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'rgatganlar»,— dedi. Men unga: «Yolg'on gapirayotirsan, xudo haqi, bu surani menga Rasululloh sallallohu alayhi va sallam boshqacha o'rgatganlar!» — dedim. Uni yetaklab Janob Rasulullohning oldilariga keldim. «Ey Ollohning rasuli, manavi «Furqon» surasini siz menga o'rgatgandan boshqa uslubda o'qiyotir. Bu surani siz menga o'rgatgan erdingiz»,— dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Hishom, o'sha surani o'qi!» — dedilar. Hishom o'sha men eshitgan uslubda o'qidi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Xuddi shunday nozil qilingan»,— dedilar. Keyin, menga: «Ey Umar, siz ham o'sha surani o'qingiz!»—deb buyurdilar. Men Janob Rasululloh menga o'rgatganlaridek qiroat qildim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Xuddi shunday nozil qilingan. Darhaqiqat, Qur'on yetti harfda (etti uslubda qiroat qiladigan qilib) nozil qilingan. Bas,

qaysinisi o'zingizga oson bo'lsa, o'sha uslubda o'qingiz!» — dedilar».

Oisha raziyallohu anho aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kechasi masjidida bir qorining Qur'on o'qiyotganini eshitib: «Uni Ollah taolo yarlaqasin, u falon suradagi falon oyatni esimga soldi, men uni tushirib qoldirar erkanman»,— dedilar».

18-bob. Qiroatda tajvidga rioya qilmoq lozimligi, Ollah taoloning «Qur'onni tajvid qoidasi birlan o'qingiz!» va «Sizning Qur'onni odamlarga astasekin o'qib bermog'ingiz uchun biz uni bo'lib-bo'lib nozil qildik» degan qavllari hamda Qur'onni she'r singari bo'lib-bo'lib o'qishning makruhligi haqida

Abdulloh ibn Mas'uddan naql kilinadi: «Bir kishi: «Men o'tgan kecha «mufassal»ni o'qib chiqdim»,— dedi. Abdulloh unga: «She'r singari o'qigansan. Biz haqiqiy qiroatni eshitganmiz. Men Qur'ondagi «nazira» suralarni Janob Rasulullohning o'zlaridan o'rganib yodlaganman. Ularning o'n sakkiztasi «mufassal» va ikkitasi «ho-mim» jumlasiga kiruvchi suralardur»,— dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu «Lo tuharrik bihi lisonaka» oyati haqida bunday deb rivoyat qiladilar: «Qachon Hazrat Jabroil vahiy keltirsalar, Janob Rasululloh tillari va ikki lablarini harakatlantirar erdilar, buning ul zotga mashaqqatli erkanligi shundoqqina sezilib turardi. Bas, Ollah taolo «Lo uqsimu» surasidagi «yodlab olishga oshiqib vahiy so'zlarini takrorlab tilingizni harakatlantirmangiz, Qur'onni dilingizga jo qilish, uni tilingizda o'qitish bizning zimmamizdadur» ya'ni, «Vahiyini qalbingizga joylash va uni o'qitish bizning zimmamizdadur, qachon biz Jabroil tili orqali o'qib bo'lsak, shundagina siz unga ergashingiz, agar biz vahiy nozil qilsak, avval uni eshitingiz, - keyin uni sizning tilingiz birlan bayon qilurmiz» degan mazmundagi oyatni nozil qildi. Shundan keyin, qachon Hazrat Jabroil vahiy keltirsalar, ul zot sukut saqlar, ketganlaridan keyin ersa Ollah va'da qilgandek o'qir erdilar».

19-bob. Qiroatni cho'zmoq haqida

Qatoda raziyallohu anhu aytadilar: «Anas ibn Molik raziyallohu anhudan Janob Rasulullohning qiroatlari haqida so'radim. Anas: «Janob Rasululloh cho'zib qiroat qilur erdilar»,— dedilar».

Qatoda aytadilar: «Anas raziyallohu anhudan: «Janob Rasulullohning qiroatlari qanday erdi?» —deb so'ralganda, ul kishi: «Cho'zib o'qir erdilar»,— dedilar. So'ng, Bismillohir rahmonir rahimning «bismilloh» so'zini alohida, «ar-rahmon» so'zini alohida va «ar-rahiym» so'zini alohida cho'zib o'qib ko'rsatdilar».

20-bob. Tarji' birlan qiroat qilish haqida

Abdulloh ibn Mugaffal aytadilar: «Men Payg'ambar alayhissalomning tuyalari ustida o'ltirib «Fath» surasini tarji' birlan o'qiganlarini eshitdim».

21-bob. Yoqimli ovoz birlan qiroat qilish haqida

Abu Burda aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom Abu Musoga (yoqimli ovozlarini nazarda

tutib); «Ey Abu Muso, darhaqiqat Oллоh taolo tomonidan sizga dovudiylarning surnaylaridan biri ato etilgan»,— dedilar».

22-bob. Qur'on qiroatini boshqadan eshitmoqni yaxshi ko'rgan kishi haqida

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Menga bir Qur'on o'qib bersangiz!»—dedilar. Men: «Sizga men Qur'on o'qib berayinmi, axir Qur'on sizga nozil qilingan-ku?!»—dedim. Janob Rasululloh: «Men Qur'onni o'zimdanda bo'lakdan eshitmoqni xush ko'rurman»,— dedilar».

23-bob. Qur'on o'qittiruvchining qoriga: «Bo'ldi, yetarli!» — deb aytmog'i haqida

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu aytadilar: «Payg'ambar alayhissalom menga: «Bir Qur'on o'qib bersangiz!»—dedilar. Men: «Ey Oллоhning rasuli, sizga men Qur'on o'qib berayinmi, axir Qur'on sizga nozil qilingan-ku?!»—dedim. Janob Rasululloh: «Ha, o'qi!»—dedilar. Men «Niso» surasini o'qiyotib, «Endi, ul kun na holat paydo bo'lur, vaqtiki biz chaqirurmiz har ummatdan guvoh va keltirurmiz sizni (ey Muhammad) ularga guvoh qilib» degan oyatga kelganimda, Janob Rasululloh: «Bo'ldi, yetarli!» — dedilar. Men to'xtab, ul zotga qaradim, ikki ko'zlaridan yosh quyilar erdi».

24-bob. Qur'onning qanchasi o'qilsa, kifoya qilur?

Oллоh taoloning qavli: «Qur'ondan Oллоh muyassar qilganicha o'qingizlar!»

Ibn Shibrimma aytadilar: «Men: «Kishi namozda Qur'onning qanchasini o'qisa, kifoya qilgay?»—deb fikr qildim. Qur'on suralari ichidan uch oyatli («Al-Kavsar») surasidan kichigini topmadim. Shunda: «Demak, uch oyatdan kam o'qish mumkin emas»,— dedim».

Alqama rivoyat qiladilar: «Men Abu Mas'udni Baytullohni tavof qilayotganlarida uchratib qoldim. Shunda ul kishi Janob Rasulullohning «Kimki kechasi «Baqara» surasining oxirgi ikki oyatini o'qisa, unga kifoya qilur» degan hadislarini zikr qildilar».

Abdulloh ibn Amr rivoyat qiladilar: «Otam meni tagli-taxtli bir ayolga uylab qo'yidilar. Keyin, otam kelindan hol-ahvol so'rab, mening xususimda ham surishtiribdilar. Shunda kelin: «Erkaklar orasida juda ajoyiblar, lekin hanuz mening to'shagimda yotganlari yo'q, hatto men birlan taom ham yemadilarki, hojatxonaga chiqay desalar, men kelganimdan buyon ahvol shu!» — deb javob beribdi. Otam kelinning shikoyati ko'payib ketgandan keyin, bul haqda Payg'ambar alayhissalomga zikr qilibdilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Huzurimga yuboringiz!» — debdilar. Men Janob Rasulullohga uchradim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ro'zani qanday tutayotir-san?» — deb so'radilar. Men: «Har kuni»,— dedim. Ul zot: «Qanchada xatm qilayotirsan?» — dedilar. Men: «Har kecha»,— dedim. Ul zot: «Har oy uch kun ro'za tutgil, har oy bir xatm qilgil!» — dedilar. Men: «Ey Oллоhning rasuli, men bundan ko'progiga qodirman!» — dedim. Janob Rasululloh: «Unday ersa, bir _jum'ada (haftasiga) uch kun ro'za tutgil!» — dedilar. Men yana: «Bundan ko'progiga ham qodirman»,— dedim. Janob Rasululloh: «Bo'lmasa, ikki kun ogiz ochib, bir kun ro'za tutgil!»—dedilar. Men: «Bundan ko'progiga qodirman»,— dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Unday ersa, ro'zaning afzalini — Dovud

alayhissalomning roʻzalarini tutgil, yaʼni bir kun roʻza tutgil, bir kun ogiz ochgil, har yetti kunda bir xatm qilgil!» — dedilar. Koshkiydi, Janob Rasulullohning nasihatlarini qabul qilgan boʻlsam! Mana, endi qaridim, quvvatdan ketdim».

Aytishlaricha, Abdulloh har kuni kunduzi Qurʼonning yettidan bir qismini oʻz ahllaridan biriga oʻqib berar erkanlar. Buni kechasi oʻzlariga oson boʻlsin uchun qilar erkanlar. Ozgina quvvatlanib olmoqni istasalar, bir necha kun roʻza tutmas, keyin ersa roʻza tutmagan kunlarining miqdoricha yana roʻza tutar erkanlar, chunki «Janob Rasulullohning tavsiyalariga zid ish qilib qoʻymokdan qoʻrqar erkanlar. Baʼzilar uch kunda, baʼzilar besh kunda, koʻpchilik ersa, yetti kunda xatm qilar erdi, deyishadi.

Bu yerda yuqoridagi hadis qisqacha takrorlangan.

25-bob. Qurʼon qiroati vaqtida yigʻlamoq haqida

Abdulloh ibn Masʼud raziyallohu anhu aytadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Bir Qurʼon oʻqib bersangiz!»—dedilar. Men: «Ey Ollohning rasuli, sizga men Qurʼon oʻqib berayinmi, axir Qurʼon sizga tushirilgan-ku?!» — dedim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men Qurʼonni oʻzimdanda boʻlakdan eshitmoqni xushlayman»,— dedilar. Men «Niso» surasini oʻqiyotib, «Endi, ul kun ne holat paydo boʻlur, vaqtiki biz chaqirurmiz har ummatdan guvoh va keltirurmiz sizni ularga guvoh qilib» degan oyatga yetganimda, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Toʻxta, yetarli!»—deb amr qildilar. Qarasam, Janob Rasulullohning ikki koʻzlaridan yosh quyilayotir».

26-bob. Qurʼon qiroati birlan riyo qilguvchi, Qurʼon qiroati birlan tirikchilik qilguvchi hamda Qurʼon qiroati birlan maqtanguvchi shaxslar haqida

Ali raziyallohu anhu aytadilar: «Men Paygʻambar sallallohu alayhi va sallamdan bunday deb eshitdim: «Zamon oxirida shunday bir qavm kelurki, oʻzlari yosh, aqlari past boʻlib, Ollohning kalomidan, rasulullohning soʻzlaridan gapirurlar, islomdan ersa oʻq kamondan qanday otlsa, shunday tez chiqurlar, ularning iymonlari tomoqlaridan nariga oʻtmagay. Ularni qaerda koʻrsangizlar, oʻldiringizlar, chunki ularni oʻldirgan odamga qiyomatda ulugʻ ajr bordur!»

Abu Saʼid al-Xudriy raziyallohu anhu aytadilar: «Men Janob Rasulullohdan eshitgan erdim, bunday degan erdilar: «Sizlarning ichingizdan shunday bir qavm chiqurki, ular oʻzlarining namozlari birlan namozlaringizni tahqir qilurlar, roʻzalari birlan roʻzalaringizni tahqir qilurlar, amallari birlan amallaringizni tahqir qilurlar. Qurʼon oʻqisalar, qiroatlari tomoqlaridan nariga oʻtmagay, dindan oʻq kamondan otilgandek tez chiqurlar, oʻqning tigiga qarasalar, ovdan nishon yoʻq, kamonga qarasalar, unda ham hech vaqo yoʻq, ipiga qarasalar ham, hech narsa yoʻq, keyin oʻq otildimi-yoʻqmi, shak qila boshlagaylar» (Mazkur hadisda bora-bora insonlarda, ayniqsa yoshlarda eʼtiqodning yoʻqolib ketishi, qalbdan samimiy iymonning kamayishi nazarda tutiladi. Odamlarning xoʻjakoʻrsinga qiladirgan ibodatu tilovati Ollohning huzurida hech qabuliyatga ega ermasligi bekor ketgan va nishonga tegmagan oʻqqa misol qilinadi).

27-bob. Dilingizni (xayolingizni) bir joyga yig'ib Qur'on o'qingiz!

Jundub ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Payg'ambar alayhissalom: «Dilingizni jamlab Qur'on o'qingiz, agar dilingiz faromush bo'lsa, turib ketingiz!»—dedilar».

Abdullohdan nakl qilinadiki, ul kishi bir odamning qiroatini eshitib qoldilar. Abdulloh o'shal odam qiroat qilgan surani Janob Rasulullohdan o'rganib, boshqacha uslubda qiroat qilur erdilar. «Men o'shal odamni qo'lidan ushlab Janob Rasulullohning qoshlariga olib bordim,— deydilar. Abdulloh,— shunda ul zot: «Ikkovingiz ham chiroyli o'qiyotirsiz, shunday o'qiyveringizlar!» —dedilar. Agar yanglishmasam, ul zot yana: «Sizlardan ilgarigi qavm ixtilof qilgan erdi, ixtiloflari ularni halok qildi» — deb ham aytdilar».

NIKOH KITOBI

Nikohga targ'ib qilish haqida. Oллоh taolo bu xususda: **«Bas, nikohlaringizga olingizlar xotinlardan ta'blaringiz suygan ikki va uch va to'rttasini»**,—deydi («An-Niso» surasi, 3- oyat)

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Uch nafar kishi Janob Rasulullohning ayollari yashaydirgan hujralarga kelib, ul zotning toat-ibodatlarini xususida so'radi. Ayollar bu haqda xabar berishgach, ular tortishib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qayoqdalar-u, biz qayoqdamiz, ul zotga tenglashishga bizga yo'l bo'lsin! Axir, Oллоh taolo ul zotning sobiq va kelgusi gunohlarini mag'firat qilgan-ku!» — deyishdi. Shunda ulardan biri: «Ammo, men bo'lsam, doimo tunda namoz o'qiyman»,— dedi. Boshqasi: «Men og'iz ochmay uzok, ro'za tutaman (ya'ni, surunkasiga bir necha kun og'iz ochmay ro'za tutaman)»,— dedi. Yana biri: «Men ersam, ayollardan nari yuraman, hech qachon uylanmayman»,— dedi. Keyin, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kelib, ularga: «Shunday va shunday deb aytgan sizlarmi? Ammo, Oллоh taolo haqi, men Oллоh taolodan sizlardan ko'ra ko'proq qo'rqib taqvo qilurman, lekin men ro'za ham tutaman, og'iz ham ochaman, namoz ham o'qiyman, dam ham olaman (uxlayman ham), ayollarga uylanaman ham. Kimki mening sunnatimdan yuz o'g'irsa, u mendan emasdur (ya'ni, mening ummatim emasdur)!»—dedilar».

Zuhriy rivoyat qiladilar: «Urva Oisha onamizdan Oллоh taoloning «Va agar sizlar yetim qizlarga nisbatan noinsoflik qilib qo'yishdan qo'rqsangizlar, bas nikohlaringizga olingizlar xotinlardan ta'blaringiz suygan ikki va uch va to'rttasini, agar barobar (teng) ta'minlay olmasligingizdan qo'rqsangizlar, ul holda bir xotin kifoya qilur yoki mulklaringiz bo'lmish cho'rilarni nikohingizga olsangiz bo'lur, bunda umid borki, bir tarafga og'massizlar» («An-Niso» surasi, 3- oyat) degan oyati karimasi haqida so'radi. Oisha onamiz: «Ey jiyanim, (odatda) yetim qiz o'z valiysining nazoratida bo'lib, valiy uning molu jamoliga qiziqadi-da, bir oz mahr berib unga uylanmoqchi bo'ladi. Shu boisdan ham, valiyalar (etim qiz asraganlar), to'liq mahr bermay adolaqizlik qiladilar deb, yetimcha qizlarga uylanishdan qaytarildilar, ammo yetimcha qizlardan bo'lak ayollarga uylanishlariga ijozat berildi»,— dedilar».

1-bob. Janob Rasulullohning «Sizlardan kimda-kim uylanishga qudrati yeqa, uylansin, chunki bu uning ko'zlarini tuban tushirib, o'zini zinodan saqlaydi, nikohga hojati bo'lmagan kimsa uylanarmi-di?!» degan qavllari haqida

Alqama raziyallohu annhu rivoyat qiladilar: «Men Abdulloh birlan birga erdim, Usmon Minoda unga yo'liqib: «Ey Abu Abdurrahmon, mening senda bir ishim bor»,— dedi, so'ng ikkalasi chetga chiqdi. Usmon Abdullohga: «Ey Abu Abdurrahmon, biz seni bir bokira qizga uylantirib qo'yaylikmi?»—dedi. Usmon Abdullohning bunga ehtiyoji yo'qligini bilgach, menga ishora qilib: «Ey Alqama, men bundan qo'limni yuvib, qo'ltig'imga urdim! Menga u: «Ammo, agar buni birovga ayqang...»,— deyapti. Payg'ambarimiz ersalar bizga: «Ey yigitlar, sizlardan kimda-kim qudrati yeqa, uylansin, qudrati yetmaganlar ersa, ro'za tuqin, chunki bundaylarning tuxumi palag'dadur!» — deb aytganlar»,— dedi».

2-bob. Qudrati yetmaganlar ersa, ro`za tutgin!

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz — kuchimizni qaerga ishlatishni bilmaydirgan bir guruh yigitlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga erdik, shunda ul zot bizga: «Ey yigitlar, sizlardan kimda-kim qudrati yeqa, uylansin, chunki bu uning ko`zlarini tuban tushirib, o`zini zinodan saqlaydi, qudrati yetmaganlar ersa, ro`za tuqin, chunki bundaylarning tuxumi palag`dadur!»—deb aytdilar».

3-bob. Ko`pxotinlilik haqida

Ato raziyallohu anohu rivoyat qiladilar: «Biz Ibn Abbos birlan birgalikda Sarafga — Maymunaning janozasiga bordik. Shunda Ibn Abbos: «Bu Janob Rasulullohning jufti halollaridur, agar tobutlarini ko`tarsangizlar, silkitmay, titratmay asta yuringizlar, chunki Janob Rasulullohning to`qqizta xotinlari bor erdi, ul zot sakkiztasiga ajratib, bittasiga ajratmas erdilar»,— dedi». (Maymuna onamiz boshqa onalarimizga nisbatan sabrqanoatliroq bo`lgan bo`lsalar, Janob Rasululloh ul muhta-ramaga g`azotda olingan o`ljalardan ulush ajratmagan bo`lishlari mumkin, yana Olloh taoloning o`zi yaxshiroq bilur!)

Anas raziyallohu aihu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning to`qqizta xotinlari bo`lib, bir kechada hammasini aylanib chiqardilar».

Sa`id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Ibn Abbos menga: «Uylandingmi?» — dedi. Men: «Yo`q»,— dedim. U: «Uylangin, zero bu ummatning eng yaxshisi (ya`ni, Janob Rasululloh) — eng xotini ko`pidur!» — dedi».

4-bob. Kim nima niyatda hijrat yoki biror kori xayr qilgan bo`lsa, albatta o`shanga erishadi, xotin olmoqni niyat qilgan xotin oladi

Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Ishlar niyatga bog`liqdur, darhaqiqat kishi niyat qilgan narsasiga muyassar bo`ladi. Kimki Olloh taolo birlan uning rasuli yo`lida hijrat qilgan bo`lsa, hijrati Olloh taolo birlan uning rasuli yo`lida bo`lgan bo`ladi, kimki mol-dunyo uchun hijrat qilgan bo`lsa, mol-dunyoga erishadi yoki uylanmoq uchun hijrat qilgan bo`lsa, uylanadi, chunki nimani deb hijrat qilgan bo`lsa, o`shanga erishadi».

5-bob. Hamrohi Qur`onu islom bo`lgan muhtoj kishini uylantirmoq lozimligi haqida

Ibn Mas`ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga g`azot qilur erdik, xotinlarimiz yo`q erdi. Shunda, biz: «Yo Rasulalloh, dunyodan toq o`tmaylikmi?»—dedik. Ul zot bizni bunday qilmog`imizdan qaytardilar».

6-bob. Kishining o`z musulmon birodariga: «Qaysi xotinimni istasang, o`shani tanla, seni deb men undan voz kechaman!» — deb aytmog`i xususida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Abdurrahmon ibn Avf kirib keldi, Janob Rasululloh uni Sa`d ibn ar-Rabi` birlan aka-uka tutintirib qo`ydilar. Sa`dning ikkita xotini bo`lib, u Abdurrahmonga: «Ahlu ayolim birlan molu dunyomning teng yarmini o`zingga olgil!» —

deb taklif qildi. Shunda, Abdurrahmon: «Oллоh taolo senga, ahlu ayolingga hamda molu dunyongga baraka ato eqin, meni bozorga olib boringizlar!» — dedi. Uni bozorga olib borishgan erdi, u ozgina pishloq, ozgina sariyog xarid qildi. Bir necha kundan keyin, Janob Rasululloh uni uchratib qoldilar, qo'lida (yoki egnida) bir sarig narsaning dogi bor erdi. Ul zot unga: «Ey Abdurrahmon, ahvoling nechuk?» — dedilar. U: «Bir ansoriya xotinga uylandim»,— dedi. Ul zot «Nima berding?» — dedilar. Abdurrahmon: «Danakdek oltin»,— dedi. Ul zot: «Bitta qo'y so'yib bo'lsa ham, to'y qilgil!» — dedilar».

7-bob. Tarki dunyo qilmoq va dunyodan toq o'tmoqning makruhligi haqida

Sa'd ibn Abu Vaqqos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Usmon ibn Maz'unga dunyodan toq o'tmoqni rad qildilar, agar ul kishiga ijizat berganlarida biz ham dunyodan toq o'tgan bo'lur erdik!».

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga gazot qilur erdik, hech narsamiz (xotinlarimiz) yo'q erdi. Shunda, biz. «Yo Rasulalloh, dunyodan toq o'taylikmi?»—dedik. Ul zot bizni bunday qilmoqqan qaytardilar, so'ng mahriga bir ko'ylak berib bo'lsa ham, uylanmog'imizga ruxsat berdilar. Keyin, «Ey mo'minlar, Oллоh taolo sizlarga halol qilgan ne'matlarni harom qilmangizlar va tajovuz qilmangizlarki, Oллоh taolo tajovuz qilguvchilarni yaxshi ko'rmaydi» degan oyati karimani bizga qiroat qildilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, men yosh (yigit)man, biror yomon ish qilib qo'yimasaydim, deb o'zimdan xavotirlanaman, uylanay desam, hech vaqom yo'q!» — dedim. Ul zot gapimga javob bermadilar. Men boyagi gapimni yana takrorladim, ul zot yana indamadilar. Men yana qaytardim, ul zot yana sukut qildilar, men yana aytdim, shunda ul zot menga: «Ey Abu Hurayra, senga munosib ko'rilgan narsani allaqachonlar (taqdir) qalami bitib qo'ygandur, bunga tan ber yoki tan berma (baribir taqdiringdagi bo'ladi)»,— dedilar».

8-bob Bokira qizlarni nikohlab olish xususida

Ibn Abu Mulayka rivoyat qiladilar: «Ibn Abbas Oisha onamizga «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sizdan bo'lak bokiraga uylanmaganlar»,— dedi».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, agar bir vodiya tushsangiz-u, ul yerda mevasidan yeyilgan va mevasidan hali yeyilmagan ikki daraxtni ko'rsangiz, qaysi birining tagida tuyangizni o'tlatar erdingiz!» — dedim. Ul zot «Usha hali mevasidan yeyilmagan daraxtning tagida!» — dedilar» Oisha onamiz bu birlan Janob Rasulullohning o'zlaridan bo'lak bokiraga uylanmaganlarini nazarda tutyaptilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Sen menga tushimda ikki bor ko'rsatilgansan, bir kishi seni bir parcha ipak matoga o'rab ko'tarib ketayotgan ermish-u, menga «Bu sening xotining!» — der ermish. Keyin, men matoni ochib ko'rsam, haqiqatan ham bu sen ermishsan. Shunda, men «Agar bu tushim Oллоh taolo tarafidan sodir qilingan bo'lsa, albatta uni ro'yobga chiqaradi!»—deb qo'ydim».

9-bob Juvon ayollar haqida

Ummu Habiba rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Na qizlaringizni va na singillaringizni menga taklif qilmangizlar!»— dedilar» (ya'ni, Janob Rasululloh o'z xotinlarining ilgarigi erlaridan bo'lgan qizlarini va ularning singillarini nazarda tutib «Mening ularga uylanishim mumkin ermas, Oллоh taolo buni harom qilgan»,— deyaptilar, chunki ularning qizi Janob Rasulullohga o'gay qiz, singillari ersa, qaynsingil bo'ladi)

Jobir ibn Abdulloh; rivoyat qiladilar «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga g'azotdan qaytdik. Men tuyamni tezlatib ildamlab ketdim. Bir otliq ketimdan yetib kelib, qo'lidagi tayoq birlan tuyamni nuqidi, tuyam sen ko'rgan eng chopqir tuya kabi lo'killab yugurib ketdi. Janob Rasululloh buni ko'rib «Nega shoshyapsan?» — dedilar. Men: «Chillali kuyovman»,— dedim. Ul zot «Bokiraga uylandingmi yoki juvongami?» — dedilar. Men «Juvon»,— dedim. Ul zot «Qiz bola bo'lganida bir-biringizga ovunchoq bo'lgan bo'lur erdingizlar!» — dedilar (hazilla-shib) Yetib borgach, uylarimizga kirmoqchi bo'lib erdik, ul zot «Kech kirguncha kirmay turingizlar, toki (xotinlaringiz) to'ziq sochlarini tarab olsin, o'z'laringiz bo'lsangizlar, soch-soqollaringizni olib ulguringizlar!»— dedilar».

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men uylandim Janob Rasululloh menga «Kimga uylanding?»—dedilar. Men «Juvonga»,— dedim. Ul zot «Nechun bokiraga uylanmading? Bokiraga uylanganingda erdi, (noz-karashma qilib) o'ynashar erdi!»— dedilar».

10-bob. Yosh bokira qizlarni erga bermoq xususida

Urva raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakr Siddiqdan Oishani o'zlariga nikohlab bermoqlarini so'radilar. Abu Bakr Siddiq ul zotga «Darhaqiqat, men sizning birodaringizman!» — dedilar. Ul zot «Siz Oллоh taoloning dini va Kitobi bo'yicha mening birodarimdursiz, shul boisdan Oisha mening uchun haloldur!»—dedilar».

11-bob. Kimga uylanmoq kerak va qanday ayol uylan-moqqa yaxshiroqdur?

Abu Qurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Tuya minadirgan ayollar yaxshiroqdurDuraysh o'z ayollarini yoshlikdanoq bolajon va eriga mehribon qilib tarbiyalaydi»,—dedilar».

12-bob. Cho'ri saqlamoq va cho'risini ozod qilib, keyin unga uylangan shaxs xususida

Abu Burda otalaridan naql qshadilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Kimda-kim qo'lidagi cho'risiga mukammal ta'lim berib, axloq-odob o'rgatib, so'ng uni ozod qilib, unga uylansa, ikkita savob olgay, ahli kitoblardan bo'lmish qaysi bir odam o'z payg'ambarlariga hamda menga iymon keltirsa, unga ham ikkita savob tekkay,qaysidir mamluk o'z valiysining haqini hamda Oллоh taoloning haqini ado eqa, u ham ikkita savob olgay»,— dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar birlan Madina oralig`ida uch kun qolib, Safiyyaga uylandilar. Men musulmonlarni Janob Rasulullohning ziyofatlariga taklif qildim. Dasturxonga qo'yishga na non va na go'sht bor erdi. Janob Rasululloh: «Boriga qanoat qilingizlar!» — dedilar. Keyin, dasturxonga xurmo, pishloq va yog` tortildi, shul tariqa ziyofatlari bo'lib o'tdi. Musulmonlar: «Safiyya mo'minlarning onalaridan biri bo'larmikan yoki cho'rilaridan biri bo'larmikan?» — deyishdi. Keyin, ular yana: «Agar uni hijob (parda) ichiga olsalar, demak u mo'minlarning onalaridan biri bo'ladi, aks holda cho'rilaridan biri bo'ladi», — deyishdi. Janob Rasululloh Safiyyaning kajavasi ketlaridan yo'lga tushganda, u birlan odamlar orasiga parda tortib qo'ydilar».

13-bob. Cho'rining ozod qilinganligini unga berilgan mahr, deb hisoblagan kishi haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safiyyani ozod qildilar va uning ozod qilinganligini unga berilgan mahr o'rnida ko'rdilar».

14-bob. Muhtoj (og'ir ahvolda qolgan) kishini uylantirish xususida. Oллоh taolo: «Agar faqir bo'lsalar, Oллоh o'z fazlidan ato etib, ularni boy qiladi», — deydi.

Sahl ibn Sa'd as-So'idiy rivoyat qiladilar: «Bir ayol Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, o'zimni sizga bag'ishlagani kel-dim!» — dedi. Janob Rasululloh unga qarab bir o'qrayib qo'yidilar-da, boshlarini quyi tushirdilar. Ayol, Janob Rasulullohning o'zi xususida biror qarorga kelmaganlarini ko'rgach, o'ltirdi. Shunda Janob Rasulullohning sahobalaridan biri o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh, agar sizning bu ayolga ehtiyojingiz bo'lmasa, meni unga uylantirib qo'yingiz!» — dedi. Janob Rasululloh: «Mahr uchun biror narsang bormi?» — dedilar. U: «Yo Rasulalloh, Oллоh taolo haqi, hech vaqom yo'q!» — dedi. Ul zot: «Uyingga borgin-da, mahrga yaragulik biror narsa topib kel!» — dedilar. U uyiga borib, qaytib keldi-da: «Yo Rasulalloh, xudo haqi, hech narsa topolmadim!» — dedi. Ul zot: «Bor, loaqal bir temir uzuk bo'lsa ham, olib kel!» — dedilar. U yana borib, qaytib keldi-da: «Yo Rasulalloh, xudo haqi, hatto bitta temir uzuk ham topolmadim, ammo mening mana bu izorim (ishtonim) bor», — dedi. Uning ridosi (badanning beldan tepa qismini berkitadigan kiyim) bo'lmay, faqat izori bor erdi, demak u mahrga izorining yarmini berishi kerak erdi. Janob Rasululloh: «Izoringni qanday qilib mahrga berasan? Agar uni sen kiysang, ayolingga undan hech vaqo qolmaydi va agar uni ayoling kiysa, senga undan hech vaqo qolmaydi», — dedilar. Boyagi sahoba uzoq vaqt o'ltirib qoldi. Keyin, Janob Rasululloh o'rinlaridan turib, uning mung'ayib o'tirganini ko'rdilar-da, uni qoshlariga chaqirdilar. U qoshlariga kelgach: «Qur'ondan nimalarni bilasan?» — dedilar. U: «Men falon va falon suralarni bilaman» — deb o'zi bilgan suralarni sanay ketdi. Janob Rasululloh: «Ularni yoddan qiroat qila olasanmi?» — dedilar. U: «Ha», — dedi. Janob Rasululloh: «Ketaver, Qur'ondan yod bilgan surala-ringni mahr qilib, bu ayolni senga olib berdim!» — dedilar».

15-bob. Din borasida tenglar haqida.

Oллоh taolo: «**Va uldur ul zotiki, yaratdi suvdan odamizodni keyin qildi uni nasab va kuyovlik sohibi va sening parvardigoring qodirdur**» (ya'ni, maniydan insondek bir izzatli maxluqni yaratdi, keyin undan naslu nasab va kuyovlik aloqalarini vujudga keltirdi, birgina ojiz insondan jamoalar paydo qildi») («Al-

Furqon» surasi, 54- oyat)

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Badr g'azotida bo'lgan Abu Huzayfa Solimni o'ziga o'g'il qilib olib, uni akasining qizi Hind (binti al-Valiyd ibn Utba ibn Rabiya)ga uylantirib qo'ydi. U bir ansoriyning xotini mavlosi erdi. Shuningdek, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ham Zaydni o'zlariga o'g'il qilib olgan erdilar. Johiliyat davrida odamlar o'g'il qilib olingan bolani o'sha o'g'il qilib olgan odamning ismi birlan, ya'ni «Ey falonchining o'g'li» deb chaqirishar erdi. Keyin, Oллоh taolo «Ularni (o'g'il qilib olingan bolalarni) o'z otalarining ismi birlan chaqiringizlar!...» degan oyati karimasini nozil qildi. Abu Huzayfa ibn Utbaning xotini Sahla binti Suhayl ibn Amr al-Qurayshiy (keyinroq, al-Omiriy) Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, biz Solimni bola, deb hisoblar erdik, bu haqda Oллоh taolo o'z oyati karimasini nozil qilganini endi bildim»,— dedi-da, bo'lgan voqeani aytib berdi».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zibo'a binti az-Zubayrning huzuriga kirib: «Menimcha, sen haj qilmoqchiga o'xshaysan?» — dedilar. Zibo'a «Oллоh taolo haqi, bunga kasalligimdan bo'lak mone'lik yo'q» — dedi. Janob Rasululloh unga «Hajga niyat qilavergil-da, «Yo parvardigoro, o'zing meni qimirlay olmaydirgan qilib qo'ygan joyimda (kasal qilib yotqizib qo'ygan joyimda) hajimni qabul qilgaysan!» — deb iltijo qilgil!» — dedilar. Bu ayol Miqdod ibn al-Asvadning xotini erdi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh «Ayolga uning quyidagi to'rt narsasi uchun uylanasan molini, zotini, jamolini va diynini deb. Agar (o'z diningdan chiqib boshqa) dindagi ayolga uylansang, xayriyatga erishmaysan!» — dedilar».

Sahl raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Mana bu masala xususida nima deysizlar?»—deb so'radi. Ular (sahobalar) «Agar biror ayolni xotinlikka so'ragan bo'lsa, unga uylanmog'i lozim, agar shafolat talab qilinsa, shafolat qilmog'i darkor va agar birov gapirsa, eshitmog'i lozim»,— deyishdi. Keyin, u indamay faqir musulmonlarning oldiga borib «Mana bu masalaga nima deysizlar?» — deb so'radi. «Agar biror ayolni xotinlikka so'ragan bo'lsa, uylanmasa ham bo'ladi, agar shafolat talab qilinsa, shafolat qilmasa ham bo'ladi va agar birov gapirsa, eshitmasa ham bo'ladi»,— deyishdi. Janob Rasululloh «Bu (Din xususida barchani barobar ko'rgan odam) — yer yuzi to'la ana shundaylardan ham yaxshiroqdur!» — dedilar»

16-bob Boylik borasida tenglar va kambag'al ayollarga uylanish xususida

Ibn Shihob raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Urva Oisha onamizdan Oллоh taoloning «Va agar sizlar yetim qizlarga nisbatan noinsoflik qilib qo'yishdan qo'rqsangizlar» degan oyati karimasi haqida so'radi. Oisha onamiz bunday dedilar «Ey jiyanim, yetim qiz o'z valiysining nazoratida bo'ladi, u ersa qizning jamoli va moliga ega bo'lib olmoqchi bo'ladi-da, unga kam mahr berib uylanmoqqa intiladi. Shul boisdan ular (valiylar) yetim qizlarga uylanmoqdan qaytarildilar, ammo yetim qizlarga insof qilib, mahrini to'la-to'kis bersalar, ularga uylanishlari mumkin bo'ldi, aks holda ulardan bo'lak ayollarga uylanish buyurildi. Shundan so'ng, odamlar Janob Rasulullohdan fatvo so'rashib erdi, Oллоh taolo «Va ey habib, odamlar sizdan xotinlarni nikohlariga olmoq xususida fatvo surarlar

(«nikohlaringizga olmoqchi bo'lasizlar ularni» degan qavligacha)» degan oyati karimasini nozil qildi. Oллоh taolo ularga «Agar yetim qiz go'zal va badavlat bo'lsa, to'la mahr bermay unga uylanishga intildingizlar, agar xunuk yoki kambag'al bo'lsa, ularni qo'yib, boshqa ayollarga uylandingizlar»,— dedi. Yetim qizlarni kambag'al yoki xunuk, deb ularga uylanmaganlaridan keyin, ularning husni va jamoli uchun ham uylanmoqlariga yo'l yo'qdur. Ammo, ularga insof qilib, to'la-to'kis mahr bersalar, uylanmoqlari mumkindur»

17-bob. Xotindan sodir bo'ladirgan baxqizlik xususida. Oллоh taolo: «Darhaqiqat, xotiningizdan va bolalaringizdan ayrimlari sizga dushmandur!»—deydi

Abdulloh ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Baxqizlik xotinda, xonadonda va otdadur»,— dedilar».

Ibn Umar: «Odamlar Janob Rasulullohning huzurlarida baxqizlik xususida so'zlashdi. Shunda, ul zot «Agar biror narsada baxqizlik bo'lsa, u ham xotinda, xonadonda va otdadur»,— dedilar».

Sahl ibn Sa'd bunday deydilar. «Janob Payg'ambarimiz alayhissalom «Agar biror narsada (baxqizlik) bo'lsa, u ham otda, xotinda va xonadondadur»,— dedilar».

Usoma ibn Zayd rivoyat qiladilar. «Payg'ambarimiz alayhissalom «Uzimdan keyin erkaklarga xotinlardan ko'ra zararliroq fitna qoldirmadim»,—dedilar».

18-bob. Qo'l ostidagi ozod ayol xususida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «(Cho'ri) Bariraga nisbatan uch sunnatni ado etmog'im kerak erdi, men uni ozod qilib, so'ng eri huzuriga borish yoki qolish ixtiyorini o'ziga berdim. Janob Rasululloh: «Uni ozod qilaver, unga homiylik huquqi ozod qilgan shaxsning qo'lga o'tadi»,— degandilar. Bir kuni Janob Rasululloh hujramga kirib keldilar, shunda qozon ostiga o't qalangan erdi. Ul zot taom hidini sezib: «Qozon ko'rinmaydimi?» — dedilar. Men: «Bariraga sadaqa qilingan go'shtni (qozonga solib qo'yganman), darvoqe siz sadaqa yemaysizku!» — dedim. Ul zot: «Bu go'sht Bariraga sadaqa qilingan, bizga ersa hadyadur»,— dedilar».

19-bob. To'rttadan ziyod xotinga uylanilmaydi. Oллоh taolo: «Ikkitadan va uchtadan va to'rttadan»,— degan

Ali ibn Xusayn raziyallohu anhu: «Ikkitadan va uchtadan va to'rttadan»,— dedilar. Oллоh taolo: «(Farishtalarning ham) ikkitadan va uchtadan va to'rttadan qanotlari bor-dur»— deydi, ya'ni «ikkita, uchta va to'rtta».

Oisha raziyallohu anho bunday deydilar: «Va agar sizlar yetim qizlarga nisbatan noinsoflik qilib qo'yishdan qo'rqsangizlar...» degan oyati karimaning mazmuni shuki, yetim qiz o'z xojasining nazoratida (qo'l ostida) bo'ladi, xojasi uning moliga ega bo'lib olmoq niyatida unga uylanadi, keyin unga na yaxshi muomala qiladi va na uning moli xususida adolat qiladi, bas bundaylar ta'blari suygan boshqa xotinlardan ikkitasi, uchtasi va to'rttasiga uylansinlar».

20-bob. «Va sizlarni emizgan onalaringizni...» va (sizlar birlan) emishganlarni va nasab jihatidan ta'qiqlanganlarni (nikohingizga olmog'ingiz) haromdur!

Janob Rasululloh Oisha onamizning huzurlarida erkanliklarida Oisha onamiz bir kishining Hafsa raziyallohu anhoning huzuriga kirmoqqa ijozat so'rayotganini eshitib-dilar. Oisha onamiz bunday deydilar: «Shunda, men: «Yo Rasulalloh! Anavi kishi hujrangizga kirmoqqa izn so'rayotir»,— dedim. Ul zot: «Kimligini ko'rib turibman, u Hafsaning emishgan amakisi bo'ladi»,— dedilar. Men: «Agar shunday bo'lsa, u holda uning emishgan amakisi mening ham huzurimga kirishi mumkin erkan-da?» — dedim. Ul zot:

«Ha, tug'ishganlik nimani man' qilsa, emishganlik ham shuni man' qiladi»,— dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Odamlar Janob Rasulullohga: «Hamzaning qiziga uylanmaysiz-mi?» — deyishdi. Ul zot: «Ul qiz mening emishgan akamning qizlari bo'ladi!»—dedilar».

Zaynab binti Abu Salama rivoyat qiladilar: «Abu Sufyonning qizi Ummu Habiba: «Yo Rasulalloh, Abu Sufyonning qizi bo'lmish singlimga uylaningiz!» — dedi. Ul zot: «Sen shuni istaysanmi?» — dedilar. U: «Ha, men sizga qarshilik qilmayman, mening baxtingga singlim ham sherik bo'lmog'ini istayman!» —dedi. Ul zot: «Bu menga sira ham mumkin ermas!» — dedilar. U: «Biz sizni Ummu Salamaning qiziga uylanmoqchisiz, deb yuribmiz!»—dedi. Ul zot: «Ummu Salamaning qiziga?» — dedilar. U: «Ha»,— dedi. Ul zot: «Hatto u mening qo'limda tarbiyalanmayotgan qiz bo'lganida ham bu menga mumkin ermas. Axir, u mening emishgan akamning qizi-ku! Men birlan Abu Salamani Suvayba emizgan-ku! Menga qizlaringizni ham, singillaringizni ham taklif qilmangizlar!» — dedilar. Urva bunday deydilar: «Suvayba Abu Lahabning cho'risi bo'lib, u uni ozod qilgan erdi, keyin Suvayba Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni emizdi. Abu Lahab o'lgach, uning oila a'zolaridan biri uni tushida ko'rdi. U tushida Abu Lahabga: «Qanday savobli ishlaring borligini bilding?» — dedi. Abu Lahab: «Sizlarni tark etgach, Suvaybani ozod qilganimdan bo'lak biror savobli ishim borligini ko'rmadim!» — dedi».

21-bob. «Ikki yil emizgandan so'ng, emizish yo'q!» degan shaxs xususida. Oллоh taolo: «(Va onalar o'z bolalarini) butun ikki yil davomida emizsinlar, bul hukm emizish muddatin nihoyasiga yetkazmoqni istaganlar uchundur»,— deydi («Al-Baqara» surasi, 233- oyat). Kam va ko'p (oz va ko'p muddat) emizishga nima mone'lik qiladi?

Masruq raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oishaning hujrasiga kirib kelganlarida uning huzurida bir kishi o'ltirgan erdi. Shunda ul zotning yuzlari o'zgargandek bo'ldi, go'yoki uni yoqtirmagandek bo'ldilar. Oisha buni sezib: «Bu mening (emishgan) ukam!» — dedi. Janob Rasululloh: «Ukalarimdan biri, deb hisobladingmi? Emishganlik ochlikdan sut emadirgan go'daklik chog'idadur!»— dedilar».

22-bob Emishgan erkak xususida

Urva bunday deydilar «Abulqu'aysning birodari Oishaning huzurlariga kelib, ichkariga kirmoqqa izn so'radi. U Oishaning emishgan amakilari bo'lib, bu voqea «Hijob» oyati

nozil bo'lgandan keyin sodir bo'lgan erdi «Shunda,— deydilar Oisha onamiz,— mening ul kishiga ruxsat bergim kelmadi, keyin Janob Rasululloh kelganlarida qilgan ishimni aytdim. Janob Rasululloh ul kishiga ruxsat bermog'imni amr qildilar»

23-bob Emizgan ayolning guvohligi haqida

Ubayd ibn Abu Maryam rivoyat qiladilar: «Uqba bunday dedi: «Men bir ayolga uylandim. Keyin, bir qora xotin huzurimizga kelib «Men ikkalangizni ham emizganman»,— dedi. Men Janob Rasulullohning huzurlariga borib «Yo Rasulalloh, men falonchi qizi falonchiga uylanib erdim, bir qora xotin huzurimizga kelib, ikkalamizni ham emizganini aytdi, lekin u yolg'on gapiryapti»,— dedim. Shunda ul zot yuzlarini teskari o'girib oldilar, men ro'paralariga aylanib o'tib, yana «U yolg'onchi!» — dedim. Ul zot «U birlan qandai yashaysan? Axir, ikkalangizni ham emizganligini ta'kidlayapti-ku! Uni qo'ygil!» — dedilar».

24-bob Qaysi ayollarga uylanmoq halol va qaysi ayollarga uylanmoq haromdur?

Olloh taoloning qavli: **«Harom qilindi sizlarga (o'z) onalaringiz va qizlaringiz va singillaringiz va ammalaringiz va xolalaringiz va birodarlaringiz qizlari va singillaringiz qizlari va sizlarni emizgan onalaringiz (ya'ni, enagalaringiz) va emishgan singillaringiz va xotinlaringiz onalari va sizlar birlan birga yotgan xotinlaringizning qo'l ostingizda parvarish topayotgan qizlari (ya'ni, o'gay qizlaringiz) va agar sizlar ularning onalari ila birga yotmagan bo'lsangizlar, ul holda sizlarga bu gunoh bo'lmas va shuningdek, o'z pushtlaringizdan bo'lgan o'g'illaringiz xotinlariga uylanmoqlaringiz va ikki singilni (opa-siigilni) bir nikoxda jam' qilmoqlaringiz ham sizlarga harom qilindi, illo bo'lib o'tgan narsa bo'lib o'tgandur, darqaqiqat Olloh taolo mag'firat qilguvchi, nihoyatda shafqatli zotdur!»** («An-Niso» surasi, 23-oyat)

Anas raziyallohu anhu Olloh taoloning «Va erli xotinlar ham (sizlarga xarom qilindi), (kofirlarning sizlar gazotda asir olib) mulkingizga aylangan xotinlari bundan mustasnodur» degan oyati karimasi xususida gapirib: «Kishi o'z joriyasini o'z qulidan tortib olsa, hechqisi yo'q, ammo mushrika ayollarga, ular mo'mina bo'lmaganlariga qadar, uylanmangizlar!» — deydilar.

Ibn Abbos «Onasi, qizi va singlisiga uylanmoq harom qilingani kabi, to'rtttadan ortiq ayolga uylanmoq ham haromdur!» — deydilar.

Ibn Abbos «Nasabdosh ayollardan yetti nav'iga (ona, qiz, singil, amma, xola, birodarlar qizi, singillar qizi) va emishganlardan yetti nav'iga (emizgan enaga, emishgan singil, qaynona, o'gay qiz, kelin, qaynsingil, kelinoyi) uylanmoq haromdur»,— dedilar, so'ng Olloh taoloning «Harom qilindi sizlarga (o'z) onalaringiz» deb boshlanadigan oyati karimasini qiroat qildilar.

Abdulloh ibn Ja'far bir vaqtning o'zida Alining qizlari birlan (uning onasidan bo'lak) ayollariga uylanganlar. Ibn Sirin «Buning hechqisi yo'q»,— deydilar Hasan ersalar, avval buni «makruh» deb, keyin «buning zarari yo'q» deb aytganlar. Hasan ibn Hasan ibn Ali bir kechada amakining (onasi boshqa-boshqa) ikki qiziga uylanganlar Jobir ibn Zayd buni qarindoshlik munosabatlariga putur yetkazishi mumkinligidan «makruh» deb,

«Aslida bunga ta'qiq yo'q, chunki Oллоh taolo (24- oyatda) «Mana shulardan boshqa ayollarga uylanmog'ingiz sizlarga halol qilindi» — «degan»,— deydilar. Ikrima Ibn Abbosdan naql qilib: «Agar kishi o'z xotining singlisi birlan zino qilgan bo'lsa, unga xotini harom bo'lib qolmaydi» — deydilar. Abu Ja'far bola birlan uynashgan kishi xususida: Agar u bolaning ortiga kiritgan bo'lsa bolaning onasiga uylana olmaydi»,— deydilar. Ikrima ibn Abbosdan naql qilib «Agar kishi qaynsinglisi birlan zino qilib qo'ysa, unga xotini harom bo'lmaydi» — deydilar. Abu Nasrdan zikr qilinshicha, Ibn Abbos «Xotini harom bo'ladi»,— deb aytgan erkanlar. Imron ibn Husayn, Jobir ibn Zayd, Hasan va ba'zi iroqliklar «Xotini harom bo'ladi»—deyishgan erkan. Abu Hurayra «Harom bo'lmaydi, jimo' qilaveradi» — deydilar. Hazrat Ali «Harom bo'lmaydi, bu haqda oyat nozil qilingan»,— deydilar.

25-bob Oллоh taoloning «Va sizlar birlan birga yotgan xotinlaringizning qo'l ostingizda parvarish topayotgan qizlari...» degan qavli xususida

Ibn Abbos «Ad-Duxuul va al-masiys va al-limos — jimo' qilishlikdur. Agar kimki: «Bolaning qizi»,—desa, demak u ham o'z qizidek bo'lib, unga uylanmog'i haromdur»,— deydilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ummu Habibaga: «Menga (ilgarigi erlaringizdan bo'lgan) qizlaringiz birlan singillaringizni taklif qilmangizlar!»—deb aytganlar. Shuningdek, o'g'illarning bolalarining xotinlari ham o'g'illarning xotinlari kabi bo'lib, uylanmoqqa haromdur. Ugay qiz, agar o'gay otaning qo'l ostida parvarish topmayotgan bo'lsa ham, o'gay otaning unga uylanmog'i haromdur. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'z o'gay qizlarini uni boqishni o'z zimmasiga olgan kishiga berganlar. Ul zot qizlarining qizini «qizim» deb ataganlar».

Ummu Habiba rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, Abu Sufyonning qizi sizga darkormi?» — dedim. Ul zot: «Xo'sh, uni nima qilaman?» — dedilar. Men: «Nikohingizga olasiz»,— dedim. Ul zot: «Shuni xohlaysanmi?» — dedilar. Men: «Sizga bu xususda mone'ligim yo'q, sizga yetishib erishgan baxtimga singlim ham (menga) sherik bo'lsa, deyman!» — dedim. Ul zot: «Unga uylanmog'im mumkin ermas!» — dedilar. Men: «Men eshitdimki, uylanarmishsiz»,— dedim. Ul zot: «Ummu Salamaning qizigami?» — dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Ul zot: «Ugay qizim bo'lmaganida ham bu menga mumkin ermas, chunki Suvayba meni va uning otasini emizgandur. Menga (ilgarigi erlaringizdan bo'lgan) qizlaringiz birlan singillaringizni taklif qilmangizlar!» — dedilar».

Hishom: «Usha qiz Abu Salamaning gavhari erdi»,—deydilar.

26-bob. Ikki singilni (opa-singilni) bir nikohda jam' qilmoqlaringiz qam sizlarga harom qilindi, illo bo'lib o'tgan narsa bo'lib o'tgandur...»

Ummu Habiba rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, Abu Sufyon qizi bo'lmish singlimga uylaningiz!» — dedim. Ul zot: «Sen shuni istaysanmi?»—dedilar. Men: «Ha, sizga bul xususda qarshilik qilmayman, men singlimning baxtimga sherik bo'lmog'ini xohlayman!»—dedim. Ul zot: «Bu menga mumkin ermas»,— dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, Oллоh taolo haqi, biz sizni Abu Salamaning «gavhar» qiziga uylanmoqchisiz deb gapirib yuribmiz»,— dedim. Ul zot: «Abu Salamaning qiziga?»—dedilar, Men: «Ha»,— dedim. Ul zot: «Hatto u mening qo'l ostimda parvarish topmayotgan bo'lganida ham, bu menga mumkin ermas, chunki u mening emishgan akamning qizi bo'lib,

Suvayba men birlan Abu Salamani emizgandur. Menga (ilgarigi erlaringizdan bo'lgan) qizlaringiz birlan singillaringizni taklif qilmangizlar!» — dedilar».

27-bob. Ayol o'z ammasi ustiga nikohlanmaydi!

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ayolning o'z ammasi yoki xolasining ustiga nikohlanmog'ini man' qildilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ayol na ammasi va na xolasi birlan bir nikohga jam' qilinmaydi!» — dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ayolni o'z ammasi ustiga ham, xolasi ustiga ham nikohlamog'dan qaytardilar. Biz ayolning xolasini ammasi maqomida, deb bilurmiz. Chunki, Oisha onamiz: «Nasab jihatidan ta'qiqlanganlari kabi, emishganlik jihatidan ham ta'qiqlangandurlar»,— deb aytganlar».

28-bob. Qizini yoki singlisini birovga uning qizi yoki singlisiga uylanish sharti birlan erga berish haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «shig'or»dan qaytardilar, «shig'or» — bir kishining o'z qizini (yoki singlisini) birovga uning qiziga (yoki singlisiga) uylanish sharti birlan erga berishdur. Bunda har ikki tomon ham mahr bermaydi».

29-bob. Ayol o'zini o'zi biror erkakka bag'ishlasa, joizmi?

Hishom otalaridan nahl qiladilar: «Xavla binti Hakim o'zlarini o'zlari Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bag'ishlagan (hadya qilgan) ayollardan biri erdi. Oisha onamiz bunday deydilar: «Ammo, ayol o'zini o'zi erkakka bag'ishlamog'dan hayo qiladi. Oloh taoloning «Ulardan (xotinlaringizdan) istaganingizning navbatini keyinga surmog'ingiz sizga joizdur» degan qavli nozil bo'lganda, men Janob Rasulullohga: «Yo Rasulalloh, parvardigoringizning sizning xohishingiz xususidagina oshiqayotganini ko'ryapman!» — dedim».

30-bob. Ehromdagi kishining nikohi (eqromdagi kishining uylanmog'i) haqida

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ehromda bo'la turib, uylandilar».

31-bob. Nihoyat, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muvaqqat nikohdan qaytardilar

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar gazoti vaqtida muvaqqat nikoh (nikohul-mut'a)dan va xonaki eshaklar go'shtini yemoqdan qaytardilar».

Abu Hamza rivoyat qiladilar: «Men odamlarning Ibn Abbasdan muvaqqat nikohga ijozat so'rashganini eshitganman. Shunda ul kishi ularga ruxsat berib erdilar».

Ibn Abbasning ozod qilingan qullari Abu Hamzaga: «Vunga noiloj ahvolda qolinganda, ayollar yetishmaganda va shunga o`xshash hollardagina ruxsat qilingan»,— deb aytibdilar.

Salami ibn al-Akva' rivoyat qiladilar: «Biz lashkarlar orasida turgan erdik. Shu payt Janob Rasululloh oldimizga kelib: «Quloq solingizlar, deb sizlarga aytilgan, endi quloq solingizlar!» — dedilar».

Salama ibn al-Akva' rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar biror erkak va ayol o`zaro (muvaqqat nikohga) kelishsalar, ul holda ularga uch kecha ishrat qilmoqlik joizdur va agar bundan ziyodroq yoki kamroq ishrat qilmoqni ixtiyor qilsalar, buni o`zlari kelishib oladilar»,— dedilar. Bu hukm faqat biz g`azotda yurganlarga taalluqlimidi yoki barchagamidi, buni bilmayman».

Abu Ubaydulloh: «Bu (ya'ni, muvaqqat nikohga berilgan ruxsat) keyin bekor qilingan»,— deydilar.

32-bob. Ayolning o`zini o`zi solih erkakka taklif qilmog`i haqida

Sobit al-Bunoniy rivoyat qiladilar: «Men Anasning huzurida erdim, qizi ham shu yerda erdi. Anas: «Bir ayol Janob Rasulullohning huzurlariga keldi-da, o`zini o`zi ul zotga taklif qilib. «Yo Rasulalloh, menga ehtiyojningiz bormi?»—dedi»—deb aytdi. Anasning qizi: «Voy behayo, voy sharmanda, voy sharmanda!» — dedi. Anas qiziga: «U sendan yaxshiroqdur, chunki u Janob Rasulullohga yetishmoqni rag`bat qilib, o`zini o`zi ul zotga taklif qildi!» — dedi».

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Bir ayol o`zini o`zi Janob Rasulullohga taklif qildi. Shunda bir kishi ul zotga: «Yo Rasulalloh, meni unga uylantirib qo`yingiz!» — deb iltimos qildi. Janob Rasululloh: «Mahriga nimang bor?»— dedilar. U. «Hech vaqom yo`q»,— dedi. Janob Rasululloh: «Bor, loaqal bitta temir uzuk bo`lsa ham, topib kel!»— dedilar. U uyiga borib keldi-da: «Yo Rasulalloh, Olloh taolo haqi, hech narsa yo`q, hattoki temir uzuk ham topolmadim, ammo mana bu izorim (ishtonim)ning yarmi unga (mahr) bo`la qolsin!»— dedi. Bechoraning egnida ridosi (ko`ylagi) ham yo`q erdi. Janob Rasululloh: «Izoringni qanday qilib mahr qilasan, axir uni sen kiysang, xotiningga, u kiysa, senga hech vaqo qolmaydi-ku!»— dedilar. Boyagi kishi tarvuzi qo`ltig`idan tushib, o`ltirib qoldi. Anchadan keyin, Janob Rasululloh o`rinlaridan turib, unga ko`zlari tushdi, uni yonlariga chaqirib (yoki chaqirtirib); «Qur`ondan nimalarni bilasan?», — dedilar. U: «Men falon va falon suralarni bilaman» — dedi-da, o`zi bilgan suralarni sanay ketdi. Janob Rasululloh: «Biz seni bu ayolga ega qildik!» — dedilar».

33-bob. Insonning o`z qizi yoki singlisini xayriyat ahliga (xotinlikka) taklif qilmog`i xususida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hafsa binti Umar Janob Rasulullohning sahobalaridan biri bo`lmish Xaniys ibn Xuzofa as-Sahmiy Madinada vafot etib tul qolgan kezlarda Hazrat Umar al-Xattob bunday deb erdilar: «Men Usmon ibn Affonning huzuriga borib, Xafsani unga (xotinlikka) taklif qildim. U menga: «Biroz uylab ko`rayin»,— dedi. Men bir necha kecha kutdim, keyin u menga uchrab: «Shu kunlarda

uylana olmaydirgan ko`rinaman»,— dedi. Keyin, men Abu Bakr as-Siddiqni uchratib, ul kishiga: «Agar istasangiz, (qizim) Hafsanini sizga nikohlab qo`yaman»,— dedim. Ul kishi menga lom-mim demadilar, men Usmondan ko`ra ul kishidan ko`proq xafa bo`ldim. Bir necha kecha kutdim. So`ng, qizim Hafsanini Janob Rasululloh o`zlariga so`rattirib nikohlariga oldilar. Keyinchalik, Abu Bakr as-Siddiq meni uchratib: «Xafsanini menga (xotinlikka) taklif qilganingda lom-mim demaganim uchun mendan xafa bo`lgan bo`lsang kerak»,— dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Abu Bakr as-Siddiq: «Sen menga taklif qilgan narsa xususida javob bermogimga Janob Rasulullohning o`z suhbatlarida Hafsa haqida gapirib o`tganlaridan xabardor bo`lganingina mone`lik qilgan erdi, men ul zotning sirlarini oshkor qila olmas erdim, agar Janob Rasululloh uni olmaganlarida, men olgan bo`lur erdim»,— dedilar».

Zaynab binti Abu Salama rivoyat qiladilar: «Ummu Habiba Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Yo Rasulalloh, biz sizni Abu Salamanning «durdonasi» qiziga uylanmasiz, deb yuribmiz!»— dedi. Janob Rasululloh: «Ummu Salamaga uylanmogim mumkinmi? Ummu Salamaga uylanmogim mumkin bo`lmaganidan keyin, uning qiziga ham uylanmogim mumkin ermas, chunki uning otasi mening emishgan birodarimdur!» — dedilar».

34-bob. Olloh azza va jallaning qavli: «Va gunoh bo`lmas sizlarga ishora ila ul xotinlarga nikoh payg`omini bersangizlar yoki (ul muddaoni) dillaringizda saqlasangizlar, Olloh taolo sizlarning ularga (nikoh xususida) zikr qilishingizni biladi va lekin ular ila maxfiy ravishda nikoh xususida va`dalashmangizlar, illo qoidaga muvofiq biror so`z ayqangizlar (gunoh yo`kdur) va to iddadan chiqmaguncha nikohga qat`iy qaror ham qilmangizlar va bilingizlarki, Olloh taolo dillaringizda bor har bir narsani bilib turur, bas undan ehtiyot bo`lingizlar va bilingizlarki, Olloh taolo mag`firatli rahimdil zotdur!» («Al-Baqara» surasi, 235-oyat)

Yuqoridagi oyatdagi «aknantum» — «ko`nglingizga tugdingiz», «dilingizda saqladingiz» degan ma`noda bo`lib, berkitilgan, o`zgalardan yashirilgan har bir narsani anglatadi.

Ibn Abbos oyatdagi «fiymo arraztum bihi min xitbatin-nisoi» degan qavl uaqida so`zlab: «Masalan, men uylanmoqchi bo`laman-u, dilimda biror soliha ayolning o`zimga muayassar bo`lmogini istayman»,— dedilar.

Qosim: «Biror ayolga uylanmoqni diliga tugib qo`ygan kishi, o`sha ayolga «Sen menga azizsan, ko`nglimdagidek ayolsan, Olloh taolo senga xayriyatni ravo ko`rsin!» kabi so`zlarni aytmog`i mumkin»,— deydilar.

Ato bunday deydilar: «Ishora ila ma`lum qiladi, oshkora aytmaydi. «Men bir xotin olmoq qasdidaman, xudoga shukrki, sen barcha orzu qiladigan ayolsan!» deb aytadi, ayol ham erkak qay yo`sinda gap qilgan bo`lsa, shunday gap qiladi, zarracha ortiq gap aytmaydi. Ayolning valiysi undan yashirincha birovga va`da bermaydi. Agar ayol iddada o`ltirgan vaqtida biror kishi birlan va`dalashgan bo`lsa-yu, keyin u uni o`z nikohiga olgan bo`lsa, ularni ajratib bo`lmaydi».

Hasan: «Lo tuvo`iduuhunna sirran» (ular ila maxfiy ravishda nikoh xususida va`dalashmangizlar) degan qavl zaminida zino mavjud»,— deydilar.

Ibn Abbos: «Al-Kitobu ajaloh» — «iddasi tugaguncha» demakdur»,— deydilar.

35-bob. Uylanmasdan burun ayolni ko`rmoq haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga bunday dedilar: «Men seni tushimda ko`rdim, bir farishta seni ipak matoga o`rab olib ketayotgan erkan. Farishta menga: «Bu sening xotiningdur»,— dedi. Men yuzingni ochib ko`rsam, haqiqatan ham bu sen erkansan. Shunda men: «Agar bu tushim Olloh taolodan bo`lsa, albatta ro`yobga chiqadi!» — deb qo`ydim».

Sahl ibn Sa`d rivoyat qiladilar: «Bir ayol Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, men o`zimni sizga bag`ishlagani (hadya qilgani) keldim!» — dedi. Janob Rasululloh unga bir tikilib, so`ng nigohlarini quyi tushirdilar-da, boshlarini sarak-sarak qildilar. Ayol, ul zotning o`zi xususida biror qarorga kelmaganlarini ko`rgach, o`ltirdi. Shunda sahobalardan biri o`rnidan turib: «Yo Rasulalloh, agar sizning bu ayolga ehtiyojingiz bo`lmasa, ul holda meni unga uylantirib qo`yingiz!» — deb iltimos qildi. Janob Rasululloh: «Mahriga berarlik biror narsang bormi?» — dedilar. U: «Xudo haqi, yo`q, yo Rasulalloh!» — dedi. Janob Rasululloh: «Uyingga borib ko`rgil, biror narsa toparsan!» — dedilar. U uyiga borib, qaytib keldi-da: «Xudo haqi, hech narsa topmadim, yo Rasulalloh!» — dedi. Janob Rasululloh: «Borib qarab ko`r, loaqal bitta temir uzuk bo`lsa ham, topib kel!» — dedilar. U yana borib, qaytib keldi-da: «Xudo haqi, yo Rasulalloh, hatto temir uzuk ham topolmadim. Ammo, mening mana bu izorim (ishtonim) bor»,— dedi. Uning egnida ko`ylagi bo`lmay, izorining yarmini ayolga mahr qilib bermoqchi bo`ldi. Janob Rasululloh: «Izoringni qanday qilib mahriga berasan, axir uni sen kiysang, ayolga, ayol kiysa, senga hech vaqo qolmaydi-ku!» — dedilar. Boyagi kishi uzoq o`ltirib qoldi. So`ng, Janob Rasululloh o`rinlaridan turganlarida uning g`amgin o`ltirganini ko`rib chaqirtirdilar. U kelgach: «Qur`ondan nimalarni bilasan?» — dedilar. U: «Men falon va falon suralarni bilaman» — deya o`zi bilgan suralarni sanay ketdi. Janob Rasululloh. «Bu suralarni yoddan qiroat qila olasanmi?» — dedilar. U: «Ha»,— dedi. Janob Rasululloh: «Ketaver, Qur`ondan bilgan suralaring evaziga biz seni bu ayolga ega qildik!» — dedilar».

36-bob. Faqat valiy ishtirokidagina nikoh qilinadi!

Olloh taolo: «Ularga to`squinlik qilmangizlar!» — deganda juvonna, shuningdek bokirani ham nazarda tutadi. Olloh taolo yana: «Mushriklarga ular mo`min bo`lmaganlari-cha, (musulmon ayollarni) nikoh qilmangizlar!» va «Tul xotinlarni nikohlaringizga olingizlar!» — deydi.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Johiliyat davrida to`rt xil nikoh mavjud erdi. Ulardan biri bugungi kunda ham bor bo`lib, kishi o`z qo`l ostidagi ayollardan birini yoki o`z qizini bir kishiga erga beradi, u ersa mahri berib, uni nikohiga oladi. Ikkinchisi — bir kishi o`z xotiniga, agar u hayzdan poklangan bo`lsa: «Birovga bildirmay falonchining oldiga borgin-da, u birlan kelishib dom olishgin!» — deydi, so`ng u xotinini alohida qilib qo`yib, to o`sha kishidan homiladorligi ma`lum bo`lguncha, unga sira ham qo`l tekkizmaydi. Xotining homiladorligi ma`lum bo`lgach, agar istasa, u birlan yashayveradi. U farzandlik bo`lish niyatidagina shunday qiladi. Bu nikohni «Uzaro kelishilgan nikoh» deb atashgan. Uchinchisi — o`ntacha kishi birgalashib bir ayolning

huzuriga kirishadi-da, hammalari uni jimo' qilishadi, agar u homilador bo'lib, tug'sa, tuqqanidan keyin bir necha kecha o'tgach, boyagi kishilarni chorlab odam yuboradi, ulardan birortasi ham o'zini olib qocholmaydi. Barchalari ayolning huzurida to'planishadi. Ayol ularga: «Qilgan ishlaringizning oqibatini bildingizlar, mana men tug'dim, ey falonchi, bu sening farzanding!» — deb ulardan o'zi xohlagan kishining ismini aytadi-da, bolasini o'sha kishiga topshiradi, u kishi ersa rad etolmaydi. To'rtinchisi — ko'p kishilar yig'ilishib, barchalari bir ayolning huzuriga kirishadi, ayol ulardan birortasiga ham «yo'q» demaydi. Bunday xotinlar fohishalar bo'lib, eshiklari tepasiga belgi sifatida bayroq osib qo'yganlar, istagan kishi ularning huzurlariga kiravergan. Agar bunday ayollardan biri homilador bo'lib qolib, tug'sa, boyagi kishilar uning huzurida to'planishganda, folbin xotinni chaqirishgan. Keyin, kimga fol chiqqan bo'lsa, bolani o'shanga berib yuborishgan, o'ziga fol chiqqan kishining bolani rad qilishga sira iloji bo'lmagan. Oллоh taolo Muhammad sallallohu alayhi va sallamni payg'ambar qilib yuborgach, bugungi kundagi nikohdan bo'lak barcha johiliyat davridagi nikohlar yo'q qilindi».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Oллоh taoloning «Kitobda sizlarga aytilgan hukmlar yetim ayollar xususida bo'lib, sizlar ularga Oллоh taolo tomonidan buyurilgan narsani (mahrni) bermay uylanishga intilasizlar» degan oyati karimasi odamlar qo'lida tarbiyalanayotgan yetim qizlar haqida bo'lib, har ikkalasining (valiy birlan yetim qizning) moli o'rtada bo'lishi ham mumkin. Shunda qizning eng yaqin kishisi bo'lmish valiy qizning molini qizg'anganidan uni birovga erga bermay, o'zi uylanishga ha-rakat qiladi».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hazrat Umar kuyovlari Ibn Xuzofa as-Sahmiy Madinada vafot etib, qizlari Hafsa tul qolgan kezlarda bunday deb aytgan erdilar: «Usmon ibn Affonni uchratib, ul kishiga: «Agar istasangiz, Hafsani sizga nikohlab beraman»,— dedim. Usmon: «Bir o'ylab ko'raychi»,— dedi. Men bir necha kecha kutdim. Keyin, Usmon menga uchrab: «Shu kunlarda uylana olmaydirganga o'xshayman»,— dedi. So'ng, men Abu Bakr Siddiqni uchratib: «Agar istasangiz, Hafsani sizga nikohlab beraman»,— dedim».

Mu'aqqal ibn Yasor «Ularga to'sqinlik qilmangizlar!» degan oyati karimaning o'zlari haqlarida nozil bo'lganini aytib, bunday deydilar: «Men singlimni bir kishiga erga bergan erdim, u uni taloq qildi. Keyin, u singlimning iddasi tugaganda uni yana xotinlikka so'ratgani keldi. Men unga: «Men seni uylantirdim, uy-joyli qildim, izzat-ikrom qildim, sen bo'lsang, uni taloq qilib, endi yana xotinlikka so'ratgani kelding, Oллоh taolo haqi, endi sira ham uni senga qaytarib bermaymiz!» — dedim. U yomon odam ermasdi, singlim ham unikiga qaytib bormoqni istardi. Shunda Oллоh taolo «Ularga to'sqinlik qilmangizlar!» degan oyati karimasini nozil qildi. Men Janob Rasulullohga: «Endi to'sqinlik qilmayman, yo Rasulalloh!» — dedim. Ul zot: «Uni eriga (qayta) turmushga ber!» — dedilar».

37-bob. Agar valiyning (qizga homiylik qiluvchi kishining yoki qizning biror yaqin kishisining) o'zi kuyov bo'lsa, unda u nima qilmog'i kerak?

Mugiyra ibn Shu'ba bir ayolni (amakisining qizini)o'ziga so'rattirdi, u uning eng yaqin kishisi erdi. Shunda u bir kishiga (qizning o'zidan bo'lak yaqin kishisiga) buyurib erdi, u uni qizga uylantirib qo'ydi. Abdurrahmon ibn Avf Ummu Hakim binti Qorizga: «Uzingni menga topshirasanmi?»—dedi. U «Ha»—deb javob berdi. Abdurrahmon unga «Bo'ldi, senga uylandim!» — dedi. Ato qizni ishonti-rish yoki qizni o'ziga nikohlab qo'yishni uning

qarindoshlaridan biriga buyurish maqsadida «Bo'ldi, men seni nikohimga oldim»— dedi. Sahl rivoyat qiladiki, bir ayol Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Men o'zimni sizga bag'ishladim!» — dedi. Shunda bir kishi «Yo Rasulalloh, agar sizning bu ayolga ehtiyojingga bo'lmasa, meni unga uylantirib qo'yingiz!» — dedi.

Oisha raziyallohu anho Oллоh taoloning «Odamlar sizdan ayollar xususida fatvo so'raydilar, siz aytigizki, Oллоh taolo sizlarga fatvo berur» degan oyati haqida so'zlab: «Bu oyat yetim qizlar haqida nozil bo'lgan bo'lib, yetim qiz, odatda, biror kishining qo'lida parvarish topayotgan va o'z molini xojasining moliga qo'shib tasarruf qilayotgan bo'ladi. Xoja ersa unga o'zi uylanmoqchi bo'ladi, chunki u qizning molini qizg'anib, uni birovga erga bergisi kelmaydi. Shul boisdan, Oллоh taolo bunday kishilarni o'z qo'llarida parvarish topayotgan yetim qizlarga uylanmoqdan qaytardi» — dedilar.

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida o'ltirib erdik, bir ayol o'zini ul zotga bag'ishlagani (taklif qilgani) keldi. Ul zot unga bir tikilib qarab, so'ng nigohlarini quyi tushirdilar-da, indamadilar. Shunda sahobalaridan biri «Yo Rasulalloh, meni unga uylantirib qo'yingiz!» — dedi. Ul zot «Mahrga berarlik biror narsang bormi?» — dedilar. U «Menda hech narsa yo'q»,— dedi Ul zot «Loaqal, bitta temir uzuk top!» — dedilar. U «Hatto temir uzuk ham yo'q, ammo mana bu choponimni ikkiga bo'lib, yarmini unga beraman, yarmini o'zim olaman»,— dedi. Ul zot «Io'q, bo'lmaydi. Qur'ondan biror narsa bilasanmi?» — dedilar. U «Ha», — dedi. Ul zot «Bor, ketaver, biz seni Qur'ondan bilgan narsalaring evaziga unga ega qildik!» — dedilar»

38-bob Kishining o'z qizaloqlarini (balog'atga yetmagan qizchalarini) birovga nikohlab qo'ymogi haqida

Oллоh taolo «Va hayz ko'rmagan yosh qizchalarning ham iddalari uch oydur» degan qavli birlan (balog'atga yetmay birovga nikohlab qo'yilgan) qizchalarning ham iddalarini uch oy, deb belgilab ko'ydi («At-Talok;» surasi, 4-oyat)

Hishom otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oishaga olti yashar qizchalik paytida uylanib, to'qqiz yoshga yetganida unga qo'shilganlar, u Janob Rasululloh birlan birga to'qqiz yil yashagan»

39-bob Otaning o'z qizini yoshi ulug' kishiga erga bermog'i haqida

Hazrat Umar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Hafsani o'zlariga xotinlikka so'ratdilar, men ul zotni nikohlab qo'ydim»,— deydilar

Hishom otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oishaga olti yashar qizchalik paytida uylanib, to'qqiz yoshga yetganida unga qo'shilganlar Oisha Janob Rasululloh birlan birga to'qqiz yil yashaganliklari haqida aytganlar»

40-bob. Sulton (hukmdor) — valiydir!

Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Biz seni Qur'ondan bilgan narsalaring evaziga bu xotinga uylantirdik!» — deb aytganlar.

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Bir ayol Janob Rasulullohning huzurlariga kelib «Men o'zimni sizga hadya qildim!» — dedi-da, uzoq kutib turib qoldi. Shunda bir kishi «Agar sizning bu ayolga ehtiyojingga bo'lmasa, meni unga uylantirib qo'ya qolingiz!»—dedi. Ul zot «Mahriga berarlik biror narsang bormi?» — dedilar. U «Mening izorimdan bo'lak hech vaqom yo'q»,— dedi. Ul zot «Agar izoringni unga bersang, izorsiz qolasanku! Boshqa biror narsa topib kel!»—dedilar. U «Hech narsa topolmadim»,— dedi. Ul zot «Loaqa, bitta temir uzuk bo'lsa ham, topib kel!» — dedilar. U topib kelolmadi. Shunda ul zot «Qur'ondan biror narsa bilasanmi?» — dedilar. U «Ha, falon va falon suralarni bilaman»,— deb o'zi bilgan suralarning nomini aytdi. Ul zot «Biz seni Qur'ondan bilgan narsalaring evaziga bu xotinga uylantirdik!» — dedilar»

41-bob. Ota yoki shu kabi kishilar bokira yoki juvoni ularning roziligisiz nikohlamasligi lozim!

Abu X,urayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Tul ayolni, uning o'zi birlan maslahatlashilmay va bokirani, uning o'zidan ijozat so'ramay, nikoxlab qo'yilmaydi»,— dedilar. Sahobalar: «Yo Rasulalloh, bokira qiz qanday qilib ijozat beradi?» («Ha»,— deydi?)» — deyishdi Ul zot: «Agar sukut qilsa, (rizo bo'lganidur)» — deb javob qildilar»

Abu Amr rivoyat qiladilar: «Oisha raziyallohu anho «Yo Rasulalloh, bokira hayo qiladi-ku!» — dedilar. Janob Rasululloh «Sukut qilgani rizo bo'lganidur » — dedilar».

42-bob Agar kishi o'z qizini erga bersa-yu, u rizo bo'lmasa, nikoh bekordur!

Yazid ibn Horisaning o'gillari Abdurrahmon va Mujmi' rivoyat qilishadi «Xanso' binti Xuzom al-Ansoriyani otasi erga berdi. U juvon bo'lib, nikohni rad etdi. Keyin, Janob Rasulullohning huzurlariga kelib bor gapni aytib erdi, ul zot nikohni bekor qildilar»

Yazid ibn Horisaning o'gillari Abdurrahmon va Mujmi'. «Bir kishi Xuzomdan «Qizingni menga nikohlab qo'ygil» — deb iltimos qildi, u uni unga nikohlab qo'ydi» — deb rivoyat qilishadi.

43-bob Yetim qizni erga bermoq haqida. Ollah taoloning qavli: «Va agar sizlar yetim qizlarga noinsoflik qilib qo'yishdan qo'rqsangizlar, bas nikohlaringizga olingizlar (xotinlardan ta'blaringiz suygan ikki va uch va to'rttasini...)

Bir kishi valiyga (ayolning homiisi yoki yaqin qarindoshiga) «Meni falonchi ayolga uylantirib quyingiz!» — degach, uzoq vaqt kutib qolsa yoki valiy «Mahriga berarlik nimang bor» — deb so'raganda, u «Falon va falon narsam bor» — deb ayqa-yu, valiy «Biz seni unga uylantirdik!»—desa, joizdur»,— deyidilar. Sahl Janob Rasulullohni nazarlarida tutib.

Ibn Shihob rivoyat qiladilar: «Urva Oisha onamizdan «Ey onajon, Ollah taoloning «Va agar sizlar yetim qizlarga nisbatan noinsoflik qilib qo'yishdan qo'rqsangizlar («mulklaringiz bo'lgan cho'rilar bo'lur» degan qavligacha)» degan oyati karimasi kimlar xususida nozil bo'lgan?» — deb so'radi. Oisha onamiz bunday dedilar: «Ey jiyanim, odatda yetim qiz biror valiyning qo'lida parvarish topayotgan bo'ladi, valiy ersa yetim qizning jamoli va moliga qiziqib, unga to'la mahr bermay uylanishga intiladi. Shul

boisdan ham, valiyar (etim qiz parvarish qilayotgan kishilar) yetim qizlarga uylanmokdan qaytarildilar».

44-bob Agar kuyov bo'lmish kishi valiylga: «Meni falonchi ayolga uylantirib o'yingiz!» — desa-yu, valiy: «Biz seni falon va falon narsalar evaziga bu ayolga uylantirdik!» — deb ayqa, agarchi kelin bo'lmishga «Rozimisan?» yoki «Qabul qildingmi?» demasa qam, nikoh joizdur!

Sahl raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir ayol Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, o'zini ul zotga taklif qildi. Ul zot «Bugun mening ayollarga hojatim yo'q»,— dedilar. Bir kishi «Yo Rasulalloh, meni unga uylantirib qo'ya qolingiz!» - dedi. Ul zot «Mahrga nimang bor'»—dedilar. U «Hech narsam yo'q»,— dedi Ul zot «Unga loaqal bitta temir uzuk bo'lsa ham, bergin!» — dedilar. U «Hech narsam yo'q»,— dedi. Ul zot «Qur'ondan nimalarni bilasan?» — dedilar. U «Falon va falon suralarni»,— dedi. Ul zot «Biz seni Qur'ondan bilgan narsalaring evaziga bu xotinga uylantirdik!»— dedilar».

45-bob Kishi o'z birodari xotinlikka so'ratgan ayolni (qizni) xotinlikka so'ratmaydi, birodarining uni o'z nikoxiga olmog'ini yoki undan voz kechmog'ini kutadi.

Ibn Umar raziyallohu anhu bunday deb aytar erdilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biringiz savdolashib qo'ygan narsa ustida ikkinchingizning savdolashmo-gingizdan hamda kishining o'z birodari xotinlikka so'ratgan ayolni, toki ul undan voz kechgunicha yoki unga o'zi ruxsat bergunicha, xotinlikka so'ratmogidan qaytardilar»

Abu Hurayra Janob Rasulullohdan nakl qilib: «Badgumon bo'lmangizlar, badgumonlik eng bo'lmagur gapdur. Gap poylamangizlar, gap tashimangizlar va bir-biringizdan nafratlanmangizlar, Olloh taoloning o'zaro aka-uka bandalari bo'lingizlar, kishi o'z birodari xotinlikka so'ratgan ayolni xotinlikka so'ratmasin, birodarining uni o'z nikohiga olmogini yoki undan voz kechmogini kuqin!»—deydilar».

46-bob. Xotinlikka so'ralgan ayoldan voz kechmoqlikningtafsiri

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hazrat Umar qizlari Hafsa tul qolgan kezlarda bunday deb aytgan erdilar: «Men Abu Bakrni uchratib: «Agar istasangiz, qizim Hafsani sizga nikohlab beraman»,— dedim-da, bir necha kecha kutdim. Keyin, uni Janob Rasululloh o'zlariga so'ratdilar. Shundan so'ng, men Abu Bakrni uchratib qoldim, ul kishi menga: «Sening menga qilgan taklifingga ijobiy javob bermogimga faqat bir narsa mone'lik qilgan erdi, u ham bo'lsa men Janob Rasulullohning Hafsa haqida eslaganlarini bilar erdim, men ul zotning sirlarini oshkor qilolmas erdim, agar undan voz kechganlarida, men uni qabul qilgan bo'lar erdim!» — dedilar».

47-bob. Nikohdagi xutba haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Mashriqdan ikki kishi kelib xutba o'qidi. Shunda Janob Rasululloh: «Ba'zi bayonlarda sihr bordur!» — dedilar».

48-bob. Nikohda doira chalmoq hamda ziyofat qilmoq xususida

Rabi' binti Mu'avviz ibn Afro' rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh menga qo'shilmoq bo'lib huzurimga kirganlarida, hozir sen o'ltirganingdek to'shagimga o'ltir-dilar. Joriya qizlarimiz doira chalishib, Badr gazotida shahid bo'lgan ota-bobolarim haqida yiglab kuylay boshlashdi. Ulardan biri: «Bizning oramizda payg'ambar borlar, ul zot ertangi kundan boxabarlar» — deya kuylar erdi. Shunda ul zot: «Bu qo'shigingni bas qilgil, avvalgi qo'shigingni aytavergil!» — dedilar».

49-bob. Olloh taoloning «Va beringizlar xotinlarga ularning mahrlarin xursandlik ila!» hamda «Va bergan bo'lsangizlar dastlabki xotinlaringizga ko'p bir molni, qaytarib olmangizlar ul moldan hech bir narsani!», shuningdek «Yoki ularga biror mahr muqarrar qilmay turib» degan qavllari xususida

Sahl aytdilarki, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Loaqal, bitta temir uzuk bo'lsaham!»—deb aytibdilar.

Anas rivoyat qiladilar: «Abdurrahmon ibn Avf danakdek keladigan oltin berib, bir ayolga uylandi. Janob Rasululloh uni kuyovlik libosida ko'rib, undan bir narsa haqida so'radilar. U: «Men danakdek keladigan oltin berib, bir ayolga uylandim»,— dedi».

50-bob. Qur'on evaziga (mahr bermay) uylantirib qo'ymoq haqida

Sahl ibn Sa'd as-So'idiy rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlaridagi bir qavm orasida erdim. Shunda, bir ayol o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh!» — deb murojaat qildi-da, o'zini ul zotga hadya qilganligini aytdi. Ul zot indamadilar. Keyin, u yana o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh!» —deb murojaat qildi-da, o'zini ul zotga hadya qilganligini aytdi. Ul zot yana indamadilar. U yana o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh!» —deb murojaat qildi-da, o'zini ul zotga hadya qilganligini aytdi. Shunda bir kishi o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh, meni unga uylantirib qo'ya qolingiz!» — dedi. Ul zot: «Mahriga berarlik biror narsang bormi?» — dedilar. U: «Yo'q»,— dedi. Ul zot: «Bor, loaqal bitta temir uzuk bo'lsa ham, topib kel!» — dedilar. U borib qidirib keldi-da: «Hech narsa yo'q, hatto temir uzuk ham topolmadim»,— dedi. Ul zot: «Qur'ondan biror narsa bilasanmi?»—dedilar. U: «Men Qur'ondan falon va falon suralarni bilaman»,— dedi. Ul zot: «Bor, ketaver, biz seni Qur'ondan bilgan narsalaring evaziga bu xotinga uylantirdik!» — dedilar».

51-bob. Mahrning na hajmi va na vazni muhim ermas! Masalan, temir uzuk

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uylanayotgan bir kishiga: «Loaqal bitta temir uzuk bo'lsa ham!» — deb aytdilar».

52-bob. Nikohdagi shartlar

Hazrat Umar: «Ayollar farjining qonuniy halol bo'lmog'i nikoh shartlarining to'la-to'kis bajarilmog'iga bog'likdur!» — deydilar.

Misvar rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning o'z kuyovlari

haqida soʻzlayotib, uning oʻzlariga munosib kuyovlik qilayotganini aytganlarini hamda unga tasannolar oʻqib, maqtaganlarini eshitdim».

53-bob. Nikohdagi makruq shartlar haqida

Ibn Masʼud: «Ayol oʻz singlisining taloq qilinmogʻini shart qilib qoʻymasini!» — deyilar.

Abu .Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ayolning oʻz singlisining taloq qilinmogʻini talab qilmogʻi makruhdur. Bunday ayolning beti qursin! Zero, unga ham koʻz tikkan balo bordur!» — dedilar».

54-bob. Uylangan kishining qoʻlidagi sarigʻ dogʻ haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Abdurrahmon ibn Avf Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga keldi, uning qoʻlida bir sarigʻ narsaning dogʻi bor erdi. Ul zot undan bu dogʻning nimaning dogʻi erkanligini soʻradilar. U bir ansoriya ayolga uylanganini aytdi. Ul zot: «Unga qancha mahr berding?» — dedilar. U: «Danakdek keladigan oltin»,— dedi. Ul zot: «Bir qoʻy soʻyib boʻlsa ham toʻy qilgil!» — dedilar».

55-bob.

Humayd raziyallohu anohu rivoyat qiladilar: «Anas: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zaynabga uylanganlarida har safar uylanganlarida qilganlaridek, mu-sulmonlarni ziyofat qilganlar-ku!» — dedi-da, moʻminlarning onalari hujralariga borib, ularni duo qildi, ular ham uni duo qilishdi. Keyin, qaytib ketayotganida ikki kishini koʻrib, yana orqasiga qaytdi. Usha ikki kishining chiqib kelayotganini men oʻzim unga xabar qildimmi yoki birov xabar qildimi, buni bilmayman».

56-bob. Uylangan kishi qanday duo qilinadi?

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdurrahmon ibn Avfda sarigʻ dogʻ borligini koʻrib: «Bu nima?»—dedilar. U: «Men danakdek keladigan oltin berib, bir ayolga uylandim»,— dedi. Ul zot: «Borakalloh, bir qoʻy soʻyib boʻlsa ham toʻy qilgin!» — dedilar».

57-bob. Kelinni kuyovning huzuriga kuzatgan ayollarni hamda kelinni duo qilmoq haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga uylandilar. Shunda, onam qoshimga kelib, meni hovliga olib kirdilar. Uyda koʻpgina ansoriya ayollar boʻlib, ular menga xayru baraka va baxtli turmush tiladilar».

58-bob. Gʻazotdan ilgari ayoliga qoʻshilmoqni yaxshi koʻrgan kishi haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan naql qilib bunday deyilar: «Paygʻambarlardan biri gʻazotga otlangach, oʻz qavmiga: «Birorta ham kishi xotinlarini olib mening ketimdan gʻazotga ergashmasin, chunki u xotiniga yaqinlik qilmoqni xohlagani birlan, yaqinlik qilolmaydi, gʻazotda bunga imkon yoʻq!» — dedi».

59-bob. To`qqiz yashar qizaloqqa qo`shilgan kishi haqida

Urva rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oishaga olti yoshligida uylanib, to`qqiz yoshligida unga qo`shildilar. Oisha ul zot birlan to`qqiz yil turmush qurdi».

60-bob. Safarda qo`shilmoq haqida

Anas rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safiyyaga qo`shilmoq uchun Xaybar birlan Madina oraliqidagi bir yerda uch kun turib qoldilar. Men musulmonlarni Janob Rasulullohning to`y ziyofatlariga taklif qildim. Dasturxonda na non va na go`sht bor erdi, shul boisdan ul zot boriga qanoat qilmoqni amr qildilar. Dasturxonga xurmo, pishloq va yog` tortildi, shu birlan to`y ziyofatlari bo`lib o`tdi. Musulmonlar: «Safiyya mo`minlarning onalaridan biri bo`larmikin yoki ul zotning cho`rilaridan biri bo`larmikin?» — deyishdi. Keyin, ular o`zlaricha: «Agar Janob Rasululloh uni hijobga olsalar (parda ortiga yashirsalar), u mo`minlarning onalaridan biri, basharti olmasalar, cho`rilaridan biri bo`ladi», — deyishdi. Safiyyaning kajavasi Janob Rasulullohning ortlaridan yo`lga chiqqanda, ul zot u birlan odamlar orasiga parda tortib qo`ydilar».

61-bob. Ulovga mindirmay va olov yoqmay, kuppa-kunduzi qo`shilmoq haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga uylandilar. Keyin, onam qoshimga kelib meni hovliga olib kirdilar. Kuppa-kunduzi bo`lgani uchun ham, men faqat Janob Rasulullohdan cho`chirdim». (Islomdan ilgari kelinni ulovga mindirib, gulxan atrofidan aylantirilgan).

62-bob. Ayollar uchun namatlar va shunga o`xshash narsalar haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Namatlarni oldingizlarmi?» — dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, bizda namat nima qiladi?!» — dedim. Ul zot: «Bo`lishi kerak!» — dedilar».

63-bob. Kelinni kuyov huzuriga kuzatib qo`yuvchi ayollar haqida

Hishom ibn Urva rivoyat qiladilar: «Oisha raziyallohu anho bir kelinni bir ansoriy kuyovning huzuriga kuzatib qo`ydilar. Janob Rasululloh: «Ey Oisha, musiqa chalib o`yin-kulgi birlan kuzatib qo`ydingizlarmi? Ansorlar musiqa chalib o`yin-kulgi qilishni xush ko`radilar», — dedilar».

64-bob. Kuyovga qilinadigan hadya haqida

Abu Usmon rivoyat qiladilar: «Men Anas ibn Molikning biz birlan birga «Baniy Rifo» masjididan o`tib ketayotib bunday deb aytayotganini eshitdim: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ummu Sulaymning hovlisi yonidan o`tib ketayotib uning uyiga kirdilar-da, unga salom berdilar. Ushanda ul zot Zaynabga uylanish arafasida erdilar. Ummu Sulaym menga: «Janob Rasulullohga (Zaynabga qo`shilgan kunlari ertalab) nonushta tortiq qilsak, juda soz bo`lar erdi!» — dedi. Men unga: «Shunday qilgin!» — dedim-da,

xurmo, yog` va pishloqdan «haysa» (uch xil narsadan tayyorlanadigan taom) tayyorlab, uni bir idishga soldim. Keyin, uni olib Ummu Sulaym birlan birgalikda Janob Rasulullohning huzurlariga ravona bo`ldim. Janob Rasululloh menga: «Qo`lingdagini qo`y!» — dedilar, so`ng: «Falonchilarni hamda yo`lingda uchragan kishilarni chaqirib kel!» — deb amr qildilar. Men amrlarini bajo keltirib, qaytib keldim. Hovli odamlarga liq to`ldi. Janob Rasulullohga qarash, qo`llarini o`sha «haysa» ustiga qo`yib: «Mo shoalloh!» — dedilar. So`ng, huzurlariga o`nta-o`ntadan odam chaqira boshladilar, ular kirib taomdan yeyishdi. Ul zot ularga: «Olloh taoloning ismini aytib yengizlar, har bir kishi o`ziga nasib qilganicha yesin!» — dedilar. Hamma to`yguncha yedi. Keyin, ko`pchilik chiqib ketdi, faqat bir nafar kishi suhbatlashib o`ltirib qoldi. Bunga mening g`ashim keldi. So`ng, Janob Rasululloh chiqib, hujralar tomon yurdilar, men ham ketlaridan chiqdim-da: «Ular ketishdi», — dedim. Janob Rasululloh qaytib uyga kirib, pardani tashlab qo`yidilar, men ersam dahlizda turib qoldim. Shunda ul zot: «Ey mo`minlar, payg`ambarning uylariga biror taomga taklif qilinganingizdagina kiringizlar, (barvaqtroq kirib taomning) pishishiga intizor bo`lib o`ltirmangizlar va lekin qachon chaqirilsangizlar, kiringizlar, vaqtiki taom yeb bo`ldingizlar, tarqalingizlar va o`ltirmangizlar o`zaro suhbatlashib, bu narsa albatta payg`ambarga ozor berur va payg`ambar sizlardan hayo qilur va Olloh taolo haqiqatni bayon qilishdan hayo qilmas («Al-Ahzob» surasi, 53-oyat)», — dedilar».

Abu Usmon: «Anas Janob Rasulullohga o`n yil xizmat qildi», — deydilar.

65-bob. Kelin uchun kiyim va boshqa narsalarni birovdan vaqtincha olib turmoq haqida

Xishom otalaridan naql qiladilar: «Oisha raziyallohu anho Asmodan marjonini vaqtincha taqish uchun so`rab olgan erdilar, yo`qotib qo`yidilar. Janob Rasululloh uni qidirib topish uchun bir qancha sohobalarini jo`natdilar. Shu asnoda namoz vaqti bo`lib qolib, ular betahorat namoz o`qishdi (chunki, suv yo`q bo`lib, «tayammum» haqidagi oyat hali nozil bo`lmagan erdi). Keyin, Janob Rasulullohning oldilariga kelishganda, shul haqda ul zotga shikoyat qilishdi. Shunda «tayammum» xususida oyat nozil bo`ldi. Usayd ibn Huzayr Oisha onamizga: «Xudo xayringizni bersin, Olloh taolo haqi, bundan avval ham siz tufayli Olloh taolo biz musulmonlarga barakot ato etgan erdi!» — dedi».

66-bob. Ayoliga qo`shilmoqchi bo`lgan kishi nima deb aytmog`i lozim?

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ammo, agar birortasi ayoliga qo`shilayotganda: «Bismillohi, yo parvardigoro, meni shaytondan va shaytonni sen bizga ato etadigan farzandimizdan yiroq qilgil!» — desa, Olloh taolo ularga farzand taqdir qilgan bo`lsa, shayton unga mutlaqo zarar yetkaza olmaydi», — dedilar».

67-bob. To`yda ziyofat bermoqlik — to`g`ri ishdir!

Abdurrahmon ibn Avf rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Bir qo`y so`yib bo`lsa ham, to`y qilgil!» — dedilar».

Anas ibn Molik Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Madinaga kelganlarida o`n yashar bola erdilar, ul kishi bunday dedilar: «Onam meni doimo Janob Rasulullohning xizmatlarini qilishga undar erdilar, men ul zotga o`n yil xizmat qildim. Janob Rasululloh

vafot qilganlarida yigirma yoshda erdim. «Hijob» oyati xususida eng ko'p bilguvchi kishi men bo'lib, bu oyat Janob Rasulullohning Zaynab binti Jahsh birlan turmush qurgan kunlari nozil bo'lgan dastlabki oyat erdi. Ushanda Janob Rasululloh Zaynabga qo'shilib kuyov bo'lgach, qavmni to'y ziyofatiga chorladilar, qavm yeb-ichib, so'ng chiqib ketdi. Janob Rasulullohning huzurlarida bir necha kishigina uzoq o'ltirib qoldi. Shunda ul zot o'rinlaridan turib tashqariga chiqdilar, men ham anavilar chiqib keqin deb, ul zot birlan birga chiqib ketdim. Janob Rasululloh yurdilar, men ham yurdim. Ul zot Oisha onamizning hujralari ostonasiga qadar bordilar, so'ng anavilar chiqib ketgandur, deb o'ylab ortlariga qaytdilar, men ham birga qaytdim. Ammo, ul zot Zaynabning huzuriga kirganlarida anavilar hanuz suhbatlashib o'ltirishar erdi. Janob Rasululloh buni ko'rib, yana ortlariga qaytdilar-da, Oisha onamizning hujralari ostonasiga qadar bordilar, men ham birgalashib bordim. So'ng, anavilar chiqib ketgandur, deb o'ylab yana ortlariga qaytdilar, men ham birga qaytdim. Bu safar qaytganlarida anavilar chiqib ketishgan erdi. Janob Rasululloh o'zlari birlan mening o'rtamga parda tashlab qo'ydilar. Shunda Ollah taolo «Hijob» («Parda») oyatini nozil qildi».

68-bob. Bir qo'y so'yib bo'lsa ham, to'y (ziyofat) qilmoq kerak!

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abdurrahmon ibn Avf bir ansoriya ayolga uylanganida unga: «Qancha mahr berding?» — dedilar. U: «Danakdek keladigan oltin»,—dedi».

Humayd: «Men Anasning bunday deb aytganini eshitgan erdim»,— deydilar: «Muhojirlar Madinaga kelishganda ansorlarning uylariga tushishdi. Abdurrahmon ibn Avf Sa'd ibn ar-Rabi'ning uyiga tushdi. Sa'd unga: «Mol-mulkimning yarmini senga beraman va sening uchun xotinlarimning biridan voz kechaman!»— dedi. Abdurrahmon: «Ollah taolo oilang birlan mol-dunyonga barakot ato qilsin!» — dedi-da, bozorga ravona bo'ldi. U yerda u oldi-sotdi qilgach, biroz pishloq va yog xarid qildi, keyin uylandi. Janob Rasululloh unga: «Bir qo'y so'yib bo'lsa ham, to'y (ziyofat) qilgin!»— dedilar».

Anas raziyallohu anhu: «Janob Rasululloh birorta ham xotinlarini Zaynabni siylaganchalik ziyofat birlan siylamagan erdilar, Zaynabni bir qo'y so'yib siylagan erdilar»,— deydilar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safiyyani ozod qildilar, so'ng ozod qilinganligini mahr qilib, unga uylandilar hamda uni «Hays» (xurmo, yog' va pishloqdan tayyorlanadigan taom) birlan siyladilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir ayolga uylandilar. Keyin, meni jo'natdilar, men borib odamlarni taomga taklif qildim».

69-bob. Ba'zi ayollarini ba'zi ayollaridan ko'ra ko'proq ziyofat birlan siylagan kishi haqida

Sobit raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Anasning huzurida Zaynab binti Jahshning to'yi haqida eslashdi.

Shunda u: «Men Janob Rasulullohning birorta ham xotinlarini Zaynabni siylaganchalik

ziyofat birlan siylaganlarini ko`rmaganman, o`shanda uni bir qo`y so`yib siylagan erdilar»,— dedi».

70-bob. Qo`ydan kamroq narsa birlan ziyofat qilib siylagan kishi haqida

Safiyya binti Shayba: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ba`zi xotinlarini ikki mudd arpa birlan siylagan erdilar»,— deydilar.

71-bob. Ziyofat (to`y)ga aytib kelsa, unga bormoq lozimligi, da`vatga javob bermoq kerakligi va yetti kun ziyofat qilgan kishi haqida

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ziyofatga na bir kun va na ikki kun vaqt ajratmaganlar!

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar birortangiz ziyofatga (to`yga) taklif qilinsangiz, unga albatta boringiz!» — dedilar».

Abu Muso raziyallohu anhu Janob Rasulullohdan naql qilib: «Asirni ozod qilingizlar, da`vat qilguvchiga ijobat qilingizlar va kasalni borib ko`ringizlar!» — dedilar».

Barro ibn Ozib raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga yetti narsani buyurib, yetti narsadan qaytardilar. Ul zot bizga kasalni borib ko`rmoqni, janozaga bormoqni, aksa urgan («Alhamdu lilloh» desa), unga («Iarhamukallohu va yashfiyka» deb) javob bsrmoqni, qasamga vafo qilmoqni, mazlumga yordam bermoqni, salom (alik)ni eshittirib aytmqni va da`vat qilguvchiga ijobat qilmoqni amr qildilar hamda ul zot bizni oltin uzuk taqmoqdan, kumush idish tutmoqdan, miysara, qassiy, istabraq, deboj... kiymoqdan qaytardilar».

Abu Hozim rivoyat qiladilar: «Abu Usayd as-So`idiy Janob Rasulullohni o`z to`yiga taklif qildi. Uning xotini (ya`ni, kelin bo`lmish) o`sha kuni mehmonlarga o`zi shaxsan xizmat qildi. Sahl: «Bilasizlarmi, u Janob Rasulullohga nimani ichirganligini? Kechasi birlan turib qolgan xurmolarining suvini ul zot ovqat yeganlarida ichirib yubordi»,— dedi».

72-bob. Kimki da`vatga ijobat qilmasa, Oллоh taolo birlan uning rasuliga osiylik qilgan bo`ladi!

Abu Hurayra raziyallohu anhu: «Taomning eng yomoni — kambag`allar qolib, boylar taklif qshshngan ziyofatdagi taomdur! Kimki da`vatga ijobat qilmasa, Oллоh taolo birlan uning rasuliga osiylik qilgan bo`lur!» — deb aytar erdilar.

73-bob. (Qo`yning) soniga taklif qilinganda borgan kishi haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Agar da`vat qilinsam qo`y soniga, bergayman albat, Agar hadya qilinsa qo`y qo`li, olgayman albat».

74-bob. To'y va shu kabilarga da'vat qilguvchiga ijobat qilmoq haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Agar da'vat qilinsangiz, unga ijobat qilingizlar!» — dedilar». Ab-dullohning o'zlari to'y va shu kabilarga da'vat (taklif) qilinsalar, ro'za bo'lsalar ham, borar erdilar.

75-bob. Ayollar va bolalarning to'yga bormoqlari haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam to'ydan kelayotgan bir guruh ayollaru bolalarni ko'rib, qadlarini tikladilar-da: «Parvardigoro! Sizlar mening uchun eng mahbub odamsizlar!» — dedilar».

76-bob. Da'vat qilingan joyga borganda makruh narsani ko'rsa, ortiga qaytib ketadimi?

Ibn Mas'ud bir uyda surat borligini ko'rib, ortlariga qaytib ketdilar.

Ibn Umar Abu Ayyubni uylariga da'vat qildilar. Ul kishi uyda devorga osig'liq suratli pardani ko'rib, qaytib ketmoqchi bo'ldilar. Shunda Ibn Umar: «Bunga bizni xotinlar majbur qildi»,— dedilar. Abu Ayyub: «Bundan qo'rqsam ham, sendan qo'rqmayman! Xudo haqi, sizlar birlan bir dasturxonda o'ltirmayman!» — dedilar-da, ortlariga qaytib ketdilar.

Qosim ibn Muhammad rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning jufti halollari bo'lmish Oisha onamiz suratli bir kichik yostiq sotib oldilar. Janob Rasululloh uni ko'rib, ichkariga kirmay, eshik ostonasida turib qoldilar. «Shunda,— deydilar Oisha onamiz,— ul zotning yuzlarida jirkanish alomatini ko'rib: «Yo Rasulalloh, Olloh taologa va.uning rasuliga tavba qildim, men nima gunoh qilib qo'ydim erkan?» — dedim. Ul zot: «Anavi yostiq bu yerda nima qilib turibdi?» — dedilar. Men: «Ultirasiz va bosh qo'yasiz, deb siz uchun sotib oldim»,— dedim. Ul zot: «Mana shu suratlarni chizganlarga qiyomat kuni qattiq azob beriladi va ularga: «O'zlarangiz bunyod qilgan narsangizga jon kirgizingizlar!» — deyiladi»,— dedilar. So'ng, yana: «Suratlar bor uyga farishtalar kirmaydi!» — deb aytdilar».

77-bob. To'y kuni ayolning erkaklar tepasida turib, shaxsan o'zi ularga xizmat qilmog'i haqida

Sahl raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Abu Usayd uylanganida Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan ul zotning sahobalarini to'yga taklif qildi. Shunda u ularga taom ham keltirmadi, ularga yaqin ham kelmadi, bizga xizmatni faqat uning xotini Ummu Usaydning o'zi ado etdi. Ummu Usayd toshdan yo'nilgan bir togoraga xurmo solib, suvga bo'ktirib qo'yib, tuni birlan shunday qoldirgan erdi. Janob Rasululloh taom tanovul qilib bo'lganlarida u o'sha xurmolarini ezib, suvini ul zotga quyib berdi».

78-bob. To'ydagi mast qilmaydirgan «naqi'» va «sharob» ichimliklari haqida

Abu Hozim rivoyat qiladilar: «Abu Usayd as-So'idiy Janob Rasululloh birlan ul zotning sahobalarini o'z to'yiga taklif qildi. Shunda kelin bo'lmish uning xotini ularga xizmat qilgan erdi. Sahl o'shanda: «Bilasizlarmi, uning Janob Rasulullohga nima quyib

berganini? U togorada tuni birlan ivitilgan xurmo suvini ul zotga quyib berdi»—deb aytgan erdi».

79-bob. Ayollar birlan murosa-yu madora qilmoqlik qamda Janob Rasulullohning «Darhaqiqat, ayol qobirg`aga o`xshaydi» degan qavllari haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ayol qobirg`aga o`xshaydi, agar uni to`g`rilayman desang, sindirib qo`yasan va agar (shundayligicha) foydalanaveraman desang, foydalanaverasan, uning o`zi (azaldan) qiyshiq!» — dedilar».

80-bob. Ayollar birlan maslahat qilmoqlik haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Kimki Olloh taologa va qiyomatga iymon keltirgan bo`lsa, qo`shnisiga ozor bermasin! Shuningdek, ayollar birlan doimo yaxshilikcha maslahatlashingizlar. Chunki, ular qobirg`adan yaratilgan bo`lib, qobirg`aning eng qiyshiq yeri — uning do`ng joyidir. Agar uni to`g`rilashga harakat qilsang, sindirib qo`yasan va agar qo`yib yuborsang (yana qaytib o`z holiga keladi-da), egriligicha qoladi. Bas, shunday erkan, ayollar birlan doimo yaxshilikcha maslahatlashingizlar!».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz, Janob Rasululloh hayotlik vaqtlarida, «Tag`in, biror baloga griftor bo`lib qolmaylik!» deb xavotirlanganimizdan, ayollarimizga biror (qattiq) so`z aytib, bemalolroq muomala qilishdan qo`rqar erdik. Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafot qylganlaridan so`ng, ayollarimizga (qattiq) gapirib, bemalolroq muomala qiladigan bo`ldik».

81-bob. Uzingizni hamda oilangizni do`zax o`tidan saqlangizlar!

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Barchangiz homiy va mas`uldursizlar. Imom (rahbar) ham homiy hamda mas`uldur, er (erkak) o`z oilasiga homiy va mas`uldur, xotin erining uyiga homiy va mas`uldur, qul xojasining moliga homiy va mas`uldur, zero barchangiz homiy va barchangiz mas`uldursizlar!»

82-bob. Oila birlan yaxshi muomala qilmoqlik haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Un bitta ayol o`z erlari xususidagi gaplarni zarracha yashirmasdan oshkor qilishga kelishib olishib, bir yerga to`planishdi. Birinchi ayol: «Mening erim tuya yanglig` tirraqi, yengil bo`lib — chaqqonmas, semiz bo`lib — polvonmas!»—dedi. Ikkinchi ayol: «Men erimning sirini oshkor qilmasligim u yoqda tursin, hatto shunday oshkor qilayki, uning bor nuqsonlarini aytib, astar-avrasini chiqarib yuboray!» — dedi (ya`ni, u shugina bir gapi birlan erining kim erkanligini bildirib qo`ya qoldi) Uchinchi ayol: «Mening erim xudbin, unga bitta so`z ko`plik va yarimta so`z kamlik qiladi»,— dedi. To`rtinchi ayol: «Mening erim tihomalik bir notavon bo`lib, na issiq va na sovuq, na tasqara va na jirkanarlidir»,— dedi. Beshinchi ayol «Mening erim, uyga kirganda qoplon kabi uzala tushib dong qotib uxlaydi, ko`chaga chiqqanda arslon kabi qutirib ketadi (yoki arslonni ko`rganda dahshatga tushgan kishi kabi pisib qoladi)»,— dedi. Oltinchi ayol: «Mening erim ovqat yesa, biqinidan, suv ichsa, tomog`idan

ko`rinadigan bir odam bo`lib, oilasining na ovqatidan va na suvidan xabar oladi, bola-chaqasining ahvoli nima kechayotir, zarra parvosiga kelmaydi»,— dedi. Yettinchi ayol: «Mening erim o`ta nimjon bo`lib, bo`lar bo`lmasga dardga chalinaveradi, tegsang, chochilib ketadigandek!» — dedi. Sakkizinchi ayol: «Mening erim quyondek tezotar va moldek sassiq»,— dedi. To`qqizinchi ayol «Mening erim ustundek baland, tepalikdek salobatli, qurumdek qop-qora va xonanishindir»,— dedi. Uninchi ayol: «Mening erim o`zi xon, ko`lankasi maydon, ta`rifi ortiqroqdur bundan ming chandon, qo`ra ichra tuyalari ko`pdur, ammo yaylovda oz — bir necha to`pdur, bu sho`rlik tuyalar gar soz ovozi eshiqalar, halok bo`ldik, deb o`ylagaylar»,— dedi. Un birinchi ayol bunday dedi: «Mening erim Abu Zar' ikki qulog`imni isirg`a birlan bezab, ikki bilagimni tiqmachoqdek qilib semirtirdi, meni maqtab keriltirdi, meni o`zining ash-Shiqqadagi qo`ylari hamda yilqi-yu, tuyalari o`rnida ko`rdi. Men uning huzurida yomonlik ko`rmadim, yeb-ichib, huzur-halovatda yashadim. Uning onasi Ummu Abu Zar' ersa, ichi to`la qarg`ish, uyi bedarvoza bir xotundur. O`g`li Ibn Abu Zar' — ko`rpa-yostig`i juldur, o`zi bir echki qo`lini yesa, arang to`yadi. Qizi Binti Abu Zar' — ota-onasining g`irt o`zi, semizligidan kuylagiga sig`maydi, bor zahrini cho`risiga sochadi. Cho`risi ersa, gapimizni ko`chaga tashimaydi, o`g`ritomoq ermas, uyimizni oyoqosti ham qilmaydi. Bir kuni Abu Zar' suv to`la meshdek jussasini so`lqillatib ko`chaga chiqdi-da, ikki o`g`ilchasi birlan kelayotgan bir ayolni uchrat-di. Ayolning bolalari onasining pinjida o`ynashayotgan ikki qoplonchadek ikki dona anorni o`ynashar erdi. Abu Zar' meni taloq qilib, o`sha ayolga uylandi. Keyin, men bir erkakka tegib oldim. U men birlan bearmon dom olishdi, menga ilgari bilmagan lazzatlarni, erdan ayolga lozim bo`lgan barcha rohatlarni baxsh etdi. U menga: «Bori-yo`g`imni sen Ummu Zar'ga bag`ishladim!»— dedi. Agar u menga ato etgan narsalarni jamlab, Abu Zar'ning (barcha idishlariga, hatto) eng kichik idishiga ham solsang, to`lib-toshib keqa kerak!»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Habashlar nayzabozlikni mashq qilayotgan erdilar, shunda Janob Rasululloh meni begona ko`zdan pana qilib turdilar, men tomosha qildim. Biroz tomosha qilgach, ichkariga kirib ketdim, o`shanda men o`yin-kulgi qiladigan yoshdagi bir qizaloq erdim»

83-bob Kishining o`z qiziga uning eri xususida pand-nasihat qilmog`i

Abdulloh ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Men ancha vaqt Hazrat Umardan Janob Rasulullohning ayollaridan ikkitasi xususida so`ramoqchi bo`lib yurdim-u, lekin so`ray olmadim. Oллоh taolo ular haqida «Agar Oллоhga tavba qilsangizlar .» degan oyati karimasini nozil qilgan erdi. Hazrat Umar haj qilganlarida men ham birga haj qildim. Hajdan qaytayotib bir yerga kelganda, chekkaga chiqdilar, men ham meshchadagi suvni olib chekkaga chiqdim. Ul kishi hojatdan bo`shalib qaytgach, qo`llariga suv quyib berdim, tahorat oldilar. So`ng, men ul kishidan «Yo mo`minlar amiri, Oллоh taolo Janob Rasulullohning ayollaridan ikkitasi xususida «Agar Oллоhga tavba qilsangizlar..» degan oyati karimasini nozil qilgan erkan, ular kimdurlar'»—deb suradim. Hazrat Umar: «Vo ajabo! Shuni ham bilmaysanmi, ey Ibn Abbos?! Ular — Oisha birlan Hafsa-dur»,— dedilar! Keyin, Hazrat Umar bunday deb gaplarida davom etdilar: «Men va mening bir ansoriy qushnim Baniy Umayya ibn Zayd qabilasida erdik. Ular Madina akobirlaridan erdilar. Men va qo`shnim navbatma-navbat Janob Rasulullohniig huzurlariga borib turar erdik, bir kun u borar erdi va bir kun men borar erdim. Men borib kelsam, o`shal kun Janob Rasulullohga nozil bo`lgan vahiy va u yerda bo`lgan boshqa voqealar haqida unga so`zlab berar erdim. U borib kelganda ham xuddi shunday qilar erdi. Biz qurayshliklar ayollarimizdan ustun turar erdik. Ansorlar huzuriga kelsak, ularning ayollari erkaklaridan

ustun erkan. Natijada, bizning ayollarimiz ularning ayollaridan «ta'lim» ola boshlashdi. Bir kuni xotinimga baqirib erdim, u ham menga baqirib javob qildi. Men: «Gap qaytarma!» — dedim. Xotinim: «Mening og'zimga urmangiz, xudo haqi, Janob Rasulullohning xotinlari ham ul zotga gap qaytarishadi, Ul zot bugun kechgacha ularning biridan arazladilar»,— dedi. Bundan men qattiq xavotirga tushdim-da, xotinimga: «Ulardan qaysi biri shu ishni qilgan bo'lsa, albatta badnom bo'ladi!» — dedim. Keyin, kiyinib qizim Hafsaning huzuriga yo'l oldim, yetib borgach, ichkariga kirdim-da, unga: «Ey Hafsa, bugun Janob Rasululloh birortangiz birlan kechgacha gaplashmayman, dedilarmi?» — dedim. Qizim: «Ha», — dedi. Men: «Ishonchimni oqlamading, baxtingni boy berding! Oллоh taolo Janob Rasulullohning g'azablari tufayli darg'azab bo'lsa, omon qolasizlarmi? Halok bo'lasan! Janob Rasululloh birlan zinhor aytishma, ul zotga zarracha gap qaytarma, arazlama, nimaiki miyanga kelsa, mendan so'ra, qo'shningning yolg'on-yashiq, balandparvoz gaplariga aldanma, hattoki u Janob Rasulullohga eng mahbuba bo'lgan Oisha bo'lsa ham!» — dedim.

O'sha paytlarda biz: «G'asson podshohi bizga qarshi urush qilmoq taraddudida otlarini taqalamoqda» — deb xavotirlanib gapirib yurar erdik. Bir kuni ansoriy do'stim o'z navbati bo'yicha Janob Rasulullohning huzurlariga borib, kechki payt qaytib keldi-da, eshigimni qattiq taqillatdi. Shunda, «Biror gunoh qilib qo'yiptimikan?» deb qo'rqib, darhol oldiga chiqdim. U menga: «Bugun bir ulkan voqea sodir bo'ldi!» — dedi. Men: «Nima gap o'zi, G'asson podshohi bostirib keldimi?» — dedim. U: «Yo'q, aslo, bundan ham badtar va dahshatliroq, Janob Rasululloh xotinlarini taloq qilibdilar!»—dedi. Men: «Hafsa ishonchimni oqlamadi, baxtini boy berdi. Shunday bo'lmasaydi, deb xayolimdan o'tkazgan erdim-a!» — dedim-da, kiyinib olib Janob Rasululloh birlan birga bomdod namozini o'qidim. Keyin, Janob Rasululloh boloxonalariga kirib, unda yolg'iz o'zlari goldilar. Men Hafsaning huzuriga kirsam, yig'lab o'ltiribdi, unga: «Seni yig'latayotgan narsadan ehtiyot bo'lmog'ingni aytmaganmidim?! Mana, endi nima bo'ldi?! Janob Rasululloh sizlarni taloq qildilarmi?»—dedim. U: «Bilmayman, ul zot hov anavi boloxonada yolg'iz o'zlari o'ltiribdilar»,—dedi. Men tashqariga chiqib, minbar oldiga bordim, qaragam bir to'da odamlar uning atrofida o'ltirishibdi, ba'zisi yig'layapti, men ham ular birlan biroz o'ltirdim. Keyin, qalbidagi hislar meni mag'lub qildi-da, Janob Rasululloh o'ltirgan boloxona oldiga bordim. Qora xizmatkorlariga: «Umarga ichkariga kirmoqqa ijozat berasizmi, deb so'rab chiq!» — dedim. Xizmatkor ichkariga kirib, Janob Rasululloh birlan so'zlashib qaytib chiqdi-da: «Janob Rasulullohga sizning kelganingizni aytdim, indamadilar»,— dedi. Men, noiloj, boyagi minbar atrofida o'ltirgan odamlar yoniga borib o'ltirdim. Keyin, qalbidagi hislar yana meni mag'lub etib, xizmatkor oldiga bordim-da, unga: «Umarga izn berasizmi, deb so'rab chiq!»— dedim. U ichkariga kirib chiqib: «Sizning kelganingizni aytdim, indamadilar»,— dedi. Men, noiloj, yana boyagi minbar atrofidagi odamlar oldiga borib o'ltirdim. So'ng, qalbidagi hislar yana meni mag'lub etib, xizmatkor oldiga bordim-da: «Umarga ruxsat berasizmi, deb so'rab chiq!» — dedim. U ichkariga kirib chiqib: «Sizning kelganingizni aytdim, indamadilar»,— dedi. Endigina ortimga qaytib ketayotgan erdim, nogahon xizmatkor meni chaqirib: «Ul zot sizga ijozat berdilar»,— dedi. Men Janob Rasulullohning huzurlariga kirsam, ul zot bo'yra ustida yotibdilar, bo'yra biqinlariga botib ketibdi. Boshlariga ichiga pohl tiqilgan teridan qilingan yosti qo'yib olibdilar. Men ul zotga salom berdim-da, tik turganimcha: «Yo Rasulalloh, xotinlaringizni taloq qildingizmi?» — dedim. Ul zot menga qarab: «Io'q»,— dedilar. Men: «Ollahu akbar!» — dedim, so'ng o'sha tik turgan holimda: «Yo Rasulalloh, agar mening gaplarimga quloq osmog'ingizni lozim topsangiz, tinglangiz! Sizga ma'lumki, biz Quraysh jamoasi xotinlarimizdan ustun turar erdik, Madinaga kelsak, bul

yerdagi qavm ayollari erkaklaridan ustun erkan»,— dedim. Janob Rasululloh bu gapimni eshitib tabassum qildilar. Keyin, men yana davom etib: «Yo Rasulalloh, agar bilsangiz, men Hafsaning huzuriga kirib, unga: «Qo'shningning yolg'on-yashiq, balandparvoz gaplariga aldanma, hattoki u Janob Rasulullohga eng mahbuba bo'lgan Oisha bo'lsa ham!» — deb aytdim»,— dedim. Shunda ul zot yana bir tabassum qilib ko'ydilar. Men tabassum qilganlaridan foydalanib, o'ltirib oldim-da, uylariga ko'z yugurtirdim. Oллоh taolo haqi, uylarida uchta oshlanmagan teridan bo'lak biror ko'zga ilinadigan narsa ko'rmadim! Janob Rasulullohga: «Yo Rasulalloh, Oллоh taologa iltijo qilib, duo qilingiz, ummatingizga ne'matlarini bisyor qilsin! Oллоh taolo Fors va Rum ahliga ne'matlarini bisyor qilgan, ularga mol-dunyo bergan, ular ersalar unga ibodat qilmaydilar»,— dedim. Janob Rasululloh yonboshlab yotgan erdilar, o'rinlaridan turib o'ltirdilar-da: «Yo Ibn al-Xattob, rost aytding! Darhaqiqat, bu qavmlar barcha ne'matlarni mana shu dunyoda olmoqqa oshiqdilar»,— dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, mening uchun Oллоh taolodan mag'firat tilangiz!» — dedim. Ushanda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam o'zlari haqlarida Hafsa Oishaga gap tarqatganda xotinlaridan yigirma to'qqiz kun arazlagan erdilar. Janob Rasululloh Oллоh taolo o'zlariga tanbih berganda xotinlaridan qattiq xafa bo'lganlaridan: «Men ular huzuriga bir oy kirmayman!» — deb aytgan erdilar. Yigirma to'qqiz kun o'tgach, Janob Rasululloh Oishaning hujrasiga kirib, u birlan so'zlasha boshladilar. Shunda Oisha: «Yo Rasulalloh, siz bizning huzurimizga bir oy kirmayman, deb ont ichgan erdingiz, vaholanki mening hisobimga ko'ra, yigirma to'qqiz kun o'tkazib kirdingiz!»—dedi. Janob Rasululloh: «(Bu) oy yigirma to'qqiz kundur», dedilar. Darhaqiqat, o'sha oy yigirma to'qqiz kun erdi. Oisha: «Keyin, Oллоh taolo tanlash ixtiyori berilganligi haqida oyat nozil qildi. Janob Rasululloh ayollaridan eng birinchi bo'lib men birlan, so'ng boshqa ayollari birlan gaplasha boshladilar»,— deydilar. Ul zotning boshqa ayollari ham, Oisha kabi: «Bir oy kirmayman deb, yigirma to'qqiz kunda kirdingiz-ku?!» — deyishdi».

84-bob. Ayolning ro'za tutmoqqa xohish bildirib eridan ruxsat olgachgina ro'za tutmog'i haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Eri huzurida bo'lgan ayol erining iznisiz ro'za tutmaydi!» — dedilar».

85-bob. Agar ayol erining to'shagini tark etib, o'zi yolg'iz uxlasa... (ya'ni, boshqa-boshqa joy solib yoqa...)

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar er xotinini o'z to'shagiga chorlasa~yu, u bosh tortib kelmasa, maloikalar uni tongga qadar la'natlab chiqadilar!»—dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar ayol erining to'shagini tark etib, o'zi yolg'iz uxlasa, maloikalar uni to erining qo'yniga qaytguniga qadar la'natlaydilar!» — dedilar».

86-bob. Ayol erining uyiga uning ruxsatisiz biror kishining kirmog'iga izn bermaydi

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Eri huzurida bo'lgan ayolning erining iznisiz ro'za tutmogi halol emas hamda ayol

erining uyiga uning ruxsatisiz biror kishining kirmogiga izn bermasin va erining buyrugisiz biror narsani sarf qilmasin, chunki o'sha sarf qilingan narsaning yarmi erinikidir!»—dedilar».

87-bob.

Usoma raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men jannatning darvozasi ostonasiga kelib turdim, u yerga (birinchi bo'lib) kirayotgan omma miskinlar bo'lib, boylar ersa to'xtatib qo'yilgan erdi. Ammo, do'zax ahlini do'zaxga haydamoqqa allaqachonlar amr qilingan bo'lib, men uning ham darvozasi ostonasiga kelib turdim, ul yerga kirgan omma ayollar erdi»,— dedilar».

88-bob. Bir yostiqa bosh qo'ygan erga ko'rnamaklik qilmoqlik xususida

Ibn Abbas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning davrlarida quyosh tutildi. Janob Rasululloh namoz o'qidilar, odamlar ham birgalashib namoz o'qishdi. Shunda «Surai Baqara» qiroatiga ketganchalik vaqt qiyomda uzoq turdilar, keyin uzoq ruku' qildilar, so'ng qadlarini rostlab uzoq qiyomda turdilar, ammo bu safar ilgarigi qiyomdagidan ko'ra kamroq vaqt sarfladilar, keyin uzoq ruku' qildilar, ammo bu gal avvalgi ruku'dagidan ko'ra kamroq vaqt sarf qildilar, so'ng qadlarini rostladilar, so'ng sajda qildilar, keyin qadlarini rostlab uzoq qiyomda turdilar, ammo bu safar ilgarigi qiyomdagiga nisbatan kamroq turdilar, so'ng uzoq ruku' qildilar, ammo bu gal avvalgidan ko'ra kamroq vaqt sarf qildilar, so'ng qadlarini rostlab uzoq qiyomda turdilar, lekin avvalgiga nisbatan kamroq turdilar, keyin uzoq ruku' qildilar, lekin avvalgiga nisbatan kamroq vaqt sarf qildilar, so'ng turdilar, so'ng sajda qildilar, keyin namozxonlarga o'girildilar. Shu vaqtda quyosh tutilib bo'lib, charaqlab turgan erdi. Janob Rasululloh odamlarga qarata bunday dedilar: «Quyosh birlan oy Oллоh taoloning mo'jizalaridan ikki mo'jizadur. Ular biror kishining o'limi yoki hayotligi tufayli tutilmaydilar, agar ularning tutilganini ko'rsangizlar, darxol Oллоh taoloni zikr qilingizlar!». Odamlar: «Yo Rasulalloh! Namoz chog'ida sizning ana shu turgan yeringizda bir narsani olganingizni ko'rdik, keyin orqaga tisarildingiz»,— deyishdi. Ul zot: «Men jannatni ko'rdim.(yoki menga jannat ko'rsatildi). Undan bir shingilni uzib olmoqchi bo'ldim, agar ololganimda erdi, dunyo turguncha undan yer edingizlar. Keyin, do'zaxni ko'rdim, bugungidek (dahshatli) manzarani ko'rmaganman! Qarasam, uning ko'pchilik ahli ayollar erkan»,— dedilar. Odamlar: «Yo Rasulalloh, nechun bunday?» — deyishdi. Ul zot: «Ko'rnamaklik qilganlari uchun»,— dedilar. Odamlar: «Oллоh taologa ko'rnamaklik qilganlari uchunmi?» — deyishdi. Ul zot: «Erlariga va ularning qilgan yaxshiliklariga ko'rnamaklik qilganlar. Agar ayollardan birortasiga umr bo'yi yaxshilik qilsang-u, keyin sendan zarracha xatolik o'tganini ko'rsa, «Sendan sira yaxshilik ko'rmadim!» deb aytgay»,— dedilar».

Imron bunday deydshar: «Janob Rasululloh: «Jannat namoyon qilindi, qarasam uning ko'pchilik ahli kambag'allar erkan, so'ng do'zax namoyon qilindi, qarasam uning ko'pchilik ahli ayollar erkan»,— dedilar».

89-bob. Xotiningning senda haqi bor!

Abdulloh ibn Amr ibn al-Os rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Abdulloh! Sen kunduzi ro'za tutib, kechasi birlan ibodat qilib chiqar ermishsan»,—

dedilar. Men: «Ha, yo Rasulalloh!»—dedim. Ul zot: «Bunday qilma! Ro'za ham tut, og'iz ham och, tunda ibodat ham qil, uxlagil ham, chunki jasadning ham, ko'zingning ham, xotiningning ham senda haqi bordur!» — dedilar».

90-bob. Ayol erining uyiga homiydur!

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Barchangiz o'z qo'l ostingizdagilarga homiy va mas'uldursizlar, amir ham homiydur va er o'zining xonadon a'zolariga homiydur, xotin ersa erining uyi va uning bolalariga homiydur. Demak, barchangiz o'z qo'l ostingizdagilarga homiy va mas'uldursizlar!» — dedilar».

91-bob. Ollah taolo: «Erlar xotinlarga hokimdurlar, bu shuning uchunki Ollah taolo ba'zilarin ba'zilaridan ortiq qilgandur» («Olloq taolo buyuk va ulug' zotdur» degan qavligacha),— deydi

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xotinlari huzuriga bir oy kirmaslikka ont ichib, boloxonalarida yolg'iz o'zlari yashadilar, so'ng yigirma to'qqiz kun deganda tushdilar, Shunda xotinlari: «Yo Rasulalloh, bir oy kirmaslikka ont ichib erdingizku?!»—deyishdi. Ul zot: «(Bu) oy yigirma to'qqiz kundur»,—dedilar».

92-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xotinlaridan arazlaganlarida ularning uylaridan o'zga joyda (boloxonada) yotib yurdilar

Muoviya ibn Hayda: «Erkak xotinlaridan arazlaganda faqat ularning uylarida yotib yuradi» — deb aytgan erkanlar, ammo yuqoridagi fikr to'g'riroqdur.

Ummu Salama rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ba'zi xotinlarining huzuriga bir oy kirmaslikka ont ichdilar, so'ng yigirma to'qqiz kun o'tgach, kirdilar. Shunda ul zotga: «Yo Rasulalloh, bir oy kirmaslikka ont ichib erdingizku?!» — deyishdi. Ul zot: «(Bu) oy yigirma to'qqiz kun bo'ladi»,— dedilar».

Ibn Abbos bunday deb aytgan erkanlar: «Bir kuni ertalab turib Janob Rasulullohning xotinlari yig'lashayotganini va ularning har biri oldida o'z qarindoshlari to'planib turganini ko'rdim. Keyin, men masjidga chiqdim, qarasam u yerda odam liq to'la. Hazrat Umar Janob Rasulullohning boloxonalarida ostonasiga borib salom berdilar, ichkaridan hech kim alik olmadi, keyin yana salom berdilar, yana hech kim alik olmadi, yana salom berdilar, yana hech kim alik olmadi. Keyin, (endi qaytib ketaman, deb turganlarida) ichkaridan Janob Rasululloh chaqirib qoldilar, Hazrat Umar ichkariga kirdilar-da: «Xotinlaringizni taloq qildingizmi?»—dedilar. Ul zot: «Io'q, lekin ularning huzuriga bir oy kirmaslikka ont ichdim»,— dedilar. Janob Rasululloh yigirma to'qqiz kun turib, so'ng xotinlari huzuriga kirdilar».

93-bob. Xotinlarni qanday urmaslik kerak? Ollah taolo: «Ularni jonlari og'rimaydirgan qilib uringizlar!» — deydi

Abdulloh ibn Zam'a rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam:

«Birortangiz qulni savalagandek xotiningizni savalamangiz! Keyin, ertasiga u birlan yana yaqinlik qilasz»,— dedilar».

94-bob. Ayol gunohovar ish xususida eriga itoat qilmasin!

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Bir ansoriya ayol qizini erga berdi. Keyin u, qizining sochi to`kilib ketgach, Janob Rasulullohning huzurlariga kelib, shul haqda «Kuyovim qizimga ulamasoch (yasamasoch) taqib qo`ymog`imni buyurdi»,— dedi Ul zot «Bu mumkin ermas, chunki ulamasoch (yasamasoch taqmoqlik) la`natlangandur!» — dedilar»

95-bob. Agar ayol erining ko`ngilsiz bo`lib qolishidan yoki qo`yib yuborishidan cho`chisa...

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Erining ko`ngilsiz bo`lib qolishidan yoki quyib yuborishidan cho`chiydirgan ayol shunday ayolki odatda eri undan ko`ngli to`lmay, uni taloq qilib boshqa xotin olgisi keladi. Shunda o`sha ayol eriga: «Meni nikohingizda olib qolingiz va meni taloq qilmangiz-da, ustimga boshqa xotin olaveringiz, siz menga nafaqa va mahrni biroz kamroq bersangiz ham mayli!» — deydi. Olloh taolo bu xususda «Va agar bir xotin uz erining ko`ngilsiz bo`lishidan yoki yuz o`girishidan qurqsa-yu, o`zaro kelishib sulh qilishsa, bu har ikkisiga ham gunoh ermas, sulh yaxshidur!»—deydi»

96-bob Maniyni tashqariga to`kish haqida

Jobir raziyallohu anhu: «Biz Janob Rasululloh zamonlarida (bola bo`lib qolmasin, deb) maniyni tashqariga to`kar erdik»,— dedilar

Ato Jobirdan naql qiladilar: «Biz maniyni tashqariga to`kar erdik, keyin bu xususda oyat nozil bo`ldi»

Abu Sa`id al-Xudriy rivoyat qiladilar: «G`azotda asir olingan aeyollarni jimo` qilayotib, (xomilador qilib qo`yishdan qo`rqqanimizdan) maniyni tashqariga to`kar erdik. Keyin shul haqda Janob Rasulullohdan so`rab erdik, ul zot bizga: «Yoki o`zlaringiz shunday qilaszlarmi? Qiyomatga qadar dunyoga keladirgan odamlar allaqachonlar yaratib qo`yilgandur!» — deb uch bor aytdilar».

97-bob Safarga chiqmoqchi bo`lganda xotinlari o`rtasida qur`a tashlamoq haqida

Ibn Abu Mulayka rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam safarga chiqsalar, xotinlari o`rtasida qur`a tashlar erdilar. Bu safar ham qur`a tashlab erdilar, qur`a Oisha birlan Hafsaga chiqdi. Odatda, Janob Rasululloh tun bo`lsa, Oisha birlan suhbatlashgani borar erdilar. Hafsa Oishaga «Sen mening tuyamga va men sening tuyangga minib olsam-chi, nima qilishlarini bir ko`rar erdik!» — dedilar. Oisha: «Bo`pti!»—dedilar. Keyin, Ja-nob Rasululloh Oishaning tuyasi oldiga kelib, unda Hafsa o`ltirganini ko`rdilar-da, unga salom berib qaytib ketib qoldilar. Odamlar Hafsaning tuyasini cho`ktirishdi. Oisha Janob Rasulullohni ko`zdan yo`qotib qo`ydilar-da, atrofga alanglay boshladilar. Odamlar Oishaning tuyalarini cho`ktirganda ul muhtarama

oyoqlarini o'tlar orasiga tiqib turib «Yo parvardigoro, shu yerdan bir chayon yoki ilon chiqarib meni chaqtirgil, men ul zotga biror narsa deyolmayman!» — dedilar».

98-bob Ayolning eri huzuriga kiradigan kunini kundoshiga tuhfa qilishi xususida. Er xotinlari huzuriga kiradigan kunlarini qanday taqsimlaydi?

Hishom otalaridan naql qiladilar: «Savda binti Zam'á o'zining huzuriga Janob Rasululloh kiradigan kunini Oishaga tuhfa qildi. Janob Rasululloh uning huzuriga kiradigan kunni Oishaga bagishladilar va bu kun Savdaning kuni erdi»

99-bob. Xotinlarni barobar ko'rmoq haqida

Oллоh taolo «Va sizlar na qadar dillaringiz xoxlasa ham, xotinlarni barobar ko'ra olmassizlar, zinhor bir tarafga egilib ketib, ikkinchi tarafni muallaq qoldirmanglar va agar isloh ham ehtiyot qilib tursangizlar, albatta Oллоh taolo magfirat qilguvchi mehribondur va agar ikkalalari (ya'ni, er va xotin) ajralishsalar, (hech bok yo'qdur), Oллоh taolo har ikkalasini o'z kushoyishidan bahramand qilgay, Oллоh taolo kushoyishli hikmatli zotdur!» — deydi.

100-bob. Juvon ustiga bokira qizga uylansa...

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Sunnat shuki, agar kishi bokira qizga uylansa, uning huzurida yetti kun va agar juvonga uylansa, uch kun turadi»

101-bob. Bokira qiz ustiga juvonga uylansa...

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Payg'ambarimizdan qolgan sunnat shuki, agar kishi juvon ustiga bokira qizga uylansa, avval uning huzurida yetti kun turib, so'ng (ularning huzuriga navbat birlan kirib chiqish uchun) muayyan kunlarni ta'yin qiladi va agar kishi bokira qiz ustiga juvonga uylansa, avval uning huzurida uch kun turib, so'ng (ularning huzuriga navbat birlan kirib chiqish uchun) muayyan kunlarni ta'yin qiladi».

102-bob. Birvarakayiga hamma xotinlarini ziyorat qilib chiqqan kishi xususida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kechada hamma xotinlarini ziyorat qilib chiqar erdilar, o'shanda ul zotning to'qqizta xotinlari bor erdi».

103-bob. Kishining o'z xotinlari huzuriga kunduzi kirib chiqishi haqida

Oiish raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam, agar asr namozidan qayqalar, ayollarining huzuriga kirar va ulardan biri birlan yaqinlik qilar erdilar. Bir kuni ul zot Hafsaning huzuriga kirib u yerda odatdagidan ko'ra ko'proq qolib ketdilar».

104-bob. Kishi xotinlaridan ulardan birining uyida davolanib yotmoqqa ijozat so'raganda unga ijozat berilgani xususida

Hishom ibn Urva otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam

vafotlaridan burungi xastalik chog'larida: «Ertaga men qay yerda bo'laman, ertaga men qay yerda bo'laman?»—deb so'rar erdilar, ya'ni Oishaning huzuriga kiradigan kunlari qachon kelishini so'rar erdilar. Shunda xotinlari: «Uzingiz istagan xotiningizning uyida bo'laveringiz!» — deb ijozat berishdi. Keyin, Janob Rasululloh to vafot qilgunlariga qadar Oishaning uyida bo'ldilar. Oisha: «Janob Rasululloh aynan mening huzurimga kiradigan kunlari mening uyimda vafot etdilar. Oллоh taolo o'z omonatini olganda ul zotning boshlari bag'rimda va tupuklari tupugimga omuxta erdi» (ya'ni, Oisha onamiz tish tozalaydirgan misvok uchini tishlari birlan yumshatib bergan, Janob Rasululloh ersalar uni olib tishlarini tozalagan erdilar. Shunda Oisha onamizning misvokka tekkan tupuklari ul zotning tupuklariga omuxta bo'lgan erdi).

105-bob. Kishining ba'zi xotinlarini ba'zidan ko'ra ko'proq yaxshi ko'rmog'i haqida

Ibn Abbas Hazrat Umarning Hafsaning huzuriga kirib: «Ey qizginam, qo'shningning balandparvoz, yolg'on-yashiq gaplariga aldanma, hattoki u Janob Rasulullohga eng mahbuba bo'lgan Oisha bo'lsa ham!» — dedim, so'ng bu gapimni ul zotga aytib berib erdim, tabassum qilib qo'ydilar» — deb aytganlarini eshitgan erkanlar».

106-bob. Uzida yo'q narsaga o'zini to'ygandek qilib ko'rsatishning hamda kundoshning o'zini birovlariga eri oldida e'tibori bordek qilib ko'rsatishining makruhligi haqida

Asmo raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Bir ayol: «Yo Rasulalloh, mening kundoshim bor, agar men o'zimni erim menga bermayotgan narsaga to'ygandek qilib ko'rsaqam, menga gunoh bo'lmaydimi?» — dedi. Ul zot: «Uziga berilmagan narsaga o'zini to'ygandek qilib ko'rsatuvchi shaxs — birovning ikkita ko'ylagini kiyib olgan odam kavidur!» — dedilar».

107-bob. Rashk haqida

Mugiyra rivoyat qiladilar: «Sa'd ibn Uboda: «Agar men bir begona kishini xotinim birlan ko'rib qolsam, uni qilich beti birlan ermas, tig'i birlan urib, chopib tashlayman!» — dedi. Janob Rasululloh: «Sa'dning rashkidan ajablandingizlarmi? Men Sa'ddan, Oллоh taolo ersa mendan ham ko'proq rashklidur!» — dedilar».

Abdulloh ibn Mas'ud rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oллоh taolodan ko'ra rashkliroq kishi yo'qdur, shul boisdan ham ul buzuqliklarni harom qildi, shuningdek Oллоh taolodan ko'ra madhni yoqtiradiganroq kishi ham yo'qdur!» — dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ey Muhammad ummati! Oллоh taolodan ko'ra, agar u o'z bandasining zino qilayotganini ko'rsa, ko'proq rashk qiladigan shaxs yo'qdur! Ey Muhammad ummati! Agar men bilgan narsalarni bilganingizda erdi, kamroq kulib, ko'proq yig'lagan bo'lur erdingizlar!»— dedilar».

Asmo raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oллоh taolodan ko'ra rashkliroq shaxs yo'qdur'» — dedilar»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Darhaqiqat, Oллоh taolo rashk qilgay va Oллоh taoloning rashki mo`min banda Oллоh taolo harom qilgan narsalarni qilganda tug`yon urgaydur!» — dedilar»

Abu Bakr Siddiqning qizlari Asmo rivoyat qiladilar: «Zubayr menga uylandi. Uning suv tortadigan tuyasi-yu, otidan bo`lak hech vaqosi yo`q erdi. Men otiga yem berar, tuyasi yordamida suv tortar va qo`l tegirmonda don yanchib, xamir qilar erdim. Lekin, men (hali) yaxshi non yopolmas erdim, ansoriya qo`shnilarimdan biri yopib berar erdi. Ikkalamiz ham pokdomon ayollar erdik. Men yanchilgan donni boshimga qo`yib, Zubayrning Janob Rasululloh in`om qilgan yeridan asl qo`shnimning yeriga olib chiqar erdim, qo`shnim ersa mendan uchdan bir farsax narida turar erdi. Bir kuni donni boshimga qo`yib ketayotgan erdim, yo`lda Janob Rasulullohni bir guruh ansorlar birlan uchratib qoldim. Ul zot meni qoshlariga chaqirdilar, keyin kaftlariga tuplab, meni opichib olmoqchi bo`ldilar. Men erkaklar birlan birga ketishdan uyalib, Janob Rasulullohga Zubayr va uning rashki haqida eslatdim, chunki erim o`ta rashkli odam erdi. Janob Rasululloh mening hayo qilganimni bilib, yo`llarida davom etdilar. Keyin, men Zubayrning oldiga borib, unga: «Men boshimga donlarni qo`yib ketayotgan erdim, Janob Rasulullohni bir guruh sahobalari birlan uchratib qoldim. Shunda ul zot tiz cho`kib meni opichlab olmoqchi bo`ldilar, men uyalib ko`nmadim. So`ng, ul zotga sizning rashkli erkanligingizni bildirdim»,— dedim. Erim: «Xudo haqi, boshingdagi doningni ko`tarib olsalar, mayli-ya, ammo seni yuking birlan opichib olganlarida mening sha`nimga og`ir bo`lar erdi!»— dedi. Shundan keyin, (otam) Abu Bakr bir xizmatkor yubordilar, u meni ot boqish yumushidan ozod qildi».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xotinlaridan birining huzurida erdilar. Bir payt, mo`minlarning onalaridan biri bir likopchada ul zotga taom kiritdi. Shunda Janob Rasululloh qaysi xotinlarining huzurida o`ltirgan bo`lsa-lar, o`sha xotinlari taom keltirgan xizmatkorning qo`liga urib erdi, likopcha tushib ketib, chilparchin bo`ldi. Janob Rasululloh likopcha siniqlarini birlashtirdilar, so`ng sochilib ketgan taomni yig`ishtirib, unga soldilarda: «Onalaringiz rashk qildi!» — dedilar. Keyin, xizmatkorni to`xtatib, unga hozir o`zlari uyida o`ltirgan xotinlarining likopchalaridan birini berib yubordilar, singan likopchani ersa likopchani sindirgan xotinlarinikida qoldirdilar».

Jobir ibn Abdullou raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Jannatga kirdim (yoki jannatga keldim), u yerda bir qasrni ko`rib. «Bu kimning qasri?»—deb so`radim. «Umar ibn al-Xattobniki»,— deyishdi. Keyin, men unga kirmoqchi bo`ldim, ammo kirmog`imga (ey Umar), faqat sening rashkchi erkanligingni bilganim mone`lik qildi»,— dedilar Xazrat Umar. «Yo Rasulalloh, ota-onam sizga fido bo`lsinlar! Yo Nabiyalloh, sizdan rashk qilamanmi?!»—dedilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Bir payt, biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida o`ltirib erdik, ul zot bizga. «Bir mahal, men uxlab yotgan erdim, o`zimni jannatda ko`rdim. Bir ayol bir qasrning yonida yuvinib turgan erkan. «Bu qasr kimniki?»—dedim. «Bu Umarniki»,— deyishdi. Shunda men Umarning rashkli erkanligini eslab, u yerdan ortimga qaytib ketdim»,— dedilar. Hazrat Umar shu yerda o`ltirgan erdilar, yig`lab yubordilar, so`ng: «Sizdan rashk qilamanmi, yo Rasulalloh?!» — dedilar».

108-bob Ayollar rashki va g'azabi xususida.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga. «Men sening mendan mamnun bo'lganingni ham, mendan dargazab bo'lganingni ham darhol bilib olaman»,— dedilar. Men: «Buni qaerdan bilasiz?» —dedim. Ul zot. «Agar mendan mamnun bo'lsang, «Yo'q, Muhammadning parvardigori haqi!» deb aytasan va agar mendan darg'azab bo'lsang, «Yo'q, Ibrohimning parvardigori haqi!» deb aytasan»,— dedilar. Men: «Ha, shunday, xudo haqi, yo Rasulalloh! Mamnun bo'lganimda faqat sizning ismingizni aytaman»,— dedim».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohni Xadichadan rashk qilganchalik hech bir ayoldan rashk qilmaganman, chunki ul zot Xadichani ko'p eslab, ko'p maqtar erdilar. Jannatda Xadicha uchun shakar qamishdan qasr bunyod qilib qo'yilganligini uning o'ziga bashorat qilmoqni Oллоh taolo Janob Rasulullohga vahiy qilgandi.

109-bob. Kishining o'z qizini rashk va insof qilib himoya etmog'i haqida

Misvar ibn Maxrama rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh minbarda turib: «Hishom ibn al-Mugiyra qabilasi ahli o'z qizini Ali ibn Abu Tolibga bermoqchi bo'lib mendan izn so'radi. Men ruxsat bermayman, keyin ham, undan keyin ham ruxsat bermayman, faqat Ali ibn Abu Tolib qizimni taloq qilib, ularning qiziga uylanishni istasagina ruxsat beraman! Chunki, qizim mening bir bo'lagim bo'lib, uni shubhaga solgan narsa meni ham shubhaga soladi va unga aziyat yetkazgan narsa menga ham aziyat yetkazadi!» — dedilar».

110-bob. Erkaklar kamayib, ayollar ko'payadi

Abu Muso rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Hali sen erkaklar kamayib, ayollar ko'payib ketganidan bir erkakning ortidan qirqta ayolning lazzattalab bo'lib yurganlarini ko'rasan!» — dedilar».

Apas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men sizlarga o'zim shaxsan Janob Rasulullohdan eshitgan shunday bir hadisni aytib berayki, uni mendan bo'lak biror kishi sizlarga aytib bermaydi! Men ul zotning mana bunday deganlarini eshitganman: «Qiyomatning belgilaridan biri shuki, ilm (islom dini ilmi) oradan ko'tarilib, jaholat kuchayadi, zino, ichkilikbozlik avjga chiqadi hamda erkaklar kamayib, ayollar ko'payib ketadi, hatto ellikta ayol uchun bitta homiy (erkak) to'g'ri keladi».

111-bob. Erkak birlan ayol mahram bo'lsalargina yolgiz qola oladilar! Eri uyida bo'lmagan ayolning huzuriga kirmoq haqida

Uqba ibn Omir rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ayollarning huzuriga kirishdan o'zingizni tiyingizlar!» — dedilar. Shunda ansorlardan biri: «Yo Rasulalloh, qayinlarni (ya'ni, erning otasi va erning o'gillaridan bo'lak erkak qarindoshlarini) nazarda tutyapsizmi?»—dedi. Janob Rasululloh: «Qaynlar — o'limdur!» — dedilar (ya'ni, bu yerda erning otasi va ernish o'gillaridan bo'lak erkak qarindoshlari nazarda tutilib, ular uning ayoliga mahramdurlar va u birlan yolgiz qolish ularga ruxsat etiladi. Shu boisdan ham, agar ular mazkur ayol birlan yolgiz qolishdan tiyilmay, uning

huzurida bemalol o'ltiraversalar, birdamas-birda gunoh sodir bo'lmog'i mumkin, bu ersa dinni halokatga olib keladi)».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Erkak birlan ayol faqat mahram birlangina yolgiz qola oladilar!» - dedilar. Shunda bir kishi o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh! Xotimim haj qilmoqqa chiqib erdi, men falon va falon gazotga yozilib (boraman deb niyat qilib) qo'ydim»,— dedi. Ul zot: «Ortingga qaytib, xotining birlan haj qilgil!» — dedilar».

112-bob. Erkak birlan ayolning odamlar huzurida chekkaga chiqib so'zlashmog'ining joizligi haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Bir ansoriya ayol Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga keldi, shunda ul zot (huzurlaridagi kishilar ko'z oldida; u birlan chekkaga chiqdilar-da, unga: «Sen mening uchun (ansoriya ayollar ichidagi) eng suyuqli odamsan!» — dedilar».

113-bob. Ayolchalish erkaklarning ayol huzuriga kirmog'i man' qilingani haqida

Hishom ibn Urva otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Ummu Salamaing uyida o'ltirgan erdilar, u yerda bir xunasa ham bor erdi. Usha xunasa Ummu Salamaning birodari Abdulloh ibn Abu Umayyaga: «Agar Olloh taolo ertaga sizlarga Toifni fath qilib bersa, men senga G'aylonning qizini ko'rsataman, u to'rttasi birlan ilgari surilib, sakkiztasi birlan tisariladi»,— dedi. Janob Rasululloh: «Buni uyingizga kiritmangizlar!» — dedilar».

114-bob. Ayolning habashlarga yoki shu kabi kishilarga shunchaki qaramog'i haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Men masjidida nayzabozlikni mashq qilayotgan habashlarga qarab turganimda Janob Rasulullohning meni kiyimlari birlan pana qilib turganlarini ko'rdim, keyin zerikkunimcha tomosha qildim, chunki men hali o'yin-kulgiga to'ymagan bir yosh qizaloq erdim».

115-bob. Ayollarning hojatga chiqishlari haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Tunlardan birida Savda binti Zam'a tashqariga chiqdi. Hazrat Umar uni ko'rib, tanidilar va unga: «Sen, xudo haqi, ey Savda, bizdan berkinolmaysan!» — dedilar. Savda ortiga qaytib, Janob Rasulullohning huzurlariga bordi-da, bo'lgan gapni aytdi. Shunda ul zot mening hujramdagi kechki ovqatni tanovul qilayotgan bo'lib, qo'llaridagi sho'rvaga bir qarab qo'yib, so'ng nigohlarini yuqoriga qaradilar-da: «Olloh taolo sizlarga (ayollarga) hojatlaringiz uchun tashqariga chiqmoqqa ijozat berdi», — dedilar».

116-bob. Ayolning masjid va shu kabi joylarga chiqmoqqa eridan ijozat so'ramog'i haqida

Solim otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar

birortangizning xotiningiz masjidga chiqmoqqa sizdan izn so'rasa, unga mone'lik qilmangiz!» — dedilar».

117-bob. Erkakning o'zi birlan emishgan ayollarning huzuriga kirmog'i va ularga qaramog'i mumkinligi haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Emishgan amakim kelib, huzurimga kirmoqqa izn so'radilar, men Janob Rasulullohdan so'ramagunimga qadar, ul kishiga ruxsat bergim kelmadi. Janob Rasululloh kelganlarida ul zotdan shu haqda so'radim. Ul zot: «U sening amakingdur, unga ruxsat bergil!»—dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, meni bu kishining xotini ermas, akasining xotini emizgandur!»— dedim. Ul zot: «U senga amaki bo'ladi, huzuringga kiraversin!»—dedilar. Bu voqea biz ayollarga hijob (parda) tortilgandan so'ng ro'y bergan bo'lib, bildimki tugushganlarga harom qilingan narsa emishganlarga ham harom qilingan erkan».

118-bob. Bir ayol ikkinchi bir ayolning yonini olib kelmasin hamda uni eriga ta'rifu tavsif qilmasin!

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Bir ayol ikkinchi bir ayolning yonini olib kelmasin hamda uni shoyad eri unga qarasa, deb eriga ta'rifu tavsif qilmasin!» — dedilar.

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

119-bob. Bir kishining «Bu kecha albatta xotinlarimni ziyorat qilgayman!» deb aytgani haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Sulaymon ibn Dovud alayhissalom: «Bu kecha albatta yuzta xotinni ziyorat qilgayman, har biri Oloh taolo yo'lida jang qiladigan bir o'gil tugib bergay!» — dedilar. Shunda farishta ul kishiga: «Inshoolloh, deb ayt!» — dedi, ammo ul kishi buni unitib, aytmadilar. Keyin, xotinlarini ziyorat qildilar, ammo ulardan bittasigina tugdi, u ham bo'lsa, chala. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar «inshoolloh» deganlarida, (qasamlarini) buzmagani bo'lardilar va tilaklarining ro'yobga chiqishidan qattiq umidvor bo'lsalar bo'lar erdi!»—dedilar».

120-bob. Agar kishi uzoq vaqt uyida bo'lmagan bo'lsa, «Oilam menga xiyonat qilmayaptimikan?» degan yomon o'y birlan kechasi kelib eshikni taqillatmasin!

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kishining to'satdan kechasi safardan kelib eshigini taqillatmog'ini makruh ko'rar erdilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Birortangiz uzoq vaqt uyingizda bo'lmagan bo'lsangiz, to'satdan kechasi kelib eshigingizni taqillatmangiz!» — dedilar».

121-bob. Bola ko'rmoq (farzandli bo'lmoq) ishtiyoqi

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasululloh birlan birga g'azotda

erdim. Ortimizga qarab yo'lga chiqqanimizda imillab ketayotgan tuyamni tezlatdim, shunda bir kishi ketimdan ulovda yetib keldi, o'girilib qaragam, bu Janob Rasululloh erkanlar. «Namuncha sho-shilmasang!»—dedilar. «Chillali kuyovman»,— dedim. «Bokira qizga uylandingmi yoki juvongami?» — dedilar. «Juvonga»,— dedim. «Agar bokira qizga uylanganingda erdi, bir-biringiz birlan vaqtxushlik qilar erdingizlar!» — dedilar. Yetib kelgach, uy-uyimizga kirmoqchi bo'ldik. Shunda ul zot: «Kech bo'lguncha kutingizlar, keyin kirasizlar, chunki ayollaringiz o'ziga oro berib olsin, sizlar ham soch-soqollaringizni tarashlab olingizlar!» — dedilar. So'ng, ul zot menga qarab: «Ey Jobir, fikru o'yingda jimo' bo'lsin!» (ya'ni, «Farzandli bo'lmog'ing kerak!»)— dedilar».

122-bob. Safardan qaytgan erkaklar soch-soqollarini tarashlab, ayollar ersa to'zigan sochlarini tarab olsinlar!

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Biz Janob Rasululloh birlan birga g'azotda erdik. Ortimizga qaytib, Madinaga yaqinlashganimizda imillab yurayotgan tuyamni tezlashtirdim. Shunda ortimdan bir kishi ulovda yetib kelib, qo'lidagi nayza (aso) birlan tuyamni bir nuqib erdi, sen bilgan eng yaxshi tuyalar kabi gijinglab ketdi. Ugirilib qaragam, bu Janob Rasululloh erkanlar. Men: «Yo Rasulalloh, men hali chillasi chiqmagan kuyovman!» — dedim. Ul zot: «Uylandingmi?»— dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Ul zot: «Bokiragami yoki juvongami?» — dedilar. Men: «Juvonga»,— dedim. Ul zot: «Bokiraga uylanganingda erdi, o'zaro dilxushlik qilgan bo'lar erdingizlar!» — dedilar. Yetib kelgach, uy-uyimizga kirib ketayotgan erdik, ul zot: «Kechgacha oshiqmangizlar, keyin kirasizlar, toki ayollaringiz to'zigan sochlarini tarab, sizlar ersangiz soch-soqollaringizni tarashlab olingizlar!» — dedilar».

123-bob. Olloh taoloning «Va ko'rsatmaydilar ziynatlarini (jamollarini) erlaridan bo'laklarga...» degan qavli haqida

Abu Hozim rivoyat qiladilar: «Odamlar Janob Rasulullohning Uhud kunidagi jarohatlari nima birlan davolangani xususida bahslashib qolishdi. Keyin, shu haqqa Sahl ibn Sa'd as-So'idiydan so'rashdi. Ul kishi Janob Rasulullohning tirik qolgan eng so'nggi madinalik sahobalari bo'lib, bunday dedilar: «Buni mendan ko'proq biladigan odam qolmadi. Ushanda Fotima alayhossalom ul zotning yuzlaridan oqayotgan qonni yuvgan, Hazrat Ali ersa qalqonida suv keltirib bergan erdi. So'ng, bo'yрани kuydirib, kulini jarohatlariga bosgan erdi».

124-bob. Olloh taoloning «Sizlardan balog'atga yetmaganlar...» degan qavli xususida

Abdurrahmon ibn Abbosrivoyat qiladilar: «Mei bir kishining Ibn Abbosdan: «Siz Janob Rasululloh birlan birga qurbon yoki ramazon hayitida bo'lganmisiz?» — deb so'rganini eshitdim. Shunda Ibn Abbos bunday deb javob berdilar: «Ha, bo'lganman. Agar men ul zotga suyukli bo'lmaganimda, yosh bolaligim sababli birga bo'lolmagan bo'lar erdim. Ushanda Janob Rasululloh chiqib namoz o'qidilar, so'ng va'z aytdilar, lekin na azon va na takbir haqida eslatmadilar. Keyin, ayollarning qoshiga borib, ularga ham va'z aytdilar va pand-nasihat qilib, sadaqa bermoqni amr qildilar. Shunda men ayollarning quloqlariga va bo'yinlariga qo'llarini uzatib, isirg'a va marjonlarini Hazrat Bilolga olib berishayotganini ko'rdim. Shundan keyin, Janob Rasululloh birlan Hazrat Bilol uylariga ketishdi».

125-bob. Kishining o'z do'stiga (o'rtog'iga); «Bu kecha jimo' qildingizmi?» — deb aytmog'i hamda kishining o'z qizining biqiniga turtib dashnom (jazo) bermog'i haqida

(Bu yerda yuqoridagi sarlavhaning birinchi qismiga taalluqli hadis berilmagan. 1-jilddagi «Janoza» kitobida keltirilgan. Anas ibn Molikning quyidagi hadisi nazarda tutilgan bo'lishi mumkin: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qizlari (Ummu Gulsumning) janozasida erdik. Qarasam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qabr yonida o'ltiribdilar-u, ko'zlaridan duv-duv yosh oqayotir. Nogahon, ul zot: «Orangizda bu kecha xotiniga yaqinlik qilmagan biror kishi bormi?» — deb so'radilar. Shunda Talha: «Men»,— dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Unday bo'lsa, qabrga tushgil!» — dedilar. Talha (mayyitni lahadga qo'ygani) qabrga tushdilar»).

Oisha raziyalloh u anho rivoyat qiladilar: «Otam Abu Bakr as-Siddiq menga dashnom (jazo) berib, qo'llari birlan biqinimga turta boshladilar, shunda men Janob Rasululloh boshlarini tizzamga qo'yib uxlayotganlari uchungina qimiray olmagan erdim».

«TALOQ» KITOBIDAN

Olloh taoloning qavli: «Ey payg`ambari muxtaram! (Ummatlaringizga aytingizki), qachon xotinalaringizga taloq bermoqchi bo'lsangizlar, taloq qilingizlar ularni iddalarin avvalida va saqlab turingizlar iddani» (ya'ni, agar xotinalaringizga taloq bermoqchi bo'lsangizlar, xotin hayzdan pok bo'lib, g'usl qilgandan keyin hamda u birlan yotmasdan turib taloq qilingizlar va har ikkingiz iddani xotinalaringizda tutingizlar).

«Ahsaynohu» — «uni yodda tutdik va hisobga olib qo'ydik», «taloqus-sunna» — «xotinni hayzdan poklangan holda, unga yaqinlik qilmay ikki guvoh huzurida taloq qilmoqlik».

Nofi' raziyallohu aihu rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu xotinini hayz ko'rgan holida taloq qildi. Bu voqea Janob Rasulullohning hayotlik vaqtlarida bo'lgan bo'lib, Hazrat Umar ibn al-Xattob ul zotdan shu haqda so'radilar. Ul zot: «Borib aytgil, uni qayta nikohlab olsin, keyin hayzdan poklanguniga qadar uyida ushlab tursin, keyin yana hayz ko'rib, hayzdan poklansin, keyin agar istasa, uyida olib qolib yashayversin, agar ystamasa, unga yaqinlik qilmay turib taloq qilsin! Bu Olloh taolo amr qilgan idda bo'lib, shunga binoan ayollar taloq qilinadi»,— dedilar».

1-bob. Agar ayol hayz ko'rgan holida taloq qilingan bo'lsa ham, taloq hisobga o'tadi!

Anas ibn Sirin rivoyat qiladilar: «Ibn Umar xotinini hayz ko'rgan holida taloq qildi. Hazrat Umar buni Janob Rasulullohga aytib erdilar, ul zot: «Uni qayta nikohlab olsin!»—dedilar. Hazrat Umar. «Hayz holida taloq qilgan bo'lsa ham, taloq hisobga o'tadimi?» — dedilar. Ul zot: «Bo'lmasachi!» — dedilar».

Yunus ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Ibn Umar: «Janob Rasululloh otamga «Borib aytgil, uni qayta nikohlab olsin!» deb aytibdilar»,— dedi. Men: «Hayz holida taloq qilinsa ham, taloq hisobga o'tadimi?»— dedim. Ibn Umar: «Qarib, miyasi aynib qolgan deb o'yladingizmi?!» — dedi».

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Ibn Umar: «Men xotinimni hayz holida taloq qilib erdim, u menga taloq qilingan hisoblandi»,— dedi».

2-bob. Taloq qilgan kishi haqida. Kishi xotiniga yuzlanib turib uni taloq qilganini aytadimi?

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Al-Ju-unning qizi Janob Rasulullohning huzurlariga kiritilib, ul zot unga yaqin borganlarida: «Olloh taolo sizdan meni o'z panohida asrasin!» — dedi. Ul zot unga: «Endi, sen buyuk zotning (Olloh taoloning) panohidasan, oilangga (uyingga) ketaver!»—dedilar».

Abu Usayd raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz (Janob Rasululloh uylanganlarida) yo'lga chiqib, ash-Shavt nomli bir chorbog' tomon yo'l oldik va nihoyat ikki chorbog' oralig'iga yetib kelib, dam olgani o'ltirdik. Janob Rasululloh bizga: «Shul yerda o'ltira turingizlar!»— dedilar-da, chorboqqa kirib ketdilar. Ul zot o'zlari birlan bir savat tortiq olib kelgan bo'lib, men uni an-Nu'mon ibn Sharohbil qizi Umayya doyasi birlan o'ltirgan xurmozor ichidagi uyga olib kirib qo'ydim. Janob Rasululloh Umayyaning huzuriga

qo'shilmog bo'lib kirganlarida, unga: «Kelgil, o'zingni menga tuhfa qilgil!»—dedilar. Shunda Umayya ul zotga: «Malika ham o'zini o'z fuqarosiga tortiq qiladimi?!» — dedi. Janob Rasululloh uni tinchlantirmog uchun qo'llarini unga uzatib erdilar, u: «Oллоh taolo meni sizdan o'z panohida asrasin!»—dedi. Ul zot: «Endi, sen (uning) panohidasan!»—dedilar-da, bizning huzurimizga chiqib keldilar. Keyin: «Ey Abu Usayd, unga ikki bosh-oyok, sarpo kiygizgin-da, uyiga jo'natib yubor!»—dedilar».

Abbos ibn Sahl va Abu Usayd rivoyat qilishadi. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Sharohbil qizi Umayyaga uylandilar. Umayya Janob Rasulullohning huzurlariga kiritib yuborilganda ul zot unga qo'l uzatdilar. Shunda u buni yoqtirmagandek bo'ldi. Janob Rasululloh (darhol) Abu Usaydga qizni yo'lga tayyorlab, unga ikki bosh-oyoq sarpo kiygizib, so'ng uyiga jo'natib yubormoqni amr qildilar».

Abu G'allob Yunus ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Men Ibn Umarga; «Bir kishi xotinini hayz ko'rgan holida taloq qilibdi»,— dedim. U: «Sen Ibn Umarni taniysan («Bu menman» demoqchilar). U xotinini hayz holida taloq qildi. Keyin, Hazrat Umar Janob Rasulullohga shu haqda aytdilar. Ul zot xotinimni qayta nikohlab olmog'imni, so'ng hayzdan poklangach, istasam uni taloq qilmog'imni amr qilibdilar»,— dedi. Men: «Hayz holida qilingan taloqni taloq, deb hisobladilarmi?» — dedim. U: «Qarib, miyasi aynib qolgan, deb o'ylayapsanmi?!»—dedi».

3-bob. Uch taloqqa ijozat bergan kishi haqida. Oллоh taolo: «Taloq ikki bor (qaytarilur), keyin (xotinni) yaxshilik ila nikoqda saqlanur yoki xush qilib qo'yib yuborilur...»,— deydi

(Islomdan avval arablarda qoida shul erdiki, ular xotinlarini o'n va hatto yigirma marta taloq qilgandan keyin ham, iddalari tugamay turib yana qaytarib olur erdilar. Yuqoridagi oyat johiliyat davridagi ana shul qoidani bekor qildi, Oyatning mazmuni shuki, bir er o'z xotinini ikki bor taloq qilib, yana qayta olmog'i mumkin, lekin bu idda mobaynida bo'lur. Agar idda muddati tugagan bo'lsa, ul holda ixtiyor xotindadur. Er ikki bor xotinini taloq qilgandan keyin, yarashib yana uchinchi bor taloq qilsa, xotin boshqa bir kishiga tasodifan tegib chiqib, iddasi tugagandan keyingina avvalgi eriga halol bo'lgay).

Ibn Zubayr xotinini taloq qilgan bemor er xususida gapirib: «Uning taloq qilingan xotini undan meros oladi, deb hisoblamayman»,— dedilar. Sha'biy ersalar: «Undan meros oladi»,— dedilar. Ibn Shubruma: «Usha xotin, idda muddati tugasa, erga tegadimi?»— dedilar. Ibn Zubayr: «Ha»,— dedilar. Ibn Shubruma: «Agar uning keyingi eri ham o'lsa, undan meros olmaydi, deb hisoblar erkansizda!» — dedilar.

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Uvaymir al-Ajaloniy Osim ibn Adiy al-Ansoriyning huzuriga kelib, unga: «Ey Osim! Nima deb o'ylaysan, agar bir kishi xotinini begona bir kishi birlan tutib olsa, u o'sha erkakni o'ldiradimi yoki uni sizlar o'ldirasizlarmi, unga nisbatan qanday chora ko'riladi? Iltimos, Janob Rasulullohdan shul haqda so'rab bilib bergil!» — dedi. Osim shul haqda Janob Rasulullohdan so'rab erdi, ul zot bu masalani aybli hisoblab, javob bergilari kelmadi, hatto Osimni shunday qattiq urishib berdilarki, u so'raganiga pushaymonlar yedi. Osim uyiga qaytib kelgach, Uvaymir kelib: «Ey Osim! Janob Rasululloh nima dedilar?»—dedi. Osim: «Menga yaxshi bo'lmadi, Janob Rasululloh sen so'ragan masala xususida javob bermoqni istamadilar»,— dedi. Uvaymir: «Oллоh taolo haqi! Buni so'rab bilib olmagunimcha, qo'ymayman!» — dedi-da, Janob

Rasulullohning huzurlariga jo'nadi. Yetib borganida, ul zot odamlar qurshovida turgan erdilar. «Yo Rasulalloh! Nima deysiz, agar bir kishi xotini birlan boshqa bir kishini tutib olsa, uni o'zi o'ldiradimi yoki uni sizlar o'ldirasizlarmi, unga nisbatan qanday chora ko'riladi?»—dedi Osim. Janob Rasululloh: «Oллоh taolo sen birlan rafiqang xususida hozirgina oyat nozil qildi. Bor, xotiningni olib kel!» — dedilar. Keyin, ular ikkalasi bizning huzurimizda bir-birlarini mulo'ana qilishdi (ya'ni, har biri o'zining haq erkanligini aytib, bir-birini la'natladi). Mulo'anadan qutilganimizda, Uvaymir: «Yo Rasulalloh! Agar uni xotin qilsam, unga tuhmat qilgan bo'laman»,— dedi-da, unga Janob Rasululloh amr qilmasla-ridan burun, uni o'zi uch taloq qildi». Ibn Shihob: «Usha yili mulo'ana qiluvchilar yili bo'lgan erdi»,— deydilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rifo'at al-Quraziyning xotini Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh! Rifo'at moni qat'iyon taloq qildi. Keyin, men Abdurrahmon ibn az-Zubayr al-Quraziyga tegdim. Lekin, uning olati mana bu popuk yanglig' bo'sh (yumshoq) erkan»,—dedi. Janob Rasululloh: «Menimcha, sen ilgarigi ering bo'lmish Rifo'atga qaytib tegmoqchiga o'xshaysan, ammo ilgarigi ering zavq olgani kabi to u sening va sen uning asaldonidan zavq olmas erkansan, bu mumkin ermas!»— dedilar».

4-bob. Xotinlariga tanlash ixtiyorini bergan kishi xususida. Oллоh taolo: «Ey payg'ambari muhtaram, siz o'z xotinlaringizga aytingizki, agar sizlar dunyo hayotini va uning ziynatini istasangizlar, kelingizlar, men sizlarga bir oz foyda yetkazay-da, so'ng sizlarga yaxshilik ila ruxsat beray!»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga tanlash ixtiyorini berdilar, biz (xotinlar) Oллоh taolo birlan uning rasulini tanladik va buni bizga taloq, deb hisoblamadilar (ya'ni, Madinani zabt etmoq, musulmonlarni asir qilmoq va islom dinini poymol etmoq umidida kelgan kofirlarni Oллоh taoloning o'zi daf qildi, musulmonlarni dushmanga ro'baro' qilmadi. Janob Rasulullohning xotinlari, dushman daf qilinib, xalq biroz osuda va orom olganini ko'rishgach, Janob Rasulullohdan o'zlarining ta'minotlarini ko'paytirishni talab qilmoqchi bo'lishdi. Janob Rasululloh ularning bu niyatlaridan xabar topib, xafa bo'ldilar-da, bir oygacha ularning huzuriga kirmaslikka ont ichdilar va masjidga yaqin bir boloxonada tanho turdilar. Hazrat Abu Bakr as-Siddiq va Hazrat Umar raziyallohu anhumo bu voqeani eshitishib ranjishdi-da, o'z farzandlari Oisha birlan Hafsa onalarimizga tanbih berishdi. So'ng, Payg'ambarimiz sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kirishib, ul zotning muborak qalblarini shirin so'zlar birlan yozishdi. Bir oydan so'ng, Oллоh taoloning yuqoridagi «Taxyir» (Bu dunyo hayoti birlan uning ziynatini yoki Oллоh taolo birlan uning rasulini tanlash ixtiyori berilganligi haqidagi) oyati karimasi nozil bo'ldi. Janob Rasululloh bu oyatni avval Oisha onamizga eshittirdilar, shunda Oisha onamiz Oллоh taolo birlan uning rasulini tanladilar, boshqa onalarimiz ham Oisha onamiz yanglig' ish tutishdi).

Ismoil raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Oisha raziyallohu anho Masruqdan Janob Rasulullohning o'z xotinlariga tanlash ixtiyorini berganliklari xususida so'rab: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga tanlash ixtiyorini berdilar, bu taloqmikin?» — dedilar. Masruq: «Xotinim (nikoh vaqtida) meni tanlagan bo'lganidan keyin, mening unga yana bir yoki yuz marta tanlash ixtiyorini bermog'imning menga qizig'i yo'q!» — dedi».

5-bob. Agar er xotiniga «Men seni tark etdim» yoki «Men senga ruxsat berdim» yoki «Bo'shsan» yoki «Erklisan» deb ayqa-yu, bundan taloq qilmoqni nazarda tutmagan bo'lsa, niyatidagi bo'ladi!

Oллоh azza va jalla: «Va ruxsat beringizlar ularga yaxshilik ila!» — deydi. Oллоh taolo yana: «Va sizlarga yaxshilik ila ruxsat beray (deb aytgil!)» — deydi. Shuningdek, Oллоh taolo: «Yaxshilik ila nikohda saqlanur yoki xursand qilib (mahrlarini berib) qo'yib yuborilur»,— deydi. Oллоh taolo: «Yoki ularni yaxshilik ila tark etingizlar!» — deb ham aytadi.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga o'rgatdilarki, ota-onamiz bizni ul zotdan ajralmog'imizga buyruq bera olmas erkanlar».

6-bob. «Sen menga haromsan!» deb xotiniga aytgan er xususida

Hasan raziyallohu anhu: «Niyatidagi bo'ladi»,— deyдилar.

Ilm ahli: «Agar er xotinini uch taloq qilgan bo'lsa, xotini unga haromdur!» — deyishib, «harom» so'zini «taloq» va «ajralish» ma'nosida qo'llashadi. Bu yerdagi «harom» so'zi taomga nisbatan ishlatiladigan «harom» kabi ermas, chunki halol taomni harom deyilmaydi, balki taloq qilingan ayolni harom deyiladi. Oллоh taolo uch taloq xususida: «Bundan keyin ul xotin unga halol So'lmas, toki boshqa bir erga nikoh qilinmasa»,— deydi. Ibn Umardan agar uch taloq qilgan kishilar haqida so'ralsa, «Basharti bir bor yoki ikki bor taloq qilgan bo'lsang, ul holda Janob Rasululloh menga qayta nikohlab olmoqni amr qilganlar va agar uch bor taloq qilgan bo'lsang, unda xotining sendan bo'lak erga nikohlanmaguncha senga haromdur!» — der erдилar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Bir kishi xotinini taloq qilib erdi, erga tegib ketdi. Keyin, u ham uni taloq qildi. Chunki, uning olati popuk singari lapashang bo'lib, xotin undan qoniqmas erdi. Shul boisdan ham u uni tezda taloq qilgan erdi. Ushal xotin Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh! Erim meni taloq qildi, keyin men boshqa erga tegib erdim, u olyati popuk singari lapashang bo'lganidan arang bir marta yaqinlik qila oldi, xolos, shunda ham meni qoniqtira olgani yo'q. Endi, men ilgorigi erimga halol bo'lamanmi?» — dedi. Janob Rasululloh: «Ilgorigi eringga, toki hozirgi ering sening va sen uning asaldonidan zavq olmas erkansan, halol bo'lmaysan!» — dedilar».

6-bob. Oллоh taolo sizga halol qilgan narsani o'zingizga harom qilmangiz!

Sa'id ibn Jubayr Ibn Abbosning «Agar kishi xotiniga: «Sen menga haromsan!» — desa, talok; bo'lmaydi, chunki sizlar uchun Janob Rasulullohda yaxshi ibratlar mavjud-dur!» deb aytganlarini eshitgan erkanlar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Zaynab binti Jahshning hujrasiga kirib, u yerda asal tanovul qilib, uzoq qolib ketadigan odat chiqardilar. Shunda men Hafsa birlan til biriktirib: «Agar Janob Rasululloh birortamizning hujramizga kirib kelsalar, ul zotga «Sizdan mag'ofir (asalga o'xshash sassiq yelim) hidi kelyaptimi, mag'ofir tanovul qildingizmi?» deb aytamiz, deb kelishib oldim. Keyin, Janob Rasululloh xotinlaridan birining huzuriga kirib erдилar, u ul zotga boyagi gapni aytdi. Janob Rasululloh: «Yo'g'-e, Zaynab binti Jahshning huzurida asal tanovul qilgan erdim,

endi sira ham asal tanovul qilmayman!» — dedilar. Shunda «Ey payg`ambari muhtaram! Oллоh taolo sizga halol qilgan narsani o`zingizga harom qilmangiz!» degan oyati karima nozil bo`ldi. Oллоh taolo payg`ambarimizning «Yo`g`-e, asal tanovul qilgan erdim» degan gaplarini nazarda tutib, Oisha va Hafsa onamizga qarata: «Payg`ambar ba`zi xotinlariga ohista (pichirlab) biror so`z aytganda...»—deb murojaat qildi».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam asal va halvoni xush ko`rar erdilar. Asr namozidan qaytganlarida barcha xotinlarining huzuriga birma-bir kirib, suhbatlashib chiqur erdilar. Keyin, Hafsaning huzurida ko`proq qolib ketadigan odat chiqardilar, surishtirib bilsam, Hafsaga uning qavmidan bo`lgan bir ayol bir idishda asal tortiq qilgan erkan. Janob Rasululloh o`sha asaldan tanovul qilib, ko`proq ushlanib qolar erkanlar. Men o`zimga-o`zim: «Xudo haqi, ul zotni bir boplaymiz!» — dedim-da, Savda binti Zam`aga: «Ul zotning huzuringga kirmoqlari turgan gap, huzuringga kirganlari-da: «Mag`ofir yedingizmi?» — deysan, ul zot: «Yo`q»,— deydilar. Sen: «Sizdan kelayotgan sassiq hid nimaning hidi?» — deysan. Ul zot: «Hafsa menga asal yedirgan erdi»,— deydilar. Sen: «Demak, asalarilar urfut gulidan asal olgan erkan-da!» — deysan, men ham shunday deyman»,— deb tayinladim. So`ng, Safiyyaga: «Ey Safiyya, sen ham shunday deb aytgil!»—dedim. Ushanda Savda: «Xudo haqi, Janob Rasululloh hujram eshigiga kelib turganlarida sen menga buyurgan gapni sendan qo`rqqanimdangina aytmoqchi bo`ldim»,— deb erdi. Janob Rasululloh Savdaga yaqinlashishlari hamonoq, u: «Yo Rasulalloh, mag`ofir yedingizmi?» — dedi. Ul zot: «Yo`q»,— dedilar. U: «Sizdan anqiyotgan sassiq hid nimaning hidi?» — dedi. Ul zot: «Hafsa menga asal yedirgan erdi»,— dedilar. U: «Demak, asalarilar urfut gulidan asal olgan erkanda!» — dedi. Keyin, men ham ul zot huzurimga kirganlarida shu gapni aytdim, Safiyyaning huzuriga kirganlarida u ham shunday dedi. Janob Rasululloh Hafsaning huzuriga kirganlarida, Hafsa: «Yo Rasulalloh, sizga asal yedirib qo`yaymi?» — deb erdi, ul zot: «Yegim kelmayapti»,— dedilar. Shundan keyin, Savda menga: «Xudo haqi, biz Janob Rasulullohga asalni harom qilib qo`ydik!»—dedi afsuslanib. Men unga: «Ovozingni o`chir!» —dedim».

7-bob. Nikohiga olmay turib taloq qilolmaydi!

Oллоh taolo: «Ey mo`minlar! Agar mo`mina ayollarni nikohingizga olgan bo`lsangizlar-u, so`ng ularni jimo` qilmay turib taloq qilgan bo`lsangizlar, ularni iddada saqlamog`ingiz lozim ermas, ularning mahrlarini berib, yaxshilik ila qo`yib yuboringizlar!» — deydi.

Ibn Abbos yuqoridagi oyatga binoan «Oллоh taolo taloqni nikoxdan keyinga qo`ydi»,— dedilar. Ko`pgina boshqa roviylar ham shul haqda rivoyat qilishadi, jumladan ash-Sha`biy: «Ayol nikohdan ilgari taloq qilinmaydi»,— deydilar.

8-bob. Agar kishi o`z xotinini majburan: «Bu mening singlim»,— desa, u taloq bo`lib qolmaydi!

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ibrohim alayhissalom xotinlari Sorani: «Bu mening singlim»,— deganlar va bu birgina Oллоh azza va jallaning o`ziga ayondur»,— dedilar.

9-bob. Tutqun va majburning hamda mast va majnunning talog'i haqida

Taloq, shirk va boshqa shunga o'xshash masala xususida mast va majnunga nisbatan hukm bir bo'lib, bular yanglishish va aql-hushning joyida ermasligi oqibatidir. Chunki, Rasu-lulloh sallallohu alayhi va sallam: «Amallar niyatga bogliq bo'lib, har kimga niyat qilgani nasib bo'ladi!» — deb aytganlar. Sha'biy bu haqda: «Parvardigoro, agar unuqak yoki xato qilsak yohud vasvasa oqibatida nojoiz xatti-harakatlar qilib qo'ysak, bizni jazolamagil (aybdor qilmagil)!» — deb tilovat qilganlar. Janob Rasululloh o'zining qilgan gunohini tan olgan kishidan: «Jinni erasmisan?»—deb so'raganlar. Hazrat Ali bunday deydilar: «Hamza ikki tuyamning qornini yordi. Shunda Janob Rasululloh Hamzani koyiy boshladilar, Hamza ersalar mast ko'zlarini tikib: «Sizlar otamning qullari erasmisizlar?!» — dedilar. Janob Rasululloh Hamzaning mast erkanliklarini bilib, tashqariga chiqdilar, biz ham ul zot birlan birga chiqib ketdik». Hazrat Usmon: «Majnun va mast kishining talogi o'tmaydi»,— deydilar. Ibn Abbos: «Mast va majbur qilingan kishining talog'i nojoizdur»,— deydilar. Uqba ibn Omir: «Vosvosning talog'i joiz ermas»,— deydilar. Ato. «Agar kishi xotinini taloq qila boshlagan bo'lsa (ya'ni, birinchi martadan to uchinchi martagacha), har galgi taloqning o'z shartlari mavjud»,— deydilar. Nofi': «Bir kishi xotinini qat'iyyan taloq qildi, agar xotin erining uyidan chiqib keqa...»,— dedilar. Ibn Umar: «Agar u erining uyidan chiqib keqa, eridan uzilkesil ajragan bo'ladi, basharti chiqib ketmasa, ul holda hechqisi yo'q»,— dedilar. Zuhriy «Agar shunday va shunday qilmasam, xotim uch taloq bo'lsin!» deb aytganlar haqida gapirib: «Ushal qasamni ichgan vaqtida qalbida nima deb, nimani niyat qilgan bo'lsa, undan o'sha xususida so'raladi. Agar u qasam ichgan vaqtidagi o'zi istagan maqsadi birlan qalbiga tugib qo'ygan niyatini ayqa, bu uning iymonu haloliligiga havola»,— deydilar. Ibrohim: «Agar er xotiniga: «Mening senga ehtiyojim yo'q!» — deb ayqa, niyatidagi hisobga o'tadi va har bir odam o'z tili birlan taloq qilmog'i lozim!» —deydilar. Qatoda: «Basharti, er (yangi uylangan) xotiniga «Agar homilador bo'lsang, uch taloqsan!» deb ayqa, ul holda u xotinini har gal hayzdan poklanganda bir marta jimo' qiladi, agar xotininig homilador bo'lgani ma'lum bo'lsa, demak bola o'zidan bo'lgan»,— deydilar. Hasan: «Agar er xotiniga: «Uyingga (ota-onangnikiga) jo'na!» — desa, niyatidagi hisobga o'tadi»,— deydilar. Ibn Abbos: «Xotinni taloq qilsam, o'zimni rizo qilgan bo'laman, qul ozod qilsam, Olloh taoloni rizo qilgan bo'laman!» — deydilar. Zuhriy: «Agar er xotiniga: «Sen xotim ermassan!» — desa, niyat qilgani hisobga o'tadi, ya'ni shunda xotinini talok, qilmoqni niyat qilgan bo'lsa, taloq bo'ladi»,— deydilar. Hazrat Ali: «Uch toifa odamlarga, ya'ni majnun tuzalguncha, bola balog'atga yetguncha, uyqudagi uyg'onguncha gunoh yozilmasligini bilmaysanmi?!» — deydilar. Hazrat Ali yana: «Jinnining talog'idan bo'lak barcha taloq hisobga o'tadi»,— deydilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taolo ummatimni ko'nglidan o'tkazgan, ammo qilmagan yoki gapirmagan narsasi uchun gunohkor qilmaydi» —deb aytganlar».

Qatoda: «Ko'nglida (ichida) taloq qilsa, taloq hisobga o'tmaydi»,— deydilar.

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Aslam qabilasiga mansub bir kishi Janob Rasululloh masjiddaliklarida huzurlariga kelib, o'zining zino qilib qo'yganini aytdi. Shunda ul zot nafratlanib yuzlarini o'girib oldilar. Boyagi kishi ul zotning o'girilib olgan tomonlariga aylanib o'tdi-da, zino qilganiga to'rt marta iqror bo'lib, o'ziga o'zi guvohlik berdi. Shundan so'ng, Janob Rasululloh uni chaqirib: «Jinni-pinni erasmisan?»

Uylanganmi-san?» — deb soʻradilar. U: «(Jinnilik dardim yoʻq), uylanganman», — dedi. Ul zot uni namozgohda toshboʻron qilmoqni amr qildilar. U birinchi tosh tegishi birlanoq qochib qoldi, keyin uni Harrada quvib yetib, oʻldirdik». Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

10-bob. Xulʻ (kiyimni yechib berish) va bunda taloq qanday boʻladi?

Olloh taoloning qavli: «Va sizlar uchun nojoizdur ularga (xotinlarga) bergan narsalaringizdan (mahrlaringizdan) biror narsani qaytarib olmoqlaringiz, lekin er va xotin bundan buyon Olloh taoloning hukmlariga rioya qilgan holda birga yashay olmasak kerak, deb qoʻrqsalar, ul holda xotin mahridan kechib oʻzini qutqarib olsa, har ikkalasiga gunoh boʻlmas».

(«Xulʻ — kiyimni yechib berish» degan istilohning mazmuni quyidagicha: Er va xotin bir-birlari uchun kiyimdur, chunki Olloh taolo: «Xotinlar sizlar uchun va sizlar ular uchun kiyimdursizlar», — deydi. Shunga koʻra, agar er xotinini taloq qilgisi kelmasa-yu, xotin oʻziga berilgan mahr evaziga eridan taloq olsa va er qabul qilib, unga taloq bersa, goʻyoki har ikkalasi bir-biriga kiyimini yechib bergandek boʻladi).

Hazrat Umar ayolni unga berilgan taloq xatidan boʻlak barcha mahri evaziga xulʻ qilmoqlikka ijozat berdilar. Hazrat Usmon ayolni uning boshidagi sochlarini tangʻib qoʻyadirgan bogʻichidan boʻlak barcha mahri evaziga xulʻ qilmoqqa ijozat berdilar.

Tovus raziyallohu anhu: «Er va xotin Olloh taolo har biriga farz qilgan hukmlarni bundan buyongi hayotida bajara olmaslikdan choʻchisa-yu, lekin er xotiniga ahmaqona gap qilmayotgan boʻlsa, to xotin eriga «Men seni deb nahsdan poklanmoq uchun gʻusl qilib oʻltirmayman!» — demaguncha, xulʻ halol boʻlmaydi», — deytilar.

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Sobit ibn Qaysning xotini Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, men Sobit ibn Qaysni xulq va burch xususida ayblay olmayman, lekin men islomga zid ish tutishni ham istamayman!» — dedi. Janob Rasululloh: «Unga bogʻini qaytarib bermoqchimisan!» — dedilar (yaʼni, xotin mahrga berilgan bogʻdan voz kechib, eridan taloq olmoqchi). Xotin: «Ha», — dedi. Janob Rasululloh uning eriga: «Bogʻni qabul qilgin-da, xotiningga qatʼiyan taloq ber!» — dedilar».

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Sobit ibn Qaysning xotini Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, men Sobit ibn Qaysga burch va xulq xususida ayb qoʻya olmayman, ammo men unga toqat ham qilolmayman!» — dedi. Ul zot: «Unga bogʻini qaytarib bermoqchimisan?» — dedilar. Xotin: «Ha», — dedi».

Ibn Abbas rivoyat qiladilar: «Sobit ibn Qaysning xotini Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, men Sobit ibn Qaysni burch va xulq xususida ayblay olmayman, lekin men kufrdan qoʻrqaman», — dedi. Ul zot: «Unga bogʻini qaytarib bermoqchimisan?» — dedilar. Xotin: «Ha», — dedi. Keyin, xotin bogʻni eriga qaytarib berdi, Janob Rasululloh eriga amr qilib erdilar, u xotinini taloq qildi».

11-bob. Er va xotin orasining buzilishi va zarur bo'lgan chog'da xul' qilmoqni ishora qiladimi?

Olloh taoloning qavli: «Va agar sizlar eru xotin o'rtasining buzilmogidan qo'rqsangizlar, ul er xonadonidan bir odil kishini va xotin xonadonidan bir odil kishini ta'yin qilingizlar!»

Misvar ibn Maxrama rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning: «Banu Mugiyra o'z qizini Aliga nikohlab bermoqlariga ijozat so'radilar, men sira ham ijozat bermayman, keyin ham, undan keyin ham ijozat bermayman! Ali qizimni taloq qilib, ularning qiziga uylanmoqni istasagina ruxsat beraman, chunki qizim mening bir bo'lagimdur, uni shubhaga solgan narsa meni ham shubhaga soladi, unga aziyat yetkazgan narsa menga ham aziyat yetkazadi!» — deb aytganlarini eshitdim».

12-bob. Cho'rining sotib yuborilishi taloq hisoblanmaydi

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Cho'ri Bariraga nisbatan ado etilmogi lozim bo'lgan uchta sunnat mavjud erdi, ulardan biri — uning ozod qilinib, erini ixtiyor qilmog'iga imkon berilganidir. Ushanda Janob Rasululloh: «Homiylilik huquqi ozod qilgan shaxs qo'lga o'tadi»,— degan erdilar. Bir kuni ul zot hujramga kirib kelganlarida qozonda go'sht qaynab turgan erdi. Oldilariga non va uyda mavjud bo'lgan xurushlardan keltirildi. Ul zot: «Go'sht qaynatib qo'yilgan qozonga ko'zim tushdi shekilli?» — dedilar. «Ha, qozonda go'sht qaynatib qo'yilgan, ammo bu go'sht Bariraga sadaqa qilingan go'shtdan, siz ersangiz sadaqa yemaysiz»,— deyishdi. Ul zot: «Bu go'sht Bariraga sadaqa, bizgaersaxadyadir!»—dedilar».

13-bob. Cho'rining qulni tanlamog'i haqida

Ibn Abbos: «Men uning, ya'ni Bariraning erining qul erkanligini ko'rganman»,— deydilar.

Ibn Abbos: «Men o'shal Mugis Abdu Bani falonning, ya'ni Bariraning erining Madina ko'chalarida Bariraning ketidan qolmay, unga yiglab yolborayotganini ko'rib turgandekmen»,— deydilar.

Ibn Abbos: «Bariraning eri qop-qora qul bo'lib, ismi Mugis Abdunnabiy erdi. Hozir men uning Madina ko'chalarida Bariraga ergashib yurganini ko'rib turgandekmen»,— deydilar.

14-bob. Nabiy sallallohu alayhi va sallamning' Bariraning eriga shafolat qilganlari haqida

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Bariraning eri qul bo'lib, ismi Mug'is erdi. Men uning Bariraning ketidan ergashib, yig'lab yurganini va ko'z yoshlarining soqoliga oqib tushayotganini ko'rib turgandekmen. Janob Rasululloh: «Ey Abbos, Mug'isning Bariraga bo'lgan muhabbatidan va Bariraning Mug'isga bo'lgan nafratidan ajablanmaysanmi?» — dedilar. Janob Rasululloh Bariraga: «Unga qaytib tekkaningda erdi!»—dedilar. Barira: «Yo Rasulalloh, u menga shart qo'ydi»,— dedi. Ul zot: «Chunki, men unga achinaman»,— dedilar. Barira: «Men unga muhtoj ermasman!» — dedi».

15-bob.

Asvad rivoyat qiladilar: «Oisha raziyallohu anho Barirani sotib olmoqchi bo'ldilar, shunda uning valiylari valiylik (homiylilik) huquqini o'zlarida olib qolishni shart qilib, sotmoqdan bosh tortdilar. Oisha onamiz buni Janob Rasulullohga aytib erdilar, ul zot: «Uni sotib olib, ozod qilaver, valoyat huquqi ozod qilgan shaxsniki-dur!»— dedilar. Bir kuni Janob Rasulullohga go'sht keltirishdida, «Bu Bariraga sadaqa qilingan go'shtdan»,— deyishdi. Ul zot: «Bu Bariraga sadaqa, bizga ersa hadyadir!» — dedilar».

16-bob. Olloh taoloning «Mushrik ayollarni ular mo'mina bo'lmaganlariga qadar nikohingizga olmangizlar! Mushrik ayoldan, agar u sizga yoqib qolgan bo'lsa ham, cho'ri yaxshidir!» degan qavli haqida

Nofi' rivoyat qiladilar: «Ibn Umar, agar nasroniy ayolni yoki yahudiy ayolni nikohlab olmoq haqida so'rasha: «Olloh taolo mushrik ayollarni mo'minlarga harom qildi, men (mushrik) ayolning Olloh taoloning bandalaridan biri bo'lmish Isoni rabbim, deb shirk keltirganidan ko'ra og'irroq gunohini bilmayman!»—der erdilar».

17-bob. Musulmon bo'lgan mushrik ayollarni nikohlab olmoq va ularning iddalari haqida

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Mushriklar Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan mo'minlarga nisbatan ikki xil mavqeda erdilar. Harb qabilasi mushriklari mo'minlarga, mo'minlar ersa ularga qarshi urush qilishar erdi. Ahd qabilasi mushriklari ersa mo'minlarga qarshi urush qilishmas, mo'minlar ham ularga qarshi urishmas erdilar. Agar Harb qabilasidan biror ayol musulmonlar tomoniga o'qa, to hayz ko'rib, hayzdan poklanmagunicha, nikohga olinmas erdi, agar hayzdan poklansa, uni nikohga olmoqlik ruxsat etilar erdi. Ushal ayol, agar eri ham musulmonlar tomoniga o'qa-yu, lekin o'zi hanuz biror mo'minga nikohlanmagan bo'lsa, eriga qaytarilar erdi. Basharti, mushriklarning birorta quli yoki cho'risi musulmonlar tomoniga o'qa, u ozod deb hisoblanib, musulmonlar tomoniga o'tgan ozod mushriklarga nisbatan qanday muomala qilinsa, unga ham shunday muomala qilinar erdi».

Mujohid: «Agar Ahd qabilasi mushriklarining birorta quli yoki cho'risi musulmonlar tomoniga o'qa, qaytarib bermay, narxini to'lashar erdi»,— deydilar.

Ibn Abbos rivoyat qiladilar. «Qurayba binti Abu Umayya Umar ibn al-Xattobning huzurlarida erdi, keyin uni taloq qildilar. Unga Muoviya ibn Abu Sufyon uylandi. Abu Sufyonning qizi Ummulhakam ersa Iyoz ibn G'anam al-Fahriyga tekkan bo'lib, keyin uni taloq qildi. Unga Abdulloh ibn Usmon as-Saqafiy uylandi».

18-bob. Eri zimmiy yoki Harb qabilasiga mansub bo'lgan mushrik yohud nasroniy ayollar musulmon bo'lsa...

Ibn Abbos: «Agar nasroniy ayol eridan bir soat ilgari musulmon bo'lsa ham, eriga (umuman) haromdur!» — deydilar.

Ibrohim as-Soigrivoyat qiladilar: «Odamlar Atodan: «Ahd qabilasiga mansub bir ayol musulmon bo'ldi, keyin u iddalik vaqtida eri ham musulmon bo'ldi, u uning xotini bo'lib

qola oladimi?»—deb soʻrashdi. Ato: «Ioʻq, aslo! Endi, oʻshal xotin erining qayta nikohlab olmogʻini hamda boshqa mahr bermogʻini istashi kerak boʻladi»,— dedilar».

Mujohid: «Agar er xotini musulmon boʻlib, idda saqlayotgan vaqtda islomni qabul qilsa, unga uylanadi»,— deydilar.

Oллоh taolo: «Na (musulmon boʻlgan) xotinlar (kofir) erlariga v na (kofir) erlar (musulmon boʻlgan) xotinlariga halol boʻlurlar!» — deydi.

Qatoda bir vaqtda musulmon bulgan majusiy eru xotin xususida suzlab: «Ular nikohlanadilar. Agar ulardan biri ikkinchisidan ilgari musulmon boʻlsa, musulmon boʻlgani musulmon boʻlmaganidan yuz oʻgiradi, demak musulmon boʻlmagan er uchun musulmon boʻlgan xotiniga yoʻl yoʻqdur!» — deydilar.

Ibn Jurayj rivoyat qiladilar: «Men Atoga: «Bir mushrik ayol musulmonlar tomoniga oʻtdi, eri undan xulʻ (mahr evaziga taloq bermoqlikni) talab qiladimi? Chunki, Oллоh taolo: «Ular bergan narsalarni oʻzlariga qaytarib beringizlar!»—deydi-ku?!» — dedim. Ato: «Ioʻq, chunki bu Janob Rasululloh birlan Ahd qabilasi oʻrtasida kelishib olingan erdi»,— dedilar».

Mujohid: «Buning hammasi Janob Rasululloh birlan Quraysh qabilasi oʻrtasidagi sulhda qayd etilgan»,— deydilar.

Urva ibn az-Zubayr rivoyat qiladilar: «Janob Rasulullohning xotinlari Oisha onamiz bunday dedilar: «Agar ayollar islomni qabul qilib Janob Rasulullohning huzurlariga kelishsa, ularni qaytarib yubormay imtihon qilib koʻrardilar. Chunki, Oллоh taolo: «Ey moʻminlar! Agar sizlarning huzuringizga moʻmin ayollar kelishsa, ularni (kofirlarga qaytarib bermay) imtihon qilib koʻringizlar!» — deydi. Mazkur ayollardan qaysi biri oʻshal imtihondan oʻtgan boʻlsa, demak u ogʻir sinovdan oʻtgan boʻlar erdi. Janob Rasululloh ayollarni gapga solib, iymonlari haqiqiy erkanligini bilib olganlaridan soʻng, ularga: «Sizlarga ruxsat, boringizlar, men sizlarni bayʻat qildirib (iymonlaringizning rost erkanligiga ont ichirib) boʻldim!» — der erdilar. Xudo haqi, Janob Rasulullohning qoʻllari biror begona ayolga tekkan ermas, ul zot ularga faqat soʻz birlan murojaat qilar erdilar! Xudo haqi, Janob Rasululloh begona ayollarga Oллоh taolo oʻzlariga amr qilgan narsa birlangina, yaʻni soʻz birlangina murojaat qilar erdilar! «Sizlarni bayʻat qildirib boʻldim!» deb soʻz birlan murojaat qilganlari buning dalilidir».

19-bob. Oллоh taoloning «Xotinlariga yaqin bormaslikka qasam ichadigan odamlar uchun toʻrt oy muhlat berilur, bas agar (shul muddatda) qayqalar, Oллоh taolo buyuk magʻfirat sohibi, nihoyatda rahimdil zotdur! Va agar taloq qilmoqni qasd qilsalar, albatta Oллоh taolo eshitguvchi, bilguvchidir!» degan qavli xususida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xotinlarini iyloʻ qildilar, yaʻni bir oy birga turmayman, deb ont ichdilar. Oyoqlari yorilib (sinib) ketgan boʻlib, boloxonalarida yolgiz oʻzlari yigirma toʻqqiz kun turdilar. Soʻng, xotinlari huzuriga kirdilar, shunda ular: «Yo Rasulalloh, bir oyga qasam ichib erdingiz-ku?!» — deyishdi. Ul zot: «(Bu) oy yigirma toʻqqiz kundur!» — dedilar».

Nofi' rivoyat qiladilar: «Ibn Umar raziyallohu anhu iylo' haqida so'zlab, «Erlar Oллоh taolo amriga muvofiq xotinlarni idda muddatlari tugagandan so'ng, yaxshilik ila nikohda saqlab turmoqlari yoki taloq qilmoqqa azm qilmoqlari lozim bo'ladi»,— deytilar».

Nofi' rivoyat qiladilar: «Ibn Umar: «Agar xotinini iylo' qilganiga to'rt oydan ohsa, uni taloq qilguniga qadar uyida ushlab turadi. Bunda, to taloq qilguniga qadar xotini taloq hisoblanmaydi»,— deytilar. Bu haqda Xazrat Usmon, Hazrat Ali, Abu Dardo', Oisha onamiz hamda Janob Rasulullohning o'n ikki sahobalari ham aytishgan».

20-bob. Yo'qolgan odam va yo'qolgan molning hukmi

Ibn al-Musayyab: «Agar er jang vaqtida dom-daraksiz yo'qolib qolsa, xotini bir yil uni kutadi. Ibn Mas'ud bir cho'rini sotib olgan erdilar, bir yilga qadar uning egasini izlab topolmadilar. Keyin, bir-ikki dirhamdan ajratib, sadaqa qila boshladilar-da: «Yo parvardigoro, bu falonchiga (ya'ni, cho'rining topilmagan egasiga) berishim kerak bo'lgan qarzim uchundur!» — der erdilar hamda bizga: «Topilmaga nisbatan shunday ish tutingizlar!» — deb tayinlar erdilar».

Zuhriy asirga tushib qolgan kishi haqida: «Uning qaerdaligi ma'lum bo'lsa, xotini erga tegmaydi, uning moli ham taqsimlanmaydi. Agar er dom-daraksiz yo'qolib keqa, xotini bir yil kutadi»,— deytilar.

Munba'isning mavlosi Yazid rivoyat qiladilar: «Janob Rasulullohdan yo'qolgan (topib olingan) qo'y haqida so'rashdi. Ul zot: «Uni o'zingga olaver, chunki u seniki yoki biror birodaringniki yoki bo'rinikidir!» — dedilar. Keyin, topib olingan tuya haqida so'rashdi. Shunda ul zot qattiq g'azablandilar, hatto yuzlari qizarib ketib: «U birlan ishing bo'lmasin, uning ozuqa va suvi o'zi birlan, agar och qolsa, egasi topib olguncha suv ichib, o't yeb yuraveradi!» — dedilar. So'ng, topib olingan hamyon haqida so'rashdi. Ul zot: «Uni ochib, ichidagini ko'r, so'ng bir yil davomida uni topib olganing haqida ovoza qil, agar egasi chiqmasa, uni molingga qo'shib yuboraver!» — dedilar».

21-bob. Zihor va Oллоh taoloning «Oллоh taolo uning sen birlan aytishib aytgan so'zini eshitdi («Kimning qurbi yetmasa, oltmish miskinni to'yg'azzin!» degan qavligacha)» degan qavli xususida

(«Zihor — kishining o'z xotiniga: «Sen mening uchun onamning beli kavidursan!», ya'ni «Onamning beliga minmogim mumkin bo'lmaganidek, endi seni ham mina olmayman!» deb aytmogidir. Shunday deb xotinidan arazlagan er, yarashganidan so'ng, ichgan ontiga kafforat bermogi lozimdur).

Molik raziyallohu anhu Ibn Shihobdan qulning zihori xususida so'radilar. Ul kishi: «Ozod kishining zihori kavidur»,— dedilar.

Molik: «Xotinini zihor qilgan qul ichgan onti kafforatiga ikki oy ro'za tutib beradi»,— deytilar.

Hasan: «Ozod kishining ozod xotinini zihor qilmogi birlan qulning cho'rini zihor qilmogi o'rtasida hech qanday farq yo'qdur»,— deytilar.

Ikrima: «Agar kishi cho'risini zihor qilsa, hechqisi yo'q, chunki zihor kishining o'z xotiniga nisbatan shar'iy hukmga egadur»,— deydilar.

22-bob Taloq qilganini yoki biror narsani tasdiqlayotganini yohud biror narsadan qaytarganini yoinki biror narsa xususida amr qilganini ishora bilan anglatmoq haqida

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ollah taolo (mayyitga ovoz chiqarmay) to'kilgan ko'z yoshi uchun azoblamaydi, ammo u mana bu (birlan dod-voy solingani) uchun azoblaydi» — deb tillariga ishora qildilar».

Ka'b ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga «yarmini ol!» degan ma'noda (qo'llari birlan) ishora qildilar

Asmo rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Quyosh tutilganda namoz o'qidilar. Men Oishaga: «Odamlarga ne bo'ldi?»—dedim. U boish birlan Quyoshga ishora qildi. Men «(Qiyomat) alomatimi?»— dedim. U namozda turgan holda gapimni ma'qullab bosh irgadi».

Anas: «Janob Rasululloh Abu Bakr as-Siddiqqa («Beri kelingiz!» deb) qo'llzri birlan ishora qildilar»,— deydilar.

Ibn Abbos: «Janob Rasululloh «Gunohi yo'q!» deb qo'llari birlan ishora qildilar»,— deydilar

Abu Qatoda rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ehromdagi kishining ov qilmog'i haqida gapirayotib! «Birortangiz «Hamla qilgil!» deb unga buyurdingizmi yoki o'ljaga ishora qildingizmi?» — dedilar. Odamlar «Io'q»,— deyishdi. Ul zot «Unday bo'lsa, yeyaveringizlar!» —dedilar».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Baytullohni tavof qildilar, har gal rukn oldiga kelganlarida unga (asolari birlan) ishora qilib qo'yib, takbir aytar erdilar».

Zaynab rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Ya'juj va Ma'juj oldidagi to'siq mana shuncha va mana shuncha ochildi va to'qson foiz boylandi (ya'ni, o'n foiz bo'shatildi)»,— dedilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Abulqosim sallallohu alayhi va sallam (Janob Rasululloh): «Jum'a kunida bir muayyan vaqt bordur. Musulmon bandaning namoz o'qib turgan vaqti o'sha vaqtga to'g'ri kelib qolmog'i qiyindur, bordi-yu to'g'ri kelib qolsa, banda Ollah taolodan nimaiki so'rasa, tilagi mustajob bo'lgaydur»,— dedilar-da, muborak qo'llari birlan o'shal vaqtning qisqaligiga ishora qildilar»

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning hayotlik vaqtlarida bir yahudiy bir joriyaga tajovuz qilib, uning isirg'asini tortib oldi-da, boshini tosh birlan urib yordi. Joriyani qarindoshlari Janob Rasulullohning huzurlariga ramaqijon holda keltirishdi, u so'zlay olmas erdi. Ul zot: «Seni falonchi o'ldirdimi?» —deb yahudiydan bo'lak bir odamning ismini aytdilar. Joriya «yo'q» degan ma'noda boshi

birlan ishora qildi. Ul zot. «Seni falonchi o'ldirdimi?»—deb yana boshqa bir odamning ismini aytdilar. Joriya yana «yo`q» degan ma'noda boshi birlan ishora qildi. Ul zot: «Unda, falonchi o'ldirdimi?» — deb uni o'ldirgan yahudiyning ismini aytdilar. Joriya bu safar «Ha» degan ma'noda boshi birlan ishora qildi. Shundan so'ng, Janob Rasululloh o'shal yahudiyini olib kelmoqni amr qildilar, uni olib kelishgach, boshini ikki tosh orasiga qo'ydirib, majaqlattirdilar».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning mashriqqa ishora qilib: «Fitna o'sha tomondan chiqadi!»—deb aytganlarini eshitdim».

Abdulloh ibi Abu Avfo rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga safarda erdik. Quyosh botgach, bir kishiga: «Ulovingdan tushib, menga talqon qorib ber (ya'ni, talqonga suv yoki sut aralashtirib ber)!»—dedilar. Boyagi kishi: «Yo Rasulalloh, biroz ko`qangiz bo'lardi!»—dedi. Biroz yurishgach, ul zot yana: «Ulovingdan tushib, menga talqon qorib ber!»— dedilar. Boyagi kishi bu gal ham: «Yo Rasulalloh, yana biroz kuqangiz (kechroq og`iz ochsangiz) bo'lardi, og`iz ochishingizga hali vaqt erta-ku!»—dedi. Yana biroz yurilgach, ul zot uchinchi bor: «Ulovingdan tushib, menga talqon qorib ber!»—dedilar. U ulovidan tushib, Payg`ambarimiz alayhissalomga talqon qorib berdi, ul zot uni ichib og`iz ochdilar. Keyin, mashriqqa qo'llari birlan ishora qilib: «Agar tunning (qorong`ulikning) o'shal tomondan bosib kelayotganini ko`rsangizlar.ro`zador og`iz ochaveradi»,—dedilar».

Abdulloh ibn Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi vasallam: «Bilolning nidosi (azoni) birortangizga saharlikni man' qilmaydi, chunki u saharlikka turgan kishining bomdodgacha mizg`ib olmog`iga hali vaqti borligini ma'lum qiladi. Bu uning bomdodga chaqirib azon aytgani ermas»,—dedilar-da, Hazrat Bilolning azonlari birlan bomdod azoni oraligida biroz mizg`ib olmoqqa vaqt borligini anglatish maqsadida ikkala qo'llarini ko'tarib, birini ikkinchisidan uzoqroqqa cho`zdilar».

Abu Hurayra raziyallouu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Baxil birlan qo'li ochiq odam ko`krigidan to bo`g`zigacha temir jubba (sovut) kiyib olgan ikki kishiga o`xshaydi. Qo'li ochiq odam bir narsa ehson qildi deguncha, sovutining halqalari bo`shashib, badanidagi sovut izlari yo`qolgaydir. Ammo, baxil odam sadaqa qilmoqchi bo`lishi birlanoq, jubbasining har bir halqasi ko`kragu bo`ynini tobora ko`proq qisa boshlagay, u harchand chiranmasin, jubba kengaymagay»,— dedilar-da, bo`g`izlariga barmoqlari birlan ishora qildilar»

23-bob. Li'on va Olloh taoloning shu xususdagi qavli: «Va ul odamlariki tuhmat qilurlar xotinlariga, agar bo'lmasa alarning guvohlari o'zlaridan bo'lak, bunday odamning guvohligi shulki, to'rt marta xudoga qasamyod qilib: «Albatta, men rost aytayo-tirman!» — der»

Agar soqov er xotinini yozma yoki tushunarli imo-ishora birlan qazaf qilsa (zinokorlikda ayblasa), uning qazafi tili sog` kishining qazafi birlan barobardur. Chunki, Janob Rasululloh faroiz borasida ishoraga ijozat berganlar, buni ayrim hijozliklar va ulamolar ham tasdiqlashadi. Olloh taolo: «Keyin, Maryam bola tarafiga ishora qildi, ular: «Biz nechuk beshikda yotgan bolaga so`zlay olamiz?» — dedilar»,— deydi. Zahhoq: «Imo-ishorasiz qazaf qilmog`i darkor»,— deydilar. Ayrim kishilar: «Agar soqov imo-ishora

birlan qazaf qilsa, xotiniga hadd jazosi berilmaydi ham, ular li'on qilinmaydilar ham» — deb, so'ng: «Yozma yoki imo-ishora birlan taloq qilmoqlik joizdur va taloq birlan qazaf o'rtasida farq yo'qdur» — deb ta'kidlashadi. Shunga binoan, agar ular qazaf faqat og'zaki ma'lum qilinadi»—deydirgan bo'lsalar, demak taloq ham faqat og'zaki ma'lum qilinsagina, joiz bo'lishini ularga aytmoq kerak bo'ladi, aks holda taloq ham, qazaf ham botil bo'lib, soqovning xotini ham, o'zi ham mulo'ana qilinadi. Sha'biy va Qatoda: «Agar (soqov) barmoqlari birlan «Sen taloqsan!» deb ishora qilsa, ishorasiga asosan xotini undan ajratiladi»,— deyishadi. Ibrohim: «Soqov er, agar o'z qo'li birlan qazafnoma yozib bersa, qabul qilmoq lozimdur»,— deyilar. Hammud: «Soqov va garang, agar boshi birlan qazaf qilganini ishora qilsa, joizdur»,— deyilar.

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ansorlarning eng yaxshi hovlisi (xonadoni) haqida sizlarga xabar berayinmi?» — dedilar. «Ha, yo Rasulalloh!» — deyishdi. Ul zot: «Banu an-Najjor, so'ng ulardan keyingi Abd al-Ashhal, so'ng ulardan keyingi Banu al-Hars ibn al-Xazraj, so'ng ulardan keyingi Banu So'ida»,— dedilar. Keyin, qo'llari birlan bir tomonga ishora qilib, barmoqlarini juftladilar-da, tosh otgandek harakat qildilar, so'ng: «Ansorlarning barcha hovlilarida yaxshilik mavjuddur!» — dedilar».

Sahl ibn Sa'd as-So'idiy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men payg'ambar qilib yuborilganimda qiyomat mana bu mana bunga qanchalik yaqin bo'lsa, shunchalik yaqin erdi» — deb ko'rsatgich barmoqlari birlan o'rta barmoqlari orasini birlashtirdilar».

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oy mana buncha va mana buncha va mana buncha, ya'ni o'ttiz kun bo'ladi»,— dedilar. So'ng: «Oy mana buncha va mana buncha va mana buncha, ya'ni yigirma to'qqiz kun bo'ladi» — deb ham aytdilar. Ya'ni, ba'zi oy o'ttiz kun va ba'zi oy yigirma to'qqiz kun bo'ladi, deb aytmoqchi bo'ldilar».

Abu Mas'ud rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ko'llari birlan Yaman tomonga ishora qilib: «Iymon o'shal tarafda!»—deb ikki bor aytdilar, so'ng: «Lekin, og'ir vaqtlar boshlanib, tuyakashlar bag'ri tosh bo'lib ketadi, shayton shoxi — Rabiya va Muzar qabilalari ham o'sha tomondan chiqadi»,— dedilar».

Sahl rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Men birlan yetimparvar ikkimiz jannatda mana bunday birga bo'lamiz» — deb ko'rsatkich va o'rta barmoqlarining orasini biroz ochib ko'rsatdilar».

24-bob. Agar kishi bolasidan tonib arz qilsa...

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, mening bolam qop-qora!» — dedi. Ul zot: «Tuyalaring bormi?»—dedilar. U: «Ha»,— dedi. Ul zot: «Rangi qanaqa?»—dedilar. U: «Qizg'ish»,— dedi. Ul zot: «Ularning orasida kulrangi bormi?» — dedilar. U: «Ha»,— dedi. Ul zot: «U qaerdan kelib qoldi?»—dedilar. U: «Menimcha, nasliga tortgandur?»— dedi. Ul zot: «O'g'ling ham nasliga tortgan bo'lsa kerak!»—dedilar».

25-bob. Li'on qiluvchiga ont ichirmoq xususida

Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir ansoriy kishi xotinini qazaf qildi. Janob Rasululloh ansoriy birlan xotiniga qasam ichirib, so'ng ularni ajratib yubordilar».

26-bob Avval erkak li'on qiladi!

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hilol ibn Umayya xotinini qazaf qildi, so'ng kelib rost aytayotganini gapirib qasam ichdi. Janob Rasululloh: «Ollah taolo ikkingizdan biringizning yolg'on so'zlayotganingizni bilib turibdi, qaysi biringiz tavba qilasiz?» — dedilar. Shunda xotin ham o'rnidan turib rost gapirayotganiga qasam ichdi».

27-bob. Li'on va li'ondan so'ng xotinini taloq qilgan kishi haqida

Sahl ibn Sa'd as-So'idiy rivoyat qiladilar: «Uvaymir al-Ajaloniy Osim ibn Adiyning huzurlariga kelib: «Ey Osim, nima deysiz, bir kishi xotini birlan bir begona erkakni tutib olsa, uni o'zi o'ldiradimi yoki sizlar o'ldirasizlarmi yohud boshqa biror chora ko'riladimi? Iltimos, shu haqda Janob Rasulullohdan so'rab bilib bersangiz!» — dedi. Osim shul xususda Janob Rasulullohdan so'rab erdilar, ul zot bunday masala to'g'risida javob bergilari kelmay, Osimni shunday uyaltirdilarki, ul kishi hatto savol berganlariga ming pushaymon yedilar. Osim uylariga qaytib kelganlarida Uvaymir kelib: «Ey Osim, Janob Rasululloh sizga nima deb javob qildilar?» — dedi. Osim: «Menga yaxshilik qilmading! Janob Rasululloh sen so'ragan masala xususida javob bergilari kelmadi»,— dedilar. Uvaymir: «Xudo haqi, o'zim so'rab bilib olmaganimcha, qo'ymayman!» — dedi-da, Osimning huzurlaridan chiqib, Janob Rasulullohning qoshlariga yo'l oldi, yetib borganida ul zot odamlar davrasida o'ltirgan erdilar. Uvaymir: «Yo Rasulalloh, agar bir kishi xotini birlan bir begona erkakni tutib olsa, uni o'zi o'ldiradimi yoki sizlar o'ldirasizlarmi yohud biror boshqa chora ko'riladimi?» — dedi. Janob Rasululloh: «Sening va umr yo'ldoshing xususida oyat nozil bo'ldi, borib xotiningni olib kelgil!» — dedilar. Keyin, ular ikkalasi bir-birini (masjid-da) mulo'ana qilishdi, shunda men Janob Rasulullohning huzurlaridagi odamlar orasida erdim. Ikkalasi mulo'ana qilishib bo'lishgach, Uvaymir: «Yo Rasulalloh, agar uni nikohimda olib qolsam, unga tuhmat qilgan bo'laman!» — dedi-da, Janob Rasulullohning amr qilmoqlarini kutmay, uni uch taloq qildi. Ibn Shihob: «Ushal yil — mulo'ana qiluvchilar yili bo'lgan erdi»,— deydilar».

28-bob. Masjidda mulo'ana qilmoq xususida

Bu yerda Sahl ibn Sa'd as-So'idiyning yuqoridagi rivoyatlari takroran keltirilgan.

Ibn Shihob bunday deydilar: «Usha ikki eru xotindan so'ng, bir-birini mulo'ana qiluvchilarni ajratib yuborish sunnat bo'lib qoldi. Agar ayol homilador bo'lsa, bolasi nasab xususida onasiga da'vo qilar erdi. Keyin, ayolning merosi xususida sunnat (qonun) joriy qilinib, ayol Ollah taolo farz qilganicha bolaga meros qoldiradigan va bola onadan meros oladigan bo'ldi».

Sahl ibn Sa'd bunday deydilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar o'shal xotin qizg'ish, pak-pakana bola tug'sa, xotin rost gapirib, eri unga tuhmat qilgan, deb hisoblayman, basharti u qop-qora, ko'zlari katta-katta bola tug'sa, unda eri rost gapirib, xotini bolani birovdan orttirgan bo'ladi»,— dedilar».

29-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Birortani dalil-isboqiz rajm qiladigan bo'lsam, shu ayolni rajm qilar erdim!» deganlari haqida

Qosim ibn Muhammad rivoyat qiladilar. «Ibn Abbas Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida bir eru xotinning o'zaro mulo'ana qilganligi haqida gapirdi. Shunda Osim ibn Adiy shul xususda bir nima dedi-da, so'ng uyiga ketdi. Uyida o'ltirganida bir kishi huzuriga kelib, xotinini bir begona erkak birlan tutib olganini aytib shikoyat qildi. Osim: «Tilimdan ilinib, o'zimga o'zim balo orttirib o'ltiribman!»— dedi-da, boyagi kishini ergashtirib Janob Rasulullohning huzurlariga bordi va ul zotga xotinini tutib olgan kishi xususida so'zlab berdi. Bu kishi sarg'ish, qotma, sochlari muloyim va silliq erdi. Xotining o'ynashi ersa qorachadan kelgan, semiz kishi erdi. Janob Rasululloh: «Yo parvardigoro, o'zing fosh qilgaysan!»—dedilar. Keyin, o'shal ayol eri belgilarini aytgan kishiga o'xshash bola tug'ib qo'ydi. Janob Rasululloh ularni li'on qildilar. Bir kishi Ibn Abbosga majlisda: «Janob Rasululloh «Birortani dalil-isboqiz rajm (toshbo'ron) qiladigan bo'lsam, shu ayolni rajm qilar erdim!» deb shu ayol haqida aytganmilar?»—dedi. Ibn Abbas: «Io'q, Janob Rasululloh nazarlarida tutgan ayol islom xususida yomonlik qilgan erdi»,— dedi».

30-bob. Li'on qilingan ayolning mahri haqida

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Men Ibn Umarga: «Bir kishi xotinini qazaf qildimi?» — dedim. Ibn Umar: «Janob Rasululloh Uvaymir al-Ajaloniy birlan uning xotinini ajratib yubordilar. Ul zot ularga uch bor: «Oллоh taolo ikkingizdan biringizning yolg'on gapirayotganingizni bilib turibdi, qaysiningiz tavba qilgaysiz?» — dedilar. Shunda ikkalasi ham tavba qilmoqdan bosh tortib erdi, ularni ajratib yubordilar»,— dedi».

Ayyub bunday deydilar: «Amr ibn Dinor menga: «Sen ana shu hadisdagi bir (muhim) narsani tushirib qoldiryapsan. Ushanda uning eri: «Bergan mahrim nima bo'ladi?» — degan erdi. Janob Rasululloh: «Senga mahrnı qaytarib bermaydi, agar sen xotining xususida rost gapirgan bo'lsang ham, bergan mahring xotiningning avratidan foydalanganing uchun unda qoladi, agar tuhmat qilgan bo'lsang, senga mahrnıng qaytarib berilmasligi o'z-o'zidan ma'lumdur» — deb javob qilgan erdilar».

31-bob. Imomning mulo'ana qilinayotganlarga: «Ikkingizdan biringiz yolg'on gapirayotirsiz! Qaysi biringiz tavba qilgaysiz?» — deb aytgani haqida

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Men Ibn Umardan li'on qilinganlar haqida so'radim. Ibn Umar bunday dedi: «Janob Rasululloh li'on qilinayotganlarga: «Sizlarning hisob-kitobingiz Oллоh taologa havola! Ikkingizdan biringiz yolg'on so'zlayotirsiz. Endi, sening uchun xotiningga yo'l yo'q!» — dedilar. Erkak: «Unga bergan mahrim nima bo'ladi?» — dedi. Janob Rasululloh: «Mahr senga qaytarilmaydi. Agar xotining xususida rost aytgan bo'lsang ham, uning avratidan foydalanganing uchun mahr unda qoladi. Basharti, yolg'on gapirgan bo'lsang, shundog' ham mahr senga qaytarilmasligi ayondur»,— dedilar».

32-bob. Li'on qilingan eru xotinni ajratib yuborish haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir

eru xotinni ajratib yubordilar, er xotinni qazaf qilgan bo'lib, ularning ikkalasiga ont ichirdilar».

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ansorlardan bo'lmish bir eru xotinni li'on qilib, keyin ularni ajratib yubordilar».

33-bob. Bola li'on qilingan ayolniki bo'ladi!

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir eru xotinni li'on qildilar, shunda er bolani tan olmadi. Ul zot ularni ajratib, bolani ayolda qoldirdilar».

34-bob. Imomning «Yo parvardigoro, (qaysi biri haq, qaysi biri nohaq erkanligini) o'zing ayon qilgaysan!» deb aytmog'i haqida

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida li'on qilingan bir eru xotin haqida gap ketdi. Shunda Osim ibn Adiy shul xususda bir nima dedi-da, uyiga ravona bo'ldi. Keyin, unga qavmdosh bir kishi uning huzuriga kelib, xotini birlan bir begona erkakni tutib olganini aytdi. Osim: «Tilimdan ilinib, o'zimga-o'zim tashvish orttirib o'ltiribman-a!» — dedi-da, boyagi odamni ergashtirib Janob Rasulullohning huzurlariga bordi, ul zotga xotinini begona erkak birlan tutib olgan kishi haqida so'zlab berdi. Bu kishi sargish, qotma va sochlari muloyim erdi, xotining o'ynashi ersa, qorachadan kelgan, semiz, gavdali, sochi jingalak erdi. Janob Rasululloh: «Yo parvardigoro, o'zing fosh (ayon) qilgaysan!» — dedilar. Keyin, o'shal xotin yuqorida belgilari aytilgan o'ynashiga o'xshash bola tugib qo'ydi. Janob Rasululloh eru xotinni li'on qildilar». Bir kishi majlisda Ibn Abbosga: «Janob Rasululloh «Agar birortani dalil-isboqiz rajm qiladigan bo'lsam, shu xotinni rajm qilgan bo'lar erdim!» deb shul xotin haqida aytganlarmi?» — dedi. Ibn Abbos: «Yo'q, Janob Rasululloh nazarlarida tutgan ayol islom xususida yomonlik qilgan erdi», — dedi».

35-bob. Eri uch taloq qilgan ayol iddadan so'ng bir boshqa erga tegsa-yu, eri unga yotolmasa...

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rifo'at al-Quraziy bir ayolga uylanib, keyin uni taloq qildi.

Xotin boshqa erga tekkach, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib, keyingi erining jimo'ga zaiflik qilayotgani hamda uning olati popuk singari lapashang erkani haqida gapirdi. Janob Rasululloh unga: «To keyingi ering sening va sen uning asaldonidan zavq olmagingizcha, avvalgi eringga halol bo'lmaysan!» — dedilar».

36-bob. Ollah taoloning qavli: «Va ul xotinlaringizdanki, noumid bo'libdirlar hayzdan (ya'ni, hayz mavsumidan o'tib qolgan yo hayz yoshiga yetmagan xotinlaringizdan) shubqa qilsangizlar...»

Mujohid: «Agar sizlar xotinlaringiz hayz ko'radilar-mi, yo'qmi, bilmasangizlar, ul holda hayz mavsumidan o'tib qolgan yo hayz yoshiga yetmagan xotinlar uchun idda muddati uch oydur», — deydilar.

37-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va qorinlarida bolasi bor xotinlarning iddasi bolasini tug'ishidur»

Ummu Salama raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Aslam qabilasiga mansub Subay'a ismli bir ayolning eri bo'lib, u vafot etib qoldi. Subay'a eridan homilador erdi. Uni Abussanobil ibn Bi'kak o'ziga xotinlikka so'ratdi, Subay'a unga tegishga rozilik bermadi. Odamlar unga: «Xudo haqi, iddani oxiriga yetkazmaguningcha, unga tegmoging durust ermas!» — deyishdi. Shunda Subay'a o'n kuncha kutib, so'ng Janob Rasulullohning huzurlariga keldi, ul zot unga: «Tegaber!» — dedilar».

Ibn Shihob rivoyat qiladilar: «Ubaydulloh ibn Abdullohning otalari Ibn al-Arqamga maktub yo'llab, Janob Rasululloh Subay'aga qanday fatvo berganlarini uning o'zidan so'rab bilib berishni iltimos qildilar. Subay'a: «Ul zot menga tugishim birlan erga tegmogim mumkinligini aytib fatvo berdilar» — deb javob qilibdi».

Misvar ibn al-Maxrama rivoyat qiladilar: «Subay'a al-Aslamiyya eri vafot qilgach, bir necha kun o'tkazib Janob Rasulullohning huzurlariga keldi-da, erga tegishga ijozat so'radi. Ul zot unga ijozat berib erdilar, erga tegib ketdi».

38-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va taloq berilgan xotinlar uch hayz o'tguncha o'zlarin boshqa nikoxdan saqlasinlar!»

Ibrohim idda vaqtida erga tekkan ayol (ya'ni, eri tomonidan raj'iy taloq — idda ichida yana qaytarib olsa bo'ladirgan taloq qilingan ayol) haqida so'zlab: «U (keyingi) eri uyida uch bor hayz ko'rib, oldingi eridan uzil-kesil ajraldi. Uning bu hayzi keyingi eri uchun hisobga o'tmaydi, u yana boshqa idda saqlaydi», — deyilar. Zuhriy: «U ayol bir bor idda saqlasa, kifoya qiladi», — deyilar. Zuhriyning bu gaplari Sufyon uchun ayni muddaodur».

39-bob. Fotima binti Qays qissasi va Oллоh taoloning qavli: «Va qo'rqingizlar parvardigoringiz bo'lmish Oллоh taolodan, chiqarmangizlar ularni o'z uylaridan va ular o'zlari ham chiqmasinlar agar aniq bir hayosiz ish qilmasalar va bu narsalar Oллоh taolo muqarrar qilgan cheklovlardur va kimiki Oллоh, taoloning cheklovlariga tajovuz qilur, ul albatta o'z joniga zulm qilgan bo'lur, ul xotin bilmaski, shoyad Oллоh taolo paydo qilur taloqdan so'ng biror ishni (ya'ni, shoyad Oллоh taolo ularning o'rtalarida sulh paydo qilsa)... Joy beringizlar ularga o'zlarinigiz turgan yerlaringizdan qudratlaringizga muvofiq va ozor bermangizlar ularga ularni siqiltirmoqlaringiz uchun va agar ular homilador bo'lsalar, bas nafaqa berib turingizlar ularga to bolalarin tug'ib olgunlariga qadar («tanglikdan keyin yengillikni paydo qilur» degai qavligacha) («At-Taloq» surasi)

Molik rivoyat qiladilar: «Yahyo ibn Sa'id ibn al-Os Abdurrahmon ibn al-Hakamning qizini taloq qilib erdi, Abdurrahmon qizini uyiga ko'chirib olib keldi. Mo'minlar onasi Oisha raziyallohu anho Madina amiri Marvonga odam yuborib, «Oллоh taolodan qo'rqgil, uni uyiga qaytargil!» deb aytishni buyurdilar».

Abdurrahmon ibn al-Qosim rivoyat qiladilar: «Urva ibn az-Zubayr Oisha raziyallohu anhoga: «Al-Hakamning qizi bo'lmish Fotimaning eri uch taloq qilgach, uyidan chiqib

ketganini ko'rmaysizmi?!»—dedi. Oisha raziyallohu anho: «Juda ham yomon ish qilibdi!» — dedilar. Urva: «Fotimaning «Bu voqea oshkor qilinsa, menga yaxshi bo'lmaydi!» — deb aytganini eshitmadingizmi?»—dedi».

Hishom: «Oisha raziyallohu anho (Fotimani) nihoyatda qattiq ayblab: «Fotima bir vahshiy hayvon yanglig ish tutibdi, bu unga xatarnokdur. Shul boisdan ham, Janob Rasululloh uni nazar-pisand qilmadilar»,— deb aytibdilar»,— deydilar.

40-bob. Agar taloq qilingan ayoldan erining uyidagilar: «Eri unga tashlanadi» — deb xavotir olishsa yoki: «Uning o'zi bizga behayo gaplar gapiradi» — deb cho'chishsa...

Urva: «Oisha raziyallohu anho Fotimaning bu qilmishini qoraladilar»,— deydilar.

41-bob. Olloh taoloning qavli: «Va halol ermas ular uchun bachadonlaridagi Olloh taolo yaratgan hayzu homilani yashirmoqlari»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam yo'lga chiqmoqchi bo'lganlarida Safiyya hayz ko'rib qolib, o'z chodiri ostonasida gamgin o'ltirardi. Ul zot Safiyyaga: «Nechuk bema'nilik! Endi sen bizni yo'ldan qoldiradigan bo'lding, Nahr kuni tavof qilganmiding?»—dedilar. Safiyya: «Ha»,— dedi. Ul zot: «Unday bo'lsa, yo'lgachiq!»—dedilar».

42-bob. Olloh taoloning qavli: «Va ularni shu idda ichida qaytarib olmoqqa erlari boshqalardan ko'ra ko'proq haqlidurlar». Er xotinini, agar uni bir yoki ikki taloq qo'ygan bo'lsa, qanday qaytarib oladi?

Hasan: «Ma'qil singlisini erga berib erdi, eri uni taloq qildi»,— deydilar.

Hosan raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Ma'qil ibn Yasorning singlisi bir kishiga turmushga chiqib erdi, u uni taloq qildi. Keyin, uni to iddasi tugaguncha tashlab qo'yib, yana o'ziga xotinlikka so'radi. Shunda Ma'qil bunga qarshilik qilib: «Uni iddasi tugamasidan burun qaytarib olish imkoniga ega bo'la turib, o'z holiga tashlab qo'ydi, endi uni o'ziga yana xotinlikka so'ratadimi?!» — dedi-da, kuyovi birlan singlisining yarashib ketishiga mone'lik qildi. Shu asnoda Olloh taolo Janob Rasulullohga «Va qachon xotinlarni taloq qilsangizlar va ularning iddalari tamom bo'lsa, endi ul xotinlarni o'z erlarining nikohlariga kirmoqlariga mone'lik qilmangizlar, vaqtiki ular shariatga muvofiq o'zaro rozi bo'lsalar va bu nasihat sizlardan shundog' odamga qilinurki, ul odam Olloh taolo va qiyomat kuniga iymon keltirur, bu narsa sizlar uchun ziyoda safolik va ziyoda poklikdur va Olloh taolo bilur va sizlar bilmassizlar!» degan oyati karimani nozil qildi. Janob Rasululloh Ma'qilni chaqirib, unga shu oyatni qiroat qilib berdilar, Ma'qil kuyovi birlan singlisiga mone'lik qilishdan to'xtab, Olloh taoloning amriga bo'yin egdi».

Nofi' raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Umar ibn al-Xattob raziyallohu anhunga o'g'li xotinini hayz ko'rgan holida bir taloq qildi. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam unga xotinini qaytarib olmoqni, so'ng hayzdan poklanib, yana hayz ko'rib, yana poklangunicha uyida saqlab turmoqni, keyin agar istasa, hayzdan poklangan vaqtida unga yaqinlik qilmay turib taloq qilmoqni amr qildilar. Olloh taolo ayollarni taloq qilishda rioya qilmoqni amr qilgan idda mana shu iddadur. Abdulloh, agar o'zlaridan bu haqda so'rashsa: «Agar

uch taloq qilgan bo'lsang, xotining toki boshqa erga tegib chiqmagunicha, senga haromdur!» —deb aytar erdilar. Ibn Umar: «Agar bir yoki ikki bor taloq qilgan bo'lsang, Janob Rasululloh bunday holda nima qilmoqni menga amr qilganlar»,— deydilar».

43-bob. Hayz ko'rgan holida taloq qilingan ayolni qaytarib olmoq xususida

Yunus ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Ibn Umar xotinini hayz ko'rgan holida taloq qildi. Hazrat Umar shu haqda Janob Rasulullohdan so'rab erdilar, ul zot: «Ug'lingga borib ayt, xotinini qaytarib olsin, so'ng hayzdan poklanib, yana hayz ko'rib, yana poklangunicha uyida saqlab tursin, keyin agar istasa, hayzdan poklangan vaqtida unga yaqinlik qilmay turib taloq qilsin!» —deb amr qildilar. Men Ibn Umarga: «Keyin, u o'sha taloqqa binoan iddada o'ltiradimi?» — dedim. U: «Nima, sen qarib miyasi aynib qolgan, deb o'yladingmi?!» — dedi».

44-bob. Eri vafot etgan ayol to'rt oyu o'n kun aza tutadi!

Zuhriy: «Eridan yosh tul qolgan ayol pardoz-andoz ashyolaridan foydalanadi, deb o'ylamayman, chunki u iddadadir»,— deydilar.

Nofi' Zaynab binti Abu Salama uaqida rivoyat qiladilar: «Zaynab bunday dedi: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning xotinlari bo'lmish Ummu Habibaning huzurlariga otalari Abu Sufyon vafot etganda kirdim. Shunda Ummu Habiba upa-elik keltirmoqni buyurdilar-da, uni yuzlariga surtdilar. So'ng: «Xudo haqi, agar men Janob Rasulullohning: «Oллоh taologa va qiyomatga iymon keltirgan ayolning mayyitga uch kundan ortiq aza tutmog'i makruhdur, eri o'lsagina to'rt oyu o'n kun aza tutadi» — deb aytganlarini eshitganim uchungina shunday qildim, aslida upa-elikka ehtiyojim yo'q erdi!» — dedilar. Keyin, men Zaynab binti Jahshning huzuriga akasi vafot qilganda kirdim. Shunda u ham upa-elik keltirmoqni buyurib, undan yuziga surtdi. So'ng: «Ammo, xudo haqi, men Janob Rasulullohning minbarda turib: «Oллоh taologa va qiyomatga iymon keltirgan ayol uchun mayyitga uch kundan ortiq aza tutmog'i halol ermas, eri vafot qilsagina to'rt oyu o'n kun motam qiladi» — deb aytganlarini eshitmaganimda bunday qilmas erdim, aslida upa-elikka uncha xushim yo'qdur!—dedi». Zaynab: «Men Ummu Salamaning bunday deb aytganlarini eshitgan erdim»,— dedi: «Bir ayol Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh! Qizim eri vafot qilib, tul qoldi, yig'layverganidan ko'zi shishib ketdi, davo maqsadida ko'ziga surma qo'ysa, bo'ladimi?» — dedi. Janob Rasululloh ikki yoki uch bor: «Io'q!» — dedilar (bundan ayonki, eri o'lgan azador ayol ko'zi og'risa ham, surmadan foydalanishi mumkin ermas). So'ng, ul zot yana: «Chunki, eri o'lgan ayolning azadorlik muhlati to'rt oyu o'n kundur. Johiliyat davrida birortangizning eringiz vafot qilsa, yilning boshida tezak otar erdingiz»,— dedilar». Humayd bunday deydilar: «Men Zaynabga: «Nechun yilning boshida tezak otadi?»—dedim. Zaynab bunday dedi: «Ayol, agar eri vafot qilsa, bir uy chaga kirib, eng yomon kiyimini kiyib olardi-da, bir yil davomida upa-elikni qo'liga olmay u yerda yotar erdi. So'ng, unga bir moxaxar yoki sovliq yohud qush olib kelib berishar erdi. Ayol uni bir narsa birlan yirta-yirta, oxiri uni o'ldirar erdi. Keyin, u uy chadan tashqariga chiqar erdi. Shunda uning qo'liga tezak tutqazishar va u tezakni (bir yil davomida ko'rgan kunim shu tazakdan yaxshiroq erdi, deb) irg'itib yuborar erdi. Keyin, u pardoz-andoz yoki biror boshqa narsani xohlagandan so'ng, (uyiga) qaytarilar erdi». Molikdan, Oллоh taolo ul kishini rahmat qilsin, «Bir narsa birlan yirta-yirta» nima degani?» — deb so'rashdi. Ul kishi: «Bir narsa birlan terisini shiladi»,— dedilar».

45-bob. Azador ayolning surma qo`ymog`i mumkinmi?

Ummu Salama rivoyat qiladilar: «Bir ayolning eri vafot etib, yig`layverganidan ko`zlari og`rib qoldi. Shunda ayolning yaqinlari uning ko`zidan xavotir olishib, Janob Rasulullohning huzurlariga kelishdi-da, davo uchun ko`ziga surma qo`yishga ijozat so`rashdi. Janob Rasululloh: «Surma qo`ymasin! Bir paytlar (johiliyat davrida) birortangizning eringiz o`lsa, juldur-juldur kiyimingizni kiyib olar erdingiz. Bir yil o`tgach, oldingizdan it o`tib qolsa, unga tezak irg`itar erdingiz. Nechuk endi to`rt oyu o`n kunga sabr qilolmaysizlar?!» — dedilar».

Zaynab binti Salama rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taolo birlan oxirat kuniga iymon keltirgan mo`mina ayol uch kundan ziyod aza tutmasin, eri o`lsagina to`rt oyu o`n kun motam qilsa, bo`lur!» — dedilar».

Ummu Atiyya: «Biz ayollar uch kundan ortiq aza tutmoqdan qaytarildik, erlarimiz o`lsagina to`rt oyu o`n kun aza tutmog`imizga ijozat berildi»,— deydilar.

46-bob. Azador ayolning hayzdan poklanganda qust ishlatmog`i haqida

Ummu Atiyya rivoyat qiladilar: «Biz ayollar o`likka uch kundan ortiq aza tutmoqdan qaytarilgan erdik, er o`lsagina to`rt oyu o`n kun aza tutmoq mumkin erdi. Bu muhlat mobaynida na surma va na atir-upa surtar va na yamaniy kiyimdan bo`lak kiyim kiyar erdik. Biz ayollarga birortamiz hayzdan poklanib, gusl qilganimizdagina biror zufor atri va qustdan (maxsus daraxt bo`lib, uni qaynatib shifobaxsh modda olingan) foydalanmoqqa ijozat berilgan erdi, xolos. Biz ayollar janozaga ergashmoqdan ham qaytarilgan erdik».

Abu Abdulloh: «Qust va kust — kofur va qofur (kamfara daraxti) kabi bir bo`lak yog`ochdur»,— deydilar.

47-bob. Azador ayol yamaniy burda (yo`l-yo`l ust kiyimi) kiyadi

Ummu Atiyya rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taolo birlan oxirat kuniga iymon keltirgan ayolning eridan bo`lak mayyitga uch kundan ortiq aza tutmog`i halol bo`lmay, azadorlik chog`ida surma qo`ymaydi, bo`yalgan (rangli) kiyim kiyamaydi, faqat yamaniy burda kiyadi» — dedilar»

Hafsa rivoyat qiladilar «Ummu Atiyya menga bunday dedi «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz ayollarga azadorlik chog`imizda atir-upaga qo`l tekkizmaslikni buyurib, hayzdan poklanganimizdagina biroz qust va zufor atri ishlatmog`imizga ruxsat berdilar»

Abu Abdulloh; «Qust va kust — kofur va qofur kapidur»,—deydilar

48-bob Olloh taoloning qavli: «Va sizlardan ul odamlariki vafot qilurlar va xotinlarin qoldirib keturlar, ul xotinlar to`rt oyu o`n kungacha o`zlarin intizorda saqlarlar va qachonki ularning iddalari tamom bo`lur, ul holda ular qoidaga muvofiq o`z haqlarida bir ish qilsalar, bundan sizlarga qech bir gunoh yo`kdur va Olloh taolo sizlar qilib turgan ishdan xabardordur!»

Mujohid rivoyat qiladilar: «Olohd taoloning «Va sizlardan ul odamlariki vafot qilurlar va xotinlarin qoldirib keturlar» degan (yuqoridagi) oyati karimasida aytilgan iddani ayol o'z erining uyida o'tkazishi vojib bo'lgan. Keyin, Olohd taolo «Va sizlardan ul odamlariki vafot qilurlar va xotinlarin qoldirib keturlar, ular vasiyat qilib keqinlarki, xotinlari uydan chiqarib yuborilmay bir yillik xarj birlan ta'minlansin va agar ular o'zlari chiqib keqalar, ularning qoidaga muvofiq o'zlari haqlarida qilgan ishlari uchun sizlar gunohkor bo'lmaysizlar» degan oyati karimasini nozil qildi Olohd taolo ayolga marhum erining uyida barcha narsalar birlan ta'minlangan holda to'la bir yil turmoklik imkonini berdi va bundan to'rt oyu o'n kunni uning uchun idda muddati qilib va yetti oyu yigirma kunni erining vasiyati bo'yicha uning uyida turadiringan muhlat qilib belgiladi. Endi ayol vasiyat muhlatini, istasa, marhum erining uyida qolib o'tkazadiringan, istamasa, u yerdan chiqib ketadiringan bo'ldi. Chunki, Olohd taolo «uydan chiqarib yuborilmay» va «agar o'zlari chiqib keqalar sizlar gunohkor bo'lmagaysizlar»,— deydi. Ammo, idda saqlamoqlik uning uchun ilgarigidek vojibligicha qoldi»

Ato Ibn Abbosdan naql qiladilar: «Bu oyat ayolning marhum eri uyida idda saqlashi vojibligini bekor qilib, unga boradigan yerida idda saqlamoqlik ixtiyorini berdi. Chunki, Olohd taolo «uydan chiqarib yuborilmay»,— deydi»

Ato bunday deydilar «Ayol, istasa, marhum erining uyida iddada o'ltiradi va vasiyat muhlati davomida u yerda turadi, agar istamasa, u yerdan chiqib ketaveradi. Chunki Olohd taolo «agar o'zlari chiqib keqalar, ularning qoidaga muvofiq qilgan ishlari uchun sizlar gunohkor bo'lmagaysizlar»,— deydi»

Ato yana bunday deydilar: «Keyin, meros haqidagi oyat nozil bo'lib, u ayolning marhum eri uyida turmog'ini bekor qildi, ayol o'zi istagan yerda iddada o'ltiradiringan bo'ldi, endi uning uchun marhum erining uyida joy yo'qdur».

Ummu Salama rivoyat qiladilar: «Abu Sufyonning qizi Ummu Habiba otalarining vafot etganligi haqidagi xabarni (uch kundan keyin) eshitib, xushbo'ylik keltirmoqni buyurdilar, keyin uni bilaklariga surtdilar-da «Aslida, mening atir-upaga uncha xushim yo'qdur, lekin men Janob Rasulullohning «Olohd taolo birlan oxirat kuniga ishongan ayol uchun eridan bo'lak biror marhumga uch kundan ortiq aza tutmoqligi halol ermas, erigagina to'rt oyu o'n kun motam tutadi» deb aytganlarini eshitganim uchungina shunday qildim»,— dedilar»

49-bob Fohisha (zinokor ayol)ning mahri va fosid nikoh haqida

Hasan «Agar kishi mahram ayolga uylansa-yu, uning mahram yoki nomahram erkanligini bilmagan bo'lsa, (bunday nikoh fosid bo'lib), ayolning eridan olgan narsasigina (laz-zatigina) o'ziniki bo'lgay, u bundan bo'lak narsa olmagay»,— dedilar So'ng, yana «Ayol mahrdan mahrum qilingay» — deb qo'ydilar.

Abu Mas'ud raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam it sotib, kohinlik qilib kun ko'rishdan va zinokor ayolga mahr berishdan qaytardilar»

Avn ibn Abu Juhfa otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam igna birlan birovlarning badaniga suratlar soluvchi va o'ziga ana shunday suratlar soldiruvchi

ayollarni, poraxo'r birlan uning vositachisini la'natladilar hamda it sotib, fohishalik qilib kun ko'rishdan qaytardilar va musavvirlarni la'natladilar»

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam cho'rining badanini pullamoqdan qaytardilar»

50-bob Ayoliga qo'shilib qo'ygan kishining bergan mahri haqida. Yaqinlik qilmasdan burun ayolga mahr yoki taloq berish yaxshidir!

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Men Ibn Umarga «Bir kishi xotinini qazaf qilibdi (zinokorlikda ayblabdi)»,— dedim. Ibn Umar «Janob Rasululloh Banu Ajalon qabilasiga mansub ikki birodarning farzandlarini ajratib yubordilar-da «Olloh taolo ikkingizdan biringizning yolg'on so'zlayotganingizni bilib turibdi, qaysi biringiz tavba qilasiz?»— dedilar. Ular ikkalasi ham tavba qilmoqdan bo'yin tovlashdi. Ul zot yana «Olloh taolo ikkingizdan biringizni yolg'on so'zlayotganingizni bilib turibdi, qaysi biringiz tavba qilasiz?»— dedilar. Ular ikkalasi bu gal ham tavba qilmoqdan bo'yin tovlashdi. Shundan so'ng, ul zot ularni ajratib yubordilar»

Ayyub rivoyat qiladilar: «Amr ibn Dinor menga «Sen bu hadisda bir muhim narsani tushirib qoldiryapsan. Ushanda ul kishi «Xotinimga bergan mahrim nima bo'ladi?» — degandi. Ul zot «Bergan mahring senga qaytarib berilmaydi. Agar rost gapirayotgan bo'lsang ham, unga qo'shilib quygansan va agar tuhmat qilayotgan bo'lsang, o'z-o'zidan bergan mahringdan mahrumsan!»—deb aytgan erdilar»,— dedi».

51-bob Mahri ta'yin qilinmagan ayolga mablag' berish haqida

Olloh taoloning qavli: «Agar sizlar xotinlarni ularga yaqin bormay va ularga biror mahr ta'yin qilmay turib taloq qilsangizlar, sizlarga gunoh bo'lmas va lekin sizlar ularga qoidaga muvofiq bir oz narsa (masalan, kiyim-kechak) beringizlar, badavlat odam davlatiga yarasha va holi tang odam qudratiga yarasha (bersin), bu yaxshi amal qilguvchilar uchun munosib ishdir. Va agar xotinlarni ularga yaqin bormay turib taloq qilsangizlar-u, ularga mahr ta'yin qilib qo'ygan bo'lsangizlar, o'shal ta'yin qilingan mahrning yarmi ularniki bo'lgaydur, agar xotinlar yoki nikoh tuguni qo'lida bo'lgan erlar mahrning o'zlariga tegishli bo'lgan yarmidan kechsalar, bu ham joiz bo'lib, siz erkaklar (mahrning o'zingizga tegishli yarmidan) kechsangizlar, bu taqvoga yaqin bir amaldur va bir-biringizga ehson qilmoqni yodingizdan chiqarmangizlarki, Olloh taolo qilib turgan amallaringizni albatta ko'rib turur!»

Olloh taoloning qavli: «Va taloq berilgan xotinlar uchun qoidaga muvofiq xarj berilur, bu Olloh taolodan taqvo qilguvchilar uchun munosib amaldur. Olloh taolo shul tariqa sizlarga o'z hukmlarini bayon qilur toki sizlar tushuningizlar deb»

Rasululloh sallallohu alayhi va sallam muloana chog'ida er xotinini taloq qilganda mut'a (ayolga beriladigan xarj) xususida hech narsa demaganlar (chunki, bu voqeada er xotiniga yaqinlik qilgan bo'lib, mahr to'laligicha xotinnikidir).

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir-birini mulo'ana qilayotgan eru xotinga: «Sizlarning hisob-kitobingiz Olloh taoloning o'ziga havola! Ikkingizdan biringiz yolg'on so'zlayotirsiz endi sening uchun xotiningga yo'l yo'qdur!»—

dedilar. Xotinning eri: « Yo Rasulalloh, unga bergan mahrim nima bo'ladi?»— dedi. Janob Rasululloh «Mahrni qaytarib ololmaysan agar rost so'zlagan bo'lsang ham, bergan mahring uning avratidan foydalanganing badaliga uniki bo'ladir va agar tuhmat qilgan bo'lsang, unda o'z-o'zidan ma'lumki, mahrdan mahrumsan!»—dedilar»

NAFAQALAR KITOBI

(Oilaga qilinadigan nafaqaning fazilati haqida)

Oллоh taoloning qavli: «Va savol berurlar sizgaki, (Oллоh taolo yo'lida) nima xarj qilsinlar (deb), siz aytingki, nimaiki (ehtiyojdan) ziyodadur. Ana shul tariqa Oллоh taolo ravshan bayon qilur sizlar uchun o'z oyatlarini, toki sizlar fikr qilinglar dunyo va oxirat haqida!»

Hasan «Al-Afv» — «ehtiyojidan ortiqchasi» degan ma'nodadur»,— deydilar.

Abu Mas'ud al-Ansoriy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Agar biror musulmon o'z oilasiga xarj qilsa, sadaqa qilganlik savobini oldim, deb hisoblayversin!»—dedilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Oллоh taolo «Ey Odam bolasi, xarj (nafaqa) qilgil, o'zingga xarj qilgil!»—deydi»,— dedilar». (ya'ni, «Ey Odam bolasi, xarj qilgil, bu birlan sadaqa qilganlik savobini olib, o'z oxirating g'amini yegan bo'lasan!»).

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Beva va miskinga g'amxo'rlik qiluvchi shaxs — Oллоh taolo yo'lida jihad qiluvchi yoki tuni birlan ibodat qilib, kuni birlan ro'za tutuvchi shaxs kabitur!» — dedilar».

Sa'd raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Makkada xastalanib yotganimda meni ko'rgani keldilar. Shunda ul zotga: «Men badavlat odamman, molimning hammasini sadaqa qilsinlar, deb vasiyat qilayinmi?»—dedim. Ul zot: «Yo'q!» — dedilar. Men: «Yarminimi?» — dedim. Ul zot yana: «Yo'q!» — dedilar. Men: «Uchdan birinimi?»—dedim. Ul zot: «Uchdan bir... uchdan bir ham ko'plik qiladi. Merosxo'rlaringni odamlarga qo'l cho'zib tilanadigan qilib qoldirganingdan ko'ra, boyroq qilib qoldirganing afzaldur. Nimaiki xarj qilsang, hattoki xotiningning og'ziga bir luqma taom solib qo'ysang ham, sadaqa qilganlik savobini olgaysan. Shoyad, Oллоh taolo seni darddan xalos qilsa-yu, musulmonlar sendan naf ko'rib, kofirlar zarar topsa!» — dedilar».

1-bob. Ahlu ayoliga xarj (nafaqa) qilmoqlik haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Eng yaxshi sadaqa — kishining o'zidan keyin boylik qilib qoldirgan narsasidir (ya'ni, kishining o'zidan keyin merosxo'rlariga qoldirgan narsasi eng yaxshi sadaqa bo'lib, u xoh moddiy va xoh ma'naviy boylik bo'lsin, merosxo'rlar unga tayangan holda birovlariga sarg'aymay kun kechiradilar), baland qo'l (mehnatkash qo'l) past qo'l (tilamchi qo'l) dan afzaldur. Eng avvalo, o'zing boqadigan (o'zingga qaram) kishilarga xarj (nafaqa) qilgil, (chunki) xotin: «Yo meni to'ydir yoki meni taloq qil!» — deydi, qul ersa: «Avval meni to'ydir, so'ng ishlat!» — deydi, farzand ersa: «Meni (o'zing) to'ydir, meni kimga (ishonib) tashlab qo'yyapsan?!» — deydi». Odamlar: «Ey Abu Hurayra, bu hadisni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan eshitganmisiz?»—deyishdi. Abu Hurayra: «Yo'q, bu Abu Hurayraning bisotidan»,— dedilar (kesatib).

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Eng yaxshi sadaqa — kishining o'zidan keyin boylik qilib qoldirgan narsasidir va eng avvalo o'zing boqadigan kishilarga (axlu ayolingga) xarj qilgin!» — dedilar».

2-bob. Kishining o'z ahlu ayoli uchun bir yilga yetadigan yegulikni zaxira qilib qo'ymog'i haqida va ahlu ayolga qanday nafaqa qilinadi?

Mu'ammara rivoyat qiladilar: «Savriy menga: «Ahlu ayoli uchun bir yillik yoki bir necha oylik yegulik zaxira qilib qo'yadigan kishi haqida eshitganmisan?» — dedi. Lekin, men bu haqda hech narsa eslay olmadim. Keyin, men Ibn Shihob az-Zuhriy bizga Molik ibn Avsdan, ul kishi ersalar Hazrat Umar raziyallohu anhudan naql qilib aytib bergan (quyidagi) bir hadisni xotirladim: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Banu Nazirdagi xurmozor hosilini sotib, axlu ayollari uchun bir yillik yegulik zaxira qilib qo'yar edilar».

Molik ibn Avs ibn al-Hadason rivoyat qiladilar. «Muhammad ibn Jubayr ibn Mut'im menga aytib bergan bir hadisda meros xususida eslatib o'tgan erdi. Keyin, men uning uyiga bordib, shul haqda undan so'radim. Ul menga bunday deb aytdi: «Men Xazrat Umarning huzurlariga kirmoq niyatida uydan chiqdim. Huzurlarida o'ltirganimda eshikbonlari Yarfo qoshlariga kelib: «Usmon, Abdurrahmon, Zubayr va Sa'dda ishingiz bormi, ular huzuringizga kirmoqqa ijozat so'rayotirlar?» — dedi Hazrat Umar: «Ha», — dedilar-da, ularga ruxsat berdilar. Ular ichkariga kirib salom berishdi, so'ng o'ltirishdi. Birozdan so'ng, Yarfo yana qoshlariga kelib: «Ali va Abbosda ham ishingiz bormi?» — dedi. Hazrat Umar. «Ha», — dedilar-da, ularga ruxsat berdilar. Ikkalalari ichkariga kirib salom berib o'lti rishgach, Abbos: «Yo mo'minlar amiri! Men birlan mana bu kishi (ya'ni, Hazrat Ali) o'rtamizdagi masalani hal qilib bersangiz!» — dedi. Shunda Hazrat Umarning huzurlaridagilar, ya'ni Hazrat Usmon va ul kishi birlan birga kelganlar: «Yo mo'minlar amiri! Ular ikkisi o'rtasidagi masalani hal qilib, birini ikkinchisidan xalos qilingiz!» — deyishdi. Hazrat Umar ularga: «Ogoh bo'lingizlar, yeru osmonlar mavjudligi irodasiga bogliq bo'lmish Oллоh taolo nomi birlan sizlardan o'tinib so'rayman! Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Biz meros qoldirmagaymiz, biz qoldirgan narsa — sadaqadur!» deb aytganlarini bilurmisizlar? Ul zot «Biz» deganlarida o'zlarini nazarda tutganlar», — dedilar. Hazrat Usmon va ul kishi birlan birga kelganlar: «Ha, shunday deb aytganlar!» — deyishdi. Hazrat Umar Hazrat Ali birlan Abbosga yuzlanib: «Oллоh taolo nomi birlan sizlardan o'tinib so'rayman! Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning shunday deganlarini bilurmisizlar?» — dedilar. Ular ikkalalari: «Ha, shunday deb aytganlar!» — deyishdi. Hazrat Umar bunday dedilar: «Men sizlarga ana shu masala (meros) xususida so'zlab berayin: Darhaqiqat, Oллоh taolo o'z Rasuli sallallohu alayhi va sallamga maxsus (alohida) bir mol ato etgan erdikim, buni u ilgari ul zotdan o'zgalarga ato etmagan erdi. Oллоh taolo: «Oллоh taolo o'z Rasuliga ulardan (kofirlardan) urush qildirmay olib bergan mol uchun sizlar na ot va na tuya choptirib (mehnatingiz singan ermas), lekin Oллоh taolo o'zi istagan bandalariga payg'am-barlarini hukmdor qilgaydur. Oллоh taolo har narsaga qodirdur!» — deydi. Bu o'lja (mol) xolis Rasululloh sallallohu alayhi va sallamniki erdi. Xudo haqi, shunga qaramay Janob Rasululloh uni sizlarsiz yolgiz o'zlari tasarruf qilganlari yo'q, undan sizlarga ham ulush ajratdilar. Mana endi, undan ana shul (sizlar talab qilib kelgan) molgina qoldi, xolos. Janob Rasululloh yil bo'yi ana shu mol (er-suv) orqasidan ahlu ayollarini boqar va ehtiyojlaridan ortiqchasini Oллоh taolo yo'lida ehson qilar edilar. Ul zot umrlari bo'yi shul yo'sinda ish tutib kelgan edilar. Oллоh taolo nomi birlan sizlardan o'tinib so'rayman! Shuni bilurmisizlar?». Hazrat Usmon va ul kishi birlan birga kelganlar: «Ha», — deyishdi. So'ng, Hazrat Umar Hazrat Ali birlan Abbosga

yuzlanib: «Oллоh taolo nomi birlan ikkalangizdan o'tinib so'rayman! Shuni siz ikkingiz ham bilurmisizlar?»—dedilar. Ular ikkalalari: «Ha»,— deyishdi. Shundan so'ng, Hazrat Umar bunday deb gaplarida davom etdilar: «Keyin, Oллоh taolo o'z Rasuli sallallohu alayhi va sallamni huzuriga chorladi. Shunda Hazrat Abu Bakr as-Siddiq: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning vorislari mendurman!» — dedilar-da, o'shal xolis molni o'z qo'llariga olib, uni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kabi tasarruf qildilar. Siz ikkingiz bo'lsangizlar, «Abu Bakr unday va bunday qildi» deb gapirib yuribsizlar, vaholanki ul kishi uni halollik birlan tasarruf qildilar. So'ng, Oллоh taolo Hazrat Abu Bakr as-Siddiqni ham o'z huzuriga chorladi. Shunda men: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan Hazrat Abu Bakr as-Siddiqning vorislari mendurman!» deb uni o'z qo'limga oldim, mana ikki yildurki, uni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan Hazrat Abu Bakr as-Siddiq kabi tasarruf qilib kelmoqdaman. Keyin, siz ikkingiz huzurimga keldingizlar, ikkingizning ham so'zingiz bir, ishingiz bir! Sen (Abbos) akangning o'g'lidan qolgan nasibangni talab qilib kelgansan, mana bu (Ali) ersa xotining otasidan qolgan nasibasini talab qilib kelgan. Mening qat'iy so'zim budur: agar istasangizlar, Janob Rasululloh, Hazrat Abu Bakr va men kabi tasarruf qilmoqlik sharti birlan uni sizlarga topshirgayman, aks holda bu haqda menga og'iz ochmangizlar! Agar sizlar: «Shartingizga ko'ndik, uni bizga topshiringiz!» — desangizlar, uni shu shart birlan sizlarga topshirayin. Ey (Usmon, Abdurrahmon, Zubayr va Sa'd), shu shart birlan uni mana bu ikkalasiga topshirayinmi?». Ular: «Ha»,— deyishdi. Hazrat Umar Hazrat Ali birlan Abbosga yuzlanib: «Oллоh taolo nomi birlan sizlardan o'tinib so'rayman! Uni sizlarga shu shart birlan topshiraverayinmi?» — dedilar. Ikkalalari: «Ha»,— deyishdi. Hazrat Umar: «Lekin, keyinchalik bu haqda boshqacha hukm chiqarmog'imni iltimos qilsangizlar, bilingizlarki yeru osmonlarning mavjudligi irodasiga bog'liq zot haqi, qiyomatga qadar ham bundan o'zgacha hukm chiqarmagayman! Agar mazkur shartni bajarmoqqa ojizlik qilib qolsangizlar, uni menga qaytarib beringizlar, men sizlarni undan xalos qilgayman!»—dedilar».

3-bob. Oллоh taoloning qavli: «Va onalar o'z bolalarini butun ikki yil emizsinlar, bu hukm ul odam uchundurki, sut emizmoq muddatini tamom qilmoqchidur («Oллоh taolo qilib turgan amallaringizni ko'rib turur» degan qavligacha)

Oллоh taolo: «Uni (bolani) (qorinda) ko'tarib yurish va uni (emizib) sutdan chiqarish (muddati) o'ttiz oydur»,— deydi.

Oллоh taolo: «(Taloq qilingan xotin homilador bo'lsa, to tug'ib olguncha uni boqib turingizlar, keyin u sizlarni yuz-xotir qilib bolani emizsa, buning uchun ham unga haq to'langizlar va bu to'g'rida qoidaga muvofiq o'zaro maslahat qilingizlar) va agar kelisha olmasangizlar, ul holda bolani boshqa bir xotin emizib berur, xarj qilsin rizqi ulug' odam rizqining ulug'ligiga yarasha va kimning rizqi oz bo'lsa, qudrati yetgancha xarj qilsin. Oллоh taolo hech kimga o'zi unga ato etgandan ortiq xarj qilmoqni yuklamas, oz fursatda Oллоh taolo paydo qilur tanglikdan keyin yengillikni!» — deydi.

Yunus Zuhriydan naql qiladilar: «Oллоh taolo: «(Taloq qilingan) onaga bolasi tufaylidan ozor berilmasin!» — deydi va bu ersa onaga: «Sen bolani emizmaysan!»— deb aytmoqligingizdur. Vaholanki, bola uchun o'z onasidan ko'ra butun vujudi birlan ko'krak berguvchi zot bo'lmay, u boshqa ayoldan ko'ra unga mushfiqroq va mehribonroqdur. Taloq qilingan ayol, sobiq eri Oллоh taoloning amriga muvofiq boqib turgandan keyin, bolani emizishdan bo'yin tovlamasligi lozim va bolaning otasi ham: «Bolani sen

emizmaysan, uni boshqa bir enagaga topshiraman!»—deb bolaning onasiga ozor bermasligi kerak. Ammo, ota va ona o'zaro rozilik birlan bolani boshqa bir emizguvchiga topshirsalar, ularga gunoh bo'lmas. Agar ular o'zaro kelishib bolani sutdan chiqarmakchi bo'lsalar, buning uchun ham gunohkor bo'lmagaylar!».

4-bob. Eri (ma'lum sabablarga ko'ra) uyida mavjud bo'lmagan ayolning va bolalarning nafaqasi haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Hind binti Utba kelib: «Yo Rasulalloh, erim Abu Sufyon mumsik odam, uning molidan xarj qilib uydagilarga yedirsam, gunoh bo'lmaydimi?» — dedi. Ul zot: «Insofan, yetarlicha olsang, mayli!» — dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar ayol eri ishlab topib kelgan narsalardan uning buyrug'isiz (oshkora, yaxshi niyatda) nafaqa (sadaqa) qilsa, bundan tegadirgan savobning yarmisi erinikidir»,— dedilar».

5-bob. Ayolning o'z eri uyida mehnat qilmog'i haqida

Ibn Abu Laylo rivoyat qiladilar: «Fotima alayhossalom Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga yorguchok, (qo'l tegirmoni)ni aylantiraverib qo'llari shilinib, qavarib ketganidan shykoyat qilgali keldilar, (xizmatkor so'ramoqchi erdilar), ammo ul zotni uchratolmay, gaplarini Oisha onamizga tayinlab, uylariga qaytib ketdilar. Keyin, Oisha onamiz ul zot kelganlarida Fotima alayhossalomning ne sababdan kelib ketganlarini ma'lum qildilar. Hazrat Ali bunday deydilar: «Janob Rasululloh uyimizga kelganlarida Fotima birlan men o'ringa kirib yotgan erdik, o'rnimizdan turmoqchi bo'lganimizni ko'rib: «Joyingizda yotaveringizlar!» — dedilar-da, men birlan qizlari Fotima o'rtamizga kelib o'ltirdilar, hatto men qornimga tegib ketgan muborak oyoqlarining sovqotib ketganini his qildim. So'ng, bizga: «Mendan talab qilgan narsangizdan ko'ra yaxshiroq narsa haqida sizlarga aytaymi? Agar o'ringa kirib yoqangizlar, o'ttiz uch marta «Subhonolloh», o'ttiz uch marta «Alhamdulillah» va o'ttiz to'rt marta «Ollohu akbar» deb aytingizlar, bu sizlar uchun xizmatkor talab qilganingizdan ko'ra yaxshiroqdur!»— dedilar».

6-bob. Ayolning xizmatkori xususida

Abdurrahmon ibn Abu Laylo rivoyat qiladilar: «Fotima alayhossalom Janob Rasulullohning huzurlariga xizmatkor so'rab kelganlarida, ul zot: «Xizmatkor so'raganingdan ko'ra o'zing uchun xayriroq narsa haqida aytaymi? Uyquga ketishingdan burun o'ttiz uch marta «Subhonolloh», o'ttiz uch marta «Alhamdulillah» va o'ttiz to'rt marta «Ollohu akbar» deb aytgil!»—dedilar. Sufyon bunday deydilar: «Ulardan biri o'ttiz to'rt marta bo'lib, ul zot shunday deb amr qilganlaridan buyon ularni biror kecha aytmay qo'yganim yo'q!» (Boshqa hadislarda barchasi o'ttiz uch marta).

7-bob. Erkakning o'z oilasi ishlariga qarashmog'i haqida

Asvad ibn Yazid rivoyat qiladilar: «Men Oisha raziyallohu anhodan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam uyda nima qilar erdilar?»—deb so'radim. Oisha onamiz: «Oilalarining

ishlariga ko'maklashar erdilar, agar azon ovozini eshiqalar, masjidga chiqar erdilar»,— dedilar».

8-bob. Agar er (mumsik bo'lib) o'zicha nafaqa qilmasa, xotin o'zi va bolalarini ta'minlash uchun eriga bildirmay uning molidan insofan olmog'i mumkin!

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Hind binti Utba: «Yo Rasulalloh! Abu Sufyon xasis odam bo'lib, men birlan bolamga yetarlicha ovqat bermaydi, unga bildirmay molidan olib turaman»,— dedi. Ul zot: «Insofan o'zing birlan bolangga yetarlicha olgin!»—dedilar».

9-bob. Ayol erining molini va xarjini tejamog'i lozim!

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Ayollarning yaxshisi tuya minadirgan ayollar bo'lib, bu Quraysh ayollaridir!» — dedilar. So'ng, yana: «Quraysh ayollarining yaroqlisi ersa, bolaga yoshligidanoq mehribonrogi va erining molini tejaydirganrogidur!» — dedilar».

10-bob. Insofan vaqti-vaqti birlan ayollarga ust-bosh qilib berib turmoq darkorligi haqida

Hazrat Ali: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga bir hulla berdilar, uni o'zim kiyib erdim, ul zotning yuzlarida gazab alomatini ko'rdim. Shunda men uni bo'lib-bo'lib ayollarimga taqsim qildim».

11-bob. Ayol eriga uning bolalarini parvarish qilishda yordam bermog'i lozim!

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Otam halok bo'lib, menga yetti (yoki to'qqiz) qizni qoldirib ketdilar. Keyin, men bir juvonga uylandim. Janob Rasululloh menga: «Ey Jobir, uylandingmi?» — dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Ul zot: «Bokiragami yoki juvongami?» — dedilar. Men: «Io'q, juvonga»,— dedim. Ul zot: «Bokira qizga uylanganingda erdi, bir-biringiz birlan hazil-huzil qilishar erdingizlar, sen uni va u seni kuldirib yurar erdi!»—dedilar. Men ul zotga: «Otam Abdulloh halok bo'lib, menga yetti (yoki to'qqiz) qizni tashlab ketdilar. Men shu qizlar kabi yosh qizga uylanmoqni ep ko'rmay, ularga onalik qila oladigan, ularni to'gri tarbiyalay oladigan ayolga uylandim»,— dedim. Ul zot: «Borakalloh!» — dedilar».

12-bob. Kambag'al kishining o'z oilasiga qilgan nafaqasi haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kishi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh, men endi halok bo'ldim!» — dedi. Ul zot: «Nechun?»—dedilar. Kishi: «Ramazon (ro'za) bo'la turib xotinimga yaqinlik qilib qo'ydim!» —dedi. Ul zot: «(Gunohingni yuvish uchun) bir qul ozod qilgil!» — dedilar. Kishi: «Mening qulim yo'q»,— dedi. Ul zot: «(Bo'lmasa) ketma-ket ikki oy ro'za tutgil!»—dedilar. Kishi: «Eplay olmayman»,— dedi. Ul zot: «(Bo'lmasa) oltmishta miskinni to'ygazgil!» — dedilar. Kishi: «Oltmishta misinga yetarli ta'om menda qayoqdan ham bo'lsin!» — dedi. Shul asnoda Janob Rasulullohga bir savat xurmo olib kelib qolishdi. Ul zot: «Boyagi savol bergan odam qani?» —dedilar. Kishi: «Mana men shu yerdaman!» — dedi. Ul zot: «Buni sadaqa qilgil!»—dedilar. Kishi: «Uzimizdan

qashshoqroqqami? Yo Rasulalloh, sizni haq payg'ambar qilib yuborgan zot haqi, shaharda bizdan ko'ra kambagalroq oila yo'qdur!» — dedi. Ul zot uning bu gapidan kulib yubordilar, hatto qoziq tishlari ham ko'rinib ketdi, so'ng unga: «Demak, eng kambagal o'z'laringiz erkansizlar (ya'ni, «Unday bo'lsa, bu xurmolarni bola-chaqangga sadaqa qilgil!»),— dedilar».

13-bob. Ollah taoloning qavli: «Va vorisga ham shunga o'xshash va ayolga undan biror narsa» hamda «Va bayon qildi Ollah taolo bir misolni, ya'ni ikki kishiniki, ulardan biri gungdurki, hech bir narsaga kuchi yetmas va ul o'z egasiga ortiqcha bir yukdur, qaysi bir tarafga uni yuborsa, hech bir yaxshi ish qilib kelmas. Ey, barobar bo'la olurmi ul odam va ul odamiki, xalqni adolatga buyurur ham o'zi to'g'ri yo'ldadur?!»

Ummu Salama rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, Abu Salamaning bolalarini boqqanim uchun menga savob tegadirmi? Men ularni biror narsaga zoriqtirganim yo'q, chunki ular bolalarimdur!»—dedi. Ul zot: «Ha, senga ularni boqqaning uchun savob tekkay!»— dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Hind binti Utba: «Yo Rasulalloh, Abu Sufyon mumsik odam, men uning molidan o'zim va bolalarimga yetarlicha olsam, gunohkor bo'lmaymanmi?» — dedi. Ul zot: «Insof birlan olaver!» — dedilar».

14-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning: «Kimki o'zidan keyin qarz yoki yetim qoldirgan bo'lsa, u menikidir!» — deb aytganlari xaqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qarzdorligicha vafot etib ketgan kishini olib kelishganda: «Qarzini uzish uchun ortiqcha mol qoldirganmi?» — deb so'rar erdilar. Agar: «Ha, qoldirgan»,— deyishsa, unga janoza o'qir erdilar, aks holda musulmonlarga: «Birodaringizga (o'rtog'ingizga) salavot aytingizlar!» — der erdilar. Ollah taolo ul zotning qo'llarini kofirlar ustidan baland qilganda «Men mo'minlar uchun ularning o'zlaridan ko'ra g'amxo'rroqman (ya'ni, mo'minlar o'zlari haqlarida menchalik g'am yemaydi-lar), biror mo'min vafot qilib, bo'ynida qarz qolsa, uni men uzaman va biror mo'min mol-dunyo qoldirsa, u merosxo'rlarinikidir dedilar»

15-bob Cho'rilardan bo'lmish enagalar va boshqalar haqida

Janob Rasulullohning xotinlari Ummu Habiba rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, Abu Sufyon qizi bo'lmish singlimni o'z nikohingizga olingiz!» — dedim .Ul zot «Sen shuni xohlaysanmi?»— dedilar Men «Xa, men sizga qarshilik qilmayman, singlim ham mening baxtinga sherik bo'lsa, deyman!»— dedim. Ul zot «Bu menga mumkin ermas!» — dedilar. Men: «Yo Rasulalloh, Ollah taolo haqi, biz sizni Abu Salamaning «durdona» qiziga uylanmoqchisiz, deb o'zaro gapirib yuribmiz!» — dedim. Ul zot: «Ummu Salamaning qiziga?»—dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Ul zot: «Xudo haqi, o'z bag'rimda parvarish topayotgan qiz bo'lmaganida ham Axir, u mening emishgan birodarimning qiziku! Men birlan Abu Salamani (cho'ri) Suvayba emizgan, menga (boshqa erlaringizdan bo'lgan) qizlaringizni hamda singillaringizni xotinlikka taklif qilmangizlar!»— dedilar. Urva «Suvaybani Abu Lahab ozod qilgan erdi»,— deydilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Nihoyatda sillam quriganidan biror yegulik izlab ko'chaga chiqib erdim, Umar ibn al-Xattobga yo'liqdim. Shunda Oллоh taoloning Kitobidan ochlarni tuyg'azish lozimligi haqidagi oyatni o'qib bermog'ini undan iltimos qildim (qornim ochligini fahm-lasin, deb erdim) U hovlisiga kirib, Qur'oni Karimni ochdi-da, men aytgan oyatni o'qib tushintirdi (ammo, ochligimni fahmlamadi) Keyin, men uning hovlisidan chiqib, biroz yurdim, ammo sillam quriganidan yuz tuban yiqildim. Bir mahal qarasam, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tepamda turibdilar: «Ey Abu Hurayra!» — dedilar ul zot. Men: «Labbay, yo Rasulalloh, xizmatingizga tayyorman!»—dedim. Janob Rasululloh qo'limdan tortib meni turg'azdilar-da, ochlikdan shul ahvolga tushganimni bilib, meni tuyalari tomon yetakladilar. Keyin, kattagina bir idishda sut uzatib, ichmog'imni amr qildilar, men ichdim So'ng, menga «Ey Abu Hurayra, yana quyib ich!»—dedilar. Men yana qo'iib ichdim. So'ng: «Yana quyib ichyo»—dedilar. Men yana quyib ichdim hatto qornim kamondek tarang tortilib ketdi. Keyin, men Umarni yana uchratib, boya o'zimga nima bo'lganini unga aytdim-da «Oллоh taolo meni to'yg'azmoqni sendan ko'ra haqlig'roq kishiga (ya'ni, Janob Rasulullohga) topshirdi. Ey Umar, xudo haqi, men sendan mazkur oyatni o'zim bilmaganim uchun o'qib bermog'ingni iltimos qilmagan erdim, uni sendan ko'ra o'zim yaxshiroq qiroat qila olaman!»—dedim. Umar «Xudo haqi, terisi shilingan tuya kabi bo'lganimdan ko'ra, seni to'yg'azganim mening uchun yaxshiroq erdi!»—dedi».

TAOMLAR KITOBİ

Olloh taolo: «Biz sizlarga rizq qilib bergan pokiza ne'matlardan tanovul qilingizlar!», «Peshona teringiz birlan topgan ne'matlardan sadaqa (ehson) qilingizlar!», «Amali solihlar qilingizlar, men sizlarning qilib turgan ishlaringizni bilib tururman!» — deydi.

Abu Muso al-Ash'ariy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Ochni to'yg'azingizlar, kasalni borib ko'ringizlar, asirni ozod qilingizlar!» — dedilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Muhammad sallallohu alayhi va sallamning oilalari (loaqal) uch kun to'yib ovqat yemagandur!»

1-bob Olloh taoloning ismini aytib, o'ng qo'l birlan taom yemoq haqida

Umar ibn Abu Salama rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning bag'rlarida parvarish topayotgan bir bola erdim. Ovqat yeyayotganimizda qo'limni laganning dam uyog'iga, dam buyog'iga uzata boshlagan erdim, ul zot menga «Ey bola, Olloh taoloning ismini aytib, o'ng qo'ling birlan o'z oldingdan yegil!» — dedilar (ya'ni, Olloh taoloning ismini aytish birlan kishi o'z oldidagi taomdan shaytonni quvib yuboradi, taomning dam uyog'idan, dam buyog'idan yeyish beadablik va badnafslilik alomati bo'lib, shunday qilgan kishi birga taom yeyayotganlarning dilini ranjitadi, ularning ko'nglini taomdan qoldiradi, taomni o'ng qo'l birlan yeyish chin mo'min-musulmonning odati bo'lib, shaytongina chap qo'li birlan tanovul qiladi). Shu-shu bo'ldi-yu, men bunday beadabchilikni sira qilmadim».

2-bob. O'z oldidan (taom) yemoq haqida

Anas rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Olloh taoloning ismini aytingizlar va har bir kishi o'z oldidan (taom) yesin!»— dedilar».

Ibn Ummu Salama rivoyat qiladilar: «Bir kuni men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga taom yeyayotib, laganning dam uyog'iga, dam buyog'iga qo'l uzata boshladim. Shunda Janob Rasululloh: «Uz oldingdan (taom) yegil!» — dedilar».

Vahb ibn Kayson Abu Nu'aym rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga taom keltirishdi, shunda Abu Salamaning o'g'li (ya'ni, ul zotning o'gay o'g'illari) Umar ham birga o'ltirgan erdi. Ul zot unga: «Olloh taoloning ismini aytib, o'z oldingdan (taom) yegil!» — dedilar».

3-bob. Bir lagandan taom yeyayotib, sherigiga yoqmasligini o'ylamay, uning tarafiga ham qo'l uzatgan kishi haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Bir tikuvchi taom tayyorlab, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni mehmonga taklif qildi, men ham ul zot birlan birga bordim. Qarasam, Janob Rasululloh idishning chetidagi qovoqlardan olib yeyaptilar. Shu bugundan e'tiboran men qovoqni xush ko'rib qoldim!».

Abu Salamaning o'gillari Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Ung qo'ling birlan yegil!» — dedilar».

4-bob. Taom yeyishni hamda bundan boshqa ishlarni o'ngdan boshlash lozimligi haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tahoratni ham, poyafzal kiyishni ham, soch tarashni ham o'ngdan boshlashni yaxshi ko'rar erdilar. Ul zot barcha o'ngdan boshlash joiz bo'lgan ishlarni o'ngdan boshlashni odat qilgan erdilar».

5-bob. To'yguncha taom yegan kishi haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Abu Talha Ummu Sulaymga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ochlikdan toliqqan ko'rinadilar, ovozlari arang eshitdim, biror yeguliging bormi?» — dedilar. Ummu Sulaym bir necha arpa nonini yopinchiqlariga o'rab, qo'ynimga tiqib qo'ydilar-da, meni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga jo'natdilar. Men nonlarni olib yo'lga chiqdim, ul zotni masjididan topdim, huzurlarida bir qancha odamlar ham bor erdi. Men ularning tepasiga borib turdim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam menga: «Seni Abu Talha yubordimi?»—dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Janob Rasululloh: «Taomga taklif qildimi?» — dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Janob Rasululloh o'zlari birlan birga o'ltirganlarga: «Turingizlar!» — dedilar-da, yo'lga chiqdilar, men ham birgalikda yo'lga chiqib, ularni Abu Talhaning uylariga boshlab bordim. Abu Talha: «Ey Ummu Sulaym, Janob Rasululloh bir necha odamlar birlan birga keldilar, bizning ersa ularni mehmon qilarlik taomimiz yo'q!» — dedilar. Ummu Sulaym: «Olloh taolo va uning Rasuli yaxshiroq bilgaydur!» — dedilar. Abu Talha tashqariga chiqib Janob Rasulullohni kutib oldilar, keyin ikkalalari uyga kirib kelishdi. Janob Rasululloh: «Ey Ummu Sulaym, boringni olib kelavergil!» — dedilar. Ummu Sulaym boyagi nonlarni dasturxonga qo'yib erdilar, Janob Rasululloh nonxurush keltirmoqni amr qildilar. Ummu Sulaym yog'donlariga meva solib, nonxurush tayyorlab berdilar. Keyin, Janob Rasululloh dasturxonga qo'yilgan yeguliklarni maqtab-maqtab tanovul qildilar. So'ng, o'zlari birlan kelgan odamlardan o'n kishini dasturxonga taklif qilmoqqa ruxsat berdilar. Ular to'ygunlaricha yeb, so'ng chiqib ketishdi. Keyin, yana o'n kishini dasturxonga taklif qilmoqqa izn berdilar, ular ham to'ygunlaricha yeb, chiqib ketishdi. So'ng, yana o'n kishini dasturxonga taklif qilmoqqa ruxsat berdilar, ular ham to'ygunlaricha yeb, chiqib ketishdi. Keyin, yana o'n kishiga izn berdilar, ular ham to'ygunlaricha yeb, so'ng chiqib ketishdi. Shul tariqa, barchalari to'yib ovqatlanishdi, vaholanki ular sakson kishi erdilar».

Abdurrahmon ibn Abu Bakr raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga bir yuz o'ttiz kishi erdik. Janob Rasululloh: «Birortangizda yegulik bormi?» — dedilar. Bir kishida bir so' yoki shunga yaqin yegulik bo'lib, u boshqalar birlan baham ko'rgisi kelmay, gapni chaynadi. Keyin, bir novcha mushrik bir qo'y yetaklab kelib qoldi. Shunda Janob Rasululloh unga: «Sotiladimi yoki hadyami?» — dedilar. Mushrik: «Yo'q, sotiladi»,— dedi. Janob Rasululloh qo'yni undan sotib oldilar, men uni so'ydim. Janob Rasululloh uning jigarini qovurishni buyurdilar. Olloh taologa ont ichamanki, bir yuz o'ttiz kishining har biriga qovurilgan jigardan kesib ulush ajratdilar, kim shu yerda bo'lsa, ulushini o'ziga berdilar, biror yerga ketgan bo'lsa, ulushini ehtiyotlab olib qo'ydilar. Keyin, qolganini ikki laganga soldilar, barchamiz to'yguncha

yedik, shunda ham ikki lagan ortib qoldi, men uni tuyaga ortib qo'ydim».

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz xurmo birlan suvga endigina to'yganimizda vafot etib qoldilar»,— deydilar.

6-bob. Oллоh taoloning qavli: «Yo'qdur gunoh ko'rga va yo'qdur gunoh cho'loqqa va yo'qdur gunoh xastaga va na o'zlaringizga yemaklaringizda o'z uylaringizdan yo otalaringiz uylaridan yo onalaringiz uylaridan yo birodarlaringiz uylaridan yo singillaringiz uylaridan yo amakilaringiz uylaridan yo ammalaringiz uylaridan yo tog'alaringiz uylaridan yo xolalaringiz uylaridan yo kalitlari qo'llaringizda bo'lgan uydan yo do'stlaringiz uyidan, yo'qdur gunoh sizlarga bir bo'lib emoqlaringizda yo alohida-alohida bo'lib, keyin qachon kirsangizlar uylarga, bas salom beringizlar o'z kishilaringizga-ki, (bu «Oллоh taolo tarafidan muborak va pokiza duodur, mana shundoq bayon qilur Oллоh taolo sizlarga o'z oyatlarini toki sizlar tushuningizlar deb»

Suvayd ibn an-Nu'mon rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Xaybarga yo'lga chiqdik. Sahbo degan yerga yetganimizda («Sahbo Xaybardan bir kechalik yo'l masofasida»,— deydilar Yahyo) Janob Rasululloh taom keltirmoqni buyurdilar, ammo talqondan bo'lak yegulik keltirishmadi. Biz uni chaynay-chaynay yedik, keyin suv keltirmoqni amr qildilar, u birlan og'iz chayqadilar, biz ham og'iz chayqadik. So'ng, tahorat olmay (taom tahoratni buzmaydi, og'iz chayqalsa, bas) biz birlan shom o'qidilar». Sufyon: «Men bu hadisni Suvayddan birinchi va oxirgi marta eshitdim»,— deydilar.

7-bob. Yumshoq non hamda xontaxta va dasturxonda ovqatlanmoq xususida

Qatoda rivoyat qiladilar: «Biz Anasning uyida bo'ldik, uning huzurida nonvoyi ham o'ltirgan erdi. Shunda Anas: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oллоh taologa ro'para bo'lgunlariga qadar ham na yumshoq non va na qaynatilgan qo'y go'shti yemaganlar!» — dedi».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning na taqsimchada ovqatlanganlarini va na nonlari yumshoq bo'lganini va na xontaxtada ovqatlanganlarini sira ham bilmayman!».

Qatodaga: «Janob Rasululloh va ul zotning oilalari nimada ovqatlanishgan?»— deb aytishdi. Qatoda: «Dasturxonda»,— dedilar.

Anas rivoyat qiladilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safiyyaga uylandilar. Men musulmonlarni ul zotning to'y ziyofatlariga taklif qildim. Janob Rasululloh charm palosni to'shamoqni amr qildilar, men uni to'shadim, ustiga xurmo, pishloq va yog' qo'yildi».

Amr Anasdan naql qilib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safiyyaga uylandilar. So'ng, charm palos to'shatib, musulmonlarni «hays» (xurmoga yog' va pishloq qo'shib tayyorlanadigan taom) birlan ziyofat qildilar»,— deydilar.

Vahb ibn Kayson rivoyat qiladilar: «Shom ahli Ibn Zubayrni: «Ey ikki kamarli ayolning o'g'li!» — deb izza qilishar erdi. Asmo ul kishiga: «Ey bolajonim, ularning seni nechun

bunday deb izza qilishlarini hamda ikki kamarining ne erkanligini bilurmisan? Bir paytlar men kamarimni ikkiga bo'lib, Janob Rasulullohning meshlarini bir bo'lagi birlan, safarxaltalarini ersa ikkinchi bo'lagi birlan bog'lab bergan erdim»,— dedilar. Shom ahli Ibn Zubayrni: «Ikki kamarli ayolning o'g'li!» deb izza qilganda, u ularga javoban: «Ey betamizlar, meni izza qilaman deb o'z'laringizni izza qilayotirsizlar!»—der erdi».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Ibn Abbosning xolasi bo'lmish Xrris ibn Xuznning qizi Ummu Xafid Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga yog', pishloq va kaltakesaklar (echkemarlar) tortiq qildi. Janob Rasululloh ayollarini dasturxonga taklif qildilar, ular ul zotning xontaxtala-rida tanovul qilishdi. Ammo, Janob Rasulullohning o'zlari ulardan jirkangandek o'rinlaridan turib nari ketdilar. Agar kaltakesak go'shti harom qilingan bo'lganida ayollar ul zotning xontaxtalarida tanovul qilmagan bo'lur erdilar, buning ustiga ul zot ularga kaltakesak go'shtini yeyishni amr ham qilmadilar».

8-bob Talqon haqida

Suvayd ibn an-Nu'mon rivoyat qiladilar «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Sahbo degan yerda bo'ldik, Sahbo Xaybardan bir kechalik yo'l uzoqligida Namozga hozirlik ko'rib turgan erdik, Janob Rasululloh taom keltirmoqni amr qildilar, ammo talqondan bo'lak yegulik yo'q erdi. Biz ul zot birlan birgalikda talqon tanovul qildik. Keyin, ul zot suv keltirmoqni buyurdilar-da, og'iz chayqadilar, so'ng taho-ratni yangilamay namoz o'qidilar, biz ham birgalikda o'qidik»

9-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning taomni, Olloh taoloning ismini aytmay va uning nimadan tayyorlanganligini bilmay turib, tanovul qilmaganliklari xususida

Abu Umoma ibn Saohl ibn Hunayf al-Ansoriy rivoyat qiladilar: «Xolid ibn Valid (Sayfulloh) Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga o'zining va Ibn Abbosning xolasi bo'lmish Maymunaning uyiga kirib, u yerda xolasining singlisi Xafida binti al-Xrris Najddan keltirgan qovurilgan kaltakesak go'shtiga ko'zi tushdi. Maymuna kaltakesak go'shtini Janob Rasulullohning oldilariga olib kelib qo'ydi. Janob Rasululloh taomga, uning nimadan tayyorlanganligini so'ramay va Olloh taoloning ismini aytmay turib, kamdan-kam qo'l uzatar erdilar. Ul zot kaltakesak go'shtiga qo'l uzatib erdilar, huzurlaridagi ayollardan biri: «Yo Rasulalloh, bu kaltakesak go'shti!» — deb ogoh qildi. Shunda Janob Rasululloh darhol kaltakesak go'shtidan qo'llarini tortdilar. Xolid ibn Valid «Yo Rasulalloh, kaltakesak harommi?» — dedi. Ul zot: «Yo'q, ammo yer yuzida undan jirkanmaydirgan birorta ham qavmim bo'lmagay, men ham undan jirkanaman!»— dedilar. Xolid ibn Valid: «Men ul zotning ko'z oldilarida kaltakesak go'shtini nimtalab yedim»,— deydilar»

10-bob. Bir kishi to'yadirgan ovqat ikki kishiga ham kifoya qiladi!

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Ikki kishi to'yadirgan ovqat uch kishiga kifoya qiladi va uch kishi to'yadirgan ovqat to'rt kishiga kifoya qiladi»,— dedilar».

11-bob. Mo`min bitta ichagi to`lguncha yeydi!

Nofi rivoyat qiladilar: «Ibn Umar toki bir miskinni topib kelishmaguncha, ovqat yemas erdilar, topib kelishgach, u birlan birga ovqatlanar erdilar. Bir kuni birga ovqatlansin, deb bir kishini Ibn Umarning huzurlariga kiritib yubordim. U badnafs chiqib qolib, ko`p ovqat yeb yubordi .Shunda Ibn Umar «Ey Nofi`, buni ikkinchi mening huzurimga kiritma! Men Janob Rasulullohning «Mo`min bitta ichagi to`lguncha, kofir ersa yettita ichagi to`lguncha ovqat yeydi!» deb aytganlarini eshitganman»,— dedilar»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alaihi va sallam «Darhaqiqat, mo`min bitta ichagi to`lguncha, kofir (yoki munofiq) ersa yettita ichagi to`lguncha ovqat yeydi!» — dedilar»

Sufyon Xazrat Umardan naql qiladilar: «Abu Nuhayk badnafs odam erdi. Ibn Umar unga «Janob Rasululloh «Darhaqiqat, kofir yettita ichagi tulguncha ovqat yeydi!» deb aytganlar, men ersam Olloh taolo birlan uning rasuliga iymonliman!» — dedi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Musulmon bitta ichagi to`lguncha, kofir ersa yettita ichagi to`lguncha ovqat yeydi!»— dedilar».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Bir kishi ilgari juda ko`p ovqat yer erdi, musulmon bulgach, kam ovqat yeydirgan bo`ldi. Bu haqda Janob Rasulullohga aytishgan erdi, ul zot «Darhaqiqat, mo`min bitta ichagi to`lguncha, kofir ersa yettita ichagi to`lguncha ovqat yeydi!»—dedilar».

12-bob. Yonboshlab ovqat yemoq xususida

Abu Jhuayfa rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Men yonboshlab ovqat yemayman»,— dedilar».

Abu Juhayfa rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohning huzurlarida erdim, shunda huzurlarida o`ltirgan bir boshqa kishiga: «Men yonboshlagan holda ovqat yemayman»,— dedilar».

13-bob Qovurilgan go`sht haqida

Olloh taoloning qavli: «**Keyin, keltirdi qovurilgan buzoq**».

Ibi Abbos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga qovurilgan kaltakesak (echkemar) keltirildi, ul zot undan yemoq bo`lib qo`l uzatdilar. Shunda ul zotga uning kaltakesak go`shti erkanligi aytili, ul zot darhol undan qo`llarini tortdilar. Xolid «Bu harommi?»—dedi. Ul zot: «Io`q, lekin yer yuzida bundan jirkanmaydirgan birorta ham qavmim bo`lmaydi, men ham bundan jirkanaman»,— dedilar. Xolid Janob Rasulullohning ko`z oldilarida undan yedi».

14-bob. Xazira haqida

Nazr «Xazira — xurmodan va harira sutdan tayyorlanadigan taomdur»,— deydilar

Maumud ibn ar-Rabi' rivoyat qiladilar «Badr g'azotida ishtirok qilgan sahobalardan biri Atbon ibn Molik al-Ansoriy Janob Rasulullohning huzurlariga kelib: «Yo Rasulalloh! Mening ko'zim xira bo'lib, shu holimda qavmimga imomlik qilaman. Agar yomg'ir yog'ib sel kelsa, men birlan ularning o'rtasidagi vodiyni suv bosib ketib, ularga imomlik qilmog'im uchun masjidlariga borolmay qolaman. Yo Rasulalloh, mening uyimga borib namoz o'qisangiz, men siz namoz o'qigan joyni o'zimga namozgoh qilib olgan bo'lur edim!»—dedilar. Janob Rasululloh: «Inshoolloh, shunday qilgayman!»—dedilar. Atbon bunday deydilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan Abu Bakr as-Siddiq ertasiga quyosh ko'tarilgan vaqtda mening uyimga tashrif buyurishdi. Ul zot ichkariga kirmoqqa izn so'radilar, men izn berdim. So'ng, ichkariga kirishlari hamonoq o'ltirmay: «Uyingning qaerida namoz o'qib bermog'imni istaysan?» — dedilar. Men uyimning bir joyini ko'rsat-dim, ul zot o'sha joyga borib takbir aytdilar, biz saf tortdik, bizga imomlik qilib ikki rak'at namoz o'qidilar, keyin ikki yelkalariga salom berdilar. Keyin, biz ul zotni o'zimiz tayyorlagan «xazira»ga taklif qilib olib qoldik. Xonadon ahlidan bir qanchasi uyga kirib to'planishdi. Shunda bir kishi «Molik ibn ad-Duxshin qaerda?» — dedi. Kimdir «U munofiqdur, Olloh taolo birlan uning rasulini yaxshi ko'rmaydi!»—dedi. Ul zot «Olloh taoloning rizoligini istab «Lo iloha illallohu» deb aytganini ko'ra-bila turib, bunday demagil!» — dedilar. Ul «Olloh taolo va uning rasuli ko'proq bilguvchidir! Ammo, biz uning munofiqlarga nisbatan munosabatini ko'rib, shunday deb aytuvdik»,— dedi. Ul zot «Darhaqiqat, Olloh taoloning rizoligini istab «Lo iloha illallohu» deb aytgan kishini kuydirmoqni Olloh taolo do'zaxga harom qildi»,— dedilar».

15-bob. Pishloq haqida

Humayd rivoyat qiladilar: «Men Anasning bunday deb aytganini eshitib erdim: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Safiyyaga uyladilar. Dasturxonga xurmo, pishloq va yog' qo'yib musulmonlarni ziyofat qildilar».

Amr ibn Abu Umar Anasdan naql qilib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (Safiyyaga uylanganlarida) «hays» (pishloqqa xurmo va yog' qo'shib tayyorlanadigan taom) tayyorladilar»,— dedilar.

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Xolam Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga (qovurilgan) kaltakesak go'shti, pishloq va sut tortiq qildilar. (Qovurilgan) kaltakesak go'shtini ul zotning xontaxtalariga qo'yishdi. Agar kaltakesak harom bo'lganida xontaxtalariga qo'yishmas erdi. Ul zot sutni ichib, pishloqni yedilar (ammo, kaltakesakdan jirkanib yemadilar)».

16-bob. (Qand) lavlagi va arpa xususida

Sahl ibn Sa'd rivoyat qiladilar: «Biz jum'a kuni xursand bo'lur erdik. Bizning bir kampirimiz bo'lib, u (qand) lavlagini qozoniga solib, unga biroz arpa donidan qo'shib qaynatib qo'yar erdi. Biz jum'ani o'qib bo'lib, uni ko'rgani borar va u bizni boyagi taom birlan siylar erdi. Shul boisdan ham biz har jum'a kuni xursand bo'lur erdik. Odatda, biz jum'ani o'qimagunimizcha na tushlik va na qaylula qilar erdik. Xudo haqi, o'sha taomda na go'sht yog'i va na dumba yog'i bo'lar erdi».

17-bob. (Go`shtni) tish birlan uzib olib chaynamoq va go`shtni (qozondan) olmoq haqida

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biqin (qobirg`a) go`shtini yeb bo`lib, o`rinlaridan turdilar-da, tahoratlarini yangilamay namoz o`qidilar».

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qobirg`a go`shtini qozondan olib yedilar-da, tahoratlarini yangilamay namoz o`qidilar» (chunki, taom yeganda tahorat buzilmaydi, og`iz chayqalsa, bas)

18-bob Qo`l go`shtini yemoq xususida

Qatoda otalaridan naql qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Makka tomonga yo`l oldik».

Abdulloh ibn Abu Qatoda otalaridan naql qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sahobalaridan bir guruhi birlan Makka yo`lidagi bir joyda o`ltirgan erdim, Janob Rasululloh ham yonginamizga kelib qo`ngan erdilar. Barcha ehromda bo`lib, faqat men ehrom bog`lamagan erdim. Poyafzalimni yamab turganimda odamlar bir qulonni ko`rib qolishdi, ammo buni menga bildirishma-di, chunki ular «Koshki, uni o`zi ko`rib qolsa!» deb istashgan erdi (chunki, ehrom kiygan odam o`zi ko`rib qolgan ov hayvonini ehrom kiyman odamga ko`rsatib qo`ymasligi lozim). Bir payt, o`girilib qulonga ko`zim tushib qoldi. Urnimdan turib otimning oldiga bordim-da, uni egarladim. So`ng, uni mindim, ammo qamchi birlan nayzani unutilib qoldirgan erdim. Odamlarga: «Qamchi birlan nayzani olib beringizlar!» — dedim. Ular: «Yo`q, aslo! Xudo haqi, biz senga bu ishda yordam bermaymiz!» — deyishdi (chunki, ular ehromda bo`lib, ov borasida yordam ko`rsatmoqlari mumkin ermas erdi). Men g`azablanib otdan tushdim-da, qamchi birlan nayzani o`zim olib, yana otga mindim. Otimni ov ustiga haydab, unga nayza otdim, so`ng borib qarasam, o`libdi. Odamlar uning go`shtidan pishirib yeyishdi, so`ng ehromdaliklari yodlariga tushib: «Qulon go`shtidan yeb gunohkor bo`lmadikmikan?» — deb xavotirga tushishdi. Keyin, biz yo`lga tushdik, men qulonning ortib qolgan bir qo`lini o`zim birlan olib oldim. Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga borgach, ul zotdan shul haqda so`radik. Ul zot: «Qulon go`shtidan biror bo`lak olib keldingizlarmi?» — dedilar. Men qulonning qo`lini ul zotga uzatib erdim, ehromdaliklariga qaramay, uni yeb suyaklarigacha tozalab qo`ydilar».

19-bob. Go`shtni pichoq birlan kesmoq haqida

Amr ibn Umayya rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qo`yning yelkasidan qo`lini kesib olayotganlarini ko`rdim. Shunda namozga azon aytilib qoldi, ul zot qo`yning qo`li birlan pichoqni qo`yib, o`rinlaridan turdilar-da, tahoratni yangilamay namoz o`qidilar».

20-bob. Rasululloh sallallohu alayqi va sallam taomga nah urmas erdilar!

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam taomga nah urmas erdilar, ishtahalari bo`lsa, yer erdilar, ishtahalari bo`lmasa, yemas erdilar».

21-bob. Arpa (unini) puflamoq (sovurmoq) haqida

Abu Xozim rivoyat qiladilar: «Men Sahldan: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning zamonlarida (elangan) oq undan yopilgan nonni ko'rganmisizlar?» — deb so'radim. U: «Yo'q»,— dedi. Men: «Arpa (unini) elar erdingizlarmi?»—dedim. U: «Yo'q, ammo uni puflar (sovurar) erdik»,— dedi».

22-bob. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan ul zotning sahobalari nima eyishar erdi?

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalariga xurmo taqsim qildilar. Har bir sahobaga yettitadan xurmo berdilar, menga ham yettita xurmo berdilar. Ulardan biri yomonroq erdi. Xullas, ularning ichida menga yoqadiringani bo'lmay, birini olib biriga uradiringan darajada erdi».

Qays: «Sa'd menga bunday deb aytdi»,— deydilar: «Mening Olloh taolo yo'lida birinchi bo'lib o'q otgan arab erkanligimni bilursen. Biz Janob Rasululloh birlan g'azot qilur erdik, o'shanda hubla bargidan bo'lak yemishimiz bo'lmay, ichimiz qo'yning qumalog'i yanglig' erdi. Keyin, Banu Asad meni dinga bul qadar berilmaslikka unday boshladi, men ularning gapiga kirib, ilgarigi sa'yimni habata qilib qo'ydim».

23-bob. Sutli xo'rda haqida

Urva ibn Zubayr rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning jufti halollari bo'lmish Oisha raziyallohu anhoneing biror yaqin kishilari vafot qilsa, qo'shni ayollar ta'ziya bildiringani uylariga kirishar erdi, keyin ular chiqib ketib, faqat xonadon ahli qolar erdi. Shunda Oisha onamiz bir tog'ora sut olib kelmoqlarini buyurar, so'ng uni pishirib non burdalari ustiga quyib xo'rda tayyorlar erdilar-da: «Bundan ichingizlar! Chunki, men Janob Rasulullohning «Sutli xo'rda bemorning diliga orom berib, azador kimsaning qayg'usini yengillashtiradi» deb aytganlarini eshitganman»,— der erdilar».

24-bob, Sarid (non burdalari yoki qovoq solib tayyorlanadiringan sutli xo'rda) haqida

Abu Muso al-Ash'ariy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Ko'pchilik erkaklar kamolotga erishdi, ammo Maryam binti Imron va Fir'avnning xotini Osiyadan bo'lak ayollar kamolotga erishmadi. Sarid boshqa taomlardan afzal bo'lgani kabi, Oisha ham boshqa ayollardan afzaldur!».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oishaning boshqa ayollardan afzalligi — saridning boshqa taomlardan afzalligi kabi-dur!» — dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasululloh birlan birga tikuvchi g'ulomlarining huzuriga kirdim. U Janob Rasulullohga bir idishda sarid (shirqovoq) berdida, o'z ishiga ketdi. Janob Rasululloh shirqovoqni tanovul qila boshladilar, men ham ro'paralarida o'ltirib yeya boshladim. Shundan beri qovoqni juda xush ko'raman!»

25-bob. Qo'y go'shti qovurdog'i, qo'l va biqin go'shti haqida

Qatoda raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Anas ibn Molikning uyiga borganimizda qoshida nonvoyi turgan erdi. Shunda Anas bizga: «Olingizlar, (nondan) yengizlar! Ammo, men Janob Rasulullohning vafot qilgunlariga qadar ham yumshoq oq nonni ko'rganlarini bilmayman, ul zot qo'y qo'shti qovurdogini o'z ko'zlari bilan mutlaqo ko'rgan emaslar!» —dedi».

Ja'far ibn Amr ibn Umayya otalaridan nakl qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qo'yning qo'lini kesib yeganlarini ko'rdim. Keyin, namozga azon aytilib erdi, o'rinlaridan turib qo'llaridagi pichoqni tashladilar-da, tahoratlarini yangilamay namoz o'qidilar».

26-bob. Ajdodlarning o'z uylari va safarlari uchun taom, go'sht va boshqa yeguliklar g'amlab qo'yganlari haqida

Oisha va Asmo raziyallohu anhumo: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bilan Abu Bakr as-Siddiq uchun yo'lga yeguliklar tayyorlab berdik»,— deyishadi.

Abdurrahmon ibn Obis otalaridan naql qiladilar: «Men Oisha onamizga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qurbonlik go'shtini uch kundan ortiq yemoqlikdan qaytarganmilar?»—dedim. Oisha onamiz: «Odamlar och qolgan yili boylarning kambagallarni to'ydirmogini istab shunday qilgan erdilar, xolos!» — dedilar. So'ng, (hazillashib); «Agar bitta sonni ko'tarib olib ketolsak, uni o'n besh kunda yeb bitirar erdik»,— deb aytdilar. Shunda odamlar: «Bunga sizlarni nima majbur qilgan erdi?»— deyishdi. Oisha onamiz kulib yubordilar-da: «Muhammad sallallohu alayhi va sallamning oilalari ul zot vafot qilgunlariga qadar uch kun bo'lsa ham oq bugdoy nonini to'yib yemagan!» — dedilar».

Jobir raziyallohu anhu: «Janob Rasulullohning davrlarida kurbonlikka so'yilgan jonliqlar go'shtini Madinaga (ketayotganda yo'lda yeb ketish uchun) ehtiyotlab qo'yar erdik»,— dedilar. Ibn Jurayj Atodan so'radilar: «Madinaga yetib kelgunimizga qadar, deb aytdimi?». Ato «Yo'q»,— dedilar.

27-bob. Hays (xurmoga yog' va pishloq qo'shib tayyorlanadigan taom) haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Talhaga: «G'ulomlaringdan biri mening xizmatimni qilib yursa!» - dedilar. Abu Talha meni ulovlariga mingashtirib olib yo'lga chiqdilar, men Janob Rasululloh qaerda tushib dam olsalar, xizmatlarini qilar erdim. Shunda men ul zotning nuqul «Yo parvardigoro, meni g'amu tashvisdan, musibatdan, munkillaganlikdan, yalqovlikdan, qo'rqqoqlikdan, baxillikdan, qarzga botmoqdan hamda odamlar qahridan o'z panohingda asragin!»—deb aytganlarini eshitar erdim. Men Janob Rasulullohning Xaybardan ortga qarab yo'lga chiqqunlariga qadar ham xizmatlarini qilib yurdim. Janob Rasululloh o'zlariga xotin qilib olgan Safiyya binti Huyay bilan birga yo'lga chiqdilar. Shunda men ul zotning Safiyyani o'z kiyimlari bilan o'rab-chirmab tuyalariga mingashtirib olganlarini ko'rdim. Biz Sahbo degan joyga yetib borganimizda yerga charm palos yozdirib, «hays» tayerladilar, so'ng meni jo'natdilar, men odamlarni dasturxonga taklif qilib keldim. Odamlar «hays» tanovul qilishdi. Bu Janob Rasulullohning Safiyyaga uylanganlari munosabati bilan berilgan to'y

ziyofati erdi Keyin, yo'lga chiqdilar, yo'lda Uhud tog'i ko'ringach «Bu tog' bizni yaxshi ko'rur, biz ham uni yaxshi ko'urmiz!» — dedilar. Madinaga yaqinlashgach ersa: «Yo par-vardigoro, Ibrohim Makkani muqaddas qilgani kabi, men ham Madinaning ikki tog'i oralig'idagi yerlarni muqaddas qildim! Yo parvardigoro, Madina axlining toshu tarozusiga barakot ato etgaysan!»—dedilar».

28-bob Kumush idishda ovqat yemoq xususida

Mujohid rivoyat qiladilar: «Abdurrahmon ibn Abu Laylo Huzayfaning huzurida bo'lganida Huzayfa suv so'radilar. Bir majusiy qadahda suv keltirib Huzayfaning qo'llariga berganda u kishi uni otib yubordilar-da «Men unga kumush idishda suv keltirmaslikni bir-necha bor tayinlagandim, u bo'lsa endi bunday qilmayman, deb «aytgandek bo'ladi-yu, baribir o'z bilganidan qolmaydi. Men Janob Rasulullohning «Na ipak va na deboj kiymangizlar, oltin va kumush idishda yeb-ichmangizlar, chunki bunday kiyimu idishlar bu dunyoda ular uchun, oxiratda ersa bizlar uchundur!» — deb aytganlarini eshitganman»,— dedilar»

29-bob. Din ilmi xususidagi yig'inda taom haqida so'zlash (makruh ermas!)

Abu Muso al-Ash'ariy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Qur'on qiroat qiluvchi mo'min utrujja (limon) singari xushbo'y va xushta'mdur, Qur'on qiroat qilmaydirgan mo'min ersa xurmo kabi shirin bo'lgani birlan xushbuy hiddan mahrumdir, Qur'on qiroat qiladigan munofiq xususiga kelsak, u rayhon kabi xushbo'y bo'lsa-da, ta'mi achchiqdur, Qur'on qiroat qilmaydirgan munofiq ersa achchiq tarvuz (kolokvint) kabi hidsiz va ta'mi achchiqdur!».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Oishaning boshqa ayollardan afzalligi — sarid (sutli xo'rda)ning boshqa taomlardan afzalligi kabidur!» — dedilar. Rasululloh sallallohu alayhi va sallam».

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Safar azobning bir bo'lagi bo'lib, u sizni uyqu birlan taomdan qoldiradi. Agar kimniki safarda nafsi mag'lub qilsa, darhol oilasiga qayqin!» — dedilar».

30-bob. Xurush (ishtahani ochuvchi vositalar) haqida

Qosim ibn Muhammad rivoyat qiladilar: «Joriya Bariraga nisbatan ado etilmog'i lozim bo'lgan uch sunnat mavjud erdi. Oisha raziyallohu anho Barirani sotib olib, ozod qilmoqchi bo'ldilar. Shunda uning egalari unga homiylik huquqini o'zlarida qoldirilishini shart qilib qo'yishdi. Oisha raziyallohu anho buni Janob Rasulullohga aytdilar. Ul zot: «Ularning shartiga ko'nib, uni sotib olaver, chunki homiylik huquqi uni ozod qilgan shaxsga o'tadi!» — dedilar. Keyin, Oisha raziyallohu anho Barirani ozod qilib, unga eri birlan yashash yoki yashamaslik ixtiyorini berdilar. Bir kuni Janob Rasululloh Oishaning uyiga kirdilar, shunda qozonda go'sht qaynab turardi. Ul zot ovqat keltirmoqni buyurdilar, dasturxonga non va uyda mavjud bo'lgan xurushlardan olib kelib qo'yishdi. Ul zot: «Qozonda go'sht qaynatib qo'yilganini ko'rdim shekilli?»— dedilar.

«Ha, yo Rasulalloh! Ammo, bu go'sht Bariraga sadaqa qilingan bo'lib, u bizga ozginasini

ilinib yuboribdi»,— deyishdi. Ul zot: «Bu go'sht Bariraga sadaqa, bizga ersa hadyadur» — dedilar».

31-bob. Halvo va asal haqida

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam halvo birlan asalni yaxshi ko'rar erdilar»,— dedilar.

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Patir yemay va harir kiymay yurgan kezlarimda hamda biror g'ulom yoki cho'ri xizmatimni qilmagan chog'larda men qornimni to'yg'azish uchun Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning ortlaridan ergashib yurgan erdim. Ushanda ochlikdan qornim umurtqamga yopishib qolgan bo'lib, qornim och erkanligini sezarmikan, degan maqsadda, o'zim yaxshi bilsam ham, uchragan odamdan miskinlarni to'yg'azish lozimligi haqidagi oyatni o'qib bermog'ini iltimos qilar erdim. Eng miskinparvar odam bo'lmish Ja'far ibn Abu Tolib bizga qiyo boqib uyida bor narsani olib chiqib qornimizni to'yg'azar va agar u bo'm-bo'sh yog' idishini olib chiqsa ham, biz uning yuqini yalab tozalab qo'yar erdik».

32-bob. Qovoq (kadi) haqida

Anas rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tikuvchi mavlolarining uyiga kirib erdilar, bir idishda oldilariga pishirilgan qovoq olib kelib qo'ydi. Janob Rasululloh qovoqdan tanovul qila boshladilar. Men Janob Rasulullohning qovoq yeganlarini ko'rganimdan buyon qovoqni yaxshi ko'raman».

33-bob. Kishi o'z birodarlari uchun taom tayyorlab takalluf ko'rsatadi

Abu Mas'ud al-Ansoriy rivoyat qiladilar: «Ansorlardan bo'lmish Abu Shu'ayb ismli bir kishi bo'lib, uning qassob g'ulomi bor erdi. Bir kuni u o'sha g'ulomiga: «Menga bir taom tayyorlab bergin, Janob Rasululloh birlan yana to'rt kishini mehmonga taklif qilaman!» — dedi. Keyin, u Janob Rasululloh birlan yana to'rt kishini uyiga mehmonga chaqirib erdi, ularga yana bir kishi ergashib keldi.

Janob Rasululloh mezbonga: «Sen bizni besh kishi bo'lib kelmog'imizni aytgan erding, ammo mana bu kishi ham bizga ergashib keldi, xohla, uni ham ichkariga taklif qil, xohla, taklif qilma!» — dedilar. Mezbon: «Mayli, kiraversin!» — dedi»,

Muhammad ibn Ismoil bunday deydilar: «Biror xontaxta (dasturxon) atrofida o'ltirgan qavm o'z xontaxtasidan (dasturxonidan) boshqa xontaxtaga (dasturxonga) o'tib tanovul qilmasin, ammo bir qavm ikkinchi qavmga o'z xontaxtasidagi (dasturxonidagi) taomdan uzatmog'i yoki ularni chorlab mehmon qilmog'i mumkindur».

34-bob. Bir kishini taom birlan siylab, so'ng o'z ishiga ketgan shaxs haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga dastyorlik qilib yuruvchi bir g'ulom erdim. Bir kuni Janob Rasululloh o'zlarining tikuvchi g'ulomlari uyiga kirdilar, u bir idishda ustiga pishirilgan qovoq qo'yilgan taom keltirib qo'ydi. Janob Rasululloh ishtaha birlan qovoqdan tanovul qila boshladilar, buni ko'rib men ham ul zotning oldilaridagi qovoqdan olib yeya boshladim. Tikuvchi g'ulom ersa

bizni taom birlan siylab, so'ng o'z ishiga ketdi. Men Janob Rasulullohning ishtaha birlan qovoq yeganlarini ko'rganimdan buyon qovoqni yaxshi ko'rib qoldim!»

35-bob. Suyuq ovqat (maraq) haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Bir tikuvchi (g'ulom) Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni o'zi tayyorlagan taomga taklif qildi, men ham ul zot birlan birga bordim. U dasturxonga arpa noni, qovoq solib pishirilgan maraq va sur go'sht keltirib qo'ydi. Qarasam, Janob Rasululloh ishtaha birlan idishdagi qovoqdan tanovul qilaetirlar, men shu kundan e'tiboran qovoqni xush ko'rib qoldim!».

36-bob. Sur go'sht haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oldilariga qovoq solib pishirilgan maraq va sur go'sht olib kelib qo'yilganini hamda ul zotning qovoqdan ishtaha birlan tanovul qilganlarini ko'rdim».

Oisha raziyallohu anho: «Rasululloh sallallohu va sallam odamlar och qolgan yiligina uch kundan ortiq qurbonlik go'shtidan yeyishga ruxsat bermaganlar, o'shanda boylarning kambag'allarni to'yg'azmog'ini istagan erdilar. Agar bitta sonni ko'tarib ketolsak, uni o'n besh kunda yeb bitirar edik», — dedilar. (Odamlar Oisha onamizning «Un besh kunda bitta sonni yeb bitirar erdik» deb hazil qilganlarini tushunmay: «Bunga sizlarni nima majbur qilgan erdi?» — deyishdi). Oisha onamiz (kulib yubordilar-da): «Muhammad sallallohu alayhi va sallamning oilalari uch kun bo'lsa ham oq bug'doy nonini to'yib yemagan!» — dedilar.

37-bob. Do'stining (o'rtog'ining) oldidagi xontaxtaga biror yegulik keltirib qo'ygan kishi haqida

Ibn al-Muborak: «Ikki qavm bir-birini o'z xontaxtasidagi taomdan uzatib siylamog'i mumkin, ammo kishi o'zicha bu xontaxtadan u xontaxtaga o'tib tanovul qilmaydi», — deydilar.

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Bir tikuvchi (g'ulom) taom tayyorlab Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni mehmonga taklif qildi, men ham ul zot birlan birga o'sha mehmondorchilikka bordim. Mezbon ul zotning oldilariga arpa noni, qovoq solib pishirilgan maraq va sur go'sht keltirib qo'ydi. Qarasam, Janob Rasululloh idishdagi qovoqdan ishtaha birlan tanovul qilayotirlar. Ushandan beri men qovoqni xush ko'rib qolganman!».

38-bob. Yangi uzilgan xurmoni bodring (tarrak) birlan yemoq haqida

Abdulloh ibn Ja'far ibn Abu Tolib raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning yangi uzilgan xurmoni tarrak birlan yeyayotganlarini ko'rdim».

39-bob.

Abu Usmon rivoyat qiladilar: «Men yetti kishi bo'lib Abu Hurayranikiga mehmonga

bordim. Shunda uning o'zi, xotini va xizmatkori tunning uchdan bir qismini navbatchilik qilib o'tkazishdi, ya'ni biri namoz o'qib bo'lib, ikkinchisini uyg'otar erdi. Ushanda Abu Hurayraning bunday deb aytganini eshitgan erdim: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sahobalariga xurmo taqsim qildilar, menga yettita xurmo tegdi, ulardan birining sifati yomon erdi».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga xurmo taqsim qildilar, shunda menga beshta xurmo tegdi, to'rttasi yaxshi va bittasi yomon erdi. Qarasam, o'sha bitta yomoniga tishim ham o'tmaydi».

40-bob. Yangi uzilgan xurmo va xurmo qoqisi haqida

Olloh taoloning qavli: **«Va qimirlat (silkit) xurmo daraxtini o'z tarafinggaki, tushurur sanga yangi pishgan xurmoni».**

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Xurmo birlan suvga endigina to'yganimizda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam vafot etib qoldilar».

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Madinada bir yahudiy bo'lib, u xurmolarimni (pishganda) o'ziga uzib olish sharti birlan menga qarz bergan erdi (Ruma degan quduq tomonda Jobirning xurmozori bor erdi) O'sha yili xurmozorimning hosili kechikib ketib, qarzimni uzolmadim. Yahudiy kelasi yil hosilini yig'ishtirish paytida kelib erdi, xurmozorimga kirib qarzimni uzishga yetarlik xurmo ko'rmadim. Shunda yahudiydan yanagi yil hosilini kutmog'ini iltimos qildim, u ko'nmedi. Keyin, shu haqda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga xabar qildim. Janob Rasululloh ashoblariga! «Turingizlar, biz Jobirga muhlat bersin, deb yahudiydan talab qilamiz!»— dedilar. So'ng, Janob Rasululloh sahobalari birlan birga xurmozorimga keldilar-da, yahudiydan koyinib: «Ey Abulqosim, qani o'zi u, uni ko'rmayapman-ku?» — dedilar. Keyin, yahudiyga ko'zlari tushgach, xurmozorimni bir aylanib keldilar-da, oldiga borib uni ko'ndirishga harakat qildilar, u ko'nmedi. Men o'rnimdan turib biroz xurmo uzib keldim-da, Janob Rasulullohning oldilariga qo'ydim, ul zot ularni tanovul qilgach, menga: «Xurmozoringning eng soya-salqin yeri qaerda?» — dedilar. Men o'zim dam oladiringan eng soya-salqin joyni ko'rsatdim. Janob Rasululloh: «Usha yerga joy solib ber!» — dedilar, men joy solib berdim. Janob Rasululloh yetib dam oldilar, so'ng uyg'ondilar. Men yana biroz xurmo uzib keldim. Ul zot ulardan tanovul Qilgach, o'rinlaridan turib yana yahudiyni ko'ndirishga harakat qildilar, ammo u ko'nmay: «Ikkinchi (kelgusi) yil hosilini olmayman!» — deb turib oldi. Shunda Janob Rasululloh: «Yo Jobir, xurmolarni terib olib qarzingni uzgil!» — dedilar-da, terim tugaguncha kutib turdilar. Men (baraka kasb etgan) xurmolarni terib qarzimni uzdim, yana qanchasi ortib ham qoldi. Keyin, xurmozordan chiqib, Janob Rasulullohning qoshlariga keldim-da, bo'lgan voqeani aytib xursand qildim. Ul zot: «Darhaqiqat, men Olloh taoloning rasulidurman!» — dedilar».

41-bob. Jummor (xurmoning ezilib pishgan joyi) yemoq haqida

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Bir payt biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlarida o'ltirib erdik, jummor olib kelib qolishdi. Shunda Janob Rasululloh: «Aytingizlarchi, qaysi daraxtning barakasi musulmonning barakasi kapidur?»— dedilar. Men: «Bu xurmo daraxti bo'lsa kerak?»— deb o'ylab, «Yo Rasulalloh, bu xurmo daraxtidur!» — deb aytmog'chi bo'ldim-u, ammo atrofimga qarab,

shu yerda turganlarning eng yoshi kichigi erkanligimni koʻrdim-da, indamay qoʻya qoldim. Janob Rasululloh (hech kim javob bermagach); «Bu xurmo daraxtidur!»—dedilar».

42-bob. Ajva (eng oliy nav xurmo daraxti) haqida

Omir ibn Saʼd otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki erta birlan turib yetti dona ajva xurmosidan tanovul qilsa, oʻsha kuni unga zahar ham, sihr ham zarar yetkazmaydi»,— dedilar».

43-bob. Xurmoni juftlab yemoq haqida

Jabla ibn Suhaym rivoyat qiladilar: «Mudroq bosgan yili (Badr gʻazoti vaqtida Oллоh taolo musulmonlarga yengil uyqu nozil qilib, shayton vasvasasi tufayli ularning dillarida paydo boʻlgan dushman vahmini bartaraf qilgan erdi) biz Ibn Zubayr birlan xurmo yeb kun kechirgan erdik. Bir kuni biz xurmo yeb turgan erdik, Abdulloh ibn Umar yonimizdan oʻtib ketayotib: «Xurmoni juftlab yemangizlar, chunki Janob Rasululloh (xurmoni) juftlab yemoqdan qaytarganlar»,— dedi, soʻng: «Agar kishi birodariga izn bersa, mumkin»—deb qoʻydi».

44-bob. Bodring haqida

Abdulloh ibn Jaʼfar rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohning yangi uzilgan xurmoni bodring birlan yeganlarini koʻrganman».

45-bob. Xurmo daraxtining barakasi haqida

Ibn Umar rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Daraxtlar ichida (baraka jihatidan) musulmonga oʻxshash bir daraxt mavjud, u xurmo daraxtidur!» — dedilar».

46-bob. Bir vaqtda ikki xil taom yemoqlik haqida

Abdulloh ibn Jaʼfar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning yangi uzilgan xurmoni tarrak birlan yeyayotganlarini koʻrganman».

47-bob. Mehmonlarni oʻnta-oʻntadan qilib uyga kiritgan kishi hamda oʻnta-oʻnta boʻlib ovqatlanmoq xususida

Anas rivoyat qiladilar. Ummu Sulaym bir mudd arpani un qilgach, hamir qorib kulcha yopdilar, keyin uyda mavjud yogʻ idishni silqitdilar-da, meni Janob Rasulullohning huzurlariga joʻnatdilar. Men borsam, ul zot sahobalari davrasida oʻltirgan erkanlar, mehmonga taklif qildim. Shunda ul zot sahobalariga: «Barchangiz men birlan yuringiz!» — dedilar. Men qaytib borib: «Janob Rasululloh sahobalariga: «Barchangiz men birlan yuringiz!» — deb aytdilar». — dedim. Abu Talha chiqib ul zotni kutib oldilar-da: «Yo Rasulalloh, Ummu Sulaym biroz taom tayyorlagan erdi!» — dedilar. Janob Rasululloh Abu Talha birlan uyga kirgach: «Tashqaridagilarni oʻnta-oʻntadan huzurimga kirit!»—dedilar. Ichkariga oʻn kishi kirib, toʻyguncha taom tanovul qildi. Soʻng, ul zot: «Yana oʻn kishini kirit!» — dedilar. Yana oʻn kishi kirib, toʻyguncha ovqatlandi. Janob Rasululloh: «Yana oʻn kishini kirit!» — dedilar. Yana oʻn kishi kirib, toʻyguncha ovqatlandi, shul tariqa qirq

kishi kirib, to'yib ovqatlandi. Shundan keyingina ul zotning o'zlari taom tanovul qilib chiqib ketdilar. Keyin, men: «Yegulik biroz bo'lsa ham kamaydimikan?»—deb ichkariga kirib qaray boshladim».

48-bob. Sarimsoq va ayrim ko'katlarning makruhligi haqida

Abdulaziz rivoyat qiladilar: «Janob Rasululloh sarimsoq haqida nima deganlar?» — deb Anasdan so'rashdi. «Kimki sarimsoq yesa, masjidimizga yaqinlashmasin!» - deb aytganlar»,— dedi Anas»

—
Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar «Janob Rasululloh «Kimki sarimsoq yoki piyoz yegan bo'lsa, bizni (yoki masjidimizni) xoli qo'ysin!» — dedilar»

49-bob. Arok (yog'ochidan misvok yasaladigan daraxt) mevasi haqida

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Marruzzahronda arok mevasini terayotgan erdik Shunda ul zot «Qorayganini teringizlar, chunki qoraygani yaxshi (pishgan) bo'ladi!» — dedilar».

50-bob. Taom yegandan so'ng og'iz chayqash haqida

Suvayd ibn an-Nu'mon rivoyat qiladilar «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Xaybar gazotiga chiqdik. Sahbo degan yerga borganimizda ul zot taom keltirmoqni amr qildilar, ammo talqondan bo'lak yegulik olib kelishmadi. Biz talqonni yedik. So'ng, ul zot o'rinlaridan turib ogiz chayqadilar, biz ham ogiz chayqadik, keyin namoz o'qidik».

Suvayd rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Xaybar gazotiga chiqdik. Sahbo degan joyga yetganimizda ul zot yegulik olib kelmoqni amr qildilar, ammo talqondan bo'lak yegulik keltirishmadi. Biz ul zot birlan birgalikda talqonni chaynay-chaynay yedik. Keyin, ul zot suv keltirmoqni amr qildilar, suv keltirishgach, ogyaz chiqadilar, biz ham ogiz chayqadik So'ng, tahoratlarini yangilamay biz birlan shom o'qidilar».

51-bob Barmoqlarni yalab va so'rib, so'ng ro'molchaga (sochiqqa) artmoq lozim!

Ibn Abbos rivoyat qiladishar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Birortangiz taom yesangiz, barmoqlaringizni yalab tozalamaguningizcha rumolchaga artmangiz!» — dedilar».

52-bob Kishi ovqatlanib bo'lgach, ne deb aytmog'i lozim?

Abu Umoma rivoyat qiladilar. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam dasturxon yigishtirib olingach «Oллоh taologa beadam ezgu shukronalar bo'lsinki, ul doimo saxovatli va bandalarining shukronasiga ijobat qilguvchi bo'lib, unga muhtoj bo'lmagan kimsa yo'qdur! Yo parvardigoro!» — der edilar».

Xolid ibn Mi'don Abu Umomadan naql qiladilar: «Bir kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ovqat yeb bo'lib, dasturxon yigishtirib olingach: «Bizni yedirib-ichirguvchi Oллоh

taologa shukronalar bo'lsinkim, ul doimo saxovatli va bandalarining shukronasiga ijobat qilguvchi bir zotdir!»—deb erdilar. Keyin, ul zot yana bir kuni «Parvardigorimizga shukronalar bo'lsinkim, ul saxovatli va bandalarining shukronasiga ijobat qilguvchi bir zot bo'lib, unga muhtoj bulmagan kimsa yo'qdur!» — deb aytdilar»

53-bob. Xizmatkor birlan birga ovqatlanmoq haqida

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Agar birortangizni xizmatkoringiz o'zi tayyorlagan taom birlan siylasa, u birlan o'ltir-masangiz ham, bir yoki ikki luqma nasiba olib yengiz, chunki u bu birlan sizga o'z mehr-muhabbatini izhor qilayotir!» — dedilar».

54-bob. Shukr qilib taom tanovul qilguvchi sabr qilib ro'za tutguvchi yanglig'dur!

Abu Hurayra raziyallohu anhu yuqoridagi qavlni Janob Rasululloh aytganliklarini ta'kidlaydilar

55-bob. Taomga taklif qilingan kishining: «Bu ham men birlan birga» — deb aytganligi haqida

Anas raziyallohu anhu: «Agar biror begaraz musulmonning uyiga kirsang, uning oldingga qo'ygan narsalaridan yebich!» — deydi.

Abu Mas'ud al-Ansoriy rivoyat qiladilar: «Bir ansoriy kishi bo'lib, laqabi «Abu Shu'ayb» erdi, uning bir qassob gulomi ham bor erdi. Bir kuni Abu Shu'ayb Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga keldi, shunda ul zot sahobalari davrasida o'ltirgan erdilar. Abu Shu'ayb

Janob Rasulullohning chehralarida ochlik alomatini sezib, qassob gulomining oldiga bordi-da, unga: «Besh kishiga yetadigan taom tayyorlab ber, Janob Rasululloh birlan yana to'rt kishini mehmonga taklif qilmoqchiman» — dedi. G'ulom unga taom tayyorlab bergach, u borib Janob Rasulullohni mehmonga taklif qildi. Mehmonga taklif qilinganlarga bir kishi ergashib keldi. Shunda Janob Rasululloh: «Ey Abu Shu'ayb, bir kishi bizga ergashib keldi, agar istasang, unga ijozat ber, istamasang, ijozat berma!» — dedilar. Abu Shu'ayb: «Nega endi, kiraversin!»—dedi».

56-bob. Agar kechki ovqat keltirilsa, (namozga) shoshilinmasin!

Amr ibn Umayya rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qo'llaridagi qo'y qo'lidan kesib yeyayotgan erdilar, namozga azon aytilib qoldi. Shunda ul zot qo'y qo'li birlan pichoqni qo'yib o'rinlaridan turdilar-da, tahoratlarini yangilamay namoz o'qidilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar oldingizga kechki ovqat keltirilgan bo'lsa-yu, namoz boshlanib qolsa, avval ovqatni yeb olingiz!»—dedilar».

Ibn Umar ham yuqoridagi hadisga o'xshash hadisni rivoyat qilganlar.

Nofi rivoyat qiladilar: «Bir kuni Ibn Umar imomning qiroatini eshitib turib ham kechki ovqatni yeyishda davom etavergan erdilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Agar namoz vaqti bo`lib qolib, kechki ovqat keltirilsa, avval ovqatni yeb olingiz!» — dedilar».

Hishom: «Agar kechki ovqat keltirilgan bo`lsa»,— deb yuqoridagi hadisga qo`shimcha qiladilar.

57-bob Olloh taoloning «Agar taom yeb bo`lsangizlar, tarqalingizlar!» degan qavli haqida

Ibn Shihob raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Anas bundai deydilar: «Men «Hijob» oyati tarixini barchadan ko`ra yaxshiroq bilurman, Ubay ibn Ka`b mendan bu haqda so`ragan erdi: Janob Rasululloh va Zaynab binti Jahsh ikkalalari kuyov-kelin bo`lishdi, ul zot Madinada unga uylandilar. Kechqurun ul zot odamlarni to`y ziyofatiga chaqirib, o`zlari ham ular birlan birga o`ltirdilar. Keyin, odamlar o`rinlaridan turishgach, ul zot ham turdilar. Keyin tashqariga chiqib Oisha onamizning hujralari eshigigacha yurib bordilar, men ham birga bordim. So`ng, odamlar chiqib ketib bo`lgandur, deb o`ylab ortlariga qaytdilar, men ham birga qaytdim. Ammo, odamlar hanuz joylarida o`ltirishar erdi. Buni ko`rib izlariga qaytdilar-da, Oisha onamizning hujralari eshigigacha ikkinchi bor yurib bordilar, men ham birga bordim. Keyin, yana ortlariga qaytdilar, men ham birga qaytdim. Bu gal qaytganimizda odamlar chiqib ketishgan erdi. Janob Rasululloh ichkariga kirib o`zlari birlan mening o`rtamga hijob (parda) tashlab qo`ydilar. Shunda Olloh taolo «Hijob» oyatini nozil qildi».

AQIQA KITOBI

(«Aqiqa» — har bir chaqaloqning ona qornidalik vaqtida chiqqan sochi bo'lib, u chaqaloq tug'ilganiga bir hafta bo'lgan kuni olib tashlanadi. Shu munosabat bilan qurbonlik qilinadigan jonlig' ham «aqiqa» deb ataladi).

1-bob. Agar yangi tug'ilgan chaqaloqqa aqiqa qilinmasa, unga ism qo'yilib, tanglayi xurmo birlan ko'tarib qo'yiladi.

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men o'gil ko'rdim, so'ng uni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga olib bordim. Janob Rasululloh unga «Ibrohim» deb ism qo'yib, tanglayini xurmo birlan ko'tarib qo'yidilar, keyin Oллоh taolodan xayru barakot talab qildilar-da, menga qaytarib berdilar». Bu Abu Musoning to'ngich farzandi erdi.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Bir chaqaloqni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga xurmo birlan tanglayini ko'tarib qo'ysinlar, deb olib kelishdi. Shunda chaqaloq Janob Rasulullohning kiyimlariga siyib qo'yib erdi, siydik ustidan suv quyib yubordilar».

Asmo binti Abu Bakr raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Men (Abdulloh ibn Zubayrga homiladorlik vaqtimda) oy-kunim yaqinlashib qolganligiga qaramay, (Makkadan) yo'lga chiqib Madinaga yetib bordim, so'ng Quboda tushib, o'sha yerda ko'zim yoridi. Keyin, bolamni olib Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga bordim-da, uni tizzalariga qo'ydim. Janob Rasululloh xurmo keltirmoqni amr qildilar, so'ng uni chaynab bolamning og'ziga tupurib qo'yidilar. Bolamning og'ziga birinchi bo'lib, Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning muborak tupuklari kirdi Keyin, ul zot bolamning tanglayini chaynalgan xurmo birlan ko'tarib, unga xayru barakot tilab duo qildilar. Mening farzandim islomda tug'ilgan dastlabki bola bo'lib, uning dunyoga kelganidan barcha musulmonlar behad xursand bo'lishdi, chunki g'animlar ularga «Yahudiylar sizlarni sihrlab qo'ygan, sizlar endi farzand ko'rmaysizlar!» — deb aytishgan erdi».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Abu Talhaning o'g'ilchalari betob yotgan erdi. Abu Talha uylaridan ko'chaga chiqishlari birlanoq u vafot etib qoldi. Abu Talha uylariga qaytib kelib, xotinlariga «Ug'limning ahvoli nechuk?»—dedilar. Xotinlari Ummu Sulaym «Ilgarigidek orom olib yotibdi»,— dedilar-da, Abu Talhaga kechki ovqatni keltirdilar. Abu Talha ovqatlanib bo'lib, xotinlarini jimo' qildilar. G'usuldan so'ng, xotinlari «Bolani dafn qilingiz!» —dedilar. Tong otgach, Abu Talha Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga borib, bo'lgan voqeani aytib berdilar. Shunda ul zot: «Kechasi jimo' qilishdingizmi!»—dedilar. Abu Talha «Ha»,— dedilar. Ul zot: «Yo parvardigoro, bu ikkalasining tunini barakotli qilib, ularga o'g'il ato etgaysan!»—deb duo qildilar. Abu Talha (o'g'il ko'rganlarida) menga: «Ug'limni Janob Rasulullohning huzurlariga borguningcha ehtiyotlab ko'tarib ol!» — dedilar. Keyin, Abu Talha o'zlari ham men birlan birgalashib Janob Rasulullohning huzurlariga bordilar. Abu Talhaning xotinlari go'dakning yo'rgagiga biroz xurmo solib qo'ygan erdilar. Janob Rasululloh go'dakni qo'llariga olib: «Buning yo'rgagi ichida biror narsa bormi?» — dedilar. Biz «Ha, biroz xurmo bor»,— dedik. So'ng, Janob Rasululloh bir dona xurmoni chaynab, uni og'izlaridan oldilar-da, go'dakning og'ziga solib tanglayini ko'tardilar, keyin unga «Abdulloh» deb ism qo'yidilar».

2-bob Aqiqa vaqtida (o'g'il) bola sochining (yoki jinsiy a'zosidagi xatna qilinadigan terining) olib tashlanmogi haqida

Salmon ibn Omir rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning «Ug'il bolaning aqiqasi uning o'zi birlan birga bo'lib, keyin uni qon oqizib olib tashlangiz.lar!»— deb aytganlarini eshitdim» (Ya'ni, «Ug'il bola olatidagi xatna qilinadigan teri tug'ilish vaqtida unga hamroh bo'lib, keyin uni xatna qilib olib tashlangizlar!»)

3-bob Tuyaning dastlabki tuqqan bolasini butga qurbonlik qilmoq haqida

Abu Hurayra rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Tuyaning dastlabki bolasini butga atab so'ymoq hamda rajab oyining birinchi o'n kunligida jonlig' qurbonlik qilmoq ta'qiqlanadi!»— dedilar (ya'ni, johiliyat davrida, islomdan avval shunday qilishgan)

4-bob Rajab oyining birinchi o'n kunligida jonlig' qurbonlik qilmoq haqida

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan

QURBONLIK, OV VA OVGA TASMIYA AYTMOQ HAQIDA KITOB

Oллоh taoloyaing qavli: «Harom qilindi sizlarga o'zi o'lgan jonivor va qon va to'ng'iz go'shti va ul jonivoriki, unga Oллоhdan boshqaning nomi aytilsa va bo'g'ilib o'lgan jonivor va urilib o'lgan jonivor va balandlikdan yiqilib o'lgan jonivor va suzib o'ldirilgan jonivor va darranda yeb (tishlab) o'ldirgan jonivor, magar halol qilib olganlaringiz (ochliqdan nochor qolsangiz, shari'at yo'li birlan so'yilmagan jonivor go'shtidan o'lmay qoladirgan miqdorda iste'mol qilsangiz bo'lur) va jonivoriki, so'yilur Ka'badan boshqa ibodatxonalar uchun va taqsim qilmoqlaringiz qimor o'qlari ila (johiliyat davridagi odamlar o'z qismatlarini sinashda qo'llagan ikki tomoni uchlik va o'rta qismi yo'g'on tayoq bo'lib, undan ovda ham foydalanganlar), bu hammasi gunoxdur, bugun noumid bo'ldilar kofirlar sizlarning dinlaringizdan, endi sizlar ulardan qo'rqmanglar va mendan qo'rqinglar!».

Oллоh taoloning qavli: «Ey mo'minlar, albatta Oллоh taolo sizlarni qo'llaringiz va nayzalaringiz kasb etib turgan bir kichik ov jonivori ila (ham) imtixon qilurki, toki bilsin Oллоh taolo kim ko'rmay turib undan qo'rqur va kimiki bundan keyin haddan oshsa, bordur unga dardli azob!».

Oллоh taoloning qavli: «Halol qilindi sizlar uchun o'txo'r hayvonlar» («endi sizlar ulardan qo'rqmanglar va mendan qo'rqinglar!» degan qavligacha, «Al-Moida» surasi).

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan mi'roz birlan ov qilmoq haqida so'radim («Mi'roz» — ko'pincha bir tarafga temir uchlik o'rnatiladigan ogir yogoch yoki kaltak bo'lib, ba'zilar uni «Ikki uchi o'tkir va o'rta qismi yo'gon paqiz nayza bo'lgan»,— deyishadi. Johiliyat ahli uning ila o'z qismatlarini sinaganlar. Ov vaqtda ersa uning uchlik tomoni qolib, yon tomoni birlan hayvonni urib o'ldirganlar) Janob Rasululloh «Uning uchi birlan jarohat yetkazilgan jonivorni yeyaver, uning yon tomoni birlan jarohat yetkazilgan jonivor ersa urib o'ldirilgandur (harom o'lgandur)»,— dedilar. Keyin, ul zotdan tozi birlan ov qilmoq haqida so'radim. Ul zot «Agar iting o'ljani tutib olgan bo'lsa-yu, itingning yonida yana boshqa bir itning turganini ko'rib, «Itimning o'ljasini u tortib olmasaydi!» — deb qo'rqsang va o'sha begona it sen o'ylagandek o'ljani tortib olib, o'ldirib quysa, uni yemagil, chunki sen o'z itingga tasmiya («Bismilloh») aytgansan, begona itga aytmagansan» — dedilar»

1-bob Mi'roz birlan ov qilmoq xaqida

Ibn Umar bunduqa (kesak, loydan yasab quritilgan soqqa) birlan o'ldirilgan jonivor haqida: «U urib o'ldirilgandur» — deb, bunduqa birlan ov qilmoqni rad qiladilar. Bunduqa birlan ov qilmoqni Solim, Qosim, Mujohid, Ibrohim, Ato va Hasan ham rad qiladilar. Hasan qishloq va shaharlarda bunduqa otmoqni rad qilib, bundan bo'lak joylarda bunduqa oqa, zarari yo'q, deb hisoblaydilar.

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan mi'roz birlan ov qilmoq haqida so'radim: Janob Rasululloh «Agar jonivorni uning o'tkir tomoni birlan (sanchib) jarohatlagan bo'lsang, yeyaver, agar jonivor uning yo'gon (yon) tomoni birlan urib o'ldirilgan bo'lsa, ul holda u urib o'ldirilgan bo'lib, yemagil!» — dedilar. Men «Agar itimni o'zim ovga qo'yib borsam-chi!»— dedim. Janob

Rasululloh «Agar itingni o'zing ovga qo'yib yuborsang va tasmiya (Bismilloh) ayqang, u tutgan jonivorni yeyaver!»—dedilar. Men: «Agar jonivorni (biroz) yegan (tishlagan) bo'lsa-chi»—dedim. Janob Rasululloh «Ul holda yemagil, chunki iting uni sening uchun ermas, o'zi uchun tutgandur!» — dedilar. Men «Men itimni ovga quyib yuborsam-u, uning birlan bir begona itning ham turganini ko'rsamchi?» — dedim. Janob Rasululloh «Ul holda tutilgan jonivorni yemagil, chunki sen o'zingning itingga tasmiya aytgansan, begona itga ermas!» — dedilar».

2-bob Mi'rozning yo'g'on (yon) tomoni birlan jarohatlangan jonivor haqida

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, biz (ovga) o'rgatilgan itni ovga qo'yib boramiz, (bu haqda ne deysiz)?»—dedim. Janob Rasululloh «Senga tutib kelgan jonivorni yeyaver!» — dedilar Men. «It uni o'ldirib qo'ygan bo'lsa hammi?» — dedim. Janob Rasululloh «Uldirib qo'ygan bo'lsa ham!» — dedilar. Men «Biz mi'roz birlan ov qilsakchi?» — dedim. Janob Rasululloh «Utkir tomoni birlan sanchib jarohatlangan jonivorni yeyaver agar yo'gon (yon) tomoni birlan urilgan bulsa, yema!» — dedilar».

3-bob Kamon birlan ov qilmoq xususida

.Hasan va Ibrohim: «Agar jonivorni otganida uning qo'li yoki oyogi tanasidan ajralib keqa, o'sha ajralib ketgan qismi yeyilmaydi, qolgan qismi yeyilaveradi»,— deyishadi.

Ibrohim «Agar jonivorning bo'yni yoki beliga otgan bo'lsang uni yeyaver!»— deydilar.

A'mash Zayddan naql qilib bunday deydilar: «Abdullohning xonadoniga mansub bir kishining quloni (egasiga) qaysarlik qilib bo'isinmay qo'idi. Shunda o'sha kishi odamlarga «Qulonning duch kelgan yeriga uringizlar, uning tanasidan nimaiki uzilib tushsa, yemangizlar, qolganini yeyaveringizlar!» — deb amr qildi».

Abu Sa'laba rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, biz (hozir) ahli kitoblardan bo'lmish bir qavmning yerida turibmiz, ularning idishlarida ovqat yesak bo'lurmu? Shuningdek, ularning ov qiladigan yerida kamonim hamda ovga o'rgatilmagan va o'rgatilgan itim birlan ov qilsam, mening uchun durust bo'lurmu?» — dedim. Janob Rasululloh: «Ammo, ahli kitoblar xususida eslatib juda yaxshi qilding! Agar ularning idishlaridan bo'lak idish topsangizlar, ularning idishlarida ovqat yemangizlar, agar topmasangizlar, ul holda ularning idishlarini yuvib, so'ng unda ovqat yengizlar! «Bismilloh!» deb kamoning birlan ovlagan jonivorni yeyaver! «Bismilloh!» deb ovga o'rgatilgan iting birlan ovlagan jonivorni ham yeyaver! Ovga o'rgatilmagan iting birlan ovlagan jonivorni ham, itingdan tortib ololsang, yeyaver!» — dedilar».

4-bob. Tosh va kesak (guvalak) otmoq haqida

Abdulloh ibn Burayda rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Mugaffal (tosh yoki kesak) otayotgan bir kishini ko'rib, unga: «Otma, chunki Janob Rasululloh (tosh yoki kesak) otmoqdan qaytarib, «(Tosh yoki kesak) otib ov ham qilib bo'lmaydi, dushmanni yengib ham bo'lmaydi. Lekin, (tosh yoki kesak) tishni sindirib, ko'zni chiqaradi!» deb aytgandurlar»,— dedi. So'ng, Abdulloh boyagi kishining shuncha gapdan keyin ham (tosh yoki kesak) otayotganini ko'rib, unga. «Men senga Janob Rasulullohning (tosh yoki kesak) otmoqdan qaytarganlarini aytib turibman-u, sen bo'lsang o'z bilganingdan

qolmay, hanuz otayotirsan. Endi, senyo birlan sira ham gaplashmaganim bo'lsin!» — dedi».

5-bob. Kimki tozi bo'lmagan (yoki ovga o'rgatilmagan) itni boqsa, (har kungi qilgan amali solihlariga tegadiringan savoblarning ikki qiyrotini yo'qotadi!)»

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki tozi bo'lmagan (yoki ovga o'rgatilmagan) itni boqsa, har kungi qilgan amali solihlariga tegadiringan savoblarning ikki qiyrotini yo'qotadi!» — dedilar»

Solim Abdulloh ibn Umardan naql qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning: «Kimki ovga o'rgatilmagan (yoki tozi bo'lmagan) itni boqsa, har kungi oladiringan savobining ikki qiyrotini yo'qotadi!» — deb aytganlarini eshitdim».

Nofi' Abdulloh ibn Umardan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki tozi bo'lmagan (yoki ovga o'rgatilmagan) itni boqsa, har kungi amali solihlari uchun tegadiringan savoblarning ikki qiyrotini yo'qotadi!» — dedilar».

6-bob. Agar it (o'ljani) yegan bo'lsa...

Olloh taoloning qavli: «(Ey Muhammad sallallohu alayhi va sallam!) Sizdan so'rarlarki, qaysi jonivor ular uchun haloldur? Siz aytingizki, sizlarga har bir halol jonivor haloldur va ovchi jonivorlar ovlari hamki, sizlar ularni (ovga) o'rgatdingizlar, qo'yib yuborursizlar ovga, ta'lim berursizlar ularga Olloh sizlarga ta'lim bergan tariqada. Bas, yenglar ular sizlar uchun tutgan ovdan va Olloh taolo nomin tilga olinglar ularni (ovga) qo'yib yuborishda va qo'rqinglar Olloh taolodan, batahqiq Olloh taolo tez hisob-kitob qilguvchi zotdur!».

Ibn Abbos: «Agar it (o'ljani) yegan (tishlagan) bo'lsa, uni harom qilgan bo'lur, zero u uni o'zi uchun tutgan bo'lib, Olloh taolo: «... ta'lim berursizlar ularga Olloh sizlarga ta'lim bergan tariqada» — deb aytadi. Shunga ko'ra, sizlar itni urib, toki aytganingizni qiladiringan bo'lgunicha, unga ta'lim berasizlar», — deydilar. Ibn Umar ham it tishlagan (egan) ovni harom, deb hisoblaydilar. Ato ersalar: «Agar it o'ljani qonini ichib, o'zini tishlamagan bo'lsa, uni yeyaver!» — deydilar.

Adiy ibn Hotim rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga savol berib: «Biz it birlan ov qilguvchi bir qavmdurmiz, (shul xususida ne dersiz?)» — dedim. Ul zot: «Agar ovga o'rgatilgan itingni qo'yib yuborsang-u, Olloh taoloning ismini tilga olgan bo'lsang, o'zingga tutib bergan jonivorni yeyaver! Basharti, it jonivorni o'ldirib qo'ygan bo'lsa, ul holda uni itning o'zi yeydi, chunki u uni o'zi uchun tutgandur. Agar ovga qo'yib yuborgan iting birlan begona itning turganini ko'rsang, tutgan o'ljasini yemagil!» — dedilar».

7-bob. Otilgan jonivorni yo'qotib qo'yib, ikki-uch kundan keyin topsa...

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Agar itingni ovga qo'yib yuborayotib tasmiya aytgan bo'lsang-u, u o'ljani tutib o'ldirib qo'ysa, yeyaver! Agar o'ljani yegan bo'lsa, yema, chunki u uni o'zi uchun tutgandur. Basharti, iting tasmiya aytilmagan bir begona it birlan birgalikda o'ljani

ushlab o'ldirib qo'ygan bo'lsa, yema, chunki sen ulardan qaysi biri uni o'ldirganligini bilmaysan. Agar sen bir o'ljani otgach, uni (yo'qotib qo'yib) bir-ikki kundan so'ng topsang-u, uning badanida sen otgan o'q izidan bo'lak iz bo'lmasa, yeyaver! Agar u suvga tushgan bo'lsa, yema!».

Omir Adiy ibn Hotimdan naql qiladilar: «Adiy ibn Hotim Janob Rasulullohga: «Bir kishi o'ljani otgach, uni ikki-uch kun izlab, so'ng o'lik holda topsa-yu o'zi otgan o'qning uning badaniga sanchilib turganini ko'rsa, ne qilgay?» — dedi. Janob Rasululloh: «Inshoolloh, yegay!» — dedilar».

8-bob. Agar kishi ov (o'lja) yonida begona itning turganini ko'rsa...

Adiy ibn Hotim rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, men itimni tasmiya aytib ovga qo'yib yuboraman, shul xususda ne deysiz?»—dedim. Janob Rasululloh: «Agar itingni tasmiya aytib ovga qo'yib yuborsang-u, u o'ljani tutib o'ldirib yesa, yemagil, chunki u uni o'zi uchun tutgandur!» — dedilar. «Agar men itimni ovga qo'yib yuborsam-u, keyin uning yonida begona itning turganini ko'rsam va ulardan qaysi birining o'ljani tutganini bilmasam-chi?» — dedim. Janob Rasululloh: «Uni yemagil, chunki sen o'z itingga tasmiya aytgansan, begona itga aytmagansan!»—dedilar. So'ng, men mi'roz birlan ov qilmoq haqida so'radim. Janob Rasululloh: «Agar uning o'tkir (uchli) tomoni birlan jarohatlagan bo'lsang, yeyaver va agar uning yug'on (yon) tomoni birlan (urib) o'ldirgan bo'lsang, u urib o'ldirilgan bo'lib, uni yemagil!» — dedilar».

9-bob. Ovchilik qilib kun ko'rmoq xususidagi hadislar

Adiy ibn Hotim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Yo Rasulalloh, biz manavi itlar birlan ovchilik qilib kun kechiruvchi bir qavmmiz, shul xususda fikringiz qanday?» — dedim. Janob Rasululloh bunday dedilar: «Agar o'rgatilgan itingni tasmiya aytib ovga qo'yib yuborsang, u senga tutib bergan o'ljani yeyaver! Agar iting o'ljadan yegan bo'lsa, yemagil, chunki men u uni o'zi uchun tutgan bo'lishi kerak, degan xavotirdaman. Basharti itingga begona it qo'shilib qolgan bo'lsa (ham), yemagil!»

Abu Sa'laba raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning huzurlariga borib: «Yo Rasulalloh! Biz (hozir) ahli kitoblardan bo'lmish bir qavmning yerida turibmiz, ularning idishida ovqat yeymiz va men ular ov qiladigan joylarda kamonim hamda ovga o'rgatilgan va o'rgatilmagan itlarim birlan ov qilaman»,— dedim. Janob Rasululloh bul xususda bizga nimalar halol qilinganligini aytgach, bunday dedilar: «Ammo, ahli kitoblardan bo'lmish bir qavm yerida erkaningni eslab yaxshi ish qilding! Ularning idishida ovqat yeyishing xususiga kelsak, agar bo'lak idish topsangizlar, ularning idishida ovqat yemangizlar, agar topmasangizlar, ul holda ularning idishini yuvib tashlab, so'ng unda ovqat yengizlar! Ammo, ahli kitoblardan bo'lmish bir qavm ov qiladigan yerda erkanligingni eslab ham yaxshi ish qilding! Kamoning birlan nimaiki ovlasang, avval Oллоh taoloning ismini zikr qilib, so'ng yegil! Ovga o'rgatilgan iting birlan (ham) nimaiki ovlasang, avval Oллоh taoloning ismini yod etib, so'ng yegil! Ovga o'rgatilmagan iting birlan ovlagan o'ljangni ersa, agar uni itingdan ololsang, yeyaver!».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Marrizahron degan yerda bir quyonni cho'chitib yubordik. Odamlar uni quva-quva charchashdi. Keyin, men uni quvib tutib oldim-da, Abu Talhaning oldiga olib bordim. Keyin, u quyonning bir qo'li va ikki

oyog`ini Janob Rasulullohga ilinib yuborib erdi, ul zot oldilar».

Abu Qatodaning mavlolari rivoyat qiladilar: «Abu Qatoda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Makka yo`llaridan birida ketayotib, hamrohlari birlan ortda qolib ketdilar. Hamrohlari ehromda bo`lib, o`zlari ehrom bog`lamagan erdilar. Shunda Abu Qatoda bir qulonni ko`rib qolib, otlariga mindilar-da, hamrohlaridan qamchilarini olib bermoqni iltimos qildilar, ular bosh tortishdi. Keyin, nayzalarini olib bermoqlarini iltimos qilgan erdilar, buni ham rad etishdi. Abu Qatoda o`zlari otdan tushib qamchi va nayzalarini oldilar-da, qulon ustiga shitob birlan ot solib borib, nayza sanchib uni o`ldirdilar. Keyin, Janob Rasulullohning ayrim sahobalari qulon go`shtidan yeyishdi, ba`zilari ersa yemoqdan bosh tortishdi. So`ng, ular Janob Rasulullohga yetib olishgach, ul zotdan shul haqda so`rashdi. Ul zot: «Bu sizlarga Olloh taolo ato etgan rizqdur!» — dedilar».

Ato ibn Yasor Abu Qatodadan naql qiladilarki, Janob Rasululloh o`shanda: «Qulonning go`shtidan menga ham biror bo`lak olib keldingizlarmi?» — deb aytgan erkanlar.

10-bob. Tog`larda ovchilik qilmoq haqida

Abu Qatoda rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Makka birlan Madina oraligidagi bir joyda ketayotgan erdim, ular ehrom bog`lab olishgan erdi. Menga ersa ot minib yurish ruxsat etilgan bo`lib, tez-tez toqqa chiqib turar erdim. Bir mahal qaragam, odamlar bir narsaga tikilib turishibdi, men ham borib o`sha tomonga ko`z tashlab bir qulon turganini ko`rdim. Men ularga: «Bu nima?»— dedim. Ular: «Bilmaymiz»—deyishdi. Men «Bu qulonku!» — dedim. Ular: «Nimani ko`rib turgan bo`lsang, o`sha!»—deyishdi. Keyin, men qulonni ovlamoqchi bo`lib otimga mindim-u, lekin qamchini olishni unitibman. Men ularga «Qamchimni olib beringizlar!» — dedim. Ular: «Bu ishda senga yordam bera olmaymiz!» — deyishdi (chunki, ehrom kiygan odamning ov qilmog`i hamda ehrom kiyman odamga ov xususida yordam bermog`i mumkin ermas) Keyin, men o`zim otdan tushib, qamchimni oldim-da, yana otimga minib qulonni quvib ketdim, so`ng unga yetib olib nayza sanchdim. Keyin, hamrohlarim oldiga kelib: «Turingizlar, qulonni olib kelingizlar!»—dedim. Ular «Unga qo`l ham tekkizmaymiz!» — deyishdi. Shunda men o`zim borib qulonni olib keldim. Hamrohlarimning ba`zisi qulon go`shidan yedi, ba`zisi yomoqdan bosh tortdi. Men ularga «Janob Rasulullohni to`xtatib, sizlarga shul haqda so`rab bilib beraman» — dedim-da, ul zotga yetib olib, bo`lgan voqeani aytib berdim. Ul zot menga «Qulonning go`shtidan menga ham olib qo`ydingizlarmi?» — dedilar. Men: «Ha» — dedim. Ul zot «Yeyaveringizlar, chunki u Olloh taolo sizlarga ato etgan rizqdur!» — dedilar».

11-bob Olloh taoloning «Dengiz jonivorlarini ovlamoq sizlar uchun halol qilindi!» degan qavli xususida.

Ibn Umar: «Suv jonivori ovlab olinsagina ov hisoblanib, otib olingan jonivornigina yeyish mumkin!» — deydilar.

Abu Bakr: «Suv betida qalqib turgan o`lik (suv) jonivori haloldur!» — deydilar.

Ibn Abbos «Ulik (suv) jonivorini, undan jirkanmasang, yeyaver! Ilonbaliqni yahudiylar yemaydilar, biz ersak yeyaveramiz»,— deydilar.

Shurayh: «Dengizdagi har bir jonivor — so'yilgandur|» — deydilar (ya'ni, o'zi islom yo'li birlan so'yilgan kabi haloldur)

Ato: «Ammo, qushni so'yish lozim, deb hisoblayman» — deydilar

Ibn Jurayj bunday deydilar: «Daryolardagi va qoya toshlar oralig'ida to'planib qolgan sel suvidagi jonivorlarni ovlash shartlari dengiz jonivorlarini ovlash shartlari kabidurmi?» — deb Atodan so'radim. Ato «Ha»,— dedi so'ng «Furot daryosining suvi chuchuk bo'lib, juda ichishlidir, dengizning suvi ersa, sho'r bo'lib, ichingni kuydiradir, ammo har ikkalasidan ham yumshoq, lazzeatli go'sht olib yeysizlar!» degan mazmundagi bir she'rni o'qidi».

Hasan alayhissalom hut (kit) terisidan qilingan egarga minganlar.

Sha'biy «Agar bola-chaqam suv baqasini yeganida erdi, ularni suv baqasi birlan boqqan bo'lur erdim!» — deydilar.

Hasan suv toshbaqasining go'shtini «beqiyos deb hisoblaganlar.

Ibn Abbos: «Dengizda ov qilmoqdan qo'rquvchi kishi — nasroniy, yahudiy va majusiydur!» — deydilar

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz «Jayshulxabt» («Barg lashkari») Abu Ubayda qo'mondonligida g'azotga chiqdik (Yeguliklarimiz tugab qolib), juda och qoldik, (hattoki daraxtlarning bargini ham yedik) Nogahon, dengiz to'lqinlari bir o'lik hut (kit)ni sohilga chiqarib tashladi. Bu hutning nomi «anbar» (kashalot) bo'lib, ilgari bu qadar bahaybat hutni ko'rmagan erdim. Biz uni yarim oy yedik Keyin, Abu Ubayda uning suyaklaridan birini olib tiklab erdi, uning ostidan tuya mingan kishi bemalol o'tib ketdi».

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam biz uch yuz chog'lik chavandozlarni g'azotga jo'natdilar, amirimiz Abu Ubayda bo'lib, Quraysh karvonini qo'lga tushirmog'imiz darkor erdi. Yo'lda qattiq och qolib, hatto daraxtlarning bargini ham yedik. Shul boisdan ham bizning lashkarimiz «Barg lashkari deb ataldi. Keyin, dengiz to'lqinlari «anbar» deb ataluvchi bir (o'lik) hutni sohilga chiqarib tashladi, biz uni yarim oy yedik, uning yog'ini surib hatto jismimiz shifo topdi. Keyin, Abu Ubayda uning qobirg'alaridan birini olib yerga o'rnatib qo'yib erdi, bir kishi tuya minib uning ostidan o'tdi. Oramizda bir kishi bo'lib, ochlik qattiq qiynagan vaqtda uchta ulovni, keyin yana uchta ulovni, keyin yana uchta ulovni so'ydi, so'ng Abu Ubayda uni bunday qilmoqdan qaytardi».

12-bob. Malah yemoq haqida

Ibn Abu Avfo raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan yettita yoki oltita g'azotda birga bo'ldik. Shunda biz ul zot birlan birga malah yer erdik» (Ammo, Abu Dovudning rivoyatlarida Janob Rasululloh «Men malah yemayman ham, uni harom demayman ham!» — deb aytganlar).

13-bob Majusiylar tutgan idish hamda o'limtik haqida

Abu Sa'laba rivoyat qiladilar: «Men Janob Rasulullohning huzurlariga kelib «Yo Rasulalloh, biz (hozir) kitob ahlining yerida turibmiz, ular tutgan idishda ovqat yeyayotirmiz hamda men ularning shikorgohida kamonim, o'rgatilgan va o'rgatilmagan itlarim birlan ov qilayotirman, shu haqda ne deysiz?» — dedim. Janob Rasululloh «Ahli kitob yerida erkanligingni eslab yaxshi ish qilding! Bo'lak idish topsangizlar, ularning idishida ovqat yemangizlar, bo'lak idish topmasangizlar, ul holda ularning idishini yuvib tashlab, so'ng unda ovqat yengizlar! Ahli kitob shikorgohida erkanligingni eslab ham yaxshi ish qilding! Kamoning birlan nimayki ovlasang, Oллоh taoloning ismini zikr qilib yeyaver! Urgatilgan iting birlan ovlagan jonivorni ham Oллоh taoloning ismini zikr qilib yeyaver! Ammo, o'rgatilmagan iting birlan ovlagan jonivorni, agar uni undan ololsang, yeyaver!»—dedilar».

Salama ibi al-Akva' rivoyat qiladilar: «Xaybar fath (zabt) qilingan kuni kechqurun musulmonlar ko'plab gulxan yoqishdi. Janob Rasululloh buni ko'rib «Bu gulxanlar ne uchun yoqildi?» — dedilar. «Xonaki eshaklar go'shtini pishirmoq uchun»,— deyishdi. Janob Rasululloh «Qozonlardagi go'shtlarni ag'darib, so'ng qozonlarni sindirib tashlangizlar!»— dedilar. Shunda bir kishi o'rnidan turib: «Go'shtlarni ag'darib, qozonlarni yuvib tashlab qo'yaqolayilikda?!»—dedi. Janob Rasululloh: «Yoki shunday qilingizlar!» — dedilar»

14-bob So'yiladigan jonliqqa tasmiya (Bismillohi, Oллоhu akbar!) aytmoq hamda ataylab tasmiya aytmagan shaxs xususida

Ibn Abbos «Kimki so'yiladigan jonliqqa tasmiya aytmoqni unutib qo'ysa hechqisi yo'q,— deydilar

Oллоh taoloning qavli: «Oллоhning nomi zikr qilinmagan jonliq go'shtidan yemangizlar, chunki uni yemoqlik gunohdur!» (Tasmiya atishni unutgan kishi fosiq deyilmaydi).

Oллоh taoloning qavli: «Va albatta shaytonlar o'z do'stlariga vasvasa qilurlar toki ular sizlar ila janjal qilsinlar va agar sizlar ularga itoat qilsangizlar, albatta sizlar mushrik bo'lursizlar!»

Rofi' ibn Xadij rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan birga Zulhulayfada erdik. Odamlar och qolib, bir tuya birlan bir qo'yni so'ydik. Shunda Janob Rasululloh bizdan orqaroqda kelayotgan erdilar. Odamlar o'choq qilib, qozonlarni o'rnata boshlashdi. Janob Rasululloh ularning oldiga yetib kelib, qozonlarni ag'darib tashlashni amr qildilar, qozonlar ag'darib tashlandi. So'ng, o'nta qo'yni bir guruh odamlarga taqsimlab, qolganlarga o'nta qo'y hisobida bir tuya ajratdilar. Keyin, boyagi tuya qochib ketdi. Qavmda bir kichik pada bo'lib, odamlar uni o'shaning orasidan izlab topishdi, lekin uni tutolmay toza charchashdi. Shunda bir kishi tuyaga nayza otib erdi, uning joni Oллоhning dargohiga ravona bo'ldi. Janob Rasululloh «Bu jonivorlarda vahshiy hayvonlarda bo'lgani kabi yovvoyilik mavjuddur, qaysi bir hayvon sizga shu qilig'ni qilsa, hozirgidek ish tutingizlar!» — dedilar».

15-bob Ka'ba yoniga o'rnatilgan toshga hamda butga atab qurbon qilingan jonlig' haqida

Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Baldah degan joyning quyi tomonida Zayd ibn Amrni uchratdilar. Bu voqea Janob Rasulullohga hali vahiy nozil bo'lmagan kezlarda sodir bo'lgan erdi. Shunda Zayd ul zotga bir dasturxonda go'sht keltirdi. Ul zot uni yeyishdan bosh tortib: «Men o'z butlaringizga atab qurbon qilgan jonlig'ingiz go'shtidan yemagayman, men faqat Ollohning nomi zikr qilinib so'yilgan jonlig' go'shtidan yegayman!» — dedilar».

16-bob Janob Rasulullohning: «Olloh taoloning ismini aytib so'ysin!» — deganlari haqida

Jundub ibn Sufyon rivoyat qiladilar: «Biz Janob Rasululloh birlan birga qurbon hayiti kuni ko'plab jonlig' qurbon qildik. Ushanda ko'pchilik odamlar jonlig'larini hayit namozidan ilgari so'yib quyishdi. Namozdan qaytgach, Janob Rasululloh ularning o'z jonlig'larini namozdan ilgari so'yib qo'yishganini ko'rib: «Kimki namozdan ilgari suygan bo'lsa, o'rniga boshqasini so'ysin, kimki namoz o'qib bo'lgunimizga qadar so'ymagan bo'lsa, Olloh taoloning ismini aytib so'ysin!»—dedilar».

17-bob. Qamish, chaqmoqtosh va temir birlan so'yilgan jonlig' haqida

Ibn Ka'b ibn Molik otalaridan naql qiladilar: «Ularning bir cho'risi bo'lib, u Sal' degan togda qo'y boqar erdi. Bir kuni qarasa, qo'ylaridan biri o'lar holatda yotibdi. Shunda u bir toshni sindirib o'sha qo'yni so'ydi. Ibn Ka'bning otalari: «Uni yemangizlar!»— deb oilalariga aytdilar-da, Janob Rasulullohning huzurlariga borib shul xususda so'radilar. Janob Rasululloh o'sha qo'yni yemoqni amr qildilar»

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan. Sa'id ibn Masruq rivoyat qiladilar: «Aboya ibn Rofi'ning bobolari «Yo Rasulalloh, bizning pichogimiz yo'q!» — dedilar. Janob Rasululloh «Qoni oqizilib, Olloh taoloning ismi zikr qilingan jonlig'ni yeyaver, tirnoq va suyak (tish) birlan qon chiqarilmagan bo'lsa, bo'ldi!» — dedilar».

18-bob Ayol va cho'ri so'ygan jonlig' haqida.

Bu yerda Ibn Ka'b ibn Molikning otalari rivoyat qilgan hadis takroran keltirilgan

19-bob. Tish, suyak va tirnoq birlan so'yilmaydi!

Rofi' ibn Xadij rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Tish (suyak) va tirnoqdan bo'lak narsa birlan so'yilgan (qoni oqizilgan) jonligni yeyaver!» — dedilar»

20-bob Badaviylar va shularga o'xshash kishilar so'ygan jonlig' haqida

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Bir qavm Janob Rasulullohga «Bizga bir qavm go'sht olib keladi, ammo ular jonligni Olloh taoloning ismini zikr qilib so'yganlarmi yoki yo'qmi, biz bilmaymiz!» — dedi. Janob Rasululloh «Ular keltirgan go'shtni o'zlaringiz Olloh taoloning ismini zikr qilib yeyavingizlar!» — dedilar. Bizga go'sht olib keluvchilar kofirlikdan qaytib endigina musulmon bo'lgan (badaviylar) erdi»

21-bob Urush va boshqa soha kishilaridan bo'lmish kitob ahli so'ygan jonlig'lar go'shti va yog'i haqida

Olloh taoloning qavli: «Bugun sizlar uchun pokiza narsalar halol qilindi va kitobiylarning taomlari sizlarga haloldur va sizlarning taomlaringiz ularga haloldur!».

Zuhriy: «Nasroniy arablar so'ygan jonlig' go'shtini yesangiz, zarari yo'qdur va agar ularning jonlig' so'yayotganlarida Olloh taolodan bo'lak tangrining nomini zikr qilganlarini eshiqangiz, yemangiz, basharti eshitmagan bo'lsangiz ul holda Olloh taolo ularning kofir erkanliklarini bilgan holda uni halol qilgandur!» — deydilar.

Hasan va Ibrohim «Xatna qilinmagan kishi so'ygan jonlig' go'shtini yesa, hechqisi yo'q!» — deyishadi.

Ibn Abbos «(Oyatdagi) «taomlari» degan so'z— «so'ygan jonlig'lari» demakdur», — deydilar

Abdulloh ibn Mugaffal raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Xaybar qal'asini qamal qilib turgan erdik, bir kishi bir xalta yog' tashladi. Men uni olaman, deb intilgan erdim, qaragam yonginamda Janob Rasululloh turibdilar, shunda ul zotdan uyalib ketdim»

22-bob Qochib ketgan mol vahshiy (yovvoyi) hayvon o'rnidadur!

Ibn Mas'ud bunday molni (otib tutmoqqa) ijozat berganlar

Ibn Abbos «Qo'lingdagi mol-hollardan qaysi biri (itoat etmay) seni holdan toydirsa, u ov hayvoni hisobidadur. Quduqqa qulab tushgan tuyani, agar uni tortib olishga kuching yeqa, so'yib yubor!» — deydilar. Hazrat Ali, Ibn Umar va Oisha onamiz ham shunday deb hisoblashadi

Rofi' ibn Xadij rivoyat qiladilar «Yo Rasulalloh! Biz ertaga dushmanga ro'baro' bo'lamiz, (dushman bizni ko'p, deb o'ylamog'i uchun tunda ko'plab gulxanlar yoqib, ko'plab mol-hol so'ymog'imiz darkor), ammo bizning pichog'imiz yo'q», — dedim. Janob Rasululloh «Tezdan biror narsa top! Tish (suyak) va tirnoqqan bo'lak narsa birlan Olloh taoloning nomi zikr qilinib qoni oqizilgan (so'yilgan) jonlig'ni yeyaver!» — dedilar. (Bir kuni) biz bir qancha tuya va qo'y o'lja olib erdik, tuyalardan biri qochib ketdi. Shunda bir kishi uni nayza otib .o'ldirdi. Janob Rasululloh «Bu tuyada vahshiy hayvonlarda bo'lgani kabi yovvoyilik mavjud erkan, agar biror tuyangiz sizga itoat qilmasa, uni ham hozirgidek ahvolga solingizlar!» — dedilar»

23-bob. Nahr va zabh xususida

Ibn Jurayj rivoyat qiladilar: «Ato «(Tuyadan bo'lak) jonlig'larni qaeridan buyurilgan bo'lsa, o'sha yeridan zabh qilmoq va tuyani ham qaeridan buyurilgan bo'lsa, o'sha yeridan nahr qilmoq darkor!» — dedilar. Men «Zabx qilinadigan jonlig'ni nahr qilsam, joizmi?»—dedim. Ato «Ha! Sigirni Olloh taoloning ismini zikr qilib zabh qilmoq kerak, ammo nahr qilinadigan jonlig'ni zabh qilib quygan bo'lsang, joizdur. Men o'zim nahr qilmoqni afzal ko'rurman Zabh ersa, bo'yin tomirlarini kesmoqlikdur»,— dedilar (ya'ni, tuyadan bo'lak jonlig'lar bo'ynining bir xil yeridan so'yilaveradi, tuya ersa avval yuragiga

tig' urilib holdan ketib yiqilgach, bo'inining muayyan yeridan bo'g'izlanadi) Men «Bo'yin tomirlaridan so'ng, harom mag'iz ham qirqiladimi?» — dedim. Ato «Bunday deb o'ylamayman»,— dedilar. Keyin, Nofi' menga aytdilarki, Ibn Umar (ham) orqa miyani (harom mag'izni) qirqmoqdan qaytarib: «Suyakdan bo'lak narsalar qirqiladi, so'ng o'lguniga qadar tashlab qo'yiladi»,— degan erkanlar. Oллоh taolo: «Vaqtiki dedi Muso o'z qavmiga: «Oллоh taolo hukm qilur sizlargaki, bir sigir so'yinglar!» keyin ular uni (sigirni) so'ydilar, (aslida ersa) ular bunday qilmoqchi ermas erdilar»,— deydi».

Sa'id ibn Jubayr Ibn Abbosdan naql qilib: «Bo'g'iz va ko'krakning yuqori qismidan so'yiladi» — deytilar. Ibn Umar, Ibn Abbos va Anas «Agar kallasi qirqib yuborilsa, hechqisi yo'q» — deyishadi.

Asmo binti Abu Bakr raziyallohu anhumo: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning davrlarida ot so'yib yedik»,— deytilar. Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

24-bob. Jonivorlarga azob bermoq, ularni suvsiz, yeguliksiz qoldirib tutqunlikda ushlab turmoq makruhdur!

Hishom ibn Zayd rivoyat qiladilar: «Men Anas birlan birgalikda Hakam ibn Ayyubning huzuriga kirdim. Anas bir to'da bolalarning bir tovuqni bog'lab qo'yib toshbo'ron qilayotganlarini ko'rib: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jonivorlarni ushlab olib (qiynamoqdan) qaytarganlar!»—dedilar».

Ishoq ibn Sa'id ibn Umar otalarining bunday deb aytganlarini eshitgan erkanlar: «Ibn Umar raziyallohu anhu Yahyo ibn Sa'idning huzuriga kirib, uning o'g'illaridan birining bir tovuqni bog'lab qo'yib toshburon qilayotganini ko'rdilar-da, tovuqning oldiga borib uni yechdilar. So'ng, tovuq birlan bolani olib Yahyoning oldiga keldilar-da: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam jonivorlarni tutib olib (qiynab) o'ldirmoqdan qaytarganlar!»—dedilar».

Sa'id ibn Jubayr rivoyat qiladilar: «Men Ibn Umarning huzurlarida erdim. Shunda bir bolaning (yoki bir necha bolalarning) bir tovuqni bog'lab quyib toshbo'ron qilayotganida yonidan o'tib qoldim. Ular Ibn Umarni ko'rib tovuqni tashlab qochishdi. Ibn Umar: «Kimki shunday qilsa Janob Rasululloh shunday qilgan kishini la'natlaganlar!» — dedilar».

Abdulloh ibn Yazid rivoyat qiladilar: Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birovning molini o'g'irlamoqdan (tortib olmoqdan) hamda jonivorlarga azob bermoqdan qaytarganlar».

25-bob. Tovuqlar (uy parrandalari) xususida

Abu Muso al-Ash'ariy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning tovuq (parranda) go'shti yeyayotganlarini ko'rdim»

Zuhdum (Zahdam) rivoyat qiladilar: «Biz Abu Muso al-Ash'ariyning huzurida bo'ldik. Biz birlan Jarm qabilasiga mansub bu mahalla ahli o'rtasida aka-ukalarcha munosabat mavjud erdi. Ushanda Abu Muso dasturxonga tovuq go'shtidan tayyorlangan taom keltirib qo'ydi. Ultirganlyar orasida bir afti-angori qizg'ish kishi ham bo'lib, u Abu Muso

keltirgan taomga hadeganda qo'l uzatavermadi. Shunda Abu Muso: «Ol, yegil! Men Janob Rasulullohning shunday taom yeganlarini ko'rganman»,— dedi. Boyagi kishi «Men tovuqning bir narsani yeganini ko'rganman, shul boisdan ham men uning go'shtidan hazar qilaman, tovuq go'shti yemaslikka ont ichganman!»—dedi. Abu Muso «Beri kel, men senga ont ichmoq xususida bir hadis aytib berayin. Men bir necha ash'ariylar birlan birga Janob Rasulullohning huzurlariga borib erdim, qarasam ul zot g'azabnok holda o'tiribdilar-u, zakotga berilgan mollarni taqsim qilayotirlar. Biz ul zotdan yuk ortib, minib ketishimiz uchun ulov so'radik. Shunda ul zot ulov bera olmasliklarini aytib ont ichdilar-da: «Sizlarni mindirib yuboray desam, ulovim yo'q!» — dedilar. So'ng, Janob Rasulullohning huzurlariga o'lja olingan tuyalarni yetaklab kelib qolishdi. Janob Rasululloh: «Boyagi ash'ariylar qani? Boyagi ash'ariylar qani?»—dedilar. Keyin, Janob Rasululloh bizga beshta oq o'rkachli tuya berdilar. So'ng, biz unchalik uzoq yurmay to'xtadik, shunda men hamrohlarimga: «Janob Rasululloh boya ont ichganlarini unitdilar, Olloh taolo nomi birlan qasam ichamanki, agar biz tufayli ont ichganlarini unutgan bo'lsalar, endi sira ham omadimiz yurishmagay!» — dedim. Keyin, biz ul zotning huzurlariga qaytib borib: «Yo Rasulalloh! Biz boya sizdan ulov so'rab erdik, siz ont ichib ulov bera olmasligingizni (ulovingiz yo'qligini) aytdingiz, akli zaifimizcha, siz ont ichganingizni unutgan ko'rinasiz»,—dedik. Ul zot: «Sizlarni tuyalarga mindirib yuborgan (sizlarga tuyalarni ato etgan) Olloh taolodur! Men ersam, inshoolloh, toki ilgarigi qasamimni kafforat berib halollab olmagunimga qadar, boshqa bir qasamni afzalroq ko'rib qasam ustiga qasam ichmagayman!» — dedilar».

26-bob. Ot go'shti haqida

Asmo raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning davrlarida ot so'yib, go'shtini yedik».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar g'azoti kuni eshak go'shti yemoqdan qaytarib, ot go'shti yemoqqa ijozat berdilar».

27-bob. Xonaki eshaklar go'shti haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar g'azoti kuni xonaki zshaklar go'shtini yemoqdan qaytardilar».

Abdulloh (ibn Umar) rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xonaki eshaklar go'shtini yemoqdan qaytardilar»

Hazrat Ali raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayxi va sallam Xaybar g'azoti kuni muvaqqat (siyg'a) nikohni bekor qilib, xonaki eshaklar go'shtini yemoqdan qaytardilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Xaybar g'azoti kuni eshaklar go'shtini yemokdan qaytarib, ot go'shtini yemoqqa ruxsat berdilar».

Ibn Abu Avfo rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam eshaklar go'shtini yemoqdan qaytardilar».

Abu Sa'laba rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xonaki eshaklar

go'shtini harom, deb aytdilar».

Zuhriy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qoziq tishli barcha hayvonlar (sher, bo'ri, tulki, ayiq, yo'lbars, fil, maymun va boshqalar) go'shtini yemoqdan qaytardilar».

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qoshlariga bir kishi kelib: «Eshak go'shti yedim»,— dedi, keyin yana bir kishi kelib: «Eshakni halok qildim (so'ydim)»,— dedi. Shunda ul zot jarchiga buyurdilar, u odamlarga: «Darhaqiqat, Oллоh taolo va uning rasuli sizlarni xonaki eshaklar go'shtini yemoqdan qaytarur, chunki eshak go'shti iflosdur!» — deb e'lon qildi. Keyin, ichida eshak go'shti qaynab turgan qozonlar ag'darib tashlandi».

Sufyon raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Amr bunday dedi: «Men Jobir ibn Zaydga: «Odamlarning ta'kidlashicha, Janob Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xonaki eshaklar go'shtini yemoqdan qaytargan emishlar»,— deb aytdim. Jobir: «Hakam ibn Amr Basrada bizga shunday deb yurgan erdi, ammo bu gapni Bahr ibn Abbos tasdiqlamadi-da, «Menga nozil qilingan vahiyda ta'qiq topmadim, deb aytgil!» deb qiroat qildi».

28-bob. Qoziq tishli barcha hayvonlar go'shtini yemaslik lozimligi haqida

Abu Sa'laba raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam har qanday qoziq tishli hayvon go'shtini yemoqdan qaytardilar».

29-bob. O'limtik (harom o'lgan) hayvonlar terisi xususida

Abdulloh ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir harom o'lgan qo'y yonidan o'tib ketayotib: «Uning terisidan foydalanmaysizlarmi?» — dedilar. «U harom o'lgan-ku?!» — deyishdi. Janob Rasululloh: «Uning go'shtini yemoqlik harom qilin-gan!» — dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir harom o'lgan echki yonidan o'tib ketayotib: «Buning egalariga ne bo'lgan o'zi, terisidan foydalanishsa, bo'lmaydimi?!»—dedilar».

30-bob. Mushk haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Oллоh taolo yo'lida jarohatlangan kishi qiyomat kuni jarohatidan qon oqib turgan holda (mahsharga) keladi. Rangi — qon rangi, hidi — mushk hidi bo'ladir!» — dedilar».

Abu Muso raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Solih suhbatdosh birlan yomon suhbatdosh mushk tashuvchi kishi birlan o'tda toblanayotgan temirga dam uruvchi kishiga o'xshaydi. Mushk tashuvchi yo o'zi senga mushkidan tuhfa qiladi yoki sen o'zing uning mushkidan xarid qilasan yohud undan kelayotgan mushk hididan bahra olasan, temirga dam uruvchi kishi ersa yo kiyimingni kuydiradi yoki sen undan kelayotgan qo'lansa hidni hidlaysan!» — dedilar».

31-bob. Quyon haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Marrizahron degan yerda bir quyonni cho`chitib yubordik. Qavm uni quva-quva charchadi. Keyin, men uni tutib Abu Talhaning oldiga olib bordim. Ul kishi uni so`yib, ikki qo`lini (yoki ikki sonini) Janob Rasulullohga yuborib erdi, oldilar».

32-bob. Kaltakesak haqida

Ibi Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam kaltakesak haqida: «Men uni yemayman ham, harom demayman ham!» — dedilar».

Abdulloh; ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Xolid ibn Valid Janob Rasululloh birlan birga Maymunaning uyiga kirdi. Shunda ul zotning oldilariga qovurilgan kaltakesaklarni keltirib qo`yishdi. Ul zot yeyman deb qo`l uzatganlarida xotinlardan biri. «Nimani yemoqchi bo`lganlarini ul zotga aytingizlar!» — dedi. Xotinlar: «Bu kaltakesakdur, yo Rasulalloh!» — deyishdi. Janob Rasululloh qo`llarini tortdilar. Xolid bunday deydilar: «Men: «Kaltakesak harommi yo Rasulalloh!» — dedim. Ul zot: «Yo`q, lekin yer yuzida kaltakesakdan jirkanmaydirgan birorta ham qavmim yo`qdur, men ham undan jirkanaman!» — dedilar. Keyin, men ul zotning ko`z oldilarida kaltakesakdan olib chaynab-chaynab yedim».

33-bob. Quyuq (qotgan) yoqqa sichqon tushib qolsa?

Maymuna raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Yoqqa sichqon tushib o`lib qoldi. Keyin, Janob Rasulullohdan shul haqda so`raldi. Ul zot: «Sichqonni va yog`ning sichqon tushgan yerini olib tashlab, yeyaveringizlar!» — dedilar».

Yunus raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Qotgan yoki quyuq yoqqa tushib o`lib qolgan sichqon va boshqa jonivorlar xususida suhbatlashildi. Shunda Zuhriy bunday deb aytdi. «Bizga xabar qilishdiki, Janob Rasululloh yoqqa tushib o`lib qolgan sichqonni va yog`ning sichqon tushgan yerini olib tashlab, yeyaverish mumkinligini aytibdilar».

34-bob. Molning yuziga tamg`a bosmoqlik va belgi qo`ymoqlik xususida

Ibn Umar molning yuziga belgi qo`ymoqlikni rad etib: «Janob Rasululloh molning yuziga tamga bosmoqdan qaytarganlar»,— deydilar.

Xanzala: «Molning yuziga tamga bosiladi»,—deydilar.

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men ukam birlan birga Janob Rasulullohning huzurlariga kirdim, ukamning tanglayini xurmo birlan ko`tarib qo`ysinlar, degan erdim. Qarasam, ul zot o`z qo`ralarida bir qo`yni tamg`alayotirlar». Xishom ibn Zayd: «Menimcha, Anas: «Qo`yning quloqlarini tamg`alayotirlar» —deb aytgandi»,— deydilar (demak, molning yuzidan bo`lak yeriga tamg`a bosish yoki belgi qo`yish mumkin).

35-bob. (Chorvani) qavm o`lja olgan bo`lsa-yu, qavmning ba`zi kishilari o`rtoqlarining buyrug`isiz biror qo`yni yoki tuyani so`ysa, yeyilmaydi!

Tovus va Ikrima o'gri so'yg'an jonlig haqida: «Uni tashlab (otib) yuboringizlar!» — deydilar.

Rofi' ibn Xadij rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga: «Biz ertaga dushmanga ro'baro' bo'lamiz, ammo pichog'imiz yo'q»,— dedim. Janob Rasululloh: «Olloh taoloning ismi zikr qilinib qoni oqizilgan jonlig'ni yeyaveringizlar, suyak va tirnoq (birlan qon oqizilgan) bo'lmasa, bo'ldi! Habash tilida «sinn» — «suyak» va «zufr» — «pichoq»dur»,— dedilar. Keyin, odamlar oldinga ilgarilab ketishdi-da, bir necha qo'yni so'yib qozonlarga solishdi. Janob Rasululloh odamlarning ortida kelayotgan erdilar, ularning oldiga yetib kelib, qozonlarni ag'darib tashlashni amr qildilar. So'ng, ularga o'nta qo'y va o'nta qo'y hisobida bitta tuya taqsim qildilar. Shunda boyagi tuya qochib ketdi. Quvib yetishga ot bo'lmagani uchun bir kishi nayza otib uni o'ldirdi. Janob Rasululloh: «Bu jonivorlarda vahshiy hayvonlarda bo'lgani kabi yovvoyilik mavjuddur, ulardan qaysi biri sizga shu qiliqni qilsa, hozirgidek ish tutingizlar!» — dedilar».

36-bob. Agar qavmning tuyasi qochib keqa-yu, qavmdoshlardan biri o'z qavmiga yaxshilik qilmoq niyatida nayza otib uni o'ldirsa, joizdur!

Bu yerda yuqoridagi hadis takroran keltirilgan.

37-bob. Nochor ahvolda qolgan kishining yeguligi haqida

Olloh taoloning qavli: «Ey mo'minlar! Yengizlar biz sizlarga ato qilgan halol rizqlardan va Olloh taologa shukr qilingizlar, agar ungagina ibodat qilsangizlar! Haqiqat shulki, Olloh taolo harom qilgandur sizlarga harom o'lgan jonivorni va qonni va to'ng'iz go'shtini va Olloh taolodan boshqaning nomini aytib so'yilgan jonivorni, bas kimiki nofarmon bo'lmay va haddidan oshmay, nochor (yuqoridagi harom qilingan narsalardan yesa), unga hech gunoh bo'lmas. Olloh taolo albatta mag'firat va rahmat sohibidur!»

Olloh taoloning qavli: «Bas, yengizlar ul jonivor (go'shtidanki), unga Olloh taoloning nomi zikr qilinibdur, agar uning oyatlariga iymonlaringiz bo'lsa! Va sizlarga nima bo'libdurki, yemassizlar ul jonivor (go'shtidanki), unga Olloh taolo nomi zikr qilinibdur? Holbuki batafsil bayon qilibdur sizlarga ul narsaniki uni sizlarga harom qilibdur vale yesangizlar bo'lur ul narsaniki unga sizlar nochordursizlar va darxaqiqat ko'p kishilar ilmsiz o'z xayolotlari ila boshqani ozdirib yururlar, darhaqiqat sizning parvardigoringiz haddan oshguvchilarni yaxshi bilur!»

Olloh taoloning qavli: «Siz dengki, «Men o'zimga vahiy qilingan hukmlar orasidan harom o'lgan jonivor yo oqib turgan qon yo to'ng'iz go'shtidan bo'lak yeguvchi uchun harom qilingan bir taomni topa olmayman, chunki ul albatta nopokdur yo ul Olloh taolodan boshqaning nomi zikr qilinib, nojoiz so'yilgan jonivordur», endi kimiki nochor qolsa-yu, (yuqorida harom qilingan narsalardan) lazzatga berilmay va haddan oshmay iste'mol qilsa, albatta sizning parvardigoringiz mag'firat va rahmat sohibidur!»

QURBON QILINADIRGAN JONLIG'LAR HAQIDA KITOB

1-bob. (Qurbon hayiti kuni) jonlig' qurbon qilmoqning sunnati haqida

Ibn Umar: «Jonlig qurbon qilmoqlik sunnat va urfdur»,— deydilar.

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam. «Bugungi kunimizda bizning eng avvalo qiladigan ishimiz — namoz o'qiymiz, so'ng (namozdan) qaytib jonlig qurbon qilamiz. Kimki shunday qilsa, bizning sunnatimizni ado etgan bo'lur va kimki (namozdan) ilgari (jonlig) so'ysa, bola-chaqasi uchun go'sht tayyorlab bergan bo'lib, qilgan qurbonligining hech qanday savobi yo'qdur!»—dedilar. Shunda namozdan ilgari jonligini so'yib qo'ygan Abu Burda o'rnidan turib: «Mening bir yosh echkim bor (o'rniga o'shani so'ysam bo'lurmi?)»—dedi. Janob Rasululloh: «Mayli, o'shani so'ya qolgil, ammo sendan keyin boshqa biror kishiga bu joiz ermas!» — dedilar».

Omir Barrodan nakl qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki namozdan keyin jonlig so'ygan bo'lsa, Oллоh taolo yo'lida qurbonlik qilib, musulmonlar zimmasidagi sunnatni ado etgan bo'lur!» — dedilar».

2-bob. Imomning qurbonlik uchun odamlarga jonlig'larni taqsimlab bermog'i haqida

Ba'ja al-Juhaniy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qurbon qilmoq uchun o'z sahobalariga jonliglarni taqsimlab berdilar, shunda Uqbaga bir echkicha tegdi. Uqba «Yo Rasulalloh, menga echkicha tegdi-ku?!» — dedi. Janob Rasululloh: «Shuni qurbon qilgil!» — dedilar»

3-bob. Musofir va ayollar nomidan jonlig' qurbon qilmoq xususida

Abdurrahmon ibn al-Qosim raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Oisha raziyallohu anhoneg huzurlariga kirdilar. Ul muhtarama Makkaga yetib bormay turib Saraf degan yerda hayz ko'rib qolganlari boysidan yiglab o'ltirgan erdilar. Janob Rasululloh «Senga ne bo'ldi, hayz ko'rib qoldingmi?»— dedilar. Oisha onamiz: «Ha»,— dedilar. Janob Rasululloh: «Bu Oллоh taolo Odam qizlarining peshonasiga yozgan taqdirdur, hojilar ado etmogi lozim bo'lgan barcha marosimlarni o'tayver, faqat Baytullohni tavof qilmagil!»—dedilar. Keyin, biz Minoda erkanligimizda mol go'shti keltirishdi. Men «Bu qanday go'sht?» — dedim. «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam xotinlari nomidan bir sigir qurbon qildilar»,— deyishdi».

4-bob. Nahr kuni ishtaha birlan go'sht yeyilmog'i haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Nahr kuni «Kimki (hayit) namozidan oldin jonlig so'ygan bo'lsa, (namozdan so'ng) boshqa jonlig qurbon qilsin!» — dedilar. Shunda bir kishi o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh, bu kun — ishtaha birlan go'sht yeydirgan kundur!» — dedi-da, qo'shnilari haqida gapirdi, so'ng «Menda bir echkicha bor, u ikkita qo'yning go'shtidan yaxshiroqdur!»—dedi. Janob Rasululloh o'sha echkichani qurbon qilmoqqa unga ijozat berdilar, ammo (echki qurbon qilmoq xususidagi) ruxsat undan boshqalarga ham tegishli erdimi yo yo'qmi, buni bilmayman.

Keyin Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkita qo'chqor so'ydilar. Odamlar ularning go'shtini o'zaro bo'lishib olishdi».

5-bob «Bugun jonlig' qurbonqiladirgan kundur!» — deb aytgan kishi haqida

Abu Bakra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar:

«Zamon Oллоh taolo osmonlar birlan yerni yaratgan kundagidek (hech bir o'zgarishsiz yana) bir davra aylandi. Yil o'n ikki oydan iborat bo'lib, ulardan to'rttasi muqaddasdur. To'rtttadan uchtasi—Zulqa'da, Zulhijja, Muharram ketmaket keladi, turtinchisi ersa Rajab (Muzar) oyi bo'lib, Jumodassoniy birlan Sha'bon oylari oralig'idadir. (Aytingizlarchi), hozir qaysi oy?» Biz «Oллоh taolo va uning rasuli yaxshiroq bilur!» — dedik. Janob Rasululloh biroz sukut qildilar, shunda biz bu oyning biror boshqa nomini ayqalar kerak, deb o'yladik. Janob Rasululloh: «Bu oy Zulhijja oyi ermasmi?»—dedilar. Biz «Ha»,— dedik. Janob Rasululloh: «Bu qaysi shahar?»— dedilar. Biz «Oллоh taolo va uning rasuli yaxshiroq bilur!»—dedik. Janob Rasululloh biroz sukut qildilar, biz bu shaharning biror boshqa nomini ayqalar kerak, deb o'yladik. Janob Rasululloh «Bu al-Balda (Makka) ermas-mi?»—dedilar. Biz «Ha», — dedik. Janob Rasululloh «Bugun qanday kun?»— dedilar. Biz: «Oллоh taolo va uning rasuli yaxshiroq bilur!»—dedik. Janob Rasululloh biroz sukut qildilar, biz bu kunning biror boshqa nomini ayqalar kerak, deb o'yladik. Janob Rasululloh «Nahr kuni ermasmi?»—dedilar. Biz «Ha»,—dedik. (Keyin), Janob Rasululloh (bizga) bunday deb aytdilar: «Qoningiz, mol-dunengiz, obro'yingiz mana shul shahringizdagi kuningiz va oyingiz hurmati kabi bir-biringizga muqaddasdur! Oxiratda parvardigoringizga ro'baro' bo'lganingizda sizlardan qilgan amallaringiz xususida so'ragaydur. Mendan keyin bir-biringizning bo'g'zingizga tig' uradirgan gumroh bo'lib ketmangizlar! (Mening bu vasiyatimni) eshitganlar eshitmaganlarga yetkazsin, chunki ba'zi bir birovdan eshitganlar ul qulog'i birlan eshitganlardan ko'ra zehnlroq bo'lur!»

(Roviy) Muhammad Janob Rasulullohning o'shal kungi vasiyatlari xususida eslaganda: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (dillaridagi bor gapni) ro'y-rost aytib, so'ng «Tushuntira oldimmi? Tushuntira oldimmi?» — dedilar»,— der erdilar.

6-bob Musalloda (namoz o'qiydirgan joyda) jonlig' qurbon qilmoq haqida

Ibi Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam (masjiddagi) musalloda (ham) jonlig' (tuya qo'y mol va boshqalar) qurbon qilur erdilar».

7-bob. Janob Rasulullohning ikki shoxdor semiz qo'chqorni qurbon qilganlari haqida

Abu Umoma ibn Sahl rivoyat qiladilar: «Biz Madinada qurbonlikka atalgan jonlig'larni boqib semirtirar erdik, barcha musulmonlar ham shunday qilishar erdi».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki qo'chqor va men ikki qo'chqor qurbon qilur erdik».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki shoxdor ola qo'chqorni o'z qo'llari birlan so'ydilar».

Abulxayr rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Uqba ibn Omirga bir qancha jonlig` berib, ularni qurbon qilmoq uchun sahobalariga taqsimlashni topshirdilar. Shunda Uqbaning o`ziga bir echkicha qoldi. U bu hakda ul zotga aytib erdi: «Sen o`shani qurbon qila qolgil!» — dedilar».

8-bob. Janob Rasulullohning Abu Burdaga: «Ushal echkingni qurbon qila qolgil, ammo bu sendan keyin biror kishiga joiz ermas!» — deb aytganlari haqida

Barro ibn Ozib raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Abu Burda ismli tog`am jonlig`larini (hayit) namozidan burun so`yib qo`ydilar. Shunda Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ul kishiga: «Qo`yingni (bola-chaqangga) go`sht tayyorlab bermoq uchun so`yibsani!» — dedilar. Tog`am: «Yo Rasulalloh, mening yana bir echkicham bor, (o`shani qurbon qilsam bo`lurmi?)»—dedilar. Janob Rasululloh: «Mayli, o`shani qurbon qila qolgil, ammo bu sendan bo`lak odamga durust ermas!»—dedilar. So`ng, ul zot yana bunday deb gaplarida davom etdilar: «Kimki namozdan ilgari so`ygan bo`lsa, o`zi uchun so`yibdur, kimki namozdan so`ng so`ygan bo`lsa, Oллоh taolo yo`lida jonlig` qurbon qilib, musulmonlar zimmasidagi sunnatni ado etibdur!».

Barro rivoyat qiladilar: «Abu Burda jonlig`ini namozdan burun so`yib qo`ydi. Shunda Janob Rasululloh unga: «Urniga boshqa jonlig` so`ygil!» — dedilar. Abu Burda: «Menda bir yosh echkichadan bo`lak jonlig` yo`q»,— dedi. (Sha`biy: «Menimcha, o`shanda Abu Burda: «Echkicham katta qo`ydan ham yaxshiroq» — deb aytgandi»,— deydilar). Janob Rasululloh: «Mayli, o`rniga o`shani qurbon qila qolgil, ammo bu sendan keyin hech kimga joiz ermas!» — dedilar».

9-bob. O`z qo`li birlan qurbonlikka atalgan jonlig`larni so`ygan kishi haqida

Anas raziyallohu anhu: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikki ola qo`chqorni qurbon qildilar. Shunda men ul zotning ikkala qo`yning biqiniga oyoqlarini qo`yib turib tasmiya va takbir aytganlarini, so`ng o`z qo`llari birlan ularni so`yganlarini ko`rdim»,— deydilar.

10-bob. Uzganing qurbonlikka atalgan jonlig`ini so`ygan kishi haqida

Bir kishi Ibn Umarga qurbonlikka atalgan jonlig`larini so`yishda ko`maklashdi. Abu Muso qizlariga o`z qo`llari birlan jonlig` qurbon qilmoqni buyurdilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Saraf degan yerda huzurimga kirganlarida men yig`lab o`ltirgan erdim. Shunda ul zot: «Senga ne bo`ldi, hayz ko`rib qoldingmi?» — dedilar. Men: «Ha»,— dedim. Ul zot: «Bu Oллоh taolo Odam qizlarining peshonasiga yozgan taqdirdur, hoji ado etmog`i lozim bo`lgan barcha marosimlarni bajargil, lekin Baytullohni tavof qilma!» — dedilar. Keyin, ul zot o`z xotnlari nomidan bir sigirni qurbon qildilar».

11-bob. Jonlig`ni namozdan so`ng so`ymoq lozim!

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning va`z aytayotib bunday deganlarini eshitdim: «Bugungi kunimizda bizning birinchi bo`lib qiladigan ishimiz — namoz o`qiyimiz, so`ng qaytib jonlig` qurbon qilamiz. Kimki shunday qilsa, sunnatimizni ado etgan bo`lur, aks holda u o`z bola-chaqasiga go`sht tayyorlab

bergan bo'lib, qilgan kurbonligidan hech bir savob tegmas!». Shunda Abu Burda: «Yo Rasulalloh, men namoz o'qimasimdan burun jonlig'imni so'yib qo'ydim, ammo menda yana bir echkicha bo'lib, u katta qo'ydan ham yaxshiroqdur!» — dedi. Janob Rasululloh: «Urniga o'shani so'ya qolgil, ammo bu sendan keyin biror kishiga joiz ermas!» — dedilar».

12-bob. Kimki jonlig'ini namozdan ilgari so'yib qo'ygan bo'lsa, (namozdan keyin) o'rniga boshqa jonlig' so'yadi!

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Kimki jonlig'ini namozdan ilgari so'yib qo'ygan bo'lsa, (namozdan keyin) o'rniga boshqa jonlig' so'ysin!» — dedilar. Shunda bir kishi: «Bugun ishtaha birlan go'sht yeydirgan kundur!» — dedi-da, kambag'al qo'shnilar haqida gapirdi. Ushanda Janob Rasululloh uni ma'zur tutgan erdilar. U: «Menda yana bir echkicha bor, u ikki qo'ydan ham afzalroqqur!» — degan erdi. Janob Rasululloh unga o'sha echkijasini qurbon qilmoqqa ruxsat bergan erdilar, ammo bu ruxsat boshqalarga ham taalluqli erdimi yo yo'qmi, buni bilmayman. Keyin, Janob Rasululloh ikki qo'chqorni so'yidilar, shundan so'ng odamlar ham o'z jonlig'larini so'yishdi».

Jundub ibn Sufyon rivoyat qiladilar: «Men nahr kuni Rasululloh sallallohu alayhi va sallamni ko'rdim. Ul zot: «Kimki namoz o'qimasidan burun jonlig' so'ygan bo'lsa, o'rniga boshqasini so'ysin, kimki hali so'ymagan bo'lsa, endi so'yaversin!» — dedilar».

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir kuni: «Kimki bizning qiblamizga yuzini qaratib bizning namozimizni o'qigan bo'lsa, namozdan uyiga qaytguniga qadar jonlig' so'ymasin!» — dedilar. Shunda Abu Burda o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh, men namozdan burun so'yib qo'yibman?» — dedi. Janob Rasululloh: «Shoshqaloqlik qilibsan-da!» — dedilar. Abu Burda: «Menda yana bir echkicha bor, u ikkita katta qo'ydan ham yaxshiroqdur, o'shani so'ysam bo'lurmi?» — dedi. Janob Rasululloh: «Mayli, o'shani so'ya qolgil, ammo bu sendan keyin hech kimga joiz ermasdur!» — dedilar».

13-bob. Jonlig'ning biqiniga oyoq qo'ymoq haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkita shoxdor, semiz ola qo'chqorni biqiniga oyoqlarini qo'yib turib o'z qo'llari birlan qurbon qilgan erdilar».

14-bob. Jonlig' so'yish vaqtida takbir aytmoq haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ikkita shoxdor, semiz ola qo'chqorni o'z qo'llari birlan qurbon qildilar. Shunda qo'ylarning biqiniga oyoqlarini qo'yib turib tasmiya va takbir aytdilar».

15-bob. Kishi jonligini qurbon qilish uchun (Ka'baga) jo'naqa, unga hech narsa harom qilinmaydi!

Sha'biy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Masruq Oisha onamizning huzurlariga kelib: «Yo mo'minlar onasi! Kishi o'z jonligini qurbon qilish uchun Ka'baga jo'natadi, o'zi ersa

jonligining bo'yniga uning qurbonlikka atalganini anglatadigan alomat osib qo'yishni tayinlab, shaharda (uyida) qoladi. Ushal odam jonligini jo'natgan kundan to hojilar ehromlarini yechgunlariga qadar ehromda qolib, hojilar qilishi mumkin bo'lmagan narsalarni qilaveradi», — dedilar. Masruq bunday deydilar: «Men Oisha onamizning parda ortidan (gapimni ma'qullab) chapak chalganlarini eshitdim, so'ng mo'minlar onasi: «Men Janob Rasulullohning jonligi bo'yniga alomat osib qo'yish uchun tizimcha (chilvir) yigirib berar erdim, keyin ul zot jonlig'larini Ka'baga jo'natar erdilar. Shunda ul zot hojilar qaytgunga qadar xonadonlaridagi erkaklarga halol qilingan narsalardan mahrum qilinmas erdilar», — dedilar».

16-bob. Qurbon qilingan jonlig'lar go'shtini yeyish va ehtiyot qilib qo'yish haqida

Jobir ibn Abdullhu raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Biz Rasululloh sallallohu alayhi va sallam davrlarida qurbon qilingan jonliglar go'shtini Madinaga (olib ketish uchun) ehtiyotlab qo'yar erdik».

Ibn Xabbob rivoyat qiladilar: «Abu Sa'id uyida yo'q erdi, qaytib kelgach, oldiga go'sht keltirib qo'yishdi. Shunda Abu Sa'id: «Bu qurbon qilingan jonlig'larimiz go'shtidanmi? Olib ketingizlar, buni tatib ham ko'rmayman!» — dedi. Abu Sa'id bunday deydi: «Keyin, men o'rnimdan turib uydan chiqdim-da, birodarim Qatoda (onamning birodari) huzuriga yo'l oldim. Ul kishi Badr g'azoti ishtirokchisi erdilar. Huzurlariga borgach, bo'lgan gapni aytib berdim. Shunda ul kishi: «Sendan keyin bir ish sodir bo'lgan erdi», — dedilar».

Salama ibn al-Akva' rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Sizlardan kimki jonlig' Qurbon qilgan bo'lsa, uchinchi kun tong ottirmasingizdan burun uyingizda undan hech narsa qolmasin!» — dedilar. Kelgusi yili odamlar: «Yo Rasulalloh, bu yil ham o'tgan yildagidek ish tutamizmi?» — deyishdi. Janob Rasululloh: «Yengizlar, yediringizlar va ehtiyot qilib ham qo'yingizlar! Usha yili odamlar och qolgan bo'lib, men bir-birlaringizga yordam qilingizlar, deb erdim!» — dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Biz qurbon qilingan jonlig'lar go'shtidan tuzlab Janob Rasulullohga (Madinaga) olib borar erdik. Shunda Janob Rasululloh «(Qurbon qilingan jonlig'lar go'shtidan) uch kundan ortiq yemangizlar!» — dedilar. So'ng, go'shtga istamaygina qo'l uzaqalar-da, undan yegilari keldi. Yana Olloh taolo o'zi yaxshiroq biladi!».

Zuhriy rivoyat qiladilar: «Ibn Azharning mavlosi Abu Ubayd Qurbon hayiti kuni Hazrat Umar al-Xattob birlan birga bo'lganini aytib bunday degandi: «Hazrat Umar xutbadan avval namoz o'qidilar, so'ng odamlarga xutba qilib «Darhaqiqat, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sizlarni mana shu ikki hayitda ro'za tutmoqdan qaytardilar. Ammo, ikki hayitdan biri — sizlar og'iz ochib ro'zangizni tugatadigan kundur, boshqasi ersa — sizlar qurbon qilgan jonlig'laringiz go'shtidan tanovul qiladigan kundur!» — deb aytdilar. Keyin, men Usmon ibn Affon birlan Qurbon hayitida birga bo'ldim, o'shal kun jum'a kuni bo'lib, ul kishi xutbadan avval namoz o'qidilar so'ng odamlarga xutba qilib: «Ey odamlar, bugun sizlar uchun ikki bayram bir kelgan kundur! Oliy martaba ahlidan kimki jum'ani kutmoqni istasa, kuqin va kimki (uyiga) qaytmoqni istasa, men unga ruxsat berdim!» — deb aytdilar. So'ng men Hazrat Ali ibn Abu Tolib birlan (ham) Qurbon hayitida birga bo'ldim. Ul kishi (ham) xutbadan avval namoz o'qidilar, keyin odamlarga xutba qilib

«Darhaqiqat, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qurbon qilgan jonlig'laringiz go'shtini uch kundan ortiq yemog'ingizdan qaytardilar!»—deb aytdilar».

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Qurbon qilingan jonlig'lar go'shtini uch kun yengizlar!» — dedilar».

ICHIMLIK HAQIDA KITOB

Olloh taoloning qavli: «Darhaqiqat, mast qiluvchi ichimliklar, qimor, butlar va qur'a o'qlari — bular hammasi nopok bo'lib, shayton ishlaridandur, bas ulardan saqlaningizlar, shoyad najot topsangizlar!»

Abdulloh ibn Umar raziyallohu aihu rivoyat qiladilar/«Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Kimki bu dunyoda mast qilguvchi ichimlik ichgan bo'lsa-yu, keyin ichganiga tavba qilmagan bo'lsa, oxiratda tavba qilmoqdan mahrum qilingaydur!»— dedilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Isro' kechasi farishtalar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga ikki qadah keltirdilar, birida (mast qilguvchi) ichimlik va birida sut bor erdi. Janob Rasululloh qadahlarga bir nazar tashladilar-da, sut solingan qadahni oldilar. Shunda Jabroil alayhissalom «Sizni tabiatga (borliqqa) hadya qilgan Olloh taologa shukr! Agar ichimlik solingan qadahni olganingizda, ummatingiz gumroh bo'lur erdi!» — dedilar».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan shunday bir hadis eshitganmanki, uni mendan bo'lak hech kim sizlarga aytib bermagay! Janob Rasululloh bunday degan erdilar: «Qiyomatning asosiy belgilari shulki, jaholat kuchayib, ilm (islom ilmi) susayadir, zino birlan ichkilikbozlik kuchayadir, erkaklar kamayib ayollar kupayadir, hattoki ellikta ayol uchun bir erkak to'g'ri keladir»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Mo'min zino qilmaydi, zino qilayotgan vaqtida ersa mo'min bo'lib qololmaydi. Mo'min (mast qilguvchi) ichimlik ichmaydi, ichimlik ichayotgan vaqtida ersa mo'min bo'lib qololmaydi. Mo'min o'g'rilik qilmaydi, o'g'rilik qilayotgan vaqtida ersa mo'min bo'lib qololmaydi!» — dedilar».

1-bob Uzumdan tayyorlangan (mast qilguvchi) ichimlik haqida

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «(Mast qilguvchi) ichimlik harom qilingan vaqtda Madinada uzumdan qilinadigan hech qanday (mast qilguvchi) ichimlik yo'q erdi».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Mast qilguvchi ichimlik uning harom erkanligi haqidagi oyat nozil qilingan vaqtda bizga harom qilindi va biz o'sha vaqtda uzumdan qilinadigan mast qilguvchi ichimliklarni Madinada juda kam uchrtatardik, mast qilguvchi ichimliklarimiz, asosan, xom va pishgan xurmodan tayyorlanar erdi».

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hazrat Umar minbarga chiqib «Ammo ba'd, mast qilguvchi ichimliklarning harom erkanligi haqida oyat nozil bo'ldi, ular besh narsadan — uzum, xurmo, asal, bugdoy va arpadan tayyorlanadi. Mast qilguvchi ichimlik — aqlni ozdiruvchi narsadur!» — dedilar».

2-bob Mast qilguvchi ichimlikning harom erkanligi haqidagi oyatning nozil bo'lishi va mast qilguvchi ichimlikning xom va pishgan xurmodan tayyorlanganligi haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Abu Ubayda, Abu Talha va Ubay ibn Ka'bgga xom va pishgan xurmodan tayyorlangan (mast qilguvchi) ichimlikdan quyib berib o'ltirgan erdim. Nogahon, bir chopar kelib (mast qilguvchi) ichimlikning harom qilinganligini ma'lum qildi. Shunda Abu Talha: «Turgil, ey Anas, uni to'kib tashla!» — dedilar, men uni to'kib tashladim»

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men mahallada amakilarimga xom xurmodan tayyorlangan ichimlik quyib berib turgan erdim, (ularning orasida eng kichigi men erdim). Shunda odamlar mast qilguvchi ichimlikning harom qilinganligini aytishib: «Uni to'kib tashlangizlar!» — deyishdi, biz uni to'kib tashladik.

Mu'tamirning otalari bunday deydilar: «Men Anasga: «Ular qanday ichimlik ichishayotgan erdi?»—deb aytdim. Anas: «Pishgan va xom xurmodan tayyorlangan ichimlik»,— dedi».

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «(Mast qilguvchi) ichimlik harom qilindi, o'shanda u xom va pishgan xurmodan tayyorlanar erdi».

3-bob Asaldan tayyorlanadigan (mast qilguvchi) ichimlik haqida

Muoz raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Molik ibn Anasdan «fuqqo'» (arpa yoki mevalardan tayyorlanadigan ichimlik) haqida so'rab erdim, ul kishi: «Mast qilmasa, zarari yo'q»,— dedilar».

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Odamlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdan «bit» (asaldan tayyorlanadigan ichimlik) haqida so'rashdi, bu ichimlikni yamanliklar ichishar erdi. Janob Rasululloh.: «Mast qilguvchi har qanday ichimlik haromdur!»—dedilar».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Dubbo' va muzaffatda sharob tayyorlamangizlar!» — dedilar». Abu Hurayra (avvalgi jildlardagi) o'z rivoyatlarida bunga xintam va naqirni ham qo'shib aytganlar.

4-bob. Xamrning (musallasning) aqlni ozdiruvchi ichimliklardan erkanligi haqidagi hadislar

Ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Hazrat Umar Janob Rasulullohning minbarlariga chiqib bunday deb xutba qildilar: «Xamrning harom qilinganligi xususida oyat nozil bo'ldi. Xamr besh narsadan — uzum, xurmo, bug'doy, arpa va asaldan tayyorlanib, u aqlni ozdiruvchi ichimlikdur. Men sizlarga yana uch narsani aytmoqni istayman: «Janob Rasululloh aka-uka va ularning farzandlari o'rtasidagi oqibaqizlik hamda sudxo'rlik borasida nozil bo'lgan oyatlar hukmlarini bizlarga tushuntirib berib, so'ng dunyodan ko'z yumdilar».

Sha'biy rivoyat qiladilar: «Ey Abu Umar! Gurunchdan ham biror ichimlik tayyorlanar erdimi?» — dedim. Ul kishi: «Bunday ichimlik Janob Rasulullohning (yoki Hazrat Umarning) davrlarida sira ham bo'lmagan»,— dedilar».

Abu Hayyon: «Uzum o'rniga mayiz(dan foydalanilar) erdi»,— deydilar.

Ibn Umar Hazrat Umardan nakl qilib: «Xamr besh narsadan — mayiz, xurmo, bug`doy, arpa va asaldan tayyorlanar erdi»,— deyдилar

5-bob. Xamrni (mast qilguvchi ichimlikni) halol deb hisoblab, uni boshqa nom birlan atovchilar haqidagi hadis

Abu Omir (yoki Abu Molik) al-Ash`ariy rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar: «Mening ummatim orasidan chinni idish, harir kiyim, xamr (mast qilguvchi ichimlik) va ayshu ishratni halol deb bilguvchi qavmlar chiqadi va (bir kuni o`shal) qavmlar bir tog` etagiga kelib manzil tutishadi. Kechki payt (bir odam) ular uchun bir cho`pon ayolni boshlab keladi, u bir zarurat birlan ularning oldiga kelgan bo`ladi. Ular (ayolni olib qolib), unga: «(Sen hozir ketaver), oldimizga ertaga qaytib kelarsan!»—deb aytishadi. Shunda Oloh taolo ularni uyquga ketkazib, (ustlariga) tog`ni qulatadi va (omon) qolganlarini qiyomatga qadar maymunu to`ng`izlarga aylantirib qo`yadi».

6-bob Xum hamda tosh, mis va yog`och idishlarga mevalarni solib ezib suvini chiqarib qo`ymoq haqida

Abu Hozim rivoyat qiladilar: «Abu Usayd as-So`idiy kelib Janob Rasulullohni o`z nikoh to`yiga taklif qildi. To`yda kelin bo`lmish (uning xotini) shaxsan o`zi mehmonlarga xizmat qildi. Bir kishi: «Bilasizlarmi, kelin Janob Rasulullohga nima quyib berdi? U tunda bir qancha xurmolarni tavrga (tosh, mis yoki yogoch idishga) solib ezib suvini chiqarib qo`ygan erdi, ana o`shani quyib berdi»,— dedi»

7-bob Janob Rasulullohning xum va meshlardan foydalanmoqdan qaytarib, so`ng (yana) unga ruxsat berganlari haqida

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meshdan foydalanmoqdan qaytardilar. Shunda ansorlar «Bizning undan foyda-lanmaslikka hech ilojimiz yo`q, u bizga juda zarur!» — deyishdi. Janob Rasululloh «Ichimlik tayyorlashdan bo`lak maqsadlarda foydalansangizlar, mayli! — dedilar»

Abdulloh ibn Umar raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meshdan foydalanmoqdan qaytarganlarida, ul zotga «Hamma ham meshkobchini uchratavermaydi!»—deyishdi. Shunda ul zot chinni ko`zadan foydalanmoqqa ruxsat berib, mumlangan idishdan foydalanmoqqa ijozat bermadilar».

Hazrat Ali «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam qovoqdan yasalgan va mumlangan idishlardan foydalanmoqdan qaytardilar»,— deyдилar.

Ibrohim rivoyat qiladilar: « Men Asvadga «Sen mo`minlar onasi Oisha raziyallohu anhodan qanday idishlarda sharob tayyorlashdan qaytarilgani haqida so`radingmi?» — dedim. U: «Ha, so`radim. Men mo`minlar onasiga: «Janob Rasululloh qanday idishlarda sharob tayyorlashdan qaytardilar?»—deb aytdim. Mo`minlar onasi: «Janob Rasululloh bizni, ya`ni barcha xonadon a`zolarini qovoq va mumlangan idishlarda sharob tayyorlamoqdan qaytardilar»—dedilar»,— dedi. Men unga «Ammo, chinni va ko`k ko`zalar xususida aytmading-ku!» — dedim. U «Nimaiki eshitgan bo`lsam, senga aytib

berdim, endi eshitmagan narsam xususida ham aytib beraiinmi?!» — dedi»

Abdulloh ibn Abu Avfo roziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam ko'k ko'zadan foydalanmoqdan qaytardilar. Shunda men «Oq chinni ko'zada ichsak bo'lurmi?»—dedim. Ul zot «Yo'q!» — dedilar (Ko'za xoh oq va xoh ko'k bo'lsin, undagi meva suvi achib, mast qiladiringan bo'lib qolgan bo'lsa, ichish mumkin ermas!)»

8-bob. Mast qilmaydirgan xurmo suvi haqida

Bu yerda 6-bobdagi hadis takroran keltirilgan.

9-bob. Boziq to'g'risida va har qanday mast qilguvchi ichimliklardan qaytargan kishi haqida

Hazrat Umar, Abu Ubayda va Maoz tiloni (biroz qaynagach, uchdan biri buglanib ketgan uzum suvini) ichsa bo'ladi, deb xisoblaganlar. Barro va Abu Juhayfa qaynab yarmi buglanib ketgan uzum suvini ichishgan. Ibn Abbos «Uzum (meva) suvini muzdakligida ichgil!»—deydilar. Hazrat Umar «Men gaplashayotib Ubaydullohdan sharob hidi kelayotganini sezdim. Agar mast bo'lib qolganida darra urgan bo'lur erdim!» —deydilar.

Abu al-Juvayriyya rivoyat qiladilar: «Men Ibn Abbosdan boziq (qaynatilgan uzum suvi) haqida so'radim. Ul kishi «Janob Rasululloh boziq haqida o'z hukmlarini aytib ketganlar, nimaiki mast qilsa, u haromdur!» — dedilar». Shunda Abu al-Juvayriyya «Uzum suvi halol va pokizadur!» — debdilar. Ibn Abbos: Halol bo'lgandan keyin, «pokiza» deyish ortiqcha, zero harom — o'z-o'zidan ma'lumki, nopokdur!»—deb aytibdilar.

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam halvo birlan asalni yaxshi ko'rur erdilar».

10-bob. Agar mast qiladiringan bo'lsa, xom xurmolarini pishgan xurmolarga yoki (mevalardan tayyorlangan) ikki xil nonxurushni bir-biriga qo'shmaslik lozim, deb hisoblagan kishi xususida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men Abu Talha, Abu Dajjona va Suhayl ibn al-Bayzoga xom va pishgan xurmolar omuxtasidan quyib berayotgan erdim. Shu asnoda xamr (mast qilguvchi ichimlik) harom qilinganligi haqida xabar kelib qoldi. Shunda men ularning eng kichigi bo'lishimga qaramay, uni uloqtirib yubordim. Biz o'sha vaqtlarda xom va pishgan xurmolar omuxtasini «xamr» deb hisoblar erdik».

Jobir raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam mayizdan hamda quritilgan, xom va yangi uzilgan xurmoldan (sharob tayyorlamoqdan) qaytardilar».

Abdulloh ibn Abu Qatoda otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam quritilgan xurmo birlan endigina rang kirgan xurmoni hamda quritilgan xurmo birlan mayizni bir-biriga qo'shmoqdan qaytarganlar. Bularning har biridan alohida sharbat tayyorlanadi».

11-bob. Sut ichmoq haqida

Olloh taoloning qavli: «(Oshqozon) axlati va qon ichidan ichuvchilar uchun musaffo xushta'm sut (hosil qilgaymiz)»

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Isro' kechasi Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bir qadah sut va bir qadah xamr (mast qilguvchi ichimlik) keltirildi».

Ummulfaiz rivoyat qiladilar: «Odamlar Janob Rasulullohning arafa kuni ro'za tutgan yoki tutmaganlaridan shubha qilishdi. Shunda men ul zotga bir idishda sut yubordim, ichdilar».

Jobir ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Abu Humayd Naqi' degan yerdan Janob Rasulullohga bir qadah (idish) sut keltirdi. Shunda Janob Rasululloh unga: «Bir cho'p birlan bo'lsa ham, ustini yopib olib kelmadingmi?!» — dedilar».

Barro raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam Abu Bakr birlan birga Makkadan keldilar. Abu Bakr bunday deydilar: «Biz (kelayotib) bir podachining yonidan o'tib qoldik, Janob Rasululloh chanqab qolgan erdilar. Men bir idishga sut sog'ib qonib ichdim. Shu payt Suroqa ibn Ja'sam oldimizga ot minib kelib qoldi. Janob Rasululloh (otni kechikib olib kelgani uchun) uni duoi bad qildilar. Shunda Suroqa: «Meni duoi bad qilmangiz, qarg'ishingizni qaytarib olingiz!» — deb Janob Rasulullohga yolvorib erdi, ul zot shunday qildilar».

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam: «Eng yaxshi sadaqa — sersut sog'in tuya bo'lib, u atoi xudodur, sersut qo'y ham atoi xudodur, u yoqqa borsang ham, bu yoqqa borsang ham, (sut to'la) idishing o'zing birlan!» — dedilar».

Ibn Abbos raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam sut ichgach, (suv birlan) og'izlarini chayqab tashladilar-da: «Sutda yog' bor»,— dedilar (ya'ni, tahoratli kishi tarkibida yog' bor biror ichimlik yoki taom iste'mol qilgach, og'zini suv birlan chayqab tashlab, so'ng namoz o'qishi lozim)».

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Men (osmondagi) Sidrat al-Muntaho degan joyga ko'tarildim, qaragam ul yerda to'rt daryo mavjud erkan. Ikkitasi — ko'zga zohir va ikkitasi — ko'zdan pinhon. Ko'zga zohiri — Nil birlan Furot bo'lib, ko'zdan pinhoni (Salsabil va Kavsar) jannatda erkan. Ul yerdan menga uchta qadah keltirildi, birida sut, birida asal va yana birida xamr (mast qilguvchi ichimlik). Men sut quyilgan qadahni olib, sutni ichdim. Shunda menga: «Sen va sening ummating islom va hidoyat ramzi bo'lmish qadahni topdingiz!» — deyildi».

Hishom, Sa'id va Hamom Qatodadan, ul kishi ersalar Anas ibn Molikdan, ul kishi ersalar Molik ibn Sa'sa'adan naql qilgan rivoyatda: «Uchta qadah» xususida eslatib o'tilmagan.

12-bob. Chuchuk (totli) suv ichib lazzatlanmoq haqida

Anas ibn Molik rivoyat qiladilar: «Abu Talha Madina ansorlari ichida eng xurmozori ko'p kishi erdi. U xurmozorlaridan ko'proq «Bayruhoni» yaxshi ko'rar erdi. «Bayruho» masjid

qarshisida bo'lib, Janob Rasululloh kirib ul yerdagi chuchuk (totli) suvdan ichib turar erdilar. Oллоh taoloning «Uzingiz yaxshi ko'rgan narsalardan nafaqa (ehson) qilmaguningizga qadar taqvoga erishmaysizlar!» degan oyati karimasi nozil bo'lganda Abu Talha o'rnidan turib: «Yo Rasulalloh! Oллоh taolo: «Uzingiz yaxshi ko'rgan narsalardan nafaqa qilmaguningizga qadar taqvoga erishmaysizlar!»—deydi. Mening eng yaxshi ko'rgan molim ersa «Bayruho»dur, o'sha molim Oллоh taolo yo'lida sadaqa bo'la qolsin! Men uning tag-tugi birlan Oллоh taolo yo'lida sadaqa bo'lmog'ini istayman. Yo Rasulalloh, uni Oллоh taolo o'zingizga amr qilgan joyga sarf qilingiz!» — dedi. Janob Rasululloh: «Bayruho ajoyib (bozori chaqqon) mulkdur. Men sening ne deganingni eshitdim. yaxshisi uni qarindosh-laringga ehson qila qolgil!»—dedilar. Abu Talha: «Shunday qilgum, yo Rasulalloh!» — dedi-da, uni o'z tug'ishganlari birlan amakisining farzandlariga bo'lib berdi».

13-bob Sutga suv qo'shmoq haqida

Zuhriy rivoyat qiladilarki, Anas ibn Molik raziyallohu anhu Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning sut ichganlarini ko'ribdilar. Ushanda Janob Rasululloh uning uyiga borgan erkanlar. Uyidagilar bir sovligni sog'ib sutga quduq suvidan qo'shishibdi-da Janob Rasulullohga uzatishibdi, ul zot qadahni olib ichibdilar. Shunda chap yonlarida Abu Bakr as-Siddiq, o'ng yonlarida ersa bir badaviy turgan erkan, sutning qolganini o'sha badaviyga beribdilar. So'ng: «(Avval) o'ng(dagi), so'ng yana o'ng (dagi odamga uzatish lozim)!» — debdilar.

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir sahobalari birlan birga bir kishining uyiga kirdilar-da, unga «Agar bu kecha meshda saqlagan (tindirilgan) suving bo'lganida erdi! Bulmasa hovuzdan ham ichib ketavera-miz»,— dedilar. Shunda xonadon egasi bog'ini sug'orib turgan erdi, Janob Rasulullohga: «Yo Rasulalloh, menda tindirilgan suv bor chorpoyaga chiqaveringiz!»— dedi. So'ng, o'zi ham ular birlan chorpoyaga chiqib, (meshdan) qadahda suv oldi-da, unga sut qushdi. Janob Rasululloh uni olib ichdilar, keyin ul zot birlan birga kelgan kishi ham ichdi»

14-bob Shirinlik (halvo) va asal yeyish haqida

Zuhriy bunday deydi: «Inson peshobini ichish qat'iyman man' qilinadi chunki u nopokdur! Oллоh taolo «Sizlar uchun pokiza ne'matlar halol qilindi»,— deydi»

Ibn Mas'ud ichkilikbozlik xususida bunday deydi: «Oллоh taolo o'zingizga harom qilingan narsalarni iste'mol qilishingiz oqibatida sodir bo'ladirgan dardlardan sizlarni xalos qiladigan davoni yaratmadi»

Oisha raziyallohu anho rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam halvo birlan asalni yoqtirar erdilar».

15-bob. Tik turgan holda (suv) ichmoq haqida

Nizol ibn Maysara rivoyat qiladilar: «Hazrat Ali raziyallohu anhu masjid maydoni eshigi oldiga keldilar, tik turgan hollarida (suv) ichdilar. So'ng, odamlarga Ba'zi kishilar tik turib (suv) ichmoqlikni rad qilurlar, vaholanki men Janob Rasulullohning hozir ne

qilganimni koʻrgan bulsangiz, shunday qilganlarini koʻrganman»,— dedilar».

Abdulmalik ibn Maysara rivoyat qiladilar: «Hazrat Ali raziyallohu anhu peshin oʻqib, soʻng odamlar ishini hal qilmoq uchun Kufa maydonida asrga qadar qolib ketdilar. Keyin, ul kishiga suv keltirishib erdi, ichdilar yuz-qoʻllarini yuvdilar va boshlari birlan ikki oyoqlarini esladilar (yaʼni, boshlari birlan oyoqlariga mash tortishni unutmagan erdilar, keyin ularga mash tortdilar) Soʻng, oʻrinlaridan turib tik turgan hollarida ortib qolgan suvni ichdilar. Keyin odamlarga «Ayrim odamlar tik turgan holda suv ichmoqlikni rad qilurlar, vaholanki Janob Rasululloh men qilgandek qilganlar»,— dedilar»

Ibn Abbos rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam tik turgan holda Zamzam suvidan ichdilar».

16-bob Tuyasini minib (Arafotda vuquf qilib) turgan holda sut ichgan kishi haqida

Ibn Abbosning mavlolari Umayr rivoyat qiladilar: «Ummulfazl Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga, ul zot kechqurun (tuyalariga minib) Arafotda (vuquf qilib) turganlarida, bir qadah sut yubordilar. Shunda Janob Rasululloh uni qoʻllariga olib ichdilar».

Abunnazr raziyallohu anhu «tuyalariga minib» deb qoʻshimcha qiladilar

17-bob. Ichishning (avval) oʻngdagi, soʻng (yana) oʻngdagi (odamdan) boshlanmogʻi haqida

Anas ibn Molik raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga suv qoʻshilgan sut keltirildi, shunda ul zotning oʻng yonlarida bir badaviy va chap yonlarida Abu Bakr as-Siddiq turgan erdilar. Janob Rasululloh sutni ichib, soʻng (qolganini) badaviyga uzatdilar-da «(Avval) oʻngdagi soʻng (yana) oʻngdagi (kishiga uzatmoq lozim)!» —dedilar»

18-bob. Kishi biror ichimlikni uzatishda oʻzining oʻng tomonidagi odamdan: «Avval sendan kattaroqlarga uzaqam, maylimi?» — deb izn soʻraydimi?

ibn Saʼd raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga meva sharbati keltirishib erdi, undan ichdilar. Shunda ul zotning oʻng tomonlarida bir yigit va chap tomonlarida keksalar oʻltirishgan erdi. Janob Rasululloh yigitdan «Avval anavi keksalarga uzaqam, ruxsat berursanmi?» —deb soʻradilar. Yigit: «Ollah taolo haqi, yo Rasulalloh, sizdan tegadirgan nasibamdan voz kechmagayman!»— dedi. Shunda Janob Rasululloh uning qoʻlini chimchilab qoʻydilar?

19-bob. Hovuzdan suv ichmoq haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bir sahobalari birlan birga bir kishining hovlisiga kirdilar-da, unga salom berdilar, saxobalari ham salom berdi. Xonadon sohibi alik olgach: «Yo Rasulalloh, ota-onam sizga fido boʻlsinlar, shunday jazirama vaqtda nima qilib yuribsiz?!»—dedi. Shunda u bogʻini sugʻorib turgan erdi. Janob Rasululloh: «Agar meshda tindirib qoʻyilgan suving boʻlganida erdi! Boʻlmasa hovuzdan ham nchib ketaveramiz!» — dedilar. Bogʻini hanuz

sugʻorishda davom etib turgan xonadon sohibi: «Yo Rasulalloh, menda meshda tindirib qoʻyilgan suv bor»,— dedi-da, chorpoyaga (supaga) chikdi, soʻng bir qadahda suv olib, unga sut qoʻshdi. Janob Rasululloh (undan) ichdilar, keiin qaytarib berib erdilar, (qolganini) oʻzlari birlan birga kelgan kishi ichdi»

20-bob Kichiklarning kattalarga xizmat qilmogʻi haqida

Anas raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Men yoshim kichik boʻlsa-da, mahallada amakilarimga sharob quyib berib turgan erdim. Bir mahal, mast qilguvchi ichimlikning harom qilinganligi haqida maʼlum qilib qolishdi. Odamlar «Uni toʻkib tashlangizlar!» — deyishdi. Biz uni toʻkib tashladik» Muʼtamirning otalari bunday deydilar: «Men Anasga ; «Ular qanday ichimlik ichishayotgan erdi?» - - deb aytdim, Anas «Yangi uziltan va xom xurmoldan tayyorlangan ichimlik erdi» — dedi». Anasning oʻgʻli Abu Bakr «Ushanda Anas ularning xamri (mast qilguvchi ichimligi) boʻlganini inkor qilmadilar», -deydilar

21-bob. Idish ustini yopib qoʻymoq haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar. «Tun qorongʻusi tushishi birlanoq bolalaringizni uyda mahkam ushlab oʻltiringizlar chunki bu vaqtda shaytonlar chor atrofga tarqaladir. Tun qorongʻusi tushgan-dan bir soat oʻtgach ersa, bolalaringizni uy ichida qoldiringizlar-da, tashqariga chiqib «Bismillohir rahmonir rahiyim» deb eshiklarni yopib kelingizlar, shunda shayton yopiq eshikni ocholmaydi. Keyin, «Bismillohir rahmonir rahiyim» deb meshlaringizning ogʻzini bogʻlab qoʻyingizlar, soʻng yana «Bismillohir rahmonir rahiyim» deb idishlaringizning ustiga biror narsa yopib qoʻyingizlar, keyin chiroqlaringizni oʻchirib yotingizlar!»

Ato Jobir raziyallohu anhudan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday dedilar: «Tunda chiroqlarni oʻchirib, eshiklarni tambalab, meshlarning ogʻzini bogʻlab hamda ovqatu ichimliklar ustini bir choʻp birlan boʻlsa ham yopib, soʻng uyquga yotingizlar!».

22-bob Meshlarning ogʻzini buzib ulardan suv ichmoq haqida

Abu Saʼid al-Xudriy raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meshlarning ogʻzini buzib ulardan suv ichmoqdan qaytardilar»

Ubaydulloh ibn Abdulloh Abu Saʼid al-Xudriyning bunday deb rivoyat kilganlarini eshitgan erkanlar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam meshlarning ogʻzini buzmoqdan qaytardilar».

Muʼammar yoki boshqa bir roviy. «Meshlarning ogʻzini buzmoq, yaʼni bevosita ularning ogʻzidan suv ichmoq demakdur»,— deydilar.

23-bob. Meshning ogʻzidan suv ichmoq haqida

Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Garchi kishi qoʻshnisining oʻz hovlisida hatto qoziq qoqmogʻiga moneʼlik qiladigan darajadagi odam boʻlsa-da, mesh ogʻzidan suv ichmasin!» — dedilar»

Bu yerda yuqoridagi hadis qisqacha takrorlangan

24-bob. Idish ichiga nafasni kiritmoq haqida

Abu Qatoda otalaridan naql qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bunday deb aytdilar:

«Birortangiz (suv yoki boshqa biror ichimlik) ichsangiz, idish ichiga nafasingizni chiqarmangiz va agar birortangiz peshob qilsangiz o'ng qo'lingiz bilan olatingizni poklamangiz va agar birortangiz (ketingizni) artadirgan bo'lsangiz, o'ng qo'lingiz bilan artmangiz!»

25-bob Idish og'zidan ikki yoki uch bor suv ichib, har gal nafasni tashqariga chiqarmoq haqida

Sumoma ibn Abdulloh rivoyat qiladilar: «Anas idish og'zidan ikki yoki uch bor suv ichib, har gal nafaslarini idish tashqarisiga chiqardilar-da, «Rasululloh idish og'zidan uch bor suv ichib, har gal nafaslarini tashqariga chiqargan erdilar»— deb ta'kidladilar».

26-bob. Oltin idishda ichmoq haqida

Ibn Abu Laylo rivoyat qiladilar: «Huzayfa Madoin shahrida erdilar, chanqab qolib suv so'radilar. Shunda qishloq oqsoqoli ul kishiga bir kumush qadahda suv uzatib erdi, uni olib otib yubordilar-da :«Men kumush qadahni undan foydalanmoqdan qaytarish maqsadidagina otib yubordim, u bo'lsa buni anglamadi. Darhaqiqat, Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizni harir va deboj kiymoqdan, oltin va kumush idishda ichmoqdan qaytarib, « Harir va deboj kiyimlar, oltin va kumush idishlar bu dunyoda ular (ya'ni, oxirati yo'qlar) uchun bo'lib, oxiratda ersa sizlar uchundur!»—deb aytganlar»,— dedilar»

27-bob. Kumush idish haqida

Mujohid ibn Abu Laylodan naql qiladilar: «Biz Huzayfa bilan birga yo'lga chiqdik. Shunda Huzayfa Janob Rasululloh haqlarida eslab aytdilarki, ul zot «Oltin va kumush idishlarda ichmangizlar, harir va deboj kiyim kiyimangizlar, chunki bunday narsalar bu dunyoda ular (ya'ni, oxirati yo'qlar) uchun bo'lib, oxiratda ersa sizlar uchundur!» — degan erkanlar»

Janob Rasulullohniig jufti halollari bo'lmish Ummu Salama rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam «Kumush idishda (suv, ovqat va boshqalar) ichadirgan odamning qornida haqiqatan ham jahannam o'ti gurkiraydi!» — dedilar».

Barro ibn Ozib rivoyat qiladilar: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallam bizga yetti narsani (qilmoqni) buyurib, yetti narsani (qilmoqni) man' qildilar, kasalni borib ko'rmoqni, janozaga bormoqni (ergashmoqni), aksa urgan kishi «Alhamdu lilloh!» desa, unga «Iarhamukalloh va yashfiyk!» deb javob qaytarmoqni, taklifga ijobat qilmoqni salomga alik olmoqni, mazlumga yordam qilmoqni va qasamga vafo qilmoqni amr qildilar hamda tilla uzuk taqmoqni, kumush idishda ichmoqni (yoki kumush idish tutmoqni), miysara, qassiy, harir, deboj va istabraq (kiyimlar) kiymoqni man' qildilar».

28-bob. Qadahlarda (suv, sut va boshqalar) ichmoq xususida

Ummu Salama rivoyat qiladilar: «Odamlar Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning arafa kuni roʻzador yoki roʻzador ermasliklari haqida shubhalanishdi. Shunda men ul zotga bir qadah sut yuborib erdim, ichdilar»

29-bob. Janob Rasulullohning qadah va idishlaridan ichmoq haqida

Abu Burda rivoyat qiladilar: «Abdulloh ibn Salom menga: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning muborak lablari tekkan idishda senga biror ichimlik quyib berayinmi?» — dedi».

Abu Hozim rivoyat qiladilar: «Sahl ibn Saʼd raziyallohu anhu bunday deb aytgan erdi: «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga bir arab ayoli haqida soʻzlashdi. Shunda ul zot Abu Usayd as-Soʻdiyga oʻshal ayolga odam yubormoqni buyurdilar, u odam yubordi. Keyin, ayol Banu Soʻida bogʻiga kelib tushdi. Janob Rasululloh u tomon yoʻlga chiqib yetib bordilar-da huzuriga kirdilar, ayol boshini quyi solib oʻltirar erdi. Janob Rasululloh ayolga gapirgan erdilar, u «Olloh taolo meni sendan qutqarsin!» — dedi. Janob Rasululloh «Seni oʻzimdan qutqarib boʻlganman!»—dedilar. Sahobalar unga «Sen bul zotning kim erkanliklarini bilurmisan?»—deyishdi. Ayol: «Yoʻq»,— dedi. Sahobalar: «Bul zot Rasululloh sallallohu alayhi va sallamdurlar, seni oʻzlariga xotinlikka soʻragani kelganlar»,— deyishdi. Ayol «Men shundan iztirobdaman!»— dedi. Janob Rasululloh oʻshal zamonuq uydan qaytib chiqdilar-da, Banu Soʻida ayvoniga borib oʻltirdilar, sahobalar ham borib oʻltirishdi. Keyin, ul zot menga «Ey Sahl, bizning tashnaligimizni qondirgil!»—dedilar. Men bir qadah olib chiqib, ularning barchasiga suv quyib berdim»

«Sahl bizga oʻshal qadahni olib chiqib berdi,— deydilar Abu Hozim — biz unda qonib (suv yoki boshqa biror ichimlik) ichdik. Keyin uni Umar ibn Abdulaziz oʻzlariga sovgʻa qilmoqni soʻradilar, Sahl sovgʻa qildi»

Osim al-Ahval rivoyat qiladilar: «Men Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning qadahlarini Anas ibn Molikning uylarida koʻrdim, u darz ketgan boʻlib, darzi kumush zanjir birlan bogʻlab qoʻyilgan erdi (Afsus) u sof yogʻochdan qilingan kattagina bir yaxshi qadah erdi. Anas Men bu qadahda Rasululloh sallallohu alayhi va sallamga falon va falon martadan ortiq suv ichirganman» — deb aytgan erdi».

Ibn Sirin bunday deydilar: «Uning (qadahning) temir halqasi boʻlib, Anas uning oʻrniga oltin yoki kumush halqa oʻrnatmoqchi boʻldilar. Shunda Abu Talha ul kishiga «Rasululloh sallallohu alayhi va sallamning oʻrnatib qoʻygan narsalarini oʻzgartirmagil!» — deb erdilar, temir halqani oʻz joyida qoldirdilar».

30-bob Tabarruk qilib berilgan suvni ichmoq va tabarruk suv haqida

Jobir ibn Abdulloh raziyallohu anhu Solim ibn Abu al-Jaʼdga bunday deb aytgan erkanlar: «Sen oʻshanda meni Rasululloh sallallohu alayhi va sallam birlan koʻrgan erding. Asr vaqti boʻlib qolib, mesh tagida qolgan suvdan boʻlak suvimiz yoʻq erdi. Shunda biz meshning ogʻzini pastga qilib toʻnkargan erdik. Janob Rasululloh kelib qoʻllarini meshning ogʻziga tiqdilar-da panjalarini yozdilar. Soʻng «Ey tahorat olguvchilar Olloh taolodan baraka tilangan suvga oshiqingizlar!»—deb nido qildilar. Shunda men meshdagi suvning

ul zotning barmoqlari orasidan otilib chiqayotganini ko`rdim. Odamlar o`sha suvdan tahorat olishdi, ichishdi. Qani endi qornimdagi suvning menga naqadar huzur baxsh etganligini bilsangiz erdi! Men uning ichishim birlanoq haqiqatan ham tabarruk erkanligini sezdim!» Men Jobirga «Ushanda qancha kishi erdingizlar?» — dedim. Jobir «Bir ming to`rt yuz kishi» — dedi».

Online o`qish: <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=836.0>

Internet uchun Laylo va Doniyor tayyorlagan.

www.ziyouz.com

2007

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ

АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ

(Ишонарли тўплам)

4-жилд

Арабчадан АБДУЛҒАНИ АБДУЛЛОҲ таржимаси
Профессор НЕЪМАТУЛЛОҲ ИБРОҲИМ ва шоир МИРЗО КЕНЖАБЕК таҳрири остида
Муҳаррир ХОЖА БАХТИЁР НАБИХОН ЎҒЛИ

ҚОМУСЛАР БОШ ТАҲРИРИЯТИ

1992 йил

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

БЕМОРЛАР ВА ТИБ ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Беморлик каффорати ва Оллоҳ таолонинг «Кимнинг қилмиши ёмон эрса, жазо тортғусидир!» деган каломи шарифи хусусида

Ҳазрат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари Оиша онамиз разияллоҳу анҳо бундай деган эрканлар: «Мусулмон кишига етадирган ҳар бир мусибат, ҳаттоки баданининг бирор ерига кирган тикан ҳам, унинг гуноҳига каффорат бўлғусидир!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан бундай деб нақл қиладилар: «Мусулмон кишига етадирган ҳар бир машаққат — Дард, ташвиш, қайғу, азият ёхуд ночорлик ва ҳаттоки (баданига) кирган тикан ҳам, Оллоҳ таоло даргоҳида унинг гуноҳларига каффорат бўлғусидир!»

Абдуллоҳ ибн Каъбнинг оталаридан нақл қилишларига кўра, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эрканлар: «Мўмин одам шамолда гоҳ эгилиб, гоҳ қаддини тиклаб олғувчи сабза гиёҳ монанддир, мунофиқ эрса, мўртлиги сабабидан бир қаттиқ шамолдаёқ синиб кетгувчи арз (кедр) ёғочига ўхшайдир!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ривоят қилишларича, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дебдилар: «Мўмин одам бало-қазоларга тоқат этмоқликда сабза гиёҳ монанддир. Чунким, мўмин ҳар тарафдин шамол эсганда эгилиб, сўнг яна қаддини тиклаб олғувчи сабза гиёҳ янглиғ бало-қазоларга чидаб, енгилмағайдир. Фожир (осий) одам эрса, мўрт арз оғочи кабидир, Оллоҳ таоло уни, истаса, бирданига синдира олур!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ривоят қилишларича, Ҳазрат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эрканлар: «Оллоҳ таоло қайси бандасига яхшилиқни раво кўрса, ўшанга бирор мусибатни юборгайдир».

2-боб. Оғир касаллик ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо бундай деб айтганлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдек қаттиқ дардга чалинган одамни кўрмаганман».

Абдуллоҳ ибн Аббос бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳни бетоб бўлиб қолганларида кўргани бордим. Ул зот жуда оғир дардга чалинган эрдилар. Шунда мен: «Сиз жуда оғир дардга чалинмишсиз, чунки, Оллоҳ таоло сизга (бунинг учун) икки баробар кўп савоб ато этғусидир» — деб эдим. «Жаноб Расулulloҳ менга жавобан: «Қайси бир мусулмоннинг бошига мусибат тушғайдир, унинг гуноҳлари дарахт япроқлари янглиғ дув тўкилғусидир», — дедилар.

3-боб. Ўзгалардан кўра кўпроқ жабр тортғувчилар — пайғамбарлар эканлиги ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Аббос) ривоят қиладилар «Ҳазрат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдим, оғир бетоб бўлиб ётган эдилар. Шунда менга: «Тўғри, мен бетоб бўлсам, жуда оғир бетоб бўлғумдир, сизлардан икки кишига етгулик дард бир ўзимга юборилғусидир», — дедилар. Мен: «Чунки, сизга (бунинг эвазига) икки баробар кўп савоб ҳам берилғусидир», — деб айтдим.

4-боб. Беморнинг ҳолини сўраш хусусида

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Очларни тўйғизингиз, беморлар ҳолини сўрангиз ва асоратга тушиб қолганларни озод айлангиз!» — деб айтганлар.

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга етти нарсага одат қилиб, етти нарсадан ҳазар қилмакни буюрдилар. «Қуйидагиларни одат қилингиз!» — дедилар:

1. Жанозага қатнашмоқни
 2. Касални бориб кўрмоқни
 3. Чақирилган жойга бормоқни
 4. Мазлумга ёрдам бермоқни
 5. Қасам ичса, қасамида турмоқни
 6. Саломга алик олмоқни
 7. Акса урган киши «Алҳамду лиллоҳ» деса, унга «Йарҳамукаллоҳ» демоқни.
- «Қуйидагилардан ҳазар қилингиз!» — дедилар:

1. Кумуш идиш тутмоқдан
2. Тилла узук тақмоқдан
3. Ипакли кийим киймоқдан (эркаклар назарда тутилган)
4. Дебож (гулдор ипакли кийим) киймоқдан
5. Қасий (дағал матодан тикилган кийим) киймоқдан
6. Истабрак (атласга ўхшаган мато) киймоқдан
7. (бу ривоятда 7-нчиси тушириб қолдирилган)».

5-боб. Беҳуш (ҳушидан кетган) беморлар ҳолидан хабар олмоқ ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен касал бўлиб ётган эрдим, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр Сиддик бирлан бирга ҳолимдан хабар олгали кириб келдилар. Менинг ҳушимдан кетаётганимни кўриб, таҳорат олдиларда,

тахорат сувини устимга сочдилар. Мен ҳушимга келгач, қарасам тепамда Жаноб Расулуллоҳ турибдилар. Шунда мен ул зотдин: «Мол-дунёмни не қилғаймен?» — деб сўрадим. Расулуллоҳ жавоб бермадилар. Бу масаланинг (яъни, мерос қолдириш масаласининг) ҳукмини мерос ҳақидаги оят нозил бўлгач, билдик».

6-боб. Қорнига ел тўпланганда ҳушидан кетган бемор ҳақида

Ато ибн Абу Рабоҳ ривоят қиладилар: «Ибн Аббос: «Сенга бир жаннати аёлни кўрсатайми?» — деди. Мен: «Ҳа», — дедим. Ибн Аббос: «Мана шу қора танли аёл», — деди. Ўша хотин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб: «Мен гоҳо ҳушимдан кетиб, гоҳо ўзимга келиб турғаймен. Оллоҳ таолога илтижо айлаб, мени дуо қилингиз, дардимга шифо берсин!», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Истасанг, сабру тоқат қилғил, жаннатга кирурсен, истасанг, дуо айлай, Оллоҳ таоло сенга шифо ато этғай», — деб жавоб қилдилар. Аёл: «Яхшиси, сабр қилғоним афзал дурур, дуо айлангиз, дардимдан фориг бўлмайин!» — деб айтди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилдилар.

Ато ибн Абу Рабоҳ Ибн Язидга бундай деган эрканлар: «Мен Умму Зуфарни кўрганман, у новча, қора танли аёл бўлиб, ўшанда Каъбанинг деборига суяниб турган эрди».

7-боб. Икки кўзи ожиз кишининг фазилати ҳақида

Анас ибн Молик Жаноб Расулуллоҳнинг бундай деганларини эшитган эрканлар: «Оллоҳ таоло: «Агар мен бандамнинг икки маҳбубасидан маҳрум этсаму, у бунга сабру тоқат айласа, бунинг бадалига унга жаннатдин жой ато этғайман!» — дейди. Икки маҳбубадин мақсад — икки кўз демакдир».

8-боб. Эркак беморларни аёлларнинг бориб кўрмоқлари хусусида

Умму Дардоъ масжид аҳлидан бўлмиш бир ансорий эркакни беморлигида ҳолин сўраб кўргали бориб эрдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Абу Бакр билан Билол иситмалаб қолишди. Мен уларнинг ҳузурига кириб: «Эй вадари бузруквор (яъни, оталари Абу Бакрга қарата айтяптилар)! Аҳволингиз нечукдир? Эй Билол! Ўзингизни нечук ҳис этмакдасиз?» — деб сўрадим. Абу Бакр иситма зўриққанда: «Уйимда бўлсайдим жон чиқар маҳал, Пойабзал инидан яқиндир ажал», — дер эрдилар. Билол эрса, иситма бир оз васайганда, йиғлаб:

«Тақдирим не эрур, билмасман э воҳ!

Бошимга ажалдин келурму сипоҳ?

Бир кеча бўлса ҳам, она водийим,

Қўйнида ётсайдим, меҳрибон Оллоҳ!

Қониб ичсам эрдим, шаффоф сувларин,

Қанийди, ташласам, унга бир нигоҳ!» —

дер эрдилар. Мен бу ҳақда Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб айтиб эрдим, ул киши: «Ё Оллоҳ! Бизга Мадинани Макка сингари, ёкимли, ундан ҳам ортиқроқ маҳбуб этғил! Ё Оллоҳ! Унинг тошу тарозисига барака ато этғил, уни (аҳлини) ҳамиша бардам соғлом қил, мана буларнинг безгагини эрса, Жухфага кўчирғил!» — дедилар (Жухфа Мисрда бўлиб, аҳолиси мушрик эди).

9-боб. Гўдак беморларнинг ҳолидан хабар олмоқ ҳақида

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Расулуллоҳнинг қизлари Зайнаб: «Ўғлим жон таслим қилай деяпти, ота, тезроқ келингиз!» — деб Расулуллоҳга одам юбордилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрса, бунга жавобан салом айтиб: «Фарзанд берадирган ҳам Оллоҳ, уни қайтиб оладирган ҳам Оллоҳ. Оллоҳнинг даргоҳида уларнинг умри аниқ белгилаб қўйилгандир. Ўзига Оллоҳдан сабру қаноат тилаб, унинг иродасига бўйинсунсин!» — деб айтиб юбордилар. Қизлари: «Отам албатта келсинлар!» — деб яна одам юбордилар. Бу гапни эшитиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан турдилар, ул киши бирлан бирга Саъд ибн Убода, Маоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бир қанча кишилар ҳам туриб, йўлга тушдилар. Етиб боришгач, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга болани узатишди, бола ғарғара (жон бериш вақтидаги ҳолатда) эрди. Назаримда, бола суви йўқ мёшдек қуригану, жон танасидан чиқиб кетайин, деб тургандек эрди. Буни кўриб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак икки кўзларидан дувуллаб ёш оқди. Шунда Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бу нимаси?!» — деди. «Бу кўз ёши — Оллоҳ таолонинг бандалари қалбига солган раҳматидир! Оллоҳ таоло раҳмдил бандаларига раҳм қилғайдир (яъни, бу дод-вой солиб йиғлагандаги кўз ёши эрмасдир)», — дедилар».

10-боб. Бадавийлар (кўчманчи араблар)нинг эътиқодлари ҳақида

Ибн Аббосдан нақл қилинишича, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир бадавий беморни кўргани кириб: «Ҳечқиси йўқ! Иншооллоҳ, бу дард — (гуноҳларни) ювувчи бир воситадир», — деб айтибдилар. Шунда бемор бадавий: «Сен дардни — (гуноҳларни) ювувчи восита, деб айтдинг. Йўқ, ундай эмас, бу — иситма, безгақдир, у мендек бир кекса одамни қабр ёқасига етаклаб турибди-ку, ахир!» - дебди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бўлмаса, шундоқ», - деб жавоб қилибдилар (яъни, гап уқдириб бўлмаслигини сёзиб, шундай деганлар).

11-боб. Мушрик беморни бориб кўрмоқ хусусида

Анас ибн Моликдан нақл қиладилар: «Бир яҳудий Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга хизмат қилиб юрар эрди. Бир куни ул бетоб бўлиб қолганида Жаноб Расулуллоҳ кўргани бордилар ва уни исломга даъват қилдилар, ул исломга кирди».

12-боб. Беморни бориб кўргач, унинг имомлигида жамоат бўлиб намоз ўқилгани ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо бундай деганлар: «Жаноб Расулуллоҳ бетоб бўлиб қолганларида одамлар (яъни, саҳобалар) кўргани кирдилар. Шунда, Расулуллоҳ ўтирган ҳолларида уларга имомлик қилиб намоз ўқидилар, улар эса тик турган ҳолларида ўқишди. Жаноб Расулуллоҳ уларга ўтиринглар, деб ишора қилдилар. Намоз тугагач: «Имом иқтидо қилмоқ учун имом қилингандир, агар ул рукуъ қилса, сиз ҳам рукуъ қилингиз, рукуъдан бошини кўтарса, сиз ҳам кўтарингиз, башарти ўтириб ўқиса, сизлар ҳам ўтириб ўқингиз!» — дедилар.

Имом Бухорий бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Имом ўтириб ўқиса, ўтириб ўқингиз!» деган сўзларини бундан илгариги бетоблик пайтларида айтганлар, сўнги касал бўлганларида эрса, Жаноб Расулуллоҳ ўтириб намоз ўқиганлар. Одамлар тик туриб ўқишган, уларга ўтирмоқни буюрмаганлар. Охиргиси ҳисобга олинғайдир, зеро охиргиси Жаноб Расулуллоҳнинг табиатларига мосдир».

13-боб. Беморнинг пешонасига қўлни қўймоқ ҳақида

Оиша бинти Саъд ривоят қиладилар: «Отам (Саъд ибн Абу Ваққос) Маккада қаттиқ касал бўлиб қолганларида Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўргани келдилар. Отам шунда: «Ё Набийаллоҳ, мен ўлсам, бир қадар мол-дунё қолғайдир, аммо менинг бир қизимдан бошқа мерос оладирган одамим йўқ, молимнинг 3 қисмини эҳсон қилайинми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ», — дедилар. Отам: «Ярмини садақа қилайинми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ», — дедиларда, сўнг: «3 қисми ҳам анча кўп нарсадир», — деб муборак қўлларини отамнинг пешоналарига қўйдилар, кейин қўллари бирлан менинг юзим ва қорнимни силаб туриб: «Э парвардигоро, Саъдга шифо ато этгайсен, саҳобаларимнинг ҳижратини эрса, бехатар қилгайсен!» — деб қўйдилар. Ўшандан бери жигаримда ул зотнинг муборак қўлларининг тафти бордек туюлади».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдим. Ул зот бетоб эрдилар. Қўлимни (баданларига) теккизиб кўрдимда: «Ё Расулаллоҳ, сиз қаттиқ бетоб бўлиб қолибсиз-ку!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, шундай, мен икки кишига ҳам етадирган дард бирлан касалламдим». — дедилар. Мен: «Чунки, бунинг эвазига сизга икки баробар кўп савоб берилғусидир», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, шундай, мусулмон одам бирор дардга чалинғайдир, унинг гуноҳлари дарахт япроқлари янглиғ дув-дув тўкилғусидир!» — дедилар.

14-боб. Беморга айтиладиган ва бемор айтадиган сўзлар хусусида

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг касаллик вақтларида ҳузурларига кўргани кирдим ва ул зотнинг баданларига қўлимни теккизиб: «Сиз қаттиқ касалсиз, чунки сизга икки баробар кўп савоб берилғусидир» — деб айтдим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, шундай. Мусулмон одам бирор дардга чалинса, унинг гуноҳлари дарахт япроқлари янглиғ дув-дув тўкилғусидир», — деб айтдилар.

15-боб. Уловда ёки пиёда ёҳуд бировни эшакка мингаштириб касал кўргани бормоқ ҳақида

Усома ибн Зайд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эшакларига Усомани мингаштириб Саъд ибн Убодами кўргани бордилар. Бу воқеа Бадр урушидан олдин бўлган эрди. Йўл-йўлакай Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг ҳузурини бўлаётган йиғинга кириб ўтдилар. Бу вақтда у хануз исломга кирмаган эрди. Йиғинда мусулмонлар, мушриклар ҳамда яҳудийлар иштирок этишаётган бўлиб, уларнинг орасида Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳам бор эрди. Абдуллоҳ ибн Убай ҳайвон тўғидан кўтарилаётган чанг-тўзондан ридоси бирла бурнини тўсиб: «Ҳей, чангитмангизлар!» — деди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (эшакларини) тўхтатдиларда, пастга тушдилар, сўнг йиғиндаги номусулмон кишиларни Оллоҳ таоло йўлига даъват этдилар ва Қуръондан бир оят тиловат қилдилар. Абдуллоҳ ибн Салул: «Эй фалончи, сенинг айтганингни қила олмайман, гар ҳақ гапни айтаётган эрсангда, бизнинг мажлисимизга халал берма, йўлингдан қолма, биздан бирортамиз ҳузурингга борса, ана ўшанга ривоят қил!» — деди. Ибн Равоҳа эрса: «Ё Расулаллоҳ, йиғинимизга келаверингиз, биз шуни истагайдирмиз!» — деб айтди. Натижада мусулмонлар, мушриклар ва яҳудийлар ўзаро жанжаллашиб қолдилар. Жаноб Расулulloҳ уларни тинчлантирдиларда, эшакларига миниб Саъд ибн Убодаминг уйига равона бўлдилар. Етиб борганларидан сўнг: «Эй Саъд, сен Абу Ҳубоб (яъни, Абдуллоҳ ибн Убай)нинг айтган сўзини эшитдингми?» — дедилар. Саъд: «Ё

Расулаллоҳ, уни авф этингиз! Оллоҳ таоло сизга (пайғамбарликни) ато этмишдир. Абдуллоҳ ибн Убайни эрса, бу шаҳарнинг аҳолиси ўзига подшоҳ этмоқни ихтиёр айлаб, бошига тож кийдирмоқ ниятида эрди. Сизга Оллоҳ таоло йўллаган ҳақиқат (ҳидоят) туфайли у бундан маҳрум бўлди, шу боисдан ҳам сизга ўзингиз шоҳиди бўлганингизча муомалада бўлди», — деди».

Жобир ибн Абдуллоҳ оталаридан эшитганларини бундай деб ривоят қиладилар: «Мен бетоб бўлиб қолганимда Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўргани келдилар, аммо хачир ёким от миниб келганлари йўқ эрди».

16-боб. Беморнинг «Касалман» ёким «Вой бошим» ёхуд «Дардим зўрайди» деб айтмоғининг жоизлиги ҳақида ва Айюб алайҳиссаломнинг «Менга дард тегди, эй Оллоҳ, сен барча раҳимлилардан раҳимлироқдирсан!» деб айтганлари хусусида

Каъб иби Ужра разияллоҳу анҳу бундай дедилар: «Мен бир куни ўчоққа ўт ёқаётган эрдим, ногаҳон Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнимиздан ўтаётди: «Бошингдаги ҳашаротлар (битлар) сенга азоб беряптими дейман?» — дедилар. Мен: «Ҳа, шундоқ» дедим. Сўнг, Жаноб Расулаллоҳ сартарошни чорлаб, сочимни олдирдиларда, фидя бермоғимни амр қилдилар».

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо: «Вой бошим!» — дедилар. Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар вақти-соатинг тугаб, кўзим очиклигида вафот этсанг, сенинг гуноҳларингни Оллоҳ таолодан тилаб, истиффор айтгумдир, руҳингга дуо айлагумдир», — дедилар. Оиша онамиз: «Вой шўрим, сиз менинг ўлимимни истағайдурмисиз?! Гар мен вафот этгумдир, сиз сўнгги кунларингизни бошқа хотинларингиз бирлан ўтказғайдурмисиз?!» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Бундай дейдирган бўлсанг, унда мен вой бошим, дея қолай! Абу Бакр ва ул кишининг ўғилларига одам юбориб, кишилар ўртасида гап-сўзга сабаб бўлмоғига ҳамда кўпчиликнинг даъвогар эканлигига қарамай, халифаликни шуларга васият қилсаммикан? Чунким, Оллоҳ таоло улардан ўзгасини истамағайдир, ўзгасини мўминлар ҳам рад этғайдирлар», — дедилар».

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб ётганларида ҳузурларига кирдим. Қўлимни баданларига текказдимда, «Ё Расулаллоҳ, сиз қаттиқ бетоб бўлиб қолибсиз-ку!» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Ҳа, шундоқ, мен икки кишига ҳам кифоя қиладирган дардга чалингандирмен», — дедилар. Мен: «Аммо, бунинг эвазига сизга икки баробар кўп савоб ҳам берилғусидир!» — дедим. Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, шундоқ, мусулмон одам бирор дардга мубтало бўлғайдир, унинг гуноҳлари дарахт япроқлари каби дув-дув тўкилғусидир», — дедилар».

Амир ибн Саъд оталаридан эшитганларини ривоят қиладилар. Ул киши бундай деган эрканлар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қаттиқ бетоб бўлиб ётганимда кўргани келдилар. Бу воқеа Ҳажжат ул-Видоъ йилида бўлган эрди. Мен: «Ё Расулаллоҳ, кўриб турибсизки, мен оғир бетобман. Мен бадавлат кишиман, мол-дунё биргина қизимга мерос бўлиб қолғай. Бойлигимнинг 3 қисмини садақа қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Йўқ!» — дедилар. Мен: «Ярмини эҳсон қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Йўқ!» — дедиларда, сўнг: «3 қисми ҳам анча кўп нарсадир, албатта сен болаларингни одамлардан тиланадирган фақир қилиб қолдирганингдан кўра, бойроқ қилиб қолдирганинг яхшироқдир. Агар сен хайру садақа учун молингни сарфлайдирган бўлсанг, албатта бунинг эвазига Оллоҳдан савоб олғайсан, ҳатто хотинингнинг оғзига солиб қўйган луқманг учун ҳам», — деб

қўшиб қўйдилар».

17-боб. Беморнинг «Мени ёлғиз қўйингиз» деб айтганлиги ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фарғара (ўлим олди талвасаси) ҳолатига тушиб қолганларида уйда бир неча киши мавжуд эрди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Қоғоз-қалам келтирингиз, мен сизларга бир китоб (насиҳатнома) қолдирайки, уни ўқиб, зинҳор йўлдан адашмағайсиз!» — дедилар. Ҳазрат Умар: «Жаноб Расулуллоҳни дард енгиб қўйган кўринади, сизларнинг ихтиёрингизда Қуръон бордир, бизга Оллоҳнинг Китоби кифоя қилғайдир», — дедилар. Шунда у ерда мавжуд кишилар орасинда ихтилоф чиқиб, улардан айримлари: «Қоғоз-қалам келтирингиз, Жаноб Расулуллоҳнинг бизга айтмоқни ихтиёр қилғон сўзларини битиб олғаймиз, токи ул зотдин сўнг адашмағайсизлар» — дейишса, баъзилари Ҳазрат Умарнинг сўзларини такрорлашди. Гап-сўз кўпайгач, Жаноб Расулуллоҳ: «Турингизлар, кетингизлар!» — дедилар. Убайдуллоҳ (ибн Абдуллоҳ)нинг айтишларича, Ибн Аббос бундай дер эканлар: «Ўшанда мусибат устига мусибат бўлғон эрди, чунки, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларида бўлганлар ўзларининг беъмани, бекорчи гаплари ва ўзаро тортишувлари билан пайғамбаримизнинг айтмоқни ихтиёр қилган насиҳатларини ёзиб олмоққа монъелик қилган эрдилар».

18-боб. Бемор болани (Жаноб Расулуллоҳ ҳузурларига) дуо қилсинлар деб олиб бормоқ ҳақида

Соиб ибн Язид ривоят қиладилар: «Ҳолам мени Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бориб: «Ё Расулаллоҳ, синглимнинг ўғли касал бўлиб қолди», — дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошимни силадилар ва мени «Барака топғил!» деб дуо қилдилар, кейин таҳорат олдилар. Таҳоратдан тушган сувдан ичдим, кейин Жаноб Расулуллоҳнинг орқа томонларига ўтиб турдим, икки кураклари орасида олмадек келадиган Пайғамбарлик муҳрини кўрдим».

19-боб. Беморнинг ўзига ўлим тиламоғининг таъқиқланганлиги ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (саҳобаларга хитоб қилиб): «Биронгангиз узоқ хасталаниб ётиб қолсангиз, (безор бўлганингиздан) ўзингизга ўлим тиламангиз! Башарти шундай қилмоғингиз зарур бўлса, «Эй парвардигоро, агар (бундан кейинги) яшамоғимнинг менга нафи бўлса, мени тирик қолдирғил, мабодо ўлмоғим афзал бўлса, омонатингни олғил, деб айтингиз!» — дедилар».

Абу Ҳозим ал-Бажлий ал-Куфий ривоят қиладилар: «Хаббоб (ибн ал-Арат) касал бўлганида, кўргани кирдик. (Қарасак), қорнининг етти жойига тамға босилган эркан. У бундай деди: «Бизнинг айрим дўстларимиз оламдин кўз юмдилар. Вале, улар қилган амали солиҳлари эвазига бу дунёда ажр олмоққа муяссар бўлмадилар, чунки Оллоҳ таоло уларга атаган ажрларини охиратга олиб қолди. Биз эрсак беҳисоб мол-дунё жамғариб, уни туфроқдин ўзга нимарсага сарф қила билмадик. Агар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзига ўлим тиламоқни манъ қилмаганларида, мен ўзимга ўлим тилаган бўлар эрдим!». Биз Хаббобнинг ҳузурига иккинчи дафъа келганимизда, у дебор ураётган эркан. Шунда бизга қарата бундай деди: «Мусулмон одам мана шу лойга сарфлаганидин ўзга барча қилган хайр-эҳсонлари бадалига савоб олғусидир!».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч кимса

фақат тоат-ибодат қилгани билан жаннатга киравермайди» — дедилар. Саҳобалар: «Хаттоки, сиз ҳамми?» — деб сўрадилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа шундай, гар Оллоҳ таоло мени ўз фазлу раҳмати оғушига олмас эркан, мен ҳам (ёлғиз тоат-ибодат бирлан жаннатга кира олмасмен). Шу боисдин ҳам тўғри йўлдин озмангиз, қуюшқондин чиқмангиз, ўзингизга ўзингиз ўлим тиламангиз. Гар кишининг қилмиши яхшилиғ эрса, «ажаб эрмаским, яхшилиғлари яна ҳам зиёда бўлса, ва гар ул ёмонликға моил эрса, шояд инсофға келиб, Оллоҳ таоло ризолиғин истаб қолса!» — дедилар.

Аббод ибн Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга Оиша онамиз разияллоҳу анҳо бундай деган эрканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга сўяниб туриб, «Эй парвардигоро, менинг гуноҳларимни афв этғил, мендан раҳматингни дариг тутмағил ва мени рафиқ ул-аъло (малоикалар) жумласидан қилғил!» — дедилар».

20-боб. Бемордан ҳол-аҳвол сўрамоқ учун келган одамнинг унинг ҳаққига дуо қилганлиги хусусида

Оиша бинти Саъд: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (отам Саъдни кўргани келганларида), «Эй парвардигоро, Саъдга шифо ато этғил!» — деб дуо қилдилар», — дейдилар.

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, бирор касални кўргани борсалар, ёким бирор касални ул кишининг ҳузурларига олиб келишса, «Эй инсонларни яратган Оллоҳ! Уни дарддан фориг айлағил, унга шифо берғил, сен шифо ато этгувчидирсен, сенинг шифоингдин ўзга шифо йўқ, сен шифо берсанггина дардлар маҳв ўлғусидир!» — дер эрдилар».

21-боб. Бемордан ҳол-аҳвол сўрамоқ учун келган одамнинг унга таҳорат сувидан сепганлиги ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен хасталаниб қолганимда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўргани келдилар. (Ҳол-аҳвол сўрагач), таҳорат олдиларда, қўлларидан томаётган сувни менга сепдилар («Таҳорат сувидан қуйинглар!» — деб айтган бўлишлари ҳам мумкин, дейди иккиланиб ровий). Шундан сўнг бироз ўзимга келгач, «Мендан мерос оладирган фақат биргина ўғлим ва отам бордирлар, меросни қандай тақсимлаб берай?» — деб сўрадим. Шу аснода Жаноб Расулulloҳга мерос ҳақида оят нозил бўлди».

22-боб. Вабони даф қилишни сўраб дуо ўқиган ҳақида

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладирлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Абу Бакр билан Билол иситмалаб кплишди. Мен уларнинг ҳузурига кириб: «Эй вадари бузруквор (яъни, оталари Абу Бакрга қарата айтяптилар), аҳволингиз нечукдир, эй Билол, ўзингизни нечук ҳис этмақдасиз» - деб сўрадим. Абу Бакр иситма зўриққанда:

«Уйимда бўлсайдим жон чиқар маҳал,

Пойабзал инидан яқиндир ажал», — дер эрдилар. Билол эрса, иситма бир оз пасайганда, йиғлаб:

«Тақдирим не эрур, билмасман э воҳ,

Бошимга ажалдин келурму сипоҳ?

Бир кеча бўлса ҳам, она водийим,

*Қўйнида ётсайдим, меҳрибон Оллоҳ!
Қониб ичсам эрдим, шаффоф сувларин,
Қанийди, ташласам, унга бир нигоҳ!» —*

дер эрдилар. Мен бу ҳақда Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб айтиб эрдим, ул киши: «Ё Оллоҳ, бизга Мадинани Макка сингари, ёким ундан ҳам ортиқроқ маҳбуб этғил! Ё Оллоҳ, унинг тошу тарозисига барака ато этғил, уни (аҳлини) ҳамиша бардаму соғлом қил, мана буларнинг безгагини эрса, Жухфага кўчирғил!» — дедилар.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

ТИБ КИТОБИ

1-боб. Оллоҳ таоло дард юборганда унинг давосини ҳам юборганлиги ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло ҳар қандай дард юборганда унинг давосини ҳам юборгандир», — деганлар», — деб ривоят қиладилар.

2-боб. Эркакнинг аёлни, аёлнинг эркакни даволамоғи хусусида

Рубаййаъ бинти Муаввид ибн Афроъ бундай дейдир: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга) ғазавотга чиққанимизда аскарларга сув келтириб берар, уларнинг яраларини боғлар, ўлганлар ва ярадорларни Мадинага ташир эрдик».

3-боб. Уч нарсада дардга даво борлиги ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай деб ривоят қиладилар: «Уч нарсада дардга даво мавжуддир — асал ичмоқ, қон олдимок ҳамда ярага тамға қиздириб босмоқ. (Аммо), Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен умматимга ярага тамға қиздириб босмоқни манъ қилғайман», — деганлар».

Мужоҳиднинг ибн Аббосдан ҳикоя қилишларига кўра, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Асал (ичмоқ) ва қон олдимок дардга даво бўлғуси», — деган эрканлар.

4-боб. Асал билан даволаш ҳақида

Оллоҳ таоло: «Унда (асалда) одамлар (дарди)га даво мавжуддир», — деган.

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалво билан асални ёқтирар эрдилар», — деганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Доридармонларингиз ичида энг нафи тегадиргани қортиқчининг қортиғи ёким асалдир! Мен (жароҳатга) тамға қиздириб босмоқни хуш кўрмағаймен», — деб айтганлар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Менинг иним қорни (оғриётгани)дан шикоят қилаётир», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Асал ичирғил!» — дедилар, Бояги киши қайтиб келиб, асал ичирса ҳам иниси тузалмаганини маълум қилди. Жаноб Расулуллоҳ бу гал ҳам: «Асал ичирғил!» — дедилар. Бояги киши яна қайтиб келиб, иниси тузалмаганини айтди. Жаноб Расулуллоҳ яна: «Асал ичирғил!» — дедилар. У яна қайтиб келиб, «Иним тузалмади», — деган эрди, Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло (асалда одамлар дардиға даво мавжуддир, деб) рост айтган, инингнинг қорни эрса, ёлғон сўзлайдир!» — деб жавоб қилдилар. Шундан сўнг, иниси дардиға шифо топди».

5-боб. Туя сути билан даволаниш хусусида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар: (Урайна қабиласига мансуб) бир гуруҳ одамлар бетоб эрди. Улар: «Ё Расулаллоҳ, бизга шаҳар (Мадина) ҳавоси хуш келмади, бошқа бошпана бериб, ҳам таом бирла таъминласангиз!» — деб илтимос қилишди. Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни Ҳарра деган ерга жойлаштириб, ихтиёрларига бир қанча туяларни ҳам бериб қўйдиларда, «Буларнинг сутидан ичиб туринглар!» — дедилар. Улар, касаллари ариб, дармонга кирганларидан сўнг, Жаноб Расулаллоҳнинг туябоқарларини ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетишди. Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг ортидан одам юбордилар, тутиб келишгач, қўл-оёқларини кесиб, кўзларига мил тортишди, сўнг офтобга ташлаб қўйишди, (оғриқдан) тош ғажиб ётишди».

Саллом айтадирлар: «Менга айтишларига қараганда. Ҳажжож Жаноб Расулаллоҳнинг ҳаётлари давомида жиноятчиларга қарши қўллаган энг қаттиқ чоралари ҳақида сўзлаб беришни Анасдан илтимос қилганида у мазкур воқеани ривоят қилган эркан. Бу гап Ҳасан (ал-Басрий)га етганида, «Ушбу ҳадисни унга айтмагани яхши эрди», — дебдилар».

6-боб. Туя сийдиги билан даволаниш ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладирлар: (Урайна қабиласига мансуб) бир гуруҳ одамларга Мадина ҳавоси ёқмай, (бетоб бўлиб қолишди). Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ўз туябоқарлари ҳузурига юбориб, туя сути ва сийдигидан даво сифатида тановул қилиб турмоқлари лозимлигини тайинладилар. Мазкур одамлар, туя сути ва сийдигидан ичиб баданлари сиҳат топгач, туябоқарни ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетишди. Бу хабар Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга етгач, уларнинг ортидан одам юбордилар, ушлаб келишди, сўнг қўл-оёқлари кесилиб. кўзларига мил тортилди.

Муҳаммад ибн Сирин: «Бу ҳодиса ҳадд уриш ҳақидаги ҳукм нозил бўлмасидан бурун содир бўлган эрди», — дейдилар.

7-боб. Седана ҳақида

Холид ибн Саъд айтадирлар: «Биз Ғолиб ибн Абжар бирлан бирга сафарга чиққан эрдик у йўлда касаллашиб қолди. Мадинага етиб келганимизда ҳам ҳануз тузалмаган эрди. Шунда, Ибн Абу Атиқ (Абу Бакр Сиддикнинг набиралари): «Сиз седана истеъмол қилинг. Беш ёки етти дона седанани эзиб, ёғини димоғингизга томизинг, чунки мен Оиша онамизнинг «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Седана сомдан бўлак барча дардга даводир» деб айтганлар деганларини эшитганман», — деди. «Сом недур?» - деб сўраганларида, «У ўлимдир!» — деб жавоб берди».

Абу Ҳурайра бундай деб хабар қиладирлар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Седана сомдан бўлак барча дардга даводир» — деганлар. Ибн Шихоб: «Сом — ўлимдир» — деб айтганлар.

8-боб. Беморга сутли хўрда қилиб бериш хусусида

Урва ибн Зубайр Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ҳақларида ривоят қиладирларки, ул зот касалга ёким бирор яқин кишиси вафот этган кимсага сутли хўрда ичиришни буюрар эрканлар, чунки, Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сутли хўрда беморнинг дилига ором бериб, аздор кимсанинг қайғусини енгиллаштирғайдир», — дер эрканлар».

Ҳишом ўз оталари (Урва ибн Зубайр) дан нақл қилиб бундай дейдирлар. «Оиша онамиз разияллоҳу анҳо беморга сутли хўрда ичирмоқ кўп манфаатли эканлиги ҳақида гапира туриб: «Сутли хўрда, бемор ёқтирадим, йўқми, дардига даводир!» — деб айтганлар».

9-боб. Бурунга дори томизмоқ хусусида

Ибн Аббос ривоят қилади: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қортиқ солдиргач, қортиқчига ҳақ тўладилар, сўнг бурунларига дори томиздирдилар».

10-боб. Бурунга қусти томдириш ҳақида

Умму Қайс Миҳсан айтади: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мана шу ҳинд ёғочидан фойдаланингиз, чунки унда етти хил шифобахш модда бор, ундан (тайёрланган дорини) томоқ оғриганда ҳамда зотилжам бўлганда ичмоқ мумкин», — дедилар. (Ўшанда) мен эмизикли ўғилчамни олиб, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кирган эдим, кийимларига сийиб қўйди. Шунда пайғамбаримиз сув келтириб сийдик теккан жой устидан қўйдилар».

11-боб. Қон олдирадиган вақт хусусида

Абу Мусо тунда қон олдирган эрди.

Ибн Аббос: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзадор бўлсаларда, қон олдирадилар», — дейдилар.

12-боб. Сафарда ва эҳромдалик чоғида қон олдиarmoқ ҳақида

Ибн Бухайна бунинг жоизлиги ҳақида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган эркан.

Ибн Аббос: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳромдалик чоғларида ҳам қон олдирадилар», — дейдилар.

13-боб. Касаллик чоғида қон олдиarmoқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қортиқчига ҳақ тўламоқ борасида сўраган эдим, ул зот Абу Таййибага қон олдирадиларда, ҳақида икки соъ хурмо бердилар ва мавло (озод қилинган қул)ларига унинг қабиласидан олинадирган хирожни бироз камайтиришни тайинладилар. Сўнг: «Ҳижомат қилдиarmoқ (қортиқ солдиarmoқ) энг яхши даводир, қусти баҳрий истеъмол қилмоқ эрса, ундин ҳам афзалдир. Томоқ йўллари ззиб, болаларингизни қийнамангиз!» — дедилар»

Жобир ибн Абдуллоҳнинг ривоят қилишларича, ул киши Муқаннаъ (ибн Синон ат-Тобиъий) ни зиёрат қилмоқ ниятинда ҳузурга борибдирилар ва: «Токим менга қортиқ солмас эркансиз, ҳеч ерга жилмасмен, чунки, мен ҳижомат қилдиarmoқда (қортиқ солдиarmoқда) шифо мавжуд эрканини Жаноб Расулulloҳдин эшитгандирмен», — деб айтибдирилар.

14-боб. Бошга қортиқ солдиarmoқ хусусида

Абдуллоҳ ибн Бухайнанинг айтишларича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Лаҳйу Жамал деган жойда бошларининг қоқ ўртасига қортиқ солдирибдилар. Ибн Аббос ҳам: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига қортиқ солдирдилар», — дейдилар.

15-боб. Бош оғриганда ёким шақиқа (мигрен) бўлганда қон олдирмоқ ҳақида

Ибн Аббос айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошлари оғриганда, эҳромда бўлатуриб бошларига қортиқ солдирдилар. Бу — Лаҳйу Жамал деган жойда бўлган.

16-боб. Соч (иллатни йўқотмоққа) халал берганда олдириб ташламоқ хусусида

Каъб ибн Ужра бундай дейдилар: «Худайбия (жанги) вақтида Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг олдимизга келдилар, мен қозон тагига ўт ёқаётган эдим, бошимдан битлар тўкилиб турган эди. Жаноб Расулуллоҳ буни кўриб, «Ҳашаротларинг озор беряптими?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳа, шундай», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Сочингни олдириб (каффоратига) уч кун рўза тутғил, ёким олти мискинни тўйғазғил, ёхуд қурбонлик қил!» — дедилар. Абу Айюб: «(Каъб) буларнинг қайси бирини адо этганлигини билолмадим», — дейдилар.

17-боб. Тамға қиздириб босишни ёқтирмаган киши ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Доридармонларингиздан энг нафи тегадиргани, у ҳам бўлса, қортиқчига қортиқ солдириш ёки ўтда куйдиришдир, аммо мен тамға қиздириб босишни хуш кўрмайман», — дедилар».

Имрон ибн Ҳусайн: «Фақат кўз текканда ёки чаён чиққандагина дам солдириш мумкин», — деб айтибдилар. Буни эшитган Саъид ибн Жубайр бизга: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хусусда қуйидагиларни айтганлар», — дедилар: «(Оллоҳ таоло) менга барча умматларни кўрсатди. Баъзи пайғамбарлар ўз умматларини эргаштириб, айримлари эрса, бирорта ҳам умматсиз ёлғиз ўзлари (олдимдан) ўтдилар. Ногаҳон, кўзимга катта бир оломон кўринди. Мен: «Булар ким?» — деб сўраганимда, «Булар Мусо ва унинг умматларидир» — деб айтилди. Сўнг, «Уфққа қара!» — деб амр қилинди. Бир вақт қарасам, уфқни тўлдириб халқлар келаётир. Кейин, «Энди бу ёққа қара!» — деб буюрилди. Шунда ўгирилиб, бу ёқда ҳам уфқни тўлдириб тумонат одамлар келаётганини кўрдим. Сўнг, «Булар сенинг умматинг бўлиб, етмиш мингги савол-жавобсиз тўппа-тўғри жаннатга киради», — дейилди». Жаноб Расулуллоҳ ана шу гапларни айтдиларда, ҳужраларига кириб кетдилар. Саҳобалар: «Биз жоҳилия даврида туғилиб, сўнг Оллоҳ таоло ва унинг расулига иймон келтирганмиз, биз ўшалар қаторида бўламизми ёки ислом даврида туғилган авлодларимиз бўладими?» — дея пайғамбаримизнинг ҳужралари томон юрдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ташқарида бўлаётган ғала-ғовурни эшитиб, ҳужраларидан чиқдилар ва бундай дедилар: «Улар дам солдирмайдиганлар, ирим-сиримларга ишонмайдиганлар, баданларига тамға қиздириб босмайдиганлар ҳамда Оллоҳ таолога таваккал қилғувчилардир». Шунда Уккоша ибн Миҳсан: «Ё Расулаллоҳ, мен ўшаларданманми? — деб сўрадилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўшалардансан» — дедилар. Бошқа бир саҳоба: «Менчи?» — деди. Пайғамбаримиз: «Уккоша сендан олдин сўради», — деб жавоб қилдилар.

18-боб. Кўз оғриганда сурмадан даво сифатида фойдаланишнинг жоизлиги ҳақида

Умму Салама ривоят қиладилар: «Бир аёлнинг эри вафот қилган эрди, кўп йиғлаганидан кўзи оғриб қолди. Бу ҳақда Жаноб Расулulloҳга билдирган эрдик аёлнинг даво сифатида сурмадан фойдаланиши кераклигини, акс ҳолда кўзга зарар етишини айтдилар (аслида эри ўлган аёлнинг мотам даврида ўзига оро бериши манъ қилинади, аммо бу ерда сурмадан даво тарзида фойдаланиш ҳақида гап бораётир).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (аёлнинг мотам даврида ўзига оро бериши хусусида) бундай деганлар: «Жоҳилия даврида биронтангизнинг эрингиз ўлса, эски-туски кийиб, энг хароб уйга кириб олиб мотам қилар эрдингиз, агар ёпингиздан ит ўтиб қолса, унга тезак отиб, мотамингизни тугатар эрдингиз. Энди бўлса, (азадор аёл) тўрт ойу ўн кун давомида кўзига сурма қўймасин!».

19-боб. Жузом (мохов) ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: «Касаллик ўзича юкмайди, тунги қушлар, жумладан бойқуш фалокат келтирмайди, Сафар (ойи) бехосият бўлмай, сафар (сариф) касаллиги унга боғлиқ эмас. Жузом (мохов) дардига мубтало бўлган кимсадан арслондан қўрққандек қочингиз!»

20-боб. Қўзиқорин сувининг кўзга даво эканлиги хусусида

Саъид ибн Зайд: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдимки, қўзиқорин Оллоҳнинг неъматидан бўлиб, унинг суви кўзга даво эркан», — дейдилар.

21-боб. Бемор оғзининг бир чеккасидан дори томдириш ҳақида

Ибн Аббос ва Оиша разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан кейин Абу Бакр (ул зотнинг) юзларидан ўпдилар. Оиша онамиз бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳнинг, хасталик вақтларида, оғизларининг бир чеккасидан дори томизган эрдик ул киши «Бундай қилмангизлар!» деган маънода ишора қилдилар. Биз: «Бемор одам, одатда дори истеъмол қилмоқни ёқтирмайди», — деб ўйладик. Ҳушларига келганларидан сўнг: «Мен сизларга оғизга дори қўймангизлар, демабмидим?!» — дедилар. Биз: «Касал, одатда дори истеъмол қилмоқни ёқтирмайди, деб ўйладик», — дедик. Жаноб Расулulloҳ: «Шу уйда турганлар орасида оғзига дори томизилмаган бирорта ҳам киши қолмайди. Кўриб турибманки, Аббос сизларнинг бу қилган ишларингизда иштирок этмаган», — дедилар».

Умму Қайс ривоят қиладилар: «Ўфилчамни олиб Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кирдим, томоғи оғриб, (муртаги) йиринглаб кетган эрди. «Нега болаларингизни қийнайсизлар? Қусти ҳиндийдан истеъмол қилдиригиз, чунким унда етти дардга даво мавжуддир. Жумладан (қусти ҳиндий) зотилжамга ҳам даво бўлиб, уни беморни ён бошига ётқизиб қўйиб, оғзига қўйилади», — дедилар. Аз-Зухрийдан эшитдимки, Жаноб Расулulloҳ (қусти ҳиндий) даво бўладиган етти дарддан иккитасини айтиб, бештасини айтмабдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, дардлари оғирлашгач, тузалгунларича менинг уйимда ётмоқчи эканликларини айтиб ҳамма хотинларидан ижозат сўрадилар. Улар рози бўлишди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ икки киши ёрдамида оёқларини зўр-базўр босиб менинг уйимга чиқдилар. Бир қўлтиқларидан Аббос ва иккинчи қўлтиқларидан яна бир киши ушлаб олиб чиқишди». «Оиша онамиз айтиб берган

ҳадисни Ибн Аббосга ҳикоя қилиб бердим, — дейдилар Убайдуллоҳ, — у мендан: «Оиша онамиз тилга олмаган ўша кишининг ким эканлигини билурмисен?» — деб сўради. Мен: «Йўқ», — дедим. Аббос: «У — Али ибн Абу Толиб эрдилар», — деди».

Оиша онамиз бундай дейдилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйга киргач, дардлари яна ҳам оғирлашди. Шунда ул зот: «Оғзи боғлиқ еттита мёшда устимга сув қуйингиз, токи мен одамларга васият қилиб олай!» — деб амр қилдилар. Биз Жаноб Расулуллоҳни тоғорага ўтқазиб, то «Бўлди, етарли!» демагунларича устларидан мёшларда сув қуйдик. Шундан сўнг, Жаноб Расулуллоҳ одамлар ҳузурига (масжидга) чиқиб, биргаликда намоз ўқидилар ва амр маъруф қилдилар».

22-боб. Муртак дарди (ангина) ҳақида

Умму Қайс биринчи муҳожирлардан бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган эрди. (Бир куни) у томоғи оғриб қолган ўғлини ул зот ҳузурларига олиб келди. Жаноб Расулуллоҳ унга «Нечун болаларингизни қийнаб муртагини ип билан боғлаб қўясизлар?! Бўнинг ўрнига қусти ҳиндий билан даволаганингиз яхшироқдир, зотилжамни ҳам шу тариқа даволангиз!» -дедилар.

23-боб. Қорни оғриган беморни даволаш ҳусусида

Абу Саъид (ал-Худрий) ривоят қиладилар: «Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Инимнинг ичи кетмоқда», — деди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга. «Асал ичирғил!» — дедилар. У бориб асал ичирди. Кейин, яна қайтиб келиб: «Асал ичирсам ҳам бўлмади», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло рост айтган, инингнинг қорни ёлғон сўзлайдир», — деб жавоб қилдилар».

24-боб. Ички касаллик бўлмиш сафар (сариг) касаллиги сафар ойига боғлиқ эмас!

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолонинг иродасисиз бировнинг касали бировга (ўзича) юқмайди, бойқуш фалокат келтирмайди, сафар (ойи) бехосият бўлмай, сафар (сариг) касаллиги унга боғлиқ эмас», — дедилар. Бир бадавий: «Ё Расулаллоҳ, туяларимизга нима бўлган ўзи? (Аввалига) улар оҳудек соппа-соғ юришади, кейин эса ораларига бир қўтир туя келиб қўшилди дегунча барчаси қўтир бўлиб қолади», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Дастлабки қўтир бўлган туяни ким қўтир қилган?» - дедилар» (яъни, Оллоҳ таолонинг иродаси билан касалга чалинган).

25-боб. Зотилжамнинг давоси ҳақида

Умму Қайс бинти Миҳсан биринчи муҳожирлардан бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган эрди. (Бир куни) у ўғлини томоғидаги муртаги ип билан боғланган ҳолда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб келди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Нега болаларингизни (муртагини) ип билан (боғлаб) қийнайсизлар?! Унга ҳиндий (қусти ҳиндий) истеъмол қилдиришлар, унда етти хил дардга, жумладан зотилжамга ҳам даво бордир», — деб айтдилар.

Ҳаммод разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Талҳа ва Анас ибн ан-Назр зотилжамдан даволамоқ мақсадида Анаснинг баданига тамға қиздириб босдилар. Бу ишни Абу Талҳа шахсан

ўз қўли билан қилди.

Анас ибн Молик айтадиларки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорларга мансуб хонадонлардан бирининг аҳлига (бирор нарса) чаққанда ва қулоқ оғриганда дам солишга изн берибдилар.

Анас бундай дейдилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётликларида зотилжамдан даволамоқ учун тамға қиздириб босган эдим. Бунни Абу Талҳа, Анас ибн ан-Назр ва Зайд ибн Собит кўрган эди. Кейинчалик эса, Абу Талҳа (касал бўлганимда) менга тамға қиздириб босди».

26-боб. Қон оқишини тўхтатиш учун бўйрани куйдириб босиш лозимлиги ҳақида

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий разияллоҳу анҳу ривоят қилдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошларидаги дубулғалари мажақланиб, юзларига қон оқиб тушганда ҳамда тишлари синганда Али разияллоҳу анҳу қалқонларида сув келтирдилар. Фотима эса, пайғамбар алайҳиссаломнинг юзларидаги қонни ювиб қўйдилар. Лекин, пайғамбар алайҳиссаломнинг қонлари сувдан ҳам зиёда оқаётганини кўриб, бир бўйрани куйдирдиларда, кулини жароҳатларига ёпиштириб қўйдилар, шундан кейингина қон кетиши тўхтади».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иситма жаҳаннам алангаси янглиғдир, уни сув билан ўчиринглар!» — дедилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Умар иситмалаганда: «Бизни бу азобдан қутқарғил!» — дер эрди».

Асмо бинти Абу Бакр, ҳузурларига иситмалаб қолган бирор аёлни олиб келишса, унинг ҳаққиға дуо қилар ҳамда кўйлаги ёқасини ечиб, баданига сув пурқар эрдилар ва: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилмоқни буюрганлар», — дер эрдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладиларки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иситма — жаҳаннам алангаси янглиғдир, уни сув билан совутинглар!» — дер эрканлар.

Рофиъ ибн Ҳудайж: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Иситма — жаҳаннам алангаси янглиғдир, уни сув билан совутинглар!» — деганларини эшитганман», — дейдилар.

27-боб. Об-ҳавоси ёқмаган ердан чиқиб кетиш ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Укл ва Урайна қабиласига мансуб бир неча кишилар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, биз чорвадорлармиз, қишлоқ аҳли эмасмиз», — дедилар ва Мадина об-ҳавосининг ёқмаганлигидан шикоят қилдилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир тўда туяларни туябони бирлан уларнинг тасарруфига топширдиларда, саҳрога чиқиб туя сути ва сийдигидан даво тариқасида истеъмол қилмоқни буюрдилар. Улар Ҳарря тарафига боргач, қайта кофир бўлдилар (исломдан қайтдилар) ва Жаноб Расулulloҳнинг туябоқарларини ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда хабар топгач, уларнинг ортидан одамларни юбориб, кўзларига мил тортмоқни, қўлларини кесмоқни амр қилдилар. Уларни Ҳаррада ўз ҳолларига ташлаб келишди, ўша ерда ўлиб кетдилар».

28-боб. Тоун (вабо, ўлат) га доир ҳадислар хусусида

Усома ибн Зайд айтадиларки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирор жойда вабо борлигини эшитсангиз, у ерга кирмангиз ва бирор жойда турганингизда вабо бошланганини эшитсангиз, у ердан чиқмангиз!» - деган эканлар.

Ҳабиб ибн Абу Собит Иброҳим ибн Саъдга «Усома ибн Зайднинг Саъдга шу ҳадисни айтиб берганини эшитдингми, у инкор қилмадимми?» — деганларида, у: «Ҳа» — деб жавоб қилган экан.

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу Шомга сафарга чиққилар, Сарғ деган жойга етганларида лашкарлар амири Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ ва унинг ҳамроҳлари қарши олиб, Шомда вабо тарқалганини хабар қилдилар. Шунда Ҳазрат Умар менга (яъни, ибн Аббосга) аввал муҳожирларни ҳузурларига чақириб келмоқни амр қилдилар. Улар тўплангач, Шомда вабо чиққанини айтиб, маслаҳатлашдилар. Муҳожирлар турли-туман фикрлар билдирдилар, баъзилари: «Муҳим вазифа билан йўлга чиққанмиз, орқага қайтмаймиз», — десалар, айримлари: «Одамларнинг (лашкарларнинг) ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларининг бир қисми сиз билан қолади, уларни вабога рўпара қилмоғингизнинг ҳожати йўқ», — дейишди. Ҳазрат Умар бу гапни эшитиб, «Сизларга рухсат», — дедилар, сўнг менга ансорларни чақирмоқни буюрдилар. Мен чақириб келдим. Аммо, улар ҳам муҳожирлар айтган фикрларни билдиришди. Ҳазрат Умар уларга ҳам рухсат бериб юбордилар. Кейин менга: «Қурайшнинг шу ердаги фатҳ муҳожирларидан бўлган оқсоқолларини чақириб кел!» — дедилар. Мен чақириб келдим. Улар Ҳазрат Умарга мутлақо эътироз билдирмай, бир оғиздан: «Бизнинг фикримиз шулки, одамларни олиб, ортга қайтсангиз, уларни бу машъум вабога гирифтор қилмагаймиз!» — дейишди. Ҳазрат Умар одамларга хитоб қилиб: «Мен эрта билан ортга қайтаман, сизлар ҳам қайтинглар!» — дедилар. Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ: «Оллоҳ таолонинг қазо-ю тақдиридан қочяпсизми?» — деб эди, Ҳазрат Умар: «Бу сўзни сендан бошқа одам айтса эди... Эй Абу Убайда! Ҳа, Оллоҳ таолонинг тақдиридан Оллоҳ таолонинг тақдирига қочяпмиз! Агар сенинг бир туянг йўқолса, у бир ёғи ям-яшил ўтлоқ ва бир ёғи қовжираган водийда турган бўлса, туянгнинг улардан қайси бирида ўтлашини Оллоҳ таолонинг иродасига боғлиқ деб билмайсанми?» — дедилар. Шу вақт Абдурраҳмон ибн Авф келиб қолди. У бир юмуш бирлан банд бўлгани учун бунгача бу ерда йўқ эди. У: «Бу ҳақда мен ҳам баъзи бир нарсаларни биламан. Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Вабо чиққан ерга кирмангиз ва сиз турган жойда вабо бўлса, у ерни тарк этмангиз!» деганларини эшитганман», — деб айтди. Шундан сўнг, Ҳазрат Умар Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтиб, ортларига қайтиб кетдилар».

Абдуллоҳ ибн Омир ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Шомга сафарга чиққан эрдилар. Сарғ деган ерга етганларида Шомда вабо тарқалганлиги ҳақида хабар келди. Шунда Абдурраҳмон ибн Авф «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирор жойда вабо тарқалса, у ерга кирмангиз ва сиз турган жойда вабо тарқалса, у ердан қочиб чиқмангиз!» — деб айтганлар», — деди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадинага Масиҳ аддажжол ва вабо киролмайди», — деганлар деб ривоят қиладилар.

Ҳафса бинти Сирин ривоят қиладилар: «Анас ибн Молик: «Яҳё ибн Сирин нимадан ўлди?» — деб сўради. Мен: «Вабодам ўлди», — деб айтдим. Шунда Анас: «Расулуллоҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам: «Вабодам ўлган ҳар бир мусулмон шаҳид кетади», — деб айтганлар», — деди».

Абу Ҳурайра пайғамбар алайҳиссалом одатларида сўзлаётди: «Ул зот айтдиларки, қорин оғриғи ва вабодам ўлган киши шаҳид кетар экан», — дедилар.

29-боб. Вабо тарқаганда сабр қилганларга тегадиган савоб хусусида

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг заифалари Оиша онамиз хабар берадиларки, ул зот пайғамбаримиздан вабо хусусида сўраганларида бундай деб жавоб қилган эрканлар: «У (вабо) Оллоҳ истаган бандасига юборадиган азоб бўлган. (Эндиликда) эса, Оллоҳ уни мўмин бандаларга ўзининг бир раҳмати сифатида юборадиган бўлди. Бирор бандага вабо теккан бўлса-ю, у Оллоҳ пешонасига ёзганидан ўзгаси бўлмаслигига ишониб, ўз шаҳрида сабр қилиб қолса, албатта унга Оллоҳ йўлида жанг қилиб шаҳид бўлган бандага қанчалик савоб бўлса, шунчалик савоб бўлғусидир».

30-боб. Қуръон ва муаввизотни ўқиб дам солиш ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот этмасларидан олдин бетоб бўлганларида муаввизотни ўқиб ўзларига ўзлари дам солар эрдилар. Дардлари оғирлашиб қолганда эса, ул зотга мен ўзим дам солар, баракаси тотсин деб ўзларининг қўллари билан силар эрдим».

Маъмар: «Қандай қилиб дам солар эрдилар?» — деб Зухрийдан сўрасам, у: «Иккала қўлларига дам солиб, сўнг юзларини силар эрдилар», — деб айтди», — дейдилар.

31-боб. «Сураи Фотиҳа»ни ўқиб дам солмоқ, бу ҳақда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг Ибн Аббосдан нақл этилган ҳадислари зикр қилинади

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу бундай деб ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир гуруҳи араб қавмларидан бирининг маҳалласига келиб тушди. Лекин уларга меҳмондорчилик кўрсатишмади. Шу аснода ўша қавм бошлиғини чаён чақиб олди. Улар саҳобаларга: «Сизда дори-дармон ёки дам солувчи шахс борми?» — дея мурожват қилишди. Саҳобалар: «Сиз бизга меҳмондорчилик кўрсатмадингиз, энди токи бизга бирор ҳақ тўлашни ваъда қилмас экансиз, ҳеч нарса қилмаймиз!» — дейишди. Шунда улар бир тўда қўй бермоқни ваъда қилдилар. Дам солувчи «Қуръон онаси» (яъни, «Сураи Фотиҳа») ни ўқий бошлади ва тупугини йиғиб туриб, (чаён чаққан жойга) тупурди. Шундан сўнг, қавм бошлиғи тузалди. Кейин, (ваъда қилинган) қўйларни олиб келишди. Лекин, саҳобалар: «Токи Жаноб Расулulloҳдан сўраб, ижозат олмагунимизча, олмаймиз», — дейишди. Улар сўраган эрдилар, Жаноб Расулulloҳ кулиб: «Сураи Фотиҳа»нинг даво эканлигини қаердан билдинг? Қўйларни олаверинглар ва менга ҳам насиба ажратинглар!» — дедилар».

32-боб. Дам солиш учун бир пода қўй берилиши шарт қилиб қўйилганлиги ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бир қанча саҳобалари қандайдир сув бўйидан ўтиб бораётган эрдилар. Бир одам, чаён чаққан бўлса керак (балким чақмагандир), сувга тушиб олганди. (У ерда бир тўда одамлар ҳам бўлиб), улардан бири саҳобаларга: «Ораларингизда бирорта дам соладиган шахс борми? Бир одам

чаён чаққанми, билмайман, сувга тушиб олибди», — деди. Шунда саҳобалардан бири бир пода қўй эвазига «Сураи Фотиҳа»ни ўқиб, унга дам солган эди, тузалди. Кейин, дам солган саҳоба бир пода қўйни етаклаб шериклари ҳузурига келди. Шериклари унинг бу қилган ишини коралаб: «Ҳали сен Оллоҳнинг Китоби учун ҳақ олдингми?!» — дейишди, ҳатто Мадинага келиб: «Ё Расулаллоҳ, у Оллоҳнинг Китоби учун ҳақ олди!» — деб айтиб беришди. Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга жавобан: «Олган ҳаққингизга Оллоҳнинг Китоби ҳақлироқдир!» — дедилар».

33-боб. Кўз текканда дам солмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўз текканда дам солмоғимни буюрдилар ёки кўз текканда дам солмоқни амр қилдилар», — дейдилар.

Зайнаб бинти Абу Салама Умму Салама разияллоҳу анҳодан нақл қилиб, бундай дедилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг (Умму Саламанинг) уйида юзига қорамтир доғ тушган бир жорияни кўриб: «Унга дам солинглар, кўз тегибди!» — дедилар».

34-боб. Кўз тегмоғи ҳақиқатан ҳам бор нарса эканлиги ҳақида

Абу Ҳурайра айтадилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўз тегмоғи ҳақиқатан ҳам бор нарсадир», — дедилар, лекин вашм (татуировка) қилмоқни қораладилар».

35-боб. Илон ва чаён чаққанда дам солмоқ ҳақида

Абдурраҳмон ибн ал-Асваднинг оталари бундай дедилар: «Мен Оишадан (бирор нарса чақиб) заҳарланганда дам солиш ҳақида сўрадим. Оиша: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай заҳар солувчига қарши дам солмоққа рухсат бердилар», — деб айтдилар».

36-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўқиб дам соладиган дуолари хусусида

Абдулазиз разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен ва Собит Анас ибн Моликнинг ҳузурига кирдик. Шунда, Собит Анасга: «Эй Абу Ҳамза, менинг мазам йўқ!» — деб айтган эди, Анас: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиб дам соладиган дуоларини ўқиб сенга дам солайми?» — деди. У: «Майли», — деди. Анас: «Оллоҳумма рабб ун-нос, музҳиб ул-баъс, ва-шфиҳи анташ-шофий, ло шофий илло анта, шифо ло йўғодир суқман!» («Эй парвардигоро, сен инсонлар парвардигорисан, дардларни аритгувчисан, шифо ато эт, сен шифо берувчисан, сендан бўлак шифокор йўқ, сен берган шифо ҳеч бир дардни қолдирмағай»), — деди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи оила аъзоларига «Қул аъзузу»ни ўқиб дам солар, сўнг ўнг қўллари билан силаб: «Оллоҳумма рабб ун-нос, азҳиб ил-баъс ва-шфиҳи ва анташ-шофий, ло шифо илло шифоука, шифо ло йўғодир суқман!» («Эй парвардигоро, сен инсонлар парвардигорисан, дардни аритиб унга шифо берғил, сен шифо ато этувчидирсан, сенинг шифоингдан бўлак шифо йўқ, сен берган шифо ҳеч бир дардни қолдирмағай!»), — дер эрдилар».

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дам солаётганларида: «Имсаҳ ил-баъс рабб ун-нос, би-йадикаш-шифо, ло кошифа лаҳу илло анта!» («Эй инсонлар парвардигори, дардни кетказғил. шифо сенинг қўлингдасан, дардни сендан

бўлак ҳеч ким кетказолмағай!»), — дер эрдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам беморга «Бисмиллоҳи, турбату арзино ва рийқату баъзино йушфи сакийман» («Бисмиллоҳи, еримизнинг туфроғи ва баъзимизнинг тупугимиз беморга даво бўлғай»), — дер эрдилар».

Оиша онамиз айтадилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дам солаётганларида «Бисмиллоҳи, турбату арзино ва рийқату баъзино йушфи сакийман би-изни раббино» («Бисмиллоҳи, еримизнинг туфроғи ва баъзимизнинг тупугимиз раббимиз изни билан беморга даво бўлғай»), — дер эрдилар».

37-боб. Дам солаётиб тупурмоқ хусусида

Қатода разияллоҳу анҳу: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Аниқ ва яхши туш Оллоҳдан, ёмон туш шайтондан содир бўлғай. Агар бирортангиз уйқунгизда ўзингиз ёқтирмаган, нохуш нарсани кўрсангиз, эрта билан уйғонганингизда уч марта (чап тарафингизга қараб) тупуринг ва Оллоҳ таолодан унинг ёмонлигидан ўзингизга паноҳ тиланг. Шунда кўрган ёмон тушингиз сизга зарар қилмайди» деганларини эшитдим», — дедилар. Шунда Абу Салама: «Гарчи тоғдан ҳам оғир туш кўрсам ҳам, энди сира парво қилмайман!» — дедилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқуга ётмоқчи бўлсалар, «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ҳамда иккала «Қул аъзузу» ни ўқиб икки кафтларига суфлар эрдилар. Сўнг, кафтларини юзларига тортар эрдилар, шунда кафтлари юзларига тегмас эрди. Бемор бўлиб қолганларида эса, шундай қилмоқни менга буюрар эрдилар».

Юнус: «Мен ибн Шихобнинг уйқуга ётганида шундай қилганини кўп кўрганман», — дейдилар.

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир гуруҳ саҳобалари сафарга чиқиб, йўл-йўлакай араб қавмларидан бирининг манзилгоҳига бориб қўнди. Кейин, ўша қавмдан ўзларини меҳмон қилишларини илтимос қилишди, лекин улар кўнишмади. Шу аснода мазкур қавмнинг оқсоқолини чаён чақиб олди. Улар барча чораларни кўришди, аммо фойдаси бўлмади. Шунда баъзилар: «Бизнинг манзилгоҳга келиб қўнган кишиларнинг бирортасида, эҳтимол, доридармон бордир?» — деди. Сўнг, улар саҳобалар ҳузурига боришиб: «Эй одамлар! Бизнинг оқсоқолимизни чаён чақиб олди, барча чораларни қилдик аммо фойда бермади. Сизлардан бирортангизда доридармон борми?» — деди. Саҳобалардан бири: «Ҳа, худо ҳаққи! Мен дуохонман, лекин сизлардан бизни меҳмон қилишингизни илтимос қилганимизда, кўнмадингизлар. Энди, токи бизга ҳақ тўламас экансизлар, дам солмайман», — деди. Ниҳоят, ҳар икки томон бир пода қўйга келишишди. Бояги саҳоба бориб «Сураи Фотиҳа»ни ўқиб дам , сола бошлади. Оқсоқол тўлғаниб ётган еридан туриб, юриб кетди. Сўнг, қавмдошларига келишилган қўйларни беришни амр қилди. Оқсоқолнинг баъзи қавмдошлари: «Қўйларни сизларга тақсимлаб берайликми?» — дейишган эди, дам солган саҳоба: «Йўқ, бундай қилманглар, биз аввал Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтайлик сўнг ул зот нимаики амр қилсалар, ўшанга амал қилайлик», — деб айтди. Саҳобалар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унинг (яъни, «Сураи Фотиҳа» нинг) даво эканлигини қаердан билдингизлар? Тўғри иш қилибсизлар, қўйларни ўзаро тақсимлаб, менга ҳам улуш ажратинглар!» — дедилар.

38-боб. Дам солувчининг оғриқ жойни ўнг қўли билан силамоғи ҳақида

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзиларга «Қул аъзу»ни ўқиб дам солар ва ўнг қўллари билан силаб: «Азҳиб ил-баъс рабб ун-нос ва-шфи, анташ-шофий, ло шифо илло шифоука, шифо ло йуғодир суқман!» («Эй инсонлар парвардигори, дардни кетказиб шифо ато этғил, сен шифо ато этувчисан, сенинг шифоингдан бўлак шифо йўқ, сен берган шифо ҳеч бир дардни қолдирмағай!» — дер эрдилар».

39-боб. Аёлнинг эркакка дам солмоғи хусусида

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этмасларидан олдин бетоб бўлган кезларида «Қул аъзу»ни ўқиб, ўзларига ўзлари дам солар эрдилар. Дардлари оғирлашиб, ҳоллари қолмагач, ул зотга мен ўзим дам солар эрдим. Шунда, баракали бўлсин учун ўз қўллари билан ўзларини силар эрдим».

Маъмар айтадилар: «Жаноб Расулulloҳ қандай қилиб дам солар эрдилар?» — деб Ибн Шиҳобдан сўрасам, у: «Иккала қўлларига дам солиб, сўнг юзларини силар эрдилар», — деб айтди».

40-боб. Сира ҳам дам солмаганлар ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримизга чиқиб бундай деб айтдилар: «(Оллоҳ таоло) менга барча умматларни кўрсатди. Бир пайғамбар биргина уммати билан, иккинчи бир пайғамбар иккитагина уммати билан, баъзи пайғамбарлар бир қанча умматлари билан, яна бир пайғамбар ёлғиз ўзи олдимдан ўтди. Ногаҳон, уфқни тўлдириб келаётган қандайдир оломонни кўрдим. Қанийди, шулар менинг умматим бўлса, деб умид қилдим, бироқ «Булар Ҳазрат Мусо ва унинг умматлари» деб хабар қилишди. Сўнг менга: «Буюққа қара!» — дейилди, қарасам, уфқни тўлдириб бир оломон келаётир. Кейин, яна: «Анави ва манави томонларга ҳам қара!» — дейилди. Шунда, кўрсатилган томонлардан ҳам уфқ тўла оломон келаётганини кўрдим. «Ана ўшалар сенинг умматларинг бўлиб, улардан етмиш мингги сўроқсиз жаннатга киради», — дейилди». Кейин, одамлар тарқаб кетди, Жаноб Расулulloҳ уларга бу ҳақда ҳеч нарса тушунтирмадилар. Ул зотнинг саҳобалари: «Биз бўлсак жоҳилият даврида туғилиб, сўнг Оллоҳ таоло ва унинг расулига иймон келтирганмиз. Биз ўшалар қаторида бўламмизми ёки ислом даврида туғилган авлодларимиз бўладими?» — дея ўзаро суҳбатлашишди. Жаноб Расулulloҳ уларнинг гапидан хабар топиб, ташқарига чиқдиларда: «Улар ирим-сиримга ишонмайдиганлар, баданларига тамға қиздириб босмайдиганлар, дам солдирмайдиганлар ва Оллоҳ таолога таваккал қилганлардир» — деб айтдилар. Шунда Уккоша ибн Миҳсан ўринларидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, мен ўша жаннатга сўроқсиз кирадиганлар орасида бўламанми?» — деб сўрадилар. Жаноб Расулulloҳ «Ҳа», — дедилар. Яна бошқа бир саҳоба ўринларидан туриб: «Мен ҳам бўламанми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Уккоша сендан олдин сўради», — деб жавоб қилдилар».

41-боб. Ирим-сирим ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолонинг иродасисиз бирорта ҳам касаллик ўзича юқмайди, (ҳеч нарса ўзича)

ёмонлик келтирмайди. Уч нарсада: хотин, хонадон ва от-уловда фалокат яширинган бўлади», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «(Бирор нарсанинг бахтсизлик келтирмоғига инониб) ирим-сирим қилиш ярамайди, унинг (ирим-сиримнинг) яхшиси — фолдир» деганларини эшитдим. Шунда одамлар: «Фол нима?» — деб сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бирортангиз эшитадиган яхши сўздир (яъни, бирор киши сизга айтадиган хушxabардир)» — дедилар».

42-боб. Фол ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Бирор нарсанинг бахтсизлик келтирмоғига инониб) ирим-сирим қилмоқ ярамайди, унинг яхшиси — фолдир», — дедилар. Шунда бир киши: «Ё Расулаллоҳ, фол нима?» — деб сўради, Расулуллоҳ: «Бирортангиз эшитадиган яхши сўздир», — деб айтдилар».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касалликнинг юқумлилиги ҳам, ирим-сирим ҳам йўқ нарса. Менга яхши фол, яъни хуш сўз ёқади», — дедилар».

43-боб. Бойқушнинг фалокат келтирмаслиги ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касаллик юқмайди (ҳеч қайси касаллик Оллоҳнинг иродасисиз ўзича юқмайди), ирим-сирим беъманилик бойқуш бахтсизлик келтирмайдир ва сафар (ойи) бехосият эмас», — дедилар».

44-боб. Коҳинлик ҳақида

Абу Ҳурайра айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳузайл қабиласига мансуб икки аёлнинг жанжалини муҳокама қилдилар. Улардан бири иккинчисининг қорнига тош отиб, ҳомиласини ўлдириб қўйган эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлнинг ўлган ҳомиласи учун товон тарзида битта энг яхши қул ёким чўри ҳукм қилдилар. Шунда, бояги товондор бўлиб қолган аёлнинг эри: «Ё Расулаллоҳ, қандай қилиб ҳали еб-ичмаган, сўзламаган ва чирқираб йиғламаган (ҳомила) учун товон тўлайман?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу — коҳинларнинг биродарларидан экан-ку!» (яъни, «Келажак илми — илми ғайбдан бохабарликни даъво қилувчи коҳинлардан экан-ку!») — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Иккита аёлдан бири иккинчисига тош отиб, қорнидаги ҳомиласини тушириб қўйди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бунинг учун битта энг яхши қул ёким чўри ҳукм қилдилар».

Саъид ибн ал-Мусайяб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам онасининг қорнида ўлдирилган ҳомила учун товон тарзида битта энг яхши қул ёким чўри ҳукм қилдилар. Шунда, товон тўлаши лозим бўлган киши (ўлдирган аёлнинг эри): «Қандай қилиб ҳали еб-ичмаган, тилга кирмаган, чирқираб йиғламаган ҳомила учун товон тўлайман?» — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу коҳинларнинг биродарларидан экан-ку!» — дедилар».

Абу Масъуд ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ит сотиб, фоҳишалик

ҳамда қоҳинлик қилиб танилган пулдан ҳазар қилмоқни амр қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Одамлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қоҳинлар ҳақида сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳечқиси йўқ, сўрайверингизлар», — дедилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, қоҳинларнинг бизга айтган гаплари баъзан тўғри чиқиб қолади», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўша ҳақ гапларни жинлар (ғоибдан) эшитиб олиб, ўз хожасининг (қоҳиннинг) қулоғига етказди, у бўлса юз хил ёлғонни қўшиб-чатиб, сизларга айтади», — дедилар».

45-боб. Сеҳр ҳақида

Оллоҳ таоло ўз ояти кариймасида бундай дейди: «Ва локиннаш-шайотийна кафаруу йуъллимуунан-носассихра ва мо унзила алалмалакайни би-бобила ҳорута ва морута ва мо йуъллимони мин аҳадин ҳатто йақуло иннамо наҳну фитнатун фало такфур файатаъалламууна минҳумо мо йуфарриқууна биҳи байналмаръи ва завжиҳи ва мо ҳум би-зоррийна биҳи мин аҳадин илло би-изниллоҳи ва йатаъалла-мууна мо йазурруҳум ва ло йанфаъухум ва лақад алимуу ламани-штароҳу мо лаҳ фи-л-охирати мил халоқин».

Мазмуни: «Ва лекин шайтонлар кофир бўлдилар ва одамларга (ўз) сеҳр-жодуларидан ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Морут исмли икки фариштага нозил қилинган сеҳр-жодудан таълим берур эрдилар. Ул икки фаришта эрса, сеҳр-жодудан таълим олмоқ талабида бўлган ҳар бир кишига, таълим бермоқдин аввал: «Бу иш иймонингга нуқсон етказиб, тағин кофир бўлиб қолма!» — дер эрдилар ва улар ўз истаклари билан улардин эру хотинни бир-биридан жудо қилғувчи нарсаларни ўрганур эрдилар. Ҳолбуки, улар Оллоҳдан беизн ҳеч кимга зарар етказа олмаслар, улар ўзларига зарарли, нафи тегмайдирган нарсаларни ўрганурлар. Улар аниқ биладиларки, албатта кимки сеҳр-жодуни сотиб олса, у охиратда бенасиб бўлур». Оллоҳ таолонинг бошқа кўпгина ояти кариймаларида ҳам сеҳр-жоду ҳақида зикр қилинади.

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Баний Зурайҳ қабиласига мансуб Лабийд ибн ал-Аъсам исмли бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни сеҳрлаб қўйди. Натижада, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, аслида ҳеч нарса қилмаётган бўлсалар ҳам, нимадир қилаётгандек туюладиган бўлиб қолди. Кунлардан бир куни ёким кечаларнинг бирида, Жаноб Расулуллоҳ менинг ҳузуримда эканликларида узундан-узун дуо ўқидилар, сўнг бундай дедилар: «Ё Оиша, сездингми? Оллоҳ таоло мен нима хусусида илтижо қилган бўлсам, ўшанга ижобат қилди. Икки киши (Жаброил ва Микоил) келиб, улардан бири бош томонимга, иккинчиси оёқ томонимга ўтирди. Улардан бири шеригига: «Бу одамнинг дарди қандай дард?» — деди. Шериги: «Сеҳрланган», — деди. Яна аввалгиси: «Ким уни сеҳрлади?» — деди. Шериги: «Лабийд ибн ал-Аъсам», — деди. Яна аввалгиси: «Нима билан?» — деди. Шериги: «Тароқ, соч толалари ва хурмо гулининг эркак уруғкуртаги қобиғи билан», — деди. Яна аввалгиси: «Ўша қаерда?» — деди. Шериги: «Зарвон қудуғида», — деди». Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча саҳобаларини олиб ўша жойга бордилар. Қайтиб келгач: «Ё Оиша, қудуқ суви худди хина сувига, атрофидаги хурмо дарахтларининг тепаси эса шайтоннинг бошига ўхшаб кетибди», — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, қудуқдан чиқариб олиб ташладингизми?» — десам, Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ, Оллоҳ таоло менга шифо ато этди, мен одамлар орасида бу ҳақда шов-шув бўлишини хоҳламадим», — дедилар. Кейин, қудуқни кўмдириб юбордилар».

46-боб. Оллоҳ таолога ширк келтириш ва сеҳр-жоду қилишнинг оқибати ҳалокатли эканлиги ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолога ширк келтириш ва сеҳр-жоду қилишдек гуноҳи азимлардан қочингиз!» — деб айтганлар», — дейдилар.

47-боб. Сеҳрни қайтарса бўладими?

Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Саъид ибн ал-Мусайябдан: «Бир киши сеҳрланган ёким афсун ила боғлаб қўйилгану хотини билан қўшила олмай қолган бўлса, қайтариқ қилиши мумкинми?» — деб сўрадим. Саъид ибн ал-Мусайяб: «Бунинг ҳеч қўрқинчли ери йўқ. Чунким, бундай одамлар қайтариқ қилдириш билан фақат ўз дардларидан нажот топмоқчи бўладилар. (Жаноб Расулуллоҳ) дарддан халос бўлмоққа нафи тегадирган амалларни сира ҳам манъ қилмаганлар», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни сеҳрлаб қўйишди. Ҳатто, ул зот аёллари билан яқинлик қилмаётган бўлсалар ҳам, шундай қилаётганлари кўзларига кўринадиган бўлиб қолди. Суфён: «Агар (киши) ана шундай ҳолатга тушиб қолса, жуда қаттиқ сеҳрланган бўлади», — дейдилар. «Эй Оиша, — дедилар Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, — билдингми? Оллоҳ таоло мен нима хусусида илтижо қилган бўлсам, ўшанга ижобат қилди. Икки киши (Жаброил ва Микоил) келиб, улардан бири бош томонимга, иккинчиси оёқ томонимга ўтирди. Бош томонимдаги оёқ томонимдагига: «Бу одамнинг дарди қандай дард?» — деди. Оёқ томонимдаги: «Сеҳрланган», — деб айтди. Бош томонимдаги: «Уни ким сеҳрлаган?» — деб сўради. Оёқ томонимдаги: «Баний Зурайҳ қабиласига мансуб Лабийд ибн ал-Аъсам исми киши, у яҳудийлар билан тил бириктирган бўлиб, мунофиқ одамдир», — деди. Бош томонимдаги: «Нима билан сеҳрлади?» — деб сўради. Оёқ томонимдаги: «Тароқ ва каноп тивити билан», — деди. Бош томонимдаги: «Ўша қаерда?» — деб сўраган эди, шериги: «Хурмо гулининг эркак уруғкуртаги қобиғи ичида, Зарвон қудуғидаги тош остида», — деб айтди». «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, — деб ривоятларини давом эттирдилар Оиша онамиз, — ўша қудуқ бошига бориб, сеҳр қилинган нарсаларни чиқариб олиб ташладиларда, бундай дедилар: «Қудуқнинг бошига бориб қарасам, унинг суви хина сувиға, атрофдаги хурмо дарахтларининг тепаси эса шайтоннинг бошига ўхшаб қолибди. Сеҳрланган нарсалар (қудуқдан) олиб ташланди». «Қушоиш топдингизми? — деб сўрадим», — дейдилар Оиша разияллоҳу анҳо. Жаноб Расулуллоҳ: «Худо ҳақи, яратган менга шифо ато этди, мен одамларнинг бирортасига зарар етказиб қўймайин, дедим», — деб айтдилар».

48-боб. Сеҳр боби

(Бу боб такроран келтирилган)

49-боб. Баёнда ҳам сеҳр борлиги ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар айтадилар: «Икки киши Машрикдан келиб нутқ сўзлади (хутба айтди). Уларнинг (ўз фикрини чиройли) баён қилиши одамларни мафтун қилиб қўйди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Баёнда ҳам сеҳр мавжуд (ёки баъзи баённинг сеҳри бор)», — дедилар».

50-боб. Сеҳрни ажва (олий нав хурмо) билан қайтармоқ ҳақида

Саъд ибн Ваққос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ҳар куни эрта билан ажвадан еб турса, унга ўша куни тунгача заҳар ҳам, сеҳр ҳам таъсир қилмайди», — дедилар».

Бошқа бир ровийнинг айтишига қараганда, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки эрта билан туриб, етти дона ажва еса, унга (ўша куни) заҳар ҳам, сеҳр ҳам зарар қилмайди», — деган эканлар.

51-боб. Бойқушнинг фалокат қелтирмаслиги ҳақида

Абу Ҳурайра дедилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касал (ўзича) юқмайди, сафаройи бехосият эмас, бойқуш бахтсизлик келтирмайди», — деган эдилар, бир аъробий: «Ё Расулаллоҳ, туяларимиз чўлларда соппа-соғ юради. Ногоҳ, бир қўтир туя ораларига келиб қўшилди дегунча, ҳаммаси қўтир бўлиб қолади», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «(Ўша орага келиб қўшилган) биринчи туяни ким қўтир қилган?» — дедилар».

Абу Салама ривоят қиладилар: «Мен, кейинчалик Абу Ҳурайранинг «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касал туяни соғ туялар орасига киритмангиз» — деганлар, деганини эшитдим Абу Ҳурайра ўзи айтган аввалги ҳадисни инкор қилди. Шунда биз: «Сен, касал юқмайди, деб ривоят қилмаганмидинг?» — десак у ҳабаш тилида бирнималар деб ғўлдиради.

Абу Салама: «Абу Ҳурайранинг ўша ҳадисдан бошқасини унутганини кўрмадим», — дейдилар.

52-боб. Ҳазрат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг заҳарланганликлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай деб айтиб бердилар: «Хайбар фатҳ қилинган куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (кимдир заҳарланган қўй гўшти тақдим этди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шу ерда яшайдиган барча яҳудийларни йиғиб келинглари! — дедилар. Улар йиғилгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизлардан бир нарса ҳақида сўрасам, тўғри жавоб қиласизларми?» — дедилар. Улар: «Ҳа ё Абулқосим!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг отангиз ким?» — дедилар Улар: «Отамиз фалончи», — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ёлғон айтяпсизлар, сизларнинг отангиз фалончи», — дедилар. Улар: «Расул жуда тўғри айтдингиз», — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мен сизлардан бир нарса ҳақида сўрасам, тўғри жавоб қиласизларми? — дедилар. Улар: «Ҳа, ё Абулқосим! Бундан аввал ёлғон гапирганимизни билганингиздек бу гал ҳам ёлғон гапирсак билиб қоласиз», — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дўзах аҳли ким?» — дедилар. Улар: «Биз дўзахда озгина вақт бўламиз, кейин сизлар бизнинг ўрнимизга борасизлар», — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар у ерда қоласизлар, Оллоҳ ҳақи, биз ўрнингизга бормаимиз!» — дедилар. Сўнг, улардан: «Сизларга бир нарса ҳақида савол берсам, тўғри жавоб қиласизларми? — деб сўрадилар. Улар: «Ҳа», — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу қўй гўштига заҳар солдингларми?» - дедилар. Улар: «Ҳа», — дейишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларни бунга нима мажбур қилди?» — дедилар. Улар: «Биз бу билан, агар ёлғончи бўлсангиз, сиздан қутуламиз, мабодо (ҳақиқатан ҳам) пайғамбар бўлсангиз, унда сизга зарар қилмайди, деб ўйладик», — дейишди».

53-боб. Инсон учун хавфли ярамас нарсалар билан даволаниш ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки тоғдан ташлаб ўзини ўлдирса, жаҳаннам ўтида ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб,

абадул-абад куяди. Кимки заҳар ичиб ўзини ўлдирса, жаҳаннамда ҳам ўша заҳар қўлида бўлиб, ундан ича-ича абадул-абад ўтда куяди. Кимки ўзини (бирор) тиғ билан ўлдирса, жаҳаннамда ўша тиғ билан унга азоб берилиб, абадул-абад ўтда ёнади», — деб айтдилар».

54-боб. Эшак сути ҳақида

Абу Саълаба ал-Хушаний ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам озиқ тишли ҳайвон гўштини ейишни манъ қилдилар».

Аз-Зухрий: «Шомга боргунимга қадар бу ҳадисни сира эшитмагандим» — дедилар. Ибн Шихоб: «Мен Абу Идрисдан: «Эшак сутини ичгач ёки ҳайвон ўтини егач, ёким туя сийдигини ичгач, таҳорат қилишимиз лозимми?» — деб сўрадим. Абу Идрис: «Мусулмонлар бу нарсалардан даво сифатида фойдаланар ва бунинг ҳеч зарари йўқ деб ҳисоблар эрдилар. Эшак сутига келсак Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг эшак гўштини ейишдан қайтарганлари ҳақида бизга айтилган, аммо унинг сутини ичиш ёки ичмаслик хусусида амр қилганликларини билмаймиз. Аммо, ҳайвон ўти масаласига келсак Абу Саълабанинг гапига қараганда, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ҳар қандай озиқ тишли ҳайвон гўштини ейишни манъ қилганлар», — деди.

55-боб. Идишга тушган пашшага нисбатан айтилган ҳукм ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангизнинг идишингизга пашша тушса, уни бутунлай ботириб, сўнг олиб ташланг, чунким унинг бир қанотида шифо, иккинчисида дард мавжуд», — дедилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

ЛИБОС ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб.

Оллоҳ таолонинг шу хусусдаги қавли: «Айт! (Оллоҳ ўз бандалари учун яратган зийнатни ким таъқиқлади?)». Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Исроф қилмай ва кибр-ҳавога берилмай энглар, ичинглар, кийининглар ва садақа қилинглари!» — деганлар. Ибн Аббос эса: «Рухсат қилинган нарсалардан истаганингни еб, истаганингни кий, исроф қилмасанг ва кибр-ҳавога берилмасанг, бўлгани!» — деганлар. Ибн Умар: «Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло кўйлаги этагини кибру ҳаво бирлан судраб юрадиган бандаларга марҳамат назарини ташламайди», — деганлар», — дейдилар.

2-боб. Изорини кибрланмай судраб юрадиганлар ҳақида

Салим ибн Абдуллоҳ оталаридан бундай деб нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки кўйлагини такаббуруна судраб юрса, Оллоҳ таоло қиёмат куни унга марҳамат назари бирлан қарамайди», — дедилар Абу Бакр: «Ё Расулаллоҳ, мен ўзим атайлаб қилмаган ҳолда изоримнинг бир тарафи осилиб қолсачи? — деб сўрадилар. Жаноб Расулulloҳ: «Сиз ўзига бино кўядиганлардан эмассиз!» — деб жавоб қилдилар».

Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Қуёш тутилганда биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эрдик ул зот шоша-пиша кийимларини судраганларича масжидга чиқиб кетдилар. Одамлар йиғилгач, икки рақъат намоз ўқидилар. Қуёш тутилиб бўлди. Кейин, бизга ўгирилиб: «Дарҳақиқат, қуёш ва ой Оллоҳ таоло мўъжизаларидан бўлмиш икки мўъжизадир (Оллоҳ таоло қудратини намоён қилувчи икки далилдир). Башарти, улардан қайси бирининг тутилганини кўрсангиз, дарҳол намоз ўқингиз ва то тутилиб бўлгунча дуо айтиб, Оллоҳ таолога илтижо қилинган!» — дедилар».

3-боб. Кийимни шимариш ҳақида

Абу Жухайфа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Билолнинг найза олиб келиб (қибла тарафга) санчиб кўйиб намозга иқомат (такбир) айтганини кўрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шимарилган ҳулла кийиб чиқиб, найзага қараб икки рақъат намоз ўқидилар. Шунда, одамлар ва от-улов найза ортидан бемалол ўтаверганди».

4-боб. Тўпиғидан паст кийим кийган одамнинг жаҳаннамга тушмоғи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки изорини тўпиғидан паст қилиб кийса, жаҳаннамга тушади», — дедилар».

5-боб. Димоғдорлигидан кийимини судраб юрган одамлар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадиларки, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Димоғдорлигидан изорини судраб юрганларга Оллоҳ таоло қиёмат куни марҳамат назари бирлан қарамайди», — деган эрканлар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий ёки Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Ўзига ёққан кийим кийиб олган бир одам сочларини ёйиб елкасига ташлаб олиб, такаббуруна қадам ташлаб кетаётган эди. Оллоҳ таоло уни ер қаърига ташлади, у қиёматга қадар ер остида тўлғониб ва дод солиб азоб чекади», — деб айтдилар» (Қалободий: «Бу — Фиръавн вазири, золим, такаббур Қорун эди», — дейдилар).

Абдуллоҳ ибн Умар оталаридан эшитганларини нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир одам изорини такаббуруна судраб кетаётган эди, Оллоҳ таоло уни ер қаърига ташлади. У қиёматга қадар ер остида тўлғониб, дод солиб азоб чекади», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки кийимини такаббурлик бирлан судраб юрса, Оллоҳ таоло қиёмат куни унга марҳамат назарини ташламайди», — дедилар. Мен Муҳорибдан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам изорни назарда тутиб гапирдиларми?» — деб сўраган эрдим, у: «Изорни ҳам, қўйлакни ҳам алоҳида айтиб таъкидладилар», — деди».

6-боб. Попукли изор киймоқ ҳақида

Зухрий, Абу Бакр ибн Муҳаммад, Ҳамза ибн Абу Усайд, Муовия ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар — ҳаммалари попукли кийим кийишган, деб зикр қилинади.

Урва ибн Зубайр ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг заифалари — Оиша онамиз: «Мен ва Абу Бакр Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларида ўтирганимизда Рифоат ал-Қуразийнинг хотини келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен Рифоатнинг никоҳида эрдим, у мени талоқ қилди. Сўнг, мен Абдурраҳмон ибн Зубайрга эрга тегдим. Худо ҳаққи, ё Расулаллоҳ, унинг олати мана шу попукдек келади, холос», — деб жилбобининг (кўйлагининг) попугини кўрсатди. Эшик олдида турган Холид ибн Саъид (унга ичкарига киришга рухсат берилмаган эди) хотиннинг гапини эшитиб: «Ё Абу Бакр, бу хотиннинг Жаноб Расулуллоҳ ҳузурларида шундай гапларни айтишига қандай қилиб йўл қўйдингиз?! — деди. Шунда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам табассум қилиб қўйдиларда: «Балким, сен яна Рифоатга тегмоқчидирсан? Йўқ, бўлмайди! Токи Абдурраҳмон ибн Зубайр бирлан қўшилмас эркансан, бу мумкин эмас!» — дедилар. Шундан эътиборан, бу кўрсатма суннат бўлиб қолди».

7-боб. Ридолар (узун уст кийими) ҳақида

Анас: «Бир аъробий Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ридоларидан тортди», — деб айтгандилар.

Ҳусайн ибн Али оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ридоларини олиб келишни буюрдиларда, уни кийиб олиб, жўнаб кетдилар. Мен ва Зайд ибн Ҳориса орқаларидан эргашдик. Ҳамзанинг уйига етиб келгач, ичкарига киришга ижозат сўрадилар, у рухсат берди».

8-боб. Кўйлак кийиш ҳақида

Оллоҳ таолонинг Юсуф ҳақидаги ҳикоя хусусида айтган қавли: «Менинг мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзларига ёпинглар, кўр кўзлари очилади».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Бир киши: «Ё Расулаллоҳ, ҳаж ва умра вақтида эҳром боғлаган одам яна қандай кийимлар киймоғи мумкин?» — деб сўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам: «Эҳром боғлаган одам кўйлак ҳам, сирвол ҳам, бурнус ҳам, маҳси ҳам киймайди. Агар (кавуш сингари тўпикдан юқори бўлмаган) оёқ кийими топмаса, маҳсининг қўнжини тўпигининг пастидан қирқиб ташлаб кияверади», — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул қабрга қўйилгандан сўнг етиб келдилар. Кейин, маййитни қабрдан чиқармоқни буюрдилар. (Унинг бошини) икки тиззаларига қўйиб, дам солдилар ва унга ўз кўйлаklarини кийдириб қўйдилар. Нега бундай қилганларини Оллоҳ билади».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Убай ўлгач, унинг ўғли Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, кўйлагингизни менга берсангиз, мен у билан отамни кафанласам, дегандим. Кейин, у кишига гуноҳларини тилаб истиғфор айтсангиз!» — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга кўйлаklarини бериб: «Маййит тайёр қилинган, бизга хабар бер!» — деб айтдилар. У маййит тайёр қилинган, хабар берди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жаноза ўқигани бордилар. Ҳазрат Умар Жаноб Расулуллоҳни тўхтатиб: «Мунофиқларга жаноза ўқимоқни Оллоҳ таоло сизга манъ қилмаганмиди?!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Улар учун истиғфор айтсанг ҳам, айтмасанг ҳам барибир, чунки, гарчи етмиш марта истиғфор айтганинг бирлан Оллоҳ таоло уларнинг гуноҳларидан ўтмайди», — дедилар. Шу пайт, «Улардан (мунофиқлардан) бирортаси ўлса, сира ҳам жаноза ўқима, қабри тепасига ҳам борма!» деган ояти карийма нозил бўлди. Шунда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқимадилар».

9-боб. Кўйлак ёқасини кўкрак олдидан бошлаб очмоқ ва бошқалар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бахил бирлан сахий (садақа бергувчи) ни бамисоли темир жубба (совут) кийган икки кишига ўхшатдилар. Улар (темир жубба сиқатгандан) қўллари билан кўкрагу бўғизларини чангаллаб олганлар. Сахий садақа бергани сари (жуббаси кенгая) боради ва бўғзи бирлан кўкрагини чангаллаб турган) бармоқлари бўшашади, оёқларига жон киради. Бахил эса, садақа беришга урингани сари жуббасининг ҳар бир халқаси тобора сиқиб, торайиб боради (чунки, у садақани чин юракдан чиқариб бермайди)».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўллари билан мана бундай қилиб ёқаларига ишора қила туриб: «Уни (жуббани) ҳарчанд кенгайтиришга уринмасин, барибир кенгайтирилмайди!» — деяётганларини кўрдим».

10-боб. Сафарда энги тор чопон кийган киши ҳақида

Муғийра ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатга бориб қайтиб келдилар. Мен (обдастада) сув олиб, у кишига пёшвоз чиқдим. Ул зот (шомий чопон кийиб олган эдилар) таҳорат олдилар: оғиз-бурун чайқадилар, юзларини ювдилар. Кейин, шомий тўнларининг энгидан қўлларини ташқарига чиқармоқчи бўлиб эрдилар, торлик қилди. Шунда, қўлларини энг ичидан тортиб чиқардиларда, (тирсаккача қўшиб) ювдилар, маҳсиларига масҳ тортдилар».

11-боб. Ҳазотда жундан қилинган чопон киймоқ ҳақида

Муғийра ибн Шўъба ривоят қиладилар: «Кунлардан бирида мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан сафарда эрдим. «Сенда сув борми?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — деб эдим,

туяларидан тушиб, тун қоронғусида кўзимдан ғоиб бўлдилар. Кейин, қайтиб келдилар. Идишдаги сувдан қуйиб турдим, юз-қўлларини ювдилар, кейин устларидаги жун чопоннинг энгидан қўлларини ташқарига чиқармоқчи бўлиб эрдилар, торлик қилди. Шунинг учун қўлларини энг ичидаи чиқариб билакларини (тирсак билан қўшиб) ювдилар. Сўнг, бошларига масҳ тортдилар. Мен маҳсиларини тортиб, ечиб қўймоқчи эдим: «Тегма, мен маҳсини таҳоратли оёққа кийганман — дедиларда, маҳсиларига масҳ тортдилар».

12-боб. Қабо ва ипак фарруж ҳақида

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўлжа олинган қаболарни тақсимладилар. Лекин Махрамага ундан бирортасини бериб юбормадилар. Шунда, Махрама менга: «Эй ўғлим, бизни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уйларига олиб бор!» — дедилар. Мен олиб бордим. Кейин, Махрама: «Ичкарига кириб, ул кишини менга чақириб бер!» — дедилар. Мен чақириб бердим. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўша (тақсимланган) қаболардан бирини кийиб чиқиб: «Буни сенга олиб қўйган эдим», — дедиларда, Махрамага қараб: «Махрама рози бўлдими?» — дедилар»

Уқба ибн Омир ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга ҳарир фарруж совға қилиб эрдилар, уни кийиб намоз ўқидилар. Намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, ҳазар қилгандек тезда уни ечиб ташладиларда: «Бундай кийим аҳли тақвога (тақводорларга) ярашмайди!» — деб айтдилар».

13-боб. Бурнуслар ҳақида

Сулаймон ибн Тархон аттаймий: «Мен Анас ибн Моликнинг сариғ хазз (жун аралаш ипак мато)дан бурнус (чопон) кийиб олганини кўрганман», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Бир одам: «Ё Расулalloҳ (ҳаж ёки умрага) эҳром боғлаган киши қандай кийимлар киймоғи мумкин?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Кўйлак ҳам, салла ҳам, чолвор ҳам, бурнус ҳам, маҳси ҳам киймангиз, башарти бирор киши кАбуш топмаса, маҳсисининг қўнжини тўпиғидан паст қилиб кесиб ташлаб, кийса бўлади. Заъфарон ва варс теккан кийим ҳам киймангиз!» — деб айтдилар».

14-боб. Чолворлар ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки изор топмаса, чолвор кийсин, кимки кАбуш топмаса, маҳси кийсин!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Бир одам ўрнидан туриб: «Ё Расулalloҳ, эҳром боғлаганимизда бизга қандай кийимлар киймоғимизни амр қиласиз?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «На кўйлак на чолвор, на салла, на бурнус ва на маҳси киймангиз. кАбуш топмаган киши маҳсисининг қўнжини тўпиғидан паст қилиб кесиб ташлаб кийиши мумкин, холос. Заъфарон ёким варс теккан кийимларни ҳам кия кўрмангиз!» — дедилар».

15-боб. Саллалар ҳақида

Бу ерда Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилган юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

16-боб. Ниқобланиш ҳақида

Ибн Аббос: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини мато бирлан танғиб чиқдилар», — дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ муслмонлар Ҳабашистонга жўнаб кетдилар. Абу Бакр ҳам сафарга ҳозирлик кўриб қўйдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига: «Шошмай туринг, (ҳижрат қилмоғим учун) менга ижозат берилмоғини истаб, кутиб турибман», — дедилар. Абу Бакр: «Отам ҳаққи, чинданам изн берилишини истаб, кутиб турибсизми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа!» — дедилар. Абу Бакр Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамроҳ бўлмоқ учун ушланиб қолиб, икки туяларини тўрт ой мобайнида акақия барги билан яхшилаб боқиб турдилар».

Урва: «Оиша бундай деб эди», — дейдилар: «Кунлардан бирида чошгоҳ вақтида биз уйимизда ўлтириб эрдик бир киши келиб Абу Бакрга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ниқобланиб олиб биз томон келмоқдалар, бундай пайтда сира ҳам ташриф буюрмас эрдилар», — деб хабар берди. Абу Бакр: «Ота-онам ул зотга фидо бўлсин! Оллоҳ таоло ҳаққи, бундай пайтда келмоқда эрканлар, демак жуда муҳим ишлари бор», — дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам етиб келгач, изн сўраб ичкарига кирдиларда, Абу Бакрга: «Ҳузурингиздагилар ташқарига чиқиб турсин!» — дедилар. Абу Бакр: «Отам фидо бўлсин сизга, ё Расулalloҳ! Улар сизга бегона эмас», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Менга йўлга чиқмоғимга рухсат берилди», — дедилар. Абу Бакр: «Ё Расулalloҳ, мен ҳамроҳингиз бўлайми?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа», — дедилар. Абу Бакр: «Анави икки туямдан бирини олинг, ё Расулalloҳ!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Пулгами?» — , дедилар».

Оиша онамиз бундай дейдилар: «Иккала туяни тезда йўлга тайёрлаб, хуржунга йўлда еб кетишлари учун егуликлар солиб қўйдик. Асмо бинти Абу Бакр белидаги ҳамаридан озгинасини қирқиб олиб, хуржуннинг оғзини маҳкам қилиб боғлади. Шу боисдан ҳам уни Зот унниток, яъни ҳамарбанд деб аташарди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Абу Бакр Савр тоғидаги ғорга бориб, уч кеча яшириниб ётдилар. Абдуллоҳ ибн Абу Бакр улар билан бирга бўлиб, фаросатли йигитча эди. У (ғордан) чиқиб кетар ва Маккага бориб тонг оттирар эди. Бу билан у Маккадаги қураиш (кофирлари)га гўё шаҳарда тунагандек бўлиб кўринар эди. Сўнг, улардан бирорта муғомбирона гап эшитса, дарров унинг мағзини чақиб қоронғу тушгач, Жаноб Расулulloҳ билан Абу Бакрга етказар эди. Абу Бакрнинг ғулумлари — Омир ибн Фухайра эса, ўзига боқиш учун бериб қўйилган қўйларни шомдан кейин соғиб, сутини уларга бериб келар эди. Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр, Омир ибн Фухайра эрталаб ғира-шира пайтда келиб овоз қилмағунича, ғорда тинчгина ётишар эди. Омир ибн Фухайра ўша уч туннинг ҳар бирида мана шу тариқа уларнинг олдига келиб кетиб турди».

17-боб. Дубулға ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Макка фатҳ қилинган йили, бошларига дубулға кийиб Маккага кирдилар», — дейдилар.

18-боб. Бурдалар, хабаралар ва шамла ҳақида

Хаббоб: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилганимизда ул зот бурдалари (йўл-йўл чопонлари) устида ёнбошлаб ётган эрдилар», — дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга

кетаётган эрдим, ул зот жияги қаттиқ нажроний (Нажрон — Ямандаги шаҳар) чопон кийиб олган эрдилар. Бир бадавий орқаларидан етиб келиб, чопонларидан шунчалик қаттиқ тортдики, мен ҳатто чопонларининг жияги ботиб, бўйинларига из тушиб қолганини кўрдим. Бадавий: «Ё Муҳаммад, ўзингдаги (яъни, Байтулмол деб аталмиш ўша даврдаги давлат хазинасидаги) Оллоҳнинг молидан менга бермоқларини буюр!» — деди. Жаноб Расулulloҳ қайрилиб қарадиларда, табассум қилдилар ва унга бирор нарса бериб юборишни амр қилдилар».

Абу Ҳозим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир аёл бурда олиб келди. Саҳл: «Бурданинг нималигини биласанми?» — деб (ўша ердаги бир кишидан) сўради. У: «Ҳа, биламан, бурда — четиға попуқ тўқилган шамладир», — деди. Аёл: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, буни сизга кийдираман деб ўз қўлим билан тўқиганман», — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига керак бўлгани учун ҳам уни олдилар, сўнг (ичкарига кириб), изор ўрнида кийиб бизнинг олдимишга чиқдилар. Шунда, қавмдош кишилардан бири бурдани қўл билан сийпалаб туриб: «Ё Расулаллоҳ, шунга кийдилинг!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бўпти!» — дедилар. Ўша киши Оллоҳ таоло истаганча мажлисда ўлтириб, сўнг қайтиб кетди. Жаноб Расулulloҳ бурдани ўраб, кетидан унга бериб юбордилар. Кейинчалик қавмдошлари унга: «Яхши иш қилмадинг, ул зотнинг бирор нарса сўраган кишига «йўқ» демасларини яхши билар эдинг-ку!» — дейишди. У: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен бурдани ўлганимда ўзимга кафанлик бўлсин, деган ниятдагина сўраган эдим!» — деди. Саҳл: «Дарҳақиқат, ўша бурда унга кафан бўлди», — деган эди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Менинг умматларимдан бир гуруҳи жаннатга (сўроқсиз) киради, уларнинг сони етмиш минг бўлиб, юзлари ой сингари балқиб туради», — деганларини эшитдим. Шунда, Уккоша ибн Миҳсан ал-Асадий эғнидаги шамласини тузата туриб «Ё Расулаллоҳ, мени ўшалар тоифасидан бўлсин, деб дуо қилинг!» — деди. Жаноб Расулulloҳ «Оллоҳуммажъалҳу минҳум» (Парвардигоро, уни ўшалар тоифасидан қилгайсен!) — деб дуо қилдилар. Сўнг, ансорлардан бири ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолодан мени ҳам ўшалар тоифасидан қилмоғини сўраб дуо қилинг!» — деб эди, Жаноб Расулulloҳ: «Уккоша сендан олдин айтди», — дедилар».

Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Анасдан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қайси кийимни ёқтирадилар?» — деб сўрадим. У: «Ҳабарани», — деб айтди».

Анас ибн Молик: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг севган кийимлари — ҳабара эди», — дейдилар.

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида устларига ҳабара ёпишган эрди», — дейдилар (ҳабара ёки ҳибара — яманий бурда тури)».

19-боб. Кисо ва ҳамисалар ҳақида

Оиша ва Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилишади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб ётганларида юзларини ҳамиса бирлан ёпиб олардилар, нафаслари қайтса, очиб ташлар эдилар. Шу аҳволда бўла туриб «Яҳудийларга Оллоҳнинг лаънати бўлсин! Улар ўз пайғамбарларининг қабрларини ибодатхоналарга айлантириб юбордилар», — дедилар. Бу билан ул зот ўз умматларини огоҳлантирмоқчи бўлдилар».

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам турли белгилар (чизиклар) туширилган ҳамиса кийиб намоз ўқидилар. Намоз ўқиётиб ҳамисаларининг чизикларига бир назар ташлаб қўйиб, икки елкаларига салом бердилар-да «Бунинг чизиклари мени намоздан чалғитди, уни Абу Жаҳмга олиб бориб беринглар, ўрнига анбижония (гулсиз, сидирға кийим) олиб келинглар! — дедилар».

Абу Бурда разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша бизга бир дағал кисо ва изор олиб чиқиб бердиларда: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Оллоҳга жон таслим қилганларида мана шу кийимда эрдилар», — деб айтдилар».

20-боб. Бир елкасини мато бирлан беркитиб, иккинчи елкасини очиб юрмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам муломаса ва мунобаза қилмоқдан, тонгдан сўнг қуёш чиққунга қадар ва асрдан сўнг қуёш ботгунга қадар намоз ўқимоқдан, аврати очилиб қоладиган даражада калта кийим киймоқдан ҳамда бир елкасини мато бирлан ўраб, иккинчисини очиб юрмоқдан қайтардилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам икки кўринишдаги кийинмоқдан, икки тарздаги савдо-сотик — муломаса ва мунобазадан қайтардилар. Муломаса-бир кишининг бошқа бир кишининг кўйлагини, хоҳ кечаси ва хоҳ кундузи бўлсин, қўли билан ушлаб кўргандан кейин: «Кўйлагингни ушлаб кўрдим бўлди, уни менга сотасан ёки кўйлагимни ушлаб кўрдингми, бўлди, уни сотиб оласан!» деб туриб олмоқлигидир. Мунобаза эса, икки кишининг бир-бирига(араб ўз кўйлакла рини отиб юбормоғи ва шу тариқа (молни) кўрмай ва аввалдан келишмай туриб савдо-сотик қилмоғидир (бундай савдо-сотик исломдан аввалги жоҳилия даврида бўлган). Икки кўринишда кийинмоқ хусусига келсак улардан бири-кўйлак киймаган ҳолда бир елкасини мато бирлан ўраб, иккинчи елкасини очиб юрмоқликдир. Иккинчиси-биргина кўйлагига ўраниб олиб, авратини очиб ўлтирмоқдир».

21-боб. Қора ҳамиса хусусида

Умму Холид бинти Холид ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва салламга бир неча кийим келтиришди. Уларнинг ичида битта кичкина қора ҳамиса ҳам бор эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Буни кимга кийдирамиз!» — дедилар. Қавм жавоб бермай сукут сақлади. Жаноб Расулulloҳ: «Умму Холидни менинг ҳузуримга олиб келинглар!» — дедилар. Олиб келишгач, Жаноб Расулulloҳ уни кўтариб, кўйлакни ўз муборак қўллари бирлан кийдириб қўйдиларда: «Эй Умму Холид, йиртиб-йиртиб киявер!» — дедилар. Ҳамисанинг яшил (ёки сариғ) йўллари бор эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Бу — саноҳ, бу — саноҳ!» — дедилар. «Са — ҳабашчасига «яхши» демақдир».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Онам) Умму Салама (уҳамни) туғгач, менга: «Ё Анас, болага қараб тур, бирор азият етмасин, уни Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб бор, танглайини кўтариб қўйсинлар!» — деб айтдилар. Мен уни олиб бордим. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам боғда эгниларига ҳарисий ҳамиса кийиб олиб, Макка фатҳ қилинганда келтирилган туяларни тамғалаётган эрканлар».

22-боб. Яшил кийим ҳақида

Икрима бундай дейдилар: «Рифоат хотинини талоқ қилди. Унга Абдурраҳмон ибн аз-Зубайр

ал-Қуразий уйланди. Оиша онамиз айтадилар: «Унинг бошида яшил ёпинчиғи бўлиб, кўкарган жойларини менга кўрсатиб шикоят қилди». «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам келганларида, — дейдилар Икрима, — хотинлар бир-бирларига ўз қисматларидан нолиб сўзлашиб туришган эрди. Оиша разияллоҳу анҳо: «Бирорта мўмина аёл баданининг мана бу аёл бадани сингари кийими рангидан ҳам кўпроқ кўкарганини кўрмаганман!» — дедилар. Хотинининг Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганини эшитган Абдурраҳмон ибн аз-Зубайр ал-Қуразий ҳам ўзининг бошқа хотинидан туғилган икки боласини етаклаб (Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига) келди. Шунда унинг (шикоят қилиб келган хотини): «Эримга ҳеч қандай даъвом йўқ, даъвом — унинг олати хусусида холос», — деди ва кийимининг этагини кўтариб: «Унинг олати мана шу латтадан ҳам заифроқ», — деб қўшиб қўйди. Абдурраҳмон: «Ё Расулalloҳ, Оллоҳ ҳақи, у ёлғон гапиряпти, мен унинг пўстагини қоқиб қўяман ҳали! Аммо у, Рифоатга қайтиб тегаман, деб ҳеч қўймаяпти», — деди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам хотинга: «Агар шу гап рост бўлса, унда токи Абдурраҳмон сенинг асалдонингдан завқ олмас эркан, Рифоатга ҳалол бўлмайсан!» — дедилар (Бу ерда ҳалола қилмоқ назарда тутиляпти). Кейин, Жаноб Расулulloҳ Абдурраҳмон бирлан турган икки болани кўриб: «Булар ўғилларингми?» — дедилар. У: «Ҳа», — деб жавоб қилди. Жаноб Расулulloҳ хотинга қараб: «Сенинг таъкидлаётганинг шуми?! Оллоҳ ҳақи, қарға қарғага ўхшагани янглиғ, булар ҳам унга нақадар ўхшайдилар-ку!» — дедилар».

23-боб. Оқ кийим ҳақида

Саъд ибн Абу Ваққос: «Мен Уҳуд жангги куни Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ўнг ва чап томонларида икки оқ кийим кийган одамнинг турганига кўзим тушган эрди. Уларни илгари ҳам, кейин ҳам кўрмаганман, улар фаришталар эрди!» — дейдилар.

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига борсам, оқ кийимда ухлаб ётган эрканлар. Кейин, мен яқинроқ бордим, ул зот уйғониб: «Ҳар банда «Ло илоҳа иллаллоҳу» деб вафот этса, жаннатга киради», — дедилар. Мен: «Зино қилган бўлса ҳамми? Ўғирлик қилган бўлса ҳамми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Зино қилган бўлса ҳам, ўғирлик қилган бўлса ҳам», — дедилар. Мен (яна): «Зино қилган бўлса, ҳамми? Ўғирлик қилган бўлса ҳамми?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Зино қилган бўлса ҳам, ўғирлик қилган бўлса ҳам», — дедилар. Мен: «Зино қилган бўлса, ҳамми? Ўғирлик қилган бўлса ҳамми?» — деб қайтариб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Заррнинг хоҳишига қарамай, зино қилган бўлса ҳам, ўғирлик қилган бўлса ҳам», — дедилар». Абу Зарр қачон шу хусусда сўз очса: «Абу Заррнинг хоҳишига қарамай», — деб қўярди. Абу Абдуллоҳ: «Банда жон чиқар маҳалда ёким жон чиқиш арафасида астойдил тавба-тазарруъ қилиб «Ло илоҳа иллаллоҳу» деса, Оллоҳ таоло гуноҳларини меҳиргайдир», — дейдилар.

24-боб. Эркакларнинг ипак кийим киймоғи, ипак матода ётмоғи ҳамда ипак матолардан фойдаланмоқ имконияти ҳақида

Абу Усмон ан-Наздий ривоят қиладилар: «Биз Утба ибн Фарқад бирлан Озарбайжонда эканлигимизда Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттобдан мактуб келди. Унда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг (эркак кишининг) ипак кийим киймоғини манъ қилганликлари ва икки муборак бармоқлари ила ишора қилиб: «Мана бундай йўл-йўл бўлса, майли» — деб айтганликлари ҳақида ёзилган эрди».

Осим разияллоҳу анҳу Абу Усмондан нақл қиладилар: «Биз Озарбайжонда эканлигимизда Ҳазрат Умар мактуб йўлладилар. Унда «Жаноб Расулulloҳ ипак кийим киймоқни манъ

қилдилар ва бизга муборак икки бармоқларини саф қилиб кўрсатиб: «Мана бундай (йўл-йўл бўлса, майли) — дедилар» деб ёзилган эрди. Шунда Зухайр ўрта ва кўрсаткич бармоқларини ёзиб кўрсатди».

Абдулворис ат-Таймий Абу Усмондан нақл қиладилар: «Утба бирлан бирга эдик. Шунда Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу унга: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу дунёда ипак кийим киймангиз, акс ҳолда охиратда ипак кийимлардан бирортасини ҳам киймасиз!» — дедилар», — деб хат ёзди».

Ибн Абу Лайло ривоят қиладилар: «Ҳузайфа Мадоинда эканлигида чанқаб сув сўради. Бир деҳқон кумуш идишда унга сув келтириб эрди, олиб отиб юборди: «Мен ун кумуш идишдан фойдаланмоқдан қайтариш мақсадидагина отиб юбордим, бўлмаса отмас эрдим. У бунга тушунмади Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олтин, кумуш ипак ва дебож бу дунёда улар (мушрик ва мунофиқлар) учун охиратда эса сизлар (мўмин-мусулмонлар) учун», — деганлар», — деди».

25-боб. Ипак (кийимни) киймай, ушлаб кўриш ҳақида

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳарир кийим ҳадя қилинди. Биз уни ушлаб кўриб, (нафислигидан) таажжубландик. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ундан таажжубландингизми?» — дедилар. Биз: «Ҳа», — дедик. Жаноб Расулуллоҳ: «Саъд ибн Муознинг жаннатдаги рўмолчалари бундан яхшироқдир», — дедилар».

26-боб. Ипак (матони) кўрпа-тўшак қилмоқ ҳақида

Убайда: «Ипак кийим киймоқ каби бу ҳам макруҳдир», — дейдилар. Ҳузайфа разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам олтин ва кумуш идишда еб-ичмоқни, ҳарир ва дебож киймоқни ҳамда бундай матолар устида ўлтирмоқни бизга манъ қилдилар», — дейдилар.

27-боб. Қиссий (қассий) киймоқ ҳақида

Осим разияллоҳу анҳу Абу Бурдадан нақл қиладилар «Мен Ҳазрат Алидан: «Қиссий қандай кийим?» — деб сўрадим. Ҳазрат Али: «Бизга Шом ёки Мисрдан келтириладиган кийим бўлиб, ипак аралаш, лимон сурати туширилган. Мийсара эса аёллар эрлари учун тўқиб берадиган духобага ўхшаш мато бўлиб, уни сариқ рангга бўяшар эрди», — дедилар».

Барро ибн Озиб: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қизил мийсара ва қассий киймоғимиздан қайтардилар», дейдилар.

28-боб. Қичима касалига мубтало бўлган эркакларга ипак кийим киймоққа рухсат қилингани ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зубайр ва Абдурраҳмонга қичима бўлганида ипак кийим киймоққа ижозат бердилар», — дейдилар.

29-боб. Ипак кийимлар (киймоқ) аёлларга жоиз эканлиги ҳақида

Али ибн Абу Толиб: «Ҳазрат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга йўл-йўл чизикли кийим тақдим этдилар. Мен уни кийиб чиққан эрдим, Жаноб Расулуллоҳнинг юзларида

ғазаб пайдо бўлганини кўрдим. Шунда, уни қирқиб, хотинларимга улашдим», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу йўл-йўл чизиқли ҳулла (изор ва ридо) сотишаётганини кўриб: «Ё Расулаллоҳ, агар сотиб олсангиз, меҳмон келганда ва жумъа кунлари кияр эдингиз». — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Бундай кийимни охиратдан насибаси йўқ кишилар кийгайдир!» — дедилар. Кейинчалик Жаноб Расулаллоҳ Ҳазрат Умарга ҳулла тортиқ қилиб юбордилар. Шунда у киши келиб : «Ё Расулаллоҳ, ўзингиз ҳулла киймоқдан қайтарган эрдингиз-ку, нечук менга ҳулла юбордингиз?!» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Уни (ўзинг кийгин, деб эмас) сотиб ёким (бирор аёлга) кийдириб юбормоғинг учун тақдим қилиб эрдим», — дедилар».

Анас ибн Молик: «Мен Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари — Умму Кулсумнинг устига йўл-йўл чизиқли ипак бурда ёпиб қўйилганини кўрганман», — дейдилар.

30-боб. Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир хил кийим билан чекланмаганликлари хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қайсарлик қилмоққа ўзаро келишиб олган икки аёл хусусидаги гапларни Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттобдан сўрашга бир йил давомида ботинолмай юрдим. Чунким, мен у кишидан ҳайиқар эрдим. Кунлардан бир кун Ҳазрат Умар бир ерда (уловларидан) тушиб, чакалакзорга кириб кетдилар. У ердан чиққанларидан кейин, ўша масала хусусида сўрадим. Ҳазрат Умар: «Улар — Оиша бирлан Ҳафса эди», — дедилар. Кейин. Яна бундай деб гапларида давом этдилар: «Жоҳилия даврида биз аёлларни ҳеч нарсага арзимади, деб ҳисоблар эрдик. Ислом келиб, Оллоҳ таоло аёллар хусусида зикр қилгач, уларни бирор ишимизга аралаштирамизми, йўқми, бундан қатъий назар, ҳақ-ҳуқуқларини тан олмоғимиз лозимлигини тушуниб етдик. Мен билан хотиним иккаламиз ўртамизда бир гап ўтиб, у менга қўполлик қилди. Мен: «Шу ерда туриб (яъни, кўзимга бақрайиб туриб) қўполлик қиласанми?!» — дедим. Хотиним: «Бу гапни менга айтяпсизми, қизингиз Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга озор беряпти-ку?!» — деди. Мен қизим Ҳафсанинг ҳузурига бордимда: «Оллоҳ ва унинг расулига осийлик қилма!» — деб қаттиқ койидим. Кейин, Умму Саламанинг олдига бориб, унга ҳам шу гапни айтдим. У: «Эй Умар, биз аёлларнинг ишимизга аралашиб юрганинга ҳайронман! Энди, Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан у кишининг хотинлари орасига аралашмоғинг қолди, холос!» — деб уришиб берди. Бир ансорий киши бўлиб, у Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бўлмаган бўлса, учратганимда бор гапни унга айтиб берар эрдим. Мен Расулаллоҳнинг ҳузурларида бўлмаганимда эса у мени топиб, кўрган-эшитганларини сўзлаб берар эрди. Ўша вақтларда Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг теваарак-атрофларида хавф-хатар қолмаган бўлиб, душманлардан фақат Шом подшоси Ғассон куч сақлаб турар эрди. Биз унинг бостириб келиб қолишидан чўчирдик. (Бир куни) ансорий (дўстим) келиб, дабдурустдан: «Бир воқеа содир бўлди», — деб эди, мен кўрқиб кетдим. Мен унга: «Нима бўлди, Ғассоний бостириб келдими?» — дедим. У: «Бундан ҳам бадтар, Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларини талоқ қилибдилар», — деди. Мен борсам, барча ҳужралардан йиғи овози келаяпти. Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлсалар, болохонага чиқиб кетган эрканлар. Болохона эшиги олдида хизматкор турарди, унинг олдига бориб: «Ҳузурларига кирмоғимга ижозат берасанми?» — деб эдим, рухсат берди. Кирсам, Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўйра устида ётибдилар, бўйра биқинларига ботиб кетибди. Бошлари остига ичига похол тиқилган теридан қилинган ёстиқ қўйиб олибдилар. Атрофда ошланмаган терилар осийлик, тери ошлашда қўлланадиган гиёҳлар ҳам шу ерда. Мен Ҳафса ва Умму Саламага айтган гапларимни ҳамда Умму Саламанинг менга қилган жавобини

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга сўзлаб бердим. Жаноб Расулulloҳ кулиб қўйдилар. Ушанда ул зот 29 кун деганда болохонадан қайтиб тушган эрдилар. (Чунким, хотинларидан бири ансорлар ҳақида бемаъни гап айтганида бир ой у алоқа қилмасликларини таъкидлагандилар)».

Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар «Кунлардан бирида Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам уйғониб бундай дедилар: «Ло илоҳа иллалллоҳу! (Оллоҳ таоло) бу кеча қанчадан-қанча фитналару, қанчадан-қанча (раҳмат) хазиналари нозил қилди экан?! (Анави) ҳужраларда (ғафлат уйқусида) ётганларни ким уйғотади? Бу дунёда қанчадан-қанча кийим кийганлар қиёмат куни яланғоч қолғусидир!»

Зухрий разияллоҳу анҳу: «Ҳинд (Умму Ҳониъ)нинг қўйлаги енглари учида тугмалари бўлиб, бармоқлари орасидан ўтказиб қадаб олар эрди (қўлининг бармоқларидан юқорисини бегона қизга кўрсатмаслик учун шундай қилган», — дейдилар.

31-боб. Янги кийим кийган шахс ҳақида дуо қилмоқ ҳақида

Умму Холид бинти Холид ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига (янги) кийимлар олиб келишди. Уларнинг ичида қора ҳамиса ҳам бор эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Бу ҳамисани кимга кийдирмоғимизни лозим топасизлар?» — дедилар. Қавм сукут қилди. Жаноб Расулulloҳ: «Умму Холини менинг ҳузуримга олиб келинглари!» — деб амр қилдилар. Мени Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб келишгач, муборак қўллари билан менга ҳамисани кийдириб қўйдиларда, «Йиртиб-йиртиб, эскиртириб кийгин!» деб икки бор дуо қилдилар. Сўнг, ҳамисанинг гулларига бир назар ташлаб қўйиб, менга муборак қўллари бирлан ишора қилдиларда: «Эй Умму Холид, бу — саноҳ!» — дедилар. «Саноҳ» — ҳабашлар тилида «яхши» деган маънони англатади. Исҳоқ: «Менга қариндош бўлган аёллардан бири Умму Холиднинг ўша ҳамисани кийиб юрганлигини кўрганлигини айтган эрди» — дейдилар».

32-боб. Эркакларнинг заъфарон ишлатмоғи ҳақида

Абдулазиз Анасдан нақл қилиб: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам эркакларнинг заъфарон ишлатмоғини манъ қилдилар» — дейдилар.

33-боб. Заъфарон бирлан бўялган кийим ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам эҳром боғлаган одамнинг варс ёки заъфарон бирлан бўялган кийим киймоғини манъ қилдилар», — дейдилар.

34-боб. Қизил кийим ҳақида

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ўрта бўйли киши эрдилар. Ул зотнинг қизил ҳулла (изор ва ридо) кийиб олганларини кўрдим. Ундан гўзалроқ нарсани ҳануз кўрмаган эрдим!».

35-боб. Қизил мийсара хусусида

Барро ибн Озиб: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бизга етти нарсани — беморнинг ҳолидан хабар олиб турмоқни, жанозага бормоқни, акса урган шахсга соғлик

тиламоқни буюрдилар ҳамда бизни ҳарир, дебож, қассий, истабрак ва қизил мийсаралар киймоқдан қайтардилар», — дейдилар (Юқорида буюрилган ва манъ қилинган нарсаларнинг умумий сони саккизта бўлиб, арабча нусхада шундай. Аммо, баъзилар: «Жаноб Расулуллоҳ тўйга чақирилганда бормоқни, салом бермоқни, мазлумга ёрдам қўлини чўзмоқни, ваъданинг устидан чиқмоқни ҳам буюриб, олтин узук тақмоқ ва кумуш идиш тутмоқдан ҳам қайтарганлар», — дейишади).

36-боб. Сибтий чориқлар ва бошқалар хусусида

Саъид Абу Маслама: «Мен Аназдан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чориқларини кийиб намоз ўқир эрдиларми?» — деб сўрасам, у: «Ҳа», — деб айтди», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Маслама Убайд ибн Журайж ҳақида Молиқдан бундай деб нақл қиладилар: «У (Убайд ибн Журайж) Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳуға: «Мен сизнинг шерикларингиз қилмайдиган тўрт нарсани қилганингизни кўрдим», — деди. Абдуллоҳ ибн Умар: «Нима экан улар, эй Ибн Журайж?» — дедилар. Ибн Журайж: «Мен сизнинг Каъбанинг фақат икки яманий рукнигини силаб тавоф қилганингизни, сибтий чориқ кийганингизни, сариқ бўёқ (ранг) билан бўяганингизни ва Маккада бўлганингизда одамлар ойни (Зулҳижжа ойи кирганини) кўриб талбия айтишганда сизнинг тарвия кунигача талбия айтмаганингизни кўрдим», — деди. Абдуллоҳ ибн Умар бундай деб жавоб қилдилар: «Каъба рукнлари хусусига келсак Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўша йкки яманий рукнигини силаб тавоф қилганларини кўрганман. Сибтий чориқ масаласига келсак Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юнгсиз теридан қилинган чориқ кийиб олиб таҳорат олганларини кўрганман, мен ҳам шундай чориқ кийишни яхши кўраман. Сариқ рангга келсак Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сариқ рангга бўяганларини кўрганман, мен ҳам сариқ рангга бўяшни ёқтираман. Аммо, талбия айтиш масаласига келсак Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяларига миниб (Мино йўлига чиқиб олмагунларича) талбия айтганларини кўрмадим».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳром боғлаган кишининг заъфарон ёки варс билан бўялган кийим киймоғини манъ қилдилар ва: «Кимки чориқ топмаса, маҳсисининг қўнжини тўпиғидан паст қилиб қирқиб ташласин», — дедилар».

Ибн Аббос айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг изори бўлмаса, чолвор кийсин ва кимнинг чориғи бўлмаса, маҳси (қўнжини қирқиб) кийсин», — дедилар».

37-боб. Чориқни аввал ўнг оёққа киймоқ лозимлиги ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратни ҳам, соч тарашни ҳам, чориқ кийишни ҳам ўнг томондан бошламоқни яхши кўрар эрдилар», — дейдилар.

38-боб. Аввал чап оёқдаги чориқни ечмоқ лозимлиги ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки чориғини киймоқчи бўлса, аввал ўнг оёғига кийсин, кимки чориғини ечмоқчи бўлса, аввал чап оёғидагисини ечсин, токи биринчи бўлиб уларнинг ўнгдагиси кийиладиган ва чапдагиси ечиладиган бўлсин!» — дедилар».

39-боб. Бир пой чориқ кийиб юрмаслик лозимлиги хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз бир пой чориқ кийиб юрмангиз, ёки иккаласини кийиб, ёки иккаласини ечиб юрингиз!» — дедилар».

40-боб. Бир пой чориқдаги икки тасма (боғич) ҳамда битта кенг тасмали чориқни кўрган киши хусусида

Анас разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг чориқларининг ҳар бир пойида иккитадан , тасма бўлар эрди», — дейдилар.

Исо ибн Таҳмон: «Анас ибн Молик ҳар бир пойи бир тасмали чориқ кийиб ҳузуримизга чиқди», — дейдилар. Собит ал-Буноний: «Бу — Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам чориқлари эрди», — дейдилар.

41-боб. Теридан қилинган қизил чодир ҳақида

Абу Жухайфа қуйидаги ҳадисни оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим. Ул зот теридан қилинган қизил чодирда эрканлар. (У ерда) Билолни ҳам кўрдим, ул Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга таҳорат учун сув қуйиб бераётган эрди. Одамлар Жаноб Расулulloҳнинг таҳорат сувларини талашиб олиб, табаррук қилиб ўзларига суртишар, ололмаганлар эрса, шеригининг қўлида қолган намни суртар эрди».

Ибн Шихоб: «Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтдики, Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ансорларни чорлаб, теридан қилинган чодирга йиғибдилар», — дейдилар.

42-боб. Бўйра ва шунга ўхшаш нарсалар устида ўлтирмоқ хусусида

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кечалари ўзларини бўйра бирлан пана қилиб қўйиб намоз ўқир эрдилар, кундузлари эрса, бўйрани тағларига солиб ўлтирар эрдилар. Буни кўрган одамлар ҳам у ерга тўпланишиб, Жаноб Расулulloҳ ўқиганларидек намоз ўқий бошлашди, ҳатто бора-бора одам жуда кўпайиб кетди. Шунда Жаноб Расулulloҳ уларга рўбарў бўлиб: «Эй одамлар, қурбингиз етадирган ишни қилинглр, чунким тоат-ибодатингиз сизга малол келмаса, Оллоҳ таолога малол келмайди. Оллоҳ таоло гарчи қисқа бўлсада кандасиз тоат-ибодатни хуш кўради!» — дедилар».

43-боб. Тилла тугмалар қадалган кийимлар ҳақида

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Унга (Мисвар ибн Махрамага) отасй: «Эй ўғлим, мен эшитдимки, Жаноб Расулulloҳга бир қанча қабо келтиришибди, уларни одамлар улашаётган эрмишлар. Мени ҳузурларига олиб бор!» — деди. Мисвар ибн Махрама айтади: «Биз Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бордик уйларида эрканлар, Отам: «Эй ўғлим, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламни менга чақириб бер!» — дедилар. Мен эътироз билдириб: «Расулulloҳни ҳузурингизга чақириб чиқаманми?!» — дедим. Отам: «Эй ўғлим, ул зот ўзларини катта олмайдилар», — дедилар. Шундан сўнг, мен Жаноб Расулulloҳни чақирдим. Ул зот дебождан қилинган ва тилла тугмалар қадалган қабо кийиб чиқдилар. Сўнг, «Эй Махрама,

буни сенга атаб олиб қўйган эрдим!» деб қабони отамга ечиб бердилар».

44-боб. Тилла узуклар хусусида

Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизни еттита нарсдан — тилла узук тақмоқ, ҳарир, истабраг, дебож, қизил мийсара ва қассий киймоқ ҳамда кумуш идиш тутмоқдан қайтариб, еттита нарсани — касални бориб кўрмоқ, жанозага қатнашмоқ, акса урган кишига соғлик тиламоқ, саломга алиқ олмоқ, таклиф қилинган жойга бормоқ, қасамга вафо қилмоқ ва мазлумга ёрдам бермоқни буюрдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (эркакларни) тилла узук тақмоқдан қайтардилар».Надр ибн Анас: «Башир ҳам шу ҳадисни Абу Ҳурайрадан эшитганлигини айтган эди», — дейдилар.

Абдуллоҳ (ибн Умар) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам тилла узук ясаиб кўзини кафт тарафга қаратиб тақиб олдилар. Буни кўриб, бошқалар ҳам шундай узук ясаиб олишди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам узукни тақмай қўйдилар. Кейинчалик кумуш ҳалли ёким соф кумуш узук ясаиб олдилар».

45-боб. Кумуш узук ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам тилла (ёким кумуш) узук ясаиб, кўзини кафтларига қаратиб тақиб олдилар. Унга «Муҳаммад расулulloҳ» деган сўзларни ўйдирган эрдилар. Буни кўриб бошқалар ҳам шундай узук ясаиб олишди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бошқаларнинг ҳам шундай узук ясаиб олишганини. кўргач, узукларини ташладиларда: «Энди буни ҳеч қачон тақмайман!» — дедилар. Сўнг, кумуш узук ясаиб олдилар, бошқалар ҳам кумуш узук ясаиб олишди. Жаноб Расулulloҳдан кейин мазкур узукни Абу Бакр, сўнг Умар, сўнг Усмон тақди. Усмоннинг қўлидан эса узук Арис қудуғига тушиб кетди».

46-боб.

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам тилла узук тақар эрдилар, кейин тақмай қўйдилар. «Буни энди ҳеч қачон тақмайман!» деб айтиб эрдилар, бошқалар ҳам узукларини тақмай қўйишди».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу, — дейдилар Ибн Шихоб, — кунлардан бир куни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қўлларида кумуш узук кўрганлигини, кейин бошқалар ҳам ўзларига кўмуш узук ясаиб тақиб олганларини, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам узукларини тақмай қўйганларидан сўнг эса бошқалар ҳам узук тақишни тарк этганларини менга айтиб берган эрди».

47-боб. Узук кўзи ҳақида

Хумайд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Одамлар Анасдан: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам узук таққанмидилар» — деб сўрашди. Анас: «Кунлардан бирида Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозини ярим кечагача кечиктирдилар. Сўнг, бизга муборак юзларини буриб эрдилар, назаримда ул зотнинг қўлларидаги узук ярқирагандек бўлди. Жаноб Расулulloҳ: «Одамлар намоз ўқиб бўлиб, аллақачон ўқуга кетдилар, сизлар

эрсангиз хануз намоз ўқийман деб кутиб турибсизлар!» — дедилар».

Хумаид разияллоҳу анҳу Анас разияллоҳу анҳудан бундай деб нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг кумуш узуклари бўлиб, кўзи ҳам кумушдан эрди»

48-боб. Темир узук ҳақида

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир аёл (Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб «Мен ўзимни сизга бағишламоқ учун келдим», дедида, узоқ туриб қолди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам унга бир назар ташлаб, бошларини қуйи солдилар. Аёл узоқ туриб қолгач, бир киши туриб: «Башарти унга сизнинг эҳтиёжингиз бўлмаса, менга никоҳлаб бера қолингиз! — деди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам унга: «Маҳрига берарлик бирор нарсанг борми?» — дедилар. У: «Йўқ», — деб айтди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бор, қараб кўр!» — дедилар. Бояги киши чиқиб кетиб яна қайтиб келгач: «Оллоҳ таоло ҳақи, бирор нарса тополган бўлсам, кошки эди!» — деди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бор, яна бир ахтариб кўрчи!» — дедилар. У ахтариб қайтиб келгач: «Оллоҳ таоло ҳақи, ҳатто темир узук ҳам йўқ!» — деди. Унинг эғнида изори бўлиб, ридоси йўқ эрди. Шу боисдан: «Шуни маҳрига берайми?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Изорингними?... агар изорингни у кийса, сенга ҳеч нарса қолмайди, агар сен кийсанг, унга ҳеч нарса қолмайди» — дедилар. Бояги киши (ноумид бўлиб) жойига бориб ўлтирди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам юраклари ачишиб унга: «Бери кел!» — деб амр қилдилар, сўнг: «Қуръондан нималарни ёд биласан?» — дедилар У: «Фалон ва фалон сураларни» — деди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Унга маҳр қилиб бермоғинг учун Қуръондан билган ана шу сураларингни сенга мулк қилиб бердим!» — дедилар».

49-боб. Узукка нақш ўйдирмоқ хусусида

Анас ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ажамлардан бир гуруҳига ёки ажам қавмларидан бирига мактуб ёзмоқчи бўлиб эрдилар. «Улар муҳр босилмаган мактубни қабул қилмайдилар», — деб айтишди. Шу сабабдин Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир кумуш узук буюриб, унга «Муҳаммад расулulloҳ» деган сўзларни нақш қилдирдилар. Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бармоқларидаги (ёким қафтларидаги) ўша узукнинг ярқираб турганини кўриб тргандекмен».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кумуш узук ясатиб қўлларига тақиб олган эрдилар. Ул зотдан сўнг узукни Абу Бакр, сўнг Умар, ундан сўнг Усмон қўлига тақиб юрди. Кейин у Арис қудуғига тушиб кетди. Унга «Муҳаммад расулulloҳ» деган сўзлар нақш қилинган эрди».

50-боб. Жимжилоққа тақилган узук ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам ўзларига узук ясатиб олгач: «Биз узук ясатиб, унга нақш ўйдирдик ҳеч ким унинг устига бошқа нақш ўйдирмасин!» — дедилар. Мен ўша узукнинг ул зотнинг жимжилоқларида ярқираб турганини кўриб тургандекмен».

51-боб. Бирор нарсага ёким аҳли китоблар ва улардан ўзгаларга битиладиган хатларга муҳр босмоқ учун узук ясатиб олмоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Румга мактуб битмоқчи бўлганларида у кишига: «Мухр босилмаган хатингизни улар ўқишмайди», — деб айтишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ бир кумуш узук ясатиб, унга «Мухаммад расулulloҳ» деган сўзларни нақш қилдирдилар. Мен ўша узукнинг қўлларида ярқираб турганини кўриб тургандекмен».

52-боб. Узукнинг кўзини кафтига қарата буриб олган шахс хусусида

Абдуллоҳ (ибн Умар) ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам ўзларига тилла узук ясатиб олдилар. Уни қўлларида таққанларида: кўзини кафтлари томон қаратиб (буриб) олар эрдилар. Кейин, одамлар ҳам ўзларига ана шундай тилла узук ясатиб олишди. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам минбарга чиқиб, Оллоҳ таолога ҳамду сано айтгач: «Мен ўзимга узук ясаттирган эрдим, энди уни сира ҳам тақмайман!» — дедиларда, ташлаб юбордилар, одамлар ҳам узуклариш ташлашди». «У (Ибн Умар): «Ўнг қўлларида таққанлар» — деган бўлиши керак деб ҳисоблайман», — дейдилар Жувайрия.

53-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Узугимнинг нақши устидан яна нақш ўйилмасин!» деганларй ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кумушдан узук ясатиб олиб, унга «Мухаммад расулulloҳ» деган сўзларни нақш қилдирдиларда: «Мен кумушдан узук ясатиб олдим ва унга «Мухаммад расулulloҳ» деган сўзларни нақш қилдирдим. Ҳеч ким унинг нақши устидан яна нақш ўймасин!» — деб айтдилар».

54-боб. Узукка уч сатр қилиб нақш ўйса бўладими?»

Сумома Анас ҳақида бундай деб айтган эрканлар: «Абу Бакр разияллоҳу анҳу (Анасни) ноиб қилиб юборганларида унга (закотлар миқдори) ҳақида ёзиб юбордилар. (Мактубга босилган муҳрнинг) узукнинг нақши уч сатр (қатор) бўлиб, «Мухаммад» сўзи бир сатр, «Расул» сўзи бир сатр ва «Оллоҳ» сўзи яна бир сатрни эгаллаган эрди». Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам узукларини аввал ўзлари, у кишидан кейин Абу Бакр, ундан кейин Умар тақдилар. Усмон Арис қудуғи бошида ўлтирганларида (ўша) узукни бармоқларидан чиқариб ўйнай бошлаган эрдилар, тушиб кетди. Биз Усмон бирлан бирга уч кунгача қудуққа тушиб қидирдик сувини ҳам чиқариб ташладик аммо узукни тополмадик».

55-боб. Аёллар узуги хусусида

Оиша онамизнинг бир неча тилла узуклари бўлар эрди. Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳайит (ийд) намозида иштирок этдим. У зот хутбадан аввал намоз ўқидилар». Абу Абдуллоҳ (Бухорий) айтадиларки, Ибн Ваҳб Ибн Журайждан нақл қилиб, (юқоридаги ҳадисга) қуйидагича қўшимча қилибди: (Жаноб Расулulloҳ) аёлларнинг қошига келиб, садақа бермоқни амр қилдилар. Шунда улар фатах (кўзсиз, узукка ўхшаш тақинчоқ) ва узуклариини Билолнинг этагига ташлай бошлашди».

56-боб. Аёллар мунчоғи ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳайит

(ийд) куни чиқиб, икки ракъат намоз ўқидилар. Бундай намозни илгари ҳам, кейин ҳам ўқимаганлар. Кейин аёллар қошига келиб, садақа бермоқни амр қилиб эрдилар, улар хурс (тилла ёки кумушдан қилинган ҳалқа) ва мунчоқларини садақа қила бошладилар».

57-боб. Бировнинг маржонини вақтинча олиб тақмоқ ҳақида.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Асмонинг маржони (бўйнимдан узилиб тушиб) йўқолиб қолди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни топиб келиш учун одам юбордилар. Шу аснода намоз вақти бўлиб қолди. Улар (одамлар) бетаҳорат эрдилар. Қидириб сув топиша олмагач, таҳоратсиз намоз ўқишди, кейин бу ҳақда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтишди. Шунда, Оллоҳ таоло таяммуй ҳақида ўз ояти каримасини нозил қилди». Ҳишом: «Оиша ўша маржонини вақтинча тақиб турмоқ учун Асмодан сўраб олганди», — дейдилар.

58-боб. Аёллар сирғаси ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга садақа қилмоқни амр қилдилар. Мен уларнинг қулоқларига қўлларини узатиб, сирғаларини олаётганларини кўрдим».

59-боб. Сочнинг оқи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Мадина бозорларидан бирида эрдим. Жаноб Расулulloҳ (бозордан) қайтдилар, мен ҳам қайтдим. Кейин: «Қани менинг кичкинтойим?!» — деб уч маротаба такрорладиларда: «Ҳасан ибн Алини чақир!» — дедилар. Ҳасан ибн Али бўйнига мунчоқ таққан ҳолда ўрnidан туриб кела бошлади. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қучоқларини очиб: «Мана бундай қил!» дедилар. Ҳасан ибн Али ҳам қучоғини очиб Мана бундай қилинг!» — дедида, ул зотнинг бағрларига ўзини ташлади. Жаноб Расулulloҳ: «Эй худойим, мен буни жуда Ҳам яхши кўраман буни яхши кўрганни ҳам яхши кўраман дедилар. Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шу гапни айтганларидан сўнг Ҳасан ибн Али менинг учун энг суюкли одам бўлиб қолди!» — дейдилар

60-боб. Аёлчалиш эркаклар ва эркакчалиш аёллар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга тақлид қилувчи эркакларни ҳамда эркакларга тақлид қилувчи аёлларни лаънатладилар».

61-боб. Аёлчалиш эркакларни уйлардан ҳайдаб чиқармоқ лозимлиги хусусида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинчалиш эркаклар бирлан эркакчалиш хотинларни лаънатлаб: «Уларни уйлариигиздан ҳайдаб чиқарингиз! — дедилар». Ибн Аббос: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам фалончини, Умар эрса пистончини уйдан ҳайдаб чиқарганлар», — дедилар.

Зайнаб бинти Абу Салама ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Умма Саламанинг ҳузурида эдилар, уйда хунаса бор эди. Жаноб Расулulloҳ Умму Саламанинг укасига: «Эй Абдуллоҳ, агар эртагача фатҳ қилмоқ сизларга насиб бўлса, унда мен сенга Файлоннинг қизини кўрсатаман. У тўрттаси билан аёллик қилиб, саккизтаси билан эркаклик

вдлади» — дедилар. Сўнг яна: «Уларни уйингизга киритмангиз!» — деб қўшиб қўйдилар». Абу Абдуллоҳ (ал-Бухорий) бундай дейдилар: «Тўрттаси билан аёллик қилади, деганларида қизнинг қорнидаги тўрт қават ёғ қатламини назарда тутганлар. Қиз ўша ери билан аёллик қилган. Саккизтаси билан эркаклик қилади, деганларида эрса тўрт қават ёғ қатламининг ўзаро ёпишиб ҳосил қилган учларини назарда тутганлар. Аммо, саккизтаси билан, десаларда, унинг ҳаммаси билан демоқчи эмаслар. Чунки, ўша учлардан фақат биттасигина закардир. Закар эрса саккиз учли бўлмайди».

62-боб. Мўйлабни қисқартирмоқ ҳақида.

Ибн Умар мўйлабларини шунчалик калта қилиб олардиларки, ҳатто (мўйлаб остидаги) тери оқариб кўриниб қоларди. Иккаласини ҳам, яъни мўйлаб бирлан соқолни ҳам шундай калта қилиб олар эрдилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўйлабни қисқартирмоқ фитратдандир (яъни, азалдан инсон яратилгандан бери суннатдир)», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Беш нарса — хатна қилмоқ, аврат жунини қирмоқ, қўлтиқ жунини юлмоқ, тирноқ олмоқ ва мўйлабни қисқартирмоқ фитратдандир», — дейдилар.

63-боб. Тирноқ олмоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аврат жунини қирмоқ, тирноқ олмоқ ва мўйлабни қисқартирмоқ фитратдандир (азалдан суннатдир)», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Беш нарса хатна қилмоқ, аврат жунини қирмоқ, мўйлабни қисқартирмоқ, олмоқ ва қўлтиқ жунини юлмоқ фитратдандир» — деганларини эшитдим», — дедилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мушриклар сингари иш тутманглар, соқолни мўл қуйиб, мўйлабни қисқартиринглар!» — дедилар».

Ибн Умар ҳаж ёким умра қилсалар, соқолларини тутамлаб, тутамлари (қабзалари)дан ортиғини қирқиб ташлар эрдилар.

64-боб. Соқолни мўл қўймоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўйлабни қисқартириб, соқолни мўл қўйинглар!» — дедилар».

65-боб. Сочнинг оқи ҳақида

Муҳаммад ибн Сирин ривоят қиладилар: «Мен Аназдан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (сочларини) бўяганмилар?» — деб сўрадим. У: «(Сочларига) озгина оқ тушган, холос», — деб жавоб берди».

Собит разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини

бўяганмилар?» — деб Анасдан сўрашди. У: «Сочлари бўяйдирган даражада оқармаган. Агар истасам, соқолларининг оқи қанчалигини бемалол санай олардим», — деб айтди».

Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Мавҳиб ривоят қиладилар: «Аҳлим менга сув ичадиган қадахни бериб Расулуллоҳнинг завжалари — Умму Саламанинг ҳузурига юборди. Исроил Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (асраб қўйилган) сочларидан уч чимдимини (қадахдаги сувга солиб чайиб олди ва бу биланн қадахдаги сувни табаррук қилиб берди. Кўз теккан ёким бошқа қандайдир дардга чалинган шахс ўзининг сув идишларидан бирортасини (ундаги сувни табаррук қилиб беришлари учун) Умму Саламага юборар эрди. Мен идишнинг ичига кўз ташлаб эрдим, бир қанча қизғиш соч толаларининг мавжудлигини кўрдим».

Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Мавҳиб: «Умму Саламанинг Ҳузурларига кириб эрдим, бизга Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўялган сочларидан олиб чиқиб бердилар», — дейдилар.

Нусайр ибн Абу ал-Ашъас айтадиларки, Умму Салама Ибн Мавҳибга Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизил сочларини кўрсатган эрканлар.

66-боб. (Соч-соқолни) бўямоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яҳудий ва ансоролар (соч-соқолларини) бўямайдилар, сиз улар сингари иш тутмангиз!» — дедилар».

67-боб. Жингалак соч ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўзга ташланадиган даражада новча ҳам, паст бўйли ҳам, ўта оқ ҳам, қоп-қора ҳам эрмас эрдилар. Сочлари эрса, ўта жингалак ҳам, силлиқ ҳам эрмас эрди. Оллоҳ таоло ул зотни қирқ ёшга кирганларида (пайғамбар) қилиб юборди. Маккада ўн йил ва Мадинада ўн йил истиқомат қилдилар. Оллоҳ таоло ул зотни олтмиш ёшга етганларида вафот эттирганида соч-соқолларининг йигирмата ҳам оқи йўқ эрди».

Абу Исҳоқ ривоят қиладилар: «Мен Барронинг: «Қизил, ҳулланинг бирор кишига Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра кўпроқ ярашганини кўрмаганман!» — деяётганини эшитдим.

Баъзи дўстларим Моликдан нақл қилиб: «Ул зотнинг сочлари икки елкаларига тегай деб турар эрди»!, — дейишади».

Абу Исҳоқ: «Мен (Барронинг) мазкур ҳадисни неча мартаба ривоят қилганини эшитганман, (негадир) у ҳар галл айтиб бўлиб, кулиб қўяр эрди», — дейдилар.

Шуъба мазкур ҳадисга қўшимча қилиб: «Сочлари қулоқларининг юмшоқ еригача тушиб турар эрди», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бу кеча мен Каъба ёнида (ухлаб ётганимда) туш кўрдим. Тушимда бир буғдойранг кишини кўрдим. Сен буғдойранг одамлар ичида бундай гўзал кишини кўрмагансан. Унинг елкасига тушиб турган сочларидек гўзал сочи ҳам кўрмагансан. Паришон сочларидан сув

томиб турибди, ўзи эса икки кишига (ёким икки кишининг елкасига) суянган ҳолда Каъбани тавоф қилаётир. Мен: «Бу ким?» — деб сўраган эрдим, «Марям ўғли Масихдир (Исо алайҳиссалом)», — деб айтилди. Кейин, яна бир бошқа кишига кўзим тушди, унинг сочлари қўнғироқ-қўнғироқ, ўнг кўзи эса кўр бўлиб, каттакон узум донаси янглиғ бўртиб чиққан. Мен: «Бу ким?» — деб сўраган эрдим, «Масих Дажжолдир», — деб айтилди».

Анас разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочлари елкаларига тушиб турар эрди», — дейдилар.

Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочлари тўғрисида сўрадим. Анас: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочлари тўлқинсимон бўлиб, силлиқ ҳам, жингалак ҳам эмас эрди икки қулоқлари ва елкаларига тушиб турар эрди», - деб айтди.

Анас разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўли катта одам эрдилар. Мен бундай қўли катта одамни кейин сира кўрмадим. Сочлари эрса тўлқинсимон бўлиб, на жингалак ва на силлиқ эрди», — дейдилар.

Анас разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўл-оёқлари катта одам эрдилар. Мен ул зот сингари, қўл-оёқлари катта одамни илгари ҳам, кейин ҳам кўрмаганман. Кафтлари эрса силлиқ эрди», — дейдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқлари катта ва хушрўй киши эрдилар. Мен ул зот янглиғ кишини сира кўрмаганман».

Анас разияллоҳу анҳу: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқлари қўпол (катта) ва кафтлари дағал киши эрдилар», — дейдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кафтлари ва оёқлари қўпол (катта) киши эрдилар, ул зотга ўхшаш одамни сира кўрмаганман», — дейдилар.

Мужоҳид разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Аббос разияллоҳу анҳунинг ҳузурда эрдик Дажжол ҳақида гап кетди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унинг икки кўзи оралиғига кофир деб ёзилган», — дедилар. Ибн Аббос: «Мен бу ҳақда эшитмаган эрканман», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бироқ, у шундай», — дедилар. Кейин, яна: «Аммо, Иброҳим алайҳиссаломнинг қиёфалари қандай эканлигини билмоқчи бўлсангиз, менга — дўстингизга қарангиз. Мусо алайҳиссалом эрсалар бугдойранг, сочлари жингалак киши эрдилар, арқон билан нўхталанган қизил туя миниб юрар эрдилар. Мен ул кишининг талбия айтиб водийга тушиб келаётганларини кўриб тургандекмен», — дедилар».

68-боб. Сочни (тўзғимайдиган қилиб) ёпиштириб олмоқ хусусида

Абдуллоҳ ибн Умар: «Мен Ҳазрат Умар (ал-Хаттоб)нинг (ҳажда): «Кимки сочини ёпиштирмай, ўриб олган бўлса, бутунлай олдириб ташласин!» деб айтганларини эшитдим», — дейдилар.

Ибн Умар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (эхромдалик кезларида) сочларини ёпиштириб олганларини кўрдим», — дер эрдилар.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочларини ёпиштириб олиб баланд овоз билан қўйидагича талбия айтганларини эшитдим: «Лаббайка Оллоҳумма лаббайка, лаббайка ло шарийка лака лаббайка, инна-л-ҳамда ванниъмата лака ва-л-мулк ло шарийка лака!» Бу сўзлардан ортиқ ҳеч нарса демасдилар».

Ҳафса разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари: «Ё Расулуллоҳ, одамлар умра қилиб эҳромларини ечишди, сиз эрсангиз ҳануз эҳромдасиз?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен сочимни (тўзғимайдиган қилиб) ёпиштириб олганман ва қурбонликга аталган жонлиғимга белги осиб қўйганман, энди уни забҳ қилмагунимча эҳромимни ечмагайман» — дедилар».

69-боб. Фарқ ҳақида

Иби Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Оллоҳ таоло махсус оят нозил қилиб) амр қилмаган нарсалар хусусида аҳли китобларга мувофиқ иш тутмоқни яхши кўрар эрдилар. Аҳли китоблар сочларига фарқ очмай шундайича ташлаб юрар, мушриклар эрса фарқ очар эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ аввалига (аҳли китоблар сингари) сочларини шундайича ташлаб юрдилар, кейинчалик эрса фарқ очадиган бўлдилар».

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эҳромдалик кезларида фарқларига суртиб олган хушбўйликнинг ялтираб турганини (ҳозир ҳам) кўриб тургандекмен».

70-боб. Кокиллар хусусида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Кечалардан бирида холам Маймуна бинти ал-Ҳорисникида тунаб қолдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шу ерда бўлиб, холамникида тунайдирган кечалари эрди. Жаноб Расулуллоҳ тунда уйғониб намоз ўқимоққа тиндилар, мен ҳам чап ёнларига бориб турдим. Шунда ул зот мени кокилимдан ушлаб ўнг ёнларига турғизиб қўйдилар».

Абу Башар ҳам шул хусусда ривоят қилганида «кокилимдан ёки бошимдан ушлаб» деган иборани қўллаган эрди.

Ибн Умарнинг мавлолари Нофиъ ривоят қиладилар: «Ибн Умар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қазаъни манъ қилганларини эшитганликлари ҳақида айтибдилар. Шунда Убайдуллоҳ: «Қазаъ ўзи нима?» — деб сўрабдилар. Ибн Умар: «Боланинг сочини олаётганда бошининг дуч келган ерида соч қолдириб кетишдир», — деб жавоб қилибдилар. (Убайдуллоҳ пешоналарига тушиб турган бир тутам сочлари ва бошларининг икки чеккасига ишора қилдилар). Убайдуллоҳга: «Қиз ёки ўғил бола бўлсачи?» — деб айтишди. Убайдуллоҳ: «Буни билмадим, менга бола, деб гапиргандилар. Аммо, қайтариб сўраганимда, Ибн Умар: «Ўғил боланинг пешонаси тепасида ва бошининг орқасида соч қолдирилса, зарари йўқ. Бироқ, қазаъ, яъни пешона тепасидагина соч қолдириб, бўшқа жойларини олиб ташлаш ярамайди», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Динор: «Ибн Умар айтдиларки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қазаъдан қайтарибдирлар», — дейдилар.

71-боб. Аёлнинг ўз қўли билан эрига хушбўйликлар сепмоғи (ёким суртмоғи)

ҳақида

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Мен ўз қўлим бирлан Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга хушбўйлик суртиб қўйдим. Буни Минодан жунаб кетиш арафасида қилган эрдим».

72-боб. Бош ва соқолга хушбўйликлар суртмоқ хусусида

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга ўзлари топиб келган энг яхши хушбўйликлардан суртиб қўяр, сўнг бошлари ва соқолларини ҳидлар эрдим».

73-боб.

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Бир киши дебор ортидан Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳовлиларига қаради. Жаноб Расулulloҳ соч тўғноғич билан бошларини қашиб турган эрдилар: «Сенинг қараб турганингни билганимда шу тўғноғични кўзингга тиқиб олар эрдим, дарҳақиқат қулоқ кўздан олдин яратилган!» — дедилар».

74-боб. Ҳайз кўрган аёлнинг ўз эрининг сочини тараб қўймоғи ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Мен ой кўрган бўлсамда, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг сочларини тараб қўяр эрдим», - дедилар.

75-боб. Соч тарашни ўнг томондан бошламоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам (барча ишни), ҳатто соч тарамоқ ва таҳорат олмоқни ҳам имкони борича ўнгдан бошламоқни хуш кўрар эрдилар», — дейдилар.

76-боб. Мушк ҳақида зикр қилинган гаплар

Хурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Оллоҳ таоло: «Одам боласининг рўза тутмоқдин ўзга ҳар бир амали ўзи учундир, рўза тутмоғи эрса менинг учун бўлиб, бунинг учун мен унга савоб ато этғумдир!» — дейди. Рўздорнинг оғзидан келувчи бўй Оллоҳ таолонинг наздида мушқдан ҳам хушбўйроқдир

77-боб. Қандай хушбўйликлардан фойдаланмоқ афзал?

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламга, эҳромдалиқ кезларида, энг яхши хушбўйликлардан қайси бирини топсам, ўшани суртиб қўярдим», — дейдилар.

78-боб. Хушбўйлик (ишлатмоқ)ни рад қилмаган кишилар хусусида

Сумома ибн Абдуллоҳ Анас ҳақида сўзлаб: «У хушбўйлик (ишлатмоқ)ни рад қилмас эрди», — дедиларда, «Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам (ҳам) хушбўйлик (ишлатмоқ)ни рад қилмас эрдилар», — деб таъкидлаб қўйдилар.

79-боб. Зарира ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Мен Ҳажжат ул-Видоъда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эҳромдан чиққанларида ҳам, эҳром боғлаганларида ҳам ўз қўлим бирлан зарира (хушбўйлик тури) суркаб қўйдим», — дейдилар.

80-боб. Ҳусн учун тишлар орасини кенгайтирмоқ ҳақида

Абдуллоҳ бундай дейдилар: «Чиройли кўринсин деб игна бирлан аломатлар чизувчи ва чиздирувчи ҳамда киприкларини юлувчи ва тишлари орасини кенгайтирувчи (яъни Оллоҳ таоло яратган аъзоларни ўзгартирувчи) аёлларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин! Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам лаънатлаганларни нечун мен лаънатламайин, ахир Оллоҳ таоло ҳам ўз Китобида уларни лаънатлаган-ку! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизга нимаики келтирган булсалар, ҳаммасини олинглар (яъни, «Оллоҳ таоло пайғамбаримиз орқали сизга нимаики амр қилган бўлса» ўшанга амал қилингиз!»)

81-боб. Улама соч хусусида

Абдурраҳмон ибн Авф разияллоҳу анҳу Муовия ибн Абу Сўфённинг ҳаж вақтида минбарга чиқиб қўлларида бир ўрам соч ушлаган ҳолда куйидаги гапларни айтганларини эшитган эрканлар: «Бу посбонимнинг қўлида эркан, уламоларингиз қаерда? Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: буни (улама соч тақишни) манъ қилганларини ҳамда: «Бану Исроил шуни (улама соч тақишни) одат қилгани учун ҳам ҳалокатга учраган», — деганларини эшитганмен».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улама соч тақиб қўювчи бирлан улама соч тақувчи, шунингдек (игна бирлан) аломатлар чизувчи ва чиздирувчи аёлларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ансорлардан бўлган бир қизни эрга бердилар. Кейин у касал бўлиб, сочлари тўкилиб кета бошлади. Шунда унга улама соч тақиб қўймоқчи бўлдилар. Бу ҳақда Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдилар, ул зот: «Улама соч тақиб қўювчи ва улама соч тақувчи аёлларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!»- дедилар».

Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Бир аёл Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб: «Мен қизимни эрга бериб эрдим, кейин у хасталаниб, сочлари тўкилиб кета бошлади. Эри эрса унинг улама соч тақиб олмоғини хоҳлайди, унга улама соч тақиб қўйсак майлими?» — деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улама соч тақиб қўювчи бирлан улама соч тақувчи аёлларни қораладилар».

Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам улама соч тақиб қўювчи бирлад! улама соч тақувчи аёлларни лаънатладилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улама соч тақиб қўювчи бирлан улама соч тақувчи ҳамда (игна бирлан.) аломатлар чизувчи ва чиздирувчи аёлларни Оллоҳ таоло лаънатлаган», — дедилар».

Саъид ибн ал-Мусайяб ривоят қиладилар: «Муовия сўнги бор Мадинага келиб, бизга қарата хутба ўқидилар, бир ўрим сочни кўрсатиб: «Яҳудийлардан бўлак бирор кишининг шундай қилганини кўрмаган эрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буни, яъни улама

сочни кўз-бўямачилик (қалбакилик) деб атаганлар», — дедилар».

82-боб. Қош териш ҳақида

Алқама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ҳусн учун игна бирлан аломатлар чизувчи, қош терувчи ва л тишлар орасини кенгайтирувчи аёлларни, яъни Оллоҳ таоло яратган аъзоларни ўзгартирувчи аёлларни лаънатладилар. Шунда Умму Яъқуб: «Бу қандай гап бўлди?!» — дедилар. Абдуллоҳ: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тоғмонларидан ҳамда Оллоҳ таолонинг Китобида лаънатланганларни нечун мен лаънатламайин!» — дедилар. Умму Яъқуб: «Оллоҳ таоло ҳақи, икки лавҳ (ер ва осмон) оралиғидаги жамики ёзувларни ўқиб ҳам бундай гапни тополмадим!» — деди. Абдуллоҳ: «Оллоҳ таоло ҳақи, агар ҳақиқатан ҳам ахтариб кўрганингда эрди, «Ва мо атокуму-р-расул фа-хузууҳу ва мо наҳокум анҳу фа-нтахуу!» («Расулуллоҳ Оллоҳ таолодан сизга нима келтирган эрса, барчасини қабул қилингиз ва нимадан қайтарган эрса, ундан қайтингиз!»)ни топиб ўқиган бўлар эрдинг!» — дедилар».

83-боб. Улама соч таққан аёл ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадислар такроран келтирилган.

84-боб. Баданга игна бирлан аломатлар чизувчи аёллар ҳақида

Абу Ҳўрайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кўз тегмоғи ҳақ нарсадир» — дедилар ҳамда игна бирлан аломатлар чизмоқдан қайтардилар».

Авн ибн Абу Жухайфа ривоят қиладилар: «Убайни кўрдим, у менга: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (қортиқ солиб) қон олганлик учун ҳақ олмоқдан, ит сотмоқдан, судхўрлик ва порахўрлик қилмоқдан ҳамда бу ишларда воситачи бўлмоқдан, игна бирлан аломатлар чизмоқ ва чиздирмақдан қайтардилар». — деди».

85-боб. Баданига игна бирлан аломатлар чиздирувчи аёллар ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига игна бирлан аломатлар чизувчи бир аёлни олиб келдилар. Ҳазрат Умар ўринларидан туриб: «Оллоҳ таолога илтижо қилиб айтаманки, кимки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг игна бирлан аломатлар чизмоқ хусусидаги ҳадиеларини эшитган бўлса, айтиб берсин!» — дедилар. Шунда мен ўрнимдан туриб: «Ё мўминлар амири, мен эшитганман!» — дедим. Ҳазрат Умар: «Нима ҳақда эшитгансан?» — дедилар. Мен: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Баданга игна бирлан аломатлар чизмангиз ҳам, чиздирмангиз ҳам!» деганларини эшитганмен», — дедим».

Ибн Умар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам улама соч тақиб қўювчи ва улама соч тақувчи ҳамда баданга игна бирлан аломатлар чизувчи ва чиздирувчи аёлларни лаънатлаганлар», — дейдилар.

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу: «Ҳусн учун игна бирлан аломатлар чизувчи ва чиздирувчи, қош терувчи, тиш оралиғини кенгайтирувчи аёлларга (яъни, Оллоҳ таоло яратган аъзоларни ўзгартирувчи аёлларга) Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин! Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан ҳамда Оллоҳ таолонинг Китобида лаънатланганларни нечун мен

лаънатламайин?!» — дедилар.

86-боб. Суратлар ҳақида

Абу Талҳа разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ит ёким суратлар мавжуд бўлган уйга (хонага) фаришталар кирмайди», — дедилар».

87-боб. Сурат чизувчиларнинг қиёмат куни азоб чекмоғи ҳақида

Муслим ривоят қиладилар: «Биз Масруқ бирлан бирга Ясор ибн Нумайрнинг уйида эрдик. У суваси устидаги ҳайкалларга қарар эркан: «Мен Абдуллоҳнинг: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло даргоҳида қиёмат куни энг қаттиқ азоб чекувчилар — сурат чизувчилардир!» — деганларини эшитганман» деганидан воқифман», — деди».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу суратларни чизувчилар қиёмат куни азоб чекадилар. Уларга: «Ўзингиз яратган нарсаларга жон ато этингиз!» — дейилади», — дедилар».

88-боб. Суратларни йиртиб ташламоқ (йўқ қилмоқ) хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо бундай деганлар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам хоч шакли туширилган бирорта ҳам нарсани уйларида қолдирмас, уни йўқ қилиб ташлар эрдилар». Абу Зуръа ривоят қиладилар: «Мен Абу Ҳурайра билан бирга Мадинадаги уйлардан бирига кирдим. Унинг томида, бир рассомнинг сурат чизиб турганини кўрган Абу Ҳурайра: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло: «Менинг махлуқим янглиғ махлуқ яратмоққа уринган бандадан ҳам ўзига зулм қилғувчироқ банда йўқдир! Бир: дона донни яратиб кўрсинларчи! Бир заррани яратиб кўрсинларчи!» — дейди» деб айтаётганларини эшитдим», — дедилар. Сўнг, бир тоғорада сув келтирмоқни буюриб, икки: қўлларини қўлтиқларига қадар ювдилар. Мен у кишига: «Ё Абу Ҳурайра, чиндан ҳам ушбу ҳадисни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганмисиз?» — дедим.

Абу Ҳурайра: «Мутлақо рост айтяпман!» — деб жавоб қилдилар».

89-боб. Суратли (чоишаб) тўшамоқ ҳақида

Абу Суфён ривоят қиладилар: «Мен қуйидаги ҳадисни Абдурраҳмон ибн Қосмдан эшитиб эрдим. У шу вақтларда у Мадинанинг энг фозил кишиларидан бўлиб, «Оиша бундай деб айтган эрди», — деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтдилар. Мен тахмонга суратлар туширилган бир чойшабни тўшаб қўйган эрдим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўриб, йиртиб ташладиларда «Қиёматда энг кўп азоб тортувчилар — Оллоҳ таоло яратган махлуқларга ўхшаш махлуқлар яратмоққа уринувчилардир!» — дедилар. Кейин, биз бояги чоишабдан битта ёким иккита ёстиқ тикиб олдик»

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтдилар. Мен суратлар солиб тўқилган бир шолчани (эшикка) осиб қўйган эрдим, (уни кўриб) олиб ташлашни буюрдилар, мен олиб ташладим. Мен ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир идишдан сув олиб ғул қилар эрдик», — дедилар.

90-боб. Суратлар устига ўлтирмоқни макруҳ деб ҳисоблаган шахс хусусида

Қосим разияллоҳу анҳу Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «У суратлар солинган бир ёстиқ сотиб олган эрди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (кўриб) ичкарига кирмай, эшик олдида туриб қолдилар. Шунда Оиша: «Қилиб қўйган гуноҳим учун Оллоҳ таолога тавба қилдим!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу қандай ёстиқ?» — деб сўрадилар. Оиша: «Кўрпа ёким ёстиқ қилмоғингиз учун», — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мана шу суратларни чизган кишиларга қиёмат куни азоб берилғусидир, уларга: «Ўзингиз яратган нарсаларга жон ато этингиз!» — деб айтилғусидир. Дарҳақиқат, фаришталар суратлар мавжуд уйга кирмағайлар», — дедилар».

Абу Талҳа — Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дўстлари ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фаришталар суратлар мавжуд уйга кирмайдилар», — дедилар. Шунда Буср бундай деди: «Зайд бетоб бўлиб қолганда кўргани бордик. Қарасак эшигига сурат солинган бир парда осиб қўйилган эркан. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаи муҳтарамалари бўлмиш Маймунанинг боқиб олган ўғли Убайдуллоҳга: «Зайд биринчи куниёқ бизга суратлар ҳақида айтмаганмиди?» — дедим. Убайдуллоҳ: «Матода раҳамдан ўзга суратлар бўлмаслиги лозим, деганини эшитмаганми эрдинг? деди».

91-боб. Суратлар бор жойда намоз ўқимоқнинг макрухлиги ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Оишанинг бир чошаби бўлиб, у билан уйининг бир тарафини тўсиб қўйган эрди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Уни кўзимдан йўқотғил, намоз ўқиётганимда суратлари кўз олдимдан кетмаяпти!» — дедилар».

92-боб. Фаришталар суратлар бор уйга кирмайдилар

Солим оталаридан нақл қиладилар: «Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келмоқлари лозим бўлган вақтдан кечикдилар. Жаноб Расулulloҳ безовта бўлиб ташқарига чиқиб эрдилар, Жаброил алайҳиссаломни учратдилар. Шунда безовта бўлганликларини айтган эрдилар, Жаброил алайҳиссалом: «Мен суратлар ва ит мавжуд бўлган уйга кирмасман», — рдедилар».

93-боб. Суратлар бор уйга кирмаган киши ҳақида

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти халалоллари бўлмиш Оиша разияллоҳу анҳо суратлар солинган бир ёстиқ сотиб олганликлари ҳақида Қосим ибн Муҳаммадга хабар берган эрканлар. Алқисса, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша ёстиқни кўриб ичкарига кирмай, эшик олдида туриб қолибдилар. Оиша онамиз Жаноб Расулulloҳнинг юзларидаги жирканиш аломатини сёзиб: «Ё Расулаллоҳ, қилиб қўйган гуноҳим учун Оллоҳ таоло ва унинг расулига тавба қилдим!» — дебдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Бу ёстиқ бу ерда нима қилиб турибди?!» — деб Айтибдилар. Оиша онамиз: «Ўлтирасиз ёким бошингизга ёстиқ қиласиз, деб сотиб олган эрдим», — дебдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мана шу суратларни чизган кишиларга қиёмат куни азоб берилғусидир, уларга: «Ўзингиз яратган нарсаларга жон ато этингиз!» — деб айтилғусидир», — дебдилар. Кейин «Фаришталар суратлар ва ит мавжуд уйга кирмағайлар» — деб қўшиб қўйибдилар».

94-боб. Сурат чизувчиларни лаънатлаган киши ҳақида

Авн ибн Абу Жҳодайфа ривоят қиладилар: «Отам бир қортиқчи қул сотиб олиб, бундай

дедилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қортиқ солгани эвазига ва ит учун ҳақ олишни, фоҳишалик қилиб кун кўрмоқни манъ қилиб, судхўрлар ва уларнинг воситачиларини, игна бирлан аломатлар чизувчи ва чиздирувчиларни ҳамда сурат солувчиларни лаънатладилар».

95-боб. Кимки сурат чизса, қиёмат куни ундан суратга жон киргиши талаб қилинади, у эрса, бунга эрмас!

Қатода риёоят қиладилар: «Мен Ибн Аббоснинг ҳузурида ердим. Одамлар унга турли масалалар хусусида савол беришар эрди-ю, аммо Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида бирор гап айтишмас эрди. Ниҳоят, (бир киши) «Мен Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки бу дунёда сурат чизган эрса, қиёмат куни ундан чизган суратига жон киргизмоғи талаб қилинғусидир, у эрса бунга қодир эрмас!» — деганларини эшитганман», — деди».

96-боб. Уловга мингашиб олмоқ ҳақида

Урва ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эгарига бахмал (духоба) тўшалган эшакка Усомани мингаштариб олдилар».

97-боб. Ўловга уч киши бўлиб мингашиб олмоқ ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида Бану Абдулмутталиб қавмига мансуб болалар кутиб олишди. Шунда улардан бирини олдиларига, иккинчисини орқаларига мингаштариб олдилар».

98-боб. Улов соҳибининг бошқа бир кишини ўз олдига мингаштариб олмоғи ҳақида

Баъзилар: «Улов соҳиби олдинда ўтирмоққа ҳақлироқдир, агар ўзи рухсат бермаса, (бирор кишининг унинг олдига ўлтирмоққа ҳаққи йўқдир)», — дейдилар.

Айюб ривоят қиладилар: «Икрима ҳузурида эрдик уловга уч киши бўлиб миниб олмоқнинг ёмон эканлиги ҳақида гап кетди. Шунда Ибн Аббос: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қусамни олдиларига, Фазлни эрса орқаларига ёким аксинча, Фазлни олдиларига, Қусамни эрса орқаларига мингаштариб келдилар. Хўш, буларнинг қайси бири ёмону, қайси Бири яхши?!» — деди».

99-боб. Бир кишининг уловига иккинчи бир кишининг мингашиб олмоғи ҳақида

Маоз ибн Жабал ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида уловларига мингашиб кетаётган эрдим. Бизни эгарнинг тугалланган қисмигина ажратиб турар эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Маоз!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулalloҳ, хизматингизга тайёрман!» — дедим. Бир соатча юрганимиздан сўнг, яна: «Ё Маоз!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулalloҳ, хизматингизга тайёрман!» — дедим. Яна бир соатча юриб эрдик: «Ё Маоз» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулalloҳ, хизматингизга тайёрман!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Биласанми, Оллоҳ таолонинг ўз бандаларида қандай ҳақи бор?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ ва унинг расули яхшироқ билади», — дедим. Жаноб Раоулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг ўз бандаларидаги ҳақи шуки, бандалар унга ибодат қилмоқлари ва ширк келтирмасликлари лозим», — дедилар. Яна бир соатча юрилгач: «Ё Маоз!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё

Расулаллоҳ, хизматингизга тайёрман!» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Бандаларнинг Оллоҳ таолода қандай ҳақи борлигини билурмисан?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ ва унинг расули яхшироқ билади», — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Бандаларнинг Оллоҳ таолодаги ҳақи — уларни азобламаслик!» — дедилар».

100-боб. Аёлнинг эркак минган уловга мингашиб олмоғи ҳақида

Яҳё ибн Абу Исҳоқ ривоят қиладилар: «Анас ибн Моликдак эшитган эрдим, у менга бундай деганди: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбардан қайтаётган эрдик. Мен Абу Талҳанинг орқасига мингашиб олган эрдим, Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқалариға эрса аёлларидан бири мингашиб олган эрди. Шунда тўсатдай туялари қоқилиб кетди. Мен: Эй котин, эҳтиёт бўл!» — деб туямдан тушдим. Жаноб Расулаллоҳ: «У сизнинг онангиздир!» — дедилар. Мен туянинг эгарини маҳҳамлаб боғладим. Жаноб Расулаллоҳ яна мўниб олдилар. Сўнг, Мадинага яқинлашгач (ёким уни узоқдан кўриб): «Биз кўфрдан қайтиб тавба қиляпмиз, раббимизга ибодат қилиб шукр қиляпмиз», дедилар».

110-боб. Чалқанча оёқларни чалиштириб ётмоқ ҳақида

Аббод ибн Тамим ривоят қиладиларки, амакилари Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидда чалқанча оёқларини чалиштириб ётганларини кўрган эрканлар.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

АДАБ КИТОБИ

1-боб. Итоаткорлик ва меҳрибонлик ҳақида

Инсон ўз ота-онасига итоаткор ва меҳрибон бўлсин, деб васият қилдик! Абу Амр аш-Шайбоний қўллари бирлан Абдуллоҳ (ал-Ансорий)нинг ҳовлисига ишора қилиб: «Мана шу ҳовлининг соҳиби менга бундай деб айтган эрди», — дедилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Оллоҳ таоло аzza ва жаллага қайси амал маҳбуброқдир?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Намозни ўз вақтида ўқимоқдир», — дедилар Мен: «Яна қайси амал?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Ота-онага итоат қилмоқдир», — деб айтдилар. Мен: «Яна қайси амал?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқдир», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ менинг саволларимга шу тариқа жавоб қилдилар. Агар яна сўраганимда, яна жавоб берар эрдилар».

2-боб. Яхши муомала қилинмоғига ким ҳақлироқ?

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, менинг яхши муомала қилинмоғимга ким ҳақлироқдир?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ «Онанг!» — деб айтдилар. У: «Яна ким?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Онанг!» — дедилар. У: «Яна ким?» — деди, Жаноб Расулulloҳ: «Онанг!» — дедилар. У: «Яна ким?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ (бу сафар): «Отанг!» — деб жавоб қилдилар».

3-боб. Ота-онаси ризо бўлмаса, жиҳод қилмайди

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Бир одам Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Жиҳод қилмоқчимен», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ота-онанг борми?» — дедилар. У «Ҳа» деб айтди. Жаноб Расулulloҳ: «(Аввал) ота-онангнинг хизматини қилиб, ризолиғини олгин, сўнг жиҳод қилгин!» — дедилар».

4-боб. Одам ота-онасини ҳақорат қилмайди!

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одам қиладирган гуноҳи азимлардан бири — ота-онасини ҳақорат қилмоқдир!» — дедилар. Шунда: «Ё Расулаллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур», — деб жавоб қилдилар».

5-боб. Ота-онасига итоат қилган одамнинг дуоси мустажоб бўлмоғи хусусида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб эрдилар: «Уч киши йўлда кетмоқда эрди, ёмғир ёғиб қолиб, тоғдаги бир ғорга қочиб кирди. Ногаҳон, тоғдан бир катта тош думалаб тушиб, ғорнинг оғзини тўсиб қўйди. Улар бир-бирига: «Оллоҳ таоло йўлида бирор амали солиҳ қилган бўлсангиз, ўшани ўртага қўйиб Оллоҳга илтижо қилингиз, зора у ғорнинг оғзини очса!» — дейишди. Улардан бири: «Эй парвардигоро, менинг қари-қартанг ота-онам ҳамда бир неча гўдак болаларим бўлиб, уларни боқмоқ учун қўйчибонлик қилар эрдим. Уларнинг ҳузурига қайтгач, қўйларни соғиб, сутини

болаларимдан аввал ота-онамга берар эрдим. (Кунлардан бир кун) қўйларни узоқроқ яйловга ҳайдаб кетган эрдим, қайтгунимча ота-онам ухлаб қолишибди. Одатдагидек қўйларни соғиб, сутини ота-онамнинг ҳузурларига олиб бордим, уйғотишга ботина олмай бошларида туриб қолдим. Болаларим эрса (сут сўраб) оёқларим остида талниниб йиглашар эрди. Шу аҳволда болаларим бирлан тонг оттирдик. Эй парвардигоро, агар билсанг, бу ишни сени юз-хотир қилиб қилган эрдим, бизга ғорнинг оғзини бироз очғил, токи биз у орқали осмонни кўрайлик!» — деб илтижо қилди. Шунда Оллоҳ таоло ғорнинг оғзини бироз очди, улар осмонни кўрдилар. Уларнинг иккинчиси: «Эй парвардигоро, амакимнинг бир қизи бўлиб, уни мен аёлларни яхши кўрадирган эркаклардан ҳам ортиқроқ яхши кўрар эрдим. Унга совчи қўйганимда юз динор бермагунимча тегишга рози бўлмади. Бир амаллаб юз динор тўпладимда, унинг олдига бордим. Ўзимни оёқлари орасига олганимда у менга: «Эй Абдуллоҳ, Оллоҳдан қўрқғил, муҳрни ҳалоллик бирлан очғил!» — деб эрди, мен ўрнимдан туриб ундан нари кетдим. Эй парвардигоро, агар билсанг, мен бу ишни сени юз-хотир қилиб қилган эрдим, (ғорнинг) оғзини бизга (каттароқ) очиб берғил!» — деди. Оллоҳ таоло (ғорнинг) оғзини (каттароқ қилиб) очди. Уларнинг учинчиси: «Эй парвардигоро, бир кишини бир фарқ (6 ратл, ратл — 449,28 гр) гуручга ёллаб эрдим, иш тугагач: «Ҳақимни бер!» — деди. Мен ҳақини бериб эрдим, олмай ташлаб кетди. Кейин, мен ўша гуручни экиб, ҳосилини сотдимда, пулига бир сигир ва боқиш учун хизматкор харид қилдим. (Бир куни) у олдимга келиб: «Оллоҳ таолодан қўрқғил, менга зулм қилмағил, менинг (ўшал) ҳақимни берғил!» — деди. Мен унга: «Бор, анави сигир бирлан унинг боқувчисини ҳам ола қолғил!» — дедим. У менга: «Оллоҳдар қўрқғил, мени мазах қилмағил!» — деди. Мен унга «Мен сени мазах қилаётганим йўқ, анави сигир бирлан унинг боқувчисини ҳам олғил» — дедим. Шундан сўнг у айтганларимни олиб чиқиб кетди. Э парвардигоро, агар билсанг, мен бу ишни сени юз-хотир қилиб қилган эрдим, ғорнинг оғзини бутунлай очғил!» — деб илтижо қилди Оллоҳ таоло ғорнинг оғзини бутунлай очди».

6-боб. Ота-онага оққлик (итоатсизлик) қилмоқ гуноҳи азимлардандир

Ибн Амр буни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган эрканлар.

Муғийра ривият қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло сизларга оналарингизга оққлик қилмоқни ҳаром қилиб, мумсик бўлмоқни ҳамда гудак қизларни тириклайин ерга кўймоқни (исломдан аввал шундай одат бўлган) манъ қилди, шунингдек миш-миш гаплар тарқатмоқ, кўп савол бермоқ ва мол-дунёни беҳуда сарф қилмоқни макруҳ қилди», — дедилар».

Абдурраҳмон Ибн Абу Бакра оталаридан ниқл қилидилар, ул киши бундай деган эрканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг катта гуноҳи азимлар ҳақида сизларга айтайми?» — дедилар. Бйз: «Ҳа, ё Расулаллоҳ!» — дедик. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳга ширк келтирмоқ ва ота-онага оққлик (итоатсизлик) қилмоқ», — дедилар. Сўнг, ёнбошлаб ётган эрдилар, ўринларидан туриб ўтириб олдиларда: «Тухмат қилмоқ ва ёлғон гувоҳлик бермоқ энг катта гуноҳи азимлардан эрмасми?! Тухмат қилмоқ ва ёлғон гувоҳлик бермоқ энг катта гуноҳи азимлардан эрмасми?!» — деб такрортакрор айта бошладилар, ҳатто мен ул зот (ҳали-бери) жим бўлмасалар керак деб ўйладим».

Убайдуллоҳ ибн Абу Бакр ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Моликдан эшитдимки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳи азимлар ҳақида гапирибдилар ёким одамлар ўзлари Жаноб Расулulloҳдан гуноҳи азимлар тўғрисида сўрашибди. Шунда пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Оллоҳ таолога ширк келтирмоқ, ўз-ўзини ўлдирмоқ ва ота-онага оққлик (итоатсизлик) қилмоқ», — дедилар. Кейин, яна: «Энг катта гуноҳи азимлар ҳақида сизларга

айтайми? Бу — тухмат қилмоқдир!» — деб қўшиб қўйибдилар. Ул зот: «Ёлғон гувоҳлик бермоқдир!» — деб айтган бўлишлари ҳам, мумкин. (Чунким, Шуъба: «Ул киши: «Ёлғон гувоҳлик бермоқдир!» — деган бўлишлари керак деб ўйлайман», — дейдилар».

7-боб. Мушрик ота-онага мурувват қилмоқ ҳақида

Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида онам мени соғиниб келган эрдилар, мен Жаноб Расулulloҳга: «Онамга мурувват кўрсатайми?» — дедим (чунким, онаси мушрик эди). Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, албатта!» — дедилар».

Ибн Уяйна: «Оллоҳ таоло бу ҳақда «Оллоҳ таоло дин хусусида сиз бирлан уруш қилмаганларга мурувват қилмоғингизни таъқиқламайди» деган ояти кариймасини нозил қилди», — дейдилар.

8-боб. Эри бор аёлнинг ўз онасига мурувват кўрсатмоғи ҳақида

Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Онам мушриклар бирлан мусулмонлар ўртасида сулҳ тузилган даврда у (мени кўргани) келдилар. Онам мушрика бўлиб, (ҳануз исломга кирмаган эрдилар). Ўша пайтда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан онамнинг отаси (яъни, бобом) ўзаро шартнома тузишган эрди. Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Онам мени соғиниб келибдилар, мурувват кўрсатайми, нима дейсиз?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ «Ҳа, онамга мурувват қил!» — деб жавоб қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Абу Суфённинг менга берган хабарига кўра, Ҳирақл унга одам юбориб ўз ҳузурига чорлабдида: «У (яъни, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам) сизларни нималар қилмоққа буюради!» — деб сўрабди Шунда Абу Суфён: «У бизни намоз ўқимоққа, садақа бермоққа, ифбатли бўлмоққа ва мурувват кўрсатмоққа буюради деб айтибди».

9-боб. Мушрик укага мурувват кўрсатмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Динор ривоят қиладилар: «Ибн Умардан эшитдимки, Ҳазрат Умар йўл-йўл (ипак) матодам қилинган ҳулла сотишаётганини кўриб, Расулulloҳ оаллаллоҳу алайҳи ва салламга уни сотиб олиб, жумъа кунлари ва меҳмон келганда киймоқни таклиф қилибдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Буни охиратда насибаси бўлмаганлар кийгайдир», — деб айтибдилар. Бир куни Жаноб Расулulloҳга ана шундай ҳуллалардан бир қанчасини тухфа қилиб келтирибдилар. Ул зот ҳуллалардан бирини Ҳазрат Умарга тортиқ қилиб бериб юборибдилар. Ҳазрат Умар келиб: «Ё Расулulloҳ, илгари бу ҳулла ҳақида ўзингиз гапирган эдингиз-ку, мен буни қандай киймоғим мумкин?!» — дебдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мен буни ўзинг кий деб берганим йўқ, сотиб ёким бировга кийдириб юбор, деб берган эрдим», — деб айтибдилар. Шундан сўнг, Ҳазрат Умар ҳуллани ҳали ислом динига кирмаган маккалик укаларига бериб юборибдилар»

10-боб. Қариндошларга мурувват кўрсатмоқнинг фазилатлари хусусида

Муси ибн Талода Абу Айюбдан нақл қиладилар: «Бир одам: «Ё Расулаллоҳ, менга шундай бир амал ўргатингизки, уни қилиб мен жаннатга қирайин!» — деган эркан».

Абу Айюб ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Менинг жаннатга кирмоғимга сабаб бўладирган амаллар ҳақида сўйлаб берсангиз!» — деди. Шунда қавм: «Унинг нима иши бор эркан, унинг нима иши бор эркан?» — дея қизиқиб сўрашди Жаноб Расулulloҳ: «Бир зарурат бирлан келибдир», — деб қўйдилар. Сўнг: «(Жаннатга кирмоғинг учун) Оллоҳ таолога ҳеч нарсани ширк келтирмай ибодат қилмоғинг, намоз ўқимоғинг закот бермоғинг ва қариндошларингга мурувват кўрсатмоғинг даркор», — дедилар».

11-боб. Қариндошларига беоқибат кишининг гуноҳи ҳақида

Жубайр Ибн Мутъим Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Қариндошларига оқибатсиз одам жадватга кирмағайдир» деганларини эшитган эрканлар.

12-боб. Қариндошларига меҳр-оқибатли одамнинг ризқи улуг бўлмоғи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Кимки ризқим улуг, умрим узоқ бўлсин деса, қариндошуруғларига меҳр-оқибатли бўлсин!» деганларини эшитганмен», — дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ризқим улуг, умрим узоқ бўлсин деса, қариндош уруғларига меҳр-оқибатли бўлсин!» — деганлар».

13-боб. Кимки қариндошуруғларига меҳр-оқибатли бўлса, Оллоҳ таоло ҳам унга меҳр-оқибатли бўлади!

Абу Ҳўрайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бурдай дедилар: «Оллоҳ таоло одамни яратиб бўлгач, раҳм (бачадон) ўнга: «Қон-қариндошлик алоқаларининг узулмоғидан асрамоғингни тилайдирганнинг жойи ҳали шу бўлдимми?!» — деди. Оллоҳ таоло: «Ҳа, шундай! Аммо, агар мен қон-қариндошлик муносабатларини мустаҳкамлаганларни ярлақасаму, уни узганлардан эрса раҳматимни дариг тутсам, рози бўлғаймисан?» — деди. Раҳм: «Ҳа, ё раббий, розидурмен!» — деди. Оллоҳ таоло: «Сени деб шундай қилғумдир!» — деди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Раҳм (сўзи) раҳмон (сўзи) бирлан узвий боғлиқдир. Оллоҳ таоло: «Кимки қон-қариндошлик муносабатларини мустаҳкамлағайдир, мен уни раҳматимга муяссар қилғайдирмен ва кимки қон-қариндошлик муносабатларини узғайдир, мен ундан раҳматимни дариг тутғайдирмен» — дейди», — деганлар».

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳ: «Раҳм (сўзи) раҳмон (сўзи) бирлан) узвий боғлиқдир. Кимки уни (яъни, қон-қариндошликни) мустаҳкамлағайдир, шафоатимга муяссар бўлғайдир ва, кимки уни узғайдир, шафоатимдан бенасиб қолғайдир», — дедилар».

14-боб. Қон-қардошлик риштаси ила боғламоқ ҳақида

Амр ибн ал-Ос бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Убайнинг аҳлу аёли менга яқин кишилар эрмас, улар Оллоҳга яқин ва энг солиҳ мўмин бандалардир.

Лекин, мен улар ўртасидаги муносабатларни қон-қариндошлик риштаси ила боғлагумдир!» — деб ҳеч яширомай ошқора айтдилар».

15-боб. Қариндошларига оқибатсиз киши қариндош эрмас!

Абу Суфён ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қариндошларига оқибат қилмайдирган одам қариндош эрмас, балки узилиб қолган қариндошлик алоқаларини тикловчи одамгина қариндошдир!» — дедилар»

16-боб. Мушриклигида қариндошларига оқибатли бўлган ҳамда кейинчалик исломни қабул қилган одам ҳақида

Ҳаким ибн Хизом ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулalloҳ менинг жоҳилият даврида қилгон хайрли ишларим хусусида не дерсиз? Мен қариндошларимга оқибат қилгондирмен, қул озод этгондирмен ва садақалар бергондирмен. Алардин менга бирор савоб текғайми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ўша қилгом хайрли юмушларинг устига мусулмон ҳам бўлдинг» — деб жавоб қилдилар.

17-боб. Ўзи билан бегона қизчанинг ўйнашмоғига қўйиб берган ёким уни ўпган ёким у билан ҳазил-ҳузил қилган киши хусусида

Умма Холид бинти Холид ибн Саъид ривоят қиладилар: «Отам бирлан Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим. Эгнимга сариқ кўйлак кийиб олган эрдим Расулulloҳ, саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Санаҳ, — дедилар. (Абдуллоҳ: «Бу — ҳабашчасига чиройли дегани», дейдилар). Кейин, мен бориб Жаноб Расулulloҳнинг (икки кураклари орасидаги) Пайғамбарлик муҳрини ўйнай бошлаган эрдим, отам уришиб бердилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ отамга: «Қўя берингиз, ўйнай берсин!» — дедилар. Сўнг, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менга: «(Кўйлагингни) роса йиртиб-йиртиб, эскиртириб-эскиртириб кийғил!» — деб айтдилар». Абдуллоҳ: «Кейин бу ҳақда узоқ вақт эслаб гапириб юришди» — дейдилар.

18-боб. Болага раҳмдиллик қилмоқ, уни ўпиб қучоқламоқ ҳақида

Собит Анасдан нақл қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Иброҳимни қўлларига олиб ўпдилар, ҳидладилар».

Ибн Абу Нуъм ривоят қиладилар: «Мен бир кишининг Ибн Умардан чивиннинг хуни ҳақида сўраганининг гувоҳи бўлдим. Ибн Умар ундан: «Қаерликсан?» — деб сўрадилар. У: «Ироқликман», — деди. Ибн Умар: «Манави одамни қаранглар, менадан чивиннинг хуни ҳақида сўраётир! Ваҳоланки, Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ўғилларидан бирини ўлдиришганда, ул зотнинг «Улар иккиси бу дунёдан (жаннатга рихлат этган) икки даста райҳонларим эрди!» деганларини эшитганмен», — деб айтдилар» («Улар иккиси» — деганларида вафот этган икки ўғилларини назарда тутяптилар).

Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша онамиз Урва ибн аз-Зубайрга бундай деб айтган эрканлар: «Бир аёл икки қизалоғини етаклаган ҳолда ҳузуримга тиламчилик қилиб келди. Уёқ-буёқни қараб бир дона хурмодан бўлак ҳеч нарса тополмадим. Ўша хурмони унга бериб эрдим, ўзи емай икки қизалоғига бўлиб берди. Сўнг, ўрнидан туриб чиқиб кетди. Шу аснода Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам кириб келган эрдилар, бўлган

воқеани айтиб бердим. Жаноб Расулulloҳ: «Кимки ана шундай қизалоқларга мурувват қўлини чўзғайдир, улар уни дўзах оташидан парда бўлиб тўсиб турғайдирлар», — дедилар».

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Умома бинти Абу-ал-Осни елкаларига миндириб олганларича бизнинг ҳузуримизга чиқиб келдиларда, намоз ўқидилар. Рукуъ қилганларида уни елкаларидан тушириб қўяр, қиёмга турганларида эрса яна миндириб олар эрдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Алининг ўғиллари — Ҳасанни ўпдилар. Шунда ўша ерда ўлтирган Акраъ ибн Ҳобис ат-Таймий: «Менинг ўнта болам бор, уларнинг брортасини ҳам ўпмагандирмен», — деди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам унга бир нигоҳ ташлаб қўйдиларда, сўнг: «Ким меҳрибонлик қилмас эркан, меҳрибонлик кўрмағайдир!» — деб айтдилар»,

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Бир аъробий (бадавий) Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Сизлар болаларни ўпар эркансизлар, бизлар эрсак ўпмағаймиз», — деди. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи за саллам унга жавобан: «Оллоҳ таоло қалбингдан раҳм-шафқатни суғуриб олган бўлса, қандайин мен уни бағримга олгум?!» — деб айтдилар».

Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бир қанча аёлларни олиб келдилар. Уларнинг ичида бир аёл ҳам бўлиб, ўз ораларидан бирор гўдакни топиб олса дарҳол уни бағрига босиб эмизар эрди. Жаноб Расулulloҳ (бунни кўриб) бизга. «Нима дейсизлар, анави аёл ўз боласини ўтга ташлай олғайми?» — дедилар. Биз: «Йўқ, асло, ташлай олмас!» — дедик. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло ўз бандаларига боласига меҳрибончилик қилаётган манави аёлдан ҳам меҳрибонроқдир!» — дедилар» (Инсонки, ўз боласини ўтга ташлай олмас эркан, Оллоҳ таолога ҳам ўз бандасини дўзах ўтига ташламоқлик мушкулдир!).

19-боб. Оллоҳ таоло ўз раҳматини юз бўлак қилиб яратганлиги ҳақида

Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганмен», — дейдилар: «Оллоҳ таоло ўз раҳматини юз бўлак қилиб яратиб тўқсон тўққиз бўлагинингизда олиб қолди. Унинг бир бўлагинигина ерга нозил қилди. Оллоҳ таолонинг ерга нозил илган анна шу бир бўлак раҳмати туфайли бутун борлик ўзаро раҳмдиллик қилғайдир. Ҳаттоки от ҳам ўз боласини майиб қилиб қўйишдан ўчиб туёқларини еҳтиёткорона кўгариб босғайдир» — дедилар».

20-боб. Овқатимга шерик бўлмасайди деб ўз боласини ўлдирмоқ хусусида

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, энг оғир гуноҳ қайсидир?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Ўзингни яратган Оллоҳга ширк келтирмоқ», — дедилар. «Кейин қайсидир» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Овқатимга шерик бўлмасайди деб ўз болангни ўлдирмоғинг», — дедилар. «Кейин қайсидир?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Қўшнингнинг жуфти ҳалоли бирлан зино қилмоғинг», — дедилар. Оллоҳ таоло Набий саллалллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини тасдиқлаб қуйидаги ояти кариймасини нозил қилди: ...ва-л-лазийна ло йадъууна маъа-ллоҳиилоҳан охара...» («...Оллоҳдан ўзга тангрига ибодат қилмайдирганлар...»).

21-боб. Ўғил болани тизза устига ўтқизмоқ ҳақида

Оиша онамиз бундай дейдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам танглайини кўтариб қўймоқ мақсадида бир ўғил болани тиззаларига ўтқизиб эрдилар, сийиб қўйди. Шунда сув олдириб келтириб, сийдик устидан қуйиб юбордилар».

22-боб. Ўғил болани сон устига ўтқизмоқ ҳақида

Усома ибн Зайд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени олиб бир сонларига, Ҳасанни эрса иккинчи сонларига ўтқазиб қўяр эрдилар. Сўнг, иккаламизни бағрларига босиб: «Ё парвардигоро, иккаласидан ҳам раҳматингни дариф тутма, мен ҳам уларни шафоат қилғаймен!» — дер эрдилар».

23-боб. Аҳдга вафо қилмоқ иймондандир!

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Хадичага рашк қилганимдек ҳеч бир аёлга рашк қилган эрмасмен, Хадича Жаноб Расулulloҳ менга уйланмасларидан уч йил бурун вафот этган бўлиб, ҳар сафар у ҳақда эслаганларида рашким келур эрди. Оллоҳ таоло жаннатда Хадичага атаб, шакар қамиш янглиғ гавҳар найчаларидан бир муҳташам уй қуриб қўйилгани ҳақида башорат қилмоқни Жаноб Расулulloҳга буюрди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўй сўйиб, унинг хотирасига қурбонлик қилиб юборганларида эрди!»

24-боб. Етим боққан одамнинг фазилати

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ва етимнинг кафилини олган одам иккимиз жаннатда ёнма-ён яшаймиз» — деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини жуфт қилиб кўрсатдилар».

25-боб. Тул хотиннинг хизматини қилғувчи ҳақида

Сафвон ибн Салим ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тул хотин бирлан мискиннинг хизматини адо этғувчи одам Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилғувчи ёким кундузлари рўза тутиб, кечалари ибодат қилиб чиқғувчи одам янглиғдир», — дедилар».

26-боб. Мискиннинг ҳақида хизматини қилғувчи одам

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тул хотин бирлан мискиннинг хизматини адо этғувчи одам Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилғувчи одам янглиғдир», — дедилар».

27-боб. Инсонларнинг ҳайвонларга раҳмдиллик қилмоғи ҳақида

Молик ибн ал-Ҳувайрис бундай дейдилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдик барчамиз тенгқур йигитлар эрдик. Шўнда биз ул зотнинг даргоҳларида йигирма кеча туриб қолдик. Жаноб Расулulloҳ бизни аҳлу аёлини соғиниб қолгандир деб ўйлаб, уйимизда кимларни қолдириб келганимиз ҳақида сўрадилар. Биз кимларни ташлаб келганимизни айтдик. Жаноб Расулulloҳ нозик таъб, меҳрибон одам эрдилар, бизга: «Бола-чақаларингиз олдига қайтингиз, уларга (ислом амалларини) ўргатингиз, ва (ўргатганларингизни адо этмоқларини) буюрингиз ва мен ўқиганим каби намоз ўқингиз. Намоз вақти бўлса, бирингиз азон айтингиз, ораларингизда ёши каттаниз эрса имомлик

қилсин!» — дедилар»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир одам йўлда кетаётган эрди чанқаб қолди, бир қудуқни топдида, ичига тушиб сув ичди. Кейин, қудуқдан чўқиб эрди, бир итнинг чанқоқдан ҳарсиллаб туфроқнинг намини ялаётганини кўрди. Шунда у ўзига-ўзи «Бу ит ҳам менинг сингари чанқаб қолибди» дея қудуққа қайтиб тушиб, маҳсисининг қўнжида сув олиб чиқдида итга ичирди. Оллоҳ таоло (ҳайвонга қилган меҳрибончилиги учун) ундан миннатдор бўлиб, гуноҳларини афв қилди». Одамлар: «Ё Расулalloҳ, бизга Ҳайвонлардан савоб тегадирми?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳар бир тирик жондан сизларга савоб теккусидир!» — деб жавоб қилдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам намоз ўқимоққа турдилар, биз ҳам турдик. Бир аъробий намоз ўқиётди: «Ё парвардигоро, мен бирлан Мухаммаддан раҳматингни дариф тутмағил, биз бирлан турган бўлак ҳеч бир кишига раҳм қилмағил!» — деб юборди. Жаноб Расулulloҳ икки елкаларига салом берганларидан сўнг, аъробийга: «Барчага баробар тилак қилмай туриб, Оллоҳнинг раҳматига эришмоқчимисен?!» — дедилар».

Нуъмон ибн Башир бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мўминларни ўзаро раҳмдиллик дўстлик ва ҳамдардлик қилмоқликда бир аъзоси оғриси, қолган барча аъзолари биргаликда уни ҳимоя қилиб дарддан халос бўлмоғига кўмаклашгувчи бир тана янглиғ деб билғил!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирор мусулмон дарахт эккан эрса-ю, унинг мевасидин ўзга одамлар ёким ҳайвонлар тановул қилғон эрса, унга садақа берганлик савоби ёзилғусидир!» — деб айтдилар». Жарир ибн Абдуллоҳ бундай дейдилар: «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ким раҳмдиллик қилмас эркан, раҳмдиллик кўрмағай!» — дедилар».

28-боб. Қўшнисига васийлик қилмоқ хусусида

Оллоҳ таоло: «Оллоҳ таолога ибодат қилинг, унга ширк келтирманг ва ота-онага эҳсон қилинг...» — дейди.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом қўшнисига васийлик қилмоқ ҳақида шу қадар кўп таъкидладиларки, ҳатто мен қўшни қўшнидан мерос олармикан, деган хаёлга бордим» — дедилар.

29-боб. Кимки қўшнисини фалокатлардан ҳимоя қилмай, ҳалокат гирдобига ташлаб қўяр эркан, ўзи ҳам ана шундай беътибор қолиб, ҳалокатга учрағусидир!

Абу Шурайх ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло ҳақи, иймонсиздир, Оллоҳ таоло ҳақи, иймонсиздир, Оллоҳ таоло ҳақи, иймонсиздир!» — деб эрдилар, одамлар: «Ё Расулalloҳ, ким иймонсиздир?». — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Қўшнисини фалокатлардан ҳимоя қилмайдирган одам», — деб жавоб қилдилар».

30-боб. Қўшнини қўшнисига ёмонламангиз!

Абу Ҳурайра бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Эй муслима аёллар, гарчи ўртангизда бир қўйни талашиб қолган бўлсангиз ҳам, ҳаргиз қўшнини қўшнига ёмонламангиз!» — деб айтдилар».

31-боб. Оллоҳга ва охиратга ишонган инсон қўшнисига озор бермайди!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳга ва охират кунига ишонган одам қўшнисига озор бермағайдир. Оллоҳга ва охират кунига ишонган одам меҳмонини иззат-икром қилсин, Оллоҳга ва охират кунига ишонган одам яхши гапларни айтсин ёким жим ўлтирсин!» — дедилар».

Абу Шурайз ал-Адавий: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги гапларни айтаётганларини икки қулоғим билан эшитиб, икки кўзим ила кўргандирмен», — дедилар: «Кимки Оллоҳга ва охират кунига ишонса, қўшнисини иззат-икром қилсин, кимки Оллоҳга ва охират кунига ишонса, меҳмонини иззат-икром қилиб, мукофотини берсин!» — дедилар. «Ё Расулalloҳ, мукофот нимадир?» — дейишди Жаноб Расулulloҳ: «Уч кеча-кундуз иззат-икром ила зиёфат қилмоқдир, бундан ортиғи унинг учун садақа бўлғайдир. Кимки Оллоҳга ва охират кунига ишонса, яхши гапларни айтсин ёким жим ўлтирсин!» — деб жавоб қилдилар»

32-боб. Қўни-қўшничилик ҳақи эшикларнинг бир-бирига яқинлигидадир!

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Ё Расулalloҳ, Менинг икки қўшним бордир, уларнинг қайси бирига тухфалар киргизиб турайин?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Эшиги эшигинга яқинига», — деб жавоб қилдилар».

33-боб. Ҳар бир эзгу амал садақадир!

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир эзгу амал садақадир!» — дедилар».

Саъди ибн Абу Бурда ўз ота-боболаридан нақл қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир мусулмон садақа бермоғи лозимдир», — деб айтдилар. Шунда қавамлар «Агар садақа қилгулик нарса тополмасачи?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: қўллари бирлан меҳнат қилиб ўзи ҳам манфаатлансин садақа ҳам берсин!» — дедилар. Одамлар: «Агар ишлашга қурби келмаса ёким ишламаса не қилғай?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ночор ва ҳожатманд кишиларга мадад берсин!» — дедилар. Одамлар «Бунга ҳам қодир бўлмасачи?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Бошқаларни яхшиликка чорласин!» — дедлар. Одамлар: «Бунга ҳам қодир бўлмасачи?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ёмонликдан ўзини тийсин, ўша унинг учуд садақадир!» — деб жавоб қилдилар».

34-боб. Ширинсўз одам ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Ширин сўз — садақадир!» — деганлар», — дейдилар.

Адий ибн Ҳотим ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам дўзах ҳақида эслар эрканлар, юзларини ўтдан пана қилгандек ҳаракат қилиб: «Аъзу биллоҳи» — деб қўйдилар. Сўнг яна дўзах ҳақида гапириб, юзларини ўтдан пана қилгандек ҳаракат

қилдиларда: «Аъзу биллоҳи», — дедилар (Шуъба: Икки марта шундай қилганларига шубҳам йўқдир», — дейдилар). Кейин: «Яримта хурмо садақа қилиб бўлса ҳам ўзингизни дўзах оташидан сақлангиз агар шуни ҳам тополмасангиз, одамларга ширин сўз айтинглар! — дедилар».

35-боб. Барча ишда хушмуомалалик даркорлиги ҳақида

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари. — Оиша разияллоҳу анҳо Урва ибн аз-Зубайрга бундай деб айтиб берган эркинлар: «Бир тўда яҳудийлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кириб: «Ас-Сому алайкум!» (яъни, «Сизга ўлим!») — деди. Мен уларнинг гапини англаб: «Ва алайкуму-с-сому ва-л-лаъна!» (яъни, «Сизга ҳам ўлим ва лаънат!») — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Оиша, шошмай турғил! Оллоҳ таоло барча ишда хушмуомалаликка ёқтирғайдир», — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, уларнинг нима деганини эшитмай қолдинг — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Сизларга ҳам, дедим-ку, ахир!» — дедилар».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Бир бадавий масжидга сийди. Одамлар уни койишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўйингиз, халал бермангиз!» — дедилар. Кейин, бир челак сув олиб келтириб, сийдик устидан қуйдилар».

36-боб. Мўминларнинг бир-бирларига кўмаклашмоқлари (лозимлиги) ҳақида

Абу Мусо (ал-Ашъарий) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин мўмин учун бир-бирини суяб турган икки бино янглиғ (бўлмоғи лозим)!» — деб бармоқларини чалиштириб (кўрсатдилар)».

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (уйда) ўлтирган эрдилар, бир киши кириб келиб, ниманидир сўраб илтимос қилди. Жаноб Расулulloҳ бизга ўгирилиб қарадиларда: «Кўмак қилингиз, савобга қолғайсиз! Оллоҳ таоло ўз расулининг тилидан унинг истаган нарсасини айттириб, ҳожатини чиқарғайдир!» — дедилар».

37-боб.

Оллоҳ таоло: «Яхшиликка кўмак берган киши яхши насиба олғусидир, ёмонликка кўмак берган киши ёмон насиба олғусидир! Оллоҳ ҳамма нарсага қодирдир!» — дейди.

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар бирор гадо ёким ҳожатманд киши ҳузурларига кириб келса: «Кўмак қилингиз, савоб топғайсиз! Оллоҳ таоло ўз расулининг тилидан унинг истаган нарсасини айттириб, ҳожатини чиқарғайдир!» — дедилар».

38-боб.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бадхулқ ҳам, шалоқсўз ҳам эрмас эрдилар.

Масруқ бундай дейдилар: «Абдуллоҳ ибн Амр Муовия бирлан Куфага келганида ҳузурига кирдик. Шунда у Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни эслаб: «Ул зот бадхулқ ҳам, шалоқсўз ҳам эрмас эрдилар», — деди. Кейин, яна «Ораларингизда энг яхшингиз — хулқи яхшингиздир!» — деган эрдилар», — деди».

Абдуллоҳ ибн Абу Мулайка Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Бир тўда яҳудийлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ас-Сому алайкум!» — деди. Оиша: «(Ва) алайкум (ус-сому) ва лаънатуллоҳи ва ғазаб уллоҳи алайкум!» — деб жавоб қилдилар (яъни, «Сизга ҳам ўлим, ва бунинг устига сизга Оллоҳнинг лаънати ҳамда ғазаби бўлсин!»). Жаноб Расулulloҳ «Шошмағил, ё Оиша, хушмуомала бўлғил, сенга қўполлик ва бадхулқлик ярашмайди!» — дедилар. Оиша: «Уларнинг нима деганини англамай қолдингиз шекилли?» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мен уларга нима деб жавоб қилганимни эшитмадингми? Уларнинг менга айтган қарғиши мустажоб бўлмағай, билакс менинг уларга айтган қарғишим мустажоб бўлғай!» — дедилар».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўконғич ҳам, бадхулқ ҳам, қарғовчан ҳам эрмас эрдилар. Бирортамизга танбеҳ бермоқчи бўлсалар: «Пешонанг турпоққа теккур!» — дер эрдилар».

Урва рйзияллоҳу анҳо Оиша онамиздан нақл қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирмоқ учун рухсат сўради. Жаноб Расулulloҳ уни кўргач: «Бу одам — қабиланинг ёмон биродари, бу одам — қабиланинг ёмон фарзанди!» — дедилар. Сўнг, бояги киши келиб ўлтиргач, Жаноб Расулulloҳ унга очиқ чеҳра билан юзландилар. У чиқиб кетгач, Оиша: «Ё Расулаллоҳ, уни кўришингиз биланоқ қўпол гапларни айтдингиз, кейин эрса очиқ чеҳра билан юзландингиз?!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Оиша, қачон менинг бадхулқ бўлганимни кўргансан?! Қиёмат куни Оллоҳ наздида энг ёмон банда — одамлар ёмонлигидан ҳазар қилиб қочадиган кишидир», — дедилар (Мантиқ: одамлар ёмонлигидан ҳазар қилиб қочадиган кишилар тоифасига кириб қолмаслик учун ўшандай тоифадаги кишига ҳам яхши муомала қилмоқ лозим бўлади)».

39-боб. Хушхулқ ва саховат ҳақида ҳамда бахилликнинг макруҳлиги хусусида

Ибн Аббос: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг сахий одам эрдилар, у кишининг саховатлари рамазон ойида бўладирган саховатдан ҳам ортиқ эрди», — дейдилар.

Абу Заррга Набий саллаллоҳу алайҳи салламнинг йўлга чиқадирган жойларининг қаердалигини айтишгач, укасига (ёким акасига): «Уловга миниб ўша водийга борғилда, ул зотнинг гапларини эшитиб, билиб кел!» — деди. У қайтиб келиб: «Ул зотни кўрдим, одамларга улуғвор ахлоқли бўлмоқни амр қилаётган эрканлар», — деди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг яхши, энг сахий ва энг шижоатли одам эрдилар. Бир куни Мадина ахли (душман ҳужумидан) хавотир бўлиб товуш келаётган томонга қараб йўл олди. Уларни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қарши олдилар, (чунким) ҳаммадан олдин ўша товуш келган томонга етиб борган эрдилар. «Қўрқмангизлар, қўрқмангизлар!» — дедилар Жаноб Расулulloҳ. Ул зот Абу Талҳанинг отини яйдоқ миниб, бўйинларига қилич осиб олган эрдилар, отни мақтаб: «Бу бамисоли денгиздек эркан!» — деб қўйдилар».

Жобир ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нимаyki сўрашмасин, ҳеч қачон йўқ демас эрдилар».

Масруқ ривоят қиладилар: «Бир куни биз Абдуллоҳ ибн Амр бирлан бирга ўлтирган эрдик бундай деди: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бадхулқ ҳам, шалоксўз ҳам эрмас эрдилар, ул зот: «Ораларингизда энг яхшингиз — хулқи яхшингиздир!» — дер эрдилар».

Абу Ҳозим Саҳл ибн Саъддан нақл қиладилар: «Бир аёл Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга бурда (кийим) олиб келди Саҳл қавмга: «Бурда қандай кийим эрканлигин билурмисиз» — деди. Қавм: «Бу — шамладир», — деб жавоб қилди Саҳл: «Бу — четига жияк солиб тўқилган шамладир», — деди. Бояги аёл: «Ё Расулаллоҳ, буни сизга кийгизаман», — деди. Жаноб Расулаллоҳ бурдага муҳтожликлари бўлгани учун олиб кийдилар. Бир саҳоба кўриб: «Ё Расулаллоҳ бирам чиройли эркан, менга кийгиза қолинг!» — деди Жаноб Расулаллоҳ «Хўп бўлади!» — дедилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб кетгач, бояги кишини саҳобалар: «Яхши иш қилмадинг, ваҳоланки Жаноб Расулаллоҳ бурдани ўзларига керак бўлгани учун олиб эрдилар. Сен эрсанг, Жаноб Расулаллоҳнинг биров нарса сўраса, йўқ демасликларини била туриб сўрадинг!» — деб койишди. У: «Мен Жаноб Расулаллоҳ бурдани кийиб табаррук қилиб берсинлар деб эрдим, уни ўзимга кафанликка олиб қўймоқчиман», — деди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Келажакда) умр (вақт) тез ўтадирган бўлиб қолғай, ишсизлик кўпайғай, хасислик авж олиб, (саховат ўртадан кўтарилғай), ҳарж кўпайғай», — дедилар. Шунда: «Ҳарж недир?» — деб сўрашди. Жаноб Расулаллоҳ «Қотилликдир, қотилликдир», — деб жавоб қилдилар».

Анас разияллоҳу анҳу: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилдим. Шу давр мобайнида бирор марта мендан норози бўлиб уф тортмаганлар, ундай қилмабсан ёким бундай қилсанг бўлмайдими, деб айтмаганлар» — дейдилар:

40-боб. Эркак ўз оиласида (уйида) қандай бўлмоғи керак?

Асвад разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Оишадан: «Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оилаларида (уйларида) не қилғай эрдилар» — деб сўрадим. Оиша: «Уй-рўзгор юмушлари бирлан банд бўлур эрдилар, намоз вақти бўлса, намозга чиқиб кетур эрдилар», — деб жавоб қилдилар».

41-боб. Муҳаббат Оллоҳ таолодандир!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло бирор бандасини (қилган амали солиҳлари туфайли) севгайдир, Жаброил алайҳиссаломга нидо қилиб: «Оллоҳ фалон бандасини севди, сен ҳам уни севгил!» — дегайдир, Жаброил алайҳиссалом ҳам ўшал бандани севгайдирлар. Сўнг, Жаброил алайҳиссалом осмон аҳлига нидо қилиб: «Оллоҳ таоло фалон бандасини севди, сиз ҳам севингиз!» — дегайдирлар. Осмон аҳли ҳам ўшал бандани севгайдир. Шундан сўнг, ер аҳлида унга нисбатан муҳаббат пайдо бўлғайдир».

42-боб. Оллоҳни деб яхши кўрмоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одам токи ўзга бир одамни фақат Оллоҳни деб яхши кўрмас эркан ва Оллоҳ (куфрдан) қутқаргач, қайта кофир бўлмоқдан кўра жаҳаннам ўтига ташланмоқни афзал билмас эркан ҳамда Оллоҳ ва унинг расули унинг учун барчадан маҳбуброқ бўлмас эркан, иймон ҳаловатига эриша олмағайдир!» — дедилар».

43-боб.

Оллоҳ таолонинг «Ё аййуҳо-л-лазийна оманууло йасхар қавмун мин қавмин асо ан йакунуу хайран минҳум...» деган қавлидан «...фауулоика ҳумуз-золимууна» деган қавлигача (ўқинг!). («Эй мусулмонлар, бир қавм иккинчи бир қавмни «масхара қилмасин, эҳтимол булар улардан яхшироқдир...» ва " «... ана шулардир золимлар»»).

Абдуллоҳ ибн Зама риаоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одам ичидан чиқадирган нарса(ел)га кулмоқдан қайтардилар, сўнг: «Нечун айримларингиз хотинингизни айғирни ургандек ургайдир сизлар, балким уни кейин қучоқларсизлар ҳам?!» — дедилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода турганларида: «Биласизларми, бу кун қандай кун?» — дедилар. «Оллоҳ ва унинг расули билғайдир», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Бу кун муҳаррам (муқаддас) кундир!» — дедилар, сўнг: «Биласизларми бу шаҳарнинг қандай шаҳар эрканлигин?» — деб сўрадилар. «Оллоҳ ва унинг расули билғайдир», — деб жавоб қилишди. Жаноб Расулulloҳ: «Бу — муқаддас шаҳардир!» — дедилар, сўнг: «Биласизларми, бу ойнинг қандай ой эрканлигин?» — деб сўрадилар. «Оллоҳ ва унинг расули билғайдир — деб жавоб қилишди. Жаноб Расулulloҳ: «Бу муқаддас (муҳаррам) ойдир, чунким Оллоҳ таоло сизларга мана шу ойингиздаги кунингизни ва мана шу шаҳрингизни муқаддас қилганидек бир-бирингизга молу жонингизни ва обрўйингизни ҳам муқаддас қилди», - дедилар.

44-боб. Сўкмоқ ва лаънатламоқ манъ қилинганлиги ҳақида

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мусулмон одамнинг сўкмоғи - бузуқлик ва урушмоғи — кофирликдир!» — дедилар».

Абу Зарр: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганман», — дейдилар: «Бузуқ ва кофир бўлмаган одамни бузуқ ва кофир деган одамнинг ўзи кофир ва бузуқдир».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бадхулқ ҳам, сўконғич ҳам эрмас эрдилр. Бировга танбеҳ берсалар: «Пешонанг туфроққа теккур!» — дердилар, холос».

Худайбия сулҳи тузилганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган Собит ибн Зауҳок Абу қилобага бундай деган эрканлар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки исломдан ўзга динни ўртага қўйиб ёлғондан қасам ичғайдир, ўша ўзи айтган динга мансуб бўлиб қолғайдир. Одам боласининг ўзи эга бўлмаган нарсани назр қилмоғи дуруст эрмас. Одам бу дунёда ўзини нима бирлан ўлдирган эрса, қиёматда унга ўша нарса бирлан азоб берилғайдир. Кимки мўминни лаънатлағайдир ёким кофирликда айблағайдир, уни ўлдирган баробарида гуноҳга қолғайдир!» дедилар».

Адий ибн Собит Сулаймон ибн Сарддан бундай деб эшитган эрканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида икки киши ўзаро сўкишиб қолди. Улардан бири шу қадар ғазабландиким, ҳатто юзлари шишиб бўзариб кетди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен шундай бир калимани билурменким, уни айтган одам дарҳол ғазабдин тушғай», — дедилар. Бир киши бояги ғазаби ортиб кетган одамнинг қошига бориб, Жаноб Расулulloҳнинг «Шайтоннинг ёмонлиғидин Оллоҳдин ўзингга паноҳ тила!» деган сўзларини етказган эрди, у

дарров ғазабидин тушиб: «Менга не бўлди, мажнун бўлғон кўринурмен?! Сен энди боравер!» — деди».

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам одамларга Лайлат ул-Қадр хусусида хабар бермоқ ниятида (уйдан) чиқиб эрдилар, (йўлда) икки киши жанжаллашиб қолди. Шунда Жаноб Расулulloҳ «Мен сизларга Лайлат ул-Қадр ҳақида хабар бермоқ қасдида чиқиб эрдим, (йўлда) фалончи бирлан пистончининг жанжаллашиб қолғони сабабидин ёдимдин кўтарилибдир. Шояд, сизлар учун бунинг охири бахайр бўлса, Лайлат ул-Қадрни 29, 27 ва 25-кечаларда кутингиз!» дедилар».

Маърур ривоят қиладилар: «Мен Абу Заррнинг ҳам, ғуломининг ҳам бурда кийиб олганини кўрдим. Шунда мен: «Агар ғуломингизга бошқа кийим бериб, унинг бурдасини ҳам олиб кийсангиз эрди, сизга бошдин оёқ хулла (изор ва ридо) бўлган бўлур эрди», — дедим. Абу Зарр бундай дедилар: «Мен ила бир кишининг ўртамиздан бир гап ўтиб, онасини ҳақорат қилдим, онаси араб эрмас эрди (бу аёл Ҳазрат Билолнинг оналари бўлган). У Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга шикоят қилди. Жаноб Расулulloҳ мендан: «Фалончи бирлан сўкишиб қолдингми?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳа, шундай», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Онасини ҳақорат қилдингми?» — дедилар. Мен: «Ҳа, шундай», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Сенда жаҳолатдан бор эркан!» — дедилар. Мен: «Шу ёшга кириб, қариган бўлсам ҳамми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, шундай. Улар сизларнинг биродарларингиздир, Оллоҳ таоло уларни сизларнинг қўлингизга топшириб қўйибдир. Кимники Оллоҳ таоло биродарининг қўлига топшириб қўйган эрса, еганидан едириб, кийганидан кийдирсин, кучи етмаган ишга буюрмасин, гар буюрган эрса унга ўзи кўмаклашсин!» деб айтдилар».

45-боб. Одамлар айтадиган «новча» ёким «пакана» каби сўзлардан ишлатилмоғи жоиз бўлганлари

Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам бир кишини «Зулядайн» — икки қўлли ёки қўли узун деганларида уни камситмоқчи бўлмаганлар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам биз бирлан бирга пешин намозини икки ракъат ўқиб, салом бердиларда, ўринларидан туриб масжид олдидаги бир ёғочга бориб қўлларини қўйиб суюндилар. Ўша куни намозхонлар орасида Абу Бакр ва Умар ҳам бўлиб, ул зотга гапирмоққа ботина олмадилар. Намозхонлар: «Намоз қисқардимми?» — дея масжиддан шошиб чиқиб кела бошлашди. Уларнинг орасида Жаноб Расулulloҳ «Зулядайн» деб атайдирган бир кўшто ҳам бор эрди. Ўша киши: «Ё Расулalloҳ, ёдингиздан чиқардингизми ёҳуд намоз қисқардимми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ «Ёдимдан чиққани ҳам йўқ, қисқаргани :ҳам йўқ!» дедилар. Зулядайн: «Лекин, унутдингиз!» — деди.. Жаноб Расулulloҳ: «Зулядайн тўғри айтаётирми?» — дедилар. (Намозхонлар: «Ҳа», — деб жавоб беришди). Шунда Жаноб Расулulloҳ бориб икки ракъат намоз ўқидилар, сўнг салом бердилар, кейин такбир айтиб одатдагидек ёки ундан узоқроқ сажда қилдилар, сўнг такбир айтиб саждадан бошларини кўтардилар, кейин одатдагидек ёким ундан узоқроқ сажда қилдилар ва такбир айтиб саждадан бошларини кўтардилар».

46-боб. Ғийбатчилик ҳақида

Оллоҳ таоло: «Бир-бирингизни ғийбат қилмангиз! Бирортаугиз ўлган биродарингизнинг гўштини ейишни хоҳлайсизми? Албатта рад этасиз! Оллоҳдан қўрқингиз, Оллоҳ, тавбаларни қабул қилғувчи ва раҳмдилдир!» — дейди.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабр ёнидан ўтаётиб: «Иккиси ҳам азобланаётир, аммо катта гуноҳ учун эрмас Манавиниси сийдигидан эҳтиёт бўлмас эрди (яъни, таҳорат ушатгач, олатининг учини покламас эрди), буниси эрса ғийбатчилик бирлан машғул эрди», — дедилар. Сўнг, ҳўл новда олиб келтирдиларда, уни иккига бўлиб, ҳар бир қабрга биттадан санчиб қўйдилар. Кейин: «Шояд, мана шу новдалар қуригунча уларнинг азоби енгиллашса!» — дедилар».

47-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни «Ансорларнинг ҳовлилари ичида энг яхшиси...» деб айтганлари ҳақида

Абу Усайд ас-Соъидий бундай деб ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ансорларнинг ҳовлилари ичида энг яхшиси — Баний Нажжор ҳовлисиدير!» деб айтдилар».

48-боб. Фасод ва шубҳа аҳлини ғийбат қилмоқнинг жоизлиги ҳақида

Оиша онамиз разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир киши келиб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирмоққа изн сўраб эрди, Жаноб Расулуллоҳ: «Қавмнинг ёмон биродари (ёким, ёмон ўғлони)га рухсат берингиз!» — дедилар. У ичкарига киргач эрса, яхши муомала қилдилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, нечун бояги кишига аввал дағал сўзлаб, сўнг юмшоқ гапирдингиз?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ё Оиша, кишилар кимнинг ёмонлигидан қўрқиб қочса, ўшал одам энг ёмон одамдир!» — деб айтдилар».

49-боб. Чақимчилик (ғийбат) гуноҳи азимлардандир

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина чорбоғларининг биридан чиқиб келаётиб, қабрда азоб чекаётган икки инсоннинг дод-фарёдини эшитиб қолдиларда: «Иккиси ҳам азоб чекаётир, аммо катта гуноҳ учун эрмас. Улардан бири сийдигидан эҳтиёт бўлмас, иккинчиси эрса чақимчилик қилар эрди», — дедилар. Кейин, бир хурмо новдасини олдириб келтирдиларда, ўртасидан бўлиб қабрларга санчиб қўйиб: «Шояд, шу новдалар қуригунча азоблари енгиллашса!» — дедилар».

50-боб. Гап ташимоқ макруҳ эканлиги хусусида

Оллоҳ таоло: «Гап ташиб юрғувчиларнинг кишилар қалбига наштар урувчи, уларни таҳқирловчи ва бадном қилувчи ҳар бир тухмат, бўҳтон ва мазахлари учун ҳоллари вой бўлғай!» — дейди.

Ҳаммод разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳузайфа бирлан бирга эрдик унга: «Фалончи Усмонга гап ташийди», — дейишди.

Ҳузайфа: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ғийбатчи жаннатга кирмағайдир!» деб айтганларни эшитганман», — деди».

51-боб.

Оллоҳ таоло: «Тухмат қилмоқдан сақланинглар!» — дейди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки тухмат

қилмоқ ва тухматга ишониб иш кўрмоқдин тийилмай, жоҳилликда давом этаверар эркан, унинг еб-ичмоқдин тийилмоғининг (рўза гутмоғининг) Оллоҳ таолога ҳожати йўқдир!» — дедилар».

52-боб. Иккиюзламачи ҳақида айтилган гаплар

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни Оллоҳ таолонинг даргоҳида бир одамга бу юзи бирлан, йккинчи одамга эрса бошқа юзи бирлан юзланувчи энг ёмон одамларни — иккиюзламачиларни учратасан», — дедилар»

53-боб. Ўз дўстига унинг хусусида нималар дейишаётганини айтиб берувчилар ҳақида

Ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлжаларни одамларга тақсимлаб бердилар. Шунда ансорлардан бири: «Худо ҳақи, Муҳаммад бу борада Оллоҳ таолони юз-хотир қилмади», — деди. Мен бориб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб берган эрдим, ғазабдан юзлари ўзгариб: «Мусони Оллоҳ таоло раҳмат қилсин, унга бундан ҳам ортиқ озор берган эрдилару сабр қилган эрди!» — дедилар».

54-боб. Ўзини-ўзига мақтамоқнинг макруҳлиги ҳақида

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг иккинчи бир кишини ўзини ўзига мақтаб кўкларга кўтараётганини эшитиб қолиб: «Уни ўлдирингиз ёким белини синдирилингиз!» — дедилар».

Абдурраҳмон ибн Бакра оталаридан нақл қиладилар: «Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бошқа бир кишини мақтаб, кўкларга кўтарди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Вой, бурнинг ерга ишқалгур, дўстингнинг бўйинини синдиридинг-ку!» — деб бир неча бор такрорладилар. Сўнг: «Агар бирортангиз кимнидир ҳақиқатан ҳам мақтовга сазовор деб билиб, мақтамоқчи бўлсангиз, у ҳолда: «Мен уни бундай ва бундай деб ҳисоблайман — деб айтингиз. Чунким, Оллоҳ таоло уни (сиздан кўра яхшироқ) билғайдир, Оллоҳнинг бандасини Оллоҳнинг ўзига мақтамангиз!» — дедилар».

55-боб. Дўсти ҳақида билганларини айтиб мақтамоқ ҳақида

Саъд: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абдуллоҳ ибн Саломдан бўлак ер юзида юрувчи бирор Кимсани жаннати деб айтганларини эшитган эрмасман», — дейдилар.

Солим оталаридан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам изор ҳақида бир қанча гапларни айтганларидан сўнг, Абу Бакр: «Расулаллоҳ, изоримнинг бир тарафи (доим) осилиб туради?!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Сиз улар тоифасидан эрмассиз!» — деб жавоб қилдилар».

56-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло адолатли бўлмоқни, қариндошларга эҳсон қилмоқни буюриб, беҳаёлик, бузқлик ва қайсарлик қилмоқдан қайтарур ҳамда насихат қабул қиласизлар деб сизларга насихат қилур».

Урва разияллоҳу анҳу оталаридан, оталари эрса, Оиша онамиздан нақл қиладилар: «Набий

саллаллоҳу алайҳи ва салламни бир қанча вақт (сеҳр-жоду бирлан) боғлаб қўйишди: ўзларида аёлларига яқинлик қилмоқ рағбати бордек ҳис қилардилару, аммо қўшила олмас эрдилар. Жаноб Расулulloҳ бир куни менга: «Ё Оиша, мен бир масала хусусида Оллоҳ таолодан фатво сўраб эрдим, менга ижобат қилди. Икки киши келиб, бири оёқ томонимга, иккинчиси бош томонимга ўлтирди. Оёқ томонимдаги бош томонимдагига: «Бу одамга нима бўлган?» — деди. Бош томонимдаги: «Сеҳрлаб қўйилган», — деб айтди. Оёқ томонимдаги: «Ким сеҳрлаб қўйган?» — деди. Бош томонимдаги: «Лубайд ибн Аъсам», — деб айтди. Оёқ томонимдаги: «Нима бирлан?» — деди. Бош томонимдаги: «Эркак хурмо гулкосаси ичида соч толалари ва тароқ бор, у эрса Зарвон қудуғи ичидаги тош тагидадир», — деб айтди», — дедилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўша қудуқ бошига) бориб: «Менга аён қилинган қудуқ мана шу қудуқ эрди, атрофдаги хурмоларнинг тепаси шайтоннинг бошига, қудуқнинг суви эрса, хина сувига ўхшаб кетибди-я!» — дедилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ буюриб эрдилар, сеҳрланган нарсаларни қудуқдан олиб ташлашди. Мен (яъни, Оиша): «Ё Расулаллоҳ, шу билан Тузалиб кетдингизми?» — деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло менга шифо ато этди, энди мен одамларга таъсир ўтказиб, ёмонлик қўзғамоқчи эрмасмен. Лубайд ибн Аъсам эрса, Баний Зурайх қабиласидан бўлиб, яҳудийлар бирлан тил бириктирган одамдир», — дедилар».

57-боб. Бир-бирига ҳасад қилмоқ ва бир-бирдан аразламоқ манъ қилингани ҳақида

Оллоҳ таоло: «... ва мин шарри ҳосидин изо ҳасада» ҳасадчи ҳасад қилганда ёмонлиғидан асра, дегил!» — дейди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бадгумон бўлманглар, бадгумонлик — энг ёлғон сўздир (яъни, бадгумонлик бирлан айтилган сўз — энг ёлғон сўздир). Тирноқ остидан кир қидирманглар, гап пойламанглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингиздан аразламанглар ва нафратланманглар. Ака-ука тутиниб, Оллоҳнинг (солиҳ) бандалари бўлинглар!» — дедилар».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингиздан аразламанглар, ака-ука тутиниб, Оллоҳнинг (солиҳ) бандалари бўлинглар! Муслмон одам ўз (диндош) биродари бирлан уч кундан ортиқ аразлашмасин!» — дедилар».

58-боб.

Оллоҳ таоло: «Эй мўминлар, бадгумонликдан ҳаддан имкон нарироқ қочинглар, баъзи бадгумонлик гуноҳдир. Гап пойламанглар — дейди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бадгумон бўлманглар, бадгумонлик — энг ёлғон сўздир. Гап пойламанглар, тирноқ остидан кир қидирманглар бир-бирингиз бирлан баҳслашманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингизни ёмон кўрманглар, аразлашманглар. Ака-ука тутиниб, Оллоҳнинг (солиҳ) бандалари бўлинглар», — дедилар».

59-боб. Нималар ҳақида гумон қилса бўлади?

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фалончи бирлан пистончи динимизга оид бирор нарса билади, деб ўйламайман», - дедилар.»

Лайс: «Ўша иккаласи мунофиқ кишилар эрди», — дедилар. Лайс шу хусусда гапларини давом эттириб, «Оиша бундай, деди», — дейдилар: «Бир куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримга кириб: «Эй Оиша, мен фалончи бирлан пистончи биз эътиқод қилаётган динимиздан бирор нарса билалд, деб уйламайман», — дедилар».

60-боб. Мўмин одам ўз айбини яширмоғи лозим!

Силим ибн Абдуллоҳ Абу Ҳурайрадан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитган эрканлар: «Ҳар бир умматимнинг гуноҳлари кечирилғайдир аммо (ҳаёсизларча) ўз гуноҳини ўзи ошкора қилувчи умматларим бундан мустаснодир. Масалан: бир киши тунда қандайдир (гуноҳ) иш қилса-ю, уни Оллоҳ яширган бўлса, тонг отгач, у: «Эй фалончи, кеча мен ундай қилдим ва бундай қилдим, деб Оллоҳ яширган айбини ўзи ошкора қилса, гуноҳи кечирилмағайдир!».

Сафвон ибн Муҳриз ривоят қиладилар: «Бир одам Ибн Умардан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нажво (дил қаърига яширилган сир) ҳақида нималар эшитгансиз?» — деб сўради. Ибн Умар: «Ораларингиздан кимдир Оллоҳга биқини теккудек жуда яқин боради. Шунда Оллоҳ таоло: «Фалон ва фалон ишларни қилганмисан?» — дейди. У: «Ҳа», — деб жавоб қилади. Оллоҳ таоло яна: «Фалон ва фалон ишларни қилганмисан?» — дейди. У: «Ҳа», — деб жавоб қилади. Оллоҳ таоло унинг қилган ишларини бўйнига қўйгач: «Мен сенинг у дунёда қилган гуноҳларингни яширган эрдим, бугун эрса кечираман», — дейди.

61-боб. Кибр ҳақида

Ҳориса иби Ваҳб ал-Хузозий ривоят қиладилар: «Расулulloҳу саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аҳли жаннат кимлар эрканлигини айтайми?» — дедиларда, одамлардан жавоб кутмай: «Ҳар бир заиф ва бечораҳол одамдир, у гар Оллоҳни ўртага қўйиб қасам ичғайдир, сўзсиз устидан чиқғайдир», — дедилар, сўнг: «Аҳли дўзах кимлар эрканлигин (ҳам) айтайми? Ҳар бир қўпол, қуруқ, гердайган, беқаноат ва димоғдор одам аҳли дўзахдир», — дедилар».

62-боб. Ҳажр (ўз ҳолига ташлаб қўймоқ) ҳақида

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон одамнинг ўз (диндош) биродарини уч кундан ортиқ ўз ҳолига ташлаб қўймоғи мумкин эрмас!» — деб айтганлар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша онамизнинг она бир, ота бошқа укаларининг ўғли Авф ибн Молик ибн ат-Туфайл (Ибн ал-Ҳарс) ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бир ҳовлини сотмоқни ёким инъом қилмоқни ихтиёр қилиб эрдилар, (жиянлари) Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Бундай, қилмасинлар, акс ҳолда улар бирлан борди-келдимни узиб қўйғумдир!» — деб айтдилар. Оиша онамиз: «У шундай дедими?» — деб сўраган эрдилар: «Ҳа, шундай деди», — дейишди. Оиша онамиз: «Мен Ибн Зубайр бирлан энди сира ҳам гаплашмасман, деб онт ичаман!» — дедилар. Шундай қилиб, икки ўртадаги борди-келди узоқ вақт узилиб қолгач, Ибн Зубайр Оиша онамизнинг ҳузурларига одам юбориб, кечирмоқларини илтимос қилдилар. Шунда Оиша онамиз: «Йўқ-йўқ, Оллоҳ таоло ҳақи, уни кечирмайман ҳам, онтимни бузмайман ҳам!» — деб жавоб қилдилар. Ораларидаги борди-келди ҳадеганда тикланавермагач, Ибн Зубайр ўзларини қўярга жой тополмай, Мисвар ибн Махрама бирлан Абдурраҳмон ибн ал-Асвад ибн Абд Йағусга (иккалалари - ҳам Баний Зухра қабиласидан): «Азбарои худо, сизлардан ёлбориб илтимос қилурман, мени Оиша (холам)нинг ҳузурларига олиб киригиз, мен бирлан бундай аразлашиб юрмоқлари макруҳдир», — дедилар.

Мисвар Бирлан Абдурраҳмон у кишининг илтимосларини қабул қилишди ва ридоларига ўраниб олишиб Оиша онамининг ҳузурларига равона бўлишди, етиб боришгач: «Ассалому алайки ва раҳматуллоҳи ва баракотуху! Кираверайликми?» — деб изн сўрашди. Оиша онамиз: «Кирингиз!» — дедилар. Улар: «Ҳаммамизми?» — дейишди. Оиша онамиз Ибн Зубайрнинг улар билан бирга келганларидан беҳабар эрдилар, шу боисдан: «Ҳа, ҳаммангиз кирингиз!» — деб айтдилар. Шунда Ибн Зубайр улар бирлан бирга ичкарига кирдилар, сўнг парда ортига ўтиб холаларини қучоқлаб олдиларда, йиғлаб-сиқтаб кечирим сўрай бошладилар. Мисвар бирлан Абдурраҳмон ҳам: «Уни авф этгайсиз, унинг бирлан сўзлашинг. Ахир, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сиз каби борди-келдини узиб қўйиб, аразлашиб юрмоқни қоралаганлар-ку: Муслмон одамнинг ўз биродарини уч кеча-(кундуз)дан зиёд ўз ҳолига ташлаб қўйиб, арвалашиб юрмоғи мумкин эрмас!» — дея ёлборишди. Ниҳоят, йиғлаб-сиқтаб қилинган ёлборишлар таъсир қилиб, Оиша онамиз ҳам йиғлаб юбордилар. Оиша онамиз йиғи аралаш нуқул: «Мен онт ичгандурман, онтни бузмоқнинг оқибати ёмон бўлғай», — дер эрдилар. Мисвар бирлан Абдурраҳмон эрса, Ибн Зубайр билан сўзлашасиз, деб Оиша онамизни ҳеч ўз хошларига қўймади. Оиша онамиз онтларини бузганликлари бадалига қирқ қулни озод қилдилар. Аммо, анча вақтгача онтларига хилоф тутганликларини ўйлаб, йиғлаб юрдилар, йиғлаганларида рўмоллари жиққа ҳўл бўлиб кетар эрди».

Абу Айюб ал-Ансорий бундай деб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ, саллаллиҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч бир инсон уч кеча-(кундуз)дан ортиқ ўз биродари бирлан аразлашиб, бир-бирини учратганда тескари қараб кетмасин. Қайси бири аввал салом берса, ўшал яхшироқдир!» — деб айтдилар».

63-боб. Гуноҳқордан аразламоқнинг жоизлиги ҳақида

Каъб Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (даъват қилган ғазот)дан кечикиб қолгач, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам биз муслмонларнинг у бирлан гаплашмоғимизни манъ қилдилар. Шунда «Эллик кун» деб таъкидлаган эрдилар.

Ҳишом ибн Урва оталаридан, оталари эрса, Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Эй Оиша), мен сенинг жаҳлинг чиққанини ҳам, мамнун бўлганингни ҳам била олурман», — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, буни қандай билиб олғайсиз?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Сен мамнун бўлган вақтингда: «Ҳа, албатта Жаноб Муҳаммад!» — дейсан, жаҳлинг чиққанда эрса: «Йўқ, Жаноб Иброҳим!» — деб айтасан», — дедилар. Мен: «Ҳа, тўғри айтдингиз, мен фақат исмингиздан аразлайман», — дедим (Демак Оиша онамиз мамнун бўлганларида пайғамбаримизнинг исмларини, жаҳллари чиққанда эрса, ўғилларининг исмини айтиб мурожват қилар эрканлар).

64-боб. Дўстини куннинг истаган вақтида бориб кўрадимиз ёким ундан эрта билан ва кечқурун хабар оладими?

Оиша разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: «Мен Эсмни танибманки, ота-онамининг динга эътиқод қилишларини биламан.(Ўша вақтларда) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бизниқига келмаган кунлари бўлмас эрди, куни икки маҳал — эрталаб ва кечқурун улардан хабар олиб кетар эрдилар. Бир куни туш вақтида биз (отам) Абу Бакрнинг ҳужраларида ўлтирган эрдик бир киши: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одатдан ташқари вақтда келяптилар», — деди. (Отам) Абу Бакр: «Бир зарур ишлари бўлмаса, бу вақтда келмас эрдилар», — дедилар. (Жаноб Расулulloҳ келиб): «Менга ҳижрат қилмоққа ижозат берилди», — деб айтдилар».

65-боб. Зиёрат ҳақида ва бир қавмнинг бориб, ўша ерда овқатланган шахс хусусида

Салмон (Форсий) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида Абу Дардоъни зиёрат қилгани бориб, унинг уйида таом тановул қилдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бўлган бир оилани кўргани бориб, улар бирлан бирга овқатландилар, сўнг қайтмоқчи бўлганларида унинг бир жойини кўрсатиб эрдилар, ўша ерга валос (ёки бўйра) солиб, устига сув сочиб тозалаб беришди, намоз ўқиб уларнинг ҳақида дуо қилдилар».

66-боб. Меҳмонларни деб ўзига оро бермоқ хусусида

Абу Исҳоқ ривоят қиладилар: «Салим ибн Абдуллоҳ: «Истабрак нима?» — деб сўради. Мен: «Дебожга нисбатан қалинроқ ва дағалроқ тўқилган (атлассимон) матодир! — дедим. У: «Мен Абдуллоҳнинг бундай деганини эшитганман», — деди: «Ҳазрат Умар бир кишида истабракдан тиқилган ҳулла кўриб, уни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб келдиларда: «Ё Расулulloҳ, шуни сотиб олсангиз, меҳмонлар келганда кияр эрдингиз», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳарир кийимни охирати йўқ одам кийгайдир!» — деб айтдилар. Шу воқеадан сўнг бир мунча вақт ўтгач, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Умарга бир ҳуллани тортиқ қилиб юбориб эрдилар, у киши. Жаноб Расулulloҳга қайтариб олиб келиб: «Ё Расулulloҳ, манавини менга юборибсиз, ваҳоланки унинг ҳақида бошқа гапларни айтган эрдингиз?!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мен уни сенга бирор ҳожатингга яратарсан, деб юборган эрдим», — деб жавоб қилдилар».

Ибн Умар мана шу ҳадисни билганлари учун ҳам гулли кийим киймоқни макруҳ ҳисоблар эрдилар.

67-боб Ака-ука тутинмоқ ва келишув ҳақида

Абу Жухайфа ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Салмон бирлан Абуддардоъни ака-ука тутинтириб қўйдилар. Абдурраҳмон ибн Авф: «Мадинага келганимизда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мен бирлан Саъд ибн ар-Рабиъни ака-ука тутинтириб қўйдилар» дейдилар».

Хумайд разияллоҳу анҳу Анас ибн Моликдан нақл қиладилар «Абдурраҳмон бизнинг ҳузуримизга келгач, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам у бирлан Саъд ибн ар-Рабиъни ўзаро ака-ука тутинтириб қўйдиларда: «Бир Қўй сўйиб бўлса ҳам буни нишонлаш даркор!» — дедилар».

Осим ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Моликка: «Сен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Исломда келишув йўқ, (ака-ука тутинмоқ бор)» — деганларини эшитганмисан — дедим. У: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйимда Қурайш бирлан ансорларни ака-ука тутинтириб қўйдилар», — деб жавоб қилди».

68-боб. Табассум ва кулги ҳақида

Фотима алайҳоссалом: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бир гап айтиб эрдилар,

кулиб юбордим»,—дейдилар.

Ибн Аббос: «Кулдирувчи ҳам, йиғлатувчи ҳам Оллоҳ таолодир!» — дейдилар.

Урва Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Рифоат ал-Қуразий хотинини талоқ қилиб, паттасини қўлига берди. Кейин, унга Абдурраҳмон ибн аз-Зубайр уйланди. Бир куни ўша хотин Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, дастлаб мен Рифоатга тегиб эрдим, у мени уч талоқ қўйди. Кейин, мени Абдурраҳмон никоҳлаб олди. Оллоҳ таоло ҳақи, ё Расулаллоҳ, унинг олати нимчанинг попуги янглиғ заифдир!» — деб нимчасининг попугига ишора қилди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида Абу Бакр ҳам ўлтирган эрди, ҳужра эшиги олдида эрса, Ибн Саъид ибн ал-Ос ичкарига кирмоққа рухсат бермоқларини кутиб ўлтирар эрди. Иттифоқо, Холид: «Ё Абу Бакр, ё Абу Бакр, бу хотиннинг Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида шундай бепарда гапларни айтмоғига нега монелик қилмайсиз?» — деб нидо қилди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам буни эшитиб, табассум қилиб қўйдилар, холос. Кейин, хотинга қараб: «Сен Рифоатга қайта турмушга чиқмоқ ниятида кўринадан, аммо бу, токи сен Абдурраҳмоннинг, у эрса сенинг асалдонингдан татиб кўрмас эркан, сира мумкин бўлмағайдир», — дедилар».

Муҳаммад ибн Саъд оталаридан нақл қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирмоққа рухсат сўрадилар, шунда ичкарида Қурайш қабиласига мансуб бир тўда хотинлар овозларини борича қўйиб Жаноб Расулаллоҳга эзмаланиб саволлар бермоқда эрдилар, ул зотнинг товушлари эрса аранг қулоққа чалинар эрди. Ҳазрат Умар рухсат сўраганларида: ўлар шоша-пиша ёпинчиғларига ўраниб олишди. Кейин, Жаноб Расулаллоҳ рухсат бериб эрдилар, Ҳазрат Умар ичкарига кирдилар. Шунда ул зотнинг кулиб турганларини кўриб: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, Оллоҳ таоло сизни умр бўйи кулдирсин!» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Мен манави ҳузуримдаги аёллардан тўғжубландим, сенинг овозингни эшитиб, улар шоша-пиша ёпинчиғларини ёпиниб олишди», — дедилар. Ҳазрат Умар: «Сиз аёлларнинг иззат-эҳтиром қилмоқларига ҳаммадан ҳам ҳақлироқсиз!» — дедилар. Сўнг, аёлларга ўгирилиб: «Эй ўзига-ўзи душманлар, нечун мени ҳурмат қиласизлару, Жаноб Расулаллоҳни менсимайсизлар?» — деб айтдилар. Аёллар: «Сиз Жаноб Расулаллоҳга нисбатан кўполроқ ва дағалроқ сиз!» — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ: «Эҳ, Ибн ал-Хаттоб жоним қўлида бўлган зот ҳақи, агар сенинг йўлингдан ҳатто шайтон чиқиб қолса, (дағаллигингдан қочиб) бошқа йўлга бурилиб кетгай!» — дедилар.

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Тоифда эканликларида: «Иншооллоҳ, биз эртага қайтгаймиз!» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳнинг айрим саҳобалари: «Шаҳарни қўлга киритмагунимизча қайтмағаймиз!» — : деб айтишди. Жаноб Расулаллоҳ: «Эрта тонгда жангга отланингиз!» — деб амр қилдилар. (Мушриклар) қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, кўп киши жароҳатланди. Жаноб Расулаллоҳ яна: «Иншооллоҳ, эртага қайтгаймиз!» — дедилар. (Бу гал) барча (саҳобалар) сукут сақлашди, Жаноб Расулаллоҳ кулиб қўйдилар». Ҳумайдий: «Суфён бу воқеани бизга тўла-тўқис айтиб берганди», дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир одам Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: Ё Расулаллоҳ, энди мен ҳалок бўлдим, рамазонда кундузи аёлимга яқинлик қилиб қўйдим!» — деди. Жаноб Расулаллоҳ: «Бир қул озод қилғил!» — дедилар. У: «Менинг қулим йўқдир», — деб айтди. Жаноб Расулаллоҳ: «Ундай бўлса. иккй ой муттасил рўза тутғил!» — дедилар. У: «Буни эплай олмаймен, — деб айтди. Жаноб Расулаллоҳ: «Ундай бўлса, олтмиш мискиннинг қорнини тўйғазғил!» — дедилар. У: «Бу ҳам қўлимдан келмағай», — деб айтди. Шу аснода бир замбил хурмо кўтариб келиб қолишди. Жаноб Расулаллоҳ: Бояги савол берган одам

қаердадир?» — дедилар. У: «Шу ердаман» деб айтди. Жақоб Расулўллоҳ: «Буни олғилда, садақа қил!» — дедилар. У: «Мендан ҳам камбағалроқ одам борми эркан?! Мадинанинг у чеккасидан бу чеккасига қадар мендан қашшоқроқ инсон топилмағайдир», — деб айтди. Жаноб Расулўллоҳ кулиб юбордилар, ҳатто озиғ тишлари ҳам кўришиб кетди, сўнг: «Бунга ўзингиз ҳақлироқ эркансиз (яъни, сенинг оиланг ҳақлироқ эркан)», — дедилар».

Анас ибн Молик бундай дейдилар: «Расулўллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга кетаётган эрдик ул зот эгниларига жияги қаттиқ бир чопон кийиб олган эрдилар. Бир бадавий орқаларидан етиб келиб, чопонларидан қаттиқ тортди. Шунда чопоннинг жияги ботиб, бўйинларида из қолдирганини кўрдим. Бадавий: «Ё Муҳаммад, қўлингдаги ихтиёрингдаги олдингдаги молингдан менга ҳам берғил!» — деди. Жаноб Расулўллоҳ унга қараб кулиб қўйдиларда, бирор нарса бериб юборишни амр қилдилар»ю

Жарир бундай дейдилар: «Расулўллоҳ саллаллоҳу ва салламнинг исломга кирганимдан буён мендан аразлаганларини билмайман, доимо мени кўришлари бирлан табассум қилиб қўяр эрдилар. Бир куни Жаноб, Расулўллоҳга уловда маҳкам ўлтира олмаслигимдан нолиб эрдим, кўксимга қўллари бирлан уриб: «Ё Оллоҳ, уни бардам қилғайсан ҳамда тўғри йўлдан борғувчи ва тўғри йўл бошлағувчилар тоифасидан қилғайсан!» — дедилар».

Зайнаб бинти Умму Салама ривоят қиладилар: «(Онам) Умму Салама: «Ё Расулўллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақиқатни айтишдан уялмагай» хотин киши булғаниб қолса, ғул вожиб бўлурми?!» — дедилар. Жаноб Расулўллоҳ: «Ҳа, агар нам чиққанлигин кўрса», — деб жавоб қилдилар. Умму Салама кулиб: «Хотинлар ҳам булғангайми?» — дедилар. Жаноб Расулўллоҳ: «Нечун бола онасига ўхшагай?!» — деб жавоб қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳалқумларидаги тилчалари кўринадирган даражада оғизларини катта очиб кулганларини сира кўрмагандирман, ул зот табассум қилиб қўярдилар, хос», — дейдилар.

Анас (Ибн Молик) ривоят қиладилар: «Бир одам Расулўллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъа куни Мадинада хутба айтиб турганларида келиб: «Ёмғир ёғмай қўйди, раббингиздан ёмғир сўраб беринг!» — деди. Расулўллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам осмонга бир ташлаб қўйдилар. Биз ҳам қараб, бирор парча булут кўрмадик. Жаноб Расулўллоҳ Оллоҳ таолодан ёмғир илтижо қилдилар. Ногаҳон, осмонда парча-парча булутлар пайдо бўлиб, ўзаро қўшилди. Кейин, шундай ёмғир бердики, ҳатто Мадина кўчаларидан ариқ-арик сув оқди. Ёмғир келаси жумъагача тинмади. Жумъа куни бояги одам (ёким бошқа бир одам) Жаноб Расулўллоҳ хутба турганларида ўрнидан туриб: «Фарқ бўлаёздик-ку, раббингизга айтинг, (ёмғирни) тўхтатсин!» — деди. Жаноб Расулўллоҳ кулиб қўйдилар, сўнг: «Ё парвардигоро, устимизга эрмас, атрофимизга ёғдир!» — деб икки-уч такрорладилар! Шундан сўнг, Мадина устидаги булутлар ўнгу сўлга тарқаб кетиб, ёмғир атрофимизга ёға бошлади, шаҳарга бир томчи ҳам ёмғир тушмади. Оллоҳ таоло бу билан ўз расулининг каромат соҳиби эканлигини ҳамда унинг дуоси мустажоб бўлажagini кўрсатиб қўйди».

69-606.

Оллоҳ таоло: «Эй мўминлар, Оллоҳдан кўрқинлар ва ростгўй (ҳалол) кишилар бирлан бирга бўлинглар ҳамда ёлғончи қилиб қўймайдирган ишларга ёндошинлар!» — дейди.

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулўллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Ростгўйлик (ҳалоллик) яхшиликка олиб келғусидир, яхшилик эрса жаннатга етаклағай Ростгўй (ҳалол) бўлайин дейдирган киши ростгўйлик (ҳалоллик) қилаверсин! Ёлғончилик алдамчи эрса бузукликка (нопокликка) олиб келғусидир, бузук (нопоклик) эрса жаҳаннамга етаклағай. Оллоҳ таолонинг даргоҳида ёлғончи (алдамчи) деган ном олиб, расво лайин дейдирган киши ёлғончилик (алдамчилик) қилаверсин!» — деб айтдилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқни қуйидаги уч белгисига кўра билиб олмоқ мумкин: ёлғон гапирғай, ваъдага вафо қилмағай ва омонатга хиёнат қилғай», — дедилар».

Сумра ибн Жундуб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Икки кишининг (фариштанинг) кириб келганини кўрдим. Улар: «Оғзини (лунжини) тулдириб гапирётган одамни кўрсанг, билгилки у ёлғончидир, у шунчалик ёлғон гапирғайки, ҳатто ёлғон гаплари уфққа қадар етиб борса, ажаб эрмас! Қиёматга қадар унинг лунжига темир чангак тиқиб азоб берилғай» - дейишди»

70-боб.

Шақиқ разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни Ҳузайфадаи эшитган эрканлар: «Ибн Умму Абд (Абдуллоҳ ибн Масъуд) юриш-туриши, шаклу шамоили ва хулқ-атворининг гўзаллиги жиҳатидан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўхшаш кишилар ичида энг ўхшаши эрди. У уйдан чиққандан то уйига қайтиб киргунга қадар ўзини ана шундай тутар эрди, аммо уйига кириб, ёлғиз ўзи қолгач, не қилғай, буни биз билмағаймиз».

Ториқ ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ менга: «Энг яхши хабар — Оллоҳ таолонинг Китобидир ва энг яхши хулқ-атвор — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқ-атворларидир!» — деб айтган эрди».

71-боб. Азиятга сабр қилмоқ ҳақида

Оллоҳ, таоло: «Сабрли бандаларга беҳисоб савоб (ажр) ато этилғусидир!» — дейди.

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч ким ёким ҳеч нарса ўзига етадирган азиятга Оллоҳ таолодек сабр қила олмағай!. (Мушриклар) унинг ўғли бор, деб даъво қиладилар, аммо У уларни офият қилиб, ризқ ато қилғай», — дедилар».

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи бир нарсаларни одатдагидек қилиб тақсимлаб бердилар. Ансорлардан бири: «Оллоҳ таоло ҳақи, (бояги нарсалар) Оллоҳ таолони юз-хотир қилмай, тақсим қилинди», — деди. Мен: «Аммо, бу гапни Жаноб Расулulloҳга айтиб қўйишим лозим!» — дедимда, Расулulloҳнинг ҳузурларига йўл олдим! Борсам, ул зот ўз саҳобалари Бирлан бирга ўлтирган эрканлар, бояги гапни секингина (қулоқларига) айтдим. Бу гап Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга жуда оғир ботиб, ғазабдан юзлари ўзгариб кетди, ҳатто мен айтганимга пушаймон қилдим. Жаноб Расулulloҳ: «Мусо алайҳиссаломга бундан ҳам қаттиқроқ озор берганларида у киши сабр қилган эрдилар», — дедилар».

72-боб. Одамларни қаттиқ койимай, ғзабини босган киши ҳақида

Масруқ ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бундай деб эрдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир иш қилиб, бошқаларга ҳам шундай қилмоққа рухсат бериб эрдилар. Аммо, улар бош тортдилар. Жаноб Расулulloҳ бундан хабар топгач, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтиб, сўнг: «Нечун одамлар мен қилаётган нарсани қилавермай, бош тортадилар? Оллоҳ таоло ҳақи, мен Оллоҳни улардан кўра кўпроқ билурман ва ундан улардан кўра кўпроқ қурқурман!» — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ичкаридаги бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эрдилар, агар кўзлари бирор макруҳ нарсага тушса, (уялганларини) юзларидан билиб олар эрдик».

73-боб. Кимки ўз биродарини ўйламай-нетмай кофир деса, ўзи кофир бўлғай!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирор киши ўз биродарига: «Эй кофир! — деса, бу сўз иккаласидан бирига тегишли бўлғай», — дедилар (яъни, агар кофирликда айбловчи ҳақ бўлса, айбланувчи кофирлигича қолади, башарти ҳақ бўлмаса, у ҳолда ўзи кофир бўлади)».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бўлмасин, ўз биродарига «Эй кофир!» деса, бу сўз иккаласидан бирига тегишли бўлғай», — дедилар».

Собит ибн аз-Заҳҳок ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки исломдан бўлак динни ўртага қўйиб ёлғондан қасам ичғайдир, ўша динга мансуб бўлиб қолғусидир. Кимки бирор қурол бирлан ўзини ўзи ўлдирғайдир, жаҳаннамда ўшал қурол бирлан унга азоб берилғусидир. Мўминни лаънатламоқ уни ўлдирмоқ бирлан баробар. Кимки бир мўминни кофирликда айблағайдир, уни ўлдирган баробарида гуноҳкор бўлур»

74-боб. Атайлаб ёким билмасдан кофирликда айбламоқ ҳақида

Ҳазрат Умар Ҳотибга: «Сен мунофиқсан!» — дедилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қаердан биласан, балким Оллоҳ таоло Бадр аҳлининг дилидагини билиб: «Сизларни кечирдим!» — дегандир?», — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Маоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу аввал Жаноб Расулulloҳ бирлан намоз ўқиб олиб, сўнг ўз қавмига бориб имомлик қилур эрди. (Кунлардан бир кун) «Сураи Бақара»ни зам қилиб ўқиб эрди, намозхонлардан бири сафдан чиқиб, ўзи (алоҳида) қисқароқ намоз ўқиб олди. Бундан хабардор бўлган Маоз уни: «Мўнофиқ!» — деди. Бу гапни унга етказишган эрди, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, биз чиғирни қўлимиз бирлан айлантириб, (экин) суғорамиз. Кеча Маоз намозда «Сураи Бақара»ни ўқиди. Мен сафдан чиқиб ўзим алоҳида ўқиб олдим. Маоз эрса мени «Мунофиқ» дебди», — деди. Жаноб Расулulloҳ Маозни чорлаб, уч бор: «Сен фитначисан!» — деб койидилар, сўнг: «ва-ш-шамсни, ва-з-зуҳони, саббих исма раббика-л-аълони ёким шу каби (қисқароқ) сураларни ўқи!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки сизга қасам ичиб «Биллотивалуззб» деса, «Ло илоҳа иллаллоҳ» десин, кимки дўстига «Кел, бир кимор ўйнайлик!» деса, садақа берсин!» — дедилар».

75-боб. Оллоҳ азза ва жалланинг амрига биноан (душмандан) ғазабланмоқ ва унга нисбатан шафқатсиз бўлмоқнинг жоизлиги ҳақида

Оллоҳ таоло: «Кофир ва мунофиқларга қарши жиход қил ва уларга нисбатан беаёв бўл!» — дейди.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримга кирдилар. Уйда сурат солиб тўқилган бир парда осиглик эрди, кўриб ранглари ўзгарди, кейин уни олиб йиртиб-йиртиб ташладиларда: «Мана шундай суратларни чизувчилар қиёматда энг қаттиқ азобга қолувчилардир!» — деб айтдилар».

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Бир одам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Фалончи (имом) намозни ҳаддан зиёд чўзиб юбораётганлиги сабабли мен бомдад намозига келмай қўйдим», — деди. Мен Жаноб Расулulloҳнинг ўша куни ваъз айтаётганларидагидек ғазабланганларини кўрмаган эрдим.

Жаноб Расулulloҳ: «Эй одамлар, ораларингизда намозхонларни бездирувчилар мавжуд, қайси бирингиз жамоатга имомлик қилсангиз, намозни қисқароқ (енгилроқ) ўқингиз, чунким намозхонлар орасида беморлар, кексалар ва ҳожатманд кишилар бор!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётиб, масжиднинг қибла тарафидаги (дебордаги) балғамга кўзлари тушди, қўллари бирлан ишқаб тушириб юбордиларда, ғазаб бирлан: «Бирортангиз намоз ўқир эркансиз, қаршингизда Оллоҳ таоло турғай, шул боисдан рўпарангизга балғам ташламангиз!» — дедилар».

Зайд ибн Холид ал-Жуханий ривоят қиладилар: «Бир ердан топиб олинган нарса ҳукми ҳақида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраб эрди, Жаноб Расулulloҳ: «Бир йил давомида топиб олган нарсанг ҳақида маълум қил, кейин унинг боғичини (ечиб), халтаси (ичидаги нарсалар) бирлан танишиб, сўнг ундан фойдалан, башарти эгаси топилиб қолса, (Тўлиқ) қайтариб бер!» — дедилар. Бояги одам: «Ё Расулаллоҳ, адашиб қолган қўй топиб олсак не қилғаймиз?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Уни олавер, сен олмасанг бошқа бир одам олғай ёким бўриники бўлғай», — дедилар. Бояги одам яна: «Адашиб қолган туяни не қилғаймиз?» — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳнинг ғазабдан икки юзлари қизариб кетиб, уйга: «Туя бирлан сенинг не ишинг бордир, унга тўгма, эгаси топиб олгунча унинг еб-ичгулиги ўзи бирландир!» — дедилар».

Зайд ибн Собит ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўйралар бирлан тўсиб ўзларига бир жой тайёрладиларда, намоз ўқий бошладилар, у кишига эргашиб бошқалар ҳам намоз ўқий бошлашди. Тунлардан бирида улар намоз ўқимоқчи бўлиб ўша ерга келиб эрдилар, Жаноб Расулulloҳ ҳадеганда чиқавермадилар. Шунда улар шовқун-сурон қилишиб, Жаноб Расулulloҳнинг эшиklarини талиллата бошлашди! Жаноб Расулulloҳ жаҳл бирлан чиқиб «Бу не қилганларингдир? Мен ўқиётган намозимнинг сизларга фарз бўлиб қолмоғидан чўчиб чиқмаётган эрдим, намозни уйўларингизда ўқингиз, чунким фарз намозлардан ташқари ўқиладирган намозларнинг яхшиси уйда ўқиладирган намозлардир!» — дедилар.

76-боб. Ғазабини босмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг шу хусусдаги қавли: «(Оллоҳ) гуноҳи азимлардаи ва фаҳш ишлардан ўзини олиб қочувчиларни... ва ғазабланган тақдирда ҳам кечира олувчиларни... тангликда ҳам, мўлчиликда ҳам хайр-эҳсон қилувчиларни, ғазабини ютувчиларни одамларнинг гуноҳларидан ўтувчиларни... (яхши кўргайдир. Дарҳақиқат, Оллоҳ яхшилик қилувчиларни севади)».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бировни (курашиб) йиқитган полвон эрмас балким ғазабланган вақтида жаҳлини ютган одам полвондир — дедилар».

Сулаймон ибн Сурад ривоят қиладилар: «Икки киши Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламинг ҳўзурларида сўкишиб қолди, биз ҳам ул зот бирлан бирга ўша ерда ўлтирган &РДИК. Улардан бири шеригини шу қадар ғазаб бирлан сўка, эрдик, ҳатто юзлари қизариб кетган эрди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Мен шундай бир йўзни билурмағт., уни айтган кишининг ғазаби дарҳол босилғусдир. Бу — Аъзу биллоҳи мин-аш-шайтон-ир-ражимдир», — дедилар. Сўн, бояги ғазабнок кишига: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламинг айтган гапларини эшитмадмнми?» деб эрдилар у: «Жаҳлимни ютма) жинни бўлибманми деб жавоб қилди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Менга насиҳат қилингиз!» — деб эрди, Жаноб Расулulloҳ: «Ғазабланмағил!» — деб бир неча бор айтдилар».

77-боб. Ҳаё ҳақида

Имрон ибн Ҳусайн: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам:У «Ҳаё яхшиликсиз келмағай (яъни, ҳаё бор ерда яхшилик бор)», деб айтдилар», — деб эрди, Башир ибн Каъб: «Илти димватд ёзилганки, вор ҳам, вазминлик ҳам Ҳаё бирлан боғлиқдир», — деди. Имрон «Мен сенга Расулulloҳ саллalloҳу алайҳива саллам ҳақларида сўзласам. ўзининг китобингдан гапирурсан!» — деди».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ алайҳи ва саллам укасини ортиқча ҳаёлиликда айблаб, «Сенга бу ҳатто зарар келтира бошлади!» деб турган бир одамнинг ёнидан ўтаётиб: «Уни ўз ҳолига қўй, ҳаё йймондандир дедилар (яъни, иймон қанчалик кучли бўлса, ҳаё ҳам шунчалик кучли бўлади)».

Абдуллоҳ ибн Утба: «Абу Саъиддан эшитдимки, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ичкаридаги бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эрканлар», — дейдилар.

78-боб. Уялмасанг, билганингни қил!

Абу Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ Саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Собик пайғамбарлардан одамларга етиб келган бир ибора мавжуд, бу — «Беҳаё эрсанг, истаганингни қил!» деган иборадир», — дедилар».

79-боб. Динни теран ўрганиб олмоқ учун ҳақиқатдан ҳаё қилмаслик керак!

Умму Салама разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Умму Сулайм Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламинг ҳўзурларига келиб: «Ё Расулalloҳ, Оллоҳ таоло ҳақиқатни айтишдан уялмайди, хотин киши булғаниб қолса, ғул вожиб бўладирми?» — дедилар. Жаноб

Расулulloҳ: «Ҳа, албатта, агар нам чиққанини кўрса», — деб жавоб қилдилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин одам каби баргини тўқмайдирган доимо ям-яшил дарахт мавжуд», — дедилар. Одамлар турли-туман дарахтларнинг номини аташди. Мен: «Бу — хурмо дарахти», — деб айтмоқчи эрдиму, лекин айтмадим. Чунки ёш бола эрдим, айтишга уялдим. Жаноб Расулulloҳнинг ўзлари: «Бу — хурмо дарахтидир», — дедилар» (Мантиқ: иймон, ҳаё, вафо, ростгўйлик ҳалоллик поклик каби фазилатлар мўмин одамнинг умр бўйи тўқилмайдирган барглари дир).

Анас ривоят қиладилар: «Бир аёл Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Менинг сизга ҳожатим борми?» — дея ўзини (хотинликка) таклиф қилди. Шунда қизим: «Қанчалик беҳаё эркан!» — деб эрди, мен: «У ўзини сендан афзал кўриб, Жаноб Расулulloҳга хотин бўлмоқ ниятидадир!» — дедим».

80-БОБ.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Осонлаштирингиз, қийинлаштирмангиз!» — деганлар. Ул зот доимо одамларга енгиллик ва қулайлик туғдириб бермоқни яхши кўрар эрдилар.

Абу Бурда оталари ҳамда боболаридан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни (яъни, боболарини) ва Маоз ибн Жабални (Яманга) юбораётиб: «Осонлаштирингиз, қийинлаштирмангиз, жалб қилингиз, бездирмангиз ва ҳамжиҳат бўлингиз!» — деб тайинладилар».

Абу Мусо: «Ё Расулаллоҳ, биз асалдан битъун ва арвадан мизрун деган ичимликлар қилинадирган бир ерда турибмиз деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир!» — дедилар.

Анас ибн Молик: «Жаноб Расулulloҳ: осонлаштирингиз, қийинлаштирмангиз, хотиржам қилингиз, бездирмангиз деб айтдилар», — дейдилар.

Урвага Оиша онамиз бундай деган эрканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ишдан бирини танламоқчи бўлсалар, гуноҳ бўлмайдирган осонроғини танлар эрдилар. Башарти бу гуноҳ бўладирган бўлса, бундай ишдан бошқалардан кўра тезроқ нари қочар эрдилар. Жамоб Расулulloҳ ўзлари учун ҳеч кимдан ўч олмадилар, бироқ Оллоҳ таолонинг ҳурматини жойига қўймаганлардан (Оллоҳ таоло учун) ўч олдилар».

Ал-Азрак ибн Қайс ривоят қиладилар: «Аҳвоз деган ердаги қуриб қолган бир дарё ўзани бўйида турган эрдик. Абу Барза ал-Асламий от миниб келдида, ундан тушиб намоз ўқимоққа тутинди. Шу аснода оти ечилиб узоққа кетиб қолди. У намозни тарк этиб, отини қувиб тутиб келдида, намознинг қолганини ўқиб тугаллади. Бизнинг орамизда бир нуфузли киши бўлиб, у: «Манави чолни қарангиз, отини деб намозини бузди!» — деди. Абу Барза: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ажралганимдан буён мени ҳеч ким бунчалик таҳқирламаган эрди!» деди. Сўнг, яна: «Менинг манзилим йироқдир, гар элтоа деб отни қочириб юборсам, кечгача болачақам олдига бораолмай қолурман», — дедида, Жаноб Расулulloҳнинг (намозхонлари) қанчадан-қанча қулайликлар, туғдириб берганликлари ҳақида сўзлади».

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба: «Абу Ҳурайра менга қуйидагини айтиб берган эрди», —

дейдилар: «Бир бадавий масжидда таҳорат ушатди, одамлар унга танбеҳ бера бошладилар. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Қўйингиз, тегмангиз, пешоби устидан бир челак юборингиз чунким, сизлар осонлаштирувчи қилиб юборилгансизлар, қийинлаштирувчи қилиб юборилган эрмассизлар» дедилар».

81-боб. Одамлар бирлан ҳазил-мутоиба ҳам қилиб турмоқ лозимлиги ҳақида

Ибн Масъуд: «Одамларга аралаш, ҳадеб динингдан гапираверма, оилангга динни тарғиб қилаверма, ҳазил-мутоиба ҳам қилиб тур!» — дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг даврамизга кириб келсалар менинг кичик укамга ҳазиллашиб: «Эй Абу Умайр, не қилди бу Абулча?» — дер эрдилар (Бу ерда Жаноб Расулulloҳ икки бор: бири — ҳали фарзанд кўрмаган болага «Эй Умайрнинг отаси!» деб, иккинчиси — «Не қилди бу Абулча?» деб ҳазил-мутоиба қилдилар).

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужраларида қўғирчоқларимни ўйнар эрдим, мен бирлан бирга дугоналарим ҳам ўйнашар эрди. Агар Жаноб Расулulloҳ кириб келсалар, улар дарҳол ўйинни тўхтатишар эрди. Ул зот эрсалар, хурсанд бўлиб уларни мен бирлан ўйинни давом эттиришга ундар эрдилар».

82.-боб. Одамлар бирлан мураса-ю мадора қилмоқ ҳақида

Абуддардоъ: «Биз баъзи одамларнинг юзига жилмайиб қараймизу, аммо дилимизда уларни лаънатлағаймиз», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Мулайка ривоят қиладилар: «Ҳазрат Расулulloҳ, саллалллоҳу алайҳи ва салламга тилла тугмалар қадалган ҳар хил қаболар тақдим қилишиб эрди, уларни айрим саҳобаларига тақсимлаб бердилар. Шунда қаболардан бирини Махрамага атаб олиб қўйдилар. У ҳузурларига келганда: «Буни сенга атаб олиб қўйган эрдим», — дедилар. Айюб: «Жаноб Расулulloҳ бу кийимни унга (Махрамага) муносиб кўрдилар, чунким унинг хулқида бир иллат бор эрди» — дейдилар».

83-боб. Мўмин одам бир қавақдан (чиққан илоннинг) иккинчи бор чиқмоғига йўл қўймас!

Муовия: «Тажриба ҳосил қилмагунча доно бўлмас!» — дейдилар (мантиқ: мўмин одам, иймонининг тақозосига кўра, бир марта алдаган алдамчига иккинчи бор ишонмаслиги лозим!).

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин одам ўзини бир қавақдан икки марта илон чиқиб чақмоғига йўл қўймас!» — дедилар.

84-боб. Меҳмоннинг ҳам ҳақи бор эрканлиги хусусида

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам менинг ҳузуримга кириб эшитдимки, сен кечалари рўза тутар эрмишсан?!» — дедилар Мен: «Ҳа, шундай», — дедим. «Бундай қилмагил, — дедилар Жаноб Расулulloҳ, — гоҳо кечаси уйғоқ бўл, гоҳо ухлағил, гоҳо рўза тут, гоҳо тутмағил! Лунким, аъзри баданингнинг ҳам, кўзингнинг ҳам, сени кўргани келадирган одамларнинг ҳам, хотинингнинг ҳам сенда ҳаққи бордир. Ажаб

эрмаским, умринг узоқ бўлса! Ҳар ойда уч кун рўза тутмоғинг- кифоя қилгай. Шунда Оллоҳ таоло сенга ҳар бир амали солиҳинг учун ўн баробар кўп савоб ато этғуси, бу эрса, бутун умрингга етгуликдир». Биз шу хусусда анча тортишганимизга қарамай, мен: «Бундан ҳам кўпроқ тоат-ибодат қилмоққа қудратим етадир», — дедим. Жаноб Расулulloҳ. «Ундай бўлса, ҳар жумъадан бошлаб уч кун рўза тутғил», — дедилар. Мен бунга кўнмадқмг, ул зот ҳам менинг айтганимга кўнмадилар. Ниҳоят, мен: "Бундан ортиғига ҳам чидай олурман», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ундай бўлса, набийulloҳ Довуд алайҳиссалом сингари рўза тутғил», — дедилар. Мен: «Набийulloҳ Довуд алайҳиссалом қандай рўза тутганлар» деб сўрадим. Жаноб Расулulloҳ «Ярим умрлари рўза тутиш бирлам ўтган», — деб жавоб қилдилар.

85-боб. Мезбоннинг меҳмонни иззат-икром қилмоғи ҳамда унга шахсан ўзи хизмат кўрсатмоғи даркорлиги ҳақида

Абу Шурайх ал-Кйъбий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳга ва оҳиратга ишонган эрса, меҳмонини иззат-икром қилсин. Мезбоннинг бир кеча-кундуз кўрсатган иззат-икромни бирлан қилган зиёфати меҳмон учун Бир мукофот тариқасйда бўлсин, асли меҳмоннинг иззати уч кундир. Бундан ортиғи меҳмон учун садақа бўлиб, у мезбоннинг уйида то хайдаб чиқармагунларича қолмасин!» — деб айтдилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳга ва қиёмат кунига ишонган эрса, қўшнисига озор бермасин, кимки Оллоҳ ва қиёмат кунига ишонган эрса, меҳмонини иззат-икром қилсин, кимки Оллоҳга ва қиёмат кунига ишонган эрса, яхши гап гапирсин ёки жим бўлсин?» — деб айтдилар.

Уқба ибн Омир, ривоят қиладилар «Биз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулalloҳ, сиз бизни уёқ-буёқларга юбориб турасиз, шунда биз бирор қавмнинг манзилига бориб тушсак улар бизни меҳмон қилишмайди, нима дейсиз?» — дедик. Жаноб Расулulloҳ бизга: «Унда нима дейсиз?» дедик. Жаноб Расулulloҳ. Агар бирор қавмнинг манзилига бориб тушсангизу сизларга "Шу илтифотларни қилсалар, қабул қилингиз, башарти бундай қилмасалар, улардан меҳмоннинг мезбонда бўладирган ҳақини ундириб олингиз!» — дедилар».

86-боб. Таом тайёрлаб меҳмонга такаллуф кўрсатмоқ ҳақида

Абу Жухайфа ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Салмон бирлан Абуддардоъни ўзаро ака-ука тутинтириб қўйдилар. Шундан сўнг, Салмон Абуддардоъни кўргани уйларига борсалар, Абуддардоънинг хотинлари Уммуддардоъ эски кийим кийиб олган эрканлар. Салмон: «Сизга не бўлди, бунчалик хароб кийим кийиб олибдирсиз?» — деб сўрадилар. Уммуддардоъ: «Биродарингиз Абуддардоънинг дунёни сув босса, тўниқларига чиқмағайдир», — дедилар. Абуддардоъ уйларига келгач, Салмонга овқат тайёрлаб: «Енг, мен рўзаман, емасман», — дедилар. Салмон: «Сиз емасангиз, мен ҳам емасман», — дедилар. Абуддардоъ ночор едилар. Кечаси Абуддардоъ уйғониб, ибодат қилмоқчи бўлиб эрдилар, Салмон: «Ўтингиз!» — дедилар, у киши ётдилар. Бир оздан сўнг яна турмоқчи бўлиб эрдилар, яна: «Ўтингиз!» — дедилар у киши яна ётдилар. Тонг отай деб қолганда, Салмон: «Мана энди турингиз!» — дедиларда, ўзлари ҳам туриб, биргалашиб намоз ўқидилар. Сўнг, Салмон Абуддардоъга: «Сизда раббингизнинг ҳам, ўзингизнинг ҳам, оилангизнинг ҳам ҳақи бордир, сизнинг улардан бирортасининг ҳам ҳақиға хиёнат қилмоққа ҳаддингиз йўқдир!» — дедилар. Кейин, Абуддардоъ бу воқеани Жаноб Расулulloҳга айтиб берганларида, ул зот: «Салмон ҳақ гапни айтибдир», — дедилар».

87-боб. Меҳмон ҳузурида дарғазаб бўлмоқ ва тажанглик қилмоқ макруҳ эканлиги ҳақида

Абу Усмон Абдурраҳмон ибн Абу Бакрдан нақл қиладилар: «Абу Бакр (Сиддик) бир жамоани меҳмон қилаётиб, (ўғиллари) Абдурраҳмонга: «Меҳмонларга қараб турғил, мен бир юмуш бирлан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб келгайман, келгунимча уларни овқатлантириб, зериктирмай ўлтирғил!» — деб тайинладилар. Абдурраҳмон ташқарига чиқиб, уйларида борини олиб келдида, меҳмонларга: «Олингиз, энгиз!» — деди Меҳмонлар унга: «Хонадон соҳиби қаердалар?» — дейишди. Абдурраҳмон (жавоб бермай) яна: «Олингиз, энгиз!» — деди. Меҳмонлар: «Хонадон соҳиби келмагунича емаймиз», — дейишди. Абдурраҳмон: «Бизнинг меҳмондорчилигимиздан юз ўғирмангиз, олингиз! Отам келиб, сизнинг таом емаганингизни кўрсалар, хафа бўладилар», — деди. «Улар барибир кўнишмади, — дейди Абдурраҳмон, — билдимки, улар мендан хафа бўлганлар. Отам келгач, мен ўзимни бир четга олдим. Отам еҳмонларга «Не ҳол юз берди?» — дедилар. Улар бўлган гапни айтиб беришди. Отам: «Эй Абдурраҳмон!» — деб икки бор чақирилар, мен жим туравердим. Кейин, отам: Эй нодон, мен келиб, сени чақирганимда овозимни эшитган бўлсангу, (индамай турган бўдсанг), қасам ичаманки...», — дедилар. Мен яширинган жойимдан чиқиб олдиларига бордимда: «Меҳмонларингиздан сўранг!» — гдедим. Меҳмонлар: «Тўғри айтяпти, бизга овқат келтирди», — дейишди. Отам: «Ҳақиқатан ҳам мени кутиб турдингизми? Худо ҳақи, бу кеча мен таом емайман!» — дедилар. Меҳмонлар: «Сиз емасангиз, биз ҳам емағаймиз!» — дейишди. Отам: «Ҳаётимда менинг учун бунчалик бахтсиз кеча бўлмаган, нечун дастурхонимизга қўл узатмаяпсизлар, сизларга ўзи, нима бўлди. Овқатингни олиб кел!» — дедилар. Сўнг: «Бисмиллоҳ, (ғазабланиб қасам ичганим) бу — шайтоннинг ишидир! — дедиларда, таомга қўл узатдилар, меҳмонлар ҳам қўлузатишди»

88-боб. Меҳмоннинг мезбонга «Сен емагунингча мен ҳам емайман», — деб айтмоғи ҳақида

Бу ҳусусда юқорида Абу Жухайфа айтиб берган ҳадис мавжуд.

Абдурраҳмон ибн Абу Бакр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. «(Отам) Абу Бакр бир меҳмонни (ёким меҳмонларни) уйга олиб келдилар. Ўзлари эрса Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кетиб, ўша ерда анча вақт ушланиб қолдилар. Қайтиб келганларидан сўнг, онам: «Бу кеча меҳшомингвани (ёким меҳмонларингизни) интизор қилиб қўйдингиз-ку!» — дедлар. Отам: «Уларни овқатлантирмадингми?» — деб сўрадилар. Онам: «Уларнинг олдига овқат қўйиб эрдик ейишмади», — деб жавоб бердилар. (Отам) Абу Бакр ғазабланиб сўкиндилар ва аоблари тирриқ бўлиб «Мен овқат емайман!» — деб қасам ичдилар. Шунда мен бир жойга беркиниб олган эрдим, отам: «Эй нодон, қаердасан?» — деб чақирдилар. Онам: «Сиз овқат, емасангиз, мен ҳам емайман!» — дедилар, Меҳмон (ёким меҳмонлар) ҳам отам овқат емагунларича овқат емаслигини (емасликларини) билдириб, қасам ичди. Шундан сўнг, отам: «Бизни шайтон васваса қилаётган кўринадир» — дедиларда, овқатни олиб қелишни буюрдилар. Ўзлари ҳам овқат едилар, меҳмонлар ҳам ейишди. Шунда, идишдаги овқат, улар қанча ейишмасин, камайиш ўрнига тобора кўпайиб борарди. Бунй сўриб отам: «Эй Баний Фироснинг синглиси, нечун бундай бўлаётир?» — дедилар. Онам: «Кўзларимга ишонгим келмайдир, емасимиздан илгари бунчалик эрмас эрди, жуда кўпайиб кетибдир!» — дедилар. Ҳамма овқатдан тўйгунича еди, ундан Жаноб Расулulloҳга ҳам юборишди. Айтишларича, пайғамбаримиз ҳам ўша овқатдан тановул қилибдилар».

89-боб. Катталарни иззат-икром қилмоқ ҳақида биринчи бўлиб катталар гап

бошлайди ва савол беради

Рофиъ ибн Худайж ва Саҳл ибн Абу Ҳасма бундай деб ривоят қилишади: «Абдуллоҳ, ибн Саҳл ва Муҳаййиса ибн Масъуд Хайбарга келиб, бир хурмозорга киришган эрди, у ерда Абдуллоҳ ибн Саҳлни ўлдиришди. Абдурраҳмон ибн Саҳл, Ҳуваййиса ва Муҳаййиса (Масъуднинг ўғиллари) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига боришиб, ўртоқларининг ўлдирилганини айтишди. Шунда уларнинг ичида энг ёши — Абдурраҳмон гап бошлаб эрди, Жаноб Расулуллоҳ: «Катталарни ҳурмат қил!» — дедилар. Яҳё: «Катталар гап бошламоғи даркор!» — деб қўшиб қўйдилар. Сўнг, улар ўлдирилган ўртоқлари ҳақида гапиришди. Жаноб Расулуллоҳ: «Элликтангиз ўлдирилган дўстингиз учун ўч олмоққа қасамд қила олурмисиз?» — дедилар. Улар: «Ё Расулаллоҳ, биз сира бундай қилмаганмиз!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Элликта яҳудий ўлдирилган одамнингиз учун (ёким: «дўстингиз учун» — деган бўлишлари ҳам мумкин) хун тўлаймиз, деб қасам ичди», — дедилар. Улар: «Ё Расулаллоҳ, улар ахир, кофир қавмлар-ку!» — дейишди. Шундан сўнг, Жаноб Расулуллоҳ (ўлдирилганнинг) хунини ўзлари тўлаб юбордилар». Саҳл: «Ўлдирилган одам хуни учун берилган туялардан бирини ушлаб, оғилхонага олиб кирган эрдим, мени тениб юборди», — дедилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қенга шундай бир дарахтнинг номини айтингки, у мусулмонга ўхшаб Оллоҳ таолонинг иродаси билан доимо мева бериб, баргини сира тўкмайдиргав: бўлсин!» — дедилар. Шунда кўнглимта хурмо бўлса керак деган фикр келди-ю, аммо айтмадим, чунким у ерда Абу Бакр бирлан отам Умар ҳам бор эрдилар. Ҳеч ким жавоб бермагач, Жаноб Расулуллоҳнинг ўзлари: «У — хурмо дарахтидир», — дедилар. Сўнг, отам бирлан ташқарига чиққанимизда: «Эй ота, боя мен хурмо бўлса керак деб ўйлаб эрдим», — дедим. Отам: «Нечун айтмадинг айтганингда эрди, менинг фалон ва фалон нарсалар хусусида яхши бўлган бўлур эрди!» — дедилар. Мен: «Сиз ҳам, Абу Бакр ҳам индамай турганингиз учун гапирмоққа журъат қила олмадим», — дедим»

90-боб. Шеър, ражаз ва ҳудоънинг жоиз ҳамда макруҳ товонлари ҳақида

Убай ибн Каъб «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шеърда ҳикмат мавжуд», — деб айтдилар», — дейдилар». Асвад ибн Қайс: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салам йўлда кетаётиб бир тошга қоқиниб кетиб эрдилар, бармоқлари қонади Шунда қуйидаги шеърни айтдилар», — дейдилар: «Қонини зое оқизган шўнчаки бир бармоқсан, Тўкмадинг қонингни Оллоҳ йўлида бироқ сан!» Абу Ҳурайри ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Шоир Дубайд «Оллоҳдан ўзга ҳар бир нарса ботил эрмасми?» деб, энг тўғри сўзни айтганда Умайя ибн Абуссалтнинг исломга кирмоғига сал қолган эрди»,- дедилар.

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбар томон йўлга чиқдик! Тун бўйи юрдик. (Йўлда) ҳамсафар кишилардан бири Омир ибн ал-Акваъга: «Ражазларингдан (ражаз вазнида битилган шеърларингдан) бизга айтиб бермайсанми?» — деди. Омир шоир эрди, туяси дан тушиб, одамларга қарата қуйидаги ҳудоъни (туякашлар қўшиғини) айта кетди:

*«Бўлмасанг сен ё Илоҳо, тўғри йўлни топмас эрдик
Хайру эҳсон ҳам намозки ҳеч қачон биз билмас ердик.
Айбимизни мағфират айлаб азобингдан нажот берғил,
Адаштирмай тўғри йўлдан бизга доим сабот берғил.
Пулсиротдалол, висолингни кўрайлик биз,*

*Қалбимизга Ишонч солғил, хотири жамъ бўлайлик биз.
Ҳозир у нозир эрурмиз қилсалар гар бизни даъват,
Чунки даъват соҳибиди бизга бордур ишонч, албат».*

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу туябоннинг исми недир?» — деб сўрадилар. «Омир ибн ал-Акваъ» — деб айтишди. Жаноб Расулulloҳ: «Унга Оллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин!» — дедилар. Бир киши: «Вожиб бўлди. ё Расулаллоҳ, бизга ҳам Оллоҳ таолонинг раҳматини тиласангиз эрди!»- деди. Сўнг, биз Хайбарга етиб келиб, уни қамал қилдик. Хайбарликлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, қамал чўзилиб кетганлигидан егуликларимиз тугаб, қаттиқ оч қолдик. Кейин, Оллоҳ таоло инояти бирлан Хайбарни фатҳ қилмоққа муяссар бўлдик. Шаҳар фатҳ қилинган куни тунда одамлар кўплаб гулхан ёқишди. Жаноб Расулulloҳ буни кўриб: «Анави гулханларни не сабабдан ёқишди?» — деб сўрадилар. «Гўшт пиширмақ учун», — деб жавоб қилишди. Жаноб Расулulloҳ: «Қандай гўштни?» — деб сўрадилар. «Хонаки эшакларнинг гўштини», — деб жавоб қилишди. Жаноб Расулulloҳ: «Қозонларни ағдариб, синдириб ташлангиз!» — дедилар. Бир одам «Қозонларни ағдариб, сўнг ювиб ташласакчи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Шундай қилсангиз ҳам бўлғай», — дедилар. Қавм саф тортиб турганда Омир бир яҳудийга зарб бирлан қилич солган эрди, тиғи калталигидан қайтиб келиб ўзининг тиззасини кесиб кетди, шундан у вафот этди. Хайбардан қайтгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг ғамгин юрганлигимни кўриб: «Сенга не бўлди?» — дедилар. «Мен: «Сизга ота-онам фидо бўлсин, одамлар айтадиларки, Омирнинг қилган барча амали солиҳлари ҳабата бўлиб кетган эрмиш», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Хусусан ким айтди?» — дедилар. Мен: «Фалончи бирлан пистончи ҳамда Усайд ибн ал-Ҳузайр ал-Ансорий», — дедим. «Ёлғон айтибдилар, Омирга икки савоб тегадир», — дедилар Жаноб Расулulloҳ ва бармоқларини чалиштириб кўрсатдиларда: «У ғайратли ва тиришқоқ эрди, араблар орасида ана шундай хислатларга эга бўлганлар ҳам топилгай», — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи бир аёлларининг ҳузурига кирдилар. Умму Сулайм ҳам ўшалар орасида эрди. Шунда унга «Эй Анжаша, (туяларни) секинроқ ҳайда, шишаларга эҳтиёт бўл!» — дедилар. Абу қилоба: «Жаноб Расулulloҳ шундай бир сўзни айтдиларки, агар уни бирортангиз айтсангиз, устидан кулган бўлур эрдингиз», — дейдилар. Жаноб Расулulloҳнинг Анжаша исми бир қора туябонлари бўлиб, Умму Сулаймга ўшанинг исми бирлан мурожат қиляптилар. Қолган аёлларни эрса, шишаларга қиёслаяптилар. Чунким, Умму Сулайм қолган аёлларга нисбатан туябон янглиғ мавқега эга бўлиб, уларни ҳаёт йўлидан бир маромда. етаклаб бормоғи, шишалар каби нозик аёлларни синдирмай манзилга етказмоғи даркор.

91-боб. Мушрикларни ҳажв қилмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳассон ибн Собит Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мушрикларни ҳажв қилмоғига ижозат сўраб эрди, Жаноб Расулulloҳ: «Менинг уруғ аймоқларим не бўлғай?» — дедилар (яъни «Менинг уруғ-аймоқларимда ҳам мушриклар борку, унда мени не қилғайсан?!»). Ҳассон: «Сизни мушрик уруғ-аймоқларинг ичидан ҳамирдан қил суғуриб олганим янглиғ айириб олғумдир!» — деди».

Ҳишом ибн Урва оталаридан нақл қиладилар: «Мен Оишанинг ҳузурларида Ҳассонни сўка кетдим. Оиша: Сўкма уни, чунким у Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга мадҳия ёзар эрди», — дедилар».

Абу Ҳурайра ўз ривоятларида Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида гапираётиб:

«Жаноб Расулulloҳ: «Сизнинг биродарингиз (Ибн Рувоҳа ўз шеърларида) ярамас гапларни айтмайди», — деб айтдилар», — дейдилар. Ибн Рувоҳа бундай деб ёзган эркан: «Доимо Оллоҳ Китобин ўқир Ҳазрат Расулulloҳ, Қоп-қаро тун бағрини юз пора қилган тонг гувоҳ. Кўрсатиб бизга хидоят, ҳақ йўлига бошлади, Биҳамдиллиҳ сўқир кўзлар очилди, бўлмадик гумроҳ. Мушрикийлар жисмига варқу тўшак ҳам ботганида, Расулulloҳ остлари қотди тўшаксрлз тун бўйи, э воҳ!». Абу Салами ибн Абдурраҳмон ибн Авф қуйидаги уадисни айтиб берганлар «Ҳассон ибн Собит (шоир) Абу Ҳурайранинг гувоҳ бўлмоқларини сўраб: «Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, айтингизчи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: Эй Ҳассон Илоҳи, Расулulloҳга Рух ул-Қуддусни (Жаброил алайҳисалимни! мададкор айлағил, деб (шеър) айт!» деганларини эшитганмисиз?» — деди. Абу Ҳурайра: «Ҳа, эшитганман — дедилар».

Барро (ибн Озиб) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳассонга: «Уларни (мушриқларни) ҳажв қлғил, Жаброил сенга мададкор бўлсин!» — дедилар»

92-боб. Шеър (шеърият) инсонни Оллоҳ таолонинг зикридан ҳамда илму маърифат ва Қуръондан чалғитадирган даражада енгиб қўймаслиги лозим!

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қорнингиз шеър бирлан тўлгандан кўра, йиринг бирлан тўлгани афзалдир! (яъни, Оллоҳ таоло ва унинг расулини мадҳ этмайдирган шеърдан йиринг афзалроқ!)» — деб айтдилар».

93-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Барака топкур!» ҳамда «Бизни йўлдан қолдирадиган бўлибсанда!» деган қавллари ҳақида

Урва Оишадан нақл қиладилар: «Абулқуъайснинг укаси Афлаҳ «Ҳижоб ояти» нозил бўлгач, менинг ҳузуримга кирмоққа изн сўради. Мен: «Худо ҳақи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ижозат қилмагунларича, рухсат бера олмагаймен, чунким мени Абулқуъайснинг укасининг хотини эрмас, балким Абулқуъайснинг хотини эмизгандир!» — дедим. Шу аснода Жаноб Расулulloҳ ҳузуримга кириб келиб эрдилар: «Ё Расулаллоҳ, мени анави кишининг хотини эрмас, балки унинг (акасининг) хотини эмизгандир», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Барака топкур, рухсат берғил, ахир у сенга амаки бўладир! — дедилар».

Урва бундай дейдилар: «Оиша шунга кўра: «Туғишганлар бир-бирига маҳрам бўлгани каби, эмишганлар ҳам ўзаро маҳрам бўлғайдир», — дер эрдилар» Оиша разияллоҳу анҳо. ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (йўлга чиқмоқчи бўлиб) шошиб турган эрдилар, Сафийянинг бемавруд ҳайз кўриб қолганидан чодир эшиги олдида ғамгин ўлтирганини кўриб: «Бизни йўлдан қолдирадиган бўлибсанда!» — дедилар. Сўнг: «Наҳр куни тавоф қилган эрдингми?» — деб сўрадилар. Сафийя: «Ҳа» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ундай бўлса, йўлга чиқғил» — дедилар».

94-боб. «Таъкидладилар» деган сўз ҳақида

Умму Ҳониъ бундай деган эканлар: «Макка фатҳ қилинган йили Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордим. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғул қилаётган ва қизлари Фотима эрса, бир нарса бирлан ул зотни пана қилиб турган эркан. Жаноб Расулulloҳга салом бердим. «Бу ким?» — дедилар. «Мен Умму Ҳониъман, Абу Толиб қизиман», — дедим. «Хуш келибсан, Умму Ҳониъ!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ ғул қилиб бўлганларидан кейин туриб бир кийимга ўралган ҳолда саккиз ракъат.намоз ўқидилар. Намоз ўқиб бўлиб ўгирилдилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, у ҳам мен паноҳимга олганини фалончи

ибн Ҳубайрни ўлдирурмен, деб таъкидлади», дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Умму Ҳоний, сен кимни паноҳингга олган эрсанг, биз ҳам ўшани паноҳимизга, олдик», деб айтдилар. Шу гапни айтганларида зуҳо (чошгоҳ) намози вақти бўлган эрди».

95-боб. Бир кишининг «Шўринг қурсин!» дегани ҳақида

Анас разяллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий салаллоҳу алайҳи ва саллам туя ҳайдаб бораётган бир кишини кўриб «Уни миниб олсангчи!» — дедилар. У киши: «Бу қурбонликка аталган-ку!» — деди, Жаноб Расулulloҳ яна: «Миниб олсангчи!» — дедилар. У киши тагин «Бу қурбонликка аталган-ку!» — деди. Жаноб Расулulloҳ учинчи марта: «Шўринг қурсин, миниб олсангчи!» — дедилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг туя ҳайдаб кетаётганини кўриб «Уни миниб олғил!» — деб айтдилар. У киши: «Ё Расулаллоҳ, ахир бу қурбонликка аталган-ку!» — деди. Жаноб Расулulloҳ, «Шўринг қурсин, миниб олғил!» — деб икки ёки уч бор қайтардилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда эрдилар. Анжаша деган бир қора қул ҳам ул зот бирланжрга бўлиб, туябонлар қўшиғини айтиб кетаётган эрди. Шунда Жаноб Расулulloҳ унга: «Шўринг қурсин, эй Анжаша, (туя устидагк) шишаларга эҳтиёт бўл!» деб айтдилар». (Бу бирлан Жаноб Расулulloҳ: «Туялар устидаги шиша янглиғ нозик аёлларни эҳтиёт қилги.я, туяларни тез ҳайдамағил!» — демокчилар).

Абу Бакра оталаридан нақл қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва садламниқг ҳузурларида бошқа бир одамни мақтади. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг қурсин, биродарингнинг бўйинини синдириб қўйдинг!» — деб уч бор такрорладилар. Сўнг: «Бирортангиз кимнидир мақтамоқчи бўлсангиз, башарти уни яхши билсангиз ҳам: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен уни шундай (хислатларга эга) деб ҳисоблайман, лекин ҳеч кимни Оллоҳ таолонинг олдида оқламоқчи эрмасман» — деб айтингиз!» — дедилар»

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлжаларни тақсимлаб ўлтирган эрдилар, Баний Тамим қабиласидан бўлган Зулхувайсира деган киши: «Ё Расулаллоҳ, адолат қилингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг қурсин, мен адолат қилмасам, ким адолат қилғай?!» — дедилар. Шунда Ҳазра Умар: «Ижозат қилингиз, калласини танидан жудо айлаин!, — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, асло! Унинг шундай дўстлари борки, бирортангиз ҳам улар бирлан на намоз ўқимоқни ва на рўза тутмрқни ўзингизга раво кўрғайсиз. Улар ов қилинадиргақ бирор жонзотнинг (ошқозонини) тешиб ўтиб кетган ўқ-ёй янглиғ, динга бирров кириб-чиқиб кетадирган одамлар бўлиб, ўқ-ёй пайконидан тортиб то унинг патига қадар кўз ташлаб, ошқозон ахлати-ю қон юқидан бўлак ҳеч нарса тополмаган (сайёдга) ўхшагайдирлар. Бундайлар одамлар ўртасида ихтилоф чиққанда пайдо бўладирлар (Айрим нусхаларда: «Бундайлар яхши одамларга қарши чиқадириллар» — дейилган). Уларнинг белгиси шулки бир қўли аёл кўкраги ёки бир бўлак гўшт янглиғ титраб турғайдир», — деб айтдилар.

Абу Саъид: «Мана шу гапларни Жаноб Расулulloҳдан, эшитдим деб гувоҳлик берурман ҳамда Али уларга қарши жанг қилганда мен бирга эрдим, ўликлардан бири ҳақиқатан ҳам Жаноб Расулulloҳ тасвираб берганларидек эркан деб ҳам гувоҳлик берурман», — дейдилар.

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Бир бадавий Расудуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламга: «Ҳижрат қилмоқ ҳақида хабар берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг қурсин, ҳижрат қилмоқ мушкул иш, сенинг туяларинг борми?» — деб айтдилар. У: «Ҳа, бор», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Улар учун закот бериб турурсанми?» — деб сўрадилар. У: «Ҳа, закот бериб турурман», — деб жавоб қилди. Жаноб Расулulloҳ: «Денгизлар ортида туриб ҳам амали солиҳ қилавер, Оллоҳ таоло қилган амали солиҳларингни заррача камситмагайдир!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар : «Бир бадавий келиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулаллоҳ, қиёмат қачон бўлгай?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг гурсин, унга қандай тайёргарлик кўргансан?» — дедилар. Бадавий: «Оллоҳ ва унинг расулини севишимдан бўлак ҳеч қайдай тайёргарлигим йўқ», — деб жавоб қилди. Жаноб Расулulloҳ: «Сен (жаннатда) ўзинг севганлар бирла Бўлғайсен!» — дедилар. Биз: «Ё Расулаллоҳ, биз ҳамми?» — дедик. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа», — дедилар. Шу куни биз ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдик».

96-боб. Оллоҳ аzza ва жаллага бўлган муҳаббатнинг аломатлари ҳақида

Оллоҳ таоло бў хусусда: «Агар Оллоҳни яхши кўрсангиз, эргашингиз, Оллоҳ сизни суюкли қилгай!» — дейди.

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ: Киши (жаннатда) ўзига суюкли одам бирлан бирга бўладир», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, бир қавмни севиб, унга етиша олмаган киши ҳақида не дегайсиз?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Киши (жаннатда) ўзига суюкли одам бирлан бирга бўладир», — деб жавоб қилдилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир одам Расулullo саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ё Расулаллоҳ, қиёмат Қачон бўлгай?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Унга қандай ҳозирлик кўриб қўйгансан?» — дедилар. Бояги одам: «Кўп ҳозирлик кўрганим йўқ. айтарли намоз ўқимадим, рўза-тутмадим, садақа ҳам бермадим, аммо мен Оллоҳ бирлан унинг расулини яхши кўрғайман» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сен (жаннатда) ўзинг севганлар бирла бўлғайсен!» — деб айтдилар».

97-боб. Бир одамнинг иккинчи бир одамга: «Даф бўл!» — демоғи ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Соидга: «Мен сенга бир гап айтмоқчиман, айтчи, у қандай гап?» — дедилар. Шунда Ибн Соид: «Тут...» — дейиши бирлан Жаноб Расулulloҳ, унга: «Даф бўл!» — дедилар (чунким, жинлар бирлан алоаси бўлган Ибн Соид Жаноб Расулulloҳнинг дилларидаги гапни билиб олган бўлиб, «Осмон тутун бирлан қопланадирган кунни кутғил!» деган ояти каримадаги «тутун сўзини айтишга эндигина оғиз жуфтлаган эрди»)».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир гуруҳ саҳобалар ҳамроҳлигида Ибн Сайёд яшайдирган томонга бордилар. Ибн Сайёдни Баний Муғола қалъасида болалар бирлан ўйнаб турганда учратишди. Ибн Сайёд балоғатга етиб қолаёзган эрди. У Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак қўллари бирлан орқасига туртмагунларича, келганларини сезмади. Жаноб Расулulloҳ:

«Менинг Оллоҳнинг элчиси эканлигимга гувоҳлик берғил!» — дедилар. Ибн Сайёд Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қараб: «Гувоҳлик берғайман, сиз, дарҳақиқат, уммийларнинг (саводсизларнинг) пайғамбаридирсиз, лекин сиз ўзингиз ҳам менинг Оллоҳнинг элчиси эканлигимга гувоҳлик берғаймисиз?» — деди шаккоклик қилиб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг гапини рад қилиб: «Мен Оллоҳ ва унинг пайғамбарлариға ишонғаймен», дедилар. Сўнг, Ибн Сайёддан: «Сенга нелар аён бўлғай?», — деб сўрадилар. Ибн Сайёд: «Менга (миямга) гоҳи чин, гоҳи ёлғон гаплар келғайдир», — деб айтди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сенинг миянг айниб қолган. Мен (ҳозир) сенга кўнглимдаги бир гапни айтайин», — дедилар. Ибн Сайёд: «Айтмоқчи бўлган ганингиз дух..» — деб эндигина оғиз жуфтлаб ҳам эрдик Жаноб Расулulloҳ унинг гапини бўлиб: «Даф бўлғил. Ҳаддингдан ошмағил!» — дедилар (Дарҳақиқат, Жаноб Расулulloҳ «Фа-ртақиб йавма таътийу-ссамоъу бидухонин деган оятни ўқимоқчи бўлган эрдилар. Ибн Сайёд ана шу оятдаги «духон» (тутун) сўзига ишора қилган эрди. Оятнинг мазмуни: «Осмон тутун бирлан қопланадирган кунни кутғил!»).. Шунда Ҳазрат Умар: «Уни менга қўйиб берингиз, калласини кесиб ташлайин!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Агар у Дажжол бўлса, унга сиз ҳукмингизни ўтказа олмассиз (унинга олмассиз), борди-ю, Дажжол бўлмаса, уни ўлдирмоғингиздан сизга не наф?» — дедилар». Кейинчалик — дейдилар Ибн Умар, — Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъб ал-Ансорий бирлан бирга Ибн Сайёд билан учрашишган ўшал хурмозорга яширинча бордилар. Жаноб Расулulloҳ бир хурмо дарахти панасидан туриб кузата бошладилар, чунким Ибн Сайёд: кўриб қолмасидан илгари у айтадирган бирор гапни эшитиб: олмоқчи эрдилар. Ибн Сайёд ўзининг бахмал кўрпасига (бурканиб) ётар, кўрпа ичидан эрса, унинг минғирлаган товуши эшитилар эрди. Шунда Ибн Сайёднинг онаси Жаноб Расулulloҳнинг хурмо дарахти панасидан кузатиб турганларини кўриб қолиб: «Эй Соф (унинг асл исми шундай эрди), ана Мухаммад!» — деди. Ибн Сайёд сўзламоқдан тўхтади. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар онаси индамай турганида, Ибн Сайёднинг сирини билиб олган бўлур эрдик», — дедилар».

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар орасида ўлтирган эрдилар, ўриниларидан туриб Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтдилар, сўнг Дажжол ҳақида эслаб: «Мен сизларни ундан (эҳтиёт бўлингиз, деб) огоҳлантираман. Нухдан бўлак бирор пайғамбар ўз қавмини Дажжолдан эҳтиёт бўлмоққа чорламаган эрди. Мен эрсам, ҳозир сизларга унинг ҳақида ҳали бирор пайғамбар айтмаган» бир гапни айтайин, билиб қўйинглар, унинг (бир) кўзи кўрдир, Оллоҳ таоло эрса кўр эрмас!» — дедилар».

98-боб. Одамнинг «Марҳабо!» демоғи ҳусусида

Оиша онамиз: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотима алайҳоссаломга: «Марҳабо, эй қизим!» — дедилар», — дейдилар»: Умму Ҳониъ: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб эрдим, «Марҳабо, эй Умму Ҳониъ!» — деб айтдилар», — дейдилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: Абд ул-Қайс (қабиласининг) вакиллари Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганда ул зот: «Тортинмай ва надомат қилмай ташриф буюрган вакилларга марҳабо!» — дедилар. Улар: «Ё Расулаллоҳ, биз Рабиъа қабиласининг бир уруғимиз, биз бирлан сўзнинг ўртангизда Музар қабиласи тўсқинлик қилиб турибди Шул боисдан биз сизнинг ҳузурингизга муҳаррам ойидагина кела олурмиз, холос. Бизга шундай бир муайян ишни буюрингки, уни бажаргач, биз жаннатга кирайлик ва ўзимиздан кейингиларни ҳам шунга даъват этайлик!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Сизларга тўрт нарсани буюриб, тўрт нарсани манъ қилғаймен: намоз ўқингиз, закот берингиз, рўза тутингиз ва қўлга киритган ўлжангизнинг бешдан бир қисмини улашингиз! Сизларга дуббо, хантам, нақийр ва музафбат

(ичимлик тайёрланадиган идишлар номи)да ичимлик тайёрлаб ичмоқни манъ қилурмен!» — деб айтдилар».

99-боб. Қиёматда одамлар отасининг исми бирлан аталмоғи ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёматда аҳдига вафо қилмаган (хоин) одам учун (ҳамма уни кўриб, билиб қўйсин, деган мақсадда хоинлигини билдириб турадиган) байроқ тикиб қўйилгай ва: «Бу фалон ўғли фалоннинг байроғидир!» - дейилгай», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Динор Ибн Умардан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёматда аҳдига вафо қилмаган (хоин) учун байроқ тикиб қўйилиб: «Бу фалон ўғли фалоннинг (хоинлик) байроғидир!» — дейилгай» — дедилар».

100-боб. «Қусгим келяпти» дейилмасин!

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллоллаҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз «Қусгим келяпти» деб айтмангиз, «Кўнглим айнияти» деб айтингиз!» дедилар».

Абу Умома ибн Саҳл оталаридан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз «Қусгим келяпти» деб айтмангиз, «Кўнглим айнияти» деб айтингиз!» дедилар».

101-боб. Даҳр (замон, абадият, азалият)ни сўкмангиз!

Абу Ҳурайра ривоят қиладиларки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло: «Одам боласи даҳрни сўкғайдир, даҳр эрса — мен эрурман, тун ҳам, кундуз ҳам менинг илгимдадир!» — дейди», — деб айтган эрканлар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Узумни карм, даҳрни эрса, ишончсиз демангиз, чунким Оллоҳнинг ўзи даҳрдир!» — деб айтдилар» («Карм» сўзи узум зангини англатиш бирлан бирга «саховат» ва «карам» деган маъноларга ҳам эгадир. Шул боисдан бўлса керак «Узумни карм демангиз», — дейдилар).

102-боб.

Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Узумни карм демангиз), чунким карм мўминнинг қалбидир!» — дедилар (яъни, карам-саховат мўминнинг юрагидир. Демак саховатсиз одам мўмин бўлмайди, мўмин эрса кармсаховатсиз яшай олмайди, чунким саховат унинг юрагидир!). Жаноб Расулulloҳ: «Ҳақиқий шарманда бу дунёда бор-йўғидан ажраб қолган одам эрмас, балки иймону эътиқодини бой бериб қиёматда Оллоҳ таолога рўбарў бўлган одамдир!» ва «Ҳақиқий ғолиб — ғзаби келганда ўзини боса олган одамдир!» — деб айтдилар. Сўнг, «Оллоҳнинг мулкидан бошқа мулк йўқдир!» — дейиш бирлан бирга Оллоҳни ягона мулкдор деб тавсифладилар. Кейин, подшоҳлар ҳақида гапираётиб: «Подшоҳлар, агар бирор қишлоққа кирсалар, уни хонавайрон қилгайлар», — деб ҳам айтдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Узумни) карм дейишади, ваҳоланки карм мўминнинг юрагидир!» — дедилар».

103-боб. «Ота-онам сенга фидо бўлсин!» — деган киши ҳақида

Али разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Саъддан бошқа бирор кишига ота-онам сенга фидо бўлсин, деб айтганларини эшитмадим. Менимча, Уҳуд жангида бўлса керак Жаноб Расулulloҳ Саъдга: «Ота-онам сенга фидо бўлсин, от, отсангчи!» — деб айтган эрдилар».

104-боб. «Оллоҳ таоло мени сизга фидо қилсин!» — деган киши ҳақида

Абу Бакр Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ота-оналаримизни сизга фидо қилдик!» — деб айтганлар.

Анас ибн Молик ривоят қиладиларки, у киши бирлан Абу Талҳа бир туяда, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Сафиййа эрса иккинчи бир туяда кетиб бормоқда эрдилар. Сафиййа Жаноб Расулulloҳнинг орқаларида эрди. Шунда туя қоқиниб кетиб, Сафиййа бирлан пайғамбаримиз йиқилиб тушишди. Абу Талҳа дарҳол ўзини туядан ташлаб, жанобимизнинг қошларига етиб бордида: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло мени сизга фидо қилсин, лат емадингизми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, аммо аелимнинг ҳолидан хабар олғил!» — дедилар. Абу Талҳа Сафиййа ётган томонга югуриб кетди, бориб ўз кийимини унинг устига ёпиб қўйди, Сафиййа (ўзига келгач) ўрнидан турди. Сўнг, Абу Талҳа туя эгар-жабдуғини яхшилаб боғлаб қўйди, Жаноб Расулulloҳ бирлар Сафиййа унга миниб, яна йўлга равона бўлишди. Мадинага яқин қолганда Жаноб Расулulloҳ: «(Куфрдан) қайтпмиз, тавба қиляпмиз, раббимизга ибодат қилиб, шуқр қиляпмиз», — деган сўзларни такрорлай -бошладилар ва шу сўзларни айтган ҳолда Мадинага кириб бордилар».

105-боб. Оллоҳ, азза ва жаллага энг маҳбуб бўлган исмлар ҳақида

Ибн ал-Мункабир Жобирдан нақл қиладилар: «Орамиздан бир киши ўғил кўриб, унга Қосим деб исм қўйди. Биз: «Сени Абулқосим деб атай олмаймиз!» — дедик. Шунда у Жаноб Расулulloҳга бориб айтган эрди, ул зот: «Ўғлингга Абдурраҳмон деб исм қўйғил!» — дедилар».

106-боб.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Болаларингизга исмишни қўйинглар, лақабимни қўйманглар!» — деб айтганлар.

Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Орамиздан бир киши ўғил кўриб, унга Қосим деб исм қўйди. Шунда одамлар «Жаноб Расулulloҳдан сўрамагунимизча, боланинг отасини Абулқосим деб атамаймиз», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Болага исмишни қўйинглар, лақабимни эрмас!» — деб айтдилар».

Абу Ҳурайри ривоят қилидилар: «Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Болага исмишни қўйинглар, лақабимни эрмас!» — деб айтдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Орамиздан бир киши ўғил кўриб, унга Қосим деб исм қўйди. Одамлар: «Биз сени юзхқтир қилиб, Абулқосим деб атай олмаймиз», — дейишди. Шунда у Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига «бориб бу гапни айтиб эрди, ул зот: «Ўғлингга Абдурраҳмон деб исм қўйғил!» — дедилар».

107-боб. Ҳузн (ғам) деган исм ҳақида

Ибн ал-Мусайяб оталаридан нақл қиладиларки, оталари Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига борганларида, ул зот: «Исминг недур?» — деб сўрабдилар. Оталари: «Исмим Ҳузн (ғам)» — дебдилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Сенинг исминг Саҳл (яъни, омон бўлсин!)» — деб айтибдилар. Оталари: «Отам қўйган исми ўзгартира олмасман!» — дебдилар».

Ибн ал-Мусайяб: «Шу-шу бўлди-ю, бошимиздан ғам аримай қолди», — дейдилар.

108-боб. Исми ўзгартириб ундан яхшироқ исм қўймоқ ҳақида

Саҳл разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мунзир ибн Абу Усайдни туғилганда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб келишди. Жаноб Расулуллоҳ уни тиззаларига ўтқизиб қўйдилар. Боланинг отаси Абу Усайд ҳам ўша ерда эрди. Жаноб Расулуллоҳ бир нарса бирлан машғул бўлиб, хаёллари қочди. Шунда Абу Усайд ишора қилиб эрди болани Жаноб Расулуллоҳнинг тиззаларидан кўтариб олиб кетишди. Жаноб Расулуллоҳ ўзларига келиб: «Болақани?» — дедилар. Абу Усайд: «Ё Расулаллоҳ, (уйга) бериб юбордик», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Исми нима?» дедилар. Абу Усайд: «Исми фалон», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ва лекин унинг исми Мунзирдир», — дедилар. Шу кундан эътиборан унинг исми Мунзир бўлиб қолди».

Абу Рофиъ Абу Ҳурайрадан нақл қиладилар: «Зайнабнинг исми аслида Варра (художўй, итоаткор) бўлган. Донг таратсин, деб унга шу исми қўйишган эрди. Жаноб Расулуллоҳ унинг бу исмини Зайнаб (хушманзара ва хушбўй дарахтнинг номи) деб ўзгартирдилар».

109-боб. Болага пайғамбарлар исмини қўймоқ хусусида

Анас разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўғиллари Иброҳимни ўпдилар», — дейдилар.

Исмоил разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ибн Абу Авфодан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўғиллари Иброҳимни кўрганмисиз?» — деб сўрадим. У менга: «Гўдаклигида вафот этган, башарти Жаноб Расулуллоҳдан кейин ҳам пайғамбар бўлиши лозим бўлганда у яшаган бўлур эрди. Аммо, ул зотдан сўнг пайғамбар бўлмағайдир!» — деди».

Адий ибн Собит бундай дейдилар: «Барродам эшитдимки, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўғиллари Иброҳим алайҳиссалом вафот этганида: «Жаннатда уни эмизиб қўйювчи аёл бордир», — деган эрканлар». Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Болангизга) менинг исмиمنى қўйинглар, лақабимни эрмас, чунким мен қосиммантақсимловчиман), сизларга (Оллоҳ таоло нимаики йўлласса, ўшани) улашаман», — дедилар».

Абу Ҳўрайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Болангизга) исмиمنى қўйинглар, лақабимни эрмас. Кимки мени тушида кўрса, ўзимни кўрибди, чунким шайтон менинг қиёфамга кириб кўрина олмайди Кимки қасддан менинг ҳақимда ёлғон гапларни айтса, ўзига дўзахдан жой тайёрлайверсин!» — дедилар».

Абу Мусо (ал-Ашъарий) бундай дейдилар: «Мен ўғил кўрганимда уни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бордим, унга Иброҳим деб исм қўйдилар. Кейин, бир дона хурмони олиб, у бирлан танглайини кўтариб қўйдиларда, дуо қилиб қўлимга

қайтариб тутқаздилар». Бу Абу Мусонинг тўнғич ўғли эрди».

Зиёд ибн Илоқа ривоят қиладилар: «Муғйра ибн Шуъбадан эшитдимки, Иброҳим (Жаноб Расулуллоҳнинг ўғиллари) вафот қилган куни қуёш тутилган эркан».

110-боб. Одамни гўдаклигида қўйилган исми бирлан атамоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ракъатдан бошларини кўтаргач: «Эй парвардигоро, Валид ибн Валидга, Салама ибн Ҳишомга, Ийош ибн Абу Рабиъага ва Маккадаги мўмин ғарийбу ғураболарга ўзинг нажот берғил! Эй парвардигоро, Музар қабиласига нисбатан азобингни кучайтириб, уларга Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек қаҳатчилик (йилларини) юборғил!» — дедилар».

111-боб. Дўстини чақирганда унинг исмини чала айтган киши хусусида

Абу Ҳурайра: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Ё Абу Ҳур!» дедилар», — дейдилар.

Абу Салама ибн Абдурраҳмон ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша разияллоҳу анҳо айтадирларки, Жаноб Расулуллоҳ «Ё Оиша, Ҳазрат Жаброил сенга салом айтдилар, мен эрсам: «Сизга унинг ва сал У китоб ҳам Оллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!» — деб айтдим», — дебдилар». «Дарҳақиқат, — дейдилар Оиша онамиз, — Ҳазрат Жаброил бизни кўриб турадилар, биз эрсак ул зотни кўрмаймиз».

Анас ривоят қиладилар: «Умму Сулайм (туяга ўрнатилган) кажавага ўлтириб олган эрди, Жаноб Расулуллоҳнинг гулонлари Анжаша эрса туяни ҳайдаб борарди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Анжаша, секинроқ ҳайда, шишаларни (яъни, туя устидаги аёлни) эҳтиёт қил!» дедилар».

112-боб. Ҳали (уйланиб) бола кўрмаган гўдакка лақаб қўймоқ ҳақида

Анас ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг хушхулқ одам эрдилар. Менинг Умайр исмли уҳам бўлиб, у эмадиган ёшдан ўтган эрди. Жаноб Расулуллоҳ бизникига келганларида унга: «Эй Абу Умайр, бу Абулча не қилди?» — дер эрдилар. Шунда у ҳам ўйинчоқ бу Абулчани ўйнаб ўлтирган бўлар эрди. Уйимизда бўлганларида намоз вақти бўлиб қолса, тағларидаги гиламчага сув сепиб супуришни буюрар эрдилар, сўнг намоз ўқимоқда тутимганларида биз орқаларида саф тортиб турар эрдик ул зот бизга имомлик қилиб намоз ўқир эрдилар».

113-боб. Гарчи лақабни бўлсада, «Абу Туроб» деган ана бошқа бир лақаб олган киши хусусида

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу маҳбуб исмлар ичида ўз исмларини хуш кўрсаларда, ўзларини Абу Туроб деб чақирришларини кўпроқ ёқтирар эрдилар. Чунки, бу лақабни у кишига Жаноб Расулуллоҳнинг ўзлари қўйган эрдилар. Воқеа бундай бўлган эрди: бир куни Ҳазрат Али хотинлари бўлмиш Фотимадан аразлаб чиқиб кетдиларда, масжидга бориб деборга суяниб ўлтирдилар. Жаноб Расулуллоҳ у кишини излаб масжидга кириб келдилар, қарасалар деворга суяниб ўлтирибдилар, орқаларига туфроқ теккан. Шунда Жаноб Расулуллоҳ Ҳазрат Алининг орқаларига теккан туфроқни қоқаётиб: «Ўлтиравер, ё Абу

Туроб!» — дедилар» (Туроб — туфроқ демақдир).

114-боб. Оллоҳ таоло ёқтирмайдирган энг хунук исмлар ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни Оллоҳ таоло даргоҳидаги хунук исм — кишининг подшоҳлар подшоҳи (шаҳаншоҳ) деган исмидир!» — дедилар. Сўфён: «Оллоҳ таоло даргоҳидаги энг хунук исм кишининг подшоҳлар подшоҳи (шаҳаншоҳ) деган исмидир» деб бир неча бор айтдилар.

115-боб. Мушрикнинг лақаби ҳақида

Урва ибн аз-Зубйир Усома ибн Зайддан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам духоба тўқим ёнилган бир эшакка Усомани мингаштириб олиб Баний Ҳорис ибн ал-Хазраж қабиласидаги Саъд ибн Убодани кўргани бордилар. Бу воқеа Бадр урушидан илгари бўлган эрди Йўл-йўлакай бир мажлис бўлаётган жойга кириб ўтдилар Мажлисида Абдуллоҳ ибн Убай ҳам бор бўлиб, у ҳали исломга кирмаган эрди. Жаноб Расулulloҳ иажлис аҳлига назар ташлаб, у ерда мусулмонлар бирлан бутвараст мушриклар, яҳудийлар борлигини ҳамда уларнинг орасида Абдуллоҳ ибн Рувоҳанинг ҳан ўлтирганини кўрдилар. Абдуллоҳ ибн Убай ҳайвон туёғидан кўтарилаётган чанг-тўзондан ридоси бирла бурнини тўсиб: «Ҳей, чангитмангизлар!» деди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (эшакларини) тўхтатдиларда, пастга тушдилар, сўнг йиғиндаги номусулмон кишиларни Оллоҳ таоло йўлига даъват этдилар ва Қуръон тиловат қилдилар. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул: «Эй фалончи, сенинг айтганингни қилолмайман, гар ҳақ гапни айтаётган эрсангда, бизнинг мажлисимизга ҳалал берма, йўлингдан қолма, биздан бирортамиз ҳузуринва борса, ана ўшанга ривоят қил!» — деди, Ибн Рувоҳа эрса: «Ё Расулalloҳ, йиғинимизга келаверимгиз, биз шуни истагайдирни!» — деб айтди. Натижада кусулноклар, мушриклар ва яҳудийлар ўзаро жанжаллашиб қолдилар. Жаноб Расулulloҳ уларни эшакларига миниб Саъд ибн Убоданинг уйига равона бўлдилар. Етиб борганларидан сўнг: «Эй Саъд, сен Абу Ҳубоб (яъни, Абдуллоҳ ибн Убай)нинг айтган сўзларини эшитдингми?» дедилар Саъд «Ё Расулalloҳ, уни афв этингиз, Оллоҳ таоло сизгил (пайғамбарликни) ато атмишдир, Абдуллоҳ ибн Убайни эрса, бу шаҳарнинг аҳолиси ўзига подшоҳ этиокни ихтиёр айлаб бошига тож кийдирмоқ ниятида эрди. Сизга Оллоҳ таоло йўллаган ҳақиқат (ҳидоят) туфайли у бундан маҳрум бўлди, шу боисдан ҳам сизга ўзингиз шоҳиди бўлганингиздек муомала бўлди», — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг гуноҳини кечирдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ва ул зотнинг саҳобалари мушриклар бирлан аҳли китобларни Оллоҳ таолонинг амрига биноан афв қилар ва улар етказётган азиятларга сабр этар эрдилар. Оллоҳ таоло: «Аҳли китобларга қулоқ солинглр...» ва «Аҳли китоблар, орасида дўстона кайфиятдаги кишилар кўп...» — дейди. Жаноб Расулulloҳ Оллоҳ таолонинг юқоридаги қавлини: Бу менга уларни афв қилмоғимга берилган ижозатдир», — деб тўғри тушундилар. Жаноб Расулulloҳ Бадрда ғазот қилганларида Оллоҳ таоло кофирларнинг паҳлавонларидан ҳамда Қурайш зодагонларидан кўнини ҳалок қилди. Жаноб Расулulloҳ бирлан ул зотнинг саҳобалари бу урушда ғалаба қозониб, кўплаб ўлжаларни қўлга киритдилар ҳамда кофирларнинг бир қанча раҳнамолари бирлан Қурайш зодагонларини асир олиб қайтдилар. Асирга олинган Ибн Убай ибн Салул ва унинг бутвараст мушрик шериклари: Ҳаммаси тугади, энди бошқа қиладирган ишимиз қолмади», — дейишдида, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга байъат қилиб, исломга киришди».

Абдуллоҳ ибн ал-Ҳарас ибн Навфал ривоят қиладилар: «Аббос ибн Абдулмутталиб: «Ё Расулalloҳ, Абу Толибга бирор нафингиз тегдими, чунким у сизни ҳимоя қилиб, меҳрибонлик кўрсатиб турар эрди?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, нафим тегди, у ҳозир дўзахнинг энг

саёз жойида, акс ҳолда энг чуқур ерига тушган бўлар эрди», — дедилар».

116-боб. (Баъзида) ошкора айтгандан кўра пардали қилиб айтган маъқул

Анас ривоят қиладилар: «Абу Талҳанинг ўғли вафот этди. У бундан беҳабар, хотинидан: «Боланинг аҳволи қандай?» — деб сўради. Хотини Умму Сулайм: «Тинчиб қолди, шоядки ором олаётган бўлса» — деди. Абу Талҳа у рост сўзлапти деб ўйлади (Умму Сулаймнинг нега бундай дегани ҳақидаги ҳадис-китобда мавжуд).

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам сафарда эрдилар, ҳудоъ (туябонлар қўшиғи) айтувчи ҳудоъ айтиб борар эрди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Эй Анжаша, секинроқ юрғил, шишаларга эҳтиёт бўлғил!» — дедилар». (Бу ерда аввалги ҳадислардан бири такроран келтирилган).

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «(Бир куни аҳолиси душман ҳужумидан хавотирда бўлган) Мадинада ваҳима кўтарилди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳанинг отига миниб (товуш келган томонга қараб) жўнадилар. (Одамлар орқаларидан етиб боргач), уларга: «Хавотир оладирган ҳеч нарса кўрмадик аммо (манави) от денгиздек (елар) эркан!» — дедилар».

117-боб. Бир нарса хусусида «Бу ҳеч нарса эрмас!» деб, кейин ўзининг ноҳақлигини тан олган киши ҳақида

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам икки қабрга ишора қилиб: «Катта (гуноҳ) учун азобланаётганлари йўқ, дарвоқеъ бу ҳам катта (гуноҳдир)» — дедилар».

Яҳё ибн Урва оталари Урвадан нақл қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳонинг айтишларича, одамлар Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан кохинлар ҳақида сўрашибди. Шунда Жаноб Расулulloҳ уларга: «Ҳеч нарса эрмас, гапириб ўлтиришга арзимаиди!» — дебдилар. Одамлар: «Ё Раулalloҳ, уларнинг баъзи айтган гаплари рост бўлиб чиқади-ку!» — дейишибди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўша рост бўлиб чиққан гапларни жинлар ҳотифдан ўғринча эшитиб олиб, унга яна юзлаб ёлғонни қўшиб-чатиб ўз эгалари бўлмиш кохинларнинг қулоғига товук қақағлагандек қақағлаб етказадилар», — деб жавоб қилибдилар».

118-боб. Нигоҳини осмонга қаратмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Туяга қарамайдиларми, у қандай яратилган... Осмонга қарамайдиларми, у қандай (баланд) кўтарилган...»

Ибн Абу Мулайка Оиша онамиздан нақл қилиб: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бошларини осмонга кўтардилар». — дейдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитган эрканлар: «Кейин, менга ваҳий келмай қолди. (Бир куни) мен кўчада кетаётган эрдим осмондан келаётган бир товуод қулоғимга чалинди. Шунда нигоҳимни осмонга қаратиб эрдим, Ҳироъ тоғида менга йўликқан ўша фаришта осмон бирлан ер оралиғида қурсида ўлтирганлигини кўрдим».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Мен Маймуна (холам)нинг уйларида ётиб қолдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ўша ерда эрканлар. Ярим кечаси ёким туннинг учдан бири ўтганда Жаноб Расулуллоҳ ўтириб олиб яга термулганларича «Осмонлар бирлан ернинг яратилишида ҳамда тун бирлан куннинг алмашинувида оқиллар учун ибратлар (аломатлар) мавжуд» деган оятни тиловат қилдилар»

119-боб. Чўп билан сув ва лойни қалқитган киши ҳақида

Абу Усмон ривоят қиладилар: «Абу Мусо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Мадина чор-боғларидан бирида эрди. Жаноб Расулуллоҳ (фикрга толган ҳолда) қўлларидаги чўп бирлан сув ва лойни қалқита бошладилар. Шу аснода кимдир эшикни очишни илтиос қилди. Жаноб Расулуллоҳ: «Эшикни очғил ва унга жаннатга кирмоғини айтиб башорат қилғил!» — дедилар. Бориб қарасам, Абу Бакр эрканлар, эшикни очиб, жаннатга кирмоқларини айтиб башорат қилдим. Кейин, яна кимдир эшикни очишни илтимос қилди. Жаноб Расулуллоҳ: «Эшикни очғил ва унга жаннатга кирмоғини айтиб башорат қилғил!» — дедилар. Қарасам, Ҳазрат Умар эрканлар, эшикни очиб, жаннатга кирмоқларини айтиб башорат қилдим. Сўнг, яна бир киши эшикни очмоғимизни илтимос қилди. Жаноб Расулуллоҳ ёнбошлаб олган эрдилар, ўринларидан туриб ўтирдиларда: «Эшикни очғил ва гарчи (келгусида унинг бошига бало тушса ҳам жаннатга кирмоғини айтиб башорат қилғил!» — дедилар. Бориб қарасам, Ҳазрат Усмон эрканлар, эшикни очиб, жаннатга кирмоқларини айтиб башорат қилдим ҳамда (Жаноб Расулуллоҳнинг бало хусусида) айтган гапларини ҳам етказдим. Шунда у киши: «Оллоҳ таоло ўз паноҳида асрасин!» — дедилар».

120-боб. Қўли (даги чун) бирлан ерга бир нималарни чизган киши ҳақида

Ҳазрат Али бундай деб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир маййитнинг жанозасида эрдик қўлларидаги чўп бирлан ерга бир нималарни чиза туриб «Бирортангиз дўзахга тушиб чиқмай жаннатга кирмайсиз», дедилар, Одамлар: «Умид қилмайликми?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Амал қилинглар, барчасига эришгайсиз! Оллоҳ таоло: «Кимки сахий ва тақводор эрса...» — деган», — дедилар».

121-боб. Бирор нирсадан ажабланган вақтда такбир ва тасбиҳ айтмоқ ҳақида

Умму Салама бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқудан уйғониб: «Субҳонллоҳ, Оллоҳ таоло қандай раҳмат хазиналарини ва қандай азобларни нозил қилди эркан! Ҳужраларда ғафлат босиб ётганларни (яъни, ўз хотинларини назарда тутяптилар) ким намозга уйғотади? Бу дунёда кийим кийганлар охиратда яланғочдирлар!» — дедилар».

Ибн Аббос Ҳазрат Умардан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Хотинларингизни талоқ қилдингизми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ», дедилар, Мен: «Оллоҳу акбар!» — дедим».

Али ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Сафиййа бинти Ҳуйай Рамазоннинг охирги ўн кунлигида ул зотни масжидда эътикофда ўлтирганларида кўргани бордилар. Сафиййа Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бир оз суҳбатлашиб ўлтирганларидан сўнг, уйга Қайтиш мақсадида ўринларидан турдилар Жаноб Расулуллоҳ ҳам Сафиййа бирлан бирга туриб, масжиднинг эшиги олдиғача бирга бордилар. Шунда ансорлардан икки киши ўтиб кетаётиб, Жаноб Расулуллоҳга салом беришди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Шошмангиз, бул Сафиййа бинти Ҳуйай, — дедилар (яъни «Кўнглингизга

бир нарса келмасин, бу — менинг хотиним» демоқчилар). Бояги икки кишига бу гап оғир ботиб: «СубҳонОллоҳ» — дейишди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Шайтон инсоннинг қон томирларида юриб вас-васа қилғайдир, шул боисдан сизларни ҳам шайтон вас-васа қилиб, хаёлингизга бўлмағур фикрни келтирмадимикан, деб хавотир олдим» дедилар».

122-боб. Тош отмоқ манъ қилингани ҳақида

Абдуллоҳ ибн Муғфал ал-Музаний ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тош отмоқни манъ қилиб: «У овланадирған жонзотни ўлдирмағай, душманни қулатмағай, аммо кўзни чиқариб, тишни синдирғай», - дедилар.

123-боб. Аксирган одам Оллоҳ таолога ҳамд айтмоғи лозим!

Анас ибн Молик бундай деб айтган эрканлар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирган кишилардан икнитаси акса урди, улардан бирига: «Йарҳамукаллоҳ», — деб айтдилар, иккинчисига эрса, индамадилар. Шунда бунинг боисини сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: «Бири: «Алҳамдулиллоҳ», — деди, иккинчиси эрса, айтмади», — деб жавоб қилдилар»

124-боб. Акса урган киши: «Алҳамдулиллоҳа, — деса, унга: «Йарҳамукаллоҳ, ва йашфийқ» — деб айтмоқ лозим!

Барро ибн Озиб разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга етти нарсани буюриб, етти нарсани манъ қилдилар: касални бориб кўрмоқни, жанозада қатнашмоқни, акса урган одамнинг Оллоҳ таолога айтган ҳамдига жавоб қайтармоқни, таклиф қилинган жойга бормоқни (даъват қилувчига жавоб қилмоқни), саломга алик олмоқни, мазлумга ёрдам қилмоқни ва қасамга вафо қилмоқни амр қилдилар ҳамда тилла узук (ёким тилла ҳалқа) тақмоқни, ҳарир, дебож, сундус ва мийсара (кийимлар) киймоқни манъ қилдилар (яна иккита манъ қилинган нарса ҳақида бу ерда айтилмаган)»,

125-боб. Акса тақсинга, эсов нафратға сазовор эрканлиги ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло аксани хуш кўриб, эсовни еқтирмағайдир. Аксиргач, Оллоҳ таолога ҳамд айтган одамга унинг ҳаидини эшитган ҳар бир мусулмон: «Йарҳамукаллоҳ ва йашфийқ» — демоққа мустаҳикдир. Аммо, эсов эрса шайтондан содир бўладирган қилмиш бўлиб, киши имкон қадар уни қайтарсин, агар у ҳомуза тортса, шайтон (мазза қилиб) устидан кулғайдир», — дедилар».

126-боб. Акса урган киши нима деб жавоб қайтармоғи лозим?

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз акса урсангиз, алҳамдулиллоҳ, деб айтингиз, (ёпингизда турган) биродарингиз ёки ўртоғингиз эрса, йарҳамукаллоҳ, деб жавоб қайтарсин. Агар сизга йарҳамукаллоҳ, дейишса, уларга йаҳдийкумуллоҳ ва йуслиҳ болакум, деб жавоб қайтарингиз! (Алҳамду лиллоҳ — Оллоҳга шукр йарҳамукаллоҳ — Оллоҳ сенга раҳм қилсин йаҳдийкумуллоҳ ва йуслиҳ болакум — Оллоҳ сизга тўғри йўл кўрсатсин ва дилингизни тоат-ибодатга мойил қилсин)».

127-боб. Акса урган одам Оллоҳга ҳамд айтмаса, унга жавоб қилинмайди.

(Бу ерда юқоридаги ҳадислар такроран келтирилган)

128-боб. Эснаса, оғзини кўл бирлан тўсмоқ ҳақида!

(Бу ерда ҳам юқоридаги ҳадислар такроран келтирилган)

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ИЖОЗАТ СЎРАМОҚ КИТОБИ

1-боб. Салом бермоқ қандай бошланганлиги ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўз суратида (яъни, унга ўзида бор бўлган «тириқ билувчи,)эшитувчи кўрувчи, сўзловчи» каби сифатларни ато этиб яратди ва бўйларини олтмиш зироъ (газ) қилди. Яратиб бўлгач ул кишига «Анави ўтирган бир нафар фаришталарнинг олдига борғилда, салом берғил, сўнг уларнинг сенга қиладирган алигини яхшилаб эшитиб олғил. чунким бу сенгава сендан таркаладирган зурриётларингга йўлланган салом бўлғайдир» деди. Одам алайҳиссалом бориб: «Ассалому йкум (Сизларга салом!)», — дедилар. Фаришталар: «Ассалому алайка ва раҳматуллоҳи! (Сенга ҳам салом ва Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!) — деб алиқ олишди, сўнг яна: Ва раҳматуллоҳи фа-кулли ман йадхулу-л-жанната ало сурати одам! (Жаннатга Одам суратида кирадирган барча инсонларга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!)» — деб кўшиб иди. Ўша вақтдан бошлаб ҳозиргача инсоннинг хилқати(табиати, қиёфаси, бўй-баста) камайиб бормоқда».

2-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: (Ан-Нур» сураси): «Эй Мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга, хонадон ижозат олнагунингизча ва уларга салон бермагуилча, кирмангиз, буни ёдда тутсангиз ўзингизга яхшироқ бўлгай! Бегона уйларда ҳеч кимни топмасангиз, ижозат сизга берилмагунча зинҳор кира кўрмангиз ва агар «Қайтингиз!» — дейилса, қайтиб кетингиз, бу ўзингиз учун яхшироқ бўлгай. Оллоҳ барча ишларингизви яхши билур! Ҳеч кимса яшамайдирган уйларга кирсангиз бўлур, бу сизлар учун гуноқ эрмас, у ердаги нарсалар сизникидир. Оллоҳ ошкора ва яширин қилган ишларингизни яхши билур!».

Саъид ибн Абулҳасан Ҳасанга: «Ажам аёллари (араб бўлмаган аёллар) кўкракларини очиб, бошланг юрадилар», — деди. Ҳасан: «Улардан нигоҳингни қочирғил, Оллоҳ таоло аzza ва жалла: «Қул лил-муъминийна йағуддуу мин абсорихим ва йаҳфазуу фуружаҳум» («Мўмин эркакларга айтғил, нигоҳларини қуйи қаратиб ва авратларини беркитиб юрсинлар!») — дейди», — деб айтди. Қатода: «Бу эркакларга нисбатан айтилган ҳукмдир, аёлларга нисбатан эрса, Оллоҳ таоло: «Ва қул лил-муъминот йағудна мин абсорихинна ва йаҳфазна фуруужаҳунна» («Мўмина аёлларга ҳам айтғил, нигоҳларини қуйи солиб ва авратларини беркитиб юрсинлар!») — дейди, чунким аёлларнинг Оллоҳ таоло кўрмоқни макруҳ қилган аъзолари эркаклар кўзини хоинликка чорлагувчидир», — деб айтди (юқоридаги оятлар ҳам «Ан-Нур» сурасидан). Зухарий покдомон аёлларга қарамоқ хусусида гапираётиб: «Эркак кишининг бундай аёлларнинг, ҳаттоки қизалоқнинг ҳам бирор уят ерига шаҳват кўзи бнрлан қарамоғи ярамайди» — дедилар ҳамда Маккада сотиладирган жорияларга ҳам, сотиб олиш нияти бўлмаса, қарамоқ макруҳ эканлигини айтдилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қурбон ҳайити куни Фазл ибн Аббосни уловларига мингаштириб олдилар. Фазл чиройли йигит эрди. Жаноб Расулulloҳ уловларини тўхтатиб, одамларга фатво айта бошладилар. Шунда Хасъам қабиласидан бўлган бир гўзал аёл келиб Жаноб Расулulloҳдан бир масала хусусида фатво сўради. Фазл унинг хуснига маҳлиё бўлиб, термулиб қолди. Жаноб Расулulloҳ ўгирилиб Фазлнинг аёлга термулиб турганини кўрдиларда, орқаларига қўлларини узатиб фазлнинг жағидан ушлаб юзини бошқа томонга қаратиб қўйдилар. Аёл: «Ё Расулalloҳ, Оллоҳ таоло ҳаж

қилмоқни фарз қилган вақт отамнинг кексайиб туя устида маҳкам ўлтира олмайдирган даврларига тўғри келиб қолди. Мен отамнинг ўринларига ҳаж қилсам, бўлурми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, бўлғай!» — деб жавоб қилдилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Кўчаларда (бекорчиликдан эзмаланиб гаплашиб ўлтирмоқдин) қочингиз!» — дедилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, бундан бошқа мима ҳам қила дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар ўлтиришларингиз лозим бўлса, у ҳолда йўл ҳақини тўлангиз!» — дедилар. Одамлар: «Йўл ҳақи недир?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Кўчадан ўтаётганларга термулмай, бепарво бўлмоқ уларга азият етказмаслик ўтаётганлар саломига алик олмоқ амр маъруф қилмоқ ва ёмонликдан қайтармоқдир, — деб жавоб қилдилар».

3-боб. Ас-Салом — Оллоҳ таолонинг исмларидан биридир! Салом берсангиз, яхшилаб салом берингиз, алик олсангиз, яхшилаб алик олингиз!

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга намоз ўқиганимизда: «Оллоҳ таолога бандаларидан салом! Жаброилга салом! Микоилга салом! Фалончи ва пистончиларга салом!» — дер эрдик. (Бир куни) Жаноб Расулulloҳ намоз ўқиб бўлганларидан сўнг бизга ўгирилиб: «Оллоҳ таолонинг ўзи Саломдир! Қайсинингиз намозда ўлтирган эрсангиз: «Аттаҳиййоту лиллоҳи вассалавоту ваттаййибот, ассалому алайка аййухан-набиййу ва раҳматуллоҳи ва баракотух, ассалому алайно ва ало ибодиллоҳис-солиҳийн» («Барча мадҳу олқишларимиз, тоат-ибодату эзгу амалларимиз Оллоҳ таоло учундир, эй пайғамбар алайҳиссалом, сизга Оллоҳ таолонинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин, бизга ҳамда ҳамма солиҳ бандаларга эрса, Оллоҳ таолонинг саломи бўлсин.»)» — деб айтингиз. Агар шундоқ (ҳамма солиҳ бандаларга) десангиз, еру кўкдаги ҳамма солиҳ бандаларга савоби теккайдир, кейин: «Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мухаммадан абдуҳу ва расулуҳу» («Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деб гувоҳлик борғайдирмен, шунингдек Мухаммад Оллоҳнинг бандаси ҳамда бизга юборган элчисидир деб ҳам гувоҳлик берғайдирмен»), — деб айтингиз, ундан кейин эрса, хоҳлаган тилагингизни айтсангиз, бўлғайдир», — дедилар»

4-боб. Озчиликнинг кўпчиликка салом бермоғи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кичик каттага ўткинчи ўлтирганга озчилик кўпчиликка салом берғайдир»,—дедилар»

5-боб. Суворийнинг пиёдага салом бермоғи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Суворий пиёдага, пиёда (ўткинчи) ўлтирганга ва озчилик кўпчиликка салом берғайдир», — дедилар».

6-боб. Ўткинчининг ўлтирганга салом бермоғи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Суворий пиёдага, пиёда (ўткинчи) ўлтирганга ва озчилик кўпчиликка салом берғайдир», — дедилар».

7-боб. Кичикнинг каттага салом бермоғи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кичик каттага,

ўткинчи ўлтирганга ва озчилик кўпчиликка салом бергайдир», — дедилар».

8-боб. Салом-аликни оммавийлаштирмақ хусусида

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизга етта нарсани буюриб, етти нарсани манъ қилдилар: касални бориб кўрмақни, жанозада қатнашмоқни, акса урган одамнинг ҳамдига жавоб қайтармоқни, кучсизга мадад бермоқни, мазлумга ёрдам бермоқни, салом-аликни оммалаштирмақни да қасамга вафо қилмоқни буюрдилар ҳамда кумуш идишдан ичмоқни, олтин узук тақмоқни, уловга духоба тўқим ёпиб минмоқни, ҳарир, дебож, қиссий ва истабрак киймоқни манъ қилдилар».

9-боб. Таниган ва танимаганга салом бермоқ хусусида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан: «Ислонда энг яхши амал қайсидир?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Очларни тўйғазмоғинг, таниган ва танимаган одамга салом бермоғинг», — деб жавоб қилдилар».

Абу Айюб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Муслмон одамнинг ўз биродаридан (яъни, муслмоннинг муслмондан) уч кундан ортиқ аразлаб, бир-бирини учратганда тескари қараб кетмоғи яхши эрмас. Уларнинг қайси бири аввал салом берса, ўшаниси яхши одамдир!» — дедилар. Суфён: «Мен бу ҳадисни Жаноб Расулulloҳдан уч марта эшитиб эрдим», — дейдилар.

10-боб. Ҳижоб ояти хусусида

Ибн Шиҳоб ривоят қиладилар: «Анас ибн Молик Жаноб Рафлуллоҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида, ўзининг ўн яшар бола бўлганлигини менга айтиб бундай деганди: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилдим. Ҳижоб ояти (аёлларни ичкарига рлмоқ лозимлиги ҳақидаги оят) нозил бўлгандаги мавжуд кишилар ичида унинг ҳақида мендан яхшироқ биладирган йўқ эрди. Убай ибн Каъб у ҳақда мендан кўп сўрар деди. Бу оят Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Жаҳшини Зайнабга уйланганларида нозил бўлган бўлиб, ўшанда Жаноб Расулulloҳ кўёв бўлган эрдилар. Қавм дастурхонга таклиф қилинган эрди, улар ноз-неъматлардан тановул қилишган эрди. Кейин, қавм тарқаб, бир.гуруҳигина Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида қолган эрди. Улар узоқ ўтириб (флишгач, Жаноб Расулulloҳ ўринларидан туриб чиқиб сётдилар, мен ҳам ўлтирганлар чиқиб кетармикин деган мақсадда кетларидан чиқдим. Жаноб Расулulloҳ юрдилар, мен ҳам бирга гордим, ҳатто Оишанинг Ҳужраси остонасига қадар бордилар, Кейин, Жаноб Расулulloҳ меҳмоилар чиқиб кетгандир деб ортларига қайтдилар, мен ҳам бирга қайтдим, Ул зот Зайнабнинг ҳузурига кириб, меҳмоиларнинг ҳануз тарқалишмаганини кўриб яна ортларига қайтдилар, мен ҳам бирга қайтдим, ҳатто Оишанинг ҳужраси остонасигача бордилар. Сўнг, меҳмонлар кетгандир деб ўйлаб яна ортларига қайтдилар, мен ҳам бирга қайтдим. Кириб қарасалар, улар чиқиб ветишган эркан. Шунда Оллоҳ таоло Ҳижоб оятини нозил қилди. Жаноб Расулulloҳ мен билан ўзлари ўртамизга парда ташлаб қўйдилар».

Абу Мижлаз Анас ибн Моликдан нақл қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Зайнабга уйланганларида қавм кириб таом тановул қилди, сўнг ўзаро суҳбатлашиб ўлтираверди. Бир қараганда, қавм туриб чиқиб кетмоқчидек кўринсада ўрнидан кўзғолмас эрди. Жаноб Расулulloҳ буни кўриб ўринларидан турдилар, шунда қавмнинг бир қисми дам ўрнидан туриб чиқиб кетди, қолганлари эрса яна ўлтираверди. Жаноб Расулulloҳ уйга қайтиб

кирмоқчи бўлганларида боягилар ҳануз суҳбатлашиб ўлтирар эрди. Кейин улар туриб чиқиб кетгач, мен ул зотга бу ҳақда хабар бериб эрдим, ичкарига кирдилар. Мен ҳам кирмоқчи эрдим, ўртамизга парда ташлаб қўйдилар. Шул вақт Оллоҳ таоло Жаноб Расулulloҳга қуйидаги Ҳижоб оятини нозил қилди: «Ё аййуҳоллазийна омануу ло тадхулуу буйуутаннабий...» («Эй мўминлар, пайғамбарнинг уйларига кирмангиз...»).

Ибн аз-Зубайр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша разияллоҳу анҳо бундай дедилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Хотинларингизни ичкарига олсангиз (ташқарига чиқармасангиз) бўлмайдами!» — дер эдилар, аммо ул зот бундай қилмас эрдилар. Жаноб Расулulloҳнинг хотинлари кечалари (қазои ҳожат учун) Маносиъ тарафига чиқар эрдилар. Бир куни Савда бинти Замъа ташқарига чиқди. Бўйи баланд хотин эрди. Шунда мажлисда ўлтирган Умар ибн ал-Хаттоб Савдани кўриб: «Ё Савда, биз сени танидик!» — деб хитоб қилдилар. Бу гапни хотинларни парда ичига олиш тўғрисида оят нозил бўлсайди, деб айтиб эрдилар, Оллоҳ таоло Ҳижоб оятини нозил қилди».

11-боб. Қараш учун рухсат сўрамоқ ҳақида

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладгшар: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужраларидаги бегона кўздан пана қилиб турадирган тўсиқ оша ичкарига қаради. Шу пайт Жаноб Расулulloҳ қўлларида тароқ ушлаб турган эрдилар, уни кўриб: «Агар қараб турганингни билгақимда эрди, мана шу тароқ бирлан кўзингни ўйиб олган бўлур эрдим, зеро изн сўрамоқ (одати) қараш учун (ҳам) таъйин қилингандир!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужраларидан бирининг ичкарисига қаради. Мен Жаноб Расулulloҳнинг ўринларидан туриб, қўлларидаги шамшир учини унинг кўзига тикмоқчи бўлгандек ҳаракат қилганларини ҳозир ҳам кўриб тургандекмен».

12-боб. Аёлнинг асалдонидан бўлак аъзоларига зино қилмоқ ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Абу Ҳурайра айтган гапдан кўра нохушроқ гапни эшитмаганмен», — дейдилар.

Ибн Аббос яна бундай дейдилар: «Абу Ҳурайранинг Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилиб айтган қуйидаги гапидан нохушроқ гапни эшитмаганмен: Оллоҳ таоло одам боласининг пешонасига азалдан зино қилмоқни тақдир қилган бўлиб, у бундан қочиб қутила олмагайдир. Кўзнинг зиноси — (бегона аёлга шаҳват бирлан) қарашдир, тилнинг зиноси — (бегона аёлни орзулаб) гапирмоқдир. Эркакнинг шаҳвоний нафси кўзиб, зинога чорлайверади, аммо буни рўёбга чиқаргувчи ҳам, барбод қилғувчи ҳам аёлнинг асалдонидир!»

13-боб. Уч бор салом бермоқ ва рухсат сўрамоқ

Сумома ибн Абдуллоҳ Анас ибн Моликдан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар садоқ берсалар, уч бор салом берар, бирор гап айтсалар, уч бор такрорлар эрдилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Ансорлар мажлисларидан бирида эрдик шу пайт Абу Мусо бир нарсадан қўрққандек келиб: «Ҳазрат Умардан ҳузурларига кирмоққа уч марта

рухсат сўраб эрдим, рухсат бермадилар, ортимга қайтиб кетдим», — деди. Мен: «Не сабабдин бундай қилдилар» — дедим. У: «Билмадим, уч марта рухсат сўрасам ҳам ижозат бермадилар, сўнг қайтиб кетдим, чунки Жаноб Расулуллоҳ: «Агар бирортангиз уч бор изн сўрасангизу, ижозат ололмасангиз, қайтиб кетингиз!» — деб айтганлар», — деди. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, бу ганингга исбот келтирмоғинг лозим, бирортангиз Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганмисиз?»,-дедим». Убай ибн Каъб бундай дейдилар: «Ўшанда мен Абу Мусога: «Оллоҳ таоло ҳақи, қавмнинг энг ёши кичигигина сизнинг енингизни ола олади!» — дедимда, қавмнинг энг ёши кичиги бўлганим учун ҳам у кишининг ёнларини олиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақиқатап ҳам шундай, деб айтганлар, деб Ҳазрат Умарни хабардор қилдим».

14-боб. Таклиф қилинган киши ижозат сўраб кирадими?

Абу Ҳурайра: «(Жаноб Расулуллоҳ) уларга (кирмоққа) ижозат берганлар», — дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (хужраларига) кирдим. Бир қадахда сут борлигини кўриб, (олиб ичдилар?). Сўнг, менга: «Ё Абу Ҳур, борғил, сувада яшовчиларни чақириб келғил!» — дедилар. Мен чақириб келдим. Улар келиб кирмоққа изн сўрашди, ижозат бериб эрдилар, ичкарига киришди».

15-боб- Болаларга салом бермоқ ҳақида

Собит ал-Буноний Анас ибн Молик ҳақларида бундай деб ривоят қиладилар: «У (Анас ибн Молик) болалар ёнидан утиб кетаётиб. уларга салом бердида: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилар эрдилар» — деб айтди».

16-боб. Эркакларнинг аёлларга, аёлларнинг эрса эркакларга салом бермоғи ҳақида

Ибн Абу Ҳозим оталаридан, у киши эрса Саҳлдан нақл қиладилар: «Биз жумъа кунлари хурсанд бўлар эрдик», — деди Саҳл. Мен Саҳлга: «Қандай қилиб?» — дедим. Шунда у: «Бизнинг бир (таниш) ҳамниримиб бўлиб, у Бизоъага бориб...» — дейиши бирланок, Ибн Маслама: «Мадинага хурмозорга бориб...» — деб унинг ганига аниқлик киритди. Сўнг Саҳл гапида бундай деб давом этди: «...лавлагги олиб келар эрдида, уни арва бирлан қозонга солиб қайнатиб қўяр эрди. Биз ҳар сафар жумъани ўқиб қайтаётганимизда унга салом берар эрдик у бизга бояги таомни тортиқ қилар, биз эрсак уни еб хурсанд бўлар эрдик. Ўшанда биз жумъадан кейингина қайлула ва тушлик қилар эрдик».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ё Оиша, Ҳазрат Жаброил сенга салом айтяптилар», — дедилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга. Мен: «У кишига ҳам Оллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин! Сиз биз кўролмайдиган нарсаларни ҳам кўра олурсиз», — дедим» (Оиша: «Сиз» — деганда Жаноб Расулуллоҳни назарда тутяптилар).

17-боб. «Ким у?» деб сўраса, «мен» деб жавоб қилмоқ ҳақида

Муҳаммад ибн ал-Мункадир ривоят қиладилар: «Жобир разияллоҳу анҳунинг: «Отамнинг қарзлари хусусида гаплашмоқ учун Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордимда, эшикни тақиллатдим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ким у? — дедилар. «Мен», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ менинг жавобим ёқинқирамагандек «Мен... мен...» — деб қайтариб

айтдилар».

18-боб. «Алайкассалом» деб алик олган киши хусусида

Оиша: «Ва алайҳиссалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуху!» — дедилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Малоикалар Одамга «Ассалому алайка ва раҳматуллоҳи!» — деб алик олишди», — дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам масжидга кириб намоз ўқиди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжиднинг бир чеккасида ўлтирган эрдилар. келиб салом берди. Жаноб Расулulloҳ унга: «Ва алайкассалом, бориб бошқатдан намоз ўқигил, чунким сен намоз ўқимадинг!» — дедилар. У қайта намоз ўқигач, келиб Жаноб Расулulloҳга салом борди. Жаноб Расулulloҳ унга: «Ва алайкассалом, бориб бошқатдан намоз ўқигил, чунким сен намоз ўқимадинг!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ иккинчи ёким учинчи бор қайтарганларида бояги киши: «Ё Расулalloҳ, менга ўргатинг!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Намоз ўқимоқчи бўлганингда аввал яхшилаб таҳорат олғил, сўнг қиблага юзланиб такбир айтгил, кейин (Оллоҳ таоло) сенга нени Қуръондан билмоқни муяссар қилгон эрса, ўқигил, сўнг астойдил рукуъ қилғил, кейин астойдил қоматингни ростлағил, сўнг астойдил сажда қилғил, кейин астойдил бошингни саждадин кўтариб ўтиргил, сўнгра намозингнинг қолганини ҳам шу тариқа ўқиб тугатғил!» — дедилар».

Абу Усома: «Жаноб Расулulloҳ намознинг охирги ҳаракати ҳақида «Кейин астойдил саждадин бошингни кўтариб қаддингни ростлагил» — деган бўлишлари керак», — дейдилар. Абу Ҳурайра: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кейин астойдил саждада бошингни кўтариб ўтиргил» — деб айтганлар», — дейдилар.

19-боб. Агар: «Фалончи сенга салом айтяпти», — деса...

Абу Салама ибн Абдурраҳмон Оиша онамиздан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга (Оишага) «Жаброил алайҳиссалом сенга салом айтяптилар», — дедилар. Оиша: «Ва алайҳиссалом ва раҳматуллоҳи», — деб алик олдилар.

20-боб. Мусулмонлар бирлан мушриклар аралаш ўлтирган мажлисда салом бермоқ ҳақида

(Бу ерда юқоридаги 5-боб такроран келтирилган)

21-боб. Гуноҳкор одамга салом бермаган ва ҳали тавбаси қабул бўлмаган одамга алик олмаган киши ҳақида ҳамда гуноҳкорнинг тавбаси қачонгача қабул қилинмаслиги хусусида

Абдуллоҳ ибн Умар: «Ичқилик ичувчиларга салом бермангиз!» — деганлар.

Абдуллоҳ ибн Каъб Каъб ибн Моликдан нақл қиладилар: «Каъб ибн Молик Табук урушига кечикиб келганда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга у бирлан гаплашмоғимизни манъ қилдилар. Каъб Жанаб Расулulloҳнинг қошларига келиб салом берди. Шунда мен ичимда: «Жаноб Расулulloҳ алик олиб лабларини қимирлатдилармикан, ё йўқми?»-деб қўйдим. Эллик кеча (кундуз) дан сўнг Жаноб Расулulloҳ бомдод намози вақтида унинг тавбаси Оллоҳ таоло томонидан қабул қилинганлигини бизга маълум қилдилар».

22-боб. Аҳлуззимма (зиммийлар)нинг саломига қандай алик олинади?

Урва (ибн аз-Зубайр) Оиша онамиздан бундай деб эшитган эрканлар «Бир тўда яҳудийлар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига кириб келиб: «Ассому алайка!» — деб айтишди. Мен уларнинг гапини дарҳол фаҳмлаб: «Алайку-мус-сому вал-лаъна!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ошиқмағил, ё Оиша, Оллоҳ таоло барча ишларда мулойимликни хуш кўрғайдир!» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, уларнинг нима деганини эшитмадиншзми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ва алайкум, деб айтдим-ку!» — дедилар» («Ассому алайка!» — «Сенга ўлим!» дегани).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай деб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Башарти яҳудийлар сизга салом берса-ю, улардан бири: «Ассому алайка!» — деб қолса, сиз ҳам: «Ва алайка!» — деб алик олингиз!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аҳл ул-китоб сизга салом берса, «Ва алайкум!» — деб алик олингиз!» — дедилар».

23-боб. Кимки бировнинг мусулмонлар учун эҳтиётлаб қўйган мактубини очиб кўрса, албатта шармисор бўлғай!

Али (ибн Абу Толиб) разияллоҳу анҳу бундай деб айтган эканлар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Зубайр ибн Аввом ва Абу Марсад ал-Ғанавийни жўнатдилар, барчамиз отлик эрдик. Жаноб Расулulloҳ бизга: «Йўлга чиқингиз, Хох деган боққа борингиз! У ерда бир мушрик хотин бор, унинг қўлида Ҳотиб ибн Абу Балтва мушрикларга йўллаган мактуб мавжуд», — дедилар. Биз ўша хотинга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган жойда туясига миниб кетаётганда етиб олдик. «Хат қани?» — дедик. У «Менда ҳеч қандай хат йўқ», — деди. Шунда биз унинг туясини чўктириб, юklarини титиб кўрдик аммо хатни тополмадик. Шерикларим «Хатни тополмадик — дейишди. Мен хотинга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рост айтганлар, мен буни яхши билурман. Оллоҳ таоло ҳақи, ё хатни ўзинг топиб берасан ёки сени ечинтириб урамани!» — дедим. Шунда у менинг жиддий гапираётганимни билиб, қўлини лозимининг липвасига таядида, хатни олиб берди. Сўнг, биз хатни олиб Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига равона бўлдик. Жаноб Расулulloҳ хатни қўлларига олгач, Ҳотибни чақиртириб: «Эй Ҳотиб, не ниятда бундай қилдинг?» — дедилар. Ҳотиб: «Оллоҳ таоло ва унинг расулига иймонли бўлмоқдин ўзга ниятим йўқ! Мен (мактубни) ўзгартирмадим ҳам, алмаштириб қўймадим ҳам. Фақат мен бир нарсани, у ҳам бўлса қавмда Оллоҳ таоло инояти бирлан менинг бола-чақаларим ва молу-дунёмни ҳимоя қилиб турғувчи бир мададкор шахс бўлмоғини истадим, холос. Ахир, сизнинг саҳобаларингизнинг ҳам у ерда бола-чақалари-ю, молу-дунёсини Оллоҳ таолонинг инояти бирлан ҳимоя қилиб турғувчи мададкор кишилари бор-ку!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Рост айтди, унга яхши гапиринглар!» — дедилар. Умар ибн ал-Хаттоб: «У Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига ҳамда мўминларга хиёнат қилди, ижозат беринг, бўйнини узиб ташлай!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Умар, қаердан биласан, балким Оллоҳ таоло Бадр аҳлининг ҳолидан ўзи воқифдир?! Билганингизни қилинглари, ахир сизлар жаннатисизлар-ку!» — дедилар. Шунда Ҳазрат Умар кўзларига ёш олиб: «Оллоҳ ва унинг расули яхшироқ билғайдир!» — деди».

24-боб. Аҳл ул-китобларга мактуб қандай битилади?

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Абу Суфён ибн Ҳарб менга айтдики, Шомда савдогарлик қилиб турганларида Ҳиракл бир нафар қураишликлар бирлан бирга уни ўз ҳузурига чорлабди.

Сухбатдан сўнг, Ҳиракл Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини келтиришни буюрибдида, уни очиб ўқибди. Мактубда: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми, Оллоҳнинг бандаси ва элчиси бўлмиш Муҳаммаддан Рум подшоҳи Ҳираклга. Ҳидоят йўлига юрганларга салом! Аммо баъд... (энди мақсадга ўтайлик...)» — деб ёзилган эркан».

25-боб. Мактубни кимнинг номидан бошлаб битмоқ лозим?

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баний Исроилга мансуб бир кишининг ёғочни ўйиб ичига минг динор пул бирлан ўзидан ўртоғига битилган хатни ҳам солиб қўйгани ҳақида гапирган эрдилар».

Умар ибн Абу Саламанинг оталари Абу Ҳурайрадан бундай деб эшитгаи эрканлар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Бир одам) ёғочни ўйиб, ичига пулини жойлаштирдида, «Фалончидан пистончига» деб хат ҳам ёзиб қўйди», — дедилар».

26-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бошлиғингиз келганда ўрнингиздан турингиз!» — деганлари ҳақида

Абу Саъид бундай деган эрканлар: «Қурайза аҳли Саъднинг ҳукмига бўйсунди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Саъдни чақиртирдилар, у келгач, Қурайза аҳлига: «Бошлиғингизни иззат қилиб ўрнингиздан турингиз! — дедилар («Яхшингизни» — деб айтган бўлишлари ҳам мумкин). Саъд Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига келиб ўлтирди. Жаноб Расулulloҳ унга: «Булар сенинг ҳукмингга итоат этишди», — дедилар. Саъд: «Мен уларнинг жангчиларини ўлдириб, бола-чақаларини асир олмоқни буюраман!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сен малик (ёким малак) сингари ҳукм қилдинг!» — дедилар» (малик — Оллоҳ таоло, малак — Ҳазрат Жаброилдир, деб шархлашади).

27-боб. Қўл бериб сўрашмоқ ҳақида

Ибн Масъуд: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кафтимни икки кафтлари орасига олиб туриб менга ташаҳҳудни ўргатдилар», — дейдилар.

Каъб ибн Молик: «Масжидга кирсам, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша ерда эрканлар. Бирдан Талҳа ибн Убайдуллоҳ ўрнидан туриб олдимга югуриб келдида, қўл бериб сўрашиб, мени табриклади», — дейдилар.

Қатода бундай дейдилар: «Мен Анасдан: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ўртасида қўл бериб сўрашмоқ одати бор эрдими?» — деб сўрадим. У: «Ҳа» — деб жавоб берди».

Абдуллоҳ ибн Ҳошим: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик. Шунда Жаноб Расулulloҳ Умар ибн ал-Хаттобнинг қўлини ушлаб турган эрдилар», — дейдилар.

28-боб. Икки қўллаб сўрашмоқ ҳақида

Ҳаммод ибн Зайд Ибн ал-Муборак бирлан икки қўллаб сўрашди.

Ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кафтимни икки

кафтлари орасига олиб туриб менга Қуръондан сура ўргатгандек ташахҳудни ўргатдилар («Аттаҳиййоту лиллоҳи вассалавоту ваттай-йибот, ассалому алайка аййуханнабиййу ва раҳматуллоҳи ва баракотух Ассалому алайно ва ало ибодиллоҳис-солиҳийн, ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳу вашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу»). Ўшанда Жаноб Расулulloҳ барҳаёт эрдилар, биз ул зотга вафот этганларидан сўнг «Ассалом» дейдирган бўлдик (яъни, ташахҳуд ўқиётганда)».

29-боб. Қучоқлашиб сўрашмоқ ва «Яхши ётиб турдингизми?» — деб айтмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Али, яъни Ибн Абу Толиб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафот этмасларидан бурунги касалликлари вақтида ҳузурларига кириб чиқди. Одамлар унга: «Ё Абу Ҳасан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яхши ётиб турдингизми?» — дейишди. Али: «Алҳамду лиллоҳ., тузалиб қолдилар», — деди. Аббос унинг қўлидан ушлаб: «Сен ул зотнинг юзларидаги ўлим аломатини сезмадингми? Оллоҳ таоло ҳақи, сен уч кундан сўнг асонинг қули бўлиб, ўзганинг амрига итоат этгайсен. Мен мана шу дард Жаноб Расулulloҳни олиб кетса керак деб ўйлайман, чунким Абдулмутталиб зурриётининг юзида ўлим шарвасини кўриб турибман. Бизни Расулulloҳ, саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борғил, сўрайликчи, ўз ўринларига кимни таъйин қилар эрканлар?! Башарти, бизни таъйин қилмоқчи эрсалар, буни бизга маълум қилсинлар, мабодо биздан бошқани таъйинламоқчи бўлсалар, маслаҳатлашайлик бийга васият қилсинлар», — деди. Али: «Оллоҳ таоло ҳақи, агар биз Жаноб Расулulloҳдан халифалик ҳақида сўрасак буни бизга манъ қиладилар, (бошқа) одамларга ҳам рухсат бермайдилар. Мен бу ҳақда Жаноб Расулulloҳдан асло сўрамасмен!» — деди».

30-боб. Лаббайка ва саъдайка, деб жавоб берган киши ҳақида

Маоз ибн Жабал ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уловларига мингашиб кетаётган эрдим. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Маоз!» — дедилар. «Лаббайка ва саъдайка!» («Лаббай, хизматингизга тайёрмен!») — дедим. Сўнг, яна уч бор шундай деб мурожват қилдиларда, менга: «Оллоҳ таолонинг ўз бандаларида қандай ҳақи борлигини билурмисен?» — дедилар. Мен: «Йўқ», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг ўз бандаларидаги ҳақи — бандаларнинг Оллоҳ таолога тоат-ибод қилмоқлари ҳамда унга ҳеч нарсани ширк келтирмасликлари лозимлигидир», — дедилар. Шундан сўнг, яна бир соатча юриб: «Ё Маоз!» — дедилар. Мен: "Лаббайка ва саъдайка!" — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бандаларнинг Оллоҳ таолодан ҳақи нима эрканлигин билурмисен? Агар бандалар бояги шартларни адо этсалар, Оллоҳ таолонинг уларга азоб бермаслиги лозимлигидир», — дедилар».

Абу Зарр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга хуфтон вақтида Мадинанинг тошлоқ ерида кетаётган эрдим. Олдимизда Уҳуд тоғи кўринди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Ё Абу Зарр, менинг Уҳуд тоғидек тиллам бўлмоғини ҳамда бир ёким уч кеча бўлсада, унинг бир диморининг ҳам менда қолмоғини истамас эрдим. Фақат қарзимга тўламоғимга етарлисини олиб қолиб, қолгакини Оллоҳ таолонинг бандалари учун ундай ва бундай қилмб сарфлаган бўлар эрдим», — дедиларда, қўллари бирлан ишора қилдилар. Сўнг, менга: «Ё Абу Зарр!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулulloҳ, хизматингизга тайёрмен!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бу дунёда бойлив тўплаганлар охиратда савобдан маҳрум бўлғайлар, бойлигини Оллоҳ таолонинг бандалари учун ундай ва бундай қилиб сарфлаганлар бундан мустаснодир», — дедилар. Сўнг, менга: «Қайтиб келгунимча жо-йингдан жилма, ё Абу Зарр!» — деб кўздан ғоиб бўлдилар. Бироздан кейин ғалати бир товушни эшитиб,

Жаноб Расулulloҳга бир нарса бўлмадимикан, деб хавотир олдим. Олдиларига бормоқчи бўлдим, аммо жойингдан жилма!» деганлари ёдимга тушиб, бормадим. Жаноб Расулulloҳ қайтиб келганларидан сўнг: «Ё Расулаллоҳ, бир товушни эшитиб, сизга бир нима бўлмадимикан, деб хавотир олдим, ортнингиздан бормоқчи эрдим, бироқ айтган гапингиз ёдимга тушиб, жойимдан қимирламадим», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бу — Жаброил алайҳиссалом эрдилар, умматларимдан кимки Оллоҳ таолога ҳеч нарсани ширк келтирмай ўлса, жаннатга кирмоғи ҳақида менга хабар келтирдилар», — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, зино ва ўғрилиқ қилган бўлса ҳамми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Зино ўғрилиқ қилган бўлса ҳам!» — дедилар».

31-боб. Бир одам иккинчи одамни ўлтирган жойидан турғизиб юбормаклиги лозим!

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир одам иккинчи одамни турғизиб обориб, ўрнига ўзи ўтириб олмаслиги лозим!» — дедилар».

32-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: «Агар сизга кўпчилик ўлтирган ерда: «Нарироқ сурилиб жой берингиз!» — дейилса, жой берингиз, Оллоҳ ҳам сизга жой бергай! Агар сизга: «Ўрнингиздан турингиз!» — дейилса, ўрнингиздан турингиз!»

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамнинг бошқа бир одамни турғизиб юбориб, ўрнига ўзи ўлтириб олмоғини манъ қилдилар. «Аммо: «Нарироқ сурилиб жой берингиз ва бироз сиқилишиброқ ўлтирингиз», — денглар!» — дедилар Жаноб Расулulloҳ». Ибн Умар бир одам ўрnidан туриб жой берса, унга бориб ўлтирмоқни ёқтирмас эрдилар.

33-боб. Саҳобаларидан ижозат сўрамай ўлтирган ўрnidан ёким уйдан туриб чиқиб кетган ёқуд одамлар чиқиб кетсайди, деган ўй билан ўрnidан турмоққа чоғланган киши ҳақида

(Бу ерда 30-бобдаги ҳадис такроран келтқрилган).

34-боб. Тиззасини қучоқлаб ўлтирмоқ ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Каъба ҳовлисида мана бундай қилиб тиазаларини қучоқлаб ўлтирганларини кўрдим».

35-боб. Саҳобалари олдида ёнбошлаб ётган киши ҳақида

Хаббоб ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келсам, ёнбошлаб ётган эрканлар. «Оллоҳ таолога илтижо қилиб, менинг ҳақимга дуо қилмайсизми?» — деб эрдим, ўринларидан туриб ўлтирдилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакра оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга энг катта гуноҳи азимлар ҳақида айтайми?» — дедилар. Улар: «Ҳа, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: "Оллоҳ таолога ширк келтирмоқ ва онага оқлик қилмоқ (итоат қилмаслик)», — дедилар».

Мусаддад ривоят қиладилар: «Башир бизга юқоридаги ҳадисга ўхшаш қуйидаги ҳадисни айтди: «Жаноб Расулulloҳ ёнбошлаб ётган эрдилар, сўнг ўрниларидан туриб ўтирдиларда «Ғийбат қилмоқ ҳам гуноҳи азимлардандир» — деб Ҳа деб такрорлайвердилар, ҳатто биз: «Сукут қилсалар эрди!» — дедик».

36-боб. Бирор ҳожат туфайли ёким бирор мақсадни кўзлаб қадамини тезлаштирмақ хусусида

Уқба ибн Ҳарас: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрни ўқиб бўлгач, шошиб (тез юриб) уйга кириб кетдилар», — дейдилар.

37-боб. Чорпоя ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чорпоянинг ўртасига қараб намоз ўқир эрдилар. мен эрсам ул зот бирлан қибла оралиғида (чорпояда) ёнбошлаб ётар эрдим. Шунда ўрнимдан туриб ҳожатга чиқмоқни макруҳ ҳисоблаб, чорпоядан секингина сирғалиб тушиб кетар эрдим».

38-боб. Жаноб Расулulloҳга тўшак солган киши ҳақида

Абу қилоба ривоят қиладилар: «Отанг Зайд бирлан бирга, — дедилар Абулмулайх, — Абдуллоҳ ибн Амрнинг ҳузурига кириб эрдик у бизга: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг қандай рўза тутмоғимдан хабар топиб олдимга кирдилар», — деди. «Мен Жаноб Расулulloҳга тўшак солиб эрдим, — деб гапида давом этди Абдуллоҳ ибн Амр, — ерга ўлтирдилар, тўшак эрса иккаламизнинг ўртамизда қолди. Жаноб Расулulloҳ: «Сенга ҳар ойда уч кун рўза тутмоқ кифоя қилмағайми?» — дедилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, бу оздир», — дедим. «Бўлмаса, беш кун», — дедилар. Мен: «Бу ҳам оздир», — дедим. «Бўлмаса, етти кун», — дедилар. Мен «Бу ҳам оздир», — дедим. «Бўлмаса, тўққиз кун», — дедилар. Мен: «Бу ҳам оздир», — дедим. «Бўлмаса ўн кун», — дедилар. Мен: «Бу ҳам оздир», — дедим. Шунда ул зот: «Довуд алайҳиссаломнинг тутган рўзаларидан афзал рўза йўқдир, ул ярим умрга тенгдир. Бир кун рўза тутгил, бир кун оғзинг очиқ бўлсин!» — дедилар». Иброҳим разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Алқама Шомга келгач, масжидга бориб икки рақъат намоз ўқиди, сўнг: «Ё парвардигоро, менга бир ҳамнишин дўст ато қилғил!» — деб илтижо қилдида, Абуддардоънинг ёнига (бориб ўлтирди. Кейин, ундан: «Қаерликсан?» — деб сўради. Абуддардоъ: «Куфаликман», — деди. Алқама: «Ҳеч ким билмайдирган сирдан воқиф киши, яъни Ҳузайфа сизларда эрмасми?! Ёким. Оллоҳ таоло ўз расули орқали шайтоннинг домидан қутқариб қолган киши, яъни Аммор сизларда эрмасми ёким. тўғрироғи бўлган эрмасми?! Ёким, Жаноб Расулulloҳнинг мисвоклари бирлан ёстиқларини кўтариб юрадирган киши, яъни Ибн Масъуд сизларда эрмасми?! Абдуллоҳ (ибн Масъуд) «Вал-лайли изо йағшо» ни қандай қироат қилар эрди!» — деди. Абуддардоъ: «Ваз-Зақари валунсо» ничи! Мен талай вақтгача унинг буларни тўғри қироат қилаётганига шубҳаланиб юрардим, аммо Жаноб Расулulloҳдан эшитганимдан сўнг қаноат ҳосил қилдим». — деди».

39-боб. Жумъа намозидан кейинги қайлула ҳақида

Саҳл ибн Саъд: Биз жумъа намозидан сўнг қайлула ҳамда тушлик қилар эрдик», — дейдилар.

40-боб. Масжидда қайлула қилмоқ хусусида

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али учун Абу Туроб» деган исм (лақаб)дан кўра яхшироқ исм йўқ эрди. Агар уни шу исм бирлан атаб чақирсалар, жуда хурсанд бўлиб кетар эрди. (Унга «Абу Туроб» деган лақабнинг қўйилиш тарихи қўйидагича): бир куни Жаноб Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотимани кўргани келиб, кувлари бўлмиш Ҳазрат Алини уйдан топмадилар. Фотимага: «Амакиннинг ўғли (яъни, эринг) қаерда?» — дедилар. У: «Орамиздан бир гап ўтиб эрди. Мендан аразлаб чиқиб кетдилар, уйда тунаганлари ҳам йўқ», — деди. Жаноб Расулulloҳ бир кишига уни излаб топмоқни амр қилдилар. У қайтиб келиб: «Ё Расулаллоҳ, Ҳазрат Али масжидда эрканлар», — деди. Жаноб Расулulloҳ масжидга бориб эрдилар, Ҳазрат Али ёнбошлаб ётган эрканлар, ридолари елкаларидан тушиб кетган. ҳаммаёқлари туфроқ. Жаноб Расулulloҳ туфроқни қоқиб ташлаётиб: «Ё Абу Туроб, турғил ўрнингдан, ё Абу Туроб, турғил ўрнингдан!» — дедилар» («Абу Туроб» — «Ҳаммаёғи туфроқ»).

41-боб. Бир қавмни кўргани бориб, ўша ерда қайлула қилган киши ҳақида

Анас ривоят қиладилар: «Умму Сулайм Жаноб Расулulloҳга палос тўшаб берар, ул зот қайлула қилар эрдилар. Жаноб Расулulloҳ ухлаб қолсалар, у кишининг кокиллари ва сочларидан олиб хушбўйликларга қўшиб бир шиша идишга солиб қўяр эрди».

Анас ибн Молик вафоти олдидан: «Жасадимга ўша хушбўйликдан сепинглар!» — деб васият қилди, кейин унга ўша хушбўйликдан сепдилар», — дейдилар Сумома разияллоҳу анҳу.

Абдуллоҳ ибн Абу Талза Аназдан бундай деб эшитган эрканлар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Қубоъга (Ҳижозда) борсалар, Умму Ҳаром бинти Милҳоннинг уйига кирар эрдилар, у меҳмон қилар эрди. Бу аёл Ибн Сомитнинг хотини бўлиб, бир куни Жаноб Расулulloҳ унинг уйига кириб келдилар, у одатдагидек меҳмон қилди. Кейин, ул зот ухлаб қолдилар, сўнг уйғониб кулиб қўйдилар. Шунда аёл: «Ё Расулаллоҳ, кулгингизнинг боиси недир?» — деди. Жаноб Расулulloҳ «Бир гуруҳ умматларимнинг Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилмоқ учун кемага чиқиб олиб тахтда ўлтирган подшоҳлардек («Ёким подшоҳлар каби», — дейди Исҳоқ) денгизда сузиб кетаётганлари хобимда менга аён қилинди», — дедилар. Аёл: «Дуо қилинг, мен ҳам ўшалар жумласидан бўлайин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ дуо қилдиларда, бошларини ёстиққа қўйиб, ухлаб қолдилар. Кейин, уйғониб яна кулиб қўйдилар. Аёл: «Ё Расулаллоҳ, не боисдин кулаётирсиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ яна: «Бир гуруҳ умматларимнинг Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилмоқ учун кемага чиқиб олиб тахт узра ўлтирган подшоҳлардек (ёким подшоҳлар каби) денгизда сузиб кетаётганлари хобимда менга аён қилинди», — дедилар. Аёл: «Дуо қилинг, мен ҳам ўшалар жумласидан бўлайин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сен биринчи бўлиб ғазот қилғувчилардансен!» — дедилар. Кейин, ўша аёл Муовия замонида кемага чиқиб ғазатга борди ва қуруқликка тушгач, туясидан йиқилиб ҳалок бўлди».

42-боб. Қандай хоҳласа, шундай ўлтирмоқ ҳақида

Абу Саъид Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам икки кўринишда кийинмоқни ва икки тарзда савдо-сотик (муломаса ва мунобаза) қилмоқни манъ қилдилар. Икки кўринишда кийинмоқ — бу (қўйлак киймаган ҳолда) бир елкасини мато бирлан ўраб. Иккинчи елкасини очиб юрмоқлик ҳамда биргина қўйлакда авратини очиб ўлтирмоқликдир».

43-боб. Юрагидаги сирни кўпчиликка эшиттирмай, астагина бировга айтган одам

ҳақида ҳамда дўстининг сирини у вафот этгандан кейингина ошкор қилган шахс хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз — Жаноб Расулуллоҳнинг барча жуфти ҳалоллари ул зотнинг ҳузурида эрдик бирортамиз ҳам ташқарида эрмас эрдик. Шул вақт Фотима алайҳоссалом келиб қолди. Оллоҳ таоло ҳақи, унинг қадам ташлаши бирлан Жаноб Расулуллоҳнинг қадам ташлашлари шу қадар ўхшаш эрдик, сира фарқлаб бўлмас эрди! Жаноб Расулуллоҳ уни кўргач: «Марҳабо, эй қизим! — деб олқишлаб қаршиладилар. Сўнг, ўнг ёким чап ёнларига ўтқазиб, унга оҳиста бир сир айтиб эрдилар, у ҳўнграб йиғлаб юборди. Жаноб Расулуллоҳ унинг қайғуга тушиб қолганини кўриб, яна бир гап айтдилар. Бу сафар у кулиб юборди. Шунда мен унга: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг сирдош хотинлариман ул зот биз — хотинларига айтмаган сирни сенга айтдилар, сен йиғлаб юбординг», — дедим. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ туриб чиқиб кетганларидан кейин: «Сенга қандай сир айтдилар?» — деб сўрадим. Фотима: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сирларини ошкор қилмоқни Истамайман!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ вафот қилганларидан кейин мен унга: «Сенга ҳаддим сиққани учун яна ўша гапни сўрамоққа жазм қилдим», — дедим. «Маъли, энди айтаман, — деди Фотима, — Жаноб Расулуллоҳ дастлаб: «Ҳазрат Жаброил менга Қуръонни ҳар йили бир марта ваҳий қилар эрдилар, энди бўлса йилига икки марта ваҳий қилмоқдалар. Шу боисдан Ҳам ажалим яқинлашган, деб ўйлайман. Оллоҳ таолодан тақво қилгил, сабру тоқатли бўлғил, менинг сенга олдиндан айтадирган энг яхши насиҳатим шудир!» — деган эрдилар, шунда мен ўзингиз кўрганингиздек йиғлаб юборган эрдим. Кейин эрса, менинг хафа бўлиб қолганимки кўриб: «Ё Фотима, мўмина аёлларнинг саййидаси ёким мана шу уммат аёлларининг саййидаси бўлмоқни истайсанми?» — деб айтган эрдилар».

44-боб. Чалқанча ётмоқ ҳақида

Аббос ибн Тамим амакиларидан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидда чалқанча оёқларини чалиштириб ётганларини кўрдим»

45-боб. Уч киши бор жойда икки киши учинчи кишидан беркитиқча ўзаро суқбатлашмаслиги лозим!

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Мужода» сураси): «Ё аййухал-лазийна омануу, изо таножайтум фало татано-жуу бил-исми валудвони ва маъсийатир-расуули ва таножуу бил-бирри ваттақво ваттақуул-лоқаллазий илайҳи тухша-руун, иннамон-нажво минаш-шайтони ли-йаҳзуналлазийна омануу ва лайса би-дорриҳим шайъан илло би-изниллоҳи ва алаллоҳи фал-йатаваккалил-муъминууна». Мазмуни: «Эй мўминлар, қачон ўзаро махфий сўзлашсангизлар, гуноҳ ва хаддан ошмоқ ва пайғамбарга итоатсизлик хусусида махфий сўзлашманглар, балким яхшилик ва тақво хусусида махфий сўзлашингизлар, ўзингиз ҳузурига йиғиладирган Оллоҳдин кўрқингизлар! Дарҳақиқат, махфий сўзлашмоқ мўминларни хафа қилмоқ учун шайтондин содир бўладирган қилмишдир Аммо у мўминларга Оллоҳнинг изнисиз ҳеч қандай зарар етказа олмас, мўминлар Оллоҳга таваккал қилсинлар!» Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Мужода» сураси) «Ё аййухал-лазийна омануу, изо ножайтумур-расуула, фа-қаддимуу байна йадай нажвокум садақатан, золика хайрун лакум ва атҳару, фа-ин лам тажидуу, фа-иннал-лоҳи гафурун раҳиймун, а ашфактум ан туқаддимуу байн йадай нажвокум садақотин, фа-из лам тафъалуу ва тобал лоҳу алайкум, фа-ақиймууссалота ва отууз-закота ва атийъууллоҳа ва расуулах, валлоҳу хабийрун би-мо таъмалуун». Мазмуни: «Эй мўминлар, қачон сизлар пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга махфий сўз қилмоқчи бўлсангизлар, махфий сўзларингиздин аввал садақа

беринглар, бу нарса сизлар учун яхшироқ ва покизароқдур, ва агар (садақа қилмакка бирор нарса) топмасангизлар, ул ҳолда Оллоҳ мағфиратли меҳрибон. Башарти, махфий сўзларингиздин аввал (молингизга) ачиниб садақа бера олмаган бўлсангизлару, Оллоҳ сизларнинг бу қилмишингизни афв этса, у ҳолда намоз ўқиб, закот берингизлар, Оллоҳ ва унинг расулига итоат қилинглр, Оллоҳ ҳамма ишларингиздан хабардордир!»

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч киши бор жойда икки киши учинчи кишидан беркитиқча ўзаро суҳбатлашмасин!» — дедилар.

46-боб. Сир сақламоқ ҳақида

Анас ибн Молик: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салам менга бир сир айтиб эрдилар, уни ҳеч кимга қилмадим, ҳатто Умну Сулайм сўраганда ҳам айтмадим», — дейдилар.

47-боб. Уч кишидан кўп одам бор жойда икки кишининг беркитиқча ўзаро суҳбатлашмоғи мумкин!

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар уч киши турган бўлсангиз, учинчи одамни ҳам суҳбатингизга жалб қилмагунингизча, иккинги ўзаро хуфия суҳбатлашмангиз, башарти шундай қилмасангиз, суҳбатингиздан четда қолган одам хавотир олиб, хафа бўлиб қолғайдир!» — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: "Бир куни Жаноб Расулуллоҳ ўлжаларни тақсимладилар. Шунда одамлардан бири: «Адолат бирлан тақсим қилинмади!» — деб нолиди. Мен:Оллоҳ таоло ҳақи, бу гапни Жаноб Расулуллоҳга етказгумдир!» — дедимда, йўлга равона бўлдим. Борсам, Жаноб Расулуллоҳ бир гуруҳ одамлар даврасида ўлтирган эрканлар, секингина қулоқларига айтдим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ ниҳоятда ғазабландилар, ҳатто юзлари қизариб кетди. Сўнг: «Оллоҳ таоло раҳмат қилсин Мусони, ул кишига бундан ҳам кўпроқ озор беришганда сабр қилган эрдилар!» — дедилар».

48-боб. Узундан-узоқ хуфия гап ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Намозга такбир айтилди, шу пайт бир одам Жаноб Расулуллоҳга узундан-узоқ қандайдир хуфия гапни айта бошлади, ҳатто саҳобалар ухлаб қолишди. Жаноб Расулуллоҳ унинг гапи тугагач, туриб намоз ўқидилар».

49-боб. Уйдаги оловни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ухламаслик лозим!

Солим оталаридан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ухлаётганларингизда уйлариңиздаги оловни ўз ҳолига ташлаб қўймангиз!» — дедилар».

Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мадинадаги уйлардан бири одамлари бирлан ёпиб кетди. Бу ҳақда Жаноб Расулуллоҳга айтиб эрдилар, ул зот: «Бу — олов деган нарса, сизларнинг душманинғиздир. Уйқуга ётмоғингиздин аввал уни ўчириб қўйингиз! — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Идишларнинг оғзини ёпиб, эшикларни тамбалаб ва чироқларни бирлан ўчириб

ётинглар, чунким кичкина бир сабаб пиликдан (бошқа нарсаларга) ўт туташиб, бутун уй одамлари бирлан ёпиб кетмоғи мумкиндир!» — дедилар»

50-боб. Кечаси эшнкларни тамбалаб қўймоқ ҳақида

Жобир (ибн Абдуллоҳ) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кечаси уйқуга ётмоқчи бўлсангиз, аввал чироқларни ўчириб, эшикларни тамбалаб, сув идишлари ва овқатлар устини беркитиб қўйингиз!» — дедилар».

Ҳамом: «(Эшикларни) бир чўп бирлан (тираб) бўлса ҳам ёпиб қўйингиз, деб айтдилар шекилли», — дейдилар.

51-боб. Катта бўлгач, хатна қилмоқ ва қўлтиқ юнгини юлмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бешта суннат мавжуд: хатна қилмоқ жинсий аъзолар юнгини қирмоқ, қўлтиқ юнгини юлмоқ, мўйлабни калта қилиб қирқмоқ ва тирноқларни олмоқ», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Иброҳим алайҳиссалом саксон ёшга кирганларидан сўнг хатна қилинган эрдилар, хатна қилишда ёғоч йўнадирган асбобдан фойдаланилган эрди», — дедилар». Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Ибн Аббосдан: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида неча ёшда эрдинг?» — деб сўрашди. Ибн Аббос: «Хатна қилинган вақтим эрди», — деб жавоб қилди. Ўша вақтларда бола балоғатга етмагунча хатна қилинмас эрди».

Ибн Идрис: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот етганларида Ибн Аббос хатна қилинган бола эрди», — дейдилар.

52-боб. Оллоҳ таолога тоат-ибодат қилмоққа ҳалал берадирган, кишининг вақтини ўғирлайдирган ҳар қандай кўнгилочар ўйин макруҳдир ҳамда ўртоғига: «Кел, бир қимор ўйнайлик!» — дейдирганлар ярамас одамлардир!

Оллоҳ таолонинг қавли («Луқмон» сураси): «Ва минан носи ман йаштариий лаҳвал-ҳадийси ли-йўзилла ан сабий лил-иоқ». Мазмуни: "Тоат-ибодатдин чалғитадирган беҳуда нарсаларни сотиб олғувчи одамлар Оллоҳнинг йўлидин оздирилсин!»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан кимки алузза ва ал-Лот ҳақи деб қасам ичса дарҳол, ло илоҳа иллalloҳу деб айтсин! , Ва кимки ўртоғига: «Кел, бир қимор ўйнайлик!» — деса, садақа берсин!» — дедилар» (Алузза ва Ал-Лот — маъбудалар).

53-боб. Иморат қурмок ҳақидаги ҳадислар ҳақида

Ибн Умар Саъидга: «Ёмғир ва офтобдан сақлағай деб расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга уй қурганимни кўргансан, Оллоҳ бандаларидан бирортаси менга ёрдам бермаган», — деган эрканлар.

Ибн Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи, Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот қилганларидан бери битта ҳам ғишт термадим ва битта ҳам хурмо экмадим», — деган эрканлар.

Суфён ривоят қиладилар: «(Ибн Умарнинг) хонадонидагилардан баъзиларига (Ибн Умарнинг) айтганини эслатиб эрдим. Улар Оллоҳ ҳақи, у уй қурган эрди!» — дейишди. Мен: «Эҳтимол, у бу гапни уй қурмасидан илгари айтгандир?» — дедим».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ДУОЛАР КИТОБИ

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Муъмин» сураси): Удъуу-ний, астажиб лакум! Иннал-лазийна йастакбирууна ан ибодатий сайадхулууна жаҳанҳама дохирийна». Мазмуни: «Сизлар менга дуо қилинглар, мен дуоларингизни қабул қилурман! Дарҳақиқат, менинг ибодатимдан бош тортувчилар тез кунда хор бўлиб, жаҳаннамга тушгайлар». Ҳар бир пайғамбарнинг ўз мустажоб дуоси бор. Бу ҳақда у Ҳурайра: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Ҳар бир пайғамбарнинг (айтса, мустажоб бўладирган дуоси бор. Мен ўз дуомни қиёмат куни умматимга шафоат қилмоғим учун асраб қўймоқчиман» — деб айтдилар», — дейдилар».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг (Оллоҳ таолога) айтса, мустажоб бўладирган илтимоси (дуоси, деб айтган ўлишлари ҳам мумкин) бўлади, мен ўз дуомни Қиёмат куни Уматимга шафоат қилмоғим учун олиб қўйдим», — дедилар».

1-боб. Энг афзал истиғфор ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Нух» сураси): «Истағфируу раббакум, иннаҳу кона ғаффоран йурсилиссамоа алайкум мидрорин ва йумдидкум би-амволин ва банийна ва йажъал-лакум жаннотин ва йажъал-лакум анҳоран». Мазмуни: Мағфират талаб қилинглар раббингиздан, албатта ул мағфират қилғувчидир, юборур осмондан сизларга пайдарпай ёғинни ва мадад берур сизларга моллар ва ўғиллар ила ва ато қилур сизларга боғларни ва оқизиб берур сизларга дарёларни».

Оллоҳ таолонинг қавли («Оли Имрон» сураси). Мазмуни: «Ва ул одамларки, қачон бирор гуноҳи фаҳш қилсалар ёким ўзларига ўзлари зулм этсалар, Оллоҳ таолони ёд этиб, ундан гуноҳларини мағфират қилмоқни сўрарлар. Гуноҳларни Оллоҳ таолодин бошқа ким мағфират этгай?! Улар (илгариги) қилмишларининг (гуноҳ зрканлигии) билиб туриб, энди бундай қилмайдилар».

Шаддод ибн Авс разияллоҳу анҳу Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ривоят қиладилар: «Ул зот бундай дедилар: «Истиғфорнинг саййиди (зўри) — «Оллоҳумма анта раббий, ло илоҳа илло анта халақтаний ва ано абдука ва ано ало аҳдика ва ваъдика, мостатаъту аъузу бика мин шаррин мо санаъту, абууъу лака биниъматика алаййа ва абууъу би-занбий фағфир лий фа-иннаҳу ло йағфиру-з-зунууба илло анта». Мазмуни: Ё парвардигоро, сен раббимдурсен, мени ўзинг яратгандурсен, мен сенинг бандангдурмен, мен сенга берган аҳду ваъдамда турибдурмен. (Аммо) қилиб қўйган гуноҳ ишларим ёмонлигидин (ўз вақтида) сендин паноҳ тилай олмадим. Менга ато этган неъматларингни эътироф қилиб, сенга шукроналар айтурман ва гуноҳларимни тан олурмен. Мени мағфират қилғил, сендан бўлак гуноҳларни мағфират қилғувчи зот йўқдир!" Жаноб Расулulloҳ яна бундай дедилар: «Кимки кундузи ихлос қилиб шундай деса-ю, кеч киргунча вафот этиб қолса жаннат аҳлидан бўлғай ва кимки тунда ихлос қилиб шундай деса-ю, тонг отгунча вафот этиб қолса, у ҳам жаннат аҳлидан булғай».

2-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кечаю-кундуз истиғфор айтишлари ҳақида

Абу Ҳурайра: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен Оллоҳ таолога ҳар куни етмиш мартадин зиёд истиғфор айтиб, тавба қилурмен! деганларини эшитдим», — дейдилар.

3-боб. Тавба ҳақида

Қатода: Оллоҳ таолога астойдил тавба қилинлар, астойдил тавба қабул бўлғусидир» — дейдилар.

Ҳорис ибн Сувайд ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд бизга иккита ҳадис айтиб берди, бирини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилди, иккинчиси эрса ўзига нисбат берди) «Мўмин одам ўз гуноҳини қулаб тушай деб турган тоғ этагида ўлтиргандек ҳис қилғайдир, разил одам эрса, ўз гуноҳини бурнининг устидан учиб ўтган бир пашша каби билғайдир». «Оллоҳ таоло бандаси тавба қилганда еб-ичгуликларини туясига ортиб олиб, бир хатарнок ерга борганда тушиб бошини қийиб ухлаб қолган ҳамда уйғонганида туяси қочиб кетиб, еб-ичгуликсиз қолганини фаҳмлагач, яна ётиб ухлаган, сўнг уйғонганида туясининг қайтиб келганини кўриб хурсанд бўлиб кетган одамдан кўра зиёдроқ мамнун бўлғайдир!».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло бандаси тавба қилганда бирортангиз туянгизни саҳрода йўқотиб қўйиб, сўнг топиб олганингизда хурсанд бўлганингиздан кўра зиёдроқ мамнун бўлғайдир!» — дедилар».

4-боб. Ўнг томони бирлан ёнбошламоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда ўн бир ракъат намоз ўқир эрдилар, тонг отгач, енгилгина икки ракъат намоз ўқиб, муаззин қилиб азон айтгунча ўнг томонларини босиб ёнбошлар эрдилар».

5-боб Таҳорат олиб ўринга ётгач...

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Агар ўринга ётмоқчи эрсанг, аввал намозга олгандек таҳорат олғил, сўнг ўнг қўлингни босиб ётғилда, «Оллоҳумма асламту нафсий илайка на фавваэту амрий илайка ва алжаъту захрий илайка раҳбатан ва рағбатаи илайка, ло малжаъа ва ло манжо минка илло илайка. Оманту бикитобикаллазий акзалта ва биий арсалта», — дегил, агар вафот этиб қолсанг, иймон бирла вафот қилган бўлурсен. Бу дуони энг сўнггида айтгил!» — дедилар. Мен: «Бўпти, эслаб қоламан, би-расуликаллазий арсалта» — деб эрдим, Жаноб Расулуллоҳ: «Йўқ, ундай эрмас, би-набиййикаллазий арсалта», — дедилар». Дуонинг мазмуни: «Илоҳи, ўзимни ҳам, кори-боримни ҳам ўзингга топширдим, азобингдан қўрқиб ва савобингдан умид қилиб сенга суяндим, сенинг нажотингдан ўзга нажот йўқдир, сенинг паноҳингдан ўзга паноҳ йўқдир. (Илоҳи), нозил қилган Китобингга ишондим ва юборган пайғамбарингга иймон келтирдим».

6-боб. Ухламоқчи бўлганда не демоқ даркор?

Ҳузайфа бундай дейдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларига ётганларида: «Сенинг номингни айтиб ўлғаймен ва тирилғаймен!» — дер эрдилар. Ўринларидан турганларида эрса: «Бизни ўлдиргандан сўнг қайта тирилтирган Оллоҳга шукр. (Қабрдан) чиқарилиб, унинг даргоҳига қайта тирилиб борғаймиз!» — дер эрдилар. (Жаноб Расулуллоҳ ўлимни уйқуга, уйқуни ўлимга қиёслаптилар)».

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамга буюриб (ёким васият қилиб): «Агар уйқуга кетмоқчи эрсанг, Оллоҳумма асламту нафсий илайка ва фавваэту амрий илайка ва важжаҳту важҳий илайка ва алжаъту захрий илайка рағбатан ва раҳбатан илайка, ло малжаъа ва ло манжо минка илло илайка, оманту би-китобикаллазий анзалта ва би-набиййикаллазий арсалта, деб айтғил. Агар вафот этиб қолсанг, комил иймон бирла вафот отган бўлурсен», — дедилар». Дуонинг мазмуни: илоҳи, ўзимни ҳам, кори-боримни ҳам ўзингга топширдим, савобингдан умид қилиб ва азобингдан қўрқиб сенга юзимни қаратдим, сенга суяндим, сенинг нажотингдан ўзга нажот йўқдир, сенинг паноҳингдан ўзга паноҳ йўқдир. (Илоҳи), нозил қилган Китобингга ишондим ва юборган пайғамбарингга иймон келтирдим».

7-боб. Ўнг қўлни ўнг ёноқ остига қўйиб ётмоқ ҳақида

Хузайфа ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси ухламоқчи бўлсалар (ўнг) қўллари (ўнг) ёноқларининг остига қўйиб ётар эрдиларда, «Ё парвардмгоро, сенинг номингни айтиб ўлгаймен ва тирилғаймен!» — дер эрдилар, уйғонганларида эрса, «Бизни ўлдиргандан сўнг қайта тирилтирган Оллоҳга шукр, унинг даргоҳига қайта тирилиб борғаймиз!» — дер эрдилар».

8-боб. Ўнг ёни бирлан ётиб ухламоқ ҳақида

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ухламоқчи бўлсалар, ўнг ёнлари бирлан ётиб, сўнг: «Илоҳи, ўзимни ҳам, кори-боримни ҳам ўзингга топширдим, савобингдан умид қилиб ва азобингдан қўрқиб сенга юзимни қаратдим, сенга суяндим, сенинг нажотингдан ўзга нажот йўқдир, сенинг паноҳингдан ўзга паноҳ йўқдир. (Илоҳи), нозил қилган Китобингга ишондим ва юборган пайғамбарингга иймон келтирдим», — дер эрдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Кимки шундай дегач, ўша кечаси вафот этиб қолса, комил иймон бирлан вафот этгай», — деб ҳам айтганлар».

9-боб. Кечаси уйғонганда ўқиладирган дуо ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Холам Маймунаникида тунаб қолдим, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб қазои ҳожатга чиқдилар, сўнг келиб юз-қўллари ювиб уйқуга ётдилар. Кейин, туриб мешнинг оғзини ечдиларда, енгилгина таҳорат олиб намоз ўқий бошладилар. Мен ҳам ўрнимдан турдимда, кўриб колмасинлар деб биқиниб бориб таҳорат олдим. Сўнг, чап ёнларига келиб турган эрдим, қулоғимдан ушлаб ўнг ёнларига ўтказиб қўйдилар. Жаноб Расулulloҳ ўн уч ракъат ўқиб намозни тугатдилар, кейин ёнбошлаб ухлаб қолдилар, ҳатто хуррак ҳам отдилар, ул зот ухласалар, одатда хуррак отар эрдилар. Сўнг, Билол намозга азон айтиб эрдилар, таҳорат олмай намоз ўқидилар. Жаноб Расулulloҳ дуо ўқиб, бундай дердилар: «Оллоҳумма-жъал фи қалбий нуран ва фи басарий нуран ва фи самъий нуран ва ан йамийний нуран ва ан йасорий нуран ва фавқий нуран ва таҳтий нуран ва амомий нуран ва халфий нуран ва-жъал лий нуран». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, қалбимни мунаввар қилғил, кўзу қулоқларимга нур ато қилғил, ўнгу сўлимни, тепаи пастимни олду ортимни ҳамда ўзимни ҳам нурафшон қилғил!».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда уйғонсалар, таҳажжуд қилиб: «Оллоҳумма лакал-ҳамду, анта нуру-ссамавати вал-арзи ва мак фийқинна ва лака-л-ҳамду, анта қаййиму-ссамавати ва-л-арзи ва ман фийҳинна ва лака-л-ҳамду, анта-л-

ҳаққу ва ваъдука ҳаққун ва қавлука ҳаққун ва ликоука ҳаққун «ва-л-жаннату ҳаққун ва-н-нору ҳаққун ва-с-соъату ҳаққун ван~набиййууна ҳаққун ва Муҳаммадун ҳаққун, Оллоҳумма лака асламту ва алайка таваккалту ва бика оманту ва илайка, анабту ва бика хосамту ва илайка ҳоҳамту, фағфирлий мо қаддамту ва мо аххарту ва мо асрарту ва мо аъланту, анта-л-муқаддаму ва анта-л-муаххару, ло илоҳа илло анта ав ло илоҳа ғайрука», — деб дуо ўқир эрдилар». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, жамики мақтовлар сенга хосдир! Еру осмонлар ва ундаги борликнинг ёруғлиги сендандир, жамики мақтовлар сенга хосдир! Сен еру осмонларнинг ва ундаги борликнинг яратувчиси ва бошқариб турувчисидирсен, жамики мақтовлар сенга хосдир! Сен ҳақдирсен, ваъданг ҳам ҳақдир, сўзинг ҳам ҳақдир, охиратда сени кўрмоқ ҳам ҳақдир, жаннат ҳам ҳақдир, дўзах ҳам ҳақдир, қиёмат ҳам ҳақдир. Жамики пайғамбарлар ҳам ҳақдир, Муҳаммад ҳам ҳақдир. Ё парвардигоро, сенга бўйсундим ва сенга таваккал қилдим, сенга иймон келтирдим ва дилдан сенга тавба қилдим, сени деб (душманларинг бирлан) курашдим, уларга ўзинг жазо берғайсен, ўтган ва келгуси гуноҳларимни, хуфёна ва ошкора хатоларимни ўзинг кечирғил, сен якка-ю ягонадирсен, сендан бўлак илоҳ йўқдир!».

10-боб. Уйқудан олдин такбир ва тасбиҳ айтмоқ ҳақида

Али (ибн Абу Толиб) ривоят қиладилар: «Фотима алайҳоссалом ёрғучоқнинг қўлларини қавартириб бераётган азобидан шикоят қилиб ҳамда ўзларига бир хизматкор сўраш мақсадида Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб эрдилар, ул зотни топмадилар. Кейин, шу ҳақда Оишага тайинлаб айтдилар. Оиша Жаноб Расулulloҳ келганларида Фотиманинг илтимосларини етказдилар. Жаноб Расулulloҳ уйимизга (яъни, куёвлари Ҳазрат Алининг уйларига) келдилар, биз ухлаб ётган эрдик. Мен ўрнимдан турмоқчи бўлиб эрдим: «Қимирлама!» — дедилар. Сўнг, иккаламизнинг ўртамизга (кўрпанинг этак томонидан) кириб ўтирдилар, ҳатто мен кўкрагимга тегиб турган оёқларининг совқотиб кетганини ҳис қилдим. Кейин, бизга: «Бир хизматкорга эга бўлмоғингиздан кўра яхшироқ амални сизларга ўргатайми? Ўринга ётганингизда ўттиз уч марта «Оллоҳу акбар», ўттиз уч марта «Субҳоналлоҳ» ва ўттиз уч марта «Алҳамдулиллоҳ» деб айтингизлар, бу сизлар учун бир хизматкорга эга бўлмоғингиздан кўра яхшироқ бўлғайдир!» — дедилар». Шуъба (иккиланиб): Субҳоналлоҳ — ўттиз тўрт марта! - дейдилар.

11-боб. Уйқудан олдин икки «Қул аъузу» ни қироат қилмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларига ётганларида икки «Қул аъузу» ни қироат қилиб, қўлларига дам солар эрдиларда, баданларига суртар эрдилар».

12-боб.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар бирортангиз ўринга ётмоқчи эрсангиз, аввал изорингизнинг ички тарафи бирлан кўрпа-ёстиғингизни қоқиб ташлангиз, чунки у ерда нималар борлигини билмайсиз. Сўнг: «Ё раббий, сенинг исмингни айтиб (ўнг) ёнимни босиб ётдим, сенинг исмингни айтиб ўрнимдан турғумдир! Башарти, руҳимни (жонимни) олсанг, унга раҳмат қилғил, мободро олмасанг, барча солиҳ бандаларингнинг руҳини сақлаганингдек менинг руҳимни ҳам ҳимоя қилғил!» — деб айтингиз» — дедилар».

13-боб. Ярим кечада дуо ўқимоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Раббимиз таборак ва таоло ҳар кеча туннинг учдан бир қисми қолганда осмоннинг энг қуйи қаватига тушиб: «Кимки дуо ўқиб менга илтижо қилса. дуосини мустажоб қилгайман, кимки мендан тилак тиласа, тилагини бажо этгайман, кимки менга истиғфор айтса, кечиргайман!» — дейди», — дедилар».

14-боб. Ҳожатхонада дуо ўқимоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кирсалар, «Оллоҳумма инний аъузу бика мина-л-хубси ва-л-хабоиси» — дер эрдилар. Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, ифлослик (тубанлик) ва нопок қилмишлардан сендан паноҳ тилайман!» (Ушбу дуо китобда бошқачароқ талқин қилинган).

15-боб. Эрталаб уйқудан уйғонгач, нима демоқ лозим?

Шаддод ибн Авс ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Истиғфорнинг саййиди (зўри) — «Оллоҳумма анта раббий, ло илоҳа илло анта халақтаний ва ано абдука ва ано ало аҳдика ва ваъдика, мо-статаъту абууъу лака биниъматика ва абууъу лака бизанбий, фа-ғфир лий фа-иннаҳу ло йағфиру-з-зунууба илло анта, аъузу бика мин шаррин мо санаъту» бўлиб, уни ўқиб ётган одам тунда вафот этиб қолса, жаннатга киргайдир (ёким эрталаб туриб ўқиса-ю, кундузи вафот этиб қолса ҳам жаннати бўлгайдир)», — дедилар». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, сен раббимдурсен, мени ўзинг яратгандурсен, мен сенинг бандангдурмен, мен сенга берган аҳду ваъдамда турибдурмен. Аммо (ўз вақтида) менга ато этган неъматларингни эътироф қилиб, сенга шукроналар айта олмадим ва гуноҳларимни бўйнимга ололмадим, мени мағфират қилғил, сендан бўлак гуноҳларни мағфират қилғувчи зот йўқдир, қилган гуноҳларим ёмонлиғидан ўз паноҳингда асрағил!».

Ҳузайфа ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ухламоқчи бўлсалар, «Бисмика Оллоҳумма амууту ва аҳйо!» — дер эрдилар, уйғонганларида эрса, «Ал-Ҳамду лиллоҳи-л-лазий аҳйоно баъда мо амотано ва илайҳи-н-нушуур!» — дер эрдилар».

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда ўринларига ётсалар: «Оллоҳумма бисмика амууту ва аҳйо!» — дер эрдилар, уйғонганларида эрса, «Ал-Ҳамду лиллоҳи-л-лазий аҳйоно баъда мо амотано ва илайҳиннушуур!» — дер эрдилар». Дуоларнинг мазмуни: Ё раббий, сенинг исмингни айтиб ўлгайман ва тирилгайман!» ва «Бизни ўлдиргандан сўнг қайта тирилтирган Оллоҳга шукр, унинг даргоҳига қайта тирилиб боргаймиз!».

16-боб. Намозда ўқиладирган дуо ҳақида

Абу Бакр ас сиддиқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки, ул киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Намозимда ўқимоғим учун бир дуо ўргатингиз!» — деб илтимос қилибдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳумма инний заламту нафсий зулман касийран ва ло йағфиру-з-зунууба илло анта, фа-ғфир лий мағфиратан мин индика варҳамний, иннака антал-ғафууру-р-раҳийму» — деб айтғил!», — дебдилар. Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, дарҳақиқат мен (гуноҳ ишлар қилиб) ўзимга кўп зулм қилдим, гуноҳларни эрса сендан бўлак кечғувчи зот йўқдир, мени кечирғил, мағфиратингдан бенасиб қилмағил, менга раҳм қилғил, мағфиратли раҳмдил зот ўзинг эурсен!»

Оиша разияллоҳу анҳо: «Оллоҳ таолонинг: «Ва ло тажҳар бисалотика ва ло тухофит бихо!» — деган ояти каримаси дуо ҳақида нозил бўлгандир» — деб айтган эрканлар. Оятнинг мазмуни: «Намозингни баланд овоз бирлан ҳам, овоз чиқармай ҳам ўқиماғил!».

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Биз намозда Оллоҳга салом, фалончига салом, деб айтар эрдик. Бир куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бизга: «Оллоҳнинг ўзи Саломдир! Агар бирортангиз намозда ўлтирган бўлсангиз, «Аттаҳиййот» ни «ас-солиҳийн» деган жойигача ўқингиз, шундай қилсангиз, Оллоҳ таолонинг еру кўкдаги барча солиҳ бандаларига савоби теккайдир. Шундан кўнг: «Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳу ва-шҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу» — деб айтингиз, кейин ҳамду санолардан истаганингизни айтсангиз, бўлавереди», — дедилар».

17-боб. Намоздан сўнг ўқиладирган дуо ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Ё Расулаллоҳ, бойлар юқори мартабаларга ҳамда доимий неъматларга эга бўлдилар», — дейишди одамлар. Жаноб Расулаллоҳ: «Қандай қилиб?» — дедилар. Одамлар: «Бойлар биз каби намоз ўқишади, биз сингари жиҳод қилишади ва мол-дунёларидан садақалар беришади. Аммо, бизда эрса садақа қилғулик ҳеч вақо йўқдир», — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ: «Сизларга шундай бир ишни ўргатайки, уни қилиб ўзингиздан олдиндагиларга етиб олингиз, кетма-кет келаётганлардан эрса ўзиб кетингиз! Агар менинг айтганимни қилсангиз, сизга ҳеч ким тенглаша олмағай, фақат сиз қилган ишни қилганларгина тенглашмоғи мумкиндир. Ҳар намознинг сўнгида ўн марта «Субҳоналлоҳ», ўн марта Алҳамдулиллоҳ» ва ўн марта «Оллоҳу акбар» деб айтингиз!» — дедилар». Муғийра ибн Шуъбанинг мавлоси (озод қилинган қули) — Варрод ривоят қиладилар: «Муғийра разияллоҳу анҳу Муовия ибн Абу Суфёнга мактуб ёзиб, унда Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар намознинг сўнгида (икки елкаларига) салом берганларидан кейин: «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳамду ва ҳува ало кулли шайъин қадийр. Оллоҳумма ло мониъа лимо аътайта ва ло муътийа лимо манаъта вало йанфаъу зо-л-жадди минка-л-жадду» — деб айтишлари ҳақида хабар берди». Дуонинг мазмуни: «Оллоҳдан бошқа тангри йўқдир, унинг ёлғиз ўзигина мавжуддир, унинг Шериги йўқдир, жамики мулк уникидир, барча мақтовлар унга хосдир ва у ҳар бир нарсага қодирдир! Ё парвардигоро, ато қилмоқни истаган нарсанга монъелик қила оларсан ҳамда сен ато қилмоқни истамаган нарсани бераоладирган зот йўқдир, сенинг даргоҳингда мол-дунёга эга бўлганлар эрмас, балким сенга тоат-ибодат қилганлар обрў-эътибор қозонғайлар».

18-боб. Оллоҳ таолонинг «Уларга (ўзингдан бошқаларга Оллоҳдин) раҳмат тила!» деган қавли хусусида ҳамда ўзини қўйиб, биродарининг шаънига Оллоҳ таолодин раҳмат тилаб дуо қилган киши ҳақида

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё парвардигоро, Убайд Абу Омирнинг гуноҳини кечиргил, ё парвардигоро, Абдуллоҳ ибн Қайсининг гуноҳини кечирғил!» — деб дуо қилдилар».

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбарга бордик. Шунда одамлардан бири: «Ё Абу Омир, (ражаз вазнидаги) шеърларингдан бизга айтиб берсангчи!» — деб илтимос қилди. У туясидан тушиб: «Оллоҳ ҳақи. Оллоҳ бўлмаганда биз ҳидоят топмас эрдик!»-деб шеър айтди. Кейин, яна башқа шеърлар ҳам айтиб эрди, лекин менинг ёдимдан кўтарилибди. Жаноб Расулаллоҳ: «Бу туябон кимдир?»

— дедилар. «Омир ибн ал-Акваъ» — деб жавоб қилишди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло уни раҳмат қилсин!» — дедилар. Одамлардан бири: «Ё Расулаллоҳ, бизни ҳам дуо қилингиз!» — деди. Кейин, қавм саф тортиб, жангга кирди. Кеч киргач, одамлар кўплаб гулхан ёқишди, Жаноб Расулulloҳ буни кўриб: «Бу қандай ўт бўлди, нега ўт ёқмоқдалар?» — дедилар. Одамлар: «Хонаки эшакнинг гўштини пиширмақ учун», — деб айтишди. Жаноб Расулulloҳ: Қозонларни ағдариб, сўнг синдириб ташлангиз!» — дедилар. Бир киши: «Ё Расулаллоҳ, қозонларнинг ичидагини тўкиб, ювиб ташласак бўлмайдимиз?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ёким шундай қилингиз!» — дедилар».

Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор киши закот олиб келса «Ё парвардигоро, фалончининг аждод-авлодларини ёрлақайсан!» — дер эрдилар. Бир куни отам ҳам закот олиб келиб эрдилар: «Ё парвардигоро, Абу Авфонинг аждод-авлодларини ёрлақайсен» - дедилар .

Жарир ривоят қилидилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Мени Зулхулайсадан қутқармағаймисен?» — дедилар. (Зулхулайса «Ал-Каъба ал-Йамоний - деб ҳам аталиб, Қора Тошни ўраб қурилган тўртбурчак бинодан иборат бўлган. Қурайш қабиласи исломдан аввал ўшанга сиғинган. Кейин, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бутпарастлардан тозалаганлар). Мен: «Ё Расулаллоҳ, мен от устида маҳкам ўлтираолмайдирган бир одам бўлсам, қўлимдан нима ҳам келарди?! — дедим. Жаноб Расулulloҳ кўкрагимга нуқиб: «Ё парвардигоро, уни саботли ва ҳидоятли қилғилким, ўзгаларни ҳам ҳидоятга етакловчилардин қилсин!» — дедилар. Сўнг, мен эллик минглик энг жасур қавмдошларим бирлан Зулхулайсага бориб, ўт қўйдимда, қайтиб келиб Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ тало ҳақи, мен уни қўтир туяга ўхшатиб келдим!" — деб айтдим». Жаноб Расулulloҳ унинг жасоратига таҳсинлар айтиб, отлиқ шерикларининг ҳам ҳаққига дуо қилдилар», — дейдилар Имом Бухорий.

Анас Ибн Молик ривоят қиладилар: «Умму Сулайм Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Анас сизнинг хизматкорингиздир (яъни, уни сизнинг хизматингизга топширдим)», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё парвардигоро, уни бадавлат ва серфарзанд қилиб, унга ато этадирган неъматларингга барака берғайсен!» — деб дуо қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамни масжидда қироат қилаётганини эшитиб: «Оллоҳ таоло уни ярлақасин, у фалон ва фалон суралардаги ёдимдан чиққан оятларни эсимга солди!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлжаларни тақсимладилар. Шунда бир киши: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен бундай тақсимланганидан норозиман!» — деди. Мен Жаноб Расулulloҳни унинг бу гапидан хабардор қилиб эрдим, шу қадар ғазабландиларки, ҳатто буни мен юзларидан билиб олдим. Ул зот: «Оллоҳ таоло Мусони раҳмат қилсин, унга бундан ҳам оғирроқ озор беришганда, сабр қилган эрди!» — дедилар».

19-боб. Дуони сажъ билан (қофияли қилиб) айтмоқ макруҳдир!

Ибн Аббос бундай дейдилар: «Ҳар жумъада одамларга марта сўзлағил, агар бу ҳам десанг, икки марта ёким ўн бирлан уч марта сўзлағил. Одамларни Қуръондан бездириб қўймағил. Бориб-бориб улар зерикканларидан идингга келмай қўйишади. Лекин ўзлари хоҳлаб сенга юришса, гапиравер, лекин дуони сажъ бирлан айтишдан қочғил! Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан саҳобаларининг дуони сажъда айтмасликларини билурман».

20-боб. Оллоҳ таолодин қатъий ишонч бирлан сўрасин, у рад этмайди!

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз дуода тилак тиласангиз, қатъий ишонч бирлан тилайверингиз, «Ё парвардигоро, истасанг, менга (бирор неъмат) ато этгайсен!» — деб ноумидлик қилмангиз, дарҳақиқат, у рад этмағайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз: «Ё парвардигоро, истасанг, мени мағфират қилғил, ё парвардигоро, истасанг, менга раҳм қилғил!» — деб айтмангиз, ундан қатъият бирлан сўрайверингиз, дарҳақиқат, у рад этмағайдир!» — дедилар».

21-боб. Банда ошиқмаса, тилаги мустажоб бўлғайдир!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳдин дуода тилак тилаб эрдим, мустажоб бўлмади» — деб ошиқмасангиз, тилагингиз мустажоб бўлғайдир!» — дедилар.

22-боб. Дуода икки қўлни кўтариб (очиб) тилак қилмоқ ҳақида

Абу Мусо ал-Ашъарий: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам икки қўлларини кўтариб (очиб) дуо қилдилар, шунда мен қўлтиқларининг оппоқлигини кўрдим», — дейдилар.

Ибн Умар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам икки қўлларини кўтариб (очиб): «Ё парвардигоро, Холиднинг гуноҳларини кечиргайсен!» — дедилар».

Яҳё ибн Саъид ва Шарийк иккалалари Анас ибн Моликнинг: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб дуо қилдилар, ҳатто мен қўлтиқларининг оппоқлигини кўрдим» — деб айтганини эшитган эрканлар.

23-боб. Қиблага қарамай дуо қилмоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Жумъа куни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ваъз айтаётган эрдилар, бир одам ўрнидан туриб: «Ё Расулalloҳ, дуо қилиб Оллоҳ таолога илтижо қилингиз, бизга ёмғир берсин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ дуо қилиб эрдилар, осмонни булут босиб, шундай ёмғир қуйиб бердики, ҳатто уйларимизга аранг етиб олди. Ёмғир келаси жумъагача тинмади. Шунда ўша одам ёким бошқа бир одам ўрнидан туриб: «Ё Расулalloҳ, Оллоҳ таолодин сўрангиз, ёмғирни тўхтатсин, фарқ бўлаёздик-ку!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё парвардигоро, атрофимизга ёғдирғил, устимизга ёғдирмағил!» — деб дуо қилиб эрдилар, булутлар парчаланиб Мадина атрофига тарқалиб кетди, шаҳар аҳли устига ёғмади».

24-боб. Қиблага қараб дуо қилмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Зайд ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодин ёмғир сўрамоқ ниятида мана шу мусалло (намоз ўқийдирган жой)га чиқдилар, сўнг қиблага юзландиларда, ридоларини тузатиб олдилар».

25-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз хизматкорларини «Умринг узоқ бўлсин, бой-бадавлат бўлғил!» деб дуо қилганлари ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Менинг онам: Ё Расулаллоҳ, Анас сизга хизмат қилғай, унинг шаънига дуо қилинг!» — деб эрдилар, Жаноб Расулаллоҳ: «Ё парвардигоро, уни бой-бадавлат ва серфарзанд қилғайсен. Унга ато этадирган неъматларингга барака берғайсен!» — деб дуо қилдилар».

26-боб. Ғам-қайғу вақтида қилинадирган дуо ҳақида

Муслим ибн Иброҳим Ибн Аббосдаи нақл қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғам-қайғу вақтида: «Ло илоҳа иллаллоҳу-л-азийму-л-ҳалийму, ло илоҳа иллаллоҳу раббу-ссамавоти ва-л-арзи ва раббу-л-арши-л-азийми» — дер эрдилар». Дуонинг мазмуни: «Буюк ва сабр-тоқатли бўлмиш Оллоҳдин бўлак тангри йўқдир, еру осмонлар ҳамда буюк арш соҳиби бўлмиш Оллоҳдин бўлак тангри йўқдир!».

Мусаддан Ибн Аббосдан нақл қиладилар «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғам-қайғу вақтида: «Ло илоҳа иллаллоҳу-л-азийму-л-ҳалийму, ло илоҳа иллаллоҳу раб-бу-л-арши-л-азийми, ло илоҳа иллаллоҳу раббу-ссамавоти ва раббу-л-арзи ва раббу-л-арши-л-карийми», дер эрдилар». Дуонинг мазмуни: "Буюк ва сабр-тоқатли бўлмиш Оллоҳдин бўлак тангри йўқдир, буюк арш соҳиби бўлмиш Оллоҳдин бўлак тангри йўқдир, осмонлар соҳиби, ер соҳиби ҳамда саховатли арш соҳиби бўлмиш Оллоҳдин бўлак тангри машаққатидан паноҳ бер.

27-боб. Балолар ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам балолар машаққатидан, бошга бахтсизлик тушмоғидан, ёмон ўлим топмоқдан ва душманлар ичиқоралигидан паноҳ тилар эрдилар».

28-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ар-рафийқ ал-аъло!» деб дуо қилганлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам соғ вақтларида: «Ҳеч бир пайғамбарнинг жони, унинг жаннатдаги жойи кўрсатилмай туриб, билинмағайдир, унга шундай имконият берилғайдир», — дер эрдилар. Дард келгач, бошлари тиззам устида эрди, бир соатча беҳуш бўлиб ётдилар, сўнг ўзларига келиб, шифтга тиқилганча: «Оллоҳумма ар-рафийқ ал-аъло! («Парвардигоро, сен буюк дўстсен!»)» — дедилар. Мен: «Демак бизнинг (ҳузурларида бўлмоғимизни) ёқтирмаяптилар», — деб қўйдим. Билдимки, соғлик пайтларида бизга айтган гаплари шу эркан (яъни, ҳозир ўзлари айтганларидек. жаннатдаги жойлари кўрсатилаётган ҳолатдалар)». Оиша онамиз: «Оллоҳумма ар-рафийқ ал-аъло!» ул зотнинг энг сўнгги айтган сўзлари бўлди», — дейдилар.

29-боб. Ўлим ва ҳаётни орзулаб дуо айтмоқ ҳақида

Қайс ривоят қиладилар: «Хаббобнинг ҳузурига борсам, қорнини чангаллаганча: «Агар Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўлимни орзулаб дуо айтмоқни манъ қилмаганларида эрди, ўлимни орзулаб дуо айтган бўлур эрдим!» — деди».

Исмоил Қайсдан нақл қиладилар: «Мен Хаббобнинг ҳузурига борганимда қорнини

чангаллаганча: «Агар Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўлимни орзулаб дуо айтмоқни манъ қилмаганларида эрди, ўлимни орзулаб дуо айтган бўлур эрдим!» — деяётганини эшитдим».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Бирортангиз бошингизга тушган қандайдир кулфат туфайли ўзингизга ўлим тиламангиз, башарти ўлимни орзуламоғингиз зарур бўлиб қолса у ҳолда: «Ё парвардигоро, агар бундан буён яшамоғим менинг учун хайрли эрса, тирик қолдирғил, мободро ўлмоғим афзалроқ эрса, унда даргоҳингга чақирғил!» — деб айтсин!» — дедилар».

30-боб. Гўдакларга барака тилаб дуо қилмоқ ва бошини силамоқ ҳақида Абу Мусо: «Мен ўғил кўрган эрдим, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга барака тилаб дуо қилдилар», дейдилар.

Соиб ибн Язид ривоят қиладилар: «Холам мени Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб бордилар-да: «Ё Расулalloҳ, синглиминг ўғли бетоб бўлиб қолди», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ бошимни силадилар ва менга барака тилаб, дуо қилдилар. Сўнг, тоҳарат олдилар, таҳорат сувидан ичдим. Кейин, ортларига ўтиб турдим, шунда икки кураклари ўртасида келинчақлар чодирини тутмасидек (ёким, каклик тухумидек) Пайғамбарлик муҳрини кўрдим».

Саъид ибн Абу Айюб Абу Ақийлдан нақл қиладилар: «Ақийлнинг бобоси Абдуллоҳ ибн Ҳишом бозорга чиқиб, таом сотиб олар эрди. Йўлда уни Ибн Зубайр бирлан Ибн Умар учратиб: «Бизни шерик қилғил, чунким Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам сенга барака тилаб, дуо қилганлар!» — дейишар эрди. У иккаларини шерик қилар эрди. Шунда у туяси баробар фойда кўриб, уни уйга жўнатиб юборар эрди».

Ибн Шиҳоб: «Менга Маҳмуд ибн ар-Рабиъ хабар берди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг болалигида қудуқдан сув олиб, (табаррук қилиб қўйиш мақсадида) юзига пуркаган эрдилар», — дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига гўдакларни олиб келишар эрди, ул зот уларнинг ҳақиқага дуо қилар эрдилар. Бир куни гўдаклардан бири этакларига сийиб қўйди. Шунда сув олиб келтириб, сийдик теккан жой устидан қуйиб юбордилар, ювмадилар (чунким, бу ўғил бола эрди)».

Зухрий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Саълаба ибн Суъайрнинг (бошини) силаб, барака тилаганлар. У Саъд ибн Абу Ваққоснинг витр намозини бир ракъат ўқиб тугатганини кўрган».

31-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтмоқ ҳақида

Абдуллаҳмон ибн Абу Лайло ривоят қиладилар: «Каъб ибн Ужра мени учратиб бундай деди: «Сенга ҳадя берайми? яъни, сенга билмаган нарсангни айтайми? Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг ҳузуримизга «Ё Расулalloҳ, сизга қандай салом йўллаб, қандай салавот айтмоқни бизга ўргатингиз!» — деб эрдик Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳумма салли ало Муҳаммадин ва ало оли Муҳаммад камо саллайта ало оли Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд, Оллоҳумма борик ало Муҳаммадин ва ало оли Муҳаммад камо боракта ало оли Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд» — деб айтингиз», — дедилар» (Бу ерда аҳамо саллайта ало

Иброҳийма» бирлан «камо боракта ало Иброҳийма» тушиб қолган, ёким ўзи асли шундай). Салавотнинг мазмуни: «Ё парвардигаро, Ҳазрат Иброҳимнинг аждод-авлодларига салоту салом қилганинг каби, Жанобимиз Ҳазрат Муҳаммадга ва ул зотнинг аждод-авлодларига ҳам салату салом айла! Муҳаққақ, Сен ҳамид ва мажидсан! Ё парвардигаро, Ҳазрат Иброҳимнинг аждод-авлодларига баракотлар эҳсон этганинг каби, Жанобимиз Ҳазрат Муҳаммад ва ул зотнинг аждод-авлодларига ҳам баракотлар эҳсон айла! Муҳаққақ, Сен ҳамид ва мажидсан!».

32-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бўлак пайғамбарларга ҳам салавот айтиладими?

Оллоҳ таоло: «Ва салли алайҳим, инна салотака саканун лаҳум», — дейди. Мазмуни: «Уларга (бошқа пайғамбарларга) ҳам салавот айт, чунки сенинг салавотинг улар учун таскиндир».

Ибн Абу Авфо бундай дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бирор одам закот олиб келса: «Ё парвардигаро, унга салавот (раҳмат) қилгайсен!» — дер эрдилар».

Абу Ҳомид ас-Соъидий айтадиларки, улар ё Расулуллоҳ, сизга қандай салавот айтайлик?» — дейишибди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳумма салли ало Муҳаммадин ва азвожихи ва зуррийятихи, камо саллайта ало оли Иброҳийм ва борик ало Муҳаммадин ва азвожихи ва зуррийятихи камо боракта ало оли Иброҳийм, иннака ҳамийдун мажид», — деб айтингиз!» — дебдилар. Мазмуни: «Ё парвардигаро, Ҳазрат Иброҳимнинг аждод-авлодларига салоту салом қилганинг каби, Жанобимиз Ҳазрат Муҳаммадга ва ул зотнинг завжаи муҳтарамаларига ҳамда зурриётларига ҳам салоту салом айла ва Ҳазрат Иброҳимнинг аждод-авлодларига баракотлар эҳсон этганинг каби, Жанобимиз Ҳазрат Муҳаммадга ва ул зотнинг завжаи муҳтарамаларига ҳамда зурриётларига ҳам баракотлар эҳсон айла! Муҳаққақ Сен ҳамид ва мажидсан!» - дедилар.

33-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ё парвардигаро, мен кимга азият етказган эрсам, ўшал одамни (азиятим туфайли) закот тўлаган деб билгайман ва уни раҳматингга сазовор қилгайсан!» - деганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ё парвардигаро, мен қайси бир мўминни сўккан эрсам, ўшал одамни (сўкканим туфайли) киёмат куни ўзинга яқин қилгайсан!» — деб айтганларини эшитдим», — дейдилар.

34-боб. Фитналардан ўзига паноҳ тиламоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Одамлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга шу қадар эзмаланиб саволлар беришардики, ҳатто ул зот ғазабланиб минбарга чиқдиларида: «Бугун мендан илгари сизларга айтмаган нарсаларим ҳақидагина сўрангиз!» — дедилар. Мен ўнгга сўлимга қараб барча одамларнинг бошларини кийимлари бирлан ўраб олиб (юзларини кийимлари бирлан тўсиб олиб) хўнг-хўнг йиғлашаётганини кўрдим.. Ногоҳон, одамлар кўрганда отасининг номини атамай чақирадиган бир киши: «Ё Расулаллоҳ, менинг отам кимдир?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳузофадир» — деб жавоб қилдилар. Кейин, Ҳазрат Умар туриб, (хафа қилиб қўйдик деган ўй бирлан): «Оллоҳни раббимиз деб, исломни динимиз деб ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбаримиз деб тан олдик Оллоҳ таолодан бизни фитналардан асрамоғини илтижо қилгаймиз!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам: Бирваракайига яхшилик ҳам ёмонлик ҳам намоён бўлган бугунгидек кунни кўрмагандирмен! (Бугун менга) жаннат ҳам дўзах ҳам тасаввур қилинди, ҳатто мен уларни (анави) девор ортида кўрдим», — дедилар. Қатода ана шу ҳадисни айтганда «Ё аййуҳаллазийна омануу, ло тасъалуу ан ашйоъа, ин тубдалакум тасуъкум» деган ояти каримани эслар эрди».

Оятнинг мазмуни: («Ал-Моида» сураси): «Эй мўминлар, ранжиб қолишингизга (ёмон аҳволда қолишингизга) сабаб ўлмоғи маълум қилинган нарсалар ҳақида сўрамангизлар!».

35-боб. Одамлар қаҳридан (зўравонлигидан) паноҳ тиламоқ хусусида

Амр ибн Абу Амр — Мутталиб ибн Абдуллоҳнинг мавлоси (озод қилинган қули) ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Моликнинг бундай деганларини эшитдим: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳага: «Қулларингиздан бири бизга хизмат қилсин!» — деб илтимос қилдилар. Сўнг, Абу Талҳа мени уловига мингаштириб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб борди. Мен Жаноб Расулуллоҳ қаерда тушиб дам олсалар, ўша ерда хизматларини қилар эрдим. Мен ул зотнинг: «Ё парвардигоро, мени ғаму қайғудан, нотавонлик ва ялқовликдан, бахиллик ва қўрқоқликдан, қарздорлик ва одамлар қаҳридан ўз паноҳингда асрағайсен!» — деб жуда кўп марта айтганларини эшитганман. Шу тариқа мен хизматларини қилиб юравердим. Кейин, Хайбардан қайтишда Жаноб Расулуллоҳ Сафиййа бинти Ҳуйайни кийим бирлан ўраб чирмаб туяларига мингаштириб олдиларда, Саҳбо деган жойга келганимизда ерга палос ёзиб, мени одамларни чақириб келмоққа юбордилар. Одамлар келгач, зиёфат қилдилар. Шу кун ул зот Сафиййага қўшилдилар. Кейин, йўлга чиқиб, Уҳуд тоғи кўрингач: «Бу тоғ бизни яхши кўргай, биз ҳам уни яхши кўрағаймиз!» — дедилар. Мадинага яқинлашгач: «Ё парвардигоро, Иброҳим Маккани муқаддас қилгани янглиғ, мен ҳам Мадинанинг икки тоғи оралиғидаги ерларни муқаддас қилдим! Ё парвардигоро, Мадина аҳлининг тошу тарозусига барокот ато этғайсен!» — дедилар».

36-боб. Қабр азобидан паноҳ тиламоқ ҳақида

Умму Холид бинти Холид: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабр азобидан ўзларига паноҳ тилаётганларини эшитганман», — дедилар.

37-боб. Бахилликдан паноҳ тиламоқ хусусида

Мусъаб ривоят қиладилар: «Саъд (ибн Ваққос) беш нарсадан паноҳ тиламоқни буюрар эрдида, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳам шундай қилганларини эслаб: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳумма инний аъузу бика минал-бухли ва аъузу бика микал-жубни ва аъузу бика минан урадда ила арзалилумри ва аъузу бика мин фитнатиддунйо, йаъний мин фитнатиддажжол ва аъузу бика мин азобил-қабри!» — дер эрдилар» деб айтар эрди». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, бахилликдан, қўрқоқликдан, хор-зор бўлмоқдан, дунё фитналаридан (яъни. Дажжол фитналаридан) ҳамда қабр азобидан мени ўз паноҳингда асрағил, деб илтижо қилғаймен!».

У Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мадиналик икки яҳудий ҳамнир ҳузуримга кириб: «Қабрдаги маййитларга азоб бериладир» — деб айтиб эрди, мен буни кўр-кўрона рад қилдим, чунким уларнинг гапига инонгим келмади. Кейин, улар чиқиб кетди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйга келганларида бўлган гапни айтиб эрдим, ул зот: «Улар тўғри айтибдилар, қабрдаги маййитларга шундай азоб берилгайким, уларнинг дод-

фарёдларини бутун жонзотлар эшитгайдир!» — дедилар. Мен Жаноб Расулulloҳнинг намозда қабр азобидан паноҳ тилаб илтижо қилмай қўйганларини кўрмаганмен».

38-боб. Тириклик ва ўлим фитналаридан паноҳ тиламоқ ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳумма инний аъузу бика минал-ажзи вал-касали вал-жубни вал-ҳарами ва аъузу бика мин азобил-қабри ва аъузу бика мин фиткатилмаҳйо валмамоти», — дер эрдилар». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, нотавонликдан, ялқовликдан, қўрқоқликдан, мункиллаб қолмоқдан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим чоғида бўладирган фитналардан мени ўз паноҳингда асрағил!».

39-боб. Гуноҳкор ва қарздор бўлмоқдан паноҳ тиламоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳумма инний аъузу бика минал-касали вал-ҳарами валмаъсами валмағрами ва мин фитнатил-қабри ва азобил-қабри ва мин фитнатин-нори ва азобин-нори ва мин шарри фитнатил-ғино ва аъузу бика мин фитнатилфақри ва аъузу бика мин фитнатил масийҳиддажжол! Оллоҳумма иғсил анний хатойоа би-моиссалжи вал-баради ва наққи қалбий мимал-хатойо камо наққайтуссавбал-абйаза минадданаси ва боъид байний ва байна хатойоа ҳамо боъадта байналмашриқ валмағриб» — дер эрдилар». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, ялқовликдан, мунқиллаганликдан, гуноҳкор ва қарздор бўлмоқдан, қабр фитнаси қабр азобидан, жаҳаннам фитнаси ва жаҳаннам азобидан, бойлик фитнаси ёмонлигидан мени ўз паноҳингда асрағил, Шунингдек қашшоқлик фитнасидан ва Масиҳ Дажжол фитнасидан ҳам мени ўз паноҳингда асрағил! Ё парвардигоро оппоқ кўйлаққа теккан ифлосни ювиб кетказганимдек хатоларимни қор ва дўл суви бирлан ювиб ташлағил, қалбимни хатолардан поклағил ва мен бирлан хатоларим оралиғини машриқ бирлан мағриб оралиғини узоқ қилганинг янглиғ узоқ қилғил!».

40-боб. Қўрқоқлик ва ялқовликдан паноҳ тилаш ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳумма инний аъузу би минал-ҳамми вал-ҳузни вал-ажзи вал-касали вал-жубни ва бухли ва залаъ-иддаини ва ғалабат-иррижол», — дер эрдлар». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, ғаму ташвишдан, мусибатдан, мунқиллаганликдан, ялқовликдан, қўрқоқликдан, бахилликдан, қарзга ботмоқдан ҳамда одамлар қаҳридан мени ўз паноҳингда асрағил!».

41-боб. Бахилликдан паноҳ тиламоқ ҳақида

Мусъаб ибн Саъд ривоят қиладилар: «Саъд ибн Абу Ваққос куйидаги беш нарсадан паноҳ тиламоқни буюриб, буни Жаноб Расулulloҳга нисбат берар эрдилар: «Оллоҳумма инний аъузу бика минал-бухли ва аъузу бика миал-жубни ва аъузу бика мин ан урадда ила арзалилумри ва аъузу бика мин фитнатид-дунйо ва аъузу бика мин азобил-қабри» (3-бобда таржимаси мавжуд).

42-боб. Хор-зор бўлмоқдан паноҳ тиламоқ ҳақида

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳумма инний аъузу бика минал-касали ва аъузу бика минал-жубни ва аъузу

бика минал-ҳарами ва аъузу бика минал-бухли», — дер эрдилар». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, ялқовликдан, қўрқоқликдан, мунқиллаганликдан ва бахилликдан мени ўз паноҳингда асрағил!».

43-боб. Вабо ва дарддан халос қилмоқни сўраб дуо ўқимоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳумма ҳаббиб илайнолмадийната ҳамо ҳаббабта илайно Макката, ав ашадду, ванқул ҳамоҳо илал-Жуҳфати! Оллоҳумма борик лано муддино ва соъино!» — дер эрдилар.» Дуонинг музмуни: «Ё парвардигоро, бизга Маккани қандай маҳбуб қилган эрсанг, Мадинани ҳам шундай ёким ундан кўпроқ маҳбуб қилгил ва ундаги (Мадинадаги) безгак дардини Жуҳфага кўчиргил! (чунки Жуҳфа аҳолиси ўша вақтда мушрик эрди). Ё парвардигоро, бизнинг тошу тарозумизга баракот ато этғил!».

Омир ибн Саъднинг оталари бундай дегап зрканлар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, мен Ҳажжат ул-Видоъда дардга чалиниб ўлай деб ётганимда, кўргани келиб эрдилар: «Ё Расулalloҳ менинг оғир дардга чалинганимни кўриб турибсиз, мен эрсам бадавлат одамман, биргина қизимдан бўлак меросхурим йўқ. Молимнинг учдан бир қисмини эҳсон қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ «йўқ», — дедилар. Мен: «Бўлмаса, ярмини садақа қилайинми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Учдан бир қисми ҳам анча кўплик қиладир, албатта сен меросхўрларингни одамлардан тиланадирган фақир қилиб қолдирганингдан кўра. бойроқ қилиб қолдирганинг яхшироқдир. Агар сен хайру садақа учун молингни сарф қилсанг, албатта бунинг эвазига Оллоҳ таолодан савоб олғайсан, ҳатто хотинингнинг оғзига солиб қўйган бир лўқма таоминг учун ҳам», — дедилар. Мен: «Ё Расулalloҳ, мен саҳоба биродарларим ортида қолармиканман (яъни, тузалиб кетармиканман)?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: (Сен борди-ю, ўлмай қолиб, амали солиҳлар қилсанг, бунинг учун Оллоҳ таоло даргоҳида даража ва мартабанг улўф бўлғай, шоядки, тузалиб кетсангу, сендан бир қанча мўминлар фойдалансалар ва бир қанча мушриклар зарар топсалар. Илоҳи, саҳобаларимнинг ҳижратини беҳатар қилғил, уларни орқага қайтармагил» — дедилар». «Аммо, бечора Саъд ибн Хавла Маккада вафот этиб, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам кўп қайғурдилар», — дейдилар Омир ибн Саъд.

44-боб. Хор-зор бўлмоқдан, дунё фитнасида ва қабр азобидан паноҳ тиламоқ ҳақида

Мусъаб иби Саъд оталари (Саъд ибн Абу Ваққос) дан нақл қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолодан паноҳ тилаб айтадирган қуйидаги сўзларни айтиб ўзингизга паноҳ тилангиз: «Ё парвардигоро, хўрқоқликдан, бахилликдан, хор-зор бўлмоқдан, дунё фитнасида (Масиҳ Дажжол фитнасида) ва қабр азобидан ўз паноҳингда асрағил!».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтар эрдилар: «Оллоҳумма инний аъузу бика минал-касали вал-ҳарами, валмағрами валмаъсами! Оллоҳумма инний аъузу бика : мин азобин-нори ва фитнатин-нори ва фитнатил-қабри ва азобил-қабри ва шарри фитнатил-ғино ва шарри фитнатил-фақри ва мин шарри фитнатил масийҳид дажжоли! Оллоҳумма ифсил хатойоа би-моиссалжи вал-баради ва наққи қалбий минал-хатойо ҳамо йунаққоссабул-абйазу нинадданаси ва боъид байний ва байна хатойоа ҳамо боъадта байналмашриқи валмағриби». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, ялқовликдан, мунқиллаганликдан, қарздорлик ва гуноҳкорликдан мени ўз паноҳингда асрағил! Ё парвардигоро, дўзах азоби ва дўзах фитнасида, қабр фитнаси ва қабр

азобидан, бойлик фитнаси ёмонлигидан ва қашшоқлик фитнаси ёмонлигидан ҳамда Масиҳ Дажжол фитнаеи ёмонлигидан мени ўз паноҳингда асрағил! Ё парвардигоро, хатоларимни қор ва дўл суви бирлан ювғайсан ва оппоқ кўйлакка теккан ифлос тозалангани каби қалбимни хатолардан тозалағайсан ҳамда мағрибу машриқ оралиғини қандай узоқ қилган эрсанг, мен бирлан хатоларим оралиғини ҳам шундай узоқ қилғайсан!».

45-боб. Бойлик (мол-дунё) фитнасидан паноҳ тиламоқ ҳақида

Ҳишом оталаридан, оталари эрса холаларидан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб Оллоҳ таолодан паноҳ тилар эрдилар: «Оллоҳумма инний аъузу бика мин фитнатин-нори ва мин азобин-нори ва аъузу бика мин фитнатил-қабри ва аъузу бика мин азобил-қабри ва аъузу бика мин фитнатил-ғино ва аъузу бика мин фитнатилфақри ва аъузу бика мин фитнатилмасийҳиддажжоли». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, дўзах фитнасидан ва дўзах азобидан, қабр фитнасидан ва қабр азобидан, бойлик фитнасидан ва қашшоқлик фитнасидан ҳамда Масиҳ Дажжол фитнасидан мени ўз паноҳингда асрағил».

46-боб. Қашшоқлик фитнасидан паноҳ тиламоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Наби саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб паноҳ тилар эрдилар: «Оллоҳумма инний аъузу бика мин фитнатин-нори ва азобин-нори ва фитнатил-қабри ва азобил-қабри шарри фитнатил-ғино ва шарри фитнатилфақри! Оллоҳумма инний аъузу бика мин шарри фитнатилмасийҳиддажжоли! Оллоҳумма ифсил қалбий бимоиссалжи вал баради ва наққи қалбий минал-хатойо ҳамо наққайтус-савбал-абйаза минадданаси ва боъид байний ва байна хатойою ҳамо боъадта байналмашриқи валмағриби! Оллоҳумма инний аъузу бика минал-касали валмаъсами вал-иаграми!». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, дўзах фитнасидан ва дўзах азобидан, қабр фитнасидан ва қабр азобидан, бойлик фитнаси ёмонлигидан ва қашшоқлик фитнаси ёмонлигидан мени ўз паноҳингда асрағил! Ё парвардигоро, Масиҳ Дажжол фитнаси ёмонлигидан мени ўз паноҳингдан асрағил! Ё парвардигоро, қалбимни қор ва дўл суви бирлан ювғил, оппоқ кўйлакни ифлосдан тозалаганимдек қалбимни хатолардан тозалағил, мағрибу машриқ оралиғини узоқ қилганингдек мен бирлан хатоларим оралиғини ҳам узоқ қилғил! Ё парвардигоро, ялқовликдан ҳамда гуноҳкорлик ва қарздорликдан мени ўз паноҳингда асрағил!».

47-боб. Уни бадавлат ва серфарзанд қилғайсан ҳамда унга берадирган неъматларингга баракот ато этғайсан, деб дуо қилмоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «(Холам) Умму Сулайм: «Ё Расулаллоҳ, Анас сизнинг хизматингизни қилғай, уни дуо қилингиз!» — дедилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Ё парвардигоро, уни бадавлат ва серфарзанд қилғайсан, унга ато этадирган неъматларингга баракот берғайсан!» — деб дуо қилдилар».

48-боб. Уни серфарзанд қилғайсан, унга ато этадирган неъматларингга баракот берғайсан, деб дуо қилмоқ ҳақида

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Холам) Умму Сулайм: «Анас сизга хизмат қилғай, уни дуо қилингиз!» — дебдилар. Жаноб Расулаллоҳ: «Ё парвардигоро, уни сердавлат, серфарзанд қилиб, берадирган неъматларингга баракот ато этғайсан!» — дедилар».

49-боб. Истихора (ўзинг билган нарсдан мени ҳам огоҳ қилғайсан, деб Оллоҳ

таолога илтижо қилмоқ) вақтида айтиладиган дуо ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга Қуръони Карийм ўргатганларидек ҳар бир ишда истихора айтмоқни ҳам ўргатар эрдилар. Жаноб Расулulloҳ бизга: бир ишга бел боғласангиз, аввал икки ракъат фарзсиз намоз ўқингиз, сўнг мана бу дуони айтингиз», — дедилар. «Оллоҳумма астахийрука би-илмика ва астақдирука би-қудратика ва асъалука мин фазлик-ал-азийм, фа-иннака тақдиру ва ло аҳдиру ва таъламу ва ло аъламу ва анта аллому-л-ғуёуб, Оллоҳумма ин кунта таъламу анна қоза-л-амр хайрун лий фи дийний ва маъоший ва оқибати амрий (ав қола фи ўжили амрий ва ожилиҳи) фа-қдирху лий ва йассирху лий, сумма борик лий фиҳи ва ин кунта таъламу ҳозал-амр шаррун лий фи дийний ва маъоший ва оқибати амрий (ав қола фи ўжили амрий ва ожилиҳи) фа-срифху анний ва-срифний анху ва-қдир лийи-л-хайр ҳайсу кона, сумма раззиний биҳи». «Мазкур дуони айтиб бўлгач, — дедилар Жаноб Расулulloҳ, — Оллоҳ таолога ўз тилагингизни (ҳожатингизни) айтгайсиз». Дуонинг мазмуни: «Илоҳи, мени илмингдан огоҳ қилғил, қудратинг ила мени бардам қилғил, чексиз фазлу карамингдан мени баҳраманд этғил! Сен қодирдурсан, мен ожиздурман, сен донодурсан, мен нодондурман сен барча ғайбдан воқифдурсан! Илоҳи, мен бел боғлаган иш динимга, ҳаётимга ҳамда касбу коримга яхшилиғ келтирадирми, йўқми, ўзинг билғайдирсен. Агар яхшилиғ келтирадирган бўлса, уни менга насиб айлаб, осон қилғил ва унга баракот ато этғил! Илоҳи, мен бел боғлаган иш динимга, ҳаётимга ва касбу коримга ёмонлик келтирадирми, йўқми, ўзинг билғайдирсан. Агар ёмонлиғ келтирадирган бўлса, уни мендан, мени ундан йироқ қилғил! Менга яхшилиғ келтирадирган ишни раво кўриб, рози қилғил!».

50-боб. Таҳорат қилаётганда ўқиладиган дуо ҳақида

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сув келтиришни буюриб, таҳорат олдилар, сўнг қўлларини кўтариб: «Оллоҳуммағфир лиубайд Аби Омир! Оллоҳумма-жъалху йавмал-қийома фавқа касийрин мин халқика минан-носи!» — дедилар. Мен қўлларини дуога кўтарганларида қўлтиқларининг оппоқлигини кўрдим». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, Убайд Абу Омирнинг гуноҳларини кечирғайсан! Ё парвардигоро, қиёмат куни уни яратган бандаларингнинг кунидан улуғроқ қилғайсан!»

51-боб. Довонга кўтарилганда ўқиладиган дуо

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эканлигимизда бирор баландликка кўтарилдик дегунча, такбир айтар эрдик. Шунда Жаноб Расулulloҳ бизга: «Эй одамлар, ўзингизни аянгизлар, бу қадар овозингизни баланд қилмангизлар, чунким сизлар бирор кар ёким бу ерда ғоиб одамни даъват қилаётганингиз йўқ, балким доимо эшитиб ва кўриб турғувчи зотни (Оллоҳ таолони) даъват қилмоққасизлар!» — дедилар. Кейин, мен ичимда: «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ!» — деб турганимда, олдимга келиб: «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс, «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ!» — деб айтғил, чунким бу жаннат ганжиналаридандир» — дедилар, ёким: «Сенга жаннат ганжиналаридан бири бўлмиш. бир сўзни, яъни ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳни ўргатайми?» — дедилар, шекилли».

52-боб. Водийга тушганда дуо айтмоқ ҳақида

Бу ҳақда Жобир айтган ҳадис мавжуд.

53-боб. Сафарга чиқмоқчи бўлганда ёким сафардан қайтганда дуо айтмоқ

ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ғазот, ҳаж ёким умра қилиб қайтаётганларида хар бир тепалиқда такбир айтиб, сўнг: «Ло илоҳа иллalloҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд ва ҳува ало кулли шайъин қадийр. Биз қайтjпмиз, тавба қияпмиз, Оллоҳга ҳамд айтjпмиз. Оллоҳ ваъдасига содиқ, бандасининг қўлини баланд қилиб, бир ўзи мушрикларни енгди», — дер эрдилар».

54-боб. Уйланган одамни дуо қилмоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам Абдуorraҳмон ибн Авфда бир сариқ нарсани кўриб: «Бу нима?»— дедилар. У: «Мен данакдек келадиган тилло сарфлаб бир аёлга уйландим», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло муборак қилсин, бир қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қилгин!» — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Отам ҳалок бўлдилар. У кишидан еттита (ёким тўққизта) қиз қолди. Кейин, мен бир аёлга уйландим. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Жобир, уйландингми?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим-аноб Расулulloҳ: «Бокирагами ё аёлгами?» — дедилармен: «Аёлга», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бокирага Уйланганингда эрди, ўзаро чақчақлашиб яшар эрдингиз» — дедилар. Мен: «Отам ҳалок бўлдилар, уйда еттита (ёким тўққизта) қиз етим қолди, мен ўшалар тенги қизга уйлангим келмай, уларга оналик қила оладирган ёшдаги аёлга уйландим», — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло муборак қилсин!» — деб дуо қилдилар».

55-боб. Аёлига қўшилмоқчи бўлганда нима демоқ лозим?

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Агар бирортангиз аёлингизга қўшилмоқчи бўлсангиз: «Бисмиллоҳи, Оллоҳумма жаннибнош-шайтона ва жаннибиш-шайтона мо разақтано!» — деб айтингиз, шунда Оллоҳ таоло иккингизга фарзанд тақдир қилган бўлса, унга шайтон мутлақо зарар етказа олмагайдир», — дедилар».

56-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Раббано отино фид-дунёо ҳасанатан!» деганлари ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам кўпинча: «Оллоҳумма отино фид-дунёо ҳасанатан ва фил-охирати ҳасанатан ва қино азобан-нор!»— деб дуо ўқир эрдилар». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бизга яхшиликлар ато қилғил ва бизни дўзах азобидан асрағил!».

57-бой. Дунё (Дажжол) фитнасидан паноҳ тиламоқ ҳақида

Саъд ибн Ваққос оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизга хатсавод ўргатган каби қуйидаги сўзларни ўргатар эрдилар: «Оллоҳумма иниий аъуузу бика минал-бухли ва аъуузу бика минал-жубии ва аъуузу бика ан нурадда ило арзалилумри ва аъуузу бика мин фитнатид-дуня ва азобил-қабри!». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигоро, бахилликдан, қўрқоқликдан, хор-зор бўлмоғимимдан, дунё (Дажжол) фитнасидан ҳамда қабр азобидан ўз паноҳингда асрағил!».

58-боб. Дуони қайтармоқ ҳақида

Бу ерда Жаноб Расулulloҳни сеҳрлаб қўйишгани ҳақидаги ҳадис такроран келтирилган.

59-боб. Мушрикларни дуои бад қилмоқ ҳақида

Ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ё парвардигоро, Юсуф алайҳиссалом қавмига юборганинг каби уларга ҳам қурғоқчилик юбориб, менга ердам берғил!», кейин, яна: «Ё парвардигоро, Абу Жаҳлнинг устидан ўзинг ҳукм чиқар!» — деб дуои бад қилдилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда: Ё парвардигоро, фалон ва фалонни лаънатлағайсен!» — деб дуои бад қилиб эрдилар, Оллоҳ азза ва жалла: «Лайса лака минал-амри шайъун» — реб ваҳий нозил қилди. Мазмуни («Оли Имрон» сураси) «Бу соҳада (ишда) сенга ихтиёр берилмаган».

Ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларни дуои бад қилиб: «Ё парвардигоро, сен Китоб нозил қилғувчи ҳамда охират ҳисоб-китобини тез бажарғувчисан! Мушрикларни тор-мор этиб, кунфаякун қилгил!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳуфтон намозининг охири ракъатида «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаху» деганларидан сўнг, дуои Қунутни ўқиб: «Ё парвардигоро, Ийош ибн Рабийъага нажот берғайеан, Ё парвардигоро, Валид ибн Валидга нажот берғайсан, ё парвардигоро, Салама ибн Ҳишомга нажот берғайсан, ё парвардигоро, мўмин заифларга нажот берғайсан, ё парвардигоро, Музар қабиласига нисбатан қаҳрингни янада қаттиқроқ қилғайсан, ё парвардигоро, Юсуф алайҳиссалом қавмига юборганинг янглиғ уларга ҳам қаҳатчилик юборғайсан!» — дер эрдилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурроъ (қорилар) деб аталмиш бир гуруҳ отлиқларни (Раъл ва Зақвон қабилаларини исломга даъват қилмоқ учун) юбориб эрдилар, Уларни ўлдиришди. Шунда Жаноб Расулulloҳ шунчалик қаттиқ кўйиб кетдиларки, мен ул зотнинг ҳеч кимга бунчалик қайғурганларини кўрмаган эрдим. Ўшанда Жаноб Расулulloҳ бир ой давомида бомдод намозида дуои Қунутни ўқиб: «Усайя (қабиласи) Оллоҳ, таоло ва унинг расулига қарши бош кўтарди!» — дер эрдилар». Бу ерда яҳудийларнинг Жаноб Расулulloҳга: «Сизга ўлим — деб салом бергани ҳақидаги ҳадис такроран келтирилган.

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Хандақ жанги кунини Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик. Шунда ул зот: «Оллоҳ таоло мушрикларнинг қабрлари бирлан уйларини, улар қуёш ботиб кетгунча бизни банд қилиб, оралиқ намоздан қолдиргани учун, оташга лиммо-лим қилсин!» — дедилар. Оралиқ намоз эрса — аср намозидир»

60-боб. «Илоҳи, мушрикларга ҳидоят қилғайсан!» дея дуо қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Туфайл ибн Амр Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, Давс қабиласи бош кўтариб, исломдан юз ўгирди, уларни дуои бад қилингиз!» — деди. Шунда одамлар Жаноб Расулulloҳ дуои бад қилсалар керак деб ўйлашди. Аммо ул зот: «Ё парвардигоро, Давс қабиласига ҳидоят

кўрсатиб, уларни ислом йўлига бошлағил!» — деб дуо қилдилар».

61-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ё парвардигоро, менинг ўтган ва келгуси гуноҳларимни мағфират қилгайсан!» деб айтганлари ҳақида

Абу Мусо оталаридан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги дуони айтиб илтижо қилар ардилар: «Рабби, иғфир лий хатийъатий ва жаҳлий ва-срофий фи амрий куллиҳи ва мо анта аъламу биҳи минний! Оллоҳуммағфир лий хатойойа ва амдий ва жаҳлий ва ҳазлий ва куллу золика индий! Оллоҳуммағфир лий мо қаддамту ва мо аххарту ва мо асрарту ва мо аъланту, антал-муқаддаму ва антал-муаххару ва анта ало кулли шайъин қадийрун!». Дуонинг мазмуни: «Ё парвардигорим, гуноҳларимни, жаҳолатимни, меъёрдан ортиқча қилган барча ишларимни ва ўзинг мендан яхшироқ хабардор бўлган қилмишларимни мағфират қилгайсан! Ё парвардигоро, хатоларимни, билиб-билмай қилган гуноҳларимни, жузъий ҳамчиликларимни мағфират қилгайсан, буларнинг ҳаммаси менда мавжуддир! Ё парвардигоро, илгариги ва келгуси ҳамда хуфия ва ошкора гуноҳларимни мағфират қилгайсан, сен истаган банданга ато-ю иноят қилғувчи ҳамда истамаган банданга ато-ю иноятингни дариф тутғувчидурсан, ва сен барча нарсага қодирдурсан!».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё парвардигоро, гуноҳларимни, жаҳолатимни, меъёрдан ортиқча қилган ишларимни ва ўзинг мендан яхшироқ хабардор бўлган қилмишларимни мағфират қилгайсан! Ё парвардигоро, жузъий ва жиддий ҳамчиликларимни, билиб-билмай қилган гуноҳларимни мағфират қилгайсан, буларнинг ҳаммаси менда мавжуддир! — дедилар».

62-боб. Жумъа куни муайян вақтда дуо ўқиш ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам (яъни, Жаноб Расулуллоҳ): «Жумъа кунида бир муайян вақт бордир. Мусулмон банданинг намоз ўқиб турган вақти ўша вақтга тўғри келиб қолмоғи қийиндир, борди-ю тўғри келиб қолғайдиру, банда Оллоҳ таолодин бирор нарса сўрағайдир, тилаги мустажоб бўлғайдир», — дедилар. Сўнг, муборак қўллари бирлан ўша вақтнинг қисқа эканлигига ишора қилдилар».

63-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Бизнинг яҳудийларни қилган дуои бадимиз мустажоб бўлғайдир, аммо яҳудийларнинг бизни қилган дуои бади ижобатсиз қолғайдир!» деганлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир тўда яҳудийлар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб: «Ас-Сому алайка! (Сенга ўлим!)» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Сизларга ҳам!» — деб жавоб қилдилар. Оиша онамиз эрса: «Сизларга ҳам ўлим, ҳам Оллоҳ таолонинг лаънати ва ғазаби бўлсин!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Эй Оиша, қўйсангчи, дағаллик қилмағил, хушмуомала бўлғил!» — дедилар. Оиша онамиз: «Уларнинг гапини эшитмадингизми? — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Уларга қандай жавоб қайтарганимни эшитмабсанда?! Менинг уларни қилган дуои бадим албатта мустажоб бўлғайдир, аммо уларнинг мени қилган дуои бади ижобатсиз қолгусидир!» — дедилар».

64-боб. «Омин!» деб айтмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Қори «Омин!» деганда сизлар ҳам «Омин!» денглар, шунда малоикалар ҳам «Омин!» — дейишгай. Кимнинг

«Омин!» дегани малоикаларнинг «Омин!» деганига тўғри келиб қолса, Оллоҳ таоло ўша одамнинг илгари қилган гуноҳларини мағфират қилғайдир», — деди.

65-боб. Таҳлил айтмоқнинг фазилати ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки куни «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ало кулли шайъин қадийрун, деб юз марта айтса, ўнта қул озод қилганлик савобини олғайдир ва унга юзта хайрлик иш қилганлик савоби ёзилиб юзта ёмонлиғи (гуноҳи) ўчирилғайдир. Шунингдек бу ўша куни кечгача уни шайтон васвасасидан ғов бўлиб тўсиб турғайдир. Ҳеч кимса, гарчи у қанчалик хайрли ишлар қилган бўлмасин, кунига юз марта таҳлил айтган одамдан кўпроқ савоб ололмағайдир!» — деб айтдилар».

66-боб. Тасбиҳ айтмоқнинг фазилати ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир кунда юз марта «Субҳоналлоҳи ва биҳамдики» деб айтса, унинг гуноҳлари, гарчи денгиз кўниктошидан кўп бўлса ҳам, кечирилғайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тил бирлан айтмоқ осон, аммо ўзи салмоқли, Раҳмонга маҳбуб икки сўз мавжуддир. Бу — Субҳоналлоҳил-азийми ва субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳи», — дедилар».

67-боб. Оллоҳ аzza ва жаллани зикр қилмоқнинг фазилати ҳақида

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладгшар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Раббини ёд этадирган одам бирлан раббини ёд этмайдиргин одам тирик одам бирлан ўлик одамга монанддир! — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ таолонинг шундай фаришталари борким, улар кўчаларни кезиб, раббини ёд қилгувчиларни қидиргайлар. Агар Оллоҳ таолони ёд этиб турган қавми учратиб қолсалар, бир-бирларини чақиришиб: «Келинглар, излаганимизни топдик!» — дейишгайдир ва ўша қавми қанотлари бирлан олқишлаб, сўнг осмоннинг дастлабки қаватига учиб чиқишгайдир. Оллоҳ аzza ва жалла, гарчи ўзи улардан яхшироқ билсада: «Бандаларим менинг ҳақимда нелар дейишаётир?» — деб сўрагайдир. Фаришталар: «Шунингга тасбиҳу такбир, ҳамду санолар айтишиб, сени улуғламоқдалар» — дейишгайдир. Шунда Оллоҳ таоло улар мени кўрганмилар?» — дегайдир. Фаришталар: «Йўқ, -якка-ю ягоналигинг ҳақи, кўрмаганлар!» — дейишгайдир. Оллоҳ таоло: «Мени кўрсалар, не бўлғай?» — дегайдир. фаришталар: Агар сени кўрсалар, сенга янада кўпроқ тоат-ибодат қилиб, сени кўпроқ улуғлаб, кўпроқ тасбиҳ айтишган бўлур эрдилар», — дейишгайдир. Оллоҳ таоло: Мендан қандай тилак қилмоқдалар?» — дегайдир. Фаришталар: «Жаннатни тиламоқдалар» — дейишгайдир. Оллоҳ таоло: «Уни кўрганмилар? — дегайдир. Фаришталар: "Агар кўрганларида эрди, уни сендан янада кўпроқ тилаб, кўпроқ иштиёқ билдирган бўлур эрдилар», — дейишгайдир. Оллоҳ таоло: «Нимадан паноҳ тиламоқдалар?» — деб сўрагайдир. Фаришталар: «Дўзах оташидан», — деб айтгайлар. Оллоҳ таоло: «Уни кўрганмилар?» — деб сўргаидир. Фаришталар: «Йўқ, якка-ю ягоналигинг ҳақи, кўрмаганлар!» — деб жавоб қилгайлар. Оллоҳ таоло: «Агар уни кўрсалар, не бўлғай?» — деб сўрагайдир. Фаришталар: «Агар кўрганларида эрди, ундан янада нарироқ қочиб, янада кўпроқ кўрққан бўлур эрдилар», — дейишгайдир. Оллоҳ таоло: Сизларнинг гувоҳли-гингизда

айтурменким, мен уларнинг гуноҳларини мағфират айладим!» — дегайдир. Фаришталардан бири: «Уларнинг орасида фалончи ҳам бўлиб, бошқалар каби сени ёд этмоқ ниятида эрмас, балким сендан ўз ҳожатини раво қил-моғингни илтижо қилгани келгандир», — дейишгайдир. Оллоҳ таоло: «Мени ёд этиб ўлтирганлар бирлан уларнинг ҳамнишини ҳам кулфат тортмагайдир!» — деб айтгайдир».

68-боб. «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ!» деган қавл ҳақида

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам довонга кўтарила бошладилар. Бир киши довонга кўтарилиб бўлгач, бор овозини қўйиб: «Ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар!» — деб такбир айтди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хачирларида ўлтирган ҳолда «Ахир, сизлар бир кар ёким бу ерда ғойиб одамни даъват қилаётганингиз йўқ-ку!» — дедилар. Сўнг: «Эй Абу Мусо (ёким, эй Абдуллоҳ), сенга жаннат ганжиналаридан бўлмиш бир сўзни башорат қилайми?» — деб айтдилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: "Бу — Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳдир!» — дедилар».

69-боб. Оллоҳ таолонинг бир ҳам юз исми бордир

Абу урайра ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг бир ҳам юз, яъни тўқсон тўққизта исми бўлиб, кимки уни ёддан билса, жаннатга киргайдир. У тоқ сонки яхши кўргувчи бўлиб, ўзи ҳам тоқ (ягона)дир!».

70-боб. Вақти-вақти бирлан ваъз айтмоқ ҳақида

Шақиқ ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ (Ибн Масъуд)ни кутиб ўлтирган эрдик шу пайт Язид ибн Муовия келиб крлди. Биз унга: «Ўлтирмайсанми?» — дедик. У: «Йўқ. ҳозир ўлтирмайман, аввал ичкарига кириб дўстингизни айтиб чиқаман, кейин келиб ўлтираман», — деди. Бироздан сўнг, Абдуллоҳ ибн Масъуд Язидни қўлидан ушлаб ичкаридан чиқиб келдида, тепамизга келиб: «Мен сизнинг ваъз тинглаймиз деб шу ерда кутиб ўлтирганингизни Жаноб Расулуллоҳга етказишим мумкин эрди-ю, аммо ул зотнинг бизга малол келиб қолмасин деб вақти-вақти бирлан ваъз айтмоқлари менга монеълик қилгайдир», — деди».

ЛАТИФ СЎЗЛАР КИТОБИ **(Тансиҳатлик ва бўш вақт охирадаги ҳаётдан ўзга ҳаёт йўқдир!)**

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки неъмат мавжуд бўлиб. кўпчилик одамлар уни қўлдан бой берадилар. Бу — тансиҳатлик бирлан бўш вақтдир», — дер эрдилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Охирадин йўқ эрур ўзга ҳаёт, парвардигор, Муҳожир бирла ансорларга қил иймонни ёр!» — дер эрдилар».

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (Хандақ жанги вақтида) хандақда эрдик ул зот кавлар эрдилар, биз туфроқ ташир эрдик. Шунда ёнимиздан ўтиб кетаётиб: «Ё илоҳо, бор эрур танҳо ҳаёт — ул охира, Муҳожир бирла ансорларни қилғил мағфират!» — дедилар».

1-боб. Дунёнинг охирадаги қадр-қиймати ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Ҳадийд мал-ҳайотуд-дунйо лаъибун ва лаҳвун «Инна-ва зийнатун ва тафоҳурун байнакум ва тақосурун фил-амволи вал-авлоди масали ғайсин аъжабал-куффора наботух, сумма йаҳижу (атароҳу мусфарран, сумма йақууну ҳутоман ва фил-охирати азобун шадийдун ва мағфиратун миналлоҳи ва ризвонун ва мо-л-ҳайотуд-дунйо илло матоъул-ғуруури»). Оятнинг мазмуни: «Дунё ҳаёти шунчаки бир ўйинчоқ, эрмак зийнат, ўзаро керилиб мақтанмоғингиз ҳамда бойлик ва бола-чақа хусусида бир-бирингиздан ўтмоққа интилмоғингиз бўлиб, ул бир ёғин кабидурким, (ундирган) экин-текини, ўт-ўланлари деҳқонларни таажжубга соладир, кейин эрса, қарасанг, қуриб, сарғайиб синиқсиниқ чўп бўлиб ётадир. Охирада қаттиқ азоб берилмоғи ва Оллоҳ таолонинг мағфират қилиб, ризо бўлмоғи бордир. Дунё ҳаёти алданмоққа сабаб бўладирган нарсдан ўзгаси эрмас!».

Саҳл ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Жаннатдаги бир қамчи сиққудек жой бутун дунё ва ундаги жамики нарсалардан ҳам яхшироқдир. Оллоҳ таолони деб тонг саҳарлаб чиқиб кетиб, тун қоронғусида қайтиб келмоқ бутун дунё ва ундаги барча нарсалардан ҳам яхшироқдир!» деб айтганларини эшитдим».

2-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Сен дунёда бир ғарибдек ёким бир йўловчидек бўл!» деганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам елкамдан ушлаб туриб: «Сен дунёда бир ғарибдек ёким бир йўловчидек бўл! (яъни, сен бу дунёда ўзингни ҳеч кими йўқ бир кимсадек ёким бир йўловчидек хис қил!)» — дедилар».

Абдулло ибн Умарнинг ўзлари эрса: «Кунни кеч қилсанг, қачон тонг отаркин деб интизор бўлмағил ва тонг оттирсанг, қачон кеч бўларкин деб пойламағил (яъни, доимо илдам юраверғил, бир лаҳза ҳам қадамингни сусайтирмағил, гар сусайтирсанг, максудинг ҳосил бўлмағайдир). Соғлигиндан касаллигингга ва тириклигиндан ўлимингга чегириб олиб қўйғил! (яъни, тириклигингни ғанимат билғилки, қошингга ўлим сипоҳи қилич яланғочлаб келгач, саросима ва ғафлатда қолиб, ҳеч нарса қилиб улгурмағайсен!»), — дер эрдилар.

3-боб. Умид ва унинг муддати ҳақида

«Фаман фоза ва Оллоҳ таолонинг қавли («Оли Имрон» сураси): зиҳа анин-нори ва удхилал-жанната фа-қад Мо-л-ҳайотуд-дунёо илло матоъул-ғуруури». Оятнинг мазмуни: «Дўзахдан узоқ қилиниб, жаннатга киритилган ҳар бир банда муродига етибдир ва бу дунё ҳаётига алданмоққа сабаб бўладирган нарсдан ўзгаси эрмас!».

Оллоҳ таолонинг қавли: «Зарҳум йаъкулуу ва йатаматтаъуу ва йулҳихимул-амалу фасавфа йаъламууна». Оятнинг мазмуни: «Уларга насиҳат таъсир қилмай, ғафлатдан уйғонмасалар, қўя берингиз, бир неча вақт ҳайвонлар каби еб-ичиб, дунё роҳатларидан баҳра олаверсинлар, дунёвий орзу-умидлари чалғитаверсин, тез кунда бунинг оқибати ёмон эканлигини билиб, кўзлари очилур!».

Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу: «Бу дунё биздан юз ўғирди, охират эрса чеҳрасини қаратди. Ҳар иккаласининг ҳам ўзига мансуб одамлари мавжуд бўлиб, сизлар охиратга мансуб одам бўлинглар, дунёга мансуб бўлманглар. Бугун амал мавжуд, ҳисоб-китоб йўқдир, эртага эрса ҳисоб-китоб мавжуд, амал эрса йўқдир!» — деб айтган эрканлар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўртбурчак шакл чизиб, унинг ўртасидан учини ташқарига чиқариб яна бир чизиқ ўтказдилар, сўнг ана шу ўртадан ўтган чизиқнинг ёнига калта чизиқлар тортдиларда: «Мана бу ўртадан ўтган чизиқнинг тўртбурчак ичидаги қисми инсондир, уни ўраб турган тўрт- бурчак эрса, инсоннинг ажалидир, ўртадан ўтган чизиқнинг ташқарига чиққан қисми эрса инсоннинг орзу-умидларидир. Мана бу калта чизиқлар эрса ҳодисотлар бўлиб, инсон унисининг бўлмаса, бунисининг жабрини тортғайдир», — дедилар».

4-боб. Кимки олтмиш ёшга кирган бўлса, демак Оллоҳ таоло уни шунча вақт кечириб келган!

Оллоҳ таоло: «Авалам нуъаммиркум мо йатазаккару фиҳи ман тазаккара ва жоъаку-мун-назийру — дейди. Оятнинг мазмуни: «Эй бандаларим, биз сизларга эсингизни йиғиб олиб, ҳидоят йўлига кирмоғингизга кифоя қиладирган умр бермадикми ва бунинг устига сизларни огоҳлантирмоқ учун пайғамбар ҳам юбормадикми?!».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло бандасининг ажалини олтмиш ёшга киргунига қадар кечиктириб, инсофга келмоғини кутади!» — деб айтдилар».

Абу Ҳурийра ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ёши улғайган одамнинг қалби икки нарса хусусида қаримайди, бири — унинг дунёга бўлган муҳаббати, иккинчиси — орзу-умидининг ниҳоятлигидир!» деб айтганларини эшитдим». Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одам боласининг ёши бирлан бирга икки нарса ҳам улғайиб борғайдир, бири — унинг бойликка нисбатан бўлган муҳаббати, иккинчиси — узоқ умр кўрмоқ орзусидир!» — дедилар».

5-боб. Оллоҳ таолони ризо қиладирган амал ҳақида

Атбон ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат

куни банда Оллоҳ таолонинг ризолиги учун "Ло илоҳа иллаллоҳу!» деб айтса, Оллоҳ таоло унга дўзах оташини ҳаром қилгайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло: «Агар мен мўмин бандамнинг бу дунёдаги бирор суюкли кишисидан ажратган эрсам, унга берадирган жазоим йўқдир, кейин мен уни жаннатга таъйин қилгумдир!» — дейди», — дедилар».

6-боб. Дунё лаззатларига берилмоқдан ҳамда уларни деб ўзаро рақобатлашмоқдан ҳазар қилмоқ лозимлиги ҳақида

Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар: ((Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Убайда ибн Жарроҳни жизя (ғайридинлардан олинадирган жон солиғи) йиғиб келмоқ учун Баҳрайнга жўнатдилар. Бунга қадар Жаноб Расулulloҳ Баҳрайн аҳли бирлан сулҳ тузиб, Ало ибн ал-Ҳазрабийни уларга амир қилиб таъйин этган эрдилар. Абу Убайда Баҳрайндан жизя йиғиб келди. Ансорлар унинг қайтиб келганидан хабар топдилар. Шул вақт Жаноб Расулulloҳ, бирлан бирга бомдод ўқиладиган эрди. Намоздан сўнг, ансорлар Жаноб Расулulloҳни қарши олиб эрдилар, ул зот уларга қараб кулиб қўйдиларда: «Билдимки, сизлар Абу Убайданинг қайтиб келганини ва ўзи бирлан бирор нарса келтирганини эшитгансизлар!» — дедилар. Ансорлар «Шундай, ё Расулаллоҳ!» — деб тасдиқлашди. Жаноб Расулulloҳ: Нимаики сизни хурсанд қилса, ўшани умид қилиб, хурсанд ўлаверингиз! Мен сизларнинг қашшоқлашиб қолмоғингиздан кўрқмағаймен, балким кўлингизга мол-дунё тушиб, ўзингиздек илгаригилар кўлига мол-дунё тушганида унга хирс қўйиб, ўзаро рақобатлашганлари янглиғ рақобатлашмасангиз эрди ҳамда мол-дунё уларни тоат-ибодатан чалғитгани каби сизни ҳам чалғитмаса эрди деб кўрқайман», дедилар. Сўнг: «(Дунё ҳаётдан) мағрурланиб кетмангизлар!» — деб қўшиб қўйдилар».

8-боб. Солиҳ бандаларнинг бу дунёдан ўтиб кетмоқлари ҳақида

Мирдос ал-Аслабий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Солиҳ бандалар бирма-бир бу дунёдан ўтиб кетгайлар. Улардан фақат арпа ёким хурмо чиқиндиси янглиғ чиқинди қолгайдир, Оллоҳ уларга сира ҳам ачинмағайдир», — дедилар».

9-боб. Мол-дунё фитнасидан паноҳ тиламоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Иннамо амволукум ва авлодукум фитнатун!». Оятнинг мазмуни: «Дарҳақиқат, мол-дунёнгиз бирлан фарзандларингиз фитнадир!».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Динор ва дирҳамга ҳамда бахмал ва кимҳоб кийимларга ўзини қул қилганлар тубан тушиб сендан тиланадирлар. Агар берсанг, сендан рози — бермасанг, норози бўладирлар», — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одам боласи, икки водий тўла мол-дунёси бўлса ҳам, мол-дунё тўла учинчи водийни орзу қилгайдир. Унинг қорнини фақат туфроқ тўйдир олгайдир. Оллоҳ таоло тавба қилган бандасининг тавбасини қабул қилгайдир!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одам боласининг бир водий тўла мол-дунёси бўлар эркан, у яна ана шундай бошқа бир водийни орзу

қилғайдир, одам боласининг кўзини фақат туфроқ тўйдира олғайдир. Оллоҳ таоло тавба қилган бандасининг тавбасини қабул қилғайдир!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ бу гапни Қуръони Кариймдан олганмилар ё йўқми, билмағайдирмен».

Саҳл иби Саъд ривоят қиладилар: «Маккада Ибн аз-Зубайр минбарда туриб: «Эй одамлар, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб эрдилар», — деди: «Гар одам боласига бир водий тўла олтин берилсада, у барибир иккинчи бир шундай водийни орзу қилғайдир, уни ҳам берилса, учинчисини кўнгли тусағайдир. Инсон қорнини, фақат туфроқ тўйдира олғайдир. Оллоҳ тавба қилган бандасининг тавбасини қабул қилғайдир!».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам: Гар одам боласининг бир водий тўла олтини бор эрсада, у икки яна шундай водийни орзу қилғайдир, унинг оғзини фақат туфроқ тўйдира олғайдир. (Оллоҳ таоло тавба қилган бандасининг тавбасини қабул) қилғайдир!» — дедилар».

Анас: «Алҳокумуттакосур» сураси нозил бўлгунга қадар биз буни Қуръондан деб тушунар эрдик», — дейдилар.

10-боб. Набий саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг «Бу мол-дунё деган нарса (ҳайвоннинг кўзини ўйнатадирган ям-яшил ва ширин ўт-ўлан янглиғ) жозибадордир!» деганлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Оли Имрон» сураси): «Зуййина лин-носи ҳуббуш-шаҳавоти минаннисои вал-банийна вал-қанотийрил-муқантарати миназ-заҳаби вал-фиддати вал-хайлил-мусавваммати вал-анъоми вал-харси золика матоъул-ҳайотид-дунйо». Оятнинг мазмуни: "Инсонларга хотинлар, бола-чақа, олтин ва кумуш хазиналари, тамғаланган йилқи ва чорвалар ҳамда экин-текинларнинг муҳаббати хушнамо туюладиган қилинди. бу — ҳаёт-дунё неъматидир».

Умар разияллоҳу анҳу: «Ё парвардигоро, биз ўзимизга хушнамо туюладиган нарсалар бирлангина шодлана олурмиз, холос! Ё парвардигоро, менинг бу нарсаларни ҳалолга сарфламоғимни насиб айлағил деб сенга ёлборурмен!» — дер эрдилар.

Ҳаким ибн Ҳизом ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламдан инъом тилаб эрдим, бердилар. яна тилаб эрдим, яна бердилар, яна тилаб эрдим, яна бердилар, сўнг: «Бу мол-дунё деган нарса (ҳайвон кўзини ўйнатадирган кўм-кўк ширин ўт-ўлан янглиғ) фусункор ва лаззатлидир. Кимки нафсини тийиб. эҳтиёжига ярашасини олса, баракали бўлғайдир ва кимки очкўзлик қилиб, эҳтиёжидан ортиғини олса, бебарака бўлғайдир. Бундай одам мечкай ҳайвон янглиғдир, кўтарилган қўл (меҳнат қиладирган қўл) туширилган қўлдан (тиламчи қўлдан) яхшидир», — дедилар».

11-боб. Киши бойлигининг қанчасини инъом (сарф) қилган эрса, ўша ўзиникидир!

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз меросхўрингиз молини ўзингизнинг молингиздан кўра яхшироқ урғайдирсиз?» — дедилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, орамизда ўз молидан ўзганинг молини яхшироқ кўрадирган одам йўқдир!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Киши молининг қанчасини инъом (сарф) қилган эрса, ўша ўзиникидир, сарф қилмай эҳтиётлаб олиб қолган қисми эрса,

меросхўриникидир!» — дедилар».

12-боб. Бадавлат кишилар айни ҳолда қашшоқ кишилардир!

Оллоҳ таолонинг қавли («Худ» сураси): «Ман кона йурийдул-ҳайотад-дунёо ва зийнатаҳо нуваффи илайҳим аъмолахум фиҳо ва хум фиҳо ло йубхасуун увлоикаллазийна лайса лаҳум фил-охирати иллан-нору ва ҳабита мо санаъуу фиҳо ва ботилун мо конуу йаъмалуун!». Оятнинг мазмуни: «(Бу) дунё ҳаёти бирлан анинг зийнатларин орзулафонларнинг барча истакларин биз анда муҳайё қилгайдурмиз ва алар анда ҳеч зориқтирилмағайдурлар ва алар охиратда дўзах оташидин ўзга насиба олмағайдурлар ва анда қилгон ишлари ҳабата ўлиб, қилиб тургон ишлари бекор эрудур!».

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Тунлардан бирида ташқарига чиқиб эрдим, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари танҳо айланиб юрган эрканлар, ёнларида ҳеч кимса йўқ эрди. Шунда мен: «Жаноб Расулulloҳ ёлғизликни тусаган кўринадилар» — деб ой шуъласидан холи бўлган тарафга қадам ташлаб эрдим, менга ўгирилиб қараб: «Бул кимдир?» — дедилар. Мен: «Абу Зарр эрурмен, Оллоҳ таоло мени сизга фидо қилсин!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Абу Зарр, бу ёққа келғил!» — дедилар. Мен Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга бир мунча вақт суҳбатлашиб турдим, шунда ул зот: «(Бу дунёда бадавлат кишилар қиёмат куни (савоб олганлик жиҳатидан) қашшоқ эрурлар, Оллоҳ таоло бойлик ато этган ва бу бойликни чор тарафига эҳсон қилиб сочиб, яхшиликлар қилган кишилар бундан мустаснодурлар», — дедилар. Кейин, яна бир мунча вақт бирга юрдик шунда ул зот: «То қайтгунимча мана бу ерда ўлтира турғил!» — деб бир овлоқроқ жойни кўрсатдиларда, ўзлари мени кўрмасин деб бир сайҳонлик томон кетиб, кўздан ғойиб бўлдилар. У ерда узоқ қолиб кетдилар. Сўнг: «Ўғирлик қилса ҳам, зино қилса ҳам» — деб гапириб келаётганларини эшитдим. Ул зот яқинлашганларидан сўнг, чидаёлмай Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло мени сизга фидо қилсин, ялангликда ким бирлан сўзлашдингиз, мен бирор кимсанинг сизга жавоб қилганини эшитмадим-ку?!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ул Ҳазрат Жаброил эрдилар, яланглик чеккасида менга: «Умматингга башорат қилғилки, Оллоҳ таолога ширк келтирмай жон таслим қилганлар жаннатга кирғайдир!» — деб ваҳий баён қилдилар. Шунда мен: «Ё Ҳазрат Жаброил, ўғирлик қилса ҳамми, зино қилса ҳамми?» — деб сўраб эрдим, «Ҳа!» — деб жавоб қилдилар. Кейин мен: «Ўғирлик қилса ҳамми, зино қилса ҳамми?» — деб қайтариб сўраганимда, яна: «Ҳа!» — деб айтдилар. Мен тағин: «Ўғирлик қилса ҳамми, зино қилса ҳамми?» — деб сўрадим. Шунда Ҳазрат Жаброил:- «Ҳа, ҳаттоки ичкилик ичса ҳам!» — деб айтдилар».

Абу Абдуллоҳ (Имом Бухорий): «Абу Заррнинг айтган ҳадиси тўғридур, аммо Абу Дардоънинг ҳадисига «Ло илоқа иллаллоҳу» деб жон таслим қилса» деган иборани қўшиб айтмоқ лозимдур", — дейдилар.

13-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Менинг Уҳуд тоғидек олтиним бўлмоғини истамағаймен!» деганлари ҳақида

Абу Зарр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Мадинанинг тошлоқ ерида кетаётган эрдим, қаршимиздан Уҳуд тоғи чиқиб қолди. Шунда Жаноб Расулulloҳ (тўхтаб): «Ё Абу Зарр!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулаллоҳ!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Абу Зарр, менинг Уҳуд тоғидек олтиним бўлмоғини ҳамда унинг бир динорининг ҳам бир кеча ёким уч кеча бўлсада, менда қолмоғини истамас эрдим, фақат қарзимга тўламогим учун етарлисини қолдириб, қолганини Оллоҳ таолонинг бандалари учун ундай ва бундай қилиб сарф қилинлар, деган бўлур эрдим», — дедиларда, чор тарафларига

ишора қилдилар (яъни, чор тарафга эҳсон қилиб сочардим, демоқчи бўлдилар, шеқилли). Сўнг, йўлга тушгач: «Бу дунёда бадавлат кишилар қиёмат куни (савоб олганлик жиҳатидан) қашшоқдирлар, аммо: «Молимни ундай ва бундай қилиб чор атрофга эҳсон қилинглари!» — деганлар бундан мустасно бўлиб, уларнинг кимлиги айтилғайдир», — дедилар. Кейин, менга: «Мен қайтиб келгунимча жойингдан жилмағил!» — деб тун қоронғусида кўздан ғойиб бўлдилар. Бироздан кейин, бегона бир товушни эшитиб, Расулulloҳга бир гап бўлмадимикан деб хавотир олдим. Олдиларига бормоқчи бўлдим, аммо «Жойингдак жилма!» — деганлари ёдимга тушиб бормадим, қайтиб келганларидан сўнг: «Ё Расулаллоҳ, бир бегона товушни эшитиб, хавотир олдим, лекин гапингиз ёдимга тушиб, жойимдан жилмадим», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Эшит дедими?» — дедилар. Мен: «Ҳа», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бу — Жаброил алайҳиссалом эрдилар, менга келиб: «Умматларингдан қайси бири Оллоҳ таолога заррача ширк келтирмай жон таслим қилғайдир, жаннатга кирғайдир!» — деб айтдилар. Шунда мен: «Ўғрилиқ қилган бўлса ҳамми, зино қилган бўлса ҳамми?» — деб сўраб эрдим, , «Ўғрилиқ қилган бўлса ҳам, зино қилган бўлса ҳам!» — деб жавоб қилдилар», — дедилар».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар Уҳуд тоғидек олтиним бўлганда унинг уч кеча бўлсада, менда қолмоғи мени хурсанд қилмас эрди, мен ундан фақат қарзимга етарлисини олиб қолиб, қолганини эҳсон қилган бўлур эрдим», — дедилар».

14-боб. Ҳақиқий бой — нафси тўқ одамдир!

Оллоҳ таоланинг қавли («Ал-Муъминуун» сураси): Оятларнинг мазмуни «Биз аларга кўмак қилиб ато этаётган мол-дунё ва фарзандларнинг, пайдар-пай етказиб турган ноз-неъматларнинг (бизнинг марҳаматимиз эрканлигин) гумон қилурмиканлар, балким билмаслар?! Дарҳақиқат, парвардигорларининг ҳайбатидан қўрқувчилар, анинг оятларига иймон кетиргувчилар, анга ширк келтирмайдирганлар, хайр-эҳсон қилгувчилар ҳамда бир кун эрмас, бир кун албатта парвардигорларининг даргоҳига қайтиб бормоқларидан дилларида қўрқинчлари бўлганларгина хайрлик ишларни қилмоққа ошиқгайлар ва ўшаларгина барчадин илгари хайрлик ишларга қўл урғайдилар, Биз ҳеч кимга тоқатидан ортиқ вазифа юкламағаймиз ва бизнинг даргоҳимизда ҳақиқатдин сўзлагувчи Китоб мавжуд ўлиб, алар зулматда қолмағайлар, балки алар бундин ғафлатдадурлар ва дунёнинг бошқа ишлари бирлан машғулдурлар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мол-дунёси кўп одам бадавлат эрмас, балки нафси тўқ одам бадавлатдир!» — дедилар»

15-боб. Камбағалликнинг фазилати ҳақида

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларидан бир киши ўтиб кетиб эрди. Ул зот ҳузурларида ўлтирган бир кишидан: «Бу одам тўғрисида қандай фикрдасен?» — деб сўрадилар. У: «Бу киши зодагонлардан бўлиб, ўзи истаган аёлга уйланмоққа қодир ва бировга сўзини ўтказа оладирган одамдир», — деди. Жаноб Расулulloҳ бироз сукут қилдилар. Шунда яна бир одам ўтиб эрди: «Мана бу одам тўғрисида не фикрдасен?» — дедилар. У: «Ё Расулаллоҳ, бу киши камбағал мусулмонлардан бўлиб, ўзи истаган аёлга уйланмоққа қудрати етмайдирган, сўзини бировга ўтказа олмайдирган ва сўзласа, ҳеч ким қулоқ солмайдирган одамдир», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Мана шу одам ер юзилик тўла бояги тоифадаги кишилардан ҳам афзалдир!» — дедилар.

Хаббоб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг ризолиғини истаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ҳижрат қилдик. Оллоҳ таоло бизга ажру савоблар ато этмоқни охиратга қолдирди. Орамиздан ул дунёга рихлат этганлардан бирортаси ҳам бу дунёда заррача ажру савоб ололмади. Улардан бири — Мусъаб ибн Умайр Уҳуд жангида ўлдирилди, ундан бошини ёпса оёғи, оёғини ёпсак. боши очилиб қоладирган биргина чопон қолган эрди холос. Шунда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бош томонини чопони бирлан, оёғини эрса изхир (хушбўй ўсимлик) бирлан ўраб дафн қилмоқни буюрган эрдилар. Аммо, айримларимизга бу дунё ўз меваларини пишириб, инъом қилмоқдадир».

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатга боқиб, унинг кўпчилик аҳли камбағаллар эрканлигин ва дўзахга боқиб, унинг кўпчилик аҳли аёллар эрканлигин кўрдим», — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этгунларига қадар хонтахтада овқатланмадилар ва юмшоқ нон тановул қилмадилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида токчамда б арпадан бўлак тирик жон егулик ҳеч вақо қолмаган. Мен уни анчага етсин деб тақсимлаб қўйиб эрдим, Аллоҳ таоло баракасини берди».

16-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳамда саҳобаларининг ҳаёт тарзи ва уларнинг бу дунё муҳаббату лаззатларидан юз ўгирганликлари хусусида дейди.

«Абу Ҳурайра бундай дер эрдилар: «Оллоҳ таолодин ўзга тангри йўқдир! Агар очликда бағримни ерга бериб ётсам ҳам, агар очликдан қорнимга тош боғлашга тўғри келса ҳам мен шундай дея бергумдир! Кунлардан бир кун саҳобалар ўтадирган йўл бўйида ўлтирган эрдим, Абу Бакр келиб қолдилар. Бирор нарса бериб қорнимни тўйғазармиканлар, деган мақсадда ул кишини тўхтатиб Оллоҳ таолонинг оятларидан қироат қилиб бермоқларини илтимос қилдим, аммо ниятимни сезмай ўтиб кетабердилар. Кейин, Ҳазрат Умар келиб қолдилар. Мен бояги мақсадда ул кишини ҳам тўхтатиб, Қуръони Карийм оятларидан ўқиб бермоқларини илтимос қилдим, бироқ ул киши ҳам ниятимни сезмай ўтиб кетабердилар. Сўнг, Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб қолдилар, мени кўриб табассум қилдиларда, кўнглимдаги мақсадимни ва юзимдаги иэтироб аломатини ўқиб: «Ё Абу Ҳур!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулаллоҳ!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Менинг ортимдан юрғил!» — деб йўлга тушдилар, мен ортларидан эргашдим, Юриб-юриб, бир хонадон эшига олдига келдиларда, ичкарига кирмоққа изн сўрадилар, менга ҳам изн берилди. Ичкарига киргач, қадаҳдаги сутни кўриб: «Бу қандай сут?» — дедилар. «Фалончи юборибди», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ё Абу Ҳур!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулаллоҳ!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Борғил, суфа аҳлини айтиб келғил!» — дедилар (суфа аҳли масжиддаги суфада яшайдирган ислом меҳмонлари бўлиб, на бола-чақалари, на мол-дунёлари ва на бир ҳимоячилари бор эрди. Жаноб Расулуллоҳ бирор жойдан садақа келса, ўзлари емай, шуларга юборар, ҳадя олиб келишганда эрса, аввал ўзлари татиб кўриб, сўнг улар бирлан баҳам кўрар эрдилар). Бу гап менга ёқмади, чунким «Озгина сут суфадагиларга етармиди, мен уни бир ўзим ичсам, бироз танамга қувват кирар эрди, суфадагилар келса Жаноб Расулуллоҳ сутни уларга қўйиб беришимни буюрадилар ва мен насибасиз қолғаймен», — деб ўйладим. Лекин, Оллоҳ таолога ва унинг расулига итоат этмоқдин ўзга иложим йўқ эрди, бориб уларни чақириб келдим, Улар келиб ўлтирмоққа рухсат

сўраб эрдилар, рухсат бердилар. Барча ўзига муносиб жойга бориб ўлтирди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «Ё Абу Хур!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулulloҳ!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Қадаҳни олиб, уларга узатғил!» — дедилар. Мен қадаҳни олиб улардан бирига узатдим, ул тўйгунча ичиб, менга қайтариб берди. Шул тариқа, қадаҳни бирма-бир ҳаммага узатиб чиқдим барчалари тўйгунча сут ичишди. Ниҳоят, Жаноб Расулulloҳга навбат келди, ул зот қадаҳни қўлларига олиб, менга бир табассум қилиб қўйдиларда «Ё Абу Хур!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулulloҳ!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Мен бирлан сен иккимиз қолдик», — дедилар. Мен: «Рост айтдингиз, ё Расулulloҳ!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ўлтирғил, ич!» — дедилар. Мен ўлтириб, ичдим. Расулulloҳ: «Яна ич!» — дедилар, мен яна ичдим. Расулulloҳ шул тариқа қайта-қайта «Ич!» деявердилар, ниҳоят мен: «Сизни пайғамбар қилиб юборган Оллоҳ таоло ҳақи, бошқа ичолмайман, вужудимда бўш жой қолмади!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ундай бўлса, менга берғил!» — дедилар. Мен қадаҳни узатиб эрдим, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар, сўнг бисмиллоҳ деб қолганини ичдилар».

Ханс: «Қўйидагини Саъддан эшитганмен, ул бундай дер эрди», — дейдилар: «Мен Оллоҳ таоло йўлида биринчи бўлиб ўқ отган арабдурмен! Биз ғазот қилиб юрган чоғларимизда кубла ва самр дарахтларининг баргидин ўзга емак бўлмай, ҳар биримизнинг ичимиз қўй қумалоғи янглиғ эрди. Кейин, Бану Асад мени ислом аҳкомларига риоя қилмоққа даъват қила бошлади, мен қайсарлик қилмай, итоат этдим».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонидагилар Мадинага келганидан то ул зот вафот қилгунларига қадар ҳам лоақал уч кеча тўйиб буғдой таоми ейишмаган».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонидагилар бир кунда икки маҳал таом емагандирлар, еган бўлсалар ҳам унинг бири хурмо бўлар эрди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўрпа-тўшаклари теридан қилинган бўлиб, ичи похол бирлан тўлдирилган эрди».

Қатода ривоят қиладилар: «Биз Анас ибн Моликнинг уйига борсак нонвойи нон ёваётиб: «Нондан енглар!» — деди. Мен эрсам, Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафот қилгунларига қадар ҳам юмшоқ нон еганларини билмағайдирмен ва ул зот димлама қўй гўштининг не эрканлигини ўз кўзлари бирлан кўрмаганлар ҳам!».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз бир ойда марта бўлса ҳам ўчоққа ўт ёқолмас эрдик агар аҳён-ҳадя қилинадирган озроқ гўштни ҳисобга олмасак нуқул хурмо, ичишимиз сув эрди».

Язид ибн Румон ривоят қиладилар: «Оиша синглимининг ўғли Урвага: «Биз икки ой мобайнида уч марта янги ой чиққақини кўрган бўлсакда, хануз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (аёлларининг) уйларида ўчоқларга ўт қилмаган бўлар эрди», — дебдилар. Урва: «Умда нима ҳисобига кун кўрар эрдингизлар?» — деб сўрабди. Оиша: «Жуда қашшоқлик бирлан кун кўрар эрдик ейишимиз нуқул хурмо, ичишимиз сув эрди. Лекин, баъзида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ансорлардан бўлган қўшнилари Жаноб Расулulloҳга таом чиқариб турар эрдилар, ул зот эрсалар уни бизга берур эрдилар», — деб жавоб қилибдилар».

Абу Ҳурайра: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё парвардигоро, Муҳаммад хонадонидагиларга ўзинг қут (ризқ) ато этгайсен!» — дер эрдилар», — дейдилар.

17-боб. Мўътадил ва муттасил тоат ибодат ҳақида

Масруқ ривоят қиладилар: «Мен Оиша разияллоҳу анҳодан: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай тоат-ибодатни хушлар эрдилар?» — деб сўрадим. Оиша онамиз: «Узлуксиз тоат-ибодатни», — деб жавоб қилдилар. Мен: «Қай вақт уйқудан турар эрдилар?» — деб сўрадим. Оиша онамиз: «Хўроз қичқирганини эшитгач, уйқудан турар эрдилар», — деб жавоб қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга энг ёқадирган тоат-ибодат — киши узлуксиз бажарадирган тоат-ибодатдир!», — дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч қайсинингизни қилган тоат-ибодатларингиз қутқариб қололмағайдир!» — дедилар. «Сизни ҳамми, ё Расулаллоҳ?» — дейишди. «Агар, — дедилар Жаноб Расулуллоҳ, Оллоҳ таоло ўзи раҳматиға олмас эркан, менга ҳам қилган тоат-ибодатларим нажот бера олмағайдир, Тоат-ибодатларингизни тўғри, мўътадил (ўртача) адо этингизлар, эрталаб, кечқурун ва туннинг бир қисмида тоат-ибодат қилингизлар, тоат-ибодат қилмоқда мўътадил (ўртача) йўлни танласангизлар, максудингизга етгайдирсизлар!».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тоат-ибодатларингизни тўғри, мўътадил адо этингизлар, билингларики бирортангизни қилган тоат-ибодатингиз жаннатга киритмайди, Оллоҳ таоло хушлайдирган тоат-ибодат, қисқа бўлсада, узлуксиз адо этиладирган тоат-ибодатдир!».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолога энг маҳбуб тоат-ибодат қайсидир?» деб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашди. Шунда ул зот: «Қисқа бўлсада, муттасил адо этиладирган тоат-ибодатдир, тоат-ибодатни қурбингиз етганча қилингизлар!» — дедилар».

Алқама ривоят қиладилар: «Мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳодан: «Ё мўминлар онаси, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тоат-ибодатлари қандай эрди, тоат-ибодатларидан бирортасини бошқа кунга қолдирарми эрдилар?» — деб сўрадим. Оиша онамиз «Йўқ, сира бундай қилмас эрдилар, барча амалларни ўз вақтида муттасил адо этиб борар эрдилар, қайси бирингиз Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қилган ишларини қила олурсиз?!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Тоат-ибодатларингизни тўғри, мўътадил адо этингизлар, ўзгаларга айтингларики, бирор киши қилган тоат-ибодат эвазига жаннатга кирмағайдир!» — дедилар. Ё Расулаллоҳ, ҳаттоки сиз ҳамми?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳатто мен ҳам, гар Оллоҳ, таолонинг ўзи мағфират қилиб, раҳматиға олмас эркан!» — деб жавоб қилдилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилиб, намоз ўқидилар, сўнг минбарга чиқиб масжиднинг қибла тарафиға қўллари бирлан ишора қилдиларда: «Ҳозиргина мен сизлар бирлан намоз ўқиб бўлишим бирланоқ, анави девор томонда жаннат ва дўзахнинг намоён қилинганини кўрдим, бугунгидек

яхшилиқ бирлан ёмонликни кўрмагандурмен, бугунгидек яхшилиқ бирлан ёмонликни кўрмагандурмен!» — деб айтдилар».

18-боб. Хавф бирлан ражоъ (умид) ҳақида

Суфён: Қуръони Каримда менинг учун қуйидаги оятдан зўрроқ оят йўқдир», — дейдилар: «Қул, ё аҳлал-китоби, ластум ало шайъин ҳатто туқиймууттаврота вал-инжийла ва мо унзила илайкум мин раббикум». Оятнинг мазмуни («Ал-Моида» сураси): «Айтингиз, эй аҳли китоб, сизлар токи Таврот ва Инжилга ҳамда парвардигорингиз тарафидан нозил қилинган бошқа нарсаларга амал қилмасангизлар, тўғри йўлга кирмаган бўласизлар!».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Оллоҳ таоло ўз раҳматини яратган куни юз раҳматдан иборат қилиб яратди ва унинг тўқсон тўққизтасини ўзида олиб қолиб, биттасинигина бутун махлуқларига ато этди. Агар кофир Оллоҳ таолонинг қанчалик кўп раҳматга зга эканлигин билганда эрди, жаннатдан умидини узмаган бўлур эрди! Агар мўмин Оллоҳ таолонинг барча азобларидан воқиф бўлганда эрди, ўзини дўзахдан қутулган деб бунчалик ишонмас эрди!» деб айтганларини эшитганмен».

19-боб. Оллоҳ таолонинг таъқиқларига сабр-тоқат қилмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Аз-Зумар» сураси): «Иннамо йуваффас-собирууна ажрахум биғайри ҳисобин». Оятнинг мазмуни: «Сабрли бандалар беҳисоб ажр олурлар». Ҳазрат Умар: «Яхши ҳаётимизга сабр бирлан эришдик», — дейдилар.

Абу Саъид ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ ансорлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдаи бир нарсани сўрашди. Ул зот ким нима сўраса, йўқ демай берар эрдилар. ўзларига ҳеч нарсани олиб қолмас эрдилар. Олдиларида беришга ҳеч нарса қолмагач: «Қўлимда нимаики яхши нарса бўлса, сизлардан аямағайдурмен, аммо кимки ҳаёли бўлмоқни истаса, Оллоҳ таоло уни ҳаёли қилғайдир, кимки сабр қилса, Оллоҳ таоло унга сабр-қаноат берғайдир, кимки муқтожликка кўникса, Оллоҳ таоло уни бемухтож қилғайдир. Сабрдан кўра улуғроқ ва яхшироқ неъматга эриша олмағайдурсизлар!» — дедилар».

Муғйра ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шунчалик кўп намоз ўқир эрдиларки, ҳатто икки оёқлари шишиб кетар эрди. «Нега бундай қилғайсиз?» — дейишганда, «Оллоҳ таолога шукр қилғувчи бандалардан бўлмайинми?!» — дер эрдилар».

20-боб. Кимки Оллоҳ таолонинг ўзига таваккал қилғайдир, Оллоҳ таоло буни ҳисобга олиб қўйғайдир!

Ҳусайн ибн Абдурраҳмон ривоят қиладилар: «Саъид ибн Жубайрнинг ҳузурда ўлтирган эрднм, у Ибн Аббосдан нақл қилиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар», — деди: «Умматларимдан етмиш минг киши савол-жавобсиз жаннатга кирғайдир. Улар ўзларига дам солдирмайдиргам, ирим-сирим қилдирмайдирган ва Оллоҳ таолонинг ўзига таваккал қиладирган кишилардир!».

21-боб. Миш-мишнинг макруҳлиги ҳақида

Муғйра ибн Шуъбанинг котиби Варрод ривоят қиладилар: «Муовия «Расулulloҳ

саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган ҳадисларингдан менга ёзиб юборгил!» деб Муғийрага мактуб йўллади. Муғийра унга бундай деб жавоб Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоздан фориг бўлгач, «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ало кулли шайъин қадийрун» деган дуони уч бор қайтариб ўқиганларини эшитганмен. Ул зот мишмиш тарқатмоқни, эзмалик қилмоқни, мол-дунёни исроф қилмоқни, очкўзлик қилмоқни, оналарга итоатсизлик қилмоқни ва қизларни тириклайин қўмиб ташламоқни (қадимги арабларда шундай одат бўлган) манъ қилганлар».

22-боб. Тилни тиймоқ ҳақида

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, фақат яхши гапларни айтсин ёким сукут сақласин!» — деганлар.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Мо йалфиз мин қавлин илло ладайҳи ракийбун атийдун». Оятнинг мазмуни: «Киши ноўрин айтилган бир сўз бирлан ўзига абадий душман орттиргайдир».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки икки жағи бирлан икки оёғи орасидагиларни (ёмонликка ишлатмайман, деб) кафолат берса, мен ҳам унга жаннатни (Оллоҳ таолодан сўраб бергаймен, деб) кафолат бергаймен!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, фақат яхши сўз айтгайдир, йўқса сукут қилгайдир, кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, қўшнисига озор бермагайдир, кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, меҳмонини ҳурмат қилгай дедилар»

Абу Шурайҳ ал-Хузоъий ривоят қиладилар: "Қулоқларим эшитиб, қалбим ўз онгига жо қилдиким, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Меҳмоннинг иззати уч кундир, мукофоти эрса бир кеча-кундуздир», — дедилар. Мукофоти недир?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Дастлабки кеча-кундузда яхшилаб меҳмон қилмоқдир», — дедилар, сўнг «Кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, меҳмонини ҳурмат қилгайдир, кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишомгайдир, фақат яхши гап гапиргайдир, йўқса, жим ўлтиргайдир!» — деб қўшиб қўйдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Банда ўйламай-нетмай бир сўзни айтиб қўйгайдирда, кейин дўзахда машриқ бирлан (мағриб) оралиғидек олис жойда сарсону саргардон бўлиб, азоб чекгайдир», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят иладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир банда Оллоҳ таоло ризо бўладирган сўзни айтиб, натижасини ўйламай юравергайдир аммо Оллоҳ таоло ўзи билиб, унинг мартабасини улуғ қилгайдир, яна бир банда Оллоҳ таолони норози қиладирган бир сўзни айтиб, оқибатини ўйламай юравергайдир, бироқ Оллоҳ таоло буни ҳам ўзи билиб жаҳаннам қаърига ташлагайдир», — дедилар.

23-боб. Оллоҳ таолодан ҳайиқиб йиғламоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло (қиёмат куни) етти тоифа кишиларни ўз соясига олгайдир, улардан бири — (хилватда) Оллоҳ таолони ёд этиб, хўнг-хўнг йиғлаган одамдир», — дедилар».

24-боб. Оллоҳ таолодан қўрқмоқ ҳақида

Ҳузайфа ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан илгари яшаб дунёдан рихлат этган бир одам ўзи қилиб юрган амалларининг тўғри ёким нотўғрилигидан гумонсираб юрар эрди. Бир куни ул ўз аҳлига «Башарти дунёдин кўз юмсам, жазирама кунлардан бирида кулимини денгизга сочинглар!» — деб васият қилди. Улар айтганидек қилдилар. Оллоҳ таоло унинг кулини жамлаб, ўз ҳолига келтиргач: «Нечун бундай қилдинг?» — деб сўради. У «Сендан қўрққанымдан шундай қилдим», — деб эрди, Оллоҳ таоло уни мағфират қилди», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам илгари дунёдан ўтган кишилардан бирини эслаб бундай дедилар «Оллоҳ таоло унга мол-дунё ва фарзандлар ато этган эрди. Улар чоғи яқинлашгач болаларига: «Мен сизларга қандай оталик қилдим?» — деди. Болалари: «Яхши оталик қилдингиз». — дейишди. Ул: «Аммо, Оллоҳ таоло наздида бирор хайрлик иш қила олмадим, агар ўлсам, танамни куйдириб, кулимини шамолга совуринглар!» — деб васият қилди. Болалари айтганидек қилишди. Сўнг, Оллоҳ таоло «Кун!» («Қайта жонлан!») деб амр қилиб эрди, у тирилиб, ўрнидан турди. Оллоҳ таоло унга: «Эй бандам, нечун бундай қилдинг?» — деб сўради. Ул: «Сендан қўрққанымдан, — деди. Оллоҳ таоло унга танбих бермай ўз раҳматига олди».

25-боб. Қулоқ осмасликнинг оқибати ҳақида

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир одам мен сингари ёким Оллоҳ таоло мени юборгани сингари қайси бир қавмнинг ҳузурига келдида: «Мен ўз кўзим бирлан қўшин келаётганини кўриб, сизларни огоҳлантиргани ошиқдим, қочиб қолингизлар, қочиб қолингизлар!» — деб хабар қилди. Бир гуруҳ одамлар унга қулоқ солиб, қочиб қолдиларда, нажот топдилар, иккинчи бир гуруҳ эрса, унинг ганига ишонмай, жойидан жилмади, натижада қўшин етиб келиб, барчасини қириб ташлади».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен бирлан одамлар ўт ёққан киши бирлан парвоналар кабидир. Чунким, бир киши ўт ёқса, атрофи ёришгач, парвоналар учиб келиб ўзларини ўтга ура бошлайдилар, ул киши ҳарчанд ҳайдамасин, барибир ўзларини ўтга ураверадилар. Мен ҳам ўша киши сингари сизларни ўтдин қочирмоққа ҳамчалик уринмайин, ҳануз ўзингизни ўтга урмоқдасизлар!» — дер эрдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон — қўли бирлан тилидан бошқа мусулмонларга озор бермаган одамдир, муҳожир — Оллоҳ таоло таъқиқлаган нарсалардан ўзини тия билган одамдир!» — дедилар».

26-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Мен билган нарсаларни билганингизда эрди, камроқ кулиб, кўпроқ йиғлаган бўлур эрдингиз!» деганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундан дер эрдилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен билган нарсаларни сизлар ҳам билганларингизда эрди, камроқ кулиб, кўпроқ йиғлаган бўлур эрдингизлар!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен билган

нарсаларни сизлар ҳам билганларингизда эрди, камроқ кулиб, кўпроқ йиғлаган бўлур эрдингизлар!» — дедилар».

27-боб. Жаҳаннам шаҳватларга берилганлик оқибатида тўлиб кетганлиги ҳақида

Ҳурайра ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дўзах шаҳватларга берилганлик, жаннат эрса шаҳватлардан тийилганлик натижасида тўлди», — дедилар».

28-боб. Сизга жаннат пойабзалингиз инидан яқинроқдур, дўзах ҳам худди шундай эрур!

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизга жаннат пойабзалингиз инидан ҳам яқинроқдур, дўзах ҳам шундай эрур!» — деб айтдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шоирнинг «Оллоҳдин ўзга ҳар бир нарса ботил эрмасми?!» деб айтган байти жуда тўғридур!» — дедилар».

29-боб. Ўзидан улугроққа эрмас, ўзидан тубанроққа назар солсин!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангизнинг назарингиз ўзингиздан бадавлатроқ ҳамда омадлироқ одамга тушганда ўзингиздан камбағалроқ ва омадсизроқ одамга ҳам бир назар ташлаб қўйингиз!» — дедилар».

30-боб. Яхшилик ёким ёмонлик қилмоқни қасд қилганлар ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло азза ва жалла ҳақида бундай деб айтдилар: «Оллоҳ таоло хайрли ишлар бирлан ёмон ишларни бандаларининг пешонасига тақдири азал қилиб битгач, улар ҳақида бундай деб бирма-бир баён қилди: «Кимдаким бир савоб иш қилмоқни қасд айлағайдиру, аммо (бирор сабабга кўра) қилолма қолғайдиру, Оллоҳ таоло ўша қилинмай қолган хайрли ишни қилинган ҳисоблаб, унга ўз даргоҳида тўлиқ савоб ёзиб қўйғайдиру. Кимдаким бир хайрли ишга бел боғлағайдиру, уни амалга оширғайдиру, Оллоҳ таоло унга ўз даргоҳида ўндан етти юзгача ва бундан бир неча баробар кўп савоб ёзиб қўйғайдиру. Кимдаким бир ёмон иш қилмоқни қасд айлағайдиру, аммо ўзини тийиб қилмағайдиру, Оллоҳ таоло (ёмонликдин қайтгани учун) унга ўз даргоҳида тўлиқ савоб ёзиб қўйғайдиру. Кимдаким бир ёмонликни кўзлағайдиру, уни амалга оширғайдиру, Оллоҳ таоло унга ўз даргоҳида бир ёмонлик қилганлик гуноҳини ёзиб қўйғайдиру».

31-боб. Заррача гуноҳ қилмоқдин ҳам қўрқмоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Сизлар кўзингизга қилчалик туюладирган гуноҳларни ҳеч тап тортмай қилавергайсизлар, аммо Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларига қайтиб, бир эслаб кўрсак бундай гуноҳларни ҳалокатли гуноҳлардан деб ҳисоблаганимиз ёдимизга тушгайдир!».

32-боб. Натижасига кўра баҳоланадирган ишлар ва уларнинг хавфли томонлари ҳақида

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мушрикларга қарши жанг қилаётган, аммо ўзи мусулмонлар орасида энг бой бўлган бир кишига кўзлари тушиб: «Кимдаким дўзахий одамни кўрмоқ ниятида эрса, ана шу одамга қарасин!» — дедилар. Шул аснода бояги одам яраланиб, оғриққа чидамай ўз кўкрагига қилич солган эрди, икки кураги орасидан тешиб чиқди, Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Бир банда жаннат аҳли қиладирган ишни қилсада, дўзахий бўлгайдир ва бошқа бир банда дўзах аҳли қиладирган ишни қилсада, жаннатий бўлгайдир. Зеро, ишлар натижасига кўра баҳолангайдир!» — дедилар»,

33-боб. Ёмонлик қилмоқдин кўра тарки дунё қилмоқ жонга роҳатдир!

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Бир бадавий Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: "Ё Расулаллоҳ, одамларнинг энг яхшиси кимдур?" — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Нафси бирлан мол-дунёсига қарши жиҳод қилгувчи ҳамда одамларга ёмонлигим тегмасин деб тоғу тошларга бош олиб чиқиб кетиб, раббига тоат-ибодат этгувчи одамдир!» — деб жавоб қилдилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамлар бошига шундай бир замон келадирки, ўшанда мусулмон дину эътиқодини фитналардан асрамоқ учун тоғу тошларга қўй қайдаб чиқиб етмоқни афзал кўргайдир!» — деб айтганларини эшитганмен».

34-боб. Виждон (ҳалоллик)нинг йўқолиб кетмоғи ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳалоллик йўқолиб кетганда қиёмат бўлмоғини кутавергил!» — дедилар. «Ҳалоллик қай тариқа йўқолиб кетгайдир?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Иш нолойиқ одамларга топширилганда қиёмат бўлмоғини кутавергил!» — деб жавоб қилдилар».

Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга икки ҳадис айтдилар, бирининг амалга ошганининг шоҳиди бўлдим, иккинчисининг бўлмоғини кутиб юрибдурмен. Ўшанда Жаноб Расулulloҳ бизга виждон (ҳалоллик)нинг кишилар қалб томирларида нозил қилингани, сўнг кишилар Қуръон ва суннатни ўрганганликлари ҳамда виждоннинг йўқолиб кетмоғи ҳақида сўзлаб бундай деган эрдилар: «Киши бир ухлаб турганда қалбидаги виждони чиқиб кетиб, ўрнида бир рангсиз нарсадаги нуқтадек из қолгайдир, сўнг яна бир ухлаб тургач, қолгани ҳам чиқиб кетиб, чўғни яланг оёғинг бирлан тепиб юборганинда ҳосил бўладирган қабарикдек нуқта қолгайдир, кейин эрса пуфакча пайдо бўлганини ёким ҳеч нарса қолмаганини кўргайдурсен. Кейин, одамлар ўзаро аҳдлашадирлару, аммо бирорталари бунга амал қилмайдирган бўлиб қоладилар. Шунда фалон қавмда ҳалолу пок киши бор эрмиш, у қанчалар доно, хушнамо ва матонатли эрмиш деб сўзлайдирган бўлишгайдир, аммо ҳақиқатда эрса, ул одамнинг қалбида хардал уруғичалик ҳам иймон бўлмагайдир». Ҳозир шундай замонда яшамоқдадурменким, барчангиз бирлан байъатлашавергаймен (аҳдлашавергаймен), байъатлашгувчи исломга содиқ мусулмонми ёким ўз волийсига вафодор насронийми, бунинг аҳамияти йўқдур. Аммо, шундай эрсада, бугун мен фалон ва фалон кишилар бирлангина аҳдлашган бўлур эрдим!».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Одамлар бамисоли орасида бирорта ҳам минишга яроқлиси йўқ юзта туяга ўхшайдир!» — деб айтганларини эшитганмен».

35-боб. Риё ва шуҳратпарастлик ҳақида

Жундуб разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимдаким хайрли ишларини шуҳрат топмоқ ниятида овоза қилғайдир, Оллоҳ таоло ҳам қиёматда уни шарманда қилиб, овоза қилғайдир. Кимдаким хайрли ишларини одамлар мени кўриб қўйсинлар деб кўз-кўз қилғайдир, Оллоҳ таоло ҳам қиёматда уни барча бандалари ўртасида изза қилғайдир», — дедилар.

36-боб. Оллоҳ таолога тоат қилиб, ўз нафсига қарши жиҳод қилган одам хусусида

Маоз ибн Жабал ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уловларига мингашиб кетаётган эдим, мен бирлан ул зотнинг ўртамизда эгарнинг орқа қисмидан бўлак нарса йўқ эрди. Ногаҳон, Жаноб Расулulloҳ: «Ё Маоз!» — деб қолдилар. Мен: «Лаббай, ё Расулаллоҳ, хизматингинга тайёрмен!» — дедим. Сўнг, бироз юргач, яна: «Ё Маоз!» — дедилар. Мен тағин: «Лаббай, ё Расулаллоҳ, хизматингизга ҳозирмен!» — дедим. Кейин, яна бироз юргач: «Ё Маоз ибн Жабал!» — дедилар. Мен бу гал ҳам: «Лаббай, ё Расулаллоҳ, хизматингизга ҳозирмен! — деб жавоб қилдим. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг ўз бандаларида қандай ҳақи борлигини билурмисен?» - дедилар. Мен: «Оллоҳ ва унинг расули яхшироқ билгайдир!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг ўз бандаларидаги ҳақи — бандаларнинг унга ибодат қилиб, ҳеч нарсани ширк келтирмасликлари лозимлигидир!» — дедилар. Кейин, яна бироз юрилгач: «Ё Маоз ибн Жабал!» — дедилар. Мен: «Лаббай, ё Расулаллоҳ, хизматингизга тайёрмен!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Агар бандалар Оллоҳ таолонинг ўзларидаги ҳақини тўла-тўқис берсалар, уларнинг Оллоҳ таолодаги ҳақлари не эрканин билурмисен?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ ва унинг расули яхшироқ билгайдир!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бандаларнинг Оллоҳ таолодаги ҳақлари — Оллоҳ таолонинг ўз бандаларига азоб бермаслиги лозимлигидир!» — дедилар».

37-боб. Тавозеъ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ал-Азбоъ деган туялари бўлиб, бирор марта ҳам пойгада енгилмаган эрди. Бир аъробий ёш бир туя миниб келиб, ундан ўзиб кетди. Бундан ранжиган мусулмонлар: «Ал-Азбоъ ютқазиб қўйди!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу дунёдаги бирор нарсани обрўсизлантирмоққа фақат Оллоҳ, таолонинг Ўзигина ҳақлидур!» — дедилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло бундай дейди», — дедилар: «Кимда ким менга дўст бўлмиш бандамга душманлик қилгайдир, мен унга уруш эълон қилгайдурмен! Бандам менинг учун энг маҳбуб бўлмиш мен унга фарз қилган нарса менга яқин бўлмади, агар бандам нафл тоат-ибодатлар бирлан менга яқин бўлмоқда давом этгайдир, мен уни яхши кўргайдирмен. Мен агар бирор бандамни яхши кўриб қолгайдирмен, унинг эшитмоғи учун қулоқ, кўрмоғи учун кўз, ишламоғи учун қўл, юрмоғи учун оёқ бўлгаймен, ул мендан бирор нарса тилагайдир, тилагини раво қилгайдирмен, мендан паноҳ тилагайдир, паноҳ бергайдирмен. Мен ўлимни ёқтирмайдирган мўминнинг жонини олмоққа иккиланмаганимдек бирор нарса хусусида иккиланмагайдирмен, уни дарҳол бажаргайдирмен, мен бандамга ёмонликни раво кўрмагайдирмен».

38-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Мен пайғамбар қилиб

юборилганимда қиёматнинг манави икки бармоғим орасини очиб ёпганимчалик тез фурсатда содир бўлиб ўтмоғи аён қилинди, Оллоҳ таоло: «Қиёматнинг иши кўз очиб юмгунчалик ёким шунга яқин фурсатда содир бўлиб ўтгайдир, Оллоҳ барча нарсага қодирдур!» — дейди» деб айтганлари хусусида

Саҳл ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен пайғамбар қилиб юборилганимда қиёматнинг мана бундай (тез фурсатда бўлиб ўтмоғи аён қилинди)» — деб икки бармоқларини айри қилиб кўрсатдилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен пайғамбар қилиб юборилганимда қиёматнинг манави икки (бармоғим орасини очиб ёпганимчалик тез фурсатда содир бўлиб ўтмоғи аён қилинди)», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен пайғамбар қилиб юборилганимда Қиёматнинг манави иккитанинг, яъни икки бармоғимнинг (орасини очиб ёпганимчалик тез фурсатда бўлиб ўтмоғи аён қилинди)» — дедилар».

39-боб.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Қуёш ботадирган томонидан чиқмагунча қиёмат бўлмағайдир. Қуёшнинг ўша томондан чиққанини кўрган барча одамлар иймон келтира бошлағайдирлар, аммо энди, уларнинг иймон келтирганларидан фойда бўлмағайдир, чунким улар бундан илгарироқ иймон келтирмагандирлар ва иймонли бўлиб бирор хайриятга зришмагандирлар. Қиёмат шул қадар тез содир бўлғайдирким, ҳатто сотмоқ бўлиб кийимларини бир арига ёйиб кўрсатиб турган икки киши савдолашиб ҳам, уни ўраб бериб ҳам улгурмағайдир. Қиёмат шул қадар тез содир бўлғайдирким, ҳатто киши туясини соғиб, сутини ичолмай қолғайдир. Қиёмат шул қадар тез содир бўлғайдирким, ҳатто киши ҳовузчасига сув тўлдирмоқ бўлиб ариқнинг сувини тўсиб улгурмағайдир. Қиёмат шул қадар тез содир бўлғайдирким, ҳатто киши қўлига таом олиб, оғзига солиб улгурмағайдир!»

40-боб. Кимдаким Оллоҳ таолонинг висолини кўрмоқ орзусида эрса, Оллоҳ таоло ҳам уни кўрмоқни истағайдир!

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимдаким Оллоҳ таолонинг висолини кўрмоқ истагида эрса, Оллоҳ таоло ҳам уни кўрмоқни хоҳлағайдир. Кимдаким Оллоҳ таолонинг висолини кўрмоқни истамағайдир, Оллоҳ таоло ҳам уни кўрмоқни хоҳламағайдир», — дедилар. Шунда Оиша онамиз ёким ул зотнинг завжаи муҳтарамаларидан бири: «Дарҳақиқат, биз ўлмоқни истамағайдирмиз», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: "Йўқ, ундай эрмас! Аммо, мўмин одам учун, қошига ўлим келиб, Оллоҳ таолонинг ризолиги ҳамда марҳаматидан башорат қилинганда, олдида турган ўлимдан кўра суюклироқ нарса бўлмағайдир ва ул Оллоҳ таолонинг висолини кўрмоқни истаб қолғайдир, Оллоҳ таоло ҳам уни кўрмоқни хоҳлағайдир. Кофир учун эрса, қошига ўлим келиб Оллоҳ таолонинг азоб-уқубатидан башорат қилинганда, олдида турган ўлимдан кўра ёмонроқ нарса бўлмағайдир ва ул Оллоҳ таолонинг висолини кўрмоқни истамағайдир, Оллоҳ таоло ҳам уни кўрмоқни хоҳламағайдир», — дедилар».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимдаким Оллоҳ таолонинг висолини кўрмоқ истагида эрса, Оллоҳ таоло ҳам уни кўрмоқ истагида

бўлгайдир, кимдаким Оллоҳ таолонинг висолини кўрмоқни хоҳламагайдир, Оллоҳ таоло ҳам уни кўрмоқни хоҳламагайдир», — дедилар».

Набий саллаллоу алайҳи ва салламнинг завжаи муҳтарамалари — Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам соғ-саломат юрган чоғларида: ҳеч қайси пайғамбарнинг жаннатдаги жойи кўрсатилмай туриб, жони олинмагайдир», — дор эрдилар. Бемор бўлиб қолганларида муборак бошлари тиззамга қўйилган ҳолда мунча вақт беҳуш ётдилар, сўнг ўзларига келиб шифтга қилганча: Оллоҳумма ар-рафийқ ал-аъло», — дедилар. ундан мен билдимки, бизни кўрмоққа ихтиёрлари бўлмай, ўша ўзлари бизга айтиб юрган гаплари мана шу эркан: «Мўмин одам учун қошига ўлим келиб, Оллоҳ таолонинг ризолиги ҳамда марҳаматидан башорат қилинганда, олдида турган ўлимдан кўра суюклироқ нарса бўлмагайдир», — деб айтган гаплари). «Оллоҳумма ар-рафийқ ал-аъло!» Жаноб Расулulloҳнинг энг сўнги айтган сўзлари бўлди».

41-боб. Ўлим талвасаси ҳақида

Оиша онамизнинг озод қилган қуллари — Абу Ажр Заквон ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бундай дер эрдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўпараларида суви бор бир қаҳважўш (ёким, «Қутича бўлса керак», — дейдилар Ҳазрат Умар) бўлиб, ичига қўлларини тикиб, намини юзларига суртар эрдиларда, нуқул: «Оллоҳдин ўзга тангри йўқдир, ўлимнинг талвасалари мавжуддир!» — дер эрдилар. Сўнг, қўлларини фотиҳага кўтариб, «Ар-Рафийқ ал-аъло!» деб такрор-такрор айтавердилар, ҳатто жон таслим қилганларида қўллари фотиҳага кўтарилганча қолди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ бадавийлар оёқ яланг ҳолда Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, нуқул: «Қиёмат қачон бўлгайдир?» — деб сўрайвердилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ улардан энг ёшига қараб: «Оллоҳ таоло мана шунга умр берса, ул қаримай туриб сизларнинг қиёматингиз бўлгайдир», — дедилар. (Ҳишом: «Яъни, ўлгайдирлар», — дейдилар)».

Қатода ибн Рувъий ал-Ансорий бундай дер эрдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан бир жаноза ўтиб эрди, ул зот: «Мустарийҳ ва мустароҳ минҳу», — дедилар. Шунда одамлар: «Мустарийҳ ва мустароҳ минҳу не демақдир?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мўмин банда бу дунё азоб-уқубатларидан қутулиб, Оллоҳ таоло азза ва жалланинг раҳматиға сазовор бўлгач, роҳат топгайдир. Нопок (осий) бандадин эрса бошқалар, шаҳарлар, дарахтлар ва ҳайвонлар қутулиб, роҳатлангайдир», — дедилар?..

Ибн Каъб Абу Қатодадан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мустарийҳ ва мустаро минҳу, ал-муъмин йастарийҳ», — дедилар (яъни, мўмин банда бу дунё азобларидан қутулиб роҳат топади, осий бандадан эрса бошқалар қутулиб, роҳат топади, мўмин банда роҳат топгайдир)».

Анас ибн Молик бундай дер эрдилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Майитга уч нарса эргашиб, ундан иккисигина қайтиб, биригина ўзи бирлан қолгайдир: унга бола-чақалари, бойлиги ҳамда қилган ишлари эргашиб боргайдир, аммо бола-чақалари, бирлан, дунёсигина ортга қайтгайдир, ўзи бирлан эрса биригина қилган ишларигина қолгайдир», — дедилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу майҳи ва саллам: «Бирортангиз

ўлсангиз, қабрингизда эрта-ю кеч жаннатми, дўзахми, борар жойингиз кўрсатиб кирилгайдир ва: «Қиёматда, қайта тирилганингдан сўнг, борар жойинг ана шулдир!» — дейилгайдир», — дедилар. Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўлганларни сўкмангизлар, чунким улар қилмишларига (жавоб бергали) кетдилар!» — дедилар».

42-боб. Қиёматда сур (карнай) чалинмоғи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Икки киши, бири — мусулмон, иккинчиси — яҳудий ўзаро сўкишиб қолди. Мусулмон: «Оллоҳ таоло Мухаммад алайҳиссаломни бутун дунёга мустафо (мухтор) қилиб юборгандур! — деди. Яҳудий эрса: «Оллоҳ таоло Мусони бутун дунёга мустафо (мухтор) қилиб юборгандур! — деди. Шунда мусулмоннинг ғазаби келиб, яҳудийнинг юзига бир шапалоқ урди. Яҳудий Жаноб Расулulloҳкинг ҳузурларига бориб икки ўртада бўлиб ўтган гапни айтиб, шикоят қилди. Жаноб Расулulloҳ: «Мени Мусодин юқори қўймангизлар! Қиёмат куни одамлар (сур овозидан) бохуш бўлиб йиқилгайдирлар, шунда мен, Мусо Арш ёнида турганида, биринчи бўлиб ўзимга қолгайдирмен. Балким, ул ҳам барча баробар беҳуш бўлиб, мендан илгари ўзига келгандир ёким ул Оллоҳ таоло истисно қилганлардандир, буни билмагайдирмен», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам «(Сур чалинғач), одамлар беҳуш бўлиб йиқилар, мен эрсам Мусо Арш ёнида турганида биринчи булиб ўзимга келгайдирмен. Балким, ул ҳам барча баробар беҳуш бўлгандир, буни билмагайдирмен», — дедилар».

43-боб. (Қиёмат куни) Оллоҳ таоло ерни (қўли бирлан) эзгайдир!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Қиёмат куни) Оллоҳ таоло ерни эзиб, осмонни ўнг (қўли) бирлан букиб ташлагайдирда, «Мен подшоҳдурмен, ернинг подшоҳлари қаердадир?» деб сўрайдир — дедилар.

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни ер битта нон зуваласи каби бўлиб, сафарда сиз ҳамир қориб зувала қилганингиз янглиғ Оллоҳ таоло уни қўли бирлай зувала қилгайдир, сўнг жаннат аҳлига таом қилиб йўллагайдир», — дедилар (яъни, Оллоҳ таоло ер таркибини ўз қудрати ила ўзгартириб, егулик ҳолига келтиргайдир). Шу аснода бир яҳудий келиб «Ё Абулқосим, Оллоҳ, таоло сизга баракот ато қилсин! Қиёмат куни жаннат аҳлига юбориладиган егулик ҳақида сизга айтиб берайинми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, айтгил!» — дедилар. Яҳудий: «Ҳа, тўғри, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек қиёмат куни ер битта нон зуваласи каби бўлгайдир», — деди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бир кулиб қараб қўйдилар, ҳатто муборак озиқ тишлари кўриниб кетди, сўнг: «Уни хушхўр қилғувчи хурушлари ҳақида сенга айтиб берайинми? У лом ва нун бирлан хушхўр бўлгайдир», — дедилар. Саҳобалар: «У недир?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Хўкиз ва наҳанг бўлиб, уларнинг жигар ўсимтасидан етмиш минг киши егайдир», — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Қиёмат куни одамлар тоза ундан қилинган нондек туфроғи оппоқ жойда тўплангайдирлар» деб айтганларини кўп эшитганмен».

44-боб. Одамлар маҳшарга қай тариқа тўплангайдир?

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Қиёмат куни) одамлар (Оллоҳ таолонинг висолини тезроқ кўрмоқни) иштиёқ қилиб, қўрққанларидан титраб-қақшаб бир туяга иккитадан, учтадан, тўрттадан ва ўнтадан мингашиб олган ҳолда уч тариқа маҳшарга тўплангайдирлар, қолганлари эрса жаҳаннамга йиғилиб, туну кун ётадирган жойлари ўт бўлгайдир, тонг оттирсалар ҳам, кунни кеч қилсалар ҳам, ҳамиша ўт ичида қолгайдирлар», — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир одам: «Ё Расулуллоҳ, кофир қандай қилиб маҳшарга юзи бирлан юриб келгайдир?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ «Бу дунёда инсонни оёғи бирлан юргизмоққа қудрати етган зотнинг қиёмат куни уни юзи бирлан юргизмоққа қудрати етмагайдирми?» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни сизлар ялангоёқ, яланғоч, пиёда ва хатна бўлмаган ҳолда Оллоҳ таолога бўлгайдирсизлар». — дедилар.

Саъид ибн Жубайр Ибн Аббосдан нақл қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб: «Қиёмат куни сизлар ялангоёқ, яланғоч ва хатна бўлмаган ҳолда Оллоҳ таолога рўбарў бўлгайдирсизлар», — деганларини эшитганмен».

Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу ва саллам бизга ваъз айтаётиб бундай дедилар: қиёмат куни сизлар ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган маҳшарга тўплангайдирсизлар. Бу хусусда Оллоҳ таоло ўз ояти каримасида: «Дастлаб қай ҳолда яратган эрса ўша ҳолда тирилтиргайдурмиз», — дейди. Қиёмат куни халоиқдан биринчи бўлиб Иброҳим халилуллоҳга кийим кийдирилгайдир ва ул киши менинг умматимга мансуб кишилар бирлан келтирилиб, чап томонга турғазиб кўйилгайдир. Мен уларни кўриб: «Ё рабб бечора саҳобагиналаримей!» — дейдирмен. Шунда Оллоҳ таоло: «Уларнинг сендан кейин не қилгонларин билмассен!» — дегайдир. Мен бир бандаи солиҳ каби (уларнинг ёнини олиб) гапиргаймэн. Шунда менга жавобан: «Улар ортларига қайтишда (гуноҳ қилмоқда) давом этгандирлар», — дейилгайдир».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Сизлар маҳшарга ялангоёқ, яланғоч ва хатна бўлмаган ҳолда тўплангайдурсизлар», — дедилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, эркалар бирлан аёллар бир-бирларига шу аҳволда рўбарў бўладирларми?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўшал кун одамлар шундай аҳволга тушиб қоладирларки, уларнинг бу нарсаларга эътибор бермакка майллари қолмагайдир!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга чодирда ўлтирган эрдик. Шунда Жаноб Расулуллоҳ бизга: «Аҳли жаннатнинг тўртдан бир қисми сизлардан иборат бўлмоғига рози бўлгайдирсизларми?» — дедилар. Биз: «Ҳа» — дедик. Жаноб Расулуллоҳ: «Аҳли жаннатнинг учдан бир қисми сизлардан иборат бўлмоғига рози бўлгайдирсизларми?» — дедилар. Биз: «Ҳа!» — дедик. Жаноб Расулуллоҳ: «Аҳли жаннатнинг ярми сизлардан иборат бўлмоғига рози бўлгайдирсизларми?» — дедилар. Биз: «Ҳа!» — дедик. Жаноб Расулуллоҳ: «Муҳаммаднинг жони кўлида бўлган зот номи бирлан қасамёд қилгайдирменким, мен сизларнинг жаннат аҳлининг ярмини ташқил қилмоғингиздан умидвормен, чунким жаннатга мусулмон руҳдан ўзгаси кирмагайдир. Сизлар мушриклар орасинда гўёким қора хўкиз жунлари аро оппоқ ёким қизил хўкиз жунлари аро қоп-қора туклар

монанддурсизлар», — дедилар».

Хурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қиёматда биринчи бўлиб Одам алайҳиссалом чақирилғайдирлар, шундан сўнг ул кишидан тарқалган зурриётлар зоҳир бўлиб, уларга «Бу — отангиз Одам алайҳиссаломдир», — дейилгайдир. ул кишининг зурриётлари: «Лаббай, хизматингизга ҳозирдурмиз!» — дегайлар. Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга: «Зурриётларингдан дўзахийларини ажратиб бергил!» — дегайдир. Одам алайҳиссалом: «Ё рабб, қанчасини ажратайин?» — дегайдирлар. Оллоҳ таоло: «Ҳар юзтасидан тўқсон тўққизтасини ажратгил!» — дегайдир». Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, агар бизнинг ҳар юз нафаримиздан тўқсон тўққизтасини ажратсалар, унда қанчамиз қолгаймиз?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Менинг умматларим бошқа умматлар орасинда қора ҳўкиз жунлари аро оппоқ тукларга монанддир!» — деб жавоб қилдилар».

45-боб. Оллоҳ таолонинг «Қиёмат кунининг зилзиласи буюк ишдир!» деган қавли хусусида

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Ё Одам!» — дейди. Одам алайҳиссалом: «Лаббай, ҳамиша мен хизматингга тайёр ва илгингдадур хайрият бисёр!» — дейдилар. Оллоҳ таоло: «Дўзахийларни ажратгил!» — дейди. Одам алайҳиссалом: «Дўзахийлар қанчадир?» — дейдилар. Оллоҳ таоло: «Ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси», — дейди. Шунда одамлар ёшларнинг сочи оқариб кетгудай ва ҳар қандай ҳомиладор ҳомиласини ташлағудай аҳволга тушгайдирлар, улар ичкилик ичмай туриб масту девона бўлгайдирлар, аммо-лекин Оллоҳ таолонинг азоби ниҳоятда қаттиғ бўлгайдир!». Бу гапларни эшитиб таъблари тирриқ бўлган саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ўша жаннатга тушадирган бир киши қайси биримиздир?» — дейишди Жаноб Расулulloҳ: «Сизларга илгари башорат қилинган ким, Яъжуж ва Маъжуждан минг киши, сизлардан бир киши», — дедилар. (Яъни, пайғамбаримизга замондош умматнинг ҳар мингтасидан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси жаннати ва биттаси дўзахи бўлган чоғда ул зотдан илгариги ҳамда кейинги барча умматларнинг ҳар мингтасидан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси дўзахи ва биттаси жаннати бўлгайдир. Яна, Оллоҳ таолонинг ўзи яхшироқ билгайдир!). Сўнг «Жоним илгида бўлмиш зот номи бирлан қасамёд қилгайдурменким, мен сизларнинг жаннат аҳлининг учдан бирини ташкил қилмоғингиздан умидвормен!» — дедилар. Шунда биз енгил тортиб, Оллоҳ таолога ҳамду такбир айтдик. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Жоним илгида бўлган зот номи бирлан қасамёд қилгайдурменким, мен сизларнинг жаннат аҳлининг ярмини ташкил қилмоғингиздан умидвормен, сизлар умматлар аро, гўёким, қора ҳўкиз терисидаги оппоқ туклар ёким эшак оёғидаги оппоқ холсизлар!» - дедилар».

46-боб. Оллоҳ таолонинг «Улар инсонлар Оллоҳ таолонинг қатъий ҳукмини эшитмоқлари учун қабрларидан тик турадирган кун бўлмиш буюк кун туфайли қайта тирилтирилажаклари ҳақида ўйлайдиларми?!» деган қавли хусусида

Ибн Аббос: «Ҳаёт воситалари узилди, дегани — бу дунёдан насибаси узилди, демақдир», — дейдилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Инсонлар Оллоҳ таолонинг қатъий ҳукмини эшитмоқлари учун қабрларидан тик турадирган куни қайси бирингиздир қулоқларингизнинг ярмига қадар терга ботиб қабрингиздан тургайсиз», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни инсонлар шул қадар кўп терлайдирким, ҳатто терлари етмиш газ чуқурликда ерга сингиб, қулоқларига қадар чиқғайдир», — дедилар».

47-боб. Қиёмат куни олинадирган қасос ҳақида

Абдулло ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам «Энг биринчи бўлиб одамларнинг ўзаро тўккан қонлари хусусида ҳукм чиқарилғайдир», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бу дунёда бировга зулм қилғон эрса, охиратга қолдирмай қилғон гуноҳидан қутилсин, акс ҳолда кейин на динор ва на дирҳам бериб қутилиб бўлмайдирган чоғда мазлумга унинг савобларидан олиб берилғусидир, гар савоблари бўлмағайдир, мазлумнинг гуноҳларидан бир қисми унга юкланғайдир!» — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминлар дўзахдан қутилғонларидан сўнг, жаннат бирлан дўзах оралиғидаги кўприк устига келганларида тўхтатилғайдилар. Шунда улар бу дунёда бир-бирларига нисбатан қилғон зулмлари учун ўзаро ўч олиб, гина-қудуратлардан фориг бўлиб олғайлар, сўнг уларга жаннатга дохил бўлмоқларига ижозат берилғайдир. Муҳаммаднинг жони илгида бўлғон зот номи бирлан қасамёд қилғайдурменким, улар бу дунёдаги уйлари қилғайсен!» — деб дуо қилдилар. Сўнг, ансорлардан бир киши туриб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога илтижо қилингиз, мени ҳам ана ўшалар тоифасидан қилсин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Уккоша бу хусусда сендан илдамлик қилди!» — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимдан етмиш минг (ёким етти юз минг, деб иккиланади ровий) киши бир-бирларининг қўлларини ушлашиб, бирин-кетин биринчисидан то охиргисига қадар (сўроқсиз) жаннатга кирғайлар, шунда уларнинг юзлари ойдин кеча тўлин ой балқиган янглиғ порлаб турғайдир!» — дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга киргач, эълон қилғувчи фаришта келиб: «Эй дўзах аҳли, энди сизларга ўлим йўқдир, эй жаннат аҳли, энди сизларга ўлим йўқдир, бундан буён абадиятдир!» — деб жар солғайдир», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат аҳлига: «Эй жаннат аҳли, энди ўлим йўқдир, бундан буён абадиятдир!» ва дўзах аҳлига: «Эй дўзах аҳли, энди ўлим йўқдир, бундан буён абадиятдир!» — деб эълон қилинғайдир», — дедилар».

50-боб. Жаннат ва жаҳаннам тавсифи ҳақида

Абу Саъид бундай дейдилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат аҳли ейдирган дастлабки таом — наҳанг жигарининг ўсимтасидир!» — дедилар».

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатга назар солиб, унинг аҳлининг аксарияти фақирлар эрканин кўрдим, дўзахга назар солиб, унинг аҳлининг аксарияти аёллар эрканин кўрдим», — дедилар».

Усома ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат қопқаси остонасиға келиб турдим, у ерга (биринчи бўлиб) кираётган омма мискинлар бўлиб, бойлар эрса, тўхтатиб қўйилган эрди. Аммо, дўзах аҳлини дўзахга ҳайдамоққа аллақачонлар амр қилинган бўлиб, мен унинг қопқаси остонасиға келиб турдим. У ерга кираётган омма аёллар эрди», — дедилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат аҳли жаннатга, дўзах аҳли дўзахга киритилган, ўлимни жаннат бирлан дўзах оралиғига олиб келиб, бўғизлағайдирлар, сўнг: «Эй жаннат аҳли, ўлим йўқдур, эй дўзах аҳли, энди ўлим йўқдур!» — деб нидо қилинғайдир. Жаннат аҳли бундан янада шоду хуррам бўлғайдур, дўзах аҳли эрса, бадтарин ғамга ботғайдур», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло аҳли жаннатга: «Эй аҳли жаннат!» — деб мурожаат қилғайдир. Улар: «Лаббай, ё Раббимиз, хизматингга тайёрмиз!» — деб жавоб қилғайдирлар. Оллоҳ таоло: «Розимидурсизлар?» — дегайдир. Улар: «Нечун рози бўлмағайдурмиз, ўзга бандаларингга қилмаган марҳаматингни бизга қилдинг!» — дегайдирлар. Оллоҳ таоло: "Сизларга бундан ҳам ортиқроқ марҳамат кўрсатғайдурмен!» — дегайдир. Улар: «Ё Рабб, бундан ортиқроқ марҳаматинг қайсидур?» — дегайлар. Оллоҳ таоло: «Мен сизлардан рози бўлиб, бундан буён қаҳримға сира дучор қилмағайдурмен!» — дегайдир».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Ҳориса Бадр жангида шаҳид бўлди, у ўшанда ёш йигитча эрди. Унинг онаси Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурлариға келиб: «Ё Расулalloҳ, Ҳорисанинг менинг учун қанчалик азиз эрканлигин ўзингиз яхши билғайсиз. Башарти, у жаннатға дохил эрса, сабр-тоқат қилғумдир, акс ҳолда не қилмоғимни кўрурсиз!» — деб дағдаға қилди. Жаноб Расулulloҳ: «Эсинг оғиб қолган кўринадур, жаннат бир эрмас, бир нечадур. Ўғлинг ҳозир жаннат ул-Фирдавсда дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кофирнинг икки елкаси оралиғи чопқир чавандоз уч кунда босиб ўтадирган масофачалик кенгдур», — дедилар» (яъни, жаҳаннам оташида кўпроқ азобу алам чекмоғи учун, яна Оллоҳ таоло ўзи яхшироқ билғайдир!)

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатда бир дарахт мавжуд бўлиб, отлиқ одам юз йилда ҳам унинг соясининг поёниға етолмағайдур!» — дедилар.

Абу Саъид ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатда бир дарахт мавжуд бўлиб, чопқир от минган чавандоз юз йилда ҳам унинг соясининг поёниға етолмағайдур!» — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Умматимдан етмиш мингги (Ровий икқиланиб: «Балким, юз мингги, деб айтгандурлар», — дейди) сўроқсиз жаннатга кирғайдир. Улар ўзаро қўл ушлашиб, олдинда тургани энг кейинда тургани кирмагунча кирмағайдир (яъни, бир-бирларини иззат-икром қилиб баравар киришғайдир). Шунда уларнинг юзлари ойдин, кечадаги тўлин ой янглиғ маҳлиқо бўлғайдир! — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат

аҳли жаннатдаги кўшқларида осмондаги порлоқ юлдузлар монанд чарақлаб ўлтирғайлар!» — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий: «Шарқий ва ғарбий уфққа ботаётган юлдузларни кўрганингиздек (чарақлаб ўлтирғайлар)», — дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қиёмат куни Оллоҳ таоло энг ҳам азоб тортадирган дўзахийлардан бирига: «Ер юзидаги жамиқи нарсалар сеники бўлган тақдирда уни гуноҳларинг эвазига тўларми эрдинг?» — дейдир. Ул: «Ҳа!» — деб айтадир. Оллоҳ таоло: «Мен сендан, ҳали сен Одам алайҳиссаломнинг пушти камарида бўлган чоғингда бундан осонроқ нарсани — менга заррача ширк келтирмасликни талаб қилғон эрдим, сен эрсанг, саркашлик қилиб менга ширк келтирдинг!» — дегайдир».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бандалар дўзахдан шафоат туфайли сағорийр униб чиққани янглиғ чиқиб келғайдирлар», — дедилар. Мен: «Сағорийр недур?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Зағобийсдур (бодрингдур)», — дедилар. Дастлаб сўзни тўғри айта олмадилар, чунким тишлари тушган эрди».

Абуннуъмон: «Мен Амр ибн Динорга «Сен Жобир ибн Абдуллоҳнинг «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бандалар дўзахдан шафоат туфайли чиқиб келадирлар», — дер эрдилар» деганини эшитганмисен?» деб эрдим, ул: «Ҳа!» — деб жавоб қилди», — дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бир қавм, дўзах алангаси уларни сийпалагач, ташқарига чиқиб, сўнг жаннатга кирғайдурлар. Шунда жаннат аҳли уларни кўриб «Жаҳаннамийлар!» деб атағайдир», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Аҳли жаннат жаннатга, аҳли дўзах дўзахга киритилгач, Оллоҳ таоло: «Қалбида хардал уруғичалик иймони бўлғонларни дўзахдан чиқарингизлар!» — дегайдир. Сўнг, уларни баданлари куйиб кўмирга айланган ҳолда чиқаришиб, хаёт дарёсиға ташлағайдурлар. Шунда улар селдан сўнг қоладирган лойқадан униб чиқадирган уруғ ниҳолидек навниҳол бўлиб чиқғайдурлар. Уруғнинг буралиб-буралиб чиқаётган сарғиш ниҳолини сира ҳам кўрмагандурмисизлар?» — дедилар».

Нуъмон ибн Башир ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни энг ҳам азоб тортадирган дўзахийнинг мияси оёқлари остидаги оташ туфайли қозон ёким қумғонда қайнаётган сув каби қайнаб турғайдир», — дедилар».

Адий ибн Ҳотим ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам дўзах ҳақида гапирдиларда, алангадан пана қилгандек юзларини қўллари бирлан тўсиб туриб: «Ё парвардигоро, дўзах оташидан ўз паноҳингда асрағайсен!» — дедилар. Сўнг, бизга: «Яримта хурмо садақа қилиб бўлса ҳамки, дўзах оташидан ўзингизни сақлангиз, гар шуни ҳам тополмассиз, бир оғиз яхши гап айтингиз!» — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Абу Толиб ҳақларида эслаб бундай деганларини эшитганмен: «Шоядки, шафоатим нафъ берса-ю, ул кишига дўзах оташининг тўпиқларигагина чиқадирган саёзроқ жойидан насиб этса! Шунда ул кишининг фақат мияларигагина қайнағайдур».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло қиёмат куни жамики инсонларни (маҳшарга) тўплагач, улар: Бизни бу маконимиздан халос қилиб, ўзга яхшироқ жой ато этмоғи учун раббимиздан шафоат тилайлик!» — дейишгайдир. Сўнг, Одам алайҳиссаломнинг қошларига бориб: «Оллоҳ таоло сизни ўз илги бирлан яратиб, ўз руҳидан жон ато этгандир, сизга фаришталарнинг сажда қилмоқларини амр қилгандир, раббимиздан бизга шафоат тилаб берингиз!» — деб айтишгайдир. Одам алайҳиссалом уларга: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» — деб қилгон гуноҳларини эслаб гапиргайларда: «Нухнинг ҳузурларига борингизлар, ул киши Оллоҳ таоло юборган биринчи пайғамбар бўладилар!» — дегайлар. Улар Нухнинг қошларига боргайлар. Ул киши ҳам: "Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» — деб қилган гуноҳлари ҳақида эслагайларда: «Иброҳимнинг қошларига борингизлар, Оллоҳ таоло ул кишини «ҳалилим» (дўстим) деб атаган!» — дегайлар. Улар Иброҳимнинг ҳузурларига борганларида, ул киши ҳам: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» — деб қилган гуноҳларини эслагайларда: «Мусонинг қошларига борингизлар, ул киши бирлан Оллоҳ таоло сўзлашгандир!» — дегайлар. Улар Мусонинг ҳузурларига боргайлар. Ул киши ҳам: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» — деб қилган гуноҳларини эслагайлар, сўнг: "Исонинг қошларига борингизлар!» — дегайлар. Шунда улар Исонинг ҳузурларига боргайдирлар. Ул киши ҳам: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» — деб қилган гуноҳларини эслагайларда: «Муҳаммад саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига борингизлар, чунким Оллоҳ Таоло ул зотнинг собиқ ҳамда келгуси гуноҳларини мағфират қилгандир!» — дегайлар. Шундан сўнг, улар менинг ҳузуримга келгайдирлар. Мен раббимдан изн сўрагайдурмен, раббимни кўргач, унга сажда қилгайдурмен. Раббим мени ўзи хоҳлаганча саждада қолдиргайдир. Сўнг, менга: «Бошингни кўтаргил, сўрагил, сўраганинг берилгайдур, сўзлагил, сўзингга қулоқ солингайдур, шафоат тилагил, шафоат қилингайдур!» — дейилгайдур. Шунда мен бошимни кўтариб, раббимни ўзи менга ўргатган ҳамдларни айтиб олқишлагайдурмен. Шундан кейин, шафоат тилагайдурмен, Оллоҳ таоло менга муайян қавмларга шафоат қилмоқ ҳуқуқини бергайдур. Сўнг, уларни дўзахдин чиқариб, жаннатга дохил қилдиргайдурмен. Кейин, Оллоҳ таолонинг даргоҳига қайтиб бориб, токим Қуръон ҳукми ила ҳибсга олинганлардан (Оллоҳ таолонинг ўзигина шафоат қила оладирганлардан) бошқа бирорта ҳам одам дўзахда қолмагунча узоқ сажда қилиб тургайдурмен».

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Қавм Муҳаммад саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоати бирлан дўзахдан чиқарилиб, жаннатга киритилгайдур, уларни жаҳаннамийлар деб аташгайдур», — дедилар».

Анас иби Молик ривоят қиладилар: «Умму Ҳориса Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди. (Унинг ўғли) Ҳориса Бадр жангида дайди ўқ тегиб шаҳид бўлган эрди. Ул «Ё Расулаллоҳ, Хорисанинг менинг учун қанчалар азиз эрканлигин яхши билгайсиз, башарти ул жаннатга дохил эрса, унга йиғлаб аза тутмагайдурмен, акс ҳолда нима қилмоғимни кўргайдурсиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ «Эсинг бормидур ўзи, жаннат бир эрмас, бир нечадур, ҳозир ўғлинг Фирдавс ул-Аълодадур!» — дедилар. Сўнг, яна бундай деб қўшиб қўйдилар: «Оллоҳ таолони деб тонг саҳарлаб йўлга чиқмоқ ёким тун қоронғусида қайтмоқ бу дунё ва ундаги жамики нарсалардан ҳам афзалроқ эрур! Бир дона ўқ-ёйингиз ёким бир оёғингизнинг кафти сиққудек жаннатдаги жой бу дунё ва ундаги жамики нарсалардан ҳам афзалроқ эрур! Гар жаннат аёлларидан бири (рўмолин тортиб) ер узра ўз жамолини намоён қилгайдур, жаннат ила ер аросини мунаввару муаттар қилгайдур, унинг рўмоли бу дунё ва ундаги жамики нарсалардан ҳам афзалроқ эрур!»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирорта ҳам

одам, кўпроқ шукр қилсин деган мақсадда, гуноҳ қилган бўлганида бўлган дўзахдаги ўрни кўрсатилмай туриб, жаннатга киритилмағайдир ва бирорта ҳам одам, кўпроқ ҳасрат надомат чексин деган мақсадда, савоб ишлар қилган бўлганида тушмоғи лозим бўлган жаннатдаги ўрни кўрсатилмай туриб, дўзахга киритилмағайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, қиёмат куни сизнинг шафоатингизга эришмоқ бахтига қандай одамлар сазовор бўлғайдир?» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Ё Абу Ҳурайра, сенинг ҳадис тингламоққа иштиёқинг баланд эрканлигини кўриб, бу ҳадисни сендан илгари ҳеч ким сўрамаса керак деб ўйлаб эрдим! Қиёмат куни менинг шафоатимга эришмоқ бахтига муяссар бўладирган шахс — жондилдан холисона «Ло илоҳа иллаллоҳу» деган шахсдир», — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен дўзахдан энг кейин чиқадирган шахсни ҳам, жаннатга энг кейин кирадирган шахсни ҳам билурмен. (Қиёматда) бир одам дўзахдан зўр-базўр эмаклаб чиқиб келғайдир. Оллоҳ таоло унга: «Борғил, энди жаннатга киргил!» — дегайдир. Ул бориб, жаннат одамга тўла эркан, деган хаёлда қайтиб келгайдирда: «Ё рабб, жаннат тўла эркан-ку!» — дегайдир. Оллоҳ таоло яна: «Борғил, жаннатга киргил!» — дегайдир. Ул яна бориб, жаннат одамга тўла эркан, деган хаёлда қайтиб келгайдирда: «Ё Рабб, жаннатга бориб қараб эрдим, тўла эркан — дегайдир. Оллоҳ таоло учинчи бор: «Борғил, жаннатга киргил, сенга бир дунё ва ундан ўн баробар зиёд жой мавжуддир (ёким «Сенга ўнта дунё сиғадирганчалик жой бордир»!)» — дегайдир. Ул эрса: «Подшоҳ бўла туриб мени масхара қилурмисен (ёким «Мендан кулурмисен»)?!» - дегайдир».

Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шу гапларни айтаётиб кулиб қўйдилар, шунда мен ул зотнинг озиқ тишлари кўришиб кетганининг шоҳиди бўлдим. Айтадиларки, мазкур банда жаннат аҳли аро энг тубан шахс эркан».

Ҳарас ибн Навфал айтадиларки, Ибн Аббос Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Абу Толибга бирор-бир манфаат етказа олдингизми» — деган эрканлари (яъни, Жаноб Расулаллоҳдан: «Амакингиз Абу Толибга Оллоҳ таолодин раҳмат тилаб илтижо қилганингизнинг бирор-бир манфаати бўлдими?» — деб сўраяптилар).

51-боб. Сирот — жаҳаннам кўприги хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ одамлар: Ё Расулаллоҳ, қиёмат куни раббимизни кўрамизми?» деб сўрашди. Жаноб Расулаллоҳ: «Булутсиз куни қуёшдан зарар кўрурмисизлар?!» — дедилар. Улар: «Йўқ, асло, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ «Булутсиз тунда ойдан зарар кўрурмисизлар!» — дедилар. Улар «Йўқ, асло, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ бундай дедилар: «Сизлар қиёмат куни раббингизни кўриб, ана шундай зарар кўрмағайсизлар. Ушал кун Оллоҳ таоло инсонларни тўплаб: «Ким нега сиғинган эрса, ўшанга эргашсин!» — деб амр қилгайдир. Шунда ҳар ким ўзи сиғинган нарса ортидан, бировлар қуёшнинг, бировлар ойнинг ва яна бировлар бут-санамларнинг (ёким шайтоннинг) кетидан эргашиб кетгайдир. Фақат бу уммат (менинг умматим) жойида қолгайдир, аммо ораларида мунофиқлари ҳам бўлғайдир. Сўнг, Оллоҳ таоло (ораларидаги мунофиқлар билиб қолмасин, деган мақсадда) ўзгача қиёфага кириб, уларнинг олдиға келгайдирда: «Мен сизнинг раббингиздурмен!» — дегайдир. Улар: «Оллоҳнинг ўзи сендан асрасин, биз то раббимиз келгунга қадар ана шу жойимиздан жилмағаймиз, келса, биз уни таниғаймиз!» — дегайлар (хато қилиб қўймайлик деб шундай дегайлар). Кейин, Оллоҳ таоло улар таниб оладирган

қиёфада келиб: «Мен сизнинг раббингиздурмен!» — дегайдир. Улар: «Ҳа, сен бизнинг раббимиздурсен!» — деб ортидан эргашгайдурлар. Сўнг, жаҳаннам устига кўприк ташлангайдир». «Мен биринчи бўлиб кўприкдан ўтгаймен, — дедилар Жаноб Расулulloҳ, — ўша куни пайғамбарлар нуқул: «Оллоҳумма саллим, саллим (Ё парвардигоро, ўзинг асрағил, ўзинг асрағил)!» — деб дуо ўқиғайдирлар. Пулсиротнинг янтоқ тиканлари янглиғ илмоқлари бўлғай, янтоқ тиканларини кўрганмисизлар?». Улар: «Ҳа, кўргандурмиз, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: Унинг илмоқлари янтоқ тикани каби эрсада, қанчалик катталигини биргина Оллоҳ таолонинг ўзи билгайдир. Ана ўшал илмоқлар сиротдан ўтаётган одамларни қилган ёмонликларига яраша санчиб-санчиб илинтириб олғайдир. уларнинг ҳар бири қилмишига мувофиқ тилка-пора бўлиб, жаҳамнамга қулағайдир. Сўнг, улар нажот топгайдирлар. Оллоҳ таоло барча бандалари устидан ўз ҳукмини чиқариб бўлгач, ло илоҳа иллаллоҳу деб шаҳодат келтирган бандаларидан ўзи истаганларини дўзахдан чиқармоқни ирода қилиб, фаришталарга амр қилгайким, улар бундай бандаларни уларнинг баданларидаги Оллоҳ таоло дўзах ўтига куйдирмоқни манъ қилган сажда изларидан таниб олғайлар. Фаришталар уларни таналари куйиб кўмир бўлган ҳолда дўзахдан чиқариб олиб, устларидан ҳаёт суви деб аталмиш сув қуйғайлар, шундан сўнг улар сел лойқасидан униб чиққан уруғ ниҳоли янглиғ навниҳол бўлиб қолғайлар. (Энг охири) - юзи жаҳаннам оташига қаратилган бир банда қолгайдир, ул: «Ё рабб, мени жаҳаннамнинг тутини заҳарлаб, алангаси куйдираётир, юзимни ўтдин ўзга томонга қаратгил!» — деб илтижо қилавергайдир. Оллоҳ таоло: «Агар айтганингни бажо келтирсам, мendan яна бир бошқа тилак қилгайсен!» — дегайдир. Ул: «Йўқ, асло, иззатинг ҳақи, бошқа тилак қилмағаймен!» — дегайдир. Оллоҳ таоло унинг юзини жаҳаннамдан ўзга томонга қаратиб қўйгач, ул: «Ё рабб, мени жаннат қопқасига яқинлаштириб қўйғил!» — деб айтгайдир. Оллоҳ таоло: «Сен бошқа тилак қилмағаймен деб таъкидлаб эрмабмидинг, шўринг қурсин, эй Одам боласи, нечоғлик беқарорсен?» — дегайдир. Ул эрса, Оллоҳ таолога ўзининг мазкур тилагини айтиб, илтижо қилмоғини қўймағайдир. Оллоҳ таоло: «Тилагингни бажо келтирсам, яна бир узга тилак қиладирган кўринурсен», — деб айтгайдир. Ул: «Йўқ, асло, иззатинг ҳақи, ўзга тилак қилмағаймен!» — деб Оллоҳ таолога ваъда бергайдир. Оллоҳ таоло уни жаннат қопқасига яқинлаштириб қўйгайдир. Ул жаннатдаги нарсаларни кўргач, Оллоҳ таоло истаганича жимиб қолгайдир. Сўнг: «Ё раббим, мени жаннатга киргизгил!» — дегайдир. Оллоҳ таоло: «Сендан ўзга нарса сўрамағаймен деб таъкидлаб эрмабмидинг, шўринг қурсин, эй Одам боласи, нақадар беқарорсен!» — дегайдир. Ниҳоят, Оллоҳ таоло унинг: «Ё раббим, мени энг бахтиқаро банда қилиб қўймагил!» — дея илтижо қилаверганидан кулиб юборгайдир, Оллоҳ таолонинг кулиб юборгани эрса унга жаннатга кирмоғига изн берганининг аломати бўлгайдир. Ул жаннатга киргач, фалон нарсаларни ҳам тилайвергил, дейилгайдир, ул тилагайдир. Сўнг, яна фалон ва фалон нарсаларни ҳам тилайвергил, деб айтилгайдир, ул жамики тилакларини айтиб тугатмагунча, тилак қилавергайдир. Шундан сўнг, Оллоҳ таолонинг ўзи: «Мана бу ҳам сенга, анави ҳам сенга!» — деб неъматлар ато этгайдир».

Абу Ҳурайра: «Бу одам энг кейин жаннатга кирган жаннат аҳлидандир» — дейдилар.

52-БОБ. Ҳавзи Кавсар ҳақида

Оллоҳ таоломинг қавли («Ал-Кавсар» сураси: «Инно аътайнокал-кавсара». Оятнинг мазмуни: «Биз сенга (Ҳавзи) Кавсарни ато этдик».

Абдуллоҳ ибн Зайд ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен бирлан Ҳавзи Кавсар бўйида учрашгунингизга қадар сабр қилингизлар!» — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен Ҳавзи Кавсар бўйига сизлардан илгари бориб тургаймен», — дедилар». Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мен Ҳавзи Кавсар бўйига сизлардан илгари бориб тургаймен. Шунда сизлардан бир қанчангиз қўрқувдан титраб-қақшаб менга йўлиқғайсиз, кен: «Ё рабб, бечора саҳобаларим, дегаймен. Оллоҳ таоло «Ўзингдан кейин уларнинг не қилгонларин билмассен!» — дегайдир», — дедилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қаршингизда Жарбоъ бирлан Азруҳ қишлоқлари оралиғичалик Ҳавзи Кавсар бўлғайдир», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Ҳавзи Кавсар чексиз хайру баракот бўлиб, Оллоҳ таоло уни пайғамбаримизга ато этгандир», — дейдилар.

Абу Бишр ривоят қиладилар «Мен Саъид ибн Жубайрга «Одамларнинг таъкидлашига қараганда, Ҳавзи Кавсар жаннатдаги бир дарё эрмиш», — дедим. Ул: «Ҳавзи Кавсар жаннатдаги хайру баракот дарёси бўлиб, Оллоҳ таоло уни пайғамбаримизга ато этгандир», — деди».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳавзи Кавсаримнинг (бўйи ва эни) бир ойлик йўлчалик бўлиб, суви сутдан ҳам оқроқ ва ҳиди мушқдан ҳам муаттарроқ, кўзалари эрса, фалакдаги юлдузлар янглиғдир. Ундан ичган одам сира ташна бўлмағайдир!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳавзи Кавсаримнинг катталиги Айла (Қизил денгиз бўйида) бирлан Ямандаги Санъо оралиғичалик бўлиб, (қирғоғида) фалакдаги юлдузлар сонича кўзалар мавжуддир», — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен жаннатда кетаётиб икки қирғоғига ичи ғовак дурлар ётқизилган бир дарё бўйидан чиқиб қолдим. Шунда Ҳазрат Жаброилга: «Бу нима?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Бу — раббинг сенга тортик қилган Ҳавзи Кавсардир, унинг лойи (ёким бўйи) мушқдан ҳам хушбўйроқдир!» — дедилар».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саҳобаларимдан бир қанчаси ҳузуримга, Ҳавзи Кавсар бўйига келадилар, мен уларнинг қўрқувдан титраб-қақшаб турганларини кўриб: «Бечора саҳобаларим! — дегаймен. Шунда Оллоҳ таоло: «Ўзингдан кейин уларнинг не қилгонларин билмассен!» дегайдир», — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен Ҳавзи Кавсар бўйига сиздан илгари бориб тургаймен. Кимки қошимга келса, унинг сувидан ичғайдир, ичган одам эрса, сира ташна бўлмағайдир! Ҳузуримга қавмлар келғайлар, мен уларни таниб олғайдурмен, улар ҳам мени таниб олғайдурлар. Кейин, мен бирлан уларнинг ораси тўсиб қўйилғайдур», — дедилар».

Абу Ҳозим ривоят қиладилар: «Нуъмон ибн Абу Ййош менинг айтганларимни эшитиб бўлгач: «Сен бу ҳадисни Саҳлдан эшитганингдек қилиб ривоят қилдингми?» — деди. Мен: «Ҳа!» — дедим. Ул: «Аммо, мен қасамёд қилурменким, Абу Саъид ал-Худрий бу ҳадисга қўшимча қилиб, «Жаноб Расулulloҳ: «Улар менинг саҳобаларимдур!» — дегаймен, шунда

менга: «Ўзингдан кейин сен уларнинг не қилғонларин билмассен!» — дейилғайдир, кейин мен: «Мендан кейин йўлдан озганлар кўзимдан даф бўлсинлар, даф бўлсинлар!» — дегаймен, деб айтганлар», — деган эрди», — деди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қиёмат куни бир гуруҳ саҳобаларим (Ҳавзи Кавсар сувидан ичмоқ бўлиб) қошимға келганларида ҳайдаб юборилғайдурлар. Шунда мен: «Ё рабб, бечора саҳобаларим!» — дегаймен. Оллоҳ таоло: «Ўзингдан кейин уларнинг не қилғонларин сен билмассен, улар йўлдин озиб, ортлариға қайтгандурлар!» — дегайдир».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен ўзимга таниш бир гуруҳ одамлар олдида турганимда мен бирлан улар ўртасида бир одам пайдо бўлиб, уларга: «Юринглар, кетдик!» — дегайдир. Мен: «Қаерга?» — деб айтгаймен. Шунда ул: «Жаҳаннамга!» — дегайдир. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, айтгил, не гуноҳ қилганлар?» — дегаймен. Ул: «Сендан кейин улар йўлдан озиб, ортлариға қайтганлар!» — дегайдир. Кейин, яна ўзимга таниш бўлмиш бир гуруҳ одамлар олдида турганимда ўртамизда бир одам пайдо бўлиб, уларга: «Юринглар, кетдик». — дегайдир. Мен «Қаерга?» — дегаймен. Ул: «Жаҳаннамга!» — дегайдир. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, айтгил, гуноҳлари недур?» — дегаймен. Ул: «Сендан кейин улар йўлдан озиб, ортлариға қайтганлар!» — дегайдир. Шунда билгайменким, уларнинг кўпчилиги эгасиз туялар яглиғ халос бўла олмагайлар (яъни, мазкур гуруҳ орасида икки тоифа кишилар — кофирлар бирлан гуноҳкорлар мавжуд бўлиб, биринчи тоифага мансублари дўзах ўтидан халос бўла олмагайлар)».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг уйим бирлан минбарим оралиғида жаннат боғларидан бири жойлашғайдир, минбарим эрса, Ҳавзи Кавсарим бўйида бўлғайдир!» — дедилар».

Жундуб ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг «Мен сизлардан илгари Ҳавзи Кавсар бўйида бўлғумдир!» деб айтганларини эшитганмен».

Уқба ибн Омир ривоят қиладилар: «Кунлардан бир кун Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд жангида шаҳид бўлганларга (оддий) маййитга ўқиган янглиғ жаноза ўқидилар, сўнг минбарга чиқиб: «Мен сизлардан илгари (Ҳавзи Кавсар бўйига) боргаймен ва сизларга гувоҳ бўлгаймен, ҳозир эрсам, Оллоҳ таоло ҳақи, Ҳавзи Кавсарни шундоққина кўриб турибмен. Мен ер хазиначлари калидларини (ёким, ер калидларини сизларга) топширдим, Оллоҳ таоло ҳақи, мен сизлардан вафотимдан кейин мушрик бўлиб кетасизлар, деб эрмас, балким (ер хазиначлари калидларини, яъни бойликни) ўзаро талашиб, рақобатлашмасангизлар эрди, деб хавотирдамен!» — дедилар».

Ҳориса ибн Ваҳб ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳавзи Кавсар ҳақида: «Ул Мадина бирлан Санъо оралиғичадир!» — деганларини эшитганмен».

Ибн Холид бундай дейдилар: «Ҳориса ибн Ваҳб Набий саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ҳавзи Кавсарим Мадина бирлан Санъо оралиғичадир!» деганларини эшитганмен, деганида, Муставрид «Сен Жаноб Расулulloҳнинг унинг бўйидаги кўзалар ҳақида гапирганларини эшитмабми эрдинг?» — деб сўрабди. Ул: «Йўқ», — деб жавоб қилибди. Муставрид: «Унинг бўйида юлдузлар ададича кўзалар мавжудлигини кўрғайсен!» — дебди.

Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай

дедилар: «Мен Ҳавзи Кавсар бўйида туриб, сизлардан қайсиларингизнинг қошимга келаётганингизни кузатиб тургаймен, шунда ҳузуримга келган одамларни олиб кетишгайдир. Буни кўриб, мен: «Ё рабб, ахир улар қариндошларим ва саҳобаларим-ку!» — дегаймен. Менга: «Сен уларнинг ўзингдан кейин не қилганларин билурмисен, улар йўлдан озиб, ортларига қайтишда давом этаверганлар?!» — дейилгайдир».

Ибн Абу Мулайка нуқул: «Ё парвардигоро, бизни йўлдан озиб, ортга қайтмоғимиздан ёким динимиздан айнимоғимиздан ўзинг асрагайсен!» — дер эрдилар.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ТАҚДИР КИТОБИ

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Бизга содиқулмасдуқ бўлмиш Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ҳар бирингиз (отангиз пушти камаридан) онангиз қорнига тушганингиздан сўнг, қирқ кун давомида яхлит ҳолатга келгайсиз, сўнг шунча вақт ичида алаққа (лахта қонға) айлангайсиз, кейин яна шунча вақт ўтгач, бир парча эт шаклига келгайсиз. Шундан сўнг. Оллоҳ таоло фариштани юбориб, (пешонангизга) тўрт нарсани — ризқингизнинг қанчалигини, қачон ўлишингизни, бахтсиз ёким хушбахт бўлмоғингизни (тақдир қилиб битиб қўймоқни) амр қилгайдир. Оллоҳ таоло ҳақи, қайси бирингиздир ёким бирор бошқа одам дўзах аҳлига мансуб иш қилаётганда унинг бирлан жаҳаннам оралиғида бир қулоч ёким бир неча қулоч масофа қолди дегунча, пешонасига битилган тақдири азал пешвоз чиқиб, унга жаннат аҳлига муносиб ишни насиб этгайдир ва ул жаннатга киргайдир. Ёким, аксинча, бир одам жаннат аҳлига мансуб иш қилаётганда унинг бирлан жаннат оралиғида бир қулоч ёким икки қулоч масофа қолди дегунча пешонасига битилган тақдири азал пешвоз чиқиб, унга дўзах аҳлига лойиқ ишни иасиб айлагайдир ва ул дўзахга тушгайдир».

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ таоло бир фариштани бачадонга вакил қилиб киритгач, ул: «Ё рабб, маний (нутфа) бўлди, лахта қон (алақ) бўлди, бир парча эт бўлди», — деггайдир. Оллоҳ таоло (ўшал бир парча этни) одам қилиб яратмоқни ирода ҳилса, фаришта ундан: «Ё рабб, ўғил бўлсинми, қиз бўлсинми, бахтли бўлсинми, бахти қаро бўлсинми? Ризқи қанча бўлсин, умри қанча бўлсин?» — деб сўрагайдир. Мана шуларнинг барчаси она қорнида тақдир қилиб битилгайдир!» — дедилар».

1-боб. Оллоҳ таоло билганини тақдир қалами битиб қўйгандир!

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таоло ўз билганини банда тополмайдирган қилди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга «Оллоҳ таоло сенга муяссар қилган нарсани тақдир қалами битиб қўйгандир!» — дедилар».

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Бир одам Расулаллоҳ, жаннат аҳли дўзах аҳлининг кимлигини билгайми?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа!» — дедилар. Ул одам: «Нега унда улар (била туриб баъзан ёмон ишларни ҳам) қилиб қўйгайлар?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳар ким пешонасига битилган ва ўзига муяссар қилинган ишларни қилгайдир!» — дедилар».

2-боб. Оллоҳ таоло уларга не қилмоқлари лозимлигини айтгандир!

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мушрикларнинг болалари хусусида сўрашди, шунда ул зот: «Оллоҳ таоло (уларнинг руҳларини яратган вақтда) не қилмоқлари лозимлигини айтгандир!» — дедилар» деган эрканлар».

Ато ибн Язид ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайрадан эшитдимки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мушрикларнинг зурриётлари ҳақида сўрашганда, ул зот: «Оллоҳ таоло (уларнинг руҳларини яратган вақтда) не қилмоқлари лозимлигини айтгандир!»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир бола табиатан мусулмон бўлиб туғилғайдир, бироқ ота-онаси уни, ҳайвондан ҳайвон дунёга келгандек яҳудий ёким насоро ёхуд мажусий қилиб қўйғайдир. Айтингизчи, ҳайвон боласининг, агар кейин ўзингиз кесмасангиз, бирор аъзоси кесик ҳолда туғилганини кўрганмисизлар? Уни ўзингиз кесиб нуқсонли қилиб қўйғайсизлар!» — дедилар. «Ё Расулаллоҳ, ёш вафот этиб кетганлар ҳақида не дерсиз?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло (уларнинг руҳини яратган вақтда) не қилмоқлари лозимлигини айтгандир!» — дедилар».

3-боб. Оллоҳ таолонинг амри — тақдири азалдир!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирорта ҳам аёл иккинчи бир аёлнинг талоқ қилинмоғини ҳамда унинг ризқига чанг солиб, ўрнига ўзи никоҳланиб олмоғини орзу қилмасин, чунким унга ҳам кўз тиккан бало бордир!» — дедилар».

Усома (ибн Зайд) ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эрдим, ногаҳон қизларидан бирининг чопари келиб қолди. Саъд Убай ибн Каъб ва Маоз ҳам шу ерда эрдилар. Чопар: «Қизингизнинг ўғилчаси жон таслим қилай деяпти!» — деб хабар қилди. Жаноб Расулуллоҳ бир одам орқали: «Фарзанд берадирган ҳам, уни қайтиб оладирган ҳам Оллоҳ таолонинг ўзидир, ул ҳар кимни ажалига мувофиқ ўз даргоҳида чақириб олғайдир. Сабру-тоқат қилиб, унинг иродасига бўйсунсин!» — деб айтиб юбордилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирган эрдим, ансорлардан бири келиб: «Ё Расулаллоҳ, биз жангда асир ва ўлжалар қўлга киритгаймиз, азл (жинсий алоқа вақтида аёлни ҳомиладор бўлмоқдан сақлаш) ҳақида не дерсиз?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Сизлар шундай қилурмисизлар? Сира бундай қила кўрманглар, чунким Оллоҳ таоло дунёга келмоғини тақдир айлаган ҳар бир жон туғилмоғи даркордур!» — дедилар».

Ҳузайфа ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутба айтаётиб қиёматга қадар содир бўладирган нарсаларнинг бирортасини ҳам қолдирмай сўзлаб бердилар. Шунда ул зотнинг гапларини уқиган уқиб олди, уқимаган жоҳиллигича қолди. Мен бирор нарсани унутсам, яна қайтиб кўрганимда ёдимга тушғайдир. Бу — гўёким, илгари кўриб юрган одамни анча вақтдан кейин яна кўриб, таниган кабидир».

Али (ибн Абу Толиб) ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга ўлтирган эрдик. Ул зот қўлларидаги чўп бирлан ерни чизаётиб: «Ораларингизда хоҳ жаннат бўлсин, хоҳ дўзах бўлсин, борадирган жойи азалдан ёзиб қўйилмаган бирорта ҳам одам йўқдир! — дедилар. Шунда қавм аъзоларидан бири: «Ундай эрса, таваккал қилиб юраверайликда!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: Йўқ, ундай эрмас. (ислом арконларига) амал қилинглари, барчаси муяссар бўлғай!» — деб, «Фа ман аъто ваттақо...» («Кимдаким хайр-эҳсон қилиб, Оллоҳ таолодан кўркса...») деган оятни ўқидилар».

4-боб. Амаллар натижасига қараб баҳоланадир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбар жангида қатнашдик. Жаноб Расулуллоҳ ўзини мусулмон деб даъво қилиб юрган бир одамни кўрсатиб, бу — дўзах аҳлидандур» — дедилар. Сўнг, жанг бошлангач, ўшал одам жон-жаҳди бирлан жанг қилиб, кўп жойидан жароҳатланди. Жаноб Расулуллоҳнинг саҳобаларидан бири келиб: «Ё Расулаллоҳ, ўзингиз дўзах аҳлидан деб айтган одамнинг Оллоҳ

таоло йўлида қаттиқ жанг қилиб, кўп жойидан яраланганини кўрдингизми?!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Барибир у дўзах аҳлидандур!» — дедилар. Шунда баъзи мусулмонларнинг ул зотнинг бу гапларига шубҳа билдиришларига оз қолди. Шу аснода бояги одам танасидаги жароҳатлар оғриғига чидамай, ўқдонидан бир ўқ олиб, ўзини ўлдирди. Буни кўрган мусулмонлар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига югуриб келиб: «Ё Расулаллоҳ. Оллоҳ таоло ганингизни ростга чиқарди, фалончи ўзини ўзи ўлдирди!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Билал, турғил, жаннатга фақат мўминлар кирмоғини айтиб жар солғил, Оллоҳ таоло ислом динини фожир (ярамас, осий) одам воситаси бирлан ҳам қўллаб-қувватлағайдур!» — дедилар».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари бирлан бирга ғазотга чиққан энг бадавлат мусулмонлардан бирига бир назар ташлаб қўйдиларда: «Кимдаким дўзах аҳлига мансуб одамни кўрмоқ орзусида эрса, мана шу одамга қарасин!» — дедилар. Қавм аъзоларидан бири мушрикларнинг ашаддий душмани бўлмиш бояги одамни жанг вақтида кузатиб турди. Ул (азбарои жон-жаҳд бирлан жанг қилганидан) кўп жойидан жароҳатлангач, (оғриққа чидай олмай) қиличи учини зарб бирлан ўз кўкрагига санчиб эрди, икки кураги ўртасидан тешиб чиқди. Ул бу бирлан ўз ажалини тезлаштириб, (Оллоҳ таолодин илгари ўзи ўз жонини олди). Уни кузатиб турган мазкур одам Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига югуриб келиб: «Сизнинг Оллоҳ таолонинг расули эрканлигингизга гувоҳлик берғаймен! (яъни, сизнинг айтганингиз тўғри бўлиб чиқди)» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Не воқеа содир бўлди.» — дедилар. Ул: «Сиз боя: «Кимдаким дўзах аҳлига мансуб одамни кўрмоқ орзусида эрса, мана шу одамга қарасин!» — деб эрдингиз, ул орамизда энг бадавлат мусулмонлардан бўлиб, ҳеч қачон муҳтожликдан ўлмаслигини билар эрдим. Жароҳатлангач, ўз ажалини тезлаштириб, ўзини ўзи ўлдирди», — деди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир банда жаннат аҳлига мансуб ишларни қилиб юриб, пиравардида дўзах аҳлига мансуб ишни қилиб қўйгай ва бир банда дўзах аҳлига мансуб ишни қилиб юриб, пиравардида жаннат аҳлига мансуб ишни қилиб қўйгай. Дарҳақиқат, амаллар хотимасига кўра баҳоланғайдур!» — дедилар».

5-боб. Банда назрга эрмас, тақдирга ишонмоғи лозии!

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам назр қилмоқдан қайтариб: «Назр бериб тақдирдан қутилиб бўлмағайдир, бунинг бирлан фақат бахил одамдан бирор нарса ундириб олинғайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Назр Одам боласига ҳеч қандай манфаат бермағайдур, унинг пешонасига ёзилганини ўзгартира олмағайдур, лекин азалдин тақдир қилинғон нарсаларни тақдирнинг ўзигина унга насиб айлағайдир, холос!» — дедилар».

6-боб. Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ! (Оллоҳдан ўзга куч-қудрат йўқдир!)

Абу Мусо (ал-Ашъарий) ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга бир ғазотда бўлганимизда, бирор тепаликка чиқсак ёким бирор водийга тушсак бор овозимизни қўйиб такбир айтар эрдик. Шунда Жаноб Расулulloҳ олдимизга келиб: «Эй одамлар, ўзингизга ачинсангизларчи, ахир сизлар бирор кар ёким бу ерда номавжуд бўлган шахсга эрмас, балким доимо эшитиб ва кўриб турғувчи зотга илтижо қилмоқдасизлар-ку!» — дедилар. Сўнг, яна: «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс, сенга жаннат хазиначаридан бўлмиш бир сўзни ўргатайми, ул — «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ»дур!» — деб айтдилар».

7-боб. Оллоҳ таолонинг ўзи гуноҳдан асраган бандасигина гуноҳкор бўлмағайдур!

Мужоҳид: «Ҳақ йўлдан озиб, бора-бора залолат ботқоғига ботиб кетғайдурлар», — дейдилар.

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бир халифа бўлмасин, унинг икки нафси бўлиб, бири яхшилиқ қилмоқни буюриб, яхшилиқка ундаса, иккинчиси — ёмонлик қилмоқни буюриб, ёмонликка ундағайдир. Оллоҳ таолонинг ўзи гуноҳдан асраган бандасигина гуноҳ ишларга қўл урмағайдир!» — дедилар».

8-боб

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Анбиё» сураси): «Ва ҳаромун ало қарйатин аҳлақноҳо аннаҳум ло йаржиъууна». Оятнинг мазмуни: Қайси бир қавмни ҳалокатга дучор қилган эрсак ул қавм харгиз ўз куфру исёнидан воз кечиб ва тавба қилиб Оллоҳ таоло тарафига қайтғувчи эмасдурлар».

Оллоҳ таолонинг қавли («Ҳуд» сураси): «Аннаҳу лан йўъмина мин қавмика илло ман қад омана». Оятнинг мазиуни: «Энди қавмининг бунгача иймон келтирганларидан ўзгалари иймон келтирмаслар».

Оллоҳ таолонинг қавли («Нух» сураси): «Ва ло йалидуу илло фожиран каффоран». Оятнинг мазмуни: «Ва алар қабиҳу дин бузғунчиларидан ўзгаларни дунёга келтирмаслар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Мен Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларида айтилган нохуш гапдан кўра нохушроқ гапни билмайман: «Оллоҳ таоло Одам боласи пешонасига зино қилмоқни азалдин тақдир қилғондур, ул бундан қочиб қутила олмағайдур, Кўзнинг зиноси — (ўзга аёлга) қарамоқдур, тилнинг зиноси эрса, (ўзга аёлни орзулаб) гапирмоқдур. (Эркақлар) нафси таманно қилиб, шаҳвоний рағбат билдираверади, аммо буни рўёбга чиқарувчи ҳам, борбод қилувчи ҳам аёллар асалдонидур».

9-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Баний Исроил» сураси): «Ва мо жаъалнор-руъйол-латий арайнока илло фитнатан лин-носи». Оятнинг мазмуни: «Биз сенга (меърож кечаси) намоён қилгон рўёни одамлар учун бир имтиҳон тариқасидагина кўрсатиб эрдик».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу юқоридаги оятни «Оллоҳ таоло бу рўёни Жаноб Расулulloҳга Байт ул-Муқаддасга исроъ (тунги саёҳат) қилдирилган кечалари намоён қилғон эрди», — дедилар. «Қуръонда (мевасини еганлар) лаънатланган дарахтчи?» — дейишди. «Ул — Заққум дарахтидур!» — дедилар».

10-боб. Одам ва Мусонинг Оллоҳ таоло даргоҳида ўзаро тортишиб қолганлари ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Одам алайҳиссалом бирлан Мусо алайҳиссалом ўзаро тортишиб қолишди. Мусо алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга: «Эй Одам, сен отамиз бўла туриб, бизнинг барча умидларимизни барбод

қилдинг, бизнинг жаннатдан қувулмоғимизга сабаб бўлдинг!» — де таъна қилдилар. Одам алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга: «Эй Мусо, Оллоҳ таоло сени ўзига суҳбатдош қилиб танлади ва сенга ўз қудрат қўли ила (Таврот лавҳларини) ёзиб берди, энди сен менга Оллоҳ таоло мени яратмасидан кирқ йил бурун тақдир қилгон ишни айтиб таъна қилурмисен! — дедилар. Одам алайҳиссалом уч бор шундай деб Мусо алайҳиссаломга танбиҳ бердилар».

11-боб. Оллоҳ таоло ато этмоқни истаган нарсага ким монеълик қила олмағайдур!

Варрод — Муғийра ибн Шуъбанинг озод қилинган қуллари ривоят қиладилар: «Муовия Муғийрага: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоздан сўнг ўқиган дуоларидан эшитганларингни менга ёзиб юборғил!» — деб мактуб йўллади. Муғийра менга айтиб туриб қуйидагича жавоб хат ёздирдилар «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоздан сўнг: «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, Оллоҳумма ло мониъа лимо аътайта ва ло муътийа лимо манаъта ва ло йанфаъу зол-жадди минкал-жадду» — деб дуо ўқиганларини эшитганмен».

Ибн Журайж бундай дейдилар: «Юқоридаги ҳадисни менга Варрод айтиб берган эрди. Кейин, Муовиянинг ҳузурига борганимда унинг одамларга мазкур дуони ўқимоқни буюраётганини эшитдим».

12-боб. Кулфатлардан, тақдир қабоҳатларидан паноҳ тилаб Оллоҳ таолога илтижо қилмоқ ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-фалақ» сураси): «Кул аъузу бираббил фалақи мин шарри мо халақа ва мин шарри ғосиқин изо вақаба ва мин шаррин-наффосоти филуқади ва мин шарри ҳосидин изо ҳасада». Суранинг мазмуни: «Мен ўзимни субҳ парвардигори бўлмиш Оллоҳ таолонинг паноҳига олгайменким, ул ўзи яратган барча нарсалар ёмонлигидан, тун зим-зиё бўлганда содир бўладирган ёмонликдан, нарсаларга дам солиб, иссиқ-совуқ қиладирган хотинлар ёмонлигидан ва ҳасадчининг ҳасад қилғондаги ёмонлигидан мени асрасин!» дегил!»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Балолардан, қора кунлардан, тақдир қабоҳатларидан ва душманларнинг ҳасадидан ўзингизга паноҳ тилаб Оллоҳ таолога илтижо қилингизлар!» — дедилар».

13-боб. Киши бирлан унинг қалби ўртасида монеълик қилғай!

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпинча: «Йўқ, қалбларни ўзгартирувчи ҳақи!» — деб қасамёд қилар эрдилар». Шн Умар разияллоу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Сайёдга: «Сенга кўнглимдаги бир гапни айттайинми?» — дедилар. Ул: «Дух (тутун сўзининг дастлабки бўғини)» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Овозингни ўчирғил, ҳаддингдан ошмағил!» — дедилар. Ҳазрат Умар: «Уни менга қўйиб берингиз, буйинини чопиб ташлайин! — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Қўй, тегмағил, агар ул (Дажжол эрса), унга кучинг етмағайдир, башарти (Дажжол) эрмаса, унинг ўлимидан сенга не манфаат?!» — дедилар.

14-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Ат-тавба» сураси): «Қул лан йусийбано илло мо катабаллоҳу!».

Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ таоло тақдир айлаган нарсагина бизга насиб бўлғайдур!».

Яҳё ибн Яъмур ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўлат (вабо) ҳақида сўрадилар. Шунда ул зот: «Вабо Оллоҳ таоло истаган бандасига юборадиган азоб эрди. Эндиликда Оллоҳ таоло уни мўъмин бандаларга ўзининг бир раҳмати сифатида юборадирган бўлди. Бирор бандага вабо теккан эрса-ю, ул Оллоҳ таоло пешонасига ёзганидан ўзгаси бўлмаслигига ишониб ўз шаҳрида сабр қилиб қолса, албатта унга Оллоҳ йўлида жанг қилиб шаҳид бўлган бандага тегадирган савоб теккайдур» — дедилар»

15-боб

«Агар Оллоҳ бизни йўлга солмаганда эрди...» («Ал-Аъроф» сураси), тўғри йўлни топмаган бўлур эрдик «Агар Оллоҳ мени ҳидоят қилса эрди, албатта тақводорлардан бўлур эрдим» («Аз-Зумар» сураси).

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Хандақ жанги куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биз бирлан бирга туфроқ ташиётиб қуйидаги шеърни айтганларининг шоҳиди бўлдим:

*«Худо ҳаққи, худовандим қилмаганда ҳидоятлар,
Адо этмас эдик бизлар рўза бирла ибодатлар!
Эсонликни ато этғил, мудом бизга худовандим,
Рўбарў келганда душман бизга баҳш эт матонатлар!
Тажовузла чиқиб бизга уруш қилди неча мушрик,
Агар фитна тилар, урдик етказиб биз жароҳатлар».*

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ҚАСАМЛАР ВА НАЗРЛАР КИТОБИ

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Моида» сураси): «Ло йуохизукумуллоҳу биллағви фи аймоникум валокин йуохизукум бимо аққадтумул-аймона, фа-каффоратуҳ итьому ашарати масокийна мин авсати мо тутъимууна аҳлийкум авкисватухум ав таҳрийру ракабатин, фа ман лам йажид, фасийому салосати аййомин, золика каффорату аммоникум изо ҳалафтум, ваҳфазуу аймонакум, казолика йус «шинуллоҳу лакум ойотиҳи лаъаллакум ташкурууна». Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ таоло сизларни беихтиёр оғзингиздан чиқиб кетган қасамларингиз учун жазоламагайдур, аммо ул астойдил айтган қасамингиз учун сизларни жазолағайдур. (Астойдил айтган) қасамингиз эвазига берадиган каффоратингиз шулким, ўнта муҳтожни ўз бола-чақангизга едирадирган ўртамиёна таом бирлан тўйғазғайсиз ёким уларни кийинтирғайсиз ёхуд бир қул ё чўрини озод қилғайсиз. Кимники булар қўлидан келмаса, уч кун рўза тутмоғи лозимдур. Бу сизга ҳар қачон қасам ичсангиз, каффорат бўлғайдир. Қасам ичмоқдан ўзингизни тийингиз! Оллоҳ шуқр қилғайсиз деб шул тариқа сизларга ўз ҳукмларини баён қилур».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Абу Бакр, Оллоҳ таоло қасам каффорати ҳақида ўз ояти каримасини нозил қилгунга қадар, ичган қасамларини сира бузмас эрдилар ва ул оят нозил бўлганда: «Мен қасам устига қасамёд қилмағаймен, ундан бошқа қасамни афзалроқ кўрсам, (илгари ичган) қасамимга каффорат берғайменда, ўшал афзалроқ қасам бирла қасамёд қилғаймен», — дедилар».

Абдурраҳмон ибн Сумра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Эй Абдурраҳмон ибн Сумра, амирликни талаб қилмагил, гар талабингга мувофиқ бу мансабга қўйилғайсен, унга суянғайсен (ундан фойдаланғайсен) ва гар талаб қилмай (ўз лаёқатинг йирла) эришғайсен, унга мададкор бўлғайсен. Башарти, қасамёд қилғон эрсанг-у, ундан бошқа қасамни афзалроқ кўрсанг (илгари ичган) қасамингга каффорат бериб, ўшал афзалроқ қасам бирла қасамёд қилғил!».

Абу Бурда оталаридан нақл қиладилар: «Мен бир гуруҳ ашъарийлар бирлан бирга Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб, миниб ва юк ортиб кетмоғимиз учун улов сўрадим. Ул зот: «Оллоҳ таоло ҳақи, менда сизларга яроқли бирорта ҳам улов йўқдур!» — дедилар. Шунда биз (нима қиларимизни билмай) Оллоҳ таоло ирода қилганча вақт туриб қолдик. Сўнг, учта катта туяни етаклаб келишиб, бизни миндириб, юкларимизни ортиб қўйишди. Йўлга тушганимиздан сўнг, ўзаро: «Оллоҳ таоло ҳақи, яхши иш бўлмади! Биз Жаноб Расулуллоҳнинг қошлариға улов сўраб бориб эрдик ул зот аввал бизга яроқли улов йўқ деб, сўнг улов топдириб бердилар. Келинглар, ортимизга қайтайликда, Жаноб Расулуллоҳга бу ҳақда қайтайлик!» — дедик-да, орқамизга қайтиб, ул зотнинг олдиларига бордик. Жаноб Расулуллоҳ: «Сизларга уловни мен берганим йўқ. Оллоҳ таоло берди. Оллоҳ таоло ҳақи, иншооллоҳ мен қасамим устига қасам ичмағаймен, бирор қасамни афзалроқ кўрсам, илгариги қасамимга каффорат бориб, сўнг ўшал афзалроқ қасам бирла қасамёд қилғаймен!» — дедилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз (бу дунёда) охиргилармиз, қиёматда эрса биринчилармиз!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ яна: «Оллоҳ таоло ҳақи, бирортангиз хотинингизга ётмаймен деб қасам ичгач, каффорат бермай туриб қасамингизни бузсангиз, бунинг учун сиз Оллоҳ таоло даргоҳида Оллоҳ таоло каффорат бермоқни фарз қилган қасамки ичиб, гуноҳкор бўлгандин ҳам оғирроқ гуноҳкор бўлғайсиз!» —

дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Кимки аёлига ётмаймен деб қасам ичгач, каффорат бермай туриб қасамини бузса, каффоратталаб қасам ичиб гуноҳкор бўлгандан ҳам ортиқроқ гуноҳкор бўлғайдур! — дедилар».

1-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таоло ҳақи!» деганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Динор Ҳазрат Умардан нақл қиладилар, ул киши бундай деб айтган эрканлар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи на саллам бир гуруҳ одамларни (бир юмуш бирлан) жўнатар эрканлар, уларга Усома ибн Зайдни бошлиқ қилиб тайинладилар. Баъзи бир одамлар унинг бошлиқ қилинганига норозилик билдирдилар. Шунда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва валлам ўринларидан туриб: «Гар унинг бошлиқ бўлганига эътироз билдирурсиз, демак бундан илгари унинг отаси бошлиқ бўлганига ҳам эътироз билдирурсиз. Оллоҳ таоло ҳақи, гар ул бошлиқ қилинмоққа муносиб кўрилган эркан, демак ул менинг учун энг маҳбуб кишидур ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолғайдур!» — дедилар».

2-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам қандай қасамёд қилур эрдилар?

Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи!» — дедилар».

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Абу Бакр Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида: «Ло оллоҳи! (Бу бўлмағурдур!)» — дедилар. «Валлоҳи!», «Биллоҳи!», «Таллоҳи!» (Худо ҳақи!) деб ҳам қасам ичилади».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ, қалбларни ўзгартирувчи ҳақи!» — деб қасам ичар эрдилар».

Жобир ибн Сумра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар Қайсар ҳалок бўлса, ундан кейин Қайсар бўлмағайдир, агар Кисро ҳалок бўлса, ундан кейин Кисро бўлмағайдир. Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, уларнинг бойликлари Оллоҳ таоло йўлида сарф қилинғайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар Кисро ҳалок бўлса, ундан кейин Кисро бўлмағайдир, агар Қайсар ҳалок бўлса, ундан кейин Қайсар бўлмағайдир. Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, уларнинг бойликлари Оллоҳ таоло йўлида сарф қилинғайдир!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Эй Мухаммад уммати, Оллоҳ таоло ҳақи, агар сизлар мен билган нарсаларни билганингизда эрди, кўпроқ йиғлаб, ҳамроқ кулган бўлур эрдингизлар!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Ҳишом ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик ул зот Ҳазрат Умарнинг қўлларини ушладилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Ё Расулalloҳ, сиз менинг учун жонимдан бўлак ҳамма нарсадан ҳам маҳбуброқсиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, жоним қўлида бўлган зот ҳақи, токи мен сенинг учун жонингдан ортиқроқ маҳбуб бўлмас эрканман (иймони комил бўлмағайсен!)» — дедилар. Шундан сўнг,

Ҳазрат Умар: «Дарҳақиқат, ҳозир, Оллоҳ таоло ҳақи, сиз менинг учун жонимдан ҳам маҳбуброқсиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мана энди, ё Умар (иймонинг комил бўлди)!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Икки одам ўзлари хусуматлашиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келди. Улардан бири: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолонинг Китоби бўйича бизга ҳукм чиқарингиз!» — деди. Иккинчиси эрса, фақиҳроқ бўлиб: «Ҳа, шундай, ё Расулаллоҳ, бизга Оллоҳ таолонинг Китоби бўйича ҳукм чиқарсангиз ҳамда менга сўзламоғимга ижозат берсангиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сўзлагил!» — дедилар. Ул: «Менинг ўғлим бунга асифлик қилиб кўйди (Молик: «Асиф — бу даъвогарнинг хотини бирлан ўйнашиб қўйган шахсдир, — дейдилар). Менга: «Ўғлинг тошбўрон қилиниши лозим!» — деб айтишди, юз қўй ва бир канизак бериб, ўғлимни қутқариб олдим. Сўнг, мен илм аҳлидан сўраб кўрдим, улар: «Ўғлинг юз дарра урилиб, бир йилга бадарға қилинмоғи, даъвогарнинг хотини эрса тошбўрон қилинмоғи лозим эрди», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, Оллоҳ таолонинг Китоби бўйича сизларга ҳукм чиқарғаймен! Қўйларинг бирлан канизагинг ўзинга қайтариб берилғай», — дедилар. Кейин, унинг ўғлига юз дарра уриб, бир йилга бадарға қилишди. Унайс ал-Асламийга даъвогарнинг хотинини олиб келмоқни буюриб, агар ул бўйнига олса, тошбўрон қилинмоғини айтдилар, хотин тан олиб эрди, тошбўрон қилинди».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар «Кўрдингизми, Аслам, Ғифор, Музайна ва Жухайна қабилалари Тамим, Омир ибн Саъсаъа, Ғатафон қабилаларидан яхшироқ бўлса, умидсизланиб мағлуб бўларми эрди?» — дедилар». Саҳобалар: «Ҳа, шундоқ!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, булар улардан яхшироқдир!» — дедилар».

Абу Ҳумайд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишини закот йиғувчи қилиб тайинладилар, ул ўз ишини адо этиб келдида: «Ё Расулаллоҳ, бу — сизга, мана бу эрса, менга ҳадя қилинди», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ота-онангнинг уйида ўлтириб, ўзинга ҳадя олиб келмоқларини кутсанг бўлмасми эрди?!» — дедилар. Сўнг, кечқурун туриб намоздан кейин ташаҳхуд қилдилар, Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтдилар. Кейин, «Андин сўнг эрса» (аммо баъд) дегач «Биз бирор кишини закот йиғувчи қилиб таъйин этсак нечун ул қошимизга келиб: «Бу — сизга, мана бу эрса, менга ҳадя қилинди», — дейди?! Ул, яхшиси, ота-онасининг уйида ўзига ҳадя келтирадирларми, йўқми, кутиб ўлтирса, бўлмасми эрди?! Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, гар бирортангиз (ўзгалар ҳақига) хиёнат қилур бўлсангиз, ўшал ноҳақ олган нарсангизни қиёмат куни елкангизда кўтариб келғайсиз. Башарти, ул туя эрса ўкириб, сигир эрса бўкириб. қўй эрса маъраб турғайдир. Мен сизларни огоҳлантирдим!» — деб айтдиларда, қўлларини баланд кўтардилар. Шунда қўлтиқларининг оқлигига назарим тушди. Жаноб Расулulloҳнинг юқорида айтган гапларини мен бирлан бирга Зайд ибн Собит ҳам эшитган эрди, ундан сўраб кўрсангиз бўлғайдир».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зот ҳақи, гар сизлар мен билган нарсаларни билғайсиз, кўпроқ йиғлаб, ҳамроқ қулғайсиз!» — дедилар».

Абу Зарр ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбанинг соясида ўлтирган эрдилар, қошларига бордим. Шунда ул зот «Каъба рабби ҳақи, улар завол топғайдурлар, Каъба рабби ҳақи, улар завол топғайдурлар!» — дедилар. Мен: «Бу гапни

мендаги бирор камчиликни назарда тутиб айтмаяптилармикан?» — деган хаёлга бордим. Сўнг, ёнларига бориб ўлтирдимда, кўнглим ғаш бўлиб кетаверганидан, сабр қилолмай: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, улар кимлардур?!» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Улар молу дунёси кўп бўлган одамлардур, аммо бойлигини чор тарафга эҳсон қилиб сочганлар, бундан мустаснодурлар!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Сулаймон (ибн Довуд) алайҳиссалом: «Мен бул кеча тўқсонга аёл бирлан мулоқот қилмаймен, уларнинг ҳар бири биттадан чавандоз туғиб берғай, улар Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилғайлар!» — дедилар. Ёнларида турганлар: «Иншооллоҳ!» — дейишди, ўзлари эрсалар: «Иншооллоҳ!» — демадилар. Ўша кеча Сулаймон алайҳиссалом аёлларнинг барчаси бирлан мулоқот қилган бўлсаларда, уларнинг биттасигина ҳомиладор бўлди, у ҳам бўлса, маймоқ бола туғиб берди. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зот ҳақи, агар Сулаймон алайҳиссалом: «Иншооллоҳ!» — деганларида эрди, тўқсонга чавандознинг барчаси Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилган бўлур эрди!».

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир кийимлик ипак мато ҳадя қилинди. Одамлар уни қўлларига олиб кўриб, гўзаллиги ва нафислигидан кўп таажжуб қилишди. Шунда Жаноб Расулаллоҳ: «Сизларга ёқдимми?» — дедилар. Улар: «Ҳа, шундоқ!» — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, Саъднинг жаннатдаги дастрўмоли бундан яхшироқдур!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд бинти Утба ибн Рабийъа: «Ё Расулаллоҳ, илгарилари мен ер юзидаги чодирларда яшовчиларнинг турмуши сизнинг чодирингизда ҳаёт кечирувчиларнинг турмушидан ёмонроқ бўлмоғини истамас эрдим. Энди, бугун эрса ер юзидаги чодирларда яшовчиларнинг турмуши сизнинг чодирингизда ҳаёт кечирувчиларнинг турмушидан яхшироқ бўлмоғини хоҳламағаймен!» — деди. Жаноб Расулаллоҳ: «Яна ҳам!» — дедилар (яъни, Иймон қалбингизга мустаҳкам ўрнашиб, Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг саҳобаларига муҳаббатингиз ортса, бундан ҳам зиёда бўлғайсиз!). Ҳинд: «Ё Расулаллоҳ, Абу Суфён мумсик одамдир, агар мен унинг молидан болаларимга сарф қилсам, бўлғаймидур?» — деди. Жаноб Расулаллоҳ: «Йўқ, асло, ўзи хайр-эҳсон қилмаса, сенга ҳалол бўлмағайдур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам теридан қилинган яманий ёстиққа суяндиларда, саҳобаларига қараб: «Сиз ўзингизнинг жаннат аҳлининг тўртдан бири бўлмоғингизни истағаймисиз?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, албатта!» — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ: «Сиз ўзингизнинг жаннат аҳлининг учдан бири бўлмоғингизни истағаймисиз?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, албатта!» — дейишди. Жаноб Расулаллоҳ: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зот ҳақи, мен сизларнинг жаннат аҳлининг қоқ ярмини ташукил қилмоғингиздан умидвормен!» — дедилар».

Абу Саъид ривоят қиладилар: «Бир одам бошқа бир одамнинг «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқиб такрор қилаётганини эшитиб, тонгда Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келдида, бу ҳақда менсимай гап қотди. Шунда Жаноб Расулаллоҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, (бу сура) Қуръоннинг учдан бирига баробардир!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рукуъ ва саждаларни маромига етказиб адо этингизлар, жоним қўлида бўлган зот ҳақи, мен сизларнинг қандай рукуъ ва сажда қилаётганингизни тескари қараб туриб ҳам билиб турғаймен!» —

дедилар».

Анас ибн Молик ривоят тиладилар: «Бир ансория аёл болаларини етаклаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди. Жаноб Расулуллоҳ уларга: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, сизлар менинг учун энг маҳбубсизлар!» — деб уч бор такрорладилар».

3-боб. Оталарингиз номини ўртага қўйиб қасам ичмангиз!

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оталарининг номини ўртага қўйиб қасам ичаётган бир жамоа ўртасида кетаётган Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттобга етиб олдиларда: «Оллоҳ таоло оталарингиз номини ўртага қўйиб қасам ичмоқни сизларга манъ қилган эрмасми эрди?! Кимки қасамёд қилмоқ ниятида эркан, Оллоҳ таоло номини атаб қасамёд қилсин, ёким яхшиси, жим бўлсин!» — дедилар».

Ибн Умар Ҳазрат Умардан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло сизларга оталарингиз исми бирла қасам ичмоғингизни манъ қилгандур!» — деб эрдилар. Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи, ушбуни Жаноб Расулуллоҳдан эшитганимдан буён, айтганлари хоҳ эсимда бўлсин, хоҳ бўлмасин, бирор марта ҳам отамнинг номларини атаб қасам ичмадим!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Динор Абдуллоҳ ибн Умардан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оталарингиз номини атаб қасам ичмангизлар!» — дедилар».

Заҳдам ривоят қиладилар: «Жарм қабиласидан бўлган маҳалла аҳли бирлан ашъарийлар ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари мавжуд эрди. Биз Абу Мусо ал-Ашъарий ҳузурда эрканлигимизда товук гўшtidан тайёрланган таом келтирилди. Унинг ҳузурда Баний Таймуллоҳ қабиласига мансуб қизғиш юзли бир одам ҳам ўлтирган бўлиб, чамаси озод қилинган қуллардан эрди. Абу Мусо уни таомга таклиф қилди. Шунда бояги одамнинг таом ейишини кўриб, таъбим тирриқ бўлди, ундан жирканганимдан: «Таом емағаймен!» — деб онт ичдим. Абу Мусо менга: «Турғил, бери келғил, мен сенга (қасам ичмоқ хусусидаги) бир ҳадисни ривоят қилиб берайин!» — дедида, қуйидаги ҳадисни айта кетди: «Бир куни мен ва бир гуруҳ ашъарийлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, улов сўрадик. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ ҳақи, менда сизлар учун яроқли улов йўқдир!» — дедилар. Шу аснода Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига ўлжа олинган туяларни етаклаб келиб қолишди. Жаноб Расулуллоҳ «Ашъарийлар қаердадур?» — дедилар. Сўнг, бетига оқ ўркакчи туяни бизга бермоқни амр қилдилар. Биз йўлга тушганимиздан кейин: «Бу нима қилганимиз?! Ахир, Жаноб Расулуллоҳ аввал бизга улов йўқлигини айтиб қасам ичиб, сўнг бизни туяларга миндириб юбордилар-ку! Бизни деб Жаноб Расулуллоҳ қасам ичганларини унутиб қўйдилар, энди сира ҳам омадимиз юришмағай!» — дедикда, ортимизга қайтдик. Жаноб Расулуллоҳга: «Биз сиздан улов сўраб эрдик улов йўқлигини айтиб қасам ичдингиз, (энди не бўлғайдир?)» — дедик. Жаноб Расулуллоҳ: «Уловни сизга мен берганим йўқ, Оллоҳ таоло ато этди. Оллоҳ таоло ҳақи, мен токим аввалги қасамимни каффоратини бериб ҳалоллаб олмагунимча, бирор бошқа қасамни афзал кўрсам, қасам устига қасам ичмағаймен!» — дедилар».

4-боб. Лот, уззо ва шайтон номини атаб қасам ичилмағай!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки (билмай) лот ва уззо (маъбудалар номи)ни атаб қасам ичғайдир, (дархол) «Ла илоҳа иллаллоҳ» демоғи лозим бўлғайдир ва кимки бировга: «Келғил, бир қимор ўйнайлик!» —

дегайдир, садақа қилиб юбормоғи даркор бўлғайдир!» — дедилар».

5-боб. Қасам ичмоғи лозим бўлмаса ҳам қасам ичган шахс хусусида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (муҳр кўзли) олтин узук ясатиб, кўзини кафтларига қаратиб тақиб юрдилар, одамлар ҳам шундай қилишди. Шундан сўнг, ул зот минбарга чиқиб узукларини бармоқларидан чиқариб олдиларда: «Мен бу узукнинг кўзини кафтимга қаратиб тақиб юрган эрдим» — деб отиб юбордилар. Кейин: «Оллоҳ таоло ҳақи, энди мен сира ҳам уни тақмағаймен!» — дедилар. Одамлар ҳам узукларини тақмай қўйишди».

6-боб. Исломдан ўзга динни атаб қасам ичмоқ ҳақида

Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимдаким лот ва уззони (билмай) тилга олиб қасам ичғайдир, (дарҳол) «Ло илоҳа иллalloҳу» деб калима келтирмоғи лозим бўлғайдир!» — дедилар, аммо буни куфрга йўймадилар».

Собит ибн аз-Заҳҳок ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки исломдан ўзга динни тилга олиб қасам ичғайдир, ўша ўзи айтган динга мансуб бўлиб қолғайдир! Кимки ўзини бирор нарса бирлан ўлдирғайдир, унга ўша нарса бирлан жаҳаннамда азоб берилғайдир! Мўмин одамни лаънатламоқ — уни ўлдирмоқ бирлан баробардир! Кимки мўмин одамни кофирликда айблаб тухмат қилғайдир, уни ўлдирган ҳисобида бўлғайдир!» — дедилар».

7-боб. «Оллоҳнинг хоҳлагани ва сенинг хоҳлаганинг (бўлғай!)» — дейилмағайдир «Мен фақат Оллоҳнинг, сўнгра сенинг мададинг бирлангина мақсадимга эришғумдур!» — дейилғайми?

Абу Ҳурайра қуйидаги ҳадисни «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитганмен», — дейдилар «Оллоҳ таоло Бану Исроилдан уч кишига (дард юбориб, эътиқодларини) синаб кўрмоқни ирода қилди, сўнг уларнинг олдига бир фариштани жўнатди. Фаришта моховнинг қошига келгач, мохов унга: «Аъзои баданим уваланиб кетди, энди мен фақат Оллоҳнинг, сўнгра сенинг мададинг бирлангина эришғумдир (дарддан халос бўлғумдур)! — деди».

8-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Бор иймонингиз бирлан Оллоҳга қасам ичингизлар!»

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Абу Бакр: «Оллоҳ таоло ҳақи, ё Расулalloҳ, тушни таъбир қилишда йўл қўйган хатоимни менга тушунтириб берингиз!» — дедилар. Жаноб расулulloҳ: Қасам ичмағил!» — дедилар».

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизга қасамга вафо қилмоқни амр қилдилар».

Абу Усмон Усома ибн Зайддан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қизлари, ул зотнинг ҳузурларида Усома ибн Зайд, Саъд ва Убай мавжуд эрди, чопар юбориб, ўғилчасининг вақти-соати битай деб қолганлигини хабар қилди. Жаноб Расулulloҳ бунга жавобан салом айтиб: "Фарзанд берадирган ҳам Оллоҳ, уни қайтиб

оладирган ҳам Оллоҳ. Оллоҳнинг даргоҳида барча бандаларнинг умри аниқ белгилаб қўйилгандир. Ўзига Оллоҳдан сабру қаноат тилаб, унинг иродасига бўйинсунсин!» — деб айтиб юбордилар. Қизлари (рост айтаётганига) қасам ичиб, чопарни ортига қайтарди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ ўринларидан турдилар, ул киши бирлан бирга биз ҳам турдик. Етиб боргач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга болани узатиб эрдилар, уни олиб бағирларига босдилар, бола ўхтин-ўхтин нафас олар эрди. Буни кўриб Жаноб Расулulloҳнинг икки муборак кўзлари жикқа ёшга тўлди. Шунда Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бу не қилғонингиз?!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бу кўз ёши — Оллоҳ таолонинг бандалари қалбига солган раҳматидир! Оллоҳ таоло раҳмдил бандаларига раҳм қилғайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Қасамига вафо қилғон мусулмоннинг уч боласи ўлган эрса, унга дўзах оташи тегмағайдир!» — дедилар».

Ҳориса ибн Ваҳб ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннат аҳлининг қандай кишилар эрканин сизларга айттайинми? Барча чор-ночор, зўр-базўр турмуш кечирғувчи, Оллоҳ таолонинг номини атаб қасам ичса, унга вафо қилғувчи кишилар — жаннат аҳлидир! Дўзах аҳли эрса, барча қуруқ, қўпол ва калон димоғ кишилардир!» — дедилар».

9-боб. Агар: «Оллоҳ таолонинг номи бирлан гувоҳлик берғаймен!» ёким «Оллоҳ таолонинг номи бирлан гувоҳлик бердим!» — деса...

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Энг яхши одамлар қайсидур?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Менга асрдош бўлганлар, кейин улардан кейингилар, сўнгра улардан кейингилар, ундан кейин эрса аввал гувоҳлик бериб қўйиб, сўнг ундан топиб қасам ичадирган ҳамда аввал қасам ичиб қўйиб, сўнг ундан топиб гувоҳлик берадирган қавмлар дунёга келғайдир!» — дедилар. Иброҳим: «Ўспиринлик вақтимизда саҳобалар бизни гувоҳлик ҳамда ваъда бериб қасам ичмоқдин қайтарар эрдилар», — дейдилар».

10-боб. Оллоҳ таолога онт ичмоқ ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир мусулмон одамнинг (ёким бир мусулмон биродарининг) молини ўзлаштириб олмоқ мақсадида ёлғон қасам ичғайдир, Оллоҳ таоло уни ўз ғазабига гирифтор қилғайдир!» — дедилар. Сулаймон: «Оллоҳ таоло бунинг тасдиқи учун: «Оллоҳ таолонинг номини сотиб онт ичғувчилар...» — деган ояти каримасини нозил қилган», — дедилар. Ашъас ибн Қайс ўтиб кетаётиб: «Абдуллоҳ сизларга не деяётир?» — деди. Одамлар ўртада бўлган гапни айтишди. Ашъас «Бу оят мен бирлан ўртоғим иккимизга тегишли қудуқ ҳақида нозил бўлган», — деди».

11-боб. Оллоҳ таолонинг иззати, сифатлари ҳамда қавлларини ўртага қўйиб қасам ичмоқ хусусида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аъузу би-иззатика!» — деб айтар эрдилар. Абу Ҳурайра Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиёмат ҳақидаги ҳадисларини эслаб: «Бир одам жаннат бирлан дўзах оралиғида туриб қолғайдир, кейин ул: «Ё рабб, юзимни жаҳаннамдан ўзга тарафга қараттириб қўйғил, иззатинг ҳақи, сендан бундан бўлак тилак қилмағаймен!» — дегайдир», — дедилар. Абу Саъид «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло: «Бу ҳам сенга, ундан ўн баробар кўп мана бу

нарсалар ҳам сенга!» — дегайдир, — деганлар», — деди. Айюб: «Иззатинг ҳақи, баракотингдан бенасиб қилмағил!» — дегайдир», — деди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Иззат соҳиби бўлмиш Оллоҳ таоло барча оташбопларни жаҳаннамга ташлаб бўлгунига қадар, жаҳаннам: «Яна борми, яна борми?» — деяверғайдир. Сўнг: «Иззатинг ҳақи, бўлди-бўлди, етарли!» — деб юмилиб қолғайдир».

12-боб. Оллоҳ таолонинг умри ҳақи!», яъни «Оллоҳ таолонинг ҳамиша тирик ва мавжудлиги ҳақи!» деб қасам ичмоқ ҳақида

Ибн Аббос: «Умринг ҳақи — ҳаётинг ҳақи, демақдир» — дейдилар.

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Набий саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша онамиздан нақл қиладилар: «Тухматчилар Оиша онамизни иғво қилганларида Оллоҳ таолонинг ўзи оқлади. Шунда ҳар ким турли гапларни айтди. Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб Абдуллоҳ ибн Убайга: «Узр айтғил!» — дедилар. Усайд ибн Ҳузайр ўрнидан туриб Саъд ибн Убодага: «Оллоҳ таолонинг умри ҳақи, уни албатта ўлдирғаймиз!» — деди».

13-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Бақара» сураси): «Ло йуохизукумуллоҳу биллағви фи аймоникум ва локин йуохизукум бимо касабат қулуубукум ва-ллоҳу ғафуурун ҳалиймун!». Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ таоло сизларни беихтиёр оғзингиздан чиқиб кетган қасамларингиз учун жазоламағайдур, аммо ул сизларни дилларингиз қасд қилғон қасам учун жазоламағайдур. Оллоҳ таоло буюк мағфират соҳиби бўлмиш бир бардошли зотдир!»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло сизларни беихтиёр оғзингиздан чиқиб кетган қасамларингиз учун жазоламағайдур» деган оят «Йўқ, Оллоҳ ҳақи!» ва «Ҳа, Оллоҳ ҳақи!» каби қасамлар хусусида нозил бўлғондур».

14-боб. Билмай қасамни бузиб қўйса...

«Билмай қилғон ишингиз учун гуноҳкор «Билмай қилғон ишим учун мени жазола. Оллоҳ таоло: «бўлмағайсиз» ва демағил! (деб айтингиз)», — дейди.

Абу Ҳурайра Оллоҳ таолонинг юқоридаги қавлини изоҳлаб «(Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам): «Оллоҳ таоло умматимни, кўнгли қилмоқни ёким айтмоқни васваса қилғон нарса учун, гар уни қилмағон ёхуд айтмағон эрса, мағфират қилғайдур!» — деганлар», — дедилар».

Амр ибн ал-Ос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам қурбон ҳайити куни ваъз қилиб турғон эрдилар, бир одам ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, мен (билмай) фалон ва фалон нарсаларни фалон ва фалон нарсалардан олдин қилмоқ лозим деб ҳисоблар эдим?!» — деди. Яна бир одам туриб: «Ё Расулаллоҳ, мен (билмай) фалон ва фалон нарсаларни анави уч нарсдан илгари қилмоқ керак деб ҳисоблар эрдим?!» — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «(Қолган ҳаж амалларини) давом эттиравер, (Оллоҳ таоло) сени гуноҳкор қилмағай!» — дедилар. Ўшал кун ким не ҳақда сўрамасин, Жаноб Расулulloҳ барчасига: «(Қолган ҳаж амалларини) давом эттиравер, гуноҳи йўқдур!» — деб айтдилар».

Ибн Аббос риволт қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Тош отишдан олдин (билмай) Каъбани тавоф қилиб қўйибмен?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Гуноҳи йўқдур!» — дедилар. Яна бир одам: «Жонлиғимни қурбон қилишдан илгари (билмай) соч олдириб қўйибмен?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Гуноҳи йўқдур!» — дедилар. Яна бир одам «Тош отишдан олдин (билмай) жонлиғимни қурбон қилиб қўйибмен?» — деди. Жаноб Расулulloҳ унга ҳам: «Гуноҳи йўқдур!» — деб айтдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир одам намоз ўқимоқ учун масжидга кирди, Жаноб Расулulloҳ бир чеккада ўлтирган эрдилар. Намоз ўқиб бўлгач, келиб салом берди. Жаноб Расулulloҳ: «Қайта намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг!» — дедилар. Ул жойига қайтиб бориб аввалгидек намоз ўқиди, Сўнг, келиб, салом берди. Жаноб Расулulloҳ яна: «Қайтғил, кайта бошдан намоз ўқигил, чунки сен намоз ўқимадинг!» — дедилар. Уч марта шундай қилдилар. Ул киши охири: «Менга ўргатингиз!? — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Гар намоз ўқимоқ ниятида эрсанг, аввал яхшилаб таҳорат олғил, сўнг қиблага юзланиб такбир айтғил, сўнг Қуръондан ўзинга билмоқ муяссар бўлгон ояту сураларни ўқигил, кейин шундай рукуъ қилғилки, унинг тўла-тўқислигига амин бўлғил, сўнг рукуъдан бошингни кўтарғилким, қаддинг расо бўлсин, сўнгра шундай сажда қилғилким, унинг тўла-тўқислигига амин бўлғил, кейин саждадан бошингни кўтариб ўтирғил, бунинг ҳам тўла-тўқислигига амин бўлғил, сўнг тўла-тўқислигига амин бўладиргон даражада сажда қилғил, сўнгра қаддинг расо қилиб қиёмға турғил, намозингнинг колганини ҳам худи шундоқ қилиб ўқигил!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Уҳуд жанги) куни мушриклар тор-мор бўлиб мағлубиятга учрагач, Иблис мусулмонларга қарата: «Эй Оллоҳнинг бандалари, ортингизда турганлардан эҳтиёт бўлингизлар, уларни ўлдиригизлар!» — деб қичқирди (бу бирлан ул мусулмонларни чалғитиб, ўзаро бир-бирларини ўлдиришларини хоҳлади). Шунда олдинги сафда жанг қилаётган мусулмонлар чалғиб қолганидан ортларидаги ўз биродарларига қарши жанг қилишга киришди. Ибн Ҳузайфа ўзига келиб отасига кўаи гушди, шунда у: «Бу менинг отам, бу менинг отам, ўлдирмангизлар!» — деб хитоб қилди. Бирок Оллоҳ таоло ҳақи, унинг отасига қарши жанг қилаётганларни тўхтатиб бўлмади, улар уни ўлдириб қўйишди. Кейин, Ҳузайфа отасини ўлдириб қўйганларга: «Оллоҳ таоло сизларни кечирсин!» — деди. Урва: «Оллоҳ таоло ҳақи, Ҳузайфа бу ходисани ўла-ўлгунича юрагидан чиқара олмади!» — дейдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки рўза тутғайдиру, билмай таом еб қўйғайдир, рўзасини давом эттирғайдир, чунки уни Оллоҳ таоло едириб-ичиргандир!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Бухайна ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилиб намоз ўқидилар. Шунда дастлабки икки ракъатдан сўнг ўлтирмай қиёмға турдиларда, намозни давом эттиравердилар. Намозни тугатганларидан кейин одамлар икки елкаларига салом бермоқларини кутган эрдилар, бироқ ул зот бунинг ўрнига такбир айтиб сажда қилдилар. Сўнгра, бошларини кўтариб яна такбир айтдиларда, сажда қилдилар. Шундан кейингина бошларини кўтариб икки елкаларига салом бердилар».

Ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозига имомлик қилаётиб, унинг ракъатларини ё ортиқча ёким кам ўқидилар. Мансурми, Иброҳимми ёхуд Алқамми, улардан бири шубҳаланиб: «Ё Расулаллоҳ, намозни қисқартирдингизми ёким унинг бирор ракъатини унутдингизми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ (Не бўлди?) — дедилар,

Одамлар: «Шундай ва шундай қилиб ўқидингиз», — дейишди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ қавм бирлан бирга икки марта сажда қилиб: «Бу икки сажда намозда унутиб қолдирилган ёким ортиқча ўқиб қўйилган рақъат учун саждаи саҳв бўлғайдур!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Бизга Убай ибн Каъб бундай деди: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё парвардигоро, унутиб қўйган нарсам учун мени жазоламагайсен, менга тоқатим етмайдирган ишни юкламагайсен, Мусо алайҳиссаломнинг дастлабки хатолари унутиш оқибатида содир бўлгон эрди!» — дедилар».

Абу Абдуллоҳ (ал-Бухорий) бундай дейдилар: «Қуйидаги ҳадисни менга Муҳаммад ибн Башшор ёзиб юборган эрди, Маоз ибн Маоз эрса ривоят қилиб берган эрди, Ибн Авн эрса Шаъбийдан нақл қилиб айтиб берган эрди: «Барро ибн Озиб айтдики, бир куни унинг уйига меҳмонлар келган эркан. Шунда ул бола-чақаларига: «Мен бир юмуш бирлан кетаётирмен, қайтгунимга қадар қўйни сўйиб, меҳмонларга едиринглар!» — дебди. Улар қўйни ҳайит намозидан олдин сўйиб қўйибдилар. Жаноб Расулulloҳга бул ҳақда айтишганда, ул зот қурбонлик учун бошқа қўй сўймоқни амр қилибдилар. Шунда Барро ибн Озиб: «Ё Расулаллоҳ, менда икки ёшдан каттароқ бир эчки бор, ҳануз сут эмгайдир, гўшти иккита қўйнинг гўшtidан ҳам афзалроқдир!» — дебди». Ибн Авж ушбу ҳадисни шул ерига қадар айтиб, кейин Муҳаммад ибн Сириндан шунга ўхшаш яна бир ҳадисни нақл қилди-да: «Билмадим, Жаноб Расулulloҳ ўшанда Барродан бошқаларга ҳам эчкини қурбонлик қилмоққа ижозат бердиларми, йўқми, ёдимда йўқ», — деди».

Жундуб ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳайит намозини ўқиб, сўнг хутба қилганларини кўрдим. Шунда ул зот: «Кимки ҳайит намозидан илгари қурбонлик қилган эрса, намоздан сўнг қурбонлик учун бошқа жонлиғ сўйсин ва кимки ҳали сўйиб улгурмаган эрса, Оллоҳ номини айтиб қурбонлик қилсин!» — дедилар».

15-боб (Бу дунёда гуноҳкор қилиб, охиратда дўзах оташига мубтало қилувчи ёлғон қасам) ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-Наҳл» сураси): «Ва ло таттахизуу аймонакум даҳалан байнакум фатазилла қадамун баъда субуутиҳо ва тазууқус-суъа бимо сададтум ан сабийлиллоҳи ва лакум азобун азиймун!» Оятнинг мазмуни: «Қасамларингизни ўзаро макру ҳийла учун бир тадбир қилмангизларки, (сиротға) қўйилгач, оёқлар тойиб кетгайдир ва Оллоҳ йўлидан озиб қилган ишингиз туфайли бало таънини тотиб кўргайсизлар ва қаттиқ азобларга мубтало бўлғайсизлар!»

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳга ширк келтирмоқ ота-онага оқлик қилмоқ, одам ўлдирмоқ ва ёлғон қасам ичмоқ — гуноҳи азимлардандур!» — дедилар».

16-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Оли Имрон» сураси): «Инналлазийна йаштарууна би-аҳдиллоҳи ва аймониҳим саманан қалийлан увлоика ло халоқа лаҳум фил-охирати ва ло йукаллимухумуллоҳу ва ло йанзуру илайҳим йавмал-қийомати ва ло йузаккийҳим ва лаҳум азобун алиймун!» Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ таолога берган ваъдалари бирлан қасамларини (бу дунёдаги) арзимас бир матоҳга алмаштирғувчилар охират неъматларидан бенасиб қолғайлар ва Оллоҳ таоло қиёмат куни уларга сўзламас ҳам, қиё боқиб қарамас ҳам,

гуноҳларини мағфират қилмас ҳам, улар дардли азобга мубтало бўлғайлар!».

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Бақара» сураси): «Ва ло тажъалуллоҳа урзатан ли-аймоникум ан табарруу ва таттақуу ва туслиҳуу байнанноси валлоҳу самийъун алиймун!». Оятнинг мазмуни: «Яхшилик ва тақво қилмоқ учун ҳамда одамларни яраштириб қўймоқ учун Оллоҳ номини қурол қилиб олмангизлар. Оллоҳ ҳамиша эшитиб, билиб турғайдир!»

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-Наҳл» сураси): «Ва ло таштаруу би-аҳдиллоҳи саманан қалийлан иннамо индаллоҳи ҳува хайрун лакум ин кунтум таъламууна» ва яна: «Ва авфуу би-аҳдиллоҳи изо оҳадтум ва ло танқузуул-аймона баъда тавкийдиҳо ва қад жаъалтумуллоҳд алайкум кафийлам». Оятларнинг мазмуни: «Оллоҳга берган ваъдангизни (бу дунёдаги) арзимас бир матоҳга алмаштирмангизлар, ҳақиқат шулдурким, Оллоҳ даргоҳида бериладирган неъматлар, гар билмоқчи эрсангиз, сизлар учун яхшироқдур!» ва яна: «Оллоҳга ваъда бердингизми, унга вафо қилингизлар ва Оллоҳни ўзингизга кафил қилиб катъий қасам ичдингизми, уни бузмангизлар!»

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки бирор мусулмоннинг молини юлиб олмоқ ниятида атайлаб қасам ичғайдур, Оллоҳ таоло уни ғазаб бирлан қарши олғайдур! Оллоҳ таоло бунинг исботи учун қуйидаги ояти каримасини нозил қилғондур: «Оллоҳ таолога берган ваъдалари бирлан касамларини (бу дунёдаги) арзимас бир матоҳга алмаштиргувчилар охират неъматларидан бенасиб қолғайлар ва Оллоҳ қиёмат куни уларга сўзламас ҳам, қиё боқмас ҳам, гуноҳларини мағфират қилмас ҳам, улар дардли азобга мубтало бўлғайлар!». Ашъас ибн Қайс кириб: «Абу Абдурахмон сизларга неларни сўзлаб борди?» — деб сўради. «Фалон ва фалон нарсалар ҳақида», — деб айтилди. Ул бундай деди: «Мазкур оят мснинг ҳақимда нозил бўлғондур, амакимнинг ўғлига қарашли ерда менинг бир қудуғим бўлар эрди. Мен Жаноб Расулуллоҳнинг қошлариға бориб эрдим, ул зот менга: «Ундан талаб қилғил ёким ул қасамёд қилсин!» — дедилар. Мен: «Агар қасам ичғайдур, унга вафо қилғаймидур?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Кимки бирор мусулманнинг молини тортиб олмоқ ниятида атайлаб қасам ичғайдур, Оллоҳ таоло қиёмат куни уни дарғазаб бўлиб қарши олғайдур!» — дедилар».

17-боб. Ўзида мавжуд бўлмаган нарса ёким бирор гуноҳ иш юзасидан ёҳуд дарғазаб бўлиб қасам ичмоқ ҳақида

Абу Мусо (ал-Ашъарий) ривоят қиладилар: «Шерикларим мени улов сўраб олмоқ учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурлариға жўнатишди. Жаноб Расулуллоҳ «Оллоҳ ҳақи, менда улов йўқдур, сизларга улов бера олмағаймен!» — дедилар. Шунда мен гапларига кўниб, қайтиб чиқиб кетаётганимда ул зотнинг ғазабнок эрканликларини сездим. Яна қайтиб кирсам: «Шерикларингга бориб, Оллоҳ таоло (ёким Расулуллоҳ) сизларга улов муҳайё қилғайдур, деб айтғил!» — дедилар».

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша онамиздан эшитганларини бундай деб ривоят қиладилар: «Тухматчилар Оиша онамизни маломат қилиб турли гапларни айтишганда Оллоҳ таолонинг ўзи ул покдомон бандасини ифво-ю бўҳтонлардан фориг айлаб, оқлади. «Ўшанда менга ҳар қим турли гапларни айтган эрди, — дейдилар Оиша онамиз, — кейин, Оллоҳ таоло менинг поклигим хусусида «Инналлазийна жоъуу билифки...» деб бошланадирган ояти каримаси сингари ўнта оят нозил қилди». Абу Бакр Сиддиқ Мистаҳ деган кишига, ўзларига қариндошлиги бўлгани учун, инъом-эҳсон қилиб ёрдам бериб юрар эрдилар, у қизлари — Оиша онамизга

туҳмат қилгандан сўнг: «Оллоҳ ҳақи, энди унга сира ҳам хайр-эҳсон қилиб ёрдам бермағаймен!» — дедилар. Шунда Оллоҳ таоло қуйидаги ояти каримасини нозил қилди («Ан-Нур» сураси): «Ва ло йаътали уулулфазли минкум вассаъати ан йуътуу уулил-қурбо!» («Ораларингиздаги фазлу карам соҳиблари қариндошларига хайру эҳсон қилмайман деб қасам ичмасинлар!»). Шунда Абу Бакр: «Ҳа, албатта, Оллоҳ таоло ҳақи, мени парвардигорим мағфират қилсин!» — дедилар ва Мистаҳға мадад қилмоқда давом этиб: «Энди сира ҳам унга мадад бермоқдин тўхтамағаймен!» — деб айтдилар».

Заҳдам (ал-Жармий) ривоят қиладилар: «Биз Абу Мусо ал-Ашъарий ҳузурда эрдик. Ул бундай деди: «Биз бир гуруҳ ашъарийлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига улов сўраб борган эрдик, дарғазаб бўлиб турган эрканлар, қасам ичиб улов бера олмасликларини айтдилар. Сўнг: «Оллоҳ таоло ҳақи, иншооллоҳ, мен токим илгари ичган қасамимни каффорат бериб ҳалоллаб олмагунимга қадар, бирор қасамни ундан афзалроқ кўрсам, қасам устига қасам ичмағаймен!» — дедилар».

18-боб. Агар «бугун сира ҳам гапирмайман!» деб қасам ичган эрса-ю, кейин намоз ўқиса, қироат қилса, тасбиҳ, такбир, ҳамд ва таҳлил айтса, қарорини бузмағайдир!

Расулуллоа саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сўзларнинг афзали тўрттадир, булар — Субҳоналлоҳ, Алҳамдулиллоҳ, Ло илоҳа иллаллоҳ ва Оллоҳу акбардур!» — дедилар. Абу Суфён: «Жаноб Расулуллоҳ Ҳираклга «Келинлар, ҳаммамизга — сизларга ҳам, бизларга ҳам баб-баробар аҳамиятли бўлган сўзни айтайлик!» деб мактуб йўлладилар», — дедилар. Мужоҳид: «Бу сўз — Ла илоҳа иллаллоҳ бўлиб, тақво калимасидур!» — дедилар».

Саъид иби Ал-Мусайяб оталаридан нақл қил, адилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (амакилари) Абу Толибнинг ўлими яқинлашганда унинг ҳузурига бориб: «Мен Оллоҳ таоло даргоҳида сизнинг ёнингизни олмоғим учун «Ло илоҳа иллаллоҳ» деб калима келтирингиз!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Айтганда тилга сира оғирлиги тушмайдирган, аммо (охират) тарозусида тош босадирган ҳамда Раҳмонга маҳбуб бўлган икки калима мавжуддир, булар — Субҳоналлоҳ ва биҳамдиҳи, Субҳоваллоҳил-азийм!» — дедилар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сўз айтдилар, мен ҳам бир сўз айтдим. Жаноб Расулуллоҳ: «Кимки Оллоҳ таолога ширк келтириб ўлғайдир, жаҳаннамга киритилғайдир!» — дедилар. Мен эрсам: «Кимки Оллоҳ таолога ширк келтирмай ўлғайдир, жаннатга киритилғайдир!» — дедим».

19-боб. «Оилам олдиға бир ой кирмаймен!» деб қасам ичган киши тўғрисида ҳамда ўша оининг йигирма тўққиз кун бўлиб чиққанлиги ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларидан ийлоъ қилдилар (бир ой яқинлик қилмасликка қасам ичдилар). Ўшанда (отдан йиқилиб) оёқлари чикқан эрди, болохонада (ёлғиз ўзлари) йигирма тўққиз кун турдилар. Кейин, аёллари қошига кирган эрдилар, улар: «Ё Расулаллоҳ, бир ойга ийлоъ қилмабми эрдингиз?!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Баъзи ой йигирма тўққиз кун бўлғайдир!» — деб жавоб қилдилар».

20-боб. Киши набиз ичмасликка қасамёд қилиб, сўнг узум ёким хурмо шарбати ичгайдир, баъзи одамлар «Бу бирлан қасам бузулмағайдир», — дейдилар, чунким улар юқоридаги ичимликларни мусаллас деб ҳисобламағайдирлар

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг дастёрлари бўлмиш Абу Усайд уйланди. Шунда ул Жаноб Раеулulloҳни тўйга таклиф этди. Келиннинг шахсан ўзи одамларга ҳизмат қилди. Саҳл меҳмонларга: «Биласизларми, келин сизларга қандай ичимлик тортиқ қилди? Бир тоғора хурмога сув қуйиб ивитиб қўйғон эрдим, ул туни бирлан қолиб эрди, ҳозир сизларга ўшани тортиқ қилди», — деди».

Ибн Аббос Жаноб Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Савдадан нақл қиладилар: «Бизнинг бир қўйимиз ҳаром ўлиб қолди. Биз унинг терисини набиз бирлан ошлайверганимиздан юмшаб мешкобга айланди».

21-боб. Нонга хуруш қўшиб емасликка онт ичиб, сўнг нонга хурмо қўшиб еса ва ундан бўлак хуруш бўлмаса...

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламнинг хонадонидагилар ул зот оламдан кўз юмгунларига қадар ҳам уч кун бўлса-да, хуруш қўшилган буғдой нонни тўйиб еган эрмаслар!».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Абу Талҳа Умму Сулаймга: «Менга Жаноб Расулulloҳнинг муборак товушлари чамамда бироз заифроқ эшитилди, очликдан толиққан кўринадирлар, бирор егулик нарсанг бормидур?» — дедилар. Умму Сулайм «Ҳа, бордур!» — дедиларда, бир неча арва нонни олиб, рўмолларига тугиб бердилар. Сўнг, Умму Сулайм мени (Анасни) Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига жўнатдилар, борсам, ул зот бир гуруҳ одамлар бирлан бирга масжидда ўлтирган эрканлар, тепаларига бориб турдим. Жаноб Расулulloҳ «Сени Абу Талҳа юбордимми?» — дедилар. Мен: «Ҳа!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ ўзлари бирлан бирга ўлтирган одамларга: «Қани, турунгизлар, кетдик!» — дедилар. Ҳаммалари йўлга тушишди, мен йўл кўрсатиб олдинда кетдим. Етиб боргач, Абу Талҳага хабар бериб эрдим, ул киши: «Ё Умму Сулайм, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ва ул зот бирлан бирга бир неча одамлар ҳам етиб келишди, бизда уларни меҳмон қилгулик бирор егулик бормидур?» — дедилар. Умму Сулайм: «Оллоҳ таоло ва унинг расулига яхшироқ аёндур!» — дедилар. Абу Талҳа ташқарига чиқиб Жаноб Расулulloҳни қарши олдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга Абу Талҳа ичкарига киришди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Умму Сулайм, борингни келтирғил!» — дедилар. Шунда Умму Сулайм бояги нонларни дастурхонга келтириб қўйдилар. Кейин, Жаноб Расулulloҳ нонхуруш сўрадилар. Умму Сулайм ёғдонга мева солиб, нонхуруш қилиб қўйган эрдилар, ўшани дастурхонга келтириб қўйдилар. Жаноб Расулulloҳ уни мақтаб-мақтаб тановул қилдилар, сўнг ўзлари бирлан келганлардан ўн кишини дастурхонга таклиф қилмоққа изн бердилар. Улар тўйгунча еб, сўнг чиқиб кетишди. Кейин, яна ўн кишини таклиф қилмоққа изн бердилар, улар ҳам тўйгунча ейишди. Шул тариқа барча меҳмонлар тўйиб овқатланиб олишди, улар етмиш ёким саксон чоғлик эди».

22-боб. Не ниятда онт ичган эрса, ўшанга муяссар бўлғусидир!

Умар ибн ал-Хаттоб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қилинадирган амалларнинг натижаси не ниятда қилинғонига боғлиқдур. Кимки Оллоҳ таоло

ва унинг расулини деб ҳижрат қилғон эрса, Оллоҳ таоло ва унинг расули учун ҳижрат қилғонлик савобини олғайдур, кимки бойлик орттирмоқ ёким хотин олмоқ ниятида ҳижрат қилғон эрса, ўша ният қилғониға эришғайдур, хуллас, не ниятда ҳижрат қилинғон эрса, ўша муяссар бўлғайдур!» — дедилар».

23-боб. Бойлигини назр учун ёким тавба-тазарруъ қилмоқ учун эҳсон қилган эрса...

Каъб ибн Моликнинг кур бўлиб қолганда етаклаб юрган ўғилларидан бири Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Молик ривоят қиладилар: «Мен (отам Каъб ибн Моликнинг гаплашиб ўлтириб: «Ўшал (Табук жангига) кеч қолиб келган уч киши (тавба қилиб ўз молидан эҳсон қилмоғи) лозим!» — деб айтганларини эшитдим. Кейин, сўзларининг сўнггида: «Менинг тавбам шул бўлғайким, Оллоҳ таоло бирлан унинг расули йўлида молимни эҳсон қилиб ўзимни халос қилғаймен» — дедилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Озроқ молингдан олиб қолсанг, ўзингга яхши бўлғайдир» — дедилар.

24-боб. Ўзини ўзи таомдан маҳрум қилса...

Оллоҳ таолонинг қавли («Аттаҳрийм» сураси): «Ё аййуҳан-набиййу, лима туҳарриму мо аҳаллаллоҳу лака табтағий марзота азвожика валлоҳу ғафуурун раҳиймун, қад фаразаллоҳу лакум таҳиллата аймоникум» Оятнинг мазмуни: «Эй набий, не учун Оллоҳ сизга тановул қилмоқни рухсат этган неъматдан хотинларингизнинг раъйига қараб ўзингизни маҳрум қилурсиз? Оллоҳ кечирувчан меҳрибон зотдур! Оллоҳ қасамларингизга каффорат бермоқни сизлар учун фарз қилди».

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Моида» сураеи): «Ло туҳарримуу таййиботи мо аҳаллаллоҳу лакум». Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ сизларга тановул қилмоқни рухсат этган покиза неъматлардан (ўзингизни) маҳрум этмангизлар!»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (хотинларидан бири бўлмиш) Зайнаб бинти Жаҳшнинг ҳузурда асал тановул қилиб, узоқ вақт қолиб кетадирган одат чиқардилар. Шунда мен ва (хотинларидан бири бўлмиш) Ҳафса иккимиз ул зот қайси биримизнинг бўлмасин, ҳузуримизга кирсалар, «Нима бало, қандайдир елим едингизми, сиздан сассиқ елим ҳиди келяпти деб айтамиз» деб келишиб олдик. Жаноб Расулulloҳ иккимиздан биримизнинг ҳузуримизга кирганларида ўшал келишнб олинган гапни айтдик. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ эй, Мен Зайнаб бинти Жаҳшнинг ҳузурда асал тановул қилғон эрдим, энди сира ҳам асал емағаймен!» — дедилар. Шунда: «Ё аййуҳан-набиййу, лима туҳарриму ма аҳаллаллоҳу лака... ин татуубо илаллоҳи...» деган ояти карималар нозил бўлди», Оятларнинг мазмуни: «Эй набий, ну учун Оллоҳ сизга тановул қилмоқни рухсат этган неъматдан ўзингизни маҳрум қилурсиз?... (Эй пайғамбарнинг икки хотини), агар сизлар Оллоҳга тавба қилсангизлар...»

25-боб. Назрга вафо қилмоқ ҳақида

Оллоҳ таоло: «Назрга вафо қиладилар», — дейди.

Саъид ибн Ҳарас ривоят қиладиларки, Ибн Умар разияллоҳу анҳу: «Ёки улар назр қилмоқдан қайтарилмадиларми? — дер эрканлар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Назр бирор нарсани тезлаштирмағай ҳам, кечиктирмағай ҳам, унинг орқали бахил одамдан

бирор нарса , ундириб олингайдир, холос!» — дедилар.

Абдуллоҳ иби Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам назр қилмоқдан қайтариб: «У балонинг олдини ололмагайдир, унинг орқали бахилдан бирор нарса ундириб олингайдир, холос!» — дедилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Назр Одам боласига тақдир қилинмаган нарсани насиб эта олмагайдир, балки ул азалдин тақдир қилинғон нарсанигина унга рўпара қилгайдир. Оллоҳ таоло назр йўли бирлан илгари хайр-эҳсон қилмай юрган бахилдан хайр-эҳсон ундириб олгайдир!» — дедилар».

26-боб. Назрга вафо қилмайдирган одамнинг гуноҳи ҳақида

Заҳдам ибн Музарриб Ижром ибн Ҳусайндан бундай деб эшитган эрканлар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг яхшиларингиз (умматларимнинг яхшиси) — менга асрдош бўлган умматларимдур, сўнг ундан кейингилар, сўнг ундан кейингилардур», — дедилар. Шунда ўзлари яшаб турган асрдан кейинги икки-уч асрни назарда тутдиларми, билмагаймен, аммо сўнг айтдиларки, «Ундан кейин, назр қилмоқ бўлиб вафо қилмайдирган, хоинлик қилиб ишончини йўқотадирган, гувоҳлик бериб гувоҳлигидан тонадирган қавмлар дунёга келгайдур. Уларнинг орасида семиз одамлар кўпайгайдур!»

27-боб. Оллоҳ таолога тоат қилмоғини назр қилмоқ хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Бакара» сураси): «Ва мо анфақтум мин нафақатин ав назартум мин назрин фа-инналлоҳа йаъламуҳу ва мо лиззолимийна мин ансорин». Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ, сизларнинг қанча хайр-эҳсон қилганингизни ёким қай тариқа ва қай турли назр берганлигини билиб тургайдур, золимларга охиратда ҳеч бир мадаккор йўқдур!»

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ таолога тоат қилмоғини назр қилгайдир, назр қила берсин ва кимки Оллоҳ таолога осий бўлмоғини назр қилгайдир, бундай қилиб Оллоҳ таолога осий бўлмасин!» — дедилар («Оллоҳ таолога осий бўлмоғини назр қилгайдир», — яъни, «Оллоҳ таолога гуноҳкор бўладирган ғаразли ишни назр қилгайдир»»).

28-боб. Жоҳилият даврида ҳеч ким бирлан сўзлашмасликка (яъни, эътикоф қилмоққа) онт ичиб ёким биров бирлан сўзлашмасликни (яъни, эътикоф қилмоқни) назр қилиб, сўнг ислом даврида мусулмон бўлса...

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Ё Расулаллоҳ, жоҳилият даврида мен бир кеча масжидда эътикоф қилмоғимни назр қилғон эрдим», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Назринга вафо қилғил!» — дедилар».

29-боб. Назр қилмоғи лозим бўла туриб вафот этганлар ҳақида

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Саъд ибн Убода ал-Ансорий Жаноб Расулуллоҳдан онасининг бўйнида қарз бўлиб қолган назр хусусида сўраган эрди, ул зот мазкур назрни адо этмоқни унинг ўзига топширдилар. Шу-шу бўлди-ю, ота-она адо этолмаган назрни уларнинг фарзандлари ўтамоқлиги суннат бўлиб қолди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Менинг синглим ҳаж қилмоқни назр қилғон эрди, афсуски вафот этиб қолди», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар унинг бўйнида қарзи бўлганда тўларми эрдинг?» — дедилар. Ул: «Ҳа!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Назр — Оллоҳ таолога тўланадирган қарздур, уни адо этғил, чунким Оллоҳ таоло қарзнинг узулмоғига барчадан ҳам ҳақлироқдур!» — дедилар. (яъни, энг аввало Оллоҳ таолога берилмоғи лозим бўлган қарзни узмоқ даркордур!)».

30-боб. Ўз ихтиёрида бўлмаган ва гуноҳ ишларни назр қилувчилар хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ таолога тоат қилмоғини назр қилғайдир, назр қила берсин ва кимки Оллоҳ таолога осий бўлмоғини назр қилғайдир, бундай қилиб Оллоҳ таолога осий бўлмасин!» — дедилар».

Анас иби Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ўғли икки қўлтиғидан ушлаб етаклаб кетаётган бир кекса одамни кўриб «Оллоҳ таоло бу одамнинг ўзини қийнамоғидан манфаатдор эрмас!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир одамни тасма бирлан етаклаб Каъбани тавоф қилдираётганларини кўриб, тасмани қирқиб ташладилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбани тавоф қилаётиб бир одамнинг иккинчи бир одамни тасма бирлан етаклаб кетаётганини кўриб қолдиларда, тасмани ўз қўллари бирлан қирқиб ташладилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ваъз айтаётганларида рўпараларида бир одамнинг ўлтирмай тик турганини кўриб: «Ул кимдур?» — дедилар. Одамлар: «Бул одам Абу Исроил бўлиб, ўлтирмай тик туриб, сояда турмай (офтобда туриб) ҳамда биров бирлан сўзлашмай рўза тутмоқни назр қилғондур», — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Буюринглар, сўзлашсин, ўзини сояга олсин, ўлтирсин ва рўзасини тугатсин (очсин)!» — дедилар».

31-боб. Бир неча кун рўза тутмоқни назр қилғон эрса-ю, аммо ўшал кунлар Қурбон ёким Рамазон ҳайитига тўғри келиб қолса...

Абу Ҳарра ал-Асламий ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Умардан рўза куни келмай туриб бир неча кун рўза тутмоқни назр қилиб қўйган ва ўшал ният қилган кунлари Қурбон ёким Рамазон ҳайитига тўғри келиб қолган киши хусусида сўрашди. Абдуллоҳ ибн Умар: «Бул хусусда Жаноб Расулуллоҳ сизларга яхши ибрат бўлғайлар, ул зот Қурбон ҳайити бирлан Рамазон ҳайити кунлари сира ҳам рўза тутмас ҳамда ўшал кунларни рўза кунлари деб ҳисобламас эрдилар», — деди».

Зиёд ибн Жубайр ривоят қиладилар: Мен Ибн Умар бирлан бирга турган эрдим, бир одам ундан «Мен ўла-ўлгунимча ҳар сешанба ёким чоршанба кунлари рўза тутғаймен деб назр қилиб эрдим, аммо ўшал кун Қурбон ҳайитига тўғри келиб қолди, энди не қилғаймен?» — деб сўради. Ибн Умар: «Оллоҳ таоло назрга вафо қилмоқни амр қилғон эрсада, Қурбон ҳайити куни рўза тутмоғимиз манъ қилинғондур», — деди. Бояги одам ўз саволини яна такрорлаб эрди, Ибн Умар аввал не деган эрса, шундай жавоб қилди».

32-боб. Ер, қўй, экин ва нарсалар хусусида қасам ичмоқ ва уларни назр қилмоқ мумкинмидур?

Ибн Умар ривоят қиладилар: «(Отам) Умар ибн ал-Хаттоб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга: «Мен шундай бир ер олдимки, бундай ажойиб ерга ҳеч ким эга эрмас!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Агар истасанг, уни ўзингда олиб қолиб, ҳосилини садақа қилмоғинг мумкинмидур!» — дедилар. Абу Талҳа Жаноб Расулulloҳга: «Менинг мулкларим ичида боғи масжид қаршисида жойлашган Байруҳо энг сеvimлидур!» — деди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбар жанги куни чиқиб кийим-кечак ва латта-путтадан бўлак на олтин ва на кумуш ўлжа ололмадик. Шунда Забиб қабиласига мансуб Рифоат ибн Зайд исмли бир киши Жаноб Расулulloҳга Мидъам деган бир ғулом ҳадя қилди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ Водий ул-Курога йўл олдилар. У ерга етиб борганларидан кейин Мидъам туяларини чўктираётган эрди, бир дайди ўқ тегиб ўлди. Одамлар: «Унга жаннат қутлуғ бўлсин!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Асло ундай эрмас, жоним қўлида бўлмиш зот ҳақи, бул ғулом Хайбар жанги куни ўлжа олинган кийимлардан бири — шамлани, ўзига теккан улуш эрмаслигига қарамай, ўғирлаб олган эрди. Ўшал шамла жаҳаннамда унга ўт қўймагаймидур!» — дедилар. Одамлар бу гапни эшитгач, бир киши ўғирлаб олган битта (ёким бир жуфт) пойабзал боғичини Жаноб Расулulloҳга, олиб келиб бердида: «Бу боғич ҳам жаҳаннамда ўт қўймаймидур?» — деди».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ҚАСАМЛАР КАФФОРАТЛАРИ БОБИ

1-боб.

Оллоҳ таолонинг «Қасамнинг каффорати — ўнта мискиннинг қорнини тўйғазмоқдур!» деган қавли хусусида ҳамда Оллоҳ, таоло қасам ичганлик гуноҳини ювиш учун «Рўза тутиб ёким садақа қилиб ёким қурбонлик қилиб фидя (товон) берилғайдур» деган қавлини нозил қилганда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларга берган фармонлари ҳақида, шунингдек Ибн Аббос, Ато ва Икриманинг «Қасам ичганлик гуноҳини ювиш учун бериладирган каффоратлар хусусида Қуръонда айтилган уч каффоратдан қайси бирини адо этмоқ қасам соҳибининг ўз ихтиёридадур» деганлари зикр қилинадур. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбга уч каффоратдан истаганини адо этмоғи мумкинлигини айтганлар.

Каъб ибн Ужра ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб эрдим: «Берироқ келғил!» — дедилар. Мен яқинроқ бордим. Шунда: «Ҳашоратларинг (яъни, бошингдаги битлар) озор беряптими» — дедилар. «Ҳа!» — дедим. «(Битлаб кетганингнинг каффорати учун) рўза тутғил ёким садақа берғил ёхуд қурбонлик қилғил!» — дедилар. Ибн Авн менга Айюбдан нақл қилиб айтдики, каффорат учун уч кун рўза тутмоқлик ёким бир қўй қурбонлик қилмоқлик ёхуд олти мискинни тўйғазмоқлик даркор бўлур эркан».

2-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Аттаҳрийм» сураси): «Қад фаразаллоҳу лакум таҳиллата аймоникум валлоҳу мавлокум ва ҳувал-алиймул-ҳакийму». Оятнинг мазмуни «Оллоҳ қасамларингизга каффорат бермоқни сизлар учун фарз қилди ва Оллоҳ сизларнинг эгаларингиздур ва ул билгувчи ҳикматли зотдур». Бой ва фақир кишилар учун қачон каффорат вожиб бўлғай?

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бир киши келиб Рамазонда ўз аёли бирлан жимоъ қилиб қўйганини айтди. Жаноб Расулуллоҳ: «Қилган гуноҳинг бадалига бир қул озод қилмоққа қодирмисен?» — дедилар. Ул: «Йўқ», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Икки ой муттасил рўза тутмоққа қодирмисен?» — дедилар. Ул: «Йўқ», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Олтмиш мискиннинг қорнини тўйғаза олурмисен?» — дедилар. Ул: «Йўқ», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Ўлтирғил!» — дедилар, ул ўлтирди. Шул аснода Жаноб Расулуллоҳга бир катта саватда лиқ тўла хурмо олиб келиб қолишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Буни олиб муҳтожларга едирғил!» — дедилар. Ул: «Мендан ҳам муҳтожроқ одам бормидур?!» — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ кулиб юбордилар, ҳатто муборак тишлари кўриниб кетди, сўнг: «Ундоқ бўлса, буни ўз оилангга едирғил!» — дедилар».

3-боб. Камбағалнинг каффорат бермоғига кўмаклашган киши хусусида

Бу ерда Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

4-боб. Каффорат учун, хоҳ қариндоши бўлсин, хоҳ бегона бўлсин, олтмиш мискиннинг қорнини тўйғазмоғи лозимдур!

Бу ерда ҳам Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

5-боб. Мадина соъи бирлан Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муддлари ва унинг баракоти ҳамда Мадина аҳлига булардан қайсилари асрлар оша мерос бўлиб келаётгани ҳақида

Соиб ибн Язид ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларидаги бир соъ (тахм. 2,5 кг) бугунги кунда биру чорак муддга (бир мудд — биру чорак ратл) тенг келгайдур. Умар ибн Абдулазиз замонида эрса, ул бироз кўпайтирилган эрди».

Молик Нофиъдан нақл қиладилар: «Ибн Умар Рамазон закотини Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муддлари ҳисобида, ўшал дастлабки мудд ўлчовида берар эрди. Қасам каффоратини ҳам Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муддлари ҳисобида тўлар эрди».

Абу Қутайба бундай дер эрдилар: «Бизнинг муддимиз сизларнинг муддларингиздан ортиқроқ эрди, биз Жаноб Расулulloҳнинг муддларинигина афзал кўрар эрдик. Молик менга: «Агар сизларга янги амир тайинланса-ю, ул аввалгисидан кичикроқ муддни жорий қилса, қайси бир муддни ўзингизга ўлчов қилиб олур эрдингизлар?» — деди. Мен «(Албатта) Жаноб Расулulloҳнинг муддларини ўлчов қилиб олур эрдик!» — дедим. Ул: «Кўрдингми, барибир Жаноб Расулulloҳнинг муддларига қайтилялти!» — деди». Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ё парвардигоро, буларнинг (Мадина аҳлининг) тошу тарозусига — соъу муддига баракот ато этгайсен!» — дедилар».

6-боб. Оллоҳ таолонинг «...ёким бир қулни озод қилмоқ...» деган қавли хусусида. Қандай қулни озод қилмоқ афзалроқдур?

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир мусулмон жорияни озод қилғайдир, Оллоҳ таоло ўшал жориянинг озод бўлган ҳар бир аъзоси бадалиға унинг ҳам ҳар бир аъзосини, ҳаттоки аврат аъзоси эвазиға аврат аъзосини ҳам дўзах оташида куймоқдин халос қилғайдур!» — дедилар».

7-боб. Соҳиби вафот этгач, озод қилмоқни ваъда қилган қулни, болали онани нархини оқласа, озод қилинмоғи ўзи бирлан шартлашилган қулни ва зинодан туғилган болани каффорат тариқасида озод қилмоқ ҳақида

Ҳаммод ибн Зайд ривоят қиладилар: «Ансорийлардан бири ўз мамлукини (оқбадан қулини): «Вафот этсам, озодсен!» — деб ваъда бериб қўйғон эрди, лекин шул қулдан ўзга ҳеч қандай бисоти йўқ эрди. Бундан хабар топган Жаноб расулulloҳ: «Ўшал қулни мендан ким сотиб олғай?» — дедилар (Жаноб Расулulloҳ ўшал қулни сотиб олиб, каффорат тариқасида озод қилмоқчилар ва пулини қулдан ўзга бисоти бўлмаган камбағал ансорийга бермоқчилар). Шунда уни Нуъайм ибн ан-Наҳҳом саккиз юз дирҳамга сотиб олди. Кейин, Жобир ибн Абдуллоҳдан эшитдимки, ўшал қул қибтийлардан (Мисрнинг туб халқидан бўлиб, бурунги йил вафот этган эркан».

8-боб. Каффорат тариқасида озод қилинган қулнинг валояти кимга ўтади?

Асвад ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Барира исмли бир чўрини сотиб олиб,

каффорат тариқасида озод қилмоқчи бўлдилар. Аммо унинг эгалари валоят ҳуқуқини (сотиб олиб озод қилинган қулга хомийлик қилмоқ ҳуқуқини) ўзларида сақлаб қолинмоғини шарт қилиб қўйдилар. Оиша онамиз бу гапни Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдилар, ул зот: «Сотиб олаверғил, чунким валоят ҳуқуқи сотиб олган шахс ихтиёрига ўтгайдур!» — дедилар».

9-боб. Қасамдаги истисно

Бу ерда Абу Мусо ал-Ашъарийнинг бир гуруҳ ашъарийлар бирлан Жаноб Расулulloҳдан улов сўраб борганликлари ҳақидаги ҳадис такроран келтирилган. Ҳаммод: «Илгари ичган қасамимга каффорат бергач, ундан афзалроқ қасамни ичганим маъқулми ёким яхшироқ қасамни ичгач, аввалги қасамимга каффорат берганим маъқулми?» — дейдилар.

Бу ерда Абу Ҳурайра ривоят қилиб берган Сулаймон алайҳиссаломнинг тўқсонга ўғил кўрмоқ ниятида бўлганлари ҳақидаги ҳадис такроран келтирилган.

10-боб. Қасамни бузишдан илгари ва бузгандан кейинги каффорат ҳақида

Заҳдам ал-Жармий ривоят қиладилар: «Биз Абу Мусо ҳузурда эрдик. Биз бирлан Жарм қабиласига мансуб бўлган мана шу маҳалла аҳли ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари мавжуд эрди. Кейин бизга товук гўшtidан тайёрланган таом келтирилди. Меҳмонлар орасида Баний Таймуллоҳ қабиласидан, афти-ангори қизғиш бир киши ҳам бўлиб, чамаси мавло (озод қилинган қул) эрди. Ул дастурхонга яқин келмади. Шунда Абу Мусо унга: «Яқинроқ келғил, мен Жаноб Расулulloҳнинг шундай таом тановул қилғонларин кўрганмен!» — деди. Ўшал одам кўнгил айнитарлик даражада хунук овқат ер эркан, уни кўриб таъбим тирриқ бўлғонидан: «Ҳеч қачон бу таомни емағаймен!» — деб онт ичдим. Абу Мусо менга: «Бери келғил, мен сенга шул ҳақда бир воқеани айтиб берайин!» — деб қуйидагини ҳикоя қила кетди: «Биз — бир гуруҳ ашъарийлар Жаноб Расулulloҳдан улов сўраб борганимизда ул зот ғазабнок ҳолда ўлжа олинган молларни тақсим қилаётган эрканлар. Шунда Жаноб Расулulloҳ «Оллоҳ таоло ҳақи, менда улов йўқ. Сизларга улов бера олмағаймен!» — дедилар. Биз ҳузурларидан ноилож қайтиб чиқдик. Шул аснода Жаноб Расулulloҳнинг қошларига ўлжа олинган туяларни ҳайдаб келиб қолишди. Буни кўриб, Жаноб Расулulloҳ: «Ашъарийлар қаерда?» — деб сўрадилар. Биз ҳузурларига яна қайтиб кирдик. Бизга бешта оқ ўрқачли туя бермоқларини амр қилдилар. Йўлга чиққанимиздан сўнг, мен шерикларимга: «Биз Жаноб Расулulloҳдан улов сўраб борган эрдик ул зот қасам ичиб улов бера олмасликларини айтдилар. Кейин эрса, бизни чақиртириб улов бердилар. Қасамларини унутганларидан фойдаланиб туяларни миниб кетаверсак омадимиз чопмағайдур. Келинлар, ҳузурларига қайтиб бориб, қасамларини унутганларини ёдларига солайлик!» — дедим. Биз қайтиб бориб, Жаноб Расулulloҳга бор гапни айтдик. Жаноб Расулulloҳ: «Кетаверинлар, уловни сизларга Оллоҳ таоло ато этди, мен эрсам, иншооллоҳ, илгари ичган қасамимга каффорат бериб ундан халос бўлмағунимга қадар, бирор қасамни афзал кўриб қасам устига қасам ичмағаймен!» — дедилар».

Абдуррахмон ибн Сумра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Амирликни талаб қилмағил, гар унга талабинга биноан таъйин қилинғайсен, ундан фойдаланғайсен ва гар унга ўз лаёқатинга мувофиқ эришғайсен, унга мадад бериб, ривожлантирғайсен. Башарти қасам ичгам эрсанг, ўшал қасамингга каффорат бериб халос бўлмағунингча, бирор бошқа қасамни афзал кўриб қасам устига қасам ичмағил!» — дедилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ФАРОИЗ (МЕРОС) КИТОБИ

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-Нисо» сураси): Оятларнинг мазмуни: «Оллоҳ таоло ўзингиздан кейин қоладирганлар хусусида сизларга бундай деб буюрур: Бир эркакнинг улуши икки аёлнинг улушига тенгдур. Бас, шундай эркан, иккитадан ортиқ хотини бўлган маййитнинг, фарзандлари бўлмаган чоғда, қолдирган молининг учдан икки ҳиссаси хотинларига берилур ва агар унинг биргина хотини бўлса, унга молнинг ярми берилур, ота-оналарининг ҳар бирига эрса, барча молнинг олтидан бир ҳиссаси берилур. Агар маййитнинг фарзандлари бўлмай, ота-онасидан бўлак меросхўри йўқ эрса, у ҳолда онасига молнинг учдан бир ҳиссаси берилур (қолгани отасига) ва агар маййитнинг бирдан ортиқ ака-ука, опа-сингиллари бўлса, унинг васият ва қарзи адо этилгач, онасига молининг олтидан бир ҳиссаси берилур, (қолганининг ҳаммаси отасига, ака-ука ва опа-сингилларига мерос берилмагай). Оталарингиз бирлан ўғилларингиздан қайси бири Оллоҳ таоло тарафидан буюрилғон фарзларни адо этиб сизларга манфаат етказгай, билмассизлар. Албатта, Оллоҳ таоло буюк дониш ва хикмат соҳибидур! Ва агар хотинларингизнинг фарзандлари бўлмаса, улар қолдирган молнинг ярми сизларга берилур, башарти фарзандлари бўлса уларнинг васияти бирлан қарзи адо этилгандан сўнг қолдирган молининг тўртдан бир ҳиссаси сизларга берилур. Хотинларга эрса, агар сизларда фарзанд бўлмаса, қолдирган молинингизнинг тўртдан бир ҳиссаси берилур, агар фарзандларингиз бўлса, васиятингиз бирлан қарзингиз адо этилгач, уларга қолдирган молинингизнинг саккиздан бир ҳиссаси берилур. Башарти, мерос қолдирган бир эр ёким хотиннинг ота-онаси бўлмай, бир онадан туғилган битта биродари ёким битта синглиси бўлса, уларнинг ҳар бирига молнинг олтидан бир ҳиссаси берилур, агар улар биттадан ортиқ бўлса, ул ҳолда уларнинг ҳаммалари, қилинган васият бирлан қарз адо этилгач, молнинг учдан бир ҳиссасига шерик бўлур, башарти бул васиятда бошқа меросхўрларга зарар бўлмаса. Бул нарсалар Оллоҳ таоло тарафидан чиқарилган ҳукмдур ва Оллоҳ таоло беҳад билимдон ҳамда ниҳоятда бардошли зотдур!».

Муҳаммад ибн ал-Мункадир ривоят қиладилар: «Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дер эрди: «Мен бетоб бўлганимда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан Абу Бакр пиёда кўргани келдилар. Жаноб Расулуллоҳ таҳорат олиб, сувини менинг устимдан қуйиб эрдилар, ўзимга келиб: «Ё Расулаллоҳ, мол-мулкимни не қилгумдур, уни қандай ҳал қилгумдур?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ менга жавоб қилмадилар. Шунда мерослар ҳақидаги ояти карима нозил бўлди».

1-боб. Фароиз (мерос) илмини ўргатмоқ хусусида

Уқба ибн Омир: «Шубҳачилардан, яъни шубҳа бирлан сўзловчилардан илгари ўрганингизлар!» — дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Гумонсирамангизлар, гумондин ёлғонроқ сўз йўқдур, бадгумонлик қилиб, тирноқ остидан кир қидирмангизлар, жосуслик қилмангизлар, ўзаро нафратланиб бир-бирингизга ёв қараш қилмангизлар, ўзаро урушмангизлар ва Оллоҳ таолонинг ўзаро иноқ биродар бандалари бўлингизлар!».

2-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Биз мерос қолдирмагаймиз, биз қолдирган нарса садақадур!» деб айтганлари ҳақида

Урва Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Фотима бирлан Аббос алайҳу ва салому Абу Бакрнинг ҳузурларига келиб Жаноб Расулulloҳдан қолган меросни талаб қилдилар. Улар Фадакдаги ерлар билан Хайбардаги ер улушларини сўрамоқда эрдилар. Абу Бакр уларга: «Жаноб Расулulloҳ: «Биз (пайғамбарлар) мерос қолдирмағаймиз, биз қолдирган нарса садақадур!» — деганларини эшитганмен. Оллоҳ таоло ҳақи, мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қайси ишни қилганларини кўрган эрсам, ўшанигина қилгаймен!» — дедилар. Шундан сўнг, Фотима умидларини узиб, то вафот этгунларига қадяр ҳам бу ҳақда лом-мим демадилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз мерос қолдирмағаймиз, биз қолдирган нарса садақадур!» — дедилар».

Молик ибн Авс ибн ал-Қадасои ривоят қилидилар: «Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим менга шул ҳақда (мерос ҳақида) бир вақтлар эслатиб эрди, яхшироқ билиб олмоқ учун унинг ҳузурига бордим. Ул менга бундай деди: «Мен Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига бориб, ичкарига кирдим. Шунда эшикбонлари қошларига келиб: «Усмон, Абдурраҳмон, Зубайр ва Саъдни кўрмоққа раъйингиз бормидур?» — деди. Ҳазрат Умар: «Ҳа», — дедилар. Эшикбон уларга ичкарига кирмоққа изн берди. Кейин, яна кайтиб келиб: «Али ва Аббосни кўрмоққа раъйингиз бормидур?» — деди. Ҳазрат Умар: «Ҳа», — дедилар. Ичкарига киришгач, Аббос: «Ё Амир ал-Мўминин, мен бирлан мана бу киши (яъни, Ҳазрат Али) иккимизнинг ишимизни ҳал қилиб берсангиз!» — деди. Ҳазрат Умар: «Еру осмонларнинг мавжудлиги изнига боғлиқ бўлган Оллоҳ таолонинг номи бирлан ўзлардан ўтиниб сўрайдурмен, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Биз мерос қолдирмағаймиз, биз қолдирган нарса — садақадур!» — деганларини билурмисизлар? Жаноб Расулulloҳ бу бирлан ўзларини назарда тутганлар», — дедилар. Ҳузурларидагилар: «Ҳа, шундай деб айтганлар», — дейишди. Ҳазрат Умар Али бирлан Аббосга юзланиб: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини сизлар ҳам билурмисизлар?» — дедилар. Улар: «Ҳа, шундай деганлар», — дейишди. Ҳазрат Умар бундай дедилар: «Мен сизларга шул ҳақда сўзлаб берайин, Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга урушсиз махсус мол ато этган эрдиким, бундай неъматни илгари ўзгаларга инъом қилмагандир. Парвардигор азза ва жалла «Оллоҳ таоло ўз расулига улардан (кофирлардан) уруш қилдирмай олиб берган мол (ер-сув) учун сизлар на от ва на туя чоптириб (меҳнатингиз синган эрмас), лекин Оллоҳ таоло ўзи истаган бандаларига пайғамбарларини ҳукмдор қилғайдур, Оллоҳ таоло ҳар нарсага кодирдур!» — дейди. Оллоҳ таоло бу молни (ер-сувни). унга сизлар эга бўлиб олмоқларингиз учун эрмас, балким Жаноб Расулulloҳнинг ўзларига махсус ато этгандир. Жаноб Расулulloҳ уни холисона сизларга бўлиб бердилар, мана энди ундан ана шул молгина қолди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам йил бўйи ўшал мол орқали оилаларини боқар эрдилар ва ортиқчасини Оллоҳ таоло йўлида сарфлар эрдилар. Жаноб Расулulloҳ умр бўйи шундай қилиб яшаганлар. Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўраймен, шул айтганларимни билурмисизлар?». Барчалари: «Ҳа», — дейишди. Сўнг, Ҳазрат Умар Али бирлан Аббосга: «Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўраймен, шул айтганларимни сизлар ҳам билурмисизлар?» — дедилар. Улар: «Ҳа», — дейишди. Ҳазрат Умар бундай дедилар: «Оллоҳ таоло ўз расулини даргоҳига чақириб олгач, Абу Бакр «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ворисларидурмен!» деб Оллоҳ таоло пайғамбаримизга махсус ато этган молни (ер-сувни) қўлларига олдилар ва уни Жаноб Расулulloҳ қандай тасарруф қилган эрсалар шундай тасарруф қилдилар. Сўнг, Оллоҳ таоло Абу Бакрни ҳам ўз даргоҳига чақириб олди. Шунда мен «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ворисларининг вориси Мендурмен!» деб ўшал молни ўз қўлимга олдим. Мана икки йилдурким, уни Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр сингари тасарруф қилмоқдамен. Сиз

иккинги эрса, тилингиз бир, мақсадингиз ҳам бирдур. Сен (яъни, Аббос) эрсанг, акангинг ўғлидан қолган молдан улуш бермоғимни талаб қилиб олдимга келдинг. Мана бул (яъни, Али) эрса, хотини учун отасидан қолган молдан улуш бермоғимни талаб қилиб келган. Менинг қатъий сўзим шулдур: агар истасангиз, Расулulloҳ сингари тасарруф қилмоқ шарти бирлан улушларингизни бергаймен, аммо кейинчалик бошқача ҳукм чиқариб бермоғимни талаб қилсангизлар еру осмонларнинг мавжудлиги изнига боғлиқ бўлган зот ҳаққи, қиёматга қадар ҳам бунга юрмагаймен. Башарти, шартимни эплай олмасангизлар, уларни (ер-сувларни) менга қайтариб бергайсизлар, мен эрсам, сизларни бу мушқилотдин халос қилгаймен».

Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Меросхўрларим мендан қолган нарсаларнинг бир динорини ҳам бўлиб олмасинлар. хотинларимнинг тирикчилиги ҳамда дастёримнинг таъминотидан ортгани эрса садақадур!» — дедилар».

Урва Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (Оиша онамиздан бўлак) хотинлари ул зот вафот қилганларидан сўнг Ҳазрат Усмонни Абу Бакрнинг ҳузурларига юбориб мерос талаб қилмоқчи бўлдилар. Шунда Оиша онамиз «Жаноб Расулulloҳ «Биз мерос қолдирмаймиз, биз қолдирган нарса — садақадур!» деб айтган эрмасмидилар?! — дедилар».

3-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Кимки ўзидан кейин мол қолдирган эрса, ул бола-чақалариникидур!» деганлари ҳақида

Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен мўминларга уларнингўзларидан кўра (якинроқдурмен) гамхўрроқдурмен (яъни, мўминлар ўзлари ҳақларида менчалик кўп қай магайлар)! Кимки вафот қилиб, қарзи қолгон эрса, уни ўтамоқ бизнинг бўйнимиздадур ва кимки ўдидан кейин мол қолдирган эрса, ул меросхўрлариникидур!» — дедилар».

4-боб. Ўғил боланинг ота-онасидан қолган мероси ҳақида

Зайд ибн Собит: «Агар эркак ёким аёл вафот қилиб, ундан бир қиз қолган эрса, мероснинг ярмини олгай ва агар икки ёки ундан кўпроқ қиз қолган эрса, учдан икки қисмини олгай. Агар улар бирлан ўғил (бола) ҳам қолган эрса, даставвал ота ёким оналаридан қолган молга шерик бўлмиш ўшал ўғилнинг улуши берилгайдур, ўғилга бериладирган улуш эрса, икки қизга бериладирган улушга баробардур», — дедилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фароизларни (меросларни) ўз соҳиблариға топширингизлар, қолгани эрса, шг яқин эркак кишиникидур! (бу ерда ўғил бола эрмас, том маънода улгайган эркак киши казарда тутиляпти)», — дедилар».

5-боб. Қиз болаларнинг мероси ҳақида

Саъд ибн Ваққос оталаридан нақл қиладилар: «Мен Маккадалигимда ҳаққа етишгудек даражада бетоб бўлиб қолдим. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени кўргани келдилар. Мен ул зотга: «Ё Расулаллоҳ, мен бадавлат одаммен, аммо биргина қизимдан бўлак меросхўрим йўқдур. Мол-мулкнинг учдан икки қисмини эхсон илайинми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ «Йўқ!» — дедилар. Мен «Ярминичи?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ!» —

дедилар. Мен: «Учдан бириничи?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Учдан бири ҳам кўпдур, сен фарзандингни дамлардан тиланадирган қилиб қолдирганингдан кўра бойроқ қилиб қолдирганинг маъқулдир. Сен нимаики эҳсон қилгайсен, албатта Оллоҳ таолодан унинг ажрини олгайсен, ҳаттоки хотинингнинг оғзига солиб қўйган бир лўқма таомнинг эвазига ҳам!» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, , Ҳижрат қилолмай Маккада (ўлиб) қолгайменми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Мендан кейин қололмайсен, қолганингда эрди, Оллоҳ таоло ризолигини истаб хайрли ишлар ? қилган ва бу бирлан унинг даргоҳида обрў эътиборинг ортган бўлур эрди, балким мендан кейин қоларсан ва баъзи қавнлар (мусулмонлар) сендан фойдаланиб, қолганлар (кофирлар) зарар товас?! — дедилар. Аммо, бечора Саъд ибн Хавла Маккада вафот этиб, Жаноб Расулulloҳ унга марсия ўқидилар (кўп ачиндилар)».

Асвад ибн Язид ривоят қиладилар: «Маоз ибн Жабал бизга устозлик ва амирлик қилмоқ учун Яманга келдилар. Шунда биз ўлганидан кейин бир қизи ва бир синглиси етим қолган киши хусусида сўраб эрдик: «Ундан қолган мероснинг ярми қизига, ярми синглисига берилгайдур», — дедилар».

6-боб. Ўғил бўлмаган чоғда ўғилнинг ўғлига тегадирган мерос ҳақида

Зайд: «Майитнинг бошқа ўғли бўлмаган чоғда марҳум ўғлининг фарзандлари фарзанд ўрнида бўлиб, улар эркак эрса, ўғилга, аёл эрса қизга тегадирганчалик мерос олғайдурлар ва мерос масаласида ўғил ҳамда кизга қандай чекловлар қўлланса, буларга ҳам шундай чекловлар қўллангайдур. Майитнинг ўғли тирик бўлган чоғда унинг фарзандига мерос берилмагайдур», — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу лайҳи ва саллам: «Меросларни тегишли эталарига берингизлар, қолгани энг яқин (қариндош) эркак кишиникидур!» — дедилар».

7-боб. Майитнинг қизи бирлан ўғлининг қизига тегадирган мерос ҳақида

Ҳузайл ибн Шарҳабийл ривоят қиладилар: «Абу Мусодам майитнинг қизи, ўғлининг қизи ва синглисига тегадирган мерос ҳақида сўрашди. Ул «Мероснинг ярми қизига, ярми синглисига берилгайдур. Ибн Масъуднинг ҳузурига бориб сўрангизлар, ул менинг фикримни тасдиқлағай!» — деди. Ибн Масъуддан шул ҳавда сўраб, уни Абу Мусонинг айтганларидан воқиф қилишганда. ул: «Агар мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳукм чиқарганларидек. мероснинг ярми қизига, олтидан бири эрса ўғлининг қизига (учдан икки қисми қўшимча), қолгани эрса синглисига берилғай деб ҳукм чиқармас эрканмен, ҳидоятга эришмай. тўғри йўлдан озган бўлурмен», — деди. Шундан сўнг, Абу Мусонинг олдига қайтиб бориб, уни Ибн Масъуднинг айтганларидан бохабар қилдик. Ул бизга: Модомики ў:ингиз билар эркансиз, бул ҳақда мендан сўраб нетғайсиз?! — деди».

8-боб. Бобо бирлан ота ва ака-укалар мероси ҳақида

Абу Бакр, Ибн Аббос ва Ибн Зубайр бобони ота дейишди. Ибн Аббос «Ё баний Одам, мен оталарим миллатини Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубга боғладим!» деб ўқиди, аммо Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари кўп бўла туриб, бирор кишининг ўша вақтда Абу Бакрга қаршилиқ қилгани эслатиб ўтилмаган. Ибн Аббос: «Мен ака-укаларимга эрмас, ўғлимнинг ўғлига мерос қолдирғаймен, ўзим эрсам ўғлимнинг ўғлидан мерос олмағаймен», — доди. Бул ҳақда Умар, Али, Ибн Масъуд ва Зайддан турли ривоятлар нақл қилинган.

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Меросларни тегишли эгаларига берингизлар, қолгани энг яқин (қариндош) эркакникидур!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ўзимга мана шу уммат орасидан (Оллоҳ таолодан бўлак яна бир) дўст танлаб олмоғим мумкин бўлганда, Абу Бакрни танлаган бўлур эрдим, аммо бул мумкин бўлмай, ислом биродарлиги афзалдур!» — деганларига қарамай, Абу Бакр бобони отага тенглаштирдилар (ёким бобони ота деб ҳукм чиқардилар)».

9-боб. Эр бирлан бола ва бошқаларнинг мероси ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Илгарилари маййитнинг мол-мулки фарзандига қолар эрди, ота-онасига эрса васиятига мувофиқ мерос берилар эрди. Кейин, Оллоҳ таоло бу тартибнинг қаерини хоҳласа, ўша ерини бекор қилиб, эркакнинг улушини икки аёлнинг улушига тенг қилди ҳамда ота-онанинг ҳар бирига мол-мулкнинг олтидан бири, хотинга саккиздан бири ва тўртдан бири, эрга ярим ва тўртдан бири тарзида мерос таъйин этди».

10-боб. Эру хотин бирлан болалар ва бошқаларнинг мероси ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Лихён қабиласига мансуб бир аёлнинг боласини тушириб қўйишгани учун товонига бир яхши қул ёким жория (чўри) ҳукм қилдилар. Кейин, ўшал аёл вафот этгач, Жаноб Расулуллоҳ унинг мулкани фарзандлари бирлан эрига таъйин қилдилар. Аёлнинг бўйнидаги товонни эрса, унинг яқин қариндошлари тўлағайдур».

11-боб. Маййитнинг она бошқа сингиллари бирлан қизларининг мероси ҳақида

Асвад ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида Маоз ибн Жабал маййитдан қолган мулкнинг ярмини қизига ва ярмини синглисига бермоқни бизга амр қилар эрдилар. Кейин, Сулаймон: «Бизга ҳам шундай ҳукм қилинар эрди», — деди-ю, аммо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларидами, йўқми, бунни айтмади».

Ҳузайл ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ «Мен мерос хусусида Жаноб Расулуллоҳ сингари ҳукм чиқаргумдур!» — деб айтди ёким: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мероснинг ярми қизга ва олтидан бири ўғилнинг қизига, қолгани сингилга», — деганлар» — деди».

12-боб. Овасингилларва ака-укалар мероси ҳақида

Муҳаммад иби ал-Мункадир ривоят қиладилар: «Жобир разияллоҳу анҳунинг бундай деб айтганини эшитдим: «Жаноб Расулуллоҳ менинг ҳузуримга келдилар, мен бетоб ётган эрдим. Шунда таҳоратга сув келтирмоқни буюрдилар, сўнг таҳорат олиб, сувини менга сепдилар. Мек ўзимга «селдимда Ё Расулаллоҳ, менинг сингилларим бордур», — дедим. Шуида «Фароиз» (мерос) ояти нозил бўлди».

13-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Аннисо» сураси): «Йастафтуунака қулиллоҳу йуфтийкум фил-

калолати инимруъун ҳалака лайса лаҳ валадун ва лаҳ ухтун фалаҳо нисфу мо тарака ва ҳува йарисуҳо ин лам йакун лаҳо валадун фа-ин конатоснатайни фа-лаҳумос-сулусони миимо тарака ва ин кону хватан рижолан ва нисоан фа-лиззакари мислу ҳаззилунсайайни йубаййинуллоҳу лакум ан та.чиллуу валлоҳу бмкулли шайъин алиймун». Оятнинг мазмуни: «Одамлар сиздан ҳукм сўрарлар, сиз айтингки, Оллоҳ таоло сизларга кимсасиз қолганлар ҳақида қуйидаги ўз ҳукмини баён қилур: агар бир киши ўлса-ю, унинг фарзандлари бўлмай, фақат бир синглиси қолган эрса, унга барча мероснинг ярмиси берилур. Фарзанди бўлмаган сингилга эрса унинг биродари ворислик қилур. Агар маййитнинг икки синглиси бўлса, барча мероснинг учдан иккиси берилур ва агар уларнинг бири эркагу бири аёл эрса. ул ҳолда эркагига икки аёлнинг улушига тенг улуш берилур. Оллоҳ таоло адашмангизлар деб сизларга буларни баён қилур. Оллоҳ таолп ҳар нарсани билгувчи зотдур!».

14-боб. Амакининг икки ўғли — бири онага ака (ёким ука), иккинчиси эр

Ҳазрат Али: «Мероснинг ярми эрга, олтидан бири онанинг акасига берилгайдур, қолгани иккисининг ўртасида тенг иккига бўлингайдур», — дедилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен мўминларга уларнинг ўзларидан ҳам яқинроқмен. Агар бирпр киши вафот этиб, ўзидан кейин мулк қолдирган эрса, ул ўшал кишининг фарзандлари бирлан ота томондан қариндошлариникидир. Кимники, вафот этгач. норасида ёким қаровсиз боласи қолгайдур, уни мен ўз ҳимоямга олиб, тарбият қилгаймен!— дедилар»

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Меросларни тегишли эгаларига берингизлар, қолгани эрса маййитнинг энг яқин эркак қариндошиникидур!» — дедилар».

15-боб. Қариндошлар ҳақида

Ибн Аббос Оллоҳ таолонинг «Ва ли-куллин жаъално маволийа миммо таракал-волидони вал-акрабууна валлазий-на ақадат аймонукум» («Аннисо» сураси: «Ва ҳар бир одам учун биз ворислар таъйин қилгандурмиз унинг ота-она ва қариндошлари қолдирган молу мулкка ва ул одамларики, алар ила сизлар аҳду ваймон қилгандурсизлар...») деган қавлини ўқидида: «Муҳожирлар Мадинага келганларида, ансорийлар қариндош бўлмасалар ҳам, уларни ўзларига меросхўр қилдилар, чунким Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ўзаро -ака-ука тутинтириб қўйган эрдилар. Оллоҳ таолонинг «Ва ҳар бир одам учун биз ворислар таъйин қилгандурмиз...» деган қавли нозил бўлгач, кетидан унинг «...ва ул одамларики, алар ила сизлар аҳду ваймон қилгандурсизлар...» деган қавли нозил бўлиб, аввалгисини мансух қилдш, — деди.

16-боб. Мулоанат қилинган аёлнинг мероси ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида бир киши ўз хотинини мулоанат қилди (зино қилганликда айблади) ва у туққан боладан тонди. Жаноб Расулуллоҳ уларни ажратиб қўйиб, .болани онаси билан бирга (меросдан) маҳрум қилдилар».

17-боб. Фарзанд, унинг онаси хоҳ озод ва хоҳ жория бўлсин, тўшак

соҳибникидур!

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Утба ўз укаси Саъд ибн Ваққосга ўлар чоғида: «Замъа чўрисининг боласи мендан бўлгандур, уни сенга топширамен!» — деб васият қилди. (Макка) фатҳ қилинган йили Саъд болани ўз қарамоғига олиб: «Бул аҳамнинг боласи, қарамоғимга олмоғимни менга васият қилганлар!» — деди. Замъанинг ўғли Абд ибн Замъа ўрнидан туриб «Бул менинг уҳам ҳамда отамнинг жориясининг ўғли, ул отамнинг тўшагида дунёга келган!» — деди. Шундан сўнг, Саъд бирлан Абд ибн Замъа Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига боришди. Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бул аҳамнинг ўғли бўлиб, уни ўз қарамоғимга олмоғимни васият қилганлар!» — деди. Абд ибн Замъа эрса: «Бул менинг уҳам ҳамда отамнинг жориясишиг ўғли, ул отамнинг тўшагида бунёд бўлган!» — деб айтди- Жаноб Расулulloҳ «Эй Абд ибн Замъа, бул сеники, зеро фарзанд тўшакники бўлғайдур, фоҳиша эрса, маҳрум этилгай!» — дедилар. Сўнг Савда бинти Замъанинг Утбагэ ўхшашлигини кўриб: «Эй Савда, боладан қочғил (яъни, уни номаҳрам билғил)!» — деб айтдилар. Бола Оллоҳ таоло даргоҳига рваона бўлгунга қадар ҳам Савдаи кўрмади».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фарзанд тўшак соҳибникидур!» — дедилар».

18-боб. Қулга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқи уни озод қилган шахсни эканлиги ҳамда ташландик боланинг мероси ҳақида дейдилар. Ҳазрат Умар: «Ташландик бола — озоддур

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Жория Барирани сотяб олиб, озод қилмоқчи бўлганимда Жаноб Расулulloҳ: «Уни сотиб олавергил, чунким унга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқи уни озод қилган шахсга ўтгайдур!» — дедилар. Бир куни Барирага қўй гўшти инъом қилишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Бул гўшт Барирага садақадур, бизга эрса ҳадядур!» — дедилар. Ҳаҳам: «Унинг эри озод эрди», — дейдилар, аммо ул кишининг гаплари тўғри бўлмай, Ибн Аббос: «Чамамда ул қул эрди», — деганлар».

Ибн Умар Жаноб Расулulloҳдан нақл қилиб: «Қулга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқи уни озод қилган шахсга ўтгайдур!» — дейдилар.

19-боб. Қулликдан озод қилинган, ўз ихтиёри ўзнда бўлган шахснинг мероси ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Ислом аҳли қулларини озод қилгач, уларни ўз ҳолларига ташлаб қўймайдилар. жоҳилият даври аҳолиси эрса, уларни ўа ҳолларига ташлаб қўяр эрдилар».

Иброҳим ибн ал-Асвад ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо озод қилмоқ ниятида жория Барирани сотиб олдилар. Шунда унинг эгалари ҳомийлик ҳуқуқини ўаварида қолдирмоқни шарт қилиб қўйдилар. Оиша онамиз: «Ё Расулulloҳ, мен Барирани озод қилмоқ учун сотиб олдим, аммо унинг эгалари ҳомийлик ҳуқуқини ўзларида қолмоғини шарт қилиб қўймоқдалар!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Уни озод қилаверғил, ҳомийлик ҳуқуқи уни озод қилганникидур!» — дедилар. Шунда Оиша онамиз уни озод қилиб ўз ихтиёрини ўзига бердилар (яъни, Бариранинг эри қул бўлиб, унинг никоҳида қолиш ёким қолмаслик ихтиёри)».

20-боб. Ўзининг озод қилган қулларидан тонмоқликнинг гуноҳи ҳақида

Иброҳим аттаймий оталаридан нақл қиладилар: «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу: «Бизнинг қўлимизда, мана бу арақларни ҳисобга олмаганда, Оллоҳ таолонинг Китобидан ўзга бирорта ҳам ўқиғулик китоб йўқдуря, — деб бир қанча варақларни кўрсатдилар. Қарасак уларда .турли жароҳатларнинг давоси ва туяларни боқиш йўллари ҳақида ёзилган бўлиб. Мадинанинг Айрдан то Савр деган еригача муқаддас қилинганлиги хусусида бундай дейилган эркан: “Мадинанинг Айр (Оир) тоғидан то Савр тоғига қадар ерлари муқаддас бўлиб, кимки ўшал муқаддас ерда исломга хилоф ишларни қилеа ёким бирор бидъатчининг ёпини олиб жой бериб ҳурматласа, унга Оллоҳ таоло, фаришталар ва барча одамларнинг лаънати бўлсин! Қиёматда унинг тавбаси ҳам, фидяги (гуноҳни ювмоқ учун бериладирган тўлов) ҳам қабул қилинмағайдур ва кимки бирор қавмга унинг ҳомийлари изнидан ташқари ҳомийлик қилса. унга ҳам Оллоҳ таоло, фариштала) ва барча одамларнинг лаънати бўлсин! Қиёматда унинг тавбаси ҳам, фидяси ҳам қабул қилинмағайдур. Муслмонларнинг бирдан-бир зиммаси (муслмонлар ғайридинларни ўз ҳимоясига олиб тузилган шартнома) бор, унга барча баробар риоя қилмоги лозимдур. Кимки бул аҳдногани бузса, унга ҳам Оллоҳ таоло, фаришталар ва барча одамларнинг лаънати бўлсин! Қиёматда унинг на тавбаси ва на фидяси қабул қилинмағайдур».

Ибн Улшр ривоят қиладилар: «Расулўллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам озод қилинган қулга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқини сотмоқдан ҳамда ундан воз кечмоқдан қайтардилар».

21-боб. Қулини бировга ўз қўли билан топширса... Ҳасан Басрий бундай одамда қулга ҳомийлик ҳуқуқи қолмайди деб ҳисоблар эрдилар

Расулўллоҳ саллаллоҳу алайи ва саллам: «Қулга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқи уни озод қилган шахсниқидур!» — деганлар. Тамим ад-Дорий: «Қулни озод қилиб, унга ҳомийлик қилмоқ ҳуқуқини қўлга киритган одам ўшал озод қулнинг энг яқин кишиси бўлиб қолғай ва ул унинг ҳаёту мамотига жавобгардур», — деб айтдилар ва буни Жаноб Расулўллоҳга нисбат бердилар. Бул хабарнинг тўғри ёким тўғри эмаслиги хусусида уламолар ўртасида ихтилоф мавжуд»,

Ибн Умар ривоят қиладилар: «мўминлар онаси бўлмиш Оиша разияллоҳу анҳо бир чўрини сотиб олиб, озод қилмоқчи бўлдилар. Шумда унинг эгаси қулга валийлик ҳуқуқини ўзида қолдирмоқни шарт қилиб қўйди. Оиша онамиз бул ҳақда Жаноб Расулўллоҳга хабар бериб эрдилар. ул зот: «Бул нарса қулни сотиб олмоғинга монелик қилолмағай. чунким валийлик ҳуқуқи озод қилган кишига ўтгайдур!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен жория Барирани сотиб олдим. Унинг эгаси валийлик ҳуқуқини ўзида олиб қолмоқни шарт қилиб қўйди. Бул ҳақда Жаноб Расулўллоҳга айтган эрдим: «Уни озод қилавер, чунким валийлик ҳуқуқи пул тўлаган кишига ўтгайдур!» — дедилар. Мен уни озод қилдим. Жаноб Расулўллоҳ уни олдиларига чорлаб, эри бирлан қолмоги ёким қолмаслигини ўз ихтиёрига топширдилар- Шунда ул «Фалон ва фалон нарсаларни менга берганда эрди, унинг ҳузурида тунамас эрдим!» — деб ўзи ёлғиз яшамоқни ихтиёр қилди».

22-боб. Аёлларнинг валийлик қилмоққа ҳуқуқлари борлиги ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Барирани сотиб олмоқчи бўлдилар. Шунда Жаноб Расулўллоҳга: «Унинг эгалари валийлик ҳуқуқини ўзларида олиб қолмоқни шарт қилиб қўймоқдалар», — дедилар. Жаноб Расулўллоҳ «Сотиб олаверғил, чунким қулга валийлик қилмоқ ҳуқуқи уни озод қилган шахсниқидур!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Валийлик ҳуқуқи пул тўлаб мулкка эга бўлган шахсниқидур!» — дедилар»

23-боб. Қавмнинг озод қилган қули ҳам, сингилнинг фарзанди ҳам ўшал қавмдандур!

Анис ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қавмнинг озод қилган қули ўшал қавмдандур (яъни, бирор қавм томонидан озод қилинган қул ўшал қавмнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиб, мерос ҳуқуқига эга бўлғайдур!) — дедилар».

Анас (ибн Молик) риооят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қавм сингисининг ўғли ўшал қавмдандур (яъни, бирор қавмга мансуб киши сингисининг ўғли ўшал қавм аъзоларига нисбатан ўз ўғли-дек бўлиб, уларнинг барчалари каби мерос ҳуқуқига эгадур!)» — дедилар».

24-боб. Асирнинг мероси ҳақида

Шурайҳ кофирлар қўлига асир тушиб қолган кишига мерос васият қилар эрдиларда «Ул менга барчадан ҳам , ларурдур!» — дер эрдилар.

Умар ибн Абдулазиз «Асирнинг васиятини адо этингизлар, унинг озод қилган куллариға ғамхўрлик қилинғизлар, мол-мулкидан хабар олиб, қарзларини тўланғизлар чунким ул асирликда бўлиб, ўз ихтиёри ўзида эрмасдур!» — дер эрдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки вафот қилиб, мол-мулк қолдирган эрса, меросхўрлариниқидур ва кимники норасида етим-есирлари қолган эрса, бизниқидур!» — дедилар».

25-боб. Муслмон кофирдан ва кофир муслмондан мерос олмағайдур!

Мерос тақсим қилинмасидан бурун муслмон бўлган шахс ҳам мерос олмағайдур (Чунким, унга мерос тақсим қилмоғи лозим бўлган шахс кофирдур. Мерос тақсим қилинғандан сўнг муслмон бўлган шахс эрса, маълумки, кофирлик чоғидаёқ мерос олиб бўлган бўлур).

Усома ибн Запд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муслмон кофирдан ва К»фир муслмондан мерос олмағайдур!» — дедилар».

26-боб. Насроний қулнинг ва нархини оқласа, озод қилинмоғи ўзи бирлан шартлашилган насроний қулнинг мероси ҳамда боласидан тонган шахсинг гуноҳи ҳақида

27-боб. «Укам» ёким «Акамнинг ўғли» деб даъво қилган шахс ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Саъд ибн Абу Ваққос бирлан Абд ибн Замъа бир ўғил бола хусусида жанжаллашиб қолишди. Саъд: «Бул бола, ё Расулаллоҳ, Утба ибн Абу Ваққоснинг фарзанди бўлиб, аҳам унинг ўз ўғиллари эканлигини айтиб менга васқят қилганлар, унинг аҳамга ўхшашлигини кўряпсизми?! — деди. Абд ибн Замъа эрса: «Бул бола, ё Расулаллоҳ, менинг уҳам бўлиб, отамнинг тўшағида ўз жорияларидан бунёд бўлғандур!» — деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам болага қараб, унинг чиндан ҳам Утбага

ўхшашлигини кўрдиларда: «Бул бола сенга, эй Абд, зеро фарзанд тўшак соҳибиники бўлиб, фоҳиша ундан маҳрум қилинғайдур. Эй Савда бинти Замъа, бу боладан қочғил (уни ўзинга номаҳрам билғил!)» — дедилар. Шундан сўнг, бола Савданинг (юзини) мутлақо кўрмади».

28-боб. Отаси бўлмаган одамни отам деб даъво қилса...

Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳдан бундай деб эшитдим: «Кимки отаси эмаслигини била туриб, атайлаб бировни отам деб даъво қилса, жаннат унга ҳаромдур!» — дедилар. Бу ҳадисни Абу Бакрга айтганимда, ул киши: «Мен буни Жаноб Расулуллоҳдан икки қулоғим бирлан эшитиб, қалбимга жо қилганмен», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оталарингиздан тонмангизлар. кимки отасидан тонғайдур, кофир бўлғайдур!» — дедилар.

29-боб. Агар аёл бегона болани ўғлим деб даъво қилса

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Икки аёл бўлиб, ар бири ўз ўғилчасини етаклаб ктаётган эрди. Ногаҳон, бир ўри келиб, улардан бирининг ўғилчасини олиб қочди. Шуда ўша аёл дугонасига: «Бўри олиб қочган бола сенинг болангэрди!» — деди. Дугонаси зрса: «Йўқ, ул сенинг боланг Е эрди!» — деди. Кейин, улар жанжаллашиб Довуд алайҳисса- ломнинг ҳузурларига боришди, Ул киши аёллардан ёши (каттасининг фойдасига ҳукм чиқардилар (чунким, омон қолган бола ўшанинг қўлида бўлиб, ёши кичик аёлнинг боласига ўхшамас эрди). Шундан сўнг, улар Сулаймон ибн Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига боришди. У киши: «Ничоқ келтирингизлар, болани иккинчигизга бўлиб берғаймен!» — деб эрдилар, ёши кичик аёл: «Худо хайрингизни берсин, бундай қила кўрмангиз, бу унинг боласидур!» — деб ёлборди (чунким, ул ўз боласига ачиниб, ҳатто тирик қолмоғи учун ундан воз кечишга тайёр эрди). Шунда Сулаймон иби Довуд алайҳиссалом ёши кичик аёл фойдасига ҳукм чиқардилар».

30-боб. Топқир киши ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нечоғлик хурсандликларидан чеҳралари чараклаб ҳузуримга кириб келдиларда: «Кўрмайсанми Мужаззанинг (топқирлигини), ул (бошларини кийимлари бирлан ўраб бурканиб олган) Зайд ибн Ҳориса бирлан Усома ибн Зайдга қараб: «Бул оёқлар бири иккинчисидандур», — деб айтди-я!» — дедилар (яъни, Зайд ибн Ҳориса бирлан Усома ибн Зайд ота-бола бўлиб. жоҳилият даврида одамлар отанинг қоп-қоралигидан, ўғилнинг эрса вахтадан ҳам оқлигидан кулиб, мазах қилишар эрди. Мужаззаз уларни оёқлари рангидан таниб олиб: «Бул оёқлар бири иккинчисидандур», — дейиш бирлан уларнинг ота-бола эканликларига ишора қилганлар)».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хурсайд ҳолда ҳузуримга кмириб келдиларда: вай Оиша, Мужаззаз алмадлажийнинг топқирлигини қара-я! Ул ҳузуримга кириб келганда бошларини кийимлари бирлан ўраб бурканиб олган, фақат оёқларигина кўриниб турган Усома бирлан Зайдки кўриб «Бул оёқлар бири иккинчисидан (бунёд бўлгандур», — деди-я!» деб айтдилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ҲАДД УРМОҚ ВА ҲАДД УРИЛМОҒИДАН АСРОВЧИ ФЕЪЛУ АТВОР ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Маст қилғувчи ичимликлар ичмаслик лозимлиги ҳақида

Иби Аббос: «Зино қилаётган одамнинг (қалбидан) иймон нури маҳв қилинғайдур!» — дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Зинокор айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул зино қилаётганида иймонидан ажрағайдур, ичимлик ичғувчи айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул ичимлик ичаётганида иймонидан ажрағайдур, ўғри айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул ўғрилиқ қилаётганида иймонидан ажрағайдур ҳамда қароқчи айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунки ул одамларни бақрайтириб қўйиб талончилик қилаётганида иймонидан ажрағайдур!».

2-боб. Ичимлик ичғувчини калтаклаб жазоламоқ лозимлиги хусусида

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ичкилик ичган бир одамни хурмо новдаси ҳамда ковуш бирлан калтакладилар. Абу Бакр эрса, қирқ дарра урдилар».

3-боб. Уйда ҳадд урмоқни амр қилган киши ҳақида

Уқба ибн ал-Ҳарас ривоят қиладилар: «Нуаймон (ёким Ибн Нуаймон)ни маст ҳолда олиб келишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ уйда ўлтирган барча кишиларга уни калтакламоқни амр қилиб эрдилар, улар калтаклашди. Мен уни ковуш бирлан калтаклаганлардан бири эрдим».

4-боб. Хипчин ва ковуш бирлан калтакламоқ ҳақида

Уқба ибн ал-Ҳарас ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига Нуаймон (ёким Ибн Нуаймон) ни маст ҳолда етаклаб келишди. Шунда ул зот уйда мавжуд одамларга уни калтакламоқни амр қилдилар, улар хипчин ва ковуш бирлан калтаклашди. Мен ҳам калтаклаганлар орасида бор эрдим».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам маст бир одамни хипчин ва ковуш бирлан калтакладилар. Абу Бакр эрса, унга қирқ дарра урдилар»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига ичкилик ичган бир одамни олиб келишган эрди, уни калтакламоқни амр қилдилар. Шунда уни баъзимиз қўл бирлан, баъзимиз ковуш бирлан ва баъзимиз кийим бирлан калтакладик. Ул ҳадд урилгач, чиқиб кетди. Шунда айримлар унинг ортидан: «Оллоҳ таоло сени сазойи қилсин!» — деб қолишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ундай демангизлар, (бул қарғишингиз бирлан) унга қарши шайтонга мадад бермангизлар!» — дедилар».

Умайр ибн Саъд ан-Наҳъий ривоят қиладилар: «Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳунинг бундай деганларини эшитганмен: «Мастдан бўлак бирорта ҳам одамнинг ҳадд урганимда ўлиб қолмоғини ва кейин унга ачиниб юрмоғимни истамасдим. Маст ўлиб қолсачи, бунинг учун

товон тўлаб қўя қолар эрдим. Чунким, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўлгунча урмоқни) буюрмаганлар».

Соиб ибн Язид ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саодатли замонларида ва Абу Бакрнинг ҳукмдорлик йилларида ҳамда Умарнинг дастлабки халифалик қилган чоғларида мастни тутиб келиб, қўлимиз, ковушимиз ва кийимларимиз бирлан калтаклаб жазолар эрдик. Умар халифалигининг сўнгги йилларига келиб қирқ дарра уриладиган бўлди. Одамлар орасида фиску фасод кучайгач эрса, саксон даррага етказилди».

5-боб. Ичкилик ичгувчиларни ланатламоқнинг макруҳ жиҳатлари мавжуд, чунким улар диндан чиқмагайлар

Умар ибн ал-Хаттоб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларида «эшак» лақабини олган Абдуллоҳ исмли бир киши бўлиб, Жаноб Расулуллоҳни кулдириб юрар эрди. Ул зот уни ичкилик ичганда калтаклаган эрдилар. Бир куни уни маст ҳолда келтиришиб эрди, калтаклаб жазо берилди. Шунда қавм аҳлидан бири: «Ё парвардигоро, уни лаънатлағайсен, унга берилаётган жазо, чамаси, камлик қилаётган кўринадур!» — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Уни лаънатламангизлар. Оллоҳ таоло ҳақи, менга аёнки, ул Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини яхши кўрғайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига маст бир кишини олиб келишди. Уни калтакламоқни амр қилдилар. Биримиз қўлимиз бирлан, биримиз ковушимиз бирлан ва яна биримиз кийимимиз бирлан калтакладик. Ул чиқиб кетгач, бир киши ортидан: «Оллоҳ таоло уни сазойи қилсин!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ «(Бул қарғишингиз бирлан) биродарингизга қарши шайтонга мадад бермангизлар!» — дедилар».

6-боб. Ўғри ўғрилик қилаётганида...

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зинокор айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунким ул зино қилаётганида иймонидан ажрағайдур ҳамда ўғри айни вақтда мўмин бўлолмайди, чунким ул ўғрилик қилаётганида иймонидан ажрағайдур!» — дедилар».

7-боб. Ўзини қадрламайдирган (ўғрилик оқибатида кўлидан ажрайдирган) ўғрига лаънат ўқимоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дубулға ўғирлаб ёким қандайдир бир арқон ўғирлаб, пиравардида қўли қирқиб ташланадирган ўғрига Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!» — дедилар».

8-боб. Ҳадд (шаръий жазо) — каффоратдур!

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларидаги бир йиғинда эрдик. Шунда ул зот: «Оллоҳ таолога заррача ширк келтирмагаймен, ўғрилик қилмагаймен ва зинокор бўлмагаймен деб менга байъат қилингизлар (қасамёд қилингизлар)!» — дедилар-да, қуйидаги ояти каримани ўқидилар «Сизлардан қайси бирингиз (байъатига) вафо қилғайдур, унинг ажру савоби Оллоҳнинг бўйнидадур ва кимки ундан (байъатидан) бирортасини бузғайдур, бунинг учун жазо олғайдур ва бул жазо унинг учун каффорат бўлғайдур ва кимки ундан (байъатидан) бирортасини бузган эрса-ю, Оллоҳнинг ўзи

(унинг бул гуноҳини) яширган эрса, хоҳласа уни мағфират қилғай ва хоҳласа унга азоб берғай!»

9-боб. Ҳадд уриб жазо берилмоғидан ҳамда ҳақ талаб қилинмоғидан ўзга ҳолларда мўмин мўминга ҳимоячидур!

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда (Видолашув ҳажида): «Қайси ойни энг ҳурматли ой деб билурсизлар?» — дедилар. «Биз ҳозир яшаб турган мана шул ой эрмасмудур?!» — дейишди. «Қайси шаҳарни энг ҳурматли шаҳар деб билурсизлар?» — дедилар. «Мана шул шаҳримиз улуғ эрмасмудур?!» — дейишди. «Қайси кунни энг ҳурматли кун , деб билурсизлар?» — дедилар. «Бия ҳозир яшаб турган мана шул кун эрмасмудур?! — дейишди. «Дарҳақиқат, Оллоҳ таборак ва таоло қонингиз, молингиз ва обрўйингизни бир-бирингизга нисбатан ана шул муқаддас кунингиз, ана шул муқаддас шаҳрингиз ва ана шул муқаддас ойингиз янглиғ муқаддас айлади. Аммо, ҳақлиғ ҳолатлар бундан мустаснодур!» — дедилар-да, «Буларни сизларга тушунтира олдими?» — деб уч бор такрорлаб эрдилар, одамлар ҳар гал: «Ҳа!» — деб жавоб қилишди. Сўнг: «Мендан кейин бир-бирингизнинг бўғзингизга тиф урадирган кофир бўлиб кетмангизлар!» — деб айтдилар».

10-боб. Ҳадд (жазоси) нинг қўлланиши ва Оллоҳ таоло муҳаррам қилган нарсалар учун ўч олмоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ихтиёрларида икки ишдан бирини қилмоқ имкони бўлганда улардан гуноҳ бўлмайдирган осонроғини танлар эрдилар, агар гуноҳ бўладирган эрса, ундан ҳаддан имкон йироқ юрар эрдилар. Оллоҳ таоло ҳақи, ул зот ўзларига етказилган озор ёким бирор зарар учун сира ҳам ўч олмас эрдилар. Оллоҳ таоло муҳаррам қилган нарсаларга дахл қилингандагина ўч олар эрдилар».

11-боб. Зодагон ва бечораҳолга нисбатан ҳадд (жазоси)нинг қўлланиши ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Усома Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўғрилиқ қилган бир аёл ҳақида сўзладилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Сизлардан олдинги қавмлар ҳадд жазосини бечораҳолларга нисбатан қўллаб, зодагонларга тегмаганликлари оқибатида ҳалокатга юз тутдилар. Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, агар (қизим) Фотима шул ишни қилганда қўлини қирққан бўлур эрдим!» — дедилар».

12-боб. Гуноҳкорни авф этмоқни сўраб келинганда ҳукмдорнинг шафоат қилиоқдан бош тортганлиги ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Қурайш қабиласи ахли Махзум уруғига мансуб ўғрилиқ қилган бир аёл хусусида не қилмоқларини билмай кўп ўйга тилдилар. Ниҳоят, улар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бул хусусда (ул зотнинг) эркатойлари бўлмиш Усомадан бўлак ким журъат қилиб сўзлай олур?! — деган хулосага келдилар. Усома бориб Жаноб Расулуллоҳдан ўшал аёлни авф қилмоқларини илтимос қилди. Шунда ул зот: «Оллоҳ таолонинг ўзи жорий қилган ҳадд (жазоси)ни менсимай, ул аёлни шафоат қилмоғимни истайдурмисен?! — дедилар. Сўнг, ўринларидан турдилар-да, ҳузурларидагиларга қарата: «Эй одамлар, дарҳақиқат, сизлардан илгариги қавмлар залолатга юз тутиб, зодагон ўғрилиқ қилса, унга тегмай, бечораҳол ўғрилиқ қилганда ҳадд урдилар. Оллоҳ таолога қасамёд қилурменким,

Муҳаммаднинг қизи бўлмиш Фотима ўғрилиқ қилса, Муҳаммаднинг ўзи шахсан унинг қўлини кесгайдур!» — деб хитоб қилдилар».

13-боб. Оллоҳ, таолонинг «Ўғрилиқ қилган эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам қўлини кесингизлар!» — деган қавли хусусида

Ўғрилиқ қилган одам қўлининг қаеридан кесмоқ лозим бўлади? Ҳазрат Али кафтидан кесдилар. Қатода ўғрилиқ қилган бир аёл хусусида гапираётиб: «Унинг чап қўлини кесдилар, худди шундай қилмоқ керак!» — дедилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Чорак динор ва ундан зиёд пул учун қўл кесилгайдур!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Чорак динор учун ўғрининг қўли кесилгайдур».

Умра бинти Абдурраҳмон ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бигга чорак динор учун қўл кесилмоғи ҳақида айтдилар», — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг замонларида ўғрининг қўли теридан ёким пўлатдан қилинган қалқон қийматига тўғри келадиган нарса ўғирласагина кесилар эрди», — дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо: «Торидан ёким пўлатдан ясалган қалқон қийматидан ҳам қийматга эга бўлган нарсани ўғирлаган ўғрининг қўли кесилмас эрди. Бу қалқонларнинг ҳар бири муайян нархга эга бўлган», — дейдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг замонларида теридан ёким пўлатдан ясалган қалқон қийматидан ҳам қийматга эга бўлган нарсани ўғирлаган ўғрининг қўли кесилмас эрди. Бу қалқонларнинг ҳар бири муайян қийматга эга бўлган. Абдуллоҳ ибн Умар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қиймати уч дирҳам турадирган теридан ясалган қалқонни ўғирлаган ўғрининг қўлини кестирган эрдилар», — дейдилар.

Нофиъ Ибн Умардан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қиймати уч дирҳам бўлган тери қалқонни ўғирлаган ўғрининг қўлини кестирган эрдилар».

Убайдуллоҳ Нофиъдан нақл қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам қиймати уч дирҳам бўлган тери қалқонни ўғирлаган ўғрининг қўлини кестирган эрдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Дубулга ёким қандайдир бир арқон ўғирлаб, ниравардида қўли кесиладирган ўғрига Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!» — дедилар.

14-боб. Ўғрининг тавбаси ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир ўғри аёлнинг қўлини кестирдилар. Шундан кейин ўшал аёл тез-тез келиб турадирган бўлиб

қолди, мен унинг ҳожатини Жаноб Расулуллоҳга ҳар гал етказиб турдим. Ниҳоят, ул тавба қилиб, тўғри йўлни топиб олди».

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар: «Бир жамоа бирлан биргалиқда Жаноб Расулуллоҳга байъат қилдим. Шунда ул зот бундай дедилар: «Оллоҳ таолога заррача ширк келтирмасликларингизга, ўғрилиқ қилмасликларингизга, болаларингизни ўлдирмасликларингизга, иродасизлик қилиб бировга бўҳтон қилмаслигингизга ва хайру эҳсон борасида менинг олдимда гуноҳкор бўлиб қолмаслигингизга мен ҳам сизларни байъат қилдиргаймен (қасамёд қилдиргаймен). Қайси бирингиз байъатингизга вафо қилсангиз, ажру савобингиз Оллоҳ таолонинг бўйнидадур ва кимки булардан бирортасини бузса-ю, бунинг учун бу дунёда жазоланса, шул жазо унга каффорат бўлиб, қилган гуноҳи ювилгайдур ва кимники гуноҳини Оллоҳ таоло бу дунёда шарманда қилмай яширган эрса, бу унинг ишидур, хоҳласа, азоблағай, хоҳласа, мағфират қилгай».

Абу Абдуллоҳ (ал-Бухорий): «Қўли кесилгандан кейин астойдил тавба қилган собиқ ўғрининг гувоҳлиги қабул қилингайдур ва ҳадд жазоси қўлланилган ҳар бир шахс, агар чин юракдан тавба қилган бўлса, гувоҳликка ўта олгайдур», — дейдилар.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ УРУШ ОЛИБ БОРУВЧИ КОФИРЛАР ВА ДИНДАН ҚАЙТГАНЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ, таолонинг қавли («Ал-Моида» сураси): Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ ва унинг расулига қарши уруш олиб борувчи ва мамлакатда бузғунчилик қилувчи одамларнинг жазоси шулдурким, улар қатл қилинсинлар ёким дорга осилсинлар ёхуд қўлу оёқлари қарама-қарши тарафидан (чап қўл, ўнг оёқ) кесилсин ё улар мамлакатдан бадарға қилинсинлар».

Анас ибн Молик ривоят иладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига Укл қабиласидан бир гуруҳ одамлар келиб мусулмон бўлдилар. Аммо, уларга Мадина об-ҳавоси ёқмай, хасталаниб қолдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ закотга берилган туялар турган жойга бориб, уларнинг сийдиги бирлан сутидан ичиб даволанмоқни уларга амр қилдилар. Улар шифо топгач, кўрнамаклик қилиб диндан қайтдилар ва Жаноб Расулulloҳнинг туябонларини ўлдириб, туяларни ҳайдаб кетдилар. Ортларидан одам юборилиб, тутиб келтирилгач, қўлу оёқлари кесилди. Кўзлари ўйилди, сўнг шундайича ўз ҳолларига ташлаб қўйилди, ўлиб кетдилар».

1-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг диндан қайтиб мусулмонларга қарши уруш қилганларни (қўл-оёқлари кесилгач, қонини тўхтатмай) ўз ҳолларига ташлаб қўйганликлари ва уларнинг ўлиб кетганликлари ҳақида

Анас ибн Молик: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам бир гуруҳ Урайна қабиласи аъзоларининг қўл-оёқларини кестириб, қонини тўхтаттирмадилар, улар ўша аҳволда ёттанларича ўлиб кетдилар», — дейдилар.

2-боб. Диндан қайтиб мусулмонларга қарши урушганларга сув берилмаганлиги ва уларнинг ўлиб кетганликлари ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Укл қабиласидан бир гуруҳ одамлар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб, супада яшаб турдилар. Сўнг, Мадина об-ҳавоси илғаб хасталандилар. Шунда улар: «Ё Расулalloҳ, бизга сут топдириб берсангиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Мен сизларга сут топдириб бермаймен, (яхшиси) пайғамбар алайҳиссаломнинг туялари қошиға борингизлар!» — дедилар. Улар бориб туя сути бирлан сийдигидан ичишиб шифо топдилар ва ҳатто семириб кетдилар. Сўнг, туябонни ўлдириб туяларни ҳайдаб кетдилар. Жаноб Расулulloҳ бундан хабар топгач, уларнинг ортидан одам юбордилар, кун ёйилмай тутиб келишди. Кейин, уларнинг кўзига мил тортишди, қўлу оёқларини кесишди, аммо қон тўхтатиш чораларини кўришмади. Сўнг, уларни Ҳарра даштига олиб бориб ташлашди, ташналиқдан сув сўрасалар, сув беришмади, шул тариқа улар азобда ўлиб кетдилар».

Абу Килоба: «Улар ўғрилиқ қилдилар, одам ўлдирдилар ва Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига қарши уруш қилдилар», — дейдилар.

3-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг мусулмонларга қарши уруш қилганларнинг кўзига мил тортирганликлари ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Укл (ёким Урайна) қабиласидан бир гуруҳ одамлар Мадинага келишди. Жаноб Расулulloҳ туялар турган ерга бориб, уларнинг сийдиги, сутидан

ичиб даволанмоқни амр қилдилар. Улар ичишиб шифо топишди, ҳаттоки тўлишиб кетишди. Кейин, туябонни ўлдириб туяларни олиб қочишди. Бундан хабар топган Жаноб Расулulloҳ ортларидан одам юбордилар. кун ёйилмай тутиб келишди. Сўнг, қўллари бирлан оёқларини кесиб, ҳамда кўзларига мил тортиб шу аҳволда чўлга ташлаб келишди, ташналикдан қийналиб ўлиб кетишди.

Абу Килоба: «Мазкур қавм ўғрилиқ қилди, одам ўлдирди, иймом келтиргач, диндан қайтиб, Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига уруш қилди», — дейдилар.

4-боб. Фаҳш ишлардан қочган кишининг фазилати ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло ўзининг соясидан бўлак соя бўлмайдирган куни, яъни қиёмат куни Қуйидаги етти тоифа бандасини ўз соясига олур: одил имомни (одил раҳбарни), Оллоҳ таолога ибодат қилиб вояга етган йигитни, хилватда Оллоҳ таолони ёд этиб кўзи жиққа ёш бўлган кишини, қалби доимо масжид бирлан боғлиқ бўлган кишини, Оллоҳ таолони деб бир-бирига муҳаббат қўйган икки мўмин кишини, мансабдор гўзал аёл зинога даъват қилганда, «Мен Оллоҳ таолодин қўрқаймен!» деб айтган кишини ҳамда садақа қилса, садақа қилганини яширган, хатто ўнг қўли нима иш қилганини чап қўлига билдирмаган кишини».

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки икки оёғи орасидаги бирлан мўйлабу соқоли орасидагини ёмонликка ишлатмағаймен деб менга кафолат берғайдур, мен ҳам унга жаннатнинг кафолатини берғайдурмен!» — дедилар».

5-боб. Зинокорларнинг гуноҳи ҳақида

Оллоҳ таоло: «(Солиҳ бандалар) зино қилмайдилар. Зинога яқин юрмангизлар, дарҳақиқат, зино фаҳш ва ёмон йўлдур!» — дейди.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Мен сизларга шундай бир ҳадис айтиб берайки, уни мендан бўлак кишидан эшитмағайсизлар! Жаноб Расулulloҳдан бундай деб эшитган эрдим: «Қиёмат қоим бўлмоғи арафасида содир бўладирган шарт-шароитлар шулдурким, ўртадан (дин) илми кўтарилғай, жаҳолат, ичкиликбозлик зино кучайғай ҳамда эркалар камайиб, аёллар кўпайиб кетганидан ҳатто элликта аёлга бир эркак тўғри келғай!».

Ибн Аббос разияллоу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Зино қилғувчи банда зино қилаётган чоғида мўмин бўлиб қололмағайдур (чунким, ўшал чоғда унинг иймони тортиб олинғайдур), ўғрилиқ қилғувчи банда ўғрилиқ қилаётган чоғида мўмин бўлиб қололмағайдур (чунким, ўшал чоғда унинг иймони тортиб олинғайдур), ичкилик ичғувчи банда ичкилик ичаётган чоғида мўмин бўлиб қололмағайдур (чунким, ўшал чоғда унинг иймони тортиб олинғайдур) ва қотиллик қилғувчи банда қотиллик қилаётган чоғида мўмин бўлиб қололмағайдур (чунким, ўшал чоғда унинг иймони тортиб олинғайдур)».

Икрима ривоят қиладилар: «Мен ибн Аббосдан: "Гуноҳ қилғувчи банданинг иймони гуноҳ қилаётган чоғида қай тариқа суғуриб олинғайдур?"» — деб сўрадим. Ул: «Мана бундай» — деб бир қўлининг бармоқларини иккинчи қўлининг бармоқлари орасига суқдида, суғуриб олди. Сўнг: «Агар тавба қилса, иймони мана бундай қилиб яна қайта қалбига суқиб қўйилғайдур», —

дедида, бармоқларини бармоқлари орасига сукди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Зино қилғувчи зино қилаётган чоғида мўмин бўлиб қололмағайдур, ўғри ўғрилиқ қилаётган чоғида мўмин бўлиб қололмағайдур ва ичкилик ичғувчи ичкилик ичаётган чоғида мўмин бўлиб қололмағайдур. Тавба эрса, қабул бўладирми, йўқми, охиратда маълум бўлғайдур».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Ё Расулulloҳ, энг оғир гуноҳ қайсидур?» — дедим мен. Ул зот: «Ўзингни яратган Оллоҳ таолога ширк келтирмоғингдур!» — дедилар. «Яна қайсидур?» — дедим мен. Ул зот «Овқатимга шерик бўлмасин деб ўз болангни ўлдирмоғингдур!» — дедилар. «Яна қайсидур?» — дедим. Ул зот: «Қўшнингнинг жуфти ҳалоли бирлан зино қилишмоғингдур!» — дедилар».

6-боб. Хотини бўлатуриб зино қилган кишини тошбўрон қилмоқ ҳақида

Ҳасан (Басрий): «Кимки ўз синглиси бирлан зино қилғайдур, унга зино учун белгиланган ҳадд жазоси қўлланилғайдур!» — деб айтдилар».

Шаъбий ривоят қиладиларки, Ҳазрат Али ул кишига жумъа куни бир зинокор аёлни тошбўрон қилдирганликлари ҳақида гапираётиб: «Мен уни Жаноб Расулulloҳнинг суннатларига мувофиқ тошбўрон қилдирдим!» — деб айтибдилар.

Шаъбий ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан: «Жаноб Расулulloҳ ражм (тошбўрон) қилдирганмилар?» — деб сўрадим. Ул: «Ҳа», — деди. Мен: «Сураи Нур» нозил бўлмоғидан илгарими ёким кейинми эрди?» — дедим. Ул: «Билмасмен», — деб жавоб қилди».

Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий ривоят қиладилар: Аслам қабиласидан бир киши Жаноб Расулulloҳнинг хузурларига келдида, ўзининг зино қилиб қўйганлигини айтиб, бунинг исботи учун тўртта далил келтирди. Жаноб Расулulloҳ уни олиб бориб тошбўрон қилмоқни амр қилдилар. Ўшал одамнинг хотини бор эрди!».

7-боб. Зино қилган жинни эркак ва жинни аёлнинг тошбўрон қилинмаслиги ҳақида

Ҳазрат Али Ҳазрат Умарга: «Жинни тuzалмагунча ва уйқуда ётган уйғонмагунча унга гуноҳ ёзилмаслигини билмасми эрдинг?! — дедилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда эрканликларида бир киши келдида, ул зотга нидо қилиб: «Ё Расулаллоҳ, мен зино қилиб қўйдим!» — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ ундан нафрат қилиб юзларини ўгириб олдилар, ҳаттоки ул ўз гапини тўрт бор такрорлашга мажбур бўлди. Жаноб Расулulloҳ бояги киши ўзининг зино қилганлигининг) исботи учун тўртта далил келтиргандан сўнгина унга ўгирилиб қарадиларда: «Жинни эрмасмисен?» — дедилар. Ул: «Йўқ», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Уйланганмисен?» — дедилар. Ул: «Ҳа», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бунинг олиб бориб, тошбўрон қилинганлар!» — деб амр қилдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ: «Тошбўрон қилганлар орасида мен ҳам бор эрдим. Уни намозгоҳга олиб бориб тошбўрон қилган эрдик. Ўшанда ул биринчи тош тегиши бирланоқ қочиб кетган эрди, биз уни Ҳаррада қувиб етиб тошбўрон қилган эрдик», — дейдилар.

8-боб. Фоҳишанинг (боладан) маҳрум қилинмоғи ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладулар: «Саъд бирлан Ибн Замъа жанжаллашиб қолишди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абд ибн Замъа, бул бола сеникидур, бола тўшак соҳибиники бўлғай. Эй Савда, бул болани кўрганигда юзингни яширғил (ул сенга номаҳрамдур)!» — дедилар». Қутайба бунга қўшимча қилиб бизга: «Фоҳиша эрса, боладан маҳрум этилғай», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар «Жаноб Расулulloҳ: «Фарзанд тўшак соҳибиникидур, фоҳиша эрса боладан маҳрум этилғай», — дедилар».

9-боб. Саҳнига тош терилган ҳовлида тошбўрон қилингани ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига ўзаро зино қилишган бир яҳудий эркак бирлан яҳудий аёлни олиб келишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Китобларингизда бул хусусда не дейилғон?» — дедилар. Улар: «Қоҳинларимиз сазойи қилишар эрди», — дейишди. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом: «Уларга таврот келтирмоқни буюрингиз!» — деди. Таврот олиб келинди. Улардан бири «Раҳм» ояти («Тошбўрон» ояти) устига қўлини қўйиб, унинг боши бирлан охирини ўқий бошлаган эрди, Ибн Салом унга: «Қўлингни олғил!» — деди. Ул қўлини олиб эрди, «Раҳм» оятининг керакли ерини атайлаб қўли бирлан беркитиб турганлиги аён бўлди. Жаноб Расулulloҳ уларни тошбўрон қилмоқни амр қилдилар, улар тошбўрон қилинди». Ибн Умар бундай дейдилар: «Улар саҳнига тош ётқизилган ҳовлида тошбўрон қилинди. Шунда мен яҳудий эркакнинг яҳудий аёлни бағрига босиб (ўз гавдаси бирлан уни тўсиб) олганини кўрдим».

10-боб. Намозгоҳда тошбўрон қилмоқ ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Аслам қабиласидан бир киши Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб зино қилиб қўйганлигини эътироф этди. Жаноб Расулulloҳ нафратланганларидан юзларини ўгириб олдилар, ҳатто ул ўзига тўрт бор далил келтиришига тўғри келди. Шундагина Жаноб Расулulloҳ: «Жиннилик дардинг йўқмидур?» — дедилар. Ул: «Йўқ», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Уйланганмисен?» — дедилар. Ул «Ҳа», — деди. Жаноб Расулulloҳ амр қилдилар, уни намозгоҳга олиб чиқиб тошбўрон қилишди. Биринчи тош тегиши бирланоқ қочиб қолган эрди, етиб олиб ўлгунча тошбўрон қилинди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ охирати бахайр бўлсин деб унга ўзлари жаноза ўқидилар».

11-боб. Ҳадд жазоси берилмайдирган гуноҳ иш қилиб қўйгач, имомдан фатво сўраб тавба қилиб келган кимсага жазо чораси қўлланилмаслиги ҳақида

Ато разияллоҳу анҳу: «Жаноб Расулulloҳ бундай кишига жазо бермадилар», — дейдилар.

Ибн Журайж: «Рўза ҳолида ўз аёлига яқинлик қилиб қўйган кишига ҳам жазо берилмайди. Ҳазрат Умар эҳромда бўла туриб кийик овлаган кишини ҳам жазоламадилар», — дейдилар (қилиб қўйган гуноҳидан имомни воқиф қилиб, тавба қилса).

Абдурраҳмон ибн ал-Қосим Оиша разияллоҳу анҳодан нақл қиладилар: «Бир киши Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига масжидда эрканликларидан келиб: «Куйиб қолдим», деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сени куйдирган не дедилар. Ул: "Рўза бўла туриб хотинимга яқинлик қўйдим» —

деди. Жаноб Расулulloҳ: «Садақа қил — дедилар. Ул: «Садақа қилмоғим учун ҳеч вақом йўқ, — дедида, ўлтириб олди. Шул аснода бир киши Расулulloҳнинг ҳузурларига қандайдир егулик ортилган эшак етаклаб келиб қолди. Мен унинг Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига не иш бирлан келганин билолмадим. Шунда Расулulloҳ: «Бояги куйиб қолган одам қаерда?» — дедилар. Ул: «Мен шул ердамен!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Мана буни олғилда, садақа қилғил!» — дедилар. Ул: «Мендан ҳам муҳтожроқ киши бормикан, ахир болачакам оч-наҳор ўлтирибди-ку?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ундай эрса, буни ўзингиз энгизлар!» — дедилар». Абу Абдуллоҳ (ал-Бухорий): «Илгари (биринчи жилдда) келтирилган ҳадис бундан кўра аниқроқ бўлиб, унда «Бола-чақанга едирғил!» — дейилган», — дейдилар.

12-боб. Киши ҳадд урилмоғига лойиқ гуноҳ қилганига иқроп бўлиб келганда имом унинг қандай гуноҳ қилганини суриштирмай пинҳон қолдирмоғи мумкинми?

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эрдим, бир киши қошларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен ҳадд жазоси берилмоғига лойиқ гуноҳ қилиб қўйдим, мени жазолангиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг не қилғонин суриштирмадилар. Шул вақт намоз бошланиб қолиб ул одам Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга намоз ўқиди. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ намозни тугатишлари бирланок қошларига бориб: «Ё Расулаллоҳ, мен ҳадд урилмоғига лойиқ гуноҳ қилиб қўйдим, менга Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ жазо берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сен ҳозир биз бирлан намоз ўқимадингми?!» — дедилар. Ул: «Ҳа», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло гуноҳингни мағфират қилди (ёким, ҳадд урилмоғини бекор қилди)!» — дедилар».

13-боб. Гуноҳига иқроп бўлиб келган кишига имом: «Балким, сен тегишгандурсен ёким кўз қисиб қўйгандурсен?» — деб айтадирми?

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Моиз ибн Молик Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига (қилган гуноҳига иқроп бўлиб) келганида, ул зот унга: эҳтимол сен ўпгандурсен ёким кўзингни қисгандурсен ёхуд бир нигоҳ ташлаб қўйгандурсен?» — дедилар. Ул: «Йўқ, ё Расулаллоҳ, жимоъ қилиб қўйдим! - деди. Жаноб Расулulloҳ шундан кейингина уни тошбўрон қилмоқни амр қилдилар».

14-боб. Гуноҳига иқроп бўлиб келган кишидан кишининг: «Уйланганмисен?» — деб сўрамоғи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда ўлтирганларида бир киши келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен зино қилиб қўйдим!» — деб айбига иқроп бўлди. Шунда Жаноб Расулulloҳ (нафратланиб) юзларини ўгириб олдилар. Бояги одам: «Ё Расулаллоҳ, мен зино қилиб қўйдим!» — деб гапини такрорлаб эрди, ул зот яна ўгирилиб олдилар. Шул тариқа ул тўрт бор айбини тан олиб ўзига ўзи гувоҳлик берди. Ниҳоят, Жаноб Расулulloҳ уни ёнларига чақириб: «Жиннилик дардинг йўқмидур?» — дедилар. Ул: «Йўқ, ё Расулаллоҳ!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Уйланганмисен?» — дедилар. Ул: «Ҳа, ё Расулаллоҳ!» — деди. Шундан сўнг, ул зот: «Олиб чиқиб тошбўрон қилингизлар!» — деб амр қилдилар». Жобир: «Ўшанда тошбўрон қилганлар ичида мен ҳам бор эрдим. Намозгоҳга олиб чиқиб тошбўрон қилаётганимизда дастлабки тош тегиши бирланок қочиб қолган эрди, биз уни Ҳаррада қувиб етиб тошбўрон қилган эрдик», — дейдилар.

15-боб. Зино қилганликни эътироф қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурийра ва Зайд ибн Холид ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эрдик. Бир киши ўрнидан туриб: «Сиздан ўтиниб сўрайменким, бизнинг ишимиз юзасидан Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳукм чиқариб берингиз!» — деди. Ундан шикоят қилиб келган киши фақиҳроқ бўлиб, ул ҳам ўрнидан турдида: «Бизнинг ишимизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ажрим қилсангиз ва менга гапирмоққа ижозат берсангиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сўзлагил!» — дедилар. Ул: Менинг ўғлим бул одамнинг хизматини қилиб юрар эрди, бир куни унинг хотини бирлан ўйнашиб кўйди. Мен товонига юзта кўй ва бир хизматкор бериб ўғлимни қутқариб олдим. Кейин, уламолардан суриштириб эрдим, улар: «Ўғлингни юз дарра уриб бир йилга бадарға этмоқ, бунинг хотинини эрса тошбўрон қилмоқ лозим эрди» — дейишди. — деди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним кўлида бўлган зот ҳақи, сизларнинг ишингизни Оллоҳ таоло Китобига мувофиқ ҳал қилғумдур! Берган юз кўйинг бирлан бир хизматкоринг ўзингга қайтарилғайдур ва ўғлинг-юз дарра урилиб, бир йилга бадарға қилинғайдур. Эй Анис, бунинг хотини олдиға борғил, агар (зино қилганини) эътироф қилса, тошбўрон қилғил!» — дедилар. Анис ўшал хотиннинг олдиға бориб эрди, ул эътироф этди, кейин уни тошбўрон қилишди».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар бундай деб айтдилар: «Мен кўрқаменким, замонлар, ўтиб одамлар: «Оллоҳ таолонинг Китобидан ражм (тошбўрон қилмоқ) ҳақида ҳеч гап топмадик» — деб залолатга юз тутиб, Оллоҳ таоло нозил қилган фарзни бажармай кўймасалар эрди! Ражм ҳар бир зино қилган одамга — хотини бўла туриб зино қилганга ҳам, зино қилганлиги исботланган шахсга ҳам ёким бировдан ҳомила орттирган ёхуд зино қилганини ўзи эътироф қилганга ҳам беистисно кўлланмоғи зарурдур!». Суфён: «Мен Ҳазрат Умарнинг гапларининг сўнггида: «Ахир, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ражм қилган эрмасми эрдилар, ул зотдан кейин биз ҳам ражм қилдик-ку?!» — деб айтганларини шундоққика ёдлаб қолганмен», — дейдилар.

16-боб. Эри бўла туриб зинодан ҳомиладор бўлиб қолган аёлни ражм қилмоқ ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Мен муҳожирлардан бўлмиш бир гуруҳ кишиларга, жумладан Абдурраҳмон ибн Авфга Қуръон тиловат қилмоқни ўргатар эрдим, Бир куни мен унинг Минодаги ўйида, унинг ўзи эрса, Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттобнинг сўнгги ҳажларида, бирга эрди. Ногаҳон, Абдурраҳмон менинг олдимга қайтиб келиб қолдида: бундай деди «Бугун Амир ал-Муъмийиннинг ҳузурларига келган кишини бир кўрганингда эрди, ўшал одам: «Ё Амир ал-Муъмийин, сиз фалончига нима ёмонлик қилган эрдингиз, ул сизнинг ҳақингизда: «Агар Умар ўлса, мен фалончига байъат қилган бўлур эрдим. Оллоҳ таоло ҳақи, Абу Бақрга қилган байъатим эрса, умри қисқа эркан, тез фурсатда тугади!» — деб айтди» — деди. Шунда Ҳазрат Умар дарғазаб бўлиб: «Иншооллоҳ, мен бугун кечқурун кимлар иғво қилиб одамларни чалғитишга уринаётганини барчага ошкор қилғаймен!» — дедилар. Шунда мен: «Ё Амир ал-Муъмийин, бундай қила кўрмангиз, чунким ҳозир ҳаж мавсуми бўлиб, кўплаб жоҳил ва иғвога тез учадирган одамлар тўплангандур, одамларга сўзлаётган вақтингизда ўшал тоифадаги кишилар сизни қуршаб олишиб, енгиб кўйишмаса эрди! Мен кўрқаменким, бирор ножўя сўз оғзингиздан чиқса, улар илиб олишиб, дарҳол чор атрофга тарқатғайлар ва одамлар бунга ўйлаб-нетмай ишониб кўя қолғайлар. Сира ошиқмангиз, аввал Мадинага эсон-омон қайтиб борингиз, чунким бул шаҳар ҳижрат ва суннат қароргоҳи бўлиб, ул ерда сиз фақиҳу ашрофлар бирлан холис суҳбат қуриб ўзингиз айтмоқчи бўлган гапларни айтғайсиз, улар эрса, гапингизни ақл тарозусига солиб кўриб, ноқис ерларини тузатғайлар!» — дедим. Ҳазрат Умар «Оллоҳ таоло ҳақи, иншооллоҳ, Мадинага боришим бирланоқ дастлаб шул ишни қилғаймен!» — дедилар. Биз Зулҳижжа ойининг охирида Мадинага келдик. Ўшал кун жумъа куни бўлиб, қуёш

ботиб қоронғу тушиб қолмасидак етиб олмоққа ошиқдик. Мен Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайлни минбар рукнига суяниб ўлтирган ҳолда учратдим, тиззам тиззасига тегадирган даражада унга яқин бориб ўлтирдим. Гапга оғиз жуфтлаб ҳам эрдимки, Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб ичкаридан чиқиб келдилар. Ул кишининг биз томон келаётганларини кўриб Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайлга «Бугун кечқурун халифа бўлганларидан буён айтмаган гапларини айтадилар», — дедим. Ул менга ишонмай: «Бўлмағур гап, шул вақтга қадар айтмай, энди айтарми эрдилар!» — деди. Ҳазрат Умар минбарга чиқиб ўлтирдилар. Муаззинлар сукут қилгач, ўринларидан туриб Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтдилар, сўнг «аммо баъд» деб мақсадга ўтдилар: «Мен бугун сизларга айтмоғим тақдир қилинган бир гапни айтғаймен. эҳтимол бул ажалим арафасидаги сўнгги нутқимдур! Гапимни фаҳмлаб мағзини чақа олганлар уловларининг қадами етганча ерга бориб одамларни воқиф қилсинлар, кимки идроки етмай ганимининг мағзини чақа олмаганлигидан хавфсираса, менинг хусусимда бўҳтон қилмишга йўл қўймагаймен. Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақиқатни юзага чиқармоқ учун юборгандур, ул зотга Китоб нозил қилгандур. Нойил қилган қавли карималаридан бири «Ражм» ояти бўлиб. биз уни ўқиб, фаҳмлаб, мағзини чаққанмиз, шул боисдан ҳам Жаноб Расулulloҳ ражм қилдилар, ул кишидан Кейин биз ҳам ражм қилдик (тошбўрон жазосини қўлладик). Қўрқаменким, замонлар ўтиб одамлар Оллоҳ таолонинг Китобидан ражм ҳақида ҳеч гап тополмадик дейишиб залолатга юз тутмасалар ва Оллоҳ таоло нозил қилган фарздан воз кечмасалар эрди! Хотини бўла туриб зино қилган ҳар қандай эркаки ва эри бўла туриб зино қилганлиги исботланган ёки номаҳрам бирлан ўйнашиб ҳомила орттирган ҳар қандай аёлни ёҳуд зино қилганлигини ўзи эътироф этган ҳар бир шахсни ражм (тошбўрон) қилмоқ Оллоҳ таолонинг Китобида ҳақлиғ дейилгандур. Кейин, биз Оллоҳ таолонинг Китобидан ояти карималарни ўқиб билиб олдикким, оталарингиздан юз ўгирмаслигингиз лозим, чунким оталарингиздан юз ўгирмоғингиз куфрдур. Ёдингизда тутингизким, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени Исо ибн Марямни мақтаганлари сингари мақтамай, Оллоҳнинг бандаси ва расули деб айтингизлар!» — деганлар. Менга айтишдиким, ораларингиздан бир киши «Оллоҳ таоло ҳақи, агар Умар ўлса, фалончига байъат қилган бўлур эрдим!» — деган эрмиш. Киши: «Абу Бакрга қилган байъатим, умри қисқа эркан, тез фурсатда тугади!» — деб ҳам, мақтангайми? Агар ҳақ бўлганида ҳам бундай демаслиги лозим! Ҳеч қайсингиз Оллоҳ таолонинг йўлида Абу Бакрчалик мўл юриб кўплаб туя нобуд қилган эрмасиз! Кимки мусулмонлар бирлан маслаҳатлашмай бировга байъат қилса, қатл қилинмоғидан қўрқиб байъат қилгани ҳам, байъат қабул қилгани ҳам ҳеч ким тан олмағайдур. Бизга маълумки, Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламни даргоҳига чақириб олгач, ансорлар бизга қарши чиқиб бутун оилалари бирлан Бану Соъида айвонига тўпланишган эрди. Али, Зубайр ва уларнинг тарафдорлари ҳам бизга қарши чиқишган эрди. Муҳожирлар эрса, Абу Бакрнинг ҳузурларига йиғилган эрди. Шунда мен Абу Бакрга: «Ё Ҳазрат Абу Бакр, бизни ёпингизга олиб биродарларимиз бўлмиш ансорларнинг олдига борингиз!» — дедим. Кейин, биз йўлга тувдқиҳ Ансорлар тўпланган ерга яқин қолганда икки солиҳ киши қаршимизга чиқдида. уларнинг ниятларидан бизни воқиф қилиб «Эй муҳожирлар, қаерга кетмоқдасизлар?» — деди. Биз: «Биродарларимиз бўлмиш ансорлар ҳузурига», — дедик. Улар: «Уларга яқин бормангизлар, ўзингиз билиб ишларингизни қилаверингизлар!» — дейишди. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, уларнинг олдига бормасак бўлмагай!» — дедим. Биз йўлда давом этиб, ниҳоят Бану Соъида айвонида тўпланган ансорлар ҳузурига етиб бордик. Қарасак, уларнинг ўртасида кийимига ўраниб бир киши ўлтирибди, мен «Бул ким?» — дедим. «Бул — Саъд ибн Убодадур», — дейишди. Мен: «Унга не қилғон?» — дедим. «Бетобдур». — дейишди. Бироз ўлтирганимиздан сўнг уларнинг хатиби калимам тақодатни ўқиб Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтдида: «Амио баъд (энди мақсадга кўчайлик), биз Оллоҳ таолонинг ердаги таянчи ҳамда ислом лашкарларидурмиз! Сизлар эрсангиз, бирховуч муҳожирлар бўлиб, камбағаллигингиздан ўз кавмингиздан ажралиб бу ерга келиб қолгансизлар. Ўшал қавмингиз

илдизимизии қирқиб. бизни ҳокимиятдан четлатмоқ ниятидадур». — деди. Ул гапидан тўхтаб сукут қилган вақтда мен ўзимга маъқул кўринган бир гапни миямда чиройли сўзлар бирлан беаб, пардали қилиб тайёрлаб олдимда, Абу Бакрнинг ҳузурларида айтиб олгим келди, чунким бир қадар ул кишига ўзимни кўрсатгим келган эрди. Эндигина гапга оғиз жуфтлаб ҳам эрдимки, Абу Бакр: «Шошмай турсангчи!» — дедилар. Мен ул кишининг ғаблабларини келтиргим келмай. жим бўлдим. Шунда Абу Бакрнинг ўзлари гап бошладилар, ул киши мендан кўра юмшоқ табиат ва хушмуомалароқ эрдилар. Оллоҳ таоло ҳақи, менинг ҳозиргина ўзимча маъқул кўриб, айтмоқчи бўлган гапимни ул киши бирорта ҳам сўзини, қолдирмай ва мендан ҳам чиройлироқ қилиб айтдиларда, сукут қилдилар. Сўнг, Саъдга қараб: «Сиз ансорийлар ҳақида нимаики яхши гаплар айтган эрсангиз, бариси ҳақлиқ равишда уларга муносибдур. Аммо, халифалик мансаби Қурайш қабиласининг мана шул ҳижрат қилган уруғига берилсагина эътироф қилинғайдур, чунким улар араб қабилалари ичида насаб ва турмуш даражаси жиҳатидан ўртачадурлар. Мен сизларга мана бул икки кишидан бирига рози бўлмоғингизни таклиф қилурмен. Улардаи ўзингиз истаганингизга байъат қилмоғингиз мумкин», — дедиларда. Мен бирлан Абу Убайда ибн ал-Жарроҳнинг қўлимизни ушладилар. Шунда Абу Убайда иккаламининг ўртамизда ўлтирган эрди. Мен бошқа бир кишини таклиф қилганларида инкор қилмаган бўлур эрдим. Аммо, Оллоҳ таоло ҳақи, Абу Бакр ҳазратларидек зот ораларида бўлган қавмга бош бўлганимдан кўра, бўйнимни чоптириб ташлаб гуноҳдан нарироқ бўлганим афзалроқдур! Мен ҳозир ўлимим олдида эсласам арзигулик ўзим қилган бундан бўлак яхши амални қидириб сира топа олмаймен! Ансорлардан бири: «Оёқларингиз остига поёндоз бўлайин, оёқларингиз чангини кўзларимга тўтиё қилайин, эй Қурайш жамоаси, сизлардан бир киши ва бизлардан бир киши амир бўлсин!» — деди. Шунда одамлар орасида ғала-ғовур кўтарилиб эрди, мен ихтилоф чиқмасайди деб хавотир олдимда «Ё Абу Бакр, қўлингизни узатингиз!» — дедим, ул киши қўлларини узатдилар. Мен қўлларини олиб ул кишига байъат қилдим, мухожирлар ҳам байъат қилишди. Кейин, ансорлар ҳам ул кишига байъат қилишди. Шундай қилиб, биз Саъд ибн Убода устидан ғалаба қилдик. Ансорлардан бири: «Саъд ибн Убодами ўлдирдингизлар (пичоқсиз сўйдингизлар)», — деди. Мен унга: «Саъд ибн Убодами Оллоҳ таоло ўлдирди», — дедим. Ҳазрат Умар: «Биз ҳозир Абу Бакрга байъат қилиб жуда зўр иш қилдик қавмининг биздан ажралиб чиқиб кетмоғидан кўрққан эрдик. Агар уларнинг ораларидаги ўзимиз рози бўлмаган кишига байъат қилмоғимиз тўғри келиб қолганда, қарши чиққан бўлур эрдик бу эрса икки ўртада фасод чиқмоғига сабаб бўлур эрди. Кимки муслмонлар бирлан маслаҳат қилмай кимгадир байъат қилса, қатл қилинмоғидан кўрқиб байъат қилганга ҳам, байъат қабул қилганга ҳам ҳеч ким эргашмағайдур!» — дедилар.

17-боб.

Зино қилган бокира ва бўйдоққа дарра урилғайдур ҳамда зино қилган аёл бирлан эркак бадарға қилинғайдур. Уларнинг ҳар бирига юз даррадан урингизлар, Оллоҳ таоло бирлан қиёматга иймон келтирган эрсангиз, Оллоҳ таоло динида буюрилган ҳадд жазосини беаёв уларга қўллангизким, кўпчилик мўминлар азобланаётганларини кўриб ибрат олсинлар. Мўмин бўла туриб зино қилган эркак фақат зинокор ёки мушрик аёлгагина уйланмоғи мумкиндур шунингдек мўмин бўла туриб зино қилган аёл ҳам фақат зинокор ёким мушрик эркаккагина турмушга чиқиши мумкиндур. Мўмин бўла туриб зино қилиб қўйган эркак ёким аёл мўминлар учун энди бутунлай ҳаромдур!

Зайд ибн Халид ал-Жуайний: «Мен Набий саллаллоҳи алайҳи ва салламнинг уйланмаган бир кишини зино қилиб қўйганида юз дарра урдириб, бир йилга бадарға қилганларини эшитганмен», — дейдилар.

Урва ибн аз-Зубайр: «Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб зино қилган эркакларни бадарға қилдилар ва бу пайғамбаримиздан қолган суннат сира канда қилинмади», — дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам уйланмаган зинокор бир кишини ҳадд урилгач, бир йилга бадарға қилмоқни амр қилдилар».

18-боб. Осий ва хунасаларни бадарға қилмоқ ҳақида

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам хотинчалиш эркаклар бирлан эркакчалиш аёлларни лаънатлаб: «Уларни уйларингиздан қувиб чиқарингизлар!» — дедилар ва фалончини ҳайдаб юбордилар. Ҳазрат Умар ҳам фалончини қувиб чиқарди».

19-боб. Имомнинг ўзи бормай, ҳадд уриб келмоқни имом бўлмаган бир кишига топширганлиги ҳақида

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ривоят қиладилар: «Бир бадавий Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам масжидда ўлтирганларида қошларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳукм чиқариб берингиз!» — деди. Шунда унинг хасми: «Тўғри айтяпти, ё Расулаллоҳ, унинг ишини Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилиб берингиз! Менинг ўғлим унинг хизматини қилиб юрур эди. Бир куни унинг хотини бирлан ўйнашиб қўйди. Одамлардан суриштирган эрдим. бунинг учун ўғлимнинг ражм (тошбўрон) қилинмоғи лозимлигини айтишди. Шунда мен юзта қўй ва бир жория товон тўлаб ўғлимни қутқариб олдим. Кейинчалик уламолардаи сўраган эрдим. улар ўғлимнинг юз дарра урилиб, бир йилга бадарға қилинмоғи кераклигини таъкидлашди», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, сизларнинг можароларингизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилиб бергумдур! Сен берган юз қўй бирлан жория ўзингга қайтарилғай, ўғлинг эрса, юз дарра урилиб, бир йилга бадарға этилгусидур. Эй Анас, сен эрсанг, бориб ўшал хотинни ражм (тошбўрон) қилғил!» — дедилар. Анас бориб, уни ражм қилди».

20-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-нисо» сураси): Оятнинг мазмуни: «Ва ораларингиздан кимки озод мусулмон аёлларни никоҳига олмоққа қодир бўлмаса, ул одам қўлларингиздаги мусулмон чўрилардан бирики никоҳига олсин, Оллоҳ таоло сизларнинг қай даражада иймонли эрканлигингизни барчадан ҳам яхшироқ билғайдур. Сизлар ҳаммангиз бир инсондурсизлар, шунинг учун чўриларни эгаларининг ижозати ила, агар улар илгари зино қилмай покдомон юрган эрсалар ҳамда хуфёна ўйнаш орттирмаган эрсалар, никоҳингизга олиб, қоидага мувофиқ маҳрларини берингизлар. Башарти, никоҳингизга олганингиздан сўнг фаҳш йўлига кирсалар, ул ҳолда уларга зино қилган эрли озод хотинларга белгиланган жазонинг ярми берилур. Бу ортиқча жазо бериб қўйиб, гуноҳкор бўлиб қолмоқдан чўчиганлар учундур. Бардошли бўлсангизлар, ўзингиз учун яхшироқ бўлғайдур, Оллоҳ таоло гуноҳларни кечувчан ва раҳмдил зотдур!».

21-боб. Агар чўри зино қилса...

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламдан: «Эри йўқ чўри зино қилиб қўйса, не қилғаймиз!» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар зино қилса, дарра урингизлар, кейин яна зино қилса, дарра урингизлар,

кейин яна зино қилса, дарра урингизлар, сўнг бир калава ип нархига бўлса ҳам сотиб юборингизлар!» — дедилар. Ибн Шиҳоб: «Учинчи ёким тўртинчи марта зино қилганидан сўнг сотиб юбориладими буни билолмадим», — дейдилар».

22-боб. Зино қилган чўри уришиб-нетиб ўтирилмағай ҳамда бадарға ҳам қилинмағай

Саъид ал-маҳйурий оталаридан нақл қиладилар, ул киши эрса, Абу Ҳурайрадан эшитган эрканлар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар чўри зино қилса-ю, гуноҳи исботланса, уришиб-нетиб ўтирмай, дарра уриб қўя қолингизлар, агар яна зино қилса, уришиб-нетиб ўтирмай, яна дарра уриб қўя қолингизлар. Башарти, учинчи марта зино қилса, бир жун арқон баҳосида бўлса ҳам сотиб юборингизлар!» — дедилар».

23-боб. Зинокор зиммийларни жазога ҳукм қилмоқ ҳамда зино қилиб иши имомга оширилган икки зиммийни бошқа зиммийлар ҳимоя қилганликлари ҳақида

Шайбоний ривоят қиладилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ражм (тошбўрон қилмоқ) ҳақида сўраган эрдим, ул «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам ражм қилганлар», — деб айтди. Кейин, мен: «Нур сураси нозил бўлмасидан илгарими, кейинми?» — десам: «Билмаймен», — деди. Баъзилар ражмга «Моида» сураси таъллуқли деб ҳисоблашади, аммо дастлабкиси тўғрироқдур».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Бир тўда яҳудийлар Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб ўзларидан бир эркак бирлан аёлнинг зино қилганлигини айтишди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Ражм хусусида тавротда не дейилган?» — дедилар. Улар: «Сазойи қилиб, дарра урилмоғи лозимлиги айтилган», — дейишди. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом: «Ёлфон айтяпсизлар, тавротда ражм қилмоқ кераклиги айтилган!» — деди. Таврот келтирилгач, яҳудийлардан бири уни очиб, ражм ояти устига қўлини қўйдида, оятнинг бошланиши бирлан охирини ўқий бошлади. Абдуллоҳ ибн Салом буни сезиб, «Қўлингни ол!» — деди. Ул қўлини олиб эрди, ражм оятининг энг керакли ерини атайлаб қўли бирлан беркитиб турганлиги аён бўлди. Яҳудийлар ўзларини анқовликка солиб: «Муҳаммад, рост бўлиб чиқди, тавротда ражм ҳақида ёзилган эркан!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ зинокор яҳудийларни ражм қилмоқни амр қилдилар, улар ражм қилинди. Шунда мен (зинокор) эркак яҳудийнинг ўз маъшуқасини гавдаси бирлан тошдан ҳимоя қилиб турганини кўрдим».

24-боб. Бир эркак ҳоким ва одамлар олдида ўз хотинини ёким бировнинг хотинини зинокорликда айбласа токим ўшал хотинга одам юбориб, қўйилган айб ҳақида суриштирадими?

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ривоят қиладилар: «Икки киши ўзаро даъволашиб Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келди. Шунда улардан бири: «Ё Расулalloҳ, бизнинг ишимизни Оллоҳ таолонинг Китобига биноан ҳал қилиб берингиз!» — деди. Кейин, фақирроғи туриб: «Тўғри айтяпти ё Расулalloҳ, бизнинг можаромизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилсангиз ҳамда менга сўзламоққа ижозат берсангиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: Майли, гапираверғил!» — дедилар. Ул: «Менинг ўғлим манавининг хизматкори эрди, хотини бирлан ўйнашиб қўйди. Одамлар ўғлимнинг ражм қилинмоғини айтишди. Мен юзта қўй ва бир чўри товон тўлаб, ўғлимни қутқариб олдим. Кейин, мен уламолардан суриштириб билсам, бунинг учун ўғлим юз дарра урилиб, бир йилга бадарға этилмоғи, манавининг хотини эрса, ражм қилинмоғи даркор эркан», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи,

сизларнинг ишингизни фақат Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ажрим қилиб бергумдур! Сен берган юзта қўй бирлан жория ўзинга қайтарилғай, ўғлинг эрса, юз дарра урилиб, бадарға қилинғай!» — дедилар. Сўнг, Анис ал-Асламийга: «Манавининг хотинининг олдига бориб суриштирғил, агар зино қилганини эътироф қилса, ражм қилғил!» — деб амр қилдилар. Хотин эътироф қилиб эрди, ражм қилинди».

25-боб. Султон (ҳукмдор) дан берухсат ўз боласининг ёким бошқа бировнинг адабини берган киши хусусида

Абу Саъиднинг айтишларига кўра, «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки намоз ўқиётганда бирор киши олдидан ўтмоқчи бўлса, уни қайтарсин, қайтмай қаршилиқ қилса, у бирлан жанг қилсин!» — деб айтган эрканлар. Шул боисдан Абу Саъид ҳам шундай қилган эрканлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «(Отам) Абу Бакр разияллоҳу анҳу олдимга келганларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак бошларини тиззамга қўйиб ором олаётган эрдилар. Отам: «Қилган ишингни қара-ю, Жаноб Расулulloҳ бирлан одамларни йўлдан қолдирдинг, ваҳоланки уларнинг суви йўқ!» — деб қўллари бирлан биқинимга нуқиб-нуқиб қойиб бошладилар, мен эрсам Жаноб Расулulloҳ уйғониб кетмасайдилар, деб қимирлай олмас эрдим. Шу аснода Оллоҳ таоло «Таяммум» оятини нозил қилди».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Отам Абу Бакр олдимга келдиларда: «Маржонингни деб одамларни йўлдан қолдирдинг!» — деб мени қаттиқ нуқий бошладилар. Мен эрсам, жоним оғриганига қарамай, Жаноб Расулulloҳни безовта қилиб қўймайин деб қимирламас эрдим. Ул зотни безовта қилмоқдин кўра, менинг учун ўлим афзалроқ эрди!».

26-боб. Хотини бирлан бирга бегона эркакни кўрганда уни ўлдирмоқ ҳақида

Муғйра ривоят қиладилар: «Саъд ибн Убода: «Башарти хотиним бирлан бирга бегона эркакни кўрсам, уни қилич бирлан беаёв чопиб ташлар эрдим!» — деди. Бу гапни Жаноб Расулulloҳга етказишганда, ул зот: «Саъднинг рашкидан таажжуб қилдингизларми? Мен ундан ҳам рашклироқмен, Оллоҳ таоло эрса, мендан ҳам рашклироқдур!» — дедилар.

27-боб. Ётиғи бирлан, кенгроқ тушунтирмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Бир бадавий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ,, менинг хотиним қоп-қора бола туғди!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Туяларинг борми?» — дедилар. Ул: «Ҳа, бор», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ранглари қандай?» — дедилар. Ул: «Қизғиш», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Орасида кулрангги борми?» — дедилар. Ул: «Ҳа, бор», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Қандай қилиб улардан кулранг туя вужудга келди?» — дедилар. Ул: васли зотига тортган бўлса керакда» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўғлинг ҳам асли зотига тортгандур!» — дедилар».

28-боб. Нечоғлик таъзир ва адаб бермоқ даркор?

Абу Бурда ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Таъзир ва адаб тариқасида) ўн даррадан ортиқ урилмағайдур, чунким бул ҳаддни (жазони) Оллоҳ таолонинг ўзи таъйин қилгандур дер эрдилар.

Абдурраҳмон ибн Жобир ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Таъзир ва адаб тариқасида) ўн даррадан ортиқ уриб жазо берилмағайдур, чунким бул ҳаддни Оллоҳ таолонинг ўзи таъйин қилгандур!» — дедилар».

Абу Бурда ал-Ансорий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: таъзир ва адаб тариқасида) ўн даррадан ортиқ урмангизларки, бул ҳадд Оллоҳ таолонинг ҳаддларидандур!» — деб айтганларини эшитганмен».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам узлуксиз рўза тутмоқдан қайтариб эрдилар, бир гуруҳ мусулмонлар: «Ё Расулаллоҳ, ўзингиз узлуксиз рўза тутгайсиз-ку?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Қайси бирингиз мен каби бўла олғайсиз?! Ахир, мени ҳар кеча раббимнинг ўзи еб-ичириб турғайдур!» — дедилар. Улар: «Узлуксиз рўза тутаверғаймиз!» — деб кўнмагач, Жаноб Расулulloҳ бир ила кун биргаликда узлуксиз рўза тутдилар. Яхши ҳамки, янги ой чиқиб қолди (рўза тугаб қолди), акс ҳолда ул зот уларни бош тортганлари учун жазолаган бўлур эрдилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар «Бирор озукани (егуликни) ўзлари яшайдирган жойга олиб бориб сотмоқ ниятида кўтара харид қилган одамлар уловларига миниб улгурмасларидан калтакланар эрдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло таъқиқ қилган нарсаларга қўл урганлардангина ўч олар эрдилар, аммо ўзларига етказилган озор учун сира ўч олмаганлар».

29-боб. Аёлнинг фоҳишалик қилганини ҳамда унга қўйилган айбнинг рост эканлигини гувоҳу далилсиз исботлаган шахс хусусида

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Мен бир эру хотиннинг ўзаро бир-бирини зинокорликда айблаб лаънатлаганлигининг шоҳиди бўлганмен. Ўшанда ўн беш ёшларда эрдим. Жаноб Расулulloҳ уларни ажратиб қўйган эрдилар. Хотиннинг эри: «Агар уни хотин қилсам, тўхматчи бўлиб қолгаймен!» — деб айтган эрди. Зухрий ўшал киши ҳақида: «Агар хотиним қорачадан келган бола туғса, менинг гапим тўғри чиққай, башарти сарғиш бола тугса, унда айбсиз бўлғайдур!» — деганди, кейин хотини қорачадан келган бола туғиб қўйган эрди», — дейдилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида бир эру хотиннинг ўзаро бир-бирини зинокорликда айблаб лаънатлагани ҳақида гап бўлди. Шунда Осим ибн Адий шул ҳақда бир гап айтдида, кейин чиқиб кетди. Уйида ўлтирганида бир киши ҳузурига келиб хотиними бир бегона эркак бирлан тутиб олганини айтиб шикоят қилди. Осим: «Тилимдан илиниб ўзимга бало орттириб ўлтирибмен!» — дедида, бояги кишини эргаштириб Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига борди, ул зотни бор гапдан воқиф қилди. Хотинидан шикоят қилиб келган киши сарғиш, қотма, сочлари мулойим ва силлиқ эрди. Хотинининг ўйнаши эрса, қорачадан келган, семиз киши эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё парвардигоро, ўзинг фош қилғайсен!» — дедилар. Кейин, ўшал хотин эри белгиларини айтган кишига ўхшаш бола туғди. Жаноб Расулulloҳ уларни ажратиб юбордилар».

30-боб. Поқдомон аёлларга тўхмат қилғувчилар ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Поқдомон аёлларга тўхмат қилиб қўйиб, сўнг тўртта гувоҳ

тополмаганларга саксон дарра урингизлар ва зинҳор танҳо ўзларининг гувоҳлигини қабул қилмангизлар! Улар фосиқ бўлиб, шундан кейин тавба қилиб тузалганлари бундан мустаснодурлар. Оллоҳ таоло мағфират қилғувчи раҳмдил зотдур!» «Беғуноҳ, покдомон мўмина аёлларга тўхмат қилғувчилар икки дунёда лаънати бўлғайлар, қиёматда қаттиқ азобга дучор қилинғайлар!» «Ўз хотинларига тўхмат қилиб, қўйиб сўнг (гувоҳ) тополмайдирганлар...».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Ҳалокатовар етти нарсадан қочингизлар!» — дедилар. «Ё Расулаллоҳ, улар нимадур?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолога ширк келтирмоқ, сеҳр-жоду қилмоқ, ноҳақ бировни ўлдирмоқ, судхўрлик етимнинг ҳақини емоқ, жанг майдонидан қочмоқ ва беғуноҳ, покдомон мўмина аёлларга тўхмат қилмоқдур!» — дедилар».

31-боб. Қулга тўхмат қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ўз қулига ул пок бўлгани ҳолда тўхмат қилғайдур, қиёмат куни дарраланғайдур, башарти гапи рост эрса, унда қули айбига яраша жазосини тортғайдур!» — дедилар».

32-боб. Имом ўзининг ўрнига дарра урмоқни бировга буюра оладирми?

Бу ерда 9-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ТОВОНЛАР КИТОБИ

Оллоҳ таоло: «Кимки қасддан мўминни ўлдирғайдур, жойи жаҳаннамдур!» — деган.

Амр ибн Шаруабийл ривоят қиладилар: «Бир киши: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолонинг даргоҳида энг катта гуноҳ қайсидур?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўзингни яратган Оллоҳ таолога ширк келтирмоғингдур!» — дедилар. Ул: «Яна қайсидур? — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ризқимга шерик бўлмасин деб ўз болангни ўлдирмоғингдур!» — дедилар. Ул: «Кейинчи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: Қўшнингнинг жуфти ҳалоли бирлан дом олишмоғингдур! Бунинг тасдиқи учун Оллоҳ таоло «Оллоҳга ширк келтирмайдирганлар, ҳақ бўлган ҳоллардан ташқари вақтда Оллоҳ ўлдирмоқни манъ қилган инсонни ўлдирмайдирганлар ва зино қилмайдирганлар... ва кимки буни қилса, азобга қолур» деган каримасини нозил қилган», — дедилар».

Иби Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ноҳақ қон тўкмаган мўмин ўз динида доимо роҳатланиб юргайдур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар: «Қутилиб бўлмайдирган мушкул ҳолатлардан бири — кишининг ноҳақ қон тўкиб қўйган ҳолатидур!» — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни инсонлардан даставвал тўқилган қон ҳақида сўралиб, ҳукм чиқарилгайдур», — дедилар».

Убайдуллоҳ ибн Адий ривоят қиладилар: «Бану Заҳра тифоқчиси бўлмиш ҳамда Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга Бадр ғазотида қатнашган Миқдод ибн Амр ал-Киндий: «Ё Расулаллоҳ, агар бир кофирга дуч келиб қолсаму, ўзаро жанг бошласак ва ул қиличи бирлан қўлимни чопиб ташлагач, бир дарахтнинг ортига қочиб ўтиб: «Оллоҳ таолога таслим бўлдим!» — деса, шул ганидан кейин уни ўлдирғайменми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, уни ўлдирмагил!» — дедилар. Ул: «Ё Расулаллоҳ, ахир ул менинг бир қўлимни чопиб ташлагандан сўнг шундай дедику, уни ўлдирмағайменми!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, ўлдирмағил, агар уни ўлдирсанг, унда ул сенинг уни ўлдирмасингдан олдинги ҳолатингда, сен эрсанг унинг ўшал гапини айтмасидан илгариги ҳолатида бўлиб қолгайсен!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Миқдодга: «Кофир қавмлар орасида яшайдирган бир мўмин ўз иймонини улардан беркитиб юрган эрса-ю, кейин ошкор қилганда уни ўлдирсанг?! Ўзинг ҳам илгари Маккада шул тариқа иймонингни яшириб юрур эрдинг-ку!» — дедилар».

1-боб.

Оллоҳ таоло: «Унга ким жон ато қилган?» — дейди. Ибн Аббос: «Барча инсонларга жон ато қилгани каби уни ноҳақ ўлдирмоқни ҳам манъ қилган зотдур!» — дейдилар.

Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ноҳақ одам ўлдирғайдур, Одам алайҳиссаломнинг (инсоният тарихида биринчи бўлиб одам ўлдирган) тўнғич ўғиллари (Қобилнинг) гуноҳини бўйнига олган бўлур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мендан кейин бир-бирингизнинг бўғзингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангизлар — деб айтдилар».

Абу Зуръа ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда одамларни огоҳлантириб: «Мендан кейин бир-бирингизнинг бўғзингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангизлар!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ таолога ширк келтирмақ ва ота-онага оқлик қилмоқ (ёким «Ёлғондан қасам ичмоқ» деб айтган бўлишлари ҳам мумкин, дейдилар Шуъба) гуноҳи азимлардандур!» — дедилар».

Маоз бундай дейдилар: «Бизга Шуъба айтдики, Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолога ширк келтирмақ, ёлғондан қасам ичмоқ, ота-онага оққлик қилмоқ (ёким одам ўлдирмоқ, деган бўлишлари ҳам мумкин) гуноҳи азимлардандур!» — деган эрканлар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолога ширк келтирмақ, одам ўлдирмоқ, ота-онага оққлик қилмоқ, ёлғон гувоҳлик бермоқ (туҳмат гап айтмоқ) энг катта гуноҳи азимлардандур!» — дедилар.

Усома ибн Зайд ибн Ҳориса ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни Жухайна қабиласининг ал-Ҳурака уруғига қарши урушга жўнатдилар. Биз тонг чоғида ҳужум қилиб, уларни енгдик. Мен ва бир ансорий улардан қочиб улгурган бир кишини қувиб етганимизда «Ло илоҳа иллаллоҳу» деб калима келтирди. Шунда ансорий унга тегмади, мен эрсам найза санчиб уни ўлдириб қўйдим. Ортимизга қайтгач, бул ҳақда Жаноб Расулуллоҳга айтиб эрдик ул зот: «Ло илоҳа иллаллоҳу деганига қарамай ўлдирдингми!» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, ул жон сақламоқ ниятида калима келтирди!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ло илоҳа иллаллоҳу» деганига қарамай ўлдирдингми!» — деб такрор такрор айтавердиларки, ҳатто мен ўшал кундан олдин мусулмон бўлганимга пушаймонлар едим».

Убода ибн ас-Сомит разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қўл бериб Оллоҳ таолога заррача ширк келтирмасликка, зино қилмасликка, ўғрилиқ қилмасликка, Оллоҳ таоло ўлдирмоқни манъ қилган инсонни ўлдирмасликка, бировларнинг молини талон-тарож қилмасликка, жаннатга хилоф ишларни қилмасликка байъат қилган қабила оқсоқолларидан бири эрдим. Булардан бирортасига амал қилмасак Оллоҳ таолонинг ўзи бизни жазоласин!»

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бизга қарши қўлига қурол олган шахс биздан эмасдур!» — дедилар».

Аҳнаф ибн Қайс ривоят қиладилар: «Бир кишининг ёнини олиб ёрдам бергани кетаётган эрдим, йўлда Абу Бакр йўликиб: «Қаерга кетаётирсан?» — дедилар. Мен: «Бир кишининг ёнини олиб ёрдам бергани кетаётирман», — дедим. Абу Бакр бундай дедилар: «Қайтғил, чунким Жаноб Расулуллоҳ икки мусулмон бир-бирига қарши қилич кўтарса, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам дўзахи бўлмоғини менга айтган эрдилар. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, ўлдирган-ку... тушунарли, аммо ўлган нега дўзахи бўлай?» — деб эрдим, ул зот: «Ўлган ҳам рақибини ўлдирмоққа қасд қилгандур!» — дедилар».

2-боб.

Оллоҳ таалонинг қавли ("Ал-Бақара» сураси): Оятнинг мазмуни: «Эй мўминлар, ўлдирилган озода одам бадалиға озода одамни, қул бадалиға улни, хотин бадалиға хотинни ўлдирмоқ сизларга фарз қилинди. Бас, кимки ўлдирилган одамнинг ворислари тарафидан афв қилинса, ул бунинг учун қоидага мувофиқ яхшиликлар қилсин ва бул сизларга парвардигорингиз тарафидан ато этилган енгиллик ва марҳаматдурким, кимки бундан буён ҳам қотиллик қилмоқда давом этса, ул аламли азоб-уқубатга дучор қилингайдур!».

3-боб. Қотилни айбига иқрор бўлгунига қадар сўроқ қилмоқ ва унга ҳадд жазосининг ҳақлиғ эканлигини тан олдиarmoқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир яҳудий бир чўрининг бошини тош билан уриб ёриб қўйди. Шунда ундан: «Ким сени бундай қилди, фалончими ёким пистончими?» — деб сўрашавергач, ул ниҳоят ўшал яҳудийнинг номини айтди. Уни олиб келишгач, Жаноб Расулуллоҳ иқрор бўлгунига қадар сўроқ қилавердилар. Иқрор бўлгач, унинг бошини ҳам тош билан уриб ёришди».

4-боб. Тош ёким асо бирлан уриб ўлдирса ...

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Бир чўри кумуш тақинчоқ тақиб Мадина бўйлаб кетаётган эрди, бир яҳудий тош отиб бошини ёриб қўйди. Уни рамақижон ҳолатда Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб келишди. «Сени фалончи ўлдирдимми?» — дедилар Жаноб Расулуллоҳ. Шунда чўри бошини кўтарди, иккинчи бор сўраб эрдилар, бошини янада баландроқ кўтарди, учинчи марта сўраганларида эрса, бошини қуйи туширди. Жаноб Расулуллоҳ ўшал яҳудийни чақиртириб келтирдиларда, айбини бўйнига олгач, бошини икки тош орасига олиб ўлдиртирдилар».

5-боб.

Оллоҳ таалонинг қавли (Ал-Моида» сураси): Оятнинг мазмуни: «... жон учун жон (олинғай), кўз учун кўз (ўйилғай), бурун учун бурун ва қулоқ учун қулоқ (қирқилғай), тиш учун тиш (синдирилғай) ва жароҳатларга яраша жароҳатлар (етказилғай). Кимки афв этибдур, бул унинг учун каффоратдур ва Оллоҳ таоло нозил қилган ҳукмга мувофиқ ҳукм қилмаганлар золимлардур!».

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳдан бўлак тангри йўқлигига ҳамда менинг Оллоҳнинг элчиси эканлигимга гувоҳлик берган муслмоннинг қонини уч ҳолдагина — одам ўлдирган, зино қилган ва диндан қайтиб ўз жамоасини тарк этган чоғдагина тўкмоқ мумкиндур», — дедилар».

6-боб. Тош бирлан қотиллик қилган шахсдан тош бирлан қасос олган шахс ҳақида

Бу ерда 4-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

7-боб. Бирор кимсаси ўлдирилган одамга икки қасос йўлидан бирини танламоқ ихтиёри берилғай!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Макка фатҳ қилинган йили Ҳузоза қабиласи Баний Лайс

қабиласидан бир кишини ўлдирди, яъни жоҳилия даврида қабиладошларидан бир кишини ўлдиришгани учун қасос олди. Бу хабар Жаноб Расулulloҳга етказилди. Шунда ул зот туяларига миниб туриб ваъз айтдилар: «Оллоҳ таоло фил минган аскарларни Маккага қўймади, ўз расули бирлан мўминларнинг қўлини баланд айлаб, уларни мағлуб этди. Огоҳ бўлингиз, Маккада уруш қилмоқ ва одам ўлдирмоқ мендан аввал ҳам ҳалол бўлмаган ва мендан кейин ҳам ҳеч кимга ҳалол бўлмағай. Менга кундузи бир соатгина уруш қилмоққа изн берилди. Шул соатдан эътиборан бу ерда уруш қилмоқ, одам ўлдирмоқ, бу ернинг ўт-ўланларини юлмоқ, дарахтларини кесмоқ, йўқотилган (тушиб қолган) нарсани эгасини қидириб топишрмоқдан ўзга ниятда олмоқ ҳаромдур. Бирор кимсаси ўлдирилган киши икки қасос йўлидан бирини танлағайдур, ё хун ҳақини ёким қасосини олғайдур!». Шунда Абу Шоҳ исмли яманлик бир киши туриб: «Ё Расулаллоҳ, ушбу гапларингизни менга ёзиб берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Шоҳга ёзиб берингизлар!» — деб амр қилдилар. Кейин, Қурайш қабиласидан бир киши туриб «Ё Расулulloҳ, «Ўт-ўланлари юлинмағай, дарахтлари кесилмағай», — дедингиз, бироқ изхирни ўриб уйларимизга олиб борғаймиз ҳамда қабрларимизга қўйғаймиз!» — деди. Ул зот: «Изхирдан бошқасини юлмангизлар!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Баний Исроилда ўлдирилган одам учун қасос олинар эрдию, аммо хун ҳақи олинмас эрди. Кейин, Оллоҳ таоло бу умматга (мусулмонларга) қуйидаги ояти каримасини нозил қилди: «Эй мўминлар, ўлдирилган озод одам бадалига озод одамни, қул бадалига қулни, хотин бадалига хотинни ўлдирмоқ сизларга фарз қилинди. Бас, кимки ўлдирилган одамнинг ворислари тарафидан афв қилинса, ул бунинг учун қоидага мувофиқ яхшиликлар қилсин ва бул сизларга парвардигорингиз тарафидан ато этилган енгиллик ва марҳаматдурким, кимки бундан буён ҳам қотиллик қилмоқда давом этса, ул аламли азоб-қубатга дучор қилинғайдур!».

8-боб. Бировнинг қонини ноҳақ тўкмоқ талабида бўлганлар ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло ҳаромни (таъқиқланган нарсаларни) тан олмайдирган, мусулмон бўлатуриб жоҳилият одатларини қўмсайдирган ҳамда бировнинг қонини ноҳақ тўкмоқ талабида бўлган уч тоифа бандасини ҳаддан зиёд ёмон кўрғайдур», — дедилар».

9-боб. Янглишиб ўлдириб қўйганни афв қилмоқ хусусида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Уҳуд жангида мушриклар мағлуб бўлдилар. Шунда иблис мусулмошларни чалғитмоқ ниятида: «Эй Оллоҳнинг бандалари, ортингиздагилардан эҳтиёт бўлингизлар!» — деб хитоб қилди. Натижада олдинги қаторда жанг қилаётган мусулмонлар чалғиб қолиб ортларига ўгирилдиларда, ўз мусулмон биродарлари бўлмиш Ямонни ўлдириб қўйдилар. Ҳузайфанинг ҳам «Отам, отам!» деганига қарамай, отасини ўлдирдилар. Бўлар иш бўлгач, Ҳузайфа уларга: «Сизларни Оллоҳ таоло мағфират қилсин!» — деди. Сўнг, афсусланиб "Мушрикларнинг бир қисми мағлуб бўлиб Тоифга кетиб бўлган эрдия!»деб қўйди».

10-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-нисо» сураси): Оятнинг мазмуни: "Ва ҳеч бир мўминнинг ўзи каби мўминни ўлдирмоғи дуруст эрмаски, башарти билмай ўлдириб қўйган бўлмаса ва кимки бир мўминни билмай ўлдирган эрса-ю, ўлдирилган шахснинг ворислари унинг бул гуноҳини афв қилган эрсалар, ул ҳолда қотил бир мўмин қул ё чўри озод қилсин ҳамда ўлдирилган

шахсинг ворисларига хун ҳақи берсин ва агар ўлдирилган одам сизларга душман жамоадан бўлиб, ўзи мўмин эрса, ул ҳолда унинг ворисларига хун ҳақи берилур шу бир мўмин ғулом ҳам озод қилинур ва кимники ғуломи бўлмаса, тавбаси Оллоҳ таоло тарафидан қабул бўлмоғи учун ул икки ой муттасил рўза тутғайдур. Оллоҳ таоло билгувчи ва ҳикматли зотдур!».

11-боб. Одам ўлдирганига бир марта иқрор бўлса бас, шу бирлан ўлдириб юборилаверғайдур!

Бу ерда 4-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

12-боб. Эркакни аёлни ўлдиргани учун ўлдирмоқ ҳақида

Бу ерда ҳам 4-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

13-боб. Эркагу аёлларнинг ўзаро етказилган жароҳатлар учун қасос олмоқлари ҳақида

Уламолар: «Эркакни ўлдирган аёл ўлдирилғайдур!» — дейдилар. Ҳазрат Умардан нақл қилинишига кўра, эркакнинг жонига қасд қилган аёл, қандай жароҳат етказганига қарамай, ўлдирилмоғи даркор эркан.

Абуззаноуд айтадиларким, Рабийънинг синглиси бир одамга жароҳат етказганда Жаноб Расулulloҳ: «Қасос!» — деган эрканлар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб ётганларида, оғизларининг бир чеккасидан қўярда-қўймай дори томиздик. Шунда ул зот: «Мени мажбур қилиб оғзимга дори томизмангизлар!» — дедилар. Биз: «Одатда касалнинг дорига тоқати йўқлигидан шундай деяптиларда!» — деб қўйдик. Кейин, ўзларига келгач: «Шул уйдагилар орасида Аббосдан бўлак оғзига дори томизилмаган бирорта ҳам одам қолмағайдур, чунким ул сизларнинг бул қилмишингизда иштирок этгани йўқдур!» — дедилар (яъни, бу дунё қасосли дунёдир).»

14-боб. Ҳукмдорнинг изнисиз ўз ҳаққини ёким ўчини олган кимса ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биз бу дунёда охиргилармиз, аммо охиратда биринчилармиз!» — дедилар. Шунга биноан: «Биров рухсатингсиз уйингга мўраласа-ю, тош отиб кўзини чиқарсанг, гуноҳкор бўлмағайсан!» — дейдилар».

Яҳё (ибн Саъид ал-Қаттол) ривоят қиладилар: «Ҳамид (ат-тавил): "Бир киши Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига мўралаб эрди, ул зот қўлларидаги тиғ бирлан унинг кўзини мўлжалладилар», — деди. Мен: «Сенга буни ким айтди?» — деб эрдим, ул: «Анас ибн Молик айтди», - деди».

15-боб. Тўс-тўполонда ўлган ёким ўлдирилган бўлса...

Бу ерда 9-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

6-боб. Билмай ўзини ўлдириб қўйган одам учун товон берилмайди

Салама разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга Хайбарга чиқдик. Шунда бир киши : «Эй Омир, бизга қўшиқларингдан айтиб берсангчи!» — деди. Омир туябонлар қўшиғидан бирини айта бошлади. Жаноб Расулуллоҳ: «Бу туябон кимдур?» — дедилар. «Омир», — деб айтишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Уни Оллоҳ таоло раҳмат қилсин!» — дедилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ, (ул ўлмай туриб нега бундай дегайсиз), бизга тушунтириб бермайсизми?» — дейишди. Ўша кеча тонгида Омир (бир яҳудийга қилич уратуриб) билмай ўзини чопиб қўйди. Шунда қавм: «Ўзини ўлдириб қўйиб, бутун амали солиҳларини ҳабата қилди!» — деди. Мен бу гапни эшитиб Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига бордимда: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, одамлар Омирнинг бутун қилган амали солиҳлари ҳабата бўлиб кетди, деб айтишмоқда?!» — дедим. Ул зот: «Бекор айтғайлар, Омирга икки савоб текғайдур, бири — сидқидилдан тоат-ибодат қилгани эвазига, иккинчиси — Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгани бадалига, унинг учун бундан ортиқроқ ўлим бормидур!» — дедилар».

17-боб. Бир кишини тишлаб олса-ю, шунда икки тиши тушиб кетса...

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Бир киши бир одамнинг қўлини тишлаб эрди, ул қўлини унинг оғзидан тортиб олганда икки тиши тушиб кетди. Кейин, иккаласи даъволашиб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига боришди. Ул зот: «Қайси бирингиз ўз биродарингизни айғир каби тишлаб олсангиз, бунинг учун товон йўқдур!» — дедилар».

Сафвин ибн Яъло аталаридан нақл қиладилар: «Ғазотга чиқиб эрдим, бир киши бир одамнинг қўлини тишлаб олиб, икки тиши тушиб кетди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг даъвосини бекор қилдилар».

18-боб. Туширилган тиш бадалига тиш туширилғай!

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: Назарнинг қизи чўрини бир шапалоқ уриб тишини синдириб қўйиб эрди, уни Жаноб Расулуллоҳнинг қошларига олиб боришди. Шунда ул зот қасос олмоқни буюрдилар».

19-боб. Бармоқлар учун бериладиган товон

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсаткич бармоқлари бирлан жимжилоқларини кўрсатиб: «Бул ва бул иккиси тенгдур!» — дедилар.

20-боб. Бир кишига мусибат етган эрса, бутун қавмдан қасос олинадирми?

Мутарриф Шаъбийдан нақл қиладилар: «Икки киши бир одамнинг ўғрилиқ қилганига гувоҳлик бериб эрди, Ҳазрат Али унинг қўлини кесдилар. Кейин, ўшал икки киши яна бир одамни тутиб келиб: «Биз хато қилган эрканмиз!» — деди. Шунда Ҳазрат Али уларнинг гувоҳлигини бекор қилиб, қўли қирқилган одамнинг товонини олиб бердиларда: «Агар ёлғон гувоҳлик берганингизни илгарироқ билганимда эрди, ўзингизнинг қўлларингизни кесган бўлур эрдим!» — дедилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Бир бола эҳтиётсизлик оқибатида ўлдириб қўйилди. Шунда Ибн Умар: «Бу боланинг ўлимига Санъо шахрининг бутун аҳолиси сабабчи бўлганида ҳам ҳаммасини ўлдирган бўлур эрдим!» — дедилар».

Муғйра ибн Ҳаким оталаридан нақл қиладилар: «Тўрт киши бир болани ўлдириб қўйди. Ибн Умар ўшанда ҳам худди шундай деган эрдилар. Абу Бакр, Ибн аз-Зубайр, Али ва Сувайд ибн Муқрин бир шапалоқ учун, Ҳазрат Умар ноҳақ дарра урилгани учун, Ҳазрат Али уч қамчи урилгани учун, Шурайх эрсалар, қамчилагани ва тирнаб қонатгани учун қасос олмоқни амр қилган эрдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Биз, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб ётганларида, оғизларининг бир чеккасидан қўярда-қўймай дори томиздик. Шунда ул зот: «Мени мажбур қилиб оғзимга дори томизмангизлар!» — дедилар. Биз «Одатда касалнинг дорига тоқати бўлмаганидан шундай деяптиларда!» — деб қўйдик. Кейин ўзларига келгач «Шул ўйдагилар орасида Аббосдан бўлак оғзига дори томизилмаган бирорта ҳам одам қолмагайдур, чунким ул сизларнинг бул қилмишингизда иштирок этгани, йўқдур!» — дедилар». (яъни, дорини бир киши томизган эрсада, қолганлар қаршилик қилмагани учун бунга бош қўшгандек бўлиб қолганлар ва натижада пайғамбаримиз уларнинг барчасидан хафа бўлиб, шундай дедилар).

21-боб. Қасам ҳақида

Ашъас ибн Қайс ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бировни айбдор қилмоқлик учун икки гувоҳ ёким қасам даркор бўлур!» — деб айтдилар. Умар ибн Абдулазиз ёғфурушларга мансуб ўйлардан бирининг олдидан топилган мурда ҳақида ўзи Басрага амир қилиб юборган Адий ибн Артотга ёза туриб: «Агар мурданинг эгалари гувоҳу далил топсалар (қотилни жазолағил), акс ҳолда одамларга зулм қилмағил, чунким гувоҳу далили топилмай қолган жиноят юзасидан қиёматда ҳукм чиқарилгайдур!» — деб амр қилди».

Бушайр ибн Ясор таъкидлайдиларки, Саҳл ибн Абу Ҳасма деган бир ансорийнинг айтганига қараганда, унинг қавмига мансуб бўлган бир неча киши Хайбарга бирга бориб, ҳар тарафга тарқалиб кетишибди. Кейин, одамлар (яхудийлар) уларнинг ҳамроҳларидан бирининг ўлигини топиб олишибди. Шунда улар ўликни топиб олганларга: «Буни сизлар ўлдиргандурсизлар!» — дейишибди. Ўликни топиб олганлар: «Уни биз ўлдирган эрмасмиз, қотилнинг ким эрканлигини ҳам билмағаймиз!» — деб айтишибди. Шул тариқа улар жанжаллашиб Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига боришибдида: «Ё Расулаллоҳ, биз Хайбарга бирга келган эрдик кейин билсак ҳамроҳларимиздан бирини ўлдиришибди», — дейишибди. Шунда Жаноб Расулаллоҳ: «Хиссиётга берилмай оқилона гапни гапирингизлар, унинг қотили хусусида гувоҳу далил келтира олғайсизларми?» — дебдилар. Улар: «Сизнинг гувоҳу далилимиз йўқдур», — дейишибди. Жаноб Расулаллоҳ: «Бўлмасам, улар (яхудийлар) қасам ичсинлар!» — дебдилар. Улар: «Биз яхудийларнинг қасамига кўниб қайтиб кета олмағаймиз!» — дейишибди. Жаноб Расулаллоҳ ўлдирилган ансорийнинг хун ҳақини бекор қилгилари келмай закотга келтирилган туялардан юзтасини уларга бериб юборибдилар».

Абу Килоба ривоят қиладилар: «Бир куни Умар ибн Абдулазиз девонга чиқиб тахтига ўлтиргач, одамларга изн бериб эрди, улар ичкарига киришди. Шунда ул одамларга: «Қасам ҳақида не дегайсизлар?» — деди. Улардан бири «Бировни гуноҳкор деб қасам ичсалар, ундан қасос олмоқлик ҳақлиғдур, чунким халифалар қасамга биноан қасос олганлар!» — деди. Умар ибн Абдулазиз менга: «Эй Абу Килоба, бул хусусда сенинг фикринг недур?» — деб мени ҳам мунозарага жалб қилди. Мен: «Ё Амир ал-муъминийн ҳузурингизда лашкарбошилар ва араб зодагонлари ҳозир турурлар, айтингизчи, ана шулардан элликтаси Дамашқдаги бир ожиза кишини, ўзлари кўрмай туриб, зино қилди деб гувоҳлик берсалар, уни ражм (тошбўрон)

қилдирган бўлурми эрдингиз?» — дедим. Умар ибн Абдулазиз: «Йўқ», — дедилар. Мен: «Айтингизчи, улардан элликтаси Хумсдаги бир кишини, ўзлари кўрмай туриб, ўғрилик қилди деб гувоҳлик берсалар, унинг қўлини кестирган бўлурми эрдингиз?» — дедим. Умар ибн Абдулазиз «Йўқ», — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бировни ноҳақ ўлдирган ёким уйлангандан кейин зино қилган ёхуд исломдан юз ўгириб Оллоҳ таоло ва унинг расулига қарши урушган уч тоифа кишиларнигина ўлимга маҳкум қилганлар, холос!» — дедим. Шунда одамлар: «Анас ибн Молик Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўғирлик қилганларнинг қўлларини кестириб, кўзларини ўйдириб, сўнг офтобга ташлатиб қўйганлари ҳақида айтиб берган эрмасми?! — дейишди. Мен: «Анас ибн Молик менга айтиб берган ўшал ҳадисни сизларга ривоят қилайин, ул бундай деган эрди», — дедим: «Укл қабиласига мансуб бўлмиш саккиз киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келишиб, мусулмон бўлдик деб ул зотга байъат қилишди. Сўнг, Мадина ҳавоси илғаб бетоб бўлиб қолишгач, Жаноб Расулulloҳга бул ҳақда нолишди. Шунда ул зот: «Бизнинг туябонимиз бирлан бирга чўлга чиқиб, туя сути ва сийдигидан ичиб бир даволанмағаймисизлар?» — дедилар. Улар рози бўлиб чўлга чиқишдида, туя сути ва сийдигидан тановул қилишиб сиҳат топишди. Кейин, Жаноб Расулulloҳнинг туябонларини ўлдиришиб, туяларни ҳайдаб кетишди. Жаноб Расулulloҳ бундан хабар топиб, уларнинг ортидан одам юбордилар. Уларни ушлаб келишгач, қўлу оёқларини кестириб, кўзларига мил торттириб, сўнг офтобга ташлатиб қўйиб эрдилар, ўлиб кетишди». Айтингизларчи, уларнинг исломдан қайтиб одам ўлдириб, ўғрилик қилганларидан ҳам оғирроқ гуноҳ бормидур?!» — дедим. Шунда Анбаса ибн Саъид «Оллоҳ таоло ҳақи, бугунгидек гапни сира эшитмаган эрдим!» — деди. Мен унга: «Менинг гапимга зътироз билдиурмисен?» — дедим. Ул: «Йўқ, аксинча, рисоладаги гапни қилдингиз! Оллоҳ таоло ҳақи, бул лашкар, модомики унинг орасида бул шайх (мени, яъни Абу қилобаии назарда тутяпти) мавжуд эркан, хайриятга эришаворғайдур!» — деди. Мен бундай дедим: «Қасам хусусида Жаноб Расулulloҳдан қолган бир суннат мавжуддур: Бир куни бир гуруҳ ансорлар Жаноб Расулulloҳнинг кириб, суҳбатлашиб ўлтириб эрди, улардан бири ташқарига чиқиб кетди. Шунда уни кимдир ўлдирди. Бироздан кейин, қолган ансорлар ҳам унинг ортидан чиқиб, дўстларининг қонга беланиб ётганини кўришди. Улар Жаноб Расулulloҳнинг қошларига қайтиб бориб: «Ё Расулаллоҳ, дўстимиз биз бирлан суҳбатлашиб ўлтириб, кейин кўз ўнгийизда ташқарига чиқиб кетган эрди. Ҳозир чиқиб қарасак қонга беланиб ётибдур!» — деб айтишди. Жаноб Расулulloҳ: «Кимни унинг қотили деб гумон қилурсизлар?» — дедилар. Улар: «Биз уни яҳудийлар ўлдирган деб ҳисоблағаймиз!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ одам юбориб яҳудийларни чақириб келтирдиларда, уларга: «Манабул одамни сизлар ўлдирдингизларми?» — дедилар. Яҳудийлар: «Йўқ», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ ансорларга: Яҳудийлардан элликтаси дўстингизни ўлдирмаганмиз деб қасам ичса, рози бўлурмисизлар?» — дедилар. Ансорлар: «Бул яҳудийлар барчамизни ўлдириб, кейин тониб бемалол қасам ичаверғайлар!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ундай эрса, ўзингиздан элликтангиз хун ҳақи тўлаймиз деб қасам ича олғаймисизлар?» — дедилар. Улар: «Биз қасам ича олмағаймиз!» — дейишди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ ўлдирилган ансорийнинг хун ҳақини ўзлари тўлаб юбордилар. Яна бир мисол: Жоҳилият даврида Ҳузайл қабиласи бир болани оқ қилиб эрди, ул бориб Ватҳодаги бир яманлик оиланинг уйига ўғриликка тушди. Шунда оила аъзоларидан бири сезиб қолиб уни қилич бирлан чопиб ўлдирди. Кейин, Ҳузайл қабиласи одамлари келиб яманликни ҳаж қилиб турган Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига олиб боришдида: «Бул одам бизнинг кабиладошимизни ўлдирди!», — дейишди. Яманлик «Булар уни аллақачон оқ қилиб юборганлар!» — деди. Ҳазрат Умар «Ундай эрса, Ҳузайл қабиласидан эллик киши унинг оқ қилинмаганлигига қасам ичсин!» — деб айтдилар. Улардан қирқ тўққиз киши шундай деб қасам ичди. Шул аснода Ҳузайл одамларидан бири Шомдан келиб олган эрди, ундан қасам ичмоқни илтимос қилишди, аммо ул минг дирҳам бериб ёлғон қасам ичмоқдан бош тортди. Кейин, улар унинг ўрнига Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига бошқа бир

одамии киритишди, ул пулни ўлдирилганнинг укасига бериб ўзаро тил бириктирди. Айтишларига қараганда, ўшал ёлғон қасам ичган эллик киши йўлда кетаётиб бир хурмозорга яқин борганда қаттиқ жала қуйиб берган ва улар ўшал ердаги бир ғорга қочиб кирганда ғор босиб қолиб, ўзаро тил бириктирган икки кишидан бўлак барчаси ҳалок бўлган. Кейин, бир катта тош думалаб тушиб, улардан бири ўлган, ўлдирилган яманликнинг укасини эрса оёғи синиб, бир йилдан сўнг ул ҳам вафот қилган.

Яна бир муслим Абдулмалик ибн Марвон қасамга биноан бир кишидан қасос олиб, талай вақт бул ишидан пушаймон еб юрди. Кейин, ўшал қасам ичган эллик кишининг исми девондан ўчирилиб, ўзлари Шомга бадарға қилинди»

22-боб. Бировнинг уйига ўғринча мўралаган одамнинг кўзини ўйиб қўйишса, товон тўланмайди!

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Бир киши Жаноб Расулulloҳнинг ҳужраларига ўғринча мўралаб эрди, ул зот қўлларидаги тиг бирлан унинг кўзини нишонга олдилар».

Ибн Шиҳобга Саҳл ибн Саъд ас-Соидий бундай деб хабар берган эрканлар: «Бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужралари эшигидан ўғринча мўралади. Шунда ул зот: «Мени ўғринча кузатиб турганингни сезиб қолганимда эрди, мана шул тароқни кўзингга тиқиб олган бўлур эрдим! Бировнинг хонадони ичкарасига кўз ташламоқдан олдин рухсат сўрамоқ даркор!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Абулқосим саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Башарти, биров уйингга ўғринча мўралағайдур, тош отиб кўзини чиқарғайдурсан, бунинг учун гуноҳкор бўлмағайдурсан!» — дедилар».

23-боб. Қотилнинг хун ҳақи тўлайдирган қариндошлари ҳақида

Шаъбий: «Абу Жухайфа менга бундай деганди», — дейдилар: «Мен Ҳазрат Алидан «Сизда Қуръонда айтилмаган нарсалар хусусида битилган бирор рисола мавжудмидур?» — деб сўрадим. Ҳазрат Али: Дон-дунларни кўкартириб, инсонларни яратган зот ҳақи, бизда Қуръонда айтилган нарсалар хусусида битилган, яъни Оллоҳ, таолонинг Китобини тушунмоғимизга ёрдам бергувчи рисола бирлан мана бу варақлардаги матндан ўзгаси йўқдур!» — деб айтдилар. Мен: «Бул варақларда нелар ҳақида битилмишдур?» — дедим. Ҳазрат Али: «Хун ҳақи, асир озод қилмоқ ҳамда ўлдирилган кофир учун мусулмонни ўлдирмоқ мумкин эмаслиги хусусида», — деб жавоб қилдилар».

24-боб. Аёлнинг ҳомиласи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Ҳузайл қабиласидан бўлмиш икки аёл бир-бирига тош отиб, бири иккинчисикинг ҳомиласини тушириб қўйди. Шунда Жаноб Расулulloҳ тушиб қолган ҳомила товони учун битта қул ёким чўри ҳукм қилдилар».

Мусо ибн Исмоил Ҳишомдан нақл қиладилар: «Умар разияллоҳу анҳу аёлнинг тушириб қўйилган ҳомиласи хусусида маслаҳат сўрадилар. Шунда Муғийра ибн Шуъба «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам товон учун битта қул ёким чўри ҳукм қилган эрдилар», — деди. Ҳазрат Умар «Бунга ўзингдан бўлак яна бир гувоҳ келтир!» — деб айтиб эрдилар, ул Муҳаммад ибн Масламани гувоҳ қилди. Муҳаммад ибн Маслама Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

шундай ҳукм чиқарганликларига гувоҳлик берди.

Убайдуллоҳ ибн Мусо Ҳишомдан нақл қиладилар: «Ҳазрат Умар: «Кимдаким Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тушириб қўйилган ҳомила хусусидаги ҳукмларини эшитган эрса, менга айтсин!» — деб одамларга мурижват қилдилар. Шунда Муғийра: «Товон учун битта қул ёким чўри ҳукм қилганлар», — деди. Ҳазрат Умар: «Бунга ўзингдан бўлак яна бир гувоҳ келтир!» — дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Маслама «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай ҳукм чиқарганликларига мен гувоҳман!» — деди».

Ҳишом ибн Урва оталари ҳақида ривоят қиладиларки, ул киши Муғийра ибн Шуъбанинг: «Ҳазрат Умар аёлнинг (бирова томонидан) тушириб қўйилган ҳомилиси ҳукми ҳақида одамлардан маслаҳат сўрадилар», — деб айтганини эшитган эрканлар.

25-боб. Аёлнинг тушиб қолган ҳомилиси ҳамда аёл тўлолмайд қолган товонни унинг боласи эрмас, балки қариндошлари тўламоғи лозимлиги ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Баний Лиҳйон қабиласидан бўлмиш бир аёлнинг тушириб қўйилган ҳомилиси товони учун бир қул ёким чўри ҳукм қилдилар. Дугонасининг ҳомилисини тушириб қўйган аёл вафот қилгач, унинг меросини боласи бирлан эрига таъйин қилиб, ул тўлолмайд қолган товонни қариндошлари зиммасига юкладилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Ҳузайл қабиласига мансуб икки аёл уришиб қолди. Шунда улардан бири тош отиб иккинчисини ўлдириб қўйди, натижада унинг ҳомилиси ҳам нобуд бўлди. Кейин, иккала аёлнинг қариндошлари жанжаллашиб Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига боришди. Ул зот ҳомиланинг товони бир қул ёким чўри деб ҳукм қилдилар, унинг онасининг хун ҳақини эрса, қотил аёлнинг қариндошлари зиммасига юкладилар».

26-боб. Қул ёким болани ёрдамга чорлаган киши хусусида

Нақл қилинишича, Умму Сулайм мактабдорга одам юбориб: «Менга жун титишда ёрдам қилмоқлари учун болалардан юборғил, аммо озод болаларни юбормағил!» — деб айтмоқни тайинлабди.

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ Мадинага келганларида Абу Талҳа мени қўлимдан етаклаб ҳузурларига олиб бордиларда: «Ё Расулаллоҳ, Анас фаҳм фаросатли бола, ул сизга дастёрлик қилиб юрсин!» — дедилар. Мен ул зотнинг муқимликларида ҳам, сафарга чиққанларида ҳам хизматларини қилдим. Оллоҳ таоло ҳақи, бир ишни нотўғри қилсам, нега бундай қилдинг деб ёким бир ишни қилмаган бўлсам, нега қилмадинг деб бирор марта ҳам мени коймадилар!

21-боб. Кон ҳамда қудуқ (эгаси, агар уларга бирова тушиб кетиб майиб бўлса ёким ўлиб қолса), товондор бўлмағайдур!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тилсиз ҳайвон (етказган) жароҳат учун (унинг эгаси) товондор бўлмағайдур ҳамда қудуқ ва кон (эгаси ҳам уларга тушиб кетиб майиб бўлган ёким ўлган одам учун) товондор бўлмағайдур, аммо олтин кони (ҳазина)нинг бешдан бири закотга берилғайдур» — дедилар».

28-боб. Тилсиз ҳайвон (етказган жароҳат учун унинг эгаси) товондор бўлмағайдур!

Ибн Сирин: «Суворисиз улов тепиб олса, унинг эгасидан товон олинмаган, аммо юганни бўш қўйгани оқибатида улови бировни тепиб олган суворидан товон олингай», — дейдилар. Ҳамжад: «Агар сувори қамчилаб ёким нуқиб тезлатмаган бўлса-ю, улови бировни тепиб олган эрса, ундан товон олинмағайдур», — дейдилар. Шурайз: «Биров ҳайвонни урса-ю, ул уни тепиб олса бунинг учун унинг эгасидан товон олинмағайдур», — дейдилар. Ҳакам ва Ҳаммо: «Киракаш, аёл минган эшакни ҳайдаганда, аёл йиқилиб тушса, ундан товон олинмағайдур», — дейишади. Шаъбий: «Уловни қаттиқ қайдаб чарчатиб хароб қилган (киракаш) унинг уволига қолғайдур, аммо уловнинг қадамига (қараб ортидан ошиқмай келаётганда нобуд бўлиб қолса, (жонига) зомин бўлмағайдур», — дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Тилсиз ҳайвон (етказган жароҳат учун унинг эгасидан) товон олинмағайдур, шунингдек қудуқ ва конга (тушиб майиб ёким нобуд бўлган одам учун ҳам уларнинг эгаси) товондор қилинмағайдур, аммо олтин кони (ҳазина)нинг бешдан бир қисми закотга берилғайдур», — деб айтдилар».

29-боб. Айбсиз зиммийни ўлдирган кишининг гуноҳкор бўлмоғи ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки аҳддош кишини (зиммийни) ўлдирғайдур, жаннат бўйини ҳидламағайдур, жаннат бўйи қирқ йиллик масофадан ҳам келиб турғайдур!» - дедилар».

30-боб. Кофирни ўлдириб қўйган муслмоннинг ўлдирилмаслиги ҳақида

Абу Жуҳайфа ривоят қиладилар: «Мен Ҳазрат Алидан: «Сизда Қуръонда айтилмаган нарсалар ҳақида битилган бирор рисола бормидур?» — деб сўрадим, Ҳазрат Али: «Уруғларни ундиргувчи ва инсонларга жон ато этгувчи зот ҳақи, бизда Қуръон шарҳи бирлан мана бу саҳифалардаи ўзгаси йўқдур» — дедилар. Мен: «Бул саҳифаларда нелар ҳақида битилгандур?» — дедим. Ҳазрат Али: «Товон тўламоқ, асир озод қилмоқ ҳамда кофирни ўлдириб қўйгани учун муслмон ўлдирилмаслиги хусусида ёзилгандур», — дедилар!

31-боб. Муслмон одам жаҳли чиқиб яҳудийни шапалоқ урса...

Абу Саъид ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам «Мени бошқа пайғамбарлардан афзал кўриб, уларининг умматларини камситмангизлар!» — деб айтганлар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Бир яҳудий Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Муҳаммад, сизнинг саҳобаларингиздан бўлмиш бир ансорий менинг юзимга шапалоқ урди!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўшал ансорийни чақириб келингизлар!» деб амр қилдилар. Уни чақириб келишгач, ул зот «Нега уни урдинг?» — дедилар. Ансорий кетаётган эрдим, шунда унинг: «Мусони барча инсониятдан афзал қилиб яратган зот ҳақи!» — деганини эшитиб: «Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламдан ҳамми?» — дедимда, ғазабим келганидан уни бир шапалоқ урдим», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Мени бошқа пайғамбарлардан устун қўймангизлар! Дарҳақиқат, қиёмат куни одамлар (сур овозидан) беҳуш бўлиб йиқилғайдурлар, мен биринчи бўлиб, ўзимга келғайдурман. Шунда Мусо алайҳиссаломнинг Арш устунларидан бирини ушлаб турганларини кўрғайдурман, аммо мендан илгари ўзларига келганмилар ёким ул кишига сур овозидан беҳуш бўлмаслик ато қилинганми, буни билмағайман», — дедилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

МУРТАДУ МУНОФИҚЛАРНИ ТАВБА ҚИЛДИРМОҚ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШМОҚ ХУСУСИДА ҲАМДА ОЛЛОҲ ТАОЛОГА ШИРК КЕЛТИРГАНЛАРНИНГ ГУНОҲЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЛ ДУНЁ БИРЛАН ОХИРАТДА ТОРТАДИРГАН АЗОБЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ таоло: «Ширк (келтирмақ ўзига ўзи) катта зулм (қилмақдур) ва агар ширк келтирсанг, барча солиҳ амалларинг ҳабата бўлиб, (охират савобидан) ажраганлар тоифасидан бўлурсен!» — дейди.

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Оллоҳ таолонинг «Иймон келтириб, иймонини зулм бирлан булғамаганлар...» деган ояти каримаси нозил бўлганда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари: «Қайси биримиз иймонимизни зулм бирлан булғамаганмиз?!» — дея изтиробга тушишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Бу ерда гап ҳар қандай зулм тўғрисида эрмас, Луқмоннинг «Ширк — катта зулмдур!» деган сўзини эшитмаганмисизлар?» — дедилар».

Абдурраҳмон ибн Абу Бакра оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳга ширк келтирмақ, ота-онага оқлик қилмақ ва ёлғон гувоҳлик бермақ — гуноҳи азимлардандур!» — деб такрор такрор айтавердиларки, ҳатто биз: «Дам олсалар эрди!» — дедик».

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: Бир бадавий Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, энг катта гуноҳ қайсидур?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳга ширк келтирмақдур!» — дедилар. Бадавий: «Яна қайсидур?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ота-онага оқлик қилмақдур!» — дедилар. Бадавий: «Яна қайсидур?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ёлғон қасамдур!» — дедилар. Шунда мен: «Ёлғон қасам недур? — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ёлғон гапириб мусулмон одамнинг молини тортиб олмақдур!» — дедилар».

Иби Масъуд ривоят қиладилар: «Бир киши: «Ё Расулulloҳ, жоҳилият давридаги қилмишларимиз учун ҳам жазоланамизми?» — деди. Ул зот: «Ислом даврида яхшилик қилмақни одат қилғонлар жоҳилият давридаги қилмишлари учун жазоланмағайлар, Ислом даврида ёмонлик қилишда давом этган эрса олдинги ва кейинги гуноҳлари учун ҳам жазоланмағайлар», — дедилар.

1-боб. Муртад эркагу аёлга нисбатан чиқарилган ҳукм ҳақида

Ибн Умар, Зухрий ва Иброҳим: «Муртад (диндан қайтган) эркагу аёл тавба қилдирилади, акс ҳолда ўлдирилади» — дейишади.

Оллоҳ таолонинг қавли («Оли Имрон» сураси): Оятнинг мазмуни: Иймон келтиргандан сўнг қайта кофир бўлган қавми Оллоҳ қандай ҳидоят қилсин?! Ахир улар расул барҳақ деб гувоҳлик берган эрдилар-ку, уларга равшан далиллар келтирилган эрди-ку? Оллоҳ золим қавми ҳидоят қилмағай! Бундайларнинг жазоси шулким, уларга Оллоҳнинг, фаришталарнинг ва жамики инсонларнинг лаънати бўлгайдур! Улар доимий лаънатга қолмағайлар ва уларнинг азоби енгиллаштирилмағай ва бунга умидвор ҳам қилинмағайлар. Аммо, шундан сўнг тавба қилиб тўғри йўлга қайтганлар мустаснодурлар, чунки Оллоҳ кечирувчан ва раҳмдил зотдур! Иймон келтиргандан сўнг ўта кофир бўлиб кетганларнинг тавбаси қабул қилинмағай, улар тўғри йўлдан бутунлай озганлардур!"

Оллоҳ, таолонинг қавли («Оли Имрон» сураси), Оятнинг мазмуни: «Эй мўминлар, агар сизлар қитбийлардан қайси бир жамоатга итоат қилсангизлар улар сизларни динингиздан қайтариб қайта кофир қилурлар!».

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-нисо» сураси): Оятнинг мазмуни: «Дарҳақиқат, иймон келтиргач, қайта кофир бўлган, кейин яна иймон келтиргандан сўнг қайта кофир бўлиб бутунлай кўфр ботқоғига ботиб кетган бандаларнинг гуноҳларини Оллоҳ зинҳор мағфират қилмағай ҳамда уларни тўғри йўлга солиб Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Моида» сураси): Оятнинг мазмуни: «... сизлардан кимки ўз динидан қайтса, тез фурсатда Оллоҳ ўзига маҳбуб шундоғ бир қавмни пайдо қилурким, улар Оллоҳни ўзларига дўст тутиб мусулмонларга меҳрибонлик қилгайлар ва кофир (бўлғонлар) устидан ғолиб келгайлар...».

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-Наҳл» сураси): Оятларнинг мазмуни: «... ва лекин кўфрдан дилхуш бўлган одамлар Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлгайлар ҳамда улар қиёматда оғир азобга қолгайлар, чунким улар бу дунё ҳаётини охираддан афзал кўргандурлар ва Оллоҳ кофирлар қавмига ҳидоят қилмағайдур. Оллоҳ ана шундайларнинг қалблари қулоқлари ва кўзларига муҳр ургандур ва улар ғофил бандалардур, шубҳа йўқдурким, улар охирадда албатта зиён кўргайлар, (кўфр) фитнасига алданиб юриб, сўнг ҳижрату жиҳод ҳамда сабру қаноат қилган одамларга раббингиз мағфиратли, раҳмдил бўлғайдур».

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-Баҳара» сураси): Оятнинг мазмуни: «... ва улар (кофирлар) сизларни ўз динингиздан чиқармоқ учун қудратлари етганча бетиним жанг қилгайлар ва сизлардан кимки ўз динидан қайтса ва кофирлигича ўлса, унинг бу дунё бирлан охираддаги барча амаллари ҳабата бўлиб кетгай ва бундайлар дўзахий бўлиб, унда абадий қолгайлар».

Икрима разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ҳазрат Алининг ҳузурларига бир гуруҳ зиндикларни (худосизларни) олиб келишган эрди, уларни ёқиб юбордилар. Бундан хабар топган Ибн Аббос: «Мен уларни Жаноб Расулуллоҳ «Оллоҳ таолонинг азоби бирлан азоб бермангизлар!» деб айтганлари учунгина ёндирмас эрдиму, лекин «Кимки динини ўзгартирса, уни ўлдирингизлар!» деб айтганлари учун ўлдирган бўлур эрдим» — дедилар».

Абу Бурда Абу Мусодан нақл қиладилар, ул киши бундай деган эрканлар: «Мен Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келдим, мен бирлан икки ашъарий ҳам бирга бўлиб, бири ўнг тарафимда, иккинчиси эрса, чап тарафимда турди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ мисвок бирлан тиш тозалаётган эрдилар, улар иккаласи ул зотга ўз илтимосини баён қилди. Жаноб Расулуллоҳ менга: «Эй, Абу Мусо (ёким, эй Абдуллоҳ ибн Қайс), (булар не дейдилар)?!» — деб мурожаат қилдилар. Мен: «Сизни ҳақиқат ила юборган зот ҳақи, улар менга дилларидаги гапларини айтишмаган эрди ва мен уларнинг амал талаб қилиб келганларини сезмаган эрдим!» — дедимда, лаблари бирлан қисиб олган мисвокларига тикилиб турдим. Жаноб Расулуллоҳ: «Биз амал истаб келган ҳар қандай одамни ҳам ўз ишимизга таъйян қилавермаймиз, аммо, эй Абу Мусо, сен Яманга жўнағил!» — деб айтдилар». «Кейин, унинг ортидан» — дейдилар Абу Бурда, — Маоз ибн Жабални ҳам Яманга жўнатдилар. Ул етиб келгач, Абу Мусо ёстик қўйиб ўлтирмоқни амр қилди, Маоз ўлтирмай атрофга аланглаб ёнгинасида кишанбанд бир одамнинг ётганини кўрди. Шунда ул: «Бу ким?» — деб сўраган эрди, Абу Мусо: «Бул яҳудий исломни қабул қилган эрди, сўнг яна қайта яҳудий бўлди», — дедида, Маозга «ўлтир!» — деб амр қилди. Маоз: «Оллоҳ таоло ва унинг расули ҳукмига биноан қатл қилинмағунича ўлтирмасмен!» — деб уч бор айтди. Шунда Абу Мусо амр қилиб эрди, уни олиб чиқиб қатл қилдилар. Кейин, иккаласи бедорлик ҳақида сўзлашдилар. Улардан бири: «Аммо мен тунда бедор ҳам бўлурмен, ухлағаймен ҳам, уйқумда нени тилак қилсам, уйқоқлигимда ҳам шуни

тилагаймен!» — деди».

2-боб. Фароизни қабул этмоқдан бош тортганларни ўлдирмоқ ҳамда диндан қайтганликка тенглаштирилган ҳатти-ҳаракатлар ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллал-яоху алайҳи ва саллам вафот этиб, Абу Бакр халифа бўлгач, баъзи араб қавмлари диндан қайтди. Шунда Ҳазрат Умар: Ё Абу Бакр, буларга қарши қандай жанг қилмоқ ниятидамиз? Жаноб Расулulloҳ: «Одамлар «Ло илоҳа иллаллоҳу» демагунларича жанг қилмоқ менга амр қилинди. Кимки «Ло илоҳа иллаллоҳу» деса, молу жони мендан омон қолғай, акс ҳолда уни ўлдириб, молини тортиб олмоқ ҳақлиғдур, унинг ухравий ҳисоб-китоби эрса, Оллоҳ таолога ҳавола!» — деб айтганлар» — дедилар. Абу Бакр: «Оллоҳ таоло ҳақи, намоз бирлан закотни фарқлаган кишига қарши жанг қилғаймен, чунким закот ислом йўлида қилинадирган хайру эҳсондур! Агар Жаноб Расулulloҳга (камбағалларга инъом қилмоқлари учун) бериладиган битта эчки боласини олиб қолсалар ҳам, Оллоҳ таоло ҳақи, жанг қилғайдирмен!» - дедилар. Ҳазрат Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи, Абу Бакрнинг қалбига Оллоҳ таолонинг ўзи шижоат ато этганини кўриб мен унинг ҳақ эканлигини тушундим!» — дейдилар».

3-боб. Зиммий ёки бошқа бир ғайридин Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни киши билмас ҳақорат қилиб: «Ас-Сому алайка!» — деса...

Ҳишом ибн Зайд ибн Анас бундай деб ривоят қиладилар: Анас ибн Моликдан эшитдимки, бир яҳудий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан ўтиб кетаётди: «Ас-Сому алайка!» — деди. Жаноб Расулulloҳ унга жавобан: «Ва алайка!» — дедиларда, сўнг бизга: «Унинг нима деганини англадингизларми? Ул: «Сизга ўлим!» — деб айтди, — дедилар. Саҳобалар: Ё Расулаллоҳ, уни ўлдирайликми?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, агар сизларга китоб аҳли салом берса, «Ва алайкум!» («Сизга ҳам») деб алик олингизлар!» — дедилар».

Оиши разияллоҳу ануа ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ яҳудийлар Жаноб Расулulloҳдан ижозат сўраб ҳузурларига кирдида, «Ас-Сому алайка!», — деди. Шунда мен: «Бал, алайкумус-сому вал-лаъна! («Аксинча, ўзларингизга ўлим ва лаънат!») — дедим. Жаноб Расулulloҳ менга: «Эй Оиша, Оллоҳ таоло мулойим бўлиб, барча ишларда мулойимликни хушлагайдур!» - дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, уларнинг не деганларини эшитмадингизми?!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ва алайка, дедимку!» - дедилар».

Ибн Динор ривоят қиладилар: «Мен Ибн Умардан эшитдимки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар яҳудийлар бирортангизга «Ас-Сому алайка!» деб салом берса, «Ва алайка!» деб жавоб қайтарингизлар!» — деб айтибдилар».

4-боб.

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Мен Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг, қавми урганда юзидан оқаётган қонни арта туриб: «Ё парвардигорим, қавмимни мағфират қилғайсан, чунким улар (қилиб қўйган ишларини) тушуниб етмайдилар!» — деб айтган бир пайғамбар (Нух алайҳиссалом) ҳақида ҳикоя қилаётганларни кўз олдимга келтирғаймен».

5-боб. Диндан чиққан ва ҳақ йўлдан озиб нотўғри йўлга қадам қўйганларни, айблари далиллар бирлан исботлангач, қатл қилмоқ хусусида

Оллоҳ таоло: «Оллоҳнинг ўзи бирор қавмга ҳидоят қилиб нимадан тақво қилмоқлари лозимлигини баён қилган эркан, уларни сира ҳақ йўлдан оздирмағайдур!» — дейди. Ибн Умар диндан чиққанларни Оллоҳ таолонинг энг ёмон махлуқлари деб ҳисоблаб: «Диндан чиққанлар кофирлар ҳақида нозил бўлган оятларга хужура қилиб, уларни мусулмонларга тааллуқли деб даъво қиладилар», — дейдилар.

Сувайд ибн Ғафала ривоят қиладилар: Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу бундай дедилар: «Сизларга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ёлгон ҳадис айтганимдан кўра осмондан йиқилиб тушганим маъқулроқдур, аммо ўзаро суҳбатимизда муболаға-ю, киноя ишлатсам бўлавергайдур! Мен Жаноб Расулulloҳнинг бундай деб айтганларини эшитганман: «Охир замонда ўзлари ёшу орзулари аҳмоқона, сўзамол ҳамда иймонлари бўғизларидан чиқиб кетай деб турган бир қавм дунёга келгайким, улар камондан отилган ўқ янглиғ ўз динларини тарк этгайлар. Кўрган ерингизда уларни дарҳол ўлдирингизлар, чунким қиёмат куни уларни ўлдирган одамга ажру савоб ато этилғусидур!».

Муҳаммад ибн Иброҳим ривоят қиладилар «Абу Салама бирлан Ато ибн Ясор иккаларини Абу Саъид ал-Худрийнинг хузурларига келиб: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳарурийлар ҳақида гапирганларини эшитганмисан?» — деб сўрашди. Шунда Абу Саъид «Ҳарурийларнинг айнан кимлар эканлигин билмагаймен, аммо Жаноб Расулulloҳнинг бундай деганларини эшитганмен», — деди: «Мана шу умматда бир қавм чиқгайким (шунда, «Мана шу умматдан» демадилар), сизлар улар бирлан намоз ўқимоқни ўзингизга ҳақорат деб билгайсизлар, улар Қуръонни бўғизларидан ичкарига ўтмайдирган қилиб ўқиғайлар, (яъни, тил учида, юракдан эрмас), камондан отилган ўқ янглиғ диндан чиқгайлар. Улар отган ўқидан ҳаяжон бирла қон изини ахтараётган овчига ўхшайдирлар.

6-боб. Мураса қилмоқ ниятида ҳамда одамларни ўзидан бездириб қўймаслик учун диндан қайтган кишини ўлдирган шахс ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулulloҳ ўлжаларни тақсимлаб ўлтирган эрдилар, Баний Тамим қабиласидан бўлмиш Зулхувайсира деган киши: «Ё Расулаллоҳ, адолат қилингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Шўринг қурсин, мен адолат қилмасам, ким адолат қилгай?! — дедилар. Шунда Ҳазрат Умар: «Ижозат қилингиз, бўйинини чопиб ташлайин!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ «Йўқ, асло, унинг шундай дўстлари борки, бирортангиз ҳам улар бирлан на намоз ўқимоқни ва на рўза тутмоқни ўзингизга раво кўрғайсиз! Улар, ов қилинадирган бирор жонзотнинг (ошқозонини) тешиб ўтган ўқ-ёй янглиғ, динга бирров кириб чиқиб кетадирган одамлар бўлиб, ўқ-ёй пайконидан тортиб то унинг патига қадар кўз ташлаб ошқозон ахлати-ю кон юқидан бўлак ҳеч нарса тополмаган сайёдга ўхшайдирлар. Уларнинг белгиси шулким, бир қўли аёл кўкраги ёким бир бўлак гўшт янглиғ титраб тургайдир. Бундайлар одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик йўқолганда пайдо бўладилар», — деб айтдилар. Мана шу гапларни Жаноб Расулulloҳдан эшитдим деб гувоҳлик бергаймен ҳамда Ҳазрат Али уларга қарши жанг қилганларида мен ҳам бирга бўлиб, ўлдирилганлардан бири Жаноб Расулulloҳ айтганларидек белгиларга эга эркан деб ҳам гувоҳлик бергаймен! Шу ҳақда «... ва улар орасида сени садақа хусусида айбловчилар мавжуд...» деган оят нозил бўлган».

Башир ибн Амр ривоят қиладилар: «Мен Саҳл ибн Ҳунайфга: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг диндан чиққанлар (хаворижлар) ҳақида бирор гап айтганларини эшитганмисан?» — дедим. Саҳл: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг Ироқ тарафга қўллари бирлан ишора қилиб: «У

ерда Қуръонни бўғзидан нарига ўтмайдирган қилиб ўқийдирган ва ҳамондан отилган ўқдек исломдан чиқиб кетадирган қавм пайдо бўлғайдур» — деб айтганларини эшитганмен», —

7-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи на салламнинг «Даъвоси бир бўлган икки гуруҳ инсонлар ўзаро урушмагунларига қадар қиёмат бўлмағайдур!» деганлари ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Даъвоси бир (яъни, ўз даъвосини ҳақлиг, шеригининг даъвосини эрса, ноҳақ деб ҳисобловчи) икки гуруҳ инсонлар ўзаро урушмагунларига қадар қиёмат қоим бўлмағайдур!» — дедилар».

8-боб. Мутааввиллар (Қуронни етти усулда қироат қилувчилар) ҳақидаги ҳадислар

Мисвар ибн Махрамо. ва Абдуррамон ибн Абдулҳориъ ривоят қиладияр: «Хазрат Умар ибн ал-Хаттоб бундай деб айтган эрканлар: «Мен Ҳишом ибн Ҳакимнинг Жаноб Расулulloҳ ҳаётлик вақтларида, «Ал-Фурқон» сурасини қироат қилаётганини эшитиб қолдим. Тўхтаб қулоқ солсам ул Жаноб Расулulloҳ менга ўргатмаган бир бошқача усулда қироат қилаётган эрди, шунда ғабланганимдан намоз ўқиб турган ерида устига ташланишимга сал қолди. Лекин ўзимни тутиб, намозни тугатиб салом бермоғини кутиб турдим. Кейин уни ридоим (ёким ўз ридоси) бирлан бўғиб туриб: «Бул суранинг қироатини сенга ким ўргатди?» — дедим. Ул: «Жаноб Расулulloҳ ўргатдилар!» — деди. Мен: «Ёлғон сўзлаётирсан, Оллоҳ таоло ҳақи, Жаноб Расулulloҳ ҳозир мен сендан эшитган сурани қандай қироат қилмоқни менга ўргатганлар!»— дедимда, уни етаклаб, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб бордим. "Ё Расулаллоҳ, — дедим мен, - сиз менга «Фурқон сурасининг қироатини ўргатган эдингиз, манави эрса, уни бошқа бир усулда қироат қилди!». Жаноб Расулulloҳ: «Ё Умар, уни қўйиб юборгил, ё Ҳишом сен ўшал сурани яна қироат қилиб берғилчи!» — дедилар. Шунда Ҳишом ўшал сурани аввал мен эшитгандек қилиб қироат қилиб берди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шуидай нозил қилингандур!» — дедиларда, менга: «Ё Умар, сен ҳам қироат қилиб бергилчи!» — деб айтдилар. Мен ҳам ўзим билган усулда қироат қилиб бердим. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ: «Бул сура шундай нозил қилингандур, дарҳақиқат, Қуръон етти усулда (ҳарфда) қироат қиладирган) қилиб нозил қилингандур, улардан қайсиниси сизга осон бўлса, ўшаниси бирла қироат қилингизлар!» - дедилар».

Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Иймон келтиргач, ўз иймонини зулм бирлан булғамаганлар...» деган оят нозил бўлганда Жаноб Расулulloҳнинг саҳобалари: «Қайси биримиз ўз иймонимизни зулм бирлан булғамаганмиз?!» — деб кўп изтироб чекишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, бул сизлар ўйлаганча бўлмай, Луқмоннинг ўз ўғлига: «Эй болагинам, Оллоҳга ширк келтирмағил, дарҳақиқат, ширк — энг катта зулмдур!» — деб айтган гапига таъллуқлидур», — дедилар».

Маумуд ибн ар-Рабиъ ривоят қиладилар: «Утбон ибн Молик бундай деди: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрта бирлан менинг ҳузуримга келдилар. Шунда қўшниларим ҳам кириб келишди. Улардан бири: «Молик ибн ад-Духшин қаерда?» — деди. Бошқаси эрса: «Ул мунофиқдур, Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини яхши кўрмағай!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолонинг ризолиғини ўйлаб «Ло илоҳа иллаллоҳу» деган шахс хусусида бундай хаёлга бормангизлар!» — дедилар. Бояги одам: «Хўб!» — деди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ яна: «Ло илоҳа иллаллоҳу»га вафо қилган бандага қиёмат куни Оллоҳ таоло дўзах ўтини ҳаром қилғайдур!» — деб айтдилар».

Хусайн: фалончи (яъни, Саъд ибн Убайда) бундай деб айтди», — дейдилар: «Абу Абдурраҳмон бирлан Ҳаббон ибн Атиййа тортишиб қолди. Абу Абдурраҳмон Ҳаббонга: «Дўстингни қон тўқмоққа ундаган нарсанинг нима эрканлигин билиб олдим!» — деди. Ҳаббон «Эй бепадар, нима эркан ўшал ундаган нарса?!» — деди. Абу Абдурраҳмон: «Унинг (Алининг) шул ҳақда бир нарса деганини эшитдим», — деди. Ҳаббон: "Айтиб берғилчи!" — деди. Абу Абдурраҳмон «Али бундай деб айтган эрди», — деди: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени, Зубайр ибн Аввом ва Абу Марсадни жўнатдилар, барчамиз отлик эрдик. Жаноб Расулulloҳ бизга: «Йўлга чиқинглар, Ҳож деган боққа борингизлар. У ерда бир хотин бор, унинг қўлида Ҳотиб ибн Абу Балтаа мушрикларга йўллаган мактуб мавжуд, уни менга олиб келингизлар!» — дедилар. Биз хотинга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган жойда туясига миниб кетаётганда етиб олдик. (Ҳотиб ўз мактубида «Жаноб Расулulloҳ сизларнинг устингизга қўшин тортиб борадилар» деб Макка аҳлини огохлантирган эрди). «Хат қани?» — дедик. Хотин: «Менда ҳеч қандай хат йўқ», — деди. Шундан сўнг, биз унинг туясини чўктириб, юқларини титиб кўрдик, аммо хатни тополмадик. Шерикларим: «Хатни ўзи бирлан олмаган кўринади», — дейишди. Мен хотинга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғон гапирмаганлари турган гап, биз буни яхши билғаймиз, Оллоҳ таоло ҳақи, ё хатни ўзинг топиб берғайсен ёким сени ечинтириб кўраман!» — дедим. Шунда ул менинг жиддий гапираётганимни кўриб, қўлини лозимининг липпасига тикдида, латтага ўроғлик хатни олиб берди. Сўнг, биз хатни Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб бордик. Умар: «Ё Расулаллоҳ, Ҳотиб Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига, барча мўминларга хиёнат қилди, ижозат берингиз, унинг бўйнини чопиб ташлайин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: Эй Ҳотиб, бундай қилмоғинга нима мажбур қилди?» — дедилар. Ҳотиб «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ва унинг расулига иймонли бўлмоқдин ўзга ниятим йўқ. Аммо, мен ул қавм ичида бола-чақаларим ва молу дунёмни ҳимоя қилиб турғувчи ўз кишиларим бўлмоғини истадим, холос. Ахир, сизнинг саҳобаларингизнинг ҳам ул ерда бола-чақалари-ю мол-дунёсини ҳимоя қилиб турғувчи кишилари бор-ку!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Рост айтди, унга яхши гапиринглар!» — дедилар. Умар яна: «Ё Расулаллоҳ, бул одам Оллоҳ таоло ва унинг расулига, барча мўминларга хиёнат қилди, рухсат берингиз, бўйнини чопиб ташлайин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ул аҳли Бадрдан эрмасми?! Сен қаердан билғайсен, балким Оллоҳ таоло Бадр аҳлининг устидан ўз ҳукмини чиқариб қўйгандир, яна ўзингиз биласизлар, ахир сизлар жаннатисизлар-ку!» — дедилар. Шунда Умар кўзларига ёш олиб: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билғайдур!» — дедилар».

Бисмиллоҳир раҳмониг раҳийми

МАЖБУР ҚИЛМОҚ ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-Наҳл» сураси): Оятнинг мазмуни: «... куфр сўзларин айтмоққа мажбур қилинган, аммо дили иймонда барқарор қолиб, ёлғондин айтган куфр сўздан кўнгли ғаш бўлган одам муртад деб ҳисобланмағай ва лекин куфр сўзини ўзи рози бўлиб чин дилдан айтганлардан Оллоҳ таоло ғазабланғай ва қиёматда уларга қаттиқ азоб берилғайдур!».

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-нисо» сураси): Оятнинг мазмуни: «Дарҳақиқат, фаришталар ўз жонларига зулм қилганларнинг жонларини олаётиб: «Сизлар қай ҳолда эрдингизлар?» — деб сўрағайлар, шунда улар: «Бизлар бул мулкда ночор эрдик», — деб жавоб берғайлар,..».

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таоло ўз амрини ночор қолиб бажаролмаганларнинг узрини қабул қилди, чунким мажбур қилинган одам Оллоҳ таоло амрини бажаролмайдирган ночор аҳволга тушиб қолғайдур». Ҳасан (ал-Басрий): «Чидам қиёматга қадар!» — дейдилар. Ибн Аббос: «Кимники ўғрилар мажбур қилиб хотинини талоқ қилдирса, талоқ ўрнига ўтмағай» — дейдилар. Ибн Умар, Ибн аз-Зубайр, Аш-Шаъбий ва Ҳасан ал-Басрий ҳам шундай деб таъкидлайдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Барча ишлар ниятга боғлиқдур!» — деб айтганлар.

Абу Салама ибн Абдуррамон Абу Ҳурайрадан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Қунут» дуосини ўқиганларида: «Ё парвардигоро, Иёш ибн Абу Рабиъа, Салама ибн Ҳишом ва Валид ибн ал-Валидга нажот берғайсен, ё парвардигоро, ночор мўминларга нажот берғайсен, ё парвардигоро, Музар қабиласига қаттиқ азоб берғайсен ва уларга Юсуф алайҳиссалом даврларидагидек қаҳатчилик юборғайсен!» — дер эрдилар».

1-боб. Кофир бўлмоқдан кўра калтакланмоғини, ўлдирилмоғини ва сазойи қилинмоқни афзал кўрган шахс хусусида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки қуйидаги уч хислатга эга бўлса, иймон ҳаловатига эришғусидур: Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини барчадан ҳам яхши кўрмоқлик бировни яхши кўрса, фақат Оллоҳ таолони деб яхши кўрмоқлик ҳамда қайта кофир бўлмоқликдан ўтда куймоқдан кўрққандек ҳазар қилмоқлик», — дедилар».

Исмоил ибн Абу Холид Саъид ибн Зайддан нақл қиладилар: «Ҳазрат Умарнинг мени исломга жалб қилганларини билурсизлар, ул киши «Ҳазрат Усмонга нисбатан қилган ишларингиз учун устингизга Уҳуд тоғи қулаб тушгани маъқул эрди!» — деб айтган эрдилар».

Хаббоб ибн ал-Арат ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ (аллаллоҳу алайҳи ва салламга арз қилиб борганимизда ул зот Каъбанинг соясида бурдаларига ястаниб ётган эрдилар. «Ё Расулаллоҳ, бизга Оллоҳ таолодан ғалаба тилаб дуо қилсангиз!» — дедик. Жаноб Расулulloҳ: «Сизлардан илгариги замонда одамни тирик ерга кўмиб, бошига арра солиб иккига бўлғай ва темир тароқ бирлан гўштини суягидан ажратғай эрдилар, шунда ҳам ул динидан қайтмас ерди. Оллоҳ, таоло ҳақи, шундай кунлар келғайким, ислом кучайиб, Санъодан йўлга чиққан сувори Ҳазрамавтга Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч кимдан кўрқмай бемалол борғусидур ва унинг қўйларига бўридан бўлак хавф-хатар бўлмағайдур, сизлар эрсангиз, ошиқяпсизлар!» — деб айтдилар».

2-боб. (Яшаётган еридан кўчишга) мажбур қилинганларнинг (ўзларига тегишли

нарсаларни) сотиб кетмоғи ҳамда бундай кишиларнинг шул хусусдаги ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир куни биз масжидда ўтирган эрдик Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузуримизга кириб келдиларда: «Яҳудийлар маҳалласига кетдик!» — дедилар. Биз ул зот бирлан биргалашиб йўлга тушиб Байт улмидрок (тавротхонлик қилинадирган бино)га етиб бордик. Жаноб Расулуллоҳ, уларнинг тепасига келиб. «Эй яҳудийлар жамоаси, итоат қилиб исломга киригингизлар!» деб даъват қилдилар. Улар: «Ё Абулқосим (яъни, Жаноб Расулуллоҳ), буни бизга айтган эрдингиз!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Истагим шулдурким, исломни эътироф этингизлар!» — деб икки бор такрорладилар. Яҳудийлар: яна: «Ё Абулқосим, буни бизга айтган эрдингиз!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ бояги гапларини учинчи марта такрорладиларда: «Билиб қўйингизлар, ер Оллоҳ таоло бирлан унинг расулиникидур, мен сизларни бул ердан кўчириб юбормоқни истағаймен. Ораларингизда кимники бирор мол-мулки бўлса, сотсин, илло, билиб қўйингизларким, ер Оллоҳ таоло бирлан унинг расулиникидур!» — дедилар».

3-боб. Мажбурлаб никоҳ қилмоқ ножоиздур!

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-Нур» сураси): Оятнинг мазмуни: «... ва дунёвий айшу ишратни деб чўриларингизни, агар улар покликни истаса, зинога мажбур қилмангизлар ва кимки уларни мажбур қилса, мажбур қилинганлари сабабидан Оллоҳ таоло уларни мағфират қилиб раҳм қилгайдур».

Ансорий аёллардан бўлмиш Хансо бинти Хизомнинг ривоят қилишларича, ул мухтарама турмуш кўрган эрканлар. Бир куни оталари мажбур қилиб эрга берибдилар. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб шикоят қилган эрканлар, ул зот никоҳни бекор қилибдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, аёллар никоҳ қилинмоқларига розилик билдирмоқлари лозимидур?» — деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа!» — дедилар. Мен: «Бокирадан бул ҳақда сўралса, ул ҳаё қилиб индамаслиги мумкин», — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Сукут қилгани рози бўлганидур!» — дедилар».

4-боб. Қулни мажбуран инъом қилса ёким сотиб юборса, жоиз эрмас!

Абу Зарр ал-Ғифорий ва (ҳанафий мазҳабига мансуб) айрим кишилар: "Қулни сотиб олган киши уни назр қилмоғи жоиз», — дейишади. Шунингдек қулдор ўз қулини мудаббар қилмоғи («Вафот этганимдан сўнг озодсен» деб айтмоғи) ҳам жоиздур» — деб таъкидлашади.

Амр ибн Динор ривоят қиладилар: «Ансорийлардан бири ўз мамлукини (оқбадан қулини) «Вафот етсам, озодсен» деб мудаббар қилди. Аммо, унинг шул қулдан ўзга ҳеч қандай бисоти йўқ эрди. Бундан хабар топган Жаноб Расулуллоҳ: «Ўшал қулни менадан ким сотиб олғай?» — дедилар. Шунда уни Нуъайм ибн ан-Наҳҳом саккиз юз дирҳамга сотиб олди. Кейин, Жобирдан эшитдимки, ўшал қул қибтийлардан бўлиб, бурунги йил вафот этган эркан».

5-боб. Мажбур қилмоқ — жабр қилмоқдур!

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: «Оллоҳ таоло: «Аннисо» сураси: «Эй мўминлар, хотинларни зўрлик ила ўзингизга мерос қилиб олмоқларингиз ҳалол эрмас!», —

дейди. Жохилият даврида бева аёлга эгалик қилмоққа энг ҳақлиғ кишилар — марҳум эрнинг қариндошлари эрди. Улар бева аёлни, истасалар, ўзларидан бирига ёким ўзга бир одамга эрга берур эрдилар ёҳуд эрга бермасликлари ҳам мумкин эрди. Улар бева аёлга эгалик қашшоққа унинг қариндошларидан кўра ҳақлиғроқ бўлганлар, юқоридаги оят шул хусусдадур».

6-боб. Зинога мажбур қилинган аёлга ҳадд жазоси қўлланилмағай!

Бул ҳақда Оллоҳ таолонинг қуйидаги ояти каримаси мавжуд: Оятнинг музмуни: «... ва кимки уларни мажбур қилса, мажбур қилинганлари сабабли Оллоҳ уларни мағфират айлаб раҳм қилгайдур».

Нофиъ ривоят қиладилар: «Халифага тегишли қуллардан бири имомга тегишли бир чўрини зўрлаб иффат пардасини йиртиб қўйди. Халифа Умар қулни дарра уриб, бадарға қилдилар. Шунда зўрлангани учун чўрига ҳадд урилмади. Зухрий бундай дейдилар «Агар озод (қул бўлмаган) эркак чўрининг иффат пардасини йиртиб қўйса, қози унга иффат пардаси бутун бўлган бир чўри бермоқни жарима қилиб, сўнг дарра урдирғай, аммо чўри жувон бўлса, имомлар фикрича, жарима солинмай, фақат дарра уриб қўя қолинғай».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Иброҳим алайҳиссалом Сора бирлан бирга сафарга чиқиб, бир шаҳарга етиб бордилар. Ул шаҳарда бир золим подшоҳ ҳукмдор бўлиб, Иброҳим алайҳиссаломга «Сорани ҳузуримга жўнатғил!» деб одам юборди. Подшоҳ пешвоз чиқиб Сорани кутиб олди (нияти ёмон эрди). Сора таҳорат қилиб намоз ўқишга киришдилар ва: «Ё парвардигоро, сенга ва расулингга келтирган иймоним ҳурмати, кофирнинг менга эгалик қилмоғига йўл бермагил!» — деб илтижо қилдилар. Шул онда подшоҳ бўғилиб, оёқлари типирчилаб қолди».

7-боб.

Мусулмон одам, диндош биродарининг бошига ўлим хавфи ёким бошқа бирор хатар тушса, Ахир бул менинг диндош биродаримку, мен уни ҳимоя қилмоғим лозимдур!» — деб ўзига ўзи онт ичмоғи даркор. Шунингдек ҳар қандай мажбур қилинғувчи шахс кўрқув остида ўзини ўзи ҳимоя қилолмағайдур, шул боисдан уни диндош биродари золимдан ҳимоя қилиб жанг қилмоғи ва хавфу хатардан халос этмоғи лозимдур. Мазлумни ҳимоя қилиб золимни ўлдирган шахсдан товон ҳам қасос ҳам олинмағайдур! Агар «Ичкилик ичасен!» ёким «Ўлимтик ейсен!» ёҳуд «Қулингни сотасен!» ё «Қарздормен деб айтасен!» ёким «Ҳадя берасен!» ёҳуд «Аҳдингни бузасен!» деб таҳдид қилинса, (отаси ёким биродарининг ҳаётини сақлаб қолмоғи учун) бул шартларни адо этмоғи жоиздур. Чунким, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон мусулмонга биродардур!» — деб айтганлар. Баъзи одамлар (ҳанафий уламолар): «Агар Ичкилик ичасен!» ёким «Ўлимтик ейсен!, акс ҳолда ўғлингни ёки отангни ё бирор яқин қариндошингни ўлдирғаймиз» деб таҳдид қилинса, бул шартларни бажармоқ жоиз эрмас, чунким бул мажбурий эрмасдур!» — дейишади. Лекин, айрим уламолар бу қавлни ботил санаб: «Агар «Отангни ёким ўғлингни ўлдирғаймиз!» ёҳуд «Манави қулни сотгайсен!» ё «Қарздормен деб айтасен!» ёким «Бирор нарсани ҳадя қиласен» деб таҳдид қилинса, итоат этмоқ лозим бўлғай», — дейишади. Аммо, биз (аввалги қавлни) қувватлаб, бундай ҳолда қулни сотмоқ, ҳадя қилмоқ ва ҳар қандай аҳдни бузмоқ ботилдур деб айтамиз. Баъзилар бул хусусда на Қуръонга ва на суннатга амал қилмай, яқин қариндошлар бирлан бошқаларни фарқлайдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар: Иброҳим алайҳиссалом ўз хотинларини: «Бул менинг синглим», яъни «Оллоҳ таоло йўлидаги синглимдур!, — дедилар, Ан-Нахъий: Агар қасам ичирғувчи золим эрса, қасам ичувчининг нияти раво бўлғай, башарти

қасам ичувчи золим эрса, унда қасам ичирғувчининг нияти рўёбга чиқғайдур», — дейдилар.

Ибн Шиҳоб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон мусулмонга биродар бўлиб, ўзаро зулм қилмағай, бир-бирининг тинчлигини бузмағай. Кимки биродарининг оғирини енгил қилғайдур, Оллоҳ таоло унинг мушкулини осон қилғайдур!» — дедилар».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Биродаринг золимми ё мазлумми, бундан қатъий назар, унга ёрдам қилғил!» — дедилар. Шунда бир одам: «Ё Расулalloҳ, биродарим мазлум бўлса, ёрдам қилгаймен, аммо ул золим бўлса, нечун ёрдам қилғум?» — деди, Жаноб Расулulloҳ: «Шундай қилсанг, уни зулмдан қайтарғайсен ва бу сенинг унга қилган ёрдаминг бўлғайдур!» — дедилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ҲИЙЛАЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Ҳийла қилмаслик лозимлиги ҳамда бир одамнинг ният қилган нарсасига муяссар бўлмоғи ва бошқалар ҳақида

Алқама ибн Ваққос ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб ваъз қилаётиб: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитганмен», — дедилар: «Эй одамлар, дарҳақиқат, барча амаллар ниятга боғлиқ бўлиб, ҳар бир одам ўз ниятига ярашасини олғайдур. Кимки Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини деб ҳижрат қилган эрса, Оллоҳ таоло бирлан унинг расули учун ҳижрат қилганлик савобини олғайдур, кимки бойлик орттирмоқ учун ҳижрат қилган эрса, бойликка эришғайдур ва кимки хотинлик бўлиб олмоқ учун ҳижрат қилган эрса, ҳижратидан кўзлаган нарсасига етишғайдур, (холос)!».

2-боб. Намоз хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Таҳоратингиз синган эрса, таҳорат қилмагунингизча Оллоҳ таоло биронтангизнинг намозингизни қабул қилмагай» — дедилар».

3-боб. Закот ҳақида ҳамда закот олинмоғидан чўчиб бир подани иккига бўлмоқ ва икки подани бирлаштирмоқ жоиз эрмаслиги хусусида

Анас (ибн Молик) нинг ривоят қилишларига қараганда, Абу Бакр разияллоҳу анҳу ул кишига Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз қилган садақалар ҳақида бундай деб ёзиб юборган эрканлар: «Закот олинмоғидан кўрқиб икки кишига тегишли подани бирлаштирмоқ ва бир кишига тегишли подани иккига ажратмоқ жоиз эрмас!».

Абу Суайл оталаридан, оталари эрса Талҳа ибн Убайдуллоҳдан нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бир бадавий кириб келди, сочлари тўзғиган. «Ё Расулаллоҳ, — деди ул, — Оллоҳ таоло менга қанча намоз ўқимоқни фарз қилди?». Жаноб Расулуллоҳ: «Бёш вақт намоз ўқимоқни, бироқ бунга қўшимча тарзда хоҳлаганингча нафл ўқимоғинг мумкин», — дедилар. Бадавий: «Хабар берингиз, Оллоҳ таоло менга қандай рўза тутмоқни фарз қилган?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Рамазон ойининг рўзасини тутмоқни, бироқ бунга қўшимча тарзда бироз нафл рўза тутмоғинг мумкин», — дедилар. Бадавий: «Хабар берингиз, Оллоҳ таоло менга нималар учун закот бермоқни фарз қилган?» — деди. Жаноб Расулуллоҳ унга исломда закот бериладирган моллар қайсилар ва улар қайси миқдорга етганда қанчадан ва кимларга берилиши ҳақида хабар бердилар. Бадавий: «Сизни мукаррам қилган зот ҳақи, Оллоҳ таоло менга фарз қилган амалларни кўпайтирмасмен ҳам, камайтирмасмен ҳам!»— деди. Жаноб Расулуллоҳ (ул кетгандан сўнг, саҳобаларга): «Агар бул одам қавлида мустаҳҳам бўлса, нажот толғусидур (ёким жаннатга киргусидур)!» — дедилар".

Айрим одамлар (ҳанафий уламолар): «Бир юз йигирмата туядан иккита уч яшар туя закотга берилғай. Агар уларни эгаси қасддан ҳалок қилса еким бировга тортиқ қилиб юборса ёхуд закот бермоқдан бўйин товлаб, ҳийла қилса, унга жазо чораси кўрилмагай», — деб ҳисоблашади.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни (закоти берилмаган) Бойлигингиз аждарга айланиб: "Мен сенинг мол-дунёнг эдим-ку!"» — деб токим уни тан олиб қўлингизни чўзмагунингизга қадар қува бергай ва қўлингизни узатитингиз заҳотиёқ ютиб юборгай». — дедилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Туялари бор одам уларнинг закотини бермаган эрса, қиёмат куни улардан бири эгасини йиқитиб туёқлари бирлан юзини тепқилагай», — деб ҳам айтганлар Баъзи одамлар (ҳанафий уламолар): «Туялари бор одам закот вожиб бўлишидан чўчиганидан закот тўламоққа бир кун колганда ҳийла қилиб уларни (закоти камроқ) туяларга ёким қўйларга ёинки қорамолга алмаштириб олса ёхуд пулга сотиб юборса, бунинг зарари йўқдур. Киши туяларининг закотини йил тугамасидан бир ёким олти кун илгари адо этса, яхши бўлгай», — дейишадир.

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Саъд ибн Убода ал-Ансорий Жаноб Расулulloҳдан вафот этган онасининг бўйнида қарз бўлиб қолган назр ҳақида фатво сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Уни сен адо этгайсен!» — дедилар. Баъзи одамлар (ҳанафий уламолар): Агар туялар сони йигирмага етса, уларнинг закоти учун тўртта қўй берилгай. Агар туяларнинг эгаси йил тугашидан аввалроқ закотдан қочиб уларни инъом қилиб еким сотиб юборса, ҳечқиси йўқ. Шунингдек уларни сўйиб, кейин ўзи вафот этиб қолса ҳам унинг молига закот солинмагай», — дейдилар».

4-боб. Никоҳда ишлатиладиган ҳийла ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам шиғордан қайтардилар (жоҳилият даврида бир киши ўз қизи ёким сингисини иккимчи бир кишига хотинликка бериб, бунинг эвазига унинг қизи ёким сингисига уйланган ва бунда иккала томон ҳам маҳр бермаган, Жаноб Расулulloҳ ана шул одатни исломда Қўлламоқни манъ қиляптилар). Шунда мен Нофиъга: «Шиғор недур?» — дедим. Ул: «Шиғор — бир кишининг ўз қизи ёким сингисини иккинчи бир кишига маҳрсиз никоҳлаб бермоғи бўлиб, ул ҳам ўз навбатида унинг қизи ёким сингисига маҳрсиз уйлангайдур», — деб айтди. Баъзи одамлар (ҳанафий уламолар): «Шиғор одати бўйича Ҳийла қилиб уйланган кишининг никоҳи жоиз, аммо унинг шарти ботилдур», — дейдилар. Уларнинг баъзилари эрса мутъа хусусида гапириб: «Бул ҳолда никоҳ фосид ва унинг шарти ботилдур», — дейишадир. Яна баъзилари: «Мутъа ва»шиғор жоиз бўлиб, шарти ботилдур», — деб айтишадур».

Ҳасан ва Абдуллоҳ оталари бўлмиш Муҳаммад Алидаи нақл қилишади: «Ҳазрат Али разияллоҳу анҳуга: «Ибн Аббос аёл мутъасининг зарари йўқ деб ҳисоблайди», — дейдики, Ҳазрат Али: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Хайбар жанги куни буни ҳамда эшак гўшти емоқни манъ қилганлар», — деб айтдилар. Баъзи одамлар (ҳанафий уламолар): «Ҳийла қилиб мутъа қилган эрса, никоҳ фосиддур», — дейишадир, айримлари эрса: «Никоҳ жоиз, лекин шарт ботилдур», — деб ҳисоблагайлар».

5-боб. Савдо-сотикда ҳийлакорлик макруҳ эканлиги ҳақида: хашак танқис бўлсин деб сувни танқис қилмоқ ярамайдир!

Абу Ҳурайра: «Хашакни танқис қилмоқ учун сувни танқис қилмоқ макруҳ!» — деб айтганлар.

6-боб. Бозорни касод қилмоқ учун атайлаб нарх-навони оширмақ макруҳдур!

Ибн Умар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бировнинг бозорини касод қилмоқ

ниятида атайлаб нарх-навони оширмоқни манъ қилдилар», — дейдилар.

7-боб. Савдо-сотикда алдамчилик қилмоқнинг макруҳлиги ҳақида

Айюб (ас-Сахтиёний) ривоят қиладилар: «Одамни аврагандек Оллоҳ таолони ҳам аврамоқчи бўладилар. Савдо аҳлида бул хусусият бўлмаганда эрди, мен бундай демаган бўлур эрдим!».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга савдо-сотикда алданиб қолажаги ҳақида гапирди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Савдолашаётганингда Савдо-сотикда аврамоқ макруҳдур!» деб айтғил!» — дедилар».

8-боб. Киши ўз тарбиясига олган етимча қизни ёқтириб қолса, ҳийла ишлатиб никоҳига олмасин ҳамда унга тўлиқ маҳр бермаслик пайида бўлмасин!

Урва ибн Зубайр Оиша разияллоҳу анҳодан «Агар етимча кизларга адолатсизлик қилиб қўймоқдин кўрқсангизлар, у ҳолда кўнглингиз тусаган бўлак аёлларга уйланингизлар!» деган ояти карима хусусида сўради. Оиша онамиз: «Бул шул хусусдаким, киши ўз тарбиясига олган етимча қизни, катта бўлгач, мол-дунёси ва жамолига кизиқиб жуда ҳам маҳр бирлан ўз никоҳига олмоқчи бўладир. Шул боисдан адолатсизлик қилинғай деб уларга уйланмоқ манъ қилинган», — дедилар. Кейин, одамлар шулҳақда Жаноб Расулуллоҳдан фатво сўраб эрдилар, Оллоҳ таоло «Сендан одамлар аёллар ҳақида сўрағайлар? деган онти кариймасини нозил қилди.

9-боб.

Бир киши ўзга бир кишининг чўрисини зўрлик бирлан тортиб олиб, кейин ул ўлиб қолди деб айтса, ўшал чўрининг қийматини тўлағайдир. Агар уни эгаси топиб олса, ўзиникидир, аммо илгари олган қийматни қайтариб берғай ва бул қиймат чўри тортиб олингани учун олиб қолинмағай. Баъзи одамлар (баъзи уламолар): «Бул чўри тортиб олган кишиники бўлиб қолғайдир, чунким ул унинг қийматини тўлагандир», — дейишади. Бул хусусда айтмоқ керакким, ўзганинг сотмоқ нияти бўлмаган чўрисини ёқтириб қолиб зўрлик бирлан тортиб олган ва уни ўлиб қолди деб баҳона қилган киши ҳийлакорлик қилган ҳисобланур, чунким чўрининг эгаси ишониб унинг қийматини олғай ва бу бирлан ўзганинг чўрисини тортиб олмоққа имкон берилғайдур. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир-бирингизнинг молингизни тортиб олмоғингиз ҳаром бўлиб, қиёмат куни ҳар бир хиёнаткорнинг тепасига унинг хоин эрканлигини англатғувчи туғ ўрнатиб қўйилғайдур», — деганлар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни ҳар бир хиёнаткорнинг тепасига унинг хоинлигини англатғувчи туғ ўрнатиб қўйилғайдур!» — дедилар».

10-боб

Умму Салама ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарҳақиқат, мен (сизлар каби) инсонмен (баъзан адашишим мумкин). Агар ўзаро хусуматлашиб қолсангиз, мен баъзан янглишиб ҳақлиғ киши қолиб ноҳақ кишининг фойдасига ҳукм чиқариб қўймоғим ҳам мумкин. Башарти, мен кимга биродарининг ҳақидан бирор нарсани нотўғри олиб берсам,

зинҳор қабул қилмасин, чунким мен унга дўзах оташидан бир парча ушатиб берган бўламан! — деб айтдилар».

11-боб. Никоҳ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бокира қизни розилигини сўрамай, жувонни эрса, ўзи бирлан маслаҳатлашмай эрга берилмағай», — дедилар. «Ё Расулalloҳ, бокира қизнинг рози бўлғони қандай билинғай?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Сукут қилса, ризо бўлғонидур!» — деб жавоб қилдилар». Баъзи одамлар (баъзи уламолар): «Дейлик бир бокира қиз бир кишига тегмоққа розилик бермади, шунда ул киши ҳийлакорлик қилиб иккита сохта гувоҳ топиб қизнинг розилиғига биноан уйланганини билдирса-ю, қози ишониб ўртадаги никоҳни тасдиқласа, эр бўлмиш киши ўз гувоҳларининг ботил эрканин билса ҳам, жимоъ қилмоғи мумкин бўлиб, никоҳи раводур», — дейишади.

Яҳё ибн Саъид ривоят қиладилар: «Жаъфарнинг илгари турмуш кўрган бир қизи қариндошларининг мажбуран эрга бериб юбормоқларидан хавотир олиб, ансорлардан бўлмиш Абдурраҳмон ва Мужаммиъ исмли икки шайхга одам юборди. Улар: «Хавотирланмағил, ҳечқиси йўқ, Хансо бинти Ҳизомни ҳам отаси норозилигига қарамай эрга бериб юборган!» — деб айтиб юборишди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам эрсалар, буни рад қилдилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бокира қиздан (никоҳга) розилиғ сўралғай», — дедилар. Мен: «Бокира қиз ҳаё қилғай», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Унинг розилиғи — сукут қилғонидур!» — дедилар».

Баъзи одамлар (баъзи уламолар): «Агар киши ҳийлакорлик бирлан иккита сохта гувоҳ топиб ўз ҳимоясидаги (қарамоғидаги) жувонга уйланганлигини билдирса-ю, қози никоҳни тасдиқласа, ўшал киши унга ҳали уйланмаганлигини ўзи билса ҳам, никоҳи раво бўлаверғай ва ул аёл бирлан яшамоғи мумкинидур», — дейишади.

Баъзи одамлар (баъзи уламолар): «Агар киши етим чўрини (ёким бокира қизни) ёқтириб қолиб, унга уйланмоқчи бўлса-ю, ул кўнмаса, ҳийлакорлик бирлан иккита сохта гувоҳ топиб унга уйланганлигини билдирганда қози ишониб никоҳни тасдиқласа, ўшал кишининг, ўртадаги никоҳнинг ботил эрканин билғонига қарамай, қизни жимоъ қилмоғи мумкинидур», — дейишади.

12-боб. Аёлнинг ўз кундошларига ҳасад қилиб эрига ҳийла ишлатмоғинияг макруҳлиги ҳамда Жаноб Расулulloҳга шул хусусда нозил бўлган оят ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ ҳалво бирлан асални хуш кўрур эрдилар. Одатда ул зот асрдан сўнг барча хотинларининг ҳузурига бирма-бир кириб суҳбатлашиб чиқур эрдилар. Кейин, Ҳафсанинг ҳузурида кўпроқ қолиб кетадирган қилиқ чиқардилар, сабабини суриштираман, бир аёл унга асал тортиқ қилғон эркан. Жаноб Расулulloҳ кириб ўшал асалдан тановул қилар эрканлар. Мен ва (кундошларимдан бири) Савда иккимиз бир ҳийла ишлатмоққа тил бириктирдик мен унга: «Агар Жаноб Расулulloҳ ҳузуринга кирсалар: «Ё Расулalloҳ, сиздан бир бадбўй нарсанинг ҳиди келаётир, не тановул қилғон эрдингиз?» — деб айтғайсен, чунким ул зот бадбўй ҳидни ёмон кўрғайлар. Шундай десанг, «Ҳафса менга асал ичиргон эрди», — деб айтғайлар. Шунда сен: «Демак асаларилар асални урфут дарахти гулларида олғон эрканда!» — дейсан. Мен ҳам сенинг гапингни тасдиқлагаймен», — дедим. Кейин: «Ё Сафийя, сен ҳам шундай дегил!» — деб тайинладим. Жаноб Расулulloҳ Савданинг ҳузурига кирган эрдилар, ул мен тайинлагандек қилиб: «Оллоҳ

таоло ҳақи, ё Расулаллоҳ, не тановул қилғон эрдингиз, сиздан ёмон ҳид келаётир!» — деди. Жаноб Расулаллоҳ: «Ҳафса менга асал ичирғон эрди», — дедилар. Ул: «Урфут дарахтидан олинғон асал эрканда!» — деди. Кейин, менинг ҳузуримга кирган эрдилар, мен ҳам шундай дедим. Сафийанинг ҳузурига кирганларида ул ҳам шул гапни айтди. Сўнг, Ҳафсанинг ҳузурига кирганларида, ул: «Ё Расулаллоҳ, асалдан ичириб қўяйми?» — деб эрди, Жаноб Расулаллоҳ: «Ичгим келмаётир», — дедилар. Савда менга: «Субҳоналлоҳ, (афсус) Жаноб Расулаллоҳни асал тановул қилмайдирган қилиб қўйдик-а!» — деб эрди, «Жим бўлғил!» — дедим».

13-боб. Вабо (ўлат) чиққан жойдан ҳийла қилиб қочиб қолмоқнинг макруҳлиги ҳақида

Абдулло ибн Омир ибн ар-Рабиъа ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Шомга сафар қилдилар. Сарғ деган манзилга келганларида Шомда вабо тарқалганлиги ҳақида хабар келди. Шунда Абдуррахмон ибн Авф: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бирор жойда вабо тарқалганини эшитсангиз, ул ерга кирмангиз ва агар ўзингиз турган жойда вабо тарқалса, ул ердан қочиб бошқа ерга кетмангиз!» — деб айтганларини эшитган эрдим», — деди. Ҳазрат Умар буни эшитиб Сарғдан ортларига қайтдилар».

Усома ибн Зайд ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вабо хусусида гапираётиб бундай дедилар: «Вабо (Оллоҳ таоло гуноҳлар учун юборадирган) азоб бўлиб, баъзи умматлар у бирлан азоблангандурлар, сўнг улардан омон қолганлари яшашда давом этгандур. Инсонлар ана шундай келиб-кетиб турғайлар. Кимки бирон ердан вабо чиққанлигини эшитса, ул ерга кирмасин ва кимки вабо тарқалган ерда эрса, ул ердан (ҳийлакорлик қилиб) қочиб қолмасин!».

14-боб. Ҳадя ва шуфъа ҳақида

Баъзи одамлар (баъзи уламолар): «Бир киши иккинчи бир кишига минг дирҳам ёким ундан кўпроқ пул ҳадя қилғон эрса-ю, кейин бир қанча йил ўтгач, ҳийлакорлик қилиб уни қайтариб олса, ҳар иккаласига ҳам (ўшал пул учун) закот вожиб бўлмағай», — дейдилар. Бу бирлан улар Жаноб Расулаллоҳнинг ҳадя хусусида айтган ҳадисларига муҳолифлик қилиб, бояги одамлар бўйнидан закотни соқит қиладилар.

Ибн Аббос ривоят қиладиларки, Жаноб Расулаллоҳ: «Ўз ҳадясини қайтариб олган одам ўз қусуғини қайта еган ит янглиғдур, бизлар учун бундан ортиқ тубанлик йўқдур!» — деган эрканлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир кўчмас мулкка шуфъа таъйин қилдилар (шуфъа — қўшнинг сотувга қўйилган мулкни (уй ва ерларини) бировга соттирмай, пулини тўлаб ўз мулкига қўшиб олмоқ имтиёзини бергувчи ҳуқуқ). Аммо, чегаралари белгиланган ерларга ва кўчаларга нисбатан шуфъа йўқдур».

Баъзи одамлар (баъзи уламолар) «Қўшнинг шуфъа ҳуқуқи мавжуд» деб, кейин қуйидаги гаплари бирлан уни ботил қиладилар: «Бир киши ҳовли сотиб олмоқчи эрса-ю, бўлажак қўшнисининг шуфъага биноан уни ўз ерига қўшиб олмоғидан чўчиб аввал юздан бир қисмини, сўнг қолганини сотиб олса ва ўшал дастлабки сотиб олган қисмида қўшнисининг шуфъаси бўлган бўлса, ул ҳолда қўшнисининг ҳовлининг қолган қисмида ҳақи бўлмай, уни қўлга киритмоқ учун ҳийла ишлатмоғи мумкиндур».

Амр ибн Шарид ривоят қиладилар: «Мисвар ибн Махрама келиб қўлини елкамга қўйди. Мен ул бирлан бирга Саъд (ибн Молик)нинг ҳузурига бордим. Жаноб Расулulloҳнинг озод қилган қуллари Абу Рофиъ Мисварга: «Саъдга айтингиз, менинг ҳовлимдаги бир ўйни сотиб олсин!» — деди. Саъд: «Унга тўрт юз мисқолдан ортиқ бермағаймен, шунда ҳам бўлиб-бўлиб ёким муайян муддатдан сўнг бергаймен», — деди. Абу Рофиъ: «Унга беш юз мисқол нарх қўйғон эрдилар, агар Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қўшни қўшнига бошқалардан кўра ҳақлироқдур!» деб айтмаганларида эрди, сенга сотмас эрдим!» — деди» Баъзи одамлар: «Шуфъани сотмоқчи бўлган киши ҳийла-тадбир қилиб шуфъани бекор қилмоғи учун харидорга ҳовлисини инъом қилиб нархини айтадир, харидор эрса унга яширинча минг дирҳам берадир, шунда шуфъа ҳуқуқига эга бўлган қўшниси шуфъа ҳуқуқидан маҳрум бўладир», — дейишадир.

Амр ибн Шарид ривоят қиладилар: «Абу Рофиъ Саъд (ибн Молик) бирлан ўйини тўрт юз мисқолга савдолашдида: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қўшни қўшнига ҳақлироқдур!» — деб айтганларини эшитмаганимда эрди, ўйимни сенга сотмас эрдим!» — деди».

Баъзи одамлар: «Агар киши ҳовли сотиб олса-ю, ўша ердаги қўшнани шул ҳовлига бўлган шуфъа ҳуқуқидан маҳрум этмоқчи бўлса, уни кичик ўғлига ҳадя қиладир. Бу унга гуноҳ бўлмағай», — дейишадир.

15-боб. Закотчининг ҳийлакорлик қилиб закотга берилган нарсалардан ўзига олиб қолмоғи ҳақида

Абу Ҳумайд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Сулайм қабиласидан закот йиғиш учун бир кишини закотчи қилиб тайинладилар, исми — Ибнуллутбийя эрди. Ўшал одам закот йиғиб келгач, Жаноб Расулulloҳ ҳисоб-китоб қилдилар, Шунда ул: «Мана булар закотга берилди, мана булар эрса менга ҳадя қилинди», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар гапинг рост эрса (одамлар ҳадя қилмоғига арзиғулик киши эрсанг), унда ота-онангнинг уйида ўлтирсанг ҳам одамлар сенга ҳадя олиб келавермас эрдими?!» — дедилар. Кейин, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдиларда, «аммо баъд» дегач, бизга бундай деб хитоб қилдилар: "Мен ораларингиздан бир кишини Оллоҳ таоло менга буюрган закотни йиғиб келмоққа тайин қилсам, ул қайтиб келиб: «Мана булар сизга (закотга) берилди, мана булар эрса, менга ҳадя қилинди», — дейдир. Агар шундай эрса, ота-онасининг уйида ўлтириб ҳадя олавермайдими?! Оллоҳ таоло ҳақи, ўла-ўлгунингизча зиғирдак бўлса ҳам ҳаққингиз бўлмаган нарсани олмангиз, илло қиёмат куни ноҳақ олган нарсангизни кўтарган ҳолда Оллоҳ таолога рўбарў бўлғайсиз. Шунда ҳеч қайсингиз бир-бирингизга қиё ҳам боқмағайсиз. Ноҳақ олган туянгизни ўқирган ҳолда ёким ноҳақ олган сигирингизни бўқирган ҳолда ёхуд ноҳақ олган қўйингизни маъраган ҳолда кўтариб Оллоҳ таолонинг ҳузурига келгайсиз!». Сўнг, Жаноб Расулulloҳ икки қўлларини шул қадар баланд кўтариб фотиҳа қилдиларким, ҳатто қўлтиқларининг оппоқлиги кўриниб кетди. «Ё парвардигоро, — дедилар Жаноб Расулulloҳ, — сенинг амрингни (умматларимга) тушунтира олдиммикан? Мен буни ўз кўзим бирлан кўриб, қулоғим бирлан эшитганмен».

Амр ибн аш-Шарийд ривоят қиладилар «Абу Рофиъ айтдики, Жаноб Расулulloҳ: «Қўшни қўшнига ҳақлироқдур» — деб айтган эрканлар».

Баъзи одамлар: «Агар шуфъа ҳуқуқи бўлмаган бир киши йигирма минг дирҳамга сотиладирган ҳовлини олмоқчи эрса, уни сотиб олмоғидан илгари ҳийла ишлатса бўлаверади. Ўшал одам тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз дирҳам берадир, йигирма мингдан қолганини

эrsa динор ҳисобида тўлайдир. Агар шуфъа ҳуқуқига эга бўлган қўшни йигирма минг дирҳамга ўзи сотиб олмоғини айтиб, ҳовлини талаб қилиб туриб олса, ул ҳолда сотувчи ўзига тўланган тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз дирҳаму динорларни харидорга қайтариб берадир. Чунким, шуфъа ҳуқуқига эга бўлган қўшни ҳовлини талаб қилганда динор устидан келишилган савдо бузиладир. Агар шуфъа ҳуқуқига эга бўлган қўшни ҳовлини олгач, ундан айб топиб айниса, ул ҳолда унга йигирма минг дирҳам қайтариб бериладир», — дейишадир.

Имом Бухорий: «Шундай деб улар юқоридаги ҳийлакорликни муслмонларга раво қилиб қўядирлар. Ваҳоланки, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Савдода на иллат ва на хиёнат ва на ўғирлик бўлмаслиги лозим!» — деб айтганлар».

Амр ибн аш-Шарийд ривоят қиладилар: Абу Рофиъ Саъд ибн Молик бирлан ўз уйини тўрт юз мисқолга савдо қилдида: «Агар Жаноб Расулulloҳ: «Қўшни қўшнига ҳақлиғроқдур!» — демаганларида эрди, сенга сотмас эрдим!» — деди».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ТУШЛАР ҲАҚИДА

1-боб. Туш таъбири ҳамда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга келган дастлабки ваҳийнинг яхши туш тарзида нозил бўлгани ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Дастлабки ваҳий Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга уйқуларида чин туш тарзида нозил бўлган эрди. Ул зот тонг шафағи янглиғ нурафшон тушларнигина кўрар эрдилар. Пиравардида Ҳироъ ғориға бориб бир қанча тун тоат-ибодат бирлан машғул бўладирган бўлиб қолдилар. Шунинг учун ўзлари бирлан еб-ичкулик олиб кетар, еб-ичкуликлари тугаса, Хадичанинг ҳузурига қайтар эрдилар. Хадича эрса ҳар сафар ул зотни еб-ичкулик бирлан таъминлар эрдилар. Ногаҳон, кўрган тушлари рўёбга чиқиб қолди: ул зот Ҳироъ ғорида эрканликларида бир фаришта (Ҳазрат Жаброил) келиб: «Икраъ!» («Ўқиғил!») — деди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Ўқишни билмағаймен», — дедилар. «Шунда, — дейдилар Жаноб Расулulloҳ, — ул мени тепамдан босиб хириллатиб қўйди, ҳатто танамда мадорим қолмади. Кейин, қўйиб юбордида, яна «Ўқиғил!» — деди. Мен «Ўқишни билмағаймен!» — дедим. Ул мени иккинчи бор тепамдан босиб хириллатиб қўйди, ҳатто танамда мадорим қолмади. Кейин, қўйиб юбордида, яна: «Ўқиғил!» — деди. Мен: «Ўқишни билмағаймен», — дедим. Ул мени учинчи бор тепамдан босиб хириллатиб қўйди, ҳатто танамда мадорим қолмади. Кейин, қўйиб юбордида: «Икраъ бисми раббикаллазий халақа...», — деди («Яратган раббининг исми бирлан ўқиғил...» («... билмаганини ўргатди» гача)). Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ кўрқувдан аъзойи баданлари титраб-қақшаб Хадичанинг ҳузурига кириб келдиларда: Мени ўраб (яшириб) қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!» — дедилар. Улар Жаноб Расулulloҳни кўрқувлари тарқалгунича ўраб қўйишди. Сўнг, ул зот: «Ё Хадича, менга нима бўлганини билурмисен?» — деб бўлган воқеани айтиб бердиларда: «Мен ўзимдан хавотир олдим», — дедилар. Хадича: «Асло ундай эрмас, аксинча, хурсанд бўлингиз, Оллоҳ таоло ҳақи, Оллоҳ таоло сизни ҳеч вақт шарманда қилмағай, сиз қариндошларингиз ўртасида меҳру оқибат ришталарини боғлағайсиз, уларни ҳақиқатдан хабардор этғайсиз, оғирини енгил қилғайсиз, меҳмоннавоз бўлғайсиз, ҳақиқат йўлидаги мушкилотларнинг бартараф бўлмоғига кушойиш берғайсиз!» — деди. Сўнг, Хадича Жаноб Расулulloҳни ўзларининг амакиваччалари бўлмиш Варақа ибн Навфал ибн Асад ибн Абдуллоҳнинг ҳузурига олиб бордилар. Ул киши жоҳилият даврида насронийликни қабул қилган эрди. Арабча хат-саводи бўлиб, Инжилдан Оллоҳ таоло насиб этганча араб ёзувида кўчириб олган эрди. Ўзи кекса, кўзи ожиз эрди. Хадича унга: «Эй амакимнинг ўғли, биродарингизнинг ўғлининг гапига қулоқ осингиз!» — деди. Барақа Жаноб Расулulloҳга: «Эй биродаримнинг ўғли, нималарни кўрдингиз, айтингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ нимаики кўрган бўлсалар, бирма-бир баён айладилар. Варақа: «Бул Номус (Жаброил) исми фаришта бўлиб, уни Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга юборган эрди. Кошки, мен ёш бўлсаму, сизнинг ислом динига даъват этмоғингизда иштирок этсам, сизни қавмингиз ўз орасидан қувиб чиқарган вақтда мен ҳаёт бўлсам!» — деди. Жаноб Расулulloҳ ҳайратомуз: «Мени қавмим ўз орасидан ҳайдағайми?» — дедилар. Варақа: «Ҳа, шундай. Сизга қадар кўп кишилар пайғамбарликни даъво қилиб келган, аммо уларнинг барчаси рад этилган. Сизга Оллоҳ таоло муяссар этғуси кунлар менга ҳам насиб этса, катта ёрдам кўрсатғаймен!» — деди. Лекин, кўп ўтмай, Варақа вафот этди. Жаноб Расулulloҳга бир мунча вақт ваҳий келмай қўйди. Ул зот бундан қаттиқ қайғура бошладилар, шул қадар изтироб чекар эрдиларки, ҳатто баъзан ўзларини тоғ чўққисидан ташлагудек ҳолга тушар эрдилар. Ҳар сафар шундай қилмоқчи бўлганларида Ҳазрат Жаброил ҳозир бўлиб: «Эй Муҳаммад, сиз дарҳақиқат Оллоҳ таолонинг расулусиз!» — дер эрдилар, шунда ул зот таскин топиб тоғдан қайтиб тушар эрдилар. Кейин,

яна ваҳий келмай қўйса, тоғ тепасига чиқиб ўзларини ташламоқчи бўлар эрдилар, шунда яна Ҳазрат Жаброил пайдо бўлиб, ўшал гапларини такрорлар эрдилар».

Ибн Аббос: «Тонгларни оттиргувчи — кундузи қуёш нури, кечаси ой ёғдусидур!» — дейдилар.

2-боб. Солиҳ бандаларнинг тушлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Ал-фатҳ» сураси): «Лақада садақаллоҳу расуулаҳур-руъйю бил-ҳаққи латадхулуннал масжидал-ҳарома иншоаллоҳу оминийна муҳалликийка руъуусакум ва муқассирийна ло тахофууна фаалима мо лам таъламуу фажаъала мин дууни золика фатҳан қарийбан». Оятнинг мазмуни: Дарҳақиқат, Оллоҳ ўз расулига рост тушни кўрсатди. Агар Оллоҳ хоҳласа, бамайлихотир сочларингизни батамом олдириб ва қисқартириб ҳеч нарсадан қўрқмай Масжид ул-Ҳаромга кирғайсизлар. Оллоҳ сизлар билмаган нарсани билғай, ул бундан аввал яқин кунларда бир фатҳни муяссар қилди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Солиҳ одамнинг кўрган битта яхши туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур» — дедилар».

3-боб. Туш Оллоҳ таоло тарафидан кўрсатилғай!

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Яхши туш — Оллоҳ таоло тарафидан, ёмон туш — шайтон тарафидан содир қилинғайдур», — дедилар».

Ибн Хаббоб Абу Саъид ал-Худрийдан эшитиб нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Бирортангиз ўзингизга ёқадирган туш кўрсангиз, ул Оллоҳ таоло тарафидан сизга марҳамат қилинғон бўлиб, бунинг учун дарҳол раббингизга муносиб ҳамду санолар айтингиз ва кўрган тушингизни (яхши одамларга) сўйлангиз, башарти кўнглингиз хушламайдиган тушни кўрсангиз, демак ул шайтон тарафидан содир қилинғон бўлиб, унинг ёмонлиғидан Оллоҳ таолодан паноҳ тилангиз, шунда кўрган ёмон тушингиз сизга зарар келтира олмағайдур!».

4-боб. Яхши туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур!

Абу Салама Абу Қатодадан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Яхши туш Оллоҳ таоло тарафидан, ёмон туш эрса шайтон тарафидан содир қилинғайдур. Агар ёмон туш кўрсангиз, унинг ёмонлиғидан Оллоҳ таолодан паноҳ тилаб, чап томонингизга тупуриб қўйингиз, шундай қилсангиз, кўрган ёмон тушингиз сизга зарар келтира олмағай», — дедилар».

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин кишининг туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин кишининг туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Яхши туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур», — дедилар».

5-боб. Мубашширот (яхши тушлар) ҳақида

Абу Хурайра ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Пайғамбарликдан мубашширотдан ўзга нарса қолмади», — дедилар. «Ё Расулalloҳ, мубашширот недур?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Яхши тушлардур», — дедилар».

6-боб. Юсуф алайҳиссаломнинг тушлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Юсуф» сураси): Оятларнинг мазмуни: «Юсуф отасига: «Эй отажон, тушимда ўн битта юлдуз бирлан қуёш ва ойнинг менга сажда қилаётганларини кўрдим!» — деганида, отаси: «Эй ўғилгинам, тушингни биродарларинг қошида сўйлай кўрмағилки, улар сенга қарши бир тадбир кўрмоқ тараддудиға тушғайлар, шайтоннинг эрса, инсонга душман эрканлиғи аниқдур, шул йўсинда (кўрган тушинг орқали) парвардигоринг сени ўз бандалари орасида мумтоз этганлигини билдирур ва сенга туш таъбир қилмоқ илмини ўргатур ҳамда икки бобонг бўлмиш Иброҳим ва Исҳоқға мўл инъом бергани каби сенга ва Яъқуб хонадонига ҳам ўз инъомини мўл-кўл қилғайдур, дарҳақиқат раббинг илмли, ҳикматли зотдур». «(Юсуф деди): «Эй отажон, бул — (акаларимнинг менга таъзим қилғонлари) илгари кўрган тушимнинг таъбири бўлиб, парвардигорим уни ҳақиқатга айлантирди ва шайтон мен бирла акаларим ўртасига ихтилоф солганда карам қилиб мени зиндондан халос қилди, сизларни эрса саҳродан (бу ерга) келтирди, албатта парвардигорим ўзи хоҳлаган нарсага лутф қилғайдур, ул илмли ҳикматли зотдур. Эй раббим, сен менга подшоҳлик (тахтини) ато этдинг ва менга туш таъбир қилмоқ илмини ўргатдинг, эй осмонларни ва ерни яратган зот, сен менинг бул дунёда ва охиратда ҳомийимсен, менга мусулмон ҳолда вафот этмоғимни насиб айлағил ва мени солиҳ бандаларинг қаторига қўшғил».

7-боб. Иброҳим алайҳиссаломнинг тушлари ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Вас-Соффоти» сураси): Оятнинг мазмуни: «Исмоил Иброҳимнинг ёнида юриб дастёрлик қила оладирган бўлиб қолганда, ул: «Эй ўғилгинам, мен тушларимда сени қурбонлик қилаётганимни кўраётирмен, бунга сен не дерсен?» — деди. Исмоил: «Эй отажоним, сизга не амр қилинғон эрса, ани адо этингиз, иншооллоҳ, мен сабр қилғувчилар тоифасидан бўлғаймен!» — деди. Ҳар иккаларини Оллоҳнинг амриға бўйинсунганларидан сўнг, ота боласини пешонасини ерга қилиб ётқизди. Шунда биз унга нидо қилиб: «Эй Иброҳим, тушни чинга йўйдинг, биз эҳсон қилғувчиларға ана шундоғ ажру савоб берғаймиз!» — дедик» (яъни, «Биз солиҳ бандаларни ана шундоқ синаб кўриб, ажру савоблар ато этғаймиз!»).

8-боб. Турли кишилар кўрган тушларнинг ўзаро мувофиқ келиб қолмоғи ҳақида

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Тунлардан бирида саҳобаларнинг бир гуруҳи Лайлат ул-Қадрнинг рамазон ойининг охирги етти кунлигида, яна бир гуруҳи эрса, унинг рамазон ойининг охирги ўн кунлигида ўтмоғини тушларида кўрдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Унинг ўтмоғини рамазон ойининг охирги етти кунлигида кутингизлар!» — дедилар».

9-боб. Зиндон аҳлининг туши ҳақида фисқу фасод ва ширк ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли («Юсуф» сураси): «Ва Юсуф бирлан бирга икки йигит зиндонга ташланди. Улардан бири: «Тушимда кўрсам, мусаллас учун узум сиқиб турган эрмишмен» —

деди. Иккинчиси эрса: «Мен тушимда бошимга нон кўтариб олган эрмишмену, ул нонни қушлар чўқиладиган эрмиш. Тушимизнинг таъбирини айтиб берғил, биз сени тушларни тўғри таъбир қилғувчи деб билурмиз!» — деди. Юсуф бундай деди: Тушингизнинг таъбири шулким, сизларга ато этилажак ризқнинг ул ато этилмасидан бурун дарагини берурмен, бул илм менга раббим ўргатган илмлардан биридур ва мен Оллоҳ таолога иймон келтирмаган қавмнинг динини тарк этгандурмен, чунким улар охиратга ишонмағайлар. Мен боболарим бўлмиш Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубнинг динига итоат этурмен. Мазкур динга биноан Оллоҳ таолога заррача ширк келтирмаслигимиз лозим бўлиб, бул Оллоҳ таолонинг бизга ва инсонларга кўрсатган фазлу карамидур. Аммо, кўпчилик одамлар бунга шукр қилмайдурлар. Эй зиндондошларим, (ўзларингиз қўлларингиз бирлан ясаб олган) турли-туман бутларга ибодат қилганингиз яхшими ёхуд (бутун жаҳонни яратган ва уни танҳо ўзи идора қилиб турган) ҳаммадан ғолиб Оллоҳ таолога ибодат қилганингиз афзалми? Оллоҳ таолодан бўлак ибодат қилаётган нарсаларингизга ўзингиз ва аждодларингиз «тангри» деб ном қўйиб олгандурсизлар, ваҳоланки Оллоҳ таоло уларга ҳеч қандай куч-қудрат ато этган эрмас. Зеро, Оллоҳ таолонинг танҳо ўзи ҳукмдор бўлиб, ул ўзидан бўлакка ибодат қилмоқни манъ қилғондур. Шулдур тўғри йўл, аммо кўп одамлар буни билмаслар. Эй зиндондошларим, бирингиз (зиндондан халос бўлғонингиздан сўнг) ўз мамлакатингизнинг подшоҳига соқий қилиб тайинлангайсиз, иккинчингиз эрса, дорга осилгайсиз ва осилиб ётганингиз ҳолда бошингизни қушлар чўқиб егайдур. Сизлар тушингизда кўриб таъбирини сўраётган воқеалар Оллоҳ таоло тарафидан аллақачон тақдир қилинғондур». Кейин Юсуф, подшоҳга соқий қилиб тайинланиб нажот топғай, деб гумон қилган зиндондошига: «Подшоҳнинг қошида (зиндонда бир бегуноҳ мусофир ётибдир деб) менинг ҳақимда эслатғил!» — деди. Аммо, шайтон подшоҳнинг қошида айтмоғи лозим бўлган гапни унинг хаёлидан чиқарди, Юсуф яна бир неча йил зиндонда қолиб кетди. (Бир куни Миср) подшоҳи: «Мен тушимда еттита семиз сигирнинг еттита озғин сигирни еб турганини ҳамда еттита хўл ва еттита қуруқ буғдой бошоғини кўрдим. Эй аъёнлар, агар билсангиз, тушимнинг таъбирини айтингиз!» — деди. Улар: «Бул чалкаш тушдир, биз бундай тушларнинг таъбирини билмағаймиз», — дейишди. Шунда (зиндондан) халос бўлган мазкур киши (Юсуф алайҳиссалом) ёдига тушиб: «Мени (унинг) олдиға юборингизлар, бул тушнинг таъбирини билиб келиб сизларға айтгаймен!» — деди. Кейин ул Юсуфнинг олдиға бориб: «Эй Юсуф, эй ростгўй одам, тушда етти семиз сигирни етти озғин сигирнинг еб турғони ҳамда етти хўл ва етти қуруқ буғдой бошоғи на бўлғай, менга айтғил, токим мен бориб одамларға етказай, улар ҳам билсинлар!» — дедя Юсуф бундай деди: «Етти йил муттасил буғдой экингизлар, қанча ҳосил олсангизлар, ҳаммасини бошоқ ҳолида хирмон қилиб сақлаб қўйингизлар, емоқ учун бироз ажратиб қўйсангизлар, бўлур. Шундан сўнг етти йил муттасил қахатчилик келиб аввалги йилларда тўплаган ҳосилингизни тамом еб битиурсизлар, фақат уруғликқа олиб қўйғон донингиз қолур. Кейин, бир йил шундай кўп ёғин бўлғайким, одамлар мевалардаи ичимлик тайёрлағайлар». Подшоҳ: «Юсуфни менинг ҳузуримға олиб келингизлар!» — деди. Подшоҳнинг элчиси келгач, Юсуф унга: «Подшоҳинг қошиға қайтғил...», — деди».

Абу Ҳурайри ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар мен Юсуфчалик зиндонда узоқ қолиб кетсаму, олдимга биров юринг деб чақириб келса, дарҳол кўнган бўлур эрдим», — дедилар».

10-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламни тушида кўрганлар ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Мен Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: «Кимки мени тушида кўрса, ўнгида ҳам кўрғайдур (яъни, Оллоҳ таоло Мадинага ҳижрат қилмоқни насиб этмаган бўлса-ю, мени тушида кўрган эрса, қиёматда қайта тирилгач, мени кўрғайдур), чунким шайтон менинг қиёфамга киролмағайдур!» — деб айтганларини эшитганмен».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Кимки мени тушида кўрган эрса, ўзимни кўрибдур, чунким шайтон менинг қиёфамга киролмағайдур ҳамда мўминнинг туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур», — дедилар».

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Яхши туш Оллоҳ таоло тарафидан, ёмон туш эрса, шайтон тарафидан содир қилинғайдур. Кимки ёмон туш кўрса, чап тарафига уч бор тупириб қўйсинда, шайтоннинг ёмонлиғидан Оллоҳ таолодан паноҳ тиласин! Шунда шайтон унга зарар келтира олмағайдур. Дарҳақиқат, шайтон менинг қиёфамга киролмағай», — дедилар».

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки мени тушида кўрган эрса, ҳақиқатан кўрибдур», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки мени тушида кўрган эрса, ҳақиқатан кўрибдур, чунким шайтон менинг қиёфамга кира олмағайдур», — дедилар».

11-боб. Тунги туш ҳақида

Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Оллоҳ таоло менга сўзларнинг калитларини ато этди ва душманлар қалбига даҳшат солиб, мени улар устидан музаффар қилди. Утган кеча уйқумда Оллоҳ таоло менга ер хазиналари очқичларини ҳам ато этиб эрди, мен уларни қўлимга олдим», — дедилар».

Абу Хурайра: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар, энди ул калитлар сиз (саҳобалар)нинг қўлингизга ўтғайдур», — дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Мен бул кеча Каъба ёнида ётиб туш кўрдим. Тушимда сен кўриб юрган буғдойранг кишилардан ҳам хушрўйроқ бир буғдойранг кишини кўрдим. Унинг икки чаккасидаги силлиқ таралган кокили ўзига ярашган бўлиб, улардан сув томиб турарди. Сен бундай гўзал кокилни кўрмагансен! Уни икки киши қўлтиқлаб олиб Каъбани тавоф қилдирар эрди. Мен: «Бул кимдур?» — деб сўрасам: «Масиҳ ибн Марям (Исо алайҳиссалом)», — дейишди. Кейин қарасам, яна бир киши юрибдир. Сочи дағал, қўнғироқ-қўнғироқ, ўнг кўзи кўр, гўёким узум донаси янглиғ бўртиб турибдир. «Бул кимдур?» — десам, «Масиҳ Дажжолдур», — дейишди».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бир киши келиб: «Мен бул кеча туш кўрдим», — деди ва кўрганларини баён қилди».

12-боб. Кундузги туш ҳақида

Ибн Авн ибн Сиридан нақл қилиб: «Кундузги туш тунги туш кабидур», — дейдилар.

Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Абу Талҳа ривоят қиладилар: «Анас ибн Молик айтдики, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (холалари бўлмиш) Умму Ҳаром бинти Милҳомнинг хузурига кириб турар эдилар, ул Ибн ас-Сомитнинг хотини эрди. Бир куни одатдагидек унинг хузурига кирдилар, ул меҳмон қилди, кейин сочларини тарай бошлаган эрди, (роҳатланиб)

ухлаб қолдилар. Бироздан сўнг уйғониб кулиб қўйдилар. Шунда холалари: «Ё Расулаллоҳ, нега кулдингиз» — деб сўради. Жаноб Расулаллоҳ: «Бир гуруҳ умматим подшоҳлардек тахтга ўлтириб олишиб Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилгани кемада денгиз бўйлаб сузиб кетишаётган эрмиш», — дедилар. Холалари: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога илтижо қилингиз, мени ҳам ўшалар тоифасидан қилсин!» — деди. Жаноб Расулаллоҳ дуо қилдиларда, бошларини қўйиб яна ухлаб қолдилар, сўнг кулиб уйғониб кетдилар. Холалари: «Ё Расулаллоҳ, (бул сафар) сизни кулдирган недур?» — деди. Жаноб Расулаллоҳ аввалгидек «Бир гуруҳ умматим подшоҳлардек тахтга ўлтириб олишиб Оллоҳ таоло йўлида ғазот қилгани кемада денгиз бўйлаб сузиб кетишаётган эрмиш» — дедилар. Холалари: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таолога илтижо қилингиз, мени ҳам ўшалар тоифасидан қилсин!» — деди. Жаноб Расулаллоҳ: «Сиз биринчи бўлиб ғазот қилганлардансиз!» — дедилар. Қарангким, ўшал холалари Муовия ибн Абу Суфён замонида кемага чиқиб сафар қилиб эрди, уловига миниб кемадан тушаётганида йиқилиб вафот этди».

13-боб. Аёллар туши ҳақида

Хорижа (ибн-Зайд ибн Собит)нинг ривоятларига кўра, (оналари) — Умму ал-Ало ансорийлардан биринчи бўлиб Жаноб Расулаллоҳга байъат қилган аёл эрканлар. Ўшал аёл бундай дебдилар: «Маккадан ҳижрат қилиб келганларни қуръа ташлаб ансорларнинг уйларига тақсимлашди. Усмон ибн Мазъун бизнинг чекимизга тушдилар. Ул кишини уйимизга олиб бориб жойлаштирдик. Кейин, касалланиб вафот этиб қолдилар. Мурдаларини ювиб, ўзларининг кийимларига кафанладик. Сўнг, Жаноб Расулаллоҳ ичкарига кириб эрдилар, мен майитга қарата: «Ё Абу ас-Соиб, Оллоҳ таоло сизни раҳмат қилсин, кўриб турибменким, Оллоҳ таоло сизни ўз карамига олгандур!» — дедим. Шунда Жаноб Расулаллоҳ: «Қаердан билурсен Оллоҳ таоло уни мукаррам қилғонин?» — дедилар. Мен: «Отам ҳақи, ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло шул кишини мукаррам қилмаса, кимни мукаррам қилғай?!» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Оллоҳ таоло ҳақи, уни ажал олиб кетғонидан афсусланурмен, унга менинг хайриятдан ўзга тилагим йўқдур, аммо мен ўзим пайғамбар бўлатуриб, охиратда Оллоҳ таоло менга қандай муомала қилғай, билмасмен!» — дедилар, Шундан сўнг, ўзимга ўзим «Энди сира ҳам бундай демагаймен!» — деб қўйдим».

Муаммад ибн Муслим аз-Зухрий ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ўзим пайғамбар бўла туриб, охиратда Оллоҳ таоло менга қандай муомала қилғай, билмасмен!» — деганларидан сўнг, Умму ал-Ало: «Бул гап мени қайғуга солиб қўйди, ўшал кеча тушимда Усмон ибн Мазъуннинг юм-юм йиғлаб турганин кўрдим, Жаноб Расулаллоҳга буни айтиб эрдим, ул зот: «Бул унинг амалидур!» — дедилар (аъни, тушдаги кўз ёши хайриятдан нишона бўлиб, ҳаётлик чоғда қилинғон амали солиҳлар эвазига Оллоҳ таоло даргоҳида бетиним кўз ёшлари янглиғ туганмас ажру савобга муяссар бўлғонликни англатгайдур)».

14-боб. Ёмон туш (алғов-далғов туш) шайтон тарафидан содир қилинғайдур!

Кимки ёмон туш кўрса, чап тарафига (уч бор) тупуриб, сўнг Оллоҳ аzza ва жалладан паноҳ тиласин!

Абдурахмон ибн ибн Авф ривоят қиладилар: «Жаноб Расулаллоҳнинг машҳур ва жасур саҳобаларидан бири бўлмиш Абу Қатода: «Жаноб Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яхши туш Оллоҳ таоло тарафидан, ёмон туш эрса, шайтон тарафидан содир қилинғайдур. Кимки нохуш туш кўрса, чап тарафига тупурсин ва Оллоҳ таолодан ўзига паноҳ тиласин!» — деб айтганлар», — деди».

15-боб. Тушдаги сутнинг таъбири ҳақида

Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Умар оталари Абдуллоҳ ибн Умардан навл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тушимда менга бир қадаҳ сут узатишди, уни шул қадар қониб ичдимки, ҳатто тирноқларимдан чиқди. Кейин, қолганини Умарга узатдим», — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, буни нимага йўйдингиз?» — дейишди. Ул зот «Илмга йўйдим!» — деб жавоб қилдилар».

16-боб. Тушда қўл-оёқ ёким тирноқлардан сут оқса...

Ибн Шизоб Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Умардан навл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тушимда менга бир қадаҳ сут узатишди, уни шул қадар қониб очдимки, ҳатто қўл-оёқларим учидан сут оқиб чиқаётганини кўрдим, кейин қолганини Умар ибн ал-Хаттобга узатдим», — дедилар. Атрофларида ўлтирган кишилар: Буни нимага йўйдингиз, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Ул зот: «Илмга йўйдим!» — дедилар».

17-боб. Тушдаги кўйлакнинг таъбири ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир пайт ухлаб ётган эрдим, тушимда бир гуруҳ одамлар кўринди. Улар кўйлак кийиб олган бўлиб, баъзилариникининг этаги кўкраклари баробарида, айримлариникининг этаги эрса, бундан хиёл узунроқ. Кейин, менга Умар ибн ал-Хаттоб намоён бўлди, унинг кўйлаги узун бўлиб, ерда судралиб кетаётир», — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, буни нимага йўйдингиз?» — дейишди. Ул зот: «Динга йўйдим!» — дедилар».

18-боб. Тушда кўйлак этагини узунлигидан ерда судраб юрса, таъбири не бўлғай?

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир пайт ухлаб ётган эрдим, тушимда бир гуруҳ одамлар намоён бўлди. Улар кўйлак кийиб олган бўлиб, баъзилариникининг этаги кўкраклари баробарида, айримлариникининг этаги эрса, бундай хиёл узунроқ. Кейин, менга Умар ибн ал-Хаттоб намоён бўлди, унинг кўйлаги узун бўлиб, ерда судралиб кетаётир», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, буни нимага йўйдингиз?» — дейишди. Ул зот «Динга йўйдим!» — дедилар».

19-боб. Тушда кўринган яшил нарса бирлан ам-яшил чорбоғнинг таъбири ҳақида

Қайс ибн Аббад ривоят қиладилар: «Мен, Саъд ибн Молик ва Ибн Умар ўзаро суҳбатлашиб ўлтирган эрдик. Ногаҳон, Абдуллоҳ ибн Салом ўтиб қолди. Шунда уни кўриб: «Бул киши жаннат аҳлидандур!» — дейишди. Мен унга: Улар сени жаннати, дейишди», — дедим. Шунда ул бундай деб айтди «Субҳоналлоҳ, улар ўзлари билмаган нарса хусусида сўзламасликлари лозим! Мен тушимда кўрганимни айтиб берайин: бир ям-яшил боғ ичра бир устун ўрнатилган эрмишу, унинг учига бир тугун осиб қўйилган эрмиш, устуннинг тагида эрса, бир хизматкор ўлтирган эрмиш. Ўшал хизматкор менга: «Устунга чиқгил!» — деди, мен чиқиб тугунга осилиб олдим. Кейин, мен бул тушимни Жаноб Расулulloҳга айтиб бердим. Шунда ул зот: «Абдуллоҳ (ибн Салом) ислом динини қалбиға маҳкам тугиб, комил эътиқод ила жон таслим қилгайдур!» — дедилар».

20-боб. Тушда матога ўраб қўйилган аёлни очиб кўрса, таъбири не бўлғай?

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менга бундай деб айтган эрдилар: «Мен (уйланмасимдан илгари) сени икки марта тушимда кўрганмен. Сени бир киши (Ҳазрат Жаброил) ипак матога ўраб кўтариб кетаётди: Бул сенинг хотининг!» — деб эрмиш. Очиб қарасам, бул сен эрмишсен. Шунда: «Агар бул (тушим) Оллоҳ таолодан содир бўлгон эрса, демак уни (сенга уйланмоғимни) албатта рўёбга чиқаргайдур!» — деб қўйдим».

21-боб. Тушда кўринган ипак мато таъбири ҳақида

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен уйланмасимдан бурун сени икки марта тушимда кўрганмен, сени бир фаришта ипак матога ураб кўтариб кетаётган эрмиш. Унга мен: «Матони очиб кўрсатғил!» — деган эрмишмен, ул очиб кўрсатган эрмиш. Қарасам, бул сен эрмишсен. Шунда мен: «Агар бул (тушим) Оллоҳ таолодан содир бўлгон эрса, демак «уни (сенга уйланмоғимни) албатта рўёбга чиқаргайдур!» деб қўйдим».

22-боб- Тушда қўлга тутқазилган калитлар ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен Жавомиъ ул-Калим (яъни, Қуръон) бирлан (пайғамбар қилиб) юборилдим ва (душманлар қалбига) даҳшат солиниб қолиб қилиндим. Тушимда менга ер хазиналари калитлари ато этилиб, уларни қўлимга олдим», — дедилар».

23-боб. Тушда тугун ва сиртмоққа маҳкам осилиб олмоқлик ҳақида

Абдуллоҳ ибн Салом ривоят қиладилар: «Мен тушимда ўртасига устун ўрнатилган бир боғни кўрдим. Устуннинг учида тугун осилган бўлиб, менга: «Устунга чиқғил!» — дейилди. Мен: «Чиқа олмағаймен», — деб эрдим, бир хизматкор келиб, кийимимдан ушлаб кўтарди, шунда мен тугунни маҳкам қучоқлаб олдим. Кейин, уйғониб кетдим. Буни Жаноб Расулulloҳга айтган эрдим, ул зот: «Ўшал боғ — ислом боғи бўлиб, ундаги устун — ислом устунидур, тугун эрса, мустақхам ислом дўстлигидур. Сен исломни бағринга маҳкам босганинг ҳолда дунёдан кўз юмғайсен!» — дедилар».

24-боб. Тушда чодир устунини ёстиқ остида кўрса...

Бу ерда мисолга ҳадис келтирилмаган бўлиб, уламоларнинг таъбирича, ёстиқ остидаги чодир устун — ислом динидур.

25-боб. Тушда ипак мато кўрмоқ ва жаннатга кирмоқ ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Тушимда кўрсам, қўлимда бир ипак мато бор эрмишу, ўзим жаннатда эрмишман. Ипак матони жаннатнинг қаерига ташлаб кетмайин, кетимдан қолмай учиб келаётган эрмиш. Буни опам Ҳафсага айтган эрдим, ул бориб Жаноб Расулulloҳга сўйлаб берибди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Абдуллоҳ (ибн Умар) солиҳ кишидур! — деб айтибдилар».

26-боб. Тушдаги кишан ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат яқин бўлса, мўминнинг кўрган туши ёлғон чиқмайди, мўминнинг туши эрса, пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур ва нимаики пайғамбарликка хос эрса, ёлғон бўлмайди!» — дедилар. Ибн Сирин: «Мен ҳам шул гапни тасдиқлаймен. Айтишларича, тушда уч нарса содир бўлар эркан: одамнинг ўнгидаги воқеа-ҳодисалар, шайтоннинг васвасаси ва Оллоҳ таолонинг башорати. Кимки ёмон туш кўрса, бировга айтмай (икки ракъат) намоз ўқисин!» — деб айтди».

Ибн Сирин бундай дейдилар: «Абу Ҳурайра тушда бўйинга солинадирган кишанни кўрмоқни хушламай, оёққа солинадирган кишанни кўрмоқни афзал деб билар эрдилар, чунким тушда оёғи кишанланганлик — динда собитлик деб таъбир қилинадир».

27-боб. Тушда кўз ёши тўкмоқ ҳақида

Хорижа иби Зайд ибн Собит Умму ал-Алодан нақл қиладилар. Ул Жаноб Расулulloҳга биринчи бўлиб байъат қилган аёллардан бўлиб, бундай деган эркан: «Ансорлар муҳожирларни бўлиб олиб уйларига олиб кетмоқ учун қуръа ташлашганда Усмон ибн Мазъун бизнинг чекимизга тушдилар. Кейин, ул киши хасталаниб қолиб вафот этдилар. Биз мурдани ювиб, ўз кийимига кафанладик. Жаноб Расулulloҳ видолашгани кирганларида, мен: «Эй Абу Соиб, сизни Оллоҳ таоло раҳмат қилсин, кўриб турибменким, Оллоҳ таоло сизни мукаррам қилғондур!» — дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Сен буни қаердан билурсен?» — дедилар. Мен: «Худо ҳақи, билмасмен!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Афсуски, ул вафот этди, менинг унга нисбатан хайриятдан ўзга тилагим йўқдур! Аммо, мен ўзим пайғамбар бўла туриб, Оллоҳ таоло охиратда менга қандай муомала қилғай, билмасмен!» — дедилар. Шу-шу бўлди-ю, мен бундан буён ҳеч кимни (майитни) мақтамайдирган бўлдим. Кейин, тушимда Усмон ибн Мазъунни кўрдим, дув-дув кўз ёши тўкиб турар эрди. Жаноб Расулulloҳга бориб айтган эрдим: «Унинг кўз ёшлари — амали солиҳларига берилаётган ажру савоблардур!» — дедилар».

28-боб. Тушда қудуқдан сув ичирмоқнинг таъбири ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тушимда кўрсам, қудуқ тепасида туриб ундан сув тортиб олаётган эрмишмен. Шу пайт Абу Бакр бирлан Умар келиб қолди. Абу Бакр қўлимдан челақни олиб бир-икки сув тортиб эрди, кам сув чиқди, Оллоҳ таоло уни мағфират қилсин! (яъни, Абу Бакрнинг халифалик муддатлари қисқалигидан кўп ғазот қилолмай қолганликларига ҳамда ул киши тарафидан мусулмон қилинган мушрикларнинг камлигига ишора қилинган). Кейин, Умар ибн ал-Хаттоб Абу Бакрнинг қўлидан челақни олгани ҳаманоқ ул кенгайиб улкан челақка айланди, мен ўз ишига абжир бундайин одамни кўрмаганмен. Умар шунчалик кўп сув тортиб олдимким, ҳатто одамлар туяларига ҳам ичирмоқ учун қудуқ атрофига тарновлар қуришга мажбур бўлдилар!».

29-боб. Тушда қудуқдан бир-икки сув тортиб кам сув чиқарганлик ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

30-боб. Тушда дам олмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен тушимда кўрсам, бир ҳовуз этагида турибмену, ҳумдан челақда сув олиб одамларга ичираётирмен. Шул аснода Абу Бакр келиб қолди ва менга дам бермоқ учун қўлимдан челақни олдида, бир-икки марта ҳовуздан сув тортиди, аммо ҳам сув чиқди, Оллоҳ таоло уни мағфират

қилсин! Кейин, Умар ибн ал-Хаттоб унинг қўлидан челакни олиб, ҳовуздан шул қадар кўп сув чиқардики, ҳатто одамлар сувга қониб қайтиб кетишди, ҳовуз суви эрса, камайиш ўрнига тобора кўпайиб борар эрди».

31-боб. Тушда кўринган қаср ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик бизга қарата: «Тушимда жаннатни кўрдим, бир аёл қаср ёнида ўзига оро бериб турар эрди. Мен фаришталардан: «Бул қаср кимникидур?» — деб сўрадим. Улар: «Умар ибн ал-Хаттобникидур» — дейишди. Шунда мен Умарнинг рашкли эркаклигин эслаб, қасрдан нари кетдим», — дедилар. Умар ибн ал-Хаттоб буни эшитиб йиғлаб юбордида: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, келиб-келиб сиздан рашк қилурменми?» — деди».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тушимда жаннатга кириб. ногоҳ бир олтин қаср олдидан чиқиб қолдим. «Бул кимники?» — деб эрдим, «Бир қурайший кишиникидур», — дейишди. Шунда мен, эй Умар ибн ал-Хаттоб, сенинг рашкли эрканлигингни эслаб ул ерга кирмоқдан ўзимни тийдим», дедилар. Умар: «Ё Расулаллоҳ, сиздан рашк қилурменми!» — деди».

32-боб. Тушда ўзига оро бермоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик бизга қарата: «Тушимда жаннатни кўрдим, бир аёл қаср ёнида ўзига оро бериб турар эрди. Мен фаришталардан: «Бул қаср кимникидур?» — деб сўрадим. Улар: «Умар ибн ал-Хаттобникидур», — дейишди. Шунда мен Умарнинг рашкли эрканлигин эслаб, қасрдан нари кетдим», — дедилар. Умар буни эшитиб йиғлаб юбордида «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, келиб-келиб сиздан рашк қилурменми?!» — деди».

33-боб. Тушда Каъбани тавоф қилмақ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тушимда кўрсам, Каъбани тавоф қилаётган эрмишмен. Ногоҳ, икки одам бир буғдой ранг, сочи силлиқ, бошидан сув томиб турган кишини етаклаб ўтиб қолди. Мен: «Бул ким?» — дедим. «Бул — Ибн Марям», — дейишди. Кейин, атрофга аланглаб яна бир кишини кўриб қолдим. Унинг афти-ангори қизғиш, сочлари жингалак ва узум донасидек бўртиб турган ўнг кўзи кўр эрди. «Бул ким?» — дедим. «Бул дажжол», — дейишди. Ул Ибн Қатанга ўхшаб кетадир, Ибн Қатан эрса, Ҳузоъадаги Бану Мусталақ қабиласидандур».

34-боб. Тушида ўзидан ортган сутни бировга берса...

Ибн Шиҳоб Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Умардан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тушимда менга бир қадаҳ сут узатишди, уни шул қадар қониб ичдимки, ҳатто қўл-оёқларим учидан сут оқиб чиқаётганини кўрдим, кейин қолганини Умар ибн ал-Хаттобга узатдим», — дедилар. Атрофларида ўлтирган кишилар: «Буни нимага йўйдингиз, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Ул зот: «Илмга йўйдим!» — дедилар».

35-боб. Тушда фалокати ариб, тинч-хотиржам бўлганини кўрмоқ ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

саҳобалари ул зотнинг саодатли замонларида туш кўрсалар, дарҳол таъбирини сўрар эрдилар, Жаноб Расулуллоҳ эрсалар Оллоҳ таоло иродасига мувофиқ таъбир қилиб берур эрдилар. Ўшал вақтда мен бўйдоқ йигитча бўлиб, ётар жойим масжид эрди. Бир куни ўзимга ўзим: «Сенда бошқалардагидек яхши фазилатлар мавжуд бўлғонида эрди, улар каби яхши тушлар кўриб Оллоҳ таолонинг башоратидан баҳраманд бўлур эрдинг!» — дедимда, уйқуга ётаётиб: «Ё Раббано, менда бирор яхши фазилат мавжуд эрса, тушимда аён айлағайсен!» — деб илтижо қилдим. Қарангим, шул кеча туш кўрдим, тушимда қўлида темир қамчи ушлаб олган икки фаришта мени жаҳаннамга ҳайдаб кетаётган эрмиш, мен эрсам: «Ё парвардигоро, мени қутқарғил!» — деб ёлвораётган эрмишмен. Шунда қўлида темир қамчи ушлаган яна бир фаришта келиб, менга: «Эй яхши одам, кўп намоз ўқиган эрсанг, сира кўрқмағил!» — деди. Кейин, бояги икки фаришта мени жаҳаннам ёқасига олиб келди. Жаҳаннам ҳам қудуқ янглиғ чуқур бўлиб, лабида қудуқники сингари икки устун бор эркан, улардан ҳар бирининг ёнида қўлида темир қамчи ушлаган фаришталар турибдур. Ичига кўз ташлаб, занжир бирлан оёқларидан осиб қўйилган одамларни кўрдим. Уларнинг орасида қурайш қабиласига мансуб кишилар ҳам мавжуд эрди. Сўнг, фаришталар мени жаҳаннамнинг ўнг ёнидан олиб ўтиб, қўйиб юборишди. Бул тушимни мўминлар онаси бўлмиш Ҳафсага айтиб эрдим, ул Жаноб Расулуллоҳга ҳикоя қилиб берибдур. Шунда ул зот: «Абдуллоҳ солиҳ одамдур!» — деб айтибдирлар». Нофиъ: «Шу-шу бўлди-ю, Абдуллоҳ кўп намоз ўқийдирган бўлиб қолди», — дейдилар.

36-боб. Тушда жаҳаннамнинг ўнг тарафидан ўтказиб қўйиб юборса...

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

37-боб. Тушда қадаҳ (ёким пиёла сингари идиш) кўрса...

Бу ерда 34-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

38-боб. Тушда бирор нарсанинг учганини кўрса...

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Аббосдан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтиб берган тушлари ҳақида сўрадим. Ул: «Жаноб Расулуллоҳ «Бир куни тушимда қўлимга иккита олтин билагузук тақиб қўйиб эрдилар, буни такаббурлик деб ҳисоблаб таққим келмади. Шунда тақмасликка ижозат берилди, мен уларни пуфлаб учириб юбордим. Бул тушимни иккита сохта (пайғамбар) чиқади, деб таъбир қилдим» — деб айтган эрдилар», — деди. Улардан бири ал-Ансий бўлиб, уни Феруз Яманда ўлдирган, иккинчиси — Мусайлима эрди».

39-боб. Тушда сўйиладирган (яъни, семиз) сигир кўрса...

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар «Тушимда Маккадан бир хурмозорга бориб қолиб, Ямомага ёким Ҳажарга келиб қолдиммикан, деб хаёл қилдим. Кейин, аён бўлдики, Ясриб, яъни Мадинада турган эрканмен. Ул ерда бир (семиз) сигирни кўрдим. Оллоҳ таоло ҳақи, бул яхшилиқ аломатидур (чунким, тушдаги семиз сигир — фаровонликнинг, озғин сигир эрса, қаҳатчиликнинг нишонасидур)! Демак бул тушим Оллоҳ таолонинг (бизга) марҳамат қилғонидан ҳамда Бадр жангидан сўнг мўминлар қалбида пайдо бўлғон ишонч учун ато этиладирган савобдан дарак берғайдур!»

40-боб. Тушда пуфламоқ ҳақида

Бу ерда 36-боб такроран келтирилган.

41-боб. Тушда бирор нарсанинг жойи ўзгартирилганини кўрса...

Силим иби Абдуллоҳ оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тушимда сочи тўзғиган бир қора хотинни кўрдим, ул Мадинадан чиқиб Маҳйаъага (Жухфага) борди. Мен буни Мадинадаги вабо Жухфага кўчди, деб таъбир қилдим».

42-боб. Тушда кўринган қора хотин ҳақида

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

43-боб. Тушда кўринган сочи тўзиқ хотин ҳақида

Бу ерда ҳам юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

44-боб. Тушда қилич ўйнатса...

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Тушимда қилич ўйнатган эрдим, сопи синиб тушди. Мен буни мўминларнинг Уҳуд жангида шикаст топганига йўйдим. Кейин, тушимда яна қилич ўйнатиб эрдим, сопи синмай, қайта бақувватроқ бўлди. Мен буни Оллоҳ таоло бизга Маккани фатҳ этмоғимизни муяссар қилғонига ҳамда мўминларнинг ҳамжиҳат бўлғонига йўйдим».

45-боб. Ёлғон туш тўқийдирганлар ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки ёлғон туш тўқиса, қиёматда унга иккита қилни бир-бирига боғламоқ амр қилинғай, аммо ул ҳарчанд уринмасин, эплай олмағайдур. Кимки ўзгаларнинг гапига ўғринча қулоқ солса-ю, ундан нафратланиб ўзларини олиб қочсалар, қиёматда бундай одамнинг қулоғига кўрғошин эритиб қуйилғайдур. Кимки сурат чизса, азобга қолғайдур, қиёматда унга ўзи чизган суратга жон ато этмоқ буюрилғай, аммо ул бунга қодир эрмасдур!».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам «Энг ёлғон гап — икки кўз бирлан кўрмаган нарсани кўрдим, демоқдур!» — дедилар».

46-боб. Тушда нохуш нарсани кўрса, уни бировга айтмаслиги ва хотирлаб юрмаслиги лозим!

Абдуррахмон иби Саъид: «Абу Саламадан бундай деб эшитган эрдим», — дейдилар: «Мен шундай (нохуш) тушлар кўрар эрдимки, ҳатто ундан таъсирланиб касал бўлиб қолар эрдим. Бир куни Абу Қатода: «Мен ҳам шундай тушлар кўрганимда хасталанғай эрдим, кейин Жаноб Расулulloҳдан қуйидаги гапни эшитдим», — деди: Яхши туш — Оллоҳ таолодандур, кимки яхши туш кўрса, уни фақат ўзи яхши кўрган одамларга айтсин, башарти ёмон туш кўрса, унинг ва шайтоннинг ёмонликларидан Оллоҳ таолодан паноҳ тилаб, уч бор (чап тарафига) тупуриб қўйсин ҳамда кўрган тушини ҳеч кимга айтмасин. Шундай қилса, туши зарар келтирмағайдур!».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Қайси бирингиз яхши туш кўрсангиз, ул Оллоҳ, таоло тарафидан сизга марҳамат қилинғон бўлиб, дарҳол туриб раббингизга муносиб ҳамду санолар айтингиз ва тушингизни (ўзингиз севган кишига), сўйлангиз! Башарти ёмон туш кўрсангиз, билингим, ул , шайтондан содир бўлғондур. Дарҳол туриб шайтоннинг — ёмонлигидан Оллоҳ таолодан паноҳ тилангки ва уни бировга айтмангиз! Шундай қилсангиз, тушингиз зарар келтира олмағайдур!» — дедилар».

47-боб. Дастлабки таъбирчи нотўғри табир қилганда унинг хатосини айтмаган киши хусусида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Мен бугун кечаси тушимда бир булутдан сариғёғ бирлан асал томаётганини ва одамларнинг унга кафтларини тутиб турганларини кўрдим. Шунда баъзиларга кўпроқ, баъзиларга камроқ насиб этар эрди. Осмон бирлан ер оралиғида эрса, бир арқон осилиб турган эрди. Қарасам, сиз унга тирмашиб юқорига чиқиб кетдингиз, ортингиздан бир киши, яна бир киши ва яна бир киши юқорига кўтарилди. Кейин, яна бир киши чиқмоқчи эрди, арқон узилиб кетди, сўнг яна уланиб қолди», — деди. Шунда Абу Бакр: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, менга ижозат берингиз, бул тушинг таъбирини айттайин!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Майли, айтғил!» — дедилар. Абу Бакр: «Ўшал булут исломдур, ундан томиб турган сариғёғ бирлан асал эрса, Қуръон бўлиб, унинг лаззатидан ҳар ким Оллоҳ таоло насиб этганча баҳраманд бўлмоқдадур, осмон бирлан ер оралиғида осилиб турган арқон хусусига келсак ул сиз маҳкам тутган ҳақиқат йўли бўлиб, Оллоҳ таоло сизни унинг орқали юксакликка кўтармоқда. Кейин, бир киши шул йўлдан сизга эргашиб, юксакликка кўтарилғай, унинг кетидан яна бир киши, ундан сўнг яна бир киши шул йўлни тутиб юксакликка кўтарилғай. Булардан кейин эргашган кишининг йўли тўсилиб, яна равон бўлгач, йўлда давом этгай. Ё Расулаллоҳ, отам сизга фидо бўлсин, тўғри таъбир айтдимми, ё йўқми?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Қисман тўғри, қисман хато айтдинг», — дедилар. Абу Бакр: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, қаерда хато қилганимни айтиб берингиз!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Қасам ичмағил!» — дедилар (Баъзи уламолар арқоннинг узилганини Ҳазрат Усмонга етадирган шикаст деб таъбир қилдилар ва Жаноб Расулulloҳнинг Абу Бакрнинг хатосини айтмаганликларини келажакда содир бўладирган фитналар ҳақида олдиндан тафсилот бермоқни истамаганликларига боғлайдилар)».

48-боб. Тушинг таъбирини бомдод намозидан сўнг айтмоқ ҳақида

Сумра ибн Жундуб ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам ўз саҳобаларидан: «Бирортангиз туш кўрдингизми?» — деб тез-тез сўраб турар эрдилар. Шунда хоҳлаган киши Оллоҳ таоло ирода қилганча ўз тушини сўйлаб берар эрди. Бир куни эрта бирлан Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Бул кеча ҳузуримга икки киши(икки фаришта) келиб мени уйғотдида: «Юрғил!» — деди, мен уларга эргашдим. Бир жойга борсак бир киши чалқанча ётибдир, иккинчи бир киши унинг тепасида турибдир, қўлидаги муштдек тош бирлан чалқанча ётган кишининг бошига урмақдадир, тош сапчиб кетиб нарига бориб тушмақдадир. Ул тошни олиб келгунча чалқанча ётган кишининг боши тузалиб қолаётир. Шул тариқа тик турган киши чалқанча ётган кишининг бошини қайта-қайта мажақлаб азоб бераётир. Мен: «Субҳоналлоҳ, бул кимдур?» — дедим. Ҳамроҳларим: «юрғил, кетдик!» — дейишди. Бир жойга борсак яна бир киши чўзилиб ётибдир, унинг тепасида ҳам аввалгидек бир киши тик турибдир. Тик турган киши қўлидаги темир чангак бирлан чўзилиб ётган кишининг аввал бир лунжини бурнидан то кўзига қадар шилиб терисини ташқарига қилиб қўймоқдадур. Кейин, бул ёнига ётқизиб қўйиб, иккинчи лунжини ҳам шундай қилаётир. Бир лунжини шилиб бўлиб иккинчи

лунжига ўтгунига қадар аввал шилинган лунжи тузалиб қолаётир. Тик турган киши чўзилиб ётган кишига шул тариқа қайта-қайта азоб бераётир. Мен: «Субҳоналлоҳ, бул нимаси?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Бул ердан чиқиб йўлда тандирга ўхшаш бир чуқурликка дуч келдик унинг ичидан дод-вой овозлари қулоққа чалинар эрди. Пастга қараб ул ерда қип-яланғоч эркак ва аёллар борлигини, уларнинг остларидан эрса, аланга кўтарилиб келаётганини кўрдим. Билсам, улар ҳар сафар аланга кўтарилганда дод фарёд қилишаётган эрканлар. Мен буни кўриб: «Булар кимдурлар?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Юра-юра суви қон ранги янглиғ бир дарё бўйидан чиқиб қолдик. Унинг ичида бир киши зўрға сузиб юрибдур, қирғоқда эрса, бошқа бир киши олдига тош тўплаб ўлтирибдур. Шунда дарёдаги киши зўр-базур қирғоққа сузиб келиб оғзини очиб эрди, қирғоқдаги киши тош солиб қўйди, кейин ул қайтиб сузиб кетди. Сўнг, яна қайтиб сузиб келиб оғзини очиб эрди, яна тош солиб қўйди. Шул тариқа ҳар гал сузиб келса, қирғоқдаги киши унинг оғзига тош солиб қўйиб қайтариб юбораётир. Мен ҳамроҳларимга: «Бул иккиси кимдур?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Сўнг биз афти-ангоридан ҳатто кўзгу ҳам нафрат қилгудек бир баднамо одамнинг олдига бориб қолдик. Ул олдидаги оловни ҳар тарафидан пуфлаб алангалантираётган эрди. Мен «Бул нимаси?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Биз йўлда давом этиб баҳор нафаси уфуриб турган бир сўлим боғ олдидан чиқиб қолдик. Боғнинг ўртасида шул қадар новча одам турибдиким, унинг боши осмону фалакда бўлғонидан, юзини кўра олмадим. Унинг атрофида кўплаб болалар ўйнаб юришибдур. Мен: «Булар кимдур?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Кейин, юра-юра бошқа бир боғга етиб бордик мен бунчалик улкан ва гўзал боғни (дарахтни) сира кўрмаганмен. Ҳамроҳларим менга: «Унга чиқгил!» — дейишди, биз чиқиб, қумуш ва олтин ёшталардан бунёд этилган бир шаҳарга етдик. Сўнг, шаҳар дарвозасига келиб, очмоқларини сўрадик очиб эрдилар, биз ичкарига кирдик. Шаҳар аҳли қиёфасининг ярми сен кўриб юрган хушнамо одамлардан ҳам гўзалроқ, ярми эрса сен кўриб юрган баднамо одамлардан ҳам хунукроқ эркан. Ҳамроҳларим уларга: «Борингизлар, анави дарёга тушиб чўмилиб чиқингизлар!» — дейишди, дарёнинг суви сут каби оппоқ эди. Улар дарёда чўмилиб чиққач, қиёфаларидаги баднамолик йўқолиб, жуда гўзал сурат касб этдилар. Ҳамроҳларим менга: «Бул — Адн жаннатидур, анави эрса, сенинг манзилингдур!» — дейишди. Мен нигоҳимни баландга қаратиб оппоқ булут янглиғ мухташам қасрни кўрдим. Ҳамроҳларим «Ана ўшал қаср сеникидур!» — дейишди. Мен уларга: «Оллоҳ таоло сизларга баракот ато этсин, мени қўйиб юборингиз, ул ерга кирайин!» — дедим. Улар: «Аммо, сен ҳозир ул ерга кира олмайсен!» — дейишди. Мен уларга: «Бул кеча давомида мен жуда ажиб нарсаларнинг гувоҳи бўлдим, кўрганларимни тушунтириб берингиз!» — дедим. Улар: «Биз сенга хабар бермаймиз» — дея тушунтира кетдилар: «Боя сен кўрган боши тош бирлан мажақланаётган киши авваллари Қуръон тиловат қилиб юриб, кейин ташлаб қўйган ҳамда фарз қилинган намозларни ўқимай ғафлат босиб ухлаб ётган. Кейинги — лунжини бурнидан то кўзига қадар шилишаётган киши эрса, уйдан чиқиб ёлғон гапларни айтар эрди, унинг бўҳтонлари ҳатто уфққа қадар тарқалгандур. Тандирга ўхшаш чуқурдаги яланғоч эркак ва аёллар — зинокорлар эрди. Дарёда сузиб юриб тош ютаётган одам хусусига келсак ул судхўр (порахўр) бўлган. Қаттиқроқ ёнсин деб оловнинг чор тарафидан зўр бериб пуфлаётган, афти-ангоридан ҳатто кўзгу ҳам ҳазар қилгудек бадбашара одам эрса, жаҳаннам ўт ёқувчиларининг бошлиғидур. Боғдаги улкан одам — Иброҳим алайҳиссалом бўлиб, атрофларидаги болалар фитратда (яъни, табиатан мусулмон қилиб яратилган ҳолида) вафот этиб кетган (норасида) болалардур». Жаноб Расулulloҳ гапларини тугатишлари бирланок, баъзи мусулмонлар: «Ё Расулаллоҳ, уларнинг ичида мушрикларнинг болалари ҳам бормидур?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, мушрикларнинг болалари ҳам бордур! Аммо, ярми гўзал, ярми хунук одамлар хусусига келсак улар яхши амалларини ёмон амаллари бирлан қориштириб юборганлардур, Оллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини мағфират қилғай», — деб айтдилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ФИТНАЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

Оллоҳ таолонинг: «Гуноҳ қилиб ўзиға зулм қилганлар туфайли бошқаларға ҳам шикаст етказадирган фитналарнинг нозил қилинмоғидан қўрқингизлар!» — деган қавлига, шунингдек Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фитналардан огоҳлантирганларига таъллуқли ҳадислар

Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен (қиёматда) Ҳавзи (Кавсар) лабида унинг сувидан қонгани келгувчиларни кутиб ўлтирғаймен, аммо уларни менинг олдимдан қайтариб олиб кетишғай, Мен: «Булар менинг умматларимдур!» — дегаймен. Оллоҳ таоло: «Ё Муҳаммад, сен уларнинг кейин диндан қайтиб залолатга юз тутганларидан беҳабарсен!» — дегай», — дедилар. Шунда Ибн Абу Мулайка: «Ё парвардигоро, бизни диндан қайтмоқдин ҳамда фитначи бўлмоқдин ўз паноҳингда асрағил!» — деб юборди».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен Ҳавзи Кавсар бўйига сизлардан бурун бориб турғаймен. Сизлардан бир гуруҳингизнинг қошимга келаётганингизни кўриб мен сув узатганимда йўлингизни тўсиб чиқиб сизларни қайтариб олиб кетишғай. Шунда мен: «Ё ларвардигорим, булар менинг саҳобаларимдур!» — дегаймен. Оллоҳ таоло: «Ўзингдан кейин буларнинг не қилғонларин билмассен!» — дегай.

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен барчангиздан бурун Ҳавзи Кавсар бўйига бориб турғаймен. Кимки келиб ундан ичса, сира қайта ташна бўлмагай. (Қиёмат куни) унинг сувидан ичмоқ бўлиб қавмлар қошимға йўл олғайлар, мен уларни таниғаймен, улар ҳам мени таниғайлар. Аммо, йўлларини тўсиб чиқиб, уларни қайтариб олиб кетғайлар», — дедилар».

1-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Мен вафот қилганимдам кейин сизлар ўзингизни нафратлантирадирган ишларнинг гувоҳи бўлғайсизлар, Ҳавзи Кавсар бўйида учрашғунимизга қадар сабр-бардошли бўлингизлар!» деганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга қарата: «Мен вафот қилганимдан кейин асара (мол-дунё тўплаб манманлик қилмоқ)нинг ҳамда ўзларингиз нафратланадирган бошқа ишларнинг гувоҳи бўлғайсизлар», — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, бизга не деб амр қилғайсиз?» — дейишди. Ул зот: «Амирларингизнинг фармойишлариға итоат этингизлар ва Оллоҳ таоло олдидаги бурчингизни бажо келтирингизлар!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Кимки ўз амирининг бирор ишидан нафратланса, сабр қилсин, чунким ҳокимият итоатидан заррача чиққан киши жоҳилият давридаги (итоатсиз кишилар каби) ўлим топғай!» — дедилар».

Абу Ражо ал-Аторудий Ибн Аббосдан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ўз амирининг бирор нотўғри иш қилғонини кўрса, сабр қилсин, чунким ўз жамоатидан кечиб бир қарич ташқари чиққан киши жоҳилият давридаги (итоатсиз кишилар каби) ўлим топғайдур!» — дедилар».

Жанода ибн Абу Улшийа ривоят қиладилар: «Убода ибн ас-Сомит бетоб эрди, биз кўргани кириб, унга: «Оллоҳ таоло сенга шифо ато этсин!» — дедик. Шунда ул бизга ўзи Жаноб Расулulloҳдан эшитган қуйидаги ҳадисни (Илоҳо, ушбу ҳадис ўзинга ҳам манфаат етказсин!) айтиб берди: "Жаноб Расулulloҳ бизни ҳузурларига чақирдилар, биз байъат қилдик. Ул зот бизни амирни ёқтирамизми, йўқми ёким чор-ночор аҳволда бўламизми, йўқми ёхуд амир ўзига бойлик орттираётган бўладирми йўқми, бундан қатъий назар, унинг фармойишларига қаршилиқ қилмасликка байъат қилдирдилар. «Лекин, — дедилар Жаноб Расулulloҳ, — унинг очикдан-очик куфр йўлига ўтганлигини кўрсангизлар, қўлингизда Оллоҳ таоло нозил қилган Қуръони Карийм мавжуд бўлиб, шунга биноан иш кўрингизлар!»

Усайд ибн Ҳузайр ривоят қиладилар: "Бир киши Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, фалончини амалга таъйин этдингиз, нечун мени таъйин этмайдурсиз?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Мендан кейин сизлар бойликка ружуъ қилганларнинг шоҳиди бўлғайсиз дедилар», мен бирлан (Ҳавзи Кавсар бўйида) учрашгунча сабр қилингизлар!

2-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Умматимнинг ҳалокати нодон ёшлар қўлидадур!» деганлари ҳақида

Амр ибн Яҳё боболаридан нақл қиладилар: «Жаноб Расулulloҳнинг Мадинадаги масжидларида Абу Ҳурайра бирлан бирга ўлтирган эрдим, Марвон ибн ал-Ҳакам ҳам биз бирлан бирга эрди. Шунда Абу Ҳурайра: «Ростгўйлар ростгўйи бўлмиш Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматимнинг ҳалокати курайш ёшлари қўлида бўлғайдур!» — дедилар», — деди. Марвон: «Ундай ёшларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!» — деди. Абу Ҳурайра: «Агар Бану фалон ва Бану фалон деб уларнинг номларини айтмоғимни истасанг, айтайин!» — деди. Мен бобом бирлан бирга Марвон қабиласи ҳузурига, улар Шомни эгаллаган кезида борган эрдим. Шунда бобом уларнинг нуқул ёш-яланглар эрканлигин кўриб: «Жаноб Расулulloҳ бизга айтган ёшлар шулар бўлмаса эрди!» — дедилар. Биз: «Сиз биздан кўра яхшироқ билғайсиз!» — дедик».

3-боб. Жаноб Расулulloҳнинг «Яқинда бўладирган фитналардан арабларнинг шўри қуриб қолғайдур!» деб айтганлари ҳақида

Зайнаб бинти Жаҳш ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари қизариб уйғондиларда, «Ло илоҳа иллаллоҳу, яқинда фитналардан арабларнинг шўри қуриб қолғайдур! Бугун Яжуж-Мажужнинг олдидаги ғов мана шунча очилди», — дедилар (Суфён ибн Уйайна: «Тўқсон ёким юз фоиз, деган бўлсалар керак», — дейдилар). Саҳобалар: «Биз — солиҳ бандалар ҳам ҳалокатга ўчрағаймизми» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, агар ёмонлик кўпайиб кетса!» — деб жавоб қилдилар».

Усома ибн Зайд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир баландликка чиқиб Мадинадаги уйларга кўз ташладиларда: «Менга ҳозир нелар аён қилинғонин билурмисиз?» — дедилар. Саҳобалар: «Йўқ», — дейишди. Ул зот: «Мана шул уйларингиз аро ёмғир каби фитналар ёғилмоғини кўриб турибмен!» — дедилар.

4-боб. Фитналарнинг юзага келмоғи ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Умр тез ўтадирган бўлиб қоладир, эзгулик камайиб борадир, хасислик кучаядир,

фитналар юзага келадир ва ҳарж кўпаядир», — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ҳарж недур?» — дейишди. Ул зот: «Қотилликдур, қотилликдур!» — дедилар».

Шақиқ ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ва Абу Мусо бирлан бирга ўлтирган эрдим, улар менга: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганлар», — дейишди: «Қиёмат қоим бўлмоғи арафасида жаҳолат кучайиб, қотиллик кўпайғайдур».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат арафасида қотиллик авжга чиқиб, илм завол топғай ва жаҳолат кенг ёйилғайдур», — дедилар. Кейин, яна: «Қиёмат қоим бўлгач, тирик қолганлар — энг ёмон одамлардур!» — дедилар (яъни, ҳузурбахш шамол эсиб мўмин-мусулмонларнинг руҳлари (жонлари)ни олиб кетгач, тирик қолган кофиру мунофиқлар)».

5-боб. Замонлар тобора ёмонлашиб боравергайдур!

Зубайр ибн Адий ривоят қиладилар: «Анас ибн Моликнинг ҳузурига бориб Ҳажжож дастидан бошимизга тушаётган кулфатлардан шикоят қилдик. Анас: «Мен Жаноб Расулаллоҳнинг: «Ҳавзи Кавсар бўйида учрашгунимизга қадар сабр қилингизлар!» — деганларини эшитганмен», — деди».

Ҳинд бинти ал-Қарас ривоят қиладилар: «Жаноб Расулаллоҳнинг жуфти ҳалолларидан бири бўлмиш Умму Салама бундай деб айтган эрди: «Бир куни Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам чўчиб уйғондиларда: «Субҳоналлоҳ, Оллоҳ таоло бул кеча қандай раҳмат хазиналарини, қандай фитналарни нозил қилди эркан?! Ҳужраларда ғафлат босиб ётганларни намозга ким уйғотгай? (аёлларини назарда тутяптилар). Бул дунёда кийинганлар — охиратда яланғоч қолгайлар!» — дедилар».

6-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кимки бизга қарши қурол кўтарса, ул биздан эрмасдур!» деганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Жаноб Расулаллоҳ: «Кимки бизга қарши қурол кўтарса, ул биздан эрмасдур!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ҳеч ким ўз (мусулмон) биродарига қурол васваса қилиб ўқталмасин, чунким шайтон жаҳаннам қаърига етаклаётганини билмай қолмоғи мумкин!» — дедилар».

Суфён ибн Уйайна ривоят қиладилар: «Мен Амр ибн Динорга: «Эй Абу Муҳаммад, сен Жобир ибн Абдуллоҳнинг: «Бир киши камон ўқи бирлан масжидга кириб эрди, Жаноб Расулаллоҳ унга: «Ўқингнинг учидан ушлаб юрғил!» — деб айтдилар, деганини эшитганмисен?» — дедим. Ул: «Ҳа, эшитганмен!» — деди».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Бир киши кўлида ҳамон ўқи ушлаган ҳолда масжид ҳовлисидан ўтиб кетаётган эрди, Жаноб Расулаллоҳ унга ўқининг тиғидан ушлаб юрмоқни амр қилдилар».

Абу Мусо (ал-Ашъарий) ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирортантис масжидимиздан ёким бозоримиздан ўтаётган бўлсангизу, кўлингизда камон ўқи бўлса, унинг пайконидан ушлаб ўтингиз (бировга кириб кетмаслиги учун)!» — дедилар».

7-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Мен вафот этганимдан сўнг бир-бирингининг бўғзингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангиз!» деганлари ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонни сўкмоқ — фисқ, ўлдирмоқ — куфрдур!» — дедилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мен вафот этганимдан сўнг бир-бирларингининг бўғзингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангиз!» — дедилар».

Абу Бакра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ваъз айтаётиб: «Бу кун қандай кун, билурсизларми?» — дедилар. Биз: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билғайдур!» — дедик чунким бул кунни бошқа бир ном бирлан атасалар керак деб ўйлаб эрдик. Жаноб Расулulloҳ: «Наҳр куни (қурбонлик қиладирган кун) эрмасми?» — дедилар. Биз: «Ҳа, шундоқ, ё Расулаллоҳ!» — дедик. Ул зот «Бул шаҳар қандай шаҳар, (муқаддас) шаҳар эрмасми?» — дедилар. Биз «Ҳа, шундоқ, ё Расулаллоҳ!» — дедик. Ул зот «Мана шул муқаддас ойдаги кунингиз ва мана шул муқаддас шаҳрингиз ҳаққи-ҳурмати, бир-бирингининг қонингизни тўкмоқ, мол-мулкингизни таламоқ, ор-номусингизни поймол этмоқ сизлар учун ҳаромдур! Мен сизларга Оллоҳ таолонинг амрини тушунтира олдими?» — дедилар. Биз «Ҳа, шундоқ!» — дедик. Ул зот: «Ё парвардигоро, сенинг гувоҳлигингда айтурменким, менинг бул гапларимни эшитганлар эшитмаганларга етказсин, чунким ўзи эшитган кишидан кўра, бировдан эшитган киши ёдида сақловчанроқ бўлғай ва шундай бўлган ҳам!» — дедилар. Кейин, яна: «Мен вафот қилганимдан кейин бир-бирингининг бўғзингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангизлар!» — деб васият қилдилар»

(Муовия тарафдори бўлмиш) Ибн ал-Ҳазрабий яширинган уйни (Ҳазрат Алининг тарафдори бўлмиш) Жория ибн Қудома ёқиб юборганда, Жория ўз аскарларига: «Абу Бакрани тутингизлар!» — деди. Улар: «Абу Бакра сени кўриб турибдур» — дейишди. Абдурраҳмон ибн Абу Бакра: «Онам менга айтдиларки, отам Абу Бакра: «Улар мени тутмоқ бўлиб кирсалар ҳатто таёқ бирлан ҳам уриб қаршилиқ қилмас эрдим!» — деб айтибдилар», — деди.

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен вафот этганимдан сўнг бир-бирингининг бўғзингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангизлар!» — дедилар».

Амр ибн Жарир оталари Жарирдан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжат ул-Видоъда менга: «Одамларни жим қилғил!» — дедилар, сўнг: «Мен вафот этганимдан кейин бир-бирингининг бўғзингизга тиғ урадирган кофир бўлиб кетмангизлар!» — дедилар».

8-боб. Фитна содир бўлганда тик тургандан кўра ўлтирган яхшироқдур!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Фитналар содир бўлганда тик тургандан ўлтирган афзалдур, тик турган эрса, юриб кетаётгандан, юриб кетаётган эрса, югуриб кетаётгандан афзалдур, кимки фитнага аралашиб қолса, ҳалокатга учрағай ва кимки ундан паноҳ топса, дарҳол яширинсин!»

9-боб. Икки мусулмон бир-бирига қилич бирлан ҳамла қилса...

Ҳасан (ал-Басрий) ривоят қиладилар: «Фитна содир бўлган кеча қуролимни олиб йўлга тушдим, қаршимдан Абу Бакр чиқиб қолиб: «Йўл бўлсин?» — деди. Мен: «Жаноб Расулulloҳнинг амакиларининг ўғлига ёрдан бермоқ учун», — дедим. Абу Бакр: «Жаноб Расулulloҳ: «Агар икки мусулмон бир-бирига қилич бирлан ҳамла қилса, иккови ҳам дўзахи бўлғайдур!» — деганлар, шунда: «Ўлдирган-ку, тушунарли, аммо ўлдирилган нечун?» — дейишган. Ул зот: «Чунким, ўлдирилган ҳам ўлдирмоқ қасдида бўлғондур!» — деб жавоб қилганлар», — деди».

10-боб. Халифа бўлмаган чоғда ихтилоф чиқиб қолса, мусулмонлар не қилмоқлари лозим?

Абу Идрис ал-Хавалоний Ҳузайфа ибн ал-Йамондан нақл қиладилар: «Одамлар Жаноб Расулulloҳдан яхшилик ҳақида, мен эрсам, бошимга тушмоғидан хавотирланиб ёмонлик ҳақида сўрар эрдим. Шунда мен: «Ё Расулаллоҳ, биз илгари жаҳолатда (жоҳилиятда) эрдик маълумки ул ёмонлиғ эрди, кейин Оллоҳ таоло бизга марҳамат қилиб ушбу яхшилиғни (исломни) ато этди, айтингизчи, шул яхшиликдан сўнг ёмонлик келғайми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ «Ҳа!» — дедилар. Мен: «Ўшал ёмонлиғдан кейин яна яхшилиғ келғайми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, аммо унинг тутуни бўлғай!» — дедилар. Мен: «Унинг тутуни недур?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Одамлар менинг суннатимдан ўзга дастурга риоя қилгайлар, улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кутмоқ мумкин», — дедилар. Мен: «Ана шу яхшиликдан кейин ҳам ёмонлик келғайми?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, жаҳаннам дарвозасига даъват қилғувчилар пайдо бўлғай, кимки уларнинг даъватига жавоб қилса, уни жаҳаннам қаърига улоқтирғайлар!» — дедилар. Мен: «Ё Расулаллоҳ, ўшал кишиларни бизга тавсифлаб берингиз!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Улар ўз уруғимиздан бўлиб, бизнинг тилимиздан сўйлағайлар», — дедилар. Мен: «Агар мен ўшал даврда ҳаёт бўлсам, не қилмоғимни буюрғайсиз?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Мусулмонлар жамоасидан айрилмағил, уларнинг имомларига эргашғил!» — дедилар. Мен: «Башарти, ўшал замонда на мусулмонлар жамоаси ва на имомлар бўлмасачи?» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Гарчи дарахт томирини кемириб кун кўрмоғингга тўғри келса ҳам сени сабр қилмоққа даъват қилғувчи Оллоҳ таолони қалбингга маҳкам тугиб олғилда, ўла-ўлгунингча ўшал замон фитначиларидан йироқ бўлғил!» — дедилар.

11-боб. Фитна ва зулм аҳлининг сони кўпаймасин, деган шахс хусусида

Абуласвад ривоят қиладилар: «(Маккага юриш қилиш учун) Мадина аҳлидан аскар тўпланди, мен унга ёзилдим. Кейин, Икримани учратиб қолиб, унга шул ҳақда айтдим. Икрима мени бундан қатъий қайтариб: «Ибн Аббоснинг айттанларига кўра, бир гуруҳ мусулмонлар Жаноб Расулulloҳга қарши юриш қилмоқчи бўлган мушрикларга қўшилиб уларнинг сонини зиёда қилиб турган эркан, қаердандир ўқ келиб бирин-кетин қирила бошлабди. Шунда Оллоҳ таоло «Фаришталар ўлдирган кишилар ўзларига ўзлари зулм қилганлардур!» деган қавлини нозил қилган эркан, — деди».

12-боб. Сарқит (разил) одамлар ичра қолса...

Ҳузайфа ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга икки ҳадис айтдилар, бирининг амалга ошганининг шоҳиди бўлдим, иккинчисининг бўлмоғини кутиб юрибдурмен. Ўшанда Жаноб Расулulloҳ бизга виждон (иймон, ҳалоллик)нинг кишилар қалб

томирларида нозил қилингани, сўнг кишилар Қуръон ва суннатни ўрганганликлари ҳамда виждоннинг йўқолиб кетмоғи ҳақида сўзлаб бундай деган эрдилар: «Киши бир ухлаб турганда қалбидаги виждони чиқиб кетиб, ўрнида бир рангсиз нарсадаги нуқтадек из қолғайдур, сўнг яна бир ухлаб тургач, қолгани ҳам чиқиб кетиб, чўғни яланг оёғинг бирлан тепиб юборганигда ҳосил бўладирган қабарикдек нуқта қолғайдур, кейин эрса, пуфакча пайдо бўлганини ёким ҳеч нарса қолмаганини кўрғайдурсен. Кейин, одамлар ўзаро аҳдлашадирлару, аммо бирорталари бунга амал қилмайдирган бўлиб қоладирлар. Шунда, фалон қавмда ҳалолу пок киши бор эрмиш, ул қанчалар доно, хушнамо ва матонатли эрмиш, деб сўзлайдирган бўлишғайдир, аммо ҳақиқатда эрса, ул одамнинг қалбида хардал уруғичалик ҳам иймон бўлмағайдур». Ҳозир шундай замонда яшамоқдадурменким, барчангиз бирлан байъатлашаверғаймен (аҳдлашаверғаймен), байатлашғувчи исломга содиқ мусулмонми ёким ўз соъийсига (волийсига) вафодор насронийми, бунинг менинг учун аҳамияти йўқдур. Аммо, шундай эрсада, бугун мен фалон ва фалон кишилар бирлангина байъатлашган бўлур эрдим!»

13-боб. Фитнадан қочиб саҳройи араб бўлиб кетганлик ҳақида

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Ҳажжож ҳузуримга кириб келдида: «Эй Ибн Ал-Акваъ, Яна Саҳройи араб бўлиб кетибсен-ку!» — деди. Мен: «Йўқ, ундай эрмас, Жаноб Расулulloҳ менга саҳрода яшамоғимга ижозат бердилар» — дедим». Язид ибн Абу Убайд бундай дедилар: «Усмон ибн Аффон ўлдирилгач, Салама ибн ал-Акваъ Рабзага бориб, бир аёлга уйланди, ундан бир неча фарзанд кўрди. Ўша ерда узоқ йиллар қолиб, фақат вафотидан бир неча кун илгари Мадинага келди».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Қиёмат) арафасида мусулмон киши динини фитналардан асрамоқ учун энг яхши мулки бўлмиш қўйларини ҳайдаб тоғу-тошларга бош олиб чиқиб кетғай», — дедилар».

14-боб. Фитналардан паноҳ тиламоқ ҳақида

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Одамлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни саволлар бирлан кўмиб ташлашди. Шунда ул зот минбарга чиқиб: «Мендан истаган нарсангиз хусусида сўрайверингизлар, жавоб берғаймен!» — дедилар. Мен ўнгу сўлимга қараб барча кишиларнинг кийим бирлан юзларини тўсиб йиғлаётганини кўрдим. Ниҳоят, бир киши (уни, биров бирлан жанжаллашиб қолса, «Отаси бетайин деб ҳақорат қилишар эрди): «Ё Расулаллоҳ, менинг отам кимдур?» — деди. Ул зот: «Сенинг отанг Ҳузофадур», — дедилар. Кейин, Ҳазрат Умар: «Биз Оллоҳни парвардигоримиз деб, исломни динимиз деб, Муҳаммадни пайғамбаримиз деб тан олганмиз, Оллоҳдан илтижо қиламизким, бизни фитналар ёмонлиғидан ўз паноҳида асрасин!» — деди. Ул зот: «Мен бугунгидек яхшилик бирлан ёмонлиқнинг шоҳиди бўлмаган эрдим, яъни менга жаннат бирлан дўзах намоён бўлди, ҳатто мен уларни анави девор олдида кўрдим», — дедилар. Қатода ушбу ҳадисни ривоят қилганда қуйидаги оятнинг тафсирини ҳам келтирар эрди: «Эй мўминлар, ўзингизни қайғуга солиб қўядирган нарсалар ҳақида (Расулulloҳдан) сўрамангизлар!»

15-боб. Жаноб Расулulloҳнинг: «Фитна машриқ тарафдин чиқғайдур!» — деганлари ҳақида

Солим (ибн Абдуллоҳ ибн Умар) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбар ёнида туриб: «Фитна анави тарафдан, шайтон шоҳи (ёким қуёш тожи) чиқадирган томондан содир бўлғай», — дедилар».

Нофиъ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй парвардигоро, бизнинг Шомимизга баракот берғил, бизнинг Яманимизга баракот берғил ва Наҳдимизга баракот берғил!» — дедилар. Кейин менимча ул зот Наҳдда зилзилалар, фитналар рўй берғай ва ул ердан шайтон чиқғай», — дедилар ҳам шекилли».

Саъид ибн Жубайр ривоят қиладилар: «Ҳузуримизга Абдуллоҳ ибн Умар чиқиб эрди, биз ундан бирор яхши ҳадис эшитмоқ орзусида бўлдик. Орамиздан бир киши: «Эй Абу Абдурраҳмон фитнага қарши курашмоқ ҳақида сўйлангиз, чунким Оллоҳ таоло: «Фитна содир бўлмаслиги учун уларга (фитначиларга) қарши жанг қилингизлар!» — дейди», — деди. Ибн Умар: «Фитна ўзи недур, билурмисен, онанг сендан ажраб қолғур?! Жаноб Расулуллоҳ мушрикларга қарши жанг қилганлар, мушриклар динида бўлмоқликнинг ўзи — фитнадур, ул зотнинг жанглари сизларнинг мол-мулк учун қилган жанглари каби эрмасдур!» — деди».

16-боб. Денгиз мавжлангани каби мавж уриб келадирган фитна ҳақида

Ҳалаф ибн Ҳавшан ривоят қиладилар: «Саҳобалар фитна хусусида Имрулқайснинг қуйидаги байтларини мисол келтирмоқни хушлар эрдилар»:

*«Уруш жонон каби дастлаб қилур одамни мафтун,
Зийнати кўрсатиб барча нодонни этур афсун.
Гуркираб ёнса, аланга олса кўкка бўй чўзиб,
Баднамо кампир каби кўнгулга теккайдур у кун.
Рангу рўйи ўзгариб ҳам сочи бўлур оқу қаро,
Энди бўлмас ҳидламоқ, ўпмоқ уни бадбўй учун.»*

Шақиқ разияллоҳу анҳу ривоят қилидилар: «Ҳузайфа: «Бир куни биз Ҳазрат Умарнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик ул киши: «Қай бирингиз Жаноб Расулуллоҳнинг фитна ҳақидаги ҳадисларини билурсиз?» — дедилар», — деди. Шунда Ҳузайфа: «Барча фитна кишининг ўз хотини, болалари ва қўшнисидан содир бўлғайдур, уни садақа бермоқ, намоз ўқимоқ ва амри маъруф қилмоқ бирлан даф этғайдурлар» — деб айтганлар», — дебди. Ҳазрат Умар: «Мен буни назарда тутганим йўқдур, мен денгиз янглиғ мавж урадирган фитна ҳақида сўраётирмен», — дебдилар. Ҳузайфа: «Эй Амир ал-мўъминийн, ундай фитнадан сиз хавотир олмасангиз ҳам бўлур, чунким сиз бирлан унинг ўртасидаги эшик ёпиқдур!» — дебди. Ҳазрат Умар: «Ўшал эшик синдирилғайми ёким очилғайми?» — дебдилар. Ҳузайфа: «Эҳтимол, синдирилғайдур», — дебди. Ҳазрат Умар: «Агар синдирилса, абадулабад қайта ёпилмас!» — дебдилар. Ҳузайфа: «Ҳа, шундоқ!» — дебди. Кейин, биз Ҳузайфага: «Ҳазрат Умар ўшал эшикнинг ким эрканлигин билурми эрдилар?» — деб сўрадик. Ҳузайфа: «Ҳа, албатта, мен эртанги кун келмоғидан аввал тун бўлмоғини билганимдек яхши билғайдурлар, чунким мен ул кишига Жаноб Расулуллоҳнинг шул ҳақдаги ҳадисларини айтиб берганмен», — деди. Сўнг, биз ўшал эшик ҳақида бошқа савол бермоққа тортиниб, Масруққа: «Сен сўрағилчи!» — дедик. Ул сўраган эрди, Ҳузайфа: «Ўшал эшик Ҳазрат Умарнинг ўзларидурлар» — деб жавоб берди».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожат талаб бўлиб Мадина боғларидан бири томон йўл олдилар, мен ортларидан эргашдим. Кейин, ул зот боғ ичкарасига кириб кетдилар, мен боғ дарвозаси олдида қолдимда: «Кошки эрди, мен Жаноб Расулуллоҳнинг дарвозабонлари бўлсам!» — деб қўйдим, аммо менга бундай демадилар. Жаноб Расулуллоҳ қазои ҳожат қилиб бўлгач, изорларини шимариб қудуқ тахтасига ўлтирдиларда, оёқларини унинг учига осилтириб олдилар. Шу пайт Абу Бакр келиб,

боққа кирмоққа ижозат сўрадилар. Мен: «Шошмай турингиз, рухсат сўраб келайин!» — дедим. Кейин, бориб Жаноб Расулulloҳга: «Абу Бакр киришга ижозат сўраётирлар», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Рухсат берғилда, жаннат бирлан уни хушнуд қилғил!» — дедилар. Абу Бакр ичкарига кириб изорларини шимардиларда, Жаноб Расулulloҳнинг ўнг тарафларига келиб ул зот каби оёқларини кудуққа осилтириб ўлтирдилар. Сўнг Ҳазрат Умар келиб қолдилар. Мен: «Шошмай турингиз, рухсат сўраб чиқайин!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Рухсат берғилда, жаннат бирлан уни ҳам хушнуд қилғил!» — дедилар. Ҳазрат Умар ичкарига кириб изорларини шимардиларда, Жаноб Расулulloҳнинг чап тарафларига келиб оёқларини кудуққа осилтириб ўлтирдилар. Шунда кудуқ тахтасида ўлтиргани жой қолмади. Шу аснода Ҳазрат Усмон келиб ичкарига кирмоққа ижозат сўрадилар. Мен: «Шошмай турингиз рухсат сўраб чиқайин!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Ижозат берғилда, жаннат бирлан уни ҳам хушнуд қилғил ҳамда унга мусибат ҳам етажагини айтғил!» — дедилар. Ҳазрат Усмон кудуқ тахтасидан жой тополмай, айланиб ўтдиларда, уларнинг рўпарасига келиб кудуқнинг четига ўлтирдилар, сўнг изорларини шимариб оёқларини унинг ичига осилтириб олдилар. Шунда мен биродарим (Абу Бурда) келиб қолармикан деб Оллоҳ, таолога илтижо қилдим, келмади. Ибн Мусаййаб: «Мен бул ҳолни уччовлари (Жаноб Расулulloҳ, Ҳазрат Абу Бакр ва Ҳазрат Умар)нинг қабрлари ёнма-ён эрканлигига, Ҳазрат Усмоннинг қабрлари эрса, улардан четда қолғонлигига йўйдим», — дейди».

Абу Воил ривоят қиладилар: «Қариндошларингизни катта мансабларга тайинлаётганингиздан одамлар норози бўлишаётир деб Ҳазрат Усмонга айтмабми эрдинг?» — дейишди Усомага. Усома бундай деди: «Фитна эшигини биринчи бўлиб очғувчи шахс бўлиб қолмайин деб, маслаҳат тарзида ётиғи бирлан айтган эрдим. Мен кечагина ўз сўзига амал қилмай юрган одамга, бугун амир бўлиб қолса, «Сен яхшисен!» деб тилёғламалик қиладирганлардан эрмасмен. Чунким, Жаноб Расулulloҳ: «Бир одамни олиб келишиб, дўзахга ташлашғайда, эшак туёқлари бирлан (сомон) янчгандек янчишғай. Шунда унинг атрофига дўзах аҳли тўпланиб: "Эй фалончи, сен одамларга ислом амалларини адо этмоқни ҳамда макруҳ ишлардан қочмоқни буюрар эрдинг-ку?!"» — дейишғай. Ул эрса: «Ҳа, тўғри, шундай қилур эрдиму, аммо ўзим бунга амал қилмас эрдим» — дегайдур» — деб айтган эрдилар».

17-бооб.

Абу Бакра ривоят қиладилар: «Оллоҳ таоло марҳамати ила «Туя жанги»дан (Бул воқеа хижрий 36 йили Ҳазрат Усмон ўлдирилганларида содир бўлган бўлиб, ўшанда Оиша онамиз бошлиқ мусулмонлар бирлан халифалик тахтини талаб қилиб чиққан Ҳазрат Али етакчилигидаги мусулмонлар ўртасида жанг бўлган) ўзимга фойдали хулоса чиқариб олганмен. Чунким, Жаноб Расулulloҳга форсларнинг Хисрав қизини ўзларига подшоҳ қилиб кўтарганлари ҳақидаги хабарни айтишганда, ул зот: «Ўз ишларини аёл кишига топшириб қўйган қавм сира ҳам рўшнолик кўрмағайдур!» — деб айтганлар».

Абу Марям Абдуллоҳ ибн Зиёд ал-Асадий ривоят қиладилар: «Талҳа, Зубайр ва Оиша разияллоҳу анҳо Басрага йўл олганларидан сўнг Ҳазрат Али Аммор ибн Йосир ва Ҳасан ибн Алини Куфага жўнатдилар. Улар етиб келиб минбарга чиқишди. Ҳасан ибн Али минбарнинг юқори поғонасида, Аммор эрса, қуйи поғонасида турди. Биз минбар атрофига тўпландик. Шунда Аммор: «Оиша Басрага келаётир, Оллоҳ таолога қасам ичаменким, ул Жаноб Расулulloҳнинг бу дунё ва охиратдаги жуфти ҳалолларидур. Аммо, Оллоҳ таоло сизларни: «Менга итоат қиладирми ёким Оишгами?» деб синаб кўрмоқ ниятидадур», — деди».

18-бооб.

Абу Воил ривоят қиладилар: «Аммор Куфада минбарга чиқиб Оиша разияллоҳу анҳонинг Басрага йўл олганларини айтдида «Оиша Жаноб Расулуллоҳнинг бул дунё ва охирадаги жуфти ҳалолларидур, аммо Оллоҳ таоло сизларни «Менга итоат қиладурми ёким Оишагами?» деб синаб кўрмоқ ниятидадур», — деди».

Абу Воил ривоят қиладилар: «Абу Мусо ва Абу Масъуд Амморнинг ҳузурига киришди. Ҳазрат Али Амморни Куфа аҳолисини жангга сафарбар қилмоққа юборган эрди. Улар Амморга: «Исломга кирганингдан буён кўнгилсиз буйруқни бизга бунчалик зудлик бирлан етказганигни кўрмаган эрдик!» — дейишди. Аммор: «Мен ҳам сизларнинг исломга кирганингиздан буён буйруққа бунчалик сусткашлик қилганингизни кўрмаган эрдим!» — дедида, иккаласига сарпо кийдирди, сўнг масжидга равона бўлишди».

Шақит ибн Салама ривоят қиладилар: «Абу Масъуд, Абу Мусо ал-Ашъарий ва Аммор бирлан бирга ўлтирган эрдик. Абу Масъуд Амморга: «Дўстларингнинг орасида бирорта ҳам арзигулик одам йўқки, сени қўйиб унга гапимни айтсам, Жаноб Расулуллоҳга саҳобалик қила бошлаганимдан бери сенинг нохуш буйруқни бунчалик зудлик бирлан етказмоққа ошиққанигни кўрмаган эрдим!» — деди. Аммор унга: «Мен ҳам сизнинг Жаноб Расулуллоҳга саҳобалик қилаётганингиздан буён буйруққа бунчалик сусткашлик қилганингизни кўрмаганмен!» — деди. Абу Масъуд бадавлат одам эрди, ўз ғуломига: «Эй ғулом, иккита сарпо келтирғил!» — деб амр қилди, сўнг бирини Абу Мусога, иккинчисини Амморга тухфа қилдида: «Шуни кийиб жумъага борингизлар!» — деди».

19-боб. Оллоҳ таоло бирор қавмга азоб юборса...

Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Унир ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таола бирор қавмга азоб юборса, ораларида солиҳ кишилар мавжудлигидан қатъий назар, барчага баробар шикаст етгай, сўнг ҳар ким қилган амали солиҳларига яраша нажот топғайдур!» — дедилар».

20-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳасан ибн Али ҳақида «Дарҳақиқат, бул ўғлим раҳнамодур! Шояд, Оллоҳ таоло унинг воситасида икки мусулмон тоифанинг орасини келиштириб қўйса!» деб айтганлари хусусида

Суфён ибн Уйайна ривоят қиладилар: «Исроил ибн Мусо, ул бирлан Куфада учрашганимда: «Ибн Шубрума ҳузуримга келиб: «Мени Исо ибн Мусо (Куфа амири) қошига олиб қирғил, мен унга бир насиҳат қилиб қўяйин!» — деб , айтди, — деди. Шунда, афтидан Ибн Шубрума Исо ибн Мусодан ҳайиқиб бундай қилмаган кўринади. Ҳасан ал-Басрий бизга айтдики, Ҳасан ибн Али Муовияга қарши лашкар тортиб борганида Амр ибн ал-Ос Муовияга: «Бошқалар чекинса, чекинғайдур, аммо бул лашкар чекинмағай», — дебди. Муовия Амр ибн ал-Осга: «Мусулмонларни ўлдирсак уларнинг болаларини ким боқадир?» — дебди. Амр ибн ал-Ос: «Мен!» — дебди. Ўшанда Абдуллоҳ ибн Омир ва Абдурраҳмон ибн Сумра: «Муовияни топиб, унга сулҳ тузмоқни таклиф қиламиз», — дейишди. Ҳасан ал-Басрий: Мен Абу Бакрдан эшитиб эрдимки, бир куни Жаноб Расулуллоҳ ваъз айтиб турганларида Ҳасан ибн Али келиб қолибди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ «Бул ўғлим раҳнамодур! Шояд, Оллоҳ таоло унинг воситасида икки мусулмон тоифа орасини келиштириб қўйса!» — деб айтибдирлар», — деди».

Амр (ибн Динор) ривоят қиладилар: «Ҳармалани учратиб қолган эрдим, ул мунга бундай деди: «Мени Усома Ҳазрат Алининг ҳузурларига юбораётиб: «Борганинда сендан «Не учун

хўжайининг менга ёрдамга келмади?» деб сўрайдилар, сен: «Агар шернинг оғзига тушиб қолсангиз ҳам сиз бирлан бирга бўлур эрдиму, аммо бундай фитнаовар ишда иштирок этмоқни ўзимга раво кўрмадим, деб айтиб юбордилар, дегил», — деди. Кейин мен Ҳасан, Ҳусайн ҳамда Ибн Жаъфарнинг ҳузурига бориб эрдим, улар туям кўтарганча совға салом бериб юборишди».

21-боб. Қавм ҳузурида бир гапни айтиб, ташқарига чиққач, бошқа бир гапни айтса...

Нофиъ ривоят қиладилар: «Мадина аҳли Язид ибн Муовияни мансабдан туширгач, Ибн Умар ўз мулозимлари бирлан бола-чақаларини тўплаб: «Мен Жаноб Расулulloҳдан эшитганменки, қиёмат куни ҳар бир хоин тепасига (унинг хоин эрканлигини англатғувчи) байроқ тикиб қўйилғайдур. Биз Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига (адолатли бўлғаймиз деб бул кишига (Язид ибн Муовияга) онт ичган эрдик. Мен Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига садоқат билдириб бир кишига онт ичгач, онтидан қайтиб ўшал кишига қарши жанг қилмоқликни оқламағаймен. Бирортангизни уни мансабдан туширгансиз ва бул хусусда онт ичгансиз демайсиз, акс ҳолда ўртамизга раҳна тушган бўлур эрди», — деди».

Абулмипуол ривоят қиладилар: «Ибн Зиёд ва Маржж Шомда эрканлигида Ибн аз-Зубайр Маккада, хаворижлар Басрада бош кўтардилар. Мен отам бирлан бирга Абу Барза ал-Асламийнинг ҳузурига йўл олдим. Ҳовлисига етиб бориб ичкарига кирсак қамишдан қилинган кулбасининг соясида ўлтирган эркан, биз ҳам унинг ёнига бориб ўлтирдик. Кейин, Отам уни суҳбатга чорлаб: «Эй Абу Барза, одамларнинг не аҳволга тушиб қолганларини кўрмайсизми?! — дедилар. Кейин, шундай бир гапни айтдиларки, бундай гапни ул кишининг оғизларидан илгари сира эшитмаганимдан, Оллоҳ таолодан кўрқиб нафасим ичимга тушиб кетди. Ул киши бундай дедилар: «Мен Қурайш қабилаларидан дарғазабмен, сизлар илгари бечора ҳол, йўлдан адашган бир араб жамоаси эрдингизлар, Оллоҳ таоло Ислом ва Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни, юбориб сизларни бул аянчли ҳолдин қутқарди ва ўзингиз кўриб турган мавқега муяссар этди. Мол-дунё деб ораларингизни бузган шахс — бу Шомдаги кишидур (яъни, Марвон ибн ал-Ҳакам), Оллоҳ таоло ҳақи, ул мол-дунё деб жанг қилаётир, сизларнинг ораларингиздагилар ҳам Оллоҳ таоло ҳақи, мол-дунё учун жанг қилаётирлар, уларни қўзғаган шахс — Маккадаги кишидур (яъни, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр). Оллоҳ таоло ҳақи, ул ҳам мол-дунё учун жанг қилаётир!».

Шақиқ ибн Саламий ривоят қиладилар: «Ҳузайфа ибн ал-Йамон: «Бугунги мунофиқлар Жаноб Расулulloҳ замонларидаги мунофиқлардан ҳам ёмонроқдур, чунким ул вақтдагилари ўз кирдикорларини яширар эрдилар, ҳозиргилари эрса, яширмайдилар», — деди». Ҳузайфа ибн ал-Йамон: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида мунофиқлар иймон келтириб муслмон бўлур эрдилар, аммо бугун эрса, иймон келтиргач қайта кофир бўлаётирлар», — дейдилар.

22-боб. Тириklar қабрда ётганлар ўрнини орзу қиладирган бўлмагунча қиёмат бўлмағайдур!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қабр ёнидан ўтиб кетаётган киши «Кошки, шунинг ўрнида бўлсам!» деб орзу қиладирган бўлмагунча қиёмат қоим бўлмағайдур», — дедилар».

23-боб. Замонлар ўзгариб одамларнинг бутларга ибодат қиладирган бўлиб қолмоқлари ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Давс қабиласи аёллари Зулхулуса аталмиш бутга сиғинадирган бўлмагунларига қадар қиёмат бўлмағайдур, Зулхулуса эрса Давс қабиласи жоҳилият даврида ибодат қилган бутдур», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қаҳтон қабиласидан бир киши чиқиб одамларни таёғи бирлан (қўй ҳайдагандек) ҳайдамагунча Қиёмат бўлмағайдур», — дедилар».

24-боб. Ўт (аланга) чиқмоғи ҳақида

Акас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёматнинг дастлабки белгиларидан бири шулким, машриқдан ўт (аланга) чиқиб, мағрибга тарқалғайдур», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ҳижоз еридан ўт чиқиб Бусродаги туялар бўйини ёритмагунча қиёмат бўлмағайдур», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яқинда Фирот дарёси ўз олтин хазиналарини юзага чиқарадур, кўрганлар ундан заррача олмасин!» — дедилар».

25-боб.

Ҳориса ибн Ваҳб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Садақа қилиб қолингизлар, чунким кейин шундай замонлар келгайким, киши кимга садақа қилмоғини билмай сарсон бўлғайдур!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Эътиқоди бир бўлган икки катта халқ ўзаро урушмагунча қиёмат қоим бўлмағайким, улар ўртасида улкан қирғин бўлиб ўтгай. Шунингдек ўттиз чоғлик каззоб дажжоллар (ер юзига) юборилиб, уларнинг ҳар бири ўзини расулуллоҳ деб таъкидламагунча, илм барҳам топиб зилзилалар кўпаймагунча, умр тез ўтадирган бўлмагунча, фитналар авжга чиқиб қотиллик кенг тус олмагунча, мол-дунёнғиз ошиб-тошиб кетиб бировга садақа узатсангиз, ул: «Садақага зор эрмасмен!» — дейдирган кунлар колмагунча, одамлар кимўзарга иморат қурадирган бўлмагунча, киши қабр ёнидан ўтаётиб: «Қани энди, шунинг ўрнида бўлиб қолсам! — деб орзу қиладирган бўлмагунча ва қуш ўзи ботадирган томондан чиқмагунча қиёмат қоим бўлмағайдур! Қуёш тесқари томондан чиқса, барча одамлар иймон келтирғайлар, аммо бул уларга фойда бермағай, чунким улар шул дамгача иймон келтирмай ёким иймонли бўлиб бирор кори хайр қилмай келганлар. Қиёмат шул қадар тез содир бўладирким, ўртага молини қўйиб баҳолашиб турган икки киши савдолашиб ҳам, молини ўраб ҳам улгурмайдир, Қиёмат шул қадар тез содир бўладирким, туясини соғиб бўлган одам сутини ичиб улгурмайдир, қиёмат шул қадар тез содир бўладирким, ҳовуз кавлаб бўлган одам унга сув ичиб улгурмайдир, қиёмат шул қадар тез содир бўладирким, бир луқма таомни оғзиға олиб борган одам уни ютиб улгурмайдир!».

26-боб. Дажжол ҳақида

Муғира ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Ҳеч кимса Дажжол ҳақида Жаноб Расулуллоҳдан менчалик кўп сўрамагандур. Бир куни Жаноб Расулуллоҳ менга: «Дажжолдан сенга не зарар

етди?» — дедилар. Мен: «Одамлар айтадирларким, Дажжолнинг тоғдек нони-ю, дарёчалик суви бор эмиш», — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Бул айтганинг Оллоҳ таоло учун ҳеч гап эрмас!» — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дажжол Мадинанинг ташқарисига тушадир, кейин Мадина уч бор силкиниб, ўзидаги барча кофиру мунофиқларни унинг олдига итқитиб чиқариб ташлайдир», — дедилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Дажжолнинг ўнг кўзи кўр бўлиб, гўёким узум донасидек бўртиб чиққандур», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар орасида тик туриб Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтдилар, сўнг Дажжол ҳақида гапираётиб: «Мен сизларни огоҳ қилиб айтурменким, ундан эҳтиёт бўлингизлар, мендан илгариги барча пайғамбарлар ҳам ўз умматини шундай деб огоҳлантиргандур, аммо мен сизларга бурунги пайғамбарлар айтмаган бир гапни айтайин, унинг бир кўзи кўр бўлиб, Оллоҳ таоло кўр эрмасдур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир куни ухлаб ётган эрдим, туш кўрдим. Тушимда Каъбани тавоф қилаётган эрмишмен. Ногоҳ, сочлари силлиқ, буғдой ранг бир кишига кўзим тушди. «Бул ким?» — деб сўраб эрдим, «Ибн Марям», — дейишди. Кейин, атрофга аланглаб гавдаси улкан, афти-ангори қизғиш, сочлари жингалак бир кўзи кўр кишини кўриб қолдим. Унинг ўшал кўр кўзи гўёким узум донасидек бўртиб турур эрди. «Бул ким?» — десам, «Бул — Дажжолдур», — дейишди. Ул Ҳузоалик Қатанга кўпроқ ўхшаб кетур эрди».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиётиб Дажжол фитнасидан паноҳ тилаётганларини эшитганмен, — дейдилар.

Хузайфа ибн ал-Йамон ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Дажжол ҳақида гапираётиб: «Ул ўзи бирлан ўт (олов) ва сув олиб юрғай, ўти совуқ сув бўлиб, суви эрса ўтдир», — дедилар».

27-боб. Дажжол Мадинага кирмайди

Абу Саъид ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулulloҳ Дажжол ҳақида узоқ сўзладилар ва айтдиларки, Дажжол Мадинага киришдан маҳрум бўлганидан унинг ташқарисидаги ташландик бир ерга келиб тушғайдур. Шунда яхши одамлардан бири шаҳардан чиқиб унинг олдига келғайда: «Бизга Жаноб Расулulloҳ тасвирлаб берган ўшал Дажжол эрканлигини кўриб турибмен», — дегай. Дажжол одамларга: «Агар манави кишини ўлдириб, кейин тирилтирсам, менга шубҳа қилмайсизларми?» — дегай. Одамлар: «Йўқ, шубҳа қилмағаймиз», — дейишгай. Дажжол бояги кишини ўлдириб, сўнг тирилтиргай. Мазкур киши қайта тирилгач «Оллоҳ таоло ҳақи, мен бугун сени илгаригидан ҳам яхшироқ таниб олдим!» — дегай. Дажжол уни қайта ўлдирмоққа ҳарчанд уринмасин, энди сира кучи етмағай».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мадина йўлларини фаришталар кўриқлаб турадир, шул боисдан ул ерга Дажжол ҳам, вабо ҳам киролмағайдур», — дедилар».

Анас иби Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дажжол келиб Мадинани фаришталар қўриқлаб турганини кўргач, ул ерга яқинлаша олмағай, иншооллоҳ, вабо ҳам киролмағай!» — дедилар».

28-боб. Яъжуж ва Маъжуж ҳақида

Зайнаб бинти Жаҳш ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулуллоҳ «Ло илоҳа иллаллоҳу» дея ваҳима бирлан ҳузуримга кириб келдиларда: «Арабларнинг шўри қуриб қолди, уларнинг бошига фалокат тушмоғига яқин қолди, бугун Яъжуж ва Маъжужнинг олдидаги ғов мана шунча очилди», — деб бармоқларя бирлан кўрсатдилар. Мен: Ё Расулаллоҳ, солиҳ банда бўла туриб биз ҳам ҳалокатга учрағаймизми?» — дедим. Ул зот: «Ҳа, агар ёмонлик кўпайиб кетса!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яъжуж ва Маъжужнинг олдидаги ғов мана шунча очилди», — дедилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ҲУКМЛАР КИТОБИ

Оллоҳ таолонинг қавли («Ан-Нисо» сураси): «... атийъуллоҳа ва атийъуур-расуула ва уулил-амри минкум...». Оятнинг мазмуни: «... Оллоҳга, расулга ва ўзларингиздин бўлган ҳокимларга итоат қилингизлар...».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Кимки менга итоат қилса, Оллоҳ таолога итоат қилган бўлур, кимки менга осийлик қилса, Оллоҳ таолога осийлик қилган бўлур, кимки амиримга итоат қилса, менга итоат қилган бўлур ва кимки амиримга осийлик қилган бўлса, менга осийлик қилган бўлур», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ҳар бирингиз бошлиқ эрмасмисиз ва ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагиларга масъул эрмасмисиз?! Одамларга раҳбарлик қилгувчи имом ҳам бошлиқ бўлиб, ўз қўл остидагиларга масъулдур, эр эрса ўз оила аъзоларига бошлиқ бўлиб, уларга масъулдур, хотин ҳам эрининг уйидагилар бирлан болаларига бошлиқ бўлиб, уларга масъулдур, қўл эрса хўжайинининг мол-мулкига ҳомий бўлиб, унга масъулдур. Демак ҳар бирингиз бошлиқ бўлиб, ўз қўл остингиздагиларга масъулдурсиз!».

1-боб. Амирлар Қурайш қабиласидан бўлмоғи лозимлиги ҳақида

Аз-Зухрий ривоят қиладилар: «Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим Муовия ҳузуридаги Қурайш қабиласидан келган меҳмонлар бирлан ўлтирганида Абдуллоҳ ибн Амр: Амирлар Қаҳтон қабиласидан бўлмоғи керак!» — деб айтди. Буни эшитиб Муовиянинг ғазаби келдида, халқ олдида чиқиб Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтгач, бундай деди: «Менга хабар қилдиларким, сизларнинг ораларингизда на Оллоҳ таолонинг Китобида ва на Жаноб Расулуллоҳнинг ҳадисларида зикр қилинмаган гапларни айтиб юрғувчи кишилар мавжуд эркан. Улар сизларнинг ораларингиздаги жоҳил (нодон) кишилардур. Ўз қўл остингиздагиларни йўлдан оздирадиган (қабиқ) ниятлардан ҳазар қилингиз! Мен Жаноб Расулуллоҳнинг: «Амирлик агар динга қарши чиқмасалар, Қурайш аҳли қўлида бўлғай ва ҳеч кимса уларга қаршилиқ қила кўрмасинким, Оллоҳ таоло қаршилиқ қилганни юз тубан қулатғайдур!» — деб айтганларини эшитганмен».

Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Амирлик Қурайш аҳли қўлида бўлғайдур, гарчи улардан икки кишигина қолган бўлса!» — дедилар».

2-боб. Оқилона ҳукм чиқарган кишига тегадирган ажру савоб ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Ва ман лам йаҳкум бимо анзалаллоҳу фаулоика ҳумул-фосиқуун». Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ таоло нозил қилган Китобга биноан ҳукм чиқармайдирганлар фосиқдурлар».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки нарсадан бўлак нарса хусусида бировга ҳасад қилмаслик лозим: Оллоҳ таоло бир бандасига мол-дунё ато этган бўлсада, ул уни ҳақ йўлда сарфлаётган бўлса ва ёким Оллоҳ таоло бир бандасига ақлу идрок ато этган бўлса-ю, ул ўз ақлу идрокини ишлатиб оқилона ҳукмлар чиқараётган бўлса, (Анас қилса, арзиғайдур!)» — дедилар».

3-боб. Агар имом гуноҳ ишни буюрмаган эрса, унга қулоқ солиб итоат этмоқ лозимдур!

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қулоқ солиб итоат этингизлар, гарчи мен сизларга боши майиз янглиғ қоп-қора бир қулни бошлиқ қилиб қўйсам ҳам!» — дедилар».

Иби Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ўз амирининг бирор ишини ёқтирмаса, сабр қилсин, чунким жамоатдан бир қарич четга чиққан киши жоҳилият (даври) ўлимини топгай (яъни, иймонсиз кетгай)!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон одам гуноҳ бўлмайдирган амру фармонга, ул ўзига ёқадирми ё йўқми, қулоқ осиб итоат қилмоғи лозимдур, агар гуноҳ ишга буюрилғон эрса, на қулоқ солмоқ ва на итоат этмоқ лозимдур», — дедилар».

Али (ибн Абу Толиб) ривоят иладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қўшинга бир ансорийни қўмондон қилиб тайинладиларда, аскарларга унга итоат этмоқни буюрдилар, кейин уларни бир ерга жўнатдилар йўлда қўмондон нимадандир дарғазаб бўлиб, аскарларга: "Жаноб Расулulloҳ менга итоат қилмоқларингизни сизларга буюриб эрмабмидилар?!» — деди. Аскарлар: "Ҳа, шундоқ!" — дейишди. Қўмондон: «Мен қарор қилурменким, ўтин йиғиб гулхан ёқингизлар, сўнг унга кирингизлар!» — деди. Аскарлар ўтин тўплаб гулхан ёқишди, гулханга киришга келганда бир-бирларига қараб туриб қолишди. Шунда айримлари: «Бизлар ўтга (жаҳаннамга) кирмайлик деб жаноб Расулulloҳга эргашган эрдик-ку! Нечун энди ўтга кирғаймиз?!» — деб турганларида тўсатдан олов ўчиб қолди. Қўмондон ҳам ғазабидан тушди. Шул ҳақда Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдилар, ул зот: «Агар улар (қўмондоннинг амрига итоат қилиб гулханга кирганларида) абадулабад (жаҳаннам ўтидан) чиқолмас эрдилар, чунким бошлиққа хайрли ишлардагина итоат этмоқ лозимдур!» — дедилар».

4-боб. Илтимоссиз амир бўлган одамга Оллоҳ таоло мададкордур!

Абдуррахмон иби Сумра ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абдуррахмон, амирлик мансабини илтимос қилмағил, агар амирлик (мансабига) илтимос бирла эришсанг, унга суяниб қолғайсен, агар илтимоссиз эришсанг, унга мадад берғайсен! Башарти, илгари қасам ичган эрсангу, ўшал қасаминг устига бирор бошқа қасам ичмоқни лозим топсанг, илгариги қасаминг учун каффорат бериб, сўнг бошқа қасам ичғил!» — дедилар».

5-боб. Амирлик мансабига илтимос бирла эришган одам унга суяниб қолғай!

Бу ерда юқоридаги хадис такроран келтирилган.

6-боб. Амирлик мансабига ҳирс қўймоқнинг макруҳлиги ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар мен вафот этиб кетганимдан сўнг амирлик мансабига хирс қўйғайсизлар, қиёматда эрса бул қилмишларингиз учун надомат чеккайсизлар», — дедилар».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Мен ва мен бирлан яна икки киши Жаноб

Расулulloҳнинг ҳузурларига кирдик. Ҳамроҳларимдан бири «Ё Расулаллоҳ, бизни амир қилиб кўйингиз!» — деди, иккинчиси ҳам шул гапни айтди. Жаноб Расулulloҳ: «Биз амирлик мансабини илтимос қилиб келган ёким амирлик мансабига ҳирс кўйган одамни амир қилавермагаймиз!» — дедилар».

7-боб. Қўл остидагиларга насиҳат қилмаган бошлиқ ҳақида

Ҳасан (ал-Басрий) ривоят қиладилар: «Убайдуллоҳ ибн Зиёд касталаниб ётган Маъқил ибн Ясорни кўргани борди. Шунда Маъқил унга: «Мен ўзим Жаноб Расулulloҳдан эшитган бир ҳадисни сенга ҳикоя қилайин, ул зот бундай деб айтган эрдилар», — деди: «Оллоҳ таоло бирор бандасини одамларга бошлиқ қилса-ю, ул ўз қўл остидагиларга насиҳат амри маъруф қилмаса, жаннатнинг ҳидини ҳам тополмағайдур!».

Ҳасан ал-Басрий ривоят қиладилар: «Биз бемор Маъқил ибн Ясорни кўргани бордик. Убайдуллоҳ ичкарига кирганда Маъқил унга Жаноб Расулulloҳдан эшитган қуйидаги ҳадисни айтиб берибдур: «Мусулмонларга бошлиқ бўлган киши ўз қўл остидагиларни алдаса, Оллоҳ таоло уни жаннатдан маҳрум қилғайдур!».

8-боб. Қийнаганни Оллоҳ таоло қийнагай!

Тариф Абу Тамима ривоят қиладилар: «Мен Сафвон бирлан Жундубни ва унинг дўстларини кўрдим, Жундуб уларга насиҳат қилаётган эрди. Улар: «Сиз Жаноб Расулulloҳдан бирор ҳадис эшитганмисиз?» — дейишди. Жундуб: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг «Кимки бировни шармисор қилса, Оллоҳ таоло ҳам уни қиёмат кунини шармисор қилғай, кимки ўзгаларни қийнаса, Оллоҳ таоло ҳам уни Қиёмат кунини қийнағай» — деб айтганларини эшитганмен», — деди. Улар «Бизга ўғит берингиз!» — дейишди. Шунда ул «Инсон (ўлгач), дастлаб қорни ирийди. Фақат ҳалол топиб энглар, ўзингиз бирлан жаннат орасига ғов тушмасин десангиз, кафтингизни қон бирла булғаманглар», — деди».

9-боб. Йўлда (кетаётиб) ҳукм ва фатво чиқармоқ ҳақида

Яҳё ибн Йаъмур йўлда кетаётиб, Шаъбий эрсалар эшиклари остонасида туриб фатво берганлар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Мен ва Жаноб Расулulloҳ масжиддан чиқиб келаётган эрдик бир киши бизни масжид эшиги остонасида учратиб: «Ё Расулаллоҳ, қиёмат қачон содир бўлғай?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: "Қиёматга қандай ҳозирлик кўриб қўйгансен?" — дедилар. Шунда бояги одам жимиб қолди, сўнг «Ё Расулаллоҳ, на қиёматга етарли ҳозирлик кўра олмадим, на рўзани, на намозни ва на садақани ёлчитдим, аммо мен Оллоҳ таоло бирлан унинг расулини яхши кўрғаймен!» — деди. Ул зот: «Сен ўзинг яхши кўрганлар бирласен!» — дедилар».

10-боб. Жаноб Расулulloҳнинг эшикбонлари бўлмагани ҳақида

Собит ал-Буноний ривоят қиладилар: «Мен Анас ибн Моликнинг ўз оиласидаги аёллардан бирига: «Сен фалон аёлни танирмисен?» — деганини эшитдим. Аёл унга: «Ҳа, танирмен», — деб жавоб берди. Шунда Анас бундай деди: «Бир кунини Жаноб Расулulloҳ мазордан ўтиб кетаётиб ўшал аёлнинг бир қабр устида йиғлаб ўлтирганини кўриб қолдиларда, унга: «Оллоҳ таолодан кўрқил, сабр қилғил!» — дедилар. Аёл: «Нари турингиз, сиз менинг мусибатимдан

беҳабарсиз!" — деди, Жаноб Расулulloҳ индамай йўлда давом этдилар. Шул аснода бир киши келиб қолиб, аёлдан: «Жаноб Расулulloҳ сенга не дедилар?» — деб сўради. Аёл Мен ул зотни танимабмен», — деди. Бояги одам: «Ул киши Жаноб Расулulloҳ эрдилар», — деди. Шунда аёл (узр сўрамоқ бўлиб) Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига равона бўлди, етиб боргач, эшикбон йўқлигини кўриб ичкарига кирди: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, мен сизни танимабмен!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бошга мусибат тушган дастлабки кунлардаги сабр — сабрдур!» — дедилар.

11-боб. Ҳоким ўзидан мансаби юқори бўлмиш имом мавжуд бўлмаса ҳам қатл жазосига лойиқ кишини ўлимга маҳкум қилаверади

Анас ибн Молик ривоят қиладилар «Қайс ибн Саъд Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида амирга итоат қилғувчи миршаблар бошлиғи сифатида эрди».

Абу Мусо (ал-Ашъарий) ривоят қиладиларки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни (Яманга) жўнатгач, кетидан Маозни юборибдилар.

Абу Бурда ривоят қиладилар: Бир одам исломга кирди, сўнг ундан қайтиб яҳудий динига кирди. Маоз ибн Жабал ўшал одамни излаб келиб, Абу Мусонинг ҳузуридан топди. Унинг оёқ-қўли боғлиқ ҳолда ётганини кўриб, Абу Мусога: «Бул одамни нечун боғлаб кўйдинг?» — деди. Абу Мусо: «Ул исломга киргач, ундан қайтиб яҳудий динига кирди», — деди. Маоз: «Уни ўлдирмагунимча ўлтирмағаймен, чунким Оллоҳ таоло ва унинг расули саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмлари шулдур!» — деди».

12-боб. Ҳоким ғазабнок ҳолида ҳукм чиқариши ёким фатво бермоғи жоизми?

Абдулмалик ибн Нумайр Абдуррахмон ибн Абу Бакрадан нақл қиладилар: «Абу Бакра ўғли Сижистонда қозилик қилиб турган вақтда: «Ғазабнок ҳолингда икки киши устидан ҳукм чиқармагил, чунким мен Жаноб Расулulloҳдан эшитганменким, ҳоким бўлмиш шахс икки киши устидан ҳукм чиқараётган чоғида ғазабнок ҳолда бўлмаслиги лозимдур!» — деб мактуб йўллади».

Абу Масъуд ривоят қиладилар: «Бир одам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен фалончи (имом) сабабли бомдод намозига чиқмаймен, чунким ул узун сураларни ўқиб намозни чўзиб юборадир», — деди. Мен Жаноб Расулulloҳнинг ўшал кун ваъз айтаётганларидагидек дарғазаб бўлганларини кўрмаганмен, ул зот: «Эй одамлар, ораларингизда қавми намоздан бездирғувчи кишилар бор эркан, қайсинингиз имомлик қилсангиз, намозни қисқароқ ўқингиз!» — дедилар».

Солим (ибн Абдуллоҳ ибн Умар) ривоят қиладиларки, оталари Абдуллоҳ ибн Умар хотинларини ҳайз кўрган ҳолида талоқ қилибдилар. Бул ҳақда Жаноб Расулulloҳга айтишганда, ул зот дарғазаб бўлиб: «Уни қайта никоҳлаб олсин ва ҳайздан поклангач, яна бир марта ҳайз кўриб поклангунча уйида сақлаб турсин, кейин талоқ шарт бўлса, талоқ қилаверсин!» — деб айтибдилар.

13-боб. Гап-сўз ва тухматдан қурқмайдирган қози одамлар иши юзасидан ўзи билиб ҳукм чиқаравергай деб ҳисоблаган киши хусусида

Чунончи, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Абу Суфённинг хотини) Ҳиндга:

«Инсофдан чиқмай ўзинг бирлан болаларингга етарлигини олғил!» — деб айтганлар. Қози ана шундай хайрли ишлар юзасидангина ўзи билиб ҳукм чиқармоғи жоиздур.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд бинти Утба ибн Рабиъа келиб: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ таоло ҳақи, мен илгари ер юзидаги чодирда яшовчиларнинг сизнинг чодирингиздагилардан хор-зорроқ бўлмоғини истамас эрдим, энди бугун эрса сизнинг чодирингиз аҳлининг ер юзидаги чодир аҳлидан азизроқ бўлмоғини истагайдурмен!» — деди. Кейин: «(Эрим) Абу Суфён хасис одам, агар унинг нарсаларидан болаларимга едирсам, менга гуноҳ бўлмагайми?! — деб сўради. Жаноб Расулаллоҳ: «Инсоф бирлан олиб едирсанг, сенга гуноҳ бўлмагайдур», дедилар

14-боб. Мухрланган хатнинг сохта эрмаслигига далил келтирмоқ ва бунинг қулай ва ноқулай томонлари ҳамда ҳокимнинг ўз хизматчиларига, қозининг эрса қозига хат ёзмоғи ҳақида

Баъзи одамлар (уламолар). «Ҳоким ҳадд жазосига тааллуқли масала хусусида тегишли одамларига хат ёзмалиги керак», — деб туриб, кейин: «Лекин, биров бировни билмай ўлдириб қўйганда ҳоким тегишли одамларига кўрсатма бериб хат ёзмоғи жоиздур, чунки бул масала энди ҳадд жазосига алоқадор бўлмай, мол (хун учун олинадирган жарима) бирлан боғлиқдур», — деб таъкидлайдилар. Аслида, билмай ўлдирганлик бирлан қасддан ўлдирганликнинг ҳукми бирдур.

Умар ибн ал-Хаттоб ўз хизматчисига ҳадд жазоси ҳақида хат ёзди. Умар ибн Абдулазиз эрса, синдирилган тиш учун тиш синдирмоқ кераклиги хусусида хат ёзди. Иброҳим: «Қози қозига хат ёзмоғи мумкиндур, агар улар бир-бирларининг ёзув ва муҳрларини танисалар», — дейдилар. Шабъий: «Қозининг муҳрланган хатини очмасдан топшириш керак», — дейдилар. Муовия ибн Абдулқарим ас-сакафий: «Басра қозиси Абдулмалик ибн Яъло, Йиос ибн Муовия, Ҳасан, Сумома ибн Абдуллоҳ ибн Анас, Билол ибн Абу Бурда, Абдуллоҳ ибн Бурайда ал-Асламий, Омир ибн Убайда ва Аббод ибн Мансурнинг қозидан келган хатларни гувоҳ-далилсиз қабул қилиб олганларини шоҳиди бўлганмен. Агар хатни бировдан қабул қилиб олган масъул киши уни сохта деб айтса, текшириб аниқлағил, дейилғай. Қозидан келган хатга биринчи бўлиб исбот талаб қилган киши — Ибн Абу Лайло ва Сувор ибн Абдуллоҳдурлар. Абу Нуъайм: «Бизга Убайдуллоҳ ибн Муҳриз бундай деб айтган эрди», — дейдилар: «Мен Мусо ибн Анасинг хатини олиб Басра қозисининг ҳузурига келдимда, фалончида менинг ундай ва бундай нарсаларим бор, ул эрса ўзи Куфададур, деб хатни далил қилиб кўрсатдим. Кейин хатни олиб Қосим ибн Абдурраҳмоннинг ҳузурига бордим, ул хатнинг тўғрилигига ишониб, менинг ишимни ҳал қилиб берди». Аммо, Ҳасан ал-Басрий ва Абу Килоба хатни очиб ўқимай туриб васиятга гувоҳлик беришни макруҳ деб ҳисоблашадир, чунки бировга жабр қилиб қўйиш мумкиндур. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар аҳлига: «Ёким соҳибларингизнинг хунини тўлайсизлар ёхуд сизларга уруш эълон қилғаймиз!» — деб хат ёздилар. Зухрий парда ортида турган аёлга гувоҳлик бермоқ ҳақида сўзлаб: «Уни танисанг, гувоҳлик берғил, акс ҳолда гувоҳлик бермағил!» — дейдилар.

Анас иби Молик ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Румга мактуб ёзмоқчи бўлганларида, саҳобалар: «Улар муҳрланган хатнигина ўқиғайлар», — дейишди. Шунда Жаноб Расулаллоҳ кумушдан муҳр кўзли узук ясаиб олдилар, мен унинг жилосини ва ундаги «Муҳаммад расулаллоҳ» деб ўйилган ёзувни ҳозир ҳам кўриб тургандекмен».

15-боб. Киши қачон қозиликка муносиб бўлғай?

Ҳасан ал-Басрий: «Оллоҳ таоло ҳокимларга нафсинг қули бўлмасликни, одамлардан чўчимасликни ва оятларни пулга сотмасликни амр қилди», — дедида, қуйидаги оятни ўқиди («Сод» сураси): Оятнинг мазмуни: «Эй Довуд, биз сени ер юзига халифа қилдик энди сен одамлар ўртасида инсофу адолат ила ҳукмдорлик қилғил ва нафсинг хоҳишига бўйин эгмағилким, сени йўлдан оздирур, Оллоҳ йўлидан озганлар учун эрса, улар ўзлари унутиб қўйган ҳисоб-китоб кунда қаттиғ азоб мавжуддур») Кейин, ал-Басрий мана бул оятни ўқиди («Ал-Моида» сураси): Оятнинг мазмуни: «Биз ҳидоят ва нурувар тавротни нозил қилган эрдикким, Оллоҳ таолога бўйинсунган пайғамбарлар унинг ила яҳудийлар ўртасида ҳукм юргизур эрдилар, машойихлар ва уламолар ҳам Оллоҳ таолонинг Китобида ўзларини тиймоқлари хусусида айтилган кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда ҳукм чиқорур эрдилар ва улар бунинг гувоҳи бўлганлар. Бас, сизлар ҳам одамлардан чўчимангизлар, (аксинча) мендан кўрқингизлар ва менинг оятларимни пулга сотмангизлар, Оллоҳ таолонинг нозил қилган ҳукмига мувофиқ ҳукм қилмаганлар кофирлардур». Сўнг, Ҳасан ал-Басрий қуйидаги оятни ўқиди («Ал-Анбиё» сураси) Оятнинг мазмуни: «Довуд бирлан Сулаймонни эслангиз, бир қавмнинг қўйлари бировнинг экинини тунда еб қўйганда иккиси ўз ҳукмларини чиқарган эрдилар, биз улар ҳукм чиқараётганда ҳозир бўлиб, бул хусусда қандай ҳукм чиқармоқ лозимлигини Сулаймонга англадик ҳамда иккаласига ҳам ҳукму илм ато этдик». Ҳасан ал-Басрий бундай дейдилар: «Оллоҳ таоло Сулаймонни мақтаб, Довудни изза қилмади. Агар Оллоҳ таоло улар иккаласининг қилган ишларини Қуръонда эслатмаганида (бугунги кунда) қозилар ҳалок бўлган бўлур эрдилар (яъни, хато ҳукм чиқариб, гуноҳга қолган бўлур эрдилар), чунким Оллоҳ, таоло Сулаймонни билими учун мақтаб, Довудни идрокига яраша ҳукм чиқаргани учун кечирди».

Музоҳим ибн Зуфар: «Бизга Умар ибн Абдулазиз бундай деди», — дейдилар: «Беш хислат мавжудким, қози улардан бирида хатоликка йўл қўйса, ўзига гуноҳ орттирғай. Булар — фаҳм фаросатлилик, хушмуомалалик, ҳалоллик, матонатлилик ва илмга чанқоқликдур».

16-боб. Ҳоким ва унга хизмат қилғувчиларнинг ризқи (маоши) ҳақида

Қози Шурайҳ қозилиги учун маош олар эрди. Оиша онамиз: «Васий қилган ишига яраша маош олиб турган, Абу Бакр ва Умар ҳам худди шундай», — дейдилар.

Ҳувайтиб ибн Авдулуззо ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн ассаъдий Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига халифалик қилиб турган вақтларида борган эркан, ул киши: «Бирор амалга сени таъйин қилайин, маош олиб турғил, десам, истамадинг», — дебдилар. Абдуллоҳ: «Ҳа, шундоқ!» — дебди. Ҳазрат Умар: «Унда мендан не истағайсен?» — дебдилар. Абдуллоҳ: «Менинг кўплаб йилқим ва қулларим мавжуд, турмушим яхши, оладирган маошимни мусулмонларга садақа қилсам, деб эрдим!» — дебди. Ҳазрат Умар бундай дебдилар: «Бундай қилмағил, мен ҳам бир пайтлар сен каби фикр қилғон эрдим! Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга тортиқ бериб турур эрдилар, ҳар сафар мен ул зотга: «Буни мендан кўра камбағалроқ кишига берсангиз!» — дер эрдим. Бир куни одатдагидек мол (маош) бериб эрдилар, мен яна: «Буни мендан камбағалроқ кишига берингиз!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ шунда: «Аввал буни бисотингга кўшиб қўйғил, сўнг садақа қилаверғайсен! Ўзингга бирор нарса тортиқ қилинганда, агар тамаъгирлик ҳам, тиламчилик ҳам қилмаган эрсанг, олғил, илло кўзингни оч қилмағил!» — дедилар».

17-боб. Масжидда киши ҳақида

Ҳазрат Умар Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарлари олдида туриб лиён қилдилар. Шурайҳ, Шаъбий ва Яҳё ибн Йаъмур (айбдорни) масжидда муҳоҳама қилдилар. Марвон ибн ал-Ҳакам (масжид) минбари олдида туриб Зайд ибн Собитга онт ичмоқни амр қилди. Ҳасан ал-Басрий ва Зурора ибн Авфо масжид ташқарисидаги майдонда қозилик қилишар эрди.

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: Мен ўн беш ёшлигимда бир эру хотиннинг масжидда мулоъана қилганининг шоҳиди бўлганмен, ўшанда уларни ажратиб юборишган эрди».

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: «Бир ансорий Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: «Киши ўз хотинини бегона эркак бирлан тутиб олса, уни ўлдирадирми?» — деб сўради, Кейин, ўшал эру хотинни масжидга олиб келишиб лиён қилишганининг шоҳиди бўлдим».

18-боб. Масжидда ҳукм қилиб, ҳадд урмоққа келганда уни масжид ташқарисида ижро этмоқни амр қилган киши ҳақида

Ҳазрат Умар: «Уни масжид ташқарисига олиб чиқингизлар!» — деганлар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда ўлтириб эрдилар, бир киши ҳузурларига келиб: Ё Расулаллоҳ, мен зино қилиб қўйдим!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ юзларини ўгириб олдилар. Кейин, бояги одам тўрт бор шундай деб ўзига-ўзи гувоҳлик келтиргач, Жаноб Расулуллоҳ: «Мабодо, жинни эрмасмисен?» — дедилар. Ул: «Иўқ, жинни эрмасмен», — деди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Буни олиб бориб, тошбўрон қилинганлар!» — деб амр қилдилар. Ибн Шиҳоб: «Мен уни мусаллода тошбўрон қилганлардан бири эрдим», — дейдилар».

19-боб Имомнинг даъвогарларга панд-насиҳат қилмоғи ҳақида

Мўминлар онаси бўлмиш Умму Салама ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мен ҳам инсонмен, баъзан хусуматлашиб ҳузуримга келганингизда бирингининг далилингиз иккинчиникидан ишончлироқ кўриниб, нотўғри ҳукм чиқариб қўймоғим мумкиндур. Башарти, бирингининг ҳақингизни иккинчингизга ноҳақ олиб берсам, олмангиз, акс ҳолда мен У сизга дўзах ўтидан бир парча олиб берган бўлурмен!»

20-боб. Ҳокимнинг ҳокимлик давридаги гувоҳлиги ҳукм чиқармоққа асос бўла оладир, ундан илгариги гувоҳлиги эрса, фақат даъво ўрнига ўтгайдур!

Қози Шурайҳ ўзларидан бир киши гувоҳлик сўраганда: «Амирнинг ҳузурига борғил, мен сенга гувоҳлик бергаймен!» — деб айтган эрканлар.

Икрима ривоят қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Абдурраҳмон ибн Авфдан: «Агар амирлик вақтингда бир кишининг зино ёким ўғрилиқ қилаётганини кўриб қолсанг, яққа ўзининг гувоҳлигинг бирла ҳукм чиқараверарми эрдинг?» — деб сўрадилар. Ул: «Амир бўлсанг ҳам гувоҳлигинг оддий бир мусулмоннинг гувоҳлигичадир», — деди. Ҳазрат Умар: «Рост айтдинг. Агар мен одамларнинг: «Умар Оллоҳ таолонинг Китобига ўзидан қўшимча киритди!» — деб таъна қилишларидан қўрқмаганимда эрди уйга Ражм оятини ўз қўлим бирлан яна бир бор ёзиб қўйган бўлур эрдим!» — дедилар. Моиз ўзи Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб зино қилганлигига тўрт марта иқроп бўлгач, ул зот уни ражм (тошбўрон)

қилмоқни амр қилдилар. Лекин, шунда Жаноб Расулуллоҳнинг яна бир бошқа гувоҳ талаб қилганликлари хусусида эслатиб ўтилмайди. Ҳаммод: «Агар ҳоким ҳузурда ўз айбига бир марта иқрор бўлса, кифоя, ражм қилинаверади», — дейдилар. Ҳакам эрсалар: Тўрт марта ўз айбига иқрор бўлмоғи лозимдур», — дейдилар.

Абу Қатода ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳунайн куни (ҳижрий 8-йилда Ҳунайн қишлоғида мушрикларга қарши жанг қилинган кун): «Мушрикни ўлдирганига гувоҳи бор кишигина, унинг нарсаларини олмоққа ҳақлиғдур», — дедилар. Шунда мен ўзим ўлдирган мушрик учун гувоҳ излаб тополмадимда, ўлтириб ўйга толдим, кейин буни Жаноб Расулуллоҳга айтдим. Ул зотнинг ҳузурларидагилардан бири: «Ўшал ўлдирилган мушрикнинг қуроллари мендадур», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Уни рози қилғил!» — дедилар. Абу Бакр норози бўлиб: «Йўқ, асло, Қурайш чиябўриваччасига бериб, Оллоҳ таоло ва унинг расули йўлида жанг қилган шерни маҳрум қилмангиз!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ қулоқ солиб бояги одамга буюрдилар, ул менга ўлдирилган мушрикнинг қуролларини қайтиб берди. Кейин мен уни сотиб, пулига боғ олдим, бул менинг дастлабки бисотим эрди». Ҳижоз ақли: «Ҳоким ҳокимлик даврида ёким ундан илгари ўзи кўрган жиноят юзасидан ўз ихтиёрича ҳукм чиқармаслиги лозимдур», — дейишадир. Гарчи ҳоким қозилар мажлисида ўзга бир кишининг жиноят қилганига гувоҳлик бериб иқрор бўлсада, баъзи уламоларнинг фикрича, то икки гувоҳ унинг даъвоси тўғри эрканлигини тасдиқламагунча, айбланувчига қарши ҳукм чиқарилмагайдур. Баъзи уламоларнинг таъкидлашига қараганда эрса, биргина ҳокимнинг гувоҳлиги бирлан айбдорга қарши ҳукм чиқарилаверғай, чунким ҳоким ишончли шахс бўлиб, гувоҳ талаб қилмоқдан мақсад ҳақиқатни аниқламоқдур, ҳокимнинг ўзга бир шахсни айбдор деб иқрор бўлгани эрса, гувоҳликдан ортиқ эрмиш. Яна айрим уламолар: «Мол-мулк хусусида бўлса, шундай қилмоқ мумкин, бошқа масалада бундай қилиб бўлмайдур», — дейишадир. Қосим (ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр): «Ҳоким ўзгалар бирлан фикрлашмай, фақат ўз билганига таянган ҳолда ҳукм чиқармаслиги лозим, чунким шундай қилса, муслмонлар олдида тухматга қолиб, ўзига нисбатан уларда шубҳа туғдирғайдур. Жаноб Расулуллоҳ шубҳага йўл бермасликни таъкидлаб, шул хусусда хотинлари Сафийя бирлан масжиддан чиқиб келаётганларида содир бўлган бир воқеани айтиб берганлар».

Али ибн Ҳусайн (ибн Али ибн Абу Толиб) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (масжидда эътикофда эрканликларида) ҳузурларига Сафийя келди, қайтаётганида ул зот уни кузатиб чиқдилар. Шунда икки ансорий ўтиб қолиб эрди, Жаноб Расулуллоҳ уларни чақириб: "Бу (ўзимнинг хотиним) — Сафийядур!" — дедилар. Улар: «Субҳоноллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «(Ажабланмангизлар), дарҳақиқат шайтон инсон қон томирларида қон бирла оқиб юрғайдур!» — дедилар».

21-боб. Волий (ҳукмдор) икки амирни бир ерга юборса, бир-бирига итоат қилиб, ўзаро қаршилик қилмасликни буюрғайдур!

Саъид ибн Абу Бурда ривоят қиладилар: «Мен отам Абу Бурданинг бундай деганларини эшитдим: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам отам бирлан Маоз ибн Жабални Яманга юбораётиб: «Қулайлик яратингизлар, қийинчилик туғдирмангизлар, хушнуд этингизлар, бездирмангизлар ва бир-бирингизга итоат этингизлар!» — дедилар. Отам Жаноб Расулуллоҳга: «Бизнинг Яманда асалдан шароб тайёрлайдилар», — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳар бир маст қилғувчи нарса ҳаромдур!» — дедилар.

22-боб. Ҳокимнинг таклифни қабул қилмоғи ҳақида

Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу Муғира ибн Шуъбанинг қули тўйга таклиф қилганда қабул қилганлар.

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Асирни озод қилингизлар, тўйга таклиф қилинсангиз, борингизлар!» — деб айтганлар».

23-боб. Закот йиғувчиларнинг (закотдан олган) «ҳадялари» ҳақида

Абу Қумайд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Бану Асад қабиласидан бўлмиш Ибн ал-Лутбийя исмли бир кишини закот йиғиб келмоққа юбордилар. Ул қайтиб келиб: «Мана булар сизга (яъни, Байтулмолга, хазинага), мана булар эрса, менга ҳадя қилинди», — деди. Шунда Жаноб Расулulloҳ минбарга чиқиб Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтдиларда, сўнг: «Биз закотчини закот йиғиб келмоққа юборганимизда нега ул қайтиб келиб: «Мана булар сизга, мана булар эрса, менга ҳадя қилинди», — дейдир, агар истаги шул эрса, ота-онасининг ўйида ўлтириб «Ҳадя олиб келадиларми, йўқми?» деб пойлаб ўлтиравермайдими?! Оллоҳ таоло ҳақи, кимки закотдан уриб қолса, қиёмат куни ўшал нарсани елкасида кўтариб келгай, агар ул туя эрса, ўкириб, сигир эрса, бўкириб, қўй эрса, маъраб турғайдур!» — дедилар. Кейин, икки қўлларини баланд кўтариб «Тушунтира олдими?» деб уч бор такрорладилар, шунда мен қўлтиқларининг оппоқлигини кўриб қолдим».

24-боб. Озод қилинган қуллардан қози ва амалдорлар таъйин қилмоқ ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Биринчи муҳожирлардан бўлмиш Абу Ҳузайфанинг озод қилинган қули ҳамда Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари, жумладан Абу Бакр, Умар, Абу Салама, Зайд ва Омир ибн Рабиъа Қубо масжидида (бирлари қозилик бирлари амалдорлик қилур) эрдилар».

25-боб. Қабила оқсоқоллари ҳақида

Урва ибн аз-Зубайр ривоят қиладилар: «Марвон ибн ал-Ҳакам ва Мисвар ибн Маҳрама бундай деб айтдилар: «Одамлар мусулмонларнинг Ҳавазин қабиласига мансуб асирларни озод қилинмоғига розилик билдирганликларини Жаноб Расулulloҳга айтишганда, ул зот: «Сизларнинг қайси бирингиз рози-ю, қайси бирингиз норози, буни билмағаймен, борингизлар, оқсоқолларингиздан суриштириб билиб келингизлар!» — дедилар. Улар бориб, оқсоқолларидан суриштириб билиб келгач, Жаноб Расулulloҳга: «Мусулмонлар ризолик билдириб, рухсат беришди», — деб хабар қилишди».

26-боб. Султонни ўз ҳузурида улўғлаб, ташқарига чиққач, бошқа бир гапни айтмоқнинг макруҳлиги ҳақида

Осим ибн Муҳаммад оталаридан нақл қиладилар: «Бир гуруҳ кишилар Ҳазрат Умарга: «Биз султонимизнинг ҳузурига кирганимизда унга унинг ҳузуридан чиққанимизда айтадирган гапимизнинг аксини айтамыз», — дейишди. Ҳазрат Умар уларга: «Биз буни мунофиқлик деб атар эрдик», — дедилар».

Абу Ҳурайра айтадиларки, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамларнинг энг ёмони икки юзламачи киши бўлиб, ул бировларга бир юзини, бошқа бировларга эрса, иккинчи юзини қаратгайдур, — деб айтганларини эшитган эрканлар.

27-боб. Ғоиб киши устидан ҳукм чиқармоқ ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд бинти Утба Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «(Эрим) Абу Суфён хасис одам, унинг молидан олиб ишлатмоққа муҳтожмен», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Инсофан ўзинг бирлан болаларингга етарлича олғил!» — дедилар».

28-боб. Кимнинг фойдасига бир мусулмон биродарининг ҳақи нотўғри ҳукм қилиб берилса, зинҳор олмасин, чунким ҳоқим (қози) ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром қилолмағайдур!

Умму Салима разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужралари эшиги олдида кимлардир жанжаллашаётганини эшитиб, уларнинг олдида чиқдиларда «Мен ҳам (сизлар каби) инсонмен. Ҳузуримга жанжаллашиб келганингизда бирингиз иккинчингиздан устамонроқ қилиб қолиб, мени ўз далилларига ишонтириб қўйиши мумкин, шунда ҳақ қолиб, ноҳақ фойдасига ҳукм чиқариб қўйишим ҳеч гап эрмас. Мен янглишиб ноҳақ фойдасига ҳукм қилиб қўйган бир мусулмоннинг ҳақи дўзах оташининг бир парчасидур, ноҳақ киши уни истаса, олсин, истамаса, олмасин, бу унинг ўзига ҳаволадур!» — дедилар.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Утба ўз укаси Саъд ибн Ваққосга ўлар чоғида: «Замъа чўрисининг боласи мендан бўлгандур, уни сенга топширамен!» — деб васият қилди. (Макка) фатҳ қилинган йили Саъд болани ўз қарамоғига олиб: «Бул акамнинг боласи, қарамоғимга олмоғимни менга васият қилганлар!» — деди. Замъанинг ўғли Абд ибн Замъа ўрнидан туриб: «Бул менинг ухам ҳамда отамнинг чўрисининг ўғли, ул отамнинг тўшагида вужудга келган!» — деди. Шундан сўнг, Саъд бирлан Абд ибн Замъа Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига боришди. Саъд: «Ё Расулulloҳ, бул акамнинг ўғли бўлиб, уни ўз қарамоғимга (тарбиямга) олмоғимни васият қилганлар!» — деди. Абд ибн Замъа эрса: «Бул менинг укам ҳамда отамнинг чўрисининг ўғли, бул отамнинг тўшагида бунёд бўлган!» — деб айтди. Жаноб Расулulloҳ: «Эй Абд ибн Замъа, бул сеники, зеро, бола тўшакники бўлғайдур, фоҳиша эрса, ундан маҳрум этилғай!» — дедилар, сўнг Савда бинти Замъанинг Утбага ўхшашлигини кўриб: «Эй Савда, боладан қочғил!» — деб айтдилар. Бола Оллоҳ таоло даргоҳига равона бўлгунга қадар ҳам Савдани кўрмади»

29-боб. Қудуқ ва шу кабилар ҳукми ҳақида

Абу Воил ривоят қиладилар: "Абдуллоҳ ибн Масъуд Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир мусулмоннинг молини ўзлаштириб олмоқ мақсадида ёлғон қасам ичғайдур, Оллоҳ таоло унга охиратда ғазабнок хилда рўбарў бўлғайдур!" — деганлар, деди, Сулаймон: «Оллоҳ таоло бунинг тасдиқи учун «Оллоҳ таолонинг номини сотиб онт ичғувчилар...» деган ояти каримасини нозил қилган», — деди. Абдуллоҳ юқоридаги оят ҳақида одамларга сўзлаб турган эрди, Ашъас келиб: «Бул оят бир киши бирлан менинг тўғримда, қудуқ масаласида хусуматлашиб қолганимизда нозил бўлгандур. Ушанда Жаноб Расулulloҳ: «Далилинг бормидур? — деб эрдилар. Мен: «Йўқ», — деб эрдим. Ул зот: «Бўлмаса, ул қасам ичсин!» — деб эрдилар. Мен: «Агар ул қасам ичса, «Оллоҳ таолога берган ваъдаларини бир пулга сотадирганлар...» деган оят нозил бўлганку!» — деб эрдим», — деди».

30-боб. Икки ўртада талашилаётган мулк кўп бўладирми ёким оз бўладирми, бундан қатъий назар, уларга нисбатан бир хил ҳукм чиқарилғайдур!

Шубрума: «Мулк кўпми, озми, бир хил ҳукм чиқарилғайдур, — дейдилар» — дедилар».

Зайнаб бинти Абу Салама оналари Умму Саламадан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хужралари эшиги олдида кимларнингдир жанжаллашаётганини эшитиб ташқарига чиқдиларда: «Мен ҳам инсонмен, хузуримга жанжаллашиб келганингизда бирингиз иккинчингиздан устамонроқ чиқиб қолиб, мени ўз далилларига ишонтириб қўймоғи мумкин, шунда ҳақ қолиб, ноҳақ фойдасига ҳукм чиқариб қўймоғим ҳеч гап эрмас. Мен янглишиб ноҳақ фойдасига ҳукм қилиб қўйган бир мусулмоннинг ҳақи дўзах оташининг бир парчасидур, ноҳақ киши уни истаса, олсин, истамаса, олмасин, бу унинг ўзига ҳаволадур!»

31-боб. Имомнинг ўзгалар мол-мулкани одамларга сотмоғи ҳақида

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эгаси томонидан «Мен вафот этсам, озодсен» деб мудаббар қилинган бир қулни Нуъайм ибн ан-Наҳҳомга сотдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Ансорийлардан бири ўз қулини мудаббар қилди (яъни, «Вафот этсам, озодсен», — деди). Аммо, унинг шул қулидан ўзга ҳеч вақоси йўқ эрди. Жаноб Расулulloҳ бундан хабар топиб: «Ўшал қулни мендан ким сотиб олғай?» — дедилар. Шунда уни Нуъайм ибн ан-Наҳҳом саккиз юз дирҳамга сотиб олди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ пулни қулнинг эгасига юбордилар».

32-боб. Бир киши хусусида айбдор қилгудек бирорта ҳам сўз билмаган одамларнинг таънасига парво қилмаган шахс ҳақида

Абдуллоҳ ибн Динор ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Усома ибн Зайдни лашкарбоши қилиб бир ерга қўшин юбориб эрдилар, унинг хусусида таъна қилишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Унинг лашкарбоши бўлганига хусумат қилиб таъна қилаётирсизлар, отаси лашкарбоши бўлганида худди шундай таъна қилган эрдингизлар. Оллоҳ таоло ҳақи, модомики ул лашкарбошиликка муносиб эркан ва менинг учун энг мақбул киши эркан бундан кейин ҳам худди шундай бўлиб қолғайдур!» — дедилар».

33-боб. Ашаддий хусуматчи мудом хусумат қилмоғини қўймағайдур!

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолони энг нафратлантирадирган киши — бу ашаддий (тузалмас) хусуматчидур!» — дедилар».

34-боб. Ҳоким шафқатсизлик қилмоқни ёки илм аҳлига хилоф иш тутмоқликни буюрса, рад қилинғайдур!

Солим оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Холид ибн Валидни аскарларга бошлиқ қилиб Бану Жузайма қабиласига юбордилар. Улар: «Ислумни қабул қилдик!» — дейиш ўрнига, билмай: «Диндан қайтдик!» — деб юборишди (яъни, «Аввалги динимиздан қайтиб исломга кирдик!» — деб айтмоқчи эрдилар). Шунда Холид ибн Валид уларга қарши аскарларни жангга ташлади, натижада кўпчилиги ўлдирилиб, қолганлари асир олинди. Кейин, ҳар биримизга ўзимиз қўлга туширган асиримизни ўлдирмоқни амр қилди. Мен ўлдирмоқдин бош тортдим, шерикларим ҳам шундай қилишди. Қайтиб боргач, бул ҳақда Жаноб Расулulloҳга айтиб эрдик ул зот: «Эй парвардигоро, Холид ибн Валиднинг қилмишида

менинг қўлим йўқдур!» — дедилар (яъни, Холид ибн Валиднинг суриштирмай-нетмай уларни ўлдирганини назарда тутяптилар).

35-боб. Бир қавм ичида низо чиқса, имом бориб ораларини келиштириб қўймоғи лозим!

Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Бану Амр қабиласида низо чиқиб жанг бўлди. Жаноб Расулulloҳ бундан хабар топгач, пешин намозини ўқидиларда, уларнинг хузурига бориб, ўзаро келиштириб қўйдилар. Намози аср вақти бўлиб (Жаноб Расулulloҳдан дарак бўлмагач), Билол Абу Бакрга келиб: «Такбир айтайинми?» — деди. Абу Бакр: «Майли, — дедилар. Кейин, Абу Бакр жамоатга имомлик қилиб турганларида Жаноб Расулulloҳ келиб қолдиларда, одамларнинг орасидан ўтиб биринчи сафга бориб турдилар. Одамлар Абу Бакрни огоҳлантирмоқ учун, чапак чалиб юбордилар, ул киши пайқамадилар. Одамлар яна, ҳам қаттиқроқ чапак чала бошладилар, шундагина Абу Бакр Жаноб Расулulloҳнинг келганларини кўрдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Ўрнингиздан қимирламангиз!» — деб ишора қилдилар. Абу Бакр ул зотнинг ишончларига хурсанд бўлиб, «Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдиларда, орқаларига тисарилиб жой бўшатдилар, Жаноб Расулulloҳ олдинга ўтиб намозни давом эттирдилар. Намоздан сўнг Абу Бакрга: «Буюрғанимдан кейин жойингизда тураверсангиз бўлмасми эрди?!» — дедилар. Абу Бакр: «Расулulloҳ саллulloҳу алайҳи ва салламга имомлик қилмоққа менинг хаддим сиғмағайдур!» — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳ қавмга қараб «Сизларга не бўлди, чапак чалдингизлар? Намозда бирор нарсани пайқасангизлар, тасбиҳ айтингизлар, чапак чалмоқ — хотинларнинг ишидур!» — дедилар».

36-боб. (Қуръон) котиби ишончли (ҳалол) ва оқил киши бўлмоғи лозим!

Зайд ибн Собит ривоят қиладилар: «Ямома аҳли қилган қотиллик сабабидан Абу Бакр менга одам юборганларида хузурларида Умар ўлтирган эрдилар. Абу Бакр айтадилар: «Умар хузуримга келиб: «Ямома қотиллиги содир бўлган куни Қуръон қориларининг бир қанчаси ўлдирилди, агар қорилар шул тариқа қирилиб кетаверса, Қуръоннинг кўп қисми унутилиб кетмаса эрди, деб кўрқурмен. Шул боисдан Қуръон (сураларини) жамлаб китоб қилдирсангиз!» — деди. Мен: «Жаноб Расулulloҳ қилмаган ишни мен қандай қилгум?» — дедим. Умар: «Оллоҳ таоло ҳақи бу хайрли ишдур!» — деб мендан қайта-қайта илтимос қилавердики, ҳатто Оллоҳ таоло Умарнинг қалбими мойил қилган ишга менинг қалбимни ҳам мойил қилиб қўйди ва мен Умарнинг фикрига қўшилдим». Абу Бакр менга (яъни, Зайдга): «Сен ақлли йигитсен, шул вақтга қадар бирор айб қилганингни билмасмиз, сен Жаноб Расулulloҳга келган ваҳийларни ёзиб олур эрдинг, энди Қуръон (сураларини қорилардан) суриштириб топиб жамлагил!» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ҳақи, менга Қуръонни жамламоқдин кўра бирор тоғни бошқа ерга кўчириб қўймоқни юкласангиз, осонроқ бўлур эрди, ахир Жаноб Расулulloҳ қилмаган ишни сизлар қандай уддасидан чиқа олурсизлар?!» — дедим. Абу Бакр: Оллоҳ таоло ҳақи, бу хайрли ишдур!» — дея илтимос қилмоқларини қўймадилар, ҳатто Оллоҳ таоло Абу Бакр бирлан Умарнинг қалбларини мойил қилган ишга менинг ҳам қалбимни мойил қилиб қўйди ва мен Умарнинг фикрига қўшилиб хурмо япроқларига, тери бўлакларига, сопол ва ясси тошларга битилган ҳамда қорилар зехнида сақланган, Қуръон (оят ва сураларини) суриштириб топиб жамлашга киришдим. «Тавба» сурасининг охирини («Лақад жоакум расуулун мин анфусикум» дан охиригача) Хузаймадан топиб қўшиб қўйдим. Баъзи саҳифаларни Абу Бакр, Умар ва Ҳафсаннинг ўзларидан олдим».

37-боб. Ҳокимнинг ўз амалдорларига, қозининг эрса, ўз аминларига хат ёзмоғи ҳақида

Абу Лайло ибн Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Саҳл Саҳл ибн Абу Ҳасмадан нақл қиладилар: «Саҳл ибн Абу Ҳасма ва унинг қавмига мансуб оқсоқоллар хабар қилдиларким, Абдуллоҳ ибн Саҳл ва Муҳаййиса бир зарурат бирлан Хайбарга борганларида Абдуллоҳнинг ўлдирилиб чуқурга ёким қудуққа ташланганини маълум қилибдирлар. Шунда Муҳаййиса яҳудийларнинг ҳузурига бориб: «Оллоҳ таоло ҳақи, уни сизлар ўлдиргандурсизлар!» — дебди. Яҳудийлар: «Оллоҳ таоло ҳақи, уни биз ўлдирган эрмасмиз!» — дейишибди. Кейин, Муҳаййиса ўз қавми ҳузурига қайтиб, уларни бор гапдан хабардор қилибди. Сўнг, Муҳаййиса ва унинг акаси Ҳуваййиса ҳамда Абдурраҳмон ибн Саҳл (ул ҳам Хайбарда бўлган эрди) биргалашиб Жаноб Расулulloҳга бул ҳақда айтиш учун йўлга чиқибдир ва Абдурраҳмон ибн Саҳл Муҳаййисага «Аввал ичимизда каттароғимиз сўз бошласин!» — дебди. Етиб боришгач, ўзлари келишгандек аввал Ҳуваййиса, сўнг Муҳаййиса гапирибди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё дўстингизнинг хунини тўлайдирлар, ёким уларга уруш эълон қилинадир!» — деб айтибдиларда, яҳудийларга шул ҳақда мактуб йўллабдилар. Яҳудийлар: «Уни биз ўлдирган эрмасмиз», — деб жавоб ёзибди. Шунда Жаноб Расулulloҳ Ҳуваййиса, Муҳаййиса ва Абдурраҳмонга: «Яҳудийлар ўлдирган деб қасам ичиб дўстингизнинг хунини олмоққа ҳақлиғ бўла оласизларми?» — дебдилар. Улар: «Йўқ», — дейишибди. Жаноб Расулulloҳ: "Ундай эрса, яҳудийлар дўстингизни ўлдирмаганмиз деб қасам ичсинларми?" — дебдилар. Улар: «Улар мусулмон эрмас-ку!» — дейишибди. Шунда Жаноб Расулulloҳ ўзларига қарашли туялардан юзтасини уларга бериб юборибдилар. Саҳл: «Ўшал туялардан бири мени тепиб олган эрди», — деб эслайди».

38-боб. Ҳоким тафтиш учун ёлғиз бир кишини юборса жоизмидур?

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний ривоят қиладилар: «Бир бадавий келиб: «Ё Расулаллоҳ, бизнинг можаромизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилиб берингиз!» — деди. Унинг рақиби ҳам ўрнидан туриб: «Ул рост айтур, бизнинг можаромизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилиб берсангиз!» — деди. Бадавий: «Менинг ўғлим манави одамнинг хизматини қилиб юрур эрди, (бир куни) унинг хотини бирлан ўйнашиб қўйди. Шунда одамлар менга: «Ўғлинг тошбўрон қилинғай», — дейишди. Мен юзта қўй ва бир чўри бериб ўғлимни қутқариб қолдим. Кейин, уламолардан суриштириб билсам, ўғлим юз дарра урилиб, бир йилга бадарға қилинмоғи лозим эркан», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Сизларнинг можаронгизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилғум: сенинг юзта қўйинг бирлан чўринг ўзингга қайтариб берилғай, ўғлинг эрса, юз дарра урилиб, бир йилга бадарға қилинғусидур. Ё Унайс, сен бориб бунинг хотинини тошбўрон қилдирғил!» — дедилар. Унайс бориб ўшал хотинни тошбўрон қилдирди».

39-боб. Ҳокимларга таржима қилиб турмоқ. Уларга бир таржимон жоизми?

Хорижа ибн Зайд ибн Собит оталари Зайд ибн Собитдан нақл қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга яҳудийча ёзувни ўрганиб олмоқни амр қилдилар. Мен Жаноб Расулulloҳнинг яҳудийларга йўллайдирган мактубларини яҳудийча қилиб битадирган ва уларнинг Жаноб Расулulloҳга йўллаган мактубларини ўқиб (таржима) қилиб берадирган бўлиб қолдим. Бир куни Ҳазрат Умар ҳузурларида Али, Абдурраҳмон ва Усмон ўлтирганларида, шикоят қилиб келган бир аёлни гапини тушунмай: «Бул аёл не дейдир?» — деб сўрабдилар. Шунда Абдурраҳмон ибн Ҳотиб: «Анави иккаласининг соҳиби уларга не қилғонлиғи ҳақида сўзлади» — деб таржима қилиб берган эркан. Абу Жамра ҳам Ибн Аббос бирлан одамлар ўртасида тилмочлик қилур эрдим», — деб айтган эрди. Баъзи уламолар: «Ҳокимга таржимон зарур», — дейишадир».

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Менга Абу Суфён ибн Ҳарб айтиб эрдик, ул Қурайш карвони бирлан Шомга борганида Ҳиракл одам юбориб ҳузурига чақиртирган эркан. Шунда Ҳиракл ўз таржимонига: «Уларга айтғил, мен пайғамбар ҳақида сўрамоқчимен, агар менга ёлғон сўйласалар, ўз пайғамбарлари ҳақида ёлғон сўйлаган бўлурлар!» — деди. (Бу ерда ушбу ҳадис қисқартириб келтирилган). Кейин, Ҳиракл таржимонига: «Агар айтганларинг рост бўлса, ул келиб мана шул икки оёқларим бирлан босиб турган ерни эгаллағайдур, деб Абу Суфёнга айтғил!» — деди».

40-боб. Имомнинг ўз амалдорларининг ишини ҳисоб-китоб қилиб турмоғи ҳақида

Абу Ҳумайд ас-Соъидий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн ал-Лутбиййани Бану Салич қабиласидан закот йиғиб келмоққа юбордилар. Ул қайтиб келгач, Жаноб Расулulloҳ унинг ишини ҳисоб-китоб қилдилар. Шунда ул: «Мана булар сизга, мана булар эрса, менга ҳадя қилинди», — деб айтди. Жаноб Расулulloҳ: «Гапинг рост эрса, ота-онангинг уйида ҳадя олиб келмоқларини кутиб ўлтиравермайсанми?!» — дедилар. Кейин, Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар айтгач, одамларга хитоб қилиб: «Оллоҳ таоло зиммамга юклаган ишларни сизлардан бирингизга бажариб келмоқни буюрсаму, ул қайтиб келиб: «Мана булар сизга, мана булар эрса, менга ҳадя қилинди деса, жоизмидур?! Агар гапи рост эрса ота-онасининг уйида ҳадя олиб келмоқлариини пойлаб ўлтиравермайдирми?! Оллоҳ таоло ҳақи, башарти бирортангиз закотга берилган бирор нарсани уриб қолсангиз, қиёмат куни ўшал нарсани елкангизда кўтариб келиб Оллоҳ таолога рўбарў бўлғайсиз, агар ул туя эрса, бўкириб, сигир эрса, ўкириб, қўй эрса, маъраб турғайдур!» — дедилар. Кейин, икки қўлларини баланд кўтариб: «Сизларга тушунтира олдимми?» — деб айтдилар. Қўлларини баланд кўтарганларида мен қўлтиқларининг оппоқ эрканлигига кўзим тушди».

41-боб. Имом (ҳукмдор)нинг аъёнлари ва маслаҳатчилари ҳақида

Абу Саъид ил-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло юборган ҳар бир пайғамбар ва (ул) қолдирган халифанинг икки тоифа аъёнлари бўлғай, бири — хайрли ишлар қилмоқни маслаҳат бериб, эзгуликка ундаса, иккинчиси — ёмон ишлар қилмоқни маслаҳат бериб, қабоҳатга чорлағайдур. Оллоҳ таолонинг ўзи гуноҳдан асраган кишигина бегуноҳдур!» — дедилар».

42-боб. Имомга одамлар қандай байъат қилғай?

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар: «Биз «(Имом, ҳоким ёким амирларимизнинг фармонлари бизга) ёқадирми, йўқми, қулоқ осиб итоат этгаймиз, уларга қарши курашмағаймиз, қаерда бўлмайлик доимо ҳақ иш қилиб, ҳақ гапни айтғаймиз, Оллоҳ таоло йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмағаймиз!» — деб Жаноб Расулulloҳга байъат қилдик».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эрталаб барвақт ташқарига чиқдилар. Шунда муҳожирлар бирлан ансорлар хандақ қазиётган эрдилар, (уларнинг тиришиб ишлаётганларини кўриб): «Эй парвардигоро, ҳақиқий хайрият — охиратнинг бахайр бўлмоғидур, ансор ва муҳожирларни ўзинг мағфират қилгайсен!» — дедилар. Улар (буни эшитиб): «Биз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган кишилардурмиз!» — деб жавоб қилишди».

Абдулло ибн Умар ривоят қиладилар: «Агар биз Жаноб Расулulloҳга қобилу итоаткор

Бўлмоққа байъат қилсак ул зот бизга: «Иложингиз (имконингиз) борича!» — дер эрдилар».

Абдуллоҳ ибн Динор ривоят қиладилар: «Мен ибн Умарни Абдулмаликка байъат қилмоқ учун тўпланган одамлар орасида кўрдим. Ул ўз байъатномасида: «Мен Оллоҳ таолонинг буйруқлари бирлан унинг расули суннатига мувофиқ мўминлар амири бўлмиш Абдулмаликка имконим қадар қулоқ осиб итоат этмоққа сўз берурмен, ўғилларим ҳам шунга сўз берурлар!» — деб ёзди».

Жарир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қулоқ осиб итоат қилмоққа байъат қилдим. Шунда менга: "Имконинг борича қобилу итоаткор бўлгил ва ҳар бир мусулмонга насиҳат қилгил!" — деб айтдилар.

Язид (ибн Абу Убайд) ривоят қиладилар: Мен Салама (ибн ал-Акваъ)га: «Худайбия куни сизлар Жаноб Расулulloҳга не деб байъат қилдингизлар?» — дедим. Ул: «Улимга (рози бўлғаймиз) деб байъат қилди», — деди».

Мисвар ибн ал-Маҳрама ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умардан (улардан кейин янги халифа таъйинлангунча) давлатни идора қилиб турмоқ ҳуқуқини олган кишилар гуруҳи (янги халифа номзодини келишиб олмоқ учун) маслаҳатга тўпланишди. Шунда Абдурраҳмон уларга: «Мен бул хусусда сизлар бирлан тортишадиганлардан эрмасмен, аммо агар истасангизлар, ораларингиздан халифаликка муносиб бир кишини тавсия қилмоғим мумкин», — деди. Улар (рози бўлиб) бул ишни Абдурраҳмонга топширдилар. Шундан сўнг, барча одамлар Абдурраҳмон томонига оғиб кетди, ҳатто қарасам, бояги гуруҳ тарафини оладирган бирорта ҳам одам қолмабди. Одамлар Абдурраҳмонга шул қадар оғиб кетишдики, ҳатто ўшал кечалар тонготар унга маслаҳат бериб чиқишди. Пиравардида бир куни тонг оттириб биз Усмонга байъат қилдик».

Мисвар ибн ал-Маҳрама бундай дейдилар: «Бир куни Абдурраҳмон тун қоронғусида келиб эшигимни тақиллатди, мен уйғониб ҳузурига чиқдим. Ул менга: «Ухлаб ётган эркансанда, Оллоҳ таоло ҳақи, мен бул кеча ухлай олмадим борғил, Зубайр бирлан Саъдни чақириб келгил!» — деди. Мен бориб уларни чақириб келдим. Абдурраҳмон улар бирлан маслаҳатлашиб олгач, мени ёнига чақирдида «Борғил, Алини чақириб келгил!» — деди. Мен уни чақириб келдим, иккалалари тун оқаргунга қадар маслаҳатлашишди. Сўнг, Али унинг ҳузуридан чеҳраси ёришиб чиқиб келди. Абдурраҳмон негадир Алидан чўчир эрди. Кейин, Абдурраҳмон менга: «Борғил, Усмонни чақириб келгил!» — деди. Мен чақириб келдим. Улар иккалалари муаззин бомдодга азон айтгунига қадар маслаҳатлашишди. Одамлар бомдодни ўқиб бўлгач, Ҳазрат Умар таъйин қилган бояги гуруҳ минбар ёнига келиб тўпланишди. Абдурраҳмон намозга келган муҳожирлар, ансорлар ҳамда Ҳазрат Умар бирлан шу йилги ҳажда бирга бўлган лашкарбошиларни ёнига чорлади. Улар тўплангач, Абдурраҳмон калимаи шаҳодат айтди. Кейин, «Аммо, андин сўнг» дегач: «Эй Али, мен кўпчиликнинг фикрига қараб иш тутаётирмен, ўйлайменки, улар Усмоннинг халифа бўлмоғига эътироз билдирмағайлар, сен эрсанг бул мансабга томон ўзинга йўл очмоққа интилмағил!» — деди. Сўнг, Усмонга: «Мен Оллоҳ таолонинг амрига ва унинг расули суннатига ҳамда ул зотдан кейинги икки халифага билдирган садоқатимга мувофиқ сизга байъат қилурмен!» — деди. Унинг ортидан муҳожирлар, ансорлар, лашкарбошилар ва барча мусулмонлар ҳам Усмонга байъат қилишди».

43-боб. Икки бор байъат қилган киши ҳақида

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга

бир дарахт тагида турганимизда байъат қилган эрдик. Ул зот менга: «Эй Салама, байъат қилмайсенми?» — дедилар. Мен: "Ё Расулulloҳ, бир сафар байъат қилганмен-ку?!» — дедим. Ул зот: «Иккинчи сафарчи?!» — дедилар».

44-боб. Бадавийлар байъати ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Бир бадавий келиб исломга садоқат билдириб Жаноб Расулulloҳга байъат қилди. Кейин, ул хасталаниб қолиб: «Байъатимни бекор қилингиз!» — деди, ул зот кўнмадилар, сўнг яна келиб: «Байъатимни бекор қилингиз!» — деди, ул зот яна кўнмадилар. Бадавий ноилож (Мадинадан бош олиб) чиқиб кетди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Мадина темирчининг босқони маъдан куйиндисини пуфлаб чиқариб ташлагани янглиф одамларнинг ифлосини чиқариб ташлаб, покизасини олиб қолғайдур!» — дедилар.

45-боб. Болаларнинг байъати ҳақида

Абдуллоҳ ибн Ҳишом Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган бўлиб, онаси Зайнаб бинти Ҳумайд уни болалигида ул зотнинг ҳузурларига етаклаб борган эрди. Онаси ўшанда Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, бул сизга байъат қилсин!» — деб айтган эрди. Шунда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бул (ҳали) ёшдур!» — деб бошини силаб дуо қилган эрдилар. Абдуллоҳ ибн Ҳишом (катта бўлганида) барча оила аъзолари номидан пайғамбаримизнинг руҳи покларини ёдлаб (тез-тез) қўй қурбонлик қилиб турар эрди.

46-бой. Байъат қилиб, байъатидан қайтган киши ҳақида

Бу ерда 44-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

47-боб. Мол-дунё учун бир кишига байъат қилган шахс ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло қиёмат кунини уч тоифа бандаси ила сўзлашмагай ҳам, мағфират қилмагай ҳам, улар қаттиқ азобда қолғайлар. Улардан бири ўзининг йўл бўйидаги лиммо-лим ариғи, ҳовузи ёким қудуғидан йўловчиларга сув бермаган кишидур, иккинчиси — бир одамга мол-дунё орттирмоқ ниятидагина байъат қилиб, ул айтганини бериб турсагина байъатига вафо қиладирган кишидур, учинчиси — асрдан кейин, «Оллоҳ таоло ҳақи, молингга бунча ва мана бунча берурмен!» — деб бировни ишонтириб, унинг молини алдаб қўлга киритиб олиб, сўнг пулини бермайдирган кишидур» (Бу ерда асрдан кейинги вақтни алоҳида таъкидлашдан мақсад унинг бошқа вақтлардан улуғроқ эрканлигидадур, чунким бу паллада фаришталар йиғилиб одамларнинг кун бўйи қилган ишларини Оллоҳ таолога арз қиладирлар).

48-боб. Аёлларнинг байъати ҳақида

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар: «Биз (эркагу аёллар) бир йиғинда ўлтирган эрдик Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Оллоҳ таолога ҳеч нарсени ширк келтирмасликка, ўғрилик ва зино қилмасликка, болаларингизни ўлдирмасликка, кўра-била туриб бировга тўхмат қилмасликка ва ислом буйруғларига зид иш қилиб гуноҳкор бўлмасликка менга байъат қилингизлар! Қайси бирингиз айтганларимга вафо қилсангиз, Оллоҳ таолодин ажру савоб олғайсиз, қайси бирингиз айтганларимдан бирортасига амал қилмасангизу, шул дунёда жазолансангиз, бул сиз учун каффорат бўлғайдур (яъни, гуноҳингиз шул дунёда ювилғайдур) ва қайси бирингиз айтганларимдан бирортасига амал қилмасангизу, Оллоҳ таоло

бул дунёда жазоламай гуноҳингизни яширган эрса, бул унинг ишидур, хоҳласа, жазолағай, хоҳласа, мағфират қилғай!» — дедилар. Биз шундай деб ул зотга байъат қилдик».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят иладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолонинг «... Оллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмангизлар...» — деган ояти каримасига амал қилиб аёллар байъатини оғзаки (қўл олмай) қабул қилур эрдилар. Жаноб Расулуллоҳнинг муборак қўллари ўз аёлларидан бўлак бирорта бегона аёлнинг қўлига тегмагандур!».

Умму Атиййа Ҳафсага бундай деган эрканлар: «Биз (аёллар) Жаноб Расулуллоҳга байъат қилдик. Шунда ул зот бизга «...Оллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмангизлар..» деган ояти каримани ўқиб бердиларда, бизни маййитга уввос солиб йиғламоқдин қайтардилар. Мен (буни эшитиб) орамиздаги бир аёлнинг қўлидан тутдимда: «Бул менинг маййитимга йиғлаб берган эрди, энди мен бул азадор бўлганида йиғлаб бермоғим керак-ку?! — дедим. Жаноб Расулуллоҳ ҳеч нарса демадилар. Кейин, ўшал аёл чиқиб кетгач, мен ҳам уйимга қайтдим». Ҳафса: «Умму Сулайм, Уммулало, Абу Сабранинг қизи ва Маознинг хотинидан бўлак аёллар ўз байъатига вафо қилмади», — дейдилар.

49-боб. Байъатини бузганлар ҳақида

Оллоҳ таоло: «Сенга (яъни, пайғамбаримизга) байъат қилганлар Оллоҳга байъат қилган баробарида бўлурлар, Оллоҳнинг қўли уларнинг қўлидан баланддур, кимки байъатини бузғайдур, ўзига ўзи хиёнат қилғайдур ва кимки аҳд қилғон нарсасига вафо қилғайдур, Оллоҳ таоло унга ажру савобини мўл қилғайдур», — дейди.

Бу ерда ҳам 44-бобдаги ҳадис такроран келтирилган.

50-боб. Ўз ўрнига халифа (ўринбосар) таъйин қилиб қолдирмоқ ҳақида

Қосим ибн Муҳаммад ривоят қиладилар: «Бир куни Оиша разияллоҳу анҳо: «Вой бошим!» — деб эрдилар, Жаноб Расулуллоҳ: «Агар сен ўлиб, мен тирик қолсам, Оллоҳ таолодан сенга мағфират тилаб дуо қилғаймен!» — дедилар. Оиша онамиз: «Ё тавба, менинг ўлимими бунчалар орзу қилишингизни билмас эрдим! Худо кўрсатмасин, агар ўлиб-нетиб қолсам, баъзи хотинларингиз бирлан сўнги кунингизга қадар айшу фароғатда яшар эркансизда!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ эътироз билдириб: «Агар шундай дейдирган бўлсанг, унда мен ўзим «Вой бошим!» — деб қўя қолғаймен!» — дедиларда, қўйдаги гапни айтдилар: «Мен Абу Бакр бирлан унинг ўғлини ҳузуримга чорлаб уни ўзимга халифа қилиб қолдирмоғимдан аввал баъзи одамларнинг шул хусусда эътирозу истакларини билмоқчи эрдим, аммо, кейин: «Оллоҳ таоло хоҳламаган кишини мўминлар халифа бўлмоғини истасачи ёким мўминлар хоҳламаган кишини Оллоҳ таоло халифа бўлмоғини истасачи?» — деб ўйлаб бундай қилмадим».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умарга: Ўзингиздан кейин халифа таъйин қилмайсизми?» — дейишди. Ҳазрат Умар: «Агар халифа таъйинланадирган бўлганда эрди, мендан кўра яхшироқ Абу Бакр таъйинланган бўлур эрди. Ўзимдан кейин халифа таъйинламаётганимнинг боиси шулки, Жаноб Расулуллоҳ ҳатто мендан яхшироқ кишини ҳам ўзларидан кейин халифа қилиб қолдирмагандурлар!» — дедилар. Одамлар Ҳазрат Умарга таҳсинлар айтдилар. Ҳазрат Умар: «Дилимда умид ҳам кўрқинч мавжуд бўлиб, ўзимга на фойда ва на зарар келтирмаган ҳолда халифалиқдан қутулиб олсам, дейман, чунким унинг юкини тириклигимда ҳам ўлганимда ҳам кўтара олмаймен!» — дедилар».

Анас иби Молик ривоят қиладилар: «Мен Ҳазрат Умарнинг минбарда ўлтириб айтаётган хутбаларининг охирини эшитиб қолдим. Ўшал кун Жаноб Расулulloҳ вафот этган кунларининг эртаси эрди. Ҳазрат Умар калимаи шаҳодат айтдилар. Абу Бакр сукут сақлаб қулоқ солиб турдилар. Кейин, Ҳазрат Умар: "Мен Жаноб Расулulloҳнинг яшамоқларини, ҳатто биздан ҳам узоқроқ умр кўрмоқларини орзу қилур эрдим! Ул зот вафот этган эрканлар, Оллоҳ таоло сизларга Қуръони Каримни нур қилиб юборди, унинг ила тўғри йўлдан озмағайсизлар. Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳидоят қилган, Абу Бакр эрсалар, ул зотнинг дўстлари ҳамда биринчи бўлиб мусулмон бўлган икки кишининг иккинчисидурлар. Шунингдек бул киши мусулмонларга раҳбарлик қилмоққа энг ҳақлиғдурлар. Турингизлар, бул кишига байъат қилингизлар!» — дедилар. Мусулмонлардан бир қисми Бану Соъида айвонида бунга қадар байъат қилган эрди, қолгани шу ерда минбар ёнида байъат қилди».

Зухрий Анас ибн Молиқдан нақл қиладилар: «Ўшал куни Ҳазрат Умарнинг Абу Бакрга: «Минбарга чиқингиз!» — деганларини эшитдим. Шунда ул киши бироз тўхтаб туриб. сўнг минбарга чиқдилар. Одамлар ялписига ул кишига байъат қилдилар».

Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим оталаридан нақл қиладилар: «Бир аёл Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб нима ҳақдадир сўраб эрди, ул зот кейинги сафар келмоғини айтдилар. Шунда аёл: «Ё Расулаллоҳ, кейинги сафар келсаму, сиз бўлмасангизчи?» — деди (яъни, «Ўлиб қолган бўлсангизчи?» — демоқчи). Жаноб Расулulloҳ: «Агар мени тополмасанг, Абу Бакрга учрағил!» — дедилар».

Ториқ ибн Шиҳоб ривоят қиладилар: «Саҳобалар Бузоха қабиласидан келган вакилларга: «Сизлар чўлда ҳеч нарсани ўйламай туяларингиз ортидан эргашиб юраверасизлар. Оллоҳ бул чоғда ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифасига ҳамда муҳожирларга шундай бир ишларни кўрсатғайким, улар бунда иштирокингиз йўқлигини сизларга маъзур тутгайлар», — деб айтишди».

51-боб.

Жобир ибн Сумра ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ўн икки киши амир (халифа) бўлғай» деганларини эшитдим. Кейин, яна бир гап айтиб эрдилар, эшитолмай қолдим. Отам: "Уларнинг барчаси Қурайшликлардан бўлғай, деб айтдилар», — дедилар».

52-боб. Ислом таъқиқларига бўйин эгмовчи ҳамда исломга шубҳа туғдирувчиларни аниқлаб уйлардан қувиб чиқармоқ лозимлиги ҳақида

Ҳазрат Умар Абу Бакрнинг синглисини маййитга дод солиб йиғлаганда уйдан қувиб чиқардилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитдим: «Оллоҳ таоло ҳақи, одамларга «Ўтин йиғингиз!» деб буюрсаму, бир киши азон айтса, иккинчиси имомлик қилса, сўнгра намозга келмаганларнинг уйларига бориб ўт қўйсам! Оллоҳ таолога қасамёд қилиб айтурменким, жамоат бирлан намоз ўқишмоққа келмаган ўшал одамларнинг бирортаси (масжидда текинга) пиширилган ёғли гўшт ёким калла-поча улашилаётганини билиб қолса, хуфтонга албатта келган бўлур эрди!».

53-боб. Имом жинойтчи ва гуноҳкорларнинг ўзи бирлан гаплашмоқларини ёким

зиёрат қилмоқларини ва шу кабиларни манъ қила оладирми?

Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Молик ривоят қиладилар: «Каъб ибн Молик Табук ғазотига Жаноб Расулulloҳдан кечикиб борганида ул зот биз мусулмонларга унинг бирлан гаплашмоғимизни манъ қилдилар. Шунда бизни элик кун гаплаштирмадилар (ўзлари ҳам гапирмадилар. Кейин, бизга унинг тавбасини Оллоҳ таоло қабул қилганини эълон қилдилар».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ТАМАННО (ОРЗУ-ИСТАК) КИТОБИ

1-боб. Таманно ҳақидаги ҳадислар ва шаҳодат (гувоҳлик) бермоқни таманно қилган киши хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, башарти (ғазотга) мендан кеч чиқмоқни ёқтирмайдирган кишилар бўлмаса-ю ва мен уларни (ғазотга) кўтара олмасам, дарҳол ўзим Оллоҳ таоло йўлида жанг қилиб ўлсаму, яна тирилсам, кейин (яна жанг қилиб) ўлсаму, яна тирилсам, кейин (яна жанг қилиб) ўлсам, деб истаган бўлур эрдим!».

Ал-Аъраж Абу Ҳурайрадан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, Оллоҳ таоло йўлида жанг қилиб ўлсаму, яна тирилсам, сўнг (яна жанг қилиб) ўлсаму, яна тирилсам сўнг (яна жанг қилиб) ўлсам, деб истағаймен!» — дедилар».

2-боб. Эзгуликни орзу қилмоқ ҳамда Жаноб Расулulloҳнинг «Агар менинг Уҳуд тоғича олтиним бўлганда...» деб айтганлари хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар менинг Уҳуд тоғидек олтиним бўлганда ҳатто унинг бир динорини ҳам қарз қилиб олиб қолмай, уч кун ўтмасдан барчасини бева-бечораларга сарф қилиб юборган бўлур эрдим!» — дедилар».

3-боб. Жаноб Расулulloҳнинг «Келажакда не вазиятга тушмоғимни олдиндан билганимда эрди, қароримни ўзгартирмаган бўлур эрдим!» деб айтганлари ҳақида

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Келажакда не вазиятга тушмоғимни олдиндан билганимда эрди, қароримни ўзгартирмаган бўлур эрдим. Маккага қурбонлик ҳайдаб келмай, одамлар бирлан бирга эҳромдан чиқур эрдим!» — дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Биз Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга эрдик ҳажга талбия айтдик. Маккага Зулҳижжа ойининг тўртинчи куни етиб келдик. Жаноб Расулulloҳ бизга Каъба бирлам Сафо ва Марвани тавоф этмоғимизни, ҳаж ўрнига умра қилмоғимизни ва ўзи бирлан қурбонлик олиб келганлардан бўлак барчамизнинг эҳромдан чиқмоғимизни амр қилдилар. Қарасак Жаноб Расулulloҳ ва Талҳадан бошқа бирортамиз ҳам қурбонлик олиб келмаган эрканмиз. Шул пайт Ҳазрат Али ўзлари бирлан Ямандан қурбонлик ҳайдаб келиб қолдиларда: «Жаноб Расулulloҳ нимага таҳлил айтган бўлсалар, мен ҳам ўшанга таҳлил айтдим!» — дедилар. Шунда одамлар: «Минога борамизми, ахир ҳар биримизнинг закаримиздан маний томиб турибдир-ку?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Келажакда не вазиятга тушмоғимни олдиндан билганимда эрди, қароримни ўзгартирмаган ва Маккага қурбонлик ҳайдаб келмаган бўлур эрдим, қурбонлик олиб келганимда эрди, мен ҳам сизлар бирлан эҳромдан чиқур эрдим» — дедилар. Кейин, Суроқа ибн Молик Жамрат ул-Ақабада шайтонга тош отаётиб Жаноб Расулulloҳни кўриб қолдида: «Ё Расулalloҳ, бул тош отмоқ удуми фақат бизларга хосмидур?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Йўқ, аксинча, абадийдур!» — дедилар Оиша разияллоҳу анҳо Маккага ҳайз кўрган ҳолда келган эрди, Жаноб Расулulloҳ унга «Ҳаж маросимларини бажаравергил, аммо ҳайздан поклангунинга

қадар Каъбани тавоф қилмағил, намоз ҳам ўқимағил!» — деб буюрдилар. Кейин, Оиша Батҳога келгач, Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, сизлар бир варакайига ҳаж ҳам умра ҳам қилдингизлар, мен эрсам, ҳаж қилдим, холос!» — деди. Жаноб Расулulloҳ Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ас-сиддиқа (опаси) Оиша бирлан Танъимга бориб умра билиб келмоқни амр қилдилар, Оиша ҳаж кунлари ўтгач, Зулҳижжа ойида умрани адо этди».

4-боб. Жаноб Расулulloҳнинг «Кошки, шундоқ шундоқ бўлса!» — деганлари ҳақида

Оиша разияллоҳу ана ривоят қиладилар: «Тунлардан бирида расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқулари қочиб уйғондилар-да, «Кошки, солиҳ саҳобаларимдан бири келиб бул кеча мени кўриқласа!» — деб эрдилар, зум ўтмай ташқаридан қурол-яроғ овозини эшитдик. Жаноб Расулulloҳ «Бул кимдур?» — дедилар. Ташқаридан: «Саъдмен, ё Расулаллоҳ, сизни кўриқлагани келдим!» — деб жавоб қилинди. Жаноб Расулulloҳ тун бўйи ором олиб ухладилар, ҳатто биз хуррак отганларини эшитдик».

Абу Абдуллоҳ (ал-Бухорий) Оиша онамиздан нақл қиладилар: «Ҳазрат Билол бундай деб таманно қилган эрдилар:

*«Тақдирим не эрур, билмасман, э воҳ,
Бошимга ажалдин келурму сипоҳ?
Бир кеча бўлса ҳам, она водийим,
Қўйнида ётсайдим, меҳрибон Оллоҳ!
Қониб ичсам эрди, шаффоф сувларин,
Қанийди, ташласам, унга бир нигоҳ!»*

5-боб. Қуръон ва илмни таманно қилмоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Икки ҳолдан ўзга ҳолларда бировга ҳасад (ҳавас) қилмангизлар! Бири — агар Оллоҳ таоло бир кишига Қуръон қироат этмоқни насиб этган эрса-ю, ул туну кун уни тиловат қилмоқ бирлан машғул эрса, ё Оллоҳ, шул одамга насиб этганингни менга ҳам насиб этсанг, мен ҳам шундай қилур эрдим, деб ҳавас қилса бўлур. Иккинчиси — агар Оллоҳ таоло бир кишига ҳалол мол-дунё ато этган эрса-ю, ул уни ўз раббининг йўлида сарфлаётган эрса, ё Оллоҳ, шул одамга ато этганингни менга ҳам ато этсанг, мен ҳам шундай қилур эрдим, деб ҳавас қилса бўлур».

6-боб Таманнонинг макруҳ жиҳатлари ҳақида

Оллоҳ, таолонинг қавли («Ан-нисо» сураси) Оятнинг мазмуни: «Оллоҳ таоло бирингизни иккинчингиздан ортиқ кўриб ато этган нарсага ҳасад қилмангизлар, эркакларга ҳам, хотинларга ҳам ўз аъмолларига яраша насиба теккайдур. Оллоҳ таолонинг ўзидан караму саховат қилмоқни илтижо қилингизлар, албатта Оллоҳ таоло ҳар нарсани билиб тургувчи зотдур!».

«Агар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўлимни орзу қилмангизлар!» — деб айтмаганларида эрди, ўлимни орзу қилган бўлур эрдим!» — деган эрдилар Анас ибн Молик.

Қайс (иби Абу Ҳозим) ривоят қиладилар: «Хаббоб ибн ал-Аратни беморлигида кўргани

бордик. (Оғриқдан қорнига) етти тамға қиздириб босган эркан. Ул менга: «Агар Жаноб Расулulloҳ ўлимни орзу қилмоқни манъ қилмаганларида эрди, ўзимга ўлим тилаган бўлур эрдим!» — деди».

Зухрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч қайсинингиз ўлимни орзу қилмангиз, агар бундан кейинги ҳаётингизнинг бирор манфаати бўлса, эҳтимол, Оллоҳ таоло умрингизни узайтирар, башарти беҳуда бўлса, балким, қисқартирар!» — дедилар».

7-боб. Вир кишининг «Оллоҳ таолонинг ўзи ҳидоят қилмаганда ҳидоят топмас эрдик!» деб айтгани хусусида

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Хандақ жанги куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биз бирлан бирга туфроқ ташиётиб қуйидаги шеърни айтганларини эшитдим:

*«Худо ҳаққи, худовандим қилмағонда ҳидоятлар,
Адо этмас эдик бизлар рўза бирла ибодатлар.
Эсонликни ато этғил, мудом бизга худовандим,
Рўбарў келганда душман бизга бахш эт матонатлар.
Тажовузла чиқиб бизга уруш қилди неча мушрик
Агар фитна тилар, урдик етказиб биз жароҳатлар».*

8-боб. Душман бирлан тўқнашмоқни орзу қилмоқнинг макруҳлиги ҳақида

Мусо ибн Уқба ривоят қиладимр: «Солим Умар ибн Абдулазизнинг котиби эрди. Бир кун Абдуллоҳ ибн Абу Авфо Умарга хат йўллади, Солим уни ўқиб берди. Хатда: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Душман бирлан тўқнашмоқни орзу қилсангизлар, Оллоҳ таолодан тилангизлар!» — деб айтганлар» деб ёзилган эрди

9-боб. Лав (агар) боғловчисининг қўлланмоғи жоиз бўлган жиҳатлари ҳақида

Оллоҳ таоло: «(Лут алайҳиссалом ўз қавмига): «Агар сизларга кучим етганда эрди...» — деб айтган», — дейди.

Қосим ибн Муҳаммад ривоят қиладилар: «Ибн Аббос бир-бирини зино хусусида лаънатлаган бир эру хотин ҳақида эслаб гапирган эрди, Абдуллоҳ ибн Шаддод унга: «Жаноб Расулulloҳ: «Агар бирор хотинни далил-исботсиз ражм (тошбўрон) қиладирган бўлсам, шул хотинни ражм қилган бўлур эрдим!» — деб ўшал хотин ҳақида айтган эрдиларми?» — деди. Ибн Аббос: «Йўқ, ул хотин тўғрисида эрмас, исломга ошқора ёмонлик қилган бошқа бир хотин ҳақида айтганлар», — деди».

Ато ибн Абу Рабо ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон намозига ҳадеганда чиқавермадилар. Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ, намоз вақти бўлди, болалар бирлан аёллар ухлаб қолишди!» — деб овоз қилдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ бошларидан сув томиб турган ҳолда ташқарига чиқиб келдиларда: «Агар умматимга қийин бўлмоғини истаганимда хуфтонни айнан шул вақтда ўқимоқни жорий қилган бўлур эрдим!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Бир кеча Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтон

намозига кечикдилар. Ҳазрат Умар: «Ё Расулаллоҳ, аёллару болалар ухлаб қолишди!» — деб овоз қилдилар. Шунда Жаноб Расулаллоҳ баданларидаги ғул сувини артаётган ҳолда чиқиб келдиларда: «Ҳозир хуфтоннинг айна вақти, агар умматимга қийин бўлмасин демаганимда худди шул вақтда хуфтон ўқитган бўлур эрдим!» — дедилар».

Абдуррамон (ибн Ҳурмуз ал-Аъраж) ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайрадан эшитдимки, Жаноб Расулаллоҳ: «Агар умматимга қийин бўлмасин демаганимда (ҳар таҳоратда) мисвок ишлатмоқни жорий қилган бўлур эрдим!» — деб айтибдилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг сўнги кунларида оғиз очмай сурункасига рўза тутдилар, баъзилар ҳам шундай қилишди. Жаноб Расулаллоҳ бундан хабар топиб: «Агар Рамазон ойна бундан узунроқ бўлганда, мен шул тариқа рўза тутаверар эрдим. Шунда баъзи мутаассиблар (бардош беролмай) ўз ниятларидан воз кечган бўлур эрдилар. Мени ўзингизга тенг кўрмангизлар, мени раббим доимо едириб, ичириб турғайдур!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни оғиз очмай сурункасига рўза тутмоқдин қайтардилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ сиз ўзингиз шул тариқа рўза тутадирсизку?!» — дейишди Жаноб Расулаллоҳ: «Сизларнинг қайси бирингиз мен кабудурсизлар? Ахир, тунда раббим менга (жаннат неъматларидан) едириб-ичириб турғайдур!» — дедилар. Саҳобалар сурункасига рўза тутмасликка кўнавермагач, Жаноб Расулаллоҳ бир-икки кун шул тариқа рўза тутмоқда давом этдилар. Кейин, янги ой чиққанини кўриб: «Агар ой кечикиброқ чиққанда эрди, яна сурункасига рўза тутиб, бир адабингизни бериб қўйган бўлур эрдим!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулаллоҳдан: «Ал-Жадр (Каъбанинг ташқарида қолган қадимий пойдевори) Каъбаники бўлганми эрди?» — деб сўрадим. Жаноб Расулаллоҳ: «Ҳа», — дедилар. Мен: «Нечун уни Каъба ташқарисида қолдиришган?» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Қавмингга нафақа камлик қилганда!» — дедилар. Мен: «Нечун эшиги баланд қилиб қурилган?» — дедим. Жаноб Расулаллоҳ: «Қавминг ўзлари истаган кишиларни киритиб, истамаганларини қўймаслик учун шундоқ қилишган. Агар қавминг жоҳилиятдан чиқиб, эндигина исломга кирган бўлмаганида менинг қилмоқчи бўлган ишимдан феъллари айниб қолиб исломдан қайтмоқларидан чўчимаганимда Ал-Жадрни (қадимий пойдеворни) Каъбага қўшиб юборган, эшигини эрса, ерга ёпиштириб (остонасини паст қилиб) қурган бўлур эрдим!» — дедилар».

Абдулло ибн Зайд ривоят қиладилар: «Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ҳижрат бўлмаганда мен ансорлардан бири бўлган бўлур эрдим, агар одамлар водий орқали йўл олсалару, ансорлар ҳам водий орқали йўлга тушсалар ёким тоғ сўқмоқлари орқали кетмоқни ихтиёр қилсалар, мен ансорлар танлаган ўша водий йўли ёким тоғ сўқмоқлари бўйлаб юрган бўлур эрдим!» — дедилар».

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Биргина ростгўй кишининг азон, намоз, рўза фароия ва аҳком хусусида берган хабарига ишонмоқнинг жоизлиги ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли ("Аттавба» сураси): Оятнинг мазмуни: «Мусулмонларнинг ҳар фирқасидан бир тоифа (киши жиходга бормай, пайғамбарнинг ҳузурида) динни теран ўрганиб олса, ўз қавми жиходдан қайтиб келган кезларда уларга тўғри йўлни кўрсатиб залолатдан қайтариб турган бўлур эрди». Оллоҳ таоло: «Икки мўмин ўзаро жанг қилиб бир-бирини ўлдириб қўйса, жаҳаннамга тушғайдур!» — дейди. Оллоҳ таоло: «Агар фосиқ сизга қандайдир далил келтирса, уни албатта текшириб кўрингиз!» — дейди. Нечун Жаноб Расулulloҳ бир амирларининг кетидан иккинчи амирларини юборганлар, чунким бири хато қилса, иккинчиси уни қонун йўлига солиб қўйган.

Молик ибн ал-Хувайрис ривоят қиладилар: «Биз — бир неча тенқур йигитлар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб йигирма кун туриб қолдик. Ул зот бизга лутфу карам кўрсатдилар. Кейин, бизнинг ўз аҳлу аёлимизни соғинганимизни сезиб уйда қолган оила аъзоларимиз ҳақида суриштирдилар, биз айтдик. Шунда бизга: «Оилангизга қайтингизлар, бориб уларга исломни ўргатингизлар ва мен қандай намоз ўқисам, шундай намоз ўқингизлар. Намоз вақти бўлганда биттангиз азон айтингиз, ёши каттароғингиз эрса, имомлик қилингиз!» — дедилар».

Абу Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар «Билол азон айтганда саҳарлик қилмоқдин тўхтамангизлар, чунким ул бедорни саҳарлик қилмоққа ва уйқудагини уйғонмоққа даъват қилғайдур. Бул эрса, ҳали тонг отганини англатмағайдур, мана бундоқ бўлса, тонг отган бўлур», — деб бармоқларини уфқ бўйлаб юргиздилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билол кечаси (яъни, барвақт азон айтгай, то Ибн Мактум азон айтгунча еб-ичаверингизлар (саҳарлик қилаверингизлар)!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Бир куни Жаноб Расулulloҳ бизга имомлик қилиб пешинни беш рақъат ўқидилар. Одамлар: «Намознинг рақъати кўпайтирилдими?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Не бўлди?» — дедилар. Улар: «Беш рақъат ўқидингиз!» — дейишди. Шунда ул зот икки елкага салом бергандан сўнг яна икки бор саждаи саҳв қилдилар».

Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ (пешин ёким аср намозининг) иккинчи рақъатида салом бердилар. Зулядайн деган киши: «Ё Расулаллоҳ, намоз қисқардими?» деди. Ул зот: «Зулядайн тўғри айтаётирми?» — дедилар: Саҳобалар: «Ҳа», — дейишди. Шунда пайғамбаримиз алайҳиссалом қолган икки рақъатни ўқиб, сўнг салом бердилар, кейин такбир айтиб одатдагидек ёким ундан узоқроқ сажда қилдилар, сўнг бошларини кўтариб яна такбир айтдиларда, аввалгидек сажда қилдилар, кейин бошларини кўтардилар».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Биз Қубо масжидида бомдод ўқиётган эрдик. Бир киши келиб: «Жаноб Расулulloҳга бул кеча оят нозил бўлиб, Каъбага қараб намоз ўқимоқ буюрилди», — деди. Шунда барча намозхонлар юзларини Каъбага қаратди».

Ал-Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Байт ул-Муқаддасга қараб намоз ўқиган эрдилар. Аслида, ул зот Каъбага ёким ойга қараб намоз ўқимоқни яхши кўрар эрдилар. Оллоҳ таоло Жаноб Расулulloҳга «Юзингни бир Каъбага, бир осмонга каратаётганигни кўриб турибмиз» деган ояти каримасини нозил қилиб: «Одамларнинг энг ақлсизи яҳудийлардур. Уларни агар қиблани ўзгартирмоққа не мажбур қилғон? Сен айтғилки, мағрибу машриқ ҳам Оллоҳ таолоникидур. Ул ўзи хоҳлаган бандасига тўғри йўл кўрсатғусидур!» — деди. Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга бир киши намоз ўқиди, кейин ул аср намозини Байт ул-Муқаддасга қараб ўқиётган бир ансорий қавм олдига бориб ўзининг пайғамбар алайҳиссалом бирлан бирга Каъбага қараб намоз ўқиганини айтди. Шунда ўшал қавмнинг барчаси Каъбага ўгирилди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Мен Абу Талҳа, Абу Убайда ал-Жарроҳ ва Убай ибн Каъба хурмодан тайёрланган шаробдан навбатма-навбат тутиб соқийлик қилиб ўлтирган эрдим. Шунда бир киши келиб «Ичкилик ҳаром қилинди», — деди. Абу Талҳа буни эшитиб: «Эй Анас, ўрнингдан турғил, кўзаларни синдириб ташлағил!» — деди. Мен туриб ҳовончанинг сонини олдимда, ул бирлан уриб кўзаларни майдалаб ташладим».

Хузайфа ибн ал-Йамон ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ Нажрон аҳлига: «Мен сизларга энг ишончли бир кишини юборғаймен», — дедилар. Шунда ул зотнинг саҳобалари «Мени юборсалар эрди!» деб умид қилишди. Аммо, Жаноб Расулulloҳ Абу Убайда ал-Жарроҳни жўнатдилар».

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ: «Ҳар бир умматнинг ишончли кишиси бўлғай, бул умматнинг ишончли кишиси эрса, Абу Убайдадур!» — дедилар».

Ибн Аббос Умар (ибн ал-Хаттоб)дан нақл қиладилар: «Бир ансорий киши бўлиб, ул Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида бўлмаган эрса-ю», мен бўлган эрсам, кўрган эшитганларимни унга айтиб берур эрдим. Агар мен бўлмаган эрсаму, ул бўлган эрса, менга айтиб берур эрди».

Али ибн Абу Толиб ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир ерга қўшин юбормоқчи бўлиб, унга бир кишини амир қилиб тайинладилар. Амир (аскарларни синамоқ ниятида) гулхан ёқтириб, ичига кирмоқларини буюрди. Шунда баъзи аскарлар гулханга кирмоқчи бўлди, қолгани эрса: «Биз (оловдан қочиб Жаноб Расулulloҳга эргашдик), энди нечун унга киргаймиз?»! — деди. Шул аснода олов ўчиб қолди, амирнинг ғазаби ҳам босилди. Бул воқеани Жаноб Расулulloҳга айтишган эрди, ул зот: «Агар оловга кирганларида ундан қиёматгача чиқолмас эрдилар. Гуноҳкор қилгувчи фармонга итоат қилинмағай, эзгулик йўлида берилган фармонгагина итоат этмоқ лозимдур!» — дедилар».

2-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг Зубайрнинг якка ўзини илғор ўрнида юборганлари ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Хандақ жанги куни Жаноб Расулulloҳ одамларни ҳузурларига чақириб эрдилар, фақат Зубайрнинг ўзигина югуриб келди, (бироздан кейин) яна чақириб эрдилар, Зубайрдан бошқа ҳеч ким келмади. Шунда ул зот: «Ҳар бир пайғамбарнинг ўз зафар келтиргувчи кишиси бўлғай, менинг зафар келтирғувчи кишим — Зубайрдур!» — дедилар».

3-боб.

Оллоҳ таоло «Пайғамбарнинг уйларига рухсат берилсагина кирингизлар!» — дейди.

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (ҳожат талаб бўлиб) бир боғга кирдилар, менга эрса, боғ дарвозаси олдида кўриқлаб турмоғимни буюрдилар. Шу пайт бир киши келиб ичкарига кирмоққа изн сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Рухсат берғил ва жаннатдан хушхабар айтиб уни хурсанд қилғил! — дедилар. Дарвозани очиб қарасам, Ҳазрат Абу Бакр эрканлар. Кейин, Ҳазрат Умар келдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Рухсат берғил ва жаннатдан хушхабар айтиб уни (ҳам) хурсанд қилғил!» — дедилар. Сўнг, Ҳазрат Усмон келдилар. Жаноб Расулulloҳ: "Рухсат берғил ва уни (ҳам) жаннатдан хушхабар айтиб хурсанд қилғил!» — дедилар.

Ибн Аббос Умар разиялоҳу анҳудан нақл қиладилар: Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб эрдим, ул зот ўз болохоналарида эрканлар, болохона зинасининг юқорисида эрса қора ғуломлари турган эркан. Мен унга: «Умар келди деб айтғил, кирмоғимга рухсат берсинлар!» — дедим».

4-боб. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бир амир ёким элчи кетидан иккинчисини юбормаганликлари хусусида

Ибн Аббос: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Диҳя ал-Калбийга ўз мактубларини топшириб, уни Бусро ҳокимига олиб бориб бермоқни буюрдиларда: «Бусро ҳокими ушбу мактубимни подшоҳга етказсин!» — деб тайинладилар», — дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бир хат ёзиб, уни Баҳрайн ҳокими орқали Форс подшоҳи Хисравга етказмоқни буюрдилар, Хисрав хатни ўқиб кўриб, йиртиб ташлади. Ибн ал-Мусайяб: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уларнинг (ўзлари йиртган хат янглиғ) пора-пора қилинмоғини Оллоҳ таолодан илтижо қилдилар», — дейдилар».

Салама ибн ал-Акваъ ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Аслам қабиласига мансуб бир кишига: «Ошуро куни (Муҳаррам ойининг ўнинчи куни) қавминга эълон қилғилки, кимки бугун бирор нарса еган эрса, бошқа ҳеч нарса емасин, аммо бирор нарса емаган эрса, куннинг қолган қисмида ҳам емай, рўза тутсин!» — дедилар».

5-боб. Набий саллalloҳу алайҳи ва салламнинг бир араб қабиласи вакилларига: «Буни ортингиздагиларга ҳам етказингизлар!»— деб васият қилганлари ҳақида

Абу Жамра ривоят қиладилар: «Ибн Аббос мени ўз ўриндигига ўтқазиб қўйдида, бундай деди: «Абдулқайс вакиллари Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганда, ул зот: «Келган вакиллар кимдурлар?» — дедилар. «Рабийъа қабиласидан», — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Хуш келибсизлар, эй вакиллар, сира тортинмай келаверингизлар!» — дедилар. Улар: «Ё Расулulloҳ, сиз бирлан бизнинг ўртамизда Музар қабиласи кофирлари тўғаноқ бўлиб туришибдур, бизга шундай бир иш буюрингизким, уни адо этиб жаннатга кирайлик уни ортимиздагиларга ҳам (бола-чақаларимизга ҳам) ўргатайлик!» — дейишди. Сўнг, улар пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ичимликлар ҳақида сўрашди. Жаноб Расулulloҳ уларга тўрт нарсани буюриб, тўрт нарсани манъ қилдилар Оллоҳ таолога иймон келтирмоқни амр қилиб: «Оллоҳ, таолога иймок келтирмоқ недур, билурсизларми?» — дедилар. Улар: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билғайдур!» — дейишди. Шунда ул зот: «Ашҳаду ан ло илоҳа иллalloҳу ваҳдаҳу ло шарийка лаҳу ва анна Муҳаммадан расулulloҳи»

деб калимаи шаҳодат келтирғайсизлар», — дедилар. Сўнг, беш вақт намоз ўқимоқни, закот бермоқни ҳамда, менимча, рамазон рўзасини тутмоқни, ўлжанинг бешдан бир қисмини эҳсон қилмоқни ҳам буюрдилар. Кейин, уларга дуббо, ҳантам, нақийр ва зафт (ичимлик тайерланадирган идишлар номи ёким ичимликларнинг ўзи)ни манъ қилдилар. Ниҳоят, Жаноб Расулulloҳ: «Менинг айтганларимни хотирингизга жо қилиб олингизлар ва ортларингиздагиларга ҳам етказингизлар!» — деб васият қилдилар».

6-боб. Бир аёлнинг берган хабари ҳақида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир гуруҳ саҳобалари орасида Саъд ҳам ўлтирган эрди. Улар олдиларидаги гўшдан ея бошлашган эрди. Жаноб Расулulloҳнинг жуфти ҳалолларидан бири: «Емангизлар, ул калтакесак (эчкемар) гўштидур — деди. Улар емоқдин тўхташди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Еяверингизлар, чунким ул ҳалолдур!» — дедилар» (Шу ерда ровий иккиланиб: «Еяверингизлар, ҳеч нарса қилмайди, фақат ул мен ейдирган таом эрмас!» деб айтган бўлишлари ҳам мумкин», — дейди).

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

КИТОБ (ҚУРЪОН) ВА СУННАТТА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИБ ЎЗНИ ГУНОҲЛАРДАН ПОК ТУТМОҚ ҲАҚИДА КИТОБ

Ториқ ибн Шиҳоб ривоят қиладилар: «Бир яҳудий Ҳазрат Умарга: «Эй Амир ал-муъминин, Оллоҳ таолонинг «Бугун мен сизларга динингизни муҳаммал, неъматларимни эрса бекаму кўст қилиб бердим ҳамда сизларга исломни дин қилиб бермоғимни ихтиёр айладим!» деган ояти каримаси бизга нозил бўлганда эрди, ушбу кунни байрам қилиб олган бўлур эрдик!» — деди. Ҳазрат Умар: «Мен мазкур оятнинг қайси кун нозил бўлғонидан бехабармен», — дедилар. Яҳудий: «Ҳайит арафасида жумъа кун нозил бўлгандур!» — деди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу пайғамбаримиз алайҳиссалом вафот этган куннинг эртасига, мусулмонлар Ҳазрат Абу Бакрга байъат қилган кунни Жаноб Расулulloҳнинг минбарларига ўлтирдида, Ҳазрат Абу Бакрга юзланиб туриб калимаи шаҳодат айтди, сўнг «Андин сўнг эрса» дегач: «Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламни сизларнинг ҳузурингиздан ўз ҳузурига чақириб олмоқни ихтиёр қилди, Оллоҳ таоло пайғамбарингизга мана бул Китоб (Қуръон) воситасида ҳидоят кўрсатган эрди, энди сизлар ҳам шул Китобга қатъий риоя қилиб, ҳидоят топингизлар, чунким Оллоҳ таоло унинг ила ўз расулига ҳидоят қилғондур!» — деди».

Ибн Аббос: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени бағрларига босиб туриб: «Ё парвардигоро, буни Китоб (Қуръон) олими қилғайсен!» — дедилар», — дейдилар. Абу Варза: «Оллоҳ таоло сизларга ислом бирлан Муҳаммад алайҳиссаломни мададкор қилсин!» — деган эрканлар.

Абдуллоҳ ибн Динор ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Умар Абдулмалик ибн Марвонга ўзининг унга байъат қилгани хусусида мактуб йўллаб, Оллоҳ таолонинг буйруқлари ҳамда унинг расули суннатига мувофиқ имкон қадар қулоқ осиб итоат этажагини маълум қилди».

1-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Мен Қуръон бирлан юборилдим» — деганлари ҳақида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мен Қуръон бирлан юборилиб, душманларимга чақмоқ янглиғ даҳшатим бирлан ғолиб қилиндим! Бир маҳал тушимда менга ер хазиначиси калитлари кўрсатилиб, қўлимга тутқазилди», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзига мўъжиза юборилмаган бирорта ҳам пайғамбар бўлмай, инсонлар шунга асосан уларга иймон келтирганлар. Аммо, менинг мўъжизам Оллоҳ таолонинг ўзи менга ваҳий қилган Каломи раббул олаимийн бўлиб, унга баробар келадирган ҳеч қандай мўъжиза йўқдур, шунинг учун ҳам мен ўзимдан илгариги пайғамбарлардан ҳам кўра кўпроқ қиёматда Оллоҳ таолонинг марҳаматидан умидвормен!» — дедилар».

2-боб. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашмоқ (риоя қилмоқ) ҳақида

Оллоҳ таолонинг қавли: «Бизни тақводорларга имом қилгил!» (яъни, «Бизни ўзимиздан

олдингиларга эргашадирган имом қилгил, биздан кейингилар эрса, бизга эргашгайлар»).

Ибн Авн: «Уч нарсанинг ўзим учун ҳам, биродарларим чун ҳам маҳбуб бўлмоғини истағаймен, булар: суннатни муфассал ўрганиб олиб, уни ўзгалардан талаб қилмоқ. Қуръонни теран тушуниб олиб, уни ўзгалардан талаб қилмоқ ҳамда одамларни фақат яхшиликка даъват қилмоқдур!» — дедилар.

Абу Воил ривоят ққладилар: «Мана шул масжидда Шайбанинг ёнига бориб ўлтирдим. Шунда ул менга: «Ҳазрат Умар сен ўлтирган мана шул ерда ўлтириб: «Ундаги (Каъбадаги) олтин-кумушларни бирорта ҳам қолдирмай, мусулмонларга тақсимлаб бермоқчимен», — дедилар. Мен: Бундай қилолмағайсиз!» — дедим. Ул киши: «Нечун?» — дедилар. Мен: «Икки дўстингиз (Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр) ҳам бундай қилишмаган», — дедим. Ул киши: «Уларга эргашмоғим лозим!» — дедилар».

Ҳузайфа ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга: «Асли, ҳалоллик одамларнинг қалб томирларига жо қилиниб осмондан нозил қилингандур, кейин эрса, Қуръони Карим нозил бўлиб, уни Қуръондан ўқиб билдилар, суннатдан ўргандилар», — дедилар».

Мурра ал-Ҳамадоний ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ (ибн Масъуд): «Энг яхши сўз — Оллоҳ таолонинг Китобидур, энг яхши ҳидоят — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳидоятларидур, айтилган нарсалар, албатта бўлғайдур, уларга монъелик қила олмассизлар!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ривоят қиладилар: «Биз Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик. Хусуматлашиб келган икки кишига: «Мен сизларнинг можароларингизни Оллоҳ таолонинг Китобига мувофиқ ҳал қилиб берғаймен!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иймонига хилоф иш қилган умматларимдан ташқари барча умматларим жаннатга кирғайдур!» — дедилар. «Ё Расулаллоҳ, иймонига хилоф иш қилганлар кимдурлар?» — дейишди. Ул зот: «Менга итоат қилганлар жаннатга кирғайдур, менга осийлик қилганлар эрса, иймонига хилоф иш қилганлардур!» — дедилар». Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ фаришталар Жаноб Расулulloҳ уҳлаб ётганларида тепаларига келишди. Улардан баъзилари: «Ул уҳлаб ётибдур», дейишса, баъзилари: «Унинг кўзи уйқуда, дили эрса, уйғоқдур», — дейишди. Шунда «Ул уҳлаб ётибдур» деган фаришталар: «Агар сизлар айтгандек эрса унда буни мисол бирлан тушунтириб берингизлар!»— дейишди. «Бул шунга ўхшайдирким, — дейишди улар, — бир киши уй қуриб меҳмондорчиликка одамларни таклиф қилмоқ учун хабарчи юборгай, таклифни қабул қилган унинг уйига кириб дастурхондаги неъматлардан тановул қилғай, таклифни қабул қилмаган эрса, унинг уйига кирмагай ҳам, дастурхондаги неъматлардан тановул қилмағай ҳам». «Ул уҳлаб ётибдур» деган фаришталар: «Буни қандай тушунмоқ мумкин, айтингизлар!» — дейишди. Улар: «Мазкур уй — жаннатдур, хабарчи эрса Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдур. Кимки Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этса, Оллоҳ таолога итоат этгайдур, кимки Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга осийлик қилса, Оллоҳ таолога осийлик қилғайдур. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам (исломга қилган даъвати бирлан) одамларнинг қай бири кофиру, қай бири мусулмон эрканлигини фарқлаб қўйди», — дейишди».

Ҳузайфа ибн ал-Йамон: «Эй қорилар жамоаси, тўғри йўлдан тоймангизлар, жуда четлаб

кетдингизлар, ўнгу сўлга бир қадам қўйдингизми, бас, залолат ботқоғига тобора ботиб кетавергайсизлар!" — деб айтибдирлар.

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мени ва мен бирлан Оллоҳ таоло юборган ҳидоятни қўйидагича ташбиҳ этмоқ мумкин: бир киши бир қавмнинг ҳузурига келиб: «Эй қавм, мен ҳозиргина бул томонга қўшин келаётганини ўз кўзим бирлан кўриб, сизларни хатардан огоҳлантиргани келдим!» — дейдир, шунда ўшал қавмнинг бир қисми итоат этиб, нажот топадир, ишонмай ўз жойида қолган қисмини эрса, қўшин келиб қириб ташлайдир. Булар — мен ҳидоят олиб келганимда итоат этиб менга эргашган ҳамда мен олиб келган ҳидоятга ишонмай менга осийлик қилган кишилар янглиғдурлар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам вафот этиб, Абу Бакр халифа бўлганларида айрим араб қавмлари исломдан қайтиб қайта кофир бўлишди. Шунда Ҳазрат Умар Абу Бакрга: «Кожирларга қарши қандай жанг қилмоқчисиз? Ахир, Жаноб Расулulloҳ: «Одамлар Ло илоҳа иллалллоҳу» деб айтмагунларига қадар жанг қилмоқ менга буюрилгандур, кимки «Ло илоҳа иллалллоҳу» деса, молу жонини мендан омон сақлағай, акс ҳолда ўлдирилиб, мол-дунёси тортиб олинмоғи ҳақлиғдур. Охират ҳисоб-китоби эрса, Оллоҳ таолонинг ўзига ҳаволадир», — деб айтганлар-ку!» — дедилар. Абу Бакр: «Оллоҳ таолога қасам ичурменким, намоз бирлан закотни фарқлаган кишига қарши жанг қилгаймен, чунким закот ортиқча мол-дунёни ҳалоллаш учун бериладирган ҳақдур. Оллоҳ таоло ҳақи, ҳаттоки Жаноб Расулulloҳ ҳаётлик чоғларида Байт ул-молга тўлашадирган йиллик закотни олиб келмай қўйишса ҳам уларга қарши жанг қилгаймен!» — дедилар. Ҳазрат Умар буни эшитиб: «Оллоҳ таоло ҳақи, раббимизнинг Абу Бакр қалбини қанчалар жангга шижоатлантирганини энди билдим!» — деб қўйдилар».

Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қиладилар: «Уйайна ибн Ҳусайн ибн Ҳузайфа ибн Бадр укасининг ўғли ал-Ҳарр ибн Қайс ибн Ҳуснинг уйига келиб тушди. Ул Ҳазрат Умарга яқин кишилардан эрди. Уйайна укасининг ўғлига: «Эй жияним, ул амирнинг олдида обрў-эйтиборинг бормидур, менга ҳузурига кирмоққа ижозат сўраб берсанг, деб эрдим!» — деди. Жияни: «Майли, ижозат сўраб бергаймен», — деди. Кейин, ул ижозат сўраб чиққач, Уйайна ичкарига кириб: «Эй Ибн Ал-Хаттоб, Оллоҳ таоло ҳақи, сен бизга кўп ҳақ бермайсен ва бизнинг ишимиз юзасидан адолатли ҳукм чиқармайсен!» — деди. Шунда Ҳазрат Умар дарғазаб бўлиб, ҳатто уни жазоламоқчи ҳам бўлди. Ал-Ҳарр орага тушиб: «Ё Амир ал-муъминин, Оллоҳ таоло ўз расулига: «Кечиримли бўлғил, яхшилик қилғил, жоҳиллардан юз ўгиргил!» — деб айтган, бул эрса, ўшал тоифа жоҳиллардандур!» — деди. Ҳазрат Умар мазкур оятни эшитиб ғазабидан тушди ва Оллоҳ таоло ҳукмига итоат этиб, уни жазоламади».

Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Қуёш тутилган куни Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари — Оиша синглимникига бордим. Қарасам, одамлар намоз ўқишаётган эркан. Оиша қиёмда турган вақтида: «Одамларга не бўлди?» — деб сўрадим. Оиша қўли бирлан осмонга ишора қилиб: «Субҳоналлоҳ!» — деди. Мен: «(Қиёмат) аломатими?» — дедим. Оиша «Ҳа» деган маънода бош ирғаб қўйди. Жаноб Расулulloҳ намоз ўқиб бўлгач, Оллоҳ таолоға ҳамду санолар айтдиларда, бундай дедилар: ((Мен кўрмаган нарса қолмади, ҳатто шул ерда туриб жаннатни ҳам, дўзахни ҳам кўрдим. Менга «Сизлар қабрда ётганингизда Дажжол фитнаси янглиғ бир синовдан ўтгайсизлар» деб ваҳий қилинди», — дедилар. Шунда: «Дажжол фитнаси янглиғ», — дедиларми ёким: «Дажжол фитнасига яқин», — дедиларми, аниқ ёдимда йўқ. Кейин, Жаноб Расулulloҳ бундай деб давом этдилар: «Ҳар бирингиз қабрда ётганингизда бир фаришта келиб: «Бул киши (Расулulloҳ)ни танийдурсенми?» — деб

сўрайдир. Агар қабрда ётган банда мўмин (ёким «мусулмон», — дедилар шекилли) эрса, «Бул киши Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдурлар, бизга мўъжизалар (далиллар) олиб келганлар, биз ишониб қабул қилганмиз, эргашганмиз», — дейдир. Унга: «Биз сенинг мўмин эканлигингни билур эрдик ором олиб ётаверғил!» — дейишгай. Аммо, мунофиқ (ёким, «иккиланувчи», — дедилар шекилли) эрса, «Билмадим, одамлар бул киши хусусида нималардир дейишар эрди, мен ҳам ўшалар айтганини айтар эрдим», — дейдир».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Сизларни тарк этиб кетган муддатим давомида (яъни, қиёматда учрашгунимизга қадар) менинг васиятларимга амал қилингизлар, чунким сизлардан илгаригилар ўз пайғамбарларига осийлик қилиб ҳалокатга учраганлар! Мен сизларни недин қайтарган эрсам, қилмангизлар ва нени амр қилган эрсам, имконингиз қадар адо этингизлар!».

3-боб. Кўп савол бермоқнинг макруҳлиги ҳамда ўзи учун муҳим бўлмаган вазифани зиммасига олган шахс хусусида Оллоҳ таоло: «Сўрасангиз, ўзингизни ёмон аҳволга солиб қўядирган нарсалар ҳақида савол бермангизлар!» — дейди.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққос оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг гуноҳи катта мусулмон — таъқиқланмаган нарсани сўраб унинг таъқиқланмоғига сабабчи бўлган мусулмондур!» — дедилар».

Зайд ибн Собит ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжид ховлисида атрофларини бўйра бирлан тўсиб олиб бир неча кеча намоз ўқидилар. Буни кўриб одамлар ҳам бўйра ортида тўпланиб намоз ўқий бошлашди. Бир кеча Жаноб Расулulloҳнинг овозлари эшитилмай қолди, шунда одамлар ул зот ухлаётган бўлсалар керак деб ўйлашди. Айрим кишилар Жаноб Расулulloҳни чиқсинлар деб овоз қила бошлади. Ул зот чиқиб одамларга: "Карасам, бул қилмишингизни тўхтатиш ниятингиз йўқ. Шул боисдан ҳам мен унинг (тунда ўқиладирган қўшимча намознинг) сизларга фарз бўлиб қолмоғидан қўрқдим, агар фарз бўлиб қолса, тоқатингиз етмагай. Эй одамлар, бул намозни уйларингизда ўқингизлар, фарз намозлардан ўзгасини уйда ўқимоқ афзалдур!» — дедилар».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Одамлар Жаноб Расулulloҳга ёқмайдирган нарсалар ҳақида саволлар бера бошлашди, бундай саволлар кўпайиб кетгач, ул зот дарғазаб бўлиб: «Мендан сўраб қолингизлар, (тағин кўнглингизда қолиб кетмасин)!» — дедилар. Шунда бир киши туриб: «Ё Расулаллоҳ, менинг отам кимдур?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Отанг Ҳузофадур», — дедилар. Кейин, бошқа бир киши туриб: "Ё Расулаллоҳ, менинг отамчи?" — деди. Ул зот: «Сенинг отанг Шайбанинг мавлоси (озод қилинган қули) Солимдур». — дедилар. Ҳазрат Умар Жаноб Расулulloҳнинг юзларидаги ғазаб аломатини кўриб: «Биз Оллоҳ таолога тавба-тазарруъ қилурмиз!» — дедилар». Варрод ривоят қиладилар: «Муовия Муғийрага: «Жаноб Расулulloҳдан не эшитган эрсанг, барчасини менга ёзиб юборғил!» — деб хат ёзди. Ул бундай деб жавоб йўллади: «Жаноб Расулulloҳ ҳар намоздан сўнг, Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳу-л-мулку ва лаҳу-л-ҳам-ду ва ҳува ало кулли шайъин қадийрун. Оллоҳумма ло мониъа лимо аътайта ва ло муътийа лимо манаъта ва ло йанфаъу зо-л-жадди минка-л-жадду» дер эрдилар, одамларни мишмиш тарқатмоқ, кўп савол бермоқ, мол-дунёни исроф қилмоқ, ота-онага оққлик қилмоқ, чақалоқ қизларни тириклайин кўймоқ ва очкўзлик қилмоқдан қайтарар эрдилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Биз Ҳазрат Умарнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик ул киши: «Бизлар ўз зиммамизга ортиқча иш (вазифа) олмоқдин қайтарилдик», — дедилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ кун қиёмдан оққач, масжидга чиқиб пешин ўқидилар. Сўнг, салом бердиларда, минбарга чиқиб қиёмат ва ундан олдин бўладирган катта ҳодисалар хусусида сўзладилар. Кейин, бундай дедилар: «Модомики мен тирик эрканман, кўнглингизга тугилган саволларингизни сўраб қолингизлар, Оллоҳ таоло ҳақи, не ҳақда сўрамангиз, барисига жавоб бергаймен!» — дедилар. Шунда одамлар ҳўнграб йиғлаб юборишди. Жаноб Расулulloҳ эрсалар, ҳадеб «Сўраб қолингизлар, сўраб қолингизлар!» — дер эрдилар. Ниҳоят, бир киши ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, менинг борар жойим қайсидур?» — деди. Ул зот «Сенинг борар жойинг дўзахдур» — дедилар. Кейин, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, менинг отам кимдур?» — деди. Ул зот: «Сенинг отанг Ҳузофадур», — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Сўрайверингизлар, сўрайверингизлар!» — деб қайта-қайта айтаверганларидан сўнг, Ҳазрат Умар тиз чўкиб: «Бизлар Оллоҳ таолони раббимиз деб, исломни динимиз деб ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбаримиз деб тан олдик!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Умарнинг бул сўзини эшитиб бироз сукут қилдиларда, сўнг: «Биринчилардан бўлиб тан олгансизлар! Жоним кўлида бўлган зот ҳақи, намоз ўқиб турганимда анави девор томонда менга жаннат бирлан дўзах намоеън қилинди, бугунгидек яхшилик бирлан ёмонликни илгари кўрмаган эрдим!» — дедилар».

Анас иби Молик ривоят қиладилар: «Бир киши: «Ё Набийаллоҳ, менинг отам кимдур?» — деб сўради. Пайғамбаримиз: «Отанг фалончидур», — дедилар. Шул аснода Оллоҳ таоло «Эй мўминлар, сўрасангизлар, ўзингизни ёмон аҳволга солиб кўядирган саволларни бермангизлар!» деган ояти кариймасини нозил қилди».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар «Оллоҳ таоло барча нарсаларнинг яратғувчисидур, Оллоҳ таолонинг ўзини яратган кимдур?» деб сўрашларини қўймағайлар», — дедилар».

Ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Мен ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадина далаларидан бирида кетиб борар эрдик. Ул зотнинг қўлларида ҳурмо ёғочидан қилинган ҳассалари бор эрди. Шунда, бир гуруҳ яҳудийлар ёнидан ўтиб кетаётганимизда, улардан айримлари: «Ундан руҳ ҳақида сўрангизлар!» — дейишса, айримлари: «Сўрамангизлар, сизлар инкор қилган (ишонмаган) нарса хусусида айтмағай!» — дейишди. Лекин, улар шерикларига қулоқ солмай, Жаноб Расулulloҳдан: «Ё Абулқосим, бизга руҳ ҳақида сўзлаб берингиз!» — деб айтишди. Жаноб Расулulloҳ бир қанча вақт бир нуқтага тикилганча туриб қолдилар, мен ул зотга ваҳий келаётганини фаҳмладимда, ваҳий тугагунча четга чиқиб турдим. Кейин, Жаноб Расулulloҳ «Сендан руҳ ҳақида сўраганларидан руҳ раббимнинг ишидур, дегил!» деган ваҳийни айтдилар».

4-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қилган аъмолларига эргашмоқ хусусида

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тилладан узук (муҳрузук) ясатиб олдилар. Буни кўриб одамлар ҳам олтиндан узук ясатиб олишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ «Мен (муҳр сифатида керак бўлгани учун) тилладан узук ясатиб олган эрдим!» — дедиларда, бармоқларидан чиқариб: «Энди буни сира ҳам тақмағаймен!» — деб айтдилар, одамлар ҳам узуклариини ечиб, тақмай қўйишди.

5-боб. Илм хусусида Оллоҳ таоло белгилаган чегарадан чиқмоқлик ва баҳслашмоқлик ҳамда динга ҳам, бидъатга ҳам ўта берилмоқлик макруҳдир.

Оллоҳ таоло: «Эй китоб аҳли, динингизга ўта берилмангизлар на Оллоҳ таоло шаънига тухмат қилмай, фақат ҳақ гапни айтингизлар!» — дейди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Сурункасига (оғиз очмай) рўза тутмангизлар!» — дедилар. Шунда саҳобалар: «Сиз ўзингиз Шундай рўза тутасиз-ку?!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мен сиз каби эрмасмен, Оллоҳ таоло мени тунлари едириб-ичириб турғайдур», — дедилар. Аммо, саҳобалар кўнмай, сурункасига рўза тутишда давом этдилар. Жаноб Расулulloҳ ҳам бир-икки кун ёким ундан зиёдроқ улар бирлан биргаликда оғиз очмай рўза тутдилар. Кейин, янги ой чиқиб қилгач, Жаноб Расулulloҳ: «Агар ой бир неча кун кечикиб чиққанда эрди, сурункасига рўза тутмоқни давом эттириб, бир таъзирингизни бериб қуюр эрдим!» — дедилар».

Иброҳим ат-Таймий оталиридан нақл қиладилар: «Ҳазрат Али белларидаги қилич дастасига қандайдир қоғоз саҳифаси осиглиқ ҳолда пишиқ ғиштдан қилинган минбар устига чиқдиларда, бизга: «Оллоҳ таоло ҳақи, бизнинг ихтиёримизда Оллоҳ таолонинг Китоби бирлан ушбу саҳифадан бўлак ўқиғулик бирор нарса йўқдур!» — дедилар. Сўнг бояги саҳифани очдилар, билсак унда хун ҳукми, асирни озод қилмоқ, Мадинанинг муқаддас жойлари, мусулмонларнинг зиммийларга нисбатан ўз устларига олган масъулиятлари ва бошқалар ҳақида битилган эркан».

Масруқ ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бундай дедилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам енгилгина ифторлик тайёрлаб, барчани унга чорладилар. Шунда баъзилар рўзада бундай дабдаба ортиқча деб ҳисоблаб бормоқдан бош тортишди. Жаноб Расулulloҳ буни эшитиб: «Одамларга не бўлган ўзи, мен аzza-баzza ифторлик уюштирсаму, улар келмоқдан бош тортсалар?! Оллоҳ таоло ҳақи, мен Оллоҳ таолони улардан кўра яхшироқ билурмен ва ундан улардан кўра кўпроқ кўрқурмен!» — дедилар».

Ибн Абу Мулайка ривоят қиладилар: «Икки энг яхши одам — Абу Бакр бирлан Умар ҳалок бўлаёздилар. Бул (ҳодиса) Жаниб Расулulloҳнинг ҳузурларига Бану Тамим қабиласидан меҳмонлар келганида рўй берган эрди. Улардан бири Ал-Акраъ ибн Ҳобис ат-Тамимий ал-Ҳанзалийни, иккинчиси эрса, бошқа бир кишини мансабга тайинламоқни таклиф қилди. Шунда Абу Бакр Умарга: «Сен менга атайлаб қарши чиқаётирсен!» — деди. Умар: «Сенга атайлаб қарши чиқмаётирмен!» — деди. Натижада иккалалари овозларини баланд қилиб тортиша бошладилар. Шул аснода Жаноб Расулulloҳ: «Эй мўминлар, овозларингизни пайғамбар овозидан баланд кўтармангизлар...» деган ояти карима нозил бўлди. Шу-шу бўлди-ю, Абу Бакр бирлан Умар Жаноб Расулulloҳга икки сирдош ўзаро пичирлашгандек оҳиста сўзлайдирган бўлиб қолдилар, ҳатто ул зот баъзан уларнинг гапини тушунмай қолиб, қайтариб сўрардилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам вафотлари арафасидаги касаллик чоғларида: Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!» — дедилар. Мен: «Абу Бакр сизнинг ўрнингизга турсалар, йиғиларидан одамлар қироатларини эшита олмағайдурлар, жамоатга имомлик қилмоқни Умарга буюра қолингиз!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин — деб қайтариб айтдилар. Шунда мен Ҳафсага: «Абу Бакр сизнинг ўрнингизга имомлик қилсалар, одамлар йиғиларидан қироатларини эшитолмағайдурлар, имомлик қилмоқни Умарга буюра қолингиз, деб Жаноб Расулulloҳга айтгил!» — дедим. Ҳафса айтганими қилиб эрди, ул зот: «Тек турғил, сиз аёллар Юсуф алайҳиссалом қиссасидаги хотинлар кабисизлар, дилингиздагини аксини айтгайсизлар. Абу Бакрга буюрингиз, жамоатга имомлик қилсин!» — дедилар. Шунда Ҳафса менга: «Сендан ҳеч яхшилиғ кўрмадим!» — деди хафа бўлиб».

Саҳл ибн Сад ас-Соъидий ривоят қиладилар: Уваймир ал-Ажломий Осим ибн Адий ҳузурига келиб, унга: «Бир одам бир бегона кишини ўз хотини бирлан ўйнашаётганда тутиб олса, уни ўлдирадирми? Илтимос, шул ҳақда Жаноб Расулulloҳдан сўраб берғил!» — деди. Осим сўраб эрди, Жаноб Расулulloҳ унинг бул саволини ёқтирмай, айб қилдилар. Кейин, ул қайтиб келиб, Жаноб Расулulloҳнинг бул саволни хушламаганларини Уваймирга айтди. Уваймир: «Оллоҳ таоло ҳақи, мен ўзим Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб бул ҳақда сўрағаймен!» — деди. Осим кетгач, ул боргунга қадар Жаноб Расулulloҳга мазкур масала хусусида оят нозил бўлган эрди. Жаноб Расулulloҳ: «Сизлар сўраган масалага доир оят нозил бўлди», — дедилар. (Уваймир фатво сўраган мазкур масала бир бегона киши бирлан ўзининг хотини хусусида эрди). Жаноб Расулulloҳ Уваймир бирлан хотинини чақиртириб лион қилдилар. Кейин, Уваймир: «Ё Расулаллоҳ буни бундан буён Хотин қилсам, унда унга тўхмат қилган бўлурмен!» — дедида, хотинини талоқ қилди. Лекин, Жаноб Расулulloҳ унга бундай қилмоқни амр қилганлари йўқ эрди. Шундан қилмоқ суннат «Ўшал хотинни эътиборан, зинокорларни мулоана (лион) бўлиб қолди. Кейин, Жаноб Расулulloҳ: «Кузатиб юрингизлар, агар ул қизғиш, вакана ва қурт янглиғ бола туғса, Уваймир ёлғон айтган бўладир, агар ул қорамтир, кўзлари катта ва яғрини кенг бола туғса, унда рост айтган бўлур!» — дедилар».

Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъим ривоят қиладилар: «Мен Молик (ибм Авс) ҳузурига кириб мерос ҳақида сўраб эрдим, ул менга бундай деди: «Мен Ҳазрат Умарнинг ҳузурларида эрдим, ул кишининг ҳожиби Йарфаъ келиб: «Усмон, Абдуррахмон, Зубайр ва Саъдда ишингиз бормидур, улар ҳузурингизга кирмоққа рухсат сўрамоқдалар?» — деди. Ҳазрат Умар: «Ҳа», — дедилар. Улар ичкарига кириб ўлтирдилар. Кейин, ҳожиб яна келиб: «Али ва Аббосда ҳам ишингиз бормидур, улар ҳам рухсат сўрамоқдалар?» — деди. Ҳазрат Умар рухсат бердилар, улар иккаласи ичкарига кирди. Аббос: «Ё Амир ал-муъминин, мен бирлан мана бул киши (яъни, Ҳазрат Али) иккимизнинг ишимизни ҳал қилиб берсангиз!» — деди. Ҳазрат Умар: «Еру осмонларнинг мавжудлиги изнига боғлиқ бўлган Оллоҳ таолонинг номи бирлан сизлардан ўтиниб сўрайдурмен, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Биз мерос қолдирмағаймиз, биз қолдирган нарса — садақадур!» деганларини билурмисизлар? Жаноб Расулulloҳ бу бирлан ўзларини назарда тутганлар», — дедилар. Ҳузурларидагилар: «Ҳа, шундай деб айтганлар», — дейишди. Ҳазрат Умар Али бирлан Аббосга юзланиб: «Жаноб Расулulloҳнинг шундай деганларини сизлар ҳам билурмисизлар?» — дедилар. Улар: «Ҳа, шундай деганлар», — дейишди. Ҳазрат Умар бундай дедилар: «Мен сизларга шул ҳақда сўзлаб берайин, Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга урушсиз махсус мол ато этган эрдиким, бундай неъматни илгари ўзгаларга инъом қилмагандур. Парвардигор азза ва жалла: «Оллоҳ таоло ўз расулига улардан (кофирлардан) уруш қилдирмай олиб берган мол (ер-сув) учун сизлар на от ва на туя чоптириб (меҳнатингиз синган эрмас), лекин Оллоҳ таоло ўзи истаган бандаларига пайғамбарларини ҳукмдор қилгайдур. Оллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдур!» — дейди. Оллоҳ таоло бу молни, унга сизлар эга бўлиб олмоқларингиз учун эрмас, балки Жаноб Расулulloҳнинг ўзларига махсус ато этгандур. Жаноб Расулulloҳ уни холисона сизларга бўлиб бердилар, мана энди ундан ана шул молгина қолди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам йил бўйи ўшал мол орқали оилаларини боқар ва ортиқчасини Оллоҳ таоло йўлида сарф этар эрдилар. Жаноб Расулulloҳ умр бўйи шундай қилиб яшаганлар. Аллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўраймен, шул айтганларимни билурмисизлар». Барча: «Ҳа», — деди. Сўнг Ҳазрат Умар Али бирлан Аббосга: «Оллоҳ таоло номи бирлан сизлардан ўтиниб сўраймен, шул айтганларимни сизлар ҳам билурмисизлар?» — дедилар. Улар: «Ҳа», — дейишди. Ҳазрат Умар бундай дедилар: «Оллоҳ таоло ўз расулини даргоҳига чақириб олгач, Абу Бакр: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг ворисларидурмен!» — деб Оллоҳ таоло пайғамбаримизга махсус ато этган молни ўз қўлларига олдилар ва уни Жаноб Расулulloҳ

қандай тасарруф қилган эрсалар, шундай тасарруф қилдилар. Сўнг, Оллоҳ таоло Абу Бакрни ҳам ўз даргоҳига чақириб олди. Шунда мен: «Жаноб Расулulloҳнинг ворисларининг вориси мендурмен!» — деб ўшал молни (ер-сувни) ўз қўлимга олдим. Мана икки йилдурким, уни Жаноб Расулulloҳ ва Абу Бакр сингари тасарруф қилмоқдамен. Сиз иккингиизнинг эрса, тилингиз бир, мақсадингиз ҳам бирдур. Сен эрсанг (яъни, Аббос) акангинг ўғлидан қолган молдан улуш бермоғимни талаб қилиб олдимга келдинг. Мана бул (яъни, Али) эрса, хотини учун отасидан қолган молдан улуш бермоғимни талаб қилиб келган. Менинг қатъий сўзим шулдур: агар истасангиз, Жаноб Расулulloҳ сингари тасарруф қилмоқ шарти бирлан улушларингизни берғаймен, аммо. кейинчалик бошқача ҳукм чиқариб бермоғимни талаб қилсангизлар, еру осмондарнинг мавжудлиги изнига боғлиқ бўлган зот ҳақи, қиёматга қадар ҳам бунга юрмағайман! Башарти, шартимни эглай олмасангизлар, уларни (ер-сувларни) менга қайтариб берғайсизлар, мен эрсам, сизларни бу мушкилотдан халос қилғаймен».

6-боб. Жиноятчини ўз паноҳига олган шахснинг гуноҳи ҳақида

Осим ривоят қиладилар: «Мен Анасга: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинани муқаддас деб эълон қилдиларми?» — дедим. Ул бундай деди: «Ҳа, шўндай, унинг фалон еригача бўлган ерларни муқаддас деб эълон қилиб, ҳатто ул ерларнинг дарахтларини синдирмоқни манъ қилдилар ва: «Кимки ул ерларда жиноят содир этса, унга Оллоҳ таоло, малоикалар ва бутун инсонларнинг лаънати бўлсин!» — дедилар. Сўнг: «Жиноятчини ўз паноҳига олганга ҳам!» — деб қўшиб қўйдилар».

7-боб. Ўз билганича фикр юритмоқ ва хулоса чиқармоқ хусусида, ўзинг билмаган нарса ҳақида хулоса чиқарма!

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло бандаларига илм борган эркан, уни бевосита ўзини тортиб олмағай, аммо уни уламоларни маҳв этмоқ йўли бирлан тортиб олғайдур. Шунда ер юзида фақат жоҳилу нодонлар қолиб, улардан фатво сўраганларида ўз билгиларича жавоб бергайларда, ўзлари ҳам адашгайлар, ўзгаларни ҳам адаштиргайлар», — дедилар».

Абу Воил ривоят қиладилар: «Саҳл ибн Ҳунайф: «Эй одамлар, динингиз хусусида ўз билгангизча фикр юритмангизлар! Абу Жандал куни мен Жаноб Расулulloҳнинг амрларини рад қила олганимда, рад қилган бўлур эрдим. Ўшанда бизлар (мушриклар) ўзимизни даҳшатли оқибатларга гирифтор қилғувчи ишга қўл урмай, қиличларимизни бўйнимизга осиб чиқиб (таслим бўлиб), саодатга эришмагимизни осон қилган эрдик", — деди».

8-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳали ўзларига ваҳий қилиб юборилмаган нарса хусусида сўрашса, «билмайман» дер эрдилар ёким ваҳий келмагунча жавоб бермас, ўз билгиларича фикр юритиб хулоса чиқармас эрдилар

Оллоҳ таоло: «Оллоҳ ўргатган нарсанигина айтғил!» — дейди. Ибн Масъуд: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламдан руҳ ҳақида сўрашганда (ўз билгиларича жавоб қилмай), сукут қилган эрдилар. Шунда Оллоҳ таоло руҳ ҳақида оят нозил қилган эрди», — дейдилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Мен касал бўлганимда Жаноб Расулulloҳ бирлан Абу Бакр кўргани келишди, шунда мен ҳушсиз ётган эрдим. Жаноб Расулulloҳ таҳорат олиб, таҳорат сувини устимдан қўйдилар, мен ҳушимга келдим. «Ё Расулаллоҳ, — дедим мен, — молмулкимни ни қилсам эркан?». Жаноб Расулulloҳ ҳеч нарса демадилар, бироздан кейин ул зотга

мерос ҳақида оят нозил бўлди».

9-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло ўзларига ўргатган нарсаларни эркак ва аёл умматларига ўргатишда ўзбилармонлик қилмаганлар

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Бир аёл Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, бугун эркаклар сизни хутбангизни тинглаб уйларига қайтиб кетишди, энди бизга ҳам ҳафтанинг муайян кунда Оллоҳ таоло ўзингизга ўргатган нарсалардан таълим берсангиз!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ «Фалон кун фалон жойда тўпланингиз!» — дедилар. Аёллар айтганларидек қилишди. Расулуллоҳ келиб уларга Оллоҳ таоло ўзларига ўргатган нарсалар хусусида таълим бердилар, сўнг: «Ораларингизда қайси бирингиз уч (норасида) фарзандингиздан жудо бўлсангиз улар Қиёматда сизни дўзах оташидан парда бўлиб тўсиб турғайдурлар», — дедилар. Шунда аёллардан бири: «Ё Расулаллоҳ, агар икки фарзандидан жудо бўлган эрсачи!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «иккита бўлса ҳам иккита бўлса ҳам иккита бўлса ҳам!» — дедилар.

10-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Умматимдан бир тоифаси ҳақ йўлида курашда давом этаверадирлар, улар дин олимларидур!» деганлари ҳақида

Муғйра ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ «Умматимдан бир тоифаси ҳақ йўлида курашда давом этаверадирларки, ҳатто Оллоҳ таолонинг амри келганда ҳам (қиёмат бошланганда ҳам) улар курашаётган бўладирлар», — дедилар».

Ҳумайд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салам: «Оллоҳ таоло қайси бир бандасига яхшилиқни раво кўрса, уни фиқиҳ (дин билимдони) қилғайдур. Мен бунда тақсимловчимен, Оллоҳ таоло эрса, ато этғучидир. Бул умматнинг иши қиёмат қоим бўлгунга қадар (тўғри) бўлғайдур», — дедилар».

11-боб. Оллоҳ таолонинг «... ёким сизларни турли» гуруҳларга ажратиб чалкаштириб қўйиб...» деган қавли хусусида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳга: «Айтғил Оллоҳ сизларнинг тепангиздан азоб уқубатлар юбормоққа қодирдур!» деганида ҳам, «...ёким оёқларингиз остидан» деганида ҳам ул зот: «Илоҳим ўз паноҳингда асрағайсен!» — дедилар. Оллоҳ таоло «... ёким сизларни турли гуруҳларга ажратиб чалкаштириб қўйиб...» бир-бирингизнинг дастингиздан кулфатлар торттирмоққа ҳам қодирдур!» деб оят нозил қилганда эрса, «Булар енгилроқ ва осонроқдур!», — дедилар».

12-боб. Асли аниқланиши лозим нарсани асли аниқ нарсага боғлаган киши хусусида. Оллоҳ таоло сўровчига тушунарли бўлсин учун ҳар иккиси ҳақида ўз ҳукмини баён қилгандур!

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир бадавий Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, хотиним қоп-қора бола туғди, мен уни тан олмадим!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Сенинг туяларинг бормидур?» — дедилар. Ул: «Ҳа», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Уларнинг ранги қандай?» — дедилар. Ул: «Қизғиш», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Уларнинг орасида олачипори бормидур?» — дедилар. Ул: «Ҳа, бор», — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Не дейсан, олачипор туя уларнинг орасида қандайин пайдо бўлиб қолди эркан?» — дедилар. Бадавий: «Ул асли зотига тортган бўлса керак», — деди. Бу бирлан Жаноб

Расулulloҳ унинг гумонини тарқатиб, ўз боласидан тонмоғига йўл қўймадилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Бир аёл Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Онам ҳаж қилмоқни ният қилган эрдилар, афсуски вафот этиб қолдилар. Мен онамнинг номларидан ҳаж қилсам, бўлурму?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, ҳаж қилсанг бўлғай! Айтғилчи, онамнинг қарзи бўлганда тўларми эрдинг?» — дедилар. Ул: «Албатта!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Онамнинг Оллоҳ таоло олдидаги қарзини узғил, чунки Оллоҳ таоло қарзга вафо қилинмоғига ҳақлироқдур» — дедилар».

13-боб. Қозиларнинг Оллоҳ таоло нозил қилган йўл-йўриқлардан четга чиқмасликлари лозимлиги ҳақида

Оллоҳ таоло: «Оллоҳ таоло нозил қилган йўл-йўриқларга мувофиқ ҳукм қилмайдирганлар — золимдурлар!» — дейди. Жаноб Расулulloҳ такаллуф қилмай илму ҳикмат бирлан ҳукм қиладирган ва бошқаларни ҳам шунга ўргатадирган одамни мақтадилар. Халифалар илм аҳлига маслаҳат солмоқлари, улардан билмаганларини сўрамоқлари лозим бўлади.

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Икки нарса хусусидагина ҳавас қилса бўлғайдур: агар Оллоҳ таоло бир одамга ҳалол мол-дунё берган эрса-ю, ул уни ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса ва Оллоҳ таоло бир одамга илму ҳикмат берган эрса-ю, ул илму ҳикмат ила ҳукм қилиб, ўзгаларга ҳам шундай қилмоқни ўргатаётган бўлса».

Муғйра ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттобдан аёлнинг қорнига уриб ҳомиласини тушириб қўйган одамга нисбатан қандай ҳукм чиқарилмоғи ҳақида сўрашди. Ҳазрат Умар: «Қайси бирингиз Жаноб Расулulloҳдан шул ҳақда бирор ҳадис эшитгансиз?» — дедилар. «Мен эшитганман», — дедим. Ҳазрат Умар: «Қани, айтғилчи!» — дедилар. «Жаноб Расулulloҳдан эшитдимки, бирор аёл ҳомиласини тушириб қўйган одамга бир қул ёким чўри товон солинар эркан», — дедим. Ҳазрат Умар: «Айтганларингга гувоҳ топиб келмагунингга қадар уйингга кетмағил!» — дедилар. Мен бориб Муҳаммад ибн Масламани топдимда, Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига олиб келдим. Ул менинг айтганларимни Жаноб Расулulloҳдан эшитганлигига гувоҳлик берди».

14-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Ўзингиздан илгариги қавмларнинг тариқатига эргашасизлар» деганлари ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматим ўзидан илгаригиларнинг тариқатини қаричма-қарич, қадам-бақадам ўзлаштирмагунга қадар қиёмат қоим бўлмағайдур!» — дедилар. «Ё Расулulloҳ, форс ва румликлар сингари қавмларнинг тариқатиними?» — дейишди.. Жаноб Расулulloҳ: «Улардан ўзгаларнинг ҳам!» — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўларингиздан илгаригиларнинг тариқатларига қаричма-қарич, қадам-бақадам эргашгайсизлар, агар улар калтакесакнинг инига кирган эрсалар, сизлар ҳам кетларидан киргайсизлар!» — дедилар. Биз: «Ё Расулаллоҳ, яҳудий ва насороларнинг ҳамми?» — дедик. Ул зот: «Уларга бўлмай, кимга?!» — дедилар».

15-боб. Залолатга даъват қилган ва қабоҳатга йўл очиб берган кишининг гуноҳи

ҳамда Оллоҳ таолонинг «Нодонлик бирлан одамларни тўғри йўлдан адаштирғувчиларнинг гуноҳларидан...» деган қавли хусусида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Одам алайҳиссаломнинг (инсоният тарихида биринчи бўлиб одам ўлдирган) тўнғич ўғли зулм бирлан одам ўлдирган ҳар бир инсоннинг гуноҳига шерик бўлғайдур!» — дедилар.

16-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг илм аҳлини ва икки ҳарам — Макка ва Мадина аҳолисини тотувликка даъват қилганлари хусусида ҳамда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам, муҳожирлар ва ансорларнинг Макка ва Мадинадаги қадам жойлари ва Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозгоҳ, минбар ва қабрлари ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ ас-Саламий ривоят қиладилар: Бир бадавий исломга садоқат билдириб Жаноб Расулуллоҳга байъат қилди. Кейин ул хасталаниб қолиб, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келдида: «Ё Расулаллоҳ, байъатимни бекор қилингиз!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ кўнмадилар. Ул яна келиб талаб қилди. Жаноб Расулуллоҳ яна кўнмадилар. Сўнг, яна келиб талаб қилиб эрди, яна кўнмадилар. Кейин, бадавий Мадинадан бош олиб чиқиб кетди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Мадина темирчининг босқони янглиғ одамларнинг ифлосини пуфлаб чиқариб ташлаб, покизасига янада сайқал берғайдур» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: "Мен Абдурраҳмон ибн Авфга Қуръон тиловат қилмоқни ўргатар эрдим. Ул Ҳазрат Умар сўнги бор ҳаж қилганларида бирга бўлган бўлиб, менга бундай деди: «Бугун Амир ал-Мўмининнинг ҳузурларига келган кишини бир кўрганингда эрди! Ушал одам: «Ё Амир ал-Мўминин, сиз фалончига нима ёмонлик қилган эрдингиз, ул сизнинг ҳақингизда: «Агар Умар ўлса, мен фалончига байъат қилган бўлур эрдим!» — деди. Ҳазрат Умар дарғазаб бўлиб: «Иншооллоҳ, мен бугун кечқурун кимлар ифво қилиб одамларни чалғитишга уринаётганини барчага ошкор қилғаймен!» — дедилар. Шунда мен: «Ё Амир ал-Мўминин, бундай қила кўрмангиз, чунким ҳозир ҳаж мавсуми бўлиб, кўплаб жоҳил ва ифвога тез учадирган одамлар тўплангандур, одамларга сўзлаётган вақтингизда ўшал тоифадаги кишилар сизни қуршаб олишиб, енгиб қўйишмаса эрди! Мен кўрқаменким, бирор ножўя сўз оғзингиздан чиқса, улар илиб олишиб. дарҳол чор атрофга тарқатгайлар ва одамлар бунга ўйламай-нетмай ишониб қўя қолғайлар. Сира ошиқмангиз, аввал Мадинага эсон-омон қайтиб борингиз, чунким бул шаҳар ҳижрат ва суннат қароргоҳи бўлиб, ул ерда сиз фақиҳу ашрофлар бирлан ҳолис суҳбат қуриб, ўзингиз айтмоқчи бўлган гапларни айтгайсиз, улар эрса, гапингизни ақл тарозусига солиб кўриб, ноқис ерларини тuzатгайлар!» — дедим. Ҳазрат Умар: «Гапинг маъқул, Оллоҳ таоло ҳақи, Мадинага боришим бирланоқ дастлаб шул ишни қилгаймен!» — дедилар. Биз Мадинага қайтдик. Ҳазрат Умар одамларга: «Оллоҳ таоло Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақ динни юзага чиқармоқ учун юборгандур, ул зотга Китоб нозил қилгандур. Нозил қилган қавли каримларидан бири — «Ражм» оятидур!» — дедилар».

Музаммид ибн Сирин ривоят қиладилар: «Биз Абу Ҳурайра ҳузурларида ўлтирган эрдик ул киши устларидаги каноудан тўқилган қизил кўйлак-иштондан мамнун бўлиб: «Войбўй, жуда яхшику!» дедиларда, «Биласизларми, бир вақтлар мен Жаноб Расулуллоҳнинг минбарлари бирлан (қизим) Оишанинг ҳужраси оралиғида ҳушимдан кетиб йиқилиб қолган эрдим. Шунда бир одам тепамга келиб, мени жинни деб гумон қилиб оёғи бирлан бўйнимни босган эрди, ваҳоланки мен жинни эрмас, оч эрдим!» — деб айтдилар».

Абдурраҳмон ибн Обис ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга ҳайит намозини ўқиганмисиз?» — деб Ибн Аббосдан сўрашди. Шунда ул бундай деди: «Ҳа, ўқиганмен. Агар Жаноб Расулulloҳнинг менга меҳр-муҳаббатлари тушиб қолмаганда эрди, мен ёш бола бўлатуриб ул зот бирлан бирга намоз ўқимоққа муяссар бўлмаган бўлур эрдим. Ўшанда ул зот Кусайр ибн ас-Салт уйи олдидаги туғ (байроқ) тагига келиб одамлар бирлан намоз ўқиб бўлгач, хутба айтдилар. Шунда азон ва иқомат хусусида ҳеч нарса демадилар. Кейин, садақа қилмоққа амр қилиб эрдилар, аёллар зирак ва билагузукларини еча бошладилар. Билол аёллар олдида бориб садақа йиғдида, Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига қайтди».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ Қубо масжидига бир гал пиёда ва бир гал уловда келар эрдилар».

Ҳишом оталари Урва ибн аз-Зубайрдан нақл қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга: «Мени дугоналарим ёнига дафн қилғил, Жаноб Расулulloҳнинг ёнларига дафн қилмағил, чунким мени мақташларини ёқтирмағаймен!» — дедилар.

Ҳишом оталари Урвадан нақл қиладилар: «Умар ибн ал-Хаттоб Оиша онамизнинг ҳузурларига одам юбориб: «Менга рухсат этсангиз, Жаноб Расулulloҳ бирлан Ҳазрат Абу Бакрнинг ёнларига дафн қилинсам!» — деб илтимос қилдилар. Оиша онамиз: «Мен розиман!» — деб айтиб юбордилар лекин, Оиша онамиз бошқа саҳобалар шундай деб илтимос қилганда, рад қилиб: «Мен ҳеч кимни уларга муносиб кўрмағаймен!» — дер эрдилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аср намозини ўқиб бўлиб, ал-Аволига келганларида кўёш ҳали баландда бўлар эрди».

Жуъайд: Соиб ибн Язиддан эшитдимки, Жаноб Расулulloҳ, замонларидаги 1 соъ (ўлчов бирлиги) бугунги 1,3 мудингизга тенг эркан», — дейдилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй парвардигоро, Мадина аҳлининг тошу тарозусига барака ато этғайсен! — деб дуо қилдилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Бир зинокор эркак бирлан аёлни тутиб Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига олиб келишди. Ул зот уларни масжиднинг жаноза ўқиладирган ерида ражм (тошбўрон) қилдирдилар».

Анас ибн Молик ривоят иладилар: «Йўлда кетиб бораётган Жаноб Расулulloҳнинг рўпараларида Уҳуд тоғи кўринди. Ул зот: «Бул тоғ бизни, биз эрсак уни яхши кўрғаймиз! Эй парвардигоро, Иброҳим алайҳиссалом Маккани муқаддас қилдилар, мен эрсам, Мадинанинг икки тошлоқ ери оралиғини муқаддас қилдим!» — дедилар».

Саҳл (ибн Саъд) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларининг қибла томонидаги девор бирлан минбар оралиғида бир қўй ўтгудек жой бор эрди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ: «Менинг уйим (қабрим) бирлан минбарим оралиғида жаннат боғларидан бири жойлашгандур, минбарим эрса Ҳавзи Кавсарим лабидадур», — дедилар».

Абу Бурда ривоят қиладилар: «Мадинага келганимда Абдуллоҳ ибн Салом мени кутиб олиб: «Бизнинг уйимизга марҳамат қилгил, Жаноб Расулуллоҳнинг лаблари теккан қадаҳда сенга шарбат бергаймен, кейин Жаноб Расулуллоҳ намоз ўқиган масжидда намоз ҳам ўқиғайсен!» — деди. Мен Абдуллоҳ бирлан бирга кетдим, ул менга савиқ (шарбат) қўйиб берди, хурмо бирлан меҳмон қилди ва кейин уларнинг масжидида намоз ўқидим».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Бул кеча Ақиқдалик вақтимда парвардигорим даргоҳидан ҳузуримга келиб турадирган фаришта келиб: «Шул муборак водийда намоз ўқиғил, сўнг ҳаж ва умра қилдим, дегил!» — деб айтди».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Қарнни Нажд аҳли учун, Жухфани Шом аҳли учун, Зулхулайфани Мадина аҳли учун мийқот қилиб бердилар. Мен буни Жаноб Расулуллоҳнинг ўзларидан эшитдим. Аммо, Яламламнинг Яман аҳли учун мийқот қилиб берганликларини бошқалардан эшитдим. Ироқ аҳли эрса, ўшал вақтда ҳали исломни қабул қилмаган эрди».

Солим ибн Абдуллоҳ оталаридаи нақл қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Зулхулайфадаги дам олиб ўтадирган жойларида кечанинг охирида туш кўрдилар, унда: «Сиз муборак Батҳода (водий) турибдурсиз!» деб башорат бўлди».

17-боб. Оллоҳ таолонинг «Уларнинг бирортасини ҳам сен яратмагансен!» деган қавли хусусида

Умар ибн ал-Хаттоб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозининг сўнги ракъатида бошларини кўтариб: «Ё парвардигорим, сенга шукрлар бўлсин! Фалончи ва фалончини лаънатлағайсен!» — дедилар. Шунда Оллоҳ таоло «Уларнинг бирортасини ҳам сен яратмагансен, хоҳласам, уларни кечиргаймен, хоҳласам, азоблағаймен, дарҳақиқат улар золимлардур!» деган ояти каримасини нозил қилди».

18-боб. Оллоҳ таолонинг «Инсон энг урушқоқ махлуқдур!» ва «Китоб аҳлига қарши курашда энг мақбул йўлни қўллангиз!» деган қавли хусусида

Али ибн Абу Толиб ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ тунда эшигимизни тақиллатиб: «Намоз ўқимайсизларми?» — дедилар. Мен: «Бизнинг жонимиз Оллоҳ таолонинг қўлидадур, истаса, ўзи уйғотгайдур!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ индамай қайтиб кетаётиб қўллари бирлан сонларига урдиларда: «Инсон энг урушқоқ махлуқдур!» деган ояти каримани айтдилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Биз масжидда ўлтирган эрдик Жаноб Расулуллоҳ ҳузуримизга чиқиб: «Яҳудийлар яшайдирган тарафга кетдик!» — дедилар. Биз биргалашиб йўл олдиқда, яҳудийлар тавротхонлик қиладирган уйга етиб бордик. Жаноб Расулуллоҳ яҳудийларга: «Эй яҳудийлар жамоаси, исломни қабул қилингизлар, молу жонингиз омон бўлғай!» — дедилар. Улар: «Ё Абулқосим, бизга айтган эрдингиз!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Менинг истагим шулким, исломга кирингизлар, молу жонингиз омон бўлғай!» — дедилар. Улар яна: «Ё Абулқосим, бизга айтган эрдингиз!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ яна бояги гапларини такрорладиларда, сўнг: «Билиб қўйингизларким, ер Оллоҳ таоло, ва унинг расулиниқидур! Мен сизларни бул ердан кўчирмоқ ниятидамен, кимнинг (олиб кетолмайдирган) мол-мулки бўлса, сотсин, акс ҳолда, билиб қўйингизларким, ер Оллоҳ таоло

ва унинг расулиникидур!» — дедилар.

19-боб. Оллоҳ таолонинг «ва шул тариқа биз сизларни бир воситачи уммат қилиб қўйдик!» деган қавли хусусида ҳамда Жаноб Расулulloҳнинг бунга жавобан илм аҳлига қандай зарурий кўрсатмалар берганлари ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: Қиёмат куни Нуҳ алайҳиссаломни Оллоҳ таолонинг ҳузурига олиб келгайлар, Оллоҳ таоло ул кишидан: «Сен менинг амримни умматингга етказганми эрдинг?» — деб сўрагай. Нуҳ алайҳиссалом: «Ҳа, эй раббим, етказган эрдим!» — деб жавоб бергайлар. Кейин, Оллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг умматларидан: «Ул менинг амримни сизларга етказганми эрди?» — деб сўрагай. Улар: Бизларга ҳеч бир огоҳ қилғувчи киши келган эрмас!» — дейишгай. Оллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссаломга: "Гувоҳинг бормидур?" — дегай. Нуҳ алайҳиссалом: «Менинг гувоҳларим Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан ул зотнинг умматларидур!» — дегайлар. Шунда сизларни олиб келишгай, сизлар гувоҳлик бергайсизлар. Оллоҳ таоло: «Ва шул тариқа биз сизларни воситачи (гувоҳ) қилиб қўйдик!» — дейди. Сизлар одамларга, пайғамбар эрса, сизларга одил гувоҳ бўлгайдур!».

20-боб. Агар закотчи ёким ҳоким ғайрат қиламан деб билмай хато қилиб пайғамбарга хилоф қарор қабул қилиб қўйса, қарори бекордур!

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки биз буюрмаган ишни қилса, ул бекордур!» — деганлар.

Саъид ибн ал-Мусайяб ривоят қиладилар: «Абу Саъид ал-Худрий ва Абу Ҳурайра менга айтдиларким, Жаноб Расулulloҳ Бану Адий ал-Ансорийнинг акасини Хайбардан закот йиғиб келмоқ учун юбордилар. Ул одамларнинг энг яхши хурмоларини закотга олиб келди. Шунда ул зот: «Хайбардаги хурмоларнинг бариси шундай сифатли эрканми?» — дедилар. Закотчи: "Худо ҳақи, ундай эрмас, ё Расулulloҳ, биз одамлардан икки соъ сифатсиз хурмо ўрнига бир соъ сифатли хурмо оламиз», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Бундай қилмангизлар, аралаш олингизлар!» — дедилар».

21-боб. Одилона ҳукм чиқараман деб жон-жаҳди бирлан интилиб тўғри ёким хато ҳукм чиқариб қўйган ҳокимга тегадирган савоб ҳақида

Амр ибн ал-Ос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ, саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Одилона ҳукм чиқарайин деб жон-жаҳди бирлан интилиб тўғри ҳукм чиқарган ҳокимга (астойдил интилгани ва тўғри ҳукм чиқаргани учун) икки савоб, одилона ҳукм чиқарайин деб жон-жаҳди бирлан интилиб хато ҳукм чиқариб қўйган ҳокимга эрса, (астойдил интилгани учунгина) бир савоб теккайдур».

22-боб. «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳкомлари ошкора эрди» деб айтгувчиларга ҳужжат. Баъзи саҳобалар доимо Жаноб Расулulloҳнинг кўз олдларида ва исломга таъллуқли ишларда ҳозир эрдилар

Убайд ибн Умайр ривоят қиладилар: «Абу Мусо Ҳазрат Умарнинг ҳузурларига кирмоққа изн сўраб эрди, ул кишининг бир юмуш бирлан банд эрканликларини кўриб ортига қайтди. Ҳазрат Умар: «Абу Мусонинг овози қулоғимга чалингандек бўлдими? Унга рухсат берингизлар, ичкарига кирсин!» — дедилар. Уни чақириб келишди. Ҳазрат Умар унга: «Нечун ортингга

қайтдинг?» — дедилар. Абу Мусо: «Жаноб Расулulloҳ бизга шундай таълим берганлар!» — деди. Ҳазрат Умар: «Бул гапингга ҳужжат келтир, акс ҳолда таъзирингни берғумдур!» — дедилар. Абу Мусо гувоҳ излаб ансорийлар ҳузурига борди, улар: «Сенинг мазкур гапингга ёш болаларгина гувоҳликка ўтмоғи мумкиндур!» — дейишди. Шунда уларнинг ораларидан Абу Саъид ал-Худрий чиқиб Абу Мусо бирлан биргаликда Ҳазрат Умарнииг ҳузурларига бордида: «Жаноб Расулulloҳ бизга шундай деб амр қилганлар», — деди. Ҳазрат Умар: «Бундан мен беҳабар эрканман, демак мен ўшанда бозор шовқин-суронидан эшитмай қолган эрканманда!» — дедилар».

Ал-Аъраж ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра бундай деган эрди: «Сизлар «Абу Ҳурайра Жаноб Расулulloҳ ҳақларида жуда кўп ҳадислар айтади» деб таъкидлайсизлар. Оллоҳ таоло ҳақи, мен бир вақтлар Жаноб Расулulloҳнинг хизматларини қилиб қорнимни тўйғазиб юргувчи бир мискин киши эрдим, муҳожирлар ўшал вақтда бозорларда савдо-сотик бирлан, ансорлар эрса ўз мол-қоллари бирлан овора эрдилар. Бир куни мен Жаноб Расулulloҳнинг марҳаматларига муяссар бўлдим. Ул зот: «Кимки ўз ридосини (кийимини) ерга ёзиб қўйса, мен унинг устида туриб сўзлағаймен, кейин ул ридосини йиғиштириб олғайда, менинг айтганларимни сира ҳам унутмайдирган бўлиб қолгай», — дедилар. Шунда мен дарҳол ўз бурдамни (кийим) ерга ёздим. Ул зотни ҳақ пайғамбар қилиб юборган Оллоҳ таоло ҳақи, шу-шу бўлди-ю, мен ул зотдан нимаики эшитсам, сира ҳам унутмайдирган бўлдим!».

23-боб. «Бундай қилмағил!» дейилганда ўзга кишини эрмас, Жаноб Расулulloҳни далил қилиб кўрсатган шахс ҳақида

Муҳаммад ибн ал-Мункадир ривоят қиладилар: «Жобир ибн Абдуллоҳ Оллоҳ таолонинг номи бирлан қасам ичиб: «Ибн ас-Соид (Ибн Сайёд) — Дажжолдур!» — деди. Мен унга: «Оллоҳ таолонинг номи бирлан қасам ичмоққа қандай журъат қилдинг!» — дедим. Ул менга: «Мен Ҳазрат Умарнинг Жаноб Расулulloҳ қошларида шундай деб қасам ичганларини эшитганмен, шунда ул зот унга монеълик қилмаган эрдилар», — деди».

24-боб. Далиллар асосида тан олинадирган ҳукмлар. Далил ўзи нима ва уни қандай тушунтирмоқ керак?

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам от ва шу каби ҳайвонларнинг ҳаром ёким ҳалоллиги хусусида ўз ҳукмларини баён қилдилар. Кейин, одамлар эшаклар хусусида савол беришиб эрди, ул зот Оллоҳ таолонинг «Кимки заррача бўлса ҳам хайрли иш қилғайдур, ажру савоб олғайдур...» деган қавлини далил қилиб келтирдилар. Сўнг, Жаноб Расулulloҳдан калтакесак (эчкиэмар) хусусида сўрашди, шунда ул зот: «Мен унинг гўштини емайман ҳам, ҳаром деб айтмайман ҳам!» — дедилар. Ибн Аббос Жаноб Расулulloҳнинг дастурхонга қўйилган калтакесак гўштини «Мен емайман, сизлар еяверингизлар!» деб айтганлари учун калтакесак гўшти халол эркан деб ўзича хулоса чиқарди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: "Отнинг уч хислати мавжуд бўлиб, бир кишига савоб келтиргай, иккинчи бир кишининг айбини ёпгай, учинчи кишига эрса, гуноҳ орттирғайдур. Отидан савоб топадирган киши хусусига келсак ул ўз отини Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ бўлиб бирор яйлов ёким боққа боғлаб қўйган киши бўлиб, отининг ўшал яйлов ёким боғдаги ўт-ўланлардан тановул қилиб ҳордиқ чиқармоғига имкон бергани учун савоб олғайдур, ҳаттоки оти ечилиб кетиб уёқдан буёққа яйраб шаталоқ отса ҳам унинг қолдирган излари ва тезаклари яхшилиғ келтирғайдур. Агар ўшал от бир чашма ёнидан ўтаётиб ундан ичаётганда эгаси монеълик қилмаса ҳам савоб

бўлғайдур. Оти туфайли айби (гуноҳи) ёпиладирган киши шулким, ул ўз отини тирикчилик учун эгарлаб, топаётган ризқи рўзидан Оллоҳ таоло йўлида эҳсон қилмоқни унутмайди ва бу бирлан баъзи бир гуноҳларини ювади. Киши мақтаниш ёким риё юзасидан от сақлаган эрса, бу унга гуноҳ бўлиб ёзилгайдур". Кейин, Жаноб Расулulloҳдан эшак хусусида сўрашди, шунда ул зот: «Оллоҳ таоло бул ҳақда менга «Кимки заррача бўлса ҳам яхшилиқ қилса, ажру савоб олгай ва кимки заррача бўлса ҳам ёмонлик қилса, азобга қолгай» деган ояти каримасидан бўлак ҳеч нарса нозил қилмагандур», — дедилар».

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Бир аёл Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб ҳайздан қандай тозаланмоқ лозимлиги хусусида сўради. Жаноб Расулulloҳ унга қандай ғул қилмоқни айтиб, сўнг: «Атирланган латта бирлан тозалангил!» — дедилар. Аёл: «Латта бирлан қандай тозаланаман?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Субҳоналлоҳ, тозалангил!» — дедилар. Шунда мен аёлни ёнимга тортдимда: «Қоннинг ҳидини кетказмоқ учун атирланган латтани ўшал жойингга қўйгил!» — дедим».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Умму Ҳафид бинти ал-Ҳарс ибн Хазн сариёғ, пишлоқ ва калтакесак (эчкиэмар) гўшти олиб Жаноб Расулulloҳни кўргани борди. Шунда Жаноб Расулulloҳ аёлларни дастурхонга таклиф қилдилар, улар еб-ичишди, аммо ўзлари ҳазар қилгандек туриб нари кетдилар. Агар эчкиэмар ҳаром бўлганда аёллар Жаноб Расулulloҳга келтирилган дастурхондан тановул қилмаган бўлур эрдилар, бунинг устига ул зот уни енглари деб ҳам айтмадилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки саримсоқ ёким пиёз еган эрса, биздан ҳам масжидимиздан ҳам нарироқ юрсин, яхшиси уйда ўлтирсин!» — дедилар. Бир куни Бадр Жаноб Расулulloҳга кўкатлардан тайёрланган қандайдир таом келтириб эрди, ул зот ундан ёкимсиз ҳид келаётганини сезиб, ўзлари емай, саҳобаларга инъом қилдиларда: «Мен сизлар муножот қилмайдирганлар (фаришталар) бирлан муножот қилгаймен!» — дедилар».

Муҳаммад ибн Жубайр оталари Жубайр ибн Мутъимдан нақл қиладилар: «Бир ансория аёл Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб бир нарса ҳақида сўраб эрди, ул зот ҳам унга нимадир дедилар. Шунда аёл: «Агар сизни тополмасамчи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар мени тополмасанг, Абу Бакрга мурожат қилгил!» — дедилар. Иброҳим ибн Саъд: «Ўшал аёл келганимда вафот этган бўлсангизчи?» — демоқчи эрди», — дейдилар.

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМИ

1-боб. Жаноб Расулulloҳнинг «Китоб аҳлларида (яхудийлардан шариатга тъллуқли) бирор нарса ҳақида сўрамангизлар!» деганлари ҳақида

Хумаид ибн Абдурраҳмон ривоят қиладилар: «Муовия Мадинада бир гуруҳ қурайшликларга гапираётиб Каъб ул-Аҳборни эсладида: «Ул китоб аҳллари ҳақида ривоят қилғувчилар ичида энг ростгўй одам бўлишига қарамасдан, барибир биз унинг қанчалик тўғри-нотўғри гапираётганини синаб кўрар эрдик», — деди».

Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Аҳли китоблар (яхудийлар) тавротни иброний тилда ўқиб, сўнг унинг мазмунини аҳли исломга араб тилида тушунтирур эрдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Аҳли китобларга ишонмангизлар ҳам, уларни ёлғончи демангизлар ҳам, яхшиси «Оллоҳ таолога ҳамда бизга ва сизларга нозил қилган китобларга иймон келтирганмиз» деб айтингизлар!» — дедилар».

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Ибн Аббос бундай деди: «Нечун сизлар аҳли китоблардан (яхудийлардан) шариат хусусида сўрагайсизлар? Ахир, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Китобингиз Оллоҳ таолонинг энг кейинги Китоби-ку! Унга бошқа китоблар матни аралаштирилмаган, бунинг устига Жаноб Расулulloҳ аҳли китобларнинг Оллоҳ таолонинг китобини (тавротни) ўзгартириб ўз қўллари бирлан ёзганликларини ҳамда уни Оллоҳ таоло нозил қилган деб даъво қилишларини айтганлар-ку! Бу бирлан улар сизларни ўзингизга йўлланган ҳақиқий илмдан осонгина чалғитиб, ўз тарафларига оғдириб олмоқчидурлар. Оллоҳ таоло ҳақи, биз ҳали улардан бирор кишининг сизларга нозил қилинган нарса хусусида сўраганини кўрган эрмасмиз!».

2-боб. Қуръон аҳкомлари хусусида тортишувга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида

Жундуб ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қуръонни дилларингиз дўстона кайфиятда бўлғонида тиловат қилингизлар, башарти (унинг аҳкомлари хусусида) ўртангизда ихтилоф пайдо бўлса, дарҳол тиловат қилмоқдан тўхтангизлар!» — дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такроран келтирилган.

Ибн Аббос ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолонинг даргоҳига қайтмоққа ҳозирлик кўраётган кезларида уйда бир қанча кишилар бўлиб, уларнинг ораларида Умар ибн ал-Хаттоб ҳам бор эрдилар. Шунда Жаноб Расулulloҳ уларга: «Менга қоғоз-қалам келтирингизлар, сизларга васиятимни битиб бергаймен, кейин сира йўлдан адашмагайсизлар!» — дедилар. Ҳазрат Умар: Жаноб Расулulloҳни дард енгиб қўйган кўринадир, ахир қўлларингизда Қуръони Карим борку, бизга Оллоҳ таолонинг шул Китоби кифоя қилғайдур!» — дедилар. Буни эшитиб уйда мавжуд кишилар ўзаро тортишиб қолдилар. Баъзилар: «Қоғоз-қаламни тепаларига яқинроқ олиб борингизлар. Сизларга васиятларини битиб бергайлар, кейин йўлдан адашмагайсизлар!» — деса, баъзилар Ҳазрат Умарнинг гапларини қувватлади. Шул тариқа ихтилоф чиқиб шовқин-сурон кучайгач, Жаноб Расулulloҳ: «Ҳузуримдан чиқиб кетингизлар!» — дедилар». Убайдуллоҳ айтадиларки, Ибн Аббос (ташқарига чиққач) нуқул: «Уларнинг ўзаро ихтилофу шовқин-суронларининг Жаноб Расулulloҳга ўз васиятларини ёзиб қолдирмоқларига моненьлик қилгани мусибатлар мусибати бўлди!» — дер эрди».

3-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам шароитга қараб рухсат берса бўладирган нарсадан одамларни бутунлай маҳрум қилмасликни уқдирганлар!

Чунончи, ҳаж вақтида Жаноб Расулulloҳ одамлар эҳромларини ечгач: «Хотинларингиздан ўз насибангизни олингизлар!» — деб амр қилишлари бирлан шароитга қараб рухсат берса бўладирган нарсадан одамларни бутунлай маҳрум қилмаслик лозимлигини уқдирганлар. Жобир разияллоҳу анҳу: «Шунда Жаноб Расулulloҳ уларга хотинлардан насиба олмоқни шарт қилиб қўйганлари йўқ, балки буни ҳалол қилдилар холос», — дейдилар. Умму Атийя: «Биз (аёллар) жанозага эргашмоқдан қайтарилдик, аммо бу бизга шарт қилиб қўйилмади», — дейдилар.

Ато (ибн Абу Рабоҳ) ривоят қиладилар: «Жобир ибн Абдуллоҳдан бундай деб эшитдим: «Биз — Жаноб Расулulloҳнинг саҳобалари Умра қилмай, фақат ҳаж қилғаймиз деб таҳлил айтган эрдик. Аммо, Жаноб Расулulloҳ Зулҳижжа ойининг тўртинчи куни эрта бирлан Маккага келганларида эҳромларимизни ечиб, хотинларимиздан насиба олмоғимизга рухсат бердилар. Шунда буни бизга шарт қилиб қўймадилар, фақат хотинларимиз бирлан қўшилмоғимизни ҳалол қилдилар, холос. Чунки, Жаноб Расулulloҳга бизнинг «Закарларимиздан мазий томиб турган ҳолда Арафотга борғаймизми?» деган гапимизни етказишган эркан. Жаноб Расулulloҳ бизга: «Билурсизларки, мен Оллоҳ таолодан ҳаммангиздан кўра кўпроқ кўрқурмен ва унга садоқатлироқ ҳамда итоаткорроқмен. Эҳромларингизни ечингизлар! Бугун не қилмоғимни илгарироқ билганимда курбонлик олиб келмаган ва сизлар бирлан бирга эҳромимни ечган бўлур эрдим», — дедилар. Биз Жаноб Расулulloҳга қулоқ осиб эҳромимизни ечдик».

Абдуллоҳ ибн Алмазиний ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шомдан илгари намоз ўқингизлар!» — дедилар. Учинчи бор шундай деб қайтарганларида одамларга бу суннат бўлиб қолмасин деган бирлан: «Хоҳлаганлар», — деб қўшиб қўйдилар».

4-боб.

Оллоҳ таоло: «Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат бирлан ҳал бўлғайдур. Сен улар бирлан маслаҳатлашгил, чунки бирор ишга азму қарор қилмоқдан аввал маслаҳатлашиб олмоқ лозимдур!» — дейди. Оллоҳ таоло яна: «Бирор ишга азму қарор қилсанг, Оллоҳ таолога таваккал қилгил!» — дейди. Жаноб Расулulloҳ бирор ишга азму қарор қилдиларми, бўлди, уни албатта адо этур эрдилар, бул борада кимса йўқким, Оллоҳ таоло бирлан унинг расулидан ўтиб тушса! Чунончи, Жаноб Расулulloҳ Ухуд жангги куни жанг бошлаш ёким бошламаслик хусусида саҳобалари бирлан маслаҳатлашдилар, шунда улар жангга киришганимиз маъқул деб маслаҳат беришди. Жаноб Расулulloҳ умматларига уруш анжомларини кийдириб, жанг бошламоққа азм қилганларида, улар: «Тўхтангиз!» — дейишди. Аммо, ул зот бир ишга азм қилганларидан сўнг қайтмас эрдилар, шул боисдан ҳам энди уларнинг гапига эътибор бермадиларда: Пайғамбар ўз умматига жанг анжомларини кийдиргач, то Оллоҳ таолонинг фармони бўлмагунча, ечдирмаслиги лозимдур!» — дедилар.

Тухматчилар Оиша онамизга бўхтон қилганларида Жаноб Расулulloҳ Ҳазрат Али ва Усома бирлан маслаҳатлашдилар, уларнинг гапига қулоқ солдилар. Кейин, шул хусусда Қуръони Карим ояти нозил бўлгач, тухматчиларга дара урдирдилар, уларнинг гап-сўзларига эътибор бермай, фақат Оллоҳ таолонинг амрига итоат этдилар. Жаноб Расулulloҳ вафот этганларидан кейин, имомлар қилинмоғи жоиз деб топилган ишлар хусусида энг ишончли уламолар бирлан маслаҳатлашиб, осонроқ йўлни танлар эрдилар. Агар ҳал қилинмоғи лозим бўлган масала Қуръонда ёким суннатда мавжуд бўлса, булардан четга чиқмас эрдилар. Чунончи, Абу Бақр

закот тўламоқдан бош тортганларга қарши уруш қилмоқ лозим деб ҳисоблаганларида, Ҳазрат Умарга қарши қандай уруш қилғайсиз? Ахир, Жаноб Расулуллоҳ: «Одамлар «Ло илоҳа иллаллоҳу» деб айтмагунларига қадар уруш қилмоғим менга амр қилинди, агар шундай десалар, жону моллари мендан омон қолур!» — деганлар-ку!» — деди. Абу Бакр «Оллоҳ таоло ҳақи, Жаноб Расулуллоҳ иккиси ҳам тенг деб билган намоз бирлан закотни фарқлаган кишиларга қарши жанг қилғумдур!» — дедилар. «Абу Бакр сира маслаҳатга юрмади, — дейдилар Ҳазрат Умар, — чунким унинг илгида Жаноб Расулуллоҳнинг намоз бирлан закотни фарқлаган ҳамда дин унинг ҳукмларини ўзгартиришга интилганларга нисбатан чиқарган ҳукмлари мавжуд бўлиб, ул зот: «Кимки дилини ўзгартирса, уни ўлдиришга!» — деган эрдилар». Барча қорилар, улар хоҳ кекса ва хоҳ ёш бўлсин, Ҳазрат Умарнинг маслаҳатгўйлари эрдилар. Ҳазрат Умар Оллоҳ таоло Китобини қаттиқ туриб ҳимоя қилур эрдилар.

Убайдуллоҳ ривоят қиладилар «Бўхтончилар Оиша разияллоҳу анҳога тўхмат қилганда Жаноб Расулуллоҳ Али ибн Абу Толиб бирлан Усома ибн Зайдни ҳузурларига чақириб, улардан Оиша онамизнинг йўқолиб қолганлари хусусида суриштириб, маслаҳатлашдилар. Усома Оиша онамизнинг покдомон эрканликлари ҳақида ўзи билганча сўзлади. Ҳазрат Али эрсалар: «Оллоҳ таоло ҳеч қачон сизни ранжитмагайдир, хотинингиздан булак аёллар кўп-ку, чўридан сўраб кўрингиз, ул тасдиқлагай!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ чўридан: «Шубҳали бирор нарса кўрдингми?» — дедилар. Чўри: «Менинг фикримча, Оиша жуда ёш, болалик қилиб бирор жойда ухлаб қолган бўлиши керак ул шул қадар бўшанги, қўй келиб еб қўйган ҳамирга ўхшайдир», — деди. Шундан сўнг, Жаноб Расулуллоҳ минбарга чиқиб: «Эй мусулмонлар жамоаси, аёлим хусусида тўхмат қилиб менга озор берган одамнинг ёмонлиғига ёмонлиғ бирлан жавоб бермаганим учун мени маъзур тутгайсизлар. Оллоҳ таоло ҳақи, мен аёлимга хайриятдан ўзга нарсани истамагаймен!» — дедиларда, Оиша онамизнинг покдомон эрканликларини зикр қилдилар».

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ваъз айтдилар, сўнг Оллоҳ таолога муносиб ҳамду санолар ўқиғач: «Нечун қавм орасидан баъзилар менга тегизиб оиламни ҳақорат қилурлар, мен уларнинг бирор ёмонлиги борлигини билмагаймен?!» — дедилар»

Урва бундай дейдилар: «Тўхматчилар не деганларини Оишанинг ўзига айтишганда, ул: «Ё Расулаллоҳ, ижозат берингиз, ота-онам ҳузурларига бориб келсам!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ унга рухсат бериб, бир ёш болани ҳамроҳ қилиб юбордилар. Шунда ансорлардан бири: «Субҳоналлоҳ, биз бундай демаслигимиз керак эрди, субҳоналлоҳ, биз бундай демаслигимиз керак эрди, бул ғирт бўхтондур!» — деди».

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

ТАВҲИД КИТОБИ

1-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз умматларини Оллоҳ таборак ва таолони яккаю ягона деб эътиқод қилмоққа даъват қилганлари ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маозни Яманга юбораётиб бундай дедилар: «Сен аҳли китоб бўлмиш бир қавм ҳузурига кетаётирсен, дастлабки қиладирган ишинг шулким, уларни Оллоҳ таолони яккаю ягона деб эътиқод қилмоққа даъват қилғил! Агар сўзингга кирсалар, уларга Оллоҳ таоло бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқимоқни фарз қилганини айтгил! Бунга ҳам кўнсалар, айтгилки, Оллоҳ таоло уларнинг молларидан закот олмоқни ҳам фарз қилган бўлиб, бунда бойлардан олиб камбағалларга қайтарилгайдур. Агар шу айтганларингга иқрор бўлсалар, улардан закот олгил, аммо энг яхши молларини олмагил!».

Маоз ибн Жабал ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Ё Маоз, билурмисен, Оллоҳ таолонинг ўз бандаларидаги ҳақи недур?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билгайдур!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таолога ибодат қилиб, унга ҳеч нарсани ширк келтирмасликларидур» — дедилар. Сўнг: «Ё Маоз, билурмисен, бандаларнинг Оллоҳ таолодаги ҳақлари недур?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билгайдур!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «(Агар бандалар Оллоҳ таолонинг ҳақини адо этсалар), уларни азобламаслигидур», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Тунда бир одам иккинчи бир одамнинг «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўқиб такрорлаётганини эшитди. Тонг отгач, ул Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига борди-да, шу ҳақда гапириб уни камситди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, ул сура Қуръони Каримнинг нақ учдан бирига тенгдур!» — дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бир кишини Сарияга бошлиқ қилиб юбордилар. Ул ўз шерикларига имомлик қилиб ўқиган намозини нуқул «Қул ҳуваллоҳу аҳад» бирлан тамомлар эрди. Улар Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига қайтиб келишгач, шу ҳақда айтишди. Жаноб Расулulloҳ: «Сўрангизларчи, нечун ул бундай қилур эркан?» — дедилар. Улар сўрашган эрди, ул «Чунким «Сураи ихлос» Раҳмоннинг сифатидур, шу боисдан мен уни ўқимоқни яхши кўрурмен!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Унга айтингизлар, Оллоҳ таоло ҳам уни яхши кўрғайдур!» — дедилар».

2-боб. Оллоҳ таборак ва таолонинг «Оллоҳ деб даъват қилурмисен ёким ар-Раҳмон деб даъват қилурмисен, фарқи йўқдур, унинг барча исимлари гўзалдур, деб айтгил» деган ояти каримаси ҳақида

Жарир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларга раҳм қилмайдирган кишига Оллоҳ таоло ҳам раҳм қилмағайдур!» дедилар».

Усома ибн Зайд ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳнинг қизлари (Зайнаб): «Ўғлим жон таслим қилай деяпти, ота тезроқ келингиз!» — деб одам юборди. Ул зот бунга жавобан салом айтиб: «Фарзанд берадирган ҳам Оллоҳ, уни қайтариб оладирган ҳам Оллоҳ, уларнинг умри унинг даргоҳида аниқ белгилаб қўйилгандур. Оллоҳ таолодан ўзига сабру қаноат тилаб, унинг иродасига бўйинсунамен!» — деб айтиб юбордилар. Қизлари: «Отам албатта келсинлар!» —

деб яна одам юборди. Бул гапни эшитиб Жаноб Расулуллоҳ ўринларидан турдилар, ул зот бирлан бирга Саъд ибн Убода, Маоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бир қанча кишилар ҳам туриб йўлга тушдилар. Етиб боришгач, Жаноб Расулуллоҳга болани узатишди, бола суви йўқ мешдек қуригану, жон танасидан чиқиб кетайин деб тургандек эрди. Буни кўриб Жаноб Расулуллоҳнинг муборак икки кўзларидан дувуллаб ёш оқди. Шунда Саъд: «Ё Расулаллоҳ, бул не қилганингиздур?!» — деди. Ул зот: «Кўз ёши — Оллоҳ таолонинг ўз бандалари қалбига солган раҳмати бўлиб, ул раҳмдил бандаларига раҳм қилгайдур!» — дедилар».

3-боб. Оллоҳ таолонинг «Мен қудратли раззоқмен!» деган қавли хусусида

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолодан кўра сабрлироқ зот йўқдурким, ул ҳатто «Оллоҳнинг боласи бор деб даъво қилиб азият етказувчиларга ҳам омонлик бериб ризқ улашгайдур!» — дедилар».

4-боб. Оллоҳ таолонинг «Ғайбни билгувчи ўз айбини ҳеч кимга ошкор қилмағай», «Дарҳақиқат, қиёматнинг қачон бўлмоғини Оллоҳ таолонинг ўзи билғай», «Уни (Қуръонни) ўз илмила нозил қилган», «Ҳар бир аёл унинг илмила ҳомиладор бўлғай ва туғғай», «Қиёматнинг қачон бўлмоғини билмоқлик унга таъллуқлидур» деган қавллари хусусида

Яҳё ибн Зиёд: «Ҳар бир нарсанинг зоҳирлиги ҳам, ботинлиги ҳам Оллоҳ таолонинг илмига боғлиқдур», — дейдилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ғайб (Оллоҳ таолонинг ўзигагина маълум нарсалар)нинг бешта калити мавжуд бўлиб, уларни Оллоҳ таолонинг ўзигагина билгайдур: «) Бачадондаги ҳомиланинг ўғил ёким қизлигини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмагайдур. 2) Эртага не бўлмоғи Оллоҳ таолонинг ўзигагина аёндур, 3) Қачон ёмғир (ёким қор) ёғмоғини Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмагайдур. 4) Ким қаерда ўлмоғини Оллоҳ таолонинг ўзигагина билгайдур. 5) Қиёматнинг қачон бўлмоғини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмагайдур».

Масруқ разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Оиша онамиз бундай дедилар: «Кимки сенга: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолони кўрганлар» — деган бўлса, ёлғон айтибдур, чунким Оллоҳ таоло ўзини (фоний) кўз бирлан кўриб бўлмаслигини (Қуръонда) айтгандур. Кимки сенга: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайбни (инсон билолмайдирган нарсаларни) билурлар», — деган бўлса, ёлғон айтибдур, чунким Оллоҳ таоло ўзидан бўлак ҳеч кимса ғайбни билолмаслигини (Қуръонда) айтгандур».

5-боб. Оллоҳ таоло ўзини «Ассалом ул-мунину» («Ўз пайғамбарларига мўъжиза яратмоқ қудратини ато этиб, уларнинг ҳақ пайғамбарлар эрканликларини тасдиқ қилган Ассалом») дегани хусусида

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб намоз ўқиётган эрдик. Ташаҳҳудда «Ассалому алаллоҳи» деб айтиб эрдик, Жаноб Расулуллоҳ бизга: «Бундай демангизлар, чунким «Ассалом» Оллоҳ таолонинг исмларидандур. Аттахиййоту лиллоҳи вассалавоту ваттаййиботу, ас салому алайка аййухан-набиййу ва Раҳматуллоҳи ва баракотуху, ассалому алайно ва ало ибодиллоҳис-солиҳийн ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳу вашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу» деб айтингизлар», —

дедилар».

6-боб. Оллоҳ таоло ўзини «Малик ун-носи» («Инсонларнинг подшоҳи») дегани хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Оллоҳ таоло Қиёмат куни ерни эзиб, ўнг қўли бирлан (ўз қудрати бирлан) осмонларни (думалоқ қилиб) ўраб ташлайдирда, сўнг: «Мен подшоҳдурмен, ернинг подшоҳлари қани?» — дейдир

7-боб. Оллоҳ таолонинг «ва ул азизу ҳақимдур, барча тавсифу таъриф қилғувчи иззат соҳиби бўлмиш раббингга шон-шарафлар бўлсинким, иззат Оллоҳ ва унинг расулига мансубдур» деган қавли хусусида ҳамда Оллоҳ таолонинг иззати ва сифатларини тилга олиб онт ичганлар ҳақида

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаҳаннам (қиёмат куни дўзахийларга тўлиб кетгач), «Иззатинг ҳақи, бўлди, бўлди!» деб айтадир», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Қиёмат куни жаннат бирлан дўзах оралиғида бир киши қолгайдур, ул жаннатга энг кейин киргувчи бандадур. Шунда ул: «Эй парвардигоро, юзимми дўзахдан ўгириб қўйгил, иззатинг ҳақи, бундан бўлак нарсани илтимос қилмагаймен!» — дейдир. Шунда Оллоҳ таоло (иноят қилиб): «Мана бул ҳам, бундан ўн баробар кўп мана булар ҳам сенга бўла қолсин!» — дейдир. Бояги банда: «Иззатинг ҳақи, баракотингга доим муҳтож эрурман!» — дейдир».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Яккаю ягона Оллоҳ эрканлигинг ҳамда жину инсонлар ўлиб сен ҳамиша барҳаёт қолмоқлигинг ҳаққи-хурмати, барча ёмонликлардан мени ўзинг асрагайсен!» — дер эрдилар».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Гуноҳкорларни дўзахга олиб келиб ташлайвергайлар, дўзах эрса, Раббулолабийн унга ўз қадамини қўймагунча «Яна бормидур» деб сўрайвергай, кейин юмилиб олгада: «Иззату караминг ҳақи, бўлди, бўлди!» — дегай. Жаннат эрса, солиҳ бандаларга тўлиб-тошиб кетса ҳам қабул қилавергай, ҳатто Оллоҳ таоло қўшимча яна бир жаннат яратиб, сиғмай қолган солиҳ бандаларни ўшанга жойлаштиргайдур.

8-боб. Оллоҳ таолонинг «Осмонлар бирлан ерни «кун!» («вужудга келгил!») деган биргина сўзи бирлан яратган (Оллоҳнинг) ўзидур!» деган қавли хусусида

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда таҳажжуд қилиб қуйидаги дуони ўқир эрдилар: Ё парвардигоро, жамики мақтовлар сенга хосдур! Еру осмонлар ва ундаги борликнинг ёруғлиги сендандур, жамики мақтовлар сенга хосдур! Сен еру осмонларнинг ва ундаги борликнинг яратувчиси ва бошқариб тургувчисидурсен, жамики мақтовлар сенга хосдур! Сен ҳақдурсен, ваъданг ҳам ҳақдур, сўзинг ҳам ҳақдур, охиратда сени кўрмоқ ҳам ҳақдур, жаннат ҳам ҳақдур, дўзах ҳам ҳақдур, қиёмат ҳам ҳақдур, жамики пайғамбарлар ҳам ҳақдур, Муҳаммад ҳам ҳақдур! Ё парвардигоро, сенга бўйинсундим ва сенга таваккал қилдим, сенга иймон келтирдим ва дилдан сенга тавба қилдим, сени деб (душманларинг бирлан) курашдим, уларга ўзинг жазо бергайсен, ўтган ва келгуси

гуноҳларимни, хуфёна ва ошкора хатоларимни ўзинг кечиргил, сен яккаю яғонадурсен, сендан бўлак илоҳ йўқдур!».

Суфён (ас-Саврий): «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам «Сен ҳақсен, сўзинг ҳам ҳақдур!» деб дуо ўқидилар», — дейдилар».

9-боб. Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ доимо эшитиб, кўриб тургайдур!» деган қавли ҳақида

Урва ривоят қиладилар: «(Оиша разияллоҳу анҳо Байтуллоҳ ёнида туриб Жаноб Расулulloҳ бирлан айтишиб қолдилар. Буни эшитиб, кўриб турган Оллоҳ таоло пайғамбаримиз алайҳиссаломга оят нозил қилди). Шунда Оиша разияллоҳу анҳо: «Қулоқларига овозларни етказган Оллоҳ таолога шукрлар бўлсин! — дедилар. Ўшанда Оллоҳ таоло қуйидаги ояти каримасини нозил қилган эрди: «Оллоҳ хотинингнинг сен бирлан айтишиб айтган сўзини эшитди!».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Биз Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга сафарда эрдик. Шунда ҳар гал тепаликка кўтарилганимизда бор овозимиз бирлан «Оллоҳу акбар!» дер эрдик. Жаноб Расулulloҳ буни эшитиб: «Ўзларингизни авайлангизлар, чунким сизлар қулоғи кар ёким ғоибий бир кимсага эрмас, балким доимо ёнгинангизда эшитиб ва кўриб тургувчи Оллоҳ таолога дуо айтаётирсизлар!» — дедилар. Сўнг, ул зот, мен ичимда «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ!» деб турганимда, ёнимга келдиларда: «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс, «Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ!» деб айтгил, чунким бул жаннат хазиначаридан биридур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: «Абу Бакр Сиддиқ Жаноб Расулulloҳга: «Ё Расулаллоҳ, менга намозда ўқийдирган бир дуо ўргатсангиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ: «Қуйидаги дуони айтгил!» — дедилар: «Ё парвардигоро, дарҳақиқат мен (гуноҳ ишлар қилиб) ўзимга кўп зулм қилдим, гуноҳларни эрса, сендан бўлак кечгувчи зот йўқдур, мени кечиргил, мағфиратингдан бенасиб қилмагил, менга раҳм қилгил, мағфиратли раҳмдил зот ўзинг эурсан!».

Урва ибн аз-Зубайр Оиша онамиздан нақл қиладилар. «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаброил алайҳиссалом менга «Оллоҳ таоло қавмингнинг сенинг сўзингни рад қилиб не деб жавоб берганини эшитди!» деб нидо қилдилар», — дедилар».

10-боб. Оллоҳ таолонинг «Ул қодирдур, деб айтгил!» деган қавли ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бизга Қуръони Карийм сураларини ўргатганларидек ҳар бир ишда истихора айтмоқни (ўзинг билган нарсадан мени огоҳ қилгайсен, деб илтижо қилмоқни) ҳам ўргатур эрдилар. Ул зот бизга: «Агар бир ишга бел боғласангиз, аввал икки ракъат фарзсиз намоз ўқингиз, сўнг мана бул дуони айтингиз!» — дедилар: «Илоҳи, мени илмингдан (ўзинг билган нарсадан) огоҳ қилгил, қудратинг ила бардам қилгил, чексиз фазлу карамингдан баҳраманд этгил! Сен қодирдурсан, мен ожиздурман, сен донодурсан, мен нодондурман ва сен барча ғайбдан воқифдурсан! Илоҳи, мен бел боғлаган иш динимга, ҳаётимга ҳамда касбу коримга яхшилик келтирадирми, йўқми, ўзинг билгайдурсан. Агар яхшилиғ келтирадирган бўлса, уни менга насиб айлаб, осон қилгил ва унга баракот ато этгил! Илоҳи, мен бел боғлаган иш динимга, ҳаётимга ва касбу коримга ёмонлиғ келтирадирми-йўқми, ўзинг билгайдурсан. Агар ёмонлиғ келтирадирган бўлса, уни

мендан, мени ундан йироқ қилгил, менга яхшилиғ келтирадирган ишни раво кўриб, рози қилгил!».

11-боб. Қалбларни ўзгартирувчи зот ҳақида

Оллоҳ таоло: «Биз уларнинг қалблари бирлан кўзларини (фаҳму фаросатларини) ўзгартирурмиз!» — дейди.

Абдуллоҳ (ибн Умар) ривоят иладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпинча: «Қалбларни ўзгартирувчи зот ҳақи, (бундай қилмагаймен ёким бундай демагаймен!» — деб қасамёд қилур эрдилар».

12-боб. Оллоҳ таолонинг бир ҳам юзта исми борлиги ҳақида

Ибн Аббос: «Зул-Жалол — Буюклик соҳиби, ал-Барр — Латиф демақдир», — дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта, яъни бир ҳам юзта исми бордур. Кимки уни ёддан билса, жаннатга киргай», — дедилар».

13-боб. Оллоҳ таолонинг исмларини айтиб илтижо қилмоқ ва паноҳ тиламоқ ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Агар ўрнингизга кириб ётмоқчи бўлсангиз, дастлаб кўрпа-тўшагингизни либосингиз этаги бирлан уч бор қоқиб ташлангиз, сўнг «Ё парвардигоро, сенинг исмингни айтиб ёнбошладим ва сенинг исмингни айтиб тургайман! Агар (уйқумда) жонимни олсанг, уни мағфират қилгил, башарти тирик қолдирсанг, уни солиҳ бандаларинг жонини қандай асрасанг, шундай асрагил!» деб дуо ўқингиз».

Ҳузайфа ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар ўринларига кириб ётсалар: «Ё парвардигоро, сенинг исмингни айтиб тирилгаймен ва сенинг исмингни айтиб ўлгаймен!» — дер эрдилар. Агар уйғонсалар: «Бизни ўлдиргандан сўнг тирилтирган ва инсонлар қайта тирилиб даргоҳига борадирган Оллоҳ таолога шукр!» — деб айтур эрдилар».

Абу Зарр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда ўринларига кириб ётсалар: «Ё парвардигоро, сенинг исмингни айтиб ўлгаймиз ва сенинг исмингни айтиб тирилгаймиз! — дер эрдилар. Уйғонсалар: «Бизни ўлдиргандан сўнг тирилтирган ва ўзимиз қайта тирилиб даргоҳига борадирган Оллоҳ таолога шукр!» — деб айтур эрдилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Биронгангиз аёлингиз бирлан жимоъ қилмоқчи бўлсангиз, «Бисмиллоҳи, ё парвардигоро! Бизни шайтондан, шайтонни эрса бизга ато этажагинг фарзандимиздан йироқ қилғил!» деб дуо айтингиз. Агар шунда Оллоҳ таоло сизга фарзанд ато этса, шайтон унга асло зарар етказа олмагайдур».

Адий ибн Ҳотим ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳдан: «Овга ўргатилган итимни қўйиб юборсаму ул ўлжа тутиб келса, менга ул ҳалол бўлгайми?» — деб сўрадим. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар овчи итингни қўйиб юбораётганинда Оллоҳ таолонинг исмини тилга олган эрсанг, тутиб келган ўлжасини еябергил, ўзинг найза отиб ўлжани йиқитсанг ҳам еябергил!» —

дедилар».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Одамлар Жаноб Расулуллоҳга: «Ё Расулаллоҳ, шул атрофда яқиндагина мушрикликдан халос бўлиб исломга кирган қавмлар бор, улар бизга гўшт келтириб турадилар. Улар ўз ҳайвонларяни сўяётиб Оллоҳ таолонинг исмини айтадиларми, йўқми, бундан беҳабармиз», — дейишди. Шунда ул зот: «Ўзларингиз Оллоҳ таолонинг исмини айтингизда, еяберингизлар!» — дедилар».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қўчқорни қурбонлик қилдилар. Шунда ҳар бири учун алоҳида: «Бисмиллоҳи, Оллоҳу акбар!» — дедилар».

Жундуб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Курбон хайитининг хайит намозини ўқиб бўлгач, хутба айтдилар, сўнг: «Кимки хайит намозидан илгари қурбонлик қилиб қўйган эрса, ўрнига бошқасини сўйсин ва кимки ҳали сўймаган эрса, Бисмиллоҳи, Оллоҳу акбар!» деб сўйсин!» — дедилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оталарингиз номи бирлан қасам ичмангизлар, кимки қасам ичмоқчи эрса, Оллоҳ таолонинг исмини айтиб қасам ичсин!» — дедилар».

14-боб. Оллоҳ таолонинг ўзи танҳо илоҳ эрканлиги, унинг сифатлари ва исмлари ҳақида

Амр ибн Абу Суфён ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайрининг менга айтганига қараганда, Жаноб Расулуллоҳ (исломни ўргатмоқ учун қорилар юборилмоғини сўраб, кейин макр ила уларни ўлдирган) бир қавмга ўн кишини жўнатибдилар, уларнинг ораларида Хубайб ал-Ансорий ҳам бор эркан. Кейин, Убайдуллоҳ иби Иёз менга хабар бердики, ал-Ҳараснинг қизи унга қуйидагини айтиб берган эркан: «Ўшал қавм қатл қилмоққа тўпланганда Хубайб ал-Ансорий Оллоҳ таолонинг даргоҳига покиза бўлиб бормоқ учун ундан устара сўрабди. Кейин, уни ўлдирмоққа олиб чиқишибди. Шунда ул қуйидаги шеърни ўқибди:

*«Мусулмон ҳолда ўлсам, зарра парвойимга келмас,
Қайси ён бирла йиқилмоғимни Оллоҳ фарқламас!
Саховат соҳиби бўлмиш ўзи танҳо илоҳимга,
Қийма-қийма жисмима бермоқ савоб ҳеч гап эмас!»*

Кейин, уни Ибн ал-Ҳарас қатл қилибди. Жаноб Расулуллоҳ улар шаҳид бўлган куни саҳобаларини бундан хабардор қилдилар».

15-боб. Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ сизларни ўзидан тақво қилмоққа чорлайди» ва «(Эй парвардигоро) сен менинг кўнглимдагини билурсан, мен эрсам, сенинг кўнглингдагини билмасмен» дсган қавллари ҳақида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолодан кўра рашклироқ зот йўқдур, шул боисдан ҳам ул фаҳш ишларни манъ қилди. Шунингдек Оллоҳ таолодан кўра мақтовни ёқтирадирганроқ зот ҳам йўқдур», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло яратмоқ ишидан халос бўлгач, (фариштага ёким қаламга амр қилиб) ўз даргоҳидаги Арш устига қўйилган Китобига ўзининг хусусида «Менинг раҳматим ғазабимни

мағлуб этгайдур!» деб ёздирди»

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло бундай дейди», — дедилар: «Менинг бандамга муносабатим унинг менинг ҳақимдаги фикру ўйига боғлиқ бўлиб, агар мени ёд этса, ҳамиша унга ёрмен! Агар ул мени кўнглида ёд этса, мен ҳам уни кўнглимда ёд эттаймен, агар ул мени кўпчилик орасида ёд этса, мен ҳам уни ундан афзалроқ кўпчилик ичида ёд этгаймен. Агар ул менга бир қарич яқинлашса, мен унга бир тирсак яқинлашгаймен, агар ул менга бир тирсак яқинлашса, мен унга бир қулоч яқинлашгаймен, агар ул мен томон юриб келса, мен ул томон чоғиб боргаймен!».

16-боб. Оллоҳ таолонинг «Унинг ўзидан бўлак ҳамма нарса ҳалок бўлғувчидур» деган қавли хусусида

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Қуйидаги «Ул, қодирдур, сизларнинг тепангиздан азоб юбормоққа айтгил!» деган ояти карима нозил бўлганда, Жаноб Расулulloҳ: «Ўз паноҳингда асрагил!» — дедилар, Оллоҳ таоло: «... ёким оёқларингиз остидан (азоб юбормоққа қодирдур)» — деганда ҳам «Ўз паноҳингда асрагил!» — дедилар. Оллоҳ таоло: «... ёким сизларни турли гуруҳларга бўлиб ташлашга (қодирдур)» — деганда эрса, «Бул энгилроқдур», — дедилар».

17-боб. Оллоҳ таолонинг «Ул чақалоқ Мусо кўзларим олдида униб ўсади» ва «Нух кемаси бизнинг назоратимиз туфайли сузади» деган қавллари хусусида

Абдуллоҳ (ибн Умар) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида Дажжол ҳақида гап кетди. Шунда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло сизларга ўзининг кўр эрмаслигини ошкора айтадир», — дедиларда, қўллари бирлан кўзларига ишора қилдилар. Сўнг, давом этиб «Масиҳ Дажжолнинг эрса, ўнг кўзи кўр бўлиб, сув бетида қалқиб турган узум донасига ўхшайдур», деб айтдилар».

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло юборган ҳар бир пайғамбар ўз қавмини бир кўзи кўр каззоб Дажжолдан эҳтиёт бўлмоқни айтиб огоҳлантирган, сизларнинг парвардигорингиз эрса, кўр эрмасдур. Дажжолнинг икки кўзи ўртасига кофир деб ёзиб қўйилган».

18-боб. Оллоҳ таолонинг «Ул яратгувчи, йўқдан бор қилгувчи, қиёфа (шакл) бергувчидур» деган қавли ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий Бану Мусталақ ғазоти хусусида бундай дедилар: Мусулмонлар кўп асир олдилар. Сўнг, асирларни жимоъ қилмоқчи бўлдилару, лекин уларнинг ҳомиладор бўлиб қолмоқларидан чўчиб, Жаноб Расулulloҳдан хомиладор қилиб қўймаслик йўлини сўрадилар. Шунда ул зот: «Бул сизнинг ихтиёрингизда эрмас, Оллоҳ таоло қиёматга қадар яратадирганларини тақдир қилиб битиб қўйгандур, — дедилар». Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло яратмаган бирорта ҳам яратилган жон йўқдур», — деб айтган эрканлар. Бунини Мужоҳиднинг айтишига қараганда, Қазъа Абу Саъиддан эшитган эркан.

19-боб. Оллоҳ таолонинг «Ўз қўлим (қудратим) бирлан яратган Одамга нечун сажда қилмайсен?» деган қавли хусусида

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай

дедилар: «Оллоҳ таоло қиёмат куни бизнинг мана шул йиғинимиз каби мўминларни маҳшарга тўплагайдур. Шунда улар: «Бизни бул турган еримиздан халос қилиб, ўзга яхшироқ жой ато этмоғи учун раббимиздан шафоат тилайлик!» — дейишгайдур. Сўнг, улар Одам алайҳиссаломнинг қошларига келиб: Эй Одам алайҳиссалом! Одамларнинг ҳолидан хабар олмагайсизми? Оллоҳ таоло сизни ўз қўли (қудрати) бирлан яратиб, сизга фаришталарни сажда қилдирган ва ҳар бир нарсанинг исмини ўргатган, раббимиздан бизга шафоат тилаб берингиз, бизни бул ердан халос қилсин!» — дейишгайдур. Одам алайҳиссалом уларга «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» деб қилган гуноҳларини эслаб гапиргайларда: «Нухнинг ҳузурларига борингизлар, ул киши Оллоҳ таоло юборган биринчи пайғамбар бўладирлар!» — дегайлар. Улар Нух алайҳиссаломнинг қошларига боргайлар. Ул киши ҳам «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» деб қилган гуноҳларини эслагайларда: «Иброҳимнинг қошларига борингизлар, Оллоҳ таоло ул кишини «халилим» (дўстим) деб атаган!» — дегайлар. Улар Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳузурларига боргайлар. Ул киши ҳам «Мен сизлар ўйла ганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен» деб қилган гуноҳларини эслагайлар, сўнг: «Мусонинг қошларига борингизлар, Оллоҳ таоло ул кишига тавротни нозил қилган ва ул киши бирлан сўзлашган!» — дегайлар. Улар Мусо алайҳиссаломнинг ҳузурларига боришгай. Ул киши ҳам «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен, Исонинг қошига борингизлар!» — деб айтгайлар. Шунда улар Исо алайҳиссаломнинг ҳузурларига боргайдирлар. Ул киши ҳам «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуқга эга эрмасмен, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига борингизлар, чунким Оллоҳ таоло ул зотнинг собиқ ҳамда келгуси гуноҳларини мағфират қилгандур!» — дегайлар. Шундан сўнг, улар менинг ҳузуримга келгайдурлар. Мен раббимдан изн сўрагайдурман, ул менга изн бергайдур. Сўнг, раббимни кўргач, унга сажда қилгайдурман. Раббим мени ўзи хоҳлаганча саждада қолдиргайдур. Сўнг, менга: «Эй Муҳаммад, бошингни кўтаргил, сўрагил, сўраганинг берилгайдур, сўзлагил, сўзингга қулоқ солингайдур, шафоат тилагил, шафоат қилингайдур», — деб айтгай. Шунда мен бошимни кўтариб, раббимни ўзи менга ўргатган ҳамду саноларки айтиб олқишлагайдурмен. Шундан кейин шафоат тилагайдурмен. Оллоҳ таоло менга муайян қавмларга шафоат қилмоқ ҳуқуқини бергайдур. Сўнг, уларни жаннатга олиб киргаймен. Кейин, Оллоҳ таолонинг даргоҳига қайтиб боргайманда, раббимни кўргач, сажда қилгайман. Раббим мени ўзи хоҳлаганча саждада қолдиргайдур. Сўнг, менга: «Эй Муҳаммад, бошингни кўтаргил, сўзлагил, сўзингга қулоқ солингайдур, сўрагил, сўраганинг ато этилгайдур, шафоат тилагил, шафоат қилингайдур!» — дегай. Мен бошимни кўтариб раббим ўзи ўргатган ҳамду саноларни айтгайманда, ундан шафоат тилагаймен. Раббим менга муайян қавмларга шафоат қилмоқ ҳуқуқини бергай. Мен уларни жаннатга олиб киргаймен. Кейин, яна раббимнинг ҳузурига қайтиб келгаймен. Уни кўргач, сажда қилгаймен. Раббим мени ўзи хоҳлаганча саждада қолдиргай. Сўнг, менга: «Эй Муҳаммад, бошингни кўтаргил, сўзлагил, сўзингга қулоқ солингай, сўрагил, сўраганинг берилгай, шафоат тилагил, шафоат қилингай», — дегай. Мен бошимни кўтариб раббим ўзи ўргатган ҳамду саноларни айтгайманда, ундан шафоат тилагаймен. Раббим менга муайян қавмларга шафоат қилмоқ ҳуқуқини бергай, мен уларни жаннатга олиб киргаймен. Кейин, яна раббимнинг ҳузурига қайтиб бориб: «Ё раббим, Қуръон ҳукми ила ҳибсга олинганлардан ва абадий дўзахийлардан бошқа бирорта ҳам одам жаҳаннамда қолмади!» — деб айтгаймен». Жаноб Расулulloҳ сўзларида давом этиб: «Ло илоҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида арпа доничалик эзгулиги бўлган инсонлар дўзахдан чиқарилгай, улардан кейин «Ло илоҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида буғдой доничалик эзгулиги бўлганлар, улардан сўнг эрса, «Ло илоҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида заррадек эзгулиги бўлганлар дўзахдан чиқарилгайдур!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таолонинг қўли (бандаларига берадирган анвои неъмат ва ажру савобларга) лиқ

тўладир, кечаю-кундуз сарф қилгани бирлан сира камаймагайдур. Кўрдингизларми, еру осмонларни яратганидан буён қанча сарфласа ҳам унинг қўлидаги нарсалар озаймагайдур!». Жаноб Расулulloҳ «Унинг Арши сув устида бўлиб, бир қўлидаги таразунинг паллаларини дам кўтариб, дам тушириб турган», — деб ҳам айтганлар», — дейишадир».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло киёмат куни ерни ушлаб эзади ва осмонларни ўнг қўли бирлан (қудрати бирлан) юмалоқ қилиб ўраб ташлайдида «Мен подшоҳмен!» — дейди», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Бир яҳудий Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Муҳаммад, Оллоҳ таоло бир бармоғи бирлан осмонларни, бир бармоғи бирлан ерларни, бир бармоғи бирлан тоғларни, бир бармоғи бирлан дарахтларни ва бир бармоғи бирлан халойиқни ушлаб туриб: «Мен подшоҳмен!» — дейди», — деди. Жаноб Расулulloҳ буни эшитиб шундай кулдиларки, хатто озиқ тишлари кўришиб кетди, сўнг «Оллоҳ таолони ўзига муносиб қадрламадилар!» деган ояти каримани ўқидилар». Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Жаноб Расулulloҳ яҳудийнинг бу гапидан таажжуб ва тасдиқ қилиб кулдилар», — дейдилар.

20-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Оллоҳ таолодан кўра рашклироқ зот йўқдур!» деганлари ҳақида

Муғйра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Саъд ибн Убода: «Агар мен хотинимни бошқа эркак бирлан ётганини кўриб қолсам, уни (эркакни) қиличимни бети бирлан урмай, шарта чопиб қўя қолур эрдим!» — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг бўлганини эшитиб: «Сизлар Саъднинг рашкидан таажжуб қияпсизларми? Оллоҳ таоло ҳақи, мен ундан рашклироқмен, Оллоҳ таоло эрса, мендан ҳам рашклироқдур! Оллоҳ таоло ҳам рашкли эрканлигидан барча ошкора ва хуфия фаҳш ишларни ҳаром (манъ) қилди. Оллоҳ таоло ҳар ишда далилу ҳужжатни яхши кўрғувчи бўлиб, шул боисдан ҳам ўз бандаларига башоратчи ва огоҳлантирувчи қилиб пайғамбар юборди. Оллоҳ таолодан кўра мақтовни хушлағувчи зот йўқдур, шунинг учун ҳам ул жаннатни ваъда қилгандур, — дедилар».

21-боб.

Оллоҳ таоло «Айтгил, қайси нарса кўпроқ шоҳиддур (гувоҳдур)?» деган қавлида камтарлик қилиб ўзини «нарса» деб атагандур. Жаноб Расулulloҳ Қуръони Каримни «нарса» деб атадилар, «нарса» эрса, Оллоҳ таолонинг сифатларидан биридур. Оллоҳ таоло: «Унинг ўзидан бўлак ҳамма нарса ҳалок бўлғувчидур!» — деб айтган.

Саҳл ибн Сиъд ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишига «Сен Қуръондан бирор нарса (сура) билурмисан?» — дедилар: Ул: «Ҳа, фалон ва фалон сураларни билурман», — деб ёд олган сураларни тиловат қилди».

22-боб. «Оллоҳнинг Арши сув устида эрди ва ул Буюк Арш соҳибидур!»

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларида эрдим, Бану Тамим қавми кириб келди. Жаноб Расулulloҳ: «Ё Бану Тамим қавми, ўзларингизнинг жаннатга кирмоғингиз ҳақидаги башоратни қабул қилингизлар!» — дедилар. Улар: «Бизга башорат қилдингиз, энди нақдини берингиз!» — дейишди. Кейин, бир гуруҳ яманликлар киришди. Жаноб Расулulloҳ уларга: «Ё Яман яҳли, башоратни қабул қилингизлар, чунким уни Бану Тамим қабул қилмади!» — дедилар. Улар: «Қабул қилдик ё Расулаллоҳ! Биз ҳузурингизга

динни ўргатсангиз деб келдик ва шул ҳақдагина сиздан сўрамагаймиз» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Оллоҳ таоло азалдан мавжуд ва ундан илгари ҳеч нарса бўлмаган, унинг Арши сув устида бўлган, кейин ул осмонлар бирлан ерни яратди ва Лавҳга барчасини ёзиб қўйди», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таолонинг ўнг қўли доим неъматларга тўладур, сарф қилган бирлан сира озаймағай, кечаю кундуз мўллигидан тўкилиб турадир. Кўрдингизларми, осмонлар бирлан ерни яратгандан буён қанча сарф қилган бўлса ҳам сира камаймаган! Унинг Арши сув устида бўлиб, бир қўлида файзу баракот мавжуд».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Ҳижоб ҳақидаги оят Зайнаб бинти Жаҳш ҳақида нозил бўлган. Ул Жаноб Расулulloҳнинг бошқа хотинларига фахрланиб: «Оллоҳ таоло мени (Жаноб Расулulloҳга) осмонда никоҳлаб қўйган!» — дер эрди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар «Оллоҳ таоло бутун махлуқотни яратиб бўлгач, «Менинг раҳматим ғазабимни мағлуб этадир!» деб Лавҳга ёзиб қўйди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Оллоҳ таолога ва унинг расулига иймон келтирса, намоз ўқиса ва рўза тутса, Оллоҳ таоло йўлида ҳижрат қилмаганлиги ва туғилган еридан ҳеч ёққа чиқмаганлигига қарамай, Оллоҳ таоло унга жаннатга кирмоқ ҳуқуқини ато этгайдур», — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, бул хушxabарни одамларга айтайликми?» — дейишди. Ул зот: «Жаннатда юзта даража мавжуд бўлиб, Оллоҳ таоло уларни ўз йўлида жиҳод қилганлар учун тайёрлаб қўйгандур. Ҳар бир даражанинг оралиғи ер бирлан осмон ўртасидаги масофачалик келадир. Оллоҳ таолодан тиласангиз, Фирдавсни тилангиз, чунким, ул жаннатнинг энг ўртаси ёким энг аълосидур. Унинг тепасида Раҳмоннинг Арши жойлашган бўлиб, ундан жаннатнинг дарёлари оқиб чиқгайдур», — дедилар».

Абу Зарр ривоят қиладилар: «Мен масжидга кирсам, Жаноб Расулulloҳ ўлтирган эрканлар. Қуёш ботгач, менга: «Эй Абу Зарр! Бул (қуёш) қаёққа кетаётганини билурмен?» — дедилар. Мен: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билгайдур!» — дедим. Ул зот: «Қуёш Оллоҳ таолога сажда қилмоқ учун рухсат сўргали кетаётир, унга рухсат берилгай ва гўёким «Келган ерингдан (бул ерга яна) қайтиб келгил!» деб қўйилгандек ботган еридан қўзғолиб (эртасига) яна қайтиб чиқгайдур», — дедиларда, «Бул унга азалдан тақдир қилингандур» деган ояти каримани тиловат қилдилар».

Зайд ибн Собит ривоят қиладилар: «Абу Бакр менга амр қилиб эрдилар, Қуръони Карим оятларини йиға бошладим. «Сураи Тавба»нинг охирини Абу Ҳузайма ал-Ансорийдан топдим, уни бошқалардан тополмаган эрдим. «Лақад жоакум расуулун мин анфусикум» дан то «Бароат сураси»нинг охиригача».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор нарсадан ташвиш чексалар: «Ҳамма нарсадан бохабар, кўнгилчан Оллоҳдан бўлак тангри йўқдур, Буюк Арш соҳиби бўлмиш Оллоҳдан бўлак тангри йўқдур, еру осмонлар ҳамда саховатли Арш соҳиби бўлмиш Оллоҳдан бўлак тангри йўқдур!» — дер эрдилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Киёмат куни сизлар яшин ургандек беҳуш бўлиб йиқилгайсизлар, шунда қарасам, Мусо алайҳиссалом Арш устунларидан бирини ушлаб турган бўладирлар», — дедилар.

Абу Салама Абу Ҳурайрадан нақл қиладилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киёмат куни мен биринчи бўлиб тирилтирилгаймен, шунда Мусо алайҳиссалом Аршни ушлаб турган бўладилар», — дедилар».

23-боб. Оллоҳ таолонинг «Фаришталар ва Рух (Ҳазрат Жаброил) унга (Аршга) кўтарилади» ва «Унга (Аршга) яхши сўз олиб чиқилади» деган қавли ҳақида

Ибн Аббос ривоят қиладилар «Абу Заррни Жаноб Расулуллоҳга ваҳий келаётганидан хабардор қилишганда, ул укасига: Осмондан ўзига хабар келаётганини даъво қиладиган ўшал одам ҳақида менга сўзлаб бергил!» — деди».

Мужоҳид бундай дейдилар: «Кишининг амали солиҳлари унинг ҳақида Аршга яхши сўз олиб чиқилмоғига сабаб бўладир, яхши сўзни эрса, Оллоҳ таолога фаришталар етказгайлар. Бундай сўз меърожға муносиб сўз дейиладир». Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кечаси бир гуруҳ фаришталар ва кундузи бир гуруҳ фаришталар навбатма-навбат ораларингизда бўладирлар. Аср ва бомдод намозларида ҳар икки гуруҳ тўпланади. Сўнг, ўз навбатини ўтаб бўлган фаришталар Аршга кўтариладилар. Оллоҳ таоло ўзи улардан яхшироқ билса ҳам «Бандаларимки қай аҳволда тарк этдингизлар?» — деб сўрайдир. Улар: «Қайтиб келаётганимизда ҳам, борганимизда ҳам намоз ўқишаётган эрдилар», — дегайлар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ҳалол топган молидан бир дона хурмочалик садақа (эҳсон) қилгайдур, Оллоҳ таолога унинг фақат яхшилиги ҳақида хабар олиб чиқилгайдур! Оллоҳ таоло унинг эҳсонини ўнг қўли билан қабул қилиб олиб, тойчоқни боқиб катта қилганингиз сингари тоғдек қилиб ўзига қайтаргайдур» — дедилар».

Абу Саъид ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳга бироз тилла юборишиб эрди, уни тўрт кишига бўлиб бердилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Ҳазрат Али Ямандалик кезларида Жаноб Расулуллоҳга куму турпоқдан тозаланмаган тилла юбордилар, уни ал-Акраъ ибн Ҳобис ал-Ҳанзалий, Бану Мужошиъ қабиласидан бир киши, Уяйна ибн Бадр ал-Физорий, Алқама ибн Улоа ал-Омирий, Бану Килоб қабиласидан бир киши, Зайд ал-Хайл ат-Тоий ва Бану Набҳон қабиласидан бир киши ўртасида тақсимлаб бердилар. Бундан Қурайш қабиласи ва ансорлар ғазабланишиб «Нечун Нажд зодагонларига бердилару, бизга бермадилар?!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Мен уларни ўз томонимизга оғдирмоқчимен», — дедилар. Шунда кўзлари ичига чўккан, дўнг пешона, серсоқол, ёноқлари бўртиб чиққан ва сочи тап-тақир олинган бир киши келиб: «Эй Мухаммад! Оллоҳдан кўрқгил!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар мен пайғамбар бўлатуриб Оллоҳга осийлик қиладирган бўлсам, унда ким ҳам Оллоҳга итоат этарди! Оллоҳ таоло ишониб мени бутун ер юзи халқларига пайғамбар қилиб қўйгаи бўлса-ю, сизлар менга ишонмасангизлар?!» — дедилар. Қавм орасидан бир киши (менимча Холид ибн Валид) чиқиб бояги одамни ўлдирмоқни талаб қилди. Жаноб Расулуллоҳ рухсат бермадилар. Ул одам кетгач, Жаноб Расулуллоҳ бундай дедилар: «Мана шул одамнинг пуштидан бўлган бир қавм чиқадир, улар Қуръонни бўғизларидан ичкарига ўтказмай (яъни, тил учида) ўқийдилар, камондаги ўқдек исломдан чиқадирлар, ислом аҳлини ўлдирадирлар ва одамларни

бутпарастликка даъват қиладилар. Мен ўшал даврда бўлсам, уларни Од қавми ўлдирилгани сингари ўлдирган бўлур эрдим!».

Абу Зарр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Қуёш ўз қароргоҳи томон оқади (ҳаракат қилади)» деган ояти карима хусусида сўрадим. Ул зот: «Унинг қароргоҳи Арш остидадур», — дедилар».

24-боб. Оллоҳ таолонинг «Ўшал куни мўминларнинг чеҳралари парвардигорларига кулиб қараб тургайдур» деган қавли хусусида

Жарир ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирган эрдик тўлин ой кечасидаги ойга термулиб қарадиларда, бизга: «Сизлар қиёмат куни бир-бирингизга ҳалал бермай раббингизнинг юзини мана шул ойни кўриб турганингиздек кўрғайсизлар. Қуёш чиқишидан илгариги ва қуёш ботишидан илгариги намозларни шайтонга бой бермангизлар!» — дедилар».

Жарир ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ: «Сизлар парвардигорингизни ўз кўзингиз бирлан кўрғайсизлар», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Одамлар: «Ё Расулаллоҳ! Қиёмат куни парвардигоримизни кўрғаймизми?» — деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Тўлин ой кечасидаги ойга қараб зарар кўрғаймисизлар?» — дедилар. Улар «Йўқ, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Мусаффо осмондаги қуёшга қараб зарар кўрғаймисизлар?» — дедилар. Улар: «Йўқ, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Сизлар уни (Оллоҳ таолони) ҳам шул каби кўрғайсизлар. Оллоҳ таоло қиёмат куни бандаларини тўплаб, уларга: «Ким ул дунёда қандай нарсага сиғинган эрса, ўшанга эргашсин!» — дегай. Қуёшга сиғинганлар қуёшга, ойга сиғинганлар ойга, шайтонга сиғинганлар шайтонга эргашгайлар. Маҳшарда танҳо шул (мусулмон) умматнинг ўзигина қолгай. Уларнинг ораларида Оллоҳ таолодан шафоат тилаб бермоғимни сўровчилар (ёким мунофиқлар) ҳам бўлгайдур. Оллоҳ таоло умматининг қошига келиб: «Мен раббингизман!» — дейдир. Улар (Оллоҳ таолони кўрмай турганлари учун янглишиб қолмайлик деб) «Раббимиз келгунча кутиб турадирган жойимиз шул ерми? Биз раббимиз келса, уни танигаймиз!» — дегайлар. Кейин, Оллоҳ таоло улар танийдирган қиёфада келиб: «Мен раббингизман!» — дейдир. Шунда улар: «Ҳа, сен бизнинг раббимиздурсан!» — деб унинг ортидан эргашгайлар. Сўнг, жаҳаннам устига Сирот кўприги ўрнатилганда, биринчи бўлиб мен ўз умматим бирлан ундан ўтгайман. Ўшал куни пайғамбарлардан бўлак ҳеч кимса сўзламагай. Ўшал куни пайғамбарлар нуқул: «Ё парвардигоро, саломат сақлагил, саломат сақлагил!» — деб дуо айтиб тургайлар. Жаҳаннамда қиёқ тиканлари янглиғ тиканлар бўлгай». Жаноб Расулulloҳ қиёмат ҳақидаги башоратларими шул ерида тўхтатиб, одамларга: «Сизлар қиёқни кўрганмисизлар?» — дедилар. Улар: «Ҳа, ё Расулаллоҳ!» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ башоратларини бундай деб давом эттирдилар: «Ўшал тиканлар қиёқ тиканига ўхшаш бўлгани бирлан, унинг катталигини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмагайдур. Одамлар қилган қабих амалларига мувофиқ илиниб қолгайлар, биров ҳалокатга учрагай, биров тилка-пора бўлгай, хуллас ҳар бир одам гуноҳига яраша турли даражада жароҳатлангай. Оллоҳ таоло ўз бандалари устидан ҳукм чиқариб бўлгач, дўзах аҳлидан кимларни ўз раҳматига муяссар этмоқни истаган эрса, ўшаларни дўзахдан чиқармоқни ирода қилгай ва фаришталарга буюриб, «Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ» деб Оллоҳ таолога ширк келтирмаганларни дўзахдан чиқармоқни амр қилгай. Бундай бандаларни ўтда куймай қолган сажда изларидан таниб олгайлар, чунким Оллоҳ таоло Одам боласининг саждада иштирок қилган аъзоларидан бўлак ҳамма ёғини куйдирмоқни амр қилгайдур. Улар дўзахдан

куйиб кўмир бўлган ҳолда чиқайлар, устларидан ҳаёт суви қуйилгач, селдан кейин қолган лойқадан униб чиққан майсадек ёшариб қолгайлар. Сўнг Оллоҳ таоло бул юмушлардан ҳам халос бўлгач, бир киши юзи дўзах томонга қаратилган ҳолда қолдирилгай, ул дўзахийлардан бўлиб, жаннатга энг охири киргай. Ул илтижо қилиб «Ё парвардигоро, юзимни дўзахдан бўлак тарафга ўгириб қўйгил, унинг тутуни бўғиб, оташи куйдирмоқда!» — дегай. Оллоҳ таоло: «Агар айтганингни бажо келтирсам, бошқа нарса сўрамагайсанми?» — дегай. Ул: «Иззатинг ҳақи, сўрамагаймен!» — деб ваъда бергай. Оллоҳ таоло унинг юзини ўгириб қўйгач, жаннатга кўзи тушиб Оллоҳ таоло истаганча муддат жимиб қолгай. Кейин, яна: «Ё парвардигоро, мени жаннат дарвозасига яқинроқ олиб бориб қўйгил!» — дегай. Оллоҳ таоло унга: «Сени қара-ю, ахир айтганингни қилдим-ку! Ваъдангга вафо қилганинг қани, бундан бўлак нарса сўрамайман деб эрдинг-ку?» — дегай, ул эрса, илтижо қилавергай. Ниҳоят, уни жаннат дарвозаси остонасига элтиб қўйишгай. Ул жаннат олдида туриб унинг боғ роғлари-ю, анвои неъматларини, жаннатиларнинг шоду хуррамликларини кўриб, Оллоҳ таоло истаганча муддат сукут қилгай. Кейин яна илтижо қилиб: «Ё парвардигоро, мени бул жаннатга киргизгил!» — дегай. Оллоҳ таоло: «Эй Одам боласи, бундан бошқа нарса сўрамасликка ваъда бериб эрдинг-ку! Нечун сўзингда турмагайсен?» — дегай. Ул эрса: «Ё парвардигоро, энг бахтсиз банданг бўлиб қолмайин!» — дегайда, такрор ва такрор илтижо қилавергай. Шунда Оллоҳ таоло кулиб: «Уни жаннатга олиб кирингизлар!» — деб амр қилгай. Ул жаннатга киргач, Оллоҳ таоло: «Тила тилагингни!» — дегай, ул тилагини айтгай. Оллоҳ таоло унинг барча сўраганларини бажо келтиргай. Бояги банда яна не тиламоғини билмай қолгач, Оллоҳ таоло унга: «Мана буларни ҳам, анавиларни ҳам, ҳаммасини сенга бердим!» — дегай».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ! Қиёмат куни биз раббимизни кўргаймизми?» — деб сўрадик. Ул зот: «Мусаффо осмон узра порлаб турган қуёш ёким ойга боқиб зарар кўргаймизми?» — дедилар. Биз: «Йўқ, ё Расулаллоҳ!» — дедик. Ул зот бундай дедилар: «Қуёш ва ойга боқиб зарар кўрмаганингиз каби раббингизга боқиб ҳам зарар кўрмагайсизлар! Ўшал куни жарчи (фаришта) келиб, ким нимага сиғинган эрса, ўшанинг ортидан эргашсин, деб овоза қилгай. Хоч (бут)га сиғинганлар хоч ортидан, санам (маъбуда)ларга сиғинганлар санамлар ортидан, хуллас, ким Оллоҳ таолодан бўлак нарсаларга сиғинган эрса, ўшанинг ортидан эргашгай. Маҳшарда Оллоҳ таолога сиғинган солиҳ ва гуноҳкор мусулмон бандалар ҳамда китоб аҳлининг бир қисмигина қолгай. Сўнг, жаҳаннам юзаки бир тарзда уларнинг кўз олдиларидан ўтказилгай. Кейин, яҳудийлардан: «Ул дунёда нимага ибодат қилган эрдингизлар?» — деб сўралгай. Улар: «Оллоҳнинг ўғли Узайрга ибодат қилган эрдик», — дейишгай. «Ёлғон айтурсизлар, Оллоҳнинг хотини ҳам, ўғли ҳам бўлмагандур! Истагингиз недур?» — дейилгай. Улар: «Бизга сув ичирсанг!» — дейишгай. Шунда: «Ичингизлар!» — дейилгай. Сув ичишгач, улар жаҳаннамга қулаб тутгайлар. Кейин, насороларга қарата: «Нимага ибодат қилган эрдингизлар?» — дейилгай. Улар: «Оллоҳнинг ўғли Исога ибодат қилган эрдик», — дейишгай. «Ёлғон айтурсизлар, Оллоҳнинг хотини ҳам, боласи ҳам бўлмагандур! Не истагайсизлар?» — дейилгай. Улар: «Бизга сув ичирсанг!» — дейишгай. «Ичингизлар!» — дейилгай. Сув ичишгач, улар ҳам жаҳаннамга қулаб тушгайлар. Ниҳоят, Оллоҳ таолога сиғинган солиҳ ва гуноҳкор мусулмон бандаларнинг танҳо ўзи қолгай. Уларга «Барча одамлар кетиб бўлди, нечун сизлар бунда ушланиб қолдингизлар?» — дейилгай. Шунда улар: «Бизлар, душманларинг бўлмиш аҳли китоблардан (Яҳудий ва насоролардан), гарчи тирикчилигимиз уларга боғлиқ бўлган эрсада, сени деб юз ўгирган эрдик, энди нечун уларга эргашайлик? Ахир, бизлар жарчи фариштанинг «Ҳар ким ўзи ибодат қилган нарсаси ортидан эргашсин!» деган овозасини эшитдик-ку?! Шул боисдан ҳам бизлар бул ерда қолиб, раббимизни кутмоқдамиз», — дейишгай. Шунда, Оллоҳ таоло улар кўриб таниб ололмаган дастлабки қиёфасини ўзгартириб, ўзининг асл кўринишида келгайда: «Мен раббингиздурмен!» — дегай. Улар: «Сенинг бирлан фақат пайғамбарларгина сўзлаша оладирган ўшал

раббимиздурсен!» — дейишгай. Оллоҳ таоло: «Парвардигорингизни кайси аломатидан таниб олурсизлар?» — дегай. Улар: «Жамолининг ўта нурафшонлигидан», — дегайлар. Оллоҳ таоло ўз жамолини кўрсатгач, барча мўминлар унга сажда қилгайлар. Аммо, Оллоҳ таолога риёкорлик ва шуҳратпарастлик юзасидангина сажда қилиб юрганлар энди ҳарчанд уринмасинлар, сажда қила олмагайлар. Кейин, сирот кўприги олиб келиниб, жаҳаннам устига ўрнатилгай». Биз (Жаноб Расулуллоҳнинг гапларини бўлиб): «Ё Расулаллоҳ, Сирот кўприги недур?» — дедик. Ул зот бундай деб гапларида давом этдилар: «Ул шундай бир йўлким, усти тийғончиқ, илмоқли ва тиканлидур, тиканлари Наждда ўсадирган Саъдон бутасининг тиканларига ўхшайдур. Мўмин одам ул кўприқдан бир лаҳзада, ёким яшин тезлигида ёҳуд шамолдек ёинки чопқир отдек ё тезюрар туядек ўтиб кетгай. Бировлар соғ-саломат, бировлар аъзойи бадани тилка-пора бўлган холда ўтиб олгай, бировлар эрса, жаҳаннамга юз тубан қулагай. Сирот кўпригидан энг охири ўтадирган одам зўр-базур судралиб ўтгай. Кейин, ўзларингиз билган мўминларнинг ҳоли не кечганини кўриб, Оллоҳ таолога: «Ё парвардигоримиз! Улар биз бирлан бирга намоз ўқиган, рўза тутган ва амали солиҳлар қилган биродарларимиз эрдилар», — деб ёлворгайсизлар. Шунда Оллоҳ таоло: «Борингизлар, агар қалбида бир динорчалик иймони бор кишини топсангизлар, дўзахдан чиқарингизлар!» — дегайда, «Улар кирганларида куйдирмагил!» — деб дўзахга тайинлагай. Мўминлар бориб қарасалар, бировлар тўпиғига, бировлар тиззасига оловга ботиб кетган бўлур, шунда (оловда куймай қолган сажда изларидан) таниб ўз биродарларини дўзахдан чиқариб олгайлар. Кейин, қайтиб келгайлар. Оллоҳ таоло яна: «Борингизлар, қалбида ярим динорчалик иймони борларни топсангизлар, дўзахдан чиқарингизлар!» — дегай. Улар бориб, ўзлари таниган кишиларни дўзахдан чиқариб қайтиб келгайлар. Оллоҳ таоло яна: «Борингизлар, қалбида заррача иймони борларни топсангизлар, дўзахдан чиқарингизлар!» — дегай. Улар бориб ўзлари таниганларни дўзахдан чиқариб олгайлар».

Абу Саъид бундай дебдилар: «Агар ишонмасангизлар, Оллоҳ таоло заррача зулм қилмагай!» деган ояти каримани ўқингизлар. Оллоҳ таоло, агар бандаси яхшилиғ қилган эрса, унга баракот ато этиб, ўзига қайтаргай. Пайғамбарлар, фаришталар ва мўминлар ўзгаларга Оллоҳ таолодан шафоат тилагайлар. Оллоҳ таоло: «Энди ўзим шафоат қилмоғим қолди холос!» — деб (қалбида заррача иймони бор) бандаларини кўмирдек қорайиб кетган ҳолда дўзахдан чиқаргай. Сўнг, уларни жаннат олдидаги ҳаёт дарёсига ташлагайлар. Шунда улар сел лойқасидан униб чиққан дон сингари ўшал дарё қирғоқларидан униб чиқгайлар. Сизлар дарахт ёким харсангтош ёнида унган дон майсаларини кўргансизлар. Офтобдагилари кўм-кўк, соядагилари эрса, оқиш бўлгай. Улар ҳам шул сингари марвариддек товланиб тургайлар. Кейин, улар бўйинларига ҳалқа кийгизилиб жаннатга киритилгайлар. Жаннат аҳли уларни кўриб: «Буларни Раҳмон озод қилиб, бирор хайрли иш қилмаган бўлсалар ҳам жаннатга киритди», — дегайлар. Улар жаннатга киргач, «Кўриб турганларингизнинг барчаси ва бошқа шунга ўхшаш кўпгина нарсалар сизларгадур», — дейилгай».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одам юбориб ансорларни чақиртириб келтирдиларда, уларни қубба остига йиғиб бундай дедилар: «(Қиёматда) Оллоҳ таоло ва унинг расули бирлан учрашмагунингизга қадар сабр қилингизлар, мен эрсам, Ҳавзи Кавсар лабида бўлгаймен!» — дедилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда таҳажжуд қилсалар, қуйидаги дуони ўқир эрдилар: «Ё парвардигоро, жамики мақтовлар сенга хосдир! Еру осмонлар ва ундаги борлиқнинг ёруғлиги сендандур, жамики мақтовлар сенга хосдир! Сен еру осмонларнинг ва ундаги борлиқнинг яратгувчиси ва бошқариб тургувчисен, жамики мақтовлар сенга хосдир! Сен ҳақдирсен, ваъданг ҳам ҳақдир, сўзинг ҳам ҳақдир, охиратда сени

кўрмоқ ҳам ҳақдир, жаннат ҳам ҳақдир, дўзах ҳам ҳақдир, қиёмат ҳам ҳақдир, жамики пайғамбарлар ҳам ҳақдир, Муҳаммад ҳам ҳақдир! Ё парвардигоро, сенга бўйинсундим ва сенга таваккал қилдим, сенга иймон келтирдим ва дилдан сенга тавба қилдим, сени деб (душманларинг бирлан) курашдим, уларга ўзинг жазо бергайсен, ўтган ва келгуси гуноҳларимни, хуфёна ва ошкора хатоларимни ўзинг кечиргил, сен яккаю ягонадирсен, сендан бўлак илоҳ йўқдир!».

Адий ибн Ҳотим ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло ҳар бирингиз бирлан таржимонсиз сўзлашгай, шунда ўртада ҳижоб (парда) ҳаҳ ўлмагайдур», — дедилар».

Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Қайс оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам «Икки жаннатнинг идишлари ва ул ердаги жамики нарсалар кумушдандур ва яна икки жаннатнинг идишлари ва ул ердаги жамики нарсалар олтиндандур. Жаннат аҳлининг ўз парвардигорлари жамолига кўз ташламоқларига унинг улуғвор салобатидан ўзга нарса Адн жаннатида монельлик қилмагайдур!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ёлғон қасам ичиб бир мусулмоннинг молини тортиб олса, Оллоҳ таоло қиёматда уни дарғазаб ҳолда қарши олгайдур!» — дедилар. Сўнг бунинг тасдиқи учун Оллоҳ таолонинг Китобидан қуйидаги ояти каримани тиловат қилдилар: «Арзимас матоҳни деб Оллоҳ таолога берган ваъдалари бирлан қасамларини бузгайлар, бундайлар охиратдан бенасиб бўлиб, Оллоҳ таоло улар бирлан сўзлашмагайдур».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Қиёмат куни Оллоҳ таоло уч тоифа бандаси бирлан сўзлашмагай ҳам, уларга қиё боқмагай ҳам: агар киши бировнинг молини сотиб олгач, унга тўлаган пулидан кўра кўпроқ пул тўладим, деб ёлғон қасам ичса, агар киши бир мусулмоннинг молини тортиб олмоқ учун ёлғон қасам ичса, агар киши ортиқча суви бўла туриб, ўзгаларга бермаса. Оллоҳ таоло бундай одамга қиёмат куни: «Ўз қўлинг бирлан яратмаган нарсадан бошқаларни маҳрум қилганинг учун бугун мен сени ўз фазлу карамимдан маҳрум этгаймен!» — деггайдур».

Абу Бакр ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Замон (вақт, йил ҳисоби) Оллоҳ таоло осмонлар бирлан ерни яратган кундаги ўз жойига яна қайтиб келди. Йил ўн икки ойдан иборат бўлиб, улардан тўрттаси муқаддасдур (яъни, қон тўкиш ман қилинади). Тўрттадан учтаси — Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам кетма-кет келади, тўртинчиси эрса, Ражаб (Музар) ойи бўлиб, Жумодус соний бирлан Шаъбон ойлари оралиғидадур. Ҳозир қайси ой?» — дедилар. Биз: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билгайдур!» — дедик. Ул зот бироз сукут қилдилар, биз ўзлари номини сўраган ойни бошқа ном бирлан атасалар керак деб хаёл қилдик. «Бул ой Зулҳижжа ойи эрмасми?» — дедилар. Биз: «Ҳа», — дедик. Бул шаҳар қайси шаҳар?» — дедилар. Биз: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билгайдур!» — дедик. Жаноб Расулulloҳ бироз сукут қилдилар, биз шаҳарнинг бошқа бир номини айтсалар керак деб ўйладик. «Бул Мадина эрмасми?» — дедилар. Биз: «Ҳа», — дедик. «Бугун қандай кун?» — дедилар. Биз: «Оллоҳ таоло ва унинг расули яхшироқ билгайдур!» — дедик. Ул зот бу гал ҳам сукут қилдилар, биз бул куннинг ўзга бир номини айтсалар керак деб ўйладик. «Бул кун наҳр (қурбонлик) куни эрмасми?» — дедилар. Биз: «Ҳа», — дедик. Ул зот бундай дедилар: «Қонингиз, мол-дунёнгиз, обрўйингиз мана шул шаҳрингиздаги кунингиз ва ойнингиз ҳурмати янглиғ бир-бирингизга муқаддасдур! Охиратда парвардигорингизга рўбарў бўлганингизда сизлардан қилган амалларингиз ҳақида сўрагайдур. Мендан кейин бир-бирингизнинг

бўғзингизга тиғ урадирган гумроҳ бўлиб кетмангизлар! Гапимни эшитганлар эшитмаганларга етказсин! Чунким, баъзи бир бировдан эшитганлар ўз қулоғи бирлан эшитганлардан кўра онглироқ бўладир. Мен сизларга тушунтира олдими?»

25-боб. Оллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, Оллоҳнинг раҳмати амали солиҳ қилгувчиларга яқиндур!» деган қавли ҳақида

Усома ибн Зайд ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳнинг қизларидан бири «Ўғлим жон таслим қилай деяпти, ота тезроқ келингиз!» деб одам юборди. Ул зот «Фарзанд берадирган ҳам, уни қайтиб оладирган ҳам Оллоҳ таолонинг ўзидур, ҳар бир нарсанинг умри белгилаб қўйилган. Оллоҳ таолодан савоб умид қилиб, сабр қилсин!» деб айтиб юбордилар. Аммо, қизлари яна одам юбориб, тезда етиб келмоқларини сўради. Шунда Жаноб Расулуллоҳ мен, Маоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Убода ибн ас-Сомит бирлан биргалиқда йўлга тушдилар. Етиб борганимизда болани ул зотнинг қўлларига тутқаздилар, бола ўхтин-ўхтин нафас олар, гўёким суви йўқ бир мешга ўхшаб қолган эрди. Уни кўриб Жаноб Расулуллоҳнинг муборак икки кўзлари жиққа ёшга тўлди. Шунда Саъд ибн Убода «Йиғлаётирсизми?!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло раҳмдил бандаларига раҳм қилгайдур!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят тиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Жаннат бирлан дўзах бир-бирлари бирлан хусуматлашиб ўз парвардигорларига арз қилдилар. Жаннат: «Ё парвардигоро, нечун унга (дўзахга) иродасиз ва тубан (сарқит) бандаларингдан ўзгаси кирмагай?» — деди. Дўзах: «Мен Оллоҳ таолонинг ҳукмларига такаббурлик қилиб бўйин эгмаганларни азобламоққа таъйин қилинғандурмен!» — деди. Оллоҳ таоло жаннатга: «Сен менинг раҳматимдурсен!» — деди, дўзахга эрса: «Сен менинг азобимдурсен, мен сенинг воситанг ила ўзим истаган бандамга азоб бергаймен. Ҳар бирингизни ўзингизга муносиб бандаларим бирлан тўлдиргаймен», — деди. «Жаннат хусусига келсак — дедилар Жаноб Расулуллоҳ, — Оллоҳ таоло бирорта ҳам бандасига зулм қилмагайдур. Ул ўзи истаган бандасини дўзахбоп қилиб қўйгайда, кейин уларни дўзах оташига ташлагайлар. Шунда дўзах: «Яна борми, яна борми?» — деб уч бор сўрагай, ҳаттоки Оллоҳ таоло ўзи қадам ранжида қилиб бориб кўргай. Кейин, дўзах тўлиб-тошиб кетгач: «Бўлди, бўлди, бўлди!» — деб ёлворгай.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Қавмлар ўзларининг қилган гуноҳларига яраша дўзах оташида куйиб азоб чекканларидан сўнг Оллоҳ таоло раҳм қилиб уларни жаннатга киритгай, жаннатда уларни «Жаҳаннамийлар» деб аташгай».

26-боб. Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ осмонлар бирлан ерни тушиб кетмоқдан сақлаб ушлаб турадир» деган қавли хусусида

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Яҳудий уламоларидан бири келиб: «Эй Мухаммад! Оллоҳ таоло бир бармоғига осмонни, бир бармоғига ерни, бир бармоғига тоғларни, бир бармоғига дов-дарахтлар бирлан дарёларни ва яна бир бармоғига бўлак махлуқотларини қўйиб туриб: «Мен подшоҳмен!» — дегай», — деди. Жаноб Расулуллоҳ кулиб: «Оллоҳ таолонинг қудратини муносиб қадрламадилар!» — дедилар».

27-боб. Осмонлар бирлан ернинг ва бундан бошқа борлиқнинг яратилиши ҳақида

Бу — Оллоҳ таборак ва таолонинг феъли ва амридур. Оллоҳнинг сифатлари, феъли ва амри мавжуд бўлиб, ул яратгувчидур, яратилган эрмасдур, балки ўзи бор қилгувчидур, барча нарсалар унинг феъли, амри, яратиши ва бор қилиши бирлангина вужудга келгандур!

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Мен Маймуна холамнинг уйларида тунаб қолдим. Жаноб Расулуллоҳ ҳам шул ерда эрдилар. Ўшал куни мен ул зотнинг қандай намоз ўқишларини кузатдим: дастлаб, холам бирлан бир соатча сўзлашиб ўлтирдилар, кейин ўринларига ётдилар. Туннинг охиригидан бири ёким бир қисми қолгач, туриб ўтирдилар ва осмонга тикилиб туриб «Осмонлар бирлан ернинг яратилиши ақллиларга бир ибратдур» деган ояти каримани тиловат қилдилар. Сўнг, ўринларидан туриб таҳорат олдилар, мисвок бирлан тиш тозаладилар. Кейин, ўн бир ракъат намоз ўқидилар. Сўнг, Билол азон айтиб эрди, икки ракъат намоз ўқидилар. Кейин, масжидга чиқиб одамлар бирлан бомдод (фарзини) ўқидилар».

28-боб. Оллоҳ таолонинг «Сўзимиз пайғамбар қилиб юборилган бандаларимизга илгари айтилган эрди» деган қавли хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло яратмоқ ишидан халос бўлгач, ўз даргоҳидаги Арши тепасига «Раҳматим ғазабимдан устундур!» деб ёзиб қўйди», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ аллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло бирор бандасини яратмоқни ирода қилса, аввал уни онасининг қорнида қирқ куну қирқ кеча жамлайдир, сўнг шунча муддат давомида уни алақ (лахта қон) ҳолига келтирадир, кейин шунча муддат давомида уни бир парча эт ҳолига келтирадир, сўнг она қорнига бир фариштани юбориб, унга тўрт сўзни — ризқини, умрини (ажалини), касбини ва бахтсиз ёким бахтли бўлмоғини пешонасига ёзиб қўймоққа изн берадир. Оллоҳ таоло ҳақи, бирортангиз дўзах аҳлига мансуб иш қилаётган эрсангизу, аммо жаннатга кирмоғингиз тақдир қилинган эрса, сиз бирлан жаҳаннам оралиғида бир газ ёким бир неча газ масофа қолди дегунча пешонангизга битилган тақдири азал пешвоз чиқиб, сизга жаннат аҳлига муносиб ишни насиб этгайдир ва сиз жаннатга киргайдирсиз. Ёким, аксинча, жаннат аҳлига мансуб иш қилаётган эрсангизу, аммо дўзахга кирмоғингиз тақдир қилинган эрса, сиз бирлан жаннат оралиғида бир газ ёким бир неча газ қолди дегунча пешонангизга битилган тақдири азал пешвоз чиқиб, сизга дўзах аҳлига муносиб ишни насиб этгайдир ва сиз дўзахга киргайдирсиз».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Жаброил алайҳиссаломга: «Ё Жаброил! Бизнинг ҳузуримизга бундан кўра кўпроқ келиб-кетиб турмоғингизга не монелик қилгай?» — дедилар. Шунда: «Раббингнинг амрисиз бирор нарса қилмагаймиз, неки қилдик ва қилажакмиз, барчаси Оллоҳнинг амри ила бўлгайдур» деган ояти карима нозил қилинди. Бу — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳазрат Жаброилнинг жавоблари ўрнида бўлди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло йўлида ва унинг сўзларини тасдиқ этмоқ ниятида жиҳодга чиққан кишини жаннатга киритмоққа ёким уни ўз масканига қўлга киритган ажр ва ўлжалар бирлан қайтармоққа Оллоҳ таолонинг ўзи кафолат берадир».

Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Бир одам, Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, бир киши ор-номус учун, бир киши шижоат кўрсатиш учун ва яна бир киши риёкорлик қилиб жанг қиладир, буларнинг қайсиниси Оллоҳ таоло йўлида жанг қилган

бўлур?» — деди. Ул зот: «Кимки Оллоҳ таолонинг сўзи энг устун сўз бўлсин деб жанг қилса, ўшал жанг Оллоҳ таолонинг йўлида қилинган жангдур!» — дедилар».

29-боб. Оллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, Биз бирор нарсани ирода қилсак «бўлғил!» деган сўзимиз кифоя, ул бор бўлгайдур» деган қавли ҳақида

Муғира ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Умматимга мансуб бир қавм ўзларига Оллоҳ таолонинг амри келгунига қадар ҳам (қиёмат бўлгунига қадар ҳам) одамлар (кофирлар) устидан ғалаба қилмоқда давом этаверадилар», — дедилар».

Муовия ибн Абу Суфён ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Умматим бўлмиш бир миллат (халқ) ўзларини ёлғончига чиқариб душманлик қилгувчиларнинг тажовузига қарши қиёматга қадар чидам бирлан курашаверадилар. Қиёмат содир бўлганда ҳам улар ҳануз ана шундай курашаётган бўладилар».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам (пайғамбарлик давоси бирлан чиққан) Мусайлиманинг олдига келиб тўхтадиларда, унга: «Агар сен (қўлимдаги мана шу) хурмо новдасини сўрасанг ҳам, бермасдим! Ниятим амалга ошгай, деб умид қилмагилки, даъвоингдан қайтмасанг, Оллоҳ таоло сени ҳалок қилгай!» — дедилар».

30-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Айтгил! Агар раббимнинг сўзларини ёзмоқ учун денгиз сиёҳ бўлса ҳам, раббимнинг сўзлари тугамоғидан аввал денгиз тугаб қолгайдур ва башарти бизлар шул каби бошқа денгизларни ҳам мададга чақирсангу, ер юзидаги барча дарахтларни қалам қилсак ҳам, етти денгиздан мадад олиб турган денгиз Оллоҳ таолонинг сўзларини битмоққа етмагайдур. Раббингиз бўлмиш Оллоҳ таоло олти кунда осмонлар бирлан ерни яратиб, сўнг Аршга ўлтирди. Тун кунни тезда қувиб етиб қамраб олгайдур ва қуёш, ой ва юлдузлар Оллоҳ таолонинг амрига итоат этиб ҳаракат қилгайлар, зеро яратмоқ ва амр қилмоқ унинг ўзигагина хосдур!..»

Хурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло йўлида ва унинг сўзларини тасдиқ этмоқ ниятида жиҳодга чиққан, кишини жаннатга киритмоққа ёким уни ўз масканига қўлга киритган ажр ва ўлжалар бирлан қайтармоққа Оллоҳ таолонинг ўзи кафолат берадир».

31-боб. Хоҳиш ва ирода (истак) ҳақида. Сизлар хоҳламагайсизлар, балки Оллоҳ таоло хоҳлагайдур!

Оллоҳ таолонинг қавли: «Кимга истасанг, ўшанга мол-мулк бергайсен (дегил!)», «Эртага бирор нарса қилгаймен, деб айтмагил, Оллоҳ таоло хоҳласа, қилгаймен, деб айтгил!», «Сен ўзинг истаган одамга ҳидоят қилолмагайсен, балки Оллоҳ таоло ўзи истаган бандасига ҳидоят қилгайдур!».

Саъд ибн йл-Мусайяб оталаридан нақл қилдиларки, Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ сизларга осон бўлмоғини истагайдур, қийин бўлмоғини истамагайдур» деган қавли Абу Толиб хусусида нозил бўлган эркан.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолога дуо ўқиб илтижо қиладирган бўлсангизлар, қатъият бирлан дуо ўқиб илтижо қилаверингизлар! Бирортангиз: «Агар хоҳласанг, бергил!» — деб айтмангизки, Оллоҳ таоло бандаларининг дуосини инкор қилгувчи эмасдур!» — дедилар.

Али ибн Абу Толиб ривоят қиладилар: «Тунлардан бирида завжам Фотима бирлан ухлаб ётган эрдим, Жаноб Расулulloҳ келиб эшигимизни тақиллатдиларда: «Намозга турмайсизларми?» — дедилар. Шунда мен: «Ё Расулalloҳ, бизнинг жонимиз Оллоҳ таолонинг қўлидадур, агар истаса, бизни ўзи уйғотгай!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ менинг бул сўзимга жавоб қилмадилар, аммо кетатуриб сонларига қўллари бирлан урдиларда: «Инсон ўзи азалдан жанжалкашроқ (айтишқоқроқ) эрди», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Мўмин одам бало-қазоларга тоқат этмоқликда сабза-гиёҳга ўхшайдир. Чунким, мўмин ҳар тарафдан шамол эсганда эгилиб, сўнг яна қаддини тиклаб олгувчи сабза гиёҳ янглиғ, бало-қазоларга чидаб, енгилмагайдир. Кофир одам эрса, мўрт арз (кедр) дарахти кабидур, Оллоҳ таоло уни, истаса, бирданига синдира олур!».

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб бундай деб айтганларини эшитдим: «Агар ўзингиздан илгари ўтган умматларнинг (Оллоҳ таолога ибодат қилган) даврини, гўёким саҳардан то кун ярмигача давом этган деб ҳисоблайдирган бўлсак ул ҳолда сизларнинг (мусулмонларнинг Оллоҳ таолога ибодат қилган) даврингиз асрдан шомгача, бўлган вақтга тўғри келгайдур. Маълумки, Оллоҳ таоло таврот аҳлига тавротни ато этди. Улар (юқоридаги қиёсимизга кўра) саҳардан то кун ярмигача тавротга амал қилиб Оллоҳ таолога ибодат қилдилар ва бунинг учун қийрот-қийрот ажру савоб олдилар, сўнг бундай ибодатга чидамай қолдилар. Кейин, Оллоҳ таоло инжил аҳлига инжилни ато этиб эрди, улар (юқоридаги қиёсимизга кўра) кун ярмидан асргача инжилга амал қилиб Оллоҳ таолога ибодат қилдилар ва бунинг учун қийрот-қийрот ажру савоб олдилар, сўнг улар ҳам бундай ибодатга чидамай қолдилар. Мана энди Оллоҳ таоло сизларга Қуръони Кариймни ато этди. Сизларнинг (Қиёматга қадар) унга амал қилиб Оллоҳ таолога ибодат қилажак даврингиз (юқоридаги қиёсимизга кўра), гўёким асрдан шомгача бўлган вақтга тўғри келиб, бунинг учун охирада икки баробар кўп қийрот-қийрот ажру савоб олгайсизлар. Шунда таврот аҳли: «Ё парвардигоро, нечун анавилар (мусулмонлар) бизга нисбатан ҳам тоат-ибодат қилиб, кўп ажру савоб олдилар?» — дегайлар. Оллоҳ таоло уларга: «Сизларга ажру савоб беришда заррача зулм қилдимми?» — дегай. Улар: «Йўқ, асло! — деб жавоб қилгайлар. Оллоҳ таоло: «Ана шул менинг фазлу марҳаматим бўлиб, уни ўзим истаган бандаларимга раво кўргаймен!» — дегай».

Убода ибн ас-Сомит ривоят қиладилар: «Биз бир йиғинда ўлтирган эрдик. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бизга: «Оллоҳ таолога ҳеч нарсани ширк келтирмасликка, ўғрилиқ ва зино қилмасликка, болалариингизни ўлдирмасликка, кўра-била туриб бировга тўхмат қилмасликка ва ислом буйруғларига зид иш қилиб гуноҳкор бўлмасликка менга байъат қилингизлар! Қайси бирингиз айтганларимга вафо қилсангиз, Оллоҳ таолодан ажру савоб олгайсиз, қайси бирингиз айтганларимдан бирортасига амал қилмасангизу, шул дунёда жазолансангиз, бул сиз учун каффорат бўлгайдур (яъни, гуноҳингиз шул дунёда ювилгайдур) ва қайси бирингиз айтганларимдан бирортасига амал қилмасангизу, Оллоҳ таоло бул дунёда жазоламай, гуноҳингизни яширган эрса, бул унинг ишидур, хоҳласа, жазолагай, хоҳласа, мағфират қилгай», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Пайғамбар Сулаймон алайҳиссалоти вассаломнинг олтмишта хотинлари бор эрди. Кунлардан бир куни: «Мен бугун тунда барча хотинларимни жимомъ қилгаймен ва улар ҳомиладор бўлиб, ҳар бири Оллоҳ таоло йўлида жанг қиладирган биттадан чавандоз туғиб бергайдур!» — дедилар. Ушал кеча ҳамма хотинларини айланиб чиқдилар, аммо улардан биттасигина ҳомиладор бўлди, ул ҳам бўлса, чала туғиб қўйди. Жаноб Расулulloҳ: «Агар Сулаймон алайҳиссалом: «Худо хоҳласа!» — деганларида эрди, барча хотинлари ҳомиладор бўлиб, Оллоҳ таоло йўлида жанг қиладирган чавандозлар туғиб берган бўлур эди» — дедилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир бемор бадавийни кўргани кириб: «Иншооллоҳ, бул дардинг туфайли гуноҳларинг ювилса, ажаб эрмас!» — дедилар. Бадавий: «Аксинча, иситмам авжга чиқиб, мендек бир кексани қабрга етаклаётир!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, албатта, агар Оллоҳ таоло шуни ирода қилган эрса!» — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода оталаридан нақл қиладилар: «Биз ухлаб қолиб бомдод намозига туролмаганимизда Жаноб Расулulloҳ: «Оллоҳ таоло ўзи истаган вақтда жонингизни олиб, истаган вақтда яна қайта тирилтиргай. Шундай эркан, қуёш чиқиб кун ёришиб кетмасидан бурун турингизларда, жонингизнинг ғамини еб таҳорат олингизлар!» — дедилар, сўнг ўринларидан туриб намоз ўқидилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Бир мусулмон (Абу Бакр) бирлан бир яҳудий уришиб қолди. Мусулмон: «Муҳаммадни бутун оламга пайғамбар қилиб танлаган зот ҳақи!» — деб қасам ичди. Яҳудий эрса: «Мусони бутун оламга пайғамбар қилиб танлаган зот ҳақи!» — деб қасам ичди. Шунда мусулмон яҳудийнинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Яҳудий Жаноб Расулulloҳнинг хузурларига бориб ораларида бўлган воқеани айтиб берди. Жаноб Расулulloҳ: «Мени Мусодан афзал кўрмангизлар! Қиёмат куни одамлар яшин ургандек беҳуш бўлиб йиқилгайлар, мен биринчи бўлиб ўзимга келганимда Мусо Аршга суяниб турган бўлурлар. Ул киши барча баробар беҳуш бўлиб йиқилиб, мenden илгари ўзларига келганмилар ёким Оллоҳ таоло истисно тариқасида ул кишига мурувват қилиб беҳуш қилмаганми, буни мен билмагаймен», — дедилар».

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дажжол Мадина остонасига келиб уни фаришталар кўриқлаб турганини кўрадир. Иншооллоҳ, Мадинага на Дажжол ва на вабо киролмайдир!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг ўз дуоси бордур. Мен ўз дуомни, иншооллоҳ, қиёматда умматларимни шафоат қилмоқ учун олиб қўйдим!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: Тушимда бир қудуқ лабида турган эрмшиман. Ундан Оллоҳ таоло истаганча сув тортиб олдим. Кейин, Ибн Абу Қаҳҳофа қўлимдан челақни олиб бир-икки сув тортиб эрди, жуда оз сув чиқди, Оллоҳ таоло уни мағфират қилсин! Сўнг, челақни Умар қўлига олиб эрди, ул шундай бир улкан идишга айландики, мен бунчалик ажойибот кўрсатган кишини кўрмаган эрдим, ҳатто унинг кўп сув чиқарганидан одамлар қудуқ атрофига мол-қоллар ичмоғи учун тарновлар қуришга мажбур бўлдилар».

Абу Мусо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига гадо

ёким бирор ҳожатманд киши кириб келса, дарҳол: «Раҳм-шафкат қилингизлар, ажру савоб топгайсизлар!» — дер эрдилар. Шунда Оллоҳ таоло ўз расулининг тилига амр қилиб, ўзи хоҳлаган нарсани бермоқликни айттирар эрди».

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Ибн Аббос ва Ҳарр ибн Қайс иккиси Мусо алайҳиссалом бирлан учрашган киши Хизр эрдиларми, йўқми деб тортишиб қолишди. Шунда улар Убай ибн Каъбдан: «Сен Жаноб Расулуллоҳнинг шул ҳақда бирор нарса деганларини билурмисен?» — деб сўрашди. Убай: «Ҳа, мен Жаноб Расулуллоҳнинг мана бундай деганларини эшитганмен», — дедида, қуйидагича ривоят қила кетди: «Бир куни Мусо алайҳиссалом бир канча яҳудийлар орасида турган эрдилар, бир киши келиб: «Сиз ўзингиздан олимроқ бирор кишининг борлигини билурмисиз?» — деди. Мусо алайҳиссалом: «Йўқ», — дедилар, Шунда Оллоҳ таоло ул кишига: «Ҳа, бизнинг Хизр (деган шундай бандамиз) бордур!» — деб ваҳий юборди. Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссалом бирлан учрашмоқ йўлини сўраб эрдилар, ҳут (катта балиқ) учрашув белгиси бўлажаги билдирилиб: «Ҳутни йўқотгач, ортинга қайтсанг, Хизрга йўлиқгайсан!», — дейилди. Мусо алайҳиссалом ҳут ортидан денгиз бўйлаб кетавердилар. Ногаҳон, Мусо алайҳиссаломнинг ғулумлари: «Кўрдингизми? Қоя ортига ўтганимизда ҳутни кўздан йўқотиб қўйдим, бул шайтоннинг ишидур, ўшал мени адаштирди!» — деди. Мусо алайҳиссалом: «Бизнинг кўзлаганимиз ҳам шул эрди!» — дедилар. Сўнг, иккалалари ортларига қайтиб Хизр алайҳиссаломни учратишди. Кейин, Оллоҳ таоло Қуръони Кариймда айтган воқеалар содир бўлди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Иншооллоҳ, эртага Бану Кинона кофирликка садоқат билдириб касам ичган Хайф (Мухассаба)га боргаймиз!" — дедилар».

32-боб.

Масруқ ибн Масъуддан нақл қиладилар: «Оллоҳ таоло ваҳий бирлан сўзлаганда осмонлар аҳли бир нарсани (овозни) эшитиб кўрқинчга тушгайлар ва қалбларидан кўрқинч бартараф қилиниб, овоз тингач, бу Ҳақ таоло эрканлигини билгайлар. Кейин, бир-бирларига: «Раббингиз не деди?» — деб нидо қилгайлар. Шунда: «Ҳақиқатни айтди» — деб жавоб қилгайлар».

Абдуллоҳ ибн Анис ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Оллоҳ таоло барча бандаларини маҳшарга тўплагач, узоғу яқиндагилар бирдек эшита оладирган овоз бирлан уларга нидо қилиб: «Подшоҳ — мендурман! Даййон мендурмен!» — дегай». (Даййон — ажру савоб бергувчи, қаҳр қилгувчи, қазо ва ҳукм қилгувчи, ҳисоб-китоб қилгувчи).

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: "Оллоҳ таоло осмонда бир ишни буюрса, фаришталар дарҳол итоаткорона қанотларини қоқгайлар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло наларни рухсат этган эрса, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун рухсат этган бўлиб, уларни Қуръони Кариймда баён қилгандур», — дедилар».

Абу Саид ал-Худрий ривоят қиладилар: ««Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Эй Одам!» — дейди. Одам: «Лаббай, амринга ҳозир нозирман!» — дейди. Оллоҳ таоло овоз бирлан нидо қилиб: «Оллоҳ сенга ўз зурриётингдан дўзахийларни

ажратмоғингни буюрур!» — дегай».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Хадичага жилва қилган бахт ҳеч бир аёлга жилва қилмаган! Оллоҳ таоло жаннатда Хадича учун мухташам уй ҳозирлаб қўйгани ҳақида Жаноб Расулуллоҳга башорат қилмоқни амр қилгандир.

33-боб. Парвардигорнинг Жаброил билан суҳбати Оллоҳнинг малоикаларга нидоси ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таборак ва таоло бирор бандасини севиб қолса: «Оллоҳ фалончини севиб қолди, ул ҳам уни севиб қолгин!» — деб нидо қилгай. Шунда Жаброил ҳам Оллоҳ севиб қолган бандани севиб қолгайда, осмон аҳлига: «Оллоҳ таоло фалончини севиб қолди, ул ҳам уни севиб қолгин!» — деб нидо қилгай. Осмон аҳли ҳам ўшал бандани севиб қолгай. Шундан сўнг, ул банда ер аҳли учун маҳбуб бўлгайдур».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: Сизларни фаришталар тунда ҳам, кундузи ҳам навбатма-навбат кузатиб тургайлар. Кейин, аср ва бомдод намозларида тўпланишиб. ўрин алмашишганда, навбатини ўтаб бўлганлари Арши Аълога кўтарилгайлар. Оллоҳ таоло ўзи яхшироқ билсада, улардан: «Бандаларимни қай ҳолда тарк этдингизлар?» — деб сўрагай. Улар: «Қайтиб келаётганимизда ҳам, борганимизда ҳам намоз ўқишаётган эрдилар», — деб жавоб бергайлар».

Муҳаммад ибн Ясор ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Жаброил алайҳиссалом ҳузуримга келиб, Оллоҳ таолога ҳеч нарсани ширк келтирмай жон таслим қилган киши жаннатга киражаги ҳақида Оллоҳ таолодан башорат келтирдилар. Шунда мен: «Ўғрилиқ қилса ҳамми, зино қилса ҳамми?» — дедим. Ҳазрат Жаброил: «Ўғрилиқ қилса ҳам, зино қилса ҳам!» — дедилар». (Бундан ўғрилиқ ва зино қилса, бўлаверади, деган маъно чиқармаслик лозим. Бу ерда Оллоҳ таолога ширк келтирмоқнинг нечоғлик кечириб бўлмас гуноҳ эрканлиги назарда тутилгандур).

34-боб. Оллоҳ таолонинг «Уни ўз илми ила нозил қилди» ва «Малоикалар (сенинг пайғамбарлигинга) шаҳодат келтирадилар» деган қавли хусусида

Барро ибн Озиб ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ: «Эй фалончи, агар ўрнингга ётсанг, «Илоҳи, ўзимни ҳам, кори-боримни ҳам ўзинга топширдим. Савобингдан умид қилиб ва азобингдан қўрқиб сенга юзимни қаратдим, сенга суюндим, сенинг нажотингдан ўзга нажот йўқдур, сенинг паноҳингдан ўзга паноҳ йўқдур! Илоҳи, нозил қилган Китобингга ишондим ва юборган пайғамбарингга иймон келтирдим!» дегил! Агар ўшал кеча ўлиб қолсанг, комил иймон бирлан ўлган бўлурсен, агар ўлмай уйғонсанг, ажру савоб олиб уйғонгайсен», — дедилар».

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ Аҳзоб куни: «Эй Китоб нозил қилгувчи, кўз-очиб юмгунча ҳисоб-китоб қилгувчи парвардигорим! Аҳзобларни (исломга қарши чиққан гуруҳларни) ўзинг мағлуб қилгайсан ва уларга зилзила юборгайсан!» — деб дуо ўқидилар».

Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада (кофирлардан) яшириниб юрган чоғларида овоз чиқариб тиловат қилсалар, мушриклар эшитиб қолиб Қуръони Кариймни ҳам, уни нозил қилган Оллоҳ таолони ҳам, уни

Оллоҳ таолодан ҳидоят қилиб келтирган пайғамбаримизнинг ўзларини ҳам сўкиб ҳақорат қилур эрдилар. Шунда Оллоҳ таоло: «Намозингни баланд овоз бирлан ҳам, ичингда ҳам ўқимагил! Намозингни мушриклар эшитиб қоладирган даражада баланд овоз бирлан ҳам, асҳобларингга эшиттиролма қоладирган даражада паст овоз бирлан ҳам ўқимагил, шундай бир ўртача усулни танлагилким, асҳобларингга эшиттира олгил ва мушриклар ўзингни Қуръондан маҳрум қиладирган даражада баланд овоз бирлан ўқимагил!» — деган ояти каримасини нозил қилди».

35-боб. Оллоҳ таолонинг «Оллоҳнинг сўзини ўзгартирмоқчи бўладилар» ва «Ҳақдан воз кечмоқ ҳазил, ўйин эрмас» деган қвали хусусида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Одам боласи даҳрни (замонни) сўкиб, менга азият етказур, ваҳоланки, даҳр — мен ўзимдурмен, туну кунни ўзгартирмоқ иши менинг қўлимдадур!» — дейди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Бандаларимнинг одамлар кўзи тушгулик барча амаллари (намоз, хайр-эҳсон, закот ва бошқалар) ўзлари учундур, тутадирган рўзалари эрса, мен учундур, бинобарин, унинг мукофотини ўзим бергайдурмен, рўздор мени деб еб-ичмас ва мени деб рўза тутар. Рўза — жаннат демакдур!» — дейди. Рўздор икки бор хурсанд бўлур, бири — оғиз очганда: (ифтор қилганда), иккинчиси — рўза тутиб, охиратда Оллоҳ таолога ёруғ юз бирлан рўбарў бўлганда. Рўздорнинг оғзидан келадирган бўй Оллоҳ таолонинг наздида мушқдан ҳам хушбўйроғдир.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир пайт Айюб алайҳиссалом яланғоч бўлиб олиб чўмилаётган эрдилар, устларига бир тўда тилла чигирткалар қўнди. Ул киши чигирткаларни кийимларига қоқиб тушира бошладилар. Шунда Оллоҳ таоло: «Эй Айюб, сени кўриб турганингга муҳтожсиз қилмабми эрдим?!» — деди. Айюб алайҳиссалом: «Ҳа, шундоқ, ё парвардигорим! Менинг учун сенинг баракотингдан кўра ортиқроқ бойлик йўқдур!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Парвардигоримиз таборак ва таоло туннинг охирги учдан бир қисми қолганда (ерга нисбатан) энг яқин осмонга фариштани тушириб: «Кимки дуо ўқиб менга илтижо қилса, дуосини мустажоб қилгайман ва кимки мандан сўраса, сўраганини ато этгайман ва кимки менга истиғфор айтса, мағфират қилгайман!» — дегайдур».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ: «Бизлар бул дунёда охиргилармиз, охиратда эрса, биринчилармиз!» — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: "Мен солиҳ бандаларим учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, бирор инсоннинг кўнглига келмаган неъматларни тайёрлаб қўйдим!" — дейди».

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳнинг жуфти ҳалоллари бўлмиш Оиша онамизга тўхмат аҳли тўхмат қилганда Оллоҳ таолонинг ўзи оқлаб оят нозил қилган эрди. Шунда Оиша онамиз бундай деган эрдилар: «Аммо, Оллоҳ таоло ҳақи, парвардигорим менинг покдомон эрканлигим ҳақида оят нозил қилгай деб ўйламаган эрдим! Мени ҳаё нечоғлик ҳамраб олдики, Оллоҳ таолонинг ўзи уят масала хусусида мени оқлаб гапирганидан кўра шаънимга каттароқ доғ йўқдур! Лекин, мен Оллоҳ таолонинг Жаноб

Расулulloҳга тушларида менинг покдомон эрканлигимни аён қилмоғини истар эрдим!». Шундан сўнг, Оллоҳ таоло Жаноб Расулulloҳга шул хусусда ўз ояти карималарини нозил қилди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Агар бандам бирор ёмон иш қилмоқни ният қилган эрса, қилгунича унинг бўйнига гуноҳ қилиб ёзмай турингизлар, қилди дегунча бир гуноҳ езингизлар. Башарти, мени деб ёмон ниятидан қайтса ёким бир савоб иш қилмоқни ният қилиб, уни амалга оширолмай қолса, бир савоб ёзиб қўйингизлар. Агар ўшал яхши ниятини рўёбга чиқарса, ул ҳолда ўндан то етти юзгача савоб ёзиб қўйингизлар!», — дейди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло одамни яратиб бўлгач, раҳм (бачадон) унга: «Қон-қариндошлик алоқаларининг узулмоғидан асрамоғингни тилайдирганнинг жойи ҳали шу бўлдимиз?!» — деди. Оллоҳ таоло: «Ҳа, шундай! Аммо, агар мен қон-қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаганларни ярлақасаму, уни узганлардан эрса, раҳматимни дариф тутсам, рози бўлгаймисен?» — деди. Раҳм: «Ҳа, ё раббий, розидурмен!» — деди. Оллоҳ таоло: «Сенинг учун шундай қилгумдур!» — деди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Умрида бирор хайрли иш қилмаган бир одамнинг ул ўлгач, Оллоҳ таоло охиратда азоб беролмасин деб жасадини куйдириб, кулининг ярмини қуруқликка, ярмини денгизга сочибди. Оллоҳ таоло ҳақи, агар парвардигор унга азоб бермоқни истаса, ҳеч бир оламда бирор бандасига бермаган азоб бирлан уни азоблай олур! Кейин, Оллоҳ таоло денгизга буюриб эрди, ул ўзига сочиб юборилган кулни жамлаб берди, сўнг қуруқликка буюриб кулнинг қолган қисмини ҳам жамлаттирдида: «Нечун бундай қилдинг?» — деди. Ул: «Сендан қўрққанимдан, буни ўзинг яхши билурсан!» — деди. Шунда Оллоҳ таоло уни мағфират қилди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир банда гуноҳ қилиб қўйиб: «Ё парвардигоро, мен гуноҳ қилиб қўйдим, кечиргил!» — деди. Парвардигор: «Бандам гуноҳларини кечиргувчи ва гуноҳлари учун жазоловчи парвардигори бор эрканлигини билдирди, бандамнинг гуноҳидан ўтдим!» — деди. Кейин, ўшал банда Оллоҳ таоло истаганча муддат яшагач, яна гуноҳ қилиб қўйиб: «Ё парвардигоро, яна гуноҳ қилиб қўйдим, кечиргил!» — деди. Оллоҳ таоло: «Бандам гуноҳларини кечиргувчи ва гуноҳлари учун жазоловчи парвардигори бор эрканлигини билдирди, бандамнинг гуноҳидан ўтдим!» — деди. Банда Оллоҳ таоло истаганча муддат яшагач, яна гуноҳ қилиб: «Ё парвардигоро, яна гуноҳ қилиб қўйдим, кечиргил!» — деди. Оллоҳ таоло: «Бандам гуноҳларини кечиргувчи ва гуноҳлари учун жазоловчи парвардигори бор эрканлигини билдирди, бандамни учинчи марта ҳам кечирдим!» — деди. Кейин, банда гуноҳи учун Оллоҳ таолодан астойдил тавба қилиб кечирим сўрайди».

Абу Саъид ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Бир кишига Оллоҳ таоло мол-дунё ва фарзандлар ато этган эрди. Ўлар чоғи келганда ўғилларига: «Мен сизларга қандай оталик қилдим?» — деди. Ўғиллари: «Яхши оталик қилдингиз», — дейишди. Ул: «Мен охиратим бахайр бўлмоғи учун бирор яхши иш қилмадим, Оллоҳ таоло мени азобга дучор қилмоғи турган гап. Агар ўлсам, жасадимни куйдирингизлар, кўмирга айлангач, эзиб «кукун қилингизларда, қаттиқ шамол бўлган куни сочиб юборингизлар!» — деди. Ўғиллари айтганидек қилишди. Кейин, Оллоҳ таоло: «Кун (бор бўлгил!)» — деб эрди, бояги одам кайта бор бўлди. Оллоҳ таоло унга: «Эй бандам, бундай қилмоғингга сени не мажбур қилди?» — деди. Ул: «Сендан қўрққанимдан», — деди. Оллоҳ

таоло уни дарҳол мағфират этди»,

36-боб. Оллоҳ таолонинг қиёмат куни пайғамбарлар ва бошқалар бирлан сўзлашмоғи ҳақида

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни бўлса, мен шафоат қилиб: «Ё раббим, қалбида хардал уруғичалик иймони бор умматларимни ҳам жаннатга киргизгил!» — дейман. Улар жаннатга кирадирлар, Сўнг, яна: «Ё раббим, қалбида (энг кичик) заррадек иймони бор умматларимни ҳам жаннатга киргизгил!» — дейман», — дедилар».

Ибн Ҳошим ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Ораларингизда Оллоҳ таоло сўзлашмаган бирорта ҳам одам қолмагайдур, шунда ўртада таржимон бўлмагайдур. Киши ўнг тарафига қараб ҳам, чап тарафига қараб ҳам илгари қилган амалларидан ўзга нарсани кўрмагай, рўпарасига қараб эрса, юзини ялаётган дўзах алангасидан бўлак нарсага кўзи тушмагайдур. Шундай эркан, яримта хурмо эҳсон қилиб бўлса ҳам дўзах оташидан ўзингизни асрангиз!»

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Яҳудий уламолардан бири келиб: «Қиёмат куни бўлса, Оллоҳ таоло осмонларни бир бармоғига, ерларни иккинчи бир бармоғига, сув ва туфроқни бошқа бир бармоғига, одамларни эрса, яна бир бармоғига олиб, сўнг: «Подшоҳ — мендурмен, подшоҳ — мендурмен!» — деб айтадир», — деди. Жаноб Расулulloҳ унинг гапига таажжуб ва тасдиқ қилиб шул қадар кулдиларки, ҳатто мен озик тишларини кўрдим. Сўнг, ул зот «Оллоҳ таолонинг қудратини муносиб баҳоламадилар...» деган ояти каримани ўқидилар».

Сафвон ибн Муҳриз ривоят қиладилар: «Бир киши Ибн Умардан: «Оллоҳ таоло бирлан банда ўртасида бўладирган ўзаро (юзма-юз) суҳбат ҳақида Жаноб Расулulloҳнинг не деганларини билурмисан?» — деб сўради. Ибн Умар бундай дедилар: «Қайси бирингиз бўлмангиз, раббингизга шул қадар яқин боргайдурсизким, ҳатто ул орага пардасини ташлаб олганда, сизга: «Бундай ва бундай ишларни қилганми эрдинг?» — дегай. Сиз: «Ҳа, шундоқ!» — деб айтгайсиз. Оллоҳ таоло яна: «Бундай ва бундай ишларни ҳам қилганми эрдинг?» — дегай. Сиз: «Ҳа, шундоқ!» — дегайсиз. Оллоҳ таоло қилган айбларингизни ўзингизга тасдиқлатиб олгач: «Мен сени ул дунёдаги гуноҳларингни яширган эдим, энди бугун уларни мағфират қилдим!» — дегай».

37-боб. Оллоҳ таолонинг «Оллоҳ Мусога танирди» деган қавли ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: «Одам алайҳиссалом бирлан Мусо алайҳиссалом иккалалари ўзаро тортишиб қолишди. Шунда Мусо алайҳиссалом: «Сен ўз зурриётини жаннатдан маҳрум қилган ўшал Одамсан!» — дедилар. Одам алайҳиссалом: «Сен Оллоҳ таоло ишонч билдириб вазифа юклаган ва ўзига суҳбатдош қилиб танлаган ўшал Мусосан, энди эрса, Оллоҳ таоло яратмоқдан илгари менга тақдир қилган ишни рўкач қилиб мени маломат қилурсан!» — дедилар. Одам алайҳиссалом бул далиллари бирлан Мусо алайҳиссаломни мот қилдилар.

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қиёмат куни мўминлар маҳшарда тўпланишиб: «Раббимиздан шафоат тилайлик шояд келиб бизни бул турган еримиздан бошқа жойга кўчирса!» — дегайларда, Одам алайҳиссаломнинг ҳузурларига бориб «Сиз инсонлар отасисиз, Оллоҳ таоло сизни ўз қудрат

қўли бирлан яратган, сизга фаришталарни сажда қилдирган ва сизга барча нарсаларнинг исмини ўргатган, раббимиздан бизга шафоат тилаб берингиз, бизни бошқа жойга кўчирсин!» — деб айтгайлар. Одам алайҳиссалом уларга: «Мен сизларга ёрдам бера олмагайман», — деб ўзлари қилган хатоларни уларга эслатгайлар».

Иби Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Алмасжид ул-Ҳаромда ухлаб ётганларида (Ҳамза ибн Абдулмутталиб ва Жаъфар ибн Абу Толиб ҳам ҳузурларида эрди) ваҳий келмасидан бурун олдиларига уч фаришта кириб келди. Уларнинг олдиндагиси: «Булардан қайси бири Оллоҳнинг расули?» — деди. Ўртадагиси: «Энг яхшиси», — деди. Кейиндагиси: «Ўшал яхшисини кўтариб олингизлар!» — деди. Икки фаришта индамай ул зотни кўтари Замзам қудуғи олдига олиб бориб қўйишди. Уч фариштадан бири Жаброил алайҳиссалом бўлиб, ул киши Жаноб Расулulloҳнинг тепаларига келиб кўкракларини томоқларининг пастига қадар ёрдиларда, ичидаги аъзоларни ташқарига чиқариб, (кўкрак) ичини замзам суви бирлан ювиб топ-тоза қилдилар. Сўнг, иймонун ҳикматга лиммо-лим бир олтин жомни олиб келдиларда, Жаноб Расулulloҳнинг кўкраклари бирлан томирларини (иймонун ҳикматга) тўлдирдилар. Кейин, кўкракларини ёпиб, ул зотни энг яқин осмонга олиб чиқдиларда, осмон дарвозаларидан бирини тақиллатдилар. Осмон аҳли Ҳазрат Жаброилга: «Бул ким?» — деб нидо қилди. Ҳазрат Жаброил: «Менман», — дедилар. Осмон аҳли: «Ёнингдаги ким?» — деди. Ҳазрат Жаброил: «Ёнимдаги Муҳаммаддур», — дедилар. Осмон аҳли: «Оллоҳ таолонинг ҳузурига бормоқларига рухсат борми?» — деди. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. Осмон аҳли: «Марҳабо, хуш келибсиз!» — деб ул зотнинг келганларидан хурсанд бўлди, аммо Оллоҳ таолонинг ул зотни ердан қандай юмуш бирлан ўз даргоҳига чорлаганини айтмади. Жаноб Расулulloҳ уларнинг олдига чиқиб энг яқин осмонда Одам алайҳиссаломни учратдилар. Ҳазрат Жаброил пайғамбаримизга: «Бул киши отангиз бўладилар», — дедиларда, салом бердилар. Пайғамбаримиз ҳам салом бериб эрдилар, ул киши алик олиб: «Марҳабо, хуш келибсиз, эй ўғлим! Сиз энг яхши ўғилсиз!» — дедилар. Жаноб Расулulloҳ ўшал ерда турганларида мавж уриб оқаятган икки дарёга кўзлари тушиб: «Ё Жаброил, бул иккиси қандай дарё?» — деб сўрадилар. Ҳазрат Жаброил: «Булар Нил ва Фирот дарёларининг бошидур» — дедилар. Кейин, Ҳазрат Жаброил бирлан осмонда кетаётиб бошқа бир дарёни кўрдилар, унинг устида маржону забаржаддан қурилган бир муҳташам қаср турар эрди. Жаноб Расулulloҳ дарёга қўлларини тикиб эрдилар, мушк бўлиб чиқди. «Бул недур, ё Ҳазрат Жаброил?» — дедилар. Ҳазрат Жаброил: «Бул — парвардигорингиз сизга атаб қўйган Ҳавзи Кавсардур!» — дедилар. Кейин, улар иккинчи осмонга кўтарилдилар. Фаришталар Ҳазрат Жаброилга: «Бул ким?» — деб илгаригидек савол бердилар. Ҳазрат Жаброил «Бул — менман» — дедилар. Улар: «Ёнингдаги ким?» — дедилар «Ҳазрат Жаброил: «Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламдур», — дедилар. Улар: «Оллоҳ таолонинг ҳузурига бормоқларига рухсат текканми?» — дедилар. Ҳазрат Жаброил: «Ҳа», — дедилар. Улар: «Марҳабо, хуш келибсиз!» — дедилар. Сўнг, Ҳазрат Жаброил Жаноб Расулulloҳ бирлан учинчи осмонга кўтарилдилар. Фаришталар биринчи ва иккинчи осмондагидек савол берганларидан сўнг, тўртинчи осмонга кўтарилдилар. Кейин, яна одатдагидек савол-жавоб қилинган, Жаноб Расулulloҳ бирлан бешинчи осмонга кўтарилдилар. Бул ерда ҳам ўшал савол-жавоб қайтарилди. Кейин, олтинчи осмонга кўтарилдилар. Сўнг, одатдагидек савол-жавоб қилинган, еттинчи осмонга кўтарилдилар. Бул ерда ҳам ўшал савол-жавоб такрорланди. Жаноб Расулulloҳ ҳар бир осмонда бир пайғамбарни учратдилар, мен улардан баъзиларининг исmlарини эслаб қолганман: иккинчи осмонда Идрис алайҳиссаломни, тўртинчи осмонда Ҳарун алайҳиссаломни, бешинчи осмондагиси эсимда йўқ, олтинчи осмонда Иброҳим алайҳиссаломни, еттинчи осмонда Оллоҳ таоло бирлан суҳбатлашмоқ ҳуқуқига муяссар бўлган Мусо алайҳиссаломни кўрдилар. Мусо алайҳиссалом: «Ё раббий, мен ҳузуримга ердан бирор киши чиқади деб ўйламаган эрдим!» — дедиларда, Жаноб Расулulloҳ бирлан бирга Оллоҳ

таолодан ўзга киши исмини билмайдирган бундан ҳам баландроқ осмонга кўтарилиб, Сидрат ул-Мунтаҳо деган жойга етиб бордилар. Шунда иззат соҳиби бўлмиш Оллоҳ таоло Жаноб Расулуллоҳга жуда ҳам яқин келиб: «Бир кеча-кундузда эллик вақт намоз ўқимоқни умматингга фарз қилдим», — деб ваҳий қилди. Жаноб Расулуллоҳ ул ердан қайтиб Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига бордилар. Ул киши Жаноб Расулуллоҳни тўхтатиб: «Ё Муҳаммад, раббингиз сизга қандай вазифа юклади?» — деб сўрадилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Бир кеча-кундузда эллик вақт намоз ўқимоқни буюрди», — дедилар. Мусо алайҳиссалом: «Умматингиз бунга чидамайди, қайтингиз, раббингиз сиз бирлан умматингизга юклаган бул вазифани камайтирсин!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Шул гап маъқулми?» деган маънода Ҳазрат Жаброилга ўгирилиб қарадилар. Ҳазрат Жаброил «Агар истасангиз, шул талаб бирлан раббингизнинг ҳузурига чиқсангиз бўлғай, — деб маъқулладилар. Жаноб Расулуллоҳ аввалги жойга қайтиб бориб: «Ё раббий, бизга юклаган вазифангни етгиллаштиргил, умматим бунга чидамайди!» — дедилар. Оллоҳ таоло ўн вақт намозга камайтирди. Жаноб Расулуллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига қайтиб бордилар. Мусо алайҳиссалом беш вақт намоз қолгунга қадар ул зотни тўхтатиб ортларига қайтаравердилар. Кейин, беш вақт намоз қолгач: «Ё Муҳаммад! Оллоҳ таоло ҳақи, умматим бўлмиш Баний Исроил бундан ҳам кам бўлмоғини талаб қилиб, кейин шунга ҳам чидамай намозни тарк этган эрди. Сизнинг умматингиз эрса жасад, қалб, бадан, кўз ва қулоқ жиҳатидан анча заифроқдур, раббингиз ҳузурига қайтингиз, яна камайтирсин!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ «Маъқулми?» дегандек Жаброил алайҳиссаломга қараб эрдилар, ул киши рад қилмадилар. Шунда пайғамбаримиз алайҳиссалом вассалот ортларига қайтиб: «Ё раббий, менинг умматимнинг жасади, қалби, қулоғи ва бадани заифроқдур, бизга юклаган вазифангни енгиллаштиргил!» — дедилар. Оллоҳ таоло: «Ё Муҳаммад!» — деди. Ул зот: «Лаббай, хизматингга ҳозирман!» — дедилар. Оллоҳ таоло сўз ўзгартирилмагайдур! Умм ул-Китобда (Лавҳ ул маҳфузда) сенга неча вақт намозни фарз қилиб битиб қўйган эрсам, ўшандайлигича қолгайдур!» — деди. Сўнг, яна: «Ҳар бир амали солиҳ учун ўн баробар кўп ажру савоб бергаймен. Умм ул-Китобда эрса бул амали солиҳлар элликта бўлиб, сенинг учун бештаси фарздур!» — деб айтди. Шундан сўнг Жаноб Расулуллоҳ Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига қайтдилар. Мусо алайҳиссалом: «Не қилдингиз?» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Бизга фарз қилган беш вақт намозни яна ҳам камайтирмоғини сўраб эрдим, беш вақт намознинг ҳар бири учун бизга ўн баробар кўп ажру савоб ато этди», — дедилар. Мусо алайҳиссалом «Оллоҳ таоло ҳақи, Баний Исроил бундан ҳам камроқ намозга чидамай уни тарк қилган эрди. Раббингизнинг ҳузурига қайтингиз, сизларга яна ҳам енгил қилсин!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Ё Мусо, Оллоҳ таоло ҳақи, мен бундан ҳам кўпроқ камайтирмоқни талаб қилмоққа раббимдан уялдим!» — дедилар. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ Оллоҳ таолонинг исмини айтганча ерга туширилдилар. Уйғониб қарасалар, Ал-масжид ул-Ҳаромда эрканлар».

38-боб. Оллоҳ таолонинг жаннат аҳли бирлан сўзлашмоғи ҳақида

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло жаннат аҳлига: «Эй жаннат аҳли!» — дегай, Улар: «Лаббай, ё раббимиз, хизматингга тайёрмиз, хайрият сенинг қўлинггадур!» — деб жавоб бергайлар. Оллоҳ таоло: «Розимисизлар (мамнунмисизлар)!» — дегай. Улар: «Бўлмасамчи, албатта розимиз, ё раббимиз! Ахир, сен бирорта ҳам махлуқингга бермаган нарсаларни бизга ато этдинг-ку!» — дегайлар. Оллоҳ таоло: «Сизларга бундан ҳам афзалроқ нарсаларни ато этайинми?» — дегай. Улар: «Раббим, бундан афзалроқ нарса недур?» — дегайлар. Оллоҳ таоло: «Сизлардан ризо бўлиб, кейин сира ҳам сизларга ғазаб қилмаслигимдур!» — дегай».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни суҳбатлашиб ўлтириб бундай дедилар (шунда ҳузурларида бир бадавий ҳам бор эрди):

«Жаннатдаги бир киши Оллоҳ таолодан экин эсмоққа рухсат сўради. Оллоҳ таоло унга: Бул ердаги неъматларимдан қоникмаётирсенми? — деди. Бояги одам: «Истаганим муҳайёдур, аммо мен экин эсмоқни яхши кўрурман», — деди. Кейин, тезда уруғ сочиб, ҳосили етилгач, тоғдек-тоғдек қилиб хирмон уйди. Шунда Оллоҳ таоло: «Эй Одам боласи! ... қараб тур, шу ҳам сенга етмаса керак!» — деди». Сўхбатда ўлтирган бадавий Жаноб Расулulloҳнинг бул гапларини эшитиб: «Ё Расулаллоҳ, бизлар ўшал одамни қураиший ёким ансорий бўлиши керак деб ҳисоблаймиз, чунким ана ўшалар деҳқончилик қиладилар. Биз — бадавийлар эрсак экин эзмагаймиз», — деди. Жаноб Расулulloҳ хандон отиб кулиб юбордилар».

39-боб. Оллоҳнинг зикри — ҳукм бирлан ва бандаларнинг зикри — дуо, тазарруъ, пайғом келтирмоқ ва ўзгаларга (ҳам) етказмоқ бирландур!

Оллоҳ таоло: «Мени ёдингизда тутингизлар, мен ҳам сизларни ёдимда тутгаймен!» — дейди. Оллоҳ таолонинг қавли: «(Нух) ўз қавмига: «Эй қавмим! Агар менинг сизларга Оллоҳ таолонинг оятларига мувофиқ панд-насиҳат қилиб турганим оғир келган бўлса, ул ҳолда мен Оллоҳ таолога таваккал қилдим. Энди, сизлар шерикларингиз бирлан бир бўлиб менга қарши ўз тадбир-чораларингизни кўрингизлар, токим кўзлаган ишингиз қилинмай қолиб, дилингизда армон бўлиб қолмасин! Менга чиқарган ҳукмингизни, пайсалга солмай, дарҳол ижро этингизлар! Агар юз ўгирсангизлар, билингизларким, мен қилган меҳнатимга сизлардан ҳақ талаб қилмадим, менинг ажрим Оллоҳ таолонинг зиммасидадур! Ва менга фармонбардорлардан бўлмоқлик амр қилингандур!» — деб айтганда содир бўлган Нух воқеасини уларга эшиттирингизлар". Мужоҳид бундай дейдилар: «Агар бирор мушрик сендан ёрдам сўраса, шул шарт бирлан ёрдам бериши, токим ул бир инсон сифатида Жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига бориб сўзларига қулоқ солсин ва Оллоҳ таоло ўзи хусусида қандай ҳукмлар нозил қилганини эшитиб, амин бўлсин ҳамда Қуръонда айтилган «Буюк хабар» (Нух воқеаси)нинг ҳақ эканлигини онгига жо қилиб, Оллоҳ таолонинг ҳукмларига амал қилсин!».

40-боб.

Оллоҳ таоло: «Оллоҳга (ҳеч кимни) шерик қилмангизлар!»,... Оллоҳга шерик қилмоққа ботина олурмисизлар? Ул эрса оламлар парвардигоридур!» — дейди. Оллоҳ таоло: «Оллоҳ бирлан бирга бошқа тангрига, ибодат қилмайдирганлар...», «Дарҳақиқат, сизга ва сиздан илгариларга ваҳий туширилди. Эй инсон! Агар сен мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг ҳабата бўлур ва сен йўқотиш қилганлар (охирати куйганлар) тоифасидан бўлурсан, балки ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қил ва шукр қилгувчилардан бўл!» — дейди.

Икрима бундай дедилар: «Уларнинг кўплари Оллоҳ таолога иймон келтирганлари бирлан барибир мушрикдурлар, чунки агар улардан «Сизларни ва осмонлар бирлан ерни ким яратган?» деб сўрасангизлар, «Оллоҳ» деб айтадирлару, аммо ундан ўзга нарсани тангри қилиб олиб, ана ўшанга ибодат қиладилар. Бандаларнинг бул дунёда қиладирган амаллари ва ризқи рўзлари азалдан яратиб қўйилганлиги ҳақида Оллоҳ таоло: «(Оллоҳ) ҳар бир нарсани яратиб, унга ўзига яраша тақдир белгилаб қўйди» — дейди».

Амр ибн Шарҳабийл ривоят қиладилар: «Мен Жаноб Расулulloҳдан: «Қандай гуноҳ Оллоҳ таолонинг даргоҳида энг катта гуноҳ ҳисобланур?» — деб сўрадим. Ул зот: «Ўзингни яратган Оллоҳга ширк келтирмоғингдур!» — дедилар. «Ҳа, бу — энг катта гуноҳдур!» — дедим. «Ундан сўнг, қайси?» — деб сўрадим. Ул зот: «Овқатимга шерик бўлмасин деб ўз болангни ўлдирмоғингдур!» — дедилар. «Ундан кейинчи?» — дедим. Ул зот: «Қўшнингнинг жуфти

ҳалоли бирлан зино қилмоғингдур!» — дедилар».

41-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингизнинг гувоҳлигидан беркина олмас эрдингизлар, лекин сизлар, Оллоҳ қилаётган ишимизнинг кўпини билмайди, деб ўйладингизлар.

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Икки сакафий бирлан бир қурайший (балким, икки қурайший) Байтуллоҳ ёнида учрашиб қолди. Сакафийлар — қоринлари ёғга бой, қалблари эрса фикҳга қашшоқ эрдилар. Улардан бири: «Нима дейсизлар, Оллоҳ нима деяётганимизни эшитармикан?» — деди. Иккинчиси: «Қаттиқ гапирсак эшитадир, аммо пичирлашсак эшитмайдир», — деди. Биринчи бўлиб сўзлагани: «Қаттиқ гапирсак эшитадирган бўлса, унда пичирлашсак ҳам эшитгайдир», — деди. Шунда Оллоҳ таоло: «Қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингизнинг гувоҳлигидан беркина олмас эрдингизлар, лекин сизлар, Оллоҳ қилаётган ишимизнинг кўпини билмайди, деб ўйладингизлар!» деган ояти каримасини нозил қилди».

42-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ ҳар куни (ҳар лаҳза) бирор иш бирлан машғулдур» ва «Парвардигорларидан қачон бир янги насиҳат келса...» Оллоҳ таолонинг қавли: «Шояд, Оллоҳ бундан сўнг (талокдан сўнг) бирор ишни содир қилса!» дедилар.

Ибн Аббос: «Қўлингизда Оллоҳ таолонинг ўзларингиз ўқийдирган янги ва матни бузилмаган Китоби бўла туриб, қандай қилиб китоб аҳлидан уларнинг китоблари ҳақида сўрагайсизлар!»

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Аббос: «Эй мусулмонлар жамоаси! Қандай қилиб китоб аҳлидан шариатингиз хусусида сўрагайсизлар, ахир Оллоҳ таоло пайғамбарингиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилган Китобингиз Оллоҳ таолонинг энг янги ва соф хабарлари-ку! Оллоҳ таоло сизларга: «Китоб аҳли Оллоҳ китобини ўзгартириб, ўз қўллари бирлан қайта ёздилар ва уни Оллоҳ нозил қилган дедилар ва бу бирлан Оллоҳнинг каломини арзимас матоҳга алмаштирадилар», — деб айтган-ку! Ёки, уларнинг бирор масалани сўраб олдингизга келмагани ҳам сизларни бу йўлдан қайтармайдими? Оллоҳ таоло ҳақи, улардан бирор кишининг сизларга нозил қилинган нарса хусусида сўраб келганини ҳали кўрмагандирмиз!» — дедилар».

43-боб. Оллоҳ таолонинг «(Эй ҳабибим!) Қуръонни тезроқ ёд олмоқ учун тилингни ҳаракат қилдириб ўлтирмагил!...» деган қавли ва Жаноб Расулуллоҳнинг ваҳий нозил бўлгандаги хатти-ҳаракатлари ҳақида

Абу Ҳурайра бундай дейдилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло: «Мени ёд этиб тилга олган бандамга ҳамиша ҳар ерда ёрман!» — дейди», — дедилар».

Ибн Аббос Оллоҳ таолонинг «Қуръон оятларини тез ёд олайин деб лабларингни қимирлатиб ўлтирмагил!» деб айтган қавли хусусида: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Ҳазрат Жаброил) келтирган оятларни тезда ёд олмоқ бўлиб лабларини қимирлатар эрдилар», — дедиларда, «Мен лабларимни, Жаноб Расулуллоҳ лабларини қандай қимирлатган бўлсалар, шундай қимирлатиб кўрсатаяпман», — деб айтдилар. Саъид: «Мен ўз лабларимни Ҳазрат Аббос лабларини қимирлатгандек қимирлатиб кўрсатаяпман», — дедилар. Оллоҳ таоло «(Жаброил)

Қуръон ўқиганда сен шошиб такрор қилма! Қуръонни қалбингга ва хотирангга жо қилмоқ, истаган вақтингда уни ўқишга сени қодир этмоқ Бизнинг бўйнимиздадур» ва «Агар Биз уни (Жаброил қироати орқали) ўқисак сен унга қулоқ сол!» деган оят нозил қилди. Шундан сўнг, Жаноб Расулulloҳ, агар Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирсалар, аввал тинглаб, кетганларидан кейингина ул киши ўқиганларидек такрорлаб ўқир эрдилар.

44-боб. Оллоҳ таолонинг «Сўзларингизни хоҳ ичингизда, хоҳ ошкора айтингизлар, ул диллардагини билгувчи зотдур! Ахир, ўзи яратганни ўзи билмайдими?! Ул сирларни билгувчи ҳар нарсадан хабардор зотдур!» деган қавли ҳақида

Ибн Аббос Оллоҳ таолонинг «Намозингни баланд овоз бирлан ҳам, пичирлаб ҳам ўқимагил!» деган қавли хусусида бундай дейдилар: «Бул ояти карима Жаноб Расулulloҳ Маккада мушриклардан яшириниб юрган вақтларида нозил бўлган эрди. Ул зот ўз саҳобалари бирлан намоз ўқиганларда овозларини чиқарсалар, мушриклар эшитиб Қуръони Кариймни ҳам, уни нозил қилган парвардигорни ҳам, пайғамбаримизни ҳам ҳақорат қилур эрдилар. Шунда Оллоҳ таоло ўз расулига: «Намозингни баланд овоз бирлан ўқимагил, мушриклар эшитиб Қуръонни ҳақорат қилгайлар, уни пичирлаб ҳам ўқимагил, саҳобаларингга эшиттира олмай қолгайсан, ўртача бир йўлни танлагил!» — деди».

Оиша разияллоҳу анҳо: «Оллоҳ таолонинг «Намозингни баланд овоз бирлан ҳам, пичирлаб ҳам ўқимагил!» деган ояти каримаси дуо хусусида нозил бўлгандур», — дейдилар.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ: «Кимки Қуръонни тажвид бирлан ўқимаса, биздан эрмас!» — дедилар»

45-боб. Набий саллаллоҳу алайҳн ва салламнинг «Оллоҳ таоло бир кишига Қуръонни (тажвид бирлан тиловат қилмоқ ва уни теран тушунмоқ бахтини) ато этган эрса-ю, ул кечаю кундуз шул иш бирлан машғул бўлса, бошқа бир киши унга ҳавас қилиб: «Оллоҳ таоло менга ҳам (шундай бахт) ато этганда эрди, мен ҳам шундай қилган бўлур эрдим!» — деса...» деб айтганлари ҳақида

Оллоҳ таоло: «Осмонлар бирлан ернинг яратилиши ва тилларингизу рангларингизнинг турли-туманлиги унинг қудрати далилларидандур!» — деб бандасини Қуръон илмидан баҳраманд қиладирган ҳам ўзи эрканлигини баён қилади. Оллоҳ таоло: «Амали солиҳлар қилаверингизлар, шояд мақсадга етсангизлар!» — дейди.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки нарса хусусидагина ҳасад (ҳавас) қилса, бўлур: Оллоҳ таоло бир бандасига Қуръон ато этган бўлса-ю, ул кечаю кундуз уни тиловат қилаётган эрса ва Оллоҳ таоло бир бандасига ҳалол мол-дунё ато этган бўлса-ю, ул уни кечаю кундуз эҳсон қилаётган эрса», — дедилар.

46-боб. Оллоҳ таолонинг «Эй Расул! Ўзингизга парвардигорингиз тарафидан неки нозил қилинган бўлса, барчасини (умматларингизга) етказингиз ва агар шундай қилмасангиз, унинг бирор пайғомини адо этмаган бўлурсиз!» деган қавли хусусида

Зухрий бундай дейдилар: «Оллоҳ таолонинг иши — пайғом юбормоқ, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ишлари — уни ўз умматларига етказмоқ ва бизнинг ишимиз

— уни қабул қилиб итоат этмоқдур. Оллоҳ таоло пайғамбарларнинг ўз парвардигорлари пайғомларини умматларига етказганликларини билдириш учун: (Нух) парвардигоримнинг пайғомларини сизларга етказаётирман деб (ўз умматига) айтган», — дейди».

Каъб ибн Молик Жаноб Расулulloҳ даъват қилган Табук ғазотига кечикиб қолганда: «Оллоҳ ва унинг расули амалларингизни кўрур» деган оятни ўқиди.

Оиша разияллоҳу анҳо: «Агар сенга бирор кишининг яхши амали ёқиб қолса, унга «Ишларингизни қилаверингизлар, Оллоҳ ва унинг расули ҳамда мўминлар амалларингизни кўрур» деган ояти каримани айтгил, бунинг учун сени ҳеч ким коймагай», — дедилар.

Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тоғалари Ҳаром (ибн Милҳан)ни ўз қавми бўлмиш Бани Омирга жўнатдилар. Ул киши бориб: «Мен сизларга Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисола (топшириқ, пайғом)ларини етказмоқ ниятидадурмен, менга омонлик бергаймисизлар?» — дедида, уларга бул ҳақда сўзлай кетди».

Муғира ибн Шуъба ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга парвардигоримизнинг рисоласи (пайғоми) ҳақида хабар қилдиларки, бизлардан кимки (ғазотда) ўлдирилса, жаннатга кирар эркан».

Масруқ ривоят қиладилар: «Оиша разияллоҳу анҳо бундай дедилар: «Кимки сенга: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло нозил қилган ваҳийлардан бирортасини яшириб айтмади», — деса, ишонмагил! Чунким, Оллоҳ таоло: «Эй расулим, раббингиздан ўзингизга нимаики нозил қилинган бўлса, барчасини умматингизга етказингиз, гар шундай қилмассиз, унинг рисоласини (пайғомини) бутунлай етказмаган бўлурсиз!» — дейди».

Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қиладилар: «Бир киши келиб: «Ё Расулаллоҳ, қайси гуноҳ Оллоҳ таолонинг даргоҳида энг катта гуноҳ ҳисоблангай?» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Ўзингни яратган Оллоҳ таолога ширк келтирмоғингдур!» — дедилар. Ул: «Кейин-чи?» деди. Жаноб Расулulloҳ: «Овқатимга шерик бўлмасин деб ўз болангни ўлдирмоғингдур!» — дедилар, Ул: «Кейинчи?» — деди. Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Қўшнингнинг жуфти ҳалоли бирлан зино қилмоғингдур! Оллоҳ таоло бунинг тасдиқи учун «Оллоҳдан бўлак тангрига сиғинмайдирганлар Оллоҳ ўлдирмоқни манъ қилган шахсни ноҳақ ўлдирмайдирганлар ҳамда зино қилмайдирганлар ва кимки буни қилса, катта гуноҳга қолгайки, қиёмат кунида унинг азоби икки баробар кўп бўлур!» деган ояти карима нозил қилгандур».

47-боб. Оллоҳ таолонинг «... Тавротни келтиринглар ва уни тиловат қилинглар, дегил...» деган қавли ҳамда Жаноб Расулulloҳнинг «Аҳли тавротға Таврот берилиб, улар унга амал қилдилар, сўнг аҳли инжилга Инжил берилиб, улар унга амал қилдилар, кейин сизларга Қуръон берилиб, сизлар унга амал қилдингизлар» деб айтганлари ҳақида

Абу Рашин бундай дейдилар: «Оллоҳ таолонинг «Уни тиловат қиладилар» дегани — «Унга эргашадилар ва талаб даражасида амал қиладилар» деганидир. «Тиловат қилади дегани — «Қироат қилади», «Ҳусни тиловат» дегани — Қуръонни чиройли қилиб қироат қилмоқ» деганидир. «Ушламайди» дегани эрса, «Қуръонга иймон келтирганлардан ўзгалар ундан завқ ҳам, нафъ ҳам тополмайди, бунга чин иймонли кишигина эриша олади» деганидир. Чунким, Оллоҳ таоло: «Ўзларига таврот юклангач, кўтара олмаган одамлар — устига бир қанча

китоблар ортиб олган эшакка ўхшайдирлар, Оллоҳнинг оятларини ёлғон деган қавмнинг ҳоли вой бўлгай ва Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмагай», — дейдир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ислом бирлан иймонни «амал» деб атадилар.

Абу Ҳурайра бундай дедилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрат Билолга: «Исломда қилган энг умидбахш амалинг қайсидур?» — дедилар. Ҳазрат Билол: «Исломда қилган энг умидбахш амалим шулдурким, мен таҳорат олдимми, албатта икки ракъат намоз ўқиғаймен», — дедилар. Кейин, Жаноб Расулуллоҳдан қайси бир амал афзал эрканлиги ҳақида сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳ таоло бирлан унинг расулига иймон келтирмоқ, сўнг жиҳод қилмоқ, кейин ҳалол ҳаж қилмоқдур» — дедилар».

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Агар ўзингиздан илгари ўтган умматларнинг (Оллоҳ таолога ибодат қилган) даврини, гўёким саҳардан то ярмигача давом этган деб ҳисоблайдирган бўлсак ул ҳолда сизларнинг (мусулмонларнинг Оллоҳ таолога ибодат қилган) даврингиз асрдан шомгача бўлган вақтга тўғри келгайдур. Маълумки, Оллоҳ таоло таврот аҳлига тавротни ато этди. Улар (юқоридаги қиёсимизга кўра) саҳардан то кун ярмигача тавротга амал қилиб, Оллоҳ таолога ибодат қилдилар ва бунинг учун қийрот-қийрот ажру савоб олдилар, сўнг бундай ибодатга чидамай қолдилар. Кейин, Оллоҳ таоло инжил аҳлига инжилни ато этиб эрди, улар (юқоридаги қиёсимизга кўра) кун ярмидан асргача инжилга амал қилиб, Оллоҳ таолога ибодат қилдилар ва бунинг учун қийрот-қийрот ажру савоб олдилар, сўнг улар ҳам бундай ибодатга чидамай қолдилар. Мана энди Оллоҳ таоло сизларга Қуръони Кариймни ато этди. Сизларнинг (Қиёматга қадар) унга амал қилиб Оллоҳ таолога ибодат қилажак даврингиз (юқоридаги қиёсимизга кўра), гўёким асрдан шомгача бўлган вақтга тўғри келиб, бунинг учун охиратда икки баробар кўп қийрот-қийрот ажру савоб олгайсизлар. Шунда таврот аҳли: «Ё парвардигоро, нечун анавилар (мусулмонлар) бизга нисбатан ҳам тоат-ибодат қилиб, кўп ажру савоб олдилар?» — дегайлар. Оллоҳ таоло уларга: «Сизларга ажру савоб беришда заррача зулм қилдимми?» — дегай. Улар: «Йўқ, асло!» — деб жавоб қилгайлар. Оллоҳ таоло: «Менинг фазлу марҳаматим ана шундай, уни истаган бандамга ато этгайман!» — дегай».

48-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозни «иймон» деб атаганлари ҳамда «Кимки «Сураи Фотиҳани» ўқимаса, намози мақбул эрмас!» деганлари ҳақида

Ибн Масъуд ривоят қиладилар: «Бир одам Жаноб Расулуллоҳдан: «Қайси амал афзалдур?» — деб сўради. Ул зот: «Ўз вақтида ўқилган намоз ва ота-онага яхшилик қилмоқдур, сўнг Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ», — дедилар».

49-боб. Оллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, инсон ҳам ҳиммат қилиб яратилган бўлиб, бошига кулфат тушганда (Оллоҳга илтижо қилиб) дод-фарёд қилгай, мол-дунё орттирганда эрса, (хайр-эҳсонни унутиб) бахил бўлиб олгайдур» деган қавли ҳақида

Амр ибн Тағлиб ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига ўлжа моллар келтирилди. Шунда ундан баъзиларга бердилар, баъзиларга бермадилар. Кейин, ўлжа молдан олмаганларнинг норози бўлганликлари ҳақида айтишди. Жаноб Расулуллоҳ буни эшитиб: «Бир кишига ўлжа бериб, иккинчисига бермаганимнинг боиси шулдурким, ўшал мен ўлжа бермаган шахс ўлжа олган шахсдан кўра менга маҳбуброқдур. Чунким, мен ўлжани қалбларида қаноатсизлик ва камҳимматлилик ҳукмрон бўлган кишиларга бергаймен, қалблари

ҳиммату қаноатга бой бўлганларга эрса, яна ҳам ҳимматли ва қаноатли бўлсинлар деб ҳеч нарса бермагаймен, шундай кишилардан бири — Амр ибн Тағлибдур!» — дедилар. Худо ҳақи, Жаноб Расулulloҳнинг бу гаплари менинг учун ҳар қандай мол-дунёдан ортиқдур!»

50-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз парвардигорларини ёд этиб, унинг ҳақида ривоят қилганлари ҳақида

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз парвардигорлари ҳақида бундай деб айтдилар: «Оллоҳ таоло: «Агар бандам менга бир қарич яқин келса, мен унга бир газ яқин боргайман, агар ул менга бир газ яқин келса, мен унга бир қулоч яқин боргайман. Агар ул мен томон юриб келса, мен ул томон чопиб боргайман!» — дейди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолони ёд этиб бундай дедилар: «Оллоҳ таоло «Агар бандам мен томон бир қарич яқин келса, мен ул томон бир газ яқин боргайман, агар ул мен томон бир газ яқин келса, мен ул томон бир қулоч яқин боргайман», — дейди».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам парвардигор ҳақида ривоят қила туриб, «Ул бундай дейди», — дедилар: «Ҳар бир амалнинг (гуноҳ ишнинг) каффорати бор. Рўза эрса менинг учун бўлиб, бунинг эвазига ажру савоб ато этгайман. Рўздор оғзидан келадирган бўй Оллоҳ таоло наздида мушк ҳидидан ҳам хушбўйроқдур!»

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам парвардигор ҳақида ривоят қила туриб, «Ул бундай дейди», — дедилар: «Банда ўзини Юнус ибн Маттодан афзалман деб уни камситмаслиги керак».

Шуъба ривоят қиладилар: Абдуллоҳ ибн ал-Муғаффал ал-Музаний бир вақтлар: «Мен Жаноб Расулulloҳни Макка фатҳ қилинган куни кўрдим, туяга миниб олиб чўзиқ овози бирлан Сураи Фатҳни ўқиб кетаётган эрдилар», — деган эрди. Сўнг, Муовия ибн Муғаффалнинг қироатига тақлид қилиб ўқидида: «Агар мен атрофингизда одам тўпланиб кетмоғидан истиҳола қилмаганимда эрди, Ибн Муғаффалнинг Жаноб Расулulloҳнинг қироатларига тақлид қилиб ўқиганидек ўқиб берар эрдим», — деди. Шунда мен унга: «Ибн Муғаффал қандай чўзиб ўқиган эрди?» — дедим. Ул: «О-о-о» деб уч бор қайтарди».

51-боб. Оллоҳ таоло нозил қилган таврот ва шул каби китобларни араб ва бошқа тилларда тафсир қилмоқ хусусида

Оллоҳ таолонинг қавли: «(Эй Ҳабибим), агар рост (сўзлаётган) бўлсангизлар, тавротни олиб келиб тиловат қилингизлар, деб айтгил!».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Абу Суфён ибн Ҳарб менга хабар бердики, Рум қайсари Ҳиракл ўз таржимонини чақирибди, сўнг Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини олиб келмоқни буюрибди. Кейин, уни ўқиттириб кўрса, унда «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми, Оллоҳ таолонинг расули бўлмиш Муҳаммад ибн Абдуллоҳдан Ҳираклга. Эй китоб аҳли! Сизлару бизлар ўртамизда баробар бўлган сўзга келинглари!» деб ёзилган эркан».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Китоб аҳли тавротни ибронийча ўқиб, уни ислом аҳлига араб тилида тафсир қилур эрди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Китоб

аҳлига ишонмангизлар ҳам, уларни ёлғончига чиқармангизлар ҳам! «Оллоҳ таолога ва ул нозил қилган барча нарсаларга иймон келтирганмиз» деб айтингизлар!» — дедилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Ўзаро зино қилган бир яҳудий эркак бирлан аёлни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб келишди. Жаноб Расулуллоҳ яҳудийларга: «Бул иккисига қандай жазо берурсизлар?» — дедилар. Яҳудийлар: «Бундай ҳолда бизлар юзларига қора суртиб сазойи қилгаймиз» дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Агар гапингиз рост бўлса, тавротни олиб келиб, ундан (шул жазо хусусидаги оятни топиб) ўқингизлар!» — дедилар. Улар тавротни олиб келишиб. ўзлари ишонган бир яҳудийга беришдида: «Эй Аъвар, ўқигил!» — дейишди. Ул тавротни очиб ўқий бошлади, кейин бир жойига келганда ўқишдан тўхтаб, ўшал жойни қўли бирлан беркитди. Ибн Салом: «Қўлингни ол!» — деди. Ул қўлини олиб эрди, беркитган жойида ражм ояти (яъни, зинокорларни тошбўрон қилмоқ кераклиги ҳақида оят) ёзилган эркан. Шунда яҳудий: «Эй Муҳаммад! Бизлар уларни ражм қилмоғимиз керак бўлса ҳам буни бир биримиздан яшираемиз», — деди. Жаноб Расулуллоҳ зинокорларни ражм қилмоққа амр қилиб эрдилар, улар ражм қилинди. Шунда яҳудий эркак ўз маъшуқасини отилаётган тошлардан пана қилишга ҳаракат қилар эрди».

52-боб. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Қуръон моҳири олиҳиммат, олижаноблар бирлан бирга бўлгай!» ва «Ўз овозларингиз бирлан Қуръонга зийнат беринглар!» деганлари ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло пайғамбарнинг Қуръон тиловат қилаётгандаги ёқимли овозига қулоқ солганчалик ҳеч нарсага қулоқ солмагандур!» — дейдилар.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Тухматчилар менга тухмат қилиб оғзига келганини айтгач, ўзимнинг покдомон эрканлигимни билсамда, Оллоҳ таоло албатта мени ўзи оқлаб олгай, деган ўй бирлан хаёл суриб ўрнимда ўлтириб қолдим. Лекин, Оллоҳ таоло ҳақи, парвардигорим менинг хусусимда оят нозил қилгай деб сира ўйламаган эрдим! Мени шул қадар ҳаё қамраб олдиким, Оллоҳ таолонинг ўзи менинг шаънимга тегишли иш борасида сўзлаганидан уялиб кетдим! Ўшанда Оллоҳ таоло азза ва жалла «Тухмат қилиб келганлар ўзларингиздан чиққан бир гуруҳ кишилардур...» деган ояти каримасини нозил қилгаи эрди».

Барро (ибн Озиб) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хуфтонда «Ваттийн ваз-зайтун» сурасини қироат қилганларини эшитдим. Мен бирор кишининг бул қадар яхши (чиройли) овоз бирлан қироат қилганими эшитмаган эрдим!».

Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада мушриклардан яшириниб юрган кезларида овоз чиқариб қироат қилсалар, мушриклар эшитиб қолиб Қуръонни ҳам, уни (Оллоҳ таолодан) келтирганни ҳам ҳақорат қилур эрдилар. Шунда Оллоҳ таоло ўз расули саллаллоҳу алайҳи ва салламга «Намозингни баланд овоз бирлан ҳам, пичирлаб ҳам ўқимагил...» деган ояти каримасини нозил қилди».

Абу Саъсаъа нақл қиладиларки, Абу Саъид ал-Худрий ул кишининг оталарига: «Кўрдимки, сен қўй бирлан дала-тузни хушлар эркансан. Агар қўйларингни боқишга чиқсанг, ёким дала-тузда бўлсанг, намозга баланд овоз бирлан азон айтгил! Чунким, муаззиннинг овози қанчалик узоққа кетса, шунча кўп инсу жинлар ва бошқа нарсалар эшитгайда, қиёматда унга гувоҳлик бергай», — деб айтибдилар».

Оиша онамиз ривоят қиладилар: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайз ҳолимда бошларини бағримга қўйиб Қуръон тиловат қилур эрдилар».

53-боб. Оллоҳ таолонинг «Қуръондан (ўзингизга) осон бўлганларини ўқингизлар...» деган қавли хусусида

Умар ибн ал-Хаттоб бундай деб айтдилар: «Мен Жаноб Расулуллоҳ ҳаётлик вақтларида Ҳишом ибн Ҳакимнинг «Сураи Фурқон»ни ўқиётганини эшитиб қулоқ солдим, ул пайғамбаримиз менга ўргатганларидан кўра бошқачароқ (кўп ҳарфларда) қироат қилур эрди. Ҳазабимдан устига ташлангим келди-ю, бироқ намозини тугатиб икки елкасига салом бергунича ўзимни босиб турдим. Сўнг ридосидан маҳкам ушлаб: «Бул суранинг қироатини сенга ким ўргатган?» — дедим. Ул: «Жаноб Расулуллоҳ ўргатганлар», — деди. Мен: «Ёлғон айтурсан, ҳозир сен Жаноб Расулуллоҳ менга ўргатганларидан кўра бошқачароқ қилиб ўқидинг!» — дедимда, уни етаклаб Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб бордим. Кейин, Жаноб Расулуллоҳга: Ё Расулаллоҳ, бул одам «Сураи Фурқон»ни сиз менга ўргатганингиздек қилиб ўқимаётир!» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ менга: «Уни қўйиб юбор!» — дедилар. Сўнг, Ҳишомга қараб «Эй Ҳишом, қани ўқигилчи!» — деб айтдилар. Ҳишом боя мен эшитганимдек қилиб ўқиди. Жаноб Расулуллоҳ: «(Бул сура) шундай нозил қилинган», — дедилар. Кейин, менга: «Эй Умар, сен ҳам ўқигилчи!» — деб айтдилар. Мен ул зотнинг ўзлари ўргатганларидек қилиб ўқиб бердим. Жаноб Расулуллоҳ яна: «(Бул сура) шундай нозил қилинган», — дедиларда, сўнг: «Бул Қуръон етти ҳарфда нозил бўлгандур, улардан қайси бири ўзингизга осон бўлса ўшанисини танлаб ўқийверингизлар!» — деб тайинладилар».

54-боб. Оллоҳ таолонинг «Биз Қуръонни насиҳат учун осон қилдик, борми насиҳат олгувчи?» деган қавли ҳақида

Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ! (Ислом ҳукмларига) амал қилгувчилар нимага эришмоқ учун амал қиладилар?» — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Банда ўзи учун яратилган (тақдир қилинган нарсаларгагина муяссар бўлгай», — дедилар». Али ибн Абу Толиб ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг жанозасида эрдилар. Шунда қўлларига чўп олиб уни ерга урдиларда: «Ораларингизда жаннатдаги ёким дўзахдаги ўрни азалдан, ёзиб қўйилмаган бирорта ҳам одам йўқдур!» — дедилар. Саҳобалар: «Шундай эркан, таваккал қилиб яшайвермаймизми?!» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Амал қилаверингизлар, барчаси муяссар бўлгай!» — деб «Кимдаким хайр эҳсон қилиб, Оллоҳ таолодан тақво қилса...» деган оятни ўқидилар».

55-боб. Оллоҳ таолонинг «Балки ул Лавҳи Маҳфузда ёзилган Қуръони Мажиддур», «ват-тур ва китоб мастур» деган қавли ҳақида

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло Одамни яратишга киришмоғидан бурун «Менинг раҳматим ҳазабимдан устундур!» деб Лавҳи Маҳфузга ёзиб қўйди, ул эрса, Арши тепасидадур», — дедилар».

56-боб.

Оллоҳ таолонинг қавли: «Оллоҳ таоло сизларни яратди, аммо сизлар амал қилмаётирсизлар», «Дарҳақиқат, биз ҳар бир нарсани келиб-кетмоқ муддатини белгилаб яратдик», «Сурат чизувчиларга: «Ўзларингиз яратган нарсага жон ато этингизлар», — дейилади», «Дарҳақиқат, парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳ осмонлар бирлан ерни олти кунда

яратгандур, сўнг Аршга чиққандур, кеча ва кундузни бир-бири ила беркитур, бири иккинчисининг орқасидан тезда етиб келур, офтоб бирла ойни юлдузларни ўз ҳукмига тобиъ қилиб яратгандур, огоҳ бўлингизларки, яратмоқ ва ҳукм қилмоқ унгагина хосдур, ул буюк баракот соҳиби ва оламлар парвардигоридур!» Абу Хурайра ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Амалларнинг қайсиниси афзалдур?» — деб сўрашди. Ул зот: «Оллоҳ таолога иймон келтирмоқ ва Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ», — дедиларда, «Қилган амалларига (яраша) ажр оладилар» деган оятни ўқидилар. Абдулқайс қабиласидан келган вакиллар: «Ё Расулаллоҳ! Бизга бир қатор амалларни буюрингизким, уларни бажариб жаннатга кирайлик!» — дейишди. Жаноб Расулulloх уларга иймон келтирмоқ, калимаи шаҳодат айтмоқ, намоз ўқимоқ ва закот бермоқни амр қилдилар ва бу бирлан юқоридагиларнинг ҳаммасини амал деб атадилар».

Заҳдам ривоят қиладилар: «Жарм қабиласидан бўлган мана шул маҳалла аҳли бирлан ашъарийлар ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари мавжуд эрди. Биз Абу Мусо ал-Ашъарий ҳузурда эрканлигимизда товуқ гўшти солинган таом келтирилди. Баний Таймуллоҳ қабиласига мансуб бир киши ҳам шул ерда бўлиб, чамаси озод қилинган қуллардан эрди. Абу Мусо уни таомга таклиф қилди. Шунда бояги одамнинг таом ейишини кўриб, таъбим тирриқ бўлди. Ундан жирканганимдан: «Таом емагаймен!» — деб онт ичдим. Абу Мусо менга: «Тургил, бери келгил, мен сенга (қасам ичмоқ хусусидаги) бир ҳадисни ривоят қилиб берайин!» — дедида, қуйидаги ҳадисни айта кетди: «Бир куни мен ва бир гуруҳ ашъарийлар Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, улов сўрадик. Жаноб Расулulloх: «Оллоҳ ҳақи, менда сизлар учун яроқли улов йўқдур!» — дедилар. Шу аснода ул зотнинг ҳузурларига ўлжа олинган туяларни етаклаб келиб қолишди. Жаноб Расулulloх: «Ашъарийлар қаердадур?» — дедилар. Сўнг бешта оқ ўркакчи туяни бизга бермоқни амр қилдилар. Биз йўлга тушганимиздан кейин: «Бу нима қилганимиз?! Ахир, Жаноб Расулulloх аввал бизга улов йўқлигини айтиб қасам ичиб, сўнг бизни туяларга миндириб юбордилар-ку? Бизни деб Жаноб Расулulloх қасам ичганларини унутиб қўйдилар, энди сира ҳам омадимиз юришмагай!» — дедикда, ортимизга қайтдик. Жаноб Расулulloхга: «Биз сиздан улов сўраб эрдик улов йўқлигини айтиб қасам ичдингиз, (энди бўлгайдур?)» — дедик. Жаноб Расулulloх: «Уловни сизга мен берганим йўқ, Оллоҳ таоло ато этди. Оллоҳ таоло ҳақи, мен токим аввалги қасамимни каффоратини бериб ҳалоллаб олмагунимча, бирор бошқа қасамни афзал кўрсам, қасам устига қасам ичмагаймен!» — дедилар».

Иби Аббос ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloхнинг ҳузурларига Абдулқайс қабиласидан вакиллар келиб: «Биз бирлан сизнинг орангизда Музар қабиласига мансуб мушриклар ғов бўлиб туришибди, шул боисдан ҳам уруш манъ қилинган ойлардагина ҳузурингизга кела олурмиз. Бизга шундай амалларни буюрингизким, уларни адо этиб жаннатга кирайлик ва уйимизда қолган бола-чақаларимизни ҳам шунга даъват қилайлик!» — дейишди. Жаноб Расулulloх бундай дедилар: «Сизларга тўрт нарсани буюриб, тўрт нарсани манъ қилурман: «Иймон келтирингизлар! Иймон не эрканлигин билурмисизлар? Бу — Ла илоҳа иллаллоҳу деб гувоҳлик бермоқдур. Намоз ўқингизлар, закот берингизлар ва ўлжанинг бешдан бирини эҳсон қилингизлар! Дуббоъ, нақийр, заруф, музаффата ва хантамада ичимлик (тайёрлаб) ичмангизлар!».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бул суратларнинг (расм ва ҳайкалларнинг) эгаларига қиёмат куни азоб берилиб, уларга «Ўзларингиз яратган нарсани тирилтирингизлар!» — дейилгай» — дедилар».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloх саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бул суратларнинг

эгаларига қиёмат куни азоб берилиб, уларга: «Ўзларингиз яратган нарсани тирилтиринглар!» — дейилгай», — дедилар».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло: «Мен яратганим каби яратмоққа интилганлардан кўра (ўзига) зулм қилғувчироқ одам бормикан?! Бир заррани ёким бир дона донни яратиб кўрингларчи!» — деди.

57-боб. Фожиру мунофиқларнинг қироати, овозу тиловатлари бўғизлардан нарига ўтмайди!

Абу Мусо (ал-Ашъарий) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Қуръон ўқийдирган мўмин утружжа (лимон) янглиғ хуштаъм ва хушбўйдур, Қуръон ўқимайдирган мўмин эрса, хурмо каби таъми яхши бўлгани бирлан хушбўй эрмас, Қуръон ўқийдирган фожир (нопок одам) хусусига келсак ул райҳон каби хушбўй бўлсада, таъми аччиқдур. Қуръон ўқимайдирган фожир эрса, ҳанзала (аччиқ тарвуз) каби аччиқ бўлиб, ҳидсиздур».

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Бир гуруҳ одамлар Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламдан коҳинлар ҳақида сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: «Улар ҳеч қандай ғайри табиий қудратга эга эрмаслар», — дедилар. Одамлар: «Ё Расулаллоҳ! Баъзан уларнинг айтгани тўғри чиқиб қолгай-ку?!» — дейишди, Жаноб Расулulloҳ «Ўшал тўғри чиқиб қолган хабарни жинлар (осмонда малоикалардан) ўғринча эшитиб олишгайда, унга юздан ортиқ ёлғонни кўшиб, ўзларини мусаххар қилиб олган коҳиннинг қулоғига товуқ қақағлагандек қилиб етказишгай», — дедилар».

Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Машриқ томонда Қуръонни бўғзидан нари ўтказмай (яъни, тил учида, юракдан эрмас) ўқийдирган бир қавм пайдо бўлгай. Улар камондан отилган ўқ янглиғ тез диндан чиқгайлар. Кейин, қиёматга қадар ҳам динга қайтмагайлар», — дедилар. Уларнинг қандай белгилари бор?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: Улар сочларини тақир олдириб (ёким қирдириб) юргайлар», — дедилар .

58-боб. Оллоҳ таолониинг «Қиёмат куни адолат тарозуларини ўрнатурмиз» деган қавли хусусида

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Раҳмонга суюкли, тилга (айтиш) осон ва тарозуда оғир келадирган икки сўз мавжуд бўлиб, улар — «Субҳоналлоҳ ва биҳамдиҳи» ҳамда «Субҳоналлоҳил-азим», — дедилар».

ИЗОҲЛАР

Аббос ибн Абдулмутталиб — Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг амакилари, Аббосий халифаларнинг бобокалони. Ҳижратдан илгари исломга кириб, Маккани фатҳ қилишда иштирок этганлар. Жаноб пайғамбаримиздан 35 та ҳадис ривоят қилганлар. 32-ҳижрий (653) йили Мадинада вафот этганлар.

Абдуллоҳ ибн Абу Бакр — саҳоба. Жасорат ва ўткир зеҳн соҳиби бўлганлар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам билан Абу Бакр ғорда мушриклардан беркиниб ётганларида еб-ичгулик билан таъминлаб турганлар. Кўп ғазотларда катнашганлар. 11-ҳижрий (632) йили Тоифни фатҳ қилишда яраланиб вафот этганлар.

Абдуллоҳ ибн Буср — саҳоба. Тўлиқ номлари — Абдуллоҳ ибн Буср ал-Моликий, лақаблари — Абу Сафвон. Жаноб пайғамбаримиздан 50 та ҳадис ривоят қилганлар. 88-ҳижрий (607) йили 95 ёшда вафот этганлар.

Абдуллоҳ ибн Бухайна — ровий. Бухайна бинти ал-Ҳорис ибн ал-Мутталиб ибн Абдуманофнинг ўғиллари. Асл исмлари — Абдуллоҳ ибн ал-Қашаб ал-Молик ал-Аздий. Ўта такводор ва фозил киши бўлиб, муттасил рўза тутганлар. 11-ҳижрий (680) йили вафот этганлар.

Абдуллоҳ ибн Ваҳб — шоир. Тўлиқ исмлари — Абдуллоҳ ибн Ваҳб ибн Замъа ибн ал-Асвад ал-Асадий ал-Кураший. Макка фатҳи вақтида исломга кирганлар. Мадина қамали вақтида (ҳижрий 35-йил. милодий 656-йил) шаҳид бўлганлар.

Абдуллоҳ ибн Жаҳш — саҳоба. Бадр ғазоти иштирокчиларидан. Мўминлар онаси бўлмиш Зайнаб бинти Жаҳшнинг акалари. Милодий 624-йили Уҳуд ғазотида шаҳид бўлганлар. Амир Ҳамза билан бир қабрга дафн қилинганлар.

Абдуллоҳ ибн Жубайр — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абдуллоҳ ибн Жубайр ибн Нумон ал-Ансорий. Ақаба воқеаси ад-Бадр ғазоти иштирокчиларидан. Уҳуд ғазотида камончиларга қўмондонлик қилганлар ва шу жангда шаҳид бўлганлар (624).

Абдуллоҳ ибн Зайд — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Салаба ибн Абдраббих ал-Ансорий ал-Хазражий. Азон калималарини тушларида эшитганлар, Жаноб Расулulloҳ уни ҳақ деб Ҳазрат Билолга айтмоқни амр қилганлар. Бадр ғазотида иштирок қилганлар (623).

Абдуллоҳ ибн Зайд — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим ибн Каъб ай-Нажжорий ал-Ансорий. Ҳижратдан йил бурун туғилганлар. Бадр ғазотида иштирок этганлар. 48 та ҳадис ривоят қилганлар. Ҳарра ғазотида шаҳид бўлганлар.

Абдуллоҳ ибн Каъб — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Амр ан-Нажжорий. Бадр ва бошқа ғазотларда иштирок этганлар. 650 милодий йили вафот этганлар.

Абдуллоҳ ибн Мазъун — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абдуллоҳ ибн Мазъун ал-Жамҳий. Бадр ғазотида иштирок этганлар.

Абдуллоҳ ибн Муғаффал — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абдуллоҳ ибн Муғаффал ал-

Муланий. 677-милодий йили вафот этганлар.

Абдурраҳмон ибн Абзо — саҳоба, қори. Тўлиқ исмлари — Абдурраҳмон ибн Абзо ал-Хузозий. Хуросон амири бўлганлар. Кўплаб ҳадис ривоят қилганлар.

Абдурраҳмон ибн Сумра — саҳоба, лашкарбоши. Тўлиқ исмлари — Абу Саид Абдурраҳмон ибн Сумра ибн Ҳабиб ибн Абд Шамс ал-Қураший. Кўпгина ғазотларда, Сижистон, Қобул ва Хуросонни фатҳ қилишда иштирок этганлар. 14 та ҳадис ривоят қилганлар. 670 милодий йили вафот этганлар.

Абу Масъуд ал-Ансорий — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абу Масъуд Уқба ибн Амр ибн Саълаба ал-Ансорий ал-Бадрий ал-Хазражий. Ақаба воқеаси, Бадр, Уҳуд ва бошқа ғазотларда иштирок этганлар. Ҳазрат Алининг яқин дўстларидан бири. 102 та ҳадис ривоят қилганлар. 670 милодий йили Куфада вафот этганлар.

Абу Қатода — саҳоба. Тўлиқ исмлари — Абу Қатода ал-Ҳорис ибн Рабъий ал-Ансорий ас-Суламий. Бадр ғазоти иштирокчиси. 674-милодий йили вафот этганлар.

Алқама ибн Мужаззир — саҳоба. лашкарбоши. Тўлиқ исмлари — Алқама ибн Мужаззир ибн ал-Аъвар ал-Киноний ал-Мудлажий. Ярмук ғазотида, Фаластиндаги жангларда катнашганлар. 674-милодий йили ҳалок бўлганлар.

Амр аз-Замрий — саҳоба. Кўплаб ғазотлар иштирокчиси. 20 та ҳадис ривоят қилганлар. 55-ҳижрий (675-милодий) йили Мадинаи Мунавварада вафот этганлар.

Амр ибн Ҳазм — саҳоба, амалдор. Тўлиқ исмлари — Амр ибн Ҳазм ибн Зайд ибн Лавзон ал-Ансорий. Кунялари — Абу Заҳҳок. Хандақ жанги ва бошқа бир қанча ғазотларда катнашганлар. 53-ҳижрий (673-милодий) йили вафот этганлар.

Арҳам — саҳоба. Тўлиқ исмлари Абу Абдуллоҳ ал-Арҳам ибн Абдуманоф ибн Абуларҳам ал-Махзуний. Исломга олтинчи бўлиб кирганлар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ансорларга Макканинг Сафо тепалигидаги ўз уйларини бўшатиб берганлар. Пайғамбаримиз бошлиқ мусулмонлар ўша уйда йиғинлар ўтказишиб, одамларни исломга даъват қилишган. Бу уй “Байт ул-Арҳам”, “Байт ул-Ислом”, «Байт ул-Хайзурон» номлари билан машҳур бўлиб, ҳозирга қадар сақланиб қолган. Ҳожилар уни зиёрат қилишади. 55-ҳижрий (674-милодий) йили вафот этганлар.

Бурайда ибн ал-Хасниб — саҳоба. Аслам қабиласи шайхи. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга барча ғазотларда қатнашганлар. Тахминан 677-милодий йили Марвда вафот этганлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ — саҳоба, мударрис. Тўлиқ исмлари Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром ал-Хазражий ал-Ансорий ас-Суламий. Оталари ва ўзлари Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дастёрлари бўлганлар. 19 та ғазотда қатнашганлар, сўнг Масжид ул-Набийда мударрислик қилганлар. Имом Бухорий ва Муслим ибн Ҳажжож шу киши ривоят қилган. 1540 та ҳадисни ўз тўпламларига киритишган.

Жубайр ибн Мутим — саҳоба, уламо. Қурайш қабиласининг нуфузли кишиларидан. Тўлиқ исмлари Абу Адий Жубайр ибн Мутъим ибн Адий ибн Навфал ибн Абдуманоф ал-Қурайший. 59

та ҳадис ривоят қилганлар. 59-ҳижрий (679-милодий) йили Мадинаи Мунавварада вафот қилганлар.

Жундуб ибн Абдуллоҳ — саҳоба. Тўлиқ исмлари Жундуб ибн Абдуллоҳ, ибн Суфон ал-Бажалий ал-Алақий. Бир қанча ҳадис ривоят қилганлар.

Зубайр ибн ал-Аввом — саҳоба, ислом йўлида биринчи бўлиб қилич яланғочлаган зот, жаннати эканликлари башорат қилинган ўн саҳобадан бири. Жаноб Расулulloҳнинг аммаларининг ўғли. Тўлиқ исмлари Абу Абдуллоҳ ибн ал-Аввом ибн Хувайлид ал-Асадий ал-Қураший. 12 ёшларида исломга кирганлар. Бадр, Уҳуд, Ярмук, ал-Жобия, Жамал ва бошқа кўпгина ғазотларда қатнашганлар. Оллоҳ таоло йўлидаги жангларда кўп жароҳатланганларидан кўкраклари ўйдим-чуқур бўлиб кетган эди. Бўйлари баландлигидан от минсалар, оёқлари ерга тегиб қолар эди. 38 та ҳадис ривоят қилганлар. 34-ҳижрий (656-милодий) йили шаҳид бўлганлар.

Икрима ибн Абу Жаҳл — саҳоба. Тўлиқ исмлари Икрима ибн Абу Жаҳл ал-Махзумий ал-Қураший. Кўп ғазотларда қатнашганлар, 14-ҳижрий (634-милодий) йили Ярмук жангида шаҳид бўлганлар.

Имрон ибн ал-Ҳусайн — саҳоба, уламо. Тўлиқ исмлари Абу Нажид Имрон ибн Ҳусайн ибн Убайд ал-Хузозий. 130 та ҳадис ривоят қилганлар. 52-ҳижрий (672-милодий) йили вафот этганлар.

Каъб ибн Адий — саҳоба. Тўлиқ исмлари Каъб ибн Адий ибн Саълаба ал-Ибидий ат-Танухий. Мисрнинг фатҳ этилишида иштирок қилганлар. 25-ҳижрий (645-милодий) йили Мисрда вафот этганлар.

Каъб ибн Ужра — саҳоба Тўлиқ исмлари Каъб ибн Ужра ибн Умаййа. Кунялари — Абу Муҳаммад. 47 та ҳадис ривоят қилганлар 5-ҳижрий (677-милодий) йили Мадинада вафот этганлар.

Матар ибн Укомис — саҳоба. Тўлиқ исмлари Матар ибн Укомис ас-Суламий. Бир неча ҳадис ривоят қилганлар.

Нуъмон ибн Башир — саҳоба, амир. Тўлиқ исмлари Ан-Нуъмон ибн Башир ибн Салаба ибн Саъд ал-Ансорий ал-Хазражий. Оналари — Абдуллоҳ ибн Рувоҳанинг синглиси бўлмиш Амра бинти Рувоҳа. Куплаб ҳадислар ривоят қилганлар. 64-ҳижрий (682-милодий) йили ўлдирилганлар.

Саъид ибн Жубайр — фақих, муҳаддис. Тўлиқ исмлари Абу Абдуллоҳ Саъид ибн Жубайр ибн Ҳишом ал-Асадий. Асли Ҳабашистонлик. 45-ҳижрий (665-милодий) йили дунёга келиб, 95-ҳижрий йили шаҳид бўлганлар.

Сафвон ал-Жумаҳий — саҳоба. Тўлиқ исмлари Абу Ваҳб Сафвон ибн Умаййа. 3 та ҳадис ривоят қилганлар. Ярмук ғазотида шаҳид бўлганлар.

Сумома ибн Адий — саҳоба, амир. Бадр жангида қатнашганлар. 40-ҳижрий (660-милодий) йили вафот этганлар.

Суроқа ибн Жаъсам — саҳоба. 9 та ҳадис ривоят қилганлар. 24-ҳижрий (645-милодий) йили вафот этганлар.

Убода ибн ас-Сомит — саҳоба, қози. Тўлиқ исмлари Убода ибн ас-Сомит ибн Қайс ал-Ансорий ал-Хазражий. Кунялари — Абулвалид. Бадр жанги ва бошқа ғазотларда қатнашганлар. 181 та ҳадис ривоят қилганлар. 38-ҳижрий (654-милодий) йили вафот этганлар.

Умму Ҳаром — саҳоба (аёл). Тўлиқ исмлари Умму Ҳаром бинти Милҳон ибн Холид ибн Зайд ан-Нажжорийя ал-Ансорийя. Эркалар билан бирга кўп ғазотларда иштирок этиб, жанг қилганлар. Кипр оролини фатҳ этишда қатнашганлар. 27-ҳижрий (647-милодий) йили вафот этиб, ўша ерга дафн қилинганлар.

Умму Ҳониъ — Жаниб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари бўлмиш Абу Толиб Абдуманофнинг қизлари. 46 та ҳадис ривоят қилганлар. 40-ҳижрий (660-милодий) йили вафот этганлар.

Уқба ибн Омир — саҳоба. Миср волийси, амирулбаҳр (адмирал), Қуръони Кариймни жамлашда жонбозлик кўрсатган зотлардан бири. Мисрни фатҳ қилишда қатнашганлар. 55 та ҳадис ёзиб қолдирганлар. 58-ҳижрий (678-милодий) йили вафот этиб, Қоҳирадаги Уқба ибн Омир масжиди ёнига дафн қилинганлар.

Қайс ибн Абойа — саҳоба, ғозий. Бадр жангида, Шомни фатҳ қилишда иштирок этганлар. 45-ҳижрий (665-милодий) йили вафот қилганлар.

Қайс ибн Саъд — саҳоба, аламбардор. Миср волийси. Кўп ғазотларда иштирок этганлар. 16 та ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳаким ибн Ҳизом — саҳоба. Мўминлар онаси бўлмиш Хадича разияллоҳу анҳонинг акаларининг ўғли, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дўстларидан бири. 40 та ҳадис ривоят қилганлар.